

"ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ" ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор — Н.Тўхлиев.

Директорнинг биринчи ўринбосари — Д.А.Шорахмедов. Директор ўринбосарлари — М.Н.Аминов, А. Ниёзов.

Тил ва адабиёт илмий тахририяти — А. Мадвалиев (мудир), Ҳ. Абдиев (етакчи илмий муҳаррир).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими - И.Р.Ҳодиев (бошлик). А. Бурхонов (бош рассом), М. Олимов (етакчи техник муҳаррир), А. Ёқубжонов (етакчи илмий профаммист), Д. Ҳасанова (саҳифаловчи-оператор).

Луғат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Луғатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Луғат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг уқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

ББК 81.2Ўзб-4

и, 70105-071 358-2006

ISBN 5-89890-132-9

© "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.

Е

ЕБИР-ЕСИР: ебир-есир қилмоқ *шв.*

Хонавайрон қилмоқ, ҳар нарсадан маҳрум қилмоқ. *Чамбил юртин ебир-есир қиламан, Қайтиб келиб, шоҳ қизини оламан. «Маликаи айёр». Лашкар олиб, бундан турмай борарман, Элатини ебир-есир қиларман. «Баҳром ва Гуландом».*

ЕБ-ИЧМОҚ 1 Ейиладиган, ичиладиган нарсалардан истеъмол қилмоқ. *Ҳамма еб-ичиши билан овора бўлиб, ҳеч кимдан овоз чиқмай қолган пайтда.. П. Турсун, Ўқитувчи. Қани, тақсир, дастурхонга марҳамат қилиб, еб-ичиб, гаплашиб ўтиринглар.. К. Яшин, Ҳамза. Бир одамга ҳам рўзгор, қозон-товоқ керак, бутлаб олсанг бўлар экан. Ҳозир еб-ичадиган пайтинг. С. Нуров, Нарвон.*

2 кўчма Қаттиқ дакки (жазо) бермоқ, юлиб-таламоқ. *Биз икков, агар қўйиб берсанглар, гўё бир-биримизни еб-ичмакчи эдик. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Ўқишга берилиб кетиб, вақтнинг қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолибман. Уйдагилар ҳали мени еб-ичишади. Ф. Насриддинов, Кўнгил.*

ЕБТУИМАС Овқатни кўп ейдиган, ега-ни билан тўймайдиган; очофат, мечкай. *Ебтўймас бола.*

ЕВРЕИ *ait.* яҳудий.

ЕВРО [< Европа қитъаси номидан] Европа Иттифоқи таркибидаги Европа иқтисодий ва пул ҳамжамияти аъзоларининг 1999 йил 1 январдан муомалага чиқарилган пул бирлиги. *Сўмнинг еврога нисбатан курси.*

ЕГИЛИК *с. т.* Егулик.

ЕГУЛИК 1 Ейиладиган, овқат учун ис-теъмол қилинадиган нарса; озиқ-овқат. *Зиёфатларга борганда-ку, ёнига ўтириб олиб, тарелкасига егулик тўлдирши билан банд бўлардингиз. М. Ҳазратқулов, Журъат. Дас-турхонни ёз! Егулик нарсанг борми? Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

2 Ўз эҳтиёжи учун экилган ёки ажра-тилган нарса, озиқ-овқат ҳақида. *Егулик қовун. Егулик ун. н Қолгани — бола-чақамга егулик. Жамоа текшириб кўрган. Ботиралидан*

сўранг! Ҳ. Гулом, Машғал. *Шунда Биноий ёдаки бир рубоий айтиб, егулик галласи йўқлигини, кияй деса, галланинг қопи ҳам топилмаганини айтди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Ейиш учун керакли, ейишга етарли. *Бу йил яхши мева қилмади-ю, ҳар қалай егулик топилади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЕГУЛИК-ИЧГУЛИК Ейиладиган-ичи-ладиган нарса; озиқ-овқат. *-Бу касб [қаландарбаччалик] менга кўп маъқул тушиди. Егулик-ичгулик истагандан мўл, ёмғирдек ёгилиб келиб туради, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЕДИРМОҚ 1 Емоқ фл. орт. н. *Овқат едирмоқ. Яхши — қанд едирар, ёмон — панд едирар.* Мақол. **тии** *Нигор ойим Мансурга қолган ошани едириб қўйиш билан, ора-чора гапга ҳам қулоқ солгандай бўлар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Бирор нарсани бошқа қаттиқроқ нарсага ишқаб текисламоқ, ишқалаб сий-қаламоқ. *Ошиқни гиштга едирмоқ.*

3 Суюқликни (мой, дори ва ш. к.ни) бирор нарсага ишқалаб сингдирмоқ.

4 кўчма Сингитиб йўқотиб юбормоқ. *Султонмурод.. дўстининг шеърларида унга аввалдан белгили бўлган баъзи умумий нуқсонларни едириб кетиши учун кўпроқ завқ ва руҳ билан ўқишига тиришиди.* Ойбек, Навоий.

5 *тех.* Бир-бирига ишқалаб мосламоқ.

ЕЗНА *шв.* Почча. *-Уҳ ноинсоф! Пирнафас езнанг, опанг, жиянинг аҳволи не кечар экан, — деди маъюс оҳангда Ўтар бува.* Ж. Ша-рипов, Хоразм.

ЕЙИЛИШ *махс.* Буюмлар сиртининг ўза-ро ишқаланиш, ташқи муҳитнинг бевосита таъсири натижасида уларнинг ўлчам, шакл, вазн ва б. жи\атлардан аста-секин ўзгариши. *Механик ейиши. н* *Абразив ейишига асосан ишқаланиш сабаб бўлади.* «УзМЭ».

ЕЙИЛМОҚ 1 Емоқ фл. мажх. ва ўзл. н. *Ош ейилди. ит* *Таом иштаҳа билан ейилгандан сўнг.. \\акимбойвачча\ аччиқ чойни қуя бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ишқаланавериб едилмоқ, сийқа-ланмоқ. *Этикнинг пошнаси ейилиб кетибди. ш* *Уйда битта ёғоч чўмич бор-у, битта учи ейилиб кетган қора ёғоч қошиқ. Ж.* Шарипов, Хоразм. *Ҳаммасидан ҳам парманинг тиши ейилиб кетавериши ёмон экан.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

Ейилиб қолмайди (ейилиб қолмас) Ҳеч нарса бўлмайди, зарар-зиён қилмайди. *Худога шукур, уларнинг кўп экан. Озгина вақт турсак, ейилиб қолмас* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

ЕЙИМЛИ Иштаҳа билан ейиладиган, хушхўр (мол овқати хақида). *Кимёвий усулда ишланган озуқанинг таъмини ва ейимли бўлишини ошириш мақсадида озуқалар концентратлар билан кўтитилади.* Газетадан.

ЕЙИМЛИК кам қўлл. қ. **егулик.** *Менгбой икки кишига зоят ортиқчалик қиладиган ейимлик ва ичимликлар буюрди. Ш.* Хол-мирзаев, Оғир тош кўчса. *Ейимлигу ичимлик тўла Нозу неъмат дастурхонида.* Э. Раҳим.

ЕЙИШЛИ 1 Иштаҳа билан, севиб ейи-ладиган, хушхўр. *EUUULW NON.*

2 Еса бўладиган, еб бўладиган. *Ейишли мева.*

ЕЛ I 1 *айн.* **шамол.** *Тогдан совуққина ел эсарди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Тун аёз, изгириқ ел тўрт тарафга югуриб, жон ачитмоқчи бўлар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Алижон Тошкентга елдек этиб келди.* Мирмуҳсин, Чиникиш. *Бўтабой эпчиллик билан эгарсиз отга минди-да, бир-икки аччиқ қамчи босди: от жон-жаҳди билан пастга қараб елдек учиб кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Бирор нарса ичига дамланган хаво; дам. *Баллоннинг ели чиқиб кетибди. н* *[Отабек] Ўн беш дақиқалардан сўнг, ичига ел қамалган пуфакдек, «уфф» этиб юборгач, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ичакда ҳосил бўладиган ҳаво, газ. *Қабзият ортди-да, қабзият.. Шу вақт бир ел юришса, кўзим очилармиди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Елга учмоқ Бекор кетмоқ, фойдасиз бўлмоқ. *Ниҳоят, кутилган кун келди. Бутун вужуди бшан қилинган гайрат, ҳаракат елга учмади.* **Н.** Орифжонов. Х[^]-Човат. **Елгаучирмоқ** (ёки **совурмоқ**) Бекор кетказмоқ, йўқ қилмоқ. *Гапларимни елга учириб нима қиламан, дердим.* **Х.** Турсункулов, Ҳаётим қиссаси. *Ишни барбод қилган. давлатнинг минглаб сўмларини елга совурган..* **С.** Каро-матов, Эътиқод. **Оғзининг ели** <-Бир оғиз сўзи, гапи билан бўлади, битади» маъно-сини билдиради. *Битта аэронинг нима деган гап ? Охунбобоевдай одам учун оғзининг ели.* **Ҳ.** Фулом, Тошкентликлар. *Валихонширга никоҳ чўтми.. оғзининг елига тўй, оғзининг елига мотам.* **Ш.** Тошматов, Эрк қуши.

ЕЛ П Киши организмдан бирор қис-мининг чириши, бузилишидан иборат оғир касаллик. *Унинг бурнини ел еди.*

Ел есин (ёки **егур**). Ел КасаҗХиннига нис-батли қарғишни бидиради. *Туришини қара.. турқингни ел есин!* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳозир бориб, у бебурднинг додини бериб қўяй. Вой тусингни ел егур.* **С.** Аҳмад, Уфқ.

ЕЛВАГАЙ Енгли кийимларни ростмана киймай, ўрамай, елкага ёки бошга ташлаган ҳрлда. *Чопонини елкасига елвагай ташлаб, токчада тикка турган кўзгуга биринчи марта қаради.* **А.** Мухтор, Опа-сингиллар. *Рўмолини бошига елвагай қилиб ўраб, бир учини қайириб, оғзига тишлаб, чўп би,ин ер чизади.* **Т.** Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ЕЛВИЗАК Қарама-қарши эшик-дера-залар очик бўлган вақтда ёки тор оралик-дан ўтиб турадиган ҳаво оқими, ўткинчи шамол; шундай шамолли ҳолат. *Ниҳоят, дераза тепасидаги дарчада елвизак эса бош-лади.* **Ш.** Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Елвизак шамолнинг йўқлиги айвоннинг яна бир асосий қусуридир.* «Фан ва турмуш». - *Вод, елвизак қилиб қўйибмиз-у, — деб эшикни икки қўллаб итариб ёнди.* **С.** Кароматов, Ол-тин кум.

ЕЛДИРИМ кт. Яшин, чакмоқ. *Зие'dwwa ўрин-кўрпасини шошиб йигиштираркан, мияси елдириш тезлигида ишлаб, ҳар хил мгло.ҳазашрга борди.* **Ҳ.** Фулом, Машғал.

ЕЛИБ-ЮГУРМОҚ Бирор иш ташви-шида тез ҳаракат қилмоқ, у ёқ-бу ёққа югурмоқ. *Дўстининг дом-дарагини суриш-тириш учун Қоратой темирчи елиб-югурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қурбон ота елиб-югуриб, сал кунда қишки ва ёзги чойхонанинг кам-кўстини тўғрилаб олди.* **А.** Қаҳ\ор, Қўш-чинор чироклари. *Сингисининг тўйида елиб-югурибхизмат қилди.* «Ешлик».

ЕЛИК шв. айн. **енглик 1.**

ЕЛИКИШ 1 Еликмоқфл. ҳар. н.

2 тиб. Оғиз шиллик пардаларининг ял-лиғланиши.

ЕЛИКМОҚ 1 Еликиш касали билан офимоқ. *Боланинг милки еликибди.*

2 Пуфакка ўхшаб шишмоқ. *Унинг кўз томирларига қон югурган, юзи сўлгин, ранги заҳил, қовоқлари еликкан эди.* **Й.** Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

ЕЛИМ \ф. f_L — елим, клей] **1** Дарахт танасидан силқиб чиқиб, қотиб қолган епишқоқ шира. *Мастонбиби конвертни ўрик е. иши бишин ёпиштириб, боягидек қилиб қўйди.* **С.** Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Улаш, бириктириш учун ишлатила-диган ёпишқоқ модда; клей. *Дурадгорлик елими. Елим пиширмоқ.* **н** *Парча-парча ха-риталарни елим билан ямаб, кўк, қизил чи-зиқлар чизиб қўйшкан жойларини кўрсатди.* **И.** Раҳим, Чин муҳаббат.

3 кўчма Хиралик қилиб ёпишаверадиган; шилқим. *Бу тоифа одамлардан қочиб қу-тулмасанг, бошқа йўл билан қутулиб бўлар-миди. Елим-ку, елим улар.* **С.** Аҳмад, Ҳикоя-лар. *Нодирбек ўлгудек шилқим, елим, ёпиш-қоқ йигит экан.* **М.** Қориев, Ойдин кечалар.

4 с.т. Баъзи буюмларни ишлаш, яшаш v-чун қўлланадиган сунъий модда; целлюлоза. *Елим пақир. ит Лекин Ўлжаев ёпишган ери-дан узиб ўрганган, елим қошиқ одам экан.. «Муштум». Мулозим йигитнинг елим патнисда иссиқ кофе келтирганини ҳам сезмади. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ЕЛИМБАЛИҚ Чучук сувда яшайдиган, карплар оиласига мансуб бир турли балиқ.

ЕЛИМЛАМОҚ Елим суртмоқ, елим бермоқ. *Биров йўлда очиб ўқийдигандек, яхшиюбелимлади. Шухрат, Умр поғоналари.*

Тайёрми ҳали кишоб, Елимлаб, қирқиши бор. Қ. Муҳаммадий.

ЕЛИН Урғочи сутэмизувчи ҳайвонлар-нинг сут ажратиш аъзоси, сут беши; эмчак. *Оғизгинангда ўтинг бор, Елингинангда сутинг бор. «Бойчечак». Подадан қайтаётган она қўйларнинг маърашлари, елини чатнаб тур-ган говмиш сигирларнинг лапанглабюришлари.. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.*

ЕЛКА 1 Қулнинг танага яқин қисми. *Ахмаджон уни дарҳол тортиб олиб қараса, ўнг қўли елкасидан узишган. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Аравакаш елкасини гупчакка тираб итарса ҳам, от тўрт оёғи ерга мих/ингандаи, қимир этмасди. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳар елкасида мендай болалардан иккитаси ўтирса бўлар. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Тананинг икки елка, курак қисми, кифт. *Салимбойвачча ўз ёнига бир хотинни ўтказди.. У елкаси кенг, кўкракдор, лўппи юзли эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 кўчма Кийимнинг елка устида туради-ган қисми. *Кўйлакнэжг елкаси тўғри келмади.*

4 кўчма Зимма, гардан. *Теримни маши-налар елкасига юклаганмиз. А. Аҳмаджонов, Иш боши.*

5 тех. Ричагнинг таянч нуқтасидан куч қўйилган нуқтасигача бўлган қисми. *Елкасини тўғрилаб олмоқ.*

Елкаси ерга тегмаган қ. тегмоқ 1. Елкага минио олмоқ айн. бўйнига миниб олмоқ. бўйин I 1. *Елкамга \хўжайинлар\ хўп минишиди. Энди бас! Ойбек, Танланган асарлар. Мусулмонқул эл елкасига минди.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Елка(си)га ортмоқ (ёки юк-ламоқ) Иш ёки вазифани бирор кимса ёки нарса зиммасига ўтказмоқ. Ҳамма ишни ўринбосари елкасига юклабди. Елкамнинг чуқури кўрсин* Бундан кейин умрбод кўрмай. *Зуннунхўжанинг уйини елкамнинг чуқури кўр-син. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Елка-сини қисмоқ 1) совуқдан ёки руҳий азобдан бошини елкалари орасига олмоқ. Ёрмат кў-чадан келди, елкасини қисиб, танчага ўтирди. Ойбек, Танланган асарлар; 2) инкор ёки таажжуб аломати; «йўқ», «билмайман» каби маъноларни ифодаловчи ҳаракат. -Аканг уйга кетдимикин ? — деб сўрашди Давлатёрдан. У елкасини қисди, чунки билмас эди. П. Тур-сун, Ўқитувчи. Елкасидан сафар ойн кўрин-моқ* Жуда ночор аҳволга тушмоқ, путурдан кетмоқ, хароб бўлмоқ. *Э, сен, елкангдан сафар ойн кўриниб қопти-ю, яна менга тик гапирасан-а, гадойвачча! К. Яшин, Ҳамза.*

ЕЛКАДОР Елкаси одатдагидан кенг; кенг елкали. *Ойниса эшикка яқинлашганда, кўча қоронғисидан турган елкадор эркакнинг дуркун қоматини кўрди. Ҳ. Гулом, Тошкент-ликлар.*

ЕЛКАДОШ Ишда, меҳнатда ёнма-ён турувчи, бир ғоя-мақсад учун биргалашиб курашувчи. *..жуда қийналаман деб ўйлаган эдим. Йўқ, одамларимиз бир-бирига ёрдамчи, елкадош бўлиб ишлади. С. Абдуқаҳҳор, Қу-вондиқ. Баширатнинг назарида, бу одам-ларнинг кўз қарашларидаги ишонч ҳам ўз-ларини бутун шаҳарлардаги жуда кўп шундай кишилар билан елкадош деб билганликларидан эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ЕЛКАЛАМОҚ Елкага олмоқ, елкада кўтармоқ. *Ўқ-дориларни отларга ортиб, қолгаширини ўзимиз елкалаб олдик. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Кийимлари солинган тўрвани елкалаб, чумчуқ чирқилламай келувди мактабга. М. Ҳазраткулов, Журъат.*

ЕЛКАЛИ айн. **елкадор.** *Рустам баланд бўйли, кенг елкали, баҳодир йигит бўлиб етишиди. «Олтин бешик».*

ЕЛКАМА-ЕЛКА 1 Елкадан елкага ўт-казиб, навбатма-навбат елкалашиб. *Одамларнинг табиати қизиқ: бугун бири иккинчиси билан ёқалашса, эртанги кунни азада елкама-елка туриб, тобут кўтаради.. «Ёшлик».*

2 Бир сафда, ёнма-ён туриб; тенг. *Мели-қўзи билан елкама-елка бўлиб ишлаётган Жўра Солиев, Мадали ва Раҳимжон Йўлдошевлар озгина тер тўкмадилар. Н. Сафаров, Карвонбоши Мелиқўзи.*

ЕЛКАН 1 Кема мачтасига ўрнатилган, шамол кучи билан кемани юргизадиган катта кенг чодир. *Елканни кўтармоқ. н Баъзилари елкан ямайди, Кекса ошпаз чарх-лайди пичоқ. Э. Раҳим, Янги қадам.*

2 Шундай чодир ёрдамида ҳаракат қи-ладиган, елканли кема. *Очиқ денгиз устидан енгил шамол елмоқда, Хув.. оқариб узоқдан, ёлғиз елкан келмоқда. 3. Диёр.*

3 кўчма Елканга ўхшаш, унга нисбатли нарса. *Икки капалак кенг елкан ёйиб кўтарилди-ю, салўтмай кўздан гойиб бўлди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

ЕЛМОЯ Тез юрадиган (югурик) туя. *Ой Зебом елмоя миниб йўртади. «Ёзи билан Зебо».*

ЕЛМОҚ 1 Ҳаракатга келмоқ, эсмоқ. *Шамол ўйнаб, шамол елади. Э. Раҳим. Қир устида шабада Бир текисда елмоқда. 3. Диёр.*

2 Шамолда, шамол кучи билан юрмоқ, учмоқ. *Ҳайдар ота унинг кетида қолиб, аста-секин елиб юрган саргимтир чангага қара-ганича хомуш қолган эди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

3 Тез юрмоқ, югурмоқ, шамолдек учмоқ. *Аскарлар турнадай тизилиб, елиб кетишиди. П. Турсун, Ўқитувчи. Поезд шу қадар елмоқ-даки, Норматнинг назарида поёнсиз дашт чир айланиб, телеграф столбалари унга қараб чопибкетаётгандай. И. Рақим, Чин муҳаббат. Аваз аравага чиқиб улгурмай, от елиб кетди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

4 шв. Елдирмоқ. *Майдон-майдон бедовларни елинглар.. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Текис ерда бедов отни еламан. «Ойсулув».*

ЕЛПАТАК: елпатак бўлмоқ Атрофида гирдикапалак бўлмоқ, хизматида елиб-югурмоқ. *Мунча ўша зормандага елпатак бўлавермасангиз? Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Бурнигача беркитиб рўмол ўраб олган Зухра буви елпатак бўлиб, чой тараддудини кўрди. Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар..*

ЕЛПИМОҚ 1 Елпиғич ёки бошқа еп-рор нарса воситаси билан ўзига ёки ўзгага ел, шабада тегизмоқ. *...хитойи елпиғич билан ўзини елпиди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Зайнаб шу ҳолда узоқ фурсат эрини елпиди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Ёрмат.. қаттиқ «уҳ» тортди ва чопонининг ёқаси билан кўкрагини елпиди. Ойбек, Танланган асарлар. Поезд дим бўлга-нидан, йўловчилар газета билан ўзларини елтирдилар. С. Аҳмад, Хотин.*

2 Ҳилпиратмоқ, тебратмоқ. *Тогдан эс-ган шабада.. аёлларнинг чакка сочлари ва бошларидаги рўмолларини бетиним елтирди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Шамол воситасида донни чиқинди ва чангдан тозаламоқ, совурмоқ. *Мошни елтимоқ.*

ЕЛПИШТОВОК 1 Дон елпиш учун иш-латиладиган ясси, юза ёғоч идиш. *У одамларга пича қараб турди, кейин елпишто-воқдай кенг, солқи юзи бирдан тиржайди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

2 кўчма Шу нарсага нисбатлашни, унга ўхшаш нарсани (кишининг бети ва ш. к. ни) билдиради. *Кўйсанг-чи ўша елпиштовогингни! Сенга шундай жононларни топиб берайки, хуснини кўриб, ақлинг оғмаса ҳисобмас. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

ЕЛПИҒИЧ 1 Елпиш-елпиниш учун ишлатиладиган ярим доира ёки доира шаклидаги буюм. *Мирзо Баҳром.. хитойи елпи-ғич билан ўзини елпиди.* А. Қахҳор, Мирзо. *Афанди товуқ патидан ранг-баранг елпиғич ясаб, бозорга олиб чиқди.* «Латифалар». *То-вуслар кўркам думларини елпиғич каби ёйиб, асша мағрур юришади.* Ойбек. Навоий.

2 Умуман, елпийдиган нарса. *Иккмнчиси югурганча ҳужрадан бўйра елпиғични олиб чиқиб, оловни елпиди.* «Саодат». *..отлар дум-ларини елпиғич қилар ва косилкани ялқовлик билан тортарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЕЛҚАНОТ Ниҳоятда тез юрадиган, югу-рик, учар. *Соатиға 200 километр йўл босадиган елқанот машина.. тик довларнинг биринчисидаяқ ҳорғин туядек чўкади-қолади.* Ҳ. Ғулом, Куба ҳақида ҳикоялар.

ЕМ I 1 Ҳайвонларга бериладиган ғалла маҳсулотлари ва улардан тайёрланадиган озуқа. *Ем еган от тўрвани тешар.* Мақол. **н** *Янга охурдаги емини ямлаб ютаётган сизир-га қаради.* С. Нуров, Карвон. *Тарлонга азонда беш кило, шушда беш кило, оқшомда ҳам шунча арпа ем бердим.* Т. Мурод, От кишна-ган оқшом.

2 Кўлда боқиладиган қушларга бериладиган гўшт.

3 Қармоққа ёки тузоққа илинтириб қўйиладиган гўшт, чувалчанг ва ш. к.

Баланд (ёки катта) охурдан ем емоқ Ҳаёт, маишат даражаси юқори бўлмоқ (як-ка шахс ҳақида). *Сиз баланд охурдан ем еб юрган болага ўхшайсиз.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сен катта охурдан ем еб ўргангансан, чидол-майсан.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироклари. **Ем бўлмоқ** Нарсага ёки кимсага емиш бўлмоқ, йиртқишлар оғзига тушиб ҳалок бўлмоқ. *Икки шунқор талашса, бир қарғага ем бўлар.* Мақол. **нл** – *Турғуной, — деди Масшон, — шу ерда қоладиган бўлсак, бўрига ем бўламиз.* А. Қдхҳор, Мастон. **Оқ ем бўлмоқ** Сувда кўп туриб ёки чайналавериш оқариб кетмоқ (эт ёки тери ҳақида). *Оғзидаги оқ ем бўлибкепган чандирни олиб, намат тағига қистирган кам-пир.. йиглаб юборди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЕМ II От оёкутрида ҳосил бўладиган чиқик, шиш касаллиги. *Отнинг оёғига ем тушса, оёғи қотиб қолади.* *Пайлари дириллаб учади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

Оёғинга ем тушганми? Секин, судралиб юрадиган (қадам ташлайдиган) одамга нисбатан қўлланадиган ибора.

ЕМАК I Егулик нарса; егулик, овқатлик, овқат. *Кечки емакка чақа топиш учун зару-рият сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уйда емакка бир қисим жўғари [жўхори] қолмади..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЕМАК II эск. айн. **емоқ.** *Хизмат туга-лаёзгандан кейин ўзининг совиб қолган ошини емак учун Офтоб ойимлар ёнига ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЕМАКХОНА Овқатланиладиган жой, хона; ошхона. *Мадрасамиз уч қаватли бўлиб, биринчи қаватида ошхона, емакхона жой-лашган эди.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. *Бозчада овқат вақти бетинч бўлади: бири қошиқ ўйнаб, овқатини тўқади, бири бошқасиникига нон ташлаб юборади.. Шундай пайтда емакхонани айланаб юра-диган одати бор.* Шухрат, Жаннат қидир-ганлар.

ЕМИРМОҚ I Қўпориб, ағдариб тушир-моқ, нурутмоқ. *Сув соҳилни емирар, алам — дилни.* Мақол. **м** *Қирғоқларни емирган Аму, Тоғу тошни кемирган Аму.* Э. Раҳим.

2 кўчма Харобага, вайронага айлан-тирмоқ, бузмоқ. *Душман қанчалик ганги-тилса, унинг ўт очииш нуқталари қанча кўп емириб ташланса, ҳужумнинг муваффақияти шунча муқаррар бўлади.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

3 Йўқ қилмоқ, барбод қилмоқ, тугатмоқ. *Умрни меҳнат эмас, гам емиради.* Ойбек, О. в. шабадалар. *..сизнинг ёрдамингиз менга большевикларнинг ўсиб бораётган кучини еми-риш учун керак.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЕМИШ Озиқ-овқат бўладиган нарса; овқатлик. *Молга берсанг соз емиш, боқар сени ёзу қиш.* Мақол. **н** *-Емиш олиб келдим, — деди Баҳри эридан қўрқа-писа, — шавла билан нон.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

Емиш бўлмоқ айн. ем бўлмоқ қ. ем I.

ЕМЛАМОҚ Ем бермоқ, ем билан боқ-моқ. *Фиркўкни емлаб, эртаги урушининг гамини гамлаб, хотирини жамлаб ўтираверди.* «Равшан».

ЕМОҚ 1 Таом истеъмол қилмоқ, овқат-ланмоқ, тановул қилмоқ. *Қовун есанг — саҳар е, саҳар емасанг — заҳар е.* Мақол. **н** *Биров ичибўлган дейди, биров ёмонроқ овқат еган экан дейди.* «Гулдаста». *У [Бектемир] окопда қаттиқ нонни қусурлатиб чайнаб, консерва билан қўшиб, маза қилиб еди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Тирикчилик ёки маишат учун иш-латмоқ, сарф қилмоқ. *Ётиб еганга тоғ ҳам чидмайди.* Мақол. **т** *У [мирзо] бир кунлик даромадини ўн кун ер эди.* А. Қаҳдор, Мирзо. «*Ҳосилини еганда эсласалар, бас*», *деган орзу-ўйи қуришамми уни.* «Гулдаста».

3 Узиники қилмоқ, ўзлаштириб олмоқ. *Уезд ҳокими «акангни мингбоши қиламан» деб, уч минг йигирма етти сўм пулини еб, сайловда дегрезлик Исомиддин деган жаллоб-ни сайлаган экан.* А. Қаҳдор, Ёиллар. *Акам бировнинг томини тешиб қамалган эмас ё бировнинг ҳақини еган эмас.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 қўчма Ишдан, сафдан чиқармоқ; ши-кастлантормоқ, майиб қилмоқ; ўлдирмоқ. «*Отни единг*», *дедим ичимда.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Шундай, дўстим. Эндиунинг ўзини йўқ қилмасак, сени ҳам, мени ҳам ей-ди.. — деди Давлатёр.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Камбагалчилик одамнинг ёруғ дунёдан бўлган умидини кемириб, зангдай еб ташлар экан.* А. Қаҳдор, Қўшчинон чироклари.

5 Баъзи сўз-отлар билан қўлланиб, шахс-га шу сўз билдирган нарсанинг (зарбнинг) тегиши маъносини билдиради. *Мас, калтак емоқ, мушт емоқ, қамчи емоқ, тепки емоқ, шапалоқ емоқ, тарсаки емоқ ва б.*

Адабини (ёки таъзирини) емоқ қ. таъзир. *..вақтинча қозонган муваффақиятлари билан талтайиб кетган фашистлар адабларини емоқдалар.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Бўлди, яхишлар, шунча таъзирини еди, энди тавба қилгандир.* А. Муҳиддин, Риёкор. **Барҳам емоқ айн. барҳам топмоқ қ. барҳам.** *Дунёда ноҳақлик қанча камайса, тўхмат барҳам еса, шунча яхши.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. **Бошини емоқ қ. бош.** *Бу феминг бўлса, ё муродинга етасан, ёбошингни ейсан.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Гап емоқ қ. гап П.** *Қишининг узун кунларида улфатлар бу ерда гап ейишади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Дакки (ёки дашном) емоқ қ. дашном.** *Кичкина бир қизчадан дакки еган ҳалиги аёл Эргашойни талаб берди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Дам емоқ қ. дам.** **Заха еган айт. захаланган қ. захаланмоқ. Илоннинг ёғини еган айт. илоннинг ёғини ялаган қ. ёғ.** *..шум укаси, илоннинг ёғини еган мўлтони онаси борлигини яширгандир..* А. Қаҳдор, Қўшчинон чироклари. **Ичини (ёки ич-этини) емоқ** *Рухан азобланмоқ, безовта-ланмоқ. У шу оғир фикрлар билан ичини еб турганда, ичкаридан паранжили хотин чи-қиб, эркалардан олисроқда тўхтади.* М. Ис-моилий, Фарғона т.о. *Содда қишлоқ боласи дилига тугилган гапларни айтолмай, кўп вақт ич-этиши еб, саросимада юрди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Лат (ёки шикаст) емоқ қ. лат.** *Бўронда лат еган томлар, тахта деворлар ремонт қилинди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳаво жангида шикаст еган немис самолёти.. йигирма-ўттиз метр нарига келиб қўнди.* А. Қаҳдор, Олтин юлдуз. **Офтоб емоқ** *Офтоб таъсири ўтмоқ, тегмоқ. Узун шим кийган бу ёш йигитнинг синиққан рангига кўзи тушиши ҳамон, офтоб емаган студентлардан бўлса керак, дебўйлади.* С. Анорбоев, Оқсой. **Панд емоқ қ. панд. Пишириб е (пишириб ссин, пишириб ейдими)** «*Узингга буюрсин*», «*ўзингдан бошқага керакмас*» маъносини билдиради. *Гулнор ўлгур, сени биров пишириб ейдими?* Ойбек, Танланган асарлар. **Пушаймон емоқ (ёки бўлмоқ)** *Бирор иш, хатти-ҳаракати учун афсусланмоқ, афсус чекмоқ. Ҳой Соддиқ, кўзингни оч!.. Кейин пушаймон ейсан!* С. Абдуқаҳдор, Кўзлар. **Совуқ емоқ** *Совкотмоқ. .. от пишқиригидан чўчиб тушди-ю, шундагина ўзининг совуқ ея бошлаганини сезди.* Н. Фозилов, Дийдор. **Тараддудини емоқ (ёки кўрмоқ)** *Ҳаракатини қилмоқ. Уруш тараддудин ҳаммангиз енглар.* « Юсуф ва Ах-

мад». **Фириб емоқ** қ. **фириб**. **Эсини** (ёки **акпини, миясини**) **емоқ** қ. **мия**. *Ҳой Йўлчи, эсингни едингми? Уят!* Ойбек, Танланган асарлар. **Қулоқ-мия(си)ни емоқ** Гапиравериб жонига тегмоқ. *Бас қил, қулоқ-миямни е<)* **Ишг!шв** *Эй, қўйинг, афандим, шу гап билан ўн йилдан бери қулоқ-миямни ейсиз.* А. Мухтор, Опа-син-гиллар. **Ғамини** (ёки **қайғусини**) **емоқ** Таш-вишини қилмоқ, ўйламоқ. *Тахтда ўтирган Неколай сат, мани қайғумизни ейдими?..* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз, ўғлим, га-зет-пазетингизни кўриб, кечкуруннинг гами-ни енг.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. **Ғам емоқ** қ. **ғам**. **Еб юборгудек** (ёки **қўйгудек**) Ўта ғазаб, жаҳл билан. *Санобар кўзлариши катта очиб, Эшон ойига еб юборгудай қаради.* К. Яшин, Ҳамза. *У Шералига ебқўйгудек тикилиб қолди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Егани олдида, емагани кетида** Рўзғори яхши таъминланган,

Ҳамма нарса тахт, камчилиги йўқ. *Нусра-ту.ианинг йўли бошқа, унинг таппа-тайёр ота мулки бор, егани олдида, емагани кетида.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Емаган сомсага п>л тўламоқ** Бекордан-бекор чиқимдор бўлмоқ, ҳақ тўламоқ; қилмаган ишига жавобгар бўлмоқ. *Емаган сомсага пул тўлаш, оеб шуни айтади..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЕМСАК кам қўлл. Кўп ейдиган, очкўз.

ЕМТИК шв. Емиш. *Жўхоридай қулар (ошманнинг лоши, Қузғунларга емтик бўлади гўши. «Юсуф ва Аҳмад».* Бундан сўнг сира ёвузга емтик бўлмас. Миртемир.

ЕМ-ХАШАК Ҳайвонларга бериладиган озуқалар. *Ем-хашак базаси.* **ишя** Қиш учун ем-хашакни мўл-кўл жамғариб қўйиш чорва маҳсулотини кўпайтиришининг энг муҳим омидидир. Газетадан.

ЕНГ Кийимнинг қўлга кийиладиган қисми. *Бош ёрилса — бўрк ичида, Қўл синса — энг ичида.* Мақол. **м** *Кенг энгларида чикиб турган қўллари деҳқон қимарининг қўмаридек катта-катта.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Ёрмат уҳ тортиб, энг учи билан пешона терини артди.* Ойбек, Танланган асарлар. [*Асрора*] *Рисолат кўйлакнинг бели ва энгини ўлчаб бўлгунча қараб турди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Енг ичида Яширин, махфий равишда. *Сира гам еманг. Бу ишни энг ичида битка-замиз. «Муштум».* ..эски касбу корини энг ичида юргизиб туриши учун ҳам борар эди. М. Ис-моилий, Фарғона т.о. **Енгидан кириб, ёқа-сидан чиқмоқ** (**У енгидан кириб, бу енгидан чиқмоқ**) Ёлғон-яшиқ, ширин сўзлар билан ўзига оғдирмоқ, аврамоқ; шу йўл билан ишини битирмоқ. *..орадан кўп ўтмай, Му-ҳиддин қизнинг енгидан кириб, ёқасидан чиқиб, унга уйланиб олди.* С. Абдуқаҳҳор, Уй остонадан бошланади. *Аъзам ўзига содда кўринган қизнинг у енгидан кириб, бу енгидан чиқди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. **Енг учиди** 1) *айн. енг ичида.* *Қалинини енг учиди олиб, жигилдонга урди-да, қизни узатди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) *айн. қўл учиди қ. қўл.* *Ўтар бобоунга енгучида қўл бериб ўтиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Енг шимармоқ** Жиддий киришмоқ, бел боғламоқ. *Шу иўсин кўп вақт руҳий хасталик кечириб, кутилмаганда жоитниб кетди, яъни «Ақоид»нинг шарҳига яхши тушунишига энг шимарди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Ҳаёт учун жанг қилишига қайтадан энг шимардим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

ЕНГИЛ 1 Оғирлиги, вазни кам, вазмин эмас. *Енгил юк. Енгил тош.* Юки енгил эшак ётагон бўлади. Мақол. **н** *Мансуров кўзини енгил деб ўйлаб, бўшироқ олган эди, жуда оғир экан, қўлини эгиб, тушиб кетишига сал қол-ди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Қалин ва иссиқ бўлмаган, яланг қават; юпка, юпун. *Нури юпка, енгил рўмол учидидаги тугунчакни ешиб, букланган қоғоз чиқарди-да..* Ойбек, Танланган асарлар. *Мезбонлар енгил кийимда, баланд айвоннинг баҳаво ерига қўйилган столнинг икки ёғида хомуш ўтири-шар эди.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

3 Кучи, таъсири ортиқбўлмаган; кучсиз. *Ҳаво анчайин салқин эди.. Енгил шамол эсарди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. Авазнинг димоғига енгил шароб ҳиди урилди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

4 кўчма Аста ва мулойим, ёқимли. *Енгил табассум. н Кийим ечадиган жойда туриб.. бир йигит билан енгилгина салошади. Мир-му\син, Умид. Йигирма минут қадар вақт ўтгандан кейин, енгил таъзим билан Гуландом кириб келди. Ойбек, Танланган асарлар.*

5 Катта куч-меҳнат талаб қилмайдиган; оғир, қийин эмас. *Енгил вазифа. н Бизга сиздай бир одам керак. Бизникида иш минг марта енгил. Ойбек, Танланган асарлар. Чиндан, адам борида ойимга енгил эди.. иш-хонасига бориб келишни биларди, холос. Ҳ. На-зир, Ёнар дарё.*

6 У қадар жиддий, хавфли бўлмаган, оғир эмас. *Ҳозир аҳволи анча енгил. н Мен жанглarda уч марта енгил ва икки марта оғир ярадор бўлдим. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. Тепки касаллигида.. нерв система-сида ҳам ҳар хил ўзгариш бўлиб, енгил ўта-диган менингит ҳам бўлиши мумкин. «Саодат».*

7 Руҳан эркин, тетик ҳолатли, ёқимли ҳис-туйғули. *Баъзан киши бир-бири билан гаплашиб, кўнглидагини бўшашиб турса, ўзини енгил сезади. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўртадаги ноқулайлик, хижолатпазлик йўқолди, табиий ва енгил муҳит пайдо бўлди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

8 Жиддий, расмона бўлмаган, енгил-елпи (фикр, мулоҳаза ва ш. к. ҳақида). *Баъзи енгил мулоҳазаларинг онангникидан қолиш-майди, Отабек! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мен бир хизматкорларинг бўлсам.. Сиз жуда енгил ўйлайсиз. Ойбек, Танланган асарлар.*

9 Юзаки фикр юритадиган, ўз иши, гап-сўзига жиддий эътибор билан қарамайдиган; оёғи қинғир. *Ўзингга муносиб гапни гапир! Енгил бўлма! А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. ..ҳовлиқма, лақма, енгил Лутфинисо бунга чиндан шионар.. ким кўринса, шунга кўз ёши қилар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

Енгил атлетика қ. атлетика. Енгил кўч-моқ Қийинчиликсиз амалга ошмоқ, қийналмай, осонлик билан бўлмоқ. *Баҳор юки енгил кўчиши учун қиш фаслида замин яратилади. Газетадан. Ишининг енгил кўчишига севинган она.. ўзлини Маргилон кетмакка қистай бошлади. Енгил машина қ. машина. Енгил оёқ* Ёмон (ношаръий) йўлларга юра-диган, суюғоёқ. .. менинг қизим унақа енгил оёқлардан эмас, унинг ақли-ҳуши жойида. Н. Фотик, Турсуной. **Енгил саноат қ. саноат. Енгил таом** Яхши, тез ҳазм бўладиган таом. *Илгариги вақтларда парҳез таомларни «ен-гил» ёки «оғир» овқатлар деб, икки гуруҳга бўлиб, касалларга буюрилар эди. Н. Исмоми-лов, Касалларни парвариш қилиш. Енгил тортмоқ* 1) руҳан енгиллашмоқ, тетик-лашмоқ. *-Бу фикр чакки эмас, — деди бир оз енгил тортиб. «Муштум». Қудрат ўша ёққа қаради-ю, ҳокимнинг йўқлигини кўриб, пича енгил тортди. М. Исмомилий Фарғона т.о.; 2) касали тузала бошламоқ, касалдан ўзини яхши \ис қилмоқ. Эртага ўрнимдан туриб кетадиганга ўхшайман, ҳозир ҳам анча енгил тортдим. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Тупроғи енгил** Бирор жой, иш-вазифадан кўчиши, ўтиши осон бўладиган, осон кўчадиган шахсга нисбатан қўланади. *-Тўғри, колхоз раиси, айниқса, раисасининг тупроғи енгил бўлади, — деди Комила жиддий тус билан. Ойбек, О.в.шабадалар. **Тупроғинг енгил бўлсин** Дафн маросимида қабр устида айтиладиган ибора. *Лайлонинг қабри гулчамбарларга тўлиб кетди. Тупроғинг енгил бўлсин, севгим! Бир қисим тупроқ олиб, унинг қабрига сочаман. М. Қориев, Ойдин кечалар. **Қўли енгил** Бирор иш-амалида тез кушойиш топиладиган шахсга нисбатан қўланади. *-Докторнинг қўли жуда енгил экан, — дейишади беморлар. С. Нуоров, Дурдона. **Бахтингиз бор эканки, мендай қўли енгил, дами ўткир ромчига йўлиқдингиз. К. Яшин, Ҳамза.******

ЕНГИЛ-ЕЛПИ 1 Вазни унча оғир эмас, енгил. *Болалар орасида Остап билан Сарсенбой ҳам енгил-елпи нарсаларни ташишида ёрдам-лаишишоқда.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

2 Унчалик куч, машаққат талаб қил-майдиган. *Ҳамма оғир ишларни барака топ-кур йигитларнинг ўзлари қилишарди, биз, чолларга эса енгил-елписи қоларди.* В. Гофу-ров, Вафодор.

3 Жиддий, расмона эмас, енгил. *Ди-ректор билан администраторга яна енгил-елпи чора кўрилган бўлди.* «Муштум». *Уч аёл енгил-елпи нонушта қилиб олишди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

4 кўчма Жиддий тарзда эмас; юзаки. *Халқ ишига енгил-елпи қарашга, ҳавойи ваъдалар билан кўз бўяшга асло тоқат қилолмаймиз.* ЛУ. Рашидов. *Бўрондан кучли. Ҳаётга енгил-елпи қарашади, деган ақидада юрарди.* С. Ну-ров, Нарвон.

ЕНГИЛ-ЕЛПИЛИК Енгил-елпи иш тутиш, енгил-елпи муносабат. қараш. *Канал асрлар бўйи туради. Бинобарин, бу ишда енгил-елпиликка йўл қўйиб бўлмади.* «Ўзбекистон кўриқлари».

ЕНГИЛЛАМОҚ 1 айн. **енгиллашмоқ.** *Юки енгиллади.*

2 кўчма Енгил тортмоқ. тузалиб, со-ғайиб, ўзини яхши ҳис қилмоқ. *-Худога шукур! — деди Ҳасанши,* — *боягидан бир оз енгилладим. Мазмуни, ис теккан экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анча шамоллаб ва енгиллаб кирган вақтида, мингбоши дастурхон ёнига азанаб, учиб қолган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЕНГИЛЛАНМОҚ 1 айн. **енгиллашмоқ 1** *Баҳор, қизлар енгилланиб, кўчага чиқишган.*

1 кўчма Енгил тортмоқ, ўзини енгил ҳис этмоқ. *Полвоннинг юраги аста ёришиб, ўзи енгилланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЕНГИЛЛАТМОҚ **Енгилламоқ** фл.орт.н. *Юкини енгиллатмоқ.* **тп** *Унсин унинг ишини енгиллатмоқ истайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Танини {ёки **бўйнини**) **бошидан енгил-латмоқ** Бошини олмоқ, ўлдирмоқ. *Шоҳим, бошини қулогидан енгиллатдингиз. Энди бўй-нини бошидан енгиллатинг.* Уйғун ва И. Сул-тон, Алишер Навоий.

ЕНГИЛЛАШМОҚ 1 Оғирлиги камайиб, енгил бўлиб қолмоқ, енгилламоқ. *Юки енгиллашди.*

2 Енгил кўчмоқ, осонлашмоқ. *Бир иш кўнгилдагидек адо этилса, иккинчисини ба-*

13 gr%ʌ

жариш анча енгиллашади. Ш. Рашидов, Бў-рондан кучли. *Оғирлик яна икки кун, сўнг ишларингиз анча енгиллашади.* «Ўзбекистон **қфриқнари**».

3 кўчма Жиддийлиги, оғирлиги кучсиз-ланмоқ, енгил томонга ўзгармоқ. *Мушукули анча енгиллашган Бийрон Одилни зарб билан четга итарди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *..зора сенинг шарофатинг билин гуно-ҳимиз енгиллашса!* У. Исмоилов, Сайланма.

4 кўчма Рухан енгил тортмоқ. *Бу сўз би-лан Отабек бир оз енгиллашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бобур.. отини қиччишиб, нав-карлар қуриовини ёриб чиққанда, юзига ша-бада тегиб, хиёл енгиллашди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

5 кўчма Енгиллик, ижобий томон ўзгар-моқ, тузалмоқ. (дард, касал ҳақида). *Эридан лоақал бир хабар келганда ҳам бир нави эди, дарди енгиллашармиди.* Ш.Рашидов, Қуд-ратли тўлқин.

6 с.т. *Ҳомиладорлик муддати тугамоқ, туғмоқ.*

7 кўчма Номақбул, ҳаёсиз, «суяқ» тус олмоқ. *Ичкилик таъсирида хотинларнинг қилиқлари жуда енгиллашади, кўзлари, юз-лари ёнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЕНГИЛЛИК 1 Енгил эканлик. *Юкнинг енгиллиги. Овқатнинг енгиллиги. Масаланинг енгиллиги.*

2 Эркин, енгил ҳолат, шароит. -Под-шоҳларнинг тез-тез ўлиб тургани маъқул, бу жа фуқарога бир қадар енгиллик келтиради, — дерди Меъмор. Мирмуқсин, Меъмор.

3 Руҳиятдаги ёқимли ҳолат, хуш кай-фият. Одамнинг руҳида шу қадар енгиллик пайдо бўладики, қанот чиқазиб, олис уфқ-шарга учиб кетгинг келади. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. Поезд қўзгалгандан кейин, Замира ажойиб бир енгиллик ҳис қилди. П. Қодиров, Уч илдиз.

4 кўчма Оқибатини ўйламай қилинган ҳаракат, енгилтаклик. Уйини ташлаб кетиб, енгиллик қилиб қўйдими-а!. С. Зуннунова, Гулхан. Мирзакаримбойнинг қизи Нуриносонинг табиатида енгиллик билан макр устун турарэди. Ойбек, Танланган асарлар. Хотинингиз енгиллик қилаётган бўлса, сиз оғирлик қилинг. С. Аҳмад, Уфқ.

5 айн. имтиёз. У хизматда ҳам ўзига заррача енгиллик талаб қилмади. Ш. Рашилов, Қудратли тўлкин.

ЕНГИЛМАС 1 Енгилмоқ фл. сфдш. Бирлашган куч — енгилмас. Мақол.

2 сфт. Кураш, жанг ва ш. к. да сира енгилмайдиган, доим ғолиб бўладиган. Енгилмас қўшин. Енгилмас баҳодир. н Ҳаётни қийинчиликлар, муаммолар олдидан енгилмас кишиларгина ривожлантира оладилар. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ЕНГИЛМОҚ Мағлуб бўлмоқ, мағлу-биятга учрамоқ. Амир енгилди, аскарлари бузилиб, уруш майдонидан қочдилар. С. Ай-ний, Қуллар. Дунёда зўрлар яшайди, талаш-ларда енгилганлар, ожизлар йўқолиб кетади. Мирмуқсин, Меъмор.

ЕНГИЛТАК 1 Оқибатини ўйламай иш қиладиган, енгил табиат. Енгилтак киши. иши Меҳнаткаш хотин.. ўзини ишга урди, енгилтак Ўринбой эса аламига чидолмай, ичиб кела бошлади. С. Нуоров, Янгича тўйлар му-борак.

2 Одобсиз, ахлоқсиз, суюғоёқ. У [Фуод афанди] Ҳожи хола сингари енгилтак қиз-жувонларни ахтарар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ўз умрини хазон қилган, бир енгилтак аёлни хотинидан афзал кўрган.. бу йигит ким ўзи ? Газетадан.

ЕНГИЛТАКЛИК Енгилтак шахсга хос хусусият, хислат, хатти-ҳаракат. Бўронбек унинг ҳовлиқмалигини, табиатидаги енгил-такликни билар эди. Ҳ. Гулом, Машғал. Сиз бу енгилтаклигингиз билан менинг ширин рўз-горимни аччиқ қилдингиз. «Гулдаста». Касб танлашга енгилтаклик билан қараган киши ҳаётда читтакка ўхшаб беқўним бўлади. Р. Усмонов, Одобнома.

ЕНГЛИК 1 Нон ёпиш ва нонни узиб олиш пайтида қўлни ўтдан сақлаш учун тирсақкача кийиб олинадиган қалин енг. [Шербекнинг] Онаси енгликда тандирдан янги узилган патир, иккинчи қўлида косада совуқ сув кўтариб кирди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Енг учун кесилган мато бўлаги.

ЕНГМОҚ 1 Кураш, жанг ва ш. к. да ғолиб бўлмоқ, ғалаба қозонмоқ, рақибини мағлубиятга учратмоқ. Маккор девни енгмоқ. Мусобақада бизнинг командамиз енгди. м Йўлчи ҳам, Қора Аҳмад ҳам мушт билан бир-бирларини енга олмасликларига ишонч ҳосил қилишди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Қаршилиқ, қийинчилик ва ш. к. ни бартараф этмоқ, уни йўқ қилмоқ, қийинчиликларни енгмоқ. Ҳаёт нашидаси шу кураш, хавф-хатар, тўсиқларни енгиб ўтиш, интилиш бор учун ҳам қизиқ, лаззатли. С. Нуоров, Нарвон. Жангчиларимиз босқинчиларнинг қаттиқ қаришилигини енгиб, Днепрдан ҳам кечиб ўтдилар. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

3 кўчма Таъсирини ўтказмоқ, таъсир кучи ғолиб келмоқ (дард, касал кабилар ҳақида). Элгелдиннинг кўзларидаги газабни бахтсиз бир маъюслик енгган эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ, киссаси. Фам-койиш хийлагина енгиб қўйган Марасул кирди. А. Қаҳҳор, Оғ-риқ тишлар.

4 Ўзига бўйсундирмоқ, ҳукмига олмоқ. *Жувон тойни бемалол енгиб кетаётган бўлса ҳам, қишлоқдан чиққунча, Асқар ота жуда толиқди.* А. Қахдор, Хотинлар. *Тўғри, беш-ўн кун қаттиқчиликни устимизга олиб, шу озулов билан кўкламни енгиб олсак, кўп одам-ларнинг кўзи очишиб кетади.* А. Қахдор, Қўш-чинор чироқлари.

5 Гап билан устун келмоқ, ўз гапини ўтказмоқ. -*Абдишукурни худо гапга бичган, енгиб бўлмайди, — деди Жамолбой пихиллаб.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ота ўглини гап билан енгиб бўлмаслигини фаҳмлаб, ирғиб турди.* С. Сиёев, Аваз.

6 *шв.* Ҳайдамоқ, минмоқ (аравани). *..бап-ки у \аравакаш\ ўз аравасини эмас, бой аравасини енгиб кетаётгандир.* М. Исмоилий. Фарғона т.о.

ЕНГСАК *шв.* Енглик. *Оиҳонада Бунисо хола бўз енгсак билан тандирдан жазимаган зогора нонни узиб олар эди.* Ойбек, Зумрад. *Онам нон ёнади бўғриқиб-бўртиб, дам-бадам куюди кўли енгсакда.* Миртемир.

ЕНГЧА *шв.* айн. **енглик.** *Онаси тандир олдида кўлига енгча кийиб, лоладек қип-қизил кулча бетига сув сепяпти.* С. Аҳмад, Сувлар оқиб кетди. *Сожсидахон тутаётган енгчасига косадаги сувдан сепиб ўчирди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ЕПИСКОП [юн. episkopos — назоратчи] Христианлар черковида олий диний унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс; архиерей.

ЕР 1 (Е — катта) Қуёшдан кейинги учинчи планета. *Ер шари. Ер айланаси. Ер Қуёш атрофида айланади. Ернинг сунъий йўлдоши. wt ..агар Ер шарининг ярми тўша, ярми ер бўлиб, биров мендан қайси томонида яшайсиз, деб сўраса, мен иккиланмай, ер томонини ташиган бўлардим.* Н. Фозилов, Қуш — қаноти билан.

2 Шу планетанинг қуруқлик қисми (сув билан қопланган қисмига қарама-қарши кўйилганда). *Ер планетамизнинг олтидан бир қисмини ташкил этади.*

3 Планетамиз қобиғининг сиртки қат-лами. *Ер бағри. Ер ости бойликлари. Қора (қаро) ерга киргур! (қарғ.). Ер ютгур! (қарғ.). Осмон узоқ, ер қаттиқ.* Мақол. *Бир вақт ер ости дуқиллагандек бўлди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

4 Нарсалар турган. тирик организмлар ҳаёт кечираётган юза. сатҳ (шахс ёки бошқа нарсаларга нисбатан). *Ерга палос солмоқ. Томдан ерга қуламоқ. Коса спюлдан ерга тушиб синди. Ерга тушган — етимники.* Мақол. **ит** *Сидиқжон бўсагадан бир қадам ичкарида чўнқайди-да, болани ерга қўйиб, онасига йўмади.* А. Қахдор, Қушчинор чироқлари.

5 Ер сатҳининг муайян бир қисми; жой, ҳудуд. *Тошлоқ ер. Обод ер. Ҳайдалган ер. Баланд-наст ерлар. в Йигит уфқларга ту-таш ерларни кўздан кечиради.* Газетадан. *Ярадорларни тезда хавф-хатарсиз ерга олиб чиқиш зарур бўлиб қолди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

6 Қишлоқхўжалигида фойдаланиладиган тупроқ қатлами. экин. дарахт ва ш. к. экиладиган жой. майдон. *Мен ҳам деҳқон боласиман.. Отам Оди.1 кўр деган кўқонлик бойнинг ерини экар эди.* А. Қахдор. Асарлар. *Мехнати-ла гуллатар Бир танобча ерини. Ғайратий. Чўл одами худди янтоққа ўхшаши керак.. оёғи остидаги ризқи сочилган ерга чуқур томир отиши лозим.* Газетадан. *Еринг бўлса, меҳнати ҳам. роҳати ҳам ўзингники бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Бирор нарса банд қилиб турган, эгал-лаган ўрин, жой: макон. *Ларахт бир ерда кўкаради.* Мақол. **н** *Ҳоким чўзилиб ётган еридан туриб, ташқари чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Офицер йиқилди ва ётган ерида кўлини кўтарди.* А. Қахдор, Олтин юлдуз.

8 Бирор мамлакат, давлат, халқ, хўжалик ва ш. к. га қарашли ҳудуд. *Крни, эти.. ери, тили.. бир бўлган бир халқ нима учун икки душман гуруҳга бўлиниб, бир-бирининг қонини тўқади* Ойбек. Навоий. *Ўнучхўжалик ерини қўшибди.. трактор бир ярим кун ишлаб, тизза бўйи ҳайдаб берибди.* А. Қахдор. Қўшчинор чироқлари.

9 Бирор нарсанинг ёки аъзонинг айрим қисми, ўрни, нуқтаси, жойи. *Гидамнинг бир ерида доғи бор. Ҳақ — ерини топар.* Мақол. **н** *Хат саккиз букланиб, қизил ипак билан бир-икки еридан чатилган ва Отабекка атал-ган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. ..беш еридан ўқ еганига қарамай.. *ер бағирлаб кетишди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳожихола ўз таржимаи ҳолининг жуда кўп ерларини таъшибкетди.* М. Исмоилий, Фарғонат.о.

10 Иш жойи, муассаса, ташкилот. *Иш-лаган еридан ҳужжат келтирмоқ. Бирор ерга арз қилмоқ.* **н** [*Бадрий:*] *Сизлар билан бошқа ерда гапишаман!* Ъ. Саид, Н. Сафаров, *Тарих тилга кирди.*

11 (ж., ў.-п., ч. к. шаклида) кўм. взф. Пайт, ўрин, сабаб каби муносабатларни билдиради. *Кутилмаган ерда шаҳарнинг аъёнларидан бўлган Салим шарбатдор деганнинг Комилбек исмли ўғлидан совчилар келибқолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Рўзимат айтмоқчи, гап бошқа ерда бўлиши ҳам мумкин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сариқ атласни кийишига чоғлаб кўрган бўлса-да, бироқ кўйлақни олган ерида бу фикрдан қайтди.* К. Яшин, Ҳамза.

Ер билан яксон бўлмоқ қ. яксон. Ер бўлмоқ Ўйқ бўлмоқ, ерга кирмоқ. *Элга кўшилсанг, йр бўласан, элдан ажралсанг, ер бўласан.* Мақол. *Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз ер бўлар.* Мақол. **Ерга урмоқ** Қддрини камситмоқ, і аққирламоқ. *Мен номус-оримни ерга урган <)ушманимнинг қонини ўз қўлим билан тў-кишим керак..* К. Яшин, Ҳамза. *Кўйсангиз-чи.. } ингизни жуда ҳам ерга уриб юбордингиз-е.* К. Яшин, Ҳамза. **[Юзини] Ерга қаратмоқ** Номус-ҳижолатга кўймоқ. *Эл-юрт ичида чламга доверуги кетган отамнинг юзини ерга қаратди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ватаннинг амри шу, бурчингни бажар, Охири юзимни ерга ■ишатма!* Ғайратий. *Уялмайсанми.. «Мен ралончига тегаман», деб ота-онангни ерга қаратибкўйишига!* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Ғр остидан қарамоқ** Юзни ер томонга қилган \олда рўпарасидагига қарамоқ. *Эртөөв.. иигитларга ер остидан бир қаради-ю, пешо-■.асидаги ажсинлари ёзилиб, кутилмаганда хушнуд жилмайди.* О. Ёкубов, Эр бошига иш "\шса. **Ер(нинг) тагида(н) бўлса ҳам** Қаер-да(н) бўлса ҳам. *Ма, лайлак, ер тагидан бўлсаям, иккита вино топиб ке.* С. Сиёев, Ёруглик. **Ер тишламоқ қ. тишламоқ.** *Бом-барбимонда юзлаб фашист солдат, офицерлари ер тишади. Ер чизиб қолмоқ қ. чизмоқ.*

Камол қози анча наст тушиб, Сафохон тўра олдида ер чизиб қолди. К. Яшин, Ҳамза. **Ер юзи** Бутун дунё, олам. *Бу хабар бутун ер юзига тарқалди. Ер юзидан келаётган хабар-лар.* **Ер қилмоқ** Қаттиқ беобрў қилмоқ, ерга киритмоқ. *Сиз раҳбарсиз! Мени бир имо билан ер қилиб кўйишингиз мумкин.* С. Нуров, Нарвон. **Бурнини ерга ишқамоқ** Роса таъ-зирини, адабини бермоқ. **Гапни бир ерга кўймоқ қ. гап. Осмон йироқ (узок), ер қаттиқ** Ҳаёт, яшаш шароити ночор ва иложсизлик ҳолатида деган маънода кўлланувчи ибора. *Ибн Ямин табиблик, Жаҳонбуви доялик қилишди. Лекин бу билан ҳам мурод ҳосил бўл-мади. Осмон узоқ, ер қаттиқ эди! Сап кунда олти бола.. оламдан ўтди.* К. Яшин, Ҳамза. **Сўзини (ёки гапини, илтимосини) ерда қол-дирмоқ** Сўзини (гапини, илтимосини) ба-жармаслик, инобатга олмаслик. *Ойим бу-вимнинг сўзини ерда қолдирмади-ю, ўйлаб-ўйлаб, охири «Дамир»ни топди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Гавҳар унинг қоронгида гира-шира кўриниб турган меҳрибон чехрасидан бу са-фар ҳам илтимосини ерда қолдиролмаганини тушунди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол. **Туянинг думи ерга текканда қ. туя. Қолган еридан** Келиб тўхтаган, узилиб қолган жо-йидан (бирор иш, хатти-ҳаракат ҳақида). *Ана энди уйқуни қолган еридан олаверинг..* С. Сиёев, Ёруглик.

ЕРДОР Ер эгаси, мулкдор. *Арслонқул.. болаликдан пода боққан, ердорларнинг хирмо-нини кўтарган, кўш ҳайдаган.* Ойбек, Навоий.

ЕРЁНҒОҚ Мағизи (меваси)дан мой олинадиган бир йиллик дуккакли ўсимлик ва унинг меваси.

ЕР-КҮК Бутун атроф, ҳамма ёк; коинот. *Ер-кўкка шафқатсиз аланга сочаётган қуёи қандайдир рангсиз бўғиқ ҳаводан соябон ясаб, коинотни тўсиб қўйгандай.* Н. Сафаров, Узоқ-ни кўзлаган қиз. *Шамол турди, қум кўча бошлади, ер-кўкни қум босди.* К. Яшин, Ҳамза.

Кр-кўкка ишонмайди Ортиқ даражада ардоқлайди. *Қизини ер-кўкка ишонмаган.. онаси.. катта шавкат ва шов-шув билануза-тишини орзу қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЕРЛАМОҚ Кўммоқ, дафн этмоқ. *Болага қарасам — ўлик.. гўдакни ташлаб кетишига кўнгил бўлмади, уни ерлаш керак эди.* А. Мух-тор, Давр менинг такдиримда.

ЕРЛИ Ерга эга, ери бор. *[Йўлчи] Мироб-лар билан оғиз-бурун ўпишиган катта ерликлар, бой деҳқонлар зўравонлигидан, экинни қуриб қақраган камбагал деҳқонларга дўқ қилиб, галва кўтаришидан нафратланар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўртоқ Очилди.. Тик-тепанинг ўзидан чиққан, кам ерли камбагал деҳқон боласи.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЕРЛИК Шу ернинг ўзида туғилиб ўсган, туб жойлик, маҳаллий. *Бундан уч йил бурун, Андижон zilзиласидан кейин, Симхоев заво-дидаги ерлик ишчилар.. иш ташладилар.* М. Ис-моилий, Фарғона т.о. *Ольга ҳам, эри Иван Павловичга ўхшаб, одамшаванда чиқди. Ер-лик қўшини хотинлар билан иноқлашиб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Ерда яшовчи, Ерга мансуб. *Кемамиз Ер атрофини айланиб туради. Унинг шундай мосламалари борки, мавжудлигини ерликлар сезишмайди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Ерликларнинг бобокалонлари ҳам «Занги»нинг тўртинчи сайёрасиданлигига имоним комил.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

3 Кўрсатиш, сўроқ олмошлари ва б. баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар қайд этган жойга мансубликни билдиради. *Бу ерлик. Ўша ерлик. тт Устод Қавом шу ерлик, бизнинг аслимиз Бухородан.. Мир-муҳсин, Меъмор.*

Ерлик қилмайди Ер, жой сифатида хиз-мат қилмайди, ярамайди. *Уер сизларга ерлик қилармиди.* Туйғун, Зулфизар.

ЕРЛИЛАШТИРМОҚ тар. Идора, му-ассаса ва ш. к. да ишловчилар сафида маҳаллий аҳоли вакиллари сонини кўпайтирмоқ. *Ўзларинг «ерлилаштир» дейсизлар-да, яна чек қўясизлар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЕРЛИ-СУВЛИ Мулк сифатида ер-сувга эга бўлган, ер-суви бор. *Икки гапнинг бирида [Ёрмат қизини] хотин устига бўлса ҳам бойга, ерли-сувлига бераман, дейди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ҳар бир камбагал, эҳти-мол, ерли-сувли бўлади, — дейди Алим бува.* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

ЕРПАРЧИН: ерпарчин бўлиб Ерга пар-чинланиб, ёпишиб. *Унинг оёғи ҳам сизнинг оёгингиз каби шол экан. Ерпарчин бўлиб ётарди..* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. *Мама-юсуф дарахтга бориб урилиб йиқилди-ю, ўша жойда ерпарчин бўлиб қолди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЕРСИЗ Ери йўқ. *..мулла Обид Тиктепа чоракор ва ерсизларини жуда ҳам ранжитади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЕРТАНДИР Ер юзасига тик ҳолда ўр-натиб қурилган тандир. *Ертандир устига чиқиб, офтобда юз юваётган бароқ мушук миёвлади.* Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар..

ЕРТЎЛА 1 Бино остидаги хона. *У подшо саройидан анча олисда, дарёнинг нариёғидаги баланд уйлاردан бирининг ертўласида турар-кан.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 Ердан ўйиб қилинган жой; землянка. *Ана, ҳозир қамиш капалар, брезент па-латкалар, ертўлалар кўриниб қолар, деб келяпман.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ЕСИР \a. ij — қуллар, асирлар! Эри ўлган, эрсиз қолган хотин; бева, тул. *Буетим ўғил бўлиб, есир онанинг қўлида қолаверди.* «Муродхон». *Эронийлар эл-юртни талаб,*

эркакларни қул, хотинларни есир қилиб олиб кетаётирлар. М. Осим, Карвон йўлларида.

ЕТАК 1 Етаклаб, эргаштириб бориш; етов. *Етакда туяси, келар эди чол.. Миртемир. Биттадан отни етакка олиб, икки отлиқ орқасига қайтди.* Й. Шамшаров, Довруқ.

2 кўчма Йўл, йўл-йўриқ. *Берган оқ сутимга рози бўлмайман, Энанг бўлиб, етагинга юрмайман.* «Рустамхон». *Одамнинг душмани жинлар бўлади.. Етагига юрган жинни бўлади.* «Муродхон».

ЕТАКИ Етакда юрадиган, етакка олинган. *Оташкурак жингиллаб, Етаки отлар ҳингирлаб..* «Гулшанбоғ».

ЕТАКЛАМОҚ 1 Кўлидан ушлаб, кўмак-лашиб олиб юрмоқ. *Вали ака ўглини етаклаб, таиқарига олиб чиқиб кетди.* М. Ис-моилий, Фарғона т.о. *-Кўйинг, буви, хафа бўлманг, — деди Фуломжон онасини ичкарига етаклаб.* М. Исмоилий, Фарғонат.о.

2 Ўзига эргаштириб (юрмоқ), ўзи билан бирга олмоқ (тўғри ва кўчма маънода). *Марғилондан Тошкентга ўз шогирди Охунжон қизиқни етаклаб, Юсуфжон ака ҳам келди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. *Табиат ўзининг мангу, бузилмас қонунига амал қилиб, кўк-ламни етаклаб келган эди.* У. Ҳошимов. Қалбингга қулоқ сол.

3 Етовга олмоқ. *Отни етакламоқ. Туяни етакламоқ. **тм** Матпано молхонадан хўкиз-ларни етаклаб чиқди.* С. Сиёев, Аваз.

4 кўчма Раҳнамолик қилмоқ, йўлламоқ. *Ғалабалар сари етакламоқ. **тм** Постановкачи режиссёрнинг ёш санъаткорларни катта санъат майдонига дадиллик билан етаклаши таҳсинга сазовордир.* М. Яҳёев, Ҳақ енгади.

ЕТАКЛАШМОҚ 1 Етакламоқ фл. бирг. н. *Шундан сўнг отларини етаклашиб, ичкарига кирдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Кўл ушлашиб юрмоқ, биргаликда бўлмоқ. *Опа-сингил етаклашиб, темир йўлчилар посёлкасидан чиққанда, қуёш ботган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ота-бола етаклашиб, уйга чиқдик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЕТАКЧИ 1 Йўл юриш, йўналишда бошқариб, «етаклаб» борувчи, бошқарувчи. *Ҳар бир пода ва галанинг етакчи бошлиғи — серкаси бўлади.* «Фан ва турмуш». *Гала бошидаги етакчи ўрдак аллақандай овоз билан чуриллаб, ўз етагидагиларни огоҳлантириб боради.* Р. Бекниёз, Ҳаво йўли. *Узоқларда турналарнинг қурқураши эшитиларди, турналар бошида етакчиси учибборарди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 кўчма Йўлбошчи, раҳбар. [*Ғафур ака:*] *Кўпчиликка етакчи, катта-кичikka баравар, қандини есин!* Н. Мақсудий, Умидли бола. *..Назира Йўлдошева йирик хўжаликнинг жонқуяр етакчиси.* «Ўзбекистон кўриқдари».

3 кўчма Асосий, бош. *Саноатнинг етакчи тармоқлари. Театрнинг етакчи артисти. **шт** Буларни ёзиболиши, қиёсий ўрганиши.. фольк-лоршуносликнинг етакчи вазифаларидан ҳисобланади.* Газетадан.

Етакчи феъл Феълнинг аналитик шаклида луғавий маъносини сақлаган феъл. *Мас, ўқибкўр, қирибташла, чидабтур, бора олади феъл шаклларида ўқи, қир, чида, бор феъллари етакчи феъл ҳисобланади.*

ЕТАКЧИЛИК Бошчилик, раҳбарлик. *Жавод Кўчиев.. далачилик бригадасига етакчилик қила бошлади.* «Ўзбекистон кўриқлари».

ЕТАР-ЕТМАС рвш. **1** Маълум мўлжал, меъёрдан бир оз камроқ, сал кам. *Ўтган ишт меҳнат кунига ярим килога етар-етмас оуғдой, йигирма уч тийиндан пул олган капсанчилар бу ишги даромадни кўриб, бутун орзулари ушалгандай бўлди.* А. Қаҳҳор, Кўш-чинор чироқлари.

2 Етишига оз қолганда. *Уйга етар-етмас, чрқамдан ўғлим бориб қолди.*

ЕТАРЛИ 1 Маълум бир ерга ёки даража-меъерга қарийб етадиган. *Икки деразаўрта-сида шипга етарли катта тошойнак... бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор эҳтиёж ёки мақсад учун кифоя қиладиган, етадиган. *Етарли пул. Етарли ёрдам.* н *Ғўза қўшимча кўсақларни етиши-тириши учун ердан етарли озиқ ололмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

ЕТИЛМОҚ 1 Меъёрий даражасига ет-моқ, тобига келмоқ. *Нишолданинг қиёми етилди.* н *Кунлар исиб, кўтарилган нам, Ерлар исиб, ети,* \ган тупроқ. Ғайратий. *Ети/lean* ерлар пешма-пеш бороналаниб, экишга тахт қилиб қўйилмоқда. Газетадан. *Буйшҳам ғўза обдан етишгандан кейингина дефолиация-ни бошладик.* Газетадан.

2 Ўсиб, ривожланиб, истеъмол қилиш, пишиш даражасига етмоқ; пишмоқ. *Фосфор ва калий ўғитлари меъёридагидан ортиқроқ берилса, картошканинг етилиши тезлашади.* «Фан ва турмуш». *Қовун қарс этиб ёрилди. -Жонивор хўб етилибди-да, — деди Мада-минхўжа қовунни коса қилаётиб.* М. Исмои-лий, Фарғона т.о.

3 Ўсиб, улғайиб балоғатга етмоқ. *У боёқишининг нуридийдаси, етилган қизи бирдан ғойиб бўлсин..* Ойбек, Танланган асарлар.

4 кўчма Пишиб етмоқ, долзарб бўлмоқ. *Таълим-тарбия савиясини оширишининг етилган масалалари ишчанлик билан ҳал этилаётур.* Газетадан. *Шундай баъзи етилган саволларимиз бор.* Х. Шайхов, Ренежумбоғи.

5 кўчма с.т. Кайфи ошмоқ; қаттиқ маст бўлмоқ. *Ҳар ким билан қадаҳ уриштириб ичавериб, роса етилибди.*

6 кам қўлл. Бирор даража, мавқе ва ш. к. га етмоқ, эришмоқ; етишмоқ. *Бу.. оддий докладлардан эмас, балки.. етим-камбагал болаларнинг мана бугун ўқитувчи бўлиб етилганлари тўғрисида таъсирли бир қисса.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳамза.. такаллуми ифодали, мантиқли, зеҳни ўткир.. ўз сўзли йигит бўлиб етилган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЕТИМ \а. — ота-онасиз, етим, яккаю ягона; ноёб] **1** Отадан, онадан ёки ҳар икковидан ажралган. *Етим бола. Етим кўзи.* н *Уларнинг бири олти яшар, бири тўрт яшар етим набиралари Унсини севадилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳ&и овқат ейишга ўр-ганмаган тўртта бузоқ кўзлари мўлтираб*

2-Ўзбек тилининг изоҳли луғати

етим қолади-ю, ачинмай бўладими? С Анор-боев, Оқсой.

Тирик етим Отаси ёки онаси ёки ҳар иккови томонидан ташлаб кетилган қаров-сиз бола. *Ўғлингни тирик етим қилма. Бо-ланг туфайли ҳар қанча оғирчилик бўлса, ус-тинга ол.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. *Истардикки, «етим», «тирик етим» сўзлари дунёда йўқ бўлса, фақатгина киноблардагина қолса.* Газетадан.

2 кўчма Ташлаб қўйилган, эътибор берилмайдиган, қаралмайдиган шахс ёки нарсага нисбатан қўлланади. *Айниқса, биз-нинг бечора мўйтан уруги — қўнғирот эли-нинг иўрлик еtimi, бир шапалоқ урса ҳам, эвазига жон бериб келган.* А. Мухтор, Қора-қалпоқ қиссаси. **Етим қовурға анат.** Энг пастки жуфт қовурға.

ЕТИМВАЧЧА [етим + ф. - бола] эск. Етим бола. *-Бу ота-бобоси мактаб кўрма-ган етимваччаларингизга шундай муаллимни қаёқдан топасиз? — деди Бобохўжа домла.* П. Турсун. Ўқитувчи.

ЕТИМ-ЕСИР 1 Етим ва есир(лар). *Сиз-лар суриштирмай, қўлларимизни боғлаб, зин-донга юборасиз, мол-ашёимизни талайсиз, хо-тин-болаларимизни етим-есир қиласиз.* С. Ай-ний, Дохунда.

2 Умуман, етим ва қаровсиз (қаров-чисиз) қолган (болалар). *Уйи куйиб, хона-вайрон бўлган камбагал деҳқонларнинг етим-есир болалари билан интернатлар тўлиб кетди.* Ғайратий, Унутилмас кунлар. *Эр-хотин: «Энди биронта етим-есирни топсин, ичкуёв қиламиз..» деган хулосага келишибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЕТИМЛИК 1 Етим эканлик. *Ундан битта ёдгорлигим.. етимлиги билинмасин, ўқинмасин, дейман. Қаргасам, тилим куяди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Етимларга хос ҳаёт, етим ҳолати. *Етим-ликда ўсганми, жуда синиқ йигит кўринади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Дам-бадам пақирдан сув олиб ичади-ю, ўтган кунларини, етим-ликда чеккан жафоларини.. ўйлайди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЕТИМОНА Етимга ўхшаб, етимлар син-гари. *Болалар ҳам, гўё отадан абадий айрил-гандек, бошларини етимона буккан эдилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ЕТИМПАРВАР [етим + ф. - боқув-чи, парваришловчи] Етимларга меҳрибонлик, ғамхўрлик қиладиган. *Бечора жуда етимпарвар, одамохун. Уйи тўла хотин-халаж, бола-чақа..* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ЕТИМХОНА 1 тар. Етимлар ва қаровсиз қолган болаларни тарбиялайдиган ва ўқитадиган муассаса. [Холмурод] *Одамлардан етимхона қаердалигини ва у ердаги болаларнинг хол-аҳволи қандайлигини суриш-тирмоқчи бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 эск. айн. **интернат.**

ЕТИМЧА Ота-онасиз қолган бола, етим бола, етимвачча. *Саид Жамолхон қизининг рўзгорини «нотинч» қилаётган етимчадан осонгина қутулди: Саломатни эшонга назир қилди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Уни босмачилар отиб ўлдирди. Мана шу кичкина болалар етимча бўлиб қолишди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ЕТИШМОВЧИЛИК 1 Камчилик, нуқ-сон. *Иидаги камчилик, етишмовчиликларни тугатмоқ.* **н** *Шу билан бирга айрим хўжаликларда муайян камчилик ва етишмовчиликлар ҳам мавжуд.* Газетадан.

2 Етишмаслик ҳрлати; камчиллик, тан-қислик. *Айниқса, ўтин-қўмир етишмовчишиги дарҳол сезилиб қолди.* Ҳ. Ғулом, Тошкент-ликлар. «*Балки ўз ёлғизлиги, бекорчилигидан зерикиб, бунинг устига рўзгор етишмовчи-лигидан сиқилиб, хафагазак бўлгандир?*» деб ўйлади Камол. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЕТИШМОҚ 1 **Етмоқфл.** бирг. **н.** *Йигит-лар ярим соат йўл юриб, гузарга етишди.* Ойбек, Нур қидириб. [Ширин ва Шакар] *Гоҳ вақтларда сувсиз чўлларга тушиб, қистаб юрар бир-бирига етишиб.* «Ширин билан Шакар».

2 Етмоқ, эришмоқ. *Мақсадга етишмоқ. Ёр васлига етишмоқ.* **н** *Мулла Бурҳон Ғиждувон бегига қирқ йил солиқ йиғувчилик қилиб, қоровулбегилик мансабига етишди.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси. *Ҳаммага ҳам беравермайди.. Радиоклубга етти йил қат-наб эришдим бунга..* А. Мухтор, Чинор.

3 Юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ. *Дехқон-лар оиласидан кўплаб зиёлилар етишиб чиқди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Вақти етмоқ, келмоқ. *Етишди ҳамон ўқирга замон..* «Муштум».

5 айн. **етмоқ.** *Йўлчи ака, бизникида умид-га, орзуга тезроқ етишасиз.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

6 Камчил, меъёрга етмаган ҳолатда бўл-моқ. *Буларнинг бўлимидагина ҳаво етишмагандек қисилиб, хунобгарчиликдан боши чиқмайди одамнинг.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. *Ваҳолонки, бошқа қурилишларда ишчи кучи ҳам, механизм ҳам етишмайди.* «Муштум».

ЕТИШТИРМОҚ 1 Етишмоқфл. орт. **н.**

2 Тайёрлаб етказмоқ. *Халқим етиштир-ган ҳосил чўгига баланд тоғлар ҳайрон қолиб турибди.* А. Орипов, Йиллар армони. *Шунча ҳосилни ҳеч қандай вакилсиз етиштирган (деҳқон уни усиз ҳам йиғиштириб ололмай-дими)?* С. Нуров, Нарвон.

ЕТКАЗМОҚ 1 Етмоқ фл. орт. **н.** *Хабар етказмоқ. Зиён етказмоқ. Саломини етказмоқ. Охирига етказмоқ. Вояга етказмоқ.*

2 Тайёрлаб, етиштириб бермоқ. *Сано-атга фидойи шогирдларни кўплаб етказганим билан.. бахтиёрман.* Газетадан. *Қишлоқ меҳа-низаторларига арзон, ихчам, пухта ва қулай машиналар етказиб берамиз.* Газетадан.

ЕТМАК I эск. айн. етмоқ.

ЕТМАК II Чиннигулдошларга мансуб ўтсимон ўсимликнинг кўпикланувчи моддага бой илдизи (тўқимачилик саноати, дори тайёрлаш, қандолатчилик ва ш.к. да қўлланади). *Ўрта Осиёда ўсадиган энг қим-матли ўсимликлардан яна бири етмак (бех)дир.* Қ.З.Зокиров, Туркистон етмаги.

ЕТМИШ 70 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, микдор. *Етмиш кун. Етти карра ўн — етмиш. Эр йигитга етмиш ҳунар оз.* Мақол. **тм** Жами бўлиб бир сўм етмиш тийин ишлаган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЕТМОҚ 1 Юриб, йўналиб, маълум бир ерга, жойга, манзилга бориб олмоқ. *Ҳайдар ота Кўтармага хуфтондан кейин етди.* А. Қахҳор, Асрор бобо. *Эшик олдида етганида, негадир ўзининг ҳам ўша ёққа талпинаёт-ганини сезиб, ҳаяжон ичида тутқични ушлади.* У. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Кувиб, тенглашиб олмоқ. *Ошиқмаган қуёнга етибди.* Мақол. **тм** Қистаса ҳам, етолмайди бедовлар. «Маликаи айёр».

3 Жўнатилган, тарқатилган жойидан, манбаидан наридаги бирор жойга бормоқ ювоза, гап, хат-хабар ва ш. к. хдқида). *Бу хабар бизгача етиб келди. Бу гап унинг қулогига етмасин.* **тм** Ҳай деганда, ҳаққа етгай нплишим. «Маликаи айёр».

4 Бўй, ҳажм, микдор, даража жихати-дан бошқасига тенг бўлмоқ, тенглашмоқ, баробар келмоқ. *Деворўлгудай баланд-да, бўйи етмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Боракимо, гўшт тўзраида сенга етадигани йўқ.* К. Яшин, Ҳамза.

5 Таъмин этадиган, кифоя қиладиган микдорда бўлмоқ. *Жой ҳаммага етади. Оз бўлса етар, кўп бўлса кетар.* Мақол. **тм** Қандоқ қилай, ўртоқжон, бошқа ишларни йиғиш-тирай десам, ойлик етмайди. А. Қахҳор, Қа-нотсиз читтак. *Саройдан тушадиган хадяларни бир ой тўплаганда, тўрт қадоқ этга етмайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

6 Муваффақ, муяссар бўлмоқ; эришмоқ. *Яхши билан юрдим — етдим муродга, ёмон билан юрдим — қолдим уятга.* Мақол. **тм** Қани энди, дунёда вафо бўлса, ҳар ким тилагига етса. А. Қахҳор, Шоҳи сўзана.

7 Кифоя қилмоқ. *Онанг бечорага отанг-дан иккита сағир билан қолиб, кўрган кунлари ҳам етади.* А. Қахҳор, Кўшчинор чироқ-лари. *Қўй энди, ўзимнинг қийналаётганим ҳам етади.* Н. Сафаров, Шарқтонги.

8 Маълум бир ёшгача яшаб бормоқ, умр кўрмоқ. *Отам саксонга етди.* **тм** Олтмиш тўрт ёшга етдим, ўғлим-қизим бўлмади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 Келмоқ; бошланмоқ. *Вақти етди. Кунни етди.* **тм** Кунлар ўтди, ваъданинг муддати етди. У. Исмоилов, Сайланма.

10 Талаб, меъёр даражасида бўлмоқ. *Қиличнинг ишлови етган, Теккан омон қолмасин деб, Заҳарнинг сувини ялатган.* «Ма-ликаи айёр».

11 кўм. фл. взф. Етакчи феълдаги ҳара-катнинг охиригача, тугал бажарилиши маъносини билдиради. *Йўқ, ҳали англаб етга-нингизча йўқ.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Отанасига ўз сўзини ўтказишга Саудий ишониб етмади.* А. Қахҳор, Сароб.

Ақли етмоқ қ. ақл. Бошига етмоқ қ. бош. Боши кўкка (ёки осмонга) етмоқ қ. бош. Бўйи(га) етмоқ қ. бўй. Кўзи етмоқ қ. кўз. Нима етсин Ҳеч нарса тенг келолмайдиган иш, нарса ва ш. к. ҳақида айтиладиган ибора. *Эҳе, китоб ўқшига нима етсин.* П. Турсун, Уқитувчи. **Оғзи қулоғига етди қ. оғиз. Пичоқ суякка етди қ. суяк. Тагига етмоқ қ. таг. Қўли етмоқ қ. қўл.**

ЕТОВ Жиловидан тутиб эргаштирилган, етакланган, етакдаги. *Етовдаги отни тани-маган одам оз эди.* Ойбек, Навоий.

ЕТТИ 1 7 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, микдор. *Етти киши. Етти*

сўм. *Етти метр. Етти меҳнат куни. Етти ўлчаб, бир кес.* Мақол. Ёмондан қоровул кўй-санг, ёв етти бўлар. Мақол.

2 этн. Вафотнинг тўртинчи куни ўтка-зиладиган маросим, маърака. *Кеча, одатга мувофиқ, нари-бери етти қилинди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Айрим сўзлар билан кўлланиб, маъ-нони кучайтириш учун хизмат қилади. *Етти ухлабтушимга кирмаган. Етти қовун пишиги бор. тт Муллажон амаки етти маҳалланинг катта устаси.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. «Боланинг кўнглига қараб расво қиляпсизлар, етти хуфтонга қадар юришга чакки ўрганди. Ойдин. Номи етти қишьюққа кетган Бувниса хоним-а! Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Етти букилмоқ Ортиқ даражада иззат-хурмат қилмоқ, ўта сиғинмоқ. **Етти ёт бегона қ.** ёт **1. Етти иқлим қ.** иқлим. **Етти оғайни** Яққол кўриниб турадиган, чўмичсимон ўрнашган, етти юлдуздан иборат шимолий бурж (юлдузлар туркуми); Етти қароқчи, Катта айиқ. **Етти пушт қ.** пушт **2. Етти хуфтонгача қ.** хуфтон **2. Кичик етти оғайни** Кутбга яқин, чўмичсимон жойлаш-ган, етти юлдуздан иборат шимолий бурж (юлдузлар туркуми); Кичик етти қароқчи, Кичик айиқ.

ЕТТИЛИК 1 Етти нарса ёки кишидан иборат. *Еттилик комиссия.*

2 Етгита холи бўлган карта. *Еттилик гиштин.*

ЕТУК 1 Жисмоний жиҳатдан тўла ри-вожланган, камолотга эришган. *Тирқишдан мўраладим: Ўўлчи, ҳам етук бир қиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қирқ ҳадегунча ўтиб ҳам кетди, Ўғлингнинг кўрсайдинг етук камолин.* Ғ. Ғулом.

2 Илм, хунар, тажриба ва б. жиҳатлардан пишиб етган, етарли малакага эга, баркамол. *Етук олим. Етук мутахассис. Етук санъат-кор. тш Бизда етук адабиёт муаллимлари борлигига ишонамиз.* Газетадан. *Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни, Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ.* А. Орипов, Ииллар армони. *Буюк, етук одамлар камтар, камсуқум.. бўлишини бу доно қиз яхши биларди.* Мир-муҳсин, Меъмор.

3 Талаб, меъёр жиҳатидан мукаммал даражага эга, юқори савияли. *Етук бадиий асар. тш Лутфий газаллари асосида яратилган мусамматлар Навоий томонидан Лутфийнинг тксак шоирлик иқтидорининг, етук бадиий маҳоратининг сўзсиз тан олинганлигига ишончли далилдир.* «УТА».

ЕТУКЛИК Етук эканлик, етук даражага эгалик. *Бу қийин, лвкин хаётий зарур иш, сиёсий етукликка жиддий имтиҳондир.* Га-зетадан. *Маълум бир эпизодни баён қилишда авторнинг бадиий маҳорати, етуклиги.. сезилиб туради.* «УТА».

ЕФРЕЙТОР \нем. Gefreiter - ефрейтор| Баъзи мамлакатларда, мас, Россияда, од-дий аскарга бериладиган бошланғич ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.

ЕЧИЛМОҚ 1 Ечмоқ фл. мажх. ва ўзл. н. *Унинг калта сочлари ҳадеб ечилиб кета-верарди. тш Ҳисоб-китоб бор ерда ечил-майдиган чигил йўқ.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Ҳасанали учун биринчидан англашилмай қол-ган маънолар бу кейинги гап билан ечилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма с. т. Кўнгли-дили очилмоқ, ёзил-моқ. *-Райимжоннинг ҳалитдан яна қочши пайига тушганини кўриб қуляпсанми?! — деб кулди.. Хипча йигит ҳам ечилиб кулди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

3 кўчма с. т. Ҳиммати ошиб, ортиқ са-хийлик қилмоқ. *Ҳаловатхон ечилиб кетиб, зиёфат дастурхонини тўкин қилиб тузади.. ҳозиргина кириб келган дадасини очилиб-со-чилиб дастурхонга ўтқазди.* Ҳ. Назир, Утлар туташганда.

ЕЧИМ 1 Ечиш; ечилиш. *Боглашда қур-мак солсанг, осон бўлар ечими. Бир ногаҳон гуноҳнинг осон бўлар кечими.* «Кўшиқлар».

2 Масала, муаммо ва ш. к. нинг жавоби. *Масаланинг ечими. тш Менинг одатим, ҳамма ишни, чигални олдиндан обдан ўйлаб, ечимини кўзимнинг олдига келтириб оламан.* Р. Раҳ-мон, Сизнинг ёшингизга кирайлик.

3 ад. Асарда воқеалар ривожигаги, қаҳ-рамонлар ўртасидаги қарама-қаршилик-нинг ҳал бўлиши, тамомланиши. *Романнинг ечими. шш Зотан, ҳар бир асарнинг тугуни билан бирга ечими ҳам бор-қул* Ж. Абдулла-хонов, Тўфон.

ЕЧИНМОҚ Ечмоқ 3 фл. ўзл. н. *Мухаррам ечинаётиб, каравот тепасидаги суратларга беихтиёр кўз ташлади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ЕЧИНТИРМОҚ 1 Ечинмоқ фл. орт. н. [*Ҳасанали*] *Отабекни ечинтирар экан, ризосиз бир оҳангда деди: - Ўғлим, сизга шу шайтонни ишининг нима зарурати бор!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўлтўсарлик билан бировнинг кийим-кечагини зўрлаб ечиб олмоқ; тўнамоқ.

ЕЧИҚ Боғланмаган, ечилган, боғдан бушатишган. *Ечиқ мол. Ечиқ қоп. м Қўл-оёқлари ечиқ бандилар боғланиб, қўрага қамалдилар.* С. Айний, Қуллар. *Бўйни боғ-яиқ ҳам эмас, ечиқ ҳам эмас: қамоқ бўлмаса ҳам, қамоққа ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЕЧМОҚ 1 Боғичини, боғини ёзмоқ, бўшатмоқ. *Белбоғни ечмоқ. м Чий эшикнинг боғичини ечиб кўтарганида, инграш яна эшитилди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, хомсемиз ҳо-ким формасининг кўкрак тугмаларини ечиб ташлаб, елпинишга тутинди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўримини ёзмоқ, хомитмоқ. *У\Кумуш\ бу кечаси кўрган баъзи тушларини Отабекнинг бу кун келишига йўйди-да, эрта-лабдан туриб, сочларини ечди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Кийилган кийимни жойидан, эғнидан олмоқ. *Тўнни ечмоқ. Кўйлакни ечмоқ. Этикни ечмоқ. шш Малла киши янги бузи кавушини даҳлизда ечиб, чап ёқдаги каттакон хонага кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўприк устида баланд пошнали туфлисини ечиб олган бир аёлмашинага қўл кўтарди.* С. Ахмад, Уфк. *Насиба унинг носкисини еча бошлади,* А. Қаҳрр, Оғрик тишлар.

4 Қўйилган, солинган, боғланган нар-сани олмоқ, ундан холи қилмоқ, бўшатмоқ. *Учинчи аравага ортиб олинган бедадан таш-лаб, эгар-жабдуқларини, юганларини ечиб қўйишди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Салданкейин эшакдай келадиган икки итини ечиб юборди.* С. Сиёев, Аваз.

5 Математик мисол, масала кабиларни ишламоқ, ечими (жавоби)ни топмоқ, белгиламоқ. *..мкки бола: бири қиз, бири йи-гитча.. масала ечиши билан овора..* А. Мухтор, Чинор.

6 кўчма Маъносини очиб бермоқ, ечи-мини белгиламоқ; ҳал қилмоқ. *Шайбонийхон бу тугунни ҳам султон ва аъёнларга ёқадиган бир устасиқ билан ечганидан кўпчилик мамнун эди.* П.Қодиров, Юлдузли тунлар. *Бу муаммони кекса бир жангчи ечиб берди.* А. Кдхдор, Олтин юлдуз. *Аммо қанчишқ мушкул иш бўлмасин, жумбоқни ечамиз.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЕЧТИРМОҚ Ечмоқ фл. орт. н. *Сочларимни ечтирай кўклам елига Ҳам уни мен ювдирай тошқин селига.* «Кўшиқлар».

ЕШМОҚ ст. Ечмоқ.

Е

Ё I [а. и ҳарфи] Араб графикаси асоси-даги эски ўзбек ёзувида «и» ва «й» товушларини ифодаловчи ҳарфнинг номи.

Ё II эск. айн. **ёй I 2.** *Мунчалик гам, мун-чалик мунгни Битта эсоним қайга эжо қилар? Шунчаликда банданинг кўнгли, Қачонгача қаддин ё қилар?* У. Носир, Юрак.

Ё III [а. L — ундов] **1** унд. Хитобни билдирувчи ундалма, сўзлар олдидан ке-либ, кучли ҳис-ҳаяжон билдиради. *Пар-нихўжа ёгчи ичкари ҳовлидан чиқиб, «Ё олло! Ё қозуул-ҳожат! Яккасан, яғонасан!» каби сўзларни аралаштириб, ҳовлида юра бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ё амирал-муслимин, тагин кўзингизга зарар етказмасин.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очи-лиши.

2 Қойил қолиш, ажабланиш маънола-рини билдиради. -*Ё қудратингдан!* — деди Туробжон, келишрган нарсаларини титкилаб. А. Қахҳор, Қанотсиз читтак. Раҳбар деган ҳам шунақа қўпол бўладими? *Ётавба*.. П. Тур-сун, Ўқитувчи.

Ё **пирим** 1) ажабланишни ифодалайди; 2) пирга сифинишни, ундан мадад тилаш-ни ифодалайди. -*Ё, пирим!* — деб юкни ел-касига олди. Ойбек, Танланган асарлар.

Ё **IV** [ф. L, - боғловчи] *боғл. 1 айр.* Тенг ҳуқуқли икки гап ёки айрим гап бўлаги олдида такрор келиб, фикрнинг қиёсланувчи бўлақлардан бирига тааллуқли эканлигини билдиради. *Иллат ё оида, ё моида.* Матал. **н** *Уёуялиб, ё қўрқиб, остонада турарди.* **П.** Турсун, Ўқитувчи. *Қаердадир биров ё симга қоқилди, ё уни бир нима қшаёттир.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

2 *айр.* Гап ёки айрим гап бўлақларп ол-дида такрор келиб. уларни санаб кўрсатиш, умумлаштириш учун кулланади. \Бувим:\ *Ким бўлмагин бу кун сен: ишчими, ё токарми, ё колхозчи, ё уста — ҳамма ҳам бир текисда.* Қ. Муҳаммадий.

3 *зидл.* Сўроқ гап олдида келиб. унинг ўзидан аввалги гап маъносига нисбатан зид эканлигини билдиради. \Жонфигон:\ *Шу гап гап бўлдими, ё тагин жиннилиги тутар-мукун!* А. Қахҳор, Жонфигон. \Ойимхон:\ *Сен ўйнамасанг, ким ўйнайди. Ё қариган чо-гимда мен ўйнайми!* П. Турсун, Ўқитувчи.

Ё **БИ** [ф. — юк ташувчи, насли паст от] *фольк.* Насли паст, хашаки от. *Бу сўз-ларинг, Айноқ, бекор экандир. Ёби дема, шу от тулпор экандир.* «Равшан».

Ё **БОН** *шв.* Дала, дашт. *Куз оқшоми тўшалар сокин, пичан ҳиди анқир ёбондан.* **Ш.** Раҳмон, Юрак кирралари. *Замбарак-лар ёбонда бекор гумбурлаган йўқ, Бекор оқмади қонлар.. ва ўлди мардоналар.* Мир-темир.

Ё **БУ** Ўзбек уруғларидан бирининг номи.

Ё **В** 1 Уруш, жанг ҳолатидаги қарши то-мон, душман, ғаним. *Ёв қочса, ботир кўпаяр.* Мақол. *Ёвни аяган яра ер, калтагини сара ер.* Мақол. **ит** *Бир соат чамаси отишигандан сўнг, ёв бизнинг ўқимизга чидолмай, икки дар-воза орасида уч-тўрт юз ўлик қолдириб, қочишига мажбур бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Қарама-қарши мақсаддаги киши; душ-ман, рақиб. *Ёмон йўлдош ёв бўлади, охир иши дов бўлади.* Мақол. **ит** *Қимор қизиб, ҳар ким-са бир-бирига ёв.* Ғайратий.

Ё **в** **ейдими** Нимадан кўрқасан, кўрқма. **Ёв чопди** Душман бостириб кириб, қир-ғин қилди. *Бобоқулнинг еттинчи отаси, қиш.юққа ёв чопганда, Оқсой кўпригининг остига бекиниб, жонини асраб колган экан.* С. Анорбоев, Оқсой. **Ёв қараш** Жаҳл би-лан, ғазаб билан қараш. *Эшон Дадашевга ёв қараш қилиб, эшикни тарақлатиб чикиб кетди.* И. Раҳим, Такцир. **Ёв қувгандай** Жуда тез, чопиб, югуриб. [Тўғонбек] *Худ-ди ёв қувгандай, қашғиқ юрди.* Ойбек, Навоий. *Одамлар, ёв қувгандай, ҳар та-рафга тарқалишди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Тил-сиз ёв** Ўт, сув (халқ тилида). *Тилсиз ёв биз-нинг меҳнатларни зое кетказмоқчи.* У. Ис-моилов, Сайланма.

Ё **ВАР** [ф. **jjL** — ёрдамчи, мадаккор] *эск. кт.* Ёрдам берувчи, ёрдамчи. *Энди ёру ёварин ҳажрига тоқат қилгали Ўзгалардек кўнглум ичра қайда бир бардош эрур.* С. Хон-дайлиқий, Навбахор.

Ё **ВВОЙИ** 1 Хонакилашмаган, табиат қу-чоғида эркин ҳаёт кечирувчи (хайвон, паррандалар ҳақида). *Ёввойи мушук. Ёввойи Кап-тар. Ёввойи эчки.*

2 Маданийлаштирилмаган, ўз ҳолича, табиий ҳолатда ўсадиган; зарарли, зиён келтирувчи. *Ёввойи олма. иш* *Хилма-хил ёв-войи гуллар теварагида ранг-баранг капалаклар базм қуради, асаларилар гувиллайди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Сидиқжон кат-такон ёввойи жийда тагида тўхтаб, Шаро-фатни кутди.* А. Қахдор, Қўшчинор чироқ-лари. *Дарҳақиқат, салгина хотиржам бўл-дингми, ёввойи ўтлар ўсиб кетади-ю, гўза-ларни сиқиб ташлайди.* **Ш.** Рашидов, Бўрон-дан кучли.

3 Ўзлаштирилмаган, ишланмаган (ер-жой ҳақида). *Илгари бу ерлар ҳам жарлик-лар, ёввойи сайхонликлардан иборат эди. Га-зетадан. Ёввойи чўл буюк кенгликда Менга борин очиб ташлади.* Ш. Раҳмон, Юрак қир-ралари.

4 Қўрқинчли, ваҳимали, даҳшатли. *Ёв-войи овоз. ти Бўрон ёввойи бир куч билан ўқирарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Шариф тар-ранинг ёввойи чинқиригини эшитгандек бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

5 Маданиятнинг ибтидоий босқичига хос; қоқоқ. *Саҳрода арабларнинг бадавий деган ёввойи тоифаси бор экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 кўчма Одамга аралашмайдиган; бего-на, одамови, ёт. *Одамлардан қочаман, Ёввойи бир ҳолим бор!* Миртемир.

Ёввойи қараш қилмоқ Жаҳл билан қара-моқ. *Тўранинг ниҳоятда кайфи қочди, жаҳл отига миниб, оқсоқол билан имомни еб қўйгу-дек, ёввойи қараш қилди.* Ж. Шарипов, Хо-разм. [Умайдер] *Умидага олайиб, ёввойи қараш қилади-да, тесқари ўгирилиб олади, термо-метрни бармоқ орасида синдириб, қўлига бе-ради.* А. Мухтор, Чинор.

ЁВВОЙИЛАШМОҚ 1 Ёввойи бўла бормоқ, ёввойи бўлиб кетмоқ. *Ёввойилаш-ган ит. ти Тоғмушуклари ёввойилашиб кет-ган, одамга яқин келмасди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Одамлардан узоқлашиб, бегоналашиб бормоқ. *Мен ҳам ёввойилашиб, жуда тўнг, кўпол бўлиб кетаётганимни ич-ичимдан хис қичаман.* «Ёшлик».

3 Бегона ўтлар билан қопланмоқ. *Аёллар ва болалар ихтиёрида қолган экинзорлар чу-қур, яхши ишланмаганидан, ёввойилашиб, ҳам-маёқни шўра, гумай, сувўт, тикан босиб кет-ган.* С. Нуоров, Нарвон.

ЁВВОЙИЛИК 1 Инсон қўлига ўрган-маганлик, табиий ҳолатда бўлишлик.

2 кўчма Ибтидоий ҳолат, ваҳшийлик.

3 Одамга кўшилмаслик; одамовилик; бегоналик. *Ким айтади буни оғир қиз деб, олов-ку! Тўғри, сал ёввойироқлиги бор. Аммо ўзим тарбиялаб оламан \деди ўзича Тўлқин].* Ф. Мусажон, Ҳури.

ЁВВОШ шв. Ювош; оҳиста, итоаткоро-на. *Айби нимадалигини англамаган от жонивор, чиройли сариқ бошини ёввошгина чў-зиб, чол кетидан эргашиди.* \. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

Ёввош тортмоқ Тинч, осуда, сабр-то-қатли, ҳалим бўлмоқ. *Кумуш ўз хатида ёз-гандек, дарҳақиқат, Зайнаб шу кейинги кун-ларда ёввош тортган.* А. Қодирий, Ўтган кун-лар. **Қўйдек ёввош** Бировга халақит бер-майдиган, табиатан беозор. *Баъзилар [Ори-повни] қўйдек ёввош, бировнинг ҳақиқага хиё-нат қилмайди, деб мақтаб қўйишади.* Х. Тўх-табоев, Фельетондан кейин.

ЁВВОШЛАНМОҚ Тинчланмоқ, осуда бўлмоқ. *Нориннинг ҳайқириги бўшамайди. Аммо, ҳадемай, ўз сувининг бир қисмини каналга беради, балки шунда ёввошланар.* И. Шам-шаров, Тошқин.

ЁВГАРЧИЛИК фольк. **1** Жанг, уруш хр-лати. *-Нега уйингда беғам ётибсан, устимиз-да шунча ёвгарчилик бор, — деди Оқбўта.* «Ойсулув». *Ёвгарчилик бўлди энди, ёронлар, Ғайрат қилинг, Чамбилга ёв йўлатманг.* «Гўрўғли».

2 Душманлик, ғанимлик, ўзаро адоватда бўлишлик. *Душман қурсин, бари жонин сотиб-ди, Ёвгарчилик ёмон экан дунёда.* «Ҳасанхон».

ЁВ-ЁВ с. т. Ёв хужуми, уруш, жанг. *Ёв-ёв бўлди. тт Қадимги замонда ёв-ёв бўларкан. Юртни бирдан ёв босиб келар экан-да, ҳаммининг иши ишда, оши ошда қолиб, жанг майдонига қараб югурар экан.* Ойдин, Ун беш газли арқон.

ЁВЛАМОҚ фольк. Хужум қилмоқ, бос-тириб бормоқ. *Душман кўрсанг, издан қўй-май қувлагин, сағир кўрсанг, анинг кўнглин овлагин, Қарши душманнинг юртига*

ёвлагин, Элингга эл қўшиб юргин, Эрали. «Эрали ва Шерали». Одилхон подшоҳ Қовуштирхоннинг юртига ёвлабборди вауни ўлдирди. «Гўрўғли».

ЁВЛИК айн. **ёвгарчилик 1.** Хоразмга ин-гиранган эр эди, Ёвлик кунни Рустамдайин зўр эди. «Юсуф ва Аҳмад».

ЁВМУТ 1 Туркий ва туркман уруғла-ридан бирининг номи. *Отим Аваз, айтадиган арзим бор, Арзимга қулоқ сол, ёвмут сардори.* «Хушкелди». У\Ойнагул\ ҳам ёвмут қизи. А. Ҳақимов, Илон изидан.

2 Ёвмутларга хос, ёвмутларга оид. *Ёвмут қалпоқ кийиб, жазойир қилич таққан, кўзи-га қон тўлган карвонбоиш даставвал Сариқ-ни отиб ўлдирди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

ЁВОН қ. **ёбон.** *Қоқо ёвонида ўз арпасини ўрибянчган Хайдар энди уни совураётган эди.* С. Айний, Қуллар. *Борай, онам ёвондан кел-гунларича, овқат пишириб' қўйишим керак [деди қиз].* Н. Қиличев, Ёронгул.

2 шв. Қишлоқ; дала. *Матчон тўра ёвон ҳовлисига кирмасдан, шаҳар ҳовлисига от сол-ди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЁВУЗ 1 Ўтакетган йирткич; ашадций. *Энди ёвуз аждар бизларни ютар.* «Нигор ва Замон». Қиличдан ўтказамиз, от қўйиб, ёвуз ёвни. Ҳабибий, Девон.

2 кўчма Душман, ёв. *Элмурод ҳайрон бў-либ сўради: -И-й-е. Ҳали сизни биров ўлдирмоқчи ҳам бўлганми? Қандай ёвуз экан у?П.* Турсун, Ўқитувчи. *Етибкелди ёвузлар, Одам-ларни осдилар.* Уйғун.

Ёвуз ният Ёмон мақсад. *Ким билади, уларнинг юрагида қандай ёвуз ниятлари бор.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Душман ёвуз ниятига ета олмади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЁВУЗЛАРЧА Арвиш. Ёвузларга ўхшаб, йирт-кичларча. *Ёвузларча қийнамоқ.*

ЁВУЗЛАШМОҚ Ёвузга хос хатти-ҳара-кат қилмоқ. *Тўғри, душманлар камайиб қолган, бироқ улар баттар ёвузлашган.* Ш. Хол-мирзаев, Т. Усмонов, Сўнмас ўт.

ЁВУЗЛИК Ёвузларга хос хатти-ҳаракат, хунрезлик, жоҳиллик. *Бу ёвузлик уларни ҳатто одам қиёфасидан чиқарган.* А. Қаҳҳор, Сароб. У\Алексей\ Ойимхонга тикилиб, *Тожибоига савол берди: « Сиз унинг шгари ким бўлганини, халққа қарши қандай ёвузликлар қилганини билармидингиз?»* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁВУҚ эск. айн. **яқин.** *Ёвуқ қариндош. ишш* Бу вақтда ёвуқдан милтиқ овози эшитилиб, унинг тутуни бандилар ва соқчиларни қоплаб олди. С. Айний, Қуллар. *Булдуруқ ҳам ту-валоқ, Суқсур, оққув, тустовуқ, Сайранлар менга ёвуқ.* Миртемир.

ЁВУҚЛАШМОҚ Яқин келмоқ, яқин-лашмоқ. *-Ахийлар [биродарлар/. келинг энди, барчанинг хаёлини машғул этган ишлар бора-сида, яъни кун сайин ёвуқлашиб келаётган ганимни даф этмоқ чоралари тўғрисида сўй-лашиб олайик, — деди оқсоқол.* М. Осим, Ўтрор. *Жоме масжидини айланиб, жинкўча-лар оралаб, Паҳлавон Маҳмуд қабрига ёвуқ-лашди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁВЧИ шв. Совчи. *Урганч келиб, ошиқ бўлдим қизингга, Ёвчи қўйиб, минг от бердим ўзингга.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЁВЧИЛИК шв. Совчилик. *Аҳмадбек бой-га қараб айтди: -Биз ёвчиликка келдик. «Бўтакўз».*

ЁВШАН Мураккабгуллиларга мансуб, ем-хашак бўладиган кўп йиллик ўсимлик. *Купега иссиқ шамол ёвшан.. қовжираган май-салар ҳидини олиб кирди.* С. Нуров, Нарвон. *Асрлар бўйи янтоғу ёвшандан бўлак экин ўсма-ган дала тўшида зумрад гўза ниҳоллари ти-зилди, борлиқ гул-гул яшинади.* Ш. Ғуломов, Бўз ерлик бўз йигитлар.

ЁВШАНЗОР Ёвшан билан қопланган майдон. *Насриддинов гизилаб чекинаётган қовжироқ ёвшанзорга тикилиб, яна Зумрад-ни эслади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЁВ-ЯРОҚ фольк. Курол-аслаха, курол-лар. Узоқдан ёв-яроқ таққан кишиларнинг қораси кўринибқолди. «Ёдгор». Ёв-яроқни, от-анжомни шайланглар, Имтиҳон кун хонга қўйинг даракни. «Юсуф ва Аҳмад».

ЁВҚУР Ҳеч нарсадан қўрқмайдиган; жасур, ботир, мард. Зуннун Арғун телбароқ, лекин ажойиб қишчбоз, баҳодир, ёвқур бек зди. Ойбек, Навоий. Бир вақъиш сизни ёвқур йигит ҳисоблаб, бир адашгандим, мана энди иккинчи бор адашяпман \деди профессор\ . Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЁВҚУРЛИК Ботирлик, мардлик, жасур-лик. Жангчиларимизнинг ёвқурлиги.

ЁВҒОН Гўштсиз, зираворларсиз суяқ овқат; фақирона суяқ ош. Миннатли паловдан миннатсиз ёвгон яхши. Мақол. *тм* Кеч-қурун уч-тўрт қошиқ ёвгон ичган, туни би-лан укол, дори олиб турган бемор тонгга яқин ниҳоят ухлаб қолди. Ҳ. Гулом, Замин юл-дузлари. Ёт агар қўй сўйса ҳам йўлингга, Собир, бормаким, Дўст ила суҳбатни туз ёвгону ардоби(нг) билан. С. Абдулла. Ойим ўчоқбошига бориб, олов ёқади, озгина пиёздоз қилиб, ёвгон мошхўрдасига урина бошлайди. Ойбек, Болалик.

ЁВҒОНСИРАМОҚ Оч қолмоқ, очиқиб қолмоқ. Шўрвага йиқилинг, домла, иззат-талаб бўлиб, ўзи чақиршишни кутиб юрсан-гиз, ёвгонсираб ўласиз. А. Қодирий, Обид кетмон. Бечора қушлар жуда ҳам ёвгонсираб кетди. Ғ. Гулом, Шум бола.

ЁД [ф. **ЈД** — хотира] Хотира, эс; хоти-рада, эсда сақлаш; эслаш. Ёдга олмоқ. Ёдимга тушди. *тш* Мана шу юришимизнинг ҳар бир қадами, сиздан эшитган гапларимнинг ҳар бир сўзи менинг ёдимда абадий қолади. П. Турсун, Ўқитувчи. Сени кўрдим, ёдимга тушди Ёшлигимда кўрган бир жувон. Уйғун. [Йўлчи] Гулнорнинг ёди, қайғуси билан ат-рофда тентираш учун кетди. Ойбек, Тан-ланган асарлар.

ЁД(дан) билмоқ Аввал ўқиб, эшитиб олиб, хатга, ёзувга қарамасдан эсга келтирмоқ. Бо-бур араб, форс тилларини яхши ўрганган, қуръ-он сураларининг кўпини ёд билар, маъносини ҳам тушунар эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Ёд олмоқ (ёки қилмоқ) айт. ёдламоқ. Ёддан чи-қармоқ Эсдан чиқармоқ. Элмурод хаирлашувни ҳам ёддан чиқариб, қозикдан панамани олгани-ча, қисмга чопди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ёдига тушмоқ (ёки келмоқ) Эсига, хотирасига келмоқ, тушмоқ; кўз олдида гавдаланмоқ. Василя Назаровна Дилфузани кўрди-ю, беих-тиёр ўз қизининг қилмиши яна ёдига тушди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Шу пайт, қаси кунидир айни шу дамни тушида кўргани ёдига келди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч уч-рашув.

ЁДАКАЙ с.т. Ёдаки.

ЁДАКАСИГА с.т. Ёдаки.

ЁДАКИ \ф. рвш. Хатга қарамас-

дан, ёддан. Шеърни ёдаки ўқимоқ. *тш* Даф-тарнинг варақлари жузидан чиқиб кетган, йиртишиб тушган, бошқа бирон жоида лек-ция ўқиганда чалкашган бўлса керак, лек-тор лекциянинг бош-кетини тополмай, хий-ла овора бўлди, бу орада ёдаки яна икки **Мар-та** «Ўртоқлар!» деди. А. Қа\ҳор, Қуюшқон. Кейин хон, Авазнинг бир байитини ёдаки айт-ди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁДГОР \ф. **ЈД^ЈД**; — хотира; совға, эсда-лик] **1** Бирор шахс ёки воқеа-ҳодисани эслатиб турувчи нарса, нишона, эсдалик. Ун-син онасидан ёдгор қолган ва ягона зийнати бўлган юпқагина эски кумуш билагузукни ай-лантириб гапирди. Ойбек, Танланган асарлар. Марҳума онасининг ёдгорлари бўлган бу уч болани бегоналар қўлида хор қи,иб қўйиш-ни Нодира истамаса ҳам, эрининг фақирлиги бунга моне эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Эсдалик учун бериладиган нарса; сов-ға, ҳадя. Мен нимани айлашин ёдгор — бошим қотди.. қисилди нафас. Ё. Мирзо.

3 Ёдгор (эркак ва хотин-қизлар исми). **ЁДГОРЛИК** **1** Эсдалик, эслаб юриладиган нарса; совға. -Мендан ёдгорлик бўлсин, Меъмор, — деди Чўли бобо, — ҳозир кун ис-сиқ, совуқ кунларда кийиб юрасиз. Мирмуҳ-син, Меъмор.

2 Бирор шахс ёки воқеа хотираси учун тикланган ҳайкал, бюст. *Мозорнинг ўрнига номаълум солдатларга ёдгорлик қўйишидиган бўлиняпти \дедиҲасан ака*. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Саидусмон қишлоғида.. қаҳрамон-ларча ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди*. Назармат, Жўрлар ба-ланд сайрайди.

3 Ёдгор бўладиган, эсдалик сифатида сақланадиган нарса; меъморий обида. *Бир-икки кун Самарқанд шаҳрини айланиб, эски ёдгорликларни хўп томоша қилдим, сўнгра Бухорога жўнабкетдим*. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

4 Қадимги ёзма манба, қўлёзма. *Бу сўз қадимги ёдгорликлар тилида «тўрқу» шаклида келиб, ипак, ипак газлама деган маъноларда ишлатилган*. «УТА».

ЁДЛАМОҚ 1 Эсга олмоқ, хотирламоқ; кўз олдига келтирмоқ. *Йўлчини ёдларкан, унинг [Нурининг] юрагида энди газаб қўзга-лар эди*. Ойбек, Танланган асарлар. *Гулсин куйлади: Уртоқларим, қўлга олсам торимни, Беихтиёр ёдлайдирман ёримни*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Хотирага келтирмоқ; хотирада, эсда сақлаб қолмоқ; такрорламоқ. *Меъмор умри давомида йиққан қимматли сўзларни шил-дироқ қозога ёзиб қўйган бўлиб, уларни доимо ўқиб, ёдлаб юрарди*. Мирмуҳсин, Меъмор.

ЁДНОМА 1 Марҳумни эслашга бағиш-ланган мақола. *Газетада рассом Чингиз Аҳмаров ҳақида ёднома босилди*.

2 Ёзма ёдгорлик. *Бу сўз [абушқа] қадим-ги ёдномаларда қари киши, эр, чол маъноларида қўлланган*. «УТА».

ЁЗ 1 Йилнинг баҳор билан куз орасида-ги энг иссиқ фасли. *Лайлак келди — ёз бўлди*. Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам, қиши битмас. Мақол. ■■ *Ёз кечасининг ёқимли сал-қини*. Кўкда дарахтлар устида гуж-гуж юл-дузлар ёнади. Ойбек, Танланган асарлар. *Куз келди-ю, кетди ёз: гул, майса ўт сарғайди*. Х. Пўлат. *Қирқинчи йилнинг ёз палласи эди*. С. Кароматов, Олтин қум.

2 кўчма Умрнинг энг гуллаган, ёшлик даври. *Ёзим ўтди, чиройингизга тўймай асло бу қувноқ кўнгил*. Ғайратий.

ЁЗ БЎЙИ Ёз давомида, бутун ёз. *Ёз бўйи уч-тўрт гал ер этагидан, "Ҳорманглар-у", қичқириб ўтиб кетганман*. Ғ. Ғулом. *Хазина ер, зилол сув, Ёз бўйи сахий қуёш*. Ғайратий. **Кўнгли ёз бўлмоқ** Ортиқ севиниб, баҳриди-ли очилмоқ. *Назир отанинг кўнгли ёз бўлиб кетди*. Ў. Умарбеков, Чарос.

ЁЗГИ 1 Ёзга оид, ёзда бўладиган; ёзда-ги. *Ёзги ёмғир*. *Ёзги тун*. *Ёзги иссиқ*. *Ёзги меҳнат — қиши роҳат*. Мақол. **н** *Баҳор кез-ларида майсаларга ястаниб, дарахт таг-ларида бирга дарс тайёрлаганимиз, ёзги ка-никулда тоғларга саёҳат қилганимиз менинг эсимданчиқмайди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ёз учун мўлжалланган, ёзга мос; ёз-лик. *Ёзги кинотеатр*. **н** *Қурбон ота елиб-югуриб, сал кунда қиши ва ёзги чойхонанинг кам-кўстини тўзрилаб олди*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ЁЗДИРМОҚ ЁЗМОҚ Ш 1 фл. орт. н. *Ақл-дан ёздирмоқ*. *Тўғри йўлдан ёздирмоқ*.

ЁЗИЛМОҚ I 1 ЁЗМОҚ I 1, 2, 3 фл. ўзл. ва мажх. н. *Дастурхон ёзилиб, тушлик чой кел-ди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Оёгинг.. йўлга тушсак, ёзилиб кетади*. А. Қаҳдор, Хотин-лар. *Гулсапсар, жамбилларинг ёзилган қат-қат*. Ғайратий. *Кун ботиши томондан осмон-га пушти қизил шуъла ёзилган эди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Хурсанд бўлмоқ, кайфияти кўтарилмоқ; чарчоқни тарқатмоқ, ташвишни йўқотмоқ, яйрамоқ. *Онанинг гина-қудурати саратон ём-гиридек тез ўтиб бўлган эди*. *У ёзилиб, қизи билан овқатланди*. Шухрат, Шинелли йиллар. *Ашур Мирзо қизининг отини эшитиши билан ёзибкетди*. М. Исмоилий, Фарғонат. о. *Энди бир шаҳарга тушиб, уч-тўрт кун ёзилиб кел-сам.. жуда-жуда сиқилиб кетдим*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Бемалол ўтирмақ, ўзини эркин тут-моқ. [*Меҳри:*] Диссертация ҳам бор бўлсин. Келганига ярим ойдан ошди-ю, ёзилибгина бир дам олмабди! 0. Ёқубов, Пьесалар. Бемалолроқ ёзилиб ўтиринг! Зап кўчиб кел-дингиз-да! Сизни зериктирмаймиз. Х. Гулом, Машъал.

4 Таҳорат олмоқ, бўшалмоқ. *Отамурод ёзилиб келиб, бир ҳафтадан бери биринчи марта пақирдаги қудуқ сувидан соқол босиб кетган юзини пишиб-пишиб ювиб, бир маза қилди.* М. Мансуров, Ёмби.

Кўнгли (ёки юраги) ёзилмоқ Кайфияти яхши бўлмоқ. -*Икки оғиз гаплашса, ақалли ўзини кўрса ҳам, кўнгли ёзилади-ку, — деди Шербек.* С. Анорбоев, Оқсой. *Юрагинг ёзил-син, деб томошага олиб келяпман [деди Ота-мирза].* Х. Тўхтабоев, Фельетондан кейин.

ЁЗИЛМОҚ II 1 Ёзмоқ II фл. мажх. ва ўзл. н. *Хат ёзилди. Ҳикоя ёзилди. н Анвар қўлидаги ёзилган қозонни қўйиб, иккинчи оқ қозонни олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шогирд адреслар ёзиладиган дафтарга имо қилди.* Т. Ашуров, Оқ от.

2 Аталмоқ, бағишланмоқ. -*Шеър бизга ёзилмай, кимга ёзилган бўлсин ахир, — деди Жўрахон.* Назармат, Жўрлар баланд сай-райди. -*Мана шу ашула сиз учун ёзилган.. — Алимардоннинг овози негадир титраб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Аъзо бўлмоқ, қўшилмоқ. *Бўтабой пар-тизан отрядига кўнгилли бўлиб ёзилди.* С. Ах-мад, Ҳукм. *Инобат таваккал қилиб, берухсат ёзилиб келаверсинми механизаторликка ? Йўқ, бу онанинг раъйига қарши бориш-ку! «Ўз-бекистон кўриқлари».* Бир эмас, ўн бтоси бўлса-да, мен ширкатга ёзилмоқчиман. С. Сиёев, Ёруглик.

4 Баён қилинмоқ, ифодаланмоқ. *Мақо-ла оммабон, равон ва содда тилда ёзилган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Пешонасига ёзилган Такдирида бор. У [Йўлчи] ҳали ҳам камбағал "бегона" қизни ёдлар, ҳали ҳам унинг бошини «У кимнинг қизи? Уни яна бир кўриши пешонамга ёзилганмикан?» каби саволлар банд қилган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЁЗИН-ҚИШИН рвш. Йил бўйи; йилнинг тўрт фасли давомида. *Ширкат меҳнат аҳли-ни сабзавот билан ёзин-қишин таъминлашга алоҳида эътибор берапти.* Газетадан.

ЁЗИШМА Ўзаро ёзилган хатлар, ёзма алоқа. *Идоралар ўртасидаги ёзишма. иши Ёзишмалар узоққа бормади. Собиржон.. урушга жўнаб кетди.* Газетадан. *ХитоU тарихчиси Си-Ма-Сяннинг «Тарихий ёзишма-лар» номли кишобида хингойлик Чжан Цянь келтирган далил бор.* К. Маҳмудов, Қизи-қарли пазандалик.

ЁЗИШМАБОЗЛИК Турли хил хатлар ёзиш билан банд бўлишлик. *Қозғозбозликни камайтирмақ, одамларни бошқармаларнинг турли аппаратларида бюрократларча ёзиш-мабозлик билан банд қилиб қўймаслик керак.* Газетадан.

ЁЗИҚ I эск. айн. **гуноҳ.** "*Ажалингнинг етиши қилган ёзигиндан эмас, бек аканнинг қонсираши!*" деган гап \Ҳасаналининг\ кўнг-лига тушар эди-да, беихтиёр уфлаб юборар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёзигим не? Узимдай бир гарибани яхши кўрганимми ? [деди Матпано]. «Ёшлик».* Бизнингхудога нима ёзи-гимиз бор экан. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ЁЗИҚ II 1 Ёйилган, очилган, тўшалган. *Ёзиқ палос. Ёзиқ чойшаб. ит -Дадажон! — дея қувноқ қичқириб Онабиби қарши чиқди: унинг сочлари ёзиқ, қўллари қурум эди.* А. Мух-тор, Чинор.

2 Кенг, энли. *Келиб кўрдим: кенгиш, ёзиқ кўчалар, Кундуздай равшандир юрсак кечалар.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Равшанхон сўзлаиди алвон-алвон, яғрини ёзиқ полвон, юзлари олмадай пишган, кўрганнинг ақли шошган.* «Равшан».

3 айн. **ёйиқ 3.** *Ёзиқ ликопча. Ёзиқ сават.*

ЁЗИҚДИ I Тўшаб қўйилган, ёзилган. *Ерга ёзиқли шоҳи гилам, тахмондаги кўрпа-кўрпачишар.. унинг кўзларига кўриниб кета-ётгандай бўлди.* Ҳ. Гулом, Машғал.

ЁЗИҚЛИ II Ёзилган, битилган. *Булар-нинг ҳаммаси унинг бўйнига қарз бўлиб ётарди.* Булардан ташқари, отасининг дафн хара-жатлари ҳам темир дафтарда ёзиқли эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дафтарнинг ҳар бетига число ва сарлавҳа ёзиқли эди.* Ҳ. На-зир, Сўнмас чақмоқлар.

ЁЗИҚЛИ III эск. Ёзиғи, гуноҳи бор; гу-ноҳкор. *Пешонамиз тор экан, ёзиқли жон бор экан, Энди билсак, бу ишда «жоҳил» жавоб-гар экан.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ЁЗИҚСИЗ эск. Ёзиғи, гуноҳи йўқ; бегу-ноҳ, гуноҳсиз. *Ҳеч ёзиқсиз мазлумларча инграган, жафо тортган қора кунлар кет-мишидир.* Ғайратий.

ЁЗЛАМОҚ Ёзда бирон жойда яшаб дам олмоқ. *Ишламаган тишламасин, Уйимизда қишламаеин, Богимизда ёзламасин, Кўнгул торин созламасин, С. Акбарий.*

ЁЗЛИК Ёзга хос, ёз учун белгиланган, ёзга мувофиқлаштирилган бино, нарса; буюм. *Ёзлик чойхона. Ёзлик кўйлак.* **ит** Гулнор бу кун ювилиб, офтобда қуриган бир қулоч ёзлик кийимларни аллақаяқдан йиғиштириб келар эди. Ойбек, Танланган асарлар. *Нус-ратбек тўрдаги айвон четига ўрнатилган қўлювгичда қўлини чаяётганида, биров ўзига тикилиб турганини сезиб, ёзлик оишона то-монга қаради.* С. Нуров, Нарвон.

Ёзлиги йўқ Ёз иссиғига бардош берол-майдиган, иссиққа чидамсиз. *-Сизнинг ҳам менга ўхшаш ёзлингиз йўқ экан, — деди у, Сорахоннинг қўлини ушлаб.* А. Қаҳ-хрр, Сароб.

ЁЗЛОҚ Ёз фаслида яшайдиган жой; ёй-лоқ, яйлов. *Ёзлоққа кўчиб кетмоқ.* **ит** Қани ўша Буқабулоқ, Тоғ ҳуснига уқа булоқ, Ўша дара, ўша ёзлоқ, Сўқмоги мўл ўша созлоқ. Миртемир.

ЁЗМА Хат, ёзув воситасида ифодалан-ган, ёзилган. *Ёзма маълумот. иш Дарс тайёрлашни ёзма ишларни бажаришдан бошлаш мақсадга мувофиқ.* «Фан ва турмуш». *Ёзма адабиётдан ташқари, халқимиз юзлаб ажойиб дostonлар яратган.* Шукрул-ло, Жавохирлар сандиги.

ЁЗМИШ эск. 1 Такдир, қисмат. *Ҳаёт-тжғнинг бутун ёзмиши Бир нафасдир, эҳ, бир нафасдир.* «Ёшлик».

2 Гуноҳ, айб, ёзиқ. *Айбдорўз ёзмишлари-га яраша жазо олди.*

ЁЗМОҚ I 1 Ўроғлиқ, гахлоғлиқ нарса-ни очмоқ, ёймоқ. *Гиламни ёзиб кўрмоқ.* **ит** *Бостирмада Зиёдахон супра ёзиб, ун элаб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ҳаммасига дастурхон ёзиб, сувнинг ўрни-га шарбат, асал билан қанду новвот, зиёфат устига зиёфат қилди.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 Ғижимланиб, бужмайиб қолган нар-сани текисламоқ. *Солиев холи қолгач, галадондан сарғайиб кетган аллақандай қогоз-ларни олиб, кафти билан ғижимини ёзди.* «Муштум».

3 Тўшамоқ, солмоқ. *Башорат ўзини қа-ёққа қўйишини билмас, опаларига кўрпача ёзиб, яхишиб ўтиришларини илтимос қилар эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Она-бола бир ўрин ёзиб ётдишар.* А. Крдирий, Ўтган кунлар.

4 Очмоқ, ёймоқ; ростламоқ; кермоқ. *Панжасини ёзмоқ. Қанот ёзмоқ. ти Пир-нафас ака қулочини ёзиб, кучи борича санч-қини отди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

5 Тўпланиб, ўралиб, уюлиб турган нар-сани ёймоқ, тарқатмоқ. *Хирмондаги пахталарни взмоқ. ти Беш танобга солинган тупроқни ёзиб, очилган ерни ҳам чопиб, шудгор қилиб қўяди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сочингни ёзма дедим-ку! Қулогингга тош бит-кур! \.* Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Паст-роқда заррин попуқларини ёзиб, хотин-қиз-лар артелининг байроғи ҳилтирайди.* А. Мух-тор, Опа-сингиллар.

6 Чиқармоқ, очмоқ. *Кимдир суқиб кет-ган тол ёғочи кўкариб, япроқ ёзди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ариқ лабларида ниҳол барг ёзар, Теварак гулбаҳор, шеварак кўркам.* Р. Бобожон.

7 Тарқатмоқ, йўқотмоқ. *Хафалигини ёз-моқ. тт Бечора канизлар дард-аламларини ўйин-кулги билан чиқарар, гамларини шу би-лан ёзардилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

Кўнглини ёзмоқ Дарду ҳасратини айтиб, гам-аламдан фориг бўлиб, кайфиятини яхшиламоқ. *Гаплашиб, кўнглимни ёзгим келяп-ти.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Кўшиқ айтиб, кўнглимизни ёзамиз Эринсак, дуторнинг торин узамиз.* «Юсуф ва Аҳмад». **Оёқнинг чигили-ни ёзмоқ** Бир оз юриб, оёқувушганини тар-қатмоқ. *Иброҳимов оёғининг чигилини ёзгани ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқ-лари. **Қанот ёзмоқ** 1) қанотини ёймоқ, кер-моқ. *Кейин бир тўхтаб олди-да, \бургут\ қанотларини ёзиб, олдинга талпинди.* Ў. Умар-беков, Чарос; 2) пайдо бўлмоқ. *..қалбимда янги бир орзу — Шерободга отланиш орзуси қанот ёзди.* «Ўзбекистон кўрик^ари».

ЁЗМОҚ II 1 Қоғоз ёки бошқа нарсага бирор белги (харф, рақам) туширмоқ, ёзув орқали ифодаламоқ; битмоқ. *Ариза ёзмоқ. ти Ёзганда ҳам, тез-тез, китобга кўз ташлаб, чандан ўннга қараб ёзарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бўтабой оёғи билан ерга бир нима деб ёзди-ю, яна йўлда давом этди.* А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари.

2 фольк. Баён қилмоқ, айтмоқ; ифода-ламоқ. *Шарҳи дилим кимга ёзсам, Шакар деб дунёни кезсам.* «Ширин билан Шакар».

3 Ёзма равишда мурожаат қилмоқ; мат-буот орқали хабар. маълумот бермоқ. *Ҳа, кимга ёзсин бўлмаса, Охунбобоевга.. ёзса бўлармиди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Султонбекдек бир давлатманд ўз ўглини мавлуд тўйи биан кесди, деб газетага ёза-ман.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Рўйхатга киритмоқ, рўйхатда қайд эт-моқ; аъзо қилиб олмақ. *Шанбаликка ҳаммани ёзди, мени ёзмади.* А. Қаҳдор, Қанотсиз чит-так. *..биттагина кир дастурхонни тизга олиш билан бу ҳовлининг жиҳоз-амлоқини — рўзго-рини ёзиб чиқилган бўлинур.* А. Қодирий. Ўтган кунлар.

5 Ёзма бадий ёки мусиқавий асар ярат-моқ, ижод қилмоқ. *Ҳикоя ёзмоқ. Опера ёз-моқ. ти \Эгам Раҳимов\ Журналист сифа-тида қанчадан-қанча очерклар, ҳикоялар, публицистикамақолаш ёзди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

Пешонага \ ёки худо\ ёзган Тақбири шун-дай белгиланган, яратилган. *Худо бандасини яратганда, пешонасига «чоракор бўласан» деб ёзмасин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *-Ҳай, худо ёзган кўргилш шу экан-да! — деб ҳасра-тини тугатди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁЗМОҚ III 1 *эск. айн. адашмоқ 2. Йўлдан ёзмоқ.*

Ақлдан ёзмоқ Телба бўлмоқ, эсини йў-қотмоқ. *Дарҳақиқат, ақлдан ёзиб, кўчаларда очиқ кезиш ва кишанга тушишининг ўзи ҳам*

Зайнаб учун кичкина жазо ҳисобланмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Гуноқ қилмоқ. *-Шу қийналибётган бева-бечоранинг қадри бир қушча йўқми? Ахир улар худога нима ёзибди! — деди Абулбарака.* Шух-рат, Жаннат қидирганлар. *Худога нима ёз-дим? Наҳот ўтган-кетганининг қўлига тер-милиб, қариб-чириб адо бўлажакман? \деди Матпано\.* С. Сиёев. Ёруғлик.

ЁЗМОҚ IV Кўмакчи феъл вазифасида **-а** шаклли равишдош билан келиб, етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг тўла рўёбга чиқмаганлигини, бажарилишига сал қолганлигини билдиради, мас. *йиқила ёзди, урила ёзди. ти Эҳтимол, [Олимжон/ ана шу меҳнат шавқига кўмилиб, Ойқизни ҳам уну-та ёзгандир.* ЛУ. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳикоя битгач, [имом/ заҳарханда билан Са-мад буқоққа қаради, дами кесила ёзган буқоқ бундан руҳланди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЁЗУ ҚИШ *айн. қишин-ёзин. Шунинг учун юзни очмай ёзу қиш, Юз-кўзига ниқоб тутиб юрармиш.* Ҳ. Олимжон.

ЁЗУВ I Ёзмоқ II 1 фл. ҳар. н. Ёзувмаши-наси бўлмаган терговчи маҳкамасининг мир-заси бечора протоколни жуда зўр диққат ва ҳафсала билан кўчирган. Чўлпон,

Кеча ва кундуз. *Натижада Йўлчи.. ҳар кун терлаб-пишиб, соатларча ёзув машқ қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Муайян бир тилда қабул қилинган ёзма белгалар ёки тасвирлар тизими; алифбо. *Араб ёзуви. Руник ёзув. тт Ўнлаб халқлар: мордва-лар, комилар, марилар, қорақалпоқлар, хакас-лар.. ва бошқалар ўз миллий ёзувларига эга эмас эди. «ЎТА».*

3 График белгиларнинг тасвири, ҳарф-лар. *Яна бу қўлёзмада шоирнинг Жомий газалига тахмис иўли билан ёзган мухаммаси ҳам бор. Лекин ёзувлари жуда чаплашиб кетган-лиги учун ўқий олмадик. «ЎТА».*

4 Ёзилган нарса, матн, хат. *Асад қори тахтадаги ёзувни тартиби билан ўқий бошлади. М.Исмоилий, Фарғона т. о. Мир-закаримбой соқолини селкиллашиб кулди ва бу ёзувдан рози бўлганини билдирди.. Ойбек, Танланган асарлар. Мана шундай ёзувлар Тошга ўйиб ёзилган. 3. Диёр.*

5 Уйга ёзиш учун берилган вазифа. *Ойи-чи, ойи, бугун ёзувдан тўрт олдим [деди Бах-тиёр]. С. Зуннунова, Янги директор.*

Магнитофон ёзуви Магнитофонга ёзилган матн. *Ана шундан кейин ансамбль ишти-рокчиларига кечаги магнитофон ёзуви қўйиб эшиттирилди. С. Аҳмад, Юлдуз.*

ЁЗУВЧИ 1 Ёзмоқ 1 фл. сфдш.

2 *от* Бадий асар ёзиш иши билан шу-ғулланадиган шахс; адиб. *Талантли ёзувчи. тш Эр-хотин айтаверса, бу жанжалнинг тарихи бирон ёзувчининг қўлига тушса, кат-такон бир китоб бўладиган. А. Қаҳҳор, Жон-фиғон. Жўрахон, ёзувчи билан хайрлашиб, ташқарига чиқди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

3 салб. *Ифвогар, орага нифоқ солувчи. Бу ёзувчи кўп одамларни сарсон қилди.*

ЁЗУВ-ЧИЗУВ Умуман, ёзув билан бўла-диган, ёзув ва чизувга алоқадор ишлар. *Котиба доимо ёзув-чизув билан банд. тш Ин-женерлар ҳам ёзувчиларга ўхшаб доим ёзув-чизув қилиб юради. Ойдин. Сухбати жонон. Авваллари ёзув-чизув ишларини ҳам Ботира-лининг ўзи олиб борди. С. Аҳмад, Сайланма.*

ЁЗУВЧИЛИК Бадий ижод билан шу-ғулланиш; ёзувчи касби. *Саидий — жўн студент, ёзувчиликка уннаб, ҳамини му-ваффақиятсизликка учраб юрган бир йи-гит. А. Қаҳҳор, Сароб. Хотира дафтариди ёзувчилик меҳнатига доир кўп фикрларни учратиш мумкин. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.*

ЁЗУҒ айн. ёзиқ. *Ул гарибларнинг не ёзуғ-лари бор, ахир? С. Сиёев, Ёруғлик.*

ЁЗҒИРМОҚ 1 Хафа бўлиб гапирмоқ, гина қилмоқ; айбламоқ, айб қилмоқ. *Мухсинани бекорга ёзғирган экан. М.М.Дўст, Ло-лазор. Ахир, опам эшитса, ёзғирмайдими? Унинг ҳурмати йўқми? \. Назир, Ўтлар ту-ташганда. Ҳатто, қадрдон дўстим нега мен-дек ўйлай олмайди, дея уни ёзғириш ҳам ин-софдан эмас. Т. Қайиббергенов, Қорақалпоқ-нома.*

2 эск. *Гуноҳ қилмоқ. Мен нима ёзғирдим сизга?*

ЁЗҒИЧ эск. айн. **қалам.** *Ана шу оқим таъсири остида маълум даврда қалам сўзи ўрнида ёзғич. сингари архаик ёки ясама сўзлар ишлатила бошланган эди. «ЎТА». Улар қадам-ни ёзғич, стакани сув ичкич деб кулги қилар-дилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЁЗҒУЧИ 1 эск. айн. **ёзувчи 1.** *Унинготи-дан талоқ хати ёзғучи шу бадбахт Ҳомид. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 айн. **ёзувчи 3.** *Зумрад кутилмаганда ша-рақлаб кулди: -Сенинг ҳамкасбинг экан, Хол! Ёзғучи. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

ЁИНКИ [0. L — ёки, ё бўлмаса]

эск. айн. ёки. Чамадончамни кўтариб, у ёққа чопаман, бу ёққа чопаман, қани энди, бўйра-ча соя ёинки бир пиёлагина яхна топилса! \. Фулом, Замин юлдузлари.

ЁИ I 1 *Қуёш нурининг ёмғир том-чиларида синиши натижасида осмонда ярим доира шаклида ранг-баранг тусда кўри-надиган йўл; камалак.*

2 айн. камалак 1. Ҳакимбек ўн тўрт бот-мон ёйни қўлига ушлаб, кўтариб тортди. «Алпомиш». Ёйўқинишонёгочига "тақ"этиб урилгани баралла эшитилди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 эск. айн. қавс I. Катта ёй. Ёй ичига олмоқ.

4 мат. Айлананинг исталган икки нуқ-таси орасидаги бўлаги. Параллел ватарлар орасидаги ёйлар бир-бирига тенгдир. «Гео-метрия».

Қаддини ёй қилмоқ Бели эгилмоқ, бук-чаймоқ. Ақром мироб, қаддини ёй қилганича, одамлар оқимиға қўшилиб борарди. Э. Усмо-нов, Ёлқин. **Электр ёйи физ.** Икки электрод оралиғида ёйиб турган ёй.

ЁЙ П \a. <j ҳарфи] айн. **ё I.**

ЁЙ-ЎҚ қ. **ўқ-ёй.** ..Аҳмад Танбал бўйинини мўлжаллаб урган қилич Бобурнинг ёй-ўқлари солинган садоғига тегиб, уни шарт кесиб тушди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЁЙИЛМА 1 Дарёнинг суви ёйилиб оқадиган кенг жой. Болалар ана шу ёйилма четроғида, сув кун тафтида илиб қолган жойда чўмилишаётган экан. Й. Шамшаров, Тошқин.

2 кўчма Кенг, худудсиз майдон, кенг-лик. Ҳамон сузар қизил олмалар Хаёлимиз ёйилмасида. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

3 мат. Геометрик жисмнинг ёйиқ \олга келтирилган устки сирти. Кубнинг ёйилмаси.

ЁЙИЛМОҚ 1 Ҳар тарафга тарқалган, сочилган, бир-биридан ажралган ҳолатда бўлмоқ. Ҳув олисларда подалар, сурувлар ми-риқиб ёйилиб юришибди. Н. Фозилов, Дий-дор. Хотинлар сояда ёйилиб ўтириб, гангир-гунгур гаплашар, баъзилари қуруқ нон кав-шар, баъзилари бола эмизар эдилар. А. Мух-тор, Опа-сингиллар. Майда ўрилган қора, узун кокилар белига тушади, енгил йўргалаган сари ёйилиб силкинади. Ойбек, Тан-ланган асарлар.

2 Эшитилмоқ; таралмоқ. Шу пайт майдон бўйлаб дикторнинг овози ёйилди. С. Нуров, Нарвон. Тунда радиодан наст товушда ёйи-лаётган қўшиқни тинглаб ётдим. «Ёшлик». Най садосининг майин тўлқинлари тип-ти-ниқ ҳавода ёйиларкан, гўё ҳаммаёқ жошанган каби туюлди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Тўшалмоқ, ёзилмоқ. Далалардаги оқ олтин пайкаллариға назар таиласангиз, гўё далалар узра ёйилган оқ дастурхонни кўра-сиз. Газетадан. [Меҳмонлар] Чақнаб ёйиб турган қизил, юмшоқ гилам четлариға ёйил-ган шоҳи кўрпачаларда, катта пар ёстиқ-ларға ёнбошлаб, чой ичар эдилар. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Овоза бўлмоқ, машҳур бўлмоқ. Шер-зоднинг гайрати, ботирлиги бошқа мамлакатларға ҳам ёйишибди. «Ўзбек халқ эртақ-лари». Қоби/шятли боланинг овозаси кун сайин кенгроқ ёйила бошлайди. Т. Обидов. Юсуф-жон қизиқ. Плацдармни эгаллашба катта жасорат кўрсатган ўн баҳодирнинг таърифи бутун фронт бўйлаб ёйилди. Назармат. Жўрлар баланд сайрайди.

5 Ўзини эркин, бемалол ҳис қилмоқ; кайфияти яхшиланмоқ, хурсанд бўлмоқ. / Кампир\ Унсиннинг юзида ҳар вақтдагидан кўра ўткирроқ дард сезиб, бу куюнчак қиз вйилиб келсин учун, қўшилариникиға чиқшиға буюрди ва ўз тенги қизлари бўлган бир неча ҳовлини кўрсатди. Ойбек, Танланган асар-лар. -Мен сенлардан хурсандман, — деди Ҳасан ака бирданиға ёйилиб. Э. Раимов, Ажаб қиш-лоқ. Семиз одам салқин супада чордона қуриб, ёйилибўтирарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

6 Ривожланмоқ, томир отмоқ; омма-лашмоқ. Корхонада ягона наряд билан ишлаш тобора кенг ёйилиб бормоқда. Газетадан.

Кун (ёки қуёш) ёйилди Қуёш анча кўта-рилиб, атрофга тўла нур сочди. Мурод қуёш ёйилганда турди. Т. Ашуров, Оқ от. Кун ёйи-либ кетди. Эрталаброқ вагонлар қизиб, дим бўлди. С. Нуров, Нарвон. **Юзига табассум (ёки кулги) ёйилмоқ** Илжаймоқ, кулмоқ, хурсанд бўлмоқ. Хокимбойвачча диққат билан ўқир экан, юзига табассум ёйилди. Ойбек, Тан-ланган асарлар. Қогозларни ўқиб туриб ҳамда уларни ўқиб

бўлгандан кейин адвокатнинг чўзиқ юзларига бир кулги ёйилди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЁЙИҚ 1 Ёйилган, ёйиб осиб қўйилган. Ёйиқ кирларни йигиштирмоқ.

2 Ёзиқ, тўшалган, солинган. Ёйиқ дас-турхон.

3 Чуқур бўлмаган; ясси, юза. Ёйиқ та-релка. Ёйиқ идиши. **иж** Буги кўтарилиб турган ширмойи тўла ёйиқ сават кўтарган нон-вой кириб келди. «Гулистон».

4 Ўрилмаган, сочиқ (соч ҳақида). Сочи ёйиқ қизчанинг кўзига боқ, ёр-ёр, Қандай гусса кўнглини эзди шу чоғ, ёр-ёр. «Қўшиқлар».

Ёйиқ гап тли. Бош ва иккинчи даражали бўлақлардан тузилган гап.

ЁЙИҒЛИҚ Ёйилган, ёйиқ. Бир уйнинг ичида уч кўрпача ёйиғлиқ турибди. Эшиги ҳам йўқ, тешиги ҳам йўқ. Меҳмон келса, очиладь (Қовун).

ЁЙЛАМОҚ фольк. 1 Яйрамоқ, мириқиб дам олмақ. Менинг тушим доим сенинг яйловинг, Ёйлай кўргин, ёрим, даврон сеники. «Равшан».

2 Кўзламоқ, мўлжалламоқ. Чорвадорлар ёйлар тоғнинг адрини, Яхши одам билар мард-нинг қадрини. «Муродхон».

ЁЙЛОҚ с. т. Яйлов.

ЁЙМА 1 Ёйиладиган, ёйиқ; ёйиб, ёзиб тўшаладиган. Ёйма тўр. **ит** Ит исқатиб, ёйма матраб билан бедана овлашнинг гаптини сурадиган мавсум ҳам келди. «Гулистон».

2 Уқдоги ёки жўва билан ёйилган хамир.

Ёйма раста Моллар ерга ёйилиб соти-ладиган жой. Чол уста билан пича ҳангома-лашгач, ёйма раста томон юрди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЁЙМАЧИ Молларини ерга ёйиб сота-диган киши. Шакарпазлар, сомсапазлар, ҳолвачилар, ёймачилар ҳам ўз чодирларидан чиқиб, бозорни обод қилишган эди. Мирмуҳсин, Меъмор. [Қори Ниёзий] Китоб-фурушлар, саҳҳофлар, ёймачилар олдига боравериб, оёғида оёқ қолмади. С. Акбаров, Афсус. ўзи кўрмади. Бозорга бориб, ёймачилардан чилонжийда сотиб олади. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ЁЙМАЧИЛИК Ёймачи касби; ёйма усулда моллар сотиш билан шуғулланиш. Бу одам.. Султепа станциясига турли ат-торлик буюмларини олиб келиб, ёймачилик қилар экан. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЁЙМОҚ 1 Тахланган, ўралган нарсани очмоқ. Қалтираган қўллари билан дастрў-молларни ёйиб кўрди: иккаласи ҳам оқ шо-йидан. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Очиб, ёзиб осмоқ (тортилган арқон. ипга, шохга ва ш. к. га). Кир ёймоқ. Кийимларни дорга ёймоқ. Келинни келганда кўр, се-пини ёйганда кўр. Мақол.

3 Эзиб юпқаламоқ, ясиламоқ; чўзмок. Уэнгашиб ўтирганча хамир ёяр, нимча кийиб олган, энтиқиб нафас олар, шишинқираган юзи қизариб кетганди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

4 Тўшамоқ, солмоқ. [Ёрмат] Отни қўш-гандан кейин, аравага қалин наMAT солди, устидан кўрпача ёйди. Ойбек, Танланган асарлар. Тўшакни уй орқасидаги ажриққа ёйиб келиб, қуруқ каравоида шифтга тикилганча ётди. С. Нуров, Нарвон.

5 Бир-биридан ажратиб, тарқатиб, со-чиб қуймоқ. Ёнгоқни офтобга ёймоқ. Қўйларни ёймоқ.

6 Маълум қилмоқ, оммалаштирмоқ. Қуд-рат.. у ерда [тўғаракда] ўрганганларини ма-ҳаллий ишчилар орасида ёйиб юрган кун-ларининг бирида уни жандарма исковучлари тўтибқамадшар. М. Исмоилий, Фаргонат.о. -Лекин бу нарсани \саводни\ сир сақлаш яра-майди. Ҳаммага ёйиб, намуна қилиш керак, — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Машхур қилмоқ, овоза қилмоқ. Арзи-гай номингиз ёйсак оламга, Шул эрур менинг ҳам умрлик дардим. А. Орипов. Институ-тимизнинг шону шуҳратини оламга ёйдиган бўлдинг, дегани элас-элас қулогимга чалиниб ҳам турибди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

8 Тўпланиб, уюлиб ётган нарсани тар-қатиб текисламоқ, текис қилмоқ. *Дўнглик ёйиб юборилгандан кейин Моҳидилнинг руҳи ёришиб кетди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

9 Тарқатмоқ, сочмоқ, бермоқ. *Пешинга-ча тариққа сув ёяман, кечлатиб, Хевага чопаман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кўклам осмонига ёнбошлаб, ёяр қуёш алвон-алвон нур.* Т. Тўла.

Сочини ёймоқ шв. фольк. Мотам тутмоқ; ғам-аламда қолмоқ. *Биров ўлса, қолган қовогин уяр, Қариндоши бўзлаб, сочини ёяр.* «Ҳасанхон». *Улиб кетсанг, юртинг бўлар бе-соҳиб, Энанг, синглинг қолар сочини ёйиб.* «Муродхон». **Томир ёймоқ** қ. **томир. Қанот ёймоқ** Оммалашмоқ, ривожланмоқ; рўёбга чиқмоқ. *Орзуси қанот ёйган Турсуной Раимовадан хотин-қизлар ҳар қанча ўрнак олса*

арзишиди. LU. Шораҳмедов, Орзу қанот ёйди. **Қулоч ёймоқ** айн. **қулоч ёзмоқ** қ. **қулоч 1.**

ЁЙСИМОН Ёйга ўхшаш, яримайлана шаклидаги. \Гулхаирининг\ *Кичик гўштдор қулоқларидаги ёйсимон олтин ҳалқалари теб-раниб, ялтиради.* С. Нуоров, Нарвон.

ЁКИ \ф. — ёхуд\ айр. боғл. Икки гап ёки айрим гап бўлаклари орасида келиб, фикрнинг улардан бирига қаратилганлиги-ни билдиради. *Мен борайми ёки ўзинг келасанми? тт Бирон одамнинг ўзидан паст ё баландлигини.. унинг ушида нечта гилами бор-лиги ёки неча кишига сўзи ўтиши билан ўлчар жан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁЛ I [ф. JL — от гарданидаги мўй] Бир қатор ҳайвонлар гардани (бўйни)да бўладиган узун юнг, қил тутамлари. *Шер ёли. тт Бугдойноя ёқалаб ўтган тупроқ йўлда оқ ёлини елптиб, бўз от йўргалаяпти.* Ш. Хол-мирзаев, Бодом қишда гуллади. *Теварақда-ги кишилар бир менга ва бир тойчамга қарай-дилар. Мен уялиб, тойчамнинг ёлини тарай-ман.* А. Қодирий, Улоқда.

Юрагида (ёки кўкрагида) ёли бор Ҳақиқий эркак, мард. *Лекин чўлда юрагида ёли бор баходирлар қолди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *-Қани, юрагида ёли бор шерлар бўлса, майдонга чиқсин, канал қазиб, қўриқ очамиз, — деди Ҳамза.* Н.Сафаров, Оловли излар.

ЁЛ II шв. Сайр, истироҳат. *Яшил ўрмон бўлур ҳали Қўл айланаси, Ёз кунлари ёл этка-ли Қушлар панаси.* Миртемир. *Ҳали шига рух-сат йўқ! Уч кун аввал келдингиз, ҳозирча ёл этингиз.* Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё. *Қуёш нимадандир хижил бўлиб қочгандай, булутлар орасида ёл этади, насим эса оаироҚјјарНУ тин-май ўйнатади.* Миртемир, Тингла, ҳаёт.

ЁЛВОРМОҚ Ўтиниб илтимос қилмоқ; илтижо қилмоқ, ялинмоқ. *-Мени ёлғиз ташлаб кетманг, — деди Қумри Қамчига ёлвориб.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Бирам ялинди, бирам ёл-ворди, «урманг, тавба қилдим», деб йиғлади, кўзларидан дарё-дарё ёш кетди-я!* М. Исмо-илий, Фарғона т. о.

ЁЛДОР \ф. jlaJU - ёлли\ 1 Қалин ва узун ёлли; серёл. *Равшанбек қараса, бир одам, ёлдор, думдор бир жишон отни йўргасига солибсе;жиллаб, ҳадебйўргшатади.* «Равшан». *Сувга қонган от ёлдор бўйнини ўша томонга чўзиб, қаттиқ кишинади.* Ҳ. Ғулом, Тошкент-ликлар.

2 Жунли, сержун. [*Тўламатнинг*] *Ҳамон кенг, ёлдор кўкраги қишин-ёзин очиқ.* С. Анор-боев, Оқсой.

Ёлдор бўри айн. сиртлон.

ЁЛЛАМОҚ Маълум шартлар асосида кимсани бирор ишни бажаришга қабул қилмоқ, пул бериб ишлатмоқ. *Бойлар битта мардикор ёллаб бериш устига от ёки арава ҳам топшига мажбур эдилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Қаландарлардан тагин ўн нафар маддоҳ ёллаб, қишюқларга юборилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁЛЛАНМА Маълум шартлар асосида ишлайдиган, ёлланган. *Ширкат вакили ёлланма ишчиларни икки оворадан қилиб аж-ратди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Тўранинг ўнга*

яқин ёлланма навқари бўлиб, ҳаммаси қилич, милишқ билан қурулланган. Ж. Шарипов, Хоразм.

ЁЛЛИ айн. ёлдор 1. Махсум бирданига кўк ёлли оч бўрига айланиб қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

ЁЛПЕЧ айн. ёлпўш.

ЁЛПЎШ \ф. oi^JL -ёлни ёпувчи| От-нинг ёлини ўраб. ёпиб қўядиган мато. ёп-қич. *Икки еайис турар икки ёнида, Қулоғи-дан олди заррин елпўшни.* «Ҳасанхон». \LUo-қир\ *Азнаб, згарини ағдарган отнинг устини очиб.. ёлпўш бишан ёпиб, айил тортди.* С. Айний, Куллар.

ЁЛПУШЛАМОҚ Устига ёлпўш ташла-моқ. *Усмонқул кўч-кўч деса, кўч бошлайди, Ортидан Нурмон ака юк ташлайди, Отини Абдуқодир олиб келиб, Бошига латта рўмол ёлпўшайди.* «Оқ олма, қизил олма».

ЁЛЧИМОҚ 1 Етарли даражада таъмин-ланмоқ; тўймоқ, қоникмоқ, қонмоқ. *Умрида ёлчиб овқат емаган, иззат кўрмаган Назирқул учун бундан ортиқ бахт йўқ эди.* С. Аҳмад, Хукм. *Кўпинча оч-наҳор қолардик, ҳатто зогора нонни ҳам ёлчиб емаган кунларимиз кўп бўларди.* Ҳ. Турсункулов, Ҳаётим қиссаси. *Ичкарига кириб ётинг, пича дам олинг, уч кун бўлди, ёлчиб ухлаганингиз йўқ.* Уйғун, Навбахор.

2 Бирор яхши кимса ёки нарсага етиш-моқ, эга бўлмоқ; ниятига етмоқ; кўнгли тўлмоқ. *Шошган қиз эрга ёлчимас.* Мақол. *Бўзчи белбоққа ёлчимас.* **тм** \ Сўфиев\ *Катта-ни ака, кичикни ука деб, ўлиб-пирилиб иш-лаб юрувди. Раислар экспедитордан ёлчидик, деб ишониб қолишган эди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Раҳматума хотиндан ёлчиган эди.* Х. Султонов, Онаминг юрти. *-Мансур баҳши, сиз хотинга ёлчимамай юрибсиз, — деди Шайбонийхон.* П. Қсдиров, Юлдузли тунлар.

ЁЛЧИТМОҚ Бировни бирор нарса би-лан таъминламоқ; бирор ишни дўндирмоқ, қойил қилмоқ, ўринлатмоқ. *Кийим-кечакка ёлчитмоқ.* **иш** *Раҳмонали деган бир оинам бор эди. Узи умрида бирор жойда ёлчитиб ишла-маган.* С. Аҳмад, Сайланма.

ЁЛҚАМСИҚ айн. ялқамсиқ. *Лекин шу бир рўзгорга айланганлар ичида яхши ишлай-диганлари бор, ёлқамсиқ, мугамбир кишилари ҳам бор.* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

ЁЛҚИН 1 Ёнаётган нарсадан кўтари-лувчи аланга. *Шоҳўтиннинг ўчоқни тўлдириб ловиғштаётган ёлқини қорайган кўчага шуъла сочмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. [Бектемир] *Соф, лоларанг ёлқинга термилиб.. узоқ ўйла-ди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Ёруғ, ёғду, шуъла, нур. *Ёнар эди Дон чироқлари.. Чироқларнинг ёлқин шуъласи Этган эди ойни асира.* Ҳ. Олимжон. *Саҳнага берилган қип-қизил нур ёлқини залнинг гирашира қоронгишигида Маҳкамнинг юз чизик-ларини.. бўрттириб, мардонавор қилиб кўрса-тарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Ёлқин (эрқақлар исми). **ЁЛҚИНЛАНМОҚ** 1 Алангланиб, шуъла, ёғду таратиб ёнмоқ. *Хонанинг ўртасида манқал тўла қип-қизил чўғ ёлқинланади.* Ой-бек, Навоӣ.

2 Товланмоқ, жилваланмоқ. *Кумтепалар ёлқинланади, Жимирлайди уйилган зардай.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Ҳаёт деган мунис бир санам Шодлик майин тутди қўлимга, Ёлқинланган лоларанг бу жом Сархушликни сол-ди дилимга.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

ЁЛҚИНЛИ Нурли; алангали; оташин. *Унинг \Гулнорнинг\ хаёлида ёлғиз Йўлчигина учади, фикран у билан сўзлашади, гўё йигит унинг сочларини силайди, эркалайди, ишқ, ёшлик нури тўла кўзлари билан унга тврми-лади, гўё юрагидаги чин, ёлқинли муҳаббатни сўз билан ифода қилолмай, боқшилари билан баён қилади.* Ойбек, Таиланган асарлар. *-Яна виждондан, иффатдан даъво юритадилар!* — ёлқинли кўзларида яна газаб тошиб деди Ис-кандаро. Ойбек, Нур қидириб. *Барқ урар ёш-лигим юрт баҳорида. Дилимда элимга ёлқин-ли бир ишқ.* Э. Охунова.

ЁЛҒИЗ 1 Бирорта ҳам шериги йўқ, бир ўзи; якка, танҳо. *Ёлғиз дарахт. Ёлғиз ўзи келди. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донги чиқмас.* Мақол. **иш** Шубҳали ёлғиз йўловчи кетганича кўринмади-қўйди. Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Ака-ука ва опа-сингиллари йўқ; ота-онанинг ягона фарзанди. *Ёлғизўғил. тш* Ҳар бир она сингари Тўқсон буви ҳам ўз ёлғизи-нинг бахтли бўлишини истарди. Н. Сафаров, Оловли излар. *Ўрмат.* *Эл орасида мени шарманда қилма, ёлғиз қизимсан, аяб турибман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аямнинг ёл-ғиз ўғли урушга кетиб, келини уч боласи билан қолибди.* С. Сиёев, Ёлғизлик.

3 Кимсасиз, ҳеч ким йўқ. *Уй ёлғиз бўлга-ни учун холамникида бирпасгина ўтириб қайтдим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 юкл. *взф.* Фақат, биргина. *Адолат* Ёлғиз ўз тақдирини эмас, ўзига ўхшаган юзлабхотин-қизларнинг тақдирини ўйлайди. С. Зуннунова, Гулхан. *Ахмад Ҳусайн бир неча кун уйдан қўзғалмади. Унинг эрмаги ёлғиз китоблар бўлди.* Ойбек, Нур қидириб. - *Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор.* — *деди Анвар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ЁЛҒИЗЛАМОҚ Ёлғиз қўймоқ, танҳо қолдирмоқ, яккалаб қўймоқ.

ЁЛҒИЗЛИК 1 Ўзи билан ўзи бўлишлик, яккалик; танҳолик. *Икромжон неча кундан бери ёлғизликни қўмсарди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ёлғиз яшашлик. -*Ёлғизлик қурсин, опа-жон,* — *Қумри дастурхонни ишгиштираётиб сўзлади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ЁЛҒИЗОЁҚ: ёлғизоёқ йўл Фақат пиёда-лар юриши мумкин бўлган тор йўл; сўкмоқ. *Дала ўртасида ёлғизоёқ йўлдан бораётган Фотима она болаларга қараб-қараб қўяди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Майна ёлғизоёқ йўлдан борарди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

ЁЛҒИЗҚЎЛ Ишда, уй-рўзгорда кўмак-лашувчи кишиси йўқ. *Ёлғизқўл одам. тш* Абдулқодир ёлғизқўл бўлгани туфайли кўпдан бери бажаролмай юрган ўзга юмушлар билан шуғулланмоққа имкон топган эди. Ойбек, Нур қидириб.

ЁЛҒОН 1 сфт. Ҳақиқатга зид, нотўғри; ҳақиқатда бўлмаган. *Ёлгон сўз. Ёлгон хабар. иш* [Отабек] *Илгари.. ўзининг ёлгон жавоб-ларидан жуда хавотирланар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Қайси ноинсоф топиб келди*

3—Ўзбек тилининг изоҳли луғати

сизга бу ёлгон гапни ? — деди Алим бува хуноб бўлиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 сфт. Ҳақиқий эмас, сохта, ясама; ёл-ғондакам. *Ёлгон йиғи. Ёлгон кулги.*

3 от Ҳақиқатга тўғри келмайдиган, но-тўғри гап, нарса; уйдирма. *Ширин ёлгондан аччиқ ҳақиқат яхши.* Мақол. *Ёв макрини ёл-гон яширар,* Мақол. ■■ *Ҳаёт ҳақиқатини куй-ласанг, халқ учун ёзсанг, таёқ ейсан; ёлгонни ёзсанг, бошингни силайдилар.* Ойбек, Нур қидириб. *Ёлгонни сал киши ишонадиган қилиб гапирши керак,* Сафар\ А. Қодирий, Мех-робдан чаён.

Ёлгон арафа қ. **арафа 1.** Ёлгон барг Уруғ-дан униб чиққан дастлабки қўш барг. *Ғўза ёлгон барг чиқариши билан дарҳол ягана қили-ниши шарт.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Ёлгон тонг** Тонготардан анча олдин, тонг ёриш-гандек туйиладиган пайт; субҳи козиб. *Тонг бўзариб ёришиди. Ёлгон тонгда адашиб йўлга чиққан булутлар таралди.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Ёлгонни сув қилиб ичмоқ** Кўп ёлгон гапирмоқ. - *Ёлгонниям сув қилиб ичсан-да, Шерматхўжа!* — *деди биров.* С. Сиёев, Ёруғ-лик. **Ғирт ёлгон** Бутунлай нотўғри. *Лекин Ҳошимовнинг, шу бўри боласига махлиё бўлиб, Ақром яхши ўқий олмай, олтинчи синфдан қолиб кетди, дегани ғирт ёлгон.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

ЁЛҒОНДАКА аин. ёлгондакам. -*Яна со-вуқ сувга ювиндингми ? — деди ёлгондака пўписа қъишиб.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Ёлгондака дунё Бевафо, ўткинчи олам. *Аслини сўрасангиз, ҳаммамиз бу ёлгондака дунёга меҳмонмиз.* К. Яшин, Ҳамза.

ЁЛҒОНДАКАМ 1 Ҳақиқий, чин эмас; сохта, қалбаки. *Ёлгондакам тўппонча. Ёлгондакам хужжат.*

2 Ғайритабий, сохта. *Ҳиз ёлгондакам ноз-фироқ билан дик этиб турди.* С. Сиёев, Ёруғ-лик. У.. *ўзини ёлгондакам уйқуга солиб, муд-рагандай ўтирган экан.* Ойбек, Болалик. *Акмал Ҳамдам ёлгондакам шарақлаб кулди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЁЛҒОНДАН Ёлгондакам (тарзда), қал-баки равишда; сохтакорона. *Ёлгондан гапирмоқ. Ёлгондан дўқ қилмоқ. н Шарофат ёлгондан қийқириб кулди.* А. Қаҳҳор, Қўшчи-нор чироқлари. *-Командирни қайтариб ке-линг дейман, — дедим, ёлгондан ўрнимдан ҳам турдим.* Ойдин, Садағанг .бўлай, ко-мандир.

ЁЛҒОНЛАМОҚ Ҳақиқатда бўлмаган, ҳақиқатга зид нарсаларни сўзламоқ; ёлгон гапирмоқ; алдамоқ. *Тўрабек хижолат тор-тид, ёлгошади.* М. Мансуров, Ёмби. *Мурзин-нинг ёдига [Элмуроднинг] ёлгонлагани тушди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ЁЛҒОНЛИК Нотўғрилик, тўғри эмас-лик; сохталик. *Муродхонга синглиси қараб, гапининг ёлгонлигини сезиб, акасининг сўзига ишонмай, бир сўз айтибди.* «Муродхон». *..бу-нинг ёлгонлиги маълум бўлгунча, даида иш тўхтаб қолади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чи-рокдари.

ЁЛҒОНЧИ Ёлгон гапирадиган одам; алдамчи; каззоб. *Ёлгончига қўшилма, рост сўзингни яширма.* Мақол. **н** *-Ёлгончи ёкан-сиз, ўтинчи бола, — деб қиз нақирини ерга қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Асаднинг олдида ёлгончи бўлмай деяпман-да, — чайналди Аҳмад.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қизт гулни боғла-дим аргамчига, Қайдин ҳам кўнгил бердим ёлгончига.* «Оқ олма, қизил олма».

Ёлгончи дунё айн. **ёлгонлака дунё** қ. **ёл-гондака.** *Ёлгончи дунёда ризқим узилди, Дий-да гирён бўлиб, бағрим эзилди.* «Аппомиш».

ЁЛҒОНЧИЛИК Ёлгон гапирришлик; каз-зоблик. *Демак, ёлгончюик касалига мубтало бўлган кишини ростгўй обачнинг қони билан даволаса бўлади.* Х. Тўхтабоев. *Ширин қовун-лар мамлақати. Ёлгончилик OILWH UKKUK)3JW-мачилик учун жазо беришайди, шунақами?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁЛҒОН-ЯШИҚ Ёзгон ва уйдирмалар. *Ёлгон-яшиқ гап. а [Отабек] Зайнабнинг ёлгон-яшиқ гатар билан Кумуш юрагига ўт ёққанини пайқади.* А. Қолирий, Ўтган кунлар. *Ҳали ҳозир ёлгон-яшиқ айтади, Бир кун-лари айтиб. гапдан қаитади.* «Ҳасанхон».

ЁМ I \мўз.-туркий Лл — чопарлар оти ва шундай отлар азмаштириладиган жой] тар. Чопарлар, йўловчилар қўнадиган ва от ал-маштирадиган жой; бекат.

ЁМ II \ф. j»L^ — коса; қадах] Катта, ул-кан хум. *-Ошпазнингўчоғида, кўнчининг ёми-да, нонвойнинг томида сизиниб юрган кап-такзада бир ит эдим, сизиниш жонимга тек-кан эди. — дейди Бердибой.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЁМ-ЁМ Душман, жаллод. *Ўлаксага ўч, худди ём-ём, Қайдан топай ёвга мос бир ном.⁹ Миртемир. -Қўрқма, сени сўймайман, мен ём-ём эмас. Сенга бир хизмат бор, ўз.шм.. — деди домла Шум болага.* Ғ. Ғу-лом. Шум бола.

ЁМБИ [хит.-туркий «юань бао» — бой-лик тўплашнинг бошланиши] Яхлит қуйма олтин ёки қумуш. *Икки юз граммлик ёмби. иши Мурунгов олтин-руда комбинатининг ишига туширилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Олтиннинг дастлабки ёмбилари қуйила бошланди.* И. Ҳамробоев, Олтин ва давр. *-Хужрани қулфлаб кетамиз — хумчадаги тил-лою ёмбиларингизни ҳеч ким олмайди, — деди Нафисахон.* Мирмуҳсин, Умид.

ЁМОН 1 Сифатсиз, сифати паст. *Ёмон чит. иши Биламан, тилларнинг ёмони йўқ-дир, Ҳар тилнинг ўз кўрки, улуглиги бор.* Шухрат.

2 Бирор ишни эплай олмайдиган, уқув-сиз, тажрибасиз. *Ёмон сувоқчи. Ёмон ходим. Ёмон ташилотчи.*

3 Ахлоқсиз, феъл-атвори ярамас; бузуқ ниятли. Ёмон киши экансиз-ку! С. Аҳмад, Уфк. Барно унчалик ёмон, унчалик беҳаё қиз эмас. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Шуниунут-маслик керакки, уруш туфайли одамлар ўзбо-шимча бўлиб кетишди, элда ёмонлар кўпайиб қолди. К. Яшин, Ҳамза. Начора, ёмонларнинг кўлидан ҳар иш келади, бало бас келсин улар-га. Э. Аъзамов, Жавоб.

4 Оғир, хатарли. [Ҳомиднинг] Яраси ёмон, ҳушсиз ҳолда ҳиқиллаб ётибди. А. Қрдирий, Ўтган кунлар.

5 Айб, гуноҳ. Ҳой, дўстим, бировнинг дўпписини бировга удаллаб кийгазиш ёмонми? Шукурулло, Сайланма. Вой ўлмасам, Зубай-дахон, тасаддугингиз кетай, нега тик ту-рибсиз? Остонада-я! Остонада туриш ёмон бўлади, қизим, жойингизни билиб ўтиринг [деди Ҳамза]. К. Яшин, Ҳамза.

6 Нотинч, беҳаловат. Бугун Аҳмад жуда ёмон ухлади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

7 Нохуш, ёқимсиз; совуқ. Ёмон хабар-нинг қаноти энгил бўлади. Ж. Абдуллахонов, Орият. Бирор ёмон хабар бўлса, бизга ҳам айтишарди. С. Сиёев, Ёруғлик. Докторнинг кайфияти ёмон шекилли, саломимга яраша алик олди. С. Сиёев, Ёруғлик.

8 Хавфли, хатарли; фалокат келтирув-чи. Абдишукур секингина мингирлади: -Ғап иттифоқда, баҳамжсиҳат бўлишда, укам! Орага фитна солиш ёмон нарса. Ойбек, Тан-ланган асарлар. Калладан қора хаёлларни қувиш керак, тушкунлик энг ёмон душман.

Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Кўк қурт! Ёмон офат. Ғўзанинг заволи. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла.

9 Салбий, ёқимсиз, беҳосият; хунук. Кучли шовқин ишловчиларнинг меҳнат унумдорлигини пасайтирди, асабга ёмон таъсир кўрсатди. «Ғап ва турмуш». Бе-гойимнинг қотма юзи тиришди. Ёмон нар-сани кўрган кишидай жирканиб: -Қувиб чиқаринг жувон ўлгурни! — деди. М. Исмом-лий, Фарғона т. о.

10 Носоғлом, касал; ланж. \Меъмор\ Бир чеккада ғариб бўлиб ўтирган Ғаввосга ҳам яхши гапирди, ўзингизни ёмон сезмаяпсизми, дебсўради. Мирмуҳсин, Меъмор. Ҳеч қаерим жиддий лат емаган бўлса ҳам, ўзимни ёмон ҳис қилдим. О. Мўминов, Хиёбондаги уч уч-рашув. Хўжайин ёмон бўлиб ётибди. С. Сиёев, Ёруғлик.

11 Айёр, маккор, қув; ишбилармон, эпчил. -Ҳа, эшон нега кетди экан? — Тирикчиликда-да. -Ҳа, мурид овига чиқиб кетган экан-да. Эски хунар! — Қори пиқиллаб кулди-да, ҳазиломуз: -Ёмонсан-а, ёмонсан! — деб қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи. Опа ёмон, бир нарсага киришса — қўймайди. Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол.

12 Ўқув-ўқитув ишларида энг паст баҳо. Майли, уч қўйса ҳам, ёмон қўйса ҳам, майли! Мана шу бир оғиз сўзи учун Ғавҳар ундан ҳеч қачонхафа бўлмайди! Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. Бир куни дарсдан ёмон баҳо олиб, кечгача шу ерда хаёлга чўмиб ўтирганам эсим-да. «Гулдаста». Мактабда ёмон баҳо олсам ё икки кун дарсга бормасам, бутун синф оёққа турарди. С. Сиёев, Ёруғлик.

13 Қаттиқ, кучли; жуда, ниҳоятда. Яна бир бекат юриб тўхтагач, ҳайдовчи хотин унинг тепасига келди: -Ёмон уришимми? Улди-ришидан ҳам тоймайди бу безорилар. Ў. Хоши-мов, Қалбингга қулоқ сол. Иноят оқсоқол уни кўпчилик ўртасида ёмон ҳақорат қилган эди. С. Аҳмад, Уфк.

Ёмон гап 1) одоб доирасига сиғмайди-ган ибора; сўкиш. [Гулсумбиби:] Буёмонгапни қаердан ўргандинг! Ойбек, Танланган асарлар; 2) совуқ, нохуш хабар. Ёмон гап тез тарқалади. **Ёмон кун** Киши ҳаётидаги оғир дамлар. Чеккан бутун азобларим, ёмон кунларим мана шу олмазор тагида, бижил-доқ қушларнинг бозорида эриб йўқ бўлиб кетайтгандек эди. С. Сиёев, Ёруғлик. **Ёмон кўз қ. кўз.** Яна айтаман, фақат эҳтиёт бўл, ёмон кўздан ўзи асрасин. Т. Ашуров, Оқ от. -Хайр, худо синглимни \Кумушни\ ёмон кўздан асра-син! — деб \хотин\ фотиҳа ўқиди. А. Қоди-рий, Ўтган кунлар. **Ёмон [кўз билан] кара-моқ** Бузуқ ният билан тикилмоқ. Мен Ҳомид-нинг қайним Сайфиға ёмон

кўз билан қараб юрганиш сал-пал сезиб юрар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Урик олаётганимда, менга шу-нақаям ёмон қарадики, қўрқиб кетдим. С. Аҳмад, Уфқ. **Ёмон кўрмоқ** Ёқтирмаслик, хуш кўрмаслик; севмаслик. Аҳмаднинг энг ёмон кўргани шунақа тунд бўлиб, гаплашмай юриш эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Манзура опа Ювош иккаламизни ёмон кўриб қолганлар [деди Саид]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Энг ёмони** Ҳаммадан хавфлиси, ёқимсиз; ёмон-ларнинг ёмони. Энг ёмони хона гоятда со-вуқэди. Мирмуҳсин, Меъмор. Аҳмадгаўхша-ган соф виждонли одам учун энг ёмони — ўзини бекорчи, текинхўр сезиш. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЁМОНЛАМОҚ Қоралаб, ёмонга чиқа-риб гапирмоқ,. Овқат вақтида Ҳожиди ҳеч ким-га сўз навбати бермай, бурунги замонни ёмон-лабкетди. А. Қаҳҳор, Йиллар.

ЁМОНЛАМОҚ II Бирдан пайдо бўла-диган дард-касалликдан қаттиқ безовталан-моқ, ёмон аҳволга тушмоқ (от, мол ҳақида). Маҳдум меҳмонхонасидан юриб келган оёқ то-вушини эшитиб, ёмонлаган отдек типирчи-лади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Илоҳи, ёмонлабўлгин, Тарлон от, устингдаги йўлбар-сингни найладинг. «Ойсулув».

ЁМОНЛАШМОҚ I Ёмонламоқ I фл. бирг. н.

2 Ёмон томонга ўзгармоқ, қийинлаш-моқ, баттар бўлмоқ. Ҳаво ёмонлашди. **иш** Марямхон.. эрининг кўнгли иккига бўлинса, турмуш ёмонлашажагини тушунтиришига тиришган. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Оғирлашмоқ, кучайиб кетмоқ (касал-лик ҳақида). Касал ёмонлашди. **т** Тун ярим-га борганда, Бобоқул отанинг аҳволи ёмон-лашди. С. Анорбоев, Оқсой.

ЁМОНЛИК Ёмон, салбий хислатларга эга бўлишлик; ёмон, ярамас ишлар қилиш; қабиҳлик, ёвузлик. Яхшининг яхшилиги те-гар тор ерда, ёмоннинг ёмонлиги тегар ҳар ерда. Мақол. **иш** -Бизнинг мақсадимиз — ки-шиларга онг, тушунча бермоқ, токи ҳар бир киши яхшилик ва ёмонликни, оқу қорани ўзи ажрата оладиган бўлсин, — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁМОНОТЛИК: ёмонотлик бўлмоқ Ёмонлик билан, ёмон деб ном чиқармоқ, шарманда бўлмоқ. Бобур ва унинг тараф-дорлари халқ орасида ёмонотлик бўлишларидан Жаҳонгир мирзо ва унинг онаси Фо-тима Султон бегим ҳам манфаатбор эдилар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. -Аниқ-роқ қилиб айтинг, Муса ака, Бўтабой бекорга ёмонотлик бўлиб қолмасин, — деди Низомиддинов. С. Аҳмад, Ҳукм.

ЁМҒИР Булутлардан сув томчилари холида тушадиган, ёғадиган ёғин. Ёмғир суви. Ёмғир ёғди. Ўтган булутдан ёмғир кут-ма. Мақол. **т** Ёмғир худди жонга игна санч-гандай, эзиб муттасил саваларди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ёмғир томчилари билан ювилган ҳавонинг покиза еллари гоҳ баданни чимчилабўтади, гоҳ сескантиради. Шухрат, Шинелли йиллар.

Ўқёмғири Ёмғирдай ёғилаётган кўп ўқ. Уч томондан ёғилаётган ўқ ёмғири уларнинг бошини кўтаргизмай қўйди.. И. Раҳим, Чин мухаббат.

ЁМҒИРГАРЛИК айм. ёмғиргарчилик.

ЁМҒИРГАРЧИЛИК Ёмғир кўп ёққан ёки ёғадиган вақт; ёмғирли об-ҳаво. Ёмғиргарчилик бошланиб кетди. А. Мухтор, Бўрон-ларда бордек халоват.

ЁМҒИРЛАТИБ: ёмғирлатиб суғормоқ Ёмғирга ўхшатиб, томчилатиб суғормоқ. Шунингдек, тоқзорларни ёмғирлатиб суғориши усули ҳам тажрибадан ўтказилди. «Фан ва турмуш».

ЁМҒИРЛИК айм. ёмғирпўш **1.** У \ Бек-темир\ халтасини бурчакка қўйиб, ёмғирлигини ечди. А. Мухтор. Чинор.

ЁМҒИРПЎШ 1 Ёмғир пайтида кийила-диган, ёпинадиган кийим ёки ёпинчик. Кичикроқ ёмғирпўшни ўзи кийди-ю, отга мин-ди. П. Қодиров, Қора кўзлар.

2 Ёмғир пайтида бошга тугиладиган буюм; зонтик. Муқаддам ёмғирпўшиши эшик олдигади михга *итди*. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

ЁН 1 Тананинг елкадан сонгача бўлган, шунингдек, бирор нарсанинг ўнг ёки чап қисми. \Отабек\ Ўнг ёнини босиб, кўрпага бурканди. А. Қодирий, Ёган кунлар. Минг-боши кўлини ёнига туширди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Канизак ени билан бурнининг икки ёнини тез-тез артар экан, Самандаровга кўз қири билан қаради. А. Қаҳҳор, Кушчинор чирокутари.

2 Умуман ўнг ёки чап томон; тараф; ат-роф. Ён кўшни. **иш** Худоёр ҳузурига кирадиган эшикнинг икки ёнида ойболта кўтарган икки жаллод сурат каби қотганлар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Асад қори ёнидаги эликбошини туртди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Мансур ёнига аланглаб, юмалоқланган кўрпа-тўшакларни кўрди. У. Ҳошимов, Қал-бингга кулоқ сол.

3 Ёқа, чет; кирғоқ. Ариқ ёни. **ти** Деворнинг ёни билан келгани учун ҳам Ойқиз кўрмай қолганэди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 Чўнтақ, кисса. Ёнимда пулим йўқ. **ит** Ахмад Чалабий оқчадан ёнига кўпроқ солиб олишни тайинлади. Мирмуҳсин, Меъмор. Ёнимда яна ўттиз сўмча қолди. Ойбек, Танланган асарлар. Қаердандир пайдо бўлган ёш бир йигит.. ёнидан бинт чиқариб, Ахмаджон-нинг бошини боғлашга киришди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

5 Кўшни, ўзаро яқин. Таманно ён қиш-лоқдаги касалхонада ишлаши керак. Мирмуҳсин, Кумри ва Таманно.

Ён бермоқ Енгилмоқ, паст келмоқ; рози бўлмоқ. *Илгари Ашурдақаларга дарров ён бе-рарди.* **П.** Қодиров, Қадрим. **Ён босмоқ** Та-рафини олмоқ, ёкламоқ; хомийлик қилмоқ. *Бир тараф соҳиб қорига, иккинчи тараф Адо-латга ён босди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Ёни-га кирмоқ** Ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ; ўсиб, улғайиб, ёрдам берадиган ёшга етмоқ. \Ўктам:\ *Ачинсанг, ёнимга кир, қизчаларга ёрдамлашайлик.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ибн Ямин:* - *Оллога минг қатла шукур, шунча фар-занд кўрдим. Худо хоҳласа, тезда катта бўли-шиб, ёнимга кириб қолишар, — деб қувонди.* К. Яшин, Ҳамза. **Ёнига тушмоқ 1)** фойда қилмоқ. *Мирзакаримбои соқолини селкилла-тиб қулди ва бу ёзувдан рози бўлганини бил-дирди:* «*Дуруст. Ун сўлкавой ёнига тушади-ку, мақтамайдими?*» Ойбек, Танланган асар-лар. 2) ҳимоя қилмоқ, тарафини олмоқ. *Ғиди-биди авжига чиқди. Она ўғш ёнига тушиди.* «Муштум». **Ёнига қолмоқ** Фойда кўрмоқ. *Ло-ақал пичоқ тортиб юборганида ҳам, эти ёнга қоларди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о. **Ёнини олмоқ** Ҳимоя қилмоқ, ёкламоқ, қувватла-моқ. *Холиқ ёнимни олармикан десам, у ҳам пошқаларга қўшилиб, мени калака қиляпти.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

ЁНА Ёнбағир, қиялик. *Това тошлар ёна-ларда йиқилай-йиқилай дея омонат турибди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. *Олқорлар ўйнайди товда, ёнада..* «Юсуф ва Аҳмад».

ЁНАКИ Ёни билан. *Дилшод ўзини четга олиб, меҳмонга йўл берди. Кейин ярим қадам олдинга ўтиб, ёнаки юриш билан уни айвонга бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЁНАР Ёниб турадиган, ёнувчи. *Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур.* Мақол.

Ёнар тоғ эск. айн. **вулқон.** *Амрингизга бўйсунар борлиқ, Ёнар тоғ ҳам ўчишига маж-бур.* 3. Диёр. **Ёнар қурт** Кечаси ўзидан нур тарқатиб турувчи қурт. [Қараса] *Чироқ йўқ.. Кичкинагина ёнар қурт паҳсага ёпишиб ётар-ди.* Мирмуҳсин, Чўри.

ЁН-АТРОФ Ҳамма томон; тўрт томон. *Киришим билан:* «*Касал қаерда экан?*» *дебё'н-атрофга қарадим.* Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради.

ЁНБАҒИР айн. Ён, қиялик. *Адирлар ён-бағридан секин келаётган машина хиёл ўтмай Ғулумжоннинг бульдозери рўпарасига келиб тўхтади.* Газетадан. Ҳамма жойга, ҳамма адир ёнбағирларига ҳам пахта экилган. Э. Ус-монов, Ёлқин. *Ёнбағирларда лолалар очил-ган.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЁН-БЕРИ айн. **ён-атроф**. Ён-беримда райҳонлар, ялтизлар, гуллар.. Миртемир, Тингла, ҳаёт. *Кўз, киприги пириллаб, Пайпас-лар ён-берини.* Қ. Муҳаммадий.

ЁНАШМОҚ айн. **ёндашмоқ 1**. Бир-бирингдан неча вақтлар адашиб, Энди Кеп-ст бунда излаб, ёнашиб. «Рустам». Ёнашиб, қошима яқин келмагин, Семурғга ҳадик бе-риб юрмагин. «Баҳром ва Гуландом». Тошга-нингда асло бўлмас ёнашиб, Ночор от чопишар мироббошилар. Миртемир.

ЁНБОШ 1 айн. **ён 1,2**. Ёнбошим оғрийди. **тиш** Ёзозхон Ботиралининг ёнбошида ҳамон чопқиллабюрибкеларди. Ҳ. Ғулом, Машғал. *Аваз унга бир қаради-ю, Маҳмуда Алиевна-нинг ёнбошидаги стулга бориб ўтирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Назар ён-боши қирилиб пачоқ бўлган машинанинг олд ўриндигига ўтирди. Э. Усмонов, Ёлқин.

Ёнбошга олмоқ Курашда кўтариб олиб, ёнбошига кўймоқ. *Али полвон.. мени бир неча вақт айлантириб юрди, сўнгра чамага кел-тириб, ёнбошига олмоқчи ва ерга урмоқчи бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўнг ёки чап курак суяги.

У ёнбошидан бу ёнбошига ағанамоқ Ух-

лай олмасдан безовта бўлмоқ. *У [Ҳури] у ёнбошидан бу ёнбошига аганар, кўнгли ҳам тун каби қоп-қоронги бўлиб, хаёли тарқоқ ётарди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Қудрат у ён-бошидан бу ёнбошига ағдарила бериб, ярим кечадан оққанда, уйқуга толди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқдар. **Ёнбоши ерга тегмаган** Курашда йиқилмаган, зўр; кураги ерга тег-маган. **Ёнбоши ерга тегмаган паҳлавон.** **ниш** Чет эллардан паҳлавонлик дағдағаси билан келиб турадиган зўрлардан биронтаси ҳали унинг ёнбошини ерга тегизган эмас. Ойбек, Навоий.

3 *спрт.* Ўзбек курашида: курашчи усул қўллаб, рақибининг битта курагини ерга теккизганда ёки рақиб иккинчи марта огоҳ-лантирилганда бериладиган баҳо, балл.

ЁНБОШИГА кўм. *взф.* Ёнига, ён томо-нига, ён тарафига. *Кийимларини стулнинг ёнбошига ташлади.*

ЁНБОШИДА кўм. *взф.* Ёнида, ён томо-нида; яқинида. *Мактабнинг ёнбошида болалар богчаси бор.*

ЁНБОШИДАН кўм. *взф.* Ёнидан, ён то-монидан, яқинидан. *Дарё қишлоқнинг ёнбошидан ўтарди.*

ЁНБОШЛАМА Ён тарафдан. *Ёнбошла-ма пармалаш ярим кечада бошланади.* И. Ра-ҳим, Тақцир.

ЁНБОШЛАМОҚ 1 Бир ёнбош билан тирсакка таяниб ётмоқ. *Ёрмат бошини кўтарди, бир қўлини ерга тираб ёнбошлади.* Ой-бек, Танланган асарлар. *Кумуш Отабек яқинига сурилди ва тирсаклари билан унинг тиз-засига ёнбошлаб, эркаланди.* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар.

2 Ён тарафга оғмоқ; эгилмоқ, қийшай-моқ. *Девор ёнбошлади. иш* Машина жойи-дан силжishi ҳамон, *гарбга хиёл ёнбошлаб турган анорлар носқовоққа ўхшаи гулла-рини баланд кўтариб, гўё унинг орқасидан югураётгандек туюлди.* И. Раҳим, Чин му-ҳаббат.

3 *поэт.* Бота бошламоқ (қуёш, ой ҳақида). *Ой гарбга томон ёнбошлади.* Ж. Шарипов, Саодат. *Мутал райондан чиққанда, қуёш гарб-га ёнбошлаганди.* О. Ёқубов, Ларза.

ЁНДАМА Ёни билан, ёнлаб. *Раъно йў-лакда ярмисини кўрсатиб ёндама турган хотиннинг олдида борди.* А. Қодирӣй, Меҳ-робдан чаён.

ЁНДАМАЛАБ Ёнига бурилиб, ёнига қайрилиб. *Мадаминбек ўйланиб қолди. Бир кўзини қисиб, ёндамалаб қаради.* \. Нўъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЁНДАМАСИГА қ. **ёндама.** [*Хатиб домла*] *Қорни бўғоз сигирларникидек ўбдон эшил-ганликдан, ёнидаги ёстиққа.. ёндамасига чўкиб олади.* А. Қодирӣй, Обид кетмон. «Уни-версал» эгатларни ёндамасига кеса кетди. Ш. Ғуломов, Ташаббус.

ЁНДАМОҚ Яқин бормоқ; яқин келмоқ, яқинлашмоқ.

ЁНДАФТАР Чўнтакда олиб юриладиган кичик дафтар. *Ҳамза ҳам қотиб-қотиб кул-ди, ёндафтарини чиқариб, нималарнидир қайд қилиб қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қирмизхон қабулхонага чиқиб, кўк муқовали ёндафтар ва ярми оқ ручка билан қайтиб кирди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ЁНДАШМОҚ 1 Ёнма-ён келмоқ; яқин-лашмоқ. *Яхшига ёндаш, ёмондан қоч.* Мақол. **н** *Бўтабой орқадан юрди ва буларни олдин-га ўтказиб, Самандаровга ёндашиб, ундан секин:* - Тинчликми? — *деб сўради.* А. Қаххрр, Кўшчинор чироклари. Гулсум сандалнинг че-тига, Ойимхонга ёндашиброқўтирди. П. Тур-сун, Ўқитувчи.

2 кўчма Муайян бир ишга маълум бир нуқтаи назардан қарамоқ. *Масалага тўғри ёндашмоқ.* **н** *Абдулла Қахҳор адабиёти-мизнинг долзарб масалаларига беҳад талабчанлик билан ёндашар эдилар.* К. Қаххрро-ва, Чорак аср ҳамнафас.

ЁНДАШУВ Ёндашмоқ **2** фл. ҳар. н. *Ҳар иш ўз ўрнида азиз, бу икки хил ёндашувни қориштирмаслик лозим.* «УТА». Бу қурилиш янгича ёндашув ва ечимларни талаб этади. Газетадан.

ЁНДИРМОҚ 1 Ёнмоқ фл. орт. н. *Аввал, бек афанди, сиз уйингизга ўт қўйиб, ёндириб кетасиз.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 Қиздирмоқ, ловиллатмоқ; ачиштир-моқ. *Қалампир тилимни ёндириб юборди.* **ит** *Кун баланд кўтарилиб, дарахтсиз, сувсиз кўчаларни, ўтгувчи-кетгувчиларни оташи-да ёндириб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бутун гавдасини қандайдир иситма қоплаб, суяқларигача ёндиргандай бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 кўчма Авж олдирмоқ. *Эрининг вазмин туриб айтган гапи хотинининг тутай бошлаган ўтини баралла ёндириб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мудҳиш хабар ёшқарининг юрагида газаб ва қасос алангасини ёндирибюборди.* Н. Сафаров, Севги.

ЁНДОР 1 айн. **ён 1.** *Қудрат ишкаф ёндо-рининг бир ерини шаҳодат бармоғи билан бос-ган эди, ишкаф девор инига қараб очилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Эшик ёки дарвозанинг ён ёғочи. *Тур-дивой қўрғончанинг эшиги ёнига борди-да, ичкарига қулоқ солиб, ёндорга суйанганча туриб қолди.* \. Нуъмон ва А. Шораҳме-дов, Ота.

ЁНДОШ 1 Ёнма-ён турган, ёнма-ён ўрнашган. *Ёндош қишлоқ.* **ит** *Пўлат, Баҳор — икковлари бир синфда ўқир, ҳовлилари ҳам бир-бирига ёндош бўлиб, қадрдон кўшни эди-лар.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Самар-қанд билан ёндош турган Бухорода халқнинг амирликка қарши қудратли ҳаракати янада ривожланди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

2 Бир-бирига боғлиқ, яқин. *Энди бу би-лан ёндош яна бир масала ҳақида ҳам фикрлашиб олсак.* «Ёшлик».

3 айн. **параллел.** *Ёндош чизиқлар.* **ЁНДОШМОҚ** қ. **ёндашмоқ 1.** *Ёмошар-га яқин борманг, ёндошманг, Хушёр бўлинг, тўғри йўлдан адашманг.* Ҳабибий. *Чимён тоғ-ларининг чўққилари шундоққина шаҳарга ён-дошиб тургандек.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЁН-ЁҚ SaNek. Ёни-вери, атроф, теварак. *Тоғай шундай ён-ёғига қарайди, Бу бошига шолдан салла ўрайди.* Фозил шоир.

ЁНИ-ВЕРИ қ. **ён-ёқ.** *Ёни-веримга қара-сам, бизникилар йўқ, ҳамма кетиб бўлибди.* Шухрат, Шинелли йиллар. [Наимий] *Ўйлаб қараса, ёни-верида унга дўст, хайрихоҳ бўлган биронта тирик жон қолмабди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЁНИГА кўм. **взф. 1** Олдига, яқинига. *Уй ёнига бормоқ.* **ит** *Фуломжон ўчоқ ёнига ўти-риб, қўлларини исита боишди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Ўзи билан бирга, етаклаб, бошлаб. *Сидиқжон ўн бир гувоҳни ёнига олиб, районга жўнади.* А. Қахҳор, Кўшчинор чироклари.

ЁНИДА кўм. **взф. 1** Яқинида, яқин жой-да, биқинида. *Уйимиз мактаб ёнида.*

2 Ҳузурида, қошида; қарамоғида. *Дирек-ция ёнида тузилган комиссия. тш* Азизбек ёни-да [Юсуфбек ҳожи\ қандай мавқе тутган бўлса, Нормухаммад қушбеги олдидан ундан ҳам юқорироқ ва маънолироқ эътибор қозонди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЁНИДАН кўм. взф. Олдидан. *Қўрқиб, аямнинг ёнидан жилмай қолдим. С. Сиёев. Ёруғлик.*

ЁНИЛҒИ Ёнадиган суюқ модда, суюқ ёқилғи (бензин, нефть ва ш. к.). *Ёнилғи тўла бочкалар, тракторларнинг эҳтиёт қисмлари кўчма қум тагидан чиқарилади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Газниқоб олдидан бир шиша ёнилғи ҳам турибди. Назармат, Жўрлар ба-ланд сайрайди.*

ЁНИҚ 1 Шуъла, нур сочиб турган. *Ёниқ гулхан. Ёниқ чироқ. шш* Ёниқ шам ёнида яна ортиқча икки шам турарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 кўчма Чакнаб турган. *Келин жавоббер-майдди. Унинг кўзлари ёнади. Лекин шу ёниқ кўзларида ҳамма жавоб аён. Шухрат, Ши-нелли йиллар.*

3 кўчма Жўшқин, ҳис-ҳаяжонли; оташин. *Қийинчилик билан эришилган бу нодир фур-сатда ёниқ орзуларини, шўх эҳтиросларини алангалатишига қизда кучли интилув борли-гини равшан кўрди. Ойбек, Танланган асар-лар. Бу хаёллар тезда йигитишкнинг кучли итилишлари билан қўшилиб, ёниқ орзу-ҳавас-га айланди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.*

ЁНЛАМА 1 Ёни билан. *Ёнлама турмоқ, шш* Жамила костюмини ечиб ташлагач, ойна олдидан буралиб, баъзан ёнлама, баъзан қўлла-рини белига қўйиб, ўз-ўзини томоша қилди. Мирмуҳсин, Жамила.

2 Кўндаланг, эни бўйлаб кетган. *Экинни сугориши даврида қия ерларда кўплаб ёнлама ариқлар қазилади. Газетадан.*

ЁНЛАМОҚ Ёнидан, ёнда қолдириб чет-лаб ўтмоқ. *Машина шудгорни ёнлаб, тўғри канал трассасига қараб борди. «Ўзбекистон кўриқлари». [Отабек] Боғчанинг кунботари билан харобазор иморатларини ёнлаб юрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЁНМА-ЁН рвш. Бир-бирига яқин, ёндош. *Меҳмонхонада эру хотин ёнма-ён ўтиришдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аваз ўзиб кетмоқчи бўлди. Гулсум ундан қолишма-ди, баравар, ёнма-ён чопишди. П. Турсун, Ўқитувчи. Меъмор Чўли бобо билан ёнма-ён юриб, қудуқ атрофларини айланди. Мирмуҳ-син, Меъмор.*

ЁНЙЎРҒА шв. Рақс усулларидан бири. *Қишлоқ қизлари уфори, ёнйўрға, ялатма, қайчи, илониз, нуқтали юриш, чалмаса тебран-ма, ялли усулларига чунон нозик, шивали йўрғалайдиларки.. С. Нуров, Нарвон.*

ЁНМОҚ 1 1 Ўт олмоқ; ўтда куймоқ. *Тўқайга ўт тушса, хўлу қуруқ баравар ёна-ди. Мақол. нт* Қуруқ ўтин бир зумда ловул-лабёнибкетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чайла қамишлари аллақачон ёниб битиб, ёгоч-ларигина қора кўмир бўлиб, чарс-чурс қилиб тутаб ётарди. Н. Фозилов, Дийдор.*

2 Ёлқинланиб, нур бериб турмоқ. *Сарой-нинг тўрида бошқаларга қараганда кўркам-роқ бир ҳужра.. бу ҳужрада шам ёнади. А. Қодирий, Утган кунлар. Ҳақиқатдан у ки-шининг [Зокир Ўриновичнинг] ҳовлисида чи-роқ ёнган эди. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.*

3 Нур, шуъла сочмоқ, порламоқ. *Кўкда, дарахтлар устида гуж-гуж юлдузлар ёнади. Ойбек, Танланган асарлар. Арча турар ўрта-да ёниб, Оқмоқдадир ҳар ён шуъла-нур. Гай-ратий.*

4 Товланмоқ, жилваланмоқ. *Гидам чўгдек ёнади. нт* Кўйлак енги тирсакка қадар ши-марилган, [қизнинг] тиқмачоқдай бшакларида илон бошли олтин билагузуклар ёнади. Ой-бек, Танланган асарлар.

5 Ортиқ даражада иссиғи, ҳарорати ош-моқ, қизимоқ. *-Уҳ, баданим ёниб боради.. — деди Гулнор. А. Мухтор, Опа-сингиллар. У ёногини онасининг ёниб турган ўтли ёногига суртиб, синиқ товуш билан пичирлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

6 Ортиқ даражада қизимок. *Қуёш тик келган. Ҳаво ловуллаб ёнади. Ойбек, Танланган асарлар. Кишини ҳолдан тойдирадиган саратоннинг ҳаво ёнган кунларида ҳар қандай тирик жон ўзини панага уради. «Шарқ юлдузи». У [Раҳим Саидов] настга тушиди. Кун тиккага келган, кўча ёнарди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.*

7 кўчма Бутун вужуди билан берилмок, астойдил ҳаракат қилмок; кайғурмок. *Йўлчи ёзда ёниб, чанг-тупроқ ялаб, қишда қор-муз кечиб, бутун маҳрумиятларга, бутун оғирликларга қарамасдан, жонкашлик билан иш-лади. Ойбек, Танланган асарлар. Бу ашулани ҳам ёниб, жўшиб айтди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Онаман-у онаман, Болам учун ёнаман. «Кўшиқлар».*

8 кўчма Тутақмок, жаҳди чиқмок; аса-бийлашиб кетмок. *Сиз онамдан хафа бўлманг, унинг одатини биласиз-ку, бир ёниб, бир ўча-веради [деди Райҳон]. С. Анорбоев, Оқсой. Олимжон ётиги билан сўзлаган бўлса-да, раис ёниб кетди. Ҳ. Назир, Қанотлар.*

9 кўчма Кучаймок, авж олмок; аланга-ланмок. *Беғубор тонг каби қалбингда Ватан ишқи, халқ меҳри ёнар. Ғайратий. Ҳозир Ха-лиловнинг нафрати ёниб турибди. И. Раҳим, Ихлос.*

10 Сабрсизлик билан кутмок, ошиқмок. *Навоий Ҳиротга кириши билан унинг махсус фармон олиб келганлиги бутун шаҳарга яшин-дек тарқалди. Ҳамма уни тезрок эшитиши орзуси билан ёнди. Ойбек, Навоий.*

Ичида чироқ ёнгандай бўлмок Бир оз хотиржам бўлмок, бир оз кўнгли тинчимок. - *Камтирнинг таърифини эшитиб, ичимда чи-роқ ёнгандай бўлди-ю, лекин бу гал одоб сақ-лаб индамадим, — деди чол. П. Турсун, Ўқи-тувчи. Мингбоши ичида чироқ ёнгандай бўлди, суюнчи кўзларида ўт бўлиб ёнди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Кўзи ёнмок* 1) асабийлаш-мок, жаҳди чиқмок. *Қушбегининг кўзи ёнди.. Манглай эвлари тиришиб, сўл қўли билан соқолини тутамлаб, фикрга кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Тўғонбекнинг] Кичик, қийиқ кўзлари ёмон ёнади. Ойбек, Навоий. Бадианинг кўзлари ёнар, тинграб турган қўли-даги ўтқир ханжар ярқирай эди. Мирмуҳ-син, Меъмор. 2) жуда хурсанд бўлмок. Ҳу-вончдан Бектемирнинг кўзлари ёниб кетди. Ойбек, Қуёш қораймас. **Лов этиб ёнмок** Қизишмок, тутақмок, асабийлашмок. *Таль-ағнининг нимага шама қилаёшиганини тушун-ди-ю, лов этиб ёниб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. Мунисхон лов этиб ёнди-да, чамадонини кўтариб, қора юбкасида Кўқонга қараб жўнади. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. **Юраги ёнмок** 1) орзу қилмок. - *Бир кўрсам, икки оғиз гап айтсам, деб юрагим ёнадиган бўлди.. — деди Давлатёр. П. Тур-сун, Ўқитувчи; 2) ичи куймок, аланга ол-мок. Нима қилай, Шерали акажон! Айтинг! Юрагим ўртаб ёняпти! С. Кароматов, **Ол-тин** қум. Битта графинни ушлади: -Совуғи-данми, иссиғиданми ? - Совуғидан қуя қолинг. Юрак ёниб турибди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.***

ЁНМОҚ II Қайтмок. *Ҳалимахоним ҳам Рузвондан рухсат олиб, уйига ёнди. Ҳамза.*

ЁНОҚ Юзнинг, бетнинг бўртиқ қисми. *Унинг \ Башоратнинг] юз-кўзи отасига торт-ган эди: қошлари қуюқ, қалин; юм-юмалоқ ёноқлари ҳамшиша қизил. А. Мухтор, Опа-син-гиллар. Аваз Матпанога тикилиб қолди: у озибди, чаккалари чўзилиб, ёноқ суяклари туртиб чиқибди. С. Сиёев, Аваз.*

ЁНЧИҚ 1 Тўн, чакмон ва ш. к. ларнинг ички ён томонига тикилган чўнтак(ча). - *Ҳадемай элга қаҳатчилик бўлғай, ~ деди \Бугроҳож\ қаламтарошини ёнчигига солар экан. М. Осим, Ўтрор.*

2 Пул солиши учун ёнда олиб юрилади-ган халтача; ҳамён. *Ҳомид ёнчигини чиқа-риб, бир қўлидан иккинчи қўлига олтинлар-ни санабтушира берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЁНҒИН Бино, ўрмон, ғарам ва ш. к. га ўт тушиши натижасида ҳосил бўладиган зўр аланга. *Ҳаммининг кўзи узоқдаги, осмонни ютмоқчидек қутуриб юксалган даҳшатли*

ёнгинда эди. Ойбек, Куёш қораймас. Ён-гиннинг аждаҳодай узун тили чўзилиб, кўкларга чиқар эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ЁНҒОҚ 1 Мағзи қаттиқ пўчоқ қобикқа ўралган кўп йиллик мевали дарахт. *Адолат чироқларни ёқиб юбориб, ёнғоқ тагидаги су-пага жой қилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Отлиқлар кўи ёнғоқнинг ёнидан ўтиб, тўгон-га қараб бурилишиди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Шу дарахтнинг меваси. *Ёнғоқ чақмоқ. тии* Улар боққа чиқиб, тўкилган ёнғоқларни териб турганда, *Жонузоқ оқсоқол қайтиб келди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Бир қоп ёнғоқ Хушчақчақ, ичида кири йўкодам ҳақида. -*Бизуни \ Тожиматни\ ёшигимизда, бир қоп ёнғоқ, дер эдик. Эссиз, — деб ачинди Назаров.* С. Анорбоев, Оқсой. *\Умрзоқ ота:\ Ҳа, Ғани самоварчи эски қадр-доним. Қурмағур бир қоп ёнғоқ: борсам, сира зериктирмайди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. **Бошида ёнғоқ чакмоқ қ. бош. Кўйини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ** Амалга ошмайдиган, қуруқ ваъ-далар билан алдамоқ. *Бек Лаълининг кўйни-ни шу вақтгача пуч ёнғоққа тўлдириб кела-ётганини оппа-очиқ айтди-кўйди.* Ҳ- Ғулом, Машғал. *Лекин мен сизнинг кўйингизни пуч ёнғоққа тўлғизмайман \деди Сидиқжон\.* А. Қаххрр, Кўшчинор чироқдари.

ЁНҒОҚЗОР Ёнғоқ дарахтлари билан банд ер, майдон. *Писта, бодом, ёнғоқзор, Етиб бўлмас бурчига.* Қ. Муҳаммадий. *У[Аш-мардон] ёнғоқзор бог кўчага алламаҳалда етиб борди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

ЁП шв. Суғориш канали, катта ариқ. *Амударё ва ундан чиқадиган ёпларнинг сув сатҳидан анча паст бўлгани туфайли Хоразм-да қадимдан сув чиқарадиган [кўтарадиган] техника ишлатилган.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Аваз жинкўчсырни айланиб, ёп бўйига чиқди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁПДИ-ЁПДИ: ёпди-ёпди қилмоқ Жино-ий ишни бекигмоқ, тинчитмоқ. *Бу ёқда замонўзгариб, нозиклашиди. Ишни милиция ёнди-ёпди қилгани бишин бирон галамис чиқиб қоли-ши мумкин, деб Санжарни заводга беришиди.* «Ёшлик».

ЁПИЛМОҚ I Ёпмоқ I фл. маж\ н. *Эшик ёпилди. Китоб ёпилди. Айби ёпилди. Ҳаво гоҳ очиларди, гоҳ ёпиларди.*

ЁПИЛМОҚ II Ёпмоқ II 1 фл. мажх. н. *Тандирга нон ёпилди. тт* Ҳар кун икки юз қозон ош дамланар, *саккиз юз тандир нон ёпилар эди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

ЁПИНМОҚ Ёпмоқ 1 2 фл. ўзл. н. *\Гулнор билан Унсин\ Паранжи-чачвонларини ёпиниб, кўчага чиқишиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қор чойшаблар ёпиниб, Квкса тоғлар ухлар-ди.* Ҳ. Олимжон.

Ойқора ёпинмоқ Чопоннинг бир пеши-ни бошга, бир пешини оёққа тортиб ётмоқ.

ЁПИНЧИҚ Ёпиниб юриладиган нарса (паранжи, тўн, соябон ва ш. к.). *Ёз ёпинчигини кўйма, қиш ўзинг биласан.* Мақол. *иши | Шарофат хола\ Узоқ ивирсиди, тинмай га-пирди, ўглининг этигини тозалади, ёпинчигини сиқиб, қозиққа илди, чой дамлади.* А. Мухтор, Чинор.

ЁПИРАЙ унд. с. Ҳайратланиш, ажаб-ланиш маъноларини билдиради. -*Ётирай, \Бургут\ қурултойдан келди-ю, бошқа одам бўлди-кўйди, — деди чол.* С. Аҳмад, Чўл бур-гути. *[Муса:\ Шу жонивордаям орзу-ҳавас, ишқ бор денг? Ётирай\ П. Турсун, Ўқитувчи. Одамлар тўпланишиб, бир-бирларидан сўра-шади: -Ётирай, нима бўлди? Ойбек, Танланган асарлар.*

ЁПИРИЛМОҚ 1 Кўплашиб, гала бўлиб келиб босмоқ; ҳужум қилмоқ. *Чигирткалар ёпирилди. иши* Хавфли ҳол туғилди. *Душман солдатлари ёпирилиб кела бошлади.* Т. Руста-мов, Мангу жасорат.

2 Кўплашиб келиб тушмоқ, ёйилиб тар-қалмоқ. *Болалар пахта даласига ёпирилди.*

ЁПИРИМ (тўғриси ё **пирим**) қ. ё **III**. *Ёпи-рим, чини минан шундай дедими? Т. Мурод,*

Юлдузлар мангу ёнади. Қани, бир «ёпирим» деб ўрнингиздан туринг, хўжайин, остингиз-ни супуриб қўяй. Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

ЁПИШМОҚ I Ёпмоқ I фл. бирг. н.

ЁПИШМОҚ II Ёпмоқ II фл. бирг. н.

ЁПИШМОҚ III 1 Маҳкам ушламоқ, тирмашиб олмақ. *Васила Назаровна занжирни тушириши билан, нотаниш бир эркак оти-либ кирди-ю, ёқасига ёпишиди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқсол. Йигитали "Ая, дадам-ни қутқаринг, чўкиб кетяпти!" деб бақирар-миш. Ўзи маҳкам отасининг сочига ёпишиб олибди. С. Сиёев, Отлиқаёл. ..Куёв томони-дан ориқ, дароз, чайир бир хотин бел боғлади. Ўзгалар: ёш-қари — ҳаммаси шу икки аёл-нинг белбоғига, этакларига ёпишиди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Бирикиб, туташиб кетмоқ; жипслаш-моқ; қапишмоқ. *Дўппи калнинг бошига ширачлагандек ёпишиб қолган эди. Т. Обидов, Юсуфжон кизик. Шафтоли гуллари дувучиб, бир қанча гул япроқлари Чароснинг хўл сочла-рига, юзига ёпишиб қолди. Ў. Ҳошимов, Қал-бингга қулоқ сол.*

3 Илашмоқ. *Талъат орқаси билан сирғалиб, хирмондан тушди-ю, шимига ёпишган пахта толаларини қоқиб ташлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

4 Отилмоқ, интилмоқ, талпинмоқ. *Му-қаддам даҳшат ичида эшикка ёпишиди: -Лобарларникига чиқаман.. Ў. Ҳошимов, Қал-бингга қулоқ сол. Қўзи-улоқлар тўймай қолса, иргишлаб келиб, онсмарининг елинига ёпи-шади. С. Сиёев, Ёруғлик. Жангчи/юр кўзла-рини роса очмасдан, милтиқларига ёпишиди-лар. Ойбек, Қуёш қораймас.*

5 Астойдил берилмоқ, жон-жаҳд билан киришмоқ. *Ҳар бири бир янгилик келтираётган бу кунларнинг шавқидан маст бўлган халойиқ ҳар қандай ишга мўр-малахдай ёпи-шар эди. А. Қахҳрр, Қўшчинор чироклари. Мен одамлар туша солиб, телевизордагидай ишга ёпишиб кетса керак, деб қутиб тур-дим. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишсин қ. ёқа II. Тилинг танглайингга ёпишгур! қарғ. Ўлгур!

ЁПИШОҚ айн. ёпишқоқ.

ЁПИШТИРМОҚ Ёпишмоқ III фл. орт. н. *Конвертга марка ёпиштирмоқ. ет [Заргаров.] Бир альбом бор, секретарим қаерда доклад-боп нарса кўрса, қирқиб, шунга ёпиштириб юради. А. Қахҳрр, Оғриқ тишлар. Мастура пахса деворга ёпиштириб қурилган тандир-дан.. патир узаётир эди. Ойбек, О. в. шаба-далар.*

Оғзидан олиб, ёқасига ёпиштирмоқ салб. Гап қайтармоқ; дарҳол жавоб қилмоқ. *[Вар-по] Ўзи ҳақидаги заррача гапни дарҳол оғзи-дан олиб, ёқасига ёпиштирадиган бўлди. И. Раҳим, Зангори кема капитани.*

ЁПИШҚОҚ 1 Ёпишадиган, ёпишувчан. *Ёпишқоқ модда. н Ёмғир на тинар, на ёғар дегандай, йўлларнинг сарғиш ёпишқоқ балчиги этикларни оёқдан суғурар эди. А. Мухтор, Туғилиш. Маҳсининг чоки пишиқ бўлсин учун, мумли, ёпишқоқ ипни ҳар қатимда бармоқ-лари билан «қир-қир» тортиб қўяди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 кўчма Тутган кишисини қўймайдиган; шилқим, хира. *Ёпишқоқ бола. н Қодирбек ўлғудек шилқим, елим, ёпишқоқ йигит экан, ҳар қуни Лайлонинг ўқишдан чиқишини пой-лаб туриб, "машинада олиб бориб қўяман ", деб тиқилинч қилармиш. М. Қориев. Ойдин кечалар.*

Ёпишқоқ ёнғоқ Мағзи пўчоғига қаттиқ ўрнашиб қоладиган ёнғоқ.

ЁПИҚ I 1 Ўтиш ёки кириш-чиқиш жойи тўсиб, бекитиб қўйилган; берк. *Ёпиқ эшик. н Кечаси маълум Марғилон дарвозалари ёпиқ бўладир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Уйлар-нинг эшиклари, деразалари тақа-тақ ёпиқ. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Тўсилган; бекитилган. *Нури—қуёшда қу-мушдай ялтировчи банорас паранжида; юзи қат-қат шойи рўмоллар билан ёпиқ, хона-нинг остонаси ёнида сап эгилиб туради. Ой-бек, Танланган асарлар.*

3 Усти бекитилган, ёпилган. *Ёпиқ қозон. тт* Эрталаб соат еттиларда ётоқхона олди-га усти ёпиқ юк машинаси келди. С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Тамом бўлди, тутади. *Асқар Бакирович яна бир марта унга [Баширжонга] ва кол-лективга муваффақият тилаб, мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.* Н. Аминов, Суварак. - *Мажлис ёпиқ, — эълон қилди Мадёров.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

Ёпиқ мажлис Маълум шахсларнинг иш-тироки билангина ўтказиладиган мажлис.
Ёпиқ овоз бермоқ қ. овоз 7.

ЁПИҚ II Умуман ёпиладиган мато. *Той устига ёпиқ ташламоқ, тт \ Отнинг\ Эгар-лари нақшли, ёпиқлари духобадан бўларди.*

Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Арк ичи-да кенг ётоқ, устида кашмирий ёпиқ, икки-та шишқин нар ёстиқ.* М. Исмоилий, Фар-ғона т.о.

ЁПМОҚ I 1 Эшик, дераза ва ш. к. ни бекитмоқ. *Кирадиган эшигингни қаттиқ ёпма.* Мақол. *нт Мирҳомидхўжа оғшининг эшигини секин ёпди-да, имо билан Қамбаралини бир чеккага чақирди.* А. Қахҳрр, Қўшчинор чироқ-лари. *\Полвоң\ Остонага борганда: - Крлгани-ни уйда оласан, — деди-ю, эшикни қарсилла-тиб ёпиб чиқиб кетди.* С. Сиёев, Отлик аёл.

2 Устига ташламоқ, устини бекитмоқ. *Чўли бобо уйига кириб, бир янги почанўстин олиб чиқиб, Меъморнинг елкасига ёпди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Йўлчи қуруқ наматга ётиб, устига кўрпача ёпди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Қопқоқбилан бекитмоқ, қопқоқламоқ. *Чойнакнинг қопқоғини ёпмоқ* **Ні** *Аҳмад уйига кириб борганида, Мунира қиш гамини еб, аччиқ-чучукдан шиша банкаларга консерва ёпаётган экан.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

4 Иш-ҳаракатини, фаолиятини тўхтат-моқ. *Дўконни ёпмоқ. Мажлисни ёпмоқ. Ні* *Хивадек кичик бир калъада олтмишидан ор-тиқ қорихона на керак ? Уларнинг бир қисми-ни ёпмоқ лозим.* С. Сиёев, Аваз. *Абдусамад-қори самоварини ёпиб, менга жавоб берди.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Очик, ёзиқ нарсани йиғмоқ, бекит-моқ. *Дафтарни ёпмоқ. Ні* *Аҳмад варақнинг учини буклаб, журнални ёпди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Раъно китобни секингина ёпиб, Ан-варга узатди..* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Саодатхон эндигина ёпган зонтини қапта очди.* С. Зуннунова, Янги директор.

6 Қурмоқ, бино қилмоқ. *Шунинг учун \Худоёрхон\ меҳнаткашни раҳмсиз ишлатиб, сарои ва расталар, қаландархона ва ўрдалар ёпмоқда эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

7 Қопламоқ, эгалламоқ. *Шаҳодат муф-ти қарийб бутун кўкрагини ёпган баҳайбат мош-гуруч соқолини қалам билан таради.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

8 Яширмоқ, махфий тутмоқ. *-Мабодо область газетасига хам келиб қолгудек бўлса, бу ёгини ёпамиз-қўямиз-да, — деди Ҳалим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Шу йўл билан сирингни ёпмоқчи бўлдингми? [деди Ўрмонжон].* А. Қахдор, Қўшчинор чироқлари.

Эсинг борида этагингни ёп Вақт-ғанимат-ни кўлдан берма, хатонинг ўз вақтида ол-дини ол. *-Эсинг борида этагингни ёп. Менга йигит бўл! — деди Холхўжа Бўтага.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЁПМОҚ II 1 Тайёрламоқ, пиширмоқ. *Нон ёпмоқ. Ні* *Этибор опа уй юмуши билан банд бўлади: нон ёпади, ўғир янчади.* Ҳ. Ғу-лом, Машғал. *У қайроқ бугдой унидан ёгли патир, сомса ёпди, қатлама пиширди.* И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат.

2 Чаплаб ёпиштирмоқ, чапламоқ. *Девор-га таппи ёпмоқ.*

ЁПОҒИ шв. Қўйнинг майин жуни. *Қўлин-ғиздаги оддий ёпоғи эмас. Майинлигини кўряп-сизми? \деди Нигора].* С. Анорбоев, Оксой. *Бунда той-той момиқ, ёпоғи, тивит, Бунда олма ипак, мовут, каноп, чит.* Миртемир.

ЁППА 1 айн. ёппасига. Ваъда шу! Барча қиз ёппа сафарбар, Шараф-ла етмакка шу бахтли Лхмгя/Зулфия. Махдум.. иккиболани меҳмонхонани супуриб, жой солишига буюрди ва бошқа болаларни ёппа озод қўйиб юборди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

2 шв. Ўнгариб, босиб. Яна биров Бозоров-нинг: "Шийпонга икки отлиқни юбориб, Адо-латни отга ёппа қилиб, Аравонга олиб қоча-ман, никоҳ кечасидан кейин кўникиб кета-ди", деган гапини олиб келди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ё, Ражаб полвон қайтгунча, тўй-нинг паловидан ёппа қилиб келаими? Ш. Тош-матов, Эрк қуши.

ЁППА-ЁЛҒИЗ Фақат бир ўзи, танҳо, ёлғиз. Баъзан қора тунда учган юлдуздай Бошим оққан ёққа ўзимни урдим, Баъзан ёппа-ёлғиз йўлчидай юрдим. В. Зоҳидов, Ҳаётбахш бадиият тароналари.

ЁППАСИГА рви. Ҳаммаси бирйўла, ҳам-маси бирдан; бутунлай. - Болаларимизнигина эмас, катталарни, шу жумладан, хотинлар-ни ҳам ёппасига саводли қилишимиз лозим, — деди Абдурашул. П. Турсун, Ўқитувчи. \Нор-вой ака:\ Қани, қўлинг шу топда Машина бўлиб қолса, Бир толасин қолдирмай, Ёппа-сига йиғиб олса. Қ. Муҳаммадий.

ЁПҚИЧ Ёпиш, қоплаш учун хизмат қиладиган буюм. Бахмал ёпқич. **тм** Қизлар-га хос нозик дид шу ерда ҳам сезилиб тура-ди: дераза ёнидаги тумбочка устига гулдор ёпқич ташланган. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ЁР [ф. jL — дўст] **1** Дилга яқин киши; ҳамдам, дўст, муҳиб; ёрдамчи. Зиёфатга ўртоқлар, ёр ва биродарлар келишиди. **тм** Ос-

ҶШ

тимизда ўйнар отлар, Ҳар ким ўз кўнглини шодлар, Дўсту ёр, яхши улфатлар, Нукта-донлар, хуш қол энди. «Эрали ва Шерали». ..ниҳоят, зафар уларга [массажетларга] ёр бўлиб, душманни орқага сура бошлашди. М. Осим. Аждодларимиз қиссаси. Арвоҳлар ёр, пирлар мададор бўлиб, овимиз бароридан кел-син. Ҳамза.

2 Севгили, маъшук, маъшуқа. Вафодор ёр. **шм** Ёр, мунча зор этдинг мени? С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. Мен келтирган атласни Ёрим солмас сандиққа. «Кўшиқлар».

Бўйни ёр бермайди Бирор ишни бажа-ришга ғурури йўл қўймайди, истамайди. Эргаши уни, меҳнатга бўйнинг ёр бермаса, ҳози-роқ бўшатиб қўяман, деб қаттиқ огоҳлан-тирди, А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЁР-БИРОДАР, ёру биродар Дўстлар, ошна-оғайнилар, ўртоқлар. Бўта шу топда қишлоқни, ёр-биродарларжи эслади.. С. Аҳмад, Ҳукм. Кўнгил сўраш учун келаётган ёр-биро-дарлар сийрак тортиб қолди. **Н.** Сафаров, Оловли излар. Сиздек уч-тўртта катта-кичик ёру биродарлар улфатчилик қилардик \деди чол\.

ЁРДАМ 1 Бирор ишни бажаришда кў-маклашиш, қарашин; кўмак, мадад. -Отам ёрдамга югурган эди, қолган иккитаси отам-га ёпишди, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Эртасига.. қўшни бригада-дан кетмончилар ҳам ёрдамга келишди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маънавий кўмак. Абдишукур.. амакисининг ёрдами билан ниҳоят бир бойга мирза бўлди. Ойбек, Тапланган асарлар.

3 Моддий кўмак; пул, маблағ. Очилнинг уйдан оладиган ёрдами катта эмас эди. П. Қодиров, Уч илдиз.

4 Фойдали таъсир, наф. Беморга бу дори ҳам ёрдам бермади.

Ёрдам бермоқ (ёки қилмоқ) Ёрдамлаш-моқ, кўмаклашмоқ. Сафаров тез-тез луқма ташлаб, мисол қистириб, унга [Бўтабойга] ёрдам берди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқла-ри. Янги мактабларда ўқиладиган илмлар шариятга хилоф келмас, уламолар фатво бе-ришса, ҳар бир ота ўз боласи учун қўлидан келганча ёрдам қилади, албатта. Ойбек, Тан-ланган асарлар. **Тез ёрдам 1)** касал бўлган-да бериладиган биринчи муолажа; ёрдам кўрсатувчи тиббий ходимлар; **2)** тиббий транспорт воситаси. Анови

одам бехосдан ҳушидан кетди. «Тез ёрдам» чақиргандик, анчадан бери келмаяпти. «Муштум».

ЁРДАМИДА кўм. Кўмагида, мадади би-лан. *Хўжа Яҳё* икки ўгли, уч хотини, ўн беш-тача хизматкорлари ёрдамида тун бўйи кўч йиғиштирди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Хуллас, дўстимиз Комил Жалолов ёрдамида бу камчиликларга тезда барҳам беришимизга аминман.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ЁРДАМЛАШМОҚ Кўмак бермоқ, қа-рашмоқ. [Ёрмат] Катта туғунларни хотинларнинг қўлларидан, бошларидан олиб, ичка-рига олиб киришига ёрдамлашади. Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Зебихон гилдирак ёгочларига оёгини бир-бир қўйиб, аравага чиқди. Кейин Адолатнинг қўлидан тортиб, унга ёрдамлашди.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЁРДАМЧИ 1 Кўмак берувчи, кўмакчи, мадаккор. *Қиз онага ёрдамчи.* **ит** Очилвой ишйондан йигирма иккита фартук олиб чи-қиб, ёрдамчишарга бўлиб берди. Н. Аминов, Тилло табассумлар.

2 Тегишли муассаса ва ташкилотларда биринчи даражали раҳбарга қабул, иш юри-тиш ва бошқа ишларда кўмак берувчи шахс. *Раис ёрдамчиси. Ректор ёрдамчиси.* **ит** *Бо-қизоданинг бир неча лекция стенограммала-ри катта шов-шувга сабаб бўлиб, гап унинг ишида қолиш-қолмаслигигача бориб етганда ҳам, ўша номаълум қўллар масалани кун тар-тибидан олиб ташлабгина қолмай, домланинг декан ёрдамчиси қилиб тайинланишига эриш-дилар.* С. Кароматов, Олтин кум.

3 Қўшимча равишда фойдаланиш, фой-да олиш учун мўлжалланган; қўшимча. \Ашир\ *Касалхонада ётиб тузалгандан кейин, лагернинг ёрдамчи хўжалигида.. ишлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Электр қувватини кўпай-штирувчи ёрдамчи станцияни монтаж қилишда ҳам наманганлик азаматлар ишлашди.* Ой-дин, Ҳикоялар.

Ёрдамчи сўз тли. Мустақил маънога эга бўлмаган, грамматик муносабатларни бил-дирадиган сўз. **Ёрдамчи феъл тли.** айн. **кўмакчи феъл қ. кўмакчи.**

ЁР-ДЎСТ, ёру дуст айн. **ёр-биродар.** Унинг кўп ёр-дўстлари, таниш-билишлари орасида Саидийнинг эътибори кетди. А. Қаҳҳор, Са-роб. *У киши ҳали ишдан қўл узганлари йўқ, хушчақчақ суҳбатни яхши кўрадилар, ёр-дўстларникига борадилар.* Ойбек, Танланган

50

асарлар. *Муҳаммадамин қариндош-уруғлари-да бўладиган тўй-ҳашамлардами ёки ёру дўстлари даврасидами, ҳар қалай, ўзига қа-рашли жамоат орасида қайниси Содиқжон-ни таништиришни яхши кўрарди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЁР-ЁР этн. Келин узатишда ижро эти-ладиган, ҳар байти «ёр-ёр» ибораси билан тугайдиган кўшиқ номи. *Уммат тоз дарров сурнайини оғзига олди. Лунжсини ишириб, «Ёр-ёр»ни бошлади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бир арава қиз-жувон чилдирма чалиб, ёр-ёр айтиб ўтишди.* А. Қаҳҳор. Кўшчинор чироклари.

ЁР-ЖЎРА айн. **ёр-биродар.** *Пахта бай-рамини ёр-жўралар билан Гулистон райони-да ўтказдик.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Ҳар боланинг синфдоши, Қурдоши, ёр-жўраси.* Ф. Ғулом.

ЁРИ(Й) [ф. *UJL*, — мадад] эск. кт. Кў-мак, ёрдам. *Ёрий бермоқ.* **ит** *Офтоб ойим қариндошларидан жонкуяр деб танилган киши Кумушбибининг тоғаси Ахмадбек бўлиб, у ҳам умрининг кўпини Кўқондами, Хўжанддами ўтказар, шунинг учун ундан ёрий куттиш ҳам узоқ гап эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЁРИЛМОҚ1 Ёрмоқ 1, 2 фл. ўзл. ва мажҳ. н. Тўнкаларни кавлаб, бир чеккадан ёрилса, талай ўтин беради [деди Мирзакаримбой]. Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. **портламоқ.** *Бомба ёрилди.* **ит** *Ҳаво-да пулемётлар тариллади, снарядлар ёрилди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Яқин жойда мина ёрилиб, Ахмедовнинг елкаси яраланди.* Т. Рус-тамов, Мангу жасорат.

3 Бир неча қисмларга бўлинмоқ; тилин-моқ; синмоқ, шикастланмоқ. *Шиша ёрилди. Бош ёрилди. ти Иидан, совуқдан ёрилган қўллари қамчини базўр тутар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Умар бишиги синиб, боши ёрилиб, тупроқда беҳуш ётарди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

4 кўчма Дардини айтмоқ, ҳасрат қил-моқ, очилмоқ. *Ҳаёт булоқ бошидаги рози дилдан кейин онасига ёрилган, йиглаб туриб, истакларини айтган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Мен унинг ёрилгиси келиб, тўлиб турганини сездим-да, ёнига чўккаладим.* О. Ёқубов, Излайман.

Ер ёрилмади-ю, ерга кирмади Қаттиқ хижолат бўлди. *Хадича буви ёнидаги хотинлар олдидан ёмон ўсал бўлди, ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ўтирганлар хохлашиб кулиб юборди. Назарбой ер ёрилмади, ерга кирмади.* «Ойсу-лув». **Таре ёрилмоқ** 1) каттиксиқилмоқ. *Йўқ-йўқ, бобожон, шисиз қолсам, ичим тарс ёрил-гудай бўлаверади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. -*Шунга хам дилисиёҳликми, — деди директор, — менинг ўрнимда бўлсангиз, тарс ёрилиб кетаркансиз-да.* «Муштум»; 2) куч-ли оғримоқ. *Бошим тарс ёрилиб кетай деяп-ти \деди Ссьюмов\.* «Шарқ юлдузи».

ЁРИМОҚ 1 Ёруғ, равшан бўлмоқ; ча-роғон бўлмоқ. *Шам нуридан хона ичи ёриди. ти Ўрданинг чароғчиси дарбоза яқинидаги машғала ёгочига ўт бериб, бутун ўрда ичи ёриб кетди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Ёришмоқ (тонг ҳақида). *Субҳ азони айтилиб, секин-секин тонг ёрибборди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

Ичига чироқ ёқса, ёри(ш)майди Дард-дунёси қоронғи, ўта хафа. -*Шу чоқда ичимга чироқ ёқсалар ҳам, ёрмайди-да\ — деди ва кўзига жик ё'ш олди [Офтоб ойим].* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Иқболхон, икки ҳафта бўлибдики, ичига чироқ ёқса, ёришмайди.* Ў. Усмонов, Сирли сохил. **Кўзи ёриди** 1) та-ниди, билди, англади. *Кўзимиз ёриди: кўрдик оламни, Шунчалар жамоли бор экан ернинг.* Ғ. Ғулом; 2) туғди. *Аёл тун бўйи азоб чекиб, тонготарга яқин кўзи ёриди* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аксига олиб, кампири кўзи ёриган келининикига кетган.* С. Аҳмад, Лаъли Ба-дахшон.

ЁРИТКИЧ 1 Ёруғлик берувчи, ёритув-чи (сайёралар, осмон жисмлари ҳақида). *Яна минг йиллардан сўнг ёриткич атрофида сай-ёравий туманлик хосил қилади.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Чироқ. [Метро] *Станциянинг шифти улкан космосни эслатади. Ёриткичлар олис-олис юлдузларга ўхшайди.* Газетадан.

ЁРИТМОҚ 1 Ёримок фл. орт. н. *Баланд осилган қирқинчи чироқнинг ёруғи чоғроқ уи-нинг бурчакларигача ёритган.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Биринчи бомба қолхоз отхонасига тушиб, аланга бутун қишлоқни ёритди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Ёзиб баён қилмоқ, тасвирламоқ, моҳиятини очиб бермоқ. *Қишлоқ ҳаётини ёритмоқ. ши Ғулом Ёқубовнинг қаҳрамонлик тафсилоти шу кунгача етарли даражада ёри-тилгани йўқ.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Воду р хорижий эллар сафарига чиққанда, замин*

51

ва маъдан ҳақидаги маълумотларини, қисқа бўлса-да, ёритишга уринди. «Фан ва турмуш».

ЁРИТҚИЧ қ. ёриткич.

ЁРИШМОҚ 1 Ёруғ бўлмоқ, ёримок. *Кун ёришиди. ши Ҳамма ёқ сутдек гришиди.* С. Аҳмад, Хукм. *Тонг аллақачон ёришиб, кўчалар одамга тўлган.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Офтоб яна ёришиди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

2 кўчма Хурсандлик, шодлик аломати пайдо бўлмоқ (юзда ва кўзда). *Мурзин худди шу сўроқни кутиб тургандек ёришиб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар. -*Ҳа-а, Жўрахон!* — деди бирдан ёришиб Ғуломжон. М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

3 Енгил тортмоқ; тузалмоқ, соғаймоқ. *Қутидор қизнинг пешонасини ушлади: -Эй-ҳа.. Кумуш, ҳали иссигинг бор, — деди у. — Ўзингни тежа, қизим, ўрнингни қалин қилиб, бурканиб ёт, терласанг, ёришасан, қизим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Жўрабек] Душан-ба, сешанба кунлари сафро ташлаб, руҳи ёришган кишидек анча енгил тортди. Мир-муҳсин, Куламас қоя.*

Кўнгли (ёки дили, чехраси) ёришмоқ Кайфияти кўтарилмоқ; хурсанд бўлмоқ. *Унинг \ Саодатхоннинг] кўнгли ёришиб, қада-ми дадиллашди. С. Зуннунова, Янги дирек-тор. Тўра овқатни иштаҳа билан ичар экан, кўнглига келган бир фикрдан дили ёришиб кетди. Н. Фозилов, Дийдор. Таълат Гав-ҳарни эслади-ю, чехраси ёришиб кетди. Ў. Хошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

ЁРИШМОҚ П **Ёрмоқ** фл. бирг. н. *Ўтин ёришмоқ.*

ЁРИҚ 1 сфт. Ёрилган, дарз кетган. *Ёриқ қовун.*

2 от Дарз кетган, ёрилган жой; тирқиш, оралиқ. *Девор ёриги. иит Қозонга ёпилган ту-воқнинг ёриқларидан буг кўтарилади. С. Анор-боев, Оқсой. Ернинг ёриқларидан вашиллаб газ чиқиб, ёниб ётибди. П. Қодиров, Эрк.*

ЁРЛАШМОҚ фольк. Ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ. *Комил бўлиб, элга кўп аралашди, Иш ўрганиб, бир нечага ёрлашди. Эргаш Жуманбулбул ўғли.*

ЁРЛАҚАМОҚ 1 Кўллаб-қўлтиқламоқ, мадад бермоқ. *Куёш тангриси бизни ёрлақаса, шаҳаншоҳи Эрон аскарлари, қуршовда қол-ган жайронлардай, қочгани жой тополмай қолгайлар. М. Осим, Карвон йўлларида. Аваз илгари юзлаб газаллар, мухаммасу қасидалар ёзган, баъзи абётини Табибийдек забардаси шоир ҳам мақтаган, шоҳбайт деб улуглаган, Феруз ёрлақаб, инъомлар берган. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Афв этмоқ, кечирмоқ, гуноҳидан ўтмоқ. *Бир-икки дақиқали фикрдан сўнг Отабекнинг: «Сиз менинг бу хатимни ўқиб, гу-ноҳларимни ёрлақаб турган кезларингизда, албатта, мен Марғилон йўлида бўлсам ке-рак..» жумласини кўздан ўтказди-да, Содиқдан сўради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

Худо ёрлақад дин. Худо дилига солди, худо марҳамат кўрсатди. *-Хайрият, хайрият, Абдурасул! — деди Олахўжа, охири бо-шини кўтариб, — сенинг ҳам қадамнинг биз томонга тушар кун бор экан. Нечук худо ёр-лақади! П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЁРЛИҚ 1 тар. Бирор амал, унвон, су-юрғол ва ш. к. берилганлиги ҳақидаги рас-мий хужжат; фармон. *Тўранинг хоидан икки юз таноб ерга ёрлиқ олгани бежиз эмас. Ж. Шарипов, Хоразм. Сарой битикчиси — бел-боғига қаламдон қистирган, кўк салла ўраган йигит — Чингизнинг тожик тилида ё'з-дирган ёрлигини ўқиб эшиттирди. М. Осим, Ўтрор.*

2 Бирор саноат маҳсулотига, унинг но-ми, миқдори, ишлаб чиқарилган жойи ва ш. к. маълумотлар ёзиб, бириктириб, ёпиш-тириб қўйилган қоғоз парчаси. *Фабрика ёр-лиги. Багаж ёрлиги. тт Ёрлигини ўқисак, ўзи-мизнинг кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмамиз маҳсулоти экан. «Саодат».*

3 кўчма Номаъқул, салбий сифат; лақаб, ном, «тамға». *Нигора туҳмат гапларга ишо-нади: Шербек унинг учун бевафо, бурдсиз.. Ким билади дейсиз, унга яна қандай ёрлиқларни ёпиштирди экан. С. Анорбоев, Оқсой. Яқин пайтларгача боболаримиз кураши "миллат-чи " "ватан хоини " деган ёрлиқлар ниқоби ос-тида талқин қилинди. «Фан ва турмуш».*

Фахрий ёрлиқ қ. **фахрий 2.**

ЁРМА 1 Оқлаб туйилган бутун дон, оқланган ғалла маҳсулоти. *Бугдой ёрмаси. иии - Янгамга айтсангиз, бугдой бошоқлари-дан бир оз синдириб олиб, тўқмоқлаб, ёргу-чоқда ёрма тортса бўлмайdimи? — деди Са-фар. С. Айний, Қуллар.*

2 Шундай маҳсулотдан тайёрланган ов-қат. *Сурхонбой.. мусофирларга атаб оқшомда чиқарилган бирор коса ёвгон увра ёки ёрма билан кунўтказади. И. Раҳим, Тақир. УАбу*

Сирож} эрталаб уйидан ним пиёла ёрма атала ичиб чиққан эди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЁРМОҚ 1 Чопиб, кесиб, бўлакларга ажратмоқ, бўлмоқ. *Тўнка ёрмоқ. тт Кимдир қарс-қарс ўтин ёради. С. Аҳмад, Хукм. Азон-да отни миниб, тоққа жўнадим. Тоғамни ўтин ёраётган ерида топдим. Ш. Холмирза-ев, Йўллар, йўлдошлар.*

2 Кесмоқ, тилмоқ. *Ойи, нима қилай, сўзимга ишонмасангиз, пичоқ билан кўксим-ни ёриб кўрсатайми ? Ойбек, Танланган асар-лар. У қўлини бўшатган чоқдаёқ Отабек.. Ҳомиднинг қорнини шир эттириб ёриб юбор-ган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 Чақа қилмоқ; дарз кеткизмоқ. *Тухумни ёрмоқ. Кичкина тош бош ёрар. Мақол. тт Отам, ўйин қизигида ютқазишга ютқазиб қўйиб, кейинўзиниурди, пешонасини ёрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

4 -иб кўшимчали равишдош шаклида «ўтмоқ», «кирмоқ», «чиқмоқ» феъллари билан келиб, қаршилиқ, тўсиқ, ғов ва ш. к. ни енгиш маъносини ифодалайди. *Тўда-ни ёриб кирмоқ. Қуришовни ёриб чиқмоқ. тт Миршаблар орасидан учта ёш бола ёриб ўтиб, мингбошининг кимхоб тўнига, оёғига осилди. М. Исмолий, Фарғонат. о. Норжон билан Элмурод у ёқдан-бу ёққа типирчилаб, олдинга ёрибўтмоқчи бўлишди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Дардини (ёки кўнглини) ёрмоқ Сирини айтмоқ; мақсади, ниятини баён қилмоқ. *Дардлиман, дардимни кимга ёраман? Айри-лиқ ўтида бағри пораман. «Алпомиш». Аваз анча ўтириб, кўнглини ёрди: -Ога, ўн кунча бўлди, қўлимга қалам олмадим. С. Сиёев, Аваз. Димоғини ёрмоқ* Бадбўй хиддан кўнгли бе-кузур бўлмоқ. *Мурдалар ётмайди музли кўларда, Димоғни ёрмагай бадбўй қон исси. Миртемир. Димоғларни ёради мурдалар исси. Ғайратий. Пих(ини) ёрган қ. пих 1. Тилни ёради* Таъми ниҳоятда ширин. *Куз. Боглар тилларанг. Узумлар тилни ёради. Ё. Шуку-ров, Уч савол. Олинглар, бирам ширин чиқ-дики жонивор, тилни ёради. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Тиш ёрмоқ* 1) тиш(и) чиқмоқ; 2) айтиб қўймоқ; сирни очмоқ. *-Хўп, май-ли, айтсам айтмай, аммо ҳеч кимга тиши ёр-маслик шартин билан, — дедим мен ниҳоят рози бўлиб. Ф. Насриддинов, Тундаги воқеа. Бу тўғрида қўшимизга тиши ёрган эдим, у: -Битта, яримтасини ёгламасиз-да, — деди.*

«Муштум». **Юракни ёрмоқ** Қаттиқ кўрkit-моқ, чўчитмоқ. **Қилни қирқ(қа) ёради** қ. қил. **Қорнини ёрсанг, алиф чиқмайди қ. алиф.**

ЁРОН [ф. (j) jб — дўстлар] кт. Яқин ки-шилар, дўстлар. *Эй ёронлар, биродарлар, Дунё-дан армонли кетдим. «Оқолма, қизил олма». Отамурод қори ҳам, дар қатори ёрон деган-дай, Камолий тахаллуси билан газал битар-ди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ЁРОНГУЛ 1 Ёронгулдошлар оиласига мансуб бир ёки кўп йиллик ўт, чала бута; манзарали ўсимлик. *Саноат ва медицинада ҳар хил гиёҳлардан тобора кенг фойдаланил-моқда. Масалан, ёронгул, торон, оқ томир ўсимликлари тери ошлаш саноатида муваф-фақият билан ишлатилаётир. Газетадан. Де-разанг рахида ёронгул ўсар, Мен сени соғин-дим. Х. Даврон, Қакнус.*

2 Ёронгул (хотин-қизлар исми).

ЁР-ОҒАЙНИ айн. **ёр-биродар.** *-Катта-катта сарф қилдик, қавму қариндош, ёру оғай-ниларга совға-салошар қилдик, — деди Ҳожиси хола. М. Исмоилий, Фарғонат. о. У[Элмурод] кун сайин ака-ука, ёр-оғайнига айланиб бора-ётган кишилар орасида ўзининг бегоналигини унута борди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЁРТИ эск. Ярим, яримта; чала. *Икки ёрти — бир бутун. Мақол. тт Тўғонбек гўё эшит-магандай, бир қанча вақт отнинг у ён-бу ёнига ўтиб, пардозлаб, сўнг пўнғирлади: -Иш ёрти қолмасин, қари шайтон. Ойбек, Навоий. Ерти эмас, тўкис — бут Ғазналар, дунёлар бор. Миртемир.*

ЁРУҒ 1 Ёниб, қизиб турган нарсадан тарқалган ёғду, нур. *Шам ёруғи. ит Фулом-жон ўчоқдаги ўт ёруғида қомати хирагина кўриниб турган дўстини бориб қучоқлади.*

М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Элмурод палаткага кирди. Палатка шам ёруғида эртактарда уч-райдиган гўзаллик ва файз кашф этган.* Шуҳ-рат, Шинелли йиллар.

2 Нур тушиб турган; равшан, чароғон. *Кўчалар ёруғ. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ.* Мақол. **тм** Уй ёруғ эди. *Сергей стол лампасини ўчирмай ухлаб қолганди.*

П. Қодиров, Уч илдиз.

3 кўчма Бахтли, нурли, ёрқин. *Фотима дунёга келиб, ўзи билан шу қадар меҳрибон, хушмуомала гаплашадиган одамлар борлиги-ни, уларнинг бирдан-бир мақсадлари уни озод қилиб, ёруғйўлга бошлаш эканини англади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу кўз ёшлариши гам ва ҳасрат эмас, аксинча, ўша ёруғ ҳислар гнуг-дирган эди.* О. Ёқубов, Ота изидан.

Ёруғ дунё 1) ер юзи, олам, тириклик дунёси. *Ёруғ дунёнинг лаззати — рўзгор би-лан фарзанд.* И. Раҳим, Ихлос. [*Гофир:*] *..Бу ёруғ дунёга нима учун келдик?* Ҳамза, Бой ила хизматчи; 2) озод, бахтли ҳаёт, рўшно-лик. **Ёруғ жаҳон айн.** **ёруғ дунё 1.** *Ҳозирча Феруз бу ёруғ жаҳондан, бу тоғу тахтдан кўнгул узишни ўйлагани ҳам йўқ.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ёруғ кун** Бахтли кун, дақиқа. *Сен ҳам келадиган ёруғ кунлар бор экан, айланай болам* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Ёруғюл-дуз 1) катта, кучли нур сочувчи юлдуз. *Зул-фиқор Бадиадан қанча узоқлашиб кетса, у ёруғ ёлдуздек шунча ярқираб кўрина бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) машқур, танил-ган киши. *Аввал устод Табибий ёш шоирнинг нуктадонлигини обдан мақтади, истиқбол-дан башорат қилди, ҳазрати олийларининг.. муборак саройларига Аваз отлиг бир ёруғ юл-дуз бош уриб келганлиги сўзлади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Кўзига (ёки унга) ёруғ дунё қоронғи (бўлди)^** *Кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди; кўнгли ғаш, қаттиқхафа. Азизбек кўзига ҳозир ёруғ дунё қоронғи, бу қоронғишик ичида бояги ширин хаёллар.. кўринмай қоладилар.* А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. **Юзи ёруғ қ. юз.**

ЁРУҒЛАШМОҚ Равшан бўлмоқ, рав-шанлашмоқ. *Аҳмаджон-старшина шифтга осиглиқ фонарь пилигини кўтариши билан, вагон ичи ёруғлашди.* Ҳ. Гулом, Сенга инти-ламан. *Кун ҳаддан ташқари ёруғлашиб кет-ганди.* «Ёшлик».

ЁРУҒЛИК 1 Ёғду, нур; равшанлик. *Ёруғ-лик тезлиги (физ.) ит Бироқ хужранинг ичи оқшом каби қоронғи, дахлиз орқали тушган ёруғлик хужрани ёритишига кифоя қишайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кўёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Озод, бахтли ҳаёт; рўшнолик. *Қоронғи кун мангу бўлмас. Ёруғликка чикиб кетамиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Оқработга кетадиган катта йўл яқинида умрбод ёруғ-ликучун курашувчилар ўтирибди.* Ш. Тошма-тов, Эрк куши.

Ёруғлик йили Ёруғлик нурининг бир тро-пик йилда ўтадиган йўлига тенг ўлчов бир-лиги. *Ун миллион ёруғлик йили ҳазилакам ма-софа бўлмаса керак?!* О. Мўминов, Хиёбон-даги уч учрашув. **Ёруғлик чиқмайди** Бирор кишига фойдаси тегмайди. *Бобур мирзонинг табиати покиза, кўнгли тийрак эканини кўп одам билар экан. «Атрофдаги подишолардан яхшишик чиқмаса ҳам, Бобур мирзодан бир ёруғ-лик чиқар», дебумид қиламан \деди Тоҳир\.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Ёруғликка чиқ-моқ** Бахтли, озод ҳаётга эришмоқ. *Хуррият эълон қилинганига саккиз-тўққиз ой ўтаёт-ган бўлса ҳам, меҳнаткаш ёруғликка чиқма-ди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЁРУҒСЕВАР Ёруғликни яхши кўрувчи. *Бодринг — иссиқсевар, ёруғсевар ва намга талабчан ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

ЁРШ Унча катта бўлмаган, сузгичи ти-канакли дарё балиғи. *Денгиз оти ва ёрш каби бир қанча балиқлар илонга ўхшаб пўст таш-лайди.* «Фан ва турмуш».

ЁРҚАНОТ шв. 1 Кўршапалак. *Хўроздан «тонг отишини нимадан бишасан ?» деб сўрсн-са, «ёрқанотнинг чийиллашидан биламан», de-ат экан.* А. Қаххрр, Қушчинор чироклари.

2 Тунда учадиган ва ёруғлик атрофида тўпланадиган майда хашарот. *Полвонёстиқ-ни бағрига тортиб, чироқ атрофига йигил-ган ёрқанотларга тимъиб қолди.* С. Аҳмад, Кадрдон далалар.

ЁРҚИН 1 Ёруғ, ёғдули, нурли; тиник. *Ёрқин кун. шии Қуёш чиқиб, анҳор ёқасидаги толларни олтинлатган, тоза. ёрқин ҳаво кўзни қамаштиради.* Ойбек. Танланган асарлар. *Ёрқин кўклам кунларишинг бирида Утап жамоадан уйига одатдагидан барвақтроқ қайтиб, эртаси кун мактаб очилишини ха-бар қилди.* Ҳ. Ғулум, Машғал.

2 Аниқ, равшан, яққол. *А\\шид Хусайнузоқ сўзлади, деҳқонларнинг ҳаётини ёрқин, чуқур тафсилли ҳикоя қилди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳамид Олимжоннинг бутун ижодида киши-лар образи ёрқин талқин этияган.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Романда шаҳар тасвири ҳам.. тоғ қишлоқларининг гўзал манзаралари ҳам ёрқин ифодсътнган.* С. Кароматов, Ол-тин кум.

3 кўчма Бахтиёр, бахтли; нурафшон. *Ёр-қин ҳаёт. шт Ҳаёт хар қачондан кўра кўркама ва ёрқин эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Бун-дан ташқари, у тотув ва соглом ишчи оила-сида ўсиб, кўп ёрқин дамларни бошдан кечир-ган, шунинг учун ҳам қиёфаси нурга сероб эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

4 Таъсирчан, эсда қоларли; ўлмас, ўчмас. *У | Юсуфжон қизиқ] ўзининг ёрқин ва ўзига*

49 QFIK

хос таланти билан ўткир ҳажв ёрдамида бахтли ҳаёт қуришида ўзбек халқида тўсқин-лик қилган кучларни қаҳр-газаб билан фош қиуди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Жўрахон-нинг қаҳрамонлиги, жасорати, ёрқин хоти-раси, ишлари қалбларда, ҳавтда абадий қола-ди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

5 Ёрқин (эркак ва хотин-қизлар исми).

ЁРҚИНЛИК Ёруғлик; равшанлик, ти-никдик. *Ҳар сафар хаёлимда унинг портретини чизмоқчи бўлганда, кўзни қамаштирув-чи ёрқинлик кўринар, портрет тафсилотла-ри гўё шу нурга чўмиб, кўринмай кетарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЁРҒИ I шв. фольк. Жарима. *Олиб борибхон Даллиниг отаси, Беш юз тилла мени ёрғи айлади.* «Равшан». *Шу кеча ёрға бориб ту-тилганим, Минг танга ёрғи бериб кутулга-ним.* «Кўшиқлар».

ЁРҒИ II шв. Арра.

ЁРҒОҚ I тиб. Мояк халтаси, моякдон. *Эмбрионда мояк қорин бўшлигида.. пайдо бўла-ди ва туғиши даврига келиб, ёрғоққа туша-ди.* «Саломатлик».

ЁРҒОҚII Туки йўқ, туксиз. *Аббосов ўша-ўша, боши ёрғоқ, юзи юмалоқ, ўзи қип-қизиш, бурун тагидаги капалак мўйлови, жилмайга-нида учиб кетадигандек туюлар эди.* А. Мух-тор, Бўронларда бордек ҳаловат. *УнингАлпо-мишига энчи бир тарлон бияси бор эди. Бир ёрғоқ қулун туғди, бу тулпор, деб Бойбўрига олиб келиб берган эди.* «Алпомиш».

ЁРҒУЧОҚ Дон янчиш ва ун қилиш учун ишлатиладиган хонаки асбоб; кўлтегирмон. *Мирсаид йигитча бўлиб, отаси ёнига кирди. Тирак бўлди: лой ийлаб, чарх шепди, ёрғучоқ тортди.* Мирмуҳсин, Тунги чакмоқлар. *-Янгамга айтсангиз, бугдой бошоқларидан бир оз синдириб олиб, тўқмоқлаб, ёрғучоқда ёрма тортса бўлмайдими? — деди Сафар.* С. Ай-ний, Куллар.

ЁСИН \а. ^з^Ь — араб алифбосидаги ^ (ё) ва ^ (син) ҳарфлари номидан] Қуръоннинг 83 оятдан иборат 36-сурасининг номи. *У\Зулфиқор} бирлаҳза шам ёнида турди-да, ичида ёсинни ўқиб, ўзига дам солди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЁСМИН [ф. t>^L] айн. ёсуман.

ЁСТИҚ 1 Бош остига қўйиб ётиш, ён-бошлаш, суялиш учун ишлатиладиган юмшоқ буюм; болиш. *Пар ёстиқ. Духоба ёстиқ. шии Адолат бошини кўтараман деди-ю,*

кўкрагини гижншаб, бошини қайта ёстиққа қўйди. С. Зуннунова, Гулхан. Чол индамади. У ёс-тиққа суянганича, анча вақт сукутга кетди. Х. Гулом, Машғал.

2 махс. Бинокорликда: хари, тўсин ёки сарров остига қўйиладиган ғўлача, ёғоч.

Бир ёстиққа бош қўймоқ Бирор киши билан турмуш қурмоқ; эр-хотин бўлмоқ. *Икки жинс бир ёстиққа бош қўйиши билан.. ўтмиши ва келажак наслни бир-бирига боғлайдиган ҳалқа вужудга келтиради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Боши ёстиққа тегмоқ** Касал бўлиб ётиб қолмоқ. *Осонми, киши нима бўлишини билмайди, боши ёстиққа тегуши бор.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. **Бошинга ёстиқ қиласанми?** Бўйи етиб, вақтида уза-тилмаётган қиз ҳақида айтиладиган ибора. *Қиз етилгач, уни эгасига топириши керак! Бошинга ёстиқ қиласанми уни?* И. Раҳим, Чин мухаббат. **Ёстиғини қуритмоқ** Ўлдирмоқ, йўқ қилмоқ. *Андижон зилзиласи минг-минг-лаб одамларнинг ёстиғини қуритди, томини қулатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аблаҳ фашистлар не не йигитларнинг ёстиғини қуритмади.* **Н.** Сафаров, Оловли излар.

ЁСТИҚДОШ Бир ёстиққа бош қўйган, бирга турмуш қурган эр ёки хотин. *Мамани-ёз ёстиқдоши ўлиб кетиб, Бир ўғилча қолган экан бўйи етиб.* Ғ. Гулом, Кўкан. *Жаҳон при-ёмникнинг қулогини бураб турганда, ёстиқ-доши Бахшам ҳовлиқиб кириб келди.* С. Ну-ров, Дурдона.

ЁСТИҚПЎШ Ёстиқ устига ёпиб қўйи-ладиган мато.

ЁСТИҚЧА 1 Ёстиқ с. кичр. шакли.

2 махс. Турли хил муҳрларга сиёқ юк-тириш учун ишлатиладиган, сиёҳ шимдирилган буюм. *Рўйхатни имзолашда одамлар бош бармоқларини сиёҳ шимдирилган духоба ёстиқчага шиқалаб олиб, сўнгра босиб, из туширар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЁСУМАН [ф. (j-o^L; — ёсмин, жасмин| **1** Хушбўй, оқ, сариқ, мовий тўп гулли манзарали бута. *Саудий.. боғда ёсуман гуллари, хурмо ва апельсин дарахлари ўстирди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Кетар гул ҳидлари боғдан, видо айт Атиргулга, нилуфар, ёсуманга.* Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик.

2 кўчма Ҳийлагар, маккор аёл. У Асо-лат фолбин] ҳам макр билан содда кишиларнинг эҳсонини олишга муқкасидан кетган ёсу-ман. Газетадан.

4-Ўзбек тилининг изо\ли луғати

ЁТ 1 Қариндошлиги йўқ; бегона. *Ёт одам. Қадр билмас қариндошдан қадр қияган ёт яхши.* Мақол. *тм Хиёл муддат ўйчанлик-дан сўнг Севаргул секин қўлини тортиб: - Касалманд хотини, бир қизи, бир ўгли, ёсу-ман кампирдек ёт онаси борлигини ўзидан эшитган эдим, — деди.* Н. Қиличев, Чиги-риқ. *Улар \Жапақ ва Сулув} энди бир-бирига ёт.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

Ётти ёт бегона Мутлақо қариндошлиги йўқ, нотаниш. *Ётти вт бегона, аммо шу маҳаллалик Маҳмуд тақачининг бу гаплари ёш Ҳакимжонни ўйлантириб қўйди.* Р. Файзий, Раянинг арчаси.

2 Таниш бўлмаган, нотаниш, бегона; ўзга, чет. *Отабек ўзи билан кўришган бунда-ги иккита ёт кишини танимаганликдан бир-бир қайта қараб, уларни кўз остидан кечирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 қ. х. Ёввойи, бегона. *Бўйи ердан тўрт бармоқ кўтарилган зўза ораларига ёйилган хотин-қизлар.. пахта ораларидаги ётўтларни термоқда эдилар.* С. Айний, Қуллар.

ЁТ-БЕГОНА айн. ёт **1.** «*Ие, эртагаёқ ёт-бегона кишининг эшигига бориб ишлайманми ?*» деган қўрқув уйқумни қочириб юборган эди. Х. Турсункулов, Ҳаётим қиссаси.

ЁТАЛОҚ Ҳадеб ётаверадиган, кўп ёта-диган. *Гўрўгли Чамбил қалъасига қараб кетиб бораётган эди, Чамбил қалъасига бир чақирим йўл қолганда, Гўрўглининг тагидаги минган отига кинна кириб, ёталоқ бўлиб қолди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

ЁТАР-ТУРАР Яшаш шароити; кун ке-чириш. *Сўнгхизматкор аёлни чақириб: - Ўшдан келган бу қизимни ўз хонанга олиб, ётар-тураридан, еяр-ичаридан хабардор бўлиб тур, — деб кўчанинг нариги юзидан кўрзонга ўтказиб юборди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

ЁТАҒОН қ. ёталок. *"Юки энгил эшак ёта-гон бўлади "*, деб бурунгилар хўп топиб айт-ган экан-да. Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЁТИНҚИРАМОҚ Бир оз кийшайиб, эгилиб қолмоқ. *Бугдой поялари ётинқиради..*

ЁТИШМОҚ Маъкул тушмоқ. *Тўй-беканинг шунингдек ҳангамалари бошқа вақтларда Кумушни яхишигина кулдирса ҳам, ҳозир унга ётишиб келмади шекилли, аччиғланган кўйи, ётиш учун уйига кириб кетди.* А. Қоди-рий, Ўтган кунлар.

ЁТИҚ 1 айн. **горизонтал.** Ётиқ чизиқ.

2 Бирор томонга кийшайган; қия. *Ётиқ соҳил. Ётиқ ўсган дарахт. ишш* Йўл адирнинг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам, *Турғуной тиззасини ушлаб, зўрға қадам босарди.* А. Қаҳ-ҳор, Мастон. *Навоий қилични ҳасса каби ту-тиб, ётиқ тепадан илдам настга тушиди.* Ойбек, Навоий.

ЁТИҒИ билан Кишининг асабини кўзға-майдиган даражада, мулойимлик ва оҳисталик билан (муомала ҳақида). *Ётиғи билан тушунтирмоқ. тт* Асалбиби, қизим энгиллик қилиб, қариндош олдида яна шовқин кўтар-масин, кейинча ётиғи билан сўзлашиб кўрар-ман, деб воқеани яширган эди. Ойбек, О. в. шабадалар. *Зокир ётиғи билан ҳар қанча га-пирса ҳам, фойдаси йўқлигини сизди.* П. Қо-диоров, Уч илдиз.

ЁТЛАШМОҚ Бегона бўлмоқ, бегона-лашмоқ. *Бола ётлашиди.*

ЁТЛИК Бегоналик, бир-бирига нота-нишлик. *[Пирназар полвон бйишн Турғунбой] Анчагача жим кетишиди. Лекин ораларида-ги бояги ётлик бир қадар йўқолган, бир-бирига мойиллик пайдо бўлган эди.* Р. Раҳмон, Мехр кўзда.

ЁТМОҚ 1 Танани ерга (каравот, тўшак ва ш. к. га) бериб чўзилмоқ, узала тушмоқ. *Ерга ётмоқ. Ўт устига ётмоқ. тт* Йўлчи қуруқ наमतга ётиб, устига кўрпача ёнди. Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳасанали секин-гина дарича остига ётиб, хужра ичига қулоқ солди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Укелганда, Қурбон ота ўрнида ёнбошлаб ётар, Махсум ухлаб қолган эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чи-роқлари. *Кимдир чалқанча ётиб ингарди, ёрдам сўрарди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан.

2 Жойни банд қилмоқ, жойлашмоқ. *Ки-тоб стол устида ётибди. ит* Танчанинг устида бойнинг садаф тасбеҳи, кўзойнаги ётар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Сакданмоқ; турмоқ. *Кўйлак сандиқда ётибди. тт* Енгларининг тахидан бу кўйлакнинг нафталин ҳидини синдириб, алла-қаерда узоқ вақт ётгани билиниб турарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 Тунамоқ, ухламоқ. *Бола бешикда ёта-ди. тт* Юринг, опажсон, бугун бизникида ётинг [деди *Ғўзимат*]. А. Қаҳҳор. Кўшчинор чироқ-лари. *Ҳали ётмоққа вақт эрта эди.* А. Қоди-рий, Ўтган кунлар.

5 Касал бўлмоқ, тоби қочмоқ. *Бемор узоқ ётди. тт* Эшитдингизми, улуг афандимнинг тоби қочиб қолибди. *Боёқиш қаттиқ ётган эмиш.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Волидамиз бедом-да-рак кетган икки ўглининг дард-фироқида ку-йиб, ётиб қолибдилар.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

6 Ҳибсда бўлмоқ, қамалмоқ. *Ётиб чиқ-моқ. ит* Қани у [Йўлчи], севикли ака, қаерда, қайси зиндонда *етадиV*. Ойбек, Танланган асарлар. *Мирза Муҳиддин томонидан зҳтиёт чораси кўрилганича, бир йилдан ор-тиқроқ сўроқсиз ётди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

7 с. т. Тўхтамоқ, тўхтаб қолмоқ, ёпил-моқ. *Соат ётди. Трамвай-троллейбуслар ётган. тт* Самовар ётган, бир чол чойнак-пиё-ла артар, ҳовуз бўйидаги супада кимдир хур-рак отиб ухлар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

8 Равиш ва равишдошлар билан бири-киб, иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг доимий, давомий эканлигини билдиради, мас, *бекор ётмоқ, осилиб ётмоқ, ишлаб ётмоқ, қаровсиз*

ётмоқ. **тп** Уч хонали уй бўм-бўш, хувиллаб ётар-ди. А. Убайдуллаев, Қонли издан. Буэълонлар олдида турли касбдаги одамлар уймаланиб ётади. А. Мухтор, Опасингиллар.

Ётиб емоқ Бирор жойда ишламай, пул топмай, ўз жамғармасини харжлаб яшамоқ. Ётибейшига тоғхам чидамайди. Мақол. **Ётиб қолмоқ** 1) ухламоқ. Карим акасиникида ётиб қолди; 2) тўхтамоқ. Одатда эрта билан ва кечқурун бозори бир оз қизийди-ю, туш пай-тида савдо-сотиқ ётиб қолади. М. Осим, Ибн Сино қиссаси; 3) даволанмоқ. Меҳри касалхонада узоқ ётиб қолди. А. Қахҳор, Бош-сиз одам. **Ётиб қолгунча, отиб қол!** Охирги кучингни ҳам ишга сол, фурсатни кўлдан бермай, ҳаракатингни қил, маъносида иш-латиладиган ибора. Безори ўз манфаати йўлида ҳамма нарсадан кечадиган йигит бўлгани учун, ётиб қолгунча, отиб қол, қаби-лида иш кўрмоқчи бўлди. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. **Тиқилиб ётибди** Тўлиб-тошиб кетган, жуда кўп. Ваҳолонки, респуб-ликамиздаги барча савдо базаларида этик тиқилиб ётибди. Газетадан.

ЁТОҚ 1 Ётадиган жой, ўрин, хона. Ёто-гинг бўлсин гулдек, Узинг тур ёруғ кундек. Қ. Муҳаммадий. Кулди гўзал тонгинг юзи, Қуш-лар турди ётоғидан. Ғайратий.

2 Тапшилот, муассаса ёки ўқув юрти-нинг ўз ходимлари, ўқувчи ва талабалари учун қурган ва улар яшайдиган бино. Улар ётоққа боришиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ўлмас ихтиёрсиз қулогини ушлаб, секин ётоққа томон бурилган эди, Мурод тўхтат-ди. А. Қахҳор, Йиллар.

ЁТОҚДОШ Бир ётоқда бирга яшовчи, бирга яшаган. Борди-ю, мулла Бозор у сирларни ўзининг ётоқдоши ва бирдан-бир яқин дўсти бўлган мулла Туробга айшиган бўлсачи? С. Айний, Эсдалиқлар. Ўз фикрларини ётоқ-дош дўстлари билан ўртоқлашган эди. П. Тур-сун, Ўқитувчи.

ЁТОҚИ айн. ётағон.

ЁТОҚИЛАМОҚ айн. ётоқчиламоқ.

ЁТОҚХОНА 1 Ётадиган хона. У\Раҳим\ трубкани қўйиб, ётоқхонага кирди. У. Умар-беков, Ёз ёмғири.

2 айн ётоқ **2.** Ғулом копток қилиб ўралган этагини осмонга отиб, ётоқхонага кирибкет-ди. М. Ҳазраткулов, Журъат. Шофёр аллама-ҳалда мени ётоқхонага олиб бориб қўйди. С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁТОҚЧИЛАМОҚ 1 Оғир юк, узоқ йўл юришдан ҳориб, ҳадеб ётавермоқ, тез-тез ётмоқ. От ётоқчишиди.

2 кўчма Ишламасдан ўзини турли томон-га урмоқ. Шофёрмисан, ишинг — рул бураш, хўжайиннинг буюрганини қилиш. Қирчанги отдек ўзингни у ёқ-бу ёққа ташлайсан, ётоқ-чиласан. М. Мансуров, Ёмби.

ЁТСИНМОҚ шв. айн. ётсирамоқ. Богча-дан келган болалар уйдаги меҳмон болани кўриб, унга бир оз ётсиниб тикилиб туриши-ди-да, кейин яқинроқ келиб, унинг овқат еши-шини томоша қишишиди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЁТСИРАМОҚ Ўзини бегона тутиб, тор-тиниб, аралашмай турмоқ. Қизча ётсираб, ковогини солиб, тесқари бурилди. Ойбек, Қуёш қраймас. Қодиржон аввал ётсираб турди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. Энди кучук менгау қадар ётсираб қарамади. **Ш.** Холмир-заев, Йўллар, йўлдошлар.

ЁТҚИЗИЛМОҚ Ётқизмоқ фл. мажх. н. Тўрға Қумуш ётқизилган, унинг оёғи томошда Ўзбек ойим чақалоқни кўтариб ўтир-ган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қор ку-ралди, ерга тахта ётқизилди. Ойдин, Мард-лик-мангулик. Машина тош ётқизилган кенг кўчадан шағал тўкилган йўлга чиқди. Р. Фай-зий, Чўлга баҳор келди.

ЁТҚИЗИҚ геол. Сув ёки шамол кучи билан ҳосил бўлган тоғ жинслари қатлами. У [Қизилтепа\нинг жануби-ғарбий қис-мини эса Зарафшоннинг ё'и ётқизиқлари кўмиб юборган. М. Ғуломов, Зарафшон этақларида.

ЁТҚИЗМОҚ 1 Ётмоқ 1 фл. орт. н. *Бе-морни ётқизмоқ. тт Қодир уйга кирди. Хотини боласини аллалаб ётқизмоқда эди. А. Қаҳ-ҳор, Қанотсиз читтак. [Бектемир] Қорнидан яраланган жангчини шинелга ётқизиб, суд-раб кетаётган ҳамширага ёрдамлашди. Ой-бек, Қуёш қораймас.*

2 Тўшамоқ, солмоқ. *Совуқ тушса, қориш-ма қотиб қолиб, бетон ётқизиши қишин бўла-ди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ЁХУД \ф. җ— ёки] кт. Ёки, ё. *Бир-икки шеър ёхуд бир драма асар ёзиб, адабиётнинг бутун масаласини тушунаман, деб даъво қилувчи кишилар ҳам йўқ эмасди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ЁШ I 1 Қаттиқ оғриқ, қайғу ёки кучли севинч-шодлик ва ш. к. натижасида ёш безларидан ажралиб чиқадиган тиниқ шўр су-юклик. *Чин кўнгилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш келар. Мақол. тт Ҳаётнинг ўнг ёно-зига бир томчи иссиқ ёш тўкилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. -Бас, Ўроз, кўзимни кўр қилди тутун, — Йўлчи юм-юм ёш тўкиб, ачишган кўзларини ишқалаб, туртина-тур-тина, эшикни тепиб очди. Ойбек, Танланган асарлар. Келар йўлинг супурай сочим би-лан, Чанги чиқса, сув сепай ёшим билан. Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.*

Кўз ёши Йиғи. *Шакаржон дугонасининг ёнига чўкди: -Ииғлама, кўз ёшидан фойда йўқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Кўз ёши қилмоқ* Йиғламоқ. **Кўзига ёш олмоқ** Йиғламсира-моқ. *Офтоб ойим уни қучоқлаб, юздан ўпди ва кўзига ёш олди.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳамма: биров билинтириб, биров билин-тирмай, кўзига ёш олди. А. Мухтор, Опа-син-гиллар. Кўз ёши(ни) тўкмоқ Йиғламоқ. *Зай-наб сўзини битира олмади, четга қараб, кўз ёшини тўкди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.**

2 кўчма Йиғи; нола. *Золим бойлар мазах қилиб куларди, Раҳми келмай муҳтожларнинг ёшига. Эргаш Жуманбулбул ўғли.*

ЁШ II 1 *от* Туғилган вақтдан бошлаб яшаб ўтказилган йиллар жами; умр узоқли-ги. *Уғлимўн беш ёшда. Мен йигирма беш ёшда уйландим. тт Ўттиз беш ёшларда кўришган бу гўзал хотин ҳарам ходимларидан Гулшан-бону эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

Ёшини яшаб, ошини ошаган Узоқ умр кўрган, қари (одам ҳақида).

2 Инсон ёки ҳайвон ҳаётидаги босқич, давр, умр. *Мактаб ёши. Боғча ёшидаги бола. Ўрта ёш. Катта ёш. тт Учинчи дарсда.. ўрта ёшлардаги бир қўли чўлоқ, қирра бурун, ияги чўзиқроқ ўқитувчи уй расмини солишни ўргат-ди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Етти ёшдан етмиш ёшгача Ёшу қари, ҳамма. - *Тўқсонбой гиламфуруш десалар, етти ёшдан етмиш ёшгача — барча жамоат та-нир эди, — деди домла. П. Турсун, Ўқитувчи. Ёши етмаган Балоғатга етмаган, жуда ёш. *Районга бориб, мени фронтга олинглар, ёшим етмаган бўлсаям бораман.. деб ялинибди. С. Сиёев, Ёруғлик. Ёши ўтган (ёки қайтган, ўзган)* Узоқ умр кўра бошлаган, ўртгача ёшдан ортиқ умр кўра бошлаган. *Ҳожини ака-нинг ёши қайтиб, кўнгли жуда ҳам бўшашиб кетибди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Даст-лаб ёши ўзганлар, сўнгра ёшу яланглар четла-нишиди. Ойбек, Танланган асарлар.**

3 Йил. *Энди ўзим ҳам юз ёш умр кўришини истайман. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

4 сфт. Қари эмас; навқирон. *Ёш одам. Ёш жувон. Ёш келса — ишга, қари келса — ошга. Мақол. Ёшдан хато, каттадан узр. Мақол. тт Ҳудайчи Азизбекдан илгарироқда кўриқчиларни огоҳлантириб борар, милтиқ, шашвар тутган ёш ва кекса муҳофизлар уни саломлаб қариши олар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қорабулоқ қишигидан бири кекса, бири ёш — икки оёшиқ чиқиб келавер-ди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Миришлар орасидан учта ёш бола ёриб ўтиб, мингбоши-нинг кимхоб тўнига, оёзига осил(и). М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бу ерга колхоз ёшлари-нинг ҳаракати билан Пастариқдан чигир би-лан сув оқизилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

5 сфт. кўчма Етарли тажрибага эга бўлмаган, тажрибасиз. *Ёш ёзувчи. Ёш санъаткор. тт Табибий ёш Аваздаги иқтидорни дарҳол пайқайди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Гуреевга ёш гео-логнинг бу қадар бийрон ва дадил жавоби ёқма-ди. С. Кароматов, Олтин кум.

6 Янги ташкил этилган, янги шакллан-ган. *Ёш ташкилот. Ёш шаҳар. Ёш оила.*

ЁШАРМОҚ 1 Ёш кўринмоқ; ўзини ёш хис қилмоқ. *Гулсара ёшарганга ўхшайди.*

2 кўчма Гўзаллашмоқ, обод бўлмоқ *Янги дунё, янгича ҳаёт Завқи билан ёшарди Тош-кент. Ҳ. Гулом. Катта Фарғона канали за*

60 ЯУ-с^

монавий ирригация иншоотига айланиб, ёша-риб бормоқда. «Ўзбекистон кўриқлари».

ЁШДОШ Бир йилда туғилган; тенгқур. *Ёшдош ўртоқ. Хотини ўзи билан ёшдош.*

ЁШЛАЙ *рвш.* Ёш ҳолатда, ёшлигида. *Бу элда гўдаклар ёшлай ўлмайдди. Ғ. Гулом.*

ЁШЛАМОҚ: кўзини ёшламоқ Ийғламоқ. *-Болам, мен ҳам сени бахтли бўлсин дейман-да,— деди Ҳайдар ота кўзларини ёшлаб. Ў. Умарбеков, Юрак сўзлари. Сен кетдинг, мен қолдим кўзимни ёшлаб, Қайдан бориб, қайдан келдинг, чирогим. «Нигор ва Замон».*

ЁШЛАНМОҚ Бирор таъсир (тутун, шамол, касаллик ва ш. к.) сабабли кўзига ёш келмоқ; кўзидан ёш оқмоқ. *Пиёз тўғра-ган бўлса керак, кўзи ёшланиб турган Та-милла ошхонадан чиқди. У. Ҳошимов, Қал-бингга кулоқсол.] Орпа] Оқхалат чўнтаги-дан рўмолча олиб, кулгидан ёшланган кўзла-рини артдилар. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.*

ЁШЛАР 1 Навқирон йигит-қизлар. *Энг яхши спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт зали ҳам қишлоқ ёшлари ихтиёрида. Газетадан. Муҳаррирнинг голят мутаассиб, яъни прогрессив ёшларнинг ва зиёлиларнинг энг зўр душмани эканлигини ҳам яхши биларди. Ойбек, Нур қидириб.*

2 Ўринбосарлар; дублёрлар. *«Пахтакор» командасининг ёшлари яхши ўйин кўрсатдилар.*

ЁШЛИ I Ёш билан тўлган, ёши оқиб турган. *Ёшли кўзлар. ти Эъзозхон Қумрига ёшли кўзлари билан тикилди. Ҳ. Гулом, Машғал.*

ЁШЛИ II Қанчадир ёшга кирган, ёшда бўлган; яшар. *Ўрта ёшли. Йигирма ёшли йигит. Икки ёшли бузоқ. тт \Бой\ Йигирма уч ёшли йигитнинг ақлида сира нуқсон кўрмади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЁШЛИК 1 Ёш эканлик; ёш бўлган пайт, давр. *Аҳмад олти ёшлигида ота-онасидан жудо бўлди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. У ёш-лигида ихтисослашган физика-математика мактабида ўқиди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.*

2 Ўсмирлик, навқиронлик. *Ёшлик чоғла-ри. ит Робия ҳам абадий йўқолган беғубор ёшлигига куюниб йиғламоқда эди. П. Қоди-ров, Юлдузли тунлар. Ёшлигим, куч билан тўлган ёшлигим, Яшноқ давримизга йўл-дошигим. С. Абдулла.*

3 Ёшларга хос хатти-ҳаракат, хусусият. *Ёшлик гурури. ти Ёшлик шижоатида кенг иўл бериш лозим. Газетадан. Ўрта бўйли, хуш-қомат вужудидан ёшлик кучи ва гайрати ёгилиб турган қоп-қора жувон отда.. йўл бўйида турар, Акрамжон ўз отининг айили-ни қайта боғламоқда эди. А. Қаҳҳрр, Минг бир жон. Кўзларида ёшлик шўхлиги чақнаб турган Шербек "ҳа "дегандай бош қимирлат-ди. С. Анорбоев, Оқсой.*

Ёшлик қилмоқ Ёшларга хос хато қил-моқ; ёшларча иш тутмоқ. *Ёшлик қилиб, болалар уйидан қочдим. С. Кароматов, Тоғ.гўза-ли. Трест бошлиги ҳайҳайлаб, унга ёпишди: -Ёшлик қилманг, ўғлим, шайтонга ҳайф бе-ринг. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

ЁШУЛЛИ *шв.* **1** Катта ёшли, ёши улуғ, мўътабар киши. *Хоразмда сени атар: ёшулли, Олис Бадахшонда: падари калон. Мир-темир.*

2 Шундай кишиларга нисбатан мурожаат шакли. *Аваз чойхоначига бир эркалик қилги-си келди: -Ёшулли, югурдак болангиз йўқми? С. Сиёев, Ёруғлик.*

ЁШ-ЯЛАНГ қ. ёшлар. Хиёбонлар бола етаклаган аёллар, қўлтиклашиб юрган ёш-яланглар билан тўла. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

ЁШ-ҚАРИ, ёшу қари Ҳамма ёшдаги одамлар, барча. Ҳаммаёк одам: ёш-қари, хотин-халаж, бола-бақра. Ҳаммаси муқаддас мазорни зиёрат қилгани келган. К. Яшин, Ҳамза. Йигит гала-говур билан фарзандлари-ни кузатаётган ота-оналар, ёшу қариларни ҳам кўрмас, фикри-зикри қизда эди. Ў. Усмо-нов, Сирли соҳил.

ЁҚ 1 Томон, тараф. Ўнг ёқ. Сўл ёқ. **тм** Ўртада норгул Саримсоқ, ўнг томонда қари чол, чап ёғида эса қирғиз чўпон борар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Майин тонг шаба-даси ранг-баранг гулларни секин тебратиб, атирларини ҳар ёққа сепади. Ойбек, Танланган асарлар.

Бир ёққа Номаблум жойга. Дадам арава қўшиб, бир ёққа кетди. [деди Гулнор]. Ойбек, Танланган асарлар. **У ёқ-бу ёқдан** 1) ҳар тарафдан. Ошани еб бўлганларида, у ёқ-бу ёқдан жума товуши кела бошлаган эди. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар; 2) ҳар тўғрида. Уёқ-бу ёқдан гаплашибўтирмоқ. **У ёқ-бу ёққа** Ҳар тарафга, атрофга. \Хотин\ Кўча эшигини очиб, у ёқ-бу ёққа қаради: жимжит, гузар томон

61

да фақат битта чироқ милтилар эди. А. Қахдор, Анор. **У ёқ-бу ёғи** Ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи. [Йўлдошев:] У ёқ-бу ёғи бир ҳаф-талиқ иш. У. Исмоилов, Сайланма. **У ёғи** Да-воми. Яна хўмрайиброқ, овозини пасайтириб деди: -Уёғини сўрасанг, айтайми, дадам Ёр-матга кув бўлмоқчи! Гулнорга уйланмоқчи! Ойбек, Танланган асарлар. У ёғини айтол-мади — бўғзида бир нарса туриб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ўзини ҳар ёққа урмоқ** Астойдил, жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқ. Ёнгиндан қишлоқнинг туб кишилари ҳам ўзларини ҳар ёққа уриб, мол-ҳолларини асраш чорасини кўрмоқдалар. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Геометрик жисми ўровчи ҳар бир те-кислик. Куб ёқлари.

ЁҚА I 1 Соҳил, қирғоқ; бўй, лаб. Ариқ ёқаси. **иш** Элгелди қамишзорни оралаб, кўл ёқасига чиқди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қис-саси. Каналнинг икки ёқаси бўйлаб қурилган икки қаватли бинолар шу қадар кўркам, шу қадар чиройлики.. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Чет, чекка, ён. Кўча ёқаси. **тш** Йўлнинг икки ёқасида тераклар шовуллайди, булбуллар сайрайди. Ҳ. Фулом, Машъал. Шуқуни бир тепалик ёқасига бориб етгандагина, ша-мол бир оз пасайди. Ғ. Расул, Адолат.

Жар (ёки чоҳ) ёқасида қ. жар **I**. Ўлим ёқасида Бирор хавфли, ҳалокатли воқеа-ҳодисанинг бошланишига, содир бўлиши-га яқин қолган пайтда, ҳолатда. Содиқ ҳам ўлим ёқасида. Энди сиз билан иккимизгина қолдик\ А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўлим ёқасида жон олиб, жон берган йигит бу кун-ларни озмунча ўйлаганмиди ? С. Аҳмад, Уфқ.

ЁҚА II 1 Кийимнинг бўйин ўрни учун очилган қисми. Ёқа очмоқ. Кенг ёқа. Тор ёқа. **иш** [Қори] Ёқасини катта очиб, кўкрагига уч марта туфлади. А. Қахдор, Қўшчинор чироқлари. Очил ўрnidан туриб кийина бош-лади. Лекин анчагача ёқасининг тугмасини ўтказа олмади — қўли қалтирарди. П. Қоди-ров, Уч илдиз.

2 Кийимга тикиб ёки илиб қўйиладиган мата, буюм. Қоракўл ёқа. Савсар ёқа. **тш** [Эл-мурод] Дам олиш кунлари киядиган гимнас-тёркасига ёқа тикиб кийди. Шухрат, Ши-нелли йиллар.

Бир ёқадан бош чиқариб қ. бош. Ёнгидан кириб, ёқасидан чиқмоқ қ. енг. Ёқа бўғишмоқ Бир-бири билан уришмоқ, муштлаш-моқ. [Йўлчи] Мирзакаримбой билан пул юза-сидан хириллашини, ёқа бўғишни ўзига ор билди. Ойбек, Танланган асарлар. **Ёқасига чанг солмоқ** айн. ёқасидан олмоқ. Бу йи-гитга сўз уқтиришдан фойда йўқлигини бил-ди-да, унинг ёқасига чанг солиб, кескин бир силташ билан остонадан узди, яна бир кес-кин ва кучли силташ билан пахса деворга урди. Ойбек, Танланган

асарлар. **Ёқасидан олмоқ** Бўғмоқ. \Алимардон\ *Ғазаб ичида Ан-варнинг ёқасидан олмоқчи бўлди-ю, кечикди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Рустам-жон арслондек сапчиб, бойнинг ёқасидан олди.* К. Яшин, Ҳамза. **Ёқасидан тутмоқ айн.** **ёқасидан олмоқ.** *Ғилай одам шамни тоқча-га қўйиб, кучли қўллари билан Аҳмад Чала-бийнинг ёқасидан тутди.* Мирмуҳсин, Меъ-мор. **Ёқасини ушламоқ** Ҳайратда қолмоқ, тонг қолмоқ. *Ҳали шундай кунлар келадики, Алимардон Тўраев деган номни эшитганда, бутун республика ҳайратдан ёқа ушлаб қола-ди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол. - *Рост-ми?* — ёқасини ушлади чол. Ойбек, Танлан-ган асарлар. **Оғзидан олиб, ёқасига ёпиш-тирмоқ қ.** **ёпиштирмоқ.** **Оғзингдан чиқиб, ёқанга ёпишсин!** *қарғ.* Айтганинг ўзингга урсин, тилаганингга ўзинг дучор бўл (со-вукхабар, ёмон ният ва ш. к. ҳақида). [Зух-ра:] *Охиратга бунчалик ҳирс қўйган экан-сан, боравер.* [Фотима:] *Оғзингдан чиқиб, ёқанга ёпишсин!* А. Қаҳдор, Оғрик тишлар.

ЁҚАВАЙРОН Ёқа тугмалари солин-маган; очик. *Ёқавайрон ҳолда кўчага яланг-оёқ отилганимни ўзим билмайман.* Ў. Усмо-нов, Болалик. *Ёлғиз Кўчқор ёқавайрон, яланг оёқ, яланг бош, олдинда зипиллаб боряпти.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ЁҚАВАЛАНГОР *шв.* Ёқавайрон. *Остона-да сочлари чеккаларига ёпишган ёқавалангор Виктор турарди.* Ш. Ғуломов, Чўл белида.

ЁҚАЛАМОҚ 1 Йўл, сохил ва ш. к. ёқаси, чеккаси бўйлаб юрмоқ, бормоқ. *У жинниларча ўз-ўзи билан гаплашиб, анҳор ёқалаб анча вақт тентиради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўрмон ёқалаб тўрт соат юрдик.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 кам қўлл. Ёқасидан тутмоқ, ушламоқ. *Дуруст, Йўлчи ёмон бола. Аммо бизуни орқасида қопи билан, қўлида тугуни бшан ёқалага-нимиз йўқ, пичогида ҳали қон кўрмадик.* Ой-бек, Танланган асарлар.

55 ЯХ^

ЁҚАЛАШМОҚ Ёқа бўғишиб уришмоқ, муштлашмоқ. *Бу ер шундай гужанак жойки, баъзан болалар бир-бирларининг гўштларини егудек ёқалашсалар ҳам, ҳеч ким билмайди.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *Акаси Низомиддин, эҳтимол, бебошлик қилгандир, ёқалашгандир \ўйларди Бадиа\.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЁҚАЛИК Ёқа учун мос, ёқабоп. *Ёқалик қоракўл.*

ЁҚАМА-ЁҚА: **ёқама-ёқа бўлмоқ** Жан-жаллашмоқ, уришмоқ. *Бир-бири билан бўлиб ёқама-ёқа, От устида кўп талашиб туриб-ди.* «Баҳром ва Гуландом».

ЁҚИЛҒИ Иссиклик энергияси олиш учун ёкиладиган ашё. *Шу сувнинг қуввати-дан Уйимиз ёруғлиги. Сув, кўмир, ўтин — асл, Мамлакатга ёқилғи.* Қ. Муҳаммадий. -*Биз материалларни, ёқилгини, вақтни тежаш билан жуда кўп маблағ тўплашимиз мумкин.*—*деди Ефим Данилович.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

ЁҚИМЛИ 1 Истараси иссик, ёқимтой, кишини ўзига тортадиган, кўзга яқин. *Ёқимли бола. Ёқимли жувон. тш Дарҳақиқат, у ёқимли қиз бўлибди. У анча камтарга ҳам ўхшайди.* Мирмуҳсин, Умид. *У [Анзират] олтмишларга бориб қолган, нимжон, юзи жуда буришган бўлса ҳам қизил, товуши майин ва ёқимли бир камтир эди.* А. Қаҳдор, Кўшчи-нор чироклари.

2 Кишига ёқадиған; завқ, ҳузур бағиш-лайдиган. *Ёқимли куй. Ёқимли кулги. Ёқиши шабада. тт Узоқдан, радиодан майин, ёқимли музика оқар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Мак-бара томондан киши кўнглини эритадиган ёқимли бир овоз эшитилди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЁҚИМЛИЛИК Ёқимли бўлишлик, жо-зибадорлик. *Куйнинг ёқимлилиги.*

ЁҚИМСИЗ 1 Сўхтаси совуқ, беўхшов, кишини ўзига тортмайдиган. *Ёқимсиз бола.*

2 Кишига ёқмайдиган, завқ ёки ҳузур бермайдиган; ёмон. *Ёқимсиз куй. тш Узоқ-узоқларда ёқимсиз сароб кўринар, сарғиш тўзон ойнадай мусаффо осмонга қараб сузиб борарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЁҚИМТОИ Истараси иссиқ, ёқимли, жозибали. *Мансур суратни қўлига олиб, унга меҳр билан караб қолди: бир-биридан ёқим-тойуч бола безубор кулиб турарди.* Ё. Шуку-ров, Уч савол. *Суннат яхши ўқир, келишган, ёқимтой йигит эди.* У. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЁҚИНҚИРАМОҚ Бир оз ёқмоқ, бир оз хуш келмоқ (кўпинча бўлишсиз ҳолда). *Назокатхоннинг тез-тез тутилиб, гапидан ада-шиб кетиши ва шошиб-шошиб ўзини-ўзи ту-затиб туриши Ойқизга ёқинқирамади, албат-та.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Шариф-жон [Манзурага] ёқжқирамай қолди.* Х. Тўхта-боев, Фельетондан сўнг.

ЁҚИҚ Ёқиб кўйилган, ёқилган ҳолда; ёниб турган. *Чироқ ёқиқ қолибди, қизим. Уч-риб кўйдим \деди Ҳафизанинг бувиси].* Мир-муҳсин, Умид.

ЁҚИҚЛИ айн. **ёқик.** *Қирқинчи лампалар ёқиқли, чойхона колхозчилар билан тўлган эди.* С. Айний, Куллар.

ЁҚЛАМА: бир **ёқлама** Бир тарафлама, юзаки. *Масалага бир ёқлама ёндашмоқ. Икки ёқлама* 1) икки томондан, икки томонлама. *Ғўза қатор ораларига икки ёқлама ишлов бер-моқ;* 2) икки томоннинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда. *Икки ёқлама битим тузмоқ. Ҳар ёқлама* Ҳамма томонини ҳисобга олиб, ат-рофлича. *Лекин биринчи кувнинг феъли-ат-вори [Мирзакаримбойга] маъқул тушмагани учун, кув бўлажак йигитни ҳар ёқлама тек-ширишни, синашни истар эди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

ЁҚЛАМОҚ 1 Тарафини олмоқ, қув-ватламоқ. *Директорнинг фикрини ёқлаб гапирмоқ. тт Кўнглингизга келмасин, мен Бол-табойни ёқламоқчи эмасман.. колхозчиларнинг раъйи шу бўлса, бунга на сиз қарши чиқа ола-сиз, на мен.* А. Қаҳдор, Қўшчинор чирокла-ри. *Ватан ишқи, янги давр талабини ёқлай-ман.* Ғайратий.

2 Махсус йиғилишда муҳокамага кўйил-ган ишни (лойиҳа, диссертация, диплом иши ва ш. к. ни) маъқуллашиб, муносиб даража ёки унвон олмоқ; ҳимоя қилмоқ. *Диплом ёқла-моқ. тт Ҳ. Бердиёровнинг «Ҳозирги замон ўзбек тилида сўнг кўмакчар» темасида ёқлаган диссертациясини буюк аллома.. Айний юқори баҳолади.* Назармат, Жўрлар балаид сайрай-ди. *Газета Умиднинг муваффақиятли диссер-тация ёқлаганлигини айтиб, фотосурати би-лан ихчамгина хабар босди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЁҚЛИ: бир **ёқли бўлмоқ** Ҳал бўлмоқ, ечилмоқ; ажрим бўлмоқ. *Низомиддинов иш бир ёқли бўлгунча, вақтинча раислик вази-фасини бажариб турадиган бўлди.* С. Аҳмад, Хукм. *Ҳозир Миродилнинг йилаар бўйи ўйла-ган фикри-зикри бир ёқли бўлиши керак.* У.

лШ⁶

Исмоилов, Сайланма. **Бир ёқли қилмоқ 1)**

масалани ҳал қилмоқ, ечмоқ; ажрим қил-моқ. *Ғаффор отанинг ишини бир ёқли қилиш.. йўлини ахтармоқлозим.* 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди; 2) ўлдирмоқ, йўқ қил-моқ. *Соколов: "Ош-болани Ҳамзанинг душ-манлари йўлда бир ёқли қилган "* деган хаёлга борди, аммо оғир ботмасин, деб фикрини Ҳам-зага айтмади. К. Яшин, Ҳамза.

ЁҚМОҚ I 1 Ёндириб, ўт, аланга ҳосил қилмоқ, ёндирмоқ; куйдирмоқ. *Қоғоз ёқмоқ. Ахлатни ёқиб юбормоқ. тт Ҳовлига олов ёқиб, чилдирмангни қизит.* А. Қодирий, Ўтган кун-лар. [*Салимбойвачча*] *Аравага ўтирмасдан бурун гугурт ёқиб, папирос тутатар экан, Ёрматга кўзи тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қози, калласи эзилган илондай тўлга-ниб, эликбошига қичқирди: -Синдир ҳамма-сини! Таиқарига чиқар! Ёқ, ўнг қўй!* М. Ис-моилий, Фарғона т. о.

2 Нур, ёлқин ҳосил қилмоқ, ёритмоқ. *Электрни ёқмоқ. тт Николин қўл фонарини ёқиб, бегона ҳамшира билан бирга ярадор ко-мандирга ёрдам кўрсатишига киришди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Зубайда шам ёқди. «Ёшлик».*

3 Ўт, олов ёрдамида қиздирмоқ, исит-моқ. *Плита ёқмоқ. Печка ёқмоқ.*

4 Қиздириб ҳаракатга келтирмоқ; ўт ол-дирмоқ. *Моторни ёқмоқ. Тракторни ёқмоқ.*

Жонини ёқмоқ фольк. Ҳаяжонга солмоқ; ишқ ўтида куйдирмоқ. *Шу элатда бир бола бор, Бай-бай, жонимни ёқади.* «Оқ олма, қизил олма». **Уруш оловини ёқмоқ** қ. олов. **Чироғини ёқмоқ** Ишини давом эттирмоқ. *Бошқа фарзандим йўқ, худо умр берсин, иш-қилиб, чирогимни ўша ёқсин.* Ойбек, Танлан-ган асарлар. **Юрагига (ёки қалбига) ўт ёқмоқ** Ҳаяжонга солмоқ, тўлқинлатмоқ; рухлан-тирмоқ. *Водийнинг манман деган раислари юрагига ўт ёққан киши Полвон ака Қозоқов бўлади.* «Ўзбекистон кўриклари». Умид ўша қалбига ўт ёққан қизга тикилиб қолди. Мирмуҳсин, Умид.

ЁҚМОҚ П 1 Маъкул бўлмоқ; дид, хо-ҳиш, кўнгилга тўғри келмоқ. *Ашуланинг куйи менга ёқди.* **тм** Қосимбек ялт этиб Авазга боқди. Унга бу йигитнинг ўзини эркин, ҳатто жиндай мағрур тутиши ёқди. С. Сиёев, Аваз. **Ўтмиш ҳақидаги иккинчи роман эса жуда ёқди.** О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. [Дилиоднинг] Бу қишиги Ёдгорга ёқмади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Мижозга тўғри келмоқ. *Менга хамир овқат ёқмайди.* **тм** [Кумуш] Ёқмайдиган ҳеч нарса егани йўқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Жинига ёқмайди Ёмон кўради, хушла-майди. *Сатторқул аканг уйни тузаттириб бермоқчи. Майли, ўшанда токча жинига ёқмаса, шуватиб ташлай қолсин.* А. Қаҳҳор, Кушчинор чироклари. **Кўнглига ёқмоқ** Ди-лига, дидига мос келмоқ. *Юлдузхон учун ку-тилмаган, аммо айна муддао бўлган, кўнгли-га ёқиб тушган тасодиф дугоналари орасида шу заҳотиёқ шивир-шивир, миш-мишларни бошлаб юборди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор кел-ди. **Оғзига ёқмади** Мазасини хуш кўрмади, сезмади. *Сидиқжон бир пиёла чойни, худди угра ош ичгандай, узун-узун хўплаб ичди-да, чой оғзига ёқмаса ҳам, бир оз таъби очилган-дай бўлди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари. **Хуш ёқмоқ** қ. хуш **2. Қадами ёқмади** Келиши шарофатли бўлиб чиқмади, яхшилик кел-тирмади. *Айрим одамлар ўртасида "Колхозии-мизга Шербекнинг қадами ёқмади " деган ши-вир-шивир гап юра бошлади.* С. Анорбоев, Оксой. *Менинг қадамим ёқмабди \деди Саид\.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЁҚТИ фольк. Ёруғ, нурли. *Неча шохлар ўтди фоний дунёда, Баъзиси отли, баъзиси пиёда. Хўп кайфингни сургин ёқти дунёда.* Ислом шоир. *Умрим боқий бўлса ёқти оламда, Ўйнаб бориб, Хиромонни оламан.* «Гули-хиромон».

ЁҚУВЧИ Ёқмоқ фл. сфдш. *Ўт ёқувчи. Печь ёқувчи.*

Уруш оловини ёқувчилар Зўр бериб уруш чиқаришга уринувчилар, гиж-гижловчилар. *Хушёр бўлинглар, уруш оловини ёқувчи импе-риалистларни, инсоният душманларини фош қилинглар!* Газетадан.

ЁҚУТ I [а. сз[^]sL - турли рангли қиммат-баҳо тош] **1** *от* Турли рангда товланадиган тиниқ қимматбаҳо минерал. *Ёқут кўзли ол-тин узук.* **тм** \ Навоий:\ *Аниқ, тож гарчи ёқут, гарчи зардур, Халойиқ бошига битган зарар-дур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Ёқути занжорий Сарғиш-яшил рангли ёқут. **Ёқути зулмоний** Кўкимтир-қора рангли ёқут. **Ёқути райхоний** Тўқ-қизил рангли ёқут.

2 *сфт.* Қизил, ёқутдай қизил. [Одил-биканинг] *Саре қомати, ой каби юзи, қора қалам қоши, шаҳло кўзлари, юпқа ёқут лаб-лари ҳар бир кишини ўзига беихтиёр жалб қиларди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бир туп жай*

64

дари қизил олма мевасининг мўллигидан ҳовуз-га энгашиб тушган; ҳовуз сувида бир қанча қизил олма ёқутдай товланиб, жимиллаб су-зади. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ёқут (хотин-қизлар исми).

ЁҚУТ II [р. якут] **1** Россиянинг Саха Республикасида яшовчи туркий халқнинг русча номи. *Ёқут аёл.*

2 Шу миллатга тегишли, оид. *Ёқут тили.*

ЁҚУТЛАР айн. саха, сахалар.

ЁҒ Чорва моллари, умуман, жонивор-лар организмида, сутида, баъзи ўсимликларнинг уруғи, дони, гулида бўладиган, улардан ажратиб олинадиган мой. *Кўй ёғи. Мол ёғи. Кунжут ёғи. Эритилган ёғ. Ёғни қиздирмоқ. Ёғни эритмоқ. иши Ёғни ёққа, гўштни гўштга энди ажратиб бўлай деганимизда, Жўрапошиша келиб қолди.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о. *Даранинг аҳолиси ўз иши билан машғул: хотин-қизлар қув тиши-риб, ёғ ажратмоқда.* С. Айний, Дохунда.

Ёғи йўқ Унумсиз, кам унумли. *Сўнгра бу ерларнинг ёғи йўқ, ориқ, камҳосил эканини ҳаммамиз биламиз-ку, нега бу тўғрида лом демайдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Ёғи чиқадими** Айни бир иш ҳадеб такрор-лай берилганда айтиладиган ибора. *Текиш-раверган билан ёғи чиқадими?* С. Аҳмад, Ҳукм. **Ёғи чикди** Ниҳоятда кир бўлиб, йилтираб кетган кийим ҳақида. *Дўппининг ёғи чикди. иши Ёғи чиқиб йилтираб кетган пахталик ки-йиб олган Каримов ичига нимадир тўлдирил-ган қопни орқалабди.* И. Қаландаров, Шохи-дамас, баргида.

Ёғ тушса (ёки томса) ялагу(н)дай Супу-риб-сидирилган, ниҳоят даражада тоза, озо-да. *Ҳамма нарса саранжом. Ҳовли-жой ёғ тушса ялагудек.* С. Анорбоев, Пушаймон. **Илоннинг ёғини ялаган** Айёр, муғамбир, қув. *Кўп ишни кўрган бу Зуннунов. Илоннинг ёғини ялаган. Жуда нозик жойини топибди.* И. Ра-ҳим, Ихлос. **Кўзини ёғ босмоқ** Бировни на-зар-писанд қилмай кўймоқ. *Фурсатдан фой-даланиб, Пулат ота уни узиб-узиб олди: -Йўқ! Мен кўзини ёғ босган бандаларга элашмай-ман, арзимни худога айтаман.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзининг ёғини емоқ** Ўзини кимгадир яқин кўрсатиб, унинг хайрихоҳлигидан ортиқ даражада фойдаланмоқ. *-Сизда виждон де-ган нарса йўқ. Кўзимнинг ёғини еб, бошимга иш тушганда қочдингиз, — деди боланинг отаси Каримовга.* С.Аҳмад, Дадамнинг ўртоғи. **Оқ ёғ** 1) кўй ёғи; 2) шв. чигит (пах-та) ёғи. **Оғзингга ёғ** Балли, яша. *Камтир худди ҳозир ўғли келин билан қўл ушлашиб кириб келаётгандаи, эшикка қаради: -Вой, оғзингга ёғ, ўғлим!* А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари. **Ўз ёғига (ўзи) қовурилмоқ** Ўз қийинчилигини ўзи тортмоқ. *Уч кундирки, Бўтабой ўз ёғига ўзи қовурилиб, уйда ўти-рибди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЁҒАЛОҚ: ёмғир ёғалоқ Ёмғир ёғавера-ди. *Ёмғир ёғалоқ, эчки тугалоқ, бойнинг қизининг қорни юмалоқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЁҒДАЙ: ёғдай ёқмоқ Жуда маъқул бўлмоқ, хуш келмоқ. *"Уқимаيمان "* деганим бувимга ёғдай ёқиб тушиди \деди Саид]. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Зиғир ёғдай кўнгилга тегмоқ (ёки урмоқ) қ. зиғир.** *Меҳри зиғир ёғдай кўнгилга урган насиҳатни.. чидам би-лан эшитди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЁҒДИРМОҚ 1 Ёғмоқ фл. орт. н. *Сунъий ёмғир ёғдирмоқ.*

2 Ёмғирдай кўп туширмоқ; отмоқ. *Жанг-чилар траншеяларга яқинлашиб қолганда, яна душман бирдан пулемётдан ўқ ёғдирди.* Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген.

Бошига маломат тоши ёғдирмоқ Турли гап-сўзлар билан таъна қилмоқ; тухмат қилмоқ. *Эр-хотин ажрашса, дарров эркак-ни айбдор қилишади. Хотиндан ҳам ўтган-дир, ҳадеб эркак шўрликнинг бошига мало-мат ёғдиравермайлик, деган гап бировнинг хаёлига ҳам келмайди.* С. Сиёев, Отликаёл. **Савол ёғдирмоқ** Кетма-кет ва кўплаб савол бермоқ. *Кутилмаган бу фожиадан ҳаяжонга келган одамлар унинг атрофини ўраб олдилар ва устма-уст савол ёғдира бошладилар.* М. Осим, Аждодларимиз қис-саси. *Дилишод ҳаяжонли бир иштиши билан устма-уст савол ёғдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЁҒДУ Ёритувчи манбадан таралувчи ёруғлик, нур. *Ой ёғдуси. иши Кўтарилиб келаётган қуёшнинг ёғдуси дарахтлар тепаси-да қанот қоқа-қоқа, зумрад водийни зарга кўма бошлайди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзла-ган қиз. *Тўлин ой сутдек ёғдусини мактаб саҳни ва том тунукаларига аёвсиз тўқар, булбул эса ҳамон сайрар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Шимол ёғдуси Қутб доирасида атмосфера-нинг юқори қатламларида кузатиладиган ёғду.

ЁҒИЙ эск. Душман, ғаним. *Мирзам! Икки тарафимизни ёғий босган [деди Қосимбек].* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Издан ёғийлар еларди отда, Жаранглаб етарди туёқлар саси.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

ЁҒИЙЛИК Душманлик, ғанимлик. *Мир-зо ҳазратларига ёғийлик мақомида бўлган чағрақлар ўлпон тўлашдан бош тортганлари учун ўн олти минг қўйлари, икки ярим минг йилқилари жарима тарзида тортиб олиб ке-линди [деди Аҳмад Танбал].* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЁҒИЛМОҚ 1 Ёмғирдай, дўлдай туш-моқ, ёғиб турмоқ; тўкилмоқ. *Ёнгоқ дўлдек ёғилди. иш Тўрт тарафдан ўқ ёғилади.* Ой-дин, Сухбати жонон. *Кўприкка икки томондан ўқ ёғилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Кетма-кет, кўплаб келиб турмоқ; жуда кўпайиб кетмоқ. *Аҳмедов капсанчиларни кол-хоз тузишга чақириб, сўзини тамом қилди. Савол-жавобга ўтилди. Савол ёғилиб кетди.* А. Қаххор, Кўшчинор чироқлари. *Уҳаркуни бадантарбия қишини истарди-ю, иш кўпли-гидан бу истагига эриша олмасди, чунки тур-ли-туман иш ёғилиб кела берарди.* Ш. Раши-дов, Бўрондан кучли.

3 Таралмоқ, аксланмоқ. *Нур ёғилди. тт Юзларидан нур ёғилади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Эшик-да сочларига оқ оралаган, кўзойнакли, қотма, чехрасидан нур ёғилиб турган домла кўринади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

Вужудидан (ёки билакларидан) куч ёғилиб турибди Жуда бақувват, кучли; кучи кўп. *Бутун вужудидан куч-гайрат ёғилиб турган бу йигит Ботиралининг юкини анча енгилла-тибқўйди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Нормат етишиб, юзлари тўлишиб қолди. Офтоб тигида қорай-ган билакларидан йигитлик кучи ёғилиб ту-рибди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЁҒИН Қор, ёмғир, дўл тарзида булут-дан тушадиган атмосфера намлиги. *Кузнинг совуғи келди-ю, ёғини келмади.* Ҳ. Гулом, Тошкентликлар. *Ёғи ёғса, ҳалқоб ерлар лойланади, Бу ишда қўрқоқнинг қўли бойланади.* «Ойсулув».

ЁҒИНГАРЧИЛИК Ёғин кўп бўлган пайт, мавсум; ёғиннингўзи. *Бу ерларда ёгингарчилик кам бўлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Куз келиб, ёгингарчилик бошланди.* \. Гулом, Машъал. *Ёгингарчиликдан пайкалга кириб бўлмади қолди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Дўкон айвонларидаги устунларга суянган азаматлар дам-бадам эснашиб, шундай ёгингарчилик кунлари ҳам қишлоқ марказида авж олади-ган келди-кетди, савдо-сотикни томоша қилардилар.* П. Турсун. Ўқитувчи.

ЁҒИН-СОЧИН қ. ёгингарчилик. *Бу йил ёгин-сочин кўп бўлиб, ер-кўк чамандай яшнаб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЁҒИН-ЧОЧИН айн. ёгин-сочин. *-Пахта-ни илиқ-иссиқда, ёгин-чочинга қолмай териб олсак, яхши бўларди, — деди Атжон.* Ҳ. Нуъ-мон, Фасллар.

ЁҒИШ шв. Кемалар тўхтайдиган жой; кечув. *Кеманинг бошини ёғишга бурдим.* Р. Бекниёз, Лаққа.

ЁҒЛАМОҚ Ёғ суртмоқ, ёғ қуймоқ. *Ғил-диракни ёғламоқ. иш У пулемёт қисмларини бирма-бир қўлга олиб.. уларни Эмин Ража-бовга узатди: -Ол, тузатиб, ёглаб қўй.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Оғзини (ёки томоғини) ёғламоқ айн. оғзи-ни мойламоқ қ. мойламоқ. *Раиснинг оғзини пора билан ёглаб туришини биласизми? Би-ласиз!* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Қозо-нининг қулоғини ёғламоқ** Иссиқ овқат қил-моқ. \Ҳожар:\ *Уҳам хотин олгунча чоршан-ба, пайшанба қозонининг қулоғини ёғласин.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ЁҒЛИ 1 Ёғи кўп, серёғ. *Ёғли шўрва. Ёғли патир.* тт *Кечки норин учун катта қозонда ёғли қазни пишади.* Ойбек, Танлан-ган асарлар. *Меҳри бир халтада ойиси ёпиб берган ёғли патирдан олиб чиқди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 кўчма Яхши даромад берадиган. Унинг ўрнига чол жавоб қилди: -Оппонбек ёғли иши топиболганлар. С. Аҳмад, Сайланма. У\Қо-симов\ ёғли мансабга эришиши йўлида ҳеч қан-дай ярамастиклардан қайтмас эди. О. Ёқубов, Ота изидан.

ЁҒЛОҒИ Суюқликни бир идишдан ик-кинчисига олиш учун ишлатиладиган уй-рўзгор буюми; катта чўмич. -Вой, дазмолим эсимдан чиқибди! — деди югургилаб кирган Раъно ва ўртаси хинадай сарғайиб кетган галстукни ёғлогидаги сувга тиқиб, акасига айбдорларча термулди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақ-моқлар. Гулноз товоқда ун, ёғлогида ёғ олиб чиқди, аталага уннадилар. Ҳ. Ғулом, Тош-кентликлар.

ЁҒМОҚ 1 Томчи, зарра ёки дона-дона ҳолида кетма-кет, бир текисда ҳаводан тушиб турмоқ. Ёмғир ёғди. Дўл ёғди. **иш** Қор

59 <7У^

кучли ёғарди. Кўчалар, томлар, деворлар, да-рахтлар оппоқ. Ойбек, Танланган асарлар. Қор ёғар, уйда мени опам кутарди. Ш. Хол-мирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

2 кўчма Кетма-кет ва кўплаб келмоқ. Ўқ ёғди. Пул ёғди.

Қовоғидан қор ёғади қ. ковоқ II.

ЁҒОЧ 1 Дарахт, оғоч. Отабвк ҳовлининг ўртасида, тут ёғочнинг ёнига келиб тўхта-ган ва жанубда киши йўқми, деб аланглар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёғочдан қилинган, ёғочли. Эсимда Ан-ҳорнинг ёғоч кўприги, Бу ерни азалдан дейишган Ўрда. М. Шайхзода. Ёғоч уйга ердан бир канча баланд кўтариб тахта терилган, унинг устига қанор қоплардан палос тўшал-ган. И. Раҳим, Чин муҳаббат. - Қосимов маст эмасмиди ? — деди Солибек қизиқиб. Унинг ҳам кайфи бор-у, аммо Ғуломжонга ўхшаб ёғоч кавуш кийган эмас. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

3 Қурилиш материали, хода. Сидиқжон онаси кутгандан ҳам ортиқроқ гайрат қишиб, ҳаш-паш дегунча ёғоч, сомон, бўйра, тахта ва бошқа нарсаларни ташиб олди ва тездан уста солди. А. Қахдор, Кўшчинор чироқдари.

ЁҒОЧ ОЁК 1) этн. бўйини узун қилиб кўрсатиш учун оёққа боғлаб, ракс тушиш-га мўлжалланган ёғоч мослама. Масхарабоз-лар ёғоч оёқда ракс тушиши, оловбозлик, най-рангбозлик, муаллақчиликда моҳир бўлган. М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси; 2) ёғочдан қилинган ясама оёк, протез. Икром-жон якка оёқда кезишдан фойда йўқ, деб ёғоч оёгининг учига эски этикнинг таг чармини қоқиб олганди. С. Аҳмад, Уфқ. **ЁҒОЧ ОТ** Чўпдан ясалган болалар ўйинчоғи. Бир кун Ҳудрат сув сепиб тургани устига ўзидан бир яшар катта бўласи ичкаридан ёғоч от миниб чи-қиб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Сим ёғоч с. т.** Электр, радио ва телефон симла-рини тортиб улаш учун ерга қадалган узун, тўғри ёғоч; столба. Солиҳ гоҳ у ёкка, гоҳ бу ёққа гандираклаб кетар, деворга, сим ёғочга суяниб қоларди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЁҒОЧЛИ: тўққиз ёғочли Томи тўққиз тўсин солиб ёпилган. Йўлчининг тақачи онаси Қоратой оч қорнини бемаза моиҳўрдага тўлдириб, тўққиз ёғочли совуқ уйда танча-да, кўзларини хира чироққа тикиб, хомуш ўтирар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЁҒОЧСОЗ Ёғоч буюмлар ясовчи уста.

ЁҒОЧСОЗЛИК Ёғоч билан ишлаш со-ласи; ёғоч хунармандчилиги. Ёғочсозлик ком-бинати. **иш** Ёғочсозлик цехига киришди. «Муштум».

Ёғочсозлик саноати Ўрмон саноатида ёғочни механикусулда қайта ишлаш тармоғи.

ЁҒСИРАМОҚ Мойи куриб қолмоқ. Кўчадан гупчаги ёғсираб қолган арава асабга тегадиган бир гийқиллаш билан ўтиб кетди. С. Зуннунова, Олов.

ЁҒУПА Косметик пардоз мойи; крем.

ЁҒЧИ 1 Жувоз ҳайдаб ёғ чиқарувчи; жувозкаш.

2 Ёғ олиб сотувчи. Партихўжа ёғчиунинг пинжигига тиқилиб, анча ергача секин-секин сўзлаб борди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЁҒЧИРОҚ ЁҒ воситасида пилта билан ёқиладиган чироқ. *Сандиқ устида липиллаб ёгчироқ ёнарди.* «Шарқ юлдузи».

ЁҒЧОВА *шв.* Сувқовокдан қилинган ёғ идиш.

ЁҒХУ [*ф. j_iL* - ё худо, э худо - дар-вишларнинг хайрлашишда айтадиган хито-би] *унд.* Худога қарата кучли ҳис-ҳаяжон билан айтиладиган илтижо. *Шоқосим чиқди, кўкка боқиб, бўғиқ товуш билин «ёху!» деб қичқирди-да, ўтин келтириши учун қаёққадир гошиб бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бо-шимни олиб, «ёху» деб, кўз кўрган ёққа кетай дейман-у, яна тагин бола-чақаларни ўйлай-ман: оёққа кишан улар.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

ЖА *с. т.* Жуда. [*Тўла:*] *Жа савдогар бўлиб кешибсизми, ўтиринг энди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Писмиқ.. жа хурсанд, оғзи қулоғи-да, йўргалаганча кетяпти.* Э. Раимов, Ажаб кишлок.

ЖАБАЗАК *шв.* Жавпазак.

ЖАББОР \а. **jUa.** - қудратли; шафқат-сиз, бераҳм] **1** Оллоҳнинг сифат (ном)ларидан бири; қудратли, кучли.

Жаббор олсин! *қарғ.* Худо олсин.

2 Жабр қилувчи, жабрловчи.

Жонни жабборга бериб Жон-жаҳди би-лан, куч-қувватини аямай. *Махсум, тузингизни ичган бўлсак, текинга ичмадик, жони-мизни жабборга бериб, хизматларингизни қилдик.* С. Анорбоев, Оқсой. *Баъзида жонингни жабборга бериб, Асл ҳақиқатни сўзлаганинг дам, Баъзи бирлар сендан бутунлай ранжиб, Мумин сени нодон дейишлари ҳам.* Шукрул-ло, Жавохирлар сандиғи.

3 Жаббор (эркаклар исми). **ЖАБДУҚ1** От ёки эшак абзали. *Арава ҳам*

эртаси кунни келтиришиб, Холмирза ака отга жабдуқлар олиш, аравага темир қоқтириши учун шаҳарга тушиб кетди. А. Қодирий, Обид кет-мон. [*Бўри*] *Эшакнинг жабдугига чўнқайиб ўтирди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

Жабдуқ урмоқ Отни эгарламоқ, жабдуқ-ламоқ. *Жабдуқ урдириб берсам, ўзлари миниб кетсалар [дедиҳокимгамингбоши].* М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

2 Керакли нарсалар, керак-яроғ, анжом. *Сафар жабдуги. ти [Навоий:]. Мен бу ёсу-манни ўз хусравларига юбормоқчиман. Олиб чиқинг! Сафар жабдуги ҳозирлансин!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ЖАБДУҚЛАМОҚ *айн.* жабдуқ урмоқ қ. жабдуқ. *Кечаси чалқанча ётиб ўйладим. Саҳар вақти Тарлонни жабдуқладим. Об-ширга от солдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЖАБР I [*а.* - зулм] Жисмоний ёки руҳий азоб; зулм, адолатсизлик. *Полиция маҳкамаси олдидан ўтар экан, ҳар кимни титроқ босар, унинг жабрини, даҳшатини халқ хар кунни, ҳар соат, ҳар минут тотиб турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кимга бориб дод этай зolim фалакнинг жабридин.* Муаззамхон.

Жабр кўрмоқ (*ёки чекмоқ, тортмоқ*) **1)** азоб чекмоқ, азоб тортмоқ, зулм кўрмоқ; зулм остида эзилмоқ, қийинчилик кўрмоқ. *Ёшлигимда қайнананинг жабрини торта-торта, танимда жон қолган эмас.* А.Қаҳҳор, Оғриқ тишлар; **2)** моддий зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ. *Завод эгаси бўлишига қарамай, у ҳам жабр кўрган экан.* А. Қаҳҳор, Йиллар. **Жабр қилмоқ** **1)** азоб бермоқ, зулм ўтказ-моқ, қийнамоқ. *Сиз икки келин ушлашни бил-мабсиз, Зайнабга жабр қилган кўринасиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; **2)** моддий зарар етказмоқ, зиён бермоқ.

ЖАБР II *эск. айн.* алгебра. *Насриддин Ту-сий жабр, тиб ва мантиқ назарияси билим-ларининг бошқа соҳалари бўйича ҳам кўпгина китоблар ёзган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЖАБРА \укр. жабри — жағ, жабра] Сувда ҳам куруқликда яшовчи баъзи хайвонларнинг нафас олиш аъзоси *Қисқичбақа еуе-да яшаганлиги туфайли, жабралари танаси-нинг нозик попуксимон ўсимталари билан на-фас олади.* «Зоология».

б1 яъ^

ЖАБРАН [а. ij^a. — жабр ўтказиб, маж-буран] рви. эск. Жабр қилиб, жабр кўрсатиб. зўрлик билан. АвКсеи:) *Бой.. сизда одамгарчилик бўлганда эди, Кудратни жабран Сибирга ҳайдатиб, ҳовлисини ўзингизни-ки ҚЎшб олмасдингиз.* Н. Сафаров, Уйғониш.

ЖАБРДИЙДА [жабр + ф. 4_bj - кўрув-чи] к. аламдийда. *Ота-онадан ажралган жабрдийда Абу шундан сўнг ризқ излаб, қиш-лоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар дайдиб кет-ди.* Мирмуҳсин, Она. *Жабрдийда халқ под-то амалдорларидан аламини олмоқчи экан, олсин.* Н. Сафаров, Наврўз.

ЖАБР-ЖАФО, **жабру жафо** Ортик да-ражадаги жабр, қаттиқ жафо, зулм. *Чин ёр бўлса қилар вафо, Номард қилар жабру жафо.* «Гулихиромон». *Урушининг бутун жабру жа-фоси эл-улуснинг бошига тушадир [деди Мулла Фазлиддин].* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЖАБР-ЗУЛМ, **жабру зулм** айн. **жабр-жафо**. У *Йўлчи\ энди танҳо эмас, у ўзини дўстлар ичиди, ўзи каби эзилган, жабр-зулм-га қариши кураш учун шайлана бошлаган одам-лар орасида сезди.* Ойбек, Танланган асар-лар.

ЖАБРЛАМОҚ Жабр-зулм қилмоқ, қий-намоқ, азоб бермоқ. *Табиат чиндан ҳам бе-вақт йўлга чиққан бу йўловчини сувга шиш-ган паррандадек жабрлаган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖАБРЛАНМОҚ1 **Жабрламоқ** фл. мажх. н. **2** Моддий зарар кўрмоқ, зиён тортмоқ. **ЖАБРЛАНУВЧИ 1** **Жабрланмоқ** фл.

сфдш.

2 ҳуқ. Жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки моддий зарар кўрган шахс. *Янги кодекс лойиҳасининг амалдаги жиноят процессуал кодексидан фарқи шуки, у жабрланувчининг ҳуқуқларини анча кенгайтиради.* Газетадан.

ЖАБР-СИТАМ, **жабру ситам** айн. **жабр-жафо**. *Басдир шунча уқубат, Шунча жабру ситамлар.* У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

ЖАБХА [а. 4 0— пешона; фронт, уруш] **1** эск. Фронт олди. *Жабҳаларда ҳушёр тур, топмасин омон душман.* Ғайратий. *Жабҳага кетганидан Қайта келмади отам.* Миртемир.

2 Халқ хўжалигининг ҳар бир соҳаси. *Бошиқа жабҳаларда ҳам хўжасизлик оқиба-тида елга соврилаётган маблағлар озмунча-ми? [деди Ваҳобов].* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Ҳар жабҳада кўрсатиб мардлик, Саҳ-роларни кўмарсиз гулга.* З. Диёр.

ЖАВАК шв. Исирғанинг қуйи қисми.

ЖАВГАЗА шв. айн. **жавгазим**.

ЖАВГАЗИМ бот. Фарғона лоласи.

ЖАВДАР(И) **1** Ғалладошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимлик; қора буғдой. *Жавдар уни. тш Назаров бўлин-масини ошхонага олиб борди. Қайноқ қарам шўрва, серёғ бўтқа ва жавдари нон берилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 шв. Жайдари, оддий, содда. *Халқи каби жавдари унинг танида қони.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

ЖАВДИРАМОҚ Нажот излаб, илтижо билан қарамоқ, термилмоқ. *Пошиша кампир ўглининг жавдираган нигоҳига дош беролма-ди: кўз ёйишини артиб, бошини куйи солди.* Н. Қиличев, Устун. *Болаларнинг жавдираган кўзлари отада. Ота эса нима қиларини бил-май гаранг.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖАВДИР-ЖАВДИР: жавдир-жавдир қарамоқ (ёки боқмоқ) Кўзларини жавдират-моқ. [Поччаев] *Атрофга жавдир-жавдир бо-қиб, қаердан туриб гаширишни мўлжаллар-кан, шовқин-сурон авж олди.* А. Мухтор, Ту-ғилиш.

ЖАВДИРОҚ Жавдираган, термилган. «Унақа қийнамагин-а опангни, хўпми?» деб қўйдим Бахтиёрнинг жавдироқ кўзларига тикилиб, - деди Камол. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЖАВЗО [а. <л- бурж] (Ж - катта) **1 астр.** Ўн икки буржнинг бири, Саратон ва Савр буржлари ўртасида жойлашган (қ. **бурж**).

2 Шамсия йил ҳисобида учинчи ойнинг арабча номи (22 май — 21 июнь кунларига тўфи келади). *Жавзо кирди. Кунлар исиб, арпа пишиди.* К. Яшин, Ҳамза. *Адаш карвоннинг ке-чагидек эсида: жавзонинг охирги ҳафтаси эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЖАВЛОН [а. (jV^?). - юриш, сайр қилиш; адашиш] **1: жавлон урмоқ (ёки қилмоқ)** 1) ҳозирлик кўрмоқ; отланмоқ; айланмоқ, сайр қилмоқ. *Маликаи айёр, агар турсанг сўзинг-да, Сенинг билан йўлга жавлон қилайин.* «Гул-шанбоғ». *Мана бу от-арава сизники, сизга бердим, қани, ўтириб бир жавлон қилиб ке-линг.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) астой-дил меҳнат қилмоқ; бирор соҳада ўзини кўрсатмоқ. *Биров меҳнат фронтида жавлон уриб, ажойиб хотира қолдирса, биров дониш-манд сифатида ёдгор қолдиради.* Н. Сафаров, Оловли излар; 3) ўиноқиламоқ. *У кўзини юмди дегунча, хаёлида қорабайир жавлон қилар, тақаларининг тошларга урилиб та-қиллаши қулоқларига эшитилаётгандай ту-юларди.* Ҳ. Ғулом, Маъшал; 4) кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Ғуломжоннинг кўнглида яй-раган қувонч баҳори кўзларида жавлон урди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Жавлон кўзлар** Шўх, ёниб турган кўзлар. *Бодом қовоқлари остидаги жавлон кўзлари мамнун-мамнун кулади, юзлари кулади, гўзал гунча лаблари кулади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Жавлон (эркаклар исми).

ЖАВОБ \а. ʁʁʁ. — сўроққа қайтарилган гап] **1** Сўроққа, мурожаатга қайтариладиган гап; хат; товуш; имо-ишора ва ш.к. *Муж-мал жавоб. Қатъий жавоб. Қониқарли жа-воб. Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма.* Мақол. ■■ *Ҳасанов фашистларнинг сўроғига бир оғиз ҳам жавоб бермади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Тожибой ака бўлса, аниқ жавоб бермай, гапни айлантирар эди.* С. Зун-нунова, Янги директор. *Ташқаридан шайх-нинг овози келди. Ичкаридан яна жавоб бўлма-ди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 маш., физ. Муайян масала, мисол ёки топшириқнинг ечими. *Ушбу масаланинг жавоби икки йўл билан топилади.*

3 Рухсат, изн. *Майли, шингиз зарур бўлса, сизга жавоб, дўстим, эртагача хайр.* К. Яшин, Ҳамза. *Чокарнинг елкасидан хуржун-ни олиб, қўлига бир танга қистирди-да, унга жавоб бериб юборди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Жавоб бермоқ 1) айтмоқ, сўзламоқ; масъул бўлмоқ. *Хўп, бунга ўзим жавоб бераман, аммо ҳалиги гап-гап, машоқ тўхтама-син.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса; 2) виж-донан қийналмоқ. *Одам баъзан бир марта нотўғри босиб қўйган қадами учун умрбод жавоб беради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 3) мос келмоқ. *Шифохона бўлимлари ҳозирги замон тиббиёт талабларига жавоб берувчи олтига корпусга жоилашган ва за-монавий мебеллар билан жиҳозланган.* Газе-тадан. **Жавобини бермоқ** Қўйиб юбормоқ, ажралишмоқ. *Яраш полвон тўғри колхоз идо-расига йўл солди. У Зумрадни топмоқчи, у ерда, эл-юрт олдида шармандасини чиқариб, жавобини бермоқчи эди.* С. Сиёев, Отликаёл.

[Тешабои] *Фарзандсизлик туфайли эри жа-вобини бериб юборган бир бевага уйланди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ЖАВОБАН [а. *U>^] рви. Жавоб бе-риб, жавоб тариқасида. Суднинг саволига жавобан Сидиқжон ўн бир гувоҳнинг номини айтганида, Шарофат рўмолининг учини тиши-лаб, донг қотиб қолди. А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироклари.

ЖАВОБГАР [жавоб + ф. - мшловчи, иш қилувчи] **1** Масъулиятни бўйнига ол-ган, зиммасига масъулият юклаган шахс, масъул. *Ҳар бир ўқитувчи камиба йигирма-ўттиз ўғил-қиз ўқувчининг тақдири учун жавобгар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 ҳуқ. Қилмиши, хатти-ҳаракати учун жавоб берувчи; айбдор, гунохкор. *Бундай физик-фужур учун ўзингиз жавобгар бўлиб қол-манг яна [деди Хўжабеков].* С. Анорбоев, Оксой.

ЖАВОБГАРЛИК **1** ҳуқ. Хатти-ҳаракати, қилмиши учун бирон-бир масъулиятга ёки жазога тортишни талаб қиладиган ҳрлат. *Мод-дий жавобгарлик. Жавобгарликка тортмоқ.*

1 Ўз зиммасидаги вазифанинг бажа-рилиши учун масъулиятли ҳолат; масъули-ят. *Маънавий жавобгарлик. **ит** Дабдаба кам-роқ бўлсин-у, жавобгарликни сезиш ҳисси кўпроқ бўлсин.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

ЖАВОБ-МУОМАЛА Сўроқ ёки муро-жаатга яраша жавоб. *Абдусамадқори эртадин кечгача идорада ўтирар, иш билан келган кол-хозчиларга кўпинча раис. номидан жавоб-муомала қилар эди.* А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари.

ЖАВОБНОМА [жавоб + нома] Жавоб хати.

ЖАВОБСИЗ **1** Жавоб қайтар(ил)маган, жавоб бер(ил)маган. *Редакцияга келган хат жавобсиз қолдиришмайди.*

2 Индамай, сўзсиз. *«Хўп, нон олдираман» дейишига ҳам маҳдумнинг мажоли қолмаган ҳолда, бошини қуйи солиб, жавобсиз ташиқа-рига жўнади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 Рухсатсиз, ижозатсиз; жавоб, рухсат олмай. *Ишдан жавобсиз кетиб қолмоқ.*

ЖАВОН Турли нарсалар қўйиладиган мебель; шкаф. *Китоб жавони. Кийим жавони. **ит** Уч деразали кабинет. Шифти наст-роқ. Жавонларга пахтаси чаман очилган турли нав гўзалар ва пробиркалар қўйилган.* С. Ну-ров, Нарвон. *Жавонларга тарихга оид китоб*

71

лар дид билан тахлаб қўйилган. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЖАВОНМАРДЛИК [ф. -

баланд ҳимматлилик, саховат] *тар.* Олий ҳимматлилик, саховатпешалик. *Паҳлавон Маҳмуд жавонмардлик оқимининг улкан на-мояндаларидан бири бўлган. «ЎТА».*

ЖАВОНИБ [а. t-jj] j^ . «жониб» с.нинг кўпл. шакли] *эск.* Тарафлар, томонлар. *Аммо атроф ва жавонибдаги мусулмонлар беҳад фаровон-фарозатда умргузаронлик қилиб, тинчгина савдо-сотик, берди-олди қилур экан-лар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЖАВОНҒОР Қўшиннинг сўл қаноти.

ЖАВОҲИР [а. у=ъ. — «жавҳар» с.нинг кўпл. шакли] **1** қ. **гавҳар.** *Қутичанинг тагида каптарнинг тухумидек келадиган ва капалак рангидек нафис товланган ажиб бир жаво-ҳир ярқираб ётарди.* О. Ёқубов, Кўхна дунё.

2 кўчма Қимматбаҳо бойлик. *У билади: эккани чигит эмас, жавоҳир.* Уйғун. *Шарқ халқлари мусиқа мероси жуда қадим тарих-га эга, бу мерос бебаҳо жавоҳирларни ўзига жамгаргандир.* Газетадан.

ЖАВОҲИРОТ *айн.* **жавоҳир** **1.** *Мирзака-римбой: «Ихтиёр санда, қизим» деган гапни икки-уч марта такрорлаб, жавоҳиротни қай-гадир яширди ва истар-истамас, секин юриб чиқиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАВПАЗАК *шв.* Эртапишар, чиллаки. *Кимсасиз бир боққа кириб, ярим дўппи жавпазак песа [гўра ўрик] териб чиқдим.* А. Қаҳ-ҳор, Ўтмишдан эртақлар. *Афандининг бир туп жавпазак ўриги бор эди. «Латифалар».*

ЖАВРАМОҚ I Ҳадеб гапиравермок, зе-риктирарли даражада кўп гапирмок, вайса-мок. *Абдурахмонбой куйиб-пишиб жавраёт-ган домлага ачинган бўлди ва унга тасалли берди. Ҳ. Фулом, Машғал. Ичкарида қайнона-сининг жаврагани, Азизанинг бидирлагани эшитиди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқсол.*

ЖАВРАМОҚ II *шв.* Совукқа қотмок, со-вук емок, дийдирамок. *Туни билан жавраб чиқдим.*

ЖАВРАҚИ Ҳадеб гагтираверадиган; вай-сақи.

ЖАВҲАР \а. *улj*^ — моҳият, мазмун < ф. — қимматбаҳо тош] **1** Қимматбаҳо тошларнинг умумий номи. .

2 *кўчма* Энг қимматли, бебаҳо нарса. *Муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар бўладиган юрак жавҳаридир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Илм жавҳарларин терган йигитқиз, Сенинг фарзандларинг, азизим ТошДУ. Ж. Жаб-боров, Шогирд сўзи.*

3 Жавҳар (эркак ва хотин-қизлар исми).

ЖАВҲАРЛИМУ [а. + ф. ^»^] **1** *эск.* Лимон кислотаси. *Росмана жавҳарлиму ли-мон мевасини бизгитиб олинади. К. Маҳму-дов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

2 *кўчма* Тили аччиқ, захар одам ҳақида.

ЖАД қ. жад(д).

ЖАДАЛ [а. *ЈЛ*^ — баҳс, мунозара; бураш, эшиш] **1** *рви.* Тезлик билан, тез. *Фантех-ника жадал суръатлар билан ривожланмоқда. «Ўзбекистон кўриқлари». Эргаш лом-мим де-май, кўчага қараб жадал йўл олди. К. Яшин, Ҳамза. Салимахон жадал юриб, кўчага чиқди. Р. Файзий, Сен етим эмассан.*

2 *сфт.* Кечиктириб бўлмайдиган, оши-ғич, шошилишч. *Элмурод жадал иши бордай чиқиб кетди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

Жадалига олмок Тезлашмок, кучаймок. *Дўл бир зумда шундай жадалига олдики, ер оппоқ бўлди. Ш.Рашидов, Ғолиблар.*

ЖАДАЛЛАМОҚ Ўз тезлигини, суръати-ни оширмок, тезлашмок. *Сидиқжон.. секин бурилиб, анча ергача бошини қуйи солган ҳолда битта-битта қадам ташлаб борди, кейин жадаллади. А. Қахҳор, Қўшчинор чи-роклари. Даврон ака бир нима деб қўлини силтади-да, жадаллаб кетди. О. Ёкубов, Излайман. Абдукабир ака цех томон одати бўйича жадаллаб юриб кетди. Ф. Мусажо-нов, Камтарин ишчи.*

ЖАДАЛЛИК Тезлик, тезкорлик. *Инобат эрталаб туриб, далага чиқиб кетди ва жа-даллик билан пахта тера бошлади. Ж. Шари-пов, Саодат. Ўринбой Абдуллаев жадаллик билан пулемётдан ўқ ёғдириб, фашист гала-ларини ерга қапишиб олишга мажбур этди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.*

ЖАДВАЛ \а. — графаларга бўлиш;

рўйхат; чизма! **1** Маълум тартибда сатр, катак ва устунларга, графаларга жойлаштириб берилган маълумотлар. *Кўпайтириш жадвали. Отларнинг турланиш жадвали. тт Менделеев жадвалин Оламга ўргата олган, Инсонни ер юзида Қила олган кимёгар. Ғ. Ғу-лом. Тузди-ю Мирзо Улуғбек Кўрагоний жад-валин, Сирли осмон тоқига илк Қўйди нарвон ўзбегим. Э. Воҳидов.*

2 Машғулот, дарс, иш, ҳаракат, тадбир-чора ва ш.к. нинг ўрни ва пайти кўрсатил

⁷²

ган график. *Дарс жадвали. Маърузалар жад-вали. Поездларнинг ҳаракати жадвалини туз-моқ. Жадвал билан иш олиб бормоқ. ит Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг бутун ёз ойлари темир йўл линияларида пассажир по-ездлари жадвалдан ташқари ҳаракат қила бошлаган эди. С. Аҳмад, Уфқ.*

ЖАД(Д) \а. **Ja**. — улуғворлик; омад; бобо] *эск. қ. бобо 1.* Бу хусусда шоир билан улуғ жаддингиз хоқон Темур.. ораларида бўлган ҳикояни ҳам эшитганман. Ойбек, Навоий.

ЖАДДИ: жаддига қолмок Касрига, ка-софатига қолмок. *Бинобарин, баъзан гуноҳ-сиз одамлар унинг жаддига қолиб, жазолана-ди. С. Кароматов, Сўнгги бархан.*

ЖАДИД [а. **جَدِيد**^ . ~ янги; бояги, охир-ги) тар. Янгилик тарафдори, жадидчилик ҳаракатининг қатнашчиси. *Ўтган кун кеча-си худди шу ерда катта мажлис қилинди, йигирмага яқин одам тўпланди. Жадидлар, уламолар, яна Ҳаким акамнинг обрўли бир неча дўстлари бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Усули жадид 20-аср бошларида эски мак-табдаги тартиб ва ўқитиш усуллари ўрнига янги тартиб ва таълим-тарбия усули; бу усул, жумладан, хат-савод чиқаришда ҳижо ти-зими ўрнига товуш тизимини киритган. [Аб-дишукур] *Газета, журнал мутолаасига одат-ланди. Тошкентга қайтгач, у ўзини энг «кўзи очиқ» ва «янги фикрли» мусулмонлардан ҳисоб-лаб, «усули жадид» мактабларини очишга таъвиқот юргиза бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАДИДИЗМ Жадидчилик. *Жадидизм тарафдорлари.*

ЖАДИДЧИЛИК тар. 19-асрнинг иккинчи ярми, 20-аср бошларида туркий халқлар ва тожиклар орасида юзага келган, Туркис-тон халқларининг манфаатларини ифодалаган, маърифат учун курашган, ўқиш-ўқитиш ишларини ислоҳ қилган, диний мактабларнинг дастурларига дунёвий фанларни кириштиришга интиланган маърифатпарвар оқим.

ЖАД(И)Й [а. **جدوي** . - эчки боласи] 1 (Ж~ катта) астр. Ун икки буржнинг бири; Далв ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган {қ, бурж}.

2 Шамсия йил ҳисобида ўнинчи ойнинг арабча номи (22 декабрь — 21 январь даврига тўғри келади).

ЖАЖАҚЛАМОҚ шв. Гийбат қилмоқ; ёмонламоқ.

ЖАЖЖИ Кичкина, кичик; мўъжазгина. *Бош вазир олисларда шундай милтираб турган жажжжи юлдузларга қараб, бир нафас жим бўлиб қолди.* С. Сиёев, Аваз. *Гитанинг малла сочли жажжжи боласи ҳам бу гапларга тушу-наётгандек, қариянинг қорайиб қотган бар-моқларига тикиларди.* А. Мухтор, Бўронлар-да бордек ҳаловат.

ЖАЖМАН шв. Жажжи. [Бола] *Ўзи ҳам жажман, ўткир қиличини, ханжарини, кичик, лекин росткам ўк-ёйини тақиб олди.* Ойбек, Навоий.

ЖАЗ I Тўғралган, тўграмча гўшт. *Ҳайдар совиб қолган кабобнинг битта жазини олиб, оғзига солди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЖАЗ II тақл.с. Қизиб турган нарсага со-вуқ нарса текканда ёки бирор нарса қовурилганда ва ш. к. ҳолларда чиқадиган товуш ҳақида. *Момикдай қўл унинг кафтига тушганда, алацаери жаз этиб, энтиқкандай бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЖАЗШ айн. жиз1.

ЖАЗ IV [ингл. jazz — оркестр] Кўпинча уриб ва пуфлаб чалинадиган асбоблардан тuzилган оркестр. *Жаз шу ерда, саҳнанинг ўзида жойлашган эди.* «Ёшлик».

ЖАЗ V шв. Туя эгари. *Туянинг ўзига яраша жазни бор.* Мақол.

ЖАЗАВА [а. **جَزَاوَا**^ . - ўзига тортиш; жалб қилиш] Ўзини йўқотиш даражасидаги асабийлик ҳолати. *Сулаймон ака алам жазаваси-да ёниб, терга пишиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Актриса Зебунисодаги бир да-қиқалик чакиндек ўтиб кетувчи дағаллик, жазава, шафқатсизлик каби хусусиятларни кўрсатишидан чўчимайди.* Газетадан.

Жазаваси тутмоқ Асабийлашмоқ, қаттиқ жаҳли чиқмоқ. *Отлиқ ва пиёда солдатларнинг яна жазавалари тутди.* Н. Сафаров, Наврўз. *Охири йигитнинг жазаваси тутди.* С. Сиёев, Ёруғлик. У [Мансур] *жазаваси тутганда, ўртага ким тушса аямас, дўппослай-верарди.* «Муштум».

ЖАЗБ [а. **جَزْب** . — ўзига тортиш]: **жазб кдл-моқ** (ёки **этмоқ**) Ўзига тортмоқ, мафтун қилмоқ. *Раъно келинларча Анварга салом килди ва жазб қилгандек Анварнинг яқинига бориб тўхтади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Унинг [йигитнинг] бутун туриш-турмуши Шербекни ўзига жазб этди-қўйди.* С. Анорбоев, Оксой.

ЖАЗБАР *шв.* Чизғич. Қачон унинг уйига борса, Акмал катта оқ қозоғга термилиб, учи

74

игнадай қюиб очилган турли қаламлар, ҳар хил жазбар.шр билан нималарнидир ўлчаб, чи-зибўтирган бўлади. М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЖАЗ-БУЗ **Жаз II** с. такр. Зумрад жаз-буз этказиб, қозонга гўшит ташлади. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

ЖАЗВАЛ қ. **жазбар 1.** Дераза тагида ўтирган аёл қўлидаги сиёҳ доғли жазвал билан тизига уриб, ора-сира ҳар тўғрида гапи-рибқўяди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *айн.* **чизик 2.** Жазвал тортмоқ.

ЖАЗ-ЖАЗ *айн.* **жаз-буз.**

ЖАЗ-ЖУЗ *айн.* **жаз-буз.**

ЖАЗЗА с.т. **жазо.** Жаззасини есин. Жазза-сини тортсин. ти Сен билан мен бўлсак, қат-тиқ нонни ҳам ея берамиз, жаззаси чойга бўктириши-да. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖАЗИЛЛАМА Қизиб турган, куйдира-диган даражада иссиқ; қизиқ. Жазилима туп-роқ. ти Жазиллама қайноқ сомса уйилган ла-ганни кўтариб оқсоч кирди. Ойбек, Улуғ йўл.

ЖАЗИЛЛАМОҚ «Жаз» этган товуш чи-қармоқ. Шипондан нарида жазиллаб кабоб пишарди. А. Қаҳҳор, Сароб.

Юраги жазилламоқ 1) кўнгли чопмоқ; кўнглига ёқмоқ. Бу қурилиши тўғрисида юрагим жазиллаятти, ҳақиқатан ажойиб иш. Ойбек, О.в.шабадалар; 2) юраги ачимок, ачинмоқ. Ақромнинг фақат юраги тилиниб, туз сепилгандек жазиллаб ачишарди. Э. Ус-монов, Ёлқин.

ЖАЗИЛЛАТМОҚ 1 Жазилламоқ фл. орт. н.

2 Куйдирмоқ, узиб олаётгандек таъсир кўрсатмоқ. Офтоб жазиллатмоқда. Изгириш қулоқларимни жазиллатяпти.

ЖАЗИРА \а. б_>е>?. — орол, сув ўртаси-даги куруклик) *шв.* қ. **жазирама.** Саратонҳам ёнгувчи менинг оташларимдан, Жазиралар чекингай менинг бардошларимдан. Э. Охуно-ва, Мен тонгни уйғотдим. Саратоннинг узоқ ва жазира кунининг бирор дақиқасини ҳам беҳуда ўтказмайди. Газетадан.

ЖАЗИРАМА 1 сфт. Жуда иссиқ, куйди-радиган даражада. Жазирама офтоб. ти Июнь охирламаи, жазирама кунлар бошланди. Ш. Рашидов, Ғолиблар. Ёзнинг жазирама иссиғи еру кўкни қиздиради. Р. Файзий, Она.

2 *от* Жуда иссиқ, офтоби куйдирадиган жой.

ЖАЗЛИҚ Эгар қоптоли остига қўйи-ладиган бир жуфт юмшоқ от абзали. Сафар хайрсиз бўлмади. Дастлаб тош устини қоплаб ётган гулдор кигиз тўқимни учратдилар. Сал нарироқ бориб, иккита жазлиқни кўрди-лар. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖАЗМ \а. — қатъият; қатъий ишоғч]: **жазм қилмоқ** (ёки **этмоқ**^ Қатъий қарор бер-моқ. Рауф баҳсни ечишга жазм қилди. «Ўзбе-кистон кўриклари». Собир то кампирнинг розилигини олмагунча тўй қилишга жазм қил-мади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЖАЗМАН \а. (->>». — қатъий ишонган, ишончли ҳолда] 1 Қатъий қарор қилган, қарор берган. Жазман харидор.

2 *кўчма* Ўйнаш, хуштор \Ақбар:\ Мен-га эмас, раисга кўрсат. Жазманингни йўл-дан урган ўша. Уйғун, Дўстлар. Лекин сиз-нинг жазманларингиз кўп экан. П. Қодиров, Қадрим.

3 *шв.* Талабгор, даъвогар. Бир ўринга 10, 20, 30 бўлажак студент жазман бўлгандан сўнг, ким имтиҳонни камида «4», «5» га топ-ширган бўлса, ўша қабул қилинади. Н. Сафа-ров, Оловли излар.

ЖАЗМЛАНМОҚ Узил-кесил, қатъий қарор қилмоқ, қарор бермоқ. -*Бек ошиқ, — деди кўнглида [Ҳасанали] ва жазмланиб, ҳужра эшигига юриб келди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ЖАЗО [а. ~ қасос; мукофот; сазо; жарима] **1** Айб ёки жинояти учун кўриладиган чора. *Оғир жазо. Ўлим жазоси. Жазо бермоқ. шш Кўряпсиз-ку, ҳақ жойига қарор топади, ноҳақ жазосини олади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Қшмишига яраша кўриладиган оқи-бат, тўланадиган товон. -*Зап қилгансиз, Отабек, — деди уста, — ёмонларнинг жазоси шундай бўлади.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Кўй, қизим, Нури тухмат қиан бўлса.. бир кун жазосини тортар, изза бўлар.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

3 Бирон ишни амалга ошириш йўли; чора, илож. *Бунинг [тоғ қазишининг] жазоси бир қулоч-бир ярим қулочликлик беи-олтита таёқ. Уёғи осон.* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

Жазо отряди (ёки экспедицияси) Чор Рос-сияси ва хонликлар даврида: меҳнаткашларнинг норозилик ғалаёнларини ёки кўзғо-лонларини бостириш учун тузилган ҳарбий полиция отряди. *Ҳадемай, сара туркман сар-бозлари — хоннинг махсус жазо отряди етиб келди.* С. Сиёев, Аваз. **Жазога тортмоқ** Жазо, азоб бермоқ. *Хўжа Абдуллодек кўрнамакни*

5—Ўзбек тилининг изо>уш луғати
жазога тортқумиздир [деди подшоҳ]. Ойбек, Навоӣ. **Нима жазо?** с.т. Нима азоб? *Нима жазо, куннинг иссигида кетмасангиз?*

ЖАЗОЙИЛ фольк. Милтиқнинг бир тури; кичик тўп, замбарак. *Оғзи катта жазойиллар Отилди майдон ичинда. «Эрали ва Шерали». Шоҳ келгунча очилмайди дарвоза, Зулм қил-санг, жазойилдан отаман. «Рустам».*

ЖАЗОЙИР [а. «>il>a. - оролга, Жа-зоир давлатига алоқадор] эск. **1** Қилиқнинг бир тури. *Ёвмут қалпоқ кийиб, жазойир қилич таққан, кўзига қон тўлган карвонбоши даставвал Сарикни отиб ўлдирди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. [Азизбек] *Тилла жабдуқли қизил айғирга минган, қуёш ёғдуси би-лан турли тусга кириб товланадиган, ёқа ва этакларига олтин уқа тутилган кимхоб тўн кийиб, белидаги олтин камарга кумуш қиши жазойир қилич осган бир киши эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Куй, рақсинг бир тури. *Тикувчилар артелининг ҳаваскор созандалари тўғараги бутун состави билан келган. Маҳалла раиси Турғуной «Жазойир»га йўрғсиюб юрибди.* А. Қаҳҳр, Тўй.

ЖАЗОЛАМОҚ Жазо бермоқ; таъзири-ни бермоқ; адабини бермоқ. -*Ҳазрат ҳақиқат қилиб, салтанат пулини ўғирлаётганлар-ни жазолайди* — деди Меъмор қатъият би-лан. Мирмуҳсин, Меъмор.

ЖАИБ [а. <->±*. — чўнтақ; ёқа] эск. Чўн-так, ҳамён. *Ахируч десат(ина) жойдаги сой-нинг тошидек қовунлари қани, кимнинг жай-бига кетди?* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

ЖАЙДАРИ 1 Маҳаллий зотга мансуб, маҳаллий (уй ҳайвонлари ва ўсимликлар ҳақида). *Жайдари олма. тт Хайриятки, уйи-мизда битта жайдари сигиримиз бор экан.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

2 Кўлбола; кичикроқ. *Ўзимизнинг жай-дари кетмонлар ҳам кифоя қилар эди-ку? [деди Мирвали]* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

3 кўчма Оддий, содда, дўлвар. *Жайдари одам. тт Менинг бир жайдари фалсафамдир шул: Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.* А. Орипов.

ЖАЙНАМОҚ фольк. Яшнамоқ, гул-гул очилмоқ. *Саҳар вақти майна гулдай жайнадинг, Осойишта танда жоним қийнадинг. «Равшан». Қиз, хотинлар аралаш бўп ўйнай-ди, Қизил гулдай бўлиббари жайнайди. «Юсуф ва Аҳмад».*

ЖАЙРА Териси дук шаклли игналар билан қопланган, кемирувчи, сутэмизувчи ҳайвон. *Тогларда одатда айиқ, бўри, ёввойи чўчқа, силовсин, бўрсиқ, тулки, жайра учрай-ди.* М. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси.

ЖАИРАН, жайрон Оҳуларнинг Сурия, Эрон, Афғонистон, Кавказorti ва Ўрта Осиёда тарқалган бир тури; қорақулоқ. *Чўлда кезган жайронлар гоҳ сув излаб, гоҳ дўнгликлар оша қувалашиб чопшиганича, Зо-мин бугдойзорлари, қирлари бағрига кириб борибқолади.* Ш. Гуломов, Бўз ерлик бўз йи-гитлар. *Ҳа, овга чиқиб, қуруқ қайтгани йўқ. Жайронлар тўлиб-тошиб ётипти.* Ш. Раши-дов, Бўрондан кучли.

Жайрон кўз Чиройли кўз; кўзи жайрон-никига ўхшаш. *Эй, Кўқоннинг шўх қизлари, барно қизлари, Бодом кўзлар, жайрон кўзлар, шахло кўзлари.* А. Абдураззоқ, Кўқон киз-ларига.

ЖАЙХУН [Ж — катта\ тар. Амударё-нинг қадимги номи. Турналар қатор-қатор, Сафга тизилиб ўтар, Қўл ушлашиб, қувна-шиб, Жайхун сарига кетар. Д. Файзий.

ЖАКЕТ \фр. jaquette — калта уст кийим; куртка] Калтауст кийим. Элмира: - *Каравот-нинг устида дазмолланган шимингиз билан жакетингиз ётибди, — деди совуқ оҳангда.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ЖАКЕТКА ст. Жакет.

ЖАЛА [ф. **dlj** — ёмғир томчиси; кучли ёмғир] **1** Шиддатли ёмғир. *Жала тонгга яқин тинди.* Х. Шайхов, Рене жумбоғи. *Гўзалар жала зарбидан бир томонга ёнбошлаб қол-ганди.* Ҳ. Назир. Сўнмас чакмоқлар.

2 физ. Элементар заррачаларнинг шид-датли оқими. *Электронлар жаласи.*

ЖАЛАЛАМОҚ Кўпайиб, улғайиб кет-моқ. *Яраси жалалаб кетибди. Кўзиқорин жа-лалаб чиқди.*

ЖАЛАНГЛАМОҚ шв. Ҳайрон бўлиб, аланглаб қарамоқ. *Шербек ўзини йўқотиб қўйди. Ўтирганларга савол назари билан жа-ланглаб боқди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Патма кўл тепасидаги тегирмонга етиб келгани-да, хавотирда атрофга жаланглаб турган Эминҳожига кўзи тушиди.* Т. Ашуров, Мар-варид тут.

ЖАЛБ [а. — диққатни тортиш, ўзи-га қаратиш]: **жалб этмоқ** (ёки **қилмоқ**) Ўзига тортмоқ, ўзига қаратмоқ. *Диққатни жалб қилмоқ. тт Ажойиб суҳбатда Юсуфжон қизик*

67 яъ^

шоир.ирни ҳам ўзига жалб қила олар эди. Т. Обидов, Юсуфжон қизик. *Назиранинг так-лифи билан фирмага ўнинчини битирган ўнлар-ча қизгар жалб этилди.* Ё. Шукуров, Марғи-лон гўзали.

ЖАЛЛОБ [а. — ўзига тортувчи; сав-догар] Олиб сотувчи. *Жаллоб — турган-битгани қаллоб.* Мақол. **вт** *Бу майдон \базм бўла-ётган жой\ айна замонда гўза бозори бўлиб, кундузи сотилмай қолган ёки жаллоблар со-тиб олиб, ҳали ташилмаган гўза тўла коп-қанорлар ҳар томонда тартибсиз ётарди.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Мўйдиннинг жарчиси томоқ йиртиб қичқириб юрибди: -Ҳой, ун яла-ган аллофлар, қон ялаган қассоблар, чорбо-зорчи жаллоблар! Мўйдишбекни қутланглар.* Ё. Шукуров, Қасос.

Аспи жаллоб қ. **аспижаллоб.** *Ҳалиги ерда бир мўйсафид келиб, ҳассасига суялиб, ти-килди-қолди. Узи илгари аспи жаллоб экан.* Ойбек, Танланган асарлар. **Хотин жаллоб** Хотин олиб, хотин қўювчи. *-Бу ҳам \Му-род\ отасига ўхшаб хотин жаллоб чиқди, — деди Лазокат буви.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ЖАЛЛОБЛИК 1 Олибсотарлик *Убутун умрини жаллоблик, қаллоблик билан ўтказган одам.* С. Айний, Қуллар. *Жаллобли қилиб, йиқи етаклаб юрадиган одамга ўхшамайди.* «Муродхон».

ЖАЛЛОД \а. л%*. — ўлим жазосини ижро этувчи] **1** Ўрта Осиё хонликларида: ўлим жазосига ҳукм қилинганларнинг бошини олувчи, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмни

ижро этувчи одам. *Калла олибўрганиб қолган жал-лод янги каллани олаётганида кўз юлмагани-дек, ҳоким ҳам одамларни отиб, уйларига ўт қўйиб одатланиб қолган киши совуққошиги билан ўшқирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Жаллод мени унутмайди ҳеч, Бир гуллаган дорга осади.* У. Азим, Куз.

2 кўчма Каллакесар, қотил; шафқатсиз. *Билъакс, сиз ҳийлакор бир тулки, оғзи кон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод, уятсиз бир йигит.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Фашист жаллод қон ичидан кўтарибди бош.* Ҳ. Пўлат.

ЖАЛЛОДЛИК 1 Жаллод касби, жаллод мавқеида бўлишлик; ўлим ҳукмини ижро этишлик.

2 кўчма Золимлик, ёвузлик. *Бизни ким ни-санд қилмай, яъни қилса жаллодлик, Тор-мор этиб охир, қора ерга пинҳон қил.* Ғайратий.

ЖАЛОЙИР қ. жалойирлар.

Жалойирга жар солмоқ айн. **жар солмоқ 2** қ. **жар 11.**

ЖАЛОЙИРЛАР Ўзбек халқининг гене-тик таркибига кирган қабилалардан бири.

ЖАЛЮЗА \фр. *jalousie* - дераза эшиги; дарпарда] Очилиб ёпиладиган параллел пластиналардан тузилган парда, тўсиқ(ҳаво ва ёруғлик оқимини ростлаб туриш учун хизмат қилади).

ЖАМ \а. • -2 — тўпланиш, бирикиш; йи-ғинди] **1** Йиғилган, тўпланган. *Жам бўлмоқ. иши* *Эрталаб қуёш қум довларидан кўта-рилмаган пайтда Мастура хола чой олиб кел-ди, хамма жам эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Кўзларингда дунё завқи жам, Хандон уриб кул-санг, эй шўх.* М. Эгамбердиева, Гулбарг.

2 эск. айн. кўшув **2.**

Жам қилмоқ 1) тўпламоқ, йиғмоқ. *Ша-ҳар халқин барини жам қилармиз, Кўрганинг-дан зиёд олиб берармиз.* «Муродхон»; **2)** мат. кўшув амалини бажармоқ, кўшмоқ. **Жамоат жам** қ. **жамоат.** **Хотирингиз жам бўлсин** Хо-тиржам бўлинг, ташвиш қилманг, хавотир олманг. *Бизҳеч қачон ёлғиз қолмаймиз!Хоти-рингиз жам бўлсин, бизга сиздақа гамхўр ке-рак эмас! [деди Ойгул].* Уйғун, Асарлар.

ЖАМАЛАК 1 Қиз болаларнинг ҳали унча ўсмаган, ёйилиб кетмаслиги учун, пахта пилик кўшиб ўрилган сочлари. У [Раъно] *кулоклари устидаги жамалак сочларини ли-киллатиб, апил-тапил оқ пақирчадаги сутни товоқларга қуяётибди.* \. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

2 фольк. Сохта кокил. *Кал қизҳам, қирқ-та қизни ўзига ёллаб олиб, қора иплардан орқасига жамалак қилиб, бу ҳам мис пат-нисларга.. солиб, кўтартириб жўнади.* «Муродхон».

3 шв. Сочга тақиладиган зийнат асбоби; сочпопук.

ЖАМАРҒА 1 айн. **жамғарма.**

2 Бисот, мол, бойлик. *Тўй белгиланган-дан бир кун кеин жамарғаси ҳам келди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ЖАМБИЛ айн. **жанбил.** *Рисолат отин.. боғдан бир этак кўкат: кашнич, жамбил, райҳон, ялпиз, отқулоқ юлиб чиқиб, кўк шўрвага уннади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Жамбил, райҳоннинг иси етти махалла нари-дан димоққа урилади.* Шукрулло, Жавоҳир-лар сандиғи.

77

ЖАМИ fa. — барчаси, йиғиндиси]

Ҳамма, барча. *Одамлар тўлқини Тошкентнинг жами кўчаларидан дарё-дарё бўлиб оқиб, бир-бирига қўшилар, сўнгра ҳаммаси қадимги Шай-хантоҳур бўйлаб янги шаҳар томонга денгиз-дай тўлқинланар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кузда жами пахта машиналарда териб олин-ди.* «Ўзбекистон кўриклари».

ЖАМИКИ Барча, ҳамма, бутун. *Жами-ки жонивор баҳорнинг файзу нашъасидан баҳ-раманд. М. Жўра, Изтироб. Эски шаҳарнинг жамики хотин-халажи таёғу оташкурак кўтариб, мана шу ерга келдик. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

ЖАМИЛА [а. *]. «? - гўзал, сулув] **1** Соҳибжамол, чиройли, гўзал. *Мирзо Анвар каби донишмандни етиштирган киши оқила ва жамила қиз тарбия қилмаганмикин, деган андишага борибдилар. А. Қодирӣ, Меҳроб-дан чаён.*

2 Жамила (хотин-қизлар исми).

ЖАМИЯТ \а. 2, \л-у — йиғилиш; уюш-ма; гуруҳ] **1** Тарихий тараққиётнинг маъ-лум босқичида маъддий бойликлар яратиш-нинг муайян усуллари ва муайян ишлаб чиқариш муносабатлари билан характерлана-диган ижтимоий муносабатлар мажмуи. *Фе-одал жамият. **итт** Жамият олға қараб ҳара-кат қилар экан, ёшлар ҳам ўша бараварида ўсишлари керак. Газетадан.*

2 Бирор мақсадда тузилган ихтиёрий бирлашма, ижтимоий ташкилот. *«Пах-такор» спорт жамияти. Матлубот жамия-ти. Кўрлар жамияти. **ти** Китобсеварлар жамияти олдида катта ва масъулиятли вази-фалар турибди. Газетадан. Олим жамиятнинг бир неча вакиллари билан Венгрияга борди. «Фан ва турмуш».*

3 Маълум доира, давра кишилари, аҳл-лари. *-Албатта, терифурууш савдогарларга бишимнинг нима ҳожати бор? Биз, албатта, у жамиятнинг кишилари эмасмиз. Бизда би-лим ҳаёт билан қўшилиши керак, — деди Давронов. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЖАМИЯТШУНОСЛИК **1** эск. Шўролар даврида ўтган асрнинг 60-йилларидан бар-ча ўрта мактабларда ўқитилган, жамият ва унинг тараққиёт қонуниятлари ҳақидаги ўқув фани.

2 айн. социология.

ЖАМЛАМОҚ **1** Тўпламоқ, йиғмоқ. *Ҳам-масини жамлаб, алламаҳалда Кумбой бригадирниқига жўнадик. С. Сиёев, Ёруғлик. Ра-қибининг қорнига чициб олган Тоғай бор ала-мини муштига жамлаб, унинг дуч келган жойига гурсиллатиб тушира кетди. Н. Нор-қобилов, Тўқнашув.*

2 эск. мат. Жам қилмоқ, қўшув амалини бажармоқ, қўшмоқ.

ЖАМЛОВЧИ: жамловчи сон тли. Шахс ёки нарсаларнинг йиғиндисини билдирув-чи сон, мас. *икков, учаласи, тўртовимиз, бешовлон.*

ЖАМОА [а. А-с.1 — бирлашма; уюш-ма; гуруҳ] **1** Қишлоқ, маҳалла ва унинг аҳолиси. *Дўстмат пулни санаб, чўнтакка сол-масданоқ, жамоада ҳар бир оиланинг тўйну-гидан чиқадиган тутунга қараб, қозонда нима қайнаётганини сезадиган хумкалла элликбо-ши етибкелди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 эск. Қишлоқ кенгаши. *Дадамни икки марта жамоа чақиртирди. А. Қахҳор, Кўшчинор чироқлари. Аризага Қумқишлоқ камбагал деҳқонлари ва жамоа фаоллари-дан юз ўттиз киши қўл қўйган. Ҳ. Фулом, Машғал.*

3 Муайян, бир хил иш бажарувчи киши-лар гуруҳи. *Икки-уч йилдан бери уйларига кун сайин совчилар жамоаси ёғилиб ётганлигидан, бу совчилар ҳам ўшаларнинг бирисидир, деб ўйлаган эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

4 Халойиқ, биродарлар. *Тиловат сўнгида юрт мўйсафидларидан бири ўрнидан турди: -Жамоа, Асқар оқсоқол қандай одам эди? —Раҳматли яхши одам эди. «Ёшлик».*

ЖАМОАТ [а. с^сл ц - бирлашма; уюш-ма; гуруҳ] **1** Халқ, халойиқ, кўпчилик. *Жа-моат мулки. Жамоат хўжалиги. **итт** Жамоат орасида ҳар қачон хушҳол, хушчақчақ Жай-ноқ исмли батракни кўпчилик хотирласа ке-рак. Н. Сафаров, Наврўз. Жума намозидан сўнг ташқаридаги жамоат дув этибўз ишига кет-ди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

2 Кўпчиликка, оммага қарашли, те-гишли. *Зилзиладан болалар богчалари, мак-таб, кинотеатрлар, завод-фабрикалар, жамоат биноларидан қанчалари шикаст-ланди. Н.*

Сафаров, Оловли излар. *Йигит-қизлар сифатли ва самарали меҳнат қилиб, жамоат чорваси учун мўл озуқа тўпламоқ-далар*. Газетадан.

Жамоат жам Ҳамма йиғилган, ҳамма ҳозир. *Овқатни Комилжон келганда сузасан, жамоат жам бўлиб ичамиз*. И. Раҳим, Ихлос.

79

-Ўхў, жамоат жам-ку, — деди Бувниса хола Фотима она ва хотинларга қараб. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ЖАМОАТЧИ 1 Жамоат ишларида жон-бозлик кўрсатувчи; фаол. *Санжар Сиддиқов таржимон, публицист, журналист бўлибги-на қошай, айна вақтда ишчан жамоатчи эди*. Ҳ. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Бирор идора, ташкилотга аъзо эмас, кўнгилли. *Жамоатчи автоназоратчи. ти Шу ўринда жамоатчи мухбиримиз Ҳ. Илҳо-мовнинг йўллаган хабари ҳам диққатга саявор*. Газетадан.

ЖАМОАТЧИЛИК 1 Халойиқ, халқ, омма. *Биз ижодий кечаларни шундай ўтказайликки, фақат ёзувчилар қатнашмай, бун-га кенг жамоатчилик қатнашсин*. Газетадан. *Тартиббузарларга қарши курашда биз кенг жамоатчиликнинг мададини ҳаммиша сезиб тураемиз*. Газетадан.

2 Жамоат, кўпчиликка алоқадор иш-ларда фаол қатнашиш, фаоллик. *Жамоат-чилик бурчи*.

Жамоатчилик асосида ёки жамоатчилик йўли билан Жамоат, халқ кучи, фаолияти билан; ҳашар йўли билан, пулсиз. *Жамоат-чилик асосида қурилган мактаб*.

ЖАМОЛ [а. Јл ~ — гўзаллик, сулув-лик; жозибадорлик] 1 Ҳусн, кўрк, чирой. *Бу баҳорнинг хазони йўқдир. Кун сайин тўли-шар жамоли*. Уйғун. *Серқуёш Аму соҳилларига боқиб, унинг жамолига тўймайсан киши*. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Чиройли юз, чехра. *Ғуломжон унинг жамолини кўриб, сурат бўлиб қолди. Ўн беш-ўн олти ёшларда, юзлари ширмондай чиройли қизэди*. М. Исмоилий, Фарғонат. о.

3 Жамол (эркаклар ва хотин-қизлар исми). **ЖАМУЛЖАМ** \а. ^Л^а. - кўпларнинг кўпи; кўпдан-кўп| Ҳамма, барча, жами. *Ха-ридорнинг жамулжам пули бир сўм етти тийин чиқиб, уч тийин етмай қолди*. Ғ. Ғулом, Шум бола.

Жамулжам бўлиб 1) ҳаммаси бўлиб; 2) тўпланиб, йиғилиб. *Ахмад билан Қумри ҳам киришди. Ҳаммамиз жамулжам бўлиб, ҳан-гомалашибўтирдик*. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

ЖАМҒАРМА 1 Харажатлардан, чиқим-дан орттириб, тежаб-тергаб тўпланган пул; маблағ. *Меҳнат жамғармаси. иит Элчиев ҳам жамғармасидан яхлитини кўтариб, бозор-ўчар тараддудига тушди*. Э. Аъзамов, Жавоб. *Иморатларнинг ярми жамоа йўли билан куриб берилди, ярмини деҳқонлар ўз шахсий жамғармаси ҳисобига қурди*. Газетадан.

2 Эҳтиёт қилиб сақланадиган жой; фонд. *Айрим расмлар музей жамғармасида сақланмоқда*.

3 Маълум бир фаолият (илмий изланиш, ўқиш-ўқитиш ва ш. к.) турига, кишиларнинг муайян ижтимоий гуруҳига ёрдам бериш мақсадида тузилган ташкилот; фонд. *Ижти-мой жамғармалар. Халқаро жамғарма*.

ЖАМҒАРМОҚ Пул, бойлик ва б. мод-дий нарсаларни йиғмоқ, тўпламоқ. *Мен тахсил учун пул жамғариши мақсадида Лоҳурда катта бир омборда юк ташувчи бўлиб ишла-дим*. Ойбек, Нур қидириб. *Бу рўзгор буюм-ларини Йигитсиш ҳовли олиши мақсадида жам-ғариб юрган пулларига харид қилган эди*. Д. Нурий, Осмон устунни.

ЖАНА фольк. шв. Дўнг, тепа. *Бир лочин-ман, қанотимдан қайрилдим, Ёмғир ёғмай, жана ерда mouрwiduM*. «Гулихиромон».

ЖАНАЛАТМОҚ шв. Ёқалаб, баландлаб юрмоқ. *Қир келганда қиялатди, Жар келган-да жаналатди, Бедов отларни ўйнатди*. «Эра-ли ва Шерали».

ЖАНБИЛ 1 Бир йиллик хушбўй ўсим-лик; ошкўк. *Ўйнаб юрар кийиклар Жанбил ўсган тоғида.* Уйғун.

2 Жанбил (эркаклар исми).

ЖАНГ [ф. . ? — уруш] **1** Харбий қисм-ларнинг, қуролли кучларнинг қонли тўқнашуви, уруш. *Жанг қилмоқ, ти Мадад учун юборилган немис танкларининг йўлини бизнинг танкларимиз тўсган, сойликда танклар жанги бўлмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Шайбонийхон ҳали ҳеч қайси жангга бунча-лик жон-жаҳди билан тайёрланган эмас.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Қарама-қарши ижтимоий гуруҳларнинг тўқнашуви. *Синфий жанг. шш Қарама-қарши гоғлар кураши эса сўнги нафасгача давом этадиган ҳаёт-мамонт жангидир.* «ЎТА».

3 спорт. Мусобақа. *Спортнинг бошиқа тур-лари бўйича ҳам қаттиқ жанглар давом эта-ёттир.* Газетадан.

4 Баҳс, мунозара; жанжал. *Очилгач келиб эртаси хужраси, Қилур жангу жанжисиз ҳар эртаси.* Муқимий.

5 кўчма Астойдил меҳнат. *..бу йил биз 3 млн 350 минг тонна «оқ олтин» учун жанг олиб бормоқдамиз.* «Шарқ юлдузи».

Даҳанаки жанг қ. даҳанаки. Қўл жанги

Қўл билан олишув. [Волков:] *Генерал, сол-датлар қочмоқдалар.. Анҳор ёқасида қўл жан-ги боряпти.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЖАНГАРИ \ф. ? — «жангвар» ёки **ЈЛК**. ? — «жанговар» сўздан — жанг қилув-чи, ботир; шижоатли] Уришқоқ, жанжал-қаш; урушга тўймайдиган. *Жангари бола. шш - Парво қилманглар. Муҳаббатнинг ўзи шунақа жангарироқ, — деди боласидан меҳр тўла кўзларини узмай Турсуной.* Н. Сафаров, Узоқ-ни кўзлаган қиз. *Жанг кўриб, қон кўравериб, жангари бўлиб кетган отлар асабий кишиларди.* «Саодат».

ЖАНГАРИЛИК Уришқоқлик, урушга, жанжалга тўймаслик. *Унинг кўзларида жангарилик ва мурасазликучқунлади.* «Ёшлик». *Мен қаҳрамонманми ? Бу дунёга келиб, Жан-гариллик ҳиссин Дилга солмадим.* Э. Воҳидов, Келажакка мактуб.

ЖАНГГОҲ \ф. аК^, ? - жанг майдони] Жанг майдони. *Бир кўришга зорман, тунда бедорман, Қайси жанггоҳдасан, марди май-доним?Т. Тўла. -Қани энди бир мўъжиза бўлиб, биз ҳам ёшариб қолсаг-у, Йўлдошвойнинг ён-гинасида жанггоҳга мардона кирсак. Гитлер қизиталоқнинг адабини берсак! — деди Қўлдош бобо.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

ЖАНГ-ЖАДАЛ, жангу жадал Шиддат-ли жанглар, қизғин жанглар, курашлар. *Унинг баданидан она тупроқ интизорлиги, жанг-жадал суронлари ҳордигини сугуриб ола-ётгандек эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. У \Сипарангиз\ . -Ҳа, сен билан жанг-жадал қил-моқчи эдим, аммо бу бахт менга муяссар бўлмади, —деди. М. Осим. *Аждодларимиз қис-саси. Бобурнинг ҳар муҳим ишда онасидан маслаҳат сўраши Қосимбекка унча ёқмас эди. Чунки аёллар жангу жадалдан жуда безган эдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЖАНГДОВУЛ Соқчи, кўриқчи. *Бобурга ёв оз кўринди. У тез отланди-ю, қолган нав-карлари билан ёв жангдовулларига ҳамла қилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЖАНГИЛЛАМОҚ Жаранглаган овоз чиқармоқ. *Хужранинг деворларидан чанг ёғди, тоқчадаги мис лаган жангиллаб кетди.* А. Қаҳҳор, Башорат.

ЖАНГИР-ЖУНГУР тақл. с. Жарангдор нарсалардан, мас, қўнғироқнинг узлуксиз урилишидан чиқадиган товуш қақида. *Эшик ёнидаги еуе тўла тунука бакнинг қулоғига занжир билан боғланган қўпол кружка қўлдан қўлга ўтиб, жангир-жунгур қилади.* А. Мух-тор, Опа-сингиллар.

ЖАНГКАРНАЙ эск. Жангга чақирувчи карнай. Аммо янграбжангкарнай, Босибкел-ди Зулқарнайн. Х. Даврон, Какнус. *Жангкар-найлар чорларкан.. Ватан деб ўларкансан.. Бил: жангда ўлмоқ шараф. «Қирқ ошиқ даф-тари».*

ЖАНГНОМА 1 Уруш ва жанглар ҳақида-ги асар, қисса. *Мен эски жангномсьюрни ўқиб ўрганганим учун, газетанинг хати менга ёт туюлмади.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш ури-нишлари.

2 кўчма Қаҳрамонлик, ғолиблик мад-ҳияси. *Биз қаҳрамонлар ичига тушувимиз, уларнинг жангномаларини яратмоғимиз ке-рак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖАНГОВАР \ф. jʃLl^ - шижоатли, ботир] **1** эск. қ. **жангчи.** *Катта майдон жанг-говарлар билан тўла.* Ойбек, Навоий.

2 Уруш, жангга оид, уруш-жанг билан боғлиқ. *Жанговар ҳаракат. Жанговар тартиб. ти Петька унинг сўзига диққат бишин қулоқ солди-да, мийиғида кулди ва жанговар бир эпизодни айтиб берди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Сўнгра.. учинчи рота командирига ўнг қанотдаги душман ротасининг жанговар по-зициясини аниқлашни буюрди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Жангларда чиниққан, уруш-жанглар-да ўзини кўрсатган; шижоатли. *Жанговар халқ. Жанговар полк. ти Асриян қанча кўп зерикса, шунча кўп батальонини, ундаги жан-говар дўстларини эслайдиган бўлди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Жанговар йигитларнинг тантилиги уларга жуда қимматга тушиб кетди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

4 кўчма Кундалик, ҳар доимги; фаол; оташин. *Адолатнинг: «Ўзимизни ишда ҳам кўрсатайлик», деган сўзлари бригада қизла-рининг жанговар шиори бўлиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

5 Жуда муҳим, тез фурсатда бажарили-ши зарур. *Қисм Симферополни озод қилиш учун жанговар топшириқ олди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

Жанговар варақа эск. Зарбдор ишларни ёритадиган ёки унга даъват қиладиган варақа. *«Жанговар варақа»ни ўқиб турган ёш-лар олдида Муҳиддин анча туриб қолди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЖАНГОВАРЛИК Курашга чорлаш; қаҳ-рамонлик, мардоналик. *Таассуфки, ўтли сўз, жанговарлик ўрнини раҳбарлар соясига қул-луқ қилиш, яъни лаганбардорлик эгаллаб ол-ган.* Газетадан.

ЖАНГСИЗ Урушсиз, уруш қилмасдан. *Бўлинма кечагина душман батареяси турган тепаликни айланиб ўтди ва жангсиз илгари қараб юрди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЖАНГЧИ 1 Уруш, қатнашчиси, уруш-да қатнашаётган киши; ҳарбий. *Жангчиларнинг қудратли овози ер-кўкни ларзага кел-тирди, замбарак овозидан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, душман окоплари устига ёғилди.* Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген. *Жангчилар бирпас-да сафга чизилдилар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Ҳарбий хизмат ўтовчи оддий аскар, солдат.

ЖАНДА [ф. uɟɟ — эски, йиртик; эски ва йиртилган кийим) **1** Дарвеш ва қаландарларнинг улоқ-куроқ тўни. *..Битсин энди эски турмуш, Ул қулоҳу жандалар.* Ҳамза.

2 Эски, йиртик, улоқ-куроқ, жулдур кийим. *Эртаси куни Жалил жанда кийиб, қўлига таёқ олиб, ҳеч қандай қуролсиз ҳолда, йўлга чиқди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Гўнг чиқариладиган тешикни кеча-лари жанда билан ётиб, кундузлари очиб қўйдим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

3 Болалар ўйинида: ўйинни яхши бил-майдиган болага икки марта ўйнаш учун берилган ҳуқуқ.

ЖАНДАГТУШ \ф. ʃʃʃʃ — жулдур, эски кийим кийган] эск. **1** Дарвеш, қаландар.

2 Улоқ-куроқ ёки жулдур кийим кийган (киши). *Шайхларга никоҳ пули, хайр-садақа бўлса бас. жанданўи шайтонлар бу ерда ни-маларга қодир эмас.* А. Ҳақимов, Илон изи-дан.

ЖАНДАРМ (фр. gendarme - жандармерия хизматчиси) қ. **жандарма**. *Дилишод сиёсий айб-дор эмас, уни жандарм турмасига ўткази-шибди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

ЖАНДАРМА Жандармерия ва унинг хизматчиси, ходими. *Аммо Кудрат яна жан-дарма қувғунига учради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖАНДАРМЕРИЯ [фр. gendarmerie < gens d'armes — қуролланган кишилар] Айрим мамлакатларда: сиёсий муҳофаза, тинтув ишлари олиб бориш; давлат тузумига зид иш олиб боровчиларга қарши кураш учун хизмат қиладиган сиёсий полиция. *Жандармерия офицери.*

ЖАНЖАЛ 1 Бир-бири билан айтишиш, сан-манга бориш; можаро, ўзаро уришиш. *Аҳмад ўзини босди. Ўз фаолиятини жанжал-дан бошлашни истамасди у.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ёдгор жанжал бўлмаслигини билар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол.

2 Бир-бири билан ҳақ талашиш, даъво-лашиш; даъво. *Жанжал комиссияси (эск.).*

ЖАНЖАЛКАШ Можарони, жанжални яхши кўрадиган, бўлар-бўлмасга низо чи-қарадиган. *Жанжалкаш одам.* **тм** *Тўлқин Муҳиддинов яқингача шўх, қўрсроқ, жанжалкаш йигитъирдан эди.* Газетадан. *Сиз билан гала-ти шароитда танишдик, бир жанжалкаш экан, деб ўйлаган бўлсангиз керак?* А. Мухтор, Туғилиш.

ЖАНЖАЛКАШЛИК Низо, жанжал чи-қаришлик; уришқоклик. *-Одамларнинг сўзга усталиги, жанжалкашлигига қараб эмас, иш билишига, онгига қараб кўтариш керак, — деди яна Пўлатжон Содиқович.* Мирмуҳсин, Умид.

ЖАНЖАЛЛАШМОҚ Жанжал қилмоқ, айтишмоқ, сан-манга бормоқ. *Зайнаб билан жанжаллашининг ўзи бир ҳузур ва жанжесп-дан бўшалгач, кайин отанинг қаришисига ўти-риб, насиҳат эшитиш ундан ҳам яхши ҳузур.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Шофёр ҳамшира билан анча жиддий ва қизгин жанжаллашиб олди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Арзимаган гап-га жанжаллашиб қолган икки ҳамсоёни му-росага келтириш осон бўлмади.* М. Ҳазраткулов, Журъат.

ЖАНЖАЛЛИ Жанжаллардан, можа-ролардан холи бўлмаган. *Жанжалли масала. ти..биррутубатли оқишомда Заргаровни жан-жалли объектлардан олиб қайтаётган эди, шу ерда тўхташга тўғри келди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Жанжсыйи уйда барака, қут, файз бўлмайди, деб эскилар тўғри айтишади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЖАНЖАЛСИЗ Можаросиз, низосиз, бежанжал. *Қасам ич! Мен билан кетиб, қочмай, жанжалсиз турсанми, йўқ? [деди Ма-Мам].* Ҳамза, Паранжи сирлари. *-Мана бу ишинг жойида, Бегим, — деди Бозоров кулиб. — Ахир шу ишни жанжалсиз қилсак бўлмас-миди?И.* Раҳим, Чин муҳаббат.

ЖАНЖАЛ-СУРОН қ. **жанжал 1.** *Бола-чақали одам хотин устига хотин олса, уйда ҳар кунни жанжал-сурон бўлиши шубҳасиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАНЖАЛЧИ қ. **жанжалкаш.**

ЖАННАТ [а. 2, \у — беҳишт; бўстон, сер-дарахт боғ] **1** дин. Бегуноҳ, такводор киши-лар у дунёда яшайдиган роҳат-фароғатли жой, беҳишт. *Қошинг билан кўзинг шўх, илоҳи ўлмагайсан, Жаннатдаги ҳурларнинг бирови бўлмагайсан.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *кўчма* Ҳамма нарса муҳайё бўлган, обод, роҳатбахш, хушманзара жой. *Бўлсин деймиз жаҳон бўйлаб Инсонлар ври жаннат.* М. Шайхзода. *Сафо маҳсумнинг нигоҳи шу жаннат боғлар, далаларда кезса ҳам, ўй-ха-ёли бошқа ёқда.* Ҳ. Ғуллом, Замин юлдузлари. *Ёз пайтлари уларнинг [Азизанинг] боғи жан-нат бўлиб кетади.* У. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

3 Жаннат (хотин-қизлар исми).

Жойи жаннатда бўлсин У дунёда қий-налмасин. *Чол пулни рад қилар экан, қўллари фотиҳага ёзди: -Омин, жойи жаннат-да бўлсин. Оллоҳу акбар! Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.*

ЖАННАТИ Жаннатга тушадиган бегу-но\, фариштадай покодам. *-Аммоўзлари ҳам жаннати хотин, — деди Сафарқул. Х. Гулом, Тошкентликлар.*

ЖАНОБ [а. «>'Ц»- — томон, тараф; муҳ-тарам зот] (кўпинча «жаноблари», «жанобингиз» шаклида) **1** Ўтмишда ва ҳозир ки-шилари, амалдор ёки давлат арбобларини улуғлаш шакли. *Элчи жаноблари. Бош вазир жаноблари. тт Шайхулислом:\ Демак, жа-нобларининг ҳукми жиддий? \Навоий:\ Тақ-сир, салтанат ишларида ҳазил бўлмайди. Уй-ғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Бу за-монда Навоий жанобларидек пок одам ҳаргиз топилмас. Ойбек, Навоий. -Қози домла муҳ-тарам Тешабой жанобларининг илтифошла-ридан мамнун бўлибдилар, — деди қори. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Киши исмларига қўшиладиган кеса-тиқ сўз. *Деканатдан чиқсам, Боқизода жаноблари ялпайиб, чой ичиб ўтириптилар. С. Кароматов, Олтин кум.*

ЖАННАТМАКОН [жаннат + макон] Обод, гўзал. *Жаннатмакон, оромбахш боғлар Оғушига чорлайди мени. Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар. Жаннатмакон, қўшили юртимнинг фасллари бир-биридан гўзал. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ЖАННАТМОНАНД Жаннатга ўхшаш, жаннатдай. *Йўл азоби орқада қолиб кетди, эмди жаннатмонанд пойтахтимиз Ғазнада роҳат-фароғат билан умргузаронлик қилинг-лар. М. Осим, Карвон йўлларида.*

ЖАННАТСИМОН айн. **жаннатмонанд.** Қаҳрамон белорус халқи жаннатсимон дийр: муҳташам бинолар қад кўтарган гўзал, обод шаҳар ва бадавлат хўжаликлар бунёд этди-лар. **Н.** Сафаров, Оловли излар.

ЖАНОЗА [а. ojl^.— кўмиш, дафн ма-росими; тобут) Дафн олдидан ўлган киши хақиға бағишлаб ўқиладиган намоз. *Жано-зага Тошкентнинг деярли ҳар бир маҳалласи-дан кишилар иштирок қилди. А. Қрдирий, Ўтган кунлар. Ғайбаров жанозага аранг етиб келди. М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.*

ЖАНР \фр. genre — жинс, тур| Санъат асарларининг сюжет ва услуб жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳар бир тури. *Лирика жанри. Ҳажв жанри. Қўшиқ жанри. ттти \Ғиёсов\ Қобилиятини публицистиканинг барча жанрларида синаб кўрди. Х. Ёдгоров, Хаёт тўлқинлари. Сермаҳсул ижодкор муси-қанинг йирик жанри — операга ҳам қўл урди. Газетадан. Пейзаж рассомчиликнинг мураккаб жанрларидан бири бўлиб, у катта вазифалар-ни ўз зиммасига олади. «Шарқ юлдузи».*

ЖАНУБ [— жануб] Дунёнинг

тўрт асосий томонларидан бири; **зид. ши-мол.** *Деразалари жанубга қараган уй. ттти -Ана, — деди Матқовул, жанубда кўриниб турган тоғтомонга ишора қилиб. М. Исмои-лий, Фарғона т.о. Бизни меҳмон қилди боб, Қадримизни билди деб, Сенга раҳмат айта-миз, Сўнг жанубга қаитамиз. Уйғун.*

ЖАНУБИЙ Жанубга оид; жанубга хос бўлган; жануб томондаги. *Мамлакатнинг жанубий чегаралари. ттти Кеча-бугун жуда кўп ярадор келди. Немислар жанубий фронтда яна хужумга ўтган эмиш. Шуҳ-рат, Шинелли йиллар. Жанубий Африкада Свазиленд деб юритиладиган ўлка бор. «Фан ва турмуш».*

ЖАНУБИ-ШАРҚ Жануб билан шарқ ўртасидаги тараф; жануб билан шарқ ўртасидаги йўналиш. *Ўзбекистоннинг жануби-шарқида. Самолёт жануби-шарққа йўл олди.*

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ Жануби-шарққа оид, жануби-шарққа хос бўлган; жануби-шарқ томондаги.

ЖАНУБИ-ҒАРБ Жануб билан ғарб ўр-тасидаги тараф; жануб билан ғарб ўртасидаги йўналиш. *Тошкентнинг жануби-ғарбида.*

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ Жануби-ғарбга оид, жануби-ғарбга хос бўлган.

ЖАПС фольк. Бир-бири билан зич боғ-ланган; жипс, зич. *Жапс бўлиб. тт Икковинг ҳам бир-бирингга интизор, Ошиқларнинг сўзи шундай жапс келар.* «Алпомиш».

ЖАПСАК Кесакининг деворга ўрна-тилган еридаги тирқишни бекитиш ва ҳусн бериш учун эшик, дераза атрофига қоқи-ладиган энсиз жимжимадор тахта.

ЖАР I [ф. *jjā*. — ернинг чуқур, ўйиқ жойи] Четлари ўпирилган чуқур сойлик; чуқурлик. *Чуқур жар. Паст жар. тт Азиз-бек сипоҳлари ила жарга тушди ва сув кечиб, ҳалиги тепага юзланди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *У ўрик шохидан эмас, жар ёқасидан жуда пастга, тагсиз чоҳга қулаб тушаётгандек жуда ёмон қўрқиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Жар ёқасида Ҳалокат олдида, ҳалокат ёқасида. *Ахир, жар ёқасида турибмиз-ку, Комилжон. Ҳ. Гулом, Машғал.*

ЖАР II \а. ʌʌ. — баланд овоз билан, очиқ эълон қилиш]: **жар солмоқ I** жарчи кўйиб, ҳаммага хабар бермоқ, эълон қилмоқ. *Эрта билан Хўжаориф бозорида бир жарчи юқори-даги мазмунда жар солмоқда эди.* С. Айний, Қуллар. *Тўда пастга силжиди. Баковул жар солди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом; 2) кўчма овоза қилмоқ, гап тарқатмоқ, ҳам-мага билдирмоқ. *Гузарда гап кутиб ётган Мирвали бангига ўхшаши «достончилар» мул-ла Обиднинг қўлида кўрилган кетмон ҳақида Тиктепа қишлоғига жар солиб юбордилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЖАРАЁН \а. оБ^». ~~ оқим; бориш, со-дир бўлиш] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бирин-кетин бориши, ривожи, оқими. *Та-рихий тараққиёт жараёни. Суд жараёни. тт Дарёни янги изга солувчи, шаҳарни тамоман янги бир қиёфага киргизувчи одамлар бу иш жараёнида ўзларини ва ўз турмушларини ҳам ўзгартадилар.* А. Қаҳдор, Сароб. *Тугилаётган янгилик билан эскилик ўртасидаги кураш жараёнида илгор фикр устун чиқмоқда.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖАРАНГ тақл. с. Металл, чинни, шиша буюмларнинг урилишидан чиқадиган товуш ҳақида. *Чирманда бўғиқ гумбурлайди.*

Кўнгироқларнинг жарангидан ваҳима учеди. Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг [келин-чакнинг] кулгиси жонон пиёланнинг жарангидай тиниқ эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Одам-ларнинг қулоғига байту газалдан кўра ку-муш танганинг жаранги хуш ёқадиган бўлиб-ди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЖАРАНГДОР Баланд, йўғон, жарангли. *Жарангдор овоз. тт Анна Ивановна ўзининг жарангдор товуши билан қаҳ-қаҳ уриб кулди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Сизгадир юрак-нинг жарангдор куйи, Оқил Шарафиддин, машҳур отамиз.* А. Орипов.

ЖАРАНГ-ЖУРУНГ айн. **жангир-жунгур.** Бостирма устунига осилган рельс парчаси-нинг таниши жаранг-журунги бутун қурилиш майдонини тўлатиб янгради. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Оқтой ҳар бош силкитганда, бўйнидаги кўнгироғи жаранг-журунг қилар, унга сари ҳамма куларди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

ЖАРАНГЛАМА 1 айн. **жарангдор.** *Жа-ранглама дутор.*

2 кўчма Дабдабали, ҳашамдор; курук. *Жаранглама курук сўз эмас, иш керак.*

ЖАРАНГЛАМОҚ 1 Металлдан чиқа-диган сингари баланд овоз чиқармоқ. *Ток-чадаги чиннилар жаранглаб кетди. тт Лекин зум ўтмай яна рубоб жаранглади.* У. Ҳоши-мов, Қалбингга кулоқ сол. *Тўхтагоннинг кўнгироқдай жаранглаган овози қизларнинг кулгиси ичида алоҳида эшитилиб турар эди.* Ш. Рашидов, Голиблар.

2 кўчма Янграмоқ, баралла эшитилмоқ. *Менинг она тилим, жон ўзбек тилим, Катта оилада янгра, жарангла.* Газетадан. *Бу қўшиқ гоҳо авж пардаларда, гоҳо пастроқ оҳангларда жаранглаб туради.* Газетадан.

Қулоқлари жарангламоқ Қулоқларига жаранглаган овоз эшитилаётгағшек туюлмоқ (кучли ҳаяжон чоғида). *Йўлчининг юраги қат-тиқ уриб, қулоқлари жаранглади, тараддуд ичида тўхтади, лекин орқасига қарамади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАРАНГЛИ 1 айн. жарангдор. -*Нигора-нинг кулиши бундан ҳам жарангли, — деди ўзига-ўзи Шербек.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 тли. Товуш пайчаларининг иштироки билан ҳосил бўладиган, овозли. *Жарангли ундош.*

ЖАРАНГСИЗ 1 Жарангламайдиган. *Жа-рангсиз тиёла.*

2 тли. Товуш пайчаларининг иштиро-кисиз ҳосил бўладиган, шовқинли. *Жарангсиз ундош (товуш).*

ЖАРАҚ-ЖАРАҚ тасв. с. Асосан олтин-кумуш пулларнинг ялтираши ва жиринглаши; яхлит-яхлит (пул ҳақида). *Ер сот-ганларнинг кўпини кўрдик, охири гадоёй бўлади. Тўғри, ерни пулга сотадилар, нақд пулни жарақ-жарақ санаб оладилар.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Келиним ўлгурнинг ўзиям текистилда ишлаб, жарақ-жарақ пул олади, — деди кампир.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

ЖАРАКЛАМОҚ Ярақламоқ, ярқирамоқ, ялт-ялт этмоқ (асли олтин-кумуш пуллар ҳақида).

ЖАРАҚЛАТМОҚ Ялтилатмоқ; жи-рингладиб овоз чиқармоқ. *Пулни жарақлаштиб санаб олди.* **тм** *Ўтар бобо ясовулбошининг ён бераётганига суяниб, унинг киссасига жарақ-латибяна бир тилло ташлади.* С. Сиёев, Аваз.

ЖАРГОН \фр. jargon — маълум бир гу-руҳга оид сўз) Бирон ижтимоий ёки профессионал гуруҳга хос, фақат уларнинг ўзи тушунадиган ва адабий тилдан фарқ қиладиган сўз ва иборалар. *Чунки комедиявий фильмда ҳар битта арзимаган гапда ҳам бирон ишора, мажозий маъно, квсатиқ, шарт-ли тил [жаргон]га хос унсур, пичинг ва шу кабилар бўлиши мумкин.* Ғ. Саломов, Таржи-ма назариясига кириш.

ЖАР-ЖУЛҒА шв. Турган-битгани жар ерлар; жарликлар.

ЖАРИДА \а. ьял^ — газета; рўйхат| эск. Тўшлам, альманах, журнал. -*Бу, отажон, мажмуа, жариди, — деди Абдишукур, — ойда икки дафъа.. босилиб, аҳли илм орасида тар-қалади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўш вақт бермас жариди ҳам, Ноширликнинг иши кўп.* Э. Воҳидов.

ЖАРИЛЛАМОҚ шв. Шаллақилик қил-моқ. -*Бақираман! — деб жариллади жувон.* — *Узинг шаллақи. Хотининг ҳаёсиз!* Н. Қи-личев, Ёронгул.

ЖАРИМА [а. 4-^>?. — жиноят, гуноҳ] Қо-нун-қоидани бузганлик, қонун-қоидага хи-лоф хатти-ҳаракат ёки етказилган моддий зарар учун ундириладиган, тўланадиган пул. *Жарима олмоқ. Жарима солмоқ.* **итт** *Бефарзанд-лик аламин фуқародан оларкан, Ким фарзанд кўрса, унга хон жарима соларкан.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. *Бобоқулни судга чақиринди, жарима тўлаб келди.* Газетадан.

Жарима тўпи Футбол ўйинида: қоида бузган жамоа дарвозаси томон тепиладиган тўп. *Ўйгичилар жарима тўпи олдига йиғилиди.*

ЖАРИМАДОР Жарима солинган, тў-лайдиган киши ёки ташкилот.

ЖАРКОП \р. жаркое - қовурилган; қай-ноқ] Гўшт ва картошкадан тайёрланган қовурма овқат; қовурдоқ. *Хотиним жаркоп сузиб келди.* Т. Алимов, Одамсиз уйлар.

ЖАРЛИК 1 қ. жар I. Чуқур жарлик. *Туб-сиз жарлик.* **тм** *Олиинсой жарлиги қанча чу-қур бўлмасин, жуда тор ва тўғон қуришига ўнгай.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Боғнинг этак томони чуқур жарлик.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Саёҳатчилар жарликлардан ўтиб, тоғёнбағ-рига етдилар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Хавф-хатар, фалокат. *Шу топда унинг [Муқаддамнинг] кўнглида умид ҳам, қувонч ҳам қолмаган. Алимардон билан ўзининг ўртасида каттакон жарлик ётганини, бу*

жарлик кун сайин чуқурлашиб бораётгани-ни сезиб турарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ЖАРОҲАТ [д. - яра] **1** Шикаст-

ланган, синган, чиққан, яраланган жой; яра-чақа. *Огир жароҳат. Енги жароҳат. тт Доктор назоратида, кунлар ўтган сари жа-роҳатдаги яллиғланиши қайтиб, оёғим ердан енгил кўчадиган бўлиб қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ғуломжон сўнги зарбанинг огир жароҳатидан узоқ вақтларгача тузала ол-май юрди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бир чол жароҳатимга кигиз куйдириб босди ва бол-диримни латта бишин боғлаб қўйди.* А. Қаҳ-ҳор, Ўтмишдан эртақлар.

2 кўчма Катта зарар, зиён-заҳмат. *Биз мисли кўрилмаган қисқа муддат ичида уруш-нинг огир жароҳатларини тузатиб олдик.* Газетадан.

3 кўчма Алам, изтироб. *Бу воқеа Элму-роднинг дилида огир жароҳат қолдирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мезбон ўзи билмаган ҳолда ҳазилга йўйиб айтган икки огиз сўзи билан Йигиталининг юрагидаги жароҳат-га тегиб кетганини сезмади.* Д. Нурий, Осмон устун.

ЖАРОҲАТЛАМОҚ **1** Ярадор қилмоқ, шикаст етказмоқ. *А.Ульянов гирт маст ҳолда безорилик қилиб, Ф.ИЖравчукни жароҳат-лаган.* Газетадан.

2 кўчма Изтиробга солмоқ; азоб бермоқ. *Ҳамма иш жойида, лекин бир нарасагина кўнгилининг ингичка ерини жароҳатлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖАРОҲАТЛИ **1** Ярадор, яраланган, ши-каст еган. *Ҳозир саройнинг айна дарғазаб чоғи — ҳазрат жароҳатли ётибдилар.* Мирмуҳ-син, Меъмор.

2 кўчма Алам ўтган, доғланган, озор топ-ган; аламдийда. *Мазкур поэтик образ тари-хига назар ташласак, унда даврнинг суронли, жароҳатли, гам-ғуссали нидоси акс этган.* «ЎТА».

ЖАРРОҲ \а. ǰ-ǰʁʁ. — хирург] Касаллик-ни операция йўли билан даволовчи врач. *Гос-италда уруш чоғида, Нажот берди тахјю кўз жарроҳ.* З. Обидов, Яхши ният. *Ибн Ямин билан Ҳамза жарроҳга керакли нарсалар кел-тирибберибтурушиди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЖАРРОҲЛИК **1** Касалликни операция йўли билан даволаш. *Жарроҳлик бўлими.*

2 Жарроҳликка оид, алоқадор. *Жарроҳлик асбоб-ускуналари.*

ЖАРРОҲХОНА Жарроҳлик хонаси; жар-роҳлик шифохонаси. *Носир Хўжаев шифо-хонанинг жарроҳлик бўлимини жиҳозлаб, за-монавий асбоб-ускуналар билан таъминлаб, 11 йил давомида республикадаги энг яхши жар-роҳхоналардан бирига айлантирди.* Газетадан.

ЖАРЧИ **1** тар. Одамлар кўп тўплана-диган жойларда баланд овоз билан расмий эълонлар эшиттириб юрувчи киши. *Эрта-сига жарчилар шаҳар ва қишлоқларда халқни ҳашарга чорлаб, жар чақирдилар.* Ж. Шари-пов, Хоразм. *Шу пайт одамларни мажлисга чақираётган жарчининг товуши эшитилди.* А. Қаҳҳрр, Қўшчинор чирок^ари. *Мухаммад Раҳими соний Баҳодир ҳазратларининг шаҳ-ристон сайрига отланганини маълум қилиб, икки жарчи икки томонга от солиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 кўчма Хабар-дарак берувчи. *Қушлар мисоли бир жарчи, ҳамма нарсани олдиндан илғашади. Тўзиса, уйга қайтиб келмаса, de-Map, қандайдир кор-ҳол албатта бўлади, хо-надон ҳам тўзийди.* «Ёшлик».

3 кўчма Ташвиқотчи, тарғибот қилувчи. *Ҳамид Олимжон илм-маърифат, янги ҳаёт жарчиси бўлиб, ихлос билан хизмат қилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Малай, хизматкор, югурдак. \Йўлчи\ *Энди барчасидан воз кечди ва ўз ичида шун-дай ўйлади: [Абдишукур] Бойларнинг жарчи-си экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАРҚАЛДИРҒОЧ Узунқанотлилар тур-кумига мансуб, ерда юролмайдиган, лекин тез учадиган қуш.

ЖАРҚАНОТ Чумчуқсимонларга мансуб, қояларда, тик жарликларда яшайдиган куш.

ЖАРҒИ *шв.* Арра.

ЖАСАД \а. **I -7** — бадан; жусса] **1** Ўлик, мурда. *Йигитали етиб келганда, марҳумнинг жасади қабрга тушириляётган эди.* Д. Ну-рий, Осмон устунни. *Умрзоқ отанинг жаса-дини ҳам ана шу ерга кўмдилар.* Ш. Раши-дов, Бўрондан кучли.

2 Гавда, жусса. [*Ғофир Жамилага:*] *Бу зо-лимлар юрагимни сузуриб олдилар, қуруқ жа-садимни Сибир қилдилар, холос.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Холиса Тошхолга ҳурмат би-лан қизиқиб қаради. Она деса, ўзидан ёш; син-гил деса, жасади ўзига иккита келади.* С. Ну-ров, Нарвон.

ЖАСОРАТ \а. *СJJ* - мардлик, кўрк-маслик; шижоат] Қаҳрамонлик, мардлик, ботирлик, довюраклик. *Жасорат кўрсатмоқ. шш Ойқизнинг барча ҳаракатларини диққат билан кузатган Лола унинг жасорати ва мардлигига, чидам ва садоқатига қойил бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ўктам янги ёш колхозни оёққа қўймоққа азм ва жасорат билан киришиди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Жўра-хоннинг қаҳрамонлиги, жасорати, ёрқин хо-тираси, ишлари қалбларда, ҳаётда абадий қолади.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЖАСОРАТЛАНМОҚ *айн. жасурланмоқ.* *Паҳлавонларча жасорапъиниб кетган Омон шартта кўйлак-иштонини ечиб, ўзини ҳовузга ташлади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЖАСОРАТЛИ *Хавф-хатардан, қийин-чиликлардан кўркмайдиган, довюрак. Жа-соратли йигит. ти* Ҳаммасига бардош берган, ҳатто ўлимга ҳам неча бор мардонавор тик боқа олган жасоратли жангчининг ҳозир ўша-си тўлиб, кўзларига ёш келган эди. М. Хай-руллаев, Тилла маржон.

ЖАСОРАТСИЗЛИК *Хавф-хатардан, қи-йинчиликлардан кўркиш; журъатсизлик, кўрқоқлик. Гулнор гўёўзини жасоратсизлик-да айбланган ва ўз аҳволдан умидсизланган, ўксинган каби, кўзлари ёш билан тўлди.* Ой-бек, Танланган асарлар.

ЖАСУР \а. *jj* „„? — ғоят мард, кўркмас| қ. **жасоратли.** *Жасур жангдан кўркмайди, ёв-дан сира ҳуркмайди.* Мақол. *шт Мардлик май-дониди бел синаш учун Жасур ўзбек халқин ўгли отланди.* Ғ. Ғулом, Халқдадил боради. *Айниқса, хотинлар — оналар жасур. Улар Николайдан тортиб элликбошиларга қадар ҳаммани каргашади.* Ойбек, Танланган асар-лар. [*Унсин*] *Қаддини кўтариб, жасур боқди Шарофатхонга.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАСУРЛАНМОҚ *кам қўлл.* Жасорат қилмоқ; журъат қилмоқ, ботинмоқ, дадил-ланмоқ. [*Бектемир*] *Кейин бир қадар жасур-ланиб.. бошини бир-икки марта кўтариб қўйган эди, каскасининг ёнидан визиллаб ўқ учди.* Ойбек, Куёш қораймас.

ЖАСУРЛИК қ. **жасорат.** *Тепалик учун бўлган жангда жасурлик кўрсатиб, душман-нинг жоши кучларига, техникасига талафот етказгани учун кўмондонлик.. Бегижон Қур-боновни.. медаль билан мукофотлади.* Н. Са-фаров, Севги. *Ўғлим, бугун жасурлик Кўрса-тишининг вақтидир.* З. Диёр.

ЖАСУРОНА *рви.* Жасурлик билан, кўркмасдан; мардона. *Жасурина курашмоқ. Жасурина кураш. ти* Чиндан ҳам бу жасурина исён хотин-қизлар томонидан Худоёрнинг ҳайвоний истагига қариши биринчи кўтари-лиши эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЖАТ: **жатиға қолди** Бошқаларнинг қил-миши учун жавобгар бўлиб қолди, касри-га, балосига қолди. *Қилгиликни у қилди-ю, жатиға мен қолдим. ти* Унинг | *Полвоннинг*] *жатиға қолхоз катта-кичиклари олдида Холмирзанинг юзи шамгин бўлиб қолди.* Ҳ. На-зир, Ўтлар туташганда. *-Сенинг жатингга қовун билан тарвуз паттачининг қўлида қолиб кетди, — деди Шум бола Омонга.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Бул хабарни падар эшит-канлари ҳамон хитоб қилдиларки, «Сан ҳаромзода фарзанди ноқобилнинг жатингга қоладирганга ўхшайман..».* А. Қодирий, Ки-чик асарлар.

ЖАФО [a. c\JL^ — қўполлик; зулм] Маъ-навий, руҳий ва жисмоний эзилиш, азоб-укубат, кулфат. *Айрилиқ жафоси. иши \Ғофир:\ Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобига яши-ринган зулмдан, жафолардан биз шўринг қур-гурлар кимга дод деймиз ? Кимга ? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Тўрт йил жафо чеккан ватан-дош, ўртоқ, Бу йилги байрамнинг муборак энди. Ғ. Ғулом.*

ЖАФОДИЙДА [a. + ф. - жафо кўрган] қ. **жафокаш.** *Мен ҳам жафодийда, чайир, тоғбардош, Менинг ҳам еганим ўша ҳалол нон. Миртемир. Жафодийда дўст эканку ул, Дўст нимадир, ўз экан-ку ул. М. Али, Бокий дунё.*

ЖАФОКАШ [a. + ф. (jI^Lia.- жафо тор-тувчи] **1** Азоб-укубатлар тортган, бошидан кулфатлар, оғирчиликлар кечирган, эзил-ган. *Истар эди жафокаш инсон: Баҳор каби гулласа олам, Баҳор каби кулса озодлик, Бар-ҳам топса қуллик, кишан, гам. Уйғун.*

2 кўчма Меҳнаткаш, меҳнатсевар. *Ўлма, эй қўли канд, жафокаш бозбон, Яшай бер, бозларга чулганган Ватан. Ғ. Ғулом. Орамиз-да шундай беминнат, жафокаш кишилар бор-ки, улар катта-катта юмушларни бажариб қўйишади-ю, бу ҳақда миқтанишни ёмон кўришади. Газетадан.*

ЖАФОКАШЛИК **1** Азоб-укубат кўриш, кулфат, оғирчиликларни бошдан кечириш. *Унинг [Саодатнинг] кичик, кўкишироқ кўзла-ри оғир меҳнат, жафокашлик.. қийинчилик-ларга қарамай, ўз гурурини йўқотмаган узун умрнинг тарихини жонли ифода қилар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 кўчма Меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик. *Унинг [Толибжон аканинг] сиймосида муш-фиқ онадаги болажасоюшкни, жафокишишкни, олижанобликни кўрасиз. Газетадан.*

ЖАФОКОР [a. + ф. jI^U^ - жафо қи-лувчи] Жафо қилувчи, эзувчи. *Қолаверса, ўзимизнинг шоир бобомиз Бобораҳим Машираб-нингҳақ, ҳақиқаш, адолат, муҳаббат ҳақида-ги, инсофсиз ҳукмдорлар, золимлар, рижкор шайх, зоҳидлар, жафокор ҳокимлар сирру ас-рорини элга фош қилувчи оташин газаллари-ни.. ким билмайди?! К. Яшин, Ҳамза.*

ЖАФОКОРЛИК **1** Азоб беришлик, қийнашлик. *Сен шаҳаншоҳ^ткни олгин, Мен-га қуллик бўлса бас, Бор жафокорлик сен-га-ю, Бор вафодорлик менга. Э. Воҳидов, Муҳаббат.*

2 Қийинчилик, қийинлик, машаққат. *Болаларининг бахти учун ҳар қандаи жафокорликка ўзини отган меҳрибон, шафқатли она! Ойбек, Танланган асарлар.*

ЖАФОЛАНМОҚ Жафо тортмоқ, азоб-укубатлар чекмоқ, бошдан кулфат, оғирчиликлар кечирмоқ.

ЖАФОЛИ Жафо, азоб-укубат, кулфат ва оғирчиликлар билан тўлиб тошган, машаққатли. *Ўқиш — жафоли, кети — вафо-ли. Мақол. ти Шоир ўзбек халқининг тарихий кишилари образини, бой ва гўзал табиатини, жафоли ўтмишини, бугунги фаровон турмушини тасвирлайди. Газетадан. Бу асарлар бўлгуси эзувчини мафтун этади, унга ўтмиш-нинг отр машаққатини тортган ўзбек халқи-нинг жафоли ҳаётидан кўп нарсалар ўргата-ди.«ЎТА».*

ЖАҒ **1** Одам ва ҳайвонларда калланинг тишлар ўрнашган суяги. *Устки (тепа) жағ. Пастки жағ. тт Отақўзининг кўзлари қиси-либ, жағ пайлари туртиб чиқди. О. Ёқубов, Диёнат. У [Қаландар ака), кўзлари бир нуқ-тага қадалиб қотиб қолгандай, қимир этмай турар, фақат жағи титрар эди. С. Карома-тов, Ўткиод. Вакил қулочкашлаб жағимга урди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

2 Оёқ кийимининг юзи билан тагчарми бирлашган ери, олд ёнлари. *Аксаринингуст-боши юпун, маҳсиларининг йиртиқларидан кир пайтавалари осилиб туради, кимларда похол тиқилган эски калиш, кимларда жағи йир-тиқ кавуш, лекин улар шод. Ойбек, Танланган асарлар. У ўзининг пахтаси оқиб ётган қизил чит тўни, жағи ажралган*

кавуши, пилталари чиқиб кетган дўпписи билан бош-қа болалардан ажралиб турарди. Ойдин, Ҳикоялар.

3 махс. Баъзи асбобларнинг қисадиган, кесадиган қисми. *Омбир жағи. Қайчи жағи.*

4 Киши, одам; нонхўр. *Бир ишловчига уч жағ эдик, бойга ортиқчалик қилиб қолдик.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. *Лекин оила-да жағ кўпаигач, шундоқ ҳам қўл учида, та-бибчилик билан тирикчилик қилиб келаётган Ибн Ямин қийналиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

Жағи очилмоқ 1) жаҳлланиб гапира бош-ламоқ. *Шу важдан кампирнинг жағи яна очил-ди, Сидиқжоннинг ўтмишини, қизишинг қил-мишини яна таъна қила бошлади.* А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқдари; 2) ҳаракати бошлан-моқ; овози эшитилмоқ. *Яна душман пулемёт-ларининг жағи очилди, бир неча жангчи йи-қилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. **Жағи очик**

1) кўп гапирадиган, вайсайверадиган; вай-сақи; 2) кўп йиғлайдиган, йиғлоқи. *Жағи очик бола.* **Жағи тинмайдиган** 1) айн. **жағи очик;**

2) доим овқат чайнайдиган, овқатдан оғзи бўшамайдиган. **Жағ гиш айт. озиқтиш қ. озиқ.** **Жағ урмоқ** Ҳадеб гапиравермоқ.

ЖАҒДАЙ шв. Мазмун, мохият; йўналиш, ҳолат. *Абдулазиз баққол ҳар бир гапида «бари бир ўладиган дунё», дебҳасратга тушиб кет-ган, бу ширакайф қиморбозлар гапининг жағ-дайига қараб туриб, шаҳар у ёқда турсин.*

Оқсойни олишларига ҳам кўзи етмай қолди. С. Анорбоев, Оқсой.

ЖАҒЖАҒ Крестгуллиларга мансуб, май-да оқ гулли ва халтача шаклида кўзокли бир хил ўт. *Жағжағни тоғлик аҳоли кўпинча очам-бити деб ҳам аташади.* Газетадан. *Ариқлар бўйида ўтлар кўкариб, чучмомалар гуллабди, қизчалар, укам тенги болалар тўп-тўп бўлиб жағжағ, отқулоқ узишяпти, кўк беда териш-япти.* Х. Тўхтабоев, Беш болали йигитча.

ЖАҒИЛЛАМОҚ «Жа-а-ағ» деган чўзиқ товуш чиқармоқ. \Алижон\ *Супада жағиллаб қайнаб турган самовар ёнига борди.* Мирмуҳ-син, Чиникиш. *Салмон ака самовари Қай-наб ётар жағиллаб.* Т. Тўла.

ЖАҲАЛДИРИК фольк. айн. **жазлик.** *Чир-гининг устидан қўйди белликни, Боз устидан ташлаб жаҳалдирикни.* «Алпомиш».

ЖАҲАННАМ [а. - дўзах] **1 дин.** Гу-ноҳкорларнинг руҳи нариги дунёда доимий азобда яшайдиган жой; дўзах. *-Жаҳаннам қаърига кетибди золим! — деб гап отди Содиқ темирчи.* \. Гулом, Машъал.

2 кўчма Чидаб бўлмайдиган шароит, азоб, оғир муҳит. *Октябрнинг охири эди. Кун иссиқ бўлса ҳам, лекин ёз ойлариинг жа-ҳаннамга нисбатан бу фаслнинг хавоси покистонликлар учун жуда мулоим, ҳатто салқиндек сезилар эди.* Ойбек, Нур қидириб. *Нега она тўнғич қизини жаҳаннамга таш-ламоқчи? Остин-устин бўлиб кетдими бу дунё? И. Раҳим, Чин муҳаббат. Гулнор уч кунни жаҳаннам азобида ўтказди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кам қўлл. Жарлик, жар; тубсиз ер. *Нима қиларди дейсиз, ҳамма гап сувда-да. Мана шу жаҳаннамда оқайтган сувни баланд кўтариб, чўлларни обод қилмоқчи бўлган, дейдилар.* Ойдин, Ширин келди.

Жаҳаннамга юбормоқ Ўлимга юбормоқ, ўлдирмоқ. *Бола учинчи дев билан ҳам олишиб, етти кундан кейин, охири жонини жаҳаннамга юборибди.* «Олтин бешик». - *Пашиша талайп-тими, ҳозир ҳаммасини жаҳаннамга юбора-миз, қорачси!* — *пашишаларни эзиб давом этди Жўра.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖАҲД \а. — ҳаракат; меҳнат; инти-лиш] Зўр бериш, ғайрат. *Жаҳд билан ишла-моқ. Жаҳд қилмоқ.*

ЖАҲД-ЖАДАЛ, жаҳду жадал Зўр ғай-рат, ғайрат-шижоат. У \Мирзо\ *жаҳду жадал билан бу сафарининг поёнига етмаги, мақсадига эришмоғи лозим.* А. Ҳақимов,

Илон изидан. *Зафарингиз* учун камина қўлдан кел-ган қадар жаҳду жадал кўрсатгусидир. Ой-бек, Навоий.

ЖАҲЛ [а. — нодонлик; аклсизлик; жаҳолат] **1** Ножўя хатти-хдракатдан, гапдан ёки воқеа-ходисадан ранжиш, аччиқданиш, газабланиш туйғуси; ғазаб. *Жаҳл — душман, ақл — дўст.* Мақол. **н** *Муҳаррир жаҳл билан календарини шарт-шарт варақлади-да, бит-та бетини юлиб олди.* У. Усмонов, Сирли соҳил. *Аҳмаднинг жаҳли тез, сал нарсага ту-тақиб кетади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 айн **жаҳолат** **1.** *Мактаб анжуман бор-гил, унда фикр очиб гоҳи, Илму фан тиги би-лан жаҳл бағрини қон кил.* Ҳамза.

Жаҳл устида Аччиғи, ғазаби келиб тур-ган пайтда. *Жаҳл устида оғзимдан бирор ёмон сўз чиқиб кетади. Увақтда кўнглингиз оғрий-ди, қўйинг, эрталарга сўзлашармиз.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. У [Ёдгор] *Чароснинг онаси жаҳл устида шу ишни килган бўлса керак, дебўйлаганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинг-га қулоқсол. **Жаҳли бурни учида** Жаҳли тез, аччиғи тез. *Баъзи актив акашар Жаҳли бу-рун учида.* «Кўшиқдар». *Жаҳли бурнининг учига келиб, бош агроном М.М.Христенкони чақиртирди.* «Муштум». **Жаҳли чиқмоқ** Ға-забланмоқ, аччиқланмоқ. *Ҳозир жаҳли чи-қибўтирган бу аёл кўзига жуда қадрдон кўри-нибкетди.* У. Ҳошимов, Қалбингга қулоқсол. *Мингбошининг жаҳли чиқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Адолат неча кунгача бу хил ҳазил-ларга кўниқолмади, гаши келди ва ҳатто жаҳли чиқиб, баъзи солдатларга ўшқириб бер-ди ҳам.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Жаҳлидан тушмоқ** Ғазаби пасаймоқ, аччиғи юмшамоқ. *Жувон унинг [Сидиқжоннинг] ўтиришини кўриб, бир оз жаҳлидан тушди.* А. Қахҳрр, Қўшчинор чироқлари.

ЖАҲЛДОР Салга жаҳли чиқаверадиган, ҳадеб жаҳл қилаверадиган; сержаҳл, аччиғи тез. *Жаҳлдор одам.*

ЖАҲЛЛАНМОҚ Аччиғи келмоқ, ғазаб-ланмоқ. *Қози жаҳлланиб, афандит чақиртир-ди.* «Латифалар». *Истат жаҳлланиб, турмуш ўртоғини жеркиб ташлади.* Газетадан.

ЖАҲЛЛИ **1** айн. **жаҳлдор.** *Жаҳлли киши.*

2 Ғазабли, ғазаб билан тўла, ғазабноқ. *Жаҳлли одам.* **ии** -Ҳа, бу ёққа қаранг! — чақирди *Мастура жаҳлли овоз билан.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ЖАҲОЛАТ [а. сА\^ — нодонлик, акл-сизлик; илмсизлик] **1** Илмсизлик, қоқоқлик, маданиятсизлик, нодоплик. *Аёллар ўтмишида ҳаммадан кўп зулм кўрган, ҳаммадан кўп жа-ҳолатда қолган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 айн. **жаҳл** **1.** *Қутидор уялиш ва ўкинishi орасида: -Жаҳолат келса, акл қочадир, қизим!*

— деб қўйди. А. Крдирий, Ўтган кунлар. *Со-дикжон бойваччанинг жаҳолати қанақалиги-ни у [Юсуф қизик] яши биларди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЖАҲОЛАТПАРАСТ [а. + ф.

— жаҳолат тарафдори] Эскиликка ёпишиб олган, эскилик, қоқоқлик тарафдори, илм-маърифат, маданият душмани. *Зайниддин дарчадан кўчага мўралаган эди, ҳар томон-дан муллалар бошчилигидаги бир тўда жаҳо-латпарастларнинг «Во шариято!» деган ҳай-қириқларини эшитди.* С. Кароматов, Бир том-чи қон. *Жаҳолатпарастлар XVIII асрда Па-риж атрофида қурилган биринчи ҳаво шари-ни мажсақлаб ташлаганлар.* Газетадан.

ЖАҲОН [ф. ~ дунё, олам] **1** Ер юзи ва ундаги бутун борлик; дунё, олам. *Бутун жаҳон.* **итт** *Канал, қирк йилдирки, жаҳонни ҳайратга солиб келади.* «Ўзбекистон кўриқ-лари». *Одам одамга дўст-ўртоқ бўлиб қолди. Жаҳон тарихида янги давр бошланди.* Н. Са-фаров, Оловли излар. *Бу жаҳонда бундай дилбар бўларми, Жамолини кўрган омон қолар-ми?* «Муродхон».

2 поэт. Дунёдаги ҳамма халқлар, бутун инсоният. *Сен ҳайқирдинг, жаҳон ҳайқирди: Йигит-қизлар интиқом учун. Оталар ва оналар ўзни Чоғладилар шараф, шон учун.* Ғайратий.

3 Жаҳон (хотин-қизлар исми).

Бир жаҳон 1) жуда кўп, сон-саноксиз, беҳисоб. *Унинг жаҳли чиққан, бир зумда бир жаҳон гапни гапириб ташлади.* Ойдин, Уял-ди шекилли, ерга қаради; 2) жаҳонга арзирли, жаҳонда ягона гўзал, чиройли. *Ҳуш келибсиз, ажаб меҳмон экансиз, Ҳушрўйликда сиз бир жаҳон экансиз.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. *-Йигит бўлганда ҳам, бир жаҳон эди, — деди Қамчи.* Ҳ. Ғулом, Машғал. **Жа-ҳон чемпионати** Жаҳон бўйича ўтказилади-ган мусобақа. *Чарм тўп усталари жаҳон чем-пионатининг тантанали очилишига бағиш-ланган маросим ўзига хос байрамга айланди.* Газетадан. **Жаҳонга донғи кетган** Дунёга маш-хур, танилган. [Темур] *Самарқанд обидаларидек санъат асарларининг бунёд бўлишига ҳомийлик қилган, жаҳонга донғи кетган олим-ларни тўплаб, уларга шароит яратиб берган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. **Икки жаҳон овораси қ. овора 1. Ойнаи жаҳон қ. ойна.**

ЖАҲОНБАХШ [ф. *J^oh+* ~ жаҳон-ни ҳадя қилувчи] поэт. Сахий, кўли очик.

ЖАҲОНГАШТА [ф. <u^l4^ - кўп саёҳат қилган, жаҳон кўрган] Дунёни кез-ган, кўп ерларни кўрган, кўп саёҳат қил-ган. *Жаҳонгашта сайёҳ, тит Авазбой жаҳон-гашта одам бўлиб, Россияда бўлиб туради-ган ярмаркаларга ҳам қатнашиб турар экан.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Узоқ ўлкаларда жаҳонгашта бўлиб, она дийдорига муштоқ бўлиб юрган фарзанд учун онанинг саломат-лигидан аълороқ нарса борми дунёда!* Т. Рус-тамов, Мангу жасорат.

ЖАҲОНГАШТАЛИК Дунёни кезиш-лик, кўп саёҳат қилишлик. *Тўғонбекнинг хаёли эса ҳар вақт жаҳонгашталик олами-да парвоз этади.* Ойбек, Навоий. *Жаҳонгаш-талиқ, сафарнинг хосиятлари ҳақида гап-лашиб, тоғ оралиқлари, ҳатто доводдан ошганимизни ҳам билмай қолибмиз.* Шукрул-ло, Жавоҳирлар сандиғи *Шу билан Виктор-нинг жаҳонгашталиги бошланган. Олдин Москвада яшаган, сўнг ўзи Тошкентга кел-ган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЖАҲОНГИР [ф. <г - жаҳонни олувчи, эгалловчи] 1 Дунёни забт этган; жаҳонни забт этган ҳукмдор. *Тўғри, хозирги портрет жаҳонгирнинг бош суягига қараб чизилган.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Кўзлари киртайиб, ранги кетиб қолган Инол-чиқ кенг кўкрагини кериб, жаҳонгирга ти-килганича қотиб қолди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё, Ҳаммасига гувоҳ — ер ости.* А. Орипов, Юртим шамоли.

2 эск. Империалист.

3 Жаҳонгир (эркаклар исми). **ЖАҲОНГИРЛИК** эск. Империализм; империалистик. *Жаҳонгирлик уруши айни авжига чиққан чоқ.* Н. Сафаров, Оловли из-лар. *Жаҳонгирлик уруши мамлакатдаги барча зиддиятларни кучайтириб юборди.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

. **ЖАҲОНДИЙДА** [0. бл^Ц^ - жаҳон кўрган] Кўпни кўрган, катта турмуш тажрибасига эга бўлган. *-Уруш — оғир имтиҳон, ҳар бир жанг — сабоқ, — деган экан жаҳондийда саркардалардан бири.* Газетадан. *Қиш қуруқ келди. Жаҳондийда деҳқонлар, еуе бу йил ҳам камчилроқ бўлади, дейишяпти.* Газетадан.

ЖАҲОНДОР [ф. *jl^L^ - кучли под-шоҳ]* Жаҳон хркими, бутун дунёга ҳукмрон-лик қилувчи.

ЖАҲОН-ЖАҲОН Жуда кўп, сон-санок-сиз, беҳисоб. *Парталарда ўтирар ўғил-қизлар ёнма-ён, Кичкина юракларда орзулар жаҳон-жаҳон.* Ю. Ҳамдам.

ЖАҲОНИИ қ. оламшумул. *Бу кучли иро-дани, бу жаҳоний қудратни Ҳар кимки мен-симаса, ўзи-ўзига золим.* Ғ. Ғулом. *Она-Вата-нимизнинг куч-қудрати ва жаҳоний обрў-эътибори тинмай ортаверсин.* Газетадан.

ЖАҲОННАМО [жаҳон + ф. L»i. - кўр-сатувчи] фольк. Жаҳоннинг истаган ерини кўрсатувчи кўзгу; ойнаи жаҳон. *Телевизор деган жаҳоннамо чиқибди, маза қилиб кўриб турибмиз [деди Йўлдош бобо].* Ё. Шукуров, Дўстлар.

ЖАҲОНШУМУЛ [жаҳон + а. J^b -қамраб олиш, умумийлик] қ. оламшумул.

Колхоздаги беш юз ўттиз хўжалик, беш минг жон жаҳоншумул ишларни қилиб кўйганлар. Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖАҲР [a.j-e-^ . — баланд овоз чиқариш] **1** дин. Овоз чиқариб қилинадиган зикр. *Ярим кечагача сайил қилиб, жаҳр, зикр-самони кўриб томоша қилмоқ баҳонаси билан.. мас-жидга кирдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 қ. жар II.

ЖАҲРИЯ **1** Ошкор, овоз чиқариб зикр қилувчилар. *Занги бобо мазори ёнидаги мас-жидда шайхлардан чиққан жаҳрия эшонлар ўз муридлари билан зикр тушишимоқда эди — буни ҳам кўрайлик, деб кирдик.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари.

2 Тарикат йўналишларидан бири. *Буунинг жаҳрия тариқатига мансуб эканлигига ишо-ра эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЖГУТ [укр. жгут — эшилган пилик] Қон тўхтатувчи эластик резина найча ёки бинт. *Қон тўхтатиши учун ишлатиладиган жгут резина найдан иборат бўлиб, бир томонда илмоғи, иккинчи томонда занжир бордир.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЖЕВА фольк. Қурол-аслаҳа.

ЖЕВАК **1** этн. Хотин-қизларнинг бўйни-га такадиган зийнат буюми. *Келиннинг олтин-кумуш, мис жеваклари қозикларга илиб қўйилган.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш ури-нишлари.

2 Дераза, эшик ва мебелларга зийнат бериш учун ишлатилган металл кубба. *Деразалари ҳовлига қараган бинонинг ялтироқ мис жеваклар қоқилган қалин дарвозаси ол-дида усти жилд билан ёпилган бир неча тўп турарди.* М. Жўрабоев, М. Б.мартабаси.

ЖЕВАХОНА фольк. **1** Қурол-аслаҳахона. *Аскар жевахонадан бирқиллатиб тўпни ота-ётибди.* «Ҳасанхон».

2 Сайисхона; эгар-жабдуклар турадиган уй; отхона.

ЖЕВАЧИ фольк. Қурол-аслаҳахона бош-лиғи. *Бўйлари муносиб қадду бўйинга, Қоро-вул жевачиларинг билмасин.* «Гулихиромон».

ЖЕЗ Мис, рух ва қалай қотишмаси. *Тах-таланган жез. Жез тўқа. ттt Ҳожимат пичогини жез пойнакли қинига сола туриб жавоб берди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Унинг [Раҳим Саидовнинг] эсига эрталаб хотини улоқтирган жезузук тушди.* У. Умар-беков, Ёз ёмғири.

ЖЕЗЛ \р. жезл — куч-қудрат, ҳокимият рамзи сифатидаги таёқча] **1** т.й. Поездлар ҳаракатини тартибга солиш учун қўлла-надиган металл таёқча (бу таёқча машинист қўлига берилгач, кейинги станциягача йўл очилади).

2 Кўча ҳаракатини тартибга солувчи милиционернинг ола-була таёқчаси. **ЖЕЗНА** шв. Почча.

ЖЕК: жек кўрмоқ Ёмон кўрмоқ. *Ўзин-гиз жек кўргангиз учун, мени ҳам ўзингиз-дек фаҳмлаб, кирмайсиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖЕКИРМОҚ Дўқ уриб гапирмоқ, ўда-ғайламоқ, дўқ қилмоқ, ўшқирмоқ. *Менга жекираверма! ттt Коля гангиб қолди. Ука-ларига нима деб жавоб қилишини билмасди. Эшикни қаттиқ тортувди, навбатчи же-кирибберди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. \Ҳазрат\ Қўлларини паҳса қилиб жекирди. К. Яшин, Ҳамза.

ЖЕЛ Эски вақтларда: маҳбусларнинг бўйнига ва оёқ-қўлларига солинган кишанларга боғлаб қўйиладиган занжир. *Аммо бу мириабхонанинг тор қамоқхонасини*

тўлди-риб оёқларига кунда, қўлларига қўлкунда, бўйинларига жел урилган бир неча банди ёт-моқда эди. С. Айний, Қуллар.

ЖЕЛА шв. Тузоқ.

ЖЕЛАК шв. 1 Нимча, енгсиз юпқа кийим. Максим полвон енгсиз, ёқасиз же-лак кийиб чиқди. Т. Мурод, Юлдузлар ман-гу ёнади.

2 Хотин қизлар бошга ташлаб юрадиган рўмол. Хурихон ишга желак ёпиниб келган. Р. Раҳмон, Мехр кўзда. Бошида желаги бор, қўлида малаги бор, ошна сойнинг таниши тўлқинларига кўп қарамайди. Миртемир, Тингла, ҳаёт.

ЖЕЛАТИН \фр. gelatine — дирилдоқ, елимшак < лот. gelatus — музлаган] Ёш мол суяги ва терисидан тайёрланадиган бир нав елимшак модда. Аччиқ ва ҳидли дорилар ало-ҳида желатин гилофида ичилади. Н. Исмой-лов, Касалларни парвариш қилиш.

ЖЕЛАТКА с.т. Жилетка.

ЖЕМ \ингл. jam — мураббо| Қуюқ шин-ни; мева қиёми. Олма жем.

ЖЕМПЕР \ингл. jumper — ёқасиз коф-та] Жун, ип ёки ипақдан тўқилган, тугма-сиз ва ёқасиз кофта. Дераза олдидан мовий жемпер устидан елкасига оқ халат ишиб ол-ган аёл турарди. Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор. Хотинимга, етти йил бўлди, битта жемпер олиб беролмайман. С. Ахмад, Юлдуз.

ЖЕНЬШЕНЬ [< хит. «одам-илдиз»] Узоқ Шарқ ва Хитойда ўсадиган доривор ўсимлик. Бундай вақтларда атторлар дори-га ишлатиладиган женьшень ва ёш кийик-нинг ичида қони қотмаган мугузини харид қилар эдилар. М. Осим, Карвон йўлларида. Женьшень дарахт илдизига ўхшаган ўсимлик бўлиб, Узоқ Шарқнинг ўрмонзор зоналарида ёввойи ҳолда ўсади. Газетадан.

ЖЕРКМОҚ қ. **жекирмоқ**. Аёл бизга ноз-ланиб суйкалса, уни жеркиб ташласак, қан-дай малол келади?! Мурод, От кишнаган оқшом. Олим полвоннинг гапига Қудратнинг энсаси қотди шекилли, уни жеркиб берди. Ҳ. Ғулом, Машғал.

ЖЕТОН \фр. jeton — металл, пластик нишон < jetere — ташламоқ, ирғитмоқ] Пул ўрнига ишлатиладиган ёки бирор нарса олиш учун ҳуқуқ берадиган тўғарак металл ёки пластмасса. Метро жетони.

ЖИБЛАЖИБОН 1 Чумчуқсимонлар туркумига мансуб, узун думли кичкина қуш. [Баззоз йигит:\ Ўзим бор эдим, тақсир, ос-мондан лаганга лоп этиб тушди, ўша он те-памиздаги дарахт шохидан жиблажибон тир этиб учди-кетди. Ойбек, Улуг йўл.

2 кўчма Серҳаракат (одам ҳақида). Баъ-зан Умрзоқ ота: -Ўзинг қилтиллаб турсанг ҳам, тиним билмас жиблажибонга ўхшайсан, кампир, — дерди. Д. Нурий, Осмон устун.

ЖИВИЛЛАМОҚ қ. **живирламоқ**.

ЖИВИР-ЖИВИР тақл. с. Кўзни қамаш-тирадиган даражада товланувчи, жуда май-да ва кўп нарсаларни билдиради. Саратон живир-живирдан кўз толиқади. Лекин гўза-лар тиззага уриб, қийгос кўсақлаб ётибди. «Ўзбекистон кўриклари». Қамчи янги қизил тўн кийган. Ҳошиясига аллақандай живир-живир гул нақшланган. Ҳ. Ғулом, Машғал. Денгиз сатҳи живир-живир олтин юлдузлар билан тўлиб кетди, улар ҳам булар орқасидан чопишади. Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.

Живир-живир товланмоқ Ранг-баранг тусда кўринмоқ, жилва қилмоқ. Унинг [бой-нинг].. шоху яктаги қуёшда живир-живир товланиб, учқуи, шиниб ялтирар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Булоқ суви айниқса ой-динда ишша каби ялтирар, живир-живир товланарди. Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. **Жи-вир-живир қилмоқ айн. живир-живир товлан-моқ ва живирламоқ.**

ЖИВИРЛАМОҚ 1 Ранг-баранг тусда товланмоқ, жилва қилмоқ. Қия очиқ дарча-дан тушган ойдин.. гиламларнинг гуллари ус-тида живирлаб, хаёлий, майин манзаралар, ўйинлар ясар. Ойбек, Навоий.

2 Чаплашиб кўринмоқ, бир-бирига чап-лашиб, кўзни толиқтирмоқ (жуда майда, нозик хат, нақш, гул ва ш.к. ҳақида).

ЖИГАР \ф. JL*. — ички аъзолардан бири; бағир) 1 *анат.* Одам ва ҳайвонларнинг ўт (сафро) ишлаб чиқарадиган, организмда моддалар алмашинувини таъминлайдиган ички аъзоси. *Жигарим оғрияпти. Жигар ка-салликлари. ит Шу қишда унинг [онанинг] жигари хасталаниб, оёқлари шишиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Алкоголь нафақат жигарга, балки ошқозон-ичак йўлла-рига, юрак томирларига, бош мияга, умуман, бутун ички аъзоларга ҳалокатли таъсир кўрсатади.* Газетадан.

2 Ҳайвонларнинг овқат сифатида ишла-тиладиган шу аъзоси. *Қовурма жигар. Жигар кабоб.*

. 3 *кўчма* Энг яқин киши, туғишгандай яқин биродар; фарзанд. *Сен етим эмассан, Тинчлан, жигарим. Ф. Ғулом. Мадамин бунни кутмаган бўлса керак, шовқин солди: -Хизматкорим эмас! Худойкул менинг ўз жига-рим, аммадан қолган сағир. П. Турсун, Ўқитувчи. Авазнинг бир дардига юз дард қўшилди. У жигарларини хаёлчан мунгайиб кузатиб қўйди. С. Сиёев, Аваз.*

Жигари сув бўлмоқ Қийналмоқ, азоб чекмоқ. *Пахта деб жигарим сув бўлди-ю, маккажўхориға нима бор. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Жигаридан урмоқ* Мафтун қилмоқ, юрагидан урмоқ. *Инобатхон инсти-тутнинг биринчи курсидаёқ менинг жигарим-дан уриб қолган эди. Ғайратий, Довдираш. Жигари хун бўлди қ. хун 1.*

ЖИГАРБАНД [ф. аʻjSʌ. - фарзанд; яқин киши] Энг яқин, бир туғишган қарин-дош (фарзанд, ака-ука, опа-сингил). *Жигар-бандлари йўлида кўзлари нигорон бўлган она-лар, отасиз ўқиб ўсган ўғил-қизлар, фар-занд доғида юрак-бағри қон оталар ҳозир ҳам озми?Н. Сафаров, Оловли излар. Эҳтимол, Курбон онаизорини, жигарбандларини, севаи-лисини согиниб, ҳижрон ўтида юраги ёнаёт-гандир. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Элгел-ди, ўлимнинг совуқ нафасини сезгандай, ёл-ғиз жигарбанди олдида ўзини оқлашга ти-ришар эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

ЖИГАР-БАҒИР: жигар-бағридан урди Мафтун қилди, шайдо қилди. **Жигар-бағри** эзилди қ. **юрак-бағри** эзилди қ. **эзилмоқ 2...** *Бу-виниса энди фарзандининг жасади устида жигар-бағри эзилиб, кўзларидан сел-сел ёш тўкди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЖИГАРГЎША [ф. ~ фарзанд]

қ. **жигар 3.** \Хусайн:\ *Мўмин, жигаргўшам, саломат келдингми? Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Жигаргўшалар овқат-лангани ўтирдилар. М. Муҳамедов, Қахра-мон изидан.*

ЖИГАРПОРА \ф. ʋLʌ - жигари пора бўлган, жигарининг бир парчаси эзилган] *айн. жигарбанд. Одилбика уни бағрига босиб: -Укажоним, жигарпорам, меҳрибоним, сени кўрар кун ҳам бор экан-а, — деб йиғларди. Ж. Шарипов, Хоразм. Нақадар бахтлидир она бечора: Наҳотки, шу ўғил, шу жигарпора. Ҳ. Олимжон. Ширмонхоннинг юраги алланечук бўлиб кетди. Назарида Маҳмуд унинг ўғли-дек, жигарпорасидек бўлиб туюлди. С. Зунну-нова, Олов.*

ЖИГАРРАНГ Қизғиш, қизил; жигар рангига ўхшаш. *Санобархон оёғига пайтава ўраб, маҳсисини кийди. Жигарранг шол рўмо-*

6—Ўзбек тилининг изоҳли луғати

94

ли устидан телпагини бостириб, тайёрман, деган маънода Адолатга қаради. С. Зуннуно-ва, Гулхан.

ЖИГАРСЎХТА [ф. аʻjʌʌ - жигари куйган, ёнган] 1 Оғир мусибат чекиб эзил-ган, кўнгли ярим бўлиб қолган; хастадил.

2 *кўчма* Мафтун бўлган, юрак-бағридан урган, ошиқи беқарор.

ЖИГАРХУН [ф. *j j ^ .* - жигари қон] Эзилган, қийналган, хуноб бўлган. *Фарзандин қабрида она жигархун, Унинг фарёди-дан дунё гамхона.* А. Орипов, Хайрат.

Жигархун бўлмоқ *ait. жигари сув бўлмоқ. қ. жигар.* [Исомиддинов] *Энг сўнг шундай деди: -Ота, ахир биз ери кўп муштумзўрларнинг оёғи остида эзилдик, жигархун бўлдик, энди орқамизга офтобтегсинми, йўқми? \.* Шамс, Душман. *Одамда виждон ҳам бўлмасми ҳатто, Сўзлаймиз, жигархун бўлиб сўзлай-миз.* Р. Парфи, Кўзлар.

ЖИГАРЧИЛИК Яқин қариндошлик, яқин қариндошлик муносабатлари. *Оломоннинг ичида ўша одамнинг укаси ҳам бор экан. Ука — жигар, тош отай деса, жигар-чилик. Отмай деса, хон турибди; ниҳоят, тўнидан увада юлиб отибди.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ғанишер акасига жигарчилик ёрдамини қилибди, анчагина пул ҳам берибди.* Ш. Ғуломов, Чўл шери наъра тортганда.

ЖИГИ-ЖИГИ 1 *ст.* Жикжик.

2 *унд. с.* Эчкиларни чақиришда қўлла-нади.

ЖИГИЛДАК *шв.* Ёввойи жийда.

ЖИГИЛЛАМОҚ *айн.* жикилламоқ.

ЖИДД \а. — ҳаракат; меҳнат]: **жидду жаҳд қилмоқ** Зўр ғайрат қилмоқ, жон-жаҳд билан ишламоқ.

ЖИДДИИ [а. — муҳим, аҳамиятли; асосли] 1 Пухта ўйлаб, чуқур мулоҳазалар-га суяниб иш кўрадиган; мулоҳазали. *Жид-дий йигит. Жиддий олим. тт Анвар ёш бўлса ҳам, жиддий, кичкина мияси муҳокамага қобил.. эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Муҳим аҳамиятга эга бўлган, муҳим. *Оқсоқол қарамади ҳам, индамади ҳам. Гўё жиддий бир нарсани ўйлаётгандек, кўзлари-ни сузиб, чой ҳўплади.* П. Турсун, Ўқитувчи. - *Романлар бизда йўқ, — дона-дона гапирди Мустафо Содиқ, — жиддий ва ижтимоий аҳамияти зўр бўлган қиссалар ҳам йўқ.* Ой-бек, Нур қидириб. *Ишўқмасларга қарши кураш ички ишлар органлари олдида турган жиддий вазифалардандир.* Газетадан.

3 Ўй-фикрга чўмган, ўйчан, салобат-ли, сипо, вазмин (киши қиёфаси, ташқи кўриниши ҳақида). *Вагонда ҳамма жиддий, камсухан.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. - *Ҳозир ҳосил ўчун курашнинг авжи вақти,*

— *деди Ўктам жиддий тус билан.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Саидийнинг жилмайиб тол-маган башараси бирдан жиддий тус олди.* А. Қахҳор, Сароб.

4 Чин, рост, беҳазил; тайинли. *Жиддий ваъда. тт Лекин Муборакнинг гатарини жид-дийга йўмади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Бундай аччиқ пичинга жавоб қайтариши йўли-ни тополмаган Ҳасан бориб унинг рўпарасида ўтириб: -Кел бўлмаса, жиддий сўзлашайлик,*

— *деди. С. Айний, Қуллар. Шербек кулди: Сиз ўргатинг. Йўқ, Нигора. мен жиддий гапиряп-ман.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 Ёмон оқибатларга олиб бориши мум-кин бўлган; ёмон, хавфли. *Жиддий касал-лик. тт Хуррамовнинг елка яраси жиддий эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Пилла қуртининг кушандаси кўп, хушёр ту-рилмаса, қурт-қумурсқалар, қушлар, товуқ-лар жиддий зарар етказиб қўйиши мумкин.* Газетадан.

6 Ўйланганидан мураккаб, кескин, оғир. *Сен, оғайни, тушунмайсан, булар орасидаги гап анча жиддий.* С. Кароматов, Олтин қум.

7 Астойдил, жон-жаҳд билан, роста-камига. *Хат-савод чиқаришига жиддий берилдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Вакиларин-гиз санъат байрамига жиддий тайёргарлик билан келдилар.* Газетадан. *Ҳамидуллаевнинг ўзи ҳам шоликорлик билан энди жиддий шуғулла-наятти. «Ўзбекистон кўриқлари».*

8 Етарли асосга эга бўлган, асосли; му-ҳим. *Ҳақиқатан ҳам унинг шеър ёзишига жиддий сабабдор эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ра-ҳим Болтаев нима учун жиддий талаблар қўйилишини изоҳлаб берди.* «Ўзбекистон кўриклари».

9 Алоҳида, масъулият билан. *Ёш та-лантларни танлаш ва уларни тарбиялаш ишига жиддий эътибор бермоғимиз керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖИДДИЙЛАШМОҚ 1 Жиддий тус ол-моқ; кескинлашмоқ. *Кураш жиддийлашди.*

2 Оғирлашмоқ, ёмонлашмоқ. *Касалнинг аҳволи жиддийлашди.*

96 ду^

3 Жиддий кўриниш олмоқ, ўйчан хрлатга кирмоқ. ўзини жиддий қилиб кўрсатмоқ. *Фазиддин йирик тишларини кўрсатиб, хо-холади. Кейин жиддийлашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саодатхоннинг юзи жиддийлашди.* С. Зуннунова, Янги директор. - *Гапларингиз афсонага ўхшайди, — сал жиддийлашди йи-гит.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

4 Мураккаблашмоқ, чигаллашмоқ. *Ах-еоп жиддийлашди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Ироқдаги вазият жиддийлашмоқда.* Газетадан.

ЖИДДИЙЛИК 1 Мураккаблик, чигаллик; муҳимлик. *Масаланинг жиддийлиги.*

2 Жиддий кўриниш, жиддий тус; ўйчанлик; сиполик. *Усмонов сўзларидан сўнг жанг-чилар юзида жиддийлик пайдо бўлди.* Назар-мат, Жўрлар баланд сайрайди. - *Онанинг қад-рига етиш керак. Она қайда! — деди Ўктам қариларча жиддийлик билан.* Ойбек, О.в. ша-бадалар.

ЖИДДИЯТ [а. ■*3~ — муҳимлик] қ. **жиддийлик 2.** *Энди ҳар иккаловининг ҳам юзига жиддият югурди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Талъатнинг кўзларига жиддият чўкди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖИЗ I Жон ачитадиган, ловуллатади-ган бехос оғрик ҳақида. *Бу гандан Нусратил-ланинг тани жиз этиб кетди, Турдимат чўтални еб ташлагудай қараб, кўнглидагини билдириб қўйди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Кўзибой пича ўзини босиб олди: -Эрталаб бўлса, ухлаб ётувдим, қулогим жиз этди. Ари чақдим, деб мундоқ қарасам — Раҳим.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

Юраги жиз этмоқ 1) севиб қолмоқ. *Тўлқинжон Хурини биринчи кўрган кунёқ юраги жиз этган эди.* Ф. Мусажон, \ури; 2) ачинмоқ, хафа бўлмоқ. *Эрталаб Райимберди тоға келди. У Икромнинг бир оёғи йўқлигини кўриб, юраги жиз этиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЖИЗ II шн.жазII.

ЖИЗ-БИЗ 1 қ. **жаз-буз.** *Нималардир даҳ-лизда жиз-биз этиб қовуриларди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 *кўчма* Овқат тури; қовурма гўшт. \Бур-ҳон:] *Жиз-бизга ниҳоятда уста кўринасиз.* Уйғун, Хуррият. *Бир қуни нима бўлди-ю, жиз-биз маъмур бўлиб кетди.* У. Икромов, Уну-тилмас хотиралар.

ЖИЗ-ЖИЗ I **Жиз I** с. тақр. *Асалари ҳамма ёғимни жиз-жиз чақиб ташлади.*

ЖИЗ-ЖИЗ II айн. жаз-буз.

ЖИЗЗА Ўз ёғида қовурилган тўғрамча думба, чарви. *Кароматхон одатдаги очиқ-лиги билан ўз уйидек, қани олинглар, деб кул-ди-да, бир-икки дона жиззани оғзига солди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

Жизза нон Жиззали нон. *Онаси ҳам шод бениҳоя, Нонуштага ёнди жизза нон.* Ё. Мирзо.

ЖИЗЗАКИ Салга аччиғи, жах^и чиқа-верадиган, гап кўтара олмайдиган, жирта-ки. *Жиззаки одам. шш Чарос аллақандай ўйчан, жиззаки бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Олимжон ҳангу манг бўлиб қолди: раиснинг бу қадар жиззаки ва гиначилигини энди кўриб тургани эди.* Ҳ. Назир, Қанотлар.

ЖИЗЗАКИЛИК Салга жаж/ш чиқиш-лик, гап кўтара олмаслик. \Бадалов\ *Жиззакилик қилиб, ўтирган ерида нотикқа бир-икки марта луқма таилади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Гапирсак, қулоқ солмайди, жиззакилик қилади. С. Аҳмад, Кадрдон далалар. - Кечирасан-у, аёлингни ўзи жиззакироқ экан. Сал сабр қилса, айтганларини муҳайё қилардим, — деди раис Камолга. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.*

ЖИЗЗАХЎРЛИК Кўп жизза ейиш, жиззага тўйиш. *Куз кириши билан муллавачалар.. бир пуд-ярим пуд ёғ эритиб, хумчаларга қу-йиб, бир-бирларини жиззахўрликка чарлар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш ури-нишлари.*

ЖИЗЗИҚ фольк. айн. **жизза.** *Куйруқ тўғра-ганлар ейди жиззиқди, бу узукни билдим, кўнгли бузуқдир. «Ҳасанхон».*

Жиззиғи чиқмоқ Кучсиз, беҳол бўлиб қолмоқ. *Кампир болаларининг ўтига куйиб-ёниб, ўртаниб-тутаниб', жиззиғи чиқиб қол-ган кампир эди. «Равшан».*

ЖИЗИЛЛАМОҚ I 1 Жон ачитиб оғри-моқ, ловулламоқ. *Ярам жизиллаб оғрияпти. ти Бобур ярадор оёғининг жизиллаб куйиб оғригани ва Аҳмад Танбалнинг қўлидаги қилич алланечук шаниш эканини бир вақтда ҳис қилди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

2 кўчма **Жиззакилик** қилмоқ. -*Ўзингашо қилгандирсан! — дея жизиллай бошлади Дўндиқ. Ойдин, Дўндиқдан ҳам ёш экан.*

Юраги жизилламоқ 1) соғинмоқ, хумо-ри тутмоқ. -*Яхши кўрасанми ўзи? -Ҳа. Бир кун кўрмасам, юрагим жизиллаб туради \деди*

Муса\. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) хаяжон-ланмоқ, энтикиб кетмоқ. *Назира ўша врач йигит, Комижон бияан турмуш қуришибди. Буни эшитиб, Йигиталининг юраги алланечук жизиллаб кетди. Д. Нурий, Осмон устуни.*

ЖИЗИЛЛАМОҚ II айн. **жазилламоқ.** *Кабобпаз баррадай нон бетига жизиллаган аллақанча сихларни қалаб, пиёз ва гармдори билан куйиб кетди. Ойбек, О.в.шабадалар. Хаёл билан бўлиб, балиқни айлантиришини ҳам унутиб куйибман, бундай қарасам, сели чи-қиб жизиллаяпти. Н. Фозилов, Дийдор.*

ЖИЗЯ, жузя [а. — жон солиғи; ер солиғи] *тар.* Урта Осиё хонликларида му-сулмон бўлмаган фуқароларнинг, асосан ерли яхудийларнинг мулкидан маълум улуш миққорида олинган солиқ. *Ўз акамга ўзим закот бергунча, Бошқа юртда жизя бериб юрайин. «Алпомиш».*

ЖИЗҒАНАК, жизғинак I Сал куйган, куя бошлаган; қовжираган. *Гуллар майдонида анқийди ҳануз Жасур Брунонинг жизганик дуди. А. Орипов, Йиллар армони. Аламзада сароблар елмоядек елади, Гармселда жизга-нак саксовуллар ингранар. А. Шер, Роз.*

2 Жуда қизиб кетган, қизиган. *Очликҳар сония минг жонга офат, Жизгинак кўчалар — шарқии қирғоқдир. Э. Вохидов, Шарқий қирғоқ.*

3 кўчма Куйган, эзилган. *Бари мунгдуг, дардманд: Бадахшонлик Зебо ҳам Қорақалпоқ Гулойим Армонларда жизгинак. Мир-темир.*

Жизганик бўлмоқ 1) куймоқ, куйиб қов-жирамоқ. *У[Ойша она\ ўтда жизгинак бўлган илонга бир қараб куйиб, кўкрагига туфлади. С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. Кўк-ламда униб чиққан гиёҳлар аллақачон жизга-нак бўлиб, қовжираб ётибди. О. Ёқубов, Из-лайман. Уер-бу ерларда қаддини кўтарган ян-тоқларнинг шохлари офтобда жизганик бўлиб қолган. А. Аҳмедов, Кимёгарлар; 2) куйиб пишмоқ, безовта бўлмоқ. Кутубхона кито-бин Қоравой йиртиб қўйди, -Нега йиртдинг?*

— *деб Вали жизгинак бўлиб куйди. Қ. Муҳаммадий. Кўп ўилайверманг, Муҳаббатхон, касал бўлиб қоласиз. Бирор хабар келдим, мунча жизгинак бўлаверасиз?[деди Каромат]. В. Ғофуров, Вафодор.*

ЖИЗГИН қ. **жизганик.** *Жизгин ҳиди. иш Қиз йигинда паранжи отди, Жизгин бўлди оловда чачвон. Зулфия, Хаёллар, туйғулар.*

ЖИЙДА Барги узунчоқ, гули хушбўй мевали дарахт ва унинг меваси. *Иўлчи жийданинг остига пичанни қалинроқ ёйиб, усти-га чопонини қия ташлаб ётди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Боғларга кирсангиз, гуж-гуж ўрик, шафтоли, жийда, дўлана, тоғолча. Ҳатто олмуртгача бор.* С. Сиёев, Саратонда қор ёғди. *Оғзиларига биттадан қандак жий-да солгач, суҳбат яна қизиб кетди.* Ҳ. Шамс, Душман.

Жийда қоқмоқ 1) жийдани калтак би-лан уриб туширмоқ; 2) кўчма обдан совқотмоқ, совуқдан дағ-дағ титрамоқ. *Кечаси би-лан жийда қоқиб чиқдим.*

ЖИЙДАГУЛ 1 Жийданинг гули.

2 Жийданинг гули тасвирланган. *Ғулом-жон «Кўча боғи»ни тугатиб, олдидан турган жийдагул пиёладаги кўк чойдан бир-икки хўплайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖИЙДАЗОР Фақат жийда дарахти би-лан банд ер; жийдали боғ. *Кўринадир кенг қозоқ далаларида ҳам қа,ин жийдазорлар, ҳам саҳро оҳулари.* Миртемир. *Сой бўйидаги жий-дазор ва қамишзорларга шўнғир, дам қўш ёнғоққа чикиб, этак-этак ёнғоқ қоқар ва болалар билан ўйнар, дам маҳалланинг ёш-ялангини йиғиб, тузоқда ба,ишқ овларди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

ЖИЙДА-МАЙИЗ Жийда, майиз, тур-шаклардан иборат қуруқ мевалар. *Латофат ишида кезларида қўшни болаишини чақириб, аллақайси тўйдан олиб келган жийда-майиз-ни бериб, яна ўқитди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ЖИЙДАЯПРОҚ Қовуннинг бир тури. *Эрта баҳорда шўри ювилган тупроқ ҳайдалиб, карта тўрт бўлакка ажратилди. Бир бўлагига сариқ гулоби.. учинчи бўлагига ёзги гурвак, тўрновот, жийдаяпроқ, замча уруғи кўмилди.* Газетадан.

ЖИЙИРМОҚ Тириштирмоқ, буриш-тирмоқ. *-Инқилоб қилиб нима орттирдинг? — юзларини жийирди бой. — Биринг икки бўлдими? «Гулистон».*

Бурнини жийирмоқ Энсаси қотмоқ, ғаш келмоқ. *Кечагина «Дўмбиробод» сўзи-ни эшитганда, бурнини жийирган кишилар бугун унинг хусн-латофатига шайдо бўла-ди.* М. Назаров, Сирли хат. *Амакисининг гапига Муҳаббатнинг энсаси қотар, баъзан сездирмай, бурнини жийириб қўяр эди.* В. Ғо-фуров, Вафодор.

ЖИЙМОҚ 1 Кир босмоқ, кирлаб чи-риб кетмоқ(кийим-кечак ҳақида).

2 Сасиб, бижғиб кетмоқ. *Муштумзўрнинг жийган ўлакса тани Аллақайси илдиз, чирик бутоққа Илинар, сассигин сочиб ҳар ёққа.* Ғ. Ғулом.

ЖИЙРОН Қизғиш малла (от туси) ва шу тусдаги от. *Жийрон от. иш Аравакаш жиловни тортди, жийрон зўр куч билан кўзгалди.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Ярим соатдан кейин Ойимхон жийрон тойда етиб кел-ди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИЙРОНҚАШҚА Қизғиш қашқали от. *Маррага 200 метрча қолганда, қорабайир жийронқашқадан ўтди.* Ё. Шукуров, Бирин-чи парвоз. *Доим менинг минганим жийрон-қашқа, Томоғимдан ўтмайди чойдан бошқа.* «Оқ олма, кизил олма».

ЖИЙРОНҚУШ Узун оёкли қушлар тур-кумининг қарқаралар оиласига мансуб, оёқлари, бўйни ва тумшуғи узун қуш.

ЖИКЖИК Чумчуқсимонлар туркуми-нинг сариқ мойкутлар уруғига мансуб қушча.

ЖИКИЛДОҚ Ҳадеб маҳмадоналик қи-лаверадиган, маҳмадона, билармон. *Жикилдоқ одам.*

ЖИКИЛЛАМОҚ Ҳадеб маҳмадоналик қилавермоқ, бидирламоқ, билармон бўлиб гапирмоқ. *-Ия, тақсир, менинг қайси гапим ҳақ эмас?! — жикиллади домла.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Кампир кўзига ёш олди: -Ахир рўзгордан орттириб, у-бу қилиб қўяй десам, жикиллаб қўймадингиз.* С. Аҳмад, Лаъли Ба-дахшон.

ЖИКИЛЛАШМОҚ Айтишмоқ, баҳс-лашмоқ.

ЖИККАК Жуссаси кичик, ихчам. *Само-варчи чувак юзли, эти суюғига ёпишган, жик-как ва шу билан баравар гирт кўса одам эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Жуда соз, — деди сочиға қиров туша бошлаган жиккак, қирра бурун Абдулла ибн Ҳасан хурсандчилигини яши-ришиға уриниб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ЖИКТОҚ Балиқчилар туркумига ман-суб қуш (чигирткаларни кўплаб кириб, қишлоқ хўжалигига фойда етказди).

ЖИЛАВУҚ фольк. Йиғлоқи. Эналари пар-вариши қилиб юрди. Булар чақалоқ вақтидан жилавуқ бўлди. «Баҳром ва Гуландом».

ЖИЛАМОҚ фольк. Йиғламоқ. Кўкда бу-лут буни кўрди — жилади, Баланд тоғлар ўпиришиб қолади. «Ойсулув».

ЖИЛВА [а. ʋjja. — йилтираш, шуъла] **1** Товланиш, тусланиш. Осмон тўла юлдуз, жимир-жимир жилваси кўнгилга гулук сола-ди. «Ёшлик». Қуёш заррин кокиларини ёзиб, жилва қимоқда. Т. Рустамов, Мангу жасо-рат. Қуёш шуъласида жилва уриб, чўздек тов-ланиб турган олтинранг ва шафақранг яп-роқлар/Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Ишва, ноз-карашма. Иигитлар давра олишиб, раққосалар оёғи остига пойандоз тўшаб, уларнинг бир жилва нигоҳи учун жон фидо қилгудек ҳолатда эдишар. Н. Сафаров, Оловли излар. -Хўп, майли, мен кетай, — деди Ҳаёт, жилва билан қайрилиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Жилва қилмоқ **1)** ноз-карашма қилмоқ. Ёр эшигида туриб, Бир жилва қилай деди, Ҳар хил қилиқлар қилиб, Кўнглини олай деди. «Оқ олма, қизил олма». Кунлардан бир кун.. уй эгаси бундоқ қараса, йўлакда сарв-қомат бир жувон жилва қилиб турибди. Га-зетадан; **2)** акс этмоқ, кўринмоқ. Шуку-ровнинг кўзларида шўх учқунлар жилва қилди. О. Ёкубов, Диёнат. Унинг [Хўжабеков-нинг] чўзинчоқ юзларида, чуқур тушган кўзларида киноя жилва қиларди. С. Анор-боев, Оқсой.

ЖИЛВАГАР 1 айн. **жилвали 2.** Товусдек жилвагар ва сервиқор бу миноралар [Бухоро ва Хива миноралари] неча асрлардан буён кишилар ақлини мафтун этиб келади. Га-зетадан.

2 кўчма Ўйноқи, нозли, ишвали. Жил-вагар кўзлар Омонни тамоман ўзига мафтун этди. С. Кароматов, Олтин кум.

ЖИЛВАДОР қ. **жилвали 2.** Сув оқади эгатлар бўйлаб Оқ ипақдай кўркам, жилвадор. Ғайратий.

ЖИЛВАКОР қ. **жилвагар 1, 2.** Сўлим со-ҳил, жилвакор дарё тўлиб оқарди. М. Қори-ев, Ойдин кечалар. Осмон маликаси — жил-вакор ой дашт устидан настлаб ўтади, бо-шоқлар бетини ўпиб кетади. Газетадан.

ЖИЛВАЛИ 1 Ноз-карашмали, ишвали, ишвагар. Жилвали қараш. Жилвали кўзлар.

2 Ранг-баранг товланувчи, тусланувчи. Шоҳи япроқлари марварид таққан, Жилвали меvasи бизларга ёққан. Миртемир.

ЖИЛВИР, жилвир қоғоз Қайроқ кум қопланган қоғоз ёки мата (буюмларнинг сиртини силлиқлаш, сайқаллаш, жилолаш учун ишлатилади).

ЖИЛВИРЛАМОҚ Жилвир қоғоз билан силлиқламоқ, сайқалламоқ, жилоламоқ.

ЖИЛД I \а. лК — пўст; тери] **1** Бирор нарса устидан кийдириладиган, қоплаб кўйиладиган ғилоф. Ёстиқ жилди. Тўшак жилди. **тм** [Гулнора Собирова] Қўлидаги кўрна жилдини машинадан чиқариб, ўзи нафис қилиб солган гулларни завқланиб кўздан кечирди. Газетадан.

2 Илгариги вақтларда мактаб болалари портфель ўрнида ишлатган халта. Эсингиз-да борми, бўйнимизга жилд осиб, «Урфон» мактабига қатнаган кумаримиз? А. Кдххор, Сароб. Деҳқонбой ака ҳали-ҳали кўз олдидан кетказа олмайди: Елкасида жилд. Бир бур-да нон, мева-чева солинган.. Газетадан. Кўк жилдимда алифбе ва бир бурда нон, Биринчи бор қадам кўйдим мактаб томон. Э. Воҳи-дов, Нидо.

Сомсанинг жилди Сомсанинг қиймани ўраб турган, кўпинча қат-қат хамир қисми. Мантисининг қиймасига ичак-човоқ ишлатар, сомсанининг жилдига жир, демакки ё'з ишла-тар. «Муштум». Ундан кейин ошпаз йигит мудирликка келди. Аммо пармуда сомсага уста эди. Мен жилд очиб бериб турардим, у тугиб ташлайверарди. С. Аҳмад, Ҳикоялар.

ЖИЛД II [а. **ila** — мукова| Кўп қисмли бадий ёки илмий асарнинг ҳар бир нашр қилинган қисми; том. *Қиши билан бир неча жилд китоб ёзиши мумкин. А. Қаххор, Сароб. Минг жилд китобўқиб, бир жоҳилга гап то-ниб беролмасам, мана бу каллани нимага кўтариб юрибман?* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЖИЛДИРАМОҚ Оз миқдорда оқмоқ, милтираб тушмоқ *Самовар жўмрагидан сув жилдираб оқмоқда. иши Ариқчалардан жил-дираб оққан сув узун тарнов орқали ҳовузга тушади.* Ш. Рашидов, Ғолиблар.

ЖИЛДИРМОҚ 1 Ҳаракатга келтирмоқ, юргизмоқ. *Хўжайиннинг феълига тушуниб қолган кучер извошни беозоргина, секин жил-дирди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 Узоқлаштирмоқ, йироқлаштирмоқ. *Ташқаридан хабар олинг. Миришларни маҳкама атрофидан жилдирманг.* Н. Сафаров. Уйғониш.

ЖИЛДЛАМОҚ кам қўлл. Жилд билан қоппамоқ, жилдга солмоқ. *Ёстикларни жилдламоқ.*

ЖИЛДЛИ Жилд билан қопланган, жилд кийдирилган, жилдга солинган. *Жувон эпчиллик билан тахмонда қатор-қатор тахла-ниб ётган кўрпалар устидан иккита духоба жилдли пар ёстиқ олиб, меҳмоннинг орқаси-га қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЖИЛДЛИК 1 Ғилоф (жилд) қилиш учун мос, ғилофбоп. *Жилдик газ, шма.*

2 Ғилоф (жилд) учун мўлжалланган газ-ламанинг миқдори. *Икки жилдик сурп.*

ЖИЛЕТ(КА) \фр. gilet < Gille - қизик-чи, масхарабоз номидан] Енгсиз калта камзул, нимча. *Эғнидаги тўқ қизил кўйлаги, унинг устидан кишиб олган қора жилеткаси.. ўзига хўп ярашган.* А. Қаххор, Қушчинор чи-роқлари.

ЖИЛЛА Унча, у қадар, бир оз. *Собир ортикча куюнчақлик ва гамхўрлик кўрсаткиси келса, Анорхонга жиши ёқмас эди. Ой-бек, О. в. шабадалар. Жилла фурсат ўтмай, қўлида патнис кўтариб, официантка қиз пайдо бўлди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Жилла курса {ёки бўлмаса, бўлмаганда) Жуда бўлмаганда, ҳеч бўлмаганда, лоақал. *Жилла бўлмаса, менинг келишимни кутсанг бўлмасмиди!* М. Муҳамедов. Қахрамон изи-дан. *Ахир, жилла бўлмаса, ўзим учун бир пиё-ла беринг, мана, хар қанча пул десангиз, бе-рай [деди карвонбоши].* Р. Файзий, Чўлга ба-хрр келди.

ЖИЛМАЙМОҚ 1 Кулумсирамоқ, табас-сум қилмоқ. *Қиз Умидга қараб жилмайди. Мирмуҳсин, Умид. Ўтеген Шомуроднингуд-дабуронлигига қойил қолиб жилмайди.* Ж. Та-шенев, Жангчи Ўтеген.

2 кўчма Кўринмоқ, юз кўрсатмоқ (Ой, Қуёш ҳақида). *Булутлар орасидан ой жилмайди. тт Шу чоқда дераза олдига келиб, Жил-майиб боқадир қуёш — олтин қиз. Ғайратий.*

ЖИЛМОҚ 1 Жойидан қўзғалмоқ, сил-жимоқ, сурилмоқ. *Отақўзи жойидан жилмади, чойи совиб қолган пиёлани қўлида ай-лантирганича ўйга толди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Неча соатдан бери ўрnidан жилмай тик турган Аваз беихтиёр бир қадам олға босди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ярим соатча ўтгандан кейин, машина жилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкент-ликлар.

2 Бошқа ерга кўчмоқ, кетмоқ. *Дарахт бир ерда кўкаради.. Отанг раҳматлик умр бўйи шу ердан бир қадам жилган эмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўчма Юришмоқ, олға босмоқ. *Шукурс билан ишим оз-оз олдин жилди.* Ғ. Ғулом.

ЖИЛО [а. (j)ʌ. — силликлаш, сайқал] **1** Силлик ёки сайқалланган сиртнинг товганиши, ялтираши. *-Сув жилосини кўрсам, кўзим қувонади, тўлқинида кўнглим ўсади, — дерди Усмонхўжаев. «Ўзбекистон кўриқла-ри». Аҳмаджон йўлакай сувнинг олтин жилло-сидан кўз узмай, жим борарди.* И. Шамша-ров, Ғурумсаройликлар. *Қуёшнинг бутунран-гини кўрмоқчи бўлган одам Марғилон атла-сининг товганишига, қорақўл барраларининг жилосига тикилсин. Шукрулло, Жавохирлар сандиғи.*

2 кўчма Кўрк, хусн. *Қаён боқса, ўзгача жило, Қаён боқса, гўзаллик пинҳон.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Азалдан «Самарқанд ер юзи-нинг жилосидир, кўркидир» деган нақл бор халқ орасида.* Газетадан.

Жило бермоқ 1) жилоламоқ, сайқаллаб, пардоз бериб ялтиратмоқ. *Мўйқалам соҳибларининг диди-маҳорати билан маҳсулотга жило берилади.* «Гулистон»; 2) хусн, кўрк бермоқ. *Бунур — эрк, озодлик, тинчлик, бахт, виқор, Бунга жило берар қирқ йиллик умр.* Х. Расул; 3) ялтирамоқ, ярқирамоқ, жилва қилмоқ, товланмоқ. *Ранго-ранг мрамлардан-дан ишланган бу мақбара ҳозир ҳам ёрқин жило бериб турибди.* 3. Акрамов, Ҳиндис-тон лавҳалари.

ЖИЛОВ 1 Юганнинг чарм тизгини. *Жи-ювини бўшатмоқ. тт Катта тош йўлда елиб келаётган отлиқ «тисс» деб, отнинг жило-вини тортиди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изи-лан. *Ноиб отдан тушиб, жиловни эгар қоши-га ташлади.* С. Сиёев, Аваз.

2 кўчма Бошқариш, идора қилиш тиз-гини; ҳокимият. *У пайтлар хон ёш эди, салтанат жилови энди қўлига ўтган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Изм, эрк, ихтиёр. *-Ўзимиз инглиздан зўрга қутулдик, лекин у ҳамон жиловимизни бергиси келмайди, — деди Исмоилхон.* Ойбек, Нур қидириб. *Имтиҳон яқинлашаётганини унутма, жиловинг менинг қўлимда [деди ўқитувчи Одилжонга].* «Муштум». *Подшо жиловида юради шотир, Ёвга от қўяр доим пирдай бўп ботир.* «Юсуф ва Аҳмад».

Жилов урмоқ Тиймоқ, тартибга солиб қўймоқ, бўйсундирмоқ. *Дарёга жилов урди Ўктам инсонлар.. Улугбир тўгон қурди.* Мир-темир. **Жиловини бўш қўймоқ** Ўз ҳолига, ихтиёрига қўйиб юбормоқ. *Жиловини бўш қўйганингиздан кейин шундай бўлади, раис.* Ш.

Рашидов, Бўрондан кучли. **Жиловини тор-тиб қўймоқ** Тартибга чақириб қўймоқ; тан-беҳ бермоқ. *Давлат машинасидан текин пул топиш, боилик орттириш учун фойдалана-ётган бу шахсларнинг.. жиловини тортиб қўядиган ташкилот йўқмикан?* Газетадан. **Жиловини қўлга олмоқ** Бошқаришни, идо-ра қилишни ўз қўлига олмоқ. **Жиловини қўлдан бериб қўймоқ** Бошқаришни, идора қилишни қўлдан чиқармоқ.

ЖИЛОВБАРДОР тар. Ўрта Осиё хон-ликларида: мансабдорларнинг отларига қаровчи ва уларга йўлга чиқишда отни рост-лаб бериб, йўлдан қайтганда кутиб олувчи хизматкор.

ЖИЛОВДОР 1 қ. **жиловбардор.** *Султон Хусайн бўйинини чўзиб, жиловдорлар билан чақчақлашиб ўтирган Паҳлавон Муҳаммад-ни кўрди* М. Осим, Сехрли сўз. *Жиловдор қул ҳалак бўлиб келади.* «Алпомиш».

2 эск. ҳарб. Отларга қараш учун ажра-тилган аскар.

3 кўчма. Бошлиқ, раҳбар. *Орадан кўп ўтмай, у [Порсоев] Сурхондарёда область халқ маориф бўлимига жиловдор бўлди.* «Муштум». У [Рахим Толипович] ҳозир ҳам жиловдор. *Қайси кун бир мажлисда маърузага чиқди.* Газетадан.

ЖИЛОВЛАМОҚ 1 От-улов бошига нўхта ёки юган солмоқ. *Ҳамроҳи отга етиб келиб, саманни жиловлаб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Тиймоқ, тартибга солиб қўймоқ; бўйсундирмоқ. *Унинг ўғли Абулҳорис Мансур ҳам бевоши вазирлар, исёнчи ҳокимларни жиловлай олмади.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Амударёни жиловласак, Ўзбекистон бутун-бутун янги пахта водийлари яратади.* Ой-бек, О.в.шабадалар.

3 кўчма Эгалламоқ, ўрганмоқ. *Йигитлар машғулотларга мунтазам қатнашарди, тех-никани тезроқ жиловлаб олишга ҳаракат қилишарди.* «Ўзбекистон кўриклари».

ЖИЛОВСИЗ 1 Тизгинсиз. *От жиловсиз юрибди.*

2 кўчма Бебош, кулоқсиз. Бўйи етган ёш қизлар баайни жиловсиз от, баъзан боши оққан томонга бурилиб кетиши мумкин. Мир-муҳсин, Умид. Яхшиям шу телба, буюк, жиловсиз шиқ бор жаҳонда. С. Нуров, Нарвон.

ЖИЛОВХОНА тар. 1 Шоҳ, хон сарой-ларига ёки масжид ҳовлисига кираверишдаги махсус хона ёки бостирма. Жиловхонадаги намоз кутиб ўтирган қавмлар ичида Самад буқоқ, Шукур сўфилар ҳам кўринар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Йўлчимасжиднинг жиловхонасидаги супачага ўзини ташлади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Жиловдорлар истиқомат қиладиган хона.

ЖИЛОЛАМОҚ Сайқалламоқ, пардоз-лаб ялтиратмоқ. Мебелларни жилоламоқ. ти Қатим тортдим жилолаб, Меҳримни қўшиб боғлаб. Т. Тўла.

ЖИЛОЛАНМОҚ 1 Жилоламоқ фл. мажх. н. Жилоланган либос.

2 Ялтирамоқ, ярқирамоқ, жилва қил-моқ, товланмоқ. Йўл-йўлакай шилдираб, Сен ёқимли куйлайсан, Жилоланиб, жилдираб, Не хусусда сўйлайсан? 3. Диёр. Бу янги диёрлар, пахтазор далалар, жилоланиб лиммо-лим оқаётган каналлар ўз-ўзидан бунёд бўлиб қол-гани йўқ. Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

ЖИЛПАНГЛАМОҚ 1 Тўлқинсимон, илон изи каби ҳаракат қилмоқ, тўлғанмоқ. Оқ ит жилпанглаб, олдинги оёқларига чўкка-лади. «Шарқ юлдузи».

2 кўчма Қийшангламоқ, ярашмайдиган қилиқлар қилмоқ. Домла ер остидан паранжи тагида жилпанглаб турган шўх аёлга бир боқди-да, никоҳ хутбасини бошлаб юборди. Ғайратий, Довдираш. Ҳақиқатан у баъзи итаб бошлиқлари сингари ўзидан юқори ко-мандирлар олдида жилпанглай бермас, кўзга ташланмасди. Шухрат, Шинелли йиллар.

ЖИЛПИТМОҚ фольк. Сакратмоқ. Ариқ келса иргитди, Жилга келса жилпитди, Ҳар куни икки маҳал Отдан тушиб ўтлатди. «Ойсулув».

ЖИЛҒА Тоғ ва тоғ ёнбағирларидан оқиб тушадиган кичик сой; йилға. Мен жилғаман, Дарё бўлиб тўлгим келади. Она юртим, Сен-га ўғлон бўлгим келади. Э. Воҳидов, Муҳаб-батнома. Қиргогида гўзал юлдузлар Ўйнаёт-ган жилгага бордим. Ш. Раҳмон, Юрак қир-ралари. Қашқатовнинг кунгай томонида чап қўлга қараб кетган жилга бор. С. Анорбоев, Оқсой.

ЖИМ рвш. 1 Овоз, товуш чиқармай, индамай, овозсиз, товушсиз, сукут саклаб, сукунатда. Мум тишлагандек жим ўтирмоқ. ти -Саидгози, сен гапирганда, Шербек жим ўтирган эди, — кимдир луқма ташлади. С. Анорбоев, Оқсой. Ота-бола анчагина жим борди. Ўртага оғир сукунат тушиди. М. Ис-моилий, Фарғона т. о.

2 Қимирламай, қимир этмай, ҳаракат-сиз, тек. Унинг кўзини юмиб, жим ётганини кўрган Бобоқул ота ўрнидан кўзгалди: -Сен тинчгина ухлайвер, чироқ. Мен.. бир айланиб келай. С. Анорбоев, Оқсой. Омон бўлинг-е, раис ака.. тийинигача тўғрилаб дафтардан ўтказдик-ку? Бироқ ўзингиз, жим ётган илон-нинг бошини кўзгаб, яхши қилмадигиз. С. Анорбоев, Оқсой.

Жим бўлмоқ 1) тўхтамоқ (гап, сўздан); сукутга кетмоқ, сукутга ботмоқ. Ойи, сиз сезасизми, бойникида орқамдан кулишади, га-пиришади.. ман яқинлашсам, жим бўлишади. Ойбек, Танланган асарлар; 2) тинчимоқ, босилмоқ (овоз, товуш, шовқин ва ш. к. ҳақида). Фақат болгаларнинг тарақ-туруғи жим бўлганда, Йўлчи жиддий суҳбатга ўтди. Ойбек, Танланган асарлар. Ахмадjon бир сидра ўқ ёғдиргандаёқ немис пулемёти жим бўлиб қолган эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

Бунд. с. взф. Овозингни ўчир, товушинг-ни чиқарма, тинчлан. -Жим!— мушитини кўтарди Ёрмат.. Ойбек, Танланган асарлар. -Жим, жим!— деди Қумри ярим товуш би-лан. — Гулшан бизникига ухлагани келган экан. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Жим бўлиб кетмоқ Хат-хабар қилмай, дарак бермай, кўринмай кетмоқ. Ака, нимага жим бўлиб кетдингиз? ..Мен сизни жуда соғиндим. Ойбек, Танланган асарлар. **Жим**

турмоқ (ёки ўтирмоқ) Гапирмай, эътироз билдирмай, қаршилиқ кўрсатмай туравермоқ. - *Тўғри, — деди Ўрмон полвон, — агар жим турсак, улар ҳар бир иш қилади.* С. Айний, Қуллар. *Бир бечорага тухмат қилишса-ю, била туриб, кўра туриб жим ўтирсам, гуноҳ бўлмайдимми?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖИМГИНА рвш. Индамай, гаплашмас-дан. *Иккаламиз шаршара шабадасида жимгина ўтириб чекишдик.* С. Аҳмад, Юлдуз.

ЖИМЖИЛОҚ Қўл ёки оёқнинг бешин-чи, энг кичик бармоғи. *\Маъмуржон\ Жимжилоғи билан қулогини чўқилай-чўқилай, у ёқ-бу ёққа юра бошлади.* Ш. Холмирзаев, Тўлкинлар. *Чап қўлининг жимжилоғи сирқи-раб оғрир эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЖИМЖИЛОҚДАЙ, -дек. Жуда кички-на, кичик. *Муаллим қўлига бўр олиб, доскага жимжилоқдайгина тикка таёқча чизди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бир мухбирўртоғим жим*

103 ЯЪ ^

жи.юқдек келадиган ён дафтарчасига қараб, филдай-филдай гапларни гапириб берди. «Муштум».

ЖИМЖИМА Серҳашам ўйма нақш, гул, кунгура. *Панжараларнинг жимжимаси.* **тп** *Шкафинг нақшлари жимжима ўйноқ, Жилвали кўркига мумкинми тўймоқ?* Қ. Муҳаммадий.

2 Жилвали, товланиб турган. *Сайр эт-тирдинг жимжима кўлда, Сайр эттирдинг хиёбон, боғда.* Ҳ. Салоҳ, Қолдирмасман мен сени доғда.

Жимжима қилмоқ Мавжланмоқ, товлан-моқ. *Тушки офтобнинг тик тушган нурлари остида дарё суви жимжима қиларди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ЖИМЖИМАДОР Серҳашам ўйма нақшли, кунгурали. *Жимжимадор, нақшин панжара.* **тп** *Тошбобо қайтиб келиб, жойи-га ўтирганида, қўлида жимжимадор узун ҳасса бор эди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Асадулло ва Аҳмад қўш тавақали, қадимий усталар ижодига мансуб жимжимадор, ўймакор эшик ёнида тўхташди.* Ф. Мусажо-нов, Ҳиммат.

ЖИМЖИМАДОРЛИК **1** Серҳашамлик, ғоят ҳашаматдорлик. *Эшикнинг жимжима-дорлиги.*

2 Баландпарвозлик, дабдабабозлик. *Лер-монтов поэзияси ҳар қандай баландпарвозлик, сафсатабозлик, жимжимадорлик ва турғун-ликдан ҳоли.* Газетадан.

ЖИМЖИТ Тинч, осуда. *Кичик укам ух-лайди, Жимжит ўрнида.* **3.** Диёр. *Ўўлчи жим-жит кўчада танҳо айланиб юриб, бойниқига қайтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қишлоқ жимжит, ҳамма маст уйқуда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Жимжит бўлиб кетмоқ айн. жим бўлиб кетмоқ қ. жим. *Хайр, Зухраҳон, жимжит бўлиб кетманг.. Тез-тез хат ёзиб туринг.* Н. Сафаров, Олияҳон Султонова.

ЖИМЖИТЛИК Товуш, шовқиннинг йўқлиги; тинчлик, жимлик, сукунат. *Орага бир нафас жимжитлик тушди.* С. Зуннуно-ва, Янги директор. *Олимжон ўртага тушган жимжитликни бузиб, раисга қаради.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Катта зални пашиша учса эшитишидиган даражада жимжитлик коп-лаб олган.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

ЖИМИЛЛАМОҚ к. **жимирламоқ.** *Дарғам сойнинг сувлари Чўлга оқар жимиллаб.* «Шарқ юлдузи». *Жингалак сочли йигит ўз сўзини шу ерга келтирганда, Хадича холанинг бадани чумоли юргандай жимиллаб кетди.* Т. Али-мов, Совға.

ЖИМИМОҚ Жим бўлмоқ, сукутга кет-моқ; тўхтамоқ. *Кулгилар билан гуркураб турган гузар бирдан жимиди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Маҳмуд қовогини уйиб, жимиб қол-ди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ойқиз би-лан Олимжон қўшиқ айтиб оқайтган ариқ ёқалаб, аллақачон жимиб қолган қишлоқ кўча-сига буришдилар.* Ш.

Рашидов, Бўрондан куч-ли. *Шу чоқ узоқдан чинни пиёла жарангидай кулгиэшитилди-ю, тезда жимида.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЖИМИР: эти (ёки бадани) жимир эт-моқ Кучли ҳаяжонламоқ, баданига титроқ югурмоқ. «Генка ойисини топибди», деган хабар бир зумда бутун батальонга тарқалди. Бу хабарни эшитганимда, менинг ҳаяжон-ланганимни айтмайсизми. Этим жимир этиб кетди. А. Убайдуллаев, Қонли издан.

ЖИМИР-ЖИМИР 1 Жилвали, ўйно қи, мавжли; ялтираб. *Гўёҳисобсиз юлдузлар-ни ўз оғушига олгандек, жимир-жимир оқади Қашқа.* С. Нуров, Дурдона. *Гавҳар, кўлнинг жимир-жимир тўлқинларига тикилиб, бир лаҳза жим қолди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Эгатлардан жимир-жимир тафт кўтари-лади.* С. Нуров, Нарвон.

2 Милтиллаган, жилва қилган ҳолда. *Тим қоронгилик ичида узоқдан юлдузлар жимир-жимир кўз кисар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Жимир-жимир қилмоқ айн. жимирламоқ.

Сув юзи жимир-жимир қилар.. сувда ой акси ўйнарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

ЖИМИРЛАМОҚ 1 Майда тўлқинлар билан қопланмоқ, мавж урмоқ. *Ҳиротни айланиб ўтадиган Ҳарируд дарёси жимирлаб оқиб ётарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ёвариқ суви жимирлаб, ниманидир шивирлаб оқмоқ-да.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Милтиллаб кўринмоқ, жилва қилмоқ. *Ахмад бригадир гугурт чўп билан тишини ковлаб, осмонга, юлдузлар жимирлаб турган кўкка тикилди.* С. Нуров, Нарвон. *Олов сели жимирлайди.* К. Яшин, Ҳамза.

Кўзим (ёки кўзларим) жимирлаб кетди Кўз ўнгим қоронғилашди, кўзим тинди.

ЖИМИРЛАШМОҚ: кўзи жимирлашмоқ 1) кўзўнги қоронғилашмоқ. *Боқди ҳар ён шо-*

шиб-пишиб, тўймас қараган сари. Бирданига жимирлашиб, тиниб кетди кўзлари. Т. Тўла; 2) кўз қамашмоқ. *Офтобда қорга қарасам, кўзим жимирлашади. Эти (ёки бадани) жи-мирлашмоқ* Баданига титроқ югургандай бўлмоқ; сесканмоқ. *Қизнингҳар бир гапунинг [Элмуроднинг] баданига муздек сув томчила-ри томаётгандек таъсир қилди, аъзойи бада-ни жимирлашиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИМИТ Жуда кичкина, кичкинтой, жажжи, митти. *Жимит китобча. тт Куш жимит кўзларини мўлтиратганича туриб қолди.* «Шарқ юлдузи».

ЖИМИҚМОҚ: жимиқиб кетмоқ кам қўлл. Жим бўлиб кетмоқ, дарак бермай, кўринмай кетмоқ. *Жимиқиб кетма, тез-тез келиб тур.*

ЖИМЛИК қ. **жимжитлик.** *Фовур босилди. Бир лаҳза жимликдан сўнг кулги кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Тун жимлигини самолёт моторининг узоқдан келаётган бўғиқ товуши бузмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Жимлик чўкмоқ (ёки тушмоқ) Сукунат, жимлик пайдо бўлмоқ, юзага келмоқ. *Сўнг орага ноқулай жимлик чўкди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Болохонага жимлик чўкди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Орага бир нафас жимлик тушди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЖИММА-ЖИММА фольк. Кўп-кўп, жуда кўп. *Қулоқ сол, тўражон, айтган сўзима, Жимма-жимма ёшим тўлган кўзима. Хол-бекани мен кўрсатсам, тўражон, Кирасига не берасан ўзима?* «Кунтуғмиш».

ЖИН I [а. афсонавий махлуқ; арвоҳ; ёвуз руҳ] **1** Шарқ мифологиясида ва диний тасаввурларга кўра: пастқам жойларда киши кўзига одам тимсолида кўриниб, гўё уни бирор дард-иллатга чалинтириб (мас. оғзи-ни қийшайтириб) кетадиган афсонавий махлуқ. *-Энди бу ерда илгаригидай бойўгли сайрамайди. Ҳеч кимнинг кўзига жин ҳам кўринмайди, — деди Юсвали тоға.* П. Тур-сун, Уқитувчи. *Букри домла Майнани жинми, парими дебўйлади шекилли, турган жойи-дан силжисмай, аллақандай дуони пичирлади.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

2 кўчма Кишининг табиати, таъб. *Шуна-қанги гапларни жиним суймайди. итт* *Бепар-во, бўшанглик мардга эмас эп, Бундай одам-ларни ёқтирмас жиним. Ж.*

Жабборов. *Сат-торқул аканг уйни тузаттириб бермоқчи. Майли, ўшанда дераза ҳам қурсин, оқлатсин ҳам, токча жинига ёқмаса, суватиб таишлай қолсин.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироклари.

Жин кўча Пастқам тор кўча. *Хиванинг жин кўчалари хувиллаб ётибди.* С. Сиёев, Аваз. **Жин тегмоқ** Кайфияти бузилмоқ. *Нариги хонадан опасининг уф тортгани эшитилди: -Нима жин тегди унга? -Опа, кўрқяпман,— деди Чарос овози титраб.* Ў. Хошимов, Кдл-бингга қулоқ сол. **Жин урмайди** Ҳеч нарса қилмайди, таъсир қилмайди. *-Хотинингизга жин ҳам урмайди, аввал хашак жамғариши топиширини бажаринг!* — деди совхоз ди-ректори Саидмурод ака. Н. Қобил, Бемор-лар. **Жин урсин қарғ.** Балога учрасин; худо урсин. *Сенларнинг гапларинг қизиқ бўлди-ку, жин урсин сени!* С. Кароматов, Олтин қум. **Жин чирок қ. жинчирок. Жини тутмоқ** Таъбиға, кўнглига ёқмаган иш ёки гапдан жаҳ-ли чиқмоқ; жиғибийрон бўлмоқ. *Бирпасда дадамнинг жини тутди.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. **Жини кўзимок (ёки кўзғамок) аин. жини тутмоқ.** [Заргаров Насибага зехн солиб:] *Ҳм.. Формада олиб бора кўрма, формани кўриб, ЗАГС мудирининг жини кўзғамасин тагин.* А. Қахҳор, Оғрик тишлар. **Жинига тегмоқ ёки жинини кўзғатмоқ** Табиатига тўғри келмай-диган иш, ҳаракат ёки гап билан жахлини чиқармоқ; асабини кўзғатмоқ. *Жинимга тег-маган сен бормидинг? Жинидан баттар ёмон кўрмоқ* Қаттиқ ёмон кўрмоқ. *Домла бозор қилишини, магазинга боришини жинидан бат-тар ёмон кўрар эди.* А. Қахҳор, Тўйда аза. **Сени (ёки сенга) нима жин урди?** Сенга нима бўлди? Эсингни едингми? Акдан оздинг-ми? [Қози Мулладўстга:] *Сенга нима жин урди ? — [Мулладўст:] Сизни урган жин! Жим туриг, бу кун ҳам озлик қилмасин!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ЖИН II : жин чақа айт. жиринг чақа қ. жиринг. *Жин чақа ҳамманинг кармонига ту-пуриб, бойларнинг ҳамёнига ўзини уради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖИН III [ингл. gin < engine — машина]: **жин машина** Пахта тозалайдиган, чигитдан толаларни ажратиб оладиган машина. *Завод ичкарасида «жин»лар пахта тозалаб чиқар-моқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЖИНГ: (ғ)инг йўқ, жинг йўқ Ҳеч нарса демай, эътирозсиз, гап-сўзсиз; сабр-қаноат билан. *Қорни тўқ, эгни бутун бўлса бас. Инг йўқ, жинг йўқ, ишлайверади.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

ЖИНГАК: жингак бўлмоқ 1) буришиб-тиришиб қолмоқ, қуришиб қолмоқ, бужмаймоқ. *Офтобда тери жингак бўлиб қолиб-ди;* 2) муз-кесак бўлиб қимирламай қолмоқ, увушмоқ. *Совуқда кўлларим жингак бўлиб қолди.* **Жингаги чикмоқ аин. жингак бўлмоқ.**

ЖИНГАЛА(К) 1 *сфт.* Табиий ёки сунъ-ий равишда ҳалқа ёки ярим ҳалқа шаклида буралган, кўнғироқ (соч, жун хақида). *Жин-гаиш(к) соч. Сочлари жингала(к) бола.* **тм У** [шофер] *жингалак сочини панжалари билан тараб-тараб, бир оз хаёлга толди.* Ў. Усмо-нов, Сирли соҳил. *Эъзозхон Тўлқиннинг жин-галак сочини силади.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 от Шундай буралган кўнғироқсочнинг бир бурами. *Сочларининг жингалаклариди шуълалар мавжшиниб ёнар зди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

3 от Баъзи ўсимликларнинг, мас, ток-нинг чирмашадиган новдчаси.

ЖИНГИЛЛАМОҚ қ. жирингламоқ. *Тан-га жингиллаб тошга тушиди.*

ЖИНГИР-ЖИНГИР қ. жангир-жунгир.

ЖИНГИРЛАМОҚ қ. жирингламоқ. *Олди-да самовар пишқуриб қайнар, Кўлида чинни-си жингирлабўйнар.* «Оқолма, қизил олма».

ЖИНГИРТОБ I Жазирама офтобда ёки ўтда обдан қизиган, қақраган, қайишган, қовжираган. #ус/>я/ибек ўқ арик ёқасидаги гулхайриларга тикилиб қаради. *Япроқлари жингиртоб, тугмасимон гуллари илма-тешик.* С. Нуоров, Нарвон.

ЖИНГИРТОБ II Бирдан кўтариладиган, ўта нишаб, тик. *Ўктам ранг-баранг майда тошлар билан тўла сойликдан жингиртоб тепага кўтарилди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

ЖИНГИРТОБ III Бир-бирига киришиб, ажратиш қийин, чигал ҳолга келган, жингала ҳолатли. *Кўчалар гишт, тунроқ, темир-терсак, кўмирланган ёғоч, жингиртоб сим-лар билан тўла эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Жингиртоб қилмоқ Қийнамоқ, оздирмоқ. *Айрилиқ азоби Ҳаққул отани жингиртоб қилиб, шу кеча ухўМасдаН фитн чекиб чиқ-ди.* Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар..

ЖИНГУЛ Итбуруннинг майда гулли тури. *Товуқ тутқич бермай, анҳор бўйидаги жингул остига кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

ЖИНДАЙ, -дек рви. Бир оз, озгина, қиттак. *Жиндай ухлаб ол. Жиндай сабр килл тт Козимнинг гап оҳангида жиндай такаллуфсизлик сезилиб турарди.* Э. Усмонов, Ёл-қин. *Олимжон Бойчиборга яна жиндек беда ташлаб, аста Ойқиз ёнига келди.* Ш. Раши-дов, Голиблар.

ЖИНЖАК Дуккакли ўсимликларнинг бир тури.

ЖИНЖАЛОҚ шв. Жимжилоқ.

ЖИНКА шв. Пакана.

ЖИННИ \а. ^jLa. - жин, рух] **1** Акдан озган, руқий касалликка йўлиққан; телба, савдойи. *Ўша қўшинининг қизи шу ёнгоқ таги-да кўп ўтириб, жинни бўлиб колди.* С. Зун-нунова, Гулхан. *Қурвонбиби жинни бўлиб, паранжисиз ва йиртиқ кийимлар билан эшон-никига келган вақтида, уни занжирга бог-лайдиган одам ҳам топилмади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 кўчма Хаёлига келган аҳмоқона ишлар, ярашмаган қилиқлар қиладиган киши; ақмоқ, нодон. *Маслаҳатингиз учун раҳмат, раис. Мен бўлсам, жинни бўлиб, сизга мақта-нибман.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жин-ни бўлибсан, Тоҳир! Ҳамма урушдан қочса, сен бу аждаҳонинг комига ўз шапиёринг била бор-моқчисан!* П. Крдиров, Юлдузли тунлар.

3 Ўзини яқин олиб, эркалатиб гапир-ганда ёки ҳазил тарикасида «демона», «тен-так» каби маъноларда ишлатилади. *Девона севикли қовогини сўрида кўриб қувона кетди: - Вой, жиннилар.. қовогимни бер, жинилар!* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

Жинни шамол Гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан эсадиган шамол, уярма шамол. **Жинни қилмоқ** Эс-хушидан айирмоқ. *[Зубай-да] Нозу адо билан дутор чертиб қўшиқ айт-ганда, эшитганни жинни қилармиш.* К. Яшин, Ҳамза. **Жинни қўйнинг калласини едингми?** Эсингни едингми? Жинни бўлдингми? **Жиннисини чиқармоқ** 1) калака қилмоқ. *Қор-бўрон қилиб, унинг жиннисини чиқаришди;* 2) расвосини чиқармоқ, дабдала қилмоқ. *Бо-лалар қўғирчоқнинг жиннисини чиқарибди.* **Латта жиннисини** Турли хил латта-путта, газ-молларга ўч, ишқивоз. *-Латта жиннисини! — деб бақирди Бўтабой бутун сьтмини хоти-нидан олмоқчи бўлиб, — латтанинг учини кўрсатса, ўзингни томдан ташлайсан.* А. Қаҳ-ҳор, Қўшчинор чирокдари.

ЖИННИВАЧЧА [жинни + ф. ^-бола] сўк. Жиннидан туғилган, жиннидан таркаган.

ЖИННИВОЙ ст. Ўзини яқин олиб га-пирганда, эркалаш ва ҳазил тарикасида «тентаквой» маъносида қўлланади. *Попук жиннивой бўлса, ори келди шекилли, сомсани отиб юборди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЖИННИЛИК 1 Телбалик, савдойилик. *Унда жиннилик асари бор.*

2 кўчма Ножўя, аҳмоқона иш; тентак-лик, аҳмоқлик. *-Латифий ўзи хўп келишган йигит-у, лекин шўхлик қиламан деб, жинни-лик қилгани ёмон, бемаза гапни кўп айтади,— дебди [Фотима].* П. Турсун, Ўқитувчи.

Жиннилиги тутмоқ (ёки кўзимок) Ғазаб-ланмоқ, аччиқланмоқ. *Ниҳоят, Ойимча би-бшинг сабри тугаб, жиннилиги тутди, кўзла-ридан нафратли учқунлар сачратди..* К. Яшин, Ҳамза. *-Нима дейсан, эски жин-нилимиз кўзиб турибди, мвнга тараф бўладиганлар борми ? — деб нимагадир ишора қилди Мадамин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИННИ-МИННИ, жинни-пинни қ. **жинни 2.** *Ҳалиги муштумзўр йигит уни \ Со-диқни] бир туртди-да: -Юр-юр, итвачча, жинни-минни бўлдингми? — деб судрай бош-лади. А. Кддирий, Ўтган кунлар. Жинни-пинни бўлдингми, рўпарамда турибсан-ку?! [дедим]. «Муштум».*

ЖИННИНАМО [жинни + ф. U. - кўри-ниш, намоён бўлиш] Телбанамо, телба та-биат. *Жиннишамо чол.*

ЖИННИСАНГИ Ножўя, аҳмоқона иш-лар, келишмаган қилиқлар қилиб юрадиган. *Жиннисанги одам. ит Худди жиннисан-гилардай ўзи билан ўзи гўнгир-гўнгир гапла-шади. С. Анорбоев, Оксой.*

ЖИННИХОНА Ақлдан озганлар, телба-лар шифохонаси. *Қотил жиннихонадан қоч-ган ашаддий телба бўлиши керак. «Фан ва турмуш». Биров уни [раисни] ушлаб олиб, жиннихонага жўнатмайди, ҳеч ким масха-ралаб кулмайди, эси паст демайди. «Ёшлик».*

ЖИНОЙ \а. (jilia. — гуноҳ, жиноят-га алоқадор] ҳуқ. Жиноятга оид, жиноят билан боғланган, жиноят деб қараладиган, жиноятдан иборат бўлган. *Жиноий иш. Жи-ноий ҳаракат. Жиноий жавобгарлик. ти Фо-тима устидан жиноий иш қўзғатилди. Т. Ашуров, Оқ от. Заҳар қўлга киргач, жиноий фикр ўсди, бутун юрагини, бутун борлигини чирмаб олди. Ойбек, Танланган асарлар. Жиноий қидирув.. ва тергов аппарати қайта ташиқил этилиб, мустаҳкамланди. Газетадан.*

ЖИНОЙ-ПРОЦЕССУАЛ ҳуқ. Жино-ий ишларни судда кўришга оид. *Жиноий-про-цессуал кодекс.*

ЖИНОЯТ [а. с[^]и[^] - айб, гуноҳ; жи-ноий иш] **1** ҳуқ. Давлат қонунлари билан белгиланган тартибга хилоф ва шу қонун-ларга асосан жавобгарликка тортишни та-лаб қиладиган, жамоат учун хавфли хатти-ҳаракат. *Оғир жиноят. Амалдан фойдаланиб қилинган жиноят. Жиноят устидан ушламоқ. ит Тергов тугаши учун эса жиноятга иқрор бўлиши керак. Ҳ. Гулом, Машғал. Бир марта жиноят қилган одам ўша жиноятиши ёпиши учун яна ўн марта жиноят қилишидан ҳам қайтмас экан. Н. Фозилов, Дийдор.*

2 кўчма Ёмон оқибатларга олиб бора-диган зарарли хатти-ҳаракат, иш; гуноҳ. *Бас, сиз билан биз, Тожибой ака, бу ишга раҳбар-лик қилиши ўрнига қўл силтар эканмиз, жино-ят қилган бўламиз ва бунинг учун халқ, олди-да жавобгар бўламиз. П. Турсун, Ўқитувчи. Бундаи ишни кечиктириши жиноят. Ш. Раши-дов, Голиблар.*

ЖИНОЯТКОР \а. + ф. - жи ноят қилувчи, қилган] Айб, гуноҳ қилган киши. [Майсара:] *Бўлди ўйин ҳам. Вақткет-ди, қани обчиқинг бу жинояткорларни! Ҳор-диқ чиқсин. Хамза, Майсаранинг иши. -Агар Ҳасан жинояткор бўлса, мен жинояткор бўла қолай, сизлар колхозни истагашарингча бу-зинглар, — деди Фотима. С. Айний, Қуллар.*

ЖИНОЯТКОРЛИК Жиноят билан шу-ғулланиш, жиноятчилик; айб, гуноҳ. *Улар жинояткорлик қилиб юрган вақтларида, одам ўлдиришида тажриба орттирганларнинг бу ишда қўллари титрамас ва юраклари хурк-масди. С. Айний, Бухоро жаллодлари.*

ЖИНОЯТКОРОНА рви. Жиноий йўл билан, жинояткорларча. *Бундай жиноят-корона бепарволик қилишимга нима сабаб бўлди? Ўзимнинг гўллим, бефаҳмлим са-баб бўлди [деди Абдусамадқори]. А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари. Ғўза ва бошқа чопиқ қилинадиган экинларни кўллатиб сугориши қатъиян тақиқланади. Чунки бундай қилиши сувни жинояткорона талон-тороғ қилишига сабаб бўлади. Газетадан.*

ЖИНОЯТЧИ қ. **жинояткор.** *Хавфли жи-ноятчи. Ҳарбий жэжоятчи. ти Райондан кел-ган терговчи уч кун овора бўлиб, жиноят-чиларнинг изини тополмади. А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари. Элмурод аччиқ истех*

зо билан қулди: -Гапани қаранг-а. Жиноят-чига жазо талаб қилиш уят бўлар эмиш. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИНОЯТЧИЛИК Жамият учун хавф-ли хатти-ҳаракат. Республика судлов органлари ҳисобининг хоҳиш-иродасини бажара бо-риб, жиноятчиликка қарши курашни кучай-тирдилар. Газетадан.

ЖИНС [а. а., :? — тур; хил, нав; қаби-ла, миллат] **1** биол. Жонли организмлар-нинг биологик ва жисмоний хусусиятла-рига кўра икки (эркак ва урғочи) туридан бири. Эркак жинси. Хотин жинси. **тм** Ўзаро қарама-қарши икки жинс дунёда тириклик-ни давом эттиради. Т. Қаипбергенов, Қо-рақалпоқнома. Бўлажак фарзанд жинсининг ўғил ёки қиз бўлиши отадаги уруғ ҳужайра-си таркибида бўладиган икки хил хромосо-мага боғлиқ. Газетадан.

2 Тур, нав, хил. Лириканинг ўзига хос ада-бий жинс сифатидаги табиати унинг жанр қиёфасида ҳам акс этади. «УТА». Барон фон Ринг, албатта, эшак эмас, балки орий жинс-дан бўлган бир зот. А. Қахдор, Барон фон Ринг.

3 Ижтимоий гуруҳ, табақа. Жинсига тортмоқ. **тм** -Ота, бу синглим,— табассум билан деди Йўлчи. — Бойникида яшашини маъ-қул кўрмадим. -Яхши қилибсан: Кабутар бо кабутар, жинс бо жинс Тўғри, улар қарин-дошинг. Лекин улар сени ўз жинсига қўшмай-ди. Улар пул жинсидан. Ойбек, Танланган асарлар.

4 геол. Ер қобиғининг маълум қатламини ҳосил қилган минерал. Қоя остидаги тоғ жинслари минг йиллар давомида эсанг шамол таъсирида силлиқланиб, зор шаклида ўйилган эди. С. Кароматов, Олтин кум. Нуротадан Томдibuлоққача чўзилган тоғлардаги тоғ жжсларини ўрганиб, у жойларнжг геологик харитасини тузди. С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

ЖИНСДОШ 1 Бир биологик жинсга мансуб бўлган, жинси бир. Онам зотан хотин, ёрим ҳам хотин, Синглим ҳам, қизим ҳам уларга жинсдош. Ф. Гулом.

2 Бир ижтимоий гуруҳга, табақага ман-суб бўлган; зоти бир. Сен хали ҳам ўз чўрили-гингни эсингдан чиқармаган, ҳали ҳам менинг молимни ўз жинсдошларинг бўлган батрак-қулларни семиртириш йўлида исроф қилар экансан. С. Айний, Қуллар.

ЖИНСИ [ингл. jeans — бир турли шим < jean — қалин ип газлама] Қалин ип газлама-дан тикилган иш кийими тури (асосан шим ҳақида). -Бош бошқармага телефон қилинсин, — деди жинси шим кийиб олган робот. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. Магазинга келган импорт — сўнги модадаги жинси шимдан шу магазин мудирининг ўғли Тойлоқжон куруқ қолди. Газетадан.

ЖИНСИЙ Биологик жинсга, жинс ма-салаларига оид. Жинсий белгилар. Жинсий айирмалар. Жинсий тарбия.

ЖИНЧИРОҚ Пахта пилиги билан ёнув-чи шишасиз чирок; қорачирок. Уйидаги нар-саларни гира-шира айиришига имкон берувчи «жинчирок» ҳам энди кўринмайди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЖИНҚАРЧА шв. **1** Читтак.

2 кўчма Тирранча. тирмизак. Шунча ёш-га кириб, шунча йил эл бошида туриб обрў орттирган Умарни жинқарчалар отдан ағда-риб ташилагани яхшими? И. Рахим, Ихлос. Бай-бай-бай.. ўзи жинқарча бўлсаям, шунақа захар қизки, худди Зулайҳо опангизга ўхшай-ди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖИНҒИЛ шв. **1** Юлғун. Моҳандарёводий-сида юлғун, жжғил, янтоқ, қизилмия, аж-риқўсади. П. Гуломов, Зарафшон этаклариди.

2 Юлғундан қилинган. Чол эшик олдида суёглиқ турган жинғил таёгини олди-да, Тўрткўзни эргаштириб, қоронгиликка кириб кетди. С. Анорбоев, Оқсой.

ЖИНҒИРЛАМОҚ Қўнғирок товуши чиқармоқ. Соат жинғирлади. Телефон жин-ғирлади.

ЖИНҒИРОҚ қ. **қўнғироқ**. Шу кеч пал-лада кўча эшикнинг жинғироги жиринглаб қолди. Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ЖИПС рвш. 1 Орасида жой, тирқиш бўлмаган, тирқишсиз, зич. *Жипс ётилмай турган эшикларнинг икки қаноти орасидан совуқ қорнинг заҳарли изгирини кириб, уйлар-нинг тоқчаларини айланмоққа, унинг совуқ «хув-хув»лари ишп ораларидан эшитилмоққа бошлади.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Бир жон, бир тан бўлиб бирлашган, бирдам. *Тинчлик учун курашувчиларнинг жипс сафи ўсмоқда. Жамоа билан жипс боғ-ланмоқ.*

3 кўчма Яқин, яқинлашиб; ёнма-ён. *Жўра бобонинг тўриги улоққа жипсроқ чопди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Бўз от жийрон-қашқа билан жипс келган заҳоти Бобур бўй чўзиб, нариги отнинг эгаридан икки қўллаб ушлади-ю, бор кучи билан эгардан эгарга сак-ради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЖИПСЛАМОҚ Орасида жой, тирқиш қолдирмай тақамок, зичламоқ. *Пол тахта-ларини жипсламоқ. ишп Иккаласи икки ходани бир-бирига жипслаб, сим билан маҳкам боғ-лади, сувга ташлаб, устига миниб олишиди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

ЖИПСЛАШМОҚ 1 **Жипсламоқфл.** ўзл. н. Чолнинг юзида табассум пайдо бўлди, ковок усти, кўз ости ажинлари жипслашиди. Ойдин, Олтин узукка олмос куз.

2 кўчма Бирлашмоқ, аҳил бўлмоқ. *Икки йил ичида бўлим коллективи уюшиб, жипс-лашиди.* «Ўзбекистон кўрикдари».

ЖИПСЛИК 1 Зичлик, бир-бирига яқин-лик. *Тахталарнинг жипслиги.*

2 кўчма Ўзаро яқинлик, аҳиллик, бир-дамлик. *Бу йилги шароит бошиқачароқ, ниҳоятда жипслигимизни, мустаҳкам дўстлиги-мизни, ҳамжиҳатлигимизни тақозо этади.* Газетадан.

ЖИР I [р. жир — мой; ёғли, мойли нарса, овқат] с. т. Мой, ёғ. *ти -Етмиш икки ҳуна-ринг бор, лекин хумчангда беш пайса жиринг йўқ! — деб Мирвали банги бир кун Бердибойни койиган эди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Жир битмоқ 1) семирмоқ, эт, ёғ бит-моқ. *Кўйга ҳеч жир битмаётир. ти Сидиқ-жон қайнанадан бу хилдаги таъналарни кўп эшитган, лекин сира гап қайтармаган эди, бу сафар заҳарханда қилиб: -Ўзи тўймаган-нинг салқити қорин оғритади, онажон, сиз-дан ортди-ю бизга жир битдимми! — деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироғутри; 2) кўчма бойимоқ, давлати ортмоқ. *Энди жир битди-да! Битта кўйлак иккита бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. **Жири бор** Қўр-кути бор, давлатманд. *Жири бор оилаларнинг бо-лаларига мактаб ҳам, мадраса ҳам ярашади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖИР II шв. Кўшиқ. *Ўтовлардан чўпон-ларнинг ўлашари, оқинларнинг жирлари янграб, узоқ-узоқларга акс садо беради.* Газета-дан. *Ўзим каби қовуни бол ўша тир, Ўша ёш-лик алангам, Ўша кўшиқ, ўша жиров, ўша жир, Ўша жаҳон шўх янгам.* Миртемир.

ЖИР III шв. Жанжал.

ЖИРАФА \фр. giraffe <а. **АҒҒҒ**] Тропик мамлакатларда яшайдиган узун бўйинли ўтхўр ҳайвон. *Африка бутазорларида ҳайвон овловчи бир куни битта жирафа тутиб, қафасга солишиди.* «Фан ва турмуш».

ЖИРИЛЛАМОҚ Аламига чидай олмай гапирмоқ; гап, танқид ва ш. к. ни кўтара олмай қизишмоқ. *Камчиликларингизни кўрсат-са, нега жириллаисиз ?ишп Бирданига кирқ етти боғ ютқизган Ниёзмат ҳожиси жириллаб, яна тўқсон тўрт боғ тикди.* А. Кдхҳор, Сароб. *-Тўрт йил остонангизда ишладим, энди ҳақ десам, нега жириллайсиз? — деди Жониш Сот-волди бойга.* Ҳ. Шамс, Душман.

ЖИРИНГ тақл.с. Металл, чинни, шиша буюмларнинг урилишидан чиқадиган нозик товуш ҳақида. *Телефон жиринг этди. ти Пул-га ўч у \Самандаров\, ёнингизда*

танга жи-ринг этса, «лаббай, гапирдингизми?» деб ту-радиган одам. А. Мухтор, Туғилиш.

Мулла жиринг ёки жиринг чақа Пул, танга-чақа. -*Хукуматчилик*,— деб ҳамсухбатларига тасалли берди Махсум, — менга ўхшаиш, сенга ўхшаиш мойжувози борлар солик тўламай қўйса, давлатнинг ҳамёнига мулла жиринг қаёқдан тушади? П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИРИНГЛАМОҚ Металл овози каби бўғиқроқ товуш чиқармоқ. *Телефон жиринглади. Маҳмуд Ҳайдарович трубкани олди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Те-лефон жиринглаб, Муродованинг хаёлини буз-ди.* И. Раҳим, Ихлос.

ЖИРИШ шв. Чала эланган, серкепак ун ва шундан тайёрланган нон. *Махсум жирини нондан бир чимдим оғзига таипаб, ташкарига чиқди.* В. Гофуров, Вафодор.

ЖИРКАНМОҚ Ҳазар қилмоқ, ирган-моқ. *Ҳайдаров суҳбатдошига бирдан жирканиб қараб қўйди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Пошишахон шаҳарлик бойвучча аёл бўлиб, ўз қариндошларидан жир-канар, берироқ юришни ёқтирарди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ЖИРКАНУВЧАН Ҳар нарсдан жир-канаверадиган, ҳар нарсани кўнгли тортавермайдиган, кўнгли нозик; ҳазарчи. *Жирка-нувчан одам.*

ЖИРКАНЧ 1 Одам ҳазар қиладиган, жирканадиган; кишини жиркантирадиган; ифлос. *Жирканч манзара. шш Ёқимсиз, жир-канч кулги Ахмаднинг хаёлини бўлди.* Ф. Муса-жонов, Ҳиммат.

110 ЯЪ^

2 кўчма Разил, қабих. *Соф нарсага қўл бериши учун жирканч нарсага ҳам қўл уришга тўғри келар экан.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЖИРЛАМОҚ шв. Қўшиқ айтмоқ, куй-ламоқ.

[Бировнинг] жирини жирламоқ Бошқа-ларнинг фикр-ғояларини тарғиб қилмоқ.

ЖИРОВ шв. Достон, терма айтиб куй-ловчи бахши (ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ халқларида). *Қозоқлар орасида бахшилар, жи-ровлар.. элни оралаб тентираб юриб, тирик-чилик ўтказадилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Жамбул шоирлар жи-рови, оқсоқол, Тилларга бол бердинг, элларга ҳаммақол.* М. Шайхзода.

ЖИРОНҒОР эск. ҳарб. Қўшиннинг сўл қаноти, сўл фланг. *Амир Бадриддин ўз жиронгори билан душманнинг жиронгори устига дадил ёпирилди.* Ойбек, Навоий.

ЖИРРАКИ қ. **жиззаки.** *Уўлгур жирраки экан, эрим раҳматликни бошига калладай тош билан уриб ўлдирибди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ЖИРРАКИЛИК қ. **жиззакилик.** *Дилиод ўзини хокисорликка солмади, шунингдек, жирракилик ҳам қилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖИРТАК: жиртак отмоқ (ёки чалмоқ) 1) гап-сўз қилмоқ; майна қилмоқ. *Менҳам юра берсам, тирикчилигимни қила берсам, биров жиртак чаладимиз?* А. Мухтор, Туғилиш; **2)** ичиқоралик қилмоқ. *Лекин Камол қози жир-так отиб, оёқ тираб туриб олди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЖИРТАКИ қ. **жиззаки** Зокиржон ҳаддан ташқари жиртаки, асабий бўлиб қолганди. Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси.

ЖИРТАКИЛИК қ. **жиззакилик.** *Аҳмадўз ҳиссиётларини жиловлаб туролмади, жирта-килик қилди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. \Жа-лол\ *Мамаюсуфнинг жиртакилигини кўра-била туриб, бир тепди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЖИРТИЛЛАМОҚ с.т. Жирилламоқ.

ЖИСМ \а. ш — тана, организм; мод-да] **1** физ. Маълум жойни эгаллаб, ишғол қилиб турган материя, модда. *Қаттиқ жисм-лар. тт Алломалар ҳандасаю риезиёт ва ёки шифо илмида эмас, оддий бир жисмдан ҳам ҳикмат топардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Товуш турли жисмларнинг тебраниши жа-раёнида вужудга келади.* «Фан ва турмуш».

2 мат. Фазонинг ҳамма томондан берк сирт билан ўралган бир қисми. *Геометрик жисмлар.*

3 Тан, тана; вужуд. \ *Навоий.* \ *Эшит, Ман-сур!* \ *Мансур.* \ *Бутун жисмим қулоқдир.* Уй-гун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Жасорат тимсоли Икардир абад, Жисми гар ўтларда кетгандир ёниб.* А. Орипов.

Исми бор-у, жисми йўқ қ. исм. **Исми жис-мига мос** (*ёки монанд, муносиб, ярашган*) Исмига, номига, унвонига мос. *Бригада аъзо-ларидан яна бири исми жисмига монанд Барно Ҳожиевадир.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит.

ЖИСМАН *рви.* Жисмоний жиҳатдан, жисмоний. У [*Камолитдин*] *ҳикоя асноси ор-тих, ҳаяжонлангани учун руҳан ва жисман чарчаган эди.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Ға-фур Ғулом орамизда жисман йўқ.* Газетадан.

ЖИСМОНАН қ. **жисман.** *Жазо отря-дининг сўнгги вазифаси — муддаоси руҳан енгилмаган барча исёнкорларни жисмонан маҳв этиб, шу майдонда қириб ташлаш эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Мамлакатимиз-да бахтиёр авлод болаларининг ҳар томон-лама ривожланиши учун, хусусан ҳам жис-монан, ҳам маънавий камолотга етишиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё.* «Фан ва турмуш».

ЖИСМОНИЙ Жонли организмларнинг жисмига оид; мускул ҳаракатлари билан боғланган; жисмонан. *Жисмоний тарбия.* **тш** *Кўринишдан Тўлқинжон Сирождан жисмоний кучлироқ эди.* Ф. Мусажон, Ҳури.

Жисмоний меҳнат қ. **меҳнат 1.** \ *Аваз* \ *Жисмоний меҳнатдан йироқроқ юргангами, бугун зўриқиб қолган эди.* С. Сиёев, Аваз. **Жис-моний тарбия** Организмни ҳар томонлама чиниқтиришга қаратилган, соғлиқни мус-таҳкамлашни назарда тутган тарбия, жис-моний машқлар. *Жисмоний тарбияўз даври-га нисбатан анча юқори босқичда турган Юнонистонда яланг оёқ юриш кенг расм бўлган.* «Фан ва турмуш».

ЖИЧЧА *шв.* Жиндек, озгина. *Ўртоқ Рўзиев, жиччагина илтимосимиз бор эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. [*Зеби:*] *Қандай сизар шунча шодлик Бирдан жичча дилим-га?* Т. Тўла.

ЖИШ I *бол. айн.* гўшт.

ЖИШ II Қушларнинг ҳали пат чиқар-маган боласи.

ЖИЯК I Дўппи, тўн ва ш. к. нинг четига тутиладиган махсус энсиз тасма. *Қўлда тўқилган жияк.* **тш** *Унинг узундан-узун оппоқ соқоли, ёқаси очиқ оппоқ яктаги, дўпписи-нинг оппоқ жияклари, офтобда қорайган кенг кўкраги — ҳаммаси чангга ботган эди.* **III.** Рашидов, Бўрондан кучли. У [*Болта арава-каш*] *дўпписининг жиягини қайтариб, шоҳи белбоғ билан боғлаб олган.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Бирор нарсанинг гир атрофи, чети. *Мурод унинг жияклари қизарган кўзларига термилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Жияк-ларида бойчечаклар ўсиб ётган нам сўқмоқ-дан оқ отли йўловчи жадал кетяпти.* Ш. Хол-мирзаев, Оқ отли.

ЖИЯКФУРУШ Жияк сотувчи. -*Карим полвоннинг ўғлиданам беш ойдан бери [хат] келмаётганмиш,* — *гапга аралашиди Иқбол са-танг,* — *ануви паст кўчадаги Султонхон бор эди-ю, биласиз, жиякфуруш, ўшанинг ўғли ярадор бўлган экан, отпускага келибди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЖИЯН I Ака-укаларнинг, опа-сингил-ларнинг фарзанди (тоғага, амакига, хола-га, аммага нисбатан). *Фотима Элмуродга синфдош бир аёлнинг жияни бўлиб, амма-сининг олдига бот-бот келиб турарди.* Шу\-рат, Шинелли йиллар. *Зокиржон жияни қу-йиб берган чойни кичик-кичик хўшаб ичди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

2 Ўзидан кичик яқин кишиларга му-рожаат шакли. -*Чаққон жўнайлик, жиян-лар,* — *деди Олимов.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақ-моқлар.

ЖИҚ Бутунлай, батамом; жуда кўп. *Этигим жиқ хўл бўлди.* **тш** *Адолат бошини кўтарди. Унинг жиқ ёшига тўлган кўзларида ҳам қўрқув, ҳам ёлвориш бор эди.* С. Зуннуно-ва, Гулхан.

ЖИҚ-ЖИҚ 1 айн. **жиқ.** *Сабозулнинг жиқ-жиқ ёш тўла кўзлари алам ичида Шералига меҳр билан боқди-ю, ерга қадмди. С. Карома-тов, Олтин кум.*

2 Кучли, шиддатли. *Қоронгида хужранинг у бошидан бу бошига судралиб, жиқ-жиқ со-лишаётган Жаниш жуда кучдан кетди. Ҳ. Шамс, Душман.*

ЖИҚИЛЛАШМОҚ 1 Қаттиқайтишмоқ; тортишмоқ, жанжаллашмоқ. [*Юсуп Комил-га:*] *Гап тамом. Сен билан кўп жиқиллашиб ўтиришига фурсат йўқ. О. Ёқубов, Айтсам, тилим куюди, айтмасам — дилим.*

ЖИҚҚА қ. **жиқ.** *Жиққа ҳўл ўтин. тт Ча-роснинг кўйлаги дарров жиққа сув бўлди. У. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. Йигита-лининг бутун вужудини жиққа тер босган, ҳолсизликдан гандираклар, қалин буталар орасидан кетаётганини биларди, холос. Д. Нурий, Осмон устун. Оппоқ қизнинг кўкиш кўзлари жиққа ёшига тўлди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Бечоранинг [Назокатнинг] кўзла-ри жиққа-жиққа ё'ш, эҳтимол, турмушида бирор бахтсизлик учрагандир. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

ЖИҚҚАМУШ(Т): жиққамуш(т) бўлмоқ Қаттиқ муштлашмоқ, уришмоқ. *Ерли-сув-ли, пулдор одам вафот қилса, унинг ворис-ларини бир-бири билан жиққамуш қилади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЖИҒ I: жиғига тегмоқ Тегишиб ёки би-рор ёқмайдиган иш, гап билан жаҳлини чиқармоқ, ғашини келтирмоқ. *Баъзан Анор-хоннинг жигига тегиш учун йигитни улар ўзаро «Собир почча» дейишар эди. Ойбек. О.в.шабадалар. Бошқа овоз раиснинг жигига қаттиқроқ тегди. Ш. Рашидов, Ғо-либлар. Жиғини эзмоқ* Уриб абжагини чиқармоқ. [*Марасул:*] *Ҳа, ўша сени.. (урмоқчи бўлади). Жигини эзаман.'А. Қахҳрр, Огриқ тишлар.*

ЖИҒ II тақл. с. Қайнай деб турган са-мовар, кумғон ва ш. к. дан чиқадиган товуш ҳақида. *Самовар жиг этди-қайнади.*

Юраги жиғ этди Юраги жиғиллади, юра-ги шув этди, юраги орқасига тортиб кетди. *Сидиқжоннинг юраги жиг этиб кетди. А. Қахҳрр, Қўшчинор чироклари.*

ЖИҒА 1 этн. Бош кийимига тақила-диган, уқпар ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган зийнат буюми. *Тилла жига яра-шади бошига, Олиб келдик чарлаб зўрнинг қошига. «Эрали ва Шерали». Куёвзун ва кенг зарбоф иўн кишиб, кашша салласига кўркам олтин жига қўндириб, хавони титратган карнайлар, сурнайлар садоси билан ўзиникига кетди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 кўчма айн. **тож.** *Узоқдаги Чотқол кўёш-дан Олтин жига тақмиш бошига. С. Акба-рий.*

ЖИҒАВУЛ шв. қ. **жиғовул.**

ЖИҒАДОР 1 Жиға таққан, жиғали. *Бо-шида жигадор бўрк, кимхоб чопонини елкага ташлаган амирзода Иброҳим Султон кириб келди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

112 дъ^

2 тар. Ўрта Осиё хонликларида: жиға-ларни сақiovчи киши. *Оқсоқол, ақобир, амалдор, тугдор, жигадор йигилиб, бўлак кишини хон кўтарди. «Муродхон».*

ЖИҒИБИЙРОН: жиғибийрон бўлмоқ Куйиб-пишмоқ, ўртанмоқ; тутакиб кетмоқ. *-Худо кўрсатмасин, қамаб кўйсалар яхшими ? — жигибийрон бўлиб деди она. Ойбек, Нур қидириб. Фотима она эри берган пулнинг чўгини кўриб, жигибийрон бўлди. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Жиғибийрони чиқмоқ айн. жиғибийрон бўлмоқ. Жигибийрони чиқибкет-ган Аҳмад ноқулай аҳволга тушиб қолди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

ЖИҒИЛДОН 1 Кушларнинг қизилўн-гачидаги овқат тўпланадиган ва юмшата-диган буқоқсимон кенг жой. *Хўрозчанинг жигилдони муштдай шишиб чиқди. М. Исмой-лий, Фарғона т. о.*

2 кўчма Томоқ, курсоқ (нафс ҳақида). *Жигилдон хуруж қилган ерда виждонга йўл йўқ*. Уйғун, Ҳаёт кўшиғи. *Унданҳазар қилинг: жигилдонига Улар ўз онасин олишган инсон*. Шукрулло, Жавохирлар сандиғи.

Жигилдон бандаси (ёки овораси) Томоқ, нафс овораси; очкўз, ебтўймас. *Фармонқул кўп бамаъни эди-ю, икки-учта жигилдон ово-ралари уни йўлдан уришди-да*. С. Маҳкамов, Шогирд. **Жигилдон қайнаши** Баъзи ошқо-зон-ичак касалликлари натижасида меъда-нинг қайнаб ачишуви. *Хамир овқат есам, жигилдоним қайнайди*. **Жигилдонга урмоқ** ёки **жигилдондан ўтказмоқ** Емоқ, еб юбор-моқ, томоқдан ўтказмоқ; бировнинг ҳақини йўқ қилиб, ҳазм қилиб юбормоқ. -*Қиз бўйга етгандан кейин Мамасаид «тайёр ошга ба-ковул» бўлди*. Ҳалинини енг учуда олиб, жи-гилдонга урди-да, қизни узатди, — деди Дав-латёр. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖИГИЛЛАМОҚ 1 «Жиғ» этган товуш чақирмоқ. *Самовар жиғи/viadi*. Аваз ўтхона-га ёғоч қошиқдай иккита саксовул ташлаб, ичкари кирди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 кўчма Куйиб-пишиб гапирмоқ, жон куйдирмоқ. [Ғуломжон] *Ўзининг ҳали-ҳали уйланмаганини.. бошингни иккита қилиб қўйсақ, деб жиғиллаб ўтаётган ота-онасини бахтиёр қилиши мумкинлигини ўйлаб ачинди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Юраги жиғиллади Юраги шув этди, юра-ги орқасига тортиб кетди. *Қодир.. ўрндан туриб, соатига қаради. Соат тўрт. Юраги жиғиллаб кетди. Бир жойга бориб, сира бун-дай кеч келган эмас эди*. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

ЖИГИЛЛАШМОҚ Қизишмоқ, айти-шиб олмоқ,. *Бугун радиодан берилган пьеса ҳақида гап кетиб, Саодат билан Собиржон бир оз жиғиллашиб олишди*. Т. Максудов, Муҳаббат кўшиғи.

ЖИГОВУЛ фольк. Ов қушининг бўйин боғи. *Қарчигай бўйнига тақдим жиговул, Хиз-матимда сафхудайчи, шиговул*. «Хушкелди».

ЖИГОЛТОЙ Йиртқич қушларнинг ло-чинсимонлар оиласига мансуб бир тури.

ЖИҲАТ [а. ." ^ — томон, тараф; йўна-лиш] 1 Тараф, томон. *Майдон икки таноб кенгликда бўлиб, жануби қутидор ва қўшни-сининг иморатлари.. ва бошқа уч жиҳати ҳам шунга ўхшаш бинолардан иборат эди*. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. *Саҳннинг тун ва кун ботар жиҳатлари кичкина ҳужралар билан ўралган*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Бирор иш, масала ва ш.к. нинг таркибий қисми, ўзига хос хусусияти, то-мони. [Фотима] *Ўзига кимларинг кўнгил қўйганини билар ва муомалада бу жиҳатни ҳисобга олар эди*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Эъти-борхон Охунова табиат мафтунни, уни жон-дан севади. Унинг нозик, ранг-баранг жиҳат-ларини чуқур ҳис этади*. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ЖИҲАТДАН кўм. Тарафдан, томонлан, тарафлама. *Шу даврада уни ҳам, ўзини ҳам ҳар жиҳатдан текширибкўрди*. Ш. Рашидов, Голиблар. *Турсунхон кўп жиҳатдан ўз эши-га, бизнинг суюкли шоирамиз Зулфия хонимга яқин*. Миртемир, Дўстлар даврасида.

ЖИҲОД [а. >1 д ? — ҳаракат қилиш; ку-раш, олишув] дин. Мусулмонларнинг Ислом динининг тарқалиши йўлидаги ғовларни бартараф этиш, уни ҳар тарафлама муҳо-фаза қилиш йўлида ғайридинларга қарши муқаддас уруши; ғазавот. У [Дишод] *вара-қани оддий ҳаяжон билан эмас, курашга, қўзғалишга, жиҳодга чақирувчи хитоб билан, майдон мардининг ҳайқириги билан тугалла-ди*. М. Исмоилий, Фарғонат. о.

ЖИҲОЗ [а. jLfa. — барча зарур нарса-лар; асбоб-анжом] 1 Ишлаб чиқариш қурул-лари, асбоб-ускуна. *Лаборатория жиҳозла-ри. Корхона жиҳозлари*.

2 Асбоб-анжом, уй-рўзғор асбоблари, буюмлари. *Пошиша хола бехосдан хаёлига ке-*

7-Ўзбек тилининг изоҳли луғати

либ қолган бу фикрдан ўзини чалғитиш учун уй файзига, унинг жиҳозларига тасаннолар ўқибкетди. Д. Нурий. Осмон устунни. *Уй жи-ҳозга гоятда бой, гўё музахона тусини берар эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖИҲОЗЛАМОҚ 1 Асбоб-ускуна, ишлаб чиқариш куруллари билан таъминламоқ, ускуналамоқ. *Бош конвейер хилма-хил мах-сус пневматик ва электр асбоблари билан жиҳозланган. «Фан ва турмуш». Жонкуярлар янги цехни асосан ўзлари ясаган технология ускуналари билан жиҳозладилар.* Газетадан.

2 кўчма Безамоқ, ясантирмоқ. *Шинам хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланган.* Газетадан.

«Ж»ЛОВЧИЛАР тлш. Ўзбек тилининг «й» ўрнида «ж» ишлатувчи лаҳжасига мансуб ўзбеклар.

ЖО [ф. *Ja.* - макон, манзил]: **жо бўл-моқ** Жойлашмоқ, мустақкам ўрнашмоқ; сиғмоқ. *Ҳамма кийимлар бир чамадонга жо бўлди. шш [Самар Лайлога.] Сизнинг кўши-гингиз қалбимга жо бўлиб қолди.* М. Қори-ев, Ойдин кечалар. *Ойқиз қалбига жо бўлган фикрларнинг ҳаммасини бирма-бир айтди.* Ш. Рашидов, Голиблар. **Жо қилмоқ** Жойламоқ, жойлаштирмоқ; мустақкам ўрнаштирмоқ. *Эъзозхон шу сўзларни дилига жо қилиб олди.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Тунлар сени кипригимда шутайми, Кўзгинамнинг қорасига қилай жо ?* Э. Воҳидов, Самарқанд кечаси.

ЖОБАЖО [ф. *UJU* - жой-жойига]: **жобажо бўлмоқ** Жой-жойига, тартибга туш-моқ, жой-жойига келмоқ, саранжом-са-ришта бўлмоқ. *Ҳамма нарса жобажо бўлди. Жобажо қилмоқ (ёки этмоқ)* Жой-жойига, тартибга келтирмоқ, саранжом-сарришта қилмоқ. *Ҳалолу дилкаш эрур боғбону деҳқо-ни, Ҳар ишни қойил этар жобажо, омон бўлсин.* Ҳабибий. *Бир давронки, орзулари жобажо, Лаҳзасига йиллар этар жон фидо.* Миртемир.

ЖОБИР [а. *j^La.* — жабр-зулм ўтказув-чи] эск. Жабр қилувчи. *Тарих кўп йил таҳқир битар Чингиз каби жобирга.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ЖОВДИРАМОҚ қ. **жавдирамоқ.** *Хонага ранги оқарган трамвай ҳайдовчи қиз уялин-қираб кирди-да, жовдираб, капитанга қара-ди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ЖОВЛИК 1 шв. рвш. Ёппасига, ялписи-га, ҳаммаси бараварига. *Оломон қилични ялангоч қилди. Саккиз юзи бирдан жовлик от қўйди.* «Очилдов».

2 Батамом, тамомила, бутунлай. *Жамбил сенга, жовлик ўзингга қолди.* «Равшан».

ЖОВИДОН [ф. *oWjW-* - абадий, дои-мий] эск. Абадий, мангу. *Ўзумржи қипганди у шеъри билан жовидон.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ЖОВОН қ. **жавон.** *Саройда, девор ёнида, тош ойнали жовон ичида қимматбаҳо биллур ва чинни идиш-товоқлар турибди.* Т. Руста-мов, Мангу жасорат.

ЖОДИ Беда, пичан, хашак қирқадиган дастаки асбоб. *Бола.. супурар, ахлат ташир, кечқурун қароллар даладан келганларида, от-ларга жодиди беда қирқишар эди.* М. Исмой-лий, Фарғона т. о. *Бизда пичан жодиди кеси-лади, ун сув тегирмонида тортилади.* Ш. Ра-шидов, Голиблар.

ЖОДУ \ф. *ʃʃLʃ.* - афсун, сеҳр; афсун-гар, сеҳрловчи] **1** Сеҳргар, афсунгар. *Банд-га тушган бу кўнгилдир, Менда айтинг, не гуноҳ, Дил қушига дом қўйган Ул икки жоду-да айб.* Э. Воҳидов, Ёшликдевони.

2 Мўъжизалар вужудга келтирувчи ҳа-ракат; дуо. *Ўзлингизнинг бу иши бежиз эмас. Маргилонлик сеҳр қилдимми, жоду қилдимми, ҳайтовур, сиз шу йўсинда юра берсангиз, эрта-индин ўгилдан ажраласиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Жоду кўзлар Мафтун қилувчи, сеҳрловчи кўзлар. *Кийгани гулгун, қирмизи, Ақлим олар жоду кўзи.* «Муродхон». *Бир жоду кўз кўрдим, чалгитар ҳаммани.* Х. Салоҳ.

ЖОДУГАР \ф. *^ʃʃI^* - сеҳргар, аф-сунгар] **1** Сеҳр қилувчи; сеҳргар, афсун-гар. *Нима бало, жодугармисиз, ота? Биз-нинг ичимиздаги гапларни қайқдан биласиз-а? [деди Муса]* **II.** Турсун, Ўқитувчи. *Зоти олийи ул бухоролик жодугарнинг фусунларидан қутқариб олмоқ керак.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 кўчма Ўтакетган айёр, маккор, ҳий-лагар. *Матқовул жодугар турмушга ташлаган биринчи қадамидаёқ қулогидан қарзга бот-ди-ю, шу-шу ўнглолмади.* М.

Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир ҳовуч пул учун аклдан озиб, Бутун дунёни ҳам ёқшига тайёр. Бу, ўша, абжаги чиққан жаҳонгир, Бу, ўша, ўлимтик, жодугар, айёр.* Уйғун, Ҳаёт чакиради.

ЖОДУГАРЛИК Сехр қилишлик, афсун-гарлик. *Афсунгарлик ҳодисалари ҳукм сурган*

115 ЯУ^

давр.ир давомида эса жодугарлик ва жоду-гар.шкка ишонч юзага келган. «ЎТА».

ЖОЗИБ \а. tʃJLa. — ўзига тортувчи, маф-тун қилувчи] эск. Узига жалб этувчи, ўзига тортувчи. *Қай дил чамани бой, жозиб нафаси.* Зулфия. Бунча жозиб, мунча соҳир, *Якто бўлдинг, Кўҳинор?* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

ЖОЗИБА [а. "цЛ-а. — ёкимлилик, дил-барлик, малоҳат] **1** эск. Тортиш (тортишиш) кучи, тортувчи куч; тортиш кучи. *Инсонлик-нинг маъноси ўзгарди Оламнинг жозибба қону-ни янглиг.* А. Мухтор.

Ер жозибаси эск. Ернинг тортиш кучи.

2 кўчма Узига тортувчи жиҳат, дилбар-лик, малоҳат. *Унинг училишида, ўйинида кишини мафтун этувчи жозибба, ажойиб санъ-ат бор эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Унда \Х. Олимжонда] сехрли бир жозибба ва са-лобат бор эди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сан-диғи.

ЖОЗИБАДОР [а.+ ф. jlj^JU - жози-бага эга, мафтун этувчи] Ўзига тортувчи, мафтун қилувчи, жозибали; ажойиб. *Жози-бадор мусиқа. ти Холжонбиканинг.. хусни Ёқутбиканикича бўлмаса ҳам, истараси ис-сиқ, юзидаги холи тим қора, кўзи жозибадор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *У[Алимардон] кўп қизларни кўрган, аммо бунақа жозибадор қиз-ни учратмаганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖОЗИБАДОРЛИК Ўзига мафтун этиш-лик, ўзига жалб этишлик. *Уйғур ва Етим Бобожоновлар иштирок этган спектакллар, яратган образлар ўз жозибадорлиги билан, хи.ма-хил ва такрорланмаслиги билан аж-рашбтуради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖОЗИБАЛИ айн. жозибадор. *Жозибсъи шеърлар. Жозибали куйлар. ти Комила келишган, кўзлари жозибали, ақлли, латофатли, шўх эди.* Ойбек, Нур қидириб.

ЖОИЗ [а. у.Л?. — рухсат берилган, мум-кин] Рухсат этилган, ижозат берилган, йўл қўйилиши мумкин бўлган. *Демак, бундай ҳо.иарда архаик сўзларни ишлатиши жоиздир. «ЎТА».* Илмни *Чин-Мочинга бориб ўргансанг ҳам жоиздир, деганлар расули худо.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Агар таъбир жоиз бўлса Агар мумкин бўлса. *Агар таъбир жоиз бўлса, Абдулҳақ Аб-ду.иаевни замонамиз Бехзоди дейиши мумкин. • Шарқ юлдузи».*

ЖОЙ I [ф. ^U. — макон, манзил] **1** Би-рор кимса ёки нарса ишғол қилиб турган ер, юза, фазо; ўрин, макон. *Золимнинг жойи — жаҳаннам.* Мақол. *иш Бозор куни бўлганига қарамай, бозор жойи бутунлай бўш эди.* С. Айний, Қуллар. *Милтигини жойига кўйди-ю.. китоб мутолаа қилиб ўтирган Элмурод олдига келди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Отабек раҳмат айтиб, жойидан кўзгалма-ди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Маълум бир воқеа-ҳодиса рўй берган ер; иш-ҳаракат, жараён ўрни. *Хизмат жойи.* *Автобус тўхтайдиган жой. ти Сидиқжон болалиги ўтган.. тор кўчаларни, қишлоқ, ан-ҳор бўйларини, сизир боққан жойларини бо-рибкўрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирок^ари.

3 Маълум бир нарса ёки иш-ҳаракат учун энг қулай, мос ер, ўрин. *Мутахассисларни танлаш ва жой-жойига қўйиши. Оғриқ жойини топса, олти ой қишлайди.* Мақол. *ти Бу ер ҳазилнинг жойи змас.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

4 Ер юзининг, фазонинг белгили, еп-рор хусусияти билан ажралиб турадиган ери, нуқтаси. *Пастқам жой. Баҳаво жой. Паст-баланд жойлар. Тор жойда томоша.*

Мақол. *ти Эрта куз жаласи тоғлик жой-ларга жуда ҳафсала билан қуяр эди.* А. Қахдор, Олтин юлдуз. *Сўқмоқ катта йўлга ту-ташган жойдан бепоён дала бошланар эди.* А. Қахдор, Қўшчинор чироқлари. *Бу жойдан бойнинг бутун пахта даласи кўзга ташла-ниб турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 Географик ёки маъмурий худуд; тараф, томон, ўлка; юрт. *Бизнинг жойларда анор кўп. ти Йўқ, у [Элмурод] бу жойларни ту-шида ҳам, ўнгида ҳам кўрган эмас.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу жойни халқ қадим замон-лардан бери Култепа деб атар эди.* Ш. Раши-дов, Ғолиблар.

6 Бирор нарсанинг айрим қисми, ери, бўлаги. *Гўштнинг ёғли жойи. Косанинг дарз кетган жойи. Ипнинг тугилган жойи. ти Бирор жойинг озғрийдими, Кумуш?* А. Қодир-рий, Ўтган кунлар.

7 Бадий асар, мусиқа ва ш. к. нинг ер-рор керакли, кизиқарли ери, ўрни. *Абдишукур.. бойваччанинг қўлидан китобни.. олиб, керакли жойини топди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баъзан севган қизларидан келган хатнинг қалбга бориб теккан жойларини бир-бирларига ўқиб берардилар.* Шухрат, Шинел-ли йиллар.

8 Гап, иш, хатти-харакат ёки белги-ларнинг шахсий баҳо бериш учун асос, дас-так бўладиган ери, ўрни. *Бу ишнинг ҳеч қи-йин жойи йўқ. Менинг кўрқадиган жойим йўқ.* **тм** *Мен сизга айтсам, қиёматли ўртоқмиз-у, мендан хафа бўлган жойи бор.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

9 Яшаш, ҳаёт кечириш, ётиш-туриш учун хизмат қиладиган ер; уй-жой, ҳовли-жой, бошпана. *Жой олма, қўшни ол.* Мақол. **тм** *Йўлчи бизникига ишлагани келган, ишла-син. Пули йўқ, жойи йўқ.. хотинни нима қила-ди.* Ойбек, Танланган асарлар.

10 Ўтириш ёки ётиш учун қилинган, солинган, тўшалган ўрин; ўриндик. *Вагонда бешта бўш жой қолди. Бугунги сеансларга жой йўқ.* **тм** *Ҳожимирсирож автобусда жой талашиб, болали бир хотин билан айтишиб қолди.* А. Қахдор, Иллар. *Холида кичик қизи Раънони уйга ётқизиб, эрига жой солгани айвонга чиқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

11 Мерос сифатида қолган, бирор ким-сага тегишли ер-мулк, ҳовли-жой. *«Рақат» мавзеида отадан қолган уч таноб жой бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана шу жойлар бурун Абдуваққос деган бир эшонга қарашли жан.* А. Қахдор, Қўшчинор чироқлари.

12 Иш, хизмат, вазифа, ўрин. *У яхши жойда ишлайди.* **тм** *Жонфигон.. хотинига неча-неча тавба-тазаррулар қилиб, энди би-рон жойга кириб ишлашга.. сўз берибди.* А. Қахдор, Жонфигон.

13 Оила, хонадон. *Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер.* Мақол. **тм** *Иқбол-линга кўп яхши жойдан қаллиқ чиқди, бо-лам. Ҳаммалари бирам сипо, бирам салобат-ли одамлар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Гапни (ёки сўзни) бир жойга қўймоқ қ. гап 1. Гап (ёки сўз, фикр) бир жойдан чиқди қ. гап 1. Жой қилмоқ Ётиш, ўтириш учун ўрин ҳозирламоқ. *[Асрорқул] атрофга еуе сепиб, супага жой қилди.* А. Қахдор, Асрор бобо. **Жойини топди ст.** 1) жойига тушди; 2) иш-латиб, ҳазм қилиб юборилди, эгалик бўлиб кетди. **Жойига келтирмоқ (ёки қўймоқ)** Ўринлатмоқ, ўрнига қўймоқ, тегишлича адо этмоқ, бажо келтирмоқ. *Ҳурматини жойига келтирмоқ.* **тм** *[Мухлис:] Дуруст, ҳамма ишни жойига қўйдим. Қадри меймонларимизнинг кўнгилига путур етмаса, бас.* 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. **Кутмаган (ёки кутилмаган) жойда** Кутилмаган пайтда, кутмаган ҳолда. *Бошланишида анчайин ҳазилга ўхшаб кўринган бу гинахонлик кутилмаган жойда жиддий бир тус олиб кетди.* А. Қодир-рий, Ўтган кунлар. **Кўнгли жойига тушмоқ қ. кўнгил. Кўнглидан (ёки юрагидан, қалбидан) жой олмоқ** Кўнглида қолмоқ, юрагидан, қалбидан ўрин олмоқ: кўнглида чуқур из, асар қолдирмоқ. *Мен хотиним билан анча йилдан бери туриб, ундан кўп яхшиликлар кўрганман, бу*

яшиликларнинг ҳар қайсиси кўнглимдан алоҳида-алоҳида жой олган. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Ўтиргани** (ёки ўзини қўйгани) жой тополмай қолмоқ Ҳаяжондан, кутилмаганликдан типирчилаб, нима қила-рини билмай қолмоқ, саросимага тушмоқ. Гуломжон ҳокимни кутгани бормади. Унинг келишини эшитгандан бери нафрати кўзгаб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. М. Ис-моилӣ, Фарғона т. о. **Ўтқизгани жой топол-май қолмоқ** Жуда катта хурмат билан кутиб олмоқ. *Офтоб ойимни бўлса Ўзбек ойим ўтқизгани жой тополмас, «қуда» сўзи ўрнига «синглим» деб хитоб цилар, ошани ҳам унинг раъйини сўрамасдан буюрмас эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Ҳушини жойига келтирмоқ** Кеккайиб, ўзига ишониб, ҳаддидан ошиб кетган кишини тартибга чақириб қўймоқ.

ЖОЙ II рвш. шв. Бафуржа, бамайлихо-тир; кеч, кейин; аниқ. *Бугун ишга жойроқ бораман. Дам олиш кунни эрталаб жойроқ туришади.* **тм** Бўлган ишни жойроқ гапириш керак, токи ҳақиқат юзага чиқсин. Ҳ. Гулом, Тошкентликлар.

ЖОЙИДА рвш. ва кесим взф. Чакки эмас, ёмон эмас, тузук, дуруст, соз. *Иш жойида. Аҳволингиз жойидами ? тм Эс-ҳуши жойида, қадди-қомати келишган, тан-жони соз, куч десангиз, битта манман деган йигитнинг ишни баҳузур қиладиган хотин эди-да.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Дастурхон жойида: қанд-қурс, мевачеванинг саногии йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОЙЛАМОҚ I Батартиб териб, тахлаб қўймоқ; сиғдирмоқ, қўймоқ. *Яшикларга олма жойламоқ. Вагонларга юк жойламоқ. Китоб-ларни токчаларга жойламоқ.* **тм** [Гулнор] *Са-ноқсиз асбоблар, идишларни пала-партиш йигиштириб, сандиқларга жойлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Солмоқ, солиб бекитиб қўймоқ. *Мил-тиққа ўқ жойламоқ.* **тм** *Қўлдош бобо пулни пўстиннжг ич чўнтагига эҳтиётлаб жойлаб қўйди.* Ҳ. Гулом, Тошкентликлар.

3 Бирор иш ёки ўқишга киргизиб қўймоқ. *Ўқишга жойламоқ. ти Никанор ота уни ўгли-га қўшиб, устахонага ишга жойлаб қўйди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ўша замонда ўлиб кетган хо-лавачасининг ўғай ўгли доктор бўлган экан, уни уришиб-уришиб, касалхонага жойлаб қўйди.* А. Кдхҳор, Тўй.

ЖОЙЛАШМОҚ I Ўтирмоқ; ўрнашмоқ, жой эгалламоқ; сиғмоқ. *Хотинлар қий-чув билан етти аравага жошаиди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Станқиянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Эсон-омон жойла-шиб олгач, овқатланиш ва бегона шаҳарни бир айланиш ниятида ташқарига чикдим.* Х. Тўхга-боев, Ширин қовунлар мамлақати.

2 Ер юзаси, текислик ёки фазода маъ-лум вазият, жой олмоқ, жойланмоқ. *Мак-таб чорраҳада жойлашган эди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Магазин мактабга қатнай-диган йўлимиз чеккасига жойлашган.* «Муш-тум». *Катта йўл ёқасида комплекснинг маъ-мурий биноси жойлашган.* Газетадан.

3 Ўтирмоқ, чўкмоқ. *У \Шерзод\ тарел-касани олиб, чол ўтирган столнинг бир чек-касига жошишиди-да, энди ўртадаги нонга қўл узатган эди, тўсатдан чолнинг қошиги стол тагига тарақлаб тушиди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

4 Кирмоқ, ўрнашмоқ. *Ўқишга жойлаш-моқ. Ишга жойлашмоқ. иш Мактабда дом-ланинг тарафдорлари.. ҳам бор эди. Булар-нинг кўплари мактабга домла воситаси билан жойлашган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖОЙЛАШМОҚ II **Жойламоқ** фл. бирг. н. *Олмалари яшикларга жойлашди.*

ЖОЙЛАШТИРМОҚ айн. **жойламоқ 2.** *Гулнор ўз уйига кириб, қутилардан бирини очиб, кийимлари орасига ҳалиги дўппини жой-лаштирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОЙЛИ I Жойи, ери бўлган; оилали. *Жон қизим! Сенга нима бўлди, сендан ёш, ёш-гина қизлар уйли, жойли бўлишиб кетди.* Ҳам-за, Паранжи сирлари.

Туб жойли III *Шу жойда туғилиб ўсган, асли шу ерли.*

ЖОЙЛИ II Халқона-хурофий эътиқод-га кўра: муқаддас ёки пастқам, овлоқ жойларда ноҳўя, ноҳоиз иш қилганлиги сабаб-ли келиб чиққан, вужудга келган (касаллик, бетоблик ҳақида). -*Касалингиз жойли экан, — деди фолбин.*

ЖОЙНАМОЗ [ф. jUi^U. - намоз ги-ламчаси; намоз жойи] Намоз ўқиш учун солинадиган махсус гиламча, палос, мато ва ш. к. *Тожибой қозикдан жойнамозни олиб, бомдод намозини ўқишга ўтирди.* С. Зуннуно-ва, Гулхан.

ЖОЙРАВО [ф. 1jifU. - ўрнига мақ-бул келувчи; жоиз] шв. Кўчалик кийим. *Ҳасан овчи ягона жойравоси — оқ гулли авра-астар қизил чит чопонини ечиб, хотинига узатаркан, опаси Санам отинга кўзи тушиб, у билан саломлашди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

ЖОЙСИЗ I Бошпанасиз, уйсиз. *Қишлоқ — ўсиб унган юртим. Албатта, жойсиз қол-масмиз, соғ бўлсак, тирикчиликни ҳам йўлга солармиз, аммо, Гулнор, сиз яхши ўйланг, их-тиёр сизда [деди Йўлчи].* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОЙСИЗ II рви. кам қўлл. Ўринсиз, ноўрин. *Қўқонга боргач, биринчи ишим ўғлингизни қутқазини бўлсин, жойсиз қайғур-мангиз, ҳожси!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кутидор ўзининг жойсиз саволидан ўкиниб, ерга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖОЙСИЗЛИК Бошпанасизлик, турар жойи йўқдик. *Анварнинг махдум ҳовлисида туришини жойсизликдан ва ёшликдан шунда ўсиб ўргангандан, деб юрган Султонали мир-зо бу кун эрталаб ўз уйига келган махдумнинг сўзидан кейин бир оз ҳақиқатга тушунган-дек бўлди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ЖОЙХОБ [ф. ʋi^L^ — ухлашжойи; ўрин-кўрпа] Тўшак; ўрин. *[Офицер] Сўнг газаб билан сўкиниб, зинадан пастга тушди-да, қўй тўдасига дориган бўридек, жойхобда ётганларнинг устларидаги ёпжчикларни улоқ-тира бошлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖОЛА [ф. 4.11} - шудринг; ёмғир; кўз ёши] Кўз ёши. *Оқизма кўзингдан қонли жолангни, Умри узун бўлсин кўзи коранг-ни(нг).* «Равшан». *Видо табассумли олам, ёшлигим, Кўзларимда қотган жолам, ёш-лигим.* Р. Парфи.

ЖОМ [ф. »La. — пиёла, қадах; коса] 1 Мис тоғора, тос. *Қудуқ бўйида челақ тўла еуе ва занжирга боғланган мис жом турарди.* С. Айний, Дохунда. *Иссиқ уйда жомда бош ювишди.* Х. Ғулом, Тошкентликлар.

2 Шароб ичиладиган идиш; қадах. *Му-ҳаббат жомидан нўш айлаган ақли зако бўлмиш..* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Фа-қат яхшиликдан чиқмасин бошинг, Дея аёллар ҳам қўлга олар жом.* Г. Жўраева.

3 Металл ноғора; гонг.

Жом урмоқ (ёки **чалмоқ**) Жирингла-моқ, занг урмоқ. *Девор соат жаранглаб, беш марта жом урди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Қишлоқ. Кечки саждага чорлаб жом чали-нар.* Ш. Раҳмон, Юрак кирралари.

ЖОМА [ф. .LoL^ — либос] 1 Кийим, ли-бос. *Ипак галстукка энди ижозат, Йигитга муносиб йигит жомаси.* Ғ. Ғулом. *Оқ. жома кийиб, оқ салла ўраган чол чолдевордан чиқиб, остонагаўтирди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 кам қўлл. айн. **жом 2.**

ЖОМАДОН [ф. ^B^и. -кийимсоли-надиган кути, сандиқча] айн. **чемодан.** *Жомадоним бурчагида борар эди буклоглик, Тоза пишиқ, Лекин ўзи сал ямоқли, сал доглик.* Миртемир.

ЖОМАДУЗ [ф. jjJ-t-oL^ кийим ти-кувчи] эск. Тикувчи, чевар. *Холаси чевар-жомадуз эди.* Ойбек, Навоий.

ЖОМАКОР [ф. jLSo»L^ - иш кийими] Иш кийими, коржома. *Қобилжон жомакорини кийишини ҳам унутиб, станогини апил-тапил арта бошишди.* М. Хайруллаев, Табар-рук тўлкин. *Умурзоқ ота, юпқа жомакори устидан белини маҳкам боғлаган ҳолда, со-вуқни тисанд қилмай ишларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЖОМАШОВ [ф. $\wedge j^{\wedge} i, o > U$. - (кир) юва-диган идиш] Кир ювадиган тоғора. У [Ла-тофат] кирни бувилардан қолган расм билан жомашовда, чўнқайиб ўтириб ювмайди. Шуҳ-рат, Шинелли йиллар.

Нотавон кўнгилга кўтир жомашов қ. но-тавон.

ЖОМБИЗ шв. Оёқнинг тизза остидаги букик жойи; тақим.

ЖОМЕ \a. — бир жойга йиғувчи, тўпловчи] Кўпчилик бўлиб намоз ўқиладиган махсус жой. *Жомега бирга бордилар, жамоат билан ҳайит намозини ўқидилар.* К. Яшин, Ҳамза. *Жоме пештоқи остидаги мрамар супа устида икки киши гаплашиб ўтирарди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Масжиди жоме Шаҳар ёки маълум ҳудуд-нинг жума намози ўқиладиган энг катта марказий масжиди. *Йўлчи «Поякилик» орқа-ли ун бозорига, «Масжиди жоме» томошга ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОМИУЛ-УЛУМ [a. $\wedge jUJL^{\wedge} I^{\wedge}$ - илм-ларни тўпловчи] эск. Илмнинг кони, илм-лар эгаси (жуда ҳам илмли, ўқимишли кишилар ҳақида). *Саводсиз бекни «жомиул-улум» деб юксалтирарди.* Ойбек, Навоий.

ЖОН [ф. $\wedge U$. - рух; ҳаёт; куч-қувват] 1 Диний-ибтидоий тасаввурларга кўра, инсон ва ҳайвон танасида бўладиган, уйқу чоғида (вақтинча) ёки ўлган вақтда танадан чиқиб кетадиган алоҳида кўзга кўринмас илоҳий куч, қувват; рух. *Жон бор жойда қазо бор.* Мақол. *Одамнинг лойдан ясалишини, унга жон бағишланишини.. шундай қизик қитбўқиб бердики..* А. Қахҳор, Кўшчинор чироклари.

Жон бермоқ 1) вафот этмоқ, ўлмоқ. *Ва-фот қилди жонкашим, дардкашим.* Ҳозир кўлимда жон берди. Ойбек, Танланган асар-лар; 2) кўчма таслим бўлмоқ, курашни, қаршилиқни тўхтатмоқ. *Иўқ, Хўжабековга ўхшаганлар осонликча жон бермайди. Ётиб қолгунча отиб қолади.* С. Анорбоев. Оқсой; 3) кўчма астойдил хизмат қилмоқ, фидойилик қилмоқ. *Мусулмонлар! Яхши деб йўлида жон берганинг Азизбек бу кун сизларга яхши-лигингизни ўттиз икки танга солиқ билан қайтармоқчи бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кун-лар. **Жон кирмоқ** 1) тирилмоқ. *Балиққа жон кирди;* 2) кўчма жонланмоқ, рухланмоқ, қизимок. *Кутидор қайтиб йўлакка кириши билан.. Офтоб ойим мв Кумушга қайтиб жон кирган каби бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Табиатга жон кирди, толлар барг чиқарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Жон олмоқ** 1) ўлдир-моқ. *Мен ўзимнинг ашадди душманим билан танҳо курашиб, ё жон бермоққа ва ё жон олмоққа қарор берган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма қийнамоқ, азобламоқ, сиқмоқ; безор қилмоқ. *Ямоқчини бўлса Ис-матҳожжи ҳар кун масжидга чақириб, одам-лар ўртасида ҳақорат цила бериб жонини олди.* Ойдин, Ямоқчи кўчди. **Жони бор** 1) тирик, жонли. *Жони борнинг умиди бор. ти Танимда жоним бор экан, пахта беришга ширишаман.* Ш. Рашидов, Ғолиблар; 2) кўчма асоси бор, асосли. *Гапингизнинг жони бор.* **Жони узил-моқ** Вафот этмоқ, ўлмоқ. **Жони чиқмоқ** 1) айн. **жони узилмоқ.** *Жонинг чиққур! (қарғ.). Тер чиққандан жон чиқмас.* Мақол. ■■ *Ибн Сино-га касалнинг жони чиқмаган бўлса, бас экан, тузатар экан.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) кўчма кўрқмоқ, эси чиқиб кетмоқ. *Туф-э, қуриб кетсин, жоним чиқиб кетди-я.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) кўчма жаҳ^и чиқ-моқ, аччиғи қистамоқ, ғазаби келмоқ, дар-ғазаб бўлмоқ. *Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним.* Мақол. *тв Полвон келганда, темирчи шундай қилган эди, унинг жони чи-қиб, тишини гижирлатди.* А. Қахҳор, Сароб. **Жони ҳалқумига (ёки бўғзига, ҳикилдоғига) келмоқ** 1) ўлар ҳолатга келмоқ, ўлгудай қийналиб кетмоқ. *Душманлар жони ҳалқу-мига келганда мана бундай қутурадилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) кўчма айн. **жони чиқмоқ** 2. *Боя нималарни сўзладингиз, сир очи-ладими, деб жоним бўғзимга келди.* А. Қоди-рий, Ўтган кунлар; 3) кўчма безор бўлмоқ, тоқати тоқ бўлмоқ. *Ҳамма ерда ҳам одам-ларнинг жони бўғзига келиб қолди, қизим!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Сезувчи, ҳис этувчи тан, бадан. *Бутун жоним қақшаб оғрияпти. Тиш оғригим боси-либ, жоним ором олди. Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури. Мақол. **иш** Тим қоронги, изгиринли кеча. Емгир худди жонга игна санч-гандай, эзиб, муттаси! савшарди. Ойбек, Қуёш қораймас. Гуломжон айвонда отаси билан турар, столларнинг қарсиллатиб син-дирилаётганини эшитиб, худди ўз қовурғала-ри синдиришиётгандек, жони оғрир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Жон(и) ачимок Ачиниб, дилдан хайри-хохлик билдирмок; ачинмок. *Унга жоним ачиди. Жондан ўтмок* 1) баданни, аъзони оғритмок, қақшатмок, зирқиратмок. *Оғ-риқ жондан ўтди;* 2) қаттиқ таъсир қил-мок, алам қилмок. *Айниқса, бугунги сўзлар жон-жонимдан ўтиб кетди.* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Эшоннинг даккиси жонимдан ўтгандан кейин қочдим.* П. Турсун, Ўқитув-чи. **Жонини койитмок** Қийналиб, машаққат чекиб, бирор иш қилмок, қаттиқ урин-мок. *Қўшчинорликлар ёки қўғазорликлар у ёқда турсин, сувнинг бошида бўладиган бақақуруллоқликлар ҳам ўзи ёки уловининг жонини койитгиси келмас эди.* А. Қахҳрр, Қўшчинор чироқлари.

3 Ҳаёт; ҳаёт-мамот; тириклик. *Кемага тушганнинг жони бир.* Мақол. *Эчкига жон қайғу, қассобга ёғқайғу.* Мақол. *Жондан кеч-масанг, иш битмас.* Мақол. *ти Чечак Жам-бул, сен Ватанни севасан, Керак бўлса, жо-нингнихам берасан.* Фозил шоир. *Отаммени жонидан ортиқ кўрар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Жон сақламок Ўзини маънавий ёки жис-моний ҳалокатдан ёки оғир, мушкул аҳвол-дан сақлаб қолмок. *Офтобдан дарахтларнинг тагида жон сақламок.* *тти У ҳамон ковакда жон сақлаб келмоқда. Бефаросат, лақма одамни кўрса, когакдан секин чиқади, алла-кимдан эшитган янгиликларни айтади, яна кирибкетади.* А. Қахҳрр, Ҳи-ҳи. **Жон ховуч-ламок** Ўз ҳаётидан хавотир бўлмок, кўрқа-писа, хавотирда яшамок. *Мирзо Ёдгорнинг боши кесилди. Унинг тарафдорлари жонла-рини ховучлаб, ин-инига кирди.* Ойбек, Наво-ий. **Жон(и)га ора кирмок** 1) ҳалокатдан ёки бирор кўнглисиз воқеадан, танг ҳолатдан сақлаб қолмок. *Булар жотишини фидо Кwtб, мингларча кишиларнинг жонига ора кирди-лар.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз; 2) қийин, мушкул аҳволдан қутқазмок, оғир пайтда ёрдамга келмок, ёрдам қилмок. *Шундай дўппи тор келган пайтда Азим бойвачча Хол-хўжанинг жонига ора кирди.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Жондан безор қилмок (ёки тўйдирмок)** 1) ўлимига рози қилмок; 2) жуда ҳам зерик-тирмок, кўнглига урмок, безор қилмок. *1 Оқила:/ Ўзингиз қачон борасиз ? Болалар дада деб жонимдан безор қилишяпти.* А. Қахҳрр, Оғриқ тишлар. **Жондан безор бўлмок (ёки тўймок)** 1) ўлимига рози бўлмок, яшашни истамаслик. *Куллар очликдан ўлсин, қароллар чарчаб, жонидан безор бўлсин, ҳар нима бўлса-бўлсин, сенга фойда бўлсин.* С. Айний, Кул-лар. *Оезингни чиқарма, жувонмарг. Эшон поччанг эшитмасинлар. Нима, жонингдан тўйдингми?* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ортиқ тоқат қила олмаслик; безор бўлмок. *Бас, пичоқ бориб суякка етди. Бошимни эгиб, ин-дамай юрганим етар, жонимдан тўйиб кет-дим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Жонини тикмок** Ҳаётини бағишламок. *Мен жонимни яхшилик йўлига тикканман, Зокиржон.* П. Крдиоров, Уч илдиз.

4 Киши, одам. *Жон бошига. Биз тўққиз жон эдик.* **иш** *Қорабулоқ қишлоғида бирорта уйгоқ жон қолмаган эди.* М. Исмоилий, Фар-ғона т.о. *Ҳеч бир жон йўқки, они бўлмаса жононаси. Ҳамза. Ҳамма ишни тўхтатиб, қимирлаган жонни теримга солар эканмиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

5 Бир қатор аниқловчилар билан кўл-ланиб, «бош», «жусса» маъноларини ифо-далайди. *Қиз жонинг билан қаергача боролар-динг?И.* Раҳим, Чин мухаббат. *-Ёш жонинг бор, қизим, — деди [Офтоб ойим], — бировга ёмонлик соғинма.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Вой иўрим, — деди Мастура. — Жиндаккина жонингизга-я? Улу жуссангизга учта дард сигади ми?* А. Қахҳор, Минг бир жон.

6 Куч, қувват, мадор. *Жони борича ҳара-кат қилмоқ. Тезроқ қимирласанг-чи, жонинг борми? тт* Ҳожии.. секингина қўлини узатиб, қулогини ушлади ва уч буклаб ту-риб қаттиқ қисди, жони борича қисди. А. Қахҳрр, Йиллар. *Жони борича икки қўли-даги этик билан эшикни «қамчи»лади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

Жони йўқ 1) ўлик, жонсиз. *Сойга қара-сак, учта балиқ ётибди: иккитаси ўлик, бит-тасининг жони йўқ. «Эртақлар»;* 2) кўчма кучи йўқ, кучсиз, мадорсиз. *Бир қўлимнинг жони йўқроқ. Сенинг муштингни ея бериб, жонимда жон қолган эмас. А. Қахҳрр, Кўшчи-нор чироқлари;* 3) бўш, чидамсиз. *Жони йўқ ип. Жони йўқ мато. Жон олиб, жон бермоқ* Бирор ишда астойдил ғайрат кўрсатмоқ; жонбозлик, фидокорлик қилмоқ. *Бўтабой кечани кеча, кундузни кундуз демай, колхоз учун жон олиб, жон берди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

7 Яхши кўрадиган, сеvimли, ёқимли киши ёки нарса ҳақида. *Олма — унинг жони. Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молидан кечмас. Мақол. тт* Аммо лекин *Мух-торхон домла нафсамбирига одамнинг жони эди. А. Қахҳор, Тўйда аза.*

8 Энг яқин, севикли кишиларга мурожа-атда сўзловчининг уларга яқин муносабатини ифодалайди, бегоналарга нисбатан эса хурмат ёки хушомадни билдиради. *Жоним, дедим қулогига, оҳиста, жон, деди. «Кўшиқ-лар». Гулнорнинг кўзлари очилибкетди.. Йўлчи-га тикилди. -Нима қилди, жоним, — сўради Йўлчи, лекин бетобмисиз дейишига тили бор-мади. Ойбек, Танланган асарлар. [Жамиши Ғофирга:] Агар ўтирган жойингизга хас-хашак-лар тўкилса, сочларим билан супурай.. жонги-нам. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

9 «Опаси», «акаси», «отаси» ва ш. к. сўзлар билан, баъзан ёлғиз «жонидан» шаклида сўзловчининг тингловчига яқин муносаба-тини, эркалаш ёки хушомад маъноларини ифодалайди. *-Опаси жонидан, дуторингизни чалинг тузукроқ, — деди у [Маликахон] Адо-латга қараб,— ўйин-кулгига ташина бўлиб ётганмиз. С. Зуннунова, Гулхан.*

10 Ҳаёт манбаи, ҳаёт бағишловчи нарса ҳақида. *Ёмғир — экиннинг жони. тт* «Иссиқ — пахтанинг жони» деган мақол ҳам бежиз айтилмаган. Ш. Рашидов, Ғолиблар.

11 Бирор иш, соҳа ёки доирада асосий, муҳим ўрин эгалловчи, илҳомлантирувчи, ташкилотчи шахс. *Жўраларининг жони. Дав-ранинг жони. Мактабнинг жони.*

12 Мурожаат қилинаётган шахсни бил-дирувчи сўздан олдин келиб, мурожаатдаги илтимос, илтижо маъносини кучайтиради, баъзан эркалаш маъносини билдиради. *Ниёз мен билан хайрлашар чоғида: -Жон Ҳожии ака! Энди гап шу ерда қолсин.. — деди. А. Қоди-рий, Ўтган кунлар. -Урманг отамни! Жон амаки, урманг! — деб зор йиғлай бошлади бо-лалар. М. Исмоилий, Фарғонат. о.*

13 Шахс билдирувчи сўзларга, кишилар отига қўшилиб, уларга кичрайтиш-эркалаш, хурмат маъносини беради, мас, *онажон, бувижон, холажон, акажон, домлажон; Салимжон, Қодиржон.*

14 кесим взф. Шукур. *Офицернинг шу ке-тиши бўлса, штабга етиб борса ҳам жон. А. Қахҳрр, Олтин юлдуз.*

Бир жон, бир тан бўлмоқ Бир ёқадан бош чиқармоқ, баҳамжихат бўлмоқ. **Жон аччиғи-да** (ёки **ҳолатда**) 1) ўлим талвасасида. *Офи-цернинг ўзи ҳам талвасада ҳолдан тойган эди, бунинг устига хотини полда юмалаб, жон ач-чигида хирилларди. А. Мухтор, Қорақалпоқ кассаси;* 2) ғайриихтиёрий равишда, беих-тиёр. *Чеккасини зах ерга бериб йиқилган ва кесак каби ҳиссиз қизини [кутидор] жон ҳолатда кучоғига олди: «Қизим.. Кумуш.. Кўзингни оч!» А. Қодирий, Ўтган кунлар. Жон деб Хурсандлик билан, мамнуният билан, бажону дил. Агар лозим келса, тошқўмир ко-нига бориб, кўмир қазиб келтиришига ҳам жон-жон деб кетар эдим. А. Қахҳор, Сароб. Жон кошки* Кошкийди, қани эди-я. **Жон куйдир-моқ** 1) бор куч-имконини аямай астойдил қаракат қилмоқ. *Бутун жамоа байрамни му-носиб кутиб олиши учун жон куйдириб ишла-моқда;* 2) ачинмоқ, қайғурмоқ, илтифот кўрсатмоқ. *Беш болали бир аёлнинг*

Элмурод-га жон куйдириб, уни ўз паноҳига олмоқчи бўлгани тўғрисидаги гаплар Бувинисога жуда хуш келди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Жон талва-саси** қ. **талваса**. **Жони кирмоқ** 1) хузур қил-моқ, маза қилмоқ, ором олмоқ. Уйига сув, газ ўтказиб, жони кирди. Тиш олдириб, жони кирди; 2) жуда хурсанд бўлмоқ, қувонмоқ, севинчи ичига сиғмай кетмоқ. Кино деса, жони киради. **тм** Аёллар: - Бўлмаса-чи! Ҳам-манинг жони кирди. Қамишкапада ҳеч бунақа

122 ЯЪ^

томоша бўлган эмас, — дейишди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Жон(и)га тегмоқ** Безор қилмоқ, кўнглига урмоқ, кўнглига тегмоқ. Мусофир-чилик жонга тегади. Ойбек, Танланган асар-лар. Бир иш буюрсанг, сўрай бериб жонга те-гади. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. **Жоним билан** Бош устига, жон деб, бажону дил. Агар шаҳарда зарур ишларингиз бўлмаса, мен билан бир ерга бориб келсангиз. —Жоним билан. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Аскарлик-ка жоним билан бораман.. П. Турсун, Ўқитув-чи. **Жоним тасаддуқ** қ. **тасаддуқ**. **Жўжабир-дай жон** ц. **жўжабирдай**. **Ўлмаган менинг жо-ним** қ. **ўлмоқ**.

ЖОНАЖОН [ф. бЦ^Ц- - азиз; севим-ли; самимий] 1 Энг севимли, қадрли, қадрдон; энг яқин. *Жонажон дўст. тм Хайр, жо-нажон дўстим Ювош! —Мени унутма! \деди Ювош]* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Энг муҳим, энг зарур ва фахрли. *Тинч-ликни ҳимоя қилиш — жаҳон халқларининг жонажон ишидир.*

ЖОНБАХШ [ф. (jn^jLi. — ҳаётбахш; ҳаёт ҳадя этувчи)] Ҳаёт бахш этувчи, ҳаёт бағиш-ловчи, куч-ғайрат, далда берувчи. *Сир ва Амударёнинг жонбахш сувлари. тм Нафас олса, жонбахшидан, дилкашидан айрилиб қолаётгандек, жим эшитди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Офтоб тафтиданми, мана шу жонбахш шамол таъсириданми, қорлар эриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

ЖОНБОЗ [ф. зЦ^Ц. — жонини хатарга қўювчи; жон фидо қилувчи] Бирор ишда астойдил ғайрат кўрсатувчи, фидокор. *Жон-боз пахтакорлар. тм Чортоқда пахта ишқи-да тунни тонгга, кундузни оқшомга улаб иш-лаётган жонбоз деҳқонлар фаолияти билан танишдик.* Газетадан.

ЖОНБОЗЛИК Мардлик, қаҳрамонлик; фидокорлик. *Массагетлар бирдек жонбозлик кўрсатиб, ёв билан мардларча олишди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Урушга кир-ганлар ҳам оғир участкаларда жонбозлик қилишни бўйнига олиб кирарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЖОНГИНАМ Азизим, меҳрибоним, севгилим. *Ҳозир бир ажойиб жойга борамиз, йўқ деманг, жонгинам.* О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса. -Ҳа, жонгинам, нима бўлди? — деди Собиржон эшикдан кира туриб. «Муштум».

ЖОНГЛЁР \фр. jongleur < лот. jocular — қизиқчи, масхарабоз] 1 Дайди мусиқачи, ашулачи. *Ўрта аср Франциясидаги жонглёр-лар мактаби, жанубий славян достонларини куйлаган кўр гусларлар мактаби бизга маъ-лумдир.* «ЎТА».

2 Нарса-буюмларни юқорита отиб, ту-тиб олувчи цирк артисти.

ЖОН-ДИЛ, **жону дил** Энг севимли, энг яхши кўрадиган киши ёки нарса ҳақида. *Жон-дилим китоб. тм Жон-дилим футбол эмасми, қизни ҳам унутиб, бутун хаёлим ўйинда бўлиб қолди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

Жон-дил билан Астойдил, астойдил бе-рилиб. *Йигитлар Жўраҳон пайдо бўлса, ундан маслаҳат ва топшириқ кутиб, унинг бу-юрғанларини жон-диллари билан бажарарди-лар.* Назармат, Жўрлар балаид сайрайди. Ҳар бир ишга жон-дили билан киришадиган бу йигит, ҳафта ўтмасданоқ, машинани мус-тақил бошқара оладиган бўлди. И. Раҳим, Шонли авлод.

ЖОНДОР \ф. j1.nU. — тирик; тирик мав-жудот] қ. **жонзот**. *Бир турли жондорлар пай-до бўлибди, у жондорлар Муроджонни кўриб-ди. «Муродхон». Ўрмонда жондор кўп: силов-син бор, тўнғиз бор.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ЖОНДОШ [ф. (jbljj)La. — жонга яқин, жондай ака-ука] Бутун ҳаётини манфаатлари, фикри-зикри бир бўлган; якдил, ҳамнафас. *Бу баҳор байрами, гуллар байрами.. Бу қондош ва жондош элар байрами!* Шухрат. *Ас-салом, қондош элим, жондош элим, ёндош элим, Ўзбегим кўз бўлса, унга хўп келишган қош элим.* Ў. Рашид.

ЖОН-ЖАХД, жону жаҳд: жон-жаҳд би-лан Жони борича, бор кучи билан; зўр бериб, ғайрат қилиб, астойдил, енг шимариб. *Жон-жаҳд билан ишламоқ. тт Тешани Абдулла олди ва жон-жаҳди билан гиштарни кўчирибузата берди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *У мотоциклнинг рулини жон-жаҳди билан ушлаб, бошини кўтарди.* Ш. Рашидов, Бўрон-дан кучли.

ЖОН-ЖАҲОН, жону жаҳон Бутун бор-лиғи, бутун вужуди. *Қиз боши билан у жон-жаҳонидан кечиб, истиқболингга юурса-ю, иссиқ уйдан чиққинг келмаса. Шу ҳам йи-гитчилик бўлди-ю.* — *Нусратбек ўзининг худ-бинлигидан ўзи жирканиб кетди.* С. Нуров, Нарвон. *Аваз ўрнидан қушдай енгил турди. Оппоқ бўлиб ёришган янги тонг ҳавосидан,*

безовта кўнглида тугилган янгича бир туй-гулар навосидан жон-жаҳони яйрарди. С. Сиё-ев, Аваз.

ЖОНЗОТ [ф.+ а. s1J^La, — жон эгаси] Тирик жон, жонивор. *Бу ерда на довдарахт, на бошқа бирон жонзот бор эди.* С. Кароматов, Олгин кум. *Кўрада бандилардан бошқа жонзот қолмаган, қўйлар ўтловга ҳайдалган эдилар.* С. Айний, Куллар.

ЖОНИБ [а. tjjLa. — ён, томон, тараф] эск. Тараф, томон, ер. *Қайси жонибдин келур, деб термулуб ҳар соате, Ўллариди чор чашми интизорим бор эди.* Муқимий.

ЖОНИВОР [ф. j^U. - жони бор, ти-рик] 1 Табиатдаги ҳамма жонли нарсалар; жон эгаси; мавжудот (ўсимликдан ташқа-ри). *-Худойи таоло инсонни ҳамма жониворлардан азизу мукаррам этиб яратди, — деди Меъмор ўртадаги сукутни йўқотиб.* Мирмуҳ-син, Меъмор. *Қишлоқда бирорта қимир эт-ган жонивор кўринмайди.* Т. Рустамов, Ман-гу жасорат.

2 Нарса, ўсимлик, ҳайвон ва ш. к. га нис-батан эркалаш маъносида ёки «бечора», «боёқиш», «шўрлик» каби маъноларда иш-латилади. *От сагрисидан лойга ботган, жонивор бор кучи билан пишқариб, олдинга ин-тилади.* Ойдин, Фонарь тагида. *Ишком четиди бир шафтоли бор экан, жонивор, мева-сини кўтаролмай, шохлари ерга қайрилиб ётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Огайни, бу ош деган жонивор куйибкетмадимми!?Ш.* Рашидов, Голиблар.

3 кўчма Ҳайвон, махлуқ. *-Қори Ибод деганинг ахмоқ бир жонивор экан, — деди Қурбон девона.* С. Айний, Жаллодлар. *-Аммо отангни ҳам шу жониворлар орасига қўшиб ўлтиришинг қисқалигингдир! — деди [лож].* А. Қодирӣ, Утган кунлар. *От дам олсин, ўрнига сизни қўшамиз. Сиз ундан кўра акллироқ жонивор-сиз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖОНИМ қ. **жонгинам**. *Севгишим, «Шоир» дебсан мени хатингда, «Севганим» ё «дўстим» демабсан: Раҳмат, жоним, ёзган хатингга, Аммо ҳали шоир эмасман.* Х. Салоҳ, Чашма. *-Жоним,— деди Давлатёр титрок товуш би-лан, — бир оғиз гаплашишига зорман.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

ЖОН-ТАН, жону тан айн. **жон-дил**. *Бу-нинг устига болажонлигини айтмайсанми-я. Дамир билан Попук жони-тани.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

ЖОНИҚМОҚ Бир нарсадан куруқ қола-ётгандек шошмоқ, ошиқмоқ, шошқалоклик қилмоқ. *Шошма, мунча жониқмасанг ? иши Би -ламан, ўттиз икки тишининг*

ҳамчаси **чик-қан**. Лекин тишиарингни уриб синбирмоқчишир. жониқаверма, болам. К. Яшин, Ҳамза.

ЖОНКАШ кам қўлл. Мехнатни жонидан ҳам ортиқ кўрадиган; мехнаткаш, ғайратчан; жафокаш. *Жонкаш аёл. ти Вафот қил-ди жонкашим, дардкашим [деди Шоқосим].* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОНКАШЛИК кам қўлл. Мехнатсе-варлик, фидокорлик, фидойилик. *Жон-кашлик қилмоқ. ти Иўлчи ёзда ёниб, чанг-тупроқ ялаб, қишда қор-муз кечиб, бутун маҳрумиятларга, бутун оғриқларга кара-масдан, жонкашлик билан ишлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОНКУЯР Бирор иш, соҳа ёки киши учун жон куйдирувчи, астойдил ғайрат кўрсатувчи; ғамхўр. *Менинг жонкуярларим бор. ти Республика матбуотининг жонкуяр-ларидан бири бўлган Ўлмас Алиев Марғилон-да яшаб, ўз фаолиятини давом эттирмақда.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Отадек меҳ-рибон қайда, Онадек ғамгузор қайда? Бу ер-ларда сарсонман, Улардек жонкуяр қайда?* «Оқ олма, қизил олма».

ЖОНКУЯРЛИК Жон куйдириб ишлаш-лик, фидокорлик, ғамхўрлик. *Қодир ака ўн йилдан бери раис бўлса ҳам, колхозчиларнинг бу йилгидек жонкуярлигини ҳеч қачон кўрма-ган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳамқишлоқла-ри эса унинг куюнчаклиги, жонкуярлигидан ҳаммиша хурсанд.* Газетадан.

ЖОНЛАНИШ 1 Жонланмоқфл. ҳар. н.

2 Ҳаракатга, жўшга келиш; кўтаринки руҳ. *Машиқлар ашула бошлаб юбордилар. Одамлар ўртасида шивир-шиер, жонланиш бошланди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Жонланиш, гап, кулги бир-бирига қўшилиб, зал шое-шув бўлибкетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Ривожланиш; олға босиш. *Ишдаги жон-ланиш маошига ҳам таъсир қилди.*

ЖОНЛАНМОҚ 1 Ҳаёт белгиларини кўрсатмоқ; тетикланмоқ, бардам бўлиб қолмоқ; тирилмоқ. *Баҳор — табиат жон-ланадиган фасл. ти Кунлар анча узайиб қолди, ҳавонинг ҳарорати кун сайин кўтарилиб, борлиқ мавжудот жонлана бошлади.* Газета-дан. *Эрталаб қишлоқ аҳолиси, баҳор қуёши-нинг дастлабки илиқ нуридан жонланган жониворлар сингари, ўрмалаб, кўчага чиқа бошиди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Енгил тортиб, ҳаракатга, жўшга кел-моқ; руҳи кўтарилмоқ, руҳланмоқ. *Кумуш.. сесканиб ўзига келди. Ҳушдан ажралаёзган бечоралар [қутидор, Офтоб ойим] бу ҳолдан сўнг бир оз жонлангандек бўлдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У севгилиси кўлидан ўзи-га оби ҳаёт ўтгандек жонланди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Гавжум, серфайз бўлмоқ. *Кундуз соат бирлардан кейин тўйхона жонланиб қолди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишла-ри. *Кимсасиз, ўлик кўринган дашт одам-лар билан жонланиб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Равнақ, ривож топмоқ, юксалмоқ, олға босмоқ. *Ишлар жонланиб кетди. тт Жўрахон раҳбарлигида ҳаваскорлик тўғарак-лари, спорт ишлари жонланди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

5 Қизғин тус олмақ, қизимоқ. *Сухбат жонланди.*

6 Намоён бўлмоқ, гавдаланмоқ. *Касал чолнинг сарғайиб кетган юзи, муштдеккина гавдаси Шерзоднинг кўз ўнгида тагин жон-ланди.* У. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Кўзи олдида Даша хола жонланди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЖОНЛИ 1 Тириклик аломати бор, ти-рик. *Жонли тўқима (биол.). тт Қиздан сўрабди: -Бу ерда нима қилиб ўтирибсан, бу ерда ўзингдан бошқа жонли жонивор борми?«Ол-тин бешик».*

2 Яшаб турган, барҳает, тирик. *Ўтмиш-нинг жонли шоҳиди. тт Жонли гувоҳни ишга тикиб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Уруйзаҳ-матини бошидан кечирган ҳар бир одам даҳ-шатли у йилларнинг жонли шоҳидидир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 кўчма Эҳтиросли; қайноқ. [Гулнор] Йўлчининг кучли, эркак нафасини, дудоқларида унинг бўсасининг жонли оловини бир лаҳза сезди. Ойбек, Танланган асарлар.

4 кўчма Тийрак, серҳаракат; шўх. Тах-тапуллик Собиржонни танир эдим мен Бокудан: Зап чавандоз, миқти, жонли, хосият-лиулфат жуда. М. Шайхзода. Ҳақиқатда эса мингбоши хотинлари орасида энг жоши ва энг элиги бўлган бу жувон — Султонхонга қарши очган курашининг натижасидан норо-зи эди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

5 кўчма Рухди, шўх, қизиқ; қизғин. Бууза-тиш мажлисини жонли, рухли ўтказмоқ учун барча қимар ўзларининг энг асл, энг нафис ки-йимларини кийиб.. хусн оламини.. яна бир қай-та бежабдирлар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мелиқўзи билан бўлган жонли суҳбатда [унинг] бутун орзу-истакларини билиб олдим ва очерк ёздим. Н. Сафаров, Оловли излар.

6 кўчма Тетиклик, ғайрат, хушчақчақлик ифода этувчи; шўх, ўйноқи (кўз қараши, чехра ҳақида). Йўлчининг чиройли кенг юзи-да.. жонли, теран маъноли кўзларида қандай-дир илиқ, самимий табассум тошган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

7 кўчма Худди ҳақиқатдагидек, чин, ҳақиқий; ёрқин. Жонли портрет. *тм* Жилин билан Костилиннинг саргузашти уларнинг кўз олдларида жонли воқеадай ўта берди. П. Турсун, Ўқитувчи. [Сайрамов] Ҳар масала-ни жонли мисоллар билан баён қилди. Ой-бек, О. в. шабадалар.

8 кўчма Ифодали, аниқ-равшан, тушу-нарли. Атокли халқ санъаткори \Юсуфжон қизиқ\ ҳаётнинг энг чигал, мураккаб томон-ларини жонли тил билан содда қилиб тушун-тира оларди. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Эски адабиётни яхши ўқийди, айниқса.. Абомуслим дostonларини ўқиганда, жуда ҳам жонли чи-қаради. А. Қодирий, Обид кетмон.

9 кўчма Ҳаёт қайнаган, гавжум; жўшқин. Кундузгига қараганда сарой жонли: кишилар-нинг шақиллашиб сўзлашишлари, хохолаб ку-лишишлари саройни кўкка кўтаргудек. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

10 кўчма Амалий, ишбилармонларча. Раҳбарликни қозғоғда эмас, жонли раҳбарлик қилиши шаклида олиб бориши керак. Н. Сафа-ров, Оловли излар.

ЖОНЛИЛИК Ҳаётийлик, жўшқинлик. Рақснинг жонлилиги. *тм* Жозибали декорация «Буюк канал» операсига жонлилик ки-ритган. Газетадан.

ЖОНЛИК дин. Худо йўлига, азиз-авлиё-ларга қурбонлик учун аталган уй ҳайвони ёки товук, хўроз. Жонлиқларнинг калла-по-чалари ҳар доим шу ерда кўзларини лўк қилиб пойлаб ётувчи мазор шайхларига улашларди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Ҳотам: -Сизлар тунда келган вақтларингиз-да оёқларингизга жонлиқ сўяй десам, йилқи-лар ҳаммаси яйловда эди, — деган экан. Шук-рулло, Жавохирлар сандиғи.

Ж^Q¹⁰⁸

ЖОНОН [ф. йБЦ]. — маҳбуба; маъшуқа] 1 от Жуда гўзал, зебо, қадди-қомати келишган аёл; нозанин. Кўзим нури, лато-фатли на хуш озода жононсан, Нечук ҳам яхши жононсан, менинг жисмим аро жононсан. Ҳабибий.

2 сфт. Жуда яхши, гўзал, ширин, ёқим-той; ўйноқи; аъло. Жонон йигит. *тм* Шаҳримиз кўркидир жонон болалар. Ғ. Ғулом. Айт-сам, дўстлар, шу тунни Бўлибўтди жонон тўй.

3. Диёр. Хой қушлар, жонон қушлар, Келинг,
чертай бирга тор. Ғайратий. Кулгиси чиройли экан, жонон чинни чертилгандай бўлди. М. ИСМОИЛИЙ, ФАРҒОНА Т.О.

3 **ЯҚИН КИШИЛАРГА МУРОЖААТДА ХУРМАТ** ёки кесатиқ маъносини, бегоналарга нис-батан эса хушомадни билдиради. -Жонон, — деди у, хотинининг бошини силаб. А. Қахҳор, Сароб.

4 Жонон (хотин-қизлар исми). **ЖОНОНА** \ф. ohla. — маҳбуба; маъ-шуқа] Маҳбуба, маъшуқа, севгили ёр. *Жон-дан кечмасанг, жонона қайда, тоққа чиқма-санг, дўлана қайда.* Мақол. *тм* *Ҳеч бир жон йўқки, они бўлмаса жононаси.* Ҳамза. *Кўзги-нанг мастонмисан, Сен нечук жононасан?* «Ойсулув».

ЖОНОҚИ: жоноқи олма Эртапишар, хушбўй, ширин қизил олма. *Олдинпишар жоноқи олмалар оловдай ёнади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Қосим бува тоғэтагидаги ёввойи олмаларга жоноқи олмаарни пайванд қилиб юрарди.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

ЖОНПАРВАР [ф. $jj^u^u \sim$ жонбахш, ҳаётбахш] Инсонгаруҳбағишловчи, рухлан-тирувчи. *Кечки пайтларда айниқса ҳамма созандаларнинг мусиқа садолари ҳар томон-да жаранглаб, жонпарвар яллалар фалакка чирмашар эди.* Газетадан.

ЖОН-ПОН: жон-пони чиқиб кетмоқ айн. жони чиқмоқ 2, 3. қ. жон 1. *Уларнинг шарпа-сини сезган хўроз чўчиб, «қу-қу» деб безовта бўла бошлади.* Уларнинг [Раҳмон, Қўзининг] жон-пони чиқиб кетди. Ё. Шукуров, Уч са-вол. *Бу янгиликларни эшитиб, шайхнинг жон-пони чиқиб кетаёзди.* К. Яшин, Ҳамза. *Жон-пони чиқиб турган Бекжон сигирнинг ор-қасидан қаттиқ итарди.* Ж. Шарипов, Хо-разм. .

ЖОНСАРАК [ф. $^u^u < j^d^u \sim$ жондан тўйган] Саросимага тушган, эсан-кираган, гангиб қолган; безовта. [Мансур:]

Мағрур Алишернинг сувдан чиқариб ташилан-ган балиқдай жонсарак, уни бузилган қуш-дай безовта бўлиши қасос билан тўлган юра-гимга тасалли беради. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Олдинги позицияга илк қадам қўйиб, ҳар нарсадан ҳадиксирагандай, теваракка жонсарак ва оғиз қарайдиган янги жангчилар орасида \ Бектемир] ўзини тухини ёрган хўроздай сезар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 **кўчма** Сира бекор утирмайдиган, доим ўзига иш топиб ғимирлаб юрадиган, тин-чимайдиган; серҳаракат. *Ҳозир ўша жонса-рак тана жим, ўша чевар қўллар бедармон.* И. РАҲИМ, ИХЛОС. У[Ў.Зокиров\ овқатини ҳам юриб ейдиган жонсараклардан. Газетадан.

ЖОНСАРАКЛИК Безовталиқ; серҳара-катлик, тифгчимаслик. *Турсунбой эшик ҳалқа-сини шошиб илди-да, жонсараклик билан ич-кари уйга қараб югурди.* С. Аҳмад, Уфк. *-Хўп бамаъни одам-у, шунақа жонсараклиги бор-да, — деди ота, тайёр ошни ташлаб кетган раисдан нолиб.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЖОНСИЗ 1 Ҳаёт аломати йўқ, ўлик. *Кол-хозчилар югуришиб келганларида, Умурзоқ ота жонсиз эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Менглибой энгашиб, жонсиз кўзичоқ-ни кўлига олди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Ҳаракатсиз қотган, ҳеч нарса ифода этмайдиган; беҳуш, қарахт. *Жонсиз чеҳра.* *тм* *Силкиниши орқасида унинг юзини тўзғи-ган соч толалари ўраб олиб, жонсиз бир су-ратга киргизди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Отабек ота-ана орзусига, ўз таъбирича, жонсиз ҳайкал бўлибризолик берди.* А. Қоди-рий, Ўтган кунлар.

3 **кўчма** Кучи йўқ, кучсиз; бўш, чидам-сиз; нимжон. *Жонсиз ип.* *тм* *Мурзин унинг паришон сочларини, нозик бўйнига ёпишган майин, жонсизгина соч толаларини томоша қиларди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

4 **кўчма** Зерикарли, руҳсиз, таъсирсиз; шавқ-завқсиз. *Жонсиз спектакль.* *Мажлис жуда жонсиз ўтди.*

5 **кўчма** Сукутга чўмган, жимжит. *Жон-сиз кўчалар.* *ти* *Узоқларда жонсиз кўринган Овуллар ҳам йиғлаб ухлаган.* *Сахар туриб шўрли хотинлар «Танграм».. деган, тўлиб йиғлаган.* Ҳ. Олимжон.

ЖОНСИЗЛАНМОҚ Ҳаракатсиз қот-моқ; тириклик нишонасини йўқотмоқ. *Салимбойваччанинг ранги оқариб, кўзлари кўрқувдан бир лаҳзада жонсизланди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Совуққа чидамли Йўлчи ҳам, эғни юпун бўлганидан, оёқларининг жон-сизланганини, гавдасининг бужмайганини сез-ди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖОНСИЗЛАНТИРМОҚ 1 Жонсизлан-моқфл. орт. н.

2 тиб. Этини ўлдирмоқ, абзонинг бирор ерини оғриқ сезмайдиган қилмоқ. Укол билан баданни жонсизлантирмоқ.

ЖОНСИЗЛИК Нимжонлик, кучсизлик. *Ипнинг жонсизлиги билинди.*

ЖОНСЎЗ [ф. ~ жонни куйди-

рувчи, азобкаш] Ута таъсирчан, таъсирли. *Етмиш байтдан иборат бу қасида, устод Айний сўзлари билан айтганда, адабиёти-миз тарихидаги энг жонсўз марсиядир. «ЎТА».*

ЖОНСЎХТА [ф. .a^j^U. - жон (ни) куйдирувчи] Ёқимли, ўзига тортувчи. *Кам-пир деб жудаям кампир эмас эди-ю, лекин каттароқ бир жонсўхта хотин эди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.*

ЖОН-ТАН, жону тан қ. жон-дил. *Номим Али, касби-рўзим сартарош, Жону таним — санъат, ўзим — сартарош. Т. Тўла.*

Жон-тан билан айн. жон-дил билан. *Усени жон-тан билан яхши кўради. тт Ҳар янги ишга қучоқ очиб, жону тан билан киришади-лар. Ойбек, О. в. шабадалар.*

ЖОНФИДО [жон + фидо] Ҳаётини фи-до қилувчи, ҳаётини бағишловчи. *Онам энг ишимариб, ушатмоқда нон, Доимо меҳрибон, доим жонфидо. Миртемир.*

ЖОНФИДОЛИК Ҳаётини фидо қилиш-лик. *Санъат жасорат, жонфидолик билан.. тинимсиз меҳнат-маишқлар билан дунёга ке-лади. «Саодат».*

ЖОНХАЛАК [жон + ҳалак] Қийналган, безовта, овора. *Икки ҳафтадирки, рассом мольберт олдида бесамар, жонҳалак. Х. Сул-тонов, Бир оқшом эртаги.*

ЖОН-ҲОЛ Бутун бадани, тани. *Сениўй-лаб, жон-ҳолим оғрир, Сени ўйлаб, қондир ўйларим. Р. Парфи, Кўзлар.*

Жон-ҳолига қўймай Ҳол-аҳволига ва эр-кига қарамай, мажбуран. *Бормасангиз, сира иложи йўқ, деб жон-ҳолига қўймай, зўрлаб розилик олиб кетди. Ойдин, Ўзидан кўрсин.*

ЖОРИИ [а. ^jU. — югураётган; ўтаёт-ган, бораётган] Ҳозирги кунда, пайтда со-дир бўлаётган, давом этаётган, олиб борилаётган; амалдаги, кундалик. *Хонани ижа-рага олган киши, шартномага биноан, уни яхши сақлаши, жорий ремонт қилиши лозим. Газетадан. Шу кунгача кўплабмактаблар ка-питал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Газе-тадан.*

Жорий этмоқ (ёки қилмоқ) 1) амалга оширмоқ, кучга киргизмоқ. *Алмашлаб экиш-ни тўла жорий этдик. «Ўзбекистон кўриқ-лари»; 2) татбиқ этмоқ, қўлламоқ, ёймоқ. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилмоқ. тт Чорвачиликда коллектив пудратни кенг жорий қилиш масаласи гоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Газетадан.*

ЖОРИЯ [а. ^jU- — асира, чўри; оқсоч] эск. Чўри, оқсоч. *-Мен ахир отам томонидан эски кийим-кечаклари қаторида ютқизилган, қиморбознинг мулкига айланган жория эдим, — деди Ҳожини хола. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бундан уч ой муқаддам Маликул шароб қул бозоридан ўн беш-ўн олти яшар бир жо-рия сотиб олган эди. О. Ёқубов, Кўхна дунё.*

ЖОСУС [а. айғоқчи; хуфия;

хабарчи] Бирор давлат ҳақида махфий маъ-лумот тўплаш билан шутулланадиган шахс; айғоқчи, шпион. *Шайбонийхоннинг жосусла-ри кўплиги унга [Бобурга] маълум эди. П. Қо-диров, Юлдузли кунлар. Адолат постга ке-лиши билан командир айтган парашютчилар, жосуслар ҳақида ўйлай бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

ЖОСУСЛИК Махфий маълумот олиш-лик; айғоқчилик, шпионлик. *Қовоғи қалин бекнинг жосуслик қилишдан мақсади ҳам шу эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Ватанга хиёнат қилиш, жосуслик.. террористик акт, қотиллик ҳамда бандитизм каби жиноят-лар учун ўлим жазоси берилиши мумкин. Га-зетадан.*

ЖОҲИЛ [а. uUla. — нодон, ўқимаган, билимсиз] Жаҳолатда қолган, илм-маърифатдан маҳрум; қоқоқ, маданиятсиз, ғю-дон. *Жаҳл — жоҳилнинг қуроли. Мақол. ттп \Қози эллиқбошига:} Сиз аралашмай туринг, эллиқбоши, жоҳилсиз. Тўмтоқ гапириб, иш-нинг пачавасини чиқардингиз! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Сўфиев нодон, жоҳилгина бўлмай, ўзига хийла ишонган гирром ҳам эканлиги кўринибтурурди. Ҳ. Назир, Кўкте-рак шабадаси.*

ЖОҲИЛЛИК Нодонлик, қоқоқлик, маданиятсизлик; ўжарлик. *Жоҳилликдан жон*

¹²⁸

чиқар, қобилликдан донг чиқар. Мақол. нт ХОН илгари ҳам бу ўглини бот-бот ўйлаганда, худ-бинлиги, жоҳиллиги, оний ҳаловати учун юз одамнинг баҳридан ўтишидан тоймаслигини биларди. С. Сиёев, Аваз.

ЖУББА [а. *JL?- — кенг энгли устки ки-йим] *шв.* Кўйлак бичимида тикилган пахта-ли иссиқ кийим. *Кишилар қишининг оғир юк-лари: нўстин, пахталик, чопон, жуббаларни ташлаб, ўзларини эркин ҳис эта бошладилар. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ЖУВДА I *шв.* Туянинг бўйни ва тизза-сидаги жун.

ЖУВДА II *шв.* Болтанинг соп ўрнатила-диган томони.

ЖУВОЗ [ф. j\ j^]. — ёғоч ёки тош ўтар] **1** Ўсимликлар уруғидан, хусусан, чигитдан мой чиқарадиган қурилма; мойжувоз. *Жувоз ҳайдамоқ. Отни жувозга қўймоқ. ттп Жувоз-га қўшилган эшакка бир боғ хашак билан бир челак сув бўлса бас. Э. Усмонов, Ёлқин. Қўшни ҳовлидан чучитилган жувоз мойининг иси ке-лади. С. Аҳмад, Ҳукм.*

2 Шоли оклайдиган қурилма; обжувоз.

ЖУВОЗКАШ \ф. ~ жувоз тор-

тувчи] **1** Жувоз ҳайдовчи, жувозхонада (об-жувоз ёки мойжувозда) ишловчи ишчи. *Жу-возкаш дарвозани ичидан занжирлаб олди. Т. Мурод. Қўшиқ. Асқар жувозкаш деса, ҳамма танийди. Н. Фозилов, Оқим.*

2 Жувозга қўшиладиган. *Жувозкаш от.*

3 Тирикчилиги, даромади асосан мой-жувоз устида бўлган шахс, мойжувоз эгаси. *Йўлчи уни [Шоқосимни] бир жувозкаш майда бойга хизматкорликка — унинг жувозини ҳайдовчи сифатида ўрнаштирди. Ойбек, Тан-ланган асарлар.*

ЖУВОЗКАШЛИК Жувоз ҳайдаш билан шуғулланиш, жувозда ишлашлик. *У [А,и тошбақа] жувозкашлигу қоровулликдан таш-қари қассоблик ҳам қилади. Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. Қулунтой ҳам унга қилиб эски эшик, Ургатибдир Кўканчага жувозкашлик. Ғ. Ғулом.*

ЖУВОЗХОҒ1А Обжувоз ёки мойжувоз ўрнатилган жой, бино. *Хури ҳам истабми, истамайми жувозхонага тез-тез кириб ту-радиган бўлиб қолди. Н. Фозилов, Оқим.*

ЖУВОЛДИЗ [ф. J^JL^ - халта, қоп тикадиган игна] Қоп тикиш учун ишлатиладиган йўғон, эгик игна. *Сўнгра латтага ўралган иккита жуволдизни ердан олиб, иккаласини теракка санчди. М. Осим, Карвон йўлларида. Ўктам., супачада ўтириб, жувол-диз билан йиртик қоп-қанорларни тикаётган кампир қошига келди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

ЖУВОН \ф. y\j*. - ёш; умрининг ярми-га ҳам етмаган одам ёки ҳайвон] **1** Эрга чиққан, аммо ҳали ёш аёл. *Тўхта хола атрофга олазarak караб турган эди, ўрта яшар бир жувон келиб қолди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ёши ортиб бораётган ҳар бир қиз, ҳар бир жувон сингари, Тўрахон ҳам бола кўришини хоҳ-ларэди. М. Исмоилий, Фарғонат.о.*

2 Эрдан чиққан ёки тул қолган хотин. \Қутидорнинг\ *Борди-келди битта жувон қизи бор-ку, мунча, тўйни бошқа, никоҳни бошқа қиламиз, деганига ҳайронман \деди биринчи киши]. А. Крдирий, Ўтган кунлар. Жувон олмай, қиз олинг: Қизнинг қилиги яхши. «Оқ олма, қизил олма».*

3 Иффатини йўқотган қиз. *-Қизми, жу-вонми, Гулнорми — бар бир, мен дадамнинг ёш хотин олишини хоҳламайман, — деди Са-лим. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЖУВОНА \ф. *J* \ - куртак; ёш] *шв.* Икки-уч яшар қорамол; новвос. -*Инсоф қилинг-да, Раҳим ака, — деди, — бун сиз жувона дедингиз, жувона эмас, олти яшар бўлган катта хўкиз.* С. Айний, Қуллар.

ЖУВОНБАХТ \ф. [^]б¹^ - бахтли] *эск.* Бахтли, бахтиёр; толеи баланд, омадли.

ЖУВОНБОЗ \ф. *iWo*¹^ ~ ёш бола би^и лан ўйновчи] *фольк.* Баччабоз, болабоз, бесоқолбоз. *Тушибсан кўп гозиргоннинг қўлига, На ишлар айладинг тоғнинг чўлига, Қайтиб туш-динг жувонбозлар қўлига, Озод бўлдинг, энди кетгин элингга.* «Эрали ва Шерали».

ЖУВОНБОЗЛИК Баччабозлик, бесоқолбозлик. [*Аҳмадхон:*] *Ўзлари мўйсафид экан, даргоҳидан беумид экан, эшонман де-ган галат экан.. жувонбозлиги зиёд экан, — деб яна коча бошлади.* Ислом шоир, Зулфи-зар билан Авазхон.

ЖУВОНЛИК кам қўлл. Ёш аёллик, ёш-лик. *Ҳамма ерда фақат Шахзоданинг чиройи, дилбарлиги, тамтам жувонлиги ҳақида гап бориши керак.* К. Яшин, Ҳамза. *Унда жувон-лик кўрки барқ уради.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ЖУВОНМАРГ [ф. *Sj*^{^^}^ ~ ёш, бе-вақт ўлган] **1** Ёш ўлган, авжи етилган пай-тида ҳалок, нобуд бўлган. [*Гули:*] *Жувонмарг гунчани ҳам эсла, ёд эт. Унутма, доимо руҳимни шод эт.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 қарг. Ўлгур, ер ютгур \Ҳожар Тўла-хонга:] *Ҳа, жувонмарг, холангга нима дединг?* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бирорта кам-бағалга тегса, унинг ёнида оёқ яланг қўш ҳайдарди бу жувонмарг!* Ҳ. Гулом, Машғал.

Жувонмарг бўлмоқ **1** ёш ўлмоқ, ёш ҳалок, нобуд бўлмоқ. *Мени бу балодан халос қилинг. Ёшман, бемаҳал жувонмарг бўлиб кетмай.* С. Аҳмад, Ҳукм; **2**) кўчма барбод бўлмоқ, бекор кетмоқ. **Жувонмарг қилмоқ**

1) бадном қилмоқ. *Лекин лабз (лафз) деб бировни жувонмарг қилиш ҳам инсофдан эмас-да?* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса;

2) барбод қилмоқ, йўқ қилмоқ. *Ўқишини жувонмарг қилсак, уволига қоламиз.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о.

ЖУВОНМАРД \ф. *л*[^]^ - олижаноб, мард киши; олижаноб, мард] *эск.* **1** Мард, ботир, довюрак.

2 Олижаноб, олиҳиммат, хртам.

ЖУВОНМАРДЛИК **1** Мардлик, ботир-лик, довюраклик.

2 Олижаноблик, ҳотамтойлик.

ЖУВОРИ *фольк.* Жўхори. *Кесганда жу-ворини, поя бўлур, Бошингга битта рўмол соя бўлур.* «Оқ олма, қизил олма».

ЖУВОНСЎХТА \ф. *Оi*[^]у![^] - ёш куйган, қовжираган] *қ. жувонмарг 2.* [*Гулнор Мастурага.*] *Жувонсўхта Норбойваччанинг мунчаям иқболи баланд экан.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ЖУДА *рвш.* Ортиқ, ниҳоят даражада, ҳаддан ташқари, ғоят; ниҳоятда, бениҳоя. *Сиз жуда қийиқ, жуда ўжар иигит экансиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу масала жуда тўғри ва ўз вақтида қўйилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

Жуда бўлмаганда (ёки бўлмаса) айн. хеч бўлмаганда қ. хеч 1. **Жуда бўлса (ёки деган-да)** Ортиғи билан, нари борса. *Самарқанд-гача жуда бўлса 400 километр.*

ЖУДАЯМ \асли жуда ҳам] *рвш. қ. жуда.* *Кўкбулоқни ҳам тозаласак, жудаям соз бўлар-ди, нима дейсиз?* Ш. Рашидов, Ғолиблар. *Ушанда Дилфузанинг унга жудаям раҳми кел-ганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЖУДО \ф. — алоҳида; ажратилган, ажралган]: **жудо бўлмоқ** **1**) бирор кимса ёки нарсадан айрилмоқ, маҳрум бўлмоқ; жудо-ликка учрамоқ. *Азиз дўстлар, нетай, бахти қаро бўлганга йиғлайман, Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йиғлайман.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Мен бир оёғимдан жудо бўлдим-у, аммо юзлаб гўдакнинг жони сало-мат қолди.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи; **2**) халос бўлмоқ, айрилмоқ. *Боши танидан жудо бўлди.* **Жудо қилмоқ (ёки этмоқ, айламоқ)** **1**) би-рор кимса ёки нарсадан айирмоқ,

махрум қилмоқ. *Мен билан Отабекни қаматиб, дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этув-чи.. баттол Ҳомид экан.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар; 2) халос қилмоқ, айирмоқ. *Боис-нинг қиличи душман солдатининг чап қулоғи тағига бориб тушиди ва унинг калласини та-нидан жудо қилди.* Н. Сафаров, Қахрамон-нинг туғилиши.

ЖУДОЛИК Яқин кишилардан айри-лишлик; айрилиқ, ҳижрон. *Оғир жудолик. Жудолик алами. Жудоликда яшамоқ. ти Бю узоқ жудоликдан кейин мусофир юрtdа уч-рашган ака-укалардай қучоқлашиб кетдик.* О. Ёқубов, Излайман.

ЖУЖУН(ЧА) [хит. «чу санча»] 1 Уст кийим учун ишлатиладиган қалин ипак газ-лама. *Бир костюмлик жуужунча. иш Баззоз-лар ипак жуужунхарид қишор эдтар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Шу матодан тикилган. *Жуужунча ишм. ти Залдан оқиш жуужунчадан костюм кий-ган Давронов аста тебраниб чиқиб келди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЖУЖУҚ шв. Ёш бола; гўдак. *Ва оналар кўксин тутгач, Жуужуқлар сут эма бошлар он.* Х. Даврон, Қақнус. *Айланиб, уйда қолган жуужуқларига қанд-қурс, ҳолва, пуфак олмоқ-чи бўлди.* Н. Аминов, Қалтис хато.

ЖУЗ, ЖУЗВ [а. iʌ, iju*, _]>?. — қисм, улуш; Қуръоннинг ўттиздан бир қисми] 1 эск. Қисм, улуш, ҳисса. *Инсон ҳаётдан қил-ган талабнинг бир жузинигина олади.* А. Қа\ҳор, Сароб. *Гилям устида жуз-жуз.. қогоз-лар ётарди.* Ойбек, Навоий.

2 Ёзув қоғозининг метрик тизимда эл-лик тахта (муайян ўлчамдаги варақ) га тенг ўлчов бирлиги.

3 Тикилган дафтар ёки китоб варақ-ларининг ҳар бир маҳкамланган қисми. *Даф-тарнинг варақлари жузидан чиқиб кетган, йиртилиб тушган. Бошқа бирон жойда лекция ўқилганда чалкашган бўлса керак, лектор лек-циянинг бош-кетини тополмай, хийла овора бўлди.* А. Қаҳрр, Қуюшқон.

130

ЖУЗВДОН эск. айт. жуздон.

ЖУЗГИР [жуз + ф. — тутиб, ушлаб турувчи] эск. қ. жуздон. [Ноиб\ Ўз жузгири-дан қогоз ва қаламдонидан қалам чиқариб, Ҳамрорафиққа қарабсўради. С. Айний, Суд-хўрнинг ўлими. Муқимий кулумсираб, жуз-гир орасидан бир қогоз чиқариб берди. С. Аб-дулла, Мавлоно Муқимий.

ЖУЗДОН [жуз, жузв + ф. (j)j — бирор нарса сакланадиган жой, идиш маъносида-ги отлар ясовчи кўшимча] Қогоз, хат-ҳуж-жатлар солиб қўйиладиган, чармдан, мато ёки картондан ясалган жилд, халта ёки му-қова. *Бу қогозни алоҳида жуздонга солиб қўйди.* Ойбек, Навоий. *Худайчи лип этиб чиқиб кет-ди, салдан кейин жуздон, патқалам, катта қуръон олиб кирди.* С. Сиёев, Аваз.

ЖУЗЛАМОҚ эск. Қогоз, китоб варақ-ларини жуз-жуз қилиб тахламоқёки тикмоқ.

ЖУЗЬИЙ \а. JʌʃyA. — қисм, бўлакка оид; оз, кам] Унчалик му\им ва жиддий бўлма-ган; арзимаган, аҳамиятсиз; майда-чуйда. *Жузъий хато. Жузъий камчиликлар. тт Кўрса-тилган баъзи жузъий камчиликлар моногра-фиянинг илмий қимматига салбий таъсир қилмайди.* «УТА». *Жузъий масалалар устида тўхталиб ўтмоқчи эмасман.* Газетадан.

ЖУЗГУН Торонгуллилар оиласига ман-суб ўсимлик. *Тупроқ шу чўлда ўсаётган сак-совул, черкез, жузгун, илоқ ва кандил таъси-рида ўзгариб туради.* «Фан ва турмуш».

ЖУЙРУК шв. Чопқир, учкур, югурик (от ҳақида).

ЖУЛ 1 от Қўлда тўқилган дағал жун мато. *Бир чакмонлик жул.*

2 сфт. Шу матодан қилинган. *Жул чак-мон. Жул қоп. Жул арқон. тт Омон бояги жул арқонни ўликнинг хар икки оёғига тўшигидан маҳкам сиртмоқ солиб боғлади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

3 фольк. От ёпиғи, ёпик. *Бизнинг қўлда тулпор отлар боқилсин, Сулувланса, бахмал жуллар ёпилсин.* «Нигор ва Замон». *Ака, отинг уч яшар, Урама жуллар ярашар.* «Ок олма, кизил олма».

ЖУЛДУР Кийилавериб ёки тутилавериб дабдаласи чиққан кийим. *Унинг [Набининг\ қаришисида ўзи каби жулдур кийимли бола ўтирарэди.* «Шарқ юлдузи». *Бойнинг қўраси-га келган, чўп-устухон бўлиб қолган жулдур кийимли деҳқонларни кўриб, трагим эзилар, гирдигум бойни кўриб, газабнок бўлар эдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЖУЛДУРВОҚИ с. т. **1** Жулдур. *Жулдур-воқи кийимда у кўпроқ саёқ гадойга ўхшарди.* «Ёшлик».

2 Жулдур кийим кийган. *Жума кунини ўзи сингари ялангоёқ, жулдурвоқи кўшни болаларни эргаштириб, кенг далага олиб чиқар, улар билан ўқ отишарди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЖУЛПАТ шв. Патли гилам. [*Тогбеги*] *Соя-сида иккита одам ўтирадиган бўлиб қолган самбиттол остига эски жулпатни тўшади.* Н. Қобил, Унутилган соҳилар.

ЖУЛХИРС [жул + ф. *^уој^*. — айик| айн. **жулпат**.

ЖУМА [а. — ҳафта; бешинчи кун] **1** Ҳафтанинг, душанбадан ҳисоблаганда, бешинчи кун. *Бугун жума. шии Урушдан яра-дор бўлиб келган Содиқжон деган йигит ўтган жума кун самоварга келиб, урушда кўрганларидан анча гапириб берди.* А. Қаххрр. Асрор бобо.

2 Бир қатор мусулмон мамлакатларида ҳафтанинг олтинчи, дам олиш кун. [*Йўлчи*] *Вақт-соат, жума, байрам, ҳайит нима эка-ниши бишиасдан ишлади.* Ойбек. Танланган асарлар.

3 Шу кун ўқиладиган намоз. *Ошни еб бўлганларида, у ёц-бу ёқдан жума товуши кела бошлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Жума (эркаклар исми). **ЖУМАК** шв. Жўмак.

ЖУМАЛИК тар. Жума кун муносаба-ти билан ўтказиладиган турли маросимлар. *Бу кун жумалик қилиб чиққан эдим [деди Қам-бар\.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тошкент-даги жумалик гап мажлисларидан бирида бир киши Азизбекни мақтар ва бу мақтовга қар-ши иккинчиси: «Нега мунча мақтайсан, Азиз-бекнинг асли бир бачча-да!» — дер.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖУМАРД фольк. қ. **жувонмард 1.** *Йўқчи-лик жумарднинг кўзин ўяма? Қўлингдан кел-ганин қилгин, аяма!* «Равшан».

ЖУМАҲШАНБА с.т. Пайшанба. *-Эрта жумаҳшанба, арвоҳларга ёқамиз, — деди чол Шум болага.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЖУМБОҚ1 қ. **топишмоқ.** *Жумбоқ айтиши-ни биласанми? Айтсам топасанми?— Билсанг, менга очиб бер-чи: пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор.* Нимау?П. Турсун. Ўқитувчи.

2 кўчма. Ечилиши, ҳал қилиниши керак бўлган масала; муаммо. *Ёшлар бу жумбоқни У1 я^.*

ечолмай ҳайрон бўлиб қолишди. П. Турсун. Ўқитувчи. *Баъзан жуда мураккаб жумбоқ-ларни ечишга тўғри келади.* Газетадан.

ЖУМЛА \а. **4.1 о.я.** — ҳамма; барча, жами; гап] **1** Тугал маъно ифодаладиган сўзлар бирикмаси; гап. *Узун жумла. Содда жум-ла. шии Сана тагидаги очиқ жойга қалам билан ёзиб қўйилган қуйидаги жумлани ўқиди.* К. Яшин, Ҳамза. *Унинг [Суннатнинг] хати ўзидаи шўх, ҳар жумладан ҳазил-му-тойиба барқ уриб турар эди.* Шухрат, Ши-нелли йиллар.

2 эск. айн. **ran 1,2.** *Сўроқ жумла.*

3 фольк. Бир турдаги нарса, хрдиса ёки кишиларнинг ҳаммаси, барчаси; йиғинди-си. *Узингиз отасиз жумла кишига, Қутлуг бўлсин сизнинг тахти пойингиз.* «Эрали ва Шерали».

Жумла(и) мўмин Ҳамма мусулмонлар. *Жумла мўмин йиғлагайдур, Рўзи қиёмат, қай-дасиз?* Н. Аминов. Суварак. **Жумла(и) жаҳон** Дунёдаги барча кишилар; ҳамма, барча.

ЖУМЛАДАН *кри. с.* Айтилганлар ёки кўзда тутилганлар ичидан. *Ҳамма, жушадан, ўзим ҳам қотиб-қотиб кулдим.* М. Хайрулла-ев, Тилла маржон.

ЖУМЛАСИДАН *қ. жумладан.* *Молдавия тупрогида фашистлар билан жанг қилган бир неча қаҳрамонларнинг?, шулар жумласидан Нарзи Ражаповнинг номини тилга олдим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЖУМОДИЛАВВАЛ [*а. J ʃʋtˤʃLˤ.* - бе-шинчи ой] Қамария йил ҳисобида бешинчи ойнинг арабча номи. *Ойлар жумодишаввал.* зулқабда деган номлар билан аталади. «Фан ва турмуш».

ЖУМОДИЛОХИР [*а. ʃ И>ЛlаʃLˤ*] *ат. жумодиссони(й).*

ЖУМОДИССОНИ(Й) [*а. ʃlilʃUˤ* - олтинчи ой] Қамария йил ҳисобида олтинчи ойнинг арабча номи.

ЖУМУРУШҚА Дуккаклиларга мансуб, молга ем-хашак бўладиган, асалга бой бир йиллик, баъзи турлари икки йиллик ўсимлик.

ЖУМУР 1 *шв.* Қрриннинг бир бўлаги, ширдон; қорин, ошқозон.

Жумуримга юқбўлмади Қорнимга юқхам бўлмади, тўйдирмади (жуда кам овқат ҳақида).

2 фольк. Баъзи дoston ёки эртак қаҳра-монлари ўзини танитмаслик мақсадида кал бўлиб кўриниш учун қўй қорнининг тескари томонидан ясаб олган қалпоқ. *Бошида жумури, танида жанда.* «Нигор ва Замон».

ЖУМЪА *эск. қ. жума.* Бозоргача етганда, теваракдан жумъа азони эшитилди. А. Қоди-рий, Мехробдан чаён.

ЖУМҲУРИЯТ [*а. ʃJʃnˤ ~* халқ, ом-ма; республика) *қ. республика.* *Олимжон Арс-лонов Бухоро.. жумҳуриятининг мухтор ва-кили.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЖУН 1 Ҳайвон ёки кимса баданини қоп-лаган қалин тук, мўй, юнг. *Жуни майин қўи. Қўйларнинг жунини олмоқ. От ағнаган ерда жун қолар.* Мақол. *ишш* Уқўрага кириб кетди-да, жунлари ўсиқ, ориқ бир эчкини етаклаб чиқди. С. Сиёев, Ёруғлик. *Хон бўксасини кўтарди, туя жунидан қилинган юшиоқ бо-лишига суянди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Асосан қўй, эчки, туядан қирқиб олин-ган шундай юнг, мўй. *Титилган, савалган жун. ти* Профессорнинг ҳар бир сўзи унинг учун тилладай қимматбаҳо.. Йўқ, ипакдай майин гарам-гарам жун олиш *twicиМУНит* калити эди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 Жундан тайёрланган уй-рўзғор бую-ми. *Хотин бошидаги жун рўмолини олди-да, бир-икки қоқиб, яна ўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Бола-чақа пўстакнинг жунини ейдими? *дагл.* «Оила аъзолари таъминотини ҳам ўйлаш керак» деган маънода ишлатилади-ган ибора. *Касал бўлиб қолсам, нима бўлади? Бирон офат келиб қолса, нима бўлади? Бола-чақа пўстакнинг жунини ейдими? ..Акам бўлмаса, укам бўлмаса.* А. Қаҳҳор, Қўшчи-нор чироклари.

ЖУНБИШ [*ф. om t ɔ, ʔ* - ижтимоий ҳара-кат; ҳаракатланиш, қимирлаш]: **жунбишга келмоқ** (ёки **кирмоқ**) **П** ҳаракатга келмоқ, ҳаракатланмоқ. *Бу азамат иш бошланиши билан бутун водий янги бир жунбишга кира-ди.* А. Қаҳҳор, Сароб; 2) *кўчма* кўзгалмоқ, қайнамоқ. *Муфтиларни кўриши ҳамоно наф-рати жунбишга кирган Султоналининг бу ҳолдан таажжуби ортиб, Анварга қаради.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ЖУНГЛИ *\UNZI.* jungle < *ф.-ҳинд.* JS: ʔ — чангалзор, ўрмон) Чакалак, қалин ўрмонзор. *Ҳиндистоннинг қорамтир чангалзорларини, қалин бамбукзорларини, яъни жунглини кўриш учун эрталаб йўлга чиқиш маъқуллигини ай-тишди.* 3. Акрамов,

Ҳиндистон лавҳалари. Қараса, жунглида тўти сайрамас, Жунглида илондай хуштак чалар ўқ. А. Мухтор.

8-Ўзбек тилининг изоқли луғати

ЖУНЖАЙМОҚ қ. **жунжимоқ**. Ҳасанали ярим ялангоч ҳолда жунжасийиб, дарича ости-да, изгириқ қучоғида ўтирар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЖУНЖИКМОҚ Совуқдан ёки иситма-ли касалликдан эти увушиб қалтирамоқ, букчаймоқ. Мақсадимиз хонақоҳнинг бир бурчагида жунжасийиб ўтириб, кўзларимиз-ни илинтириб олмоқ эди. М. Муҳаммаджо-нов, Турмуш уринишлари. Хомуш тортиб, жунжасийиб қўйди шамол, Бир узим узумнинг юзлари сўлди. Р. Парфи, Тавба. Эрталаб ва кечқурунлари салкиндан одамнинг эти жун-жасийибган бўлиб қолди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

ЖУНЖИМОҚ қ. **жунжикмоқ** Жума-бойнинг эти хиёл жунжасийиди. Ж. Абдуллахонов, Ҳазина ғойибдан келмас. Айвонларда оёқ учларини танчага зўр-базўр тикиб, жунжасийиб ўтирган хотинлар.. Ойбек, Танланган асарлар. Лейтенант чарчоқ, очлик ва совуқ-дан жунжасийибган жангчиларга мурожаат эт-ган эди. Ойбек, О. в. шабадалар.

ЖУНУН \а. dj^.— жиннилик, телбалик] 1 Жиннилик, ақдан озганлик. Зайнабнинг жунунни қозилар ва табиблар тарафидан ҳам тасдиқ этилгач, унинг устидаги жазо кўта-рилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Лаълининг жунунни тарқаган бўлса ҳам, ҳали яхши со-ғайибкетмаган. Ҳ. Гулом, Машъал.

2 Жинни; жиннилар. Тоғу тоида жунун-лардек чопмасдан, Гўзал қизлар ё келинлар меҳнатда.. Гайратий.

ЖУНУНВАШ [а. + ф. JL- жиннига ўхшаш] Жинни табиатли. Ўлтиришар икки жунунваши, Икки жаҳон билмаган жаҳон. Р. Парфи, Кўзлар.

ЖУНҒОРЛАР Хитойнинг шимоли-ғар-бида яшовчи халқ. Жунғорлар даф бўлмайн, келур бўжилар, Келгиндига кенг-мўлу бизга торбўлди. Миртемир.

ЖУРМ \а. ^.^ — гуноҳ; жиноят] эск. Гуноҳ, айб; хато. Одатда муножотда муаллиф ўз журм-хатолари учун узр сўрайди, тав-ба қилади. «ЎТА».

ЖУРНАЛ \фр. journal - газета; кундалик дафтар) 1 Китобча ёки мажмуа шаклида бел-гили вақтда чиқиб турадиган даврий нашр. Ойлик журнал. **тм** Журнал ишига обдан бери-либкетдим. М. Жўра, Ноширнома. Столус-тида янги газета, журналлар. Ш. Рашидов, Ғолиблар.

2 Кундалик **иш**, воқеа, ҳодиса **ва ш.к.** Ёзиб бориладиган қайд дафтари. Кирган, чиққан хатлар журнали. **тм** Уқитувчилар синф журналларини кўтаришиб, синф-синфга таркаб кетишиди. С. Зуннунова, Янги ди-ректор.

ЖУРНАЛИСТ Даврий матбуотда ада-бий-публицистик мақолалар билан қатнашувчи адиб, матбуот ходими. Шариф Риза-ев журналист, ёзувчи ва раҳбар сифатида гўзал фазилатларга эга эди. Х. Ёдгоров, ҲАЁТ тўлқинлари. Ўша кезларда мендек ёш жур-налист учун ҳар бир янгилик олам-олам қувонч эди. М. Жўра, Ноширнома.

ЖУРНАЛИСТИКА 1 Журналистлик касби, журналистлик иши. Журналистика-ни яхши эгалламоқ. **тм** Журналистика шу қадар оммавий, айни вақтда шу қадар ёқим-ли иши, шу касбнинг соҳиблари доимо юрт-нинг фикри-зикрида яшайдилар. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

2 Газета **ва** журнал фаолиятига оид фан тармоғи. Кейинги йилларда ўзбек адабиёти ва журналистикасига жуда кўп талантили ёшлар кириб келдилар. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

ЖУРНАЛИСТКА Журналист аёл.

ЖУРНАЛХОН [журнал + ф. ўқувчи] Журнал ўқувчи. «Фан ва турмуш» журналининг асосий вазифаси ва хизмати журналхонларни билим чаимасидан кўпроқ қондиришидир. Газетадан.

ЖУРЪАТ [а. сЛj^ . - мардлик, жасорат] **1** Хавф-хатар, қийинчиликлардан ҳайикмай қилинган иш; жасорат. *Қалбингизда бўлсин журъат, ирода, Кундан-кунга гайратингиз зиёда. ХАБИБИЙ. Бувинисо кўнглидагини очик айтишига журъат қилолмай: -Мен.. мен бир шож қиширдим-да, —деди. П. Турсун, Ўқитув-чи.*

2 Журъат (эркаклар исми)

Журъат қилмоқ (ёки этмоқ, кўрсатмоқ).

Кўркмасдан, ҳайикмай, юрак ютиб ҳара-КАТ қилмоқ. *Аммо негадир йигитлардан биронтаси журъат этиб, Зарифага яқинлаш-мас, дилидагини айтолмас эди. С. Кароматов, Олтин кум.*

ЖУССА \а. il^ . — мурда; тана] Тананинг ташқи бичими, умумий кўриниши; гавда, сумбат, қадд-қомат. *Жуссаси келишган йи-гит. тт Кумушибибиди энди ўн еттини қўйиб, ўн саккизга қадам босганликдан, бўйи ҳам она*

134

еига етаёзган, аммо жуссаси онасига кўра тўлароқ эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Йи-гитнинг юриши ҳам жуссасига мос, салмоқли эди. Э. Усмонов, Ёлқин. Эрталабредакцияга жуссаси кичик қотмагина бир аёл кириб кел-ди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

ЖУССАДОР \а. + ф. J,- муайян жус-сага, гавдага эга бўлган] Гавдаси катта, йўгон, барваста, норғул. *Менинг набирам ҳам сенга ўхшаб, Аскарликда хизмат қилади. Сен-га ўхшаб жуссадор, норғул, Омон деса, ҳамма билади. Уйғун. Тўй столининг тўрида ўтирган жуссадор куёв парвойи фсьшк. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.*

ЖУССАЛИ **1** айн. **жуссадор.** Дилдор ба-ланд бўйли, жуссалигина, бутун андоми ўзи-га келишган.. қиз эди. Ойбек, Навоий.

2 Аниқловчи орқали ифодаланган гав-ла, жуссага эга бўлган. *Йўгон жуссали одам. иши Янги командир.. нозик юзли, кўзлари су-зук, кичкина жуссали, ўттиздан ошмаган йигит. Ойбек, Қуёш қораймас.*

ЖУТ [ф. сЛJ — жут дарахти ва толаси] Жўкадошлар оиласига мансуб, толасидан дағал мато, арқон тўқиладиган бир йиллик ўсимлик. *Республика жут ва канон етишти-риш бўйича жаҳонда тўртинчи ўринни эгал-лаб турибди. Газетадан.*

ЖУФАЙ рвш. Жуфт ҳолда, жуфт бўлиб. *Тоглардаги оҳулар, ўрмондаги тўтилар, ча-мандаги булбуллар ҳам ёлғиз эмас, жуфай яшайдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

ЖУФТ \ф. .", д? — иккита, қўшалокбир \ил нарса! **1** Бир хил вазифага мўлжалланган, бир бутунлик, комплект ҳосил қиладиган иккита ўхшаш нарса, буюм. *Бир исуфт этик. Бир жуфт ҳўкиз. ти Бобоқул.. кунига яраб турган бир жуфт эчкисию кафтдай келадиган еридан ҳам айрилиб, бу-тунлай хонавайрон бўлиб қолибди. С. Анор-боев, Оксой. [Бой ўз-ўзига:] Бу ким бўлди? Чўримди ёки бир офатижон фариштами? Юзлари худди олмадай таранг. Бир жуфт қуралай кўзи сурма босгандай қора. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

2 Рафиқ ёки рафиқа; эр ёки хотин, нар ёки мода (бир-бирига нисбатан). *-Жуфтингни қанотинг остига олиб уча кет, лочин! Бу ерда турма! — деди-да, Қора Аҳмад бир то-монга чекилди. Ойбек, Таиланган асарлар. Ҳеч ким қариган чоғида жуфтидан қолмасин. А. Кдхдор, Тўйда аза. Кенг осмон қаърида сузиб юрган каттагина бир қуш ўз жуфтини ку-тиб, гир айланади. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

3 Доим бирга бўладиган, ҳамроқ, ёнма-ён. *Йўқ, бахт ҳам, бахтсизлик ҳам жуфт бўлади, дейишгани рост экан. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

4 Иккига қолдиқсиз бўлинадиган (бутун сонлар ҳақида); **зид. тоқ. Жуфт сонлар. Жуфт номерли уйлар.**

5 Икки дона, иккита. *Бир жуфт тухум. Ўн жуфт данак.*

6 кам қўлл. айн. **жўра II.** У киши келини-нгизга икки жуфт атлас олиб келган эканлар. А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари.

Жуфт бўлсин Ўкро этилган мусиқа, ашу-ла, рақс маъкул тушганда, «яна бўлсин» де-ган маънодаги ибора. *Улар згилиб салом бе-риб, жойларига қайтаётган эди, қарсак янг-раб, одамлар «жуфт бўлсин!» деб қичқира бош-ладишар.* И. Раҳим, Ихлос. **Жуфт кучлар** физ. Бир жисмга қўйилган, қиймат жиҳатидан бир-бирига тенг, аммо қарама-қарши йўнал-ган икки куч. **Жуфт сўзлар** тли. Бир лексик маънони ифода этадиган, дефис орқали ёзи-ладиган икки компонентли сўзлар. **Жуфт тушган** Хил тушган, иккови бир хил (феъ-ли-атвори, юриш-туриши бир хил иккита одам ҳақида). **Жуфти ҳалол (ёки пок)** Қону-ний эр-хотин. *Бундай одамга жуфти ҳалол бўлиши учун ҳар қандай қиз дарҳол ризолик де-рар, дебўйлайман \деди шайх\.* К. Яшин, Хам-за. **Юлдузи жуфт тушган** Бир-бирига мос, бир-бирига ёққан (икки одам ҳақида).

ЖУФТАК I [ф. - кичик омбир]

Нарсаларни қисиб ушлайдиган омбирси-мон асбоб; қискич (мискарлик асбоби). *Орадан бир ҳафтача ўтгач, сув тортмай қолган тешикка йиғилиб қолган соч ва ип-ларни жуфтак билан қисиб олиб ташлади.* Мирмуҳсин, Умид.

ЖУФТАК II \ф. - икки оёклаб

тепиш, шатта отиш]: **жуфтак(ни) ростла-моқ (ёки урмоқ, отмоқ)** Қочиб қолмоқ, орқа-олдига қарамасдан қочмоқ. *Омон менга қаради, мен «тагин бир бало бўлиб қолди ше-килли» деб, аллақачон жуфтакни ростлаган эдим.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Немисларнингуч танки бурқираб тутун чиқариб ёна бошла-ди. Қолганлари жуфтакни ростлади.* Т. Рус-гамов, Мангу жасорат.

ЖУФТЛАМОҚ Бир-бирига якин қўй-моқ, шериги билан ёнма-ён қўймоқ; жуфт-
j^Q¹¹⁶

жуфт қилмоқ. *Калишларни жуфтламоқ. ти Замира қўлини олдига йиғиб, оёқларини жуфтлаб, омонатгина ўтирар, йўл юриб кел-гани, мароқли кутуши ва қандайдир ҳаяжон юзини чўғдай қизартирганди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

Оғиз жуфтламоқ Гапиришга шай бўлмоқ, тайёр бўлмоқ. *Буҳақда солдапъишга бир нима демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаган эдим, гум-бурлаб снаряд ёрилди.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Мен жавоб қайтаришига оғиз жуфт-лаган эдим, Шоҳида оғзимдаги сўзимни юлиб олди.* М. Жабборов, Севинч ёшлари.

ЖУФТЛАШМОҚ Жуфт бўлмоқ, жуфти билан қўшилмоқ.

ЖУФТЛАШТИРМОҚ 1 Жуфтлашмоқ фл. орт. н.

2 Никохламоқ, эр-хотин қилмоқ. *Сен эшитдингми, иўқми — билмадим, улар ик-кимизни жуфтлаштирмоқчи бўлиб, бу кун мендан киши орқали тўй вақтини белги-лашни сўраган эдилар.* А. Қодирий, Ме\-робдан чаён.

ЖУФТЛИК 1 Иккитадан иборат бўлган бутунлик (рақсда, спортда). *Муз устида А.Зайцев—Л.Пахомова жуфтлиги рақс туши-моқда.*

2 Жуфт-жуфт бўлиб яшаш. *Жуфтлик ёл-ғиз кишилар орасидагина эмас, ер юзидаги ҳар бир махилуқда ҳам бор.* А. Қодирий, Мехроб-дан чаён.

ЖУҒРОФИЙ кам қўлл. қ. **географик.** Му-

зей мулозими бизга ажойиб бир кашфиётни — Ҳиндистоннинг жуғрофий харитасини кўрсатди. **3.** Акрамов, Ҳиндистон лавҳала-ри. *Умуман, ҳаручала романда тасвирланган жойлар: қишлоқлар, маҳаллалар, йўл,иш аниқ жуғрофий асосга қурилган.* У. Норматов, Та-лант тарбияси.

ЖУҒРОФИЯ кам қўлл. қ. **география.** Бу мактабларда ҳандаса, жуғрофия, риёзиётдан сабоқ бермоқдалар. С. Сиёев, Аваз.

ЖУҒРОФИОН эск. Географ. *Беруний.. Ўрта Осиё жуғрофионларининг асарларини ўқишига киришиб кетди.* М. Осим, Жайхун устида булутлар. *Эски шарқ жуғрофионла-ри, сайёҳлари Осиё, Африка ва Европадан иборат бўлган қадим дунёни шарқдан гарбга қараб тахминини етти баб-баробар хаёлий чизиқширға тақсим қилидилар.* «ЎТА».

ЖУХУД эск. айн. **яхудий**. Биз жуҳуд, ўрис бойлар ва заводчиларни сиқиб чиқариб, савдо-сотиқ ва завод ишларини ўз қўлимизга ол-моғимиз керак. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЖЮРИ \фр. jury - ҳакамлар гуруҳи < лот. iugo — қасам, онт ичаман; қасамёд қиламан| Мусобақа, танлов, кўрғазма ва ш. к. да ғолибликни ва мукофот беришни белгиловчи мутахассислар, ҳакамлар гуруҳи. *Ҳурматли жюри аъзолари, лойиҳаларга «етти ўлчаб, бир кесиб» баҳо беринг, агар шоиқалоқлик қилсангиз, одамлар кечиринмайди.* Газетадан.

ЖЎВА 1 Хамир ёядиган, ўрта қисми йўғон асбоб; кичик ўқлоғи. *Жўва билан ха-мир ёймоқ. ти Чикинди тахта ва фанер-лардан планишет, жўва, сабзи тахта.. каби рўзгор буюмлари ишлаб чиқариши йўлга қўйил-ди.* Газетадан.

2 тех. Турли материалларни ораликдан сиқиб ўтказиб юпқалаштирувчи, ёювчи асбобларнинг ғўла қисми. *Блюминг жўвалари. Чигириқ жўвалари.*

ЖЎВАЛАМОҚ 1 Жўва билан хамир ёй-моқ.

2 тех. Материалларни ёйиб юпқалаш-тирмоқ.

ЖЎГАРИ шв. Жўхори. *Уйда емакка бир қисм жўғари қолмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЖЎГИ [ф. — йога таълимотининг

издоши; йог] **1** Айрим ўзбек шеваларида: лўли.

2 кўчма Айёр, хийлагар.

ЖЎЖА [ф. <ц^ — кушча, куш бола-си] **1** Товуқнинг ва баъзи кушларнинг бо-ласи. \Таманно] *Андак ис босган деразадан ҳовлига қаради: ҳовли ўртасида қудуқ, нарироқда бир чипор товуқ ўн-ўн беи сариқ жўжсаларини етаклаб юрибди.* Мирмуҳсин, Кумри ва Таманно.

2 кўчма Фарзанд, бола; гўдак. *Ғуломжон Матқовулни жўжсалари билан даврадан етак-лаб чиқибкетди.* М. Исмоилий, Фарғонат.о. *Бир ўзимга саккиз жон қарайди: бева опам, ушнгуқта сағири.. ўзимнинг учта жўжсам.* Н. Сафаров, Уйғониш.

ЖЎЖАБИРДАЙ, -дек: жўжабирдай жон Кичик болалари, гўдаклари кўп одам ҳақида. *Жўжабирдек жонман, болам, улуг би-ладилар: бир бева қизим уч боласи билан.. ўзимда тўрт бола.* З. Саид, Н. Сафаров, Та-рих тилга кирди. [Мироб] *Мунгайиб кўз ёши қилди: -Айб мендан ўтган. Жўжабирдай жонмиз.* С. Нуоров, Нарвон.

»136

ЖЎЖАЛАМОҚ Жўжа очмоқ, бола оч-моқ.

ЖЎЖАХЎРОЗ Ёш урушқоқ хўроз. *Обид ҳам жўжахўроздек сапчиб турди.* Х. Султо-нов, Онамнинг юрти. *Зойиржоннинг қоп-қора юзи аламдан кўкариб кетган, ўтирган жойида жўжахўроздай бўйнини чўзиб гапи-рарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол.

ЖЎЖИЛАР [Чингизхоннинг ўғли Жўчи номидан] Мўғул босқинчилари. *Бу юрт кўп оёғости бўлди, хор бўлди. Қожарлардан қутул-май, келур жўжилар.* Миртемир.

ЖЎЙБОР \ф. jL^j^- — ариқ ва дарёлар кўп жой; ариқ] фольк. **1** Дарё, ариқ.

2 кўчма Кўз ёши. *Ғамни кўрган кишин жўйбори оқар, Адо бўлмас савдо тушиди бо-шима.* «Эрали ва Шерали».

ЖЎИМОҚ шв. айн. **йўймоқ I.** -Сизга маълумки, халқ орасида ҳар нарсани ўзича жўядиган одамлар бор, — деди Ўктам. Ой-бек, О. в. шабадалар.

ЖЎКА ИКГЛими мўътадил мамлакатлар-да ўсадиган, барги юраксимон, хушбўй гул-ли дарахт.

ЖЎЛАК Қўй канаси.

ЖЎМАРД қ. **жувонмард 1.** *Жўмард жум-ҳуриятим, бобо юртим, ҳей, Жўмард жум-ҳуриятим, она сутим, ҳей!* Миртемир. *Бо-бурнинг шундай жўмард йигитнинг шаҳди-ни қайтаришига нима учундир раъйи бўлма-ди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

ЖЎМАРДЛИК қ. **жувонмардлик** 1. *Ма-қола муаллифи Абдулланинг этигини ечиб ташлаб, ўзини дарёга отганини, жўмардлик билан одамларни халос этганини аниқ-таниқ ёзганди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ЖЎМРАК 1 Турли асбобларнинг сув ту-шадиган қисми, тумшуғи, бурни. *Чойнак жўмраги. Обдаста жўмраги. тт* Супа чети-даги ўчоқда қоп-қорайиб, жўмраги кемтик қумгон қопқоқни кўтариб, биқир-биқир қай-нарди. Ш. Тошматов, Эрк куши. *Чойнак жўмрагидан оппоқ ҳовур кўтарилди.* С. Зун-нунова, Гўдак ҳиди.

2 Баъзи асбоб ва қурилмаларда сув ту-шиш йўлини очиб-беркитиб турадиган қисми; кран. *Самовар жўмраги. Жўмракни бу-рамоқ.*

ЖЎН 1 Паст навли, сифати паст, си-фатсиз. *Жўн мол. тт* Махдум ўйланиб қолди: - Бўлмаса, — деди иккиланиб, — жўнроқ ад-расдан ол-чи! А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 кўчма Имтиёзли табақага мансуб бўлма-ган; оддий, содда. [Юсуфбек ҳожи:] *Жўн одам-лар қаторида одам ўлдириб юрдим, дегин ?! — деди. -Жўн одашар қаторида эмас, — деди [Отабек], — мажбурлар қаторида, зўрланган-лар қаторида! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 Паст савияли, бўш, заиф. *Жўн асар. тт* Охирги саҳифа жўнроқ ёзилган экан. А. Қаҳ-ҳор, Сароб. *Кеча юсак санъат намунаси бўлиб кўринган асар бугун кўзимизга жўн бўлиб кўринади. «Шарқ юлдузи». Айрим матбуот органлари ишорлар тажрибасини юзаки, жўн ёзмоқдалар.* Газетадан.

4 Унча мураккаб ва қийин бўлмаган; осон, енгил. *Маҳфуза Чилонзор районидаги 9-болалар касалхонасига ишга кирди. Вази-фаси жуда жўн: ҳар куни уч-тўрт маҳал тайёр овқатларни палатама-палата юриб тарқатади.* Газетадан. *Ишининг бу ёғи жўн кўчди.* Х. Ғулом, Тошкентликлар.

5 *рвш. взф.* Бекор, шунчаки; бекор-чиликка эрмак қилиб. *Қишлоқда жўн юрмай, бир балони бошимизга сотиб олган эканмиз. «Очилдов». Саидий бундаи қилолмади, чунки ўқиш эмас, китобни жўн варақлаш ҳам уни толиқтирар эди.* А. Қаҳдор, Сароб.

6 3-ш. эгалик ва ж. к., ч. к. қўшимчалари билан кўм. взф. қўлланади (қ. **жўнига**, **жўни-дан**).

ЖЎНАЛИШ: **жўналиш** келишиги тли. «Кимга», «нимага» сўроқларига жавоб бўла-диган келишик.

ЖУНАМОҚ 1 Йўлга чиқмоқ, йўлга туш-моқ. *Поезд соат бешида жўнайди. тт \ Йўлчи] Отга миниб, аравани гумбурлатиб жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 (буёр. м. шаклида) унд.с. взф. Йўқол, кет; кетсин. *Жўна, Шоқосим, чайлангга! Ҳозир атрофдан аёлларни топиб бораман. Уларсиз иш битмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бойваччалар жўнасин мардикорликка, бизга тинчлик керак!* Ойбек, Танланган асарлар.

ЖЎНАШМОҚ I **Жўнамоқ** фл. бирг. н. *Қайнота-куёв апоқ-чапоқ бўлиб, извоишда но-тариусга жўнашди.* «Муштум».

ЖЎНАШМОҚ II Ривожланиб кетмоқ, юришиб кетмоқ, юришмоқ. *Иш жўнашиб кетди. «Ҳа-ҳу» дегунча кафанни ҳам кўкла-дик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЖЎНАҒАЙ фольк. Тоғда ёлғизоёқ оғир йўл. *Юрган йўлинг адир эмас, жўнагай.* «Ал-помиш».

ЖЎНГ фольк. Бир ўркачли туя. *Бўтаўлса, жўнг туялар бўзлайди, Олқор қочса, баланд тоғни кўзлайди.* «Ҳасанхон»

ЖЎНИГА Ҳақида, тўғрисида. *-Энди тўй жўнига келсак, ҳамма гап вақт-соатга бог-лиқ, дўстим, — деди Собир.* Ойбек, О. в. ша-бадалар.

ЖУНИДАН қ. **жўнига.** [Маърифат Тожи-хонга.] *Уста буваникига чиқиб, иморат жўни-дан гаплашиб келай.* Уйғун, Ҳаёт кушиғи.

ЖУНЛИКЧА *рвш.* Осонлик билан, осон-ликча.

ЖЎПЛАМОҚ Мўлжалламоқ, чоғламоқ; мувофиқ кўрмоқ. *Хуфтон асносида Сафар бўзчи етиб келди, воқеани эшитиб, дафъа-тан Мирзони яшириши учун шаҳарнинг четро-гида бўлган язнасининг уйини жўшади.* А. Кр-дирий, Меҳробдан чаён.

ЖЎР I Тўрғайлар оиласига мансуб сай-роқи қуш. *-Бу жойлар чиройли экан, — деди бола осмонда муштдеккина бўлиб қотиб тур-ган жўрни энди кўриб, — нега мени илгари опкемадиз қишлоғизга!* С. Нуров, Нарвон.

ЖЎР II [ф. ʝʝʌ. — монанд, мувофиқ] Мос тушган, мос, оҳангдош, ҳамоҳанг, уйғун. *Уларнинг овози жуда бир-бирига жўр. ти Дехқонбои ҳам Камолжон қўшиғига қўшилиш-ди, бироқунинг овози жўр тушмади.* Н. Сафа-ров, Оловли излар. *Дилга дил, тилга кўнгиш албатта жўр овоз экан.* Ғ. Ғулом.

Жўр бўлмоқ I) бир-бирига мос овоз би-лан ҳамоҳанг куйламоқ. *Қизлар чилдирмага жўр бўлиб, Ҳамза Ҳакимзода ёзган қўшиқни айтиб келишарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Куй Ойқиз юрагига жуда ёқиб тушди шекилли, ичида унга жўр бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрон-дан кучли; 2) қўшилмоқ, жўра, шерик бўлмоқ. *Кўзи кўрга жўр бўлсанг ҳам, дили кўрга жўр бўлма.* Мақол.

ЖЎРА I [ф. ʝʝʌ. — тенг, ўртоқ, дўст] I Ошна-оғайни, ўртоқ. *Қарагай кесдик тоғ-да, Сувлар оқади сойда, Биз мунда қараб қолдик, Ёру жўрамиз қайда?* «Оқ олма, қизил олма». *Биз ҳам бир жўрамиз биан нима иш бўлса қўшимиз, деб Тошкентга келган эдик.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 «Гап», «тўкма» қатнашчилари, улфат-лар (бир-бирига нисбатан). *Мана шу вақт-гача жўраларнинг сони ҳамон ўша — тўққиз-дан ортмайди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

3 «Ўртоқ» маъносидаги мурожаат шакли. *Аҳмаджон ундан секин: -Жўрам, қаёққа кетаётибмиз? — деб сўради.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

4 Жўра (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

Жўра тутинмоқ Ахил дўст бўлмоқ. *Қо-риев у \Бекжон Давлатов\ билан ёш вақт-ларида Хивада, Каптархона кўчасида та-нишиб, жўра тутинишган.. эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЖЎРА II Бир кийимли икки бўлақдан иборат ипакли мол (беқасам, атлас, шойи ва ш. к). *Мен келтирган аъшсни Ерм солмас сандиққа. Минг жўраси арзийди Шу зарбдор дўндиққа. «Қўшиқлар».* -Бир жўра атлас у ёқда ўттиз сўм, — деди Туроб Усмонга. О. Хусанов, Қўшиқчининг такдири. *Сенга бир жўра беқасам олиб кўйдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчи-нор чироклари.

ЖЎРАБОШИ I «Гап», «тўкма» қатнаш-чиларининг (жўраларнинг) бошлиғи. *Ҳар бир жўранинг жўрабошиси, йигит оғаси бўларди.* Н. Сафаров, Кўрган-кечирганларим. *Ўзингизсиз уйимизнинг тўрида, Жўрабошисиз доим ҳаёт тўйида.* Қ. Муҳаммадий.

2 кўчма Ишбоши, саркор.

ЖЎРАБОШИЛИК Дўстларига, улфат-ларига бошчилик қилишлик. *Ташкилот-чилиги, сергайратлиги, ҳаммадан ҳам оғай-нилариининг бошини қовуштириб юриши учун кўпинча давра қуриб ўтирганда ҳам жўрабо-шилиқ шу одамга топшириларди.* С. Карома-тов, Бир томчи қон.

ЖЎРАЛАШМОҚ кам қўлл. Бир-бири билан дўст бўлмоқ. *Жўралашган тўрт юз киши, коллектив бўлган, Далаларнинг яшил кўкси экинга тўлган.* Миртемир.

ЖЎРАМОҚ фольк. к. йўймоқ. *-Сиз ту-шингизни аитинг, мен жўрайман, — деб айт-ди Зулфизар Авазхонга. «Зулфизар билан Авазхон».*

ЖЎРАҚАНД Қовуннинг эти қалин, йи-рик, ўртапишар нави.

ЖЎРОВОЗ Бир-бирига ҳамоҳанг, оҳанг-дош, овози мос тушган. *Қайта қуриш ва янгича фикрлаш даврига жўровоз асарлардан бири Гаффор Ҳотамовнинг «Эврилиш» эссе-сидир.* Газетадан. *Жўровоз бўлингиз, дўстлар, авжига.* Т. Тўла.

ЖЎРТТАГА рви. Онгли равишда, ата-йин, атайлаб, қасдан. *Мен жўрттага баъ-зи гапларни тесқариликка олиб кўрсам ҳам, у [Зайнаб] чурқ этмайди.* А. Қодирий,

Ўтган кунлар. *Қудрат жўрттага бақалоқ гавдасини қимирлатмай турарди.* Ҳ. Назир. Сўнмас чакмоқлар. *Аҳмад жўрттага сакраб ўрни-дан турди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЖЎРЧИ Йиртқич кушларнинг қарчи-ғайсимонлар оиласига мансуб бир тури.

ЖЎХОРИ Бир йиллик ғалла ўсимлик-ларидан бир гуруҳининг (сўтали макка-жўхори ва бошоқли қўкон жўхорининг) умумий номи ва унинг дони. *Жўхори эқмоқ. Жўхори туимоқ. ти Ўн қадоқ жўхори ту-файли шу қуига тушаман деб Аваз сира ўйла-маган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўғлим, қани, жўхори гўжадан қуйиб ич, чанқоқни босади.* Ш. Рашидов, Голиблар.

ЖЎХОРИЗОР Жўхори экилган ер, май-дон. *Саодат хола бир бўйрача жойдаги жўхо-ризордан уч-тўртта сўта олиб келган эди.* Ҳ. Нурий, Яшил хирмон.

ЖЎХОРИКОР Жўхори эқувчи, жўхори етиштирувчи. *Жўхорикорлар мўл дон ва си-лосбоп қўкноя етиштириши учун курашни да-вом эттиришяпти.* Газетадан.

ЖЎХОРИКОРЛИК Жўхори экиш, жўхори етиштиришлик. *Жўхорикорлик билан шугулланмоқ.*

ЖЎХОРИПОЯ Жўхори пояси. *Чоракор билан хизматкор Остонақул эса, даладан олиб келинган сўнги икки арава /ўзапоя ва жўхо-рипояларни дарвозанинг томига босишар эди.* А. Қаҳқор, Сароб. *Соҳира айвонга думак, яъни жўхориپоя илдизи ташир эди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

ЖУШ \ф. (jij)^. қайнаш; ғалаен, туғ-ён|: **жўш урмоқ** *поэт.* 1) қаттиқ тўлқинлан-моқ, мавж урмоқ. *Денгиз жўш урмоқда. иши Бизнинг ҳаёт жуда кенг, Жўш урган денгиз.* Ғайратий; 2) кўчма қайнамоқ, тўлиб тош-моқ. *Зебихон ҳам, Адолат ҳам буни яхши ҳис қилишар, лекин жабру жафолар исқанжаси-(<)а фарёдга келган қалбларида одам бўлиб яшаш истаги жўш урарди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Юракларда жўш урган Ҳаваслардан сўйладик.* 3. Диёр. **Жўшга келмоқ** 1) қ. **жўш урмоқ 1;** 2) жазаваси тутмоқ.

ЖЎШМОҚ 1 Қаттиқ тўлқинланмоқ, мавж урмоқ. *Тилагим дарёдай жўшиб оқмоқ-да.* Тўлқин. *Ҳаммасин биласан, эй сирли дарё, Оқасан узоққа, жўшиб, бепарво.* Ғайратий.

2 кўчма Тўлиб тошмоқ, қайнамоқ. *Ама-ки яна одашча жўшиб, ёниб гапир* бошлади. «Ёшлик».

ЖЎШҚИН 1 Мавж урган, мавжланган; шўх. *Эй телба, ҳовлиқма, эй жўшқин дарё, Ястанди йўлингда поёнсиз саҳро.* Ғайратий.

2 кўчма Жўш урган, қайноқ, оташин; ҳаяжонли. *Усмонов эҳтирос билан жўшқин сўзларди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрай-ди. *Холмурод унинг жўшқин овозини эшитди.* П. Турсун. Ўқитувчи.

ЖЎШҚИНЛИК Тўлқинланиш, оташин-лик; ҳаяжон. *«Кўча боғи» унинг овозига қову-шиб, ажойиб қувноқлик, жозибали бир жўшқинлик билан янграрди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

ЖЎЯ [ф. bj^]. — изловчи, қидирувчи]: **жўяси билан** Тушунтириб, ётиғи билан, аста-секин. *Жўяси билан гапиринг.*

ЖЎЯК [ф. ^<uj^]. — ариқча] қ. х. Экин ариғи, икки пушта ўртасидаги ариқ. *Жўяк олмоқ. тт Жўяк ичида бир қиз энгашиб, ўт юларди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Мана шу бепоён далаларда.. жўякларда шилдира-ган сувлардан сенинг биринчи бор айтган сўзларингни тинглардим.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ЖЎЯЛИ Ўринли, бамаъни, маъқул. *Жўяли маслаҳат. ши Шаҳзода иккиланиб қол-ди: «Бир ҳисобда чолнинг гапи жўяли», деб ўйлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

ЖЎЯСИЗ Ўринсиз, бемаъни, ножўя. *Жўясиз танбех. Жўясиз ҳаракат.*

ЖЎҚЧИЛАР эск. айн. «ж»ловчилар.

ЗАБ 1 сфт. Нихрятда яхши, хўб; ажойиб, зўр. *Бу ер заб жой жан-да. ит* \Дада-вой Қаландаровга:] *Заб милтиқ эканми ? Ош пишгунча лип этиб сойга тушиб, жиндак ов*

қилибкелмайликми? Утун, Навбахор. Сар-тарошлик заб хунар, хизматинг тез кўри-нар. П. Мўмин.

2 рви. Ниҳоятда, жуда ҳам. Қизлар ку-лишиди: «Салимахон, ўзингизга ҳам келинлик заб ярашар экан-да». Н. Фозилов, Оқим.

3 юкл. Нақ, айни, худди. -Ҳошимжон, заб вақтида келдингиз-да, — деди бир кун Фармонқул ака Қобиловга. С. Махкамов, Шогирд.

ЗАБАР \ф. j->j — баланд, юқори; усти-да] Араб тилида қисқа «а» унлисини англа-тадиган, ҳарф устига қўйиладиган диакри-тик белги; арабча номи — «фатҳа». Беклар отга солар олтин эгарди, Ёшлиқдан ўқиган алиф, забарди. «Ойсулув».

ЗАБАРДАСТ \ф. لُبُوْدُ لُبُ — кўли баланд, кучли; ишбилармон] **1** Жисмоний жиҳат-дан бақувват, кучли; қудратли. *Забардаст йигит. ит Икки забардаст пахлавон ўртада бел тутишибкетдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Бизнинг довурак, жа-сур, забардаст аскарлар икки кунгача душ-манни олдинга силжитишмади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Забардаст қўллар тобутни азот кўтариб, кенг елкаларга олдилар.* «Ёш-лик».

2 кўчма Етук, ўткир, таник^пи. *Хуллас, Павел Иванович Петровский мактаб яратган забардаст олим бўлиб, унинг билан ҳисоб-лашмайдиганлар камдан-кам топиларди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Сатторхон тўра ҳам диндор, ҳам забардаст уламо, қилни қирқ ёрадиган мулло эдилар.* К. Яшин, Ҳамза. *Уч буюк забардаст шоир сукутда эди.* Шукрул-ло, Жавохирлар сандиғи.

3 Оғир. катта, залворли. *Бундан йигир-ма уч йил аввал Матқовул ўзининг забар-даст кетмони билан Салтонбунинг тўрт таноб ерини тўрт кун деганда ағдариб чиқ-ди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о. *Ер ишиоғир, ўзингиз яхши биласиз, оғизнинг ели билан бит-майди.* *Забардаст кетмонни пиёз нўстидай қилиб қўяди пахта иши.* С. Нуров, Нарвон.

ЗАБАРДАСТЛИК Пахлавонлик, қудрат-лилиқ, кучлилиқ; оғирлик, катталиқ. *Дос-тонда «Алттиш чангалласа, тоғни талқон қилади..», деб тасвирланади.* Бу Алтомиш-нинг муболагали тасвири бўлиб, унинг аза-матлиги ва забардастлигини англади. «Ва-тан адабиёти».

ЗАБАРЖАД \а. л^.^ — яшил рангли қимматбаҳо тош] **1** мин. Шаффоф сарғиш-яшил қимматбаҳо тош. *У [Султон] табас-сумини яширолмаи, ичи барқут билан сирил-ган қутилардаги гавҳар, забаржад, ёқут тошларни олдига суриб қўйди.* М. Осим, Кар-вон йўлларида. *Катта сандиқ ял-ял ёнган олмос, забаржад ва яна қандайдир нафис товланган қимматбаҳо тошлар билан лим-мо-лим эди.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

2 Шундай тош ўрнатилган (тақинчоқ ёки буюм). *Забаржад зирак.*

3 Забаржад (хотин-қизлар исми). **ЗАБАСТОВКА** \р. — «ишни тўхтатиш»]

Ташкилий равишда, ялписига иш ташлаш. *Забастовка ҳаракати. ти Мединский зуғу-мини давом эттириб, асл мақсадга кўчди:*

-Энди забастовкалару митинг-питингларни тарқатиш билан овора бўлиб юрманг, бу ишни бошқаларга топшираман. К. Яшин, Ҳамза.

ЗАБАСТОВКАЧИ Забастовка ташкилот-чиси ва қатнашчиси.

ЗАБОЙ [р.] кон. Шахтада фойдали қазилма бойликлар (тошқўмир, руда ва ш. к.) қазиб олинадиган сурилма иш жойи. *Эртадан бошлаб сен забойга бориб, экскава-тор учун майдончани олдиндан тайёрлаб қўя бошлайсан [деди Дмитриш Михаилга].* Газе-тадан.

ЗАБОЙЧИ Забойда ишловчи. **ЗАБОН** \ф. — тил| қ. тил **1.** Са-мандаровнинг қони қайнаб кетди: -Мундай гапирсангиз-чи, забон борми!? А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. *Худонинг шукрини қайси забон бирлан адо айлай, Карам дарёси жўш урди, дурахшон гавҳарим келди.* С. Хон-дайликий. *Сафохон тўра давом этиб, унга қаради: -Хўш, ўрис забонини ўргансак, бизга ё'монми?К. Яшин, Ҳамза.*

Забони қисқа айн. тили қисқа қ. тил. Оташ забон, оташзабон Гапга чечан, сўзамол; қизғин нутқ сўзловчи, нотик. *Оташ-забон шоир. ит Хотинларнинг баъзилари қизиққанларидан чачвонларини қия очиб, Иўлчига яширинча мўралашиди. Кимдир би-ров «оташ забон йигит экан», деб қўйди.* Ой-бек, Танланган асарлар. **Ширин забон, ширинзабон** Ширин сўз. *Дарёйи сўзи равон Му-қимий, Халқ ичра ширин забон Муқимий.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЗАБТ \а. *U*, ,л — хибс, мусодара; тергов]: **забт қилмоқ** (ёки **этмоқ**) 1) босиб олмоқ, эгалламоқ, ишғол қилмоқ. *Иншоолло, Са-марқандни бу йил забт этсак, хавф-хатар-лар бартараф бўлмай.* П. Қодиров. Юлдуз-ли тунлар. *Бобур Хиндистонни забт этган чоғда ҳам она юртни эслайди.* «Фан ва тур-муш». *Агар Хоразм ўзаро уруш олови ичида қолса, ани забт этмак осон.* М. Осим, Кар-вон йўлларида; 2) ўз ҳукмига бўйсундир-моқ, жиловламоқ. *Чўлни забт этмоқ;* 3) эгалламоқ, мафтун қилмоқ, ўзига қарат-моқ. *Қандай ҳислар, қандай фикрлар Қиз қал-бини забт этиб олди? Уйғун. Кипригиндан ўқ узиб, Кўксим аро захм айладинг, Дилни забт этмоққа балки Чоҳ ўйиб, лаҳм айла-динг.* Э. Воҳидов, Мухаббатнома.

Забт билан Куч билан, шиддат билан. *Муҳаррам ўша тотли муҳаббат кунлари, ойлари ўз оғушига забт билан тортаётган-дек кўзларини беихтиёр юмди.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Забти тез** Аччиғи тез, серзарда, сержаҳл. *Забти тез одам.* **Забтига олмоқ** Тобора кучаймоқ, авжига минмоқ. *Совуқ забтига олди. ти Сурхондарёда сув ба-лоси айниқса забтига олиб, сўнгги икки ҳафта мобайнида икки марта сел келди.* Газетадан.

ЗАБТКОР \а.+ф. ,л - забт қилув-чи] Забт этувчи, ўз ҳукмига бўйсундирув-чи. *Шўрўзак массиви, унинг биринчи забт-корлари ҳақидаги ҳикоя ҳамроҳимизни ниҳоятда қизиқтириб юборди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Шу кунгек чўл забткорларига маданий-маиший хизмат кўрсатиши, уларни рағбатлантириши масалалари ҳам келишиб олинди.* Н. Ҳайиткулов, Ер тафти.

ЗАБТЛИ шв. Тез. *Отлар қорда забтли чополмайди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЗАБУН \ф. ~ нотафон, заиф; мағ-луб] 1 Кучсиз, нимжон, заиф. *Ҳатто эрта-кеч танчанинг бир томонини банд этишдан ўзга ишга ярамаган забун кампирлар ҳам.. бу «хонтахлит тўй»ни томоша қилишдан ўзла-рини тия олмадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ночор, иложсиз. *Мардликни севган, мағрур йигит ўзини ожиз, забун, ихтиёрсиз сизди.* Ойбек, Куёш қораймас.

3 Мушкул, оғир, танг. *Золимлар қўлида забундир ҳолим, Бемаҳал этишди, қайтайин, ўлим.* «Баҳром ва Гуландом».

4 Хор, эзилган. *Ўтмишида забун ва маз-лум аҳволда бўлган ўзбек хотин-қизлари жамиятимизда ҳамма билан тенг қатор-да муносиб ўрин эгаллаганлиги қувончли бир ҳолдир.* Газетадан. *Аваз кўндан бври бу ваҳ-ший удумни ўйлаб изтироб чекар, бу забун, меҳнаткаш тўда хусусида бир шеър ёзиши-ни мўлжаллаб қўйган эди.* С. Сиёев, Ёруғ-лик.

Забун бўлмоқ 1) енгилмоқ, мағлубият-га учрамоқ; заволга юз тутмоқ. *Хоразмийларнинг сон жиҳатдан кам бўлмаса-да, ра-қибидан хийла заиф, тажрибасиз қўшини, сафлари сийраклаша бориб, ниҳоят забун бўлди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Турган гап: у киши амирликнинг забун бўлиб кФни-шига қарши.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк; 2) аҳволи танг бўлмоқ, ночор аҳволга ту-шиб қолмоқ. *Менуни кўрмасам, йўқдир қарорим, Тура берсам, забун бўлар аҳволим.* «Баҳ-ром ва Гуландом». *Суянган кишиларимиз би-рин-кетин қўлга тушаётир, энди ҳолимиз забун бўлади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЗАБУНЛИК Бечоралик, ночорлик, қашшоқлик; эзилганлик, хорлик. *-Меҳнат аҳли ҳаммиша забунликда. Савдогарлар-чи? Барчаси бизнинг бел ва билак кучимиздан семирган ҳаромтовоқлар! — деди қаҳр би-лан Жумабой.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЗАБУР — хат, китоб; Инжил-нинг тўрт китобидан бири] *дин*. Худо то-монидан Довуд пайғамбарга юборилган муқаддас китоб.

ЗАБҲ \а. £jj — сўйиш; қурбонлик қи-лиш]: **забҳ этмоқ** *кам. қўлл.* Қурбон қилмоқ. *Қрним шаробин ичсанг, Тотсанг жигар ка-бобим, Забҳ этмай ўзни, Эркин, Базми шо-ҳона қилмас.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ЗАВЖ \а. жуфт; эр] *эск.* Эр, қай-лик. *Кумушибиби бинти Мирзакаримбойга — завжи тошкентлик Отабек Юсуфбек ҳожии ўғлидан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАВЖА [а. А^JJ — хотин] *эск.* Хотин, рафиқа. *Энди бир мўминнинг завжаси, никоҳидаги хотинсан-а!!! Энди сен эрнинг измида юрасан — шариятда шундай/К.* Яшин, Хам-за. *Ахир завжангизнинг вафот этганига олти ойча бўлди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЗАВОД [р. завод — ҳаракатга келтириш, ишга солиш] Йирик саноат ёки хунарманд-чилик корхонаси. *Ёғ заводи.* **иши** *Содиқжон бойваччанинг пахта тозалаш заводида иш қизгин.* К. Яшин, Хамза. *Урушдан кейин Ува-ров Тошкент паровоз-вагон ремонт заво-дида чиқадиган кўп тиражли газетада ре-дакторлик қилди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқин-лари. *Ботирали Тошкентда Салор бўйидаги пахта заводида ишчи бўлиб ишларди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ЗАВОДЧИ *эск.* Завод эгаси, хўжайини. *Меҳмонларнинг кўпчилиги Фарғонада донги кетган заводчи, пахтафуруш бойлар, йирик савдогарлар, баззоз, вофурушлар.* К. Яшин, Хамза. *Пахта ҳам шунақа, заводчилар ёзга бориб икки барабар қимматига сотиб олишар экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЗАВОЛ \а. JJJ — кунботар пайт; йўқ бўлиш, ҳалокат] **1** *эск.* Куннинг иккинчи ярми, кун оққан пайт билан кун ботар пайт оралиғи. *Шом бўлди, завол бўлди, йигитга увол бўлди.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *кўчма* Йўқ бўлиш, маҳв бўлиш, ўлим. *Ростга завол йўқ.* Мақол. **иши** *Камолнингни кўрай, заволнингни кўрмай.* Т. Сулаймон, Ин-тизор. *Манманликка завол етар, Кам бўлган камолга етар.* «Зулфизар билан Авазхон». *Беҳунар, илмсиз халқни истиқболда завол кутажак.* С. Сиёев, Аваз.

3 *кўчма* Офат, кушанда. *Кўк қурт! Ёмон офат.* *Ғўзанинг заволи.* *Тезда тухум-пухумини қуритиш керак.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Асабий ҳолат, ҳозир айтганимдаи, инсонумрининг заволидир.* Х. Тўхтабоев, Ши-рин қовунлар мамлақати. *Сув танқислиги ҳосилнинг заволидир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Завол бўлмоқ Бирор кимсанинг йўқ (ҳалок) бўлишига сабаб бўлмоқ. *Лекин Хо-сият опа ва қизингизнинг бахтига завол бўлишини истамадим.* М. Хайруллаев, Кўнгил. - *Гулдаи умримизга завол бўлган киши сиз эмасмисиз? — деди Роҳат Темирга.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. **Завол топмоқ** (*ёки кўрмоқ*) Йўқ бўлмоқ, ўлмоқ; ҳалокатга юз тутмоқ. *У \инсон\ ҳамиша олға иншилиши, ўрганиши, ҳаёт сирларини ўзлаштириб олиши зарур.* *Акс ҳолда, ақл-заковати йиллар ўтиши билан ўтмаслашади, завол топади.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Қисқадир тух-матнинг умри, бормақол: Тухматчи, албатта, топажак завол.* М. Худойқулов, Зилол сувли сой ва кир мағзава.

ЗАВОЛЛИ Ҳалокатга юз тутган, хароб бўлган. *Абдишукур секин мингирлади: - Завол-ли Туркистон учун бойлар керак.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳа, мангу заволли бўлмас оламда То суйин сочаркан абри найсонлар.* А. Орипов.

ЗАВХОЗ [р. < заведующий хозяйством — хўжалик мудури] *с.т.* Муассасаларда хўжалик ишлари учун жавобгар шахс. *Жўхо-рига сув қўйдим, Марзасидан ошмасин, Зав-хозимиз хотини Кўп ҳаддидан ошмасин.* «Кўшиқлар».

ЗАВҚ \а. jjj — таъм, маза; мойиллик; завқланиш] **1** Кишига лаззат бағишловчи кайфият; шавк; хурсандчилик. *Кема сувнинг шиддатига дош беролмай, гоҳ орқага, гоҳ*

олдинга чайқалар, бундан болаларнинг завқи ошарди. М. Ҳазраткулов, Журъат. Мимардон яна ўша табассум билан, яна ўша завқ билан куйлади. Ў. Хошимов, Қалбинга кулоқ сол.

2 Хузур, нашъа, гашт. *Яшаш завқин бил-моқ бўлсанг, Фан тоғига интилгин.* Ё. Мирзо. *Самандаров завқ қилиб кулди ва болани қўлидан тортиб олиб, бағрига босди.* А. Қаҳ-ҳор, Кўшчинор чирокдари.

3 Қизикиш, мароқ, иштиёқ; рухий кўта-ринкилик. *Маърузачи завқ билан сўзламоқда. ти Йўлчи найни лабига қўйиб, бутун зав-қи билан чала кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Завқини келтирмак Кайфиятини яхши-ламоқ, руҳини кўтармоқ. *Баҳорда кўм-кўк майса билан қопланган далалар, кузда олтин-ранг бошоқларнинг шовуллаши кишининг зав-қини келтирар эди.* Газетадан.

ЗАВҚБАХШ [а. + ф. ;3j ' ~ завқба-ғишловчи] Кишининг кайфиятини кўтара-диган; хурсанд қиладиган; лаззат бағишлай-диган. *Баҳор — фаслларнинг энг қаиноқ, энг шўх, энг серташвиши, айни замонда энг завқ-бахши.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Шоир табиат манзараларини, баҳор фасли-нинг мафтункор хислати, завқбахш фазила-тини моҳир рассом каби жонли тасвирлай олган.* «ЎТА».

ЗАВҚЁБ [а. + ф. ^Lj^jj - завқ топувчи. олувчи] *кт. қ. завқбахш.* *Еруғтуннинг сўлим, завқёб чоғида Лаврага тизтар бир тўп ўспи-рин.* Миртемир. *Унинг [Авазнинг].. ноҳуш во-қеадан ҳам, завқёб ҳодисадан ҳам дарҳол қа.1-би жунбишига кела бошларди.* С. Сиёев, Аваз.

ЗАВҚЛАНМОҚ Руҳланиб кетмоқ, қув-намоқ; лаззат олмоқ, ҳузур қдлмоқ. *Ортиқ ўзининг ҳазилидан ўзи завқланиб, хандон ташлаб кулди.* М. Мансуров, Ёмби. *Ғулом-жон шукуҳ қилиб кулар, Ашур Мирзо эса завқ-ланибҳикоя қишир эди.* М. Исмоилий, Фар-ғона т. о. *Малика куёвининг ўктамлигидан завқ,шнаётганиниширмасди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ЗАВҚЛИ 1 Кишига лаззат, завқ, ҳузур бағишлайдиган, кишининг завқини келтирадиган, мароқли, нашъали. *Завқли томо-ша. ти Созандалар ўзлари чалган мунгли ва завқли куйларга гавдаларини тебратиб ўти-радилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Овчилик қамишкапаликлар ҳаётида завқли маиғулот эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Лаззат, завқ, ҳузур ола биладиган. *Завқли бола.*

ЗАВҚ-ШАВҚ Ўта хурсандчилик, шод-лик; кўтаринки кайфият. *Спорт баирамида иштирок этганлар ҳам, томошабинлар ҳам шу куни завқ-шавқ билан хонадонларига қаи-тишиди.* Газетадан. *Ғойиб энди студентлик-нинг олтин даври ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ЗАДА [ф. Uj — урилган, зарарланган; эзилган) Эзилган, абгор бўлган; бирор нарсадан безиллаган, юрагини олдириб қўйган. *Мен кишлоқлардаги камбағалларнинг хароба уйларини, паранжига бурканган, хўрлаб қўйилган зада аёлларни.. эслаиман.* Ҳ. Носи-рова, Мен ўзбек қизиман. *Дунё ҳам, инсон-лар қалби ҳам бугун Ёвузликдан зада қў-риқхонадир.* А. Орипов, Йиллар армони. *Риқшалар исён қилди, ҳаётдан зада, Ҳаётда улар, ахир, тентирар беҳақ.* Миртемир.

Зада бўлмоқ Бирор кимса ёки нарсадан кўркиб, ҳадиксираб, безиллаб қолмоқ. *Душман зада бўлиб қолган. У дарахт шохлири қимирласа ҳам, шарпа гумон қилиб, бир таллай ўқ ёғдиради.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Ростини айтсам, тамаки тизши бошлангандан бери опимнинг авзойидан юра-гим зада бўлиб қолган.* А. Кучимов, Ҳалқа.

ЗАДАЛАНМОҚ айн. **зада бўлмоқ** қ. **зада.** *Ана, томдан тортилган.. симларга иккита чу.мчуқ келиб қўнди. Қўнишига қўнди-ю, зада-ланиб колганидан, олазарак бўлиб типирчи-ларди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ЗАЁМ [р. < занять - «қарз олмоқ» фл. дан ясалган от] **1** Олинган ёки берилган қарз пул.

2 мл., эск. Давлатнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида чиқарилган қимматбаҳо қоғоз. *У ҳокимият тепасига кели-ши биланоқ, ҳукуматнинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида, халққа ўттиз мил-лион сўм миқдорида қарз — ички заём солди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЗАЁМФУРУШЛИК эск. Заём олиб со-тиш билан шуғулланишлик. *Кўп йиллар гурбаткашликда баъзи ишларга омиқор бўлиб келган мулла Зухриддин узоқ ўйлаб ўтирмай, ишни заёмфурушликдан бошлаб юборди.* Ғай-ратий, Довдираш.

ЗАЖИГАЛКА [р. < зажигать — «ёнди-моқ, ўт олдирмоқ» фл. дан ясалган от] Ўт олдирувчи асбоб. *Исмоил шимининг соат чўнтагидан чиройли зажигалка олди.* П. Қодиров, Эрк.

ЗАИФ [а. ■ — камқувват; касал] **1** Жисмонан қуввати кам, беқувват, нимжон, кучсиз. *Заиф бола.* *тт Жисмонан заиф, кек-сароқ ёки совуққа анча таъсирчан кишилар, яхшиси, кечқурун ётишидан олдин оёққа со-вуқ ванна қилишлари керак.* «Фан ва турмуш». *Гулчеҳра Султоннинг титроқ босган заиф қўлларини қайноқ ёш томчилари билан ювилаётган юзига босди..* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 Тембр жиҳатдан баланд, кучли бўлма-ган; кучсиз, паст. *Ғуломқодирнинг овози жуда заиф чиқди.* «Шарқ юлдузи». *Аёл кишининг заиф инграган овозини эшитиб, ўзига келди-да, отилиб уйга кирди.* Х. Аҳророва, Ориф-нинг давлати. -*Қўрқманг, мен.. — деди Ғу-ломжон, куз япрогидай титраб турган заиф товуш билан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Иқтисодий ёки ҳарбий жиҳатдан но-чор, камбағал. *Сиз кўраётган гигант ёшида иқтисодий заиф хўжаликлар тиралиб ётса, бу номутаносибликни биздан кейинги авлод-лар кечирармикан?* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

4 Унчалик кўп бўлмаган, жуда оз; хира. *Заиф шуъла.* *тт Сариқ, мойли қоғоздан зўрга ўтган заиф нур тўқувчи аёлларнинг танда устидаги қўлларигагина тушади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

5 Маҳорат нуқтаи назаридан кучсиз, бўш; пухта ишланмаган. *Биз Абдулла Қодирининг ижобий фазилатлари ҳақида фикр юритар эканмиз, ундаги айрим заиф томон-ларни ҳам кўрсатиб ўтишимиз зарур.* Газе-тадан. *Даҳо улуг шоирнинг заиф жойини би-либолди.* Т. Мурод, Қўшиқ.

Ақли заиф Эси паст, ақли кам; овсар, жинни. *Анварнинг ўзи сал ақли заиф экан, восвосга тушиб қолган; акалари уни хафа қилган.* Газетадан. **Мизожи заиф** Эркаклиги суст. -*Мендан-а, хотинингиздан уяласизми? -Уялмайманми? -Уялманг. -Уялмасам.. мизожим заиф.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАИФА \а. 4iii[^] — кучсиз, ожиза; аёл] эск. Хотин, рафиқа, аёл. *Оғаминг заифаси фарзанд доғидан телба бўлиб қолди \деди Қутбиддин].* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Фосиқ афанди ёшигина овозни эшитиб, кифт-ларини учирди.. кейин томогини қириб, ма-йин товуш билан: -Заифалари бўласизми, хо-ним афанди? — деб сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. -*Аёл киши оти — жўни билан заифа дейилади, — деди полвон тишини ти-шига босиб.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

ЗАИФЛАНМОҚ Куч-қувватини йўқот-моқ, кучсизланмоқ, қувватсизланмоқ. *Мен ўшал кун кечаси душманлардан бирини ўлдир-дим-да, сўнг даражада заифландим \деди Отабек].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАИФЛАШМОҚ **1** Тобора кучсизла-шиб, куч-қувватини йўқотиб бормоқ. *Кат-та ишларни бошлаб қўйган Сафоев, бахтга қарши, юрак ўйноғи касалига мубтало бўлиб, кечалар ухлаёлмай, безовта бўлиб чиқар, бор-ган сайин заифлашиб, юзи заъфарондай сарга-йиб борарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Иқтисодий ёки ҳарбий жиҳатдан куч-сизланмоқ, кучсиз бўлиб бормоқ. *Мунта-зам қўшиндан ажраб, заифлашиб қолган Бу-хоро сон-саноқсиз кўчманчилар томонидан босиб олинди.* М. Осим. Карвон йўлларида.

ЗАИФЛИК 1 Кучсизлик, дармонсизлик. *Заргаров баданида заифлик сезиб, суҳбатдан ҳафсаласи қочди.* А. Мухтор, Бўронлар-да бордек қаловат.

2 кўчма Ожизлик; ақли калталиқ. *Бо-бурдаги бу ўзгарувчанликни Қосимбек ёшлиқ гўрлигидан кўрар, хусусан, бундай мураккаб давлат ишларида аёлларнинг гапига кириши-ни катта бир зиифлик белгиси деб биларди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЗАИФОНА эск. Хотин-қизларга мўлжал-ланган, аёлларбоп. *Носир бечораўн йил хиз-матини қилиб, аранг зсифона этикча тика-диган бўлиб чиқди.* Газетадан. *Кафшининг бири заифона, бири мардона, бирининг поинаси бутунлай йўқ, бириники яримта.* Ойбек, Танланган асарлар.

Заифона овоз (ёки товуш) Паст, кучсиз овоз. *Камол қози харсанг билан кўтарилган супага чиқиб, қалтироқ, заифона овоз билан қичқирди.* К. Яшин, Ҳамза. *Аввал заифона товушда ўзи ўқиди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЗАЙЛ [а. J_jj — этак; дум; оқибат; ин-тихо]: **бир зайлда** Бир хилда, бир маромда, бир хил ҳолатда. *Теварак атроф жимжит. Ниначилар бир-бирини қувлаб учар, чигирт-калар бир зайлда чириллар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Замона(нинг) зайли (билан)** 1) вақтнинг, даврнинг тақозоси, талаби (билан). - *Ота-оналар замонанинг заили, деб қизларини ўқитиш зарурлигини тан олсалар ҳам, ўқимишли қизларнинг ўзига хос хоҳиш-ларини тан олмайдилар, — деди Кумуш.* Т. Жалолов, Олтин қафас; 2) тақдир тақозо-си билан. *Ана, замона зайли билан бу ерларга келдим. Роза билан қайта танишдим {деди Бахтиёр}.* Б. Абдуллаев, Тўй бўлади. *Нажмид-дин Бухорий.. кейинчалик замонанинг зайли билан Хуросонга келиб қолган.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Шу зайлда** Маълум тарзда; маъ-лум ҳолатда, тарзда. *Гапнинг шу зайлда бошланиши Ҳаётни ёмон қўрқитиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бобоқул шу зайлда қанча вақт ўтирганини билмайди.* С. Анор-боев, Оқсой. *Жанг шу зайлда кечгача давом этди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЗАЙТУН [а. aj^j ~ яшил дарахт] **1** Доим яшил тусда бўладиган субтропик да-рахт. *Зайтун дарахтининг бўйи 4-5 метрга етиб, жуда сершоҳ, сермева бўлади.* Газета-дан. *Ёки макон этар зайтун тагини, Ёки паноҳ тутар тоғ этагини.* Миртемир.

2 Шу дарахтнинг олхўри шаклидаги меваси (ундан одатда мой олинади). *Атрофдаги боғларда эса анжир, хурмо, зайтун, узум пишиб ётмоқда.* М. Осим, Карвон йўлла-рида. *Зайтун мойидан қишнадиган ош турк-лар учун энг тансиқ овқатлардан.* А. Ҳаки-мов, Илон изидан.

ЗАЙТУНЗОР Фақат зайтун дарахтлари экилган ер, майдон. *Сўқмоқ тоғ бағридаги зайтунзорга олиб чиқди.* Ҳ. Ғулум, Замин юлдузлари.

ЗАК шв. 1 Зах. *Сим деган Фарғонаси Юракларим қон айлади, Беш қари бўздан чопон — Ёнбошларим зак бойлади.* «Оқ олма, қизил олма».

2 айн. зок.

ЗАКАЗ [р. < заказать — «олдиндан айт-моқ, буюрмоқ» фл. дан ясалган от] эск. қ. буюртма.

ЗАКАЗЧИ эск. қ. **буюртмачи.**

ЗАКАЛАТ [р. заклад — олдиндан берил-ган ҳақ; гаров] кам қўлл. Сотиб ёки буюртма орқали олинадиган нарса, бажариладиган иш учун олдиндан бериладиган (тўланадиган) х.ақ. *Закалат бермоқ. Закалат олмоқ.*

ЗАКАН қ. х. Намлик ёки захни қочи-риш учун ер, пайкал ўртасидан қазилган ариқ; зовур. *От ботқоқликдаги закан сувига тумишугини ботириб ичмоқчи бўлди-ю, шўрлигидан яна тумишугини тортди.* С. Аҳмад, Одамнинг изи.

ЗАКИЙ [а. — зийрак; аклли, қоби-лиятли) *кт.* Зехни, ақли ўткир; доно, ақд-ли. *Ҳофиз Кўйкий қалбини чулғаган ва ўзи ҳам англаб етмаган бу галати ҳисларни фақат шу закий зотгина тушуна олишига чин юракдан ишонди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Қирқ йил захмат чекди қай бир за-кий зот, Бир кун этмоқ учун фикрин ифода.* А. Орипов, Ҳайрат.

ЗАКИЙЛИК Акллилик, зийраклик; до-нолик. *Ота-она гўдакнинг закийлигига лол қолиб, чўрини топиб келадилар ва ундан афв сўрайдилар.* О. Ёқубов, Қўхна дунё.

ЗАКО [а. clSi — ақл; фаросат] *айн.* **закый-лик, заковат.** *Латофат, фалсафа, донолик, зако Унинг ижодида жамулжам эди. Уйғун. Чинакам сулуvsиз, чинакам барно, Тенги кам сиймо. Кўзингизда асрий ва сирли маъно — Мужассам зако.* Миртемир.

ЗАКОВАТ [а. йjlfJ — сезгирлик, аклли-лик, фаросат] *қ.* **закыйлик.** *Унинг қошмадан келган тиниқ юзида, катта-катта кўзла-рида заковат нури порлайди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Маданий мерос — халқ бой-лиги. У минг йиллик тафаккур ва заковат маҳсули.* Газетадан. *-Унинг [Зокиржоннинг] нозик ҳаракатлари, шоирона муомалалари, заковати, малоҳати, жозибали фасоҳати мени ўзига мафтун қилди, — деди Муқимий.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

ЗАКОТ \а. clISJ — поклик, покланиш; садақа] **1 дин.** Шариатга мувофиқ, пулдор, бадавлат мусулмоннинг ўзига қарашли мол-мулки ва даромадининг қирқдан бир улуши миқдориди (рўза вақтида) бева-бечо-раларга, камбағал-қашшоқларга берадиган хайр-садақаси. *Мана, Фаргонанинг энг азиз, энг бадавлат, энг халқпарвар одами — Содиқ-жон бойвачча яқинда бутун Қўқон халқига закот бердилар.* К. Яшин, Хамза.

2 тар. Ўрта Осиё хонликларида: чорва ва мол-мулкнинг қирқдан бир улуши миқдориди ҳар йили хазина фойдасига олин-ган солиқ. *Солиқларнинг учинчи тури — закот — мол-мулкдан олиннадиган давлат со-лиги эди.* Ф. Озодаев, Тошкент тарихидан очерклар. *..деҳқонлар.. косиблар ҳамини амирнинг хирож, закот сингари солиқларининг жабрини тортар.. хонавайрон бўларди.* Газетадан.

ЗАКОТЧИ *тар.* Закот йиғувчи. [Кампир] *Закотчига таом пиширмоқ учун кўргончага қараб юрди.* Ойбек, Навоий. *Закотни бек ёки хон томонидан тайишанадиган закот-чи йиғар эди.* Ф. Озодаев, Тошкент тарихи-дан очерклар.

ЗАЛ \нем. Saal — катта хона, бўлма] **1** Идора, корхона ва муассасаларда турли маросимлар (анжуман, йиғилиш, машгу-лот ва ш. к.) ўтказиладиган катта ва кенг хона. *Кўнгироқ чалинганидан бир минут ўтар-ўтмас мактаб зали бўшаб қолди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳ. Олимжон ҳатто томоша залларида ҳам газета, журналлар олиб юрарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бўлажак спортчилар ихтиёрига яхши жи-хозланган спорт зали, қулай гардероб ва душ бериб қўйилган.* Газетадан.

2 Хусусий ва кўп қаватли хонадонлар-даги энг катта уй, хона; меҳмонхона. *Меҳмонлар учун залда дастурхон тайёрланди.*

ЗАЛВАР Муайян салмоққа эга бўлган, жуда зич, қаттиқ нарсаларнинг оғирлиги, салмоқ. *Залвар билан урилмоқ. тт Залвари, қадр-қиммати тилладан кам бўлмаган оқ пиллаларни қўлма-қўл олиб кўришди.* М. Қўш-моқов, Катта хирмон жилғаси.

ЗАЛВАРЛИ Салмоқли оғирлиги, кучи бўлган, салмоқдор; оғир; салобатли, жуда катта. *Расадхонанинг қўш тавақали залвар-ли эшиги берк эди.* О. Ёқубов, Қўхна дунё. *Ушбу наирга Лутфийнинг ўзбек классик шеър-ияти тараққиётига залварли ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб шеър-ий меросидан наму-налар киритилди.* Газетадан. *Баҳайбат, зал-варли иншоотлар ёнида жин кўчаларни кўра-сиз.* **3.** Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

ЗАЛДИВОР *с.т.* *қ.* **зардевор.** *Ҳар бири уйнинг бир томонини оладиган иккита ипак сўзана, гулкўрпа, палак, икки уйга етадиган залдивор, дорпеч, учта гилам, тўртта даз-мол, қўйинг-чи, кир ёйишга олти метр ар-қон ҳам бор.* Т. Алимов, Қиз ўғри бўлади.

ЗАЛИЛ \а. J.JJ — хўрланган] *кт.* Хўр-ланган, ҳақоратланган, таҳқир қилинган. *Ғарибу фақир*у залилу ҳақир Эдим, лек йўқ эрдим усру далир. С. Хондайлиқий.

ЗАЛОЛАТ [а. с/ЛУ^, — йўлдан адашиш, хато; ёлғон| Ҳақиқий эътиқоддан юз ўгириш; йўлдан озганлик, адашганлик; гум-рохдик. [Хатиб домла мулла Муҳсинга:] *Гўё сиз ҳам домласиз-да! Ҳам ўзингиз осий, ҳам қавмларингиз залолатда.* А. Қодирий, Обид кетмон. «Муштум» эскича: *ўғрилиқ, залолат ва гайрилар билан курашни давом эттира-ди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЗАЛП \нем. Salve < лот. salve — яша, соғ бўл; дастлаб олқишлаш, саломлашиш маъносига ўқ узишни ифодалаган] Бир неча тўп ёки милтиқлардан бир йўла, бараварига ўқ отиш. *Тўплар залпи.* **тп** Улар [партизанлар] ёвни бир залп билан қириб ташлашлари мумкин эди. В. Ғофуров, Ва-фодор. *Полк батареясининг залпи ўрмон оша гумбурлаб эшитилди.* А. Убайдуллаев, Қон-ли издан.

ЗАМ \а. — кўшиш, кўшилиш; кўшиб, босиб олиш]: **зам қилмоқ** (ёки **айламоқ**) *кт.*

Бор нарса устига кўшмоқ, уни кучайтир-моқ; илова қилмоқ. *Ёвга раҳм этманг, уринг, ҳайданг, суринг, берманг омон, Зарбалик даҳ-шатни айланг зам уза зам, жангчилар.* Хаби-бий.

ЗАМБАР шв. қ. **замбил.** *Омонат кўприк устидан замбарларда тош-шағаллар келти-риб тўка бошладилар.* С. Ахмад, Қадрдон далалар. -*Ташқаридагшарўликни солишувчун тол новдадан замбар тўқимоқда эдилар, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

ЗАМБАРАК, ^JJ^J ~ кич-

кина қовоғари] Узун стволли артиллерия қуроли; тўп (даврлар ўтиши билан шакли ўзгариб борган). *Ёв бошида найза, қилич ўйнатишни ўргандим. Мардчасига замбаракдан ўқ отишни ўргандим.* Ҳ. Пўлат. *Узоқдан замбараклар ҳайқириги, снарядларнинг порт-лаши эшитилмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаб-бат. *..Бир кексароқ хотин ҳарсиллаб шундай деди унга: -Юнусобод деган жойдан келаяп-ман, нега қайтаман! Зулдан тўйдим, зам-баракка солиб, отиб юборсинлар мани.* Ой-бек, Танланган асарлар.

ЗАМБАРАКЧИ Замбарак отувчи; тўпчи.

ЗАМБИЛ \а. j — катта халта ёки са-ват; ф. — тупроқташиш воситаси, мос-ламаси] Гишт, тупроқ, тош ва ш. к. юклар-ни ташиш учун ишлатиладиган, икки па-раллел дастага тол ёки тут новдаларидан ўртасини чуқурроқ қилиб тўқилган иш қуроли (кейинчалик эса дасталарга кўнда-лангига юпқа тахталар, шунингдек, туну-ка қоқилган). *Ўртасига кизлар замбил ва кетмон кўтариб, қайтарма бўйига келдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кимлар кетмон билан, кимлар чўкич ва ё замбил билан иш-лар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Замбил арава *айн.* **замбилғалтак.** **Замбил бел, замбилбел** Бели, ўртаси замбилга ўхшаш букик, эгилган. **Замбил эшик** Нов-далардан тўқилган эшик. [Салимбайвачча билан кўёви} *Кичкина замбил эшик олдида аравадан тушишди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗАМБИЛЛАМОҚ Замбил билан таши-моқ. *Теварак-атрофда кетмон ураётган, замбиллаб, қоплаб тупроқ ташиётган кан-чадан-қанча одамлар ҳам, худди Рўзиматдай, жадаллаб ишлар эди.* А. Қахдор, Кўшчи-нор чироклари.

ЗАМБИЛКАШ [а. + ф. о^J^О ~ зам-бил кўтарувчи] Замбилда юк ташувчи.

ЗАМБИЛЧИ 1 Замбил тўқувчи уста.

2 айн. **замбилкаш.**

ЗАМБИЛҒАЛТАК Замбилга ўхшатиб ясалган ва юк ташишда фойдаланиладиган, бир ғилдиракли икки дастали кўл арава. *От-арава ва замбилғалтакларда тош ташишга ўн беш киши ажратилди.* П. Турсун, Ўқитув-чи. *Қария қовун, ошқовоқ ва помидор палаги, совуқ урган гул хазонлари ортилган замбил-ғалтакни тиришибҳайдаб келарди.* Н. Ами-нов, Суварак.

ЗАМБУР [ф. ковоғари] шв. Кр-

воғари. *Кавадан чиққан замбурни данак чаққандек битта-битта уриб тушираверди.* С. Нуров, Нарвон. *Замбур аридан асал олса бўлади-ю, лекин бу зиқна носвоичидан садақа ҳам чиқмайди.* Н. Қобил, Унутил-ган соҳиллар.

ЗАМБУРУҒ Таркибида хлорофилл бўлмайдиган, спора билан кўпаядиган, илдизсиз ва уруғсиз тубан ўсимликларнинг умумий номи. *Олма мевасига еаккиз процент-ли кальций хлор эритмаси билан ишлов берилса, ундаги замбуруғларнинг ривожланиши тўхтайди.* «Фан ва турмуш». Экинларнинг замбуруғ касаллиги билан зарарланмаслиги учун бугдой ва арпа уруғларини фақат дори-шгандан кейингина экиш керак. Газетадан.

ЗАМЗАМ \а. >>oj — Маккадаги муқад-дас булоқ| Макка шаҳрида Каъба яқинида-ги мусулмонлар муқаддас ҳисоблайдиган булоқ номи.

Оби замзам, обизамзам Замзам булоғи-дан чиққан сув. *Ҳайдархўжа сандиқдан бир тўп докани чиқариб, Мирзога кўрсатди: -Мана бу менинг кафанлигим. Маккага борганимда, оби замзамга ивитиб келтирган-ман.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

ЗАМЗАМА I [а. 4_о3_оj — ғўлдираш, ғўнғиллаш; ф. 4_о>»j — паст овозда куйлаш] 1 Ашуланинг сўзсиз ижро этилиши.

2 Секин, паст овоз билан куйланган кўшиқ; хиргойи.

Замзама қилмоқ Паст овозда куйламоқ, хиргойи қилмоқ. *Шаҳзодаҳон ана шундай изтироб тўла ўиларига чек қўйиб, беихтиёр суратда «Сайдинг қўябер»ни замзама қилиб, кундошлари ёнига кириб кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Зебо пари.. енгил халқ қўшиқларини замзама қилар эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 кўчма Имо-ишора, шама; ғўнғиллаб гапириш. *Унинг бойваччанинг замзамасига саркор билан Эминжон тушунмасди.* Ҳ. Нуъ-мон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ЗАМЗАМА II шв. Дабдаба, тантана. *Улар-нинг тўйларида роса замзама бўлувди.*

ЗАМИН [0. с*г°Ъ ~ °Р' тупрок; мамла-кат] 1 Ер шари, Ер.

Рўйи замин қ. рўй. Замину замон Еру осмон, ҳаммаёқ, коинот. *Замину замон ўзгариб, маърифатга томон бормоқда [деди Исломхўжа].* Ж. Шарипов, Хоразм. *Йўллар злтсин манзилга омон! Омон бўлсин замину замон.* Шухрат, Ёшлигимнинг давоми.

2 Экин экиладиган ер. *Бу қишлоқнинг суви тоза, замини унумли, ҳавоси ёқимли, деҳқонларининг қўли баракали экан.* Ғ. Ғу-лом, Тирилган мурда.

3 Муайян худуд, юрт; умуман ер. *Зотан, янгидан бунёд этилган кўркам чаманзор, бог-роғлар, яхлит-яхлит пахтазорлар Хоразм заминига жон бағишлайди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бир томони галлазор, бир то-мони тоқзор ерлардан ўтиб борарканмиз, шу заминда тугилиб, шу ердан фронтга кетган Ж. Усмоновнинг мактуби ёдимга тушди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

Она замин Туғилиб яшаб турган жой, ер; жонажон юрт. *Она заминимизнинг инсониятга бебаҳо туҳфаларидан бири — дас-турхон кўрки ҳисобланган бодомдир.* Газетадан.

4 кўчма Асос, негиз. *Хўжалик ноз-неъмат бунёдкорлари айни кунларда мўл ҳосилга пух-та замин яратмоқдалар.* Газетадан. *Ҳар бир улуг ишининг замини — меҳнаг, Меҳнат-ла яралур шоҳ асарлар ҳам.* Р. Бобожон.

5 кўчма Қулай шарт-шароит, мухит; им-кон. *У Бўтабойга ҳозир бундай талаб қўйиб бўлмаслигини, бунинг учун аввал замин тай-ёрлаш кераклигини тушунтирмоқчи бўлган эди.* А. Қаххрр, Қўшчинон чироклари.

^ 128

6 кўчмаТаянч, бошпана. *Охири Абдурах-мон чойхонанишин тавкагир ва бобойи банг-лар орасидан ўзига замин топди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЗАМИНДОР [ф. JIA^OJ - ер эгаси] эск. кт. Ўрта Осиё хонликларида ва ўрта аср Хин-дистонида: катта ер-сув эгаси. *Коллежлари-мизда фақат бойлар,*

заминдорларнинг бола-лари ўқийди. Ойбек, Нур қидириб. Ўтмишда ер ва сув амирлар, беюшр, заминдорлар қўлида эди. Газетадан. Ҳолбуки, «заминдор» сўзи ада-бий-бадиий асарларда «помешчик» сўзининг семантик дублети сифатида шилатишиб, бар-қарор тус олиб қолган. «ЎТА».

ЗАМИР 1 [а. о,л — виждон, ақл; яши-рин фикр| **1** Туб моҳият, асл маъно, маз-мун; асос. Романдаги қатор образларнинг за-мирида конкрет тарихий шахслар ётади. «ЎТА». Бишимайдики, ҳар бир хатнинг за-мирида бир ёки бир неча одамнинг тақдири ётади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Бумех-рибонлик замирида нима борлигини Содиқ-жон ҳам, Ҳамида ҳам, уларнинг ота-онала-ри ҳам билишарди. С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар.

2 эск. аин. олмош.

3 Замир (эркаклар исми). **ЗАМЛАМА** эск. кт. Устига қўшилган; устама. Замлама нарх.

ЗАМЛАМОҚ Устига қўшмоқ, қалаш-тирмоқ. -Шунча саволни замлаб ташладинг-ки, қайси бирига қандай жавоб беришни бил-май қолдим, — деди Рузвон хола. М. Исмой-лий, Фарғона т. о. Бу гуноҳингизнинг устига танқидни ўзингизга юқтирмашиқ касалин-гизни замласак, биласизми-а, кимга ўхшаи-сиз? Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

ЗАММА \а. А п.л — қўшиш, бирикти-риш; зичлаш) Араб тили ва ёзувида «у» ун-лиси ўрнида қўлланадиган, вергул шакли-даги белги.

ЗАММАЛАМОҚ Зичлаб беркитмоқ. Пармалаб очилган ҳар бир сантиметр бўш-лиқни оғир лойқа билан тўлдириб, заммалаб бориш керак. П. Қодиров, Эрк.

ЗАМОН \а. ,jL>j — давр, вақт| **1** флс. Материя (объект) ҳолатларининг ҳамда ҳо-диса (жараён)ларнинг изчил алмашилиш шакли; давомлилиқ, такрорланмаслик, қайтарилмаслик каби умумий хоссаларга эга бўлган вақт.

2 Сўз бораётган пайт; умуман вақт, пайт, давр, маҳал. Ҳозирги замон. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ. Мақол. ти Ҳаса-налининг Отабеклар оиласида бўлганига эл-лик шиллар чамаси замон ўтиб, энди Ота-беклар оиласининг чин бир аъзоси бўлиб кет-ган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эсини тани-ганидан бошлаб онаси билан кечирган замон-лар.. Йўлчининг кўз олидан бир-бир ўтади. Ойбек, Танланган асарлар. Мана, энди янги давр, янги замон келди. К. Яшин, Ҳамза. Чол \Шокир ота\ замондан кўпроқ шиқоят қил-ди. Ойбек, Танланган асарлар. Энди у за-монлар қамишқапаликларга ўтмиш хотира-си бўлиб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Айни замонда Шу билан бирга; бир пайт-нинг ўзида. Айни замонда, ана шу мимийўзига хослик конкрет индивидуал услуб билан бог-лиқ ҳолда и30Xj1 оһиийи керак. «ЎТА». **Бир за-мон** 1) бир вақт, бир маҳал; анча вақтдан кейин. Бир замон чойхоначи келди. С. Сиёев, Ёруғлик; 2) ўтмишда, илгари; ўтган вақт-ларда. Бу кенг кўкрак бир замон Қақраб ётар-ди. Ваҳшат азоб, ўлим, қон Тўлиб ётарди. Ғайратий. **Бир замонлар айн. бир замон** 2. Рўзимбой бир замонлар бу ёғи Бухоро, бу ёғи Қўнғироту Марвгача бориб кураш тушган. С. Сиёев, Ёруғлик. -Эсингиздами, бир замонлар ҳовлингизда бир етимча хизматингизни қилар эди? — деди эшонга Элмурод. П. Турсун, Ўқи-тувчи. **Бобомнинг замонида** Узоқ ўтмишда, қадимда, аллақачонлар. **Охир замон дин.** Қиё-мат яқинлашган вақт. -Билмадим, бўёқчининг нили бузилганми ё охир замон яқинлашиб, яъжууж-маъжууж хуруж қишганми? — Султон-бек атрофидагиларга кўз югуртди. Ойбек, Танланган асарлар. **Шу замон** 1) ҳрзирги пайт, ҳозирги кун. Шу замоннинг ёшлари; 2) шу он, шу пайт; дарҳол. Шитир этса туш-ган барг, Эшитилар шу замон.. Уйғун. **Ҳали замон** Ҳадемай, тез фурсатда. Сержант ўшиқи-риб: -Нима дейсан? Ётиб ухласанг-чи, ҳали замон постга борасан, — деди-да, ўқишда да-вом этди. И. Рахим, Чин муҳаббат. **Ҳар за-мон(да)** Гоҳр-гоҳр, ахён-ахёнда. Ҳар замон яқин-йироқдан гадоёй товуши эшитилади. А. Қаҳҳор, Бемор. Ҳар замон-ҳар замон бу йўлдан гувиллаб, оғир юк машиналари ўтиб қоларди. Газетадан. **Ҳеч замонда** Ҳеч бир

вақт, ҳеч қачон; бирон-бир вақтда. *Ҳеч замонда шун-дай ишлар бўлами, Одамзод наслидан душман келами.* «Муродхон».

3 Бирор муҳим, ўзига хос ҳрдиса, тари-хий воқеа рўй берган ёки бирор шахс, ҳрким табақа, сулола ҳукмронлик қилган даврни қамраб олган вақт. *Тинчлик замони. Уруш замони. Истиқлол замони. Амир замо-ни. Темурийлар замони.*

4 Кутилган пайт, давру даврон. *Умрла-ринг узун бўлсин. Замонларинг келибди: ўй-нанглар, қулинглар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 тли. Махсус шакллар ёрдамида ҳара-катнинг нутқ пайтига муносабатини билдирувчи феъл категорияси. *Ўтган замон. Ҳозир-ги-келаси замон. Келаси замон сифатдоши.*

6 Замон (эркаклар исми). ЗАМОНА \ф. $i^{\wedge}Lc_j$ — давр, вақт] айн.

замон 1. *Замона талаби. Замонамиз олим-лари. иши Навоий замонасида фан ва мада-ният, маориф яхши тараққий этган.* Газе-тадан. Самарқанд — Китоб йўлида ҳазрат Навоий ва буюк мунажжим Улугбек замо-насида қолган минг йиллик чинорлар ҳали-ҳали шовуллаб турибди. «Ўзбекистон кўрик,-лари».

Замонанинг зайли билан қ. зайл.

ЗАМОНАВИЙ \а. $^{\wedge}j^{\wedge}Lo_j$ - ҳозирги за-монга оид] Ҳозирги замонга хос; замона талабларига жавоб берадиган; ҳозирги. *Ме-ханизатор деҳқон ихтиёрига бериб қўйилган замонавий машиналарнинг афзалликлари ҳа-қида тўлқинланиб ёзибди.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Шинам хоналар замонавий ме-беллар билан жиҳозланган.* Газетадан.

ЗАМОНАВИЙЛИК Замонга хослик, за-мон билан биргалик. *Замонавийлик - ада-биётимизнинг қалби.* «ЎТА». *Бизда ҳозиржа-воблик, актуаллик тушунчаси билан замона-вийлик тушунчаси бир оз чалкаштириб юбо-рилаётир.* У. Норматов, Талант тарбияси.

ЗАМОНАСОЗ [а. + ф. $jLx, <GL <o$ - замон, пайтга мослашувчи] салб. Замон оқимиға қараб иш тутувчи, замонга мослашувчи, ўй-фикри беқарор одам. *Замонасоз одам.*

ЗАМОНАСОЗЛАШМОҚЗамонга, шаро-итга мослашиб иш тутмоқ. \Кўрқмас:] *Сизҳам.. анча замонасозлашиб қолибсиз-а, бойвачча!* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ЗАМОНАСОЗЛИК Замонга, давр оқи-мига, талабига қараб иш тутишлик. *Чунки бу кейинги табақа замонасозлик, мураса ва тадбир орқасида яшовчидирлар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЗАМОНДОШ Бирор кимса билан бир замонда, бир даврда яшаган киши. *Алишер*

Навоий замондошлари. иши Ҳамма ерда кўта-ринки руҳ, аниқ мақсад билан тер тўкиб ишлаётган, ҳиммат-заковати зўр замондош-ларимни кўрдим. Н. Сафаров, Оловли излар. *Замондош дўстларим чиндан юракдош, Ҳами-ша ҳамнафас, ўртоғу йўлдош.* С. Абдулла, Танланган асарлар.

ЗАМЧА бот. Қовуннинг сариқ ва ола рангли, ҳандалаксимон, эртапишар тури.

ЗАМША \пол. zamsza <нем. samisch (Leder) - Земляндия (териси)] **1** Буғу, қўй ва ш. к. нинг терисини алоҳида усулда ош-лаш йўли билан тайёрланадиган, усти бар-хитсимон майин чарм.

2 Шундай чармдан тайёрланган, тикил-ган. *Замиша туфли.*

ЗАМҲАРИР \ф. $^{\wedge}ej-e-o_j$ ~ қаҳратон, қат-тиқсовук] кт. Қаттиқсовук; қаҳратон қиш. *Бу ойнакўл эмас, қиш бу замҳарир, Кўнгил тубларида сирли хаёллар.* А. Орипов. *Бешта отлиқ билмоққа борар, Тишлаб олар юзни замҳарир.* **М.** Али, Боқий дунё. *Замҳарир қиш мавсумида офшобни излаймиз.* **М.** Шайхзо-да, Чорак аср девони.

ЗАНБАР шв. Замбил. *Зовурдан чиқарил-ган тупроқни икки қиз занбарга солиб бер-моқда эди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ЗАНБИЛ *шв.* Замбил.

ЗАНГ I [ф. — занг, оксид] **1** *махс.* Сувда ёки ҳавода оксидланиш туфайли ме-таллар сиртида ҳосил бўладиган ва уни емирадиган қизил-қўнғир ғовак қатлам, парда. *Темирчилар, занглаган темирни ўтга солсанг, занги тўкилади, дейишади.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг. *Қуруқ ерга урила-вериб занги кетган кетмонлар узоқдан ялт-ялт этиб кўринар, қўшиқ, кулги эшитилар эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина

2 *қ. х.* Ўсимликларнинг паразит замбу-руғларнинг споралари ривожланган жойларида (барги, пояси, қисман мевасида) пайдо бўладиган зарғалдоқ, қўнғир доғдан иборат касаллик. *Занг замбуруғлари. Занг касаллиги.*

3 *кўчма* Доғ, ғубор; ғам-алам, андуҳ. *Артиб кўнғиллар зангини, Қишни баҳор ай-лаб келинг.* С. Абдулла, Ҳаёт гулшани. *Дав-лат арбоблари ақл ва адолатни шиор қилсалар.. ҳаётнинг зангини олтинга айлантир-моқ мумкин.* Ойбек, Навоий.

Занг **босмоқ** **1**) занг билан қопланмоқ, зангламоқ. *У[Матпано] занг босган эски ўроқ*
151—Ўзбек тилининг изоли луғати

¹⁵¹

топиб келди. С. Сиёев, Аваз. *Йўл чеккасида-ги янтоқлар худди занг босган симдай қов-жираб ётар, чигирткалар.. саратоннинг тафтига бардош бера олмай чириллашар эди.* Н. Фозилов, Дийдор; **2**) *кўчма* ишлатил-май ётмоқ ёки бир чеккада қолиб, унутилиб кетмоқ. - *Кўмондонлик бизни тамом эси-дан чикарди, шекилли: ҳали ҳам занг босиб этибмиз, — деб ёзибди [йигит].* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; **3**) *кўчмалог*, ғубор, ғам-алам билан қопланмоқ. *Занг босган дил.*

ЗАНГ II \ф. — жаранг, қўнғироқ| **1** Қўнғироқ; товушли сигнал, хабар бериш учун ишлатиладиган металл буюм (мас, рельс парчаси). *[Ошпаз] Тут буттоғига осил-ган зангни қўлидаги таёғи билан ура бошла-ди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.

2 Шундай қўнғироқ, сигнал ёки соат товуши. *Девор соатнинг занги. тт* Бобоқул отанинг занги эшитилмайдиган бўлди. Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

Занг урмоқ (*ёки чалмоқ*) **1**) металл парчасини жаранглатиб, бирор воқеа-ҳодиса ҳақида товушли ситнал, хабар бер-моқ. *Овқат пайти бўлиб, шийпонда занг урилди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Учинчи занг урилиб, состав аста жилди.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари; **2**) бонг урмоқ; данғиллаган овоз чиқармоқ (соат ҳақида). *Девор соат олти марта занг уриб, Пўлат-жоннинг сўзини бўлди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ЗАНГ III *шв.* Ток танасининг кўп йил-лик йўғон қисми. *Узум занглари чангал кўралар устига тирмашиб чиқиб, бизнинг ҳусай-ни узумимизни кузда у ҳовлидан ҳам, бу ҳов-лидан ҳам ейиши мумкин бўларди.* Ў. Усмо-нов, Сирли соҳил. *Жўрахон, дилдор, меҳнат-каш, латофатли деган қизлар ток зангла-рини кўтариб, сўриларга боғламоқдалар.* На-зармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ЗАНГБОР \ф. j\ — занжибарлик; қо-ра ҳабаш] *кт.* Қоп-қора, ҳабашга ўхшаш. *Васл уйи мангу эмасдир, Ишқ дами боқий эмас, Қрматинг ё бўлмасидан Қоши зангбориниўп.* Э. Воҳидов.

ЗАНГИ I [ф. — занжибарлик; қора танли] *қ.* **занжи.**

ЗАНГИ II *шв.* Нарвон.

ЗАНГИЛА I *тиб.* Организмда витамин етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган милк касаллиги; цинга.

ЗАНГИЛА II \ф. oJ~ қўнғироқча; мақом номи] Қўл ва оёқларга қўнғироқча-лар, шиқилдоқлар тақиб ўйналадиган рақс; занг ўйини.

ЗАНГИН [турк. $CjJ^b < \Phi$ - й~ оғир, салобатли; бой] Моддий бойликка эга бўлган, бой-бадавлат. *О, наҳотки! Бу исқирт гадой — Бобокалон зангин Суюнбой!* М. Али, Боқий дунё.

ЗАНГЛАМОҚ **1** Занг билан қопланмоқ, занг босмоқ. *Занглаган арра. тт* Тепаликлар-да қор остидан занглаган тунука ва темир, қора ва сариқ гишт, бетон

парчалари чиқиб турар эди. А. Қахдор, Олтин юлдуз. *Тортиб қараса, занглаб кетган қилич экан. «Олтин бешик».*

2 кўчма Эскириб, истеъмолдан чиқмоқ; ишлатилмай унутилиб кетмоқ; чанг босмоқ. *Менинг она тилим, жон ўзбек тилим, Кат-та оилада янгра, жарангла! Зангламайсан асло, сен менинг дилим.. Шаимақомдек янгра минг бир оҳанг-ла!* Газетадан.

ЗАНГОР(И) \ф. *zlor* - сарик-яшил; занглаган] Яшил-ҳаворанг, оч яшил ранг-га эга бўлган, мовий. *Зангор бўёқ. Зангори духоба. тт Шифтга ўрмалаётган зангори тутунга термишиб, узоқ ётдим. С. Сиёев, Ёруғлик. Қатор-қатор турналар зангори осмонда гирқиллашиб, шимолга учиб ўтди. П. Турсун, Ўқитувчи. Шошқин дарёларнинг зан-гордир лаби, Шамоллар ўйнайди йироқ-йи-роқда. А. Орипов, Юртим шамоли.*

Зангори кема қ. кема.

ЗАНЖАБИЛ [а. **ج**: — зиравор ўсим-лик номи] Занжабилдошлар оиласига ман-суб, йўғон илдизпояли, гул ва мевасиз, найсимон ўт ўсимлик (доривор, зиравор модда сифатида ишлатилади).

ЗАНЖИ \а. *LT^J* — занжибарлик; қора танли] Қора танли; қора, хабашта ўхшаш. *Зум ўтмай, қора каллапўш кийган, занжи-дай бадбашара барзангини етаклаб кирди. С. Сиёев, Ёруғлик. Қишлоқ кўчасидан занжи-дай қаро Олов болалигим югураётир. Э. Во-ҳидов, Муҳаббатнома.*

ЗАНЖИР \ф. *zuzj* - занжир, кишан, тизимча] **1** Бир-бирига тартиб билан, би-рин-кетин ўтказилган, бириктирилган ме-талл (ёки бошқа қаттиқ материал) ҳалқа-лар шаклидаги, рўзғорда, хўжаликда тур-ли мақсадларда ишлатиладиган арқон(ча), тизимча. *Темир занжир. Соат занжири. тт*

Боғлаб қўйишган шердай ит боғ томонга қараб ириллар, занжирни узиб юборгудай ўзи-ни отарди. Ҳ. Ғулом, Машъал. Бунақа зан-жирни янга туғуя, қишлоғимиздаги манман деган темирчи ҳам узиши қийин. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Металл ҳалқалардан тайёрланган, эшик ёки дарвозаларни беркитиб қўйишда бир томони зулфинга илинадиган илгак. *Эшикнинг занжирини илиб қўйинг. тт [Ҳаса-нали] Занжирни тушириб, дарвозанинг бир табақасини очини ҳамона шу табакага суя-либ турган Отабек Ҳасаналининг оёғи ос-тига йиқилиб тушди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 кесим *взф.* Занжир билан беркитил-ган, занжирланган. *[Отабек] Жаннат она-нинг «эшик занжир» деган товушини эшит-гач.. дарича ёнига чўнқайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Олтин, қумушдан ясалган кичик но-зик ҳалқалардан тайёрланган, бўйинга ёки кўлга тақиладиган зийнат буюми.

5 *махс.* Машина, механизм ва баъзи қурилмаларнинг кетма-кет бириктирилган \алқа-қисмлардан иборат эгилувчи, айла-нувчан қисми. *Шу вақт ўрта кўчада зан-жири узилиб, йўлга кўндаланг бўлиб қолган танкдан якка милтиқ овози эшитилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

6 Махбусларнинг кўли ёки оёғига боғ-ланадиган темир ҳалқа; кишан. *Шоир Аваз хоннинг газабига дучор бўлади ва занжирда азоб-уқубат билан вафот этади. «Ўзбек ада-биёти тарихи».*

7 кўчма Қуллик, асорат; бирор нарса-\одисанинг қуршови, исканжаси. *..эскиурф-одатлар занжири ҳамон Гулсумнинг эркини бўғиб, тақдирига хавф солиб турарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

8 кўчма Бирор нарса ёки кимсаларнинг узлуксиз, тигиз боғланиб ғурган қатори, гизмаси. *Воқеалар занжири. тт Ғуломжон миришблар занжирини узиб, олдинга ўтди. М. Исмоилий, Фарғонат. о.*

9 кўчма Икки нарсани, кимсани ўзаро чамбарчас боғловчи нарса; ришта, робита. */Анвар:/ Жуфтланишининг, менимча, энг му-ҳим бир шартти бор, ул ҳам икки тарафнинг*

муҳаббат занжири билан бир-бирларига қат-тиқ боғланишаридир. А. Қодирӣ, Мехроб-дан чаён.

10 физ. тех. Узлуксиз, айланма тизим ёки қатор ҳосил кдлувчи элементлар бирикмаси. *Электр занжири.*

Занжирдай хамир Узилмайдиган, пишиқ хамир.

ЗАНЖИРА [ф. *j..y<j – китоб ёки қўлёз-ма вараклари чеғидаги хошия] Ўймакорлик турларида, каштадўзлик, наққошлик ва б. да ишлатиладиган занжир шаклидаги нақш тури.

ЗАНЖИРБАНД [ф. - занжир

билан боғланган] Занжирга боғланган, ки-шанланган. *Занжирбанд ит. шш Тақдирнинг ўйинини қаранги, бугун ўша Аваз занжир-банд бўлиб, олдида турибди. С. Сиёев, Аваз. Арк устида хон Бобо билан Ҳусайн пайдо бўлади ва шундан кейин Тоҳирни ясовуллар занжирбанд олиб кирадилар. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.*

ЗАНЖИРЛАМОҚ Занжирни зулфинга илиб беркитмоқ (эшикни, дарвозани). [Ҳасанали] Ўрнини мехмонхонага ёзиб, дар-возани занжирлаб келди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ЗАНЖОРИЙ \a. tfjl^v, < ф. tfjli.j -сарик-яшил ранг|: ёқути занжорий қ. ёқут I.

ЗАНТАЛОҚ [ф. +a. J^oJ - талоқ қилинган (бўлган) хотин] **1** айн. хотин та-лоқ қ. талоқ.

2 сўк. Қуриб кеткур, қургур; лаънати, савил. *Занталоқ носни чекканиндан кейин чўллатади, бир нарса ичмасанг, кишини аб-гор қилади. А. Қодирӣ, Обид кетмон. Ғани ота кулди: -Сенга \қора йўрға} насиб бўпти, ол, Абдурахмон занталоқнинг меросхўри. Ҳ. Ғулом, Машғал.*

ЗАНҒАР \ф. jj^a'j ~ бузук, ахлоқсиз аёл] **1** Бузук йўлга кирган, суюғоёқ аёл; хотини бузук кимса.

2 сўк. айн. занталоқ **2.** *Ғап билан бўлиб занғар кайф ҳам тарқаб кетди, қани, қуй-чи бир-иккини. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. -Мўғул занғар тек ётмай, хитойдин кўп нарса ўрганган экан, — деди Инолчиқ ўйлан-қираб. М. Осим, Карвон йўлларида. Нега ўзин сир тутуди, Ҳатто билмас йигитла-ри, Номи элни қўрқитади, Қайдан ўзи у зан-ғари. Т. Тўла.*

ЗАНҒИМОҚ шв. Қалтирамоқ, титрамоқ. *Ғариданинг оёғидан совуқ ўтиб, иликлари зангий бошлади. «Ёшлик».*

ЗАП с. т. Заб.

ЗАПАЛ \р. запалить — ёндирмоқ, ўт ол-дирмоқ] Портловчи моддаларни, отилувчи ўқ-дориларни ўт олдирувчи мослама; пил-та. *Отлиқлар талвасада қолишди. Улардан бири: «Ҳой, эсингни ема», деса, иккинчиси: «Запални чиқар!» дерди Ражабовга. Н. Сафаров, Оловли излар. -Гранатам қолмади. Сенда борми? -Битта бор. Ҳозир запални тўғрилаб бераман. О. Ёқубов, Излайман.*

ЗАПАС [р. запаста — асрамоқ, авайла-моқ] **1** Келажакда фойдаланиш ёки бирор мақсад учун жамғариб, ажратиб қўйилган нарса; захира. *Ёқилги запаси. тт Ваҳобжоннинг жуда жаҳли чиқиб кетди. Бу қандай гап! Запас гилдирак бўлганда ҳам бошқа гап эди. С. Аҳмад. Тоғ афсонаси. [Турсунбой] Озиқ-овқат запасларини кўздан кечирди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. Учувчи-ларда ўн кунлик ёнилги запаси бор эди. Газетадан.*

2 Эҳтиёт шарт, зарурат учун тайёрлан-ган кимса ёки нарса. *Машинанинг запас қисмлари. Запас ўшинчи. тт Милтиқ овоз-лари хандақларнинг ичкарасидаги запас пис-тирмаларгача етиб борди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

3 Қазилма бойликларнинг ер остидаги, ҳали фойдаланилмаган миқдори. *Нефть запаслари.*

4 кўчма Кишининг маънавий-маърифий соҳалардаги бойлиги, билим даражаси. Сўз запаси. Билим запаси.

5 с. т. Тикувчиликда матонинг кийим чоклари остида атайлаб, кейин қўшиб юбо-риш учун қолдириладиган ортиқча қисми. *Енгнинг запаси.*

Запасдаги офицер Зарур вақтда ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин бўлган, алоҳида рўйхатда турган офицер. *Яқинда запас-даги офицерлар йиғилишиб, амалга оширил-ган ишларга яқун чиқаришди.* Газетадан.

ЗАПОВҚЦНИК [р. заповедник — дахлсиз, сакланадиган жой, ҳудуд] қ. кўриқхона.

ЗАПОНКА [р. запона — металл тўғно-ғич] Эркаклар, шунингдек, аёллар кўйла-гининг енгига ёки галстукка тақиладиган безакли тўғнағич.

ЗАПРАВКА [р. заправить — «тўлдирмоқ» фл. дан ясалган от] с. т. махс. Машина, трактор, самолёт ва ш. к. га ёнилғи, мой қуйиш жойи. *Кўп юрмай, Узоқжонов маши-нани заправка томон бурди.* Газетадан. *Автомобиль заправка олдига келиб тўхтагач, унинг баллонларига газ ёнилгиси тўлдирил-ди.* «Фан ва турмуш».

ЗАПРАВКАЧИ Машина, трактор ва ш. к. га ёнилғи қуювчи шахс, заправка ишчи-си. -Фонд бўйича кунига 1,1 тонна ёнилғи олишимиз кераклигини биламиз, — деди «Бошчорбоғ» хўжалиги заправкачиси Яхши-бой Фармонов. «Муштум».

ЗАПТ с. т. Забт. *Иссиқ бирмунча бўшаиш-гандек туюлса ҳам, димлик заптида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЗАР [ф. *z* — олтин] 1 Олтин, тилла. *Зар қадрини заргар билади.* Мақол. *тт* [Хусайн:] *Хазинамда ҳар қанча зар, ҳар қан-ча ақча бўлса, юртнинг ободонлиги учун сарф этишга ваъда бераман.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Норга ортинглар зарингни, Хотин, бола-чақаларингни.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 кўчма Олтин билан тенг, олтинга ўхшаш нарса ҳақида. *Тошлар устига дўла-надай-дўланадай йирик томчилар тушиб, атрофга зар қукунлари сочилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

Қора зар Нефть ёки тошкўмир ҳақида. *Крратог қўйнига қўл солди одам, Ўлка учун қора зар олди одам.* Миртемир.

3 Тилла, пул, умуман бойлик. *Тер шўкиб меҳнат қилсанг, ердан ҳатто зар унар.* Ма-қол. *ти* *Меҳрни ўлчаб бўлурми зар билан, инжу билан?Э.* Воҳидов, Муҳаббат. *Саройга бордим-у, пул олганим йўқ, Шаҳанишоҳнинг, деди, олтин, зари йўқ.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Бошидан зар қуймоқ Бойликка, олтин-га кўмиб ташламоқ. [Жамила бойга:] *Ўша қаролингизни яхши кўриб текканман, бошим-дан зар қуйсангиз ҳам, ундан айрилмайман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

4 Зардўзликда зарбоф тўн, зар дўппи ва б. тайёрлашда ишлатиладиган, олтин ёки кумуш суви юритилган, зарланган ипак ёки сим; шундай ипак ёки симдан тикилган кийим. *Зар билан тикилган дўппи.* *Зар рўмол.* *иш* *У.* зар ёки кимхоб тўн ичида.. *одамлар ўртасида савлат тўкиб турибди.* М. Исмо-илий, Фарғона т. о.

5 Безак ёки ўров учун ишлатиладиган юпка ялтироқ металл варағи ёки зарҳал-ланган қоғоз. *Зар қоғоз.* *Зарга ўралган попук (конфет)лар.* *тт* *Арча ҳар хил шаклдаги зар қоғозлар ва бошқа ўйинчоқлар билан бега-тилган.* К. Яшин, Ҳамза.

ЗАРАНГ I \ф. — ёғочи қаттиқ да-рахт] 1 Кунгурадор, япалоқ баргли, ёғочи қаттиқ дарахт. -Биласизми, — деди у \ *Чунжар*] *рўпарасидаги заранг дарахтининг нурда товланган шапалоқ баргларида мам-нун тикилиб, — тўккизинчи шахтамизнинг ўзида ўттиз миллатнинг вакили ишлайди.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли.

2 Шу дарахт ёғочидан ясалган (идиш, ҳасса, ўқ-ёй, эгар ва б.). *Корсонда қимиз кел-ди.* *Бек бир-икки зарангни ичгандан кешин ясланиб, кўкка қараб ётиб олди.* А. Қоди-

рий, Утган кунлар. Муборакнинг отаси қиш-да дурадгорлик қилар, эшик, бешик, сандал, заранг товоқ ясарди. С. Нуров, Нарвон. Даҳо заранг таёқнинг чангини кафтлари билан сидириб ташлади. Т. Мурод, Қўшиқ.

ЗАРАНГ II \ф. eɪʎj] Зичланиб кет-ган, қаттиқ, берч (ер ҳақида). Улкан экскаваторлар одам қадами тегмай ётган ёввойи заранг ерлар тўшини тилка қилмоқда. Ҳ. На-зир, Ўтлар туташганда. Анвар заранг ерни қарсиллатиб тепганча югуриб кетди. Ў. Ҳо-шимов, Баҳор қайтмайди. Таре ёрилган за-ранг ерлар устида қизил қанот чигирткалар учиб юради. М. Осим, Элчилар.

ЗАРАНГЛИК Кдттиқдик, берчлик. Кет-мон билан чопишга ер заранглик қияпти.

ЗАРАНГЗОР Фақат заранг дарахти экилган ер. Герман борган жой санаторий-га ўхшарди: қайинзор, зарангзорлар орасида кичик коттежлар кўриниб турар эди. Газетадан.

ЗАРАР \а. — шикаст, зиён; йўқо-

тиш) **1** Шикаст, бузилиш; зиён-заҳмат. Зал-да ҳамма бир нарса тўғрисида гаплашарди: «Дўл қаттиқ ёғди. Ғўзага зарар қилмасми-кан?» Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Савдо-сотикда(н) кўрилган зиён; уму-ман, моддий ютқизиқ. Тарвузи қўлтигидан тушган директор театрга бир юз етмиш сўму тўрт тийин зарар келтирган шу томошабиннинг ёқасидан бўғиб, кўчага опчи-қиб ташлагудек ўқрайди. С. Аҳмад, Сайлан-ма. Узингизга маълум, савдо аҳли зарарни ёқтирмайдиган, фойда талаб халқ бўлади. К. Яшин, Ҳамза. Биздан Мирзакаримбой ҳеч вақт зарар кўргани йўқ. Пахта йилдан-йил-га мўл бўлиб, фойдаси ҳам ошиб турибди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Киши организмига, соғлигига ёмон таъсир; жисмоний зиён, шикаст. Тамаки-нинг зарари.

Зарар бермоқ Шикастламоқ, ярадор қилмоқ. Кумуш, отасининг олдига қанот ёз-ган каби югуриб, унинг соқолини силар экан, сўради: -Сизга зарар бермадиларми, ота-жон? А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Зарари йўқ** Ҳечқиси йўқ, зарарсиз, ҳеч нарса қилмай-ди. Зарари йўқ, Раҳим ота, ҳозирги хизма-тингизҳам ёшларникидан қолишмайди [деди Назаров]. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. -Зарари йўқ, паккини олиб келинг, янгисини қазиймиз! — деди Зойиржон қулумсираб. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Зарари тегмоқ** Моддий ёки жисмоний зиён, ши-каст етказмоқ; ёмонлик қилмоқ. Ишқилиб, дўстларига зарари тегмаса бўлди — бош-қасидан қўрқмайди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тутса.

ЗАРАРКУНАНДА [зарар + ф. -

килувчи] **1** Зарар келтирувчи, зарар етка-зувчи. Улар деҳқонлар билан ҳамкорликда зараркунанда ҳашаротлар кўпайган майдон-ларга сунъий равишда урчитилган триходер-ма ҳашаротларини қўйиб юборишибди. С. Нуров, Нарвон. Баъзи жойларда ғўза зарар-кунандалари пайдо бўлиб, ишни анча оғир-лаштирди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Жамиятга зарар келтирувчи кимса; жиноятчи, жинояткор. Агар юқори ташиқлотлар аралашмаса, Отаҳўжа ака зарарку-нанда деган тухмат билан камалиб кетиши мумкин эди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ЗАРАРКУНАНДАЛИК Зарар етказиш-лик, зарар келтиришлик, зиёнкорлик. [Му-ҳаббат:] Мен ўйлайманки, Ҳасанжон кўра-била туриб бирор зараркунандалик.. қилма-ган. С. Айний, Куллар.

ЗАРАРКУНАНДАЧИЛИК қ. зарарку-нандалик. -Бу тўйлар нуқул зараркунанда-чилик, — Азизов яна гап бошлади, — бунини алоҳида масала қилиб, юрт олдига қўйиш керак. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

ЗАРАРЛАНМОҚ **1** Яраланмоқ, шикаст емоқ. Давронжғ қовоғига ўқ парчаси тегиб, шилиб кетган, кўз қорачиғи ҳам зарарланган эди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Шикастланмоқ, яроқсиз ҳолатга кел-моқ, ишдан чиқмоқ. *Ёз! Биринчи: ҳозир на- зорат остида бўлган гўзаларни текишириб, буларнинг асосий шохи қачон зарарлангани*
156

ни белгила [деди Иван Петрович]. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирокуттри.

ЗАРАРЛИ 1 Моддий жиҳатдан зарар, зиён келтирадиган; бефойда. *Зарарли иш. Зарарли битим.*

2 Киши маънавиятига, онгига салбий таъсир кўрсатадиган, зиёнли. *Зарарли фикр- лар. Зарарли одатлар. тт Хурофотларнинг пуч, бемаъни ва зарарли эканини содда тилда тушунтириши керак.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Зарар, шикаст етказувчи, офат кел-тирувчи; зараркунанда. *Зарарли ҳашарот-лар. Чекиш зарарли. тт Ҳаммага маълум-ки, ҳавода зарарли микроорганизмлар кўп бўлади.* Газетадан. [Ёнгоқ] *Зарарли ҳаша-ротларга қирон келтиради.* Ж. Абдуллахо-нов, Орият.

ЗАРАРСИЗ 1 Моддий зиён келтирмай-диган, безарар.

2 Зиён-заҳмат етказмайдиган, безиён; шикаст етказмаган ҳрлда. *Зарарсиз дори. тт У. айниқса дарёва ботқоқ^шк ерлардан қўшин-ларни тез ва зарарсиз олиб ўтиши усуллари би-лан танишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 кесим взф. Зарари йўқ, бехатар, хавф-сиз. -*Ўзига жароҳат олганми? — дебсўради қутидор. - Бўқаси билан қўлидан яраланган бўлса ҳам, зарарсиздир [деди Уста Олим].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАРАРСИЗЛАНТИРМОҚ Зарар бер-майдиган, зиён, шикаст етказмайдиган қилмоқ. *Бактериал ифлосланган оқар сувни зарарсизлантириши учун дезинфекцияланади.* «Фан ва турмуш». *Бу орада сапёрлар йўлнинг шу участкасида қўйилган етти минани зарарсизлантиришди.* Газетадан.

ЗАРАФШОН \ф. - зар сочув-

чи| Зар сочувчи; тилладек товланувчи; яр-қировчи, ялтироқ. *Юртинг қаер, қайси эл- дан келасан? Зулфи зарафшоним, қайдан бўласан? «Равшан». Аваз ирғиб туриб, ток- чадаги бир даста қозғозлар орасидан варақ-лари зарафшон қилинган катта куллийт кўтариб келди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЗАРБ [а. ^>>^> — уриш, калтаклаш; туртки; кўпайтириш] 1 Қаттиқ урилиш; шиддатли, залварли туртки, зарба, куч. *Эшикни зарб билан ёпмоқ. тт Ҳаво тўлқини зарбидан дарахтлар эгилар, шохлари синиб тушарди.* А. Қаҳдор, Олтин юлдуз. *Бироқ нав-карнинг оти сакраш зарбидан чўчиб, ҳуркиб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қилич зарбидан Хонзода бегимнинг бошидаги бўрки учиб кетди-ю, узун сочлари вийлиб, елкасига тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Қаттиқ уриш, калтаклаш, муштлаш. *Калтак зарбидан бола юзини чангаллаб қол- ди.* Газетадан. *Тарро биринчи зарбдаёқ ёнбо-шига ағдарилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бирор нарсанинг ритмик ҳаракати, бир текисда уриб туриши, тепиши. *Юрак- шомир зарби. тт [Суе] Ўз йўлида учраган ҳайбатли тошларга зарб билан урилиб.. қиргоққа ҳалқа-ҳалқа кўпик сочмоқда.* Ҳ. На-зир, Сўнмас чакмокугар.

Зарб емоқ Қаттиқ урилиш, туртки на-тижасида шикасттортмоқ. *Йиқишиб қаттиқ зарб едим.*

4 эск. мат. Кўпайтириш усули, амали. *Иккени учга зарб қилмоқ. тт Механизм иш унумини юзга, мингга зарб уриб юборади, де-ган гап рост экан.* У. Саримсоқов, Олтин калит кўлимда.

5 мус. Чолғу асбобини чалганда куч ва ритм билан торларни чертиш ёки доирани уриш. *Дуторчининг зарби яхши. тт Успен-ский ўзбек музыкасининг табиатини билар, ўз асарларида унинг оҳанг, зарб ва пардала-рининг ўзига хос интонация ҳамда ритми- касини сақлаб қола оларди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

Зарб этмоқ (ёки қилмоқ) 1) танга-чақа, пул, орден ва ш. к. ни босиб чиқармоқ, чекмоқ; 2) акс эттирмоқ, аксини туширмоқ. *Малика жанг лавҳалари зарб этилган кумуш қалқонни қўлига олди.* М. Махмудов, Мангу куй излаб.

ЗАРБА \а. <ц>^ — уриш, туртки, зарб| 1 Кучли, шиддатли, залварли туртки, урилиш; қаттиқ зарб. *Боксчининг зарбаси. Хужумчининг кучли зарбасидан сўнг ҳисоб очилди. тт Ер бора-бора кучга бўйсунди. Йўлчининг зарбаси остида тўнқалар ялангочлана, ўзининг қўпол, баҳайбат гавдаси-ни кўрсата бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Яксон этувчи, йўқ қилувчи, шикаст-ловчи кескин ҳаракат, шиддатли хужум. *Шиддатли зарбадан душман талвасага ту-шиб қолди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Мирзо Улуғбек давом этди: -Иншоол-ло, пайдар-пай зарба билан душманни пароканда қилиб, тор-мор этамиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Зарба бермоқ Шиддатли хужум билан яксон қилмоқ. йўқ қилмоқ; шикастламоқ; ёмонлик қилмоқ. *Шимолий Кавказда — Мол-габек районида Насруллаев қисми душманга қақшатқич зарба бериб, шухрат қозонди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Шилин бошлиқ жангчилар сув билан олишар, қирғоққа чи-қиб олиб, душманга зарба беришга ошиқар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Зарбага учрамоқ** Қаршиликка дуч келмоқ; танқид-га учрамоқ, қаттиқтанқид қилинмоқ. *Унинг [Жамоловнинг] сўнги китоби зарбага учра-ди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 кўчма Оғир кулфат, қаттиқ руҳий ши-каст, зиён-заҳмат; турмуш қийинчилиги. *Ғулумжон сўнги зарбанинг [отаси вафоти-нинг] оғир жароҳатидан узоқ вақтгача туза-ла олмай юрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЗАРБАЛИ Катта, залварли кучга, зар-бага эга бўлган, зарбдор. *Зарбали куч. Зарбали тўлқин. тт Ҳаётнинг биринчи зарбаси Ваҳобжонга ана шундай қаттиқ тушган эди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. [Отабек] *Ҳаёт-нинг зарбаси ҳар кимнинг ўз даражасига қараб ва лекин истисносиз бўлганлигини ту-шунди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ЗАРБДОР [а.+ф. ЈТАЈ^ — зарбага эга, зарбли] 1 Ишни тез ва ортиғи билан бажарадиган ва бошқаларга ҳар жиҳатдан наму-на бўладиган ходим, ишлаб чиқариш илғори. *Зарбдорларнинг олдида Ерға қарамай, Нормадан ҳам оширдим Ишни бир талай.* Ғайратий. *Меҳнат зарбдорларининг ҳар бири таҳсинга лойиқ.* Газетадан.

2 Жадал суръатлар билан ишлайдиган ёки иш олиб бориладиган. *Зарбдор бригада. Зарбдор қурилиши. тт Сентябрь ойи йигим-теримда зарбдор ой бўлади.* Газетадан.

3 Шиддатли, кучли зарба етказиш учун белгиланган ёки тайёрланган. *Зарбдор армия. Зарбдор батальон.*

ЗАРБДОРЛИК Тез суръатлар билан кўп ишлашлик; маълум зарбага, катта кучга эгаллик. [Матқовул:] *Ҳой болалар, ҳамма гап гайратда, зарбдорликда.* К. Яшин, Асарлар.

ЗАРБЛИ айн. зарбали, зарбдор.

ЗАРБДОРЧАСИГА Зарбдор каби, кўп ва тезкор, мардонавор. *Оқсоқоллар далаларда зарбдорчасига ишлаш билан барчага на-муна бўлмоқдалар.* Газетадан.

ЗАРБОФ [ф. i-iLij j — зарли мато тўкув-чи; зардан тўқилган] Зар қўшиб ёки нукул зардан тўқилган мато; кимхоб; шундай ма-тодан тайёрланган кийим. *Бир кийимлик зарбоф. Зарбоф тўн. тт Ўртада қози, унинг бир ёнида ҳокимга аталган кимхоб тўн билан Содиқ амин, иккинчи ёнида зарбоф тўн билан Ҳокимбойваччатурарэди! М. Исмои-лий, Фарғона т. о. Тўрда, зарбоф тўшакус-тида ўтирган Шамсуддавла бўзариб, «ҳай, нонкўр!» деб бақирди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Нури.. зарбоф паранжсини ёпиниб, ҳовлига чиққанда, катта ҳовли хотинлар билан қайнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗАРБУЛМАСАЛ [a. Ji_Лv^ - турли масаллар, мақоллар] Рамзли гап, ҳикоя; масал. *Луғатда достон, зарбулмасал, қўшиқ ва маталлардан олинган мисоллар ҳам кўп. «Фан ва турмуш».*

Зарбулмасал бўлмоқ Машхур бўлмоқ, танилмоқ; кулги бўлмоқ. *Мулла Мухсин.. кўп вақт [кўрувчи ва эшитувчилар] оғизларида зарбулмасал ҳам бўлиб юриydi. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ЗАРБХОНА [a.+ф oU.^ - танга зарб қилинадиган жой] Танга, орден, ме-даль ва ш. к. зарб қилинадиган корхона. *Унда \қўхна аркда\ зарбхона.. ёзги мачит ва элчиларни қабул қиладиган жойлар бор. Ж. Шарипов, Хоразм. Тарихий ҳужжат-ларга қараганда, Арк ичкарисида зарбхо-на бўлиб, 1918 йилда бу ерда олтин, ку-муш тангалар ва қозоқ пуллар ишлаб чи-қарилган. Газетадан.*

ЗАРВАРАҚ \ф.+ a. - тилларанг

юпқа металл варағи] **1 айн. зарбоф.** *Укиши [раис/нинг зарварақ тўни, оппоқ соқоли, тўн ичидан бойлаган феруза, ёқут кўзли кумуш камари ўт шуъласида ялтилар, ле-кин юзи аниқ кўринмасди. Ҳ. Шамс, Ха-рактеристика. Ҳўқанди латиф ва шаҳарлар шоҳи Марғилон кўчаларида зарварақ тўн кийиб, симоби салла ўраган бойлар ёнидан жулдур жандали дарвешлар ўтардилар. Н. Юсуфий, Фарғона шўх кулади.*

2 кўчма Олтин саҳифа. *Олтин умримиз-нинг яна бир зарварағи ортда қолди, Ва-тан солномасининг янги саҳифаси очилди. Газетадан.*

3 тар. Қўлёманинг безакли варағи. *Фронтиспис — зарварақ бадий қўлёмна тар-кибига китоб безашининг асосий элементла-ридан бири сифатида кирган. «ЎТА».*

ЗАРГАР \ф. زارگر — тилла буюм ясовчи] **1** Олтин, кумуш ва турли қимматбаҳр тош-лардан зеб-зийнат буюмлари ясайдиган уста. *Заргар қўлда ишлайди, бу эса аниқликни, батартибликни талаб қилади. Газетадан. Хоразм тупроғида етилган тотли мевалар, туркман отлари, эроний гиламлар, Хива зар-гарлари зийнатлаган тилла буюмлар, той-той ипак ўрамлари император ҳазратлари-га пешкаш қилинди. С. Сиёев, Аваз. Заргар ясар тиллақош, Келинчаклар тақсин деб. «Оқ олма, қизил олма».*

2 кўчма Бирор соҳанинг етук устаси. *Моҳир сўз заргари Алишер Навоий ҳар бир ижрочининг маҳоратига қисқа-қисқа, лекин мантиқан кучли, аниқ характеристика бе-ради. Газетадан. Мўл-кўл ҳосил этиштириши учун деҳқонлар заргар каби ишлашлари дар-кор. Газетадан.*

ЗАРГАРЛИК **1** Заргар хунарини эгал-лаганлик; қимматбаҳо металллар ва тошлар-дан безаклар яшаш. *Заргарлик санъати энг кўхна санъатлардан бири бўлиб, у декоратив-амалий санъат хили сифатида кенг тарқал-ган. Газетадан. У[Уста Ориф Бухорий] ..нақ-қошлик ва заргарликдан то сартарошликка-ча нодир одам. Ойбек, Навоий.*

2 тар. Бозорда заргарлар жойлашган рас-та, қатор; заргарлар яшайдиган маҳалла.

ЗАРДА [ф. زرد — тухум сариғи; сафро] **1** Ўт, сафро.

2 Жахл, ғазаб, дўқ, бақирш. *Нусрат-бек унинг товушидаги зардани пайқади. С. Нуров, Нарвон. Домламизнинг зардалари ёмон ва аччиқлари тез.. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Ёдгор Дилиоднингунга яна зарда аралаш қараб қўйганини илғаб олди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол. Зардан-гиз курсин, ҳар вақт дўқ билан гапирасиз! Ойбек, Танланган асарлар. Валиев атайлаб зарда **бвтН** гапирган бўлса-да, аслида раис-дан мамнунлиги сезилиб турарди. Э. Усмо-нов, Ёлқин.*

Зардаси тутмоқ Жахли чиқмоқ *Султо-нов зардаси тутса ҳам индамади, бағрини ерга бериб, бошини кўтармай ётаверди. М. Мансуров, Ёмби. Зардаси қайнамоқ* 1) жи-ғилдони безовта қилмоқ. *-Худди қўрғошин ютгандаиман, кўкрагим оғир. Мана шу еримни боссам, оғрийди. Қайт қиламан. Зардам қайнаб туради, — деди Саудий. А. Қаҳқор, Сароб;* 2) кўчма жахли чиқмоқ, ғазабланмоқ. *Муса кўсанинг зардаси қай-наб кетди. С. Аҳмад, Ҳукм. ..ҳамон йигит-лик гайрати сўнмаган Тўламат полвон*

тракторчининг бу гапидан зардаси қайна-ди. С. Анорбоев, Оксой. Зарда қилмоқ Жаҳл қилмоқ, ғазабини сочмоқ. Шундан кейин Раҳим бизга зарда қилди: -Мен сенларга қўшилмайман. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Аям нимага зарда қияпти? -Мен ҳам билолмай хунобман, — деди Ёр-қиной. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЗАРДАБОЗЛИК Ҳадеб зарда, жаҳл қилишлик. *Зардабозлик, асабийлик, дағдага билан ши битмайди.* Газетадан.

ЗАРДАК \ф. — сабзи] шв. Сабзи.

ЗАРДАЛИ 1 Жаҳлли, жаҳли тез, сер-зарда. *Бўташутонда Содик тарангнинг зардали юзини кўз олдига келтирган эди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

2 Жаҳл ёки ғазабни ифодалайдиган, жаҳл аралаш. *-Даставвал Бўтавой деган балони оёқдан йиқиш керак, — деди Азимбой-вачча зардали, лекин сурнайдек ингичка овоз билан. С. Аҳмад, Ҳукм. Назар шу алфозда — уфқларга бир оз зардали, лекин қатъият билан тикилиб туришида Козимга ёқиб кетди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

ЗАРДЕВОР |0. jlj^Jjj - зарли девор| Деворга шифтга тақаб осиб қўйиладиган, зарли ип ёки ипакдан хар хил гуллар, нақш-лар тикилган мато. *Дордаги кийим-кечаклар, хилма-хил чойшаб, сўзана, зардеворлар кўзни қамаштиради. К. Яшин, Ҳамза. -Кенношим.. ҳадеб қизга атласлардан кўрпаю тўшагу гул-Курнаҷар, зардеворлар, хвта-хил молларни йиғади, — дейди Мусавой. Ойбек, Болалик.*

ЗАРДОБ [ф. — сафро; ярадан оқа-

ётган сариқ суюқлик] 1 Қатиқ ёки ивиган сутдан ажралиб чиқадиган сарғиш суюқлик. *Сутга ёки қатиқ зардобига қорилган хамир-дан тайёрланган нон хуштаъмлик хоссасига эга бўлади. «Фан ва турмуш». -Ҳа, айтган-дай, сал бўлмаса эсимдан чиқай депти, ке-йинроқ хурмачанинг устини очиб қўйгин, ўзинг биласан-ку, болам, яна, зардоб йиғиб, уйимай қолмасин. С. Анорбоев, Шерали.*

2 Касалланган ёки жароҳатланган аъзо-дан ажралиб чиқадиган суюқлик. *Шакар қўшиб истеъмол қилинадиган толқон — зар-добу қайновчи барча кишиларга даводир. Га-зетадан.*

159

3 тиб. Қон ва лимфанинг ивишидан ҳосил бўладиган суюқлик ва ундан тайёрланадиган суюқ дори. *Даволаш учун юбори-ладиган дорилар ўртасида ҳозирги кунда зар-доб [сиворотка\ вакциналар сони ортиб бор-моқда. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

4 кўчма Дард-алам. *Шаҳзодахон шуларни ўйлайди, юрагига йиғилиб, унга тобора озор бераётган зардобни қандай бўшатиши йўлини излайди. К. Яшин, Ҳамза. Эвоҳ. Бу ҳам тўхтамади, ўтди. Қалбга зардоб бўлиб томди ўкинчи. А. Мухтор.*

Зардоб ютмоқ Дард-алам чекмоқ. *Суҳбат қилсанг Зухра билан гулбоғда, Мен яширин зар-доб ютдим шу чоғда. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. Бекларнинг ишқидан зардоб ютаман, То ўлгунча бекларни ёд этаман. «Юсуф ва Аҳмад». [Юраги] зардобгатўлмоқ Дард-алам-га ботмоқ. Хўп, майли, ўзим ҳам ётавериб, юракларим зардобга тўлиб кетди. Н. Аминов, Суварак. Ёқубжон негандир зардобга тўлиб ўтирган экан, шекилли, дўнгилаб жавоб бер-ди. А. Қаҳҳор, Сароб. Ибн Сино шуларни ўйлаб, юраги зардобга тўлди-да, кўзининг бир чек-касидан юмалаб чиққан ёшни бармоғи билан артди. М. Осим, Карвон йўлларида.*

ЗАРДОЛИ \ф. >Jbjj — сариқ олхўри| шв. Урик дарахти ва унинг меваси. *Бу вақт-да ота-она зардоли остидаги чорпояда чой-хўрлик қилишаётганди. «Ёшлик». Зардолилар пишипти, Тор кўчага тушипти. О. Собиров, Келиной. Бирини сотдик, бирини кесдик. Қишлоқ жойда туриб, зардолини шаҳардан сотиб оламиз. «Ёшлик».*

ЗАРДОР \ф. jljjj — зарли, зари бор| кт. Зари кўп, зарли. *Ипаклик чопонларни ки-йиб, устидан шойи белбоғ билан боғлаган, амиркон этикни кийиб, зардор қалпоқни бо-шига қўйиб, бошлиқ кўзига кўринган. С. Ай-ний, Куллар.*

ЗАРДУШТ, **зардушти** \ф. с[^]iʃj - зар-душтийлик асосчисининг номи] Зардушт асос солган оташпараствлар динига эргашув-чи, сиғинувчи одам. *Бош устингдан ўтди кўп замон, Ўтди ислом, ўтди зардушти.* А. Орипов.

ЗАРДУШТИЙЛИК Зардушт асос солган, милоддан аввалги 7—6-асрларда пайдо бўлган оташпараствлик **дини**; мажусийлик.

ЗАРДУЗ \ф. jʃjʃ — зар тикувчи] **1** Ки-йимга зардан гул, накш тикувчи, чевар. *Бу-хоро зардўзлари тайёрлаган маҳсулотлар жаҳонга машҳур. тт Зардўзларнинг тилла-ларида Товланади заррин бир шаҳар.* А. Шер.

2 Зардан тикилган буюм. *-Меъмор ҳаз-ратларининг зардўз чопонлари маҳкамада шай турибди, — деди. [Ҳожи табиб].* Мир-муҳсин, Меъмор.

ЗАРДЎЗИ қ. **зардўз 2.** *Зардўзи кавуш. тт Саломатхон, эғнида атлас кўйлак, бошида зардўзи дўпти, қўлида бир тутам райҳон, ўзини қизларнинг қучоғига отди. О. Ёқубов, Излайман. У зардўзи кўрпачалар тўшалган танобийга тўрдаги эшикдан кириб келди. П. Қодиров, Бобур.*

ЗАРДЎЗЛИК 1 Зардўз касби. *Ғулом ота.. зардўзлик касбининг сирларини ота-буваси-дан, машҳур халқ усталаридан ўрганган. Га-зетада н.*

2 Зар қўшиб буюм тикиш. *Уўнуч ёшида зардўзлик фабрикасига ишга кирди. «Саодат».*

ЗАРДЎЗЧИ айм. **зардўз 1.** *-Бўлмаса, ано-ви зардўзчи опани киритамизми? — деди Парваршиов. «Муштум».*

ЗАРИК шв. Хурмача.

ЗАРИЛ айн. **зарур.** *Эртага қўйни сен боқ, зарил/и ишим чиқиб қолди, бирор кун қайта-рарман, дедим. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. -Шу ярим кечада нима зарил иши боракан ? — деди Фазилат она чакмонни олиб чиқар экан. М. Ҳазратқулов, Журъат. Раҳ-мат, Румияхон, кечирасиз, машина усулида сугориш тўғрисидаги китоб зарил бўлиб қол-ганди. С. Кароматов, Сўнгги бархан. Рассом бўлишликка тоқатим ҳеч йўқ, Чунки зарил бунда галат истеъдод. А. Орипов.*

Зарил келибдими ёки нима зарил айн. зарур келибдими қ, зарур. *-Битта хотинни боқолмасангиз, нима қилардингиз уйланиб. Ишга кириб менга зарил келибдими! — деди Ахмадҷонга хотини. «Саодат». Ёдгор бўйни музлаб кетганини пайқаб, плашининг ёқаси-ни кўтариб олди-да, тез-тез юриб кетди. Симёғоч тагида турган йигит билан қизни кўриб, кулиб қўйди. «Шу ҳавода нима зарил ?». Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

ЗАРИФ [а. ʤʊʃ-ʃe — ғоят гўзал; ақд-за-коватли] **1** Тез фаҳмлайдиган, зийрак, ид-рокли. *Бозорчилар тожикчани биладиган бу мулойим, зариф кишидан | Муқимийдан] жуда миннатдор эдилар. С. Абдулла, Қувғинда.*

2 Жуда гўзал, зебо, нафис. *Боглар яна хушрўй, зариф, Йўллар яна кўп обод. Т. Тўла.*

160

3 Зариф (эркаклар исми).

ЗАРИФА қ. **зариф 1.** *Миллатнинг буюк ўғлонлари, оқила ва зарифалари сўзлаганда, уларни жон қулогимиз билан эшитамиз. Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.*

2 Зарифа (хотин-қизлар исми).

ЗАРКАМАР [ф. - зарли камар]

Зар, тилло қўшиб ясалган камар. *Белида заркамари ҳам, рамзий ханжари ҳам йўқ. С. Сиеёв, Ёруғлик. Субҳидам қўлга олай зар-камар белбоғимни, Каштам узра мен солай чаманли гул боғимни. Э. Охунова.*

ЗАРКОКИЛ \ф. ʃʃʃʃ_ʃ - зарли гажак, кокил] *этно.* Хотин-қизларнинг соч ўрим-ларига тақадиган, кумуш тангаларни бир-бирига занжир каби улаб ясалган безак буюми. *Ёримнинг заркокили Тушибди шовони-га. «Оқ олма, қизил олма». Нури кийинши-*

ни, безакни севар эди. Зирак, билагузук, зар-кокил, қўлтиқтумор, тиллақош, зебигардон каби.. буюмлардан қути-қути йиққан. Ой-бек, Танланган асарлар.

ЗАРЛИ фольк. Зар қўшиб тикилган. *Рав-шанбек айни ўн уч ёшида, Зарли қалпоқ бошида. «Равшан». Тангрим кечирсин-да қил-ган хатомни, Белима бойлайин зарли пўтам-ни. «Баҳром ва Гуландом».*

ЗАРНИГОР [ф. >|f>_j - тилла нақш-ли] Зар билан қопланган; заррин. *Шамсаси эл моли била зарнигор.* Ойбек, Навоий.

ЗАРОФАТ [а. с^j|ʌʃi — зукколик; гўзал-лик] Хозиржавоблик, қочирим гапларга усталик. *Чокар ҳазилга, зарофатга ўч йигит эди.* С. Сиев, Аваз.

ЗАРПЕЧАК [ф. ʌʃ^ʌz - буралиб ўса-диган сарғиш ўсимлик] Усимликлар тана-сига чирмашиб, уларнинг ҳисобига яшай-диган баргсиз, ингичка ёввойи сарикўсим-лик. *Зарпечак мўр-малахдай кўнайиб, ўсим-ликларнинг танасига ёпишиб, ширасини сўриб ётаверади.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Карантинчиларга баҳона керак. Бир тўп зар-печакни кўришса, бас, акт тузиб, жаҳонни заҳар-заққумга ботириб юборишади.* С. Ну-ров, Нарвон.

ЗАРРА [а. ojj — бўлакча; чанг; атом] 1 Моддаларнинг кўзга кўринар-кўринмас кичик, майда бўлаги. *Металл зарралари. шшш Қум зарралари қуёш нурида товланиб ялти-рарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Назокат чарх-палакларнинг гириллаб айланишини, қувача-лардан новга тўкилаётган сув зарраларини энди кўраётгандек гаит билан қадам таш-лар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 рвш. Озгина, оз, жуда кам. *Кўк юзида зарра булут йўқ.* Ш. Гуломов, Ташаббус. *Меҳнатсевар халқимизнинг тўккан тери, сарфлаган меҳнати зарра бўлса ҳам зое кетмади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЗАРРАБИН [а. *ʃʃ - бўлакча + ф. ^ -кўрувчи] Оддий кўз билан кўриб бўлмай-диган нарсаларни катта қилиб кўрсатади-ган оптик асбоб; микроскоп. *Ручкани оқ қоғоз устига ташлаб, заррабинни четга сур-ди.* С. Нуров, Нарвон.

ЗАРРАМА-ЗАРРА рвш. Оз-оздан, кам-камдан, мисқоллаб. *Баҳор бўйи, ёз бўйи заррама-зарра йиққан бунёдини буюк саховат билан деҳқон этагига тўкаётган мана шу олтин кузда унинг юраги қафасдан чиққан қуш юрагидай яйрай бошлади.* М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Чунки ҳар бир қўшиқдан сўнгра Ҳислар қалқиб заррама-зарра, Гўзалликни англаймиз ортиқ.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

ЗАРРАЧА 1 айн. зарра. *Атомлар шу қадар майда заррачалардирки, уларни ҳатто мик-роскоп орқали ҳам кўриш қийин.* «Фан ва турмуш».

2 рвш. взф. Озгинагина, киттак, бир оз. *Саидий шу кунги лекциялардан заррача ҳам баҳра олмади.* А. Қаҳҳрр, Сароб.

ЗАРРИН [ф. снʃʃ ~~ тиллали; тилладан ясалган] 1 Зар қўшиб ишланган, зар қўшиб ясалган. *У [асир] шароб тўла мешларга ва заррин косаларга, овқат сузилган товоқлар-га ишора қилди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Ҳусайн Бойқаро.. заррин тўшак ос-тидан бир мактуб чиқариб, шоирга узатди.* Ойбек, Навоий.

2 кўчма Олтиндай товланувчи, олтин-ранг; сариқ, сарғиш. *Бу ойда дарахтлар заррин япроқларини тўкади, майса ва ўт-ўлан-ларни совуқ уриб нобуд қилади.* Газетадан. *Темиржон\ Аста юриб бориб, заррин қуёш шуъласида товланган зумраддек тоза майсалар устига ўтирди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

ЗАРУР [а. ʃʃ^ʌ керак, лозим] 1 Би-рор иш ёки эҳтиёж учун керак; керакли, даркор. *Зарур кизноб. шшш Бир деҳқонга пул зарур бўлиб қолиб, кўм-кўк тош нокларни бозорга олиб чиқибди.* Шукрулло, Жавоҳир-лар сандиғи.

2 Тез бажарилиши шарт бўлган, кечик-тириб бўлмайдиган, муҳим. *Зарур масала. Бир зарур иш билан шаҳарга бордим.*

3 кесим взф. Даркор, керак. *Ёш бўлсам-да, рўзгор твбратиши учун ота-онамга кўмак-лашмоғим зарур эди.* Н. Сафаров, Жасорат-нинг давоми. -Йўқ, йўқ, син&шм, —

ялинди Раҳим Саидов. — Ўтинаман, ҳозир беринг. Жуда ҳам зарур. У. Умарбеков, Ёз ёмғири.

Зарур келибдими Нима кераги бор, ҳеч кераги йўқ. *Менга зарур келибдими? Киндик қоним тўкилган жойдан кечиб-а? Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Нима зарур қ. зарур келибдими. Узимни ўзим қийнаб юрган эканман. Менга нима зарур экан-а! Билганини қилишси. С. Аҳмад, Сайланма. Бизнинг кўнглимизга қўл солиш сенга нима зарур? Ўз ишингни билсанг-чи.. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЗАРУРАТ [а. sjjj^a кераклик, эҳти-ёж] **1** Бирор иш ёки нарсага бўлган эҳти-ёж; муҳтожлик. *Зарурат тугилди. Зарурати йўқ. иш Аваз Матпано турадиган ҳужрага аҳёнда бир келарди. Тез-тез уни хабарлага-ни зарурат ҳам, фурсат ҳам йўқ. С. Сиёев, Аваз. Бу вафосиз дунёда истак ва зарурат-дан ташқари кўнгул деган нарса ҳам бор экан. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Табиий эҳтиёж, ҳожат. *Бектемиров Низомиддиновни зарурат учун ташқари чиққан гумон қилиб, келгунча чироқни ёқиб қўй-моқчи бўлди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

ЗАРУРИЙ Энг керакли, жуда ҳам зарур; талаб қилинган. *Биласанми, бўталогим, табиий фанлар давринг зарурий эҳтиёжларидан вужудга келади, шу эҳтиёжларнинг йўналишига қараб ё юксалади, ёки инкироз-га учрайди. С. Кароматов, Олтин қум.*

ЗАРУРИЯТ айн. **зарурат 1.** *Одатда, шеърят, шеър ҳаётий заруриятдан, маънавий эҳтиёждан дунёга келади. «ЎТА». Иш вақти давомида кишилар ижтимоий меҳнат масъулиятини тўла ҳис этиб, моддий неъматлар яратиш заруриятини ёрқин тасаввур қиладилар. Газетадан.*

ЗАРУРЛИК Жуда ҳам кераклик, эҳти-ёж борлик, зарурат. *У киши.. илм ва маърифат йўлида жонбозлик кўрсатиб, мусул-мон болаларини янги усул мактабларида ўқи-тиш зарурлигини чарчамай тарғиб этар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Шу ерга сардо-ба зарурлиги кўриниб турибди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ЗАРХАРИД [ф. juj-i-ji — сотиб олинган қул ёки каниз] *кт. 1 сфт. Пулга сотиб олинган, олтинга тенг. Зархарид ер. Зарха-рид мол.*

2 Пулга, тилла ёки қумушга сотиб олинган қул ёки каниз. *Инсон муштоқ аз нисёнаст.. Канизни бетамиз ҳамини афв этуга лойиқдир, чунки зархарид [ўз] хўжасига содиқдир. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.*

ЗАРЧА 1 айн. **зарчува.** *Дўппили одам ранги зарчанинг рангидай сариқ, мендайин бир кал экан. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

2 ив. Сарик, сарғиш. *Хушрӯи узун бўйли, қотмароқ ва зарча танли эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

ЗАРЧУВА \ф. JJ сариқ занжа-бил] *Илдизидан овқатга сарғиш тус берув-чи ва уни хуштаъм қилувчи зиравор тайёр-ланадиган кўп йиллик субтропик ва тро-пик ўсимлик; шундай зираворнинг ўзи. Узоқ-яқиндан келган ёш-яланлар Ниёзохун-нинг хуштаъм манти, хушхўр гўштқуйди, сермурч пармуда, зарчува, зира сингари до-риворлар солинган лагмон, манпар.. сели жазиллаб оқиб турган тандиркабобларига роса ўрганишган. К. Яшин, Ҳамза.*

ЗАРШУНОС \ф. ^ViJbjj - тиллани билувчи, ўрганувчи] **1** Зар, олтин билан боғлиқ соҳада ишловчи шахс; заргар.

2 кўчма Бирор нарсанинг кадр-қимма-тини яхши биладиган, унга етарлича, но-зик дид билан баҳо бера оладиган киши. *Биз ўз асарларимизни халқ учун яратамиз. Шу асарларнинг асосий заршуноси бўлган халқ ҳаёт ҳақиқатига зид келган ҳамма нарсани қатъиян рад этади. Газетадан.*

3 кўчма Моҳир пахтакор, пиллакор. *Зар-шунослар пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда, сифатини бузмаган ҳолда териб олишга пухта ҳозирлик кўрдилар. Газетадан. Бекоргами шаънингизга ҳурматлар, эҳтирошар, Сизни бутун олам танир, заҳматкаш, заршуносим. Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.*

ЗАРЯД \р. заряд < зарядить — «отиш қуролларини тўлдирмоқ, отишга тайёрла-моқ» феълидан] **1** Патрон, снаряд ва ш. к. лардаги портловчи модда миқдори. *Порт-ловчи заряд. иши Замонавий стратегик раке-талар ер қуррасининг исталган райониға ядро зарядини етказиши мумкин.* Газетадан.

163

2 физ. Электрланган жисмдаги электр миқдори. *Мусбат заряд. Электр заряди.*

ЗАРҒАЛДОҚ 1 от Чумчуқсимонлар туркумиға кирувчи, қанотлари қорамтир, ўзи сариқ сайроқи куш. -*Атрофимиздаги лолақизгалдоқлар, майса ўтлар тагида заргалдоқлар саурайди, осмондан сўфитўрғаи-ларнинг овози эшитилади, — деди Усмон. О. Хусанов, Қўшиқчининг такдири. Заргал-доқлар «чулу-лу» деб, тикан шохларға бемалол қўнади, совуқда жунжиккандек ҳур-пайиб олади.* Ш. Холмирзаев, Бодом киш-да гуллади.

2 сфт. Тўқ сарик, ранг, тўқ сарик ранг-ли. *Сой бўйи кета-кетгунча гулзор эди. Бир қатор қизил, иккинчи қатор оқ, яшил, зан-гори, сариқ, заргалдоқ ранг гуллар.. «Саодат». Оловли шар катталашган сари унинг ранги кўзни кўр қилувчи тўқ қирмизи рангдан заргалдоқ рангга ўзгарар эди.* Газетадан.

Заргалдоқ шафтоли Шафтолининг ме-васи тўқ сарик ва йирик бўладиган бир нави.

ЗАРҲАЛ \ф. Ж-==^JЗ — тилла суви, зар суви| **1** от Тилла, кумуш ёки бронза кукунидан тайёрланган ялтироқ бўёқ. *Зарҳал берилган пиёла. Зарҳал билан ёзилган шиор.*

2 сфт. Шундай бўёқбилан ёзилган, чи-зилган ёки олтин суви югуртирилган; заррин, зар билан қопланган. *Ичи заррин ипак, усти қимматбаҳо майин мовут билан қопланган бу чодирларнинг зарҳал чилвирлари кумуш қозикларға боғланган эди.* П. Крди-ров, Юлдузли тунлар. \ Навоий\ *Зарҳал эшик-ни очиб, ичкари кирди.* Ойбек, Навоий.

3 кўчма Зардек нурафшон, яркироқ. *Мана, олтин куз янги ерларға ҳам зарҳал чодирини ёзди.* Ш. Ғуломов, Бўз ерлик бўз йигитлар.

ЗАРҲАЛЛАМОҚ Олтин рангга бўямоқ, тилла ранги бермоқ. *Зарҳалланган чинни ко-салар. тт Уй ўртасида зарҳалланган ёнгоқ ва турли хил ўйинчоқлар осилган арча турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЗАСТАВА \р. застава < заставить — «би-рор нарса билан банд қилмоқ; тўсмоқ» феъ-лидан) ҳарб. Чегарада соқчилик қилувчи ҳарбий қисм ва шу қисм жойлашган маскан, жой. *Капитан чегараға яқин атрофни зимдан кўздан кечириши ва ҳар бир шубҳали нарса ҳақида заставани хабардор қилиб ту-риши тўғрисида буйруқ берди.* Газетадан. *Уруш арафасида чегара заставасидагилар тез-тез айғоқчиларни ушлаб олишар, душман само-лётлари ҳам кунора чегарамизни бузиб ту-рарди.* А. Раҳмат, Фронт йўлларида.

ЗАТВОР \р. затвор < затворить — «тўс-моқ, беркитмоқ» феълидан] махс. Турли машина, аппарат, иншоот ва ш. к. да бирор йўлни, тешиқни бекитадиган, шунингдек, отиш қуролларида ствол қувурини очиб-ёпишга хизмат қиладиган қисми. *Трубопро-вод зашвори. тт У \Ахмаджон\ эшик ёниға чўнқайиб ўтирди-да, милтигининг затвори-ни бир неча мартаба очиб ёнди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. -*Тўхта!* — дедим, милтиқнинг Затворини тўғрилаб, Қолди қотиб мутта-ҳам, Бир ўринда гўлдираб. З. Диёр.

ЗАФАР \а. - ғалаба, муваффақият] **1** Ютуқ, ғалаба, муваффақият. *Зафар бай-роғи тт Бобурнинг уч мингга яқин қуролли кишилари зафар куйини чалиб, қўш ногора-лар ва карнайлар садоси остида шаҳарға кира бошладилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳамид Олимжоннинг овози, қудратли нидо-си зафарларға чорлайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Зафар (эркаклар исми).

ЗАФАРЛИ Ғалаба, зафар қозонган, ғалаба ва муваффақиятларға элтувчи, ғоли-бона. *Зафарли одимлар. Қўшинларнинг зафар-ли юриши.*

ЗАФАРНОМА [a. + ф. <^Ь- зафар, ғалаба китоби] Зафарлар, ғалабалар ҳақида қисса. *Хоразм тўғрисидаги дастлабки маъ-лумотлар Эрон шохлари томонидан қоя ва қабр тоиъширига ўйиб ёзилган зафарномаларда учрайди.* И. Жабборов, Кўхна харобалар сири.

ЗАХ 1 сфт. Суви кўп, сернам, захкаш (ер). *Зах уй. тт Ертўла атрофидан зах тупроқ шувиллаб тўкилди.* Шухрат, Шинелли йиллар. Уни [*Тожини\ навкарлар олиб чиқиб, зах бир ертўлага қамашади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 от Сернам, захкаш жой; намлик. *Кеча захда ётавериб, белим оғриб қопти.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Шўрхоқ ерларда ач-чиқ зах гўзанинг томирини чирита бошла-ди.* Газетадан.

Кўкрагини захга бериб ётмоқ Қийнал-моқ, азоб чекмоқ. *Қодирнинг қиздан умиди узилиб, кўкрагини захга бериб ётибди.* «Эр-таклар». «Бир бечора ўғлингни деб, кўкрагини захга бериб ётсин-да, сен тинчгина ўғлинг-

ни олиб ёт!.. Қани ўғлинг, ётган жойини кўр-сам!» дедим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗАХА Полиз экинлари ёки хўл меванинг урилиб, эзилиб шикастланган ери. *Заха бўлмоқ (емоқ).* Нокнинг захаси. **иш** Бригада аъзолари меваларни эҳтиёткорлик билан, бирор ерига ҳам заха етказмасдан териб, яшиқларга жойлашяпти. Газетадан.

ЗАХАЛАНМОҚ Уриниб, шикастланиб қорайиб қолмоқ, заха бўлмоқ, заха емоқ (полиз экинлари ёки хўл мева ҳақида). *За-халанган нок. Захаланган қовун.*

ЗАХИРА \a. bj±b~ J — хазина; эҳтиёт учун сақланган нарса] **1** Келажакда фойдаланиш учун сақлаб, ғамлаб кўйилган нарса. *-Ҳар бир нарсани тежаши, бугунгини эртага за-хира кўйиши яхши фазилат.* Шундай қилган одам тез бой бўлиб кетади, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 ҳарб. Зарур пайтда чақириш, сафар-бар қилиш учун махсус рўйхатга олиб кўйилган ҳарбийлар тоифаси. *Захирадаги офицер.*

ЗАХКАШ Суви, нами тепага, юзага чиқиб қолган; сернам (ер). *Ҳа, раисимиз ер шайдоси эмасми, захкаш ер, захда ўти-риб чўкиб қолган иморатларни кўриб, йиғ-ламоқдан бери бўларди.* Н. Сафаров, Олов-ли излар. *Ҳужра тор, захкаш.* Ойбек, Навой. *-Олтиндай азиз тупроқ, лекин зах-каш кўринади, — деди жиддий қиёфада Ғанишер, — захини қочирини керак.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

ЗАХКАШЛИК Зах босганлик, намлик. *Пастдаги икки хонанинг гиштлари захкаш-ликдан шўралаб, оқариб кетган.* Мирмуҳсин, Умид. *Қуёшга терс, бурчакка тиқилган бу уйчадан ҳали қиш нафаси ўчмаган, захкаш-лик ва чирик ҳаво нафасга уради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗАХЛАМОҚ Зах бўлиб кетмоқ, зах бос-моқ, намиқмоқ; намликдан моғорламоқ. *Ёгингарчиликлар натижасида ер захлаб кетди. ти Апрель ойининг охиридан бошлаб ҳозиргача бўлиб турган ёгингарчиликлар на-тижасида ер захлаб кетди.* Газетадан. *Муш-тумзўрлардан олинган галланинг ярмидан кўпи Шокиржон бойваччаинг отхонасида захлаб ётипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чи-роқлари.

ЗАХЛИК Намлик, нами кўплик. *Бу уй менга захлик қилади.*

ЗАХМ I \ф. — зарба; оҳанг; яра, жароҳат] Тиг, найза каби ўткир нарсалар-дан баданга етган жароҳат. *-Ўқ ва қилич зах-ми ва зарбини кўрмаган йигитнинг мақта-нишини қаранг, — деди Темиртош Ҳожибга истеҳзо билан.* М. Осим, Ўтзор.

ЗАХМ II [ф. fʰj] тиб. Юқумли, сурун-кали таносил касаллиги; сифилис. *Ст, захм (сифилис) ва рак кассъятклари товуш парда-сини захарлаб, товушни ўзгартиради.* Н. Ис-моилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЗАХОБ \ф. √Uз — чашма; сув чиқади-ган, тарқаладиган жой] **1** Зах ерларда туп-роқ юзасига сизиб чиқадиган сув. *Ўзбекис-тон гидрогеологларининг олиб борган куза-*

тишилари захоб сувлар ҳозир ҳақиқатан ҳам тепага кўтарила бошлаганини кўрсатиб турибди. Газетадан.

2 сфт. Сувланган, ботқокланган; зах-каш. Захоб ерлар.

ЗАЪФАР \а. **ج-لص** — сариқ гулли ўсим-лик] **1** *от қ. заъфарон 1.* -Мана бу нима? — *Абу Наср тоқчадан барглари майда қуруқ ўтни олиб кўрсатди.* — *Заъфар* — *Анихус.* М. Осим, Жайхун устида булутлар.

2 сфт. қ. заъфарон 2. *Заъфар хазон қуш каби учар Ва рутубат — кеч куз чалган соз.* Х. Даврон, Шаҳардаги олма дарахти. *Безак ва расмлар қизил, заъфар ва бошқа анвойи хил бўёқларда ишланиб, кўпларига тилла ҳал югуртирилган.* «Фан ва турмуш».

ЗАЪФАРОН [а. **ج** - зиравор ўсим-лик, заъфар] **1** *от* Ингичка узун баргли, тўқ сариқ гулли, пиёзсимон илдизли ўсим-лик ва унинг гулидан тайёрланадиган, ов-қатни хуштаъм ва рангдор қиладиган зи-равор.

2 сфт. Сап-сариқ, сомонранг. *Унута-ман бир кун барчасин, Улар бари қолади сизга: Заъфарон бог, осмон парчаси, Шамол, дарё, майса, сивизга.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Йигитнинг олижанобҳиммати-дан мамнун бўлиб, заъфарон юзларимга андак табассум чиқди.* Ғайратий, Довдираш. *Бир ёнда ложувард Баҳри муҳит бор, Бир ёнда заъфарон Саҳрои кабир.* А. Орипов, Юртим шамоли.

ЗАҚҚУМ \а. — заҳарли дарахт] **1**

бот. Сутсимон ширасида ўткир заҳарли модда бўлган дарахт; анчар (диний тасаввурда унинг мевалари гуноҳкорлар, дўза-хилар учун овқат бўлади).

165

2 кўчма Заҳар. *Ўғри, каззоб келиб эмиш қошига, Заққум қуяй ичаётган ошига.* «Юсуф ва Аҳмад».

ЗАҒЧА Қарғасимонлар оиласига ман-суб, патлари қорамтир қуш. -Мана зағча, олинг, яхши қуш, хўб сайрайди — дейди Му-сага қўлидаги қушни кўрсатиб. Ойбек, Болалик. -*Ҳар ҳолда ўргатилган зағча.. — деди Эгамберди.* Б. Раҳмонов, Хўжайин кўчди.

ЗАҒЧАКЎЗ Кўзи кўк (одам). Қамишика-паликлар одамларни бирор хусусиятлари билан таърифлашни афзал кўрардилар. *Шу қоидага мувофиқ, кулранг-кўкиш кўзли эшонни ҳамма катта-кичик «зағчакўз домла» деб атарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эшикдан тиш-лари тушиб, лаблари ичига кириб кетган кампирдаҳан зағчакўз бир чол кириб таъзим қилди.* М. Осим, Ўтрор.

ЗАХАР [ф. *jjbj* — оғу; қаҳр-ғазаб] **1** Ти-рик мавжудотни оғулаб емирувчи ёки ўлдирувчи модда, оғу. *Илоннинг заҳари.* **шш** Бу аёл — *Раззоқ сўфи деган одамнинг қизи, ўз эрига заҳар берган.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. [Салимбойвачча] *Ички чўнтагидан қозозга ўралган заҳарни олиб, титроқ қўллари билан ошга сепди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Қо-лаверса, илон заҳари фармацевтикада қим-матбахо хомашё экани ҳам яхши маълум.* «Фан ва турмуш».

2 кўчма Оғу сингари аччиқ, киши ҳаёти-ни оғулайдиган, азобга айлантирадиган нарса, ҳолат. [Элмурод] *Саифуллага «Хрвлин-гизда еган-ичганим заҳар эди, энди мактаб-да рангим чиқиб қолди», деб таъна қилар-миш.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Заҳар бўлмоқ Заҳарга, оғуга айланмоқ, татимаслик. *Яна дардга кўмилди Нисохон боши, Заҳар бўлди бир коса совиган оши.* Ғайратий. **Заҳар ютмоқ** Аччиқ-алам ютмоқ, азоб чекмоқ, изтироб чекиб қийналмоқ. *Камтар бўл, талтайма, кеккаймагин тик, Дўст учун заҳар ют, ширин жонни тик!* Ё Мирзо, Ўғил меҳри. **Заҳар қилмоқ** Заҳарга, оғуга айлантирмоқ, татитмаслик.

3 кўчма Жаҳл, ғазаб. *Ҳовлида ошқовоқ пўчоқ судраб ўйнаб юрган болани.. кўриб, [Шарофатнинг] заҳри бир оз тарқалди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Заҳри келмоқ Аччиғи келмоқ, жаҳли чиқмоқ. *Бунёднинг қаҳри келди, Девнинг ҳам заҳри келди.* Х. Олимжон. **Заҳар (ёки заҳари-ни) сочмоқ** Ғазабини тўкиб солмоқ, жаҳлғазаб қилиб аламдан чиқмоқ. *Қилгиликни Ўктам қишиди-ю, заҳрини менга*

сочасизми? Ойбек, О. в. шабадалар. *Нега ёнган юрагимга яна сен ҳам заҳар сочасан!* А. Кодирый, Ўтган кунлар. **Заҳрини ютмоқ** Аччиғини ичига ют-моқ, ғазабини босмоқ. *Оғзинг тўла қон бўлса ҳам, рақибинг олдида тупурма, деганлари эси-га тушиб, заҳрини қулт этиб ичига ютди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *Бек заҳрини ютди.* Х. Гулом, Машғал.

4 Каттиқзарб, аччиқ оғрик. *Тикан заҳри учида, душман заҳри ичида.* Мақол. *тм От чидамас аччиқ қамчи заҳрига.* «Гўрўғли».

Совукнинг заҳри Совукнинг жонни ачи-тувчи таъсири.

5 сфш. кўчма Жуда ҳам аччиқ. *Заҳар ов-қат. Заҳар тутун.*

Заҳри қотил 1) ўлдирадиган заҳар; 2) ўлгудай аччиқ. *Заҳри қотил дори.*

6 сфт. кўчма Кишига найзадек ботади-ган, дилга озор берадиган. *Заҳар пичинг. Заҳар тил. тш Раис устага ғазаб билан ти-килди-ю, заҳар тўла киноя қилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

7 сфт. кўчма Жаҳлдор, сержаҳл, қаҳр-ғазабли; тили аччиқ ва жиззаки. *-Бай-бай-бай, ўзи жинқарча бўлсаям, шунақа заҳар қизки, худди Зулайҳо опангизга ўхшайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Унинг \Умиднинг\ назарида, Шукур Каримович заҳарроқ одам кўринди.* Мирмуҳсин, Умид. *Бахтга қарши, терговчи ёш бўлса ҳам, сочлари тўкилиб, тепакал бўлиб қолган, тир-нок^иригача заҳар бир одам экан..* О. Ёкубов, Излайман.

ЗАХАР-ЗАҚҚУМ 1 от, айн. **заҳар 2.** [Нафиса] *Хўрликларга гоҳ чидаб, хилватга ўтиб йиглаб, гоҳо «худо ўлим берсин шунақа турмушга, олтин косам бор деб, заҳар-зақ-қум ичгандан сопол товоқдаги обиёвгон ях-шимасми», деб.. юрганда, Аъзам ўзгариб қол-ди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *Халқмо-лини егандан кўра заҳар-заққум е/Ойбек, О. в. шабадалар.*

Заҳар-заққум бўлмоқ айн. заҳар бўлмоқ қ. заҳар 2. *Элчи бу зиёфат муфтига заҳар-заққум бўлганини сезиб, суҳбатни бўлишга қарор берди..* А. Ҳакимов, Илон изидан. *За-ҳар-заққум бўлар тотиган ошинг, Дарё-дарё бўлиб тўкилар ёшинг.* Уйғун, Тонг қўшиғи. **Заҳар-заққум қилмоқ айн. заҳар қилмоқ қ. заҳар 2.**

2 с0w. Жуда ҳам аччиқ; истеъмол қилиб бўлмайдиган. *Заҳар-заққум дори. Заҳар-зақ-қум овқат.*

3 сфт. кўчма. Кишига қаттиқ ботадиган, аччиқ киноя, пичинг, кесатиқ. *Ажабо, Мав-лонқулов бу заҳар-заққум гапларга пинак ҳам бузмади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

ЗАХАРЛАМОҚ 1 Заҳар бермоқ, оғу бе-риб ўлдирмоқ. *Кечаси бир зиёфатдан қайтиб, [бой\ лахта-лахта қон қусди, азонга якин жон берди. Бишиадим, биров заҳарлаганми, ҳайтовур, вақти-соати етган экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Заҳар қўшмоқ, сепмоқ; зарарли мод-далар қўшиб, яроқсиз ҳолга келтирмоқ. *Сувни заҳарламоқ. Овқатни заҳарламоқ.*

3 кўчма Рухан қийнамоқ, азобламоқ, тинчини, турмушини бузмоқ, оғуламоқ. [Ёрмат:] *Юрагимни заҳарладинг, юрагингни қиймалаиман.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Шошма, даданг йўқлигида сан ўлгур билан гаплашиб олай, юрак-бағримни заҳарладинг! — ўрнидан туриб, илдамлик билан қўрғон эшигини занжирлади Гулсумбиби.* Ойбек, Танланган асарлар. *\Холиса:\ Сиз ҳашарот, заҳарларни ўйлайвериб, менинг ҳаётимни за-ҳарладингиз.* С. Нуров, Нарвон.

4 кўчма Киши онгига, феъл-атвориغا салбий таъсир кўрсатиб бузмоқ, йўлдан чиқармоқ. *Бидъат ва хурофотлар киши он-гини заҳарлайди.*

ЗАХАРЛАНМОҚ Таркибида зарарли, заҳарловчи моддалар бўлган ёки бузилган, айниган овқат, дори ва ш. к. ни истеъмол қилиш натижасида қасалланмоқ. *Мукаррам, Шукрулло, хуллас, барча болалар ва меҳмон-лар овқат еб заҳарланишгани яққол сезилиб қолди.* Газетадан.

ЗАҲАРЛИ 1 Турган-битгани заҳардан иборат бўлган, заҳарлайдиган. *Заҳарли модда. Заҳарли газ. шии Машина теримига аж-ратилган пахта майдонлари бегона ўтлардан тозаланмаган.. заҳарли химикатлар та-шиб олинмаган.* Газетадан.

2 Таркибида заҳари бор. *Заҳарли илон. Заҳарли ўсимлик. шии Қора илон [ўз] тутган ўлжасини махсус заҳарли тишлари билан ўлдиради.* «Зоология».

3 Заҳар суртилган, заҳар қўшилган. *За-ҳарли найза. Заҳарли ўқ.*

4 кўчма Кишига найзадек, ўқдек бота-диган; аччиқ, кинояли. *Заҳарли гап. Заҳарли мактуб. тии -Онажон, — деди Ота-бек, — сизнинг заҳарли сўзларингизга нима дейишга ҳам ҳайронман.. А. Қодирӣ, Утган кунлар. Искандаров «ўл бу кунинг-дан» дегандек, заҳарли жилмайиб қўйди. У. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Мирко-милбой бир маҳал қўлини чайиб туриб, Со-диқжон бойваччага заҳарли бир мулойим-лик билан гап қотди. К. Яшин, Ҳамза.*

ЗАҲАРЛОВЧИ Заҳарлайдиган, заҳарли. *..одамларни кўплаб қирадиган.. заҳарловчи моддалар хирмон бўлиб ётибди.* Газетадан.

ЗАҲАРОЛУД |</>. jjJf^j - заҳарли, за-ҳарланган] *кт. Таркибида заҳар бўлган, за-ҳарли. Заҳаролуд тиг.*

ЗАҲАРХАНДА [0. ь x ^ . - газабли, аччиқ кулги] **1** Аччиқ киноя, пичинг, ке-сатик. *Хотин хандон ташлаб кулди. Унинг бу кулгисида алам билан заҳарханда аралашга ўхшарди. С. Аҳмад, Асарлар. Алиматнинг хастаҳоллик билан айтилган гап оҳангида аламзадалик, заҳарханда бор эди. Э. Усмо-нов, Ёлқин. -Шаҳаншоҳ менга эмас, менинг юртимга, бойлигимга ошиқ бўлгандир, — деди Тўмарис заҳарханда қилиб. М. Осим, Кар-вон йўлларида.*

ЗАҲИЛ [0. j^m] — бир хил ички касал-лик; азоб-уқубат] Рангида қони йўқ, ранги сариқ, сарғайган. *Катя ичкари кириб, ранги заҳил, сап-сарик офицерни кўрди. В. Гофуров, Вафодор. Асад қори заҳил юзини тиржайтир-ди. М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча. | Рихси холанинг} Юзи заҳил, қовоқлари сал-қиган. С. Зуннунова, Янги директор.*

ЗАҲМАТ \a. 2,л-. j — тикилинч, торлик; машаққат] **1.** Оғир, машаққатли меҳнат. *Кўкламги захмат — қиши роҳат. Мақол. шии Кимки чумолидек чекибди захмат, Эл аро топади эъзозу иззат.* Газетадан. *Элнинг заҳ-мати-ла топилган олтин элники, давлатни-ки. Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. Зоҳиран эрки ўзида бўлиб кўринган захмат аҳлининг асли-да оёқ-қўлларида оғир кишан, тил-жағлари бозлаб ташланган эди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

2 кўчма Кулфат, азоб-уқубат, қийинчи-лик. *..урушининг захматини бошидан кечирган ҳар бир одам даҳшатли у йилларнинг жонли шохидидир. Н. Сафаров, Оловли излар. Барча захмат менга бўлсин, Майли, доим мен яшай.. Бу ширин қайғу билан. Э. Воҳи-дов, Ёшлик девони.*

Заҳмат чекмоқ **1)** оғир меҳнат қилмоқ. *Санъаткор ўз асарини қиёмига етказиш учун кўп захмат чекади. «УТА». Отангиз бебаҳо, олижаноб одам. Умр бўйи авом учун захмат чекдилар [деди Ҳорунбвк]. Мирмуҳсин, Меъ-мор; 2)* қийинчилик кўрмоқ, азоб-уқубат чекмоқ. *Аммо, турмушида қанчалик захмат чекмасин, сира руҳи тушмас, одамларга ҳамшиша кулиб боқар эди. М. Хайруллаев, Кўнгил.*

ЗАҲМАТКАШ \a. + ф. j^c^j - ма-шаққат тортувчи; меҳнаткаш] **1** Меҳнат-каш, меҳнат қилувчи. *Ҳозирги тотрадай думбали ҳисори.. қўйлар ҳам ўзидан-ўзи пай-до бўлиб қолмаган-ку! Бу зотни етиштир-гунча Бобокул отага ўхшаш қанчадан-қанча заҳматкаш чўпонларнинг умри ўтган. С. Анорбоев, Оксой. Марзия опа камгап, аммо заҳматкаш, қишин-ёзин меҳнатдан бўша-майди. «Ёшлик».*

2 кўчма Жафокаш, кўп жафо кўрган. *Инчунин, бизлар заҳматкаш, елкаси яғир.. жисми-жони мустабидлар зулмидан ўртан-ган эл-улус дилига сингиб бормогимиз лозим-дир. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ЗАХОТ(И) *рви.* Дарҳол, шу онда, ..би-ланоқ. Тамара қалъасин кўрганам заҳот, Тасанно ўқидим ақду кучингга. Шухрат, Се-нинг севгинг. Амак чакирилган заҳоши кўргондан чиқди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. У[Ёқуббек\ Бобур кайтганини эшитган заҳоти, ҳар қандай шубҳадан холи бўлиш учун, дарҳол отланиб, садоқат изҳор қилиш-га шошилган эди. П. Қодиров, Юлдузли тун-лар. Нигора қор сувига қўлини тикдичо, ўша заҳоти тортиб олди. С. Анорбоев, Оксой.

ЗАХОТИЁҚ *айн. заҳот(и).* Ярадор йигит-га шу заҳотиёқ ҳамшира тиббий ёрдам бер-ди. Н. Сафаров, Оловли излар. Бир куни Иқром Ёровнинг юраги хуруж қилиб қолди. Шузаҳотиёқ Ота профессор чақирди. «Ўзбе-кистон кўримари».

ЗАХР *айн. заҳар.* Бетга айтганнинг заҳ-ри йўқ. Мақол. *т*т -Эгат очиб, сув тарасак-чи, — ниҳоят раис ўртадаги жимликни буз-ди, — баҳор суви ернинг заҳрини олади. С. Маҳкамов, Шогирд. Илк баҳор заҳрини ўйла-дингми ҳеч, Заминда ис армон, сенда не ар-мон. А. Орипов, Ииллар армони. Баҳор кел-ди. Қорлар эриб, ерлардан қиш заҳри кўта-рила бошлади. Х. Нуъмон, Қаҳрамоннинг туғилиши.

ЗАХРА \ф. uʃʌj — ўт, сафро] **1** *эск. аин. зарда 1.*

2 *фольк.* Журъат, жасорат, шижоат. Буни кўриб, халқда захра қолмади, Ҳар тарафга энди қоча бошлади. «Фольклор».

Заҳрасини олмоқ *фольк.* Кўрқитмоқ, ва-ҳимага солмоқ. Элингнинг заҳрасин тоза олибди, Заҳарши бутун элга солибди. «Рус-тамхон». Бек Алтомиш Тойча шоҳни ўлдириб', душманларнинг заҳрасини олиб, сиёсат қилиб юриб эди, Қайқубот йўлиқиб қолди. «Алпо-миш». **Заҳраси учмоқ** 1) чирсиллаб кетмоқ, жажди чиқмоқ. У [Камол Одилов] елка қис-ди, заҳраси учиб, қовогидан қор учқунлайди. Газетадан; 2) кўрқмоқ, кўрқиб кетмоқ. [Зумрад Умаралига:] Бир марта эшитган эдим; янги мактаблар очилар эмиш, деб раҳ-матли отин ойимнинг заҳраси учган эди. Ойбек, Улуғ йўл.

ЗВЕНО \р. звено — бирор нарсанинг қисми; бўлим] **эск. 1** Жамоа ва давлат хўжаликлариди, баъзи корхоналарда кичикташ-килий гуруҳ. Пахтачилик звеноси. Пиллачилик звеноси. *ит* Звено бошлиғи Эгамбердиев фронтга жўнаб кетди. «Ўзбекистон кўриқ-лари». Абдураззоқ ота кетмон чопди, арава минди, звено ва бригадага бошчилик қилди. Н. Сафаров, Оловли излар. Звено аъзолари-нингҳаммаси ҳам ўқийди. А. Қаҳҳор, Кўшчи-нор чирокдари.

2 *с. т.* Шундай ташкилий гуруҳнинг бошлиғи. Канизак звено бўлар эмиш. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.

3 *кўчма* Бирор иш, ҳодиса, жараён ва ш. к. нинг узвий қисми. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим звеноси бўлиб, методик ва мувофиқлаштирувчи марказ ҳисобланади. Газетадан.

ЗЕБ [ф. ^, ;з — зийнат; хусн] Безак, кўрк, оройиш. Одоб — кишининг зеби. Мақол. *ти* Нуқта қўй назмингга, Эркин, Мухтасарлик сўзга зеб, Йўқса, тонг отгунча шеъринг Бўлгу-си дoston қадар. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Зеб бермоқ 1) безамоқ, ясатмоқ. [Ёр-мат] Отга чиганоқли асбобларни тақиб, ёлини қизил латталар билан ўраб, отнинг атрофида айланиб, унга жуда зеб берди. Ойбек, Танланган асарлар. [Алима кар-вон\ Ўзи ўлгудай от-аравага ишқибоз. Топ-ганини отига сарфлаб, аравага зеб беради. Шухрат, Жаннат қидирганлар; 2) пардозандоз қилмоқ, оро бермоқ. Ўзига зеб бериб кийинган ўрта ёшлардаги америка офицери газета ўқиб ўтирарди. Шухрат, Шинелли йиллар. [Фатиддин] Ахли растага ва ёш бой-ваччаларга яраша дурустгина кийинади, ле-кин ўзига ортиқча зеб бермайди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЗЕБ-ЗИЙНАТ, зебу зийнат **1** Турли хил безаклар, зийнат буюмлар. Баъзан зебу зий-нат тақинчоқларга беҳад берилган аёллар ҳам учрайди. Р. Усмонов, Одобнома. Кийим-бош, зебу зийнат ишлаганга ярашади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 кўчма Кўрк, хусн, чирой. *Яхши фази-латинг — зебу зийнатинг.* Мақол. **тм** *Соғинган кунлар ва айрилиқ ойларида дилларга тугилган ноёб ва ширин, ҳаяжонли ва самимий сўзлар севги суҳбатининг мундарижаси ва зеб-зийнати эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЗЕБИГАРДОН \ф. *ژ ج. ^j* - бўйинга тақиладиган безак] *этно.* Олтин ёки кумуш-дан ясалиб, бўйинга осиладиган зийнат буюми. *Шаҳзода бир жилмайиб қаради-ю, кичкина оппоқ кўлларини шўх бир адо билан зебигардон устига қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бойваччароқ қизлар.. бўйинларига зебигардон-лар, бўйинтуморлар, тиллақошлар ва тилла баргаклар тақиболган.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

ЗЕБО [ф. *j* — чиройли] **1** Гоят гўзал, барно, келишган. [Самандарнинг] *Қувончдан чақнаган кўзлари олдидан ўша излагани зебо қиз намоён бўлди.* С. Кароматов, Қалбимда қуёш. *Кийганида зебо қизлар янги либослар, Ўзбек дилин саховатин миннат-ла эслар.* М. Шайхзода.

2 Хушманзара, кўркам, чиройли. *Зебо ўлка. тм* *Кўклам қизи юз очди, мусаффо безанибдир, Эғнида яшил жомаси зебо безаниб-дир.* Ҳабибий. *Баҳор наққоши яна қўлига мўйқаламини олиб, табиат қўйнига зебо нақшлар сола бошлади.* М. Осим, Карвон йўлларида.

3 Зебо (хотин-қизлар исми). **ЗЕБОЛАНМОҚ** Чиройли бўлмоқ, гўзаллашмоқ. *Гулни ҳайрон қолдириб, зеболанибсиз мунча ҳам.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

ЗЕБОЛИК Чиройлилиқ, гўзаллик. *Зебо-ликда тенги йўқ қиз. тм* *Қошиннинг қароли-ги, Кўзининг зеболиги.* «Оқ олма, қизил олма».

ЗЕБОҚАД Қад-қомати келишган, хуш-қомат.

ЗЕБОҚОМАТ қ. зебоқад.

ЗЕБРА \фр. *zebre*] Отсимонлар оиласи-га мансуб, Африка саванналарида яшайдиган, танаси алмашилиб келувчи оқ ва қора чизиклар билан қопланган ёввойи ҳайвон. *Айниқса, зебра, қўтос, бегемот, фил ва оҳуларнинг кўп тури тарқалган.* «Фан ва турмуш».

ЗЕБУ [фр. *zebu*] Асосан Жанубий Осиё ва Шарқий Африка, қисман Америкада яшайдиган ўрқачли хўкиз. *Келиб чиқиши жиҳатдан қорамолга энг яқин турадиган ҳайвонлардан зебу ва қўтос хонакилаштирилган ҳолда учрайди.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

ЗЕНИТ \фр. *zenith* < а. *с^ui* - йўл, мақсад; азимут] **1** *от. астр.* Осмон гумбазининг кузатувчи тепасидаги энг баланд нуқтаси.

2 *сфм. ҳарб.* Осмондаги нишонларни уриб туширишга, ўққа тутишга мўлжалланган. *Битта самолётимизни зенит тўпи туширди.* «Шарқ юлдузи». *Бехосдан ҳаво тре-вогаси эшитилди. Зенит тўплари гумбурлай бошлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЗЕНИТКА с. т. Зенит қуроли. *Автома-тик зенитка. тм* *Тепаликларнинг эшагида оғир тўплар, узун қувурлари кўтарилган зе-ниткалар турарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юддуз.

ЗЕНИТЧИ Зенит қуролидан отувчи. *Ўқчи қисмларимиз эгаллаган линияларда зенитчилар йўқлигини пайқаган калхатлар яна-да пастлаб, марраларимизни бадтар чўқи-лашга тушди.* Б. Имомов, Ҳорманг, қурол-дошлар. *Зенитчилар нишоннинг тезлиги, йўналишини аниқлаб, отишга тайёр эканла-ри ҳақида рапорт беришди.* Газетадан.

ЗЕР [ф. — тагида, остида] Араб гра-фикасида қисқа «и» унлисини англатади-ган, ундош ҳарф остига қўйиладиган диа-критик белги.

ЗЕР-ЗАБАР, зеру забар \ф. *^j-^j* -остки-устки, остида, устида], Араб ёзувида унлиларни ифодалаш учун ундош ҳарфнинг ости ва устига қўйиладиган диакритик

бел-гилар. Муллалар ўқийди зеру забарни, Уста-лар ишлатар теша, табарни. «Хушкелди».

Зеру забар қилмоқ Остин-устун қилмоқ; тор-мор этмоқ, йўқ қилмоқ. *Қайда бўлса топармиз, деб жуда шаҳар халқиниям зер-забар қилди.* «Баҳром ва Гуландом».

10-Ўзбек тилининг изоҳли луғати

170

ЗЕРИКАРЛИ Кишини зериктирадиган, тоқатини тоқ қиладиган; кизиғи йўқ. *Зерикарли китоб. Зерикарли суҳбат. иш [Умма-тали} Радио эшитиб, ҳордигини чиқармоқчи эди, зерикарли мавзуда суҳбат кетаётган экан.* Шухрат, Жаннат кидирганлар. *Биринчи кун жуда зерикарли ўтди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЗЕРИКМОҚ 1 Бекорчиликдан сикил-моқ, ишсизликдан диққати ошмоқ. *Мирза-ев шу кун жуда зерикди. Бу зерикчи кеч-қурунга бориб диққатликка айланди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Уч кундан бери ёмғир эзибёзар, ҳашарчилар ишга чиқмай, зерикиб қолишган-ди.* Ў. Ҳошимов, *Бир томчи шудринг. Қиш чилласи уйга қамалиб, зерикиб ўтирувчи ё'и-ларга иш топилиб қолди.* Мирмуҳсин, Меъ-мор. *-Нури опа, зерикмадингизми? — деди танчага ўтни ағдариб Гулнор.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

2 Ҳар доим бир хил нарсани қилиш-дан безор бўлмоқ. *{Отабек} Ўқишдан зерик-кан кезларида Ҳасаналининг дўконига чиқар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кун бўйи укамни етаклаб юраман. Зерикаман.* С. Сиё-ев, Ёруғлик.

ЗЕРО \ф. l_>jj — чунки] эрг. боғл. Чун-ки, негаки. *[Абулмалиҳ:] Ҳеч ким ишқни бунчалик таъриф қила олмаган. [Навоий.] Зеро, ҳеч ким ишқ жабрини менчалик тортмаган.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Зеро, қўлёмалар тавсифини бериш ва каталоглар яратиш фишология фанининг энг мураккаб, энг масъулиятли соҳаларидан биридир.* «ЎТА». *Зеро, халқ шундай бир дарёи азимки, у тош-са, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур [деди Навоий].* Ойбек, Навоий.

ЗЕРОКИ [ф. *l_>jj — негаки, чунки] қ. **зеро.** *Зероки, Журжон шаҳридек ҳавоси мусаффо, суви тоза пойтахт тополмаймиз оламда.* М. Осим, Карвон йўлларида. *..Зероки, дунёдаги энг яқин кишиси унга «кет!» амрини берган эди.* А. Қодирий. Ўтган кунлар.

ЗЕФИР [юн. Zephyros — юнон мифоло-гиясидаги ғарбий шамол маъбуди номи] **1** Энсиз бўйлама йўллари бўлган, юпқа ва нафис ип газлама. *Оқ зефир. Зефир кўйлак.*

1 Мева шарбатига шакар қўшиб пиши-рилган қуюқ ширинлик; мева қиёми.

ЗЕХН [а. j_4i — идрок, фаҳм; хотира] Тушуниш қобилияти; идрок, фаҳм. *Бобур ўз зехнининг гўё қайралиб, ўткирлашиб кол-ганини сезибтурарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Меъморчиликда фақат зехну иқти-дорнинг ўзи кифоя эмас.* Мирмуҳсин, Меъ-мор. *Унинг зехни жуда ўткир, ўзи тиришқоқ эди..* П. Қодиров, Уч илдиз.

Зехн солмоқ Диққат билан қарамоқ, диққат қилмоқ. *Ота унга зехн солиб тикил-ди-да, туриб, эшикдан қаради.* Ш. Холмир-заев, Оғир тош кўчса. **Зехни ўткир** Тез тушуна оладиган, ақлли, доно. *Хирот шаҳри-да Зайниддин деган бола бор эди. Зехни ўткир, тиришқоқ бўлгани учун, у мактабда ҳамма-дан олдин ўқиш, ёзишни ўрганиб олган.* М. Осим, Сехрли сўз. **Зехни паст (ёки пўстак)** Тез тушуна олмайдиган, акли паст. *Меъмор зехни пўстак корфармодан хафа бўлмай, ичи-да кулди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ЗЕХНЛИ Тез идрок этадиган, уқувли. *Тиллаҳон ёшлигиданоқ чаққон, зехнли, зий-рак қиз эди.* «Саодат». *Роят, бул ўглингиз сер-гайрат ва зехнли эканлиги юриш-туриши, вазоҳатидан билиниб турибдур.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ЗИД(Д) \а. JLa — душман, рақиб; кара-ма-қаршилиқ] **1** Бир-бирига хилоф, кара-ма-қарши, акс, қарши. *Тошўлатнингми-ясида бир-бирига зид фикрлар талашар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Авазнинг дилини бир-би-рига зид, ноҳуш туйғулар тимдалаб ўтди.* С.

Сиёев, Аваз. *Холиса зрининг майлларига бошқа зид чиқмасликка аҳд қилди*. С. Ну-ров, Нарвон.

2 Бир-бирига душман бўлган, ўзаро ке-лиштириб бўлмайдиган, қарама-қарши. *Қандай қилиб сиз билан менинг дилим бир бўлсин! Ҳеч қачон бир бўлолмайди. Аксинча, ўт билан сувдек зид*. П. Турсун, Ўқитувчи.

Бировнинг зиддига иш қилмоқ Бировга қарши иш қилмоқ, кимсага душманлик қилмоқ. *Воқеадан хабарим бор. Тоҳиржон зиддинга иш қилмоқда*. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. **Зидди заҳар** эск. Заҳарга, заҳарла-нишга қарши қўлланадиган дори. *Заҳарлан-ганда сут, қатиқ зидди заҳар ҳисобланади*.

ЗИДДИЯТ \а. — душманлик,

қарши чиқиш| **1** Бир-бирига хилофлик, фикрий қарама-қаршилик, акслик. *Домла гапининг учини йўқотиб қўйдими ё фикрида-ги ошкор зиддиятдан хижолат тортдим, ямланибқолди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аммо мен инондим жаннатга бугун, Бу гап-*

да йўқ асло зиддият, тугун. М. Шайхзода, Йиллар ва йўллар. *Бояги мушкул зиддият-лар ҳали ҳам \ Бобурнинг] хаёлини банд қилиб, кўнглида тугун бўлиб турибди*. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Мурсога келтириб бўлмайдиган қара-ма-қаршилик, душманлик, адоват. *Муаррих уч йиллик воқеалар тафсилотини баён қилар экан, ўзи билан қўл остидаги кишилар ўрта-сида юз берган зиддиятларни ҳам очиқ-ой-дин ёзаверади*. «ЎТА». [Мулла Муҳиддин:] *Шуни биламанки, сизлар билан унинг орала-рингизда сув билан ўт орасидаги каби зидди-ят бор*. С. Айний, Эсдаликлар.

3 мнт. флс. Муҳокама юритишда, матн-да, назарияда ва умуман предмет, ҳодиса-ларда бири иккинчисини инкор этадиган икки мулоҳазанинг мавжудлиги ва улар ўртасидаги муносабатлар. *Зиддият қонуни*.

ЗИДДИЯТЛИ Бир-бирига қарама-қар-ши, ўзаро ихтилофли. *Ҳозирги замон поэзи-ясида рўй бераётган жараёнлар турмушининг ўзи каби мураккаб ва зиддиятли*. Газетадан.

ЗИДЛИК айн. **зиддият**. Синонимларнинг ўз табиатида «иккилик» — *зидлик мавжуд-дир*. «ЎТА».

ЗИДЛОВЧИ: зидловчи боғловчилар тли. Тенг ҳуқуқли гап бўлақларини ёки гаплар-ни бир-бирига зидлаб боғлайдиган ёрдам-чи сўзлар (мас, *аммо, лекин, бироқ*). *Зидлов-чи боғловчи бир уюшиқ бўлак таркибида, икки бўлак ёки ҳар бир жуфт орасида келиши мумкин*. «ЎТА».

ЗИЁ [а. рL^а — нур; йилтираш] **1** Ёғду, ёруғлик, нур. *Қаердандир отилган мушак-нинг кўз қамаштирувчи ёрқин зиёси тунни гўё кундузга айлантириб юборди*. Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон, *Оромбахш тонг! Тоғ орқасидан кўшарилаётган қуёшнинг дастлаб-ки заррин зиёлари шийпон тепасидаги шох-лар, дарахтларнингучларига тушиди*. Р. Фай-зий, Чўлга баҳор келди.

2 кўчма Билим, маърифат, илм; онгни ёритувчи ҳар қандай нарса. У [китоб] *инсон онгини пешлаб, зиё сари йўлини нурафшон қилувчи машъал эканлиги азалдан маълум*. Газетадан. [Гули:] *Ҳазал эрмас, бу бир меҳри гийёдур, Мунаввар айлаган дилни зиёдур*. Уй-ғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Гап одам-ларнинг номида эмас, албатта. гап респуб-ликада зиё тарқатиб келаётган муҳтарам ўқитувчиларимиз, уларнинг беминнат, лекин машаққатли меҳнатидадир*. Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Зиё (эркаклар исми).

ЗИЁД [а. зLз — кўп, ортиқча; қўшимча] **1** рвш. Ортиқ, кўп, бисёр. *Ғужбоғда юздан зиёд хонадон бор*. «Ёшлик». *Ҳозиргача 3 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» терган бўлажак шифокорлар кун сайин гайратга гайрат қў-шишяпти*. Газетадан. [Хосият:]

Мен сени ўз боламдан зиёд қилиб, елкамда кўтариб кат-та қилганман.. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 Зиёд (эркаклар исми)

ЗИЁДА [а. оҗЛз — кўпайиш; кўшилиш, кўшимча] **1** қ. **зиёд 1**. Аламли дардлари бўлар зиёда, Жафо кўрар йўлда пойи-тиёда. «Ойсу-лув». Бўлурми зулм бундан ҳам зиёда? С. Аб-дулла, Тоҳир ва Зухра.

2 кўчма Аъло, яхши. *Анаш халфа. Таби-аш уни баркамол эшиб яратмиш: хусну ма-лоҳатию ақлу заковати бир-биридан зиёда.* С. Сиёев, Аваз. *Айтиши қийин, дўстим, дафъ-атан: Ширинликда нима зиёда? Гўдак учун она кўксидан Ширин нарса йўқдир дунёда.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

3 Зиёда (хотин-қизлар исми). **Давлатингиз зиёда бўлсин** Бой бўлинг, бадавлат бўлинг. *Илоҳо, беғуноҳ гўдакларнинг дуойи хайри ила умрлари узун, давлатлари зиёда бўлгай.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЗИЁКОР [а. + ф. _lʃL-*i - зиё, билим тарқатувчи] Илм тарқатувчи, маърифат-парвар, билим тарғиб қилувчи. *Кутубхо-нанинг ўзида зиёкорлар улуғ саналарга ки-тоб кўргазмалари ўтказишмоқда.* Газетадан. *Зиёкор ўқитувчи мудом порлаб нур бермоғи, ўз зиёсидан авлодни баҳраманд қилмоғи ло-зим.* Р. Усмонов, Одобнома.

ЗИЁЛИ Аклий меҳнат билан шуғулланадиган; илмли, ўқимишли, маърифатли. *Қишлоқ зиёллари.* **тм** *Минбарлардан халқ зиё-лилари шарафига табрик сўзлари янграмоқ-да.* Газетадан. - *Инженерлар ҳам зиёли ҳисоб-ланадими ? — деди Ёқубжон Саудийга қараб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЗИЁН [а. — зарар; йўқотиш] **айн. зарар.** *Зиён келтирмоқ. Зиён кўрмоқ. тм* *Сен чурвақаларнинг қўлидан келадигани шу-да! Ишга зиён етказишдан бўлакни билмайсан-лар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. *Шаҳар кўчасида тутун бурқситиб юрган машина-нинг зиёни баъзан у келтирган фойдадан ҳам кўпдир.* Газетадан.

1^0 ¹⁴⁸

Бир мири ҳаён, уч мири зиён Фойдаси-дан кўра зиёни кўп. *Бундай одамлардан бир мири ҳаён, уч мири зиён.* С. Кароматов, Ол-тин қум.

ЗИЁН-ЗАҲМАТ қ. **зиён.** *Ўтган мавсумда у бир оз катта тезлик режимида ишлаб кўрган, бундан ўзига ҳеч қандай зиён-заҳмат етганини сезгани йўқ.* О. Мўминов, Хиёбон-даги уч учрашув.

ЗИЁНЛИ **айн. зарарли.** *Зиёнли иш. Зи-ёнли ҳашарот. Чекиш зиёнли.*

ЗИЁНЧИ Зарар етказувчи, зарарқунан-да. *Сизга бошқа одамлар тўсқинлик қилди, бўлмаса, бундай зиёнчилар, хушомадгўйлар-ни уриб, патини тўзатиб юборар эдингиз!* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

ЗИЁРАТ [а. оҗLj — ташриф, табаррук жойларга сафар қилиш] **1** *дин.* Муқаддас жойларга, мазор ва қабристонларга бориб сиғиниш. *Шунинг учун чинорнинг зиёратига атроф-теваракдан ҳар йили тумонат одам келибкетади.* А. Мухтор, Чинор.

2 Хурмат ёки расмият юзасидан кекса, табаррук кишилар, хурматли зотлар ҳузури-га ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни муборакбод қилиш. - *Отамни зиёрат этгани келиб эдим, — деди Ааматжон.* С. Сиёев, Ёруғлик. - *Мирзо Анвар инимга худо мартаба ато қилган эмиш деб эшитдим, — деди Сафар бўзчи, — пиримни зиёрат қилай, деб келяман.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Ҳам зиёрат, ҳам тижорат Сафар баҳо-насида бошқа ишни битириб келиш. *Эшон сўзини тамом қилгач, мулла Муҳаммад Са-лим унга: -Демак, сизнинг сафарингиз ҳам зиёрат, ҳам тижорат экан-да — деди.* С. Айний, Дохунда.

ЗИЁРАТТОҲ [а. + ф. »lʃc.jL,j - сиғи-ниладиган, зиёрат қилинадиган жой] **1** Зиёрат қилинадиган муқаддас жой, табар-рук қадамжо (азиз-авлиёларнинг мақбара-си ёки туғилган, яшаган жойи). *«Занги бобо» зиёратгоҳи бир мақбарадир.* М. Муҳаммад-

жонов, Турмуш уринишлари. *Кеча-кундуз зиёратгоҳ гавжум бўлар одамга*. У. Исмоилов, Сайланма.

2 Кишилар кўп борадиган, йиғилади-ган мўътабар жой. *Бегимқул ўзбек ўғлони бўлса ҳам, унинг қони Белоруссия тупроғига тўкилди. Шу боисдан унинг қабри белорус-лар учун зиёратгоҳга айланди*. Н. Сафаров, Оловли излар.

ЗИЁРАТХОНА [зиёрат+хона] *дин*. Зиё-ратгоҳнинг зиёратчилар тавоф қиладиган биноси, хонаси. *Бойқушларуяси бўлган икки туп чинорнинг қаршисида гумбазга рўбарў қилиб солинган айвон — зиёратхона бор*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗИЁРАТЧИ *дин*. Муқаддас жойларга зиёратга борган ёки борувчи киши. *Дарвозани тақиллатиб чарчаган зиёратчилар қўшни томондан ошиб, дарвозани очдилар*. У. Исмоилов, Сайланма. *У мазорга теварак-атрофдан зиёратчилар.. турли-туман назр-ниёзлар ва шу жумладан егулик нарсалар кўп келтирар эканлар*. С. Айний, Эсадалиқлар. *Шаҳарларнинг маъмуриятлари.. зиёратчи-ларнинг мамнун бўлиши учун барча тадбир-ларни кўрмоқдалар*. Газетадан.

ЗИЁФАТ [*а. - - меҳмондорчилик; меҳмондўстлик*] **1** Тантанали меҳмондор-чилик, банкет. *Зиёфат охирлади. тт Оқшом тушиб, зиёфат яримлаганда, ҳовлиқиб ҳудай-чи кирди*. С. Сиёев, Аваз. *Жўраларингни ча-қуриб, зиёфат қилиб бер, жили ялангоч бўлиб қолмассан [деди бригадир]*. С. Нуров, Май-саларни аёз урмайди.

2 Умуман, меҳмондорчилик, меҳмон қилиш. *Ҳакимбойвачча.. бир катта хитой лаганда уйилган қирғовул, каклик гўшти қовурмаси билан [эллиқбошини] зиёфат қилди*. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Таом, емак; егуликлар. *Шоназар зиёфат келтирди. Ҳакимжон билан Зевархон шу вақт-да хуржундан шахматни олиб, эрмак қилиб ўйнабўтиришди*. «Тоҳир ва Зухра». *Шунча еган зиёфатинг бас энди. Жонинг бўлса, ўзинг қил-гин амалинг*. «Баҳром ва Гуландом».

ЗИЖ [*а. < ф. - астрономик жадвал*] *астр.* Қуёш, Ой ва б. йирик сайёра-ларнинг юлдузлараро ҳаракатини, уларнинг самодаги вазиятини кўрсатувчи жадвал; астрономик жадвал (шундай жадваллар асо-сида таквимлар тузилади). *Аслида Ер ҳаракатда, деб фараз қилганимизда ҳам, бу ҳол ҳисоб ва зижларимизнинг моҳиятини ўзгартирмаган бўлур эрди*. «Фан ва турмуш».

ЗИЙНАТ [*а. - безак, пардоз; бега-тиш*] **1** Зеб, чирой бериш учун хизмат қилувчи буюм; безак. *Зийнат асбоблари. тт Унсин онасидан ёдгор қолган ва ягона зийна-ти бўлган юпқагина эски бшагузукни айлан-тириб гапирди*. Ойбек, Танланган асарлар. *Онамдан теккан мерос, Етти пушитимга*

173 ЯЪ^

асос. У на зийнат, на давлат, На сукунат, на роҳат. Г. Жўраева, Иқбол.

2 кўчма. Хусн, кўрк берувчи нарса; кўрк; иззат-ҳурмат. *Камтарлик — инсон зийнати*. Мақол. *тт Дастурхон — одамнинг зий-нати, болам. Одам олдида дастурхон ёйиши — ота-бобомиздан қолган расм*. П. Турсун. Ўқитувчи. *Ўрнидан туриб чой бериш одам-зоднинг зийнатидир, келинларнинг бор-йўғи келинлиги ҳам шунда-ку* А. Қодирий. Ўтган кунлар.

3 Зийнат (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ЗИЙНАТЛАМОҚ Безамоқ, нақшлар билан чирой бермоқ. *Хоразм тупроғида етилган тотли мевалар, туркман отлари, эроний гиламлар, Хива заргарлари зийнатлаган тилла буюмлар, той-той ипак ўрам-лари император ҳазратларига пешкаш қилинади*. С. Сиёев, Аваз.

ЗИЙНАТЛИ **1** Зийнат берилган, нақш-лар билан безатилган. *Зийнапъи камар. Зийнатли тақинчоқ*.

1 кўчма Гўзал, чиройли, кўркам. *Зий-натли турмуш*.

ЗИЙРАК [ф. ЛЛ[^]-Л — чаққон, эпчил; оқил, доно] Тез фаҳмлайдиган, фаҳми тез, сезгир. *Кексаик тоши, гам юки остида қад-ди букчайган бу зийрак чол аёлларнинг аҳво-ли руҳиясини сезди, англади.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Тиллахон ёшлигиданоқ чаққон, зехн-ли, зирак қиз эди.* Ж. Сейтназаров, Тилла-хоннинг қувончи. «Зийрак» деган сўз нима-ю, «Анқов» деган нимадир? Бу сўзларнинг маъ-носини, Айшинг-чи, ким билади? Қ. Муҳам-мадий, Зийрак ва анқов.

ЗИЙРАКЛИК Фаҳми тезлик, сезгир-лик. *Элмурод саволларнинг мазмунини дар-ров англаб, раҳбарнинг бунчалик одампар-варлиги ва зийраклигига жуда қойил бўлди.* П. Турсун. *Ўқитувчи. Жўрақул ўзининг зий-раклиги, билими, қобилияши ва жўшиқин гай-рати билан командирлар эътиборини ўзига тортди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрай-ди. *Фуломжон зийраклик қилиб, Аҳмад ака-ни олиб чиқиб кетмаганида, хунуқроқ воқеа рўй бериши турган гап эди.* Р. Файзий, Ҳаз-рати инсон.

ЗИКР [а. — эшлаш, ёдлаш; хотира] **1: зикр этмоқ** (ёки **қилмоқ**) *кт.* Эсламоқ, ёдга олмоқ, қайд қилмоқ. *Навоий юкорида ном-лари зикр этиб ўтилган шоирлар битН якин-дан таниши бўлган.* «ЎТА». *Айниқса қуйида зикр қиладирган ҳолимиз бу икки опа-сингилнинг характердаги фарк[^]иржи очиб кўрсатиши учун етадир.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 дин. Тасаввуфда мусулмонларнинг ху-дони ёдга олиш билан боғлиқ маросими ва шу маросимда айтиладиган мусиқий-шеъ-рий туркум. *Биз зикрдан гузарга чиқиб, ҳар ер-ҳар ерда бўлаётган базмларни тамошо қилдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш ури-нишлари. *Халфаларни ҳам таклиф этинг, зикр олдидан овқатгишиб олишин.* Ё. Шуку-ров, Қасос.

ЗИКР-САМО, зикру само \а. [^]Л[^]и — номини айтиш ва тинглаш] **қ.** **зикр 2.** *Илмнинг, санъатнинг, китобнинг ўрнини сўфиларнинг тасбеҳи, каромати, зикру са-моси эгаллади.* Ойбек, Навоӣ.

ЗИКРХОНА [зикр + хона] Зикр туши-ладиган ёки тушилаётган жой, хона.

Зикрхона у ерда, ҳалимхона бу ерда *Хиз-матни бирор ерда қилиб, ҳақини бошқа ерда талаб қилинганда айтиладиган ибора.*

ЗИКРЧИ Зикр тушувчи одам, зикр қат-нашчиси. *Бобом «ҳув» деб, дарров ўртадаги зикрчиларга қўшилиб, зикр тушиб кетди.* Ойбек, Болалик.

ЗИЛ I *Ердан узиб бўлмайдиган даража-да оғир (нарсa, юк ҳақида).* *Зил юк. тт Лоига тушиди югуриб шу чоғ, Зил шотини кўтарди азот.* Мирмуҳсин. *Шофёр зил гавдасини бир тебратиб қўйиб, яна гапга тушиб кетди.* «Муштум».

ЗИЛ II [а. — йўлдан озиш, адашиш; ҳалокат] *Кишига оғир ботадиган, оғир те-гадиган.* *Ҳазил, ҳазилнинг таги зил.* Мақол.

Ичдан зил кетмоқ 1) қаттиқ мулзам бўл-моқ, хижолат тортмоқ; 2) алам ва ҳасад-дан эзилмоқ, руҳан қийналмоқ. *Натижада ютуқларимизни кўролмаи, ич-ичидан зил ке-таётган душманларимиз шармандаю шарми-сор бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар; 3) кўрқиб хавотирликка тушмоқ, ич-ичидан кўркмоқ. *Мадумар ҳокимнинг совуқ муома-ласини кўриб, ичидан зил кетди.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

ЗИЛ III *Бир-бирига уриб чалинадиган, металл дисклар шаклидаги мусиқа асбоби; қ.* **гонг 1.** *-Маданият уйи асбоблар сотиб олгани пул берди. Ҳозироқ барабан, зил, кар-най сотиб олдик, — деди Собиржон Маи-рабга.* Ш. Саъдулла, Икки билагозук.

ЗИЛДАЙ, =дек *Жуда оғир, кўтариб бўлмас даражада оғир.* *Поезд жўнашига учин-чи қўнгироқ урилганда, икки қўлида зилдек чамадон кўтарган, бўйни елкасига туташиб кетган бир киши кирди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Кайфияти бешбаттар хуфтон бўлган Фар-монов уйга қайтди-ю, ечинмасдан, зилдай гавдасини диванга ташлади.* «Муштум».

ЗИЛ-ЗАМБИЛ **қ.** **зилдай.** *Зил-замбил гшам. ши Каттақўрғон шаҳридаги комбинат ишлаб чиқараётган зил-замбил столлар, ди-ванларни ўрnidан қўзғатиши учун кўтарма*

кран керак. 0. Юнус, Крчинг, телефон жи-ринглаяпти. *Кетмонни кўтарай десам — зил-замбил. Х. Назир, Ёнар дарё. Олинган наму-наларни Викторнинг зил-замбил чамадонига солиб, ўзи тўшак-қопга кирди.* С. Кароматов, Олтин кум.

Зил-замбил бўлмоқ Хижолатдан ноқулай ҳолатда қолмоқ, изза бўлмоқ. *Мен зил-зам-бил бўлиб, ерга кириб кетай дедим.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

ЗИЛЗИЛА \а. 4-!>lj — ер силкиниши, титраши] Табiiй сабаб орқасида вужудга келадиган ер ости силкиниши ва тебрани-ши; ер қимирлаши. *Бир нафаслик зилзила-дан кечаги шаҳарлар саҳрога айланди.* Шук-рулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Тошкент зил-зиладан кейин янги кўриниши олди.* Газетадан. *Кундузги олти балли зилзила, иморатларнинг қисир-қисури ваҳимани кучайтирди.* Мир-муҳсин, Умид.

ЗИЛЗИЛАБАРДОШ [а.+ ф. ^Iʃ^AJʃʃʃ — зилзилага чидамли] Ер силкинишлари-га, зилзилага чидайдиган, бардош беради-ган. *Зилзилабардош иморатлар.*

ЗИЛЗИЛАШУНОСЛИК Геофизика-нинг зилзиланинг содир бўлиш сабаблари-ни, унинг оқибатларини ўрганувчи бўли-ми; сейсмология. *Ўрта Осиёда зилзилашу-нослик фанини ривожлантириш халқ хўжа-лиги тараққиётида катта аҳамиятга эга-дир.* «Фан ва турмуш».

ЗИЛЛАТ [а. iiJ] — хорлик, хўрланиш; шармсорлик] *кт.* Камситиш, хўрлаш, ҳақорат; тубанлик. *-Шунда биз зорликдан, зиллатдан қутулурмиз, тинч бўлурмиз, ватанамиз тинч бўлсин, омин! — деди оломон.* Ойбек, Нур кидириб. *Ҳар балодан асрагучи энг муҳим қиммат яроғ — Тири ваҳшат, хан-жари зиллатга қалқондир китоб.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ЗИЛОЛ [а. - тоза, булоқ суви] *кт.* Ниҳоят даражада тиниқ, шаффоф. *Зилол еуе. илт* Ёўл ёқасидаги ариқда зилол еуе мавж уриб оқмоқда. Н. Сафаров, Оловли излар. *Улар [Турғун еа Саодат] пасиға тушганда, дарёнинг зилол суви бўтана бўлиб, қиргоқ-дан оша бошлаган эди.* О. Ёқубов, Тоғ қизи. *Зилол сувнинг ойинасида Иккисининг акси жонланар.* Х. Олимжон, Икки қизнинг хикояси.

ЗИМ: зим (ёки зим-ғойиб) бўлмоқ Ёўк

бўлмоқ, ғойиб бўлмоқ, йўқолмоқ, бедарак кетмоқ. *Бир ҳафтадан бери қаёққа зим бўлдинг?З.* Фатхуллин, Оби ҳаёт. *Қилгилик-ни қилиб бўлиб, бандитлар бирпасда зим-ғойиб бўлдилар.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Икромжон диванга ўтириб қолди.* *Турсунойнинг завқи зим-ғойиб бўлди.* Ш. Хол-мирзаев, Оғир тош кўчса.

ЗИМДАН [а. i •■ G ~ — билвосита, яши-ринча] *рвш.* Махфий суратда, яширинча, билдирмасдан. *Зимдан кузатмоқ. илт* Пайга-мов мийиғида кулиб, кампирга зимдан қара-ди. С. Нуров, Нарвон. *Ашмардон чойни олар-кан, зимдан унга қараб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқсол. [Ашурхон] *Ширмонхон-нинг унга зимдан тикилиб турганини сезиб, безовталанди.* С. Зуннунова, Олов. \ Майна\ *Ошиқ йигитларнинг кўзлари ва илиқ табас-сумлари ҳақида зимдан ўйлаб, яна ўзидан-ўзиуялибкетарди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

ЗИМ-ЗИЁ \ф. ʋL^ʃ^, - «сиёх» сўзи-нинг куч. шакли: тўқ қора] Ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган даражада қоронғи; қоп-қоронғи, тим қоронғи. *Зим-зиё тун. иш* Меҳмонлар кўчага чиққанда, *атроф зим-зиё, юлдузлар улкан қора чодирга қадалган беҳи-соб чироқлардек йилтиларди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Нестеренколар қайиқларда ўтириб олиб, зим-зиё тунда дарёда.. эшак тортиб борардилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Чирилдоқлар овозига тўла зим-зиё чўл кечаси.* М. Мансуров, Ёмби.

Зим-зиё бўлмоқ айн. зим (ёки зим-ғойиб) бўлмоқ қ. зим. -Оппоқ қизим, жуда зим-зиё бўлиб кетдинг?Хабар ҳам олай демайсан? — деди Мурод ота. И. Ўктамов, Ҳикоялар. [Ашир\ *Зим-зиё бўлиб кетиб, бирдан шаҳар-даги чайқов бозор ўртасидан шўнгиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Зим-зиё қилмоқ** Ёўк қилиб юбормоқ, йўқотмоқ; ўзлаштириб олмоқ.

ЗИМИСТОН \ф. $a^{\wedge}j$ - Қиш| 1 Кзғш. *Зимистон* фаслида кирсанг уйингга, Хузури дил, чу богу бўстон печ. Муқимий. *Ҳар Mailed*, киёк қиш уйқусидан уйғониб, зимистон совуқларидан қутулиб, яйраб-яшинаган. Ш. Рашидов, Асарлар.

2 Ёруғлик, офтоб нури тушмаган жой; қоронғилик. *Зимистон*. Эшик тирқишидан ипдек нур тубиш турибди. С. Сиёев, Аваз. *Осмонда қора булутлар пайдо бўлиб, ўрмон ичини зимистонга айлантирди*. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

3 сфт. кўчма Қоп-қоронғи, тим қоронғи, зим-зиё. *Долон кундуз кунлари ҳам қоронғи — зимистон бўлади*. Ж. Шарипов, Хо-разм. *Кўзимни очсам — уй зимистон, болиш-ни қучоқлаб ётибман*. Т. Мурод, От кишна-ган оқшом. *Уйнинг ичи зимистон эди*. Э. Раи-мов, Ажаб қишлоқ.

4 кўчма Рўшноликдан махрум, зиёдан махрум ҳаёт. *Не зотлар ўтдилар ҳасратга тўлиб, Кунлари зимистон, тунни сим-сиёх*. А. Орипов, Ёиллар армони. *Ёруздунё шу экан, деб зимистонга кўникиб қолганмиз [деди Онахон]*. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Зимис-тонинг битди энди, Турғуной, Бахшинг кул-ди бамисоли шўлган ой*. И. Султон, Номаъ-лум киши.

5 кўчма Номаълум, қоронғи нарса; но-маълумлик. -У одамнинг ўтмиши зимистон. *Ана шу ўтмишини яшириб юради, — деди Сартаков*. И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ЗИММА \а. *А!л* — таъминлаш, ҳимоя, қарз; виждон; масъулият] (*фақат ж. к., ў. -п. к. ва ч. к. шаклида эгалик қўшимчала-ри билан ишлатилади*) Кимсанинг гарда-нидаги, бўйнидаги иш, вазифа, масъулият, бурч. *Агар сен бу ёқни ўз зиммангга ола-диган бўлсанг, бу томондан ҳам хотиржам бўламан*. А. Қодирий, Обид кетмон. *Ишининг огири масъул котибнинг бўйнида, журнал чиқариши деярли шу тўртликнинг зиммасида эди*. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Аввал бу юмуш-лар Мамарайим аканинг зиммасида экан. «Шарқ юлдузи»*.

Зиммасига олмоқ Гарданига олмоқ. *Хўжалигимиз деҳқонлари ўз зиммаларига олган давлат топиригини шараф билан адо этдилар. «Ўзбекистон кўриклари»*. **Зиммасига тушмоқ** Гарданига тушмоқ. -*Зиммамиз-га тушадиган ишни билиб олайлик, ўртоқ раис, — деди ярим ҳазил оҳангда Дмитрий Николаевич*. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Зиммасига юкламоқ** Гарданига юкламоқ. *Ҳақиқатан ҳам батальон зиммасига катта масъулият юклатилган*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЗИМН \а. *ц ол* — таркибидаги, ичида-ги нарса] *кт.* Мазмун, моҳият; асос, замин. *Биз бул газал мусаннифини тутиб, сазойи этишини эмас, газал зимнидаги сўзларни мушоҳада қилиб кўрмогимиз макбулдир*. С. Сиёев, Аваз.

ЗИМНАН \а. *І; л ,л* — билвосита, яши-ринча] *эск. айн. зимдан*. *Зимнан кузатмоқ*.

ЗИМ-ҒОЙИБ: зим-ғойиб бўлмоқ қ. **зим**.

ЗИНА [ф. — поғона, даража; нар-вон, пиллапой] **1** Бино ва иншоотларда юқорига чиқиш ёки пастга тушиш учун мўлжаллаб ясалган поғонали қурилма ва унинг ҳар бир поғонаси; зинапой. *Ғиштин зина. Мармар зина. Зинадан чиқмоқ. тш* Ҳам-дам ака айвон зинаси олдида тўхтади. С. Зун-нунова, Гулхан. \Алимардон\ Кампирнинг гапларини эшитиб ҳам ўтирмай, зиналардан чо-тиб тушиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Сафарали бир зина пастга туш-ган эди, орқада рус қизи бир нима деди*. Ой-дин, Келин ўғил туғибди.

2 Остона, бўсаға. *Эшик очилиб, шоп мўйлов, гўштдор юзидан захар томчилаган Мочалов билан бирга унинг каби погонли, яроғ-аслаҳали.. тўра зинада қаққайди*. Ойбек, Танланган асарлар. *Узоқдан дарвозамиз кўринганда, юрагим шув этиб кетди. Дарво-за зинасида кимдир чўққайиб ўтирарди*. У. Усмонов, Сирли соҳил.

З кўчма Босқич, поғона; марта, карра. Хоннинг йўлбошчиси бўлган кишининг ўзи зулмда Азизбекдан неча зина баланд ўринни ишғол этувчи кимса бўлса, биз қандоқ қилай-лик! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗИНАПОЯ \ф. 4_1_i4_L.j] қ. **зина** **1**. Бугун Бобур келишидан олдин Хўжа Абдуллонинг фармойиши билан қасрнинг зинапояларига яна пойандоз тўшалди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Латифий Фотиманинг қўлидан уш-лаб, зинапоядан четроққа тортди.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

ЗИНГИЛ: **зингил солмоқ** *шв.* Разм сол-моқ, астойдил, синчковлик билан тикилмоқ. *Намозшом эса чорпояда терлаб-пишиб ёвгон иўрвага нон бўктириб еяётган жигар*

177

банди — Қодирга зингил солиб қаради, хўп оғиз жуфтлаб кўрди, аммо истиҳола қилди, индамади. «Ёшлик».

ЗИНДА [ф. j — жонли, тирик] **1** *эск.* Тирик, барҳаёт.

Зинда қилмоқ Тирилтирмоқ; ҳаёт, жон бахш этмоқ. [*Ҳайитжон Тўлаҳонга.*] *Бир аканг борки, мурдани зинда, зиндани газанда қилади.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Фироқинг-да гоҳи юз ўлдириб, гоҳ зиндалар қилдинг. Висолинг захридани нўш айласам, сен гамза-лар қилдинг.* «Муштум».

2 *қарг.* Ўлгур, бадбахт. *Осинонада ўлигинг қолсин, зинда!* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Илоё ўнганмасин, мени куйдирган зинда\ \деди Холжон].* Уйғун, Асарлар.

ЗИНДОН \ф. (jlojj — турма, қамоқхо-на; бандихона] **1** *тар.* Амир ва хонлар замонида ер остига қурилган зах ва қоронғи қамоқхона. *Зулм зиндондан ёмон.* Мақол. **тп** *Маҳбусларга тўлиб зиндонлар, Адолат деб тўкилди қонлар.* Э. Раҳим, Янги қадам.

2 *кўчма* Азоб-укубат макони; азобхона, ғурбатхона. *Хуросон олимларучун зиндон \деди Бадиа].* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳечмаслаҳат чиқмади, Эр ва хотин бемадор: Бўлган эди кенг дунё Булар учун зиндон, тор.* Ғайратий. *Гуландом дуторни олиб созларкан, деди: -Дутор бўлмаса, бу зиндонда юрагим ёрилиб ўлар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўча хандон, уй зиндон Кўчада ўйнаб-кулиб юрувчи, уйда ғазабини сочувчи одам ҳақида. [*Нафиса*] *Бундай қараса, қизи Су-райёнинг тили «қақа», «шоколад»га келиб, пилдираб юриб ҳам кетдики. Аъзам димоғи-дан тушмайди, юзингда кўзинг борми, демай-ди. Кўча хандон, уй зиндон.* Шухрат, Жан-нат кидирганлар.

ЗИНДОНБАНД [ф. -зиндонга камалган] Зиндонга солинган, камалган. *Амир уларни яна дарҳол ушлатиб қаматди, ўлдирди, зиндонбанд қилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ЗИНДОНБОН \ф. ^LjUj - зиндон кў-риқчиси] Зиндон қоровули. *Улар қалъа дарвозаси ёнига етиб келиб, зиндонбонларга йўлиқишди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Зиндон ёнига бориб, зиндонбон билан гаплашди.* С. Сиёев, Аваз. *Зиндонбон, бекларнинг қошига бориб, маълум қилди. «Эрали ва Шерали».*

ЗИНДОНИ \ф. ^lU} - маҳбус] *с. т.* Баданга чиққан катта, ёмон яра.

Пулига зиндони чиқибдими Ўз пулини қизганиб, бировдан тама қилувчиларга нис-батан қўлланадиган ибора.

ЗИНДОНЧИ *с. т.* Зиндонбон.

ЗИННИХ *с. т.* Зирних.

ЗИНО \а. tɒj - бевафолик, бузуклик; фоҳишалик] **1** Никоҳсиз, ношаръий жин-сий алоқада бўлиш; фаҳш. *Бир шаҳарда бир бузуқ хотин бор экан. Шу хотин қариганда, қиёмат ваҳмига тушиб, аъламнинг олдига борибди: -Аълам почча, киши зино қилса нима бўлади? - деб сўрабди.* А. Қахдор, Кўшчи-нор чироклари. *Мана шу табиати билан у \Крсим ювош\ хиёнат, зинони билмаган иб-тидоий давр одамларини эслатарди.* У. Ҳаки-мали, Навбахор.

2 кўчма Гуноҳ, айб. -Бомдод намозида ё шариятга, ёинки зино ишларга рўйхуш-лигингизни аён қилинг,— деди мударрис Мамаражаб. С. Сиёев, Қиз боланинг пан-ди. Насриддин ҳам кетар сал йироқ, Юз бермасин тагин бир зино. М. Али, Боқий дунё.

Валади зино қ. валад 1.

ЗИНОКОР \а. + ф. jLSbj -зино қилувчи, бузук] Зино ишлар қилувчи; бузук, фосиқ. Асрорқул кулиб: -Зинокор! — деди таънали оҳангда. — Уялмайсанми?Н. Қили-чев, Ёронгул.

ЗИНОКОРЛИК Хиёнат, бузуклик, фаҳш.

ЗИНХОНА 1 қ. зиндон 1. Беш минутдан кейин бойнинг зинхонасида «вой жоним» деб ётганлар устига яна икки банди ортган эди. С. Айний, Қуллар. Катта бинонингунг та-рафида хонақоҳ ва чап томонида икки қават-ли иморат, унинг ости зинхона ва устки қисмида қатор ҳужралар. А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 кўчма Фаҳш, гуноҳ ишлар билан шу-ғулланадиган жой. Ишдан кетсам кетаман-ки, бу идорани — бу пирхонани зинхона қили-шингизга йўл қўймайман. Н. Аминов, Ёлғон-чи фаришталар.

ЗИНҚАРЧА шв. айн. жинқарча 1. Фақат «Равшан» ва «Қундуз билан Юлдуз» достон-ларининг ўзидагина баҳрин.. зинқарча, зар-галдоқ.. каби олтмишига яқин қуш номлари тилга олинади. «ЎТА».

2 айн. жинқарча 2. -Хўш, ўзингча фалса-фа деб ўйлаган бу одобсиз сафсатанг билан нима демоқчисан? Мени илон қилияпсанми,

Ў Я Ў

зинқарча?! — деди Фосиҳ афанди Дилишодга. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЗИНГИЛЛАМОҚ 1 Жуда тез юрмоқ, зипилламоқ, физилламоқ. Фойтунчи иргиб тушиб, Калтаминор томон зингиллаб кет-ди. С. Сиёев, Аваз. Узингиллаганича навбат-чи аёл ўтирадиган томонга кетди. Л. Тожи-ева, Меҳрим сизга, одамлар. Кенжа зин-гиллаганича уйга чопиб кетди. Н. Фозилов, Оқим.

2 Ғувиллаган товуш чиқармоқ, визил-ламоқ. Қулогим зингиллаб кетди. **тп** Тепада зингиллаб учган снарядлар, миналарнинг бад садоси, олов ва тупгун аралаши ер уюмлари.. Ойбек, Қуёш қораймас. Лекин атрофда су-кунат, қулоқларни зингиллатувчи сукунат ҳукмрон. С. Нуров, Нарвон.

ЗИНҲОР \ф. jL^3 — хавфсизлик, хи-моя, паноҳ] рви. Асло, сира, мутлақо. Бировнинг айбига кулмагин зинҳор, Сенинг ҳам айбингга кулувчилар бор. Мақол. **тп** Дунёни қизганма мандан, азизим, Мен сенинг кўчанг-дан ўтмасман зинҳор. А. Орипов. Отангни(нг) элига бормагин зинҳор Ҳам бизларни қилма, ука, гуноҳкор. «Эрали ва Шерали». Рихси-войнинг фикрича, қурилишини тўхтатармиш, электрда соғилган сут ёқмасмиш. Мен бу фикрга зинҳор қўшилмайман. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЗИНҲОР-БАЗИНҲОР рви. Сира ҳам, асло-асло. Маждиддин.. жахлли товуш билан гапирди: -Сиз бу сўзни иккинчи дафъа зинҳор-базинҳор оғзингиздан чиқарманг. Ойбек, Навоий. Йўқ, Султон дардини жиянига зинҳор-базинҳор ошкор этмоқчи эмас. Х. Сул-тонов, Онаминг юрти. [Содиқжон:] -Юл-дузхон чиндан ҳам сенга кўнгил қўйган бўлса-я, сен бунга сезсанг ҳам, зинҳор-базинҳор сир бой берма, — деди ўзига ўзи. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЗИП: зип этиб Жуда тез, елдай учиб. Зип этиб трамвайга чиқиб олдим.

ЗИПИЛЛАМОҚ с. т. Физилламоқ, жуда тез юрмоқ, елмоқ. Бир оздан сўнг амакиси ҳовлига чиқди ва зипиллаб оишхонага кирди. П. Турсун, Уқитувчи. Ўзи бебаҳо дастёр-а, зипиллаб, ҳамма ишни битиради бир зумда. С. Нуров, Нарвон. Акам бўлса, отам уйдан кетиши билан, тегирмон бошига қараб зи-пиллайди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

ЗИР I рви. Иш-ҳаракатнинг тез, чақ-қон бажарилишини, қайта-қайта амалга ошишини билдирадиган сўз. Хизматкор хо-тин зир югуриб, чой тайёрларди. Мирмуҳсин, Умид. Меҳмонларга ҳали у, ҳали бунга ташиб, ташиқари ҳовли билан ичкари ҳовли

ўртасида зир югурдим. П. Турсун, Ўқитувчи. *Наҳотки икки йилдан бери бир бечорани зир қатнатиб овора қилсалар, Тошкент қишлоғи билан Марғишоннинг ораси озгина йўлми ахир?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗИР II тақл. с. Ларзадан тебранувчи нарсаларнинг ҳаракати ва товуши ҳақида. *Портлаш зарбидан ойналар зир этиб кетди. тт Руҳли, кучли кўкракдан чиққан бу ашула теваракни зир эттириб юборгудек, Отабекка ҳам бошқача бир таъсир берадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Зир титрамоқ 1) совуқдан, кўркув ёки хаяжондан қаттиқ қалтирамоқ. *Зир титрадим, бир кўрқдимки, нафасларим бўғилиб кетди.* Ойбек, Нур қидириб. *Зумрад зир титраб, ҳамма уйни айланиб чиқди.* С. Сиёев, Отлик аёл; 2) кўчма жуда ҳам кўрқмоқ, ҳайикмоқ. *Умendan зир титрайди. тт Так-яхона эшиги ичкаридан тарс-тарс урилди. Эшони судур зир титради.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. **Юраги зир этмоқ** Юраги шув этмоқ, юраги гуп-гуп уриб кетмоқ. *Танти-бойваччанинг юраги зир этиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗИРА [ф. ь— хушбўй ўсимлик уруғи] Зирадошлар оиласига мансуб кўп йиллик хушбўй зиравор ўсимлик ва унинг овқатга ишлатиладиган уруғи. *Садаф хушбўй зира солинган шавлани чолга суриб кўйди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Чошнагир аёл олтин лаганда зира ҳиди келаётган ка-боб кўтариб кирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЗИРАВА шв. Зирапча.

ЗИРАВОР Овқатни хушбўй ва хуштаъм қилувчи ўсимликлар (мас. зира, зирк, қораканд, зарчува, қалампир, мурч) нинг уму-мий номи. *Ҳатто шу ниятда аллақаяқдан зиравор ҳам топиб келди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Қабобнинг, зираворлар сепилган думба ёгининг димоғни қитиқловчи иси чор-атрофга ёйилди.* «Ёшлик».

ЗИРАЗОР Асосан зира ўсган майдон. *Табиий зиразорларимиз ҳам қаровсиз қолиб, пайҳон бўлиб кетяпти, бу ҳол эса ўсимликнинг кўпайишига халал берапти.* «Фан ва турмуш».

ЗИРАК Қулоққа тақиладиган безак; исирға. *Тилла зирак. тт Икки қулоғига офтобни узиб олиб қўйгандек ялтироқ зирак таққан бир қиз кирди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Сабоҳатнинг панжаларида кўша-кўша узук, қулоғида зирак, билагида тилла билагузукка ўрнатилган соат.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

ЗИРАЛАМОҚ Зира сешиб қўймоқ, зира билан аралаштирмоқ. *Гўшитни зираламоқ.*

ЗИРА-ПИЁЗ Майда тўғралган пиёз би-лан зира аралашмаси. *Зира-пиёз сепилган гўшитнинг ҳиди Аҳмедовнинг сўлагини оқизди.* С. Зуннунова, Янги директор.

ЗИРАПЧА Терига санчилиб қолган ни-надек ингичка чўп; тиканак. *-Сенинг би-рон еринга кирган зирапча менинг юрагимга киради, — деди Ашурмирзо.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Зирапча кирса ҳам, тиш оғриси ҳам ҳаловат йўқолади.* «Фан ва турмуш».

ЗИРБАК [ф. L ь— зира солинган гўштли шўрва] Палов учун қовуриб, сув солиб қайнатиб қўйилган гўшт, пиёз, саб-зи. *Саидий ҳовлининг саҳнига бурилди, димо-ғига зирбак ҳиди келди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЗИРВАК с. т. Зирбак. *Бир қозонда мака-рон шўрва қайнапти. Иккинчисида ошининг зирвагини қиляпман.* П. Қодиров, Қадрим.

ЗИР-ЗИР: зир-зир титрамоқ (ёки қал-тирамоқ) айн. зир титрамоқ қ. зир. *Зир-зир қалтираган Гулнор шўрвани нари-бери сузиб келди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Саҳнада-ги Гулсаранинг ҷайгу-аламлари эскиликнинг даҳшатли кучи олдида зир-зир титраб ту-радиган аёлнинг қайгу-кулфатлари эди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ЗИРИЛЛАМОҚ 1 Ларзага келмоқ, титрамоқ. *Момақалдиқодан деразалар зириллади. тт Узоқдан самолётларнинг гувулла-ши эшитилди. Ер ва ҳаво зириллади.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Синфимиз болалар кулгисидан зириллаб кетди.* Т. Мурод, От қишнаган оқшом.

2 кўчма Жуда кўркмоқ, ҳайикмоқ. Уста Маҳкамнинг кичик қизи Инобат маҳмадо-нагина чиққан. Келин аялари ҳам, опалари ҳам ундан зириллаб туришади. С. Аҳмад, Асарлар. Моҳидил ҳам акасининг ўжарли-гидан зириллаб турарди. С. Зуннунова, Гўдак хиди.

3 айн. **безангламоқ**. Мажлисларда ким-нинг имчилиги бўлса, [Асрора] шартта юзига айтаверарди. Ундан раис ҳам ҳайиқарди. Қизлар-ку зириллашарди. С. Аҳмад, Уфк.

Юраги зирилламоқ Кучли даражада кўркмоқ. Унинг [Муқаддамнинг] қадам бо-сишига мажзоли қолмаган, ичкарига кириши биланоқ пичоқ кўтариб турган дадасига рўпа-ра бўладигандай, юраги зирилларди. У. Ҳоши-мов, Қалбингга кулоқ сол.

ЗИРИҚТИРМОҚ Тумтарақай қилиб қувламоқ, тириқтирмоқ. [Ёрмат] Тумов ор-қасида буридан тўхтовсиз оққан сувни ҳам сезмайди.. Чағир-чусур қилиб, ошиқ ўйновчи маҳалла болаларини зириқтириб қувлайди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЗИРК [ф. Jijj , ."vAuj - қизил ва ач-чиқ мевали ўсимлик, барбарис] Тоғларда ўсадиган кўп йиллик тиканли бута ва унинг ҳосили. Яна йўл. Тоғ-тош. Харсангларга қапишиб ўсган зирк. Газетадан. Аваз билан Хулкар юқоридан шилдираб тушаётган ти-ниқ сув бўйида, арча билан айқашиб ўсган зирк тагида ўтириб овқатланишар эди. П. Қодиров, Қора кўзлар. Зира, зирк солинган хушбўй паловнинг Бир чимдими ҳозир қилди хумори. С. Зуннунова, Соғиниш.

ЗИРНИХ [а. ^i:jj ~ маргимуш; марги-мушли олтингугурт] 1 Бадандаги тукни тўкиш ва яра-чақаларни даволаш учун иш-латиладиган олтингугуртли қоришма.

2 Дўппига гул босиш учун ишлатила-диган сарғиш бўёқ.

ЗИРОАТ [а. с^.\uj - деҳқончилик] 1 айн. **деҳқончилик** 1. Кучимиз кам, ҳукумат ўзининг трактори, машиналари, бояги айт-ган зироат илмини биладиган муллалари би-лан бизга кўп ёрдам берсин, дейман. А. Қоди-рий, Обид кетмон.

2 айн. **деҳқончилик** 2. Ахир у ерда одам-лар бўлган-ку! Улар зироат қилишган. С. Ка-роматов, Сўнгги бархан.

3 Қишлоқ хўжалик экинлари. Ерда қол-мас зироат, Омон бўлсак кўпчилик. Газета-дан. Камбагал деҳқонларнинг қанча-қанча зи-роатлари сувсизликдан қуриб кетган. Ҳ. Но-сирова, Мен ўзбек қизиман.

ЗИРОАТЧИ эск. 1 қ. **деҳқон**.

2 айн. **агроном**. Жадид мактабларни кўпроқ очиб, дунёвий фанларни ўқитиб, ўз миллатимиздан — асилзодаларнинг ўғилла-ридан муҳандис, зироатчи, доктор, техник тайёрлаб чиқаришимиз лозим [деди Ислом-хўжа]. Ж. Шарипов, Хоразм.

155 ду^

ЗИРОАТЧИЛИК эск. айн.. **деҳқончилик**

2. [Абдужабборхўжа] Пахтачилик зироат-чиликда энг кўп даромад келтирадиган бўлгач, базозликдаги дўконини акаси Аҳмад-хўжага топшириб, ўзи Сойариқ қишлоғига кўчиб чиқди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

ЗИРҚ-ЗИРҚ: зирқ-зирқ қилмоқ Зирқи-раб, қақшаб оғримок.

ЗИРҚИЛЛАМОҚ с. т. қ. **зирқирамоқ**. Муқаддамнинг мияси зирқиллаб кетди. У. Ҳо-шимов, Қалбингга кулоқ сол.

Юраги зирқилламоқ Кучли хаяжондан ёки кўркувдан юраги дуқилламоқ. Ёримдан хабар келса, Юрагим зирқиллайди. «Оқ олма, қизил олма».

ЗИРҚИРАМОҚ Тўхтовсиз оғриб тур-моқ, зирқ-зирқ қилиб қақшаб оғримок, сирқирамоқ. Йигитали танҳо юлдузга ти-килганича анча ётди. Оёгининг зирқираши сап босилди. Т. Малик, Ажаб дунё. Ўнг қўлим-ни кўтара олмайман. Зирқираб оғрийди. С. Сиёев, Ёруғлик. Бозорқул баъзида чалопдан ичи қулдураса ёки кечаси суяклари зирқира-сахам чўчибкетади. А. Мухтор, Чинор.

Юраги зирқирамоқ Руҳан эзилмоқ, қий-налмоқ; юраги зирқ-зирқ оғримоқ. *Домла Шомуродов эшик ёнидаги креслога ўтирди, эсига негадир яна кампири тушиб, юраги зир-қираб кетди.* О. Ёқубов, Диёнат.

ЗИРҚИРОҚ Зирқираган, қаттиқ оғриқ. [*Элмуроднинг*] *Баданига зирқироқ югурди, кўз ўнгини туман қоплади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ЗИРҲ [а. *ʕj* — темир қоплама; ф. *ʕ>_j* — совут] Ҳарбий кема, танк ва ш. к. нинг ўқ ўтмайдиган темир (пўлат) қопламаси; бронь. *Гоҳ кунлари чўл шамоли чинқириб ке-либ, азамат экскаваторнинг зирҳларига, гил-диракларигаурилади.* Ш. Ғуломов, Қалбундайди.

ЗИРҲЛАМОҚ Зирҳ билан қопламоқ, бронламоқ. *Зирҳланган автомобиль.* *тм* Унинг \посилканинг\ ичига.. кабелларни зирҳлаш учун тайёрланган пўлат ленталарнинг қий-қимлари қозоғга яхшилаб ўраб жойлаштирилган эди. Газетадан.

ЗИРҲЛИ Зирҳ билан қопланган, брон-ли. *Зирҳли поезд. Зирҳли пароход.*

ЗИРҲЛОВЧИ Зирҳ билан қопловчи шахс. *Орадан бир ҳафта ўтиши битноқ зирҳ-ловчиларга ана шундай ҳужжат топширил-ди.* Газетадан.

ЗИЧ 1 Орасида бўш жой, тирқиш қол-дирмай, бир-бирига тақаб қўйилган, ёпиштирилган; жипс. *Зич пол. Эшикни зич ёпмоқ.* *иш* *Зич қўйилган каравотларда юзга яқин бола ухлаб ётибди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Жуда қалин, дўлдай зич учаётган ўқлар самолётларнинг теваарак-атрофидан визиллабўтиб турибди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Зич қўйилган парталарни тўлатиб ўтирганларнинг ҳаммаси ота-оналар эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Кўп; тиғиз, қалин. *Зич ўрмон.* *тм* *Май-донча атрофида одамлар зич.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Автобус ичида одамлар зич, ҳаво дим, турли хил атирларнинг ҳиди ара-лашиб, нафасни бўгадиган бир вазият юзага келган эди.* Газетадан.

ЗИЧЛАМОҚ Орасида жой қолдирмай, бир-бирига тақаб ёпиштирмоқ, маҳкамламоқ, жипсламоқ. *Мунисхон эшикни зичлаб, Саидийнинг царшисига ўлтирди-да, унга то-мон энгашиб пичирлади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Рулдаги йигит эшикни қайта очиб, зичлаб ёнди.* «Шарқ юлдузи».

ЗИЧЛИК 1 Бир-бирига ўта яқин жой-лашганлик; тиғизлик, кўплик, қалинлик. *Аҳолининг зичлиги. Экинларнинг зичлиги.*

2 физ. Модданинг ҳажм бирлигидаги миқдори, массаси. *Сувнинг зичлиги.*

ЗИҚ [а. *ʕ;^* — торлик, тиғизлик, танг-лик] **1** рви. (*фақат кесим взф.*) Ғоят чекланган, тиғиз; ниҳоятда оз. *-Боришим ке-рак. Вақт жуда зиқ, — деди Ҳотам.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Вақт зиқ, тонг ёриши яқин, тез ҳаракат қилиш керак эди.* А. Раҳмат, Эллиқ бир баҳрдир. *Умрзоқ ота иш ти-қилинч, вақт зиқ эканини фахмлаб, ошдан гап очмай қўя қолди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 кўчма Бекордан-бекор диққат бўлаве-радиган, тажанг, юраги тор. *Зиқ одам.*

Зиқ бўлмоқ Арзимаган нарсага юраги сиқилмоқ, диққати ошмоқ, диққат бўлмоқ. - *Оҳ, Пўлат, галати одадинг бор-да.. ўзинг-дан-ўзинг зиқ бўлаверасан,— деди Баҳор.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Шу қадар зиқ, нозиктабиат бўлиб қолгани учун Бегимхон кўп дакки эшитди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳадеб ишга тўғри бориб, тўғри қайтаверса ҳам, зиқ бўлиб кетаркан киши.* Ф. Мусажо-нов, Собик. **Зиқ қилмоқ** Кимсанинг юраги-ни сиқмоқ, диққатини оширмоқ, қийнаб безор қилмоқ. *Бой кечадан бери уйдан жилгани йўқ, уйдагиларни ҳам зиқ қилиб юборди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

3 Юракни эзадиган, диққатни ошира-диган. *Зиқ иш.*

ЗИҚЛИК 1 Тиғизлик, танглик, чеклан-ганлик (пайт, вақт ҳақида). *Бойвачча данак-дай нонни озгига ташлаб, вақт зиклигини билдирмоқчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ночор қолган Қурбонали, вақтнинг зиқ-лигидан, онасиникида бўлган хотинини тун-да бориб кўриб келди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

2 Дили хуфтонлик, маъюслик; тушкун-лик. *Булутли киши кунининг юракка зиклик берувчи хира тонги эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЗИҚНА Ўтакетган хасис, қизғанчиқ, мумсик. *Ўзи кўп зиқна, кўп пухта одам. Бир тийинни кўрса, ўн юмалайди.* И. Қаланда-ров, Шохидамас, баргида. -*Абдурахмон зиқнанинг ювундихўри бўлиб юраверасизми, ай-ланай эр?* — деди Баҳри. Ҳ. Ғулом, Машғал.

ЗИҚНАЛИК Хасислик, қизғанчиқлик. [Фотима] *Орадан уч ой ўтар-ўтмас, бухгалтер эрини зиқналикда айблаб, уйига қай-тиб келди.* Мирмуҳсин, Умид. [Куёв] *Ўта зиқналикдан, торликдан, дамлаб ичадиган чойларни ҳам ўлчаб берадиган бўлди, тийинларини туфлаб тугди.* Ш. Ғуломов, Сахрода. *Бу катта, кўркам дарвозани узоқдан кўрган-лар, дадаси зиқналик қилиб йиғган бойликни ўгли совуряпти, дейишарди.* С. Юнусов, Ку-тилмаган хазина.

ЗИҚНАФАС \а. а., і; П ,л — нафас қи-сиш, ҳарсиллаш; астма] Нафас қисиш касаллиги; астма. *Зиқнафас касаллигида ҳар-силлаш бирдан юзберади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ЗИҚНОВ: **зиқновга олмоқ** *шв.* Сикмоқ, қийнамоқ. *Отам билан онам, сендан кичик-лар икки болали бўлди, қачон уйланасан, деб зиқновга олишади.* Н. Қобил, Унутилган со-ҳиллар.

ЗИҒИР 1 Поясидан тола, уруғидан мой, ёғ олинадиган бир йиллик ўсимлик. *Зигир эсмоқ. иши Раис, колхозига план берилмаган бўлса-да, озроқ зигир, кунжут эктираётган-нини, битта эски жувозни ҳам сақлаб қолиб, ишлатаётганлигини айтди.* С. Нуоров, Нар-вон. *Нилуфар далалар янги камалак, Дехқон мафтун боқар зигир гулига.* Н. Нарзуллаев, Сайланма.

2 Шу ўсимликнинг уруғи, ҳосили. *Па-кана йигитнинг кийимларидан зигир ёгининг ҳиди келади, унинг касби жувозкаш.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Кавушсимон шамдонга зигир ёғи қўйилиб, пахта тилик ёқил-ган бўлса ҳам, жувозхона ичи қизғиш қоронги эди.* Н. Фозилов, Оқим.

Зиғир ёғдек кўнгилга (ёки меъдага) тег-моқ Гап-сўзи, хатти-ҳаракати билан жондан безор қилмоқ, жонга тегмоқ. [Муллерў-зи Мулладўстга:] *Ҳозир бу бойваччангиз ҳам меъдага зигир ёғдек тегиб турибди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ЗИҒИРАК 1 *бот.* Эфир мойи олиш учун экиладиган кўп йиллик ўт. *Яра-чақа бўлган-ларга кампирнинг отқулоқ, зигирак каби ўтлардан «дори» тайёрлаб беришичи?* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

2 Заргарликда: исирғага ўрнатиладиган, олтин ёки кумушдан майда юмалоқ доначалар шаклида ишланган безак тури.

ЗИҒИРДАЙ, =дек 1 Жуда оз, озгина, жиндек, китдек. *Авазнинг юраги ачишиди. Бенаво, бемажол халқига зигирдек кўмак беролмаслигини ўйлаб, калби вайрон бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Жуда кичкина, зиғир уруғича. *Энди, катта мавзулардаги баҳс-мунозаралардан кейин, бу мушкуллик зигирдеккина кўринди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бир-бирини излар шайдо икки жон. Зигирдек жон, шайдолиги бир жаҳон.* Миртемир. -*Ҳой куёв, сизга бир гап бўлдими, зигирдек бола зерикшини қаёқдан билсин, — дерди [Гулсум кампир].* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЗИҒИРКОР Зиғир экиш ва етиштириш билан шуғулланувчи шахс.

ЗИҒИРПОЯ 1 Зиғир ўсимлигининг гто-яси, танаси.

2 Зиғир экилган дала, майдон. *Подачи молларни тор кўчадан тез ҳайдаб, далага чиқаради: у ерда зигирпоя бор.* Ш. Холмир-заев, Оғиртош кўчса. *Белорусиядаги ўрмон-ларнинг шовқини, ундаги зигирпояларнинг нафаси.. ҳамма жойларга етиб келгандек бўлди.* Газетадан.

ЗИГИРЧА айн. **зиғирдай**. Бирорта одам зигирча камчилигимиз ҳақида оғиз очса, то-моғидан гиппа бўғамиз. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Бировга зигирча озор берган инсон эмасман. Ю. Шомансур, Қора марварид. [Жўрапошианинг] Рангида зигирча қон йўқ, оп-оқарибкетибди. М. Исмоилий, Фарғо-на т. о. Сизда вафо деган нарсадан зигирча борми? — деди Нишонбой Чиннихонга. П. Қодиров, Юракдаги куёш.

ЗИГИРЧАЛИК Оз бўлса ҳам, кичик бўлса ҳам. Гарчи 1940 йилдан буён торкўчанинг номи уч марта ўзгартирилган бўлса ҳам, бироқ кўчада зигирчалик ўзгариши бўлмаётир. «Муштум».

ЗИХ \ф. «j» - қирғоқ; хошия, жияк] **1** Икки сатҳ кесишган чизик; қирра. Тахта-нинг зиҳи. Деворнинг зиҳини чиқармоқ. **тм** Токчалар ва пирамонларнинг зиҳлари ганч-дан қабартма қилиб ишланган. М. Осим, Карвон йўлларида.

2 Қирғоқ, чет. Қор учқунлар, том ва де-вор зиҳлари оқариб қолган эди. С. Аҳмад, Кадрдон далалар. Эшон ая дераза зиҳига ўтириб, қоронгида шитирлаётган баргларга қулоқ сола бошлади. С. Аҳмад, Ҳукм.

ЗЛОТИЙ [пол. zloty] Польша Респуб-ликасининг пул бирлиги.

ЗМЕЕВИК [р. «змея» с. дан — илонси-мон, илонга ўхшаш] **1** геол. Силикатлар туркумига мансуб, илон пўстига ўхшаш сар-ғиш ва кулранг-яшил доғлари бўлган минерал; серпантин.

2 махс. Иситиш аппаратларида спирал-симон буралган найча; эгри-бугри қувур.

ЗОБИТ [а. .kaLuī — офицер, миршаб; забт этувчи] Армия ва флотда, умуман, қуrolли кучлар тизимида командир мар-табасидаги ҳарбий хизматчи; офицер. Буни менга турк зобити ўргатган эди. А. Қаҳ-қор, Сароб. Ҳовлиқиб, рус ҳарбий зобити-нинг кийимида шаҳзода Исфандиёр кирди. С. Сиёев, Ёруғлик. Бу албатта халқ ораси-да зобитлар ҳақида яхши фикр тугдириши учун қилинган ҳийладир. Ш. Холмирзаев, Тоғларга қор тушди.

ЗОВ \ф. jlj - дара] шв. Дара, тоғ орали-ғидаги чуқурлик; жарлик. Тўш-тўшига лашкар қочиб жўнади. Қанча одам зовдан таш-лабўлади. «Ширин билан Шакар». Ўнг томони — учма зов. Икки тегирмон сув ўша зов пастидан оқиб тушяпти. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Ҳожар янгам узоқ-узоқлар-га кўз тикканча, Чортоқнинг устидан секин-аста зов томонга юриб борарди. С. Ис-ҳоқов, Олам гўзал.

ЗОВУР Заҳоб ерларни қуритиш, захни кочириш учун қазилган чуқур ариқ; закан.

Кеча ёмғир взибўтди. Ерлар лой. Бугун кол-хозчилар қазиишар зовур. Уйғун. Даланинг ён-дамасидан чуқур қилиб қазилган зовур ер-нинг охиригача чўзилган. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Кунчиқардан бошланиб, кибла уфққача бориб тақалган зовур ёнбағирларига нурсиз соя тушди. Н. Аминов, Тилло табассумлар.

ЗОВУРЧИ Зовур қазувчи. Етмиши тўрт ёшга кирган Тожимат зовурчи канал қурилиши ҳақида хабар топиб, икки ўғлини юбо-рибди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Зовур қазувчиларнинг оши учун қишлоқдан икки қовоқ қатиқ йигиб бораётган бир йигитнинг ҳамроҳлигида Рафиқов яёвлаб, зов-вурчиларнинг олдига жўнайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

ЗОДАГОН [ф. (j)Sjɫ — яхши оила фар-зандлари] эск. Илгари замонларда оқсуякларга, имтиёзли табақага мансуб шахс; асилзода. Ш. Ҳамроев аввалига чор амалдорларининг, бою зодагонларнинг кунни битгани-га ишонқирамай юрди. «Ўзбекистон кўриқ-лари». Зухра бегим тегаман, деса уни олади-ган зодагонлар топилар эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Сарой зодагонлари ораси-да Абдуллатифга қарши фитна тайврлана-ди. Мирмуҳсин, Меъмор.

ЗОДИАК \юн. zodiakos (kyklos) — хайвон-лар (доираси)] астр. Осмон гумбазидаги Куёш, Ой, катта сайёралар ва кўпчилик ки-чик сайёралар йил давомида ҳаракатланадиган ва 12 бурж [Ҳамал, Савр, Жавзо, Сара-тон, Асад, Сумбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жад(и)й, Далв, Ҳут] жойлашган айлана.

ЗОЕ \а. jJiLi. — йўқолган, нобуд бўлган]: **зое кетмоқ** Бекор кетмоқ; фойдасиз, яроқ-сиз бўлиб қолмоқ. *Расул аканинг изланиш-лари зое кетмади: сеялкани минерал ўғит со-лишига мослаштирди. «Ўзбекистон кўриқла-ри». Меҳнатсевар халқимизнинг тўккан тери, сарфлаган меҳнати зарра бўлса ҳам зое кет-мади.* Н. Сафаров, Оловли излар. **Зое қил-моқ** Бирор ишни бекорга кетказмоқ, йўқ қилмоқ. *Бечора Нодира оғир ҳолда, Анварни кишига шогирд бериб, ўқишини зое қилишига кўзи қиймади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ЗОЕЛИК: **зоелик тортмоқ** (ёки **кўрмоқ**) Зиён кўрмоқ, зарар қилмоқ. *Мен сиздан зо-елик тортмадим. тт Ҳар қалай, даштга тер тўкиб, зоелик кўрмади. Нима тикса, олтин бўлиб уняпти.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

ЗОЙИЛ [а. JIj — йўқ, бартараф бў-лувчи]: **зойил бўлмоқ** Йўқ бўлмоқ; барта-раф бўлмоқ. *Мулла Обиднинг юзидаги бояги қайғуришли кайфияти бирмунча зойил бўлди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Мавлоно замон-нинг моҳир ҳақими эрур. Зора мараз зойил бўлса \деди Муҳаммад Паҳлавон* М. Осим, Сеҳрли сўз.

ЗОК [ф. Sʃ — купоросларнинг уму-мий номи] *ким.* Темир купороси, темир сульфат; сувда осон эрийдиган оч яшил модда.

ЗОЛ I [ф. JIj - жуда ҳам қари] *кт.* Кўп иш кўрган, ҳамма нарсага ақли етадиган; тадбирли. *Қўҳна дунё, қари тарих, зол. Сий-нангмунча аламга тўла.* Миртемир. \Мулла-рўзи\ *Энди хат масаласи бўлса, бари бир, у зол хотин бир алдандими, энди хушёрроқ бўла-ди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

ЗОЛ II \а. JIj — араб алифбосидаги J — з ҳарфининг номи] Араб графикаси асоси-даги эски ўзбек ёзувида ўн биринчи ҳарф-нинг номи.

ЗОЛДИР Шар соққа, волдир. *Темир зол-дир. ии Одамгарчилик ўлсин, золдирга ўхшаб нуқул нишабга думаласа! Шухрат, Олтин зангламас. Унинг [сэрнинг] кўзлари золдир-дай ўйнаб кетган эди. «Муштум».*

ЗОЛИМ \а. «JUa — зулмкор, мустабид] **1** Зулм қилувчи, зулмкор, жабр қилувчи. *Илоннинг захри ёмон. Золимнинг қаҳри ёмон. Мақол. тт Фақат хотинларгина золим под-шони қаргаб чинқиринишар, йиглашар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Акрам ҳожи са-волида давом этди: -Ҳокимингиз жуда зо-лим эмиш, бу тўғри сўзми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мамлакат пароканда, золим тождорлар қон устига қон тўқурлар \деди Мавлоно Фазлиддин\.* П. Қодиров, Юлдуз-ли тунлар.

2 Ра\м-шафқатни билмайдиган, бераҳм. *Золим эр. тт Бориб айтинг ўшал золим йи-гитга, Унинг ишқи бу бағримга туташди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

3 Берақмлиқни, шафқатсизлиқни ифо-даловчи. *Гулсумбиби индамади, ёлғиз золим кўзлари билан ўқрайди-да, айвоннинг бир чек-касида, касал каби, чўзилиб ётди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Жабр-зулм билан тўлиб-тошган, қаҳр-ли. *У /Йўлчи/ ўз синглисини Гулнордан айи-риб, уни золим танҳолик қучогига отишини истамаганидан, яна бир неча вақт Унсинни бу ерда қолдиришига мойил эди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

ЗОЛИМЛИК Зулм қилишлиқ, шафқат-сизлиқ. *Золимлик қилмоқ. тт Демишлар мулк вайронадир, Агар золимлик этса шоҳ.* Э. Во-ҳидов, Муҳаббат. *Уни \бойни\ юз-хотир қил-май, золимлигини дангал юзига солишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Аммо эгачингизни хоҳламаган одамига зўрлаб узатсалар, шунинг ўзи кат-та бир золимлик бўлмагайми? \деди Хонзо-да\.* П. Қодиров, Юлдуз-ли тунлар.

ЗОЛИМОНА \а.+ ф. ^LJUi - золим каби, золимларча] *рви.* Золимларга хос ра-вишда; золимларча, шафқатсизларча. *Азиз-бекнинг бу золимона буйруғига қарши қат-тиқ сўзлар айтишини ўйласа ҳам, аччигини қандай кишига айтилишини ўйлаб, ўзини бир оз йиғди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *[Зай-наб] Хушрўйнинг юзида золимона бир истех-зо кўрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЗОМБИ [ингл. zombi(e) < африка тилла-ридан: муқаддас илон; афсун, жодугарлик билан тирилтирилган мурда] Бегона кимса-нинг таъсир кўрсатиши (кучли уйқу дорилар, наркотиклар, онг-фикрни хиралашти-рувчи препаратлар, гипноз ва б. рухий воситалар таъсири) ёрдамида бировнинг буй-руғига, хоҳиш-иродасига сўзсиз бўйсундиган, мустақил фикрлай олмайдиган, ўз шах-си ва эркига эга бўлмаган киши; манкурт. Японияда пайдо бўлган.. зарарли оқимлар тур-ли мамлакатлардаги ё'ш йигит-қизларни иро-дасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомби-га айлантириб кўйгани бу фикрнинг далили-дир. «Миллий истиқлол гоёси».

ЗОМИН \а. ,><.L^ . - кафил] Рўй берган кўнгилсиз ишга сабабчи, айбдор. Бунда қутулмогим мушкулдир гумон, Ун маҳрамга бўлдим охири зомин. «Баҳром ва Гуландом». -Бировнинг жонига зомин бўлишдан қўрқмай-сизми? - деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитув-чи. Хўш, айтинг, ким зомин акам қонига, Хўш, кимлар ачинди унинг жонига. А. Пўлкан, Изҳор.

ЗОМЧА шв. Ранги, катта-кичиклиги тур-лича бўлган хандалакларнинг умумий номи. Аваз, бозорга кириб, икки зомча [ҳандалак] ола кетайлик, дея Мутрибни қовун бозорига бошлади. С. Сиёев, Ёруғлик.

ЗОНА \юн. zone — минтақа] Ер юзининг муайян умумий белгиси билан ажралиб турадиган жойи, минтақаси. Тундра зонаси. Чегара зонаси. **тм** Нейшрал зонадан ўтиб, сойга тушдим. А. Убайдуллаев, Қонли из-дан. Ҳамзаобод қишлоғида катта дам олиш зонаси барпо этилмоқда. Газетадан. Урта Осиё республикалари жуда қуруқ иқлимли зонада жойлашган. «Фан ва турмуш».

ЗОНАЛ Бирор минтақага, зонага оид. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган зонал семинар. **тм** Ўтган кун Тошкентда кураш бўйича эркалар ўртасида жаҳон чемпионатининг зонал турнири бошланди. Газетадан.

ЗОНД \фр. sonde — пайпаслагич; сезгич асбоб] **1 тиб.** Ички аъзоларни текшириш ёки даволаш учун ишлатиладиган найси-мон асбоб. Ошқозон зонди.

2 Ер ости қатламларини текширишда қўлландиган металл бурғи, парма.

3 Метеорологик кузатишлар олиб бориш учун ўзи ёзадиган асбоблар ўрнатиб учуриладиган ҳаво шари.

ЗОНИ(Й) [а. ^]j] — зино қилувчи| Фаҳш иш билан шуғулланувчи; гуноҳкор. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташла-надирлар, ичкилик ичгани учун қирқ дарра уриладир. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ЗОНТ қ. **зонтик.** Саодатхон эндигина ёп-ган зонтини қайта очди. С. Зуннунова, Янги директор.

ЗОНТИК [голл. zondek — қуёшдан ҳимоя-лаш воситаси] Қуёш ҳарорати ёки ёғингарчиликдан сақланиш учун тутиладиган, очилиб-ёпиладиган дастали чодир; шамсия. [Салимбойвачча] Иўлчининг юзига урмоқ учун зонтикни кўтарди. Ойбек, Танланган асар-лар. Дадаси уни [Муқаддамни] четлаб ўтди-ю, уч қадамча нарига бориб, қўлидаги зонти-гини очди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқсол.

ЗОО- \юн. zoop — ҳайвон, жонивор| Ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қис-ми: ҳайвонларга, ҳдйвонот оламига алоқа-дорликни билдиради.

ЗООЛОГ Зоология мутахассиси; ҳай-воншунос. Чунончи, Навоий лирикасида кўп марта тилга олинандиган қорабағир қуши, зоолог олимларнинг аниқлашича, Қашқадарё воҳасида яшайди. «ЎТА». Зоологлар ўрмонда яшовчиларнинг шаҳарда пайдо бўлиши ҳақида ахборот берадилар. Газетадан.

ЗООЛОГИЯ [зоо.. + юн. logos — сўз, ту-шунча; таълимот| Биологиянинг ҳайвонот оламини ўрганадиган соҳаси. Зоология фани. **тм** Музейда геология ва география, зоология, ботаника бўлимлари мавжуд. Газетадан. Зоо-логия дарсида ўқигани, ўқитувчи Олимов бошчилигида тажриба ўтказишгани-чи. Ба-лиқлар ҳаёти, тузилиши, кўпайиши — ҳам-маси Кудратга маълум. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

ЗООНИМ [зоо.. +юн. *опута* — ном, исм] Ҳайвон номлари билан боғлиқсўзлар. *Атоқ-ли отлардан топоним ва антропонимлар, астроним ва зоонимлар бўйича фактик ма-териаллар тўпланди. «ЎТА».*

ЗООПАРК [зоо.. + *ингл. park* — боғ, да-рахтзор] қ. **ҳайвонот боғи** қ. **боғ 1.** *Дўкондан бир пачка сигарета олиб, уйдан унча узоқ бўлмаган зоопаркка йўл олди. Мирмуҳсин, Умид.*

ЗООТЕХНИК Зоотехника мутахассиси. *Қайси бир кеч район марказида колхоз зоотехникларининг йиғилиши бўлиб, илгорлар мақталган, қолоқ зоотехниклар танқид қилинган эди. С. Абдулла, Соялар. Укаси Ка-мол эса Тошкентда олий мактабда ўқирди-ю, бироқ ўтган йил у ҳам армияга олинди, кичик укаси Исмоил зоотехник эди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

ЗООТЕХНИК Зоотехникага оид. *Зоотех-ник лаборатория.*

ЗООТЕХНИКА, зоотехния [зоо.. + *юн. techne* — маҳорат] Чорвачиликни ривожлан-тириш, чорва молларини асраш, парвариш қилиш масалалари билан шуғулланадиган фан соҳаси.

ЗОР \ф. *jlj* — гамгин, қайғули; йиғи, нола] **1** *Хасратли йиғи, нола, афғон. Чир-қираб йиғлаётган ҳалиги боланинг зорига яна икки боланинг фарёди қўшилди. М. Исмои-лий, Фарғона т. о. Кета бер, турмагин, сар-карда, беклар, Қулоқ солинг мендай ночор зорига. «Муродхон».*

2 *Муҳтож, интизор. Ким ҳаққа ташина-дир, ким меҳрга зор. Мен унга умримни эт-гумдир фидо. А. Орипов, Йиллар армони. -Мен сизнинг даллоллигингизга зор эмасман! — Чарос кескин бурилиб юриб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. -Бир пар-ча нонга зор эдик, — деди Абдурасул. П. Тур-сун, Ўқитувчи.*

Зор йиғламоқ Қаттиқ йиғи-сиғи қилмоқ, нола қилмоқ. *Зор йиғлаб, навосиз қолмагай дунё, Ўзи чора топмай, йиғлагай олам. А.*

Орипов, Алвидо, устоз. *Киприклари қайрил-ма Қизлар қолди зор йиғлаб. «Шарк юлду-зи».* **Зор қақшамоқ** Қийналмоқ, азоб чек-моқ. *-Жуда хунук иш бўлди-да. [Қизнинг] Она-си зор қақшаб қидириб юргандир.. — деди Қўшоқ ота. С. Ахмад, Чўл бургути. Зор қол-гур қарг. Куриб кетгур, ўлгур, сабил қол-гур. -Шу зор қолгур тўн туфайли бизнинг оилаларимизда қанча кўнгулсиз ҳодисалар бўлди, — дейди хотин-қизлардан Сайёра Шамсиева. Б. Халилов, Тоғора ташвиши. Зорим бор, зўрим йўқ. Илтимос қиламан, аммо мажбур қила олмайман. -Зорим бор, зўрим йўқ, — деди бобо арава гилдирагига яқин чўнқайиб. Н. Сафаров, Оловли излар. **Онайи зор** қ. **она 1. Худонинг зорини қилмоқ** Ялиниб ёлвормоқ, ўтинчли илтимос қил-моқ. *Ота бечора: - Бу ниятингдан қайтгин, оппоқ қизим. Эринг қобил йиғит. Мени отам десанг, асти хафа қилма уни. Қўшганинг била қўша қаригин! — деб худонинг зорини қилиб-ди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.**

ЗОРА \ф. *bjj* — гамгин; йиғи, нола; бахтсиз] *юкл. Қани энди, кошки эди. Зора амирзодалар ярашшиса, жуда маъқул иш бўларди-да [деди Меъмор]. Мирмуҳсин, Меъмор. Пиёда юрай, зора дилим ёзилса, деган ўй билан йўлка бўйлаб секин одимла-ди. М. Хайруллаев. -Кел, жигарим, тезроқ кел. Зора бирон хушхабар келтирган бўлсанг, — деди Ойнагул Фарҳодга. А. Ҳакимов, Илон изидан.*

ЗОРА-МОРА с. т. қ. **зора.** [Гулнора:] *Айтганингиз келсин, онажон. Акамдан да-рак сўрайин, зора-мора бирон дарак топсам. Н. Сафаров, Танланган асарлар.*

ЗОРАКИ қ. **зора.** *Менинг йўқлаб келга-нимни кўрса, далда бўладиган бирон сўз айт-сам, зораки дармон бўлса, деб кутдим. А. Қаҳҳор, Минг бир жон.*

ЗОР-ЗОР **Зор** с. куч. шакли. *Етимлик-дан мен йиғлайман зор-зор. «Гўрўғли».*

ЗОРИЛЛАМОҚ с. т. Қаттиқ илтимос қилмоқ; куйиб-пишиб гапирмоқ. *-Шу хо-надон сеники, қадамингни узиб кетмагин, — дебзориллабқолди [Рисолат буви]. Ҳ-*

Назир, Кўктерак шабадаси. *Йўқ, ўргилай, буни қиз-ларга олиб бораман, улар зориллаб сўрашган эди.* Ойдин, Гулсанам.

ЗОР-ИНТИЗОР қ. **зор.** *Ҳар тонгда қуёшга зор-интизорман, Мен пахтакорман.* А. Мух-тор. [Хосият:] *Шўринг қурғур чол бир бурда нонга зор-интизор бўлиб ўлди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

ЗОР-МУШТОҚ қ. **зор-интизор.** *Кўрар-га бениҳоят зор-муштоқ ўлганим айтинг, Агар бўлса иши ҳам ҳаддин имкон, бир ке-либ кетсин.* М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча.

ЗОРИҚМОҚ 1 Зор бўлмоқ, бирор нар-сага муҳтож бўлмоқ. *Пулга зориқмоқ. иши Зорикканимиз йўқ, болам. Беш-ўн танга орт-тириб ҳам қўйдим.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. *Уларнинг интизор кўзлари фронт йўлида, кўллари меҳнатда, фронтни зориқ-тирмаслик, душманни тезроқ яксон қилиши учун тинимсиз ишлар эдилар.* С. Аҳмад, Ой-дин кечалар.

2 Сабрсизлик билан кутмоқ, интизор бўлмоқ. *Ота-она фарзанди кўтариб келади-ган нарсани эмас, ўзини кутади, соғ-сало-мат кўришига зориқиб, кўзлари кўчада бўлади.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Би-ров нон, биров олма, анор, биров писта, бодом тўла баркаш тутиб, қаҳрамон фарзанд-ларини зориқиб кутади.* Н. Сафаров, Олов-ли излар. *Отаси кун ботиб, қоронги туши-шини зориқиб кутди.* Р. Раҳмонов, Чангал-зордаги шарпа.

ЗОРЛАНМОҚ Бирор кимса, нарса ёки ҳолатдан нолимоқ, шикоят қилмоқ, ҳас-рат қилмоқ. *Хотин киши паранжи ичида йиғ-лаб, какшаб туриб зорланди: -Ҳокимтўра ҳақиқат қилсин. Боламни чақириб, ўзи сўра-син/М. Исмоилий, Фарғона т. о. У\Унсин\ билан сўзлашганда, тирикчиликка оид ҳеч нимадан зорланмаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. [Ғулом ака\ Бировдан нолимай-ди, бировдан зорланмайди ҳам. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Зорланишдан, ични ейишдан бошқа ҳеч нима қўлидан келмагач, нима қил-син?М. Исмоилий, Фарғонат. о.*

ЗОРЛИК 1 Бирор нарсага муҳтожлик, эҳтиёж сезишлик. *Бахт, иқбол, фаровонлик орзулари кўнгилда тўла, аммо бу дамда бир парча чапатига зорлик қандай мусибат.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Қийинчилик, азоб-уқубат. *Барча шод-лик сенга бўлсин. Бор ситам, зорлик менга.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ЗОРМАНДА, зормонда \ф. **UJQUJ1 J** — зор қолган] *карг.* Зор қолгур, қуриб кетгур, са-бил қолгур. *Аёллар қулишди. Хола қўлидаги сочиқ билан оғзини бекитиб, унга муғамбирона каради: -Бу ерда у зормондани ичадиган-лар йўқ-ку, болам?* С. Нуров, Нарвон. *Вой белим, бу зормонда тоғора ўлгур белимни нақ узиб юборди. [деди Каромат хола].* Ш. Саъ-дулла, Икки билагузук. [*Бахтиёрнинг*] *Ҳаро-ратини ўлчаб кўрай, деб термометрни қидир-сам, у зорманда ҳам топила қолмайди, — деди Камол.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЗОТ \а. oʻj — бирор нарса эгаси; шахс; асл, моҳият] **1** Бир аждоддан тарқалган насл, авлод; насл-насаб. *Ҳа, Гулнорнинг таги паст-да. Отаси ким? Онаси ким? Малай, чўри.. Зотига тортади, зоти паст.* Ойбек, Танланган асарлар. *Балки замонлар ўтиб, даврлар шамолида Совурилар қанча зот, яна қанча буюклик.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Мен сўрайман миллатингни, зотингни, Яшир-майин айтавергин дардингни.* «Ҳасанхон». *Шайх Исмоил оғзига келганини қайтармай қарғар, Санобарни зоти пастдан олиб, зоти пастга солар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Бирор фазилати, хислати билан аж-ралиб турувчи, ҳурматли киши. *Улуғ зот. ит Бу — Қорабулоқ қишлоғи ва атрофига қозилик қилувчи маълум зот эди.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о. *Эл-улус сиздек зотларга гоаят муҳтождир [деди Навоий].* Ойбек, Навоий.

Зоти олий Олий зот, улуғ инсон.

3 Умуман, ҳар қандай шахс, одам. [Маж-лисда] Юқорида исмлари ўтган зотлардан бошқа Ҳомид, Раҳмат ҳам Ҳасанали бор эди-лар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Бердибойнинг зое кетган ўн беш йиллик меҳнатини ҳимоя қиладиган бир зот кўринмади. А. Қодирӣ, Обид кетмон.

4 Бирор табақа, ижтимоӣ гуруҳ киши-си, ахли. Олим зоти. Ёзувчи зоти. **тм** Карвонбоши Ақромбойни ўз олдига чакириб: -Бу-гун, — деди, — харидор зотининг саройга киришига йўл берманг.. С. Айний, Қуллар.

5 Жинс, нав. Қорамол зоти.

Эр(как) зоти с. т. Эркаклар. Доя келган-дан сўнг, ичкари ҳовли эркак зотидан тозиланди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Аёл** (ёки **хотин, қиз**) **зоти** с. т. Аёллар, хотинлар, қизлар; хотин-қизлар. Аёл зотининг бош-адоғи зарга ўралгани билан, ўзи ёмон бўлса, кимга кераги бор? Т. Мурод, От кишнаган оқшом. Унга бир вадаванг: -Билмайман, асли қиз зоти билан гаплашган эмасман, — деб-ди. П. Турсун, Ўқитувчи.

6 шв. Улоқда бериладиган мукофот. Улоқ ҳамон жойида ётганини кўрган баковул зот-ни оширди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЗОТАН [а. hJ — табиатан, аслида] **1** 30-тн, жинси, насли-насабига кўра; аслан. Онам зотан хотин, ёрим ҳам хотин, синглим ҳам, қизим ҳам уларга жинсдош. Ғ. Гулом.

2 кри. с. Аслини олганда, аслида. *Sotan*, у замонда фанни Навоийчалик тушунадиган одамнинг ўзи йўқ эди. «Фан ва тур-муш». *Зотан*, у [Феруз] фалаж бўлса-да, хо-тираси ҳали равшан эди. С. Сиёев, Аваз. *Зо-тан*, ҳар нарсанинг, Ҳар кимнинг ўз худоси бор. Р. Парфи, Кўзлар.

ЗОТДОР [а. + ф. JIJOIJ — яхши зотли, насл-насабли] Яхши зотга мансуб, наслдор. *Зотдор* қўй. **тм** Крдиржон жўжабирдек жон эди, зотдор сизир билан бир яшар бузоққа ҳавасланиб қаради. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Бу ўша ўғирлатилган зотдор от эди. С. Юну-сов, Кутилмаган хазина.

ЗОТИЛЖАМ [а. ^J^JIOIJ - ўпканинг яллиғланиши| Ўпканинг яллиғланиши, ўпканинг юқумли касаллиги; пневмония. *Зо-тилжам* бўлмоқ. **тм** Мамлакат гриппни оёқда ўтказиб, зотилжамга чалинди. Ў. Ус-монов, Сирли соҳил. Ўша йиллари орттириб олган зотилжам уни оғир дардга чалин-тириб йиқитди. С. Кароматов, Олтин қум. *Заргаров кеча шаҳардан жуда эзилиб каит-ди-ю, яна ётиб қолди. Зотилжами такрорланиб, иккала ўпкаси ҳам яллиғланибди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ЗОТЛИ к. **зотдор**. Молинг зотли бўлса, емишинг топиш бўлар. Мақол. **тм** Улар зопъги кўчкорлар боқилаётган бостирмага кириш-ди. С. Анорбоев, Оқсой. Тўғонбек ҳар кун хўжасишинг зотли отларидан бирини миниб, Ҳиротда гаит қилиб юради. Ойбек, Навоий.

ЗОТСИЗ **1** Зотининг, насл-насабининг тайини йўқ; безот.

2 Зоти паст, хашаки, наслсиз. *Зотсиз* сизирлар.

ЗОҒ [ф. ё I j — қарға| қ. **қарға**. Ҳар зог, ҳар зогда минг доғ. Мақол. **тм** Ҳайфким, ахли тамиз ушбу маҳалда хор экан, Олдилар ҳар ерда булбул ошёнин зоглар. Муқимий.

Зоғ учмайди ёки ҳеч зоғ йўқ Бирорта одам кўринмайди; ҳеч ким йўқ. *Ғуломжон шошиб қолди. Ҳовли бўм-бўш, зогучмас эди.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о. *Савлат қилиб ўнгу сўлга қаради, Зоғ учмаган чўлга кетиб бора-*

188— Ўзбек тилининг изоҳли луғати

ди. «Ширин билан Шакар». *Қудрат кўча ай-ланиб келиб, уйига кирса, ҳеч зогйўқ.* Ҳ. На-зир, Сўнмас чакмоқлар. *Элдан бурун мас-жидларга кетаётган тақводорлардан бошқа кўчаларда ҳеч зог йўқ.* М. Осим, Ўтрор.

ЗОҒОРА Маккажўхори ёки оқ жўхори унидан ёпилган нон. *Зогора нон билан тамадди қилиб, аёзли кечаларда ер ағдарган тракторчилар билан танишидик.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Битта зогора кулчани тўртга бўлиб ейишиди, нонуиталари шу бўлди.*

Т. Малик, Ажаб дунё. *Чойхоначи қовурилган балиқ, зогора нон, кумуш қумғонда чой кел-тирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

Зогора балиқ Чучук сувда яшайдиган балиқнинг бир тури. *Ўрта Осиёнинг дарё, қўл ҳамда сув омборларида энг кўп тарқалган балиқлардан бири зогора балиқдир.* А. Осмонов, Сурхон балиқлари.

ЗОҲИД \а. — сабр-қаноатли, тақводор; тарки дунё қилган киши] **1 дин.** Тарки дунё қилган диндор киши. *-Сиз ёшлар соддасиз-да.. зоҳидларни ҳамини меҳроб, минбарда тасаввур қиласизлар, — деди муф-ти Мирзога.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Зоҳид (эркаклар исми).

ЗОҲИДЛИК Тарки дунёчилик; тақводорлик, диндорлик. *-Нега мен зоҳидлик қилиб, боёқиш жувоннинг узатилган қўлини ҳавода қолдирдим? — деди Камолитдин.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Энди у [Онахон] бу қора сояларнинг зоҳидлик ридоси ёпинган қабих одамлар жанини аниқ билди.* А. Мух-тор, Опа-сингиллар.

ЗОҲИР \а. j-iUi — аниқ, равшан; ташқи кўриниш| *кт.* Сирт, сиртқи томон, ташқи кўриниш. *Зоҳирда зрки ўзида бўлиб кўринган заҳмат аҳлининг аслида оёқ-қўлларида оғир кишан, тил-жағлари боғлаб ташланган эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 кесим. *взф.* Очиқ-ойдин, равшан. *Зо-ҳир бўлмоқ. Зоҳир қилмоқ. ит [Зайнабнинг] Кўз ҳаракатида ҳам бир бесаранжомлик зо-ҳир эди.* А. Крдирий, Ўтган кунлар.

Зоҳир бўлмоқ Пайдо бўлмоқ, кўринмоқ. *Шайхнинг нигоҳида совуқ қаҳр, лабларида кинояли табассум зоҳир бўлди.* О. Ёқубов, Қўхна дунё.

ЗОҲИРАН \ф. l-j-aUi — ташқи кўриниш-дан) Сиртдан қараганда, ташқи кўринишидан. *Ҳазрағнов зоҳиран хурсанд бўлса ҳам, ичида хафа.* И. Раҳим, Тақдир. *Ҳўжабеков фикрини ўтказолмагач, зоҳиран осойишта кўринса-да, ичида Шербекни еб қўйгудек эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЗОҲИРИЙ Ташқаридаги, ташқи, сирт-қи. *Шеърнинг зоҳирий маъноси изоҳга муҳтож эмас.* «ЎТА».

ЗУБДА \а. ;>л >з — сариёғ; қаймоқ; моҳи-ят] *кт.* Кишиларнинг энг яхшиси, энг са-раси; обрўли шахс. *Шоҳимардон шайхлари-нинг зубдаси мазор мутаваллиси Оқ эшон эди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЗУБР \р. зубр - шохли, шохдор| Ўрмон-да яшайдиган ёввойи ҳўкиз; қувушшоҳлиларга мансуб сутэмизувчи ҳайвон. *Бизонлар зубрларга қараганда бирмунча кичикроқ бўла-ди.* Н. Мавлонов, Крамолчилик.

ЗУБТУРУМ қ. **баргизуб.** *Барги зубтурум-дай титрашиб, лабига учуқлар тошиб, мир-шабларнинг каттаси отидан тушиб, қили-чини НҗиНҒ04җиб, момонинг қошига борди.* «Гу-лихиромон».

ЗУВ тақл. с. Тезлик билан амалга оша-диган ҳаракат, ҳолат ҳақида. *Аргимчоқ зув осмонга кўтарилади, зув қайтиб келади.* «Шарқ юлдузи».

ЗУВАЛА [ф. dlj — хамирдан қилинган соққа| **1** Битта нон яшаш ёки бир марта угра кесиш учун лойиқ қилиб юмалокланган хамир. *Уонаси келганга қадар супрадаги ун-ни қоқиб-суқиб, бир зувала хамир қилиб қўйган эди.* Ойдин, Гулсанам. *Зиёдахон, зу-вала узар экан, ҳазиломуз жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. [Ойша она\ Супра ёзиб, зувала узди. С. Анорбоев, Иўлда йўлдош бўлганлар.

2 кўчма Асос, негиз; таркиб. *1952 йилда зуваласи Ўзбекистон тупроғидан ясалган биринчи пиёла тортиқ Қ1ъинган эди.* Газе-тадан. *Болаликда гап кўп. Бир гражданга Зувала бўлади ахир ҳар гўдак.* А. Мухтор, Шеърлар. *Товуқлар оғзидан юлиб олинган жонсиз уруғ мана бугун келажакдаги катта режасаларга зувала бўляпти.* С. Маҳқамов, Бир жуфт дон.

Зуваласи бир жойдан (ёки ердан) олинган Ҳар жиҳатдан бир-бирига ўхшаш одамлар ҳақида. *Сизга гаптириб, овоздан ажраш ҳеч нарса эмас. Ботилов билан сизнинг зувалангиз бир жойдан олинганга ўхшайди.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. **Зуваласи**

пишиқ Жисмонан пишиқ-пухта, ёшига нисбатан бақувват, пишиқ одам. *Зуваласи пишиқ кичкинигина чол [Тўғонбекни] ширин сўз билан қаришилади. Ойбек, Навоий. У[Жўра-хон] ўн саккиз ёшли, зуваласи пишиқ, зехни ўткир йигит эди. Назармат, Жўрлар ба-ланд сайрайди.*

ЗУВАЛАЛАМОҚ Зувала қилмоқ, зува-ла ясамоқ. *Хулқар хамирни зувалалаб бўлди-ю, ўчоқдаги чўғ устига қозонни тўнтариб, қиздира бошлади. П. Қодиров, Қора кўзлар.*

ЗУВ-ЗУВ тақл. с. Қушлар ёки ҳашарот-ларнинг қанот қоққанда чиқадиган тову-ши ҳақида. *Зув-зув боради, Томдан қарай-ди. Чўп-лой чўқийди, Сават тўқийди (Қалдирғоч).*

ЗУВИЛЛАМОҚ 1 «Зув-зув» овоз чиқар-моқ. *Сой шов-шуви орасида асаларилар зувиллаб, чексиз майсазорлардаги ўт-ўланлар дастурхони томон ошиқишарди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 кўчма Тез ҳаракат қилмоқ, жуда тез чопмоқ. *[Колхозраиси Қулматга.] Олишбошланди, де! Чоп, зувиллаб бориб, зувиллаб кел! Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.*

ЗУВЛАМОҚ қ. зумламоқ. Кун бўйи ик-каламиз чиллак ўйнардик. *Ҳалима бу ўйинда ўғил болалардан қолишмас, фақат мени аяр-ди: зувлашга галим келганда, кечиб юборар-ди. Ў. Ҳошимов, Бир томчи қон. Югурардик худди зувлаган каби, Қўшилишиб телба, кўр оломонга. Х. Даврон, Қакнус.*

ЗУД \ф. l j j — тез; шошилич; эрта] *рвш. кт.* Тез, жуда тез; тезлик билан. *-Мана бул номани Урганчаг зуд элтгайсен ва ани сул-тон ҳазратларининг ўз илқларига бергайсен, — деди Темиртошга. М. Осим, Ўтрор. Эрта-си кунни подшонинг мардикор олиши ҳақидаги фармони шаҳар-қишлоқларга зуд тарқалди. К. Яшин, Ҳамза.*

ЗУДЛИК: **зудлик билан** Тезликда, бир-пасда; шошилич тарзда. *Зудлик битни уста чақирилди. Н. Аминов, Суварак. Хосият хола зудлик билан Серафима Семёновнага хат йўллади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Му-рқиррисое зудлик билан ўз кадрини Москвага командировка қилишга мажбур бўлиб қолди. Д. Нурий, Осмон устунни.*

ЗУККО [а. d i j — зехни ўткирлик; фаро-сат; ақл] Ақли, зехни ўткир; ақдли, доно. *Мирзамухаммад Расулович етти ўлчаб бир кесадаган, мулохазали, синчков, зукко одам эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Эшони судур мамнун бўлиб кетди: қандай зукко шогирди бор! Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Мадҳ ўқишар сўзга моҳирлар. Шеър айтишар зук-ко шоирлар. Э. Воҳидов, Нидо.*

ЗУККОЛИК Донолик, ақллилик. *-Ба-ракалла сизга! — деб юборди Умрзоқ ота, кўнглидаги гапни топган оинасининг зукко-лигига тан бериб. \. Фулом, Машғал.*

ЗУЛ фольк. айн. **жул.** Айил-пуштасини ешди бедовнинг, Шипириб устидан олди зулини. «Хушкелди».

ЗУЛЛИСОНАЙН [а. ^LJj] j j - икки тил сохиби] Икки тилни билувчи, ўрган-ган киши; икки тилда ёза оладиган шоир ёки ёзувчи. *Кўп ўтмай, ўз замондошлари ора-сида талантли зуллисонайн шоир, созанда ва ҳофиз сифатида шуҳрат қозонади. «ЎТА».*

ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК Икки тилда сўзлай ва ёза билишлик. *Зуллисонайнлик анъанасининг шаклланиши ва давом этиши-да муҳим роль ўйнаган омиллардан яна бири — бу географик омил деб айтиши мумкин. «ЎТА».*

ЗУЛМ \а. j>_l-k — жабр-ситам; адолат-сизлик] **1** Ҳукмдор ва ҳокимларнинг фуқарога, золимларнинг мазлумларга кўр-сатган жабри; шафқатсизлик, истибдод. *Зулм зиндондан ёмон. Мақол. ■■ Аҳоли гала-ёнга келди, кўрққанидан эмас, зулмга, зўр-ликка, ҳақиқатсизликка чидамаганидан галаёнга келди. М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. Ҳамма ўз билганича қичқиради, зулмдан, жабрдан шикоят қилади. Ойбек, Танлан-ган асарлар.*

2 Умуман, жабр-ситам, эзиш; адолат-сизлик. *Кундошлик зулми. Зулм қилмоқ (ўтказмоқ) тт Биров зулм қилса, биров раҳм қиларкан; биров ош берса, биров нон берар-кан. Ойдин, Қандолатнинг ҳикояси. Маъ-шуқ аҳлига ярашмас доимо зулму*

жафо. Хам-за. Одамларга ўтказган зулми учун Олахўжа халқ олдидан жавоб бермай ҳеч қаяққа кет-майди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Зулм кўрмоқ (ёки **тортмоқ, чекмоқ**) Ноҳақжабрланмоқ, эзилмоқ. *Аёлларўтмиши-да ҳаммадан кўп зулм кўрган, ҳаммадан кўп жаҳолатда қолган.* П. Турсун, Уқитувчи.

ЗУЛМАТ [а. **زۇلم** - қоронғилик] *кт.* 1 Зим-зиё, тим қоронғилик. *Зулматни кўрмаган ёруғликни қадрламас.* Мақол. *тп* *Ҳамма-ёқни зулмат қоплаган, кенг даланинг ақалли бирор бурчида милт этган нур кўринмай-ди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Зулмат ичида қолган Анвар, орқа-ўнгини ажрата олмай, бўйра устини чоғлаб, бир-икки қадам юриб келди ва икки қўли билан тиззасини қучоқлаб, чўнқайди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Алимардон тонг қоронғисидан зулмат зина-лардан тушиб кетди.* У. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 кўчма Нодонлик, қолоқлик; жаҳрлат. *Уйғонди кенг жаҳонда Зулматда ётган эллар.* И. Муслим, Сенинг севгинг. *Зулмат чилпарчин бўлиб, Мамлакатда тонг отди.* «Кўшиқлар».

ЗУЛМКОР [а. **زۇلمкор** - зулм қилувчи] *Жабр-зулм қилувчи, азоб берувчи, жафокор.* *Иншоолло, ҳақиқат душманларини, зулмкорларни мағлуб қилурсиз.* Ойбек, Навоий. *Меъмор йигит жаҳонни титратган зулмкор шоҳнинг хотинига ошиқ бўлиб қолган экан.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

ЗУЛОЛ [ф. **zulo** ~ тоза, булоқсуви] *айн.* зилол. *Зулоли таъмини топмам Сира болу шакарларда, Ватан ёди эрур қалбимда Бўлсам мен сафарларда.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ЗУЛУК [ф. **zuluk** - зулук] 1 Чучук сув ҳавзаларида яшовчи, йирткич ёки паразит қолда кун кечирувчи халқали чувалчанглар вакили. *Тиббиёт зулуги. Зулук қўймоқ.* *ит* *Зулук кичкина жонивор бўлиб, қонни сўриш учун хизмат қилади.* Н. Исмоилов, Касал-ларни парвариш қилиш. *Сувдан чиққан зу-лукдай, Қошу кўзи тиликдай Келин пошишага салом.* «Оқ олма, қизил олма».

2 кўчма Бировлар ҳисобига яшовчи, очкўз, текинхўр, шафқатсиз одам. *Хон — жаллод, қозикалон — ўргимчак, ясовулбоши-лар эса зулук эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 кўчма Зулук каби қоп-қора. *Онаси унинг \Салтанатнинг\ зулук қошларига, тўлишган дудоқларига, юзларига мамнун тикилибўтир-ди.* С. Нуров, Нарвон.

ЗУЛУКДАЙ, =дек 1 Зулук сингари. *Мен-га қанча азоб берган, шу деб қанча юртлар-да яланг оёқ, саргардон кезганман.* *Йигит-лик кучимни зулукдек сўрган.* С. Аҳмад, Кадр-дон далалар. *Бердақ Хоразмнинг қаерида бўлмасин, бойлар.. халқнинг қонини зулукдек сўраётганининг, зулм, зўрлик авжига чиққа-нининг гувоҳи бўлди.* «ЎТА».

2 кўчма Қоп-қора, тим қора. *Зулукдай от.* *ит* *Тошхон ерга қараган ҳолда, олдига тушиб турган узун ва зулукдай қора сочларини ўйнаб, аста гапирди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар. *Қизнинг кўзи зулукдек отнинг ёлларини силаб, эркалаб турган қорача йигитдаэди.* М. Қориев, Қиз узатиб борганда.

ЗУЛУМОТ [а. **زۇلموت** - «зулмат» с. кўпл.] қ. зулмат. *Тўқайзорни бўғиб олди зулумот.* *Шар-насиб сўқмоқда танҳо сурдим от.* Мирте-мир, Бир варақ. *Кўчалар бўш, наст-баланд, Мудҳиш зулумот.* Ғайратий, Шоир.

ЗУЛФ [ф. — жингалак соч; гажак] *кт.* 1 Аёлларнинг икки чаккасида, кулоқ-лари атрофида жингалак ҳолда осилиб туш-ган жамалаги. *Ғуломжон қизнинг чап қуло-гини тўсиб турган жингалак зулфига тики-либ тўхтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қора зулфим эшилгандир тол-тол, Келган ҳоким, бу сўзларга қулоқ сол.* «Ширин билан Шакар».

2 Умуман, қизларнинг сочи, кокили. *Унинг [қизнинг] қора зулфи пар ёстиқнинг турли томонига тартибсиз суратда тўзғиб.. кўзлари бир нуқтага тикилган.* А.

Крдирий, Ўтган кунлар. *Наврўзда қизалоқлар толбарг-дан кокил, бинафшадан исирга, қоқилардан зулф қилиб, чамбар тақадилар.* Газетадан.

ЗУЛФАК \ф. j'salj — кичик гажак] Зулф, гажак, жамалак. *Келин ой, келин дейишади, зулфагин шамоллар ечади.* «Фольклор».

ЗУЛФАҚДОР \ф. - гажаги бор]

фольк. Гажакдор, гажакли. *Зулфакдор қиз. иши Бу сўзларни айтма, Гулгун зулфакдор, Мен ҳам ўз юртимда даерон сураман.* «Ширин билан Шакар».

ЗУЛФИН \ф. i[^]-iJj эшик ҳалқаси, занжири] Кулф осииш ёки эшикни берки-тиш учун эшикка ва унинг кесақисига, икки табақали эшикда ҳар икки табақага ўрнатиладиган кичкина ҳалқасимон темир ва унга осилган занжир. *Туробжон зишкдан ҳовлиқиб кирар экан, яктагининг енги зул-финга илиниб, тирсақкача йиртилди.* А. Қаҳ-хор, Анор. У \Мунаввар\ эшикнинг зулфини-иш туширди-да, эрига йўл берди. С. Анорбо-ев, Мехр. *Бир маҳал Назиранинг қўли эшик зулфинига тушди-ю, зарб билан ўзига торт-ди.* Д. Нурий, Осмон устунни.

ЗУЛФИҚОР [а. jU i.П jj - Ҳазрат Али шамширининг номи; сўзма-сўз: умуртқа-си бор, умуртқали] **1** Муҳаммад(сав)нинг Бадр жангида кўлга туширган икки учли шамшири; кейинчалик Ҳазрат Алига, сўнг бошқа халифаларга ўтган. *Бошимга Ҳазрати Ашнинг муборақ зулфиқорлари келган-да ҳам, ҳаққу ҳақиқатдан юз ўғирмоқ ода-тим йўқ.* А. Қаҳхор, Тобутдан товуш. *Ҳаз-рат Алининг дулдули ва зулфиқори олдидан баланд тоғлар ҳам, қирғоғи кўз илғамас дарёлар ҳам тўсиқ бўлолмаган эмиш.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Умуман, кескир, ўткир (қилич ҳақида). *Четда ётар чувалган салла, Заррин қинли зулфиқор қилич.* М. Али, Боқий дунё.

3 Зулфиқор (эркаклар исми). **ЗУЛҚАЪДА** \а. О-UJJJJ] Камария йил ҳисобида 30 кундан иборат ўн биринчи ойнинг арабча номи. *Ойлар шаъбон, зулқаъ-да деган номлар билан аталади.* «Фан ва тур-муш».

ЗУЛҲИЖЖА \а. А ^ -. Пjj] Камария йил ҳисобида 29 кундан иборат ўн иккинчи ойнинг арабча номи.

ЗУМ 1 Чиллак ўйинида: нафас олмай югуриб кетаётганда узлуксиз чиқариб бо-риладиган товуш (бу товушнинг узилиши нафас тугаганини, бинобарин, ўйинчи ўйиндан чиққанини билдиради).

2 Жуда қисқа фурсат, лаҳза, он. *Инобат гўё сўз тополмаган одамдай, бир зум жим қолди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. \Цил-фуза] *Бир зум тўхтаб, кўз ёшларини артди.* У. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бир зумда ёки зум ўтмай Қисқа вақт ичида, бирор дақиқа ҳам ўтмай, тезда. *Гул-нор ҳамма нарсани бир зумда тайёрлаб, да-дасига кўрсатди.* Ойбек, Танланган асар-лар. *Зум ўтмай \Алимардон\ тагин кўзини очди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. *Бироқ зум ўтмай раиснинг яна кайфияти бузилди.* Т. Ҳамидов, Увол эмасми? *Зумўтмай тўзон орасидан отилиб чиққан бир гуруҳ суворилар кўзга чалинди.* О. Ёқубов, Қўхна дунё.

ЗУМИЛЛАТАР Ютқизган томон (ўйин-чи)ни нафаси етган жойгача зумлаб югур-тириладиган чиллак ўйини.

ЗУМЛАМОҚ Чиллак ўйинида: нафаси етганича тўхтовсиз «зум» деб югурмоқ. *Юз қадам жойга зумлаб боради.*

ЗУМРАД [ф. J j-o j < юн. smaragdus — саб-заранг тош] **1** Олий сифатли, оч яшил тус-ли қимматбаҳо тош. *Кўрдингми? Бу нима? Мана бу — дур, мана бу — марварид. Мана бу ёнган — гавҳар. Қолганлари — ҳар хил тошлар, ёқут, зумрад [деди Мирзакаримбой].*

Ойбек, Танланган асарлар. *Крзикалон сан-диқларни очиб кўрсатди: баъзисида олмос, ёқут, ақиқ, зумрад ва марварид, баъзисида олтин ва кумушдан ясалган,*

қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган идиш-оёқлар, баъзиларида зеб-зийнатлар тўла эди. С. Ай-ний, Дохунда.

2 кўчма сфт. Оч яшил, сабзаранг. Мол-давия далаларининг зумрад ранги бизнинг лалмикор бугдойзорларимизни эслатади. Н. Сафаров, Оловли излар. Воҳ, юрагим ўйнар-ди кумуш жилгаларнинг зумрад лабида. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. Ариқ бўйида қалин ёш тол, ўртасида ёғоч сўри. Унинг тагидан шовуллаб оқиб турадиган зумрад сувдан доим бир хилда салқин шабада эсади. И. Раҳим, Ихлос.

3 Зумрад (хотин-қизлар исми). ЗУМРАША с. т. Ҳар қандай ёмон, но-жўя иш кўлидан келадиган бола; шумта-ка, тирранча, тирмизак. -*Ҳой жувонмарг, зумраша, тагин кўчагами? Бу ёққа кел, ўтинни туташтираб кет, тутай бериб, кўзимни кўр қилаёзди, — деди Шум болага онаси.* Ғ. Ғулом, Шум бола. [Алижон] Онасининг: «*Ҳоой, деворни нуратма, зумраша!*» деганига ҳам қулоқ солмай, қўшни боғига гурсса сакраб тушиб, гойиб бўлди. Мирмуҳ-син, Чиникиш.

ЗУННОР [а. ʃˠʃ ~ белбоғ, чилвир] **1** тар. Мусулмон давлати худудида яшаб, бошқа динга эътиқод қилувчилар (яхудий ва христианлар) мусулмон эмаслиги бел-гиси сифатида тақиб юрадиган, чармдан ясалган ёки маълум тусдаги жундан эшилган чизимча-белбоғ.

2 с. т. Христианлар бўйнига хоч (крест) осиб юрадиган занжир.

ЗУРРИЁТ [а. ʃˠʃ - болалар, насл] Бир аждоддан тарқалган авлод; насл-насаб; зот. *Нима ейди дилбар отинг, Баён айла зурриё-тинг. «Муродхон». -Ҳой ака, сиз ҳам бундоқ ёрилсангиз-чи одам бўлиб, кимсиз, зот-зур-риётингиз ким? — деди кўзи ожиз танкчи йигит.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бола, фарзанд. *Акром мироб дунёга ке-либ зурриётсиз ўтаётганидан ҳўл ўтиндек тутаб кўярди.* Э. Усмонов, Ёлқин. -*У дилу жигаримнинг бир парчаси, орзуларимнинг гунчаси, табиатнинг нозик ерларидан сўраб олган зурриётим, — деди Қамчи.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ЗУҒУМ, зўғим Қаҳр-ғазаб; дўқ-пўпи-са, дағдаға; зулм. *Хусайн Муродбек юксак рутбани эгаллаб турса-да, бир қадар ин-софли, раиятга кўпда зуғум қилавермасди.* С. Сийёев, Аваз. *Лутфинисанинг Қутбини-сага ўша вақтда қилган зуғумлари ҳали ҳам унинг ёдидан чиққан эмас.* Мирмуҳсин, Жамила.

ЗУҲАЛ [а. ʃˠʃ] (3 — катта) астр. Қуёш системасидаги катта сайёралардан бири — Сатурннинг арабча номи.

ЗУХД [«• ʃˠʃ — диндорлик, тақводор-лик] Дунёга бемайл, беҳавас бўлишлик, нафсини тийишлик; тақводорлик. *Ахли наби одамзодни Зухд йўлига чорлади.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ. *Қўқондаги ахли зуҳднинг дами ичига тушиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЗУХРА [а. о] (3 — катта) **1** астр. Қуёш системасидаги катта планеталардан бири — Венеранинг арабча номи.

2 Зухра (хотин-қизлар исми).

ЗУХУР [а. ʃˠʃ — пайдо бўлиш, кўри-ниш]: зуҳур этмоқ Акс этмоқ. *Шербекнинг юзида ачиниш зуҳур этди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЗЎЛДИР қ. золдир.

ЗЎР [0. ʃˠʃ — куч, қудрат; уриниш; таз-йиқ, зулм] **1** 0171. Куч-қувват, қудрат; таъ-сир. *Ишончим бор қувватима-зўрима, Ос-дираман сени тилла дорима. «Зулфизар би-лан Авазхон». [Санаев/ Кесадек қотиб қолган қўл-оёгини зўр билан қимирлатиб, эмаклай бошлади.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. -*Уялганларидан менинг зўрим би-лан қиялтилар, — деди янга оғзини беки-тиб.* С. Нуров, Нарвон. *Амаки бўлса, ўшан-да пулнинг зўри билан ўғлини мардикорлик-дан қутқариб қолди.* Ё. Хаимов, М. Раҳ-мон, Ҳаёт-мамот.

2 Уриниш, ҳаракат. *Зўри беҳуда белни синдиради.* Мақол.

3 Кучли, шиддатли зарб; кучлилик. -Ў-ў, — деди Элмурод бош чайқаб, — калтакнинг зўрини менгина ейманми десам, сен ҳам ер экансан, боёқши. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Зўрлик, зўравонлик. [Мансур жаҳл би-лан:] Хайр, майли, ихтиёринг. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

Зўр бермоқ 1) астойдил ҳаракат, ғай-рат қилмоқ; куч етганча уринмоқ. Мусобақаларга зўр бериб тайёрланмоқ. *ти Сидиқжон.. шу қадар зўр бериб ишлар эдики, битта одамнинг қўлидан шунча иш келишига баъзан ўзи ҳайрон қолар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Мўмин қийшиқ зўр бериб кетмон чопмоқда эди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) бутун диққат-эътиборни бир нарсага қаратмоқ. *Айрим хўжаликлар раҳбарлари техникадан қўрқадилар, ундан айб қидириб, қўл кучига зўр берадилар.* Газетадан. - *Чўлда одам етишмайди. Машинага зўр бераверсин, — деди Шерали Асалхонга.* Ҳ. Ғулом, Сенга интиламан; 3) бирор иш-ҳаракатни ҳадеб такрорлайвермоқ, қайта-қайта қилмоқ. *Саодатхон онасини зўр бериб ўпар, Қиммат холанинг юзига юзини қўйиб, бағрига босар эди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

5 сфт. Катта жисмоний кучга эга бўл-ган, бақувват, забардаст. *Зўр йигит. Зўр от. ти* -Одамнинг қўлидан келмайдиган ҳеч бир иш йўқ, — деди.. Саодатхон, — одам ҳамма нарсадан зўр. С. Зуннунова, Янги директор. *Қўрқоқ бола зўр йигитга дўқ урганда, хаё-лингга не келади, бшасанми?С.* Сиёев, Еруғ-лик. Унинг [Хусайн Бойқаронинг] зўр, ҳай-батли оти қиргин ичига ёриб кирди. Ойбек, Навоий. *Тога ҳақиқашан ҳам зўр полвон ўтган экан.* «Шарқ юлдузи».

6 Иқтисодий жиҳатдан бақувват, қуд-ратли; катта иқтисодий кучга эга бўлган. - *Шунчалик зўр харидорлари турган бир за-монда бу вазифанинг менга келиб тўхтаганига хануз ақлим бовар қилмайди,*— деди Анвар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

7 сфт. Катта, улкан, букж; кучли. *Зўр тоғ. Зўр ишонч. Зўр ирода. ти* Олимжондан зўр-зўр умидлар кутган муаллим ҳазратлари Ахмадҷон билан иккисини ўз ҳужраларига чақирди. Ҳамза, Танланган асарлар.

8 Кучли, шиддатли; кескин. *Зўр шамол. Зўр зилзила.*

9 Оғир, қаттиқ, изтиробли. *Зўр оғриқ. Зўр қайғу. ит* Бу зўр меҳнат Ойқиз юрагида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил туйғу яратди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳамманинг юзидан, ҳаракатидан зўр бир мусибат акс этар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

10 Мазмун жиҳатдан пишиқ-пухта, қизиқарли; сифат, маза жиҳатдан афзал, яхши. *Зўр китоб. Зўр спектакль. Зўр олма. Зўр палов.*

11 Катта маҳоратга, тажрибага эга бўл-ган; ўз иши, касбининг устаси бўлган, мохир, кучли; забардаст. *Зўр олим. Зўр шоир. тт* Тошкентда зўр олимлар кўп. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. -*Қишлоғимизда бир бобой бўларди. Зўр табиб эди, — деди Маҷид.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Уста Бобоҳон деган зўр темирни бўларди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Зўр экансиз-ку, тагин га-пиришини билмайман дейсиз! [деди Гавҳар].* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Зўр келмоқ Қийин бўлмоқ, оғирлик тушмоқ, оғир кўчмоқ. *Буларни бшмасак, ҳар қайсисини ўзига лойиқ, ўзига муносиб жойга қўя олмаймиз. Унда ўзимизга зўр келади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Зўр келса** Бошқа илож(и) бўлмаса, жуда бўлмаганда; нари борса. *Зўр келса, хўжайин беради-ган тўққиз танга ҳақини бермай қўя қоларда.* С. Ахмад, Оқпадар.

ЗУРАБОР фольк. Зўравон. *Бирмашакат — элда ўзим зўрабор, Ҳеч маҳал бўлмайсан менга баробар.* «Ёдгор». *Атрофингда Темур шоҳдир зўрабор, Рустамдайин унинг зўрабо-ри бор.* «Муродхон».

ЗУРАВОН \ф. jjiijj — ботир, полвон; кучли] **1** Жисмонан бақувват, баҳодир, ботир, пахлавон. *Ҳар бири мингга тенгла-шадиган зўравон эди.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Золим, зулм ўтказувчи ҳукмдор. *Агар у [Бобур] Самарқанддан воз кечса, нариги зўравонлар пойтахтни олиши, кейин Анди-жонга бостириб келиши муқаррар экани унга ҳозир жуда аниқ сезилмоқда эди.* П. Қоди-ров, Юлдузли тунлар.

3 Умуман, ўзгаларга қонунсиз равиш-да куч ишлатувчи, зўрлик қилувчи шахс. *Иўлчи бир сакраида зўравоннинг олдига бор-ди, тўппонча тутган қўлини маҳкам сиқиб, орқага қайирди.* Ойбек, Танланган асар-лар. *Хўш, зўравон сизми ё бу бечора, бекас, бенаво шоирми? [деди Завқий].* К. Яшин, Ҳамза.

ЗЎРАВОНЛИК Зўравонларга хос хат-ти-ҳаракат; зўрлик, куч ишлатиш. *Зўравонлик қилмоқ. ти Авазхон, бу қандай зўравон-лик! Ахир, тўра деган камбағални эзаверадими? [деди Пирнафас ака].* Ж. Шарипов, Хоразм. *Уўз кучига жуда ишонар экан, зўравонлик билан яшайман, зўравонлик билан саёҳат ҳам қиламан, деб ўйлабди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Тошкентда бир мўғул беки бечора косибнинг қизини зўравонлик билан тортиб олмоқчи бўлганда, мен чидаб турол-мадим.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЗЎРАВОР шв. Зўравон.

ЗЎРАЙМОҚ 1 Кучли бўлиб бормоқ, кучаймоқ. *Ёмғир зўрайди. тт Кеч киргани учун совуқ яна ҳам зўрайган, изгирин юз-кўзларни аёвсиз чимчиларди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Гумбур-гумбур борган сари кўпая борди, зўрайиб кетди.* Қишлоқни дод-войлар қоплаб олди. Н. Сафаров, Оловли излар. *Болаларда гайрат зўрайди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Огирлашмоқ, ёмонлашмоқ. *Беморнинг дарди зўрайди.*

ЗЎРАКИ [ф. [^]лл — хоҳишга қарши; мажбуран] Ўз хоҳишидан ташқари қилин-ган, ғайриихтиёрий, мажбурий; сохта, сунъий. *Зўраки илжайиши. тт Элликбоши зўраки қаҳ-қаҳ уриб кулди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Вазира зўраки илжайиб қўйди.* С. Зуннунова, Гўдак хиди.

ЗЎР-БАЗЎР Зўрға, базўр, аранг. *-Мен йиглаб юборишдан ўзимни зўр-базўр тутиб, мақоланинг охирини ўқидим, — деди Ҳали-ма.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Чўпон йигит оёқларини зўр-базўр судраб босар экан, энди нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлар эди.* О. Хусанов, Қўшиқчининг такдири. *Ота-қўзи юрагининг тагидан дафъатан вулқон-дай қайнаб келган газабни зўр-базўр тўхта-тиб қолди.* О. Ёқубов, Диёнат.

ЗЎРИҚМОҚ 1 Бирор оғир иш, қаттиқ уриниш натижасида нихратда қийналмоқ; оғир ҳолатдан кучанмоқ. *Сарпойчан, оёғига калиш кийиб олган чол йиғма каравотда ўтирганча силкиниб-силкиниб йўталар, зўриққанидан кўзларидан ёш чиқиб, бурушиқ юзи кўқариб кетган эди.* Ў. Хошимов, Нур борки, соя бор.

2 айн. **зўраймоқ 2.** Қизининг қийналаёт-ганини кўрган сайин Басиранинг касали зўри-қарди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

ЗЎРИҚИШ Таранглик, кучланганлик; безовталиқ \Раънонинг\ *Икки кўзи қип-қизариб, қовоқлари олудек кўпчиган, юзида ҳам зўриқши аломати бор эди.* А. Қодирий, Меҳ-робдан чаён. *Фазогирларнинг вужудида қат-тиқ зўриқши пайдо бўлди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

ЗУРЛАМОҚ 1 Зўрлик билан бирор ишга ундамоқ, мажбур қилмоқ; хоҳишдан таш-
лhg¹⁶⁸

қари иш қилдирмоқ. *Беморга зўрлаб дори ичирмоқ. тт Уста Олим ошга сабзи босиши билан овора эди: -Мен сизни зўрламайман, лекин йўл устида қорнингиз очиб қолса, ўзин-гиздан ўпкаланг.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Матпано] *Ўзини ҳар қанча зўрлагани билан бугун бир четда туриб, ёлғиз ўзи газал ай-толмади.* С. Сиёев, Аваз. *Раҳима опа уни [қудасини] зўрлаб қўлтигидан олиб, ичкари хонага етаклади.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 Бировнинг номусига тегмоқ; тажовуз қилмоқ. *Ёш бир йигит онаси тенги аёлни зўрламоқчи бўляпти.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қо-тиллиқ ва ўғирлик қилиши 9 процент, зўрлаш 5 процент кўпайган.* Газетадан.

ЗЎРЛИК 1 Жисмоний бақувватлик; кучлилик; улканлик; шиддатлилик. *Аскар-нинг зўрлиги. Ақлнинг зўрлиги. Шамолнинг зўрлиги.*

2 Зўравонлик, адолатсизлик. *-Бу нима зўрлик, бек? — Мавлон ака газабдан тит-рад сўради. Х. Фулом, Машъал. Бу қандай замон, бу адолатсизликка, бу ҳукм сураёт-ган ёмонликларга, бу зўрлик, зуғум, ҳақорат, инсоннинг бунчалик оёғости бўлишига қандай чидаш мумкин?! \деди Ибни Ямин\.* К. Яшин, Ҳамза. *Аҳоли галаёнга келди, кўрққанидан эмас, зулмга, зўрликка, ҳақиқатсиз-ликка чидамаганидан галаёнга келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Зўрлик қилмоқ 1) зўравонлик қилмоқ, куч ишлатмоқ; 2) кучлилик қилмоқ, таъ-сир кучи юқори бўлмоқ; қийин ҳазм бўлмоқ.

Паловдан тўғри фоидалана билиш керак. Қазили палов ёз ойларида зўрлик қилади. С. Аҳмад, Сайланма. *Қаймоқ зўрлик қилиб, ўлгу-дай чанқатди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ЗЎРМА-ЗЎРАКИ с. т. Хоҳишдан таш-қари, зўраки, мажбурий. *Саидгози зўрма-зўраки кулди.* С. Анорбоев, Оксой. [*Комил-жоннинг*] *Юзида зўрма-зўраки, галати бир ифода пайдо бўлди.* С. Зуннунова, Янги ди-ректор.

ЗЎРҒА Зўр-базўр, бир амаллаб, аранг. *Болаларнинг орасидан зўрға қочиб чиқдим \деди Саид\.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Зам-билларда ётган ярадорлар зўрға нафас олиш-япти.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Мели полвоннинг лаблари зўрға пичирлади: «Сув.. сув».* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЗЎРҒАТДАН с. т. қ. **зўрға.** *Зўрғатдан судралар дуч келган ёққа, Уринмас ҳаттоки тезроқ учмоққа.* «Муштум».

ЗЎҒАТА, зўғота 1 Кетмон, теша ёки болтаннинг соп ўрнатиладиган тешиги. *Рўзимат кетмонни зўғотасигача ботириб урди-ю, Сидиқжонга қаради.* А. Қаххрр, Кушчинор чирок^лари. *Оббо йигитлар-эй, чопиққа кетмон ишлатмаймиз, дейишиди-ю зимдан зўғотасигача ботириб, тупроқни элак-элак қилишибди.* Й. Шамшаров, Танланган асарлар.

2 Маккажўхорининг донсиз ўзаги; сўта. *-Ҳа.. дони — дон, зўғотаси — чорвага ем-хашак, — деб яна гапида давом этди раис.* «Муштум».

ИБИ шв. унд. с. Ажабланиш, ҳайрон-лик каби ҳис-туйғуни билдиради; вой, ие. *Сухбатдошим бу гапларни.. эшитгач, унинг юзида бирдан қувонч нури пайдо бўлиб, ҳая-жонланиб: -Иби!— деди.* С. Айний, Эсдалиқ-лар. *У кўзларини қисиб, тўрхалталарга ти-килди: -Иби, нима қиласиз бу намақобларни, хола?С. Нуров, Нарвон.*

ИБЛИС [а. UM-IL - шайтон] 1 Одамларни йўлдан оздирувчи, ёмон йўлга бошловчи махлуқ; шайтон. *У, Саидгози-нинг.. юрагига иблис ин қурган тўхматчи, бутун бадани заҳар боғлаб кетган гараз-гўйлигини билмаган экан.* С. Анорбоев, Оксой.

2 кўчма Иблисга хос хусусиятли одам. *Эъзозхон одам суратидаги иблис ҳикоясига кўрқув ичида қулоқ солиб ўтираркан, унинг [Зиёдилланинг] мақсадига тушуна олмади.* Х. Фулом, Машъал.

3 Иблисга нисбатловчи ҳақоратни бил-диради. *Қутидор, қизининг мақсадига тушуниб, икки турли қўлни дарров пайқаб олди: -Виждонсиз, иблис! — деб қўйди.* А. Қодиррий, Ўтган кунлар.

ИБЛИСЛАРЧА айт. **иблисона.**

ИБЛИСЛИК 1 Иблисга хос хусусиятли (иблис каби) одам эканлик. *Сенинг иблислигингни энди билдим.*

2 Иблисона хатти-ҳаракат, иблис иши; малъунлик, шайтонлик. [*Шавкатий*] *Иблислик қилиб, Мунисни йўлдан оздирган маккор.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ИБЛИСОНА рвш. Иблисларга, малъун-ларга хос; разилона, иблисларча. *Мен бу иблисона алдовга учиб, бу тўғрида на сенга ва на Нормухаммад қушибегига оғиз очмадим.* А. Қодиррий, Ўтган кунлар.

ИБН [а. ўғил] эск. кеп. Эркак кишини ўз отасига нисбат этиб кўрсатувчи, «ўғли», «зода» маъноларини билдирувчи сўз, куня. *Ибн Сино, Ибн Батута, Ибн Аҳмад Мирзо.*

Хоқон ибн хоқон Хоқон ўғли хоқон (ота-боболари хоқон ўтган киши ҳақида). *Менким, Марғилон ҳоқими Ўтаббой қушбеги, ўз ҳукмимни хоқон ибн хоқон жаноби олий Худоёрхон исми шарифларидан эшиттираман.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ИБО [а. ل. — қаршилиқ, кўнмаслик; ғурур, мағрурлик, такаббурлик] **1** Андиша, шарм-хаё билан тортиниш, шундай ҳис-сезги, уялиш. *Дилора кулиб, чарақлаб қай-тиб келганда, Ғуломжон ҳар қандай ибога парво қилмай, бўласи ёнига борди.* М. Исмойлий, Фарғона т. о. *Кравцова бу «шалоқ» йи-гитнинг бунчалиқ ибо билан қилаётган ҳара-катидан кулгиси қистади.* Шухрат, Шинел-ли йиллар.

Ибо қилмоқ Ибо хисси билан тортин-моқ, уялмоқ; тийилмоқ. *Анвар меҳмонхона-га кириб келувчи Султналидан ҳам ибо қил-май.. сандал устига энгашиди.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён. *Тоҳир чанг босган чориги билан кўрпачага чиқишидан ибо қилди-ю, пой-гаҳдаги шолча ушига ўтирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ўзини, нафсини тийиш, сабру қаноат.

3 Ибо (хотин-қизлар исми). **ИБОДАТ** [а. oʻjL^t - қуллуқ қилиш; си-

ғиниш, топиниш] **дин.** **1** Қуллуқ қилиш, сиғиниш, топиниш ва унинг амали; намоз.

Бутун кўҳна тарих давомида диний тарбия дейилганда, асосан ибодат тушуниланган. Газе-тадан. *...мўмин-мусулмонларнинг ўзла тутиши-дан мақсаддини Оллоҳнинг бандалари.. ўз ум-матларини сабр-қаноатга, меҳр-оқибатга ундайдиган ибодат деб таърифлайдилар.* Га-зетадан. *Бутхона кўнгириги кечки ибодатга чақириб, оғир ва узун даранглади..* А. Қаҳҳор, Томошабоғ.

Ибодат қилмоқ **1)** сиғинмоқ; намоз ўқи-моқ; **2)** тоат-ибодат қилмоқ. [Навойӣ:] *Менинча, олтмиш йил қуруқ тоат, ибодат қилгандан кўра, бир соат одил бўлмоқ савоблироқдир.* Уйғун ва И. Султон, Алишер На-войӣ; **3)** кўчма бирор нарсага ортиқдаражада берилиб кетмоқ, чўқинмоқ. *Упулга ибо-дат қиладиган одам. шунинг Агар одамлар сенга қиладиган ибодати ўрнига бир-бири учун меҳ-нат қилса, сенга қўйган кўнглини бир-бирига қўйса.. ер юзининг ўзи жаннат бўлади.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

2 Ибодат (хотин-қизлар исми).

ИБОДАТГОҲ Ибодат қилинадиган жой; ибодатхона.

ИБОДАТҲОНА Ибодат қилинадиган жой ёки уй, бино (мачит, хонақоҳ ва ш. к.). У [Очил] *Байжунинг кўл бўйида, эски ибо-датхона олдида айтган ашулаларини.. юм-юм йиглаб эшитди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ИБОЛИ Ибоси бор, андиша-хаё [ис-сига (хислатига) эга. шунинг Қайси аёл сабр-қаноатли, ҳаёли, иболи экан, у ҳаётда бахту тахтини топа олади. Газетадан.

ИБОРА [а. -jL-t — сўз, сўз бирикма-си] **1** Бирор тушунча ёки фикр ифодалов-чи, одатда, сўзларнинг турғун бирикмаси (сўз бирикмаси ёки гапга тенг жумла); таъ-бир. *Образли ибора. шунинг Черницов «вақтинча тантана», «вақтинча чекинши», «қайта ҳужумга ўтиши» деган ибораларни қийналиб айтди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Улар Суқротнинг «Аввал ўзингни англа, шунда дунё-ни англайсан» деган машҳур иборасини ўзла-рига дастуриламал қилиб олишган.* «Сирли олам».

Турғун ибора Бевосита нутқ жараёнида ҳосил бўлмайдиган, тилда бир бутун ҳолда мавжуд бўлиб, шундайлигича нутққа ки-ритиладиган сўз бирикмаси ёки гапга тенг жумла. **Фразеологик ибора** Турғун иборалар-нинг кўчма маъноли, образли тури. *Оёғини қўлига олмоқ* (жуда тез югурмоқ), *аммамнинг бузоғи* (лалайган,), *илоннинг ёғини яла-ган* (ўта айёр) ва ш.к. **2** айн. сўз **2.**

ИБОРАТ I [а. - баён, ифода] **1**

Ташкил топган, таркиб топган; тузилган. *Сув водород ва кислороддан иборат. Беш кишидан иборат комиссия. шунинг ..саксовул, қандим, черкез каби чўл ўсимликларидан иборат ўрмонзорлар барпо этилди.* Газетадан. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти эса Имом ал-Бухорий ҳадис-ларидан иборат «Солиҳ амаллар», «Эр ва аёл бурчи», «Илму маърифат нури» сингари мўъжаз китобларни чоп этди. Газетадан.

2 Феъл-боғлама взф. *Асосий вазифа — мавжуд барча моддий ресурслардан фойдалана билишдан иборат.*

ИБОРАТ II \а. оҗл^ . - сўзлар, ибора-лар] эск. Ибора; сўз, сўзлар. *Хатўқилди завқ бирлан сар-басар, Бир иборат чиқди, мазму-ни итоб.* Муқимий.

ИБОСИЗ Ибоси йўқ, андишани, тор-тинишни билмайдиган; бешарм, беҳаё. *Мунисхон гўё олдида гўдак ёки ўз эри ўтирган-дай, ҳеч ибосиз устки кўйлагини еча бошлади.* А. Қахдор, Сароб.

ИБРАТ [а. — ўғит, панд-насиҳат; намуна, ўртак] Намуна, ўртак бўладиган иш, хатти-ҳаракат ва ш. к. *Бола тарбиясида ота-онанинг ибрати, айниқса, бебаҳо.* Газетадан. *Мен кўрдим театрни.. Менборганим-да, бир илмсиз боланинг безори бўлиб кетга-нини кўрсатишиди, холос.* - *Мактаб эмас, иб-рат денг!* Ойбек, Танланган асарлар.

Ибрат олмоқ Ўртак олмоқ, ўрганмоқ. *Янгиликни тарқатишида дадил бўлиш керак, халқ ўзимиздан ибрат олгани яхши.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ИБРАТЛИ Ибрат бўладиган, намуна, ўртак олса арзийдиган. *Бизнинг ўзбек миллатига хос удумлар, одоб-ахлоқ меъёрлари бир-биридан гўзал ва ибратли.* Газетадан. *Барчага ўртак бўлиб, ўтказдингиз ибратли умр.* Воқиф.

ИБРАТОМУЗ [а. +ф. ^Го^ . - ибрат-ли, ибратга эга бўлган] Ибрат бўларли, намуна, ўртак бўларли. *Ибратомуз иш. Иб-ратомуз сиймо.* **итт** «Мушук ва сичқон» ҳикояси бирам ажойибки, тўқ одамлар би-лан фақир одамларни мушук билан сичқон-лар оркали ҳикоя қилади бу китобда. *Мақ-сади жуда ибратомуз.* Ойбек, Болалик.

ИБРАТХОНА эск. Театр. *Ахир театрни бир вақтлар бекорга «ибратхона» деб аташ-маган.* Газетадан.

ИБРИЙ [а. и^с — яҳудий] айн. **иброний.**

ИБРОНИЙ fa. ^л^ .] эск. **1** айн. **яҳудий.**

2 Яҳудийларга, уларнинг тили, адабиё-ти ва маданиятига оид. *Иброний ёзуви.*

ИБТИДО (а. sluijj — бошлаш; бошланғич нуқта] кт. Бирор нарса, иш-ҳаракат, воқеа-қодиса ва ш. к. нинг аввали, бошла-ниш даври; зид. **интиҳо.** *Воқеанинг ибтидоси ва интиҳоси.* **тт** *Фан эса ўз ибтидосида-ноқ моддий дунёни тадқиқ этишига йўналти-рилган бўлиб..* Газетадан. *Дуруст, у.. энди табиат сирларининг ибтидосини билади.* О. Ёқубов, Кўхна дунё.

ИБТИДОЙ |а. Ҷ>\£L>\ ~ бошланғич, дастлабки; содда] кт. **1** Кишилиқ тарихининг энг қадимги, дастлабки даврига оид, синфий жамиятдан олдинги. *Зеро, ибтидо-ий жамиятдан тортиб ҳозирги жамият бос-қичига қадар бўлган даврлар одам меҳнати самараси..* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бошланғич, дастлабки. *Ибтидоий мак-таб (эск.).* **тт** *Шу оддий бир киши(ни), ибти-доий мактабнинг муаллимини, Аббосхондан тортиб Муҳаммадjon домлагача иззат қиладилар.* А. Қахдор, Сароб.

3 Оддий, элементар. *Мулла Шохнинг адабиёт билан машғулоти жуда содда ва ибтидоий эди.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Меҳ-натга иштиёқ бўлгани ҳолда унга муносабат жўн ва ибтидоий даражада турибди.* Газетадан.

ИВИМОҚ I Сув ёки бошқа суюкликни эмиб, шимиб ҳўл бўлмоқ, нам тортиб юм-шамоқ; бўкмоқ. *Сувда ивиган нон. Кишимла-рим ёмғирда ивиб кетди.* **тш** *Султон товоқ-даги қаймоқни шимиб, ивиб қолган нон бур-даларини лунжига тўлдириб чайнай бошла-ди.* Ҳ. Фулом, Машғал. Сафаров, папирос найчасининг ивиган жойини тиши билан узиб, пуфлаб ташлади-да, ўйчан жавоб берди. А. Қахдор, Кўшчинор чироқлари.

ИВИМОҚ II 1 Қуюлиб қолмоқ, қуюқ тортмоқ, қуюқяашмоқ (қон хақида). *Қаерда-дир томса томчи қон, Сенинг юрагингда ивий-ди.* У. Қўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

2 Қатикқа айланмоқ (сут хақида); уйи-моқ. *Оч уйда қатикқ ивимас.* Мақол.

3 Бузилиб, айниб қолмоқ, чириб туш-моқ. *Сут ивиб қолибди.*

ИВИНДИ Ўз-ўзидан ивиб қолган нар-са (асосан сут хақида).

ИВИРСИЛАМОҚ *шв. қ. ивирсимок 1.*

Ҳой, мунча ивирсиладиларинг. Бўла қолсала-ринг-чи! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

ИВИРСИМОҚ 1 Майда-чуйда ишлар билан овора бўлмоқ, имиллаб ишламоқ, ғимиллаб юрмоқ. *Анзират хола.. ўз-ўзи-дан жавраб, қоронгида ивирсиб юрар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Супурилмай-сидирилмай, йиғишти-рилмай, бетартиб ҳолга келмоқ, кир, чанг ва ш. к. билан қопланмоқ. *Уй ивирсиб ётиб-ди. Ивирсиган уйга меҳмон келар.* Мақол. **иш** *Машина похол-хашақлар сочилиб, ивир-сиб ётган тегирмон эшиги олдидаги яланг-ликда доира ясаб тўхтади.* Д. Нурий, Ос-мон устуни.

ИВИРСИРАМОҚ *шв. Ивирсимок. Нима қилиб ивирсираб ўтирибман, тезроқ яранинг олдини олиш керак.* Ҳамза, Захар-ли хаёт.

ИВИРСИҚ 1 Супуриб-сидирилмаган, йиғиштирилмаган, бетартиб ҳолдаги. *Ивирсиқ уй. тт Шипи наст, деворлари юпқа, тор-гина дўконхона хар вақтдагидай ивирсиқ.* Ой-бек, Танланган асарлар.

2 Саранжом-саришта бўлмаган, уй-рўз-ғорни бетартиб тутадиган; пала-партиш. *Ивирсиқ хотин.*

ИВИР-ШИВИР *тақл. с. Шивирлашув-чиларнинг ўзгаларга аниқ эшитилмайдиган (одатда, сирли) суҳбати ва шу суҳбат тову-ши; шивир-шивир. Ивир-шивир гаплар. тт Тўхтасин ўртоқларини йиғди, уларга ивир-шивир билан бир нимани тушунтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўп вақтгача Офтобой-имнинг ивир-шивири набира тўғрисида бўлиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИВИТМА Ивитиб тайёрланган.

Ивитма палов Олдиндан 1,5—2 соатча ивитилган гуручдан тайёрланган палов.

ИВИТМОҚ I Ивимоқ I фл. орт. н. *Ошга нўхатни ивитиб солмоқ. тт Улар.. тилхат-ларни чўнтақларидан чиқариб кўрсатдилар. Улардан бири деди: Биз бу тилхатларни иви-тиб ичамизми? С Айний, Қуллар.*

ИВИТМОҚII Ивимоқ II фл. орт. н. *Қатикқ ивитмоқ.*

ИВИТҚИ *с. т. Қатикқ ивитиш учун сутга солинадиган озгина қатикқ; томизғи, окдик. Сутга ивитқи солмоқ.*

ИВИШИҚ Ивишиб (увушиб) қолган. *Ёзар эмишимиз биз ҳам энди ивишиқ оёқларимизни.* Ғ. Ғулом.

ИВИШМОҚ *айн. увушмоқ. Маршрут-нинг узунлигидан унинг охирига етгунча йўловчиларнинг оёғи ивишиб қолди. «Муш-гум». Тек ўтирган боланинг баданидан энди боягидек иссиқ тафт кўтарилмасди, аксин-ча, аъзойи бадани ивишиб борарди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

ИВИҚ Қон ивишидан юзага келган ёпишқоқ, елимсимон масса.

ИВРИТ [*қад. сом тилида: дарёнинг на-риги томонидагилар тили*] Сом-ҳом тиллари оиласининг сом тармоғига мансуб қадимги яхудий тили; ҳозирда араб тили билан бирга Исроилнинг давлат тили.

ИГИ-ЖИГИ: **иги-жигисигача** Икир-чи-киригача, майда-чуйдасигача. *Ҳаммасини мана биздан сўранг, шаҳримиздаги ҳар бир кимсанинг иги-жигисигача биламиз.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИГИР, ийир Кучаладошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик (атторлик, қандолат саноатларида ва тиббиётда ишла-тилади). *Ангизли ерда от ўлмас, ийир бор*

ерда эр ўлмас. Мақол. *тп* *Отга солди арна билан ийирни.* «Алпомиш». [Игир]Илдизпоясидан эфир мойи олинади. «ЎзМЭ».

ИГНА 1 Бир томони найзасимон, ик-кинчи томони тешик бўлиб, тешигидан ип ўтказиб, нарса тикишга мўлжалланган ин-гичка металл асбоб. *Машина игна. Тепчик игна. Қавиқ игна. Игнага ип ўшказмоқ.*

2 Турли асбобларнинг игнасимон қисми. *Патефон игнаси. Примус игнаси.*

3 тиб. Тиббий техникада: ингичка сим ёки учи ўткир найча кўринишидаги санчилувчи ёки санчилувчи-кесувчи асбоблар-нинг умумий номи. *1982 йил сентябр ойининг охирларида игна билан даволовчи олим ва шифокорларнинг бутуниттифоқ анжума-ни бўлиб ўтди.* «Фан ва турмуш».

4 Баъзи ўсимлик ва жониворларнинг игнасимон аъзоси, найзаси, тикани. *Дарахт игнаси. Кирпи игнаси.*

Игна билан қудуқ қазимоқ Қийин, май-да, машаққатли ва узоқ муддатли ишни қунт, бардош, матонат билан бажармоқ. *Илм (олиш) — игна билан қудуқ қазииш билан барабар. Игна санчмоқ* Оғир ботадиган гап қотмоқ, қаттиқ тегадиган гап гапирмоқ.

Игна тешигидан ўтадиган Чаққон, абжир. *Разведкага игна тешигидан ўтадиган эпчил.. кишилар керак.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Игна устида ўтирмоқ** Жуда бетоқат, безов-та ва азобда бўлмоқ. *У [Одилжон] игна ус-тида ўтиргандай, жуда бетоқат эди, дам-бадам томоғини қириб йўталиб, соатига қарарди.* Р. Раҳмонов, Қўшнилар. **Игнадай нарсани туядай қилмоқ** Кичик нарсани катта қилиб кўрсатмоқ, муболаға қилмоқ, орт-тириб, бўрттириб юбормоқ. *Қўзибойнинг.. игнадай нарсани туядай қилиб гапириши ода-ти бор.* Ҳ. Назир, Кўкорол чироклари. **Иг-надек санчилмоқ** Қаттиқ ботмоқ (гап хақи-да). *Бекмуродга чолнинг деганлари гўё игна-дек санчилди.* И. Ўктамов, Изза. **Игнанинг учидай** Жуда кичик; зиғирча, жичча. *-Ҳе-ҳе-ҳе, — эллиқбоши кулиб, кўзларини артди, — игнанинг учидай ёлғони йўқ, қулинг бўлай, бойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бироқ менинг гуноҳим игнанинг учидай бўлса, сизларнинг айбингиз туядай.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ИГНАБАРГ Баъзи бир доим яшил да-рахтларнинг, мас, қарағайнинг игна шаклидаги барги.

ИГНАБАРГЛИЛАР Игнасимон баргли, яланғоч (очиқ) уруғли ўсимликлар (мас, қарағай, қора қарағай, оқ қарағай ва ш. к.).

ИГНАТЕРАПИЯ Гавда (тана) юзаси-нинг қатъий муайян нуқталарига қадалган игналар ёрдамида кучи, габиати ва мудда-ти турлича бўлган таъсирлашлар орқали организм функцияларига таъсир кўрсатиш-дан иборат даволаш усули.

ИГНАЧИ *шв.* Ниначи. *Унинг атрофидаги гулзорда ранг-баранг капалаклар, игначилар қанот қоқар, асаларилар гўнғиллар.. эди.* А. Қахдор, Картина.

ИГРЕК 1 Лотин алифбосида охирги ҳарфдан олдинги — «Ү» ҳарфининг номи.

2 *мат.* Шу ҳарф билан ифодаланган но-маълум (қидирилаётган) микдор.

ИГУАНА \исп. iguana < қариб тиллари-дан\ Асосан дарахт шохларида яшовчи узун думли калтакесаклар оиласининг умумий номи; Шимолий ва Жанубий Америкада, Мадагаскар оролида тарқалган.

ИД қ. **ийд.** *..Шу чоққача қаерда буқиниб ётган бўлса, ётгандир, илло ид кунлари албатта уйларига келурлар..* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

ИДБОР [а. jL>jj — чекиниш; (ишнинг) орқага кетиши] *эск.* Бахтсизлик, (иш) юришмаслик. *Масти иқбол ўлма-ю, идбор била оғритма бош, Тотмагил бу бодани, зин-ҳор махмур ўлмагил.* «Ақл ақлдан қувват олади».

ИДДА [а. ىلء — бир қанча; қанчадир сон, кун] *дин.* Эрдан ажраган ёки эри ўлган хотинга ҳомиладорлиги аниқлангунча шариат бўйича эрга тегиш ман қилинган тўрт ою ўн кунгача бўлган муддат. *Менинг бу хатимни, албатта, шариат пешволари шаръий ҳисоблаб, иддангиз битиши билан, сизга бошқа эр қилишига ихтиёр берсалар керак.* А.

Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Эрга те-ғиш нияти бўлса, мазкур идда муддати (тўрт ою ўн кун) ўтгандан кешин зийнат-ланиши мумкин.* Газетадан.

Идда тутмоқ (ёки сақламоқ) Идда ама-лини бажармоқ, иддага (идда муддатига) риоя қилмоқ. *Санам ҳали ё'ш, ўн гулидан бир гули очилмаган, бундай жувон учун, китоб-ларда ҳам айтилган, олти ойдан ортиқ идда тутуши ортиқча экан.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.

ИДДАО \а. сLсJ — муддао, даъво, та-лаб; қаллоблиқ] **1** Ноўрин ёки ноҳақ та-лаб, даъво. *Демак, «ер оз, аҳоли кўп» деган иддао билан ҳаётий зарур масаладан қоча олмаймиз.* Газетадан.

2 Ўзи учун муносиб бўлмаган, ортиқча даъво. *Унинг иддаоси баланд-ку!*

Иддао қилмоқ (ёки этмоқ) Бирор талаб-ни қўймоқ; ортиқча даъво қилмоқ. *Сиз фронтда юрганда, бошиқага кўнгил қўйсам.. сизни бу ерга чақиршига, бирор иддао қилишига ҳақ-ҳуқуқим қолмасди..* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Амалин пеш қилиб, ҳар кимга ҳар хил иддао этган Баланд тумшуқ, бўйин гоз, бад-ҳаволарни кўролмасман.* «Муштум».

ИДЕАЛ \фр. ideal < юн. idea — ғоя, ту-шунча, тасаввур; образ, тимсол] **1** от Жамиятнинг, шахснинг энг олий мақсади, энг юксак орзу ва тилак. *Идеал — жамиятнинг юксак ва олижаноб мақсади, келажакда кўзланган гояси.* Газетадан. *Ижтимоий иде-ал мисоли маёқ бўлиб, жамият қаёққа ва қандай мақсадда қадам отишида гоявиш-мафкуравий ва маънавий-руҳий иўл кўрсатиб туриши мумкин.* Газетадан.

2 от Ҳар жиҳатдан баркамол, мукам-мал, хаёлан орзу қилинадиган, лекин ҳали ҳаётда мавжуд бўлмаган нарса, хрдиса. *Унинг идеали — ёқтирган қизини ўз таъсирига олиб, ўз қадрини ергаурмай севилмоқ эди.* П. Қоди-ров, Уч илди.

3 сфт. Олижаноб, намуна бўладиган, орзу-мақсадга мос, мувофиқ келувчи. *Иде-ал образ. Идеал шароит.* **ит** *Маънавият қаҳрамони бўлгани туфайли у халқнинг иде-ал қаҳрамонига айланди.* Газетадан.

ИДЕАЛИЗМ \фр. idealisme < юн. idea] *флс.* Материализмга қарама-қарши ҳолда, руҳ, ғоя, онг борлиқнинг негизи, яъни бирламчи деб билувчи, материя, табиат эса иккиламчи, хрсила деб тан олувчи фалса-фий оқим ва таълимотларнинг умумлаш-ма ифодаси.

ИДЕАЛИСТ 1 Идеализм тарафдори, идеалистик фалсафа издоши.

2 Ҳақиқатни идеаллаштирувчи, бўяб кўрсатувчи шахс; хаёлпараст.

ИДЕАЛИСТИК Идеализмга доир, иде-ализмга хос ёки унга асосланган. *Идеалистик фалсафа. Идеалистик дунёқараш. Та-риҳга идеалистик қараш.*

ИДЕАЛЛАШТИРМОҚ Бадиий ижодда бирор нарса, воқеа, ходиса ёки шахсни юкори кўтариб, бекаму кўст, яхши, бенуқ-сон қилиб кўрсатмоқ. *Утмишни идеаллаш-тирмоқ.*

ИДЕНТИФИКАЦИЯ [лот. identificare -айнанлаштирмоқ, тенглаштирмоқ] Крими-налистикада объект ёки шахснинг умумий ва хусусий белгилари мажмуига қараб ай-нанлигини аниқлаш.

ИДЕОГРАММА [юн. idea - тушунча + gramma — ёзув] *тлш.* Тилнинг айрим товуш-ларини эмас, балки тўлиқ тушунчаларни ифодалашга асосланган, шартли қабул қи-лингган ёзув белгилари (рақамлар, математик шакллар; шунингдек, иероглифик ёзув белгилари).

ИДЕОГРАФИК Идеографияга оид. *Иде-ографик ёзув.*

Идеографик луғат Сўзлар алифбо тар-тибида эмас, балки мавзуй (маъновий-мазмуний) тамойил бўйича жойлаштирил-ган луғат.

ИДЕОГРАФИЯ \юн. idea - тушунча + grapho — ёзаман] *тлш.* Идеограммага асос-ланган ёзув тизими.

ИДЕОЛОГ қ. мафкурачи.

ИДЕОЛОГИК қ. мафкуравий.

ИДЕОЛОГИЯ [юн. idea - тушунча + logos — таълимот] қ. мафкура. *Демократия ва ошкоралик тоталитар-буйруқбозлик ту-зуми давридаги якка идеологиянинг мутлақ ҳукмдорлигига, инсон ҳуқуқлари поймол эти-лиши ва сўз эркинлиги барбод бўлишига нис-батан олга қўйилган бир қадам эди.* Э. Юсу-пов, Истиклол йўлида.

ИДЕЯ [юн. idea — тушунча, образ, та-саввур] **1** Объектив борликни, воқеликни киши онгида акс эттирувчи, айна замонда кишининг объектив борлиққа, воқеликка муносабатини ифодаловчи, кишиларнинг дунёқарашлари асосини ташкил этувчи ту-шунча, тасаввурлар йиғиндиси.

2 Бирор бадий, илмий ёки сиёсий асар-нинг мазмуни, туб моҳиятини белгиловчи асосий фикр; ғоя. *Асарнинг идеяси. Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романининг идеяси.*

3 Ният, мақсад, фикр. *Тинчликни сақ-лаш ва мустаҳкамлаш идеяси.*

ИДЕЯВИЙ қ. ғоявий

ИДИОМА \юн. idioma — ўзига хослик, хусусият] тли. Маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи, ихчам ибора; фразеологизмларнинг бир тури. Мас, *томдан тараша тушгандай, оғзинг-га қараб гапир.*

ИДИОМАТИЗМ айн. идиома.

ИДИОМАТИК Идиомага, идиоматика-га тааллуқли. *Идиоматик ибора. Тилнинг иди-оматик бойлиги.*

ИДИОМАТИКА тли. **1** Идиомалар қақидаги таълимот.

2 Бирор тилдаги идиомалар мажмуи.

ИДИШ I Нарса солиш (солиб қўйиш) учун ишлатиладиган уй-рўзғор ёки хўжа-лик буюми. *Дон идиш. Сув идиш. Тунука идиш. Чинни идиш. тт Унинг икки кўзи бир дўкондаги катта идишларга солинган қанд-ларда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Полвон бит-та тухум, иккита хурмо, ярим мисқол седа-на, беш дона бўтакўз, бир қошиқ асални то-тиб, бир пиёла сув билан мис идишда қайна-тишига буюрди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнингочи-лиши.

ИДИШ II [нем. yiddish — яхудийларга оид, алоқадор) Ҳинд-европа тиллари оила-сидаги герман тиллари гуруҳига мансуб, европалик яхудийларнинг алоқа-аралашу-вида қўлланувчи тил.

ИДИШ-ОЁҚ қ. идиш-товоқ. *Махалла болалари эшикма-эшик юриб: «Барот келди, билдингизми, Идиш-оёқ ювдингизми?» ашу-ласини айтар эдилар.* А. Қодирий, Мехроб-дан чаён.

ИДИШ-ТОВОҚ Овқат тайёрлаш, ейиш-ичиш учун керакли уй-рўзғор буюмлари. *Тўхта хола ҳовлида идиш-товоқ ювиб юрган экан, Олимжонни кўриб, юраги ёрилиб кет-гудек бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ИДИШҚАЙТТИ этн. Қиз унаштириш-да куёв томондан юборилган дастурхонга қайтарилган дастурхон ва уни кутиб олиш маросими.

ИДО \эсперанто ido — насл, авлод] Эс-перанто асосида яратилган (1907) халқаро ёрдамчи сунъий тил.

ИДОРА \а. ʔlɪɟɪ — бошқарув, маъмури-ят; муассаса] **1** Белгили тартибда бошқа-риб, йўлга солиб бориш; бошқариш *Идора усули. тт Отабек айтди: -Энди бизнинг Тош-кент халқи қипчоқларнинг жабру зулми ва тадбир идораси остида ётиб, жуда тўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Идора этмоқ (ёки қилмоқ) **1)** бошқар-моқ, раҳбарлик қилмоқ. *Давлатни идора қилмоқ. У катта бир ташкилотни идора қилиб турибди;* **2)** бош бўлиб, белгили тар-тибда олиб бормоқ; амалга оширмоқ. *Ҳар бир мажлиснинг жонлантирувчи, идора қилувчи бир-икки қаҳрамони бор бўлганидек, бу қизлар мажлиси ҳам шундай қаҳрамон-лардан холи эмас эди* А. Қодирий, Ўтган кун-лар; **3)** белгили бир тартибга бўйсундир-

моқ; бошқармоқ, ўз йўлига солмоқ. *Ўзини идора қилмоқ. Ўз иродасини идора қилмоқ. тт Албатта, уларнинг тилини дарров билиб олиб, идора қилиш учун ўқиган, саводли одам-лар керак.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Иродамни идора қиларлик журъат тополмай қолдим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Маълум бир ижтимоий, давлат, хў-жалик, савдо ва ш. к. тармоқларни бошқа-риш учун штатли ходимлари ва маъмурия-ти бўлган ташкилот, муассаса, бошқарма ва улар ўрнашган бино. *Бошқарув идорала-ри. Муслмонлар идораси. Идорада ишламоқ. тт Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жойлашган* А. Қаххрр, Олтин юлдуз. *Шербекнинг ёдига раиснинг бултур идорада ўтириб айтган бошқа сўзла-ри тушиди.* С. Анорбоев, Оксой.

ИДОРАВИЙ Идора ишлари билан боғ-лиқбўлган; идора томонидан қилинадиган. *Қонун ҳужжатлари, шу жумладан, идора-вий-норматив ҳужжатлар, агар уларнинг ижроси чет эллик инвесторга ёки чет эл инвестицияларига зарар етказмаса, орқага қайтиши кучига эга эмас.* Газетадан.

ИДОРАЧИЛИК Ишни бошқариш, олиб боришдаги ўта расмиятчилик, ишнинг зарарига хизмат қиладиган ўта расмиятчилик. *Идорачилик тўсиқлари.. саноат ва қурилишга раҳбарлик қилиш амалиётидаги катта кам-чиликдир.* Газетадан.

ИДРАМОҚ *ив.* Қалтирамоқ, титрамоқ. *Энасин бадани идраб кетди.. Болам деб, бе-ҳуш бўп ўзидан кетди.* «Ойсулув». *Гўрўглига яқин етди Тўлак «бошир» идрашиб.* «Гулнор-пари».

ИДРОК [*а.* ^Ij]l — эришиш, фаҳмлаш, онг, тушунча; ақл] **1** Ташки дунё воқеа, ҳодисаларини билиш, тушуниш қобилия-ти; зехн, фаҳм, фаросат. *Сенинг идрокинг зўр экан. Идрок билан иш қилмоқ керак. Ақл-нинг ўлчови — идрок.* Мақол.

2 *флс.* Бевосита сезги аъзоларига таъсир этаётган объектив мавжудот, предмет ва ҳодисаларнинг киши онгидаги инъикоси (Идрок инъикос этилаётган предмет ва ҳодисаларнинг аввалги тажрибалар асоси-да тушунилишини ҳам ўз ичига олади).

Идрок этмоқ (ёки қилмоқ) **1)** тушуниб етмоқ; фаҳмламоқ. *Сизга узоқдан кўзим пгуш-ган ҳамон, ботир, диловар йигитлардан экан-лигингизни идрок қилган эдим.* Ойбек, Наво-ий; **2)** *флс.* онгда инъикос этган воқеа-ҳоди-сани тушунмоқ, билиб олмақ.

ИДРОКЛИ Идроки бор, тез тушуниб оладиган, зехни ўткир, фаҳм-фаросатли. *Идрокли бола.*

ИДРОКСИЗ **1** Идроки йўқ, зехни паст, бефаҳм. *Идроксиз одам.*

2 Онг-шуурсиз, ўз ихтиёридан ташқари, хушсиз ҳолда. *Домла қўққисдан уйқудан уйго-тилган кишидай идроксиз ҳаракат қилар, аммо ичкарига кирмас эди.* А. Қахдор, Сароб.

ИЕ *унд. с.* Ажабланишни, ҳайронликни ёки норозиликни билдиради; ийи, ийе, ийя. *Ие, нима деганинг у? тт Ме, ҳали хабаринг йўқми?Хотининг азонда жўнабди.* А. К,а\ор, Қўшчинор чироклари.

ИЕНА Японияда қадимда: олтин ёки ку-муш танга; ҳозирда: Япония пул бирлиги.

ИЕРОГЛИФ \юн. hieros glyphoi - му-қаддас белгилар < hieros — муқаддас + gliphe — нақш] Қадимги мисрликлар ва баъзи бир халқлар ёзувида бутун бир ту-шунча, ибора, сўз, бўғин ёки товушни ифо-далаган, ҳайвон, одам, \ар хил буюм, ас-боб ва ш. к. тасвиридан иборат белги (ҳозир-ги кунда хитой ёзувидаги ва ундан япон ва корейс ёзувларига ўтган белгилар ҳам иеро-глифлар деб аталади).

ИЖАРА \а. ʈ_, UJ — бирор нарсани фой-да, ҳақ эвазига бериш ёки олиш] **1** Бирор кимса ёки ташкилотга тегишли нарсадан маълум ҳақ тўлаб, вақтинча фойдаланиш. *Ижара хўжалиги. Уй ижараси. Ерни ижара-рага олмақ. Уйни ижарага қўймоқ. тт Ке-йинги йилларда капсанчилар ерни ташлаб кета берган экан, бойлар ерларини арзон-арзон ижарага беришибди.* А. Қаххор, Қўш-чинор чироклари.

2 Вақтинча фойдаланиш учун олинган нарса эвазига тўланадиган ҳақ. *Бу уй учун ҳар ойда ўн минг сўм ижара олинади. Ижа-рани вақтида тўламоқ.*

ИЖАРАДОР айн. **ижарачи 1.** *Бир чопар келиб.. унда ўтирган ижарадорга энгашиб салом берди.* С. Айний, Қуллар.

ИЖАРАХЎР [ижара + ф. *лн±* - еювчи] Уй-жойини ёки нарсасини ижарага қўйиб, ундан келган даромад билан кун кўрувчи, бойлик орттирувчи шахс.

ИЖАРАЧИ 1 Уй-жойини, ерини ёки нарсаларини ижарага берувчи (кўювчи) киши; ижарадор.

2 Бировнинг уйида ижарага ўтирувчи. *-Аслида хужра уники, мен эсам бир ижарачи эдим, — деди \Ҳожии хола\.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЖИКИЛАМОҚ шв. Сўрайвермоқ, сўраб-суриштиравермоқ. *Ҳамма «Қишюқларингда не бўлди?», дебижикилайди.* А. Кўчи-мов, Ҳалқа.

ИЖИРҒАЛАНМОҚ Ёжиниб, куча-ниб, овоз чиқариб безовта бўлмоқ (чақа-лок ҳақида). *Чодир ичида бола ижирғаланди, хотин шошиб кириб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ИЖИРҒАНМОҚ Ножўя ёки ёқимсиз иш, гап, қилиқ, воқеа, ҳодиса ва ш. к. дан ғаши келиб ёжинмоқ; шундай ички кай-фиятни ташқи белгилар (юз буруштириш, безовталиқ ва ш.к.) билан ифодаламоқ *Нега ижирғанаяпсиз? тт Шербек у қандай даро*

204

мад тўғрисида гапирётганини пайқаб, ижирғанди. С. Анорбоев. Оқсой. *-Яна бизда ярамас бир одат бор, — деди Сайрамов ижир-ганиб, — эркаклар теримни менсимайдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

ИЖОБАТ [а. — жавоб бериш; қа-

бул бўлиш, маъқул бўлиш]: **ижобат бўлмоқ** Қабул этилмоқ, эътиборга олинмоқ (худога қилинган илтижо, талаб ҳақида). *Бе-гуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади.* А. Қаҳҳор, Бемор. **Ижобат олмоқ** Розилиқ (руҳсат) олмоқ. *Ижобатни олган-дан сўнг.. Тошкент ашрафлари бир мажлис қуриб, ўтиришига Нормухаммад қушбегини ҳам чақирдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ижобатга ўтмоқ** Қабул бўлмоқ. *Йигитла-рингизнинг шаҳдини кўрдингизми? Ҳазрат-нинг дуолари ижобатга ўтади.* Ш. Холмир-заев, Қил кўприк.

ИЖОБИЙ \а. — қабул қилинган,

мақбул] **1** Маъқул, мақбул деб топилган-ликни ифодаловчи; маъқулловчи, ёқловчи; **зид. салбий.** *Ижобий баҳо. Ижобий фикр. Ижобий муносабат. Масалага ижобий қара-моқ. Масала ижобий ҳал бўлди. тт Биз бу саволларга.. ижобий жавоб бера оламизми?* Газетадан.

2 Маъқуллашга, ёқлашга, мақтовга са-зовор бўлган; яхши, фойдали; **зид. салбий.** *Ижобий таъсир. тт Лекин шуни билинги, бошлаган ишингизнинг ижобий томони билан бирга салбий, жуда катта салбий то-мони ҳам бор.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Яхши фазилатларга, хислатларга эга бўлган; ибратли; **зид. салбий.** *Ижобий образ. Ижобий қаҳрамон.*

ИЖОД \а. **جود** — яратиш, кашф этиш; вужудга келтириш) **1** Бадий, илмий, санъатга оид асар ёки моддий бойлик яратиш, вужудга келтириш; яратувчилик фаолияти. *Ёш шоирларнинг ижоди жўш урмоқда. тт Шу қирқ йил давомида мен ижодимни халқ тақ-дири билан боғлашга ҳаракат қилдим.* Ой-бек, Халққа хизмат — бахт.

2 Яратувчилик фаолияти маҳсули, са-мараси. *Навоийнинг ижодини ўрганиш. тт Ҳақиқий зиёли ўз билимларидан, ижодидан.. бошқаларни ҳам баҳраманд қилишига интиль-ган шахсдир.* Э. Юсупов, Истиклол йўлида.

Ижод этмоқ (ёки **қилмоқ**) **1)** яратувчи-лик иши билан машғул бўлмоқ, ижод би-лан банд бўлмоқ; **2)** ўйлаб чиқармоқ, кашф этмоқ. *-Буларни, — деди Элмурод, Мели по-и-воннинг дуторига имо қилиб, — ўз халқимиз-нинг усталари ижод қилган.* П. Турсун. Ўқитувчи.

ИЖОДБАХШ [ижод + ф. *ILJ^* - бағиш-ловчи| Иждодий куч бағишловчи, иждодга тортувчи, илҳомбахш, Унинг [Ҳамзанинг] порлоқ ва иждодбахш ҳаёти, унинг ёрқин хотираси узоқ йиллар қолажак. Газетадан.

ИЖОДИЁТ \а. *OLJU^T* |1 Иждодий иш билан боғлиқ бўлган фаолият; иждод. *Муסיқа иждодиётига бундай зўр қизиқиши Ўзбе-кистон адабиёти ва санъати кунлари мобайнида тўла-тўқис намоён бўлди.* Газетадан.

2 Бирор жанр ёки шахсга мансуб асар-лар мажмуи. *Бадиий иждодиёт. Навоий иждодиёти.*

ИЖОДИЙ 1 Иждод, яратувчилик билан боғлиқ бўлган. *Иждодий фаолият. Иждодий меҳнат. **тм** Юсуфжон қизиқнинг иждодий йўли жуда мураккаб, ранг-барангдир.* Т. Обидов. Юсуфжон қизиқ. *Иждодий салоҳият жиҳа-тидан барча халқлар умуман бир хилдаги потенциал имкониятларга эга бўлиши мумкин.* Газетадан.

2 Умуман, муайян соҳада иш-фаолият билан шуғулланувчи. *Иждодий жамоа. **тм** Мен «Адолат» газетасининг иждодий ходим-ларидан, барча жамоасидан умр бўйи миннатдорман.* Газетадан.

Иждодий ёндашмоқ Бирон-бир ҳолатга, воқеа-ҳрдисага ўз нуқтаи назари билан, янги фикр-мулоҳаза билан қарамоқ. *Кўпчи-лик ҳал этилмаган муаммолар ҳокимиятнинг ўрта бўғинларида чигаллашади, ташаббус-корлик ва шига иждодий ёндашиши йўқ.* Газетадан. **Иждодий кеча** Иждодкорнинг ҳаёти ва фаолияти (ижоди)ни қайд этиш (кўрсатиш) ва тарғиб қилишга бағишланган кеча, йи-ғин.

ИЖОДКОР \а. + ф. *JLSJU^J* - иждод қи-лувчи| Иждод этувчи, юзага келтирувчи, яратувчи; яратилган нарса эгаси. *Иждодкор халқ. **тм** Кўз илғамас водийларинг оқ олтин-га кон.. Халқинг зафар ижодкори, тинчлик-ка посбон.* Ғайратий. *Менинг Ватанимба ту-ғилган инсон, Табиий, иждодкор бўлур беғу-мон.* Қ. Муҳаммадий. *Бу воқеапарнинг иждод-кори ва ижрочиси бўлмиш Олий Кенгаш аъзо-ларининг фаолиятини бугун фахр билан эс-ласак арзийди.* Газетадан.

¹⁷⁷ Яқ

ИЖОДКОРЛИК Иждодкор иши, иждод-корга хос фаолият; яратувчилик. *Ўзбекис-тонда замонавий бадиий иждодкорликнинг барча турлари ва жанрлари ривожланди.* Газетадан.

ИЖОДКОРОНА *рви.* Иждодкорлик билан, яратувчилик намуналарини кўрсатиб. *Иждодкорона иш тутмоқ.*

ИЖОДХОНА Иждодий иш (ижод) олиб бориладиган хона, жой. *Бошқа томонда ало-ҳида иждодхонаси бўлса керак, деб ўйладим.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ИЖОДЧИ *айн. иждодкор.* *Ҳофиз Шеро-зий — эҳтиросли муҳаббат, гўзал табиат, доимий шодлик ва хуррамлик тароналарининг иждодчиси.* «ЎТА».

ИЖОДЧИЛИК Иждод **Minn**, иждодчи фаолияти

ИЖОЗАТ [а. *oʻjʌ* — рухсат, изн; таъ-тил| Берилган розилик; рухсат. [Марям Холматга:\ Ҳай! Сен бу ерга кимнинг ижозати билан кириб ётдинг!? Ҳамза, Ким тўғри? Фуломжон жўраларига айтиб, кейин Содик аминдан ижозат олди-да, Эрбўта билан қиш-лоққа жўнади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЖОЗАТНОМА Ижозат этилганлиги, рухсат берилганлиги ҳақидаги кужжат.

ИЖОЗАТСИЗ Ижозатолмай, рухсатсиз. *«Энди чиқиб бўлсиз, — деди у ичида, — бир қарра ижозатсиз чиқиб кетиб, бизни шунча ташвишга қўйдингиз, етар!».* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

ИЖРО [а. *ri* — жорий бўлиш, амал-га ошиш] Амалга ошириш (оширилиш), бажариш (бажарилиш). *Ижрони текшириш. **тм** Собиқ Олий Кенгашимиз тайёрлаган ва қабул қилган 200 га яқин қонун ва 500 дан зиёд қарор ана шу муқаддас вазифанинг шарафли ижроси эди.* Газетадан. *Уставнинг.. ижроси қаттиққўллик билан талабэтишир эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Куй, ашула, рақс ва ш.к. ни бажариш (куйлаш, ўйнаш ва ш.к.). «Чоргоҳ» куйи мақомчилар ижросида янгради.

Ижро варақаси ҳуқ. Суд ҳукмини мажбурий амалга ошириш учун ёзилган ҳужжат. **Ижро этмоқ** (ёки қилмоқ) Бажармоқ. *Мақтабнинг хор жамоаси ҳар бир қўшиқни зўр маҳорат билан ижро этди. тт Ниёз қуш-беги менга йигит қўшиб, бу ҳукномани ижро қилишда бекка ёрдам бермак учун жўнатди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

ИЖРОИЯ \а. <СЛІІІІ-І - ижро этувчи, бажарувчи] Амалга оширувчи, бажарувчи (ташкилот, орган ва ш. к. ни билдирувчи сўзлар билан қўлланади). *Ижроия қўмита-си. тт* *Партиянинг Марказий Кенгаши дои-мий шиловчи ижроия ва мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Газетадан. Кенгаш ижроия бюронинг ваколатларини ва шининг асосий йўналишларини белгилайди. Газетадан. ..бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимият зарур. Газетадан.*

ИЖРОЧИ 1 Амалга оширувчи, ижро этувчи; бажарувчи (шахс ёки ташкилот). *Биз оддий ижрочи. Шунинг учун биздан хафа бўлмайсиз энди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.*

Суд ижрочиси Суд қарорини ижро ва-рақасига асосан амалга оширувчи лавозим-ли шахс.

2 Куй, рақс, роль ва ш. к. ни бажарувчи (санъаткор, артист). *Ижрочи ўз ролини маҳорат билан бажарди.*

Якка ижрочи Куй ёки ашулани якка ўзи ижро этувчи; солист, яккахон.

ИЖРОЧИЛИК Ижро иши, ижро этиш. *Режиссёр Пирмуҳамедовнинг ижрочилик маҳоратини қадрлар, унга ишонар, шунинг учун ҳам у билан ишлашни орзу қилар эди. Ҳ. Ак-баров, Ҳамиша изланишда. Картинадаги бош ролни ажойиб ижрочилиги билан доврўқ таратган санъаткор Раззоқ Ҳамроев тал-қин қилди. Газетадан.*

ИЖТИМОИЁТ [а. с^Ui^l - ижтимоӣ ҳаёт тарзи, масалалари] эск. **1** Социалистик жамият, социализм.

2 Жамият, унинг ҳаёти ва қонуниятлари ҳақидаги фан; жамиятшунослик. *У[Ша-фигуллина] биологиядан ҳам, ижтимоиётдан ҳам дарс берадиган кекса.. муаллима эди. А. Мухтор, Чинор.*

ИЖТИМОИЙ [а. ^L-i^l - жамоа, жамиятга оид! **1** Инсон ва жамият ҳаётига оид. *Ижтимоӣ тузум. Ижтимоӣ тараққиёт. Ижтимоӣ ишлаб чиқариш. Ижтимоӣ муносабатлар.*

Ижтимоӣ фанлар Инсон ва жамият ҳаётига оид илмлар мажмуи. *Ижтимоӣ фанларнинг вазибалари, жамият ҳаётида тутган ўрни, ўзига хос хусусиятлари шундаки, улар табиётшунослик фанларидан фарқли ўлароқ, инсон ва жамият ҳаётининг*
12—Ўзбек тилининг изоҳли луғати
J^206

турли тармоқларини.. қамраб олган кенг қўламдаги илмлар мажмуасини ўз ичига олади. «Сирли олам».

2 Жамиятдаги табақа, синф ва ш. к. га мансубликни белгиловчи. *Ижтимоӣ гуруҳлар. Аҳолининг ижтимоӣ таркиби. Ижти-моӣ келиб чиқиш.*

3 Жамият билан боғланган, жамиятга, жамоатчиликка оид. *Ижтимоӣ ҳаракат. Ижтимоӣ фикрнинг ривожси. Ижтимоӣ меҳнат. тт* *Ижтимоӣ ҳаётда рўй берган воқеа ва ҳодисалар халқ қўшиқларида ўз ифо-дасини топади. «Фольклор».*

4 Жамиятнинг, жамоатчиликнинг эҳтиёжлари учун ихтиёрий (эвасиз) хизмат этувчи. *Ижтимоӣ ташкилот. Ижтимоӣ таъминот. Ижтимоӣ топшириқ. Ижтимо-ий ишлар.*

5 Жамоатчиликка тегишли, жамоатчилик ўртасидаги. *Ижтимоӣ мулк. Ижтимо-ий муносабатлар.*

ИЖТИМОЙЛАШМОҚ Ижтимоӣ тус олмоқ; умумлашмоқ.

ИЖТИНОБ [а. н ? I — узокланиш, сақ-ланиш] эск. кт. Ўзини тортиш, тийилиш.

Ижтиноб қилмоқ (ёки этмоқ) Ўзини тий-моқ, тортинмоқ. *Билур жаҳон эликим, меҳ-мон зиёфатидин Менинг тариқим эмас иж-тиноб қилмоғлиқ.* Алишер Навоий. *..узун ва қуруқ.. мақолаларни босмоқдан ижтиноб этамиз.* Газетадан.

ИЖТИХОД [а. л\ f. ? I — тиришиш, ғай-рат қилиш, жаҳд қилиш] эск. кт. Зўр ғай-рат, жон-жаҳд билан уриниш. *Ўқиш, ўрга-ниш, ҳормай зўр ижтиҳод билан ишлаш, шуб-ҳасиз, галабаларга етказар.* Ойбек, Нур қидириб. *Қуръони шарифни кўп ижтиҳод билан ўргандинг, баракалла, ўғлим.* Ойбек, Болалик.

ИЖТИХОДЛИ эск. кт. Серғайрат, ҳара-катчан, тиришқок. *Ижтиҳодли талаба.*

ИЗ 1 Бирор нарса сатҳида (юзасида) бошқа нарсанинг тегиши, босилиши ва ш. к. натижасида ундан қолган, уни бил-дирувчи акси. *Бармоқ изи. Оёқ изи. Ғилди-рак изи. ишт* Бу ерда *ғиёҳ ҳам қолмабди. Фа-қат мол туёқларининг тартибсиз излари кўринади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. \ Содиқ:\ Бўйнидан бўғилган. \ Нодир:\ Панжа излари бор. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Тунда қалин ёққан қор изларни беркитишига улгурган эди.* Газетадан.

2 Бирор нарсадан ёки кимсадан қолган асар, белги. *Ҳамма ёқда даҳшатли zilzila излари кўринади: йиқилган уйлар, урилмаган деворлар, вайрона жинкўчалар..* М. Исмой-лий, Фарғона т. о. *-Самарқанддаҳар қадам-да асрларнинг изи бор, — деди Аҳроров.* Ой-бек, О. в. шабадалар. *Кртиллар мурданинг шагал тагида қолиб кетиб, умрбод изи йўқо-лишини мўлжаллагандилар.* Газетадан. *Раҳим Саидов суриштиришига қарор қилди.. Балки изи чиқиб қолар.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

3 кўчма Бирор нарсанинг (уни ифода-ловчи) кичик бир акси; нишонаси. *Юзида зски гўзалликнинг излари хали сақланган қирқ ёшли хотин меҳрибонлик билан қизига қара-ди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..юзларида табассум излари кўрина бошлади-ю, бир зум-да тарқалиб кетди.* Ойдин, Ҳикоялар.

4 Маълум йўналишдаги ҳаракат (юриш) туфайли ер сатҳида қоладиган узун из, йўл. *У, ўнг томонга қийшайганча инграб, тепа-ликка кўтарилаётган машина изидан одим-лаб кетди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Сой-лик дарёнинг баҳорги тошқин вақтидаги изи бўлиб, «Кичик дарё» номини олган, кичик дарё паидо бўлганда, ҳалиги тўқай оролга айла-нар экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

5 Босиб ўтилган (ўтилаётган ёки кели-надиган) томон, йўл. *Поезднинг қораси ўчгунча, мўлтираб қараб турдим, кейин йиғ-лаб-йиғлаб, изимга қайтдим.* С. Сиёев, Ёруғ-лик. *Изингда термишиб қолди кекса чол, Кўзда таважжухи, дуоси тилда.* А. Орипов, Йил-лар армони. *Кўзим изингга, қулогим тову-шингга зор бўлиб ўтирибман.* Ойбек, О. в. шабадалар.

6 Иш-ҳаракат, фаолиятдаги йўл, йўна-лиш. *Менҳам сизўша тасвирини қилган та-баррук зотлар изидан боряпман.* К. Яшин, Ҳамза. *Бу уйда икки хотин олиш бир расм бўлиб қолган экан. Эрим отаси, акаси изи-дан кетиб, устимга хотин олса-я..* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Трамвай, поезд ва ш. к. ғилдираклари остига (юриш учун) ётқизиладиган махсус қурилма. *..бу йигитлар оломоннинг олдига ту-шиб, темир йўлни босдилар ва бир соатда бир неча чақирим темир йўлнинг из ва шпалларини бузиб таъишдилар.* С. Айний, Қуллар.

Из олмоқ Изни белгиламоқ, топмоқ. *Пошшоликда из оладиган изчиларни шаҳар-нинг тўрт тарафига жўнатди.* «Нурали». **Из**

қувмоқ 1) изидан (орқасидан) таъқиб қил-моқ, изига тушмоқ. *Сувонжон бир қадам ҳам четга чиқмасдан, жилганинг озгигача из қувибборди.* С. Анорбоев, Оксой; 2) **топиш**, аниқлаш ҳаракатида бўлмоқ. **Изга тушмоқ** 1) ўз йўлига тушмоқ (дарё ҳақида); 2) тўғ-ри, мақбул йўл (ҳолат) касб этмоқ, тар-тибга тушмоқ (иш, фаолият ҳақида). *Шер-бек қидирган нарсасини Тошкентдан топиб келган, бу ердаги ишлари изга тушиб*

кетган бир пайт эди. С. Анорбоев, Оқсой. **Издан чиқмоқ** 1) йўлидан (изидан) четга чиқмоқ. *Трамвай издан чиқибди*; 2) тартибли йўли бузилмоқ, иш, фаолияти ёмон томонга ўзгармоқ. *Меҳнат интизоми издан чиққан, ҳамма тармоқда бошбошидоқлик, эгасизлик ҳукм суряпти. «Муштум». Кўзбўямачилик ва хушомадгўйлик йўлига ўтиб олиб, канча раҳ-барлар издан чиқмади, жамиятга қанча за-рар келтирмади. Э. Юсупов, Истиклол йўлида.* **Ил а тушмоқ** 1) айн. **изга тушмоқ** *Кейин ҳаёт яна ўз изига тушиб кетади. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса*; 2) таъқиб **қилмоқ**, таъқибда бўлмоқ. [*СаодатҲ Уйинг куйгур мишаблар изингга тушиб қувлади-ми? Ойбек, Кутлуғ қон*; 3) бир ёмон иш **қилиш** йўлига тушмоқ; пайига тушмоқ. \ *На-воий*: \ *Кўриниб турибдики, рақиблар изимга тушиб, менга чуқур қазимоқдалар. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Изига қайтмоқ 1) тезда келган йўлига (томонига, жойига) қайтмоқ. *Боргин-у изингга қайт*; 2) асл, ав-валги ҳолига ўтмоқ (тушмоқ). *Ишлар яна изига қаитди.**

ИЗА шв. Пастки қисм; этак, қуйи. *Унда бир тоғнинг изасида одамсифат, одамхўр ваҳ-ший жондорларнинг макони бор эди. «Ёдгор».*

Иза ер Сизот (сувли) ер. *Бунинг далил-лари кўз ўнгимизда, жумладан, шу биз сизотни қуриштишга ҳаракат қилиб ётган иза ер минг йиллаб ишсиз ётган ер эди. А. Қоди-рий, Обид кетмон. Иза сув Сизот сув, ер-нинг юзига чиқиб ётган сув.*

ИЗВОШ \р. извозчик — киракаш арава \айдовчи] с. in. Резина ғилдиракли, усти очилиб-ёпиладиган енгил **от** арава; файтон. *Колхозга янгича илм керак. Кўнглингизга кел-масин-ку, извошга зшак қўшиб бўлмайди. А. Қахҳор, Қўшчинор чироклари. Извош мую-лишга яқинлашиб қолганда, йўртиб келаёт-ган от тўсатдан қадамлаб юра бошлади. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.*

ИЗВОШЧИ с. т. Извош ҳайдовчи ёки унинг эгаси. *Ярим кечада эшик тақиллади. Чиқиб очдим, қари извошчи.. мен билан жуда ҳазилкаш. Ойбек, Танланган асарлар.*

ИЗДИХОМ \а. — одамларнинг бир жойга тўпланиши, тирбандлиги; тикилинч] кт. Одамлар тўдаси, оломон; йиғин, давра. *Бу ерда ҳам бир неча юз кишилик издиҳом беш-олтита хон навкарларини ўраб олиб, тошбўрон қилмоқда эди. П. Қодиров, Юл-дузли тунлар. Тожибой, агар Муқимий «хўп» дегудек бўлса, шу нотаниш издиҳомнинг ўртасига тушиб, чилдирмани қарс уриб, Му-қимийнинг бошига одам тўплашга тайёр эди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

ИЗДОШ Изидан борувчи, йўлини да-вом эттирувчи. *Хўш, ҳазрат Баҳоуддин из-дошлари ўзимизда ҳам борми? Газетадан. Меъморчилик обидаларига боқий ҳаёт ато этишида Хива наққошлари сулоласининг из-дошлари хизматини қониқиш билан қайд этсак арзийди. Газетадан.*

ИЗЕН Шўрадошлар оиласига мансуб бир йиллик озуқабоп, тўйимли ўт ўсимлик-лардан бири. *Албатта, шувоқ билан изен қорақўл тери сифатини яхшилайдди. Газетадан. Катта-катта майдонларга арпа, жав-дар, изен каби тўйимли озуқабоп ўтлар ҳам экиб келиняпти. Газетадан.*

ИЗЗА \а. ELLJL — азоблаш, ранжитиш; озор бериш] Уялиш, хижолат ҳисси; ранж, озор. *Бу ишнинг иззаси жуда ҳам ўтди, Ғам савдоси бунда мени ҳоритди. «Баҳром ва Гуландом».*

Изза бўлмоқ (ёки **тортмоқ**, **емоқ**, **чек-моқ**) Уят, хижолат ҳиссини туймоқ; уял-моқ, хижолат бўлмоқ. *Отинг ўзолмаса, нима қиласан? Бир ўзбекдан изза бўлиб қоласан. «Алпомиш». ..ундан бундай гап чиқишини кутмаган бўлса керак, қаттиқ изза тортди.. А. Қахҳор, Қўшчинор чироклари. «Етимдан ҳол сўраш савоб, деб келибди-да булар, аяжон!» Келганига роса изза еб, Бўли-шарди қизлар пушаймон. О. Ҳожиева, Ҳаётга таъзим. Иигитали яхши кўнгилда айтган га-нининг зил томони ҳам борлигини фахмлаб, изза чекди. Т. Малик, Ажаб дунё. Изза қилмоқ (ёки **бермоқ**) Хижолат қилмоқ, уялтирмоқ. *Изза қилманг, жоним. келар йил легковой [енгил машина] олиб**

бераман. Ой-бек, О. в. шабадалар. Сўз сўзладим, аввал қулоқ солганди, Ул қиз сўнгра менга изза бер-ганди. «Алпомиш».

ИЗЗАТ \а. *due* — шон-шухрат, ҳурмат; афзаллик; улуғлик] **1** Ўзганинг ҳурмат-эътибор туйғуси, шундай туйғули муно-сабат; ҳурмат. *Сихат тиласанг — кам е, иззат тиласанг — кам де.* Мақол. *тт* Уҳам-мадан иззат кутган вазиятда эди, бироқ Барат парангдан бошқа ҳеч ким унга эъти-бор бермади. «Муштум». Келинойилари Нури учун эмас, балки қайнана иззати учун ай-ланиб-ўргилиб кўришишиди. Ойбек, Танлан-ган асарлар.

Иззати нафс Кишининг ўз назарида-ги, ўзига нисбатан иззат-ҳурмати; ҳурмат-талаблик, нафсоният. *У ёшлигидан кўпчи-ликнинг ҳурматини қозониб ўсгани учун, иззати нафси, йигитлик гурури жуда кучли эди.* **П.** Қодиров, Уч илдиш. **Иззат сақла-моқ** Иззат-ҳурмат қилган ҳолатда бўлмоқ. *Фуломжон тутган табуреткага [Матқо-вул ака] ўтирди, қўлларини қовуштириб, иззат сақлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Иззат қилмоқ** Ҳурмат-эҳтиром кўрсат-моқ. *Йигитлар.. уни шунчалик иззат қили-шар эдики, Асқар ота бу жувоннинг оддий тракторчигина эканига шубҳаланиб қолди.* А. Қаҳҳор Хотинлар.

2 Иззат (эркаклар исми).

ИЗЗАТ-ИКРОМ Юқори даражадаги ҳурмат-эҳтиром.

ИЗЗАТЛАМОҚ кам қўлл. Иззат қилмоқ, иззат кўрсатмоқ; сийламоқ.

ИЗЗАТЛИ Иззати бўлган, иззат-ҳур-матга сазовор. *Иззатли меҳмон.* *тт* Кичик поччамнинг жуда иззатли бўлиб кетганига катта поччамнинг гаши келади.. С. Сиёев, Ёруғлик. *Отабекнинг бу ҳолига қарши чи-қувчи ва Зайнабни йўл-йўриққа солувчи яна фақат Ўзбек ойим эдики, бунинг сабаби ҳам иззатли ўқувчиларимизга бир даража маъ-лум бўлса керак.* **А.** Қодирий, Ўтган кунлар.

ИЗЗАТ-НАФС (*тўғриси иззати нафс*) қ. иззат.

ИЗЗАТТАЛАБ \а. [^]JLLo>] салб. Ўзининг иззат-ҳурмат қилинишини яхши кўрувчи, нафсонияти зўр; манман, мағрур. *Иззат-талаб одам.*

ИЗИЛЛАМОҚ *шв.* **1** Бир турли чўзиқ чинкироқ овоз чиқармоқ. *Шамол изиллаб эсмоқда.* *тт* Садаф яна изиллаб йиғлай бош-лади. **Ш.** Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Кимўлади, ким қолади, Бола-чақа изил-лаб, қандай бўлади?'* «Баҳром ва Гуландом».

2 Тиркирамоқ, тирақайламоқ. *Ғайра-тинг бор экан, шунда синадим.* *Йўлиқса, изиллабқочади девлар.* «Баҳром ва Гуландом».

3 шв. Қаттиқ совқотмоқ. **ИЗЛАГИЧ** Бирор нарсани излаб топиш учун хизмат қиладиган асбоб. *Мина излагич.*

ИЗЛАМОҚ **1** (юриб, қараб, сўраб) Ким-са ёки нарсани топиш ҳаракатида бўлмоқ; ахтармоқ, қидирмоқ. *Иш изламоқ.* *Она ўгли-га қиз излар эди.* *Чўпон йўқолган кўйларни из-ламоқда эди.* *тт* Бошим эсон, ўтиб кетди кўп йиллар. *Шакарбекни излаб, топмадим хабар.* «Ширин билан Шакар». *Индинига эрталаб она-бола йўлга чиқиб, бедарак кетган отани излаб кетдилар.* **П.** Турсун, Ўқитувчи. *..қуюқ қошлари остидаги ярим очиқ кўзлари кимни-дир излагандек қарайдир.* **А.** Қодирий, Ўтган кунлар. *У кимнидир излаётгандек, у ёқ-бу ёгига пича аланглаб қараб турди.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

2 Фикрлаш, ўйлаш орқали топиш ҳара-катида бўлмоқ; ахтармоқ. *Баҳона изламоқ.* *Янгилик изламоқ.* *Далил изламоқ.* *тт* Матчон тўра Жумагулга зришишига кўзи етмагач, уни Исфандиёрхонга инъом қилиб, унга яхши кўри-ниш йўлларини излади. **Ж.** Шарипов, Хоразм.

Тирноқ ирасидан {ёки остидан) кир из-ламоқ. қ. тирноқ.

ИЗЛАНИШ Янгилик топиш, яратиш ҳаракатида бўлиш, шундай мақсадли ҳара-кат, фаолият. *Ижодий изланиш.* *Янгилик из-ланишсиз бўлмайди.* *тт* Ипак толалари сифа-тини янада яхшилаш борасида олиб борилган изланишлар ижобий яқунланди.

Газетадан. *Жазирама ёзда ҳам, қаҳратон қишида ҳам геологларнинг қиладиган иши асосан битта — муттасил изланиш. «Фан ва турмуш».*

ИЗЛАНМОҚ 1 Изламоқ фл. мажҳ. н. *Изланган нарса топилди.*

2 Ён-верини, чўнтақларини ковлаб, бирор нарса қидирмоқ, тимирскиланмоқ. *Кампир бирор нарса йўқотгандай изланар эди.*

3 Янгилик топиш учун ҳаракат қилмоқ, янгилик изламоқ. *Чинакам санъаткор доимо изланади.*

ИЗЛАНУВЧАН Доимо изланишда бўлган, изланиш билан машғул, изланиш-га берилган. *Изланувчан олима ўзининг бу-тун билими, кучи, умрини.. она-юртга хиз-мат қилишга бағишлади.* Газетадан. *Умидли, изланувчан ёшларимизнинг кўплиги қувончли ҳолбир.* Газетадан.

ИЗЛАНУВЧИ Янгилик изловчи, ахта-рувчи, қидирувчи. *Доим тинмай изланувчи олимларнинг юксак мукофотга сазовор бўлганликлари ҳаммамиз учун ҳам қувончли воқеадир.* Газетадан.

ИЗЛИ Изда юрадиган. *Изли транспорт.*

ИЗЛОВЧИ 1 Изламоқ фл. сфдш. *Халқ бахтини изловчи.. маълумотли курашчилар лозим.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Тадқиқот йўли билан қидирувчи; изла-нувчи. *Янгилик изловчи.* Изловчи олимлар.

ИЗМ \а. А>С — ирода, қасд, ният; қатъ-ий қарор| **1** Бошқаришда, бирон-бир ишни бажаришда ва ш.к. да ихтиёр, эрк. *-Якшан-ба кунни тўйи, — деди у биркесарлик қилиб. — Қизнинг изми отада.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Қурилишда мен бошлиқман, Бўриев. Маблаг ҳам, одамлар ҳам, жумладан, сиз ҳам ме-нинг измимдасиз.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳожини бобо дўконнинг измини менга топишириб, ич-карига кириб кетди.* Ғ. Гулом, Шум бола.

2 эск. Амр, фармон; ижозат, рухсат. *-Жаноблари ҳам келдилар, — элликбошини ўтирган жойидан эълон қилди ва мирзонинг измини кутди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

Изм бермоқ Ижозат ёки рухсат бермоқ. *Хиёл қўзғалмоқчи эди, Дадашев изм бермади.* И. Раҳим, Тақдир. **Измига солмоқ** Ўз йўлига юргизиб, ўзига бўйсундирмоқ. *Механиза-торлар машиналарни ўз измига солиб, пах-тадан юқори ҳосил олмоқдалар.* Газетадан.

ИЗМА Кийим, ёстик жилди ва ш. к. нинг тугма ўтказиладиган тешиги. *Изма очмоқ. Измасини тикмоқ. иши Фотима занг-лаб, кўкариб кетган мис тугмани измадан чиқариб олиб, чўнтагига қадабди.* С. Аҳмад, Онажонлар.

ИЗМА-ИЗ рвш. Изидан қолмай, кетма-кет. *Жангчилар билан изма-из етиб келган шафқат ҳамшираси Эргашини кўтариб, окоп-га олиб тушди.* Н. Сафаров, Сўнгни нафас-гача. *Изма-из чопиб кетаётган икки қиз кўринди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

ИЗМАЛАМОҚ Изма ўрнини очиб, ат-рофини йўрмаб қўймоқ.

ИЗН \а. — рухсат (бериш); рухсатно-ма] Рухсат, ижозат. *Изн бермоқ. Изн олмоқ. тт Сигирсизлар.. бирор ҳафта мардикор иш-лаб, беи-ўн сўм топиб қайтиши учун изн истайдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Уме-нинг воситамда тўйни бошлаш учун изн олгани келган экан.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Шу вақтгача ўзини босиб, индамай турган Фуломжон мингбошидан бир-икки саволга изн сўради.* М. Исмоилий, Фар-ғона т. о.

ИЗО \а. p\ \z\ — азоб, ранж] эск. кт. Азоблаш, ранжитиш; озор, алам. *Золимлар-дан кўрдинг изо, Бўлмай мақсад иши бажо.* «Тоҳир ва Зухра». *Муштумзўрлик омборига галла берилмас, Унинг изво, изосидан ҳеч бир кўрқилмас.* Ғ. Гулом.

Изо бермоқ Озор бермоқ, азобламоқ, ранжитмоқ. *Кимки насиҳат билан тузалма-са, ҳаёт унга изо бериб, кўзини очиб қўяди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ИЗО- \юн. izos — тенг, бир хил, ўхшаш| Ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: тенглик ёки ўхшашликни билдиради; мас, *изобара, изомерлар.*

ИЗОБАРА [изо.. + юн. *baros* — сғирлик] **1** *геогр.* Географик харитада бир хил атмосферавий босимга эга бўлган жойларни бир-лаштирувчи чизик.

2 *физ.* Иссиқлик жараёнларини акс эт-тирувчи диаграммаларда тенг ёки доимий босим чизиғи.

3 *физ., ким.* Нуклонлари сони бир хил, лекин протон ва нейтронлари сони хар хил бўлган — электр зарядлари жиҳатидан фарқ-ланадиган атом ядролари.

ИЗОЛЯТОР \фр. *isolateur* — ажратувчи, бўлувчи < *isoler* — ажратмоқ, яккаламоқ] **1** *физ.* Электр токини ўтказмайдиган модда (мас, чинни, шиша).

2 Шундай моддадан ишланган, электр симларини тортиш ва маҳкамлаб қўйишда фойдаланиладиган қурилма (чиғаноқ, чин-ни ва ш.к. токни ёмон ўтказадиган матери-аллардан ясалади).

3 Касалхона, казарма, лагерь, болалар уйи ва ш. к. да касали аниқланмаган ёки юкумли касал билан оғриган беморлар, моллар бошқаларидан вақтинча ажратиб қўйиладиган алоҳида хона, жой. *Беморни изоляторга ётқизмоқ. тт .касал молларни изоляторга ўтказиши ҳамда уларни махсус рацион асосида боқишни ташиқил қилиши ке-рак.* Газетадан.

ИЗОЛЯТОРЧИ Изоляция қилувчи ишчи. *Пайвандчиларнинг қўли қўлига тег-майди. Ротор кетидан изоляторчилар, сўнгра қувур ётқизувчилар.. бормоқда.* И. Раҳим, Тақдир.

211

ИЗОЛЯЦИОН Изоляция қиладиган, ўтказмайдиган. *Изоляцион ипак радио са-ноатида.. қўлланадиган симларга ўраш учун ишлатилади.* Газетадан. *Шунингдек, қури-лиши блоклари.. изоляцион шиша ашёлар ҳам ҳозир қурилишида кенг қўлланмоқда.* «Фан ва турмуш».

ИЗОЛЯЦИЯ [фр. *isolation* — ажратиш, бўлиш, алоҳидалаш] **1** Энергия манбаини, энергия ўтказувчи сим, труба ёки хона, ас-боб кабиларни (мас, совуткични) электр, иссиқ, нам, сув ва ш. к. ўтказмайдиган ма-териал билан ўраб, қоплаб қўйиш. *Гутта-перча, айниқса, сув ости кабеллари учун изо-ляция материали сифатида кенг фойдалани-лади.* «Фан ва турмуш».

2 Шундай ўрама, қоплама, қатлам-нинг, материалнинг ўзи. *Қурилиши масте-ри Содиқ Сиддиқов, бетончи Камол Жума-ев ёғоч қипигидан иситиши изоляциялари тайёрлаб, қурилишида қўллай бошладилар.* Газетадан.

3 *тиб., ветер.* Алоҳидалаш, ажратиб қў-Йиш. *Изоляция хонаси. тт Биз қишло-в олди-дан.. «брак» қўйларни ажратиб олиб, изоля-ция хоналарида даволаймиз.*

Изоляция қилмоқ Изоляция ҳолатига олмоқ. *Трубалар эса ҳеч қандай изоляция қилингани йўқ.* Газетадан.

ИЗОЛЯЦИЯЛАМОҚ **1** *тех.* Энергия манбаини, энергия ўтказадиган сим, тру-ба ёки хона, асбоб ва ш. к. ни изоляцион материал билан қопламоқ. *Кимсасиз, гиёҳ-сиз даштда 205 километр узунликдаги қувур-ларни изоляцияладик.* Газетадан.

2 Бошқа бемор (касал)лардан ажратиб, алоҳидалаб қўймоқ.

ИЗОМЕРИЯ *ким.* Изомерларнинг мав-жудлигидан иборат ҳодиса.

ИЗОМЕРЛАР [изо.. + юн. *meros*—улуш, қисм] *ким.* Таркиби ва молекуляр оғирли-ги бир хил, аммо молекулада атомларнинг турлича жойлашуви сабабли, физик ва кимёвий хоссалари бошқа-бошқа бўлган моддалар.

ИЗОМОРФ Изоморфизм хусусиятига эга бўлган. *Изоморф моддалар.*

ИЗОМОРФИЗМ [изо.. + юн. *morphe* -шакл] *ким., физ.* Кимёвий таркиби ва кри-сталл тузилиши бир-бирига яқин жинслар-нинг ўзгарувчан таркибли бирикмалар (ара-лаш кристаллар) ҳосил қилиш қобилияти.

ИЗОТЕРМАЛАР [изо.. + юн. therme -иссиклик] **1 геогр.** Географик хариталарда Ер юзасининг муайян давр оралиғида тем-ператураси ўртача бир хил бўлган жойла-рини бирлаштириб турган чизиклар; изо-чизиклар.

2 физ. Физикавий миқдор (ҳодиса)лар ўртасида доимий температура остида содир бўладиган боғлиқликни график акс этти-рувчи (тасвирловчи) чизиклар.

ИЗОТЕРМИК махс. 1 Изотермага оид, изотермалар билан боғлиқ бўлган. *Изотермик чизиклар.*

2 Температураси ўзгармай, бир хилда турадиган. *Изотермик вагон.*

ИЗОТОПЛАР [изо.. + юн. topos - жой] **ким.** Муайян кимёвий элементнинг атом ядроларида протонлар миқдорининг бир хил, нейтронлар миқдорининг ҳар хил бўлиши билан фарқ қиладиган ва шу са-бабли даврий системада айни бир ўринни эгаллайдиган барқарор ёки радиоактив тур-лари. *Радиоактив изотоплардан геологлар ҳам ер ва тоғ жинсларининг ёшини аниқлашда фойдаланадилар.* «Фан ва турмуш».

ИЗОФА [а. — қўшиш, боғлаш] **1**

эск. кт. Қўшиш, боғлаш, тиркаш.

Изофа қилмоқ Қўшмоқ, боғламоқ. *Яна ўз фикри босавобларини изофа қилиб, қусур ва хатоларимизни танбеҳ этсалар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 тлш. Форс, араб ва баъзи туркий тил-лар грамматикасида: аникланмиш билан ундан кейин жойлашган аниқловчини боғ-ловчи урғусиз унсур; боғланишнинг форс тилидан ўзлашган шундай тури ўзбек ти-лида кўпинча ундошлардан кейин «и», ун-лилардан кейин «йи» келтириш билан бўла-ди, мас, *ошиқи беқарор, шаҳри азим, боди сабо, ойнайи жаҳон, балойи нафс.*

ИЗОФАЛИ Изофа воситасида боғлан-ган. *Изофали бирикма.*

ИЗОХРОН [изо.. + юн. chronos — вақт] **физ.** Давомлилиги жиҳатидан тенг, бир хил вақтда содир бўладиган, баравар давом эта-диган. *Изохрон тебранишлар.*

ИЗОХРОНЛИК **физ.** Баравар содир бўлиш, баравар давом этиш; бир хил, тенг давом этишлик. *Тебравжшларнинг изохронлиги.*

ИЗОЧИЗИҚЛАР **геофиз.** Харита ёки ди-аграммаларда қандайдир миқдор кўрсат-кичлари, мас, температура, босим, намлик

183 ду^

даражалари ва ш. к. нинг бирдай, тенг бўлган жойларини бирлаштирувчи чизиклар.

ИЗОҲ [а. ز \ , لا — тушунтириш, шарҳ] **1** Сўз, ибора ёки воқеа-ҳодиса ва ш. к. га бе-рилган шарҳ; тушунтириш. *Китоб изоҳ ва шарҳлар билан таъминланган.* **иш** *Зайнаб ке-йинги сўзларга тушуна олмаган.. Кумушдан изоҳлар олмоқчи эди.* А. Қодирий, Ўтган кун-лар. *Менинча, савол равшан, изоҳга эҳтиёж йўқ!* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

2 Матннинг айрим ерига киритилган ёки айрим масалага берилган қўшимча маъ-лумот, тушунтириш, эслатма, уқтириш.

Изоҳ бермоқ 1) сўз. ибора ва ш. к. маъ-носини (мазмунини) тушунтирмоқ, шарҳ-ламоқ; изоҳламоқ. *Сўзга изоҳ бермоқ;* 2) ту-шунтириш, изоҳ тарзидаги гап айтмоқ. - *Биз-нинг театр ҳали янги-да. Уста ўйновчилар йўқ, — деб изоҳ бера бошлади Абдишукур.* Ой-бек, Танланган асарлар. -*Албатта, албат-та, — деди Суннат ва Элмуродга изоҳ берди: -Бу хотиннинг укаси бизда хизмат қилади. Мен билан жуди иноқ..* Шухрат, Шинелли йиллар.

ИЗОХДАМОҚ Сўз, ибора, воқеа-ҳоди-са ва ш. к. маъносини, мазмунини тушун-тирмоқ; изоҳ бермоқ. *Сўз маъносини изоҳ-ламоқ.* **иш** - *Чунки унинг [Отабекнинг\ сўзига қараганда, сиз уни оғирроқ тариқа билан дарбозангиз ёнидан жўнатган экансиз, — деб изоҳлади уста.* А. Қодирий, Ўтган кун-лар. *Бердиёровнинг ўзбек фразеологизмлари-ни изоҳлаган икки китоби наширдан чиқди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

ИЗОҲЛИ Изоҳи бор, маъноси, мо\ия-ти тушунтирилган.

Изоҳли луғат Сўзнинг маъносини, маъ-ноларини шарҳлаб, тушунтириб берувчи луғат. Қани, *изоҳли луғатдан топиб ўқиб кўрай-чи, маъноси нима экан..* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

ИЗОҲЛОВЧИ 1 **Изоҳламоқ** фл. сфдш.

2 тли. Шахс ёки предметни бошқа бир ном бериш йўли билан аниқлаб келадиган бўлак.

ИЗОҲОТ \а. сАл.\ — «изоҳ» с. нинг кўпл.) *эск. кт.* Изоҳ; изоҳлар, тушунтириш-лар, шарҳлар. *Изоҳотларим яна бир банд би-юн тугайди.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ИЗОҲОТЧИ *эск. кт,* Тушунтирувчи, шарҳловчи. *..бу ялангликда сайисхона бўлган. — деди изоҳотчи малла йигит..* Н. Қиличев, Чиғирик.

ИЗОҲТАЛАБ *Изоҳланиши, маъно ва моҳияти тушунтирилиши керак бўлган, изоҳсиз тушунилмайдиган; изоҳга муҳтож. Изоҳталаб сўз. Изоҳталаб қарор.*

ИЗСИЗ 1 *Изи йўқ, беиз. Изсиз транспорт.*

2 *Ном-нишонсиз, белги-асарсиз. Изсиз йўқолмоқ. шшш* Демак, *бизнинг қилган ишимиз изсиз кетмайдиган, умримиз оқар сувдек бекорга оқмайдиган бўлибди.* П. Турсун, Уқитувчи.

ИЗТИРОБ [а. ^IjJaliј - ҳаяжон, ғала-ён, бетоқатлик; беқарорлик| Руҳан эзилиш, сиқилиш ҳолати; руҳий азоб. *Оғир ўйлар изтиробиданми, уйқусизликданми ланж бўлиб турдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Сен шу кунларда жуда қаттиқ алам, изтиробдасан, асабинг бузуқ. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Уни тан-ҳолик, гариблик, йўқсизлик изтироби кели-ради.* Ойбек, Танланган асарлар.

Изтироб чекмоқ *Руҳан азобланмоқ. Бу муҳим гапларни эшитганлар баттар изтироб чекар, гам-алам қалбларини мушукдай тирнар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Изтиробга солмоқ** *Қаттиқ ҳаяжонга солмоқ, руҳан эзмоқ; бетоқат қилмоқ.*

ИЗТИРОБЛИ *Изтиробга солувчи, ру-ҳан эзувчи. Изтиробли сўзлар. Изтиробли чеҳра. шшш* *Изтиробли аириликда жафо чека-чека, севгилиси ёнига олам тўла қувонч би-лан қайтган шўрлик ошиқ ёрини вафосизлик-да.. кўриб қандай ҳолатга тушса..* *Ғулом-жон ҳам ҳозир шундай ҳолатда эди.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о.

ИЗЧИ 1 *Изига тушиб, из қувиб топув-чи, изни яхши биладиган. Гўрўглининг йилқибони Ғиротнинг изини чўлистонда кўрди. Бу йилқибон кўп изчи эди. «Зулфизар билан Авазхон». Изчилар хар қайсиси хар ёққа қараб кетди. «Нурали».*

2 тар. *Из қидириб, издан тушиб топиш билан шуғулланувчи шахс; изқувар. Изчиларнинг сўзига кўра, булар сизнинг қишлоқ-қача келган ва шу ерда изи йўқолган.* С. Айний, Бухоро жаллодлари.

ИЗЧИЛ 1 *Бир меъёрда, бир тахлитда, бир йўналишда; мунтазам, тадрижий давом этадиган. ..бу масала билан изчил ва сабот билан шу/улланиш бугунги кунда муҳим ва-зифадир.* Газетадан.

2 *Ўзаро узвий ва мантиқий боғланган. Шу папкага қараганда ҳам, у [Раҳмонқулов]*

JM^ 184

хар ишни охирига етказадиган, тадбирли одамга ўхшайди. ҳамма буйруқлари изчил, амалий. А. Мухтор, Туғилиш.

ИЗЧИЛЛИК *Мунтазам, узвий боғлиқ-лик, шундай ҳолатга эгалик. Ишда изчиллик бўлиши керак.*

ИЗҚУВАР *айн. изчи 2. Полиция изқувар-лари менинг ҳам кетимга тушди.* И. Қалан-даров, Шохидамас, баргида. *Оператив гуруҳ таркибига тажрибали изқуварлар киритил-ди. «Муштум».*

ИЗҒИМОҚ 1 *Бирор мақсадда кезиб юр-моқ. Даштда бўрилар изғийди. тт* *Қани, бўлинг-лар! Ҳозир жўнан&шр! Агентшр, жосуслар из-гиб юришибди.* Ойбек, Нур қидириб.

2 Умуман, дайдимок, кезмок; санғимок. *Болалар кўчада изгиб юришибди, тт Бир куни «аскар чиқади» ваҳимасида бутун қишлоқ чувиллаб, тоққа чиқиб кетди. Кун бўйи тоғ-ларда изгиб юриб, қоронги тушиганда элга қайтди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўчма Бўраламоқ, изғирмоқ (изғирин, шамол ҳақида). *Шамол(лар) сарвзорда изғий-ди.* Ойбек, Навоий,

ИЗҒИН Изиллаган, чийилдоқ овоз.

Изгин торгмоқ Изиллаган овоз чиқар-моқ. *Оҳ урганда неча сўзи, Чиқди тўпларнинг овози. Изгин тортиб йиғлади Алимхон-нинг сарвози.* «Фольклор».

ИЗҒИР, изғор: изғир (изғор) чўл шв. Кимсасиз чексиз (дахшатли) чўл. *Изғир чўлда дарагингни учирдинг. Айролиқдан мен-га шароб ичирдинг.* «Тоҳир ва Зухра». *Изғир чўлни тўзон тутди, Йўлнинг танобини торт-ди.* «Алпомиш». *Мерганларни қувиб солиб олдига, Изғор чўлда қувиб кетиб боради.* «Маликаи айёр».

ИЗҒИРИН Аччиқ совуқли бўралаган шамол; изғирик. *Тоғ томондан қор изгири-ни эсмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Боягина бир нав ёғиб турган қор энди дала ёқдан эсаётган аччиқ изғирин билан бўралаб уриб бер-ди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал.

ИЗҒИРИНЛИ Изғирини бор; аёзли. *Қишининг изғиринли кунига қарамай, ҳамма томлар бошларига паранжи ё чопонни нари-бери ёпган хотинлар, кизлар билан тўлди.* Ойбек Танланган асарлар.

ИЗҒИРИҚ айн. **изғирин.** *Ҳасанали ярим яланғоч ҳолда жунжайиб, дарча остида, из-гирик қучоғида ўтирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИЗҒИРМОҚ Бўралаб эсмоқ (изғирин ҳақида).

ИЗҲОР [а. jL^Jil - аниқлаш, зоҳир қилиш, кўрсатиш] Зухр этиш, аёнлик ҳола-ти; билдириш; ифода. *Миннатдорлик изҳор-ри. тт -Рихсивой аканинг ичи қоралигини сезардим-у, бунчалик ошкор изҳорини кўрма-гандим, — деди Абдугофур ота.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Тилим лол, сўзларим ожиздир, бироқ Нурдан пардоз олган чехрамда изҳор.* Г. Жўраева, Иқбол.

Изҳор этмоқ (ёки **қилмоқ, айламоқ**) Бил-дирмоқ, ифодаламоқ. *Мақсадини изҳор этмоқ. тт Мен ҳар нима бўлса ҳам, ўқишга боришимни изҳор қилдим.* С. Айний, Эсдалик-лар. *Севишганлар ўз кўнгилларини тил билан изҳор этмайдилар.* Шухрат, Шинелли йил-лар. *У шу жилмайишида ишқини менга изҳор айлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЙ унд. с. 1 Ажабсиниш, хайронликни ифодалайди. *-Ий, ий, — деди мулозим, — тан-дир ичида нима қишиб ўтирибсиз.* «Латифалар».

2 Хавфсираш, эҳтиёт бўлишни ифода-лайди. *Ий, қоч, от тегиб олади! Ий, йиқи-либ тушасан.*

ИЙД \а. j^C -байрам, хайит] Диний бай-рам; хайит. *Ийдлари муборак! Ийд кунлари.*

Ийд намози Рамазон ва Қурбон хайит-ларининг биринчи куни эрта билан асосан жамоа бўлиб ўқиладиган намоз. *Бунда [бу масжидда/ ийд ва жума намозлари ўқилмайди.* А. Қрдирий, Обид кетмон. **Ийди рама-зон** Рамазон хайити. *Ийди Рамазоннинг Қурбон хайитидан фарқли жиҳати фитр сада-қасидир.* Газетадан. **Ийди сағир** Кичик хайит, яъни Рамазон хайити. *Халқимизнинг урф-одатлари ва маросимлари орасида Ийди сағир, яъни кичик хайит деб аталадиган Ра-мазон хайити..* Газетадан. **Ийди қурбон** Ра-мазон хайитидан 70—72 кун кейин ўткази-ладиган диний байрам, Қурбон хайити.

ИЙДЛИК 1 Ҳайитда кичикларга ва, умуман, шундай ҳадяга муносиб кўрил-ган кишиларга бериладиган пул, нарса: хайитлик.

2 тар. Диний байрам муносабати би-лан домлага олиб бориладиган ҳадя; \а-йитлик. *Эски мактабларимизда болалар ҳар пайшанба нон ё ноннинг пулини олиб бора-дилар.* *Бундан бошқа, бўйра пули, кўмир пули, ийдлик пули ҳам бор.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

ИЙЕ айн. **ие.** *Ийе, ҳали танимас экан-сиз-да, бу киши оқсоқолимизнинг аёллари бўладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЙИ айн. **ие.** *-Ийи! — деди афанди, — қўрқмай бораверинглар.* «Латифалар».

ИЙИН шв. Елка. *Келади Азроил жон ола-ман деб, Ийнига олмос қилич соламан деб.* «Оқ олма, қизил олма». *Икки ийнидан кам-пир дамин олади, Кампир жуда тип-тикка бўп қолади.* «Ширин билан Шакар».

ИЙИНДИ Сигир соғилгандан сўнг елинда қолган ва ийдириб иккинчи марта соғиб олинадиган сут. *Паттихон сигирлар-ни оғилда боқди. ..ийиндиларини ҳам соғиб оладиган бўлди.* М. Тожихалилова, Бири би-ридан ўткир. *Ийинди соғиш бошқа экан-у, росмана соғиш бошқа экан.* Шу тонда сезган эди буни қиз. Р. Файзий, Чўлга бахрр келди.

ИЙИР қ. игир.

ИЙИҚ 1 От, эшак каби иш ҳайвонла-рининг олдинги икки оёғи устидаги, бел-дан бўйингача бўлган қисми

2 Шу жойда пайдо бўладиган яра.

ИЙИҒИ ЧИҚМОҚ Жуда эзилмоқ, абжағи чиқмоқ. *Билсанг, оғайни, мен ураллик бўламан.* Урал темир йўлида ишлайвериб, ийигим чиққанини билсанг эди. Н. Сафаров, Уйғониш.

ИЙЛАМОҚ Эзиб ёки муштлаб юмшат-моқ, шу йўл билан ишлов бермоқ. *Малҳамни ийламоқ.* **иш** Шербек. *кўнгли гаш бўлиб, уйи-га келганда, онаси ўчоқ бошида хамир ийла-ётган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Тери ийламоқ Ошланган терини, кўнни ғижимлаб, эзиб ишлов бермоқ. *Нафсини тийган киши султон бўлур, хом терини ий-ласанг, ултон бўлур.* Мақол.

ИЙМАНМОҚ Уялиб. андишага бориб, ўзини тиймоқ; тортинмоқ. *Эргаиш бир оз ийма-ниб турди-ю, ростини айтди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Йўлчи \ноннинг\ бир бурдасини оғзи-га тикса, лунжининг бир чеккасида йўқолиб кетар, патнисга кетма-кет қўл чўзаверишига иманар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЙМОН \а. ~ Оллоҳга ишонч,

эътиқод] айн. **имон.** *Исломда фақат диний таълимотга бўлган эътиқод ва тушунча — иймон тап олинади.* Газетадан. *Иймон эъти-қодга қараганда чуқурроқ мазмунга, кенгроқ миқёсга эгадир.* Газетадан. *..ҳозирги даврда иймон тушунчаси, сўзи виждонлилик, софлик, поклик, ҳалоллик, ишонч каби дунёвий маъ-ноларда ҳам ишлатилипти.* Газетадан.

ИЙМОНСИЗ айн. имонсиз. *Кимки ис-лом динини қурол қилиб олиб, ҳокимият учун курашса, бу кураш мамлакатни хароб қилиб, мусулмон мусулмоннинг қонини тўкишига олиб келса, у киши иймонсиздир.* Э. Юсупов, Истиклол йўлида.

ИЙМОҚ 1 Елини юмшаб, равон сут берадиган ҳолга келмоқ (соғин сигир, қўй, эчки ва ш. к. ҳақида).

2 *кўчма* Ҳиммат уйғонмоқ, кўнгли эри-моқ. *-Ҳимматни баланд қилиг, она! — шовқин кўтаришиди ийгитлар.* Лутфинисо ийиб, икки дўппи ва ўн сўм пул узатди. Ойбек, Танланган асарлар. *«Энди сенинг этагинг-дан маҳкам тутдим, қайси йўлдан бошласанг, ўзинг биласан», дегандан кейин Крдир жуда ийиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

Меҳри иймоқ Меҳри уйғонмоқ. *Бувира-жаб унинг соддадилларча термилишини кўз олдига келтирди, жилмайди, рости, меҳри ийиб кетди.* «Ёшлик».

ИЙРИМ шв. Оқар сувдаги ўрама, ай-лана, гирдоб. *Шундоқ оёғимиз остида ўша кўк ийрим, яъни гирдоб.* Ш. Холмирзаев, Сай-ланма. *Шунга бўла у билан боғлиқ жумбоқлар бирдан миясига уриб, тагин таниши ий-римга тушиди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ИЙСИНМОҚ шв. Меҳри товланиб ийин-моқ. *Кўриб эмчакларим ийсиниб боряпти.* **тт** *Бойчибарни кўриб, шундай ийсиниб, Биянинг ўркига сутлар келади.* «Алпомиш».

ИЙЯ айн. ие. *Ийя! Аблах, бошқа гап қуриб қолдими?* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЙҚ шв. Оқим. *Халқ бир азим дарё: ий-қина туидинг-кетдинг.* Матал.

ИЙҲОМ \а. цЦ-И — ёлгон тасаввур, шуб-ха туғдириш, адаштириш) ад. Шеърый санъат: шеърда ҳақиқий ва мажозий маъ-ноларга эга ёхуд шаклан бир, маъно жиҳатидан хар хил бўлган сўз ёки сўз бирикма-сини қўллаган ҳолда бир байтда икки хил маънони ифода этиш.

ИК шв. Йик, дук.

ИКИР-ЧИКИР 1 Катта (муҳим) бир нарсанинг кичик, майда-чуйда унсурлари. *Икир-чикиригача ўрганмоқ.*

Икир-чикир гап Майда-чуйда, арзима-ган гап. **Икир-чикир иш** Майда-чуйда, арзимаган ишлар. *Анзираат хола йиртиқ-ямоқ ва ҳар хил икир-чикир ишлар билан машғул бўлиб, кечгача Сидиқжоннинг олдидан жил-мади.* А. Қаҳдор, Қўшчинор чиромари.

2 Умуман, майда-чуйда, муҳим бўлма-ган нарсалар. *Турмуш икир-чикирлари.* **тм** *Ўйлаб қараса.. йўлга чиққанида кўзига жуда катта кўринган бу ташвиш ҳозир кундалик икир-чикирлар қаторига кириб қолибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИККИ снқ. сон 1 2 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Икки киши.* *Икки уй.* *Ўн иккидан иккени олмоқ.* *Саккиз-га иккени қўймоқ.*

Бир икки бўлмайди. қ. бир.

2 Беш балли баҳо тизимида қоникар-сиз, ёмон баҳо. *Иниодан икки олибди. Икки баҳо қўйибди.*

Икки гапнинг бирида Гап (суҳбат) ора-сида ҳадеб, тез-тез. *Режиссёримиз.. икки гап-нинг бирида «таъбир жойиз кўрилса», деб туради!* А. Қаҳҳор, Санъаткор. **Икки дунё бир қадам қ. дунё 1.** **Икки оғиз гап (ёки сўз) қ. оғиз.** Икки энлик Икки бармоқ энига тенг. *Бердиев билан Шаймонов.. ўзларининг, устида икки энлик ёғи бор гўшт ейишларини оғиз кўпиртирибмақташар эди.* «Муштум». **Икки энлик хат** Жуда қисқа ҳажмли хат. *Ҳайрон бўлиб, патирни ушатдим.. ичидан икки эн-ликхат чиқди.* О. Ёқубов, Излайман. **Икки қўлни бурнига суқиб (ёки тикиб) қ. бурун 1.**

ИККИЁҚЛАМА (тўғриси икки ёқла-ма) қ. ёқлама.

ИККИЛАМЧИ 1 шв. Иккинчи бор, яна қайта; иккинчи. -*Бор синфингга, иккиламчи бемаънилиқ қилма, — деди директор [Тўла-га].* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Бойлар кир ювдиргани чақирганларида, эргашиб ё йўқлаб борган боласига қаттиқ-қуруқ текканларини кўрса, кирни кўз ёшлари билан ювиб келар, кейин ундай жойларга иккиламчи қадам босмай қўяр эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Бирор жараён ёки ҳодисалар қатори-да иккинчи ўрин тутадиган, иккинчи даражали. *Бундай конструкциялар.. предика-тивлик функцияларини, гарчи иккинчи тапда бўлса-да, сақлайдилар ва шунинг учун ҳам улардаги предикатив алоқа иккиламчи характерга эга бўлади.* «ЎТА».

3 флс. Материалистик таълимотга кўра, материядан кейин, унинг ҳосиласи сифатида юзага келган, материядан кейинги. *Материя — бирламчи, онг, тафаккур — иккиламчи.*

4 қрш. с. взф. кам қўлл. Иккинчидан. *Ав-валамбор, бу ерда бегона кимса йўқ! Иккиламчи, подшоҳ наздида биз ўлган одамлар-миз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИККИЛАНМОҚ 1 Икки нарсадан бири ҳақида муқим бир қарорга келмаслик, шундай ҳолатда бўлмоқ. *Қоровул чол идорада мажлис бўлаётганини айтган эди, остонада бирдан тўхтаб, кириш-қирмаслигини билмай иккиланди.* С. Аҳмад, Ҳукм. У «*гуручни сол-саммикан, солмасаммикан*», деб иккиланди. Ҳ. Гулом, Машъал.

2 Умуман, бирор қатъий қарорга кел-маган ҳолатда бўлмоқ, турли хаёлда бўлмоқ, турли хаёлга бормоқ. *Агар мендан оламда кимнинг таниш-билиши, ошна-оғайниси кўп, деб сўрасалар, ҳеч иккиланмай, муаллимлар-ники дердим.* «Гулдаста».

ИККИЛИК 1 Ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўла-диган, яхши томонга ҳал бўлиши гумон.

ИККИЛИК II 1 Икки дона холи, сурати бўлган (карта ҳақида). *Таппоннинг иккилиги.*

2 Икки мисрали (шеър банди, байт ҳақида).

3 Ёмон, икки баҳрга арзийдиган, икки баҳога бажарилган. *Иккилик иш. Иккилик иниш.*

ИККИНЧИ Тартиб сирасида 2 рақами билан белгиланган; 2 номерли. *Иккинчи жилд. Иккинчи уй. Иккинчи қатор. тт Жу-вон.. узоқ адирнинг этагида қорайиб турган қишлоқни кўрсати:* -Иккинчи МТС ҳу ўша ерда. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Маълум тартибдаги предмет, воқеа-ҳодиса ва ш. к. қаторида энг олдингидан кейинги ўринда турган, биринчидан кейин-ги. *Иккинчи синф. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида. тт Далага биринчи куни 52, иккинчи куни 79 одам чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

3 Айни бир нарсанинг тилга олингани-дан бошқаси, кейингиси. *Мурод бир туфлисининг учини иккинчисингс товони билан босиб, чаққонлик билан оёқ кийимини олди-да, уйга кирди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Улар бир-бирлари билан ўчакишигандай, хурракни да-ража-бадаража оширишига тиришади: бири-синики авжга минганда, иккинчиси бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бошқа марта, қайта. *Бас, уятсиз мах-луқ! Ким уни заҳарлайди? Бу гапни ман иккинчи эшитмай.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИККИНЧИДАН *қри. с. Гапда санаб ўти-ладиган предмет, воқеа-ҳодиса ва ш. к. нинг*

217 дъ^

иккинчисини кўрсатишда «иккинчиси шуки», «яна бири шуки» каби маъноларни билдиради. -*Бойвачча, — деди элликбоши, — биринчидан, халққа нуқул фойдали иш.. иккинчидан, юрт тинчийди, учинчидан, номи-нгиз кўтаришиди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИККИЧИ Икки баҳолар билан ўқувчи. *Қумри, сен мактабга кириб суриштириб чиқ-чи. Балки яна бирон иккичининг ота-онаси билан сўзлашиш керакдир.* «Саодат».

ИККИЮЗЛАМА 1 Ўнг-терси бир, икки томони ҳам бир хил. *Иккиюзлама шойи.*

2 кўчма Унга бошқа, бунга бошқача сўзлайдиган; икки томонга икки хил муо-мала қиладиган; мунофик, риёкор. *Икки-юзлама одам. шш Ахмад унинг иккиюзлама эканлигини яққол сезса ҳам, кескин гапирол-масди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ИККИЮЗЛАМАЛИК Иккиюзлама одамга хос хатти-ҳаракат, хусусият. *Иккиюзламалик, худбинлик.. кишида инсоний ҳисни ўлдиради.* Газетадан.

ИККИЮЗЛАМАЧИ *с.т. айн. икки-юзлама 2.* *Хўжасўрсинга қилинадиган ҳаракат эса одамни бора-бора иккиюзламачи, ёлгончи.. қилиб қўяди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК *айн. иккиюз-ламалик.* *..ўзрилиқ, иккиюзламачилиқ ва шунга ўхшаш сифатлар эзувчи синфнинг ву-жудга келиши билан пайдо бўлди.* Газетадан.

ИККИҚАТ *с. т. Ҳомиладор. Иккиқат аёл. тш Тўртинчи боласига иккиқат бўлганда.. ҳар хил йўриқлар ўргата бошладилар.* Ойдин, Ҳикоялар.

ИККИҚАТЛИК *с. т. Ҳомиладорлик.* -*Бо-ра-бора қорним дўппайиб, иккиқатлигим ошкор бўлди, — деди Ҳожиди хола.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

ИККОВ Икки киши ёки иккита нарса бирликда; ҳар икки одам ёки нарса. *Икки танқидчи ялт этиб бир-бирига қаради ва бу қарашида икковнинг ҳам кўнглидан бир гап ўтди:* «Бола ҳам шундай ўжар бўладими?» А. Қаҳҳор, Ўжар. *Икковлари бир сандиқ чети-га ёнма-ён ўтириб.. секин-секин сўзлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИККОВЛАБ *шв. Икковлашиб. Икковлаб сен, ота, қилдинг зулми, Сўрамадинг икко-винг ҳам кўнглимни.* «Ёдгор».

ИККОВЛАШИБ Икки киши бирга (бир бўлиб). *Ярим кечадан ўтганда, Омон уйготди. Икковлашиб оёқ учи билан оғилхонага кирдик. Ғ. Ғулом, Шум бола. Орадан кўп ўтмай, икки фаррош арк дарвозасидан югу-риб чиқиб, икковлашиб ҳалиги занжирни кўтариб, йиғиштириб, бир томонга элтиб қўйдилар. С. Айний, Эсдалиқлар.*

ИККОВЛОН кам қўлл. Иккаласи, икки киши биргалиқда; икков. *Қайтадан қўл ушлашиб, Семурғ билан хушлашиб, Ажралди-лар икковлон. Х. Олимжон, Семурғ.*

ИККОВОРА Икки кишига битта, икки кишига бир (тўй, зиёфат ва ш. к. да меҳмонларга идишда тортилган ош-таом ҳақида). *Ош икковорадан тортилди. Икковора-икковора бўлиб олаверинглар.*

ИКОНА \юн. eikon — тасвир, тимсол] Христиан динидаги диндорлар ибодат маросимларида чўкинадиган Исо, Биби Ма-рям, авлиёлар, фаришталарнинг муқаддас тасвири. *Ўрта асрларда.. икона тайёрлана-диган маркалар вужудга келган. «ЎЗМЭ».*

ИКРА \р. икра < лот. iecur — жигар] **1** Балиқ уруғи (тухуми); увулдирик. *«А» витамини балиқ мойида, тухум саригида.. жигарда, икрада бўла-ди. М. Тўйчиев, Витаминларни унутманг.*

2 Шу уруғдан тайёрланган таом. *Тухум, икра, ёғли иўрва, қази ва мол ёғини кўп ишеъмол қилиш атеросклероз касаллигининг ривожланишига сабаб бўлади. Ғ. Маҳкамов, Саломатлик гарови. Патнисда ноёб балиқ, икра, янги бодринг.. анча нарсалар бор эди. Н. Фозилов, Дийдор.*

3 Тўғралган баклажон, пиёз, помидор ва ш. к. лардан тайёрланган қовурма таом.

ИКРОМ \а. J j<.\ — иззат, хурмат) **1** кт. кам қўлл. Хурмат, иззат. *Қилган иззат ва ик-ромларингизучун раҳмат!А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

2 Икром (эркаклар исми).

ИКС 1 Лотин алифбосида охиридан учинчи ҳарф — «X» нинг номи.

2 мат. Шу ҳарф билан ифодаланган но-маълум (қидирилаётган) миқдор. *Иксни топмоқ. тт Икс, игреклар кўзим олдида пир-пир учади-ю, миямнинг ёнгинасидан гизиллаб ўтиб кетади. А. Кўчимов, Ҳалқа.*

ИКСИР \а. л ■"<) — эликсир; афсонавий тош] *Ўрта аср кимёгарлари тасавурида ҳамма нарсани олтинга айлантира олади-ган афсонавий тош.*

ИЛА кт. қ. билан. *Бой ила хизматчи. тии [Кумуш] ..мактубни ўқиб тамом қилди-да,*

жонсиз бир товуш ила «уятсиз» деб қичқир-ди ва ерга йиқилиб, ўзидан кетди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ИЛАКИШМОҚ Хиралик билан илин-жида бўлмоқ, кетида юрмоқ. *Билсам, бир ўрис хотинга илакишиб қолибдилар. Газета-дан. Нега Қирмизхонга илакишиб қолдинг, ёз аризангни!" Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

ИЛАЛАБАД \а. - умрбод, абадий] рвш. кт. Абадий, бир умрга. *Мен арко-ни давлат ва амирлар билан ҳазиллашмоқни илалабад тарк этдим. Ойбек, Навоӣ. Дей-дики: сен билан биз Илалабад яшаймиз, Дил-с)а ирода, сабот. Шайхзода.*

ИЛАНГ-БИЛАНТ Эгри-бугри, у ёқ-бу ёққа эгилган, бурилган. *Мастон шанг-бишинг йўлни колдириб, мўлжаллаган тепаликка қараб тикка йўл солди. А. Қаҳҳор, Мастон.*

ИЛАС-ИЛАС рвш. айн. элас-элас. *Бу воқеа илас-илас ёдимда.*

ИЛАШИМЛИ(К) Қўшилиб, аралашиб, қовушиб кетаверадиган хусусиятли. *Тўра-хўжанинг удабурон, илашимлигина, сўзамол-лиги, айниқса, қизларга ширинсуханлиги Пош-ша холани ўзига ром этиб қўйганди. Д. Ну-рий, Осмон устунни.*

ИЛАШМОҚ 1 Илинмоқ, ёпишмоқ (хас-чўп, лой ва ш. к. ҳақида). *Унинг этагига пахта илашибди. Яхшига ипак илашур, ёмонга — тикан. Мақол. тт Шунда қўлига шилимшиқ лой илашганини сизди. П. Қрдиров, Юлдузли тунлар. Бир қути сигаретга ила-шиб, чўнтагимдаи «Москвич»нинг калити ҳам чиқди. С. Сиёев, Ёруғлик. У этакка илашиб*

қолган пахталарни қоқаетганда, бошидаги чопон бирдан сирғалиб тушиб кетди. М. Ис-моиллий, Фарғона т. о.

2 кўчма Ёпишмоқ. Мен судхўрман, бу ўғри, Уроқдан ҳам биз тўғри. Бизга илашганларнинг Утдек ёнади гўри. Ҳамза. Ёшлик-дан илашган иллат ҳали кўп мункитади. Ш. Ғуломов, Бўз ер уйгонди.

3 салб. Кетидан юрмоқ; эргашмоқ. Ун-син индамади, орқасидан илашиб кўчага қадар чиққан Хайринисонинг сўзларини ҳам эшитгиси келмасди. Ойбек, Танланган асарлар.

4 Кетидан қолмай (бирон мақсадда) юрмоқ; айланишмоқ, илакишмоқ. -Пулим-ни олдириб қўйдим. Ёнимда мана шу йигит илашиб юрган эди, гумоним шундан, — деди Султон.. Ғ. Ғулом, Шум бола. Жиянингизга бир қизми, жувонми илашиб юрган эмиш, шу ростми?С. Нуров, Нарвон.

5 кам қўлл. Биргалашиб, уланиб кетмоқ; қовушмоқ, қўшилмоқ. Мен мехмонлар билан сирдош оғайнилардек ишишиб кетдим. И. Укта-мов, Ҳикоялар. Деярли ҳамма билан илашиб кетди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Гап-сўз бир-бирига илашмади: чол олдида хотинлар ҳақида сўзланилмади. Ойбек, Танланган асарлар.

Кўзга илашмоқ Зўрға кўринмоқ, кўзга чалинмоқ.

ИЛВАСИН Гўшти учун овланган ёки овланадиган ёввойи паррандалар. Илвасин-дан ўзбек пазандалигида бедана, каклик, тустовуқ жуда ноёб масаллиқ тарзида ишлатилади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ та-омлари. Гўрўгли.. Ховдакнинг кўлига овга чиққан эди. Илвасишарни кўп олиб, Чамбиш қмь-асига қараб кетиб бораётган эди. Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

ИЛВИРАМОҚ **1** Йиринг-сув олиб кет-моқ. Яраси илвираб кетибди.

2 кўчма Путурдан кетиб, зўрға илиниб турмоқ; эскириб, яроқсиз ҳолга келмоқ. ..уч қишлоқда тузишга тўғри келади колхозни, иш илвираб турибди.. Ҳ. Шамс, Душман.

ИЛВИРС **1** зоол. Мушуксимонлар оила-сига мансуб, баланд тоғларда яшайдиган, қоплонга ўхшаш йиртқич айвон.

2 кўчма Сездирмай пайт пойлаб келади-ган, зимдан иш битирадиган одам ҳақида.

ИЛГАК **1** Илиб, осиб қўйиш, илиб бер-китиб қўйиш учун хизмат қиладиган, бир учи қайрилган металл мослама, илмоқ. Тонг отишга яқин қадам товушлари эшитилиб, қалин эшикнинг темир илгаклари шақирлаб очилди. Мирмуҳсин, Меъмор. Гапимизга тагин биров халақит бермасин, деб эшик-нинг илгакини солди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Илиб олиш (илиб кўтариш, тортиш ва б.) учун хизмат қиладиган нарса, мослама. Бирдан машина мотори гуриллади. Кўтарма краннинг тўртта илгакини қотиб қолган але-бастрининг тўрт чеккасига илиб қўйишди. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. Пўлатжон ўрта-даги сепояда туриб, симга илгак солиб торт-ди-да, ходага маҳкам боғлаб, кейин қўйиб юборди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 Бирор нарсани, мас, кийимни илиб, осиб қўйиш учун хизмат қиладиган нарса. -Нега халатсиз кирдинг, болам? — дея Хо-сият хола бурчакдаги илгакдан оппоқ халатни олиб, Муҳиддинга кийгиза бошлади.. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 шв. Тугма, тўғноғич.

5 кўчма Бирор нарсага шама (ишора) тар-зидаги сўз, гап; илмоқ. Терговчи сидқидилдан айшган эди, бобо, илгак ташляпти, дебишон-мади. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

6 Ғаразли мақсаддаги гап, сўз, хатти-ҳаракат ва ш. к. У [Абдубилол] илгак топиб, мажлисни бузиш, ҳеч бўлмаганда, одамлар орасига шубҳа солишни ўйларди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ИЛГАКЛАМОҚ Илгакни илиб беркит-моқ. -Бу киши ким бўладилар? — деди Тиллаевнинг хошини, унинг орқасидан бориб, эшикни илгаклаб қайтаркан. С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

ИЛГАРИ 1 Утган вақтлар(да), ҳозирги вақтдан олдин; бурун. *Шаҳарда илгари кўнкани от сургар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Илгари жуда қулай бўлиб кўринган нарса, энди атрофлича ўйлаганда, ҳазилакам эмаслиги равшанлашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Урганч шаҳрига илгари фақат туя карвонлари билан борилар эди.* Газетадан.

2 Биринчи навбатда; олдин, аввал. *Кўрқоқ илгари мушт кўтаради.* Мақол. *тти* *Аширбек илгари, Вафобек кейин, Оқлабди қирқ йигит берган тузимни.* «Юсуф ва Аҳмад».

3 Олдинги ўринда; олдин(да). *Кетаётир Ойпари ҳамма қиздан илгари.* «Фольклор». *Худайчи Азизбекдан илгарироқда қўриқчилар-ни огоҳлантириб борар..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Олға томон; илгарига, олд томонга. *Улган, ярадор бўлганларга қарсшай, қўзғолончилар катта сурон билан илгари отилиб, тошбўронни кучайтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қудрат билан Ғулумжон ҳам бир неча одим илгари юрди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кўрғон устида ясов тортган қаҳра-монлар қўл боғлаб, икки букилгансимон таъ-зим билан Азизбекни илгарига ўтказа бош-ладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 кўм. *взф.* Нарса, ҳодисанинг ўзи боғ-ланиб келган сўз, сўз бирикмаси билдир-ган вақт, хатти-ҳаракат ва ш. к. дан олдинга оидлигини (шундай муносабатни) билди-ради. *Тўйдан илгари ногора чалмоқ. Ҳамма-дан илгари эшитдим.* *иши* *Амирга инқиёд этишидан илгари шу тўғрида жавоб берсан-гиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бундан бир неча соат илгари қайғудан бошқа ов-қатни танимаган бу икки ёр энди севиниб, иштаҳа билан ея бошладилар.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

Илгари босмоқ Яхши томонга ўзгармоқ, юришиб кетмоқ. *Иши ўрин олди илгари бо-сиб, Йўлим бўлди, деди кўнгли ўсиб.* «Баҳром ва Гуландом». **Илгари кун** Бугундан икки кун олдинги кун. *Илгари кун кечаси чопар келгандан бошлаб кеча кечаси ҳокимнинг кўнглини олгунча ўзини қилқўприк устида сезган.. мингбоши, мана, эндигина эркин на-фас олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Илга-ри сурмоқ** Янги фикр-мулоҳаза билдирмоқ, уни кун тартибига қўймоқ. *Абулвафо.. Хуро-сонда таваллуд этганлар.. ҳисобу ҳандаса со-ҳаларида янги илмий масалаларни илгари сур-дилар ва талай рисоалар яратдилар.* Мир-муҳсин, Меъмор. *Биз илгари сураётган тах-минлар фандаги илмий фаразлардек гап.* С. Кароматов, Олтин кум.

ИЛГАРИГИ 1 Ўтмиш вақтдаги, ўтмиш-га оид; аввалги, бурунги, қадимги. *Илгари-ги одамлар анча содда, раҳмдил.. эканини дилидан ўтказди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Яқин ўтмишдаги, нисбатан олдинги; бошдаги, дастлабки. *Уч дақиқали курашдан сўнг, Мутал бўшашиди, илгариги кучанишла-ридан қолди ва бир-икки дафъа тўлганиб, жимгина жон берди.* А. Қодирий, Ўтган кун-лар. *Дарҳақиқат, Малакда илгариги чақнаш, илгариги жозоба, илгариги ҳаяжон сўнган эди.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавохир. *Аваз илга-ригидан баттарроқ ишдат билан давом этди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 айн. **собик.** *Кейинги йилларда.. партия ячейкасининг котиблигига кўтарилган Абду-расул илгариги хўжайини Олахўжа ва унинг шерикларини кўпроқ таъвишига солиб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЛГАРИГИДАЙ, -дек рвш. Аввал қан-дай бўлса шундай, аввалигидай, ўзгариш-сиз. *Аҳвол илгаригидай.* *Биз яна илгаригидай иноқ бўлиб кетдик.*

ИЛГАРИГИЛАР Аввал, илгари ўтган (яшаган) кишилар, аجدодлар, қадимгилар. *Бу илгаригилардан қолган гап.*

ИЛГАРИДАН рвш. **1** Ўтган вақтлардан; аввалдан, азалдан. *Акам ёшлиқ қилгандир, ҳам ўзи унча-мунча гапни кўтармайдиган йигит, илгаридан феъли шундоқ.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Илгаридан қолган бир нақл*

бор: Кўл югуриги — ошга, тил югуриги — бошга. «Баҳром ва Гуландом».

2 айн. олдиндан. У бу пулни илгаридан тайёрлаб қўйган бўлса керак, ёнидан олди-ю, санамай узатди. С. Аҳмад, Уфк.

ИЛГАРИЛАМОҚ 1 Илгари қараб юр-моқ, олға томон ҳаракат қилмоқ, сил-жимоқ. Сувонжон ҳамон олдинда қомати-ни букиб, боши билан бўронни сузиб, елка-лари билан ёриб илгариларди. С. Анорбоев, Оксой. Қум йўлда зўриқиб илгарилаётган машина қаттиқ силкиниб тўхтади, ўчди. «Ёшлик».

2 Олдинга ўтиб кетмоқ, ўзмоқ. Убиздан анча илгарилаб кетди. **тм** Кончилар мармар увоги ва плиталари тайёрлаш топшириқла-рини бажаришида ҳам графикдан илгарилаб боришяпти. Газетадан.

ИЛГАРИЛАР(И) Илгариги вақтларда; бурун. Илгарилари одамлар оёғи етмаган ер-лар энди гуллаб-яшнамоқда.

ИЛГАРИЛАШМОҚ 1 Илгариламоқ фл бирг. н. Овчилар хийла илгарилашди. **тм** Яна эмаклаб илгарилашди. С. Кароматов, Ол-тин қум.

2 айн. илгариламоқ. Илгарилашган сари базминг бутун дабдабаси аниқроқ сезилиб, Ёрматни безовта қилаверди. Ойбек, Тан-ланган асарлар.

ИЛГАРИТДАН с. т. айн. илгаридан. Рос-тини айтсам, Саид, мен сени илгаритдан.. яхши кўраман, ўғлим. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ИЛГИР шв. Ўз ишининг устаси; эпчил, чаққон. Илма ҳам осон эмас, Уни тикар қиз илгири. «Кўшиқлар».

ИЛГИЧ Илиб олиш, илиш учун ишла-тиладиган асбоб; илмоқ, илгак. Қиёмхон секин ўрндан туриб, илгичга яқин борди. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ИЛДАЙ шв. Олдин. Ундан илгай менга ҳам ўлим лозим, Оқилган қонига тушмасин кўзим. «Эрали ва Шерали».

ИЛДАМ сфт. Тез ҳаракат қиладиган; чаққон, тез. Илдам йигит. Кўли суст косибдан оёғи илдам гадоёй яхши. Мақол. **тм** Карим читтак — кичкина, лекин ҳаракатлари чақ-қон ва илдам бўлганидан, ёшликда шундай лақаби бор эди, ҳозир кимсан — Мирзака-римбой. Ойбек, Танланган асарлар. Рўпара-даги кўркам уйлардан яхши кийинган, ранг-лари тоза, сергайрат ва илдам аёллар қўлла-рида идишлари билан қозон бошига қатнаб турибдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Навкар минар илдам отни. «Гулнорпари».

2 рви. Чаққон ва тез ҳаракат билан. Фаз-лиддин отни илдам чиқариб, дарахтга боғлади.. Ойбек, Танланган асарлар. [Салим-бойвачча] Ички чўнтагидан қоғозга ўралган захарни олиб, титроқ қўллари билан ошга сепди ва қошиқ билан илдам аралаштирди. Ойбек, Танланган асарлар. Илдам, илдам қадам ташланглар!"Ж. Шарипов, Хоразм.

3 унд. с. Чаққон, тез ҳаракатга ундашни билдиради. Қани, илдамроқ, хўжайин кутяп-ти.. С. Кароматов, Олтин қум.

ИЛДАМ-ЖИЛДАМ Тез қаракат қила-диган, тез юрадиган; чаққон. Уилдам-жилдам йигит. Илдам-жилдам иш қилмоқ.

ИЛДАМЛАМОҚ Тез олға босмоқ, ил-гари томон ҳаракати тезлашмоқ. Гўё наврўз томошаларига кеч қоладигандек, илдамлаб, бозор сари шошдилар. С. Сиёев, Аваз. Акбар минган оқ эшак илдамлади. «Саодат».

ИЛДАМЛАШМОҚ 1 Илдамламоқ фл. бирг. н. Улар пахтазор томон илдамлашди.

1 Илдам тус (ҳолат) олмоқ; тезлашмоқ. Қишлоқ кўчаси товонларини куйдиргандек, жангчиарнинг одишари ўз-ўзидан илдамлаш-ди. Ойбек, Куёш қораймас. Бутун хонадон-лар ва кўчаларда, далалар ва хирмонларда одамларнинг қадамлари илдамлашган, арава-лар, машиналар гилдираги тезроқ айлана бош-лаган эди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ИЛДАМЛИК Чаққон (тез) ҳаракат; чақ-қонлик. Худододбек яна илдамлик билан қай-тиб чиқибкетди. Мирмуҳсин, Меъмор. ..бар-мок^ири пардалар устида кўз

илгамас илдам-лик билан кўчар, гўё куй ўзидан-ўзи қуйилиб келарди. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

ИЛДИЗ 1 Ўсимликнинг ердан сув ва ўғит моддалар олиб берадиган ер ости қисми; томир. *Илдиздан кўқарган дарахт. тт Қайра-ғоч, теракларнинг илдизи ер бағрига қаттиқ сингган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дарахт-нинг бўйи қанча чўзилса, илдизи ҳам шунча чуқур кетиши керак.* Э. Усмонов, Ёлқин.

2 Тиш, соч, тирноқ кабиларнинг тери ёки эт орасида жойлашган қисми, томири. *Тишининг илдизи. тт Кампирнинг бир тутам оппоқ сочи илдизи билан юлиб олинган.* «Фан ва турмуш».

3 кўчма Асос, негиз, манба. *..қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурили-*

шига татбиқ этмоғимиз керак. Газетадан. *..шубҳа-хавотирларнинг илдизларини қиди-ришига мажбур этади.* Газетадан.

Илдиз отмоқ (ёки олмоқ, ёймоқ) 1) ил-дизи ҳар томонга ўсиб, бақувват тортмоқ (ўсимлик ҳақида); 2) кўчма авж олмоқ, ри-вожланмоқ; кенг тарқалмоқ, одатга айланмоқ. *Бу ҳол ҳамма ёққа илдиз ёйган. ти Олий ўқув юртларида эса ота-онанинг мансабига, ҳамёнига қараб ўқишига қабул қилиш ҳоллари илдиз отиб кетган эди.* «Муштум». *Энди бил-сам, эҳ-ҳа, бошимиздаги шўр жуда чуқур ил-диз отиб кетган экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) муайян масканга жойлашиб, ўрганиб, шу ерда уй-жойли, бола-чақали бўлиб яшаб кетмоқ. *Бу қишлоқ сувини бир ичган одам, тамом, шуерда.. илдиз отиб кет-май иложи йўқ.* Ф. Насриддинов, Олтин одамлар. **Илдиз қувмоқ** 1) томирини, ке-либ чиқиш манбаини ахтармоқ; 2) наслдан наслга ўтмоқ, суяк сурмоқ (одат-қилиқ, ка-саллик ҳақида). **Илдизи бақувват (ёки маҳ-кам)** 1) илдизи яхши ривожланган; 2) кўчма кучли қўллаб-қувватловчиларга эга, мавқеи зўр. *Пошиахон савдо соҳасида иш-лайдиган айрим илдизи маҳкам кишилардан танишибилиш орттирди.* Д. Нурий, Осмон устунни. **Илдизига болта урмоқ** Ҳаёт асоси-ни йўқ қилмоқ. *У[Йўлчи] зулм илдизига бол-та урди. Иншоолло, зулм дарахти қурийди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эскича тўилар, исрофгарчилик айрим пайтларда оила илди-зига болта урувчи сарқит экан..* Газетадан. **Илдизини қуритмоқ (ёки қирқмоқ)** Таг-туби билан йўқ қилмоқ. *Маждиддин разолатининг фош этилиши, шубҳасиз, катта иш бўлди. Лекин унинг илдизлари ҳали қирқилган эмас.* Ойбек, Навоий. *Лаънати жаҳолатнинг қон томирларимизда, юрак-бағримизда заҳар со-чиб ётган манфур илдизлари қирқиладиган ёруғ кунлар ҳам келармикин?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ўк илдиз, ўқилдиз** Ерга тўғри (тик) йўналувчи йўғон (бақувват) илдиз.

4 мат. Маълум бир даражага кўтарилган-да, ўз-ўзига кўпайтирилганда, берилган сон-ни ҳосил қиладиган сон; радикал. *Тўққиз-нинг квадрат илдизи — уч. Илдизини топмоқ.*

ИЛДИЗЛАМОҚ Томир ёймоқ, томир (илдиз) қўйиб ўсмоқ.

ИЛДИЗМЕВА Баъзи ўсимликларнинг озик-овқат ёки ем-хашак сифатида ишла-тиладиган йўғон, гўштдор илдизи.

ИЛДИЗМЕВАЛИ Илдизмеваберадиган. *Илдизмевали ўсимликлар.*

ИЛДИМ-ЖИЛДИМ ст. кам кўлл. айн. **илдам-жилдам.** *Ҳасанча ёмон йигит эмас, ил-дим-жилдим, билмадим, нима сабабдан ўртоқ Қрбиловга ёқмаётган жан.* С. Маҳкамов. Дала тонги.

ИЛЖАЙМОҚ Овоз чиқармай, лаб ва юз-кўз ҳаракати билан кулги ифода қилмоқ, мийиғида кулмоқ, кулгига ўхшаш ҳолат ифода қилмоқ. *Обиджон акасининг ёнида ўтириб, нима қилишини, нима дейи-шини билмас, дам-бадам унинг елкасини уш-лар ва илжасар эди.* А. Қаҳҳор, Кушчинор чирокутари. *Гулсум номус қишкандек илжасийиб, пастга қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Ҳай, майли, олам кезган нозикфаҳм шоирсиз. Қуло-гим сизда, гапираверинг, — деди хунук илжа-ийиб.* К. Яшин, Ҳамза.

ИЛЖИРАМОҚ Қовжираб сўлмоқ, ранг-туси ўзгариб сўлжаймоқ. *Хрвлилардаги совуқ урганидан қорайиб, илжираб кетган бултурги гуллар қор тагидан шумшайиб бош чиқарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИЛИГУЗИЛДИ Эрта кўкламда кўр-кут тугаган, ҳали ҳеч нарса пишмаган, киши организми дармондориларга эҳтиёж сезади-ган давр. *Айёр бой [Солибой] қиши ва илигузил-ди — баҳор кезларда ўн бордон галлани деҳ-қонларга бўлиб бериб, кузда яна йигирма бор-дон килиб йигиб олар эди.* Ё. Шукуров, Қасос.

ИЛИК 1 эск. айн. **қўл 1** (асосан эгалик қўшимчалари билан қўлланади). *Сабр айлансанг, муродинга етарсан, Насиб бўлса, ёр ишидан тутарсан.* «Тоҳир ва Зухра». *..Хитой қизлари мўғул йигитлари илкига тушмаслик учун ёниб турган уйлар ичига ўзларини урган-ларини ўз кўзим билан кўрдим.* М. Осим, Кар-вон йўлларида. *Сизга менинг маслаҳатим — Андижонда кўп турманг. Иликка тушиб қолурсиз.* П. Қодиров. Юлдузли тунлар.

2 Болдир суяги, оекнинг тиззадан тўпиқ-қача бўлган қисми. *Яна бу оёқ ё илигидан, ё тиззасидан киркилган бўлса ҳам майли эди.* С. Зуннунова, Кўк чироклар. *Ҳа, кўчага чиқ-майсан, эшитдингми? Ҳош бола! Илигини синдираман-у, касалигини боқиб ўтиравера-ман.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

3 Одамлар ҳамда қўй, мол ва ш. к. хай-вонлар оёқларининг ичида мойсимон мод-да бўлувчи қисми; ана шу қисмнинг (гўшти билан) пиширилгани. *-Қани, баррадан олинг,*

223

ўғлим, — деди у илик узатиб. — Кўрқманг, бу парранда этидай енгил ҳазм бўлади. А. Ми-ра\медов, Қўйлар кўзилади. *Махсум еб то-заланган иликни аста дастурхонга қўйди-да, ҳаяжон ичида бақрайибўтирган Бобоқул-га тикилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 Шу суяк ичидаги мойсимон модда, тўқима (истеъмол этилади ва ниҳоятда қувват-мадор бўлувчи таом сифатида қаралади). *Яна бундай тўқималар пайси-мон суяклар ичидаги илик, япалоқ суяклар орасидаги мижик ва кемик деб аталувчи ёғлардан ҳам иборат бўлади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *-Бўлмаса, илиги-ни сиз қоқиб енг, дада.. — деди ўғил.* Р. Фай-зий. Сен етим эмассан.

Илиги бақувват (ёки тўқ) Куч-мадори яхши, куч-қувватга тўла; бўлиқ. *..қопни бир ҳамла билан орқага олиб, дадил кўтарилди-ю, гизиллаб юриб кетди.* Саксон ота орқадан қараб қолди ва ичида деди: *«Илиги бақувват экан!».* Ойбек, О.в. шабадалар. *Ҳаким ака ҳар йилгидек бу йил ҳам гўзани ёшлигидан «или-ги тўқ», бақувват қилибўстириши учун ҳара-кат қилмоқда.* Н. Рихсиев, Миришкор. **Илиги пуч (ёки пучаймоқ)** Тинка-мадори қуриган; нимжон бўлиб қолмоқ. *Ахир бечораларнинг ишлаши учун ҳам куч-қувват, мадор керак-ку. Илиги пучайиб қолган одам нима ишга ярайди?* М. Ҳазраткулов, Журъат. **Илиги тўла (ёки тўлмоқ)** Етарли куч-қувватга эга, етар-ли куч-қувватга эга бўлмоқ. *Ўтга яхшиўрга-ниб, илиги тўлгандан сўнг ажратдим.* С. Анорбоев, Оқсой. *Темиртош эса ҳокимнинг кийими остидан билиниб турган мушакла-рига қараб, «Мой билан гўштни кўп еб, или-ги тўлган», деб ўйлади.* М. Осим, Карвон йўлларида. **Илик узилди қ. илигузилди.** Кўклам чоғи, илик узилди палла, одамнинг силласи қуриб, лоҳас бўлаверадиган кунлар-нинг бири. Х. Султонов, Онамнинг юрти. **Илик ювмоқ** эск. Кўл ювмоқ, алоқани узмоқ; кечмоқ. *Қолмади ҳурмат аҳли оламда Оламу олам аҳлидин юв илик.* Бобур.

ИЛИ-МИЛИҚ айн. **илиқ-милиқ.** Бирда-нига чўлнинг ҳавоси ўзгарди, эрта куз бўли-шига қарамай, эсиб турган или-милиқ ша-бада ўрнига қандайдир димоққа хуш ёқади-ган, боғлардан эсаётган ёқимли шамол кела бошлади. С. Аҳмад, Чўл бургути.

ИЛИМОҚ Бир оз исимоқ. *Сув илиди. иши* Осмонимиздаги булутлар тарқалиши билан.

танамиз илийди, жонимиз тинчийди. Ҳ. Ғу-лом, Машғал.

Ичи илимаслик Кўнгли тўлмаслик; хо-тири жам бўлмаслик. *Сира кўнглим чопмас бу юришингга. Сира ичим илимайди қилган ишингга. «Ёдгор».* **Кўнгли** (ёки **меҳри, юра-ги**) **илимоқ** Меҳри товланмоқ, меҳр ҳисси уйғонмоқ. *Кечқурун дастурхон.. устида бола йиглаб берди. -Ол, эмиз.. - деди Ориржон. Кўнгли илиб кетди.* А. Мухтор, Чинор. *Ўғай онам уч фарзандли бўлди. Болаларни қийна-либ туққан бўлса ҳам, бизларга меҳри или-мади.* Газетадан. *Она.. совуқ гандан ўзини бир зум йўқотиб қўйди. Кейин, она экан, юраги илиб, боласини қучоқлагани югурди.* М. Ис-моилий, Одамийлик қиссаси.

ИЛИНАРЛИ: қўлга илинарли Ишлатиш (яратиш) учун арзигудек; ярокли. *Сотиш учун қўлга илинарли ҳеч нима йўқ.* Ойбек, Навоий.

ИЛИНЖ Етишиш умиди, кўзланган дард-мақсад; умидворлик. *Муҳаббатни билармиди? Илинжи пул.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кунлардан бир кун Зокирхўжа қас-соб Абдурасулдан от сўрайди. Абдурасул ун-дан гўшит қарз олиш илинжи бўлганидан, «йўқ» деёлмайди.* **П.** Турсун, Ўқитувчи. *Асар қаҳрамонлари бир-бирларидан жудо бўлган бўлсалар-да, қандайдир илинж билан яшай-дилар.* Газетадан. *У Чарос ҳақида тоғасидан бирон гап эшитиш илинжсида эди.* Ў. Ҳоши-мов, Қалбингга кулоқ сол. *Менинг бу уйда шу боладан бўлак илинжим иўқ.* А. Қаҳқор, Қўшчинор чироқдари.

ИЛИНМОҚ 1 **Илмоқ I** фл. ўзл. ва мажх. н. *Кўчада кетаётган бир хотиннинг юпқа хитойи зонти қўлидан учиб кетиб, парашют-дай лапанглаб борди-да, бир дарахтга илинди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. *Деворий газе-таларнинг имтихонга бағишланган янги сон-лари шгинди.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Тушмоқ, тутилмоқ (тузоқ, қопқон ва ш.к. га). *Қармоёуирга битта ҳам балиқ илинмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Овчи аста-секин тўрнинг ипини тортибди, ҳамма каптар ту-зоққа илинибди.* «Чалпак ёққан кун».

3 кўчма (ўзи бирикиб келган сўз бил-дирган нарсага) Дучор бўлмоқ, йўлиқмоқ. *У кун Нуринисонинг ҳийласига илиниб.. сўнг қочаркан..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳа, бу Мастура яллалар тузоғига илинган пок, бе-ғуноҳ қизларнинг тақдири ҳақида йиглаб-ийг-*

лаб китоб ёзса бўлади. К. Яшин, Ҳамза. [*Тўғонбек*] *Баъзи қассоблардан, ошпазлардан бир неча динор қарзга ҳам ишинади.* Ойбек, Навоий.

4 (ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарсага) Улгурмоқ, эришмоқ, олмоқ. *Узинг-ку, зўрға учга илиниб юрибсан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Ҳа.. тича рўмол олувдик, эпчиллар илиниб, эпсизлар қуруқ қолди.* Н. Сафаров, Танланган асар-лар. *Медалга илинганлар, ҳар қалай, [ўқиш-га] жойлашиб кетади.* С. Зуннунова, Янги директор. *У Бухорода жой топиб, тузукки-на маошга илинганидан хурсанд бўлди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

5 кўчма Ўз ҳолати, мансаби ва ш.к. да зўрға турмоқ; кетай-кетай деб турмоқ. *Или-ниб турганингни биласанми, раис. энди сен ҳақиқий раис эмас, собиқ раиссан.* Ш. Раши-дов, Бўрондан кучли. *Ақраб, қора совуқ ойида Бухорода ўлим кўп бўлди — баъзи илиниб юрган кексалар куз япроғидек чирс-чирс кета бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Ушлаш, кийиш ва ш.к. даражасига етмоқ, ярамоқ. *Соқолингиз устарага илин-майди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Уроққа илинмаган майсаларни қўй чилпигандай биттсьиш юлиб оламан.* С. Сиев, Ёруғлик. *Мен пул берай, шу атрофдан оз-моз дуруст, оёққа илинади-ган бир нарса топиб беринг.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 Ўзи ишлатмай, ўзгага бермоқ ёки атаб сақдаб қўймоқ (асосан таом ҳақида). *Шер косасидаги иликни бобосига илиниб олиб кир-са, у киши бош чайқайди.* С. Анорбоев, Ҳам-сухбатлар. *УСидан посилка олган экан, менга ҳам илинибди: озгина ширин толқон, майиз.* Ҳ. Ғулум, Тошкентликлар.

Кўзга илинмоқ 1) кўзга ташланмоқ, кўринмоқ. *Ёмғир бетиним ёғар, лекин унинг томчилари чанг зарраларидек кўзга илинмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўтарилиб,

обрў орттириб, маълум-машхур бўлмоқ; кўзга кўринмоқ. *Ишда ҳам Назаров тез кўтарилди. Саидгози бўлса чеккада, кўзга илинмай қолиб кетаверди.* С. Анорбоев, Оксой; 3) эътиборни ўзига тортмоқ. *Қиза-лоқ кўзга илинадиган бўлиб қолибди. Кўзи илинмоқ* Кўзи уйкуга кетмоқ. *Кўзи энди илин-ганда, сапчиб ўрнидан туриб кетар, болала-ри устини ёпиб қўяр, кейин девордаги соат-га қарарди.* С. Абдуқаҳҳор, Кўзлар. **Пичоққа илинадиган** Бирор нарса учун маъқул бўла-диган, ярайдиган, ярокли. *Умуман.. мол-ларнинг пичоққа илинадигани йўқ ҳисоб.* «Муштум». *Хуллас, ўйлаб турсам, зикр қилинган Шариповлар ичида пичоққа или-надигани темир-терсак мудури. Тожибой Шарипов экан.* Газетадан. **Тилидан** (ёки га-пидан, оғзидан, сўзидан) **илинмоқ** Ўз гапи (сўзи) билан ўзини фош қилиб қўймоқ. *Бой ота.. мен Суярни терговчи тўранинг олдига олиб борай. Бир умрида терговчига сўров бер-май юрган одам ўз тилидан илиниб ўтирма-син.* Н. Сафаров, Уйғониш **Тумшугидан илинмоқ** Қўлга тушмоқ. *Мугамбир тумшу-гидан илинар.* Мақол.

ИЛИНЧОҚ с.т. Кишини тутиб, боғлаб турадиган нарса ёки кимса. *Менинг бу жой-да ҳеч илинчоғим йўқ. иши Саодатим.. дунёда фақат сизни деб юрибман. Сиздан ўзга илин-чоғим йўқ.* И. Раҳим. Ихлос.

ИЛИҚ 1 Бир оз, сал-пал иссиқ. *Илиқ сув. Илиқ шабада. иит У илиқ чойдан шошилмай хўтар экан, ўйларди..* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Тантана кунни ҳам етиб келди. Бу кузнинг очиқ ва илиқ бир кунни эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Ёқимли, хуш келадиган. *Илиқ сўз. Илиқ суҳбат. Илиқ муомала. иши \Майна\Ошиқ йигитларнинг кўзлари ва илиқ та-бассумлари ҳақида зимдан ўйлаб, яна ўзидан-ўзиуя,иб кетарди.* Ш. Тошматов, Эрк куши. *Муҳаммаджонга доим илиқ муомала қила-диган Зуфар Ҳакимович бугун нега қўл бериб кўришмагани мана шу истеҳзоли саволдан би-линиб турарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ИЛИҚ-ИССИҚ 1 Унча иссиқ ҳам эмас, совуқхам эмас, бир оз иссиқ. *Эрта баҳорнинг ишиқ-иссиқ кунлари бошинди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 кўчма айн. **илиқ 2.** *Ҳаяжондан, бедор-ликдан мадори қуриган аёлни юпатадиган юмшоқ муомала, илиқ-иссиқ сўз керак эди.* А. Мухтор, Опа сингиллар.

Илиқ-иссиғида Вақти ғаниматда; ўз вақ-тидан ўтказмай, фурсатни қўлдан бермай.

ИЛИКЛИК Илиқхрлат, илиқигода. *Чол-нинг қиёфасида кишини ўзига тортувчи алла-қандай УНУКЛУК бор эди.* Ф. Мусаёнов, Пу-шаймон. *Пошиша холадан бунчалик илиқликни кутмаган Дороббекнинг ранги қочган юзлари ёришиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устунни.

ИЛИҚ-МИЛИҚ с. т. Бир оз илиқ. *..мч-кари кирди, илиқ-милиқ шавлани косага сузди.* А. Мухтор, Чинор.

225-Ўзбек тилининг изоуш луғати

225

ИЛИҚМОҚ 1 Шаҳвоний нафсни қон-дириш иштиёқида эргашмоқ; куюккан қан-жикқа (итга) илашмоқ.

2 дағл. Бирор аёлга хирс қўймоқ, шу мақ-садда интилмоқ, илашмоқ. *Бойнинг бошқарув-чилари орасида оймисан ой, кунмисан кундай Бибиқатча деган қиз бўлар эди. Аллонбийнинг шунга ишиққан ишварии икки хотини бирдан ўлди.* А. Мухтор, Қорақалпоққиссаси.

ИЛИҒЛИК Илиб қўйилган, илинган ҳолатда. *Сураткашнинг дўкони деразасида фотосиям илиғлик турарди..* М. М. Дўст, Ло-лазор. *Мақсуда лампани кўтариб, уйга кир-ди-да, қозиқда илиғлик турган камзули чўнтагидан буклоглик хатни олиб, бир қўллаб силтади.* С. Зуннунова, Олов.

ИЛК кт. **1** Дастлабки, биринчи; бош-ланғич. *Қуёшнинг илк нурлари. Шоирнинг илк шеърлари. Кишилиқ тарихининг илк даври. тт Шербек студентлик ҳаётининг илк дамла-рида ўзини худди қафасдаги қушга ўхшаши ҳис этди.* С. Анорбоев, Оксой. Бу

жараён тан-ловнинг илк босқичида туман ва вилоятлар-нинг ўзида амалга оширилади. «Тафаккур».

2 Эрта. Илк баҳор. *тм* Илк саҳардан то қора кечгача одамлар тиним билмаган ана шу кумарнинг бирида, қуёш энди тиг ёя бош-лаган салқин сабоҳда Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш — икки отлиқ чиқиб ке-лаверди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИЛКИС *шв.* **1** Бирдан, шартта. -Яхши боринг, — деди қизунга илкис қараб. М. Мансуров, Ёмби. -Келдингми, ўғлим? — дея бош-лигимиз илкис ўрнидан туриб, икки қўлини баравар узатди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

2 Кутилмаганда, тўсатдан, бехосдан. Чол илкис эшитишкан товушдан чўчиб тушиди. М. Хазратқулов, Журъат.

ИЛКИСДАН *шв.* Кутилмаганда, тўсат-дан, бехосдан. Хотиржам, беваҳим ётган одамлар Жаллодларга илкисдан дучор бўлди-лар. Эргаш Жуманбулбул ўғли.

ИЛЛА *шв.* Аранг, зўрға. Илла қутулиб қолдим Мен уларнинг қўлидан. «Ойсулув».

ИЛЛАТ \а. г,1г — касаллик, дард; кам-чилик, нуқсон; сабаб] **1** Тандаги дард, касаллик, хасталик. Дала ҳавоси.. бутун ил-латни хамирдан қил сузургандай тортиб олади. Ойбек, Танланган асарлар. Докторгаҳам қаратдик, қизим, дори-дармон ҳам қилдик. Иллат —суякда. П. Қодиров, Қадрим.

2 Жисмоний ёки руҳий камчилик, нуқ-сон, айб. Қизнинг оёғида бир илллати бор.

3 кўчма. Гуноҳ, айб; жиноят. Бўйнида илллати борнинг оёғи қалтирайди. Мақол.

4 кўчма Нарсалардаги носозлик, бузуқ-лик; «касал». Ҳамма илллат ўша янги қўшилган запас қисмда экан. «Муштум». Механик излаб, идорага чопмасдан, машинанинг илллатини топиб, ўзи тузатади. М. Ниёзов, Кампирравот юлдузлари.

5 кўчма Меъёрийликни бузувчи (сал-бий) нарса; қусур, камчилик. Мана, илллат қаерда: айб обу ҳавода эмас, айб меҳнат ин-тизомининг йўқлигида! Уйғун, Навбахор. Унинг ҳамма юксак нарсалардан илллат қиди-риши, обрўси ортган ҳар бир ҳамкасбига танқид кўзи билан қараши шундан эди. П. Қодиров, Уч илдиз. Ҳафсаланинг йўқлиги, со-вуққонлик, ўзибўларчилик қурсин. Худди шу илллатлар туфайли ажойиб бог харобазорга айланди. Газетадан.

ИЛЛО \а. VI — магар, -дан ташқари, -дан бошқа] *кт.* Бироқ, лекин, аммо. [Махдум]: Келганингиз маъқул, илло ўзи жуда чар-чаб қолган-да, четдан дуо қилиб турсангиз ҳам кифоя, ука. А. Қодирий Мехробдан чаён. Ша-ҳарлар олар-у, илло халқни енга олмайди, халқ газаби ёмон. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ИЛЛО-БИЛЛО [а. -iibVI] Асло; ҳеч, сира; худо ҳаққи. Илло-билло бу гапни гапирганим йўқ. *тм* Фотиҳани бузадиган бўлса-ларинг, илло-билло эшикларингга қайтиб қадам босмаганимиз бўлсин, деб писанда қилибкеттиди. М. Мансуров, Ёмби. Менсизга айтсам.. бу пул тушмагур бўлмаса, одам илло-билло гапдан ҳам адашиб қолади. С. Ка-роматов, Бир томчи қон.

ИЛЛЮЗИОНИЗМ [#. illusionisme < лот. illusio — алдаш, адаштириш, чалкаштириш] **1** Цирк ва эстрадада: махсус аппаратлар, қурилмалар ёрдамида томошабин кўзини чалғитиб, фокуслар, найранглар кўрсатиш.

2 Тасвирий санъатда: борлиқни худди ўзига ўхшаб кўринадиган даражада тасвирлаш.

ИЛЛЮЗИЯ [лот. illusion — хато; алдаш, алдамчи тасаввур] **1** *флс.* Сезгиларнинг но-мукамаллиги, алданиши натижасида бор-лиқни, воқелиқни нотўғри идрок қилиш; ҳақиқий бўлмаган, ўхшаб кўринган нарса-қодисани тўғри деб қабул қилиш.

2 Амалга ошириб бўлмайдиган пуч режа, хомхаёл.

ИЛЛЮМИНАТОР [лот. illuminator -ёритувчи, ёриткич] Кемалар, самолётлар ва космик кемаларнинг маҳкам бекиладиган (ёки очиладиган), сув ўтказмайдиган тўга-рак (доира) ёки тўртбурчак шаклли дарча-си. Севаргул беихтиёр юз буриб, пешонасини

муздек иллюминаторга босди, денгизга ти-килиб қаради. Н. Қиличев, Чиғириқ. Узоқларда — денгиз сатҳида кезиб юрган соқчи катер иллюминаторларида чироқлар ёнди. Х. Фулом, Замин юлдузлари.

ИЛЛЮМИНАЦИЯ [лот. illuminatio -ёритиш] Катта байрам ва тантаналар муносабати билан бйно ва кўчаларни, парк ва майдонларни ранг-баранг чироқлар, ёниб турадиган ёзувлар билан безатиш.

ИЛЛЮСТРАТИВ Иллюстрация учун хизмат қиладиган. *Иллюстратив мисоллар.*

ИЛЛЮСТРАТОР [лот. illustrator - тушун-тирувчи, тасвирловчи) Китоб, журнал ва ш. к. матнига мослаб расм чизувчи рассом.

ИЛЛЮСТРАЦИЯ [лот. illustratio -кўргазмали тасвир, жонли ифода] **1** Китоб, журнал, газета ва ш. к. даги маттни, асар мазмунини тушунишга хизмат қиладиган расм, сурат. *Китоб иллюстрациялар билан безатилган.* Э. Охунова, Икки денгиз оша. *Нашириётимизнинг цинкография цехи респуб-ликамиздаги энг йирик иллюстрация уста-хонаси ҳисобланади.* Газетадан.

2 Намунавий мисол, далил.

ИЛМ [а. *flc* — билим; фан; назария) **1** Ўқиш-ўрганиш ва тадқиқот, таҳлил этиш билан эришиладиган билим; кўникма, маъ-лумот. *Илм даражаси. Илм олиш ҳуқуқи. Илм даргоҳи. Шариат илми. Дунёвий илмлар.* **тм** *Жамолбой ака, дини исломни қўлдан бермас-дан.. замон илмларини ўқилса, зарар қилмай-ди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Домламиз биз-га бундай илмларни ўқитмаганлар.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Кашифиётсиз илм бўлма-ганидек, илм ҳам кашифиётсиз нафас ололмай-ди.* «Саодат». *Олим илми билан ҳурмат топур, ҳофиз хуш овози билан одамларнинг дилини хуш қилур..* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Иш-фаолиятнинг илм билан боғлиқ соҳаси; табиат ва жамият ҳақидаги билим-лар тизими; фан. *Илм ваҳунар. Илм вамаъри-фат. Илм ва санъат.* **тм** *Янги мактаблар очиб, Қуръони карим ва бошқа дарслар билан бирга жузрофия, тарих, ҳисоб каби илмларни ҳам таълим берайлик.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Иш-фаолиятнинг маълум бир соҳаси-га оид билим, таълимот, малака. *Ислим барлос — содда, диловар, ов ва қуш илмининг пири.* Ойбек, Навоий. *Богдорчилик илмини билар экан.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳарбилмида ҳамма йўл бекилганда, жангчи учун ўлимдан бошқа чора қолмагандагина ўзини ўзи ҳалок қилади, дейилади.* С. Аҳмад, Хукм.

Илми ғайб (с.т. **илми ғойиб**) Яширин, сирли нарсаларни билиш илми. *..йўкса илми ғайбни ким билибдур.* А. Қодирий, Мехроб-дан чаён. *\Хон эшон\ ..дами ўтқир, ҳар қандай балони ҳам даф қила оладиган, илми го-йибдан хабардор деб овозаси кетган.* Х. Тўхта-боев, Йиллар ва йўллар.

ИЛМА 1 Ип-ипакни илиб олишга мос-ланган тикиш асбоби билан қўлда тикишнинг бир усули. *Илма чок.* **тм** *Илма тикдим илиб-и,шб, Томошани ҳамма қишб.* «Кўшиқлар».

2 шв. Рўмолнинг бир тури.

3 Илиб оладиган, илишга мосланган. *Йўрма — материални гардишга тортиб, илма бизиз ёрдамида тикиладиган чокнинг бир тури.* «УТА».

ИЛМ-АМАЛ с. т. этн. Кишини биров-дан «совитиш» ёки бировга «иситиш» учун қилинадиган амал. Э, энди билдим: */Сидиқ-жоннинг/ Онаси ўлгур ҳам бир илм-амал қил-ган, уни мендан совитган.* А. Қаҳ\ор, Кўшчи-нор чироқдари. *Илм-амал билан тил-жағи-ни боглаб қўйгансанки, яхши кўради-да, ха-зон бўлгур!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

ИЛМА-ТЕШИК Тешик-ёриғи кўп, ҳамма ёғи тешик-ёрик; эскириб титилиб кетган. *Илма-тешик челак.* **шт** *Эгнида бир бари тирсагидан, бир бари тамоман йўқ, илма-тешик бўз яктак.* М. Исмоилий. Фар-ғона т.о. *Унинг бисоти — чурук кўрна-ёс-тигию илма-тешик намати..* С. Кароматов, Бир томчи қон.

ИЛМГОҲ Умуман, илм бериладиган, илм олинадиган, илм билан шуғулланиладиган жой. *Ҳозирги кунда шу учта ти-зим — институт, корхона ва илмгоҳлар бир мақсад ва бир йўналиши — келажаги буюк давлат яратиши иштиёқи билан ишлаётир.* Газетадан.

ИЛМИИ 1 Илмга оид, илмга қаратил-ган. *Илмий асар. Илмий кузатиши. Илмий журнал. Илмий наириёт. Илмий фаразлар. тт* Имом ал-Бухорий, Ахмад ал-Фарғоний каби буюк боболаримизнинг маънавий ва ил-мий меросини теран ўргана бошлаганимиз боиси ҳам шунда. Газетадан.

2 Ўқиш-ўқитиш, илмий-ташкилий иш-лар билан шуғулланувчи. *Илмий кенгаш. Илмий бўлим. тш Шу орада нима бўлди-ю, мак-табнинг илмий мудури пенсияга чиқиб, ўрни-га Аҳмадхонов маъқул кўрилди.* «Гулдаста».

3 Илм-фан билан боғлиқ муаммоларни ўрганувчи, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи. *IX—Хасрларда Қурдоба дорил-фунуни йирик илмий марказга айланди. «Фан ва турмуш». Илмий масканда самарали тад-қиқопъиш олиб боршиюқда.* Газетадан. *Респуб-ликамизда илмий муассасалар тармоғи то-бора кенгаймоқда.* «Фан ва турмуш».

ИЛМЛИ Илми бор, ўқиган, маълумот-ли. *Илмсиз бир яшар, илмли мингяшар.* Мақол.

ИЛМОҚ I 1 Мих, қозик, илгак ва ш. к. га осмоқ, осиб қўймоқ. *Хўл, оғир шинелини ва гимнастёркасини дарахтга илди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Йигит.. бошидан қалпогини олиб, қозикча илди.* А. Қодирий, Утган кун-лар. *Турсунбой ота отнинг бўйнига елтўр-васини илиб.. шошиб-пишиб, намози шомни ўқиб чиқди.* С. Ахмад, Уфқ.

2 Илмоқва ш.к. га олмоқ, тушириб торт-моқ,. *Сувдаги хас-хашакларни илиб тортмоқ. тт* ..учта эски кўрпани сўкдик. *Қовуғидан ипларни игнанинг орқаси билан илиб олдик.* А. Ҳамдам, Дўстингдан.

3 Отилган ёки юқоридан тушаётган нар-сани ерга туширмай тутмоқ, тутиб олмоқ. *Болалар қўлларини чўзиб, сапчиб, сочқижурни илиболдишир.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. *Ит жон-жаҳди билан икки сакраидаёқ пи-риллаб кетаётган конвертни лунжига «хап» этиб илиболди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

4 Киймоқ (одатда, енгил-елпи, расман бўлмаган кийиш ҳақида). *Укавушини маҳси-синииг учига илиб, ҳовлига тушар экан, хоти-нига қайта таъкидлади..* Ҳ. Фулом, Машғал.

Гапни (ёки сўзни ва ш.к.ни) **илиб кет-моқ** Бировнинг оғзидан гапни олиб, давом эттириб кетмоқ. *-Ҳа, боятдан бери сенга ти-килиб ўтирибман, айланай, — кампир гапни илиб кетди, —ундоқ қарайман, мундоқ қарай-ман, кўзларимга ишонмайман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Тўғонбек бир ҳикояни бити-риб, бошқасини ўйларкан, Биноий сўзни илиб кетди.* Ойбек, Навоий. *..хушчақчақ суҳбат бошланишига илҳақ бўлиб турган Акрамжон*

Мастура бошлаган аскияни илиб кетди. А. Қаххор, Минт бир жон. **Илиб кетмоқ** Эга чикмоқ (бошқалардан олдин), ўзиники қи-либ олмоқ. *Қизи товуқ фермасида ишлай-ди. Бир тракторчимиз илиб кетди.* Ш. Тош-матов, Тонгдаги кўланка. *Иннайкейин, ҳозир бўлинглар, қақир ерларга жон кирганда, та-гин Тешабой илиб кетмасин.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Илиб олмоқ** Тушуниб етмоқ (олмоқ), билиб олмоқ. *Ишдан ҳориб-толиб чиққан Шоқосим чала-чулпа эшитса-да, маънони тез илиб олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..жуда шўх, сергап, ҳар нарсани дарров илиб олади.* Р. Файзий, Ҳазрати ин-сон. *У [Турсуной] ..устахонага ўтадиган аравакашининг яллаларини ҳам илиб олган эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Кўзга** (ёки **на-зарга**) **илмаслик** Назар-писанд қилмаслик, менсимаслик. *..баъзи бировлар "Хотин ки-шининг қўлидан нима иш келарди?" деб на-зарига илмаган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Оёк илмоқ** шв. Тўхтамоқ (йўлдан). *Сурнай навоси чиқаётган, қуюқ тутун ўрлаётган*

тўйхона остонасида оёқ илдик. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. Яхшиси, бундай қил-
сак. Йўлда оёқ илсак: қишлоққа қоронги-латиб кириб борсак. Т. Мурод, От кишнаган
оқшом. **Қулоққа илмоқ** Сўз(гап)ни эътиборга олмоқ; тингламоқ. *Гапимни уч бора
қулоққа илгил.* Воқиф.

ИЛМОҚ П 1 Илиб олиш, илиб кўта-риш учун ишлатиладиган, темирдан ёки
дарахтнинг бутоғидан ясалган хонаки айри асбоб; илгак. *Шерали илмоқни яхшилаб
ўрнаштиргач, шериклари турган томонга каради.* С. Кароматов, Олтин кум. *Иккиаза-
мат йигит темир илмоқлар билан занжир-ни кўтариб, кема бурнига қўйди.* М. Осим,
Карвон йўлларида. *Файзулла темирнинг ик-кинчи учини илмоқ қилиб кайиради.* С. Сиё-
ев, Ёруғлик.

2 кам қўлл. Эшикнинг беркитиш (очил-майдиган қилиш) мосламасидаги илиб қў-
йиладиган қисм; илгак. *Кейин чуқур тин олиб, орқасига ўгирилди-да, кўлини солиб,
панжара эшик илмоғини туширди.* С. Зунну-нова, Олов.

3 кўчма Гапнинг замиридаги киноя, шама ёки ғараз. -*Мингбоши бу қочиримдан ҳеч
бир илмоқ сезмади, балки бу қочириқ уни яна ҳам очиб юборди,— деди Шокиржон.* Ш.
Ризо, Қор ёғди, излар босилди. У [Гулноз/

*Зулунбекнинг яқинлашиши учун илмоқ таш-лаганига ақли етиб, саволни жавобсиз
қол-дирди-да, кабинетдан чиқа бошлади.* Х. Ғулом, Тошкентликлар.

ИЛМОҚДОР айн. илмоқли **2**. Унинг ил-моқдор ишх сўзлари юракларни тўлқинлан-
тирар, гур-гур кулги кўтарар эди. С. Анор-боев, Оксой.

ИЛМОҚЛИ 1 Илмоғи, илгаги бор. *Ил-моқли занжир.* **тм** ..ундан учи илмоқли ар-
қонни олиб, қояга яқинлашди. С. Кароматов. Олтин кум.

2 кўчма Замирида киноя, шама ёки ғараз бўлган. *Илмоқли гап.* **тм** У, ҳар қалай, ўз
фик-рини айтиб қўйишни лозим топиб, ҳамроҳи-га илмоқли савол ташлади. Х. Ғулом,
Машъ-ал. -*Илмоқли гапни ёқтирмайди, кейин нима қилишимни билмай қоламан,* —
деди Мурод. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ИЛМОҚСИЗ 1 Илмоғи, илгаги йўқ.

2 кўчма Беғараз, тўғри. У *йигитнинг илмоқ-сиз гапи йўқ.* Н. Сафаров, Хадича
Ахророва.

ИЛМПАРВАР [а.+ф. **جـ لـم** - илм та-рафдори, илмни парваришловчи] Илмни
севадиган, илм-фаннинг ривожини учун ку-рашувчи. *Хусайн Бойқаро ҳазратлари ҳам
шоир, ҳам илмпарвар эмишлар.* Ойбек, На-воий.

ИЛМСИЗ 1 Илми, маълумоти йўқ; ўқимаган, нодон. *Илмсизга иш йўқ, билим-сизга
— ош.* Мақол. **тм** *Гарчи Анварга холис қиймат бермоқчи бўлганида ҳам, буни Са-фар
каби илмсиз, нодон бир кишига тушун-тирмоқ учун қандай ҳожат бор эди!?А. Қоди-
рий, Меҳробдан чаён.*

2 Илм-фан ёрдамисиз, илмга асослан-маган (таянмаган) қолда. *Илмсиз тажриба —
боши берк кўча.* Мақол. **тм** *Илмсиз, маъри-фатсиз янги турмуш қуриб бўлмайди,
албат-та.* Х. Ғулом, Машъал.

ИЛМСИЗЛИК Илмга эга эмаслик, илмсиз ҳолат. *Илмсизлик қоронгилик экани-ни
билсангиз, ўқинг деганда, менинг олдимга ёғоч от миниб келармидингиз.* А. Қаҳҳор,
Кўшчинор чироклари.

ИЛОВА \а. ојМс — қўшилган, тиркал-ган нарса| **1** Айтилган гапта, изҳор қилин-ган
фикрга ёки бирор асарга қўшимча тар-зида айтилган ёки берилган нарса, қўшимча
изоҳ. *Қарорнинг иловаси. Китобнинг илова-си. Асарнинг охирида иловаси бор.* **тм**
*Вило-ятлар, шаҳарлар ва туманларнинг мактабларни бир сменали машғулотга
ўтказиши ҳақидаги иловада кўрсатилган таклифлари қабул қилинсин.* Газетадан.

2 Китоб, газета ёки журналга қўшиб чи-қарил(ади)ган алоҳида нашр. «Афанди» га-
зетаси «Муштум» журналининг иловасидир.

Илова қилмоқ Қўшимча (тиркалган) тарздаги фикр билдирмоқ; гап, маълумот қўшимча қилмоқ. [Латофат] Директорнинг ҳамон индамай турганини кўриб: -Уч йил қиш-логимиздаги мактабда ўқитувчилик ҳам қил-дим, — деб илова қилди. С. Кароматов, Хиж-рон. Селекция иший-тадқиқот институти ҳаётига доир ниҳоятда муҳим бир ҳужжат-ни илова қилиш жоиздир. Мирмуҳсин, Умид.

ИЛОВАЛИ Иловаси, қўшимчаси бор. *Иловали журнал.*

ИЛОЁ \а. — эй худойим] унд. с, с. т. Истакни кучайтириш учун ишлатилади. -Илоё, айтганингиз келсин, — деди меҳмон хурсанд бўлиб. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Илоё, дунё тургунча туринг, бир мўйингиз тўкилмасин..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ИЛОЖ \ а. jrliLt — даволаш; дори; тўғри-лаш] Амалга ошириш, бажариш, қилиш имкони; чора. *Бунинг иложи борми? Келма-санг, иложи йўқ. Бир илож гнопмоқ. Илож борича ҳаракат қилмоқ. тт -Ойимни бориб кўриб, иложи бўлса, ўзимиз билан бирга бу ерга олиб келамиз, — деди Ботирали. Ҳ. Ғулом, Машғал. Элмурод Гулсум билан жуда кўп гаплашгиси келар, лекин ҳеч иложини тополмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бунинг иложи осон-ку..* А. Қаҳҳор, Огриқтишлар.

Илож (-им, -инг, -и) қанча? Бошқа илож йўқ, нима ҳам қила олар эдим; на чора. *Илож қанча? Бечора инқиллаб-син-қиллаб, чўнтақларидан картошка билан гўшт бўлақларини мис косага сола бошлади. О. Ёқубов, Излайман. Бизни сотиб олгани йўқ, биз мерос қулмиз. Иложимиз қанча, болам. Ж. Шарипов, Хоразм. Илож (ёки иложини) қилмоқ* Йўлини топмоқ, амалламоқ. *Онажон.. [укамни] бир илож қилиб, биров-га бериб ўқитинг. Ҳамза, Бой ила хизмат-чи. Юринг, Гўрўғлига бориб хабар берсак, иложини шу қилмаса, биз қилолмасмиз. «Гул-норпар».*

ИЛОЖСИЗ Илож-имкони йўқ; чора, тадбир топиб бўлмайдиган; ночор. *Илож-сиз аҳвол. Иложсиз қолмоқ. тт Инсон илож-сиз бир қийинчиликка дуч келганда, ҳар то-*

J^Q¹⁹⁸

мондан ўзини юпатиш йўлини ахтаради. С. Айний, Эсдалиқлар. У аҳоли яшайдиган қай бир пунктни, қай бир шаҳарчани мўлжаллаб, унга тўғри ўл бошламасин, бир оздан кейин иложсиз тўхтарди. Ойбек, Қуёш қораймас. Чунки оила масалаларини тўл-тўкис қамраб олишининг ўзи иложсиз. «Тафаккур».

ИЛОЖСИЗЛАНМОҚ Иложсиз ҳолатга тушмоқ, ноиложлик ҳис этмоқ. *Маҳкам кечагина мана шу чорраҳага йўл тополмай, бўй етмас девор қаршисидан чиқиб қолгандай, иложсизланган эди. П. Қодиров, Уч илди.*

ИЛОЖСИЗЛИК Иложсиз ҳолат. -Илож-сизликдан қошингизга келдим, — деди ялинқи-раган товуш билан Тўғонбек. Ойбек, Навоий.

ИЛОЙИМ унд. с, с. т. Илоё, илоҳим. *Эшон кўзларини пириллатиб, тасдиқлади: - Ҳа, ҳа, бор эди.. Кейин.. қочиб кетди. Кўр бўлсин, илойим!* П. Турсун, Ўқитувчи. [Холисхон:] *Илойим, паранжи қурсин, мени шун-дай қора кунларга солди. Ҳамза, Паранжи сирлари. Кетган ёринг йўлиқсин-да, илойим. «Муродхон».*

ИЛОН 1 Судралиб юрувчи, оёқсиз, та-наси ингичка ва узун, кўзлари шаффоф қовоқдар билан қопланган жонивор. *Бўзма илон. Заҳарли илон. Заҳарсиз илон. Кўзойнак-ли илон. Оқ илон. Сув илон(и). Қора илон. Илон чаққан ола арқондан кўрқар. Мақол.*

2 Мучал йил ҳисобида олтинчи йил номи; мор.

Илон йили Мучал йил ҳисобида олтин-чи йил (қ. мучал).

Ер тагида (ёки остида) илон қимирласа, билмоқ Жуда ҳам зийрак, сезгир; устомон киши ҳақида. *Ер тагида илон қимирласа, биладиган баззоз шаҳардаги ҳамма воқеалар-дан хабардор эди. М. Осим, Утрор. Бегойим ер остида илон қимирласа, биладиган қув хотин. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Ётган илонни (бошини) қўзғамоқ* Зарар етказди-ган, лекин тинч ётган шахс ёки нарсани қўзғатиш, «ишга тушириш» маъносига. **Илон изи** Эгри-бугри, иланг-биланг. *Илон изи йўллар. Илон изи чизиқ. тт*

Қизлар ичида ҳали тўғри чокни илон изи қилиб тикувчи-лар йўқ эмасди. У. Назаров, Замон. *Илон изи бўлиб кетган ёлғизоёқ йўлни бўрон оқибати-да қум босиб қолган эди.* Ш. Рашидов, Бўрон-дан кучли. **Илон пўст ташлайди(ган)** Чидаб бўлмас даражадаги гап-сўз, тоқат қилиб бўлмайдиган ҳақорат ҳақида. *Гапларига илон пўст ташлайди. тт -Ўзингиз ҳам илон пўст ташлайдиган гап қилдингиз-да, — деди у ху-шомадгўйлик қилиб.* И. Раҳим, Ихлос. **Илон чиққан** Ҳеч ким кирмайдиган, ташриф бу-юрмайдиган хона, хонадон ва ш.к. ҳақида. *Оҳ, онагинанг айлансин, уйимдан илон чиққан!Муштумга ёзадиган гап бор.. «Муштум». ..ўша воқеадан сўнг, оналар таъбирича, «илон чиққан» бу кўчага [Отабекнинг] биринчи ки-риши, биринчи жасорати эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Илоннинг ёғини ялаган** Ўта айёр, устомон. *Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам эди: ҳамма бойлар каби айёр, муғамбир, пухта-пишиқ..* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

ИЛОНБАЛИҚ 1 Танаси илонга ўхшаш узун балиқ. *Бу сувларда сом, илонбалиқ, сазан, маринка каби балиқлар сероб.* Газетадан.

2 Шу балиққа ўхшаш, умуртқали ден-гиз жонивори.

ИЛОНБОШ зоол. Олабуғасимонлар тур-кумига мансуб, танаси чўзиқ, боши ясси, кўриниши илонга ўхшаб кетадиган балиқ.

ИЛОҚ Чўлда баҳорда ўсадиган, қўйлар учун энг яхши озуқа ҳисобланган кўп йиллик ўт ўсимлик. *Баҳорда қумда эфемерўсим-ликлар: илоқ, қўнғирбош, ялтирбош ва бош-қа ўтлар яхши ўсади.* П. Гуломов, Зараф-шон этакларида.

ИЛОҲ [а. bi\ - оллоҳ, тангри] Худо. *Ишондим: дунёга келган кунидан Башар изламабди бесабаб илоҳ.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

ИЛОҲА [а. <-&Ч\ - маъбуда] Хотин киёфасидаги худо, санам; маъбуда. *Диана — қадимги Рим мифологиясида ов ва ой ило-ҳаси. ти Мен уни қадимги дунёнинг машҳур раққосаси, санъат илоҳаси Фаринага ўхша-тар эдим.* К. Яшин, Ҳамза.

ИЛОҲИ [а. - э худойим] унд. с.

Илоё, худоё. *Ўғлим бўлса шундоғ бўлар эди-да, мендан кейин ҳам давлатим шуники, илоҳи, омон бўлсин/А. Қодирий, Ўтган кун-лар. Илоҳи, бизни биродар этгш.* Газетадан.

ИЛОҲИЁТ [а. оСл^1 - теология] Худо ва дин ақидалари ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи; теология. *Улугбек коинот ва юлдузлар оламини ўрганишда илоҳиётга эмас, илмга, фанга асосланган янги мунаж-жимлик фанига асос солди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ИЛОҲИЙ [а. ^4^1 - оллоҳга, худога оид] Худога, илоҳиётга оид, худонинг кудрати

231

га боғлиқ, деб тасаввур қилинадиган. *Ило-ҳий куч. ши Аёл — яратувчи она. Худо унга шундай илоҳий бир қудрат ато этган. «Меҳ-нат». Сиз билан биз дину шариатнинг илоҳий қувватига ҳеч шак келтирмайлик, бу гапни қўйинг, тақсир.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЛОҲИЙЛАШТИРМОҚ Илоҳга, ило-ҳиётга боғламоқ, илоҳий тус бермоқ. *Дехқонлар ерни, сувни, оловни илоҳийлаштириб, уларга сизинганлар.* Р. Гуломова, Топилма-лар ҳикоя қилади. *Шайх, ўз эътиқодини ило-ҳийлаштириши учун бўлса керак, кўлидаги китобини пичирлаб ўқий бошлади.* Н. Сафа-ров, Оловли излар.

ИЛОҲИМ унд. с, с. т. Илоё, илоҳи, худоё. *Қоп-қоп олтин, кумуш тўкиболса арзийдиган қизсан. Илоҳим, бахъиш бўл.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИЛОҲО айн. **илоё, худоё.** *-Илоҳо, менинг куним сенинг ҳам бошингга тушсин — деди Баширжон.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

ИЛТИЖО [а. <-L^-^JJ — химоя, паноҳ сўраш; ялиниш, ёлвориш] Худога, илоҳий кучга сиғиниб паноҳ тилаш; умуман, яли-ниб-ёлвориб, ўтиниб сўраш; ўтинчли ил-тимос. *Назру ниёзларини оёғи остига тўкиб, дуо қилишини илтижо билан сўради.* К.

Яшин, Ҳамза. *Замиранинг бу илтижоси, темир то-бутни қучоқлаганча парчин бўлиб ётиши ҳар қандай бемехр одамнинг ҳам юрагини эзиб юборарди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ИЛТИЖО ҚИЛМОҚ Ёлвориб (сиғиниб) сўра-моқ. *Ахир худониг раҳми келар, дебунга ил-тижсо қилишдан тўхтамадим.* С. Зуннунова, Гулхан. *Абдубилол эса, ҳеч кимнинг гапини эшитмай, дуога кўл очишлариши илтижсо қила бошлади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

ИЛТИЖОЛИ Умид-илтижсо, ёлвориш ифодаловчи (асосан, сўзсиз, кўз қараши билан). *Кампир қизининг.. кўзларига илти-жсоли термулади, жавоб кутади.* У. Назаров, Одамлар. *Раиснинг тилига калтак келиб, бир нималар дея дудуқланди. Охири ҳимоя сўраб, Сардоровга илтижсоли кўз тикди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ИЛТИМОС [а. ^UiI - ўтинч, илти-мос; афв, кечириш] **1** Муддаони (мақсад, истакни) қондириш ҳақида қилинган му-рожаат, сўраш. *Меъмор шогирдларининг ил-тимоси билан атай икки қатор гиштни ай-лантириб терди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Амир-зодам ҳозир беҳад бандлар, мавлоно, балки илтимосингизни менга айтурсиз!* П. Қоди-ров, Юлдузли тунлар.

2 Шундай сўраш, талабни қайд этувчи мурожаат шакли. *Илтамос, коридорга тупу-рилмасин.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Илтимос, сиз қолинг, — деди Гавҳар яна ялиниб.* У. Ҳоши-мов, Қалбингга қулоқ сол.

Илтимос қилмоқ Сўрамоқ, илтимос би-лан мурожаат этмоқ. *..қиш чиққанича мад-раса қурилишида хизмат қилсам.. — деб ил-тимос қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИЛТИМОСКОРОНА Илтимос ифо-даловчи (билдирувчи). *-Аброр ака, қўлим-ни қайтарманг, — деди Чиннихон илти-москорона товуш билан.* П. Қодиров, Юракдаги куёш.

ИЛТИМОСНОМА [а.+ф. ^LUii] Илтимос хати. *Франция ва бошқа мамлакат-лардан.. юз минглаб ампула дори сўралган илтимосномалар келиб турибди.* М. Яхёев, Оламга машхур кимёгар.

ИЛТИМОСЧИ Илтимос билан муро-жаат қилувчи, илтимоси бор шахс; арзачи. *Анвар бу кейинги илтимосчилардан гоҳ ач-чигланиб, гоҳ кулар, ҳар ҳолда, бир неча да-қиқали ваъдалар билан уларни жўнатгунча эси кетар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

ИЛТИФОТ [а. oLiI - ўгириш, буриш; лутф қилиш, эътибор, марҳамат] Кишига қилинган марҳамат, ҳиммат, диққат-эъти-бор, яхши муносабат. *-Бўлмаса, сиз бир оз дам олинг, — деди у илтифот билан.* Н. Ами-нов, Қалтис хато. *Шунча эътибор, шунча илтифотга қарамай, Нури зериккан каби хомуш ўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Илтифот қилмоқ (ёки кўрсатмоқ) Яхши эътибор, муносабат билдирмоқ. *Кумушби-би отасининг сўзига яхши илтифот қилма-ди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳасан овчи илтифот қилиб, Майна билан Абдуваҳобни еб-ичиб ўтиришига таклиф қилди.* Ш. Тош-матов, Эрк қуши.

ИЛТИФОТЛИ Кишига илтифот этади-ган, марҳаматли, ҳимматли. *Илтифот кўрсатган кишига илтифотли бўлсангиз.* И. Муқимов, Илтифотли кишилар. *..камтарин ходим ўз адресига айтилган илтифотли сўзларни, мактовларни тўғри қабул этади.* Газетадан.

ИЛТИФОТСИЗ Кишига илтифот қил-майдиган, ҳиммати йўқ, ҳимматсиз. *Илти-фотсиз одам. ти..кейинги вақтларда Азиз*

232

бек Қўқоннинг ёрлиг ва фармонларини илти-фотсиз қолдира бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИЛТИФОТСИЗЛИК Илтифотсиз муно-сабат, ҳолат. [*Нодирнинг*] *Келинойисига нис-батан илтифотсизлиги билиниб турса ҳам, айтганини бажарар, ҳатто дағдага, силтов-ларига бутунлай ўрганиб қолгандай эди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ИЛҒАМОҚ Акл, кўз, қулоқ билан сез-моқ. *Баширжон хат мазмунидан ҳеч нарса илғаб ололмаган бўлса-да, «Шоирлар зўр-да», дебқўйди.* Н. Аминов, Суварак. *Қоронғи кеча.. ҳатто ёнма-ён кетаётган кишилар ҳам бир-бирларини илғай олмайдилар.* Е. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. *Бирор оҳангни илғаб қолган бўлсангиз, қайси бир соҳибкорнинг ногаҳон ялласида..* Ғ. Ғулом.

ИЛҒОВ *шв.* Машаққат, азоб. *Бу кўрганам қандай бўлди, ёронлар, Бўрон, илғовларда бу жоним қолар. «Ойсулув».*

ИЛҒОВЛИ *шв.* Машаққатли, оғир. *Тог-нинг нариёгига лашикар келибди, Кун туман, илғовли кунлар бўлибди. «Маликаи айёр».*

ИЛҒОР **1 тар.** Кўшиннинг олдинги қис-ми, авангарди. *Ярим кечада Бобурнинг илгорлари дарвозага секин яқинлашганларида, Абу Юсуф ва Муҳаммад Султоннинг наваркарлари дарвозахона устидан уларга камон ўқ отиб, бир қанча кишини ярадор қилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 кўчма Ишда, тараққиётда олдинда бо-рувчи, пешқадам. *Пахтачилик илгорлари. иш* Биз келажак тараққиётига, барча илгор мам-лакатлардаги сингари, дунёвий давлат қуриши орқали борамиз. Э. Юсупов, Истиклол йўли-да. *Трестдаги илгор бинокорлар қатори Ёдгор-ни ҳам тантанали кечага таклиф қилишди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 кўчма Тараққиёт, ривожланишга, олға силжишга хизмат қилувчи; янгиликка бошловчи. *Сафохон тўра ўзининг одампарварли-ги, илгор фикрлари билан.. қолган мударрис-лардан ажралибтурар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Илгор иш усуллари, янги техника ва техно-логияни қўллаш туфайли яхши натижалар-га эришилаётир.* Газетадан.

ИЛҒОРЛИК Илгор фаолиятли ҳолат. *Илгорлик, пешқадамлик бозбон — соҳибкорлар зиммасига катта масъулият юклайди.* Газетадан. *Илгорлик билан қолақлик, самимийлик билан ҳасад.. гўзаллик билан дидсизлик тўқнашади.* Шукрулло, Қор ҳам ёнар экан.

ИЛҒОҚСИМОҚ *шв.* Алағда бўлмоқ. *Бу ишни ҳеч ким билмасин-да, деб илғоқсиб ётган эди. «Ойсулув».*

ИЛҲАҚ \a. jьJI - кўшиш, боғлаш] Умидворлик билан кутувчи; муштоқ, мун-тазир. *Кутувчилар, ана комиссия келди, мана келди, деб илҳақ, лекин ҳеч гап йўқ.* Газета-дан. *Ҳамма бирдай муқаддас галабага илҳақ!* С. Кароматов, Олтин қум. *Касаллик, ўлим тўғрисидаги гап тугаб, хушчақчақ суҳбат бошланишига илҳақ бўлиб турган Акрамжон Мастура бошлаган аскияни илиб кетди.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ИЛҲОМ \a. ʌL^JI - ишонтириш, руҳ-лан(тир)иш) **1** Ижодий завқ жўш урган ҳолат, кўтаринки ижодий руҳ. *Табиатни яшинатиб, гўё ҳаммани янгидан тирилтир-ган баҳор унинг танига ҳам янги гайрат ва шҳом бағишлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Оғир аҳволда қолган олимга илҳом ва қувват бе-рувчи бир оғиз ширин сўз, холисона масла-ҳатдан кўра катта мукофот бўлмайди.* Э. Юсупов. Истиклол йўлида.

2 Илҳрм (эркаклар исми).

ИЛҲОМБАХШ [илҳом + ф. - ба-ғишловчи, берувчи] Кўтаринки ижодий руҳ бағишловчи, илҳом берувчи. *Ойбек-нинг илҳомбахш сўзлари ўзининг маънавий ва эстетик-тарбиявий аҳамиятини асло йўқотгани йўқ.* Газетадан. *Шу ёрқин, илҳомбахш туннинг тинчини Бузмоқ-чун қай-райди қонли тишини.* Зулфия, Юрагимга яқин кишилар.

ИЛҲОМЛАНМОҚ Кўтаринки руҳлан-моқ, илҳом олмоқ. *Табиат манзараларидан илҳомланмоқ. тт* Одамларнинг гўзаллиги, дил-кашлигидан илҳомланарди [Ғафур Ғулом]. «Шарқ юлдузи». *Бизнинг ёзувчиларимиз ҳам қардош халқларнинг ҳаёти, ижодий меҳна-тини ўз кўзлари билан кўрдилар, илҳомлан-дилар.* Газетадан.

ИЛҲОМЧИ Илҳом бағишловчи, илҳом берувчи. *Кўшиқ, яхши куй — инсоннинг умр бўйи энг азиз, энг қадрдон ҳамдами, орзу-ин-тилишларининг жўйқин илҳомчиси ҳамдир.* Газетадан.

ИМ Бош ирғаб ёки юз, кўз, қош, қўл харакати билан қилинган ишора, имо. «Алиф» ўтиб, «лом» ёзилар «мим» билан, *Бир-бирингга гап қотасан им билан.* «Равшан».

Им қилмоқ айн. им қоқмоқ Отасининг юзидан аччиғланиш сезган Раъно Анварга «нима гап?» деган каби им қилган эди, Анвар кўз қисиб, арзимаганлик ишорасини берди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Им қоқмоқ** Имо қилмоқ, имламоқ. *Навбатнинг олдида турган машина шофёри кабинадан бош чиқарди-да.. Тургунбой Дадажоновга тарозибон йи-гитни кўрсатиб, им қоқди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

ИМ-ДИМ кам қўлл. Ирим-сирим. [Ша-фоат хола] *Бир боғлам исирикни очиб: - Ёмон кўздан асрасин, тезроқ ими-димини қилма-сам бўлмайди, — деди.* Ғайратий, Довдираш.

ИМДОД \а. لدا-ود — мадад, ёрдам] *кт.* Мадад, ердам, кўмак. У [Отабек/. умр-ликка Марғилон билан видолашмоқчи эса-да, бошига бир кимса унинг кўз ўнгидан кўрингандек ва бегона, раҳмсиз бир йигит-нинг қучоғидан қутулиш учун ундан имдод сўрагандек бўлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аммо шогирднинг бурчи кинояли ил-жайиш эмас, мушуқ аҳволда қолган ус-тозга имдод бермоқ учун дарҳол йўлга чи-қиш эканлигини Аваз хаёлига келтирмас. эди. С. Сиёев, Аваз.

ИМЗО \а. ل, ن ل) — қўл қўйиш; тасдиқ-лаш] Шахснинг ўз қўли билан махсус ёзув-чизув (шакл)да ифода этилган ва унинг ўзи эканини билдирувчи белги; қўл. *Хатдаги содда, ёқимли сўзлар, унинг таниш имзоси, дала почтасининг беш ракамли адреси — бу-ларнинг ҳаммаси Эралининг соғ-саломатли-гидан далолат бериб турар эди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Мард одам имзосини очиқ қўяди, курбакадек кавакда бекиниб ётиб қурилла-майди.* С. Сиёев, Отликаёл.

Имзо чекмоқ Имзосини қўймоқ; имзо-ламоқ. *Машинкадан кейин диққат ва қунт биланўқиб чиқиб, кейин имзо чекиш керак.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Сергўшт юзлари йил-тиллаб турган раис алақандай қозғоларга имзо чекиш билан овора эди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Имзо қўймоқ айн. имзо чекмоқ.**

ИМЗОЛАМОҚ Имзо қўймоқ, имзоси билан тасдиқламоқ. *Буйруқни имзоламоқ. тш Шартноманинг имзоланиши дунёдаги жами хонадонларга зиё бахш этди.* «Саодат». *Рўйхатни имзолашда одамлар бош бармоқ-ларини сиёх шимдирилган духоба ёстиқчага ишқалаб олиб, сўнгра қаттиқ босиб, из ту-ширар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИМЗОСИЗ Имзоси йўқ, имзо қўйилма-ган, муаллифи номаълум. *Буйруқнинг имзо-сиз нусхаси. тт Сизнинг устингиздан бизга, бошига идораларга имзосиз аризалар ёгилаё-типти* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Имзосиз хат Имзо қўйилмаган, муалли-фи номаълум хат; аноним хат, юмалоқ хат.

ИМИ-ДИМИДА *рви.* 1 Наридан-бери, биров билиб, биров билмаган тарзда. *Ими-ди-мида иш қилмоқ. тш Крнуний никоҳни бузмай туриб, ими-димиди тўй бошлаган куёвнинг кўзлари олазarak бўлиб тура берди.* Газетадан.

2 Илиқ-иссиғида, фурсатни қўлдан бер-май. *Ишни ими-димиди бажармоқ. тт Коман-дировка муддати битгач, хайр-маъзурни ҳам нася қилиб, ими-димиди Тошкентга қуён бўлдим.* «Муштум».

ИМИ-ЖИМИДА *рви.* 1 айн. **ими-димиди-да.** *Ими-жимиди кийиниб, ҳовлига чиқди-ю, полиз ичида пиёз юлаётган дадасини кўрди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Довруқ солмасдан, ҳаммага кўз-кўз қилмасдан, энг ичида. *Ҳар ҳолда, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек, ими-жимиди ҳал бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Анави нодон қизил чопон қоровул чолни уриб, яхши иш қилмади. Ими-жимиди бўладиган ишнинг ҳидини чиқариб қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИМИЛЛАМОҚ Суслик билан ҳаракат қилмоқ, иш-ҳаракатда сусл бўлмоқ; судралмоқ. *Кўлига ручка олди-да, имиллаб бўлса ҳам, аввал ўзининг, сўнгра отасининг номи-ни ёзди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Кўп имил-лайвермасдан тезроқ бўл! — деди Қўчқор, — Ой чиқади салўтмай.* О. Ёқубов, Эр боши-га иш тушса.

ИМИРСИЛАМОҚ 1 айн. **имилламоқ**

2 Асосий ишга ўтмай (ўтишга шошил-май), йўлига, атайлаб бошқа нарсалар билан машғул бўлмоқ. *Йигит ҳам кетгиси кел-маганидан, уни-буни баҳона қилиб имирси-лар, дам отнинг юганини тўғрилар, дам айилини тортиб қўяр, зорланар эди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИМКОН \а. Сj^\ ~ мумкинлик; қодир-лик; қудрат] 1 Бирор иш, мақсад, талаб ва ш.к. ни амалга ошириш, юзага чиқариш, бажариш учун зарур ёки қулай шарт-шароит; имконият. *Элмурод.. Эргаши қидир-са, сўраб суриштирса топарди, аммо бунга имкон қани?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳозир тўппа-тўғри жўнаш учун ҳеч қандай имкон йўқ. Гулнор ҳориган, кийими йўқ.* Ойбек, Қутлуғ қон.

2 Чора-илож, мумкинчилик. *Излаган имкон топади.* Газетадан. *..ҳозир билай-чи, балки телефонни тузатиш имкони бордир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Имкон бермоқ Имкон, шарт-шароит яратмоқ, имкон, шароит бўлмоқ. *Зиёлилар-нинг тўғри фикри ва маслаҳатлари ҳукмдор-лар, раҳбарларга баландга парвоз қилиш имконини берадиган қанот бўлган.* Э. Юсу-пов, Истиклол йўлида. *Табиат-иқлим шароитлари қишин-ёзин қабул қилиш имкони-ни беради.* Газетадан.

ИМКОНИЯТ \а. ■-:•■* < .1 - мумкинлик] 1 Зарур ёки қулай шарт-шароит; имкон. *Оҳангарон қочиб кетмаган бўлса ҳам, бориш-га имконият тополмаяпти.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ёш эканини кўрсатиш учун қулай келган ҳар бир имкониятни қўлдан бермас.* эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Юзага чиқиш, чиқариш учун мавжуд куч-қудрат, қобилият, восита. *Ички имкониятлар. Барча имкониятларни ишга солмоқ.* **тм** С. Айний, *аруз вазни аслида араб шеър-ятидан олинган, унинг имконияти-ни ниҳо-ятда тор, деувчиларга нисбатан мурасасиз бўлди.* «УТА». *..учувчилар мамлакат авиация техникасининг ажойиб имкониятларини яна намоиши қилдилар.* Газетадан. *Заргар, қўлла-надиган материалнинг конструктив ва эги-лувчанлик имкоиятини, унга ишлов бериш технологиясини билиши зарур.* Газетадан.

ИМКОНСИЗ Имкони йўқ; имкондан ташқари, амалга ошириб, юзага чиқариб бўлмайдиган. *Янги командир — капитаннинг боши нодир бош экан. Бўлмаса, бу ерни эсэс-чилардан бир ҳафтада ҳам тозалаш имкон-сиз эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ИМЛАМОҚ Имо қилмоқ, имо билан билдирмоқ; им, имо билан чақирмоқ; кўрсатмоқ. *Бектемиров.. одамлар орасидан чолни топиб, кўз уриштириб олди, кейин имлаб, ёнидан жой кўрсатди.* С. Аҳмад, Хукм. Олимов. *қўли билан болаларни имлади-да, чўққининг остида гор каби ўйилган бир ерни кўрсатди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Кампир жой солаётиб, Ҳайдар отага яна «айтинг, хатни берсин», деб имлади.* А. Қаҳ-ҳор, Асрор бобо.

ИМЛО [а. jLol — ёзиш, айтиб ёздиритиш; тўғри ёзиш] 1 Ёзув. *Эски имло. Янги имло.*

Лотин алифбоси асосидаги имло. **тм** Гапга чечан, эски имлода.. *ҳар қандай хат ишла-рини бошқарадиган.. бу кишини одамлар анча хурмат билан «мулла Ашмқул» деб аташар-ди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тўғри ёзув. *Имло қоидалари.*

3 Ёзувга, тўғри ёзувга оид; имловий. *Имло хатолари.* **тм** Редакцияга материал йўмаш-дан олдин, жуда бўлмаса, имло хатосиз ёзишни ўрганиб олинг. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

ИМЛОВИЙ Имлога оид. *Имловий хато. Имловий тузатишлар.*

ИММАНЕНТ [лот. immanens, im-manentis — ўзига хос; хусусий] Бирор ходисанинг ички хусусиятларига хос, ички та-биатидан келиб чиқадиган. *Капиталистик ишлаб чиқаришнинг имманент қонунлари.*

ИММИГРАНТ [лот. immigrans, im-migrantis — кўчиб келиб жойлашувчи] Би-рон давлатнинг узоқ муддатга ёки доимий яшаш учун бошқа мамлакатга кўчиб кел-ган фуқароси.

ИММИГРАЦИЯ [лот. immigrare — кўчиб келиб жойлашмоқ] Хорижий фуқароларнинг маълум бир мамлакатга доимий яшаш учун кўчиб келиши; шу тоифадаги кишилар.

ИММОБИЛИЗАЦИЯ [лот. immobilis — қимирламайдиган, ҳаракатсиз] **1** тиб. Синиш-чиқишда, бўғим касалликларида гавданинг шикастланган ёки касал қисми-ни қимирламайдиган қилиб кўйиш.

2 иқт. Кўчувчи (ҳаракатдаги) мол-мулк-ни кўчмас мулкка айлантириш.

ИММУНИТЕТ [лот. immunitas, immu-nitatus — қутулиш; халос, холи бўлиш] **1** биол., тиб. Организмнинг ўздан ирсий жи-ҳатдан ёт хусусиятлари билан фарқ қилади-ган, унинг бутунлигига ва биологик ўзига хослигига зарар етказадиган микроорга-низмлар (касаллик кўзгатувчилар), захарли моддалар ва б. дан ҳимояланиш реакцияси.

2 ҳуқ. Хорижий давлатлар дипломатик ва-колатхоналари ва уларнинг ходимлари фой-даланадиган алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар.

3 Қонун чиқарувчи давлат органлари аъзолари (депутатлар)нинг дахлсизлиги.

4 ҳуқ. Гувоҳ бўлмаслик дахлсизлиги. **ИММУНЛАШ** [лот. immunis - дахл-сиз] Юқумли касалликларнинг ўзига хос усулларда олдини олиш учун муддати бел-гиланган кишиларга (ҳайвон ва б. га) эм дорилари қўллашга асосланган эпидемияга қарши чора-тадбирлар, уларнинг уму-мий атамаси.

ИММУНОЛОГИЯ [иммунитет - юн. logos — тушунча, таълимот] Организмнинг ҳимоявий хусусиятлари, унинг иммуните-ти ҳақидаги фан.

ИМО fa. **PLUJL** — муайян ҳаракат билан ишора, шама қилиш] Бирор нарса билди-риш, ундаш ва ш.к. учун бош иргатиб ёки юз, кўз, қош, қўл ҳаракати билан қилин-ган ишора, им. *Имо билан чақирмоқ. Имо билан билдирмоқ. Имо қилмоқ. ит* ..унинг сўзларидаги ёки кўзларининг имосидаги ва қўлларининг ҳаракатидаги маъно ва оҳанг бойлигига гўё завқлангандек разм солар эди. Ойбек, О. в. шабадалар. *Ғуломжон кутилма-ган таширфнинг маъносига тушунса ҳам, болаларни қўл имоси билан тургизди. М. Ис-моилий, Фарғона т. о.*

Имо қилмоқ айн. **имламоқ**. Гуландом «сиз биласиз» деган каби, қоши билан чиройли имо қилди. Ойбек, Танланган асарлар.

ИМО-ИШОРА Имо ва ишора(лар). *Ба-ковуллар оёқ учиди юради, сипоҳилар пичир-лашиб ёки имо-ишора орқали сўзлашади. С. Сиев, Аваз.*

Имо-ишора тили тли. Нутқтовушлари-сиз, имо-ишора билан фикр англатишга асосланган тил.

ИМОЛАШМОҚ шв. Имо қилишмоқ, имо билан тиллашмоқ. *Оралаб бораётган чоғида бир ойдинда Эралининг етти гозга кўзи тушди, Шералини чақириб, қўл чайпаб имолашди. «Эрали ва Шерали».*

ИМОЛИ Имо билан билдирилган. У [Эшонхон] тез-тез бойга термилади, унинг имоли қисқа буйруқларига мунтазир. Ойбек, Улуғ йўл.

ИМОМ [a. **juL.1** — бошлик, раҳбар; пеш-во, намозда олдинда турувчи] **1** Намозда жа-моатнинг олдида туриб, намозни бошқарув-чи, уларни ўзига иқтидо эттирувчи шахс. *На-моз шу ерда, меҳмонхонада ўқилди, Абдишукур имом бўлди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Ислом пешволарининг унвони. *Сизга ким айтди, мадрасадан чиққанларнинг ҳам-маси имом ёки қози бўлади деб. М. Исмой-лий, Фарғона т.о.*

3 Имом (эркаклар исми). **ИМОМАТ** [а. — имомлик] Имом иши, маштулоту; имомлик. *Солиҳ махдум оғирроқ касбни уҳда қилолмас, имоматга бўлса, соқоли чиқмаганликдан ярамас эди.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

ИМОМАТЧИЛИК с. т. айн. **ИМОМЛИК**. -Сиз имом эмасмидингиз? — деб сўради у одамдан. -Мен, — деди у, —инқилобнинг бошидан бери имоматчиликни ташилаганман. С. Айний, Куллар.

ИМОМГАРЧИЛИК айн. **ИМОМЛИК**. *Ме-нинг бу гапим кўпларга маъқул тушиди ва мени имомгарчиликдан озод қилдилар.* М. Муҳам-маджонов, Турмуш уринишлари.

ИМОМЛИК Имом иши, имом ишини бажариш, адо этиш. *У мадрасани тамом қилгач, «қори» деб ном олган бўлса ҳам, унга бирор жойда қорилик ёки имомлик қилиши nasib бўлмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бугун янги белгиланажак муфти имомлиги-да бунда биринчи бор намози пешин ўқилар экан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Имомликка ўтмоқ Намоз ўқилишида имом вазифасини бажармоқ. *Унинг муридлари ҳовуз олдига келиб, сафга тизилишиди. Оғажон эшон имомликка ўтди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ИМОМЧА Мадрасада имомликка тай-ёрланаётган муллавачча.

ИМОН [а. **uL^t** - оллоҳга ишонч; ди-ний эътиқод] **1** дин. Худога бўлган ишонч, эътиқод; кўнгилда ишонил ва тилда иқрор қилиш. *Имонига, динига мустаҳкам покиза одам бор жойдан ажина юз чақирим нарига қочармиш.* С. Аҳмад, Хукм. *Ватанни севмоқ ҳам, илм ўрганиши ҳам, катталарни ҳурмат қилиши ҳам, тозалик ҳам имондандир.* Газе-тадан. *Масалан, Пайғамбаримиздан ривоят қилинадик, "Имон олтишидан зиёд шубҳа-лардан — тушунчалардан ташиқил топган, ҳаё эса ўшаларнинг биридир".* Газетадан.

2 Умуман, ишонч. *Муфти ўз ихтиёри-даги турли воситалар орқали Мирзони текшириб кўрди. Унинг "соф миллатчи" муҳо-жир эканига имон ҳосил қилди.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

Имон келтирмоқ «Ло илоҳа» оятини ўқиб, худога ишонч-эътиқод билдирмоқ. *Эшон.. бўғилиброқ давом этди: -Иўқ, банда-нинг иши ҳақ таолога имон келтирмоқ!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бу одамлар худога эртаю кеч ибодат қилар, ҳар бир сўзда унга имон келтирар.. эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Имо-ни комил** Шак-шубҳаси йўқ, бутунлай ишо-нади. *Бироқ Элчиевнинг имони комилки, шу аснода ҳеч ким қизичалик қаттиқ куймасди унга.* Э. Аъзамов, Жавоб. **Имонини ютмоқ** (ёки йўқотмоқ, сотмоқ) 1) худога ишонч-ни йўқотмоқ, диндан қайтмоқ; 2) кўчма виждонини сотмоқ, виждонсизлик қилмоқ.

ИМОНЛИ **1** дин. Имони бор, худога, динга ишонувчи; эътиқодли, художўй. *..тилга олинган ҳалоллик тушунчасига тўлиқ риоя этишлик имонли инсонлардагина зуҳур бўлади.* Газетадан.

2 Хиёнат қилмайдиган; ҳалол, виждон-ли. *Ҳозирда партияни чин имонли ва сиёсий тарбияга эга бўлган мустақил фикрли киши-лар билан мустаҳкамлаш.. кврак.* Газетадан.

ИМОНСИЗ **1** дин. Худога ишонч-эъти-қоди йўқ, худодан, диндан қайтган; даҳрий.

2 Виждони йўқ, нопок. *Мен бу имонсиз чолнингуддабуронлигидан ҳайронман.* А. Хаки-мов, Илон изидан. *Бунинг отаси Маҳмуд Мирзо бағоят имонсиз, бузуқ одам эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Шундай одамга нисбатли ҳақоратни билдиради; виждонсиз, диёнатсиз. -*Ҳой, имонсиз чол, Мирзаҳайдар акани нега кўша-сан? — деди кимдир орқадан.* А. Қаххрр, Кўшчинор чироклари.

ИМОРАТ \а. **oLJoL**. — аҳоли зичлиги; бино қуриш; бино, хона] Яшаш ёки бош-қа мақсад учун махсус қурилган уй, бино. *Иморат солмоқ. Фишт иморат. Темир-бетон иморат. ти Зебихон Адолатни айлана қилиб солинган катта оқ иморатнинг бир*

хонаси-га бошлаб кирди. С. Зуннунова, Гулхан. *Би-ронга иморат йўқ. Станциянинг идораси, почта ва телеграф иккита кўк вагонга жой-лашган.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз. *Кўч бой-нинг қўрғонидан нарироқда, пастгина девор билан айлантирилган, бутун иморати бир-гина айвончадан иборат бўлган қўрғончага туширилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уларда /туркманларда/ иморат-бино йўқ эди, хаммаси ўтов тикиб ўтиришар эди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

ИМОРАТСОЗ [иморат + ф. *зи* - курув-чи, яратувчи] Иморат курувчи уста. *Сатторнинг иморатсоз уста акаси районга кўчиб кетган, синглиси қўшни қишлоққа тушган.* П. Қодиров, Эрк.

ИМОРАТ^ЧИ с.т. айн. **иморатсоз.**

ИМОҚ шв. Калинин (куюк) туман.

ИМПЕРАТОР \лот. imperator — хукм-дор, қўмондон| **1 тар.** Рим республикаси ва империясида подшо, саркарда, қўмон-доннинг фахрий унвони.

2 Айрим йирик, кўп миллатли давлат-ларда подшоҳ^арга берилган унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Хитой император-лари. Россия императори. тт Бу тўғрида им-ператори аъзамнинг катта амалдорларидан бўлиб.. жаноби олийнинг хизматларига кир-ган бу меҳмонлар: Петров тўра ва Искандар тўра гапириб берадилар.* С. Айний, Куллар.

ИМПЕРИАЛИЗМ \фр. imperialisme < лот. imperium — буюриш; бошқариш; хрки-мият] Худудларни кенгайтиришга, мустам-лакалар босиб олишга, бошқа давлатлар устидан сиёсий ёки иқтисодий назорат ўрнатишга қаратилган давлат сиёсати; мар-ксизмда: капитализм тараққиётининг энг юқори ва сўнгги босқичи, монополистик капитализм.

ИМПЕРИАЛИСТ Империализм сиёса-тини юргизадиган йирик капиталист. *..им-периалистлар уруш оловини ёқиб, халқларни қон ваўлимга гарқ қишоқчилар.* Ойбек, Нур қидириб.

ИМПЕРИАЛИСТИК Империализмга оид; империализмга асосланган. *Импери-алистик давлатлар. Империалистик урушлар.*

ИМПЕРИЯ \лот imperium — юқори ҳокимият) **1** Подшоҳ, қирол, император бошқарадиган йирик, кўп миллатли давлат.

2 Бир қанча мустамлака ерлари бўлган, тоталитар тузумга асосланган йирик давлат.

ИМПИЧМЕНТ \ингл. impleachment - тан-беҳ бериш, айблаш; судга бериш| Баъзи бир мамлакатларда олий мансабдор шахслар (пре-зидент, ҳукумат бошлиғи ва ш.к.) ни қил-ган жиноятлари, қонунбузарликлари учун жавобгарликка тортиш ҳамда уларнинг иш-ларини судда кўриб чиқиш, ваколатларидан маҳрум қилишнинг алоҳида тартиби.

ИМПОРТ \ингл. import < лот. importare — киритмоқ; олиб кирмоқ] **1** Ички бозорда сотиш ёки учинчи бир давлатга транзит қилиш учун мамлакатга чет эллардан то-варлар, хизматлар, қимматли қоғозлар ва б. олиб кириш; *зид. экспорт.* *Машинашрхамда бошқа мураккаб асбоб-ускуналарга бўлган бир оз эҳтиёжнинг ҳам қарийб ярмиси импорт ҳисобига кондирилар эди.* «Иқтисодий гео-графия» (дарслик).

2 Шундай тарзда ва мақсадда олиб ки-рилган товар ва б. *Тўйим бўлиб қолди деган эдингиз, импорт гарнитура тахт.* Шукрул-ло, Жавоҳирлар сандиғи. *Магазинга келган импорт — сўнгги модадаги жинси шимдан шу магазин мудирининг ўғли Тойлоқжон қуруқ қолди.* Газетадан. *Мақсадимиз ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотла-ри билан тўлдиришдан иборат.* Газетадан.

ИМПОРТЁР [ингл. importer < лот. importare — олиб кирмоқ] Импорт билан шуғулланувчи шахс ёки ташкилот.

ИМПОТЕНЦИЯ [лот. impotentis - за-ифлик, кучсизлик] Эркакнинг жинсий ожизлиги, қониқарли жинсий алоқа қила олмаслиги.

ИМПРОВИЗАТОР Олдиндан тайёрлан-масдан, лозим келган вақтнинг ўзида шеър айтиб юборувчи, куй яратувчи ёки нутқ сўзловчи шахс.

ИМПРОВИЗАЦИЯ [итал. improv-visazione < лот. improvisus — олдиндан кутилмаган, кўрилмаган; тўсатдан, бирдан] **1** Олдиндан тайёрланмасдан, лозим бўлган пайтнинг ўзида шеър, куй, мусикий пьеса ижод этиш.

2 Ижро жараёнининг ўзида яратилган бадий асар (шеър, мусикий пьеса ва ш.к.).

ИМПУЛЬС [лот. impulsus — зарба, турт-ки; тўкнашиш] **1** Нерв кўзгатувчилари фао-лияти туфайли нерв толалари бўйлаб тар-қаладиган кўзгалиш; ички интилиш, турт-ки. *Минерал сув таркибида бўлган турли кўзгатувчиларнинг терига таъсири марка-зий нерв системасига борувчи импульсларни пайдо қилади. «Фан ва турмуш».*

2 физ. Ҳаракат миқдори (жисм массаси ва тезлиги кўпайтмасига тенг бўлган миқдор).

ИМРАНМОҚ шв. Оғриқ-азоб чекмоқ, оғриқ-азоб билан қийналмоқ. *Айта берсам, адо бўлмас армоним, Қайтайин, имранди тандаги жоним. «Ҳасанхон». Богбон бўлса, богнинг гули терилди, Устухон имраниб, бағ-ри тилинди. «Ширин билан Шакар».*

ИМСИЗ-ДИМСИЗ Гап-сўзсиз, ҳеч нар-са демай. *Орқамга қиё боқсам, юлдузи ис-сиққина бир аёл ишхонам остонасини боса, ичкари кирмоқда. Ажаб.. имсиз-димсиз сўрашдик. С. Азимов, Икки дил, икки олам.*

ИМТИЁЗ [а. «j — ортиқча ҳуқуқ; енгиллик; тафовут; фарқ(лаш)] Муайян са-бабларга кўра айрим шахслар ёки ташки-лотларга бериладиган алоҳида, ортиқча ҳақ-ҳуқуқ, шароит, енгиллик. *Қишлоқ ўқитув-чилари учун белгиланган имтиёзлар. **тм** Энг муҳими, Марказ ўзининг фаолияти давоми-да ҳар қандай солиқлардан озод этилиши ёки маълум имтиёзларга эга бўлиши лозим. Газе-тадан. Хуллас, унга бериб қўйилган чексиз имтиёз салтанатнинг бошига бир кун бориб бало бўлишини сарой аҳли тилида бўлмаса ҳам, дилида мулоҳаза қилар эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ИМТИЁЗЛИ Имтиёзга эга, имтиёз бе-рилган. *Улар Камолиддин Беҳзод номидаги Рассомлик ва дизайн институтига имтиёз-ли тарзда, имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Газетадан.*

Имтиёзли диплом Ўқув юртини аъло ба-хрлар билан битирганларга бериладиган дип-лом. *Элмурод институтни имтиёзли диплом билан тамошади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

ИМТИҲОН \а. (jUJ^I - синов; тажри-ба] **1** Ўқув муассасаларида талабаларнинг ўқув дастурларида белгиланган билимни қанчалик ўзлаштирганлигини текшириш, сўраб, синаб кўриш ва баҳолаш. *Институт-га кириш имтиҳони. Имтиҳон комиссияси. Имтиҳон бермоқ (топишмоқ). Имтиҳон олмоқ. **тм** Бир томонда ёзги имтиҳонлар ҳам яқинлашиб қолибди. С. Зуннунова, Янги ди-ректор. Азиза қишки имтиҳонларни топиш-риб, районга қайтиши билан ишга тушиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол.*

2 Умуман, синов, текшириш. *Бу савол ўзига ишонарли жавоб талаб қилиши билан бирга, асрлар бўйи тарғиб ва татбиқ қилиб келинаётган бир асос мантиқига имтиҳон ҳам эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Зўр жа-сорат билан ҳужум бошлаган азаматлар табиатнинг даҳшатли кучи — бўрон усти-дан золиб келдилар ва қийин имтиҳондан шараф билан ўтдилар. 111. Рашидов, Бўрон-дан кучли.*

Давлат имтиҳони Ўқув муассасасини битиришда ўтказиладиган расмий имти-ҳон. *Набижон биринчи давлат имтиҳонини топишган куни Муборак уни катта гул-даста олиб келиб табриклади. С. Зуннуно-ва, Кўк чироқлар. **Имтиҳон қилмоқ** Си-наб кўрмоқ, синовдан ўтказмоқ. *Сергей Қобилни яна бир бор синаб кўришига, унинг виждонини, иззат-нафсини сўнгги марта имтиҳон қилишига қарор берди. Ҳ. Ғулом, Машғал. ...журналнинг сўнгги сонларидан**

бирида босилган фалсафий бир мақола тўғрисида сўз очиб, зимдан уни имтиҳон қилди. А. Қаххор, Қўшчинор чирокдари.

ИМТИҲОНСИЗ Имтиҳон олмай ёки топширмай; беимтихрн. *Институтга имтиҳонсиз кирмоқ. Имтиҳонсиз қабул қилинмоқ.*

ИН 1 Қуш, ҳашарот ва ҳайвонларнинг яшаш, бола очиш учун қурган жойи; уя. *Қарқуноқ уни. Арининг уни. Тулкининг уни. Яхши сўз билан илон унидан чиқар.* Мақол.

2 кўчма Инсоннинг яшаш жойи; уй. *Бу — иссиқ инни шашлаб, совуқда қалтираб, иссиқ инни қўмсаиш, деган сўз эди.* М. Исмои-лий, Фарғона т.о. [*Одамзод/ Киндик қони тўкилган жойни тарк этса, қушимжоз бўлиб қоларкан. Қаерда яшаиш қулай бўлса, ўша ерга ин қураверар экан.* «Ёшлик»].

3 кўчма Бирор нарса, одамлар эгалла-ган жой; макон. *Айитбой жанговар учувчи бўлган экан. У фашистлар унига неча мар-талаб қиргин солибди.* Ш. Ғуломов, Қалб ундайди. *Баъзи ташвиқотчилар хурофотга, эскиликка қариши мажлисларда ўт очадилар.. бироқ ўз уйлари хурофотнинг чирик уни эка-нини билмайдилар.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Улар очлик, қашшоқлик ва касалликлар уни бўлган хароб кулбалар олдида тўп-тўп йиғи-либ, нималардир тўғрисида суҳбатлашарди-лар.* Ойбек, Нур қидириб.

Ари(нинг) уни Гавжум ва серҳаракат (ти-нимсиз) жойга нисбатан қўлланади. *Гузар бир зумда ари унига айланди.* М. Исмоилий. Фарғона т.о. **Унига (ёки ин-унига) уриб (ёки кириб)** кетмоқ Ўзини панага (ҳеч ким кўрмайдиган, топмайдиган жойга) олмоқ; яширинмоқ. *..карвонсарой кўпдан бери но-мигагина карвонсарой бўлиб.. илгариги чирвон санайдиган маст-аласт бойваччалар ин-унига уриб кетган эди.* Х. Ғулом, Машғал. *Полиция маҳкамасининг мирзаси Тожихон Турсунхўжа ўглининг.. келиши билан одамлар ин-унига кириб кетар эди.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари. Сичқоннинг **уни минг танга қ. сичқон. Сичқон сифмас унига, ғалвир боғлар думига қ. сичқон.**

ИНАУГУРАЦИЯ [лот. inaugurare — ба-ғишламоқ; атамоқ, ном (унвон) бермоқ| Давлат бошлиғининг шу олий лавозимни бажаришга киришиши ва шу муносабат билан ўтказиладиган тантанали маросим (Рим папасининг шу лавозимни бажаришга киришишидаги маросим ҳам шундай аталади).

Колумбияда мамлакатнинг янги президенти қасамёд қабул қилди. Инаугурация мароси-ми хавфсиз/шк чоралари кучайтирилган ҳолда ўтди. Газетадан.

ИНВАЛИД [лот. invalidus — кучсиз, қув-ватсиз; яроқсиз] қ. **ногирон.** *Уруш инвалиди. тт ..жаҳ^1 чиқса, ақл кетади деганларидек, Ҳори кечагина фронтдан келган инвалид ўгли-ниҳам тегибюборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *-Зухра, ойинг нима иш қилади? -Ишламайди, инвсьид.* С. Зуннунова, Янги директор.

ИНВАЛИДЛИК қ. ногиронлик.

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ [нем. Inven-tarization < лот. inventarium — рўйхат, рўйхатга олиш| Корхона, муассаса, хўжа-лик ва ш. к. нинг балансида турган ашёлар-нинг мавжудлигини, қандай сақланаётган-лигини, шунингдек, омбор хўжалиги бўйи-ча маълумотларни даврий равишда текши-ришдан ўтказиш, йўк^лама қилиш.

ИНВЕНТАРЛАШ айн. **инвентаризация.** *Марғилон шаҳар техник инвентарлаш бю-росидаи ўртоқ Ғафуров келиб, йўлак лойиҳа-сини чизиб кетди.* Газетадан.

ИНВЕНТАРЬ \фр. inventaire < лот. inventarium — рўйхат, рўйхатга олиш] **1** Хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришга оид турли ашёлар мажмуи. *Қишлоқ хўжалик инвентари. Тиббиёт инвентарлари. тт Санаторий-про-филакторий зарур инвентарлар, тиббиёт ап-паратлари билан тўла таъминланган.* Газета-дан.

2 Шу хилдаги мол-мулкнинг тўла рўйха-ти. *Инвентарь тузмоқ. Инвентарга олмоқ.*

Жонли инвентарь Хўжаликка, ишлаб чиқаришга мансуб от-улов, ҳайвон, парранда ва ш.к.

ИНВЕРСИЯ [лот. *inversio* — ўрин ал-маштириш] тли. Нутқ таъсирчанлигини ошириш мақсадида гапда сўзларнинг одат-даги (тўғри) тартибини ўзгартириш; тескари тартиб (*сени кўрдим — кўрдим сени*).

ИНВЕСТИЦИЯ \нем. *Investition* < лот. *investire* — кийинтирмоқ, сарпо бермоқ] Мамлакат ичкарасида ёки чет элда, фойда кўриш мақсадида, бирор корхонага, иқтисодиётнинг муайян тармоғига капитал қўйиш, киритиш ва шундай капиталнинг ўзи. *Вилоятларда хорижий инвестициялар би-лан қурилаётган корхоналир яқин орада, албатта, ўз натижасини беради.* Газетадан. *Бугунги кунда инвестицияларни жалб қилиш иқтисодиётимизнинг улугвор вазифаларидан биридир.* Газетадан.

ИНВЕСТОР [ингл. *investor* < лот. *investire* — кийинтирмоқ] Инвестиция фаолиятини амалга оширувчи шахс, ташкилот ёки давлат. *Ушбу Қонун Ўзбекистон Респуб-ликаси ҳудудидида чет эл инвестиция фаолия-тини амалга ошираётган чет эллик инвес-торлар ҳуқуқларининг кафолатларини ва уларни ҳимоя қилиш чораларини белгилайди.* Газетадан.

ИНГ тақл. с. Чақалоқнинг йиғисига ўхшаш овоз ҳақида. *Инг демоқ. Инг деган овози чиқмади.*

Инг йўқ, жинг йўқ. Индамасдан, жимги-на, сўзсиз. \Нури:\ *Дадамда бир малай бор.. Қорни тўқ, эгни бутун бўлса бас. Инг йўқ, жинг йўқ ишлайверади* Ойбек, Танланган асарлар.

ИНГА тақл. с. Чақалоқ йиғисига тақ-лидни билдиради. *Темир йўл ишчилари турадиган тунука томли умумий ётоқхонанинг чеккадаги хонасидан гўдак ингаси, Ҳадянинг абгаси эшитиларди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

ИНГАЛАМОҚ «Инга-инга» деган овоз чиқармоқ, шундай овоз билан йиғламоқ. *Бирдан бошқа бир овоз эшитилди: кимдир тез-тез гапиради; дам эркакча, дам хотинча сўзлайди, дам чақалоқ бўлиб ингалайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИНГАЛЯТОР 1 Ингаляция учун қўлла-надиган асбоб, курилма.

2 Ингаляция йўли билан даволаш хона-си, кабинети.

ИНГАЛЯЦИЯ [лот. *inhalare* - нафас олмақ] Буғ ёки газга айлантирилган дорилардан, шифобахш денгиз ҳавосидан на-фас олиб даволаниш усули.

ИНГИЛЛАМОҚ «Инг-инг» деган товуш чиқармоқ(асосан, гўдакнингйиғиси ҳақида). *Кенжамизни тиззамга олдим. У дастурхонни олиб кетаётган онасига қўлини чўзиб ингил-лади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ИНГИЧКА 1 Кундаланг кесими меъёр-дан кичик; *зид. йўғон.* *Ингичка ип. Ингичка сим. Ингичка толали пахта. Ингичка тола-ли жун. иши Свкретарнинг чўзиқ ва қотма юзи ҳам, ингичка сариқ қоши ҳам нам эди.* Х. Тўхтабоев, Шонли авлод.

2 Чийилдоқ, ўткир (товуш ҳақида). *Унинг ингичка товуши менга танишдай туюлди. иши Қизиқчи ингичка, қулоқни тешадиган дара-жада қаттиқ додлаганидан ҳамма кулиб юборди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

3 кўчма Нозик ифодали, нозик. [Ёрмат] *Қўлини алакандай чуқур, ингичка маъно билан бўшанг силкиди.* Ойбек, Танланган асар-лар. *Бу чучмал адоват билан ингичка таби-атли Анварнинг не кайфиятга тушишини тасаввур қилолмас эди.* А. Қодирий, Меҳ-робдан чаён.

Ингичка ичак қ. ичак.

ИНГИЧКАЛАМОҚ Йўниб ёки чўзиб ингичка қилмоқ. *Қаламнингучини ингичка-ламоқ. иши Чол дукнинг учини ингичкалар экан, кулиб қўйди.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИНГИЧКАЛАШМОҚ Ингичка ҳолга келмоқ, ингичка тортмоқ. *Болаларча кулум-сираган ва юқоридан пастга майин ингичка-лашган оқ, тиниқ тзи, қалам билан чизил-гандек ингичка, маънодор қошлари.. бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўкда бир тилим қовундек ингичкалашган ой атрофни хира ёритарди.* С. Кароматов, Олтин кум.

ИНГЛИЗ 1 Англия туб ахрлисининг номи.

2 Шу аҳолига (халққа) мансуб. *Инглиз тили. Инглиз олими.*

ИНГЛИЗЛАР Англиянинг туб аҳолиси, асосий халқи.

ИНГЛИЗЧА 1 Инглиз халқига, унинг алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Инглизча ёзув. Инглизча кийим.*

1 Инглиз тили. *Сен инглизчани биласан-ми? Инглизча гапирмоқ. ти Мен ўзбек эканимни, инглизчани қаерда ўрганганимни сўра-ди.* «Гулдаста».

ИНГРАМОҚ 1 Оғриқ-алам таъсирида мунгли, ингроқтовуш чиқармоқ. *Бир кеча-си бемор жуда азоб тортиди. Уҳар инграган-да, Сотиболди, чаккасига бурув солинган кишидай, талвасага тушар эди. А. Қаҳҳор, Бемор. Бу дард ўқтин-ўқтин юрагида шундай тўлганардики, қиз беихтиёр инграб юбо-рар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

2 кўчма Шундай азоб-аламли ҳолатда бўлмоқ. *Мустамлака халқлари империализм зулми остида асрлар бўйи инграр эди. иши Тўрт ўғлим, хотиним Иванов отли бир бойнинг отхонаси ёнидаги кичкина, қоронги зах уйда инграб кун кечирардик.* М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.

ИНГРАНМОҚ қ. **инграмоқ.** *Етти хуф-тонга бориб ухлаб қолди. Бироқ тушида ҳам тинчимади: ингранади, гудранади, Тўлғоний-ни чақиради.* С. Сиёев, Аваз.

ИНГРОҚ Инграган товуш. *Ингроқларга тўлиб кетган тун: Ғамгин қўшиқ айтади кимдир. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. Раиса типирчилаб йиглайди, аммо чап томондан эшитилаётган ярадорлар ингроғи гўдак йи-ғисини босиб кетади.* А. Абдуазимов, Ногиронлик сезмасин кадрдонларим.

ИНДАЛЛО \а. <alxii — оллоҳ ёнида, яқинида; оллоҳга яқин]: **гапнинг индалло-си** Гапнинг бўлгани, очиги. *Сайдаз бирдан тутақиб: -Ахир, ўзинг гапнинг индаллосини айт: Зариф Усмонов қаяёқда-ю, сен қаяёқда?! — деди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. Гап-нинг индаллосини айтадиган бўлсак, уст-бо-шимиз бутлиги, дастурхонимиз тўкин-сочин-лиги.. ҳамжиҳатлигимизга боғлиқ.* Газетадан.

ИНДАМАС 1 Индамоқфл. бўлишсизлик ва кел. зам. гум. шакли. *Томга чиқсак, ҳеч ким ждамасмикин?*

2 Жуда кам гапирадиган; камгап, дам-дуз. *Индамас одам. тт -Ҳамма гап пулда экан, Охун, — тошкенилик бир индамас мардикор сўзга аралашди, — мен ўттиз қироннинг тр-тини кўрмадим, лекин оқподшонинг ўттиз шахрини кездим.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИНДАМОҚ {фақат бўлишсиз шаклда) Бирор нарса демок; гап, сўз айтмоқ; гапирмоқ. *Индамай иш қштоқ. У индамай ўтиб кетаверди.. ти Мастура эса менга бир қара-ди-ю, танимади шекилли, индамади.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

ИНДЕИС Индейсларга мансуб. *Индейс-ларнинг тиллари. Индейс аёл.*

ИНДЕЙСЛАР Америка қитъасида евро-паликлар пайдо бўлмасдан, у ерда яшаган, ҳозир фақат Шимолий ва Жанубий Аме-риканинг айрим худудларида сакушниб қолган қадимги ерли қабила ва элатларнинг умумий номи.

ИНДЕКС [лот. index — кўрсаткич; сар-лавҳа] 1 Бирор нарсанинг ном, бахр ва ш. к. кўрсаткичи, рўйхати. *Чиқаршайтган китоб-лар индекси. Товарлар индекси.*

2 *иқт.* Иқтисодий ҳрдисаларнинг тад-рижий ўзгаришларини фоизлар ҳисобида ифодаловчи рақам кўрсаткичлари. *Меҳнат унумдорлиги индекси.*

3 *мат. ким.* Асосан, математик ифода, кимёвий элемент рамзи остига қўйилади-ган харфий ёки сон кўрсаткич.

ИНДЕКСАЦИЯ |< лот. index - кўрсат-кич; рўйхат| Инфляция шароитида пулнинг ва турли даромадларнинг ҳақиқий қиймати-ни (маошни ошириш, товон тўлаш ва б. йўллар билан) сақлаб қолиш; истеъмолчиларни ин-фляциядан ҳимоя қилиш усуллари билан бири.

ИНДИВИД айн. **индивидуум.** *Лутфдан мароқланиш, лаззат олишида индивиднинг характери, таъби, фаҳм-фаросати катта аҳамиятга эга.* «УТА».

ИНДИВИДУАЛ \лот. *individuus* - аж-ралмас, ажралмаган, парчаланмаган| Ҳар бир шахс ёки нарса-хрдисага оид. *Индиви-дуал хусусиятлар. тт Шу билан бирга, минтақава ижтимоий ва индивидуал психоло-гия, аҳволи ва келиб чиқиши у ёки бу даврда юзага келган кўп-лаб ижтимоий ва ижти-моий-психологик ҳодисаларни тушунишга имкон беради. «Фан ва турмуш». «Саодат-нинг қиссаси» очеркидаги бошқа персонаж-лар ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятлар-га эгадир. «УТА».*

ИНДИВИДУАЛИЗМ [фр. *individualisme* < лот. *individuum, individuus* — бўлинмас, ажралмас] **1** Шахсий манфаатларни жами-ят, жамоа манфаатларидан юқори кўювчи ёки айрим шахсни жамиятга қарама-қарши кўювчи нуқтаи назар. *Маълумки, Фарб на-мунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалса-фасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади. Газетадан.*

2 Ўз шахсини жамоага қарши, ундан юқори кўйишга интилиш ва шундай хат-ти-ҳаракат ифодаси. *Индивидуализмга қарши кураш.*

ИНДИВИДУАЛИСТ Ўз қарашлари, хат-ти-ҳаракатида индивидуализм белгиларини намоён қилувчи шахс; худбин. *Кимси қайси даражаларда индивидуалист бўлмасин, на даражаларда ўзини кўпчиликдан четга олма-син, баҳарҳол кўпчиликнинг.. тарбияси ҳазил гапга ўхшамайди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ИНДИВИДУАЛИСТИК **1** Индивидуал-измга, индивидуалистга хос. *Индивидуалис-тик иўналиши.*

2 Индивидуализм билан суғорилган.

ИНДИВИДУАЛЛАШТИРМОҚ Инди-видуал белги-хусусиятларни эътиборга олиб, шу асосда алоҳида ажратмоқ. *Дра-матург Ҳамробуви ва Холнисолар нутқини индивидуаллаштирар экан, ундовлардан кенг фойдаланади ва қаҳрамонлар нутқи-нинг жонли ва ҳаяжонли чиқишини таъ-минлайди. «УТА».*

ИНДИВИДУАЛЛИК Индивидга хос-лик, индивидга оид хатти-ҳаракат. *Инди-видуаллик тушунчаси инсон ўз фаолиятини ўзи бошқара олиш қобилиятини ифодалайди. «Мулоқот».*

ИНДИВИДУУМ [лот. *individuum* -бўлинмас, ажралмас; алоҳида] Ўзига мус-тақил яшовчи ҳар бир тирик нарса (шахс, жонивор ёки ўсимлик); якка шахс. *Тилнинг индивидуумлар воситаси билан ижтимоий функция бажариши коллектив ичида намоён бўлади. «УТА».*

ИНДИГО \исп. *indigo* < лот. *indicus* — хиндий; хиндийларга мансуб] Айрим ўсим-ликлардан ёки синтетик тарзда олинади-ган кўк рангли бўёқ; нил бўёғи.

ИНДИЙ \лот. *indium* < исп. *indigo*] Менделеев даврий системасининг **III** гу-руҳига мансуб, кумушсимон-оқ, осон су-юқланувчи, жуда юмшоқ кимёвий эле-мент; нодир металл.

ИНДИКАТОР \лот. *indicator* — кўрсат-кич] **1** *тех.* Текшириш (кузатиш) объекти бўлган нарсани ёки бирор жараённинг бо-ришини назорат қилувчи, кузатиб (қараб) борувчи асбоб, мослама. *Айни пайтда ёзиб олинандиган овознинг паст-баландлиги инди-катор орқали кузатилади. Ф. Саломов, Тар-жима назариясига кириш.*

2 *ким.* Кимёвий жараёнларнинг хусусият-ларини, боришини, тугалланишини кўрса-тувчи модда; реактив (ишқор ва кислоталар таъсиридан ўзгарадиган модда).

3 Берилган китобларни ҳисобга олувчи картотека (кутубхона ва ўқув залларида).

ИНДИН **1** *от* Эртадан кейинги кун. *Директоримиз эрта бор, индин бор, деб ишни кейинга суриб юбордилар. «Муштум». [Сутчи отај Сут топишгани шаҳарга кетишлари-ни айтиб, индинни тайин қилдилар. А. Мир-аҳмедов, Кулган чечаклар.*

2 *рвш.* Эртадан кейинги кун; индин(и)га. *Эрта ўтиб, индин яна тўпланадиган бўлдиқ.*

ИНДИН(И)ГА Эртадан кейинги куни. *Қоғозингни нима қиламан!.. Индинга саё-ҳат бўлса-ю, ҳали кўпчилик билмаса!* Ҳ. Назир. Сўнмас чакмоқлар. *Эртасига ҳам, индинига ҳам сўроқ давом этди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ИНДОВ Крестгуллилар (бутгуллилар) оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик (Уруғидан халқтабобатида, мойидан эса кўнчи-лик. тўқимачилик ва бўёқ саноатида фойдазанилади). *Борди-ю, ўша ерларга чигит эмас, индов-рапс, кузги сули, қора бугдой сетилганда, ҳар гектаридан камида тўқсон цвнтнердан ҳосил ўрдирган бўлардингиз.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ИНДОВЧИ *с.т.* Ундовчи, сўзловчи, га-пирувчи.

ИНДОНЕЗ 1 Индонезия туб аҳолиси (халқи)нинг номи.

2 Индонез халқи (миллати)га мансуб. *Индонез тили. Индонез аёл.*

ИНДОНЕЗЛАР Индонезиянинг туб аҳолиси, халқи.

ИНДУКТИВ 1 *мнт.* Индукцияга оид; индукцияга асосланган. *Индуктив метод.*

1 физ. Индукцияга оид, индукция орқа-ли содир бўладиган, вужудга келадиган. *Индуктив алоқа.*

ИНДУКТОР [лот. inductor — киритув-чи, тўғриловчи; қўзғатувчи] **1** Қўл билан ҳаракатга келтириладиган, юқори кучла-нишли электр токи ҳосил қиладиган асбоб.

2 Электрогенератор ёки динамомашиналарда магнит майдони ҳосил қиладиган магнит ёки электромагнит.

ИНДУКЦИОН *физ.* Индукцияга оид; индукция натижасида пайдо бўлган. *Индукцион ток. Индукцион галтак.*

ИНДУКЦИЯ [лот. inductio — буриш, тўғрилаш; қўзғатиш] **1 мнт.** Жузъий ҳодисалардан умумий натижа чиқариш, айрим фактлардан умумий хулосага келиш; *зид. дедукция.*

2 физ. Электр ўтказгичнинг магнит май-донидаги ҳаракати натижасида ёки ўтказгич атрофидаги магнит майдонининг ўзга-риши натижасида ўтказгичда электр токи ҳрсил бўлиши.

ИНДУСТРИАЛ Оғир ва енгил саноатга оид; индустрияга ва унинг тараққиётига бог-лик бўлган. *Индустриал ва аграр мамлакат-лар. Қишлоқ хўжалигининг индустриал базаси.*

ИНДУСТРИЯ [лот. industria - меҳнат-севарлик, тиришқоқлик] Саноат; халқ хўжалигининг жамият иқтисодий ривожла-нишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган муҳим тармоғи.

Оғир индустрия Оғир саноат — ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи (мас, машин-насослик, металлургия). **Енгил индустрия** Енгил саноат — кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи.

14->'збек тилининг изетути луғати

ИНДУСТР(ИЯ)ЛАШ Халқ хўжалиги-нинг барча соҳаларида йирик машина иш-лаб чиқариш жараёнини юзага келтириш; ишлаб чиқариш тармоқларини машина техникаси асосига ўтказиш. *Қишлоқ хўжалиги-ни индустриялаш. мт Ҳозир биз мамлакатни индустрлаш планини амалга ошираётибмиз. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ИНДУСТР(ИЯ)ЛАШМОҚ Машина техникасига асосланмок. *Индустр(ия)лашган қишлоқ хўжалиги. Индустр(ия)лашган мамлакат.*

ИНЕРТ [лот. iners, inertis — ҳаракатсиз]: **инерт газлар** Менделеев даврий системаси-нинг нолинчи гуруҳидаги элементларнинг умумий номи.

ИНЕРЦИЯ [лот. inertia — фаолиятсиз-лик, қўзғалмаслик] **1 физ.** Жисмларнинг, бирор ташқи куч мажбур этмагунча, тинч ҳолатини ёки изчил, бир маромли ҳаракатини сақлаш хусусияти. *..гелиоцентризм гоёси билан механиканинг инерция қонунини биринчи марта бир-бирига боглаган олим Бе-рунийдир.* Газетадан.

2 кўчма Аввалда бўлган таъсир этувчи сабаб, куч ва ш.к. нинг давом этиши.

ИНЕРЦИЯЛИ Инерцияга асосланган. *Инерцияли ҳаракат. Инерцияли аккумулятор.*

ИНЖА Нозик (янгилик, ёқимлилиқ ва ш.к. белгилари билан). *Ҳар гул алоҳида айласин баён Инжа муҳаббатим, тошқин сев-гимни.* Миртемир. *Узун бўйли, инжа белли бир малак эди.* Ҳ. Олимжон. *Барча ҳалим-лик, зарифлик, майинлик, энг нодир ва инжа фазилатлар она тилимизнинг турли товла-нишларидан.* Газетадан.

ИНЖАЛАШМОҚ кам қўлл. Инжа ҳолга келмоқ. *Дағаллашдим — салга жаҳлим чиқади, Инжалашдим — салга қувончим дунё.* Рауф Парфи.

ИНЖЕНЕР [фр. ingénieur < лот. in-genium — туғма хислат, ақл, ижодкорлик] Техниканинг бирор соҳаси бўйича олий маълумотга эга бўлган мутахассис; муҳандис. *Тог инженери. Ҳарбий инженер.* **тм** «Электрстанцияни тезроқ битириш учун ўртоқ Мавлонбеков катта инженер олиб келибдилар», деган хабар бутун қишлоққа тарқалди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқ-лари.

ИНЖЕНЕРЛИК Инженер касби. *Инже-нерликка ўқимоқ.* **тм** Саиджон, ўқишини боппайвер.. *Ўзим инженерлик ўқишига киришинга ёрдам берман.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ИНЖИЛ \а. JʼʔjJ < юн. euangelion -хуш, яхши хабар] Библиянинг бир қисми бўлиб, христиан динининг афсонавий асос-чиси Исонинг «ердаги ҳаёти» ҳақидаги ҳикоялардан тузилган тўрт диний китоб. *Ўруснинг «Инжил»ини ўқиясанми, деб сўраган эдим, бунга ҳам жавоб бергуси келмади.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ИНЖИМОҚгш. Ранжимоқ. *Инжимасан-гиз, шу болангизни бир ера юборсангиз.* С. Си-ёев, Ёруғлик.

ИНЖИРҒА: инжирғаси чиқмоқ. Жуда эзилмоқ.

ИНЖИҚ 1 Унча-мунчани ёқтирмайди-ган, айтганга кўнавермайдиган (юравермайдиган). *Авазўз феълени билади:у инжиқ, юраги тор, кўрс.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бу воқе-адан сўнг у тўнини тесқари кийиб, ўта ин-жиқ бўлиб қолди.* «Ёшлик».

2 Серхархаша. *Бола йиғлоқи, инжиқ, сал-дан-салга ётоқхонани бошига кўтарар..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 кўчма Ташвиш-хархашаси кўп; машақ-қатли; ўзгарувчан, бир хилда турмайдиган. *Кузнинг биринчи ойи тугаб, октябрнинг ёгин-сочинли инжиқ кунлари бошланди.* Д. Нурий, Осмон устун. *Ҳеч қайси экин пахтадек му-раккаб, талабчан, инжиқ ва машаққатли эмас.* Газетадан.

ИНЖИҚЛАНМОҚ 1 Инжиқлик (хар-хаша) қилмоқ (қ. **инжиқ 2**). *-Керак бўлса, ёзамиз! — деди Қамариддин ва Икромага қараб олгач, инжиқланаётган ўглини туртди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

2 Инжиқлик қилмоқ (/<.: **инжиқ3**). *Шива-лаб ёғиб турган ёмғир ҳам тўхтагандек бўлди-ю, лекин баъзан-баъзан инжиқланиб, яна шамол аралаш такиллаб кўярди.* Мирмуҳсин, Умид.

ИНЖИҚЛАШМОҚ Инжиқҳолатли (ху-сусиятли) бўлмоқ. *Муқимий кейинги ҳафталарда ортиқ инжиқлашиб, одам ёқтир-майдиган..* бўлиб қолган эди. С. Абдулла, Мав-лоно Муқимий.

ИНЖИҚЛИК 1 Инжиқ хатти-ҳаракат, хусусият. *Нигора ўзининг инжиқлиги билан онасини ноқулай аҳволда қолдирганини пай-қаб, шартта орқасига ўғирилди.* С. Анорбо-ев, Оқсой.

2 кўчма Акс (терс) хатти-ҳаракат, «қилиқ» (қ. **инжиқ 3**). *Табиатнинг йил даво-мида кўрсатувчи инжиқликларидан ҳеч ким башиорат қила олмайди.* «Саодат».

ИНЖУ I 1 Марварид, дур. *Тўй оқшоми инжу шаққан етим қиз, Мажнунтолнинг маржонида булдуриқ.* Ғ. Ғулом. *Кўзларидан оққан томчилар қуёшда инжудаи ёнади.* Ой-бек, Танланган асарлар.

2 қўчма Инжуга нисбатланган нарса. *Дўстимдир ложувард, шалдироқ сувлар — менинг юрагимга оққан инжулар*. Ж. Камол. *Жавоҳирга, инжуга тўлмиш Олтин чаноқ — олтин кўзалар*. Уйғун.

ИНЖУ II тар. Чингизхон хонадони аъзоларига тегишли ер-сув; кейинчалик шоҳлар, амирлар, хонлар хонадони аъзо-ларига тегишли ер-сув.

ИНИ I айн. ука. *Иигим-терим вақтида бир фалокат юз бериб, Ҳасан ўз инилари ва улар-нинг болаларидан ажралди*. С. Айний, Қуллар.

2 (1-ш. бирл. эгалик шаклида — **иним**). Ўзидан ёш эр кишига, уни ўзига яқин ту-тиб мурожаат этиш шакли. *Иним Содиқбои, шимиз жуда хом ҳали!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мулла Фулом, бу тўғрида сиз нима дейсиз, иним?* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ИНКАССАТОР \итал. *incassare* — қутига солмоқ; кассага пул қабул қилмоқ] Асосан муассасалар ва ташкилотлардан бирма-бир юриб пул йиғиш ҳамда уларни банкка топ-ширишга вакил қилинган мансабдор шахс.

ИНКАССО \итал. *incasso* — кассадаги нақд пул] Банк операциясининг тури, бунда банк ўз мижозлари топшириғига кўра улар ўрнига турли ҳужжат (вексель, чек ва б.)ларга асосан, мижозга тегишли пуллар-ни қабул қилади ва унинг ҳисобига кири-тиб (ёзиб) кўяди.

ИНКВИЗИТОР \лот. *inquisitor* — излов-чи, қидирувчи; айғоқчи] Инквизиция судининг аъзоси.

ИНКВИЗИЦИЯ [лот. *inquisitio* — қиди-рув; тергов] тар. Эркин фикрловчи, даҳрий, мавжуд черков тартиб-қоидаларига қарши чиққан кишиларни, шунингдек, яҳудийларни таъқиб ва суд қилиш учун 13-аср бошларида католик черкови томони-дан тузилган, бевосита Рим папасига бўйсунган суд-полиция ташкилоти.

ИНКИШОФ [а.. «**И**..ч.<| - очиш, топиш] кт. Кашф этилиш; очилиш, очиш. *Дўстим, орқадошим Гафур! Олтмиш ёш — шоирлар-нинг авжи етуклик ёши. Бу сенинг ижодинг ва талантингнинг инкишофидир*. Ойбек, Ижод булоғинг ҳамиша қайнасин.

Инкишоф этмоқ Кашф этмоқ, топмоқ. *Серноз экан, дегин, гулбадан, Минг хил ҳийла инкишоф этдим, Кўндирганда.. уйғониб кет-дим.* А. Мухтор.

ИНКОР [а. *jlil* - рад этиш, тан олмаслик, қабул қилмаслик] Тан олмаслик, қабул ёки тасдиқ этмаслик; рад. *Бунда ин-корни инкор қилиш янги тажрибавий далил-лар асосида бўлади ва у баъзан катта давр-ни талаб қилади*. Газетадан.

Инкор гап тли. Инкор мазмунли гап. **Инкор этмоқ** (ёки қилмоқ) Тан олмаслик, бўйинга олмаслик; рад этмоқ. *Келиннингиз мендан яхшилик кўрмас, демаганми эдим? Сиз билан отам бунга кўнмаган эдингиз, сиз буни инкор қиласизми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИНКОРПОРАЦИЯ [лот. *incorporate* -бутунга қўшиш; бирга қўшиш] Амалдаги тарқоқ қонун ва меъёрий ҳужжатларни, уларнинг мазмунини ўзгартмаган ҳолда, хронологик ёки алифбо тартибда, мавзу-лар бўйича тартибга солиш (системалаштириш).

ИНКУБАТОР \лот. *incubare* - тухум бостириб жўжа очирмоқ] 1 Тухумдан сунъий йўл билан [тухум бос(тир)май] жўжа очирадиган аппарат. *Айниқса, инкубатор-ларни ремонт қилиш.. ишлари ниҳоясига ет-казилмади*. Газетадан.

2 с.т. айн. **инкубатория**. *Инкубатордан уруғ келтирилган дастлабки кунларни эслади Бахри опа..* М. Қўшоқов, Катта хирмон жилғаси.

ИНКУБАТОРИЯ Тухумдан сунъий йўл билан жўжа ёки пилла қурти очирадиган махсус жой. *Қурт уругини инкубаторияда очирши. ти..бир вақт Икрома буви қатнаб юрган инкубатория ёнида заводнинг кутуб-хонаси бор..* А. Мухтор, Кумуш тола. *Икки ҳафтадан кейин Дармонжон инкубатория-дан қурт келтириб берди*. А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

ИНКУБАТОРХОНА с.т. айн. **инкубато-рия**. *Инкубаторхонада очирилган жўжа.*

ИНКУБАЦИЯ \лот. incubatio - тухум бостириб жўжа очирши] *махс.* Тухумдан жўжа ёки пилла курти очирши. *Йил охири-*

^{^212}

гача фабриканинг инкубация хўжа.тги ҳар тарафяама кенгаяди. Газетадан.

Инкубация даври 1) тухумдан жўжанинг очилиши даври; 2) *тиб.* касал юққандан унинг биринчи белгилари пайдо бўлгунча ўтадитан давр, касалликнинг яширин дав-ри.

ИНКУБИСТ Инкубаторияда ишлов-чи киши. *Инкубист ва звено бошлиқлари билан бир ҳафталик курс ва семинар ўтка-зилиб, қурт боқиш агротехникаси ва ил-зор тажрибалар ўрганилди.* Газетадан.

ИНЛАМОҚ кам қўлл. Инига кирмоқ.

ИНЛАТМОҚ 1 **Инламоқфл.** орт. н.

2 Овлаш, тутиш учун инига киритмоқ, инига қўндирмоқ. *Беклигимда суриб қилдим миннатим, Бир тулкини қувиб келиб инлат-дим.* «Маликаи айёр».

ИНМОҚ 1 Ўтирмоқ, қўнмоқ. *Ойпарча, ҳазратнинг сўзлари таъсиридан кўзларига ё'ш инганча, мерганга қаради.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Баргларга шудринг инган, Ҳаво қимиздай тинган.* С. Акбарий.

2 шв. Юқоридан пастга тушмоқ. *Пода қирдан инди. ти Уйнар бўрон, чир айланиб қор, тинмай инар кўкдан ер сари.* Уйғун.

3 кўчма Кирмоқ, пайдо бўлмоқ. *Сухроб тоғасининг ушбу сўзларини эсларкан, титроқ вужудига қувват ингандай бўлди.* Газе-тадан. *Туни билан чўмдим хаёлга, кўзларимга инмади уйқу.* Н. Нарзуллаев.

ИННАЙКЕЙИН ст. **1** Ундан кейин; сўнгра. *Аччиққина мастава қилганман. Шундан бир қошиқ ичасиз, иннайкейин сизга жавоб.* К. Яшин, Ҳамза.

2 кри. с. *взф.* Бундан ташқари; шу билан бирга. *Шаҳар ҳам, қишоқ ҳам бир гўру, лекин шаҳарда унча-мунча иш топилиб туради. Иннайкейин, шаҳарда турсанг, одамнинг кўзи ҳам очишир экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИННАНА бол. Узун ёғоч ёки тахтани бирор гўла устига мувозанатли ўрнатиб, икки бошига икки киши ўтириб олиб, нав-бат билан кўтарилиб-тушиб ўйналадиган болалар ўйини ва шундай мосламанинг ўзи. *Уни бир чеккага қўйиб, ўзи узала тушиб ётган терак устида қўндаланг турган узун хода-нинг бошига миниб, «иннана» ўйнай бошлади.* Ойдин, Ямоқчи кўчди.

ИННОВАЦИЯ \ингл. innovation — кири-тилган янгилик, ихтиро] **1** *иқт.* Техника ва технологиянинг янги турлари (авлодлари)ни жорий этиш мақсадида иқтисодиётга сарфланган маблағлар.

2 Илғор техника ва технология, бошқа-риш ва б. соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши.

3 *тли.* Муайян тилда, асосан унинг мор-фология соҳасида энг сўнгги даврларда пай-до бўлган янги ҳодисалар (тил бирликлари).

ИНОБАТ [а. — вакил қилиш, ва-колат бериш; тавба қилиш, гуноҳдан қўл тортиш; кўз очилиши] **1** Ишонч; ишониш; \исоблаш, тушуниш. *Унингўзига ҳам, сўзи-га ҳам энди инобат қолмаганди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Назар-эътибор.

Инобат қилмоқ Тан олмоқ, ҳисобламоқ. *Мажлисга йиғилганлардан Юсуфбек ҳожи ва домла Солиҳбек охунлар, қушбегининг пир деб инобат қилган одамлари бўлганини учун.. бу таклифни бўйнига олди [Нормухаммад қушбеги].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ино-батга олмоқ Эътиборга, назарга олмоқ, назарда тутмоқ; ҳисобга олмоқ; ҳисобда қайд этмоқ. *Ўйлаб иш қилинг. ҳукуматимиз ҳам ўша норасидаларнинг кўз ёшини инобатга олади.* С. Анорбоев, Оқсой. *-Сиз тузган план-да Ботировнинг картаси инобатга олинма-ган, — деди Николаев Каримовга.* Б. Раҳмо-нов, Олтин одамлар.

Эндиўша одамлар унинг гапни, хоҳласа — инобатга олади, хохла-маса — йўқ. О. Ёкубов, Ларза. **Инобатга ўтмоқ** Ҳисобга ўтмоқ; маъкулланмоқ. «Усмонхўжа-нинг ўгли бинойидек мирза бўлиб қолибди, ёз-ган аризаси ҳар ерда инобатга ўтаётган эмиш», деган гатар юриб қолди. Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Инобат (хотин-қизлар исми). **ИНОБАТЛИ 1** Ишонч-эътиборга эга, ишончли. *Ҳожи бўлса ишнинг кўзини билад-ди. Ундан кейин амалдорларга инобатли.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ўринбой қалъачининг.. мир-заси, унинг инобатли гумаштаси..* С. Айний, Куллар.

2 Эътиборга олса, ишонса бўладиган; мўътабар. *Инобатли гап.*

ИНОБАТСИЗ 1 Ишонч-эътиборга эга эмас.

2 Назар-эътиборга олинмаган; эътибор-сиз. *Аризани инобатсиз қолдирмоқ. ттп Хон табобат, муолажа масалаларида Ўтар бобо-га тез-тез маслаҳат солар, унинг гапни ино-батсиз қолдирмас эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

248

ИНОД \а. **جَلَّع** — ўжарлик, бўйин тов-лаш] Бўйин товлаш; ўжарлик, қийиқлик. *Ҳозир иноднинг ўрни эмаслигини ҳарчанд уқтирмоқчи бўлдим — кўнмади.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Қўлларида милтиқни маҳкам тутган Умарали инод билан, тинмасдан душ-ман жабҳасига ўт очади.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИНОН \а. <jU_c — жилов, тизгин] Идо-ра, бошқариш, бошқарув.

ИНОН-ИХТИЁР, инони ихтиёр Хоҳиш, ихтиёр. *Хотинимнинг инон-ихтиёри ўзида. Бойга тегмоқчи экан, тегаверади.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *..бу қандай ҳақсизликки, сенинг инон-ихтиёрингга ҳам чанг солиб, се-нинг номингдан бошқаларнинг никоҳига ро-зилик бераверишади.* К. Яшин, Ҳамза.

ИНОНМОҚ 1 Ишонч ҳосил этмоқ, ишонмоқ. *Биринчи қарашдаёқ кутган иш-нинг тўғрилигига инонди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Ишонч билан қарамоқ, ишончли му-носабатда бўлмоқ. *Нима, сен шу улуг зотларга инонмайсанми?* М. Осим, Карвон йўларида. *Жамила, қўй.. йиғлама, хато қилдим, юпатиш ўрнига сени хафа қилдим. Сен-га инонаман.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Уртаҳолларга инонган одам панд ейди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ИНОЯТ \а. — илтифот, меҳри-

бонлик; ғамхўрлик, парвариш) **1** Марҳамат, лутф, илтифот. *Туркистондан дарҳол қочиб каби фасод хаёлларга бормайлик. Худонинг инояти, марҳамати катта.* К. Яшин, Ҳамза.

Иноят қилмоқ Марҳамат (илтифот) қилмоқ. *Майли, деди, бунда қолинг, Қилдим сизга иноят. Бошингизни шарт узаман, Гар қилсангиз хиёнат! Шухрат. Пирим, менга шундай иноятлар қиласизким, мен бир умр бу мурувватларингиздан бирини ҳам қайтаролмайман.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Иноят (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ИНОЯТНОМА [иноят + нома] **1** Ўт-мишда подшоҳ, хон, амир ва ш. к. ҳукмдорлардан келган ва ўзида маълум илти-фот, имтиёзни ифодалаган мактуб.

2 тар. 15— 18-асрларда бирор солиқ ва жа-римадан озод қилинганлик ёки бирор имтиёз олганликни кўрсатувчи расмий ҳужжат.

ИНОҚ 1 Ўзаро дўстона муносабатда; аҳил. *Биз у билан туғишган опа-сингиллар-дек иноқмиз. Иноқ бўлмоқ. Иноқ яшамоқ. ишш Маза қилибқуламан мен ҳам, Элим иноқ битта аймоқдай.* Турмуш тошли ширин қаймоқ-дай. С. Акбарӣ.

2 тар. Бухоро амирлигида: амир буйру-ғини етказиш, амир номига келган хатлар-ни ўқиб эшиттириш билан шуғулланган, ҳукмдорнинг ишончли кишиси бўлган лавозимли шахс. *..амирнинг иноқи бўлган Ну-риддинхўжа оғалиқ Қаршидан сайланган но-маълум бир деҳқон эмас, уни кўпчилик та-нийди.* С. Айний, Куллар.

3 Иноқ (эркаклар исми). **ИНОҚЛАШМОҚ** Бир-бири билан

якин, дўстона муносабат боғламоқ, ахил-лашмоқ. *Полвон бу ерда бошиқа шаҳар-қишлоқлардан келган кишилар билан танишди ва улар билан иноқлашиб кетди.* Ж. Шарипов. Хоразм.

ИНОКЛИК Иноқ-ахил ҳрлат, муноса-бат. *Қайнана-келин ўртасидаги кишининг ҳавасини келтирадиган иноқлик, меҳр-муҳаб-бат Риеолат холанинг қалбини жизиллатиб ўтди.* Р. Файзий, Қайнана.

ИНС-ЖИНС, **инсу жинс** \а. — ин-сон; одамлар + ^ — жинлар: барча жопли-лар (инсон ва жинлар)] Жин(лар), жин-ажи-налар. *Зардушт динига биноан.. ўтга сизиниш турли фалокат ва инс-жинслардан сақлар, турмушда бахт келтирар эмиш.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. [Бувим:] -*Бисмиъюдан инс-жинслар, ажинаю алвастилар қўрқади, — дер эдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

ИНСОН \а. ^1^1 — одам] **1** Одамзод, ба-шар. *Инсон — бу дунёнинг азизу мукаррам хил-қати, мавжудотлар ичида сарваридир.* Газета-дан. ..*аъъшлик, маънавият инсонга хос энг му-ҳим хусусиятлар бўлиб, улар инсоннинг тари-хий моҳиятидан келиб чиқади.* «Сирли олам».

2 Ҳар бир якка шахс; одам. *Башарти Мусулмонқул чин инсон бўлса, инсондан ваҳший туғилганини ҳеч ким эшитган чиқмас.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

3 Кимсага (одатда, салбий муносабат-ли) мурожаат шакли. *Хў, инсон, бу нима но-маъқулчилик, тилсиз жониворда нима қас-дингиз бор?!* «Муштум».

Инсон эмасман Фикрининг чинлигини, ўзининг ҳақдигини қайд этиш шакли. *Уринг, Ўрмонжон ака! Сўйинг!.. Вой, десам, инсон эмасман!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирокдари.

ИНСОНГАРЧИЛИК Инсонга хос му-носабат; одамгарчилик. ..*босқинчиларга ўшқирар, «Бу ишларинг инсонгарчиликдан*

эмас, бизларни тўхтатишига ҳақларинг йўқ», деббақирар эди. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Хаёт-мамот.

ИНСОНИЙ 1 Инсонга, одамга хос. *Юксак инсоний фазилатлар. Инсоний бурч. тт* Сизнинг молларингизга қараган, ҳеч қачон инсоний ҳурмат кўрмаган, балки сўкишингизни эшитиб, калтагингизни еган, чексиз хўрланган бир инсонни биламан. П. Турсун, Ўқитувчи. ..*Ўзбекистонда истиқомат қила-ётган барча миллат вакилларининг нияти буюк боболаримиздан қолган улугвор инсоний зоялар ва маънавий қадриятлар атрофида бирлашиб, буюк келажакни яратишига ўз улу-шини қўйишидир.* Газетадан.

2 Инсонпарвар, одампарвар. *Бизнинг қонун-ларимиз жаҳонда энг оди ва инсонийдир.*

ИНСОНИЙЛАШТИРМОҚ Инсонга хос хусусиятларга эга қилмоқ. *Олий таълимни инсонийлаштиришидан кўзда тутилган мақсад — ёш мутахассисга билим ва техни-ка малакасини беришдан ташқари, уларга оққўнгилликни, халққа яхшилик қилишни ўргатишидан иборатдир.* «Мулоқот».

ИНСОНИЙЛИК Инсонга хос фазилат, хусусият, тариқат. *Бас, нечун инсон фарзанди инсонийликни ихтиёр этмас? Нечун бир-би-рининг кўзига чўп солур, бир-бирининг оғидан тортур..* С. Сиёев, Аваз. *Буюксак инсонийлик барқарор экан, бизни ҳеч қандай душман ен-голмайди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

ИНСОНИЯТ \а. С1±Х^ — кишилик; ода-мийлик; хушмуомалалик] Инсон насли, ин-сонлар. *Лекиш Имом ал-Бухорий каби ашома-лар билан нафақат бир қавм, миллат, балки жамики инсоният фахр этади.* Газетадан.

ИНСОНЛИК 1 Инсон наслига мансуб-лик; одамлик. *«Паранжи ичида қул бўлиб келган аёлларни жамоат ишига кўплаб тор-тинлар. Уларда инсонлик ҳуқуқи, инсонлик тушунчасини уйғотинлар!!!» — деб ёзибди улар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Умидсизлик сени инсонликдан чиқармоқчи. Кимга керак сенинг ўлиминг?* Ш. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Инсонга хос юксак фазилатга эгалик. *Кўп офарин! Инсонликни кўрсатдинг, Ёвни янчди нафратинг.* Ё. Мирзо.

ИНСОНПАРВАР Одамларга ғамхўр, одамларни севувчи; инсон мақсадларини кўзловчи. *Мактаб ислоҳотининг мақсадла-ри олижаноб, юксак маънавий инсонпарвар мақсадлардир.* Газетадан. *Ҳар бир улуғ санъаткор каби Чехов ҳам улуғ инсонпарвар эди.* Газетадан.

ИНСОНПАРВАРЛИК Инсонпарвар шахсга хос хусусият, хатти-ҳаракат.. *Юр-тига, ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятидир.* Газетадан. *Ил-зор фикрли кишилар қадим замонлардан бери инсонпарварликни куйлаб келдилар.* Газетадан.

ИНСОФ \а. ■ »1 ■[^]•■1 — адолат, одиллик, беғаразлик] Адолат ва виждон билан иш тутиш туйғуси, ишда, кишиларга муноса-батда ҳалоллик, тўғрилиқ. *Ман кучимни, теримни тўкай, фойдасини сояпарвар бой-лар кўрсин, ман икки қўлимни бурнимга тиқиб қолаверай! Қани инсоф! Ойбек, Танлан-ган асарлар. ..кекса Қосимбекни камарга жойлаб, ўзи [Бобур] кўпчилик навкарлар қатори Яшинг4ишда, қор бўрони тагида ўлтир-гани Султоннинг инсоф ва диёнат туйғуси-ниуйғота бошлади.* «Тафаккур».

Инсоф бермоқ Инсофга келтирмоқ, ин-софли қилмоқ. *-Мўмин амакимнинг гапи рост бўлса, [дадам ароқни/ «худо инсоф бер-ган кунни ташлайди», — деди Саид. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. ..Яхшики, калтаклама-ди. Худоўзи инсоф берди. П. Турсун Ўқитувчи. Инсоф билан айтганда Нарса-ҳодиса, фикр ва ш.к. нинг чинлигини, ҳақиқатга мослигини қайд этади; тўғриси. Инсоф би-лан айтганда, ишлар ёмон эмас. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Инсоф билан айтган-да, Ёрмат ака, бизга ўхшаши хизматкорларнинг шўри қуриди. Ойбек, Танланган асар-лар. Инсоф кирмоқ* Инсоф билан, инсоф доирасида иш тутадиган бўлмоқ. *Хайрият, инсоф кириб қопти. С. Аҳмад, Уфқ. Инсоф қилмоқ* Инсоф билан иш тутмоқ. *-Саксон-та қовунга-я ? Уч сўм ? — деҳқон тесқари бу-рилди.— Инсоф қилинг, баққол ака! Ойбек, Танланган асарлар. Инсофга келмоқ* Ин-соф ҳисси юзага келмоқ, инсофан иш ту-тишга ўтмоқ. *Жонфигон охири инсофга келиб, шу бу йил қишда нон заводига ишга ки-рибди. А. Қаҳҳор, Жонфигон. Инсофдан эмас* Инсоф талабларига зидликни билдиради. *Сизнинг отангиз сарбоз эмас, меъмор, ки-шини қариган чоғларида ташвишга солиш инсофдан эмас.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИНСОФАН кам қўлл. Адолат ва инсоф юзасидан, виждон амри билан; виждонан. *Инсофан иш қилмоқ.*

ИНСОФЛИ Инсоф эгаси, адолат ва инсоф билан иш қилувчи, ҳалол, виждон-ли. *Инсофли одам. ти Боёқии кўп яхши одам эди; инсофли, ҳамиятли эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИНСОФСИЗ Инсофи йўқ, инсоф юза-сидан иш тутмайдиган. *Инсофсизга эрк берсанг, элни талар. Мақол. ти -Ужуда инсоф-сиз бой, — деди темирчи, — аммо суриш-тирсанг, ҳамма бой бир текисда инсофсиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИНСОФСИЗЛИК Инсофсиз кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *-Бу қандай инсофсиз-лик? — деб Эргаш бақириб югурди, от устида каламни қоғозга чизаман деб турган мирза-нинг қўлидан тутди. С. Айний, Қуллар.*

ИНСПЕКТОР [лот. inspector — кузатув-чи, текширувчи; назоратчи] Муайян соҳага қарашли орган ва шахслар фаолиятининг тўғрилигини ёки мавжуд қонунларнинг амалга оширилишини назорат қилувчи ман-сабдор шахс. *Маориф инспектори. Соғлиқни сақлаш бўлими инспектори. Солиқ инспекто-ри. Савдо инспектори. иши* Инспектор — дав-лат назоратчиси. *Унинг зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юкланган.* Газетадан. *Инспектор ҳужжатларимни синчиклаб тек-шира бошлади. С. Сиёев, Ёруғлик.*

ИНСПЕКТОРЛИК Инспектор иши, лавозими. *Мактаб директори Хўжахонов район маориф бўлимига инспекторликка кўтарилиб кетувди, ўрнига Ахмадхонов таъинланди.* «Гулдаста».

ИНСПЕКЦИЯ [лот. inspectio — кузатиш, назорат] **1** Муайян соҳа қарамоғидаги орган-лар ва шахслар фаолиятининг тўғрилигини назорат қилувчи ва текширувчи тизим. *Қиш-лоқ хўжалик инспекцияси.*

2 Назорат органлари.

ИНСТАНЦИЯ [лот. instantia — айни шу вақт; бевосита яқинлик; тиришқоқлик] Бир-бирига тобе давлат органлари (суд ва маъмурий ишларни кўриб чиқишда), шунингдек, партия ва касаба уюшмаси орган-лари тизимидаги босқич, звено.

ИНСТИНКТ \лот. instinctus — кўзғатиш; ишонтириш; илҳом] **1** биол. Тирик организмнинг ташқи ва ички муҳит таъсирла-рига нисбатан онгсиз равишда, аммо туғ-ма, мақсадли ҳаракатлари йиғиндиси; бир-бирига боғлиқ бўлган туғма рефлекслар. *Менга қарши гапириш инстинкт бўлиб қолиб-ди Сизга.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 Ҳис-туйғу; табиий майл, интилиш.

ИНСТИНКТИВ Инстинктга хос, инс-тинкт тарзида юз берадиган; гайришуурий. *Гавҳар болаларга хос инстинктив бир туйғу билан Ҳакимовни ёмон кўрар.. эди. П. Қоди-ров, Уч илдиз. Баъзан ҳайвонлар организ-мида озик моддалари етишмаётганлигини сезади ва инстинктив равишда унинг ўрни-ни тўлдиришига интилади.* Ф. Маҳкамов, Са-ломатлик гарови.

ИНСТИТУТ \лот. institutum - ўрнатиш, тузиш, таъсис этиш] **1** Баъзи олий ўқув юрти ва илмий-текшириш муассасалари-нинг номи. *Илмий-текишириш институти. Педагогика институти.*

2 Муайян доирадаги ижтимоий муно-сабатлар, ҳуқуқ нормалари мажмуи. *Шахс уруғ-қабилачилик ва феодал ижтимоий инс-титутлар: оила, давлат, ҳуқуқ, дин, мактаб ва ҳоказолар таъсирида шаклланади.* «Фан ва турмуш».

ИНСТРУКТАЖ \лот. instructio - наси-ҳат; йўл-йўриқ] **1** Йўл-йўриқлар, кўрсатмалар бериш ва йўл-йўриқ кўрсатиш. *Ғуло-мов агитаторларнинг навбатдаги суҳбати юзасидан инструктаж ўтказишига тайёр-ланиб ўтирган эди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

2 Бош (раҳбарий) қўлланма, инструк-ция.

ИНСТРУКТИВ Йўл-йуриқ берадиган, қўлланма бўладиган. *Инструктив кенгаш. Инструктив суҳбат.*

ИНСТРУКТОР \лот. instructor - таш-килотчи, ташкил қилувчи] **1** Қўл остидаги муассаса, ижтимоий ташкилот ва шахсларга йўл-йўриқ кўрсатувчи, бирон-бир ишни тўғри йўлга қўйишни ўргатувчи шахс. *Инс-труктор йигит навбатдаги аёлни бошлаб кирди.* У. Усмонов, Сирли соҳил.

2 Маълум бир мутахассисликка ўргатув-чи, малака берувчи шахс. *Бу шаҳарда /Навой шаҳрида] кўпгина спорт ишларини жа-моатчи тренер ва инструкторлар олиб бор-моқда.* Газетадан.

ИНСТРУКТОРЛИК Инструктор иши, лавозими (қ. **инструктор 2**).

ИНСТРУКЦИЯ \лот. instructio - на-сиҳат; йўл-йўриқ; қўлланма] **1** Бирор ишни амалга ошириш, асбоб-ускунадан фойда-ланиш тартиби ва усуллари қақидаги кўрсатма; йўриқнома. *Газдан фойдаланиш*

²⁵¹

ҳақидаги инструкция. Сайловларни ўтказиш тартиби ҳақидаги инструкция. Лугат ту-зувчилар учун инструкция.

2 Муайян фаолиятни бажариш, амалга ошириш қоидаларини белгилаб берувчи қонуний ҳужжат; йўриқнома.

ИНСТРУМЕНТАЛ [лот. instrumentum -курол, асбоб, восита] Муסיқа асбоблари воситасида ижро этиладиган ёки муסיқа асбоблари билан ижро этиш учун белги-ланган. *Инструментал муסיқа.*

ИНСУЛИН \лот. insulinum < insula — орол] Организмда углевод алмашинувини тартибга солишда иштирок этадиган меъда ости беши гормони ва ундан тайёрланадиган дори. *Қандли диабетда ошқозон ости беши етарли миқдорда инсулин ишлаб чиқара олмайди.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

ИНСУЛЬТ \лот. insultare — сакрамок, чопмоқ] Мияда қон айланишининг тўсат-дан бузилиб, мия тўқимасининг зарарла-ниши ва вазифаларининг издан чиқиши. *Инсульт билан касалланмоқ. **тм** -Инсульт билан оғриш куннинг қайсидир палласида энг кучли бўлади, деб қабул қилиш унчалик ҳам тўғри эмас, — дейди бельгиялик кардиолог Жо Корнер.* Газетадан.

ИНСЦЕНИРОВКА \лот. in - га + sce-па — сахна] Бирор асарни сахнабоп қилиб ўзгартириш, сахнада қўйиш ва сахналаш-тирилган асарнинг ўзи. *Сўнгра якка ашулалар, муסיқа ва декламациялар ижро этил-гач, концертнинг иккинчи бўлимида эса бир пардали муסיқали инсценировкалар кўрсати-ларди. «ЎТА». Инсценировка ва спектаклларда киядиган махсус кийишаримиз йўқ эди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

ИНТЕГРАЛ \лот. integer — бир бутун, бузилмаган; қайта тикланган] *мат.* Олий математикада: чексиз кичик сонлар йиғин-диси сибатида қараладиган бутун миқдор.

ИНТЕГРАЛЛАШ *мат.* Берилган функ-пиянинг. математик ифоданинг интеграл-лини топиш, аниқлаш.

ИНТЕГРАЦИЯ \лот. integratio — тик-лаш, қайтадан бошлаш, тўлдириш] **1** Ай-рим қисмларнинг, элементларнинг боғлиқ-лик ҳолатини, уларни қўшиб бирлашти-ришни ифодаловчи тушунча.

2 Фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро боғланиш жараёни.

3 Икки ва ундан ортиқ давлатларнинг иқтисодиётини ўзаро мувофиқлаштириш ва бирлаштириш.

ИНТЕЛЛЕКТ \лот. intellectus - ақл, ид-рок, тасаввур] **1** Кишининг фикрлаш қоби-ляти, ақлий ривожланганлик даражаси; зеҳн. *Кишилар борки, ўз онги, интеллект билан бутун ҳаётни қамраб олади. «ЎТА».*

2 Шундай ақл-идрок, зеҳн-фаросат эга-си. *..барча бойликларимизнинг асоси бўлган ҳозирги замон интеллектини қарор топти-риш бўйича жаҳон андозаларига мос чора-тадбирларни кўрмоқдамиз.* Газетадан.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ \лот. intellectus - ақл-идрок, билиш; тушуниш] **1** *от* Маънавий эҳтиёжлар билан яшовчи ёки ақлий фао-лиятнинг энг юксак ва мураккаб турлари билан шуғулланувчи (шахс). *..айниқса ил-мий, яъни интеллектуал кишилар фикрини ўзгартиришда маъмурий ёндашиш ёмон оқибатларга олиб келади.* Мирмуҳсин, Умид.

2 сфм. Интеллектга оид; ақлий, маъна-вий. *Интеллектуал мулк. **тм** Ушбу қонун энг аввало ёшларнинг интеллектуал қобилият-ларини ҳисобга олади.* Газетадан. *Бизнингча, энди мамлакатимизнинг интеллектуал са-лоҳиятини юксалтириш ҳамда халқ хўжа-лигининг турли соҳаларида малакали мута-хассислар тайёрлаб бориш мақсадида истеъ-додли ёшларни аниқлаш.. «Тафаккур».*

ИНТЕЛЛИГЕНТ [лот. intelligens, in-telligentis — тушунувчи, билувчи] Интели-генцияга мансуб шахс; зиёли.

ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯ **1** Фан, техника, маданият соҳасида махсус билимга эга бўлган, маълумотли, бирор касб бўйича ақлий меқнат билан машғул кишилардан иборат ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам.

2 Шу гуруҳ (қатлам)га мансуб кишилар: зиёлилар.

ИНТЕНДАНТ [фр. intendant - бошқа-рувчи, мудир] Армияда таъминот ишлари билан шуғулланувчи ҳарбий хизматчи.

ИНТЕНСИВ \фр. intensif < лот. intensio — ғайрат қилиш; кучайиш] **1** Ортик даражада жадал, тез, қизгин. *Интенсив ҳаракат. Интенсив тебранишлар. Ўзбек тилини хорижликларга интенсив ўргатиш курслари.* **тм** Кўпгина хўжаликлар чорвачиликни интенсив ривожлантириш йўлига ўтиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Газетадан.

2170y^

2 Энг кўп маҳсул берадиган, серунум. *Деҳқончиликнинг интенсив тизими.*

ИНТЕНСИВЛАШ Интенсив ҳолатли қилиш, маҳсулдорликни, ҳосилдорликни ошириш. *Меҳнатни интенсивлаш. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш.*

ИНТЕР- \лот. inter — орада, ўртада] Бай-налмилал ўзлашма сўзларнинг таркибий қисми: 1) ораликҳолат, ораликда жойлаш-ганлик, ўртада; 2) умумийлик, умуммақбуллик, ўзаро боғлиқлик; 3) байналмилал, халқаро маъноларини ифодалайди.

ИНТЕРАКТИВ [ингл. interactive] - қ. **ин-терфаол.**

ИНТЕРВАЛ \лот. intervallum — оралик, масофа; вақт оралиғи] **1** Бир нарса билан иккинчи бир нарса оралиғидаги масофа, оралик. *Колоннада машиналар 50 метр интервал билан борар эди.*

2 Бир ҳодиса билан иккинчи ҳодиса ўртасидаги оралик, ўтган ёки ўтадиган вақт; танаффус. *Артиллерия заллари орасидаги интервал бир неча секунддан ошмас эди.*

ИНТЕРВЕНТ Интервенция уюштирув-чи ёки унда қатнашувчи. *Ражабов инглиз интервентлариға қарши жанг қилди.* Н. Са-фаров, Оловли излар.

ИНТЕРВЕНЦИЯ \лот. interventio - ара-лашув] Бир ёки бир неча давлатнинг бош-қа давлат ишига ҳарбий, иқтисодий, дип-ломатик йўл билан зўравонларча (очиқ ёки яширин) аралашуви.

ИНТЕРВЕНЦИЯЧИ айн. **интервент.**

ИНТЕРВИДЕНИЕ [интер.. + лот. video — қарайман, назар соламан] Иштирокчи мамлакатлар ўртасида дастурлар айирбош-лаш мақсадида 1960 йилда тузилган халқаро телевидение ташкилоти.

ИНТЕРВОКАЛ [интер.. + лот. vocalis -унли товуш]: **интервокал товуш тли.** Икки унли товуш ўртасида келадиган товуш.

ИНТЕРВЬЮ \ ингл. interview — учрашув, юзма-юз су\бат] Журналистика жанри; матбуот, радио ёки телевидениеда бериш учун мухбирнинг бирор шахс билан ўтказ-ган суҳбати ва шу суҳбатнинг матни. *Кон-ференция қатнашчиларидан олинган интер-вью.* **тм** ..газеталаримизда олимлар лабо-раториясидан репортажлар, илмий очерк-лар, ихтирочилардан олинган интервьюлар ахён-ахёндагина кўриниб қолади. «Фан ва турмуш».

ИНТЕРЛИНГВА [интер.. + лот. lingua -тил, лисон] Халқаро ёрдамчи тиллардан бири (1950 йили Нью-Йоркда Халқаро ёрдамчи тиллар ассоциацияси томонидан яратилган).

ИНТЕРЛИНГВИСТИКА [интер.. + лингвистика] Тилшуносликнинг халқаро муомалага мўлжалланган сунъий тиллар (волапюк, эсперанто ва б.), математик ва информатион тиллар қурилишини ўрга-нувчи соҳаси.

ИНТЕРМЕДИЯ [итал. intermedio -оралиқда; ўртада жойлашган; ора-орада] Драма ёки опера асари орасига кирити-ладиган (орасида бажариладиган), одат-да ҳажвий мазмундаги, қўшимча кичик сахна асари ёки пьеса. *Сатира-юморнинг жанрлари жуда кўп: фельетон, ҳажвий ҳикоя.. интермедия, аския, баҳрибайт ва ҳоказолар.* «Муштум».

ИНТЕРНАТ \лот. internus - ички] **1** Ўқувчилари давлат томонидан овқат ва кийим-кечак билан таъминладиган ўқув юрти. *Интернатга берилди Етим қиз Қумри. Ўтди унинг шу ерда Уч-тўрт йил умри.* Ғайратий.

2 Ногиронлар ва нуруний кексалар уйи.

3 Ўқув юрти қошидаги ўқувчилар ётоғи. *Шаҳар чеккасидаги янги типовой мактаб, унинг ёнига қурилган.. ётоқ-интернап бино-ларининг қизғини гиштлари кун тигида жи-мирлайди.* Ш. Фуломов, Ёркин йўллар.

ИНТЕРНАТУРА [лот. interna - ич, ички томон] Врачларнинг диплом олгандан кейин клиникалар ва касалхоналарда малака орттириши.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ [фр. **Internationale** < интер.. + лот. natio, nations — халқ] **1** от Баъзи бирикма номлар таркибида «халқа-ро бирлашма» маъносини билдиради.

Биринчи Интернационал тар. 1864 йил 28 сентябрда Лондонда таъсис этилган биринчи халқаро пролетариат ташкилоти. **Коммунистик Интернационал, Коминтерн тар.** 1919 йилдан 1943 йилга қадар жаҳон коммунистларини бирлаштирган халқаро ташкилот.

2 (И — катта) от эск. Халқаро пролета-рият гимни; коммунистик партиялар гимни.

3 сфм. қ. байналмилал. ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ \фр. inter nationalisme] Халқлар ва ижтимоий гуру\ларнинг халқдар, миллатлар озодлиги, мустақиллиги, ҳуқуқий тенглигига асосланган бирдамлик ва ўзаро ҳамкорлик принципи; байналмилалчилик.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТ қ. байнал-милалчи.

ИНТЕРНЕТ \ингл. Internet < интер.. + ингл. net — тўр, ўргимчак тўри: умумжаҳон тармоғи] Умумжаҳон компьютер тармоғи; бутун жаҳон бўйича тарқалган ва телефон ҳамда оптик-толали линиялар, модемлар ва б. билан ўзаро боғланган, ҳар қандай ахборотни ўзаро алмаша оладиган катта миқ-дордаги компьютерлар мажмуи.

ИНТЕРНЕТЛАШУВ Умумжаҳон ком-пьютер тармоғи — Интернетга қўшилиш, уланиш; Интернет тизимидан фойдала-нишга ўтиш.

ИНТЕРПОЛ \ингл. Interpol < International criminal police organisation) Халқаро жиноят полицияси ташкилоти.

ИНТЕРФАОЛ Информацияни, ахбо-ротларни компьютер тармоғи орқали қабул қилиш ёки узатишга асосланган. *Ўқитувчи ҳар қандай шароитда муаммоли, интерфаол усулда дарс ўтишига тайёр бўлиши керак.* Га-зетадан.

ИНТЕРЬЕР \фр. interieur — ички] *архит.* Тураржойлар, жамоат ва саноат бинолари ва иншоотларининг меъморий ва бадиий жиҳатдан безатилган ичкари қисми.

ИНТИБОҲ \а. Ё | ,: | | — огоҳлик, ғафлат-дан уйғониш; диққат-эътибор] Қалбдаги ғафлатнинг барҳам топиши, руҳий уйғо-ниш, бедорлик.

ИНТИЗОМ \а. ?Ui^l - тартиб, тартиб-ли тузилиш; изчиллик] Жамиятнинг ёки маълум жамоа аъзоларининг амал қилиши, бўйсунуши лозим бўлган қатъий тартиб, қоида. *Ҳарбий интизом. Меҳнат интизومي. шш Қаердаки интизом маҳкам, у ерда шш йирик. Қаердаки интизом бузилди, у ерда шш расво.* Уйғун, Навбахрр.

ИНТИЗОМИЙ Интизомга оид, инти-зом билан боғлиқ. *Юқорида кўрсатибўтилган ҳуқуқ бузувчилик ҳолларини содир этган шахсларга нисбатан маъмурий жазо билан бир қаторда, интизомий жазо чораси ҳам қўлланиши мумкин.* Газетадан.

ИНТИЗОМЛИ Интизомни маҳкам ту-тувчи, унга амал қилувчи, бўйсунувчи, тартибли. *Интизомли лашкар енгилмас.* Мақол.

НИ *Мактабдошар орасида Бегижон интизом-ли ва сергак бўлганидан, ўқитувчилари бошқа болширни у билан тенглашишига чақирар эди.* Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар.

ИНТИЗОМСИЗ Интизومي йўқ, инти-зомга амал қилмайдиган, бўйсунмайдиган; тартибсиз. *Интизомсиз жангчи интизомни бузгани учун унга навбатдан ташиқари икки наряд бериш керак бўлади.* Н. Сафаров, Олов-ли излар.

ИНТИЗОМСИЗЛИК Интизومي йўқ ҳолат, интизомни бузиш. *-Мен бундай интизомсизликка чидаб туролмайман, — бои-лиқ тикмачокдай мушти билан столни*

урди, — мен ҳалоллик билан, виждон билан ишлайдиган одамни яхши кўраман. Ойбек, Нур қидириб.

ИНТИЗОР [а. jLʃi^! - кутиш, кўз ту-тиш] Кўришга муштоқ, йўлига мунтазир. Балки интизордир онаси, ёри, Балки согин-гандир экинзор қирлар. Уйғун. Фақат она, дард ва жафога тўлган она, тиқ этса эшик-ка қараб, йўлига интизор ўтирар эди. Ой-бек, Нур қидириб. Булардан эллик қадамча нарида, ўқариқ ичида, юзини ўсиқ гўзалар билан тўсиб турарби интизор этган қиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИНТИЗОРЛИК Интизор хрлат, кутиш. Севгилисини согиниб сарғаяди, интизорлик юрагини ҳар дам тирнайди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

ИНТИЛИШ I Интилмоқ фл. хар. н. Ҳаётни билиш ва ундан ўзининг лошиқ ўрни-ни топишига интилиш — ҳар бир кишининг умиди. Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Мақсад, бирор нарсага эришиш йўли-даги ҳаракат. Миллатпарвар кишилар барча адоватларни, мансаб учун бўлган интилиш-ларни бир четга суриб қўйиб, янги раҳбар атрофига бирлашадилар.. Э. Юсупов, Истиқ-лол йўлида. Биринчи муваффақиятсизлик-даёқ ўз мақсади, интилишларидан воз кеч-ган киши ҳақиқий зиёли эмас, у ҳеч вақт ҳақиқий одам бўла олмайди. Э. Юсупов, Ис-тиклол йўлида.

3 Мойиллик сезгиси; майл (ишқ, севги ҳақида). Қиз Сирожни севадим, йўқми — ўзи ҳам билмас эди. Аммо кўнглида Сирожга ин-тилиш сезиб юрарди. Ф. Мусаёнов, Хури. Адолат ўзига нариги маҳалладаги Султон-ҳсжи бойнинг совчи қўйдираётганини сезиб қолганди. Бу нарса Адолатнинг Усмонжонга

255

бўлган интилишини кучайтириб юборди. С. Зуннунова, Гулхан.

ИНТИЛМА: марказга интилма куч физ. Айлана бўйлаб ҳаракат қилаётган жисмни айланада тутиб турувчи, шу айлана марка-зига йўналган куч.

ИНТИЛМОҚ 1 Бирор нарсага, кимсага ёки томонга отилмоқ, ташланмоқ, ҳаракат қилмоқ. [Жувон] Шохни ушлагани икки-уч ин-тилиб, ушлай олмади. А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари. Асқар ота кўзига ювошироқ кўрин-ган бир отни синамоқчи бўлиб минган эди, от анҳорга интилди. А. Қаҳдор, Хотинлар.

2 Мақсад йўлида, унга эришиш, амалга ошириш учун ҳаракат қилмоқ. Илм-маърифатга интилмоқ. Интилганга толе ёр. **иши** У худди сингисининг қотилини энди топгандай, титраб-қақшаб, қасосга интиларди. Шухрат, Шинелли йиллар. Шерали вазиятни юмша-тишига интилди. С. Кароматов, Олтин кум.

ИНТИЛУВЧАН Интилиш (интилиб ишлаш) хусусияти кучли. Бир-биридан иш-чан, бир-биридан интилувчан қизларнинг ишлари борган сари ривожланиб борапти. Газетадан.

ИНТИМ [фр. intime < лот. intimus - энг чуқур, теран; ички, самимий] Юракдаги сир, ҳис-туйғу ва ш. к. га оид; юракдаги, сирли. Интим муносабатлар. Интим суҳ-бат. **т**т ..муҳаббат — жуда нозик интим туйғу. Айниқса ҳаёси кучли ёшлар жўн гап-ларини ҳам кўпчиликдан четда.. гаплашиш-га интиладилар. П. Қодиров, Қанотимиз жуфт бўлсин.

ИНТИХОБ \а. - Л ^ул — сайлов; сайлаш, танлаш] эск. кт. Танлаш, сайлаб олиш.

Интихоб этмоқ (ёки қилмоқ) Танлаб, сайлаб олмоқ.

ИНТИҚ шв. Сабрсизлик билан кутувчи; интизор. Мен зиндонга арқон солай, Белга боғла, тортиб олай, Бирга йўлга равон бўлай, Йўлингга интиқ Барчиной. «Алпомиш». Май-салар эндигина ниш отаётганда, сиз гулла-шини интиқ кутасиз. Газетадан.

ИНТИҚМОҚ шв. Шошмоқ, ошиқмоқ. Ниҳоят, бир замон у орқадан ўзи интиқиб кутган машина овозини эшитиб, йўл чекка-сига чиқиб тўхтади. М. Мансуров, Ёмби.

ИНТИҚОМ \а. ^Uʃi^! - ўч, қасос; ўч олиш] Уч, қасос. Интиқом олмоқ. **иши** Интиқом ҳисси-ла кўзга қон тўлган Довюрак эр-ларнинг намоиши бу. Ғ. Ғулом. Низомиддин учун ўч оламиз. Интиқом кунлари яқин. Мир-муҳсин, Меъмор.

ИНТИҲО \а. eL^J - охир, ниҳоя) Охир, ниҳоя; зид. **ибтидо**. *Ишни интиҳосига етказ-моқ. **итт** Қаҳрамонлардан ҳар биринингўй-фик-рини, босган қадамини.. ҳамма-ҳаммасини ибтидосидан интиҳосигача яхши билади. Х.* Фулом, Машғал. *Ғазал интиҳосига етган сари Авазнинг чехраси ёришиб борарди. С.* Сиёев, Ёруғлик.

ИНТИҲОСИЗ Охири, интиҳоси йўқ, туганмас, бепоён. *Мирзакамолиддиннинг узоқ, интиҳосиз гапидан шундай мазмун чи-қар эди. С.* Аҳмад, Қадрдон далалар. *Очил китоб ўқишига ихлос қўйган эди, китоблар унинг интиҳосиз хаёлларига қанот боглар.. эди. П.* Қодиров, Уч илдиз.

ИНТОКСИКАЦИЯ \лот. in - ички + юн. toxikon —заҳар] Организмнинг ташқаридан тушган ёки организмнинг ўзида ҳосил бўлган заҳарлар таъсирида зарарланиши.

ИНТОНАЦИОН Интонацияга оид. *Нутқнинг интонацион воситалари..*

ИНТОНАЦИЯ \лот. intonare - баланд овозда гапирмоқ, талаффуз қилмоқ] **1** Сўзловчининг нутқ мавзуига муносабатини, ҳис-туйғусини ифодаловчи талаффуз услуби; тон.

2 *тлш.* Товушнинг ўзгаришидан, паст-баланд бўлиб туришидан иборат бўлган ритмик-оҳангдор нутқ тузилиши; оҳанг. *Хитоб интонацияси. Сўроқ интонацияси.*

3 *мус.* Ашулада ёки мусикада оҳангнинг тўғри олинishi.

ИНТРИГА \фр. intrigue < лот. intricare — адаштирмоқ, йўлдан урмоқ] **1** Ғаразли мақсад йўлида қилинган яширин ҳаракат, фит-на, ҳийла-найранг. *Интрига уюштирмоқ.*

2 *ад.* Эпик ёки драматик асарда ишти-рок этувчиларнинг ўзаро курашини очувчи воқеалар ривожини схемаси. *Комедиянинг интригаси кулгили бўлади, унда иштирок этувчи шахслар кулгили аҳволга тушиб қола-ди. «Адабиёт хрестоматияси».*

ИНТРИГАЧИ Интрига уюштирувчи; фитначи, ғаламис.

ИНТУИЦИЯ [лот. intuitio < intueri -синчиклаб, диққат билан қарамоқ] *кт. 1* Тажрибага асосланган ғайриихтиёрий ҳис, фаҳм-фаросат, зийраклик. *Интуиция билан йўл топмоқ.*

2 Хақиқатни тажриба ва асосларсиз бе-восита англаш, тушуниш, пайқаш.

ИНФАРКТ \лот. infarctus — лиқ тўла, тикилган] *тиб.* Таъминловчи томирлар тортишганда ёки бекилиб (тўсилиб) қолганда, қон таъминотининг тўсатдан бузилиши натижасида муайян аъзонинг жонсизланган (ўлган) қисми (асосан, юрак мушаклари — миокард ҳамда ўпка, жигар инфарктлари учрайди). *Инфаркт касаллиги қон босими юқори бўлган кишиларда кўп учрайди. Н.* Ис-моилов, Касалларни парвариш қилиш.

ИНФЕКЦИОН Инфекцияга, юқумли касалликларга оид, инфекциядан келиб чиққан; юқумли, юқадиган. *Грипп — инфек-цион касаллик. Инфекцион касалхона.*

Инфекцион касалликлар **1)** касаллик кўз-ғатувчи микроорганизмларнинг одам, ҳай-вон ва ўсимлик организмга кириб, кўпай-иб, зарарли таъсир кўрсатиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар; **2)** тиббиёт-нинг инфекцион касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш механизми, клиник кўриниши, шунингдек, профилак-тикаси, давоси ва диагностикаси каби масала-лар билан шуғулланувчи махсус тармоғи.

ИНФЕКЦИЯ \лот. infectio - зарарла-ниш < inficere — юқмоқ, юқтирмоқ; зарарланмоқ, заҳарланмоқ] *тиб.* Касаллик пай-до қиладиган микроорганизмлар туфайли касалликнинг юқиши; юқтиришлик. *Инфек-ция манбаи касал одам ҳисобланади. Инфек-циянинг олдини олиш чоралари. **итт** Бола орга-низмнинг инфекцияларга қарши чидамлили-гини оширишида чиниқишининг моҳияти кат-тадир. «Саодат».*

ИНФИНИТИВ \лот. infinitivus — ноаниқ] *тлш.* Феълнинг ноаниқ шакли; масдар.

ИНФЛЯЦИЯ \лот. inflatio - шишиш, кўтарилиш; шиш, бўртиқ] Муомаладаги қоғоз пуллар массасининг таклиф қилина-ётган реал товарлар ҳажмига нисбатан хдд-дан

ташқари ортиб кетиши ва пулнинг кадрсизланиши ва бунинг натижасида то-вар ва хизматлар баҳосининг кўтарилиши, пулнинг харид қилиш қувватининг паса-йиши. *Иқтисодиётимизни барқарорлашти-ришни, пул кадрсизланиши — инфляцияни ка-майтиришни..* Газетадан. *Инфляция балоси МДХ мамлакатларининг бирортасини чет-лабўтгани йўқ.* Газетадан.

ИНФОРМАТИКА [лот. informatio - ту-шунтириш; оғох, хабардор қилиш] Инфор-мация (маълумот-ахборотлар)нинг умумий хоссалари, тузилиш қонуниятлари, уни излаш, узатиш, satyiaui, қайта ишлаш ва инсон фаолиятининг турли соҳаларида қўллаш методлари ҳақидаги фан соҳаси. *Информатика оғирроқ, мураккаброқ фан бўлганлиги туфайли машгулотларда ўйин воситаларидан фойдаланиш ҳам яхши нати-жа беради.* Газетадан.

ИНФОРМАЦИОН Информацияга, ах-боротга оид. *Информацион билдириши. Информ-мацион варақалар.*

ИНФОРМАЦИЯ [лот. informatio - ту-шунтириш, баён қилиш] қ. **ахборот.**

ИНФРАСТРУКТУРА [лот. infra - ости-да; паст; кучсиз + structura — тузилиш] қ. **инфратузилма.** *Сўх ўзининг географик жой-лашуви ва инфраструктураси жиҳатдан ўзи-га хос характерга эга.* Газетадан.

ИНФРАТОВУШЛАР физ. Инсон қулоғи эшитмайдиган паст частотали товушлар.

ИНФРАТУЗИЛМА Ишлаб чиқариш ва товар муомаласига хизмат қилувчи ва ин-сон (жамият) \аёт фаолияти учун зарур бўлган меъёрий шароитни таъминлашга хизмат қиладиган турли-туман ёрдамчи хизмат кўрсатувчи соҳалар мажмуи. *Ўзнав-батида, банкнинг инфратузилмаси ҳам жа-дал ривожланиб бормоқда.* Газетадан.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси Ишлаб чиқаришта хизмат кўрсатувчи соҳалар - транспорт, электр ва иссиқлик таъминоти, сув хўжалиги, алоқа-ахборот хизмати ва б. **Ижтимоий-маиший инфратузилма** Аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳалар — маориф, соғ-ликни сақлаш, маиший хизмат ва б.

ИНФРАҚИЗИЛ: **инфрақизил нурлар** физ. Спектрнинг қизил тусли қисмига ёндош. кўзга кўринмайдиган нурлар.

ИНФУЗОРИЯ [лот. infusus — бирор нар-са ёки жойга қуйилган] Асосан сувда яшай-диган, юксак ривожланган бир хужайрали микроскопик жонивор.

ИНЧУНИН |0. д.\^;А ~ шундай; шун-га ўхшаш] *кт., кам қўлл.* Шундай, худди шунинг каби; шунингдек. *Инчунин, Қул-матқорани бир кун эмас бир кун иш-иш-дам қилиб, гўлаҳхонада тиз чўктириши ор-зуси қанчалик лаззатли!* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Савр келди — экинчига давр кел-ди деганларидек, тақачининг устахонаси эски омон, мертик кетмон.. инчунин тур-ли-туман темир-терсак билан тўлиб-тош-ган..* А. Мухтор, Чинор.

ИНШО [a. لئىئ — ташкил этиш; яра-тиш, куриш, барпо қилиш; ижод, баён; таҳрир] Ўқув юртларида она тили ёки ада-биётдан ёзма иш. *Иншо олмоқ. Иншо ёзмоқ. ти Гаёҳар иккита имтиҳондан аъло олди-ю.. иншоси тўрт бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Иншо қилмоқ эск. Барпо қилмоқ, қур-моқ.

ИНШООЛЛО(Х) fa. JiULi^l -худо хоҳ-ласа] **1** Худо хоҳласа, худога хуш келса. *Боя аччиққина хўрда қилиб қўювдим, ичиб олди. Иншооллоҳ, эртага туриб кетар.* М. Исмой-лий, Фарғона т. о. *У зулм илдизига болта урди. Иншоолло, зулм дарахти қурийди.* Ой-бек, Танланган асарлар.

2 Яхши истак билдириш учун қўллана-диган ва худоё, илоҳим каби маъноларда келадиган дуо ибораси. [Мунажжим:] *Са-мовий мавжудотлар шаҳаншоҳнинг бахт ва саодатидан башорат бердилар. [Хусайн:] Иншоолло, айтганингиз келсин!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

ИНШООТ \а. oLaj] ~ қурилишлар, би-нолар] Турли мақсадлар учун қурилган би-нолар ва уларнинг ускуна-жихрзлари. *Гид-ротехник иншоотлар. ти Сув ости кемалари ёрдамида қуриш мўлжалланаётган бу иншо-от бўйлаб реактив двигателли вагон-снаряд қатнаши кўзда тутилмоқда.* «Фан ва тур-муш». *Магистрал каналларнинг бош қисмла-рида бир оз мураккаб иншоотлар қуриларди.* И. Жабборов, Кўхна харобалар сири.

ИНЪЕКЦИЯ [лот. injectio — юбориш] Тери орасигадори юбориш; укол. *Инъекция усули билан қўлланган дори организмга жуда тез таъсир қилади.* Н. Исмоилов, Касаллар-ни парвариш қилиш.

ИНЪИКОС \а. ^LS^I - акс этиш] **1** Ойнада, сувда ва умуман, ялтироқ нарса бетида акс этган тасвир; акс. *Лекин бу очи-лиш кўнгилда пайдо бўлган қандайдир бирор шодликнинг аксланиши бўлмай, балки кўзи-да ёлқинлана бошлаган газаб ўтининг инъи-коти каби эди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

2 флс. Объектив воқеликнинг, борлиқ-нинг киши онгида акс этиши, акси. *Драма-тургининг ифода қилиб берган типлари турму-шимизда ҳали ҳам учраб келаётган эскилик сарқипыридан қутула олмаган кишиларнинг бадиий инъикосидир.* «Ўзбек адабиёти тарихи».

ИНЪОМ \а. fUi] - \адя, эҳсон] **1** Тор-тиқ қилиб берилган нарса; ҳадя, совға. *Шо-муродга мени таъриф қиласан.. қизини кўнди-расан, келиб менинг инъомларимни оласан.* «Ёдгор». *Бугунги хирмон-хирмон пахталар.. мева-чевалар халқимизнинг меҳнати эвази-га келган чўл инъомидир.* Ш. Рашидов, Янги ер хақида сўз.

Инъом қилмоқ (ёки этмоқ) Тортиқ, сов-ға ва ш.к. бермоқ. *-Мавлонога биздан битта от, анжоми билан инъом қилинсин, — қўшим-ча қилди Бобур.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Амирзода инъом этган заррин тўнни ҳам ку-лол устига ёнди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Инъом (эркаклар исми)

ИНҚИЁД \«. -iLjj] — риоя қилиш, эрга-шиш; итоат, тобелик]: **инқиёд этмоқ** (ёки **қилмоқ**) эск., кт. Бўйсунмоқ, итоат қил-моқ, бўйин эгмоқ. *Амрга инқиёд этишдан илгари шу тўғрида жавоб берсангиз.* А. Қо-дирий, Меҳробдан чаён. *..ушбу ёрлигимизни бердик хўқандлик мирзо Анваргаким, мазкур мулло мирзо Анвар.. устувор туриб, амримиз-га инқиёд этиб, девонбеги унвон дигар садри мунишийлик [вазифасини] адо қилгай деб.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ИНҚИЛЛАМОҚ Касаллик ёки юк оғир-лигидан гавдани зўриққан ҳолда тутмоқ ва шу ҳолатга мос товуш («их, их» каби) чи-қармоқ; зўриқиб (тиқилиб) нафас чиқар-моқ. *Кўзини очмайди, ўқчийди, инқиллайди.* Бутун баданиўт бўлиб ёнади. С. Сиёев, Ёруғ-лик. *Кампир инқиллаганча жошига бориб ўтирди, тиззаларининг кўзини уқалаб, оғир сўлиш олди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Шодмонхўжа эса туролмай инқиллар, озги-бурнидан оқаётган қонни.. тўнининг барига артар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

ИНҚИЛОБ \а. — ўзгариш; тўнта-

риш, исён] **1** Умуман, жамият ҳаёти ва унинг со\аларида бўладиган ўзгариш, туб-дан ўзгариш. *Бу кунлар бошимизда бир саҳоб ўлса, ажаб эрмас, Мунаввар сув юзинда бир офтоб ўлса, ажаб эрмас. Қариган чоғда Зав-қий, инқилоб ўлса, ажаб эрмас.* Завқий.

2 Бир ижтимоий тузумни бошқаси би-лан алмаштириш орқали бўладиган ўзга-риш; тўнтариш. *Февраль инқилоби.* **итт** *Ин-қилобни гарб олимлари ҳам «ижтимоий та-раққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли», деб атаганлар.* Газетадан.

3 Инқилоб (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

ИНҚИЛОБИЙ Инқилобга оид. *Инқило-бий ҳаракат. Инқилобий шиор. Инқилобий ишлар. Инқилобий ўзгаришлар. Инқилобий варақалар. Инқилобий мавзу.*

ИНҚИЛОБЧИ Инқилоб тарафдори, инқилоб қатнашчиси.

ИНҚИРОЗ [a. yilʹij - охир бўлиш, битиш, тугалиш] **1** Тараққиётда орқага ке-тиш, пасайиш; таназзул, тушкунлик. *Бино-барин, биз моддий таназзул билан маънавий инқироз мувозий [тенг, баробар] тарзда юз беришини бошимиздан кечирдик.* Газетадан.

2 Тугаш, охир бўлиш, битиш. *Мўмин мирзонинг ўлими теурийлар хонадонининг инқирозидан нишонадир.* Уйғун ва И. Сул-тон, Алишер Навоий.

Инқирозга учрамоқ (ёки юз тутмоқ) **1)** орқага кетмоқ, пасаймоқ, таназзулга, туш-кунликка учрамоқ; **2)** тугамоқ, битмоқ. *Кутилмаганда Нормухамедовлар сулоласи инқирозга учраб, қонуннинг шафқатсиз қам-чисига йўлиқди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ИОН [юн. ion — борувчи] *физ.* **АТОМ** ёки атомлар гурухи бир ёки бир неча электрон қабул қилганда ёки йўқотганда ҳосил бўла-диган зарядланган заррача.

ИОНА [a. <aШ - ёрдам, кўмак] *эск.* **1** Моддий ёрдам, нафақа. *-Бу юртнинг бой-лари қани? — диққати ошиб қизиша бошла-ди Валихон. — Қани савдогарлари? Қани амалдорлари? Сийлов қани? Иона қани? Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

2 Бирор кори хайр учун тўпланган пул. *Паспортимни қўлимга осонгина тутқизиб қўя қолмади.. иона баҳонаси билан аллақан-дай бир қутига пул ташилаттириб, сўнгра қўл қўйдириб, паспортимни қўлимга тут-қазди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш ури-нишлари. *Мен боёнларимиздан эликтаси «кўмак» рўйхатига олиб қўйдим. Улар бугун-эрта иона тўплаб келтирадилар.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

ИОНЛАШМОҚ *физ.* Ионларга айлан-моқ, ион ҳосил қилмоқ. *Ионлашган ҳаво.*

ИОНЛАШУВ *физ.* **АТОМ** ёки молекула-ларнинг ионларга айланиши; ионларнинг хрсил бўлиши.

ИОНОСФЕРА [ион + юн. sphaera - шар] *физ.* Атмосферанинг ион ёки эркин электронларга бой бўлган юқори қатлами. *Учинчи йўлдош ёрдами билан.. радио тўлқинлари-нинг ионосферада тарқалиши ҳақида ва бош-қа муҳим маълумотлар олинди.* Газетадан.

ИП 1 Пахта, хом ипак, зиғир, жун ва ш. к. толасидан ингичка қилиб йитирилган ёки йигирилмаган тикув, тўқув материали. *Пишиқ ип. Хом ип. Машинага ип солмоқ. Ип газлама. ишш [Алиохун] Бир неча минутдан сўнг туриб.. игнани олди, қаердандир ип топиб, эски, серямоқ кўшагининг йиртигини тикиш-гаўтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Буни сотиб, чарм, ип, сирач, мум сингари косиб-чилик учун керакли ашёларни олади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Умуман, боғлаш, ўраш ва ш. к. мақсад-лар учун қўлланадиган нарса (мас, шнур, каноп, чилвир). *Ботинка ипи. Мард йигит қўлида аждар ўлади, Номард одам ипни аж-дар билади.* Мақол. *ишш Тоғаси, сўйишган қўйнинг ипини олди-ю, шошиб, шашқарига чиқиб кешди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

3 Пай, ичак ва ш. к. дан чолғу асбоблари учун тайёрланган тор. *Мели полвон.. дутор-га аччиқ қилиб сўзлади: -Сени ўйлаб топган Афлотунни кўп ақлли одам ўтган дейдилар-в, фақат ипингни узилмайдиган қшиб ясаи-га ақли етмабди-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 кўчма айн. **ришта 3.** *Дўстлик ипи. Му-ҳаббат ипи. ишш Доирачи, раққоса ва созанда-лар ўртасида томошабин сезмайдиган нозик алоқа ипи мавжуд.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ҳаётнинг кўнгли чўкиб кетди, лекин жони чиқиб қолган умид ипини узгиси кел-мади. Фақат калласини қимирлатиб, «хўп» деб қўя қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 кўчма Йўл, чизик, хат. *Узоқда, кеча-нинг қора чодирига бурканган дарахтлар ус-тидан.. ўқлар.. ҳавода олов ип чизиб учарди-лар.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Бурнидан ип ўтказмоқ Айтганига, айт-ган йўлига юрадиган қилмоқ. *Насиҳат қил-манг меига. Бурнига ип ўтказаман, деб ўйла-манг.* С. Зуннунова, Узилган ип. *Болагинам-га эга чиқиб, бурнидан ип ўтказиб олди бу доғули.* С. Ахмад, Чўл бургути.

Ип эшолмай-ди Тенг ёки бас кела олмайди. *Сизнинг сар-поларингизни кийгандан кейин бирам очилиб кетдики.. жаннатдаги ҳуру гилмонлар ҳам унинг олдида ип эшолмайдиган бўлиб қолди-лар.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. **Ипидан игнасигача** Бутун тафсилоти билан, май-да-чуйдасигача; батафсил. *Сиз айтинг, ахир, сиёсатни ипидан игнасигача биласиз, мен нима қилсам бўлади энди?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кечқурун отам ишдан қайтгач, онам йиғлаб-йиғлаб, воқеани ипидан игнасигача айтиб бер-ди.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

ИПАК 1 Пилла курти чиқарган жуда ингичка, пишиқ, ялтироқ, товланиб тура-диган мулойим тола ва ундан йигирилган ип. *Хом ипак. Пишитилган ипак. **тп** Ипак толалари сифатини янада яхшилаш бораси-да олиб борилган изланишлар ижобий яқун-ланди.* Газетадан. *Адолат қопчигини очди. Унда ангишвонадан тортиб, ип, ишқларгача бор эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Шундай иплардан тўқилган мато, шойи ва ундан тикилган кийим ёки буюм. *Ипак гилам. Ипак рўмол. ти Зайнаб ҳам та-мом ипакларга кўмилиб ясанган, кеча эрга теккан янги келинлар суратига кирган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 кўчма Мулойим, нозик. *Ботирали хо-тинининг қалин ипак сочини силаб гапирди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ИПАКДАЙ, -дек 1 Ипак сингари му-лойим, нозик. *Ипакдай майин пахта.*

2 кўчма Жуда ҳам хушмуомала, ши-ринсўз; мулойим. *Ипакдай аёл. Танқиддан кеиш ипакдай бўлиб қолди.*

ИПАКЛИ Ипаги бор, ипакдан тўқил-ган. *Халтачанинг ипакли боғичи.*

ИПАКЛИК 1 Ипакли газламадан, шо-йидан қилинган, тикилган кийим. *Ипаклик киймоқ.*

2 Ипак мато. *Нигора чамадонини очди.. ичини тита бошлади. Янги гулдор дастур-хон, бир-икки жўра ипаклик, яна жилдли, жилдсиз китоблар.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИПАКФУРУШ Ипак ёки ипакли газ-лама сотувчи савдогар. *Поякишқдан носвойни оламан-да, таниш ипакфуруш яҳудийдан онам буюрган ипакни харид қилгани жўнаи-ман.* Ойбек, Болалик.

ИПАКЧИ 1 айн. **ипакфуруш.**

2 Пилла ва ипак тайёрлаш билан шу-ғулланувчи.

ИПАКЧИЛИК 1 Қишлоқхўжалигининг пилла етиштириш иши билан шуғуллана-диган тармоғи. *Ипакчилик хўжалиги. Ипак-чилик бошқармаси.*

2 Енгил саноатнинг асосан табиий ва сунъий ипак толаси ва б. турли толалар би-рикмасидан ипак (шойи) газламалар тўқиб чиқарадиган тармоғи. *Ипакчилик комбина-ти (фабрикаси).*

ИПИЛТИРИҚ Жуда ориқ, нимжон, қилтириқ. *Ипилтириқ бола. **тп** Ер ориқ-чун ипилтириқ бўлиб сабзи, Эл олдида Кўкан-нинг ҳеч қолмай лафзи.* Ғ. Ғулом, Кўкан.

ИПИР-ИПИР Бурда-бурда, бўлак-бўлак ипга ўхшаш, паға-паға (сут, ис ка-билар ҳақида). *Сут чириб, ипир-ипир бўлиб қолди. ит Корхонанинг деворлари, шиплари ўргимчак инлар, ипир-ипир қора ислар билан қопланган.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИПИРИСКИ 1 Кир-чир, искирт. *Тузук-роқ кийиниб бор, манави ипириски нарсала-рингни ташлаб. Ёки яхшироқ костюм-ши-минг йўқми..* Н. Аминов, Суварак.

2 кўчма Ёқимсиз, бўлмағур (хатти-ҳара-кат, гап-сўз ва ш. к. ҳақида) *..айрим гала-мис одамларнинг, ахборот воситаларининг ул зот ҳақидаги маломатларига.. ипириски гапларига Президентимиз чек қўйдирдилар.* Газетадан.

ИПОР \a. jLkiL — чанг, тўзон] **1** Баъзи хайвонларнинг, асосан Сибирда яшайди-ган бир хил кийикнинг жинсий безидан олинадиган хушбўй модда; мушк.

2 Шу модданинг ва умуман хушбўй нар-саларнинг хиди. *Тарқатар шингилларинг райҳон ипорнинг бўйини, Чорласа ширин ча-рослар, бормайин қолгайми мен!* Ғ. Ғулом.

ИПОРГУЛ Ипор каби хушбуй гул, атиргул.

ИПОТЕКА \юн. hypotheke — гаров| Кўчмас мулкни гаровга қўйиш асосила бериладиган узоқ муддатли қарз; ушбу қарз-ни таъминлашга хизмат қилувчи гаров.

Ипотека банки Ер-сув ва кўчмас мулк-ни гаровга қўйиш шарти билан узоқ муддатли қарз беришга ихтисослашган банк.

ИППОДРОМ \юн. hippodromos ^hippos — от + dromos — югуриш жойи| Йўрға ва пойгачи отларни синаб кўриш ва от спорти бўйича мусобақалар (пойга, улоқ ва б.) ўтказиш учун махсус жиҳозланган ин-шоотлар мажмуи; отчопар. *Ипподромнинг томошабинлар учун солинган кенг ва баланд минбаригадаги бўш ўринларга одамлар шоши-либ жойлаша бошладилар.* Ё. Шукуров, Би-ринчи парвоз.

2 Шундай синовлар ва мусобақалар-ни ташкил этувчи муассаса. *Ипподром маъмурияти.*

ИПРИТ \фр. Ypres — Бельгиядаги Ипр дарёсининг номи| Молекуласида хлор ва олтингугурт бўлган рангсиз органик суяқ-лик; захарловчи модда (дастлаб шу дарё бўйидаги жангда қўлланган).

ИПСИЗ Ипи йўқ, ип тақилмайдиган. *Ҳали қиров тушганича йўқ-ку, эгнида паль-то, оёғида кўнжли ипсиз ботинка.* М. Ман-суров, Ёмби.

Ипсиз **боғламоқ** (ёки **боғланмоқ**) Бўшай олмайдиган, қутула олмайдиган, банд хрлатга солмоқ, шундай ҳолатга тушмоқ. *-Ҳоким бизни Тешабойга ипсиз боғлаб бериб кетди, — деди Қудрат.* М. Исмоилий, Фар-ғона т. о. *Мана, бўлимга ипсиз боғланибўти-рибди. Уй-жойига қаролмайди..* С. Нуров, Нарвон.

ИРВАЙМОҚ Эгри бўлиб қолмоқ, кий-шаймоқ (уй, девор, оғиз хақида). *Деворнинг ирвайган ерлари. тт Ирвайган оғизларида папирос.* «Муштум».

ИРГАМЧИК с. т. Кишини жирканти-радиган; йиргамчик, жирканч.

ИРГАНМОҚ с. т. Йирганмоқ, жиркан-моқ.

ИРГАНЧ с. т. Жирканч.

ИРЖАЙМОҚ Овоз чиқармай, лаблар-ни ёйиб, ёқимсиз қулумсирамоқ; иршай-моқ, тиржаймоқ. *Мунча иржасан? тт Фосих афанди бўлса.. қора дулдул устида кўйдир-ган калладай иржайибўтирар эди.* М. Исмо-илий, Фарғона т. о.

ИРИДИЙ \лот. iridium < юн. iris, iridos — камалак; тузлари турли рангда бўлгани учун шундай аталган] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кумуш-ранг-оқ, жуда қаттиқ, лекин мўрт металл; платина металллар туркумидаги кимёвий элемент.

ИРИЛЛАМОҚ 1 «Ир-р-р» деган овоз чиқариб хурмоқ (ит хақида). *Узала пушиб, оғзи билан пашиша тўтиб ётган каттакон сариқ ит бошини кўтариб ириллади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 кўчма салб. Уришгандек гапирмоқ (ит-нинг шундай ҳаракатига нисбат берилади). *Сиз бўлмасангиз, булар билан бир ерда ўти-риб, гаплашиб бўладими. Халфа билан Мах-сумнинг дарров ириллаганини кўрдингизми?! П. Турсун, Ўқитувчи.*

ИРИМ этн. Бирор мақсад, ният билан қилинган хурофий тадбир (мас, тўйдан яхши ният билан бирор нарса олиб кетиш; дард-балони қайтариш, зиён-заҳматдан, кўз тегишдан саклаш учун бирор нарсани бошдан ўгириб ташлаш ва б.). *Она-бола дар-возадан чиқаётганда эса, иримини қилиб, қўлидаги ойна устига обдастадан сув югур-тириб, Латофат билан келини кўздан гойиб бўлгунча қараб қолди.* С. Кароматов, Ҳиж-рон. *Эски иримлардан қутулиб кетмаган баъ-зи бўлтақлар.. ходанинг устига исириқ боғ-лаб қўядилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Ирим қилмоқ Бирон-бир фалокат, зиён-заҳматга йўликмаслик ёки унинг олдини олиш чорасини қилмоқ, қидирмоқ; ирим тарзида бирор нарса қилмоқ. *Икки кампир ирим қилиб, Маликанинг дард тутаётган-лигини ҳеч кимга билдирмасликка тиришиб.. эшикни ҳам занжирлаб қўйишган эди.* Мир-мух,син, Чиниқиш. *Охириу ирим қилиб, ҳуж-расининг эшигини қулфламай, кўчага чиқди.* С. Аҳмад, Хукм. *Хадича хола*

бурунгидай унинг.. пешонасидан ўпди, дуо қилди, ирим қилиб, кузатгани чиқмади. А. Қаххор, Қўшчинор чироклари.

ИРИМИГА рвш. Йўли учун, номига, хўжа кўрсинга. *Кониертада биринчи рақсни жуда ёмон ўйнадим. Бир-икки одам иримига чапак чалгандай бўлди.* С. Аҳмад, Зумрад. *Муродова ҳамроҳг!Пари билан уришитирди-ю, иримига бир хўплаб, ркикасини шиша орқа-сига яширибқўйди.* И. Раҳим, Ихлос.

ИРИМКАШ Ҳар нарсага ирим қилаве-радиган, иримчи; хурофотга берилган. *Мен иримкаш одамлар тоифасига кирмайман.* «Шарқ юлдузи».

ИРИМОҚ Микроорганизмлар таъсири-да бузилмоқ, сасиб-бижғиб, яроқсиз ҳолга келмоқ; айнимоқ, чиримоқ. *Гўшт ирибди. тт Лат еб ириган анорларнинг суви чиқиб, пулларга ўтиб кетибди.* Х. Тўхтабоев, Сарик девни миниб. *Дехқонбой ота каттакон тўрлама қовун тумшугидаги ириган ерини ўйиб ташлаб, карж қилиб сўйди.* Мирмуқсин, Юзида никоби бор.

ИРИМ-СИРИМ айн. **ирим-чирим.** *Қиш-мадим куф-суф, ирим-сиримлар.* С. Акбарий.

ИРИМЧИ Иримга ишонувчи; ирим-чиримга берилган, иримкаш. *Иримчи одам. тт Унинг [сигирнинг] бўйнидаги бир парча эски чарм саланглаб, яғринига уриларди. Эгаси иримчи бўлса керак, кўз тегмасин, деб та-қиб қўйган-да.* С. Анорбоев. Оқсой.

ИРИМ-ЧИРИМ Ҳар хил иримлар. *Шу қорда домлага бориш нимаси!?* Ҳар бало ойим-дан чиқади. *Ирим-чирим бўлса бас.* Ойбек, Танланган асарлар. 5—6 ёшларда эди шекилли. *Аъзам жуда қаттиқ оғриди. Кўрсатма-ган табибу қилмаган ирим-чирим қолмади.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ИРИН эск. Лаб, дудоқ. *Ярим очик ирин-лари ичидаги оқ тишлари билан тилини зарч-ча тишлаган-да, гўё шу турмушда, шу за-монда туғилгани учун «аттанг» ўқийдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИРИТ [юн. iris — рангдор парда, ёй пар-да] Кўз рангдор (ёй) пардасининг яллиғланиши (бунда кўз ёшланади, хиралаша-ди, қаттиқ оғрийди, бемор ёруққа қарай олмайди).

ИРИШ тиб. Тери, мушак, суяк ва б. тўқи-малардаги азотли органик моддалар, асосан, оксилларнинг микроорганизмлар ҳаёт фао-лияти оқибатида емирилиш жараёни.

ИРКИЛМОҚ шв. Сесканиш, чўчиш, ҳазар қилиш билан ўзини тортмоқ, тортин-моқ. *Чол чорвоққа келиб юрадиган йўлга бу-рилди. Шунда Ёдгор иркилиб, отининг жиловини тортиб, бовага қараб, бир-икки оғиз сўз айтиб турибди.* «Ёдгор». *Мен кўриб, сес-каниб, иркилиб қолдим.* «Баҳром ва Гулан-дом». *Дим иркилмай ўққа тутди буларни.* Фозил Йўлдош ўғли.

ИРКИТ Киши ирганадиган даражада кир, ифлос. *Ирkit бола. Ирkit пиёла. тт Бир ёнда судралган қиш увадаси: ирkit қор уюми.* Р. Бобожон, Янги китобдан. *..тайёр жой турганда, ирkit жойда ётиш нима ҳожат!.* Шамс, Душман.

ИРМОҚ 1 Бирлашиб, катта дарё ҳосил қилувчи ҳар бир айрим кичик дарё. *Сирдарё ирмоқлари. тт Ёлғиз оққан ирмоқ ҳам фойда келтиради, қизим, ахир, оқиб-оқиб, дарёга қўшилади-ку!Ш.* Рашидов, Бўрондан кучли. *Ғайратлар пахта тераётган ерларнинг охи-рида Зарафшон дарёсининг бир ирмоғи — Қорадарёўтади.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Умуман, дарёча, кичик дарё. *Бу во-дийнинг қуёши ҳам бизники, Бахмал қиру зумрад ирмоқлари ҳам.* Ф. Ғулом. *..Музликлар остидан чиқаётган сув кичик ирмоқ ҳосил этиб оқарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

ИРОД, ийрод [а. л|j-Д — даромад, ки-рим; келтириш, баён қилиш] кт. Ишора қилиш, ҳавола қилиш; келтириш.

Ирод этмоқ Келтирмоқ, баён қилмоқ; сўзламоқ. [Искандар] Аскарларини йигиб, қисқача бир нутқ ирод этгандан кейин, шу қалъага биринчи бўлиб чиққан кўнгиллиларга жуда кўп пул ва мартабалар ваъда қилди. М. Осим, Аждодларимиз киссаси.

ИРОДА [а. *ʔʔɪɪɪ* — қасд, ният, истак] **1** Мақсадни юзага чиқариш учун кишида бўлган матонат ва қатъият. *Кучли ирода. Темир ирода. Иродаси йўқ одам. тт Улар қуромари синса — қўллари билан, қўллари синса — тишиари би-лан, тишлари синса — иродалари бешин қазии қасдида келган сув таиналари эди.* М. Исмой-лий, Фарғона т. о. [Турғунбойнинг] *Кўнглини қандайдир шубҳа ва норозилик таталаб тур-ган бўлса ҳам, бирон қарши фикр айтишига иро-даси етмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ихтиёр, хоҳиш. *Ўз иродасига қарши ши қилмоқ. тт Ҳуқуқий давлатда озчилик, агар мард бўлса, кўпчиликнинг иродасига итоат қилади.* Э. Юсупов, Истиклол йўлида.

3 Ирода (хотин-қизлар исми). **ИРОДАЛИ** Иродаси кучли, бирор мақсад учун матонат ва қатъият билан кура-шадиган. *Муҳиддинқори Ёқубов иродали, ҳаракатчан, хушчақчақ, ажойиб овозли санъ-аткор эди.* Т. Обидов, Юсуфжон кизик. *Шу йўл эгилган қоматингизни кўтаради. Ирода-ли бўлинг, фақат иродали бўлинг.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

ИРОДАСИЗ Иродаси йўқ, иродаси суст; бардошсиз. *Иродасиз одам. тт Порахўр шахс-лар.. сиёсий жиҳатдан етук бўлмаган беқа-рор ва иродасиз шахсларни қўлга олмоқда-лар.* Газетадан.

ИРОДАСИЗЛИК Иродасиз одамга хос хусусият, хатти-ҳаракат, ҳолат; қатъиятсизлик. *Ғуломжон эса ҳеч қутилмаганда иро-дасизликка берилиб, ҳамма нарсадан кўнгли совиди..* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Иродасиз-лик қилдинг, десам, хафа бўлма. Бу қоқилиш ўтиб кетади, бир неча вақтдан сўнг ўзингга келасан.* Мирмуҳсин, Умид.

ИРОНИЯ \юн. *ειρονη* — муғамбирлик, айёрлик; билиб билмаганга олиш| *ад.* Бадий асарлардаги услубий восита — икки маънода қўлланиши мумкин бўлган сўз ёки гапларни қўллаш билан уларнинг асосий маънога тескари, ҳатто уни инкор этувчи маъноси орқали киноя, кочирик, пичинг, кесатик, мазах маъноларини ифодалаш.

263—Ўзбек тилининг изохли луғати

²⁶³

ИРОҚ I Узок, олис. *Шаҳар бизга анча ироқ. Осмон ироқ — ер қаттиқ.* Мақол. *ти Ииги келди қулогига ироқлардан пайдар-пай..* Т. Тўла.

ИРОҚII [а. *jɪ j_c* — Ироқ мамлакати но-мидан] (И — *катта*) Шашмақом тизимидаги олтинчи мақом номи (қ. **шашмақом**). *«Ироқ»ни ироқдаги ёрига эшитилсин, деб куйлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИРОҚИ I [а. *ʔil^x*. — Ироққа мансуб, Ироқда тайёрланган] Каштадўзликда тўр-га, канвага ип ёки ипақларни кесишти-риб, крест шаклида гул тикиш усули ва шу усулда тикилган нарса. *Ироқи тикмоқ. Ироқи жияк. тт Бошидаги ироқи дўпписи ҳуснига ҳусн қўшарди.* Ш. Рашидов, Бўрон-дан кучли.

ИРОҚИ II \а. *ʔij-c* - Ироққа мансуб, Ироқда тайёрланган]: **ироқи совун** *с.т.* Юз-қўл ювиш учун қўлланадиган хушбўй со-вун, атирсовун. *Темиртош ҳам кеча қаллиги Менглиойнинг янгасига иккита ироқи совун, упа-элик олиб, янги рўмолчага тугиб, қош қорайганда борган эди.* М. Осим, Ўтрор.

ИРРАЦИОНАЛ [лот. *irrationalis* - но-маъқул; ўйламасдан қилинган] **1** *флс.* Қонуниятга эга бўлмаган ва шу сабабли тушу-ниб, ақд билан билиб, мантикий йўл би-лан тушунтириб бўлмайдиган; ақддан таш-қари. *Иррационал қараш.*

2 *мат.* Бутун сон билан ўлчаб, ифода-лаб ёки ҳисоблаб бўлмайдиган; арифметик амалдан ташқари, илдиз топиш амалини ҳам талаб қиладиган. *Иррационал тенглама. Иррационал сонлар.*

ИРРИГАТОР Ирригация, сув чиқариш ишлари мутахассиси. *Катта Наманган каналининг иккинчи навбати ирригаторлар томонидан жуда қисқа муддат ичида қуриб битказилмоқда.* Газетадан.

ИРРИГАЦИОН Ирригацияга, суғориш ишларига оид. *Ирригацион иншоотлар.*

ИРРИГАЦИЯ \лот. irrigatio — сув қўйиш; сунъий суғориш] Сувсиз ерларга сув чиқариш, далаларни, экин майдонларини суғориш ишлари. *Ирригация иншоопшири. шш Республикамизда ирригация ва мелиорация ҳамда янги ерларни ўзлаштириши даражаси бениҳоя юқори.* «Фан ва турмуш».

ИРСИИ I а. لړلړج наслдан наслга ўтган; меросга оид] *биол.* Наслга оид, наслдан наслга ўтадиган; наслий. *Фанда шу тушунча аввалдан маълум, ген ирсий белгини та-шувчи нарса, деб қабул қилинган.* «Фан ва турмуш».

Ирсий касалликлар Наслдан наслга ўта-диган, суяк сурадиган касалликлар. *..duneda ҳар хил ирсий касалликларнинг кўплиги ҳам ирсиятнинг ижтимоий муҳитга боғлиқ экан-лигидан далолат беради.* Ю. Сатторов, Ир-сият ва тақдир.

ИРСИЯТ \а. olijl — ворисийлик, меро-сийлик, ирсийлик] *биол.* Тирик организмларнинг жисмоний ва руҳий хусусиятларни сақ-лаш ва наслдан наслга ўтказиш, ўзига ўхшаш наслларни бунёд этиш қобилияти, шундай хусусият. *Янги туғилган бузоқчалар чуқур тек-шириб кўриди ва уларда дастурлаштирилган барча ирсиятлар мавжуд эканлиги аниқланди.* «Фан ва турмуш». *..ирсиятнинг маъноси — оқсил синтез қилиш қобилиятининг наслдан наслга ўтишидир.* «Фан ва турмуш».

ИРШАЙМОҚ Овоз чиқармай, лаблар-ни ёйиб, кўримсиз кулумсирамоқ; иржаймоқ, тиржаймоқ. *Иршайиб қулмоқ. шш -Ер ютқурлар, нима қилиб иршайиб турибсизлар, ҳув, кўзларинг тешилсин! — деди хо-тинлардан бири.* М. Осим, Ўтрор. *Бир томонда ҳисобчи, бир томонда бригадир ир-шайиб, қуллуқ қилиб турибди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ИРШОД \а. jLijI — тўғри йўл кўрса-тиш] *эск. кт.* Тўғри йўл кўрсатиш, тўғри йўлга солиш, таълим бериш. *Маорифу ҳаёт шахси-яси доим лисонидин, Жаҳолат аҳли иршодига бўлсун таржимон ёшлар.* С. Хондайлиқий.

Иршод айламоқ {ёки қилмоқ, этмоқ} 1) тўғри йўл кўрсатмоқ, тўғри йўлга солмоқ; 2) эътиқод қилмоқ. *«Ғинг десанг, қум-қум талоқ» машқини бунёд айлади, Қайта бошдан рўдапо илмоққа иршод айлади.* Ҳамза.

ИРҚ I [а. jj-с — қон томирлари; илдиз; зот] 1 *эск.* Насл, зот.

2 Кишиларнинг кўз, соч ва тери ранги, юз-бош тузилиши ва ш. к. наслий белгила-ри бир хил бўлган, тарихан шаклланган ҳар бир гуруҳи. *Турли ирқларга мансуб кишилар.. ҳуқуқий пгенглик асосида тез-тез учрашиб туриши ва ҳамкорлик қилиши имкониятига эга-дирлар.* Газетадан. *Бунда бор қанча ирқ ва қанча миллат.. Э. Воҳидов.*

ИРҚ II *шв.* Юз; ёноқ. *Аваз қараса, Оққиз дуруст қизга ўхшайди, ирқи олмадай пишган, зулфлари белига тушган.* «Балогардон».

ИРҚИЙ [а. ^j*. — ирққа оид, тегиш-ли] Ирққа хос; ирққа оид (қ. **ирқ I**). *Ирқий белгилар. Ирқий назария. шш Мен ирқий ва миллий айирмалар ҳамда камситишлар одам-ларни энг заиф жонивордан кучсиз ва муте қилиб ташилаган ўлкаларни кўрганман.* Зул-фия, Чўққилар.

ИРҚЧИ Ирқчилик тарафдори, ирқчи-лик сиёсатини юргизувчи. *У тошкентлик Собир — Сардор фашистларни қилди хароб, Гўрсиз ётган ирқчи — мурдор Осиедан олди жавоб.* М. Шайхзода.

ИРҚЧИЛИК Ирқлар тенг эмас, шунинг учун гўё «олий», «сара» ирқларнинг «паст» ирқлар устидан ҳукмрон бўлиши тарихий заруратдир, деб даъво қилувчи назария ва сиёсат. *Мустамлакачилик билан ирқчиликка барҳам берилиши шарт ва барҳам берилади ҳам.* Газетадан.

ИРҒАИ Ёғочи қаттиқ, пўсти қизғиш бута. [Зоминда] Арча дарахтларидан ташқари, учқат, наъматак, иргай, зирк ва бош-қа буталар бор. «Фан ва турмуш».

ИРҒАЙЗОР Ирғайлар ўсган ер, майдон. Агар бу қумлар, ирғаизорлар орасида адашил-са, умр бўйи юрибхам чиқиб кетиб бўлмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИРҒАЛМОҚ ив. У ёқ-бу ёққа чайқал-моқ, қалқимоқ; силкинмоқ. Қараса, ўша ўзини алдаган паризод тўқмоқ ёлли тўрик отни миниб.. мункиб, қалқиб, минган оти.. бир-бир босиб, ирғалиб бораётган экан. «Му-родхон».

ИРҒАМОҚ Тебратмоқ, чайқамоқ; сил-китмоқ (бошни). Машилкада алланарсани кўчираётган аёлга салом берди. Аёл машин-кадан кўзини олмай, бош ирғаб қўя қолди. С. Анорбоев, Оқсой. Абдураззоқ ота қўлидаги бўшаган пиёлани ерга қўйиб, бош ирғаб, қудуқ томонни кўрсатди. С. Абдуқаҳлор, Олтин водийларни кезганда.

ИРҒИМОҚ айн. сакрамоқ. Ариқдан ир-ғиб ўтмоқ.

Ирғиб (ўрнидан) турмоқ Чаққонлик би-лан тез, қалқиб (ўрнидан) турмоқ, дик этиб (ўрнидан) турмоқ. Худди босинқираган одам-дек, ирғиб ўрнимдан турдим. **Н.** Сафаров, Оловли излар. **Ирғиб тушмоқ** Бехосдан юқорига кўтарилиб тушмоқ, сапчиб кетмоқ. *Оёғимга бир нарса тегиб, ирғиб тушдим. ти Содиқжон бойвачча бу гапни эшитиб, бир ирғиб тушди.* К. Яшин, Ҳамза. **Ирғиб чиқмоқ** Ташқарига бўртиб, туртиб чиқмоқ (кўз соққаси, томир ва ш. к. ҳақида). *Ирғиб чиқ-қан кўзлар. Ирғиб чиққан томирлар. ти Унинг ИКўчқорнинг/ офтобда қорайган ориқ паила-ри ирғиб чиққан, оёғи.. тарашага ўхшарди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

ИРҒИТМОҚ 1 Ирғимоқфл. орт. н. Илон юрган қийин йўлдан « Чу» деб отини ирғитди. «Нигор ва Замон».

2 Отмоқ, улоқтирмақ. Елкадаги юкни ирғитмоқ. Қўлга тушган нарсани ирғитмоқ. **иш** Ғулумжон.. қамчини мингбошининг қўли-дан юлиб олиб, супага ирғитди. М. Исмой-лий, Фарғона т. о. *Кўзибой ҳар тошни ирғитганда, гимнастикачилардай енгил гав-даси билан бир ирғиб тушар ва бу қилигидан ўзи завқланиб куларди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

3 Юқорига томон силқимоқ, кўтариб гашламоқ. *Арава оҳиста йўл босарди, қўтослар секин, ялқов қадам ташлар ва ўқтин-ўқтин аравакаш «хўш-хўш!» деб, қуруқ суяк қўтосларга қамчи ирғитиб қўярди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ер, худди от олиб қочган аравадай, кишини ирғитиб-ирғитиб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ИРҒИШЛАМОҚ Бир неча бор ёки ти-нимсиз ирғимоқ, сакрамоқ. *-Ака! — деди Дилбар ва суюнганидан виш боладай ирғиш-лай бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган соҳилда. *Яқинда борсам, қизчалар мени қуришаб олиб, ирғишлаб чапак чалишиди: «Су-юнчи, суюнчи» деб.* А. Муҳтор, Туғилиш. *Бузоқ ирғишлаб ўйнаб бориб, говмишининг ели-нига ётишиди.* Т. Мурод, Кўшиқ.

ИС I 1 Нарсанинг сезги аъзоси (бурун)-га таъсир этиш хусусияти ва шу таъсир натижасида юзага келувчи сезги; хид. *Иси бор. Иси йўқ. иш* Қимирлатишдан райҳонларнинг ўткир иси ўқтин-ўқтин димоққа келиб ури-нар эди. А. Крдирий, Мехробдан чаён. *Бог-ма-боғ ошиб эсаётган шамол димоққа алла-кандай хушбўй исларни олиб келади.* С. Аҳмад, Хукм. *Тонгда тандир қиздирилди. Нон иси тарқади.* Т. Малик, Ажаб дунё.

2 кўчма Дарак берувчи белги, ишора. *Низомулмулк муҳим бир нарсанинг исини пайқагандай, атрофга сьганглаб, индамасдан унинг орқасидан юрди.* Ойбек, Навоий. *Чоғимда, туҳматнинг иси келадиёв бу ишдан.* С. Аҳмад, Хукм. *Оёқ остидаги нам тупроқдан инсонучун жуда яқин қон-қариндошлик иси димоққа уриларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *-Жуда соз, бироқ сиёсий, тарбиявий ишининг иси ҳам йўқ, — деди Сайрамов.* Ойбек, О.в. шабадалар.

Ис билади Жуда сезгир. Ўн чақиримдан ис билади бу муттаҳам. **Ис олмоқ** Хуфиёна сезмоқ. *Шўрванинг исини олиб, старший би-лан элликбоши, қоровул кириб*

келди. Ҳамза, Паранжи сирлари. **Исини чиқармаслик** Ош-кор қилмаслик, ҳеч кимга билдирмаслик. *Бизга нимани буюрган эдинглар? Қизни олиб қочили ҳам бир қанча вақт исини чиқармай сақлаш, шундайми? -Шундай.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Иккита хотинингиз борли-гининг исини ҳам чиқармай, бугун учинчи хо-тинга уйланыпсиз..* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

ИС II 1 У қадар қуюқ бўлмаган, кўри-нар-кўринмас тарздаги тутун; дуд. *Самовар карнайидан кўтарилаётган ис.*

2 Ёнишдан ҳосил бўлган зарарли (за-ҳарли) газ, кўмир оксиди; ис гази. *Катта осма лампа тутаброқ ёнганидан, дўконхо-надан ис ва қурум ҳиди билан тўлган ҳаво дарров димоққа урар эди.* Ойбек, Танлан-ган асарлар. *Овқатдан ис ҳиди келарди.* Шуҳ-рат, Шинелли йиллар.

3 Тутун ва чангдан шип ва деворларда, нар-салар юзасида ҳосил бўладиган нозик ипси-мон, ипир-ипир нарсалар. *Хизматкорхонашнг деворлари, шиплари ўргимчак инлари, ипир-ипир қора ислар билан қопланган.* Ойбек, Танланган асарлар. *У[Умид] тахмондаги, шифтлардаги исларни супурги билан олиб, полни икки қайта ювди.* Мирмуҳсин, Умид.

Ис босиб (ўтирмақ) Иш-фаолиятсиз, ҳеч кимга аралашмай, назар-эътибордан четда қолиб. *Бунақа, уйларда ис босиб ўти-раверса, юрагига зардоб тўпланади-да. Да-лани, бог-роғни кўрмаса, бундай тўй-пўй қилиб, кўнглидаги чигилни ёзмаса..* С. Нуров, Нарвон. **Ис тегмоқ** Исдан заҳарланмоқ (қ. **ис 2**). *Насимбой ўзида йўқ аҳволда, отаси узатган пулни қўлида чангаллаганча, ис тек-кандай каловланиб турарди.* «Муштум». *Кўп хавотирланманг, холажон.. ўглингизга бир оз ис тегибди.* «Муштум». **Ис чиқармоқ этн.** Арвоҳларга атаб ёки инс-жинсларни қай-тариш мақсадида махсус иссиқ таом тай-ёрлаб едирмоқ (кўни-кўшни, маҳалладош, қариндош кишиларга). *Ўғлимнинг қўлини халоллатсам, сўйиб жиндак ис чиқарарман, деб умид билан боқиб юрган бир улогим бор эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Кеча одамларни нақ арвоҳ чалиб кетганмиш. Шунга бувим-лар «арвоҳ оши» қилиб, «ис» чиқарибди, — деди Пирназар.* Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

ИСБОТ [а. с]Ljj — далил, ҳужжат билан аниқлаш] **1** Фикр, даъво, фараз ва ш. к. нинг тўғрилигини ёки юз берган ҳодисанинг чинлигини тасдиқловчи факт, далил. *-Эг-рилиққа олманг, Зайнаб, — деди Кумуш. — Мен бу гапни ёнимда эрим бор бўлганда кир-ма, деб айтмадим, балки бояги сўзимнинг исботи учун айтдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сўнги 74 йиллик тарихимизда бўлиб ўтган барча қиргин ва қатагоилиқларнинг би-ринчи қурбонлари зиёлилар бўлгани бунинг ис-ботидир.* Э. Юсупов, Истиклол йўлида.

2 мнт. мат. Бирор қоида ёки даъвонинг тўғрилигини бошқа маълум қоидалар асоси-да, мантиқий мулоҳаза ва далиллар билан тасдиқлаш усули, тизими. *Пифагор теорема-сининг исботи.*

Исбот қилмоқ айн. исботламоқ. *Планни бажаришимизни уч йилдан бери исбот қила-миз.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ИСБОТЛАМОҚ 1 Фикр, даъво, фараз ва ш. к. нинг тўғрилигини ёки бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг чинлигини далил, ҳужжат билан тасдиқламоқ. *Ўз гапининг тўғрилигини исботламоқ. **итт** Энди у солдатларга бутунлай бошқа гапни айтиши керак. Айтишга айта-ди-ю, лекин қандай исботлай олади?* И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат. *Омоннингҳамма нарсани расмий жиҳатдан мушоҳада этишини билга-ни учун, фикрини далил билан исботламоқчи бўлди.* С. Кароматов, Олтин кум.

2 мнт., мат. Бирор қоида ёки даъво-нинг тўғрилигини бошқа маълум қоидалар, асосида мантиқий мулоҳаза ва далиллар би-лан тасдиқламоқ, исбот қилмоқ. *Теоремани исботламоқ. **итт** Бу фактлар асосида ўзбек тилида сўз тартибининг ҳам эркин, ҳам боғли эканини исботлайди [олим].* Газетадан.

ИСЁН [а. цБ^ах — бўйин товлаш, ито-атсизлик; кўзғолон] **1** Синфий, миллий, ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилиб кўта-риладиган кўзғолон; ғалаён. Бу [исён] —улуғ халқ исёни, бу — асрлардан буён давом этган жабрга, қулликка қарши мустамлака кам-бағалларининг кўзғолони, даҳшатли зарбаси эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Қаршилиқ, норозилиқ билан кўзғалувчи, туғён урувчи ҳис-туйғу. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Газетадан. Зулм, тахтга қарши исён Шарк кўксига тўлибтошди. Ғайратий. ..юра-гида йигилган ҳамма дарду ситамлари, ҳамма алам, ҳамма исёнларини тўкса арзийдиган қасосли онлар келди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

Исён қилмоқ (ёки кўтармоқ) Исён на-мойиш этмоқ. Зулмга қарши исён қилмоқ (кўтармоқ). **тп** Минг-минг одам исён кўта-ради, ҳукумат олдига чўқмордан тортиб бол-та-тешасигача кўтариб келади. Ж. Шари-пов, Хоразм. Лекин ҳамшиалиқ раҳнамо қал-бим Не учун дафъатан кўтарди исён. Э. Во-ҳидов, Садоқатнома.

ИСЁНКОР [а. + ф. jKji ■-<■ - бўйин товловчи; исён кдлувчи, кўзғалувчи] **1** Исён кўтарувчи ёки исён кўтарган; исёнчи, кўзғолончи. Давлатнинг яхлитлигини сақлаб қолмоқ учун исёнкор ва маккор ўзига қарши юриш қишидан бошқа иложи қолмади [Улуғ-бекнинг}. Мирмуҳсин, Меъмор. Чорҳокими-яти.. исёнкор фуқародан шафқатсиз омма-вий қасос олди. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Исёнга чорловчи, исёнга даъват этув-чи. *Исённор шоир. тп* Оловдай кизиби турган миясида исёнкор фикрлар туғён қиларди. О. Ёқубов, Қанот жуфт бўлади. Лекин шоирнинг исёнкор овозини тиндира олмади. Газетадан.

ИСЁНКОРЛИК Исёнкор иши, исён-корга хос хатти-ҳаракат; бўйин товламас-лик, бўйсунмаслик. Бу қизнинг руҳида бўйсунувчанлик эмас, исёнкорлик борлигини кўриб, тутакиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қал-бинга қулоқсол. *Исёнкорлик уни охир Олиб келди зиндонга.* Э. Воҳидов, Ғалаён.

ИСЁНКОРОНА Исёнга чорловчи; исён-корлик билан, бўйсунмасдан. Бу шоир қалбида исёнкорона шеър туғилишидан дарак.. эди. С. Сиёев, Аваз. *Хотин-қизлар исёнкорона курашга ўтиб, қўшиқлар куйлаганлар.* «Фольклор».

ИСЁНЧИ аин. **исёнкор 1.** Тошканднинг Кўқонга қарши исён қилган замонида, исёнчилардан бири.. Юсуф ҳожидек бир кимеа-нинг ўз ўзлини Марғилонга юбориб, бунда ҳам исён чиқариш қасдида бўлмоғи, унингча [қуш-бегича], ҳақиқатга жуда яқин ва шубҳасиз эди. А. Қодирӣ, Утган кунлар.

ИСИМОҚ 1 Ўзига иссиқлик олиб, ҳаро-рати кўтарилмоқ. Сув исиди. Печка қизиби, уй яхши исиди. **тп** Ҳаво ҳали исимаган бўлса ҳам, хомсемиз ҳоким, формасининг кўкрак тугмаларини ечиб ташлаб, елпинишга туш-ди. М. Исмоилий, Фарғонат. о.

2 кўчма Кўнгли тортмоқ, рағбати, му-ҳаббати ошиб, яқинлик сезмоқ; кўнгли илимоқ. Энди хотинига исиб, меҳмонхонада ётишини ҳам барҳам берса. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Йўлдошининг олдига кириб ўтсам, Жамилахоннинг боши кўкка етар. Зора-мора менга кўнгли исиб қолса.. ўғлимнинг ҳам бах-ти очиларди, — деди Салтанат.* Б. Раҳмо-нов, Қилмиш-қидирмиш.

ИСИНМОҚ Ўзини иссиққа тоблаб ёки иссиқ жойда ўтириб, баданни иситмоқ. *Фуломжон челақни ўчоқ ёнига келтириб қўйди, сувнинг эришини кутиб, ўзи ҳам шу ерда исиниб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Пахтасини топириб бўлганлар исиниши учун йўл ёқасига олов ёқишди.* «Ёшлиқ».

ИСИРИҚ Исириқдошлар оиласига ман-суб кўп йиллик ёввойи ўт ўсимлик [Таркибида алкалоидлар бўлиб, халқ табобатида шифобахш восита сифатида турли йўллар билан (жумладан, тутатиб) фойдаланиб келинади]. ..Исириқни минг дардга даво, деб бекорга айтишмайди. Газетадан. *Исириқ — гриппга қарши яхши нарса. Ким уни эскилик деса, хато килади.* Мирмуҳсин, Умид.

Исирик солмоқ (ёки тутатмоқ) 1) турли микроб (касалик)ларга қарши, дезинфекция мақсадида исирикнинг қуруғини тутат-моқ. *Хоналарни тез-тез шамоллатиб туриши, кунига икки марта исирик тутатиши ҳам мақсадга мувофиқдир.* Газетадан; 2) *этно.* инс-жинсни қочириш, «ёмон кўздан сақлаш» ва ш. к. мақсадда исирик тутатиб, киши боши (атрофи)дан, хона ичида айлантир-моқ. *Кампир, меҳмонлар чиқиб кетиши би-лан, суюкли куёвига исирик солди.* С. Зунну-нова, Гўдак ҳиди. *Лутфинисо дам ўтмасдан келиб, гоҳ «ёмон кўздан сақласин» учун иси-риқ тутаттирар, гоҳ қизини қучиб йиғлар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИСИРИҚЦОН Исирикчининг исирик солиб тутатадиган мис идиши.

ИСИРИҚЧИ Кишиларга исириксолиб, шундан тушган садақа билан кун кўрувчи шахс. *Йўлчи қараб, киноя билан қошларини чимирди: -Мен хўжайинларнинг бўйинтуру-гига калламни тиқай, ишлай, улар обдан мойимни ишлсин, кейин мени «хушит!» деб ҳайдасин, мен гадоё бўлай, исириқчи бўлай.* Ойбек, Танланган асарлар.

268

ИСИРҒА 1 Қулоққа тақиладиган, ол-тин, кумуш каби металллардан ясаладиган зийнат буюми; зирак. *Тилла исирға. тт У [Турсуной] мар.жон, исирға, узук шақишни бировлардан кўрибҳавас қилар.. эди.* А. Мух-тор, Опа-сингиллар.

2 Баъзи ҳайвонлар, чунончи, эчкининг томоғи остидан осилиб турадиган солин-чок эти.

ИСИТКИЧ 1 Иситиш асбоби, исита-диган қурилма, механизм. *Пропан гази би-лан ишловчи иситкичдан сув остининг энг чуқур жойларида фойдаланиши мумкин эмас.* «Фан ва турмуш». *АҚШда гаввослар учун водород билан исигтьюдиган иситкич яратиши мўлжалланмоқда.* «Фан ва турмуш».

2 Баданнинг оғриган ерини сунъий иси-тиш учун қўлланадиган мослама. *Электр иситкич. Резина иситкич.*

ИСИТМА 1 Организмнинг, гавда ҳаро-рати кўтарилганда намоён бўладиган, зарарли агентлар (касалликлар кўзғатувчи омиллар)га нисбатан ҳимоя-мослашув реакцияси, унинг натижасида юзага келувчи ҳарорат. *Иситмани ўлчамоқ. Касални яшир-санг, иситмаси ошкор қилади.* Мақол. *тт -Хайрият, онангизнинг аҳволи анча тузук бўлиб қолди, иситмаси ҳам қайтди, — деди отаси.* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

2 с. т. Баданда ҳарорат билан ўтадиган баъзи касалликларнинг (мас, безгак, тиф-нинг) халқ орасидаги умумий номи. *Кум-қишлоқ деҳқонларини қадимдан қийнаб кел-ган ботқоқларни.. иситма, безгак ўчоқлари-ни қуритиши учун бир неча чақирим узунлик-да зовур қазии керак.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

3 этно. Кишининг дилини ўзига ёки бош-қага мойил этиш мақсадида қилинган амал. *Иссиқ сўзим — иситма, совуқ сўзим — со-вутма.* Мақол.

4 сфт Иситилган. *Иситма ош.* **ИСИТМАЛАМОҚ** Иситма ҳолатида

бўлмоқ, ҳарорати баланд бўлиб турмоқ. *Матҳолиқ ака, қанча ерни сугориб, қанча ерда дарахт кўкартиргандан кейин.. куз пай-тида Қамшикапаннинг чорбоғ даласидаги ер-тўлада иситмалаб ётиб, ўлиб кетади.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

ИСИТМАЛАШ Иситманинг юзага чи-қиши, унинг жараёни.

ИСИТМА-СОВУТМА *этно.* Кишининг дилини ўзига ёки бирор кимсага мойил қилиш ёки ундан «совитиш» мақсадида қилинган амал. *[Фотима:] Йўқ, тақсир, бўлмайдими, сиз иситма-совутмани қилиб бе-риб кетасиз, ўзим чиқариб юбораман.* Ҳам-за, Тухматчилар жазоси.

ИСИТМОҚ 1 Ўз тапти, ҳарорати би-лан бошқа нарсанинг, кимсанинг иссиқ-лигини оширмоқ, кўтармоқ, иссиқ қилмоқ; ҳарорат бермоқ. *Бектемир унинг совуқ қот-ган жажжжи қўлларини пуфлаб-пуфлаб исит-ди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Оловга қўйиб, тоблаб ёки бошқа би-рор йўл билан иссиқ қилмоқ. *Ошни исит-моқ. Сув иситмоқ.*

3 Исимоқ 2 фл. орт. н. -*Мен қўрқаманки, — деди у [Ҳамдамформа], — Бухоронинг асл шойисидан тикилган ҳилпиллама кўйлақлар.. амиркони ботинкалар сенинг кўнглингни унга иситган бўлмасин.* С. Айний, Қуллар. *Мана ман асл дуохои.. Иситиб, совитиб қўяман.* Ҳамза, Кузғунлар.

ИСКАБТОПАР 1 Қон сўрувчи икки қанотлилар туркумига мансуб, чивинга ўхшаб одамни қаттиқ чақадиган майда ҳашарот.

2 с.т. Чивин. У[кечалари]ҳам гармсема-ри билан, ҳам қайнашган искабтопарлари би-лан одамлар бошига қора қийноқ келтиради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИСКАМОҚ 1 Ҳидни бурунга тортмоқ; ҳидламоқ. *Ҳаидар ота бир туп садарайҳонга қўл уриб искади.* А. Қаххрр, Асрор бобо. *Ис-каб кўрсам, тоза боғнинг гулисан, Қай ша-ҳарда, қандай бекнингўғлисан?* «Ширин би-лан Шакар».

2 Ҳид олмоқ, ҳидидан изламоқ (ит ҳақида). *Раҳим, елкасида халта, бедазор ёни-да турар, «Тарзан» эса тизза бўйиўсибгулла-ган кўм-кўм беда ичида бир нимани искаб юрарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 кўчма Пайқамоқ, сезмоқ. *Ҳа, айёр чўлоқ, искабсан дарров! Бир мақалладан бир қизни олиб қочишди. Бойваччанинг хизмат-корининг қизи эмиш..* Ойбек, Танланган асарлар.

Елкаси ер искамаган Курашда йиқил-маган. *Уни Ҳакимполвон деб аташлари ҳам бежиз эмас. У, катта курашларда полвон-лар билан беллашган, аммо елкаси ер искамаган.* А. Шермухамедов, Пискентлик паҳ-лавон. **Орқам ер искамади** с.т. Ҳеч дам ол-ганим йўқ.

231 ду^

ИСКАНА [ф. А"Л,п1 — дурадгорлик асбо-би: кескич, искана; парма] Ёғоч, тахтани ўйиш, тешиш учун қўлланадиган, учи япа-лоқ ўткир пўлат асбоб. У [отам/.. чархнинг парраги ўткашиадиган тешиқларни искана бияан ковламоқда эди. С. Айний, Эсдалиқлар.

Искана пайванд қ.х., боғ. Пайвандтағни (искана ёки ўткир пичоқбилан) ёриб, нов-да суқиш йўли билан қилинадиган пайванд.

ИСКАНЖА \ф. А7:<... \ - қийноқ, азоб; сиқиш асбоби; тахтакач, пресс] **1** Нарса-ларни сикадиган, жипслайдиган асбоб.

2 кўчма Сиқиқлик, сиқув; азоб-уқубат. *Бикажсонбика кундошлар исканжасида қолди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Берлин исканжада, 1-Украина, 1- ва 2-Белоруссия фронтларининг қўшинлари уни ҳамма томондан қўришди, темир ҳалқа ичига сиқиб олган.* Газетадан. *Олга борсангиз ҳам, орқага қайтсангиз ҳам, очлик, сувсизлик исканжасидасиз.* М. Ўрин-хўжаев, Унутилмас кунлар.

Исканжага олмоқ 1) исканжа орасига олиб сиқмоқ; 2) кўчма сиқувга олмоқ, си-қиб қўймоқ. *Энди нолиш ҳам гуноҳ бўлади, ўртоқ Умурзоқова, сиз Қодировни исканжа-га олибэзибсиз..* Ш. Рашидов, Бўрондан куч-ли. *Душманни ҳар икки томондан исканжа-га оламиз..* Ж. Шарипов, Хоразм.

ИСКАРТ Белгили меъёр, ўлчов; андоза. *Искартга келмоқ. тт* Энди таишшининг кўплигини айтинг: *искартдан ортиқроқ ём-гир ёгса, экиндан айрилиб қоламанми, деб жонимни ҳовучлаб, нуқул қурбақа ўлдираман.* А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари.

ИСКОВУЧ 1 Ис, ҳид биладиган; йўқол-ган, қочган нарсани, кимсани изидан ҳид-лаб бориб топадиган.

Исковуч ит 1) ис, ҳид биладиган (ис-каб топадиган) ит; 2) с. т. овчи ит.

2 кўчма Айғоқчи. *Қудрат.. у ерда ўрган-ганларини маҳаллий ишчилар орасида кенг ёйиб юрган кунларининг бирида уни жандар-ма исковучлари тутиб қамадилар.* М. Исмо-илий, Фарғона т. о.

ИСЛАМОҚ 1 шв. Ҳидламоқ. *Жийда гу-лин исладим болалардай энтикиб.* Х. Даврон.

2 Дудламоқ. *Октябрь тушиши билан улар-ни [қўй ва қорамолларни] сўйиб, тузлаб, ис-лаб олган эдилар.* М. Осим, Утрор.

ИСЛАНМОҚ 1 *Исламоқ* фл. ўзл. н.

2 Айниб, бузилиб, ёмон хид олмоқ, сасимоқ (гўшт, балиқ ва ш. к. ҳақида).

3 Ис-қурум босмоқ.

ИСЛИ *Иси бор, ҳидли. Исли райҳон. Исли ҳандалак. тии* Ҳар хил исли бўлар тоғ-нинг оғочи. «Равшан». *Сенга кунда ўн марта хуш исли совун билан ювилиб, ҳеч бир нарса-га теккизилмайдиган нозик қўллар керак.* С. Айний, Қуллар.

ИСЛИК Ўтовнинг тепа туйнугини бе-китиб турадитан қисми.

ИСЛИМИ(Й) \ф. [^]п.1.,,1 - иланг-биланг ўсимликка ўхшаш нақш| Ганч, ёғоч, олтин, кумушта ўйиб, чизиб ёки бўрттириб ишланадиган, зардўзи кийим ва буюмлар-га зар билан тикиладиган, бир-бирига уз-луксиз уланиб, ўралиб кетадиган палакси-мон, чирмовуқсимон нақшларнинг такрор-ланишидан иборат қадимги нақш тури.

ИСЛИҚИ 1 *Ифлос ҳолатли (кўриниш-ли); исқирт. -Қазисан, қартасан, ахир аслинга-га тортасан — деди кампир омборни қулфла-ётиб, — ..Увада, ислиқи тўн, чилвир белбоғ-нинг хумориси тутгандир!А. Қаххрр, Кўшчи-нор чироқлари. У[ўгай она].. мурдашўшардан чиққан ислиқи кийимларни, билмадим, қаер-дан топиб келтириб, мени уларни кийишига мажбур қиларди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

2 Шундай одамга нисбатли ҳақоратни билдиради. *-Бой ўлгудек хасис, ислиқи эди. Таом десак, ишининг кирини сўр, дер эди, — деди бобо.* А. Ҳасанов, Яшариш.

ИСЛОВОТ \р. слобода < шаҳар чеккаси < озод деҳқонлар шаҳарчаси] с. т. эск. *Исловотхона, фоҳишахона. Некалайнинг замо-нида қайнатам Искобилдаги исловотда етти йил қоровуллик қилган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ИСЛОВОТХОНА эск. айн. **фоҳишахо-на.** *Исловотхоналари тараққий топган мамлакатларда адашган қизлар, йўлдан озган жувонлар кўпинча Фуод афанди тутган йўллар билан қўлга туширилар.. эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИСЛОВОТЧИ эск. *Исловотхона эгаси.*

ИСЛОМ [а. fiLJ - оллоҳга сиғиниш, итоат] **1** *Дунёда энг кенг тарқалган дин-лардан бири — мусулмонлар дини. Миср-нинг 1971 йил конституцияси бўйича Ислом давлат дини деб эълон қилинади. Газетадан. Ислом дунёсининг энг қутлуг байрами — Ра-мазон ҳайитига ҳам, мана, бир неча кун қолди.* Газетадан.

2 *Ислом (эркаклар исми).*

ج^Q²²

ИСЛОМИЙ *Исломга, ислом динига, мусулмон оламига оид. Инсонни маънавий камолот йўлига чорлаган энг кучли исломий таълимот тасаввуф деб аталиши кўпчилик-ка маълум. П. Қодиров, Тил ва эл. Ёшларга исломий ахлоқий таълим-тарбия беришининг айрим долзарб ва ўзига хос хусусиятлари.. Газетадан. Исломий фанлар тарихида бун-чаллик катта эътибор топган бошқа ҳадис-лар тўплами йўқ.* Газетадан.

ИСЛОМИЯ \а. 4j_ojUul - мусулмончи-лик] *Исломга алоқадор, исломга, ислом, мусулмон оламига мансуб бўлган.*

Миллати исломия *Ислом динидаги ки-шиллар. Мақсади диний, дунёвий, ҳар нав фойдали ёзувлар билан миллати исломия-нинг кўзини очиш, ҳақиқат йўлини кўрсатишидир. Ойбек, Танланган асарлар. Шўройи исломия тар.* Туркистон тараққийпарвар зиёлиларининг Тошкентда ту-зилган ва 1917 йил мартдан 1918 йил баҳоригача фаолият кўрсатган ижтимоий-сиёсий ташкилоти. *Фишкўприкнинг бир томонида «Шўройи исломия», иккинчи томо-нида «Мусулмон меҳнаткашлари иттифоқи»нинг қуролли соқчилари турарди.* К. Яшин, Ҳамза.

ИСЛОМИЯТ [а. - мусулмончи-

лик] Ислом дини ва ислом олами; мусул-мон(чи)лик. [Мутавалли:] *Ажаб эмаски, уларнинг насаби исломиятдан илгариги Бу-хоро оташпарастларига бориб етса.* С. Айний, Эсдалиқлар.

ИСЛОҲ \а. *гУил*\ — тузатиш, яхшилаш; таъмирлаш] **1** Ўзгартиш киритиб яхшилаш, тузатиш. *Ислоҳ, албатта, лозим.. бизда ҳар хил бидъат ишлар кўп.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қорихоналар ўрнида ҳунар ўргатув-чи махсус устахоналар очмоқ керак. Мадра-саларда ислоҳ ўтказишни таклиф этаман.* С. Сиёев, Аваз.

2 Тубдан ёки асосан ўзгартиш, янгилаш. *Олий ва ўрта махсус таълим ислоҳи ҳозирда мавжуд барча кўникмалардан кечини та-лаб қилаётир.* Газетадан.

Ислоҳ қилмоқ Ўзгартиш киритмоқ, ян-гиламоқ. *Сув Говхона воҳасигача оқиб бориб, ундан яна иккинчи насос станцияси орқали ўн тўққиз метр баландликка чиқарилиши керак. Лекин биз бунга ислоҳ қилмоқчимиз.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ислоҳ қилиши лойи-ҳаси ўзининг кўзда тутган ўзгартишлари миқёси жиҳатидан жуда чуқур таассурот қолдиради.* Газетадан.

ИСЛОҲОТ \а. - «ислоҳ» с. кўпл.]

Ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир томонини жиддий ўзгартиш; ислоҳ. *Навқирон янги дав-латимизда иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар билан бир қаторда маънавий-маърифий иш-ларга ҳам устуворлик берилди.* Газетадан. *Ўтказилаётган ҳар бир ислоҳот жамият манфаатига хизмат қилган тақдирдагина кутилган самарани беради.* Газетадан. *Барча жабҳаларда ислоҳотлар кетаяпти. Назарим-да, инсон фарзи, бурчи, қадри маъносида ҳам ўзбекона ҳаракатлар қилмоқ вақти етганга ўхшайди.* Газетадан.

Ер ислоҳоти тар. 1920—26 йилларда Ўрта Осиёда маҳаллий бойларга қарашли ерларнинг бир қисмини тортиб олиб, ер-сиз, кам ер деҳқонларга бепул тақсим-лашдан иборат ислоҳот ва шу ислоҳот билан боғлиқ бўлган тадбир-чоралар. *Ис-мат ер ислоҳоти, колхоз тузуми даврида жуда катта иш кўрсатди.* С. Кароматов, Сўнги бархан. *Шўро ер ислоҳоти ўтказ-ди, катта акам Абдукаримга ўн саккиз таноб ер теғди.* «Ёшлик».

ИСМ \а. - ном, киши оти] Шахсий ном. *Исмингиз нима? Исм қўймоқ. Исм бер-моқ. иш* Бу ёқимтой боланинг исми *Қўзибой!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

Исми бор-у жисми йўқ Номи бор-у ўзи йўқ, мавжуд бўлмаган нарса ҳақида айтиладиган ибора. **Исми ом тли. эск. айн. тур-дош от. Исми хос тли. эск. айн. атоқли от.**

ИСМАЛОҚ Шўрадошлар оиласига ман-суб, бўйи 10—60 см бўладиган, ёш (янги чиққан) вақтида барги овқатга (мас, сом-сага) солинадиган ўсимлик, кўкат, ўт. *Ис-малоқ сомса. тт* *Исмалоқнинг майин барги таркибида ҳам бир талай витаминлар бор.* Газетадан.

ИСМАТ \а. .----з - поклик, бегуноҳ-лик, маъсумлик] **1** эск. Номус, иффат, пок-лик. [Гули:] *Тириклик битди-ю, сақланди ис-мат. Алишер, найлайин, шул бўлди қисмат.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Исмат (эркаклар исми).

ИСМДОШ Исми бир хил, бир хил исм-ли; адаш. *Биз иккимиз исмдош эканмиз.*

ИСМЛАМОҚ кам қўлл. Исм бермоқ, от қўймоқ.

ИСМЛИ **1** Исмга эга бўлган, исм би-лан аталган; номли. *Лола исмли қиз. иш* *Анварнинг айниқса хуш кўрган кишиларидан биринчиси Раъно ва иккинчиси сабоқдош ше-риги — Насим исмли бола эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Ўз исми билан туғилган. Мас, еп-рор белгиси билан туғилган болага бериладиган исм. *Бўри (Бўрибой)* (тиши билан туғилган болага қўйилади), *Ортиқ, Нор-гул* кабилар.

ИСНОД \а. — таянч, тиргак; да-лил; манба; нисбат бериш, тааллуқли қи-лиш] Уятга ёки таънага қолдирадиган, номига доғ туширадиган иш; шундай ишдан бўладиган (келадиган) уятли ҳолат. *Ҳа, бу*

исноднинг бир чеккаси ўқитувчиларга ҳам те-гади, бутун мактабга тегади! Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Мастонбибининг келини бу йил ҳам планини бажаролмабди, деган ис-нодни кўтароласанми?* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

Иснод келтирмақ ёки **иснодга қолдирмоқ**

Уятга, номусга, таънага қолдирмоқ, номига доғ туширмақ.

ИСПАН 1 Испания туб аҳолисининг номи.

2 Испан халқига мансуб. *Испан тили. Ис-пан аёли.*

ИСПАНЛАР Испаниянингтуб аҳолиси; испан халқи.

ИСПАНЧА 1 Испанларга, испан халқи, тили ва маданиятига оид. *Испанча рақс.*

2 Испан тили. *Испанча(ни) биласизми? Испанча гапирмоқ.*

ИСПИҲОН с. т. Исфаҳрн. *Испихони бе-лида, Олғир қуши қўлида.* «Нурали».

ИСРОР \а. ʃjʌ\ — қаттиқ туриб олиш, талаб] эск. кт. Қатъий талаб, ўз фикр-талаб-ида туриб олиш. *Офтобойимнинг қатъий ис-рорига биноан қутидор ҳам қизининг шартини қабул этган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Исрор этмоқ Қатъий талаб қилмоқ, ту-риб олмоқ. *Биз Ҳомидбойни ўзимизга куёв ўғил қилишдан ҳеч бир монелик кўрмаймиз. Аммо қизимиз бундан сўнг эр қилмасликни қаттиқ исрор этадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИСРОФ I а. ʃiljʌ\ ортиқча, меъер-дан кўп харажат қилиш] Нест-нобуд қилиш; ўринсиз ёки ортиқча ишлатиш, йўқ қилиш. *Исрофга йўл қўймаслик. шш Тежам билан ишлатсанг, уй-рўзгоринг бут. Исроф билан ишлатсанг, ёмон кунни кут.* «Қанотли сўзлар».

Исроф қилмоқ Бекорга (ортиқча) иш-латмоқ, нобуд қилмоқ. *Қуръони каримнинг «Аъроф» сурасида «Боилигингиздан ҳар қан-ча еб-ичинглар, аммо исроф қилманглар» деет огоҳлантириши бор.* Газетадан.

ИСРОФГАР Исроф қилувчи, исрофга йўл қўювчи. *Тантибойвачча каби исрофгар, бекорчи, қиморбоз куёвни Мирзакаримбой ҳар қанча ёқтирмаса-да, бир вақтлар катта қизининг ундан айрилиш тилагига тўсиқ бўлган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИСРОФГАРЛИК айн. **исрофгарчилик.**

ИСРОФГАРЧИЛИК Исроф қилиш, исрофга йўл қўйиш. *Бу харажат, бу исроф-гарчиликка тоғ чидамайди, дўстим Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИСРОФЛАМОҚ кам қўлл. айн. **исроф қилмоқ** қ. **исроф.**

ИСРОФЧИ айн. **исрофгар.**

ИСРОФЧИЛИК айн. **исрофгарчилик.**

ИССИЗ Иси йўқ, ис чиқармайдиган. *Ўртадаги катта манқалда яхши ўт олди-рилган иссиз саксовул кўмир лангиллаб ёниб турарди.* М. Осим, Ўтрор.

ИССИҚ 1 от Жисм таркибидаги моле-кулалар х.аракати (ёниш, кимёвий реакция ва ш.к.) натижасида юзага келади ва жисмларни қиздирадиган, иситадиган ки-нетик энергия; иссиқдик, ҳарорат. *Қуёшнинг иссиғи. Оловнинг иссиғи. тт Иссиқ бирмунча бўшашигандек туюлса ҳам, димлик заптида эди.* М. Исмоилий, Фарғонат.о. *Шарофат-хон.. супанинг четига келиб ўтирди, оқ шоҳи рўмоли билан елтиниб, иссиқдан шикоят қил-ди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 от Касалликда юзага келади (кўта-риладиган) ҳарорат; иситма. *Офтоб ойим эрининг сўзини кучлаб тушди: Иссиғи бор, юзи ҳам қизариб, бўртиб турибди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Иссиғим кўплигидан сув усти-га сув ичар эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 сфт. Юқори ҳароратли, бирор манба ҳарорати билан исиган, қизиган; иссиқ ҳолатли. *Иссиқ сув. Ҳаво иссиқ. тт Шундоқ иссиқ кунда қора қўйлак кийишдан азадор-лиги билиниб турарди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Шер-бек унинг қўлини иссиқ кафтлари орасига олди.* С. Анорбоев, Оқсой.

4 сфт. Иссиқдикни сақлайдиган, иссиқ тутадиган. {Эғнида} *Исеиқ ва янги пальто, оёғида ичи жун ботинка, қорақўл қалтоқ, қорни тўқ.* Мирмуҳсин, Умид. *Иссиқ кийинган йўловчилар дам-бадам бурун ва қулоқ-ларини ушлаб, ўз ташвишлари билан югуриб-елардилар.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

5 от Қозон овқати, пиширилган (ис-сиқ) таом. *Яхшиям шу қўшининг бор экан, дугонанг. Бошим ёстиққа текканда, ўзи, бо-лалари ўтиб, бир қошиқ иссиқ қилиб беради, дўхтир чакириб келади.* С. Нуров, Нарвон. *Кечадан бери [Кумушининг] ичига иссиқ киргани йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳамма-миз деярли ҳар кун бир қошиқ иссиққа муҳтожмиз.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

6 сфт. кўчма Кишига хуш келадиган; ёқимли. *Юлдузхон унга энгилгина бош ирғади ва бир кулиб қарадики, Мухиддин шу вақтга-ча кизлар қулгисининг бу қадар жозибали, чиройли, иссиқ бўлишини сира учратмаган эди.* Р. Файзий, Чўлгабахор келди. *Луқмонча худди юмалагандай югуриб, медпунктга кириб бо-раркан, Элчибек уни чакириб, бир иссиқ гап айтгиси келди.* А. Мухтор, Туғилиш.

Иссиқ жой (ёки ўрин) Ўзи яшаётган, ўзи ўрганган жой (ўрин). *Мавлон билан Наврўз ўз иссиқ жойларини ташлаб.. кол-хознинг пахтасини зайрат билан тераётган ёшларнинг ишларидан ҳайрон қолдилар.* С. Айний, Қуллар. *Сабаби бўлмаса, ким иссиқ ўрнини ташлаб, қум тепаликлари орасида саргардон бўлиб юради!* Мирмуҳсин, Меъмор. **Иссиқ жон** Тирик организм, жумла-дан, одам ҳаётида ҳар хил ҳолатларнинг юз бериши мумкинлигини билдиради, шуни қайд этади. *Иссиқ жон. Мен оғриб ётарман, бир қошиқ сувга муҳтож бўларман.* А. Қоди-рий, Меҳробдан чаён. *Иссиқ жон дейдилар, жон бўлса бўлар, Пайт келса, чечак ҳам сар-гаяр, сўлар.* А. Орипов, Йиллар армони. **Ис-сиқ уриши** (ёки элитиши) Организмга узоқ вақт (давомли) иссиқ ҳаво ёки инфраки-зил нурлар таъсир этиши оқибатида орга-низмда иссиқлик бошқарилишининг издан чиқиши билан юзага келадиган ўткир па-тологик ҳолат. *Ёзда, саратонда ёки иссиқ бинода узоқ ишлаганда, иссиқ элитиши мум-кин.* «ЎзМЭ». **Иссиғида** Вақти ғаниматда. *Бува наридан-бери чойини ичиб, яна йўлга тушди. Омонатни иссиғида эгасига топши-риши керак-ку..* Мирмуҳсин, *Бир хумча тил-ла. Ё бу уйдан иссиғида кетинг, ё хулқингиз-ни тузатиб олинг!* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. **Истараси иссиқ қ. истара.** **Кўзга иссиқ кўринмоқ** 1) маъқул ва ёқимли кўринмоқ. *Дадаси дейман, дўстингиз Олимжонни жуда мақтаб юборди-ю.. қизингиз бир нарсани би-лар экан-да, ҳайтовур, шу йигит кўзимга иссиқ кўринган эди.* О. Ёқубов, Чин муҳаб-бат; 2) танишдек кўринмоқ. *Ҳой, менга қаранг, кўзимга иссиқ кўринасиз. Ёпирай, Карим ака, мени танидингизми?* Н. Сафа-ров, Шарқ тонги. **Одамнинг юзи иссиқ** Кўз кўзга тушганда, ҳар қандай ҳолатда ҳам одамнинг (инсоннинг) эътибори сақлани-шини қайд этади. *Маҳмуд бобо бошлиқни топиб олиб, бошлаб сўкмоқчи эди. Лекин одам-нинг юзи иссиқ-да, унга дуч келиб, кўзлари кўзига тушигач, анча бўшашиди.* Газетадан. **Те-мирни иссиғида босмоқ** *ait.* **темирни қизи-ғида босмоқ қ. темир.**

ИССИҚЛАМОҚ 1 Иссиқда қолмоқ, ис-сиқ ўтиб кетмоқ. *Иссиқлаб келдинг, совуқ сув ичма.* **итт** Каримов, *иссиқлагандан бўлса керак, пишъосини ечиб олган.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Иссиққа бардош беролмай қийналмақ. *Қалмоқи сигирлар ёзда иссиқлаб қолади.*

ИССИҚЛИК 1 Иссиқ ҳолат (даража). *Қум барханлари силсиласи узра жимирлаб ҳарорат кўтарилар — бу ерда иссиқлик жуда баланд бўлишига қарамай, Меъмор қийнал-май нафас олар эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 айн. **иссиқ 1.** *Реакторда бўладиган ис-сиқликни чиқариб ташлаш учун икки кон-турли система қўлланади.* «Фан ва турмуш». *Кумуш иссиқлик ва электрни бошқа метал-ларга қараганда яхши ўтказади, ёруғликни яхши қайтаради.* Газетадан.

3 Халқ табобатида: юқори калорияли таом, егулик-ичкиликлар (қази, палов, ширинлик ва б.) *Ялтиз. Иссиқлик.. сиқиб чиқарилган селига пича сирка қўшиб ичилса,*

ички аъзоларда содир бўладиган қон қуюли-шини тўхтатади. К. Маҳмудов, Кўкда гап кўп. Шарқ халқлари орасида овқатларни «иссиқлик» ва «совуқлик» деб бўлибҳам юри-тилади. Н. Исмоилов, Касалларни парва-риш қилиш.

4 тиб. Қаттиқ терлаш ва тернинг секин буғланиши оқибатида ёки бирорта касал-лик туфайли терида пайдо бўладиган тош-ма, пуфакчалар. Боланинг баданига иссиқ-лик тошибди.

5 кўчма Яхшилик, фойда, «ёруғлик». Дехқон бундан иссиқлик чиқишига ишончини йўқотгач, асабийлашган ҳолда қичқирди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ИССИҚСЕВАР Иссиқни севадиган, иссиқда яхши ривожланадиган (дарахт, экин ва ш. к. ҳақида). Чой иссиқсевар ўсим-лик бўлиб, катта майдонларда ўстирилади. Газетадан. *Бодринг — иссиқсевар, ёруғсевар ва намга талабчан ўсимлик.* «Фан ва турмуш».

ИССИҚ-СОВУҚ 1 Иссиқ ва совуқ; ҳар хил даражадаги ҳаво шароити. *Ўлим етиб келди. У энг аввал суюқлари жуда мўрт ва этлари иссиқ-совуққа чиниқмаган гўдакни нишонга олди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Оч қолиб, иссиқ-совуқ демай курашганимизни.. фаро-вон турмушни орзу қилганимизни хотирлашди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 кўчма Ҳаётнинг яхши-ёмон, оғир-ен-гил кунлари, ҳар хил шароитлари. Юсуфбек ҳожининг: *-Ўғлим ёш, сен дунёнинг иссиқ-со-вуғини тотиган ва менинг ишонган кишимсан.. — деб таъкидлаши.. қулоқлари остида так-рорлангандек бўлар эдилар.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *[Бошлиқ] Қирқ бешлар чамасида, анча пихи қайрилган, иссиқ-совуқни бошдан кечир-ган.* С. Абдулла, Куёвлар, келинлар.

3 Иссиқ ва совуқ таомлар, кундалик ейиладиган, ичиладиган нарсалар. *Темир полвоннинг ўғил-қизлари аҳён-аҳён унинг ис-сиқ-совуғидан хабар олиб шуришарди.* Қ. Кен-жа, Нотаниш гул.

4 этн. Кишини гўё бирор кимсага «иси-тадиган» ёки ундан «совитадиган» амал, дуо ва ш.к. нарсалар. *Далаю даштларда одамлар-ни куф-суф қилиб, эзибички ёзиб бериб, ис-сиқ-совуқ қилиб, бинойидек тирикчилик қилиб юрибман.* Ғ. Фулом, Шум бола. *Кейин-ги қилдирган иссиқ-совуғи кор қилди, шекил-ли, биратўласига Марғилонни тилига олмаёқ кўйди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ИССИҚ-СОВУҚЧИ этн. Иссиқ-совуқ қилувчи дуохон. *[Юсуфбек ҳожи] Хотини-нинг.. шикоятларини ҳамма вақт эшитар, доимо иссиқ-совуқчи домла, хўжаларникида бош оғритиб юришини ҳам билар эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

ИССИҚХОНА 1 Ҳаммомнинг терлата-диган даражада иситиладиган алоҳида хо-наси. *Яқингинада юз ва сочларини силаб эс-ган шабада ҳозир сусайиб, ҳаво ҳаммомнинг иссиқхонасидагидай дим бўлиб қолди.* Ҳ. На-зир, Сўнмас чакмоқлар.

2 Ўсимлик ёки ҳайвонларни совуқ вақт-да парваришлаш учун куёш нури билан иситиладиган махсус ойнавон қурилма, бино. *Парниклар ва иссиқхоналарда етиш-тирилган эртанги сабзавот. ти Гоҳ идора-да, гоҳ лабораторияда, гоҳ ўсимлик, гуллар ўстириляётган иссиқхонада тўқнаш келиб қолишса, расмийгина саломлашиб ўтишади.* С. Нуров, Нарвон. *Кўшни маҳалладаги ис-сиқхона эгаси олтмиш минг сўм ойлик бер-моқчилигини айтди.* Газетадан.

ИСТАГАН 1 Истамоқ фл. сфдш. Иста-ган одамимни топдим.

2 айн. исталган 2. Магазинларда истаган нарсангизни топа оласиз. «Муштум». *[Китоб-хонлар] Истаган вақтда, истаган китобини топиб олиб ўқийдиган шароитга эга бўлиш-лари керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ИСТАК 1 1 Эҳтиёж хис-сезгиси; хоҳиш, майл. *Бунга истаги йўқ. Истаги бор. Истак билдирмоқ. Ўз истаги билан иш қилмоқ. Ис-тагига қарши чиқмоқ. тт Инсоннинг эркига тўсқинлик қилиш ҳам, унинг истак ва ин-тилишини поймол қилиш ҳам ваҳшийлик.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Лекин кўнглида эса, қошки шундай бўла қолса, деган истак ҳукмронлик қилар эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 Ўзгага қаратилган, кимсага нисбатан бўлган яхши ният; тилак. *Истак шуки, ёш авлод бўлсин Келгусининг ҳусни ва нақши.* Э. Раҳим. *..чўпонни табриклашди, яхши истак-лар билдиришди.* Газетадан.

ИСТАК II Ток пояларини боғлаш учун ишлатиладиган новда (асосан, тол новдаси). *Боғ очилганига бир ҳафта бўлди, боғбон-нинг қўлида истак.* С. Аҳмад, Колхозда ба-хрр. *Узоқ ўйлаб ўтирмай, тут, қайрағоч ва тол каби дарахтлардан истак чиллидим.. Истакларни белбоғимга қистириб, ишкомга кирдим.* А. Қодирӣ, Жинлар базми.

ИСТАКЛИК Истак бўладиган новда.

ИСТАЛГАН I Исталмоқ фл. сфдш. *Ис-талган натижага эришилди.*

2 Нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ҳар бири истисносиз; хоҳлаган. *Шанхайлик ишбилармон уста Мей Чокун оламнинг исталган нуқ-тасидаги маҳаллий вақтни кўрсатадиган соат кашф этди.* Газетадан.

ИСТАЛМОҚ Истамоқ фл. мажх. н. *Ис-талган натижага эришилди.*

ИСТАМОҚ I Ихтиёр этмоқ; хоҳламоқ. *Кўнглингиз нима истайди? Истаган нарсангиз топилади. Мен сизни ранжитишни ис-тамайман.* **тм** Хайрибиби, Комилжоннинг онаси — Меҳрихонни қўмсаб, ҳасратлашиб ўтиришни истаб қолди. Д. Нурий, Осмон устун. *Лекин Гулчеҳра Султон билан Дил-бар ўртасида ғов бўлишни сира-сера истамасди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 шв. Ахтармоқ, изламоқ, қидирмоқ. *Сиз кимни истаб эдингиз? тм* Зар қадрини била-ди заргар, Кошки заргар бўлса жононим; Зўр машаққат бўлса ҳам агар, Истаб келса мени меҳмоним. Ё. Мирзо. *..ёнидан папирос чиқар-ди-ю, чўнтагини ковлаб, гугурт истаб қол-ди.* С. Аҳмад, Сайланма.

ИСТАРА [ф. $\text{ʃʌLUJ} < \text{ʃʌLI}^{\wedge}$ — юлдуз]: **истараси иссиқ** Чехраси, юз кўриниши, ёқимли; хуш кўринишли, жозибали; юл-дузи иссиқ. *Истараси иссиқ йигит.* **тми** Халил жаажжигина, *истараси иссиқ, сочлари кўнги-роқ, бўйи ўзига қарийб тенг келадиган дил-каш бир қиз билан танишди.* Туйғун, Дўстлик севинчлари.

ИСТАРАЛИ Юз тузилиши, қиёфаси ёқимли. *Азизхон чинакамига истарали, бутун вужудида аллақандай бир жозоба ўйнаб ту-рарди.* С. Аҳмад, Уфк. *Ишкомда тугишиб, чай-лада катта бўлган бу истарали йигит соҳиб-корликни ўн беш ёшидаёқ эгаллаб, санъат да-ражасига кўтарган эди.* А. Мухтор, Чинор.

ИСТАРАПИЛ [р. стропила < строп — хода; том, шип] с. т. Томга ёпиладиган ту-нука, шифер ва ш.к. ни кўтариб турувчи қия тўсинлар. *Истаратил қурмоқ.*

ИСТАР-ИСТАМАС рвш. Унчалик иста-ги бўлмагани ҳолда, унчалик хушламаган ҳолда. *Истар-истамас рози бўлмоқ.* **тм** -Ҳа, шу ёқда ишим бор, — Мавлон ака истар-истамас жавоб берди. Ҳ. Фулом, Машъал. *Комилжон косадаги чучварадан истар-иста-мас еди-да, уни нарига суриб қўйди.* С. Зун-нунова, Янги директор.

ИСТЕЪДОД [а. л|.|*~ ,,1 — тайёргарлик, тайёрлик; мойиллик; қобилият] **1** Ниҳоят-да зўр ижодий қобилият; лаёқат. *Шоирлик истеъдоди. Истеъдод эгалари.* **тм** Биласиз, бутун истеъдодини халқ учун сарфлаган улуг одамлар ўзларини гражданин деб атаганлар. П. Қодиров, Уч илдиз. *Ҳар кимса ўз истеъ-додига қараб ўзидан кейин бирор из қолдириб кетиши керак.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Истеъ-додли бола ҳар қандай оилада дунёга келиши мумкин, лекин ундаги истеъдоднинг намоён бўлиши.. «Тафаккур».*

2 Истеъдод эгаси. *Истеъдод — жамият-нинг жтеллектуал мулки.* «Тафаккур». *Аср бошида адабиёт сахнасига чиққан адибла-римиз катта истеъдодлар эдилар.* Газетадан. *Истеъдодларни ҳам халқ ўзи етказиб бера-ди, талантлар халқ ичидан етишиб чиқади.* Газетадан.

ИСТЕЪДОДЛИ Истеъдодга эга бўлган; қобилиятли, лаёқатли. *Бизнингча, истеъдод-ли бола деганда, ноёб интеллектуал салоҳи-ятга эга бўлган ҳамда жамият*

тараққиё-тини белгиловчи, ижтимоий қиммати зўр билимларни мукамал эгаллашга қобил ўқув-чини тушунишимиз лозим. «Тафаккур». Бо-бур энди ўн тўққизга кирган ёш йигит бўлса ҳам, ниҳоятда истеъдодли, ниҳоятда дову-рак саркарда эканини Шайбонийхон амалда кўрди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ИСТЕЪМОЛ [а. Л «-...1 - ишлатиш, фойдаланиш; амалиёт, одат] **1** Иқтисодий-маиший эҳтиёжлар учун ишлатиш; қўл-лаш, фойдаланиш. *Кенг истеъмол моллари. Истеъмолдаги сўзлар. тт* Тилимиздаги баъ-зи бир сўзлар даврлар ўтиши билан эскириб, истеъмолдан чиқиб кетади. «Ўзбек ти-ли» дарслиги. *Эҳтимол, гижжасак ва гижжасимон* созларнинг дунёдаги барча халқ-лар мусиқий истеъмолида кенг тарқалганлиги.. Газетадан.

2 Ейиш-ичиш; қабул қилиш. *Гўшт ис-теъмол қилмоқ. Дори истеъмол қилмоқ. тт* Аъзоларнинг ўз истеъмоллари учун экилган майда экинлари ҳам чакки эмас. А. Қодирий, Обид кетмон.

Истеъмол қилмоқ (ёки этмоқ) **1)** эҳти-ёж учун фойдаланмоқ; қўлламоқ, ишлат-моқ. *Ёгчироқ кўп йиллардан бери истеъмол қилинмай қолган бўлса-да, лекин ўз вақтида фавқуллодда роль ўйнаган. Т. Қориниёзий, Ҳаёт мактаби; 2)* тановул қилмоқ; емоқ, ичмоқ. *Сут, қатикдан кўпроқ истеъмол этияпсизми? Мирмуҳсин, Меъмор. Карам — халқимиз севиб истеъмол қиладиган хушхўр сабзавотлардан бири.* Газетадан.

ИСТЕЪМОЛЧИ Истеъмол қилувчи, ишлатувчи, фойдаланувчи; харидор. *Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмол-чилар ўртасидаги шартнома муносабатла-рини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифа бўлибтурибди. «Мехнат».*

ИСТЕЪМОЛЧИЛИК Истеъмол билан боғлиқ, истеъмол қилишга оид. *Давлат ишлаб чиқариш ташкилотларини бюджет томонидан қўллаб-қувватлашни кескин камайитириш, истеъмолчилик сармоя ёрдамини чеклаш..* Газетадан.

ИСТЕЪФО [а. Л h,,il — кечириш ҳақида илтимос қилиш; вазифадан чекиниш, бўшашни исташ] **1** Ҳарбий хизматчиларни ёши ўтганлиги, касаллиги ва б. сабаблар туфайли ҳарбий хизматдан бўшатиш.

2 ҳуқ. Ҳукуматнинг, унинг бошлиғи ёки алоҳида вазирларнинг ҳукуматга ишончсизлик билдирилиши, ҳукуматда-ги ички ихтилофлар туфайли ўз мансаби ёки хизматидан кетиши, воз кечиши; ўз ваколатларини зиммасидан соқит қили-ши. *Сухартонинг энг якин сафдошларидан бири Хармоко ҳам президент истеъфосини талаб қила бошлади.* Газетадан. *-Истеъфо-ларини қабул этмайман, бориб вазифангизни бажараверинг, — деди \амир\.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Истеъфо бермоқ Мансаб-вазифасидан кетмоқ, кетиш ҳақида мурожаат этмоқ. *Ўттиз икки йиллик ҳукмронликдан сўнг Ин-донезия Президенти Сухарто истеъфо берди.* Газетадан. **Истеъфога чиқмоқ** Мансаб-вази-фасини тўхтатмоқ, ундан кетмоқ. *Халқ яши-рин овоз билан, демократик асосда сайлаган раҳбарларнинг истеъфога чиқишини талаб қилиш ҳам адолат талабларига зиддир. Э. Юсупов, Истиклол йўлида. Ишбилармольтр-дан баъзилари бўлса, ё жойларини тополмай юришибди, ё элбурундан истеъфога чиқиб олишибди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Ис-теъфогаги* Истеъфога чиққан, истеъфода бўлган. *Шартномавий муносабатларни тўзри йўлга қўйиш учун.. истеъфогаги тажрибали юристларни ҳам жалб этдик.* Газетадан.

ИСТЕҲЗО [а. с\ jd" — устидан кулиш; мазах, пичинг, киноя] Кимсанинг устидан кулиш, масхара қилиш; масхара, мазах ва унинг, одатда, гап-сўз, мимика ва ш. к. замирида ётувчи ифодаси. *-Балки, бегингиз-нинг тамалари хон қизидадир, — деди истеҳзо билан Ҳомид. А. Қодирий, Ўтган кун-лар. Соддадил кампир унинг овозидаги истеҳ-зони сезмасдан, дарров кўзига ёш олиб, ҳас-рат қила бошлади. О. Ёқубов, Ота изидин.*

ИСТЕХЗОЛАНМОҚ кам қўлл. Масхара (истехзо) ифодасини намоён қилмоқ. [Ку-муш] *Зайнабнинг бир ярим қарич осилиб кет-ган қовоқ-дудогига истехзоланиб, томоша қилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИСТЕХЗОЛИ Истехзо ифодали, зами-рида истехзо бўлган. *Унинг лўппи, юмалоқ юзларида истехзоли кулги пайдо бўлди.* Ш. Ғуломов, Бўз ер уйғонди. *Муҳаммаджонга доим илиқ муомала қиладиган Зуфар Ҳаки-мович бугун нега қўл бериб кўришмагани мана шу истехзоли саволидан билиниб турарди.* П. Кддиров, Уч илдиз.

ИСТЕХЗОСИЗ Истехзодан холи. *Унинг кулгиси истехзосиз, самимий эди; ҳазиллари пичингсиз, қочириқлари аччиқ эмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

ИСТЕХКОМ [а. .κ^-...i - мустаҳкам-лик, мустаҳкамланиш; мудофаа иншооти] **1** ҳарб. Мудофаа, душмандан сақланиш учун қурилган мустаҳкам тўсиқ, ғов, девор, қалъа ва ш. к. *Ҳарбий истехком.* *Мудофаа истехко-ми.* *Дала истехкомлари.* *Истехком қурмоқ.* **иш** *Сиз мардлар авлоди, сиздаги гурур Пулат найза каби ўткир, букилмас. Шунқор кўкра-гингиз истехкомдан зўр.* Ғ. Ғулом. *Тоштемур бўлинмаси зиммасига душман истехкомлари-ни портлатиши вазифаси юклатилган эди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Умуман, муҳофаза учун (мас, қум бўронидан сақланиш учун) ишланган қурилма.

ИСТИБДОД [а. »1 '■•■■■) — ўзбошимчалик, зўравонлик; мутлақ ҳокимият] Мустабид-ларнинг маҳқумлар, мазлумлар устидан чекланмаган ҳуқуқига асосланган жабр-зулм, эзиш; шу асосга қурилган идора усу-ли. *Тошкент халқи Азизбек истибдодидан ортиқ тўйди, кимдан кўмак сўрашни ҳам билмайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳат-то Олий кенгаш Бухорода амирлик йиқитил-ганидан, истибдодга барҳам берилганидан қаноатда эканини баён қилибди.* Ш. Холмир-заев, Қил кўприк.

ИСТИБДОДЧИ Истибдодга асосланган; мустабид, золим.

Истибдодчи ҳукумат Золим подшоҳ ҳукумати.

ИСТИЛО \а. fN; '-j — қўлга киритиш, эгаллаб, босиб олиш] Қурол кучи билан ўзга мамлакатни босиб олиш, забт этиш. *Араблар истилоси.* *Ажнабийлар истилоси.* **иш** *Бухоро шаҳрининг ҳар ерида турли қурилиш-лар бошланиб кетди.* *Уларнинг энг йириги ва ҳатто мўғуллар истилосидан кейинги энг улкани Улугбек мадрасаси эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИСТИЛОЧИ Истило этувчи ёки этган; ўзгаларнинг ерини, мамлакатини қурол кучи билан босиб олган; тажовузкор. *Жуда қадим замонлардан тугилган бу дўстлик чет эл истилочиларига қарши биргаликда олиб борилган курашларда мустаҳкамланди.* Газетадан. *Бизнинг майда-чуйда ҳокимларимиз бир-бири билан иноқ бўлмагани, бирлаша ол-магани сабабли, катта кучга эга бўлган ис-тилочининг ҳамласига дош беролмадик.* Мир-муҳсин, Меъмор.

ИСТИЛОЧИЛИК Ўзгалар мамлақати-ни қурол кучи билан босиб олиш, шундай мақсад йўлидаги хатти-ҳаракат, сиёсат; та-жовузкорлик. *Истилочилик сиёсати.* **т** *XIX аср бошларида қирғизларнинг ерлари ажна-бий босқинчиларнинг истилочиликдан иборат интилишларининг объекти бўлиб қолган эди.* Газетадан.

ИСТИЛОҲ \а. j-bLU^I - одатдаги сўз қўллаш; атама, термин] *эск. кт.* Термин, атама. *Фалсафа истилоҳ/ири.*

ИСТИЛОҲОТ *эск. кт.* Терминология, терминлар, атамалар.

ИСТИНОД \а. il ...l — суяниш, таянч; далиллаш, асослаш] *эск. кт.* Таяниш, орқа қилиш, суяниш; таянч, суянчик. *Давлат-нинг истиноди.* *Истинод этмоқ.*

ИСТИНОДГОҲ *эск. кт.* Таяниладиган, беркиниладиган жой; таянч, орқа.

ИСТИОРА \а. bj\ *z — қарз(га) олиш; сўзни ўз маъносидан бошқа маънода қўллаш] *ад.* Предметлар ўртасидаги ўхшаш-ликка асосланган бадиий кўчим.

ИСТИРОҲАТ [а. - дам олиш,

роҳат қилиш; танаффус) Дам олиш, ҳордиқ чиқариш; ҳордиқ. У [Сидиқжон] ..истироҳат чоғларида рўпара келган тўпга қўшилиб, хур-сандчишиқ қилар.. эди. А. Қаххрр, Қўшчинор чироқлари. Бу ов Авазга катта истироҳат баҳиэтди. Ж. Шарипов, Хоразм. Гуломжон, узоқ йиллар оғир ётиб турган касалдай, ба-ҳор ва ёз паллаларини қишлоқда истироҳат билан ўтказди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Истироҳат қилмоқ (ёки **этмоқ**) Дам олмоқ, ҳордиқ чиқармоқ. Навоий.. тўни-ни ечиб, бир нафас истироҳат қилмоқчи бўлди. Ойбек, Навоий. Уандак истироҳат этгани уйга кириб кетди. С. Сиёев, Аваз.

ИСТИРОҲАТГОҲ Дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган жой. Гоҳ одамлар.. велосипед-га миниб, шаҳардан ташқаридаги истиро-ҳатгоҳ — булоқ бўйига жўнайди. А. Қах-ҳор, Сароб.

ИСТИСНО [а. $\text{ز}^1 \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet \bullet$] — нарсалар тўпла-мидан бирортасини ажратиш; мустасно қилиш] *рви.* Қонун-қоидадан, умумий тар-тибдан ёки қатордан, ҳисобдан ташқари; мустасно. Умумий қоидалар ҳамма вақт ис-тиснога йўл қўяди. *тти* Экскурсияга ҳамма боради, бундан фақат дежурликка қолдирил-ган болалар истисно. Газетадан. ..шароит ҳаммиша зарур вақтларда ўз қоидаларидан ис-тиснога йўл қўяди. С. Айний, Эсдалиқлар.

Истисно қилмоқ (ёки **этмоқ**) Қонун-қоида, тартиб, қатор ва ҳисобдан ҳоли қилмоқ. Дарҳақиқат, Йигиталининг коллек-тиви, Шоди Мударрисовични истисно этган^ да, ажойиб кишилардан иборат эди. Д. Ну-рий, Осмон устун. Ўзбекистонда (тоғра-йонларини истисно қилганда) бу йилги юнг жуда яхши чиқди. Газетадан.

ИСТИСНОСИЗ *рви.* Истисно қилмасдан; мустасносиз, беистисно. Бу йил истисносиз ҳамма хўжалиқларда камида икки йилга ета-диган озуқа тайёрлаш мумкин. Газетадан.

ИСТИСҚО [а. *L«^J - сувга талаб, эҳтиёж; қоринга сув йиғилиши] *тиб.* Юрак, буйрак ва ш. к. нинг касалланиши натижа-сида тана тўқимасида, хусусан, тери ости ёғ қаватида сув тўпланиши. Мен фалон бой-ваччанинг хотини бўлар эдим. У киши яқин-да истисқо касали билан ўлди. Ғ. Гулом, Ти-рилган мурда. Нўхат қайнатилган сув ис-тисқо ва сариқ касалига фойдалидир. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ИСТИФОДА [а. فدا iz.,] -фойдаланиш; фойда олиш] Фойдаланиш, ишлатиш.

Истифода қилмоқ (ёки **этмоқ**) Фойдалан-моқ, қўлламоқ, ишлатмоқ. Улар оммада ди-ний, Мўминий адоват қўзгаб, уни ўз мақсадла-ри йўлида истифода қилмоқчилар, бу орада сен ва мен ҳаром ўлиб кетамиз. С. Айний, Дохунда. ..инсонларунинг билиш&иридан, таж-рибаларидан истифода этадилар.. Газетадан.

ИСТИФОДАЛАНМОҚ Фойдаланмоқ, истифода қилмоқ.

ИСТИФСОР [а. سور - сўров, сўраб билаш; хабар олиш] Изоҳ талаб қилиш, сўраб билиш. Чол ҳозир боши берк кўча ичи-да.. большевикнинг асли-насли ҳақида узун-дан-узоқ истифсор талаб қиладилар. А. Қоди-рий, Кичик асарлар.

ИСТИҚБОЛ [а. قېلىپ - бирор кимса ёки нарсани қарши олиш, кутиб олиш: келажак замон] **1** Келгуси замон, келгу

278 £^

силаги ҳолат, ҳаёт; келажак. На ҳозирги ҳолати, на истиқболи унга ҳеч нарса ваъ-да қилмас эди. А. Қахҳор, Сароб. Анвар ис-тиқболда қанчалик мушкулот ва хатар кўрмасин, бу жасоратни хуш қабул қилиш-га мажбур, чунки муҳаббатдан ҳам илга-ри йигитлик тақозоси шу эди. А. Қоди-рий, Мехробдан чаён.

2 Келгусига оид, келажак билан боғлиқ нарса, иш ва ш. к. Яқун ва истиқболлар. Га-зетадан. Узаро манфаатли иқтисодий ҳам-корлик учун чинакам истиқболлар ҳам бел-гилаб олинди. Газетадан. Бундан мақсад бу конларнинг қачон очилгани, қанча муддат фойдаланилгани ва, ниҳоят, уларнинг истиқ-болини аниқ белгилаш устида илмий иш олиб бориш эди. С. Кароматов, Олтин қум.

3 Қарши олиш, қаршилаш (ва унинг белгиси, ифодаси). *Йигитали қадамини тезлатди-ю, негадир қиз истиқболига ошиқма-ди.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Чўлбобо истиқ-болига аёллар ўринларидан турдилар, унга тўрдан жой кўрсатдилар.* Ҳ. Фулом, Феруза. *Умид узоқдан Ҳафиза келаётганини кўриб, истиқболига юра бошлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Икки солдат билан истиқболига чиқ-ди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ИСТИҚБОЛЛИ Истиқболи порлоқ, ке-лажагидан яхши умид қилса бўладиган. *Истиқболли ёш олим. Истиқболли иш. тт Ис-тиқболли режа ва лойиҳаларга эса лозим да-ражада эътибор берилмади.* Газетадан. *..Бер-та Давидованинг бундан кейинги ижоди яна-да баркамол, янада истиқболли бўлишига ишонамиз.* Б. Насриддинов, Санъат ошиғи.

ИСТИҚБОЛСИЗ Истиқболи, келажаги йўқ; келажагидан яхши умид қилиб бўлмайдиган. *Истиқболсиз режа.*

ИСТИҚЛОЛ [а. JjUi^l - мустақиллик, мустақил, эркин бўлиш] Инсон, миллат, давлатнинг бошқаларга тобе бўлмай, ўз эрки билан яшаши, ўзини-ўзи идора эти-ши; мустақиллик, эркинлик. *Мwиш истиқ-лол. тш Истиқлолга эришганимиздан кейин мустақиллик даврига муносиб янги қонунчи-ликни яратиш вазифаси вужудга келди.* Га-зетадан. *Истиқлол йилларида қишлоқ хўжа-лик маҳсулотлари етиштириш борасида ҳам мамлакатимиз мавқеи анча кўтарилди.* «Фан ва турмуш».

ИСТИҚОМАТ [а. с^Qi^l - тўғрилиқ, ҳалоллик; тўғриланиш; бирор жойда бўлиш]: **истиқомат қилмоқ (ёки этмоқ)** Би-рор жойда қаёт кечирмоқ; яшамоқ, турмоқ. *Бундан бир неча йил бурун аёллар, гўдаклар истиқомат қилган ертўла.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Кўчат ўтқазини.. ўзимиз истиқомат қилаётган ҳовлидан.. бошлайлик.* «Гулистон». *Биздаги маълумотларга қараган-да, ноқонуний савдо билан шуғулланувчи шахсларнинг аксарияти шу туман ҳудудида истиқомат қилади.* Газетадан.

ИСТИҚОМАТГОҲ Истиқомат қилина-диган жой, турар жой. *Воҳадаги истиқомат-гоҳ^гарнинг мустаҳкамланганлиги.. Хоразмнинг сиёсий ҳамда иқтисодий жиҳатдан Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб қол-ганлигини кўрсатади.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.

ИСТИҒНО [а. pLLJu^l - эҳтиёжсизлик, бадавлатлик; ноз-карашма қилиш] 1 Муҳтож бўлмаслик (эҳтиёж сезмаслик) қис-туйғуси, шундай ҳис-сезгили муносабат, қолат. *Эгасининг одамгарчилиги ҳар қанча катта бўлганда ҳам, меҳмонларинг.. истиғ-но ва виждон доирасидан чиқмаслиги лозим.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Гўзал қилиқ билан тортиниш; ноз. *Нуқра Давроннинг ўзига қадалиб турган кўзларига: «Менга мунақа қараманг», деган-дай истиғно билан боқди-ю, бармоқларини силкитганча, дарахтлар орасига шўнғиб кет-ди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *-Бас, бас-э! — деб Қирмизхон истиғно билан чимирил-ди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ИСТИҒНОЛИ Истиғно ифодаловчи, истиғно билан. *Истиғноли қараш. тт Қир-мизхон бўялган лабларини истиғноли бурди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

ИСТИҒНОЧИ Истиғно қилувчи; ноз-ли, қарашмали.

ИСТИҒФОР [а. jl ь;-,1 - гуноҳни кечи-ришни, афв этишни сўраш] Худодан гуноҳни кечиришни сўраш, қилган гуноҳларига тавба изҳор этиб, «астағфируллоҳ!» дейиш.

Истиғфор айтмоқ (ёки келтирмоқ) Гу-ноҳни ўтишни сўрамоқ, «астағфируллоҳ» демоқ. *Уаттор\ из қидириб, эшоннинг дар-возасигача келса ҳам, эшондан шубҳа қилиш гуноҳ бўлганидан, истиғфор айтиб, қайтиб кетган.* Ғ. Фулом, Шум бола. *Дилинғиздаги васвасаларни ҳайданг. Истиғфор айтинг.* К. Яшин, Ҳамза.

ИСТИҲОЛА [g.dU-,1 - бир ҳолатдан бошқасига ўтиш, ўзгариш; мумкин эмас-лик] Андиша, мулоҳаза ҳисси; тортиниш. *Шарофат хола ўйининг охирига етмас. ле-кин истиҳола билан индамас эди.* Ё. Шуку-ров, Орзулар. *Келин-ку янги тушган оилада истиҳола билан кескин ҳаракат этолмаган-дир. Аммо йигит-чи? «Муштум».*

Истиҳола қилмоқ (ёки тортмоқ) Шун-дай ҳисни туймоқ. *Муса зарда билан бури-либ, Бўтага еворгудек бўлиб тикилди, айта-диган гапи уятлироқ экан шекилли, аёллардан истиҳола қилиб айтолмади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Жуда истиҳола тортиб, пешонамдан тер чиқиб кетди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мур-да. *Бироқ шундай фильмлар ҳам борки, гоҳи-да уларни кино дейишга истиҳола қиламиз.* Газетадан. **Истиҳолага** бормоқ айн. истиҳола қилмоқ. *Чувак юзли йигит сира истиҳо-лага бормай, яна гапира кетди.* Газетадан.

ИСФАҲОН [ф. ц!д=--1 - Эроннинг мар-казий қисмидаги шаҳар номи]: Исфаҳон пўлатидан ясалган қилич; ўткир қилич. *Бел-да кескир исфаҳон.* «Равшан». *Бир солар ис-фаҳон — ўткир қиличди, Обрў бер деб, хип-ча белга боғлайди.* «Ойсулув».

ИСФАҲОНИЙ Исфаҳонга мансуб, Ис-фаҳонда ёки Исфаҳон пўлатидан ясалган. *Бобур.. Малик Хожжага уч ҳафта муқаддам ўз қўли билан исфаҳоний қилич тортиқ эт-ган эди.* Х. Султонов, Бир окшом эртаги.

ИСЧИРОҚ 1 Пилик ёки пилта билан, ёғ қуйиб ёқиладиган лампасиз чироқ. *Зигир ёғи қуйилган исчироқнинг шуъласидан жуввозхона ичи қизғин қоронги эди.* Н. Фозилов, Оқим.

2 дин. Азиз-авлиёлар ўтган жойларга маълум вақтларда ёқиладиган чироқ. *Хол-жон хола ҳар икки ҳафтада чилтонларга атаб шавла қилади, исчироқ билан куймала-нади.* Ғайратий, Довдираш.

ИСҚАРЛОТ [итсп. scarletto < лот. scar-latum — тўқ қизил рангли қимматбаҳо газ-лама < а.+ф. ji-J] эск. Қирмизи, тўқ қизил қимматбаҳо мато ва шундай матодан тикилган кийим (асосан, чакмон). *Тез бўл, исқарлот жомани кийгил, дасторни ўрагил!* Ойбек, Навоий. *Ким билади.. Машиҳадийнинг силлиқ назми валинеъматнинг кўнглини шун-дай асир қиларки, у исқарлот чакмон ҳам инъом қилиб юборар!* Ойбек, Навоий.

ИСҚИРТ 1 Жуда ҳам кир; яғир, ифлос. *Бекнинг кўзига бўйнига тўрва осган юпун аёл кўринди. Кўйлаги йиртиқ. Оппоқ билаклари исқирт.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Ҳовлида тинмай-кўнмай хизмат қилиб юрган пахмоқ сочли, исқирт кишимли ёш-қари хотинлар ҳам ан-чагина.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шундай ҳолатга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Мингбоши ўрнидан даст туриб, Кудратга ўдагайланди: -Йўқол кўзимдан, исқирт!М.* Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўчма Чикит, кераксиз (нарса, кимса). *«Исқирт бўлиб лақиллаб юраманми», дедим-да, орқамдан ўпкасини қўлтиқлаб юрган Мах-зумовга турмушга чиқиб олдим.* Ғайратий, Довдираш. *20 кишига мўлжалланган буошхо-нага.. 150 киюграмм нон олиниб, шундан 30 килограмми исқиртга чиқаркан.* Газетадан.

ИСҚОТ [а. JoU^{ul} - олиб ташлаш; йўқ қилиш, соқит қилиш] **1 дин.** Қилинган гуноҳни ювиш ёки бало-офатни даф этиш ниятида ажратилган пул, нарса. *Ҳожси эшон-га тортиқ қилиш учун бир тўп доқа, исқот бериш учун юз танга нақд пулни оқсоқол қўли-га топширди.* С. Айний, Дохунда.

2 дин. Ўлган кишини нариги дунёда тортадиган азобдан қутқариш учун бериладиган пул, нарса. *Абдуражаб қассоб де-ган вазсоҳатли чол қазо қилиб, исқот кўтарилганида, пир-эшон ҳазратлари ҳузурида шу чолнинг «гуноҳларини сотиб олиб», бандаи эзгуликдан эътиборли мулкдорлар дои-расига аралаша бошлаган экан.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 Муайян нарса-буюмнинг нархидан ёки оғирлигидан кам миқдорни белгилаш, камайтириш; ана шу камайтирилган нарх ёки оғирлик; сийлов.

ИСҚОТИ 1 Исқот қилинган, исқотга берилган, қўйилган нарса.

2 Шу нарсага нисбатли ҳақорат (сўкиш) ни билдиради. *Атторнинг эшаги шундай ўйлаб қараса.. аттор ҳар куни азонда оғир юк ортади, ўзи ҳам минади, «хи, исқоти!» деб, икки биқинига тепади.* А. Қаҳҳор, Ба-рон фон Ринг. *Пора бишин, пул билан чиқиш мумкин эди.. Каминада эса ўша исқотидан йўқ эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

ИТ 1 Уй-рўзғорни кўриклаш, ов овлаш ва ш. к. мақсадлар учун сақланадиган тўрт оёкли сутэмизувчи уй хайвони. *Кўпнак ит. Ов ити. ти Катта темир дарвоза остида чўзилиб ётган хирсдай ит бошини кўтариб ириллади.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

2 Шу хайвонга нисбатланувчи ҳақорат-ни билдиради. *Азизбек қаришида қўл боғлаб турган дарвоза бегига бақирди: -Нега қараб турасан, дарвоза устига чиқ, ким экан у ит?! А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Халқ то-вуши тинимсиз гувуллайди: -Бу ёққа чиқ, итлар! Ойбек, Танланган асарлар.*

Ит эмган сўк. Итвачча, итдан тарқаган. *-Бу ёққа кел, ит эмган! — деди мингбоши, қизил кўзларини ола-була қилиб.* М. Исмой-лий, Фарғона т.о.

3 кўчма Бировнинг манфаатларини химоя қилиб, бошқаларга зулм ўтказувчи одам; малай. *Мусулмонқулнинг ити бўлмаса, ўзимиздан мингбоши бўларлик одам қуриб қолувдими, дейман.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Келинг, шердаргоҳнинг ити, тортинманг, юқорига ўтинг.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Мучал йил ҳисобида ўн биринчи йил номи; сак. *Унинг йили ит.*

Ит йили Мучал йил ҳисобида ўн би-ринчи йил (қ. мучал).

Бошига ит кунини солмоқ Роса қийна-моқ, ўта азоб-қийноққа солмоқ. *Улар қишлоқдагиларнинг бошига ит кунини солибди: деҳқонларни қийнабди, ўлдирибди; пахта эк-саларинг — ўлдирамиз, деб дўқ урибди.* Ҳ. Тур-сунқулов, Ҳаётим қиссаси. **Бўинидан боғлан-ган ит овга ярамас** Хоҳиши бўлмаган ки-шини зўрлаганинг билан иш бермайди, де-ган маънода ишлатиладиган мақол. **Ит азо-би** Ниҳоятда қийин, машаққатли ҳолат, аҳвол. *Биласанми сеп бу ўзбошимчалигинг би-лан отангни ит азобига солишингни?* К. Яшин, Ҳамза. [Ҳожар:] *Ит азобида кечани кундузга улабмеҳнат қила-қила, энди юрт орасида шер қилдим деганда, обрўни тўкиб қўйсам, қан-дай кўргилик!* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Ит боқмайди** Назар-эйтибордан қолган, эйти-бор берилмайдиган шахс ёки нарса ҳақида, унга нисбатан қўлланади. *-Бувижон, буви-жонга.. ит боқмайди-ю, аммо ўз билганини қишиди, — деди кампир буви Пулатжон ака-га.* Мирмуҳсин, Умид. **Ит тегди ёки ит тек-кан** Нопок, ҳаром бўлди (номусига тегил-ган аёл ҳақида). *Қай юз билан боқаман унга? Мени кечирармикан? Кечирмас! Ахирменга ит теккан/С.* Аҳмад, Ҳукм. **Итхасратда айн. ит азоби(да).** **Итдан суяк қарз** Қарзи жуда кўп, ҳаммадан қарз. **Итининг туваги олгиндан** Жуда ҳам бой, ошиб-тошиб кетган бой. **Ит-нинг кейинги оёғи** Иш-фаолият ва ш. к. да қатордагилардан (бошқалардан) энг охир-да эканликни билдиради. *..бирор хунар-пунар ўргансин. Йўқса.. итнинг кейинги оёғи бўлибқолади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Ичини ит таталамоқ (ёки тирнамоқ, кемирмоқ)** айн. **ичини мушук таталамоқ қ. ич.** Ниҳоятда безовта бўлмоқ, тинчсизланмоқ. *Шу вақт-гача шоирнинг ҳаёти учун қўрқиб, ичини ит тирнаётган вазир енгил нафас олиб, жавоб ўрнига бош эгиб қўйди.* М. Осим, Зулмат ичра нур. *Чои ичаётибман-у, хавотирдан ичимни ит таташяпти.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Бироқ ичимни ит кемиряпти.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади** Иши юришмаган, омадсиз киши ҳақида ай-тиладиган ибора.

ИТАЛГУ айн. **итолғи.**

ИТАЛЬЯН 1 Италия туб а\олисининг номи.

2 Италия халқига мансуб. *Итальян тили. Италия аёли.*

ИТАЛЬЯНЛАР Италиянинг туб аҳоли-си, итальян халқи.

ИТАЛЬЯНЧА 1 Италияларга, уларнинг тили ва маданиятига оид. *Итальянча кўшиқ.*

2 Италия тили. *Сиз итальянча(ни) би-ласизми ?*

ИТАРМОҚ Ўзидан нари томон сурмоқ ёки суришга ҳаракат қилмоқ. *Стolni девор томонга итармоқ. Пиёлани столнинг ўрта-сига итариб қўймоқ. ти [Йўлчи/ Ички бир жасорат билан эшикни итариб, уй ичига кирганини сезмай колди.* Ойбек, Танланган

асарлар. *Одамлар бир-бирларини итариб, қоқилиб, зўр бўрон билан олдинга югурди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кўкрагидан итармоқ Йўлатмай, яқин-лаштирмай, қўшмай ҳайдамоқ. *Шундай ёмон кунда биз билан бирга бўлган ҳар қандай одам-ни қадрлаш керак, кўкрагидан итарсак яхши эмас.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИТБАЛИҚ Сувда ва курукда яшовчи (ам-фибия)ларнинг тухумдан чиққан муртаги. *Курбақа тухуми уруғлангандан сўнг, ундан итбалиқ чиқади.* «Зоология» дарслиги.

ИТБОЗ Итга ишқибоз, ит боқувчи. *..би-ласизлар-ку, ўлардек итбозман. Уйдаги итла-рим билан сувда олишавериб, уста бўлиб кет-ганман.* Х. Тўхтабоев, Сарикқевни миниб.

ИТБУРУН Майда қизил нордон мева-ли бута ва унинг меваси; наъматакнинг бир тури. *Йигирма қадамча чапроқда, қуюқ ит-*

16-Ўзбек тилининг изо\ли луғати

бурун буталари ичида булбул сайрай бошла-ди. С. Кароматов, Олтин кум.

ИТВАЧЧА 1 Итнинг боласи, итдан ту-ғилган (ёш болага нисбатан қўлланади). *Нуқул итвачча дер эмиш. Астағфирулло, ўз боласини, ўзи туққан болани итвачча desani* А. Қахҳор, Қўшчинор чироклари.

2 Шу маъно билан (асосан, ёшларга нисбатан) ҳақорат учун қўлланади. *Шош-май тур, ҳали у иззатини билмаган итвач-чани тутиб, адабини бермасам, Мадумар отимни бошқа қўйиб юбораман.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

ИТВОЙ с. т. Ёш шахсга нисбатан маъ-лум даражада эркаловчи муносабатни билдиради. *Эй, итвой, ахир айтяпти-ку, хатни тутнингми, толнингми каллагига қўйсин, деб.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

ИТЁҚА: итёқа кўйлак Тўғри, тик ёқаси бўлган кўйлак (яктакка нисбатан). *Калта, итёқа кўйлакнинг устидан энли камар боғ-лаб, тўппонча тақиб олган қоп-қора.. бир киши сўрига чиқиб, халққа ваъз айтди.* А. Қахҳор, Ўтмишдан эртақлар. *Учинчи киши.. итёқа қалин кўйлак сиртидан енгил яктак кийган.* С. Сиёев, Аваз.

ИТИРҚИН(И) с. т. Жуда ҳам бетартиб; қаровсиз. *Уй итирқини бўлиб кетибди.* **ит** Туну зулмат қоришиқ эди. *Итирқин ер эди хокисор.* М. Али, Бокий дунё.

ИТЛИК Итга хос хатти-ҳаракат, қилиқ. *Бас, йиғлама, золимлар кўп.. уларнинг шундай номаъқулчиликлари, итликлари бўлиб туради.* Ойбек, Болалик.

ИТМОМ \а. *L»3j ~ тамомлаш, яқун-лаш; тамом бўлиш] эск. кт. Сўнг, охир.

Итмомига етмоқ Охирламоқ, тугамоқ. *Бундан сўнг маросим итмомига етиб, Анвар секин-секин орқаси билан юриб, биринчи хо-нага ва.. дахлизга чиқди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ИТ-МУШУК Бир-бири билан ҳеч чи-қишмайдиган, жанжалли муносабатга эга. *Улар бир-бири билан ит-мушук.*

Ит-мушук бўлмоқ Жанжаллашиб ғижил-лашмоқ, ит билан мушук каби олишмоқ. *Баъзан бир ота-онадан дунёга келиб, бир-би-рига меҳр-оқибатсиз, таъбир жоиз бўлса, «ит-мушук» бўлиб яшовчи ака-ука, опа-сингиллар-ни кўрамиз.* Газетадан.

ИТОАТ [а. — бўйсунуш] Кимса-

нинг айтганини қилиш, амрини бажариш,

бўйсунуш; тобелик. *Юзидан мулойимлик, эрига итоат, тўғрилиқ маънолари томиб турган бу хотин — қутидорнинг рафиқаси — Офтоб ойим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Итоат қилмоқ (ёки этмоқ) Бўйсунмоқ, ҳукмига юрмоқ. *Араббойнинг ёши ўн еттида, гавдаси ҳам каттароқ бўлгани учун, ҳамма болалар унга итоат қиларди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бугундан эътиборан Исфан-диёр тўра Хива хонидир. Ҳамма янги хонга сўзсиз итоат қилишга мажбур.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Амрига итоат этмайдиган бир куч шунга мажбур қилди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ИТОАТГҮЙ айн. **итоаткор**. Ўқитувчи-лар қонунга энг итоатгўй кишилар ҳисобланадиш. Газетадан.

ИТОАТГҮЙЛИК айн. **итоаткорлик**.

ИТОАТКОР Итоат қилувчи, итоатли; кимсага бўйсунувчи, тобе. *Ахмад Хусайн қулдан бадтар ожиз, забун, хамиша тақдирга ито-аткор, гирт саводсиз бу деҳқоннинг мулоҳаза-ларига ҳайрон қолди.* Ойбек, Нур кидириб.

ИТОАТКОРЛИК Итоат қилиш хис-туй-ғуси, хусусияти. *-Совуқ қотдингми? — Сувон-жон унинг елкасига қўл ташлаб, ўзига торт-ди. Оисулув итоаткорлик билан Сувонжоннинг кўкрагига бош қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИТОАТКОРОНА Итоаткор ҳолда, ито-аткорлик билан. *Пошиа хола тез ўгирилиб, ёнида баланд жуссасини итоаткорона эгиб турган Дороббекка кўзи тушиди.* Д. Нурий, Осмон устун.

ИТОАТЛИ Итоат қиладиган, бўйсун-диган. *Итоатли бола.*

ИТОАТСИЗ Итоат қилмайдиган, бўйсун-майдиган. *Итоатсиз бола.*

ИТОБ I \а. — таъна, маломат; қий-ноқ] Таъна, маломат, танбеҳ. *У. биринчи итобаёқ ота-она гуноҳига тавба қилишга ҳозирланар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИТОБ II с. т. Сургун. *Итобқилмоқ.*

ИТОБОМУЗ [а. + ф. **ʼL. ʼLc** - таънага ўхшаш, таъна аралаш] Таънали. *У Кумушдан итобомуз сўз, аччиқ хитоблар кутар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИТОЛҒИ Лочинлар оиласига мансуб, ов қуши сифатида фойдаланиладиган йиртқич қуш. *Қистаса, ўтади итолғи қушдан.* «Гулнорпари».

ИТОҒИЗ Сигирқуйрукдошлар оиласига мансуб, гули итнинг оғзига ўхшаш бир йиллик ўсимлик ва унинг гули.

283

ИТПАШША Уй хдйвонларида бўлади-ган қонхўр ҳашарот. \Жўра\ *Отнинг яғринига ётишган битта итпашиани тутиб, сўка-сўка, этик поинаси билан эзди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

ИТСИГЕК айн. **болтирик**.

ИТТЕРБИЙ \лот. ytterbium < Швеция-даги Иттербю (Ytterby) қишлоғи номидан] Менделеев даврий системасининг **III** гуру-хига мансуб кимёвий элемент; оқиш кулранг металл.

ИТТИК шв. Уткир. *Алим бува оқ, ўсиқ қошлари остидаги ҳали ёш кўринган иттик кўзларини шарққа тикди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИТТИКАНАК Қоқидошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимлик (тиббийда ва халқ табобатида кенг қўлланади).

ИТТИФОҚ [а. jLiil - бир фикрга ке-лиш; битим, шартнома; мослик; тасодиф) **1** от Гурух, жамият, синф ёки давлатлар-нинг бирликда иш олиб бориш учун тузган бирлашмаси; бирлашма, уюшма. *-Ахир, бар-ча теурийлар бирлашиб, иттифоқ тузсалар бўлмасми? — деди Нигор хоним.* П. Қоди-ров, Юлдузли тунлар.

2 сфт. Узаро яхши муносабатли; иноқ, аҳил. *Иттифоқ оила. Улар бир-бири билан иттифоқ. Иттифоқ бўлмоқ. иш Кўнгиллари доим ёш бўлсин. Узаро дўст, иттифоқ, ҳам-дам, Оилага биздек бош бўлсин.* Ҳ. Ғулом, Байрам кечиди. *Иттифоқ эл сира кўрмас хўрликни.* «Гулихиромон».

ИТТИФОҚАН айн. **иттифоқо**.

ИТТИФОҚЦОШ айн. **иттифоқчи**. *Барча иттифоқдош давлатлар.*

ИТТИФОҚЛАШМОҚ Иттифоқ, аҳил бўла бормоқ; аҳиллашмоқ, иноқлашмоқ.

ИТТИФОҚЛИК Иноқ, аҳил муноса-бат. *Оқсоқол.. насихатгўйликка ўтди: -Иттифоқ бўлинглар. ҳар бир ишда иттифоқ-лик яхши.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мамлакатимиз учун иттифоқлик, баҳамжиҳатлик, яқдиллик сув ва ҳаводай зарур.* Ойбек, Нур кидириб.

ИТТИФОҚО \а. Ulil -тасодифан, но-гаҳон] рвш. Кутилмаганда, тасодифан, тўсатдан. *Иттифоқо учрашиб қолдик. тш Иттифоқо, бошқармада иш авж олиб кетган кунларда Қандолатхон ҳафталаб ишга келмади.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар.

ИТТИФОҚЧИ 1 Ҳамкорлик қилувчи, ўзаро иттифоқдикда бирга ҳаракат қилувчи; ҳамкор. *Раис учун бўрон яна битта ит-тифоқчи топилгашиги билан баравар эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Бир иттифоқдаги. *Ўзбекистон аҳоли-сининг моддий турмуш даражаси собиқ ит-тифоқчи республикаларнинг кўпчилигидаги-га нисбатан анча яхшидир.* Э. Юсугтов, Истиклол йўлида.

ИТТИҲОД [а. jUil - бирлик, бирга-лик; бирлашиш, қовушиш] зск. кт. Итти-фок, бирлашма, уюшма. *Туркистон бўйлаб хил-хил жамиятлар, иттиҳодлар тугуляп-ти.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИТТРИЙ [лот. yttrium < Швециядаги Иттербю (Ytterby) қишлоғи номидан] Менделеев даврий системасининг **III** гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оқиш кумушранг металл.

ИТУЗУМ Оқ гулли, майда қора ёки қизил мевали бир йиллик ёввойи ўсимлик.

ИТФЕЪЛ Феъли жуда ёмон, жуда ҳам бадфеъл. *Вақфда ҳали ер кўп.. лекин ҳаммаси итфеъл кишиларнинг чангалида.* Ойбек, Улуғ йўл.

ИТЧИЛИК 1 Ит зотларини боқиш ва кўпайтиришдан иборат хўжалик тармоғи. **2** айн. итлик.

ИТХОНА Ит турадиган жой, ит учун қурилган хона.

ИТЯЛОҚ шв. **1** Итга овқат бериладиган идиш, итнинг туваги. *Ташиқаридан итялоққа ўхшаш кир қозонча олиб кириб, ёғ чучита бош-лади.* Х. Тўхтабоев, Беш болали йигитча.

2 сўк. Шу идишга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Камтируйда жаврар, қизини қаргар эди: -Э, ўл, итялоқ! Дайди итнинг тум-шугини ёғ қилмай ўл!* А. Кдххор, Кўшчинор чироқлари.

ИТҚИТМОҚ шв. Ирғитмоқ, ирғитиб ташламоқ. [Бухгалтер] *Ежасидаги оғир юкни итқитган одамдек, атрофга енгил назар ташлади.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

ИТҚОВУН 1 Палаги ва меваси қовунга ўхшаш ўсимлик, ёввойи қовун.

2 с. т. Кавар. *Ғишткўприк ёнбошидаги хам-момнинг гумбазларини пўпанак босиб кетган, масжид пеиштоқидан то ергача осилиб туш-ган итқовуннинг палаги қуриб қолган.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ИФЛОС \а. u-blij — кашшоқдик, нота-вонлик; ҳеч нарсаси қолмаганлик; омадсизлик; обрў-эътибори қолмаганлик| **1** Нопок

нарсалар билан булганган; булганч. *Ифлос ҳовли. Ифлос ариқ. шш Отхона ичидан ифлос курак ва супурги кўтариб Жўра чиқди.* Ой-бек, Танланган асарлар.

2 Кир босган; кир, исқирт. [Ҳаммол-ларнинг] *Белида, елкасида.. узук-юлуқ ар-қон, кийимлари жулдур, ифлос.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

3 кўчма Ҳар қандай ёмон, қалб ишга юра-диган; нопок. *Ифлос одси. шш Йўқол, дедим, йўқол, тулки! Колхозимизда сендек ифлосларга нон йўқ.* Ш. Рашидов, Бўроидан кучли.

4 Шундай одамга нисбатли ҳақратни билдиради; ярамас, разил, палид. [Чўпон қозига:] *Туфу, ифлос! Ҳали сенми шунча хо-тин билан тагин бировларнинг ҳарамига кўз соладиган?! Ҳамза, Майсаранинг иши.*

5 Ододдан ташқари; ярамас, ёмон. *Ууй-нинг у ёгидан бу ёгига бетоқат юриб, ифлос гапларни оғзига тўлдириб сўкинди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ИФЛОСЛАМОҚ Ифлос қилмоқ, бул-ғатмоқ. *Қор эриб, расталарни жуда ифлослаган, ҳамма гқ пилч-пилч лой, балчик, сув.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИФЛОСЛАШМОҚ 1 Ифлос хрлатли бўлмоқ.

2 Ифлосга хос хусусиятларга эга бўлмоқ, эга бўла бошламоқ.

ИФЛОСЛИК 1 Ифлос хрлат. *..тоғора ва қозонлар тартибсиз ҳолда ётарлар, қозон теварагида уймалашмоқда бўлган товуқлар бундаги ифлосликни яна бир қат оширмоқда эдилар.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Ифлос кишиларга хос иш, хатти-ҳара-кат, хусусият. *Унинг қўлидан ҳар қандай ифлослик келади. иши ..бу одатни ҳаминша ваҳ-шийлик, ифлослик деб билдим.* Газетадан.

ИФО \a. tLiyl — бажариш, адо этиш; ваъ-дага вафо қилиш] эск. кт. Бурч ва ваъдани бажариш, адо этиш. *Фосих афанди.. тулла-ган қошларини гурур билан чимириб, ўз зиммасига тушган шарафли вазифанинг ифоси-га бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИФОДА \a. uJLiJ — англатиш, ўргатиш; хабардор қилиш; ифодалаш, баён қилиш; кўрсатма] **1** Билдирувчи, акс эттирувчи нутқбирлиги: сўз, ибора, гап ва б. *Ўқитувчи қисқа ифодада кўп фикр айта билиш ма-ҳоратига эга бўлмоғи лозим.* Р. Усмонов, Одобнома. *Бу сўз борлигининг, бутун қал-бимнинг Ифодаси бўлиб қуйилар тилга.* Зулфия. *Ифода сиққлиги шеърда муҳим маса-лалардандир.* «Ёшлик».

2 Акс эттирувчи ёки мужассамлантирувчи белги, ҳолат, рамз. *Қардош мамлакатлар адабиёти ва санъати декадалари — халқ-лар дўстлигининг ифодасидир. иши - Ўзингиз би-ласиз, — деди Сидиқжон унга маънос назар ташлаб; унинг бу қарашида чексиз миннат-дорчилик ифодаси бор эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчи-нор чироқлари. *Чехрасига қалқиб чиққан аламли ифодани яширишга уриниб, бурилиб қаради.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқсол.

3 Бирор математик боғланишни билди-рувчи формула. *Алгебраик ифода. Пифагор теоремасининг математик ифодаси. Ифо-дани ечмоқ.*

Ифода этмоқ (ёки қилмоқ) Сўз, гап ёки бошқа восита билан билдирмоқ, англатмоқ; ифодаламоқ. *Гўё у биргина сўз ва боқилиш би-лан бу уйда ва бу одамлар орасида кечирмоққа мажбур бўлдиги ҳаётининг бутун оғирлигини ифода қилмоқчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сидиқжоннинг юзида илжашишга ўхшаган, лекин ҳеч қандай маънони ифода этмаган бир нарса пайдо бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

ИФОДАВИЙ Ифодага оид. *Ифодавий воситалар.*

ИФОДАВИЙЛИК Ифода этиш томони, ифодавий ҳолат-имконият. *Тилнинг ифодавий-лиги билан боғлиқ бўлган илмий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар таржимасида ҳам муайян бадиий-ижодий масалаларни ечишга тўзри келади.* Ғ. Саломов, Таржима назарияси.

ИФОДАЛАМОҚ 1 Ўзида акс эттирмоқ, мужассамлантирмоқ, англатмоқ, билдирмоқ. *Унинг мардона очиқ пешонаси, қуюқ эгилмас қошлари чуқур ўйни ифодалар эди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Олахўжа ўтирган жойида тебрани ва гирромликни ифодалай-диган бир тарзда кулумсираб, қассобга қара-ди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Сўз билан баён қилмоқ, англатмоқ, таъбирламоқ. *Элмурод мактабга етгач, ўз дардини икки оғиз сўз билан ифодаюб, кейин хайрлашмоқчи бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Энг муҳими, фактларни қуруқ қайд қилмай, уларни бадиий таъсирли ифодалашдандир.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

3 Математик формула орқали таъбир-ламоқ.

ИФОДАЛИ Ифодага эга. *Аниқ ифодали. Яхши ифодали.*

Ифодали ўқиш Дона-дона ва таъсир-ли ўқиш.

ИФОДАЛИЛИК Яхши ифода этишлик, маъно билдиришлик; ифода талабларига мослик. *Ифодалиликка интилиш.. эмоцио-нал бўёқдорлик сўзлашув нутқи учун характерлидир.* «УТА».

ИФОДАСИЗ Ифодаси йўқ, ифодаси ноаниқ. *Вужудимни галати, ифодасиз бир лоқайдлик, бифарқлик қамраб олган эди.* С. Сиёев, Еруғлик. *..заҳил юзи қандайдир ифодасиз, нима ўйлаганини билиб бўлмас эди.* А. Мухтор, Чинор.

ИФОДАЧИ Ифода этувчи, акс эттирувчи. *Депутат — халқ хизматкори, халқ ман-фаатларининг ифодачисидир.* Газетадан. *30-тан адабиётимиз халқ маънавий уйғониши-нинг тарихий гувоҳи ва ифодачисидир.* «ЎТА».

ИФОР [а. *ʔUʔ* — чанг, тўзон; хид] Яхши хид, хушбўй; умуман хид. *Ҳар бир гулнинг ўз ифори бор.* Газетадан. *Қарқуноқ парвозда яп-роқдек енгил, Гўёки олдинда қиш эмас, баҳор. Богларда азалий нафис бир ифор..* А. Мухтор.

ИФОРЛИ Ифор хидига ўхшаган хидли. *..саф-саф атиргуллар, садарайҳонлар ёз бўйи гуркирабўсар, теваракка ҳам ҳусн, ҳам ифор-ли хид таратар, ўзгача файз бағишларди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ифорли ўтларга кўмилар, тикилиб қолади осмонга.* Ш. Раҳ-мон, Юрак қирралари.

ИФРОТ [а. *ʔal_ʔj*] — ҳаддан ошиш, оши-риш; ортиқчалик; суистеъмол] *эск. кт.* Ортиқ даражада, ҳаддан зиёд. *Тожиддин Қосим ифрош одоб билан, уялиб-тортиниб, гўё тўйган кўздай, овқатни суст ея бош-лади.* Ойбек, Нур қидириб. *Сиз йигитларингизга кенгаш берингки, улар ифрот май ичмасинлар.* Ойбек, Навоий.

ИФТИРО \а. *ʔijij* — бўхтон, тухмат; гап қилиш] *эск. кт.* Бўхтон, тухмат. [Гул-нор] *Ота-онадан, атрофдаги кўзлардан қўрқар эди.. ҳар хил гийбат ва ифтиролар тарқалса, одамларнинг бетига қандай қарайди?* Ойбек, Қутлуғ қон. *..бу ҳақда кўп таъналар эшитгани учун қозининг кулгиси-ни ўзига иснод ва ифтиро деб тушунган эди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о. *..улҳаромзода.. фақир бирла падарнинг шаънларимизга бўхтон ва ифтироларни тўқуб..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ИФТИХОР [а. *ʔLaʔil* - фахрланиш, мақтаниш] **1** Шон-шараф ҳисси; фахр. *Чол ўғлига, унинг тез-тез қимирлаётган қала-мига қараб-қараб, жим ўтирар, кўзларида оталик меҳри ва ифтихор сезиларди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

2 Шон-шараф келтирувчи, фахрланса арзийдиган иш, кимса ёки нарса. *Ёшлар — бизнинг ифтихоримиз. Алишер Навоий — ма-даниятимизнинг ифтихори. Пахта ўзбек халқ-қининг миллий ифтихоридир.* *тт* Сени жон-дан севарман, шону шавкат, ифтихоримсан, Шараф-шон сенга бўлсин, ўзбегимсан, пах-такоримсан. Воқиф.

Ифтихор қилмоқ Фахрланмоқ. *Сиздай ўғлонларни улгайтирган халқ, Отанинг ҳаққи бор, қилса ифтихор.* Ғ. Ғулом.

ИФТИХОРЛИ Ифтихор қилса арзий-диган, фахрли; ифтихор ифода этадиган.

ИФТОР \а. *ʔLkil* — нонушта қилиш; рўза очиш] *дин.* **1** Рўза кунлари шом пайтида ўтказиладиган рўзани очиш, оғиз очиш маросими; оғиз очиб овқатланиш. *Ифтор қилмоқ. Ифторга ўтирмоқ.* *тт* Афанди узун кун рўза тутиб толиққан эди, ифтордан кейин мачитга.. чиқмади. «Латифалар». *То-ҳир кекса ота-онаси билан ифтор қилмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ифтор вақтида бериладиган зиёфат, меҳмондорчилик. [Миробид] *Урф-одатларни ҳурмат қилади: ҳар йили беш-ўнта кишини.. ифторга чақиради.* В. Ғофуров, Вафодор.

ИФТОРЛИК **1** Ифтор қилиш, шу вақт-даги овқатланиш. *Ифторлик вақтида биз ҳар кун шиннига нонни ботириб уриб, унинг устига майиз, бошқа мева-чеваларни ер эдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Пайгамбаримиз саҳарликда ҳам, нфторлик-да ҳам жуда кам овқат еганлар.* Газетадан.

2 Ифтор вақтида бериладиган зиёфат, маросим. *..савобучун ифторликлар ўтказиш ҳам Рамазон ойининг энг яхши фазилатлари-дан саналади.* Газетадан. *Рўза ойи келиши би-лан Саид Бурҳон маҳзум.. кечқурунлари.. иф-торликка борар эди.* Ғайратий, Довдираш.

ИФФАТ \а. *ʔ*, "»*г* — бокиралик, покиза-лик; яхши хислат; тийилиш] Виждоний поклик; номус, қаё. *У [Азиза] муҳаббатдек соф, қизлик иффатидек беғубор кишилар са-фига қўшилади.* С. Аҳмад, Муҳаббатнинг ту-ғилиши. *Уй бурчагида, шоҳи сўзана ёнида, иффат юзасидан юзини яшириб Майна ўти-ради.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ўзбекнингхо-тинлари иффат учун яралган.* «Ёшлик».

ИФФАТЛИ Иффати бор; номусли, ҳаёли. *Ёкутбика — тўранинг хотинлари ичи-да ор-номусли, ақлли, шарм-ҳаёни билган иф-фатлихотин эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. - *Нима муборак бўлсин?! [деб сўради Отабек]. -Сизга иффатли ва севимли рафиқа билан қутидордек қайната, Ҳасаналига — келин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бошгарўмол таш-лаган билан ҳамма иффатли ва маърифатли бўлавермайди.* Газетадан.

ИФФАТСИЗ Иффати йўқ; ҳаёсиз, но-муссиз.

ИФШО \a. А *«) — фош этиш, ошкор этиш; (гап)тарқатиш] эск. кт. Ошкор, фош қилиш; очиб ташлаш (сирни). *Билмас эрди тоза бу шиқимни, ифшио бўлмаса.* Ҳабибий.

ИХВАТ \a. Сз< j-l — «ака»нинг кўплиги: биродар, қардош, дўст] эск. кт. Биродарлик, қардошлик. *Маорифсиз ҳеч бир халк Дунёда яшай олурми!? Ихват ҳисси кўз очмасдан, Чин ўртоқлаша олурми!?* Ҳамза.

ИХЛОС \a. ^Uixl — самимийлик, кўнг-ли очиклик; берилганлик, мухлислик; эъти-қод] Чин юракдан, ишонч билан берилиш; астойдил муҳаббат, меҳр. *Одамларнинг сиз-га ихлоси баланд.* **иш** *Ёш ишчининг қунт ва ихлос билан изланиши.. ўз самарасини берди.* «Саодат». *Қутидорнинг жавобидан самими-ят ва ихлос маънолари томиб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Ихлос қилмоқ айн. **ихлос қўймоқ.** *..сен ихлос қилган домлалар ҳам мен бахтсизга ёрдам бермаганларидан кейин, диёнатдан ҳам кўнглим қолди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Ихлос қўймоқ** Чин юракдан меҳр боғламоқ. *Бобоқул отани бузоқнинг ҳақи бор, деб сут ичмайдиган авлиё санаб, ихлос қўйган эди-ю! Шербек хафа бўлди.* С. Анорбоев, Оксой. **Ихлоси қайтмоқ** Ишонч билан берилиши қолмоқ (йўқолмоқ), ҳафсаласи пир бўлмоқ. *Хўжабеков билан касалхонада тўқнашган куни бу кўзларда қўрқоқликни кўриб, Акрам-дан ихлоси қайтди.* С. Анорбоев, Оксой.

ИХЛОСЛИ Ихлос қўйган, ихлоси бор. *Хўжасига ихлосли Ҳасаналининг тажрибали кузатишидан бекнинг махфий дарди узоққа қочолмай, натижада сир очилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИХЛОСМАНД айн. **ихлосли.** *Ўз касбига ихлосманд чорвадорлар. Санъат ихлосманд-лари.* **иш** *Кўпчилик қишлоқилар менга ихлосманд: баъзилари эшонпочча дейди, баъзилари қори ака дейди, баъзилари мулла ака дейди..* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Туман маданият уйи ёш санъат ихлосмандлари учун очиқ эшик-лар куни ўтказди.* Газетадан.

ИХРОЖ \a. r>M ~ чиқариш, хайдаш; сургун, бадарға қилиш; ташкил қилиш] **1** Бирор киши ёки кишиларни шаҳар ёки қишлоқдан, умуман, ўз яшаш жойидан чиқариб юбориш, бадарға қилиш.

2 бот. Захарли, сутсимон шира чиқара-дитан ўт.

3 айн. **сурги 1.**

4 Одатда, баҳор пайтида ични тозалаш мақсадида турли кўкатлардан сомса, чуч-вара каби овқатлар қилиб ейиш.

ИХТИЁР [a. J^'^l — танлаш, сайлаш; хоҳиш, эрк] **1** Хоҳиш-истак эрки; эрк, хо-ҳиш. *Келмоқ ихтиёр билан, кетмоқ ижозат билан.* Мақол. **иш** *Сендан ҳеч сиримни яшир-майман. Дастлаб кирган заводимдан ўз их-тиёрим билан кетганим йўқ.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

Ихтиёр этмоқ (ёки **қилмоқ**) Хоҳламоқ. *-Соз бўлинг, бек ака, борадиган кунингиз-ни тайин қила оласизми? -Маълумингиз, ке-чалари бўш бўламан, шунинг билан бирга, отангиз қайси вақтни ихтиёр қилсалар, ижобат этишдан ўзга чорам бўлмас.* А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

2 Фойдаланиш, тасарруф ёки идора қилиш ҳуқуқи; изм. *Бу врлар колхоз ихтиё-рида. Директор ихтиёридаги мукофот фон-ди. Завод ихтиёрида бўлган машиналар.* **иш** *Кўп умр кўришингиз — тақдир қўлида, бе-қарз яшашингиз — қалбингиз ихтиёрида.*

«Тафаккур». Бизларни.. медицина академи-ясида бир ярим ой ўқитиб, Москва шаҳар санитария бошқармаси ихтиёрига юбориш-ди. «Саодат».

ИХТИЁРИЙ Хоқиш-истак эркига боғ-лиқ бўлган, кишининг ўз хоҳиши билан қилинадиган ёки қилинган; эркин, кўнгил-ли. *Ихтиёрий ёрдам. **ит** Тил ўрганиш — бу мажбур-қистов, куч ишлатиш йўли билан эмас, ижтимоий зарурат талаби, ихтиёрий майл ҳукми билан бўлади. «Саодат».*

ИХТИЁРИЙЛИК Хоҳиш-ихтиёрга боғ-лиқлик. *Дехқонларнинг кооперативларга ки-ришида ихтиёрийлик принципни бузиш ҳол-лари йўқотилди. Газетадан.*

ИХТИЁРЛИ-ИХТИЁРСИЗ Истар-иста-мас. *Кумушбиби ҳам ихтиёрли-ихтиёрсиз бу кулгиликка тортилиб, унинг ювошигина ил-жайишидан ёқутдек лаблари остидаги са-даф каби оқ тишлари бир оз кўриниб қўйди-лар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ИХТИЁРСИЗ Хоҳиш-ихтиёрдан таш-қари; беихтиёр, ғайриихтиёрий. *Ихтиёрсиз ҳаракат. **ит** У [Собираҳон] нима тўғридадир ўйлар, ихтиёрсиз бўлса керак, аллақандай ҳазин куйни бурни билан кулаб борар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Ихтиёрсиз қуйлиб кел-ган қайноқ кўз ёшларини Гулнор баъзан зўрга яширар, баъзан яширишидан ожиз қоларди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ИХТИЛОЛ \a. — халал топиш,

бузилиш; меърий бўлмаган хрлат; кўзғалиш] *кт. Исён, кўзғолон, ғалаён.*

ИХТИЛОЛЧИ *кт. Ихтилол қатнашчи-си, исёнчи.*

ИХТИЛОТ \a. Jeiliʻl - аралаштиш, қўшилиш; тартибсизлик] *эск. кт. Арала-штиш, қотиштиш, борди-келди қилиш.*

Ихтилот этмоқ Қўшилмоқ, аралашмоқ. *Эй кўнгил, тоқим кўрибмен ул паридин ил-тифот, Ихтилот этмак манга ёқмас бани одам била. Бобур.*

ИХТИЛОФ [a. i_i}LL=J - ҳар хиллик, тафовут; ўзгарувчанлик; қарама-қаршилик, келишмовчилик| Қарама-қарши ҳолат; ке-лишмовчилик, зиддият, низо. *Халқаро их-тилофларни тинч музокаралар иўли билан ҳал этиш.*

ИХТИЛОФЛИ Қарама-қаршилик, зид-диятлар бўлган; жанжалли, низоли.

ИХТИЛОФЧИ Ихтилоф чиқарувчи, ихтилоф, низо уруғини сочувчи.

ИХТИО- [юн. ichthus — балиқ] Байнал-милал ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, балиққа оидликни, алоқадор-ликни, балиққа ўхшашликни билдиради.

ИХТИОЗАВР [ихтио.. + юн. saura — кал-такесак) *зоол. Мезозой даврида денгизлар-да яшаган, узунлиги 15 м гача етган балиқ-симон, судралиб юрувчи йиртқич махлук; денгиз калтакесаги.*

ИХТИОЛ [ихтио.. + лот. oleum — мой] Таркибида қазилма балиқ қолдиқлари бўлган сланецдан хрсил қилинадиган ёғси-мон қизғиш-кўнғир рангли малҳам дори.

ИХТИОЛОГ Ихтиология мутахассиси.

ИХТИОЛОГИЯ [ихтио.. + юн. logos -таълимот] Зоологиянинг балиқларни ўрга-нувчи бўлими. *Зоология, энтомология.. ихтиология, гидробиология бўйича.. ботаника профилидаги кенгаш эса ботаниканинг бар-ча соҳасири.. бўйича диссертация қабул қила-дилар. «Фан ва турмуш».*

ИХТИРО \a. — янгилик; янги-

лик яратиш, ўйлаб чиқариш] **1** Фан-тех-ника соҳасида кашф этилган, ижобий са-мара берадиган янгилик, кашфиёт. *Дарвеш Али табобатда ўзининг янги-янги даволаш усуллари ва ихтиролари билан машҳур бўлган. «Фан ва турмуш». Балки бу хонада буюк их-тиро Эрталаб кун билан бирга тузилар. А. Мухтор.*

Ихтиро қилмоқ Янгилик яратмоқ, кашф қилмоқ. *Ёшларда шижоат бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро қилишига, кашфиёт яратишига иштиёқ бор. Газетадан.*

ИХТИРОЧИ Ихтиро қилувчи; кашфиёт-чи. *Ёш рационализаторлар ва ихтирочилар. ти Ихтирога оид ҳуқуқлар.. ихтирочиға патент берилганидагина муҳофаза қилинади. «УзМЭ».*

ИХТИРОЧИЛИК Ихтиро қилиш, янгилик очиб, кашф этиш. *Ихтирочиликни ри-вожлантириши. Ихтирочилик таклифлари. тт Андижон паровоз депосида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати кенгаймоқда.* И. Аҳмедов, Янгилик яратувчилар.

ИХТИСОС \a. ^L^iJ -иш-вазифадо-ираси; чуқур билимлардан хабардорлик; ўзига хос хусусият] Илм-фан, техника, санъат соҳаларида ҳар бир мустақил касб; мутахассислик; касбий малака. *Меҳнатга, ихтисос орттиришга, ихтисосларни эгамаш-га одмироқ, жўнроқ, соддароқ қарашга ўрга-ниб қолганмиз.* Газетадан. *Университетни битиргач, у ихтисоси бўйича ишга кирди.* «Ёшлик». *Кичкина Каримов оддий маъмурий ходимликдан ўз ихтисосини ошириш орқаси-да яқинда терговчиликка кўтарилди.* С. Аб-дулла, Куёвлар, келинлар.

ИХТИСОСЛАШМОҚ Бирор ихтисосга мансуб бўлмоқ; унга мослашмоқ. *Ихтисослашган саноат тармоқлари. тт Шарқиюнос-лик фанига ихтисослашган илмии ташикшют-лар Европа ва Американинг деярли барча ил-мий марказларида фаолият кўрсатиб знуриб-ди.* Газетадан. *Хонқа туманидаги иоличилик-ка ихтисослашган хўжаликда аллома хоти-расига бағишланган ёдгорлик ўрнатилди.* Га-зетадан.

ИХТИСОСЛИ Илм-фан, техника ёки саноатнинг маълум бир соҳаси бўйича ихтисос олган, билим-малака ҳосил этган; ихтисосга оид. *Ихтисосли кадрлар. шш ..фу-қаролар ўз шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рўёб-га чиқариш мақсадида адвокатдан малака-ли, ихтисосли ёрдам олиш имкониятига эга бўладиган шарт-шароит..* Газетадан.

ИХТИСОСЛИК айн. мутахассислик. «Целлюлоза маҳсулотлари технологияси» ихтисослиги Академиянинг Полимерлар кимё-си ва физикаси институти билан уйғунлаш-са бўлади. Газетадан. *Турли ихтисосликлар бўйича ўтказилаётган касб маҳорати тан-ловлари ҳам [кадр тайёрлашда] муҳим ўрин эгаллайди.* «Фан ва турмуш».

ИХЧАМ 1 Тузилиши, бичими келиш-ган, бежирим, йиғноқ ва қулай; зид. **қўпол.** *Ихчам машина. тт Унинг ихчам кетмони оф-тобда ялтирарди.* Ж. Шарипов, Саодат. [Мир-закаримбой] *Сунадан тушиб, кечагина сотиб олингандай ярқираган, чиройли, ихчам «со-диқий кавуш»ни оёқларига илди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Олимхон.. ҳар вақт яхши-гина, ихчамгина кишинади.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

2 Сиқик ифодали. *Ихчам хат. Фикрни ихчам баён қилмоқ. шш Латифа, лоф, аския.. жанрлари янги воқеликни ўзига хос ихчам шаклда акс эттиради.* «УТА».

ИХЧАМЛАМОҚ Ихчам қилмоқ, сиқик, йиғноқ ва қулай ҳолга келтирмоқ. *Аппарат-ни ихчамламоқ.*

ИХЧАМЛАШМОҚ 1 Ихчам ҳрлга келмоқ.

2 Кичрайиб хипчалашмоқ (гавда, жус-са ҳақида).

ИХЧАМЛИК Ихчам ҳолат. *Ҳозирги иш-лаб чиқарилаётган маҳсулотларда қандайдир қулайлик, гўзаллик, ихчамликни сезамиз.* «Саодат».

ИЧ 1 Ички бўшлиқ; зид. **таш.** *Чодирнинг ичи. Оғизнинг ичи. ти Офтоб билан тўлган кенг деразали уйнинг ичи ойдин.* С. Айний, Қуллар.

2 Нарсаларнинг буюм элтадиган қисми; зид. **сирт.** *Ариқнинг ичи. Қопнинг ичи. Бош ёрилса, бўрк ичида.* Мақол. **шш** *Сумкасини тит-килаб, ичидан икки-уч хил дори олди, уларни уста Баҳромга бериб, қачон, қандай ичишни тайинлади.* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

3 Нарсанинг ички қисми, ораси. *Нон-нинг ичи. Хамирнинг ичи. Тарвузнинг ичи. Ичи қуртлаган олма. Қопдаги бугдойнинг ичи.*

4 Ошқозон, қорин, меъда. *Кўзинг оғри-са — қўлингни тий, ичинг оғриси — наф-сингни тий.* Мақол. *тт Жонфигон бюллетень олгани докторнинг олдида чилимнинг сувини ичиб, лоҳас бўлиб кирган экан, доктор ичи-ни чайқабди.* А. Қаҳҳор, Жонфигон.

5 кўчма Кишининг ички, рухий дунё-си; кўнгил, юрак, дил, қалб. *Ота ичидан ўтганини ўзи билади.* А. Мухғор, Опа-син-гиллар. - *Тўғри, Ўктам менга ёқади. Бироқ ҳаммадан бурун одамнинг ичи керак, — деди Комила.* Ойбек, О. в. шабадалар. Элмурод унинг ҳаракатларига беихтиёр разм солиб ўтирди. Назарида, соқоли хийла оқариб қолган бу одамнинг важоҳати заҳарли, ичини қандайдир алам ўртаган кўринди. П. Турсун, Ўқитувчи.

6 Эгалик ва макон келишиклари шак-лида (**ичига, ичида, ичидан**) кўм. взф. *Хаф-та ичида. Уй ичидан галати овоз зиштилди.*

Ичи ачимоқ (ёки куймоқ) Хафа бўлмоқ; ачиниб куймоқ. *Элчиевнинг, қизига ичи ачир-ди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Ён-верида уларнинг мунозарасини чўчиброқ кузатиб турган деҳ-қонларнинг юзида Авазга хайрихоҳлик кўриб, ичи куйди, баттар гижинди.* С. Сиёев, Ёруғ-лик. **Ичи пишмоқ (ёки қизимоқ)** 1) зерик-моқ. *Уйда ўтиравериб, ичим пишиви;* 2) то-қати тоқбўлмоқ. *Баъзи бировлар ичи пишиб, гоҳ йўлга қарашади, гоҳ тоққа чиқиб қили-надиган ишларни ўзларича чўтлашади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ич-ичидан** Юрак-дан, қалбдан, чин дилдан. *Ич-ичидан севин-моқ. Ич-ичидан таҳсин ўқимоқ. ти Уларни кузатиб ўтирган Сунбулхон ая ич-ичидан қувонарди.* Мирмуҳсин, Умид. *Асрор эса ич-ичидан гижиниб, асабилашарди.* «Ешлик». **Ичи қора** Дили бузук, бировнинг бахт-кувончини кўролмайдиган; ҳасадгўй. *Яхши, ўша Ҳомидни сен қандай одам, деб ўйлай-сан? [деб сўради Юсуфбек ҳожи/. -Кўланса сўзли, ичи қорароқ бир йигит эди, — деди Ҳасанали.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ич(и) га ютмоқ** Ошкор этмаслик, ўзида сакдамоқ (гап, сўз ва ш. к. ни). *Азизим, эй жафокаш халқ, бардошингга минг таҳсин, Чиқармай ичга ютдинг, кўздаги ёшингга минг таҳсин.* Воқиф. **Ичидан пишган** Сирини ҳеч кимга билдирмайдиган, ўз ишига пишиқ; қув. *Унинг ҳаракати ва товланишидан ичидан пишган, уддабуро экани дарров сезилди.* Шуҳ-рат, Шинелли йиллар. **Ичини бўшатмоқ**

290

Кўнглидагини айтиб, руҳан енгилланиб олмоқ. *Унинг гапирмаганига Жуман аламда қолди.. Аччиқ ҳақиқатни юзига солиб, рўй-рост сўка қолмайдими ? Қизигида Жуман ҳам ичини бўшатиб оларди.* А. Мухтор, Туғилиш. **Ичини мушук (ёки ит) таталамоқ (ёки тир-намоқ)** Руҳан безовталанмоқ; кўнгли но-тинч, ғаш, безовта бўлмоқ. *Бу пайт Саидг-озида ҳам Хўжабековга ачингудек ҳол қол-маганди: ичини мушук таталарди.* Аммо си-рини бой бермади. С. Анорбоев, Оқсой. **Уй ичи** Оила аъзолари; оила, хонадон. *Уй ичин-гиз омошиқ, бир гап бўлса, Утар бобом ха-бар берар экан.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қанча меҳнат, қанча машаққат! Ёлғиз ўзи эмас, бутун уй ичи билан ишлаган, албатта.* Ой-бек, Танланган асарлар.

ИЧАК 1 анат. Турли шакл ва ҳажмдаги ичаклар (/.)нинг умумий номи. *Ингичка ичак. Йўгон ичак. Аччиқ ичак. Тўғри ичак. тт* Тупроққа қоришган каллалар, узилган қўллар, ерда чўзилган олачипор ичакларни кўраркан, унинг кўзлари қинидан чиқаёзди. Ойбек, Қуёш қораймас.

Аччиқ ичакдай чўзилмоқ Жуда чўзмоқ (чўзилмоқ). *Гапни аччиқ ичакдай чўзибўтир-майман.* Газетадан. *Лўлилар бригадаси аъзо-лари билан ўтказилган суҳбат ўша кун иччиқ ичакдек чўзилиб кетди.* Н. Сафаров, Лўлилар. **Ичаги узилмоқ** ёки **ичагини узмоқ** 1) ҳолдан тоймоқ (тойдирмоқ). *..қизиқ-қизиқ латифаларни шундай кўп биладики, кулавериб ичагинг узилади.* А. Убайдуллаев, Қонли издан. *Ёнимдаги кишининг турган-битгани латифа экан. Кулдиравериб, ича-гимни узаёзди.* «Муштум»; 2) жуда оч қолмоқ. *-Чарчагандирсан, кўзичогим. Ича-гинг узилиб кетгандир. Бўлди қила қол, — дебзорланди она.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. **Ичак узди** Жуда қаттиқ кулдирадиган. *Оқшом Аб-дураҳим монтер яна келди. Бу маҳал дўкон-да устанинг ичак узди аскияларига ишқи-боз.. жўралар бор эди.* Газетадан. *Авазнинг эски қадрдони, асли*

зотини ҳам, ёшини ҳам аниқлаб бўлмайдиган Ҳасан қайғичи хон амалдори ҳақида ичак узди ҳангомалар ай-тарди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 с. т. Резинка ёки брезентдан ясалган трубка, шланг. *Икки эпчил йигит бочкани салқинга олиб, резинка ичак билан косаларга пиво қуя бошлади.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. *Иичилар узун резинка ичакни у ёқдан-бу ёққа судраб, чанқаб қолган гулларга, чанг ўтира бошлаган дарахт баргларига сув се-пишарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ИЧАКЛАР Одамлар ва ҳайвонларда ов-қат ҳазм қилиш системасининг меъдадан бошланиб, орқа чиқарув тешиги (дурвоза) билан тугайдиган қисми.

ИЧАК-ЧОВОҚ 1 Одам, ҳайвон ва қуш-ларнинг қоринда жойлашган ички қисмлари, мас, ошқозон, ичаклар. *Ичак-човоқ гўшт бўлмас, Лаганбардор дўст бўлмас. тт* Бомбардимонда ичак-човоғи чиқиб кетган бир гўдак унинг қўлида жон берган экан. **А.** Мух-тор, Туғилиш. *Арава бўлса, настликлардан чиқиб, тушиб, одамнинг ичак-човоқларини чайқаб юборди.* Ойдин, Фонарь тагида.

2 кўчма Баъзи нарсаларнинг (машина, механизм ва ш. к.) ички қисмлари. *Бир тракторнинг қорни ёрилиб, ичак-човоқлари сочилиб ётибди.* «Муштум». *Ҳайдашни бил-ган билан ичак-човоғини тушунмайман.* С. Нуров, Нарвон.

ИЧАҒОН с. т. Жуда ичадиган, кўп ича-диган. *Хонанинг ичи тамаки ва ароқ исига тўлиб кетибди. Нуқул ичагонларнинг ораси-га тушиб қолганимни фаҳмладим.* «Муштум».

ИЧ-БАҒИР қ. **юрак-бағир.** Унинг вужу-дини чирмаб олган ҳис *Ич-бағрини қилмоқда қийма ва қийма.* Ж. Жабборов.

ИЧБУРУҒ с. т. Йўғон ичакнинг яллиғ-ланишидан иборат оғир юқумли касаллик; юракбуруғ, дизентерия. *Ичбуруғ Ўрта Осиё шароитида ёз мавсумида кўпроқ учрайдиган юқумли ичак касаллигидир.* «Фан ва турмуш».

ИЧГУЛИК Ичса бўладиган, ичишга яроқли; ичимли. *Уйда ичгулик сув ҳам йўқ.*

ИЧДАН 1 Ич с. нинг ч. к. *Ичдан кийила-диган кийим.*

2 Ташқи ифодасиз; дилдан. *У [Меъмор] азонгача худога ёлвориб, ичдан йиғлади, тун-да, қурилайётган мадрасаси атрофини айлан-ди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИЧИДА 1 рви. Товуш чиқармай; дилда, кўнгилда. *Ҳакимбойвачча диққат билан ичи-да ўқир экан, юзига табассум ёйилди.* Ой-бек, Танланган асарлар. *-Ичимда «тилинг бошингни есин!» десам ҳам, ташимда ҳур-мат билан кутар эдим, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўм. взф. Куршовида, орасида; даво-мида, мобайнида каби грамматик маъно-ларни ифодалаш учун хизмат қилади. *-Сен*

291

аҳмоқсан, Гулшан опа! — дер эди Қумри, — зрингни ёлғиз ташлаб, биз бўйдоқлар ичида нимамаъни топасан?!А. Қодирий, Мехроб-дан чаён. *Пастқам уйларнинг қамиши ва ёғоч бўғотлари туман ичида, оқшом маҳалдаги кўланкадай, баҳайбат кўринарди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Элмурод.. шу бир ҳафта ичида қилган барча ишларини бир-бир хаёлидан ўтказди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЧИКИШ 1 Ичикмоқфл. ҳар. н.

2 с. т. Ота-онани соғиниш натижасида болаларда рўй берадиган касаллик ҳолати.

ИЧИКМОҚ 1 Кучли даражада кўри-шиш, етишиш иштиёқида бўлмоқ, муш-тоқ бўлмоқ. *..тушида ҳам, ўнгида ҳам Шо-дасойни кўриб, ёлғиз ичикиб ўтирган Шаро-фат хола ўглининг юзига карамади ҳам..* А. Мухтор, Чинор. *Ойимнинг ишлари шунақа. Жўжалардан бирпас ажралсалар, ичикиб қоладилар.* Ҳ. Назир, Маёқсари. *-Кўп ичик-май тур, хотин. ҳали-замон чўзилиб кириб ҳам келар, — деди Холмирза.* Ҳ. Назир, Утлар туташганда.

2 Ота-онани соғиниб касал бўлмоқ (бо-лалар ҳақида). *Туйнукка қараб чақирсак, отамиз келар экан, деб ўчоқнинг мўрисига бош суқиб чақиршиадиган бўлишибди. Қўйинг-чи, иккови ҳам ичикиб, озиб-тўзиб, ҳалок бўлибди-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЧИМЛИ Ичиладиган, ичишга яроқ-ли. *Қалъа атрофидаги қудуқларнинг суви ичимли.* Газетадан.

ИЧИМЛИК Ичиладиган нарсалар (мас, шарбат, сув). *Спиртли ичишиклар. Чанқов-босди ичимликлар. **иши** Ейимлигу ичишик тўла Нозу неъмат дастурхонида.* Э. Раҳим. *Солиқ-чилар унинг ичимликлар тўла автомашина-сини ҳам ўраб олдилар.* Газетадан.

ИЧИН-ТАШИН 1 Ичкари ва ташқари-дан иборат. *Ичин-ташин ҳовли. **ти** Гузарнинг икки тарафини чойхона, кичкина бостирмага жойлашган кооператив ва узун чўзилиб кетган ичин-ташин дангиллама иморат ўраб олган.* Ҳ. Шамс, Душман.

2 Ички ва устки. *Ичин-ташин кийим.*

ИЧИШЛИ Ичишга боп, маза қилиб ичиладиган. *Ичишли шўрва. **ти** Ҳақиқатан ҳам кампирнинг сути талашишига арзийди-ган қуюқ, ичишли эди.* Ойдин, Гулсанам.

ИЧКАРИ 1 Хона, ҳовли, қалъа ва ш. к. нинг ички қисми, ички томони; *зид.* ташқари. *Ҳамдамформа, маълум бир ҳовлининг орқасига ўтиб, ўзига таниши бўлган бир дера-задан ичкарига қаради.* С. Айний, Қуллар. *Биронта таниши кўринмагач, ўзи ичкарига кирмоқчи бўлган эди, қоровул уни тўхтат-ди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Овоз энди ичкаридан эмас, ташқаридан эшитилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Рулда кексароқ киши ўтирар, ичкарида уч-тўртта аёл бор эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Маълум жой, майдон, худуд ва ш. к. нинг бошланишдан ўрта қисми, марказ томони: ич қисм, ич томон. *Шаҳар ичкарисси. Мамлакат ичкарисси. Богнинг ичкарисси. **ти** Беҳисоб йўллар чўл ичкарисига тармоқланиб кетган.* «Ўзбекистон кўриклари». -Хў анови наиватини қаранг, ўғлим, — деди у, девордан анча ичкарида меваларининг кунгай томон-лари кизариб турган наивати дарахтига имо қилиб. М. Исмоилий, Фарғонат. о.

3 *этно.* Ҳовлининг ташқи ҳовлидан де-вор билан ажратилган, аёллар в*а* болалар турадиган қисми; ички ҳовли. *Марямхон ўн тўққиз ёшида, бундан саккиз-тўққиз йил илгари бу уйга, мусулмон «ичкарисига» қамал-ган.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Ич томонда жойлашган; ички. *Доя кел-гандан сўнг, ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сао-датхон Латофатни.. мулойимлик билан ичкариуига таклиф қилди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ичкари дарвозанинг чап ёнидан тоза кўрай, деб Оққиз ўтди.* «Эрали ва Шерали». *Ичкари ҳовлида кекса Меъмор атрофида кизи ва хотини шумшайиб ўтири-шарди..* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИЧКАРИЛАМОҚ Ичкари томон йунал-моқ, кирмоқ. *Қисм ҳам, баталъон ҳам душман мудофаасини ёриб, ичкарилаб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Менҳам қамчи-ни Тарлоннинг боши узра ҳаволатиб, ичка-риладим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ИЧКАРИЛИК Марказга, катта кўчага нисбатан анча ичкарида бўлган ер, жой. *Анчагина ичкарилиқда бўлган ҳовлидан хо-тинларнинг шовқин-сурони.. қий-чув товушлар янграйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу уй Каримовга шунинг учун ёқиб қолганки, у гузардан узок ҳам эмас, жуда яқин ҳам эмас, кўча юзи ҳам эмас, жуда ичкарилиқ ҳам эмас.* Ҳ. Шамс, Душман.

ИЧКЕТАР Меъда-ичакларда, асосан, овқат ҳазм бўлиши ва сўрилишининг бузи

292 ЯЪ

лиши натижасида келиб чиқадиган, турли хил клиник кўринишлар билан юзага келадиган патологик ҳолат. *Бош врач ҳар қан-дай касални ҳам ичкетарга йўйиб қўя қолади.* Э. Усмонов, Ёлқин.

ИЧКИ 1 Ич қисмда, ичкарида жойлаш-ган; ичкариги, ичкаридаги. *Ичкиҳовли. Ички эшик. **ти** Ойқиз Олимжондан келган хатни.. нимчасининг ички чўнтагига яширди-да, дар-ров ўрнидан турди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ИЧКУЯР кам қўлл. Жонкуяр, ғамхўр. Ёшлигимда етимлик билан ўсдим, Менда ҳеч йўқ эди ичкуяр дўстим. «Элат ботир».

ИЧМОҚ 1 Суюкликни хўплаб ёки ши-мириб ичга ютмоқ, тановул қилмоқ. Айрон ичмоқ. Сут ичмоқ. Ош ичмоқ. **тш** Ғуломжон ҳам алам, ҳам қувонч билан булоққа қайтиб келди, сув ичмоқчи эди. М. Исмоилий, Фар-

ғона т. о. Пахта теримига ҳашарчи бўлиб келган мактаб ўқувчилари зўр иштаҳа билан хўрдани ичдилар. Ж. Шарипов, Саодат.

2 Спиртли ичимлик истеъмол қилмоқ. У ичмаса юролмайди. **ишш** Ичмайдиган, чекмайдиган ёшларга олий ўқув юртларида, иш-хоналарда алоҳида имтиёзлар яратилса, бо-шимиз устидаги тутунлар сал камаярмиди.. Газетадан.

Сув қилиб ичмоқ ёки сувдек ичмоқ 1) ҳеч бир тортинмай, бошлаб гапирмоқ, гапиравермоқ (ёлғон гап, қасам ҳақида). Ёлғонни сув қилиб ичасан-да.. Лофчилигинг қолмабди. С. Сиёев, Ёруглик; **2)** тўла ўзлаш-тирмоқ, ёд қилиб юбормоқ. ..хатми қуръон, чилёсинларни ҳам сув қилиб ичиб юборган-миз. К. Яшин, Ҳамза. **Қасам (ёки онт) ичмоқ қ. қасам.**

ИЧОҒРИҚ Халқ табобатида табиати ҳар хил оғриқлар билан кечадиган, асосан меъ-да ва ичакларга оид касалликлар, юқумли ва б. турли хил дардларнинг умумий номи.

ИЧРА кўм. (б. к. билан) поэт. Орасида, ичида. Қурамиз янги дунёни жаҳон ичра. Ҳамза. Ёвни кўрсанг, шер сингари юриш қил.. майдон ичра уруш қил. Фозил шоир.

ИЧСУРИШ Ични тозалаш мақсадида сурги дори ичиб, ихтиёрий ич сурдириш ёки бирор ёқимсиз, сифатсиз овқат истеъмол қилиш оқибатида беихтиёр ич кетиши.

ИЧТЕРЛАМА Ичтерлама микроби (та-ёқчаси) келтириб чиқарадиган ичак касалликларига мансуб, иситма, ич бузилиши, тошма тошиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик.

ИЧУВЧИ Мунтазам тарзда ичадиган, ичкиликка берилган; ичкиликбоз. Қоровул Қадамбек пиёниста бўлсаям, сергак, лекин бари бир.. ичувчига ишониб бўладими! Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

ИЧҚОТИШ қ. қабзият.

ИЧ-ЭТ: ич-этини емоқ (ёки кемирмоқ) Ниҳоятда руҳий азоб бермоқ; қаттиқ азобланмоқ. Шавкат милиционернинг гапларини деярли эшитмас, ич-этини ташвиш кемирар эди. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

ИШ I 1 Инсон фаолияти билан боғлиқ, унинг меҳнати билан амалга ошадиган, бажариладиган нарса. Далада иш кўп. Бор-йўғи бир кунлик иш қолди. Ишлайман деганга иш топилади. Хайрли иш. Машаққатли иш. ти Ишлай десам — иш бўлмаса, деҳқончилик килай десам — ер бўлмаса. М. Исмои-лий, Фарғона т. о. Йўлчи ишига разм солиб, қайдан бошлаш кераклигини ўйлади. Ойбек, Танланган асарлар. -Хай Адол, қиз болаларни фроитга олмас эмиш. -Қизларни ҳам ола-верса, даладаги иш кимга қолади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ишнинг ижроси, иш устидаги фао-лият, меҳнат. Ишдан қолдирмоқ. Ишига киришмоқ. Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар. Мақол. Қари келса — ошига, ёш келса — ишига. Мақол. **ишш** Улар меъморга кўзлари ту-шиши билан, бир дақиқа ишни тўхтатиб, бош ирғаб салом беришди. Мирмуҳсин, Меъ-мор. Устахона дарвозасидан киришимиз би-ланоқ цехларда иш қайнаётганлигининг гу-воҳи бўламиз. Газетадан. Қурбон ота ҳеч ким-нинг эсига келмаган бир яхши ишни бошла-дилар. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

3 Иш-фаолиятнинг маҳсули, ундан юза-га келган (яратилган) нарса. Рассомнинг кўрғазмага қўйган ишлари. У яратган ишлар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. **ишш** Йўлчининг бажарган ишига кўз югурти-риб, ўзича ўйлади: «Девкор

йигит экан». Ойбек, Танланган асарлар. Бу ишинг бирор алимнинг қўлига тушиб қолса борми, диссер-тация ёқларди. Т. Ашуров, Оқ от.

4 Маълум ҳақ, эваз хисобига қилина-диган иш-фаолият, меҳнат. *Бечора иш қидириб, боши оққан томонга борар экан. Ой-бек, Нур қидириб. Тошкентда иш топсам, балки қоларман. Ойбек, Танланган асарлар.*

5 Хизмат вазифаси; лавозим. *Ишга кир-моқ. Шу ишда ишлаб келяпти. ти Сизни бўшатишадими, йўқми — сизни бу ишга ким тайинлаган бўлса, ўшандан сўрангЮ. Ёкубов, Эр бошига иш тушса. Бу гап корхонага ово-за бўлиб, Жонфигонни ўша замониёқ ишдан ҳайдашибди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. Дадамни илгари катта-катта ишларда иш-лаган дейишади. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

6 с. т. *Бўш иш ўрни. Кўп жойга учра-дим, лекин «иш йўқ» деган жавоб олдим.*

1 *Меҳнат-фаолиятнинг муайян соҳаси, тури; касб. Ҳаётда шундай одамлар бўлади-ки, улар бутун умрларини фақат бир ишга, бирон касбга бағишлаган бўладилар. Х. Ёдго-ров, Ҳаёт тўлқинлари. Худо кўнглингизга солиб, шу ишни [сартарошликни] ихтиёр қилибсиз — кам бўлмайсиз. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

8 *Бурч. Озодашкка дошлий эътиборда бўлиш — барчанинг иши. иш [Эшикбоши:] Маҳали-даги йигитларнинг бари манга маълум.. Билиш менинг ишим-да. Ойбек, Танланган асарлар.*

9 *Ҳал этилиши лозим бўлган нарса; ма-сала, муаммо. Ишнинг энгил кўчишига севинган она Отабекнинг бу шартига лом демас-дан кўнди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ясовулбоши хон иккаласигина тушунадиган тил-да ишни пишириб қўйган эди, шунинг учун-ми, муртини силаб кулди. С. Сиёев, Ёруғлик. ..айниқса, кундошлик иши қийин, коса коса-га текканда, гиди-биди гаплар кўпайса.. ўглинга ҳам татимай қоладир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

10 *Ўзгага, ўзга манфаатига қарашли юмуш; хржат. Кел, қўзим, нима ишинг бор? Ойбек, Танланган асарлар. Юрт ишига яра-маган бола қай ишга ярайди?С. Аҳмад, Уфқ.*

11 *Хос иш, хатти-харакат. Олдига қўйган-ни емак — ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демак — нодоннинг иши. Ваъдага вафо — мард-нинг иши. тиАваз, йигитнинг иши таваккал, деб чап томонга бурвўди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

12 *Воқеа, ҳодиса. Уз уйида ўтирган қиз бир кечада гойиб бўлсин, тавба! Жуда хунук иш, Олимхон ака? Ойбек, Танланган асар-лар. Низомжон унинг авзоидан жуда хунук иш бўлганини фаҳмлади-да, ёнига ўтирди. С. Аҳмад, Уфқ. Бошинг соғ бўлса, ҳали Тошкентда кўп ажойиб ишларни кўрасан, йигит-ча! Ойбек, Танланган асарлар.*

13 *Аҳвол, ҳолат. Ҳозир иш бошқа: Йўлчи қамоқда. Ойбек, Танланган асарлар. Хўш, Содиқ полвон, ишлар қанақа, Тошкентда нима гаплар бор?А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳар ерда деҳқоннинг иши чатоқ. Ери бўлса, улови йўқ, улови бўлса, ери йўқ, кўпида иккиси ҳам йўқ. Ойбек, Танланган асарлар.*

14 *Гап-сўз, гап-сўз бўлган нарса(лар). Нега десанг, мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, бу иккинчи уйланишга Отабек бутун-лай қарши бўлиб, фақат бу гап қудаларнинг-гина ишларидир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

15 *ҳуқ. Суд ёки маъмурий органларда кўриладиган нарса, жараён. Фотима усти-дан жиноий иш қўзгатилди. Т. Ашуров, Оқ от. Шу телефон сабаб бўлдим.. бир-икки кундан кейин ишим бошқа терговчига ўтиб, тезлашиб кетди. О. Ёкубов, Излайман. Ер тўғрисида бир чатоқ одам билан судлашиб юрган эди, суд ишни бунинг зарарига ҳукм қилганмикан, деб ўйлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

1 *иш тушмоқ* **Кимса** учун нохуш, ташвишли ҳол юз бермоқ. *Бошимга иш туш-ди. Фарзандим Низомиддин қатл этилди.. Мирмуҳсин, Меъмор. Бўлар иш бўлди Юз берган иш-ҳодиса оқибатини тузатиб, ўнглаб бўлмаслигини қайд этади. Нимани гаплашаман! Бўлар иш бўлган-ку! Мен унинг юзига қаролмаиман энди. К. Яшин, Ҳамза.*

Дунёнинг иш(лар)и Кишига боғлиқ бўлма-ган, киши ихтиёридан ташқари иш(лар). *Дунёнинг ишлари шунақа тескари экан, боши-охири йўқ.* **Иш бермоқ** 1) асқатмоқ, кунга (эхтиёжга) ярамоқ. *Уни машиналар билан ковлаб бўлмайёи, фақат кетмон, белкурак-ларгина иш бериши мумкин.* Ж. Абдуллахо-нов, Тўфон. *Аммо тоққа чиқишда Бобурнинг ўсмирлиги жуда иш берди.* П. Крдиров, Юл-дузли тунлар; 2) хизмат қилмоқ. *..Ёрмат-гами ё бошқа бир собиқ қаролга узоқ иш бе-риб ийиғи чиққан, пешонаси қийшиқ этикни кийди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Иш бит-майди** Мақсадга эришиб бўлмайди, натижа чиқмайди. *Ҳа, колхозга киргандан кейин унча-мунча ваъз айтишни ҳам билиш керак бўлади, бусиз иш битмайди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Урушнинг оти ўчсин, уруш бўлмасин, дейиш билан иш битмайди.* Газетадан. **Иш катта** Бирор иш-нарсанинг хажм, даража ва б. эътибори билан меъё-ридан ортиқ, зўр хрлатини қайд этади. *Иш-лар катта-ку, уста! Дўконларни ҳам қуриб юборибсиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эҳҳе, иш катта-ку. Омад тилайман..* Ойбек, Тан-ланган асарлар. **Иш кўрган** Ҳаёт, иш (амал) тажрибаси катта, кўпни кўрган, кўп воқеа-ҳодисалар, қийинчиликларни бошидан кечирган. *Қўшин ичида энг иш кўрган, қилич чопгаи баҳодирларни саралаб, қоровул тузиб, буни Шайх Темурга, Зуннун Арғунбекка топ-ширди.* Ойбек. Навоий. *Мирзо саройидан бизга етиб келган маълумотлар шуни кўрса-тадики, фарғоналиклар биздан кам, иш кўрган сарбозлари оз, кишилари кўрқувда..* Мирмуҳсин, Меъмор. **Иш кўрмоқ** 1) муай-ян йўл билан иш олиб бормоқ; иш тутмоқ. *Унинг ёр-дўстлари беҳисоб, ўйлаб иш кўриш лозим, ҳазратим.* К. Яшин, Ҳамза. *Мухбир-ликда ҳам ошначилик, қўшничилик билан иш кўриладими?* «Гулдаста»; 2) ишни амалга оширмоқ, ишнинг ҳаракатини қилмоқ. *Ман шу ердан қочиршида сир очилиб қоладими, деб жуда кўрққан эдим. Лекин жуда қулай фурсатда иш кўрдик.* Ойбек, Танланган асарлар. **Иш кўрсатмоқ** 1) намунали, қо-йил қоладиган иш қилмоқ. *..учала хатимга ҳам «Сени мудофаа қилишда айрим иш кўрсатганим учун орден олдим», деб жавоб қайтардилар.* А. Кдхдор, Олтин юлдуз. *Ду-чор келганини кўкка отарман, Иш кўрсатиб, ёрим олиб кетарман.* «Алпомиш»; 2) с. т. ёқимсиз (кўнгилсиз) иш қилмоқ; қилиқ қилмоқ. *Кеча тўйда кайфи ошиб, роса иш кўрсатибди.* **Иш ташламоқ** Оммавий сурат-да ишни тўхтатмоқ. *Бундан уч йил бурун.. Симхоев заводдаги ерлик ишчилар.. иш таш-ладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Иш тутмоқ** Маълум йўл-йўриқ, шарт-шароит ва ш. к. билан ҳисоблашган ҳолда иш олиб бор-моқ, иш юритмоқ. *Азизим, сиз отдан туш-сангиз ҳам, эгардан тушмайсиз. Орқа-олди-га қараб иш тутмоқ керак.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Сизга жон керак бўлса, шундоқ иш тутасиз, розимисиз?* К. Яшин, Ҳамза. *Ин-соф юзасидан иш тутинг, бойвачча ака.* К. Яшин, Ҳамза. **Иш чиқармоқ** 1) бирор на-тижага эришмоқ, бирор иш қила олмақ. *Бу боришдан бирор иш чиқара олдим, йўқми — бу тўғрида биз келаси фаслларнинг бирида ўрганармиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Беш марта қариши атака қилиб, ҳеч иш чиқара олмагандан кейин қутурган, энди қуришовда қолиб, жон талвасасига тушган душман..* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) кутилмаганда номаъқул иш (қилиқ) қилиб қўймоқ. *Ше-ригинга эҳтиёт бўл, ёнидан жилма. Яна бирон иш чиқариб ўтирмасин.* **Иш юритмоқ (ёки юргизмоқ)** қ. иш тутмоқ *Эл, юрт улуг-лари! Худо йўлига кўзингизни очинг! ..ҳақиқатга қарабиш юритинглар!* К. Яшин, Ҳамза. *-Ҳовлиқма, зимдан иш юргиз! — се-кингина сўзлаб ҳовлида қолди Крратой.* Ой-бек, Танланган асарлар. **Ишга солмоқ** 1) ишга жалб қилмоқ; ишлатмоқ. *Ўрмонжон акам шуни ҳам ишга солдилар, одам қилди-лар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Аммо Асрора [Дилдорани] ноз-финоқларига қара-май, турткилаб-турткилаб ишга соларди.* С. Аҳмад, Уфк; 2) ишида фойдаланмоқ; иш-латмоқ. *Элчи ҳозир ўз подшоҳининг топши-ригини бажариш учун бутун айёрлигини ишга солар, тилёғламалик қилиб, Тўмарисни кўкларга кўтарар эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Чол бутун қуввайи нутқини ишга солиб, яна ялинди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ишдан чиқмоқ** 1) иш-меҳнат қоби-

лиятини йўқотмоқ. *Раҳматли эрим марди-кор эди.. касалга чалиниб, эртароқ ишдан чиқиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Некқадам қариган, ишдан чиққан эди.* С. Айний, Қуллар; 2) яроқсиз ҳолга келмоқ. *То адирнинг этагига етгунча, Турғунойнинг кавуши ишдан чиқди, адирга маҳсичан чи-қишига шўзри келди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Лекин у ўйлаганча бўлмади, икки киши занг босиб кетган.. ишдан чиққан бешотарни олиб келиб берди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ишдан қолмоқ** 1) *айн. ишдан чиқмоқ* **1.** *Мариянинг бахтига қариши, амаки сил касаллигига уч-раб, ишдан қолди.* Ойбек, Танланган асар-лар; 2) чалғиш ва б. сабаб билан ишни мўлжалдагича қила олмаслик. *Гап билан бўлиб, анча ишидан қолди.* **Ишдан қўймоқ (ёки қолдирмоқ)** Бажариб турган иш-вази-фасидан вақтинча чалғитмоқ, уни бажа-ришга халақит бермоқ. *Йўлчи.. Шоқосимни ишдан қўймаслик учун, икки-уч минутда во-қеани сўзлаб берди.* Ойбек, Танланган асар-лар. **Иши бўлмаслик** Аралашмаслик, эъти-бор бермаслик. *-Сенинг ишинг бўлмасин, — деб газаб билан жавоб берди амакиси.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..меҳмонлар кимлар ва нима учун келганликлари билан иши бўлмай.. сўзлаб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Иши йўқ** Эътибор бермайди. *Унинг атрофидагилар билан иши йўқ, ўз иши билан машғул. ти Хоннинг ўлик-тирик билан иши йўқ эмиши. Жони ҳалак, дейдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Иши нима қ. нима иши бор.** *Сизларни кўрол-мас экан. Бўлмаса, буларнинг иши нима? П. Турсун, Ўқитувчи. Иши тушмоқ* Кимсага бирор илтимос, ҳожат билан мурожаат қил-моқ. *Бир жойдаги одаммиз, яна бир-биримиз-га ишимиз тушади, оғнахон!* Ойбек, Танланган асарлар. *..Анварга иши тушиб, унинг шафқатини кўрган Сафар бўзчи кабилар бу хабардан жуда ҳам хурсанд.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Ишнинг белига тепмоқ** Ишнинг бажарилишига, меъёрида бўлишига халал бермоқ (тўсқин бўлмоқ). *Ҳеч нарса топилмагач, уйини тинтиш учун ҳовлига киришган эди, бурчакда тинимсиз вакиллаб турган ит ишнинг белига тепди. «Муштум».* Қочиб қаерга ҳам борарди.. *Шунчаки ишнинг белига тепганига ачинасан киши.* С. Анор

297

боев, Оқсой. **Ишнинг кўзини билмоқ** Иш-

нинг бажарилиш, битиш йўл-йўриғини яхши билмоқ. *Қайнатам ишнинг кўзини билладиган одам. Хизматкорлари бари яхши ишлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Иш-чан, жуда-жуда ишчан одам. Ишнинг кўзи-ни билади.. бутун ҳисоб-китоб ишларини шу эплаб турипти.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чи-рокдар. **Кўнгил иши** Киши ички дунёсига, кўнгли-дилига боғлиқ иш(лар). *Асрораўйлаб қараса, кўнгил иши нозик нарса экан.* С. Аҳмад, Уфқ. **Нима иши бор** Дахлдор эмас-лик, алоқа, муносабати йўқушкни қайд этади. *Қаердадир қамишзорда бир номаълум де-вонани ит гажиб кетган бўлса, бунда ким-нинг нима иши бор? А. Мухтор, Крақалпоқ қиссаси. Сенинг кўнглинг, сенинг умидинг билан кимнинг нима иши бор!* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Менинг нима ишимбор. — Албат-та, ишинг бўлмасин.* А. Қодирий, Ўтган кун-лар. **Оллонинг (ёки худонинг, тақдирнинг, фалакнинг..)** иши Умуман, инсон (банда-си)га хос бўлмаган иш. *Чирқилланг, тоғнинг қушлари, Бу иш оллонинг ишлари. «Юсуф ва Аҳмад».* Бу ишлар фалакнинг иши.. *«Юсуф ва Аҳмад».* *Ҳаммаси ҳам тақдирнинг иши, амаки, бу ерда сиз бшан менинг ҳеч бир их-тиёримиз йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўз ишини қилмоқ (ёки кўрсатмоқ)** Муайян омил, сабаб билан боғлиқ юз берадиган иш, нарса-ҳодиса рўй бермоқ, амалга ошмоқ, рўёбга чиқмоқ. *..орадан ўтган ўн йи ўз ишини қилган — эшон анчайин кексайган, ҳатто юз териси ҳам олачипор бўлиб кетган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг ҳам, бунинг ҳам айрилгиси келмас эди. Лекин вақт ўз ишини қилди — ойни зарб уфқидан тортиб кириб кетди. Демак, тонг отди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Итнинг инстинкт ва рефлекс-лари ўз ишини кўрсатган эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. **Ўтган ишга сала-вот** Ўтган иш ўтди, бўлар иш бўлди (бўлиб ўтган иш ҳақидаги гапни тўхтатиш, унга қайтмасликни қайд этади). *Хўш, ўтган ишга*

салавот. Қалай, экинларимиз дурустми? Ойбек, Танланган асарлар. **Қўлидан иш келмоқ** Муайян иш(лар)ни ўзича уддала-моқ, қила олмоқ. *Дуруст, сен самолёт ясолмайсан, кетмон чополмайсан.. лекин кила-ман десанг, қўлингдан иш келади.* А. Қахҳор, Асрор бобо.

ИШ П махс. Бир жуфт пойабзалга етар-ли тери бўлаги ёки муайян кийимга етарли газлама. *Бу теридан тўртта иш чиқариш мумкин. Иш бичмоқ. Иш тикмоқ.*

ИШБАИ Бажарган ишга қараб, иш ўлчовида ҳақтўлаш усули. *Ишбай ҳақ тўлаш усули дастлаб фабриканинг 8-цеҳида таж-риба қилиб кўрилди.* Газетадан. *Текиришида меҳнат нормаларини белгилаш ва меҳнатни ишбай асосида уюштиришида текисчиликка йўл қўйилгани маълум бўлди.* Газетадан.

ИШБИЛАРМОН Ишнинг кўзини била-диган, кўп ишга акди етиб уддалайдиган. *Ана шу бошқармаларга кенг ҳуқуқлар бериб қўйиш, ишбилармон, обрўли ходимларни бошлиқ қишиб тайишаш керак.* Газетадан. *Мўмин, камгап, аммо ишбилармон йигит экан.* Газетадан.

ИШБИЛАРМОНЛИК Ишбилармонга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Ишбилармонлик — бу янги нарсаларни, янги гоьларни ўйлаб топиб, уларни амалга ошира билиш ва бу йўлда учрайдиган тўсиқ, қийинчиликлардан кўрқмас-ликдир.* Газетадан. *Абдурасул ишбилармонли-ги билан кўпнинг назарига тушиб, министр-ликлардан бирига кўтарилди, депутат бўлди.* Шукрулло, Жавохирлар сандиғи.

ИШБОП Ишга муносиб, иш учун қулай, иш вақтида фойдаланса бўладиган. *Ишбоп кийим.*

ИШБОШИ Бирор ишнинг боришини кузатиб, раҳбарлик қилиб турувчи шахс; саркор. *Хон тарафидан улар устига ишбоши қилиб белгиланган саркорлар.. қулоқ эшит-маган сўкишлар билан бечораларни таҳқир этар эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ишбоши: -Қани, тараф борми? — деб пол-волларни майдонга чақирганба, нима бўлди-ю, таваккал қилиб, ўрнимдан туриб кетдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..катта ишларни ол-май, иложи бўлса, кўпригу хаммомлар лойи-ҳасини тузиб, ўзи ишбоши бўлиш ниятида эканини.. айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИШБОШҚАРУВЧИ Идора, бошқарма ва ш. к. да расмий ёзишма ишларини олиб боровчи ходим.

ИШБУЗУҚИ Битиб турган ишни бузув-чи, келишилган масалада қаршилик кўрсатувчи одам; бузуқи, ғаламис. *-Мадрайим қора, ишларнинг мазаси йўқ-ку! — деди тўра.* - *Тўрам, ишбузуқилар бор, — деб пўнғишади Мадрайим навкар Полвонга қараб.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ИШВА \a.sj ■" <- — кечаси (кўзи) яхши кўрмаслик; нозли, мафтун этувчи ҳаракат] Юз, кўз, қош жилваси; ноз, адо. *Бир ишва*

билан жонон девона қилиб кетди. Ҳамза, Паранжи сирлари. *Қиз кўзларида ибo ва ишва билан яна ўзининг ўша қарашидан қилди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Жувон ноздан кўра ўпкага яқин бир ишва билан таъна қилди: -Шунақа, эсингизни олиб қўйишган.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о.

ИШВАКОР айн. ишвали. *Ишвакор аёл. ■■■ Чарх урсину айлансин Ишвакор жонон тўйингга.* «Бойчечак».

ИШВАЛИ Ишваси бор, ишва ифода-ловчи. *Хадичабегим ҳали ҳусни сўлмаган нозу ишвали аёл эди.* Ойбек, Навоий. *Лаъли иш-вали кўзлари билан ҳар қанча қарамасин, унинг [отнинг] димоғни маст килувчи ёлини тараши билан машгул.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ИШВА-НОЗ Ноз ва ишва(лар). *Тинглай, дея, хуш овозингни, Узинг тушидинг садаф созингни.* *Черта кетдим зўр ихлос билан, Қараб турдинг ишва-ноз билан.* Шухрат.

ИШГИР ив. Абжир, эпчил, чаққон. *Иш-гир саллот бари босиб келарди.* «Очилдов».

ИШЁҚМАС Иш-меҳнатга хуши йўқ; дангаса, ялқов. *Ишёқмасга иш буюрсанг, сенга ақл ўргатар.* Мақол. **иши** Ювоши боладан қўрқши керак, катта бўлганда, ишёқмас бўлиши мум-кин.. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

ИШЁҚМАСЛИК Ишёқмасга хос хусу-сият. *Ялқовлик, танбаллик, ишёқмаслик унга ёт.* Газетадан.

ИШКАЛ I \а. II <. ,7,1 — мушкуллик, чал-кашлик] Ишдаги чатоқ ҳолат; чалкашлик, бузуклик. - *Тагин ёмон! Ҳар нарсадан ишкси шопадиган бўлибсиз, — деди Нафиса.* А. Мух-тор, Туғилиш. *Одамлар илгари вақтда сав-до ишида ишкал чиқиб қолса.. қозига чопар эканлар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ревизор хиқи топаман деса, ҳар қанақасидан ҳам ишкал топади.* С. Аҳмад, Сайланма.

ИШКАЛ II *шв.* Похол ёки қўғадан эшил-ган боғлик, аркон.

ИШКОМ Токларни кўтариб қўйиш, тараш, ёйиш учун поя ва бағазлардан ба-ланд қилиб қурилган ёйсимон сўри; валиш. *Гулнор, очилган токларни ишкомга кўтариб, тол пўстлоғи билан мақкамлаб боғлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баланд ишком-да узумлар гарқ пишиб ётибди.* \. Ғулом, Замин юлдузлари.

ИШЛАМОҚ 1 Иш билан машғул бўл-моқ; меҳнат қилмоқ. *Далада ишляпти. Богда ишляпти. ти Шунақа, эшон, деҳқон қишин-ёзин ишлайди-ю, кузга бориб или-ги қурийди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Миянгизни толиқтирадиган даражада қат-тиқ ишламанг.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Меъмор учун бу ерда ишлаётганлар ичида Зулфиқору Заврак, Ғаввос Муҳаммаддан яқинроқ одам йўқ эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Бирор лавозимда фаолият кўрсатмоқ, хизмат қилмоқ. *Директор бўлиб ишламоқ. Университетда ишламоқ. иши Ҳозир Питнак-даги боғчада тарбиячи бўлиб ишлаётир.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳаётда хотин-қизларнинг энг биринчи фазилати, майли, у қандай ла-возимда ишламасин, уй туттишни билиши, оналик бурчини ўтай олишидадир.* Газетадан.

3 Ишловбермоқ. *Терини ишламоқ.*

4 Ижод этмоқ; яратмоқ. *Расм ишламоқ. Фильм яхши ишланибди. Ҳаикал ишламоқ. иши Бош соврин тавсия зтилди — турнир золиби тошкентлик усталар ишлаган катта чинни вазани олади.* Газетадан.

5 Ҳаракатда бўлмоқ, юрмоқ, юриб тур-моқ; амал қилмоқ. *Тегирмон ишляпти. Станок ишляпти. ишт У, дала шийпонига етиб келганда, телефон ишлаётгани тўғрисида хабар қилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

6 Хизмат қилмоқ, фаолият кўрсатмоқ. *Музейлар ҳар куни ишлайди. Душанба кунлари касса ишламайди. иши Институтда ма-роқли учрашувлар клуби ишлаб турипти.* Га-зетадан. *Ҳозир шаҳарда кўплаб кулолчилик ва наққошлик устахоналари ишлаб турипти.* Газетадан.

7 физиол. Ўз вазифасини нормал бажар-моқ. *Чап кўлим ишламайди. н -Бектемирдан кўнглим тўқ, — деди Али тажанг, — кал-ласи ишлайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

8 с. т. Меҳнат қилиб топмоқ. *Пул ишла-моқ. Бугун юз сўм ишладим. м Утган йил бир юз ўн саккиз меҳнат куни ишладим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

Ишлаб чиқариш Муайян ижтимоий му-носабатлар шароитида киши меҳнати ту-файли жамиятнинг яшаши ва тараққий эти-ши учун зарур бўлган моддий бойликлар яратиш. *Рационализаторлар томонидан яра-тилган янгилликлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланмоқда.* Газетадан. **Ишлаб чиқармоқ** Маҳсулот тайёрламоқ. *Стендларга талаба-лар ўйлаб топган, ясаган, ижод қилган ва ишлаб чиқарган турли буюмлар тартиби билан қўйилган.* Газетадан. *Хива шаҳар бадиий совга буюмлар фабрикаси ишлаб чиқара-ётган маҳсулотларни халқ амалий санъати-нинг нодир намуналари, деса бўлади.* Газета-дан. **Ишлаб чиқмоқ** Тайёрламоқ, яратмоқ. *Пахта териш машинасининг янги моделини ишлаб чиқдик. тт Кейинги ярим йил даво-мида қўйилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиши билан боғлиқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.*

Газетадан. **Ўз устида ишламоқ** Ўз савияси, малакасини ошириш йўлида ме\нат қилмоқ, ишламоқ. *Каллали бола экан, мана, ўз устида ишлаб, кўтарилиб кетди. Қайта ишлаш* Қайта, бир неча марта иш-ловдан ўтказиш. *Бир грамм соф радиий олиш учун бир неча тонна уран рудасини қайта ишлашга тўғри келади.* «Фан ва турмуш».

ИШЛАНМА Фойдаланиш, қўллаш учун ишлаб чиқилган нарса. *..техник ва технологик ишланмаларни ўз фойдаси учун ишла-тишга интилди.* Газетадан.

ИШЛАТМОҚ 1 Ишламоқфл. орт. н. Одам ишлатмоқ. *Ақл ишлатмоқ. Расм ишлатмоқ.*

2 Қўлламоқ, фойдаланмоқ, ишга сол-моқ. *Асбоб ишатмоқ. Сўз ишлатмоқ. ти Улар гоҳ қамчин билан, гоҳ қилич, гоҳ тўппонча ва милтиқни аямай ишлатиб, халқни босиб туришибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор манфаатга йўналтирмоқ; сарф-ламоқ. *Маблағларни тежаб-тергаб ишлат-моқ. ттш* *Бойлар тўйларга ишлатадиган пул-ни савдога ишлатсин, театр ишларига бер-син.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИШЛИ Ишп. юмуши бор; иш-хизмат-ли. *Ишли йигит. Ишлининг иши битар, иш-сизнинг қуни ўтар.* Мақол. *тт Яна бир оз кут, келиб қолар. Ишли одам эмасми, ахир!* Ой-дин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.

ИШЛОВ 1 Ишламоқ фл. хар. н.

2 Хомашёдан маҳсулот тайёрлаш учун қилинган меҳнат жараёни ва унинг натижаси. *Ишовини келтирибсиз. Ишови яхши. тт «Қало-вини топсанг, қор ёнар» deewwwriden, ишови етилса, шўр ерларда ҳам пахтадан мўл ҳосил олишмумкин.* Ш. Мусаев, **55** центнердан.

Ишлов бермоқ Махсус (ўзига хос) меҳ-нат, иш қилмоқ. *Ҳумдорлар ўзгаргандан сўнг, муомаладаги тангаларга шундай ишлов берилган.* Газетадан. *Кечикиб экилган галла ҳам, чигит ҳам Митқовулнинг кейин берган ишловларига қарамай, яхшишунум қўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИШОНАРЛИ Ишонил мумкин бўлган; ишончли. *Ишонарли гап. тт Бу савол ўзига ишонарли жавоб талаб қилиши билан бирга, асрлар бўйи тарғиб ва татбиқ қилиб кели-наётган бир асос мантиқига имтиҳон ҳам эди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о. *Шерназарбойни халқ олдида оқлаш учун.. ишонарли далиллар керак эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ИШОНМОҚ 1 Ҳақиқат, чин деб бил-моқ. *Сўзига ишонмоқ. Ваъдасига ишонмоқ. тт* *Бундай яхшиликни ҳар ким ҳам қила олади, Сафар ака.. шунинг учун мирзабошининг қил-ган яхшилигига мен ишондим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бунингучун ёзувчиўзи тас-вирлаётган воқеага қаттиқ ишонили керак.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Ишонч билан қармоқ, ишонч боғла-моқ; панд бермайди, деб билмоқ. *Бобур бу гал яна алданмаслик учун шаҳар ичидаги та-рафдорларининг ҳеч бирига хабар бермасдан, фақат ўз кучига ишониб, таваккал қилиб келди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Кузнинг ўзгарувчан об-ҳавосига кўнда ишоиб бўлмай-ди.* Газетадан. *Шоир аср бошларидаёқ «Ер юзи-да таҳқирланган киши қолмайди», деб порлоқ келажакка астойдил ишонган эди.* Газетадан. *Ҳаёт Фуломжонга ишонса ҳам.. чоҳ олдида турган кишидаи қўрқиб, сўради: -Қаёққа?* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Умид боғламоқ, эътимод қилмоқ; су-янмоқ. *Крматига ишонган — қаддини букиб кетади, Кўпчиликка ишонган — мақсадига етади.* Мақол. *тт* *Ойингнинг сендан умиди катта. Бор ишонгани сен.* Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин. *Кумуш ва онасининг бир-дан-бир ишонганлари яна Ҳасаналининг ўзи эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИШОНУВЧАН Ишонилга кўнгли мо-йил, ишонайерадиган. *..айниқса, ишонувчан, содда одамларнинг кўнглига йўл топиб, жи-ноятга қўл урувчилар ҳим учрашини инкор қилмаслигимиз зарур.* Газетадан.

ИШОНУВЧАНЛИК Ишонч, ишониш билан муносабатда бўлиш хусусияти, шундай муносабат. **Оққўнгиш1** Нафиса ишонувчан-лик билан йўл қўйган хатосига иқрор: кул деб, олов чангаллаб олганидан дарди ичида. Шуҳ-рат, Жаннат кидирганлар.

ИШОНЧ 1 Ишониш ҳисси, туйғуси. *Ишонч билан гапирмоқ. Ишонч уйғотмоқ. тт* Ўнинчиси ҳам гапми, истаганича топиши мумкин — истак, ишонч ўлмаса бас. Газета-17-Ўзбек тилининг изоҳли луғати

дан. *Йўлчи чакки одамларни топмади, Ёр-матнинг ҳақсиз эканига ишончи кундан-кун ортди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бор ишон-чим: бир куни Ёнгаи қуёш қутб узра ҳам.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

2 Эътимод этилган, суянилан, умид боғланган шахс ёки нарса. *Модомики, ик-кимизнинг ёлғиз ишончимиз шу ўғлимиз экан.. бизга лозими, унинг хурсандлиги нима билан бўлса, шуни ахтаришидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Элмуроднинг йурур биши гапиради-ган гапи — келажакка ишонч ва умиди бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИШОНЧЛИ Ишонса бўладиган, панд бермайдиган. *Ишончли одам. тт* Сиз суян-чиқларга ишониб бўлмиз, жаноблар! .. Бошиқа ишончли суянчиқларни топамиз. Х. Гулом, Машғал. *Бу ташилотда сиз менинг энг ишончли, суянадиган кишим бўласиз.* Н. Ами-нов, Суварак. *Абдуғаффор ака деҳқончилик-нинг истиқболи ишончли қўлларда бўлишини орзу қиларди.* Газетадан.

ИШОНЧСИЗ 1 Ишониб бўлмайдиган; бетайин. *Ишончсиз киши билан ишлама, Ажабланиб, бир кун тилинг тишлама.* Ма-қол. **тт** У подшоҳни лашкар ичидаги ишончсиз шахслардан огоҳ этар, уларни жаллод қўлига топширарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Умид-ишончи йўқ, ишончсизлик ифо-даловчи. *Дўстининг таъвишини ишончсиз кулги билан йўқотишига тиришиди.* Ойбек, Қуёш қораймас. ..худди саҳнага биринчи бор чиқаётган ҳаваскор санъаткордек, ишончсиз қадам билан телефонга борди. Ф. Мусажо-нов, Химмат.

ИШОНЧСИЗЛИК Ишончсиз ҳис-туйғу, ишончсиз муносабат. *Ишончсизлик билан гапирмоқ. тт* Широқ шоҳнинг ишонч-сизлик кўзи билан қараётганини фахмлаб, ўз сўзининг тўғрилигини исбот қилишга ки-ришиди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Менинг дилдан чиқариб айтган сўзларим На-зирадаги қўрқув ва ишончсизликни тарқатиб юборди.* Х. Лутфуллаева, Бахти кулган йигит.

ИШОНҚИРАМОҚ Бир оз ишонмоқ, ишонгандай бўлмоқ. *-Билмадим, директор мени шунчаки ҳовуримни босиш учун ёлгондан айтдимми, дейман, — деди ишонқирамай Алим-жон.* И. Раҳим, Ўз касбини севган йигит.

ИШОРА \а. ijLij— кўрсатма; кенгаш; имо-ишора, белги] **1** Кўз, қош, қўл, бош ва б. ҳаракати билан берилган белги, имо, шунингдек, гап билан яширин тарзда ифодаланган маъно; шама. *Хўкизга — туртки, донога ишора кифоя.* Мақол. **тт** Сафаров кўз ва қош ишораси билан Самандаровга: «Эви-да-да! Бу гаплар, бу муомала ортиқча», де-гандай қилди. А. Қахҳор, Қўшчинор чироқ-лари. *Мингбоши томдаги карнайчиларга «бас» ишорасини қилди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о. *Зулфиқор баъзан бу қиз нима демоқчи, де-гандай хаёлга чўмар, Бадианинг хатти-ҳара-катлари, қилиқлари, гапларидаги ишора уни чуқур ўйлашга мажбур этарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Зумрад Мавлон Исавичнинг ишо-расини тушунди: «Ахир мен туфайли келдинг бу ерларга, тентак. Бўлмаса, юрардинг ҳозир дала кезиб..».* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

Ишора қилмоқ Бирор маъно (мазмун)-ни билдирувчи имо-ишора бермоқ, гап-сўз айтмоқ. *Полизнинг бошига етиб келишиди. «Тўхтанлар» деган ишора қилди Ҳаким.* М. Хазратқулов, Журъат. *-Оқишар омон бўлсин! — деб дуо қилди Мутриб, Авазнинг бугунги оқибатига ишора қилиб.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Маълум маъно ифодаловчи, вазифа бажарувчи белги, аломат. *Тригонометрик функцияларнинг ишорашири. тт* Рўзимбой ака-нинг чойхонасида Рамазон нўғай ўқийдиган газеталарда нозик ишоралар бор эди. С. Сиёев, Ёруғлик. *Мактубдаги*

тушунши қийин бўлган нуқта ва ишоралар яна бир қайта заҳар сочибўтгандек бўлдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ИШОРАЛАМОҚ кам. қўлл. Белги қўй-моқ, белгиламоқ. Буюмларни рақамлар би-лан ишораламоқ.

ИШОРАТ эск. айн. ишора. Аминнинг кўз ишорати билан йигитлар юқори кўтарган таёқларини қўндирмасдан сақлаб турдилар. С. Айний, Қуллар. Йўлчи, Қамбар уқтирган ишоратларни бир-бир кўздан кечириб, сўл ёқдаги боши берк тор кўчага кирди. Ойбек, Танланган асарлар. Абдурауф тунқотар.. дах^изга чиқиб, ўзини четга олиб турган Султоналига, нима гап, деган ишоратини қилди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

ИШПЕЧ Чеварларнинг ип, ипак, игна ва б. керакли нарсалари сакланадиган, шунингдек, тиззага қўйиб иш тикадитан хал-таси. Мукаррамой чевар қиз, Ишпечи тўла ипак. Л. Абдуллаева. Кампир ишпечи билан шойи қўйлакчани олдиға олибўтирди. Х-Назир, Яхши исм. Зумрад кўзларини чиройли сузиб, бир кулди, кейин тиззасидаги ишпечини ерга қўйди. Ойбек, Улуғ йўл.

ИШРАТ \а. oʻj-iʻs. — (бирор кимса би-лан) дўстлашиш, айш, хурсандчилик қилиш] Кайф-сафо, маишат билан фахш ишлар қилиш. Яна янги овқатлар, ичимликлар, лаганчаларда анор ва олмалар келди. Ишрат кизиб кетди. Ойбек, Танланган асарлар. Ишрат кечаларининг бирида Ҳожи хола хўжасига сўнги қадаҳни тутди. М. Исмои-лий, Фарғона т. о. Бечора канизак хукмдор-нинг бир кечалик ишрати учун қурбон бўлиб кетди. Мирмуҳсин, Меъмор. Муҳаббат бир-ла чеккан гурбатинг роҳат билан тенгдир. Муҳаббатсиз ва лекин ишратинг кулфат билаи тенгдир. Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

ИШРАТГОҲ айн. ишратхона. Танишган-лар қочини тадоригини кўришаркан, кепакчи бой.. таниш ишратгоҳга бурилар йўлдан. С. Акбарий.

ИШРАТПАРАСТ [ишрат + ф. -

сажда қилувчи, севувчи, хурмат қилувчи] Айш-ишратга, кайф-сафога берилган, ишратни севувчи (киши).

ИШРАТХОНА [ишрат + хона] Ишрат қилинадиган жой, хона; ишратгоҳ. Асфандиёрхон ишратхонадан ўтиб, ҳарамхонанинг ҳовлисига чиқди ва катта ҳовуз ёнидан ўтди. Ж. Шарипов, Хоразм. Махфий ишратхона тоқчаларидаги баъзи шамлар ўчган.. О. Ёкубов, Кўхна дунё.

ИШСИЗ 1 Иш-юмуши, қиладиган иши йўқ; бекор(чи). Ишлининг иши битар, ишсизнинг куни ўтар. Мақол. **иши** Йўқ, йўқ, бо-божон, ишсиз қолсам, ичим тарс ёрилгудек бўлаверади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Иш, хизмат билан таъминланмаган. Қаҳратон қиш. Нима кўп — ишсиз кўп. Иш топиш қийин. Мардикорлик, дала ишлари йўқ. Ойбек, Танланган асарлар. Шаҳарлар, қиш-лоқлар бир-биридан афзал эмас, ҳамма оч, ҳамма ишсиз. Ойбек, Нур қидириб.

ИШСИЗЛИК Ишсиз ҳолат, иш билан таъминланмаганлик; иқтисодий фаолият-га яроқли аҳолидан бир қисмининг ўзига лойиқ иш топа олмай қолиши. 29-модда. Ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган шахс-ларга мўлжалланган ишсизлик нафақаси-нинг миқдори. Газетадан. Бир йигит. Бу-тундир оёғи, Тўрвасида ишсизлик ёрлиғи. Рауф Парфи.

ИШТАҲА [а. П f, ,т,1 — истак, хоҳиш; ов-қатга бўлган майл] **1** Овқатланишга уйғон-ган ёқимли иштиёқ (сўлак ва меъда шира-си ажралиши билан юзага келади). Ёдгор соғайиб, иштаҳаси охирги даҳадан турган тилла куртиникидай бўлган эди. С. Айний, Дохунда. [Салимбойвачча] Эзилиб пишган ёғли гўштни иштаҳа билан еб, ишишани яримлат-ди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Иштиёқ, майл, ҳафсала. Ўҳ-хў, балли иштаҳангга, шошма, бу ҳам бўлур тез. Ойга бориб, ўзинг ойни ола қолгин, яхши қиз. М. Шайхзода. Лочинбоев йигит орқасидан

жамоа раиси.. кириб келишини зўр иштаҳа билан кут-ган эди. Ҳ. Шамс, Характеристика.

Иштаҳага кирмоқ Овқатланишга хоҳиш, иштаҳа пайдо бўлмоқ. *Иштаҳага кирди-ю, қулча юзига ранг югурди..* К. Яшин, Хамза. **Иштаҳани бўғмоқ** (ёки ўлдирмоқ, кесмоқ) 1) иштаҳани йўқ қилмоқ, қайтармоқ. *Ҳаёт эса боягидай қилтомоқ бўлиб ўтираверди, тўғриси, бу ноёб бахт унинг иштаҳасини бўғиб қўйган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Гулнорнинг ҳам иштаҳаси кесилди, икки-уч қошиқ шўрва ҳалқумидан базўр ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) хафсалани ўлдирмоқ (қайтармоқ). **Иштаҳа(ни) очмоқ** Иштаҳа пайдо қилмоқ. *Халқ табобатида ка-рам барги иштаҳа очувчи омил сифатида фойдаланилган.* Газетадан. **Иштаҳаси кар-най** 1) иштаҳаси жуда яхши. *-Иштаҳа кар-найга ўхшайди, — деди кулиб Ғози, кейин икки бармоғи билан томоғини силади.* И. Ра-им, Ихлос; 2) хоҳиши зўр.

ИШТАҲАЛИ Иштаҳаси яхши, овқатни севиб, кўнгли тусаб ейдиган; сертомоқ.

ИШТАҲАСИЗ Иштаҳаси йўқ, овқатни севиб, кўнгли тусаб емайдиган, камтомоқ. *Гулсумбиби, бетоб, иштаҳасиз қизи учун ўз ҳовлисида, ўз декчасида тайёрлаган бир коса серқатиқ хўрда ошини авайлаб кўтариб, эшик-дан кириб келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИШТАҲАСИЗЛИК Иштаҳасиз ҳолат, иштаҳа йўқлик. *Умматали, нима учундир, дами қайтган ошини иштаҳасизлик билан еб, диванга чўзилди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *Чарос иштаҳасизлик билан шўрва ичаркан, онасининг ўзига диққат билан қараб қўяётганини сезар.. эди.* Ў. Ҳошимов, Қал-бингга қулоқ сол.

ИШТИБОҲ \а. *1 .^1 — шубҳа, гумон, шак] Шак-шубҳа, гумон. *Кўпчиликка айтандиган гап эмас ўзи. Маши, иштибоҳ қолмасин* **сузjiарда**, айтаман. И. Рахим, Чин муҳаббат.

ИШТИЁҚ \а. ʁ!л .t,l - мушток-пик, дил хоҳиши; интилиш] Зўр истак, хоҳиш. *Иштиёқ билан ишламоқ. ти Журналнинг номи «Маориф ва ўқитувчи» эди. Адолатнинг кўнглида уни ўқишига иштиёқ тугилди.* С. Зун-нунова, Гулхан. *У [Умид] жуда иштиёқ би-лан ёзарди, фикрлар ҳам қуйилиб келарди.* Мирмуҳсин, Умид. *У [Қудрат/ қадрдон дўстларини.. кўриши иштиёқи билан ёнар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ИШТИЁҚЛИ қ. **иштиёқманд.** *Иштиёқ-ли ўқувчи.*

ИШТИЁҚМАНД Иштиёқи бор, иш-тиёқ-ҳаваси кучли. *У ҳунар ўрганишига иштиёқманд.* **тм** *Ёш шоир шеърдан кўра тўртликлар ёзишига иштиёқманд.* Газетадан.

ИШТИЁҚСИЗ Иштиёқи, майли, хохи-ши йўқ.

ИШТИРОК [а. А \ - биргалашуш, қўшилиш; шериклик; умумийлик, муштараклик] Бирор иш, маросим, мажлис ва ш. к. да ҳозир бўлиш, қатнашиш. *Маъмурият вакили иштирокида бўлган мажлис.* **тм** *Хо-тинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим иштироки билан ўтказиб олсалар, ўзларини шаҳарнинг энг бахтли хотинларидан санаб.. юрар эди-лар.* А. Қрдирий, Ўтган кунлар. *Мирзо Меъ-морга таассуф билдириб, ўглининг подшоҳга суиқасдда иштироки борлигини.. маълум қи/ди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Асосийси, Ўзбе-кистоннинг халқаро ташиқлотлар фаолия-тидаги иштироки миллий хавфсизлигимиз, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақ-лаш гаровидир.* Газетадан.

Иштирок этмоқ (ёки қилмоқ) Қатнаш-моқ. *Мен бу тўйга иштирок этолмаганлигимни айтдим.. «Муштум».* *Биз ижодий кечалари-мизни шундай ўтказайликки, бу кечада ёлғиз ёзувчилар эмас, кенг жамоатчилик ҳам иш-тирок қилсин.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ИШТИРОКИЮН \а. J.\ - социа-лист] эск. айн. коммунист.

Иштирокиюн фирқаси эск. Коммунист-лар партияси. *Ўртоқ Кенжа айтгандай, биз зиёлилар иштирокиюн фирқасининг бошла-ган бу ишини олқишлаб, ёрдам беришимиз керак.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ИШТИРОКЧИ Иштирок этган ёки этув-чи; қатнашчи. *Мажлис иштирокчилари. тт Дарҳақиқат, биз Ўзбекистон қўриқлариба юз берган ўзгариларнинг шоҳиди, иштирокчи-ларимиз.* Ш. Рашидов, Янги ер хақида сўз.

ИШТОН Тананинг белдан пастки қис-мига кийиладиган, узун икки почали ички кийим; лозим. *Камолон дарвозаси билан Са-марқанд дарвозасигача бўлган қўргон остла-ри бошсиз ва иштондан бошқаси туналган инсон гавдалари билан тўлибди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Ҳазратим, — деди енгилгина тўн ичидан малла кўйлак ва оқ бўз иштон кишган Мурод..* К. Яшин, Ҳамза.

ИШТОНБОҒ Иштоннинг липпасига ўтказилган боғ. *Бир вақтлар дўппи тикдим.. иштонбоғ тўқидим. Энди ундай ишларга кўзим ўтмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Попукли иштонбоғ боғла, белни ушлайди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

ИШТОНСИЗ Иштони йук; беиштон. *Иштонсизнинг тушига икки қарич бўз кибди.* Мақол. *Н Иштонсизнинг ҳадиги чўндан дегандек, то машина.. лагердан чи-қиб кетгунча, Мирсалимнинг ичидан қирин-ди ўтди.* Шухрат, Олтин зангламас.

ИШТОНЧАНГ 1 Иштоннинг устидан шим киймаган ҳолда, фақат иштон билан. *Саидий қайтиб келганида, ҳамхўж-раси Эҳсон тор ва дим уйда иштончанг, димиқиб ўлтириб, мутолаа қилар эди.* А. Қаҳдор, Сароб.

2 шв. Иштонсиз, беиштон. *Авазнинг хаё-лидан бир-биридан машъум, юракни тилка-пора қилувчи манзаралар кетмай қолди. Бир қапада кеча иштончанг, ориқ бир бола «нан-на» дея йиғлаб, дастурхонга қўл чўзди.* С. Сиёев, Аваз.

ИШХОНА 1 Иш, хизмат қилинадиган жой; корхона. *Чиндан ҳам, адам борида ойим-га енгил эди.. ишхонасига бориб-келишни би-ларди, холос.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 айн. устахона. Қоратой.. ишхонада.. қизил чўғ бўлган темир парчасини болга билан гурс-гурс урар, яссилар, чўзар, қайирав эди. Ойбек, Танланган асарлар.

ИШЧАН Ишлаб чарчамайдиган, ғай-рат-шижоат билан ишлайдиган; серғайрат. *Ишчан одам. тт Ишчан педагог Салима Бер-диева порлок келажакнинг меҳнатсевар, ғай-ратли қурувчиларини тарбиялаб этиштир-моқда.* Н. Саъдуллаев, Камолот. *Бригада чин-дан ҳам аҳил ва ишчан коллектив.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит.

ИШЧАНЛИК Ишчан хусусият, ишчан ҳолат; меҳнатсеварлик. *Ишчанлиги билан обрў қозонмоқ. Ишчанлик кўрсатмоқ. Ишчанлик-ни бўшаштирмаслик. тт Камтаринлик ва ишчанлик унинг асосий хиелатидек бўлиб қолди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ИШЧИ 1 Меҳнат билан шуғулланувчи, ўз кучи билан ҳаёт кечирувчи шахс; меҳнатчи. *Шу йўсин ариқ қазила бошланди. Ле-кин ишчи кўп, озиқ-овқат иўқ эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Биз — ишчимиз, меҳ-натчимиз, Биз ҳам инсон ўғлимиз.* Ҳамза.

2 Корхоналарда жисмоний меҳнат қилув-чи (ишловчи) шахс; моддий бойлик яратувчи ижтимоий гуруҳ вакили. *Завод ишчиси. Курилиш ишчиси. Темир йўл ишчиси. тт Ишга қабул қилишда синаб кўриш — ишчи ёки хиз-маишчининг унга топширшаётган ишга муво-фиқлигини текшириб кўришидир.* Газетадан. *Эсозли ўқувчим (балки пахтакор, эҳтимол, ишчисан, балки зиёли).* А. Шер.

ИШШ унд. с. Эшакни тўхтатиш учун ишлатилади. *Дангаса салқинга қочгай, иш десанг, Тўхтамоқ одат эшакка, «иши» de-sape.* Ҳабибий.

ИШШАИМОҚ Тишларнинг оқини кўр-сатиб, товушсиз илжаймоқ,;. *Мурзин ҳайрон қолиб, «У эмас-ку!» деган эди, комендант «Адашманг, айнан ўзи», деди сурбетларча ишшайиб.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Ҳақиқатан ҳам, у ўта мулоҳазали, хушчақ-чақ йигит кўринар, фақат жилмайиши иш-шайишга ўхшаб кетарди.* Н. Аминов, Қал-тис хато.

ИШЮРИТИШ Муассаса, ташкилот ва ш. к. га оид иш-хужжатларни олиб бориш, юргизиш. *«Давлат тилида ишюритиш ва хужжатчилик» курсидан ягона мукамал дарслик яратилди..* Газетадан.

ИШЮРИТУВЧИ Ишюритишни олиб борувчи шахс. *Пойтахт атрофидаги маҳаллалардан бирида миноралик катта масжид солаётган устод Қавом ҳам бу ерга ишюри-тувчи сифатида.. яқинда мадрасада таҳсил кўрган бир йигитни чақирди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

ИШҚ \ а. j.tir — севги, мухаббат; ошиқ-лик, хушторлик] **1** Бошқа жинсдаги шахс-га берилиш, интилиш (мойиллик) ҳис-сез-гиси. *Мажнуннинг Лайлига ишқи. Ишқ савдоси. Ёр ишқида ёнмоқ. Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак.* Мақол. **тм** Бир вақтлар ишқ можароларини ёлғиз зртаклардан тинг-лаган Гулнор.. энди ўзи ишқнинг олов кўйла-гида яшар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Зўр ички интилиш; иштиёқ. *Одатда, навбаҳор келиши билан қалби яра-тиши ишқи билан тугён урувчи сахий боғбон-лар, пахтакорлар ва ишчилар йил бўйи қилиниши лозим бўлган ишларни хомчўт қилиб оладилар.* Газетадан. *Ажабо, устознинг инсон қалбига солган ижод ишқи шогирднинг матонати билан қўшилса, мўъжиза туғилар-кан.* «Гулдаста».

Ишқи тушмоқ Ишқ-меҳри уйғонмоқ, ишқ-меҳр билан боғланмоқ; севиб қолмоқ. *Дехқоннинг ишқи ерга тушган. У ерни эъзоз-лайди.* Газетадан. *Бировга ишқингиз тушса, қиз боладан бешбадтар уятчан бўлиб қолар экансиз..* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИШҚАЛАМОҚ 1 Икки нарсани бир-бирига суркамоқ. *Ғиштни гиштга ишқалаб силлиқламоқ. тм -Биров ишдан келса, сиз ош-дан келасиз, — деди Мели полвон жаҳли чи-қиб ва қўлларини ишқалаб, кетмон сопини ушлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қўл билан қаттиқ босиб силамоқ, эзмоқ. *Оёқни ишқаламоқ. тм Мўйсафид сартарош унинг \Йўлчининг\ бақувват.. бошини ишқалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уйқули кўзларини ишқалаб Акбар чи-қар, тойчоқлардай ирғишлаб, сертупроқ кўчалардан чопқиллашиб кетардилар.* Ж. Аб-дуллахонов, Хонадон.

ИШҚАЛАНИШ 1 Ишқаланмоқ фл. хар. н.

2 физ. Жисмларнингбири иккинчисининг силжишига қаршилиқ кўрсатувчи физик ҳодиса. *Қуруқ ишқа^иниши. Ишқаланиш кучи.*

ИШҚАЛАНМОҚ 1 Ишқаламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Унинг \кетмоннинг\ юзи қаттиқ, серқирра тошларга узоқ вақт ишқаланган ёки қандайдир ўтмас теша билан йўнилганга ўхшарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Хира бўлиб ёпишмоқ, сурканмоқ.

ИШҚАМОҚ айн. ишқаламоқ. *Ёрмат се-винганидан кафтини ишқаб, кулиб, татадан бир қадам нарига чўкка тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Бурнини ерга ишқамок қ. ер.

ИШҚИБОЗ Меҳр-ҳавас қўйган, берил-ган; ҳавасманд. *Муסיқага ишқибоз одам. Отга ишқибоз. Спортга ишқибоз. тм* Ҳамро аканинг қизи Обида қишлоқ мактабида ўқиб юрган кезларидан машинага ишқибоз эди. \.

Назир, Маёқ сари. *Овга ишқибоз ёш-яланг-нинг куни туғди: тоғда дон тополмай оч қол-ган какликлар гала-галаси билан дарага ёпи-рилиб тушган.* С. Анорбоев, Оқсой.

ИШҚИБОЗЛИК Меҳр қўйиш, бери-лиш, кучли майл. *Санъатга ишқибозлик. Ишқибозлик айб эмас. тти Ишқибозлик ҳам ҳар хил бўлади, чунончи, биров гулга, булбулга, биров машинага, йўрга отга ишқи-боз..* «Муштум».

ИШҚИЙ Ишқ-мухаббатга оид; ишқни ифодаловчи. *Ишқий шеър. Ишқий драма. тт* Гулнор ишқий кечинмалар, белгисиз хаёллар ичида ўртаниб, ёлғиз ётаркан, ҳовлида ота-сининг овозини, қўй маърашини эшитди. Ой-бек, Танланган асарлар. *Оқила мухаббат-ни ийиқ на мактубларсиз, учрашувларсиз.. тасаввур қила олмади.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

ИШҚИЛИБ Нима қилиб бўлса-да, хар қалай, хар ҳолда. *Бобоҳўжа домла ҳаммавақт бир хилда ўқитар, бир хилда ёздирар, ишқилиб, бир амаллаб вақтни ўтказар эди.*

П. Турсун, Ўқитувчи. *Мажлис қизиб кетди. Ҳатнашувчиларнинг кўпчилиги озми-кўпми, яхшими-ёмонми, ишқилиб, гапирди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чирокпар.

ИШҚИРМОҚ *шв.* Пишқирмоқ. *Бумай-донда бедов отлар Ишқирар майдон ичинда.* «Алпомиш».

ИШҚОР \ф. j\ ч ,7,1 ёки J ч ,7, - поташ, калий карбонат] **1 ким.** Металларнинг ара-лашувидан ҳосил бўлган, сувда яхши эрий-диган асослар, мас, ўювчи натрий, ўювчи калий.

2 Шундай моддали эритма.

Ишқори озмоқ Жаҳли кўзғамоқ, ғазаби қайнамоқ. *..қулоқчинни бостириб олиб, ий-гитчалар қатори ер текислаётган кувёвини кўраркан, қайнотанинг ишқори озиб кетди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ИШҚОРИЙ *ким.* **1** Ишқор ҳосил қилув-чи. *Ишқорий металллар.*

2 Ишқор хусусиятига эга бўлган. *Ишқо-рий эритма.*

ИШҚОРЛАМОҚ Ишқор билан ишлов бермоқ, ишқор солмоқ. *Сувни ишқорламоқ. тти Ишқорлаш цехида.. элеваторлар.. синов-дан ўтказишиб, ишлаб чиқаришига шай этиб қўйилди.* Газетадан.

ИШҚОРЛИ 1 Ишқори бор, ишқор ара-лаштирилган. *Ишқорли сув.*

2 Ишқор воситасида ишлайдиган. *Иш-қорли аккумулятор.*

ИШҒОЛ \а. JU-il - эгаллаш, босиб олиш; иш билан банд этиш]: **ИШҒОЛ ҚИЛМОҚ** (ёки **ЭТМОҚ**) **1)** забт этмоқ; қўлга олмоқ; эгалламоқ. *Пиёда аскарларимиз.. ҳамла қилиши учун қулай позицияларни ишғол қилган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ўратепанинг бу са-фарги ишғол этилиши алоҳида аҳамиятга эга эди.* Ш. Тошматов, Эрк куши; **2)** банд қилмоқ, қопламоқ, эгалламоқ. *Унинг фик-рини ўз ишлари ишғол қилган эди. тт Улар ича юриб, тўрт-беш таноб жойни ишғол этган бедазорга чиқишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баданинг хаёлини бир лахза ўша, Хўжа Юсуф Андигоний келган базм ишғол қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

ИЮЛЬ \лот. Julius] Янгича йил ҳисоби-да еттинчи ой номи (Милоддан аввалги 45-йилда Рим ҳукмдори Гай Юлий Цезар ша-рафига шундай ном олган).

ИЮНЬ \лот. Junius] Янгича йил ҳисо-бида олтинчи ой номи (Қадимги Рим маъ-будаси Юнона номи бўйича аталган).

ИЯ *с. т.* Ие. *Ҳа, нима бўлди.. Ия, бурнинг-дан қон оқяпти-я!* П. Турсун, Ўқитувчи.

ИЯК 1 Пастки жағнинг ҳар икки томо-ни қуйилиб келиб бирлашган жойи. *Ияги чўзинчоқ одам. тт \Бозорбой\ Пойгакка чўкка-лаб, сўнг бир қўли билан соқоли майса бўлиб қолган иягини сшаб қўйди.* П. Турсун, Ўқитув-чи. *-Кел, Саид ўғлим, — деди Мўмин амаки, ияги бурнига бориб келиб узум ер экан.* Э. Раимов, Ажаб кишлок.

2 Пастки жағ. *-Дадаси бўлса, урушда.. — Хадича аянинг ияги қалтиради.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқдар. *Гулноранинг очиқ кўзла-рида ҳаёт нури сўнганди. Рўмол туғунлари-ни ечиб, иягини боғладим.* Газетадан.

Ияк ташламоқ (ёки **қоқмоқ**) Ўлим тал-васасида ётмоқ. *Кун ўтди, ҳафта ўтди, ни-ҳоят, амалдор шифтга қараб ётгшича, бир-икки ияк қоқди — жон берди.* «Муштум». *Нима, ажали этиб, иякни қоқишига қараб қол-ди, пўк этибўлса, бўлганимиз бўлдик.* Ҳамза, Танланган асарлар.

ИЯРМОҚ *шв.* Эргашмоқ. *Ҳайронлик ус-тига бағрин доғлади, Туяга ияриб, бўзлаб йиғлади.* «Алпомиш». *Тўғонбек кўп ичди. Унга ияриб, Алоиддин ҳам.. қадаҳни ортиқроқ кўтариб, ниҳоят, чўзилиб, қотиб қолди.* Ой-бек, Навоий.

306

ИҚ: икки суймоқ Ёктирмоқ, хушламоқ. *[Дадаали] Гоҳ молхонада ивирсийди, гоҳ чи-зимча билан ток бошайди.. ишқилиб, тек тур-ганни иқи суймасди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *[Эломонов] Тўлқиновни кўпда иқи суймасди-ю, лекин ўзи дуруст одамга ўхшайди.*

М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Бир кўришдаёқ иқим суйиб, худди отам тирилиб келгандай сезсам-а.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ИҚБОЛ [а. ʃli — пешвоз чиқиш; яқин-лашиш; қизиқиш; бахт, омад] **1** Бахтли тақдир, порлоқ келажак; бахт, омад. *-Гулиан-нинг иқболи баланд. Жуда пишиқ, жуда тиришиқоқ у, — деди Зайнаб.* Ойбек, О. в. шаба-далар. *Мени кутаётир ажиб келажак, Уме-нинг иқболим, менинг бахтимдир.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 Тақдир, қисмат. [Мулладўст ўз-ўзига:] *Бу дунёҳамма ёгидан бизни сафар қочди қил-ган, ўшанинг учун элик тўртга кирибман-ки, иқболим нас-фалокатдан сира ажралмай-ди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 айн. **истикбол** **3.** *..келаятган Аъзамни кўриб, «Худога шукур, омон кайтди кўзичоғим», деб иқболига чиқди..* Т. Рустамов, Ман-гу жасорат.

Иқболи чопмоқ Бахти кулмоқ, омади юришмоқ. *Чопган экан асли сенинг иқболинг, Асли бу жаҳонда йўқдир бу ёринг.* «Баҳром ва Гуландом».

4 Иқбол (хотин-қизлар жмн). **ИҚЛИМ** [а. **13] — минтақа, \удуд, ўлка; об-ҳаво < юн. klima, klimatos — эгиш, энгаштириш; майл, мойиллик] **1** Муайян жойнинг ўзига хос, ҳар йили такрорланув-чи одатдаги об-ҳаво шароити. *Тог иклими. Денгиз иклими. Иқлим ўзгаришлари.* **тм** *Ўрта Осиё республикалари жуда қуруқ иқлим бўлган зонада жойлашган.* «Фан ва турмуш». *Тортиқ зтмиш табиат хуш иқлим, тоза ҳаво.* Ё. Мирзо.

2 кўчма Шароит. *Меҳнат жамоасидаги маънавий иқлимнинг яхши ёки ёмон бўлиши кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқдир.* Газетадан.

3 Дунё, унинг бир қисми; минтақа. *Чи-ройли, попукдай бир қиз ўйнадики, аҳ-аҳ, иқлимда мисли йўқ..* Ойбек, Улуғ йўл. *Ғайрат қилган киши иқлим сўрайди, Юраги катта ҳар бир ишга ярайди.* «Эрали ва Шерали». *Бу ха-бар бутун ИҚЛИМ бўйлаб тарқалди.* «Ёшлик».

Етти иқлим Қадимги араб географлари-нинг қарашларига кўра, ернинг етти минтақасидан ҳар бири. *Етти иқлим подиоси етти нома ёзиб, ўз элчиси орқали Қорасоч парининг отасига юборибди.* «Эртақлар». *Қам-бар чўлоқдек исковуч етти иқлимда йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

ИҚЛИМИЙ Иқлимга оид. *Иқлимий ша-роит.* **тм** *Мамлакатимизнинг турли иқлимий зоналарида ўсувчи ўсимликлар турли вақтларда гуллайди.* «Фан ва турмуш».

ИҚЛИМЛАШМОҚ Бирор ернинг иқ-лимига мосланмоқ, иқлимга ўрганмоқ (ўсимлик, ҳайвон ҳақида). *Субтропик ме-валар, асосан.. Кавказ, Қрим ва бошқа жойлардан келтирилиб, республикамизнинг жа-нубий районларида эндигина иқлимлашаётир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ИҚЛИМШУНОСЛИК геогр. метеор. Турли хил иқлимларнинг таркиб топиш сабабларини, иқлимнинг инсон фаолияти объектларига ва инсоннинг ўзига, шунинг-дек, турли табиий ҳодисаларга таъсирини ўрганадиган фан тармоғи.

ИҚРОР \а. ʃʃl\ — эътироф қилиш; рост деб ҳисоблаш] Тан олиш, бўйнига олиш; эътироф этиш. \Унинг\ *Тенги йўқ, хуширўй-лигига ҳамма иқрор.* Ш. Рашидов, Бўрон-дан кучли. *Оқкўнги Нафиса ишонувчанлик билан йўл қўйган хатосига иқрор: кул деб, олов чангаллаб олганидан дарди ичида.* Шуҳ-рат, Жаннат кидирганлар.

Иқрор бўлмоқ (ж. к. билан) Тан олмоқ, бўйнига олмоқ, эътироф этмоқ. *Қиз амма-сининг оёғига йиқилди ва ўз қилмишига иқрор бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Иқрор қилмоқ** (т. к. билан) айн. **иқрор бўлмоқ.** *Тўғриси у, Меҳрининг чаққонлигига қойил бўлган эди-ку, буни иқрор қилгиси йўқ эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

ИҚТИБОС \а. ^bʃʃ — қисқартириш, торайтириш; кўлга киритиш; кўчирма олиш; кўчирма, далил келтириш] *эск. кш. Кўчи-риб олинган, олинган нарса. Улуғ аждодларимизнинг меросидан дидсизларча ва илмий таомига риоя қи^шасдан, узиб-юлиб*

олинган иқтибослар бешин изоҳламоқдалар. Газетадан. Биз бу иқтибосни атайлаб туркча аслият ҳолида келтирдик. П. Қодиров, Тил ва эл.

Иқтибос қилмоқ Олмоқ, ўзлаштирмоқ. Янги воқеликни ифодалаш учун эса янги-янги сўзлар яратилиб ёки иқтибос қилиниб, муо-малага киритилади. Газетадан.

ИҚТИДО I а. **ا-CLsl** — эргашиш, так[^]пид қилиш] эск. кт. Эргашиш, так[^]пид қилиш.

Иқтидо қилмоқ Намозда имомга такли-дан ҳаракат қилмоқ. {Домла:} Халқ ичида қандай таъвиқот қила оламан, зероки, ма-ҳалладаги менга иқтидо қилабиган қавмдан ниҳоят уч-тўрт кишигина қолди, холос. К. Яшин, Пьесалар.

ИҚТИДОР [а. **اقتدور** — куч-қувват, қуд-рат; қодирлик, қобилият; ҳолат] Куч-қуд-рат, қодирлик. Мулла Муҳсиннинг аҳволи маълум, ўзидан бир гап чиқариб, мажлисни хурсанд қилишига иқтидори ва маҳорати йўқ. А. Қодирий, Обид кетмон. Улар ҳар жабҳа-да, ўзларига берилган илоҳий иқтидорлари боис, халқимиз фаровонлиги.. йўлида жонла-рини жабборга бериб меҳнат қилмоқдалар. Газетадан.

ИҚТИДОРЛИ Куч-қудратга молик, қуд-ратли, қодир. *Иқтидорли санъаткор. шш* Ўзбе-кистон бадиий академияси Маданият ишла-ри вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги би-лан ҳамкорликда тасвирий ҳамда амалий сат-ат бўйича иқтидорли ёшларнинг иккинчи рес-публика танловини ўтказди. Газетадан.

ИҚТИДОРСИЗ Иқтидори йўқ, куч-қуд-рати йўқ. Эшикдан кириб, стол устидаги қоюзларга кўзи тушиши билан ўзини ҳаддан ташқари чарчаган, хар қандай фикрий ишга иқтидорсиз сезиб, бўшаиди. А. Қаҳдор, Сароб.

ИҚТИСОД [а. **اقتصاد** — хўжалик; тежаб-тергаши; экономика] **1** Сарф-ҳаражатда те-жамкорлик, тежаб (асраб) қолиш. *Ишга омилкорлик билан ёндашиши, иқтисод ва те-жамкорликда шахсий намуна кўрсатиши — шу куннинг талаби.* Газетадан.

2 с. т. Ейиш-ичиш; ейиш-ичиш билан боғлиқ ҳолат. *Оилада жанжал асосан иқти-сод хусусида чиқади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. -*Хўш, энди иқтисодга ўтайлик, — йигит ён дафтар билан қаламни қўлига олди. — Қани, кўнгиллари нимани хоҳлайди? «Муштум».*

3 айн. иқтисодиёт. Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетининг «Бизнес ола-ми» ўқув маркази «Янги йил олди чиқишлари» ток-шоусини ўтказди. Газетадан. Демак, бу сиёсатни амалга оширмоқ учун иқтисод ил-мини.. сирларини билмоқ керак. Газетадан.

Иқтисод қилмоқ Тежаб қолмоқ. *12 иш-чини бошқа ишга кўчириши.. давлатнинг 200 минг сўмликка яқин маблағини иқтисод қила-ди.* Газетадан.

ИҚТИСОДИЁТ \а. **اقتصاد** - хўжа-лик масалалари; хўжалик| **1** Ижтимоий ту-зумнинг базиси.

2 Халқ хўжалиги ишлаб чиқариш куч-ларининг ҳолатига мувофиқ келувчи иш-лаб чиқариш муносабатлари. *Республиканинг иқтисодиёти. шш* Натижада шаҳар иқти-содиёти ўнгланиб, сармоя ва валюта тушу-ми муттасил ортмоқда. Газетадан. Бугунги кунда инвестицияларни жалб қилиш иқти-содиётимизнинг устувор вазифаларидан би-ридир. Газетадан.

3 Хўжалик тармоқларининг моддий ва молиявий томонларини ўрганадиган фан.

ИҚТИСОДИЙ Иқтисодга, иқтисодиёт-га оид; иқтисодиёт (иқтисод)га боғлиқ бўлган. *Иқтисодий масалалар. Иқтисодий шароит. Иқтисодий сиёсат. Иқтисодий танглик. БМТнинг Ироққа нисбатан иқти-содий жазо чоралари. тт* Тупроққа микроўғит солиши эса ҳосил ортиши мисолида иқтисо-дий жиҳатдан ўзини оқлайди. «Фан ва тур-муш». Қуёш энергиясидан фоидаланиш ҳисо-бига ёнилт-энергетика ресурслари сарфининг камайиши халқ хўжалигига жуда кўп иқти-содий самара беради. Газетадан.

ИҚТИСОДЧИ 1 Тежаб-тергаб сарф этувчи; сарф-харажатни тежаб-тергаб бажарувчи; тежамкор. *Иқтисодчи киши.*

1 Иқтисодиёт фанлари ва иқтисодий масалалар бўйича мутахассис. «Узмашиий-техника» институтида иқтисодчи бўлиб ишлайдиган Дилфуза Латипованинг.. Газетадан. Бундан ташқари, олий маълумотли ўн уч агроном, тўрт инженер, етти иқтисод-чи самарали меҳнат қилмоқда. Газетадан.

ИҚТО \а. ^Lki — чек, тақсимлаб бе-рилган ер; хадя, мукофот қилинган ер майдони| тар. Кўпчилик Шарқ мамлакатлари-да, жумладан Мовароуннахрда ўрта асрларда катта, алоҳида хизматлар учун ҳукмдор томонидан инъом қилинган чек ер.

ИҚТОДОР Иқто эгаси, иқто олган шахс.

ИҒВО \а. riij — йўлдан уриш, озди-риш; алдаш, адаштириш] Низо, нифоқ солишга, иттифоқни бузишга, бузғунчилик-ка қаратилган хатти-ҳаракат, ёлғон-яшиқ. уйдирма, бўхтон ва ш. к. *Бойнинг извосига алданган бечоралар икки жаҳон овораси бўлди.* С. Айний, Қуллар. -*Хўш, — деди Бўтабой,-сен ҳам ёт унсурларнинг извосини тарқата-диган бўлиб қолдингми!* А. Қахҳор, Қўшчи-нор чироқлари. *Ишни бошлиқларга қарши изводан эмас, меҳнатдан бошлаш керак, ўртоқ Сариев.* А. Мухтор, Туғилиш.

ИҒВО СОЛМОҚ Орада иғволи гап-сўз юрит-моқ (кўзгамоқ). *Эҳтимол, иккимизнинг ора-мизга изво солиб, ширингина турмушимизни бузмоқчи бўлсалар?* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. **ИҒВО ҚИЛМОҚ** Иғволи гап-сўз қил-моқ, фитна уюштирмоқ. *Хўжаназар мени ва бошқаларни колхозга қарши изво қилиб, ўзи уч хўжалик бўлиб, ҳаммадан бурун колхозга кириб олди.* С. Айний, Қуллар.

ИҒВОГАР Иғво билан шуғулланувчи, иғво тарқатувчи (шахс). *Извогар одам. тт [Музаффар:] Ҳақиқатни гапирсак, ёмон-отлиқ қилдингиз. Извогар, юртбузуқи, ҳасадеғўй деддингиз.* Уйғун, Навбахор. *Изво-гар, одамлар ўртасига нифоқ ташлайди. Кол-лективни бузади, таълим-тарбияни издан чи-қаради.* Р. Усмонов, Одобнома.

ИҒВОГАРЛИК Иғво иши. *Извогарлик билан шуғулланмоқ. тт Устозимнинг айтишича, инсониятда извогарлик, чақимчилик, ичиқоралик.. кўп бўлар экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Омон Қодиров извогарлик билан жамоатни ўз таъсирига олиб қўйди-ку!* М. Бобоев, Гўзаллик истаб.

ИҒВОЧИ айн. иғвогар. *Иғвочининг га-пига кирган.. Гумроҳ отангмен бўлдим.* «Зул-физар билан Авазхон».

ИҲ унд. с. Норозилик ифодалайди. -*Сен ёлғиз эмассан, — пичинг қилди Салим, — Гул-нордай онанг бор. ..Нурининг газаби тута-қиб.. «иҳ!» деб, тескари бурилди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

ИҲОНАТ \а. с^Lkl — камситиш, хўрлаш, таҳқирлаш] эск. кт. Бепарволик, писанд қилмаслик, беҳурмат қилиш, таҳқирлаш. *Дадабой.. худонинг уйига иҳонат келтириб ётган фосиқ.* «Муштум». *Киши икки ҳолда: бири — ватанида авқоти (тирикчилиги, тур-муши) кечмаса ва яна бири — изо ва иҳонат жон-жонидан ўтиб кетса, сафар ихтиёр қилур.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

ИҲОТА [а. *JoL=J — ўраб олиш, девор; қамраб олиш] Атрофни тўсиш, ҳимоя учун ўраш, тўсиш ва шу мақсаддаги тўсиқ, ҳимоянинг ўзи; қуршов. *Даладаги иҳота дарахтлари шохига қўниб олган галати қуш-чалар чуғурлашиб, ўзаро нима ҳақдадир баҳс-лашмоқдалар.* Газетадан. *Бобур Зарафшон дарёси кўриниб турган бир жойни ўрда қилиб, атрофига чуқур хандақлар қазитди, шох-шаббалардан ўқ ўтмайдиган иҳоталар ярат-ди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *..баъзида ўттиз-қирқ отлиқ иҳотасида амирзодалар ҳам сайрга чиқади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Иҳота қилмоқ (ёки этмоқ) Тўсиб ҳимоя қилмоқ. *Тўрт ботмон чамаси мевазор, гулзор баланд пахса девор билан иҳота қилинган эди.* «Шарқ юлдузи». *Қалъани иҳота қилиб тур-ган навқару ясовуллар ҳар томонга тумта-рақай қочибкетишиди.*

Мирмуҳсин, Меъмор. *Фақат эшик олдида тарвақайлаган катта тут дарахти қалин соя ташлаб, унда исти-қомат қилувчиларни иссиқдан ихота этиб турар эди.* С. Кароматов, Олтин кум.

ИХОТАЛАМОҚ Маълум бир ҳудудни чегаралаб ўраб, тўсиб қўймоқ. *Уйлари гувалак ёки чим билан ихоталанган, эгри-бугри шох-шабба, устидан қамиш солиниб, лой босилган қоронги кулбалардан иборат эди.* С. Абдулла, Қувғинда.

ИХРАМОҚ Оғриқ, алам ифодаловчи овоз чиқармоқ. *Икки йигит ўқ еди шекилли, ихраб қулади.* Х. Гулом, Машъал. *Ихраб ётган Шаҳоб бошини чайқади ва қийналиб ютинди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Кучала еган каби тиришиб, бузоги тескари келган сигирдек тўлганади ва ихрайди.* А. Қодирӣ, Кичик асарлар.

ИХРАНМОҚ Оғриқ, толиқиш ва ш. к. таъсирида «их, их» деган товуш чиқармоқ. *Жўравой ўрнидан турди. Оғриқ ва ҳорғинликдан ихраниб-ихраниб, гуслхонада ювинди.* «Ёшлик». *Нормат полвон ихранди-ю, милтиқни қўйиб юборди.* «Ёшлик».

ИХРОМ айн. **эхром.** *Миср ихромлари.*

ИХТИЛОМ \a. fbliaJ - балоғат, етуклик; поллюция] физиол. Эркакларда ғайриихтиёрӣй (жинсий алоқасиз) шаҳват (сперма)нинг кетиши, тўкилиши (асосан уйқу пайтида).

ЙИГ қ. дуг.

ЙИГИРМА 1 20 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Йигирма киши. Йигирма кун. Йигирма литр сут. Йи-гирма сўм. Йигирма туп кўчат.* **тм** *У кўри-нишда уятчан, йигирма яшар йигит эди.* Ой-бек, Танланган асарлар. *Дадам асли ўша ер-лик экан-у, бундан йигирма йилми, ўттиз йилми олдин бу ёққа келиб қолган..* Х. Тўхта-боев, Ширин қовунлар мамлақати.

2 *этно.* Киши вафотидан сўнг ўн еттинчи ёки ўн тўққизинчи куни ўтказиладиган маросим. *Йўлдош мотамсаро. Онасининг жанозаси, йигирмаси, қирқи, хатми қурьон деб, анча чиқимдор бўлганга ўхшайди.* С. Анорбо-ев, Меҳр. *Одатга мувофиқ онамнинг йигир-масини ўтказаман, деб бор-йўқ пулларимдан ажртдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш ури-нишлари.

ЙИГИРМАНЧИ 1 Тартиб қаторига кўра нарсанинг 20 рақами билан белгиланган ўрин кўрсаткич. *Йигирманчи уй. Йигирман-чи аср.*

2 Оёқ кийимларининг ўн тўққиздан кат-та, йигирма бирдан кичик ўлчам рақами. *Йигирманчи туфли. Йигирманчи пайпоқ.*

3 Шартли равишда 20 та шам ёруғлиги-га тенг деб олинган ёруғлик ўлчами. *Йигирманчи фонарь. Йигирманчи чироқ.*

ЙИГИРМОҚ Табиӣй (ўсимлик, жун ва ипақдан олинадиган) ва сунъӣй (кимёвий йўл билан олинадиган) толаларни эшиб, пишитиб ип қилмоқ. *Ип йигирмоқ. Уҳар сме-нада беш тонна ипақ йигиради.*

Чарх йигирмоқ Чархда толани тозалаб, эшиб, пишитиб ип қилмоқ. *Найманча — азалдан косиблар маҳалласи.. Аёли чарх йи-гирса, эркаги бўз тўқирди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

ЙИГИРУВ 1 **Йигирмоқ** фл. қар. н. *Ипни йигирув.*

2 Йигириш иши. *Йигирув, тўқув, читга гул босиш фабрикаларида янги.. дастгоҳ^тр гумбураб юриб турибди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

ЙИГИРУВЧИ Йигирув жараёнини бош-қарувчи, йигириш билан шуғулланувчи шахс, мутахассис. *Йигирувчи қиз. Йигирув-чилар бригадаси.* **тм** *Кампирнинг келинини танир эдим. У комбинатнинг кўзга кўринган ип йигирувчиси эди.* «Муштум».

ЙИГИТ 1 Жинсий ва жисмоний жиҳат-дан вояга етган эркак. *Уларнинг бири йигирма ёшлардаги қотма, хипча йигит эди.* И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат.

2 Умуман, ёш эркак, ёш киши. *Мана шу ерда МТС ташиқил қилинди-ю, бунгаўша пах-та заводда ишлайдиган бир йигит катта-кон бўлиб келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чи-роклари.

3 кўчма Эр киши, жасур одам, мард. *Йигит сўзидан қайтмас, арслон — изидан.* Мақол. *Эр йигит бошига иш туиганда сина-лар.* Мақол. *Йигитнингмоли ерда.* Мақол.

4 с.т. (эгалик кўшимчаси билан) Қиз-нинг кўнгил кўйган кишиси, севгилиси. *Ҳой, менга қара, сенингча, йигити бор қиз биров билан гаплашмайдимми?* Шухрат, Шинелли йиллар.

5 Бирор ҳарбий тўдага, гуруҳга мансуб бўлган эркак киши. *Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгандан кейин, Камолон тарафидан бир юз*

267 ду^

чамалик саркарда ва йигитлари билан Азиз-бек кўринди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

6 Ўзита нисбатан ёши кичик кишига мурожаат қилишда қўлланади. *Йигит, бу йўл қаёққа олиб боради ?ми Ҳаи, ўт йигит, ҳали-ги сўзларинг олтинга арзийди..* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

ЙИГИТБОШИ эск. Бирор ҳарбий тўда ёки гуруҳга (йигитларга) бош киши, бошлик. *...жаноблари Раҳмонқул кўшинини ўз ҳимояси ва идорасига олдилар. Энди унга сиз каби, Комил афанди каби йигитбошилар ке-рак.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

ЙИГИТЛАРЧА Йигитларга хос, мардо-на, мардонавор. *Йигитларча ишламоқ.*

ЙИГИТЛИК 1 Эр жинсидаги шахснинг балоғатдаги даври, балоғатга етган даври. *У йигитлигини дарбадарликда ўтказиб, Ан-дижондан Бухорогача пиёда кезган.. барча катта-кичик «тоға» деб ҳурматлайдиган Юсвали чол эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ет-сан, соғсан, ишла, ўйна, улфат қур, ҳар бир шўхлик йигитликда ярашади, болам.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Шахснинг балоғатга етган, йититдав-рига хос. *Йигитлик гурури. тт Оғир, вазмин йигит. Офтоб тизида қорайган билаклари-дан йигитлик кучи ёғилиб турибди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Йигитликнинг шўх ҳавас-лари юракда бир лаҳза чайкалиб кетди.* Ой-бек, Танланган асарлар.

3 Йигитга хос мардлик, довьораклик, жасурлик. *-Жуда яхши, жуда соз бўпти, асл йигитлик қилибсиз — деди Элмурод.* П. Тур-сун, Ўқитувчи. *Унинг йигитлигига тилда таҳсинўқиб.. югуриб келаётганим-да, бек ака.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

4 айн. **йигитчилик.** *Сен ҳали ёшлик қила-сан. Йигитлик эмиш. Шу ҳам гап бўпти-ю.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИГИТЧА/гаш. Йигит сингари, йигитга хос, йигитдек; мардона. *Бир иигитча иш қил-моқ. ти Қиз тўн, дўппи кийиб, белбоғ боғлаб, йигитча ўйинга тушиди.*

ЙИГИТЧА 1 Йигит 1 с. кичр-эркл.

2 Ёш йигит, ўсмир, ўспирин. *Шу баҳор-да ўзи ўлиб кетди. Қўлидан иш келадиган бит-та йигитча ўгли бор, қолганлари чурвақа.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йигитчанинг шу «хон» деган кўшимчасида «менинг Зебинисам» деган маънода бир мактаниш, бир гурур оҳанги бор эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

3 Ўзига нисбатан ёши кичик йигитга, ўсмирга мурожаат қилишда қўлланади. Э, э, *йигитча! Қани, бу ёққа келинг-чи!* А. Қаҳҳор, Ўжар.

ЙИГИТЧАСИГА рвш. Йигитларга ўх-шаб, йигитлардек. *Йигитчасига ишламоқ. Йигитчасига қадам ташламоқ.*

ЙИГИТЧИЛИК Йигитликда бўладиган хатти-ҳаракат, юриш-туриш. *-Бўлғуси қай-натамизнинг кичкина боғлари бор эди. Ии-гитчилик экан-да, бозор кунни гира-шира ма-ҳалида уч паҳса девордан ошиб тушдим, — деди чол.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЙИГИТ-ЯЛАНГ Эркак жинсидаги ёш-лар, ёш кишилар, йигитлар. *Самоварга келувчи йигит-Я/тнғнинг чаккасида лола гуллар-ни кўриб қолдим.* Ғ. Ғулом, Тирилган

мурда. Кейинги кушарда маҳалла йигит-яланлари ўртасида янги гап тарқалди. Ҳ. Гулом, Машғал.

ЙИГНАС. т. Игна.

ЙИГЧИ қ. **ДУКЧИ.** Келинг, ўша ҳунарларни мен бир-бир санаи, сиз эшитинг: тақачи, темирчи, йигчи, заргар. М. Исмоилий, Ода-мийлик қиссаси.

ЙИЛ 1 Ернинг Куёш атрофида бир марта айланиб чиқиш муддати; ўн икки календарь ойита тенг вақт, шундай вақтга тенг ўлчов. *Ўтган йил. Бу йил. Йилнинг тўрт фасли.* **тм** 2006 йил учун обуна давом этмоқда. Газета-дан. Бу йил ёгин-сочин кўп бўлиб, ер-кўк ча-мандай яшнаб кетди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бирор хрдиса, воқеа юз берган кундан бошлаб ўтган ўн икки ойлик вақт. *Унинг ишига кирганига беш йил бўлди.* **итт** Учинчи отам билан икки йилча яхши туришди. Ў. Ҳоши-мов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Ўн икки ойлик вақт билан ҳисоблана-диган календарь тизими. *Милодий йил. Ҳижрий йил. Кабиса йили. Куёш йили. Ой йили. Ҳамария йил ҳисоби.*

Академик йил *ait.* **ўқув йили.** **Йил ўн икки ой с. т.** Йил бўйи, бутун йил давомида. *Йил ўн икки ой бекорга ишлабман.* **Ўқув йили** Ёзги таътил охиридан бошлаб келгуси ёзги таъ-тил бошланишигача бўлган ўқиш муддати. *Техникум янги ўқув йилига катта тайёргар-лик билан келди.* Газетадан.

4 астр. Бирор планетанинг Куёш атро-фида бир марта айланишида ўтадиган муддат. *Марс иили (687 суткага тенг), Зухра йили (225 суткага тенг).*

5 тар. Мучал йил ҳисобида ўн икки му-чалнинг ҳар бири (қ. **мучал**). *У қўй йилида туғилган. -Йилинг нима? -Йилим — сичқон.* **тм** Бу йил ит йили эканми, билмайман. Кул-лликда ҳам мени итлар тинчитмади. Ғ. Ғулом, Шум бола.

Йил ағдариш Ёшни мучал ҳисоби билан белгилаш.

6 этн. қ. йил оши. *..эриХолдорбековнингйили ўтар-ўтмас, бойваччага кенжа хотин бўлиб тушгани маҳалла-кўй ўртасида анча ноҳуш гап-сўзлар уйўтган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

Йил оши этн. Киши вафотидан кейин, одатда, тўққизинчи ёки ўн биринчи ойда халойиққа ош бериб ўтказиладиган маро-сим. *Увазифа: ота-онамиз учун йил оши бе-риши ва икки укамизни тўй қилиши эди.* С. Ай-ний, Эсдалиқлар. Азизанинг йил ошисидан кейин ўртоқлари.. уйланишига мажбур қила бошладилар. Ҳ. Гулом, Тошкентликлар.

ЙИЛБАЙ Йилига байлашилган, йиллик қилиб шартлашилган, бир йил давомида ёки бир йилда бир марта ҳақ тўланадиган. *Йил-бай ши. Йилбай ҳақ.* **тм** Мирзакаримбой ўйлаб қолди: Кейин, қозоқ, қирғиздан киши баҳра топади. **Йилбай** қилиб саҳродан келтирасан. Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИЛГИ Йилга оид. *Бу йилги пахта те-рим кампанияси. Утган йилги хатолар так-рорланмасин.* **тм** [Аравакаш:] -Бу — ўтган йилги, узоқ йилги пахталар, — деб жавоб қиларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Уч кун ичида уч йилги касалдай бўлиб қолибсан. Ой-бек, Танланган асарлар.

Юз йилги гап 1) аввал бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, эски гап-сўзлар; 2) айтилавериш сийқаси чиққан гап.

ЙИЛДИРИМ эск. Чақмоқ, яшин. *Юксак-ликка кўтарар мени Йилдиримдай ёришган роҳлар.* Ш. Раҳмон.

Йилдирим соқчиси эск. Яшин қайтаргич. *Оёқ остидаги сомон парчасидан тортиб том-даги йилдирим соқчисигача Саудийга қарай-ди.* А. Қаҳдор, Сароб.

ЙИЛИГА 1 Ҳар бир йил учун, ҳар йил ҳисобига, бир йил давомида. [Ўрозни] *Бир қўйчи бои, ишига саккиз сўмдан ёллаб, Тош-кентга келтирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳар йили. *Биз йилига Шоҳимардонда дам оламиз.*

ЙИЛЛАБ *рвш.* Бир неча йил мобайнида, бир неча йиллар давомида. *Бирови йиллаб сақлаган йилқи мойи топиб келиб, тўпигимни силайди, бирови қизик-қизик гаплар айтиб, кўнглимни кўтаради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЙИЛЛАРЧА *рвш.* Бир неча йил мобайнида, йиллаб. *Ҳозир иккиси [Йўлчи билан Гулнор/ қалбларида йилларча сақланган муқаддас орзуларга етишганликларидан.. маст каби эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИЛЛИК 1 Бир йилга мўлжалланган: бир йил ичида содир бўладиган. *Ииллик мажбурият.* **тм** *Дехқон аҳди, ваъдасининг қатъийлигига бўлимнинг ииллик якунларини тахлил қилганда яна бир бор қаноат ҳосил қилдик.* «Ўзбекистон кўриклари».

2 Муайян тарихий воқеа-ҳрдисани нишонлаш, байрам қилишдаги йил ҳисобини ифодалайди. *Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган илмий анжуман.*

ЙИЛНОМА Воқеа-ходисалар изчил тарзда йилма-йил (йиллар давомида) кайд этиб борилган тарихий ёзма ҳужжат; сол-нома. *Йилнома ёзмоқ.* **ишш** *Ёшларимизнинг меҳнат зафарлари тўғрисида ажойиб йил-номалар ёзиши мумкин.* С. Йўлдошев, Шонли йўл. *Менгина эмас, полк мирзалари ҳам ҳар бир аскарнинг тарихини баён қилиб берувчи йилнома қолдирмагашар.* Н. Сафаров, Олов-ли излар.

ЙИЛНОМАЧИ Солнома тузувчи, тарих-ни ёзиб борувчи; солномачи. *..тарих ҳолис йилномачи тарзида ўз саҳифаларига яхши ишларнигина ёзиб қўя қолмайди.* Газетадан.

ЙИЛТ: **йилт этмоқ** Учқун сингари кўзга ташланмоқ; йилтилламоқ. *Тун қоронги эди. Осмонда йилт этган юлдуз кўринмасди.* С. Анорбоев, Оқсой. *..йўлнинг уфқида бир нима йилт этди, сўнгра бир нечта қора нуқта кўринди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.

ЙИЛТИЛЛАМОҚ Йилт-йилт нур соч-моқ, йилт-йилт қилмоқ; йилтирамоқ. *Қоронги тунда юлдузлар йилтиллари.* *Узоқдан йил-тишибўт кўринади.* **тм** *Лабларда маҳорка чўғи йилтиллайди, чекка-чеккада маъноси англа-шилмаган қандайдир гурун.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Меҳмонлар кўчага чиққанда, ат-роф зим-зиё, юлдузлар улкан чодирга қадал-ган беҳисоб чироқлардек йилтиллари.* С. Ка-роматов, Сўнгги бархан.

ЙИЛТИРАМОҚ қ. **йилтилламоқ.** *Чумчуқ-лар.. томларнинг бўғотларига кўниб, йилти-раган офтоб нурига ўзини тоблайдди.* М. Ҳаз-ратқулов, Журъат.

ЙИЛТИРОҚ Нур қайтариб ёки нур со-чиб турадиган, жиллоланиб кўринадиган; йилтирайдиган; ялтироқ. *Ҳовуз бетига ку-мушдай йилтироқ танга балиқлар чиқиб, нон ушоқларини илиб кета бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқдар. *Йиштироқ тошарда қуёш шуъласи..* Ж. Жабборов.

ЙИЛЧА 1 Тахминан бир йил. *Бу воқеага бир йилча бўлди.*

2 Йил қадар, йилга тенг. *Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурми ҳай-ҳай..* С. Зун-нунова.

ЙИЛҚИ 1 Отлар подаси; отлар; уюр. *Барчин.. отасининг тўқсон тўқай йилқисиданўн отни сайлаб олди.* «Алпомиш». *Йилқи, пода, сурувлар дард кўрмай ўсса дейман.* Қ. Муҳаммадий.

2 Умуман, от. *Бирови йиллаб сақлаган йилқи мойи топиб келиб, тўпигимни силайди..* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЙИЛҚИБОН Йилқи боқувчи. *Аллонбий-нинг йилқибони бўлган Элгелди.. Сулувини отга мингаштириб, яйловдан яйловга кезарди.* А. Мухтор, Қррақалпоқ киссаси.

ЙИЛҚИБОҚАР айн. **йилқибон.**

ЙИЛҚИЧИ 1 Йилқичилик билан шу-гулланувчи, йилқи етиштирувчи. *..гўшдан бир-икки чимдиб, ўз навбатида, бош йилқичи Сулаймон оқсоқолга яқинроқ суриб қўйди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Йилқибон, йилқибоқар. *Бойбўрининг Култой деган йилқичи қули бор эди.* «Алпомиш».

ЙИЛҚИЧИ II Балиқчиларга мансуб, ҳашаротлар билан овқатланадиган, сахрода яшовчи тунги қуш. *Аҳён-аҳёнда йилқичи қуш-нинг «ғақ-қу»лаган товуши эшитилади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ўзбекистоннинг жа-нубига йилқичилар мартнинг ўрталарида учиб келади.* «Ўзбекистон хайвонлари».

ЙИЛҚИЧИЛИК I Чорвачиликнинг йилқи етиштириш (урчитиш, кўпайтириш, зотини яхшилаш ва б.) билан шуғуллана-диган тармоғи. *Йилқичилик хўжалиги. Йилқичиликни янада ривожлантирамиз.*

2 Йилқи боқиш иши; йилқибоқарлик. *Икромнинг дадаси илгари йилқичилик қилган эди, шу киши ёрдам берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЙИЛҒА айн. **жилға.** [Ўктам] *Фронгда.. ўқ дўллари орасида дарёларни, неча-неча йалғаларни сузибўтган эди.* Ойбек, О. в. ша-бадалар.

ЙИПРАНМОҚ кам хўли. Эскириб титил-моқ. *Баъзи қозозларнинг четлари йипранган, доғ-дуг тушган.* Ойбек, Навоий.

ЙИРГАМЧИК Киши йирганадиган, кишининг кўнгли тортмайдиган; жирканч, ифлос. *Йиргамчик овқат.*

ЙИРГАНМОҚ Ҳазар қилмоқ, жиркан-моқ. *Шу овқатдан йирганади. ти -Бойларнинг дарди олтин у кумуш, мисоли итпашиша-дай ёпишасиз унга, йирганаман бойларнинг нафсидан, хасислигидан, — деди Зумрад бой-га.* Ойбек, Улуғ йўл.

ЙИРГАНЧ қ. **жирканч.** *Фаҳшлар қўйнида йирганч парвариши Кўрган сояпарвар илмилиқ бадан.* Ғ. Ғулом.

ЙИРИК I Ҳажми, ўлчамлари, қийма-ти жиҳатидан нисбатан катта; зид. **майда.** *Йирик марварид. Йирик гуруч. Йирик том-чи. Йирик олма. Йирик пул. тт Ахмад танбал қаҳр билан ўрнидан турди ва йирик тиш-ларини иржайтириб қўшиб қўйди.* П. Қоди-ров, Юлдузли тунлар. *Дарахтлар пакана, мевасимўл ва йирик.* Ойбек, Танланган асар-лар. *Оқиом тушиб, таиқари қоронгилашиб қолган, гупиллатиб йирик-йирик қор ёғар эди.* Газетадан

2 Катта куч-қудрат ва имкониятларга эга бўлган, кўлами кенг; катта. *Йирик корхона. Йирик хўжалик. тт «Зомин» галлачилик хўжалиги ҳудудида йирик сув омбори қуришига киришилди.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бу-гунги Тошкент — йирик саноат, фан ва ма-даният марказларидан бири.* «Саодат».

3 Эътибори, аҳамият даражаси юқори, ортиқ бўлган; катта. *Йирик анжуман. тт Мамлакатимиз ҳаётидаги бирон-бир йирик воқеа йўқки, унда халқлар дўстлиги, биродарлиги намоён бўлмаган бўлсин.* Р. Файзий, Таъзим. *Боболаримизнинг табиий фанларни тараққий эттириши борасидаги муваффа-қиятларининг сири эса фанда йирик каш-фиётлар яратишдек мушкул ва машаққат-ли иш бўлиб қолди биз учун.* С. Кароматов, Олтин қум.

4 Ўз иши, фаолияти ёки таъсири билан кўзга кўринган. шу\рат-обрў қозонган; атокли; нуфузли. *Йирик мутахассис. Йирик одам. Йирик адиб. тт Собирни бунга дадаси — ириқ математик Султонов ундаган эди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Хадича Сулаймонова ажойиб инсон, йирик жамоат арбоби, яхши она эди.* «Саодат».

Иш(лар) йирик Иш юришган, ҳар жи-ҳатдан мувафаққиятга эришилаётган ҳолатни билдиради. *-Ҳозир унинг [Омоннинг] иши йирик. Абдулла қорақошига шогирд тушган, уйига сув ташиб, от боқиб юрибди, — деди Туроббий Шум болага.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *..анов хуржунда гўшт, мой бор, гуруч бор. Кечқурун паловни дўндирасиз. Эртага қўй сўямиз. Ишлар йирик.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Йирик пул с.т.** Катта суммадаги пул.

ЙИРИКЛАМОҚ Майдаларни қўшиб ях-литлаштирмақ, йириклаштирмақ, йирик қилмоқ. [Лбзоти] *Иини шу хотинидан яшириб юрган пулини йириклашдан бошлади.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

ЙИРИКЛАШМОҚ Ҳажм, ўлчам ва ш. к. жиҳатдан йирик бўлмоқ, йирик ҳолат касб этмоқ. *Тўғри, хўжаликлар йириклашиб кет-ган.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

Иши йириклашмоқ Омади келмоқ, иши юришиб кетмоқ.

ЙИРИЛМОҚ **Иирмоқ** фл. ўзл. ва мажх. н. *Лайлакнинг (Қарганинг) юришини қиламан деб, чумчуқнинг чатаноги йирилибди.* Мақол. *тм* *Эркабой ўтган жойдан сакрайман, деб бутимиз йирилмасин /деди Фозилжон Саид-га].* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

ЙИРИНГ Тўқималарнинг яллиғланиши-дан ҳосил бўладиган сарғиш-кўк рангли, ёмон ҳид тарқатадиган суюқдик; фасод.

Йиринг бойламоқ 1) газак олиб, йиринг ҳосил қилмоқ; йирингламоқ. *Яра йиринг бой-лади;* 2) кўчма авж олмоқ, зўраймоқ. [*Ус-монжоннинг*] *Болалигида қалбида бўртган алам яраси йилдан-йилга йиринг бойлаб, (расед йига бошлади.* С. Зуннунова, Гулхан.

ЙИРИНГЛАМОҚ Йиринг ҳосил қил-моқ, ҳосил бўлмоқ; йиринг олмоқ, йиринг бойламоқ. *Оёқларидаги занжирнинг сиқуви-ни ҳам, елкасидаги йиринглаб кетган чуқур яранинг оғригини ҳам унутган темирчи.. эн-тикиб, "озод" деган сўзни такрорлади.* 111. Тошматов, Эрк куши.

ЙИРИНГЛИ Йиринг бойлаган, йиринг-лаган; йиринги бор. *Қадим замонда бир император лабига чиққан йирингли ярадан азоб чекарди.* «Фан ва турмуш».

ЙИРИҚ Йирилган, ёриқжой, ёриқ. *Тах-та деворнинг йиригидан қарамоқ.*

ЙИРМОҚ Икки томонга кериб, ораси-ни очмоқ, икки ёққа ажратмоқ. *Бола қуш-нинг тумшугини йириб, оғзига дон солди.* *тм*

Фашист бўзига тобора чуқурроқ ботаётган Апижоннинг темир панжаларини йириб таш-ламоқчи бўлиб уринар эди. С. Анорбоев, Дўстлар. *Дўстим Сардор жуда чарчаган бўлса-да, бирмунча вақтгача кўзларини йириб очиб ётди.* М. Осим, Элчилар.

ЙИРМОЧ Тўн, чопон этагининг икки ёнидан учбурчак шаклида қийилган жойи.

ЙИРОҚ 1 Оралиқ масофаси катта; узоқ, олис. *Йироқ ўлкаларда кезарди сайёҳ, Кезар-ди юртига кўзини тикиб.* А. Орипов. *Унга [Марямга] бир ярим минг сўм пул керак, шуни топади, сўнгра йироқ бир мамлакатга кета-ди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Чикиш келишигидаги сўз билан қўлла-ниб, киши ёки нарсада шу сўз билдирган нарсанинг йўқлиги, дахли йўқлиги, алоқа-сизлиги маъносини ифодалайди. *Фандан йироқ одамлар улардан ажабтовур гаплар, мулоҳазали фикрлар кутадилар.* Газетадан. *Дунёда муҳаббатдан иироқ ҳисларнинг, Ии-роқ туй/уларнинг ўлгани яхши.* Қ. Раҳимбоев-ва. *Бир тундаёқ етишди озод ўлкага. Жабр, зулмдан йироқ обод ўлкага.* Ғайратий.

Кўздан йироқ Кўринмайдиган ҳолатда. кўздан пана. *Қаллиқлар одамларнинг кўзидан йироқда яширинча учрашиб юрар эдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Осмон йироқ** (ёки **узоқ**), **ер қаттиқ** Ҳаёт (турмуш)даги чорасиз ҳолатни, иложсизликни ифодалай-ди. *...лекин одамзод жонига теккан нарсадан қутулиши йўлини билмаса, осмон йироқ, ер қаттиқ бўлади, унга кўникади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чирок^ари.

ЙИРОҚ-ЁВУҚ айн. **узоқ-яқин.** *Бир со-атдан сўнг, йироқ-ёвуқдан тўйга даъват қилинганлар кела боишиди.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

ЙИРОҚЛАШМОҚ айн. **узоклашмоқ.** *Ма-шина кўздан йироқлашди.* *тм* *У шаҳардан йи-роқлашиб, қишлоққа яқинлашган сайин, кўнгли ҳавойи туйғулардан сармаст чайқа-лар эди.* С. Сиёев, Аваз.

ЙИРТИШ 1 **Йиртмоқ** фл. ҳар. н.

2 *этно.* Марҳумни кўмиш маросимида қат-нашган кишиларга ва унинг яқинларига бериладиган бир бўлак рўмолчабоп мато; дурра; оклик. *Жаноза намози ўқилиб, йиртиши ва исқотлар бўлинди.* С. Айний, Дохунда. *Маросимга етиб келган.. оддий фақирларга йиртиши улашилмоқда.* М. Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари.

2'1 ЯҶ

ЙИРТИҚ 1 Йиртилиб кетган, йиртил-ган. *Иштонсиз (одам) тиззаси йиртиққа кулар.* Мақол. **тм** *Ҳамманинг кўзи Раҳимнинг тирсаги чиқиб турган йиртиқ енгига тушиди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Эғнида отигина қолган жулдур ятак, йиртиқ иштон, оёқлари яланг.* М.Исмоилий, Фарғо-на т. о.

2 кўчма Бирор нарсанинг узилиб, юли-ниб, очик қолган жойи. *Аксарининг усти-боши юпун, маҳсиларининг йиртиқларидан кир пайтавалари осилиб туради.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Осмонни тўлдирган булут-ларнинг йиртиғидан [қуёш] бирда-ярим кўри-ниб қолади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Уфқнинг бир парча йиртиғидан улкан, қип-қизил қуёшнинг ярми кўриниб, ботиб кетди.* С. Нуров, Нарвон.

ЙИРТИҚ-ЯМОҚ 1 Йиртилавериб кўп ямоқтушган; жулдур. *Ҳовлида.. ўтин ёраётган йиртиқ-ямоқ тўнли бир йигит Элмурод-ни имлаб чақирди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Йиртилган кийим-кечак, кўрпа-ёстик ва ш. к. ҳамда уларни тикиш, ямаш ишлари. *Анзираат хола йиртиқ-ямоқ.. билан машиғул бўлиб, кечгача Сидиқжоннинг олдидан жилмади.* А. Қахҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЙИРТМОҚ 1 Газмол, қоғоз ва ш. к. ни узмоқ, узиб бўлакларга ажратмоқ. *Латтани йиртмоқ. Қоғозни йиртмоқ. Кўйлагини йирт-моқ.* **тм** *У \жангчи\ бинтнинг учини йиртар экан, офицерга қараб, бир нима деди.* А. Қах-ҳор, Олтин юлдуз.

2 кўчма Бўлакка ажратмоқ. *Тракторлар ёриб, ерларни йиртиб, кесак қўймайди, майда-майда қирқиб.* Ҳабибий. *Яна бир фариш-та қора булутдан бир парчасини йиртиб олиб, тупроқнингустига сиқди.* А. Қахҳор, Қушчи-нор чироқлари.

Бағрини (ёки кўксини) йиртмоқ Қаттиқ азобламоқ, қийнамоқ, эзмоқ. *Айрилиқ савдоси бағрини йиртади.* «Ширин билан Ша-кар». *Пора-пора йиртди кўксимни ситам, сўргувчи борми кўнглининг зорини.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИРТҚИЧ 1 Жонивор гўшти билан ов-қатланадиган (хайвонлар, қушлар ҳақида). *Йиртқич хайвон. Миққий — йиртқич қуш. Қуён йиртқичларга ем бўлди.* **иш** *Лаққа — иирт-қич балиқ, у ўздан кичик бўлган турли жо-ниворлар, балиқлар ва қурбақалар билан ов-қатланади.* Газетадан.

2 кўчма Шундай жониворларга нисбат-ланган ифода. *..Бобур йиртқичлар орасида кийик бўлиб кун кўра олмаслигини ич-ичидан ҳис қилар, шунинг учун.. бўрилар билан шер бўлиб олишишини истар эди.* П. Қодиров, Юл-дузли тунлар. *Йиртқич фашистларни ўз уяси-да янчиб ташилаш учун олиб борилган жанг-ларда иштирок этдим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Мен бу уятсиз йиртқич билан ярашмоқ учун умид тутмайман.. [деди Кумуш].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЙИРТҚИЧЛИК 1 Ҳайвонларнинг озиқ-ланиш усулларида бири: бир ҳайвоннинг бошқасини ушлаб ўлдириши ва еб қўйиши.

2 кўчма Йиртқичга хос хатти-ҳаракат, иш. *Кўзғолонни бостириш учун юборилган казак солдатларидан иборат махсус жаза от-ряди кўз кўрмаган.. йиртқичликлар қилди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЙИТМОҚ кам қўлл. Йўқ бўлиб кетмоқ; йўқолмоқ. *Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битар, бесабрлар ўз оғидан йитар.* Мақол. **тм** *Бир акам йитиб кетганига етти йил бўлди.* «Эрали ва Шерали».

ЙИҚИЛМОҚ 1 Тик ҳрлатини йўқотаб, ер томон тушмоқ; куламоқ. *Кўкка боққан йиқилар.* Мақол. **тм** *Саид Жалолхон ўрндан турган эди, гандираклаб йиқилди.* А. Қахҳор, Башорат. *Исфандиёрхон.. Авазнинг бетига шапалоқ тортиб юборди. Аваз гандиракла-ди-ю, йиқилмади.* С.Сиёев, Аваз. *Кўчада.. гурсиллаб деворлар йиқилади, шарақлаб да-рахшар қулайди.* А. Қахҳор, Башорат.

2 Тепадаги жойидан пастга томон кула-моқ. *Дарахтдан йиқилмоқ. Томдан йиқилмоқ.* **тм** *Чавандозлардан бири маррага яқин қолган-да, отдан йиқилиб тушди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Курашда енгилмоқ, мағлубиятга учра-моқ. *Йиқитган мард эмас, йиқилганни тур-ғизиб қўйган мард.* Мақол. *Йиқилган курашига тўймас.* Мақол.

4 кўчма Имтиҳонда ёмон баҳо олмақ, синовдан ўтолмай қолмоқ. *\Низора\ Тошкент-га ўқишига келган экан, кимёдан топшира ол-май йиқилибди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

5 кўчма Ҳокимиятдан маҳрум бўлмоқ, ажралмоқ; ағдарилмоқ; йўққилинмоқ. *Мус-табид ҳокимият йиқилди.*

ЙИҚИТМОҚ 1 Куч билан қулатмоқ. ағдармоқ; ағнатмоқ, бузмоқ. *Шамол дарахт-ларни ииқитди. Деворни иикитмоқ.* **тм** *Чака-лакзордан катта-кичик дарахтларни ииқи-*

л²⁷²

тиб, мажжақлаб чиққан танк.. Ахмаджон.. то-мон кела бошлади. А. Қаххрр, Олтин юлдуз.

2 Баландликдан пастликка тушириб юбормоқ; қулатмоқ. *Томдан йиқишиб юбор-моқ.*

3 Курашда ғолиб чиқмоқ, устун келмоқ; куч билан ерга ётқизмоқ. *-Йиқитган полвон йиқилганни кўтариб қўяди, — деди Ўрмон-жон Курбон отага кўз қисиб.* А. Қаххор, Кўшчинор чироклари.

4 кўчма Куч, зўр билан ҳокимиятдан маҳрум қилмоқ, четлаштирмоқ; йўқ қилмоқ. *Раҳматхоннинг овози йигин тепасида янграб кетди: -Халқ подшоҳи йиқитди. Лекин халқ-нинг аҳволи ўзгармади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

5 кўчма Имтиҳон, синовда ёмон баҳо қўймоқ; имтиҳондан ўтказмай қўймоқ. *Икки марта дарсга қатнаша олмагани учун фран-цуз тили ўқитувчиси уни имтиҳонда йиқит-моқчи бўлди.*

ЙИҚИҚ кам қўлл. Йиқилган, бузилган, вайрон. *Мастон хола билан Турсунои йиқиқ деворлардан ўшиб, ҳовлига қадам босгаша-рида, қаршидаги айвонда.. шайхнинг катта гавдаси кўринди.* Уйғун, Турсуной.

ЙИҚМОҚ кам қўлл. Йиқитмоқ, қулат-моқ. *Бишиги зўр бирни йиқар, билими зўр минг-ни йиқар.* Мақол. **тм** *Ўроқ ўтқир эди. Ўралиб-чаплашиб ўсган қалин майсани [Йўлчи] «шар-шар» йиқиб борар экан, ўзи ҳам зави^тнди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эскини йиқамиз, янгини қурамыз.* Уйғун, Навбахрр.

ЙИҒИ 1 Ғам-алам, оғриқ, изтироб ва ш.к. туфайли юзага келадиган руҳий ҳрлат-нинг кўз ёши, ўзига хос товуш билан куза-тиладиган ифодаси, шундай ҳолат билан юзага келадиган кўз ёши, товуш. *Кампир йиғидан ўзини тиёлмади. Гўдак йиғиси.* **тм** *Ғулумжон йиғлаб юборди. Унинг йиғиси ус-тига болалар югурибқиришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ичкари уйдан келётган чақа-лок йиғиси Ахмаднинг фикрини бўлди.* Ф. Му-сажонов, Ҳиммат. *Энди йиғидан фойда йўқ. Бўлди, бас қил.* К. Яшин, Ҳамза.

2 *этно.* Марҳумни хотирлаб ўтказилади-ган аза маросими. *Йиғи бошламоқ.*

ЙИҒИ чиқармоқ Киши вафоти муносаба-ти билан кўпчилик бўлиб, овоз чиқариб, айгиб йиғламоқ. Шайтон **йиғиси** Ёлғон йиғи, мунофиқона кўз ёши. *У буни узатшадиган қизларнинг «шайтон йиғиси» деб тушунади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИҒИЛИШ 1 Йиғилмоқфл. ҳар. н. *Кеч соат бешда шу ерда ииғилиши керак.*

1 Бирор масала юзасидан тегишли шахс-ларнинг тўпланиши; йиғин, мажлис. *Йиғи-лиши қарори. Маҳалла фаоллари йиғилиши. Уруш фахрийлари йиғилиши.* **тм** *Институт-да студентларни ишга тақсимот комиссия-сининг йиғилиши бўлди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Бугун дарсдан кейин мактабда ота-оналар йиғилиши чақирилган эди.* С. Зуннуно-ва, Янги директор.

ЙИҒИЛМОҚ **Йиғмоқ** фл. ўзл. ва мажх. н. *Ўқувчилар йиғилди. Пул йиғилди.* **тм** *Тўхта хола кўрпаси йиғилмаган сўрига дастурхон ёзиб, қумғонда чой келтирди.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

ЙИГИМ I Бирор мақсад учун халқдан (хонадон бошига ёки жон бошига) олинадиган ҳақ, пул ёки буюм; солиқ [*Мингбоши:*] *Беш йилдаи бери ўлпонни бермайсан, солиқни тўламайсан, йигим деса, жонинг бўзгинга келади, ўлакса.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЙИГИМ II Банк ва унинг ғармоқлари-да мижозларга кўрсатиладиган пул муомаласи хизмати учун олинадиган ҳақ. *Ўн бир мамлакат фуқаролари — банкларнинг мижоз-лари — ўз омонатларини еврога ўтказиш имкониятига эга бўлдилар, бинобарин, бунинг учун улардан ҳеч қандай комиссияни йигим олинмайди.* Газетадан.

ЙИГИМ-ТЕРИМ Ҳосилни йиғиб-териб олиш ишлари, мавсуми. *Пахта йигим-терими. Жамоа хўжаликлари йигим-теримга киришдилар. **тм** Йигим-теримни олганимиз-дан кейин бошласак, совуқ тушмай битира-миз.* А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

ЙИГИН I Кишиларнинг фикр олишу-ви ёки бирор масалани ҳал қилиш учун тўпланиш; йиғилаш, мажлис. *Ниёз қушбеги сўмаб, йигиннинг мақсади бишин аҳли мажлисни таништира борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бош муҳаррир катта йигинларда, мажлисларда қатнашавериб, халойиқ ўрта-сида ўзини тутушига уста бўлиб кетган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

2 Кишиларнинг бирор маросим, зиёфат муносабати билан ёки ўзаро суҳбатлашиш, кўнгил очиш учун тўпланиши; йиғилиш. *Бил-димки, бугун уйимизда бир йигин бўлади.* Ой-дин, Дўндикдан ҳам ёш экан. *Шундай қилиб, бу қиёмат йигин кеча ярим бўлганда гув-гув бшан тарқалди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

?J3

ЙИГИНДИ I Бир турли нарсаларнинг бир жойга тўпланган ҳолати, тўплами, мажмуи. *Қонунлар йигиндиси. Қарорлар йигинди-си. ти Ҳар қандай материя алоҳида доналар йигиндисидан тузилади.* «Қизиқарли геохи-мия». *Шовқин ҳар хил куч даражасидаги товушлар йигиндисидир.* Газетадан. *Шоирнинг нафис шеърлари ҳозир унинг учун тузсиз сузлар йигиндисидан бошқа нарса ҳам эмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 мат. Икки ёки бир неча соннинг қўши-лиш натижаси, ўзаро қўшилган сонлар мажмуи. *Уч, олти ва ўн бир сонларининг йигинди-си йигирма бўлади.*

ЙИГИНЧОҚ I *сфт.* Саранжом-сарип-тали, тартибли; ихчам. *Йигинчоққина уй. Игинчоқ бир ҳовли. ти Янги топшириқ Рауф-ни янада йигинчоқ ва илдам қилиб қўйди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

2 от, кам қўлл. Йиғин, йиғилиш жойи. *Ҳиротдаги бекзода, вазирзодаларнинг кечки базмларига, йигинчоқларига бориб, куйи, сози билан ўлтиришни қизитиб, ўз қорнини тўйдирар эди.* Ойбек, Навоий. *Жўралашган ҳаётнинг йигинчоқлари чойхоналаримиз бўлсин.* Ғ. Ғулом.

ЙИГИЧИ I *айн.* йиғлоқ, йиғлоқи. *Ўзинг ҳам ўлгудай йигичи бўпсан.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

2 этн. Азада айтиб йиғловчи аёл.

Бош йиғичи Азада йиғи бошловчи, бош-қаларни эргаштирувчи аёл, гўяпда. *Турсунной ва Шарофатхон қайнонанинг ўлимига ичдан гоят севинган бўлсалар ҳам, овозларига чўзиқ, қалбаки мотам оҳанги бериб, бош йиғичига жўр бўлишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИГИШ I **Йиғмоқфл.** ҳар. н. Одамларни йиғишига буюрди.

2 қ. йиғув.

ЙИГИШТИРМОҚ I Ёйик, чочиқ нар-саларни бир жойга тўпламоқ; йиғмоқ. *Баъзилар зиналарга сочилиб қолган гишт бўлак-ларини, кесакларни дарҳол йиғиштириб олиб ташлардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Солих иш вақти тугашига икки соат қолганда нар-саларини йиғиштирди.* О. Мўминов, Хиёбон-даги уч учрашув.

2 Йиғиб-териб олмоқ, (деҳқончилик, дала маҳсулотлари ҳақида). *Ақл-заковат би-лан иши тутиб, теримни нечоғлиқ тезлаштир-сак, ҳосилни шунча тезроқ йиғиштириб оламиз.* Газетадан. *Деҳқоннинг олтинпази пахта теради, соҳибкори узум узади, қовунчиси по-лиз йиғиштиради, молбоқари хашак жамга-ради.* Газетадан.

3 Жам ҳолга келтирмоқ. *Кўчларингни йи-ғиштир! Аравани қўш! Қувага жўнагаймиз.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Ишлатилган, фойдаланилган нарсалар-ни ётган (турган) жойидан йиғиб олмоқ, ўрин-жойни тартибга келтирмоқ, тозала-моқ, саранжом-сарипшта қилмоқ. *Отабек иргизилган Ҳасаналининг уйи Ойбодоқ она томонидан тозагина йиғиштирилиб.. асбоб-жиҳозлар билан зийнатланган эди.* А. Қоди-рий, Ўтган кунлар. *Ташқари ҳовлида ҳамма уйларни йиғиштирдим, кўрпачаларни ҳовлига олиб чиқиб қоқдим.* Ойбек, Танланган асар-лар. *Уёқ-бу ёгингни йиғиштир, меҳмон кела-ди.* С. Зуннунова, Янги директор.

5 Тартибли ҳолатга солмоқ, эпакага кел-тирмоқ (ўзини ёки ўзидаги бирор нарсани). *Бошланг, сочини яшигина йиғиштириб қўйган.* Ойдин, Ҳикоялар. *Жувон.. рўмолини олиб ўради, этакларини йиғиштириб ўрнашиб ўтирди.* А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари. *Қачондан бери сипо бўлиб қолдинг? Қизлар-дан гап кетса, оғзингни йиғиштириб оломас-динг-ку!* Шухрат, Шинелли йиллар.

6 Бас қилмоқ, барҳам бермоқ. *Мен шо-тида ўтириб китобўқишни ҳам, овга чиқишни ҳам йиғиштириб қўйдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. *Аҳмад иши топишдан умидини узиб, редакцияларга учрашни йиғиш-тириб қўйди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ қ. дов-даст-гоҳ. Тахта-ўқлогини йиғиштирмоқ Бирор иш-фаолиятни тўхтатмоқ. *«Повуркон» (фаб-рика) моллари ҳамма ёқни тўлдириб, косиб-ларнинг бозорини касод қилганлиги, иши чип-пакка чиққан косиблар бирин-кетин тахта-ўқлогини йиғиштираётганлигини тасвирлаб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Эсини (ёки эс-хушини) йиғиштирмоқ** Эс-хушини жойига келтирмоқ, фикр-хаёлини тўғри йўлга солмоқ. *Ҳамза эс-хушини йиғиштириб олиб, қоғозни буклогидан ёзди-да, унга кўз югуртириб, шу сўзларни ўқиди..* К. Яшин, Ҳамза. *Ёлғизжон аввал гумбурлаган овозни эшитди.. эсини йиғиштиришига уринди, аммо мадори етмади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Эс борида этакни йиғиштирмоқ (ёки ёпмоқ)** Эс борида, ўз вақтида айбли (номақбул) Min-

is—Ўзбек тилининг изоҳли луғати
ларга барҳам бермоқ. *Шуни билиб қўйингки, ишларингизнинг охири вой! Тезда этагингиз-ни йиғиштириб олинг!* Ҳ. Гулом, Тошкент-ликлар.

ЙИҒИҚ кам қўлл. 1 Йиғиб тўплаб қўйил-ган, тўплоглик. *Йиғиқ соч. Йиғиқ барглар.*

2 Йиғинчок, йиғнок; ихчам. *Йиғиқ фикр.*

Йиғиқ гап тлш. Бош бўлак (эга ва ке-сим)дангина тузилган гап.

ЙИҒИҚЛИК Йиғиб қўйилган, йиғиқ ҳолатли. *Ўгай қизининг сўзларидаги қатъият-дан чўчиган Лобар супадаги йиғиқлик ўринни мастликдан қизарган кўзлари билан кузатиб бўшашиди.* Ҳ. Гулом, Тошкентликлар.

ЙИҒЛАМОҚ 1 Йиғи қилмоқ (қ. **йиғи**). *Ачиниб йиғламоқ. Пиқ-пиқ йиғламоқ. Ув тор-тид йиғламоқ. Ўқириб йиғламоқ. Хўнграб (хўнг-хўнг) йиғламоқ.* **тм** Энди онага қўшилиб қиз йиғлар, қизга қўшилиб она йиғларди. Чўлпон, Кеча ва купдуз. *Бола ҳануз чирқираб йиғлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Айтиб йиғламоқ этн. Мархумга қуйиниб, юрак сўзларини айтиб йиғламоқ, уни мадҳ этиб йиғламоқ. **Аччиқ-аччиқ йиғламоқ** Ач-чиқ-алам билан йиғламоқ. *Кеча унинг уйи-дан хотин кишининг аччиқ-аччиқ йиғлаган товуши эшитилди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз чит-так. **Зор йиғламоқ** Зорланиб йиғламоқ. *Бола: «Дадам, дадам!» деб зор йиғларди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йиғлаб кўриш(а)ди с.т. кест.** Жуда монанд, мос келди, жуда ҳам ярашди. *Тўн йиғлаб кўришиди.* **тм** \Хотам:\ Қани, совима-син [рюмкага

қуйиб]. Бу жонивор кабоб би-лан йиглаб кўришади. Қитдай-қитдай ютай-лик. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Юм-юм йиғ-ламоқ** Қаттиқ кўз ёши тўкиб йигламоқ. Ача-хон юм-юм йиглаб, онасининг пешонасини си-ларди. К. Яшин, Ҳамза. **Қон йиғламоқ** Ниҳоятда алам-изтирсб билан йиғламоқ. Хола-нинг оғир юрак яраси янгиланар, қон йиғлаган қайғули кунни ёдига тушар эди. А. Мух-тор, Опа-сингиллар.

2 кўчма Нолиш қилмоқ. Узоқ-узоқларда мусиқа йиғларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

ЙИҒЛАМСИРАМОҚ Йиғлаш даражаси-га етмоқ; йиғлагандай бўлмоқ. *Жўраҳон йиғ-ламсираб жавоб қилди. Унинг бу холати хафа қилинган.. қизнинг аразигаўхшар эди.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о. -*Мен ўзбошимчалик қилганим йўқ, — жавоб берди бола йиғлам-сираб.* Ў. Умарбеков, Чўлда бир кун.

ЙИҒЛОҚ Бўлар-бўлмасга йиғлай бера-диган; кўп йиғлайдиган; йиғлоқи. *Йиғлоқ одам жангчи бўла олмайди-а, дада?* «Гулдас-га». Мўмингина, ювошгина бўлган Бахтиёр бора-бора салга чўчийдиган, йиғлоқ бўлиб қол-ди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

ЙИҒЛОҚИ 1 айн. **йиғлоқ.** *Оналар инжиқ, йиғлоқи болаларини «гапимга кирмасанг, ча-калакзорга элтиб ташлайман» деган нўписа билан тийиб келишган.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Йиғи товушига ўхшаш, йиғи каби. *Бо-зоринав масжидининг пастаккина мезанасига чиқиб, шом азонини айтган сўфининг йиғлоқи овози уни ўзига келтирди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Маҳкам нималигига тушунолмас, ҳар қалай, бу ашула эмас, қандайдир йиғлоқи нолиш эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

3 кўчма Кишини эзадиган; мунгли (куй, оҳанг ва ш. к. ҳақида). *Мунгли булбулдай Инг-ради тинмай, Бағрим эзарди, Борлиқни ёқиб Йиғлоқи сурнай.* Ғ. Ғулум. *Ёзармидим йиғлоқи байтни, Титрармидим кўзда ёш билан? А.Орипов. Бу қўшиқларнинг [насиҳат қўшиқ-лари] бадий савияси паст ва оҳанги йиғлоқи.* Ў. Рашид, Кўшиқлар ҳақида.

ЙИҒЛОҚИЛИК Бўлар-бўлмасга йиғ-лаш, шундай характер, хусусият. *Йиғлоқи-лик сизга ярашмайди.* И. Раҳим, Такдир. *Sedan чиқарманг, опа.. Йиғлоқилик кетмайди!* Ш. Холмирзаев, Қайтиш.

ЙИҒМА сфм. 1 Фойдаланилмайдиган пайтда йиғиб-тахлаб қўйиладиган, йиғиладиган. *Йиғма курси. тт* *Бу ерда [палаткада] уч йиғма койка бир-бирига тақаб қўйилган эди.* А. Мухтор. Давр менинг такдиримда. *Бир неча киши машиналардан гириллатиб кўта-рилган йиғма нарвонлардан бино томларига чиқа бошлади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Чўлда икки ва бир хонали йиғма уйлар қурил-ди. «Ўзбекистон кўриклари».*

2 Турли қисм ёки элементлардан йи-ғилган, бир бутунни ташкил қиладиган; терма. *У яқинроқ бориб, эълон тагидаги рўйхатни кўрди: «Қишлоқ ўқувчиларининг ёзги йиғма отряди».* Унда йиғирмадан ортиқ боланинг номи ёзилган. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ёшларнинг вакиллари йиғма ор-кестр садолари остида стадион майдонини айланиб чиқишади.* Газетадан.

ЙИҒМОҚ 1 Турли жойдаги шахсларни ёки нарсаларни бир жойга келтирмоқ; тўпламоқ. *Бошлиқларни йиғмоқ. Тўкилган ол-маларни йиғмоқ. тт* *Мана, Назира хола ҳам, Шаҳодат хола ҳам келишди. Яхши бўлди. Ўзим ҳам сизларни йиғиб, икки оғиз гаплашмоқчи эдим.* А. Каҳҳор, Кампирлар сим қоқди. *Таль-ат синфдош дўстларини йиғиб, уйда зиёфат қилмоқчи эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Эл оғаси — доноларни йиғинлар.. «Юсуф ва Аҳмад».* *Иккаламиз сизларнинг яшаш объекларингиз ҳақида маълумотлар йиғяпмиз.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

2 Териб, ўриб ва б. йўл билан олиб тўпла-моқ; йиғиштирмоқ. *Ҳосилни йиғмоқ. тт* *Уёз бўйи Мансур учун атайлаб ялтиз, сариқбош, исуриқ, яна шлақанақа гиёҳларни йиғиб юрар-ди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Бирор нарсани маълум вақт жараёни-да бир-бир топиб тўпламоқ; жамғармоқ. *Пул йиғмоқ. Мол йиғмоқ. ти Бисот йиғмоқчидир-лар балки?Ў.* Ҳошимов, Қалбинга қулоқсол. *Ахир одамларга меҳр-шафқатли бўлишни Ҳам-зага шу ота таълим берган, қолаверса, нега бунчалик китоб йиғмаса.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Жам ҳолга келтирмоқ; йиғиштирмоқ. *Ҳозир нарсаларни йиғинлар, яхшилаб нонуш-та қилиб олинлар, юқорига кўтариламиз.* С. Кароматов, Олтин кум.

5 Йиғинчоқ, тартибли ҳолатга келтир-моқ. *-Кел, Нуриой! — Салимбойвачча оёқларини йиғиб олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 *тех.* Қисмларни ўзаро бириктириб бу-тун ҳолга келтирмоқ. *Тракторни йиғмоқ.*

7 кўчма Маълум бир нуқтага қаратмоқ, тўпламоқ, марказлаштирмоқ (хаёл, ақл, куч ва ш. к. ни). *Степан эсини йиғиб, ўрнидан турди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Ҳакимжон шу суҳбатдан сўнг ўзининг хом ва чувалаш-ган фикрларини гишиштиди, бир орага йиғди.. ўша кундан бошлабунинг ҳамма нарсага қара-ши бошқа бўлди/Чўлпон, Кеча ва кушгуз. ..бор кучимни йиғиб чопдим.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

8 Иш, ҳаракат, фаолият ва ш. к. ни тўхтат-моқ, йиғиштирмоқ. *Шокир ота ишни йиғди, кўзойнагини олиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙИҒНАМОҚ *шв.* Йиғмоқ, тўпламоқ. *Эр-тасига ўрокчилар қуруқ пичанларни тўп-тўп йиғнай бошладилар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кўзи-чоғим қўйлар бўлгай, Йиғнаганим тўйлар бўлгай.* «Бойчечак».

ЙИҒНОҚ 1 Йиғинчоқ, ихчам.

2 *шв.* Йиғиш, йиғин. *Ҳисобот-сайлов йи-гишишининг ўтганига бир ой бўлмасдан, яна бир йиғноқ чақирилди.* «Муштум».

ЙИҒУВ Йиғиш ишлари. *Йиғувцехи. Трак-шор йиғув заводи.*

ЙИҒУВЧИ 1 Йиғмоқфл. сфдш. \ *Отабек ва Али* Дастурхонни йиғувчи келинчакка ўғил тилаб дуо қилганларидан кейин, қўлига ўттиз чақа сурма пули бердилар. А. Крдирий, Ўтган кунлар.

2 Деталь ёки қисмлардан яхлит машина ясовчи мутахассис. *Йиғилиши трактор йиғув-чилар ташаббусини маъқуллади.* Газетадан.

ЙОГ Йога тизими ва таълимоти тараф-дори; йога усулида шуғуланувчи (қ. **йога 2**).

ЙОГА [*санскр.* «қўшилиш», «бирлашиш»; «тиришиш»] **1** Ҳинд фалсафасининг б та собитқадам («Ведалар»ни тан олувчи) ти-зимларидан бири; материя билан руҳни қарама-қарши қўяди.

2 Киши руҳияти ва физиологияси (на-фас олиш, қон босими, модда алмашину-ви, уйқу ва б.)ни (муайян жисмоний машқ-лар воситасида) бошқариш ҳақидаги таъ-лимот ва метод (усул); Ҳиндистон диний ва фалсафий тизимларининг «халос бўлиш» қолатига эришишни мақсад қилиб қўювчи таркибий унсури.

ЙОГУРТ, йўғурт [*ингл.* yoghurt < *турк.* yogurt, *т.-тат.* jk[^] — қатик] Жем, мева консерваси, шokolод, какао ва б. қўшимча (тўлдиргич)лар аралаштирилган, қаймокли кремга ўхшаш сут-қатик маҳсулоти (оддий ивитилган қатик, кефир ва б.).

ЙОД [*лот.* iodum < *юн.* iodes — бинафша рангли] Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент, асо-сан денгиз ўсимликларидан олинадиган тўқ кулранг кристалл модда ва унинг тиббиёт-да қўлланадиган, спиртдаги жигарранг эрит-маси. *Тик турганча, бармоғимга йод суриб, бинт билан боғлади.* С. Сиёев, Ёруглик.

ЙОДЛАМОҚ Буқоқ касаллигининг ол-дини олиш мақсадида сув, туз ва б. озик-овқат маҳсулотларига йод қўшмоқ, йод ара-лаштирмоқ, йод билан тўйинтирмоқ. *Ош тузини йодламоқ. Сувни йодлаш.*

ЙОДЛИ Йод қўшилган; таркибида йод бўлган; йод билан тўйинтирилган. *Йодли ичимлик суви.*

ЙУЙМОҚ Бирор нарса, ҳодисанинг са-баб ёки моҳияти, асосини ўзича талқин эт-моқ, таъбирламоқ, нима биландир боғла-моқ, ўшандан деб ўйламоқ, ҳисобламоқ.

Тушни яхшиликка йўймоқ. **тм** Она ўғяидаги сабрсизликни кўриб, ўқшига меҳр қўйганлигига йўйди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Одат-да одамлар туш кўриб, уни бошқа бир бўла-жасак ҳодисага йўядилар. О. Мўминов, Хиё-бондаги уч учрашув. Бироқ бу ҳолни куннинг совуғига йўйиш, тинчи бузилган одамнинг инжиклиги билан таъбирлаш ҳам мумкин. LU. Холмирзаев, Қил кўприк.

ИУЛ 1 Одамлар, жониворлар ва б. нар-салар қатнови натижасида ер сат\ида из босилиб ҳосил бўлган узун, давомли қисм, қатнов қисми. Сўқмоқ йўл. Қирдаги ҳар томонга кетган йўллар. **тм** Йўл адирнинг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам, Турғуной тиззаси-ни ушлаб, зўрга қадам босарди. А. Қахҳрр, Мастон. Чўлнинг йўли ингичка.. «Бойчечак». Довон орқали.. битта от йўли бор, холос. Шу тор йўлдан Афғонистонга ўтса ҳам бўлади. К. Яшин, Ҳамза.

2 Умуман, кишилар ёки транспорт қат-нови учун махсус белгиланган ер бўлаги. Автомашина қатнайдиған йўл. Асфальт йўл. Тош йўл. Узоқ йўл. **тм** Машина йўлини кесиб ўтаётган подага сигнал берганда, чўчиб ўзи-га келди-ю, атрофга қаради. С. Аҳмад, Юл-дуз. Меҳмонхона ёнидаги ер ости йўлидан ўтиб, гулзор майдонга чиқишди. Ў. Хошимов, Қалбингга кулоқ сол.

3 Кема ва самолётлар қатнаши учун мах-сус белгилаб қўйилган йўналиш, трасса. Сув йўли. Ҳаво йўли.

4 Йўналишдаги ҳаракат жараёни, йўлда давом этаётган юриш. \Хотин] Кумушга қараб давом этди: Ану кунги сўзингиз билан, йўлдан қайрилиб кирган эдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўрмонжон йўл бўйи гапирмади.. А. Қахҳор, Қўшчинор чирокдари. Мен унинг учун бир зиёратчи, назрини бераман-у, йўлим-га кетавераман. К. Яшин, Ҳамза. - Зарари йўқ, — деди Меъмор. — Буни йўл машаққати дей-миз. Мирмуҳсин, Меъмор.

5 Юриш, қатнов йўналиши. ..биров "Хо-тинингни уканг никохлаб олди, уйга бормай қўя қол!" деган экан, у ҳам йўлни бошқа ёққа солдириб кетибди. А. Қахҳор, Қўшчинорчи-роқлари.

6 Бирор жой, маконга саёҳат ёки бошқа мақсадца қилинадиган юриш; сафар. Йўл анжомлари. Йўлга ҳозирланмоқ. Йўлга чиқсанг, йўлдошинг бўлсин. Мақол. **тм** \ Отабек] Бу сўроқни ўз-ўзига ҳам бериб кўрмаган, гўё бурунгидек Марғилон йўлига ошиқиб ҳозирла-нар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шоҳ Машираб йўлга чиқсалар, худонинг қудрати билан, ернинг таноби тортилиб, йўл қисқа-рар экан. Ойбек, Танланган асарлар.

7 Босиб ўтиладиган оралик; масофа. Бун-дан буён мотошкл йўлингизни яқин қилади. С. Анорбоев, Тўрткўзнинг бошидан кечирган-лари. У Миён Қудрат ҳазратни зиёрат қилиш учун озмунча йўлни пиёда босиб келдимиз? К. Яшин, Ҳамза.

8 Маълум бир транспорт воситаси учун йўналиш қурилмаси. Темир йўл. Трамвай йўли. **тм** Поезд йўли майда тош, Бойнинг қизи қа-ламқош. «Бойчечак».

9 Айрим нарсаларнинг йўналиш чизиғи, жой оралиғи. Нафас йўли. Сийдик йўли. Хас-хашақлар сув йўлини тўсиб қўйибди.

10 Бирор нарсага, юзага тортилган, ту-ширилган чизик, из. Бир йўли оқ, бир йўли мошранг беқасам. **тм** Эшикда тиккасига оқ ва қора йўллардан иборат пижама кийган, бошланг Азимбоев кўринди. «Гулдаста».

11 Қатор, сатр; мисра. Бир неча йўл хат. **тм** \Анвар Раънога:\ Менинг ёзганимни сен уят қилмасанг, мен ҳам сенинг ёзганингни уят қилмайман. Лекин шарт шуки, менинг икки йўлимга жавоб бўлсин. А. Қодирий, Меҳроб-дан чаён.

12 кўчма Бирор нарсанинг йўналиш, келиш-кетиш оқими, йўналиши. Ҳаёт ўз йўлидан борар, баҳор болаларга ўз қувончи, ўз шодликларини сахийлик билан тақдим этган эди. Ў. Хошимов, Қалбингга кулоқсол. Ҳам-за ҳақиқат йўлидан, маърифат йўлидан, Фур-қат васият қилган йўлдан боради. К. Яшин. Ҳамза.

13 Фаолиятда амал тарзи, қилинадиган, тутиладиган иш-амал. *Ҳозир сенларга икки йўл: ўғи, қизингни сотиб бўлса ҳам, ўттиз икки тангани Азизбек хазинасига тўлаш ёки эс борида этакни ётиб, Азизбекни орадан кўтариши.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тақ-дирдан шикоят қилмадим сира, Сизга ҳам шу йўлни маслаҳат кўрдим. Шухрат. Иккисининг йўли ҳам гумроҳликбан бошқа нарса эмас. Бири йиғиб ўлган, бири еб ўлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

14 Куй, кўшиқ ва ш.к. да ўзига хос усул. *Орзую армонимни шеърий йўлда қайтадан Сўзлаб турибман, балки ёшлик бўлиб баҳона. А. Орипов. Зеби кириб, майда йўллардан би-рини олди. Дуторнинг овозига эндигина ўз ово-шни кўшаман деганда, ташқаридан мингбо-шини чақирдилар. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

15 Имкон чораси. *Ҳеч бўлмаса, жонни сақла эди сен, Бир йўл топиб қочмоқ керак бу элдан. Ҳ. Олимжон. Содиқжон бойвачча чангалига тушган қизнинг кимлигини билгиси келди. Аммо сўраб билишининг ҳозир асти йўли йўқэди. К. Яшин, Ҳамза.*

16 кўм. *взф.* (асосан ў.-п. к. да — **йўлида**) Сабаб, мақсад каби маъноларни билдиради; бора(си)да, учун. *Кимики халқ йўлида, халқ гамида тер тўкса, қўли ҳамма ерда баланд бўлсин.. М. Исмоилии, Фарғона т.о. Шунинг учун ҳам сенга етишмоқ йўлида жонни хатарга қўйиб, кеча-кундуз югурганман-да.. К. Яшин, Ҳамза. Ўқувчиларни жўйиқин меҳнат фаолиятига тайёрлаш йўлидаги из-ланишларимиз ҳозирнинг ўзида ўз самарасини бермоқда. Газетадан.*

Йўл бермоқ 1) ўтиб кетиш учун йўлни бўшатмоқ. *Мансур настак эшикни очиб, Гавҳарга йўл берди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол; 2) тўскин бўлмаслик, қаршилиқ қилмаслик; имкон бермоқ, йўл қўймоқ. ..улар меҳнат аҳлини истаганларича ишла-тиб, ҳамёнларини яна ҳам қаппайтиришлари учун авомнинг фикрини очишга йўл бермайдилар. К. Яшин, Ҳамза. **Йўл босмоқ** Маълум масофани юриб ўтмоқ. *Мастон неча кило-метр йўл босганини ва яна неча километр босиш кераклигини билар эди. А. Қаҳҳор, Мас-тон. **Йўл бошламоқ** 1) йўловчиларни бош-лаб юрмоқ. -Юринг, — деди Талъат йўл бош-лаб. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол; 2) иш-фаолиятда раҳнамолик қилмоқ; етакчи-лик қилмоқ, етакламоқ. **Йўл бўлсин?** 1) қаёққа боряпсиз? Ҳа, йигитнинг гули, йўли-нгиз бўлсин?Т. Малик, Ажаб дунё; 2) (ж.к. билан) кўчма бирор ишни бажариш кимса-нинг қўлидан келмаслигини ифодалаш учун ишлатилади. **Шеър ёзишга сенга йўл бўлсин. **Йўл кўрсатмоқ** 1) олиб борадиган йўлни кўрсатмоқ. Адашган йўловчига йўл кўрсатмоқ; 2) йўл-йўриқ кўрсатмоқ, қандай йўл тутиш-ни айтмоқ. \Ёрмат\ Эликбошигаялинди: -Ман гарибга йўл кўрсатинг. Кимга арз қилай? Ойбек, Танланган асарлар. **Йўл олмоқ** Би-рор томонга юришни бошламоқ, йўлга туш-моқ. **Тонготарда ҳужрадан чиққан Меъмор карвонсарой ҳовлисини кесиб ўтиб, дарвоза-дан ташқарига йўл олди. Мирмуҳсин, Меъ-мор. **Йўл солмоқ айн. йўл олмоқ. Яраш полвон тўғри колхоз идорасига йўл солди. С. Сиёев, Отлик аёл. **Йўл қўймоқ айн. йўл бермоқ** 2. ..нимаики иш қилса, одамлар хурсанд бўли-шини ўйлаши, сахийлиги биронта кишининг бу қизга ўқрайиб қарашига йўл қўймасди. Мирмуҳсин, Меъмор. -Ота, устоз ҳақлар, — деди Ҳамза. — Ҳийлага баъзан шарият ҳам йўл қўяди. К. Яшин, Ҳамза. **Йўлга кирмоқ** Юришни бошламоқ (гўдак ҳақида). **Адолат йўлга кирди** деганбан бошлаб топганини сан-диққа ташлади. С. Зуннунова, Олов. ..қонига беланган дадангни кўтариб кирганларида, сен йўлга кирган эдинг. Й. Шамшаров, Тошқин. **Йўлга солмоқ** Яхши гапириб, алдаб-сулдаб кўндирмоқ, розилигини олмоқ. **Бўтабои уни [Содиқни] алдаб-сулдаб йўлга солмоқчи бўлди. С. Аҳмад, Ҳукм. **Йўлгатушмоқ** 1) бирор йўл билан (бирор томон) юришни бошламоқ. \Нури\ .. қовун полизни сайр қилишини баҳона қилди-да, акасининг ўғли Рафиқжон билан бирга йўлга тушиди. Ойбек, Танланган асар-лар; 2) тўғри йўл, меъерий из (йўналиш)га тушмоқ, шундай ҳолат касб этмоқ. **Савод-сизликни тугатиш бўйича ўқиш бир қадар йўлга тушиб олди. К. Яшин, Ҳамза. **Йўлга чиқмоқ** Йўлга отланиб юра бошламоқ, йўл олмоқ. **Взвод ярим тунда иўлга чиқди, раз-ведкага.**************

Т. Рустамов, Мангу жасорат. *..ав-зойидан сездики, у шум ният билан йўлга чиқ-қан. «Ёшлик».* **Йўлга** қўймоқТашкил қилмоқ, ишга солиб юбормоқ; ривожлантирмоқ; тартибга солмоқ. *Ёшлар ўртасида тарғибот иш-ларини йўлга қўймоқ.* **Йўлдан оздирмоқ** Но-тўғри (номақбул) йўлга бошламоқ, ёмон йўлга чалғитмоқ. *Сизнинг мулойим, одобли синглингизни ҳам йўлдан оздиришим мумкин.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Йўлдан тойдирмоқ** Нотўғри йўлга чалғитмоқ, бурмоқ. *..мусул-монларни ҳақ йўлдан тойдирмоқчи бўлган шул китобларни ағдар-тўнтар қилиб, кўчага чи-қариб ташлагим келди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йўлдан урмоқТўғри** йўлдан чалғитмоқ. *Йўқ, энди Менглибойни ҳеч ким йўлдан уролмайди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Тагин мени йўлдан уряпти деб ўйламанг. Сизни яхши кўрганим учун ай-тяпман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Йўлдан чиқармоқ айн.** **йўлдан урмоқ.** **Йўлдан қайтармоқ** 1) орқага қайтишга мажбур қил-моқ; 2) кўчма кишини ёмон хулқ ёки но

³²⁴

жўя хатти-ҳаракатдан тиймоқ, тўхтатиб қол-моқ. *Муҳаммадражаб.. хотини орқали уни шу йўлдан қайтаришга уринди.* А. Қаҳдор, Сароб. **Йўли очилмоқ** Бахтли бўлиб, иши юришиб кетмоқ. *Йўли очилган шигитнинг янгаси олди-дан чиқар.* Мақол. **Йўли тушмоқ** Юриши, са-фари бирон жой, (томон)га тўғри келмоқ. *Қабристонга тушганда иўлим, Мен шу гам-гинҳолни кўраман.* А. Шер, Қачимги куй. **Йўли учун айн.** **йўлига** *..ёлғизгина қизининг кўз ё'ш-ларига юраги дош беролмадимми ёки йўли учун шундай қилдимми — Абдурахмонбой.. қизини юпатишга тушди.* К. Яшин, Ҳамза. **Йўлинг-дан қолма** Сенда ишим йўқ, менга керагинг йўқ, кетавер. *"Ёрдам берган бўлсангиз, раҳ-мат, йўлингиздан қолманг "*, *демайдимми киз.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Оқ йўл тиламоқ қ.** **оқ.** *..улар билан чангга ботиб бо-раётганлигидан мамнун бўлиб, ичида унга оқ йўл тилаб, дераза пардасини туширди.* К. Яшин, Ҳамза.

ЙЎЛА: бир йўла 1) бирдан, бир вақт-нинг ўзида. *У \Соттихон\ бир йўла тўрт станокда одми шойи тўқишга ўтди.* Туйғун, Станоклар ёнида. *Бир йўла машинадан ҳам, узангидан ҳам ажраб қолмай, деб тиришиб ётибмиз.* «Ўзбекистон кўриқлари»; 2) бутун-лай. *Мени энди бир йўла йўқолганга чиқариб қўя қолинглар.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот; 3) бир бор, бир марта. *-Менимча кутидарнинг олдидан бир йўла ўтилсин, — деди Ҳасанали.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЙЎЛАК 1 Кўчадан ҳовлига олиб бора-диган, икки томони девор бўлган узун йўл. *Кулмат отани қидириб, ичкари билан таш-қарини қўшадиган кенгина йўлакка чиқди-да.. эшик тирқишидан ташқарига мўралади.* К. Яшин, Ҳамза. *Йигитсыйхайрлаишини ҳам унутиб, йўлакдан кўча томон юрди.* Д. Ну-рий, Осмон устунни.

2 Бино ичида хоналарга бориш учун хиз-мат қиладиган йўл; коридор. *Таниш кошонанинг беҳисоб шамлар зўрга ёритган тор ва узун йўлаклари кимсасиз эди.* О. Ёқубов, Кўхна дунё. *Ғойиб бино йўлагининг ҳар ер-ҳар ерида осиглиқ деворий газеталарни кўрсатарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 айн. **йўлка.** *Ўртасига атиргул, райҳон ва гултожхўроз экилган ҳовлининг ўнг томо-нидаги йўлак бўйлаб юриб, юқоридаги синч деворли пастак уйга киришди.* «Муштум». *Се-зар — япроқ юракка ўхшар. Ҳа, шу оддий асалранг япроқ Тош йўлакка айланиб тушар.* Х. Даврон. *Семонланган ариқчсишрдан жилдираб сув оқиб ётибди.* *Йўлаklar тоза.* С. Нуров, Нарвон.

ЙЎЛАКАЙ Йўлда кета туриб, ўта ту-риб; йўл-йўлакай. *Баҳорги каникулда Қудрат.. Кўкоролга бир-икки келган, иўлакай Булоқҳовузни кўрибўтган.* Х- Назир, Сўнмас чакмоқлар. [Ҳамишра] *Қудратга қуллуқ қилиб, ташқари юраркан, йўлакай радио қулогини бурабқўйди.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

ЙЎЛАМОҚ 1 Яқин келмоқ, бормоқ; яқинлашмоқ. *Қани энди на трамвай, ни троллейбусга иўлаб бўлса: зинасигача одам.* Ў. Юсуфжонова, Жўнатилмаган хат.

Низомжон қизлар звеносига йўламай қўйди. С. Аҳмад, Уфк. *Йўқ, сиз каттасиз, сиз айтинг! Мен яқин йўламайман! Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

2 кўчма Дахл қилмоқ; илашмоқ; яқин-лашмоқ. *Сизнинг аъзои баданингиз.. ҳатто тирноқларингизгача спиртлашиб кетган. Энди сизга ҳеч қандай касал йўламайди. «Гулдаста».*

3 шв. Суямоқ, суяб кўтармоқ; қўлтиқда-моқ. *Мамарайим тилдираб бориб, отни келтирди-да, хўжайинни қўлтигидан йўлаб мин-дирди. М. Исмоилий, Фарғонат. о.*

ЙЎЛБАРС 1 Мушуксимонлар оиласига мансуб йирик ва кучли йиртқич ҳайвон. *Йўлбарс териси. Йўлбарс боласини тутмоқ учун йўлбарс уясига кирмоқ керак. Мақол.*

2 айн. **барс 2.**

3 Йўлбарс (эркаклар исми). **ЙЎЛБОШЧИ 1** Бирор синф, партия ёки ижтимоий ҳаракатнинг ғоявий ва сиёсий раҳбари; йирик раҳбар, бошлик. *Ислохўжа ёш миллий буржуа вакилларининг йўлбош-чисисиди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 с.т. Йўл бошловчи, бошлаб борувчи. *Йўлбошчи серка қоматиши гоз тутиб, олға қараб турди. Т. Мурод, Қўшиқ.*

ЙЎЛБОШЧИЛИК Йўлбошчи бўлиш. бошқарувчилик. *Ақл йўлбошчишиқ қилолган ерда, чўлоқ чумолидек ожиз Геракл. Ғ. Ғулом. ..кўп нарсани биларди, деҳқонларга йўлбош-чилик қиларди у. Ойбек, Нур қидириб.*

ЙЎДДОШ 1 Йўлда, сафарда бирга бўл-ган киши; ҳамроҳ. *Ёмонга бош бўлгунча, яшига йўлдош бўл. Мақол. ти Сен кетарсан йўлда йўлдошинг билан, Мен қоларман уйда кўз ёшим билан. «Оқ олма, қизил олма».*

2 кўчма Бирга бўлувчи шахс ёки нарса. *Аммо Жамилев ва унинг йўлдошлари истаётганидек аблаҳлар билан ҳалол кишиларни аралаштириб юбориш учун ҳеч кимга йўл қўйилмайди. Газетадан. Ғам ила ғусса бўлиб-дир йўлдошим хон дастидан. У. Исмоилов, Сайланма.*

3 астр. Бирор планета ёки юлдуз атро-фида ҳаракат қилувчи осмон жисми. *Ой — Ернинг йўлдоши. Ернинг суяъий йўлдоши.*

4 анат. Ҳомиладорлик пайтида ҳомила-ни она танаси билан боғлаб турадиган, бола туғилгач, ундан кейин тушадиган, ҳомила пардалари ва киндик тизимчасидан иборат тузилма. *Агарунинг ёнида иўргакда ётган ча-қалоқ бўлмаганида, жувон кўзи ёриган одам-га ўхшамас, қорни бояғидай эди. Бу — йўлдош-нинг шиша бошлаганидан далолат. С. Анор-боев, Меҳр.*

5 Йўлдош (эркаклар исми).

Умр йўлдоши Бирга турмуш қурган икки кишидан ҳар бири (бир-бирига нисбатан). *Саломат бўлишингизни тилаб қолувчи: бўла-жак умр йўлдошингиз Эътиборхон. Р. Раҳмо-нов, Бахт билан учрашув.*

ЙЎЛИГА 1 Йўл с. нинг ж. к. шакли. *Йўли-га пойандоз солмоқ.*

2 Чалғитиш, панд бериш ва ш. к. учун; йўли учун (қ. йўл). *Бу гапни йўлига айтдим-қўйдим-да.*

ЙЎЛИҚМОҚ 1 Дуч келмоқ, учратмоқ, учрашмоқ. *\Отабек\ Бундай бўлмағур таклифни эшитмас(лик) учун.. онасига йўлиқиш-дан қочиб юришига мажбур бўлди. А. Қоди-рий, Ўтган кунлар. Ғайратинг бор экан, шунда синадим, Йўлиқса, изиллаб қочади девлар. «Равшан».*

2 Бирор иш-юмуш билан учрамоқ; уч-рашмоқ. *Ҳакимбойваччага йўлиқиб, унга я>ин-сангиз.. шояд сизга раҳм қилса. Ойбек, Тан-ланган асарлар.*

3 Дучор бўлмоқ, мубтало бўлмоқ; ча-линмоқ. *Бечора турмуш қилганига бир йил бўлар-бўлмас шу дардга йўлиққан экан. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Натижада юрак фалажсига йўлиққани маълум бўлиб, шу куни кечаси.. вафот этди. А. Қодирий, Меҳроб-дан чаён.*

ЙЎЛ-ЙЎЛ Узун-узун, баъзан ранг-ба-ранг йўллари бўлган, узун-узун йўлли. *Йўл-йўл чит. тт Хотин ичкари хонага кириб, йўл-йўл халат кийиб чиқди.* С. Аҳмад, Мехрибон.

ЙЎЛ-ЙЎЛАКАЙ 1 Йўл бўйи, йўл даво-мида, йўлда кетаётиб, давомли, такрор тарзда. *Йўл-йўлакай қамиш бўйи ниҳоллар учрай бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ. *У йўл-йўлакай бир талай латифалар айтди, ўз саргузаштлари-ни ҳикоя қилди.* Газетадан.

2 айн. йўлакай. *Мен ҳам шошяпман. Сизни йўл-йўлакай ташлабўтишим мумкин.* «Муш-тум».

ЙЎЛ-ЙЎРИҚ 1 Бирор иш, тадбирни амалга ошириш тартиб-қоидалари мажмуи. *Кимни колхозга олиш, кимни колхоздан чиқа-риш колхозчиларнинг ўз ихтиёрида. Бунинг ўз йўл-йўриги бор. Уртоқ Самандаров ана шу йўл-йўриқни бузганлар дейдилар, холос.* А. Қаҳ-хрр, Қўшчинор чироқлари. *Биз бунинг йўл-йўригини судлардан сўраб-сўраб, ўзимиз ҳам ярим-ялти суд булиб қолганмиз.* Ҳамза, Па-ранжи сирлари.

2 Бажариш тартиби, йўли ҳақидаги фикр, гап, кўрсатма. *Ҳамма жим бўлди. Ўтирганлар вазири бузрук томон қараб, ун-дан қандайдир йўл-йўриқ кутди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тўлқин олимлардан йўл-йўриқ сўраб, маслаҳат олиб келди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

3 Иш-топшириқ, бажариладиган ишлар ҳақида кўрсатма; буйруқ. *У кишининг йўл-йўриқларини бизлар ҳеч қандай гап-сўзсиз бажо келтирамиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Ичкарида очик дераз&ирдан кайвони хотинларнинг бақириб-чақириб йўл-йўриқ бергани эшити-лади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

ЙЎЛКА 1 Одатда кўча четида тош, ғишт ёки асфальт ётқизиб, бир оз кўтариб те-кислантан, пиёдалар юрадиган тор йўл; тротуар. *Катта йўлга тош ётқизилиб.. йўлкалар асфальт қилинган эди.* Ш. Раши-дов, Бўрондан кучли. *Домла кўчанинг ўрта-сидан юрмай, йўлка билан, бошини кўтариб, жиддий вазоҳат билан ўтаётибди.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

2 Ҳовли, боғ ва ш. к. жойларда юриш учун ажратилган махсус йўл. *Девор тагидаги қуруқ йўлкадан уч-тўрт қадам юриб, тўхтаб қол-ди. Ичкариданрубобовози эшитилди.* Ў. Ҳоши-мов, Қалбингга қулоқ сол. *Хиёбонга қараб кетдик. Сув сепаб супурилган тоза йўлкалар-дан секж-секин юриб, анча кездик.* «Муштум». *Йўлканинг ўнг томони — мевазар, чап томо-ни — тоқзор: икки ишкомгина узум.* Ҳ. Ғу-лом, Бинафша атри.

ЙЎЛКИРА Йўл транспортдан фой-даланганлик учун тўланадиган ҳақ, йўл ҳақи, кира пули. *Усмонжон уни [пулни] йўлкира қилиб, уйига қуруқ кириб келди.* С. Зуннунова, Олов. *Холдор суҳбатдан секин сирғалиб чиқиб.. ҳукуматдан йўлкирага олган пулини яна санай бошлади.* А. Мух-тор, Туғилиш. *Фестивалга борадиганлар-дан йўлкира олинмайди, тушундингми, бо-лакай.* Газетадан.

ЙЎЛЛАМОҚ 1 Йўл кўрсатмоқ, йўл бошламоқ, йўналтирмақ. *Турдимат сел су-вини саккиз ариқ, икки каналга йўллади.* И. Раҳим, Ихлос. *Сидиқжон бўсагадан бир қадам ичкарида чўнқайди-да, болани ерга қўйиб, онасига йўллади.* А. Қаҳхор, Қўшчи-нор чироқлари. *Ичкарига олдин отани йўллашди, сўнгра ўзлари киришди.* С. Маҳка-мов, Шогирд.

2 Жўнатмоқ, юбормоқ. *Салом йўлламоқ. Дўстимга бир мактуб йўлладим.* **иш** *Бобурга совга-саломлар юбориб, унинг ихтиёрига бир неча юз навкар ҳам йўллабди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Жаҳаннамга йўлламоқ Ўлдирмоқ, жони-ни олмақ. *Уламо ҳазратлари, рухсат берса-лар, зумда жонини жаҳаннамга йўллар эдик.* Ойбек, Улуғ йўл. **Тўп йўлламоқ** Тўпни дар-возага киритмоқ. *Қулай имкониятдан тўпни дарвозага йўллай олмади.*

ЙЎЛЛАНМА 1 Бирор жойга (ишга, ўқишга, даволаниш ва ш. к. ларга) юбори-лувчи кишига бериладиган расмий гувоҳ-нома, ҳужжат. *Маҳаллий комитетда баҳаво жоилар учун йўлланмалар бор.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Эртаси кунни ёш*

ўқитувчилар маориф бўлимининг йўлланмаси билан бирин-кетин ҳар томонга тарқала бош-лади. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 махс. Транспорт ҳайдовчиларнинг марш-рути ва қилаётган иши ёзиб қўйиладиган алоҳида варақа. *Шофёрлар шаҳарни тозалаш учун йўлланма олишиди-ю, аслида ҳар ким ис-таган томонига қараб кетди.* Газетадан.

3 Йўл-йўриқ, кўрсатма.

Ҳаётга йўлланма *кт.* Мустақил иш қилиш учун имкон берувчи билим, малака ва ш. к. *...ҳаётга йўлланма олаётган шигитдир, қиз-дир олий машумотли бўлгиси келади.* Х. Тўхта-боев, Товламачи.

ЙЎЛЛАНМОҚ 1 Йўл олмоқ; йўналмоқ. *Ёш муллавачча таъзим билан ўрнидан туриб,*

Фуломжон ҳужрасига йўманди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Йўлламоқ фл. мажҳ. н.; жўнатилмоқ. юборилмоқ. *Марғишон ва ўзга шаҳарларнинг ишончли уламо ва бекларига мурожаатнома-лар йўлланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЙЎЛЛИ 1 Йўли бор, йўл туширилган. *..оқ йўлли кўйлак кийган Гавҳарни Маҳкам жуда узоқдан таниди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 кам қўлл. Ўринли, жўяли. *..уларнинг сўзи-дан иўлли, йўлсиз кулиб, баҳарҳол сир олишига тиришади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЙЎЛМА-ЙЎЛ 1 Хар бир сатри алоҳида, сатрма-сатр; бирор сатрини қолдирмай. *Йўлма-йўл таржима. Китобни йўлма-йўл ўқиб чиқмоқ.*

1 айн. йўл-йўлақай. Бўлган воқеаларни йўлма-йўл ҳикоя қилиб кетарди.

ЙЎЛОВЧИ 1 Йўлда кетаётган, ўтиб бо-раётган шахс. *Кўчаларда йўловчилар сийраклашиди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тоққа қарабкет-ган худди шу симёгочли йўлда бир пиёда йўлов-чи бормоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бирор транспортда кетаётган шахс; пассажир. *Автобус йўловчилар билан лиқ тўла эди. иши Бу ерда йўловчилар поезд жўнашига бир соат қолгунга қадар чамадонларини ту-затиб олишлари ва бошқа майда-чуйда иш-ларини бажаришлари мумкин.* Газетадан.

ЙЎЛОЁҚ эск. **1** Узоқ сафарга чиқиш му-носабати билан бериладиган зиёфат, ҳадя. *Йўлоёқ улашмоқ.*

2 с.т. Кузатиш, хайрлашиш олдидан ки-чик бир хурсандчилик қилиш, оз-оздан май ичиш.

ЙЎЛПАШША Халқ эътиқодига кўра, уйга меҳмон келишидан дарак берувчи кат-та кулранг пашша. *Уйда ногоҳ йўлпашша учса, Онам кутар, албатта, меҳмон.* Э. Во-хидов. *Хонага кириб қолган бир йўлпашша гир айланиб, самолётдек вагилларди.* Мирмуҳ-син, Нукра.

ЙЎЛСИЗ 1 Йўли йўқ, йўл тушмаган. *Улар деярли одам изини кўрмаган йўлсиз те-паликлар, ўнқир-чўнқир нотекис ерлар.. ора-лаб юришарди.* А. Ҳакимов, Илон изидан. *Йўллардан ўрмонга. ўрмондан ботқоққа, бот-қоқдан очиқ, йўлсиз далага.. ўтиб, узоқ юрди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 кам қўш. Ўринсиз, ножўя. *..уларнинг сўзи-аан йўлли, йўлсиз кулиб, баҳарҳол сир олишига тиришади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

327

ЙЎЛСИЗЛИК Йўл йўқҳолат. *Ёввойи чўл кечган кишигина жазирама қум саҳросининг машаққатли сафари, йўлсизлик азобларини тасаввур эта олади.* А. Ҳакимов, Илон изи-дан. *Отнинг тор кўчанинг шўхоятига етиб, йўлсизликдан тўхталганини англагач, 10та-бек] ўтган ишлардан ўзига ҳисоб бера бошла-ди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЙЎЛСОЗ Йўл қурилиши ишлари билан шуғулланувчи шахс, мутахассис. *Шукунларда бу йўлдан ўтиб қолсангиз, йўлсозларнинг кўча-га асфальт ётқизаётганлигининг шоҳиди бўласиз.* Газетадан.

ЙЎЛТЎСАР Йўловчиларни тўсиб, улар-ни талайдиган шахс; қароқчи. *Тог. Бу ерда йўлтўсарлар бор.* Ш. Тошматов, Эрк куши. *Олдимиздан йўлтўсарлар, ўғрилар.. чиқиб қолади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЙЎЛТЎСАРЛИК Йўлтўсарлар иши. *Қани энди, кўзимга ўша номард кўринса-ю, йўлтўсарлик қилиб мой чайнайдиган тишила-рини битта-битта сугуриб олсам, эҳ.* Ф. Сад-риддинов, Тундаги воқеа.

ЙЎЛЧИ 1 айн. **йўловчи.** *Якка йўлчи ман-зилга етолмасди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Қарайсан: йироқда бир йўлчи танҳо На орт-га бурилар, на чиқарар сас.* А. Орипов.

2 Йўл бошловчи. *Яёв йўлчи отликларни тўғри йўлдан эмас, аҳоли яшайдиган жойлар-ни четлаб.. адир ва тоғликлар оралаб бош-ларди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

3 айн. **йўлсоз.** *Айланма магистралнинг дар-по қилинишида тажрибали йўлчилар қаҳра-монона меҳнат қилдилар.* Газетадан.

4 Йўлчи (эркаклар исми).

Йўлчи юлдуз Йўл кўрсатувчи, раҳнамо. *[Ботирали] Менга янги ҳаёт йўлини кўрсат-ган йўлчи юлдузим эди.* Ҳ. Гулом, Машғал.

ЙЎНАЛИШ 1 Йўналмоқфл. ҳар. н.

2 махс. Бирор нарсанинг ҳаракатдаги йўли; траектория. *Тик йўналиши. Снаряднинг йўналиши. тт У \ Шаибонийхон] отларнинг чопқирини танлаб қўйган, бугун эса шамол-нинг йўналишинию, ернинг нишаблигини ҳам ҳисобга олган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Ҳаёт, фаолиятдаги муайян йўл. *Бу экс-педиция бир ёқдан Шералининг геологияда ўз ўрни, мавқеи, йўналишини белгилаб берган бўлса, иккинчи ёқдан катта-кичик олимлар диққатини жалб этди.* С. Кароматов, Ол-тин қум. *Баҳром билан дўстлашувим ҳаётимнинг бундан кейинги йўналишига катта таъ-сир ўтказди.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

4 Илм-фан ва б. соҳаларга хос оқим, уларнинг соҳаси, тармоғи. *Ҳозирги кунда илм-фаннинг бирор йўналишида етук мутахассис бўлиш учун фаннинг бошқа йўналишларини ҳам чуқур билиш керак.* Газетадан.

ЙЎНАЛМОҚ 1 Бирор томонга қараб йўл олмоқ; юрмоқ, жўнамоқ. *Йигит гапини ай-толмай, бўшашиб, эшик томонга йўналди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Аҳмад кеч қолаётган эди, шу-нинг учун.. яёв тепага йўналди.* Ф. Мусажо-нов, Ҳиммат.

2 кўчма Қарамоқ, қаратилмоқ. *Ҳамманинг диққати раисга йўналди.* Раис индамай, ба-майлихотир чой ичиб ўтирарди. Ҳ. Назир, Кўктерақ шабадаси.

ЙЎНАЛТИРМОҚ 1 Йўналмоқфл. орт. н. . *модшоҳ энг яқин беклари билан сойнинг на-рига четида туриб, қўшинни кўприкка то-мон йўналтирмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдуз-ли тунлар.

2 Иш-ҳаракат, фаолият ва ш.к. ни бирор томонга бурмоқ, қаратмоқ. *Десанпъирни яго-на мақсад йўлига йўналтириш керак эди.* «Ўзбекистон кўрикдари». Ёшларни касблар-га йўнатиришида, ўқувчиларнинг меҳнат тар-биясини ташкил этишида унинг [«Камолот» ёшлар ҳаракатининг/ роли ортиб бормоқда. Газетадан.

ЙЎНДИРМОҚ 1 Йўнмоқфл. орт. н. . *тоғ-дан йўндириб келиб ётқизган тошлар кўчаю бозор саҳнини лой-чангдан асрар эди.* Мир-муҳсин, Меъмор.

2 Топмоқ, ундирмоқ (йўқжойдан). *Тех-никани йўқ жойдан йўндирди.* «Саодат». *Борни тежаб, йўқни уўндириб, дам оч, дам чала қурсоқ бўлиб яшадик.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙЎНИҚ Йўниб маълум шаклга киритил-ган; йўнилган. *Йўниқ тош.*

ЙЎНМОҚ Бирор нарса яшаш, тўғрилаш мақсадида қирқмоқ, кесмоқ, тарашламоқ. *Полвон.. бир тошини танлаб олди-да, яхши-лаб артишига ва бир томонини йўнишига буюр-ди. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. Аваз узун бир ёғоч топиб, ўглига қармоқдаста йўниб кўйди. С. Сиёев, Аваз. Дадаси ҳўл қай-рагочни кўр аралаш кулга кўмиб, тўгин, эгар, кегай йўнар эди. А. Мухтор, Чинор. Матқовул қишида ҳам тинмади. Узича омоч йўнди, мола ясади.. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

ЙЎНҒИЧҚА Дуккакли ўсимликлар ои-ласига кирадиган, ем-хашак бўладиган ўтсимон ўсимлик; беда. *Йўнғичқа ўрмоқ. тт Яна шу ерни чопдик. Йўнғичқанинг илдизини су-гурдик. Ойдин, Гулсанам. Йўнғичқа ўроққа кеп қопти-кў? Ш. Холмирзаев, Арпали киши-лоғида.*

ЙЎНҒИЧҚАЗОР Йўнғичқа экилган майдон. *-Хув анави сой бўйидаги йўнғичқа-зорга [отни] олиб бор, — деди Зиёбек Кен-жага. Н. Фозилов, Оқим.*

ЙЎНҒИЧҚАГЮЯ шв. Йўнғичқазор. *Йўн-ғичқапоя пуштасидан юриб, айвонларига чиқиб борди. Ш. Холмирзаев, Арпали кишлоғида.*

ЙЎРГАК Чақалоқни ўрайдиган кичик чойшаб. *Болани доим озода, йўргакларини тоза, қуруқ тутиш керак. тт Чақалоқнинг оёғи 100 х 120 см ли йўргакка сиқмай ўрала-ди ва икки ойлик бўлгунча шу тарзда кийин-эпирилади. «Саломатлик».*

Йўргакда теккан (касал) Ёшлиқдан ўр-ганган, туғма одат. *-Бу [амални сушистеъ-мол қилиш] Тожибойнинг йўргакда гпеккан касали, — деди Абдурасул. П. Турсун, Ўқитувчи. -Зўравонлик немисга йўргакда теккан-га ўхшайди, — деди ямоқчи чол. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ЙЎРГАКБОҒ Йўргак устидан боғлана-диган боғ, тасма. *Меҳринисо шошиб, чақалоқни йўргаклар экан, ҳали йўргакбоғни ҳам боғламай туриб, эшикдан Зоҳида кириб кел-ди. Р. Файзий, Х^{азрат} инсон.*

ЙЎРГАКЛАМОҚ Йўргакка ўрамоқ. *Ча-қалоқши йўргакламоқ. тт Назаримда, қизим, сиз киндигингизни кесиб, йўргаклаганларни, опичиб катта қилганларни ҳам унутиб юборганга ўхшайсиз. Мирмуҳсин, Йўқол-ган жавоҳир.*

2 кўчма Ўраб-чирмамоқ (тарбия, улғай-тириш билан боғлиқ); қопламоқ. *Гўзал Тоттит, қулоқ сол меҳмонингга, Ишқимизни йўргакладжг, шод этдинг. Т. Тўла. Она ерял-пизларни митти япроқчаларга йўргаклади. «Саодат». Дилимда йўргакланган мисралар тилим учиди айланади. М. Қўшоқов, Олти қизнинг ичида.*

ЙЎРИҚ 1 Амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбир; йўл. *Ҳар ишининг ўз йўриги бор. тт Чигалларнинг ҳаммасини жума кунги кенгаш ечади. Ҳаммамизнинг ҳаёт-ма-мотимиз йўриги ўша кунга белгилаб берилади. Х- Ғулом, Машғал.*

2 Бирор масалада тутган мавқе, аҳами-ятни алоҳида қайд этади. *Онанжг йўриги бошқа экан: битта чақалоққа икки эркак бас келолмасдик. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Сиз-нжг йўригингиз бошқа, сизнинг соянгиздан ҳам ҳайиқишади. С. Нуров, Нарвон.*

Шу йўриқдан кам қўлл. Шу сабабли. *Шу йўриқдан мен нима юмуш билан келганимни айтишидан кўра, чолу кампирнинг ҳол-аҳво-лини сўрашни афзал кўрдим. «Муштум».*

ЙЎРИҚНОМА 1 Қонун ёки бошқа меъ-ёрий ҳужжатларни тушунтириш мақсадида чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжат. *Лавозим (мансаб) йўриқномаси.*

2 Бирор нарсани, унинг амалга ошириш, бажариш тартиби ва усулини белгиловчи қоидалар тўплами, кўрсатмалар. *Қонунни қўллаш ҳақида йўриқнома.*

ЙЎРМА Каштачилик (каштадўзлик)да занжирсимон чок. *Йўрма қилиб тикмоқ. тт Тикиши силлиқ эмас: Ўғирмаси — чакмага, Санамаси — йўрмага Кундош бўлиб тушган-дай. Ғ. Ғулом.*

ЙЎРМАДЎЗ Йўрма тикувчи мутахассис, чевар

ЙЎРМАДЎЗИ Йўрма усули билан ти-килган ёки гул солинган буюм. *Анорхоннинг устида қизил атлас кўйлак, бошида йўрма-дўзи дўпни. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.*

ЙЎРМАДЎЗЛИК Йўрма усулидаги чок билан бадий буюмлар ва кийимларга гул (нақш) тиқиш иши, касби. *Йўрмадўзлик билан шугулланмоқ.*

ЙЎРМАМОҚ *айн.* кўкламоқ 11.

ЙЎРТМАЧОҚ Йўртиб, сакраб юрадиган.

Йўртмачоқ бола Эндигина йўлга кирган, юра бошлаган бола.

ЙЎРТМОҚ Йирик қадам билан тез юр-моқ, елмоқ; лўкилламоқ (от ва эшак юри-ши ҳақида). *От бош силкиб.. йўртиб кетмоқ-да.* С. Аҳмад, Ҳукм.

ЙЎРТОҚ(И) Йирик қадам ташлаб, елиб юрадиган. *Йўртоқ йўрғага йўлдош бўлмас.* Мақол. *тт [Қорасоч] Ҳар қалай, йўрға тугул, йўртоқ бўлса ҳам, от миниб, дала кезишни ор этмас эди.* Т. Сулаймонов, Қорасоч.

ЙЎРҒА I 1 Майда қадам ташлаб, тез юрадиган (от, эшак ҳақида). *[Мингбоши] Энг яхши зар чопонини кийиб, тилла кама-рини боғлаб, узун қиличини осиб, саман йўрғани миниб, йўлга чиқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Гулноранинг дадаси қшигача миниб юра қол, деб йўрға эшагини берган.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Шундай тарздаги юриш. *..Жўра, буқай-ноқ ҳаётни кўрмагандай, кўчанинг бир чети-дан от йўрғасига маҳлиё бўлиб.. борарди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Якка отнинг йўрғасидан чиқарми чанг?Ў.* Фулом.

Йўрғаси чиқмоқ *айн.* **оёқ чиқармоқ қ. оёқ.** *Полвонга жир битувдики, йўрғаси чиқиб қол-ди..* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Йўрға чи-қармоқ айн. оёқ чиқармоқ қ. оёқ.** *[Ҳоҷсар:] Бу қора ер ютқурнинг йўрға чиқаришини етти ухлаб тушида ким кўрибди? Ҳамза, Паран-жи сирлари.*

ЙЎРҒА II Бешиқнинг бир текисда, осон тебраниши учун унинг орқа ва олд оёқлари остига кўндаланг ўрнатилган ёйсимон ёғоч мослама.

ЙЎРҒАЛАМОҚ I Йўрға юриш қилмоқ (от, эшак ҳақида). *Абдусамад амакининг орқасига мингашиб олдим. От йўрғалаб кетди.* М. Мансуров, Ёмби. *Тагимдаги қашқа дўнон бир меъёрда йўрғашиди.* М. Хайруллаев, Тил-ла маржон.

2 Умуман, майда ва тез қадам билан юрмоқ. *Бухгалтер сўридан тушиб, тўй бўлаётган ҳовли томон йўрғалади.* М. Ҳазратку-лов, Журъат. *Шундай йўғон бўлишига қарамай, беданадай йўрғалади.* А. Қахдор, Кўшчи-нор чироқлари.

3 кўчма Нарсанинг бирор сатҳ узра тез ҳаракатига нисбатан қўлланади. *Қалами йўрға-лаган сари, юмалоқ юзи хиёл ёришиб, қийиқ кўзлари пирпирар эди.* М. Осим, Сехрли сўз. *[Муниснинг] Оқ бармоқлари клавишлар усти-да йўрғалаб, унинг юрак сўзларини куйга кўчи-рар эди.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

4 Енгил ҳаракат, майда қадамлар билан ўйинга, рақсга тушмоқ. *Ўйинчи йигит четга чиқиши билан киприқларига сурма қўйган бир жувон ўртага чиқиб йўрғалай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Холмат:] Гўзалларнинг гўзсиш! Энди иккитагинқ хурсандчилик қила-миз-да. Бир йўрғалаб берасиз-да! \иша, Бой ила хизматчи.*

ЙЎСИН I 1 кам қўлл. Ҳолат, тарз. *Ша-карнинг йўсини ўзгармаган, унча-мунча гап, насиҳат бакор келмаслиги кўриниб турибди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

2 кўм. взф. Ўхшатиш, қиёс маъносини билдиради. *Отабекнинг Марғилонга бориб келиши шу йўсинда эди.* А. Кодирий, Ўтган кунлар. *Сўнгра \қизча\ ўз ишидан миннатдор йўсинда қора кўзларини атрофга бир жавдиратиб олди-да, тез чиқиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Шу йўсин қизлар ўзлари-нинг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқалишдилар.* А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

ЙЎСИН II Зах ерларда, тош, дарахтлар устида ўсадиган илдизсиз майда ўсимлик. мох. *Тош устини йўсин қоплабди.* *тт Челақни тўлдириб, қаддини ростлади.* Қум, сувдан йўсин, йодҳиди келарди. С. Нуоров, Нарвон.

ЙЎТАЛ I Нафас йўлининг касаллани-ши, қичиши туфайли хириллоқ ва шовқин аралаш ўқтин-ўқтин кучли зарб билан на-фас чиқариш. *Кузнинг ёқимсиз шамоли ўпка-*

ни қичитиб, йўтални қистатар.. эди. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. Домла йўталди ва йўталнинг зўридан қизариб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Шундай ҳодиса билан кечадиган ка-саллик. Йўтални даволамоқ. Йўталга қарши дори бермоқ.

3 Бирор нарсадан белги (хабар) бериш, унга ишора килиш мақсадида чиқариладиган шундай товуш. Бўтабой бу йўталнинг маъносига дарров тушунди.. деразадан таш-қарига қаради. А. Қахдор, Қўшчинор чироқ-лари.

4 кўчма Пора. Йўталсиз ҳеч ерда ишинг битмаса, Кўк қоғоз тутмасанг, кўролмасанг кун.. Э. Воҳидов.

ЙЎТАЛМОҚ Йўтал чиқармоқ (**йўтал** тўғри ва кўчма маънода. қ. **йўтал**). Мастон кўзини очиб яна юмди. Турғуной яна узоқ йўшалди; Мастон уйғонгандан кейин, унинг елкасига бошини қўйиб, яна йўталди.. А. Қа\хрр, Мастон. Мурод Мирзонинг одоб юзаси-дан йўталиб олгани эшитилди, сап ўтмай, унинггузун ва озгин қомати кўринди. Ш. Тош-матов, Эрк қуши.

ЙЎҶ 1 Мавжуд эмас; зид. **бор 1**. Ўзингда йўқ — оламда йўқ. Мақол. Бу атрофда бирон-та хонадон йўқ. **тм** Корхонада озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиувчи магазин йўқ. Газетадан. Одамзод шундайки, бор нарса аста-секин йўқолса ҳам, пайқайди, лекин йўқ нар-са аста-секин пайдо бўлса, пайқамайди. А. Қахдор, Асарлар.

2 Жавоб ичида келиб, инкор маъноси-ни ифодалайди; зид. **ха**. Сидиқжон бир сони-ни эгарга қўйиб, жувонга томон ўгирилиб

Ў²⁸⁴

ўтирди: -Бу ерлар ҳам Қўшчинорга қараш-лими?-Иўқ. А. Қахдор, Қўшчинор чироқла-ри. -Сиз ҳам қизиқсиз-да, Ҳожи хола. -Иўқ, қизиқ эмасман, тўғри гапни қиялман, Тўра-хон. М. Исмоилий, Фарғонат. о. -Биласизми, Йўлчи, кимни судрадингиз? -Иўқ, ким ўзи у и/я.?Ойбек, Танланган асарлар.

3 Гап олдидан келиб, олдинги гапда баён этилган фикрга эътирозни билдиради. Йўқ, сени шарманда деб шаъна эшишини хохла-майман. У. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Иўқ, жаноби бой, саводли билан саводсиз ҳеч маҳалда баб-баравар эмас. К. Яшин, Ҳамза. -Иўқ, йўқ, синглим, — ялинди Раҳим Саидов —Ўтинаман, ҳозир беринг. Жудаҳам зарур/Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

4 Бирор (ўйланган) нарсанинг ундай эмаслигини, юз бермаслигини билдиради. Олимжон ўн беш кунда қайтмоқчи эди. Бир ой ўтди — йўқ, икки ой ўтди — йўқ. На хат бор, на хабар. Ойбек, Танланган асарлар. Эртөөв Барно рози бўлиб қолмаса, деб бир сесканиб тушди, йўқ, қиз ноз билан бошини чайқади. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Ёлғиз қўйни ҳайдаш нуқул азоб. Бўйнидан сур-гайман — йўқ, думбасига арқон солиб тор-таман — йўқ. Ойбек, Танланган асарлар.

5 от взф. Камбағал, қашшок; ночор. Бор бўлсанг, кўролмайди; йўқ бўлсанг, беролмай-ди. Мақол. Борнинг иши фармон билан, йўқнинг иши армон билан. Мақол. **иши** -Ўлим — тўй эмас, борнинг пулини сочади, йўқнинг сирини очади, — деди кампир ўғлига. Э. Раи-мов, Ажаб қишлоқ.

6 Феълнинг инкор маъноли шаклини яшаш учун хизмат қилади. Анчадан бери кўрган-ним йўқ. Ўқшига бораётгани йўқ.

7 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган нарсага шахснинг уқуви, бардоши, хохи-ши йўқлигини билдиради. Лекин мен ҳам мақола ёзишига йўқман, биродар. А. Қахдор, Адабиёт муаллими. Шундай қилиб, Салим-хон Обидий касалга йўқроқ одам. Мирмух-син, Умид.

Баҳоси йўқ Белги, қимматни кучайти-риб ифодалайди; жуда яхши, бебаҳо. ..лекин \Ўрмонжон\ яхши одам, худога қараб айт-ганда, баҳоси йўқ одам. А. Қахдор, Қўшчи-нор чироқлари. **Гап йўқ** Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас; қойил, жуда соз. -Зиё-фат калай бўлди? -Эй, гап йўқ! **Гапда** (ёки **гап-сўзда**) **йўқ** Гапга чечан эмас, гапни

яхши уддалаб гапира олмайди. *Ҳозирги афтини кўрган киши уни \Рўзиматни\ гап-сўзда иўқ, ўзи тўнгина бир йигит гумон қилар эди.* А. Қахҳор, Кўшчинор чирокдари. **Жаҳонда йўқ** Яккаю ягоналикни таъкид билан ифодалай-ди. *Сўзлашдик, хотин, у киши сўзни айлан-тириб, сиздек бахтли ота жаҳонда йўқ, деди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Зарари йўқ** *Ҳеч нарса қилмайди, ҳечқиси йўқ. -Зарари йўқ,*

— *деди Каримий пешонасида тўзгиган сочла-рини бир бош силкиши билан оркага ташлаб.* Н. Аминов, Суварак. *-Ҳа шуми? — кулди Йўлчи.*

— *Зарари йўқ, жилдираб оқяпти-ку, опа, шу ҳам тошишми?* Ойбек, Танланган асарлар. **Инг йўқ, жинг йўқ** Индамай, ҳеч нарса де-май. *Қорни тўқ, эгни бутун бўлса бас. Инг йўқ, жинг йўқ ишлайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Иши йўқ** *Эътибор бермайди, қизиқмайди. Хоннинг ўлик-тирик билан иши йўқ эмиш. Жони ҳалак дейдилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *[Самоварчининг] Келган-кетганлар билан унчалик иши йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Йўқ бўлмоқ** *Кўздан ғойиб бўлмоқ; йўқолмоқ. Отаси Маҳмуд ака эса онаси ва-фот этгач, йўқ бўлиб кетди.* Газетадан. *Бир-дан бошим айланиб, аллақандай қоронғилик-да йўқ бўлиб кетдим.* Э. Раимов, Ажаб қиш-лок. **Йўқдеганда** *Энг ками, ками билан. Йўқ деганда беш кило келади.* **Йўқ демоқ** *Инкор этмоқ, рад этмоқ, эътироз билдирмоқ. -Йўқ десангиз, бой тилингизни кесармиди? — бўғи-либдеди Гулсумбиби.* Ойбек, Танланган асарлар. **Йўқердаги** *Ҳеч қаерда йўқ, умуман йўқ. ..йўқ ердаги зовгани бошимизга сотиб олдик, деб қилган ишига пушаимон бўлиб ётди.* «Ёд-гор». **Кун йўқ** *Кун бермайди, тинч қўймай-ди. Сизуида йўқ вақъиригизда Ҳамдамингиз дастидан менга кун йўқ.* А. Қахҳор, Асарлар. *Яккаҳўжалик бўлсанг, сенга кун йўқ, деб биз-ни колхозга киргани мажбур қилишди.* А. Қах-қор, Кўшчинор чирок^ари. **Кўнглида кири йўқ қ. кир. Кўргани** *(ёки кўрарга, кўришга) кўзи йўқ* *Жуда ҳам ёмон кўради, кўришни ҳам хоҳдамайди. Уларнинг мени кўргани кўзла-ри йўқ.* К. Яшин, Ҳамза. *Унинг [Каримович-нинг] кўрарга кўзи йўқ: ҳар бир йигинда асти-рантини чўқий бошларди.* Мирмуҳсин, Нук-ра. **Мазаси йўқ** 1) *кўнғилдагидек эмас, ду-руст эмас. Имтиҳон қилиб кўрдим — мазаси йўқ.* А. Қахҳор, Адабиёт муаллими; 2) *айн. тоби йўқ қ. тоб. Отлиққа йўқ* *Кам топилади-ган, ноёб, ҳамма ҳам етишавермайдиган*

285 ду^

нарса ҳақида. *Кишининг юрагини қон қилиб юборасан.. наинки мен асал олсам! Асал от-лиққа йўқ, хали биз ниёда-ку/А.* Қахҳор, Анор. **Саноғи** *(ёки сони) йўқ* *Жуда кўп. Кўрпа-тўшагини орқалаб, хор-зор юрган одамлар-нинг саноғи йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Эликбоши Ҳакимбойваччага:] Ўзри, мутта-ҳам, дайдиларнинг сони йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. **Суяги йўқ** *Жуда ёқтиради, жуда қойил кдлади. Қабиҳ ишларга суягингиз йўқ, мусаллас шарый дейсиз.* У. Исмоилов, Сай-ланма. **Тараф йўқ** *Тенглашадигани, етади-гани мавжуд эмас; тенглашиб бўлмайди. ..аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас. -Сизга тараф йўқ, тоға!* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Тоби йўқ** 1) *соғлиғи дуруст эмас; касал. Ака, нимага жим бўлиб кет-дингиз? Тобингиз йўқми? Озибсиз-а..* Ойбек, Танланган асарлар; 2) *хуши йўқ, ёқтир-майди. Наўқишга, на юмушга тоби йўқ.* «Гул-даста». *-Биламан, тушунаман, кишанга то-бинг йўқ, — деди-да, Қоратой кўзларши ай-ёрча қисиб давом этди..* Ойбек, Танланган асарлар. **Тутуриғи йўқ** *Бетайин, ўз гапига амал қилмайдиган. Шу одам ҳам тутуриғи йўқ, лайчадек сермулозимат бўлиб кетяпти.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ўзида йўқ** *Хурсанд (шод) ҳолатни кучайтиради. ..акажони келтирган жажжжи машиначани қизларга кўз-кўз қилиб, ўзида йўқ хурсанд.* Ҳ. Назир, Сўн-мас чакмоқлар. *-«Жаннат, жаннат» дейи-шади-ю, жаннат дегаштри Қорабулогимиз-дан яхшимикан?! — деди у ўзида иўқ қувониб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ҳе йўқ, бе йўқ** *Бирор нарса демай, ҳеч қандай гап-сўзсиз. Маҳшамда, ҳе йўқ, бе йўқ, ўғлим Абдуса-матни аскарликка мўлжаллаб қўйишибди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳечқиси йўқ қ. ҳечқиси.** *Беш-олти мингга*

куйибсан, ҳечқиси йўқ. Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Йўлчи пина-гини бузмай, одатда гапиргандай, деди: -Ҳеч-қиси йўқ; мўйсафид, бечора одам экан, дуо-сини олай дедим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ҳисоби йўқ** 1) сони (саноғи) йўқ, беҳисоб. *Мол-дунёсининг ҳисоби йўқ;* 2) илож-имкон йўқ. *Қайтай десам — қувади, ўтиб кетиш-нинг сира ҳисоби йўқ. Туриб қолдим.* А. Қа\ҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЙЎҚЛАМА 1 Кишиларнинг бор ёки йўқлигини билиш учун рўйхат бўйича уларнинг исм ва фамилиясини айтиб чақириш. *Йўқлама қилмоқ. тт Бир кун, жангдан чиқиб дам олаётган бир бўлинмага бориб қолдим, шу вақш роталарнинг бирида кечки йўқлама бўлаётган эди.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юл-дуз. *Муаллим йўқламани қилиб бўлгач: -Ўт-ган дарсда қайси мавзуну ўтган эдик? — деб сўрайди..* Х. Тўхтабоев. Ширин қовунлар мамлақати.

2 эск. Мактабда синф журнали. *Бунда \дарсда\ 6-8 бола баҳоланиб, уларнинг баҳо-си йўқламага ва кундаликка қўйилади.* И. Аб-дуллаев, Дарс юзасидан баҳони қандай қўйиш керак? *Ҳамшира эриниб, олдидаги йўқламага ўхшаган дафтарни очди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЙЎҚЛАМОҚ 1 Ҳол-аҳвол сўрагани бор-моқ ёки келмоқ. *Касални йўқлаб бормоқ. тт Сиздан умидим шумиди, улуг, наҳот ҳолинг не, деб бирор марта йўқлаб келмасангиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Раҳмат, Эътибор опа, шундан-шунга овора бўлиб йўқлабкелибсиз!\.* Ғулом, Машғал.

2 этн. Бирор муносабат билан муборакбод қилиб, совға олиб бормоқ. *Чақалоқни йўн\иб бормоқ. тт Юсуф амаки бот-бот келар, қизи қатори мени ҳам совғалар билан СтуКjiaб ту-рарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

3 Бирор нарса ёки кимсани истаб суриш-тирмоқ, ахтармоқ, сўрамоқ. *Мирзакаримбой шубҳа билан боқиб сўради: -Келинг, кимни йўқлаб келдингиз бу ерга?* Ойбек, Танланган асарлар. *Бек инқилоб бўлган йили Раҳим дом-лани йўқлаб, мачитга келганини.. эслади.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

4 Эсламоқ, ёдга олмақ. *Наманган шаҳри-дан кетсам, мени йўқлар кишим борму? Маш-раб. Биз уларни йўқласак, улар бизни эслай-дилар.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Келур охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши. Муқи-мий. -Катта қиз бўлиб юрибсизми?-Шукур.. Ҳозиргина йўқлабтурган эдик-а.* Н.Сафаров, Танланган асарлар.

Ўрни йўқланди Йўқлиги билиниб, сези-либ турди. *Элмурод Рашиднинг олдидан қайт-гач, ортиқча қайгурмаса ҳам, нима учундир уч-тўрт кундан кейин унинг ўрни йўқланди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ЙУҚЛАНДИ шв. айн. **йўқлов 2,3.**

ЙЎҚЛИК 1 Йўқ ҳолат, йўқ эканлик. *Шошма, даданг йўқлигида сен.. билан гаплашиб олай.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пирна-фас акангизнинг йўқлигини билдиришимаяпти.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 айн. **йўқчилик.** *Эзгинлик, хўрлик, йўқлик асаби бўш одамларда тажанглик тугдирар, муомалада пардани кўтарарди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *..йўғ\шк униўзидан кат-та таёқ судраб, қўй боқишга мажбур қилган эди.* Газетадан.

3 Ҳаёт, бирор нарса мавжуд бўлмаган макон, ҳолат. *Ҳамма нарсаунутилди, еру кўк, замину замон йўғ\шк қаърига бир лаҳзада синг-ди-кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Абас, йўқликлар-га кетди жаҳолат, Асримиз уфқида у мисли рўё.* А. Орипов.

4 флс. Мавжуд эмаслик; зид. **борлиқ. ИЎҚЛОВ 1** Йўқлаш иши, хатги-ҳаракати.

2 Маълум муносабат билан қутлаш ёки ҳол-аҳвол сўраш учун қариндош-уруғ, дўст-танишларнинг бир-бирлариникига бориши-дан иборат маросим, одат. *Яна битта зарур йўн\юв чиқиб қолди, хотин.* Ғайратий, Дов-дираш. *Бу хотин, қачон қарасам, тўёна, йўқлов ташвишида юради.* М. Алавия, Тўйла-римиз ҳақида.

3 этн. Шундай юришда (бориш-келиш-да) олиб бориладиган нарса (тугун, тоғора ва ш. к.). *Йўқлов тоғорасини кўтарган Сано-бархон билан отарчиар алақачон кўён бўлган эдилар.* Ғайратий, Довдираш.

4 этн. Марҳумларни эслаб айтиладиган (йиғланадиган) аза тўртликлари, шундай йиғи. *Бунга йиғи-йўқловлар ва мотам ёр-ёр-лари киради.* «УТА».

ЙУҚЛОВЧИ Йўқлаб борувчи шахс.

ЙЎҚОЛМОҚ Йўқлик касб этмоқ, мав-жудлиги барҳам топмоқ; йўқбўлмоқ. *Сай-ёрамизда қанча тоғлар йўқолиб, яна қанча янгилари пайдо бўлди.* «Фан ва турмуш». *Сув қуриб, Қўштегирмон алақачон йўқолиб кетган, оти қолган, холос.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Мавжуд жойини тарк этмоқ, йўқ бўлмоқ. *Уйда тутун йўқолган бўлса-да, ач-чиқ ҳид дарров унинг бурнига урилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Омоннинг юзидаги табас-сум йўқолди, ўйланиб, жиддий оҳангда гапирди.* С. Кароматов, Олтин кум.

3 Кўздан йўқ бўлмоқ, кўринмайдиган ҳолат касб этмоқ; йўқбўлмоқ. *Аргимчоқ уч-гандай, болалар сувда баланд-паст бўлиб, гоҳ йўқолиб, гоҳ кўриниб, орқага қайтишарди.* Х. Назир, Ёнар дарё. *Крра Аҳмад бир ҳужрага кириб, узоқ вақт йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Бор-йўқлиги, кимда, қаердалиги но-маълум ҳолат касб этмоқ; йўқ бўлмоқ. *От йўқолди. Пул йўқолди. Йўқолган тичоқнинг сопи олтин.* Мақол. **тм** *Қизим йўқолди. Қаёққа учди, билмайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 с.т. Кетмоқ. *Ҳартугул, бу кун уйига йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЙЎҚОТИШ 1 **Йўқотмоқ** фл. ҳар. н. *Ёв-войи ўтларни йўқотиши.* *Имкониятни йўқотиши.* **тм** *Уламоларимизда ҳам айб кўп, бидъ-ат ишларни йўқотиши ўрнига, уларни ҳимоя қиладилар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Иш-даги камчилик ва нуқсонларни аниқлаш ҳамда йўқотиши..* Газетадан.

2 Тегишли ва муҳим (зарур) нарса ёки кимсасидан айрилиш. *Яхши одам қишлоқдан кетса, катта йўқотиши ҳисобланади.* Газе-тадан. *Саодат.. бу — бошланиши эканлигини, бундан-да оғирроқ.. йўқотишлар юз бериши-ни ҳали бишасди.* «Ёшлик». *Бу жудодликлар, йўқотишлар Холматжон қалбида ҳеч ўчмас доғ, армону афсус бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

ЙЎҚОТМОҚ 1 Йўқ қилмоқ. *Буларни тағ-туғи билан йўқотмагунимизча, бизга тинч-лик йўқ.* Ойбек, Улуғ йўл.

2 Муайян мақсадга монелик қиладиган тўсиқни олиб ташламоқ; барҳам бермоқ. *Саводсизликни йўқотмоқ.* **тм** .. *турмушимиз-да бир қадар ислоҳ юзага чиқсин, бемаъни ишларни йўқотайлик..* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ихтиёрсиз ҳолда тегишли нарсасини йўқ қилмоқ, назар-эътиборидан қочирмоқ. *Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.* Мақол. **тм** ..*устод Қавом, Нажмиддин кетганидан сўнг, кўнгли бўм-бўш бўлиб қолиб, бир нима-сини йўқотган одамдек гангиб юрди.* Мир-муҳсин, Меъмор.

4 кўчма Ажралмоқ, маҳрум бўлмоқ; ай-рилмоқ, жудо бўлмоқ. *Гуландом ёлғиз гўзал-гина эмас, балки ақли ва инсоний гурурини ҳали жилла йўқотмаган хотин каби туюлди.* Ой-бек, Танланган асарлар. *Жангда ўз сафдош-ларидан бир нечтасини йўқотди.* Газетадан.

5 Кучдан қолмоқ, йўққа чиқмоқ. *Қонун-нинг 26-моддаси ўз кучини йўқотган, деб ҳиеоблансин.*

Ақлини (ёки эсини, ҳушини, эс-хушини) йўқотмоқ Тўғри фикрлаш, англаш ҳолати-ни йўқотмоқ, гангиб қолмоқ. *Темиржон эса қадаҳуриштириши у ёқда турсин, ақлини йўқо-тиб, нима бўлаётганига ҳам тушунмас, хо-муш ўтирарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

-Вой, зсим курсин, сизларни кўриб, эсимниҳам йўқотиб қўйдим, — деди онаси ташқарига интилиб. М. Исмоилий, Фарғонат.о. Бирлаҳ-за эс-ҳушини йўқотиб, зсанкираб турди-да, кейин.. К. Яшин, Ҳамза. **Гапини** (ёки сўзи-ни) йўқотмоқ Гап-сўздан адашмоқ, нима гапиришни билмай қолмоқ. *Йигит гапини йўқотиб чайналди. Қизга, ялингандек, жав-дираб қаради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Нотиқ.. «тўсатдан қаттиқроқ танқид қилдим, ше-килли» деган андишага бориб, сўзини йўқо-тиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Нотиқ. **Узини йўқот-моқ** Бирор иш-ҳаракат, гап-сўз ва ш.к. да меъёрий ҳолатини йўқотмоқ, гангиб, эсан-кираб қолмоқ. *Ўзларини йўқотиб қўйган дуо-хон-доялар бу салобатли кишини кўриб, тур-ган жойларида қотиб қолдилар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. *Қасам руҳи бишин гайрат-ланиб келган йигит бу ердаги аҳволни кўриб, ўзини йўқотиб қўйди.* А. Мухтор, Қорақал-поқ киссаси.

ЙЎҚСА шв.. Акс ҳолда, бўлмаса. *Тезроқ юринг, йўқса, кечикиб қоламиз.* **тм** *Ўқиб бе-раман, рози бўлсангиз — шундай, йўқса, ас-лича босилар.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ҳиндисшонга қўшни ва дарвоза бўлган мустамлакадаги си-ёсатга тўқис-туғал обрў таъмин этилган бўлиши керак.* *Йўқса, натижа ёмон.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЙЎҚСИЛ эск. Камбағал, қашшок; муҳ-тож. *Аммо жафо чекар бахт деб зарбдаги Ишисизлар, гадолар, йўқсиллар, хорлар.* Уйғун. *Меҳнатдан бошқа ҳеч нарсани билмаган бу йўқсил йигитнинг қандай зўр талаблари бўлар эди дейсиз.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

ЙЎҚЧА шв. Ниҳоятда кам, жуда оз; озги-на, йўқдек. *Йўқча гуруч ош бўлур, мехмон кўнгли хуш бўлур.* Мақол. **тм** *Йўқча майиз тополмай, Куёв қочди, ёр-ёр.* «Оқ олма, қизил олма».

ЙЎҚЧИ шв. фольк. Йўқловчи, сўровчи, қидириб изловчи. *Дарвозага келиб турган ёш ўғлон, Йўқчимисан, йўқлаганинг бормиди? «Тоҳир ва Зухра».* *Шу галага бизнинг бир моя келган, Моянинг йўқчиси, нори бўламан.* «Ал-помиш».

ЙЎҚЧИЛИК Иқтисодий танқислик, етишмовчилик; камбағаллик, муҳтожлик. *Унинг бутун гавдасида оғир машаққат, из-тироб, йўқчилик ва бошқа кулфатлар билан тўла бир умрнинг изларини жуда яққол кўриши мумкин эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эл-юрт бошига тушган даҳшати уруш туфайли йўқчиликка бардош бераётган қанчадан-қанча халқ катори чидам билан ишларди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

ЙЎҒИРМОҚ шв. Аралаштирмоқ, кўш-моқ. *Ёлгонни ҳам ботаяпти: чин ақидаларга йўғириб гапирётгани учун сўзлари ишонарли чиқяпти.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Кул-мурод бир оз еуе ва сут қуйиб, устига халта-даги ундан тўрт-беш қўш ҳовуч солиб йўғира бошлади.* С. Айний, Куллар.

ЙЎҒОН 1 Кўндаланг кесими катта. *Йўғон терак. Йўғон арқон. Йўғон ичак. Йўғон чўзи-лади, ингичка узилади.* Мақол. **тм** *У айвон-нинг йўғон устунига тикилиб турарди..* У. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Шербек, йўғон бир жуфт қамчидай сочи тақимига тушган Нигора.. кўздан гойиб бўлгунча, алам ичида тикилиб турди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Дўриллаган (овоз ҳақида). *Унинг эгаси Маликахон баланд бўйли, овози ҳам эркакларнинг овозидек йўғон, сатангамо хотин эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Буни билмаган, балки билгиси ҳам келмаган Кулмат қора эса, гўр ичидан гапиргандай, паст ва йўғон овоз би-лан давом этди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

3 кўчма Шакл, миқдор ва б. жихатлар-дан кагга; салмоқди, салобатли. *Йўғон одам.* **тм** *Ўликни кўмиб келиш қийин эмас, лекин йўғон чиқимлари кейин чиқади, биласанлар.* Ойбек, Танланган асарлар. [Комил:] *Э, ҳали кўп беллашамиз. Ишининг йўғонлари энди чи-қадиганга ўхшайди.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи.

ЙЎҒОНЛАШМОҚ Йўғон бўла бормоқ. *Овози йўғонлашмоқ. Ниҳолнинг танаси йўғон-лашди.* **тм** *Муҳаммадражаб семирган, йўғон-лашган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

ЙЎҒОНЛИК Кўндаланг кесим даража-си, катталиқ. *Йўғонлиги бир метр келадиган чинор.* **тм** \ Йўлчининг] *Икки қоши ўртасидан бир томонга кирган томири ўрта*

бармоқ йўгонлигида бўртиб чиқди. Ойбек, Танлан-ган асарлар. *Шу вақт нарироқдаги беи қулоч-ча йўгонликда бўлган азим қайрағочда чум-чуқлар қулоқни битиргудай қаттиқ чирқил-лашиб қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

ЙУҒРИЛМОҚ 1 Йўғирмоқ фл. мажх. н. *Сутга йўғрилган қулча.*

2 Қўшилиб, аралашиб кетмоқ; мужас-самланмоқ. *Уларнинг[Аброр бишин Чиннихоннинг/ муҳаббати соф дўстона ҳурмат туйғу-лари билан йўғрилган эди.* П. Қодиров, Қалб-даги кўёш.

КАБАРДИН 1 Кабарда-Балқариянинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқнинг номи. *Кабардин халқи.* қ. **кабардинлар.**

2 Шу халққа мансуб, тегишли, оид. *Ка-бардин тили. Кабардин аёл.*

КАБАРДИНЛАР Кабарда-Балқария-нинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

КАБАРЕ \фр. cabaret — ковокхона] Эст-рада томошалари (ракс, кўшиқ, мусиқа) бўлган қаҳвахона ёки ресторан.

КАБЕЛСОЗ Кабель ишлаб чиқарувчи ишчи, мутахассис.

КАБЕЛСОЗЛИК Кабель ишлаб чиқа-риш; ишлаб чиқаришнинг шу соҳаси.

КАБЕЛЧИ Кабель ишлаб чиқарувчи ёки кабель ўтказувчи ишчи.

КАБЕЛЧИЛИК Кабелчи иши, касби. *Кабелчилик.. касблар орасида алоҳида фахр билан тилга олинади.* Газетадан.

КАБЕЛЬ \голл. kabel — лангар аркони] Ер остидан электр, телефон, радио тармоқларини ўтказиш учун ишлатиладиган, усти герметик ҳимояланган симлар ўрами. *Гуттаперчадан айниқса сув ости кабеллари учун изоляция материали сифатида кенг фойда-ланилади.* «Фан ва турмуш». *Ўзгармас ток воситасида кабеллар орқали электр энерги-яси ўтказиш масаласи ҳам ҳал бўлган.* «Янги техника».

КАБИ қўм. Ўхшатиш, мослик ёки қиёс-ни билдиради: сингари. *Уҳам сен каби серзавқ.* **итт** *Бахтли онлар умр тунида юлдуз-лар каби чақнайди..* Ойбек, Танланган асарлар. *Ушунча йиллардан бери гўдак каби аяси-нинг паноҳида ухитб ётган экан.* Ў. Ҳоши-мов, Қалбингта қулоқ, сол. *Энди дераза ортидаги тол новдалари назарида қудратли чинор каби тебраниб турарди.* С. Карома-тов, Олтин кум.

КАБИНА \фр. cabine| Бирор ишни ба-жариш учун махсус жиҳозланган кичкина хона, бўлма (мас, машиналарда унинг бош-қарув механизмлари ўрнатилган ва бошқарувчиси ўтирадиган бўлмаси). *Хотини бола-си билан кабинада — шофёр ёнида.* С. Аҳмад, Уфк., *Учувчи кабинанинг эҳтиёт туйнугини очиб, ўзини самолётдан ташлади.* «Шарқ юлдузи». *«Мегалифтёр»да иккита қанот, тўртта реактив двигатель ва учувчилар ка-бинаси бор.* «Фан ва турмуш».

КАБИНЕТ \фр. cabinet] **1** Иш учун аж-ратилган махсус хона. *Олимнинг кабинети.* **итт** *Саттор Усмонов, ёш болани етаклаган-дек, Ёқубжонни.. бош инженер кабинетига бошлаб кирди.* Н. Сафаров, Чўл лочини. *Бу йил завод касаба уюшмаси комитети каби-нети тўла ремонтдан чиқарилди.* Газетадан.

2 Корхона, муассаса ва ш. к. да масъул лавозимли раҳбар ўз вазифасини бажарадиган хона. *Муроджон Тожибоевнинг ҳаша-матли кабинетию олиб юрадиган машинаси йўқ.* Газетадан. *Раис стол орқасидан чиқди, кабинет эшиги олдидаги бўш жойда қўлла-рини орқасига қишиб, у ёққа-бу ёққа юра бош-лади.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Муассаса, корхона ва б. ларда илмий, амалий ва ш. к. ишларни олиб бориш, ўтказиш учун жиҳозланган, мосланган ва хос-ланган хона. *Ўқув кабинети. Рентген кабинети.* **итт** *Замонавий мураккаб асбоб-уску-налар, ўқув қуроллари билан жиҳозланган кабинетлар.. бўлажак мутахассислар ихтиёрида.* Газетадан. *Биринчи марта аллергия билан касалланган бемор дарҳол аллерголо-гик кабинетга мурожаат қилиши керак.* «Фан ва турмуш».

4 Баъзи давлатларда министрлар (вазир-лар) ҳайъати, ҳукумат таркиби; ҳукумат. *Министрлар кабинети. Кабинетни тарқа-тиб юбормоқ.*

КАБИР [а. — катта, буюк] **1** эск. кт. Катта, улуғ. *Мушитларинг оғрийди чўнтақларингда: сен ҳамон кичиксан, бу олам — кабир.* Ш. Раҳмон. *Ёлгон гапирмоқлик — гуноҳи кабир!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Саҳройи Кабир геогр. Шимолий Африкадаги куруқ иклимли жуда катга ер, даш-ти биёбон, бепоён сахро.

2 Етимлик ёшидан ўтган, балоғатга ет-ган, улғайган. *Сағири бўлсин ул хоҳи каби-ри, чуқур фикри ҳамиша дастғири.* Ҳабибий.

3 Кабир (эркаклар исми).

КАБИСА [а. * ■■■: < — тақвимни тузатиш]: **кабиса йили** Тўрт йилда бир келадиган, 366 кунлик йил (бундай йилда февраль ойи 28 эмас, 29 кун бўлади).

КАБК \ф. ■ < < — каклик] эск. поэт. айн. **каклик.** *Кабк ила товусни рафторингга мин-қод айладинг.* Муқимий.

КАБОБ [ф. vWi- — кўрада пиширил-ган гўшт] Асосан, гўштни сихга тортиб, кўрага териб, чўғ дамида пишириладиган, шунингдек, тандирда ёки қозонда ҳам тайёрланадиган таом. *Жигар кабоб. Лўла кабоб. Қийма кабоб. Тандир кабоб. Қозон кабоб. шш Тоғдан ҳайдаб тушилган қўйлар сўйилди, кабоб кўраларида арчанинг пистоқи кўмири чўғлатилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Рашид икки қулча нон орасига олинган кабобнинг сихи бандини Муҳаррамга тўзғилади.* Шухрат. Шинел-ли йиллар.

Бағри (ёки юраги, дили, жигари, кўкси) **кабоб бўлмоқ** Каттиқ куйинмоқ, руҳий азоб торғмоқ. *Дили кабоб бўлган Полвон бу йигит воқеасини тўлароқ билмоқчи эди.* Ж. Шари-пов. Хоразм. **Кабоб бўлмоқ** Иссиқдан ни-ҳоятда қийналмоқ, «куйиб-ёнмоқ». *Исит-ма ичида кабоб бўлиб, ҳаллослаб ётган Қул-муҳаммад оинасига бақрайиб қараб колди.* Мирмуҳсин, Чўри. *Тошкентнинг иссиқ қўча-ларида бир киши кабоб бўлиб юрибди, у — Умид.* Мирмуҳсин, Умид. **Сих ҳам куйма-син, кабоб ҳам. қ. сих.**

КАБОБПАЗ \ф. i^L^S - кабоб пиши-рувчи] Кабоб пиширувчи ва кабоб сотувчи. *Кабобпазнинг елтигичи мовий дудлар билан ёқимли ҳид таратади.* **ЛУ.** Тошматов, Эрк қуши. *-Пули борга кабоб, пули йўққа дуди кабоб, кеп қолинг! — қичқирди кабобпаз.* К. Яшин, Ҳамза.

КАБОБПАЗЛИК 1 Кабобпаз иши, кас-би. *Кабобпазлик қилмоқ.*

2 Кабоблар тайёрлаб сотиладиган жой; кабобхона. *Кабобпазликда ишламоқ. Кабоб-пазликка бормоқ.*

КАБОБХОНА Кабоб пишириб сотила-диган жой, дўкон. *Шаҳарнинг сўлим бир жойида кабобхона бор экан.* У. Умарбеков, Одам бўлиш қийин.

КАБОБХЎР \ф. jj^i^ - кабоб еюв-чи] Кабоб еювчи, кабобни яхши кўради-ган ва ейдиган. *Бир кабобпаз бор-у, кабоб-хўрдан дарак йўқ.* И. Ра\им, Такдир.

КАБОБХЎРЛИК Биргаликда, одатда махсус ташкил этиб кабоб ейиш. *Атайин кабобхўрликка келганмиз-а, укам! «Гулдас-та».*

КАБОБЧИ айн. **кабобпаз.** *Кабобчи улар-дан наридаги столда ўтирганлар билан гап-лашиб қайтди.* «Гулдаста».

КАБОТАЖ [фр. sabotage] Бир мамлакат-даги портлар ўртасида юк ва пассажирлар-ни денгиз транспорти (кема)да ташиш.

Катта каботаж Турли денгизлардаги портлар ўртасида шундай кема қатнови. **Кичик каботаж** Бир денгиз портлари ўрта-сида шундай кема қатнови.

КАБУТАР [ф. — каптар] кт. айн.

каптар. *Кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб кўниб.. ўйнашар эди.* Ойбек, Навоий.

КАВАК \ф. ^IjIS — ичи бўш, ўйик, ичи тешик] **1** Чирпиш, нураш ва ш. к. натижаси-да бирор нарсада ҳрсил бўлган чуқурча, бўшлиқ. *Дарахт қаваги. Тиш қаваги. Қояо-ги қаваклар.* **тт** .. биз уларни, қайси тоғ-тош қавагига беркинса ҳам топиб, Сотиболдин-нинг ўчини олмай қўймаймиз. П. Турсун, Ўқитувчи. *Умурзоқ ота қавак толга қоқил-ган*

михларга осиглиқ қармоқларни олиб, кўздан кечираркан.. мийиғида жилмайиб қўйди. Ҳ. Гулом, Машғал.

2 Умуман, бирор нарса ичидаги табиий бўшлиқ. *Қамиш қаваги. Суюк қаваги.*

3 с. т. Ин, уя. *Сичқон қаваги. Чумчуқ қаваги.*

19—Ўзбек тилининг изо\ли луғати

Ў²⁹⁰

4 кўчма Пана, яширин жой, ўрин. *Бўрон-бек дом-дараксиз кетди. Яна бирор қавакда ётган бўлса керак-а, Мулла Мирҳосил? Ҳ. Гулом, Машғал. Уни йўқ қилиб, ўзинг қайси қавакка беркинасан!? W. Турсун, Ўқитувчи. «Навбаҳор» чойхонаси қавакларига эса 672 килограмм гўшт, 124 килограмм колбаса.. яшириб қўйилган экан. Газетадан.*

КАВАКЛАМОҚ кам қўлл. Кавак ҳосил қилмоқ, ўймоқ. *Кетай энди, кетиб обрўларим халқ ичра тобора, Каваклар жисму МО-НУМ, бағрим парвардалар қидинг. «Муштум».*

КАВАЛЕР I \фр. cavalier — отлик| Орлеи билан мукофотланган киши; нишондор. *«Мустақиллик» ордени кавалери. «Меҳнат шуҳрати» орденининг кавалери.*

КАВАЛЕР II [фр. cavalier < итал. cavaliere] с. т. Бирор аёл билан бирга бўлиб, суҳбатлашиб юрувчи, кузатиб бо-рувчи ёки бирга ўйинга, рақсга тушувчи эркек. |Қиз:\ -Сизмаданиятсиз кавалер экан-сиз-ку, — деб ҳазиллашди-да, қўлтиқлаб ол-моқчи бўлди. О. Ёкубов, Тилла узук.

КАВАЛЕРИСТ Кавалерияда хизмат қилувчи ҳарбий; отлик аскар. *Армияда кавалерист бўлиб хизмат қилмоқ.*

КАВАЛЕРИЯ [фр. cavalerie] Отлик қўшин. *Кавалерия полки. тт Жўрақул Самарқанд шаҳрида жойлашган кавалерия қис-мидаги бўлинмаларнинг бирига командир қилиб тайинланди. Назармат, Жўрлар ба-ланд сайрайди.*

КАВАР \ф. _ , \ — ковул, кавар| Ер бағирлаб ўсадиган жануб ўсимлиги ва унинг қовунга ўхшаш чўзинчоқ майда меваси.

КАВЕРИА \лот. cavata — ғор; бўшлиқ| тиб. Бирор аъзонинг, хусусан, ўпка тўқима-сининг бузилиши, ўлиши натижасида пай-до бўлган қавак, бўшлиқ. *Ўпка қавернаси.*

КАВКАБ \а. √£ — юлдуз] эск. поэт. айн. **юлдуз 1.** *Ҳуснинг тажаллисидин бетоб моҳрўлар, Андоққи зоҳир ўлмас хуришид, чиқ-са кавкаб. Нодира.*

КАВОБ с. т. Кабоб.

КАВОБЧИ с. т. Кабобчи.

КАВРАК Уруғидан кўпаядиган кўп йил-лик ўсимлик. *Бу ерда бултурдан қолган кав-рак, қуриган бодомча, тагин аллақандай тиканлармўл эди. Ш. Холмирзаев, Сайлан-ма. Каврак, уруғидан яхши кўкарадиган кўп йиллик ўсишик бўлиб, бўйи 1 метрга етади. «Фан ва турмуш». Қарши чўли кўкламда жуда серўт бўлади, унда «каврак» деб аталувчи, кишининг иштаҳасини очадиган ўтлар ўса-ди.. О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи.*

КАВСАР \а. ji- сероб, мўл; жан-натдаги дарё номи| Ислом дини эътиқоди-га кўра жаннатдаги гаройиб дарё ёки ховуз-нинг номи. *Баъзи ривояшарга қараганда, фаришталар жаннатдаги кавсар сувидан.. қум-гонларимизга қуйибкетар эмиш. М. Муҳам-маджонов, Турмуш уринишлари. Ҳиротлик-лар ўз шаҳарлари билан фахрланар, унинг тупроғини олтинга, боғларини жаннатга, сувларини кавсарга ўхшатар эдилар. Ойбек, Навоий.*

Ҳавзи кавсар айт. кавсар.

КАВУШ \ф. j, — оёқ кийими, бош-моқ] Чармдан тикилган ва одатда маҳси билан кийиладиган оёқ кийими. *Заифона кавуш. Бачкац! кавуш. тт Отабек кавуши-ни даҳлизга ечди-да, уй бўйига бир-икки қай-та юрди ва энтиқиб нафас олди. А. Қодир-ий, Ўтган кунлар.*

Кавуши тўғри бўлмоқ Қувилмоқ, ҳайдал-моқ. **Кавушим кўчада қолгани йўқ айн.** оёғим кўчада қолгани йўқ қ. **кўча.** Чорламаган жойга бориш учун сенинг кавушинг кўчада қолган эмас. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ка-вушинг тўғри** Жўнай бер, йўқол. **Кавушини тўғрилаб қўймоқ** Бировни ҳайдаб юбормоқ, қувиб юбормоқ. «Йўқол, кўзимга кўринма!» деб, шу заҳотиёқ кавушини тўғрилаб қўиш-шимумкин. А. Мухтор, Тугилиш.

КАВУШАНДОЗ [ф. -J^JUS - кавуш ечувчи] Уйнинг оёқ кийими ечиб қўйилади-ган махсус ери; дахлиз. *Домулла гулдураб, бир нави дуо қилди-да, кавушандозга тушиб, каллишини аввал пойма-пой кийиб, букчайиб, бош-қатдан тўғрилаб олди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

КАВУШДЎЗ |0. jjA.i, i<. - кавуш ти-кувчи; этикдўз] Кавуш тикадиган косиб. *Ка-вушдўзга шогирд тушмоқ. Кавушдўзга кавуш тиктирмоқ. иж Калиш кавушдўз косиблар-нинг ва вофурушларнинг бозорини касод қил-ган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАВУШДЎЗЛИК Кавушдўз касби. *Ка-вушдўзлик қилмоқ. Кавушдўзликни ўрганмоқ. ти Бирон касб-ҳунар билан.. кулолчилик ёки.. кавушдўзлик билан машғул бўлувчилар ҳам анчагина.* Ойбек, Навоий.

КАВУШЧАН Яланг оёққа фақат кавуш-нинг ўзини кийган. *Кавушчан киши. Кавушчан юрмоқ.*

КАВШ: **кавш қайтарувчилар** Чайнаб ютилган овқатни оғзига қайтариб чиқариб, қайта кавшовчи ҳайвонлар. **Кавш қайтар-моқ** Чайнаб ютилганни оғзига қайтариб чиқариб, қайта кавшамоқ. *Тирсиллаган қўй-қўзилар кунни билан қоринларига йиққан овқатларини, бамайлихотир ётиб, кавш қай-тараётгандир.* С. Анорбоев, Оксой.

КАВШАМОҚ 1 Овоз чиқариб чайна-моқ, емоқ(ҳайвон ҳақида). *Фақат.. отлар-нинг беда кавшаб, депсингани эшитилади.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

2 дағл. Чайнамоқ, емоқ (одам ҳақида). *Матқовул.. ноннинг катта бир бўлагини синдириб, оғзига солди-да, суҳбат охиригача шуни кавшади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Элмурод ўйчан бир ҳолда нон кавшаб, чой ичар экан, Ойимхон.. янгиликлар тўғрисида унга маълумот берди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАВШАР \ф. j. ,м<, <. — металлларни пай-вандлашда ишлатиладиган модда; танакор] **1** *тех.* Металл буюм, деталь ва ш. к. ни бир-бирига улаш учун эритиб ишлатиладиган металл ёки қотишма. *Кавшар қилмоқ.*

2 *кўчма* Гап, суҳбатни бир-бирига улаш, уни давом эттириш учун сабаб, восита. *Мақол*

— *гапнинг кавшари. тт* Ҳаммамиз ўтирибмиз, қани энди, биронтамиздан садо чиқса!.. *Хайри-ят, ҳалиги қиз бор экан — гапга кавшар бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАВШАРЛАГИЧ Кавшарлайдиган ас-боб. *Кавшарлагични қиздирмоқ. Электр кавшарлагич.*

КАВШАРЛАМОҚ Металлларни ёки бошқа қаттиқ материалларни кавшар би-лан бир-бирига уламоқ, кавшар қилмоқ. *Самоварнинг ўтхонасини кавшарламоқ.*

КАВШОВЧИ 1 Кавшамоқ фл. сфдш.

2 Кавш қайтарувчи (ҳайвонлар ҳақида).

КАГОР \фр. Саoure — Каор (Кагор) шахри номидан] Қизил рангли узум навларидан тайёрланадиган ширин вино тури.

КАДАР \а. — хиралик, лойқалик; ғам, ғусса] *эск. кт.* Мунг, махзунлик; хафалик, ғашлик. *Оти шароб, ўзи заҳар, Менда йўқдир ҳеч бир кадар.* Ислом шоир. *Қалбимда на се-винч, на кадар.* Миртемир. *Бу кадар — енг-моққа яна етади ҳам ортар бардошинг.* Ш. Раҳмон.

КАДАСТР \фр. cadastre < юн. katastichon

— варақ, рўйхат] **1** Муайян объектлар ҳақидаги аниқ ва тартиблаштирилган ахборотлар мажмуи, рўйхати. *Ер кадастри. Сув кадастри. тт Ер кадастри қишлоқ хўжалик маҳсулоғлари етиштиришини ва тайёрлаш-ни тагин ҳам аниқроқ режалаштиришга.. ёрдам беради.* Газетадан.

2 Жон бошига солиққа тортиладиган шахслар рўйхати.

3 Объектларнинг баҳоси ва ўртача да-ромади ҳақидаги, солиққа тортиш учун фойдаланиладиган маълумотлар.

КАДЕТ I [фр. cadet — кичик, ёш] *тар.* Чор Россиясида кадет корпуси — дворянларнинг болалари учун мўлжалланган ёпик, қарбий ўқув муассасасининг ўқувчиси.

КАДЕТ II [р. «конституцион демократ-(лар)» бирикмасининг бош ҳарфларидан] 1905 йилда ташкил топган, конституцион-демократик партия деб аталувчи партия-нинг аъзоси.

КАДИ \ф. жл^ - қовоқ] *шв.* Қовоқ, ошқо-воқ; уларнинг гўстлоқ қисмидан тайёрланган идиш. *Сув кади. Қимиз кади. тт Бўрининг онаси кадини чуқурчага яхишаб жойлашти-риб қўйди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

КАДМИЙ [лот. cadmium < юн. kadmeia

— рух рудаси] Менделеев даврий система-сининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушсимон оқ юмшоқ металл.

КАДР I [фр. cadre — ром < лот. quadrum

— тўрт бурчаклик] **1** Киноплёнка ёки фо-топлёнкадаги алоҳида-алоҳида суратлардан бири; битта сурат, якка расм. *Кунлар кино лентасининг кадрлари сингари бир-биридан фарқсиз, аммо ҳаётда янгидан-янги манза-ралар вужудга келтириб ўтар эди.* А. Қа\ҳор, Сароб.

2 Кинофильмнинг айрим бир кўрини-ши, битта эпизоди. *Бадий фильм кадрлари. тт Маҳди дастлабки кадрни кўриши билан бир тўлганди, ўрнидан турмоқчи бўлди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КАДР II | фр. cadres — шахсий таркиб] **1** Корхона, муассаса ва ш. к. нинг махсус тай-ёргарликка эга бўлган хизматчи, ишчи ва ходимлари. *Кадр етказиб бермоқ. Кадртай-ёрламоқ. Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қила-ди. тт -Бу киши шунақа, ўртоқ Тўқсонов,*

— деб тўнгилади Тожибой, — «Илмим бор кадрман» деб, бизниям назарга илмайди. П. Турсун, Ўқитувчи.

Кадрлар бўлими Корхона ёки муассаса-нинг ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва ш. к. ишларни бошқарувчи бўлими.

³⁴⁰

2 ҳарб. Ҳақиқий хизматдаги командир-лар ва оддий аскарлар таркиби.

КАДХУДО [ф. 1ль.лғ — қишлоқ оқсоқо-ли] **1** эск. Кент бошлиғи, қишлоқ оқсоқоли. *.. Куванинг кадхудосини топиб, унинг ёрда-мида дурадгор усталарни кўприк тузатиш-га ҳайдаб чиқди.* П. Қодиров, Юлдузли тун-лар. *Бу иш юқори мартабали кимса ҳамроҳ-ларига, кадхудога ёқарди.* Мирмуҳсин, Те-мур Малик.

2 шв. Эл-халқ ўртасида гап-сўзи ўтади-ган кекса киши; маҳалла оқсоқоли. *Тўйни бошқараётган икки кадхудо ва хонадон со-ҳибини чақиртириб..* М. Кўшжонов, Дийдор.

КАЖ \ф. — эгри, кинғир] **1** эск. кт. Тескари, чаппа. *Менга худо голиб қилди золимни, Золим фалак кажга урди фолимни. «Равшан». Ёш кўнгилга қилар таъсир фалак-нинг каж хислати, Кўз олдидан ўтар бир-бир шоирларнинг қисмати.* Э. Воҳидов.

2 Қийшиқ, эгри. *Сулувнинг ёнида тур-ган қовоқ косадаги тиниқ сув, кўзгудай йил-тиллаб, Бибиқатчанинг оқариб кетган юзи-ни каж қилиб кўрсатди.* А. Мухтор, Қора-қалпоқ қиссаси.

КАЖАВА \ф. ъ— уй ҳайвонлари ус-тидаги соябонли ўтиргич] **1** Одатда иш хайвонларига ортиб, юк ташиш учун дарахт новдалари ёки қобиғидан, шунингдек, мах-сус ясалган катта, кенг чорқирра идиш. *Сават кажаса. Тери кажаса. тт Келаёт-ган сарбозларнинг бири бир қоп арпа, бири бир кажаса узум, яна бири бир қоп қовун.. кўтариб келарди.* С. Айний, Дохунда. [Но-сур:] *Кажасага юкланган кўзачалардаги сув ҳам тугабди.* Туйғун, Йиллар ва кишилар.

2 От, хачир, фил, туя каби ҳайвонлар устига ёки ёнига ўрнаштирилган ва одам олиб юриш учун мосланган ўриндиқ. *Туяга ортт-ган кажаса ичига ўтириб олиб, кечаси бир оз мизғиб олган Захро..* М. Осим, Элчилар.

3 Машина, мотоцикл кабиларга тирка-ладиган мослама, аравача; коляска. *Икром-жон мотоцикл кажасасига ўтириб олди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

Кажаса қорин Қорни катта, катта қорин-ли. *Юртимизда оми-эшон, шайху машойих, кажаса қорин, тўнка мўйин.. корчалонлари-миз жуда кўп.* З. Саид, Ноумид шайтон.

КАЖАВАЛИ Кажаваси бор, кажаса ор-тилган, тиркалган. *Кажавали машинанинг орқа эшиги очиб қўйилган, остонада тўртбешхотин-халаж тўпланибтурар..* Ў. Ҳоши-мов, Қалбингга қулоқ сол. *Дам олиш кунни бўлгани учун комендант ишга бормаган, ка-жавали мотоцикли эшиги олдида турган экан.* С. Нуоров, Нарвон.

КАЖБАҲС [каж + а. і - муҳокама; изланиш] Мантисиз баҳс-мунозара қилув-чи; ўжар, тихир. *Кажбаҳс одам. тт Дарвеш Ҳожи ҳеч кимнинг фикри билан келишолмайдиган ўжар, кажбаҳс эди.* Ойбек, Навоий.

КАЖБАҲСЛИК Кажбаҳсга хос хусуси-ят, қилиқ, одат. *Кажбаҳслик қилмоқ.*

КАЖРАВ \ф. *jj^Z* — ахлоқсиз; тесқари юрувчи] *эск. кт.* Эгри юрувчи, тесқари, нотўғи иш қилувчи. *Сен билан бўлмоқни ҳар дам кўнглим айлар ихтиёр, Қишсагай деб кўрқаман кажрав фалак раишу ҳасад.* Ҳабибий.

КАЖРАФТОР \ф. *jlilj^* - тесқари юрувчи; маккор| *айн. кажрав.* Бироқ *каж-рафтор* фалак уни ҳам бағрида қора доғи билан ўрда томонга судраб эди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

Чархи кажрафтор Тесқари, нотўғри иш қиладиган дунё (замона ёки тақдирдан шикоят қилиб айтиладиган ибора). *Бу қан-дай чархи кажрафторки, уни ўз оғасининг кўзига чўп солса..* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

КАЗАК \турк. қазақ— эркин одам] **1** Рус давлатида 15-17-асрларда крепостной деҳқон ва шаҳар камбағаллари орасидан Дон, Ёйиқ (Урал), Запорожье каби чекка жойларга қочиб борган эркин киши, рус қозоғи. *Запорожье казаклари.*

2 Чор Россиясида 18-асрдан бошлаб ердан имтиёзли фойдаланиш эвазига ҳар-бий хизматни адо этишга мажбур бўлган, Кубан, Оренбург, Дон, шунингдек, аскар олинадиган бошқа худудларда яшовчи ҳар-бий ғабақа вакили ва шу табақа вакилларидан иборат қўшинлардаги аскар. *Баланд бўйли, пахмок сочили, дов казак аскарлар халқ-ни уриб, никтаб, орқага суришга тиришди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Пешинга бориб халқ зўрлик қилди. Казак аскарлари сафи сий-раклашди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Собиқ Иттифокдаги айрим (илгари аскар олинадиган) худудларнинг туб аҳолисига мансуб киши.

КАЗАРМА \итал. caserma < лот. casa — уйча, кулба] **1** Ҳарбий қисм жойлаштирилдиган маҳсус бино. *Буларнинг [Кавказ*

отишгарининг] казармалари амир турадиган жойларнинг ҳар бирига яқинроқ ерларда бино қилинган эди. С. Айний, Эсдалиқлар. *Дам олишга команда беришга, казарма беш дақиқа ола-говур бўлиб турди-ю, кейин бирдан тин-ниб қолди — жангчиларнинг ҳаммаси ўз ўрни-га ётди.* Ҳ. Олимжонов, Такдир тақозоси.

2 Чор Россиясида, ҳозирги айрим хо-рижий мамлакатларда ишчиларнинг фаб-рика ва корхона қошидаги умумий ётоқхо-наси. -*Ҳозир шаҳардан анчагина узоқ бир ерда казармалар қуряпмиз, — деб ёзган эди ха-тида Эргаиш.* Ҳ. Гулом, Тошкентликлар.

КАЗЕИН [лот. caseus (casei) — пишлоқ, сир] Сутда бўладиган мураккаб оқсил модда (бўёк, елим, лак, доривор моддалар ва ш. к. тайёрлашда ишлатилади). *Казеин заводи. Казеин олмоқ. **итт** Сут таркибида казеин, лактоглобулин.. деб аталадиган оқсиллар бор.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

КАЗЕМАТ \фр. casemate < итал. casamatta] **1** ҳарб. Шахсий таркиб ва курул-аслаҳаларни душман артиллерия ўқ^тари ва бомбаларидан сақлаш учун (ер ости ёки устига) қурилган мудофаа иншооти. *Тўда қий-чув, йиғи-сиги билан отишмаларни ора-лаб, қалъадаги казематлардан бирига ўзини олди.* Шухрат, Умр поғоналари.

2 ҳарб. денг. Кемаларда ўрта калибрли тўплар ўрнатиладиган ва шахсий таркибни ҳимоя қиладиган, зирҳбилан қопланган хона. *Кема каземати. Тўп ўрнатилган каземат.*

3 Чор Россиясида турма-қалъаларда си-ёсий маҳбуслар якка-якка қамаб қўйиладиган хона(лар). *Петропавловск қалъасининг казематлари.*

КАЗЗОБ \а. **كاززوب** — ёлғончи; сохта, ал-доқчи| **1** Ёлғон сўзлар сўзловчи, ёлғончи, алдоқчи. -*Менуни дўст деб юрсам, илоннинг ёғини ялаган каззоб экан, — деди Остона-қул.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Заҳрони тилга олиши билан риекор мутавал-лининг хунук кўзлари, чўққи соқоли кўзига кўриниб кетди: «Ҳа, каззоб..» — деб сўкиниб қўйди.* М. Осим, Элчилар.

2 Шундай шахсга нисбатан сўкиш, ҳақоратни билдиради. *Ҳўв, каззоб! Қарзинг-ни узмай, нерга борасан?* С. Сиёев, Аваз.

КАЗЗОБЛИК Каззобга хос хусусият, хатти-харакат. *Мен уни каззобликда айб-лаб, зиндонга ташладим.* М. Осим, Кар-вон йўлларида.

КАЗИНО \итал. casino — уйча] Ресто-рани ва эстрада томошаларига эга бўлган киморхона.

КАЗО-КАЗО \а. **كازو كازو** — шундай, шу каби|: **казо-казолар** Илм, амал, бойлик, до-нолик каби хислатлари билан танилган юқори мартабали кишилар. *Маҳалланинг балоҳўри афандини чақириб: -Уйингизга ош буюринг, казо-казолар келишган, кириб чи-қамиз, — деди. «Латифалар». Фиёсиддин тил-мочлик қилиб юрган кезларда, шаҳарнинг казо-казолари билан оғиз-бурун ўтишиб қол-ди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

КАЙВОН \ф. **كايون** - Зуҳал (Сатурн) юлдузи] **1** (*К - катта*) астр. эск. Зуҳал [Са-турн] сайёрасининг форсча номи.

2 фольк. Баланд айвон. *Унда ҳам кўшқу айвон, Зарварақли олтин кайвон, Зиёдонлар алвон-алвон.* «Равшан».

КАЙВОНИ \ф. - Кайвонга оид; корача] **1** Ёши улуғ, кўпни кўрган, кўп нар-сани биладиган. *Эртаси кун пешинда Санам холани, кайвонилар қатори, бўлажак бир тўйнинг маслаҳатига чақиршиган эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар. *Кайвони момо келин-ни тўйловчиларга салом бердира берди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

2 Умуман, кўп нарса биладиган, уда-бурон. *Ўн бир арава тўн ортти.. соп қизлар-дан ўн битта кайвони қиз қўшиб.. аравага миндирди.* «Ойсулув».

3 шв. Дастурхончи. *Аёллар сизни кайвони бўлсин деяпти.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

КАЙМАН(ЛАР) \исп. caiman < индейс тилларидан] Марказий ва Жанубий Аме-рика сувларида яшовчи аллигаторлар (тим-сохлар) оиласига мансуб учта турнинг уму-мий номи.

КАЙНОЗОЙ \юн. kainos — янги + зое — ҳаёт]: **кайнозой эраси** Ернинг геологик та-рихида палеозой ва мезозой эраларидан кейинги, ҳозирги даврни ҳам камраб олув-

чи энг янги эра. Тошкент замани ва ерусти қиёфасининг шаклланишида энг янги — кай-нозой эраси ҳал қилувчи аҳамият касб эт-ган. «Фан ва турмуш».

КАЙФ [а. , аЛ — роҳат, хузурланиш] **1** Руҳий ҳолат; кайфият. *Кайфи яхши. Кайфи чоғ. Кайфини бузмоқ. иж Камбағал учун ўз ҳақини талаб қилиш ҳам қийин. Чунки хўжайиннинг хурсанд ва хурсанд бўлмаган чоғлари бўлади. Олдин унинг кайфини билиш керак. Ойбек, Танланган асарлар. Дарҳақи-қат, мингбоши бугун тетик, кайфи жойида кўринарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Руз-вон хола ўзининг қайғули гаплари билан ўгли-нинг кайфини бузиб қўйганини пайқаб ачин-ди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

Кайфи учмоқ Ниҳоятда кўркмоқ, чўчиб, ўзини йўқотиш даражасига етмоқ. -*Бундоқ денг-да. Кайфим учиб кетди-я! — деди қори ва ёқасини кағпта очиб, кўкрагига уч марта туфлади. А. Қаххрр, Қўшчинор чироклари.*

2 Кишининг яхши, ёқимли, хузур-халоватли ҳолати. *Агарўз кайфингиздан кечсангиз, яхши билингизки, бир эмас, икки жонни азобдан қутқарган бўласиз, онажон! А. Қодирий, Утган кунлар. Бир бечоранинг сизнинг кайфингиз учун азоб эмас, чеккан хўрлигини ўйлаб, ҳар кун бир қат этдан тушаман. А. Қодирий, Утган кунлар.*

3 Бирор нарса таъсиридан юз берадиган ёқимли, кўтаринки (роҳатбахш) ҳис-туйғу, ҳиссиёт. *Кечалар кайфи, Оқшошар файзи.. М. Шайхзода. Янги ерни обод қилишда ўзгача кайф бор. Ойбек, О. в. шабадалар. Шеър кайфи кун бўйи қиди бетоқат.. С. Зуннунова. Унингма-йин, қўнғироқдек янгроқ, ширали овози Ҳамзага сўхиди кайф бағшилади. К. Яшин, Ҳамза.*

4 Ичкилик ва бошқа маст қилувчи (кайф берувчи) нарсанинг таъсири, таъсир этиш хусусияти. *Ароқнинг кайфи. Нашанинг кай-фи. ит Афюннинг кайфи курсин, домла, сиз-ни одамгарчиликдан чиқариб қўйибди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Тантубойвачча кечаги базм ва ичкилик кайфини бутун кун чўзилган уйку билан тиниқтириб, қўрғон эшигидан боғ ташқарисига чиқди. Ойбек, Танланган асар-лар. Чинни коса беш-олти бор қўлдан қўлга ўтгандан кейин, ҳар икковининг ҳам боши хийли оғирлашиб, кайф галаба қила бошла-ди. Ҳ. Ғулом, Машғал.*

5 Ана шу нарсалар, унинг кайфи таъси-рида (ичиш, чекиш ва ш. к. натижасида) юзага келадиган руҳий ҳолат; мастлик. *Беш-олти қадам нарида кайф билан алжираётган йигитларнинг бири келиб, унга тегажак-лик қилди. С. Зуннунова, Кўк чироклар.*

6 с. т. Умуман, кайф берувчи нарса (**НОС**, сигарета ва б.). *Қани, кайфдан олинг (оддий сўзлашувдан).*

Кийфини сурмоқ **1)** роқат-нашъасини туйган ҳолатда бўлмоқ. *Чилла ҳавосини си-мириб, Қиш сайрининг кайфини сурдим. С. Акбарий, Мехригийё. Ҳалол ишлаб, турмуш-ни гуллатиш, кайфини суриш керак. Ойбек, О. в. шабадалар; 2) мастлик (кайф) таъси-рида бўлмоқ, унинг таъсиридан «хузур, роҳат»да бўлмоқ. *Ароқнинг кайфини сурмоқ. ит Мирали бува кўкнорини ичиб, кайфини сураверади. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Ана, банги тўра юмишқ курсида афюннинг кай-фини суриб, кўзлари сузилиб ўтирибди. С. Сиеёв, Аваз. Кайфи қочмоқ* **1)** кайфи (маст-лиги) тарқамок; **2)** кайфияти бузилмоқ. *Тўранинг ниҳоянда кайфи қочди, жаҳд оти-га миниб, оқсоқол билан имомни еб қўйгудек ёввойи қираш қилди. Ж. Шарипов, Хоразм. Кайф қилмоқ* **1)** ичкилик, наша ва ш. к. кайфи таъсирида бўлмоқ. *Ароқ ичиб кайф қилмоқ. ти Салом кейинги вақтларда ит-дан кўпинча кеч ва кайф қилиб, баъзан, ҳатто ўлгудек маст бўлиб келадиган бўлиб қолди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? Мирали бувани кўрқитамиз. Ҳозир кўкнорини ичиб, кайф қилиб ўтирибди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ; 2) бирор нарсанинг ёқимли таъсирида бўлмоқ; роҳатланмоқ. *Домла қаерда ҳам му-зика ва ашуладан кайф қилиб ўтириб: «Ху-доё тавба, музиканинг хумориси тутар экан..» — деган экан. П. Турсун, Ўқитувчи.***

КАЙФИЯТ [а. .-.-.; < -ҳолат, ҳол] **1** Ки-шида ички кечинма, интилиш ва ш. к. би-лан боғлиқ, унинг таъсирида юзага келув-чи ҳолат, руҳий ҳолат. *Хушнуд кайфият. Кайфияти бузуқ. Кайфияти ўзгармоқ. ти Инсон кайфияти, унинг иш натижаси меҳ-*

нат шароитига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Га-зетадан. Унинг лабларидаги табассум, дили-да мавж ураётган шодлик, висол дақиқала-ридагина бўладиган кайфият менинг қалбим-да бош кўтарай деб турган ўйларни уй-готишига йўл қўймасди. О. Мўминов, Хиё-бондаги уч учрашув. *Огайнилар тушкунлик-ка тушмадилар. Қувноқ ва тетик кайфи-ятда хайрлашдилар.* «Гулдаста».

2 Муайян бир ички интилиш, кечин-ма, руҳий ҳолат ва ш. к. лар ифодаловчи, акс эттирувчи ҳолат. *Хотиржамлик кайфи-яти. Байрам кайфияти. Ишчанлик кайфия-ти. иш Ишчилар билан солдатлар ўртасида қандайдир бирдамлик кайфияти сезиларди.* О. Раҳимов, Шонли кунлар хотираси. *Бу бардамлик Йигиталини бир лаҳзада ҳамма нарсага бепарво қараиш кайфиятидан халос қилди.* Д. Нурий, Осмон устун.

295 де^

3 Яхши, ёқимли вазият, ҳолат. *Уларнинг кайфиятига кайфият қўшолган бўлсак, ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.* Газетадан.

КАЙФЛАНМОҚ кам қўлл. **1** Таъсирлан-моқ, таъсиридан хузурланмоқ. *Хотинининг тирноқ остидан кир излаб ва даъвосининг исботи учун гўлдирашидан ортиқча кайфлан-ган Юсуфбек ҳожи кўзига чиққан ёшларни артар экан, жиддият билан ўғлига деди..* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Кайф қилмоқ, маст ҳолатда бўлмоқ.

КАИФЛИ **1** Кайфи бор, маст. *Олма шо-хида осиглиқ турган чироқ енгил эсан ша-бадада тилини чўзиб оларди. Бу кайфли Ва-лихонга халқ исёнини эслатди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

2 Кайф берадиган, маст қиладиган, ақпу хушини оладиган. *Кайфли ичимлик.*

3 кўчма Баҳр-дилни очадиган, завқ-шавқ бағишлайдиган, завқди. *Кайфли манзара. тт Урдак, гознинг кайфли ери кўл бўлсин..* «Эра-ли ва Шерали».

КАЙФ-САФО, кайфу сафо Майхўрлик, зиёфат, ўйин-кулги ва ш. к. билан кўнгил очиш; айш-ишрат. *Кайф-сафо сурмоқ (қил-моқ). Кайф-сафога берилмоқ. тт Кечга бориб хон «Ғолиблар шарафига.. зиёфат берил-син», деб фармон берди. Тонготар базм бўлиб, кайфу сафо сурилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Енгил-елти ҳавас, кайф-сафо учун Қурбон қилинади вафо еа ухлос.* Ж. Жабборов.

КАЙФСИЗ **1** Кайфи бузук,, кўнгли ғаш, таъби хира; хафа. *Бектемир Полвоннжг баъзан зарда билан пиқириб қўйишидан ёки оғир хўрсишишидан унинг шу топда дигир ва кайф-сиз эканини пайқайди..* Ойбек, Қуёш қорай-мас. [Абдурахмон] *Бир неча ошар ниҳоятда руҳ-сиз, кайфсиз ва дарсига ҳам ҳафсаласиз давом этиб юрди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён.

2 Кайфи йўқ, маст эмас. *Бугун кайф-сиз келди.*

КАЙФСИЗЛАНМОҚ Кўнгли ғаш бўлмоқ, таъби хира бўлмоқ; хафа бўлмоқ; авзои бузилмоқ. *Домла Саидийнинг шундай кайфсизланганини билмай, «жеркиганимга хафа бўлди» деб, кўнглини олмоқчи бўлди.* А. Қаххор, Сароб.

КАЙФЧИЛИК Мастлик («Бирор нар-санинг сабаби мастлик» деган маънони билдиради). *Жон, дўхтир, кайфчилик, оғзим-дан чиқибкетибди.* Шухрат, Жаннат қидир-ганлар.

КАКА бол. айн. **ширинлик 2: кумалоқни кака демоқ (ёки ҳисобламоқ)** Аслида ёмон нарсани, тушунмасдан ёки бирор мажбу-рият остида яхши демоқ. *Кишининг дўпписи тор келганида, кумалоқни кака ҳисоблаб қолар эмиш.* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

КАКАО [исп. сасао < индейс тилларидан] **1** Уруғидан шоколад тайёрланадиган доим яшил тропик дарахт; шоколад дарахти. *Ка-као плантацияси. Какао ўстирмоқ.*

2 Шу дарахтнинг уруғи ва ундан махсус тайёрланган кукун. *Бир банка какао. тт Чой, кофе, какао.. таркибида алкалоидлар бор.* С. Акрамов, Гиёҳ кимёси.

3 Шундай кукундан қўшиб тайёрланган ичимлик. *Какао ичмоқ.*

КАКИЛЛАМОҚ айн. **какирламоқ**.

КАКИР-КАКИР тақл. с. Какликнинг сайрашига ўхшаш узук-узук овоз ҳақида. Какликлар ҳам уйғонди — ўтқир какир-ка-кирлар тоғ харсангларига урилиб, акси садо билан яйловга тарала бошлади. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

КАКИРЛАМОҚ «Какир-какир» деган овоз чиқармоқ; какилламоқ (баъзи қушлар \ақида). Каклик какирлайди. *тм* Ола қанот-ли лайлакнинг какирлаб, баҳордан хабар бер-ганига.. анчагина бўлди. «Қаҳрамонлар».

КАККУ, какку қуш Ўзи ин қурмасдан, бошқа қушларнинг инига тухум қўядиган, «какку» деб сайрайдиган ўрмон қуши. Узоқ-узоқдан какку қуш ҳам арзи вужуд қилади: «какку-какку». А. Қодирий, Утган кунлар.

КАКЛИК Товуқсимонлар оиласига ман-суб сайроқи тоғ қуши. Каклик овози. Каклик боқмоқ. Какликдек йўргаламоқ. *тм* Эл-мурод овга чиқиб, тоғ жилгаларининг катта тошлари панасида писиб ётиб, каклик пойлар эди. **П.** Турсун, Ўқитувчи. Ҳакимбой-вачча.. \зликбошини\ бир катта хитой ла-ганда уйилган қирғовул, каклик гўшти қовур-маси билан зиёфат қилди. Ойбек, Танлан-ган асарлар.

КАКРА 1 Кўпинча ғалла экинлари ора-сида ўсадиган кўп йиллик тахир, талха ўсимлик. Ариқнинг нариги ёнида какра, су-пурги, шўра.. яна аллақандай ёввойи ўтлар говлаб ётар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Тахир, аччиқ. Кўк чой какра бўлиб ке-тибди. Оғзим какра бўлиб кетяпти. *тм* Янглишиб сўзлаш ахир, Маъноси какра-тахир. Қ. Муҳаммадий.

КАКТУС [лот. cactus < юн. kaktos — ти-кан, тиканак] Жанубий ўлкаларда ўсадиган, тикан билан қопланган, баргсиз, эт-дор танали ўсимлик (манзарали ўсимлик сифатида кенг тарқалган). Экинзорларнинг атрофи 2,5 метр баландликдаги хушбичим кактуслар билан қуршалган. **3.** Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари. Кактусўсимлигининг асосий ватани Мексикадир. Газетадан.

КАЛ 1 Терининг замбуруғ касаллити; кўпинча, бошнинг сочли қисми ва тирноқ зарарланади; сочни тўкиб юборадиган юқумли тери касаллиги. Кал юқтирмоқ. Кални даволамоқ.

2 Шундай касалга учраган киши. Каллар махсус шифохонада даволанадилар.

3 Бошнинг сочи тўкилган ери. Бошнинг калини бекитиб юрмоқ. *иш* -Хайр, майли, — деди бошқа бир ишчи, — уларнинг кал бош-ларини милтиқ дориси билан даволаймиз. С. Айний, Қуллар.

4 Сочи бутунлай ёки қисман тўкилиб кетган киши. Қалинроқ ўртоғим Аъзам кал ҳамма каллар сингари гапга чечан, қочириқ гапларни гапириб, муллаваччаларни ва ҳаттоки пешқадамларни кулдирар эди. М. Му-аммаджонов, Турмуш уринишлари. Кошкийди қорача бўлиб туғилган бўлсам, кўрга-ми, калгами тегиб, сизнинг таънангизни.. эшитмас эдим. М. Исмоилий, Фарғонат. о.

Калнинг нимаси бор? - Темир тароғи бор! Бор (одатда, арзимас) нарсани қизғанади-ган хасис одам ҳақида айтиладиган матал. **Тепа кал, тепакал 1)** бош тепасидаги соч тўкилиб кетган жой. Саидғози.. Хўжабеков-нинг тепа калига боқиб, хушомадгўйлик би-лан илжайди. С. Анорбоев, Оқсой; **2)** бо-шининг тепасида сочи йўқ киши.

5 кўчма Ернинг ўт-ўлан чиқмай қолган бўлаги; тақир. Ернинг кали.

6 кўчма Жун-пати тўкилиб, тақир бўлиб қолган жой. Пўстакнинг кали. Гидамнинг кали.

КАЛАВА \ф. **4_sM£, а_,M^** — ўрам, дума-лоқланган ип; тўр] Чархга бир неча марта бир текис қилиб ўралган ва чархдан чиқа-риб олиб тахланган бир ўрам ип, ипак. Уч калава ипак. *тм* Устахонага эшик олдидаги арқонга илинган қизил, сариқ, сурранг, би-нафшаранг ип калавалари тагидан бош эгиб кирилади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

Ранг-баранг ипакларни калавасидан чиқариб, чархда бир-икки товлаб олади-да, копток қилиб ўраб қўяди. Ойдин, Ҳикоялар.

Калава чигаллашмоқ Ҳал этилиши ло-зим бўлган масала, муаммо чигал тус олмоқ. *..Сабаб ва натижалар бир-бири билан шундай аралашиб, шундай чалкашиб кетган эдики, у оқни оққа, қорани қорага ажрат-моқчи бўлгани сари, калава бадтар чигалла-шарди.* П. Крдиров, Уч илдиз. **Калаванинг учи** Ҳал этилиши, белгиланиши лозим бўлган масала, муаммо ва ш. к. дан белги берувчи, уни аниқлаш, белгилашга йўл очувчи нарса. *Буйруқлар папкасига қараб баҳо бериб бўладими одамга? Нима қилиш керак? Калаванинг учи борми?* А. Мухтор, Туғилиш. *Турғун бу чигал калаванинг бир учи Қодир-жонга бориб боғланишини сезарди.* О. Ёқубов, Тоғ қизи. **Калавасини (калавасининг учини) йўқотмоқ** Нима қилиш, нимадан бошлаш кераклигини билмай қолмоқ, иши чигал-лашган ҳрлда қолмоқ. *Аҳмад калавасини йўқо-тиб қўйган телбадек анчагача шаҳарда кезиб юрди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Биласизми, раис амаки. сиз касал бўлгач, калавамнинг учини йўқотиб, шунчалик паришон бўлдимки..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

КАЛАВАЛАМОҚ Калава ҳолига келтир-моқ, ўраб калава қилмоқ. *Ипни калаваламоқ. шшш Ипакларни найчага ўрайдиган, калавалай-диган дастеохјар бир маромда ишламоқда.* Газетадан. *Пиллани қайнатиш, унинг ипини чуватиш ва калавалаш учун жуда кўп меҳ-нат сарфланади. «Фан ва турмуш».*

КАЛАВАХОНА Тўқимачилик саноатида: ип ёки ипак калава қилинадиган бўлим, цех.

КАЛАВАЧИ Цехда калава тайёрловчи ишчи. *Калавачилар устози.. бизни кенг, озо-да цехда гумбурлаб юриб турган дастгоҳлар ёнига олиб борди.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

КАЛАКА \ф. ■ < к - алдамчилик; қалтис ҳазил; хийла-найранг| Масхара-мазах, устидан кулишга қаратилган гап-сўз, хатти-ҳаракат ва ш. к. -*Шундоқми ? — деди Саттор-қул калака оҳангида, лекин Хадича холанинг «бас, қийнама» деган мазмунда кўз қисиши-ни кўриб, бошқа гапга кўчди.* А. Қахдор, Қўшчиноҳ чирсчдтри.

Калака бўлмоқ Масхара, мазах бўлмоқ, майна бўлмоқ. *Баротнинг калака бўлиши, бурдсизланиши учун Ёқубжоннинг.. гаплари-дан бир жуфти кифоя эди.* А. Қахдор, Сароб. *Калака қилмоқ Бировни масхара, Ма-сах қилмоқ, майна қилмоқ. Муса кўп вақт унинг [Рамазон қорининг] «а, лаббай!» деган гапни кўп такрорлаб, бўйинини буриб тури-шини ва баъзи бировларга дўқ уришини кала-ка қилиб, болаларни кулдирар эди.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

КАЛАМЕНКА \р. каламенка — канопп-дан тайёрланган газлама < юн. **kamilavka** — туя жунидан тайёрланган кийим) Зиғир толасидан зич қилиб тўқилган газмол. *Уларнинг [йигитларнинг] ҳар иккаласи каламен-кадан китель кийган.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Туман газешасининг муҳаррири хип-чадан келган.. эгнига каламенка костюм, оёғига брезент туфли кийган Усмонов эди.* Н. Назаров, Замон.

КАЛАМУШ \ф. j^j ^**SyS**. - даласичқон] 1 Кемирувчи сутэмизувчиларга мансуб за-раркунанда ҳайвон. *Оқ каламуш. шшш Озиқ-овқатларни каламушдек ертўлаларга яши-ришяпти.* К. Яшин, Ҳамза. *Сизникининг айби йўқ, сичқон бор, каламуш бор, кам чиқса, айб ўшаларнинг бўйнига илинаверади.* С. Махка-мов, Шогирд.

2 кўчма Ўғри (ишлаб турган жойидан, мас, омбор ёки магазиндан уни-буни ўғир-лаб ташийдиган шахслар ҳақида). *Ҳар кала-мушларимиз борки, бугдойни шолига, арпа-ни маккажўхориға аралаштириб тортгани-тортган.* С. Махкамов, Шогирд.

КАЛАНТАР \ф. ji ^**ys** — шаҳар ҳокими; маҳалла оқсоқоли; сардор] шв. Амалдор шахс, аён. *Хивахони Оллоқулихон.. иморат-соз ҳунармандларнинг бош калантарини ча-қириб, қурилишни жуда тез ҳам қисқа муд-дат ичида тамомлашни буюрган.* И. Жаббо-ров, Кўхна харобалар сирини.

КАЛАПАТРА [ф. oʻzʌk - беҳуда, беъ-мани **ran**, иш] *шв.* Тартибсиз ҳолдаги; ишни тартибсиз, чала-чулпа, пала-партиш қила-диган. *Калапатра одам. Калапатра иш. Калапатра сўзламоқ.* **тш** *Калапатра оқлар ба-тамом Қўрғон сари қочиб қолмоқда.* М. Али, Боқий дунё.

КАЛВАК \ф. SʃIS — кичик бола; но-дон, анқов, уятсиз] Бефаросат, ношуд. [Ўзбек ойим:] *Бу калвак ўғлингиз марғилон-ликнинг эшигида қул бўлиб ётиб оладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КАЛВАРС *шв.* Калвак.

КАЛДИРАМОҚ *айн.* галдирамоқ. *Сул-тонбуви мўридан кўзини узмай, тили калдираб, қўли қалтираб ўтириб колди.* И. Раҳим, Пир.

КАЛЕНДАРЬ \лот. *calendarium* — қарз дафтарчаси ёки *Calendae* — ҳар ойнинг биринчи кунин] **1** Йилнинг барча ой-кунлари тартиби билан кўрсатилиб, бошқа маълумотлар ҳам берилган жадвал ёки китобча; тақвим. *Стол календари. Йиртма календарь.*

2 Ҳаёт ёки илмнинг бирор соҳасидан маълумот берувчи шундай жадвал ёки китобча. *Астрономия календари. Табиат календари. Хотин-қизлар календари.*

3 Узок даврларни, йилнинг ой-кунларини ҳисоблаш тизими. *Календарни ислоҳ қилиш. Григорий календари. Юлий Цезарь календари.*

4 Қилинадиган иш ёки машғулотларнинг бажарилиш муддатлари (ой, кунларини) кўрсатилган маълумот, жадвал. *Иш календари. Машғулот календари. Мусобақа календари. Календарь режа.*

Календарь йил(и) Бухгалтерия ҳисобо-тида ўн икки ойлик давр (1 январь — 31 декабрь).

КАЛЁН [0. jLj - чекиш асбоби] Чи-лимга ўхшаш, тутун тортиладиган най ўрнида узун резина най ўрнатилган чекиш асбоби. *Ҳожихон.. арақ-мусалласларини ичди, калёнларини чекди, наша отсалар — бирга отди..* М. Исмоилий, Фарғона ғ. о.

КАЛЖЎРЧИ *айн.* ўлаксаҳўр. *Тепамизда калжўрчи аста чарх уриб сузиб юрибди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

КАЛИБР \фр. *calibre*] *махс.* **1** Милтик, тўп каби ўқоғар қуроллар қувурининг диаметри. *Милтиқ калибри. Миномёт калибри. Замбарак калибри.*

2 *тех.* Саноат, ишлаб чиқариш буюмларининг аниқ ўлчамини.

3 Буюмларнинг (мас, машина қисмларининг) катта-кичиклигини, йўғон-ингичкалигини, ўзаро жойлашишини ўлчайди-ган шкаласиз асбоб.

КАЛИБРЛАМОҚ **1** Аниқ ўлчамда тай-ёрламоқ, аниқ ўлчамга келтирмоқ. *Замбарак стволини калибрламоқ.*

2 Аниқ ўлчамли нарсаларнинг катта-кичиклигини текширмоқ, ўлчамоқ.

3 Нарсаларни йўғон-ингичкалигига, майда-йириклигига қараб гурухлаштирмоқ, хилларга ажратмоқ, сараламоқ. *Деталлар-ни калибрламоқ. Чигитни калибрламоқ.*

КАЛИБРЛИ Калибрга эга бўлган. *Ки-чик калибрили милтиқ. Катта калибрили тўп.*

КАЛИБРЛОВЧИ Буюмларнинг йўғон-ингичкалигини, катта-кичиклигини, калибрини ўлчаб аниқловчи, аниқ ўлчамга келтирувчи; нарсаларни катта-кичиклиги-га қараб хилларга ажратувчи, сараловчи. *Калибрловчи ишчи.*

КАЛИД \ф. jb K — очқич] *айн.* **калит.** [Маҳдум Раънога:] *Сандиқнинг калидини биласанми, деб чақирган эдим, калид топилди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Ҳужра кали-дини чўнтагига солиб олган Зиёдилла ҳуж-рага кечасиёқ келиб, шу ерда тунаб қолди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Келажакнинг калиди чидам билан ўқишда.* Ю. Ҳамдам.

КАЛИЙ \лот. *calium* < а. jLs — ишқор] **1** Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушранг оқ юмшоқ металл.

2 *айн.* **калийли.** *Фосфор ва калий ўғитла-ри меъёридан бирмунча ортиқроқ берилса.. «Фан ва турмуш».*

КАЛИЙЛИ Таркибида калий бўлган. *Фосфорли ва калийли ўғитларнинг асосий қисми кузда гўнги билан бирга солинади.* «Фан ва турмуш».

КАЛИМА \а. **ك** — сўз, жумла, қисқа гап) **1** *кт. айн. сўз 1. Сидиқжон «унсур» ка-лимасини «хукуматга қариши» деган маънода ишлатар, бу ердагилар ҳам шу маънода анг-лар эди.* А. Қахдор, Қўшчинор чирок^лари.

Икки калима сўз Икки оғиз сўз, қисқа хабар, маълумот. *Булар бу ерда туравер-син, энди икки калима сўзни Кўктемир под-шоҳдан эшитинг.* «Эртаклар». *Аъзамнинг уй-идан келган хатдаги икки калима сўз эси-га тушди: Тоганнинг ўғли Каримжон ке-ласи ҳафта уйланяпти. Катта тўй қилиш-са керак, сен бўлганинда..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Калима келтирмақ** Калимаи шаҳодатни айнан айтмақ; му-сулмон бўлмақ; калимаи шаҳодатни так-рорлаб юрмақ. *Ҳар қадамда калима кел-тириб, парвардигори оламдан ўз паноҳида асрашини етти карра илтижо қилдим.* Х. Ғулом, Машғал. **Тили калимага келмас-лик** 1) *дин.* калимаи шаҳодатни айтол-маслик; 2) *кўчма* кўркиш, изтиробга ту-шиш, аччиқланиш ва ш. к. туфайли гапи-ролмайд қолмақ. *Отангизнинг ҳам тиллари бурро эди. Лекин моддасини моддасига тўғрилаб қўйганимда, тили калимага ҳам келмай қолган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Иккала қирғоқдаги болалар ҳам унинг мақ-садини тушунган, аммо ҳеч кимнинг тили калимага келмас эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. **Калима(й)и шаҳодат** *дин.* Мусул-монликка иқрор бўлиш учун ёки мусул-монлик далили, асоси сифатида айтила-диган арабча ибора. *Лекин Абдуллабой ма-ҳалла имоми ҳузурда «калимаи шаҳодат-»ни айттириб, никоҳ ўқиттириб олган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАЛИМАГҶЙ \а. +ф. ^*-Лғ - кали-ма айтувчи] *дин.* Калимаи шаҳодатни доим такрорлаб турувчи мусулмон.

КАЛИТ \ф. л, **ك** — очкич] **1** Қулфни очиш ёки беркитиш учун ишлатиладиган металл асбоб. *Уйнинг калити. Сандиқнинг калити. Эшикнинг калити. ит* Мамарайим афанди *Тешабойдан омборларнинг калитларини ол-гандан кейин, у ердаги молларни яхшилаб кўздан кечириб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғ-она т. о.

2 Бирор механизмни бураб юргизиш, ишга тушириш учун ишлатиладиган ме-талл асбоб. *Девор соатнинг калити. Уйин-чоқнинг калити. ти* Илҳомжон *тезда дом-крат ва калитларни олди.* Н. Аминов, Ел-ғончи фаришталар.

3 *тех.* Гайка ва болтларни бураб қат-тиклаш ёки бўшатиш учун ишлатиладиган узунчоқ дастали ёки дастасиз жағли ме-талл асбоб.

4 *мус.* Беш қаторли нота чизигининг бирортасига қўйиладиган ва шу чизикдаги 'нота номи ва баландлигини билдирадиган махсус белги.

5 *махс.* Тест синовларида берилган тест топшириқларининг энг тўғри жавоблари-ни акс эттирувчи жадвал; тўғри жавоблар рўйхати.

6 *кўчма* Бирор нарсага эришиш ёки уни тушунтириш (англаш), топиш, эгаллаш йўли, воситаси, имконияти. *Бахт калити. Ғалаба калити. иш* Мағрур *овоз берар «одам» деган сўз! Тилсимлар калити унинг қўлида.* Т. Тўла. *Ҳаётда шундай кишилар бўладики, қалб калити уларнинг қўлида.* Ё. Шукуров, Халқбилан ҳамнафас. *Ҳосилнинг калити деб аталмиш бу бойлик [минерал ўғит\ қор, ём-гир остида кучини йўқота бошлаган.* Х. Тўхтабоев, Ўғитдан тоғлар.

299 дү^

КАЛИТБОН [ф. jjl jju l< — калит қоро-вули] *тар.* Хонлик, амирликларда сарой, ўрда калитларини сақловчи, ўзида тутувчи шахс. *Олдинда учиб кирган бир қирғиз йи-гит.. калитбонга ташланди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КАЛИШ \р. галоши / калоши < фр. galoches — резина пойабзал] Нам ўтказмай-диган, одатда маҳси, ботинка каби пойаб-заллар устидан кийиладиган, резинадан ишланган оёқ кийими. *Болалар калиши. Катталар калиши. тт* Қиз *паранжси ўрнига*

чурук бир яктак ёпинган эди. Эғнида.. чит кўйлак, оёқларида жуда эски калиш. Ойбек, Танланган асарлар.

Этик (ёки пучук) калиш Этик, ботинка ёки пийма устидан кийиладиган, учи тўмтоқ, европача калиш. **Узбекча калиш** Одатда маҳси билан кийиладиган енгил, учли калиш.

Калишини тўғрилаб кўймоқ айн. кавуши-ни тўғрилаб кўймоқ қ. кавуш.

КАЛЛА I \ф. **ім** — бош; уч, чўққи; ақл] **1** Жониворларнинг боши (одатда, чорва молларининг боши ҳақида). *Отнинг калла-си. Хўкизнинг калласи. Филнинг калласи.*

2 Сўйилган чорванинг боши (хом ёки пиширилган). *Калла гўшти. Калла куйдирмоқ. Калла шўрва. тт* *Ҳеч бир тўй-томоша.. оқсо-қолсиз ўтмасди. Биронтаси эчки сўйгудек бўлса, калласини энг аввал оқсоқол олдига кўймасдан иложи йўқ. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Калла солмоқ Чорванинг калла-поча ва ошқозон, ичак каби аъзоларини пиширмоқ.

3 с. т. Одам гавдасининг юқори қисми, боши. *Ҳар каллада бир хаёл. тт У [амир] кулган сари қилтириқдай бўйнига калласи оғирлик қилиб, дам олдинга, дам орқасига оғиб кетар эди. С. Анорбоев, Оқсой. Қиз кал-ласини чайқаб, қўлларини энг-сочбоғ ичига тиқиб олди. С. Сиёев, Аваз.*

4 Боши катта киши исмига лақаб сифа-тида кўшиб ишлатилади. *Аҳмад калла. Карим калла. тт* *Ҳаммаси ҳам Фиёс каллага ўхшаган бетавфиқ бўлаверармиди? М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

5 с. т. кўчма Ақл, мия. *Калласи бор одам кўп чекмайди. Боланинг калласи жойида. Каллангни ишлат!* **тт** *Узимнинг каллам бор, сенинг маслаҳатингсиз ҳам эплаб кетаман. С. Сиёев, Отлик аёл.*

6 с. т. кўчма «Нодон», «аҳмоқ», «кал-лаварам» каби маъноларда ишлатилади-ган ундалма.

Хом (ёки қовоқ) калла айн. калла **б.** *Бил-масанг, нега, урди деб қўл кўясан, мажбур қилди деб гувоҳликка ўтасан, қовоқ калла?! О. Ёқубов, Ларза.*

Калла пишдими? с. т. Уйқуга тўйдинг (из)ми? **Калла ташламоқ** Боши билан сувга шўнғимоқ, сувга отилмоқ. *Рўпарамда, сув-нинг лабгинасида, катта харсангтош турар-ди. Шунинг устидан калла ташламоқчи бўлиб, энди оёқ кўйган эдим, нима бўлди-ю, шалоп этиб, сувга ағдарилиб тушдим. Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим.* **Калла қанд қ. қанд. Калла қилмоқ** (ёки урмоқ, кўймоқ) Бош билан зарб бермоқ. *Қора йигит алам билан уни бир калла қилган эди, хотиннинг олдига бориб тушди. С. Аҳмад, Сайланма. Йўлчи бир калла уриб, Қора Ахмаддан ўзини айирди.. Ойбек, Танланган асарлар. Тўлан бош эғиб, навбатдаги даррага елка тутган бўлди-ю, кутилмаганда қозиаскарга калла кўйди. С. Сиёев, Аваз. Куйдирган калла* Тир-жайган киши ҳақида.

КАЛЛА II [лот. calla < callainus — оч яшил] Иссиқхоналар ва хонадонларда ўстириладиган, гуллайдиган кўп йиллик ман-зарали ўсимлик.

КАЛЛАВАРАМ [калла + а. ^ - шиш, ўсма; яллиғланиш] **1** Ақл билан эмас, ўйла-масдан, пала-партиш иш қиладиган (шахс). | *Қодиров:] Сен мени каллаварам деб ўйлама, ҳа. Қодиров ўз ақли билан ишлайдиган раис. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Сенҳамкал-лаварам экансан-да, харидорларнинг уст-бо-шига, афт-башарасига қараб муомала қил-майсанми?! А. Қобил, Унутилган соҳиллар.*

2 Шундай шахсга нисбатли муносабат-ни билдиради. *Норматнинг эсига лоп этиб боя айтган гапи тушди. «Эҳ, каллаварам. Нималар дединг ўзи?» М. Ҳазратқулов, Журъат.*

КАЛЛАДОР \ф. **лїл<лк** - каллага эга, кал-ласи бор: ақлли] Калласи, боши катта. *Калга-дор, чўтирсимон, юм-юмалоқ раис катта қор-нини силкиб қулди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

КАЛЛАК \ф. ■ <i></i> — кичкина калла] 1 Дарахт танасининг шох-бутоқлари кесиб ташланган юқори қисми, кесилган шохи, бутоғидан қолган қисми. *Аброр, ўғлим, ана у беҳининг каллагига газета қистириб қўйган эдим, шуни олиб кел. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Подишонинг дори шу Гулистон шаҳрининг бир чеккасида, каллак тутга яқин жойда эди. «Муродхон».*

Каллак урмоқ *айн.* каллакламоқ. *Янги каллак урилган тут остида қўлига болта-сини ушлаб Собиржон ўтирибди. С. Зунну-нова, Олов.*

2 Бирор нарсанинг бош қисми. *Цилиндр-лар каллагига. Ракетанинг ядроли каллагига.*

3 *махс.* Кулолчиликда идиш ва б. ясашда ишлатиладиган мослама — чархнинг лой қўйиладиган жойи. *Кулол чарх каллагига қўйган гумбаз-лойдан идиш ясаб, олмадек ортиб қолганини ташлаб тбормай, хуштак ясайди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

КАЛЛАҚДОР 1 Кўп йиллардан бери каллакланавериб, сершоҳ бўлиб кетган, каллакланган жойи йириклашиб кетган. *Йўлнинг.. икки четида эса ҳар хил дарахт-лар, самбиттоллар, каллакдор тутлар қад кўтарган. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

2 *с. т.* Калладор.

КАЛЛАКЕСАР Одам ўлдирувчи, бос-қинчи; ҳеч нарсадан қайиқмайдиган ашад-дий жиноятчи. *Азим тажанг қиморбозлар, ўзрилар, каллакесарлар орасида кўп бўлган. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

КАЛЛАКЛАМОҚ Кексайган мева дарахтларини ёшартириш, янгитдан шох-латиш мақсадида улар танасининг юқори қисмидаги эски шох-бутоқларини кесиб ташламоқ; каллак урмоқ. *Толларни каллак-ламоқ. шшш Бек аканинг йигитлари тутга чиқиб, шохларни каллаклай бошлади. С. Ну-ров, Нарвон.*

КАЛЛАПАЗ \ф. j[^]-US — калла пиширув-чи] Калла-поча ва ич (ички аъзо)ларни пишириб сотувчи шахс. *Узум бозорининг ат-рофида.. нўхатиўракчи ва каллапазлар ўз нарсаларининг таъриф-тавсифини қилиб, овозлари борича бақирадилар. М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари.*

КАЛЛАПАЗЛИК 1 Каллапаз иши, кас-би. *Каллапазлик қилмоқ. Каллапазликни йи-гиштирмоқ.*

2 Калла-поча ва ич (ички аъзо)лардан тай-ёрланган таомлар билан савдо қилинадиган жой. *Матпано унинг ёнидан айланиб ўтди-да, каллапазликка бурилди. С. Сиёев, Аваз.*

КАЛЛА-ПОЧА \ф. ^Li - қўй калла-си ва оёқлари; улардан қайнатиб тайёрланган таом] Сўйилган чорванинг (хом ва пи-ширилган) калласи ва оёқлари. *Калла-поча тозалармоқ. шж Маллавоёй ака бир ўтиргани-да битта қўйни калла-почаси билан еб, терисини нонуштага қўяди. А. Қаҳҳор, Қўшчи-нор чироклари. \Кушхонада\ Ҳа-ҳу дегунча молнинг калла-почаси ажратиб олинади. С. Аҳмад, Чўл бургути.*

КАЛЛАПЎШ [ф. ^i^a-к - бошни ўров-чи; дўппи] 1 *шв.* Бош кийими; дўппи.

2 Дўппининг бир тури (одатда, тожик-лар киядиган тури). *Зум ўтмай, қора каллапўш кийган, занжидай бадбашара барзан-гини етаклаб кирди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

3 Қовуннинг ҳандалаксимон эртапи-шар нави.

КАЛЛАХОМ [ф. ғл^a.к - пишмаган калла] 1 Териси шилиб олинган мол кал-ласи.

2 Қора молнинг калла териси. *Калла-хом чарм.*

КАЛЛАХУМ [ф. {J^ A IZ - хумдай, катта калла] 1 Боши жуда катта, катта бошли. *Эшикдан қамчинини елкасига қистирган, баланд бўйли, ягриндор, каллахум йигитча кирди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 *айн.* хомкалла, каллаварам. *Совхоз раҳ-барлари билан менинг орамдан қора мушук ўтган-у, мен каллахум билмай қолганман. Газетадан.*

КАЛЛИГРАФ Ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб, чиройли ёзадиган шахс; хаттот.

КАЛЛИГРАФИЯ [юн. calligrafia - чирой-ли ёзув, хат] Чиройли ёзиш санъати, хат-тотлик; хуснихат.

КАЛОВЛАМОҚ 1 У ён-бу ёнга чайқал-моқ, нотекис юрмоқ, гандиракламоқ. Бу салобатли одамлар орасида хизмат қилган Йўлчи гоят сиқилди. Юрса каловлагандай, бировни туртгандай туюлади. Ойбек, Тан-ланган асарлар. ..қовушмай, каловлаганча бояги аёл кетидан судраларкан, кўзлари така-пука. Ҳ. Назир, Онаизор.

2 Эс-хуши жойида бўлмай довдирамоқ; эсанкирамоқ. Олимжон, онасининг таъзияси устидан чикди. Бошини қаёққа уришни бил-май, каловлаб қолди. Ҳ. Назир, Қанотлар.

КАЛОВЛАНМОҚ айн. каловламоқ. Ка-ловланиб йиқилди мағрур, Азиз тупроқ узра кўйди бош. Т. Тўла. Қизни учратишни хаёли-га ҳам келтирмаганидан, каловланиб, остонада серрайиб турарди. Н. Қобил, Унутил-ган соҳиллар.

КАЛОМ \а. — сўз, гап, нутқ] кт. Сўз; нутқ, гап-сўз; сўзлаш, гапириш. Аввал таом, баъдаз калом. Матал. **иши** Сўзни, Му-қимий, керак этмак тамом, Мазаси қолмас, узун ўлса калом. Муқимий. Менга боқиб, салом этиб, Ҳар бири бир калом этиб, Сўзла-ди эҳтиром этиб, Топди баҳона қизларим. Ҳабибий.

Каломни шариф Куръон, каломулло. Ка-ломи шарифда ёзилишича, йиғи-сиги қилиш олло таолонинг иродасига қарши бориш би-лан баробар гуноҳдир. К. Яшин, Ҳамза. **Хул-лас(и) калом** Гапнинг лўндаси, хулосаси. Хулласи калом, шаҳарни ўраган нобоп ҳалқа узилибкетди. Мирмуҳсин, Кўринмас ҳалқа. Хулласи калом, ишларим чакки эмас, дўттиямримта. «Муштум».

КАЛОМУЛЛО [а. jil^ - Оллоҳнинг сўзи, Қуръон] айн. **қуръон**. Мансабдор ким-са, бу сўзларни қозоғга ёзиб, ҳеч қачон тон-маслиги учун каломуллони ўртага кўйиб, қасам ичирди. Мирмуҳсин, Меъмор.

Каломулло урсин Куръонни ўртага кўйиб қасам ичишни билдиради. «Гўримда типпа-тик тураман,» дея, «Каломулло урсин», деб қасам ичдилар. С. Кароматов, Олтин қум.

КАЛОН [ф. ^УЗ. - катта, улкан] 1 шв. Катта.

Қози калон, қозикалон эск. Бош қози. Четга чиқиб, ёнимга қарасам, машинада қозондай салла ўраган қози калон ўтирибди. И. Раҳим, Оловкор.

2 Калон (эркаклар исми).

КАЛОНДИМОҒ [ф.+а. j-yl^ - кибр-хавоси баланд, такаббур; айн. катта калла] Ўзини жуда юқори тутадиган ва шундай муомалада бўладиган; димоғи баланд. Гап камтарлик ҳақида борар экан, кўз ўнгимда ажойиб фазилатли кишилар, шу билан бир-га, гердайган, мағрур, калондимоғ баъзи ким-ссыр жонланади. Газетадан. Кенжага даст-лаб муомаласи дагалроқ, ўзи калондимоғ кўринган бу киши суҳбат охирида гоят таъ-би нозик бир шинаванда бўлиб чиқди. Ҳ. На-зир, Маёк сари.

КАЛОНДИМОҒЛИК Калондимоғ шахсга хос хатти-ҳаракат, хусусият. Калон-димоғлигинг қолмади-да, полвон! Ҳамон му-софирчиликни бўйнингга олдингми, эгардан сал тушгин-да!/. Назир, Ўтлар туташганда.

Ишхоналарда, айниқса, кўпчилик билан муо-мала қилинадиган жойларда.. сансалорлик, калондимоғлик, дагаллик ва майнабозчи-ликларни бозор кўтармайди. Т. Алимов, Хиргойи.

КАЛОНПО \ф. LfijlS - қадами, оёғи кат-та] 1 с. т. Амал, бойлик ва б. жиҳатдан маъ-лум-машҳур бўлган, амалдор, «катта шахс» ларга нисбатан қўлланади. Бу жойнинг ка-лонполари. **итт** Э, бу калонполарнинг хизма-тини қилавериб, елкамнинг ягири чиққан. С. Кароматов, Бир томчи қон. Йиғилган меҳ-монлар орасида шаҳарнинг маълум, сердас-турхон калонполаридан Мирзакарим ҳожи вофуруш.. Ҳаким гажсава, Мирзараҳим ша-фақ лақабли боилар ҳам бор эди. С. Абдулла, Мавлоно Мирсидикнинг ижодлари.

2 шв. Оёғи кат одам.

КАЛОРИМЕТР Жисмнинг ўзига олади-ган ёки ўзидан чиқарадиган иссимик микдорини (калория ҳисобида) ўлчайдиган асбоб.

КАЛОРИМЕТРИЯ \лот. calor - иссиқлик + юн. metreo — ўлчайман] Турли физикавий, кимёвий ва биологик жараёнларда ажраладиган ёки ютиладиган иссиқлик микдорларини ўлчаш усуллари мажмуи.

КАЛОРИФЕР [фр. calorifere < лот. calor — иссиқлик + ferre — элтмоқ, келтирмоқ] Иситиш, вентиляция тизимларида ва қуритгичларда ҳавони қиздириб берадиган, қувурлар тизимидан иборат қурилма. *Бугли калорифер. Сувли калорифер.*

КАЛОРИЯ \лот. calor — иссиқлик] Бир грамм сувни бир градус иситиш учун зарур бўлган иссиқлик микдори.

Катта калория, килокалория 1000 ки-чик калорияга тенг иссиқдик микдори. **Кичик калория** айн. калория.

КАЛОРИЯЛИ Муайян калорияга эга бўлган; калорияси юқори. *Ксьюрияли овқат.*

КАЛОРИЯЛИЛИК Калорияга эгалик ҳолати, калория даражаси; тўйимлилик. *Ошиқ-овқат маҳсулотларининг калориялили-ги. Кўмирнинг калориялилиги.*

КАЛТА \ф. к — думи қисқа, думсиз] **1** Узунлик ўлчами кичик; қисқа. *Калта шим. Калта қалам. Калта ип боғловга етмас.* Мақол. *Симни калта кесмоқ. шим* *Мастон калта, аммо йўгон икки ўрим сочини бошига ўради-да.. оёғидаги ағдарма этикни кўздан кечирди.* А. Қаҳҳор, Мастон.

▲302

2 Узунлиги нисбатан кам, етарли эмас; қисқа. *Унинг итак салласи нозик қилиб ўралган, калта энгли итак абоси ўзига жуда ёпи-шиб туради.* П. Қрдиоров, Юлдузли тунлар. *Арслон ҳам эгасининг буйруғини кутаётган-дай, калта думини қимирлатиб.. С. Анорбо-ев, Оқсой.*

3 Вақт нуқтаи назаридан қисқа, тез ту-гайдиган, узоқ давом этмайдиган. *Калта кун. шим* *Соат кетидан соат ўта берди. Кал-та куз кунни оғди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу гаплашув ҳам калтагина савол-жавобдан иборат бўлди. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Ингичка ва йўгон, калта ва чўзиқ товушлар.. кекирдаклари узилиб кетмайдими бу хўрозларнинг? W. Раҳим, Ихлос.*

Гапни калта қилмоқ Гапни чўзмаслик. *Аммо инсон қалбини шиллиқ қуртдек кемириб ташлайдиган гумон ва шубҳа ич-ичини кемираётганидан ижирғанди, сездириб қўймаслик учун гатши калта қилди.* С. Ка-роматов, Олтин қум. **Калта ўйламоқ** **Яхши-лаб**, пишиқ қилиб ўйламаслик, юзаки ўйламоқ. *Айб ўзимда. Калта ўйлабман. Тўй бўлмайди..* Ойбек, О. в. шабадалар. **Қўли кал-та** Имконияти чекланганликни, иложсизликни билдиради. *Ўйлабқарасам, дўппи тор экан.. каттароқ иш қилишга қўлимиз калта экан.* И. Раҳим, Ихлос.

КАЛТАБАҚАЙ Паст бўйли, аммо йўгон ва пишиқ, бақалоқ (одам, ҳайвон ва уларнинг аъзолари ҳақида). *Калтабақай одам. Калтабақай от. шим* [Матқовул] *Бесўнақай битган картошкадай калтабақай бармоқла-рини ятак ёқасига олиб бориб, сержун кўкрагига туфлаб қўйди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КАЛТАБИН \ф. <з^->4"; К — яқин, қисқа масофани кўрувчи; узокни кўрмайдиган| Ҳозир кўзига кўриниб турган нарсалар асо-сида ҳукм чиқариб, унинг оқибатига фаҳми етмайдиган, келгусини, узокни кўрмай-диган, қисқа ўйлайдиган. *Одамлар орасида ҳам узокни кўра билмайдиган калтабинлар учрайди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

КАЛТАБИНЛИК Узокни кўрмай, кал-та ўйлаб иш тутиш, калтабинга хос хатти-ҳаракат. *..қурилиши ишига дахлдорраҳбарлар-нинг совуққонлиги, калтабинлиги туфайли йўл қўйилган хатолар..* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

КАЛТАДУМ 1 Думи калта, думи кесил-ган; чўлтоқ. *Калтадум эшак. Калтадум ит. 2* *қўчма с. т.* Европача кийинган, калта кийим кийган. *У [хотин] шаҳардан келган бир калтаоўм домлага тегиб олди.* Ш. Ризо, Қор ёгаи, излар босилди. -Зиёлилар,

билма-дим, калтадумми, аммо билгич, ўқиган одам-лар-да, — дейди такрорлаб дурадгор. Ойбек, Болалик.

КАЛТАК \ф. Л-К ~1 1 Дарахт, бута ка-биларнинг барг-бутоқсиз узун шохи (син-ган ёки махсус қирқиб олинган, хўл ёки курук). *Текинга ўрганган текинхўр қўлига калтак илинса ҳам, «керак бўлиб колар», деб олибкетаверар экан. «Муштум». Ойимча биби уларни /товуқларни/ кўрди-ю.. қўлига тушиб қолган бир калтакни ҳавола қилиб, тиркиратиб ҳайдаб, қаргай-қаргай уйига кириб кетди. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Уриш, саваш, хайдаш учун ишлати-ладиган махсус ёғоч; таёк, гаврон. \Жал-лод\ Бандининг тиззасидан қўйисига, оёқла-ри суюгининг қиррасига калтак билан қат-тиқ бирурди. С. Айний, Эсдаликлар. \Улер-бек\ Қўлига калтак олиб, мол боққани қирга чиққанида.. қувончини ичига сиздира олмай думбалоқ ошган эди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 фольк. Тўкмоқ, чўкмор; гурзи. Тўқсон ботмон чўян калтак қўлимда. «Ширин билан Шакар». \Кўкалдошининг\ Тақимида беш юз ботмон калтаги. «Алпомиш».

4 Таёк, мушт ва ш. к. зарби; уриш. [Лаъ-ли].. бекнинг калтаклари ҳам ёдидан кўтарилиб, аланга чайқалаётган ерга югурди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Сувонжоннинг калтакка тоқат қилиши Ойсулувга бадтар алам қил-ди. С. Анорбоев, Оқсой.

5 кўчма Қаттиқ тегувчи, зарба бўлув-чи нарса; дакки, Аваз уйига киргач, ўзича қулиб: «Менинг шеърим улар учун калтак бўлади», - деб қўйди. Ж. Шарипов, Хо-разм. Чолнинг ҳар бир мақтов сўзи полвон-га калтак бўлиб тушмоқда эди. Х- Назир, Ўтлар туташганда.

Бошида калтак синмоқ Ажрини (жазо-сини) тортмоқ; қаттиқ гап эшитмоқ; ба-лога қолмоқ. *Ҳамма айб Салоҳибдинба! Кап-тап шу одамнинг бошида синиши керак. А. Қахҳор, Сароб. Шунча калит чўнтагимда бўлгани билан битта-яримта нарсани нари-бери қилиб кўрай-чи, бошимда калтак син-син.. С. Маҳкамов, Шогирд. Калтак емоқ*

Калтакка дучор бўлмоқ, калтакланмоқ. *Эч-кининг калтак егиси келса, чўпоннинг таё-гига сурканади. Мақол. Калтак остида қол-моқ* Кўп калтак емоқ; дўппосланмоқ, са-валанмоқ. *Бирдан ўнларча мушт ҳавога кўта-рилди. Элликбоши ва унинг шериклари кал-так остида қолди. Ойбек, Танланган асар-лар. Оқ калтак, қора калтак* Хужум қилиш учун таёк, теша ва ш. к. лар билан қурол-ланган оломон ҳақида. **Қора калтак билан** Қуролсиз, оддий таёк билан. [Абдурахмон-бой.] *Мирзақул, Николай полвон зўр. Хом хаёлларга бориб юрманг, қора калтак билан подшоҳликни ишқитиб бўлармишим!* **Н. Са-фаров, Уйғониш.**

КАЛТАКЕСАК Судралиб юрувчилар синфига мансуб, думи узун ва узилувчан, тана тузилиши турли-туман, усти майда тангачалар билан қопланган жонивор. *Йўл устидан чиқиб қолган чаққон калтакесак-лар ўқдай отилиб, қавакларга кириб кета-ди.. А. Қахдор, Мастон.*

КАЛТАКЗАДА [калтак + ф. <>j j — урил-ган] Кўп марта калтакланган, калтак зарби ўтган, калтак зарбидан безиллаб қолган. *Ошпазнинг ўчогида, кўнчининг ёмида, нои-войнинг томида сизиниб юрган калтакзада бир ит эдим. А. Қодирий, Обид кетмон.*

КАЛТАКЛАМОҚ 1 Калтак билан урмоқ. *Хўкизни калтакламоқ. иит* қўшни совхозлар-дан ялиниб-ёлвориб олган хашакни бир ой ўтмай чўгини ўчириб қўйишибди. *У яна бу-зоқни калтаклай бошлади. «Муштум».*

2 Умуман, урмоқ. *Жаллод: -Бунинг ни-масини икки юз дарра ураман, юзга чидаса ҳам гўрга, — деди, сўнг жаҳл билан калтак-лашга ўтди. С. Сиёев, Ёруғлик. Шунча йил бадалида эрим чертмаган эди, энди аямай-ди, ўлгунча калтаклайди, деб ўйлади. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

3 кўчма с. т. Қаттиқ танқид қилмоқ; қаттиқ койимоқ. *Ҳозир Эшматов.. турли найранглар билан Эрназаровни ҳимоя қилиб, Қрдировни калтаклаб юрибди. «Муштум».*

КАЛТА-КУЛТА Калта ва арзирлик бўлмаган (нарсалар ҳақида). *Калта-култа тахталар.*

КАЛТАТОЙ Тарихда (19-а. охирларига-ча) мавжуд бўлган ўзбек уруғларидан бири.

КАЛТАФАҲМ [ф. + а. [^]<с[^] - фаҳми калта, тушунчаси тор] Дарров тушуниб, уқиб ололмайдиган, ақли, фаҳми етмайдиган; фа\ми калта. *Бир сафару калтафаҳм ва довдир одамнинг сўзига амал қилиб, ми-лицционер, халқ вакиллари билан жинойтчи-ларнинг уйига бостириб киради.* Ғ. Ғулом, «Тобутдан товуш» ҳақида.

КАЛТАФАҲМЛИК Калтафаҳмга хос иш, хатти-ҳаракат. *Калтафаҳмлиги ўзига панд берди.*

КАЛТАЧА тар. Ўрта Осиёда аёлларнинг узун, олди очик, кенг энгли, авра-астарли қадимий уст кийими; мурсак.

КАЛҲАМАЖ Гўнг ейдиган ва гўнгни соқ-қа қилиб, унинг ичига тухум кўядиган кўнғиз.

КАЛҲАТ Қарчиғайсимонлар оиласига мансуб катта йиртқич қуш; сор. *Жилганинг устида бир гала қора қуш.. калхатлар гир айланиб учиб юрарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАЛЬКА \фр. saïque — нусха, таклид] **1** Чизма ёки расм нусхасини тушириш учун махсус ишланган шаффоф қоғоз ёки мато. *Калька билан расм олмоқ.* **ит** Нусха олинadиган чизма устига чизма варагидан сал кат-та калька вараги қўйиш керак. А. Абрико-сов, Чизмачилик.

2 Чизма ёки расмнинг шундай қоғоз ёки матога туширилган нусхаси. *..бепоён чўлни тўрт киши кезиб юрибди. Уларнинг қўлида планишет, калькалар туширилган турли ўлчам ва схемалар.* Р. Ўроқов, Қарши чўлида.

3 тли. Бошқа тил луғавий бирлигидан она тили воситалари билан сўзма-сўз таржима қилиш орқали ясалган сўз ёки ибора. «Дунёқараиш» сўзи русча «мировоззрение» сўзи-нинг, «ишчи кучи» эса «рабочая сила» ибора-сининг калькасидир. «УТА».

КАЛЬКАЛАМОҚ **1** тех. Калькага кўчир-моқ. *Чизмани калькаламоқ.*

2 тли. Калька йўли билан ҳосил қил-моқ. *Калькалаб термин ясамоқ.*

КАЛЬКУЛЯТОР **1** Калькуляция му-тахассиси, калькуляция тузувчи ҳисоб-чи ходим.

2 Турли алгебраик амалларни ҳисоблаб чиқариш, бажариш учун қўлланадиган электрон асбоб.

КАЛЬКУЛЯЦИЯ [лот. calculatio -ҳисоблаб чиқариш, ҳисоб-китоб] Товар, маҳсулот ва ш. к. нинг таннархини ҳамда харид ва сотиш баҳосини ҳисоблаш; шун-дай ҳисоблашда тўлдириладиган варақ; нар-санинг таннархи ва сотиш нархи аниқ кўрсатилган маълумот. *Ҳар бир кишига калькуляция бўйича алоҳида коса ва тарелкада палов сузилади.* С. Аҳмад, Паловга эътибор.

КАЛЬЦИИ \лот. calx, calcis — оқак| Менделеев даврий системасининг **II** гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оҳақтош, мармар ва ш. к. таркибида бўладиган кумуш-симон ялтироқ металл.

КАМ [ф. ?Л — оз, озгина, арзимас] **1** Талаб, меъёр ёки одатдагига нисбатан миқдори етарли бўлмаган; оз. *Кам ерли деҳқон (тар.). Йигилишида одам кам бўлди. Бу йил ёгингарчилик кам бўлди.* **тм** Чоршанба куни далага қўш чиқиши керак. *Лекин, ҳақиқатга қараганда, уловимиз кам.* А. Қаҳдор, Қўшчинор чироклари.

2 Умуман, миқдори оз, кўп эмас. *Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла.* Мақол. **тм** Тибби-ёт илмида кам учрайдиган воқеа. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Капанчиларда чакка ўтмаган уй кам қолди.* А. Қаҳҳрр, Қўшчи-нор чироклари.

3 Эгалик шаклидаги айрим сўроқ ол-мошлари билан қўлланиб, қиёсланувчи шахс ёки нарсадан камчилиги йўқ экан-лик маъносини ифодалашга хизмат қила-ди. *Бошқалардан нимаси кам?! Ундан қаери кам?* **тм** [Кимсаной] *Ғайратли, ориятли жувон эди. Мана, Канизак звено бўлар эмиш, Кимсанойнинг Канизакдан нимаси кам?*

А. Қаххор, Қўшчинор чироклари. *Ўшалатта-дан кам жойим борми?.* Ў. Хошимов, Қал-бингга қулоқ сол.

4 Етишмай турган, керак бўлиб турган. -*Келинг, келинг, Шоражаб, — деди қаландарга қараб Сафар, — бир сиз кам эдингиз.* С. Айний, Қуллар.

5 *от взф.* Етишмовчилик, етишмаган нарса. *Камини тўғриламоқ. тт Сизнинг давлатингизда ейши-ичишдан, айи-ширатдан камим йўқ.* «Эртақлар».

6 *с. т.* Сонлар билан бирга келиб, му-айян микдорнинг тўлиши учун ўша мик-дорга ўзи қўшилиб келган сон билдирган микдор етишмаслигини билдиради. *Бир кам қирқ. Бобом икки кам тўқсонга кирди. тт Бир кам ўттиз бўлак бўлиб, тўп бўлиб, ҳин-дига тегинг.* «Гўрўғли».

7 Баъзи сўзларга бирикиб, қўшма сўз яшаш учун хизмат қилади: *камган, камдаромад, камҳосил* ва б.

Бир ками Қилмаган иши (камчилиги) гапдан англашилган нарса экани, уни бажаришга норозилик оҳанги билан ифода-ланади. *Бу нимаси?.. Бир камим от етаклаб юриши қолувди?* Газетадан. **Кам бўлманг** Яхши тилак билдиради; яшанг, камол топинг. *Хўш, қизим, табрикларимни қабул қилинг.. ич-ичимдан хурсандман, илоҳим, кам бўлманглар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Кам бўлмаслик** Зарар-зиён кўрмаслик, зиён қилмаслик. *..айниқса, ота-онасининг гапига кириб, ўзининг кам бўлмаганлиги ҳақида анча кўптириб, кўп гапирди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ун-доқ дема, қизим! Гапимга кириб, кам бўл-дингми ? [ҳовлини кўрсатиб] Мана! А. Қах-хор, Қўшчинор чироклари. Бизга ихлос би-лан қўл берсанг, кам бўлмайсан.* «Муштум».

КАМАЙМОҚ 1 Микдор ёки ҳажм жи-ҳатидан оз, кам бўлмоқ; озаймоқ. *Маҳсу-лот таннархи камайди. Касаллар сони ка-майди. тт Кўллардаги сув миқдорининг камайиши ёки кўпайиши эса маҳаллий иқлим шароитининг ўзгаришига сабаб бўлади.* «Фан ва турмуш». *..уч-тўрт от майиб бўлиб итн-дан чиқди, жамғарилган озиқ-овқат ҳам камайиб бормоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Куч, таъсир даражаси жиҳатидан озай-моқ, пасаймоқ. *Озриқ камайди. Хавф камайди. тт Учинчи кун табриклар оқими бир оз сусайиб, знтикиш, ҳаяжонлар ҳам камайиб, сокин дақиқалар бошланаётган эди.* Х. Тўхта-боев, Ширин қовунлар мамлақати.

Камайиб қолмайди ёки бирор жойи (ёки ери) камаймайди Ҳеч қандай зарар етмай-ди. *Қариянинг ишларига қарашиб юборсанг. бирор еринг камайиб қолмайди.*

КАМАЛАК 1 Қаттиқ ёғочнинг бир учи-дан иккинчи учига ип тортиб эгиб, ярим доира шаклида ясалган, найза-ўқ солиб отиладиган қадимий ов ва жанг қуроли; ёй, камон. *Афанди елкасига камалакни осиб.. узоқ бир қўлга гоз овлагани кетди.* «Латифалар». *Эрмана полвон камалагидан девга қараб ўқ узибди.* «Олтин бешик».

Камалак бўлмоқ Камалак шаклини ол-моқ, эгилмоқ. *Қрилар учади, кўзлар қулади, гоҳ чап қўл орқа белга ўтиб, ўнг қўл қош устида камалак бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Камалак қилмоқ** Камалакка ўхша-тиб эгмоқ. *Раис. бир қўлини орқасига қўйиб. иккинчи қўлини боши узра камалак қилиб. икки-уч елка қоқди-да, шундай йўгон гавда-ли бўлишига қарамасдан, беданадай йўрга-лади.* А. Қаххор, Қўшчинор чироклари.

355

2 Қуёш нурунинг ёмғир, фаввора том-чиларида синиши натижасида ҳавода турли рангда ярим доира шаклида кўринадиган йўл; ёй. *Дарахтларнинг орқасида қизил, кўк, пушти ва зангор чизиклар билан товланиб турган камалак кўринди.* И. Раҳим, Ихлос.

КАМАНД \ф. ■ < — бўғов, сиртмоқ; ту-зоқ] *эск. кт.* Бирор ҳайвонни тутиш, банди қилиш, боғлаш ёки бирор нарсага илин-тириб, баландга чиқиш учун ишлатилади-ган сиртмоқли арқон. *Тўғрибой камандни ро-силаб туриб, йўлбарснинг бўйнига солибди.* «Эртақлар».

Каманд қилмоқ Боғламоқ, сиртмоқ сол-моқ. \Навоий:\ Мени девонани занжирбанд қил. Қаро зулфингни бўйнимга каманд қил. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

КАМАР I [ф. - бел; белбоғ] **1** Ки-йим устидан белга боғланадиган, одатда кўндан қилинадиган, ғўқали энли тасма; қайиш. *Солдатча камар. Камар боғламоқ,ши Мингбоши кимхоб тўнининг чап барини қа-йириб, бошмалдогани кумуш камарга ўтказ-ди.* М. Исмоилий, Фарғона ғ. о. [Пиёда ас-карлар] Белларини қайиш камар билан боғ-ладилар. С. Айний, Эсдалиқлар. *Поччаев ўрнидан туриб, сербар камарини тузатди-да, томоқ қириб, ўзидан хабар берди.* А. Мух-тор, Туғилиш.

2 Шим, юбка кабиларнинг (тушиб кетмаслиги учун) тепасидан ўтказиб боғ-ланадиган (тақиладиган), мато ёки чарм-дан тайёрланадиган боғ, тасма.

3 кўчма эск. кт. айн. бел **I 1, 2.** **Хизмат камарини боғламоқ** кт. Сидки-дилдан берилиб хизмат қилмоқ. **Ҳиммат ка-марини боғламоқ** кт. Сахийлик қилмоқ, \иммат ишига отланмоқ. *Бойвачча, ота ор-зусига ҳиммат камарини боғлайверинг.* Ой-бек, Танланган асарлар.

КАМАР II 1 Сув қирғоғида, жар чети-да, тепалик ёки тоғ ёнбағрида ювилиш, ўпирилиш ва ш. к. натижасида ҳосил бўлган ғорсимон ўйиқ жой, йўл. *Акам билан Тоғ-камарга тушиб чиқдик. Ўша камар ичи кенг: юз бош қўй соялаши мумкин.* Ш. Холмирза-ев, Оғир тош кўчса. *Қирнинг ўркачи нариги четда юксалган тоғнинг белига етиб тугар, ундан, тоғ бағрини кесгандек бўлиб, камар кетган эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Дарё, ариқ каби оқар сувларда унинг айланиб оқадиган жойи, айланма ҳаракатли чуқур жойи. *Сувонжон тол тағидаги ка-марга шўнғиб кириб кетарди-да, анчадан кейин балиқ билан чиқиб келарди.* С. Анор-боев, Оқсой. *Пўлатжон сўл оёғи билан сув-ни шалолатиб, камардан чиқишига уринар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

3 анат. Умуртқали ҳайвон ва одамнинг айрим бўғинларида, ўзаро туташ икки су-якнинг бирида бўладиган яримшар шакли-даги ўйиқ жой, кўз. *Елка (қўл) камари.*

КАМАРБАНД \ф. лл^л - камари боғ-лиқ; хизматкор] **1** Камар боғлаган; бели боғли. *Камарбанд одам.*

2 Икки учи елка оша камарнинг икки ерига бириктирилган, камарни белда ту-тиб турадиган боғ, тасма. *Сарой дарвозаси-дан.. камарбандига қаламдондек.. бир чўп қистиргани ҳолда амир маҳрамларидан бири кириб келди.* С. Айний, Қуллар.

КАМАРБАСТА \ф. <^>^ - камар боғ-лаган; хизмағкор; ишончли дўст) **1** кт. Хиз-матга тайёр, бел боғлаган, шай. *Кўпгина кишилар унинг [Ёқубжоннинг] хизматида ка-марбаста эдилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Қўлимиздан келганча чора-тадбир-ларни кўришига камарбастамиз.* Газетадан.

2 тар. Уста деб маълум, эълон қилин-ган шогирд, уста сифатида мустақил иш-лашга рухсат олган косиб. *Шогирд узоқ йил-лар ишлаб, кўз нури, куч-қувватини сарф-лагани ҳолда, корхона эгаси билан халфа-сини рози қилмагунча, фотиҳа олиб камар-баста.. бўлолмасди.* М. Ўринхўжаев, Уну-ғилмас кунлар.

КАМАРБАСТАЛИК 1 Хизматга шай-лик, доим тайёрлик. *Садоқат, ихлос, поклик, камарбасталик.. зиммамизда эканини ҳеч қачон унутмаслик керак.* А. Турдиев, Хиз-матга бел боғлаганмиз.

2 Камарбаста (халфа) иши, касби.

КАМАЮВЧИ 1 **Камаймоқ** фл. сфдш.

2 мат. Айириш амалида ичидан бошқа сон айириб олинадиган сон.

КАМБАЛА [фин. kampa] Икки кўзи бо-шининг бир томонида бўлган ялпоқ ден-гиз балиғи.

КАМБАР [ф. — эни кичкина, эн-

сиз] Эни қисқа; энсиз. *Камбар лента. Кам-бар чит. Камбар қайиш. ти Камбар тахта-лардан нари-бери ясалган скамейкалар қин-ғир-қийишқ, синиб кетгудай нимжон эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Нимқоронги бос-*

20—Ўзбек тилининг изоҳли луғати

тирмадан ўтиб, гишдан ишланган камбар зинадан юқорига — болохонага чиқишди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КАМБАҒАРГ Барги кам, сийрак баргли. *Баланд сўритокларда чумак урган чиллакилар, камбарг дарахтлардаги олма ва нашва-тилар у | Нормат] билан хайр-хўшлашмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КАМБАҒАЛ [ф. +а. - қашшоқ,

йўксил] **1** Муҳтожликда яшовчи, тирикчи-лик учун керакли нарсаси етарли бўлмаган; қашшоқ, фақир, бечора. *Камбағал дех-қон. Камбағал оила. тт Камбағал йигит энди ёруғда ҳамма отларни айрим-айрим кўздан кечирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўқув-чиларнинг қарийб ҳаммаси камбағалларнинг болалари бўлгани учун, Ғуломжон ота-она-лар билан маслаҳатлашиб, уларга ҳар кун иссиқ овқат қилдириб бериб турди.* М. Ис-моилий, Фаргона т. о.

2 Етарли бўлмаган; кам, етишмайдиган. *Сувга камбағал ер. Сўзга камбағал одам.*

3 кўчма с. т. Мушкул ёки аянчли аҳволга тушиб қолган киши; шўрлик, боёқиш, бечора. *Йўлчи қачон келар экан, келганда ҳам нима қиларди, бўзбола, камбағал.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАМБАҒАЛЛАШМОҚ Камбағал бўла бормоқ, камбағал бўлиб қолмоқ.

КАМБАҒАЛЛИК Ҳаётий, тирикчилик-ка зарур нарсаларнинг етишмаслик хрла-ти. *Бир куни она бечора зор йиглаб, худога нола қилди: «Камбағаллик қурсин, камбағаллик.. Эхудо, қандай гуноҳ қилдикки, биз-ни бунчалар қақшатасан?»* К. Яшин, Ҳамза. *Хотинимни ҳам камбағаллик йиқитди, бу ердаги оғир иш нобуд қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАМБАҒАЛПАРВАР Камбағалларга ёрдам кўрсатувчи, шафқат қилувчи; камбағаллар ҳуқуқини химоя қилувчи. *Камба-ғалпарвар одам. тт Бойлардан биттаси жуда камбағалпарвар ўтган экан, чакалак-зорига дошқозон остириб, оч қолганларга хўрда, атала улашиб турар экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАМБАҒАЛЧИЛИК Камбағал шаро-ит; камбағаллик, қашшоқлик. *-Ҳозир ҳам камбағалмиз, — деди Сатторқул давом этиб, — лекин бу камбағалчилик ёруғ дунё-даи бўлган умидимизни эмас, ёруғ дунёдан бўлган умидимиз бу камбағалчиликни еб, кемириб ташлаётимди.* А. Қахҳор, Қўшчи-нор чироқлари.

КАМГАК **1** Атрофи ёки икки-уч томо-ни девор ёки бошқа бирор нарса билан ўралган пана жой. *{Йўлчи} Катта ҳовлига терс бўлган камгак — панароқ жойда самовар қўйиш, ўтин ёриш билан машғул бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бўш, тўлмаган, очиқ қолган жой. *Би-ров ганч қорар, уни челақларга солиб.. усталарга узатар, бири бўлса, синган гиштларни теша билан текислаб, камгак ерлар учун ҳозирларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КАМГАП Кўп гапиришни ёқтирмайди-ган, кам гапирадиган. *Камгап одам. тт Насиба қанчалик сергап, сермулозамат бўлса, Маҳбуба шунчалик камгап ва камсуқум эди.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Укамгап, аммо бош-қаларнинг ҳар қанча узундан-узун гапларини ҳам диққат билан тинглайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КАМГЎШТ **1** Гўшти оз, оз гўшт солин-ган (овқат ҳақида). *Камгўшт ош. Камгўшт сомса.*

2 Танасида, гавдасида гўшти кам; оз-ғин, ориқ. *Камгўшт одам. тт Катта укам Сирожиддиннинг аҳволи ҳам яхши эмас, у ас-лида, ориқ, камгўшт ва касалсимон, ранги ўчган эди.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Муқимий ориқроқ, камгўшт.. бир оз камгапроқ одам эди..* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

3 с. т. Ейиладиган жойи, эти кам. *Камгўшт мева. Камгўшт қовун.*

КАМДАРОМАД Даромадни кам бе-радиган. *Камдаромад хўжалик. Камдаро-мад иш.*

КАМДИЙДОР с. т. Кам кўришадиган, кам учрашадиган. *Камдийдор бўлиб кетмоқ.*

КАМЕР [лот. camera] сфм. Солист ёки бир неча кишидан иборат ансамбль ижро-си учун ёки тор доирадаги тингловчилар, мухлислар учун мўлжалланган. *Кейинги йилларда республика мусиқа санъати юксалди. Бизда янги опера ва балетлар, симфоник ва камер асарлар яратилди.* Газетадан.

Камер мусиқа Оркестр ва хорлардан фарқ қилувчи кичик бир гуруҳ (дуэт, трио, квартет) ижрочилари учун яратилган чолғу ёки вокал мусиқа; якка ижрочи учун ёзилган кичик ҳажмдаги мусикали пьеса.

КАМЕРА \лот. camera — гумбаз; хона, бўлма] 1 Баъзи муассасаларда бирор нарса 358

учун мўлжалланган махсус хона, бўлма. *Юк саклаш камераси. Дезинфекция камераси. Тур-ма камераси. Бир кишилик камера.*

2 Асбоб, машина, иншоот ичидаги ат-рофи берк бўшлиқ. *Сиқилган ҳаво камера-си. Шлюз камераси. Торпеда камераси.*

3 III ина ёки тўп қопламаси остидан жой-лаштириладиган ва ичига ҳаво дамланадиган резина қобик, ғилоф. *Велосипед камераси. Матта камераси. Футбол тўпининг камераси.*

4 Фото, кино ёки видеоаппаратнинг пластинка ёки плёнка қўйиладиган ички қисми ёки шундай аппаратларнинг қисқа-ча номи. *Кинога олиш камераси.*

КАМЕРТОН [нем. Kammerton < Kammer — хона + ton — товуш] 1 физ. Уч-лари эркин тебранадиغان қилиб маҳкамланган айрисимон металл таёқча шаклидаги асбоб (товуш манбаи). *Товуш ҳодисаларини ўрганишда шовуш манбаи сифатида кўпинча камертондан фойдаланадилар. А. В. Пёриш-кин, Физика курси. Бир жисмдан чиқибтар-қалган товушнинг бошқа жисмга урилиб, тебраниш ҳосил қилиши резонанс ҳодисаси дейилади. Камертонларнинг резонансланиши бунга яхши мисол бўла олади. У. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

2 мус. Маълум баландликка эга бўлган ва аниқ товуш берувчи, чолғучилик амалиётида чолғу асбобларини созлашда иш-латиладиган кичик бир асбоб (товуш баландлиги эталони бўлиб хизмат қилади).

КАМЁБ [ф. vWf[^] — кам топиладиган, нодир; танқис] Кам топиладиган, сийрак учрайдиган; етишмайдиган. *Шаҳарда тан-қис, камёб ҳисобланган молларнинг бу магазинда топилиб туришини ҳам шу одамнинг хизмати деб биладилар. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар. Эмиш оқ турналар асл парранда, Нодир ва камёбдир қуш зоти аро. А. Исроилов. Сув тилладай азиз, камёб эди. Ш. Раул идов, Сув йўли.*

КАМЗУЛ \фр. camisole - тиззагача узун-ликдаги енгсиз эркаклар кийими) 1 Илга-ри ёзлик пальто ўрнида кийиладиган енги узун уст кийим. *Унинг \ Салимбойваччанинг\ бошида яп-янги тагдўзи дўппи, устида чўнтаклари қопқоқли, қайтарма ёқали узун оқ жузжун камзул. Ойбек, Танланган асарлар. Бежирим, келишган нозик ниҳолинг, Беқасам камзулинг ярашибди хўб. Х. Расул.*

2 Хотин-қизларнинг желаткага ўхшаш калта, одатда енгсиз, ёқасиз уст кийими. *Духоба камзул. Заррин камзул. шш Балки ўртача бўйи, бахмал камзули маҳкам қучоқлаб олган нозик бели билан таниш кўринган-дир. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бизни ёрнинг камзулининг енги йўқ.. «Кўшиқлар».*

КАМИ қ. камида. *Отанг юртнинг обрўли кишиларидан бири, ками беш юз жойдан тўққиз олиб, тўн кийган. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

КАМИДА рви. Кам деганда, энг ози; минимум. *Бу иш учун камида уч ой вақт керак. Бу пайкал камида беш гектар келади. тт Уч кунлик эмас, камида бир ҳафталик ой*

тоғлар ортидан секин кўтарилиб келар-ди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Ҳар бир ўқитувчи камида шигирма-ўттиз ўғил-қиз ўқувчининг тақдири учун жавобгар. Н. Сафаров, Оловли излар.

КАМИКАДЗЕ \яп. < сўзма-сўз: илоҳий шамол) **1** Иккинчи жаҳрн урушида душман кемаларига қарши ҳужум қилиб, ўз самолё-ти билан бирга ҳалок бўлган япон учувчиси.

2 кўчма Бирор кимса ёки нарса учун ўзини қурбон қилувчи шахсга нисбатан кўлланади.

КАМИМОҚ с. т. Камаймоқ. Уларнинг кексалигини ҳурмат қилсанг, камиб қолмай-сан. 111. Рашидов, Қудратли тўлқин. Шун-дай болалар ҳақиқа бир-икки машина ёғоч-гнахта сарфласа, колхозимиз камиб қолар-миди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

КАМИН [нем. Kamin < юн. kaminos — ўчоқ, печь] Деворга ўйиб ишланган, кенг очик ўтхонаси ва тик мўриси бўлган, бе-восита ёқилғи алангаси билан хонани иситадиган ўчоқ.

КАМИНА \ф. Л — кичик, эътибор-сиз, ҳақир; ҳақир қулингиз, мен] юқ. усл. **1** Камтарлик ёки одоб юзасидан «мен» сўзи ўрнида ишлатилади. Бумақола каминаники. Каминанинг сизга бўлган ҳурмати зоят са-мимий. **ит** Камина ҳам суҳбатларингизни со-гинганмен. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Хуллас калом, у маҳалда камина эндигина институтни битириб, ёшлар газетасига ишга кирганман. О. Ёқубов, Излайман. Аслида камина ёзиш учун тузилган эканман.. Ҳаётим, ижодим, ёзувларимнинг булоғи сенсан, азизим. Шу булоқни мусаффо сақлагин. «Гулистон».

2 эск. Содик хизматкор, қул. [Салимхў-жа:\ Каминангиз бир ўзимман, қийинчиликларнинг қурбониман, хоним, ҳа, қурбониман. А. Мухтор, Опа-синтиллар. [Эликбоши:\ Камина сизнинг илтимосингизни ерда қолди-ришдан кўра ҳар қандай машаққатни ўз зим-масига олишини аъло кўради. Ойбек, Танлан-ган асарлар. Хива хонининг саройида ҳам ка-минанинг кўз-қулоқлари бор.. Ш. Тошматов, Эрк куши.

КАМ-КАМ Секин-аста; бирдан эмас, оз-оздан. Қарзни кам-кам узмоқ. Қимизни бирданига кўп ичиб бўлмайди, кам-кам ичиб ўрганиши керак. **тш** Муҳиддин ака, «фақат сиз билдингиз» деган гап хуш ёқиб, илжайди: «Кам-кам ўрганамиз-да, мулла, кам-кам». А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАМ-КЕТИК к. **кам-кўст**. У кеча Саи-дий билан рўзгорнинг кам-кетиклари, тузукроқ маишат қилиш тўғрисида сўзлашиб.. А. Қахҳор, Сароб.

КАМ-КЎСТ [кам + ф. с^L£ - кичра-йиш, озайиш; зарар, зиён) Етишмай, кам-лик қилиб турган нарсалар, етишмовчилик. Рўзгорнинг кам-кўсти. **иш** -Тўйнинг кам-кўсти битгандир ? — раис мўйловини силаб, Саидхонга мурожаат қилди. Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. Қурбон ота елиб-югуриб, сал кунда.. чойхонанинг кам-кўстини тўғри-лаб олди. А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари.

КАМЛИК **1** Кам ҳолат, кам микдорда бўлиш. Ахолининг камлиги. Ёғиш-сочиннинг камлиги. **иш** Йўқ, отахон, домла бу гапирни илми камлигидан айтган эмасдир. Илмда ҳам илм бор. А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Етишмовчилик, камчилик; моддий қийинчилик, мухтожлик. Унинг ҳеч нарса-дан камлиги йўқ.

Камлик кўрмоқ (ёки **тортмоқ**) Камчи-лик, етишмовчилик, мухтожлик туймоқ, кўрмоқ. Сендаги дўстлик меҳри Дўстларингга зиёда, Сен билан бирга бўлган Камлик кўрмас дунёда. Ғайратий. Нима бўлсаҳам шулар олий маълумот олсин, эл-юртга қўшилсин — кам-лик тортмайди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. **Кам-лик қилмоқ** Кифоя қилмаслик, (шунинг ўзи) етарли эмаслик. Шаҳардан олаётган шунча даромадинг камлик қиляптимики, энди қишлоққа қараб тамшанасан, баччагар! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Гоҳо, жуда алам ўтганда, «севишининг ўзи бахтли бўлишига камлик қиларкан..» деб афсусланади Ёрқи-ной. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

КАММАҲСУЛ Кам маҳсулот берадиган. *Жайдари моллар майда.. каммаҳсул эди.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

КАМНАМО [кам + ф. - кўриниш] **1** Кам кўринадиган (узок вақт кўринмай кетган, кам учрашадиган киши ҳақида). *«Илгари ҳадеганда рўпарангдан чиқиб қола-диган бу Холдор тушмагурга нима бўлди-я? Энди камнамо бўлиб қолди», дебўйлади Ма-лика.* Ж. Абдуллахонов, Тонг ёришган со-хилда.

2 Шахсинг шундай эканлигини ўзига қайд этади; кам кўринасиз. *-Крёқларда қолиб кетдингиз, камнамо! — Раҳим Аҳмедович кўришишига қўлузатди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

КАМОБ [ф. vLjɤ^{кам} ~ топиладиган ёки — суви кам] **1** айн. **камчил, камёб.** *Камоб мол. Камоб нуха. шш Шу йили, ай-ниқса, қиш қуруқ келиб, сув камоб бўлган, пахта ҳосили хавф остида қолган. Ҳ. Назир, Сув гадоси окпадар.. Сув сероб бўлганда ҳам, камоб бўлганда ҳам, исрофгарчиликка қар-ши қаттиқ курашишимиз даркор.* Газетадан.

2 эск. айн. **камсув 1.** *Камоб ер.*

КАМОБЛИК Камлик, камчилик, кам учрашлик ҳолати. *Сувнинг камоблиги. Молнинг камоблиги. шш Колхоз агрономи чўлга келиб, сув камоблиги ва уни енгиш тадбирлари ҳақида маъруза ўқиди.* М. Назаров, Жилвон жилвалари.

КАМОЛ [а. JLiɤ — тўликлик, етуклик, мукаммаллик] **1** Ҳар жиҳатдан тўкислик; му-каммаллик, етуклик. *Камтарга — камол, манманга — завол. Мақол. Етишик айб эмас, инсон учун фагчу камол лозим. А. Қоди-рий, Меҳробдан чаён. Булар иккаласиям кам-тарлик камол келтиришини билишади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *..дунёвий илмга оина этадиган мактаблар очиб, фарзандла-римизнинг камолини тиласак.* С. Сиёев, Аваз.

Камол топ(инг) ёки **камолга ет(инг)** Мамнунликни ва муваффақият, камолга эришиш тилагини билдиради. *Камол топ, ука! Кўнглиннга келмасин-у, Бўтавой, ақл ёшда змас, бошда, деган одам билиб айтган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирокдари. -Камол топинг! — деди Ҳасан сўфи хурсанд бўлиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Камол топмоқ** Етуклик даражасига эришмоқ, камолга

360

эришмоқ. *Камол топар одамзод, ўйлагани ҳақ бўлса. Т. Сулаймон. Гарчанд сочга кўнди бе-маҳал қиров, Чиройинг, ироданг тополди ка-мол.* Зулфия.

2 Камол (эрқаклар исми).

КАМОЛИ Ўзи боғланиб келган сўз бил-дирган нарса, белгининг юқори даражасини қайд этади; ғоят, ниҳоят даражада, жуда, азбаройи. *Отабек камоли бўзилгани-дан сукут қилишига мажбур бўлди. А. Қоди-рий, Утган кунлар. Бу қишлоқ камоли кичкиналигидан тегшиқоқ ўртоқлари йигитни қишлоқ олий советининг секретари, деб ку-лишар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Кўшоқ эса, камоли аччиги чиққанидан, унинг орқа-сидан сўкиниб қолди. Ҳ. Шамс, Душман. Мен камоли одоб билан телефон қулогини жойи-га қўйдим-у кута бошладим.* Газетадан.

КАМОЛОТ [а. - «камол» сўзининг кўплиги] **1** Етуклик, мукаммаллик. *Жисмоний камолот. Маънавий камолот. шш Бунчалик камолот, айт-чи, кимда бор, Кимда бор бунчилик латофат, ҳусн. А. Орипов. Спар-такиада спортчиларимиз учун жисмоний камолот кўриги бўлди.* Газетадан.

2 Юксалиш, ривож. *Халқимизўз сиёсий-маънавий ҳаётининг янги камолот босқичига кўтарилди. «Гулистон». Ҳа, у [Лшмардон] камолот погоналаридан тез, ишонч билан кўтарилиб борарди. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. Шерали ҳам худди шу аҳволда, унинг учун инсоният камолотининг чўққиси — Сабогул!* С. Кароматов, Олтин қум.

КАМОМАД [ф. *ka:mLɛ* - кам келди; етиш-маслик] Мол, пул ва ш. к. нинг тегишли микдордан кам чиққан қисми. *Камомадни аниқламоқ. Камомадни қопламоқ. тии Ўша ревизиядан чиққан бир юзу ўттиз уч минг камомадни кўплашиб тўлаб юбора қолсакчи..* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Пиҳи қайрилган тафтишчилар қасд қилганларида ҳам, бирон марта камомад тополмаганлар.* Й. Шамшаров, Тошқин.

КАМОН \ф. *ka:mɔ̃* — ёй, камалак; ра-воқ] **1 айн. камалак 1.** *Афанди дарров камондан [кийикка] ўқ узган эди, ўк хато кетди.* «Латифалар». *Маҳаллий аҳоли бу ҳайвон ва паррандаларни камон, сопқон ва бошқа воситалар билан овлаган.* «Фан ва турмуш».

2 Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамла-катларида гижжакнинг номи. *Фани ака камонни олди-да, гийқиллатиб чала кетди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

3 Гижжак, скрипка каби чолғу асбоб-ларини чалиш учун ишлатиладиган, бир учидан иккинчисига қил тутами тортилган таёқча; камонча. *Салоҳов чолғучиларга қара-ди; фақат гижжакчигина камон тортар.. карнайчи эса бир четда мудраб ўтирар эди.* С. Аҳмад, Музыкали воқеа.

4 *поэт.* Камалакка ўхшаш, эгилган, қай-рилма (қош ва қомат ҳақида). *Исми жисмига хўп мос, Номи унинг Жинаста. Анор юзли, қора соч, Камон қошлар пайваста.* Гайратий. *Доро камон қошларини чимириб, баланд овоз билан: -Ҳай одам, ўзинг кимсан? — деб сўради.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Охим ўқиға қадим камондир, Бу ўқни нишонидур Сурайё.* Нодира.

КАМОНКАШ \ф. *ka:mɔ̃kaʃ* ~ камонтор-тувчи, моҳир ўқчи] Камондан ўқ отувчи киши, жангчи.

КАМОНЛИ Ка мон (камонча) билан чалинадиган. *Камонли асбоблар — камонча билан чалинадиган тўрт торли чолғу асбоб-лари.* И. Акбаров, Музыка саводи.

КАМОНЧА \ф. *ka:mɔ̃tʃa* - кичик камон; уч ёки тўрт торли гижжак] **1** Кичкина ка-мон, камалак. *Ўрмонбек камончага ўқ қўйиб отар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 айн. камон 2. *Кўлингда ўйнасин шўх-шўх камонча, Қулоқларга ёқимли андижонча.* Ҳабибий.

3 айт. камон 3.

4 айн. камон 4. *Камонча қошлари ости-даги кўзларидан ўйчанлик ва сабот акс этар-ди.* А. Муҳитдин, Ҳадыя.

5 Чегачилик, қадоқчилик, дурадгорлик каби касбларда пармани айлантириш учун хизмат қиладиган камалак асбоб. *Унинг \қадоқчининг\ аъзойи бадани қақшаб, камонча тутгани мадори қолмади. Яна битта қадоқ билан битадиган ликопча чала қолди.* А. Қаҳ-ҳор, Томошабоғ.

КАМОНЧИ 1 Ёй, камон ясовчи уста.

2 Камон отувчи. *От устида Омонёр Ка-мончини кўради, Калласини танадан Бориб жудо қилади.* «Ойсулув».

3 Гижжакчи, скрипкачи. *Ёш созанданинг жажжжи қўллари ҳаракатидан пайдо бўлган оҳанрабо куй уста камончи санъаткорнинг қалбини сеҳрлаб қўйди.* Газетадан.

КАМПАНИЯ [фр. *campagne* — (ҳарбий) сафар < *итал.* *campagna* — жанг майдони]

1

361

Муқим ижтимоий, сиёсий ёки хўжалик аҳамиятига эга бўлган бирор вазифани ба-жариш учун маълум бир даврда сафарбар-лик йўли билан ўтказиладиган ишлар, кўриладиган тадбир-чоралар тизими. *Сай-лов кампанияси. Қўзилатиш кампанияси. Кўчат экиш кампанияси. шии Йигим-терим — деҳқончиликда энг масъулиятли, ҳал қилув-чи кампания.* Газетадан.

2 *ҳарб.* Маълум вақт ўтказилган ва му-айян стратегик мақсадни кўзда тутган ҳар-бий ҳаракатлар, уруш-жанглар мажмуи.

КАМПАНИЯБОЗЛИК салб. Ҳар қандай, ҳатто арзимас, иккинчи даражали ишлар учун бутун кучни сафарбар қилиш; режа-сиз, тартибсиз, ноизчил иш олиб бориш. *Баъзи ташиқлотлар оммавий-ташиқилий ишларни кампаниябозликка айлантириб юбо-раётганликларини зътироф қилиш керак.* Газетадан.

КАМПАНИЯЧИЛИК айн. кампаниябоз-лик. *Ишимизда кампаниячилик ҳоллари уч-раб туради.* Газетадан.

КАМПИР [ф. >^^ - жуда ҳам қари эр-как ёки аёл] **1** Ёши улғайган, кекса, қари хотин. *Кичик, хароб, фақир бир уй, кампир ва ёшироқ бир хотин жўхори тозалар эдилар.* Ойбек, Нур қидириб. *У Анзираат хола] олт-мишларга бориб қолган, нимжон.. бир кам-пир эди.* А. Қаххрр, Қўшчинон чирокдари. *Элмурод:] ..Юртингизда кимларингиз бор, Ғани ака? -Биттагина кампир онам бор.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Шундай ёшли хотин (аёл)ларнинг ис-мига қўшиб айтилади. *Ўзбек ойимнинг қути-дор, Офтоб ойим ва Ойша кампирга атаб тиктирган саруполари ҳам битди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ёши улғайган кишининг (ёши улғай-ган) хотини ва унга мурожаат шакли. *УЮо-кир ота:] Кампиримга йўлдош, етим гўдак-ларимга бош бўлади бу қизим..* Ойбек, Танланган асарлар. *Қўй, ҳазил қилма, кампир, Ҳамиша ростин гапир.* Ю. Ҳамдам.

КАМПИРАК \р. камфорка < голл. comfoor — манқал, кўра; гуриллатиб ёқиш учун самоварга кийдириладиган мослама] Чойнак қўйиб, чойни дам едириш ёки иси-тиш (иссиқ тутиш) учун самовар ўтхонаси устига ўрнатиладиган мослама. *Матлуба\ Дам есин, деб чойнакни кампирак устига қўйди.* Н. Назаров, Замон. *Кампирани ўйнатиб қайнаб турган катта самовар қариши-сида хомушигина ерга кўз тикиб Асқар богбон турарди.* Н. Назаров, Замон.

Кампирани учирмоқ Жуда қаттиқ қўрқитмоқ, чўчитмоқ. *-Э, тақсир, қўрққан-га қўланкаси азроил дегандек, одамнинг кам-пирани учуриб юбордингиз, — деди Наимий қўрқувдан бутунлай аригандек.* А. Мух-тор, Опа-сингиллар.

КАМПИРДАХАН Оғзи ва ияги кампир-ларникига ўхшаган. *Эшикдан тишлари ту-шиб, лаблари ичига кириб кетган, кампир-дахан, загчақўз бир чол кириб таъзим қилди.* М. Осим, Ўтрор.

КАМПИРЛИК Қарилик (хотин киши-га нисбатан). *Кампирлик даври.*

КАМПИРЧОПОН Танаси ва уруғлари заҳарли кўп йиллик ўт. Самарқанд ва Бухоро атрофларида кўп ўсадиган кампирчопон ўсим-лигининг қай даражада заҳарли эканини ким билмайди дейсиз!**Ш.** Ғуломов, Ёрқин йўллар. *Қишлоқ жойларда донли экинлар билан бирга ўсадиган айрим ўсимликларда (кампирчопон, кўкмараз, эшакмия ва б.) заҳарли алкалоид-лар мавжуд.* С. Акрамов, Гиёҳ кимёси.

КАМСИТМОҚ **1** Қадр-қийматини паст-га туширмоқ; паст, арзимас, айбли қилиб кўрсатмоқ, ерга урмоқ. *Бировни иккинчи бир одам олдида ҳар хил мазах гаплар билан кам-ситиш унинг [Араббойнинг] энг яхши кўрган одатларидан эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *[Юсуфбек ҳожии:] Мендан сўрасанг, Марги-лондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир важ билан камсита олмаймиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Камайтирмоқ, бузмоқ. *Бу ўзгаришлар унинг \Кумушининг\ хуснини, латофатини бир зарра ҳам камситмади, балки ўн қайта ошир-ган эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ҳуқуқини чекламоқ, тенг ҳуқуқлилиқ-дан махрум қилмоқ.

КАМСОҚОЛ Соқоли кам, сийрак. | *Шо-кир ота\ Эти суякка ёпишган, чувак юзи ва пешонаси чуқур чизиқлар — бурушиқлар би-лан қуюқ қопланган камсоқол кекса эди.* Ой-бек, Танланган асарлар.

КАМСУВ **1** Суви оз, суви кам, суви ка-майган. *Камсув ер. Камсув дарё.*

2 Шираси оз, шираси қочган. *Камсуволма. Мева ёмон сақланса, камсув бўлиб қолади.*

КАМСУВЛИК Суви кам ҳолат, суви камлик; шираси озлик. *Ернинг камсувлиги. Дарёнинг камсувлиги. Меванинг камсувлиги.*

363 яул

КАМСУТ Сути кам, сутни кам беради-ган. *Отам сигирнинг серсут ёки камсутлигини маърашидан билар эди.. шионинг. А. Қаҳ-ҳор, Асарлар. ..қайнанангизнинг феълини би-ласиз-ку. Эмизганингизни эшитиб, юмма та-лаб беради. -Нега? Нима қилипти? Кўкра-гим камсут бўлганида, бошқа гап эди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

КАМСУХАН [кам + ф. ~ сўз, гап] айн. **камгап**. Камсухан йигит. *тм Камтар ва камсухан гўзал Искандаро қулоқ солиб, жид-дий ва оғир ўтирарди. Ойбек. Нур қидириб. Энди қирқни қоралаган бўлса-да, қариябай сипо, ўйчан, камсухан оғасининг сўзларига жон қулогини тикади. С. Сиёев, Ёруғлик.*

КАМСУХАНЛИК Кам гапириш, кам гапириш хусусияти. *Унинг камсуханлиги ҳаммага маълум. тм -Менда нима бор дейсиз? — дейди камсуханлик билан тегирмончи, — ўша сизникига ўхшаш борди-келди. А. Қоди-рий, Ўтган кунлар.*

КАМСУҚУМ Ўзини камтар, хокисор тутадиган; тортинчоқтабиатли. *Насиба қанчалик сергап ва сермулозамат бўлса, Маҳбу-ба шунчалик камгап ва камсуқум эди. О. Ёқубов, Тилла узук. Ёнма-ён пахта тераё-тиб, у ёқ-бу ёқдан гапиришиганларида, қиз унинг ҳақиқатан ҳам тортинчоқ, камсуқум йигит эканини сезди. П. Қодиров, Уч илдиз.*

КАМСУҚУМЛИК Камсуқум шахсга хос хусусият, ўзини камтар, хокисор тутишлик; манманлик, гердайиш одати йўқлик. *Нор-муҳамедовнинг камсуқумлик хусусияти уни маҳалладаги одамлардан бир неча поғона юқори кўрсатиб турарди. Д. Нурий, Осмон устун. Одобини айтмайсизми? Бай-бай, бу-нинг камсуқумлиги, донолиги.. С. Кароматов, Ҳижрон.*

КАМТАР \ф. j; n<. — озрок, камроқ; сий-ракроқ] Мақтанишни истамайдиган, ўзини бошқалардан паст оладиган, мағрурлан-майдиган. *Камтар одам. Камтарга — камол, манманга — завол. Мақол. тм Ҳақиқатда у \Аҳмад Маҳмуд\ жуда камтар бўлиб, савод-сиз, оддий одамлар билан улфатчилик қила-ди. С. Айний, Эсдалиқлар. Камтар бўлинг, мағрур бўлманг, кеккайманг, Бир кун хижо-лагдан сиз қилманг аттанг. Ҳабибий.*

КАМТАРИН Жуда камтар ва итоаткор. | *Фаррош*] *Дарвешнамо, камтарин, хаёлчан киши эди. Ойбек, Навоий. Сенга мен кам-тарин фарзанд эрурман. Жигарбанду яқин пайванд эрурман. Ҳабибий. Қабулга келган қиз ўзини камтарин тутарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

Каминаи камтарин эск. Ўта камтаринлик юзасидан ўзаро мулоқотда, мактубларда «мен» олмоши ўрнида ишлатиладиган ибора.

КАМТАРИНЛИК Камтарга хос хусусият, ўзини юқори, ғурурли тутмаслик. *Кишишиг камтаринлиги. Камтаринлик билан муомала қилмоқ. тм Камтаринлик ва ишчанлик унинг асосий хислатидек бўлиб қол-ди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.*

КАМТАРЛИК Камтарга хос хусусият, фазилат. *Камтарлик — инсон ўзлигини билишни, ўзгаларни ҳурмагп қилишни, одамий-ликни: самимийлик, бе/уборлик, меҳрибонлик, раҳм-шафқатчилик.. каби нодир фазилагъири-ни ўзида мужассам этади. Газетадан.*

КАМТАРОНА *рви. кт.* Камтарлик би-лан, камтарлик қилиб, мақтанмасдан, мағрурланмасдан. *Муҳаммад Жамол кучли, са-мимий олқишларга камтарона таъзим эғтиб, жойига ўтиргач, Шариф Сулаймон ўз нут-қини бошлаб юборди. Ойбек, Нур қидириб. Ҳазал поёнига етди. Табибий камтарона ку-лумсиради. С. Сиёев, Аваз.*

КАМТАШВИШ Ташвиши кўп бўлма-ган. *Камташвиш иш. тм Улар ҳамма вақт икков ёлғиз яшаб, оҳиста, шов-шувсиз, кам-ташвиш ҳаётга ўрганиб қолган эдилар. А. Мухтор, Чинор.*

КАМТИК Тешик-ёриқ, оралик, очиқ жой. *Оппоқ телпак кийган қўша қоятр камтигидан мўралаб келаётган қуёш бўлса, тоғ-лар тепасига ялов қадаб, бутун ҳароратини чўлга бахшида этади.* С. Қодиров, Бўзачи бойлиги.

КАМТУЗ Тузи меъёрдан паст; зид. **шўр**. *Нон берч, камтуз, бунинг устига хашак ва кул аралашган.* С. Кароматов, Олтин кум. *Овқатга туззи ҳам тусмоллаб соламан. Шўр ёки камтуз бўлган бўлса, гина қилмайсиз-лар..* С. Нуоров, Нарвон.

КАМФАРА, камфора \лот. kamphora < а. jj-aLS] Ўткир хидли, рангсиз кристалл модда (тиббийет ва техникада фойдалани-лади). *..камфара тери остига инъекция қиш-нади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КАМФАРОСАТ Фаросати кам, етарли фаросатга эга бўлмаган. *..баъзи камфаросат ёшлар ҳаётга, уларнинг ўзларини ҳам безайди-*

ган одамийлик шартларига эътибор қилмайди-лар.. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

КАМФАҲМ Фаҳми кам, тезда тушун-майдиган, англаб олиши кийин; фаросат-сиз. *Бир камфаҳм, ўзинг аҳмоқ боласан, Шу эсингман ахир бир кун ўласан.* «Муродхон».

КАМХАРАЖАТ Харажати кам бўлади-ган; харажатни кўп талаб қилмайдиган; кам-чиқим. [Фотиманингамакиси\ *Топиш-тути-ши ўлчоглик бўлганидан, камхаражат етим қизга уйланиб қўя қолиш фикрида экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАМХАРЖ Харж қилиш имконияти кам, чекланган. [Абдор\ *ўзининг камхарж-лигини Чиннихондан яширмас, уни қиммат томошаларга олиб тушаман, деб чиранмас эди.* П. Қодиров, Қалбадаги қуёш. *..ҳозир кам-харжроқ бўлиб турибман.. бир нима оборма-сам, ишдан ҳайдайди-да!* А. Қаҳҳор, Тобут-дан товуш.

КАМХАСТАК Паст бўйли, кенг шох-шаббали, манзарали ёввойи дарахт. *Ўзбек-кистоннинг табиий ўсимликлари орасида камхастак номли мевали дарахт кўп учрай-ди.* М. Тўйчиев, Табиатшунос. *Камхастак тоғ ёнбағирларининг фитомелиорациясида (ўсимликлар сифатини яхшилашда) ҳам иш берадиган қимматбаҳо дарахтдир.* «Фан ва турмуш».

КАМЧИЛ Кам топиладиган, эҳтиёж, талабга нисбатан кам. *Камчил мол. Сув камчил. Ишчи кучи камчил. ти Маҳаллий сано-ат министрлигига карашли цехлар очилиб, унда камчил ширинликлар тайёрлана бошла-ганэди.* М. Парпихўжаев, Ширасиз ширин-ликлар. *Юсупов бугун бу сойдаги қўтонга боради, эрта у сойдаги отарга. Ем-хашак камчил.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

КАМЧИЛИК 1 Меъёрийликни, меъёр-ни бузувчи белги, нарса; нуқсон. *Жисмо-ний камчилик. Ишдаги камчиликлар. ти Ёр-мат Иўлчининг ишидан камчилик топиб, ўз маҳоратини унга кўрсатиши умидида, бир муддат кузатиб турди. Лекин унинг таж-рибали кўзи Иўлчининг ишида ҳеч қандай камчилик кўролмади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тавба, одам яқин кишисидаги кам-чиликларни кўрмас эканми, деб қўйдим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Катта иш бажаравтган одам майда-чуйда камчиликларга йўл қўйи-ши табиий.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Бирон ишдан ортиқча қувониб гурурланиши ҳам, ҳаддан зиёд хафа бўлиб кетиши ҳам камчилик-дир.* «Мулоқот».

2 с. т. Етишмовчилик, камлик, кам-кўст. *У камчилик кўрмасдан ўсди. Оиласининг еяр-ичардан, кийим-кечакдан камчилиги йўқ эди.* Р. Раҳмон, Меър кўзда. *Бирон нимадан кам-чилигинг бўлса, айтгин.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Кам одам, кам одам иштирокида; оз-чилик. *Камчилик овоз билан қабул қилинди. Камчилик кўпчиликка бўйсинади.*

КАМЧИЛИКСИЗ Камчилиги йўқ, тўла-тўқис, бекам-кўст. *Камчиликсиз иш. ит Ўзбек ойим аралашган тўйли хотинларнинг кўнгилиларидаги орзу-ҳаваслари ҳам эрлари томонидан камчиликсиз бажарилар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КАМЧИЛЛИК Камчил ҳолат; етишмас-лик. *Сув камчиллиги. Молнинг камчиллиги.*

КАМЧИҚИМ Чиқими, харажати кам; сарф-харажатни кам талаб қиладиган; кам-харажат. *Камчиқим ши. **иши** Кетаверишинг Ҳожси бобога ҳам маъқул тушади. У камчиқим одамларни ёқтиради.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КАМШИК 1 Чети, лаби учган, синган, ўйиқ бўлиб қолган. *Кампир камшик пиёлада дамба-дам чой ичарди.* Ш. Ғуломов, Бочка. [*Мадамин*] *Деворнинг камшик еридан кўчага ошиб тушгач, отини тўхтатиб, қўлига мил-тигини олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 аин. кемшик. *Асрор тирриқ камшик оғзи-ни ишшайтирганча, таёғига суяниб турган-миш. «Ёшлик».*

КАМҚАТНОВ 1 Одам, улов ва транс-порт воситалари кам юрадиган. *Шаҳарнинг камқатнов кўчалари. **иши** Чилонзор йўли, қиш-лоқ марказига ва далага чап бўлганидан кам-қатнов.* Х- Аҳмар, Ким хақ?

2 Кам қатнайдиған, кам борадиған ёки келадиған. *Турмуш қурганимдан кейин-ку жуда ҳам камқатнов бўлиб қолди.* Ў. Умар-беков, Юлдузлар.

КАМҚОН Қони камайган, қони қоч-ган; оқарган, рангпар. *Камқон бола.*

КАМҚОНЛИК 1 Қони кам ҳолат. *Бола-нинг камқонлиги.*

2 тиб. Қонда қизил қон таначаларининг ва улардаги гемоглобин миқдорининг ёки умумий қон массасининг камайиши билан кечадиған касаллик; анемия. *Кизил қон таначаларининг сони ва унда бўлган гемоглобин моддаси камайганда, ҳарсиллаш пайдо бўла-ди. Бу каби касалликка камқонлик касалли*

365 дъ^

ги дейилади. Н. Исмоилов, Касалларни пар-вариш қилиш.

КАМҚУВВАТ Куч-қуввати меъёрдан кам, қуввати оз. *Камқувват одам. Камқув-ват хўжалик. ши Бола жуда ёш ёки камқув-ват.. бўлса, уни соғиб олинган кўкрак сути билан овқатлантириши лозим.* А. Ҳобилов, Кўкйўтал.

КАМҲАФСАЛА Бирор ишга астойдил ёпишиб ҳаракат қилмайдиган; ҳафсаласи йўқ. *Камҳафсала одам. **тиш** Заиф кадрлар ўрнини бақувват кишилар.. камҳафсала, масъулиятни сезмайдиган шахслар ўрнини зийрак, серҳаракат, гамхўр кишилар олди.* М. Тўйчиев, Кўшоқлар ичида бўшоқдар.

КАМҲАФСАЛАЛИК Ҳафсала, иштиёқ билан ёндашмаслик, хафсаласи етарли эмаслик. *Эринчоклик, камҳафсалалик билан кетга сурилган ишга қор ёғади. «Муштум». Куз пайтида камҳафсалалик қилиб юлинмай қолган гўзапоялар ҳам қор остидан, гўё қор-га бўйин эзмагандай, кеккайиб кекирдак чўзганлар.* Х. Шамс, Душман.

КАМҲОСИЛ Оз ҳосил берадиган, хрсил-ли кам. *Камҳосил экин. **иши** Беда, маккажў-хори каби озуқабон экинларга авваламбор камҳосил, шўр тупроқ ерлар ажратилган.* Ф. Зоҳидов, Ваъдабозлик ва муросасизлик.

КАНА \ф. — бит, кана] Ҳайвон ёки одам танасига ёпишиб, қонини сўриб ҳаёт кечирувчи паразит жонивор. *Сутчи ота тар-гилни кўришлари билан силаб-сийпаб, у ёқ-бу ёғидан 3~4 кана олиб ташладилар.* А. Мираҳ-медов, Кулган чечаклар. «Мол безгаги»ни кана тарқатади. С. Анорбоев, Оксой.

КАНАКУНЖУТ \ф. ±^£<с£ - канага ўхшаган кунжут] Уруғидан мой олинади-ган, баланд бўйли, бир ёки кўп йиллик ўсимлик ва унинг кулранг, ялтироқ уруғи (табобат ва техникада кенг қўлланади). *Кун-габоқар ва канакунжутни экиш кенг йўлга қўйилди.* Газетадан.

КАНАЛ \лот. canalis — қувур, нов; сув йўли| **1** Дарё, қўл ёки денгизлар ўртасида кема қатновини ўрнатиш, шунингдек, экин майдонларини сув билан таъминлаш ва ортиқча сувларни йиғиб, оқизиб юбориш учун махсус қазилган сув йўли. *Катта Фаргона канали. **тиш** Майли, мана бу канал бит-са, янги ер очилса, пахта ҳам кўпаяди. Ўшан-да ҳамманинг егани олдида, емагани кетида бўлиб қолади.* А. Қаҳдор, Кўшчинор чироқ-лари. *Фаргона деҳқонлари канал қазиб, Нориндан чўлга сув олиб чиқиши учун астойдил бел боғладилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Бирор нарса ичидаги тор, чўзиқ бўш-лик жой; қувур. *Замбарак стволи канали.*

3 *махс.* Алоқа, коммуникация йўли; ҳар қандай ахборотни электр ситналлар ёрдамида етказиб беришни таъминловчи тех-ник қурилмалар мажмуи. *Электр алоқа канали. Телевизион канал.*

4 *кўчма* Бирор нарсага эришиш, ети-шиш йўли, воситаси. *Дипломатик канал орқали иш олиб бормоқ.*

КАНАЛИЗАЦИЯ [*лот. canalis*] Ахлат-ларни, ифлос ва ёғин сувларини, чиқиндиларни аҳоли яшайдиган жойлардан ёки саноат корхоналари худудидан оқизиб чиқариб ташлаш учун ер тагидан ўтказилган қувурлар, санитария-техника иншоотлари тизими. *Шаҳар канализацияси. Канализация ишлари иши Бинолар битган-у, аммо канали-зация ўтказилмаганлиги туфайли, фойдала-нишга топширилмай ётибди. Х. Тожибоев, Пиш-пиш ухлайверинг.*

КАНАЛЧИ *с. т.* Канал қурилишида иш-ловчи; канал қазувчи. *Каналчилар, таниш колхозчилар Жумақул отани қулиб қарши олдилар. Ш. Сулаймон, Ота ўғил.*

КАНАРЕЙКА [*исп. Canary* - Канар ороллари номидан] Чумчүксимонлар тур-кумига мансуб, ёввойи ҳолда яшайдиган ва сайроқилиги учун хонадонларда қафасда ҳам боқиладиган қушча. *Маълумки, канарей-каларнинг фақат нари сайрайди, холос. «Фан ва турмуш».*

КАНАТ [*р. «канат» < юн. kannata — ар-қон*] Пўлат сим, каноп толаси, синтетик ип ва ш. к. дан эшиб (тўқиб, ўриб) тайёр-ланган эгилувчан узун буюм; йўғон арқон. *Пўлат канат. Канат(ли) йўл.*

КАНАХОНА 1 Кана босган жой, кана-си кўп хона.

2 *тар.* Ичида канаси кўп зиндон, қамоқ-хона. *Амирнинг дори бор, минори бор, ного-раҳонаси бор, бу зиндондан бошқа яна «обхо-на», «канахона» номли дўзахлари бор. С. Ай-ний, Дохунда.*

КАНВА [*фр. canevas*] Каштадўзликда тўрлари кашта асоси бўлиб хизмат қиладиган, крахмал(оҳор)ланган ёки елим суртил-ган сийрак тўрли оқ мато.

КАНДА [*ф. - суғуриб, узиб, кесиб ташланган*]: канда қилмоқ Доим қила

366

диган машғулот, иш-ҳаракат ёки одатни бажармай қўймоқ, тарк этмоқ. *Муаллимнинг кўрганда, Саломинг қилма канда. Қ. Муҳам-мадий. [Муҳаррам:\ Хатни бўлса.. ака-сингилларча самимият билан канда қилмадим. Шухрат, Шинелли йиллар. У [Тўраҳон] ўз эътиқоди билан диний одам бўлиб, намозни ҳам канда қилмасди, рўзани ҳам. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.*

КАНДАКОР [*ф. ajtiS — ўйилган, кав-ланган +jLS — иш*] Металлга ўйиб, чизиб нақш ишловчи уста, хунарманд.

КАНДАКОРИ Кандакорлик усулида нақш солиб безатилган нарса ёки идиш. *Кандакори лаган. Кандакори офтоба.*

КАНДАКОРЛИК Ўймакорликнинг ме-талл буюмларни ўйиб, чизиб ёки муайян андоза асосида уларга нақш, тасвир иш-лаш соҳаси; амалий санъаттури. *Кандакор-лик марказлари.*

КАНДИДАТ [*лот. candidatus — оқ ки-йим кийган; мансабталаб*] қ. **НОМЗОД.**

КАНДИДАТЛИК қ. **НОМЗОДЛИК.**

КАНДИДАТУРА қ. **НОМЗОД.**

КАНДИК 1 Ўйилиш, емирилиш ва б. са-баб билан хрсил бўлган алоҳида жой. *Ниҳоят, қизлар дам олиб ўтирган қоянинг ўнг то-монида, эллик қадам чамаси пастроқда, уч-тўрт киши сизадиган, лекин тор ёки тузук-роқ бир пана жойга ўхшамаган кандикка дуч келдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Дон-дун ва ш. к нарсаларни сақлаш учун хосланган, мосланган жой. «Тортиқ» келиши гўё бўм-бўи хонадонимизнинг кем-тигини тўлатган, гўё кандиклар қоп-қоп ун, гуруч, меваларга тўлгандай кўринар, шу би-лан бирга, бағримиз ҳам бутлангандай эди. Ў. Ҳакимали, Навбаҳор.

КАНДИЛ Олманинг кечпишар бир нави ва унинг узунчоқ шаклли, серсув меваси. *Тогаси иккита розмарин, битта кандил, яна битта Наманган олмаси берди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Бизда ол-маларнинг юз беш тури бор: розмарин.. мо-ноу, кандил..* Ф. Ғулом.

КАНДИР, кендир Ёввойи ҳрлда ўсади-ган, толаси тўқимачиликда хомашё сифатида ишлатиладиган кўп йиллик ўсимлик ва унинг толаси. *Кандир айтир: мен жуганда, Сувсизликдан қолдим чўлда.* «Дали дарё». Ҳовли юзида бир талай увада латта ва кан-дир-каноп билан танғиб ташланган шалоқ чарх.. чувалиб кетган калавалар ётар эди. А.

Мухтор, Опа-сингиллар. *Хаёлан йигирма iiwi ортга ҳатлаб, ҳилтиллаган кандир иштон кийган бола ҳолида кўрдиўзини.* Н. Норқоби-лов, Бекатдаги оқ уйча.

КАНИЗ \ф. — чўри; хизматчи, оқсоч хотин] 1 Тутқун аёл; чўри. [Афанди:] *Энди менга бирмунча ходим, каниз, маишат ан-жомлари берасиз.* «Латифалар».

2 Хон, амир ва бошқа ҳукмдорлар са-ройидаги хизматчи аёл. *Шоир ҳарамдаги канизлардан бири билан алоқа боғлаган экан.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. *Унинг таги-дан кийилган оқ атлас кўйлагининг этаги шунчалик узунки, икки каниз икки томон-дан кўтариб келяпти.* П. Қодиров, Юлдуз-ли тунлар.

КАНИЗАК \ф. - ёш чўри; ёш оқсоч] Ёш каниз. [Мамдиддиннинг] *Хотини маликани, бутун канизаклари билан.. ўзуйига чорлайди.* Ойбек, Навоӣ. *..Чиройли қизлар-дан қирқ канизак қилиб берди..* «Бўтакўз».

КАНИКУЛ \лот. *caniculares dies* — йил-нинг энг иссиқ кунлари < *canicula* — «итча» — июль ойи охирида кўринадиган Сириус юлдузининг номи] қ. **ТАЪТИЛ.** *Шундай қилиб, бизни соғинтирган баҳор каникули келди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

КАНИСТР(А) \ингл. *canister* - тунука идишча, кутича] Ҳаво киритмайдиган қоп-қоқли бак (турли хил суюк^иклар, мас, бензин солиш учун ишлатилади). *Бир кун машинасига тўртта канистрда бензин олиб..* Газетадан.

КАНИФОЛЬ \юн. Кичик Осиёдаги қадимги Колофон (*Kolophon*) шахри но-мидан] Игнабаргли дарахтлар ширасидан олинадиган, сарғиш-қизил ёки тўқ қизил шишасимон мўрт модда (саноатда елим-лаш, изоляция қилиш ашёси сифатида, шунингдек, камончага суртиш учун ишла-тилади).

КАННА I \юн. *kanpa* — камиш] қ. **ШОЙГУЛ.**

КАННА II [< *африка тилларидан*] Аф-рикада яшайдиган, антилопалар гуруҳига мансуб жуфт туёмⁿ сутэмизувчи \айвон.

КАННИБАЛИЗМ \фр. *cannibalisme* < *исп. Canibal* — одамхўр] 1 Одам гўштини одам ейишдан иборат, энг қадимги, ибти-доий одамларга хос қодиса.

2 биол. Ҳайвонот дунёсида: муайян тур-га мансуб ҳайвонларнинг бир-бирини ейиш ҳодисаси.

367

КАНОН \юн. *kanon* — қоида, йўл-йўриқ] Муайян йўналиш, таълимотдаги қонун-қоида; анъана тусини олган, умум томо-нидан қабул қилинган нарса (бадий ада-биёт, санъат ва ш. к. да).

КАНОП [р. кенаф < лот. *cannabis* — зи-ғир, каноп] 1 Поясидан тола олинадиган, бир йиллик баланд ўтсимон ўсимлик; унинг толаси. *Каноп экилган майдон. Каноп фабри-каси. Каноп ип. Каноп арқон.*

2 *lily* толадан эшилган ип. *Қоп оғзини каноп билан боғламоқ. Қоп-қанорни каноп билан тикадилар. тт Канопнинг бир учи кат-та ходага, иккинчи учи қамишларга боғлан-ган, буларга ҳамма вақт катта балиқлар илинади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КАНОПЗОР Каноп экилган майдон. *Бир тарафи канопзор, иккинчи томони гўзалар гуркираб турган йўлдан борарди.* Ф. Усмо-нов, Она қалби.

КАНОР(А) \ф. *улU£ - jLS* - қирғоқ, чет] *эск. Қирғоқ, чет. Бир дафъа саргардон йўл канорида, Ясси қир бағрида сен бўлдинг дучор.* Миртемир. *Бу ерларда аждодлари яшаган. Ўзи туғилиб ўсган Найманча ҳам чўл канорасида.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

Тоғ канораси Тоғ ёнбағри, этаги. *Уч қиз йўл юрса ҳам мўл юриб, неча шаҳар, дарё, саҳролар ошиб, ниҳоят, бир тоғнинг канора-сига етиб борибдилар.* «Эртақлар».

КАНОЭ [ингл. canoe < исп. сапоа — қайиқ] **1** Шимолий Америка индейслари-нинг яхлит дарахт танасини ўйиб ишлаган узун энсиз қайиғи.

2 спорт. Бир тиззада туриб олиб, эркин ҳолдаги қисқа эшкак билан бошқарилади-ган энгил спорт қайиғи.

КАНОЭЧИ Каное спорти билан шуғул-ланувчи шахс.

КАНТАТА \итал. cantata < лот. cantare — куйламоқ] Хор, яккахонлар (солистлар) ва оркестр учун ёзилган тантанали мусиқа асари. *Эндиликда республика композиторлари опера ва балетлар.. кантата ва симфо-ник поэмалар.. яратмоқдалар.* Газетадан.

КАНТОН [фр. canton — даха, мавзу] Швейцария, Бельгия ва б. баъзи мамлакатларда маъмурий-худудий бирлик.

КАНТЧИ Кантчилик тарафдори, Кант фалсафаси тарафдори.

КАНТЧИЛИК Немис файласуфи Им-мануил Кант ва унинг издошлари томони-дан яратилган идеалистик фалсафий оқим.

КАНЦЕЛЯРИЯ \лот. cancellaria] қ. **де-вонхона.**

КАНЦЕРОГЕН \лот. cancer — қисқич-бақа, саратон + genesis — келиб чиқиш, пайдо бўлиш]: **канцероген модда** Маълум шароитларда организмда рак ва б. ёмон сифатли, ҳаёт учун хатарли ўсмалар ҳосил қилувчи модда.

КАНЦЛЕР \нем. Kanzler < лот. cancellaria] Баъзи мамлакатларда олий давлат лавозими ва шу лавозимдаги амалдор.

Федерал канцлер Германия Федератив Республикаси ва Австрияда: давлат бошлиғи.

КАОЛИН [Хитойдаги жой номи) Чин-ни, қоғоз ишлаб чиқариш ва б. саноат тармоқларида ишлатиладиган, ўтга чидам-ли, чўзилувчан оқ лой. *Йил давомида Ангрен конида кўмир қазии вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Каолинлар ҳозир ўнга яқин соҳада ишлатиладиган муҳим хомашёдир.* Газетадан.

КАП \а. *лiS* — панжа, кафт]: **кап отмоқ** Кафтга солиб (ёки қоғозда) оғизга солмоқ. *Қози домла кафтига уқалаган анор донала-рини кап отиб: -Э, не важҳдин йўқла/увчи бўлмасун? - деди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. -Бизга ичиладиган ё кап отиладиган дори тўғри келмайди, — деди Ҳожжи хола. М. Ис-моилий, Фарғона т. о.*

КАПА Вақтинча яшаш учун дарахт шох-лари ва йирик ўт-ўланлар билан ўраб қуриладиган хона, ёзлик уй; чайла. *Ҳамма ўзига қамишдан қапа қилиб олган. С. Аҳмад, Одам-нинг изи. Баҳор ва ё'з кунлари қапада кун ўғпказии мумкин-а, аммо қаҳратон қишда, айниқса кечалари, сира чидаб туриб бўлмас-ди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КАПАКИ I I Пойабзалнинг тагчарми.

2 Эскирган, тешилган тагчарм устидан қопланадиган чарм, резина ва ш. к. *Чарм қапаки. Резина қапаки. тт Унинг \ Омонтои-нинг\ қапаки солинавериб, тагчарми қалин-лашиб кетган этигининг кўнжлари букланиб, чанг йигилиб қолган.* С. Аҳмад, Чўл шамол-лари.

КАПАКИ II \а. + ф. *лJ£* - кафтга оид, кафт билан]: **қапаки (қилиб) отмоқ** Кафтга солиб, оғзига отмоқ (нос, толқон ва ш. к. ҳақида).

КАПАЛАК Икки жуфт оқ, кулранг ёки ранг-баранг қанотли нозик ҳашарот. *Ксталак гулни соғинар, булбул — куйни. Мақол.*

КАП³¹⁶

кап Райҳонлар қад кўтариб, ҳид сочди, би-рин-кетин очилган ранг-баранг гуллар усти-да капалаклар қанот қоқа бошлади. А. Қаҳ-ҳор, Кўшчинор чирокдари.

Капалаги учмоқ ҳазил 1) жуда кўрқиб кетмоқ. *Эртасига от оғриб колса бўладими! Капалагим учиб кетди.* Ойбек, Қутлуғ қон; 2) аччиқланмоқ, ғазабланмоқ. *Эркалиги ҳам майлига-я, буйрукни ёмон кўришади, сал гапга капалаклари учади.* Ойдин, Юрагида ўти бор.

КАПГИР [ф. — кафтда тутувчи, ушловчи] 1 Қуюқ овқатларни кавлаш васу-зиш учун ишлатиладиган, тешик-тешик япалоқкафтли рўзгор буюми. *Йигиталининг оишхонасида.. капгирдан тортиб човлигача бор.* Д. Нурий, Осмон устун.

2 с. т. Соат маятниги. *Узун сариқ капги-рини бир мақомда тебратиб чиқиллаётган катта девор соат узиб-узиб дангиллай бош-лади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАПЕЛЛА [лот. capella — кичик бутхо-на, ибодатхона] 1 Черков хонандалари хори; кейинчалик вокал-чолғу мусиқа жамоаси. *Ўзбекистон телерадиоси хор капелласи.*

2 Баъзи махсус таркибли оркестр (ан-самбл)ларнинг номи. *Ҳарбий капелла. Жаз капелласи.*

3 Католик ва англикан динида айрим зодагонларнинг оилавий ибодати учун мўлжалланган, ибодатхоналар ёнида, сарой ва қасрларда жойлашган кичик бутхона.

КАПЕЛЬМЕЙСТЕР \нем. Kapellmeister — капелла (хор) раҳбари, устаси] Театрдаги ёки ҳарбий симфоник оркестр дирижёри.

КАПИЛЛЯР \лот. capillaris — соч толаси-дек ингичка, қилдек] махс. 1 Тешиги жуда тор, ингичка найча. *Орбитада эса капилляр-лар, кутилмаганда, расмана насослар сингари, сувни тортиб чиқара бошлади.* «Фан ва тур-муш».

2 (кўпл. шаклида) Микроскопда кўрина-диган энг майда қон томирлари; қил томирлар. *Капиллярлар жуда майда томирлар бўлиб, майда артерияларни кичикроқ веналар билан туташтирувчи тармоқлар ҳосил қилади.* «Одам анатомияси ва физиологияси».

КАПИТАЛ I [нем. Kapital < лот. capitalis — бош, асосий] 1 *иқт.* Ўзини ўзи кўпайти-риш учун фойдаланиладиган, ўз эгасига фойда, даромад келтирадиган бойлик (қим-матли қоғозлар, пул маблағлари, моддий мол-мулк ва ш. к.). *Саноат капитали. Сав-до капитали. Капитал бозори.*

2 с. т. Катта маблағ, кўп пул, бойлик. *Ка-питалинг маълум шахслар қўлида тўпланиши.*

3 *кўчма* (аниқловчи сўз билан) Кимга-дир катта бойлик, қадрият ҳисобланган, муҳим аҳамиятга эга бўлган, аҳамиятга мо-лик нарсa. *Жамиятимизда инсон саломатли-ги бебаҳо капитал ҳисобланади.* Газетадан.

КАПИТАЛ II Асосли равишдаги, туб-дан бўладиган; катта; кўп меҳнат ва маблағ талаб қиладиган. *Капитал маблағлар. Капи-тал ва жорий таъмир.*

Капитал қурилиш Асосий ишлаб чиқа-риш ва ноишлаб чиқариш фондларини қай-та ишлаб чиқаришни таъминловчи янги объектлар қурилишини ва мавжудларини кенгайтириш, шунингдек, уларни рекон-струкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга оширувчи махсус қури-лиш фаолияти.

КАПИТАЛИЗАЦИЯ \фр. capitalization -капиталга айланиш, айлантириш] *эск.* 1 Қўшимча қийматни, фойдани капиталга айлантириш; қўшимча қийматнинг капи-талга айланиши.

2 Капиталистик жамиятда мол-мулкнинг (асосан акциялар ва ш. к. қимматли қоғозларнинг) қийматини ундан олинатиган да-ромадга қараб белгилаш, ҳисоблаб чиқариш.

КАПИТАЛИЗМ \нем. Kapitalismus < лот. capitalis — бош, асосий] Юқори ишлаб чиқа-риш даражаси, фуқаролик жамияти, ривож-ланган бозор иқтисодиётига ҳамда хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий тузум.

КАПИТАЛИСТ \нем. Kapitalist - капи-тал эгаси] Капитал эгаси; ўз маблағлари-ни, баъзан ёлланма меҳнатни фойда олиш учун ишлатадиган шахс.

КАПИТАЛИСТИК Капитализм прин-ципларига асосданган, капитализмга хос бўлган. *Капиталистик ишлаб чиқариш усу-ли. Капиталистик ишлаб чиқариш муноса-батлари. Капиталистик ахлоқ. Капиталист-тик давлат.*

КАПИТАН \фр. capitaine < лот. capitaneus — пешқадам, сардор] **1** Бир қан-ча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон қуроли кучлари, ички ишлар тизимида катта лейтенантдан юқори, майордан ки-чик офицерлик (зобитлик) унвони ва шу унвонга эга бўлган офицер (зобит).

370

2 Кема экипажига бошчилик қилувчи, кема бошлиғи.

3 Спорт ва шунга ўхшаш ўйинларда ўза-ро мусобақалашаётган жамоаларнинг сар-дори, етакчиси.

Зангори кема капитани Пахта териш машиналарини бошқарувчи механизатор.

КАПИТУЛЯЦИЯ \лот. capitulare - му-айян шартлар билан келишиб олмоқ < capitulum — қонун моддаси, боби] Қуроли қаршилик кўрсатишни тўхтатиш ва душ-манга (ғолибга) у талаб қилган шартлар асосида таслим бўлиш.

КАПЛАМОҚ с. т. Кафтлаб олмоқ. *Тол-қонни каплаб емоқ.*

КАПОТ [фр. capote] Турли механизмлар-да уларнинг маълум қисмларини чанг, нам-лик, ёғин-сочин ва ш. к. дан сакдаш учун иш-ланган, очилиб-ёпиладиган темир қопқоқ. *Ссшолёт капоти. ти [Азизов] Капотни ёпиб, чаққонлик бешин кабинага чикди. Ш. Тошма-тов, Тонгдаги кўланка. Машина мотори бир-икки йўталиб ўчди. Ваҳобжон шошиб тушиб, капотни очди. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.*

КАППА-КАППА: оғзини каппа-каппа очмоқ Оғзини энтикиб-энтикиб, катта-кат-та очмоқ. *Иссиқ бугун чакана эмас. Шундай салқинда ўтириб, худди сувдан чиккан ба-лиқдай, оғзимни каппа-каппа очаман. Ой-бек, О. в. шабадалар. Каппа-каппа емоқ (ёки отмоқ) Каппалаб емоқ, отмоқ. Том устида пашмак-толқон, каппа-каппа есамми. Тар-новлардан чак-чак оққан сувни шарбат де-самми. Ҳ. Ёқубов, Қиш завқи.*

КАППАЛАБ Оғзини катта-катта очиб ва оғзига кўп-кўп солиб. *То ҳайҳайлаб боргу-нимча [сигир] бир туп гўзани кўсак-пўсаги билан каппалаб, жигилдонига урди-қўйди. Ҳ. Назир, Бир туп гўза. Тер тўкиб бир жойда ишламаган, бели оғримаганнинг каппалаб нон ейиши шу-да. «Муштум».*

КАППОН [а. (jU3 — тарозининг бир тури! **1** Ғалла бозорига ўрнатилиб, оғир юклар тор-тиладиган бир паллали катта тарози.

2 Шундай тарози ўрнатилган, усти очиқ ёки тим қилинган дон, ғалла бозори. *Ҳам-молликнинг ўнинчи-ўн биринчи куну бир мўйсафид киши [Йўлчиға] каппондан бугдой кўтартирди. Ойбек, Танланган асарлар. Кимлар Чархипалак, каппон томонга, ким-лар беда бозори, хода бозорига шошади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

КАПРИЧЧИО [итал. capriccio — инжиқ-лик; ноз] Эркин тарздаги, тузилишдаги, оҳанглари тўсатдан, ғалати ўзгарадиган чолғу мусиқа асари, мусиқий пьеса.

КАПРОН 1 Капролактама номли орга-ник бирикмадан олинатиган сунъий тола-нинг бир тури. *Капрон толаси табиий упак-ка қараганда 2,5 марта пишиқ. М. Обидова, Химия — турмушимиз беагаи.*

2 Шу толадан тўқилган газлама; бу газ-ламадан тайёрланган кийим ва б. *Капрон кўйлак. Капрон пайпоқ. шшш капрон, крeнде-шин, духобалар тўқиймиз, — дейишибди че-*

варлар. Ш. Ғуломов, Ёркин йўллар. Эшик очилиб, йўл-йўлакай қўлидаги капрон қўлқопини ечиб, ориқ доктор кириб келди. Х. Тўхта-боев, Сарик девни миниб.

КАПСАН [ф. *j* ■■■ °< — кимсанинг хирмо-нидан маъмур-амалдорлар оладиган ҳақ] **1 тар.** Қишлоқ маъмурлари, руҳонийлари, шунингдек, қишлоққа хизмат қилувчиларга (мас, мироб, подачи, сартарош, тегирмон-чи ва ш. к. га) деҳқонлар томонидан маҳсу-лот, дон билан тўланадиган ҳақ. *Бек-ку бу, йигитлари билан келибди, яхшиликка бўлсин ишқилиб. Капсан олишга келгандир-да.* А. Суюн, Олис тонглар.

2 эск. Хирмон кўтарилганда камбағал-ларга бериладиган садақа-сыйлов. *Эшак миниб чўлма-чўл капсан йиққан чол ҳозирги замон «Победа»сига тушиб юрипти. И. Раҳим, Оловкор. Ўзи тўнғиздан тўқ, тагин сендан капсан олар эмиш, вой капсан еган тишинга..* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 тар. Бозорда сотилган ғалладан олин-ган ҳақ. *Шокиржонни «сахий йигит» дейишади. Ўзи топган «капсан» ва «чўтал»-ларнинг қоқ ярмини бошлиқларга беради. «Муштум».*

КАПСАНЧИ тар. Капсан олувчи. *Кап-санчилар деганининг маъноси шуки, ҳосилдан бойлар ерининг ҳақини, князь сувининг ҳақини олгандан кейин.. деҳқонга капсан қатори бир нарса қолар эди, холос.* А. Қаҳ-ҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шокиржон Самигов кўринди дегунча, бозордагилар «ана, капсанчи келяпти», дейишади.* Муштум.

КАПСУЛА [лот. *capsula* — кутича, яшикча) **1** Ютиладиган суюқ ва кукунси-мон дориларнинг крахмал, желатин ёки қоғоз каби юпқа материалдан қилинган қобиғи, ғилофчаси. *Капсулага жойлашти*

371

рилган бу дори худди ҳап дори сингари ютиб юборилади. «Фан ва турмуш».

2 анат. Турли ички аъзоларни ёки улар-нинг айрим қисмларини ўраб олган парда. *Капсулалар пиёла шаклида бўлиб, диаметри 0,25 мм дир. «Одам анатомияси ва физиологияси».*

3 маҳс. Космик кеманинг ундан ажра-ладиган ва Ерга, бошқа бирор осмон жис-мига ёки сувга қўниш учун мосланган бўлмаси.

КАПСЮЛЬ [фр. *capsule* < лот. *capsula* — кутича] Артиллерия снарядлари, патрон. граната ва ш. к. ларда урилиш, зарба нати-жасида алангаланиб, портлашни юзага келтирувчи портловчи моддаси бўлган юпқа металл ёки пластмасса қалпоқча. *Граната капсюли. Мина капсюли. Снаряд капсюли. иши Нормат танкка қарши гранатанинг капсю-лини юлиб, иргитиши учун қўл чўзган эди, ким-дир уни тўхтатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КАПТ қ. кафт. *Ҳасан суви ташланган шоввада ўзи ёлғиз хаёл суриб, бошини икки капти билан ушлаб ўтирган богбонни кўрди.* С. Абдулла, Танланган асарлар.

КАПТАР [ф. *_>3 j-S.*] Ранг-баранг тусли ва турли катта-кичикликдаги хонаки ёки ёввойи қушларнинг умумий номи. *Оқ Кап-тар. Кўк каптар. Чинни каптар. Гов каптар. иши Яна қандай денг, энг ўйинчи, серпарвоз каптарларимдан ажралдим.* А. Қодирий, Обид кетмон.

Тинчлик каптари Тинчлик тимсоли бўлмиш оқ каптар. *Қудратимиз, шонимиз даракчилари, Тинчлигимиз тимсоли каптар ётибди.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

КАПТАРБОЗ [ф. *jlʃi^yS* ~ каптар ўйновчи] Каптар ишқибози, каптар боқув-чи. *Бобоқул ота Қўзибойни тўхтатди: -Сен, болакай, қайтишда анави каптарбоз болани ҳам олдинга солиб келгин.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқ^ар.

КАПТАРХОНА 1 Каптарлар турадиган ин, уй. *Сўққабош маҳалла қоровули томига атайин каптархона қуриб, эллик-олтмишта-ча каптар боқарди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

2 с. т. кўчма Кирди-чикди кўп бўлади-ган (хар ким кириб-чиқиб кетаверадиган) жой.

КАР \ф. *js* — эшитмайдиган) Эшитиш қобилиятини йўқотган, эшитмайдиган ёки яхши эшитмайдиган, шунингдек, эшитган сўзининг маъносини ажратиш даражаси жуда пасайиб кетган; гаранг, карқулоқ. *Ҳа, менга нима бўпти, эшитмай қулогим карми?* Ойдин, Ҳикоялар. *Қулогим оғир ёки бутунлай кар кишилар учун «электрон қулоқ»нинг таж-риба нусхаси яратилди.* «Фан ва турмуш».

КАРАБИН \фр. *carabine*] Оғирлигини камайтириш ва ишлатишда қулайлик учун қисқартирилган винтовка; қисқа ствол-ли ов милтиғи.

КАРАБИНЁР [фр. *carabinier*] **1** тар. 19-аср ўрталаригача Ғарбий Европа ва Россияда карабин билан қуролланган ва сараланган ўқчилар қисмига мансуб отлик ёки пиёда аскар.

2 Айрим мамлакатларда (Италия, Чили каби)да: жандарм.

КАРАВОТ \р. *кровать* < юн. *krabbatos*] **1** Тўрт оёқли, устига кўрпа-тўшак солиб ётиладиган уй-рўзғор анжомиди. *Шербек ҳовли ўртасидаги япасқи балхтут тагидаги каравотга ечинмасдан чалқанча ётди.* С. Анор-боев, Оқсой. *Унинг [Зебонинг] каравоти гирч-гирчидан онанинг уйқуси ўчиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Устида кўпчилик бўлиб ўтириш (баъ-зан ётиш) учун махсус ишланган, ёз кунлари ховли, чойхона ва ш. к. жойларга қўйиладиган махсус қурилма; сўри, кат. *Нури гилослар остига қўйилган, панжаралари кўк бўёқ билан сирланган катта ёғоч каравотга қалин кўрпача ёйиб, ёстикча ёнбошлаб ўти-рар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАРАМ I [а. *كرام*. ф. *krám* - ф. *J* - ка-рам] Полиэкини, резаворнинг бир тури ва шу экиннинг барглари ўрамидан ҳосил бўлган боши, ҳосили. *Карам кўчати. Ка-рам тузламоқ. Карам шўрва. Карам дўлма. ти Бутун оиласи бу ерга помидор, пиёз, редиска, карам ва ҳоказо резавор экиб, мум-кин қадар элдан бурунроқ бозорга чиқариб, «пул» қилишига тиришар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАРАМ II \а. — яхшилиқ, саховат| кт. Марҳамат, мурувват, ҳиммат. \Шоҳму-род:] *Тангрининг карамига сизиниб, уларни Астробод томонга жўнатдим, Худойим лутф қилса, бирон иш қилиб келарлар.* С. Айний, Қуллар. *Меҳнатда бўлур аҳли замоннинг карами, Ҳам дабдабали тўю иморат, ҳаша-ми. Ҳабибий.*

Карам қилмоқ (ёки **айламоқ, этмоқ**) Раҳм-шафқат, мурувват қилмоқ, сийламоқ.

372

Эй кўзлари хуморим, Карам қил, бунча куй-дирма, Куйди сабру қарорим, Дилим куйгун-ча куйдирма. Т. Тўла.

КАРАМЕЛЬ [фр. *caramel* < лот. *carina mellis* — шакарқамиш] **1** Конфетнинг шакар ва қиёмдан, хушбўй ҳидли ва ранг берувчи модда қўшиб тайёрланадиган қаттиқ бир тури. *Нордон карамель. Кара-мель цехи.*

2 махс. Қандолат маҳсулотларини ранг-дор қилиш учун ишлатиладиган қовурилган шакар.

КАРАМЗОР Карам экилган майдон, дала. *Йигитлар, гўё карамзор бошидаги дарахтларда тинмай сайраётган булбулга қулоқ солаётгандек, жим қолишди.* П. Турсун, Уқитувчи.

КАРАНТИН [фр. *quarantaine* — қирқ < итал. *quaranta giorni* — қирқ кун] Юқумли касалликлар ва қишлоқ хўжалиқ зарарку-нандалари тарқалишининг олдини олиш учун давлат томонидан ўтказиладиган са-нитария тадбирлари. *Карантинга қўймоқ. Карантин эълон қилмоқ.*

КАРАНТИНЧИ Карантин тадбирлари-ни амалга оширувчи, карантин қилувчи. *Карантинчиларга баҳона керак. Бир тўп зар-печакни кўришса бас, акт тузиб, жаҳонни заҳар-заққумга ботириб юборишади.* С. Ну-ров, Нарвон.

КАРАОКЕ \яп. «куруқ, ёлғиз оркестр»] 1 Мусиқа маданиятининг оммавий кўшиқларни ҳаваскор кўшиқчилар томонидан тайёр куй ва матн ёрдамида ижро этишга асосланган соҳаси.

2 Кўшиқларни шундай ижро этишга мўлжалланган аппаратура.

КАРАТ \ нем. Karat < итал. carato — дук-какли дарахт донининг оғирлиги] Заргарликда қимматбаҳо тошлар, бриллиантлар-ни ўлчаш (тортиш)да қўлланадиган ва 200 миллиграммга тенг ўлчов бирлиги.

КАРАТЕ, каратэ \яп. «ҳеч нарса-сиз, яланг қўл билан»] Куролсиз ўзини ўзи ҳимоя қилишнинг японча тизими: рақиб танасининг оғрийдиган, энг нозик жой-ларига қўл ёки оёқ билан зарбалар бе-ришга асосланган спорт тури. *Халқаро ка-рате федерацияси. ит Каратенинг ҳозирги қоидалари 20-асрнинг бошларида.. шакллан-ган. «УЗМЭ».*

КАРАТЕЧИ Карате мутахассиси, кара-те билан шуғулланувчи шахс. *..Илҳом Каримов, Отабек Қосимов.. сингари каратечилар жаҳон кубоги ва Осие чемпионатларида сов-ринли ўринларни эгаллашган. «УЗМЭ».*

КАРАХТ \ф. *СЛ±.Л<*. — сезгиси йўқолган, увушган; қотиб қолган] 1 Ҳис-сезгиси ўлик; ҳаракатсиз, қотиб қолган. *Назокатнинг.. карахт вужудида томирларга қон югурган-дек бўлди. С. Аҳмад, Кадрдон далалар. -Қўл майиброқ, ўғлим.. — деди чол Сидиқжонни хижолатдан чиқариб, — мана шу ўнг қўл карахт. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Қалби дод, дод, деб фарёд солар, аммо йиғ-лай деса, кўзига ё'ш келмади, сўзлай деса, тилига сўз келмади — вужуди карахт бўлиб қолган эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 кўчма Эс-хушини йўқотган, хушсиз. *Шарофат Анзират холанинг остонасидан ичкарига қадам босганда, заҳарга тўлган чаёндек, ўз заҳаридан ўзи карахт эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чиробутри. Мудҳиш хабар Бобурни жимжит қилиб қўйди. Укарахт бир аҳволда кийинди. Отига минди. П. Кодиров, Юлдузли тунлар.*

КАРАХТЛАНМОҚ кам қўлл. Карахт бўлмоқ. *Акрам миробнинг бармогининг учлари карахтланиб, сезгисини йўқота бошлади. Э. Усмонов, Ёлқин.*

КАРАХТЛИК Ҳис-сезгисиз, карахт ҳо-лат. *Анчадан сўнг Саидғози ўзига келди. Вужудидаги карахтлик тарқаб, мияси ишлай бошлади. С. Анорбоев, Оқсой. Сув Назарнинг юзларини тиниқлаштирган, руҳини эзиб турган карахтликни тарқатиб юборган эди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

КАРАШ 1 тиб. Касалликдан тил устида пайдо бўладиган оқ қатлам. *Тил караш боғ-лаб қолган бўлса, яхшилаб артиш зарур. Н. Исmoilов, Касалларни парвариш қилиш. Касалликнинг бошланишида тил усти қуруқ ва оқ караш бўлади. Ҳ. Ҳакимов, Ўткир ап-пендицит.*

2 кўчма Танадаги кир қатлам. *..оёғидаги қават-қават пайтава, қотиб кетган жун пайпоқни ечаётган Мехринисонинг кўнгли алланечук бўлиб кетди: -Оёқларинг караш бўлиб кетибди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.*

КАРАШЛАНМОҚ Караш пайдо бўл-моқ, караш қопламоқ. *Беморнинг \қорин тифи билан оғриган] тили карашланади.. Газетадан.*

КАРАШМА [ф. *а п ,t*.— нозик кўз кара-ши, жилва, ноз] Бировга ёқиш учун гавда, айниқса, юз-кўз билан қилинган нозли ҳаракат; кичик. *Карашма қилмоқ. тт-Кетай деб ўрнимдан тургандим, — деди Зарифа Ше-ралидан кўзузмай, карашма билан унинг диқ-қатини ўзига жалб этишга тиршииб. С. Ка-роматов, Олтин кум.*

КАРАШМАЛИ Ноз-карашма қилади-ган; нозли; ноз-карашма билан ижро этил-ган. *Карашмали қиз. Карашмали ҳаракат. тт [Қчз:\ -Мана бу узумни олинг, жуда яхши пишибди, қўлимни қайтарманг! — деди-да, йигитларнинг кўнглини ларзага соладиган шўх, карашмали кулги билан кулди. Ойбек, Танланган асарлар.*

КАРБАМИД \лот. carbo — кўмир + амид < ammiac] Кўмир ва ҳаво аралашмасидан олинадиган ўғит. *Карбамид кимё заводлари-да арзон хомашё — кўмир ва ҳаводан синтез қилиб олинади.* «Фан ва турмуш».

КАРБИД [лот. carbo — кўмир + юн. eidos — ўхшаш] ким. Углероднинг баъзи металл ёки металлмаслар билан бирикма-сидан иборат жуда қаттиқ, кристалл мод-да. *Кальций карбид.*

КАРБОЛ \лот. carbo — кўмир + ol(eum) — мой]: **карбол кислота** Дезинфекцияловчи, шунингдек, полимер ва дорилар олиш-да ишлатиладиган органик бирикма.

КАРБОНАТЛАР [лот. carbo, carbonis -кўмир] **1** ким. Кўмир (карбонат) кислота тузлари (мас, сода).

2 ким., геол. Таркибида углерод оксид бўлган минераллар.

КАРБОРУНД [лот. carbo - кўмир + (ко)-рунд] махс. Қаттиқабразив материаллар (чарх тоши, жилвир ва б.), ўтга ва кислотага чи-дамли буюмлар ишлаб чиқаришда қўллана-диган рангсиз ёки кулранг кристалл; крем-нийнинг углерод билан бирикмаси.

КАРБОС [ф. ^bji! — дағал ипли мато] Оддий (бўялмаган) ип газлама. *Тошкентнинг тўқувчи хунармандлари бўз ёки карбос.. тўқиганлар.* Ф. Озодаев, Хунармандчилик.

КАРБУНКУЛ \лот. carbunculus — кўмир парчаси]. Ёнма-ён жойлашган бир неча соч халтачаси ва ёғ безлари атрофидаги тери-нинг чуқур қатлами ҳамда тери ости тўқи-маларининг ўткир йирингли яллиғланиши; хўппоз, кўк яра.

КАРБЮРАТОР [фр. carburateur] Ички ёнишли двигателларда ёнилғи буғлари билан ҳаво аралашмасини тайёрлаб беради-ган асбоб. *Ёнувчи аралашма «карбюратор» деб аталадиган махсус асбобда тайёрлана-ди.* «Физика».

КАРВИЧ шв. Ғишт. Хива. *Ҳеч ким йўқ кўча. Карвич деворлар баланд.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

КАРВОН [ф. ~ ~ ТуЯ ва б_ юк та"

шувчи ҳайвонлар қатори] **1** Узоқ жойларга юк ва одам ташувчи, изма-из борувчи ҳай-вонлар, аравалар ва уларни бошқарувчи шахслар тўдаси, қатори. *Савдогарлар карво-ни. Туялар карвони. Ит ҳуради, карвон ўта-ди.* Мақол. **тм** *Йиллар давомида афюн ерида битган ложувард жаҳонга донг таратган, карвонлар уни машаққатли йўл юриб, узоқ Миср, Хитой.. ўлкаларига элтарди.* С. Каро-матов, Олтин кум. *Ўшалар \бадавийлар\ Не-Не машаққатпир билан ҳажга келган-кетган-ларни талар экан. Шунинг учун ҳожилар якка-дуқка юришдан қўрқиб, карвон бўлиб юришар экан.. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

2 Умуман, муайян иш, мақсад йўнали-шидаги транспорт воситалари тўдаси, қато-ри. *Машиналар карвони. Кемалар карвони. Пахта карвони.* **тм** *Ҳарбий карвон ҳамма тўсиқларни янчиб, Деновдан ўтди.* «Шарқ юлдузи». *Қазувчилар карвони тоққа яқинлашган сари араваларнинг гилдираклари тош-шагалларда яна бадтар гижирлай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўчма Кўчиш (юриш, учиш ва ш. к.) ҳаракатидаги нарсалар тўдаси, қатори. *Кўкда оқ булут карвонлари ялқов сузса-да, қуёш ҳашамат билан чақнаб кўтарилди.* Ойбек, *Қуёш қораймас. Тиниқ осмонда шурналар карвони аргимчоқ солиб ўтиб кетди.* С. Ахмад, Қадрдон далалар.

4 эск. Карвонни бошқарувчи шахс; кар-вонбоши. *Кўпчилик лозим кўрса, карвон туюсини сўяр.* Мақол.

5 с. т. Араваларда йўловчи ёки юк, мол ташиш билан шуғулланувчи шахс; арава-каш. *Шоюнус карвонда етти ўғил бор.* Ой-бек, Танланган асарлар. *-Бу ҳафта бизга ёрдамлашасиз-да, карвон, — деди кулумси-раб Тўгон ака.* А. Қодирий, Улоқда.

Оғир карвон қ. **оғир. КАРВОНБОШИ** **1** Савдо карвони бош-лиғи, карвонга бошчилик қилувчи. *Савдогар.шр туюлариши йиғиб, юкларини ортиб, карвонбошига*

«тайёр бўлдик», дейишибди. «Эртактлар». Карвонбоши — чақмоқ саллалли, назари совуқ одам — жуда шошарди, меш-ларга сув тўлатаётган туякашларни қам-чиларди. «Ёдгор».

2 тар. Амирга қарашли туя, от, арава ва ш. к. турадиган саройнинг бошлиғи.

3 тар. Юк ҳайвонлари ва араларни кира қилиш ишларида воситачилик қи-лувчи даллол.

4 кўчма. Биринчи ўринда борувчи, бо-шида борувчи; етакчи, йўлбошчи; раҳбар. *Ҳосилдорликни ошириши учун битмас-туган-мас имкониятлар борлигини амалда исбот этган карвонбошилардан бири ҳам шу йигит бўлди.* Газетадан.

КАРВОНКАШ \ф. ^ljjsLS - карвон-ни етакловчи; Сириус юлдузи| Ёз кунлари ярим кечада шарқтомонда кўринадиган энг ёруғ кўшалок юлдуз.

КАРВОНСАРОЙ **1** \ф. tfl^o'jJ¹* карвонлар тўхтайдиган сарой] Карвонлар кўниши, тунаши учун махсус мосланган жой; сарой. *Карвошар олиб келганини сотиб, оладиганини олиб ётди. Шу вақтда бир неча амалдор бож олмоқчи бўлиб, карвонсаройга келибқолди.* «Ёдгор».

2 с. т. Келди-кетди, кирди-чикди кўп бўладиган жой, хонадонга нисбатан кўлланади. *Холиса ювилган қошиқларни кўяётганда, бармоғи тортмага қисилиб қолди.* «Уҳ-уҳ»лаб, бармоғини лабига босди. -*Қуриб кеткур, бу уй шас, карвонсарой.* С. Нуров, Нарвон.

КАРВОНХОНА айн. карвонсарой.

КАРДИНАЛ [лот. cardinalis — бош, асо-сий] Католицизмда руҳонийларнинг пападан кейин, епископдан олдин турадиган олий унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Кардиналлар шу лавозимга папа томонидан тайинланади.* «УзМЭ».

КАРДИОГРАММА \юн. kardia - юрак + gramma — ёзув] Юрак уришининг кардиографда ёзиб олинган график тасвири. *Уль-тратовуши билан ёзиб олинган кардиограмма юрак клапанларининг тораёнлигини аниқ-лай олади.* «Саодат».

КАРДИОГРАФ \юн. **Kardia** - юрак + grapho — ёзаман] Юрак уришини ёзиб олувчи асбоб.

КАРДИОГРАФИЯ Юрак уришини кар-диограф ёрдамида ёзиб олиш.

КАРДИОЛОГ Юрак касалликлари вра-чи, кардиология мутахассиси.

КАРДИОЛОГИЯ \юн. **Kardia** - юрак + logos — таълимот] Тиббиётнинг юрак касалликларини ўрганадиган, уларнинг ол-дини олиш, даволаш усуллари ишлаб чиқадиган соҳаси. *Кардиология маркази.*

КАРЕТА [пол. kareta] Усти ва ёнлари ёпиқ тўрт ёлдиракли енгил арава.

КАРЖ [ф. — бир тилим, парча, бур-да] **1** Қовун ёки тарвуз тилимидан кўндалангига кесилган бўлак(лар). *Эпчил бако-вул дарҳол дастурхон ёзиб, энг олдин бир даста нон, кейин анжир, узум, карж қилинган қовун келтириб қўйди.* М. Осим. Элчилар. *Алижон, қўлида бир карж тарвуз ушлаган ҳолда, бошини сарак-сарак қилди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 Дўппи тахининг тўрт қисмга ажрала-диган бўлакларидан бири. -*Ҳой қуда, менга қаранг, — қўлидаги чуст дўппининг карж-ларини текислай туриб гапира бошлади Хосият хола..* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 Бирор жой, сатҳнинг бир хилдаги аж-ралган қисми, бўлаги. *Табиатми, ёзги жо-зиба, афсун, Арча тоғларининг каржларида қор.* С. Акбарий.

КАРЖЛАМОҚ **1** Карж қилиб кесмоқ (қ. карж **1**). *Мен ва бувим чайлада Ўлтириб шу паллада, Сўйиб қилдик коса ҳам, Карж-лаб едик роса ҳам.* Қ. Ҳикмат. *Ударров кичкина катга кўрпача тўшади, қовун карж-лади.* Й. Шамшаров, Тошқин.

2 махс. Каржларга, тенг тўрт қисмга аж-ратмоқ, тах урмоқ (кўпинча дўппи ҳақида).

КАРЖЛИ Карж чиқарилган, каржлар-га бўлинган. *Пастликдан, энг аввал, солдатча этигини судраб, тўрт каржли янги дўппи кийган Эргаш кўринди.* А. Мухтор,

Опа-синтиллар. *Роҳатой узоқ танлади.. абажурнинг саккиз каржли қуббаси уйнинг ҳажмига мос тушишини кўз олдига келтир-ди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Мақ-барага кирaverишидаги тўрт каржли чаман-зор кишини мафтун қилади.* З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

КАРИЕС [лот. caries — чирик; йиринг] Суяк ёки тишнинг қалин (қаттиқ) тўқима-си аста-секин емирилиши билан кечадиган яллиғланиш жараёни. *Оғиз бўшлиғида бўлган тишларнинг кариесга учраши ва улар ораси-даги овқат қолдиқлари микробларнинг кўпа-*

21-Ўзбек тилининг изоҳли луғати

йиши учун шароит тугдиради. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КАРИКАТУРА [итал. caricatura < caricare — бўрттирма, ошириб юбормоқ] Кулги ёки мазах қилиш мақсадида киши ёки бирор нарса-хрдисанинг салбий то-монларини, характерли хусусиятларини атайлаб бўрттириб ишланган ҳажвий расм. *..тағига эса пашиша қўрибўтирган Садри ва Шоазимнинг ваҳимали карикатураси чизил-ганди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КАРИКАТУРАЧИ Карикатура ишловчи рассом. *Журналнинг яхши ва мазмунли бўли-ши унинг атрофига тўпланган чаптаст му-аллифлар.. карикатурачи рассомлар.. арми-ясига боглиқдир.* «Муштум».

КАРИЛЛАМОҚ 1 айн. қарилламоқ.

2 кўчма. Ортиқ даражада мақтанчоқлик қилмоқ, ортиқ даражада мақтанмоқ, ўзи-ни шундай хрлатда тутмоқ. [Саркор:] *Ме-нинг ҳаммадан ҳам укам Маматхонга раҳ-мим келади. Кариллаб юрган йигитнинг ёру оғайнилари орасида шохи қайрилди-я.* К. Яшин, Нурхон. *Қишлоқ самоварида ошхўр-лик қилиб, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб, кариллаб ётадиган беш аза-мат бирданига зойиб бўлди-қолди.* С. Ақмад, Аёлларнинг соқоли борми?

КАРИМ [а. *fijS*. — химматли, сахий; гу-ноҳларни кечирувчи] 1 Марҳаматли, олижаноб, сахий. *Холиқсан, каримсан, қаҳринг-дан қутқар.* «Маликаи айёр».

2 Карим [эркаклар исми].

КАРИХ \а. — жирканч, ёқимсиз]

эск. кт. Кўнгил айнитадиган; жирканч, ёқимсиз. *Тунқотарнинг карих бу муқобала-сидан кишилар сиқилиб қолдилар.* А. Қоди-рий, Мехробдан чаён.

КАРК [ф. <л\л! _>£ - каркидон] с. т. Кар-кидон. *Самандар от қўяди, Каркдай бўлиб гарқираб.* «Гулнорпар».

КАРКАС [итал. carcassa — қовурға; скелет] махс. Бино, иншоот ёки қурилманинг металл ёки ёғоч синчлари, скелети. *Темир-бетон кар-каси. ти Бир уйнинг эгаси бульдозернинг та-гига ётиб олиб, «Уйимни бузадиган бўлсанг, устимдан босибўтиб бузасан», деяпти. Уйини яқинда темир каркас бшан пухталаб олган экан.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

КАРКИ Каркидоннинг шохи, суяги ёки терисидан қилинган. *От думига сола берди бек Равшан Ун икки узмали карки қуюшқон.* «Равшан».

Карки қалқон Каркидоннинг терисидан қилинган қалқон. **Карки пичоқ** 1) сопи, дастаси каркидоннинг суягидан ёки шохи-дан қилинган пичоқ; 2) умуман, суяк сопли пичоқ. *Усмонали ака.. қўлидаги тол нов-дасини карки пичоқ билан йўниб, унинг гап-ларига диққат билан қулоқ солар эди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

КАРКИДОН \ф. с\л^ - каркидон] Тоқ туёкли сутэмизувчиларга мансуб, Аф-рика ва Жануби-Шарқий Осиёда тарқал-ган, бурни устида битта ёки иккита шохи бор, териси қалин, баҳайбат хайвон. *Тош-кент шаҳри ва унинг атрофларидаги кўм-кўк майсазорларда Сибирь каркидонлари яшаган.* «Фан ва турмуш».

КАРЛИК Мутлақ эшитмаслик ёки эши-тишнинг сўзни англай олмайдиган даража-да пасайиб кетиши; гаранглик.

КАРМАК Терини ошлаш учун ишлати-ладиган таннин моддали илдиз.

КАРМОН [р. карман - ҳамён, ёнчик] **1** Пул солиш учун махсус (одатда, чармдан) ишланган халгача; ҳамён. \Мирзакаримбой\ Кармонидан беи сўмлик қозғоз олиб, сандалга қўйди. Ойбек, Танланган асарлар. *Тешабой чўнтагидан қалин кармонини олди-да, ичи-дан ўн сўмлик қозғоз пул чиқариб, Ҳожжи хо-лага чўзди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма с. т. Чўнтак; пул. *Ҳар кимнинг кармони ўзига маълум.* Ойбек, Танланган асарлар. *Юмалоқ хат ёзишни касб этган тухматчи извогарларнинг касби кармон кесувчи киссаурлардан ҳам тубандир.* Р. Ус-монов, Одобнома.

Кармон кўтармайди Пул кам, пул ет-майди.

КАРНАВАЛ [итал. carnevale < лот. cams navalis — ёқимли, ажойиб кема] Маскарад кийимларида, турли томошалар, ўйин-кулгилар билан ўтказиладиган оммавий сайил. *Шаҳар боғларида қувноқ карна-валлар бўлибўтди.* Газетадан. *Карнавал программасининг сўнгги қисмида энг яхши кос-тюм ва маскалар згаларига мукофотлар берилди.* Газетадан.

КАРНАЙ [ф. tflī- пуфлама мусиқа асбоби] **1** Мисдан ясалган, узун, оғзи кенг (конуссимон), пуфлаб чалинадиган, қат-тиқ овозли мусиқа асбоби (одатда, тўй ва катта тантаналарда чалинади). *Куёв узун ва кенг зарбоф тўн кийиб, катта салласига*

323 ду^.

кўркам олтин жига қўндириб, ҳавони тит-ратган карнайлар, сурнайлар садоси билан ўзиникига кетди. Ойбек, Танланган асар-лар.

2 Шу асбобга бирор жиҳатдан ўхшаш бўлган нарсага нисбатан қўлланади. *Радио карнайи. тии Шартта орқасига қайрилди-да, қўларини карнай қилиб, овозининг борича қичқирди..* С. Анорбоев, Оксой. *У Алибек-нинг қўлидаги карнай қилиб ўралган нарсага кўз ташлади.* «Шарқ юлдузи».

Иштаҳаси карнай с. т. Истеъмол қилиш, ўзлаштириш ёки фойдаланиш учун истаги, майли жуда зўр. *Унинг [Муроднинг\ дастурхонни ҳам еб қўйғудай иштаҳаси кар-най бўлса ҳам, овқат аралаш, гапини канда қизмас эди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Мол-мулкка, шон-шавкатга, ҳокимиятга уларнинг иштаҳалари ҳаммиша карнай.* Ойбек, Наво-ий.

КАРНАЙГУЛ Чирмашиб ўсадиган ўсимлик ва унинг карнай шаклида очила-диган гули. *Хонаки алойнинг карнайгулга ўхшаш қизил, сариқ рангли гулини кўриши жуда камдан-кам одамга насиб қилади.* «Са-одат».

КАРНАЙЧИ Карнай чалувчи. *Фақат гижжакчигина камон тортар, чилдирмачи ҳар замонда бир «так» этиб чертиб қўяр, карнайчи эса бир четда мудраб ўтирар эди.* С. Аҳмад, Музикали воқеа.

Карнайчидан бир пуф «Ҳеч оғирлик қилмайди, оғзининг ели билан битади, биздан нима кетди» каби маъноларда иш-латиладиган матал. *Нақлда бир сўз бор, «карнайчидан бир пуф» деган. Индаса-ин-дамаса, бир гап қилиб кўрамизми? — деди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

КАРНИЗ [нем. Karnies < юн. karonis — тугаллаш] **1** Бино деворининг устки қисмида ёки эшик, дераза устида горизонтал \олда туртиб чиққан қисм. *Ҳозир Олмалик қурувчилари.. карниз ва тўсинлар.. ваҳатто симёгочларни ҳам темир-бетондан ясамоқ-далар.* Газетадан.

2 Шип, бўғот остидаги тахта, ёғоч ёки ганчдан қилинган узун горизонтал безак; пирамон. *..карнизи фақат тўрт энлик чи-қарилгани учун, ёмғир-чочин девор сувоқларини ювиб кетади..* «Муштум».

3 Дераза ёки эшик тепасида парда осиш учун ёғоч ёки металлдан қилинган дор.

Кўрпалар эскириб кетган, чойшаблар кир, пардалар деразаларга ип билан тортиб кўшил-ган, карнизлар йўқ. Газетадан.

КАРОМАТ [а. с¹ - обрў-эътибор; са-ховат, сахийлик; мўъжиза] **1** Худонинг, ғайритабий кучларнинг аралашуви билан, улар ёрдамида вужудга келадиган ғаройиб ходиса(лар), мўъжиза.

2 дин. Бирор воқеа-қодисанинг қачон ва қандай бўлишини илоҳий билим асосида олдиндан билиш, олдиндан айтиб бериш; башорат. *Каромат ногорачиларда бўлади. Қўшинингнинг хотини тугса, эрталоб ногора овозидан бишасан.* Т. Обидов, Юсуфжон кизиқ.

3 эск. Олдиндан айтилган хабар, фикр-мулоҳаза. *Кароматингиз жуда тўғри. тт Эшон ва эшон аянинг ҳар бир гапини каро-мат билган муридларнинг тушунчасини ўзгартмоқ, эшондан эътиқодини қайтармоқ осон эмас.* С. Аҳмад, Ҳукм.

Каромат қилмоқ. 1) олдиндан айтмоқ, олдиндан билиб, башорат қилиб айтиб бермоқ. *Агар шаҳардаги қўл берган донишманд пирим келиб: -Ҳой Мадамин, бир кун эмас, бир кун амалдан ажраб, халк олдида бўйин эгасан, — деб каромат қилса, пир бўлишига қарамай, қамчи билан роса савалардим.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) олдиндан хабар бермоқ, фикр билдирмоқ. *Худди деҳқонларнинг юрагига қўл солиб, дардини топгандай, каромат қилиб айтишини қаранг-а.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Каромат кўрсатмоқ** с. т. Ажабланадиган ёки қойил қоладиган иш қилмоқ, мўъжиза кўрсатмоқ. *Ўқиб, нима каромат кўрсатардингиз, болам? Жуда ша-ҳар олиб берармидингиз!* М. Жалололидинова, Журъат. *-Доктор чақирайми, Полвон амаки? -Қўй, иним.. докторинг нима каро-мат кўрсата оларди.* Р. Раҳмон, Мехр кўзда. **Соҳиб каромат** Олдиндан айтувчи, башорат қилувчи.

4 Каромат (эркаклар ва хотин-кизлар исми).

КАРОМАТЛИ дин. Ғойибдан хабар берувчи, олдиндан айтувчи, каромат қилувчи. *Махсум асл эшонзодалардан-ку, кимсан кароматли Эшонбобонинг фарзанди! Тил тегилиббўлар эканмиунга!* С. Анорбоев, Оқсой.

КАРОМАТЧИ Каромат қилувчи. *Ясама кароматчиларнинг иситма билан ошқозон касалини айира олмаслигини қаёқдан билсин!* «Муштум».

КАРОТИН \лот. carota — сабзи| Кўпроқ сабзи, тухум сариғи, сут ва ш. к. да бўладиган, деярли ҳамма ўсимлик таркибида уч-райдиган сариқ-зарғалдоқ рангли модда (озиқ-овқат саноатида бўёвчи модда сифа-тида ишлатилади). *Одам танасида А витамини фақат бошқа бирор моддадан, чунон-чи, сабзавотлар, кўкатлардан ажралиб чиқадиган каротин деган моддадан ҳосил бўла-ди.* Ф. Маҳкамов, Саломатлик гарови.

КАРП [нем. Кагра < фр. carpe] Чучук сув-ларда яшовчи, териси ялтирок, тангача билан қопланган суякли балиқ; зоғорабалиқ-нинг хонакилашган бир тури ..*карп балиқларининг гавдаси қўполроқ, узунчоқ, ўзи читтакдек чаққон.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

КАРРА \а. b'j<. — марта] Санок сонлар билан қўлланиб, ҳаракатнинг сон билдирган микдордаги такрорини билдиради; мар-та. *Етилмоғи учун у сингари зот.. Баҳор юз карра гул очмоғи лозим.* Уйғун ва И. Сул-тон, Алишер Навоий. *Саидгози, сўзим маъқулми, дегандек яна бир карра кабинетдаги-ларни кўзи билан сузиб чиқди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КАРРАЛИ: каррали сон мат. Маълум бир бутун сонга қолдиқсиз бўлинадиган сон.

КАРСИЛЛАМА Тишлаганда карсиллай-диган; куврак. *Карсиллама олма. шш Узуннинг ҳар бир донаси бошмалдоқдай, олтин-дай сап-сариқ, карсиллама эди.* Ибоҳон, Улуғ кун.

КАРСИЛЛАМОҚ Карс-карс (карс-курс) товуш чиқармоқ *Саҳар пайти кар-силларди тўрлама.. Миртемир. Қуёшда тоб-ланишини қаранг, асалга ботириб олишган-микин бу ҳусайини. Оғзингизга солсангиз, карсиллайди.* «Саодат».

КАРС-КАРС *тақл. с.* Куврак, таранг етилган нарсаларни чайнаганда чиқадиган товушни билдиради. *Рустам эса нақ пиёла-дек оқ аччиқ олмани карс-карс тишлар.. А. Эшонов, Сарбон.*

КАРТ I: карт думба Думбанинг (думба ёғининг) ўзи (бошқа нарса қўшилмаган). *Қази, карт думба палов, сиркаланган ва туз-ланган сабзавотлар эса қиш ойларида тано-вул килинади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

КАРТ II [ингл. cart] Усти очик (кузов-сиз) кам литражли пойга автомобили.

КАРТА I [лот. cart, charta < юн. kartis -папирус барги; қоғоз] 1 Ер сатҳининг, бош-қа осмон жисмлари ёки осмон гумбазининг қоғоз, тахта каби текисликка чизилган шартли тасвири; харита. *Географик карта. Маъмурий-сиёсий карта. Юлдузлар карта-си. шш Олимлар карта — дунёнинг фазовий, тасвирий образидир, деб таъриф беришган. «Фан ва турмуш». Жонажон ўлкамиз ва но-таниш юртларни ўрганиш мақсадида карта бўйлаб қанчадан-қанча «саёхат» қилганмиз. «Фан ва турмуш».*

2 Ҳар бири ўзига хос ранги, тасвири, холи, очкоси билан фарқланувчи тўғри тўртбурчак шаклидаги ўйин қоғозлари дас-таси ва улар воситасида бўладиган ўйин; қарта. *Баъзан картани беш киши бўлиб ўйнашарди. Ё. Ҳаймов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот. Поезд Ян-гийўлдан ўтмасданоқ ён-веридида купеда ке-таётган кишилар Салимхонни кўриб қолишиб, бирин-сирин кириб, купе тўлди. Карта ўйини бошаниб кетди. Мирмуҳсин, Умид.*

3 Бирон-бир маълумот(лар) билан тўл-дириладиган бланк, варақа. *Санатория-курорт картаси.*

4 *махс.* Ичида магнитли ахборотлар ёзилган ва турли ҳисоб-китоблар учун фойдаланиладиган тўғри тўртбурчак шаклида-ги гувоҳнома, ҳужжат. *Кредит картаси.*

КАРТА II [ф. - марза, жўяк; марза билан ўралган экин майдони] Ернинг, да-ланинг алоҳида, тўғри тўртбурчак шаклида ажратилган бўлаги, бир бўлак дала. *Трак-тор бригадаси бугун Ширинбулоқ участкаси-даги сўнги карталарнинг шудгорини тамомлайди. Й. Шамшаров, Орзигул Тўрабоева.*

КАРТАБОЗ Карта ўйинига берилган, доим карта ўйновчи.

КАРТАБОЗЛИК Берилиб карта ўйнаш, карта ўйинига берилиш; карта ўйини. *Худ-ди мана шу меҳмонхонада тонг отгунча кар-табозлик бўлар, ёш-ёш йигитларга кокил солиб ўйнатишарди. С. Ахмад, Ҳукм.*

КАРТАЛАШТИРМОҚ Ерни карталар-га ажратмоқ. *Чўл ичкарисига учиб боряпмиз. Пастда карталаштирилган далалар. Ҳосиш йиғиб олинган. «Ўзбекистон кўриқлари».*

КАРТЕЛЬ [фр. cartel < итал. cartello -қоғоз, ҳужжат] *иқт.* Фирмалар, компани-ялар, банклар ва ш. к. ларнинг ишлаб чиқа-риш ва тижорат мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, со-

325 д-у^

тиш бозорлари ва шарт-шароитлари, ба-ҳолар, тўлов муддатлари, биргаликда молиялаштириш ва б. ҳақида ўзаро келишуви асосида бирлашиш шаклларида бири. *Картеллар, синдикатлар ва трестлар энг кўп фойда олиш учун рақобатчилардан қутулишга ҳаракат қиладилар. «Янги тарих».*

КАРТЕР [ингл. carter] *тех.* Машина ва механизмларнинг уларни тутиб турадиган, шикастланиш, ифлосланиш ҳамда чангдан сақлайдиган, кўзғалмас металл қутича шаклидаги қисми.

КАРТЕЧЬ [пол. kartecza] 1 Ичи юмалоқ питра билан тўлдирилган, яқин масофада-ги душманни кириш учун мўлжалланган артиллерия снаряди. *Тўпга картечь солиб отмоқ.*

2 Ов милтиғи учун мўлжалланган йи-рик сочма ўқ, йирик питра.

КАРТИНА [р. картина < лот. cart, charta < юн. kartis - папирус барги] **1** Мато, тах-та ва ш. к. га бўёқлар билан ишланган рас-сомлик асари. *Рассом картинада ми.ъий руҳ-ни акс эттирувчи барча деталларга таби-ийлик билан ёндашган.* Газетадан.

2 Ҳаёт ҳрдисалари, асар ва ш. к. нинг ўзича бир бутунликни, яхлитликни ташкил этувчи қисми, бўлаги: *Шоирмозининг даҳ-шатли картинасини тасвирлар экан.. «ЎТА».* Ҳар бир эпизод, ҳар бир картина ва деталь сюжетнинг таркибий қисмига кириши ло-зим. «Ёшлик».

3 с. т. Кинофильм, телефильм. *Ҳордиқ кунлари шаҳардан чиқадиган автомобиль шу ерда [мактаб саҳнида\ картина қўйиб берар эди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.*

КАРТИНГ [ингл. carting] **1** Картлар (қ. карт II) иштирокида ўтадиган спорт пой-гаси (мусобақаси).

2 Шундай пойгалар ўтказиш учун мах-сус жиҳозланган майдонча.

КАРТОГРАММА [карта + юн. gramma -харф, ёзув] Муайян ҳрдисаларга оид статистик маълумотлар график равишда тасвир-ланган карта. *Аҳолининг зичлиги картограммаси. тт Уғит нормаси тупроқнинг агро-кимёвий картограммаси асосида белгиланди. «Фан ва турмуш».*

КАРТОГРАФ Картография мутахассиси, географик карталар тузувчи, чизувчи мутахассис. *Дониш Қизилқумни авваллари ҳам атрофлича ўрганган.. У ўз замонасининг ажойиб географи ва картографи ҳам эди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

КАРТОГРАФИЯ [карта + юн. grapho -ёзаман] Географик карталар тузиш ҳақидаги фан ва шундай карталар тузишнинг ўзи. *Илм-фанинг турли соҳаларида картография тадқиқоти натижаларидан кенг қўламда фойдаланилмоқда. «Фан ва турмуш».*

КАРТОН [итал. cartone < лот. charta — қоғоз] Махсус ишланган қалин, қаттиқ қоғоз. *Картон муқова. Картон папка. ти Уячани фанердан, картондан икковимиз ясар-диг-у, аммо инни дарахтга ўзим осиб тушар-дим. А. Муҳиддин, Чап чўнтак. ..энг йирик целлюлоза заводи ва картон фабрикаси фой-даланишига топширилди. Газетадан.*

КАРТОТЕКА [юн. kartis - папирус бар-ги + theke — омбор; қути] **1** Маълум бир нарсага, соҳага оид маълумотлар ёзилган ва тартибга солинган карточкалар мажмуи. *Кутубхона картотекаси. Луғат картоте-каси. тт У [Баҳор] ўз ўрнига тайин бўладиган кишига қулайлик туғдириши мақсадида каргепотекани ғпартибга соларди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлкин.*

2 Шундай карточкалар сакланадиган қутилар, яшиқлар ва улар жойлашган хона, бўлим. *Картотека фонди, ти Столда кўк, қизил ёзувли карточкалар билан тўлатилган беш-олтита узунчоқ қутича—картоте-калар. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.*

КАРТОЧКА [р. карточка — кичик карта] **1** Қалин қоғоз ёки картондан тўрт бурчак қилиб кесилган, бирор маълумот, хабар ва ш. к. ёзиб қўйиладиган варақча. *Карточкага мисол олмоқ. тт ..жанг-мудофаа карточка-сини чизиб-ёзиб, ҳаммамизни таништирди.. Т. Рустамов, Мангу жасорат.*

2 Кичкина картон қоғоздан қилинган билет шаклидаги гувоҳнома, ҳужжат. *Визит карточкаси. тт Муродова.. партия билети ва кандидатлик карточкаларини топшира-ётган эди. И. Раҳим, Ихлос.*

3 тар. Озиқ-овқат ёки бошқа нарсалар тақсимоти нормалаштирилган вақтда шу нарсаларни олиш ҳуқуқини берадиган, ке-сиб олинадиган талони бор махсус ҳужжат. *Қирқ учинчи йилда озиқ-овқат карточкала-ри тарқатадиган идорада унинг бир тоғаси ишлар эди. П. Қодиров, Уч илдиз.*

4 махс. айн. карта **4.** *Карточкадан фой-даланувчилар бир қанча қулайликларга эга бўладилар.*

Кредит карточкаси Банк томонидан ўз омонатчиларига уларнинг шахсий ҳисоби-да сақланаётган маблағларидан нақд пул-сиз товар сотиб олиши ёки турли хизмат-лардан фойдаланиши учун бериладиган ҳужжат-гувоҳнома. *Кредит карточкалари чиқарадиган ҳар бир банк, ҳар бир компания уларни олиш ва улардан фойдаланиш қоида-ларини ўзлари белгилайдилар.* Газетадан.

КАРТОШКА [р. < пол. kartofla < нем. Kartoffel < итал. tartufolo — илдизмевали кўзиқорин] Илдизмевали, бир йиллик сабзавот ўсимликларидан бири ва унинг илдизида етишадиган, овқат учун ишла-тиладиган хрсили. *Картошка пояси. Картошка эжмоқ. ит Экинлар жуда соз. Ай-ниқса, картошка билан сабзи мўл ҳосил беради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мас-тура: \ Ҳай, Тожи! Шўрванг нима бўлди? — [Тожи:] Картошкани солдим.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

КАРТОШКАГУЛ Илдизида картошка-симон тугунаги бўладиган узун пояли, йирик, ранг-баранг гулли кўп йиллик манза-рали ўсимлик. *Уларнинг уйидаги гулларнинг саногии йўқ: атиргул, картошкагул, қашқар-гул..* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КАРТОШКАКОР Картошка етиштириш билан шуғулланувчи. *Картошкакорлар ўз маҳсулотларини кеч кузгача сотадилар.* Га-зетадан.

КАРТОШКАЧИЛИК Картошка етиш-тириш иши; қишлоқ хўжалигининг картошка етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Умуман, картошкачиликда кслий ўғитларига алоҳида эътибор берилади.* «Фан ва турмуш».

КАРТОШКАҚОВОҚ Қовоқнинг ранги кул рангига мойил, ғилдираксимон, этли (гўштдор), мазали, овқат учун ишлатила-диган тури. *Қовоқнинг хийтри кўп.. картош-кақовоқ, ойимқовоқ, қашқарқовоқ ва ҳоказо.* К. Маҳмудов, Қовоқ тўғрисида.

КАРТРИЖ [ингл. cartridge] **1** махс. Нусха кўчириш ва кўпайтириш техникасида (мас, принтерларда) қўлланадиган, бўёвчи тасма ва бўёвчи моддани жойлаштириш ва химоя қилишга мўлжалланган идиш, контейнер. *Рангли картриж. Картрижни тўлдирмоқ.*

2 махс. Компьютерга жойлаштирилади-ган, муайян маълумотлар ва дастурлар тўпла-мини хотирасида сақпайдиган мослама.

КАРУСЕЛЬ [умай. carosello] Ўтирадиган жойлари от, айик, шер, қайик ва ш. к. шакл-ларда ясалган, доира бўйлаб учишга мўл-жалланган ва вертикал ўқ атрофида айла-надиган қурилма. *Пастликда.. катта кару-сель.. Майсазор тўла бола-бақра, қий-чув.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

КАРЧ айн. **карж.** *Қовун сўйилди. Смирнов худди асалнинг рангига ва таъмига ўхшаш бир карчни овзига солди-ю, мазасига койил бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

КАРЧЛАМОҚ айн. **каржламоқ.**

КАРЬЕР [фр. carrière < лот. quadraria — тош майдалайдиган жой] Унча чуқурликда бўлмаган фойдали қазилмаларни (кўмир, қум ва ш. к.) очик усулда қазиб олиш кор-хонаси; шундай қазиб олиш натижасида \осил бўлган чуқурлик. *Оҳангарон ҳавзаси-даги жами кўмирнинг 80 проценти карьер-дан қазиб олинмокда.* Газетадан.

КАРҚУЛОҚ Эшитиш қобиляти йўқ; кар. *Мен ундан \бойдан\ тўғри ҳисоблашни илтимос қилиб ялинардим, у карқулоқ ва со-қовдек гўдайтиб тураверарди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоклари.

КАРҚУР Товуқсимонлар туркумига мансуб катта ўрмон қуши.

КАС [ф. ^j* <. — кимса, шахс] шв. Одам, киши. *Дўст йиғлатиб, душманимни кулдир-ма. Бу сиримни ҳеч бир касга билдирма.* «Зул-физар билан Авазхон».

КАСАБА [а. **كاسبا** < — «косиб» сўзининг кўпл.; майда савдогар] **1** айн. **касаба уюш-маси.** *Биринчи июль.. кечқурун соат 6. 00 да касабалар богида.. тантанали Шарқ кечаси ясалади.* Газетадан.

Касаба союзи қ. **касаба уюшмаси.** *..бола-лар бозчалари, яслилари, болалар оромгоҳла-ри шохобчаларини кенгайтириши ва уларнинг ишларини яхшилаш — касаба*

союзларининг муқаддас бурчидир. Газетадан. **Касаба уюш-маси** Ишчи ва хизматчиларни меҳнат соҳа-лари (касблари) бўйича бирлаштирувчи ва улар манфаатини ҳимоя қилувчи оммавий ташкилот.

2 (касаба, касава) қ. **косиб, ҳамкасб.** Ўзингиз ҳам шундай соз, шундай қулингўргилсин бўлибсизки, агар юзингизда етмиш қават парда бўлса-ю, бир қаватини очиб қўйсангиз ҳам, ҳусну жамолингизга ўттиз икки каса-ва чироқ ёқмасдан иш қилаверади-я! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

КАСАЛ {а. J^{ai} — дангасалик; данга-са, ишёқмас} **1** от Организм меъерий ҳолатини, фаолиятини бузувчи нарса; ка-саллик, дард. Сил касали. Рак касали. Тутқаноқ касали. Касалга чалинмоқ. **тм** \Шо-қир ота:\ Бурунги замонларда Ибн Сино, Луқмон Ҳаким ўтган. Улар ҳар бир касал-га даео топган. Ойбек, Танланган асар-лар. Онаси ўзининг касалини ҳам унутиб, унинг бошида парвона бўлди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Ёш бўлганидан каса-лини ўзи сезмаса керак. Касали ўқтин-ўқтин бир кўриниш бериб қўяди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 сфм. Организмининг меъерий ҳолати, фаолияти бузилган, касалликка йўлиққан; бетоб. Касал одам. Касал мол. **тм** Хотиржам ишласин, деб касал онасини бировнинг қўли-га ташилагим келмади. С. Зуннунова, Олов. Одам организмининг касал ёки шикастлан-ган аъзоларини алмаштириш учун сунъий «эҳтиёт қисмлар» яратиш зояси янгилик эмас. «Фан ва турмуш».

3 от Организмининг меъерий ҳолати, фаолияти бузилган шахс, касалликка йўлиққан шахс; бемор. \Шоқир ота:\ Ибн Синога касалнинг жони чиқмаган бўлса, бас экан, тузатар экан. Ойбек, Танланган асар-лар. Икки қаваъиш мактаб бинноси шошилинч суратда фронт ёқасидан келтирилган яра-дор, касаллар учун бўшатилмоқда. Р. Фай-зий, Сен етим эмассан.

4 от кўчма Нарса ёки унинг қисмидаги носоғ, бузуқ ҳолат; носозлик, иллат. Ҳам-ма касал шундаки, сиз халк кучига ишон-майсиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. У [Эркин] машинага бир қарашдаёқ касалини топади ва давосини қилади. Ҳ. Ғулوم, Тошкентликлар.

5 от кўчма Одатга айланган иш, хатти-ҳаракат. -Саъвани яхши кўрасизми? -Ота-дан қолган касал бу, — қулиб жавоб берди Йўлдошев. «Ёшлик». Демак, ёлгончилик касалига мубтало бўлган кишини ростгўй одамнинг қони билан даволаса бўлади. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. Эрининг тўсатдан кайсарлик касали тут-ди. «Гафаккур».

6 от кўчма Умуман, бирор нарса иста-ги, шунга иштиёқ, интилиш; дард. Ўзинг айт, агар менга шу касалингни бир оғиз бил-дирсанг, мен қайнатангга хат ёзмасми эдим..

А. Қодирий, Ўтган кунлар. Оилада ишининг жуда шикали — Холпошшанинг кийим-кечак касали. «Муштум».

Касалдан турмоқ (ёки бош кўтармоқ). Касалдан фориг бўлмоқ; тузалмоқ. Касалдан турган ҳар қандай одамда бўладиган ал-ланечук бир руҳий енгилик унинг ҳам қалби-ни қувончга тўлдирди. У. Ҳошимов, Кдл-бингга кулоқ сол. Улар яқиндагина касалдан бош кўтарган дардманд кишиларга ўхшар-дилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Чўнтак (ёки ҳамён, кисса) касал** Чўнтакда пул йўқ, пул етарли эмас; ҳамён курук. Аммо Бухорода ўқимогим учун ҳамёним касал зди. М. Муҳа-маджонов, Турмуш уринишлари. Қаландарга бориб нетаман? Неча кундирки, киссам ка-сал. С. Сиёев, Ёруғлик.

КАСАЛВАНД с. т. Касалманд. \Наби:\ Гапиринг, тақсир, менинг ўғлим нима гуноҳ қилди? Узи мардикорликдан яқинда келди, унинг устига касалванд. А. Раҳмат, Пьесалар. Касалванд, ожиз бир маҳбусни арконга боғлаб, Солижон билан Бекжонбой тортиб олдилар. Ж. Шарипов, Хоразм.

КАСАЛЛАНМОҚ Бирор касал билан оғримоқ, касалга чалинмоқ. *Мутрибнинг касалланиб, Питнакдан қайтиб келганини Аваз Рўзимбойдан эшитди.* С. Сиёев, Аваз. *Аммо бу орада қора тўқлиси касалланиб, вақтинча Тўнгиз қояни унутди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

КАСАЛЛИК 1 айн. **касал 1.** *Зотилжам касаллиги. Юқумли касаллик. тт Самарқандда Бобурни тилдан қолдирган касаллик — гоят кучли бир руҳий ларзанинг оқибати зди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Аввалдан унинг атрофида ҳар хил касалликлар: терлама, қора безгак.. кўпайиб, аҳолининг тин-касани қуритган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Организм меъерий фаолиятининг, саломатликнинг бузилиши; касал ҳолат, дард, хасталик. *Шунча хорлик ва хўрлик ет-магандай.. отаси оғир касалликдан вафот этди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КАСАЛМАНД [а. + ф. г. .1., <] Тез-тез касал бўлиб турадиган; дардчил. *Азалдан касалманд Башират хола эрининг ўлимидан кейин яна ҳам қийналиб қолди.* Н. Сафаров, Узокни кўзлаган қиз. *-Поччам эликдан ош-ган, новча, касалманд, рангпар, — дейди Му-савой.* Ойбек, Болалик.

КАСАЛНАМО \а. + ф. Uij^I Касалга ўхшаб кўринадиган. *Ўрта бўйли, тўла, лекин кенг юзининг гўштилари саргайиб солқиб тушган, элик саккиз ёшларда бўлган касалнамо хотин аста-аста юриб келаверди.* Ой-бек, Танланган асарлар.

КАСАЛХОНА Касалларни мунтазам ку-затиш ва даволаш учун жойлаштириладиган муассаса; шифохона. *Мастура Алиева саккиз ойдан бери палатасидан чиқмай ет-ат оғир хаста, уни касалхонада ҳамма би-лар, кўп киши кириб кўрган экан.* А. Қахдор, Минг бир жон.

КАСАНА \ф. „Л, <; „Л — бирор ким-сагатегишли, бировники] Ёлланган хунароманд-косиб томонидан маълум корхоналар буюртмаси асосида уйда тайёрланадиган нарса ва шу тартибда ишлаш.

КАСАНАЧИ Ёлланиб уйда ишлайди-ган хунароманд-косиб. *..касаначилар (уида ишловчилар) меҳнати муттасил рағбатлан-тирилмоқда.* Газетадан. *Корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ви уларга меҳнат дафтарчаси берилади.* Газетадан.

КАСАНАЧИЛИК Касана асосида иш-лаш, касана маҳсулот тайёрлаш билан шуғулланиш; касанаچی меҳнати. *Куйидагилар касаначилиқни ривожлантиришининг асосий вазифалари деб ҳисобланади..* Газетадан.

КАСБ \а. ^>^Л — бирор нарсани ўрганиш, эгаллаш, фойда; хунар, машғулот] **1** Иш-фаолиятнинг маълум тажриба/тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси; хунар. *Бу киши ўзлари ҳосилот, касблари агроном, кеч-ки мактабда мусъимлик ҳам қиладилар.* А. Қахдор, Кўшчинор чироклари. *^Ҳаётда шун-дай одсишир бўладики, улар бутун умрларини фақат бир ишга, бирон касбга бағишлайдишар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқиилари.

2 Умуман, одат қилинган йш; одат. *Мол-нинг тилини билиш ҳам ўзига яраша касб экан.* Ў. Умарбеков, Шонли авлод. *Фойда-хўрлик — тан-суягингизга сингиб кетган кас-бингиз.* Х- Ғулом, Машғал. *Хотинини қўшиб, амал олиш — у сизнинг касбингиз, мингбоши!* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

Касб этмоқ Эга бўлмоқ, эгалламоқ; акс этмоқ. *Аҳамият касб этмоқ. Дарахтлар ойдинда ажойиб бир манзара касб этмоқда.* **иш** Фавқулодда даҳшат касб этган унинг [Отабекнинг] кўзлари қаришида кўрбоши-нинг гуноҳкор кўзлари чидай олмадилар-да, ерга боқдилар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

Ўйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гул-сумбиби йўргалай кетди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Касб қилмоқ** Бирор иш-машғулот-ни одат қилмоқ, доимий иш-машғулотга айлантирмоқ. *Махдум бир неча ҳафтадан бери бу «хунар»ни ўзига касб қилиб олган, Анвар ариза ва кенгашидан бир пул ишлама-ган кунларда, у неча*

тангаларни йўлакда ўтириб топар эди. А. Қодирий, Меҳроб-дан чаён. У \ Қурбонов} бир неча йилдан буён Ашхабод, Боку, Тбилиси шаҳарларига «са-фар» қилиб, ҳамён тўлдиришни касб қилиб олди. «Муштум».

КАСБДОШ Бир хил касбли, бир касб-да ишловчи. Биз асарларимизни элга тақ-дим қилишдан аввал касбдош дўстларимизга манзур қилмоғимиз керак. Э. Воҳидов, Масъулият туйғуси. Ошна-оғайнилар, қариндош-уруғлар, касбдошлар бир-бирлариникига бор-ди-келди қилиб туришади. Э. Назаров, Ах-лоқ ва одоб.

КАСБИЙ Касб-хунарга оид. Касбий ман-фаат. Касбий касаллик. **тш** Бинобарин, бўҳол тарбия, тамим, сиёсий ва касбий тайёргар-лик масалаларини ҳал этишига жамулжам ёндашишни тақозо қилмоқда. Газетадан.

КАСБ-КОР Умуман, касб, хунар; маш-ғулот, иш. Эндиликда.. бу хотинлардан ҳеч бири қилаётган ишига, касб-корига, сабаби тирикчилик, деб қарамайди. А. Қахҳор, Хо-тинлар. Мақсади, маслаги, касб-кори тур-лича бўлган кишиларнинг ҳамжиҳатликда яшаши мушкул эди. М. Жўра, Ноширнома.

КАСИР-КАСИР айн. касир-кусур.

КАСИР-КУСУР тақл. с. Куруқ ва мўрт нарсаларнинг синишидан, парчаланишидан чиқадиган товушни билдиради. Касир-кусур беда чайнаб турган отлар Қўшоққа парвосиз қараб қўйишиди. \. Шамс, Душман.

КАСИРЛАМОҚ Касир-кусур овоз чи-қармок. Қаттиқ шамолда дарахтнинг бир шохи касирлаб синди.

КАСКА \фр. casque < исп. casco — бош суяги; дубулға] Ҳарбий хизматчи, ўт ўчирувчи, курувчи ва ш. к. ларнинг металлдан ёки пластмассадан ишланган, турли зарбалардан сақловчи бош кийими. Пулемёт ниҳоят танаффус қилди. Эргаш каскасини бостириб кийиб, чуқурдан эмаклаб чиқди. \. Ғулом, Тошкентликлар. Қоровулхонада улар-га ҳеч ким индамади, йўлакда қўлларига бит-тадан карбид фонарь олиб, бошларига каска

384 ЯЪ

кийишиди-да, конга кириб кетишиди. А. Мух-тор, Чинор. Тоғ пармаловчи йигитлар бош-ларига нўлат каска кийишиб, саф тортиб, тош қўпоршияпти. С. Қодиров, Норақ нур-хонаси.

КАСКАД \фр. cascade < итал. cascata| **1** Бир неча поғоналарга урилиб тушадиган табиий ёки сунъий шаршара.

2 Циркда акробатларнинг хазилакам, кулгили йиқилишидан иборат номери, кўриниши.

3 тех. Ўзаро боғланган бир қанча ин-шоотлар, механизмлар, қурилмалар турку-ми. Трест коллективи Жиззах насос стан-циялари каскадида барча ишларни бажармоқ-да. «Ўзбекистон кўриқлари».

Гидроэлектростанциялар каскади Бир дарё оқимида бир-биридан маълум масофада жойлашган, умумий сув-хўжалик режими билан ўзаро боғланган бир неча гидроэлек-тростанция. Чирчиқ ва Бўзсув гидроэлектро-станция каскади бир дарёдаги 16 та элект-ростанциядан иборат. Газетадан. Ҳрзир Вахш каскадининг тўртинчи босқичи бўлган Норақ ГЭСи қурилиши авж олган. «Фан ва турмуш».

КАСКАДЁР \фр. cascadeur| **1** Циркда кул-гили акробатик йиқилишларни ижро этув-чи актёр.

2 Кинофильмларда асосий актёр ўрни-га ниҳоятда мураккаб, хаёти учун хавfli ҳаракатларни (каскадларни) бажарувчи, муайян махсус тайёргарликка эга бўлган шахс. ..фильмни суратга олиш пайтида га-ров боғлаб, от чопишида каскадёрларни ҳам доғда қолдирган. Газетадан.

КАСКАДЛИ Каскаддан иборат, каскад-ни ташкил этувчи. *Чет эллик олимлар қим-матбаҳо яримўтказгич фотоэлементларни унумли ишлатиши учун каскадли электр ман-баларидан фоидаланишни таклиф этмоқда-лар.* «Фан ва турмуш».

КАСКАЛИ Каскаси бор, каска кийтан. *..қора каскали солдатлар яна қайтибўтиши-ди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КАСОД \а. — товарга бўлган талаб-нинг пасайиши; савдо-сотикдаги суслик] **1** Талаб ёки харидор йўқлиги туфайли савдо-сотик, касб-ҳунар ва ш. к. нинг тўхтаб қолиш, юришмаслик, товарнинг ўтмаслик ҳолати. *Нима қилиб зерикибўтирибсиз, савдо касодми?* Ойбек, Болалик. *Касб-кори ка-сод бўлган уста Замоннинг тирикчилиги яна оғирлашиб қолди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Йигитали, магазинда КООП [кооператив/уни кўпайиб кетгач, тегирмони касод бўлиб, уйда ўтириб қолган отаси ҳозир пенсияда-лигини эшитган эди.* Д. Нурий, Осмон усту-ни. *Бандаи, ёраб, Муқимишдек бўлиб хору касод, Суду савдодин қолиб, бозоридин ай-рилмасин.* Муқимий.

Бозор касод Бозорда молларнинг ёки баъзи молларнинг сотилмаётганлик ҳолатини, ўтмаётган (кетмаётган)лигини бил-диради. *..Бозор касод, мол-туёқнинг нархи пастлаб кетган.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Бозорлар касод бўлиб, ҳеч ким узангини ўз нархига ҳам сўрамай қўйди.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари. **Касод мол** Сотилмай (ўтмай) ётган мол. *Шу ойда \Ра-мазон ойида\ барча дўкандорлар то саҳаргача савдо-сотик қилар.. касод молларини ке-чалари пуллар эди.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари.

2 шв. Касофат, зарар. *Уйқунинг касоди кўндир кишига, Бувишим, гафлатдан кўтар бошингни!* «Равшан».

КАСОФАТ \ а. .-и\< - қуюклик, зичлик; дағаллик, ғализлик; бефаҳмлиқ] **1 сфт.** Ёмон оқибатга олиб борадиган, бахтсиз-лик (зиён, захмат) келтирадиган. *Касофат иш. тт Шири кўп касофат нарса, гўзанинг ёш баргларига ёпишдимми — уни бузмайтирибқўяди.* Х. Назир, Сўнмас чакмоқдар. *Кай-фим бор эди, ҳаммасига касофат арақ сабабчи..* Газетадан.

2 от Ёмон оқибат, ёмон, нохуш таъсир. *Яхшининг — шарофати, ёмоннинг — касофати.* Матал. ■■ *Очлик касофатидан она-бола дунёдан кетди.* С. Исмоилзода, Темури. *Мана шундай хилофи шаръий ишларингизнинг касофатидан бундай кунларга тушдингиз..* С. Айний, Қуллар.

3 Шундай белги, таъсирга эга бўлган шахс ёки нарсага нисбатан қўлланади; шахс ёки нарсани шундай белги билан қайд этади. *Йўқол, дейман, йўқол, наҳс! Йўқол кўзимдан, касофат!* С. Зуннунова, Олов. *Бунинг устига нўхтаси ҳам йўқ эди касофатнинг [новоснинг].* С. Нуоров, Нарвон. *Сен замонни тушунасанми, ўйлаб қара, агар шу хом қовоқда миянг бўлса, йиғлама, касофат.* Ойбек, Танланган асарлар.

Касофатига қолмоқ Ўзганинг ёмон таъ-сири билан нохуш оқибат (хрлат)га дучор бўлмоқ. *Бу орада қизим шўрлик унинг касофатига қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирок^пари.

КАСОФАТЛИ Касофати бор, касри, зарари тегадиган. *Касофатли қора ўтмишда Сожиди хола тўнгич ўглидан ана шундай қилиб ажралган эди.* Ғ. Ғуллом, Тўнғич ўғил.

КАСР I \а. jʼS. — синик, ушоқ, парча; шикасталиқ] **мат. 1** Бирликнинг қисмларидан ташкил топган сон. *Оддий каср. Ўнли каср. Тўғри каср. Аралаш каср. Каср сон.*

Каср қолдиқ Бирга етмайдиган, бирдан оз бўлган қолдиқ.

2 эск. айн. қолдиқ 4. Ўн олтини учга бўлсак, битта каср қолади.

КАСР II \а. jʼS — бузиш, парчалаш] Ўзганинг ёки бирон нарсанинг айби, са-баби билан бўладиган ёмон таъсир, яра-мас оқибат; касофат. *Бирнинг касри — минг-га, мингнинг касри — туманга.* Мақол. *Фарҳоднинг тоғ қазиишн Алишер Навоий тасвирлаб байт ёзган эди, шуни келтира ол-мадим. Ўқимаганликнинг касри шу-да.* Ой-

дин, Ширин келди. ..менинг касримга фа-локатга иўлиқишларини истамайман. С. Кароматов, Бир томчи қон.

Касрига қолмоқ Касри туфайли ёмон оқибат (ҳолат)га дучор бўлмоқ. -*Битта ахмоқнинг касрига ҳамма қолади, — Васида Назаровна ўрнидан туриб кетди.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КАСРА \a. *bj* ^S. — синиш, синдириш; мағлубиятга учраш] Араб алифбосида ундош ҳарфларнинг остига қўйилиб, ундан кейин қиска «и» унлиси ўқилишини билдирувчи белги (форсчада «зер» деб аталади).

КАСРАТКИ *шв.* Калтакесак. *Ажалли кас-ратки тегар илонга, Ҳазиллашма, полвон, мендай султонга.* «Алпомиш». *Ургин, деб юбо-рибсан қирқин бекларни, Қирқ касраткинг бир шюнни ютолмас.* «Зулфизар билан Авазхон».

КАСРЛИ *мат.* Бирга етмаган миқдор-ли (қолдиқли), ёнида касри бор. *Касрли сон.*

КАССА \ *итал.* *cassa* < *лот.* *сарса* — бирор нарса саКгЛанадиган идиш; қути| **1** Пул, қимматбаҳо қоғозлар қабул қилинадиган ва сақланадиган пўлат сандиқ, қути, жой ва ш. к. *Пахта плани ошса, Тўла турар кассаси.* «Қўшиқлар». *База кассаси битмас-туганмас чашма эмаски, ўз-ўзидан жарақ-жарақ ақча кайнаб чиқаверса.* Газетадан.

2 Муассаса, корхоналарнинг пул қабул қилиш, пул бериш, билет сотиш ва ш. к. билан шуғулланувчи бўлими. *Қиз ичкарига кириб кетгач, афтидан кассага пул топиш-гани ўтди шекилли, яна ўзимга кела бошла-дим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мам-лақати. *Кинотеатр кассаси олдида ёмғирдан қочиб навбат кутаётганлар кўпаиди.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол.

3 Пул билан иш юритувчи, муомала қилувчи муассаса ёки ташкилотларнинг номи. *Омонат касса. Ўзаро ёрдам кассаси.*

4 Қабул қилиб олинган сумма (чеклар) кўрсатилган талонлар босиб чиқарилади-ган (акс эттириладиган) қурилма, аппа-рат ва шу қурилма жойлашган хона.

5 Муассаса, корхона ва ш. к. даги бор пул. *Кассани текширмоқ. ти Сатторое кассани ҳисоблаб чиққач, товуқ фермасига ўтди.* «Муштум».

КАССАЦИЯ [*лот.* *cassatio* — бекор қилиш, йўқ қилиш] **1** ҳуқ. Қонун ва суд ишларини юритиш қондалари бузилганлиги сабабли юқори суд органи томонидан қуйи суд органи чиқарган, ҳали кучга кирмаган суд қарори, ҳукмининг қайта кўриб чиқи-лиши, бекор қилиниши. *Кассация муддати.*

2 Қонуний кучга кирмаган суд қарори-ни қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишни сўраб мурожаат қилиш. *Кассация шикоят.*

КАССЕТА \ *фр.* *cassette* - яшиқча, қути-ча] Нарса, деталь, материаллар, фотоплён-ка ва киноплёнкалар энг қулай шароитлар-да сақ^ланадиган, ёруғлик ўтказмайдиган, сурма қопқоқли, ўзаро алмаштириладиган махсус қутича. *Фотографик кассета. Видео-магнитофон кассетаси. ти ..овоз ёзиш сало-нида ўзлари билан олиб келган ёки шу ердан сотиб олинган кассеталарга ўзларига ман-зур бўлган куй ва қўшиқларни ёзиб олишлари мумкин.* Газетадан.

КАССИР [*лот.* *cassare* — бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ| **1** Пул ва қимматбаҳо қоғоз-ларни қабул қилиш, бериш, билетлар со-тиш ва ш. к. ишларни бажарувчи ходим. *Бу сафар банк вақтида пул берибди. Кассир ой-лик тарқатяпти.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Кассир.. бригадир, агроном ва бошқа ходим-ларнинг аксарияти хотин-қизлардан бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Касса аппарати (қ. **касса 4**)да ишлов-чи ходим, оператор.

331 <уГу^

КАССИРЛИК Кассир иши, касби. *Ўғил болалар сартарошлик ва туфли ямашни ўргансалар, қизларимиз кассирликни машқ қиладилар.* С. Аҳмад, Сайланма.

КАСТА \ *порт.* *casta* — насл, авлод] Ҳин-дистон ва баъзи Шарқ мамлакатларида ўз аъзоларининг насаби, ҳуқуқи, урф-одатла-ри ва касбига қараб поғонавий тарзда ало-

хида табақага ажралган ижтимоий гуруҳ, тоифа. *Коҳинлар кастаси. Каста урф-одатлари. иш* Ҳиндистонда турли тоифалар, кас-талар, чунончи, коҳинлар, аскарлар ва деҳ-қон касталари бор эди. «Янги тарих». Беруний. Ҳиндистоннинг ижтимоий тузумлари ҳақида сўзлайди ва каста (ижтимоий гуруҳ) системасига умумий характеристика беради. Ф. Фулом, Тарихий дўстлик.

КАСТОР \юн. kastor — сув кундузи, бобр]: **кастор мойи** айн. **касторка**.

КАСТОРКА [лот. castoreum — бобр без-ларидан олинган мойсимон суюқлик < юн. kastor] Канақунжутдан олинадиган мой, канақунжут мойи (сурғи дори сифатида ишлатилади). *Касторкага ўхшаган дорилар-ни киши қийнаиб ичади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КАСТРЮЛЬ(КА) [нем. Kasserolle < фр. casserolle — дастали това] Одатда, цилиндр шаклида бўладиган, икки банди, қулоғи ва қопқоғи бор, асосан, овқат пиширилади-ган ёки саКГЛанадиган металл идиш. *Шун-дай деб.. кастрюлни икки қулоғидан кўта-риб, ётоқхонага кириб кета бошлади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

КАТ \ф. сА — тахт; кенг ёғоч курси (ух-лаш ёки ўтириш учун)] *ив.* Кенг ёғоч каравот. -*Келинг, келинг, Тўрғай, катга чиқинг, — деди кампир мулозамат қилиб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Кат устига дастурхон ёзилиб, бир мистовоқ нон билан пиёлада қиём кўйил-ган эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Сув бўйи-га қўйилган ёғоч катда ўн чоқли киши Айний асарлари устида қизгин баҳс юритади.* Н. Аминов, Устод табассуми.

КАТАЙСА [р. кататься — кезмоқ, сайр қилмоқ, учмоқ] *с. т.* (асосан болалар тилида ва уларга нисбатан қўлланади). Арава, велосипед, чана ва ш. к. да учиш, кезиш, сайр қилиш. *Извошда катайса қилиш нуқул роҳат..* Ойбек, Танланган асарлар. *Бир ка-тайса қилмайсанми? Айтсам, ракетамҳози-рок сени юлдузингга олиб боради.* А. Кўчи-мов, Ҳалқа.

КАТАК 1 Парранда ёки айрим (асосан майда) жониворлар туриши учун махсус ишланган қурилма; хона, уйча. *Дилфуза айвондан сакраб тушди-да, товуқ катаги ёнидаги нимқоронги ошхонага кириб, токча-дагузун ишишани топди.* У. Ҳошимов, Қал-бингга кулоқ сол. *Бўрон ўзи топширган ки-йик боласини сим катаклардан қидира кет-ди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

2 Бир сатҳ (юза)даги кичик-кичик бўлма-лар, уялар, тешиқларнинг бири. *Ари уясининг катаги. ти У вестибюлга кириб, ранг-баранг эълонлар осиглиқ доска ёнидан ўтаёт-ганда, чапга, ари уясидай сертокча почта катагига қаради.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 Нарса юзасига ишланган, туширил-ган тўртбурчак; шундай тўртбурчакларнинг бири. *Шахмат катаги. иш* Азимов қора фар-зинни қўлида бир оз ушлаб туриб, шахмат-нинг оқ катагига тақиллатибурди-да, «шах» деди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Юзасида шундай катаклар бўлган; ка-такли. *Катак дафтар. иш* Ҳақиқатан ҳам хат катак дафтарнинг бир варагига ёзилган бўлиб, иккала бетида ҳам очиқ жой йўқ эди. И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат. *Бошига Пўлатжон совга қилиб келтирган кўк катак рўмолчани ёш жувонлардай ихчам тангиган ҳолда айвон яқинига келди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқдар.

Бурун катаги Буруннинг ташқи тешиқ-ларидан ҳар бири. [Шокир отанинг] *Қайрилиб тушган, катаклари кенг, бесўнақай қай-роқ бурни учида тер томчилари ялтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАТАКЧА Кичик катак. *Шити шарқча нақшдор уй.. Токчалар қадимча — ганчдан ишланган қаш-қат катакчалардан иборат.* Ойбек, Танланган асарлар.

КАТАЛАК Катакдай кичик, кўримсиз ҳовли, уй, хона. *Унинг кўз олдида болалик йиллари гавдаланди. Шаҳар чеккасидаги тор, каталак ҳовли..* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Кошки, хона каттароқ бўлса, бир каталакки, йўталганга ҳам зириллайди.*

«Ёш-лик». *Каталак дўкончада бобом, икки то-гам, тўртта халфа маҳси тикар эди.* Ой-бек, Болалик.

КАТАЛИЗ \юн. katalysis — бузилиш, емирилиш] *ким.* Муайян моддалар (катализаторлар) иштироки туфайли кимёвий ре-акциянинг кўзғалиши ёки кимёвий реак-ция тезлигининг ўзгариши.

1^Q³³²

КАТАЛИЗАТОР *ким.* Кимёвий реакцияни кўзғатадиган ёки унинг тезлигини ўзгартира-диган, аммо ўзи ўзгармай қоладиган модда.

КАТАЛОГ \юн. katalogos — рўйхат| Бир турдаги нарсаларнинг (китоб, қўлёзма, музей экспонатлари ва ш. к. нинг) маълум алифбо тартибида тузилган рўйхати. *Кутуб-хона каталоги. Техникага доир адабиётлар каталоги. Юлдузлар каталоги.*

КАТАПУЛЬТА \лот. catapulta < юн. katapeltes — тош, ядро ва ш. к. отадиган машина] **1** Самолёт ва космик кема аварияга учраганда, ундан учувчи ёки космонавтни ўриндиғи билан ажратиб, иткитиб чиқариб юборадиган мослама.

2 Кемадан, кичик аэродромлардан уча-ётган самолётга бошланғич тезлик бериш учун қурилган механик мослама.

КАТАР \юн. Katarrhos — оқиш, оқиб ту-шиш| Бирор аъзо шиллиқ пардасининг яллигланиши. *Томоқ катару. Ошқозон ка-тари. шш Йўгон ичак катару — колитда эса оқсилли овқатни танлаб бериш керак.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КАТАРАКТА \юн. Katarrhaktēs — юқори-дан тушиб турадиган; шаршара] Қарилик ёки баъзи касалликлар оқибатида кўз қора-чиғи орқасидаги ойнасимон қисмнинг (кўз гавҳарининг) хиралашуви (бунинг оқибата-тида кўз яхши кўрмайдиган ёки бутунлай кўрмайдиган бўлиб қолади).

КАТАХРЕЗА [юн. Katachresis — суиистеъ-мол қилиш; нотўғри қўллаш] Қарама-қар-ши тушунчаларни боғлаш, сўзни ўз асл (этимологик) маъносига мувофиқ бўлма-ган ҳолда қўллаш. *Қизил сиёҳ \сиё'ҳ сўзи ас-лида «қора» маъносини билдиради.*

КАТЕГОРИЯ \юн. Categoria — айблаш, таъна қилиш] **1** *флс.* Моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг муҳим хусусиятлари ва алоқаларини ифодаловчи умумий тушунча. *Замон категорияси. Сабабият категорияси.*

2 Муайян белгиларининг умумийлиги билан бирлашган нарса, ҳрдиса, шахслар тури, туркуми, гуруҳи; даража. *Аммо экспе-риментал синфларда қийинчиликларга дуч келётган болалар категорияси ҳам бор.* Га-зетадан. *Уларга \теримчиларга\ бажарган иши учун турли категориялар билан устама ҳақ тўланади.* Газетадан.

3 Илмий терминологияда: предмет тур-ларини ёки уларнинг умумий белгиларини билдирувчи тушунча. *Грамматик категори-ялар. От категорияси. Эгалик категорияси.*

КАТЕГОРИЯЛИ Бирор категория, да-ража, разрядга эга. *Биринчи категорияли шахматчи.*

КАТЕР \ингл. cutter — тўлқинни кесув-чи] Йўловчилар, сайёҳлар, қутқарувчилар-ни, турли хил юклар ва жанг қуролларини ташиш, бошқа кемаларни шатакка олиш, қирғоқни муҳофаза қилиш, божхона хиз-мати ва б. мақсадлар учун фойдаланилади-ган, унча катта бўлмаган ёрдамчи ёки жан-говар кема. *Соқчи катер. Торпедалар ташиув-чи катер. тш.. двигателининг турига кўра, моторли, газ-турбинали, елкан-эшкакли ка-терлар бор.* «ЎЗМЭ». *Қоп-қора сув юзини.. жимир-жимир ёритиб, биз томонга бир ка-тер жон-жаҳди билан келар эди.* Н. Фози-лов, Дийдор. *Юздан ортиқ катер.. портга киравершида Америка кемаларининг йўлини тўсди.* Газетадан.

КАТЕТ \юн. kathetos — шоқул, тик ту-ширилган] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчак-нинг тўғри бурчак ҳосил қилган томонла-ри, томонларидан бири.

КАТЕТЕР \юн. *katheter* - туширилади-ган нарса; найча] Танадаги ковак томир-лар, нафас ва сийдик йўллари ва б. ларга киритиладиган, уларни тозалаш, ювиш каби мақсадларда ишлатиладиган найсимон тиббий асбоб.

КАТМОН \а. **كٲاٲ** — яшириш, берки-тиш] *шв.* Кармон (кармонча). *Ойчечак тангаларни гулдор катмонига солди.* Мирму\син, Темур Малик. *Шахзодахон бир нозик шох ташлаб.. шоҳи атлас кўрпаларнинг қатидан катта бир катмонни олиб келиб, Олчинбек-ка икки қўллаб узатди.* К. Яшин, Ҳамза.

КАТОД \юн. *Kathod* — пастга йўналиш, қайтиш] *физ.* Манфий зарядланган электрод; *зид.* анод.

КАТОЛИК *от.* Католицизм мазҳабида-ги, католицизмга эътиқод қилувчи киши.

КАТОЛИК *сфм.* Католицизмга оид; ка-толицизм мазҳабидаги. *Католик аёл.*

КАТОЛИЦИЗМ \юн. *katholikos* - умум-жаҳон, умумий| Христиан динининг асо-сий оқим (мазҳаб)ларидан бири (Рим па-паси бошқаради).

КАТОРГА \юн. *katargon* - галера, эш-как-елканли қарбий кема] Чор Россиясида ва буржуа мамлакатларида жиноий ва сиё-

333 **дгу**

сий жиноятлар учун сургун қилиш, жуда оғир шароитда ишлатиш ва қамашдан иборат жазо чораси ва шундай жазони ўташ жойи; умуман, оғир меҳнат, чидаб бўлмайдиган ҳаёт шароити. *Каторгага юбормоқ. тт* Тўққиз кишини йигирма йилдан каторгага — оғир ишга ҳукм қилибдилар. М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари. *Мен каторга турмасида врачлик қилганман.* К. Яшин, Ҳамза. *Достоевскийда, кераксиз ва шу са-бабли жуда ҳам зериктирадиган меҳнат ка-торгадир, деган ибора бор.* Газетадан.

КАТТА 1 Ҳажми, ўлчами меъёрдан ёки нисбатан ортиқ; улкан; *зид.* **кичик.** *Катта шаҳар. Катта ҳовли. Катта дарё. Катта сой. Катта тош. Катта зал. тт* Трактор кесилган катта дарахтларнинг тўнкасига занжир боғлаб тортар, арра, болта кўтарган одамлар буларни кесиб, қирқиб, арава-ларга юклашар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Уроз қаердандир катта тарвуз келтириб, ўртага қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Таркиб жиҳатдан меъёридан ортиқ, ортиқ миқдорли; *зид.* **кичик.** *Катта қўшин. Катта жамоа. тт* Мен — ўн олтига тўлма-ган қиз, бирдан ёт ва катта оилага тушиб қолдим. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Куч-қудрати, даражаси, салмоғи юқори; буюк, зўр. *Катта галаба. Катта тантана. Катта эътибор. Катта жасорат. Катта байрам. Катта маҳорат. Катта тортишув. тт* Бу итобни ўша кечаси кат-та қизиқиш билан қўлга оларкан, эри Абдул-лабой келиб қолиб, [китобни] қўлидан йириб олади. Ойбек, Танланган асарлар. *Болта-бой кечки овқатдан кейин келди. У жуда катта ишни битириб келгандай, оғзи қуло-гида бўлиб, нуқул цемент тўғрисида.. це-ментлаб қилинган тўғон қанчалик тишиқ бўлиши ва ҳоказолар тўғрисида гапирар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Ёш жиҳатдан улуғ, ёши ортиқ. *Катта ўғил. Умендан катта. тт* [Юсуфбек ҳожид:] Ойим, ҳар нима, сиз каттасиз, Зайнаб ёш, каттадан кичикка шафқат лозим. А. Қоди-рий, Ўтган кунлар.

Катта хотин *этно.* Биринчи, бош хотин. **Катта қилмоқ** Боқиб, парвариш қилиб ўстирмоқ, вояга етказмоқ. *-Биз сенларни ит азобида катта қилдик-ку, — деди шаитидан тушиб Ибн Ямин.* К. Яшин, Ҳамза.

5 *от* Ёши катга киши; қари, кекса. *Кат-тани ҳурмат қил. Катталар гапига қулоқ сол.*

Каттани кесиб, кичкина қилган Кекса кишиларнинг гапини гапирадиган ёш бола ҳақида.

6 Хизматдаги мартабаси, унвони, да-ражаси жиҳатдан (бошқага нисбатан) юқори. *Катта илмий ходим. Катта лаборант.*

7 кўчма Кўзга кўринган; атоқли, маш-хур. *Катта олим. Катта артист. тт Бу — Абдулла фонусчи деган катта қизиқчи. Ой-бек, Танланган асарлар. Абдурахмоннинг амакилари.. Бухорода катта мударрислар-дан саналар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Тошкентга бутун мамлакатдан катта геолог олимлар келишган. С. Кароматов, Олтин қум.*

8 Юқори лавозимдаги амалдор; раҳбар, бошлиқ. *Шаҳарнинг катгалари. тт [Тожи-бой:] Э, нодон.. Менга тегсанг, жон-жон демайсанми? Бир юртнинг каттаси бўлсам. П. Турсун, Ўқитувчи. Одамлар тамом йи-гилган бўлсалар ҳам, катгалардан дарак йўқ. М. Исмоилий, Фарғонат. о.*

Ўзини катта олмоқ (ёки тутмоқ) Амал, даража ёки билим жиҳатдан ўзини бошқалардан устун қўймоқ, мағрурланмоқ, кеккаймоқ. *У[Маннон Уйғур] ҳечмаҳалўзи-ни катта тугмас. барчага баробар, билим-дон мураббий эди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

Катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам шу ёққа юради Ёшлар, тажрибасизлар катта-лардан, тажрибали, обрўли кишилардан ўрناق олади, деган маънода ишлатилади. **Катта бошини (ёки ўзит) кичик қилиб** Ёши-нинг катталиги, амали-мартабаси ёки дав-латига қарамай, ўзини катта олмай; кам-тарлик билан. *Марғшон деган шаҳардан кат-та ўзини кичик қилиб, қизи ила келаётган Мирзакарим акага ўглининг хўрлик келти-ришидан чўчиди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Катта гап* Эътиборга лойик, арзийдиган эканликни билдиради. *Уртоқ Муслим энди ҳақиқат ким томонида эканини тушуниб-ди, бу катта гап. Н. Сафаров, Танланган асарлар. Йўқ, аввал юртнинг ҳомийлари бўлган боёнлар ўз ўғилларини ҳозирги замон илм-фунуни билан тарбияласинлар. Шу ҳам катта гап. Ойбек, Танланган асарлар. Кат-та гапирмоқ {ёки кетмоқ} қ. гапирмоқ. -Ҳой, бола, сал пастроқ туш, — дейди яна биров унинг [қувёнинг] катта кетганига жахли чиқиб. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Санга катта гапириб қўйганмиз, думбул ишни азал-дан ёмон кўраман-у, ҳар қалай, ишимиз пух-та бўлмай, кейин бурнимизни тишлаб қол-масак, деган хавотирдаман. Ж. Абдуллахо-нов, Хонадон. Катта оғиз ёки оғзи катта қ. оғиз. Отасининг давлати, катта оғиз, ҳов-ликма ва такаббур онасининг эркалаши қўши-либ, қизга ортиқча гурур берган.. Ойбек, Танланган асарлар. Мачитга бориб, ваъз айт-тит. Эртага Ғузорнинг оғзи катталарини қалъага тўплаймиз. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

КАТТАЗАНГ с. т. Улуғ, мартабали шахс; ўзини шундай шахсларга мос, кибрли ту-тувчи киши. *[Абдувосеънинг] Уйига борсам, Сафоҳўжа, Абдишукур каттазанглар сўри-ни тўлдириб ўтиришибди. «Шарқ юлдузи». Одатда раислар анча жиддий, кибрли, қўпол-роқ айтганда, каттазанг бўлишарди, хат-ти-ҳаракатлари билан мансабу мартабаси-ни таъкидлаб туришарди. Газетадан.*

КАТТАЗАНГЛИК с. т. Каттазанг шахс-га хос хусусият, хатти-ҳаракат. Назаровнинг шунчалар каттазангликка бориши унинг етти ухлаб тушига кирмаган.. А. Кўчимов, Ҳалқа. Сочи тикрайган, торпешона ва ҳар бир хатти-ҳаракатидан каттазанглиги се-зилиб турадиган тошкентлик меҳмон Хали-ловнинг ҳикоясини тингларди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

КАТТАЙМОҚ Катталашмоқ. *Фотима-нинг юзига, худди биринчи мартаба кўраётгандай, жуда хайрон бўлиб тикилди. Кўзла-ри ҳам бехосдан каттайиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

КАТТА-КИЧИК 1 Ҳажман ҳар хил, ҳар хил катталиқдаги, турлича. *Катта-кичик иморатлар. Катта-кичик дарахтлар. тт Урмонжон айвонга чиқиб, стол ва каравотда турган бир неча катта-кичик тугунлар-ни кўриб хайрон бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчи-*

нор чироқлари. *Дарё бўйида катта-кичик кўллар, тўқайзорлар кўп эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

2 Аҳамияти, даражаси, кучи жиҳатидан ҳар хил, турли даражадаги. *Катта-кичик муваффақиятлар. Катта-кичик амалдорлар. шшш Бу экспедиция бир ёқдан Шералининг гео-логияда ўз ўрнини.. белгилаб берган бўлса, иккинчи ёқдан катта-кичик олимлар диққати-ни жалб этди. С. Кароматов, Олтин кум.*

3 *от с. т.* Турли ёшдаги кишилар; бар-ча, ҳамма, каттаю кичик. *Майдонга кат-та-кичик йиғилди. шшш Менинг ёшим олти-да.. Катта-кичик олдида.. Кўзни қилиб шам-галат, Олмайман ҳеч шоколад. Қ. Муҳаммадий. Ўзингхам биласан, қачон қарасанг, кат-та-кичикка баравар, ҳаммиша камбағаллар фойдасини кўзлайди. Ҳ. Шамс, Душман.*

КАТТАКОН *с. т. 1* Одатдагидан анча катта; жуда катта. *Каттакон бўри. Каттакон қовун. тиХонада ўнтача эски, чанг бос-ган парта, кираверишдаги деворга каттакон қора тахта қоқилган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўтирганлар орасида Тўлқиний деган сўз сўраб, каттакон папкани қўлтигига қисганча, минбарга кўтарилди. Шукрулло, Қор ҳам ёнар экан.*

2 *айн. катта 3, 8.* Ҳамза уйингизда кат-такон қувончли воқеа юз берганини айтди. *К. Яшин, Ҳамза. Демак, сув чиқади. Қандай қилиб чиқариш эса одамларнинг ихтиёрида. Фақат каттаконлар йўл қўшиб берса бўлга-ни. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

КАТТАЛАШМОҚ. Ҳажми, ўлчами, да-ражаси ортмоқ, катта бўла бормоқ; йириклашмоқ. *Энди у озди, соқоллари ўсди, юзи қорайди, шаҳло кўзлари яна ҳам катталашди, қадди чўзилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. ..шш катталашибкетди, То-либ деган батрак йигитнинг ҳужрасини махфий мажлисхонага айлантирдилар. Ҳ. Шамс, Душман.*

КАТТАЛИК 1 Ҳажм, кўлам, даража ва ш. к. жиҳатдан меъёридан ортикдик; катта ҳолат. *Ҳовузнинг катталиги. Ютуқнинг катталиги. Вазифанинг катталиги. Ёш жиҳатдан катталик. шшш Кетмоннинг вазни-дан катъи назар, кетмоннинг бет катталигини ерга чизиб кўрсатди. А. Қодирӣ, Обид кетмон. -Нима қилди, ҳақиқат олди-да менинг кичиклигим, сизнинг катталигин-гиз бари бир эмасми? — деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Ўзини ўзгандан юкори тутиш; манман-лик. *Катталикни билмас бир яхши одам, Сахишликда йўлда қолибди Хртам. Фозил шоир.*

Катталик қилмоқ Ўзини катта олмақ, ҳаммани ишга буюрмоқ, хўжайинлик қилмоқ. *Халқ олдида менинг обрўшимни бир пул қилиб калака қилишга ким ҳуқуқ берибди*

391

унга?! Катталигини қиладиганига қилсин. П. Турсун, Ўқитувчи.

КАТТАРМОҚ *шв.* Катталашмоқ [Туши-да\ Бир лўнда кумуш кўрди. Шу кумуш ўзидан ўзи каттариб, иккига қоқ бўлинди. «То-ҳир ва Зухра».

КАТТАҚЎРҒОН Оқ-яшил рангли до-налари йирик, боши катта бўладиган, майизбоп узум нави. *Нимранг тоифи, пушти-ранг ҳусайни, тилларанг қирмисқа, каҳрабо ҳусайни, ҳар донаси ёнюқдай келадиган кат-тақўрғон — ҳаммаси шигил пишган. С. Анорбоев, Мехр.*

КАТЮША \р. Катюша — хотин-қизлар исми] Автомобилга ўрнатилган реактив миномётга 2-жаҳон уруши даврида ҳазил-эркалаш тариқасида берилган шартли ном.

КАУЧУК \ингл. caoutchouc < исп. caucho < индеисча кау — дарахт + учу - йиғламоқ, оқмоқ\ Баъзи ўсимликларнинг(мас, кўкса-ғизнинг) ширасидан олинадиган ёки сунъий йўл билан тайёрланадиган, мураккаб кимёвий таркибли эластик модда (резина тайёрлаш учун ишлатилади). *Табиий каучук. Синтешик каучук.*

КАФАН [а. jʃʃ — ўлик ўраладиган мато] Кўмиш олдидан мурдани ўрайдиган оқ мато; қабр либоси. *Уни [ўлган болани] эски дока кафанга ўраган вақтда, бўйни ва оёқла-ри чўзилиб кетганини кўриб, уч ёшга кирга-нини эсладилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Йиги-тали отасининг оёқларини қучоқлаб, ўкириб-ўкириб узоқ йиғлади, бироқ кафан тортил-ган юзларини кўра олмади. Д. Нурий, Осмон устунни.

КАФАНГАДО [а. + ф. - кафан-ни тилаб, сўраб олувчи] Бор-йўғидан аж-ралган, ҳеч нарсаи йўқ. *Ахир кафангадо, хонавайрон, бир бурда нин илинжсида қамиш-қўғазорлар ичида зор қақшаган бу бечоралар-нинг тортиб келаётган алам-кулфапъири оз-миди!* К. Яшин, Ҳамза. *Кечагина кимсан -Шомурод бойваччанинг ўғлиман, деб керилиб юрган Нормурод қулогигача қарзга ботиб, кафангадо бир йигитга айланди-қолди.* О. Ёқубов, Диёнат.

Кафангадо бўлмоқ Бор-йўғидан ажрал-моқ, ҳеч нарчасиз қолмоқ. [Дехқонбой:] *Хиқ-нинг рўзгори бузилди, юрт вайрон бўлди, та-ландик, кафангадо бўлдик.* К. Яшин, Тор-мор.

КАФАНЛАМОҚ Кафанга ўрамоқ. *Маши-надан тушиб, уйга кириб борганимизда, кафанлаб қўйишган бола атрофида зир югураётган.. ота бишин онанинг юракни эзувчи фарёди эши-тилди.* В. Муродов, Шерлар билан юзма-юз.

КАФАНЛИК Кафан қилинадиган мато; кафан учун белгиланган (олиб қўйилган) мато. *Хўжайин.. мурдаишўйни чақиртириб, кафанлик учун тўрт қари бўз ва икки танга хизмат ҳақи инъом қилди.* С. Айний, До-хунда. *Марҳумнинг кафанлиги йўқ экан, Ҳожибова муллаваччаларнинг салласини олиб, мур-даишўйга юборди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КАФАНСИЗ Кафанга ўралмаган; кафан ўрамай, кафанга олмай. *Меъмор билан Уста Нусрат арава топиб келиб, ота-бола мур-дани.. уйга олиб келиб ётқизиб, тепаларига шам ёқишди. Эрта билан шу ҳолда кафан-сиз, кийимлари билан дафн этишди.* Мир-муқсин, Меъмор.

Кафил турма, кафансиз кетасан. Ўйлаб-ўйламай кафил турилса, бор-йўғини ўзи тўлаб, ҳатто кафансиз қолиш мумкинли-гига ишора қилувчи мақол.

КАФГИР қ. **капгир.** *Холам кафгири мой-да, Холам чехраси ойдай.* Қ. Муҳаммадий. *Бош тебратар соат кафгири, Дер: қадримни бил-мас одамлар.* Э. Воҳидов.

КАФЕ \фр. safe < а. с² - кофе; қаҳва-хона] Чой, кофе, енгил таом ва ш. к. сотиладиган кичик ресторан. *..ошхона ёки кафе-га кирган одамлар лаззатли ва арзон овқат олиб ейиш билан бирга, дам олиш имкония-тига эга бўлсинлар.* Газетадан.

КАФЕДРА \юн. kathedra — ўриндик, кур-си| **1** Маъруза ўқиш, ваъз айтиш, ахборот бериш ва ш. к. ишлар учун мўлжалланган баланд қурилма; минбар. *Аваз кафедрага чиқиши билан, ҳамма жимиб қолди.* Ў. Ҳоши-мов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Олий ўқув юртларида бир ёки бир неча ўзаро яқин фанлар бўйича иш олиб борувчи профессорлар, ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг ташкилий бирлашмаси ва шу бирлашма жойлашган хона. *Увақтда Ҳаки-мов кафедра мудири бўлиб ишларди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бешта домла ўтирган ка-федрадан Мурод сув бўлиб чиқди.* М. Ҳазрат-кулов, Журъат.

КАФЕЛЬ \нем. Kachel] Кошин; деворга қоплаш учун ишлатиладиган сирланган сопол тахтача. *Кафель ўгриси жаримани ка-филга қўйиб, аранг қутулди.* «Муштум».

392

КАФЕЛЛИ Кафельёпиштирилган, кафель ётқизилган. *Топ-тоза, кафемийўлакданўтиб, бўлимга келдик.* Н. Аминов, Қалтис хато.

КАФИЛ [а. J-JLS — кафолат берувчи; ва-сий, зомин] Бирор нарсага ёки бирор кимса ҳақида бошқаларни ишонтириб, масъули-ятни, жавобгарликни ўз устита олувчи, кафолат берувчи шахс. *Мен Эргаининг яхши дўст бўла олишига кафилман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сўрасангиз, Ҳожихон берма-ганда ҳам, олиб беришига мен кафил.* А. Кр-дирий, Ўтган кунлар.

Кафил бўлмоқ (ёки **турмоқ**)^ Ишонти-риб, масъулиятни, жавобгарликни ўз ус-тига олмоқ. *Ҳамма мол ва мулки билан қу-тидор Отабекка кафил бўлди ва қушбеги-нинг ҳақиға дуо қилиб, ушовлари маҳкамадан биргалашиб чиқишди.* А. Қодирий, Утган

кунлар. **Кафилга бермоқ** Бировга ишониб, айбланувчини унинг жавобгарлигига, зим-масига топширмоқ. *Волостной Муҳаммад-карим билан Аҳмад соқовни кафилга бериб бўшатинглар деди-ю, тарвузи қўлтигидан тушган кишидай бўшашиб.. кўздан зойиб бўлди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар. **Кафилга олмоқ** Жавобгарликни ўз устига олиб, айбланувчини қутқармоқ, ажратиб олмоқ. *-Ҳой, ахји маҳалла, шу жўжабирдай болаларининг ҳаққи-ҳурмати, майли, кафилга олайлик, — деди Обид ота.* Газетадан. **Ка-филини олмоқ** Масъулиятини, жавобгарли-гини ўз устига олмоқ. *Ўша кезларда қури-лиш бригадасининг кафилини олганлиги учун биринчи бўлиб бу ишга бош қўшишга тўғри келди.* «Таниш башаралар».

КАФИЛЛИК Кафил туриш, кафил бўлиш; кафолат. *Кафиллик хати.* **тм** Оқсо-қол ўзининг кафиллиги билан самоварчи Қуд-ратдан Ёдгорнинг номига, ҳар азонда бир танга фойда бериш шарти билан, 25 танга қарз олди. С. Айний, Дохунда.

КАФОЛАТ \а. сJU£ — кафиллик; таъ-минлаш, гаров] Кафил бўлувчи нарса, шахс. *Ташқи сиёсатни мафкурадан тўла холи этиш хавфсизликни таъминлашнинг муҳим кафолатидир.* Газетадан. *Имзоланган давлатлараро битимларга сўзсиз амал қилиш — хавфсизлик кафолати ва шарти-дир.* Газетадан.

Кафолат бермоқ Кафил бўлмоқ, кафил-лигини олмоқ. *Лекин бу жузъий ҳодисалар янада каттароқ салбий ҳодисаларнинг сабабчиси бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.* «Фан ва турмуш».

КАФОЛАТЛАМОҚ Кафолат билан таъ-минламоқ, кафолатли қилмоқ. *«Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаоли-ятини кафолатлаш тўғриси»да, «Банкрот-лик тўғрисида».. қонунлар қабул қилинди.* Газетадан. *Буўринда Қонунда виждон эркин-лиги кафолатланганлигини алоҳида таъкид-ламоқчиман.* Газетадан.

КАФОЛАТЛИ Кафиллик (кафолат) бе-радиган. *Бинокорлар бир неча йилдан бери уй-жой ва жамоат биноларини кафолатли пас-порт бишин эгаларига топширмоқдсыйр.* Газе-тадан.

КАФОЛАТНОМА Кафилликхати. *Мак-тубнинг мазмуни билан танишган Мирзо табассум қилди-ю, ортиқча хаяжон кўрсат-мади. Гўёки бундай кафолатномаларга эҳти-ёж сезмайман, дерди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

КАФОРАТ \а. OJLi£ - гуноҳ ювиш; шу мақсадда бериладиган эваз нарса] эск. кт. Гуноҳни ювиш, гуноҳни ювиш учун бери-ладиган садақа, эваз қайтариш. *Гуноҳимга кафорат бериш ёдимга келмасдан Бухоро-нинг.. танқидига киришибмен..* «Муштум».

КАФСАН қ. **капсан.** *Ҳар бир хирмон бо-шибан [эшон] камида уч галвир кафсан олар.. хизматлари учун беҳисоб пул олар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КАФТ \а. JLZ — қўл кафти; панжа; қўл] **1** Қўлнинг билак учидан бармоқларгача бўлган ички ва оёқ панжасининг остки ях-лит қисми. *[Тожибой] Кафтига икки чим-дим нос ташлади-да, озгини осмонга қилиб туриб чекди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Қўлнинг билак учидан бармоқларнинг охиригача бўлган қисми; панжа, шапалоқ. *Меъмор икки кафтини ёзиб, юрт қатори ўзига ҳам яхшилиқлар тилаб, дуо ўқиб, юзи-га фотиҳа тортди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Полвоннинг рапидадек кенг кафтларидан чиққан қарс-чапак кўп кишиларнинг диққа-тини жалб этди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

Бир кафт Кафтга сиғарлик, озгина; бир сиқим (ун, дон ва ш. к. ҳақида). *Тўйдан шу болага ашаб бир кафт ширинлик ҳам кел-тирмабсан.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бир кафт дон-дун экишга ҳам қурбим етмади..* **Ш.** Тошматов, Эрк қуши. **Кафтда кўтармоқ** Эъзоз-икром билан муносабатда бўлмоқ.

ниҳоятда қадрламоқ. *Аскар болаларни каф-тимизда кўтарсак арзийди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Сизни юмалатармидим, аяйман. Фақат кафтимда кўтараман.* С. Анорбоев, Оқсой. *Терим машинасини кафтимизда кўтарадиган вақт келди.* Ҳ. Нурий.

КАФТДЕК, -дай 1 Кафт каби. *Барака тонгур ер тузувчи ташилотлар турли-туман техникаларини ишга солиб, майдон-ни кафтдек текислашибди.* Н. Сафаров, Чўл лочини.

2 Жуда кичик, кичкина. *Мана шу жилга-нинг оғзида кафтдек келадиган дўнг бор.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бойнинг ўғиллари бир тан бўлиб, менга кафтдай ер, бир тийин пул бер-масликни очикча айтишди.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

3 Яққол. *Шербек турган жой баланд бўлгани учун ҳам бутун Академия шаҳарчаси кафтдай кўринади.* С. Анорбоев, Оқсой.

КАФШ [ф. *lljs*. — оёқ кийими; кавуш] *эск. кт. айн. кавуш.* *Анвар бир оз ёнбоипа-гандан кейин, яна ўрнидан турди, кафшини кийибкелиб, эшикни очди.* А. Қодирий, Ме-робдан чаён.

КАФШДЎЗ *эск. кт. айн. кавушдўз.* *Сўз тери эмаски, кафшдўздек сув пуркаб, чай-наб, тортаверсанг.* Ойбек, Навоий.

КАХЕКСИЯ [юн. *kakos* — ёмон, *hexis* — аҳвол] *тиб.* Организмнинг очлик ва турли касалликлар оқибатида қаддан ташқари озиб кетиши, қисқа вақт ичида чўп-усту-хон бўлиб озиб кетиш.

КАЧКИЛ [ф. *Jj^ʔ^* — гадой ва дарвеш-лар ёнга осиб ёки қўлда олиб юрадиган қай-йиксимон қовоқ (ёғоч) идиш] **1** Бели сиқик, қопқокли, ўйма нақшли челақсимон мис идиш. - *Меҳнат ҳам мўъжиза!*— *деди Робия, қач-қилга латтага ўраб солинган чинни асбобларни кўтарар экан.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

2 айн. кашкул.

КАШАК [ф. *<. iS* — тортиб турадиган нар-са] Иморат ёки бошқа қурилишда қисмлар-ни қимирламайдиган қилиб мустаҳкамлаш учун қоқиб қўйиладиган ёғоч; тирагич, ти-рак. *Уста ноилож орқада елка тираб, кашак вазифасини ўтаб қолди.* «Муштум».

КАШАЛ I шв. Интизор, зор; хавотир-ланиш. *Тезроқ боринг шу чодирга, Кашт онам сиздай зўрга.* Ислом шоир.

Кашал бўлмоқ 1) интизор бўлмоқ. *Авазни кўрмоққа кашал бўлиб, бурилиб қўндим.* Балоғардон; **2)** хавотир олмақ. *Кашал бўлманг, бир кун кириббораман, Бек отамга дарак берманг, бобожон!* «Эрали ва Шерали».

КАШАЛ II шв. Узоқ. *Жавоб беринг, қал-моқ элга борайин, Кашал элдан бийни олиб келайин.* «Алпомиш». *Кашал кетган менинг болам ўлдими, Мен бебахтнинг кунни охир бўлдими?* «Равшан».

КАШАЛ III шв. Ишқал. *Қаерга борса, ишни кашал қилиб юради.*

КАШАЛОТ [фр. *sachalot < порт. sacha-lotte* — катта бошли балиқ] Китсимонлар-нинг тишли, катта бошли бир тури, 60-70 тоннача бўладиган улкан сутэмизувчи денгиз хайвони.

КАШАНДА [ф. *ь.и iS* - тортувчи; че-кувчи] Чекишга одатланган; чекувчи. *Мен чекмайдиган одамман, лекин сизлар чекиш-ларинг мумкин. Чекмаса, суҳбат юришмай-ди, дейишади кашандалар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..кашанда аҳолиўртасида тама-ки чекмайдиганларга нисбатан рақ хаста-лигига чалиниш кўпроқ учрайди.* Газетадан.

КАШАНДАЛИК Доимий чекиш, че-кишга берилганлик; чекувчилик. *Рангингиз бирам галати бўлиб кетибдиди, бўлди энди, чекманг! Кашандалик ҳам эви билан-да! С. Ахмад, Ойдин кечалар.*

КАШАР Чорва қишлайдиган жойларда чорвачилик ходимлари (чўпон, зоотехник, ветврач кабилар)нинг яшаши ва ишлаши учун мосланган бино. *Чорвачилик бинола-рини ремонт қилиш.. яшовларда эса қўй қўра-лари ва кашарлар тайёрлаш чорвадорларнинг энгмуҳим вазифаларидандир.* Газетадан. *Чек-сиз адирлар қор остида мудрайди. Кашар-ларда ҳаёт қайноқ.* Газетадан.

КАШКУЛ \ф. Jj[^].t.[^] -дарвешлар садақа йиғиш учун бўйинларига илиб ёки қўлда олиб юрадиган қайиксимон қовоқ (ёғоч) идиш] тар. Қаландарларнинг хайр-садақа йиғадиган махсус идиши. Абдуваҳоб газалга қулоқ солиб ўтирмади, қўлидаги тангани қаландарнинг белида осиглиқ қора кашкулга ташади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

КАШМИР айн. кашмири 1. Не ишлар-ни кампир бунга солади, Гулгун бу айёрдан ўчин олади. Бу дунёдан кашмир фано бўла-ди. Шундай бўлиб энди айёр ўлади. Фозил шоир.

КАШМИРИ \санск. < Кашмир вилоя-ти номидан] 1 фольк. Айёр, ҳийлакор; сеҳр-22—Ўзбек тилининг изоҳли луғати

гар. -Сен жодугарми ё бир кашмирими, фи-риб билан боғлабсан укамнинг қўлини,— деди. «Нигор ва Замон».

2 Жундан ёки жунга ип ё ипак аралаш-тириб тўкилган майин мато. *Кашмири чо-пон. Кашмири шоҳи. тии* Ҳовлида ҳинс) ким-хобидан тўн кийган, печи зарҳал кашмири саллани бошига қўйган амир ўзига яқин бўлган амалдорлари билан борардилар. М. Жўрабо-ев, М. Б. мартабаси.

КАШНЕ \фр. cache nez < cacher — бер-китмоқ + nez — бурун| Бўйинга ўраладиган камбар рўмол; шарф. *Жун кашне. тит* Гулсум ҳар кун дарвоза тирқишидан кўчага мўралар.. ияқларини оқ йўлли кашне билан ўраб Элмуроднинг мактабга кетаётганини кўриб қолар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

КАШНИЧ [О. s,^z,t,<; j,^z,t,<; - кашнич] Ўзи ва уруғи овқатни хушхўр қилиш учун ишлатиладиган, бир йиллик сербарг хуш-бўй ўсимлик, ошкўк. *Ошкўклардан кенг қўлланадиганлари: кашнич, укроп, райҳон, жамби, лавр япроги ва бошқалардир. К. Маҳ-мудов, Ўзбек таомлари. Бурнимга райҳон, кашничларнинг ёқимли ҳиди кирди. Х. Назир, Ёнар дарё.*

КАШОЛ қ. кашал I. *Менга кашол бўл-манг, бехавотир ухлай беринг десам, қаёқда? Мўлжалларидан сал кечиксам, кўчага чиқиб олиб, тонг отгунча ҳам ўтираврадилар. Н. Сафаров, Катта карвон йўлида.*

КАШТА [О. <г, тЛ — экилган, уруғ қадал-ган; ишлов берилган] 1 Игна билан тикиб туширилган гул, расм, чизик ва ш. к. *Каш-та* қўлда.. ёки машинада, асосан, мато ёки чармга тикилади. «ЎЗМЭ». У [Фотима] енг-ларига чиройли қизил кашталар тикилган украинча оқ шойи кофта, қора юбка кийган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Нозик мунчоқлар билан безатилган халтачанинг сиртига каш-тага ўхшатиб тикилган чиройли ипак ёзув-ни Бобур энди кўрди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. -Ўзим ҳам ўйловдим-а, — деди у, қўлидаги кашта тикилган рўмолчаси билан ўзини елиб. С. Аҳмад, Муҳаббат.*

2 Гул, расм, чизик ва ш. к. тикилган мато. *Деворларда Тамара.. ўз қўли билан ишкан кашталар. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан.*

КАШТАДЎЗ Кашта тикувчи. *Ҳар хонага зеб беради каштадўзлари, Меҳнатидай ором-бахидир ширин сўзлари. Н. Назруллаев. ..каш-тадўзларнинг ишлари музейларни, жамоат биноларини безамоқда. «ЎЗМЭ».*

КАШТАДЎЗЛИК Кашта тикиш иши, касби; амалий санъат соҳаларидан бири. *Моҳир қўллар, дурадгорлик, каштадўзлик ва бошқа тўғарақларнинг қатнашчилари.. Га-зетадан. Ўрта Осиёда, айниқса, ўзбек, турк-ман, тожик аёллари ўртасида каштадўзлик кенг тарқалган. «ЎЗМЭ».*

КАШТАЛИ Тикиб гул солинган, каш-та тикилган. *Бойлар устларига ипак чопон, чиройли каштали чакмонлар кийиб олганлар. Ж. Шарипов, Хоразм.*

КАШТАН \лот. castanea] Кррақайинлар-га мансуб дарахт ва унинг меваси (ёнғоғи). *Эрталаб балконга чиқсанг, рўпарангдаги каш-тан дарахтида олмахонлар дикир-дикир ўйнаб юради. С. Сиёев, Отлик аёл.*

КАШТАЧИ қ. каштадўз.

КАШТАЧИЛИК қ. каштадўзлик. Бади-ий каштачилик фабрикаси. *тт* Ўзбек каштачилик тарихини ёритишида муҳим факт-лардан яна бири.. «ЎТА».

КАШФ \а. ■ iS — очиш, топиш; тек-шириш] айн. **кашфиёт**. \Йўлдош\ Айниқса бу кашф ҳарбий истеҳкомда қўлланилса, зўр фойда келтиришини алоҳида таъкидлади. Шухрат, Шинелли йиллар. Гоҳ усталар ҳунарин баён этдингиз, Олимларнинг кашфини аён этдингиз. М. Шайхзода.

Кашф этмоқ (ёки **қилмоқ**) 1) яратмоқ, ихтиро этмоқ; топмоқ. *Радиация химияси атом энергияси кашф қилиниб, ядро нурлари ҳосил қиладиган қурилмалар кўплаб тайёр-лана бошлагандан кейингина вужудга келди. «Фан ва турмуш». Бу антиқа янгиликни Япо-ниядаги Веседа университети олишари кашф этди. «Фан ва турмуш»; 2) бирон қиёфа, қолат ва ш. к. ни эгалламоқ, олмоқ. *Ажойиб манзара кашф этмоқ. шш* Демак, ҳаёт у йўғи-да камол топиб борган, ўсган, ўзгарган, ян-гилик кашф этган. Шукрат, Жаннат қидир-ганлар.*

КАШФИЁТ [а. .-д - ихтиро; топил-ма; кузатиш, изланиш] Текшириш, илмий тадқиқот натижасида, баъзан тасодифан то-пилган, яратилган илмий янгилик; ихтиро. *Илмий кашфиёт. Олимларимиз фанни янги кашфиётлар билан бойши-моқдалар. тт* Тах-мин фанучун жуда зарур. Ҳамма қапта каш-фиётларнинг заминиди тахмин ётади. С. Кароматов, Сўнги бархан. Олим ўз каш-фиётидан ўзи ҳайратга тушиб, ақдан ози-шига сал қолди. Ж. Абдуллахонов, Орият.

339 <7% ^

КАШФИЁТЧИ Янгилик яратувчи, кашф қилувчи; ихтирочи. *Қарийб 40йилдан бери санъат даргоҳида хизмат қилиб кела-ётган К. Ёрматов.. янгиликлар кашфиётчи-си экашни қатор далиллар исбот этди. Га-зетадан.*

КАШШОФ \«. ,_al ,?Л - очувчи, кашф этувчи; изқувар] **1** эск. айн. пионер **1**. *Қаёқ-дандир бир татар қиз келиб, яхши ўқийди-ган болалардан кашшофлар отряди ташиқил қилди. А. Қаҳдор, Ўтмишдан эртақлар.*

2 кт. Биринчи бўлиб янгиликка қадам босувчи, бирор ҳаракатни бошлаб берув-чи. *Мўттихон мулоимлик билан давом этди: -Сизга ўхшаган кишиларнинг хотин-лари озодликнинг кашшофлари бўлиши ке-рак. С. Зуннунова, Гулхан.*

КАЪБА \а. А, — куб; куб шаклидаги иншоот] (К - *катта*) **1** дин. Мусулмон-ларнинг Маккадаги зиёрат қиладиган, ибо-дат қиладиган муқаддас жойи. *Етти Мар-та Каъба бордим, Йўлларида жафо кўрдим, Макка, Мадинадан келдим, Учрадим шу за-мон сенга. «Баҳром ва Гуландом».*

2 Шахс ёки жойни Каъбага нисбатлай-ди; энг муқаддас, азиз нарсага нисбатан қўлланади. *Дуогўйим, Каъбам — онам омон-ми? «Гулихиромон». То кўргунча Каъбам — отам, хайр энди. «Маликаи айёр». Кўктош-га бориш керак. Бошқа йўл йўқ. Кўктош — бизучун Каъба. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Нетай, Каъбам, мазорим бўлса юртим, Унга мен бору йўғимни буюрдим. Т. Тўла.*

КАЪБАТУЛЛО(Х) [а. &)I+лџ - Аллоҳ-нинг уйи, каъбаси; масжид] айн. **каъба 1, 2**. *Шу каъбатуллонинг ичида ўтириб, ёлгон гапирган одам мусулмон эмас, кишининг қаса-мига ишонмаган ҳам етти мазҳабда мўмин шас!\деди Сафар бўзчи]. А. Қодирий, Меҳ-робдан чаён.*

КАЮТА \голл. sajuit] Кемада экипаж аъзолари ёки пассажирлар учун белгилан-ган турар жой, бўлма, хона. *Юлдузкесар кема каютасида тўпланиб, кино кўриб ўтир-ган фазогирлар экрандаги Эунинг сўнги хи-тобини эшитиб, оҳ деб юборишди. М. Маҳ-мудов, Мангу куй излаб. Талабалар паро-ходга чиқишди, Ойжамол эса пароходнинг палуба, каюталаридан кўзиши узмасди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

КАЮТ-КОМПАНИЯ [голл. sajuit + фр. compagnie — жамоа(т)] Кемада командирлар таркиби йиғилиб овқатланадиган, дам ола-диган ва мажлис ўтказадиган умумий хона.

КАҲКАШОН \ф. рi .тЛ^ - сомон тор-тувчилар, ташувчилар: Сомон йўли) **1** Осмонда тунда узунасига кўринадиган йўл; Сомон йўли. *Термулдим каҳкашонга, тонг жамол очар алвон, Қуёшдан олиб олов.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

2 Шу нарсага нисбат билдиради (нисбат-лайди). *Кетма, жоним, айришқдан жон безор. Ярим кеча каҳкашонинг бўлайин.* Миртемир.

КАҲРАБО \ф. L>>f£ — бир турли сариқ тош] **1** Сариқ рангли, шаффоф, ялтироқ, тош қотган елим; смола (зийнат буюмлари тайёрлаш ва иморатларни безашда ишлатилади). *Каҳрабодан ясалган муштук. Каҳ-рабо маржон. Каҳрабо мунчоқ. ши Каҳрабо кислотаси чигит магзидаги мойнинг миқдо-рини ҳам бир процентга кўпайтирди.* Р. Раҳмонов, Каҳрабо сири. *Домла ҳеч нарса де-май, каҳрабо тасбеҳини ўғириб, аллақайси бир сурани пичирлай бошлади.* Ҳ. Гулом, Машғал.

2 кўчма. Каҳрабо рангига ўхшаш, сар-ғайган, заъфарон. *Қишининг злчиси етиб келди. Қаердадир хазонрез изғирин кезиб юриб-ди. Каҳрабо далалар намиққан.* А. Мухтор, Мўъжизали аланга. *Хон жуда золим экан, оти Хонбобо экан, Зулм остида бу элнинг юзи каҳрабо экан.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. *Севги дардидан менинг ҳам бўлди рангим каҳ-рабо.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

КВАДРАНТ \лот. quadrans, quadrantis — чорак, тўртдан бир] **1** мат. Доиранинг тўртдан бир қисми, чораги.

2 эск. астр. Қуёш ва умуман юлдузлар-нинг уфқдан баландлигини, улар орасида-ги бурчак масофаларни ўлчаш учун қўллан-ган қадимий асбоб.

КВАДРАТ \лот. quadratus — тўртбурчак-ли] **мат. 1** Тенг томонли тўғри тўртбурчак. *Квадрат метр. тт Бодомхон харитага ёпи-шиб олиб, гўё ундан севиқли эрини қидириб топиб оладигандек, нуқталар, чизиқлар, квадрапъишни бармоғи билан санаб чиқди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бир сонни ўз-ўзига кўпайтиришдан ҳосил бўлган сон; иккита бир хил кўпайтувчининг ҳрсиласи. *Тўртнинг квадрати ўн олти бўлади.*

КВАДРАТУРА \лот. quadrature — квад-рат шакл бериш] **мат.** Муайян фигура юзаси (сирти)нинг квадрат бирлиги билан ифо-даланган катталиги. *Уйнинг квадратураси.*

КВАДРАТ-УЯЛАБ: квадрат-уялаб экиш

қ. х. Уруғни даланинг узунасига ҳам, кўнда-лангига ҳам бир хил, тенг оралиқда жойлаштириб экиш. *Механизатор кадрлар мах-сус курсда чигитни ва маккажўхорини квад-рат-уялаб экиш агротехникасини ўрганмоқ-далар.* Газетадан.

КВАЛИФИКАЦИЯ [лот. qualificatio < qualis — қандай сифатли + facere — қилмоқ, қурмоқ] **1** Муайян нарса, воқеа-ҳоди-са сифатини аниқдаш, баҳолаш; уни маъ-лум тоифа, гуруҳга киритиш.

Жинойт квалификацияси ҳуқ. Амалга оширилган жиноий хатти-ҳаракат учун жинойт қонунида кўзда тутилган моддани (жазо чорасини) тўғри қўллаш мақсадида шу жинойт ҳаракатнинг у ёки бу жинойт таркиби белгиларита мувофиқлигини аниқлаш.

2 Муайян меҳнат турига касбий тайёр-гарлик даражаси; малака, савия; маҳррат даражаси. *Квалификацияни оширмоқ.*

3 Ихтисос, касб.

КВАНТ [лот. quantum — қанча, қанча-лик оз] **физ.** Дискрет (узлукли, айрим-айрим) табиатга эга бўлган физик катталик (ҳаракат, энергия ва ш. к.) ўзгариши мум-кин бўлган энг кичик миқдор.

Квант механика(си) Физиканинг атом, электрон, протон сингари жуда кичик мас-сали зарраларнинг ҳаракат қонунларини ўрганадиган бўлими.

КВАРТАЛ [нем. Quartal < лот. quartus — тўртинчи] **1** Йилнинг тўртдан бир қис-ми, чораги (уч ой). *Иилнингучинчи кварта-ли. Тўртинчи квартал ҳисоботи. Иккинчи квартал режаси. тт Буни биз халқ хўжалик планида белгиланган ишларнинг дастлабки*

кварталданоқ ошириб бажарилаётганлиги-да.. кўриб турибмиз. Н. Сафаров, Жасорат-нингдавоми.

2 Шаҳарнинг бир неча (одатда тўртта) кесишиб ўтган кўчалар билан чегараланган қисми. қ. **мавзе.** *Шаҳардаги эски маҳаллалар ўрнида кўркам кварталлар.. барпо этиляпти.* С. Солиев, Фахр. *Йўқ, ақалли ҳар бир квар-талда биттадан маҳалла маркази бўлиши керак.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол.

3 махс. Урмон, тоқзор ва ш. к. нинг йўлкалар ёки табиий тўсикдар (мас, дарё-лар) билан ажратилган ҳар бир қисми, бўлаги (одатда, чорбурчак бўлади).

КВАРТЕТ [итал. *quartetto* < лот. *quartus*

— тўртинчи] мус. **1** Тўрт созанданинг чолғу асбобларида чалиши ёки тўртта ашулачи-нинг ижроси учун ёзилган мусиқа асари.

2 Шундай асарни ижро этадиган тўрт ашу-лачи ёки созандадан ташкил топган ансамбль; тўрт кишилик вокал ёки чолғу ансамбли.

КВАРТИРА \нем. *Quartier* < лот. *quarta-rius* — чорак, тўртдан бир) **1** Катта бионинг кўпинча бир оилага мўлжалланган, бир ёки бир неча хона, ошхона ва б. ёрдам-чи бўлмалардан иборат бўладиган алоҳида яшаш жойи. *Квартирамиз бионинг тўртинчи қаватида.* Янги квартирага кўчиб кир-моқ. *ми Пўлат қуювчи Тургеневнинг квартираси заводнинг орқасидаги икки қаватли уйнинг биринчи қаватида эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 ҳарб. Кўшинларнинг қароргоҳи. *Полк-нинг қишки квартиралари.*

КВАРТИРАНТ с. т. Квартирани ёки умуман яшаш жойини ижарага олиб тур-ган киши. *Лаълихон Йигиталига кўз қадаб турар, афтидан, ҳовлиширидаги квартирантларининг ушига кетиб қолиши сабаби уни қизиқтирмасди.* Д. Нурий, Осмон устун.

КВАРЦ \нем. *Quarz*] геол. Ер юзидан энг кўп тарқалган, тиник, рангсиз, оқ, баъ-зан бошқа ранглардаги кристаллик ёки аморф минерал; кремний оксид. *Минерал кварцларнинг ранги оч кулранг, аҳён-аҳёнда қорамтирлари учрар эди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ернингустки қаттиқ қатлами*

— литосфера ҳар хил бирикмалардан иборат бўлиб, кварц, слюда каби минераллардан.. ташкил топган. М. Баҳодиров, Туп-роқшуносликдан амалий машғулотлар.

КВАРЦИТ [нем. *Quarzit*] геол. Асосан кварц ва жуда оз микдорда бошқа минераллардан иборат тоғ жинси (бинокорлик-да, металлургия саноати ва ш. к. да ишлатилади). *Илк калтаминорликларнинг иш қуроллари чақмоқтош, кварцит каби тошларнинг ҳар хил турларидан ясалган.* И. Жаб-боров, Кўҳна харобалар сири.

КВАС \р. кмсати > киснуть — «ачимоқ» фл. дан: ачитки, томизғи| Ундириб янчилган жавдар ёки арпага арпа уни ёки нони ҳамда шакар эритмаси кўшиб, ачитиб тай-ёрланадиган нордонроқичимлик. \Мутавал-ли\ *Бир коса муздек квас ичиб, юрагининг ўтини сўндирди-да, тўнани елкасига таи*

398

лаб, гандираклар таиқари чиқди. М. Осим, Элчилар.

КВИНТА \лот. *quinta* — бешинчи] мус. **1** Диатоник гамманинг бешинчи пардаси ва би-ринчи парда билан бешинчи парда оралиғи.

2 Скрипка ва б. баъзи мусиқа асбобла-рининг энг ингичка (овози энг юқори) тори.

КВИНТЕТ \итал. *quintetto* < лот. *quintus* — бешинчи] мус. **1** Бешта ижрочи учун ёзилган вокал ёки мусиқа асари.

2 Беш ижрочидан иборат ансамбль.

КВИТАНЦИЯ [итал. *quitanza* < лот. *quintantia* < *quintare* — тинчлантирмоқ; мажбуриятдан озод қилмоқ] Пул, қимматбаҳо нарса ва ш. к. ни қабул қилиб олганлик ёки тўлаганлик ҳақидаги расмий хужжат. *Почта квитанияси. Квитания олмоқ. **тм** Милиционер то штраф квитаниясини ёзиб бўлгунча, сал ўзимни ўнглаб олдим.* С. Аҳмад, Суд.

КВОРУМ [лат. quorum (praesentia sufficit) — шуларнинг (катнашаётганлари етарли)] Бирор бир йиғилиш ёки мажлис-да шу мажлис қарорларини қонуний деб топиш ёки мажлисни очиш учун унда қат-нашиши шарт бўлган ва қонунда ёки жа-моат ташкилоти низомида белгилаб қўйил-ган иштирокчилар сони. *Мажлисни очиш учун кворум бор.*

КВОТА \лот. quota — ҳар бир кишига тўғри келадиган қисм, ҳисса < quotus — қан-ча] 1 Бирор бир нарсанинг йўл қўйилиши мумкин бўлган қисми, улуши, меъёри.

Сайлов квотаси Бир сайлов округида бир депутатнинг сайланиши учун зарур бўлган овоз миқдори.

2 Ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳар бир иштирокчиси учун шартнома асосида белгилаб қўйилган ишлаб чиқариш, сотиш, экспорт қилиш ёки импорт ҳиссаси; улуш, қисм, пай.

КЕБАНАК Ичи кигиздан бўлган чак-мон, чопон;намаат чакмон (кўпинча чўпон-лар кийган). *Дўкон айвонида чўнқайибўтир-ган кебанак чопонли кишини Аваз олисдан кўрди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КЕГАЙ Гилдиракнинг тўғини билан гупчагини қўшиб, тутиб турувчи таёксимон қисмлардан бири. *Арава ҳам кўҳна, ямоқ-ясқоқ, гилдирак темиридан унда-мунда пар-ча-пурча қолган; кегайлари шалоқ.* Ойбек,

Танланган асарлар. *Зумрад гилдирак кегай-ларига оёқларини енгилгина қўйиб, аравага чиқди.* Ойбек, Улуғ йўл.

КЕДР \юн. kedros — кедр, қарағай] Қа-рағайдошларга мансуб доим яшил игна баргли дарахт.

КЕЖИМ эск. Уруш вақтида отга ёпила-диган, ўқ ўтмайдиган махсус ёпиқ. *Мен.. от-ларга кежим солиб, бир туман опъишқ найзабоз черик бирла ганимгинг ўнг қўлидан орқасига ўтиб олдим.* М. Осим, Карвон йўлларида.

КЕЗ Вактнинг маълум қисми; пайт, давр. *Баҳор кезлари. Ёшлик кезлари. Елғиз қолган кезлари. тт -Бултур ана шу кезде, — деди Сафар энгашинқираб, — бозорга саккизта бўз олибтушган эдим.* А. Қодирий, Мехроб-дан чаён. *Йўлчи ҳам бошқа бир кезни мўлжал қилди-да, Шокир ота билан хайрлашиб, эшикка чиқаркан, орқасидан чол сўзлаб қол-ди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Кези келганда Фурсатдан фойдаланиб, имконият туғилганда; зарур бўлганда. *Ҳар бир қизнинг айтса адо бўлмайдиган қиссаси бор, кези келганда, ёрилиб олмаса, қачон ёрилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Кези келганда, шуни ҳам айтиб ўтиши лозимки, Тешабой.. савдо-гар тоифасидан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЕЗАК шв. Кез.

КЕЗИНМОҚ Ўзича айланиб юрмоқ. *Назир қўлини орқасига қилганича, яна кези-на бошлади.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Наққош кетгандан сўнг, шоир эшикка чиқди. Бир оз ҳовлида кезинди.* Ойбек, Навоий.

КЕЗМОҚ 1 Айланиб юрмоқ; сайр қил-моқ. *Чўлларда кезмоқ. Шаҳарни кезиб чиқ-моқ. Денгиз соҳилида кезмоқ. Дунёни кезмоқ. тт Шукуржон қишлоқда бир кун турди, пах-тазорларни кезди, онаси билан бувисининг қабрини зиёрат қилди.* О. Ёқубов, Ота изи-дан. *Ойдин оқшомларда, қишлоқнинг сокин кечаларида Мансур билан жимгина кезиш-лар ҳам, кечалари толиқиб.. донг қотиб ух-лашларнинг ҳам ажиб бир гашти бор эди.* У. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 кўчма (жонсиз нарсаларга нисбатан) Шундай (айланиш, юриш) ҳаракатда бўл-моқ. *Зулмат қуюқлашиб борар, гистак булут-лар қоп-қора этакларини судраб, шаҳар ус-тида кезиб юрар, ҳамон ўша совуқ, лоқайд томчиларини пуркар эди.* У. Ҳошимов, Қал-бингга қулоқ сол. *Ачиган май иси кезган ҳов-лиларда шамол-дайди, Ниманидир гўё излаб, хумлар гирдин айланади.* Х. Даврон.

КЕЙИН 1 *рвш.* Шу ёки ўша тобда эмас, маълум вақт ўтгач; сўнг. *Шу китобни кейин-роқ ўқийман. иш* Бойваччанинг кимлигини кейин айтаман. К. Яшин, Ҳамза. Хўп, ҳозир тақмасанг, чўнтакка сол, уйинга яшир, ке-йин тақасан. Ойбек, Танланган асарлар. *Қал-тис* йиқилиб, бирон жойи майиб бўлган киши бунинг оғригини ўша тобда эмас, кейин бил-гандек, Сидиқжон бу можаронинг бутун даҳ-шатини шу кечаси кўрпага киргинидан кейин билди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирокдари.

2 Аввалгисининг кетидан; сўнг, сўнгра. *Мадаминхўжа дастурхон солди, нон ушатди, кеин каттакон бир гурскеттини кел-тириб, пичоқ тортган эди, қовун қарс этиб ёрилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Чарос яна йиглаб юборди. Кейин кўз ўнги қоронгилашиб, ҳеч нима кўринмай қолди.* Ў. Ҳоши-мов, Қалбингга қулоқ сол.

3 (эғалик ва келишик шакллари билан: **кейинига, кейинида**) *айн. орқа (орқасига, орқасида), кет (кетига, кетида).* *Душман юрар мард ўғлоннинг кейинидан.* «Ойсулув». *Туя, одати бўйича, қудуқдан чеккага қараб юрди, кейинидан жун арқон тортилиб борарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ақли расо болаларим билади: Ўқимаган нари, кейинда қолар.* Фо-зил Йўлдош ўғли.

4 *крш. с.* Бундан ташқари, шунинг би-лан бирга, шунингдек; яна. *Агар/қовун]яхши бўлса, халқ еб, сизни дуо қилади, мен ўзим емайман. Кейин, ким билади, бир палакдан ҳар хил қовун етишади.. Уч сўлкавой бера-ман, хўп денг.* Ойбек, Танланган асарлар.

5 *кўм. взф. (ч. к. билан)* Сўнг, кетидан, тугагач, ўтгач. *Ҳаммадан кейин. Ишдан кейин. Овқатдан кейин. Кун ботгандан кейин. ти Ҳаммага зехн солибўтирган Сафаров.. Бўта-бой акадан кейин ўшанга [Рўзиматга] сўз берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. *Сидиқжон овқатдан кейин қўлига газета олган эди, бир мақолани яришатмасдан, кўзи сузилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

6 *боғл. взф. (ч. к. билан)* Сабаб ёки пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади ва сабаб, пайт муносабатини бил-диради. *Қўл калта бўлгандан кейин, қаёққа узатасон? Ойбек, Танланган асарлар. Ёруғ дунёдан умидинг бўлмагандан кейин, дарчанг қийшиқ турди нима бўлди-ю, тўғри турди нима бўлди. Бунақа нарсалар.. орзу-ҳавасга боғлиқ.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. *Бу ишлар бир қадар битгандан кейин, Сидиқжон онасини олиб келгани Баҳрободга борди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

КЕЙИНГИ 1 Кетма-кетликда олдин-гидан кейин турувчи, навбатдаги. *Олдин-ги арава қай йўлдан юрса, кеинги арава ҳам шу йўлдан юрар.* Мақол. *иш* Раёно кей-инги мисрани ўқиб, ўйланиб қолди. А. Қоди-рий, Мехробдан чаён. У[Йўлчи] кўзлаган жойига тезроқ етишга ошиқиб, ўткинчи-лардан сўрар эди: - Тўпқайрагочга яқин қол-дими? - Ҳали бор. Кўприкдан кейинги гузар. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Кет томондаги, орқадаги. *Араванинг кейинги гилдираги. Отнинг кейинги оёқлари.* *иш* Шоҳ [пашиа\ кейинги оёқлари билан қано-тининг устини силади. А. Қаҳҳор, Башорат.

3 Охирги, сўнги. *Ғуломжон кейинги вақтларда танҳоликка майл боғлаб, мулла-ваччалар суҳбатидан ўзини тортадиган бўлиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Кейинги янги моделлар ичида ёшларнинг спорт кос-тюми бўлиб, бунга беш қиррали фахрли бел-ги берилди.* Газетадан.

4 Яқинда пайдо бўлган, янги. *Тошкент-лик машхур бир бойнинг хасислиги ҳақида кейинги, ҳали ҳеч кимнинг қулоғига чалин-маган латифалар суҳбатга «ранг» бериб турар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Итнинг кейинги оёғи Билиш, ривожла-ниш жараёнида энг кейинда қолган. *Бирор ҳунар-пунар ўргансин. Иўқса, ўзинга ўхшаб, итнинг кейинги оёғи бўлиб қолади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

КЕЙИНЧА *айт. кейинчалик.* *Ҳозирча бо-шини қайириб олса, кейинча қуйругини бу-киши осон.* А. Қодирий, Обид кетмон.

КЕЙИНЧАЛИК *рвш.* Маълум вақт ўт-гач, кейинги вақтларда, келгусида. Кейинчалик бир гап бўлар. ти Сидиқжон кейинча-лик ҳарчанд уринса ҳам, бу тўғрида қоридан бошқа гап ололмади. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироклари. Чамаси. касалхона яқинидаги бу бозорча ўз-ўзидан пайдо бўлган, кейинчалик бир қатор раста қурилиб, устига рангдор пластмасса шифер ёпиб қўйилган эди. У. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

КЕЙС \ингл. case] Дипломатга ўхшаш япаски қаттиқ портфель. У қўлидаги кейс билан машинадан бирўзи тушибди.. Ҳ. Шай-хов, Туташ оламлар.

КЕК Бирон нарса таъсирида кўнгилда бўлган, қолган аччиқ-алам, ўч олиш ҳис-туйғуси. Кек сақламоқ. *тм* Болангизнинг бир мартаба «дада» деганини эшитсангиз, ҳар қанақа кек эсдан чиқади. А. Қаҳҳор, Қўшчи-ноҳ чирокдари. Салим.. Гулнорга қариши синг-лисидида бўлган зўр кекдан фоидаланиши керак-ми, йўқми, кўзини юмиб ўйлай бошлади. Ой-бек, Танланган асарлар. Ўзим айтганча, унинг кўнгли юмиш, тезгина шахтидан ту-шади. Унақа кек сақлашни яхши кўрмайди. Ойдин, Икки кўзи шунда.

КЕКИРДАК 1 Одам ва умуртқали ҳай-вонлар нафас йўлининг юқори қисми. Ингичка ва йўзон, калта ва чўзик товуш-лар.. кекирдаклари узилиб кетмайдими бу хўрозларнинг? В. Раҳим, Ихлос.

2 с. т. Бўйиннинг олд қисми; томоқ. Бўйинини чўзиб, қўлларини арра қилиб гапираркан, лаблари дўрдайиб, кўзлари ола-кула бўлиб, кекирдагидаги томирлари бўртиб чи-қиб кетган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. ..буни бир хилватроқ жойда тўғри келтир-санг-у, кекирдагидан хиппа бўғиб, дамани чиқармай қўя қолсанг. П. Турсун, Ўқитувчи.

Кекирдак чўзмок Гапига куч бермок, бақириб-чақириб гапирмок. Янги ер очиш тўғрисида муттасил кекирдак чўзадиган ўртоқлар ҳақиқатдан кўз юммокдалар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Кекирдагин чўзга-нича оёққа туриб, Бажарамиз, дейди раис, кўкракка уриб. А. Пўлат.

КЕКИРИК Ошқозонда тўпланган ҳаво-нинг оғиз орқали шовкин билан чиқиши. Мажлис аҳли кекирик, йўтал келса ҳам, куч билан ўзини босиб.. Чўқаевга қулоқ беришиди. К.. Яшин, Ҳамза. Тил учиди, енг ичиди ши битирадиганларнинг, кекирикка ҳам пора талаб қиладиган нафси наҳангларнинг кун битди. «Муштум».

КЕКИРМОҚ Ошқозонда тўпланган \авонинг қизилўнгачдан оғиз орқали шов-қин (овоз) билан чиқармок; кекирик чи-қармок. Тўлаган энгашиб, дастурхоннинг бир четига соқолини артди, дон тиқилган то-вуқдай бўйинини чўзиб кекирди. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

КЕККАЙМА Доим кеккайиб керилади-ган. Халқ кураш «илми»ни яхши билувчи чи-накам танги ва баҳодир полвонларни ҳур-мат қилган, қадрлаган. Кеккайма, мақтан-чоқ, қуруқ полвонлардан қулган. М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

КЕККАЙМАЖОН *айн. кеккайма.* Ўз из-затини битаган кеккаймажонларга ялиниши-нингнима кераги бор?Ойбек, О. в. шабадалар.

КЕККАЙМОҚ 1 Гавдани тик, ғоз тут-мок. Баланд бўйли, қирра бурун, келишган ва хар доим яхши кийиниб, кеккайиброқ юра-диган бу чиройли қоратўри йигит ўша, Фотимага ошиқ бўлиб юрган бўйдоқ ўқитувчи Каримов эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Ўзини ҳаммадан юқори тутмок, гердаймок, мағрурланмок. Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча. Матал. *тм* Кам-тар бўлинг, мағрур бўлманг, кеккайманг, Бир кун хижолатдан сиз қилманг аттанг. Ҳаби-бий. Бир-биридан такаббур, бир-биридан кек-кайган бойваччаларнинг олдига бу отда бо-ришни ўзига эп кўрмай, дам жўнашига қарор қилар, дам яна айнар эди. Ойбек, Танлан-ган асарлар.

КЕКЛИ Кеки бор, кек сақдаган. Шун-дай, у Анварга кекли эди. Шунинг биан бир-га, Анварга қариши амалда бир ши қилиши ку-чидан ҳам маҳрум эди. А. Қодирий,

Мехроб-дан чаён. *Лекин булар аллақандай аламзада, кекли, доим талвасада. А. Мухтор, Чинор.*

КЕКС *ингл. cake (кўпл. cakes)]* Сут, ёғ қўшиб оширилган хамирдан кўпинча ма-йиз қўшиб пиширилган ширинлик (одатда кулча ёки пирог шаклида бўлади).

КЕКСА 1 сфт. Узоқ яшаб катта ёшга етган, умрининг охириги босқичини яшаётган; қари. *Кекса одам. Кекса аёл. Кекса чинор. тт* Қуёш энди тиг ёя бошлаган салқин сабоҳда Қорабулоқ қишлоғидан бири кекса, бири ёш — икки отлиқ чиқиб келаверди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ана, кекса қайра-ғоч, унинг тунука том устига энгашиган азамат шохи қуриб қолибди. С. Аҳмад, Қадр-дон далалар.*

2 от Кекса ёшдаги шахс; қария. *Кекса-лар чойхонаси. Кексалар ўғити. тж* Кексалар бўлса, бундай иссиқ ўттиз йил бурун бўлганини, ўшанда ҳам шаҳар товадай қизиб, одамлар атроф чорбоғларда жон сақлашга-нини эслашарди. Мирмуҳсин, Умид. *Кекса-ларнинг айтишича, бундай пайтларда бирон-бир тепаликнинг устига чиқиб, жимгина қулоқ солиб ётсангиз, ернинг нафасини эши-тармишсиз. Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

3 кўчма Узоқ йиллардан бери мавжуд, кўп йилларни кўрган; қадимий, эски. *Кекса билим дареохҗаридан бири. тт* Ҳар бир халқнинг оғзаки бадиий ижодиёти у халқ-нинг тарихи қадар кексадир. «УТА». *Эй, кекса булоқлар, эски қадрдон, Ўйноқи умримдай жўшиб оқдингиз. Ғайратий. Шундай ёрқин, шундай ойдин замони ҳам бўлармикин бу жафокаш кекса дунёнинг?! М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Кекса тортмоқ Кексая бошламоқ, кек-саликнинг белгилари билинмоқ. *Лекин кун-лар ўтиб, Тўти хола ранги синиқиб, кўзлари киртаяётгандай, кекса тортиб қолаётган-дай бўлди. «Гулдаста».*

КЕКСАЙМОҚ Кексалик даврига ўтмоқ; қаримоқ. *Дунёможаросидан қўл юв-моқчи бўлган бир отага кексайган кунлари-да фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улуғ мукофотдир! А. Қодирий, Ўтган кун-лар. Бахтни ҳалол меҳнат билан топган одам.. кексайганда ҳам ҳаёт лаззатини бе-миннат татийди. Газетадан.*

КЕКСАЛИК Умрнинг етукликдан сўнг-ги, организм фаолияти аста-секин заиф-лаша борадиган даври; кишининг шу дав-рга, ёшга хос ҳолати; қарилик. *Кексалик даври. Кексалик аломатлари. тт* Юзини кек-саликдан кўра кўпроқ кўргиликлар гижим-лаб ташлаган бу чол билан у ўтган йил ба-ҳорда.. танишган эди. А. Қаҳҳор, Томоша-боғ. *Сал қўполроқ, кексаликка йўл тутган Қодиров, нима қилишини ва нима дейишини билмай, ўнғайсизланиб, ўрнидан турди. И. Раҳим, Тақдир.*

КЕКСАРМОҚ кам қўлл. айн. кексаймоқ. *..айланай, бегим, бизга ўхшаб кексарганингизда эслаб юрарсиз. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Бирдан қалбим кексариб, Крн ҳам қочди юзимдан. Зулфия.*

КЕКЧИ Кек сақлайдиган, ўч олиш па-йига тушган; адоватчи. *Кекчи одам. Ўтакетган кекчи. тт* Аввалам, мен сиз ўйлаганча кекчи эмасман. Сизда нима айбки, сиздан ўч олсам. Шухрат, Жаннат кидирганлар. *Ҳа, гап ўртамизда қолсин-у, Сардороени иззатнаф-си зўр, кекчироқ одам, дейишади. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.*

КЕЛАЖАК 1 сфт. Ҳозирги пайтдан ке-йин келадиган, келгусидаги. *Келажак авлод. ти* Иўлчи унинг | Гулнорнинг] сўзларини тингларкан, келажак умри, орзулари, умид ва хаёллари бир парча доғсиз, туташ нур ичида кўриниб кетди. Ойбек, Танланган асарлар. *Гўзалим, бахтимиз олдинда, Кела-жак кунларга назар сол. Т. Тўла. Самимийлик қизларнинг келажак ҳаётларида энг за-рур фазилатдир. «Саодат».*

2 от Ҳозирги пайтдан кейин келадиган замон, давр; келгуси. *Ким ҳақлигини келажак кўрсатади. ти* У мактабда ҳамма фан-лардан «аъло» олиб ўқир, ҳар фаннинг ўз фа-зилати борлигини билар, лекин келажакда ўзини қайси бирига бағишлашни билмасди. П. Қодиров, Уч илдиз. *Ўтмишу келажак бир зум ёнма-ён, Гоҳи наст, гоҳ*

баланд бўлиб сурингай. А. Орипов, Ииллар армони. *Ким мозийдан ўғираркан юз, Юз ўғирар ундан ке-лажак*. Х. Даврон.

3 Келгусидаги ҳаёт, тақдир, истиқбол. *Шаҳарнинг келажаги. итм* [Гулнор] *Илгари хам баъзан ўз келажагини ўйлаган вақтлар-да, бахтли ҳаёт манзарасида Иўлчининг она-сини ҳам кўрар эди*. Ойбек, Танланган асар-лар. *Шеробод шаҳри йил сайин барқ уриб ри-вожланмоқда*. Унинг келажаги порлоқ. «Фан ва турмуш». Ўртоқ Аҳмедов бу қишлоқнинг тарихини, кейинги бир йил ичида қилинган ишларни, «Кўшчинор»нинг келажагини гапи-рибберди. А. Қахдор, Кўшчинор чиронуири.

4 Келгуси, истиқболнинг рамзи; истиқ-болни белгиловчи шахс ёки нарса. *Ёшлар — келажагимиз. ттм* Турли соҳалардан ба-диий ижодга отланиб кириб келаётган ёш талантлар адабиётимизнинг келажагидир. Газетадан.

КЕЛАСИ Ҳозиргидан кейинги, бундан кейин келадиган (асосан, вақт ҳақида). *Келаси ҳафта*. Келаси ой. **тм** Одатда, у бир газал айтар, келаси анжуманда шоири замонлар мазкур газалга назира боғлар эдилар. С. Сиёев, Ёруғлик.

Келаси замон *тли*. Ҳаракатнинг нутқ вақтидан кейин бажарилишини билдирувчи феъл тури (феълнинг шундай маъно билдирувчи шакли).

КЕЛБАТ [ф. **ALB** - гавда, тана; гавда тузилиши, кўриниши] *шв*. Қомат, бичим, қиёфа. - *Тўламат ака, бутун бошиқ тўнғизни битта ўзингиз еб қўймагандирсиз, ярим-ёр-тиси тургандир ? — деди келбати Тўламатга ўхшаброқ кетадиган бир йигит*. С. Анорбо-ев, Оқсой. *Бола бобосининг улкан келбати-ни бошдан-оёқ қузатаркан, бобом ҳаммадан зўр, деган қарорга келди*. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча. *Оёқ олишлари ва келба*

403

ти қуйиб қўйгандек отасининг ўзи эди. Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *У ўқланган милтиқдек тикка турибди*. *Келбатида на ҳайиқиши, на истиқола*. С. Сиёев, Аваз.

Келбат бермоқ Ўхшамоқ, ўхшашлиги бўлмоқ. *Фақат бурнининг пучуқлиги Момоқизга келбат беради*. Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. **Келбати келмоқ айн.** **келбат бермоқ**. *Менга келиб гапирдинг Шириннинг отин, Жодугарча келар сенинг келбатинг*. «Баҳром ва Гуландом». *Кўкдўнан деб жами қалмоқ қаради, Кўкдўнанга ҳеч келбати кел-мади*. «Алпомиш».

КЕЛБАТЛИ *шв*. Қоматли, бимимли. *Авазхон билан Ҳасанхон ҳам шер ҳайбат-ли, йўлбарс келбатли, қоплон юракли, арс-лон билакли йигитлар бўлди*. «Равшан». *Уй олдида, офтобрўйда, эллик ёшлардаги кел-батли, ялангбош киши ўтирибди*. С. Сиёев, Ёруғлик.

КЕЛГИН кам қўлл. Ўзиники эмас, (қаердандир) келган. *Эмиш қайнона-келин, Келин — бегона, келгин*. Т. Иўлдош.

КЕЛГИНДИ Шу ерлик эмас; ўзга жой-дан, бошқа юртдан келган. -*Ҳиндистоннинг озодлиги учун келгинди хўжайинлар, очкўз бўриларга қариши сўнгги томчи қоним, сўнгги нафасимгача жанг қилишни улуг бахт деб билар эдим, — деди Аҳмад Ҳусайн*. Ойбек, Нур қидириб. *Кимсан — Саидтўра мингбо-шининг қизи бўлсам-у, бу яшишамагур очкўз, бераҳм бой бир келгинди қашқарликнинг қизини устимга хотин қилиб олса-я!* К. Яшин, Ҳамза.

КЕЛГУСИ 1 айн. **келаси**. *Келгуси йил*. *Келгуси ҳафта*. *ти* Робия хола келгуси дам олиши қуни уларни ўз боғига таклиф қилди. Н. Сафаров, Танланган асарлар.

2 айн. **келажак**. *Сизлар келгусида мада-ниятли, билимдон кишилар бўласиз*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Чўлни ҳозирги ҳолга келтир-гунча биз чеккан машаққатларни келгуси авлодимиз тасаввур ҳам қилолмайди*. Ш. Ра-шидов, Янги ер ҳақида сўз.

3 кам қўлл. Кейинги, навбатдаги. *Улар.. уч-тўрт қадам юришлари билан, соя яна олдинга ўтиб кетар, келгуси симёгочгача яқин-лашган сайин орқага чекинара эди*. Ў. Ҳоши-мов, Қалбингга қулоқ сол.

КЕЛДИ-КЕТДИ 1 Келиб кетувчилар, одамларнинг келиш-кетиш қатнови (бирор йиғин, тўй, маърака ва ш. к. да йўқлаш муносабати билан). *Зиёфат ва келди-кетди кечаси алла-паллагача давом этди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Келди-кетди бўлиб, Низом-жон уч-тўрт кун Дилдор билан бафуржа учраша олмади.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Умуман, муайян жойга одамларнинг давомли тарздаги келиш-кетиши; келиб-кетаётган одамлар. *Дўкон айвонларидаги ус-тунларга суянган азаматлар дам-бадам эс-нашиб, шундай ёгингарчилик кунлари ҳам қишлоқ марказида авж оладиган келди-кет-ди, савдо-сотикни ёпомоша қилардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЕЛИ *шв. Ўғир. Хотин жўхорини туйиб бўлди, уни келидан тоғорачага солаётиб дўнғиллади: -Хавасга анор ейди дейсиз, ше-килли.* А. Қаҳдор, Анор. *Адолат ўғирдастани келидан олди-да, Қамчига дарвоза олди-даги аравани кўрсатди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Холдон момо ана шу майсаларни келига сол-ди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

КЕЛИБ-КЕЛИБ Одатда, ўйланмаган, хаёлга келмаган ва шу билан бирга маъқул бўлмаган иш-ҳаракат, воқеа, ҳодиса ҳақида эканликни қайд этади; охири, ниҳоят. *Келиб-келиб тўй куши қор ёғди. ти -Мана, бе-качим, — деди кулиб Тўйбека. — Анови кунги ёш меҳмонни сенга мақтасам, аччиқлан-динг, аммо келиб-келиб букун сени ўшанга бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. \ *Гофир:* \ *Мен ҳали ҳасратимни, дардимни келиб-ке-либ сизларга айтдимми? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Жуман қутилмаган саволдан ўзи-ни йўқотиб қўйди. «Нега келиб-келиб менга тиқшинч қиляпти», дегандек атрофдагилар-га аланглаб олди..* А. Мухтор, Туғилиш.

КЕЛИМ *кам қўлл.* Келиб турадиган да-ромад, фойда. *Башарти бирор кун келим канда бўлиб қолса, Исломга ҳаммаёқ қорон-ғу бўлиб кетади.* «Муштум». *Тар бўлса нодон элим, Авж олиб тургай келим.* Ҳамза, Тан-ланган асарлар.

КЕЛИН 1 Янги турмушга чиққан ёки чиқаётган қиз. *Янги келинларнингуйи одат-да безатилган бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳим-мат. [Заргаров:] *Менга қаранг, ука.. Куёв билан келин менинг олдимда, ҳозир боради. Ре-гистрация қилинг, бўлак гап йўқ..* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Келин кўрмоқ 1) *этно.* ҳайит-байрам кун-лари янги тушган келинни кўриш учун бор-моқ(ёш қизлар қақида). [Нури]Ҳарҳайит уч

404

кунгина ясаниб-тусаниб.. «келин кўриш»га юрар эди. Ойбек, Қутлуғ қон; 2) келинли бўлмоқ, ўғлини уйлантирмоқ. *Вой, оғзингизга ёғ, ўғлим! Келин кўрадиган куним ҳам бормикин!* А. Қаҳ-ҳор, Қўшчинор чироклари. **Келин қилмоқ** *с. т.* Ўғлига хотин олиб бермоқ. *-Келин қигани бисотда ҳеч нарса борми? -Бисот дейсиз, ме-нинг бисотим сизлар-да, ўғлим!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

2 Ўғилнинг хотини (қайнота ёки қай-нонага нисбатан). ,*Фотима:] Мана шу Марасулни туққанимда, «Шу ўғлим катта бўлса, хотин олса, келинимнинг ҳеч ишига аралашмайман», деб ният қилганман. Худо ниятимга етказди.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Қайнона-келин бир дақиқа чамаси кўри-шиб қолдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Уканинг хотини (ака ёки опага нис-батан). *Зиёдилланинг ўз оиласида шу вақт-гача содир бўлган кўнгилсиз ҳодисаларни ҳам, ўз келинининг бебоиш бўлиб кетганини ҳам ҳазм қила олмаслиги турган гап эди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

4 Ўзидан ёш бўлган қариндош ёки яқин кишининг хотини ва шу хотинга мурожаат. \ *Гапга* \ *Ҳайдар ота аралашди: -Келин рост айтадилар. Менга қаранг, келин, ўртоғингиз менга сизни олиб келишни жуда тайинлаган.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр Кўрмасдан, билмасдан олдиндан кукм чиқарма, деган маънода ишлатиладиган мақол. *Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, дейишади. Олиб келмагунингизча, ишон-майман.* Ойбек, Танланган асарлар. **Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит** Бирор гап-сўзни тўғридан-тўғри «эгаси»га эмас, балки унга эшиттирган ҳолда, ўзгага ай-тишни билдирувчи мақол. *Унинг*

назарида, бу гаплар унга қарата, «қизим, сенга айта-ман, келиним, сен эшит» тарзида айтила-ётгандек эди. Т. Алимов, Совға.

КЕЛИНБАРОН айн. келинтушди.

КЕЛИНЛИ Келини бор; ўғлини уйлан-тирган. Ахир ўғил уйлантириб, келинли бўлдингиз, янги келиннинг қўлини кўрсатай ҳам демайсиз! А. Қодирий, Обид кетмон.

КЕЛИНЛИК Келинга, келин даврига хос нарса ва ш. к. Келинлигида жуда гўзал эди. **ит** Бу келинчак келинлик даврини су-риш ўрнига еуе ташиди, ҳовли супурди, кели туйди. К. Яшин, Ҳамза. *Офтоб ойимнинг:*

«Нега қирқ кокил қилмайсан?» деб сўраши-га: «Қизингиз энди қизлик давридан ўтиб, келинлик даврига кирди..» деб қулди [Кумуш]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Нигоранинг] Ке-линлик либослари музга айланиб, баданини совитиб юборгандек бўлди.. С. Аҳмад, Пойқадам.

КЕЛИНКЎРДИ, келинкўрар этн. Тур-кий халқларда, жумладан ўзбекларда никоҳ тўйининг эртасига куёвнинг қариндошла-ри, танишлари, қўни-қўшнилари иштирокида ўтказиладиган янги келинчакни кў-риш одати.

КЕЛИНОЙИ 1 Аканинг хотини (ука ёки сингилга нисбатан). [Нури].. тагин да-дамга, акаларимга гапирманг бу сирни. Ке-линойиларим ҳам зинҳор эшитмасин. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ёши ўзидан катта бўлган қариндош ёки яқин кишининг хотини ва шу хотинга мурожаатни билдиради. Агар шу гапларга қаттиқ ишонсанглар, Қумри келинойи, мен ҳовлингизда қололмайман [деди Онахон]. А. Мухтор, Опа-сингиллар. [Унсин] Қаддини кўтариб, жасур боқди Шарофатхонга: -Ке-линойи, акам бировнинг томини тешиб қамалган эмас ё бировнинг ҳақини еган эмас. Ойбек, Танланган асарлар.

КЕЛИНПОШША Келин с. эркл. шакли.

КЕЛИНСАЛОМ этн. Никоҳ кунининг эртасига эрталаб келинни куёвнинг ота-онаси ва бошқа яқинларига салом қилди-риш маросими. Бунга.. ёр-ёр, ўлан, байт, келинсалом.. кабилар мансуб. «ЎТА».

КЕЛИНТУШДИ этн. Келиннинг кели-ши ёки уни олиб келиш муносабати билан куёвнинг уйида бўладиган тўй, тантана, зиёфат маросими.

КЕЛИНЧАК Келин **1** с. кичр.-эркл. шак-ли. Элмурод билан Алексей йўл четида, чил-дирмага мунгли қўшиқни жўр қилиб, келин-чакни узатиб бораётган аёлтрга қараб ту-ришди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бир қаришлик-дан дуторни севаман. Бир қўшни келинчакдан ўрганган эдим. Ойбек, Танланган асарлар.

КЕЛИСОП шв. Ўғир дастаси, ўғирдас-та.

КЕЛИЧА шв. Уй-рўзғорда ишлатилади-ган (қанд, мурч ва ш. к. лар туйиладиган), одатда металлдан ишланган кичик ўғир; ҳовонча.

КЕЛИШГАН 1 Келмоқфл. ўтг. зам. 3-ш. шакли. Меҳмонлар кеча келишган.

2 Қадди-қомати чиройли, хушбичим. Ке-лишган йигит. Қомати келишган қиз. ти [Муаттар:] Сен у йигитни кўрмабсан, дунё-га келмабсан. Қалам қош, қуралай кўз, бир келишган, бир келишган эди. Н. Сафаров, Шарқ тонги. Бу тор, таранг кийимда унинг келишган қомати янада бўртиб турарди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

КЕЛИШИК : келишик категорияси тли. Отнинг ва отлашган сўзларнинг бошқа гап бўлақларига муносабатини кўрсатувчи шакл-лари ва шу шаклларга хос грамматик маъ-нолар бирлиги (тизими). Бош келишик. Ту-шум келишиги. Келишик шакллари.

КЕЛИШИМЛИ айн. келишган **2**. Розик-жоннинг жўралари ҳам ўзига ўхшаш кели-шимли кишилар экан. Роса хангамалашидик. И. Ўктамов, Ҳикоялар.

КЕЛИШМАГАН 1 Келишмоқфл. ўтг. зам. шакли. Меҳмонлар ҳали келишмаган.

2 Ўринсиз, ножўя. Келишмаган савол. Келишмаган ҳаракат. Келишмаган гап.

3 Ярашмайдиган, беўхшов, хунук. Би-чими келишмаган кийим.

КЕЛИШМОВЧИЛИК Фикр, тушу-ниш, дунёқараш ва ш. к. да бир-бирига мос эмаслик, қарама-қаршилиқ. *Икки ўртада келишмовчилик, низо бошланганда эса ҳақлигини билиб, кўполлик қилар, бировнинг дили-ни оғритиб қўйганини сезмай қоларди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Оиладаги келиш-мовчилик сабаблари чуқур очиб берилган, бо-лаларнинг тирик етим бўлиб қолишига айб-дор ота-оналарнинг башараси фош этилган ўтқир мақолалар берилса.* «Муштум».

КЕЛИШМОҚ1 Келмоқфл. бирг. н. *Улар овдан кеча келишди. ти Одамлар пойгада ютиб чиққан чавандозга эргашигандай кети-миздан келишар, бир-бирларига гап маъқул-лашарди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Ўзаро маслаҳатлашиб, маълум бир фикрга (хулоса, битим ёки қарорга) кел-моқ. *Молнинг нархши келишиб қўймоқ. Шарт-лашувчи томонлар ўзаро келишдилар. шшш Баширжон бирпасда шунча режани хаёлан тузиб чиққач, сангтарош билан келишиб, қўл таш-лашди.* Н. Аминов, Суварак. *Давлатимиз би-рон катта ишга қўл урар экан, олдиндан ота-хонлар билан келишади.* «Фан ва турмуш».

3 Муносиб тушмоқ; ярашмоқ. *Бу гаплар айниқса сиз билан менга келишмаса ҳам, азбаройи мени ташлаб қўйганингиздан айтдим.*

А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳамма жойи хўп келишган ўзига, Ишонинглар мендай подшо сўзига.* «Гулнорпари».

4 Айрим сўзлар билан қўлланиб, «мос тушмоқ», «тўғри келмоқ» маъносини билдиради. *Кетмон тутишига одатланган дағал қўллар игна ушлашга, қатим тортишига келишмаганидан диққати ошган Охун, бир кўзини қисиб давом этаркан, товуши шангиллади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қачон-дан бери у газетхон, гапдон, самовар тўрида ўтириб чой ичадиган ва Сидиқжоннинг тили келишмайдиган, ақли етмайдиган гапларни айтиб, ҳаммани оғзига қаратадиган бўлди?* А. Қахдор, Қўшчинор чирокдари. *Ўтган хатларимда кундошим билан муросамиз келишмай турганини кулгулик тарзида ёзган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 кам қўлл. Ўхшамоқ. *Жамолинг ўхшайди осмонда ойга, Қошинг келишибди қўлингда ёйга.* «Баҳром ва Гуландом».

КЕЛИШТИРМОҚ1 Келишмоқфл. орт н *Тарафкашларни бир-бири билан келиштир-моқ.*

2 Ўрнига қўймоқ, қойил қилмоқ, ўрин-латмоқ, ўхшатмоқ. *-Мен шу тўғрида газетага бир мақола ёзеамми, деб ҳам ўйлаган эдим, — деди Заргаров, — лекин келиштирилмасман деб қунт қилмадим.* А. Қахдор, Оғрик тишлар.

КЕЛИШУВ 1 Келишмоқ 2 фл. хар н *Келишувга кўра, қозикалон гўё ахли уламининг фикрини билдирган бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

2 Ўзаро маслаҳатлашиб баён этилган фикр, хулоса, қарор; битим, шартнома. *Оғзаки келишув. Келишув тузмоқ. Келишув-га эришмоқ.*

КЕЛИШУВЧИЛИК Ўз манфаатини кўзлаб муросага келиш, рози бўлиш, қўшилиш; муросасозлик. *Юзхотирчилик, кели-шувчиликни безгакдан ҳам ёмон кўраман.* «Муштум». *-Ишлар кўп, — деди ниҳоят бош-қарма бошлиги келишувчилик оҳангида.* «Ўзбекистон кўрик^лари».

КЕЛМОҚ 1 Юриш, учиш ҳаракати ёки транспорт воситалари билан сўзловчига қарама-қарши томон (жой)дан сўзловчи турган томонга, жойга йўл олмоқ, йўнал-моқ; шу томондаги бирор жойга етмоқ; зид. **кетмоқ, бормоқ.** *Поезд келяпти (поезд кел-ди). Тошкентга меҳмошир келяпти (меҳмон-лар келди).* шшш *Кеча бир кампир телевизорни қолдираётди: «Тезроқ тузатиб беринглар, бугун-эрта неварам аскарликдан келади».. — деб илтимос қилган.* Т. Ашуоров, Оқ от. *..кул-ранг иляпа кийган, қора кўзойнак таққан, гавдали бир киши ариқ ичидан Талъат билан ёнма-ён келарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. *Ёлғизўзим бир четда турган эдим, секин олдимга келди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Сўзловчи бўлган, турган жойга ёки сўзловчи томондаги жойга етмоқ, шу жой-да ҳозир бўлмоқ; *зид. кетмоқ, жўнамоқ. Ёз фасллари деҳқончишиқ қилади, саҳар ке-тиб, кеч келади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Нимага келипти?.. қани бери кел-чи. Яраш-гани келиптими?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чи-роқлари.

3 Вақт маъноли сўз ёки сўз бирикмаси билан қўлланганда, шунингдек, вақт би-лан мантиқан боғлиқ нарсани билдирувчи сўз билан қўлланганда, шу сўз ёки сўз би-рикмаси ифодалаган пайт, фурсат, замон ва ш. к. нинг етганлигини, бошланишини билдиради, «бошланмоқ», «етиб келмоқ», «етишмоқ» маъносини билдиради. *Яхши за-монлар келди. Сиз орзу қилган кунлар ҳам келади. Баҳор келди. Экин мавсуми келди. тт Ўзи ҳам, пайти келиб, мана шу қизлар-дай дугоналари билан яйраб-яшнаб, қишқи-рибўйнай олармикин? Ў. Ҳошимов, Қалбинг-га кулоқ сол. Экин даврига ҳали бор экан, деб яна бир оз мизгиб уйғонсам, куз келибди. «Муштум». Ўзини кўрсатиб қўядиган фурсат келганини сезиб, дона-дона қилиб тушунти-ришга киришди. К. Яшин, Ҳамза. Бир қариш-ликдан дуторни севаман. «Кўп чалаверма, бузилиб кетасан,» — дер эди онам боёқиш, айтгани келди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Ж. к. даги айрим сўзлар билан қўллан-ганда, шахснинг шу келишиқдаги сўз бил-дирган иш, нарса хрдисада тўхташини, шун-дай нарса-ҳодиса юз беришини билдиради. *Бир тўхтамага келмоқ. Шундай хулосага кел-моқ. тт У ўйлаб-ўйлаб, бир фикрга келди ше-килли, анча енгил тортиб: «Хаҳ, шунчалик осон гап экан-а».. деб илжайиб қўйди. К. Яшин, Ҳамза. Муқаддам анжомларини йи-гиштириб бўлгунча, бир қарорга келди-ю, ча-қирди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

5 Ж. к. даги баъзи сўзлар билан қўллан-ганда, шу сўз билдирган иш, нарса-хрди-сага ўтиш, навбат шунга келганлик маъ-носини билдиради. *Энди Бўтанинг устидаги анови гапга келсак, бу туҳмат гап. С. Аҳмад, Хукм. Энди бояги ҳўкизга келай-лик. «Чалпак ёққан кун»... пахтани нима учун кузда сотмай, ёзда сотаётганига кел-сак, бунинг тагида гап кўп. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

6 Ч. к. даги айрим сўзлар билан қўллан-ганда, иш, нарса-ҳодисанинг шу келишиқ шаклидаги сўз билдирган шахс ёки нарса томонидан бўлишини (амалга ошишини) билдиради. *Сидиқжоннингранги бўзарибкет-ди.. -Бунақа қўшмачилик сизлардан келади.. А. Қаҳдор, Қўшчинор чирокдари. Менимча, Қоратой ака, Шокир ота, бутун кулфатлар турмушининг ёмон тузилганидан келади. Ой-бек, Танланган асарлар.*

7 Ўзи бириқиб келган сўз ифодалаган нарсанинг юзага келиши, юз бериши, қўзғалиши маъносини билдиради. *Раҳми келмоқ. Ҳаваси келмоқ, Завқи келмоқ. Газа-би келмоқ. Гайирлиги келмоқ. тт Маҳмуда-нинг хўрлиги келиб, кўзида ёш ҳалқаланди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол. Унинг \ Ку-мушининг\ юзини ўпиб тушган сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалди. А. Крдирий, Ўтган кунлар. Кичик поччамнинг жуда иззатли бўлиб кетганига катта поч-чамнинг гаши келади, лекин билдирмайди. С. Сиёев, Ёруглик.*

8 Ўзи бириқиб келган сўз билдирган хрлатнинг бўлиши маъносини билдиради. *Ғолиб келмоқ. Маъқул келмоқ. Малол келмоқ. тт /Отабек/ Чиқиши билан нари эшиқдан Содиқ ҳам кўриниб қолди-да, Отабек билан тўқнаш келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

9 Нумератив сўзли бирикмалар тарки-бида эвази нумеративли сўзга эваз бўлади-ган микдорни, шунга бериладиган (кела-диган, олинадиган) нарсани билдиради. *Бу пулга уч метр атлас келади. тт Косибнинг бир ҳафталик ишига бир халта дон келади. Ойбек, Танланган асарлар.*

10 Қиёс мазмунли бирикмалар тарки-бида тенглик, шунча келиш маъносини билдиради. *Бир қоп картошка 100 кило ке-лади. тт Оёгини ёруққа тутган эди, худди бош бармогининг тагида гугурт чўпидай ке-ладиган тикан ёнламасига санчилиб*

турга-нини кўрди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Кўзимни очсам, ўзимга иккита келадиган галварсдай иигит ерда думалаб ётибди. С. Сиёев, Ёруғлик.

11 -ган кўшимчаси шаклида (**келган**) ч. к. даги сўз билан кўлланиб, шу сўз билдирган белги, ҳолатга мойиллик, ўхшашлик маъносини билдиради. *Қорачадан келган. тт Олдинги қаторда.. ўрта яшар аёл билан сий-рак сочлари оқарган, тўладан келган киши ўтирарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол. Чекка сочларига оқ оралаган, бўйи ўртадан келган бугдойранг хотин аввал эрига салом берди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Содиқ аканинг ёши қирқлардан ошган, ўзи қотма-дан келган бўлиб, атрофдагилар билан тез тил топишиб кетар экан. О. Мўминов, Хи-ёбондаги уч учрашув.*

12 2-ш. буйруқмайли шаклида (**кел, ке-линг**) даъват, ундашни билдиради. *Кел, қўй, тангрининг молини шайтон қизганади. Қани, олишиб ўтиринглар. К. Яшин, Ҳамза. Кел, шуям бир қувонсин/Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

13 Ёрд. фл. взф. 1) *шв.* боғлама вазифа-сида «бўлмоқ» маъносида кўлланади. *Эшакнинг юки енгил келса, ётагон бўлар. Мақол. Сутсиз сугир сузагон келар. Мақол. тт От жонивор жуда эсли келади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. ; 2) -ги* кўшимчали феълнинг шахс-сон шакли (**-гим, -гинг, -тск**) билан кўлланиб, истак-хоҳиш ифодалайди. *Кетгим келяпти. Айтгиси келяпти. тт Ёдгор ундан кўзузмай ўтираркан, негадир гаплашгиси келди шу топда. У. Ҳошимов, Қалбинг-га кулоқ сол. Аҳмадларни тезроқ учратиб, шодлигимни баҳам кўргим келади. С. Сиёев, Ёруғлик; 3) равишдошнинг -а(й), -(и)б* кўшимчали шакллари билан кўлланиб, ҳаракатнинг йўлакай, давомли бажарили-ши каби маъноларни билдиради. *Келишингда хабар ола кел. Хотираларни ёзиб келяпман. тт Юнусали ота шу кунгача уларнинг бор-ди-келди гапларига аралашмай чидаб келди. С. Аҳмад, Уфк.*

Баланддан келмоқ қ. баланд. *Ўлдими ун-дай қилиб. Симу зарни кўргандан кейин.. Башарти жуда баланддан келиб, тархаш-лик қилиб туриб оладиган бўлса, баҳридан ўтиб қўя қоламиз-да, шунгаям таишмиши? К. Яшин, Ҳамза. Баланд келмоқ қ. баланд. Тўғри гапни айтсам, баланд келди. Барори-дан келмоқ* Юришмоқ, яхши натижаларни бўлмоқ. *Ишимиз бароридан келди. тт Ниҳо-ят, тўртинчи куни ов бароридан келди. А. Кдхҳор, Асарлар. Бас келмоқ қ. бас. Юр,*

Асқар, унга ит бас келсин, директорга ай-тамиз. Ё. Шукуров, Уч савол. Бўш келмоқ қ. бўш. Агар Аҳмад охунга бўш келсанг бор-ми.. шон-шавкатингга путур етиб, сўзинг ўтмас чақадек бўлади-қолади. К. Яшин, Ҳамза. Гап келганда, отангни аяма Ўрни келганда, ҳақ (бор) гапни айтишдан қайт-масликни билдиради. **Ёв келдими** Шошқа-локлик билан ҳаракат қилишнинг ўринсиз-лигини қайд этади. *Аммо Мирзакаримбой ҳар хил жавоб берди. Бир гал: «Кўя тур-чи, ёв келдими, ёлғиз қизинг, вақт-соати келганда узатарсан..» — деди. Ойбек, Танланган асарлар. Жони бўғзига (ёки халқумига) кел-моқ Сабр-чидам охириги чегарасига етган-ликни қайд этади. *Беш йилдан бери ўлпонни бермайсан, солиқни тўламайсан, ийгим деса, жонинг бўғзингга келади, ўлакса.'М. Исмои-лий, Фарғона т. о. Кўнга келган тўй* Бирор иш, нарсасизликнинг барчага бирдек те-гишли эканини қайд этади. *-Кўнга келган тўй дейсизми? — киноя билан илжсайди чол. — Бе! Маҳалламда уч ўғиллилар бор, беш ўғиллилар бор. Ҳаммаси тип-тинч. Ойбек, Танланган асарлар. Тили гапга келмаслик* Қаттиқ кўркув, ҳаяжон, руҳий ёки жисмо-ний зарба, касаллик натижасида сўзлай олмаслик. *Эшон сал ўзини йўқотаёзди. Тили гапга келмай галдиради. С. Аҳмад, Ҳукм. Тили гапга келмади, мажолсизлик би,ин яна кўзла-рини юмди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Тилга келмоқ* Гапиришга тушмоқ, гапира бошламоқ. *Ниҳояи, ўлига енгиллик бериш ниятида Ҳожидилга келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин Отабек тилга келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тўғри келмайди* Маъқул эмас (маъқул бўлмасликни қайд этади). *«Оёқ бо-сиши биланоқ йўқлаб бораман», деб жазм қилган эди, оёққа босганидан кейин ўйлаб қараса, тўғри келмайди. А. Қахҳор, Асарлар.**

Эпақага келмоқ қ. **эпақа**. Нимасини су-риштирасиз, мулла ака, хўжайинлар орасидан эпақага келадиганини қидириши анқонинг тухумини қидириши билан баробар экан. Ой-бек, Танланган асарлар. **Ўзига келмоқ** 1) хуши ўзига келмоқ, эс-хуши тикланмоқ. Беҳуши ётган бемор икки соатдан кейингина ўзига келди; 2) эс-хушини йиғиштириб олмоқ. Уни кабинетда нималарни эшитаркан-ман деган савол қийнарди, у ўқитувчилар хонасида бош қотириб ўтирар экан, секретарь қиз, «ичкарига кираркансиз», дегандан кейин ўзига келди. «Гулдаста». **Қўлдан кел-моқ** Уддасидан чиқмоқ, қила олмоқ, бажара олмоқ. Қўлимдан шунча иш келар экан, даданг ҳаёт вақтида нега «берсанг — ейман, урсанг — ўламан», деб ўтирган экан-ман. А. Қахлор, Қўшчинор чироқлари. Агар қўлимдан келса, ачиб ва ёниб турган юра-гимни сенга очиб кўрсатар эдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Энди бундан буён ҳақимни ҳеч кимга бермайман. «Дард» деса, «ўл!» деб тура бераман. Нима қиласиз, қўлингиздан нима келади? П. Турсун, Ўқитувчи. **Қўл кел-моқ** Талаб-эҳтиёжга яраб иш бермоқ; тўғри келмоқ. Балким бу тушунча кимларгадир қўл келар, балки уларнинг манфаатларига хизмат қилар. К. Яшин, Ҳамза. Ўқимаганингиз ҳам яхши бўлган экан. Бу ҳунар эркакларга қўл келади. Н. Сафаров, Танланган асарлар.

КЕЛТИРМОҚ 1 **Келмоқ** фл. орт. н. Уйга келтирмоқ. Чеккисини келтирмоқ. Ғазаби-ни келтирмоқ. Ғашини келтирмоқ. **ит** Ҳоким-нинг зуғумли буйруғи халқни галаёнга кел-тирди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фикрини қувватлаш, исботлаш учун қўшимча фикр айтмоқ ёки бошқа киши-нинг фикрини қўшиб айтмоқ. Мисол кел-тирмоқ. Цитата келтирмоқ. Далил келтирмоқ. **иши** Жомийнинг илми ва фазилати тўғри-сида Навоийнинг шу сўзларини келтирмак кифоядир. Ғ. Ғулом, Тарихий муносабатлар.

Имон келтирмоқ қ. **имон**. Дам худога имон келтириб, дам йўталиб, биров эшикдан кирди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Калима кел-тирмоқ** қ. **калима**. Беимон кетма, дейман. Қани, калима келтир! К. Яшин, Ҳамза. **Киф-тини келтирмоқ** Қойил қилмоқ, жуда ўрни-га қўймоқ. Ҳар қандай ишни кифтини кел-тиради. **Шак келтирмоқ** қ. **шак**. Яна булар-га шак келтирдим. У. Исмоилов, Сайланма. **Қирон келтирмоқ** қ. **қирон**. Мана бу туғни Ҳазрат Али Карбало даиштида кофирларга қирон келтирганларида кўтариб чиққанлар. К. Яшин, Ҳамза.

КЕМА Сувда сузадиган, юк ва йўлов-чиларни ташиш, балиқ овлаш, илмий-тадқиқот, спорт, сайёҳлик ва ҳарбий мақсад-лар учун мўлжалланган қурилма. Балиқчи-лар кемаси, Юк ташиши кемалари. Ҳарбий кема. **иш**..юкортилганкемаларбу кенгсунъий анҳор орқали Амударёга борар, ундан Орол денгизига тушиб, Ғаззолига кетарди. С. Си-ёев, Ёруғлик.

Зангори кема Пахта териш машинаси. Йўлнинг икки четидаги уммондек бепоён пахта далаларида зангори кемалар сузмоқда. Газетадан. **Кемага тушганнинг жони бир** Бир мақсадда бирга ҳаракат қилувчилар яхши-ликни ҳам, ёмонликни ҳам бирга баҳам кўрадилар, деган маънони билдиради. Эмин Ражабов ўзини яна полка тагига олмоқчи эди, Нормат ушлаб қолди: -Дадил бўл, ўртоқ, кемага тушганнинг жони бир! И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Космик кема** Космосда учиш учун махсус ишланган қурилма. 1960 йил 19 ав-густ кун иккинчи космик кема Ер йўлдоши орбитасига учирилди. Ҳ. Шокирова, Парвоз-лар. **Ҳаво кемаси** Дирижабль, оғир самолёт. Ҳаво кемаси оҳиста учиб боряпти; самолёт салони оддий иш кунидек гавжум. Газетадан.

КЕМАКАШ айн. **кемачи**. Кемакаш учун туман қаттиқ бўрондан ҳам хавфлироқдир. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

КЕМАСОЗ Кема қурувчи мутахассис. Тонг отиши биланоқ дурадгорлар, кемасозлар ишга кетдилар. М. Осим, Карвон йўлларида.

КЕМАСОЗЛИК Кема қуриш иши, шу-нингдек, кема қуриш ҳақидаги фан. *Кемасозлик институти. тш ..кемасозлик заводи ишчиларининг йиғилишида мINGдан ошиқ киши қатнашди.* Газетадан.

КЕМАЧИ Кемани бошқарувчи киши; кема билан дарёдан киши ва юк ўтказиш ёки ташиш билан шуғулланувчи киши. *Дарёбўйи-да кемачи йигитлар Муқимийга хушхабар ет-каздилар.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

КЕМИК Илик суяги, япалоқ суяклар-даги ёғ-тўқималар. *Яна бундай тўқималар найсимон суяклар ичидаги илик, япалоқ су-яклар орасидаги «мижик» ва «кемик» деб аталувчи ёғлардан ҳам иборат бўлади.* К. Махмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

КЕМИРМОҚ 1 Қаттиқ нарсани тиш билан қириб, ушатиб майдаламоқ; ғажиги-моқ. *Суяк кемирмоқ. шш Уч-тўрт яшар сап-сарик қизча пўсти арчилган сабзи кемириб турибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бирининг[оёқ кийимнинг/ юз ярмини сичқон кемирган, би-рининг юзи тағчармга ёпишиб кетган.* Ой-бек, Танланган асарлар.

2 кўчма Таталаб қийнамоқ, азоб бер-моқ (руҳий кечинмалар ҳақида). *У минут сайин юрагини кемириб кетаётган бу дард-ни ҳеч кимга айта олмас.* эди. А. Қаҳҳор,

410

Кўшчинор чироқлари. *Нигоранинг илк бор «Шер ака» деганини эшитганида, баданини кемираётган оғриқни ҳам унутиб, аллақан-дай ширин, қайноқ бир ҳиснинг зўридан маст бўлган эди.* С. Анорбоев, Оксой.

КЕМИРУВЧИ 1 Кемирмоқ фл. сфдш.; кемирадиган. *Қуртларда капалакларникидан фарқ қиладиган кемирувчи оғиз аппарати бўлади. «Зоология». Шубҳа кишини кемирув-чи, ҳаёт тотини оғуға айлантирувчи энг ёмон нарсадир.* А. Эшонқулов, Оила бахти ҳақида.

2 қ. кемирувчилар.

КЕМИРУВЧИЛАР Сутэмизувчилар-нинг ўсимликлар, уларнинг меваси, дони билан овқатланадиган энг катта туркуми (курак тишлари яхши ривожланиб, овқат-ни кемиришга мосланган бўлади; мас, қуён, каламуш, сичқон). *Сувсар кемирув-чиларга қирон келтирган бўлса ҳам, уй пар-рандаларига тегмайди.* Газетадан.

КЕМИРЧАК анат. Одам ва ҳайвон организмидаги эгилювчан ва қаттиқбирик-тирувчи тўқима; тоғай. *Бурун кемирчаги. тт Беморга янги кемирчак қўйиш.. оддий опера-ция бўлиб қолди.* Газетадан.

КЕМПИНГ [ингл. camping < camp — лагерь бўлиб жойлашмоқ] Автосаёҳатчилар учун қурилган, чодирлар, кичик уйчалари ҳамда автомобилга техник хизмат кўрсата-диган жойлари бўлган ёзги оромгоҳ.

КЕМТИК 1 Предметнинг учган, син-ган, кертилган, бузилган, нураган жойи. *Санам бог адоғидаги кемтиктан ошиб, эгаси кўчиб кетиб, ҳувиллаб қолган қўшни боққа тушди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Дарҳа-қикат, унинг чап қулоғи кемтик. Ўқ олиб кетган.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Суна четидаги ўчоқ-да, қоп-қорайиб, жўмраги кемтик қумгон қопқоқни кўтариб, бақир-бақир кайнарни.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

2 кўчма Етишмайдиган, тўлмайд қолган жой; етишмовчилик, камчилик, нуқсон. *Бунақа аёл билан умрининг охиригача яшаб бўладими? Ҳаётнинг нуқул кемтик томони-ни кўради.* С. Нуров, Нарвон. *Фақат ҳисоб-китобингизда эмас, ишларингизда ҳам чал-кашликлар, кемтиклар бор..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

КЕМТИМОҚ Бир томонидан, чеккаси-дан узиб, учириб олмоқ; шу тарзда йўқ қилмоқ, камайтирмоқ, қисқартмоқ. *Авж олганини чеканка қилиб, кемтиб тураман.* Шухрат, Олтин зангламас. *Ерга ер қўйиши ўрнига уни кемтиши, ташлаб қўйиши, қўриққа айлантириши уят-ку, ахир.* Газетадан.

КЕМШИК Бир-икки олд тиши тушган ва ўрни очик қолган. *Кемшик бола. тт \ Кам-пир\ Холдор билан Кимсаннинг уйгоқлигини кўриб, ерга чўкка тушди, кир рўмолининг*

учини кемшик оғзига солди. А. Мухтор, Ту-ғилиш. *Нортожининг ҳозир ёши олтида, Бироқ чоллар каби кемшик бечора.* Ғ. Ғулом.

КЕНАС с. т. эск. Князь. *..Тошкентда қаттиқ ер қимирлаган экан. Гўртдаги (город — шаҳар) кенаснинг уйи ҳам қулаган экан.* Мирмуҳсин, Умид.

КЕНГ 1 Ичи, ич ҳажми, сиғими, сатҳи катта. *Кенгуй. Кенг майдон. Кенг пайкал. Тор жойда ош егандан кенг жойда мушт еган яхши.* Мақол. **тм** *Ичкари-ташқари дангил-лама ҳовли. Ичкари ҳовлининг саҳни кенг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамлар.. саҳн-га кенг давра қуриб ўтирдилар.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о. *Тог эпагин шунгиб ётар кенг пахтазор.* «Гулдаста».

2 Эни, кўндаланг ўлчами катта; энли, сербар. *Кенгйўл. Кенгдарё. Кенг баргли ўсимликлар.* **тм** *Орасидан қўқонарава бемалол юрадиган кенг, узун ишқомлар икки танобдан ортиқроқ ерни ишғол этган.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ўлчами мўлжалдагидан катта; катта келадиган, бемалол сиғадиган (кийим ва унинг қисмлари ҳақида). *Кенгтўн. Кенгишим. Кенг енг.* **тм** *[Мингбоши] Кенг, оппоқ сурп яктагининг барларини.. икки ёққа ёйиб, се-кин-секин лапанглаб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

4 Тарқалиш, қамров доираси катта; кўп нарсани ўз ичига олган. *Кенг имкониятлар яратмоқ. Кенг истеъмол моллари. Ишининг кўлами ниҳоятда кенг.* **тм** *Муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилин-ди.* Газетадан. *Актриса ўз қаҳрамонини кенг фикрли, салобатъи, ишчан, олижаноб.. ифбат-ли аёл сифатида тасвирлайди.* Газетадан.

3 кўчма Меҳр-мурувватли, яхшиликни аямайдиган, кўпчиликка бирдек муносабатли. *Кенга кенг дунё, торга тор дунё.* Мақол. **тм** *Холам кўли очиқ, кенг, Овқатни улашар тенг.* Қ. Муҳаммадий.

Феъли (ёки кўнгли) кенг айн. кенг 3. *Ва-лижон деган вақшимиз.. феъли кенг одам эди-*

да. С. Абдуқаҳҳрр, Санамай саккиз дема. *Кўнгил кенг бўлса, ҳужра ҳам саройдай.* Газетадан. **Юраги кенг 1)** унча-мунчага ғам емай-диган, ташвиш тортмайдиган. *Юрагингиз мун-ча ҳам кенг бўлмаса, кўзингизга уйқу келгани-га ҳайронман.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқ-лари; **2) айн. феъли кенг.** *Ахмаджон коман-дирнинг машқ қилдиришига шошилмаганидан ҳам кўра, дам олишига ижозат берганига ҳай-рон бўлиб, «мунча ҳам юраги кенг одам экан!» деб кўйди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

КЕНГАЙМОҚ 1 Ичи ёки сатҳи катта-лашмоқ; кенг бўлмоқ. *Кўча кенгайди. Уй кенгайди. Пахта майдони кенгайди. ти* Унинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очиқ лаби титради. П. Қодиров, Уч илдиз. *Ўпқон борган сари кенгайиб борарди.* Э. Рай-мов, Ажаб қишлоқ.

2 Қамров доираси ортмоқ, катталашмоқ. *Иш кўлами кенгаймоқ. ти* Тиббиёт муассасалари тармоғи йил сайин кенгайиб, замо-навий техника билан тобора яхшироқ жиҳозланмоқда. Газетадан. *Жиноятчилар гуру-ҳининг сафи кенгайиб борарди.* «Муштум».

КЕНГАШ 1 Бирор иш, ҳаракат юзаси-дан фикр-мулоҳаза, йўл-йўриқ; маслаҳат. *Кишининг бошига бир иш тушганда, дарров бировдан кенгаш ва ёрдам сўрайди.* А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. *Болаларнинг кенгаши билан икки бўзни кўтариб, шом пайтида мирзонинг уйига бордим.* А. Қодирий, Меҳ-робдан чаён.

2 Ўзаро, биргаликдаги муҳокама; шун-дай муҳокама мажлиси; йиғилиш. *Ишлаб чиқариш кенгаши. шш* Тўмарис жанг кўрган доно чоллар, аёлларни чақириб, кенгаш ўтказ-ди. М. Осим, Карвон йўлларида. *Ана шу Бойгузардаги бир бойнинг уйида махфий гу-руҳнинг кенгаши бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

3 Бирор корхона, муассаса, жамиятнинг фармойиш ёки маслаҳат берувчи органи. *Оқсоқоллар кенгаши. Узаро Иқтисодий Ёр-дам Кенгаши. Бирлашган Миллатлар Таш-*

килоти Хавфсизлик Кенгаши. **III** ..правление Ўрмонжонни ҳосилот кенгашининг раиси килиб тайинлади.. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КЕНГАШЛИ с. т. Кенгаш билан бўлган, кенгаш билан қилинган. *Кенгашли тўй тарқамас*. Мақол.

КЕНГАШМОҚ 1 Биргаликда муҳокама қилмоқ, ўзаро маслаҳатлашмоқ. *Амирзодам, бугун отлиқ сайрга чиқмоқчи эдингиз, хоним ҳазратларининг таклифларини барча беклар билан кенгашиб кўрурмиз*. П. Қодиров, Юл-дузли тунлар. *Энди бизларни жойлаштиринг. эртага халқ билан кенгашамиз*. А. Мухтор, Чинор.

2 Маслаҳат олмоқ, маслаҳат сўрамоқ. *Сен уйингга бориб, отанг билан кенгаши, болам. Ота рози — худо рози*. С. Сиёев, Ёруғлик.

КЕНГАШЧИ Маслаҳат берувчи, мас-ла\атчи. *Қушбеги Отабекнинг бу гапларидан яшигина тараддудга тушган эди, аммо Азиз-бекнинг оталиги ва кенгашичиси бўлган Юсуф-бек ҳожининг ўгли бўлиши унинг миясини қотирган.. эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЕНГЛИК 1 Эн ўлчами, сатхнинг кат-талиги. *Шаҳарнинг кенглиги. Уйнинг кенглиги. Кўчанинг кенглиги. ти Майдон икки та-ноб кенгликда бўлиб, жануби қутидор ва кўшинисининг иморатлари.. ҳам шунга ўхшаш иморатлардан иборат эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу жои тепалик ўртасида бўлиб, кенглиги ярим гектардан ортиқ эмас эди*. И. Рахим, Чин муҳаббат.

2 Очик, кенг бўшлиқ. *Заргаров ўша то-монга, олис уфқларга ястаниб ётган кенгликларга тикилганча қолди*. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Йигирмадан ортих, ёш чавандозлар тоғ бағридаги кенглик-да у ёқдан-бу ёққа қувлашар.. эди*. Мирмуҳ-син, Меъмор.

3 *геогр.* Экватордан меридиан бўйлаб кетган ва градуслар билан ифодаланган масофа (ердаги пунктлар ўрнини белгилаш учун хизмат қилади).

Жанубий кенглик Экватордан жануб то-монга кетган ва градуслар билан ифодаланган масофа. **Шимолый кенглик** Экватордан шимол томонга кетган ва градуслар билан ифодаланган масофа.

КЕНГ-КОВУЛ Кенг-мўл (асосан, жой ва кийимга нисбатан) *Дўкони ҳам кенг-ко-вул экан*. Ойбек, Болалик. *У[Мария].. сочи-ни турмаклар, хонаки, кенг-ковул кўйлак кийиб олган эди*. А. Мухтор, Чинор.

КЕНГУРУ [ингл. kangaroo < Австралия аборигенлари тилида «гапингизга тушунмадим» деган ибора] Австралияда тарқалган. сакраб юрадиган халтали сутэмизувчи хайвон.

КЕНГЧИЛИК с. т. Мўлчилик, маъмур-чилик.

КЕНДИР қ. кандир.

353 дү^

КЕНЖА 1 Энг охирги фарзанд, энг ке-йин туғилган ўғил ёки қиз. *Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ кўпо-риб, шу кенжа арзандасига сарф қилиш учун уринар эди*. Ойбек, Танланган асарлар. *Кен-жа ўғил Сайфулла билан кенжа қиз Масту-рабиби, айвон олдига келган, уст-боши ни-ҳоятда кир Элмуродга жирканч билан ти-килиб турардилар*. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бир турдаги нарсаларнинг пайдо бўлиш, юзага келиш кетма-кетлигида ке-йингиси, сўнггиси; кейинги, сўнгги. *Кен-жа шогирд. Кенжа куёв. ти 1978 йил баҳо-рида кенжа хўжаликда.. Ш. Р. Рашидов пах-такорлар билан самимий суҳбат қилиб, қим-матли маслаҳатлар берди. «Ўзбекистон кўриқлари». Шу пайт эшикни секин очиб ки-риб келган Содиқжон бойваччанинг кенжа хотини Шаҳзодахон уни ширин хаёллар кучо-гидан юлиб тортиб олди*. К. Яшин, Ҳамза.

3 Кенжа (эркаклар исми). **КЕНЖАТОЙ** 1 Кенжа с. кичр. -эркл. шакли. *Кенжатоиймиз ҳар куни йиглаб қайта-ди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 с. т. Бола, гўдак, кичкинтой.

КЕННОЙИ с. т. Келинойи. *Ўзбек ойим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшининг боласи югуриб кириб қолди:*

— *Севинчи беринг, бек буви, кеннойим кел-дила! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ёдгорнинг уйланганини Тамила кеннойингиздан эшитиб, азбаройи ачинганимдан сизга айтдим. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

КЕНТ [суғд. .тЛ, ЈУџ — уй, хонадон] эск. Маълум хусусияти билан шаҳар ва қишлоқ-дан фарқланиб турувчи, аҳоли яшайдиган жой; шаҳарча. [Ўйли:] *Эшитган бўлсангиз керак, ҳозир кўп шаҳарларда, кент, қишлоқ-ларда камбағал халқ ўз ҳақини даъво қилиш учун шайланмоқда. Ойбек, Танланган асар-лар. Чўлқувар архитектор ва инженерлари-миз бир вақтлардаги сардобалар ўрнида сўлим манзилгоҳлар, янги кент ва шаҳарлар барпо этмоқдалар. Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. Кўндир мамлакатда кентлар, овуллар. А. Орипов.*

КЕПАК 1 Буғдой, жўхори каби донлар тортилганда (ун қилинганда), улардан чиқадиган пўсти ва ун бўлмаган дон чиқит-лари. *шии* -*Нонларингиз ичида нега сомон кўп ?*

— *деди Шокир ака. -Сомон эмас, арпа уни-нинг кепаци, қилтиги, — деди Қулмурод. С.*

Айний, Қуллар. *Ошимхон.. очдан ўлмаслик учун эртадан кечгача кир ювиб, ҳақиға бир коса кепак олиб, нон қилиб еган. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 с. т. Қазғоқ. *Гап шу ерга келганда, Бер-ди Аминович.. бошларини қашиб қолдилар. Елкаларига кепак ёғила бошлади. «Муштум».*

КЕПАТА шв. Қиёфа хрлати (одатда ёмон, аянч, ачинарли аҳвол). У.. *нажот йўлини бутунлай йўқотган киши кепатаси-да ўтирарди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар. Паранжели хотин ўғлининг заҳил юзини, озиб кетганини кўриб, йиғлаб юборди: -Вой, айланай болам-ей! Жон болам-ей! Сени қандай кепатага солибди-я бу золим/М. Исмоилий, Фарғона т. о. ..хумордан чиққунча калтакла-шибди. Тагин бир кепатада ташлаб кетиш-ганини айтинг!Э. Аъзам, Кечикаётган одам. Шамол ҳамма нарсани ўз ҳукмига олади.. Истаган кепатасига солаверади. Ж. Абдул-лахонов, Тўфон.*

КЕПКА [фр. кері] Эркакларнинг гар-дишсиз, олди соябонли юмшоқ бош ки-йими. *Илҳомжон жаҳл билан кепкасини бос-тириб олди. Н. Аминов, Ёлғончи фаришта-лар.*

КЕПЧИК Ёғоч гардишга хом тери қоп-ланган, ғаллани елпиш, совуриш учун ишлатиладиган рўзғор буюми. *Ўғай қизнинг олдига бир кепчик гуруч билан бир кепчик мошини қўйиб кетибди. «Зумрад ва Қўшмат».*

КЕРАГА Ўтовнинг четанга ўхшатиб ишланган девори. *Шамол кучайибўқирмоқ-да, Шерали ўтирган ўтов, ёрдам сўраб яли-наётгандай, титраб-тебранар, керагалари зорланаётгандай гижирлар эди. С. Анорбо-ев, Шерали. Шабада ўтовнинг керагаларини аста гичирлатади, саратон яйловнжг бош-ни айлантирадиган экинини олиб келади. А. Мухтор, Чинор.*

КЕРАГИЧА рви. Талаб этилган миқдор-да, талаб этилган даражада. [Ўзбек ойим:] *Кам бўлса, дарров омордан керагича олиб чик, ундан кейин хамирингга ўзинг қара. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

КЕРАК 1 Талаб-эхтиёж бор, даркор, зарур. *Жой керак. Озиқ-овқат керак. Китоб керак. Бир товўққа ҳам дон керак, ҳам еуе керак. Мақол. Туяга янтоқ керак бўлса, бўйинини чўзади. Мақол. шии* *Кишлоқдагилар-ни боқшиш учун пул керак, кийим керак. Ойбек, Танланган асарлар. Агар одам, одам*

23—Ўзбек тилининг изоҳли луғати

боласига ўхшаб умр кечираман деса, унга кўп нарса керак бўлар экан. А. Қаххор, Қўшчи-нор чирокдари.

2 Ёрд. с. взф: 1) феълнинг **-(и)ш** қўшим-чали шаклига бирикиб, тасвирий шаклни ҳосил қилади ва ўзи бирикиб келган сўз билдирган ҳаракатни бажариш лозим бўлган ҳаракат эканлиги маъносини бил-диради. *Айтишим керак. Хабар олиш керак. Дам олиш керак. тт* Ҳозирги кунда илм-фан-нинг бирор йўналишида етук мутахассис бўлиш учун фаннинг бошқа йўналишларини ҳам чуқур билиш керак. Газетадан. Ёшлар.. уламолар олдида адаб сақлашлари керак. Ойбек, Танланган асарлар; 2) феълнинг шарт майли шакли билан бирикиб, гумон, тахмин, эҳтимоллик маъносини билдира-ди. *Келса керак. Билса керак. Айтса керак. Чиройли бўлса керак. Ширин бўлса керак. тт* У, Чароснинг онаси жаҳл устида шу ишни қилган бўлса керак, дебўйлаганди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

КЕРАКЛИ Керак бўладиган, талаб эти-ладиган; зарур. *Керакли китоб. Керакли ас-боб. Керакли тошнинг оғирлиги йўқ. Мақол. тт* Улар буни варақлаб, керакли гамам&шир-нинг парча-парча нухаларини кўриб танлай-дилар. Ойбек, Танланган асарлар. *Хўжалик-ка керакли бинолар.. муддатидан анча бурун битди. А. Қахҳор, Кўшчинор чироклари.*

КЕРАКСИЗ Кераги йўқ, талаб этилмайдиган; ортиқча. *Кераксиз идиш. Кераксиз нарсалар. тт* [Тантибойвачча] *Кераксиз бўлса ҳам, тантилик учун ҳар хил овқат-лар, ичимликлар буюрди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕРАМЗИТ \юн. keramos — лой, гил; тупроқ] Лойсимон жинсларни ўтда тоблаб (пишириб) олинадиган, шағал, чақик тош ёки кум кўринишида тайёрладиган ғовак қурилиш материали.

КЕРАМИКА \юн. keramike (techne) -кулолчилик (санъати) < keramos - лой, тупроқ] **1** Табiiй лойларни юқори ҳаро-ратда пишириш йўли билан сопол, чинни идишлар, нақшли нафис буюмлар ишлаб чиқариш ва шундай иш санъати. *Керамика заводи. тт* Риштон керамика заводининг маҳ-сулоатлари йил сайин кенг шухрат қозонмоқ-да. Газетадан.

2 Табiiй лойни пишириш йўли билан ясалган буюмлар. *Керамика буюмлари. тт* Ўзбекистон архитекторлари биноларни ранг-ли керамика ва нақшлар билан безашида халқ-нинг анъанавий усулларидан ўз ижодларида кам фойдаланмоқдалар. Газетадан.

КЕРГИ 1 Каштачилик асбоби; чамбар, чамбарак.

2 Нарсалар орасини очиб, кериб қўйиш учун ишлатиладиган икки томонлама тир-гак. *Шунда дадам бақатеракнинг шохидан кесиб, сигирнинг оғзига керги солса, шиши қаитарди-қоларди. Х. Тўхтабоев, Сарикдег-ни миниб.*

КЕРИК 1 Ораси очик, керилган; тешик-лари катта. *Мирҳожии боши юмалоқ, катта бурнининг катаклари керик.. гердайган бой. Ойбек, Улуғ йўл.*

2 кўчма Ўзига бино қўйган; талтайган, керилган. *Мана бугун ҳам мингбошининг ке-рик хотини.. «Итваччаларини эргаштириб чиқмасин, бирам суқ, бирам ифлоски бола-лари», деганини эшитиб, бормади. М. Исмо-илий, Фарғона т. о.*

КЕРИЛМАЖОН айн. керилмачоқ.

КЕРИЛМАЧОҚ с. т. Доим керилиб мақ-танадиган, ўзига бино қўйган. *Керилмачоқ одам. тт* Роҳила.. керилмачоқ йигит билан от чопишиб кўришига рухсат сўраган эди, капитаннинг бароқ қошлари чимирилди. А. Муҳитдин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли киз.

КЕРИЛМОҚ 1 Кермоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Абдулвоҳид, гўё бошидан совуқ сув қуйган-дек, сесканиб кетди, қирра бурнининг катак-лари керилди. Ойбек, Нур қидириб.*

2 кўчма Мақтанмоқ, ғурурланмоқ, тал-таймоқ. *Султонов энди ҳар қанча керилса, кўкрагини баланд кўтарса арзирди. М. Ман-суров, Ёмби. Ишни дўндириб қўйиб керилинг-ки, бошқалар қойил қолсин-да. «Муштум».*

КЕРИШМОҚ 1 Кермоқ. фл. бирг. н.

2 Увушиб қолган аъзони ўз ҳолига кел-тириш учун ғавда ва қўл-оёқни чўзиб \ара-катлантирмоқ, кермоқ. *Уйғонгандан кейин ҳузур қилиб бир керишиди. тт Оқшом салқинидан увушган танасини ҳаракатга келти-риш учун керишаётган жангчининг елкасига панжаси билан қоқиб: -Кетдикми, Деҳқон-бой! — деди.. бир жангчи. Н. Сафаров, Жанғ-чи шоир. Алиохун ўрнидан туриб, кенг, сер-тук кўкрагини қавартиб керишиди. Ойбек. Танланган асарлар.*

3 шв. **керилмоқ 2.** Бекор керишганлар аҳмоқ бўлади. «Алпомиш».

415

КЕРКМОҚ Бир оз кўпчиб кўтарилмоқ (юз, қовоқ ҳақида). *Қовоғи керкибди.*

КЕРМОҚ Икки томонга тортиб, ора-сини очмоқ, йирмоқ. *Маҳкам ака ботинка-ни қўлига олиб, дастасини кериб берди. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Безубор осмон-да бир калхат қора қанотларини кериб, бўйнини чўзиб, аланглаб юрибди. А. Муқид-дин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.*

Кўкрак кермоқ қ. кўкрак. Қошини кер-моқ 1) қошини кўтармоқ; 2) таажжубланиб қарамоқ. *Кудратнинг дами ичига тушиб кетди, қошини кериб, жавоб кутиб турган Колянинг афтига тик боқолмади. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар; 3) кўчма менсимай қарамоқ; мақтанмоқ. Керма, манманлик би-лан, ўрнида турган қошни. Чустий.*

КЕРОГАЗ Иситиш, қайнатиш, овқат пишириш учун мўлжалланган, керосин буғи билан ёнадиган асбоб. *Толибжон кет-ган шекилли. Йўқса, аллақачон бу ерда чи-роқ ёқилган, керогазда шўрва ёки бирон егу-лик кайнаб турган бўларди. Д. Нурий, Ос-мон устун. Мен икки кило гўшт.. битта керогаз, бешилтр керосин оламан. С. Сиёев, Эркаклар эртаги.*

КЕРОСИН \ингл. kerosene < юн. keros — мум| Ҳайдаш йўли билан нефтдан олин-надиган ўткир ҳидли суюқ ёнилғи. *Ўчоқ бо-шида керосин билан шишасиз ёнаётган жин-чироқни ташқари олиб чиқди. С. Айний, Қуллар.*

КЕРОСИНКА [р.] Иситиш, қайнатиш, овқат пишириш учун мўлжалланган, керосин билан ёнадиган пиликли асбоб. | *Сотув-чи| Т. Тожиев, Исмашовларга икки пиликли керосинкани 10 сўмдан қиммашига пуллади. «Муштум».*

КЕРТИК 1 айн. кемтик. *Пиёланинг кер-шиги.*

Кертик қилмоқ Синдириб, учуриб ол-моқ. *Домлани кўз қирлари билан кузатган ҳолда, бўйрачўпнинг бир ёнидан жиндек кер-тик қилиб, «кўчқор» ясадилар, сўнг иккови «кўчқор» уриштира бошлади. П. Турсун, Уқитувчи.*

2 Арра тиши каби ўсиб, чиқиб турган икки аъзо ўртасидаги кемтик жой. *Барг кертиги.*

КЕРТМОҚ Қирқиб, чопиб майдаламоқ. *Укроп кертмоқ. Отга беда кертиб солмоқ. иш Собир ака ёнидаги паккисини олиб, баргни қуртга мослаб керта бошлади. Газетадан.*

КЕСАК 1 Кртган, қуриган лой бўлаги. *Ичкаридан ҳам чертиш товуши эшитилган-дан кейин, ердан бир кесак олиб, деразага катта ҳарф билан «мен» сўзини тесқари ёзди. С. Айний, Қуллар. Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кўчи-риб олиб, мулла Норқўзига ўқталди. А. Қаҳ-ҳор, Майиз емаган хотин.*

Текканга тегиб, тегмаганга кесак отади Дуч келганни хафа қилаверадитан, ҳеч кимга тинчлик бермайдиган, уришқоқ, безори.

2 шв. Гувала. *Кесак қаламоқ. Кесак девор.*

3 кўчма Ҳис-туйғуси йўқ, ҳушсиз; ҳеч нарсадан таъсирланмайдиган (кесакка нис-бат берилади). *-Қиз билан бошлашиб, [Қоси-мовнинг] уйига кираман, жигига тегаман, қани, рашк ўти бормикан вужудида. Агар гирт кесак бўлса, ўзидан кўрсин, — деди Аҳмад. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. -Ёрмат, одаммисан, отамисан! — деб ба-қирди элликбоши, — ўл, кесак! Ойбек, Тан-ланган асарлар.*

Кесак бўлиб қолмоқ Ҳис-сезгиси, хуши йўқолиб қолмоқ; қотиб қолмоқ. «*Отибўлди-риши*» сўзини эшитган Азийий курсига суялга-нича кесак бўлиб қолди. Ҳ. Гулом, Машғал. **Кесакдан олов (ёки ўт) чиққандек** Бўлма-ган, бўлиши мумкин эмас иш юз берган-дек. *Кесакдан олов чиққандек, умрида ашула айтмаган Абдуваҳоб бирдан: «Фарзанд керак-дир йигитга!» — деб хиргойи қилди-ю, хўнграб йиғлайверди. «Муштум».* *Кесакдан ўт чиқди, деб «Тескари» амаки ҳам хурсанд.* С. Сиёев, Ёруглик. **Қоронғи уйга кесак отгандек** Фой-дасиз, беҳуда. *Бунга [меҳмонга] гап уқти-риши қоронғи уйга кесак отгандек гап эди.* А. Қаҳҳор, Думли одамлар.

КЕСАКИ Эшик ёки дераза ўрнатилади-ган чорчўп. *Болтабой, кўзларида жиққа ёш билан эшикнинг кесакисига беҳол суяниб қол-ган Саодатни кўриб, юрак-бағри эзилди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Ҳой, бировнинг эшигини бевақт тақиллатма, нақ ўзингникини кеса-киси билан кўчириб ташлайди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

КЕСАКЛАШМОҚ 1 Қртиб, қуриб, сув-сизланиб, кесакка айланмоқ (лой, тупроқ, экин ери ҳақида).

2 кўчма. Сезмайдиган, ҳиссиз (кесак) бўлмоқ. *Ниҳоят, оёғидан совуқ ўтиб, кесак-лаша боёшигач, орқасига қайтмоқчи бўлди.* В. Ғофуров, Вафодор.

416

КЕСАТИҚ Қочирим билан, пардалаб масхаралаш, кулиш ёки камситиш; истех-зо, пичинг. *Элмуродга қизнинг сўнги «сиз ҳали хафа бўлдингизми шунга?» дегани не-чукдир кесатиқдай туюлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Ҳаммасини йиғиштириб, сизга берган! — Абдусамат аканинг бу кесатиғи Тўхтасиновни яна тутатириб юборди.* М. Мансуров, Ёмби.

КЕСАТМОҚ Қочирим сўз, гап, оҳанг билан масхараламоқ, истехзо, пичинг қил-моқ. [Хонзода:] *Ғофиржоннинг ошиғи олчи! Хотин орқасидан бой бўляпти! \Ғофир:\ Ачжон, кесатманг! Ўртанган юракка сиз ҳам туз сепманг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

КЕСИК Кесилган. *Азизбек мудофеларнинг саломларига жавоб қайтаришини ҳам унутиб, кўзини кесик бошларга тикди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. «*Крплон!*» *десагина, кесик ду-мини ликиллатиб, югуриб келади.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

Тили кесик Гапиролмайдиган ҳолатни, микэтмасликни билдиради. *Ҳамманинг тили кесик, фақат шипга осилган беданалар ури-нади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕСИМ 1 Кесилган бўлак (карж, бур-да ва ш. к.). *Бир кесим нон. ти Ҳаёт эса қим-тиниб, тортиниб, онда-сонда бир кесим қовун олади-да, бир тишлаб, яна коса чети-га қайтариб қўяди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жек ҳамон тумшугини чўзиб, кўзлари мўлтираб ётар, олдидаги сирли косада тур-ган колбаса кесимларига қарамасди.* Ш. Хол-мирзаев, Бодом қишда гуллади.

2 *тех.* Бирор жисмни текислик билан кесиш натижасида ҳосил бўладиган юза. *Цилиндрнинг кўндаланг кесими доирадир.*

3 *тли.* Гапнинг бош бўлақларидан бири; гапнинг асосини ташкил этиб, эга ифодалаган шахс, предмет ва ҳодисанинг ҳаракатини, ҳолати ёки белгисини билди-рувчи бўлак.

КЕСИШМОҚ 1 Кесмоқфл. бирг. н. *Қурт-га барг кесишди.*

2 Йўналишда бир-бирига дуч келиб, тегиб ўтмоқ (йўл, чизиқ ва ш. к. ҳақида). *Параллел чизиқлар кесишмайди. ит Йўллар кесишган жойда ногоҳ катта машина тўхтади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

КЕСКИН 1 Узил-кесил тарздаги, қать-ий. *Кескин мулоҳаза. Кескин эътироз. Кес-кин жавоб бермоқ. тти Султон Али Мирзо Хўжа Яҳёга қарши кескин чора кўролмайди.*

П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Армани уста қора лавҳадаги сўзларни ўчириб, қайта ёзиш-дан кескин бош тортди.* Н. Аминов, Сува-рак. *Жуман жуда кескин гапирмасдан,*

фикр-ларини эҳтиёт билан, мулоҳаза шаклида ай-тишга қарор қилди. А. Мухтор, Туғилиш.

2 Жиддий ва тубли тарзда. Тартибни бу-зишлар кескин камаиди. *тм* Шўрланган туп-роқлар қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосил-дорлигини кескин пасайтириб юбориши ҳам-мага маълум. Газетадан. Ёш келин-куёв ора-сида аввалги хаёлий орзу бешин ҳозирги аҳвол-нинг кескин фарқидан келиб чиққан нохуш бир мураккаблик борлигини Ойша бегим ҳам пайқар ва.. ич-ичидан изтироб чекарди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Ҳал этилиши оғир, катта куч ва эҳти-ётлик талаб этувчи; жиддий; ҳал қилувчи. Абдуракул кескин курашга таиёрланиш ке-раклигини тушунди. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Тез юз берувчи ва кучли, шиддатли, каттик, (овоз, шамол ва ш. к. ҳақида). Йўлчи кўчага чиқиши билан кескин совуқ шамол қулоқларида гувиллаб, игнадаи ўткир, май-да қор парчаларини унинг юзига урди. Ой-бек, Танланган асарлар.

5 рви. Жуда тез; бирдан, шартга. Ўктам ўзини чўл хўжайини сезиб, теvarакка қар-чигай боқиш билан аланглаб, отини истаган ёққа кескин бурар эди. Ойбек, О. в. шабада-лар. Ислохўжа кескин бурилиб, фойтунга қараб юрди. С. Сиёев, Аваз.

КЕСКИНЛАШМОҚ Ҳал этилиши қи-йинлашмоқ, мураккаблашмоқ, кескин тус олмоқ; жиддийлашмоқ; зўраймоқ. Вазият кескинлашди. Кураш кескинлашмоқда. *тм* ..ҳар икки тараф ўртасидаги вазият тобо-ра кескинлашиб борарди. К. Яшин, Ҳамза. {Кумуш} Ўн беш кун ичидаёқ бунча кескин-лашган Зайнабнинг ички адоватининг бир ойда қайси даражаларга бориб етишини ўйлар. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

КЕСКИНЛИК 1 Жиддий, кескин ҳрлат, хусусият. Унинг феълидаги кескинлик.. кўплар муҳаббатини ўзига тортган эди. Мирмуҳ-син. Умид.

2 Оғир оқибатларга, тўкнашувга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб, оғир ҳрлат, зиддият. Халқаро муносабатлардаги кескинлик анча юмшади.

КЕСКИР 1 Яхши кесадиған, тиги ўткир. Сарғиш суяк сопли кескир пичоқ унинг кўз 417 дь^

ўнгидан ўтди. С. Анорбоев, Оқсой. Остинг-да юз алвон ўйнайди отинг, Белингада ярқи-рар кескир пўлатинг. «Алпомиш».

2 кўчма. Шу белгига нисбатни билди-ради; ўткир. Ўткир кўзи муштумзўрнинг баг-рин санчардай, Кескир сўзи синфий кўрнинг қалбин янчардай. Миртемир. Йигитларнинг қараши кескир, Қайтаради қилич дамин ҳам. М. Али, Гумбаздаги нур.

КЕСКИЧ тех. Қаттиқ нарсаларни, мас. тош ёки металл буюмларни кесадиған, қирқадиган асбоб. Бугунги кунда олмос — пар-мадир, кескичдир, подшипникларнинг тарки-бий қисмидир. «Фан ва турмуш». Бунга то-пилган сон-саноқсиз ҳар хил шаклдаги қир-гич, кескич асбоблар далил бўла олади. И. Жабборов, Кўхна харобалар сири.

КЕСМА 1 Кесиб, қирқиб тайёрланган, ажратиб олинган. Кесма милтиқ. *тм* Бир оздан кейин шоир.. иккита нон ва жуда на-фис ишланган гулдор лаганчада кесма ҳалво олиб чиқди. Ойбек, Навоӣ. Дастурхон ёзиб.. икки коса кесма ош олиб чиқди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 мат. Тўғри чизиқнинг икки нуқтаси орасидаги ва шу нуқталарни кўшиб ҳисоб-лагандаги қисми.

КЕСМОҚ 1 Тиф билан танаси, этини тилмоқ, тилиб ичига кирмоқ. Бетини ус-тара кесмоқ. Товонини шиша кесмоқ. *тм* Қўлингизга нима қилди, Шокирбек? — Пи-чоқ кесиб кетди.. — Ёмон кесдимми? А. Қо-дирий, Утган кунлар.

2 Тифли асбоб билан бўлакларга ажрат-моқ, бўлакламоқ; қирқмоқ. Нонни кесмоқ. Қовунни кесмоқ. Қазини кесмоқ. *тм* Ҳар вақт мақтайдиган ичогини қинидан сузуриб, тар-вузни кесди. Ойбек, Танланган асарлар. Зи-ёдахон шитоб билан угра кесар экан, унга [Сидиқжонга] бир қараб кўйди. А. Қаххрр, Қўшчинор чироклари.

3 Ортиқча, кераксиз қисмни тиф билан олиб ташламоқ. Ток кесмоқ. Гул кесмоқ. **тм** Одатда, кучук боланинг қулогини, думини кесишади. Чунки бунинг уларга фойдаси бор. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. Чўлоқ бўлиб юртимга қайтганимдан қайтмаганим бери-роқ эмасми?. Қарорим шу: оёғимни кесмай-сизлар. Н. Сафаров, Оловли излар. Оғриси ҳам, ярани ўз вақтида кесиб ташлаган яшии. А. Мухтор, Бўронларда бордек халоват.

4 Канал, йўл ва ш. к. қуриш учун ёки ер очиш мақсадида баландликни ковлаб, казиб, ёриб, орасини очмоқ. Адирни кесиб, йўл қурмоқ. **тм** Оқбўра олислик қилса, тоғни тешиб ўтирмай, кесиб ўтказардик \сувни\ . М. Исмоилий, Фарғона т. о.

5 кўчма Бирор жойнинг ўртароқ қис-мидан, орасидан тиккалаб йўл олмоқ, йўналмоқ. Ҳуши ўзига келган Бўта, биров-нинг қўрғонига бемаҳал мўралаб турганидан хижолат бўлиб, толзорни кесиб, орқасига қайтди. С. Аҳмад, Ҳукм. Булар [жангчилар] шагал тўкилган катта йўлни кесиб ўтиб, адирга томон чиқиб кетаётганда, ботаётган қуёшнинг ҳорғин нури рўпарадаги қорли тоғ чўққисини.. бир лаҳза қизартирди-да, сўнди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

6 Баданга (унинг бирор аъзосига) қат-тиқ таъсирини ўтказмоқ (асосан, совуқ ҳақида). Кучли изғирин.. қулоқларни кесади, совуқдан оёқларнинг бармоқлари увушади. Ойбек, Танланган асарлар. Кейин Йигита-ли, баданларини сув кесиб юборди шекилли, эринибгина қирғоққа чиқиб.. чалқанча тушиб ётди. Д. Нурий, Осмон устунни.

7 кўчма Орага лўкма ташлаб, гапни бўлмоқ, тўхтатмоқ. Йўлчи ҳали гапини битирмаган эди, Мирзакаримбой уни кесди: -Бир терининг ичида қўй неча озиб, неча Мар-та семиради, — деди салмоқланиб бой. Ой-бек, Танланган асарлар.

8 с. т. Белгиламоқ (мас, нархни). Ул-гуржи савдогарларга сотиладиган молларнинг нархини Ҳожжи Ҳамдам кесиб берарди. М. Осим, Элчилар.

9 с. т. Жазога ҳукм қилмоқ. Суд ўғрини беи йилга кесди. **тм** [Амаки Фотимага:] Энди эшикдан бир қадам нари жилма, пичоқни тўрт жойингга ураман.. Кейин, майли, ҳуку-матинг мени кесади, осадими, нима қилса қилаверсин/П. Турсун, Ўқитувчи. Прокурор, отиб ўлдирилсин, деган эди, суд.. етти йил-га Сибирга кесди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

10 кўчма Пасайтирмоқ, қайтармоқ, йўқ қилмоқ. Кун мисдай қизиб кетган, фақат адир ва сойлардан келган шабада куннинг тафтини кесиб, одамларга ором бериб турмоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. Аччиқни аччиқ кесади дегандек, дадасининг бу сўзла-ри ташқаридаги совуқни кесди шекилли, Су-вонжон эшикни куч билан очиб, ўзини бўрон-нинг қучоғига отди. С. Анорбоев, Оқсой.

11 этн. кам қўлл. айн. кестирмоқ **2**. Ле-кин маҳалламизда газета ўқийдиган бир «шумтака» бор, уҳароми: - Султонбекдек бир давлатманд ўз ўғлини мавлуд тўйи билан кесди, деб газетага ёзаман, — дейди. Ой-бек, Танланган асарлар.

Бир кесар Бир марта айтадиган, айтга-нини қиладиган ёки қилдирадиган, бир сўзли. -Жуда бир кесар экансиз-ку! — Қоби-ловнинг сўзини бўлди Фармонқул ака. С. Ма-камов, Дала тонги. **Йўлни кесмоқ** Тўсқин-лик қилмоқ, ғов бўлмоқ. -Фақат тоғни тешиб чиқарасанлар, — деб ҳоким йўлимизни кесиб қўйди.. М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Тутган жойини (ёки жойидан) кесмоқ** Ўта ўжарлик қилмоқ, айтганида ғуриб олмоқ. ..Зулфия Зияева ҳам мана шунақа, тутган жойини кесадиғанлардан. «Муштум». Отаси ўз билганидан қолмади, онаси тутган жойи-ни кесди. И. Аҳмедов, О. Толипов, Ким айб-дор? **Қўлни кесмоқ** кўчма Ёрдамчисидан (имкониятидан) маҳрум қилмоқ. Бу гаплар етмагандай, унинг ягона кўмакчиси бўлган шогирдини яқинда бошка бир уста айнитиб олиб, бечора чолнинг қўлини кесди. Ойбек, Танланган асарлар.

КЕСТИРМОҚ 1 Кесмоқ фл. орт. н. Чол ёш дарахтни кестирмади. Гулни кестирмоқ. Нархни кестирмоқ. Беи йилга кестирмоқ.

2 этн. Хағна қилдирмоқ. *Бир куни акам ўғлини кестирди.* А. Қаххор, Қанотсиз читтак.

КЕТ 1 Бош (олд) га қарама-қарши то-мон; орқа қисм, орқа томон; орқа. *Машинанинг кети.*

2 Одам танасининг белдан пастки орқа қисми. *Отилмаган сопқон ҳам бошга тегар, ҳам кетга.* Мақол.

3 (3-ш. эгалик шаклида) Чўзик, давомли нарсаларнинг тугайдиган жойи; поёни, охири. *Комила Уктамни дастлаб катта боққа олиб кирди. Кети кўринмаган мевали дарахтлар қатори таажжубланарли гўзал зди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Дада, осмон теги жуда ҳам кенг-а ? Унинг энг кетига ҳеч ким борганми?К.* Муҳаммадий.

4 (3-ш. эгалик шаклида) Охири, оқиба-ти, натижаси. *Укиш — жафоли, кети — вафоли.* Мақол. *ти Уч-тўрт кундан буён булут аримайди. Кети ёмон бўлади, шекилли.* Ой-бек, О. в. шабадалар. *Ўйланмаган ишнинг кети пушмондир.* «Нурали». *Бирни учга сотишнинг кети бўлар вой.* «Муштум».

5 Нарса ёки кимсанинг юз, бет, олд томонига қарши томон; орт, орқа. *Кетга сурмоқ.* *иши -Ота.. — деди Майна ўзини кетга ташлаб.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

6 3-ш. эгалик ва ж. к., ў. -п. к. ва ч. к. шакл-ларида (**кетига, кетида, кетидан**) кўмакчи вазифасида ишлатилади ва шу келишик шаклларига хос макон, вақт муносабатла-рини ифодалайди. *Сидиқжон унинг кетида турган онасига қаради.* А. Қаххор, Қўшчи-нор чироқлари. *Иссиқ чой олиб келди. Ке-тидан овқатга уннади.* Ҳ. Назир, Ёнар тоғ. *Ҳаял ўтмай Ахмедов, унинг кетидан Ўрмон-жон билан Иброҳимов, Зокир ота кириб ке-лишиди.* А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари.

Кетига тушмоқ Пайидан бўлмоқ, таъ-қиб қилмоқ. *Полиция изқуварлари менинг ҳам кетимга тушди.* М. Мирҳодиев, Унутилмас лавҳалар. **Кетидан қувмоқ** Бирор нарсага етишиш илинжида (ҳаракатида) бўлмоқ. *Шухрат кетидан қувдим, сўз айтдим баланд-парвоз.* «Муштум».

КЕТВОРГАН с. т. Ҳар томонлама ке-лишган, жуда чиройли; жуда яхши. *Кетворган қиз. Кетворган йигит. тит -Ярашиб-дими? — Майна жилмайганича, ўзини тик тутганча, ундан сўради. -Кетворган, — деди Мадёров ва энгашиб, Майнанинг гимнастёр-ка елкаларидаги уч бурчакли қизил белгича-ларни текиширди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Орадан уч йил ўтиб, кучук бола жуда кет-ворган ит бўлди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

КЕТГУТ [ингл. catgut - сим, тор; ип] тиб. Қўй, эчкиларнинг ингичка ичаклари-дан гайёрланган ва жаррохдикда ички чок-лар учун қўлланадиган ип(лар).

КЕТМА-КЕТ рвш. 1 Бир-бирининг да-вомидан, узлуксиз. *Имтиҳон бошланади. Ҳар томондан кетма-кет саволлар туша бош-лайди.* Т. Обидов, Юсуфжон кизик. - *Тавба қилмайман! — деди Тошмат, кетма-кет ту-шаётган калтак зарбларидан инграб.* Ҳ. Ғу-лом, Машғал.

2 Изма-из, орқама-орқа, кетидан. *Ота-бек Ойбодоқ билан кетма-кет ичкарига кирди.* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. *Ҳозир изинга қайт, орқангдан мен ҳам кетма-кет етиб бораман.* К. Яшин, Хамза.

КЕТМОН Юзи кагга, орқатомонида дас-та суқиб қўядиган зўғатаси бор, ер чопиш, лой қилиш ва б. ишларда ишлатиладиган дас-ғаки асбоб. [*Йўлчи*] *Катта кундаларнинг те-варагини кетмон билан чопишга бошлади.* Ой-

³⁵⁹ **яб**^

бек, Танланган асарлар. *Рўзимат кетмонни зўғатасигача ботириб урди-ю, Сидиқжонга қаради.* А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари.

КЕТМОНЛАМОҚ 1 Бир ишни кетмон билан қилмоқ. *Бултур кузда ўн беш сўтих томорқанинг ҳаммасини бир ўзи кетмонлаб чопди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа. *Бўтабой ариқ четларидаги ўтларни кетмон-лаб сидирди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 шв. кам қўлл. Кетмон билан чошиб ўл-дирмоқ. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етганўлади. Кетган келади, кетмонланган кел-майди. Н. Ёкубов, Жон.

КЕТМОНЧИ 1 Кетмон ясовчи. Кетмон-чиларнинг энг катта деб билган ўн қадоқли кетмонлари ҳам мулла Обидга ёқмади. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Кетмонда (кетмон билан) ишловчи, кетмонда қилинадиган ишларни бажарувчи шахс. Ким билан ковлайман бу канални. Канал ковлайдиган кетмончиларимни олиб кетишди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КЕТМОНЧИЛИК 1 Кетмон ясаб сотиладиган жой. Буларни сотгандан сўнг кетмончиликка бориб, каттароқ бир кетмон излайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Кетмон билан бажариладиган иш, кет-мон иши... подачиликми, кетмончиликми, қан-дай иш бўлса ҳам, майли. И. Раҳим, Ихлос.

КЕТМОҚ 1 Ўз турган жойини тарк эт-моқ, ўз турган жойидан бошқа томонга йўл олмоқ; бормоқ. Бу ердан ҳеч ёққа кетмай-ман. Келмоқ ихтиёр билан, кетмоқ ижозат билан. Мақол. *тм* [Йўлчи:] Унсин, бу оила қандай? Кетасанми ё бу ерда қола турасанми? Ойбек, Танланган асарлар. Агар орала-рингизга совуқчилик тушадиган бўлса, сен ўчакишиб юрма, яхшиси.. бу уйдан кетиш харақатини қил! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Меҳмонлар уч кун туриб, кетишди. С. Сиёев, Ёруғлик. Гулнор, қишлоқдан кетиб, чўлда ўрнашиб олсак, қулогим тинчир, деб ўзини ўзи юпатди. С. Аҳмад, Уфқ.

2 Бирор машғулот, хизмат ёки вазифа-ни тарк этмоқ, ташламоқ. Ишдан кетмоқ. Уқишдан кетмоқ. *тм* Сендай ақли расо, ту-шунадиган одам бўлса, заводдан кетмас эдим. А. Қаҳдор, Қанотсиз читтак. Хотинингизни нега ташлаб кетганингизни айтинг.. Яра-шасизми ё институтдан кетасизми, шуни айтинг. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқсол.

3 Тамом бўлмоқ, тугамоқ, ўтмоқ (вақт ҳақида). Бўлинглар, вақт кетяпти. Вақтинг кетди — бахтинг кетди. Мақол. *тм* Шундай роҳат турмушимиздан, шундай ширин умри-миздан дарров бир йили кетдимиз! Оҳ, дод дейман. А. Қаҳдор, Нутқ.

4 Йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ, аримоқ. Да-лалардан қор кетди. Кийимнинг доғи кетмади. *тм* Ҳасрат тугагандан сўнг, Отабек-нинг юзидаги бояги ярим жиддийлик кетиб, унинг ўрнини ўйчанлик олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қадаҳ тўхтаб қолди. Сухбат-дан нечукдир файз кетди. А. Қаҳдор, Қанот-сиз читтак. Кун бўйи қулоқлари остидан жуда галати.. олис-олисларга чорловчи ажиб бир муסיқа кетмади. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса.

5 кўчма Оламдан ўтмоқ; ўлмоқ. Мен ўн бешга кирганда, аям ўлди. Ҳали қирққа бормаганди. Ёш кетди. Ойбек, Танланган асарлар. Минг мартаба шукур бўлсин парвардигорга, Мендан рози кетган экан қиблагоҳла-рим. А. Орипов, Жаннатга йўл.

6 Сарф бўлмоқ, ишлатилмоқ. Йўл хара-жатиға ҳаммаси бўлиб эллик сўм кетди. Бу ишни бажаришиға кўп вақт кетади. Рўзгор-га кетадиган нарсалар. *тм* Куч кўп кетади, лекин экинлар ичида бундан \пахтадан\ сер-даромади йўқ. А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари.

7 с. т. Ўтмоқ, соғилмоқ, пулланмоқ. Тез кетадиган мол. *тм* Хуллас, ер жуда арзонга кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

8 Муайян мақсад ёки сабаб билан би-рон жойга, иш-фаолият ва ш. к. жойга то-мон йўл олмоқ; жўнамоқ. Қишлоққа кет-моқ. Армияга кетмоқ. Ишга кетмоқ. Тўйга кетмоқ. *тм* Кунига оқшом тушса, Мартин-дан қўрқиб, кўчага чиқмай, тузсиз макарон чайнаб юргунча, шаҳримга кетаман. С. Сиёев, Ёруғлик. Ширмонжон она шу аҳволда тонг оттиради-ю, яна далага теримга ке-тади. С. Зуннунова, Олов.

9 Давом этмоқ; бормоқ, бўлмоқ. Имти-ҳон кетяпти. Мажлис кетяпти. *тм* Ўрмон-жон, одатда, иш сустроқ ёки ёмонроқ ке-таётган участкаларга борар эди. А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари. Агар биз ернинг доли-гулига келишини кутиб ўтирсак, вақтдан

ютқазадиганга ўхшаймиз, ҳаво шундай ке-тавермас [деди бригадир]. Н. Сафаров, Хадича Ахророва.

10 кўчма Иш-фаолиятнинг бирор соҳа-си, йўналиши билан бормоқ, давом этмоқ. Акаси учувчи эди, укаси ҳам унинг орқасидан кетди. Бола отаси изидан кетиб, ўқитувчи бўлди. **тм** Бутун оиласи бу ерга резавор экиб, мумкин қадар элдан бурунроқ бозорга чика-риб, «пул» қилишга тиришар эди. Абдишукур бу йўлдан кетмади. Ойбек, Танланган асар-лар.

11 Тарқамоқ, бориб етмоқ (овоза, дов-руқ ва ш. к. ҳақида). *Шухрати бутун дунёга кетди. тм* Аммо номи тилдан-тилга ўтиб, бутун фронтга довруги кетган бу қизнинг ўйида фақат Нормат кечарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Унинг таърифиди узоқларга кет-ган. Т. Ашуров, Оқ от.

12 с. т. Ишдан чиқмоқ (мас. синмоқ, ёрилмоқ, йиртилмоқ каби маъноларни ифодалайди). *Шимим тиззасидан кетди. тм* Араванинг тагидан деҳқоннинг аянчли тову-ши эшитилди: -Уқи кетибди, иш пачава. Ойбек, Танланган асарлар.

13 с. т. Ярашиб тушмоқ (кийим ҳақида). *Бу костюм сенга жуда кетибди.*

14 Истеъмол қилинмоқ, ейилмоқ ёки ичилмоқ; ўтмоқ. *Иссиқ кунда палов унча кетмайди. тм* -Чучварадан кейин чой жуда яхши кетади-да, — деди Боқижон Бақоев, юзидаги терни артиб. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими.

15 с. т. (асосан бўлишсиз шаклда — **кет-майди**). Кўшилмаслик, маъқул эмасликни билдиради. -Хим, оқсоқол мажлисни қадим-ги замон усулида тарафкашликка айлантир-моқчи экан-да. *Кетмайди, — деди Абдура-сул. П. Турсун, Ўқитувчи.*

16 Сиғмоқ, жойланмоқ. *Бу самоварга уч литр сув кетади. Залга икки юз киши кетади.*

17 кўм. фл. взф. Равишдошнинг **-(и)б** ёки **-а/-й** кўшимчали шаклларига бирикиб, ҳаракатнинг тутал, тўсатдан, давомли ба-жарилиши каби маъноларни билдиради. *Қизариб кетмоқ. Говлаб кетмоқ. Чарчаб кетмоқ. Қўрқиб кетди. Машина бирдан гувиллаб юриб кетди. Ўз мақсадини тушун-тира кетди. Йўргалай кетди.*

Беш кетмоқ қ. беш. Сув текин кетди Жуда арзонга сотилди. **Узидан (ёки хушидан) кетмоқ** Хушини йўқотмоқ, хушсиз-ланмоқ. -*Хушимдан кетиб қолдим, кейин нима бўлганини билмайман, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Зил кетмоқ* Ичдан эзилган ҳолатга тушмоқ. *Нати-жада ютуқларимизни кўролмай, ич-ичидан зил кетаётган душманларимиз шармандаю шармисор бўлди. Н. Сафаров, Оловли излар. Муккасидан кетмоқ* Ниқоятда берилмоқ. *У шахматга шунақанги муккасидан кетганки, агар Фарғона водийсида бу ўйинга жонини тикадиган одам иккита бўлса, шунинг бит-таси — Аҳмаджонов. «Гулдаста».*

КЕТЧУП [ингл. ketchup < исп.] Поми-дорни қайта ишлаш ва унга турли зираворлар қўшиш орқали тайёрланадиган қуюқ қизил суюқлик (гўштли ва балиқпи овқатларни хушхўр қилиш учун ишлатилади).

КЕФИР [грузинча] Сигир сутидан мах-сус томизғи билан ивигилган чучук қатик. *Исмоилжон ҳар кун овқатдан сўнг бир шиша кефир ичиши одатини қанда қилмайди. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.*

КЕЧ 1 Сутканинг кундуз қисми тугаб, тун қисми бошланадиган пайти, кундуз билан тун оралиғи. *Кеч кирди. Кечга яқин. тм* Кеч қоронғисига чулғанаётган минбардан нотаниш бировнинг фарёди эшитилди. П. Турсун, Ўқитувчи. -*Кеч бўлиб қолди, бугун келмайди, - деди у. С. Зуннунова, Гулхан. Кечга бориб жала қуйиб, тонг отгунча мо-мақалдироқ гумбурлаб чиқди. С. Аҳмад, Уфқ.*

2 кам қўлл. Кечаси, тун. *Кундузлари бу-лутли, Кечларида ойдин йўқ. Ғайратий. ..Бир кеч меҳмонхонада ота-ўғил сўзлашиб ўтир-ганнинг устига Ўзбек ойим келиб кирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 рви. Белгили ёки керак вақтдан ке-йин; белгили ёки керак вақт ўтгач. *Ҳеч бўлмаганидан кўра, кеч бўлгани яхши.* Ма-қол. **тш** Бу йилги баҳорнинг кеч келиши кўпларнинг тинка-мадорини қуритди. С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳосилотнинг сўзи-га кириб, чигитни беш кун кеч экканининг алами сира юрагидан чиқмасди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

4 кесим взф. Вақт ўтди, қулай фурсат кетди. -*Бўлар иш бўлди, овора бўлманг, энди кеч.* -*Ҳсш ҳам кеч эмас!* — деди Адолат. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Темирни қизигида бо-сиш керак, кейин кеч бўлади.* М. Ҳазратку-лов, Журъат.

Кеч деганда ёки кечи билан Бажариш муддати жуда чўзилиб кетган таадирда, жуда узокқа чўзилса, узоғи билан. *Бу топ-шириқни кечи билан биринчи апрелгача ба*

422 ЯБ^А

жариш кврак. **шш** Кеч деганда, мартнинг би-ринчи ярмида чигитни экиб олсак, марра биз-ники. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. **Кеч қолмоқ** Кечикмоқ. [Фотима:] *Келинг, мунча кеч қолдингиз!* Ҳамза, Тухматчилар жазоси. *Аҳмад кеч қолаётган эди, шунингучун лифт-ни кутмай, шошилганча яёв тепага йўналди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Кунни кеч қилмоқ** Кунни ўтказмоқ, кунни (кундузни) тугат-моқ. *Иқболхон шу зайлда юз хил хавотир би-лан кунни кеч қилади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

КЕЧА 1 Сутканинг қоронғи тушгандан тонг отгунча ўтадиган қисми; тун. *Ойдин кеча. Қоронғи кеча.* **тш** -*Ойимни бир ойдан бери кўрганам йўқ. Бир кеча ёнида ётишни орзу қиламан,* — деди енгилланиб Нури. Ой-бек, Танланган асарлар. *Сидиқжон йўлга ту-шиш нияти борлигини айтмаса ҳам, чол.. бу кеча шу ерда қолишни, эрта саҳар йўлга чи-қишни маслаҳат берди.* А. Қаҳҳрр, Қўшчи-нор чироклари.

2 Бирор нарсага бағишланган, одатда расмий ва бадий қисмдан иборат бўлади-ган кечки умумий йиғилиш. *Меҳмонлар би-лан вакилларнинг қизгин табриклари, хайр-ли тилақларидан кейин кечанинг расмий қис-ми тугади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кеча охи-рида Ўзбекистон санъат усталари катта концерт қўйиб беришди.* Газетадан.

3 Бугундан олдинги кун. *Кеча сизни кут-ган эдим.* **тш** *Кеча эрталаб, шаҳарни бир ай-ланиб келайин, деб чиқиб кетган.* А. Қоди-рий, Ўтган кунлар.

КЕЧАГИ Бугундан олдинги кунда юз берган, маълум бўлган; олдинги кунга оид, кеча бўлган. *Газетанинг кечаги сони. Кечаги воқеа.* **шш** *Бугун эрталабки чойдан сўнг Ҳаса-нали кечаги фикрни чинлаб амалга оширмоқ-чи бўлди.* А. Қодиррий, Ўтган кунлар. *Бироқ кечаги ёмғирдан чанбости бўлган арава йўлда келаётган уч йўловчининг қовоқлари негадир солиқ, одимлари негадир ишончсиз эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Яқин ўтган вақтдаги, ҳозирдан олдин-ги. *Ҳар бирининг кечаги ўтмишини эслаб кўрай-лик-чи: бири — бойнинг подачиси, бири — ру-ҳонийнинг.. Ҳаммалари кулфатга дучор бўлган.. болалар эди.* П. Турсун. Ўқитувчи. *Кечаги чўлқу-вар Мирзажон Эминов масъулиятли вазифа-га.. кўрсатилди.* «Ўзбекистон кўриклари».

КЕЧА-КУНДУЗ, кечаю кундуз Кечаси ва кундузи, кечаси ҳам, кундузи ҳам; ҳам-ша, доимо; узлуксиз равишда; тинмай. *Ке-чаю кундуз ишламоқ. Кечаю кундуз хаёлим сизда.* **шш** *Шакаржон ака кечаю кундуз иш-лаб, тандир ясар, баъзан ҳаммолчилик ҳам қиларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *-Ҳеч хавотир олманг, — деди Давлатёр пешона-сини тириштириб, — кеча-кундуз ўйлаб га-ранг эдим.* П. Турсун. Ўқитувчи. [Гулнор:] *Ёлғизман, гариб-бенавоман, лвкин кўнглим сизда.. Кеча-кундуз ёдингиз билан яшайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

Шу кеча-кундуз(да) Шу кунларда, ҳозир ўтаётган кунларда; ҳозирги вақтнинг ўзида. *Шу кеча-кундузда пахтадан кўра китоб за-рур эканми?* Н. Сафаров. Узокни кўзлаган қиз. *У киши шу кеча-кундуз миллат гамида югур-югурдан бўшамай қолдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

КЕЧАЛИК Кечаси бўладиган; кечаси-га, тунга оид. *Тўғри, дада! Қўйни эртароқ сўйиб, саранжом қилганингиз яхши. Кеча-лик иш қурсин.* Ойбек, Танланган асарлар.

[Тожибой:] Ундан кейин, шунчамашаққат-ларнинг устига, бир кечалик бир машаққат-ни ҳам устингизга оласиз. Ҳамза, Паран-жи сирлари.

КЕЧАСИ 1 Сутканинг қоронғи тушган-дан тонг отгунча бўлган қисми; кеча, тун. Қиш кунлари кечаси узоқ, кундузи қисқа бўла-ди. Янги йилга ўтар кечаси. Кечаси билан қор ёғди. *тм* Бийрон тилдан сўз оқар равон: «Ада, нега кечаси узоқ?» Ё. Мирзо.

2 рвш. Сутканинг кеча, қоронғи қисми-да; тунда. [Урмонжон:] Яхши ухлаб турдинг-ми, кечаси келсам, ухлаб қолган экансан. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КЕЧИК Дарё, кўл кабиларнинг кечиб ўтиладиган жойи. Биров сув тополмайди ичгани, биров кечик тополмайди кечгани. Ма-қол. *тм* Улар [отлиқлар] кечик ер топиб, дарё-дан от суздирибўтишиди. М. Осим, Ўтрор.

КЕЧИКМОҚ 1 Керакли ёки белгилан-ган вақтдан кейин келмоқ, кейин бормоқ; кеч қолмоқ. Ишга кечикмадингизми? *тм* У ҳозир хотинининг.. нега бунча кечикдингиз, деган сўроғиш кутар [эди]. А. Қаҳҳор, Қа-нотсиз читтак. Севикли кўёвини йўлакда кўрган Офтоб ойим.. кечиккани учун нечоғ-лиқ ташвишлар тортиб ва қандоғ тушлар кўрганини [Отабекка] лаби-лабига тегмай сўзлай кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Белгили муддатдан кейинга қолмоқ, ўз вақтида бажарилмаслик. Таъмир ишлари бу йил бир оз кечикди. *тм* Кечикиб экилган галла ҳам, чигит ҳам, Матқовулнинг кеин берган ишловларига қарамай, яхши унум қил-мади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 с. т. кам қўлл. Кеч бўлмоқ, кеч кир-моқ. -Беда ўриб қўйиши керак эди-ку, — бо-шини қашиди Ермат. — А, кун ҳам кечикиб қолибди. Ойбек, Танланган асарлар.

КЕЧИНМА (асосан кўпл. шаклида) Ки-шининг руҳий ҳолатига таъсир қиладиган ҳис-туйғулар, ўй-хаёллар. Ёқимли кечинма-лар. Қайғули кечинмалар. *тм* Гулнор кўркама сочларини тузатиб.. чиройли туш каби ен-гил ва тотли кечинмаларга, ўйларга берилиб ўтирди. Ойбек, Танланган асарлар.

КЕЧИРИМ 1 Афв этиш; узр. У эрининг юзига кечирим сўрагандек тикилди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Қобил Комилович аста қайрилар экан, укасининг кечирим сўра-ётгандай, мулойим тикилишини кўрди-ю, дили ёришиди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 ҳуқ. Афв этишнинг хусусий шакли; давлат бошлиғи томонидан жинойат жа-зонинг бекор қилиниши ёки юмшатили-шидан иборат хусусий афв. Кечирим якка тартибда муайян шахсга нисбатан қўлла-нади. «ЎЗМЭ».

КЕЧИРИМЛИ 1 Кечириш мумкин бўлган, кечирса бўладиган. Одилжоннинг бошқа ҳар қандай хатти-ҳаракати.. кечи-римли, узрли эди. Бироқ бу найранги тута-диган тутумга тўғри келмасди. «Ёшлик».

2 Кечирадиган хусусиятга эга; кечирув-чи. Узбек халқи жуда кечиримли халқ.

КЕЧИРМОҚ 1 Кечмоқфл. орт. н. Сувке-чирмоқ. Хаёлидан кечирмоқ.

2 Афв этмоқ, гуғюҳ, хато ва ш. к. ни ўтмоқ. Яхши ёзолмаганингни кечириши мум-кин, лекин яхши ёзишни истамаганингни ке-чирши мумкин эмас. Газетадан.

Бошдан **кечирмоқ** Ўз ҳаётида кўрмоқ, таж-рибадан, синовдан ўтказмоқ, билмоқ. Саид Жалолхон бошдан кечирганларини инқиллай-инқиллай ҳикоя қилиб берди. А. Қаҳҳор, Ба-шорат. Кун кечирмоқ Яшамоқ. Ерсиз, от-улов-сиз қишлоқнинг кун кечириши — ўлим азоби. Ойбек, Танланган асарлар. Кўздан кечирмоқ Бирма-бир кўриб чиқмоқ, текширмоқ.

КЕЧКИ 1 Кечга оид; кечкурун бўлади-ган. Кечки пайт. Кечки шабада. *тм* Ё кечки салқин билан, ё эртага эрталаб шаҳар ҳов-лига [беда] олиб тушаман. Ойбек, Танланган асарлар. Эшелон ошпазлари кечаси ов-кат пиширмаслик ва кечки овқатни ҳам кундузи пишириб қўйиши ҳақида буйруқ олдилар, И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Иш-фаолияти тунда бўладиган; тунги. Кечки смена. Кечки ва сиртқи бўлимлар. *тм* ..янги ўқув йилидан кечки мактабга боради-ган бўлди. Р. Файзий, Чўлга бахрр келди.

3 Кеч пишадиган, кеч экиладиган. *Кеч-ки узум. Кечки ўрик. Кечки бодринг. Кечки картошка. Кечки экиннинг хатари бор.* Ма-қол. **иии** Куз ҳавоси илиқ эди. Кечки гуллар очилиб турибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КЕЧКИРМОҚ Кеч бўлмоқ, кечга яқин-лашмоқ. *Қиш кунлари қисқа бўлади — бир-пасда кечкиради. тт -Бугун қолинг, кун кеч-кирди, эртага ўзим арава топиб жўнатаман, — деди [Сидиқжон].* А. Қаҳҳор, Қўшчи-нор чироқлари.

КЕЧЛАТИБ Кеч киритиб; кечкурун. *Азимжонга айт, кечлатиб бораман.* С. Аҳмад, Хукм.

КЕЧЛИК Кечки овқат. *Улар масжиддан шомни ўқиб киргач, ичкаридан Ойбодоқ кеч-лик олиб чиқди.* А. Қрдирий, Ўтган кунлар. *Меҳри опа кечликка барвақт унади.* Р. Фай-зий, Шоҳи дарпарда. *Бор, ўт юлиб кел, си-гирнинг кечлигига ҳеч нарса йўқ.* С. Карома-тов, Бир томчи қон.

КЕЧМИШ 1 Ўтган, бўлиб ўтган (асо-сан пайт, замон ҳақида). *Шамолдек кечмиш йиллар унинг [Гулчеҳранинг] чирошига чирой қўшган.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи. *У ҳозир болаларнинг ишх, жонли, қайноқ ўйин-ларини томоша қилади. Ўзининг кечмиш бо-лалиги, қишлоғи, ўртоқлари ёдига тушади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўтган ҳаёт, ўтмиш. *Кечмишинг бор чин-дан ҳам узоқ, Илғай олмас барчасин кўзим.* А. Орипов, Руҳим. *Чол яна бошлади ҳазин достонин, Кечмишида оқизган кўз ёши — қонин.* Ғайратий.

КЕЧМОҚ 1 Бирор нарса устидан босиб (ботиб) ўтмоқ, юрмоқ. *Қор кечмоқ. Лой кечмоқ. тт Қўхратон* қишида яланг оёқ муз бо-сиб, саратонда қизгин қум кечиб, иссиқда, совуқда обдан пишган бизнинг йигитни \Йўлчини\ ҳам, катта масофани пиёда бос-гани учунми, кун хила бетоқат қилган эди. Ойбек, Танланган асарлар. *Тўрвасини апил-тапил елкасига илди-да, шахдам қадамлар билан тупроқ кечиб йўлга тушди.* М. Хазрат-кулов, Журъат.

424

2 Юз бермоқ; содир бўлмоқ. *У [Қора-той] бойнинг уйида кечган воқеалардан хабардор бўлиб туриши учун Шокир отанинг кампирини тайинлаган.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Қодиров] сўзлаш учун ўрнидан тургандаёқ, юрагида нималар кечаётганини пайқадим.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Ҳоли нима (ёки **не**) кечди Ҳоли нима (не) бўлди, қандай аҳволга тушди. \Жай-ноқ:] Утир.. *Нафасингни ростлаб ол. Бо-лаларнинг ҳоли нима кечди?* Н. Сафаров, Уйғониш.

3 Утмоқ. *Кўнглидан қандай гаплар кечди экан?ти Иилларимдан хафа эмасман, Меҳнат, жангда кечди онларим.* Ё. Мирзо. *Ка-саллик кечишига қараб ўтқир ва хроник фор-маларга бўлинади.* Ҳ. Файзуллаев, Тери ка-саллиги нима? *У билан бирга кечган ширин дамларни, дилрабо суҳбатларни эслайди.* Т. Ашуров, Оқ от.

4 Афв этмоқ, кечирмоқ. [Мирзақул:] *Бой ота, Суярнинг гуноҳини мен сиздан сўрадим. Кечинг.* Н. Сафаров, Уйғониш.

Бир қошиқ қонидан кечмоқ *фольк.* Афв этмоқ, афв этиб омон қолдирмоқ, ўлдирмаслик, жазоламаслик.

5 Баҳридан ўтмоқ. *Ҳамма нарсасидан кеч-моқ. Мол-мулкдан кечмоқ. Жон дўстинг жо-нидан кечса ҳам, мол дўстинг молидан кеч-мас.* Мақол. **тт** \Бек.\ Хонумонимдан кеча-ман.. *аммо бу ишни очмасдан қўймайман.* А. Қаҳҳор, Бек.

6 Юз ўгирмоқ, алоқа, муносабатни узмоқ. *Норози бўлишдан нима фоида. Да-дангдан кечасанми?* Ойбек, Танланган асарлар.

КЕЧПИШАР Кеч пишадиган, кейин етиладиган; кечки. *Кечтишар қовун. тт* Ҳар меванинг ўз участкаси бор, ҳар бир участка-нинг ўз бўлимлари бор: *эртапишар, ўртапи-шар, кечтишар..* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

КЕЧУВ 1 кам қўлл. Кечмоқфл. ҳар. н. *Бу ердан кечув қийин эмас. тт* Дарёдан кечувда ҳам *Ғаввос жонбозлик кўрсатди.* Мирмуҳ-син, Меъмор.

2 Катта арик, дарё, сой кабиларнинг кечиб ўтиладиган (кечиб ўтиш мумкин бўлган) саёзроқ жойи; кечик. *Энг қулай ке-чув тўгон яқинида. Чирчиқни биладиган одам фақат ўша ердан ўтади.* Ҳ. Гулом, Машғал. *..кечув ўрнини билиб, эҳтиёт билан сувга тушган машиналар ўтиб кетмоқда, баъзилари эса қумга ботиб қолмоқда эди.* Ғайра-тий, Узокдаги ёр.

КЕЧҚУРУН *рви.* Кундуз тугаб, тун бошланаётган пайт, кеч пайти; оқшом. *Адо-лат ҳар кун кечқурун Усмонжонни кўриш орзусида уйига ошиқар, уни соғинар, лекин буни тан олишига ўз-ўзидан уяларди.* С. Зун-нунова, Гулхан. *[Аҳмаджон/ Кечқурун, ҳамма кинога кетганда, бирпас мизғигани казарма ёнидаги майсага чўзилган эди, рўпарадаги адир ёнбағирлигидан ашула товуши эшитил-ди.* А. Қаҳрр, Олтин юлдуз.

КЕЧҚУРУНГИ Кечқурун бўладиган; кечки. *Муродхўжа домла кечқурунги зиёфат-да яхши «маданий» закускалар ҳам бўлсин, деб шу яқиндаги бир ресторанга буюртмалар берган эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Қадоқчи Ҳамроқулнинг тоби қочди. Ким билади, кеча кечқурунги худойи ош ёқмадими ё эрталаб чойнак қадоқлатиб кетган кишининг носиди бир гап бор эканми?* А. Қаҳҳор, Томоша-бог.

КИБЕРНЕТИК Кибернетикага оид, унга хос. *Ҳужайрани мазмунан жуда такомиллашган, кибернетик система асосида бе-хато ишлайдиган.. фабрика деб аташ мумкин.* «Фан ва турмуш». *Кибернетик тизим-лар бир-биридан уларда ҳаракатланувчи сиг-наллар оқимининг табиатида қараб фарқ қилади.* «ЎЗМЭ».

КИБЕРНЕТИКА [юн. kibernetike (techne) — бошқариш, дарғалик (махрра-ти)] **1** Бошқарув жараёнлари ҳамда маши-налар, тирик организмлар ва жамиятда ах-борот-маълумот узатишнинг умумий қону-ниятлари ҳақидаги фан. *Техникавий кибер-нетика. Иктисодий кибернетика. Тиббиёт кибернетикаси.* **тм** Кибернетиканинг тех-ник асосини электрон ҳисоблаш машиналари ташкил этади. «УЗМЭ».

2 Информатикада: ахборот-маълумот олиш, сақлаш ва уни қайта ишлашнинг умумий қонунлари ҳақидаги фан.

КИБОР [а. *كبير*. - «кабир» с. кўпл.: кат-талар, улуғ кишилар] *эск. кт.* **1** Жамият-нинг олий табақасига оид киши; оқсуяк, аслзода. *Киборлар жамияти.* **тм** Улуғ ҳоким дарвоза олдида эгардан тушиб, отни посбонга берди, шу пайт ялтироқ тўнли бир кибор таъзим қилиб, уни ичкарига бошлади. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Европа киборла-ри расмича муомала қилишига мажбурман.* А.

Қаҳҳор, Бос тепкини. *Киборлар сендеклар-ни «қора халқ» деб писанд қилмайдилар.* **П.** Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Улуғворлик, киборга хос ўзини тутиш. *Таксон вазиятини ўзгартирмай, сохта кибор ва менсимаслик билан хонага кирди-ю.. крес-лолардан бирига ўтириб, оёғини чалиштирди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Қулахмадўзини кибор тутар.. одам юзига боқмай, терс қараб гапирарди.* Мирмуҳсин, Чўри.

КИБОРГ [киб (ернетика) + орг(анизм)] *аин.* **робот.**

КИБОРЛАРЧА Киборга хос ҳолат, хат-ти-ҳаракат билан. *Муллаларнинг салом ваҳур-матларига керагича жавоб бермай, уларнинг алдида киборларча ўтиб кетишининг сабаби ҳам кейинча очилди.* С. Айний, Эсдаликлар.

КИБОРЛИК Киборга хос белги-хусу-сият, хатти-ҳаракат. *[Нодирнинг] Табиати-да бир хил киборлик мавжудки, бу, шубҳа-сиз, ҳаммага ёқавермас, ҳатто кишида бир оз ҳайиқини ҳам уйғотарди.* Ж. Абдуллахо-нов, Тўфон. *Уларнинг ҳаракатидаги ишонч ва хотиржашик хотинга голибларнинг гуру-ри, киборлиги, мағрурлиги бўлиб кўринди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

КИБР [а. — мағрурлик, катталиқ, такаббурлик] Узини ҳаммадан юқори ҳис этиш; манманлик, кеккайиш ҳис-туйғуси. *Олифта бойвачча кибр ва ахмоқона гурури ила креслода талтайганча қолди.* Ойбек, Нур қидириб.

КИБРЛАНМОҚ Ўзини юқори ҳис эт-моқ; манманлик қилмоқ, кеккаймоқ. *Рих-сибой ака кейинги пайтда жуда кибрланиб кетди: эришилган ютуқларнинг ҳаммаси мен туфайли дейдиган бўлиб қолди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

КИБРЛИ Ўзини ҳаммадан юқори ҳис этадиган; кеккайган. *[Қизлар] Қутбияни «кибрли, мағрур ва ота-онасига катталик қилади», деб айблардилар.* С. Айний, Эсдаликлар. *..эллиқбоши бирдан золиб, кибрли вазият олди ва Партихўжа ёгчига сўзлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КИБРЛИК айн. **кибр.** *Араббой овқат вақтида бошқалар олдида ўзига хос кибрлик билан Элмуродга таъна қилди: -Ҳа, қоровул-хонада мактаб очибсиз деб эшитдик.. Ойлик қанча?П. Турсун, Ўқитувчи.*

КИБР-ХАВО, кибру ҳаво Ўзига ортиқ-ча баҳо бериш, манманлик. *Ҳабибий, қош кериб, мағрур боқма элга, камтар бўл, Назардан қолма, бадахлоқ ила кибру ҳаводан кеч.* Ҳабибий.

КИГИЗ Юнгдан босиб тайёрланадиган қалин пишиқ палос; намат. *Ўчоққа яқинроқ ерда, кигиз устига солинган кўрпачада, кич-кина бир сариқ, бужур одам кўк пиёлада чой хўлаб ўтирибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Кш из босиш Юнгдан намат, палос каби буюмлар (уй жиҳозлари ва оёқ кийимлари) тайёрлаш. **Кигиз этик** с. т. Валенка, пийма. *..кўн этик, кигиз этик, почанўстин.. кўйинг-чи, бозордаги ёймачида нима бўлса, ҳаммасидан бор эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КИЗАК Дўппининг тепаси ва жияги ўртасидаги қисми, гардиши. *Назирқул нима дейишини билмай.. дўпписининг кизақни тортиб ўйнар, гоҳ-гоҳ ёлворгандек, кўзларини пирпиратиб, Низомиддиновга қараб қўяр-ди.* С. Аҳмад, Хукм. *Ухумдек бошидан киза-ги шўрлаб кетган шляпасини қўлига олди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

КИЙ *[пол. kij - таёқ, ҳасса]* Бильярд ўйинида соққаларни уриб думалатиш учун қўлланадиган, учи ингичка узун таёқ.

КИЙИК Қувуш шохли сутэмизувчилар оиласининг оху, буғу ва ҳоказолар каби катта бир гуруҳининг умумий номи. *Тог чўққисида ўтлаб юрган кийик шарпани эшитиб, бош иргатгандай бўлди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КИЙИКЎТ Ялпиздошлар оиласига ман-суб, бир ва кўп йиллик хушбўй доривор ўсимлик (атир-упа ва дори саноатида иш-латилади).

КИЙИМ 1 Баданни ва тана аъзолари-ни беркитиш, ёпиш ва шу билан инсон танасини ташқи муҳит таъсиридан сақлаш учун кийиладиган, асосан, мато ва тери-дан тикиб тайёрланадиган нарсаларнинг умумий номи. *Ички кийим. Устки кийим. Бош кийим. Оёқ кийим. Миллий кийим. Аёл-лар кийими. тт Тор кўчанинг юқори бурча-гида отининг тизгинини ушлаган ҳолда, бир йигит кийимига ўтирган чанг-тўзонларни қоқар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гул-нор.. қутилардан бирини очиб, кишимлари орасига ҳалиги дўппини жойлаштирди.* Ой-бек, Танланган асарлар. *Ҳовлиқиб, рус ҳарбий зобити кийимида шахзода Исфандиёр кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 айн. кийимлик. *Бир кийим атлас. Икки кийим духоба сотиб олмоқ.*

426

КИЙИМ-БОШ Кийиладиган нарсалар, кийим; уст-бош, кийим-кечак. *Булар [йигитлар] бир шахарга тушиб, эртасига ки-йим-бош олишди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Элмурод.. ўзини улар олдида дадасининг ки-йим-бошини кийиб юрган боладай қўпол, уқув-сиз сезарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

КИЙИМ-КЕЧАК айн. **кийим-бош.** *Ара-ва-арава кийим-кечак келтирилиб, ҳамма болаларга бир сидра янги ички ва устки ки-йим-бош берилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мир-бадал тўкиб қўйилган пахта устида кийим-кечаги билан донг қотиб ухлаб ётибди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

КИЙИМЛИ Кийим кийган, кийимда бўлган. *Қўлтиқларида товуқ, хўроз билан.. жулдур кийимли болалар шипиллабўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Извоида оқ кийимли иккита одам ўтирарди.* О. Ёқубов, Эр бо-шига иш тушса.

КИЙИМЛИК Кийим қилинадиган мато, кийимбоп газлама; кийимга мўлжалланган. *Бир кийимлик духоба. Икки кийим-лик атлас. Кийимлик харид қилмоқ.* **тм** [Дехқон:] *Қовуним пишиб чириб кетди.. битта четанда олиб тушай-да, сотиб, болаларга кийимлик олай, деб хаёл қилган эдим. Ой-бек, Танланган асарлар. Амакингининг дўконига яхши шоҳилар, бахмаллар келибди, ол-майсизми? Кеча.. уч-тўрт кийимлик олиб келиб қўйдилар.* Ойдин, Ҳикоялар.

КИЙИНМОҚ 1 Киймоқфл. ўзл. н. *Кийи-наётиб, столдаги графиннинг тагига қисти-рилган бир парча қоғозга кўзим тушиди.* О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси.

2 Маълум тарзда кийим кийган ҳолатли бўлмоқ. *Иссиқ кийинмоқ. Юпун кийинмоқ. Олифта кишинмоқ.* **тм** *Ҳар доим яхши кийи-ниб, кеккайиброқ юрадиган бу чиройли, қора-тўри йигит.. ўқитувчи Каримов эди. П. Тур-сун, Уқитувчи. Бироқ бугун одатига хилоф равишда кийинган: эғнида ҳаворанг мовут чакмон, оёғида ҳам сахтиён маҳси.. С. Сиё-ев, Аваз. Кийинишидан нозик табиатлиги, баланд дидлиги кўриниб турарди.* Шукрат, Шинелли йиллар.

КИЙИНТИРМОҚ 1 Кийинмоқфл орт н. *Узлини кийинтирмоқ.*

2 Кийим-бош, кийим-кечак билан таъ-минламоқ. *Фуод афанди бир ярим йъ\дан бери уни \Ҳожси қизни\ боқар, ичирар, кийинти-рар.. лекин пул олмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Худого шукур, бойларимиз орасида саховатли одамлар ҳам бор. Улар фақирларга закот берадилар, ялангочларни кийинтиради-лар.* Ойбек, Танланган асарлар.

КИЙМОҚ 1 Кийим билан баданни ёки бирор аъзосини ёпмоқ; кийиладиган нарса (кийим) ни танага, танадаги аъзога ёпмоқ, қўймоқ, илмоқ. *Кўйлак киймоқ. Дўппи киймоқ. Этик киймоқ. Палъто киймоқ. Ниқоб киймоқ. Қўлқоп киймоқ.* **тм** *Қиз тугунини қўлтиқлаб, ҳовлига тушиди. Кавушини кийма-ди. Яланг оёқ «шип-шип» юриб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғуломжон апил-та-пил кийимларини кийди, оёқларига ковушла-рини илди.. шарпасиз қадамлар билан дарча олдига келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 этн. Ҳадя кийими олмоқ. *Шармсиздир юзлари, Ошга тўймас кўзлари, Тўйга бориб, шўн киймоқ Ҳамон фикру сўзлари.* Ҳамза.

3 кўчма Ўранмоқ, қопланмоқ, буркан-моқ (ўт-ўлан, гул ва ш. к билан). *Баҳорнинг дастлабки кунлари: қишлоқ яшил либос кий-ган.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. *Дунёни гулларнинг хушбўй ҳиди тутуди, гулшану боғлар қизил сарпо киядилар.* Газетадан.

Тўнини тескари киймоқ қ. тўн. *Отабек-нинг аланглаб жавоб бериши Зайнабнинг бо-яги даъвосини чинга чиқаргандек бўлиб, Ку-муш жуда ҳам тўнини тескари кийди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КИЛКИЛЛАМОҚ 1 Мавжланиб, тўл-қинланиб турмоқ, жимир-жимир қилмоқ. *..кўм-кўк ийрим килкиллаб, худди бир афсо-навиймахлуққаўхшабтурарди.* Ш. Холмирзаев, Сайланма.

2 Диркилламоқ, диркиллаб тебраниб турмоқ. *Килкиллаган думба ёғи.*

КИЛО \нем. Kilo] с. т. Килограмм.

КИЛО- \фр. cilo < юн. chilioi — минг] Физик катталикларни билдирувчи ўзлаш-ма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; мет-риктизимдаги асосий катталиклардан 1000 марта ортиқ микдорни англатади.

КИЛОВАТТ [кило.. + ватт] Электр токи қувватининг 1000 ваттга тенг ўлчов бирлиги.

КИЛОВАТТ-СОАТ Халқаро birlikлар тизимида бир киловатт қувватнинг бир соатда бажарган ишига тенг ўлчов birlikи.

КИЛОГРАММ [кило.. + грамм] Халқа-ро бирликлар тизимида 1000 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

КИЛОГРАММЛИ Килограмм оғирли-гидаги; килограмм келадиган. *Беш килограммми тош.*

КИЛОМЕТР [кило.. + метр] Халқаро бирликлар тизимида 1000 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги. *Канал ўн етти километр узунликда бўлиб, Яккабоғдан чиқарилиши ва Шўртепаннинг пастроғидан яна дарёга таш-ланиши керак эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КИЛОТОННА [кило.. + тонна] Ядро заряди қувватининг шартли ўлчов бирлиги (1000 тонна тринитротолуолнинг портлаш қувватига тенг).

КИМ 1 сўр. олм. Умуман, шахс ҳақида (исми, иш-амали ва б. нуқтаи назардан) сўроқни билдиради. *-Ким келди? -Собир. -Мени ким сўради? -Директор. ти -Менинг бу ерда жанлигимни ким айтди? — деди Сидиқжон бирпас жимликдан сўнг. — Ўзингиз сўроқ^иб билдингизми? Кимдан сўрадингиз? А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари. -Хўп, янги очишдиган мактабларда ким ўқийди? — деди бой. -Му-сулмон болалари. Ойбек, Танланган асарлар. -Сиз ўзингиз кимсиз? - Ўзлингиз Низомиддин-нинг дўшариданман. Мирмуҳсин, Меъмор. -Ювғучи керак бўлса, каҳхудонинг уйига бор. Киминг ўлган? — деди чойхоначи қаландарга. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Исми, иш-вазифаси ва б. жиҳатдан аниқ бўлмаган шахсни билдиради. *Шунинг учунми, кўкси зардобга тўлиб, дардини ким-га айтишини билмай қолган кезларида, Аваз Мутрибни соғинади, унга кўнгили ёради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Нисбий олмош вазифасида эргаш гап-ни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. *Кимнинг билагида кучи бўлса, ким ишининг ҳавосини олса, ўша зарбдор бўлаверади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Қатор келган бир неча гаплар бошида қўлланиб, **бири, баъзиси** деган маънони билдиради. *Уларнинг бари жароҳатланган: кими бошини ушлайди, кими белини кўтара олмай-ди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аксарининг уст-боши тпун.. кимларда похол тиқилган эски калши, кишарда жағи йиртик кавуш, лекин улар шод.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ким билади (ёки билсин) Шахс, нар-са, воқеа-ҳодиса ва ш. к. нинг номаълум-лиги, аниқ эмаслигини билдиради; бил-майман, билмадим (билмасам). *Қирғиз Ўроз белбоғига маҳкам чандиб тугилган битта-гина сўлкавойни (ким билади, буни қачонлардан бери сақлаб келган у) чиқариб, се-кингина ташлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ориятли бўлганидан, одамлар юзига тик қарагани уяладими, ким билсин, бу аёлнинг вужудига ўн эркакнинг ор-номуси бор эди.* Т. Ашуров, Оқ от. **Ким айтади сизни (сени)** Шахсининг қилган иши, хатти-ҳаракати унга муносиб эмаслигини билдиради, қайд этади. *Яшанг-э, сизни ким айтади қишлоқ муҳбири деб? «Гулдаста».*

КИМАРСА эск. айн. **кимса.**

КИМДИР гум. олм. **1** Кимлиги но-маълум одам; биров. *Ташқаридан кимдир «Ўрмонжон ака» деб чақирди, ҳаял ўтмай, зишқдан илжайган калла намоён бўлди.* А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари. *Атиргул тўсатдан силкинди-да, кимдир энгашиб, анорзорга қочди.* И. Рахим, Чин муҳаб-бат.

2 Ким бўлса ҳам бир одам, бирор киши, ким бўлмасин. *Кимдир шу ишни ба-жариши керак.*

КИМЁ 1 \а. **I**; -;< **II** — оддий металлларни асл металллар (олтин, қумуш)га айлантириш тушунчаси]. Моддалар, уларнинг тар-киби, тузилиши, хоссаларини, шунингдек, бир модданинг бошқа моддага айланиши-ни ўрганувчи фан. *Аналитик кимё. Ноорганик кимё. Органик кимё. Кимё ўқитувчиси. шшш У эрта билан хатни почтага ташиб келиб, яна кимёдан конспектларини ўқишга ту-тинди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 кўчма Шу нарса (тушунча) га (олтин-га айлантиришга) нисбат беради. *Муқаддас ўлкам, ажиб хушхаво, омон бўлсин, Эли жа-суру ери кимё, омон бўлсин. Ҳабибий. Ажиб нозик бу бармоқлар, Териб мисқол қилур тоғ-лар, Жаҳонда энг буюк кимё Бу кўллардир, буқўллардир. Э. Воҳидов.*

3 Кимё (хотин-қизлар исми). **КИМЁВИЙ** Кимёга оид, кимё қодисалари билан боғлиқ. *Сувнинг кимёвий тар-киби. Кимёвий чиқиндилар. Кимёвий дорилар. Кимёвий реакциялар. Кимёвий элементлар (унсурлар).*

КИМЁГАР \а. + ф. $_ \wedge \cdot \wedge \cdot \leq$. ~ кимё би-лан шуғулланувчи] Кимё фани бўйича мутахассис, олим; кимё саноатида ишловчи шахс. *Чирчиқ, Кўқон, Самарқанд кимёгарлари ўғитларнинг янги турларини ишлаб чиқар-яптилар. Газетадан.*

КИМОНО [яп. kimono - кийим; кўйлак] **1** Япон эркаклари ва аёлларининг жуда кенг энгли халат кўринишидаги кийими.

2 Умуман, шундай бичимдаги халат ёки кўйлак. *Қизнинг эғнида қийик ёка, ҳаворанг батист кимоно. Н. Ёкубов, Жон.*

КИМСА 1 Умуман одам, шахс, зот. *Қис-қаси, илгаридан оддий бир твнғдошдек бўлиб келган бир қиз энди Элмурод учун сирли бир кимсага айланиб борар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бу номаълум кимса оёқ учи билан юриб келди-да, мўралаб айвонга қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 кам қўлл. Ҳеч ким, ҳеч зот. *Гўё кимса ҳол сўрмас мендан, Жўраларим сўрамастар ҳол. Рауф Парфи. Нон сотиб олай деса, бо-зор йўқ, тортиб олай деса, кимса йўқ. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

КИМСАН 1 «Ким» сўзининг иккинчи шахсга қаратилган сўроқ шакли. *Подадан адашган бузоққа ўхшаб дуч келган эшикка бошингни тикаверасанми? Кимсан ўзинг? Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Назарда тутилган шахснинг даражаси (амали, унвони, бойлиги ва ш. к.) юқорилигини таъкидлаш учун ишлатилади. \ *Тан-тибойваччанинг дадаси] Зиқнанинг тир ургани эди.. Кимсан — терифуруш фалончи бой! Лекин кўрган одам ямоқчими, бўзчими деб ўйлар эди. Ойбек, Танланган асарлар. -Хо-тинлари ҳам, кимсан — оқсоқолнинг хоти-нимиз, деб кеккайишиб, ўзларига хон, ўзла-рига бек бўлиб, роса зугумини ўтказишди, — деди Юсвали тоға. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Кимсан (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

КИМСАСИЗ 1 Ҳеч кими йўқ, ёлғиз. [Эл-мурод:] *Ахир, бир кимсасиз етимдан бугун шундай одам бўлсам-у, бошим кўкка етма-синми?! П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Одам зоти йўқ, одамсиз; бўм-бўш. *Кимсасиз ҳовли. Кимсасиз дашт. шшш Маҳ-кам кимсасиз коридордан тез-тез юриб, ўша эшик қаришисига борди. П. Қодиров, Уч илдиш. Онахон.. Найманчанинг кўчала-рига яна бир тикилаб қаради: ҳаммаёқ бо-ягидай жимжит, кимсасиз эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

КИМХОБ \ф. $\wedge 1$ ч Л — майин ипақдан тўқилган мато] Ўриши ипақ, арқоги зардан тўқилган мато; шу матодан тайёрлан-ган (тикилган). *Бир тўнлик кимхоб. Кимхоб тўн, Кимхоб нимча. шшш Бу туяларнинг бир нечтасига.. духоба, кимхоб, зарбоф, атлас, адрас ва шойи кийимликлар.. юкланган экан. С. Айний, Эсдаликлар. Чигатой билан Ўктой.. кимхоб тўшак устида ўтириб, Чин-гизхондан келган чопарнинг ҳикоясини тинг-лашарди. М. Осим, Ўтрор.*

КИН [ф. <уЛ — кек, ўч; душманлик] кт. Гина; адоват, кек. *Кўзғолончи халқнинг кин, қаҳри ҳар лаҳза кучайди, ҳайқириги кўкни тутди. Ойбек, Танланган асарлар. Юракда бир мўмин бандасига кин сақлаш мусулмон-чиликка ёт нарса, бой. К. Яшин, Ҳамза.*

КИНА айн. кин, гина. *Сафар бўзчи кина-ни тамоман кўнглидан ювиб ташлаган эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Йўқ дилда зарра кина бу шону шавкат ила. Ҳабибий.*

КИНДАК I с. т. айн. киндик I.

КИНДАК II с. т. айн. киндик II.

КИНДИК I 1 анат. Қориндаги болани йўлдош (плацента) орқали она танаси би-лан бирлаштирувчи, болани озик модда-лари билан таъминлаш учун хизмат қилув-чи ичак-най. *Учқуннинг киндигини кесганда, Тозагул кўзларини юмиб, қали-қалт тит-рад турди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

2 Бола туғилгач, шу ичак-найни кесиб ташлаш натижасида қорин ўртасида хрсил бўлган кичикчуқурча; қориннинг ўрта қис-ми. *У[Соли совуқ] шошиб-пишиб Азимбой-ваччани кўкрагидан итарган эди, Азим унинг киндигига ўхшатиб тепди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Киндик қони тўкилган ер (ёки жой, туп-роқ) Туғилган ер, туғилган, ўсган жой; ватан. *Сафарга, Идига бу қумлар чақалоқ вақтидан ошина. Қорақумда унинг киндик қони тўкилган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Киши қаригандан кейин киндик қони тўкилган жойини қўмсаб қолар-кан.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар.

3 кўчма Марказ, ўрта. *-Даитнинг кинди-ги мана шу ер, — деди Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Мана, уч йилдирки, Марказий Фарғона киндигида гўзаллик яратяпмиз.* Газетадан.

КИНДИК II Дорбоз юрадиган арқон-нинг ўртароқ жойидан кўтариб турувчи икки ёғоч учларининг бир-бири билан, шунингдек, арқон билан туташган, кесиш-ган жойи. *Уни [дорбозни] киндикдан киндик-ка, чигириқдан чигириққа йўргалатиб, сало-мат олиб чиқувчи нарса унинг қўлидаги лан-гари!* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

КИНДОР \ф. 𐰽𐰺𐰸𐰸 - кин (гина) сақ-ловчи] эск. кт. Гинадор, кеки бўлган. *Кин-дор одам.*

КИНЕМАТОГРАФ I эск. Кинотеатр, кино.

2 Кино санъати.

КИНЕМАТОГРАФИСТ қ. кинемато-графчи.

КИНЕМАТОГРАФИЯ [юн. kinema, kinematos — ҳаракат + grapho — ёзаман] Маданият ва саноатнинг кинофильмлар ишлаб чиқариш ва уларни томошабинлар-га намойиш қилиш соҳаси. *Кинематогра-фия ходимлари.* **иши** Маъруф Назаров *кинематография, драматургия ва қўшиқчи-лик соҳасида ҳам дадил қалам тебратяпти.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

КИНЕМАТОГРАФЧИ Кинематография ходими. *Ўзбек кинематографчилари.*

КИНЕСКОП \юн. kineo H— ҳаракатга келтираман + skopeo — кузатаман, қарай-ман] Телевизорда оқ-қора ёки рангли тас-вирни қабул қилиб қайта кўрсатувчи электрон-нур трубка.

КИНЕТИК I Кинетикага оид. *Кинетик назария.*

2 Ҳаракатга оид. *Кинетик энергия.*

КИНЕТИКА [юн. kinetikos — ҳаракат-лантирувчи] Назарий механиканинг динамика ва статика соҳаларини ўз ичига олган бўлими. қ. **динамика, статика.**

КИНЛИ айн. киндор. *Иўлчи лабини маҳ-кам тишлаб, кинли кўзларини бир нуқтага тикди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КИННА этн. Хурофий тушунчага кўра, гўё сукланиб қараш таъсирида «кирадиган» касаллик, оғриқ. *Бунга сўзнинг магик қудратига асосланувчи кинна, бадик, авраш.. ҳамда мавсум-маросим қўшиқлари-дан «Суст хотин», «Чой момо» кабилар мансуб.* «ЎТА».

Кинна кирмоқ Кинна таъсир этмоқ, кин-на таъсирида касаллик, оғриқ юз бермоқ. *Кўзга яқинман-да. Дарров кинна киради, жигар.* У. Исмоилов, Сайланма. **Кинна солмоқ** Афсун айтиб, силаш, уқалаш билан «киннани ҳайдамоқ», касалликни йўқотмоқ. *Унсин келгандан буён, касалларга кинна со-лиш, туққан хотинларга доя бўлиш учун кам-пир бемалолроқ юра бошлади.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

КИННАКАШ айн. **кинначи**. Исириқда «бир гап бор»лигини фолбинлар, азайимхонлар, киннакашлар ҳам. пайқаб.. Н. Шора-ҳимов, Исириқ тутатиш хурофотми?

КИННАКАШЛИК ат. **кинначилик**.

КИННАЛАМОҚ 1 айн. **кинна солмоқ**, қ. **кинна**. Гўрўгли совутнинг тугмаларини чиқариб.. отимни ўзим кинналасам, яхши бўлармикан, деб отнинг тепасида туриб эди, ногоҳ кўзи бивбонга тушиди. Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

2 кам қўлл. айн. **кинна кирмоқ**. Бола чин-қириб йиғласа, кинналабди, деб қушноч мо-мога югуришган. «Шарқ юлдузи».

КИННАЧИ Кинна солувчи, кинна со-лиш билан шуғулланувчи шахс; киннакаш. - Тунов қуни бошим оғриб, кинначини чақир-сам, [қайнанам] ҳайдаб юборди, — деди Сав-латхон ўртоғига. Ғайратий, Савлатхон. Уял-ганлариданми ё кинначига алданганларидан-ми, ажин босган юзлари қип-қизариб кет-ганди. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

КИННАЧИЛИК Кинначининг касби, кинна солиш билан шуғулланиш. Анорбибига ўхшаиш тул хотинларнинг қиладиган иши ҳар кимга ҳам маълум: маҳаллада дастурхон-чилик, бойлар эшигида оқсочлик, кинначилик ваҳоказо. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Би-ласан-ку, кампирим баъзи вақтда кинначи-лик қилади. Ойбек, Танланган асарлар.

КИНО 1 айн. **кинематография**. Кино, театр сингари санъат турлари орасида адабиёт ҳам тарбиянинг энг фаол ва самарадор омилларидан биридир. «Фан ва турмуш».

2 с. т. Кинофильм. Овозли кино. Овозсиз кино. ти Ўлмас. ётоққа томон бурилган эди, Мурод тўхтатди: -Хўш, ўртоқ командир, қанақа кино кўрдингиз? А. Қаҳдор, Йиллар. Клубда ҳиндча кино кетаётган экан.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

3 с. т. Кинотеатр. Кинога бормоқ. **ти** Бог-нинг бир чеккасида овқатхона, яна бир чек-касига кино жойлашган. Уйғун.

КИНО- [юн. kineo — ҳаракатга келтира-ман] Ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, кинематографияга, кино-фильмга алоқадорлик маъносини ифода-лайди.

КИНОАКТЁР [кино.. + актёр] Кино ар-тисти, киноартист.

КИНОАКТРИСА Кино артисткаси. Институтни тамомлашим билан орзум амалга ошди. Мен энди киноактрисаман. «Муштум».

431 ЯЪ

КИНОАППАРАТ [кино.. + аппарат) Ҳаракатдаги объектларни киноплёнкага тушириб оладиган, шунингдек, кино-фильмлар намойиш қилинадиган аппарат. Эпчил бир йигит дарҳол киноаппаратини пиофидан чиқариб, Махсумни сурагга ола кетди. Ҳ. Ғуллом, Замин юлдузлари.

КИНОАППАРАТУРА Кинематография соҳасида ишлатиладиган турли хил машина, механизм, дастгоҳ, жиҳоз ва ш. к. лар мажмуи.

КИНОАРТИСТ айн. **киноактёр**. Карим-жон киноартист учун яна битта бифи-текс буюрди. О. Ҳусанов, Киноартист би-лан учрашув.

КИНОДРАМАТУРГИЯ [кино.. + драма-тургия] **1** Киносценарийлар мажмуи.

2 Киносценарийлар тузиш, яратиш иши, назарияси. Аввало, кино санъатининг бирдан-бир муваффақиятини таъминлайди-ган асосий соҳа — кинодраматургия ишини тугри йўлга қўйиш лозим. Газетадан.

" **КИНОЖУРНАЛ** [кино.. + журнал] Кун-далик ҳаётий муҳим ва халқаро ижтимоий-сиёсий воқеаларга бағишлаб яратиладитан қисқа метражли фильм. Кейинги йилларда у.. «Ўзбекистон ўн беш йиллиги» каби тўла мет-ражли фильмларни ва бир неча ишожурнал-ларни қўлдан чиқарди. «Гулистон».

КИНОКАРТИНА [кино.. + картина] айн. **кинофильм**.

КИНОКОМЕДИЯ [кино.. + комедия] Характер, конфликт ва вазиятлар тасвири томошабинда кулги кўзгатадиган, юморис-тик ва ҳажвий жиҳатлар бир-бирига боғ-лик ҳолда кўрсатилган кинофильм.

КИНОКОНЦЕРТ [кино.. + концерт] Алоҳида концерт ижро(номер)ларидан тuzилган кинофильм.

КИНОЛАШТИРМОҚ Бирор ҳудудда кинотеатрлар қурмоқ, кўчма кинолар ташкил қилмоқ. *Қишлоқларни кинолаштирамоқ.*

КИНОЛЕНТА [кино.. + лента] Кино-фильмнинг бир нусхаси; кино лентаси. *Ой-жамол суратга боқаркан, кўз олдидан бултур ёзда.. боғларда сайр қилгани.. кинолентадай бир-бир ўтди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

КИНОЛОГ Кинология мутахассиси; ит-ларни парваришлаш ва уларни бирор фаолиятга ўргатиш билан шуғулланувчи шахс.

КИНОЛОГИЯ [юн. *kyon, kynos* - ит + *logos* — тушунча, таълимот] Итларнинг эволюцияси, зотлари, анатомияси ва фи-зиологиясини ўрганиш, уларни урчитиш, парваришлаш, ўргатиш каби масалалар билан шуғулланувчи фан.

КИНОМЕХАНИК [кино.. + механик] Киноаппаратни ишлата билувчи ишчи, кинофильм кўрсатувчи механик. *Овозопе-ратори киномеханикка «Солдат отаси» фильмининг биринчи ҳалқасини қўйишни буюрди.* Ғ. Саломов, Таржима назария-сига кириш.

КИНООПЕРАТОР [кино.. + оператор] Кинофильмларни суратга олувчи мутахассис. *Эшикда «Телецентр» деб ёзилган авто-бус. Ичкарасида прожекторлар, киноопера-торлар..* С. Ахмад, Сайланма.

КИНОПАНОРАМА [кино.. + панорама] *айн. панорама(ли) кинотеатр.* қ. панорама.

КИНОПЛЁНКА [кино.. + плёнка] Ки-нофильмларни суратга олиш учун ишлатиладиган лента; кино плёнкаси. *Киностудияда икки соатча бўлдим. Ҳамкасбларим.. катта ўрам киноплёнка ҳадя қилиб, кейин шаҳарни томоша қилишни таклиф этишди.* Газетадан.

КИНОПРОКАТ [кино.. + прокат] Ки-нофильмларни намойиш қилиш учун чиқариш ва улардан маълум вақтда фойдаланиш мақсадида кинотеатр, клуб ва ш. к. жойларга бериш; шу иш билан шуғуллана-диган муассаса.

КИНОРЕЖИССЁР [кино.. + режиссёр] Кинофильмни кўювчи режиссёр, кинокартина режиссёри. *«Тоҳир ва Зухра» фильми тугар-шугамас, Наби Фаниев кинорежиссёр Комил Ёрматов ҳамкорлигида «Насриддин-нинг саргузаштлари» кинокомедияси устида иш бошлади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

КИНОСТУДИЯ [кино.. + студия] Ки-нофильмлар ишлаб чиқарадиган корхона. *1926 йили Ўзбек давлат киноси ташкил этилди. Киностудия «Бахт қуши» фильмиши экранга чиқарди.* «Гулистон».

КИНОСЦЕНАРИЙ [кино.. + сценарий] Кинофильм яратиш учун асос бўладиган бадий асар. *Мана бу киносценарийни олинг-да, яхшилаб ўқиб чиқинг.* «Муштум».

КИНОТЕАТР [кино.. + театр] Кино-фильмлар намойиш қилинадиган махсус бино. *Кинотеатр олдига борганимизда, се-ансдан кечикиб қолган қиз билан йигитга кўзимиз тушди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

24— Ўзбек тилининг изоҳли луғати

432

КИНОТЕХНИКА [кино.. + техника] Кинофильмларни суратга олиш, нусхаларини кўпайтириш ва намойиш қилиш билан шуғулланадиган техника соҳаси.

КИНОФЕСТИВАЛЬ [кино.. + фести-валь] Вақти-вақти билан ўтказиладиган, кўпинча бир умумий мавзуга бағишланган кинофильмлар ёки бирор мамлакатнинг энг яхши кинофильмлари кўриги. *Халқаро кинофестиваль. ти Ўзбек киноҳужжатчи-лари*

кейинги икки йилнинг ўзида турли кинофестивалларда ўндан ортиқ фахрий диплом олдилар. «Гулистон».

КИНОФИЛЬМ [кино.. + фильм] Экран-да намоёиш қилиш учун яратилган кинематография асари, кинокартина. Рангли кинофильм. Илмий-оммабон кинофильм. *Шии Рабиев, эшик ёпилгунча, Роҳиланинг бўй-бас-тига қараб турди. Уни қайси кинофильмда кўрганини эслашга уринди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

КИНОХРОНИКА [кино.. + хроника] Кундалик ҳаётдаги муҳим воқеаларни кўрсатиб берадиган қисқа метражли фильм ёки киножурнал.

КИНОЧИ (асосан кўпл. шаклида — **кино-чилар**) Кино ходими. Ёш кинодраматург ва кинорежиссёр Учқун Назаров ўзбек киночила-рининг 40 йш ичида эришган ютуқлари ҳақида муфассал ҳикоя қилиб берди. Газетадан.

КИНОШУНОС [кино.. + ф. ^hi -ўрганувчи] Кино илми билан шуғулланувчи мутахассис, олим. Фильмнинг бўлажак тақдирини унинг асосий ҳукмдорлари — биз томошабинлар, танқидчилар, киношунослар, санъатишунослар.. ҳал қилади. Ҳ. Муталова, Олмалар.

КИНОЯ [а. ^hl^hs — белги; шама, ишо-ра; пичинг, кесатик] 1 Масхаралаш, кулиш учун асл маъносидан бошқа, мажозий маънода айtilган сўз, гап; қочирим, истехзо, пичинг, кесатик ифодаси. -*Хўш, сизча нима қилиш керак, ўқимишли акам! — деди киноя билан Йўлчи.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Саодатхоннинг.. юзидаги жиддийлик ўрнини галати, кинояга ўхша-ган табассум эгаллади.* С. Зуннунова, Янги директор. - *Норбоевamisиз? Меҳнатдан қочиб келибсиз-да, синглим, — Унинг кўзой-нак орқасидаги кўзлари киноя билан кисил-ди.* У. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол. *Шоди Мударрисович.. илжайиб турар, сўзларида ҳазил аралаш киноя оҳанги бор эди.* Д. Нуррий, Осмон устун.

2 ад. Услубий восита: бадий асардаги инкор этиш усулларида бири бўлиб, ЕН-роп шахс ёки нарса устидан кесатик, қочи-рик воситасида яширин кулишдан иборат.

КИНОЯЛИ Пичинг билан айtilган; пичинг, киноя ифодаляйдиган. *Уктамнинг кўзларида эса қандайдир кинояли маъно, лаб-ларида галати табассум сезгандек бўлди Собир.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Лейтенант.. товушини ортиқча баланд чиқариб койимас, салмоқлаб, кинояли сўзлар билан етмиш икки томирга игна тиққандан бадтар жонини ҳалқумига келтирар эди.* Шухрат, Шинел-ли йиллар.

КИНОЯОМУЗ [а. + ф. ^hhbLi - ки-нояли, пичингли, яширин маъноли] Ки-ноя тарзидаги. [Ўрмонжон] *Нимадандир гаши келаётгандай, ундан кинояомуз ҳол-аҳвол сўради-да..* А. Қаххор. Кўшчинор чироқлари.

КИОСКА \фр. kiosque - чакана савдога мўлжалланган дўконча < т. +ф. Л.т.јџ — дала-ҳовли; шаҳар ташқарисидаги қаср] Савдо-сотик ёки бошқа мақсадлар учун мўлжал-ланган павильон; кичик дўкон. *Гул киоска-си. шт Газета киоскаси олдида сочига оқ ора-лаган, ўрта ёшлардаги бир хотин унга қараб турарди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

КИОСКАЧИ Киоскада савдо қилувчи. *Киоскачи бугунги газеталарни тартибга сол-япти. шии -Файзи опа энг камтар киоскачи-ларимиздан, — деди бошлиқ.* Газетадан.

КИПРАТИКАН қ. **типратикан.** Йўл ёқасидаги бир тавақали эшик гийқ этиб очилди. Ундан ёш боланинг кипратикан иг-наларидай юмалоқ боши кўринди. С. Анорбоев, Оқсой. *..худди хавф олдидаги кипра-тикан сингари хурпайиб олган оломон..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КИПРИК Кўз қовоқлари четиде қатор жойлашган туклар. *Кучли кулгидан Раънонинг кўзи ёшланиб, ўсик киприги жуфтланди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Қозининг тус-сиз кўзлари атрофидаги сийрак киприклари пилпиллади, лаблари пичирлади.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

Киприк қоқмаслик 1) киприкларни юмиб-очмаслик, кўз очиқ ҳолда киприк-ларни кимирлатмаслик; диққат билан ти-килиб жим турмоқ. *Сидиқжон озгини, кўзла-рини катта очиб, киприк қоқмай, фавқулодда*

434

*бир жавоб кутиб турганини кўриб, Болта-бойнинг кулгиси қистаб кетди. А. Қахҳор, Қўшчинор чирокдари. Акам ҳамон жойидан қимир этмас, кўзларини ўчоқда ёнаётган оловга қадаганча, киприк қоқмай турарди. Қ. Кенжа, Балиқ ови; 2) бутунлай ухла-маслик, кўз юммаслик. Сидиқжон кечаси би-лан киприк қоқмай чиқди. А. Қахҳор, Қўшчи-нор чирокдари. Мастон унинг ёнида ўтириб, киприк қоқмай тонг оттирди. А. Қахҳор, Мастон. **Киприк қоқмоқ** Юқори ва куйи киприкларини юммоқ, юмиб очмоқ. *Сек-ретарь қиз кўзларини сузиб, бир-икки Мар-та киприк қоқди. С. Аҳмад, Лаъли Бадах-шон. Қўшимнинг нафас олиши, киприк кокиши тезлашди, озги хиёл очилди, гўё суқ-сур қиз қаршисида тургандай энтикди. «Гул-даста».**

КИР 1 Бадан, кийим ва ш. к. га чанг-тўзон ўтириши туфайли ва бошқа йўллар билан ҳосил бўладиган ифлослик. *Қўлнинг кири. Тўннинг кири. тт Мўйсафид сарта-рош.. кирдан қатирмаланиб ялтираган лун-гини [Йўлчининг] бўйнига олиб, бошини иш-қалай бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Кир босган, кирланган. *Кир кўйлак. Қўллари кир. тт Эғнида тирсаги қирилган костюм, Ёқа кир, тугмасиз, юз ямалган ишм. Уйғун, Устаси фаранг. Йўлчи унинг бошини кир ёстиққа оҳиста қўйди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 кўчма Ярамас, жирканч, ифлос. *Фа-қат ана шу кир мақсадга етиш ниятида Аликул билан фикран бўлса ҳам битим туз-динг. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ёшлик ўтди. Бўйи етди. Кир одат уни зиндондек ҳовлига солди. Миртемир.*

4 Ювиладиган ёки ювилган кийим-ке-чак, сочиқ, дастурхон ва ш. к. буюмлар. *Гул-нор титроқ лаблари билан базўргина: -Яхши.. аммангизни севинтиринг, ман нима? — деди-да, кир ёйшини баҳона қилиб, узоқлашди. Ойбек, Танланган асарлар. [Ойимхон] Оч-дан ўлмаслик учун эртадан кечгача кир ювиб, ҳақиға бир коса кепак олиб, нон килиб еган. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Кўнглида кири йўқ Дарров хафа бўла-вермайдиган, бировга гина-адоват сақламайдиган, бировга ёмонликни истамайди-ган; очиқ кўнгилли. *Юрагида бори юзига тегиб турадиган бундай кишиларни, кўнглида кири йўқ, деб мақтайдилар. П. Қодиров, Уч илдиз. Тожимат ака.. кўнглида кири йўқ, шалдир-шулдир одам эди. С. Анорбоев, Оксой. Кўнглини (ёки дилини) кир қилмоқ* Таъбини хира қилмоқ, дилини ғаш қилмоқ; бесаранжомликка солмоқ. *Ўксиниши — одам кўнглини кир қиладиган ёмон иллатлардан. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. У/Тўла/ энг аввал.. дилини кир қилиб келган ёлгончиликка қарши кураш бошлади. М. Ис-моилий, Бизнинг роман. Тирноқ остидан {ёки орасидан, тагидан} кир қидирмоқ қ. тир-ноқ. Мен ўз акасини ревизия қилиб, тирноқ остидан кир қидириб юрган одамдан яхши-лик кутмайман. О. Ёкубов, Асарлар. Сен тирноқ орасидан кир қидирмай қўя қол. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Дарров тирноқ тагидан кир қидирасиз-а, Самадов. П. Қоди-ров, Уч илдиз. Тишининг кирини сўрмоқ* Ей-диган ҳеч нарса йўқлигини билдиради, шун-га ишора қилади. *Улар [бойлар]палов еб, ти-шини ковлаганларида, биз тишимизнинг ки-рини сўриб, ўчоқ олдида чоригимизни куритар эдик. П. Турсун, Ўқитувчи. Шўромиз бўлса, қоринларинг бир ама,иаб тўйиб қолар, дейди. Лоп этиб қиш кирса, тишимизнинг кирини сўриб ўтирамизми? Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.*

КИРА [а. А jS. — ёллаш, ёлланиш; ижара пули; йўл ҳақи ёки юк ташиш ҳақи] **1** Вид-рор жойга бориш ёки бирор юкни олиб бориб бериш учун арава, машина ва ш. к. ни ёллаш, ёлланиш. *Туяларимдан кўнглим тўқ бўлгани учун уларни кирага юбордим. С. Айний, Қуллар... уч соябон арава, олти отни кирага олиб, катта карвон кетидан юриш-ни.. гаплашишди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

Кира қилмоқ 1) ҳақтўлаш шарти билан бошқанинг от, арава, машина ва ш. к. ларидан фойдаланмоқ, уларни ёлламоқ. -*Биз ҳам, отам иккимиз, иккита нор туяни кира қилиб, карвонга уландик, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. ; 2) киракашлик билан пул топмоқ. *Қўлга тушсанг.. кира қилиясан, деб молияга ёзиб беришидан ҳам тоймайди булар.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 с. т. Бадал, эваз. *Холбекани мен кўрсат-сам, тўражон, Кирасига не берасан ўзима?* «Кунтуғмиш».

3 Кира ҳақи, кира пули. *Марғилондан, ҳатто Қудратулла қорини ҳам йигирма беш шоғирди билан чақиртирибди. Бориши-келиши кираларини ҳам бой ўз устига олибди.* М.

Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Иккала машина ҳам якка тартибда уй-жой қурувчиларга сув ташиши ва кира ишлаш би-лан банд бўлмоқда.* Қ. Собиров, Баъзи майда-чуйдалар.

КИРАВЕРИШ Ҳовли, уй ва ш. к. нинг ичига кириш бошланадиган жой, кириш жойи. -*Қани, мин!* — деди Ўрмонжон ҳайрон бўлиб турган Сидиқжонга, — мана шу те-палик орқасида бизнинг Бақақуруллоқ деган маҳалламиз бор, шунинг кираверишида сени бир хотин кутиб турипти. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирокдари. [Растага] *Киравериши-даги якка-ягона атлас дўкониди Назокат деган хушбичим жувон ишларди.* А. Мухтор, Опа-синтиллар.

КИРАВКА фольк. Нимчага ўхшаш, кўпинча совут остидан кийиладиган, металлдан ёки қаттиқ нарсадан қилинган уруш кийими. *Не полвонлар қадди ёйдаи буюкилди майдон ичинда. Найза тегиб, кирав-калар сўкилди майдон ичинда.* «Равшан».

КИРАКАШ Улов, машина билан ёлла-ниб, юк ёки одам ташиш билан шуғулланадиган шахс. *Киракашларга икки баробарҳақ тўланиб, иўлни яхши бишидиган одам таман-ди.* Мирмухсин, Меъмор. *Шаҳардаги барча киракаш шофёрлар Самад безорининг огайни-си.* И. Кдпандаров, Шохидамас, баргида.

КИРАКАШЛИК Кира, киракаш иши, машғулоти, касби. У [Насим] *Бухоро—Баҳоваддин ораларида киракашлик қиларди.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Киракашлик қилишини биласанлар, бир литр бензин сотиб олсала-ринг, асакаларинг кетади.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

КИРДИКОР \ф. *jisɬ*> - яратувчи, ву-жудга келтирувчи (худонинг сифати)] Умуман, қилинган ишлар, хатти-ҳаракатлар; одатда маълум шахс ёки шахсларга оид номакул иш, хатти-ҳаракатлар; қилмиш. *Ойимхон Тожибойнинг ҳамма кирдикорини билар, буларни жамоат ҳам билиб қўйишини истарэди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг [Ум-рининг] кирдикорини мен биламан, ундан мен жирканаман деб юрсам, бутун қишлоқ би-лар экан, бутун қишлоқ жирканар экан.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

КИРДИ-ЧИҚДИ 1 Кирдиш-чиқиш; ки-риш-чиқиш ҳаракати. *Ниҳоят, кирди-чиқди тўхтаб, бир ҳамшира касалларга шундай мурожат қилди..* «Муштум». *Аммо унинг олдиди говур-зувур, кирди-чиқди.. бир дакика-да одамни гангитиб ташлайди.* «Муштум».

2 Кирган-чикқан, нотекис. *Кирди-чиқди ер. Деворнинг кирди-чиқди жойларини тузатмоқ.*

Ақли (ёки эси) кирди-чиқди бўлмоқ Тўғри, меъёрида фикрлаш қобилиятини йўқотмоқ, гоҳ-гоҳ ақлидан айниб қолади-ган бўлмоқ. *Зийрак хотин эди, энди эси кирди-чиқди бўлиб қолгандай..* Уйғун, Тонг қўшиғи. *Ҳақиқатан ҳам бу кейинги вақтда эси кирди-чиқди бўлиб қолган касалманд бир букри эди.* А. Мухтор, Чинор.

КИРДОР \ф. *jbjɬ* - қилиқ, хулқ; амал, одат] кам қўлл. Иш, хатти-ҳаракат, қилиқ; қилмиш. «Муштум»... *нияти бузук дардисар-ларнинг кирдори бадларидан огоҳлик бериб туришларини таъкидлайди.* «Муштум».

КИРЗА \р. кирза — музлаган ер қатла-ми] Оёқ кийими, тасма ва б. нарсалар тайёрлаш учун тери ўрнида ишлатиладиган пишиқ, сув ўтказмайдиган (резиналанган) сунъий материал ва ундан тайёрланган пойабзал. *Собир оғир кирза этиги билан узун*

йўлакка тўшалган гилам-шолчани босишга ийманиб, девор ёнроғини мўлжаллаб, қимти-ниб борарди. Д. Нурий, Осмон устуни. Қора лас тўн кийган.. оёғида кирза этик. А. Ибо-динов, «Латофат» дўконидаги қатл.

КИРИМ 1 бухг. Муайян давр мобайни-да турли манбалардан келиб тушадиган пул, моддий бойлик, маблағларнинг умумлаш-ма атамаси; тушум. *Кирим ва чиқим. Кирим дафтари. тт Янги директор.. кабинетига кириб улгурмай, уетма-уст буйруқлар чиқар-ди: «Автомашиналар менинг фармойишимиз-сиз бир қадам жилмасин», «Сут менинг ам-римсиз бухгалтерияда кирим қилинмасин»..* Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан.

2 айн. даромад. Мен эсимни таниган вақт-ларда бу чолнинг ҳеч бир кирими йўқ ва унинг кундалик овқати.чи қариндошлар бериб ту-рардилар. С. Айний, Эсдалиқлар.

КИРИМ-ЧИҚИМ Ҳисобга олинадиган ёки ҳисобдан чиқариладиган пул ва моддий бойликлар. *Кирим-чиқимни ҳисобга ол-моқ. Кирим-чиқим дафтари. тт Норбой қозғоздан бош кўтармай, кирим-чиқим ҳуж-жатларини имзолаш билан банд эди. «Ёшлик».*

КИРИШ 1 Кирмоқ фл. ҳар. н. *Уйга ки-ришга ошиқди. Аспирантурага киришни орзу киларди. тт АММО аллақандай гойибона куч уни ичкарига киришга ундарди. С. Кароматов, Олтин қум. Гулхайри ҳозир қўлларини пальтосининг мўйнали енгига тиқиб, кириш залида этикчалари билан паркет полни бо-сиб, артистларнинг деворлардаги суратларига тикилиб юргандир. С. Нуров, Нарвон.*

2 Бирор асарнинг асосий қисмидан ол-динги, бошланғич қисми; дебоча; муқад-дима. *Китобнинг кириши. тт Мўттихон кич-кинагина кириш нутқидан кейин сўзни Тошкентдан келган аелга берди. С. Зуннунова, Гулхан. Кейин қисқа кириш сўзи қилиб, масалани бутун тафсилоти билан батафсил таништирди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

Кириш сўз 1) қ. кириш 2; 2) тлш. қ. сўз. Кириш гап Гапнинг айрим бўлаклари ёки бутун гапнинг мазмунига сўзловчининг муайян муносабатини ифодаловчи, асосий гапга қўшимча фикр билдирувчи гап.

3 Бирор фаннинг асосий тушунчалари-ни баён этувчи, шу фандан дастлабки маълумотлар берувчи қисм. *Фалсафага кириш. Тилишуносликка кириш.*

КИРИШИМЛИ Ҳар ким билан суҳбат-лашиб, аралашиб, дўстлашиб кетаверадиган, одамлардан ўзини четга олмайдиган, ётсирамайдиган. *Малика киришимлигина бўлгани учун ҳам, қайнанасининг кўнглини шопиб, ундан ширингина гапини аямади. Мирмуҳсин, Чиниқиш. Зокиржоннинг то-гаси жуда киришимли ва тадбиркор киши. «Шарқ юлдузи».*

КИРИШМОҚ 1 Кирмоқ фл. бирг. н. *Ўқув-чилар синфга киришди. тт Булар талай ер-гача эмаклаб, талай ергача бағирлаб борган-дан сўнг, бутазорга киришди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

2 Бирор иш-ҳаракатни бажаришга бош-ламоқ. *Бу ишга яқинда киришдик. Уқшига астойдил киришди. тт Отабек ортиқ чидаб туrolмади-да, рўмоли билан кўзини яшириб, йигламоққа киришди. А. Қодирий, Ўтган кун-лар. Мен туғшган фикрни дарҳол ёзишга ки-ришмайман. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

3 Кишилар билан яқин муносабатга ўтмоқ, аралашиб, қўшилиб кетмоқ. *У [Са-идий] бирмунча Шариф сингари танишлар орттирди, аммо булар билан киришиб кетол-мас, бу янги доирада ўзини мусофирдай сезар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Унинг қизи Гулнор, ошпаз Анорбойлар ҳам колхоз ҳаётига кири-шиб кетишади. «Муштум».*

4 Бир-бирига туташмоқ, ёпишмоқ. *Ғўза ўсиб кетибди. Шохи шохига киришиб кетибди. И. Раҳим, Ихлос. Тишлари ту-шиб, жағи жағига киришиб кетган кат-та бувиси ҳассасини тақ эткизиб урди-ю.. башарасини тириштириб шанқий бош-лади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. У йўл-йўл галстугини тортиброқ қўйган эди, қўйлагининг кенг ёқаси бир-бирига кири-шиб, галстугининг тугуни кўринмай қол-ди. С. Анорбоев, Мехр.*

5 Иссиқ, совуқ ёки нам таъсирида қис-қармоқ (мато ҳақида). *Ҳозир ювганда кириш-майдиған, дазмол қилинмайдиған, кийиши учун қулай матоларнинг хили кўп.* Газетадан.

6 Белгиланган мақсаддан бошқа нарса-га сарф бўлмоқ (пул, маблағ ҳақида). *Саё-ҳатга аталган пул уй ремонтига киришиб кетди. Сенинг ўн сўминг менга киришиди,*

КИРКА [р. кирка < т. курак] айн. **ме-тин 1.** *Дарё ёқасида уймалашиб, лом ва кир-калар билан тош кўчираётган одамларнинг кийимларини [шамол]юлқийди.* Ш. Гуломов, Бўз ерга баҳор элтганлар.

КИРКИК Беданани чақириш (тўрга илинтириб тутиш) учун махсус ишланган хуштак. *Содиқвой ҳатто киркикни ҳам син-дириб ташлади, сайратмаларини бировга бергани йўқ, ҳаммасини учуриб юборди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

КИРЛАМОҚ айн. **кирланмоқ.** *Уст-боши кирлаб кетибди. Бола кирлаган бетини юва бошлади.*

КИРЛАНМОҚ Кир бўлмоқ, кир олмоқ. *Чолнинг эғнида кирланиб, мойланиб йилтил-лаган қора камзул.. Ойбек, Танланган асар-лар. Унинг юзи газабдан каж бўлиб, тердан кирланиб кетган бўлса ҳам, Жуман уни дар-ров таниди.* А. Мухтор, Туғилиш.

КИРМОҚ (асосан ж. к. билан) 1 Юриб ёки силжиб, бирор нарсанинг ичига, ич-ки қисмига ўтмоқ, ўзини ичкари қисмга олмоқ. *Уйга кирмоқ. Форга кирмоқ. тт Аҳмаджон бўи лаганни дастурхони билан кўтариб, қушбеги кирган эшикдан чиқди.* А. Крдирий, Ўтган кунлар. *Бектемир тез-дан ўзини настликка ташлади, югура-югу-ра, ўрмонга кирди.* Ойбек, Қуёш қорай-мас. *Йўл устидан чиқиб қолган чаққон кал-такесақлар ўқдай отилиб, кавакларга, тош ораларига кириб кетади.* А. Қаҳҳор, Мас-тон.

2 Нарсанинг орасига, ички қисмига ёриб, тешиб ўтмоқ, суқулмоқ; санчилмоқ. *Қўлига тикан кирди. Ер шундай қаттиқки, қозиқ қоқсанг ҳам кирмайди. тт Тош учлан-ган қирраси билан бекнинг бошига тушиб, ярмигача ўйиб кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Аямай найзани уради Икки эмчак ўртасига, Фарчиллаб найза киради.* «Гулшанбоғ».

3 Ич томонга ботмоқ. *Эрталабдан бери ҳеч нарса емаган молларнинг қоринлари ич-ичига кирган. тт Новча, икки лунжи ичига кириб кетган.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Орасидан, қаторидан жой олмоқ; кўшилмоқ. *Бу мақола тўпламнинг иккинчи жилдига кирган. тт Иккитасида Азимбой-ваччанинг оти ёзилиб, кейин ўчирилган, охир-гисида мутлақо рўйхатга кирмаган.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бу касбни қўй, ука, сартарош-лик қил девдим, мана у ҳам одам қаторига кириб олди.* «Гулдаста».

5 Иш, хизмат, ўқиш, жамият ва ш. к. га қабул қилинмоқ; жойлашмоқ. *У даставвал институтга лаборант бўлиб кирди. Партия-га кирмоқ. Заводга слесарь бўлиб кирмоқ. тт АММО биз ишга кирган одамларни жойларга уларнинг истаги билан эмас, идора эҳтиёжи билан юборамиз.* С. Кароматов, Олтин кум.

6 Санок сон ёки баъзан «ёш» сўзи би-лан бирга қўлланиб, шу сон билдирган йилча умр кўрганликни билдиради. *Отам олтмишга кирди. Қиз ўн етти ёшга кирди. тт Раҳмат, юзга кир, ували-жували бўл, ўғлим.* Ойбек, Танланган асарлар.

Шу ёшга кириб Шунча йил яшаб. *Мен шу ёшга кириб, кўпчилик ичида «самоварчи, чой» деёлган одам эмасман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

7 Пайт, ой, фасл билдирувчи сўз, сўз бирикмаси билан қўлланиб, шу пайт ёки фаслнинг бошланишини билдиради. *Ёдгор, умри бино бўлиб, баҳоринг кириб келишини шу қадар диққат билан кузатмаган экан.* У. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кечикиб кирган қиш энди кун сайин совугини кучай-тира бошлаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кеч кирди. Товуқлар гира-шира қоронги-да тир-гир учиб, босширма шипидаги кўноққа чиқа бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Март ўтди, апрель кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

8 Айрим отлар билан бирикиб, шу от ифодалаган нарсанинг пайдо бўлиши ёки вужудга кела бошлаганлигини билдиради. *Кўчатлар мевага кирди. Ток ҳосилга кирди.*

Товуқ шухумга кирди. Юзига ранг кирмоқ. **тм** Июнь ойининг охири. Ғўзалар айни гулга кирган вақт. Н. Сафаров, Узокни кўзлаган қиз. Иштаҳага кирди-ю, кулча юзига ранг югурди. К. Яшин, Ҳамза.

9 Ўзи бирикиб келган сўз ифодалаган ҳолат, хусусият ва ш. к. ни касб этиш, шун-га эга бўлишни билдиради. *Касал уйқуга кирди. Кўм-кўк осмон бирпасда кулранг тусга кирди. тм* Сиз келсангиз, ҳовлимизга офтоб чиққандай файз киради. К. Яшин, Ҳамза. Уй бекаси ўзининг асл руҳига кирди, жангчиларни қиём ва печенье билан меҳмон қилди. Ойбек, Куёш қораймас. *Севгилимни чиройли йигит қиёфасига кириб олган сеҳргар иблис қўлтиқ-лаб келаётгашидан ёниб кетдим.* Х. Тўхтабо-ев, Ширин крвунлар мамлакати. Унинг \Бе-рунийнинг} тартибсиз, жўшқин фикрлари мунтазам бир шаклга кириб, вояга етди. М. Осим, Жайхун устида булутлар.

10 Ўтмоқ, ўтиб ўзлашмоқ. Бу одатлар қардош халқлардан кирган. Сут билан кирган жон билан чиқар. Мақол. Русча «кан-дидат», «кандидатура» сўзларининг эквивалентлари сифатида эса тожик тилидан кирган «номзод» (ҳозирги маъносида) сўзи қўлла-нади. «ЎТА».

11 Айрим сўзлар (мас, сезги аъзолари-ни билдирувчи қулоқ, бурун каби сўзлар) билан қўлланганда, нарсанинг шу аъзога таъсир этиб, сезги уйғотишини билдиради. Гулнинг ҳиди бурнига кирмоқ. **тм** Уйлайман-у, мияга ҳеч нарса кирмайди. «Гулдаста». Авазнинг қулогига унинг гапи кирмас, у тар-саки егандек, шайх Саъдийнинг шоҳ сатрига тикилиб ўтирарди. С. Сиёев, Ёруғлик.

Ақл {ёки **ақли**) **кирмоқ** Ақли бўлмоқ, ақл билан иш қиладиган бўлмоқ. Бўйим чўзилиб, ақлим кирган сайин кўпроқ ўйлай-диган бўлиб қолдим. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. **Гапга** (ёки **сўзга**) **кирмоқ** Ўзга-нинг айтганига кўнмоқ, унамоқ; рози бўлмоқ. *Ҳазратқул ювош, нима деса гапга кирадиган боладан бунақа гап чиқишини сира ўйламаган эди, гангиб қолди.* С. Аҳмад, Юл-дуз. *Яхшиям, отасининг сўзига киргани, акс ҳолда, Табибийдек доно, зукко бир устоз, оқиш дўстдан айрилиб қолиши ҳеч гап эмас экан.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Гўрга кирмоқ** Ўлмоқ, ерга кўмилмоқ. **Ерга кирмоқ** 1) айн. **гўрга кирмоқ.** Сиздай одамга бундай бўҳтон қилган-дан кўра ерга кирганим яхши эмасми? А. Қаҳ-ор, Қўшчинор чироқлари; 2) ҳаддан таш-қари уялмоқ, мулзам бўлмоқ. *Мен чақир-сам, баттар уялади, ерга киради, ҳам унинг кўзига қандай қарайман!* Ойбек, Танланган асарлар. *Домла ер ёрилиб, ерга кириб кетгу-дек бўлибтурарди.* М. Мансуров, Ёмби. **Ёни-га** (ёки **қўлтиғига**) **кирмоқ** Қўллаб-қўлтиқламоқ; ёрдам бермоқ; улғайиб, ёрдам бе-радиган ёшга етмоқ. *Қурбон ота шу ишни бошлаган вақтда унинг ёнига кирадиган одам-лар пайдо бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чи-роқлари. **Жонига ора кирмоқ** Сабабчи бўлиб, бирор нарса, фалокатдан сақлаб қолмоқ. *Ўз танки билан душман зотини абжақ қилган, немис мудофаасини ёриб ўтиб, неча юзлаб жангчиларимиз жонига ора кирган.* Н. Са-фаров, Оловли излар. *Бир неча ой отаси бетоб бўлиб қолганда, табиби ҳозиқ уни да-волаб, жонига ора кирган эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Жон кирмоқ** Жонланмоқ, жонланиш юз бермоқ. *Шу орада хати бориб қолди-ю, бизга қайта жон кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Нонни еб. сувни ичган болаларга жон кирди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Жони кирмоқ** Маза қилмоқ, қониқиш билан роҳатлан-моқ. *Ҳа-ҳа! Пирхонада жонинг кирибди-да.. Мазахўрак бўлибқопсанда..* К. Яшин, Ҳамза. **Иўлга кирмоқ** Юришга бошламоқ.. *Қонига беланган дадангни кўтариб кирганларида, сен энди иўлга кирган эдинг.* Ў. Шамшаров, Тош-қин. *Адолат иўлга кирди дегандан бошлаб, топганини сандиққа ташлади.* С. Зуннуно-ва, Олов. **Тилга кирмоқ** Гапира бошламоқ (гапирмаётган, жим ҳолатдан гапира бош-лашни билдиради). *Шариф тарро уҳ тор-тиб, тилга кирди: -Хоним, бу осий бандан-гизни афв этгайсиз..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Умар полвон ўйланиб қолди, анчадан кейин тилга кирди.* К. Яшин, Ҳамза. **Тушига кирмоқ** Ту-шида кўринмоқ. *Товуқнинг иушига дон кира-ди. Нафақа керак бўлса, даромадимнинг яр-мини олинг.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор

чироқла-ри. У қулоғидан кириб, бу қулоғидан чикди Шу оннинг ўзидаёқ унутилди, жуда тез эс-дан чикди. Бу гаплар унинг у қулоғидан ки-риб, бу қулоғидан чиқиб кешаверди. Қўлга кирмоқ Тасарруфига, ихғиёрига ўтмоқ. Ёни-вери билан қўшилиб, бир танобдан мўл ер қўлга киради. Ойбек, Танланган асарлар. Қўлга кир-ганда, булбулим учди.. «Баҳром ва Гуландом».

КИРОВКА қ. киравка. Оқ кировка, ол-тин совут кияман. «Алпомиш».

КИРОЙИ [а. +ф. ^Ij-S - арзирли; лойиқ, сазовор бўладиган] 1 Айтишта ар-зийдиган, гапирса, мақтаса бўладиган. Мана бу кироийи иш бўлибди. *тм* -Гуруч деса, ки-ройи гуруч шу, — деди қари соғувчи чол. М. Исмоилий, Фарғона ғ. о. Рақиб деганнинг кироийи айтишига сўзи, муштлашишига муш-ти бўлса. Ҳ. Фулом, Машъал. Қишлоқда *дye-dye гап*. Кироийи куёвинг бўлса, Комилжон-дақа бўлсин. Уйғун, Ҳаёт қўшиғи. Уй тақ-дим эт кенг, мухташам, Пора берсанг, ки-ройи. «Муштум».

2 Ўтакетган, жуда, ғоят. Энди орада ча-қир тиканак бўлишим — кироийи номардлик! Ойбек, О. в. шабадалар.

КИРОМ [а. f.lj£ — карамли, саховат-ли, буюк (кишилар); — "карим" с.

кўпл.] эск. кт. Муҳтарам, азиз (кишилар). *Иниоолло, бул андишамиз киромларга маъқ-ул тушган тақдирда..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эй менинг дўстларим, кироми мат-луб.. Э. Воҳидов.

КИРПЕЧ [кир + ф. — қоплама; пар-да] Кир тахланган тоқча олдини тўсиб, бер-китиб қўйиш учун ишлатиладиган безакли буюм. *Уч палак тикдим.. Ҳаммаси бойлар-нинг эркаларига, ўзимга қани, биттагина кирпеч ҳам йўқ.* Ойбек, Улуғ йўл.

КИРПИ шв. Типратикан. Ярим соатлар ўтар-ўтмас. қиров қўна бошлаган сочлари ҳурпайган кирпини эслатувчи малларанг одам кирди. «Муштум».

КИРПИТИКАН шв. Типратикан. У[Иб-роҳим].. кирпитикан игналаридай сочлари қоп-қора.. камсуқум йигит эди. С. Анорбо-ев, Ўзбекистон олтини.

КИРПЎШ [кир + ф. — ўров, жилд; тўсибтурувчи нарса] с. т. Кирпеч. Шу вақт тахмонга осилган кирпўш ўз-ўзидан қимир-лагандек бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КИРТАЙМОҚ Уйқусизлик, ҳорғинлик, чарчоқлик ва ш. к. натижасида кичрайиб, ичига тушмоқ (фақат «кўз» сўзи билан). Қудратнинг афтидан қаттиқ ҳаяжон ва чарчоқ сезилар, лекин киртайган кўзлари жилмайиб турарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақ-моқяр. Жуда ҳам ориглаб кетибди, кўзлари киртайиб қолибди. Ё иши жуда оғирмикин? А. Мухтор, Туғилиш.

КИРТ-КИРТ тақл. с. Ўт, хашак ва ш. к. ни узиш ёки чайнашда чиқадиган товуш

439

ҳақида. *Пастда, ўтлоққа ёйилган пода эри-нибгина кирт-кирт ўт кемиради.* И. Шам-шаров, Қахрамонлик йўли.

КИРТОКЧА Ювилган дастурхон, сочиқ ва ш. к. лар тахлаб қўйиладиган (одатда, кичик) тоқча. *Кўз олдида дарров катта уй-нинг икки тахмони ўртасидаги киртокча тепасига қўйилган рамкадаги сурат келди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КИРХОНА Кир ювиш, дазмоллаш каби ишларни бажарувчи муассаса, ишхона. *Ателье-лар ва кирхоналар, буюмларни ижарага бе-риш пунктлари ёмон ишлаяпти.* «Муштум».

КИРЧИ Кир ювувчи ишчи. *Кирчи аёл.*

КИР-ЧИР 1 Кир, ифлос ҳолатли. *Бир куни у киши, ўзича, ўғлим иссиқ овқатсиз, кир-чир бўлиб, етимлик азобини чекмасин, дебди.* «Олтин бешик».

2 Ювиладиган хар хил кийим, сочиқ ва ш. к. лар. *Ҳамир кўпгунча, кир-чирларини ювди, сўнг нон ёнди.* Т. Ашуров, Оқ от.

КИРЮВДИ зтн. Киши дафн қилинган-дан кейин учинчи куки бўладиган биринчи маросим (бунда мархумнинг кийимла-ри ювилиб, ювғучига берилади).

КИСЕЛЬ \р. кисати < киснуть — ачи-моқ, бижғимоқ] Мева шарбати ёки сутга крахмал кўшиб пишириладиган енгил ов-қат, куюқроқ ичимлик. *Кулуннай кисели. ти \Дўлана\ Мевасидан кисель, қиём тайёрла-нади.* «Фан ва турмуш».

КИСЛОРОД [р. кислород < лот. Oxygenium (oxus — нордон, аччиқ + genos — туғилувчи, туғилган) сўзининг калькаси] Ҳаво таркибига кирувчи, нафас олиш, ёниш учун зарур бўлган, водород билан бирикиб, сув ҳосил қиладиган, Менделеев даврий системасининг VI гуруҳидаги кимёвий эле-мент; рангсиз, ҳидсиз газ. *Лойиҳага кўра, уй чердагига ўрнатилган қуёш батареяси сувни кислород ҳамда водородга ажратади.* «Фан ва турмуш». *Кислород ҳавонинг энгмуҳим тар-кибий қисми ҳисобланади.* Газетадан.

КИСЛОТА [р. кислота — нордонлик, аччиқлик < юн. oxytatos — жуда нордон] Таркибида водород бўлган ва шу водород ўрнини бирор металл эгаллаганда, туз ҳосил қиладиган, нордон кимёвий бирик-ма; сув ҳамда туз ҳосил қиладиган мурак-каб моддалар.

КИСЛОТАБАРДОШ Кислота таъсири-га чидамли.

КИСЛОТАЛИ Таркибида кислота бор. *Кислотали бирикмалар.*

КИССА \ф. 4[^].[^] - қоп, халта] 1 эск. Оғзини бўғиш учун махсус ип ўтказил-ган, мато ёки чармдан ишланган кичик халтача. *Элчи, хонларнинг киссаларини ол-тин, қўйинларини ваъдалар билан тўлди-риб, мақсадига эришганга ўхшайди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 шв. Чўнтак. *Шерали киссасидан блок-нотини олиб, чирок шуъласига яқин борди-да, унга бир нималарни ёзиб қўйди.* М. Муҳа-медов, Қахрамон изидан.

КИССАВУР \ф. 1;4 ... ■< — халтани, кис-сани кесувчи] Чўнтак ўғриси; кўча-кўй, бозор ва б. жойларда кишиларнинг нарса-ларини ўғирловчи шахс. *Каромат киссавур-ларда бўлади.. Пулинг борини билиб, орқанг-дан илашади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик. *Биров: «Собир аканинг ўгли киссавур бўлиб кетибди» деса, яна биров: «Кечалари хилват жоиларда йўл тўсиб, одамларни талармиш», деярдди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

КИССАДЎЗ [кисса + ф. \Ж - тикувчи] эск. Кисса тикувчи уста.

КИСТА [юн. kystis - пуфак; қаварик] Баъзи оғриқ билан кечадиган жараёнларда пайдо бўладиган, калин деворли ва ичида суюқёки бўтқасимон модда бўлган бўшлиқ.

КИТ [юн. ketos — денгиз махлуқи] Кўри-ниши балиққа ўхшаган жуда катта сутэми-зувчи денгиз ҳайвони.

КИТЕЛЬ \нем. Kittel] Ҳарбийларнинг бир ёқлама тугмаланадиган, тик ёқали расмий кийими. *Стул суюнчигига ташлаб қўйилган китель елкасидаги погон ойдинда ялтирайди.* С. Аҳмад, Ўйлар. *Унинг эгнида келишган, ёқаси бўғиқ китель; бошида пар-рак ва қанот белгиси тақилган, гардиши таранг фуражка.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақ-моқлар.

КИТОБ \а. у\А -ёзилган, муқовалан-ган асар] 1 Маълум матнли варакутрдан иборат, жузлаб тикилган, муқоваланган, ҳажми 48 саҳифадан кам бўлмаган босма (қадим кўлёзма ҳам) асар. *Китоб магазини. Китоб савдоси. Китоб нашр этмоқ. Шеърый китоб. Геологияга оид китоб. Шахматга оид китоб. ит Аҳмад Ҳусайн.. китобларни сара-лаб, чамаданга жойлади..* Ойбек, Нур қиди-риб. *Ҳозир отага қарашиб турибман: чойхўр-ларга газета, китоб ўқиб бераман.* А. Қаҳ

440

қор, Асрор бобо. *Китобнинг муқоваси кўркам, китобхон уни қўлга олиши билан баҳридили очилиб кетади.* Газетадан.

2 Умуман, маълум шахс, воқеа-ҳодиса-га ва б. га оид тугал, одатда, нашр этишга (китоб бўлишга) мўлжалланган асар. *-Бу яқинда катта китобни ёзиб тугатади, — дея*

давом этди Завқий. К. Яшин, Ҳамза. Тез кунда доврагим оламга ёйилиб кешса-я.. менинг ҳақимда ҳам китоблар ёзишса-я. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

КИТОБА [а. 4_ Li<i — ёзув; котиблик; ёзувли лавҳа] эск. Қабр тоши, катта дарво-за ва бино пештоқита битилган ёки ўйил-ган йирик ёзув. Қани у харобазор? Барқ урар янги жаҳон, Дарёлар, экинзорлар — фусун-кор китобалар. Миртемир.

КИТОБАТ [а. — ёзув, ёзиш; ёзув-ли лавҳа] эск. Ёзиш, кўчириб ёзиш, ёзув. Кекса хаттот Машиариф тарро билан маро-симни китобат қилиб ўтирган эди. С. Сиё-ев, Ёруғлик. Хобгоҳ эшиги олдида уларни Бобурнинг шахсий табиби бўлган кичик жус-сали мўйсафид тўхтатди: -Бу китобатни аввал Қосимбек ўқимоқлари керак. П. Қоди-ров, Юлдузли тунлар.

Китобат санъати Қўлёзма китобларни яратиш, уларга безак бериш.

КИТОБДОР эск. Кутубхоначи. Китоб-дорга айтиб қўйинг, Ибн Синога ҳар кун китобхонада машгулот ўтказмоққа ижозат бердим. М. Осим, Карвон йўлларида.

КИТОБИИ Китоб тили ёки ёзма нутққа оид; оддий сўзлашувда қўлланмайдиган. Ки-тобий сўз. Китобий ибора. Китобий дoston-лар. иж Салимхўжа муллавачча бу оилага тез-тез келиб турар ва Нусратилланинг иқболи ҳақида кўп чиройли китобий сўзлар билан га-пирарэди. А. Мухтор, Опа-синтилар.

КИТОБИЙЛИК Китобий белгига, ки-тобий услубга хослик. Кўриниб турибдики, таржимон, Аркадинанинг нутқидаги кито-бийлик, сунъийликни сақлаб, унинг характе-рини қайта ярата олган. «ЎТА».

КИТОБФУРУШ [китоб + ф. ЛЛЛЛ -сотувчи] Китоб сотувчи, китоб савдоси би-лан шуғулланувчи шахс.

КИТОБХОН [китоб + ф. - ўқув-чи, ўқийдиган] Китоб ўқувчи. Китобхонлар конференцияси. иш Тогқаби.. уй ичи лик тўла китоб. Ўқиш залида жим, китобхонлар бе-ҳисоб. Қ. Муҳаммадий. Ёзувчи олтин сўз излаб, китобхон қалбига йўл олади. С. Каро-матов, Олтин қум.

КИТОБХОНА Китоблар қўйилган жой, хона. Хусайн бўш вақтларида отасининг ки-тобхоиасини титилаб, араб, форс тилла-ридаги бадий асарларни ўқиб чиқар эди. М. Осим, Карвон йўлларида.

КИТОБХОНЛИК Китоб ўқиш, бирга-ликда китоб ўқиш. Гап-гаштакларда, ўти-ришларда китобхонлик қилган жўралари ора-сида «ширин сухатлик билан танилган Олим-хон сайрайверди. Ойбек, Танланган асар-лар. Бизнинг таишари ҳовлимиз бўлиб, ки-тобхонликлар шу ерда бўларди. Шукрулло, Жавохирлар сандиғи.

КИТОБШУНОС [китоб + ф. ^L^i -ўрганувчи, билувчи] Китобшунослик му-тахассиси.

КИТОБШУНОСЛИК Китоб ҳақидаги фан.

КИФОЯ \а. 4 ;Lk£ — етарлилик; зарур микдорнинг борлиги) рви. Қаноатланса бўладиган даражада, қаноатланарли; етар-ли. Хўкизга — туртки, донога ишора кифоя. Мақол. И Биз сизларнинг ўқиб юрганнгизни кўриб, хурсанд бўлиб юрсак ҳам кифоя (деди Ғани ака). П. Турсун, Ўқитувчи. Меъморчи-ликда фақат зеҳну иқтидорнинг ўзи кифоя эмас, унинг дадил ва оғишмай иш кўриши ҳам зоятда муҳим. Мирмуҳсин, Меъмор.

КИФОЯЛАНМОҚ 1 Қаноат ҳосил қил-моқ, қаноатланмоқ. Ўзбегимнинг одати шу: уйига бирон меҳмон.. келса, бор-будига ки-фояланмай, оёғи куйган товукдай югуради, ўзида бўлмаса, қўйишисиникига югуради. С. Нуров, Нарвон.

2 Шунинг ўзи билан бас қилмоқ; чек-ланмоқ. Норбувининг «бу муштумзўр» жум-ласи унинг қитигини келтирган бўлса ҳам, фақат бир хўмрайиш билан кифояланади. Ҳ. Шамс, Душман.

КИФТ \а. <_ai£ — елка| **1** Гавданинг бўйиндан қўлгача бўлган қисми; елка. Отам келиб, хуржунни кифтига олди, мен унга эр-гашидим. С. Айний, Эсдалиқлар.

2 Кийимнинг елкада турадиган, елкани қоплайдиган қисми. *Тешабойнинг таънаси боёги кифти ямоқ қотма чолнинг жахлини чиқарди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

Кифтини келтирмоқ Жуда яхши (ўрин-латиб, қотириб) бажармоқ; қойил қилмоқ; бопламоқ. *Қўлинг дард кўрмагур ошпазлар*

442

ҳам таомларнинг кифтини келтириб юбо-рибди. «Муштум». -*Аканг айлангур, ҳазилли-ям кифтини келтирасан, — Тўламат мўйлов йирик-йирик тишларини кўрсатиб илжайди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Якка кифт бўлиб ёки якка кифтлаб** Ёнламасига, бир ён билан (оралиқдан ўтиш, юришдаги ҳолатга нис-батан). *Йўлчи якка кифт бўлиб, халқ ораси-ни ёриб, олдинга ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Якка кифтлаб ўтасан киши, Кўча-ларда сонсиз оломон.* Э. Раҳим, Янги қадам. *Яна якка кифт бўлиб, дарвозадан чиқди ва.. кўчадан жадаллаб кетди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

КИЧИК [ф. *Д? j*<. — кичик, майда; унча катта бўлмаган] 1 Тузилиш, ҳажм, ўлчам жи-ҳатдан нисбатан катта бўлмаган. *Кичикўрмон. Кичик шаҳар. Кичик бино. Кичик тош. Кичик арава. Кичик хўжалик. Кичик гавда.* **иши** [Ота-бек] *Айвоннинг нариги ёни билан.. бир боқча-гами, майдонгами чиқилишини билиб, шу ёққа трди ва кичикроқ бир мевазорга чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кумда таланиб, бор-йўздан ажралган кичик карвон сочилган нар-саларни йиғиб, отларни эгарлаб, араваларга қўйишига ҳозирлик кўрди.* Мирмуҳсин, Меъ-мор. *Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Анави кичик жангичи ҳам йўқманми?* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 Сифими, сатҳ ўлчами катта бўлмаган; тор. *Кичик ҳовли. Тўн унга кичик келди.* **иши** *Аксар шаҳар уйларидек, уста Баҳромники ҳам икки хона, бир айвондан ва кичик саҳн-дан иборат, ташқисиз эшик эди.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

3 Ёши ўрта даражадан паст, ўрта дара-жага етмаган; кексанинг акси, ёш. *Кичик-ларга муруват қил, катталарни ҳурмат қил.* Мақол. *Бир каттанинг гапига кир, бир — кичикнинг.* Мақол.

4 Нисбатан ёши паст (кам) бўлган. *Ки-чик ўғил. Кичик амаки. Икки ёш кичик. Узидан кичик дўсти.* **иши** *Болалардан кичикроқ-лари чопқиллашиб, Саодатхондан ўзиб кетишиди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Си-диқжон унга мурожаат қилганида, ўздан кичик бўлса ҳам, «Зиёдахон опа» дер эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқдари.

5 Вазифа, лавозим даражаси паст, қуйи. *Мен ўн бир йил шу идорада кичик бир лавозимда ишладим.* «Гулдаста». *Бухорода устоз Нажмиддин Бухорий каби катта меъмор бўлмаса ҳам, кичиклари бор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

6 Ўзи бирикиб келган сўз билдирган амал, касб ва ш. к. нинг қуйи, паст, бошла-нғич даражасини билдиради. *Кичик илмий ходим.* **иши** *Яхши йигитлар — армиянинг ҳусни. Кузга бориб, буларни кичик командир қилиб чиқарамиз-а?* Шуҳрат, Шинелли йил-лар. *Кичик бир маопер бўлиб чиқарди отин..* Ғайратий.

7 Аҳамияғ, моҳияғ жиҳатдан катта бўлмаган; арзимас, муҳим бўлмаган. *Кичик хато. Кичик бир мулоҳаза.* **иши** *Ҳанифа.. ўз звеносининг кичик бир муваффақияти шун-дай катта мажлисда оғизга тушадиган бир воқеага айланиб кетишини сира кутмагани учун.. қаттиқ хижолат тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари.

Катта бошини кичик қилиб Узини паст олиб, камтар тутиб, камтарлик билан (ўз мартабаси, мавқеи ва ш. к. ҳолатига нис-батан олинади). *Раис ҳам катта бошини кичик қилиб, кўпчиликнинг олдиди: -Гапир-ган адашади, юрган қоқилади, — деди.* С. Нуров, Нарвон. *Сорокиннинг полкидаги галаёнларни яшириш учун Владимир Яков-левич катта бошини кичик қилиб, прапор-шикни ўз ҳимоясига олишига мажбур бўлди.* А. Мухтор, Чинон. **Кичик тортмоқ** Кичик ҳолга келмоқ; кичиклашмоқ (гавда, тана ҳақида). *Бир вақтлардаги гавдали паҳла-вон Крбил энди кичик тортиб кетган, кесакранг юзини, нурсиз кўзларини ҳадеб эл-дан яширар эди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

КИЧИКЛАШМОҚ Кичик ҳолга кел-моқ, кичраймоқ. *Гавдаси кичиклашмоқ. Ҳажми кичиклашмоқ.*

КИЧИКЛИК 1 Кичик ўлчам, ҳажм, да-ражага эгалик; кичик ҳолат. *Гавданинг кичиклиги.*

2 Ёш вақт; ёшлик. *Мен Бобур мирзога кичиклигидан илм ўргатдим.. мен уни одил подшоҳ бўлишга ундадим.* П. Қодиров, Юл-дузли тунлар.

Кичиклик қилмоқ 1) ёшлик қилмоқ. *Бу гапларни гапиришига кичиклик қиласан; 2) торлик қилмоқ, тор келмоқ. Бу туфли унга кичиклик қилади.*

КИЧИРИ айн. **мошкичири.** *Дарвозахона ёнидаги қоронғи бир қўшхонада жулдур ки-йимли қуллар ва қароллар кичири еб ўтирар эдилар.* М. Осим, Элчилар.

КИЧКИНА айн. **кичик.** *Кичкина деманг бизни, Қўтариб урамиз сизни. **тм** Кичкина мўй.юви озиз четларидан хиёлгина тушиб турган йигит кўриб..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *..Ҳасаналиучун ҳам бу воқеа кичкина гап, озгина қайғу эмас эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Ҳа, бир кичкина тўи қилмоқ-чи эдик.* «Гулдаста». -Ука, — деди куюниб, — мен кичкина одаммасман. Сизга алоҳида квартира олиб беришига қурбим етади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

КИЧКИНТОЙ 1 **Кичкина** с. кичр.-эркл. *..ёшлар, ахир, бундан ўн йил муқаддам мак-таб даргоҳига илк бор қадам қўйганларида, кичкинтой бола, жасжси қизалоқлар эдишр.* Газетадан.

2 Ёш бола; гўдак. *Кичкинтойлар кийими. **тм** Кичкинтойлар учун мультфильмларни томоша қилиш, магнитофон ленталарига ёзилган эртақлар, шеърлар ва қўшиқларни тинглаш, диафильмларни кўриш айниқса қизиқарли.* Газетадан. *Дала шийпони ишнам қилиб безатилиб.. кичкинтойларнинг яйраб-яшинаши учун барча шарт-шароит яратиб берилган эди.* Газетадан.

КИЧРАЙМОҚ Кичик бўлмоқ, кичик тортмоқ, ўлчам жиҳатидан қисқармоқ; кичиклашмоқ. *Шар кичрайди. **тм** [Мингбоши-нинг] Ҳамма вақт шосупада талтайиб ўти-радиган йўгон гавдаси мана энди кичрайди, нортуюдек новча бўйи пасайди.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о. *Лайлак хира осмон қаъри-га тобора кириб, узоқлашиб, кичрайиб бо-рарди.* К. Яшин, Ҳамза.

КИШ унд. с. Товуқ ва бошқа қушларни ҳайдашни ифодалайди.

КИШАН 1 Отнинг икки олдинги оёғига (эркин юришга имкон бермаслик учун) солинадиган бўғов, занжир.

2 Оёқ, қўл, бўйинга солиб, қулфлаб, банд қилиб қўйиладиган, темир халқалар-дан ишланган махсус мослама. *Наби Фар-ҳоднинг қўл-оёғига боғланган оддий кишанни очди ва бўғовли кишанлардан бирини олиб, унинг бути ва бўйнига урди.* С. Айний, Қуллар. *Солдат калипни берди. Бояги эркакмаҳ-бусларнинг қўлларидаги кишанларни очди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўчма Умуман, эркин ҳаракатга йўл қўймайдиган нарса, тўсиқ, ғов. *Аммо Со-хиб қори билан Бозоровлар унга кишан бўлма-салар бас эди!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У вақтда от, сигир.. тушунмаслик оёғимга кишан бўлган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Зебу зийнат, ўйин-кулгига ўрган-ган хотин учун бола оёқнинг кишани бўлиб туюларди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

Кишан(га) солмоқ {ёки урмоқ) Кишан-ли ҳолатга солмоқ, кишанбанд қилмоқ; кишанламоқ. *Зулмга қарши сўзлагани учун, деҳқонларга ер талаб қилгани учун уни кишанга солишди.* Ойбек, Нур қидириб. *Бир неча солдат келиб, маҳбусларни ушлади.* *Ясо-вул ҳаммасининг қўлига кишан урди.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о.

КИШАНБАНД Кишан урилган, кишан-ланган (қ. **кишан 2**). *Уч маҳбус, бошига бало осмони ағдарилгандек, кишанбанд қўлларини қоринлари устида жуфтлаб, гангиб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КИШАНЛАМОҚ 1 Кишан урмоқ, ки-шан солмоқ (қ. **кишан 1, 2**). *Отни кишанламоқ. ит* Бунни кўрган Содиқжон ёнидаги аёл-ларга шивирлади: -Ақлдан озибди, олиб кетинглар, айтинг, кишанлаб қўйишин.. К. Яшин, Ҳамза.

2 кўчма. Эркин юриш-гуришдан, хара-катдан маҳрум қилиб қўймоқ. *..шайтонга дарс бераман, деган мулла Саъдуллани мот қилиб, ўзини ҳар томон ташлаётган хотин-бознинг оёқ-қўлини кишанлаб, бир умр бирга яшашига мажбур қилиш ниятида фарзандла-рини бештага етказди. «Муштум». Вақтни кишанлашига ҳамон мен ожиз. Зулфия.*

КИШАНЛИ айн. **кишанбанд**. Кишанли оёқларини бир тарафга осилтириб олган те-мирчи Ражаб полвоннинг белидан қучоқлади. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

КИШВАР \ф. *л л* ■»< — мамлакат, ўлка] эск. *кт.* Вилоят, ўлка, мамлакат. *Етишиди бу гўзаа кишварда Бобир, Бўлиб сўз устаси, санъ-атли шоир. Ҳабибий. Тангри бизга шундай катта кишварни иноят қилгани учун, биз Самарқанддай оламушул доруссалтананага муяссар бўлганимиз учун шукронаш айтмо-гимиз керак. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

КИШИ 1 Фикрлаш, сўзлаш ҳамда иж-тимой меҳнат жараёнида қурол ясаш ва ундан фойдаланиш қобилиятига эга бўлган жонли мавжудот, зот; одам, инсон. *Тил кишиларнинг ўзаро алоқа қуролидир. тт* Ки-шининг руҳий ҳолати ва иш қобилияти му-ийян ритмга бўйсунганини одамлар аллақа-чон пайқашган. Газетадан. Унинг юқори қис

444

мидаги тугмачани боссангиз, тешикдан мах-сус узунликдаги электромагнит тўлқинлар чиқиб, киши миясининг ухлатувчи маркази-га таъсир кўрсатади. О. Мўминов, Хиёбон-даги уч учрашув. Зайтун дарахтининг тур-ган-битгани киши организми учун фойдали. Газетадан.

2 Инсониятга мансуб зот, шахс, одам. *Обрўли киши. Хушомадгўй киши. Оиламизда тўрт киши бор. Ҳар қандай киши. Олижа-ноб киши. Кишилар тўдаси. Беш кишидан иборат комиссия. тт* Новча киши шофёр узатган папкани қўлтигига қистирди-ю, катта-катта одим ташлаб, тезда шерик-лариغا етиб олди. А. Обиджон, Аканг кара-ғай Гулмат. *Эй, бу ота Шариф тарронинг жанозасида Отамурод қорининг ёнида қуръ-онни шариллатиб ўқиб ўтирган киши-ку! С. Сиёев, Ёруғлик. Киши яхши кўрган одами-ни, минг ўраб ташланмасин, битта қилиги-дан бшади. Мирмуҳсин, Меъмор.*

3 Умуман, балоғат ёшидан ўтган шахс; катта ёшли одам. *Аёл киши. Эркак киши. тт* -Ёшинг йигирма бешга қараб боряпти, — деди онаси ҳамон ўша титраган товушда, — хо-тин киши ўттизга кирса ўтин бўлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. У камгап, бировга аралашмайдиган киши эди. С. Аҳмад, Юлдуз. *Кабинетдан гражданча кийимдаги новча киши, орқа эшикдан эса учта милици-онер тушиб келди. А. Обиджон, Аканг кара-ғай Гулмат.*

4 Ўзга, бегона шахс, биров. *Киши юр-тида хон бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл. тт* Жиян, ақлинг бўлса, кишининг бир тийинига хиёнат қилма. Ойбек, Танланган асарлар.

5 с. т. эск. Шариатга биноан, балоғатга етган хотин-қизлар юзини, ўзини кўрсат-маслиги керак бўлган бегона эркак. *Кўргон эшигидан аёл овози эшитилди: -Нима керак? -Мунда кел! — чол қўли билан имлади. -Киши бор-ку.. -Қариндош, Хушрўйнинг ўғли, — деб тушунтирди чол. Ойбек, Танланган асар-лар.*

Кишидан қочмоқ Бегона эркакка ўзини кўрсатмаслик (хотин-қизларга нисбатан қўлланади).

6 Таъкид ифодалайди. *Афсуски, кунда-лик турмушимизда баъзан бунинг аксини кўриб, ўксинасан киши. «Муштум». Ёмғирда ювилган тротуарларда юрсанг, шунчалик енгил тортасанки, имтиҳонларни ҳам.. стипендия ташвишини ҳам унутиб юборасан киши. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

Киши билмас Яширин ҳолда, ҳеч ким-га билдирмай; зимдан. *Жуда хаяллаб кетишиди-ку. Киши билмас бориб келмайсан-ми, ука? [деди Мансур].* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *Ҳар бир ҳаракатингни киши билмас айгоқчи қузатади.* К. Яшин, Ҳамза.

КИШИЛАШИБ Санок сонлар билан қўлланиб, иш-ҳаракатнинг шу сон билдирган микдордаги киши томонидан биргалик-да бажарилишини, «..киши биргаликда» деган маънони билдиради. *Беш кишилашиб ёрдам бермоқ. тт Жувон Оқиланинг ёнига келиб, унга қўмаклашиди. Лекин Ҳикматнинг икки қулогидан қон отила бошлаши билан, врач қўлидаги томизгични қўйди-да, уч кишилашиб Ҳикматнинг бошини аранг ёстиққа қўйишиди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

КИШИЛИК 1 Инсоният; инсонга (одамга) оид. *Кишилик тарихи. Кишилик жамияти. тт Меҳнат кишиликка азалдан йўлдош.* «Гулдаста». *Кишилик зркин яшайдан-гина, билим олишдангина махрум этилиб қолмай, ҳатто шундай бир оддий кишилик фа-зилатидан — севмоқ, севилмоқдан ҳам маҳ-рум этилган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Меҳмондорчилик, турли йиғин ва ш. к. га кийиладиган кийим; кўча кийими. *Уй-лигини топмаган кишиликни тўздирар.* Ма-қол. *тт Хадича хола сандиқдан амиркон қа-вуш-маҳсисини, кишилик учун деболиб қўйган сурп қўйлағиш.. дока рўмолини олди.* Т. Али-мов, Совға. *-Ойи, эртага бозорга тушиб, кишиликка битта шиму бир пинжақ [пид-жак] олсам дейман, — деди Ахмаджон.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

3 Санок сон ёки микдор билдирувчи сўзлар билан қўлланганда: 1) кишидан иборат, кишидан ташкил топган. *Беш кишилик комиссия. тт Шайбонийхон.. шаҳарда беш юз кишилик қўшин қолдириб, ўзи асосий лаиш-карлари билан шаҳардан нарида Хўжа Дийдор деган жойни қароргоҳ қилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 2) кишига, одамга мўлжалланган. *Уч кишилик хона. Ун кишилик палов. Корхонанинг минг кишилик дангиллама клуби қуриб битказилди.*

Кишилик олмоши тли. Шахс билдирувчи олмошлар (*мен, сен, у, биз, сиз* каби).

445

КИШИСИЗ кам қўлл. **1** Ҳеч ким бўлмаган, одам яшамайдиган, кимсасиз. *Киши-сиз жой. Кишисиз орол.*

2 Қаровчи одами йўқ; қаровчисиз, ким-сасиз, ёлғиз.

КИШИСИЗЛИК Қаровчи одами (ки-шиси) йўқдик. *-Кишисизлик қуриб кетсин, — деди камтир жавобда.* С. Айний, Қуллар.

КИШ-КИШ унд. с. Паррандаларни (асо-сан, товукни) ҳайдашни билдиради.

КИШКИШЛАМОҚ «Киш-киш» де-моқ, «киш-киш» деб ҳайдамоқ.

КИШМИШ Меваси майдароқ бўладиган уруғсиз узум ва шу узумнинг майизи. *Бизнинг ёрнинг емиши катта бознинг кишмиши.* «Қўшиқлар». *тт Ишкомларда ҳусайни.. дили-каптар, кишмиш, шивиргониларнинг боши ерга тегай деб энгашиган.* С. Абдулла, Бир шинги-ли томокни ёради. *Патнусдаги кишмишдан бир қисм олиб, уни тозаламасданоқ оззига солди, кейин жавобсиз қолган гапни улаштирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КИШНАМОҚ Кишнов товуши чиқар-моқ (от ҳақида). *Елиб-йўргалаб кетаётган тўриқ дафъатан тумишугини баланд кўта-риб, қаттиқ кишнади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Жанг ҳидини сезган аргумоқлар аччиқ киш-наб, осмонга сапчиди, оламни ваҳший кий-қириқ ва қиличларнинг шарақ-шуруғи тут-ди.* О. Ёқубов, Кўхна дунё.

КИШНОВ От кишнаганда чиқадиган ўзига хос товуш. *Қувноқ кишновларидир бу қаҳқаҳ саманларнинг..* Ғ. Фулом.

КИШТ 1 Шахмат ўйинида: бирор дона билан шохга ҳужум ҳақида огоҳлантириш. */Шайхулислом:] Балли! Кишт! [Мунажжим:] Э, асп кетди, тақсир!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Кишт бермоқ Шоҳга хужум қилмоқ ва шу хужумни эълон қилмоқ.

КИШТ II *айн.* киш. *Яқинда институт-ни битириб келган зоотехнигимиз жўжсаларга: -Кишт, эй онангни эмгурлар, — деб сўкин-ди.* «Муштум».

КИЯ *с. т.* Бирор нарсани кадрламаслик натижасида юз берадиган ёмон оқибат, жазо. *Киясига учрамоқ. Киясига қолмоқ. тт*

— *Шунақа бибурд, пасткашмидинг, Неъмат-жон. Илон бўлиб авраган экансан-ку мени, муҳаббат киясига учрагур! — деди Зухраҳон. А. Муҳиддин, Чап чўнтак. Бизни десангиз, бу йўлдан қайтинг. Ҳа-ҳа, қизингизнинг киясига қоласиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўзларимиз юмуқ ўтсак бугун ҳам, Эртага киянгиз тутар бегумон. «Ёшлик».*

КЛАВИАТУРА [*нем.* Klaviatur < *лот.* clavis — калит] **1** Клавишли мусиқа асбобларида маълум тартибда жойлашган кла-вишлар мажмуи. *Рояль клавиатураси. Баян клавиатураси.*

2 Турли хил механизмлардаги клавиш-ларнинг жами. *Ёзув машинкасининг клавиатураси.*

КЛАВИР [*нем.* Klavier — пианино < *фр.* clavier — калитлар учун ҳалқа] **1** Опера, оратория каби вокал-симфоник асарлар матнининг фортепьяно жўрлигида куйлаш-га ёки фортепьянонинг ўзида ижро этиш учун мослаштирилган шакли.

2 Торли клавишли мусиқа асбоблари-нинг умумий номи.

КЛАВИШ [*лот.* clavis — калит] **1** Му-сиқа асбобларида (фортепьяно, аккордеон ва ш. к. да) уларни ҳаракатга келтириб, овоз чиқариш учун уриладиган пластмасса туг-ма ёки тахтача. [*Мунис*] *Гоҳ хаёлчан тебра-ниб, пианинонинг клавишларига тикилиб қолар ва гоҳо илҳоми зўр келиб, яна ашула-сини давом эттирар эди.* **3.** Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2 Ёзув машинкаси, телефон аппарати ва ш. к. механизмларда уларни ишлатиш учун бармоқ билан босиладиган қисми, тугмаси. [*Машинка*] *Чиқир-чиқир, шўх-шўх куйлаб, Клавиши дик-дик ўйнаб, Оқ қозога ҳарф қўнар, Ҳарф йиғилиб, жумла бўлар. Қ. Муҳаммадий. Муолажани амалга оширувчи ҳамшира бор-йўғи бемор бошига ниқоб туг-маларини тақиб кўйиш ва асбоб клавишини босишигина билиши кифоя.* Газетадан.

КЛАВИШЛИ Клавиши бор, клавишга эга. *Клавишли мусиқа асбоби. тт* *Математиклардан ўн киши космик ракетани лойи-ҳалаи билан боғлиқ бўлган вазифанинг ўн хил вариантини.. клавишли ҳисоблаш машиналари билан 7 ой ҳисоблаб чиқишлари керак эди.* Газетадан.

КЛАПАН [*нем.* Юарре — тўсиқ] **1** *тех.* Турли машина ёки механизмларнинг ҳаво, суюқлик, буғ ёки газ йўлини очиб-ёпиб турадиган қисми, қопқоқчаси. *Гудок кла-пани. тт* *Сигимларнинг қопқоқлари зичлаб ёпилмаслиги ва ҳаво алмаштиргич клапанларининг йўқлиги туфайли анчагина ёнилги*

ҳавога совурилмоқда. Газетадан. *Босим та-лабдагидан ортиб кетган пайтда, клапан босим системасидаги суюқликни филтрларга оқизиб юборади.* «Янги техника».

2 Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбобла-рининг ён томонларидаги очилиб-ёпилиб, овоз тонини ўзгартирадиган пардаси, тили.

3 *анат.* Ичи бўш, ковак аъзонинг", ички пардаси бурмалардан иборат бўлган ва бирор бир тешикни тўсиб, беркитиб туради-ган қисми. *Юрак клапани. Вена клапани. тт* *Ультратовуш ёрдами билан олинган карди-ограмма юрак клапанларининг торайганини аниқлай олади.* «Саодат».

КЛАРНЕТ [*итал.* clarinetto < *лот.* clarus — аниқ, равшан, тиниқ] Сурнайга ўхшаш тиниқ овозли ёғоч мусиқа асбоби.

КЛАРНЕТЧИ Кларнет чалувчи му-сиқачи.

КЛАСС \лот. classis — даража, синф! **1 қ. синф.**

2 Бирор даража ёки разрядга эга бўлган. *Иккинчи класс шофёр. Биринчи класс ҳарбий кема.*

КЛАССИК \лот. classicus — биринчи да-ражага оид, намунавий] **1** Фан, санъат, маданият, адабиётнинг машқур, илмий ишлари, асарлари миллий ва жаҳон фани ва маданияти учун аҳамиятли бўлган, шу соҳада бошқаларга намуна бўладиган, эъти-роф этилган арбоби. *Ўзбек адабиёти клас-сиклари. ти Жавонларда рус ва жаҳон клас-сикларининг кўп жилдли асарлари қиммат-баҳо муқоваларини кўз-кўз қилиб, ярқираб турарди. О. Ёқубов, Диёнат.*

2 Классик филология мутахассиси.

3 Классицизм вакили, издоши, тараф-дори (қ. **классицизм 1**).

КЛАССИК 1 Классиклар томонидан яратилган, халқларнинг ифтихорига айлан-ган, намуна бўладиган; мумтоз. *Классик асар. Классик фалсафа. **иши** Ушбу наирга Лутфийнинг ўзбек классик шеърятти тарақ-қиётига залварли ҳисса бўлиб қўшилган ажойиб шеърый меросидан намуналар кири-тилди. Газетадан.*

2 Қадимги (антик) тиллар ва адабиёт-ларни ўрганишга оид, алоқадор.

3 Классицизмга оид (қ. **классицизм 1**). *Классик трагедия.*

КЛАССИКА \лот. classicus — намунали] Адабиёт ва санъатга оид мумтоз, оламшумул аҳамиятга эга бўлган мукамал асарлар. *Рус классикаси залидаги бир манзара олдиди узоқ турдик. А. Мухтор, Давр менинг тақциримда.*

КЛАССИФИКАЦИЯ [лот. classis - да-ража, разряд + facere — қилмоқ] қ. тас-**ниф**. *Дунё тилларининг генеалогик класси-фикацияси. Ўсимликлар классификацияси.*

Классификация қилмоқ айн. **тасниф** қил-моқ қ. тасниф. *Евклид сонларни классифи-кация қилаётиб, жуфт ва тоқ сонларни текширди. «Фан ва турмуш».*

КЛАССИЦИЗМ [нем. Klassizismus < лот. classicus — намунали] 17-аср — 19-аср бошларида Европа адабиёти ва санъатида антик адабиёт ва санъат намуналари ва шаклларига мурожаат ва тақлид қилиш асо-сида шаклланган бадиий услуб ва оқим.

КЛЕЁНКА [р. клеёнка — смола, елим; ёпишқоқ нарса] Бир ёки ҳар икки томони сув ўтказмайдиган модда билан қоплан-ган махсус мато. *Тўшак ва ўрин-бошни иф-лос қилувчи касаллар ва ёш болалар тағига клеёнка солинишилозим. Н. Исмоилов, Ка-салларни парвариш қилиш. Нарироқдаги стол устида шундоққина қозондан олиб қўйилганича, ёғлари клеёнкага тушиб қотиб қолган чўмич, чўмич атрофида эса пиёз пўчоқлари билан нон увоқлари.. Д. Нурий, Осмон устун.*

КЛЕММА [нем. Klemme] Асбоб, аппа-рат ва электр машиналарда сим, шнур ка-биларни уловчи ёки маҳкамловчи қисқич мослама. *Бу симлар учта-тўртта кетма-кет бирлаштирилган аккумулятор батаре-ясининг клеммаларига ёки бошқа бирор дои-мий электр токи манбаига уланиши керак. «Кимё» (дарслик).*

КЛЕРИКАЛ Клерикализмга оид, кле-рикализм билан боғлиқ. *Клерикал доиралар.*

КЛЕРИКАЛИЗМ [лот. clericalis - чер-ковга оид, черковда бўладиган] Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида дин ва черков таъсирини кенгайтиришга, кучайтиришга уринувчи сиёсий оқим.

КЛЕТЧАТКА [р. клетка — катакча; қоп-лама] Ўсимлик хужайралари пардасининг асосий таркибий қисми; целлюлоза (сано-атда хомашё сифатида ишлатилади). *Беҳи-нинг баъзи навларида («чиллаки беҳи») кис-лота камроқ бўлгани учун шириндир ва унинг таркибида оқсил билан клетчатка бор. К. Махмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

447 дъ^

КЛЁШ [фр. cloche — қўнғироқ] Юбка-нинг ёки шим почасининг паст томонига кенгайиб борувчи алоҳида бичими. [Гавҳар] *Қизил кофта ва клёш этакли қора юбка кий-ган, битта қилиб ўрилган узун сочи бош ор-қасида лента билан бўғиб қўйилган. П. Қоди-ров, Уч илдиз.*

КЛИЕНТ \лот. *cliens, clientis* — хомий-лик остидаги киши] **1** Ўз ишини олиб бо-ришни адвокат, нотариус ва ш. к. га топ-ширган шахс. *Коридорда турган клиентлар эса.. Хрусталёвдан дурустроқ адвокатни қу-тадилар.* Газетадан.

2 с. т. Доимий харидор ёки буюртма-чи; мижоз. *Клиентга прејскурантдан ошиқ олинган 33 тийин қайтариб олиб берилди.* Газетадан.

КЛИЗМА \юн. *klyzma* — ювиш, ювиб то-залаш] **1** Ични тозалаш ёки касалликни аниқ-лаш мақсадида махсус асбоб билан тўғри ичакка орқа тешик орқали турли хил суюқ-лик юборишдан иборат муолажа тури. *Врач-лар ошиқозонни ювишиди. Болада ўзгариш сезил-мади. -Клизма қилинглари, — буюрди Мария Ивановна.* Газетадан. *Овқатли (озик) клизма учун фақат суюқ нарсалар ишлатилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

2 Шу ишни бажариш учун қўлланади-ган асбоб.

КЛИМАКС \юн. *klīmax* — зина, нарвон) Балоғат ёшидан катта ёшга ўтиш даврида жинсий безлар фаолиятининг сўниши; аёл-ларда ҳайз жараёнининг бузилиши ва ке-йин тўхташи тарзида намоён бўлади. *Дўла-надан олинадиган доривор моддалар аёлларда климакс бошланишида тинчлантирувчи мод-да сифатида ишлатилади.* «Фан ва турмуш».

КЛИМАТ \юн. *klirna, klimatos* — эгилиш; қиялик] қ. **иқлим.**

КЛИМАТОЛОГ Климатология мутахас-сиси. *Ёнгин сабабларини аниқлаш учун янги мутахассислик олимлари — суд климатолог-лари энг ишларишиди.* «Фан ва турмуш».

КЛИМАТОЛОГИЯ [климат + *logos* -таълимот] қ. иқлимшунослик.

КЛИМАТОТЕРАПИЯ [климат + тера-пия] Иқлимий омиллардан даволаш-про-филактика ва соғломлаштириш мақсадла-рида фойдаланиш; иқлим билан даволаш.

КЛИНИК **1** Клиникага оид, клиника билан боғлиқ. *Клиник шароит. Клиник да-волаш. тт Кичик автобуслардаги кўчма лабораторияда эса еуе ва тупроқ таркибини текшириш, клиник тадқиқотлар олиб бориш мумкин.* Газетадан.

2 Врач ёрдами (аралашуви) талаб этила-диган, шу йўл билан ҳал этилиши мумкин бўлган. *Кас(ы/лик)нинг клиник шакллари.*

КЛИНИКА **1** \юн. *klinike* — ётган ка-сални парваришлаш, даволаш] Беморлар-ни ётқизиш (стационар) даволаш билан бирга, тиббий таълим ва илмий-текшириш ишлари олиб бориладиган махсус шифо-хона. *Хирургия клиникаси. тт Одатда, юқори медицина мактаби ўқувчиларининг ўқийди-ган ва тажриба оладиган жойлари клиника деб аталади.* Н. Исмоилов, Касалларни пар-вариш қилиш. *Томогининг яллиғланиши ба-тамом қайтганини кўриб, профессор унга томоқ безини олдириш учун ўз клиникасига йўлланма берди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

КЛИНКЕР \нем. *Klinker* — йўлга ётқи-зиладиган тош] Махсус лойдан юқори ҳаро-ратда куйдириб, ғишт шаклида тайёрлан-ган ўта мустаҳкам сунъий тош (йўл-кўча-ларга, шунингдек, саноат бинолари ери юзасига ётқизиш учун ишлатилади). *Кешиш у [цемент] печга юборилиб, 1450 даражасида ҳароратда куйдирилгандан сўнг, клинкер ҳосил бўлади.* «Фан ва турмуш».

КЛИП [ингл. *clip* — узиб, юлиб олмоқ; кесиб қўймоқ] **1** Эстрада ва б. хил қўшиқ-ларни узук-узук бадий лавҳалар, декора-ция, пейзаж манзаралари билан қўшган ҳолда тасвирга тушириш ва шу тасвирнинг ўзи; қисқа видеотасвир.

2 Қисқача реклама фильми.

КЛИРИНГ [ингл. *clearing* — ҳисоб-ки-тоб қилиш] Мамлакатлар, компаниялар, корхоналар ўртасидаги ўзаро талаб ва маж-буриятлар асосида нақд пулсиз ҳисоб-ки-тоб тизими.

КЛИШЕ \фр. *cliché* < *clicher* — босиб из қолдирмоқ] *полигр.* Қоғозга босиш учун металл, ёғоч ёки тошга туширилган бўртма харф, сурат, расм, план ва ш. к. *Рух клише.*

КЛОН \ингл. clone < юн. klon - шох, новда; авлод, насл] биол. Бир хужайра ёки бир организмнинг жинссиз кўпайиш йўли билан вужудга келган ҳамда бир хил генлар тўғотамига эга бўлган барча авлод (насл)ла-ри йиғиндиси, мажмуи.

КЛОНЛАШ(ТИРИШ) \ингл. cloning -жинссиз кўпайиш < юн. klon — шох, нов-да; авлод, насл] биол. Ўз аждоди (ота-она-лари)нинг биологик (генетик) нухсаси ҳисобланадиган авлод (насл)ни жинсий бўлмаган, оддий хужайрадан сунъий ра-вишда қайта тиклаш, яратиш.

КЛУБ \ингл. club — бир жойда йиғил-моқ] **1** Кишиларнинг сиёсий онгини, маданиятини ва умумий савиясини ошириш, уларнинг дам олишини ташкил этиш би-лан шуғулланувчи маданий-маърифий, си-ёсий ёки бошқа характердаги ижтимоий ташкилот, муассаса. *..ёш туристлар учун клуб ташкилотчилари зоят қизиқарли ва мазмунли программа тайёрлашди.* Газетадан.

2 Шу муассаса жойлашган бино. *Завод клуби. Тўқимачилар клуби. ттп Ўшандаям ов-лоқдаги темирйўлчилар маданият саройининг клубида томоша кўришди.* Ў. Ҳошимов, Қал-бингга кулоқ сол.

КЛЮЧ \р. ключ — беркитиш асбоби, калит < юн. kleio — беркитаман] **1** қ. **ка-лит 1, 2.** *Гайка ключ билан маҳкамлана-ди. ттп «Победа» тўхтади. Сайфи ключни олди. Фаи билан айлантурди. Мотор уҳ тортиб, дуд берди.* Ш. Тошматов, Тонг-даги кўланка.

КНОПКА \голл. knoop — тугун, тугма] **1** Қрғоз, мато ва ш. к. ни қаттиқ нарсага қадаб кўйиш учун ишлатиладиган кенг қал-поқчали, босма михча. *Кўзибой газетанинг тўрт бурчагини кнопка билан столга маҳ-камлади.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

2 Турли механизмларда (мас, электр қўнғирокда) токни улаш учун бармоқ би-лан босиладиган тугмача. *Холмат электр қўнғирок қнопкасини босиши билан, хона ич-қарисидан ёқимли овоз эшитилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КНЯЗЛИК тар. **1** Князь кўл остидаги ўлка. *19-аср бошида Германияда 300 га яқин майда феодал князликлар бўлган.* И. М. Мўми-нов, Танланган асарлар.

2 Князнинг амали, унвони.

КНЯЗЬ [р. < қад. нем. kuning - қаби-ла, уруғ оқсоқоли] тар. **1** Феодал-княз-лик давридаги Русда аскар бошлиғи ва ви-лоят ҳокими.

2 Чор Россиясида: мерос тариқасида ёки чор ҳукумати олдидаги хизматлари учун берилган фахрий унвон ҳамда шу унвонга эга бўлган шахс. *Олмос эътимодли князь Ахмаднагар саройига топширилди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Князнинг уч жойда водо-качкаси бор эди, шулардан биронтасига одам керак змасмикин, деб идорасига борсам, сар-кори ўзимизнинг бувайдалик чиқиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирокдари.

КОАЛИЦИОН **1** Коалицияга оид, коа-лиция аъзолари ўртасида тузилган. *Коали-цион шартнома.*

2 Коалицияга асосланган. *Коалицион ҳукумат.*

КОАЛИЦИЯ \лот. coalitio - уюшма; coalitus — бирлашган] Умумий мақсадга эришиш учун ташкил этилган кўнгилли бирлашма, иттифоқ; коалицион ҳукумат. *Бу саиллов янги сиёсии системанинг энг муҳим принциплари — кўп партиялилик ва коали-ция принциплари амал қила бошлаганидан далолат беряпти.* Газетадан.

КОБАЛЬТ [нем. Kobalt < Kobold - ер остидаги конларни, хазинани кўриқловчи митти жин] **1** Менделеев даврий система-сининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий эле-мент, қизғиш товланадиган кумушсимон оқ, қаттиқ металл.

2 Шу металл бирикмаларидан олинган тўқ-кўк бўёқ.

КОБИЛИ: кобили шўрва Гўшт, тухум ва турли резаворлар солиб, жуда лаззатли қилиб тайёрланган қовурма шўрва. *Мехмон-лар жуда усталик билан пиширилган қозон-кабобни иштаҳа билан еб, устидан бир ко-садан кобили шўрвани ичиб, оғир*

нафас оли-шар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Унинг дардига на саримсоқ шёз ва на кобили шўрва даво бўларди. С. Ахмад, Ҳукм.

КОБРА [порт. sobra] Иссиқ ўлкаларда яшовчи, бўйни чипор, жуда захарли йи-рик илон; кўзойнакли илон. *Ўрта Осиёкоб-раси барча миқёсдаги «Қизил китоб»да қайд этилган. «Фан ва турмуш». Майдонда най-рангбоз — кобра билан мангустнинг жангини кўрсатмоқда. «Фан ва турмуш».*

КОВАК \ф. ^lʃLS — бўш жой, бўшлик; тешик; ин, уя] қ. **кавак**. *Ёнгоқ дарахти ко-вакларига асаларилар уя қуради. Ж. Абдул-лахонов. Орийт. Тепалик ўйилиб, қўрадай патта ковак ҳосил бўлган. Газетадан.*

КОВАТОК Ток баргига қийма ва гуруч (ёки фақат қийма) ўраб пишириладиган таом; тоқбарг дўлма. *Дастурхонга тортиш-да коваток шодани аста олиб, паловни ара-лаштириб, лаганга соласиз, юзига коваток*

450

ни қўшиб, ипини узиб ташлайсиз. К. Маҳму-дов, Ўзбек тансиқ таомлари. Ўзбекистонда коваток дўлма баҳор фаслида, узумнинг янги баргидан тайёрланади. «Саодат».

КОВБОИ [уHdij. cow-boy < cow — сигир + boy — йигит] АҚШнинг ғарбий штатлари-да: отлик чўпон, подачи; мард, жасур йигит.

КОВБОЙКА [р. < ингл. cow-boy - от-лик чўпон] Махсус бичимга ва қоплама чўнтакларга эга бўлган, катак-катак мато-дан тикилган эркаклар уст кўйлаги. *Устида ёқаси ва чўнтаклари занжирли, ихчам кора ковбойка, матросча шим кийган. П. Қодиров, Уч илдиз.*

КОВЕРКОТ [ингл. covertcoat < covert — бичиқ, бичим + coat — кийим] Юнгдан ёки юнг аралаштириб тўқилган ва асосан устки кийим (мас, костюм) тикиш учун ишлатиладиган мато. *..кечагина машиначи қўлидан чиққан бостон ёки коверкотдан ти-килган костюмингиз бўлса, кайфингиз чоғ, ўзингиз шириндимог! С. Абдуқаҳрр, Сана-май саккиз дема. У қўлидаги учли қора қала-мини раисникидай кулранг коверкотдан ти-килган.. кителининг чўнтагига солди. С. Анорбоев, Оқсой.*

КОВИЯ [ф. (^) jʃS — куйдирувчи, еми-рувчи) махс. Металл буюмларнинг қисм-ларини бир-бирига улаш, пайвандлаш, кав-шарлаш учун мўлжалланган асбоб.

КОВИЯЛАШ Металл буюмларнинг қисм ёки чокини ковия ёрдамида ёпишти-риш ёки ёриқ-тешигини беркитиш.

КОВ-КОВ [ф. jL^jLS — ковлаш, қазил; диққат билан текшириш, қидириш]: **ков-ков қилмоқ**, Обдан, миридан-сиригача тек-ширмоқ, текшириб остин-устин қилмоқ. *..тегишли ташилотлар ков-ков қилганда, мен берган таниглик (белги қўйилган) 100 сўмлик ҳам чиқди-ю, сир очилди. «Муштум».*

КОВЛАГИЧ Бирор нарсани ковлаш, ўйиш ёки қазиб чиқариб олиш учун ишлатиладиган асбоб.

Тиш ковлагич Тиш орасига кириб қолган овқатлардан тишни тозалаш учун ишлати-ладиган, учи чиқарилган пат ёки чўп. *Ахир инсонга уй-жойдан тортиб тиш ковлагичгача даркор. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.*

КОВЛАМОҚ 1 Ичига қараб ўймоқ, ўйиб чуқур қилмоқ, қазимоқ. *Ариқ ковла-моқ. Ўра ковламоқ. Қудуқ ковламоқ. шш Фу-ломжонлар шу бир неча кун ичида унгури уч қулочдан ортиқ ковлабқўйдилар. М. Исмой-лий, Фарғона т. о. Ўзинг ковлаган гўргаўзинг кир. Н. Сафаров, Танланган асарлар.*

2 Ковлаш асбоби воситасида ёки бошқа йўл билан ердан, тупроқ ичидан чиқариб олмоқ, қазиб олмоқ. *Картошка ковламоқ. Кўмирни ковлаганга ёқтир, молни миришкор-га боқтир. Мақол. шш Тўнкширни ковлаб, бир чеккадан ёрилса, талай ўтин беради. Ой-бек, Танланган асарлар.*

3 Бармоқ ёки бирор нарса тиқиб тоза-ламоқ. *Самовар тагини ковламоқ. **иш** Маматурди қора, синчалоғи билан ўнг қулогини бир ковлаб олгач.. уйдан чиқади. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Ковлаб турмасангиз, чўғни ҳам кул босади. «Қанотли сўзлар».*

4 Бирор нарса билан остин-устин қилиб ағдармоқ, айлантирмоқ. *Ўтти ковламоқ. Қозондаги овқатни ковламоқ. **иш** Бир дево-на.. гулхан теварагидан айланиб, қўлидаги косови билан тўрт томондан ковлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

5 с. т. айт. **ковлаштирмоқ**. *Ўтти ковла-санг — ўчар, қўшинини ковласанг — кўчар. Мақол. **иш** Менинг фуқаром бир ота, бир она-нинг болаларидай иттифоқ, бир-бирини ков-лашни билмайди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳадеб бузилавергандан кейин у ёгини ковлайди, бу ёгини ковлайди, хуллас, ичида нимаси бўлса, барини бишиб олади. С. Аҳмад, Тоғ афсонаси.*

6 Кўл солиб қидирмоқ, ахтармоқ, тит-киламоқ. *Фуломжон гадойнинг бўши, очиқ қўлига бир нарса ташлаш учун чўнтақлари-ни ковлай бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Аёл сакраб настига тушиди-да, сумкасини ковлаб, пул қидира бошлади. С. Аҳмад, Уфқ.*

7 кўчма Миридан-сиригача текширмоқ, суриштирмоқ, кофтуков қилмоқ. *Ота-бу-вамни ковлаб, газетага уриб чиқишди. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. -Ҳамма на-сага разм солиб, ковлаб юрасан-а, писмиқ! — жеркиб ташлади [Гулнорни] Нури. Ой-бек, Танланган асарлар.*

Гап ковламоқ (кавламоқ) қ. гап I.

КОВЛАШТИРМОҚ 1 Ковлаб, титки-лаб қарамоқ, қидирмоқ, ахтармоқ; титки-ламоқ. *Сандиқни ковлаштирмоқ. ти Қани юринг-чи, лабораторияни ковлаштириб кўрайлик, гормонли сиворотка (зардоб)дан бир оз бўлса керак. С. Анорбоев, Оқсой.*

2 кўчма Сир олиш мақсадида суриш-тирмоқ, кофтуков қилмоқ. *Гап ковлаштир-25—Ўзбек тилининг изоҳуш луғати*

*моқ. Ковлаштириб билмоқ. **ит** [Терговчи] Қодировнинг аризасига қаттиқ ёпишиб олиб, ҳадеб мени ковлаштира берди. М. Қориев, Ойдин кечалар.*

3 Ғараз, ёмон ният билан текшириб су-риштирмоқ, кимсанинг обрўсини тўқишга уринмоқ.

КОВУЛ айн. **кавар**. *Чол бу гал оппоқ гул-лаб ётган ковул устига чалқанча йиқилди. Х. Султонов, Онамнинг юрти.*

КОВУШ қ. **кавуш**. *У ковушини маҳсиси-нинг учига илиб, ҳовлига тушар экан, хоти-нига қайта таъкидлади. Ҳ. Гулом, Машъал.*

КОВШ [ф. *LjL£* — кавлаш, қазиш, чу-қурлаш; қидирув, тергов; изланиш] Экс-каватор кранининг бошига (учига) ўрна-тилиб, ерни ковлаш, тупроқолиш ва ш. к. учун хизмат қиладиган, ўткир темир тиш-лар ўрнатилган ичи чуқур мослама. *Ковш-ларга ҳам ўткир бурчакли тиш қўйиб, ол-тинчи даражали ерда ҳам ишлайдиган қилинди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. Кичик метражли бетон қорувчи ма-шиналарнинг барабанлари тўнкариладиган қилиб ясалган бўлиб, унга материаллар ковш билан солинади. А. Асқаров, Бетончилар учун эслатма.*

КОВШЛИ Ковши бор, ковш ўрнатилган. *Цемент одатда бетон қориш бўлимига ковшли элеватор ёрдамида узатилади. Газетадан.*

КОД \фр. *code* < лот. *codex* — қонунлар мажмуи] Алоқа (телеграф, телефон, радио ва ш. к.), автоматик бошқариш тизимла-рида, ЭҲМ (электрон-ҳисоблаш машина-лари)да исталган ахборотни узатиш, қай-та ишлаш ва сақлаш учун қўлланадиган, маълум тартибдаги шартли белги, рамз (символ)лар ёки сигналлар тизими. *Теле-граф коди.*

КОДЕКС [лот. *codex* — китоб; қонун-лар, қарорлар тўплами] Ижтимоий муно-сабатларнинг бирор ўхшаш соҳасига (мас, ҳуқуққа) оид тартибга солинган қонунлар

тўплами. *Жиноят кодекси. Фуқаролар кодекси. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси.*

КОДИФИКАЦИЯ [лот. *codificatio* -кодекс тузиш < *codex* — қонунлар мажмуи + *facere* — қилмоқ, бажармоқ] Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини қайта иш-лаш йўли билан уларни бир бутунликка келтириш жараёни.

КОДЛАШ(ТИРИШ) Ахборотларни фойдаланиладиган кодга мос шартли белгилар, тасвирлар ва б. мажмуига айлантириш; ахборотларни кодлар шаклида ифодалаш. *Ах-боротни бир хил белгили тизимдан бошқа хил-даги тизимга ўтказиш жараёнига ҳам код-лаш дейилади.* «Политехника луғати».

КОЖ \ф. - эгри, қинғир! Қайсар, ўжар. *Кўп насиҳат тинглаб Эркин, қилмади ҳеч тарки ишқ, Бор масалким, иш юриши-мас, соҳиби гар бўлса кож.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

КОЖУХ \р. кожух — қўй терисидан қилинган пўстин] *тех.* Машина, механизм, асбоб ва ш. к. нинг устки (ташқи) ҳимоя қопламаси (капот, покришка, ғилоф каби). *Эргашев пулемётидан шунчалик кучли ўт очдики, ҳатто пулемёт кожухидаги сув савовардагидек варақлаб қайнар эди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

КОЗЁЛ \р. козёл — тақа, эчки] *спорт.* Гимнастика машқлари учун мўлжалланган, калта тўрт оёкли, усти чарм билан қопланган мослама.

КОЗИР \р. козьфь — ўйин картаси номи; баланд тик ёқа] **1 айн. кузир 1.**

2 с. т. айн. кузир 2. *..биз мана шунақа «туз» козирларданмиз.* Р. Раҳмонов, Довруқ.

КОЗИРЁК \р. козыгрёк — эшик тепаси-даги соябон) Шапка, кепка, фуражка каби бош кийимининг пешонада олдинга чиқиб турадиган қаттиқ ярим доира қисми, соябони. *Козирёги бир қарич келадиган чипор шашасини бошидан олиб, қозиққа илди.* Х. Тўхтабоев, Фелъетондан сўнг.

КОИНОТ \ а. оU;LS - барча мавжуд нар-салар] Моддий оламнинг кузатиш мумкин бўлган, бизни ўраб турган барча қисми, бутун борлик, еру осмон, олам. *Улугбек коинот ва юлдузлар оламини ўрганишда.. илм-га, фанга асосланган янги мунажжимликка асос солди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

КОЙИМОҚ 1 Танбехловчи гап, сўз айт-моқ, танбех бермоқ, уришиб қўймоқ. *Она бўлгандан кейин вақти келса — койийди, вақти келса эркалайди.* Т. Обидов, Юсуф-жон қизиқ. *-Нормурод ака, — деди у, — сиз ишни буздинг, деб мени койидингиз, эҳти-мол, билмасдан, тажрибасизликдан бузган бўлсам.* С. Айний, Қуллар.

2 айн. койинмоқ. *Мулла Норқўзи бу одам-нинг оддий ҳақиқатни англамаслигидан*
387 д-у^

койиди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Раҳимнинг ўзбошимчалигидан [Умурзоқ ака-нинг] бунчалик койиб гапириши Кудратни янада ҳушёр қилди.* Х. Назир, Сўнмас чақ-моқдар.

3 кам қўлл. Бирор нарса тайёрлаш учун уринмоқ, овора бўлмоқ. *Йўлчи қишлоқдан келтирган халтани кампирга узатди: -Аям бериб юборди, қурут.. -Садагаси кетай, ~ кампир халтани ушлагиси ҳам келмай, қўл учи билан тутиб гапирди, — койиб нима қилар эди бечора.* Ойбек, Танланган асарлар.

КОЙИНМОҚ Бирор нарсадан шикоят қилмоқ, зорланмоқ, хафа бўлмоқ. *-Эҳ, одамнинг гўли қурсин-да, — элликбоши Ҳасан овчидан койинади. — Бошида бахт қуши би-лан бу одам от бозорида нима қиларкан-а?* Ш. Тошматов. Эрк қуши. *Салмоқдор оғир шудринг Олча шохларин эгди, Қарилликдан койиниб, Мичурин боққа кирди.* Қ. Муҳам-мадий.

КОЙИТМОҚ Уриниб (уринтириб) қийнамоқ. *Пошиа хола ичкаридаги ишлари-ни саранжомлаб, қизи устига келди: -Тур ўрнингдан. Узингни койитаверма.* Д. Нурий, Осмон устун. *Койитиб чарчатдинг минган отингни..* «Баҳром ва Гуландом».

Жонини койитмоқ қ. жон 2.

КОЙИШ 1 Койимоқфл. ҳар. н. *Шериги-миз ранги ўчиб, қалтираб.. домланинг этакларини кўзига суртса ҳам, мутаассиб мудар-рис койишдан тўхтамади.* М. Муҳаммаджо-нов, Турмуш уринишлари.

2 Койиб, уришиб айтилган гап, сўзлар. *Саодатхон ўн еттига кириб, ҳалигача ойисидан бунчалик койиш эшитмаган эди.* Н. Сафаров, Саодатнинг бахти. [Усталар] **Vit-Mad** қолган кийимларнинг эгаларидан койиш ва сўкиш эшитардилар. М. Муҳаммаджононов, Турмуш уринишлари.

3 фольк. Умуман, уриниш, койиниш-ли ҳолат, қийин, ғам-ташвишли ҳолат. *Тух-мат билан қолдик ушбу койишига. Отамиз ҳайдатди бу улуг даштга. «Эрали ва Ше-рали». Койишларим бўлди менинг зиёда, Се-нинг учун войим ортди дунёда. «Ойсулув». Фалакка етар нолишинг, Кўп бўлди, эна, койишинг. «Муродхон».*

КОЙКА [голл. *kooi* — кемадаги ётоқ жой < лот. *savea* — хужра, каталак] Бир кишилик каравот, жой (қасалхона, ётоқхона ва ш. к. ларда). *Маҳкам койкалар ва тумбочкалар билан қуршалган столга қаради.* П. Қо-диров, Уч илдиз. *Торгина хонада яна бир кои-ка бўлиб, унда кимдир жимгина ётар, аф-тидан, ҳали ҳушига келмаган эди.* Ҳ. Гулом, Замин юлдузлари.

КОЙКАЛИ Койкаси бор, койкага эга бўлган; ўринли. *Қишлоқнинг энг хушман-зара жойига юзта койкали янги типдаги болалар бозчаси қурмоқчимиз.* С. Анорбо-ев, Оксой.

КОИНЕ \юн. *koinos* — умумий] тлш. Бир неча ўзаро яқин, қариндош лаҳжаларнинг аралашувидан ҳосил бўладиган ва охир-оқибат уларнинг барчасини алмаштиради-ган, улар ўрнида қўлланадиган тил.

КОКАИН [исп. *cocaína* < *coca* — тропик бута] Тропик ўсимлик (кока) баргидан олинган алкалоид, кучли наркотик модда (тиббиётда баданни оғриқсезмайдиган қилиш учун ишлатилади). *1985 йили врач Пеоло Ман-тагац кокаин алкалоидини ажратишига муваф-фақ бўлди. «Фан ва турмуш». Масалан, кокаин бирор ерга суртилса, ўша жойнинг ўзгинасини сезгисизлантиради. «Фан ва турмуш».*

КОКЕТКА [фр. *coquette* — танноз, иш-вагар, тантиқ аёл] махс. Кўйлак ёки блузканинг кўкрак усти ва елкани ёпиб турув-чи юқори улама қисми; унга пастки улама қисм кўшиб тикилади.

КОКИЛ \ф. *Jêlê* — пешона гажак; бир тутам соч; тож] **1** Соч ўрими. *Майдаўрилган қора, узун кокиллари белига тушади. тт [Бой ўз-ўзига:] Ана ҳусн, ана малоҳат! Ҳисобсиз кокил, қўнғир сочларига нима дейсан? Тақи-мини ўпади-я, тақимини! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Мунисахон енгил кийимида, узун ва йўгон-йўгон икки кокилини бошига ўра-ган, унинг устидан тагдўзи дўппи кўришиб турар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Эски вақтда ёш йигит-баччаларни ўйинга солишда бошига кийдириладиган узун ясама соч. *Худди мана шу меҳмонхона-да тонг отгунча қартабозлик бўлар, ёш-ёш йигитларга кокил солиб ўйнатишарди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 этн. Назр қилиб, ёш болалар бошида кўйиладиган (маълум вақтгача қолдириладиган) бир ўрим соч. *Учинчи синфга ўтга-нидаям, Тоштемурнинг икки қарич келадиган кокили бор эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кўқон-да Ҳакимча табиб номи билан танилган Ибн Ямин ўглининг кокилини қирқтириш учун..*

арава кира қилиб, Шоҳимардонга олиб келди ахир. К. Яғиин, Ҳамза.

4 Баъзи нарсалар учига (бошига) осиб, қадаб кўйиладиган соч, попук ва ш. к. га ўхшаш нарса. *Наврўзда қизалоқлар толбарг-дан кокил, бинафшадан исирга, қоқилардан зулф қилиб, чамбар тақадилар.* Газетадан. *У эгнига зарбоф тўн кийган.. бошига кокил осилган дубулга қўндириб олган эди.* О. Ёқубов, Кўхна дунё. *Кўк сатин белбогига бойланган оқ суяк сопли пичоқ ва кокиллари-га мунчоқ тақилган қиндони отнинг йўрга-сида тебраниб боради.* Ҳ. Шамс, Душман.

5 *кўчма* Баъзи нарсаларнинг шунга (ко-килга) нисбатини (қиёсан ифодасини) билдиради. Улар кокиллари сув ўйиб турган мажнунтоллар тагидаги ариқда юз-қўл юви-шаркан, Қулаҳматни аскияга олишарди. «Гулдаста». Тоғларнинг ортига қўйиб аста бош, Кокилин оҳиста ишгиб олди ой. Нур-бек, Умид ўғли. Заъфар қирда саман отнинг кокилини ой ўпар. Х. Даврон, Болаликнинг овози. Эндигина кўтарилаётган қуёш заррин кокилларини ёзиб жилва қилмоқда. Т. Руста-мов, Мангу жасорат.

6 *махс.* Заргарликда: кулоқ, соч, бўйин ва қўлтиққа тақиладиган безаклар (исирға, қўлтиқтумор ва ш. к.)нинг осилиб турган қисмлари; шокила.

КОКИЛДОР Бошида кокили бор. *Ҳасан қайғичи кокилдор боланинг қўлидан қозик-лунгини олиб, бошига салла қилиб ўради.* С. Сиёев, Аваз.

КОКИЛЬ \фр. coquille — чиғанок, пўст, кобик; ковак] *махс.* Металл буюмлар куй-маларини тайёрлашда кўп марта фойдала-ниладиган металл қолип.

КОКОС \исп. cocos; бирл. — сосо] Тана-си ҳалқа-ҳалқа, барги патсимон бўладиган, баланд бўйли доим яшил пальма дарахти ҳамда унинг жуда катта ёнғоққа ўхшаш меваси. *Кокос мойи. Кокос ёнғоги. ит Кокос пальмасининг бўйи кўпинча 20—30' метр бўла-ди, баъзилари эса 50 метр бўлади.* Ҳ. Ҳаса-нов, Экватордан ўтганда.

КОКС \нем. Koks < ингл. соке| Тошқў-мир, торф, нефть қолдиқлари ва ш. к. ни ҳавосиз қиздиришдан ҳосил бўладиган уг-леродли қаттиқ қолдиқ (қора металлургия-да ёқилғи сифатида ишлатилади).

КОКСЛАМОҚ Тошқўмир, торф ва ш. к. ёқилғиларни махсус печларда қавосиз қиздириш йўли билан коксга айлантир-моқ. *Бўёқ олиш учун нефть чиқиндилари ва тошқўмирни кокслашдан олинган маҳ-сулотлар асосий хомашё ҳисобланади. «Фан ва турмуш».*

КОКТЕЙЛЬ \ингл. cocktail - хўрознинг думи] **1** Спиртли ичимликларнинг (конь-як, ром ва б.) баъзан қанд, мева ва турли зираворлар қўшиб тайёрланадиган, сови-тилган аралашмаси. *-Қани юринг, бир қул-тум коктейль ичамиз, — деди у.. дастурхон ясатилган узун фойега бошлар экан.* И. Ра-ҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 Мева шарбати, сут ва ш. к. ларга ша-кар, резавор ва б. қўшиб тайёрланадиган алкогольсиз ичимлик.

КОЛБА \нем. Kolben| Кимёвий тажри-баларда ишлатиладиган бўғзи узун ва тор, шар ёки конус шаклидаги шиша идиш. У /Азиз ака] *колбадаги эритмани синчиклаб қузатди-ю, нимшарнидир ёзиб қўйди.* «Саодат».

КОЛБАСА \р. колбаса < т. kulbasti — товада қовурилган, тоблаб пиширилган гўшт] Ичакка ёки сунъий қобикқа (плён-кага) қийма, гўшт тиқиб тайёрланган ов-қат маҳсулоти. *Дудланган колбаса. Колбаса цехи. иш Вакил учинчи қадаҳни ҳам бўша-тиб, колбасани газак қилгач, суҳбатни да-вом эттирди.* Газетадан.

КОЛЕНКОР \ фр. calencor - шарқона ип газлама номи] Крахмаллаб ёки елимлаб қотирилган окёки рангли пишиқсурп (асо-сан муковалар учун ишлатилади). *Коленкор муқовали кичкина дафтарчанинг майда-май-да катаклари гуж-гуж рақамларга тўла.* Газетадан.

КОЛИБРИ \исп. colibri] Узун қанотли, патлари ранг-баранг энг кичик қушлардан бири (асосан Марказий ва Жанубий Аме-рикада тарқалган).

КОЛИТ \юн. kolon — йўғон ичак| тиб. Йўғон ичакнинг юқумли касаллик, нотўғ-ри овқатланиш ва б. сабаблар натижасида ўткир ёки сурункали яллиғланиши.

КОЛЛАЖ \фр. collage — елимлаб ёпиш-тириш] Тасвирий санъатда: бирон-бир асос материалга ундан ранги, кўриниш сифати билан фарқланувчи материалларни ёпиш-тириб, муайян асар яратиш усули ва шу усулда яратилган асарнинг ўзи.

КОЛЛЕГИАЛ [лот. collegialis - бирлаш-ган, биргаликдаги] Коллегияга тааллуқли, оид; яккабошчилик асосида эмас, бир қан-ча киши билан биргалашиб, кенгашиб амалга

ошириладиган. *Баъзи ташкилотлар-да.. коллегиял раҳбарлик принципларини бу-зиш, шахсий масъулиятдан бўйин товлаш.. ҳоллари юз бермоқда.* Газетадан.

КОЛЛЕГИАЛЛИК Бошқарувнинг раҳ-барий ваколатли шахслар гуруҳи (коллегия) томонидан амалга ошириладиган усули; коллегиял тарзда иш тутиш. *Хўжалик иш-ларига раҳбарлик қилишда коллегиясилик прин-ципига амал қилиш керак. иш Уқув юрт-ларини бошқариш унинг ўз-ўзини бошқаруви, унга эркинлик ва ташаббускорлик берилиши, коллегиялик ва ошкораликнинг ривожлани-ши билан мужассамлашган ҳолда олиб бори-лади.* Газетадан.

КОЛЛЕГИЯ [лот. collegium — ширкат, уюшма < collega — хизматдош ўртоқ] **1** Бирон раҳбарлик қилувчи, маслаҳат (кен-гаш) берувчи, бошқарувчи органни таш-кил қиладиган шахслар гуруҳи. *Вазирлик коллегияси.*

2 Айрим касб ахлларининг ихтиёрий уюшмаси. *Адвокатлар коллегияси.*

3 тар. 18-асрда Россиядаги марказий бошқарув муассасаларининг номи. *Ташқи ишлар коллегияси.*

КОЛЛЕЖ [ингл., фр. college — ўртоқ, биродар; ўқув юрти] **1** Буюк Британия, АҚШ ва б. баъзи мамлакатларда: ўртадан олийгача бўлган турли хил ўқув юртлари.

2 Франция, Бельгия, Швейцария ва б. баъзи мамлакатларда: ўрта ва тўлиқсиз ўрта ўқув юрти.

3 Ўзбекистонда: ўрта махсус касб-хунар ўқув юрти.

Касб-хунар коллежи Давлат таълим стандартлари асосида ўқувчиларга ўрта мах-сус, касб-хунар таълимини берувчи, ўқув-чиларнинг касб-хунарга мойиллигини, би-лим ва кўникмаларини чуқур ривожланти-риш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш им-конини яратувчи ўқув муассасаси.

КОЛЛЕКТИВ I [лош. collectivus -тўпланган, терма, умумий] қ. жамоа.

КОЛЛЕКТИВ II сфт. қ. жамоа, жамоа-вий.

КОЛЛЕКТИВИЗМ [фр. collectivisme -йиғиш; тўпланиш] Дўстона ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамга асосланган ҳаёт, турмуш тарзи; шўро даврида: ижтимоий ҳаётнинг меҳ-наткашлар шахсий манфаатини кўпчилик манфаатига онгли равишда бўйсундириш-га, одатда унга қарама-қарши қўйишга асосланган ҳамкорлик принципи; коллек-тивчилик.

КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ тар. Шўро даврида: 20-асрнинг 20—30-йилларида май-да-майда деҳқон хўжаликларидан оммавий тарзда йирик коллектив хўжаликлар (кол-хозлар)ни ташкил қилиш. *У[Сафаров] кол-лективлаштиришда йўл қўйилган хатолар-ни эътироф қилди, бундан кейин колхозга кириш-кирмаслик ҳар кимнинг ўз ихтиёрида эканини айтди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чи-роклари.

КОЛЛЕКТОР [лот. collector - тўплов-чи] **1** Зах қочириш (дренаж) тармоғининг сув йиғувчи қисмидан келаётган (сизот) сувни тўплаб, суви қочириладиган майдон-дан бошқа томонга оқизиб, чиқазиб юбо-риш учун хизмат қиладиган дренаж қуву-ри ёки очиқ канал; сизот сувларни торта-диган катта зовур. *Мавжуд коллектор-зовур тармоқларини лойдан ва бегона ўтлардан тозалаб туриш ҳам катта аҳамиятга эга.* «Фан ва турмуш». *Машинамиз коллектор ёқалаб чўл ичкарасига кириб боради.* «Ўзбе-кистон кўриқлари».

2 махс. Канализация тармоғининг ка-нализация қовузларидан оқова сувларни йиғадиган қисми (бетон, темир-бетон ёки керамик блоклардан қилинадиган қувур, ҳовуз кабилар).

3 махс. Алоқа кабеллари ҳамда сув, газ ўтказувчи ва б. қувурлар ётқизиладиган ер ости йўлақлари.

4 тех. Айрим техник қурилмаларнинг номи, мас, ички ёнув двигателининг чи-қариш ва киритиш коллектори.

5 тех. физ. Электр токи частотасини механик тарзда ўзгартирувчи мослама; кон-структив жиҳатдан электр машина ротори (якори) билан бирлаштирилган бўлади.

6 Бирор нарса намуналарини тўплаш, рўйхатга киритиш, сақлаш ва тарқатиш билан шуғуланувчи муассаса ёки шахс. *Кутубхона коллектори.*

КОЛЛЕКЦИОНЕР \фр. collectionneur < лот. collector - тўпловчи, йигувчи] *айн.* коллекциячи. *Швейцария пули билан 4 минг франк турадиган бу пичоқни фақат бой коллекционергина сотиб олиши мумкин.* Га-зетадан.

КОЛЛЕКЦИЯ [лот. collectio - тўп-лаш, йиғиш] Бир хил, бир турдаги ай-рим нарсаларнинг (мас. танга, марка, ки-тоб ва ш. к. ларнинг) тартибга солинган тўплами. *Капалаклар коллекцияси. Қадим-ги маркалар коллекцияси. Минераллар кол-лекцияси. иш Нормат ҳозирги рассомлар-нинг суратларини коллекция қилади, ботин-ка ипига пули бўлмаса ҳам, сўнгги чақаси-га бориб сурат олади.* А. Мухтор, Чинор. *..бу портрет коллекциямнинг гули бўлади.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

КОЛЛЕКЦИЯЧИ Коллекция тўпловчи.

КОЛЛИЗИЯ \лот. collisio — ўзаро тўкна-шиш; шикастланиш] Қарама-қарши кучлар, қарашлар, интилишлар, қизиқишлар тўкнашуви; бадий асарда: тасвирланаёт-ган турли қаҳрамонларнинг характерлари ўртасидаги, ҳаракатлар билан шароит, ҳолат ўртасидаги зиддият, қарама-қарши-лик. *Ундаги адашиш, кейин тўғри йўлга ту-шиб олиш коллизияси, бу борадаги кечинма ва интилишлар драманинг асоси ташиқил этади.* «ЎТА». Муаллиф гоёни очишда харак-терларнинг ички қурашига, психологик кол-лизиясига амал қилган. Газетадан.

КОЛЛОДИЙ [юн. kollodes - ёпишқоқ] Нитроцеллюлозанинг спирт билан эфир аралашмасидаги эритмасидан иборат куюқ ёпишқоқ модда (тиббий ва фотографияда ишлатилади).

КОЛЛОИД \юн. kolla - елим + eidos -кўриниш; ўхшаш, -симон] *ким.* Кристалланмайдиган, сувда эритилганда, лойсимон куюқ эритма ҳосил қиладиган модда (мас, елим, крахмал, оксил).

КОЛЛОКВИУМ [лот. colloquium -ўзаро суҳбат] **1** Таълим тизимида ўқувчиларнинг, талабаларнинг билим даражаси-ни аниқлаш ва ошириш мақсадида ўқитувчининг улар билан ўтказадиган суҳбати, имтиҳоннинг бир тури.

2 Маъруза юзасидан баҳс-мунозара ўтказиладиган илмий мажлис, йиғилиш.

КОЛОНИСТ қ. колониячи.

КОЛОНИЯ \лот. colonia — манзилгоҳ, тураржой; кўчириш, кўчириб жойлаштириш] **1** Хорижий давлат (метрополия) ҳукмронлиги (салтанати) остидаги, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан унга қарам бўлган ҳамда махсус тартиб асосида бошқарила-диган мамлакат ёки худуд; мустамлака.

2 Бирор мамлакат ёки шаҳарга бошқа мамлакатдан кўчиб келиб ўрнашган муҳожирлар ва уларнинг манзилгоҳи. *Чор Рос-сиясида немислар колонияси.*

3 Маҳбусларнинг суд томонидан белги-ланган жазо муддатини ўтайдиган жойи. *Ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияси. Болалар ко-лонияси. Аёллар (хотин-қизлар) колонияси.*

4 биол. Жинсиз кўпайишда она орга-низмидан ажралиб кетмай, бир-бирига ёпишиб яшовчи жониворлар туркуми, тўдаси. *Маржонлар колонияси.*

КОЛОНКА \р. < фр. colonne < лот. columna — устун] **1** Устун шаклидаги турли асбоб, идишларнинг номи. *Бензин колонка-си.* **тт** «Илғор» маҳалласида давлат маблағи ҳисобига 57 та водопровод колонкаси ўрна-тилди. Газетадан.

2 айн. сутун **2.** *Олти колонкали газета саҳифасини.. янги ўқув йилига тайёргарлик, ёз хотиралари тўғрисидаги хабар ва шеър-лар безатган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КОЛОННА \фр. colonne < лот. columna — устун; қозик] **1 архит.** Иморатнинг томи, пештоқи, ички қисмлари ва ш. к. ни кўта-риб туришга хизмат қиладиган, асоси ай-лана ёки тўғри тўртбурчак шаклида бўла-диган таянч, устун. *У[қоровул] қайтиб кел-ганда, новча киши иморатга узоқдан кўзини гоҳ қисиб, гоҳ катта очиб қарар, пакана йигит унинг колонна ва деворларига чертиб, дераза ва эшикларининг бўёгини тирнаб, ҳид-*

лабкўрар.. эди. А. Қаҳҳор, Асарлар. *Дераза-лари кенг ва эшик олди оппоқ чиройли колон-налар билан безалган клуб биноси*. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий бўлинмаларнинг бирин-кетин тизилган сафи; кетма-кет тизилиб борувчи одамлар, машиналар ва ш. к. гуруҳи, сафи. *Тревога эълон қилиниши билан солдашлар дарахт па-наларига, ўйдим-чуқур жойларга ўзларини олдилар, бутун колонна ерга ётди*. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Колонна дарвозага бурилиб, ҳовлига кирди ва олдиндаги капитаннинг ко-мандаси билан тўхтади*. Ҳ. Ғулом, Тошкент-ликлар. *Шу чоқ танклар колоннаси етиб кел-ди-да, йўлда туриб олиб, тепаликка тўп ота бошлади*. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КОЛОНТИГУЛ [нем. Kolumnentitel < фр. colonne — устун + лат. titulus — битик, 457

ёзув; фахрий унвон] *полигр.* Ҳар бетнинг устки хршиясига ёзилган сарлавҳа, муаллиф номи (журнал, тўплам ва ш. к. да) ёки ҳар бетнинг устки ҳошиясига босилган биринчи ёки охириги сўз, ҳарф (луғатда).

КОЛОНЦИФРА [нем. Kolumnenziffer] *полигр.* Китоб, журнал ва ш. к. нинг бетларига кўйилган тартиб рақамлари.

КОЛОРАДО [АҚШдаги дарё ва штат номи (Colorado)дан]: колорадо қўнғизи Барг, ўсимлик еювчи, қўнғизлар оиласига мансуб, картошка ва б. маданий ўсимлик (экин)лар учун ўта хавфли зараркунанда ҳашарот.

КОЛОРИТ [итал. colorito < лат. color — ранг, тус] **1** Расм, гравюра ва ш. к. да рангларнинг уйғун, ўзаро мутаносиб бўли-ши, уйғунлик касб этиши. *Бир хил портретда рассом бўёқ, колоритга эътибор бер-са, иккинчи хил портретда у қаҳрамоннинг аҳволини тасвир этиши мумкин*. А. Умаров, Портрет — даврнинг ёрқин ифодаси.

2 кўчма Бирор нарсанинг (ташқи кўри-ниш, бадий асар, давр, ҳудуд, халқ ва ш. к.) ўзига хос томонлари, хусусиятлари мажмуи. *Қаҳрамоннинг нутқидаги бумақол-лар миллий колоритни вужудга келтиради, қаҳрамон психологиясининг бирор томонини очишига ёрдам беради*. «УТА».

КОЛХОЗ [р. «коллективное хозяйство» бирикмасининг қисқартмаси] *эск. тар.* Шўро даврида: деҳқонларнинг асосий иш-лаб чиқариш курулларини умумлаштиришга ва кишлок, хўжалик ишлаб чиқари-шини биргалашиб (жамоавий) бошқариш-га асосланган ихтиёрий уюшмаси; коллек-тив хўжалик, жамоа хўжалиги. *Колхоз ер-лари. Колхоз фермаси*.

КОЛХОЗЛАШМОҚ Коллектив хўжа-ликка (колхозга) бирлашмоқ.

КОЛХОЗЧИ Колхоз аъзоси. *Комиссия.. ҳамма звено бошлиқлари, бригадирлар ва бир-мунча колхозчилар билан суҳбат қилди*, А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

КОЛЧЕДАН [фр. colcedoine < Кичик Осиёдаги шаҳар (лат. Calchedon, юн. Chalkedon) номидан] Металлар (темир, мис, кобальт, никель ва б.) олтингургурт (сульфид)ли бирикмаларининг умумий номи. *Мис колчедан. **тм** Фарбий Ўзбекистон-да олтин маргимуш колчедан билан ёки кварц томирларида учрар экан*. С. Анорбоев. Ўзбе-кистон олтини.

КОЛЯСКА [қад. р. коло, колесе — ғил-дирак] **1** *эск.* Рессорали, қайтарма соябон-ли тўрт ғилдиракли извош. *Коляскани қўймоқ. Коляскада сайр қилмоқ. **тм** Ун-ўн бешлаб аргумоқ отлар дейсизми, коляска аравалару қўш хотин дейсизми, ишқилиб, ундаги мулк-амлокнинг ҳисобига чўт билма-ган содда деҳқон етолмас экан*. Ф. Ғулом, Тирилган мурда.

2 Чақалоқ, ёш болаларни сайр қилди-ришга мўлжалланган кичик аравача. *Жувон коляскадаги қизчаси билан икки қаватли гиштин бинога кирди*. Газетадан.

3 Махсус тиркама қўшимча аравача; кажава. *Мотоцикль коляскаси*.

КОЛЯСКАЛИ Коляскаси бор, коляска ўрнатилган (бириктирилган). *Коляекали мотоцикль. **тм** Майдон атрофидаги кўчалар кичик болалар машинаси, коляскали велоси-*

педлар.. миниб олган эркатойлар ва ота-она-лар билан тўлибкетди. П. Гадоев, Кичкин-тойлар мусобақаси.

КОМ I [ф. *f*ʌS — танглай, оғиз; оғиз бўшлиғи] эс/с. кт. Оғизнинг юқори тиш, танглайдан ҳалқумгача бўлган қисми, оғиз ичи; ич (қаър) (қўпинча аждар, дев каби афсонавий махлукларнинг оғзи ҳақида). *Ҳамма урушдан қочса, сен бу аждаҳонинг комига ўз ихтиёринг билан бормоқчимисан?! П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Сиз-чи эй, садоқат сўзидан нолиб, Надомат комида қолганлар, айтинг. А. Орипов, Руҳим. Энди амирингиз шарманда бўлиб қочгандан кейин ҳам.. халқнинг қолган-қутган мол-мулкни ҳам талаб, у аждаҳонинг комига солмоқ-чимисиз? С. Айний, Қуллар.*

Комига тортмоқ Ичига, дамига тортмоқ, ютмоқ. *Аждар чўпонни комига тортди. «Эр-таклар». Подшоҳлар бир аждарки, узоқдан кўрмоқ яхши, аммо ёнида бўлмоқ хавфли — бир сабаб билан комига тортмоғи осон. Мирмуҳсин, Меъмор. Кучли магнит парча-си темир заррачаларини ўзига тортгандек, ҳаво камералари ҳам қийғоч очилган.. тола-ларни ўз комига тортарди. Б. Файзиёв, Ой-дин кечада.*

КОМ II [ф. — тилак, истак; мақсад; баҳра] эск. кт. Мақсад, мурод; шодлик, комронлик. *Бахту давлатдин бутун ўртоқларим ком олдилар, Соате дунёда бўлмам комрон, қандоқ килай? Ҳадия биби («Ўзбек шоирла-ри»). Сенингсиз менга ком иўқдир, Асви ичсам, захар бўлгай. Э. Воҳидов, Муҳаббат.*

КОМА \юн. кома — қаттиқ, чуқур уйқу ҳолати] Бутунлай хушдан кетиш, қон айланишининг, нафас олиш ва модда алма-шинувининг бузилиши, ташқи таъсирлар-га жавоб бермаслик, умуман, марказий нерв системаси фаолиятининг издан чиқи-ши билан кечадиган, ҳаёт учун хавф туғ-дирадиган ҳолат.

КОМАНДА \фр. *commande* < *итал. comando* — бошқарув] **1** ҳарб. Командир-нинг расмий, қисқача, оғзаки буйруғи. *Улар капитаннинг командаси билан тепадаги самолётга барча қуроқлардан бирданига, баб-баравар ўқ уздилар. Н. Сафаров, Оловли излар. Сўнгга полкка.. команда бериб, Элму-родга ташаккур эълон қилди. Шухрат, Ши-нелли йиллар.*

2 ҳарб. Муайян вазифаларни бажариш учун уч ва ундан ортиқ кишидан ташкил этилган кичик ҳарбий қисм, бўлинма. *Раз-ведкачилар командаси. Снайперлар командаси. Ўт ўчирувчилар командаси.*

3 Кемадаги матрос ва командирлар тар-киби. *Крейсер командаси. Теплоход командаси.*

4 Муайян спорт тури бўйича бирга ҳара-кат қилиш учун тузилган спортчилар жамоаси. *Волейбол командаси. Шахматчилар командаси. ттп Аббураимов яхши футболчи эди, яхши тренер бўлди. Анча йиллар ўзи шу командада ўйнади. Газетадан.*

5 сиёс. Бирон-бир сиёсий арбоб ёки ман-сабдор шахс атрофида бўлган ва унинг дастурини амалга оширишга қўмаклашадиган яқин кишилар гуруҳи.

6 Бирон-бир фаолият билан банд бўлган, муайян ишни бажараётган ишчи гуруҳ, жамоа.

7 махс. Компьютер техникасида: ком-пьютер бажариши лозим бўлган ҳар қан-дай иш учун айна компьютер (ҳисоблаш машинаси)га мос машина тилида ёзилган (берилган) буйруқ, йўл-йўриқ.

КОМАНДИР \лот. *commendare* — ишо-ниб топширмақ, юкламақ] **1** Ҳарбий қисм, бўлинма, кема ва ш. к. нинг бошлиғи. *Взвод командири. Дивизия командири. Сув ости кемаси командири. ттп Блиндажда бизни рота командири Саурбоев қарши олди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

2 с. т. Раҳбар, бошлиқ. *Ҳозир у ишлаб чиқариш командири бўлиш ниятида тўқима-чилик техникумида ўқимоқда. М. Жўра, Қу-ёшдан нур эмганлар. Директор — командир, бош, Муаллим — раҳбар, йўлдош. Қ. Муҳам-мадий.*

КОМАНДИРЛИК Командир иши, ла-возими. *Абдулатиф командирлик қилаётган взвод ҳар куни ўнлаб ҳужумларни қайтарар.. эди.* Газетадан. -*Биз сизни бўлинма командирлигига тавсия этдик, — деди лейтенант.* Шўхрат, Шинелли йиллар.

КОМАНДИРОВКА \нем. Kommandie-ring, Kommando — жўнатиш; хизмат сафари] Хизмат сафари {қ. хизмат). *Илмий ко-мандировка. Командировка муддати. Командировкага бормоқ. тт Давронов махсус топ-шириқ билан Хоразмга командировка қилин-ди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КОМБАЙН [ингл. combine - бирлаш-тирмақ; бирга қўшиш] Бир неча машина-нинг ишини бир йўла, бирданига бажара-диган мураккаб машина. *Ғалла комбайни. Кўмир комбайни. тт Деҳқонлар ғаллани ўроқ билан эмас, комбайн билан ўриб оладиган бўлдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

КОМБАЙНЧИ Комбайн ҳайдовчи, комбайнда ишловчи. [Зумрад] *Пахта ора-лайди, буғдой ўраётган комбайнчига ҳорма айтади..* С. Сиёев, Отлик аёл.

КОМБИКОРМ \р. «комбинированный корм» (аралаш озуқа) бирикмасининг қисқарган шакли] Мол ва паррандаларга бе-риш учун махсус тайёрланадиган аралаш-ма озуқа; аралашма ем. *Жиззахда маҳаллий қишлоқ хўжалик хомашёсини ишлайдиган иккита пахта заводи, ёғ заводи ва комби-корм заводи бор.* Газетадан.

КОМБИНАТ \лот. combinatus - қўшилган, бирлаштирилган] **1** Бир-бирига узвий боғланган, бирининг маҳсулоти ик-кинчисига хомашё бўладиган бир неча тур-ли тармоқдаги муассаса, корхона ва ш. к. ни бирлаштирувчи йирик ташкилот. *Цел-люлоза-қоғоз комбинати. Гўшт-сут комби-нати. Тўқимачилик комбинати. тт Узбекистоннинг катта шаҳарларида йирик уй-жой қурилиш комбинатлари..* қурилди. Газетадан.

2 эск. Баъзи мамлакатларда маҳаллий саноатда майда ишлаб чиқаришларни бирлаштирувчи корхона. *Маиший хизмат кўрсатиш комбинати.*

3 Бирор корхона, муассаса қошида бўла-диган турли босқичдаги ўқув юртлари бир-лашмаси.

459

КОМБИНАЦИЯ \лот. combinatio -қўшиш, бирлаштириш] **1** Бир турдаги нар-саларнинг ёки бирор нарса турларининг маълум тартибда уйғунлашган ёки ўзаро изчил жойлашган, қўшилган бирикмаси, мажмуи. *Рақамлар комбинацияси. Бўёқлар комбинацияси. тт Табиатдаги бизга маълум бўлган барча жисмлар шу 92 та кўринишда-ги атомлар комбинациясидан иборат.* А. Е. Ферсман, Қизикарли геохимия.

2 Бир мақсадни кўзлаб қилинган бир неча хил ҳаракатлар, усуллар мажмуи, бир-лиги. *Шахмат комбинацияси. тт Пахтакор-чилар ўйин давомида чиройли комбинация-лар ишлатишди.* Газетадан.

3 Хотин-қизларнинг ич кўйлаги. **КОМБИНЕЗОН** \фр. combinaison < лот. combinatio — қўшиш, бирлаштириш] Шими билан кўйлаги (ёки костюми) бирга қўшиб тикилган кийим (одатда иш кийими). *Унинг ёнида чўгдай иситилган чўкич ва омбир уш-лаган, комбинезон кийган ёш ишчи пайдо бўлди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КОМЕДИЯ \лот. comoedia < юн. komodia — хушчақчақ оломон, қўшиқ] Воқеалар, ҳаракатлар ва зиддиятлар кулги асосида тасвирланадиган сахна асари. *Сатирик ко-медия. ит Кинога олишяпти шекилли. Ан-тиқа комедия чиқадиганга ўхшайди.* С. Ахмад, Лаъли Бадахшон.

КОМЕНДАНТ \фр. commandant < лот. commendare — топширмақ, юкламоқ] **1** Қалъа ёки мустаҳкамланган ҳудудда ушбу жойни кўриқлайдиган барча қўшиннинг бошлиғи. *Шаҳар коменданнти. Округ комен-даннти. тт Орша шаҳрини озод қилиш опе-рациясида бевосита қатнашдим, кейин шу шаҳарга комендант қилиб тайинландим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Гарнизонда қоровуллар хизматининг тўғри бориши, махбусларнинг сақланиши, ҳарбий хизматчиларнинг жамоат жойлари ва кўчадаги интизоми устидан назорат олиб боровчи ҳарбий мансабдор шахс.

3 Темир йўл станцияларида ва сув йўлларида (порт ва пристанларда) қўшинлар, ҳарбийлар ва ҳарбий юкларнинг тўғри ҳаракатланишини кузатиб турувчи ҳарбий хизматчи. *Тўртинчи кун кечқурун вагонлар-га шам берилмади, станция ҳарбий комендант «Чироқ ёқилмасин!» деди. И. Раҳим, Чин муҳаббаф.*

4 Айрим муассасаларга қарашли уйларнинг, мас, университет ётоқхонасининг бошқарувчиси. *Бу хотин меҳмонхона билан ётоқхонага комендант ҳамда шичиларга ки-йим тарқатувчи экан. С. Сиёев, Ёруғлик.*

КОМЕНДАТУРА [нем. Kommandantur < лот. commendare — ишониб топширмақ] Ҳарбий гарнизон комендантининг идора-си ва бу идора жойлашган бино.

КОМЕТА \юн. kometes - узун, пахмоқ сочли| Тумансимон нурланувчи булутҳамда думга ўхшаш нурли (ёруғ) чизик кўрини-шига эга бўлган осмон жисми; думли юл-дуз. *Ҳар замон-ҳар замонда Ер яқинидан ноёб кометалар ўтиб қолади. «Ёшлик».*

КОМИ Россия Федерацияси таркиби-даги Коми Республикасининг туб аҳолиси. *Коми тили. Коми йигит.*

КОМИЗМ \юн. komikos — кулгили] Би-рор нарсанинг: хатти-ҳарақағ, воқеа-ҳодиса, ҳолат ва ш. к. нинг кулгили, комик то-мони. *Давр ўтиши билан ҳаётии зртаклар-да фантазиянинг ўрнини комизм эгаллай бош-лади. _«ЎТА».*

КОМИК Комик, ҳажвий ролларни ўйнавчи актёр; қизиқчи, масхарабоз. *Соиб Хўжаев Муқимий номидаги ўзбек давлат му-сиқали драма театрининг комикларидан эди.*

КОМИК Комедияга оид, кулгили. *То-мошабинга комик фильмни мукамал ешка-зишда, кулги чиқазишда бундай усул кўл ке-лади. Ғ. Саломов, Таржима назариясига ки-риш. Раж Канур трагик, лирик ва комик эле-ментлар мавжуд бўлган фильмларда чуқур фалсафий образлар яратишга муваффақ бўлди. Газетадан.*

КОМИЛ \а. J-oL£ - етук, тўлик, му-камал] 1 Камолатга эришган, бекаму кўст, мукамал. *Муҳаммад Жамол энди сўзни Ис-кандародан бошлади: -Гўзал, келишган ва ақли комил қиз, - деди. Ойбек, Нур қиди-риб. ..ахлоқи, одоби, маънавий фазилатлари уни ҳар бир комил инсонга баравар қилиб кўтарган эди. С. Айний, Эсдалиқлар.*

Имони (ёки ишончи) комил Қатъий ишончни билдирувчи ибора. *Бу сирли гум-базга неча марталаб тикилиб қолганига имо-ним комил, зеро у бошқа ёдгорликлардан ўзга-ча. С. Кароматов, Сўнгги бархан. Аммо Ой-қизнинг ишончи комил эдики, эрта-индин бу ерлар ҳам чамандек яшнайди. LU. Рашидов, Бўрондан кучли.*

2 Комил (эркаклар исми).

КОМИНТЕРН, Коммунистик Интерна-ционал тар. 1919—1943 йилларда: турли мамлакатларнинг коммунистик партияла-рини бирлаштирган, фаолиятида развед-ка ишларини ҳам олиб борган халқаро ташкилот.

КОМИССАР [фр. commissaire < лот. comissarius — вакил қилинган; ваколат бе-рилган] 1 Ҳарбий, ижтимоий-сиёсий ёки маъмурий ваколатларга эга бўлган раҳ-бар, бошлик.

Халқ комиссари *эск. тар.* СССРда 1917— 46 йилларда Халқ комиссарлигини бош-қарган ҳукумат аъзоси. *Ички ишлар халқ ко-миссари. Ҳарбий комиссар* 1) 1918—42 йил-ларда совет ҳукуматининг армияда коман-дир билан бир қаторда қўшинларнинг жан-говарлик қобилияти ва сиёсий аҳволи учун тенг даражада жавобгар бўлган сиёсий хо-дими. *Батальон комиссари. Полк комисса-ри;* 2) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги-да: маҳаллий ҳарбий бошқарув органи (ко-миссарлик) раҳбари.

2 Айрим хорижий мамлакатларда маъ-мурий ёки полициячилик вазифаларини бажарувчи мансабдор шахс.

КОМИССАРИАТ *айн. комиссарлик.*

КОМИССАРЛИК Комиссар томонидан бошқарилувчи, давлатга қарашли ва маҳаллий-маъмурий муассасаларнинг номи.

Халқ комиссарлиги *эск. тар.* Халқ хўжа-лиги ёки саноатнинг бирор тармоғига раҳбарлик қиладиган давлат муассасаси (СССРда 1946 йилдан министрлик деб аталган). *Ташиқи ишлар халқ комиссарлиги.* **Ҳар-бий комиссарлик** Ҳарбий хизмат ўташи ло-зим бўлган кишиларни ҳисобга олиш, ҳар-бий хизматга чақириш ва ш. к. ишларни бажарадиган маҳаллий ҳарбий бошқарув органи. *Вилоят ҳарбий комиссарлиги.* **тм** *Элмурод уйга келиб, столи устида ҳарбий комиссарликнинг повесткаси (чақирув қозони)ни кўрди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

КОМИССИОН [*лот. commissio* — топши-риш; топширик] **1** Воситачилик (битишти-рувчилик) ролини ўйновчи; молни комис-сияга қабул қилувчи.

Комиссион магазин Аҳолининг ортикча, кераксиз нарсаларини қабул қилиб олиб, сотиб берадиган махсус магазин. **Комисси-он савдо** Савдо корхоналари билан айрим, алоҳида фуқаролар ва ташкилотлар ўрта-сида тузиладиган комиссия шартномасига асосланган савдо-сотик шакли.

2 Комиссияга берилган, комиссия магазин орқали, учинчи шахс (комиссио-нер) воситачилигида харид қилинадиган ёки сотиладиган. *Комиссион моллар.*

КОМИССИОНЕР [*фр. commissionaire* < *лот. commissio* — топшириш; топширик] Ко-митент ҳисобидан ва унинг фойдасига, ле-кин ўз номидан битимлар тузадиган шахс ёки ташкилот — савдо-сотик ишидаги воситачи.

КОМИССИЯ [*лот. commissio* — топ-шириш; топширик, юмуш] **1** Бирор аниқ вазифани бажариш ёки алоқида махсус чора-тадбирлар ўтказиш учун ташкил этилган орган; шундай ишларга ваколати бўлган шахслар гуруҳи. *Тафтиш комис-сияси. Саноқ (ҳисоб) комиссияси. Юбилей комиссияси. Қабул комиссияси. Сайлов ко-миссияси.* **тм** *Пахталаримиз ҳолини кўриб, баҳо бериш учун комиссия чиқарингиз.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 Бир томон (комиссионер)нинг бошқа томон (комитент) топшириғита кўра маъ-лум ҳақ эвазига учинчи шахс билан ўз но-мидан, лекин комитент ҳисобидан унинг манфаати йўлида тузган шартномаси.

3 Шундай битим тузганлик учун тўла-надиган ҳақ (тузилган битим суммасининг аввалдан белгиланган фоизи миқдорида).

КОМИТЕНТ [*лот. committens, commit-tentis* — топширувчи, топширик берувчи] Комиссионерга ўзининг, яъни комитент ҳисобидан, лекин комиссионер номидан савдо битимини тузиш қақида топширик берувчи томон (шахс ёки ташкилот).

КОМИТЕТ [*фр. comite* < *лот. committo* — топшираман, юклайман] **1** Махсус, ало-ҳида чора-тадбирлар ўтказиш ёки бирор соҳа-тармоққа раҳбарлик қилиш учун таш-кил этиладиган давлат органи. *Гидрология ва минерал ресурслар давлат комитети (яна қ. қўмита).*

2 Сиёсий партиялар ва жамоат ташки-лотларида коллегиял сайлаб қўйиладиган раҳбарий орган. *ХДП Марказий комитети.*

КОММЕНТАРИЙ [*лот. commentarius* -шарҳдар, изохлар; тафсир] қ. **изоҳ, шарҳ; тафсир.**

КОММЕНТАТОР [*лот. commentator* -баён қилувчи, шарҳловчи] қ. **шарҳловчи.**

461

КОММЕРСАНТ [*фр. commercant* < *лот. commercans, commercantis* — сотиб олувчи] Тижорат, савдо-сотик билан шуғулланув-чи шахс; ишбилармон, тадбиркор, тижо-ратчи.

КОММЕРЦИЯ [*лот. commercium* — сав-до-сотик; муомала] Савдо-сотик ва у би-лан боғлиқ муомалалар; фойда олишга йўналтирилган фаолият (*яна қ. тижорат*).

КОММУНА \фр. commune — жамоа < лот. communis — умумий, оммавий] **1** Мулк ва меҳнатни умумлаштириш, ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқдарига эга бўлиш асосида бирлашган кишилар жамоаси.

2 Ҳозирги бир қатор хорижий мамла-катларда қуйи маъмурий-худудий бирлик.

Париж коммунаси 1871 йилда кўзғолон кўтарган француз меҳнаткашларининг ўша йилнинг 18 мартдан 28 майгача ҳукм сур-ган ҳукумати. **Қишлоқ хўжалик коммунаси тар.** Қишлоқхўжалик кооперативларининг шўро ҳокимиятининг дастлабки йиллари-да амалда бўлган шакли (кейинчалик кол-хоз тарзида қайта ташкил этилган).

КОММУНАЛ \фр. communal < лот. communis — умумий, оммавий, жамоавий] **1** Коммунага, жамоа бўлиб яшашга оид; жамоавий.

2 Шаҳар хўжалигига оид, шаҳар хўжа-лигига боғлиқ. *Коммунал хизматлар. Коммунал банк. Коммунал қурилиши.*

Коммунал хўжалик Муайян аҳоли мас-канлари (шаҳар, қишлоқ, шаҳарча каби) аҳолисига хизмат кўрсатувчи корхоналар, хизматлар ва хўжаликлар (иссиқ ва совуқ сув, электр энергияси, газ билан таъмин-лаш, кир ювиш, кимёвий тозалаш, сарта-рошхоналар тизимлари фаолияти ва б.) мажмуи.

КОММУНАР \фр. communal] **1** Париж коммунаси қатнашчиси.

2 Коммуна аъзоси (қ. **коммуна 1**).

КОММУНИЗМ \лот. communis - уму-мий, оммавий] **1** Хусусий мулкчиликни инкор этиш ва моддий бойликларни бар-чага тенг тақсимлашни талаб қилиб қўйиш-га асосланган турлича қарашлар, нуктаи назарларнинг умумий номи. *Ибтидоий коммунизм. Хаёлий (утопик) коммунизм.*

2 тар. Марксизмда: капитализм ўрнини эгалловчи ва ўз ривожланиши тарихида икки босқич (фаза)ни — социализм деб аталувчи қуйи ҳамда тўлиқ коммунизм деб аталувчи юқори босқични ўтувчи ижтимо-ий-иқтисодий формация. *Илмий коммунизм. Коммунизм ғоялари.*

КОММУНИКАТИВ тли. Коммуника-цияга, фикр алмашувга оид. *Тилнинг коммуникатив вазифаси. тт Қўшма гап мурак-каб фикрий ва коммуникатив муносабатлар-ни ифодалаш воситаси бўлиб, нутқнинг ҳамма жанрларида қўлланади. «УТА».*

КОММУНИКАЦИЯ \лот. communicatio < communicare — умумий қилмоқ, боғла-моқ] **1** махс. Транспорт, алоқа йўллари ва шаҳар хўжалиги ер ости тармоқдари ва ун-даги иншоотлар. *Коммуникация линияси. Сув коммуникацияси. Душман коммуникациясини ишдан чиқариши. тт Баъзи мамлакатларда олдин ер ости коммуникацияларини тахт қилиб, йўлгача, тротуаргача битириб қўйи-шаркан-да, кейинуйни қуришаркан. Ў. Ҳоши-мов, Қалбингга кулоқ сол.*

2 Кибернетикада: информация (ахбо-рот)ларни алмашиш жараёни.

3 тли. Фикр алмашув, алоқа. *Ҳақиқат-да конкрет нутқ шароити тингловчига сўзловчи айтаётган воқеа-ҳодисани тезроқ, осонроқ тушунишга ёрдам беради, коммуни-кацияни тезлаштиради. «УТА».*

КОММУНИСТ Коммунистик партия аъзоси. *Мен бу ерга очиқ кўз билан келдим. Мен аввало коммунист, ундан кейин агро-номман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

КОММУНИСТИК **1** Коммунизмга оид; коммунизм принципларига асосланган. *Коммунистик жамият қуришиши.*

2 Коммунизм ғояларига асосланган, ун-га амал қиладиган. *Коммунистик партия. Коммунистик режим.*

КОММУТАТОР \лот. commutare - ал-маштирмақ; ўзгартирмоқ] эл. тех. **1** Электр занжирини улаш, узиш ва унинг қисмла-рини алмашлаб улашни таъминловчи электр-ромеханик ёки электрон қурилма.

2 Телефон станцияларида: икки ёки бир неча абонентларни ўзаро бир-бири билан уловчи қурилма.

КОММУТАЦИЯ [лот. commutatio -ўзгартириш, ўзгариш; алмаштириш] Алоқа техникасида: телефон, телеграф ва радио станцияларида сим, кабель, аппарат ва ас-бобларни электрик улаш ёки узиш тизими. *Бир йўла кенгайтирилган коммутация сие-
J^q396*

темаси овозда гоятда яхши тембр ва ти-ниқликни ҳосил қилади. Газетадан.

КОММЮНИКЕ \фр. communique < лот. communicare — хабар қилмоқ] Халқа-ро музокаралар, давлатлар ўртасида тузилган битимлар, мамлакат ички ҳаётидаги муҳим воқеалар, ҳарбий ҳаракатлар ва б. лар ҳақида ҳукуматнинг расмий хабари.

КОМПАКТ-ДИСК [ингл. compact-disk] Диаметри унча катта бўлмаган, доимий, ўчмайдиган товуш сигналлари (муסיқа, кўшиқ, матн ва б.) ёзиб олинган оптик диск.

КОМПАНИЯ [фр. compagnie < лот. compages — бирлаштириш; бирлашма; алоқа] 1 Вақтини бирга ўтказувчи ёки бош-қа бирор мақсад билан уюшган шахслар гуруҳи; улфат, улфатчилик.

2 Савдо, саноат ёки транспорт соҳаси-да иқтисодий фаолият олиб боровчи юри-дик ва жисмоний шахслар, ишбилармон-лар бирлашмаси. *Савдо компанияси. Акция-дорлар компанияси.*

КОМПАРАТИВИЗМ [лот. comparative — қиёсий] Тилшунослик ва адабиётшунослик тадқиқотларида қўлланадиган қиёсий-тарихий метод.

КОМПАС \итал. compasso — ўлчайман] Уфқ (дунё) томонларини аниқлайдиган, магнитланган стрелкаси доим шимолни кўрсатиб турадиган асбоб; қибланома. *У [Ноира] рюкзакидан компасни олиб, тур-ган ерини аниқлади.* М. Худойкулов, Оқан-рабо ахтариб.

КОМПЕНСАЦИЯ \лот. compensare -тенглаштириш; ўрнини тўлдириш] 1 Бирон нарса бадалига ҳақтўлаш, мукофот бериш.

2 **ҳук.** Меҳнат қонунчилигида: қонунда белгиланган ҳолларда меҳнат мажбуриятларини бажаришдаги қўшимча харажатлар учун ишчи ва хизматчиларга бериладиган тўлов; товон пули.

КОМПЕТЕНЦИЯ \лот. competere -лаёқатли, муносиб бўлмоқ] 1 Муайян орган ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари до-ираси; ваколат.

2 Шахснинг бирор-бир соҳадан хабар-дорлик, шу соҳани билиш даражаси.

КОМПИЛЯЦИЯ \лот. compilatio - та-лаш, ўғирлаш] Узгаларнинг тадқиқотлари, асарлари асосида уларга ҳеч қандай талқин берилмай, ўзлаштириш йўли билан тузилган иш; мустақил бўлмаган иш, асар. *Бу-лар гарчи қисман олдинги тарих китобларидан компиляция тарзида тузилган бўлса-да, уларда Қўқон хонлигининг 1843 йилдан 1875 йилгача бўлган тарихига оид қимматли маъ-лумотлар бор.* «УТА».

КОМПЛЕКС \лот. complexus - алоқа, боғланиш; қўшиб, қамраб олиш] Бир бу-тунни ташкил қилувчи нарсалар, ҳодиса-лар, белги-хусусиятлар мажмуи, йиғинди-си. *Архитектура комплекси. Гимнастика машқлари комплекси. Агротехник ишлар комплекси. Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш. Хўжаликнинг комплекс ра-вишида ривожланиши.*

КОМПЛЕКТ [лот. completus - тўлиқ] Бирор нарсанинг бир бутунликни ташкил этувчи тўла мажмуи. *Дарсликлар комплек-ти. Машина запас қисмлари комплекти. ит Айни пайтда корхонада «Тоҳир ва Зухра» номли янги атир-упа комплекти ҳам тайёр-ланмоқда.* Газетадан.

КОМПОЗИТОР [лот. compositor - ту-зувчи; яратувчи, ижод қилувчи] қ. баста-кор. *Композитор Мутал Бурхонов Ҳамза-нинг музика меросидан ижодий фойдаланиб, фильмнинг тасвирий материалига мувофиқ куй басталаган.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

КОМПОЗИЦИОН Композициясига кў-ра, тузилиши жиҳатдан. *Негаки, асардаги бу камчиликлар композицион жиҳатдан тар-қоқликни келтириб чиқарган.* С. Кароматов, Олтин кум.

КОМПОЗИЦИЯ [лот. compositio - ту-зиш; ижод қилиш] **1** Адабий асар, санъат асари қисмларининг тузилиши, жойлаши-ши ва ўзаро муносабати, уларнинг кўши-либ кетиши, кўшилган яхлитлиги. *Роман-нинг композицияси. Операнинг композиция-си.* **тп** Унинг [Охунованинг] очерклари сю-жет ва композиция жиҳатидан аниқ мақ-садга қаратилган. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқин-лари. *Ҳар ҳолда улар ҳам композицияси, ҳам оҳангдорлиги.. билан фольклор асарларига яқин туради.* «ЎТА».

2 Таркибий қисмлари мазмунан ўзаро боғланиб, бирлик ташкил этган бадиий асар, мусиқа ёки рассомлик асари. *Ҳайкал-тарошлик, меъморчилик композициялари ба-мисоли жанноманинг қаҳрамонларидек қад кўтаради.* Газетадан.

³⁹⁷ **яб**^

3 мус. Мусиқа асари яратиш назарияси. *Композиция классининг талабаси.*

КОМПОНЕНТ [лот. componens, componentis — ташкил этувчи; таркибий қисм] Бирор нарсанинг таркибий қисми. *Кўшма сўзнинг биринчи компоненти.* **шт** *Орга-низм тўқималарининг ҳамма компонентлари динамик ҳолатда бўлади.* «Фан ва турмуш».

КОМПОСТ [ингл. compost < лот. compositus — яхши қурилиши; таркибли] қ. х. Ўт, пўчоқ, ахлат каби чиқиндилар билан тупроқ ёки торф аралашмасини чи-ритиб тайёрланган органик ўғит. *Компост билан ўғитлаш. Компост ўраси.* **тп** *Бир тон-на компост роса етилса, ўн тонна гўнгни кучини беради.* Газетадан.

КОМПОСТЕР [фр. composteur] Темир йўл билети, банк чеки ва ш. к. ҳужжатларга назорат мақсадида шартли тешик-тешик ёзувни ўйиб босадиган асбоб.

Компостер қилмоқ айн. компостерламоқ.

КОМПОСТЕРЛАМОҚ Компостер би-лан бирор белги босмоқ (қайд қилинган-лиги ёки ҳисобга, рўйхатга олинганлиги ҳақида). *Поезд билетини компостерламоқ.*

КОМПОСТЛАМОҚ Компост тайёрла-моқ. *Компостлашда мол шиптири — суюқ гўндан кўшиб фойдаланиш яхши самаралар беради.* Газетадан.

КОМПОТ [фр. compote] Қуруқ ёки хўл мевадан қайнатиб тайёрланган ширин ичимлик. *Олча компоти.* **тп** *Бу йил мевалар ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлди. Ҳозир компот консервалари тайёрлашнинг айнаи вақти.* Газетадан. *Муздек компот билан кисель бор экан. Иккаловидан бир стакандан олди, кет-ма-кет симирди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

КОМПРЕСС [фр. compresse < лот. compressus — сиқиш; ўраб, қамраб олиш] Оғриган, шикастланган жойга бирор до-рили сувга ботириб ёки қуруқ ҳрлда боғла-надиган (ўраладиган) латта, пахта ва ш. к. *Терлаган даврида касалга қўйилган компресс ва бошқа нарсаларни олиб ташлаб, эшик, деразаларни ёпиб қўйиш керак.* Н. Исмой-лов, Касалларни парвариш қилиш.

КОМПРЕССОР [лот. compressus - си-қиш; ўраб, қамраб олиш] Дам берадиган, юкори босим остида ҳаво, газ, буғ каби-ларни сиқиб берадиган машина. *Фуриллаб компрессор ишга тушди, ертешар бурғилар шарақлаб, қулоқни батанг қилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КОМПРОМИСС [лот. compromissum — ўзаро ваъдалашув, келишув, битим] Бошқа томонга (масалан, рақибга) унинг баъзи талабларида ён бериш; у билан ке-лишиш натижасида ўз талабларининг бир қисмидан кечиш; шу асосдаги битим. *Би-роқ биз ҳозир демократик инқилоб жараё-нидамикки, биродарлар, бу жараённинг ўзи биздан.. ҳатто рақиблар билан ҳам ком-промисслар қилишимизни тақозо этади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

КОМПЬЮТЕР [ингя. computer < лот. computare — ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ] Мураккаб қурилмага эга бўлган электрон ҳисоблаш машинаси. *Тигизва гоаят масъулиятли участкаларда компьютер ва автомат-лар кенг жорий этиляпти.* Газетадан.

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРМОҚ Инсон фаолиятининг турли соҳаларига компьютерларни жорий қилмоқ, уларни компьютер билан ишлашга ўтказмоқ.

КОМРОН \ф. jл - бахтли; ҳаётдан завқланувчи] эск. кт. Уз мақсадига эриш-ган; бахтли. *Бахту давлатдан бугун ўртоқ-ларим ком олдилар, Соате дунёда бўлмам комрон, қандоқ қилай.* Ҳадия биби [«Узбек шоирлари»]. *Комрон кунлар олдинда ҳамон, Алвон умид қонимда.* У. Қўчқоров, Ҳаяжон-га кўмилган дунё.

КОМСОМОЛ \р. «Коммунистический союз молодёжи» бирикмасининг қисқартмаси] эск. тар. Шўро даврида: **1** (Бутунит-тифоқ Ленинчи) Коммунистик Ёшлар Уюшмаси. *Комсомол аъзоси. Комсомол биле-ти. Комсомол топшириги.*

2 с. т. Шу уюшманинг аъзоси.

КОН [ф. ^/ <. — маъдан қазиб олинади-ган ер] **1** Фойдали қазилмаларни олиш учун қурилган ер ости иншоотлари, шунингдек, бундай қазилмаларни олишни амалга оширувчи тоғ саноати корхонаси. *Кўмир кони. Конда ишламоқ. тт Конлар инженерни, тоғ-лар Фарҳодни, Устасин чақирар тонги гу-доклар.* Ғ. Ғулом. *Ғозгон мраммар кони сўнгги йилларда кенг ривож топди.* Газетадан.

2 Фойдали қазилмалар тўпланган жой ва шу қазилмалар тўплами. *Ўлкамиз табиий бойликларини ўрганиши, янгидан-янги конлар-ни аниқлаш ишида нуфузли олимларимиз сал-моқли улуш қўшмоқдалар.* Газетадан. *Еру кўкни қопласин мевазор бог, ўрмонлар, Ер остида ётмасдан, юзага чиқсин конлар.* Қ. Муҳаммадий.

465

3 кўчма Бирор нарсага жуда мўл, сероб жой. *Оқ олтин конига айлатирилган кўриқ ва бўз ерлар. тт Мен онаман, менинг юрагим Фарзандларим қувончига кон.* Зулфия.

КОНВЕЙЕР [ингл. conveyer — ташув-чи] Юк ташиш, машинани бутлаб йиғиш ёки ишланаётган нарсаларни бир иш жойи-дан иккинчи иш жойига кетма-кет узлук-сиз етказиб бериш учун тўхтовсиз ёки даврий равишда айланиб ишлаб турадиган лентасимон махсус транспорт қурилмаси; транспортёр. *Конвейер усулида ишламоқ. тт Катта дарвоза ёнига қурилган гаражда, эн-дигина конвейердан чиққандек, янги ҳаворанг «Победа» ялтираб турибди.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Тикувчилик ишлаб чиқариши машинасозлик корхоналарининг конвейерига ўхшаб кетади.* Газетадан.

КОНВЕКЦИЯ [лот. convectio - олиб келиш] физ. Иссиқдикнинг суяқдик, ҳаво ёки газ билан узатилиши.

КОНВЕНЦИЯ \лот. convenlio — шарт-нома, битим] Бирон бир махсус масалага оид халқаро шартнома, битим.

КОНВЕРСИЯ \лот. conversio — айлан-тириш; ўзгартириш] **1** Алмаштириш, ўзгартириш, қайта ҳисоб-китоб қилиш; олдин-ги йилларда чиқарилган давлат заёмлари-ни янгиси билан алмаштириш.

Валюта конверсияси қ. конвертация.

2 тли. Бирор тизимга оид тил бирли-гини бошқа тизимга (соҳага) оид бирлик-ка айлантириш билан янги бирлик ҳосил қилиш.

КОНВЕРТ \фр. convert] Ичига хат, ҳуж-жат ва ш. к. солиб, бирор жойга юбориш учун ишлатиладиган, тўртбурчак шаклида ясалган қоғоз пакет; хатжилд. *У госпиталга келиб, шу кун кечгача ўтириб, хат ёзди. Хатни Латофатхоннинг конвертига ўхшаган кўк конвертга солиб, адрес ёзди.* А. Қаҳ-ҳор, Кўк конверт. *Замира «А» тоқчаси хат-га тўлиб турганини кўрди-ю, бориб қўл сол-ди. Унинг номига галати бир конверт чикди: на адреси бор, на маркаси ва на почта муҳ-ри.* П. Қодиров, Уч юлдуз.

КОНВЕРТАЦИЯ [лот. convertatio -ўзгартириш, айлантириш] Миллий валю-танинг амалдаги курс бўйича бошқа хори-жий валюталарга эркин ва чекланмаган миқдорда

алмаштирилиши. *Сўмнинг конвер-тация қилиниши. тт Конвертациянинг жорий этилиши хорижий валютанинг маъму-рий усул билан тақсимланишини камайти-ради.* «Мулоқот».

КОНВЕРТЕР, конвертор [лот. convertere — ўзгартирмоқ, айлантирмоқ] Эриган чўян орқали ҳаво ёки техник кислород ўтказиб, пўлат олиш учун қўлланадиган махсус ап-парат. *Яқинда.. синтетик каучук ишлаб чи-қариш заводидида йирик комплекс — конвер-тер ишга туширилди.* «Фан ва турмуш».

КОНВОИР [фр. conveurer — кузатиб борувчи] **1** Бирор кимса ёки нарсани му-хрфаза мақсадида кўриқдаб, кузатиб борув-чи қуролли соқчи.

2 Алоҳида кемани ёки бир неча кема-ни кўриқлаб, кузатиб борувчи кема ёки самолёт.

КОНВОЙ [голл. konvooi] **1** Кўриқдаб, кузатиб борувчи қуролли соқчилар отряди. *Жиноятчилар конвой остида қишлоқ шўро-сига ҳайдалдилар.* С. Айний, Қуллар.

2 Транспорт ёки савдо кемаларини кўриқлаб, кузатиб борувчи кемалар ёки самолётлар гуруҳи.

КОНГЛОМЕРАТ [лот. conglomerate -тўдаланган, йиғилган, тўпланган] **1 геол.** Турли тош ва тош парчаларининг лой, оҳак ва ш. к. воситаси билан бир-бирита маҳкам ёпишуvidан ҳосил бўлган тоғ жинси. *Қа-димги дельта ётқизиқлари конгломератлар ва қум қатламларидан иборат.* П. Ғуломов, Зарафшон этакларида.

2 Турли-туман жинс, предмет ва қисм-ларнинг тасодифий механик қўшилмаси-дан иборат нарса; қурама. *Дунёда ташқари-дан сўз қабул қилмайдиган, фақат ўз ички ресурслари ҳисобига ривожланадиган «соф» тил бўлмагани сингари, нуқул бўлак тиллар-нинг лугатларидан ташкил топган қурама, антиқа «конгломерат тил» ҳам йўқ.* Ғ. Са-ломов, Таржима назариясига кириш.

КОНГРЕСС [лот. congressus — учрашиш, кўришиш; тўқнашув] **1** Муҳим сиёсий, ил-мий ва б. масалалар юзасидан ўтказилади-ган халқаро конференция, кенгаш. *Тинчлик тарафдорларининг жаҳон конгресси. Физио-логларнинг халқаро конгресси.* тт Самимий дўстлик, мақсад бирлиги конгресс аъзоларини жуда ҳам яқинлаштириб кўйди. **В.** Содико-ва, Бирлашиб, тинчликка эришамиз.

2 АҚШ ва б. баъзи хорижий мамлакат-ларда қонун чиқарувчи орган.

466

КОНДЕНСАТ [лот. condensatum -қуюлтирилган нарса) Газ ёки буғ ҳолидаги жисмларнинг конденсацияланиши натижа-сида юзага келувчи суюқдик. *Йил охиригача битта янги газ-конденсат кони разведка қилинади ва очилади.* Газетадан.

КОНДЕНСАТОР [лот. condensare -зичламоқ, қуюлтирмоқ] **1** Электр токи тўплайдиган асбоб; икки ёки ундан ортиқ ўтказгичли система. *Бир-биридан изоляция қилиниб, бир-бирига яқин жошлаштирилган иккита ўтказгич конденсатор ҳосил қила-ди.* «Физика» дарслиги.

2 Буғни, газсимон моддани совитиб, сувга айланғирувчи қурилма. *Ҳ&шгача ҳаво-ни салқинлаштирадиган конденсаторлар уй қурилишида кўп қўлланилмаётир.* У. Назаров, Биринчи учрашув.

КОНДЕНСАЦИЯ [лот. condensatio -зичланиш, қуюкланиш] махс. **1** Тўплаш, тўпланиш (мас, электр энергияси).

2 Буғ ёки газсимон модданинг совиш ёки сиқилиш натижасида суюқ ҳолга айла-ниши.

КОНДИТЕР I [лот. conditor < а. **Aii** -ширинлик, обакидандон) Кондитер маҳсу-лотлари тайёрловчи пазанда, шакарпаз; қандолатчи. *Кондитерлар тайёрлаш курси.* тт Ошпазларга, кондитерларга тўланади-ган тариф ставкаларининг миқдори озиқ-овқат саноатида ҳозир амалда бўлган став-калар даражасига етказилади, деса бўлади. Газетадан.

КОНДИТЕР II Кондитер маҳсулотлари (пирожний, торт ва ш. к. ширинликлар) тайёрлаш ёки улар билан савдо қилишга оид. *Кондитер моллари. Кондитер цехи. ит Кўзни қамаштирувчи қозғаларга ўралган кон-дитер маҳсулотлари бамисоли дарв бўлиб оқяпти.* Газетадан.

КОНДИЦИЯ [лот. *conditio* - шарт-ша-роит, ҳолат] У ёки бу нарса (товар) мос келиши лозим бўлган меъёр, стандарт, си-фат. *Уруғларни тозалаш, кондицияга келтириш ва уруғлик участкаларига доим эътибор бериш керак.* Газетадан.

КОНДИЦИОНЕР Хоналарда ва транс-порт воситаларида ҳаво шароитини кигийлар кайфияти учун қулай ҳолатда сақлаб турувчи (совитувчи ёки иситувчи) агрегат, механизм. *Бу электр энергиясидан жа-зирама ёз кунларида кондиционерларда хоналарни совитиш учун фойдаланиш мумкин. «Фан ва турмуш». Деразаларда бир эмас, иккита кондиционер. «Шарк юлдузи».*

КОНДУКТОР [лот. *conductor* - куза-тиб боровчи] **1** Поездни кузатиб боровчи, ундаги йўловчилар хавфсизлиги ҳамда юк-ларнинг сақланиши устидан назорат қилиб боровчи темир йўл ходими. *Кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида Ўзбекистон темир йўлла-рида «дуварак» бекатчалар шунча кўпайган-ки, улардан кўпининг отини йўловчилар эмас, балки кондукторлар ҳам билмайди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Трамвай, троллейбус, автобусларда пассажирларга билет сотувчи, уларнинг чиқиш-тушишини кузатиб боровчи ходим. *Мелиқўзининг хотини — автобусда кондуктор, баъзан ярим кечада келади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

3 Темир-бетон устунларни тик ўрнатиш-да қўлланадиган ёғоч ёки темир қолип.

КОНИ Турган битгани, бутунлай; жуда, ғоят. *Крвун хушбўй ҳиди, тотимли мазаси.. ҳар хил дори-дармонларга боилиги.. билан инсон сиҳат-саломатлигига кони фойда экан-лиги жуда қадимдан маълум.* Газетадан. *Очил бува сафарни тугатганидан, эзу бир фарз-ни бажо келтириб, кони савобга ботган одам-дек, мамнун кўринар, сокин ва собир эди.* А. Мухтор, Чинор. *Тортинчоқлик саҳна учун кони зиён, синглим, кани эшитайлик бўлма-са.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Мураккаб бу ме-ханизмнинг бекор туриши кони зарардир.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

КОНКА эск. Отлар тортиб юритадиган ғрамвай. *Конка ўрнига электр трамвай йўли қурилгач, Темир фаранг йўл тозаловчи бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

КОНКРЕТ \лот. *concretus* - қуюқ, қуюлтирилган; зичланган] Реал мавжуд бўлган, аниқ, равшан, белгили. *Конкрет кўрсатмалар. Конкрет топшириқ. Кон-крет таклиф. ти Мен бунга конкрет ми-соллар келтириб, ўз ишларимизни намойиш қилишим мумкин.* С. Аҳмад, Лаъли Бадах-шон. *Умуман олганимизда.. айтганингиз тўғри, Зокир ака. Лекин конкрет олгани-мизда, мен Маҳкам акага қўшиламан.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КОНКРЕТЛАШМОҚ Аниқ, белгили бўлмоқ. *Ўшандагина образ конкретлашади, кишини ишонтирадиган, таъсирли бўлади.* «Адабиёт назарияси».

КОНКУРЕНЦИЯ \лот. *concurrentia* < *concurrere* — тўқнашмоқ, дуч келмоқ] қ. **рақобат.**

КОНКУРС [лот. *concursum* — тўқнашиш, дуч келиш] қ. **танлов.**

КОНСАЛТИНГ \ингл. *consulting* - мас-лаҳат бериш, маслаҳатлашиш] Маҳсус компанияларнинг бизнесменлар — ишлаб чи-қарувчилар, сотувчи ва харидорларга ташкилий, техникавий, молиявий, иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатлар, тавсиялар беришдан иборат фаолияти.

КОНСЕНСУС [лот. *consensus* — рози-лик, ҳамжиҳатлик] Халқаро музокаралар, сиёсий ва б. кенгашлар иштирокчилари нуқ-таи назарларининг яқинлашуви ва мунозаралар натижасида низоли, баҳсли маса-ла бўйича эришилган умумий битим.

КОНСЕРВА [фр. *conserves* < лот. *conservare* — сақпамоқ] Маҳсус усулда бузилмайдиган қилиб ишлаб, узоқ вақт сақ-лаш учун герметик ёпиладиган (ҳаво ўтказ-

майдиган) банкаларга солиб қўйилган озиқ-овқат маҳсулоти. *Балик консерваси. Гўшит консерваси. Консерва банкаси. Консерва заводи. тт Жангчиларга қаттиқ нон ва консерва улашдилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Пичоқчанинг учини консерва банкасига қадаб, безакдор сопи устидан кафти билан ура бош-лади. Н. Аминов, Суварак.*

КОНСЕРВАЛАМОҚ Озиқ-овқат маҳсулотларини бузилишдан асраш ва узоқ муддат сақлаш мақсадида махсус ишлов бериш билан ҳаво ўтказмайдиган идишларга солмоқ. *Гўшитни консерваламоқ. Балиқни кон-серваламоқ. Бақлажонни консерваламоқ. тт Ошкўklar ва уларнинг илдизлари.. салатлар-да, бундан ташиқари, сабзавотларни тузлаш, мариновка қилиш ва консервалашда жуда ҳам бебаҳодир. Газетадан.*

КОНСЕРВАТИВ \лот. conservative -сақдовчи, химоя қилувчи| Тараққиётга қар-ши (душман), эскиликни химоя қилувчи. *Консерватив партиялар. тт Илғорлар тиж-рибасини оммалаштиришидаги сусткашлиги-миз консерватив қарашларнинг томир оли-шига сабаб бўлаётган омиллар, десак янглиш-маган бўламиз. Н. Сафаров, Оловли излар.*

КОНСЕРВАТИЗМ \фр. conservatisme < лот. conservare — химоя қилмоқ] Тараққи-ётга, янгилик, илғор гоёларга душманлик; эскиликни сақлаб қолишга, тиклашга ин-тилиш; консерваторлик, мутаассиблик.

Оқибатда жамиятимизга нисбатан догма-тик қарашлар зарбага учрамоқда, консерва-тизм барҳам топмоқда. «Муштум».

КОНСЕРВАТОР [лот. conservator -сақ-ловчи, химоя қилувчи| **1** Консерватизм тарафдори, эски, қолиб кетган тартиблар-ни сақлашга интилувчи шахс; мутаассиб. *Пахтани машинада теришдан кўра қўлда теришни маъқул кўрадиган консерваторлар яқинларда ҳам топилиб турарди. Н. Сафа-ров, Оловли излар.*

2 Консерватив сиёсий партияга аъзо бўлган шахс.

КОНСЕРВАТОРИЯ [итал. conserva-torio] Олий мусиқа ўқув юрти. *Консервато-рияда ўқиб юрган кезларида Левиев катта-кичик асарлар ёза бошлади. С. Кароматов, Лирика бастакори. Темиржон консерватория олдида қизнинг ўқишдан чиқишини кутиб турарди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

КОНСЕРВАТОРЛИК Консерваторга хос иш, хатти-ҳаракат. *Прокурорингиз.. мени консерваторликда айблашга тушиди. Ж. Аб-дуллахонов, Хонадон.*

КОНСЕРВАЦИЯ [лот. conservatio -сақлаш, сақланиш|: **консервация қилмоқ 1** Бузилмайдиган, айнимайдиган қилмоқ. *Ииникаларда ионитлар ёрдамида консерва-ция қилинган қон сақланади. Д. Мукимова, «Сеҳрли» дончалар.*

2 Бирон-бир жараён, фаолият (мас, қурилиш)ни вақтинча тўхтатиб турмоқ.

КОНСЕРВАЧИ Консерва тайёрловчи, консерва саноатининг ишчи-ходими. *..кон-сервачилар ҳар куни режага қўшимча минг-лаб шартли банка ҳар хил консерва тайёр-ламоқдалар. Газетадан.*

КОНСИГНАТОР Сотиладиган товарлар қўлида бўлган, лекин унинг эгаси бўлма-ган воситачи комиссиянер.

КОНСИГНАЦИЯ \лот. consignatio - ёз-ма далил; ёзма тасдиқдаш] Товарларни во-ситачи омборлар орқали сотиш шартлари.

КОНСИЛИУМ \лот. consilium - мас-лаҳат; кенгаш, мух,окама| Айрим ҳолларда касаллик хусусиятини, беморнинг аҳволи-ни аниқлаш ҳамда даволаш йўлларини бел-гилаш учун чақириладиган врачлар кенга-ши. *Консилиум ўтказмоқ. тт Уч кишидан иборат юқори малакали врачлар бригадаси касални бир-бир кўздан кечириб чиққач, кон-силиум бошлаб юборишди. «Ёшлик».*

КОНСОЛИДАЦИЯ \лот. consolidare -мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ] **1** кт. Мустаҳкамлаш, бирлаштириш, жипслаш-тириш; бирлашиш, жипслашиш, мустаҳ-камлашиш.

2 мл. Давлатнинг қисқа муддатли қарз-ларини узоқ муддатли қарзга айлантириш.

КОНСОНАНС [фр. consonance < лот. consonare — ҳамоҳанг эшитилмоқ, уйғунлашмоқ] мус. Бир неча товушларнинг гар-моник уйғунлиги; охдндошлик; зид. **диссонанс**. *Фаробий бшан Ибн Сино иккови кон-сонанслар ва диссонанслар тўғрисидаги таъ-лимотни қайта кўриб чиқишган. «Фан ва турмуш».*

КОНСОНАНТИЗМ \лот. consonans, consonantus — ундош товуш] тли. Бирор тилнинг ундош товушлар тизими; уларнинг белги ва муносабатлари. *Қарши шевасининг консонантизми ундош товушларнинг сони жиҳатдан ўзбек адабий тили консонантиз-мига асосан мос келади. «УТА».*

КОНСОРЦИУМ \лот. consortium - ше-риклик, бирга иштирок этиш] Бир неча банклар ёки саноат корхоналарининг қарз-ларни биргаликда жойлаштириш, йирик молиявий ёки тижорий ишларни, инвес-тицион лойиҳаларни амалга ошириш учун тузилган вақтинчалик битими.

КОНСПЕКТ [лот. conspectus — кўри-нарли; нуқтаи назар; қараш] Китоб, ма-кола, маъруза ва ш. к. нинг қисқа ёзиб олинган мазмуни, баёни. *Конспект туз-моқ. шшш Қудрат уни [Тешавойни] янги кел-тирган ўқув қуроллари ва ўзича тузган дарс бериш методикаси режалари билан мукам-мал таништирди. Ҳатто қисқача конспект олиш йўллари ҳам тушунирди. Ж. Аб-дуллахонов, Иўл. Оёғи остида эзгиланиб ётган конспект дафтари олиб, қўлти-гига қистирди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол.*

КОНСПЕКТИВ Конспект тарзидаги, асосий мазмунни қисқача баён этадиган. *Конспектив обзор.*

КОНСПИРАТИВ Конспирация билан боғлиқ бўлган; яширин, махфий. *Конспиратив ташилот. Конспиратив учрашув.*

КОНСПИРАТОР [лот. conspirator -фитначи, тил бириктирувчи] Конспира-ция, фитна, суиқасд уюштирувчи, кон-спирация иштирокчиси.

КОНСПИРАЦИЯ \лот. conspiratio -тил бириктириш, фитна] Нолегал, яши-рин ташилотларнинг ўз ишини (фаолия-тини) сир тутиш ва аъзоларини яшириш учун қўллаган усуллари, чора-тадбирлари. *Конспирация чоралари.*

КОНСТАНТА [лот. constans, constantis — барқарор, ўзгармас, доимий| Доимий катталиқ (микдор, қиймат).

КОНСТИТУЦИОН қ. **конституциявий**.

КОНСТИТУЦИЯ [лот. constitutio -белгилаш, қарор қилиш, тайинлаш, қонунлаштириш] Давлатнинг юксак юридик куч-га эга бўлган асосий қонуни; барча жорий қонунларнинг асоси.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ Конституцияга оид, конституцияга асосланган. *Конституциявий тузум.*

КОНСТРУКТИВ 1 Конструкцияга, ту зилишга оид. *Иморатнинг конструктив кам-чиликлари.*

2 Асос қилиб олса, амал қилса бўлади-ган; амалий. *Конструктив таклиф.*

КОНСТРУКТОР 1 Машина, механизм, иншоот ва уларнинг айрим қисмлари кон-струкциясини, лойиҳасини тузувчи мута-хассис, инженер. *Самолёт конструктори. шшш Пахтакор — пахта, боғбон мева етиш-тиради, конструктор машиналар ихтиро қилади. Н. Сафаров, Оловли излар.*

2 Болаларнинг турли машина ва иншо-отлар ясаши учун мўлжалланган деталлар тўплами.

КОНСТРУКЦИЯ \лот. constructs -тўплаш, йиғиш; тузилиш, қурилиш] 1 махс. Иншоот, механизм, асар ва ш. к. нинг ту-зилиши, қисмларининг ўзаро жойлашуви; мураккаб тузилишли иншоот, механизм ва ш. к. нинг ўзи. *Эски конструкция. Янги кон-струкциядаги самолёт. Кўприкнинг кон-струкцияси. Темир-бетон конструкция. Му-раккаб конструкция. шшш Бундай шароитда вертолётлардан фойдаланиш юкларни та-тит ва қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш вақтини бир неча баравар*

камайти-ради ҳамда вақтинча йўллар қуриш ташви-шидан халос қилади. «Фан ва турмуш».

2 тли. Грамматик жиҳатдан ўзаро боғ-ланиб, бир синтактик бирикмани ташкил этадиган икки ва ундан ортиқ сўз; умуман, сўзлар бирикмаси. *Синтактик конструкция. Кўчирма гапли конструкция.*

26—Ўзбек тилининг изохли луғати

КОНСУЛ [лот. consul — маслаҳатчи] **1 тар.** Қдцимги Римда ҳамда 19-аср бошида Францияда: олий ҳукумат амалдорларининг унвони ва шу унвонга эга бўлган шахслар.

2 Бирор давлатнинг бошқа давлат ша-ҳарларидан бирида доимий вакил этиб тайинланган ва ўз давлати ва унинг фу-қаролари манфаатларини ҳимоя қилади-ган лавозимли шахс.

КОНСУЛЛИК **1 тар.** Қадимги Римда консул ҳукм сурган (идора этган) давр.

2 Консулга оид; консулнинг лавозими, иши, вазифаси. *Консуллик вазифаси. Консуллик қилмоқ. ти ..Авлоний бир қанча вақт Афғонистонда консуллик вазифасини бажара-риб турди.* Газетадан.

3 Бир давлатнинг бошқа давлат худуди-даги, консул томонидан бошқариладиган ваколатхонаси. *Майли, давлат чегаралари бўла берсин, майли, элчихоналар, консулликлар бўла берсин.* Газетадан.

КОНСУЛХОНА айн. консуллик **3.**

КОНСУЛЬТАНТ [лот. consultary, consultantis — маслаҳат берувчи] Ўз ихти-соси бўйича кенгаш, маслаҳат, консульта-ция берувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи мута-хассис. *Ўзирилайётган фильмларда илмий, техникавий, ҳарби ва бошқа махсус тер-минология учраса, консултантларга муро-жаат қилинади.* Ғ. Саломов, Таржима на-зариясига кириш.

КОНСУЛЬТАТИВ Кенгаш, маслаҳат берадиган, маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлган.

КОНСУЛЬТАЦИЯ [лот. consultatio -маслаҳат] **1** Мутахассиснинг ёки билимдон, омил кишининг бирор масала бўйича мас-лаҳати. *Консултация бюроси.*

2 Ўқитувчиларнинг фанни ўзлашти-риш учун ўқувчиларга берадиган ёрдами; шундай ёрдам бериш машғулоти. *Инсти-тутда ҳар бир имтиҳон олдидан консультациялар ўтказилади. тт Нигора имти-ҳон олдидан консултацияга келганда, Сулаймонов деган кимёўқитувчиси имтиҳон-лардан ўтишига ёрдам бермоқчи бўлган.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

3 Мутахассислар маслаҳати орқали аҳолига ёрдам кўрсатувчи муассаса. *Юри-дик консултация. Болалар консултацияси. тт Уни [Сидиқжонни] узил-кесил тинчитилиш учун Зиёдахон юридик консултацияга бориб, энг яхши юристга учрашишни маслаҳат бер-ди.* А. Қахҳрр, Қўшчиноҳ чироқлари.

КОНТАКТ [лот. contactus — бир-бири-га тегиш; туташил] **1 тех.** Электр занжи-рида икки ўтказгичнинг бир-бирига теги-ши, бирикиши, шунингдек, шу бириккан жой; умуман, икки жисмнинг бир-бирига тегиши ва тегиб турган, туташган жойи. *Автомобиль ўнқир-чўнқир йўллардан кетаёт-ганда, контакт механизми мунтазам равиш-да ерга тегиб боради.* «Фан ва турмуш».

2 Бевосита алоқа, боғланиш. *Улар wіearи бир-бирларини сўзсиз тушунар эдилар, юрак-ларида борини бир-бирига етказиб турадиган яширин контакт бор эди.* П. Қодиров, Уч ил-диз. *Мен электростанция билан трактор бри-гадаси ўртасида контакт ўрнатгани келдим.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

КОНТЕЙНЕР [ингл. container < contain - бирга кушмоқ; жойлаштирмоқ] Ичига юк жойланадиган махсус ёғоч ёки темир яшиқ. *Темир йўл контейнери. Контейнерда юк жўнатмоқ. Контейнерга юк жойламоқ. тт Кўтариш крани қоришма ва гишт тўла*

кон-тейнерларнинг тўрттасини бир йўла кўта-риб, иккинчи қаватда ишлаётганларга узат-ди. А. Муҳиддин, Янги шаҳар.

КОНТЕКСТ \лот. contextus — қўшилиш, уланиш, боғланиш] қ. матн. Фақат контекстгина ҳар бир сўзнинг конкрет маъно-сига ойдинлик киритади. «УГА».

КОНТИНГЕНТ \лот. contingens, contingent — алоқадор, ёнма-ён] **1** Муайян мунособатлар бўйича бир хил гуруҳ, тои-фани ташкил этувчи кишилар гуруҳи. *Ҳозир мактаб ўқувчилари контингентининг қарийб ярмини қизлар ташкил этади.* Газетадан.

2 Бирор нарсанинг муайян мақсадлар учун белгиланган чегаравий миқдори.

КОНТИНГЕНТЛАШТИРИШ Экспорт ва импорт воситаларини белгилаш ёрдами-да давлат томонидан ташқи савдони тар-тибга солиш шаклларида бири.

КОНТИНЕНТ \лот. continens, соп-tenentis — қаттиқ ер, материк] Ер юзини ташкил қилган қуруқликнинг денгизлар ва океанлар билан ўралган катта бўлаклари-дан ҳар бири; қитъа. *Евросиё (Европа ва Осиё) континенти. Австралия континенти.*

КОНТИНЕНТАЛ Континентга, қитъа-га оид; континентда жойлашган, бўлади-ган. *Континентал мамлакатлар. Континен-тал Европа.*

471 < *% ^ _

Континентал иқлим Муайян континент доирасида шаклланган, қишки температураси билан ёзги температураси бир-бири-дан катта фарқ қиладиган ва ёгин унча кўп бўлмайдиган иқлим тури. *Кескин континен-тал иқлимга эга бўлган Нурота тоғ тизма-сида ёз ўзининг иссиқ ва қуруқлиги билан ажралиб туради.* «Фан ва турмуш».

КОНТОРА [нем. Kontor] қ. **идора.**

КОНТРАБАНДА [итал. cotrabando < contra — қарши + bando — ҳукумат фармоиши] **1** Тақиқланган мол-товар, валюта бойликлари ва б. нарсаларни давлат чегарасидан ноқонуний равишда, яширинча, бож тўламай олиб ўтиш. *Олмоснинг контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетилиши Сьер-ра-Леоне иқтисодиётига катта зарар ет-казмоқда.* Газетадан.

2 Шундай йўл билан ўтказилган мол-то-вар ва бошқа қимматбаҳо нарсаларнинг ўзи.

КОНТРАБАНДИСТ Контрабанда билан шуғулланувчи шахс.

КОНТРАБАС [итал. contrabasso] Тикка туриб, камонча билан чалинадиган, энг катта, лекин энг паст овозли, торли-ка-монли скрипкасимон мусиқа асбоби.

КОНТРАГЕНТ [лот. contrahens, соп-trahentis — шартлашувчи] Шартнома билан ўз зиммасига бирор мажбурият олган шахс ёки ташкилот; шарғнома тузувчи томонларнинг ҳар бири.

КОНТР-АДМИРАЛ [фр. contre-amirall Ҳарбий-денгиз флотида энг қуйи (бирин-чи) адмираллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

КОНТРАКТ [лот. contractus - бай, битим, келишув] Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган ҳолда тузил-ган икки ёки кўп томонлама шартнома, битим.

КОНТРАКТАЦИЯ Маҳсулот ишлаб чи-қарувчи ва уни қайта ишлаш, сотиш билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида контрактлар, шартномалар тузиш.

КОНТРАМАРКА [фр. cotramarque] То-моша жойларига бепул кириш ёки ундан вақтинча чиқиб кетиб, қайта кириш учун ҳуқуқ берадиган талон.

КОНТРАСТ [фр. contraste] **1** Кўзгаташ-ланадиган кескин фарқ; карама-қаршилик.

2 Рассомлик ва фотографияда: предмет тасвирининг бир-биридан кескин фарқ қиладиган қоронғи (тўқ) ва ёруғ (оч) жой-лари. *Контраст сурат.*

КОНТРАТАКА [фр. contre-attaque - қар-ши хужум] Ҳимояланувчи қўшинларнинг хужум қилаётган душманга унинг хужуми-ни қайтариш мақсадидаги қарши хужуми. *Батальон душман атакаси тақрорланиши-ни кутиб.. ўзи контратакаларга ўтиб, ёвга талафот етказишига ҳозирланиб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КОНТРИБУЦИЯ [лот. contribute -кўшиш, қўшиб ҳисоблаш] Урушда енгил-ган давлат томонидан ғолиб давлатга сулҳ шартномаси асосида тўланадиган пул; то-вон; чет эл кўшинлари томонидан босиб олинган худуд аҳолисига солинадиган маж-бурий солиқ.

КОНТРОЛЁР [фр. controleur - назорат-чи, текширувчи] қ. **назоратчи**. *Мен сизни контролёр деб ўйлабман, билетсиз кетаёт-ган эдим.* «Муштум».

КОНТРОЛЬ [фр. controle < contre-rolе — рўйхат нусхаси; текшириш, назорат] қ. **назорат**. *...ҳуқуқларни муҳофаза қилувчи орган-ларнинг иши устидан контролни кучайти-риши лозим.* Газетадан.

КОНТРЕВОЛЮЦИОН қ. **аксилинки-лобий**. *Милиция ходимлари кўпинча контр-революцион кучларнинг биринчи зарбаларини қайтардилар.* Газетадан.

КОНТРЕВОЛЮЦИОНЕР \фр. contre revolutionnaire — контрреволюция тарафдор **11** j қ. **аксилинкилобчи**.

КОНТРЕВОЛЮЦИЯ \фр. contre-revolution — революцияга қарши, револю-ция душмани] қ. **аксилинкилоб**.

КОНТУЗИЯ [лот. contusion — шикаст, лат ейиш, майдаланиш] Тўсатдан етган зарбдан (мас, снаряд ёки бомба порт-лашидан) организмнинг жароҳатланмай лат ейиши, қарахт бўлиши. *Узоқов.. жанг вақтида контузия бўлиб, бир неча кун мед-санбатда даволанди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир.

КОНТУР \фр. contour — ташқи кўри-ниш] **1** Нарса-предметнинг ташқи, сиртки шакли, қурилиши; нарсаларнинг чизиклар билан тасвирланган ташқи кўриниши. *Би-нонинг контурини чизмоқ. иши Рассом безак-нинг контурини погона-погона бўлиб тушув-чи чизиклар билан давом эттиради.* «Фан ва турмуш».

2 эл., радио Электр оқими ва кучланиш-нинг эркин тебранишлари пайдо бўлади-ган ёпиқ электр занжири.

КОНТУРЛИ Контурдан иборат, кон-турдан ташкил топган. *Контурли расм.*

Контурли карта Қуруқлик, шунингдек, сув хавзаларининг номи кўрсатилмай, фа-қат шакли кўрсатилган рангсиз географик карта. **Контурли чизик** Қатор нуқталардан иборат чизик.

КОНУС [юн. konos — дубулға учи] *геом.* Тўғри бурчакли учбурчакнинг катет атро-фида айланишидан ҳосил бўладиган гео-метрик шакл ва шу шаклдаги нарса.

КОНФЕДЕРАЦИЯ \лот. confoederatio — иттифоқ, уюшма, бирлашма] **1** Муста-қиллигини сақлаган ҳолда муайян масала-ларда ўз давлат ҳокимияти ва органларига эга бўлган давлатлар томонидан тузилади-ган давлат қурилиши шакли.

2 Бирон-бир ташкилотлар уюшмаси, иттифоқи.

КОНФЕРАНСЪЕ \фр. conferencier - ха-бар, ахборот берувчи; маърузачи] Эстрада томошаларида концертларни олиб борув-чи, номерларни эълон қилувчи ва ўйинлар орасида ўзи ҳам ҳазил, кулгили номерлар ижро этувчи артист. *Конференсье навбатдаги номерни эълон қилгани чиққанда ҳам қарсак-лар гулдуриси тинмаган эди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

КОНФЕРЕНЦ-ЗАЛ \нем. Konferenzsaal] Тантанали мажлислар, конференциялар, кенгашлар ўтказиладиган зал.

КОНФЕРЕНЦИЯ [лот. coferentia - бир жойга тўпланиш; йиғилиш] Бирор маса-лани муҳокама қилиш, ҳал этиш учун ҳукумат, партия, ижтимоий, илмий ва ш. к. ташкилотлар вакиллариининг муайян ма-саланинг муҳокамаси ва ечимига бағиш-ланган мажлиси, йиғилиши. *Тинчлик та-рафдорларининг халқаро конференцияси. Ўқитувчилар конференцияси. Партия кон-ференцияси. иши Эртага эрталаб олтин бўйича Урта Осиё конференцияси очилади.* С. Кароматов, Олтин кум. *Матч олтидан унинг иштирокчилари бир неча матбуот конференцияси ва суҳбатлар ўтказдилар,* Газетадан.

КОНФЕССИЯ \лот. confessio - тан олиш, эътироф этиш] Диний ишонч, эъти-код; мазҳаб.

КОНФЕТ \итал. confetto — қанд-шакар-дан тайёрланган ширинлик < лот. confectus — тайёрланган; пиширилган] Турли шар-батлардан шакар қўшиб, қайнатиб тайёрланган ҳар хил шаклдаги қандолат маҳсу-лоти. *Нордон конфет. Шоколадли конфетлар. тт Гавҳар конфетни Маҳкамнинг очиқ кафтига секин қўяётганида, қўл қўлга тегиб, биридан бирига ёқимли ҳарорат ўтган-дай бўлди. П. Қодиров, Уч илдиз.*

КОНФИСКАЦИЯ [лот. confiscatio -(мол-мулкни) хазина фойдасига олиб қўйиш] Хусусий кишиларга қарашли мол-мулкларни батамом ёки қисман давлат их-тиёрига ўтказиш, мусодара қилиш.

КОНФЛИКТ [лот. conflictus - тўқна-шиш; қарама-қаршилик] Қарама-қарши томонлар, фикр, куч ва ш. к. нинг тўқнашуви; жиддий келишмовчилик, кескин низо; халқаро муносабатларда баъзан қуролли тўқна-шувларгача олиб келадиган жанжал, можа-ро. *Чегара конфликти. Драматик конфликт. шшш Кекса пахтакор билан ёш агроном ўрта-сидаги конфликт воқеага асос қилиб олинди-ди. Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.*

КОНФРОНТАЦИЯ \фр. confrontation < лот. con — қарши + frons, fronds — пешона, олд томон] Қарама-қаршилик, ўзаро ихтилофда бўлиш, тўқнашув.

КОНФУЦИЙ(ЧИ)ЛИК [< хит. Кон-фуций (Кун-цзи) — ахлоқий-диний таълимот асосчиси номидан] Хитойда тарқалган уч асосий ахлоқий-диний таълимот (дао-сизм ва буддизм билан бирга)дан бири (асо-сий тушунчалари: инсонпарварлик, одоб қоидалари ҳамда инсондаги ижобий фази-латлар).

КОНЦЕНТРАТ 1 \лот. concentratus -бир жойга тўпланган, жалб этилган] Маҳ-сус ишловдан ўтказилган ва пиширишга тайёр қилиб қўйилган қуруқ масаллик. *Каша концентрати. Шўрва концентрати. тш Самолёт яна бир нечта қоп ташлади. Бу қопларда концентрат, сухари ва шакар бор эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Шароит фалакда космонавтларни концентрат, сиқ-ма овқат цстеъмол этишига мажбур этади. «ЎТА».*

2 қ. х. Тўйимли моддаларга бой, кучли ем-хашак, озуқа. *Концентрат ем. шшш Биз ҳар бош қўйнинг қишлови учун ўртача 2 цен-тнердан хашак, етарли миқдорда ширали*

473

озуқа ва концентрат тайёрлаб қўйганмиз. Газетадан.

3 кон. Фойдали қазилмаларни бойитиш (тош, тупроқ каби кераксиз нарсаларни чиқариб ташлаш) йўли билан ҳосил бўлган маҳсулот. *Вольфрам концентрати. Мис кон-центрати.*

КОНЦЕНТРАТЛИ Тўйимлилик дара-жаси юқори, концентрат билан тайёрлан-ган. *Агар сигир концентратли озуқа ва кўкат ўтлар билан тўйдириб боқилса, йил давомида сут бераверади. Газетадан.*

КОНЦЕНТРАЦИОН: концентрацион лагерь Фашист режими ҳукмрон бўлган мамлакатларда: сиёсий маҳбуслар қамала-диган маҳсус лагерь. *...миллионга яқин беғуноҳ жазоирлик концентрацион лагерларда азоб чеккан. Газетадан.*

КОНЦЕНТРАЦИЯ [лот. concentratio -бирор нарсанинг тўпланиши < con — бирга + centrum — марказ] **1** Бир жойга тўплаш, йиғиш; тўпланиш, йиғилиш. *Маргимушни биласиз, учувчи унсур, у олтинли қапьюмюр тепасида нурдай таралиб, ҳовурдай жимир-лаб ётади. Катта олтин концентрациясини шу атрофдан излаш кераклиги аниқ эди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.*

2 ким. Суюқликда эритилган ёки ҳавога тарқалган модданинг шу суюқлик ёки ҳаво ҳажмига нисбатан миқдори, кўп-озлиги, қуёқ-суюқлиги. *Ҳавода заҳарловчи модданинг концентрацияси.*

КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШМОҚ Бир ерга тўпланмоқ, жамланмоқ. *Гарчанд Россия асо-сан аграр мамлакатлигича қолган бўлса-да, унда капитализм жадал ривожланиб борди, саноат ишлаб чиқариши жуда юксак дара-жада кониентрациялашди.* Газетадан.

КОНЦЕНТРИК *мат.* Умумий марказ-га эга бўлган. *Концентрик айланалар.*

КОНЦЕПЦИЯ \лот. *conceptio* -тўплаш, бирлаштириш; тизим; ибора] Қа-рашлар, фикрлар йўналиши тизими; фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули. *Таржима концепциясининг таянч нуқтаси интерпретациявий мавқедан иборат.* Ғ. Са-ломов, Таржима назариясига кириш. *На-войининг шу мавзудаги қитъасининг қуйида-ги байтида ҳам унинг концепцияси мухта-сар ва аниқ ифодаланган.* «ЎТА».

КОНЦЕРН [*УНЗЛ*. *concern* — иштирок; манфаат; корхона] Расман ўз мустақилли-гини сақлаб қолувчи, лекин амалда мар-казлашган молиявий назорат ва раҳбари-ятга бўйсунувчи бир қанча саноат, молия ва савдо корхоналарининг бирлашмаси, кўшилмаси.

КОНЦЕРТ \фр. *concert* < *итал.* *concerto* — уйғунлик, келишув < *лот.* *concertare* — кизгин мусобақалашмоқ, баҳслашмоқ] **1** Мусиқа асарлари, ашула, рақс ва ш. к. номерларнинг маълум дастур асосида омма олдида ижро этилиши, оммага кўрсатили-ши. *Унинг овози жимжит студиянинг баланд шифтларига тегиб жаранглар, бугунги кон-цертда ўзи голиб чиқаятганини, ажиб бир оҳангда айтаётганини билиб турарди.* У. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол.

2 Симфоник оркестр ёки халқ чолғу ас-боблари оркестрининг жўри билан ёлғиз бир чолғу асбоби учун ёзилган йирик му-сиқа асари.

КОНЦЕРТМЕЙСТЕР [нем. *Konzert-meister* — концерт устаси, бошқарувчиси] **1** Оркестрда ижрочилар гуруҳини бошқариб боровчи (биринчи скрипкачи, биринчи альтчи ва ш. к.).

2 Ашулачиларни тайёрловчи, машқ қил-дирувчи пианиночи.

КОНЦЕССИЯ \лот. *concessio* — рухсат; ён бериш, йўл бериш] **1** Бирор давлат ёки маҳаллий органлар тасарруфидаги табиий бойликлар ёки бошқа хўжалик объектлари-дан вақтинча фойдаланиш, айрим корхо-на, кон ва ш. к. ни ишга солиш, қуриш учун ижозат бериш ва шу ҳақдаги шартнома.

2 Шундай шартнома асосида қурилган, ишлаётган корхона.

КОНЦЛАГЕРЬ *айн.* **концентрацион ла-геръ** қ. **концентрацион.**

КОНЧИ Конда ишловчи, кон ишчиси. *Ҳа, нима бўпти боқса, кончи йигит, Юра-гингни агар ёқса, кончи йигит? Меҳмон бўлгин кондан қайтганинда, Қайсиси сенга ёқса, кончи йигит.* Т. Тўла. *Бироқ бу ўйиқ-лардан қадимий кончилар нима қазиб олган-ликлари маълум эмас.* С. Кароматов, Олтин қум.

КОНЧИЛИК **1** Кон иши, кончи иши, касби.

2 Кон қуриш ва кондан фойдаланиш соҳаси.

КОНЬ \р. *конь* — от] *спрт.* Гимнастика машқлари учун мўлжалланган, козёлдан узун, тўрт оёкли асбоб, спорт анжومي.

КОНЬКИ [р. «конь» сўзидан] *спрт.* Оёқ кийимита боғлаб, музда учиш учун ишлатиладиган, энсиз узун тигли мосла-ма. *Конькида учмоқ.* **тш** *Юзларидаги қизи-ли напормон бўлиб кетган тинмас шўх бо-лалар оёқларига коньки, тахтакач боғлаб.. шаҳар айланадилар.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

КОНЬКИЧИ Конькида учиш билан шуғулланувчи спортчи.

КОНЬЮНКТИВА [лот. *coniunctivus* -бириктирувчи] Кўзнинг бириктирувчи пар-даси — қовоқнинг ички сатҳи ва кўз соққа-сининг олдинги (ташқи) сатҳини қоплаб турувчи юпқа шаффоф шиллиқ парда.

КОНЬЮНКТИВИТ Кўз шиллиқ пар-даси — коньюнктиванинг яллиғланиши.

КОНЬЮНКТУРА \лот. conjunctura < conjungere - бириктирмоқ, қўшмоқ! **1** Ижтимоий ҳаётнинг бирон-бир соҳасидаги шарт-шароитлар мажмуи, шу соҳада вужудга келган. пайдо бўлган ахвол, вазият.

2 Иқтисодийнинг маълум даврдаги жо-рий ҳолатини кўрсатувчи белгилар мажмуи; бозорда у ёки бу товарга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати.

КОНЬЯК [фр. Cognac — Франциядаги шаҳар номи] Узум виносини ҳайдаш ва узок муддат саклаш йўли билан олинадиган куч-ли спиртли ичимлик. *Яхна гўшт, қази, тузланган бодринг ва бир неча шишада вино, коньяк қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КООПЕРАТИВ [лот. cooperatio - ше-риклик, ҳамкорлик] **1** Дастлабки босқичда ўз-ўзини бошқариш ва молиялаштириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун ихтиёрий равишда бирлашган фуқаролар гуруҳини жамлаган ташкилот. *Давлат ва кооператив ташкилотлари ишга туширилди.* Газетадан.

2 эск. Кооперация магазини. *Кооператив-нинг доимий мижоъири.* **итт** Гузарнинг икки тарафши чойхона, кичик бостирмага жои-лашган кооператив ва узун чўзилиб кетган ичин-ташин дангиллама иморат ўраб олган. Ҳ. Шамс, Душман.

КООПЕРАТИВЛАШМОҚ Кооперация асосида бирлашмоқ.

КООПЕРАТИВЧИ **1** Кооперация, ко-оператив аъзоси, иштирокчиси.

2 с. т. Кооперацияга қарашли магазин сотувчиси. *Қулоқ-бурунларигача жун шарф билан ўраб, мўлтайиб ўтирган кооператив-чи.. кичкина дўкончаси ичида баъзан депсиниб-депсиниб қўяди.* Ҳ. Шамс, Душман.

КООПЕРАТОР [фр. coopérateur - хо-дим, бирга ишловчи] **айн.** кооперативчи.

КООПЕРАЦИЯ [лот. cooperatio - ше-риклик; ҳамкорлик] **1** Узаро боғланган ишлаб чиқариш жараёнида ёки саноат тар-моқларида кишиларнинг ёки ташкилотлар-нинг ҳамкорлик асосида ишлашини таш-кил этиш шакли.

2 Пайчилардан тушган маблағ асосида тузилган савдо-сотик ёки ишлаб чиқариш корхонаси, жамияти. *Ҳунармандчилик коо-перацияси. Уй-жой кооперацияси.* **итт** Қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини сез-гирлик билан ҳисобга олиб бормаётган мат-лубот кооперациялари ҳам бор. Газетадан.

КООПТАЦИЯ \лот. cooptatio - қўшим-ча сайланиш, қўшимча сайлаш] Сайлаб қўйиладиган органлар таркибига, қўшим-ча сайловлар ўтказмай туриб, янги аъзолар ёки номзодлар киритиш.

КООРДИНАТ \лот. co - билан, бирга + ordinatus — тартибга солинган, йўлга қўйилган] Нуқтанинг текислик ёки фазо-даги хрлатларидан бирини кўрсатувчи бел-ги. *-Координатини айт!* — *Юрьев телефон трубкасига қичқирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Етакчи самолёт учувчиси координатлар-ни пухта такрорлади.* Ҳ. Ғулом, Тошкент-ликлар.

КООРДИНАЦИОН Координация қилувчи, мувофиқлаштирувчи. *Шу ойда Тошкентда ўзбек филологияси масалалари бўйича II республика координацион йигилиши бўлиб ўтди.* «ЎТА».

КООРДИНАЦИЯ [лот. coordinate -ўзаро келишув < со — билан, бирга + ordinatio — тартибга солиш; жойлаштириш] Иш, фаолият ва ш. к. ни бир-бирига мувофиқдаштириш, уйғунлаштириш. *Координа-ция масаласи йигилишида атрофлича муҳокама қилинди.* Газетадан.

КОПАР: **копар иссиқлик** Ўта иссиқдик (қ. **иссиқлик** 3). *Қази — копар иссиқлик.* **Ко-пар совуқлик** Ўта совуқлик (қ. **совуқлик** 5). *Карам шўрва — копар совуқлик.*

КОПИЯ \лот. copia - бойлик; кўплик, миқдор; захира] Аниқ нусха, бирор нарсанинг аниқ, айна такрорланган акси, тасвири.

475

КОПТИКОВ [ф. jLSj^LS - ковлаш, ковлаштириш; излаш, қидириш]: **коптиков қилмоқ** Роса суриштирмоқ; ков-ков қил-моқ. *Ҳовлига кириб борди. Айвонда ер чизиб*

ўтирган хотинини кўрди. Ҳозир сўрайди, қаёққа бордингиз, қаерда экан, дея копти-ков қилади, деб хаёлига келтирган эди, Меҳ-риниса чурқ этмади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КОПТОК 1 Чўзилувчан ёки эластик материалдан ишланган, қаттиқсатҳга урилганда, ирғиб отиладиган шар; тўп. *Футбол коптоғи. Волейбол коптоғи. Резинка копток. Болалар копток ўйнашмоқда. ти Фақат кўча ичкарисиди, ягона симёғоч тагидаги сайҳон-ликда икки қизалоқ копток ўйнайди. У. Ҳошимов, Қалбингга қулок сол.*

2 Коптокка ўхшатиб ўралган, думалоқ ўрам (ип, каноп ва ш. к. ҳақида). *Бир коп-ток ип. Уч копток ипак. шш Ранг-баранг ипакларни калавасидан чиқариб, чархда бир-икки товлаб олади-да, копток қилиб ўраб қўяди. Ойдин, Бечора.*

КОР [ф. jLS — иш, меҳнат; юмуш] кам қўлл. **1** Бирор мақсадда қилинадиган фаолият, ҳаракат, иш. *Энди бу коринг қўйгин, Беҳуда юраринг қўйгин. «Тоҳир ва Зукра». Сиз «қаторда норим бўлса, юким ерда қолмай-ди», деб юрибсиз. Гап норда эмас, корда! С. Абдуқаҳдор, Гап норда эмас.*

Кори бад Ёмон иш, ярамас хатти-ҳара-кат. *Сиз менинг мактабимни ёндирмадингиз, йўқ, болаларнинг диларида ўз кори бадингиз билан ўзингизга нафрат ўтларини ёндирдин-гиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кори хайр Хайрли, яхши иш; ҳиммат билан берилган (бериладиган) нарса. -Кори хайр иши дав-латга қарамайди, огайни,— писанда қилди мулла Бердиёр, — ҳимматга қарайди, ҳим-матга. «Муштум». Бир-биримизга қанот-қуй-руқ бўлиб, вақт-соат етганда, кори хайрга киришамиз. Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 Ҳожат-эҳтиёж. *Бирор корига ишлатмоқ. шш Шунисига суюнаманки, ўша вақтларда яхшигина рўзгор тузиб, қўр-қут орттирган эканмиз, бари халқнинг корига ярайди. Ой-бек, О. в. шабадалар.*

3 Тўғрилаш йўли; илож. *..шундоқ қилсам, чакки бўлмас. Бунинг кори осон. «Муштум». Суянган тоғимиз ўзингиз, опахон, бир кори-ни қилмасангиз, ишқал бўлиши турган гап. А. Тўлаганхўжаев, Чигирткалар.*

Кор жойи Нозик жойи, таъсир қилади-ган жойи. *Молларни олиб чиқиб кетишди, қий-чув солиб, чироқ ёқиб қарасак, ўлиб ётиб-ди. Унинг кор жойига пичоқ солган экан. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота. Кор қил-моқ Таъсир қилмоқ. Сувўтга кор қиши бош-лади ва орадан бирор соат ўтар-ўтмас, алан-га пасайди. Ҳ. Гулом, Машғал. Ҳой, Юлдуз-хон, сенга кулишга кулдим-у, боядан бери ўзимга кор қилмаяпти-да. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Кори ҳол Бирор иш, хрдиса (одатда, номақбул иш, ходиса). Майли, жиддий кори ҳол рўй бермаган бўлса бўлди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.*

КОРАНДА \ф. ьХлўџ. - деҳқон; иш бе-рувчи; ишчи] тар. Ҳосилнинг бир қисми-ни (1/4 дан 1/2 гача қисмини) олишга бай-лашиб ишловчи деҳқои. *Мен мингбошининг корандасиман. Каллаи саҳардан қоронги кечгача қўи ҳайдаб, бир маҳал ҳўкизларим-ни қайтариб келаётсам, ҳаром ўлгурлардан биттасининг оёғи бузуқ кўприкка тикилиб, синибқолди. М. Исмоилий, Фарғонат. о. Йи-гитлардан бири — увада кийимли.. юзи оф-тобда куйган корандами, чорикорми.. йўгон товуш билин атрофга бонг урди. Ойбек, Тан-ланган асарлар.*

КОРАФТА \ф. оJLUIJK. - тажрибали, кўпни кўрган] с. т. Кўпни кўрган, ўз бошидан кечириб, тажриба орттирган; таж-рибали. *Ўзи ўн йил муттасил машина ҳайдагандан кейин корафта бўлиб кетаркан, керак бўлса, чироқсиз ҳам ишлайверади. Ҳ. Назир, Маёк сари.*

КОРГОҲ [ф. b\j\<. — устахона; корхо-на, ишхона] эск. кт. **1** Ўзаро тортишувлар, олишувлар бўлиб турадиган жой, кураш майдони. *Авалло шуни айтай: бу олам, дарҳа-қиқат, гоят мураккаб сиргоҳ ва коргоҳдир. Лекин энг мураккаб нарса — одамдир, одам бўлмоқдир. В. Зоҳидов, Гўзаллик нимада?*

2 айн. ишхона.

КОРДОН \ф. о'-'j¹-^ — билимдон; иш-билармон| *кт. кам қўлл. айн. ишбилармон.* Сиз каби кордон пойтахтимизда осойишта-ликни.. барпо қилур. Ойбек, Навоий.

КОРЕЙС 1 Корея аҳолисининг асоси-ни ташкил қилувчи халқнинг номи. *Корейс халқи. қ. корейслар.*

2 Шу халққа мансуб. *Корейс тили.*

КОРЕЙСЛАР Кореянинг асосий ахрли-сини ташкил қилувчи халқ.

КОРЖОМА [ф. jLS - иш + -

кўйлак, кийим] Иш кийими. *Шийпон че-тидаги трактор гилдираклари остида коржома кийган ё'ш йигит тимискиланиб, ўзи-ча гоҳ у, гоҳ бу ерни тиқирлатиб қўярди.* Р. Пўлатов, Олтин қалит. *Вой ўлсин, сал чар-чаш шунақа бўлса, рангингда ранг, ҳолингда ҳол қолмабди. Айвонга чиқ, коржомангни еч!* Ҳ. Ғулом, Машғал.

КОРЗИНКА [р. корзин(к)а — сават, ка-жава] Дастали сават. *Бир корзинка олма. ти У қозикдаги пахталигини кийиб, қўлида кор-зинка, гастрономга кетади.* Мирмуҳсин, Топилган ҳусн.

КОРИДОР \фр. corridor < лот. corri-dorium — югуриш жойи| Бинонинг ичида-ги хоналарга кириш ва хоналараро алоқа учун хизмат қилувчи йўлак. *Улар коридор-дан ўтаётганларида, Вася Степанов мудир-нинг кабинетидан чикди.* П. Турсун Ўқитувчи. *Аплақаерда овози баландлатиб қўйилган радио шангиллайди, коридорда қизлар полни гурсиллатиб юришади.. Ў. Ҳошимов, Қал-бингга қулоқ сол.*

КОРИЗ \ф. jJLS\$ — ер остидан ўтказил-ган сув йўли; ариқ| қ. х. Бир неча кудукларни бирлаштирувчи ер ости канали, бир-бири билан бирлаштирилган кудуклар тизими. - *Ғў-за қуриб қоляпти. Сув керак, еуе! Коризлар бўлса қўмишибкетяпти! — деди раис.* С. Анор-боев, Мехр. *X—XI асрларда деҳқонлар Ёйилма ва Сарикўл сойларининг бўшарида кориз усу-лида ер ости сувини ҳам ишга солгашир.* С. Анорбоев, Қатрада қуёш акси.

КОРЛАМОҚ *шв. кам. қўлл.* Қулоққа ол-моқ, эътибор бермоқ (қилмоқ). *Биқинингдан шайтон қитиқлаб турганидан кейин отанинг гапини корлармидинг.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

КОРОБКА [р. коробка — липа пўстло-ғидан тўқилган сават < пол. krobka < лот. corbis — сават, корзина| Картон, тахта ёки металдан ясалган қопқоқли кичкина идиш; қутича. *У лўмбиллаб даҳлизга чиқди, еуе олиб кириб, чой қўйди, шкафдан бир ко-робка конфет олди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

Тезликлар коробкаси *тех.* Автомашина, трактор ва ш. к. да тезликларни ўзгартириш учун хизмат қиладиган механизм.

КОРОЛЛИК *аин. қироллик.*

КОРОЛЬ [< лот. Carl - франклар ҳукм-дори Буюк Карл номидан] **1 айн. қирол.**

2 с. т. Шоҳ (шахмат ва қарта ўйинида). *Ғиштин король.*

КОРОНКА [лот. corona — тож, чамбар] Тишни сақлаш учун унга кийдириб қўйиладиган, металл ёки пластмассадан қилин-ган қоплама.

КОРПОРАТИВ Бирон-бир корпорация, уюшмага мансуб, оид; кўпчиликка, умум-га тегишли. *Айниқса, банкнинг корпоратив мижозлар билан яқиндан иш олиб бориши туфайли унинг активлари 68,5 миллиард сўмга ошди.* Газетадан. *Пластик карточка шахсий ва корпоратив бўлиши мумкин.* Га-зетадан.

КОРПОРАЦИЯ [лот. corporatio - бир-лашма, ҳамжамият] **1** Касб ёки табақа манфаатлари умумийлиги асосида бирлашган кишилар гуруҳи, жамияти, иттифоқи.

2 Бозор иқтисодиёти ривожланган мам-лакатларда (мас, АҚШ, Канада каби) ақциядорлик жамияти шакли.

КОРПУС [лот. corpus — тана, жисм, модда; бир бутун нарса] **1** Механизм, ап-парат ва ш. к. нинг таянчини ёки қобигини ташкил этувчи қисми. *Соат корпуси. Ста-нок корпуси. тт., анҳор бўйида машина кор-пусининг баланд қадди кўринди.* М. Исмои-лий,

Фаргона т. о. Ўзюорар шассининг аф-заллиги шундаки, унинг корпусига пахтачиликдаги барча иш жараёнларини бажара ола-диган машина ва агрегатларни ўрнатиш мумкин. Газетадан.

2 Бир умумий участкадаги, бир мажмуа-га кирувчи бинолардан бири, алоҳида бино. Ўнга яқин синфхона ва катта спорт залини ўз ичига олган янги корпус қурилиб, фойдаланишга топширилди. Газетадан. Тўқув ва тикув дастгоҳлари жойланадиган корпусда 500 нафарга яқин маҳаллий ишчилар меҳнат қилишади. Газетадан.

3 Бир неча дивизия ёки бригададан иборат йирик ҳарбий қўшилма. Фронт қўмондонлиги плацдармда армиянинг бир корпусини қолдириб, қолган икки корпуси билан жанг қилишга буйруқ берди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. 32-ўқчи корпус жангчилари дарёнинг чап қирғоғида мудо-фаага ўтиб, окоп қазинишга киришдилар. Газетадан.

4 Бирор давлатдаги барча дипломатлар, консуллар.

Қонун чиқарувчи корпус Қонун чиқарувчи айрим муассасаларнинг ёки қонун чиқарувчи органга тегишли палаталарнинг барча депутатлари. Қонун чиқарувчи корпус раиси бўлган Шнейдер заводга солдатлар чақирди, стачка бостирилди. «Янги тарих».

КОРРЕКТОР [лот. corrector — тузатувчи] Корректур ўқиш ва тузатиш ишини бажарувчи типография ёки нашриёт ходими; мусахҳих. Машиналар гириллаб, Саҳифалаб беради. Бир ёқдан корректорлар Со-лиштириб кўради. Қ. Муҳаммадий.

КОРРЕКТУРА [лот. correctio - туза-тиш, тўғрилаш] **1** Босилган матндаги хатоларни тузатиш.

2 Матннинг хатоларини тузатиш учун бостириб олинган нусха. Бир куни муҳаррир корректур ўқиб ўтирган эди, кабинет эшиги тақиллаб қолди. С. Абдуқаҳҳор, Рецензент.

КОРРЕЛЯЦИЯ [лот. correlatio - ўзаро нисбат, муносабат] **1** Нарсалар ва тушунчалар ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро мувофиқлиги, бир-бирига боғлиқлиги.

2 мат. Қатъий функционал хусусиятга эга бўлмаган тасодифий микдорлар орасидаги эҳтимолий боғланиш.

3 биол. Одам, ҳайвон, ўсимликлар орга-низмидаги таркибий қисмларнинг тузилиши ва вазифалари ўртасидаги ўзаро мосла-шувчанлик, уйғунлик; боғланиш.

4 тлш. Лисоний унсурларнинг ўзаро шартланганлиги, улар ўртасидаги алоқа, ўзаро боғлиқлик.

КОРРЕСПОНДЕНТ [фр. correspondant < лот. correspondere — жавоб бермоқ, хабардор қилмоқ] **1 айн. мухбир.**

2 иқт. Бошқа ташкилотларга бозорда тўла, ҳар томонлама фаолият олиб бориши учун хизмат кўрсатувчи банк ёки бо-шқа молия ташкилоти.

КОРРЕСПОНДЕНЦИЯ Мухбирлар то-монидан оммавий ахборот воситалари учун жойлардан юборилувчи хат, хабар, жўнат-малар. Ишчи ва қишлоқ мухбирларининг мақолалари, корреспонденцияларида.. муҳим масалалар кўтарилмоқда. Газетадан.

КОРРИДА [исп. corrida de toros — буқа-лар югуриши, пойгаси] Испания, Португалия, Жанубий Франция ва Лотин Аме-рикасида қадимда пайдо бўлган буқа жанги (буқа билан кураш олиб борувчи, уни ўлдирувчи кишилар «матадор», «тореро» деб аталади).

КОРРОЗИЯ [лот. corrosio — емирилиш] *тех.* Металларнинг кимёвий таъсир остида емирилиши, занглаши. Сув агрессив муҳит-ни вужудга келтиради, шунинг учун коррозия мусибатнинг ўзгинаси, чунки бунда те-мрдан тортиб то электроникагача ишдан чиқади. «Фан ва турмуш». У [қотишма] си-фатлари жиҳатидан гранит ва мрамрдан қолишмайди, коррозияга чидамлилиги юқори-дир. Газетадан.

КОРРУПЦИЯ [лот. corruptio - бузиш, йўлдан оздириш; сотиб олиш] Мансабдор шахсларнинг ўзларига ишониб топширилган ҳуқуқлари ва ҳркимият ваколатидан

шахсий бойлик орттириш мақсадида фой-даланиши (коррупция порахўрлик, мансаб-ни суиистеъмол қилиш ва б. ноқонуний қаракатларни ўз ичига олади). *Ҳокимият те-насида турган ҳукумат чириб-ириб кетган-дан кейин, бошқалари бу ҳукуматни ағда-риш учун курашардилар, лекин курашганда ҳам, коррупция ва эксплуатацияга хотима бериш учун курашмас эдилар.* Газетадан.

КОРСЕТ \фр. corset — маҳкам ушлаб, тутиб турувчи] Қадди-қоматни чиройли, расо тутиш ёки даволаш мақсадида тақи-ладиган, кўкрак қафасининг пастки қис-ми ва қоринни сиқиб, тортиб турадиган махсус белбоғ.

2 Умуртқа поғонаси синган, қийшай-ган ва касалланган пайтда уни керакли ҳолатда ёки кимирлатмай тутиб турадиган ортопедик мослама.

КОРСОЗ [ф. -jL^lS — ишни бажаришга ёрдам берувчи] айн. **кордон.** *Корсоз йигитга ўхшаб кетади.* Ойбек, Навоий.

КОРСОН \ф. jLuujl^ — ёғоч ёки сопол хампа; кути] **1** Ёғочдан ишланган катта то-воқ. *Бир катта қарагай оғочнинг тагини ўйдириб олган катта корсон бор эди, ки-чикроқ ҳовуздай эди. «Ойсулув». Корсонда қимиз келди. Бек бир-икки зарангни ичган-дан кейин ясланиб, кўкка қараб ётиб олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Дастурхон ус-тига бир корсон ширқовоқ қўйилган. С. Ай-ний, Дохунда.*

2 Айрим мусиқа асбобларининг товуш-ни кучайтирадиган ковак қисми, қорни. *Дастанг зардолидан, корсонинг арча, Бор-дир оҳанглариинг ёқимтой анча, Куйласанг, қўлингга маҳлиё барча, Сухбатнинг машъа-ли бўлган, дўмбирам. Ёдгор бахши.*

Ж⁴⁰

3 шв. Эгарнинг орқа қисми. *От белига ташлай берди чол Соқи, Корсонни кумуш, қоши олтин эгарни. «Хушкедди». Уртоқ директор эгарда, мен эгар корсонини ушлаб ўтирибман. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.*

4 От туёғининг гардиш қисми. *Йигирма уч кеча-кундуз югуриб, Корсонидан ивиб туш-ди туёғи. «Маликаи айёр».*

КОРТ \ингл. court — ҳовли; ўйин май-дончаси] Катта теннис ўйини учун жиҳоз-ланган, мослаштирилган майдонча.

КОРТЕЖ \фр. cortege — кириб келиш; жўнаб кетиш] Тантанали юриш, маросим (асосан транспортда).

КОРУНД [нем. Korund < қад. ҳинд ти-лидан] Турли металллар оксидлари қўшил-масидан иборат қаттиқ абразив минерал.

КОРФАРМО [ф. >jLS - иш кўрса-тувчи, иш буюрувчи; ишбилармон; кор-хона эгаси] эск. Иш буюрувчи, иш бошқа-рувчи, иш жараёнига раҳбарлик қилувчи. *Корфармо Аҳмад Чалабий кунлардан бир кун мадраса томида юрган Меъморга ишларнинг чала қолаётганига афсусланаётгандай бўлиб, таассуф билдирди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

КОРХОНА [ф. ^L^jLl - ишхона] **1** Ишлаб чиқариш ёки савдо бўлими ҳамда шундай бўлимлардан бир нечасининг бир-лашмаси. *Давлат корхоналари. Савдо кор-хонаси. Хусусий корхона. Саноат корхона-лари. тт Механика заводлари қурилгунга қадар эски тартибда дегрезлик корхонаси ишларди. Ойдин, Бечора. Ҳозир Денов шах-рида ўнлаб саноат, автотранспорт ва қури-лиш корхоналари ишлаб турибди. «Фан ва турмуш».*

2 с. т. Иш жойи, ишхона. *..кимдир бо-зорга ошиқади, кимдир туртиниб-суртиниб, корхонасига шошади. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. Малоҳат суриштиргани корхонага борибди; суриштириб қараса, Жонфигон фақат ўн етти кун ишлабди, хо-лос. А. Қаҳҳор, Жонфигон.*

КОРХОНАЧИ тар. Корхона эгаси.

КОРЧАЛ(Л)ОН \ф. ^3UjLS -даллол; ишбилармон] **1** Ўзини ҳаммадан билимдон деб ҳисобловчи, билармон; маҳмадона. *Са-намай саккиз деб юрган экансиз, корчалон кекса! Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 Ишбилармон, эпчил. У[Алимардон] қай даражада корчалон ва уддабуролигини, бекнинг олдиди катта обрўга эгалигини хўжа-йинга уқтириши фикрида эди. С. Айний, До-хунда. Азимжон ўзи бадавлат корчалон, йи-гит ёшидан буён қорақўл бўйича ноёб мута-хассис. А. Мухтор, Чинор. Океан нарёзидаги бир корчаллон юмшоқ креслода пинакка ке-тиб ўтирарди. «Муштум».

КОРЧАЛОНЛИК Корчалонга хос иш, хатти-ҳаракат. Мен ундан [Мўмин-жондан] Холиқнинг қандай қилиб «инже-нер» бўлиб колганини сўрасам, унинг эн-саси қотиб: - Инженер қаёқда! Узларича корчалонлик қилаверадилар, — деди. Ҳ. На-зир, Бир туп ғўза.

КОР-ҲОЛ (тўғриси **кори хол**) қ. **кор 3**. Катталар-ку «бир кор-ҳол бўлмасин, эҳти-ё'т шарт» дегандек, кўзлари олазарак бўла-верди. «Муштум». Бирон кор-ҳол бўлмасин, деб моторга ўт бериб, жадал ҳайдаб кетди. С. Аҳмад, Юлдуз.

КОСА [ф. а'LS] 1 Пиёладан каттароқ, асосан суюқлик ва турли овқатлар солиб ичиш учун ишлатиладиган идиш. Бир коса сут. Икки коса қатиқ. **иши** [Йўлчи].. меҳмонлар учун дам ясоглиқ патнуслар, дам чой.. дам косаларда шўрвалар ташишиди. Ойбек, Танланган асарлар. Жувон бўшаган чинни косаларни йиғиштириб, ошхонага чиқиб кет-ди. С. Анорбоев, Оқсой. Овқат пишиди. Қо-зоннинг занги чиқиб қорайган гўжага қатиқ ҳам ранг киргиза олмади. Туробжон икки коса ичди, хотин эса ҳануз бир косани яримлата олмас эди. А. Қаҳҳор, Анор.

2 Ўз пўчоғи устида кўндалангига кесиб қўйилган қовун, тарвуз ёки ҳандалак бўла-ги, палласи. Қовунни коса қилиб сўймоқ. **тиш** Патнус кўкча ва шакарпалак косалари билан тўлик эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўқоннинг қаймоққа йўғрилган пойгир патир-лари, ок нўст шафтолисию ҳафсала билан коса қилинган умурвоқи қовунлари.. К. Яшин, Ҳамза.

Бош косаси анат. Калланинг мия жой-лашган қисми, мия қопқоғи. **Коса тагида нимкоса бор** Бир нарса, иш-ҳаракат зами-нида яширилган бошқа бир нарса борли-гини билдиради, шунга ишора қилади. Рай-ком секретарининг бу химматини Зумрад аввалига ёш, тажрибасиз раисга.. бегараз кўмак деб тушунди. Энди билса, коса таги-да нимкоса бор экан. С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Косаси оқармайди** Хаёти, турмуши яхши

480

ланмайди, ўнганмайди. Дангасанинг ко-саси оқармайди. **тп** -Дадам раҳматлининг қўли ҳар ҳунарга эпчил эди,— деди Йўлдо-шев, — аммо ҳеч вақт бечоранинг косаси оқармади. Ойбек, О. в. шабадалар. **Кўз ко-саси** Бош суягининг юз қисмидаги кўз жойлашган чуқурлик. Унинг [Сотволди-нинг].. чап кўзи ўйилган ва кўз косасига қуюқ қора қон тўлиб қотиб қолган, маҳкам юмил-ган лаблари тимдаланган эди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Сабр косаси тўлиб тошди** қ. **сабр 2**. Она эса насиҳат ва ўғит беришдан нари-га ўтмайди. Сабр косаси тўлиб кетган қиз ноилож ёрилишга мажбур бўлди. Ж. Абдул-лахонов, Хонадон.

КОСАГУЛ Ўтиришда ичкилик қуювчи ва ўтиришни бошқариб турувчи шахс; со-қий. Косагул бўлгандир энанг, алла-ёр, алла-ёр!«Ширин билан Шакар». Косагул, қуйил-син мусаффо майлар», Ғсьиба, бахтучун ичай-лик, қани! Уйғун.

КОСАГУЛЛИК Косагул иши, вазифа-си. Косагулликни Фосих афанди олиб борди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. ..раис косагул-лик қилиб, манзират кўрсатган кишига шио-ра қилди, — мезбон хафа бўлдилар. С. Ну-ров, Нарвон.

КОСАЧА 1 Коса 1 с. кичр.

2 **бот**. Гулнинг гултож остидаги коса-чабарглардан ташкил топган пиёласимон қисми.

КОСАЧАБАРГ бот. Гулнинг косача-сини ташкил қилувчи яшил баргчалар-дан бири.

КОСЕКАНС [лот. со — бирга + secans — кесувчи] мат. Тўғри бурчакли учбурчакда гипотенузанинг ўткир бурчак қар-шисидаги катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция; қўшимча бурчак-нинг секанси.

КОСИБ \а. — касб килувчи, ўрганувчи, хунарманд] 1 Қўл иши билан шу-ғулланувчи хунарманд. *Қўли суст косибдан оёғи илдам гадоёй яхши.* Мақол. *тм Уста Мўмин ёлғизқўл бир косиб эди.* А. Қахдор, Асрор бобо. *Найманча — азалдан косиблар маҳалласи.. Бўзчилик — бу ердагиларнинг қарийбҳаммасига ота касб.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Оёқ кийими (этик, маҳси ва ш. к.) тикиш билан шуғулланувчи хунарманд. *Бу одамларнинг бири — Фармон кал лақабли этикдўз косиб бўлиб, ёши ўтиши билан у тузалиб кетган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КОСИБЛИК Косиб иши, касби. *Бирмун-ча вақтлар олдин мулла Бурҳон косиблик билан кун кечирар эди.* Ш. Рашидов, Қуд-ратли тўлқин. *«Ари уяси»нинг ахли бир маҳалла бўлиб, асосий касби косибликдир.* Мир-муҳсин, Чодрали аёл.

КОСИБЧИЛИК айн. **косиблик.** *Буни со-тид, чарм, ип, сирач, мум сингари косибчи-лик учун керакли ашёларни олади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КОСИЛКА \р. косилка < косить - ўрмоқ (ўт-ўланларни)] Ўт, беда ва ш. к. экинларни ўрадиган машина; ўроқ машина. *Пичан ўришига кимлар бориши, қанча от косилка, қанча трактор косилка ажратишини белги-лашиб, қарор қабул қилишгунча, ўйинқароқ болалар икки уйқуни олишган эди.* С. Анор-боев. Оксой.

КОСИНУС \лот. со — бирга + sinus -бурилиш, қайрилиш, эгиш] мат. Тўғри бурчакли учбурчакда ўткир бурчакка ёпиш-ган катетнинг гипотенузага нисбатидан иборат тригонометрик функция; қўшимча бурчакнинг синуси.

КОСКИ кам қўлл. Ярамас, бузғунчи, бузук каби ҳақорат маъносида қўлланади. *Аммо муомаласи дагал, оғзи коски бўлиб, одамларни оёқ учуда кўрсатади.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Такаббур, бахил бир лўттибоз. Коски бир нобакор у валатИ'.* Тўла. *Ҳафталаб жой ўзгартириб юрган Хайрулло маҳалла коскиларининг изволарига йўлиқди.* «Муштум».

КОСМЕТИК Косметикага оид. *Итали-яда косметик товарлар учун бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда.* Газетадан.

КОСМЕТИКА [юн. kosmetike (techne) -пардоз, безатиш санъати] 1 Кишинингташқи кўринишини яхшилаш мақсадида тери-ни парвариллаш ва даволаш чора-тадбирлари; пардоз.

2 Пардозга, тери, соч, лаб, киприк, тиш, тирноқ кабиларни пардоз қилишга оид воситаларнинг умумлашма номи. *Ач-чиқ бодомдан кўпинча хушбўй эфир мойи оли-ниб, бу косметика саноатида кенг қўламда қўлланмоқда.* Газетадан.

КОСМЕТОЛОГ Косметология мутахас-сиси; пардозчи.

481

КОСМЕТОЛОГИЯ \косметика + юн. — тқъяжиюг, ^^^^«ИБ-летнмш vт-сон ташқи кўринишини (юз, баданни), айрим аъзолар (бурун, қулоқ ва б.) шак-лини турли ниқоб (маска)лар ёрдамида ёки жарроҳлик йўли билан яхшилаш во-ситалари ва методларини ишлаб чиқади-ган бўлими.

КОСМИК 1 Космосга, коинотга, унда мавжуд нарсаларга оид, уни ўрганиш учун хизмат қиладиган. *Космик алоқа. Космик кема. Космик станция. Космик телевиде-ние. Космик тиббиёт. Космик физика, умт Физик олимлар якин вақтларга қадар кос-мик бўшлиқни ўрганишни фақат орзу қила олар эдилар.* «Фан ва турмуш». 1960 йил 19 август кун иккинчи космик кема Ер йўлдо-ши орбитасига учирилди. Ҳ. Шокирова, Парвозлар.

2 кўчма Жуда тез, космик тезлик дара-жасида рўй берадиган. *Қурилиш ишлари кос-мик жадалликда бормоқда.*

КОСМОГОНИК Коинот (олам)нинг юзага келиш (пайдо бўлиш) жараёнига оид. *Дунёдаги барча халқлар мифологиясида яго-на космогоник таълимот сингиб кетган.* «Фан ва турмуш».

КОСМОГОНИЯ \юн. kosmogonia - дунё-нинг яралиши, пайдо бўлиши] Астрономиянинг осмон жисмларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисидаги масалалар билан шуғулланадиган бўлими. *Ҳозирги замон космогонияси Қуёш системасида бўлган планеталарнинг ва Қуёшнинг ўзининг ҳам вужудга келишидаги бутун жараён жуда тез рўй берганлигини кўрсатувчи исбот-далил-ларга эгадир.* Газетадан.

КОСМОДРОМ [космос + юн. domos — чопиш, югуриш жойи] Сунъий йўлдош, космик кема ва ш. к. космик аппаратларни учуриш учун махсус жиҳазланган жой. *Космонавтлар Юрий Гагарин ва Герман Титов ҳам ўз дўстларига маслаҳат бергани, кўмак-лашгани бу ерга, космодромга келишган.* Га-зетадан.

КОСМОНАВТ [космос + юн. nautes -денгизчи, денгизда сузувчи] Космик кема-да космосга учувчи, космосга парвоз қилувчи шахс. *Космосда узоқ яшаган космонавтлардан бири Георгий Гречконинг фикрича, инсон вазнсизлик шароитида анча узоқ вақт бемалол ишласа бўлади.* «Фан ва турмуш».

наутКе — кемани юриташ, БошқарийГ) Кос-мик аппаратларни планеталараро фазода учуриш назарияси ва амалиёти. *Космонав-тика тарихида киши бошқарадиган энг узоқ муддатли —211 кунлик учуш муваффақи-ятли тугади.* Газетадан.

КОСМОПОЛИТ [юн. kosmopolites -дунё фуқароси] 1 Космополитизм тарафдо-ри; ватанпарварлик хиссини йўқотган шахс.

2 биол. Ер юзида кенг тарқалган ҳай-вонлар ёки ўсимликлар тури.

КОСМОПОЛИТИЗМ «Киши дунё фу-қаросидир» деган сохта шиор остида ватан-парварликни, миллий маданият анъанала-рини, халқдарнинг миллий мустақиллиги-ни инкор этувчи мафкура.

КОСМОС \юн. cosmos — бутун олам; коинот] Ер атмосферасидан ташқарида чўзилиб кетган, ўзида мавжуд бўлган бар-ча объектларни ҳам қамраб олган фазо; Ер атрофидаги фазо (*яна қ. коинот*). *Инсон илк бор космосга сафар қилишидан олдин олим-лар 15 турдан зиёд ҳайвон ва ўсимликларда тадқиқот олиб боришган.* «Фан ва турмуш». *Ниятим: ўзбек ёшлари космонавт-учувчи бўлиб, космосни забт этса. Мен шу ишга кўпроқ ҳисса қўша олсам бас.* Газетадан.

КОСОВ Ўт, оловни тўғрилаш, тортиш ва ш. к. учун ишлатиладиган ёғоч ёки темир таёқ. *Косовузун бўлса, қўл қуймас.* Мақол. *тм Тоир ака қўлида косов билан олов пугўрилар эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

КОСТЁЛ \пол. kosciol] Полякларнинг католик ибодатхонаси.

КОСТЮМ \фр. costume] 1 Пиджак ва шим ёки жакет ва юбкадан иборат устки кийим.

2 с. т. Ёқаси қайтарилган, кўкрак олди очик, тугмали калта устки кийим; пиджак ёки жакет. *Мундоқ қарасам, катта йўл ўртасидан билагига костюм ташилаган даванидайдир бир йигит келяпти.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Маскарад ёки театр кийими (*қ. либос 2*). **КОСТЮМЕР** \фр. costumer] Спектакль учун костюмлар, кийим-бошлар тайёрловчи театр хизматчиси. - *Театримизда-чи, ре-жиссёр, костюмер, суфлёр.. ҳаммаси бор. Фақат раҳбар йўқ,— деди Собиржон Маш-рабга.* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

482 яул

КОСТЮМЛИК Костюм қилишга ета-диган. *Бир костюмлик коверкот.*

КОТАНГЕНС \лот. со - бирга + tangens — уринувчи, уринма] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакда бурчакка ёпишган катетнинг қаршидаги катетга нисбатидан иборат тригонометрик функция; қўшимча бурчакнинг тангенси.

КОТИБ [а. كوتيب — (хат) ёзувчи, (ки-тоб) кўчирувчи] **1 тар.** Рўйхат тузиш, қўлёзмаларни кўчириш билан шуғулланган шахс; мирза. *Навоийнинг котибларга ҳомиши-лиги асосан 1469 йилдан, яъни у давлат ар-боби вазифасига кўтарилиб, котибларга ҳомийлик қъйиш учун моддий имкониятга эга бўлиши биланоқ бошланган. «ЎТА».*

2 Идора ва муассасаларда, лавозимли кишилар, ёзувчилар ва ш. к. шахслар хузурида ёзув-чизув ишлари ва ёзишмаларни олиб борувчи ходим, шахс. *Котиб ўтирадиган стол тепасидаги «Папирос чекма!» деган ёзув остига кимдир пистакўмир билан «Носвои чекавер!» дебёзиб қўйибди. С. Аҳмад, Хукм. Бу хатларни у шахсан ўзи ва котиби ёрдамида ўрганиб, аксариятига эринмай жавоблар ёзган. Газетадан.*

3 Идора, муассаса ва ш. к. лар котиби-ятига раҳбарлик қилувчи, котибият иш-ларига масъул ходим. *Фанлар академияси-нинг бош илмий котиби. Институтнинг илмий котиби.*

4 Махсус кенгаш, йиғинларнинг баён-нома ва ш. к. ёзув-чизув ишларини олиб борувчи шахс. *Диссертация ҳимоялари бўйича илмий кенгаш котиби. Мажлис котиби.*

КОТИБА Котиб аёл. *Назар қабулхонага чиқиб, котибага Алиматни топишни буюрди. Э. Усмонов, Ёлқин. Котиба раис кириши билан дик этибўрнидан турди. А. Кўчимов, Ҳалқа.*

КОТИБИЯТ **1** Муассаса ва ташкилот-ларда, анжуман ва ш. к. катта йиғинларда жорий ишларга раҳбарлик қилувчи ёки ташкилий-техник вазифаларни бажарувчи, сайлаб қўйилган орган ёки маъмурий бўлим. *Вазирлар Маҳкамаси котибияти.*

2 Шундай орган, бўлимларда ишлайди-ган ходимлар.

КОТИБЛИК Котиб иши, вазифаси. *Қо-рабек аввалларда баъзи амлоқдорлар ва ҳокимларга мирзалик — котиблик қилиб юрарди. С. Айний, Эсдалиқлар. Албатта, еуе келтириши котиблик ишларига кўмилиб ўтиришидан кўра энгил ва ёқимли эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

КОТИРОВКА \ фр. coter — рақамламоқ, белгиламоқ| Биржада амалдаги вазият ва қонунчилик меъёрларига амал қилган ҳолда хорижий валюталар, қимматбаҳр қоғозлар курсини ҳамда товарлар нархи-ни белгилаш.

КОТЛЕТ \ фр. cotelette - қобирғача < лот. costa — қобирға) Қиймаланган ёки туйилган гўштдан тайёрланган ясси, кулча шаклидаги овқат (баъзи турларида қийма қобирғага ёпиштирилган бўлади). *Қайна-тилган макарон билан котлет келтирдим. С. Сиёев, Ёруғлик.*

КОТЛОВАН \ р. котлован — пойдевор учун қазилган чуқур < котёл — идиш, тоғорача] Пойдевор қуриш учун қазилган чуқур. *Иморатларнинг пойдеворини қуриш учун кот-лован қазимоқдамиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Ўтган якианба эрталаб Самадишлар турган тўгоннинг пастидидаги котлованда еуе паидо бўлди. А. Мухтор, Туғилиш.*

КОТТЕЖ \ингл. cottage - дехқон уйи] Унча катта бўлмаган, одатда, икки қават-ли, бир оилага мўлжалланган тураржой. *Маҳа,г.идаги коттежюр атрофига ўтқазилган «яшил девор» лар ҳам дарахтларга тақ-лис) қилгандек ўсиб кетган. «Муштум». Гавҳарнинг богчаси посёлканинг ўртаротда, бир қаватли бежирим коттежлар орасида экан. С. Сиёев, Ёруғлик.*

КОФЕ \голл. coffie < а. <^J>] **1** Уруги-дан махсус ичимлик тайёрланадиган тропик ўсимлик, қаҳва дарахти.

2 Шу дарахтнинг уруғи ва ундан тайёр-ланган кукун; қаҳва толқони. *Чой, кофе, какао, гармдори, қора мурч ва тамаки тар-кибида алкалоидлар бор. «Фан ва турмуш»,*

3 Шундай кукун, толқон қўшиб тайёр-ланган ичимлик; қаҳва. *Бир стакан қора кофе. шш Мулозим йигитнинг елим патнис-да иссиқ кофе келтирганини одам сезмади. С. Сиёев, Ёруғлик.*

КОФЕИН \лот. coffeinum < а. а Кофе дони, чой барги ва б. баъзи ўсимлик-лар таркибида бўладиган алкалоид (кўзга-тувчи, тетиклантирувчи дори сифатида қўлланади). Кофеин моддаси чойни хушхўр қилди, кишини тетиклаштириб, унинг чеҳ-расини очади. «Фан ва турмуш».

КОФИ \а. - етарли] эск. кт. Ки-фоя қиларли, етарли. Бу хизматга унинг

484

илми кофими? [деди Имом]. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КОФИР [а. jilS — танимовчи, инкор этув-чи, ислом динини танимовчи, ғайридин] дин. **1 айн. ғайридин.** Ҳамма мусулмошар баб-бара-вар, деб ўйлайсизми? Мусулмонлар ўртасида бўрилар йўқми? Маили, кофирми, мусулмон-ми, биз бўришарнинг жазосини берамиз. Улар кофирда ҳам бор, мусулмонда ҳам. Ойбек, Танланган асарлар. -Шаҳар фаранг, инглиз деган кофирлар билан тўлиб ётибди. Араблар унда-бунда кўринади, холос, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғонат. о.

2 Дин йўлидан қайтган, худосиз. Бир зум чўзилган сукутни Салимбойвачча бузди: - Уламоларимиз газета ўқиган одамларни ҳам «кофир» деб ҳисоблайдиларки, бу жаҳолат-дан бошқа нарса эмас. Ойбек, Танланган асарлар.

КОФТА \р. кофта — калта куйлак ёки плаш <нем. Kuft — уй кийими] Аёлларнинг калта кўйлаксимон, одатда белгача туша-диган кийими. У[Фотима] энгларига чиройли қизил каишталар тикилган украинча оқ шойи кофта, қора юбка кийган эди. **П.** Турсун, Ўқитувчи. ..даразадан тушаётган нур юпқа капрон кофтасидан ўтиб, новотранг ич кўйлагининг тасмаларини.. ёритади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КОФТИКОВ, кофтуков к. коптиков.

КОЧЕГАР [р. кочерга — темир косов] Буғ қозонларининг ўтхонасига ўт ёқувчи ишчи. Пароход кочегари.

КОЧЕГАРКА Буғ қозонининг ўтхонаси жойлашган, шунингдек, ёқилғи турадиган хона, жой. Хотирангизда бўлса, шахтёрлар шахри — Ангрен бир вақтлар Ўзбекистон «кочегарка» (оловхона)си деб ном олганди. Газетадан.

КОШИН [ф. — кафель, кошин] **1**

Чиннига ўхшатиб ишланган, ялтироқ, нақшли ғишғ плиткаси. Деҳлида масжид ва мезаналар керагидан ортиқча. Ҳалларини, кошинларини, нақшларини қаердадир кўрган-даймиз. **3.** Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.

2 Бир-бирига зич қилиб ёпиштирилган ранг-баранг шиша, мрамор, тош, ёғоч ва ш. к. дан ясалган сурат ёки нақш. Умадраса-лар ички-ташқи кенг саҳнга, баланд ва мустаҳкам деворга, ҳашаматли тоқ-равоқ ва гулдасталарга эга бўлиб, баъзиларининг пеш-тоқлари, гумбазлари ва деворлари ранг-баранг кошинлар билан бвзатилган бўлар эди. С. Айний, Эсдалиқлар.

КОШИНКОР [ф. jI^JbLS - кошин қопловчи; кошин билан безатилган] **1** Ко-шин ишловчи, биноларни кошин билан бе-затувчи уста. Маиҳур кошинкор. **иш** ..у \Аб-дулла Болтаев] маиҳур наққош, кошинкор, этнограф сифатида танилди. Газетадан.

2 Кошин ишланган, кошин билан бе-затилган. Шу икки уйнинг орасига ўтирган (ўрнашган) кошинкор ва нақшин чорхари ай-вон бу ҳовлининг биринчи мартаба кўзга ча-линадиган ортиқликларидандир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КОШИНКОРЛИК Кошин пишириш, тайёрлаш ва биноларни кошин билан бе-затиш иши, касби.

КОШИНЛИ айн. кошинкор **2.** Тузибҳар мадраса кошинли порлоқ, Равоқу гумбазу гул-даста пештоқ. Ҳабибий.

КОШИНПАЗ \ф. iw^LS - кошин пи-ширувчи, тайёрловчи] Кошин пиширувчи, кошин тайёрловчи. Аммо, сиз болаларим, иш-нинг охирини ўз елкангизга олинг. Бундан буёғи — сирчиларга, кошинпазларга ёрдам қилиш, кўпи кетиб ози қолган. Мирмуҳсин, Меъмор.

КОШКИ \ф. А.Ui,L£ < oiLS - агарда, қани энди] мод. с. Сўзловчининг айғилаёт-ган фикрга тарафдорлигини, шунини хохла-шини билдиради, «қани энди», «қандай яхши бўлар эди» каби маъноларни ифода-лайди. *Кошки у ҳам Йўлчига ҳамроҳлик қил-ган бўлса, у билан дардлашиб, гамларига шерик бўлиб, овутиб, юпатиб, у билан бирга тепалар, жарлар оиса.* Ойбек, Танланган асарлар. *0 кошки, булутсиз тиниқ осмонда учган қуш бўлсайдим.. Оддийгина қуш.* Х. Даврон, Қақнус.

КОШКИЙДИ с. т. (тўғриси **кошки эди**) қ. кошки. *Кошкийди, қизим, даданг сўзимга қулоқ соладигин эркак бўлса [деди онаси Гул-норга].* Ойбек, Танланган асарлар.

КОШОНА \ф: <GLil_£ - кичик уй, ту-раржой; ин, уя] кт. Хашаматли, кўркам бино. *Сиз ишсиз, қашшоқ йигит, лекин са-ройларда, кошоналарда яшовчиларнинг, қор-ни тўқ ва ҳамёни тўлиқларнинг фикрига жўр бўляпеиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

КОЭФФИЦИЕНТ \лот. coefficients, coefficientis — ёрдам берувчи] **1** мат. Бирор математик ифоданинг ўзгармас ёки маъ-лум кўпайтувчиси.

2 физ. Бирор физик хоссани миқдор жиҳатдан белгилайдиган кўпайтувчи. *Кен-гайиш коэффициенти. Фойдали иш коэффици-циенти.*

3 Қанча энергия фойдали ишга айла-нишини кўрсатадиган миқдор. *Ҳозир бри-гада меҳнатда иштирок этиш коэффици-циентини жорий этмоқда.* Газетадан. [Аҳме-дов] *Сувдан фойдаланиш коэффицициентини ошириш йўлларини белгилади.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

КОҲИН \а. <JJ>, \S — руҳоний; ғойибдан хабар беришни, фол очишни даъво қилув-чи; сеҳргар] Бирор воқеа-ходисани олдин-дан билиб хабар берувчи; ромчи; фолбин. *Ғойибдан хабар берувчилар икки турли бўла-дилар: биринчиси — вали, иккинчиси — ко-ҳин.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Коҳинлар дам уриб қисмат фолдан, Кўп хомуш этдилар Акрасий шохни.* А. Исроилов.

КОҲИШ \ф. J^&IZ — камайтириш; па-сайтириш] эск. кт. Ташвиш, дард-койиш. *Читтанинг нима коҳиши тушиб қолди ?С. Аб-дулла, Мавлоно Муқимий. Қочма ростгўй дўстларнинг коҳишу озоридан, Қадди рост шамнинг тилидан ўртанур парвона ҳам.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

КРАБ [голл. krab] Ун оёқли денгиз қис-қичбақаларининг бир тури (айримлари ов-қат сифатида ишлатилади).

КРАН I [голл. kraan] Газ ёки суюқликни куйиш учун хизмат қиладиган жўмракли труба. *Товушингни эшишиб, болаларинг би-рин-кешин уйдан чиқишади. Бири чопқиллаб келиб, очиқ қолган кран жўмрагини бурайди.* Газетадан.

КРАН II \нем. Kran] тех. Оғир юклар-ни кўтарадиган ва бир жойдан иккинчи жойга кўчирадиган механизм. *Кўтарма кран. Кўчма кран. ти Жўрабек кран тепа-сидаги прожектор ёритиб турган гишт уюми олдида тўхтаб, папирос тутатди.* С. Аҳмад, Хотин.

КРАНЧИ Кранда ишловчи. *..омилкор кранчилар, ташаббускор экскаваторчилар.. куйиб-тишиб ишламоқдалар.* Газетадан.

КРАСКА \р. красить — «бўямоқ, беа(т)-моқ» фл. дан ясалган от] айн. **бўёқ 1.**

КРАТЕР \юн. crater — қатта товоқ, коса] геол. Тогорасимон ёки воронка кўриниши-да ҳосил бўлган ботик, чуқурлик, мас, вулканнинг лава отилиб чиқадиган оғзи. *Да-дашев кратер атрофини айланиб чиқди.* И. Раҳим, Тақдир.

КРАХМАЛ \нем. Kraftmehl < Kraft -куч, энергия, қувват + Mehl — ғалла уни] Кўпчилик ўсимликларда фотосинтез нати-жасида ҳосил бўладиган углевод; баъзи ўсимликлардан олинадиган таъмсиз оқ по-рошок; оҳор (озиқ-овқат, кимё, тўқима-чилик саноатларида ишлатилади). *Чит тўқилгандан кейин оҳор берилади. Бунинг учун кўп миқдорда крахмал керак.* Ойдин, Суҳбати жонон. *Каишаннинг таркибида крахмал, оқсил, ёғ ва бошқа моддалар.. бор.* «Фан ва турмуш».

КРАХМАЛЛАМОҚ Крахмал бермоқ, крахмалли сувга солмоқ,. *Рўзгор учун зарур бўлган айрим буюмларни крахмаллаш ҳам фойдали.* «Саодат».

КРЕДИТ [лот. credit — у ишонади] бухг. Кириш-чиқим дафтарларининг чиқимлар, унадиган пуллар ёзиладиган ўнг томони; зид. **дебет**. -*Бухгалтериянинг дебет-кредити учма-уч бўлиши керак, — деди Очил.* Б. Раҳ-монов, Юрак сирлари.

КРЕДИТ \лот. creditum — қарз < credere — ишонмоқ] Фойда қайтариш шарти билан, вақтинча фойдаланиш учун пул ёки моддий маблағлар бериш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизи-ми; шахс ёки муассасанинг ўзига тегишли пулларни ҳисоблаб қўйиладиган счёти; қарз, насия, кредит; маблағ, чиқарилган пул. *Ўтган йилдан товарларни кредитга бе-риш шакли кенг тараққий этди.* Газетадан. *Шу тўғрисида корхона жуда катта миқдор-да жарима тўлар, маблағларнинг асосий қисми кредитдан фойдаланганлик учун сарфла-нарди.* Газетадан.

Кредит билетлари Кредит муомалалари-да олтин ёки қоғоз пуллар ўрнида ишлатиладиган тўлов воситалари (банкнот, чек, вексель ва ш. к.) **Кредит карточкаси** Банк ёки кредит муассасаси томонидан берилган ва пластик карточка кўринишидаги шахсий (эгасининг номи ёзилган) тўлов ҳисоб-китоб ҳужжати.

КРЕДИТОР \лот. creditor — қарз берув-чи] Мол ёки пулни насияга, қарзга берган муассаса ёки шахс; зид. **дебитор**.

КРЕЙСЕР [голл. kruiser — денгиз сайёҳи] Кучли артиллерия, ракета, торпеда ва ми

486

налар билан қуроллантирилган тезювар катта ҳарбий кема. *Кутбмузликларига швед ва француз крейсерлари йўл олди.* «Фан ва турмуш».

КРЕКИНГ \ингл. cracking — парчала-ниш, ажралиш] *тех.* Нефть ва унинг тар-кибий қисмларини улардаги мураккаб ут-леводород молекулаларини юқори ҳарорат ва босим ёрдамида парчалашта асосланган қайта ишлаш жараёни.

КРЕМ \фр. creme] **1** Қанд, қаймоқ, мева шираси ва ш. к. қўшиб тайёрланган нишолдасимон ширинлик (кўпинча торт, пирож-ний каби кондитер маҳсулотларини безаш учун ишлатилади).

2 Косметик пардоз мойи; ёғупа. *Неча-неча шофёрлар унга атир, уна.. крем келтириб, совға қилмоқчи бўлардилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Чармдан қилинган оёқ кийимларига суркаб, пардозлаш учун ишлатиладиган махсус мой; этик мойи. *Қора крем. Жигар-ранг крем. ит Этигимнинг креми қаерда ?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КРЕМАТОРИЯ [лот. crematorium < cremare - ёқмоқ] Кремация қилинадиган бино ёки печь.

КРЕМАЦИЯ [лот. cremare — ёқмоқ, куйдирмоқ] Жасадни юқори температура-ли махсус печда куйдириш. *Марҳумнинг [Не-рунинг] жасади Ражастанда кремация қилинади.* Газетадан.

КРЕМЛЬ \р. кремль — шаҳар ичидаги қалъа] Қадимги Русь шаҳарларида: шаҳарнинг ички қалъаси. *Москва Кремли. Қозон шаҳри кремли.*

КРЕМНИЙ \юн. kremnos - чўққи, қоя] Кварц, чакмоқтош каби тоғ жинслари таркибига кирувчи, Менделеев даврий систе-масининг IV гуруҳига мансуб тўқ кулранг кимёвий элемент. *Ер пўстида кислород, кремний, магний элементлари кўп учрайди.* «Фан ва турмуш».

КРЕОЛЛАР \фр. Creole < исп. criollo -барпо қилмоқ] **1** Лотин Америкасига даст-лаб кўчиб келган испан ва португалларнинг авлодлари.

2 Мазкур ҳудуддаги инглиз, голланд ва француз мустамлакаларида африкалик кулларнинг авлодлари.

3 Африка мамлакатларида африкалик-ларнинг тубжойли бўлмаган, келгинди халқ вакиллари билан бўлган никохларидан ту-ғилган авлодлар.

КРЕП \фр. сгере] Ипак, жун ёки оддий ипдан юзаси ғадир-будир қилиб махсус тайёрланадиган газлама.

КРЕПДЕШИН \фр. сгере de Chine -Чин (Хитой) крепи| Пишиқ, юпқа шоҳи газлама. *Нигоранинг эғнида оппоқ крепдешин кўйлак. С. Анорбоев, Оқсой.*

КРЕПОСТНИК [р.] тар. Крепостной ҳуқуқ тарафдори, крепостной ҳуқуқни ҳимоя қилувчи реакционер, помешчик; крепостнойчи.

КРЕПОСТНОЙ \р. } сфт. Помешчик-ларнинг ўзига қарашли деҳқонларга, уларнинг меҳнати ва мол-мулкига чексиз эга-лик қилишига асосланган. *Крепостной тузум. Крепостной хўжалиқ.*

Крепостной ҳуқуқ тар. Помешчиклар-нинг ўзларига қарашли деҳқонларга, уларнинг мол-мулкига, меҳнатига чексиз эга-лик қилиш ҳуқуқи.

2 от Крепостнойлик тузуми асосида помешчикка қарам бўлган шахс. *Крепостнойлар кўзғолони.*

КРЕПОСТНОЙЛИК тар. **1** Крепостной ҳуқуққа асосланган тузум. *Крепостнойлик даври.*

2 Шу тузумга хос ижтимоий муносабат-лар. *Крепостнойлик хўжалиғи. Крепостнойлик меҳнати.*

КРЕПОСТНОЙЧИ айи. крепостник.

КРЕСЛО [қад. р. кресло - хайвонни сўйиш учун тўшалган нарса; кейинчалик: кенг ўтирғич, ўриндиқ] Тирсақларни кўйиб, суяниб ўтириладиган кенг курси. *Смирнов Погодинни креслога таклиф қилди-ю, ўзи ҳам унинг ёнига стул келтириб ўтир-гач, гапнинг олдини олиб, сўз қотди. Ш. Ра-шидов, Бўрондан кучли. Машариф Қориев билан Ёқутой раиенинг рўбарўсидаги крес-лога ўтиришди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

КРЕСТ [қад. р. крест — дастлаб: Христос (Исо); кейинчалик: хочга тортиш; чўқинтириш] Христиан динида топиниш, сиғи-ниш рамзи ва предмети; бут, хоч, салиб.

2 Ўзаро кесишган икки чизиқ, лента ва ш. к. *Ўқириб келаётган, қизил крести бор оқ машина унинг рўпарасида чийиллаб тўхта-ди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.*

Халқаро Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамияти Уруш ёки табиий офатлардан за-

рар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш учун тузилган кўнгилли жамият.

КРЕСТГУЛЛИЛАР Уруғи икки палла-ли, гулбарглари крест шаклида жойлашган ўсимликлар (мас. қарам, турп, хантал).

КРИЗ [фр. crise — хуруж] Бемор аҳво-лининг тўсатдан оғирлашиб қолиши (мавжуд касаллик заминида юзага келади).

КРИЗИС \юн. krisis — ҳал қилиш; бури-лиш нуқтаси; оқибағ] **1** Бирдан, тўсатдан юз берган ўзгариш, танг ва мушкул аҳвол; танглик. *Искандар руҳий кризисни бошидан кечираётганида, Ашур унга энг маккор, ҳий-лакор, ёвуз одам бўлиб туюлди. «ЎТА». Иш-сизлик ва уй-жой кризисидан миллион-мил-лион бошпанасиз америкаликлар азоб чекмоқ-да. Газетадан.*

Сиёсий кризис Халқ оммасининг уму-мий аҳвол ва ҳукумат сиёсатидан қатъий норозилиғи орқасида мамлакатда вужудга келган танг сиёсий ҳолат. **Ҳукумат кризиси** Эски ҳукуматнинг истеъфо бериши хал этилган, аммо ҳали янги ҳукумат тузилма-ган давр.

2 тиб. Касалликнинг кескин ўзгариши, касалнинг энг оғир аҳволдан тузалишга томон ўзгариш пайти. *..иситманинг тартиб-ли суратда пасайиб боришида асосан икки ҳол мавжуд. Бундан бири «лизис», иккинчи-си «кризис» деб аталади. Н. Исмоилов, Ка-салларни парвариш қилиш.*

3 иқт. Низонинг кескин шакли бўлиб, мақсад ва маблағ, тактика ва сғратегиянинг қарама-қаршилитини, қимматли қоғозлар-нинг қайта баҳоланишини акс эттиради.

КРИМИНАЛИСТ Криминалистика му-тахассиси. *Оқилов ҳодиса рўй берган жойнинг фотосхемасини олишга уринаётган кри-миналист ходим ёнига келди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

КРИМИНАЛИСТИК Криминалистика-га оид. *Криминалистик текшириш. Криминалистик экспертиза.*

КРИМИНАЛИСТИКА [лот. *criminalis* — жиноятга доир, алоқадор] Жиноий ишларни текшириш методларини ўрганади-ган, жиноятни очиш усул ва воситаларини тадқиқ этадиган фан. *Ҳозирги кунда ил-мий-техникавий аппарат ходимлари — замонавий криминалистиканинг техник воситалари билан қуролланган юқори малакали ходимлар.* Газетадан.

КРИМИНОЛОГИЯ | лот. *crimen, criminis* — жиноят + юн. *logos* — таълимот] Жиноятчилик сабаблари ва шароитларини ўрганадиган, унга қарши кураш ва олдини олиш усуллари ҳақидаги фан.

КРИОТЕРАПИЯ [юн. *kryos* - совуқ; муз + терапия] Совуқ билан даволаш: яллиғланиш жараёнларида, қон кетишда оғриқни камайтириш, шишни йўқотиш ва б. ҳолатларда бирор аъзони, тўқималарни мўътадил (музлаб қолмайдиган) даражада совитиш.

КРИПТОГРАММА [юн. *kryptos* - ягаи-рин, махфий + *gramma* — ҳарф, ёзув] Криптография усулида тайёрланган хат ёки х,ужжат.

КРИПТОГРАФИЯ \юн. *kryptos* - яши-рин, махфий + *grapho* — ёзаман] Хабардорларгина биладиган махфий ёзув усули, мах-фий ёзув.

КРИПТОН \юн. *kryptos* - яширин, махфий] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; инерт газ.

КРИСТАЛИК Кристаллардан иборат, кристаллардан таркиб топган, кристалл тузилишга эга бўлган. *Кристаллик жинслар. Кристаллик шакллар.*

КРИСТАЛЛ \юн. *kristallos* — тоғ биллу-ри; муз] Заррача (атом, ион ёки молекула)лари муайян даврий ғакрорланувчи тар-тибда жойлашиб, фазовий кристаллик панжараҳосил қилувчи қағтиқжисм. *Музкрис-таллари. Туз кристаллари. **тш** Бор моддаси кристалларининг ажойиб мустаҳкамлиги маълум бўлди.* «Фан ва турмуш».

КРИСТАЛЛАНМОҚ Кристаллга айлан-моқ, кристалл шаклга кирмоқ. *Кристалл-ган модда. **шт** Агар фосфогипсда фосфат кис-лота кўп бўлса, кристалланиш жараёни шу қадар бузиладиги, натижада куйдирилган гипс яроқсиз ҳолга келади.* «Фан ва турмуш».

КРИСТАЛЛИЗАЦИЯ, кристалланиш Суюқланма, эритма ёки газ ҳолатидан, аморф ёки бошқа кристаллик ҳолатдан кристалланиш ҳосил бўлиши ва ўсиши.

КРИТЕРИЙ [юн. *kriterion* - фикрлаш, ечиш воситаси] Бирор нарсани баҳолаш, таърифлаш ёки таснифлаш учун асос бўла оладиган белги; баҳолаш мезони. *Бу текширишлар натижасида «Магматик ком-плекслар таркибидаги маъдан бойлигининг*

⁴⁸⁸

петрологик-геохимик критерийси» моногра-фияси майдонга келди. С. Анорбоев, Ўзбе-кистон олтини.

КРОВАТЬ айн. каравот.

КРОНА [нем. *Krone*] Чехия, Словения-да, шунингдек, Скандинавия, Болтиқбўйи мамлакатларида асосий пул бирлиги. *Лойи-ҳанинг тахминий баҳоси 3,5 миллион швед кронасига тўғри келди.* Газетадан.

КРОНШТЕЙН [нем. *Kragstein*] Болът-лар ёрдамида девор, устун ва ш. к. га маҳкамланадиган осма ускуна.

КРОСС \унзл. *cross* — кесиб ўтмоқ] *спорт.* Паст-баланд, йўлсиз, умуман, турли таби-ий тўсиқлари бўлган жойда бўладиган пой-га, югуриш ёки бирор нарсани тез

юрги-зиш мусобақаси. *Мотоциклчилар кросси. Чангичилар кросси. Беш километрга югуриш кросси.*

КРОССВОРД [*ингл.* cross-word < cross — кесишма + word — сўз] Катакларни ҳарфлар билан тўлдириб, шу катакларга яши-рилган, изланаётган сўзни топиш ўйини; бошқотирма.

КРОТ [*р., укр.* крот] Ер қазиб, ер ости-да яшовчи, ҳашаротхўр сутэмизувчи ҳай-вон. *Кротлар яхши кўрмайди, баъзи бирла-рининг кўзи тери билан қопланган. «ЎЗМЭ».*

КРУЖКА \нем. Kruse < юн. krossus — кўза(ча)] Металл, чинни ёки пластмассадан ясалган, стакан шаклидаги дастали идиш. *Алюминий кружка. Бир кружка еуе. тш Биринчисига кўзиқорин солинган картошка шўрва, иккинчисига эзилган картошка билан бир бурдадан гўшт, учинчисига бир кружка-дан сут тарқатди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

КРУЖОК [*р.* кружок — айланача, тўга-рак] Шахсларнинг бирор ҳунар ва ш. к. бўйи-ча биргаликда машғулот олиб борадиган уюшмаси (*яна қ. тўгарак*). *Матлуба эса дона-дона килиб, инглиз тилини мактабда ўқиб, кружокка қатнаб ўрганаётганини айтди. «Муштум».*

КРУЗЕЙРО \порт. cruzeiro] Бразилия-нинг асосий пул бирлиги номи.

КРУПА [*укр.* крупа - увоқ, бурда; дўл] Пўсти тозаланган, окданган дон; ёрма. *Сўк (тариқ) крупаси. Манний крупа. Арпа крупаси.*

КСЕНОН \юн. хепос— ёт, бегона] Мен-делеев даврий системасининг VIII гуруҳи-га мансуб кимёвий элемент; инерт газ (нур-ланувчи лампаларда ишлатилади).

КСЕНОФОБИЯ \юн. хепос - ёт, бего-на + phobos — кўрқиш, кўрқинч] **1** Бегона одамлардан кўрқиб қолиш, ҳар доим кўрқиб юриш.

2 Ҳар қандай чет, ўзиники бўлмаган, ажнабий нарса (турмуш тарзи, ғоя-фикр, дунёқараш ва б.)га душманлик, қаршилиқ. *Муаллифларнинг.. бошиқа халқларнинг кўп асрли анъаналари, турмуш тарзи ва мента-литетига беписанд муносабатда бўлиши оқибатида вужудга келадиган нохуш факт-лар ва турли ксенофобия ҳамда миллатчилик кўринишлари ҳақида кўп гапириш мум-кин. Газетадан.*

КСЕРОГРАФИЯ [юн. хегос - қурук; хўл бўлмаган + grapho — ёзаман] Турли тасвирлар (матнлар, ҳужжатлар)дан электрофо-тография йўли билан нусха (ксерокопия) олиш усулларида бири.

КСЕРОКОПИЯ [ксерокс + копия] Ксе-рокс ёрдамида олинадиган тасвир, нусха.

КСЕРОКС \юн. хегос — қурук; хўл бўлма-ган] **1** Ксерографик электрофототасвир аппарати.

2 Шу аппарат ёрдамида олинган тасвир, нусха; ксерокопия.

КСИЛОГРАФИЯ \юн. хулон - кесилган дарахт; ёғоч, тахта + grapho — ёзаман] Ёғоч гравюрасининг қадимдан кенг тарқалган тури; шундай гравюрадан босма усулда олинган тасвир, расм.

КУБ I [юн. кубос] **1** Ҳамма томони тенг квадратдан иборат олти ёкли геометрик шакл; шундай шаклдаги нарса.

2 мат. Бирор соннинг ёки алгебраик ифоданинг учинчи даражаси, ўз-ўзига уч марта кўпайтмаси. *3 сонининг кубу 27 бўлади.*

3 с. т. Бир куб метрга тенг ҳажм ўлчови бирлиги; кубометр. *Икки куб тахта. тш Сўнги 20 йил мобайнида Орол денгизи сат-ҳи 8 марта пасайиб, сув ҳажми 393 куб километрга камайди. «Фан ва турмуш».*

КУБ II [*р.* куб — катта тоғора, идиш < юн. кубос — идиш, коса] Суюқликларни ҳайдаш, қайнатиш ёки сақлаш учун иш-латиладиган цилиндр шаклидаги катта ёпик идиш.

КУБАНКА [*Шимолий Кавказдаги Кубан дарёси номидан*] Тепаси ясси, қулоқчинсиз, одатда қоракўлдан қилина-диган пастак телпак. *Ўтаётган колонналар, солдатлар, командирлар кулранг шинель, ку*

490

банка кийиб олган қизил юзли, қора кўзли, ўрта бўйли қиздан кўз узолмас эдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КУБАТУРА [*р. <«куб» сўзидан*] Бирор нарсанинг кубометр ҳисобидаги ҳажми. *Хонанинг кубатураси. тт Жўжахонага, унинг кубатураси зътиборга олиниб, соф ҳаво берилади. «Ўзбекистон паррандачилиги».*

КУБИЗМ Ғарбий Европа тасвирий санъатида 20-аср бошларида юзага келган, нарсаларни содда геометрик шакллар (шар, конус, куб кабилар) комбинацияси тарзи-да тасвирлашдан иборат модернистик оқим.

КУБИК [*р. <«куб» сўзидан*] **1 Куб** с. кичр. шакли.

2 Ҳар бир ёгида расм бўлаклари, харф ва ш. к. тасвири бўлган, маълум тартибда терилганда, бир бутун тасвир, сўз ва ш. к. ҳосил бўладиган, куб шаклидаги ёғочлар-дан иборат болалар ўйини.

3 с. т. Бир куб сантиметрга тенг \ажм ўлчови бирлиги. *Уч кубик глюкоза.*

КУБОК [*р. «куб» с. кичр. қ. куб II*] Спорт мусобақаларида: ғолиблар учун соврин си-фатида бериладиган (одатда, қимматбаҳо нарсадан тайёрланадиган) ваза, идиш ва ш. к. *У[Бўри]ўз даврида турли муеобақалар-да қатнашиб, кубоклар олган. Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. Улар [физкультура-чилар] мамлакатимиздаги ва чет эллардаги стадионларда қўлга киритилган кубоклар ва эсдалик совринларини кўтариб олганлар. Га-зетадан.*

КУБОМЕТР [куб + метр] Ҳар томони бир метрдан бўлган, яъни бир куб метрга тенг ҳажм ўлчами. *Бир кубометр тахта. Ўн кубометр цемент. Юз кубометр сув.*

КУВ [*ф. + туркий ој\$ — ёғоч тўқмоқ, болға; суюклик солинадиган катта кўза*] Сутни чайқатиб, ёғини олиш учун ишлан-ган, цилиндр шаклидаги узун ёғоч идиш ва унинг учи йўғонлашган таёқсимон сопи. *Те-рар жирини кув ҳам сепарат, Бринзам бозор-га бўлур рўпара. С. Абдулла, Ҳаёт гулшани.*

Кув пишмоқ Кувда қайта ишлаб, сутнинг ёғини олмоқ. *Майрам она айвонда кув пишар эди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.*

КУВА I Бўғзи сиқикроқузун сопол идиш (сув, сут ва ш. к. суюкликлар солиш учун ишлатилади). *Узум келди челак-челак, Сават-ларда иссиқ нон. Кувачада айрон тўла, Кўза-ларда яхна чой. Т. Тўла. Ҳозир Дадаш бедаво кувасидан ачиган айронини тўкмай туролмас-лигини билса-да, бари бируйга қайтишади. А. Дилмурод, Фано даштидаги куш.*

КУВА II Косибчиликда чармни уриб текислаш, чўзиш ва ш. к. учун ишлатилади-ган оғир темир асбоб. *Бурушган эски чарм-ларни хўллаб, кунда устига қўйиб, кува би-лан текислашни жуда севар эдим. Ойбек, Болалик.*

КУВАЛАМОҚ Кува билан уриб текис-ламоқ, чўзмоқ. *Чармни куваламоқ.*

КУВРАК Чайнаганда касир-кусур қила-диган (бодринг, сапча ва ш. к. ҳақида). *Кув-рак олма. тт Комилжоннинг қовуни ҳам ши-рин, ҳам хушхўр чиқди. У шакарпалакнинг сал кувракрогини танлабди. Ҳ. Иброҳимов, Ойдин кечада.*

КУДУНГ [*ф. S^IS. - ёғоч тўқмоқ, ку-ракча; жўва*] махс. Тўқилган матони уриб текислаш, силликлаш ва унга жило бериш учун ишлатиладиган тўқмоқсимон ёғоч ас-боб ва шу асбоб ёрдамида қилинган пардоз. *Хотинчалиш бир йигит белидан ҳали кудун-ги бузилмаган саккизтепки атлас билан боғ-лаб қўйилган эди. С. Ахмад, Тўлқинлар.*

КУДУНГТАР Кудунгловчи уста. *Кудунг-гарнинг минг ургани — босқончининг бир ур-гани. Мақол.*

КУДУНГЛАМОҚ *махс.* Кудунг билан пардозламоқ, жило бермоқ.

КУДУНГЧИ *айн.* кудунггар. У[Искан-даровнинг отаси] ҳали гула қўяр, ҳали кудунгчиларга қарашар, ҳали дўконга ўтириб, моки отарди. Ё. Шукуров, Қасос.

КУДУРАТ \а. СJJJAZ - хафалик, қайғу-алам, дил ғашлик] *кт.* Кўнгил ғашлик, хафалик. *Келинг энди, бирпас тотув бўлиб, маҳ-рам гаширдан гапиришиб, кўнгилдаги кудурат-ларни ёзайлик.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

КУЁВ 1 Қизнинг эри (қизнинг ота-она-си, ака ва опасига нисбатан). -*Йўқ, ойи, ҳеч нима керак эмас, — яна мулоим гапирди қизи, — куёвингизни жўнатаман, деб чарчадим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фотиҳа ўқилиб, куёв қайин снага узр айтди.* А. Кодирий, Ўтган кунлар. *Салимбойвачча илдам-лик билан уларга югурди. Синглисидан аҳвол сўраб, куёвининг қўлини сиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Энди уйланадиган, уйланаётган ёки янги уйланган йигит (ўз қайлиғига, хотинига нисбатан). *Хонзода бегим ҳозир йигир-*

ма ёшдалар.. шу вақтгача муносиб куёв уч-рамай, доғда эдик. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сен ҳали денгизни кўрганнинг йўқ, қизим! Худо хоҳласа, куёвинг билан бирга кўрасан.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Булар келин билан куёв бўлса керак.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Янги уйланган йигитга қариндош-уруғ ёки яқин кишиларининг мурожаат шакли. *Тўладан келган, хушфеъл Каримович ҳам дастлабки кундан бошлаб унга ёқиб қолган эди. - Куёв, ишлар қалай ? — сўради у, столи устидаги ярқираб турган ойнада қизил каламни ўйнаб.* Мирмуҳсин, Умид.

Ич куёв қ. ичкюёв.

КУЁВБОЛА Янги уйланган ёки уйла-наётган йигитга нисбатан ҳазил-эркалаш маъносига қўлланади. *Шунақанги башанг кийинишадики, ҳай-ҳай, нақ куёвболами дейсиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамла-кати.

КУЁВЛИК Куёв ҳолати, куёв, куёвга хос бўлишлик. *Куёвликка маъқул кўрмаслик. Куёвлигини ҳурмат қилмоқ. ти Мен.. яйраш интизорлиги билан сандиқда сақлаб келган куёвлик сарполаримни кийдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУЁВНАВКАР Тўй маросимида куёв билан бирга бўлувчи жўралар. *Унинг нигоҳи куёвнавкарлар ичидан Тўра акани излаб топ-ди.* «Ёшлик».

КУЗ 1 Ёз билан қиш ўртасидаги фасл, *Кеч куз. Кузга яқин. тт Шу орада яширкан Бир бадавлат — бой хўроз, Роҳат умр кўрар-кан Кузу қишу баҳор, ёз. 3. Диёр. Дераза ол-дидаги тол новдасидаги япроқлар куз шамо-лига бардош беролмай, узилиб. ерга тушар-ди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 қўчма Даврнинг, мас, киши хаёти-нинг, умрнинг охириги дамлари. *Кимдир шошилиб жавоб қайтарди: -Бу гал унинг [душманнинг] кузи келади.* Н. Сафаров, Комиссар Қорабоев. *Ахир ёшимиз кетяпти, умр баҳоримиз ўтиб, кузимиз яқинлашиб келяп-ти, Ҳаётхон!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУЗАК *с. т. айн.* **куз 1.** Қизим, сен олам-га келганинг чоғи Кузак ҳам баҳорга айланди чоғи. У. Пўлкан, Бир баҳор достони. *Бизни ҳам чорларди кузакда терим, Гурпаклашиб юриб пахта терардик.* Э. Воҳидов.

КУЗАМОҚ I 1 Текис қилиб кесмоқ, қирқиб текисламоқ (ёлни, соқолни, мўйловни). *Тойнинг ёлини кузамоқ. тт Ота*

[Охунбобоев] унинг/Мустақимнинг] гапла-рини гоҳ панжсалари билан чиройли кузалган соқолини тараб, гоҳ келишган мўйло-вининг учини ҳимариб, юзи-кўзи кулиб эшитди. Й. Шамшаров, Улғайиш. *Эндиги-на қирқни ҳатлаган бу банда, чиройли кузалган қоп-қора соқолини демаса, ёшига нисбатан ёш кўринар эди.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

2 Дарахт ва буталарга манзарали тус бериш учун ортиқча шох-шаббаларини кесиб текисламоқ. *Талашув.. хиёбондаги хоразмча чўғирмага ўхшатиб кузалган пака-на дарахтлар тагида ҳам давом этди.* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

КУЗАМОҚ *II шв.* Кетмоқ, жўнамоқ (en-ror маросим, меҳмондорчиликдан сўнг).
Меҳмонлар анча кеч кузади.

КУЗАТМОҚ *1* Кетаётган киши билан хайрлашиш учун бирор ергача бирга бор-моқ, бирор ергача бориб, чиқиб, хайр-хўш қилмоқ; узатмоқ. *Меҳмонларни вокзалгача кузатиб чиқмоқ. тт Комил билан Бўронбек Зиёдиллани кузатиб қўйиш учун далага чиқишди. Ҳ. Гулом, Машғал. Адҳам шунча ку-затиб қўяман деса ҳам, Каромат кўнмади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Ичкарида Ўзбек ойим меҳмонларни кузатиб бўлиб, Кумуш билан онасидан хўптак олар [гина қилар] эди, А. Қодирий, Ўтган кунлар. Авайуни мо-зористон четидаги йўлгача кузатиб қўйди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Билиш, аниқлаш мақсадида синчик-лаб қарамоқ, кўздан кечирмоқ. *Кўёш тутилишини кузатмоқ. ит Эргаш минбарнинг панжарасини бармоқлари билан қисиб, кўзла-ри чақнаб, халқни кузатарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Краснов.. ҳарсиллаб-гурсил-лаб, дарахтга чирмашди-да, теваракни ку-затди. Ойбек, Кўёш қораймас. Юсуфжон.. Шомат қизиқнинг ўйинларини диққат билан кузатиб, ўрганади. Т. Обидов, Юсуфжон қизик.*

3 Зимдан қараб текшириб турмоқ, таъ-қиб қилмоқ. *Уларни четроқда илжайиб кузатиб турган чойхоначи, ҳеч воқеага тушун-май, юзига фотиҳа тортди. С. Сиёев, Ёруғ-лик. Душан қочган жойи кузатиш жойи экан-лиги аниқланди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

4 Бирор нарсани (мақсадни) назарда тутмоқ; кўзда тутмоқ, кўзламоқ. *Агар Му*

492

сулмонқул бу ишларни бир яхши мақсадни кузатиб қилганда, золимларни ўртадан кўта-риб, юртга осойиш берганда, унга ким нима дея олар эди?А. Қодирий Ўтган кунлар. Ке-йиндан маълум бўлдики, бу Боқимирзонинг бу ерга келишдан кузатган муддаосига дахлдор экан. А. Қаҳҳор, Мирзо. Бомбалар кузатил-ган мўлжалга — газандалар тўпланган жойга тушар, ҳаммаёқни ларзага келтириб.. ёвни қишратарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

КУЗАТИЛМОҚ *1* Кузатмоқфл. мажҳ. н. *Меҳмонлар кузатилди. Кузатилган мақсад.*

2 Маълум бўлмоқ, кўзга ташланмоқ, билинмоқ. *Тепки касоли билан ҳамма ёшида-гилар ҳам оғриши кузатилади. «Саодат». Тур-кий шуб феълларнинг нг, н, л ауслаутлила-рига эътибор берилса, улар бир хил семан-тик-грамматик ифодага эга эканлиги куза-тилади. «УТА».*

КУЗАТИШ *1* Кузатмоқфл. ҳар. н. *Куза-тиш керак.*

2 Текшириш, билишга қаратилган иш, ҳаракат. *Олим Фарғонани кезиш давомида илмий кузатишлар олиб борди. «Ўзбекистон кўриклари».*

КУЗАТУВ *айн. кузатиш.* *Кузатув пунк-ти. Кузатув ишлари. тт Дарвоқе, 18 метр баландликда — ижодиёт уйининг тепасида махсус барпо қилинган кузатув майдончаси ҳам болажонларни ўзига тортмоқда. Газе-тадан. Геологларнинг кенг миқёсда олиб бор-ган кузатувлари туфайли бу ерларда талай-гина конлар аниқланди ва ўзлаштирилди. Га-зетадан.*

КУЗАТУВЧАН Астойдил, берилиб ку-затадиган.

КУЗАТУВЧАНЛИК Астойдил, берилиб кузатиш, шундай хусусият. *Ақлу мулоҳаза, кузатувчанлик яқун ясамоққа етса, тасан-но! Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

КУЗАТУВЧИ *1* Кузатмоқ фл. сфдш.

2 Кузатиб, текшириб, назорат қилиб турувчи; назоратчи. *Тест синовлари пайтида аудитория кузатувчиларига катта масъули-ят юкланади. Газетадан. Франция-Бразилия учрашуви олдидан мутахассис ва кузатувчи-ларнинг фикрлари турлича эди. Газетадан.*

КУЗГИ Кузга хос, кузда бўладиган. *Кузги ёмғир. Кузги мева. Кузги йиғим-терим. Куз-ги экинлар. Кузги шудгорлаш. тт Комилжон.. анчагина жойга кузги кўчатлар ўтқаздир-ган эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

КУЗИР, кузур [р. козьфъ < пол. козуга -бадавлат, ўзига ишонган] **1** Карта ўйини-да: бошқа хол, ранг-тусдаги карталардан ус-тунликка эга бўлган ва бошқа холдаги карталарни боса оладиган карта. *Кузирни юр-моқ. Кузир билан босмоқ.*

2 с. т. кўчма Маълум жиҳатдан устун-ликка эга бўлган, ўз кучига, бойлигига ишонган одам; зўравон, дўкай. *Эркинлик ҳавас қилмас инсон йўқдир жаҳонда, Дав-лат йўқким, мустақил бўлмай деса кузи-ри.* Б. Бойқобилов. *Асакалик машҳур қимор-боз Қулматқора «тўртол»чиларнинг «елка-си ерга тегмаган» кузури эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КУЗЛИК Кузга мўлжалланган, кузга хос; кузги.. *Кузлик кийим. тт Минглаб та-ноб ерлардаги кузлик бугдой музлаб қолди.* С. Сиёев, Аваз.

КУЗОВ [р. кузов < тат. қўзов - дарахт пўстлоғидан қилинган сават| Автомашинанинг одам ёки юк жойлашадиган қисми. *«ЗИС»нинг кузовида ўтирган раис ҳаммани қулдириб, тўсатдан Комила холани қучоқ-лаб олди.* О. Ёқубов, Бахрр кунларидан бирида. *Кузов тўла шагал билан Туямўйин та-рафга кетаётган эдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КУЙ 1 1 Маълум мусиқа асари, ашула, кўшиқ ҳрсил қилувчи мусиқий товушлар бирлиги; оҳанг. *Кувноқ куй. Мунгли куй. Янги куй яратмоқ. тт Йўлчи бир нафас тараддуд-ланиб, бошқа бир куйни чалди-да, кейин най-ни болага берди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Мусиқа асарига ўхшаш оҳанг. *Чумчуқларнинг тинмай чириқ-чириқ сайрашлари ажойиб бир куй ҳосил этган.* С. Зунну-нова, Янги директор.

КУИ II айн. **кўй 2, 3.** *Ўн қадоқ жўхори туфайли шу куйга тушаман, деб Аваз сира ўйламаган эди.* С. Сиёев, Аваз. *Ёр куйида адо бўлдим. «Муродхон». Бир оз ҳовурдан туш-ган Мўмин бўйинини эгиб, орқасига қайтди ва шу куйи судралиб бориб, қўлига кетмони-ни олди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУЙДИ-ПИШДИ Ҳар бир ишга астой-дил киришувчи; куйинчак. *У сергайрат, куйди-пишиди, қизиққон, сержахл йигитлар-дан эди.* Ҳ. Шамс, Душман. *Қарши даштини пахтазор, экинзор ва боғ-роғга айлантириши мумкинлигини.. асослаб берган куйди-пишиди инсон Раҳматилла Алимов эди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

КУЙДИРГИ Одамга хайвонлардан юқа-диган, тери, меъда-ичак ва ўпкага зарар етказадиган ўткир юқумли касаллик. *Қора-мол, қўй ва эчкилар кўпинча куйдирги ҳамда оқсил касалликлари билан оғрийдилар.* О. Азизхўжаев, Эҳтиётлик шартлари. У.. *ўн йилча илмий тадқиқот ишлари билан шугул-ланиб, куйдирги, бўғма, қутуриши каби даҳшатли касалликларга дунёда биринчи бўлиб даво топди.* «Фан ва турмуш».

Куйдирги чикмоқ Баъзи сўзлар билан кўлланиб, шу сўз билдирган нарсанинг йўқ бўлиши, йўқлиги; шундай бўлиши ҳақида-ги қарғиш маъноларини билдиради. *Аммо бахтига куйдирги чиққан эканми, худди шу кабинетга Жўрабеков момақалдироқдай гум-бурлаб кириб келди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ме-нинг ўз отим бор! Ўз отимга куйдирги чиқ-қан эмас!* А. Қахҳор, Оғрик. *Ҳа, сени.. Ти-лингга куйдирги чиққурИС* Анорбоев, Оқсой. *Бу сўзларни оғизга олганда, ҳали ҳам гпи-лингизга куйдирги чиқмаган экан.* А. Мух-тор, Тонг билан учрашув.

КУЙИБ-ПИШИБ 1 Астойдил куйиниб. *Абдураҳмонбой кушиб-пишиб жавраёшган домлага ачинган бўлди ва унга тасалли бер-ди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал. *Устудентларни жой-лаштиргунча анча қийналган бўлса керак, чехраси ҳорғин, уст-боши чанг, кушиб-пишиб, қаттиқ гатирарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинг-га кулоқ сол.

2 Жон-жаҳди билан берилиб. *Кун бўйи куйиб-пишиб ишлаганидан тунлари донг қотибухлайди.* Т. Ашуров, Оқот. *Аллақаер-да куйиб-пишиб бедана сайрайди.* Шухрат,

Жаннат кидирганлар. Бу соддадил чолнинг куйиб-пишиб отини мақташидан атрофдагилар ҳам завқланиб кулишиди. Мирмухсин, Меъмор.

КУЙИБ-ПИШМОҚ 1 Ортиқ даражада ташвишланмоқ, куйинмоқ. *Отам бўлса тушунолмади: -Ҳа, нима гап ўзи, нима бўлди? — деб куйиб-пишади бечора.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Игнани йўқотиб қўйган куни куйиб-пишиган Тошматов директор кабинетига хомуш кириб келди. «Муштум». Чокар ҳазилга ўч йигит эди. Ҳаётдаги кўп ноҳақликларни кўрса-да, куйиб-пишавермас.* С. Сиёев, Аваз.

2 Жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқ, ишламоқ. *Мен шунча йилдан бери куйиб-пишсам ҳам, ҳеч қайсинг «Отанга раҳмат!» де-гинг келмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Биласизми, биров сизга катта ишни ишониб топ-ширганидан кейин, куйиб-пишимасанг бўлмас экан.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КУЙИК Куйган. *Черницов жангчи Ази-мов қўлидаги куйик нонга разм солди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Жувоз ичини кунжара, зах, куйик ёғ ҳиди тутиб, чироқнинг хира акси ўйнайди.* Н. Фозилов, Оқим.

КУЙИКМОҚ биол. Жинсий фаоллик даврига кирмоқ, «эрсирамоқ» (урғочи хайвонлар ҳақида). *Христианларнинг 7ҳафта-лик рўзалари хайвонларнинг кушккан вақтига тўғри келади.* Газетадан.

КУЙИНДИ Куйган нарса, куйиш натижасида ҳосил бўлган қолдик, куюк. *Кудрат.. шу ёқиши ҳид ичида қирмочнинг куйинди иси-ни пайқамади ҳам.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқдар. *Йўлнинг икки бетида илдизи билан қўпориб ташанган.. дарахтлар, куйинди ҳиди анқиб турган чакалакзор-бутазорлар.* З. Фат-хуллин, Сўнмас юлдуз.

КУЙИНМОҚ 1 Қаттиқ ачинмоқ; таш-виш тортмоқ; хафа бўлмоқ. *Элмурод бадиий асарлар одамларнинг ташна дилларига на-кадар роҳат бағишлаганини сезар, лекин бун-дай асарларнинг ўз тилимизда камлигидан кушнар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Э худо, шунча хор қилгунча, омонатингни олиб қўя қолсанг нима қилади-я! — деб куйинади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Аяш, ачиниш, ғамхўрлик билан қай-ғурмоқ. *-Вой ўлмасам, чиқ-а, чиқ вагонингга, юрагимни ёрдинг, — деди онаси куйиниб.* Н. Сафаров, Саодағнинг қиссаси. *Низомжон урушида эри, ўғли ҳалок бўлган аёлларни кўрган. Уларга ич-ичидан куйинади.* С. Аҳмад, Уфқ.

КУЙИНЧАК Ҳар нарсага ҳам ачинаве-радиган, қайғураверадиган, куйиб ташвишланаверадиган; астойдил ғамхўрлик қила-диган. *Содда, болалари учун куйинчак, қўни-қўшниллар, ақраболар билан ҳамшиша хушмуо-мала аёл.* Ойбек, Навоий.

КУЙИНЧАКЛИК Куйиниш ҳисси, му-носабати. *Сўнг.. ортиқча куйинчаклик қилаётганини пайкаб қолиб, энди ўзини мумкин қадар бемалол тутмоқчи бўлди.* Ш. Холмир-заев, Қил кўприк. *Хиқ тўпланган вақпъирда у аксари шундай куйинчаклик кўрсатар, қўлдан келганича меҳмондўстлик қилишига тиришар эди.* Ойбек, Навоий.

КУЙИТ шв. Дард, алам; айрилиқ, фи-рок, доғи. *Холангўглининг куйитида адо бўлди.* 423 ду[^]

тт Умрининг ярми бўз отга боғланиб келган чавандоз Бўтабой полвоннинг дафн мароси-мидан кўп ўтмай, эгасининг кушитига чидай олмаган от жонивор ҳам жон таслим қил-ди. Газетадан.

КУЙИШ тиб. Юқори ҳарорат, кимё-вий моддалар, электр токи ва радиоактив нурлар таъсирида тўқималарнинг шикаст-ланиши.

КУЙКА I Лочинсимонлар оиласига ман-суб йиртқич қуш. *Дон ўзриси — юмронқозикнинг шу қадар динг қулоғи ҳам уни ўтқир кўз куйканинг ҳужумидан сақлаб қололмаган.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

КУЙКА II с. /тз. Искирт, ифлос.

КУЙЛАМОҚ 1 кт. Қўшиқ ёки ашула айтмоқ. *Сувчи кезар шўх қўшиқ куйлаб.* Ғайратий. *Кимнингдир майин овоз билан куйла-гани.. эшитилди.* «Гулдаста». Баъзи вақт

унинг кўшиги Унсин қулогига етади. Чол хас-та овоз билан куйлайди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 *поэт.* Мадх этмоқ; тараннум қил-моқ. У севги ҳақида ўйлар экан ё сўйлар экан.. севгини куйлаб ўтган зотлар сий-моси кўз олдидан кетмас эди. М. Исмои-лий, Фарғона т. о. Муқаддас замон ҳаққи, ёқа тутиб айтаман, Қанииди, куйлайвер-санг ҳамиша бахтни тўлиб. А. Орипов, Юртим шамоли.

КУЙМАЛАНМОҚ Майда-чуйда ишлар билан ўралашмоқ, машғул бўлмоқ; ивир-симок. Қайирма этигининг чангини қоқиб-қоқиб, айвон сари юрган эди, ўчоқбошида куймаланиб юрган онаси пешвоз чиқди. М. Ҳазратқулов, Журъат. Айвонда.. куймаланиб ўтирган она қалин-қалин ясалган зогора нон-ларни саватга терди-да, оёғига йиртиқ ка-вушини илиб, тандир бошига югурди. Ойбек, Улуғ йўл.

КУЙМАНМОҚ айн. куймаланмоқ. Тур-сун хола уйда.. беташивиш, майда-чуйда иш билан куйманиб ўтирарди. Ҳ. Нурий, Ло-чин боласи — лочин.

КУЙМОҚ 1 Аланга чиқармай ёнмоқ. Тутаб куяётган от эти ва терисининг қўлан-са ҳидидан унинг кўнгли беҳузур бўлиб, боши айланди. Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 Умуман, ўт-олов олмоқ; ёнмоқ; ёниб ишдан чиқмоқ. Халқ азиз фарзандларининг хунини ундан талаб қилади; бурнини ерга ишқаб, вайрон бўлган шаҳарларини, куйиб кул бўлган қишлоқларини тиклаб беришига маж-бур қилади. А. Қахҳор, Иккиннинг бири.

3 Ортиқ даражада қизиб (эриб), ишдан чиқмоқ (электр асбоблар ҳақида). Лампоч-ка куйиб қолди. Дазмол куйиб қолибди.

4 Ортиқ даражада исиб-қизимоқ; ҳаро-рати кўтарилмоқ. -О-о, офтобда қолибсизлар-ку? — деди у, халқнинг офтобда куйиб турганлигини энди кўргандай. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Август ойи жазирамаси — куйиб ёнар эди ҳамма ёқ. Э. Раҳимов.

5 Ўт-олов ёки куйдирадиган нарса таъ-сирида зарарланмоқ, жароҳатланмоқ (ти-рик организм ҳақида). Қайноқ сув тўкилиб, оёғи куймоқ. Олов сачраб, қўли куймоқ.

6 Қуёш иссиғи таъсирида қуриб-қовжи-раб кетмоқ, нобуд бўлмоқ (ўсимликлар ҳақида). Яна бир йили қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, экинлар куйиб кетди. А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 кўчма Бекор бўлмоқ, беҳуда кетмоқ; ажраб қолмоқ. Меҳнатингиз куймайди. Ун-майди ҳам, куймайди ҳам. Матал. **тм** Болта-бой, икки кун ишлаб, дарров табелчидан ишкоят қилаётибди, деб ўйлади шекилли, унга [Сидиқжонга] тик қараб: -Ийма қил-ди? Ҳеч кимнинг ҳақи куймайди! — деди. А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. Бечора хотинлар бўлса, эрларидан бекитиб юрган пул-ларини даъво қилолмай, дамлари ичларига тушиб, куйиб қола берадилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

8 кўчма Бирон кимса ёки нарсадан за-рар-зиён кўрмоқ, ёлчимай азият чекмоқ. Бу одамга қандай вазифа беришни ўзларингга ҳавола қиламиз, лекин ҳосилот кенгашига раис қилсаларинг, куймайсизлар. А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. Тўлаган ҳам кўп огаи-ниларидан куйган, кўпларидан аламзада экан. А. Қахҳор, Оғайнилар. Кўнгли очик, содда йигит экансиз, мен ҳам эрдан куйганман. М. Иброҳимов, Йўлакдаги мухаббат.

9 с. т. Харж бўлмоқ, пули кетмоқ. Бун-га сизнинг пулингиз куйибдимми? Пули куйган қалампир чайнабди. Мақол.

10 кўчма Алам қилмоқ, алам қилиб бўғилмоқ; қаттиқ хафа бўлмоқ, ғам-алам чекмоқ. Ўзи билмайди-ю, менга ўргатганига куяман! А. Қахҳор, Санъаткор. Қўйинлар, чироқларим, сўраманашр. Бизнинг кўрганла-римиз қурсин — эшитманлар ҳам, куйманг-ларҳам. П. Турсун, Ўқитувчи. -Йўлчи ўғлимнинг қони қутлуг, уни юзга, кўзга суртиши керак, — чуқур хўрсиниб давом этди чол, — куйма, қизим [деди Унсинга]. Ойбек, Тан-ланган асарлар.

11 кўчма Қайгурмоқ; ачинмоқ. *Мен кет-дим, энди сенга ким куяди.. Она шундоқ бўлар экан.* 'А. Қаххор, Қўшчинор чирокдари. *Эшон туни билан ухламай, қуръон ўқийди. Уз тақ-дири учун куяди, худога нола қилади.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

12 Алам-изтироб чекмоқ. *Ёр ишқиди куймоқ. ти Қошинг асли қорадир — ўсма кўйганинг ёлгон, Сенинг учун мен куйган — сенинг куйганинг ёлгон.* «Қўшиқлар». *Лутфинисо каби қадрдон бекасининг ўлимига куйган Ёрмат тўйни тезроқ ўтказиш хусусида оғиз очмай кўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Ичи куймоқ Бахиллик ёки рашк ҳисси билан хафа бўлмоқ, алам қилмоқ. *Яккаҳў-жалликлар, ёш-яланг, аёллар ва болалар иш бошланган ерга бордилар. Қизиққанлар ҳам, ҳайрон бўлганлар ҳам, ваҳимага тушган ва ичи куйганлар ҳам эргашиди.* П. Турсун, Уқитувчи. **Оёғи куйган товукдек қ. оёқ. Охи-рати куймоқ дин.** Гуноҳкор бўлмоқ, дўзахга тушмоқ. **Оғзи куймоқ қ. оғиз. Сих ҳам куй-масин, кабоб ҳам қ. сих. Уйи куймоқ** Катта, жиддий зарар кўрмоқ, хонавайрон бўлмоқ. [*Юсуфбек ҳожи:*].. *Азизбек бу кун сизларга яхшилигингизни ўттиз икки танга солиқ билан қайтармоқчи бўлди.. Уйинг куйди, му-сулмонлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Юра-ги куймоқ** 1) кучли даражада чанқамоқ. *Оқсоқол парво қилмай гапирди: -Бай-бай.. Юрак куйиб кетди. Қани, бир пиёла муздек сув олиб чиқинг-чи!* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ишқ ўтида ўртанмоқ. [*Тожибой Гулсумга:*] *Сени парвардигорим менинг учун яратган. Сенинг ишқингда юрагимнинг ярмиси куйиб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУЙЧИ кт. **1** Ашула, кўшиқ айтиш билан шуғулланувчи шахс, ашулачи.

2 кўчма Санъатнинг бирор соҳасида шахс ёки нарсани улуғлаб тасвирловчи; ташвиқ қилувчи (шоир, ёзувчи, рассом ҳақида). *Адолат куйчиси. иш Шу хусуси-ятларнинг ўзиёқ шоирни суюкли ва ардоқ-ли халқ куйчиси мартабасига кўтаради.* «ЎТА». *Ким у ийглаётган, Навоиймикан Ва ё май куйчиси Хайёммикан, дод!* А. Ори-пов, Руҳим.

КУ(К)-КУ тақл. с. Какку, мусича каби қушларнинг сайрашидан чиқадиган товушга тақлидни билдиради.

КУК(К)УЛАМОҚ «Кук-ку, кук-ку» («ку-ку») дегак овоз чиқармоқ. *Белимда пул, бошимда савағичдан тўқилган катта қафас-да куккулаб турган бир жуфт кумри.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Меҳмонхона пештоқида мусича кукулади.* С. Аҳмад, Саҳарларда.

КУКУН Қаттиқ жисмнинг майдаланган зарралари; толқон, порошок. *Қўргошин кукунни. Кўмир кукунни.* **шш** Раҳмонқулов оҳак кукунни ачитган ялтирок бошини тинмай артиб, ким биландир гаплашиб турарди. А. Мухтор, Туғилиш.

КУКУНЛАМОҚ Кукун ҳолига келтир-моқ, кукун хрсил қилмоқ. *Сувоқучун қўлланадиган аралашма тайёрлашнинг техноло-гик жараёни майдаловчи ва қориштирувчи қурилмали агрегатларда фосфогипс билан оҳакни бир вақтда қориштириши ва кукунлашдан иборат.* «Фан ва турмуш».

КУЛ Бирор нарсанинг ёниб-куйишидан ҳосил бўладиган оқиш-қора ёки кўкиш чангсимон минерал қолдиқ. *Тошкўмирнинг кули.* **тт** Ўчоқдаги ўшни еекин-секин кул бос-(<)и. Ойбек, Танланган асарлар. *Солиҳ чека-ётган сигаретасининг кулини қоқар экан, узилиб қолган гапини давом эттирди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

КУЛАЛА \ф. **4** \!}К — жингалак соч! : **ку-лала бўлиб ётмоқ** Оёқ-қўлини йиғиштириб, ғужанак бўлиб ётмоқ. *Иккинчи супада бўлса, бағрини бир умр ёнбошдан кўтармасдан, бир тўда латта-путталар орасида кулала бўлиб, ҳикоямизнинг қаҳрамони Мамажон ётар экан.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

КУЛАНКИР \ф. Л\<. - турна] Товуқ-хўрознинг йирик ва зотли бир тури. *Ҳовлидаги катта жийда шохиди ётган куланкир хўроз учинчи бор қичқираётганда, Қуттоёқ бирдан вовуллаб, эшикка ташланди.* А. Му-хитдин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

КУЛАҒОН Жуда кўп куладиган. *Кула-гон бола.*

КУЛБА [ф. **4** Л\ — коронғи, тор уйча; хужра] Кичик, кўримсиз, бечораҳол уй; бошпана. *Камбагал деҳқонларнинг кулбаси-дан фарқ қилмайдиган бу уй ана, рўпарада*

шумшайиб турибди. Х. Фулом, Машъал. *Ой-динли қиш кечаси шундай гўзал, шундай улуг-ворки, ҳатто хизматкорларнинг хароб кул-*

425 дү^

басиҳам.. аллақандай бежирим манзара яеай-ди. Ойбек, Танланган асарлар.

КУЛГИ 1 Хурсандлик, вақтичоғлик ва завк^анишни ифодаловчи, бўлиниб-бўлиниб чиқадиган товушлар, овозлар. *Сами-мий кулги. Залда кулги кўтарилди. ти Си-диқжон кимнингдир қаттиқ кулгисидан уй-ғониб кетди.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қоғози кўчган деворлар, тоза бўлса ҳам, эскириб кетган дарпарда, сарғайган чойгумни кўриб, қаноат ҳосил қилди, ше-килли, яна кўзларида кулги ўйнади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Мазах ёки калака қилинадиган нарса; калака, мазах ифодаси; масхара. *Бу ўринсиз ишдан Офтоб ойим аччиқланди: -Маним ҳолим сенга кулгими, қизим? А. Қодирӣ, Утган кунлар. «Биронтасини чақирсам, ке-йин, албатта, масхара қилишади, кулги, мазах учун уларга баҳона топилади», деб ўйла-ди Гулнор.* Ойбек, Танланган асарлар.

КУЛГИЛИ 1 Кулги кўзгатадиган, кул-дирадиган; қизиқ. *Гўё зеҳни боягидан ҳам ўткирлашиб, тили бийронлашиб кетгандай, шўх, кулгили гаплар хаёлига ўзидан-ўзи қу-йилиб келарди.* О. Ёқубов, Мирзатерак.

2 Масхара ёки калака бўладиган. *Улар-нинг [Элмурод билан Гулсумнинг] усти-бош-лари батамом ивиди. Шундай кулгили бир ҳолда гузарга кириб бормаслик учун, қишлоқ четидаги эски бир эгасиз уйнинг айвонида ёмғирнинг тўхташини кутдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУЛГИЛИК: кулгиликка олмоқ Жиддий гапни ҳазилга бурмоқ, айлантормоқ. *Икки-ланиб берилган бу жавобдан Ҳомид билан Раҳмат бир-бирларига қарашиб олдилар. Отабек бу ҳолатни сезди ва ўзининг сўзини кулгиликка олиб, изоҳ берди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

КУЛГИЧ айн. **кулдиргич.** Унинг расо бўй-басти, қуралай кўзлари, ўнг бетидаги кул-гичи.. кўзўнгидан ўтди. С. Сиёев, Отлиқаёл. *Гавҳар анча тўлишиб, чиройли бўлиб кет-ган, қуюқ киприклари орасига яширинган кўзлари ўтдай порлар, нимранг ёноқларида кулгичлар ўйнарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

КУЛДИРГИЧ Киши юзида (ёноқлари-да) бўладиган, кулганда аниқ кўринадиган чуқурчалар. *Малоҳат Каримованинг юз-ларига қизил югурди, юзидаги кулдиргичлар ҳуснига ҳусн қўшди, кўзлари чарақлаб кет-ди.* Ойдин, Асл ёр. *Назокат уялганидан ерга қаради, ўнг юзидаги кулдиргичини шамол тўзгитган сочлари тўсди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Кулча юзларида чуқур-чуқур кулдиргичлари бўлади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

КУЛДОН Чекилаётган папирос ёки махорканинг кулини ва қолдиғини ташлаш учун ишланган махсус идиш. [Генерал] *Стол ёнига келиб, папирос қолдигини кулдонга ташлади.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *У чекиб турган сигаретасини кулдонга эзгилаб, Мадинанинг кекса тоғасига қаради.* Мир-муҳсин, Чодрали аёл.

КУЛИ \тамилча — иш хақи] Ҳиндис-тон, Хитой каби баъзи мамлакатларда ҳаммол, юк ташувчи қора ишчи. *Фаллоҳ-лар, кулилар жаҳон орзусин Ифодаси бор-дир шеъримда.* Ғ. Фулом. *Хитой кулилари, эрон дегани..* М. Шайхзода.

КУЛИШ 1 Кулмоқ фл. хар. н. *Кулиш ке-рак. ит ..мумкин қадар кўпроқ гапиришига, кулишига тиришар эди.* А. Қахҳор, Қўшчи-нор чироқлари.

2 айн. **кулги.** *Анвар кулди. Аммо бу ку-лиш бояги кулгиларидан тамоман бошқа, яъни беихтиёрлик кулгиси эди.* А. Қодирӣ, Мех-робдан чаён. *У Сувонжоннинг оркага қара-масдан четан девордан ошиб туша бошлага-нини кўргач, кулишдан тўхтаб, кетидан чоп-ди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КУЛ-КУЛ *рви.* Майда-майда, чил-чил, чилпарчин. *Пиёла қўлидан тушиб, кул-кул бўлди. иши* Фирибгар немис-фашистларнинг «енгилмас» машинаеи жангчи ўртоқларнинг пўлат иродасига тегиб, кул-кул бўлди. Н. Са-фаров, Оловли излар.

КУЛЛИЁТ I [*а.* - тўликлик, бир

бутунлик; умумий тушунча; факультет| Бир турдаги нарса (жузв) ларнинг тўплами, шеърий тўплам. *Аваз иргиб туриб, тоқчада-ги бир даста қозғозлар орасидан варақлари зарафшон қилинган катта куллийёт кўтариб келди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Дарвоқе, мендан Шайх Саъдий куллийётини сўраган эдингиз-а? Ҳозир олиб чиқаман.* К. Яшин, Ҳамза.

КУЛЛИЁТ II *кам қўлл. айн. факультет.*

КУЛЛИК: кулик қилмоқ *айн. кулик-ламоқ.* -Бу одамни кулик қилинг,— деди,— тўғриси уни гапирмаган кишини калтак тўғри сўзлатади. С. Айний, Куллар.

КУЛЛИКЛАМОҚ Оёқ-кулини бир-би-рига чалкаштириб боғламоқ. У [*Аваз*] қўйни қийналмай куликлади. П. Қодиров, Қора кўзлар. *Тузнинг ачитаётганидан жони азоб-да қолган совлиқ оёқлари остида ўралаша-ётган кўзини эмиздирмаса, оч-наҳор, кулик-ланган кўйи ётаверишини охири англади.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

КУЛЛИКЧИ Кулик қилувчи, кулик-ловчи шахс. *Навбат энг кейинда бўлган кек-сароқ бандини боғлашга келганда, куликчи йигит: -Чилвир қолмади, — деди.* С. Айний, Куллар.

КУЛМОҚ 1 Юз, кўз ҳаракатлари ёки турлича товуш (товушлар) билан хурсандлигини, завқ-шавқини ифодаламоқ, кул-ги ифодаламоқ. *Хохлаб кулмоқ. Қаҳқаҳа уриб кулмоқ. Пиқ этиб кулмоқ. Ҳиринглаб кулмоқ. Мулойим кулмоқ. Мийиғида кулмоқ. тт* *Олдин Камолидди маҳдум, унга эргашиб Асад қори ҳи-ҳилаб кулди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Аваз, Феруз шаънига айтган бир байтини эслаб, муртида кулди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг кулиб турган чехраси жиддийлашиди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Ҳамон кулиб турган кўзлари билан уни бошидан-оёқ кузатиб чиқди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Кулги билан масхараламоқ, мазах қил-моқ. *Ойи, сиз сезасизми, бойникида орқамдан кулишади, гапиришади, пичинг, кесатиқ-месатиқ.. ман яқинлашсам, жим бўлишади [деди Гулнор].* Ойбек, Танланган асарлар. *Қандоқ бораман.. кулмайдимми ҳамма.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кулса ку-лаверсин, бари бир ўз фикримда қоламан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

Бахти кулмоқ Бахт-омади юришмоқ, бахтли бўлмоқ. *Мингбошига тегмагани билан Зебихоннинг бахти кулармиди? Чўлпон, Кеча ва кундуз. Ичида кулмоқ* Ҳеч қандай ташки ифодасиз кулиш ҳолатида бўлмоқ. *Кўчқор унинг хаёлидаги ўйларини билади ва ичида кулади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. -*Ишқилиб, уйда бўлмасинда, — дейди умид билан, сўнг ўзининг соддалиги-дан ичида кулади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Усти-дан кулмоқ** Масхарали муносабатда бўлмоқ, мазах билан кулмоқ. *Мен дўзахдан чўчимасман, устимдан кулма. Мен чидар-ман, аммо қайда ҳақиқат, имон? А. Ори-пов, Жаннатга йўл.*

КУЛОЛ [*ф.* — кўзагар, кўза ва б. сопол буюмлар ясовчи] Лойдан турли со-пол идишлар, буюмлар тайёрлайдиган хунарманд. *Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол — мўндига.* Мақол. *Баъзан тандир вазифа-сини кулоллар ишлаган эски хумлар ҳам ўта-иш мумкин.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ та-омлари. *Олмача, анорингга балли, сада рай-ҳонингга балли, Тангрим, мани шўр лойдан ясаган кулолингга балли.* «Кўшшугар».

КУЛОЛЛИК Кулол иши, касби; кулол-чилик.

2 Кулоллар ишлайдиган жой. *Кулоллик орқали каппонга йўл солдим.* «Муштум».

КУЛОЛЧИЛИК 1 *айн. кулоллик* Кулол-чиликка ҳавас қўймоқ. *Ота-боболари кулол-чилик билан шугулланган. ти* Маълумки, тандир кулолчилик бошланган даврларда ке-либ чиққан. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ та-омлари.

2 Касб-хунарнинг лойдан турли идиш ва б. нарсалар яшаш билан боглиқ соҳаси. Қадим замонларда ҳам бу муҳим хомашё ку-лолчиликда, *гишт пиширишида шилатилган*. Газетадан.

КУЛОНГИЧ Жуда кўп куладиган, ку-лаверадиган, кулағон. *Хатто шундай самимий қаҳ-қаҳ ураманки, ҳар қандай кулонгич киши ҳам менинг қаршимда нафаси чиқмай қолади.* «Муштум».

КУЛОҲ [ф. — бош кийими, кулоҳ] Тепа томони ингичкалашиб чиққан қал-поқ, бош кийими (асосан, қаландар, дар-вешлар киядитан учли қалпоқ). *Дўкон оғзи-да бошига кулоҳ кийган.. қаландар ҳадеб ай-ланишиб, сириқдонини у ёқдан-бу ёққа сил-китаверди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. -*Бош устига, — деди кулоҳига оқ салла ўраган.. вазир таъзим қилиб.* М. Осим, Карвон йўлларида.

КУЛТЕПА Иморат, бино ва ш. к. нинг ёниши-куйишидан ҳосил бўлган баланд-лик, тепалик. *Жиззах исёнчилари куйиб кул-тепа бўлган харобазорда ўзларига бошпана тиклай бошладилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. ..*атрофдаги дўкон ва расталарга ўт кетган бўлса керак, култепага айланган эди.* О. Ёқубов, Кўхна дунё.

КУЛУМСИМОҚ айн. **кулумсирамоқ.** *Моҳлар ойим кулумсиди: -Агар ўлмасам, шу дўндиқ кизимни бериб, Анварни ўзимга кўёв қиламан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КУЛУМСИРАМОҚ Мийиғида кулмоқ, илжаймоқ, жилмаймоқ. -*Келинг, уста Қудрат, — деди Тешабой, ўтирган ерида муло-йимгина кулумсираб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ахмадга ўзининг ўхшатишии нашъа қилиб, кулумсираб қўйди.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

КУЛУНЧ шв. айн. кулгили **2.** *Агар та-саввур қилганида, ҳозиргидек кулунч аҳволга тушиб қолишини кўрарди-ю, аллақачон ўта-каси ёрилиб ўларди [мингбоши].* М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

КУЛФАТ [а. г.И[^] — зўриқиш, меҳнат] Қийнайдиган, азоб берадиган ҳолат; кий-ноқ, азоб-укубат. *Бировга кулфат бермоқ. Би-ровнинг бошига кулфат солмоқ. Кулфат тортмоқ. Ҳамжиҳатлик — давлат, ёлғизлик*

— *кулфат.* Мақол. *Донога иш — шону шуҳ-рат, нодонга иш — гаму кулфат.* Мақол. **тп** -*Биз у кишининг дастидан ўз юртимиздан бе-гона бўлиб, жуда кўп кулфатлар тортганмиз,*

— *деди Абдурашул.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУЛФАТЛИ Ғам-аламли, азоб-укубатли.

КУЛЧА [ф. — доирасимон ёғли

нон; кулча] Тандирда ёпилган кичкина, ду-малоқ нон. *Эъзозхон эрини қўярда-қўймай кўрпачага ўтқазиб, дастурхон ёзди ва унга тўрттагина кулча билан бир-икки қисим қанд-қурс ташлади.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

Кулча бўлмоқ Кулчага ўхшаб думалоқ бўлиб олмоқ. *Илон кулча бўлиб ётади.* **тп** *Сидиқжон шундай қаттиқ кулдизи, бурчакда кулча бўлиб ётган мушук шошиб ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари. Кулча юз Кулчага ўхшаш думалоқ юз. *Хат-ни ўқиб, Абдураҳмоновнинг кулча юзига қон югурди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

КУЛЧАТОЙ Хамирни шапалоқ-шапа-лоқ қилиб кесиб, гўшт қайнатилган шўрва-да пиширилган таом. *Қозои[^]ирмени меҳмонга чақирган кун гўштни қозонда қайнатиб пишириб, кулчатойга аралаштириб, катта ёғоч тоғорада ўртага қўйиб, хўп туширдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уриниш-лари. *Адолат билан Тозагул лаганларда кулчатой, гўшт, сопол товоқларда шўрва олиб киришди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

КУЛЬМИНАЦИОН Энг юқори нуқта-сига етган; авжига чиққан. *Кульминацион нуқта.*

КУЛЬМИНАЦИЯ \лот. culmen, cul-minis — тепа, чўкки] **1 астр.** Ёритқичларнинг осмон меридианидан ўтиш пайти, ер сатҳига нисбатан энг тик, энг юқори нуқ-тага келиши.

2 Адабиёт ва санъатда: воқеа-ҳодисалар, конфликтлар ривожининг энг муҳим, энг кескинлашган пайти, қаҳрамонларнинг тўқнашуви ҳал қилинадиган, тугуннинг ечими бошланадиган лаҳза. *Ҳикоянинг куль-минацияси. тт Боиси, ҳар бир асарда тугун, кульминация, ечим, тадрижийлик деган ун-сурлар бўлиши керак.* Газетадан.

3 Бирор нарсанинг ривожда энг юқори нукта, энг юқори нуктага кўтарилиш; авж. *Ишининг кульминацияси.*

КУЛЬТИВАТОР [фр. cultivateur - ерга ишлов берувчи| Ҳайдалган ерни юмша-тиш, бегона ўтларни йўқотиш ва экин қатор ораларини ишлаш учун хизмат қила-диган қишлоқ хўжалик машинаси. *Осма культиватор. Туркама культиватор. Трактор культиватори. Ғўза қатор ораларига культиватор билан ишлов бермоқ. тт ..механизаторлардан бири трактор культива-торига қатор ораларини кенг юмшатиб кетадиган мослама ўрнатганида, раис бир қаламкашнинг қўли билан журналга мақола қилиб ёзган эди.* С. Нуоров, Нарвон.

КУЛЬТИВАЦИЯ [лот. cultus - (ерга) ишлов бериш; ўсимликларни парвариш-лаш] Ерни, экин қатор ораларини куль-тиватор билан ишлаш. *Культивация қил-моқ. Ғўзаларга культивация билан бир вақтда ўғит солинади. тт Ёзги парвариш даврида чопиқ, культивация олдиан соли-надиган ўғит солинмади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

КУЛЬТУРИЗМ [фр. culturisme < лот. cultus — шаклланиш, ривожланиш; тарбиялаш] Мушакларни ривожлантириш (ўсти-риш) мақсадида турли оғирликлар (ган-тель, тош, штанга ва б.) билан бажарила-диган жисмоний машқлар тизими.

КУМУШ 1 Менделеев даврий система-сининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент, оқ-кўкиш рангли ялтироқ, асл металл. *Ана-литик ишларнинг талайгина қисми руда материалларида олтин, кумуш, рух ва бошқа нодир элементларни аниқлаш билан боғлиқ-дир.* «Фан ва турмуш».

2 Кумушдан ишланган, кумуш ишла-тилган. *Кумуш танга. Кумуш баркаш. тт Меҳмонхонасидаги икки кумуш қандил порил-лаб ёниб турибди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 кўчма Кумушга нисбат билдиради. *Ку-муш тола. тт Ташиландиқ тегирмоннинг чирик новидан сув майда кумуш томчиларни сачратиб, гувуллаб отилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Кумуш (хотин-қизлар исми). **КУМУШЛАНМОҚ** Кумуш тусида ялтираб товланмоқ. *Кўкни суяб қаққайган чўқкиларнинг бошида қор саллалар кумушланади.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбай-жон. *Шамолда тебранаётган дарахт шохла-ридаги куз шабнами қушининг заррин нурла-рида кумушланади.* Р. Ўроқов, Ҳаётда қол-син изинг. *Тог ёнбағрига тикилган оқ ўтов ой шуъласида кумушланиб, кўкаламзор адир-ларга янада ҳусн қўшган.* «Шарқ юлдузи».

КУМУШСИМОН Кумушга ўхшаш, кумуш рангли. *Кумушсимон оқ металл.*

КУН 1 Куёш, офтоб. *Кун тепадан тиз ураётганда, машина ободгина бир қишлоққа кириб келди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Мана, кун ҳам терак бўйи кўтарилиб қолди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Нуктадон Мутриб дар-ҳол ҳовлисининг кичиклигидан кун тушмаслигига ишора қилиб, пайров билан жавоб берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Сутканинг куёш чиққандан куёш бот-гунгача бўлган қисми. *Ҳаеанали кунларини томоқсиз, тунларини уйқусиз кечира бошла-ди.* А. Қодирӣ, Утган кунлар. *Бўлмаса, мен қайтай, кун ҳам кеч бўляпти.* С. Карома-тов, Олтин қум.

3 Бир кеча-кундузга — 24 соатга тенг вақт; сутка. *Бир йил — 365 кун. тт Уч-тўрт кунгача Аваз мазористондан чиқмади.* С. Сиёев, Аваз. *Ўшандан уч-тўрт кун ўтгач, янги гап чиқиб қолди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бу чироқ сингилчамнинг қўлидаги рухсатно-ма десам ҳам бўлади — роппа-роса йигирма кунга берилган.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовун-лар мамлақати.

4 Ой ёки ҳафтанинг маълум бир кален-дарь санаси; маълум бир ҳодисага бағишланган кун, сана. *Шанба кун сиз келинг, якшанба кун мен борай.* Қаси кунларда уйда

бўласиз? -Чоршанба, жума кунлари. Қурув-чилар куни. *т*т Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида қишлоқ меҳнаткашла-ри учун анъанавий театр кунлари бошланди. Газетадан.

5 (кўпл. шаклида) Кунлар билан белги-ланувчи вақт, пайт, кез, давр. *Болалик кунларимда, Уйқусиз тунларимда Кўп эртақ эшитгандим. Ҳ. Олимжон. Эркин кунлар келур, истиқболимиз ёрқин, толеимиз баланд бўлур, албатта. Ойбек, Нур кидириб.*

6 Об-ҳаво, об-ҳаво шароити. *Майнинг ўрталари бўлса-да, кун иссиқ эди. С. Сиёев, Ёруғлик. Ноябрь ўрталаб, кунлар совиган эди. С. Аҳмад, Юлдуз. Жавзо кирди. Кунлар исиб, арпа пишиди. К. Яшин, Ҳамза.*

7 Айрим сўзлар билан кўлланиб, аҳвол, шароит маъносини билдиради. *Бошингизга оғир кун тушиди.. Мирмуҳсин, Меъмор. Тур-сунойнинг кунига учраб, ё'ш жонингизга жабр қилманг, дейман. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Шомурод додхоҳнинг кунини ме-нинг бошимга солардинг, одамхўр қотил! К. Яшин, Ҳамза.*

Бир кун(и) Ўтган ёки келгуси кунлар-нинг бирида. *Бир куни у иккита кино биле-ти кўтариб келди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. Сиз-ку, ота, бир куни бориб, жонингизни яратганга топшириб, бу азоблар-дан қутулиб кетасиз. К. Яшин, Ҳамза. Бир кун эмас, бир кун* Қачондир бир кун, вақ-ти келиб. *Худо ҳаққи, бир кунмас, бир кун чўмич билан туширибқоламан-да!Ў'. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. Бириси кун(и)* Эртадан кейинги кун, индин(га). *Бириси куни, намози асрга азон айтилган вақтда сени Қўйдарвоза ёнида кутаман. С. Сиёев, Ёруғлик. Бу кунингдан Бу аҳволингдан кўра.. бундан кўра. Ўл, ахмоқ! Бу кунингдан ўлиб қўя қолганингяхи.. Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. Иш куни* Иш, хизмат учун бел-гиланган маълум муддатли вақт. *Иш куни тугади. Кун* бермаслик Ўз ҳолича ишлаш, яшашга қўймаслик, чиқиштирмаслик. *..икковингни мутаассиблар сазойи қилишади, ким кўрса, дакки беради, бир сўз билан айтганда, сизларга кун беришмайди. К. Яшин, Ҳамза. Кун йўқ* Кун бермаслик, тинч қўймаслик-ни билдиради. *Бу ерда ялангоёқлар, бошке-сарлар, ўғриларнинг дастидан ҳеч кимга кун йўқШўяпон, Кеча ва кундуз. Кун* кечирмоқ (ёки кўрмоқ, ўтказмоқ). *Яшамоқ, ҳаёт ке-чирмоқ, тирикчилик қилмоқ. ..асрлар даво-мида қарам бўлиб кун кечиршига маҳкум этиб келинган хотин-қизлар.. К. Яшин, Ҳамза. ..қачонгача хор-зор яшаймиз, қачонгача оч-ялангоч кун кўрамиз. К. Яшин, Ҳамза. Улар [чол ва кампир] овчилик билан кун ўтказар эканлар. «Чалпак ёққан кун». Кун тартиби*

Мажлис муҳокамасига қўйиладиган маса-лалар таркиби ва тартиби. **Кундан-кун(га)** Борган сари, кун сайин. *Бемор кундан-кун-га бери қарамай бошлади. Кундан-кун (га) ишлар яхшиланиб бормоқда. Кун битмоқ 1)* ўлим вақти етмоқ. *Гўдакнинг ризқи тугаб, куни битган. Тақдири азалда битилгани шун-дай бўлгач, на чора! К. Яшин, Ҳамза; 2)* иш-амал имконияти тугамоқ. *Бўлмаса, унга ке-йин тушунтириб қўнрсиз. Гап шундай: у хўжайинларига кунлари битганини етказсин. Қанча тезроқ йўқолишса, ўзларига шунча яхши бўлади. К. Яшин, Ҳамза. Кун(и) туғди қ. туғмоқ.* -Энди сенинг ҳам кунинг туғди. *Одам бўл! — деди Давлатёр ва молларни қайтара бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Ку-нини кўрсатмоқ* Жуда қаттиқ ёмонлик, жабр-зулм қилмоқ (шу ҳақдаги дўқ-пўпи-сани билдиради). *Кунингни кўрсатиб қўяман. иши ..отанга айтиб бераман, кунингни кўрса-тади. С. Сиёев, Ёруғлик. Меҳнат куни қ. меҳнат. Ой чиқса ҳам унга, кун чиқса ҳам унга кест.* Ҳамма нарса, диққат-эътибор унга (Кимсанинг эрка-арзандаси бўлиб қолган кишига нисбатан айтилади). **Тунов куни** Яқин ўтган кунларнинг бирида. *Тунов куни кўрган эдим. иши Тагида тутун бурқса-ётган бак олдида тунов куни мишабларнинг кичиги.. С. Аҳмад, Уфқ. Туну кун қ. тун-кун. Улган(и)нинг кунидан қ. ўлмоқ. Қайси куни айн. тунов куни.* *Охирги сўзларни ўқир экан, Гавҳар маъюс бўлиб қолди. Қайси куни мар-каздан келган врач Ҳанифа холанинг касали рақ экани, саноқли кунлари қолганини айт-ган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқсол. Қулоғидан кун кўринади* Жуда озиб кетган.

КУНБАЙ Кун ҳисоби билан ҳақ тўла-надиган. *Кунбай иш. Кунбай ишламоқ.*

КУН-БАКУН кам қўлл. Кундан-кун, кундан-кунга. *Кун-бакун зиёда бўлди ҳасратим, «Алпомиш».*

КУНБОТАР 1 айн. **ғарб.** «Б» қишогининг кунботар томонидаги пастгина кулбадан.. бир чол чиқди. А. Раҳмат, Варракчи чол. *Таиш-қарига чиққанымда, кунботардаги адирлар бетидан — арчазорларни оралаб қўйларимиз тушиб келмоқда эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

2 Кун ботадиган вақт. *Кунботар олдида бир-иккита томчилагани бўлмаса, ёмғирхали ёққанича йўқ эди.* Н. Фозилов, Дийдор.

КУНБОТИШ қ. **кунботар.** У ўзига кел-ган, ўрнидан турди-да, кунботиш томонга қараб кетди. М. Осим, Карвон йўлларида. *Қашиқатовнинг кунботиш биқинидаги жилга-да оппоқ кор ётибди.* С. Анорбоев, Оксой.

КУНГАБОҚАР Пояси учида тарелкаси-мон сариқтўпгули бор, уруғидан мой олиш учун экиладиган йирик баргли бир йиллик ўсимлик. *..устида кунгабоқарга ўхшаган, маҳалла қозонидай келадиган гули бор.* Газе-тадан.

КУНГАЙ Куёшга қараган, куёш тик тушадиган. *Кўчаларнинг кунгай томонида лой қуриб, ҳавасга юрадиган, юмишқ қайроқдай йилтироқ сўқмоқ йўл тушиди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *-Ҳар қанақа то/нинг кунгай ери терскай ёғидан шунака паст бўлади, — деди Ашмбува.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУНГУРА \ф. **а**— девор ёки тўсиқ-нинг данданаси] Қалъа деворлари ёки имо-рат айланасига тишга ўхшатиб ишланган меъморий безак; дандана. *Фақат шаҳар атрофини ўраб олган паҳса деворлар устида соқ-чиларгина у ёқдан-бу ёққа юриб турар, девор кунгураси орқали қараб, шаҳарни ташқи ҳужумдан қўриқлар эди.* Ойдин, Гулсанам. *Бу очик мазористонни қўрғон кунгуралари устида.. Тошкент мудофелари минг турли шодликлар ичида томоша қилардилар.* А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. *Меъмор бўлса, мадра-санинг гоҳ у ёғига, гоҳ бу ёғига ўтиб, пеш-тоқу гулчамбарларга, равоқу кунгураларга тикиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КУНГУРАДОР Кунгураси бор, кунгу-рали. *Ўрданинг гиштин, кунгураддор қўрғонлари ости билан махсус муҳофиз йиғитлар айланиб, бегона кишини қўрғон яқинига йўлатмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Баланд кунгураддор деворлар билан ўралиб, юксак буржларига тўп ўрнатилган ўрдадай ҳовлининг ҳар жой-ҳар жойида тош фонуслар милтираб туради.* О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси.

КУНГУРАЛИ айн. **кунгураддор.** *Қурилиш-да сирланган сопол тахтачалар, гангча ўйил-ган кунгурали безаклар ишлатилади.* «Гулис-тон». *Отабоининг пешонасидаги чандиги ўша 1918 йилнинг баҳор кунлари Тупроққўрғоннинг кунгурали девори остида пайдо бўлди.* И. Ра-ҳим, Тинимсиз шаҳар.

КУНДА I \ф. — дарахтнинг осғ қис-ми; тўнка; тахта кишан| 1 Кесилган ёки синган дарахтнинг илдиз томонида қолган остки қисми; тўнка. *Кунда ковламоқ.* **иш** *Исматҳожиди қора мовут чакмонининг бир ба-рини қайириб, яқиндагина кесилган бир те-рак кундасига келибўтирди.* Ойдин, Ямоқ-чи кўчди. *У аввал катта кундаларнинг те-варагини кетмон билан чопишга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Устида бирор нарсани чопиш, қир-қиш ва ш. к. учун қилинган махсус ғўла. *Кундунгчининг кундаси. Кундага кўйиб чопмоқ. Болта тушгунча, кунда дам олади.* Мақол. **иш** *Қассоблик қилмоқчи бўлган одам аввало бир қўлини кундага қўяди-ю, болта билан чопади. Агар чопилмаса, қассоблик килади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг кўзи айвон устунига суяб қўйилган кунда ва ошпичоққа тушиди.* С. Нуоров, Нарвон.

Ъмахс. Мойжувознинг ўгирсимон таянч ёғочи, ичи ўйилган йўғон ғўла. Тангадек соя тушмайдиган дарахтсиз ташқари ҳовли.. ўртасида жувоз кундага ўхшаши қозиқ. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *[Зигир мойи].. бозорда сариқ мойдан икки баробар қиммат-а!.. Кундадан чиқар-чиқмас, тўйлар-га олиб кетишаркан.* С. Нуоров, Нарвон.

4 Токнинг тупи, занги. Чорвоқча кат-та бўлмаса ҳам, икки туп олча.. икки кун-да узуми, бир-икки туп қизил гул бор экан. А. Қахҳор, Ўтмишдан эртақлар. Хомток вақтида кундадан ўсиб чиққан новдалардан 2—3 та энг яхшисини қолдириб, бошқалари-ни тоққайчи билан тагидан олиб ташлаш керак. Газетадан.

5 тар. Бандиларнинг оёғига уриладиган (солинадиган) махсус ёғоч асбоб, тахта кишан. Хатирчилик бандининг «бизни озод қиладилар» деган сўзига ҳалигача ишонмай турган бандилар ҳам, кишан ва кундалари-нинг очила бошлаганини кўриб қувонмоқда эдилар. С. Айний, Қуллар. Борса, энаси оёғида кунда, бўйнида гул, ўлиб ётибди. «Муродхон».

КУНДА II рви. Ҳар куни. Кунда хабар олиб турмоқ. **иш** Боринг, Урмонжон акамга ростини айтинг.. шундай бўлган эди, билмаб-ман денг. Кунда-кунда ўлгандан, бир кунда ўлган яхшироқ. А. Қахҳор, Кўшчинор чи-роклари. Кунда тушганини кунда жўнатиб турибман. С. Аҳмад, Юлдуз.

КУНДАК Дарахтнинг остки қисмидан — тўнкадан ўсиб чиққан қисми. Кундак тут. Кундак қайрағоч. **ти** Ҳовузнинг.. лабида бир-икки кундак тол ҳам бор эди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

КУНДАКОВ \ф. jLSsa^ - кунда ков-ловчи]: **кундаков қилмоқ** Тўнкани ердан ковлаб чиқармоқ. -Кўрдингми бу тўнкалар ни? — Йўлчига караб гапирди у [Мирзакаримбой]. — Бошлаб кундаков қил, илдизи қол-масин, уқдингми? Ойбек, Танланган асарлар. Одамлар мевали дарахтларни кундаков қилаётган, молларини ҳам сўйиб сотаётган бир пайтда бунга ишонми қийин эди. О. Мух-тор, Бухоролик бир йигит.

КУНДАЛ эск. 1 Зар ишлар билан тўқил-ган қимматбаҳо мато. Ҳамзахондан келган элчиларни, албатта, ноумид қайтармайди. Кундал ёпади. К. Яшин, Ҳамза.

2 Шундай матодан тикилган нарса, кийим. Кундал тўн. **ти** Канизлар «эшон» келар деб, кун-дал, кимхоб кўрпаларни солиб.. «эшон»нинг киф-ти туттиган еридан зиёрат қилдтар. «Зулфи-зар билан Авазхон». Иккита яхши кундал бериб юборсин, ҳокимтўра билан приставга кийдира-миз. Ҳамза, Бой пла хизматчи.

КУНДАЛИК 1 Ҳар кунги, ҳар бир кун-га хос. Газеталардан кундалик ахборотни зўр ташвиш билан кузатиб турган киши-ларга ҳали ўзи ҳам тушуна олмаган бу ердаги осойишталик тўғрисида нима деб ёза-ди? А. Қахҳор, Олтин юлдуз.

2 Кунда бўлиб турадиган; одатдаги. Ле-кин ўйлаб қараса, районга деб йўлга чиққанида, кўзига жуда катта кўринган бу таш-виш ҳозир кундалик иқир-чиқирлар қаторига кириб қолибди. А. Қахҳор, Кўшчинор чи-роклари.

3 Ҳодисалар, кузатишлар ва ш. к. ёзиб бориладиган журнал, дафтар. Экспедиция кундалиги. **ти** Йўлдош, кундаликка ёзиб қўйинг. Битта ош ҳам қарз қилиб қўйдик. Шукрат, Шинелли йиллар. Дадангизнинг китобларини, кундаликларини, мактубларини, хуллас, ёзилган қозғоз борки, беркитиб ташланг. Т. Малик, Иблис девори.

4 Ўқувчиларнинг уйта берилган вазифа-си ва олган баҳрлари ёзиб қўйиладиган дафтари. Уларнинг [ўқувчиларнинг] баҳоси йўқла-ма ва кундаликка қўйилади. Й. Абдуллаев, Дарс юзасидан баҳони қандай қўйиш ке-рак?

Кундалик дафтар айн. **кундалик 3, 4.**

КУНДОШ эск. Бир эр никоҳидаги бир неча хотин (бир-бирига нисбатан). Сабаби, икки хотиним бор, икки кундошининг устига куёв кўрмаган қизни анча-мунча одам, албат-та, бермайди. Ҳамза, Паранжи сирлари.

КУНДОШЛИК Кундош хотинлар ораси-даги қолат, муносабат. Айниқса, кундошлик иши қийин, коса-косага текканда, гиди-гиди гаплар кўпайса, бизга эмас, ўзлжзга ҳам та-тимай қоладир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КУНДУЗ Сутканинг қуёш чиққандан қуёш ботгунгача бўлган қисми. Қуёш яширинган бўлса ҳам, кундузнинг ёруғлиги ҳали тамом сўнмаган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Аммо кеча ҳам кундуз сингари му-рувватсиз. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КУНДУЗГИ Кундузга хос, кундузи бўладиган. *Сарой аҳли кундузги иш-кучлари-дан бўшаб, хужраларига қайтганлар.. шунжг учун кундузгига қараганда сарой жонли. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кундузги жўшқин-лик тинади аста, Бошланар далада сафоли оқшом. Ғайратий.*

КУНДУЗИ *рвиш.* Сутканинг қуёш кўри-надиган қисмида, ёруғ пайтда. -*Куйинглар, — деди Рўзимат, жанжалнинг олдини ол-моқчи бўлиб, — бу гапни кундузи гаплашинг-лар. А. Қаххор, Қўшчинор чирокларн.*

КУНЖ [ф. — бурчак] **1** *эск. кт.* Оғуш, кучок, ич. *Нўш этарман аччиғ-аччиғ ҳажру фурқат кунжсида, Кўзларимнинг ко-сасида лаб-балаб қон, келмасанг. Ҳабибий. Неки дард бор, неки кулфат бу жаҳоннинг кунжсида, Мен бўлай юз минг гирифтор, лек маҳваши бўлмасин. Э. Воҳидов, Муҳаббат.*

2 *кам қўлл. айн. кунжак.* Бунга янги мак-таб ҳовлиси кунжсидаги пастак бир уйча, бу уйчадаги мўъжаз бир кутубхона сабаб бўлди. О. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

КУНЖАК Бурч, бурчак; чекка. *Эй бола-ларим, отангнинг шаҳрининг бир кунжаги-да, гул саройнинг ўнг томонида бир уста бор. «Эрали ва Шерали». Ер, томлардаги оппоқ қор живирлайди, кунжакларга ва девор таг-ларига бўралаб урган қор саҳндан кўкрак ба-равар кўтарилган. Ҳ. Нуъмон, Фасллар. Ни-ҳоят, беихтиёр босворди кунжакда турган радж тугмасини. А. Дилмурод, Фано даш-тидаги куш.*

КУНЖАРА \ф. а^К"Л - куйқа; чикит, чиқинди) Уруғ ёки мағизларнинг ёғи си-қиб олингандан кейинги қолдиғи (кўпинча чорва озуқаси сифатида ишлатилади). *Пахтадан турли-туман газлама, ёғ, кунжа-ра, совун ва бошқа маҳсулотлар олинади. Кун-жара молни семиртиради. иши Ферма учун давлатдан фақат кунжара билан кепак со-тиб олинади, холос. Н. Юнусова, Боғдаги суҳбат.*

КУНЖУТ |0. і ? • < — уруғидан ёғ олина-диган ўсимлик] Жанубда ўсадиган, уруғи-дан ёғ олинандиган бир ва кўп йиллик ўсим-лик ва шу ўсимликнинг уруғи. *Раис. план берилмаган бўлса-да, озроқ зигир, кунжут зктираётгашини.. айтди. С. Нуров, Нарвон.*

КУНЖУТЛИ Кунжут сепилган. *Сихка-боб, кунжутли нон, пешноб, сомсалардан еб қолинг!\. Раҳим, Ихлос.*

КУНЖУТПОЯ 1 Кунжутўсимлигининг асосий танаси, пояси.

2 Кунжут экилган ер майдони.

КУНИГА *рвиш.* Ҳар куни, бир кун даво-мида. *Кунига уч маҳал дори ичмоқ. ит Горчаково станциясига Тошкент тарафдан ке-часи соат уч яримда келадиган пассажир поезди энди кунига уч-тўрт маҳал ўтади. С. Ахмад, Уфқ.*

КУНЛАШМОҚ Ҳасад, рашк қилмоқ. *Жуда ҳам Омоннинг бахтидан кунлашар эдим. Ғ. Ғулом, Шум бола.*

КУНЛИК Бир кунга мўлжалланган, бир кунда бўладиган, бир кунга оид. *Икки кунлик тўй. Ўн кунлик озиқ-овқат. тт Кунлик ўсиш беш-олти фоиз ва ундан ҳам оша бошлади. «Ўзбекистон кўриклари». Кунлик то-пишим яхши бўлибқолди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Беш кунлик дунё Тез ўтиб кетадиган, қисқа ҳаёт ҳақида. -*Ичинг, Салимжон, ичинг, Абдишукур! — хитоб қилди Жамолбой. — Беш кунлик дунёни кайфичоғлик билан ишинггина ўтказиш керак. Ойбек, Танланган асарлар.*

КУНОРА *рвиш.* Икки кунда бир, орада бир кун ўтказиб. *Кунда, кунора ёғиб турган қор-ёмғир дардчилларни ўрнидан тургазмай қўйди. С. Кароматов, Олтин кум. Кунора тугун кўтариб Рўзиев келиб туради. Э. Аъза-мов, Жавоб.*

КУНПАЯКУН [а. oj^<J> -бутун бор-лик, мавжудот; яратилиш]: **кунпаякун бўлмоқ** Бузилиб, янчилиб, йўқ бўлиб кет-моқ. *Шаҳар ўртасидаги икки катта бино ҳам кунпаякун бўлди. Мирмуҳсин, Она. Кунпая-кун қилмоқ* Бузиб, янчиб, йўқ қилиб юбор-моқ. *Ҳар бири нўхатдек-нўхатдек келадиган дўл чорак соат ичида нозик ниҳолларнинг ярмичасини кунпаякун қилди. Ш. Ғуломов, Қалб ундайди.*

КУНУН *шв.* Ҳар куни, кунда. *Аммо би-ринчи куниеқ Зайниддин жанжал бошлади. Шу-шу кунун маимаша.* «Муштум».

КУНЧИ 1 Ҳасад, кўролмаслик ҳисси кучли; ҳасадчи. *Тақдирингдан нолима, ҳақни дилдан қўймагин, Ўзганинг давлашига суқ-ланиб, бўлма кунчи.* Миртемир.

2 Рашк, қизғаниш ҳисси кучли; рашк-чи. *Маждиддин кунчи эрлардан бўлса ҳам, лекин бу хабар уни жуда қувонтирди.* Ой-бек, Навоий. *Сорахон ниҳоят кунчи хотин эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

КУНЧИЛАМОҚ Кунчилик қилмоқ, кунчилик ҳисси кўзғамоқ; рашк қилмоқ. *Норқўзи акадай эрни кунчилашни гуноҳ деб билардим.* И. Раҳим, Ёш хотин. *Бу гандан Нусратилланинг тани жиз этиб кетди, Тур-димаичўталга еб ташлағудай қараб, кунчилиганини билдириб қўйди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

КУНЧИЛИК Кунчига хос хусусият, хатти-ҳаракат. *-Бачкана бўлманг, Асад ака. Кунчилик ҳам ўлсин шунақа бўлса. Воҳид Зокировичнинг лойиҳаси.. ўзбек халқининг ҳам манфаатини кўзлайди, — деди Адолат.* З. Фатхуллин, Оби ҳаёт. *Салимжоннинг кунчилиги кундан-кун авжига чиқа бошлади.* А. Қаҳҳор, Муҳайё.

КУНЧИҚАР *айн. шарқ I.* *Ипъирниг қиш-лоқнинг кунчиқар томонидан бошланган акил-лашлари секин-секин қишлоқнинг кунботар томонига келмоқда эди.* С. Айний, Куллар. *Кунчиқар томонда тепаликлар бўлиб, кун-ботар томон — текислик, ундан нари — қум-ликлар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КУНЧИҚИШ *айн. кунчиқар.* *Осмоннинг кунчиқиши қисми энди оқара бошлаган, лекин ҳатто барвақт турадиган қишлоқ ахли ҳам ҳали уйқуда.* О. Ёқубов, Диёнат.

КУНЧУВОҚ *айн. офтобчувоқ.* *Қиз-ке-линчаклар қалин уст-бошларини ташлаб, енгил кийиниб олишган.. кизлар кунчувоққа ўтириб, кашта тикади.* Н. Фозилов, Оқим. *Чилла уйқусини олиб бўлган айиқ полвон ўзини кунчувоққа ташлади.* «Саодат».

КУНЯ, куния [*а. -uīS — лақаб, ном*] Ки-шиғанг авлод-аждодини, насл-насабини бил-дирувчи, киши исмига ҳурмат юзасидан кушиб ишлатилувчи сўз, ном («Абу», «Биғгг», «ибн», «умм» сўзлари куня ҳисобланади).

КУПЕ \фр. coupe < couper — қирқмоқ, бўлмоқ] Вагоннинг бир неча пассажир учун ажратилган алоҳида бўлмаси. *Шербек вагонга чиқиб, билетда кўрсатилган купе эшигини очди-ю, тўхтабқолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КУПЛЕТ \фр. couplet] **1** Шеър ёки кўшиқнинг икки ёхуд тўрт мисрадан иборат бўлган алоҳида банди.

2 Эстрадада ижро этиладиган, долзарб мавзудаги ҳажвий кўшиқ.

КУПОН \фр. coupon < couper - қирқ-моқ, кесиб олмоқ] Қимматбаҳо қоғозлар-нинг фоиз (процент)ини тўлашда кесиб олинадиган қисми, талони. *Облигация ку-пони.*

КУПОРОС \фр. couperose < лот. cuprirose — мис гули] Сульфат кислотанинг баъзи тузлари учун техникада қабул қилин-ган ном. *Мис купороси. Темир купороси.*

КУРАК 1 Сочилган нарсаларни сиди-риш, кураш, тўплаб бирор нарсага солиш учун ишлатиладиган, ёғочдан ёки металл-дан ясалган узун сопли асбоб. *Йўлчи.. курак ва сунурги олиб, отхонани тозалай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Меҳмонхона устида қулоқларини латта билан бозлаган бола ёғоч куракни гириллатиб, қор кураб ётган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *анат.* Елқанинг юқори қисмидаги уч-бурчак шаклли ялпоқ суяк. *-Секинроқ юрсанг бўлмайдимиз, қизим! — деди она кўли билан Зебонинг икки кураги ўртасига ёпишган қўйлагини кўчирар экан.* Шухрат, Ши-нелли йиллар.

Курак тиш Юқори қатордаги олдинги икки ялпоқ тиш. *Ёшини билиб олишига имкон берадиган анча аниқ белги.. курак тишлар-дир.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик. **Куракда турмайдиган** **1)** тилга олиб бўлмайдиган, ярамас, уятли (гап-сўз ҳақида). *Нормат-ҳожининг жони чиқиб, томдагиларни куранда турмайдиган сўзлар билан сўкиб, ҳайдаб юборди.* Ойдин, Бечора; **2)** ақлга тўғри келмайдиган; бемаъни. *Эсон яна ўтириб*

қолишга мажбур эди. Чунки у, акасининг ичганда қиладиган ўжарлиги ҳеч куракда турмайдиган даражада бўлишини биларди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

КУРАКЧА 1 Курак 1 с. кичр.-эркл. Кич-кина курак. -Хизмат ҳақини аллақачон олиб бўлганмиз, — деди фустај, куракчасидаги қотиб қолган лойни тозаларкан. Н. Аминов, Суварак.

433 ду^

2 Кул ёки ўт олиш, кўмир солиш учун ишлатиладиган, икки чети қайрилган дас-тали асбоб. *Кудрат куракча билан оловга кул сепди-да, уйга кирди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

КУРАМОҚ Курак билан сидирмоқ, сур-моқ; тўпламоқ. *Баҳорни кутманг. Қор куранг, самоварчиларга сув ташинг.* Ойбек, Танлан-ган асарлар. *Худойқул одамнинг қўлидан ке-ладиган ҳар қандаи ишга қобил эди. От-молга қарайди, гўнг курайди, жоди билан пичанпоя қирқади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУРАНТ [фр. courant — оқувчи, югу-рувчи] Минора ёки деворга ўрнатилган, му-сиқа жўрлигида занг урадиган соат ва шун-дай соатларнинг мусиқа механизми. *Тошкент куранти.* **иш** Айланиб юриб-юриб, соат тўққиз яримга занг чалинаётганда, курант-нинг олдидан чиқишиди. П. Қодиров, Уч ил-диз. *Тўрда пианино, бурчакда курант соат, деворда ҳам, ерда ҳам, диван устида ҳам гилам.* С. Аҳмад, Пойқадам.

КУРАТОР [лот. curator — ҳомий, тарби-ячи] **1 қ. раҳбар (синф раҳбари).** *Саодат опа ишга чиққан биринчи кунёк мактабга борди. Директор, куратор, ўқитувчишир билан суҳ-баъшишиди.* Р. Файзий, Кддрдон хатлар. *Кура-торларга тайиктнг. Биронта ота-она беҳа-бар қолмасин.* С. Зуннунова, Янги директор.

2 Бирор иш устидан назорат қилиб ту-риш вазифаси юклатилган, топширилган шахс.

КУРАШ I 1 Йиқитиш, ғолиб чиқиш учун икки киши ўртасидаги, маълум қоида-га асосланган олишув, ўзаро беллашув. *У ҳозир курашда рақибини ёнбошга олиб от-ган, лекин рақиб тикка тушиб, ўзи ёнбош-га олинган кишининг аҳволига тушиб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Элмурод саҳн ўртасида тўпланишиган ёшлар томонга кетди. Бу ерда кураш бошланган бўлиб, Дав-латёр билан Маъмуржон бел олишмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Кураш(га) тушмоқ Йиқитиш ёки ғолиб чиқиш учун ўзаро беллашмоқ, курашмоқ. *У ерда болалар кураш тушишади, чиллак ўйнашади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. -*Ҳа, сен гитлерчилар билан кураш тушгани келган-мидинг?* — кулди Бектемир. Ойбек, Куёш қораймас.

2 Йиқитишга асосланган беллашувлар-нинг умумий номи, спортнинг шундай тури.

Миллий кураш. Эркин кураш. Дзюдо кураши. **иш** Барот полвон дунёда икки нарсани яхши кўрар эди: биринчиси — кураш, иккинчиси — ашула. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Спортнинг бирор тури бўйича куч, маҳррат, устунлик кўрсатиш учун бўлган мусобақа. *Ҳозир шахмат тожи учун кураш бормоқда.* **иш** Тренер менга қўлқоп бераётиб: -*Машигулот вақтида ҳам, ҳақиқий кураш вақтида ҳам юрагингни сақла, — дер эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

Йиқилган курашга тўймас Ўзаро мусо-бақада ёки олишувда бир неча бор ютқазганда ёки мағлубиятга учраганда ҳам яна мусобақалашишни ёки олишувни талаб этаверадиган шахс ҳақида айтиладиган Ма-Тап. *Йиқилган курашга тўймас, деганлари-дек, у дўстидан яна бир партия шахмат ўйнашни талаб қилар эди.*

4 Қарама-қарши бўлган томонлар ўрта-сидаги устун келиш, ғалаба қилишга қаратилган тўқнашув, олишув, жанг. *Сиёсий кураш. Мафкуравий кураш. Душман кучлари ўртасидаги кураш.* *ти* Абдуллажон бос-қинчилар билан курашда ҳалок бўлди. Ҳ. Шамс, Душман. *Худоёр ниҳоят қайин ота-си билан курашда ўзига биринчи суянчиқ қилиб шу кейинги синф уламони олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Бирор нарсага эришишга, бирор мақ-садни амалга оширишга қаратилган фао-лият, хатти-ҳаракат. *Тинчлик учун кураш. тт Ваъданинг устидан чиқиш учун ҳозир ҳар бир қурилиш майдонида қизгин кураш бор-моқда.* Газетадан. *Бригадада гўзанинг ҳозирги ҳосилини тутиб қолиш, мавжуд ҳосилга ҳосил қўйиши учун кураш бошланди.* И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат.

6 Бирор кимса ёки нарсага қаратилган фаол қаршилик; уни енгиш ёки йўқ қилиш учун бўлган ҳаракат, олишув. *Эскилик сар-қитларига қарши кураш. Ваҳҳобийликка қар-ши кураш. Қишлоқ хўжалиги зараркунанда-ларига қарши кураш. шш -Ҳозир ичкиликбоз-лик, алкоголизмга, гиёҳвандликка қарши очиқчасига аёвсиз кураш олиб борилмоқда.* Газетадан.

7 кўчма Қарама-қарши қараш, ҳис-гуйғу ва ш. к. лар тўқнашуви, олишуви. *Чоллар одамлар даврасида анча жим ўтиришди. Ичларида айтиши ва айтмаслик кураши кет-таётгани равшан эди.* М. Исмоилий, Фар-ғона т. о. *Қарама-қарши гоаялар кураши эса сўнгги нафасгача давом этадиган ҳаёт-ма-мот жангидир.* «УТА».

КУРАШ II Курамоқ фл. ҳар. н. *Шундай кезларда қор ҳам ёғиб қоладиган бўлса, дар-ҳол болта куракка айирбошланиб', қор кураш-га тушилади.* А. Қодирӣ, Обид кетмон. *Чакка ўтиб кетмаслиги учун томларни дар-ров кураш керак эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУРАШМОҚ I 1 Бир-бирини йиқитиш, ғолиб чиқиш учун маълум қоида бўйича олишмоқ, ўзаро беллашмоқ, кураш (га) тушмоқ. *Улар бир-бирларининг белбоғларидан маҳкам ушлаб, узоқ курашдилар. тт Кураш-май, кувватим қайдан биласан, Оғзинг билан шунча полвон бўласан.* «Тоҳир ва Зухра».

2 Спортнинг бирор тури бўйича беллаш-моқ, мусобақалашмоқ. *Футбол командалари ўзаро астойдил курашмоқда. Эртага энг зўр шахматчилар курашадилар. тт Сурон зўрайди, [тортишувчилар] яна туриб, ҳан-сираб, тортишувни давом эттирадилар. Куч синашда ҳар икки томон астойдил курашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бирор нарсага эришиш, бирор мақ-садни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қил-моқ, фаолият кўрсатмоқ. *Очилган қўриқлар яна ҳам кўркама ва муҳташам бўлиши учун курашайлик.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Фаб-рикамизда илгорлар жуда кўп, улар ҳам маҳ-сулот кўлами учун, ҳам сифати учун кура-шадилар.* Газетадан.

4 Бирор кимса ёки нарсага фаол қар-шилиқ кўрсатмоқ, уни енгиш ёки йўқ қилиш учун чора кўрмоқ, ҳаракат қилмоқ, тиришмоқ, олишмоқ. *Жабр-зулмга қарши, ҳуқуқсизликка қарши курашмоқ керак.* Ой-бек, Нур қидириб. *Бўрон вақтида ҳам, бўрон тўхтаганда ҳам битмас-туганмас зайрат ва жасорат намуналарини кўрсатиб, таби-ат офатига қарши курашдилар.* Ш. Раши-дов, Бўрондан кучли. *Жиноятларга қарши курашиши ва уларни келтириб чиқарувчи са-бабларни тугатиши энг долзарб масалалар-дан ҳисобланади.* Газетадан.

5 Жанг қилмоқ. *Тўпчиларимиз саросима-га тушмай, ўз позицияларида маҳкам туриб, қаҳрамонларча курашдилар.* Газетадан.

КУРАШМОҚ II Курамоқ фл. бирг. н. *Бо-лалар кун бўйи томлардаги ва ҳовлидаги қор-ларни курашди.*

КУРАШЧАН I Курашга қобилиятли, кураш олиб боришга қобилияти зўр.

2 Мурасасиз кураш олиб борувчи. *Ин-соннинг бахт-саодати йўлида.. ҳормас-тол-мас курашчан бўл.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КУРАШЧИ I Кучи ва эпчиллитини на-мойиш қилиш мақсадида кураш билан шу-ғулланадиган, кураш тушадиган шахс, спортчи. *Иккови, гўё уста курашчилардай, белларини эгиб, бўйинларини бир-бирининг елкасига кўйганлари ҳолда, айиқдай тебра-нишиб, даврани айландилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Ўз мақсади, ғояси йўлида фаол ҳара-кат қиладиган, бунга монелик қилувчи ғовларни енгиш учун олишувга, хатто душ-манга қарши жанг қилишга ҳам тайёр бўлган шахс. *Аҳмад Собирни исёнкор, ҳаёт-даги бир хилликка, рангпар ва турғун муво-*

занатга қарши курашчи сифатида тасав-вур қилганди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. «Ҳамёни зўрлар»нинг ҳокимиятини парча-лашга бел болаган курашчиларга табиий бир ички интилиш билан яқинлашди. Ойбек, Танланган асарлар.

КУРД қ. курдлар. *Курд тили. Курд йигити.*

КУРДЛАР Ғарбий Осиёнинг бир қанча мамлакатларида (Эрон, Туркия, Ироқ, Сурия) ва қисман Кавказортида яшовчи эроний халқ.

КУРДИК *шв.* Хамир овқатнинг бир тури (жўхори унидан қилинган хамирни узиб-узиб, қозонга солиб пиширилади). *Бурма курдик. Узма курдик. тт* Бундай оғир меҳнат яхши овқат талаб қиларди, аммо у қани? Қишлоқда гўжа ейилса, шаҳарда ёғсиз, гўштсиз, хамирдан қилинган курдик ейилар-ди. Ж. Шарипов, Хоразм.

КУРК Товуқнинг тухум қилишдан тўх-таб, жўжа очишга тайёр ҳолати (бунда то-вуқ хурпайиб, «курк-курк» деган товуш чиқариб юради). *Товуқ курк бўлибди. тт* Товуқларнинг серпуштлигини ошириш учун уларнинг курк бўлишига йўл қўймаслик керак. «Паррандачилик».

КУРКА Товуқсимонлар оиласига ман-суб, йирик уй паррандаси. *Курка гўшти. Курка тухуми. тт* Курка гўштининг лазиз-лиги ҳам, фойдалилиги ҳам товуқ гўшtidан қолишмайди. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

КУРКУНАК Кўкқарғалар туркумига мансуб, яшил патли, бигиз тумшукли, жарларга уя соладиган ҳашаротхўр куш.

КУРМАК Одатда шолিপояда кўп ўса-диган ёввойи ўт ва унинг қорамтир, тарикқа ўхшаш дони. *Шолининг орқасидан курмак сув ичади.* Мақол. Баҳона билай, шולי орқасидан курмак сув ичиб, янги уйлик ҳам бўлиб қолдим. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бас, тишингиз гирчиллаб, тош-пош чайнамасин деб, Гуручларни тозаллаб, курмагин терганларим.* С. Акбарий.

КУРОРТ [*нем.* Kurort < Kur — даволаш + Ort — жой, ўрин] Табиий шароити, табиий шифобахш воситалари (мас, булоқ-лар, балчиқлар каби) жихатидан дам олиш ва даволаниш учун қулай жой ва шундай жойдаги даволаниш муассасаси. *Курорт мавсуми. Курортда даволанмоқ. ит* Ўзбекис-тоннинг табиий шароити курортлар, сана-ториялар, дам олиш уйлари янада кенгай-тиришига жуда ҳам қулайдир. Газетадан.

КУРОРТОЛОГИЯ [*нем.* Kurort - да-волаш жойи + *юн.* logos — таълимот] Тиббиётнинг табиий шифобахш шароитлар, омилларни, улардан даволаш-профилактика мақсадларида фойдаланиш йўллари ўрганувчи бўлими. *Семашко номидаги Ўзбекистон курортология илмий-текишириш инс-титутининг олимлари сувнинг таркибини текишириб, хосиятли, шифобахш эканлигини аниқладилар.* «Гулистон».

КУРРА \ |а. ʋj<. — юмалоқ, тўгарак] *кт.* 1 Шар шаклидаги нарса; шар.

Ер курраси Ер шари.

2 Ер, ер юзи. *Мана шу ва шунга ўхшаш жумбоқларни еча олсак, куррамизнинг қандай вужудга келганлиги, унда ҳаётнинг пай-до бўлиши ва эртанги кунини олдиндан кўриш имконига эга бўламиз.* «Фан ва турмуш».

КУРРА II \ |ф. ʋʃS. - хўтик] *шв.* Хўтик, эшак боласи. *Эшаклар орасида чиройли куррачалар ҳам бор эди.* С. Айний, Эсдаликлар.

КУРС I [*лот.* cursus — югуриш, пойга; ҳаракат, йўл, йўналиш < curre — югур-моқ, тез ҳаракат қилмоқ] 1 Ўқув юртла-рида бирор фан ёки унинг бирор қисми-нинг маълум ҳажмдаги изчил, тартибли баёни; шундай баёндан иборат бўлган дарслик. *То шу кунгача олий ўқув юртлари-нинг филология факультетлари учун ҳозир-ги замон ўзбек тили курсидан мақбул бир қўлланма йўқ эди.* «ЎТА».

2 Маълум соҳалар бўйича тугал таълим, ихтисос берадиган махсус ўқув муассасаси.

Бухгалтерлар курси. Машинисткалар курси. Стенография курси. Шофёрлар курси. ти [Жонфизгон].. бир вақт қарасаки, Малоҳат, курсни битириб, юк машинаси миниб

юриб-ди. А. Қаҳҳор, Жонфигон. *Курс яқинда ўзи-нинг биринчи қалдирғочларини учирма кила-ди. Газетадан. Қизларучун гул дасталаш санъ-атини ўргатувчи курс очишни орзу қиларди. А. Мухтор, Чинор.*

3 Олий ва ўрта махсус ўқув муассасала-рининг ҳар бир йили, бир йиллик боски-чи, поғонаси. *Бу йил у институтнинг ик-кинчи курсини тамомлайди. Нечанчи курсда ўқияпсиз?иш Бир гуруҳ юқори курс студент-лари турадиган бу уйда хоналар кам ва тар-қоқ бўлгани учун, вахтёр ўтирмас, ҳар хо-нанинг калити маълум бир жойга яшириб кетиларди. П. Кодиров, Уч илдиз. ..бу қиз Талъатдан бир курс юқорида ўқир, жозиба-ли боқишлари.. унинг кўнглига ўт соларди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

Курс иши Олий ўқув юртларида талаба-ларнинг ўқув режасидаги махсус фанлар, баъзан умумқасбий фанлар бўйича бажа-радиган мустақил илмий иши.

4 Бир давра даволаниш; даволаниш тад-бирларининг тугал бир давраси. *Электр билан даволаниш курси.*

КУРС II **1** Кема, самолёт ва ш. к. нинг ҳаракат йўли, йўналиши. *Жаноб капитан, кемани Бектош курсидан адаштирмасанг, елкангдан ўқ ейсан. А. Мухтор, Қорақал-поқ қиссаси.*

2 кўчма Маълум бир масалани ҳал қи-лишда тугилган йўл; сиёсат йўналиши. *Ҳозирги асосий курс қишлоқ хўжалигини ин-тенсивлаштиришидир.*

3 Акция, облигация, вексель каби қим-матли қоғозлар сотиладиган ва харид қили-надиган баҳо; нарх.

4 Бир мамлакат пул бирлиги баҳосининг бошқа мамлакат пул бирлигидаги ифодаси.

КУРСАНТ [«курс» с. дан] **1** Махсус таъ-лим, ихтисос берадиган курсда ўқувчи, курс ўқувчиси. *Илгари совхозда механик-ҳайдовчилар курси ташкил қилинган бўлса ҳам, унда ўқиётган курсантлар асосан овул йигитлари эди. Э. Носиров, Ташаккур сиз-га, холажон.*

2 Ҳарбий мактаб ўқувчиси. *Баъзи кур-сантлар командирларни тутиб, ўқиш муд-дати, қандай унвонли командир бўлиб чиқи*

⁵⁰⁹

ишни сўрар, улар ҳам ё кулиб қўя қолишар, ёки «ҳарбий сир», деб ўтиб кетишар эди. Шухрат, Шинелли йиллар.

КУРСДОШ Бир курс талабаси (бир-бирига нисбатан) *Ҳарбида уч йиллик хиз-мат қилгани сабаб бўлса керак, курсдошларидан ёши каттароқ эди. Мирмуҳсин, Умид. Гавҳар бу қиз билан курсдош бўлса ҳам, ҳали яхшироқ танишиб олмаган, отини ҳам билмасди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

КУРСИ [а. ^ — ўриндиқ, стул; мин-бар] Бир киши ўтириши учун мўлжаллан-ган, одатда, тўрт оёқди оддий мослама, ўриндиқ; суянчиқсиз стул. *Унсин.. курсида ўтириб, маҳси тикади. Ойбек, Танланган асарлар. Матпано пастак курсига чўнқай-иб, этигини ечди, чориқ кийди. С. Сиёев, Аваз.*

2 Умуман, стул, ўриндиқ. *Курсини столга яқинроқ суриб ўтириб, ишини давом эттир-ди. С. Кароматов, Олтин кум. Давронов ёзги театр залига кирганида, битта ҳам бўш курси қолмаган эди. И. Раҳим, Ихлос.*

Қора курси Судда айбдор ўтирадиган жой, стул ёки скамейка. *Қора курсида эри билан ўглининг ўртасида ўтирган Ширмон-хон гужанак бўлиб олган, қимирламасди. С. Зуннунова, Гулхан. Қора курсига ўтираёт-ган жиноятчига ўхшаб қолганидан, юзлари ловуллаб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

3 Устига дастурхон ёпиб (ёзиб), егулик-лар, таом кўйиладиган қурилма; сандал. *Ичкари ҳовлида, кекса Меъмор атрофида қизи ва хотини шумшайиб ўтиришарди; ўртада устига эски дастурхон ёпилган кур-си, курси устида нон, қанд-курс, чой.. Мир-муҳсин, Меъмор. Курси устига дастурхон ёзилиб, мева-чева тўла патнус кўйилди. Ойбек, Танланган асарлар.*

КУРСИВ [лот. *cursiva* (littera) — тез ёзув] полигр. Ёзма харфга ўхшаш, бир оз ётик босма харф; шундай харфлар билан ёзиш, ажратиш. *Сўзни курсив билан ажратмоқ. Курсив харфлар.*

КУРСИЛЛАМОҚ «Курс-курс» деган товуш чиқармоқ. У[Шерали] аввал Қирғий-га, кейин Кррабайирга икки чақмоқдан қанд берди. Отлар қандни курсиллатиб чайнай бошлади. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз. *Па-тирни курсиллатиб-курсиллатиб ўзим ейман.* Ойбек, О. в. шабадалар.

КУРС-КУРС тақл. с. Қаттиқ ёки кув-рак нарсаларни чайнаганда чиқадиган товушни билдиради.

КУРСОВКА [«курс» с. дан] Курортда ётоқ олмасдан, яшаш жойисиз давола-ниш ва овқатланишгагина ҳуқуқ беради-ган ҳужжат.

КУРТ 1 Учи тўмтоқ, ўтмас (игна ҳақида). *Курт игна.*

2 кўчма Ўтмас, шарт кесадиған эмас. *Ҳар бир ишимиз тўмтоқ ва курт бўлгани каби, матбуотимиз ва унинг билан аюқа қилувчи-лар ҳам курт, ҳам ялпогига курт десак, муболага қилмасдан, бегараз ҳақиқатни айт-ган.. бўламиз.* А. Қодирӣ, Кичик асарлар.

КУРТАК 1 Ўсимликнинг тана ва нов-даларида бўртиб пайдо бўладиган, ривожланиб, барг, гул, шох каби қисмларга ай-ланадиган аъзоси, бошланғич аъзоси. *Барг куртаги. Гул куртаги. Поя куртаги. Новда куртаги.* **тм** *Эрта баҳор, дарахтлар энди куртак чиқара бошлаган пайт.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шудрингда ювинган акашия шохлари кўк-қизғиш тусга кириб, куртак тугишга тайёрлана бошлаган, гул экиш учун юмша-тишган текис тупроқ узоқдан бахмалга ўхшаб кўринади.* П. Қодиров, Уч илдиш.

2 кўчма Бирор нарсанинг ўсиб, ривож-ланадиган дастлабки намунаси, ривожланишидан дарак берувчи нишонаси. *Янгилик куртаклари. Келажакнинг куртаклари.* **тм** *Рустамдан кўзини узмас, чехраси борган сари очилиб, севги куртаклари гунчага, гунча эса гулга айланиб бораётгандек туюларди.* В. Ғофуров, Вафодор.

КУРТАКЛАМОҚ Куртак пайдо қилмоқ, куртак чиқармоқ (тўғри ва кўчма маънода). *Дарахтлар куртаклади.* **тм** *Ҳурматли дирек-торда мана шу кайфият куртаклаб қолган.* «Муштум».

КУРТИЛЛАМОҚ «Курт-курт» деган овоз чиқармоқ. *Катта ўрик тагида куртимаб беда чайнаётган отлар Ахмадни кўриб, ердан бош кўтарди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

КУРТКА [р.-пол. *kurtka* < лот. *curtus* — калта] Олди бошдан-оёқ тутмалаб қўйиладиган калта устки кийим. У[Ботир].. *кама-рини маҳкам тортиди-да, устидан кийган оч кўк курткасининг тугмаларини солиб олди.* И. Раҳим, Ихлос.

КУРТ-КУРТ тақл. с. От ёки мол ўт чай-наганда чиқадиган товушни билдиради.

Жонивор ердаги ўтни курт-курт чайнай бош-лади. Х. Ғулом, Машғал.

КУРЬЕР \фр. *courrier* < лот. *currere* — югурмоқ; шошилмоқ] **1** Шошилиш топширикдарни тарқатувчи, дипломатик хат-ха-бар ва жўнатмаларни етказиб берувчи мансабдор шахс.

2 Муассасанинг расмий иш қоғозлари-ни тегишли жойга тарқатувчи, олиб бориб берувчи ходим.

КУСАМОҚ с. т. Тусамок; хохламоқ. *Му-нисхон одатдагича гапни бошиқа ёққа бурди: эркаланиб, ҳозир кўнгли гўра қусаётганини айтди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

КУСТАР \р. *кустарь* < нем. *Kunstler* -мохир, санъаткор, артист] **1** Ўз уйида би-роп маҳсулот ишлаб чиқарувчи хунарманд. *Саври якка қўллик билан рўзгорда сасиб, Кустар Нурмат коллективга аралашмай-ди.* Ғ. Ғулом.

2 Асосан қўл меҳнати билан бўладиган ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришнинг шундай усули. *Бу территориядаги саноат.. кус-тар ва ярим кустар корхоналардан иборат эди.* Газетадан.

КУСТАРИ кам қўлл. Оддий йўл, қўл меҳнати билан тайёрланган. Лолахон пахта-лик тугмаларини тақиб олган, оёғида қус-тари хромдан пишиқ тикилган қора этик. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

КУСТАРЛИК 1 Кустар иши. Кустарлик билан шугулланмоқ.

1 айн. кустарчилик 2. КУСТАРЧИЛИК 1 Кустар иши, касби.

2 Бирор нарсани, маҳсулотни керакли техника воситаларини жалб қилмай, қўл меҳнати билан тайёрлаш, ишлаб чиқариш. Инкилобга қадар Россия экономикасида кустарчилик саноати гарчи анча ўрин олиб турган бўлса-да.. у капиталистик ишлаб чиқариш билан рақобатга бардош беролмади. Га-зетадан. ..машиналарни ремонт қилишидаги кустарчиликни узил-кесил тугатишлари.. лозим. Газетадан.

КУТИЛМАГАН 1 Кутмоқ фл. мажх. шаклдаги сфдш. Унинг бугун келиши кутилмаган эди.

1 сфт. Тасодифий. -Ҳуш келибсиз, ази-зим Ҳасанбек! — деди Меъмор бу кутилмаган учрашувдан ҳайратланиб.. Мирмуҳсин, Меъмор. Кутилмаган бу ҳодиса режамизнинг белига тепди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

КУТИЛМАГАНДА рвш. Ҳеч ўйламаган, кутмаган бир вақтда; тўсатдан, тасодифан. Кутилмаганда онасидан айрилган қиз бечора энди бирдан Искандарга суяниб қолди. У. Ус-монов, Сирли соҳил. Кутилмаганда бирор чашма, кимсасиз яйлов ёки ваҳимали жар-ликлар қаришигизда намоён бўлади. Ж. Аб-дуллахонов, Орият.

КУТКИЛАМОҚ Жонга тегар даражада узлуксиз танбеҳ бериб, тергаб турмоқ; қис-тамоқ, қисталанг қилмоқ.. Қабристондаги пайгамбарларга меросхўр шайх>\ар уни кут-килай бериб тинчитишмагандан кейин, қори бошқа йўл — муслимларга хизмат қилишга киришади. С. Аҳмад, Колбаса қори. Э, сен мени куткилай берма! Жонимдан тўйде-ем! Мирмуҳсин, Бир хумча тилла. Ҳайдарнинг куткилаб берган сўроқларига эса: -Яхши, ўзингга ёқса бўлди-да, — деб қўя қолди. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

КУТМОҚ 1 Мўлжалланган нарса ёки шахснинг пайдо бўлишини, келишини ёки учрашини умид қилган. унга кўз тиккан ҳолда маълум вақт бирор жойда турмоқ; пойламоқ. Самолёт келишини кутмоқ. Сени кўп кутдим. **шш** Юсуфбек ҳожи сипоҳлардан бирининг кўлтиклаши билан отига миниб, нарида кутиб турган Ҳасаналига қараб юрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Барно йўқ экан, бир оз кутди, келавермагач, ўтиришга сабри чидамай, идорадан чиқди. О. Ёкубов, Эр бо-шига иш тушса.

2 Бирор нарсанинг бўлишини эътибор-да тутиб, нимадандир ўзини тийиб, тўхта-тиб турмоқ. Аваз залдаги пичир-пичирлар тинишини кутиб. бир оз жим қолди-да, да-вом этди: -Мирзаев Чароснинг тирноғига ҳам арзимаёди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. У Ваққос отанинг таклифини кутмай, Абдубилолни ичкарига бошлади. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Ахмаджон пулемётни.. дарҳол окоп бўйига ўрнатди ва немис пиёда аскарларининг яқинроқ келишини кутди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Келувчини ҳурматлаб, йўлига, ис-тиқболига чиқмоқ. Фуломжон ҳокимни кут-гани бормади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Уни ҳеч ким кутгани чикмади. С. Аҳмад, Уфқ. Эрта билан вокзалга келди. Йўқ, уни кута-диган ҳам, кузатадиган ҳам одами иўқ эди. Шунчаки боши айланиб келиб қолди. У. Ҳоши-мов, Қалбингга қулоқ сол.

Кутиб олмоқ Қарши олмоқ, қаршила-моқ. Юбилейни яхши кутиб олмоқ. **шш** Дарвоза олдида ҳазрати Алишерни кўлида супурги ушлаган жиккаккина фақир бир чол кутиб олди. Н. Аминов, Суварак. Чойхоначи уни [Авазни] айрича **илтифот** билан кутиб олди. С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Бировнинг (мас, меҳмонларнинг) кўнглини олиш учун хизматида бўлмоқ; уни зиёфат қилмоқ, хурсанд қилиш учун унга хизмат қилмоқ, кўнглини олмоқ. Мез-бон меҳмонларни яхши кутди. **шш** ..Печак-гулдек бўлиб, эрига чирмашиганини кўрармиз ҳали, худо кўрсатса; бор, ўйнаб-кулиб, меҳ-монларингни кут! А. Қодирий, Ўтган кун-

лар. [Ҳожичи, жавоб кутмасдан:] -Кудаларинг-ни нима билан кутишини бўлса, ўзинг била-сан: туя сўйиб чорлаганингда ҳам келмаи-дирган кишилар! — деди. А. Қодирий, Утган кунлар. Бизнинг эшигимиз доим очик. Шу уйга келибманки, меҳмон кутаман. Ҳ. Ғу-лом, Феруза.

5 Бирор нарсанинг бўлишини умид қил-моқ, шундай бўлади деб ўйламоқ; илин-жида бўлмоқ. *Яхшилик кутмоқ. Нодондан ақл кутма, бебурддан — номус. Мақол. Адоват уругини сепаиб, адолат мевасини кутма. шшш Котиб хатни олди-ю, Элмурод кутгандек, ўқиб ўтирмади. П. Турсун, Ўқитувчи. Гул-сум она бунақа гапларни кутмагани учунми, саросимага тушиб, Фёдоровнага кўз ташила-ди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.*

6 кўчма Иўлида, хаёт йўлида рўпара бўлмоқ, истиқболида бўлмоқ; қаршиламоқ. *Дарҳақиқат, бизнинг қаршимизга йўлбарс чиқса, биз қаттиқ қўрқамиз, чунки бизни ўлим кутади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. ..деҳқонларнинг бу исёни яхшиликка олибкел-маслигини, қонун, қурол сипоҳилар қўлида эканлигини, исёнчиларни бешафқат жазо кутишини ҳам билади. С. Сиёев, Аваз.

КУТУБХОНА \a. ^jiZ — «китоб» с. нинг кўпл. + хона] **1** Китоб, журнал ва ш. к. ни тўплаш, сақлаш ва уларни ташвиқот қилиш, ўқувчиларга фойдаланиш учун бе-риш билан шуғулланувчи муассаса. *Ўзбекис-тон Фанлар академиясининг кутубхонаси. шш Темиржон ҳалигина кутубхонадан олиб ке-либ, диванга бетартиб сочиб қўйган китоб-ларига қаради. Ж. Абдуллахонов, Орият. Ёдгор шу кунни тушдан кейин кутубхонага борганди.. Залда ўн-ўн беш кишидан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол.*

2 Тури жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ва маълум бир тоифадаги китобхон-ларга мўлжалланган китоблар сериясининг номи. *«Муштум» кутубхонаси. Жаҳон ада-биёти кутубхонаси.*

3 Маълум шахсга тегишли кўп миқдор-даги китоблар ва шу китоблар турадиган жой. *Эшикдан бош суқиб, унга салом берди-да, меҳмонхона тоқчалари тўла китобларга бир муддат тикилиб қолди. Отаси ўзининг бой кутубхонаси билан бежиз фахрланмас-ди. К. Яшин, Ҳамза.*

КУТУБХОНАЧИ Кутубхонада китоб-ларни сақлаш, ўқувчиларга бериш ва қабул қилиш вазифаларини бажарувчи шахс, хо-дим. *Кичкина суратни катта қиладиган фо-точка келган, хох^ишанлар кутубхоначи қизга учрасин. С. Аҳмад, Саҳарларда.*

КУФ этн. Дам солганда, дуо ўқиганда, беморга ёки унга бериладиган нарсага на-фас уриб чиқариладиган товуш; куф-суф. *Куф демоқ. Куф урмоқ. тш -Дадам раҳмат-лик ҳам «куф» десалар, сувни тескари оқизиб, «суф» десалар, кўрнинг кўзини очиб юбора-диган улуг зот эдилар, — деди домла. Ғ. Ғу-лом, Шум бола.*

КУФР [a. jJiS — динсизлик, кофирлик, исломни танимаслик; кўрнамаклик] **1** дин. Худони, динни таҳқирлаш. *Худо ва расулга бўлган ҳақорат куфр ва муртадлик бўлиб, кофир ва муртаднинг жазоси қатл.. эмас-ми?С. Айний, Қуллар.*

2 Диний, шаръий тамойилларга тўғри келмайдиган, худога хуш келмайдиган, но-шаръий.

Куфр аҳли Диндан қайтганлар, динсиз-лар, кофирлар. *Кимки сендан юз ўгурса, эр-мас ул толиби дин, Топшир ул куфр ОХЛТУНУ сен қодирчи жабборинга. Увайсий. ..Бандаси аввал куфр ишларни кўп қилади — қилади-да, кейин бирдан дўзахни эслаб қолади. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.*

Куфр бўлмоқ Хуноб бўлмоқ, «кофирли-ги» тугмоқ. *Нима бало, бирон ишдан куфр бўлиб бораётган эканми, ҳайтовур, Ёлғиз-жоннинг юзига тарсаки тортиб юборибди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. Куфр кетмоқ* Худо ва динга қарши сўзламоқ, динга тўғри кел-майдиган сўзлар айтмоқ. *Баъзи маҳиллар куфр кетишдан ҳам тоймас эди шўрлик она!*

М. Исмоилий, Фарғона т. о. Биров: «Давлат-мандга давлатни худо берган, куфрга кет-ма», деб кампирга даkki берди, кимдир пул-га мардикор ёллаётган пулдорларнинг гўрига гишт қалади. К. Яшин, Ҳамза. **Куфри ош-моқ** айн. **куфр бўлмоқ**. Зокирнинг куфри ошиб: «Сендан яхшилик ниқмас экан..» деб яниб қолди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Раис йўқлигимни билса, баттар куфри оша-ди-да.. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. **Куф-ри чикмоқ** қ. **куфр бўлмоқ**. Бирпас куфри чиқиб турарди-да, Абдуҳафизнинг гаплари-ни эслаб.. фикридан қайтарди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КУФРЛАНМОҚ Куфр бўлмоқ, жахли кўзғамоқ. [Қотонбек] Карта олиб, фол очарди. Фоли кўнглидагидек чиқса, хандон солиб кулар, ўнг келмаса, ерга уриб, куфрланиб, жигибийро-ни чиқарди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

КУФРЛИК Куфр кетиш, куфр бўлиш ҳолати. Шу кеча-кундузда куфрлигим жуда-ям ошди-да. А. Қодирий, Кичик асарлар.

КУФРОН [а. [^]1 — кофирлик; кўрна-маклик]: **куфрони неъмат** эск. Неъмат қад-рини билмаслик; кўрнамаклик. Худой тао-ло нури покидан яратган сиздай фариштани қўйиб, фикс-фужур йўлига юрмоқ куфрони неъмат бўлур эди. А. Қаҳдор, Тобутдан то-вуш. Бахтинг бунчалик қулган экан.. давлат қушини қўлдан учирши куфрони неъмат, бо-лам! А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

КУФ-СУФ Дуо ўқиб, беморга ёки унга бериладиган нарсага дам солганда чиқади-ган товушлар; дуо ўқиб, беморга ёки унга бериладиган нарсага дам солиш ва шу йўл билан даволаш. Биргина кампир энам бор, ука. Энам кинна солишига, куф-суфга чаққон. Ой-бек, Танланган асарлар. Бу ялмоғиз кампир қанча беморларни «куф-суф» билан даволай-ман, деб ёстигини қуритди. Газетадан.

КУФФОР [а. *j\JS.* - «кофир» с. нинг кўпл.] Ваҳолонки, аҳли куффор ҳам ул пар-вардигорнинг иноятидин насибадордирлар. А. Қодирий, Кичик асарлар.

КУЧ 1 Одам ва жониворларнинг ўз мус-кулларини ишлатиб, жисмоний ҳаракат қилиш қобилияти; жисмоний энергия; қув-ват. Жисмоний куч. Мускул кучи. Эсинг борида эл тани, кучинг борида ер тани. Мақол. *тт* Бола кучи етса, челақ судраб, етмаса, кўра кўтариб, саҳнга еуе сепар.. эди. М. Исмои-лий, Фарғона т. о. Кимнинг бшагида кучи бўлса, ким ишининг ҳавосини олса.. ўша илғор бўлаве-ради. А. Қаххрр, Кўшчинор чироклари.

Кучдан қолмоқ Куч-мадори кетиб заиф-лашмоқ.

2 Меҳнат қилиш, яратиш, юзага кел-тириш қобилияти, иш-меқнат. Бир парча куйган қора нон учун Ёшлик чоғингдан ўз кучинг сотиб. Ҳамза. [Бойлар].. кўкламгача ювинди билан боқади, олғи ой ёз текинга ишлатади. Одамнинг кучи зшак кучидин паст баҳога тушади уларга! Ойбек, Танланган асарлар.

3 Маънавий, ақлий ва рухий қувват. Ақлий куч. *тт* Ҳайдар ота кампирнинг ирода кучига ишонмас, шунинг учун ҳозир Асрор-қулнинг унга рўпара бўлишини истамас эди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Уни тўхтатиб қолишига ҳеч қандай андишанинг, ҳеч қандай севги ва ҳурматнинг кучи етмас эди. С. Зун-нунова, Кўк чироклар.

4 физ. Жисмларнинг ўзаро механик таъ-сир этиш қобилияти ва унинг ўлчови. Мар-каздан қочма куч. Куч бирлиги. *тт* Тортиш кучи ёки, бошқача ийтганда, гравитациянинг нима экани ҳозирча бирон олимга ошкор эмас. «Фан ва турмуш».

5 Қувват, энергия. Электростанция-нинг кучи.

6 Таъсир қилиш даражаси; таъсир. До-рининг кучи. *тш* Бу кунги қора совуқ куёш кучини-да кесган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Очлик ўз кучини кўрсатиб, уни ҳол-дан тойдирган эди. С. Аҳмад, Уфк. Булаҳза-да ароқ Валижонга ўз кучини кўрсатиб қўйган эди. «Гулдаста».

7 Тўйимлилик, қувват бериш белги-хусусияти, кўрсаткичи. Ернинг кучи. Та-омнинг кучи.

8 Бирор ишни амалга ошира билиш имкони, имконияти; \ол-кудрат, курб. Унинг автомашина сотиб олишга ҳам кучи етади. *тт* Қамбарали акани сотиб олгани кучингиз етмаса керак. Миштиқ билан бўлма-ди, энди пул билан рахна солмоқчимисизлар? А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари.

9 Бирор соҳада ва умуман ишлаб чиқа-ришда ишловчи кишилар. Хотин-қизлар — корхонада катта куч. *тт* Бугун Ўзбекистон-да биринчи марта қурилаётган металл заводида ФЗОни битирган ёш кучлар келди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Кўчиб келган заводларга қизларни юбордик: кучимиз

№440

озайиб қолди, вазифамиз катта, юкимиз оғир. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

10 Бирор ишни амалга оширишга қара-тилган, бирор мақсад учун фойдаланиладиган шахс ёки нарсалар. Душман десант-ниларни денгизга улоқтириб ташлаш учун қўшимча куч келтирарди. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Хуросон тахти учун исён кўтарган Мирзо Ёдгор ҳам шу атрофда куч тўплаган эди. Ойбек, Навоий. [Биз/Келишмовчилик-ларни четдан куч жалб қилмасдан, ўз кучи-миз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб қолдик. А. Қахҳор, Нутқ.

11 (асосан кўпл. шаклида) Ҳарбий қўшилмалар; кўшин. Қуролли кучлар. *тт* Танк ва мотодивизиялардан йигирма иккитаси катта ҳаво кучларининг ёрдами билан Калинин, Орёл, Тулага қараб бормоқда. И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат.

12 (асосан кўпл. шаклида) Жамиятнинг бирор белги-хусусияти, дунёқараши ва ш. к. билан фарқланувчи қисми. Реакцион кучлар. Синфий кучлар муносабати. Қора кучлар.

13 ҳуқ. Қарор, қонун ва ш. к. нинг қўлланиши, амали, жорийлиги. Қонун куч-га кирди. Ҳуқм кучда қолди. Қарор кучини йўқотди.

Ёмоннинг кучи япалоққа етар к. япалоқ. От кучи физ. Двигатель қувватининг ўлчов бирлиги. **Оғзига кучи етмаган** Тилини тиёл-май, бировлар ҳақида ғийбат, номақбул гап-лар қиладиган. *Билган у деди, билмаган бу. Ҳатто оғзига кучи етмаган баъзи бировлар, юзига бўлмаса-да, орқаворатдан «нотавон кўнгилга қўтир жомашов», деб луқма ташла-шарди. С. Сиёев, Райхрн. Қўйинг, хафа бўлманг, хола, бунга йўрғакда теккан касал бу.. Оғзига кучи етмаган киши ҳар нарсани гапираверади. Н. Сафаров, Танланган асарлар.*

КУЧАЙМОҚ 1 Таъсир даражаси юқори-лашмоқ, кучли тус олмоқ, авж олмоқ, зўраймоқ. *Оғриқ кучайди, Қизиқиш кучайди. Совуқ кучайди. тт* Қўрғонда хотинларнинг, болаларнинг шовқини кучайди.. Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Ундаги безовталик авжига минган сари, кўнглида ашулага шитиёқи ку-чайиб борарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Гавҳар аяси билан дадасини, Ғиёс акаси би-лан Фотима-Хусанларни ўйлаган сайин, бат-тар хавотири кучаярди. Ў. Ҳошимов, Қал-бингга кулоқ сол.*

2 Ўзига (янада) куч бермоқ; кучланмоқ. *Бунинг устига сипоҳлар яна ҳам кучайиб, оломонни Хадрага қараб суришга муваффақ бўладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. По-лициячи бамисоли ит бўлади, қочсанг, куча-йиб, орқангдан қувлайди. К. Яшин, Ҳамза.*

КУЧАЛА 1 Гули сарик, кўк, сафсар ўтсимон ўсимлик ҳамда унинг тиббиётда ишлатиладиган захарли, тугмасимон мева-си. *..баққолдан яширинча олдирилган кучала кичкинагина декчада зртадан кечгача қай-найди; эрталаб унинг суви бир чойнакка солиниб, Зебихоннинг уйига олиб кирилиши мўлжалланди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

2 Терак, тол каби дарахтларнинг тўп-гули. *Улар [дарахтлар] ҳам бўртиб, куча-ла чиқара бошлашибди. Т. Тўла, Тошкент уйлари.*

Кучала еган жойингга бориб тириш Қи-

лиғингни ичган (кайф қилган) жойингга бо-риб қил. «Агар ичкилик ичган бўлсанг, кучала еган жойингга бориб тириш», демоқчи бўлди-ю, айтмади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

КУЧАН шв. Бўйинча.

КУЧАНМОҚ 1 Бутун кучи билан кес-кин ҳаракат қилмоқ, тиришиб, чираниб зўр бермоқ. *Юкни кучаниб кўтармоқ. тт Ҳомид ҳануз кўлини бўшатишига кучанар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Машина, орқаси-дан аччиқ ҳидли қорамтир тутун чиқариб, бир кучанди-да, елиб кетди. Шухрат, Ши-нелли йиллар. Узун арқонларни кучаниб торта-торта, кемани соҳилга қапиштирдилар. С. Сиёев, Аваз.*

2 кўчма Ўта муболаға билан мақтанмоқ, чиранмоқ. *Бу муваффақиятдан чатнаёзган муша Абдурахмон кучанганидан кучанар.. эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Ҳоким 25 сол-датнинг кучи ўзига ўтиб қолгандек кучана бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

КУЧЕР [нем. Kutscher - аравакаш] Из-вош ҳайдовчи. *Хўжайинининг феълига тушуниб қолган кучер извошини беозоргина, се-кин жилдирди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

КУЧЛАМОҚ кам қўлл. Қувватламоқ, маъқулламоқ. *Офтоб ойим эрининг сўзини кучлаб тушди: -Иссиғи бор, юзи ҳам қиза-риб, бўртиб турибдир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кўпчилик Хатиб домланинг сўзини кучлаб тушгандан сўнг, у ҳам ноилоҳ зиёфатини бўйнига олишига мажбур бўлди. А. Қо-дирий, Обид кетмон.*

⁴⁴¹ **яв^**

КУЧЛАНМОҚ кам қўлл. Кучаймоқ. *Ел борган сайин кучлана борди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳомиднинг юзидаги бояғи ҳолат яна ҳам кучланиб, гўё тоқатсизлангандек кўринар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

КУЧЛАНИШ 1 физ. Электр зарядлари-нинг силжишида, кўчишида электр кучининг ишини кўрсатувчи микдор. *Юқори куч-ланиш. Паст кучланиш. тт Симлардаги куч-ланиш кучли эди.. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.*

2 тех. Қаттиқ жисмда ташқи таъсир натижасида юзага келадиган сиқилиш ёки кенгайиш ҳодисаси ва унинг катталиги.

КУЧЛАНИШЛИ Кучланишга эга (қ. кучланиш **1**). *Юқори кучланишли ток. тт Паст кучланишли электр линиясини монтаж қилиш ишлари бажарилди. Газетадан.*

КУЧЛИ 1 Жисмоний қобилияти, куч-қуввати нисбатан ортиқ; бақувват. *Кучли йигит. тт Мутал кучли эди, аммо Отабек ундан ҳам кучли эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сен мана шу олтинни ол.. бир кунлик нари қишлоқдан икки от ол, кучли, чопқир зотлардан бўлсин. Ҳамза, Майсаранинг иши. Ғилай одам шамни тоқчага қўйиб, кучли қўллари билан Аҳмад Чалабийнинг ёқасидан тутди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 Соғлом ва яхши ривожланган. *Юраги кучли. тт Унинг [Гулнорнинг] хаёлида ёлғиз Йўлчигина учади, фикран у билан сўзлаша-ди, гўё йигит.. кучли, кенг кўкрагига унинг бошини олиб эркалайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 физ., тех. Катта қувватга эга бўлган; қувватли. *Кучли дастгоҳ. Кучли машина. тт Ҳаммаси лабораторияда кучли магнит май-дон хоссаларини ўрганиш учун ясалаётган.. галтак яқинида турганда рўй берди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. Гувуллар кучли мотор, Айланар машиналар. Ю. Ҳамдам.*

4 Иқтисодий, моддий ва бошқа жиҳат-дан бақувват; имконияти зўр, қудратли. *Кучли давлат. Кучли армия. Кучли рақиб. тт Абусаид мирзонинг кучли кўшини ҳозирги пайтда Бухорога кириб келиши муқаррар эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

5 Таъсир даражаси юқори, тез таъсир қиладиган. *Кучли дори. Кучли зарб. тт Кучли далил бўлмасдан, улар билан олишиб бўлмайди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Алиф ва бўёқнинг кучли ҳидидан бўлса керак, бур-нини жийириб олган. «Муштум». Қорадори анча кучли наркотик модда бўлиб, у орга-низмга зарарли таъсир ўтказади. Газетадан.*

6 Зухур этиш, юз бериш даражаси юқори: каттиқ; шиддатли. *Кучли шамол. Кучли фарёд. Кучли портлаш. Кучли хўрсиниш. Кучли тўлқин. тт Музлоқ тоғ бино бўлиб*

бундай кучли гулдуросни эшитмаган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Эргашев пулемётидан шунчалик кучли ўт очдики, ҳатто пулемёт кожухидаги сув самовардагидек варақлаб қайнар эди.* Н. Сафаров, Қаҳрамон-нинг туғилиши.

7 Ўз иш-хунарини яхши билувчи, қоби-лияти зўр; талантли. *Кучли ўқувчи. Кучли шахматчи. Кучли олим. Кучли ёзувчи. тт -Хивада кучли табиблардан шу киши қолди.. — дея Иброҳим ота Ўтар бувани мақтаб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу ерга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан энг куч-ли чангичиларнинг ташириф буюриши қувон-чимизга қувонч қўшди.* Газетадан.

8 с. т. Таркибида ўғит моддалари кўп, унумдор; семиз. *Сенҳам пахта берасан.. аммо еринг кучли, янги ер. Азот керак эмас.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

9 Ўсиш, ривожланишни тезлаштиради-ган; кўп куч-қувват бағишлайдиган; тўйимли, тўқ тутадиган. *Кучли ем. Кучли овқат. Ку4jiu ўғит.*

10 Умуман, даражаси юқори, юқори даражали. *Кучли хиссиёт. Кучли соғинч. Куч-ли ҳаяжон. Кучли қизиқиш. Кучли ҳаракат. Пиринг кучли бўлгунча, билиминг кучли бўлсин.* Мақол. **III** *Эрим қиморбоз бўлсаям, орияти кучли эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бу хушҳол ва очиққўнғил аёлда кўзга яққол ташланмайдиган кучли ирода ва мус-тақиллик яширин эди.* Ф. Мусаёғав, Хим-мат. *Санжар Сиддиқовнинг таланти, ўткир бадиий тафаккури.. унинг ижоди илзаниш-ларида катта кенгликлар очиб берди.* Х. Ёд-горов, Хаёт тўлкинлари.

КУЧЛИЛИК Кучга эгалик, кучи, да-ражаси юқорилик. *Марямхоннинг бундай ботирлигининг сабаби унинг қутулишига бўлган умидининг кучлилигидир.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Юзини пар ёстиққа қўйди. Бутун йўл бўйи номуснинг кучлили-гидан тийиб келган кўз ёшига тўла эрк берди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Кучлилик қилмоқ 1) куч жиҳатдан ус-тунлиги намоён бўлмоқ, устун келмоқ. *Рақибидан кучлилик қилмоқ. тш ..Саид Жалол-хон эшоннинг панд-насиҳатлари билан кўзи кўр, қулоғи кар бўлган их,юсмандлар учун ҳали ҳам унинг тангри номи билан айтадиган ҳар бир калима сўзи ҳар қандай ташивиқотдан кучлилик қиларди.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) ҳазм учун оғир бўлмоқ, оғирлик қилмоқ (таом ҳақида). *Кази солинган палов унга кучлилик қилди.*

КУЧСИЗ 1 Жисмоний қобилияти паст, куч-қуввати нисбатан оз; заиф. *-Бурнидан тортса йиқиладиган, кучсиз, хунуккина киши — баззоз Абдулхолиқбой — қошини чимириб, ингичка, хотинчалиши овози билан гапга ара-лашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Бирор иш қилиш ёки ишлаб чиқариш қобилияти, қуввати бошқалардан паст, оз; қувватсиз. *Кучсиз мотор.*

3 Иқтисодий жиҳатдан камқувват, ҳол-кудрати нисбатан паст, оз. *Ҳукуматга чап бериб, кучсиз хўжаликларнинг баданига зу-лукдай ёпишиб олган мана шунақа одамларнинг танобини тортиш керак.* А. Қаҳхрр, Қўшчиноҳ чироқлари.

4 Таъсир кучи паст; бўш. *Кучсиз дори.*

5 Зухур этиш даражаси паст, оз; секин ёки суст юз берадиган; заиф. *Кучсиз овоз. Кучсиз шамол. Кучсиз портлаш. шш Дўллар тўғрисидаги бешинчи чироқ титраб-титраб, ун гарди ўтирган кичкина шишасидан хира, кучсиз нур сочиб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Кампир кучсиз хуррак торта бош-лади.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ўз иш-хунарини яхши билмайдиган, қобилияти паст; бўш. *Тўртинчи синфнинг ҳаммаси энг яхши ўқийдиган болалар бўлса ҳам, ўқишда.. ҳамма дарслардан кучсиз, рус-чадан эса ҳеч тайёрламайдиган Мирзажон Латифий деган ҳам бор эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

7 с. т. Таркибида ўғит моддалари кам; унумсиз, ориқ. *Ер кучсиз бўлганидан кейин, дармонсиз танга ёпишади-да ҳар хил дард.* С. Нуров, Нарвон.

8 Кам калорияли, енгил. *Кучсиз овқат. КУЧСИЗЛАНМОҚ* Куч-қуввати озаймоқ, пасаймоқ; заифлашмоқ. *Ўгли Тоҳир-жон сил касалидан ўлгандан кейин, Шокир отанинг бели яна кўпроқ букилган, кўзлари йиғи билан яна кўпроқ кучсизланган эди.*

Ойбек, Танланган асарлар. *Қўл-оёғи увушиб, кучсизланиб қолган Ақромхон бир илож қилиб ёпиқ вагонга кириб олди.* И. Раҳим, Тиним-сиз шаҳар.

КУЧСИЗЛИК Кам кучга эгалик, кучи камлик. *Сиз кучсизлик қилибсиз-да, ойингиз сизни енгиб қўйибди. Аксинча, сиз ойингизга ўз таъсирингизни ўтказишингиз керак эди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *..қонунга қарши чи-қиши учун лозим бўлган кучга молик эмас, бас, кучсизликнинг натижаси эса сукут эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КУЧУК [ф. $\blacksquare <_2 j\text{£}$ — кичкина; майда; кичик ёшли] **1** Итнинг боласи; етилмаган ёш ит. *Ким, кучук бирлан хўтикка қанча қил-санг тарбият, Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одами!* Уйғун ва И. Султон, Али-шер Навоий.

2 с. т. Умуман ит. *Нури.. айвонга яқин-лашгач, тупроққа қоришиб ётган катта, пахмоқ кучук занжирини шалдиратиб, ўрни-дан турди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Итга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Ҳовли супурувчи бола сув сепмай чангитиб юборгани учун, «Аблаҳ, кучук!» деб қўиди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *..Мадрайимхоннинг изидан кучуклар кўп.* С. Сиёев, Ёруғлик.

КУЧУКБАЧЧА айн. итвачча

КУШАНДА \ф. $\mathfrak{b}, \ll_{2} \text{Л}$ - ўлдирувчи] Еб йўқ қилувчи, ўлдирувчи. *Мушук — сичқонларнинг кушандаси.*

1 Умуман, йўқ қилувчи. *Инсон умрининг заволи бўлган наркотик моддалар, унинг қан-дай тури бўлишидан қатъи назар, саломат-лик кушандаси эканини унутмаслик керак.* Газетадан. *Ҳар бало, ҳар иллатнинг ўз ку-шандаси бор.* Чўлники — сув. Ойбек, О. в. шабадалар.

КУШЕТКА \фр. *couchette* - кичик ди-ван] Орқа суянчиғи йўқдиван. *Зикир Ота-жонов кабинетга кириб, кушеткага ўтир-ди-ю, кўзойнагини рўмолча билан арта бошлади.* «Муштум». *Солиҳ суриштиришларга жавоб қиларкан, ётоқхонага кириб, кушеткага чўзилди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

КУШОД \ф. $\text{о} \ll_{1} \text{S}$ ёки $\text{J} \ll_{1} \text{£}$ - очиқ, очилган, бўшатишган] **1** эск. кт. Очилиш, бўшаш. *Сайри гулшан бирла таъимки ку-шодўлмас, не/яам?Увайсий. Сабр билан баста эшикдир кушод..* «Ақл ақлдан қувват олади».

⁵¹⁷

Кушодтиламоқ Енгиллик, юришиш (ри-вож) тиламоқ. *Қўлга қалам олиб, ненидир ижод қилган чоғларимда.. Кувониб ишимга тиларди кушод.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. **Расми кушод** Очилиш маросими. *Бултур, Москвадаги собиқ Бухоро билим юртида «кулуб» очилатургон бўлиб, расми кушодга.. таклиф қилинган эдилар.* А. Қоди-рий, Кичик асарлар.

2 Бутунлай, роса. *Мен уни кўрмаганимга кушод уч ой бўлди. тт Уйнатиб остида отни, зўрлигин кушод билдирди.* «Зулфизар билан Авазхон». *Баччагарнинг қилиб юрган ишидан кушод беҳабар эканмиз-да.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Оёғини кушод кўтариб, Аччиқланиб бу мард отди.* «Эрали ва Шерали».

КУШОЙИШ \ф. $\text{J} \ll_{1} \text{L} \text{S}$ - очиш, очи-лиш; ҳал қилиш] кт. Бирор қийин ишнинг осон ҳал бўлиши, енгил битиши. *Сизга ку-шойиш, бизга барака билан сабр берсин.* \ам-за, Паранжи сирлари. *-Эй худо, ишимни ўзинг кушойишини бер, — деганича жўнай қолди.* Шукрат, Жаннат қидирганлар.

КУШХОНА \ф. - ўлдирувчи < «ўлдирмоқ» фл. хоз. зам. шакли + хона] Чорва молларини сўйиш, гўшт-ёғ тайёрлаш би-лан шуғулланувчи корхона. *Бибигул, куш-хонага судраб олиб кетилаётган эчкидек, аъзойи бадани титраб, аранг қадам ташиларди.* Мирмуҳсин, Чўри.

КУЮК 1 Пиширилган, ковурилган нар-санинг куйган жойи, куйган қисми. *Куюк кулча. ит Кеча кечқурун Грасиано.. пўчоқ ва нон куюклари билан қорнини тўйгазди. Ё. Шукуров, Грасиано.*

2 Куйиш натижасида ҳосил бўлган яра, жароҳат; куйган. *Курум босган деворлар тагида қулаб ётган куюк ёгочларни у ёқ-бу ёққа суриб кўрди. Ҳ. Фулом, Машғал. Унинг куюк сочсиз боши, яримта юзи жисзганак бўлиб, шилвираб турар.. эди. Ойбек, Куёш қораймас.*

3 айн. **куйинди.** *Офтоб тиккага келган, йўл чанги, ёнгин, куюк, дуд иси томоқларимизни қақратган эди. А. Мухтор, Давр ме-нингтакциримда. Шабада куюк ишрини ҳам тарқатиб юборди. А. Мухтор, Чинор.*

4 кўчма с. т. Доғ-алам, дард-ғам; алам-ли, куйган. *Ҳар куюкка кўнар одамнинг боши. «Гўрўғли». Боласини кўриб, куюклари кетди. «Юсуф ва А\мад». Энди солма кўп догингни, Куюк жисмим жон ўртар. Ҳамза.*

КУЮНДИ қ. **куйинди.** **КУЮНМОҚ** қ. **куйинмоқ.** **КУЮНЧАК** қ. **куйинчак.**

КУЯ I Қурти юнгли матоларни кўрим-сиз, яроқсиз ҳолга келтирувчи, дон ёки ўсимликларни нобуд қилувчи кичкина ка-палак. *Йигит.. Муҳаммад Жамолнинг куя еган эски қоракўл папахини қозиқдан олиб, бинт усғипдан бошига бостириб кийди. Ойбек, Нур қидириб. Гиламни ҳам адо қилур кичик бир куя. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

КУЯ II Нарсаларнинг куйишидан, ёни-шидан ҳосил бўладиган майда қора зарралар; қоракуя; курум. *Қозонга яқин юрсанг, куяси юқар. Мақол. тт -Қўлимга тушганда, юзига куя суриб, эшакка тескари миндирар эдим-да, бозорнинг ўртаси билан ҳайдаб, тўппа-тўғри қозининг ҳузурига олиб борар эдим, - деди Халфа. П. Турсун, Ўқитувчи.*

КУҲ тақл. с. Бирор нарсани, мас. қўлни иситиш учун унга қаттиқ пуфлаганда чиқадиган товуш.

КУҲЛАМОҚ «Куҳ» деб нафас чиқармоқ (одатда қўлни иситиш учун шундай қилинади). *-Бугун совуқ ҳам аччиққина, — деди қўлларини куҳлаб Анзират. Ойбек, О. в. шабадалар.*

КЪЯТ Мьянма (Бирма)нинг асосий пул бирлиги.

КЮРИЙ \лот. curium < фр. Curie — эр-хотин Пьер Кюри ва Мария Склодов-ская-Кюри фамилиясидан! Менделеев даврий системасининг **III** гуруҳига ман-суб кимёвий элемент; кумушсимон радио-актив металл.

КЎГАН шв. Қўзи-улоқлар қатор қилиб боғлаб қўйиладиган (қўй-эчкини соғишда ишлатиладиган) илмоқли арқон; чилвир. *[Баҳромгулнинг] Орқасидан беклар келиб, кайвони билан Гулнорни ҳайдаб келиб.. ҳам-масини кўганга боғлаб, қул бозорида қатор қилиб тизди. «Зулфизар билан Авазхон».*

КЎГАНЛАМОҚ шв. Кўган билан боғ-ламоқ. *Карим ака қорамолларни жой-жойига боғлади, эчкиларни кўганлади. М. Ҳазрат-қулов, Журъат. Бўрининг онаси қўй-эчкилар-ни кўганлади. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

КЎЗ 1 Тирик мавжудотнинг кўриш аъзоси. *Кўз косаси. Кўз оқи. Кўз қорачиғи. Қўла кўз. Кўк кўз. Хумор кўз. Аяган кўзга чўп тушар. Мақол. Қарга қарганинг кўзини чўқимайди. Мақол. Кўз қўрқоқ, қўл ботир. Мақол. тт Мастон, унга эътибор қилмай, отнинг тумшугидан кўтариб, унинг очиқ қолган кўзларига қаради. А. Қаҳҳрр, Мас-тон. Гавҳар ўртадаги симёгоч учиди осилиб турган лампочка ёруғидан қамашган кўзларини кафти билан пана қилиб, ёгоч зина-лардан чиқиб келди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Кўзи ёшли одамни Кўзим асло кўрмаса. Шухрат.*

Кўз гавҳари анат. Кўз қорачиғи остида икки томони қавариклинза шаклидаги тиниктанача. **Кўз кўриб** (ёки **кўрмаган**), **қулоқ эшитмаган** Бутунлай номаълум (наrsa, жой ва ш. к. ҳақида). *Бирдан кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир жониворни кўргандек, ҳай-рон бўлиб, секин ўрnidан турди. «Гулдаста». Ўрис табиб Ачахоннинг қорнини ёрар*

эмши.. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган касофат иш. К. Яшин, Ҳамза. **Кўз нуруни тўкмоқ** Кўз кув-ватини сарфламоқ (ўқиш, ёзиш, тикиш каби ишларга нисбатан). -Мен.. *йигирма йил халифа учун кўз нури тўкиб ишлабман — деди Чоргул биби.* С. Айний, Куллар. **Кўз олди ёки кўз ўнги** Кўз кўриб турган, кўриниб турган майдон, фазо. *Ҳаммининг кўз(и) олдида. Кўз кири билан қарамоқ* Кўзининг бир чеккаси (ён томони) билан қарамоқ. *Гавҳар кўзи қири билан Зулайҳога, кейин Абдухалилга қаради.* У. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўз қисмоқ** Бирор нарсани билдириш, ишора қилиш учун кўзини (одатда, битта-сини) юммоқ (қисмоқ). *Муллажон амаки «қиҳ-қиҳ»лаб кулиб, кейин менга қараб, кўзларини қисдилар.* Э. Раимов, Ажаб қиш-лоқ. *Жияним менга кўз қисиб, «қўяверинг» дегандек ишора қилди. «Гулдаста». Гарчи йи-гилганлар орасида луқмаларга битта-ярим-та кўз қисибўтирганлар бўлса ҳам, кўпчи-ликнинг бошлари эгик эди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

2 Назар, нигоҳ; қараш. [Кумушининг] *Кўзлари ўйнагувчи қизларда бўлса ҳам, ҳақиқатда бошқа бир нарсани кўргандек.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гулнор бузук қиз бўлса, кўзимиздан узоқроқ жойга йўқолгани яхши.* Ойбек, Танланган асарлар. *Зулфизарни эса одамларнинг ёмон кўзларидан олтинлар-ни яширгандай яширасан.* К. Яшин, Ҳамза. *Мансур ҳамон индамас, кўзларини бир нуқ-тадан узмас эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Кўз олди (ёки ўнги) қоронгилашмоқ

Кўзи хира тортиб, кўролмайд қолмоқ (еп-роп таъсир натижасида). *Ёдгорнинг кўз ўнги қоронгилашди-ю, йиқилиб кетмаслик учун, стул ўриндигини чангаллаб олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Кўз ташламоқ** Қарамоқ, назар солмоқ. *У ёқ-бу ёққа диқ-қат билан кўз ташлади-да, зинадан оҳиста юқори кўтарилди..* К. Яшин, Ҳамза. *Моҳим кўз ташлаб, бир кўришда юраги жисиз этди.* «Гулдаста». **Кўз тикмоқ** Тикилиб қарамоқ, интизор бўлмоқ, қарамоқ. *Катта хотин-лари.. йўлига кўз тикиб.. ўтирганликлари-ни бойвачча хаёлига ҳам келтирмас эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Меҳри унинг қўлини маҳкам қисиб, юзига кўзини тикиб қолган эди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўз тутмоқ** Кутмоқ,. *Келасиз деб кўз тутдим, бўлмади хабар.* Ғайратий. **Кўз узмаслик (ёки олмаслик)** Тикилган ҳолда, кўзини олмай қарамоқ. *Яхши бўлди, деб ўйлади Мансур, ундан кўз узмай..* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ҳаёт то уйга кириб кетгунча, Ғуломжон кўзларини олмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўз уриштирмоқ** Бир-бирига қараб олишмоқ. *Саксон ёшлиги нишонланаётган куни усто-зим бегона бир кампир билан кўз уриштирибди, ўша кампир бир қучоқ гул келтирган экан.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлаката. **Кўз югуртирмоқ** Тезгина кўриб (қараб) чикмоқ. *Йўлчи атрофига кўз югуртириб, қизга томон икки-уч қадам босди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Назирий уни [қозонни] буклогидан очиб, кўз югуртирди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзга ташланмоқ** Кўринмоқ,. *..узоқда чўққилар кўзга ташланар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқсол. **Кўздан кечирмоқ (ёки ўтказмоқ)** Бир чеккадан қараб, кўриб чикмоқ; назардан (эътибордан) ўтказмоқ. *Кўлёмани кўздан кечирмоқ.* **тм** Ҳамза: «Буларнинг гуноҳи нима?» деган маънода ёнида «Садойи Фарғона»нинг бугун-ги сонини кўздан кечириб ўтирган Олчинбекка қаради. К. Яшин, Ҳамза. *Қурбон ака-укалари, хеш-ақраболарини хаёлан кўздан ўтказди.* Й. Шамшаров, Тошқин. **Кўздан қочирмоқ** 1) қаёққа кетганини билмай қолмоқ, қорасини йўқотмоқ. *Кимда гумонинг бўлса, кўздан қочирма, изига туш.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) назар-эътибордан четга олмоқ; яширмоқ. *Бу жанжаллар бир ёқли бўлгунча, уни кўздан қочириб туриши*

519

керак. Кўзи тушмоқ Кўрмоқ, кўриб қол-моқ. *Абдуқодирбой бу пайт болалар ичидан ўглини қидирарди. Унга кўзи тушди-ю, сўроққа тутди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Кўриш қобилияти. *Кўзи хира. Кўзи ўткир. Кўзи оғсиз. Кўзи яхши эмас.* **иш** Бир вақтлар дўппи тикдим, кўрпа қавидим.. энди ундай ишларга кўзим ўтмайди. Ойбек,

Тан-ланган асарлар. *Ёзувчининг кўзи ҳам, димоғи ҳам, қулоғи ҳам ҳеч кимниқига ўхшамайди.* Шукрулло, Жавохирлар сандиғи.

Кўздан қолмоқ 1) кўриш қобилиятини йўқотмоқ, кўрмайдиган бўлиб қолмоқ; 2) кўзни ишлатавериб, қарайвериб толиқтир-моқ. *Кечалари кўздан қолиб тиккан дўппингни ўзинг киёлмайсан.* А. Мухтор, Опа-сингил-лар. **Кўзни олади** Кўзга қаттиқтаъсир қила-ди, кўзни қамаштиради (нур, жилвали нар-салар ҳақида). *Кўзинг олур — ипаклари тил-лодан.* Т. Тўла. *Зангори осмон ҳам шундай тиниқ, шундай беғуборки, кўзни олади.* Ой-бек, Танланган асарлар.

4 кўчма Баъзи нарсаларнинг бирор бел-ги билан ажралиб, кўзга ўхшаб кетадиган қисми, бўлаги. *Деразанинг кўзи. Ёғочнинг кўзи. Булоқнинг кўзи.*

Тиззанинг кўзи Тизза бўғими — сон суя-гининг болдир суяги билан бирлашган жойидаги, тизза қопқоғи остидаги чуқурча. *Юраги гупиллаб урар, шамолдан қулоқлари шангиллар, тиззасининг кўзи муздай ерга тегиб турганини сал-пал сезарди.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Узукнинг кўзи** Узукка қўйилган ялтироқтош. **Хуржуннинг кўзи** Хуржуннинг нарса солинадиган ҳар бир бўлаги.

Ақли кўзида Ақл билан иш тутмаслик, кўзга ёққанини, маъкул бўлганини қилиш-га нисбатан қўлланади (асосан, ёшлар ҳақида). *Ақли кўзида бўлган бир хумса савла-тимга нўрт учди.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой. **Бошга тушганини кўз кўради** Ҳаётда (тақдирда) юз берган нарсага чи-дашлик, бундан бошқа илож йўқлик маъ-носини билдиради. *Бошга тушганини кўз кўради.* Т. Ашуров, Оқ от. **Дунё кўзига қорон-ғи** Дунёдаги ҳеч нарса кўзга кўринмасли-ги, эътиборсиз, аҳамиятсиз ҳолатда бўли-шини билдиради. *Талъат биринчи курсда-ноқ Ҳамида деган қизни севиб қолган, шу киз бўлмаса, дунё кўзига қоронғи, бемаъни кўри-ниб кетарди.* Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ёмон кўз** 1) хурофий тушунчага кўра, зарар-заҳмат, мусибат келтирувчи назар, қараш. *Лутфинисо дам ўтмасдан келиб, гоҳ «ёмон кўздан сақласин» учун, исиріқ тутат-тирар, гоҳ қизини кучиб йиғлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Яна айтаман, фақат эҳтиёт бўл, ёмон кўздан ўзи асрасин.* Т. Ашу-ров, Оқ от; 2) ёмон, бузуқ ният. *Ўз қадри-ни билган хотинга эркак киши ёмон кўз би-лан қарагани ботинолмайди.* А. Қахҳор, Хо-тинлар. **Жонини кўзига кўрсатмоқ** Ута азоб бермоқ, қийноққа солмоқ. *Умар полвон бош эмади.. Эргашига қараб гоз тураверди. -Ис-лом, мен бу итнинг вангиллашини эшитмок-чиман, жонини кўзига кўрсатиб қўй, — деди газабдан кўзининг пахтаси чиқиб кетган Эргаши.* К. Яшин, Ҳамза. **Ишнинг кўзини бил-моқ қ. иш.** Ишнинг кўзини биладиган қарин-дошларимдан бирининг хузурига бориб, ўғлим-га муносиб енгилроқ иш топиб беришларини илтимос қилдим. «Муштум». **Кўз бўямок** Ўз фойдаси учун алдаб, лақиллатиб, бўлган воқеа-ҳодисани нотўғри кўрсатмоқ; алда-моқ. *Меҳмонлардан бири, ёш болаларни тўплаб, шеър ўқиб бераётган бир жувонга таъна қилди: -Мусобақада кўз бўяш билан ютган экансиз-да, Тўтихон!* А. Қахҳор, Мир-зо. **Кўз(ни) олайтирмоқ қ. олайтирмоқ. Кўз остига (ёки тагига) олмоқ** Ўзиники қилиш, фойдаланиш ва ш. к. мақсадца мўлжаллаб қўймоқ. *Содиқжон бойвачча «уч таноб ер, катакдек чорбоғ»ни анчадан бери кўз ости-га олиб юрар, лекин бунди Пўлат отага ай-тишига юзи чидамай келар эди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўз очиб кўрган** Биринчи никоҳ қур-ган (биринчи эр ёки биринчи хотин). *Нор-жон она Бойдода муаллимнинг кўз очиб кўрга-ни.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Бумолу дав-латнинг барчасини ўша кўз очиб кўрганининг битта ҳаром тукига олмайди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўз очиб юмгунча** Жуда тез; бир лаҳ-зада (вақт ҳақида). *Тўнтариш кўз очиб юм-гунча юз берди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ўша кўз очиб юмгунча ўтган вақтларда Аъзамжон Дилдорнинг ҳуснига ҳам, шўхлигига ҳам тўёл-май қолганди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Кўз очирмас-лик** Ҳадеб дўқ-пўписа, таъна-маломат қила-вериб, тинчлик бермаслик, эркин ишлаш-га, яшашга йўл бермаслик. **Кўз таниш қ. таниш 3. Кўз тегмоқ** Хурофий

тушунчага кўра, бировнинг назари тушиши сабабли оғримоқ, зиён етмоқ. *Тўққиз қанотли, гул-*

*дор керагали оқ уйнинг тепасида кўчқор шохи осиглиқ.. Аллонхўжа уни хонадонимга кўз тегмасин, деб ирим қилиб осган экан. А. Мух-тор, Қорақалпоқ қиссаси. Сен биямайсан, болам, бизга кўз тегди.. хонадонимизга шай-тон оралаб қолди. К. Яшин, Ҳамза. **Кўз юм-моқ қ. юммоқ. Кўзга дори** Жуда қадрли ва кам топиладиган, камёб нарса ҳақида. *Ти-рикчилик қийин, қумалоқ ҳам кўзга дори.* Ойбек, Танланган асарлар. **Кўзга илмаслик айн. назарга илмаслик қ. назар. Аё тўрам, айтмагунча билмадинг. Ё билмайман, бизни кўзга илмадинг.** Эргаш Жуманбулбул ўғли. **Кўзга ишонмаслик** Кўраётган нарсаси ҳақиқат эканига, ҳақиқатда ҳам шу, шун-дай эканига шубҳа билан қарамоқ; ўта хай-рон бўлмоқ. *У [Ўрмонжон] икки қўлида уч-тадан олтига чойнак кўтариб, ҳовуз бўйи-даги чойхўрлар олдига кетаётган Сидиқжон-ни кўриб, худди кўзига ишонмагандай, туриб қолди.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўзга кўринган** Маълум ва машҳур; таниқ-ли, номдор (донгдор). *Кўзга кўринган олим.* **Кўзга суртмоқ** Ортиқ даражада қадрламоқ, эъзозламоқ. **Кўз(и)га чўп солмоқ** Билдир-май ёмонлик қилмоқ (одагда, ўз кишиси, яқинларига нисбатан). *-Ҳазилингни чўй, бо-лам, кўзга чўп солиб бўладими! — деди му-лойим Зеби хола..* С. Абдуқахҳор, Кўзлар. *Фа-лончининг авлоди, деб кўзимга чўп солишмоқ-чи бўлишиди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш туш-са. **Кўзга яқин** Хусни, кўриниши ўзига жалб қиладиган (асосан, ёш ўғил-қизлар ҳақида). *Кўқоннинг кўзга яқин ўғил-қизларини отла-рига ўнгариб чиқибкетишиди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзда тутмоқ** Мўлжал қилмоқ, назарда тут-моқ. *Гектаридан кўзда тутилганидан кўпроқ дон ва кўкпоя олинди.* Газетадан. **Кўзи етмоқ** Ишончи комил бўлмоқ. *Отамурод охири кийик оёққа тура олмаслигига.. кўзи етиб, ўрнидан турди-да, пичогини қинидан чиқа-риб, Султоновга узатди..* М. Мансуров, Ёмби. *Умрида қалбакилик нималигини бил-май ўсган қиз учун ёлгон билан тил топи-иши кийин эди. Бу вазиятда яшай олмасли-гига кўзи етди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. **Кўзи ёримоқ** Бўшанмоқ, туғмоқ. *Ўғил мубо-рак бўлсин, болам! Ҳозиргина кўзи ёриди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқсол. **Кўзи илин-моқ (ёки кетмоқ)** Уйқуга кетмоқ, ухлай бошламоқ. *Ҳожиди хола кўзи илиниб, энди хур-рак ота бошлаган эди, Тўраҳон гап қотиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о. *Эндикўзи илинди дегунча, замбилда бемажол ётган ҳалиги боланинг нурсиз башараси.. кўз олди-га келар эди-да, уйқусини қочириб юборарди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзи мошдек очилмоқ** Акли жойига келмоқ, аҳволни яхши (тўғри) фахмлайдиган ҳолга келмоқ. *Ҳалигина «отиши, қириб ташлаш керак», деб бу кучни менсимаётган Китаевнинг кўзи мошдек очи-либ, аҳволнинг ниҳоятда мураккаблигини фахмлади.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзи оч** Бори билан қаноатланмайдиган, тўймайдиган. **Кўзи очилмоқ** Акли жойига келмоқ, ўйлаб иш қиладиган бўлмоқ. *..кўшимни бир Кар-ра танқид қилайлик, интил, илмингни бо-йит, дейлик. Интилмаса, ўзидан кўрсин, иши чиппака чиққанда, кўзи очилади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Мендан хавотир олманг, ога, аччик-чучукни тотиб, кўзим очилиб қолган.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Кўзи очик** 1) ишнинг моҳиятига тушунадиган; яхши-ёмонни фахмлайдиган. *Яраларимизга, дард-ларимизга малҳам қидирган ва оламдан ха-бардор, кўзи очик одамларимиз бор. Юрт қайғусига улар чора кўради.* Ойбек, Танлан-ган асарлар; 2) ўлмаган, ҳаёт. *..худоба минг қатла шукур, кўзим очик пайтда қизгинам-нинг тўйини кўрадиган бўлдим.* А. Қахҳор, Оғриқтишлар. **Кўзи очик кетмоқ с. т.** Дунё-дан армон билан, мақсадига етолмасдан ўтмоқ. **Кўзи пишмоқ** Бирор иш-фаолиятда катта малака (кўникма) ҳосил қилмоқ, ўзиники қилиб юбормоқ. *Бойдода муаллим бошлиқ қурилиш ишида кўпдан кўзи пишиб кетган кексалар ёшларга маслаҳатгўй.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Эрларининг ҳар бир хатти-ҳаракатлари маъносини улар билиши-ди, бунга уларнинг кўзлари пишиб кетган.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзи тинмоқ к. тинмоқ.** *..боши айланиб, кўзи тиниб, ерга йиқилди.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзи тор** Ўзгага ҳеч нарсани раво кўрмайдиган; зикна,*

бахил. -Ўзлариям ўлгун-ча кўзи тор, зиқна, — деди Латип. Ғ. Ғулом, Шум бола. **Кўзи тўрт (бўлмоқ)** Йўлига ин-тизор. *Шукур, ўғлим, шукур, келдингми? Сени келади, деб ойинг иккаламизнинг бир ойдан бери кўзимиз тўрт.* Х- Аҳмар, Ким ҳақ? **Кўзи ўйнамоқ** Ҳаваси келмоқ. *Ўртоқлари кўриб, кўзлари ўйнади.* **Кўзи қаттиқ с. т.** Кишига тикилиб қарайдиган, уялмайдиган, ҳаёсиз. *Бирок киз қурғур ота-онасига ўхшамайди-да: кўзи қаттиқ, тили тез, димоғдор киз*

⁴⁴⁷ **яб^**

бўлибди. Ойбек, О. в. шабадалар. **Кўзи қий-маслик** Беришга, ба\ридан ўтишга ачиниш, кўнгли бўлмаслик. *Манови кучукни ўлдирши-га кўзим қиймай турибди. Қарамайсанми, чиябўридай ёпишиб олганини.* С. Сиёев, Ёруғ-лик. **Кўзга иссиқ** кўринмоқ қ. **иссиқ.** *Ҳали-дан бери тикиламан, кўзимга иссиқ кўрин-диз, сўраганнинг айби йўқ, дейишади, қаер-дансиз?* С. Кароматов, Олтин кум. **Кўзига кўринмаслик** Эътибордан йўқолмоқ. *Ачахон-нинг жони ҳам унинг кўзига кўринмади-ку... Ўлимига рози бўлди унинг.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзингга қара** «Хушёр бўл», «эҳтиёт бўл», «бошқа ёққа чалғима», «алахсима» маъно-ларида ишлатиладиган ибора. Кўзини **ёғ бос-моқ** Унча-мунчани, ҳатто танишларни ҳам танимайдиган (назарга илмайдиган) бўл-моқ. *Мен кўзини ёғ босган бандаларга элан-майман, арзимни худога айтаман.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзини шамғалат қилиб** Чалғитиб, кўрмайдиган ҳолатга солиб. *Тонг отар пайт-да, «тўртинчи»ларнинг кўзини шамғалат қилиб, тўқайзор ичидан йўлга чиқишлари ло-зишигини тайинлади.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўзи-нинг оқу қораси** Энг яқин кишиси, яккаю ёлғизи (кўпинча фарзанд ҳақида). *Наинки битта шу қизи деб умрини ўтказса, кўзим-нинг оқу қораси деб авайласа.. ўстирса-ю, у юзига тик қараса.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқсол. *Отамнингҳам, онамнингҳам бит-таю битта кўзининг оқу қораси мен эдим.* Ғ. Расул, Адолат. **Кўзининг пахтаси чиқмоқ** Ўта даражадаги ғазаб, ҳаяжон ва ш. к. таъсири-да кўзи ола-кула бўлмоқ. *-Ислоҳ.. жонини кўзига бир кўрсатиб қўй, — деди газабдан кўзининг пахтаси чиқиб кетган Эргаш.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўргани кўзи йўқ** Жуда ёмон кўради, ҳатто кўришни ҳам хохламайди. *Улар ўша думи сайловидан кейин сизни кўрга-ни кўзлари йўқ, ҳатто жонингизга қасд қилишдан ҳам тойишмайди.* К. Яшин, Ҳам-за. *Аслида уларни унча хушламайман, кўргани кўзим йўқ.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовун-лар мамлакати. **Қош қўяман деб, кўз чиқар-моқ** Зарар-зиён, шикаст етказадиган ишни қилиб қўймоқ. *Мен ҳазиллашган эдим. Ле-кин қош қўяман деб, кўз чиқаришимни ўйла-маган эканман.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис** «Ён-атрофингда-гиларга қараб, ўшаларга хуш келадиган қилиб иш тут» маъносига ишлатиладиган мақол.

КЎЗА Сув солиш, ташиш учун ишла-тиладиган қорни кенг, бўғзи ингичка, бир томонида дастаси бор идиш. *Сув келтирган хор-зору кўза синдирган азиз.* Мақол. *ти Со-пол кўза бир зумда синиб, сувлари ерга синг-ди, мис кўза эса терлаган қўлдан чиқиб кет-ди-ю, тошдан тошга урилиб, пастга юма-лади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳар кун эрта билан икки меш сувни «Чашмаи Ҳизр»-дан олиб келиб, бирини Меъмор хонадонига-ги, иккинчисини ўз кулбасидаги мис кўзалар-га тўлдиради.* Мирмуҳсин, Меъмор.

КЎЗАНАК кам қўлл. Кўзга ўхшаш те-шик. *Асалари инининг кўзанаклари.* **тм** -*Мен бечоранинг тилим гулдураб, арз-ҳол қилдим-ки, мени ҳам шу ҳалқаи илоҳийга /қаландар-ликка] бир кўзанак занжирдай тиркаб, қаландарбаччаликка қабул қилсалар экан, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КЎЗБОЙЛОҒИЧ с. т. Ҳар хил сеҳр иш-лари, найрангбозликлар кўрсатувчи; найрангбоз, фокусчи. *Бу ерда [Ҳиндистонда] масхарабозларни, кўзбойлогичларни, илон ўйнатувчиларни кўрасиз.* З. Акрамов, Х^{III}- дистон лавҳалари.

КЎЗБОҒЛОВЧИ айн. кўзбойлогич.

КЎЗБОҒЧИ шв. кўзбойлогич.

КЎЗБЎЯМАЧИ Ўз фойдаси учун маъ-лумотларни, бўлган воқеа-ҳодисаларни бузиб, нотўғри кўрсатувчи, бошқаларни алдовчи, алдоқчи. *Ёки шундай усул билан бюрократни ҳам, порахўрни ҳам, кўзбўяма-чи-қаллобни ҳам даволаб бўлмасмикин?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

КЎЗБЎЯМАЧИЛИК Кўзбўямачига хос иш, хатти-ҳаракат. *Очиқ ҳаракат қилишга эса халқдан кўрқадилар. Писмиқлик билан, кўзбўямачилик билан иш кўрадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўзбўямачилик билан кун кўрадиган текинхўр кампир беморни йўлдан уриб, врачга боришга маслаҳат бермаган.* «Муштум».

КЎЗГУ 1 *кт. айн. ойна 3, 4.* Ўрнидан туриб, кўк шойи парда тутилган дераза ёнидаги бўй баравар келадиган кўзгу олдида кел-ди. С. Абдуқаҳҳрр, Нусхаой. *..ёлғиз Шаҳзо-дахонгина.. бир қўлида кўзгу, бир қўлида бўйрачўп: ўсма қўйиб, ўз ҳусну латофатига махлиё бўлиб ўтирарди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Умуман, бирор нарса акс эттирув-чи, ифодаловчи нарса. *Кўз юракнинг кўзгу-си бўлса, нутқ — бошдаги фикрнинг мезони. Буни Элмурод яхши билар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ҳа, меҳнат чиндан ҳам ҳаёт кўзгу*

523

си, унда инсон ўз фаолиятининг кундалик маҳсулини кўради. Газетадан.

КЎЗДАИ, -дек 1 Кўзга ўхшаш, кўз каби. *Узукларга солинган кўздай бўлди Ойчинор.* «Ойсулув».

2 (баъзи сўзлар билан) Жуда яқин муно-сабатли. *Кўздай қўшилар, қиёмат кун қўшинидан, деган. Айтинглар, отам сизларга нима ёмонлик қилганлар?* К. Яшин, Ҳамза. *-Кўздек оғайнисиз, Омон. Бундай бир-бири-мизни алдаб юришимиз яхши эмас, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КЎЗИКМОҚ Хурофий тушунчага кўра, ўзганинг ёмон назари таъсир этмоқ; шундай назар таъсирида оғримок, салбий ҳолат юз бермоқ; кўз тегмоқ (қ. **кўз**). *Исириқ солиб, ҳазрати Баҳовуддинга ўн битта кулча атаб қўй, болам. Қизинг кўзиккан, ҳа, ёмон кўз оралаган.. Мирмуҳсин, Меъмор. [Бўри қора:] Эй, мунча кўп тикишма, қассоб! Ирим-сиримга ишонмайман-у, сенинг кўзинг бор дейман-ов. Шу жонивор кўзикиб қолса, ўяман шу пўстакдаги тешиқларингни.* «Гулистон».

КЎЗ-КЎЗ: кўз-кўз қилмоқ (ёки этмоқ) Бошқаларни қизиқтириш, ҳавасини келтириш учун мақтаниб кўрсатмоқ; намоёиш қилмоқ. *Аҳмад дафтарини, Меҳри гулдастасини, Кўзибой расмларини кўз-кўз қилмоқда эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. *Сенинг жиндек ишингни ҳам кўкка кўтариб мақта-салар, кўз-кўз қилсалар.. газетада суратла-ринг чиқса.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Кўз олдимдан ўтар асрлар, Кўз-кўз этиб нуқсу чиройин.* А. Орипов.

КЎЗКЎЗЛАМОҚ кам қўлл. айн. **кўз-кўз қилмоқ** қ. **кўз-кўз.** *Дилшод китобни Тўтиқиздан қочириброқ кўзкўзлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎЗЛАМОҚ 1 Бирор нарса ёки мақсад-ни кўзда тутмоқ, мўлжалламоқ ва ўшанга эришиш учун ҳаракат қилмоқ. *Тинчини кўзла-моқ. Давлат манфаатини кўзламоқ. Маҳсу-лот чиқаришини кўпайтиришини кўзламоқ.* **тм** *Жўрабек кўзлаган мақсадига етди азамат..* Мирмуҳсин, Қуламас қоя. *Оқилахон она, ишининг фойда чиқадиган томонини кўзлайвер-ганингиз маъқул.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

Олисни (ёки узоқни) кўзламоқ Кейин келадиган натижани, оқибатини ўйлаб, шу нуқтаи назардан иш тутмоқ. *Эшон олисни кўзлайди.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. *Саралаш, танлаш катта мақсад, узоқни кўзлаб қилинади.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

2 Мўлжалга, нишонга олмоқ, мўлжал-ламоқ, пойламоқ. *Ҳозир бўш келсам, мени кўкраги билан итариб юборадиган. Агар тег-са, мен ҳам тушираман, деб лунжини кўзлаб турибман.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Кўздан кўзлаб отгайсан, Ёй тортгин, Шодмон мерган!* «Гулнорпари».

КЎЗЛИ (аниқловчи сўзлар билан) **1** Кўзи бор. *Крра кўзли. Катта кўзли. Қисик кўзли. Шиша кўзли одам. тт Мирёқубдай қора ва чиройли кўзли.. озода ва ширин сўзли эркакни қайдан топиб бўлади? Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

2 Кўзга ўхшаш тешиги, изи ёки ўрни бор. *Майда кўзли тўр. Олти кўзли дераза. Кўп кўзли тахта. Бриллиант кўзли узук. тт Гулнор оддий қизил тош кўзли кумуш узукни чўнтагидан олиб, Унсинга кўрсатди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 кўчма Нарсаларнинг моҳиятига тушу-надиган, биладиган; кўзи ўткир. *Шокиржон ака бирда бу бозорга иши тушмаган одам бўлганлиги учун, алданиб қолмайин деб, бозордан «кўзли»роқ таниши одам қидирди. С. Абдулла, Дами чиқиб кетди. Кейин [академик] Мелиқўзига қаради: -Кўзли деҳқон экансан, укам. Тан бердим. Ё. Шамшаров, Қахрамонлик йўли. -Ҳа, энди қиш чиқди, — дейишди кўзли деҳқонлар. — Эртадан экин-тикин пайига тушиши керак. Р. Раҳ-мон, Меҳр кўзда.*

4 с. т. Кўз-назари ёмон таъсирли, кўзи тегадиган, «кўзи ёмон». *Кўзли одам қаттиқ тикилса, отдан қулатади.*

КЎЗМУНЧОҚ «Кўз тегмасин» учун (одатда, ёш боланинг қўли, кийими ва ш. к. га) тақиб кўйиладиган мунчоқ. *Бола эмиб тўйиб, чачвон тагидан чиқди, унинг тумор ва кўзмунчоқ тақилган қизил дўпписи таги-дан кокили диккайиб чиқиб турарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Шу замоннинг қизлари ҳаммасини қўйиб, кўзмунчоқ тақармиди? Ойдин, Дўндикдан ҳам ёш экан.*

КЎЗОЙНАК Одатдаги меъёрда кўриш ёки кўзни ҳимоя қилиш учун тақиладиган, ик-кита шиша кўз ўрнатилган махсус асбоб; ойнак. *Сақлагич кўзойнак. Кўзойнак тутмоқ. тт Кўзойнак тутиб олиб, сандалнинг бир че-тида сианарса ямаб ўтирган Хосият буви Адолатни кўриб ҳайрон бўлди. С. Зуннунова,*

524

Гулхан. У қора кўзойнагини олмай, кўкрагини гоз қилибўтирарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

КЎЗОЙНАКЛИ Кўзойнак таққан, кўз-ойнаги бор. *Кўзойнакли киши. тт Абдишукур манглайи тиришган, кўзойнакли.. ориқ-қина киши. Ойбек, Танланган асарлар. Кадрлар бўлимидаги кўзойнакли чол «ҳужжат-ларинг чала экан», деб хархаша қилди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

Кўзойнакли илон зоол. Бўйнининг орқа томонида кўзойнакка ўхшаш ҳалқасимон доғи бор, йирик заҳарли илон; кобра.

КЎЗСИЗ 1 Кўзи йўқ, кўрмайдиган; кўр. *Кўзсиз одам. Тузсизни кўзсиз ҳам билади. Ма-қол.*

2 Кўзи, тешиги, бирор нарсанинг ўрни, изи йўқ. *Кўзсиз тахта. тт Ҳатшо бўш уйларнинг кичкина кўзсиз деразаларига ҳам боқшига ботинмасдилар. Ойбек, Куёш қораймас.*

КЎЗ-ҚУЛОҚ : кўз-қулоқ бўлиб турмоқ

Қараб, эшитиб, кузатиб турмоқ; пойлаб турмоқ. *Ўрмонжон тўсатдан келиб қолди. Унинг келганини на Курбон ота пайқади, на кўз-қулоқ бўлиб турган Сидиқжон. А. Қах-хор, Қўшчинор чироклари. Акам Қобил кар-вонни «дарвозага кўз-қулоқ бўлиб туринг», деб эшикка чиқариб юборди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

КЎЙ [ф. - кўча, йўл; қишлоқ, ма-ҳалла] **1** эск. Кўча; йўл. *Юсуфбек ҳожиди, то Эскижўбага етгунча, ўзининг юқоридаги сўзини кўй, гузар халқига такрорлаб келмоқда эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 (ў. -п. ёки ж. к. шаклида — **кўйига, кўйи-да**) Бирор нарса дарди, савдоси, ҳаракати. *Ниманинг кўйида юрибсиз? тт Дўсмат ти-рикчилик кўйига тушиди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бу ухлагувчи менинг ҳалол рафиқам бўлиб, икки йилдан бери мен ҳам унинг кўйида сар-гардонман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 (бирор аниқловчи сўз билан) Ахволда, холатда. *Элмурод шу кўйи яна бирмунча юргач, тўхтади-да, йўл четидаги бир тошга ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Домла Ниёз турган кўйи ёрликни ўқиди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

КЎЙЛАК Ёз (иссиқ) вақтларида устдан кийиладиган, ялангқават, ёқа ва енгли, эркакларники белдан пастроккача, аёллар-ники эса этаги узун бўладиган кийим (со-вук вақтларда жемпер, костюм кабиларнинг остидан кийилади). *Чит кўйлак. Шоши кўйлак. Атлас кўйлак. Эркаклар кўйлаги.* **тм** *Шерали кўйлагини шимининг ичига тиқиб, камарини тортаётганда.. дераза ойнасини чертиб, уни шошилтирарди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Кўйлак энги тирсакка қадар шимарилган; тиқмачоқдай билакларида илон бошли билагузуклар ёнади.* Ойбек, Танлан-ган асарлар. *Кўшигининг этаклари тонг шуд-рингидан ҳўл бўлиб кетганига, енгининг уч-лари кўкариб қолаётганига қарамай, чакқон ишига киришди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

Бир кўйлакни ортиқ (ёки кўпроқ) йирт-ган Ёши катта; турмуш тажрибаси кўп, кўпроқ биладиган. *Исроилдан сўраймикин? У, уруш кўрган, мендан кўра кўпроқ кўйлак йиртган..* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Битта кўйлаги иккита бўлди** Моддий аҳволи яхшиланди, бойиб қолди. *Энди жир битди-да! Битта кўйлак иккита бўлди!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари. **Кўйлагига сиғмай кетди айн. терисига сиғмай кетди қ. тери.**

КЎЙЛАКБОП Кўйлак қилса бўлади-ган, кўйлакка ярайдиган, арзийдиган. *Кўйлакбоп чит.*

КЎЙЛАКЛИ Кўйлак кийган; кўйлаги бор. *Крра кўйлакли қиз.* **тм** *Ўртада ўтирган қизғиш сатин кўйлакли Маърифатой, қўли-даги қаламнинг учсиз томонини иягига тираб.. ўтирибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎЙЛАКЛИК Кўйлак қилинадиган; кўйлакка етарли; кўйлакбоп (газлама, мато). *Бир кўйлаклик шоҳи. Уч кўйлаклик мато.* **тм** *Адолат юпангандан кейин, Усмонжон стол устига — қоғозда ўроғлиқ турган нарсага ишора қилиб деди: -Сизга кўйлаклик олиб келдим.* С. Зуннунова, Гулхан.

КЎЙЛАКЧАН Фақат кўйлакнинг ўзи-да, бошқа устки кийимсиз. *Мактаб олди-даги майдончада кўйлакчан, яланг оёқ, яланг бош, лапта ўйнашаётган болаларнинг ишўх кулгилари.. тинди.* С. Анорбоев, Оқсой. [Ҳасанали] *Кўйлакчан эғнига чопонини ёпишиб, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Ўтган кун-лар.

КЎК 1 Тиниқ осмон рангидаги; мовий, зангори. *Кўк кўз. Кўк бўёқ.* **тм** *Қўлимизда товланар жажжжи-жажжжи байроқлар, Ос-монда кўк, қизил шар енгил учиб ўйноқлар.* И. Муслим.

2 Кул рангидаги, кулранг. *Кўк бўри. Кўк каптар.* **тм** *Камчи кўк от билан саман той*
525

ни етаклар, дарё томонга кетди. Ҳ. Фулом, Машғал.

3 с. т. Яшил, сабза. *Кўкўт.* **тм** *Қаршимда тебранар кўк барглар ҳар он..* Ю. Ҳамдам.

4 Ер устида гумбаз шаклида кўриниб ту-радиган ҳаво қатлами; осмон. *Энкайганга эн-кайгин, бошинг ерга теккунча, Кеккайганга кеккайгин, бошинг кўкка етгунча.* Мақол. **тм** *Мартнинг охирги кунлари. Кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз куйга соляпти.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон.

5 Ўсаётган ўт-ўсимлик, ўт-ўлан; майса, кўкат. *Ёмғирлар ёғиб, ерда ўт-ўланлар кўрина бошлади, ҳайвонларнинг оғзи кўкка тег-ди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Менинг бригадамга қарашли ердан уч гектарига миср пахта экдим. Кўки жуда яхши.* Ҳ. Фулом, Тирилган мурда.

6 Баҳорда янги чиққан, сомса, чучвара каби овқатларга ишлатиладиган отқулоқ, йўнғичка, жағжағ, исмалоқ каби кўкатлар-нинг умумий номи ва шундай кўкатлар кўшиб тайёрланган овқат. *Кўк сомса. Кўк шўрва.* **тм** *Кўк терши баҳонаси билан дала-ларни тусай бошлаган эди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

Кўк сомса Ичига янги ўсиб чиққан жағ-жағ, йўнғичқа, исмалоқ, ялпиз каби ўт-ўланлар баргини пиёз билан қиймалаб, оширма ёки оддий хамирга ўраб тайёрланган сомса.

7 Кашнич, жанбил, укроп каби овқатга қўшиб ейиладиган резавор ўсимликлар, кўкат. *Кўк солиб қатиқланган маставанинг лаззатли ҳиди келди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

8 с. т. (3-ш. бирл. шаклида — **кўки**) Дол-лар. *Бир пачка кўки билан қўлга тушибди, иш чатоқ.*

Боши кўкка етди қ. бош. Еру кўкка ишон-маслик Ўта даражада эҳтиётламоқ. *Қизим бечора уни [Ёдгорани] ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмайди.* Э. Раимов, Ажаб кишлок. **Ку-лини кўкка совурмоқ қ. совурмоқ 3. Кўкка кўтармоқ** Таъриф, тавсифини жуда ошир-моқ, ўта мактамоқ. *-Муштоқман, аммо бир оз сабр эт, — деди лабларидан мева шираси-ни артиб Аҳмад Хусайн. — Қани, сен ҳали кўкка кўтарган таълимот қайси?* Ойбек, Нур қидириб. **Тутуни кўкка чиқмоқ** Ўта даражада хафа бўлмоқ, хуноб бўлмоқ. *Ўзбек ойим ўглининг «ўлганни устига чиқиб тепиш» қабилидан бўлган бу ҳаракатидан тутуни кўкка чиқиб, борлик қаҳр-газабини эри ус-тига тўқади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КўКА, кўка гули Йирик баргли, барги-нинг усти силлик, ости қалин оқ тукли, гули сариқ кўп йиллик ўсимлик.

КўКАЙ шв. Кўнгил, дил. *Бу гапларни кўкайингга келтирма, Хуш келибсан она манзил, она жой.* «Юсуф ва Аҳмад». [Қорасоч-нинг].. қийиқ кўзлари қиздай қилиқли ишгиларнинг ҳам кўкайида тугён кўзгатар эди. Т. Сулаймон, Қорасоч. *Авазхон бунини ўлдириб, кўкайи ўсиб, кўтарилиб, отидан тушиб, яёв бўлди.* «Маликаи айёр».

Кўкайини кесмоқ (ёки кўйдирмоқ) Ди-лини оғритмоқ, ранжитмоқ. *Болам, деббагрингга босдинг. Менинг кўкайимди кесдинг.* «Маликаи айёр». *Қабоқ уйиб, димогини куи-дирма, Хафа қилиб, кўкайини кўйдирма.* «Гулнорпари». ..кейинги кўргуликлар кўкайини кесган кўклам.. *гам-аламда қовурилиб ётган хонадон учун пичан гарамлаб беришиди.* «Шарқ юлдузи».

КўКАЛАМ с. т. Кўкаламзор. *Болалар тоғни саёҳат қилиб, булоқлар, кўкалам ерларни томоша қилиб юрган эдилар.* «Гўрўғли». *От бойлашиб, кўкаламда ётинглар.* «Гули-хиромон».

КўКАЛАМЗОР Ўсиб, кўкариб турган ўт-ўсимлик, дарахтлар билан қопланган жой. *Булоқ атрофидаги кўкаламзор эса жа-зирама иссиқларда ҳам сўлмайди, қишин-ёзин ўлмайди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Бўз ерларга сув чиқади, қишлоқ атрофи, тақир-бўз ерлар кўкаламзор, экинзор бўлади!* М. Исмом-лий, Фарғона т. о.

КўКАЛАМЗОРЛАШМОҚ Кўкаламзор бўлмоқ, кўкаламзорга айланмоқ. *Шаҳар кўчалари кўкаламзорлашиди.*

КўКАНЛАМОҚ қ. кўганламоқ. *Кўрага иккита соғин эчки кўканлаб қўйилган эди.* П. Қодиров, Қора кўзлар.

КўКАНАК : кўзга — кўканак, оёққа (ёки бетга) — тиканак Ҳаммага халал берувчи, урушқоқ киши ҳақида айтиладиган матал. *Ҳа, гарданкашлик қилиб, кўзга — кўканак, бетга тиканак бўлишдан ҳазар қил.* К. Яшин, Ҳамза.

КўКАНТОЙ Лочинлар оиласига кирув-чи йиртқич қуш.

КУКАРМОҚ 1 Ўт-ўсимлик ёки барглар билан қопланиб, кўк, яшил тусга кирмоқ. *Баҳор келди, далалар кўкара бошлади.* **тм**

451 <Л>

Гиёҳ унмаган чўллар меҳнаткашлар қони ба-раварига ям-яшил кўкарган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Униб-ўсмоқ, амал олмақ; кўкламоқ (ўт-ўсимликлар ҳақида). *Экин яхши кўкар-ди.* **иш** Чуруқ бўғотлари осилган.. эски уй-ларнинг томлари четида майсалар кўкарди.

Ойбек, Танланган асарлар. *Боз бригадаси-даги кишилар бутун ёз бўйи уларни парвариши қилди, қаради. Лекин олмалар кўкарма-ди.* Газетадан.

3 кўчма Ривож топмоқ; ўсиб-унмоқ, ўсмоқ. *Дарахт бир жойда (ерда) кўкаради.* Мақол. **тм** *Ер олган кўкаради, ер сотган қурийди. Мана бу гапнинг магзини чақ!* Ойбек, Танланган асарлар. *Бировнинг кўкар-ганини кўра олмайдиган галамисга ўхшайди.* С. Нуров, Нарвон.

4 Каттиқ зарб, совуқ ёки бошқа бирор сабаб таъсирида кўк-қорамтир тусга кир-моқ (бадан, юз ранги ҳақида). *Боланинг қўллари совуқдан кўкариб кетибди.* **тм** *Кўка-риб кетган оёқни кўриб, Полвоннинг рахми келди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бўтавой жаҳл-дан кўкариб сўкинар, паранжиси елкасига тушиб кетган Эшон ая овозининг бориचा дод солиб, уни қарғарди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

5 Айниб, бузилиб, кўкка мойил тус олмоқ. *Гўшит кўкариб қолибди.* **тм** *Кўкариб кетган бу сассиқ сувда бижиллаб ётган ҳар хил қуртлар тушган ерида бир-икки қилпанглаб, дарровўларди.* М. Исмоилий, Фар-ғона т. о.

КЎКАТ 1 Ўсиб турган ўт-ўлан; ўт-ўсим-лик. *Кўйларнинг барра кўкатларни ўткир тишлари билан жодидай қирқиб пишиллаш-лари, кўзиларнинг оналарини қидириб маърашлари атрофни босди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мансур тизза бўйи кўкатлар устида чўнқа-йиб ўтирар.. ҳеч нимани кўрмас эди.* Ў. Ҳоши-мов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Овқатга кўшиб ейиладиган (кашнич, укроп каби резавор) ўсимликлар; ошкўк. *Хушбўй мевалар, айниқса кўкатлар, турли нав сабзавотлар жуда мўл ёғилди.* Ойбек, Нур қидириб. *Кўкат растаси, қовун бозор, ҳўл мева, қуруқ мева расталарини кўриб, ён кўчадан настладик.* «Муштум».

КУКАТЗОР Кўкатлар билан қопланган жой, майдон.

КЎКИМТИР 1 Кўк рангга яқин, кўкка мойил, кўкиш, оч кўк. *[Турсуной] Маржон, исирга, узук тақини бировлардан кўриб ҳавас қилар, лекин ингичка, кўкимтир томирлари билиниб турган бўйни ва қўлларига бу зийнатлар ярашиб тушмас эди.* А. Мух-тор, Опа-сингиллар. *Атрофдаги ҳовлилар-дан кўтарилган тутунлар кўкимтир, майин мавж билан тиниқ, совуқ ҳавода сузади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 с. т. Яшил ёки зангор рангга яқин. оч яшил. *Кўкимтир шоҳи рўмол.* **тм** *У [Салимбои/ кўзларини ҳовуздаги турғун кўким-тир сувга тикиб ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎКИШ айн. кўкимтир. *Ўртадаги ўчоқ-да ҳўл тўнка биқсимоқда. Ундан чиққан кўкиш тутун юқори кўтарилиб, ис босган қоп-қора шиплардан жой қидиради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎКЎТАЛ тиб. Ўқтин-ўқтин тутиб, узлуксиз йўталтирадиган, одатда болалар-да бўладиган юкумли касаллик. *Йўталнинг кечаси, шунингдек, дам-бадам тутуши кўкйўталнинг алоҳида хусусиятларидандир.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

КЎКЛАМ Йилнинг қиш билан ёз ора-лигидаги фасли; баҳрр. *Кўклам келиши билан дала ишлари қизиб кетди.* **тм** *Илк кўклам ёғдулари ўқув корпусининг узун қорини равшанлаштириб юборган, қишда кундузи ҳам ёқиб қўйиладиган чироқлар энди ўчирилган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Деҳқон йиғ-лаб-йиғлаб, баҳорга кўз тикди. Аммо кўклам серёгин келди.* С. Сиёев, Аваз.

КЎКЛАМГИ Кўклам фаслидаги, кўклам фаслида бўладиган; кўкламга оид. *Кўклагидала ишлари.* **тм** *Шу кунларда бизнинг диққат-эътиборимиз кўклагидеги экишни ҳар тарафлама шай бўлиб кутиб олишига қара-тилган.* Газетадан.

КЎКЛАМОҚ I с. т. Амал олмоқ, ўсиб ривожланмоқ (ўсимлик ҳақида). *Ғўзалар кўклагидан то шу дамга қадар ундан кўз узмаган деҳқон ўз меҳнатининг мўъжизасига ўзи хурсанд боқади.* Газетадан. *Оппоқ шўр босган ер ўртасида онда-сонда кўклаган бе-дапоялар.. кўзга чалинади.* «Ўзбекистон кўриклари».

КЎКЛАМОҚ II Йирик-йирик қилиб, наридан-бери (вақтинча) тикиб, чатиб қўймоқ. *Машиначи қўйлакни кўклар қўйди. тт -Иш жўнашиб кетди. Ҳаш-наш дегунча кафанни ҳам кўклардик. Уликнинг очик бадани мумкин қадар кўздан яширинган эди, — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола. Пўла-той костюм энгларини игна билан кўклар берар эди. Кўклаган энгларни ўтказиш иш-ларининг талай қисми ҳам игна билан ба-жариларди. П. Қодиров, Янгилик ошиғи.*

КЎКМАРАЗ Донли экинлар билан бирга ўсадиган, заҳарли алкалоидга эга бўлган ўсимликлардан бири. *Яхши тозаланмаган буғдой ва арпада кўкмараз ўсимлигининг уруги ҳам қолади. «Фан ва турмуш». Қишлоқ жойларда донли экинлар билан бирга ўсади-ган айрим ўсимликларда (кўкмараз, эшакмия ва б.) заҳарли алкалоидлар мавжуд. С. Акро-мов, Гиёҳ кимёси.*

КЎКНОР I Кўсаксимон ҳрсили ичида майда кўкиш уруғи бор, танасида сут шира етишадиган бир йиллик ва кўп йиллик ўсимлик. *Саид Жалолхон қайтиб кирди, бор товуши билан бақирди: -Ҳамма ерларингга кўкнор эктираман! А. Қахҳор, Башорат.*

2 Шу ўсимликнинг ҳрсилдан ивитиб, эзиб тайёрладиган, кайф берадиган ичкилик. *[Марайим] Кирмаган кўча қолмади: накинни ўрганди, қора дори еди, такаларга кириб, кўкнор ичди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

КЎКНОРИ I айн. **кўкнор.** *Саид Жалол-хон, унинг бир қадоққа яқин кўкнорисини борлиги маълум эди, шу кўкнорини излаб, уйга кирди. А. Қахдор, Башорат.*

2 Кўкнор ичувчи банги. *Ғуломжон пи-наги бузишган кўкнори сингари сесканиб, ёнига қаради. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

Кўкнори хаёл Акдга тўғри келмайдиган, рўёбга чиқиши мумкин бўлмайдиган пуч хаёл. *Кўкнори хаёл қилмоқ.*

КЎКНОРИХОНА Кўкнор ичимлиги тайёрладиган ва кўкнор ичувчи банги-лар йиғиладиган жой; така. *Гузардаги эски кўкнорихона шаклидаги чойхона бузилиб, янги чойхона ташкил қилинган. Х- Шамс, Душман.*

Нафасинг кўкнорихонага урсин Совуқ хабар, гап билдирган кишига эътироз сифатида айтиладиган ибора. *[Сайфи:] Ҳаким акамлар ваъданинг устидан чиқмасалар, ҳам-мамизнинг асфаласофилин бўлишимиз ҳеч гап эмас-а? -Э, нафасинг кўкнорихонага урсин! Суф сенга! — деди Эгамберди. Б. Рахмонов, Хўжайин кўчди.*

КЎКПОЯ Жўхори ва ш. к. айрим ўсим-ликларнинг жуда пишиб (қуриб) кетмаган, молларга озуқа сифатида бериладиган маҳ-сули, пояси. *Маккажўхори улар ерининг «ми-жозига» тўғри келмагани сабабли, гектари-дан 130 центнердан кўкпоя олинган эмиш. «Муштум».*

КЎКРАК I Тананинг бўйиндан қорин-гача бўлган олд қисми; кўкс. *[Элмурод/ Қизаргунча ювинди, ҳўл сочиқ билан кўкрак, бўйин ва яғринларини обдан ишқалаб, қони-ни бетга тепдирди. Шу\рат, Шинелли йиллар. Шаҳодат муфти қарийб бутун кўкрагини ёпган баҳайбат мош-гуруч соқо-лини қалам билан таради. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

2 Аёллар кўксидаги бир жуфт сут беши, эмизиш аъзоси; эмчак. *Гулнорнинг бўйи\сиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик ла-тофати билан яшнаган чоқда бойвачча уни кўз тагига олиб кўйган эди. Ойбек, Танлан-ган асарлар.*

Кўкрак бермоқ Эмизмоқ.

3 Кийимнинг юқори олд қисми. *Кўкрак чўнтак. ти Унинг эгнидаги якка бортли ше-виот костюм ҳали бўйига нисбатан ингичка бўлган қаддига кенлик қилади, кўкраги бир оз халта бўлиб, ёқаси кўчиб турибди. П. Қо-диров, Уч илдиш. Ҳаво исимаган бўлса ҳам, хомсемиз ҳоким, формасининг кўкрак туг-маларини ечиб ташлаб, елпинишига тутин-ди. М. Исмоилов, Фарғона т. о.*

4 кўчма Юрак, дил. *Кўзи сўқирдан кўкраги сўқир ёмон. Мақол. иш Уйгоқ эдим.. [болани/ эртага олиб кетар, ҳар нима бўлганда ҳам, кўкрагида оналик меҳри бордир*

/деди Сидиқ-жон]. А. Қаххор, Қўшчинор чироқлари. Гавҳарнинг йиғи аралаш бўғиқ овози Маҳ-камга ўз кўкрагидан чиқаётгандай бўларди. П. Қодиров, Уч илдиз.

Кўкрагига шамол тегди қ. шамол. Кўкра-гида ёли бор қ. ёл I. Кўкрак кермоқ 1) ғурур, кибр билан гавдани тиктутмоқ; кек-каймоқ. *Ўша пул бўлганда, Нусратилла Қул-матқоранинг олдига кўкрак кериб кириб бо-рарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) фахрланмоқ. *Кўкрак кериб, постда тураман, Ватан ёви кул бўлсин доғда.* Газетадан. **Кўкрак қафаси** Одамлар, сутэмизувчи хай-вонлар ва паррандаларда кўкрак умуртқалари билан қовурғаларнинг тўш суяги ёр-дамида бирикишидан ҳрсил бўлган бир бутун тузилма.

КЎКРАКБУРМА : кўкракбурма кўйлак Кўкраги қат-қат тах қилиб, буриб тикил-
453 ду^

ган кўйлак. *Кўйлак тиктирдим форма, Ян-гича — кўкракбурма.* С. Абдулла, Ҳаёт гул-шани. *Лопилламай ўлсин шу кўкракбурма кўшик!* Ойдин, Ҳикоялар.

КЎКРАКДОР 1 Кўкраги кенг, яғрин-дор. *Кўкракдор йиғит.*

2 Кўкраги. эмчаги бўлиқ, катта. *Қиз ўн етти-ўн саккизга кирган, ўрта бўйли.. кўкракдор, тўлагина, лўпписина қиз эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма. Баланд ва баҳаво, кенг. -*Чакки эмас, — деди кўкракдор, кенг далага қараб Ўктам.* Ойбек, О. в. шабадалар.

КЎКРАКЛИ 1 Кўкракка эга; кўкраги бор. *Муҳаммадкаримни қадди-қомати келишган, кўркам, кенг кўкракли, елкасига тегирмон тоши қўйса бўладиган йиғит, деганларича бор эди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

2 айн. **кўкракдор 2, 3.** [Гуландом] *Ба-ланд бўйли, кўкракли, тўла эмас, лекин миқти, диркиллама танга эга.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

КЎКС 1 айн. **кўкрак.** Кўлини кўксига қўйиб таъзим қилмоқ. **иш** Хонанинг тўрида-ги пўстак устида оппоқ соқоли кўксига туш-ган катта саллалли, ола чопонли домла ўти-рарди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Жингалак соч-лари кўзларини тўсиб турган Раиса икки қўли билан онасининг кўксини ушлаб, йиғлаб ту-рарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўчма Юрак, қалб. [Йўлчи] *Гулбоғча-даги у пари кўздан зойиб бўлгунча, отни се-кин юргизиб, кўксидаги чексиз шодлик билан қаноатланган, ширин ўйларга ботган ҳолда кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Бирор нарсанинг ўртаси, ичи, бағри. *Ёшлар чўл кўксини ёриб, тобора илга-рилаб борарди.* Ш. Ғуломов, Шонли авлод. *Ғуломжон қизларни кўм-кўк кўксига олган ўзага бир неча зум суқланиб қараб турарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎКСОВ Ўпкаси ишдан чиққан, кўп ва қаттиқ йўталадиган. *Чанг орасида битта-яримта кўксов қўйларнинг йўталгани эши-тилар эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола. *Бўрилар-нинг этни жимирлаштирадиган улиши, тўнғизларнинг кўксов йўталишидек ёқимсиз товуши.. бу танҳо йўлчининг юрагига ваҳим соломасди.* С. Аҳмад, Одамнинг изи. *Тил-моч папирос чекиб, кўксовлардай бўғилиб йўталди.* Ойбек, Улуғ йўл.

КЎКСУВ Кўздан ёш (сув) оқиб тури-ши билан кечадиган кўз касаллиги. *Ўрта*

Осиё халқлари «назла» ёхуд «кўксув» деб ном берган кўз касаллиги бор. Т. Қосимов, Кў-зингизни эҳтиёт қилинг.

КЎКСУЛТОН Думалок, нордон мева-ли дарахт ва унинг меваси. *Кўксултон атиргуллилар оиласига мансуб бўлиб, қим-матли витаминларга бой мева ҳисоблана-ди.* Газетадан.

КЎКЧА Қовуннинг ўртапишар, серши-ра бир тури (сертўр, кўкиш, чўзиқ қовун). *Каттақимлоқнинг эртапишар қовунлари, амири, кўкча, оқуруғлари қадим замонлар-дан бери машҳур.* И. Раҳим, Ихлос. *Патнис кўкча ва шакарпалак косалари билан тўлиқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎКЧИ Кашнич, кўкпиёз, укроп каби резаворлар етиштирувчи ва шундай кўкат-лар билан савдо қилувчи шахс.

КЎКЧИЛ кам қўлл. айн. **кўкимтир 1.** У, аввал Салимбойвачча, кейин бошқалар билан чўқшитириб, шампанскийни ичди-да, йирик, кўкчил кўзларига шўхлик ва ишва беришга тириша бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.

КЎКҚАРҒА Яшил-кўк патли, асосан Африкада қишлайдиган, кўкламда кела-диган куш.

КЎКҚЎТОН Лайлаксимонлар туркуми-нинг қарқаралар оиласига мансуб, пати кўк, бўйни ва тумшуги узун, балиқ, бақа ва б. майда жониворлар билан озиқланув-чи йиртқич куш.

КЎЛ Қуруқлижнинг сувга тўлган (сув қоплаган), атрофи берк, чуқурликдан иборат табиий сув ҳавзаси. Катта қўл. Чўлда юрган кўнғир гоз, қўл қадрини не билур. Ма-қол. Тома-тома қўл бўлар. Мақол. **иши** [Фу-ломжон] Ой ёруғида кумуш товлаб турган кўлнинг чап қирғоғи билан настга тушиб борди. М. Исмоилий, Фарғонат. о. Дарёбўйи-да катта-кичик қўллар, тўқайзорлар кўп эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

КЎЛАГА эск. айн. **кўланка.** Майдон эшиги очилди. Бири орқасидан бири юриб, икки кўлага майдонга кирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЎЛАМ Бирор иш-фаолиятнинг ёйи-лиш, қамраш доираси, ҳажми, миқёси; ривожланиш, авж олиш даражаси. Пўлат иш бошлаган дастлабки кунданоқ иш кўламининг бу қадар катталиги, бинокорлар зим-масига катта вазифа юклатилганлигидан фахрлана бошлади. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Шаҳарларда қурилиш йил сайин кен-гайиб бормоқда. «Ўзбекистон кўриқлари».

КЎЛАМДОР Кенг кўламли (кўлами кенг). Таъсирчан лирик ўйлари ва кўламдор жик дostonлари билан миллион-миллион ки-тобхонлар муҳаббати ва ихлосига сазовор бўлган машҳур шоирларимиздан бири Уй-гундир. «УТА».

КЎЛАМЛИ Кўламга эга. Олдинда кенг кўламли, мураккаб вазифа турарди. «Ўзбекистон кўриқлари». Замон кечар экан ҳар қандай дамда, Кўламли қувончу ё ногоҳ гамда. А. Орипов.

КЎЛАНКА 1 Офтоб нуридан тўсилган жой; соя. Абдуваҳоб айвондаги кўланкага ўтирди, ўғилчасини тиззасига олиб, пешо-насидан ўпди. 111. Тошматов, Эрк қуши. Машина теракларнинг қуюқ кўланкаси ос-тида учиб бораркан, Қудратнинг дўстлари кўм-кўк ва бўлиқ пахтазор далаларни унга кўрсатиб, фахрланар эдилар. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

2 Киши ва нарсаларнинг ёруғликка қарама-қарши томонга тушадиган сояси. Аравани от тортар, кўланкасини ит тор-тар. Мақол. Олис-олисларда йигитлар-нинг кўланкалари кўринади. «Ўзбекистон кўриқлари». Рўпарадаги уйда чироқ ёнди. Дарпарда орқасида тебраниб турган кўлан-ка тўхтади. Газетадан. Қарагайларнинг кўланкаси тунги сокин ҳавода қимир этмай турарди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

3 Узоқда, қоронғиликда, туманда ғира-шира кўринган нарса; қора, шарпа. Кўнгли алдамаган экан: узоқдан алақандай кўланка қорайиб кўринди. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Башорат яқин борди, кўланка яна қимирлади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 кўчма Бирор ички руҳий ҳолатнинг (мас. ташвиш, ғам, азоб) ифодаси, акси. Шеърят бошига зулмат кўланкаси тушиди. Зулфия, Хаёллар, туйғулар. ..унинг [Мадра-йимнинг] нуроний чехрасини, худди қуёшни булут босганидек, қайғу-алам кўланкаси чул-габ олди. «Муштум». Иқбол хола унинг чех-расидаги алам кўланкасини илғамади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

5 кўчма (3-ш. эгалик ва ў.п. к. шакли-да) Бирор кимсанинг химояси; паноҳ, ҳомийлик. Бировнинг кўланкасида яшамоқ. **иши** -Қалаи, Ҳомидбек, юртларингиз тинчликми? -Худога шукур, давлатлари кўланка-сида. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

6 кам қўлл. Нарсаларнинг бошланғич шакли, хали тўла шаклланмаган умумий кўриниши. Чигит экиш бошлангунча, янги қишлоқнинг кўланкаси кўриниб қолди: ..ҳали

очилмаган кўчаларнинг икки юзига саксон беш мингдан ортиқ кўчат ўтқазилди. А. Қахдор, Кўшчиноҳ чироқлари.

Кўланкаси қолибди Жуда озиб кетибди. рамақижон бўлиб қолибди. Сўрила-сўрила кўланкаси қолган совлиқ нимага ярайди? С. Анорбоев, Оқсой. **Кўланка (сини) солмоқ** Салбий таъсирини ўтказмоқ. [Нигоранинг].. бу табассуми зўрма-зўраки эканини, қандай-дир гусса юзига кўланка солиб турганини Шербек бир боқишдаёқ пайқади. С. Анорбо-ев, Оқсой. Уруш барча қатори Мақсуда она-нинг ҳам бошига ўз кўланкасини солди. Газе-тадан. **Ўз кўланкасидан (хам) кўрқмоқ** Хар нарсадан кўрқадиган, хавфсирайдиган бўлмоқ. Лекин Мадамин юрагини олдириб, ўз кўланкасидан кўрқадиган бўлиб қолди. П. Тур-сун, Ўқитувчи. **Ўзи хон, кўланкаси майдон қ. хон. Қора кўланка** Ёмонлик, бало рамзи. Биладан, ана, ҳозир сен турган ўлка Боши-да қанот ёзган қора кўланка. Ғайратий.

КЎЛБАР Улоқнинг терисидан ошлаб ишланган чармдан қилинган тўрва. Қа-ландар: -Йиғламанлар!— деб кўлбаридан иккисига бир нон олиб берди. «Эрали ва Шерали».

КЎЛБУҚА Қамишзорларда яшайдиган балиқхўр тунги куш.

КЎЛВОР, кўлбор: кўлвор (ёки кўлбор) илон Думининг учи тўмтоқ, халқ табобата-тида гўшти шифобахш ҳисобланувчи заҳарли илон. Чайла ёнида сув истабми, соя истабми келиб қолган, узунлиги ярим қулоч кўлвор илон.. ётарди. «Ёшлик». Кўлбор илон Нуротада жуда кўп учрайди. «Фан ва тур-муш».

КЎЛИК шв. Юк тортувчи ҳайвон, от-улов, транспорт. -Париларнинг макони олис, болам, кўлигинг йўқ, шеригинг йўқ, қандай етасан, — деди кампир. «Фольклор». Жой ниҳоятда пинҳона бўлгани учун атрофда би-рор кўлик кўзга ташланмайди. М. Кўшжонов, Дийдор.

КЎЛКА кам қўлл. айн. **кўланка**. Жим-жит, ^оронги кўчалардан отни қаттиқ ҳай-даб кетди. Ҳуштак, шақилдоқ чалган танҳо қоровул кўлкалари унда-бунда учраб қолар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Олма, ўрик, бодом гул очади, Супамизда салқин кўлкаси. Миртемир.

КЎЛЛАМОҚ Оқмай, бир жойга тўпла-ниб, йиғилиб қолмоқ, кўл бўлиб қолмоқ (сув ҳақида). Сайфи тол соясига ётиб, хур-рак отяпти. Сув эса эгатларнинг бир жо-йидан югуриб ўтяпти, бир жойида кўллаб қоляпти. Газетадан. Сквер томондан оқиб тушган баҳор суви тротуарнинг зеҳида кўллаб ётар.. эди. П. Қодиров, Уч илдиш.

КЎЛЛАТМОҚ1 Кўлламоқфл. орт. н. Су-рункали ёгингарчилик далаларни кўллашиб юборди. Газетадан.

2 : кўллашиб сув сепмоқ Кўп микдорда сув сепмоқ. Ёзнинг жазирама кунлари Аҳатжон гужум остига кўллашиб сув се-пади, супага.. топ-тоза олачани тўшайди. С. Сиёев, Аваз. **Кўллашиб суғормоқ** Бос-тириб, кўп сув қуйиб суғормоқ. Бу ерда гўзалар кўллашиб суғориларди. Ш. Раши-дов, Бўрондан кучли.

КЎЛМАК Чукур жойга тўпланиб қол-ган ёмғир суви, ҳалқоб сув. Кун исиб кетди. Хар қадамда ҳалқоб бўлиб ётган кўлмаклар ерга сингиб, ариқлардаги лойқалар тина бош-лади. Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Кўлмак сувлар устида чивинлар галаси уймалашмоқ-да. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

КУЛОБ айн. **кўлмак**. Кўлоб ҳозиргина се-тилган сувдан ҳосил бўлган эди. М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

КЎЛОБЛАМОҚ айн. **кўллатмоқ 2**. Тоза супурилган, кеча кўлоблаб сепилган сувнинг нами ҳали тупроқдан аримаган ҳовли уни оғир сукут билан кутиб олди. С. Зуннунова, Олов.

КЎЛОБЛАТМОҚ айн. **кўллатмоқ 2**. Ке-лин бир зумда ҳовлини кўлоблашиб сув уриб чиқди. С. Зуннунова, Гўдак хиди. Кўлобла-тиб суғорилган гўзалар, қаранг, Кўринади сув остидан барглари аранг. А. Пўлат.

КЎМА *шв.* 1 Уюм, тўплам. *Қовун кўма-си. ит* Икки қум кўмаси орасидан бораётган отлиқ отини тўхтатиб, ундан тушиди. С. Айний, Қуллар.

2 *айн. паға.* Дала шийпонларидан кўта-рилаётган тутун кўмалари.. Ойбек, О. в. шабадалар.

КЎМАК Моддий, жисмоний, маънавий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-қувватлаш; ёрдам. *Катта кўмак. Кўмак олмоқ. Дўсбшир кўмагида қийинчиликларни енгмоқ. иш* Ке-таман, қизим, шаҳарда аллақанча ишим бор. Ботиралининг кўмаги билан битказиб олай. Ҳ. Ғулом, Машғал. *Оғир дақиқаларда бир-бирларини қўллаб, кўмак берардилар.* У. Ра-шидов, Бўрондан кучли. *Йигитлардан би-рининг кўмагида отга миниб, жиловини қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Оға, не қил дейсиз.. Мен сиздан кўмак устаб кел-дим.* С. Сиёев, Аваз.

КЎМАКДОШ Кўмак берувчи; ёрдамчи, кўмакчи. *Амаким ҳам, хотини ҳам қизига насиҳат қилиш ўрнига, унинг фисқ-фужур ишларида кўмакдош бўлдилар.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Мен энди тўқисман.. ҳар бир ишимда кўмакдош онам — қайнонам бор.* М. Алиев, Шонли авлод. *Ўзумримдан бўлардим рози, Ё сен менга кўмакдош бўлсанг.* Сайёр.

КЎМАКЛАШМОҚ Ёрдам, кўмак бер-моқ, ёрдамлашмоқ. [Унсин:] *Тоға, сизгаяли-ниб келдим, Йўлчи акамни қамоқдан чиқа-ришига кўмаююшинг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёзги каникулда тоғларга саёҳат қилга-нимиз, бир-биримизга кўмаклашиб, Чимён чўққиларига чиққанимиз.* П. Турсун, Ўқитув-чи. *Меҳтиев ҳамманинг ишини кузатиб, ке-рак бўлган жойда кўмаклашиб юрар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

КУМАКЧИ 1 Ёрдам, кўмак берувчи; ёрдамчи. *Пахта теримига чиққан шаҳарлик кўмакчилар. ти* Бу ғамлар етмагандай, унинг ягона кўмакчиси бўлган шогирдини яқинда бош-қа бируста айнитиб олиб, бечора чолнингқўли-ни кесди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 *тлш.* Отлардан кейин келиб, уларнинг бошқарув йўли билан тобеланишини кўрсатувчи, макон, замон, сабаб каби маъно-ларни ифодаловчи ёрдамчи сўз, мас, *учун, билан, томон* сўзлари.

Кўмакчи феъл Асосий феълнинг маъ-носига қўшимча маъно берувчи ёрдамчи феъл. Мас, *ўқиб кўр, ёзиб бер, ола қол* ка-биларда *кўр, бер, қол* феъллари.

КЎМАЧ Иссиқ кулга кўмиб пишири-ладиган нон. *Кўчиб кетар вақтида Зебо, Ёзи келса ер деб, бир оз унни кўмач қишиб, кўрга кўмиб кетган экан.* «Ёзи билан Зебо».

Ўз кўмачига кул тортмоқ Ўз манфаати учун ишламоқ; ўзига ўзи қайғурмоқ. *Ҳар ким ўз кўмачига ўзи кул тортадиган.. бир замон-да инсон боласи ота-онасидан бемаҳал аж-ралар экан, унга бундан оғир кулфат йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎМИК Суякнинг ғовак қисми; суяк бўшлиғини тўлдириб турадиган ёғли тўқима.

КЎМИЛМОҚ **Кўммоқ** фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ёшлигингда одат қилсанг, қаригунча кўни-касан, қариганда одат қилсанг, кўниккунча кўмиласан.* Мақол. *тм* Зайнаб ҳам тамом ипақларга кўмилиб ясанган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Шаталоқ отиб юргунча, уйда кўмилиб ўтирсаларинг бўлмайдими? — деди Фотима она [болаларга].* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

КЎМИР 1 Куйиб қорайган, лекин ҳали кулга айланмаган ёғоч қолдиғи. *Чайла қамишлари аллақачон ёниб битиб, ёғочлари-гина қора кўмир бўлиб, чарс-чарс тутаб ётарди.* Н. Фозилов, Дийдор.

Писта (ёки пистоқи) кўмир Махсус кўра-да ёғочни куйдириб тайёрланган кўмир. *Очиқ танчага писта кўмир солиб.. иккимуф-ти қўлларини оловга товлар эдилар.* А. Қо-дирий, Меҳробдан чаён. *..кабоб кўраларда арчанинг пистоқи кўмири чўғлатилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ердан қазиб олинган, асли ўсим-лик қолдиғидан ҳосил бўлган қаттиқ ёқилғи; тошкўмир. *Кўмир саноати. Кўмир кони. тм* Шахталарда шахтёр шиддаткор..

Кўмирларни кулатар яхлит. Ё. Мирзо. Қозо-ғистон — бу Қараганда, Қазган билан туга-мас кўмир. Ҳ. Олимжон.

КЎМИРЛАНМОҚ кам қўлл. Кўмир бўлмоқ, кўмирга айланмоқ. Булутлар қорай-ди, дарахтлар кўмирланди, аскарларнинг юзлари исдан, тўзондан даҳшатли ниқоб кийди. Ойбек, Куёш қораймас. Кўчалар ғишт, тупроқ, темир-терсак, кўмирланган ёғоч, жингиртоб симлар билан тўла эди. Ойбек, Куёш қораймас.

КЎМИРХОНА Кўмир қўйиладиган, сақланадиган жой. Пойгак томонидан одам ўтирадиган жойнинг ости камар қилиб қов-ланиб, кўмирхона қилинган эди. С. Айний, Эсдалиқлар.

КЎМИРЧАК 1 шв. Пиширилган, қову-рилган овқатнинг бир оз қўйиб, қотиб пишган жойи; қирмоч.

2 айн. кемирчак. Врачлар Назиранинг лун-жидан бир парча ғишт олиб, устки лаб тир-тигини ямашди, аста-секин кўмирчак қўйиб, бурнини кўтаришди. Газетадан.

КЎМИРЧИ Кўмир тайёрлаш ёки кўмир сотиш билан шуғулланувчи шахс. Кўмирчи бўлсин, темирчи бўлсин — тўрт деворнинг ичи-да севганинг бўлсин. Ҳамза, Паранжи сирла-ри. Форобий боғи биқинидаги тор кўчада ту-радиган кўмирчи аравакашлар отларини шу ерга [анҳорга] олиб тушиб сугорадилар, чўмил-тирадилар. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

КЎМИРЧИЛИК Кўмирчи касби.

КЎМИШ 1 Кўммоқ фл. ҳар. н. Боғларда узум, олма, ноклар йиғиштириб олинган, тоқлар кўмиши учун тайёрланмоқда. Ж. Ша-рипов, Хоразм.

2 Дафн маросими. У [Адолат] Зумрад-нинг ўлимига сира-сира чидаёлмасди. Уни кўмиши учун тўпланган одамлар билан маҳал-ласи томонга кетар экан, кўз ёшини тиёлмас, секин-секин хўрсиниб борар эди. С. Зун-нунова, Гулхан.

КЎММА 1 шв. Ханжувар. Кўмма қилиб экмoқ. *ти* [Ғўза кўчатини] Болалар лой-пойи билан кўчириб.. ва бўлтак ерга қатор кўмма-лар очиб ўтқаздилар. Н. Сафаров, Замон.

2 Ерга кўмиб ўрнатилган. Кўмма устун-лар. *ти* Саҳнини янтоқ босган яланг ҳовлида иккита ёғоч қаравот, ўртага кўмма стол ясалган, унинг атрофига қўлбола табурет-калар қўйилган эди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 Одатда кўмиладиган, кузда кўмиб, совукдан сақланадиган (мевали дарахт-лар ҳақида). Кўмма анор. Кўмма ток. Кўмма қилмоқ.

4 Чўғга (ўтга) кўмиб тайёрланадиган, пи-шириладиган. Кўй сути, қўймойига Унадекуни қориб, Йилтиллама хамирни Кўйи това аро со-либ, Кўмма қишиди дарров, Шувоқ тдизин ёқиб. Қ. Муҳаммадий. Бобо бўлар хотиржам, Пиши-рар «кўмма кулча». Қ. Муҳаммадий.

КЎММОҚ 1 Ковланган ерга (чуқурча, ўра ва ш. к. га) жойлаб, устини беркитмоқ. Сабзини кўммоқ. Картошкани кўммоқ. **итт** Шолини кечаси отхонадан олиб, бошқа ерга кўминг. Ҳ. Ғулом, Машғал.

2 Тупроқ, шағал, қум, тош, кесак, ха-шак каби нарсалар билан қоплаб беркит-моқ, кўринмайдиган қилиб қўймоқ. Оёқни қумга кўммоқ. Токни кўммоқ. Бу жойларда анжир билан анорни ҳам кузда кўмадилар. **тт** Пахомов картошкаларни ҳавас билан бир-бир ушлаб, ўтга кўма бошлади. Ойбек, Куёш қораймас.

3 Ўликни гўрга қўймоқ; дафн этмоқ. Сизнинг ўжарлигингизни деб, гулдек қизимни бегона шаҳарга икки қўллаб кўмиб кел-дим. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

4 Чуқур жойни тўлдирмоқ, ер билан текисламоқ. [Сидиқжон] Тўлиб қолган кир ўрани кўмиб ташлаб, бошқа ўра қазиди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирок^ари. Бултур пахта эккан бригада ернинг намини сақлаш учун зовури кўмган экан. Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

5 кўчма Жуда ортиқ даражада таъмин этмоқ; тўкиб, ёғдириб ташламоқ. *Ишга кўмиб юбормоқ. Пулга кўмиб ташламоқ. тт* Ҳайитмат аканинг назарида, Ҳикмат дом-ла ўз қавмларини ҳаш-наш дегунча олтинга кўмиб юбораётгандек бўлиб кўринди. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.

КЎМОЧ айн. **кўмач**. ..сизни бир оз маза-лирок нон билан меҳмон қилмоқчи бўлиб, кўмоч хамирига бир коса сут қўшдим. С. Айний, Қуллар.

КЎН Ишланган, пиширилган тери; чарм. *Кўн заводи. тт* -Бой акамнинг дард-лари деҳқончилик устида эмас, бошқа жой-да,— деди эски бир этикнинг остига янги кўндан таг қўйиб тикаётган бир киши. С. Айний, Қуллар. Умурзоқ ака баланд қоматини эгиб, кўн этигининг учини аста-секин босиб, болалар тепасига кирди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

КЎНАК шв. Қимиз солиб қўйиш учун теридан ясалган идиш; катта саноч. *Қимиз дори деган неча такконлар, Чайиб бергин сава билан кўнакни.* «Алпомиш».

КЎНГИЛ (асосан 3-ш. бирл. — **кўнгли**) 1 Кишининг ҳис-туйғу ва кечинмалари манбаи; юрак, қалб, дил. *Кўнглида яхши ниятлари кўп. Кўнглим қувончларга тўлди. тт* Бахт, иқбол, фаровонлик орзулари кўнги-да тўла, аммо бу дамда бир парча чапатига зорлик қандай мусибат. Ойбек, Нур қиди-риб. [Зайнаб:] Кўнглимда тариқдек ёмонлик бўлса, эртагача етмайин. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Нигоранинг кўнглини қандайдир гам-гин ҳис-туйғулар эгаллаб олди. С. Анорбо-ев, Оқсой. Аслида эса ҳозир унинг кўнглида бир-бирига зид, асов туйғулар жунбишига ке-либ, жисму жонини гоҳ безовта килса, гоҳ ҳаловатли кечинмаларга гарқ этаётган эди. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Фейл-атвор, характер, хулқ. *Жаҳлдан тушгандан кейин яна юмшаб қоласиз, раис, кўнглингиз бўш.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

Бир кўнгли Бир қур таҳмин қилиб, ичи-да гумонсираб, бир хаёл билан. *Бир кўнгли, бу гапни қози топиб келгандир, деб ўйлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Борган еригача куйдириб борди. Бир кўнглим, «Заҳар бериб қўйдими?» дебқўрқдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнги-бермоқ** 1) берилмоқ, меҳр қўймоқ. *Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин, Бевафо дунёга кўнги-бермагин.* «Ойсулув»; 2) севмоқ. *Мен тунукасоз устамнинг қизига кўнги-берган эдим..* К. Яшин, Ҳамза. *Бир не-чук номардга кўнги-бермагин..* «Алпомиш». **Кўнги-ёзмоқ** (ёки **очмоқ**) Ғам-ғуссани тар-қатмоқ, унутмоқ, хурсандчилик қилмоқ, ўйин-кулги, сайр ва ш. к. билан дилгирилик-ни тарқатмоқ. *Бамаъни одам билан гаплашиб, кўнги-ни ёзмоқ. тт* Малика кўнги-ёзиш учун тез-тез овга чиқар экан. «Булбулигўё». *Кўшиқ кишининг кўнглини очади.* Н. Сафаров, Шарқ тонги. **Кўнги-ёрмоқ** Дилидага гапларни айт-моқ. *Шунинг учунми.. дардиш кимга айтиш-ни билмай қолган кезларда Аваз Мутрибни со-гинади, унга кўнги-ёради.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Кўнги-овламоқ** 1) ўзига мойил, ром қилиш-га интилмоқ. *Кўзингни сузиб, овлоқда Пўлат-жоннинг кўнглини овлаб юрган эмишсан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар; 2) бировни хур-санд қилишга, кайфини чоғ қилишга ҳара-кат қилмоқ. *Тўрахўжа ўртоқларининг кўнги-ни овлашни биладиган, ўта маданияши бола эди.* Д. Нурий, Осмон устун. **Кўнги-сўра-моқ** Киши бошига бирор мусибат ёки таш-виш тушганда, ундан ҳол-аҳвол, кайфият ва ш. к. ҳақида сўрамоқ. *..Али мешкобчи кейинчалик Низомиддиннинг ҳибс этилиб, Их-тиёридинга ташланганини эшитиб, эрта би-лан келиб, Меъморнинг кўнглини сўради.* Мир-муҳсин, Меъмор. *Ёдгорбойининг.. нобудбўлга-нидан булар беҳабар экан, тўғри келиб, кам-пирдан кўнги-сўрабман.* А. Қаҳдор, Асрор бобо. **Кўнги-узмоқ** Баҳридан ўтмоқ, кечмоқ, ажралмоқ, ташлаб кетмоқ. *Бир ёғи булар, қолаверса, волидамизнинг қабрларидан кўнги-узошай, Капсанчиширда қолиб кетдим.* А. Қаҳ-хор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнги-лучун** Ҳур-мат юзасидан; ҳеч бўлмаса, шунчаки, тил учуда. *Шаҳидбек гўё кўнги-лучун яна: -Кўп яхши экан! — деб қўйди.* А. Қодирий, Меҳ-робдан чаён. **Кўнги-хуши** Ўзининг хурсанд-

лиги, вақтичоғлиги учун хизмат қиладиган иш-ҳаракат ёки нарса; хурсандлик, вақтичоғлик воситаси. *Қиз бўлса ҳам, кўнгил хуши,*

Фарзанд керакдур йигитга. «Кўшиқлар». **Кўнгил кўймоқ** (ёки **бермоқ**) Мехрмуҳаб-бат боғламоқ, севмоқ. *Йигит шу қизга кўнгил кўйди. тии* -Кўнгил берганимни, яхши кўрга-нимни ўлганидан кейин яна ҳам аниқ бил-дим. *Ҳеч кимдан уялмай, бағримга босиб йиғ-ладим, — деди Ҳожжи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнгилга тугмоқ қ. тугмоқ. Кўнгли айнимоқ** Тўш олди соҳаси ва ҳал-қумда ўзига хос ғюхушлик ҳис этмоқ; бе-ҳузур бўлмоқ. *Ёқимсиз ҳиддан кўнгли аини-ди. Кўнгли бор* 1) хоҳиши, майли бор; мой-ил. *Шу ерда қолиб ишлашга кўнгли борлигини бирдан айтишига бўйни ёр бермай ўйланди.* Ҳ. Назир, Одамнинг қадр; 2) яхши кўради, севади. *Ундай деса, Солянинг пичингида ҳам жон бор. Ахир илгарилари «ака» демас эди-ку? Кўнгли бормикин-а?* С. Анорбоев, Ше-рали севиб қолди. **Кўнгли бузилмоқ** Кайфи-яти бузилмоқ; қаттиқ хафа бўлмоқ, қайғу-га чўммоқ; дили оғримоқ, дили ғаш торт-моқ. *Дутор чалибўтирсам, Ипи узилиб кет-ди, Ёр сени ўйлаб турсам, Кўнглим бузилиб кетди.* «Кўшиқлар». *Акасининг бу ҳаракати-дан Раънонинг кўнгли бузилиб, қовогини сол-ди-ю, аразлаганча ҳовлига тушиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Хондан бошқача муомала кутган Зухра бегим тўсатдан кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Кўнгли бузуқ** 1) фикри, нияти ёмон, ёмонлик қилишни ўйловчи; 2) ғамгин, руҳан эзилган, кўнгли яримта. *Кўнгли бузуқ бўлса, болам, шод айла, Йи-қилганни, болам, сен босиб ўтма.* «Равшан». **Кўнгли бўлмаслик** Кўнглига тўғри келмас-лик, бирор ишни бажаришга ботина ол-маслик; маъкул кўрмаслик. *Ибн Ямин.. ус-тозининг вафотидан сўнг, унинг оиласини ташлаб кетишига кўнгли бўлмади.* К. Яшин, Ҳамза. **Кўнгли бўшамоқ** Ғам-ташвишдан енгилланмоқ, кўнгли ёришмоқ. *Йиглаб-йиглаб, кўнгиллари анча бўшагандан кейин: -Ҳасанжон.. буларни қаердан топдинглар [деди].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Кўнгли жойига** (ёки **ўрнига**) **тушмоқ** Хотиржам бўлмоқ, тинчланмоқ; таскин топмоқ. *Фулом-жон.. ҳали кўшиниси терим бошламаганини кўриб, кўнгли анча жойига тушди.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о. **Кўнгли йўқ** 1) май-ли, хоҳиши йўқ; мойил эмас, истамайди. *Аслида Шодмон отанинг бешикка кўнгли йўқ эди.* Ҳ. Назир, Кўрмана; 2) яхши кўрмайди, севмайди. **Кўнгли кенг** 1) ҳар нарсага сиқилавермайдиган, ташвиш тортавермай-диган. *Укўнгли кенг, вазмин бўлишни, анча-мунча нарсани ичига бемалол сиғдириб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб юришни ҳавас қила-ди.* П. Қодиров, Уч илди; 2) олиҳиммат, саховатли. **Кўнгли кўтарилмоқ** (ёки **ўсмоқ**) Руҳланмоқ, руҳи, кайфияти кўтарилмоқ. руҳи енгил тортмоқ; хурсанд бўлмоқ. *Си-диқжон.. иситмаси тушганиданми ёки кам-пирнинг меҳрибончилигиданми, кўнгли кўта-рилиб, таъби очилганиданми, жуда енгил тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Кўнгли кўтармайди** 1) хохламайди, ёқтирмайди, табиатига тўғри келмайди. *Карин-дошлар, кўшиллар — ҳеч ким ёқмас, ҳеч нар-сани кўнгли кўтармас, ҳеч нарсани истамас эди.* Ойбек, Нур қидириб; 2) ҳазм қилол-майди; еб-ичолмайди. *Ёғли овқатни кўнглим кўтармай қолди.* **Кўнгли очиқ ёки очиқ кўнгил** 1) истагини, хафа ёки хурсандли-гини яширмайдиган; тортинмай гаплаша-верадиған. *Йўлчининг кўнгли очиқ, содда йи-гит эканини билиб, болалар бирин-сирин яқинлаша бошлайдилар.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ҳар нарсага хафа бўлавермай-диган, гина сақламайдиган; беғараз. *..одам-ларга жуда меҳрибон, кўнгли очиқ, қотма-гина чол эди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Кўнгли оқ ёки оқ кўнгил** Бировга ёмонлик-ни истамайдиган; беғараз, юраги тоза, соф-дил. *Оқ кўнгил одам. тии* -Салимбойваччадан қилча шубҳаланманг, — қатъий деди Тан-тибойвачча, — унинг кўнгли оқ. Ойбек, Тан-ланган асарлар. **Кўнгли оғримоқ** Хафа бўлмоқ, ранжимоқ. **Кўнгли совимоқ** (ёки **қолмоқ, қайтмоқ**) Аввалги яхши муноса-бати, майли йўқ бўлмоқ, ихлоси қайтмоқ, севмайдиган, ёқтирмайдиган бўлиб қолмоқ. *Дўстидан кўнгли совиди. тт* [Абдишукурнинг] *Кейин мадраса илмларидан кўнгли совий бош-лади, чунки имом бўлиш*

уни сира қизиқтир-мади. Ойбек, Танланган асарлар. **Кўнгли соф** (ёки тоза), **соф** (ёки тоза) **кўнгил айн.** **кўнгли оқ.** [Гулнор:] Ўзимдан ортиқ сизга ишона-ман. Сиз кўнгли тоза йигит, биламан. Ой-бек, Танланган асарлар. **Кўнгли суст кетди** Жуда ҳам ҳаваси келди, тотиб кўргиси, еги-си ёки ичгиси келди. **Анорга кўнглим суст кетди.** **Кўнгли тинчиди** қ. **тинчимоқ** **1.** **Кўнгли тор** 1) ҳар нарсага сиқилаверади-ган, ташвишланаверадиган; сержаҳл; 2) хасис, зикна. **Кўнгли тош ёки тош кўнгил**

Раҳм-шафқати йўқ, бераҳм, шафқатсиз; бемурувват. [Фотима:] Золим, раҳмсиз, тош кўнгил! С. Айний, Қуллар. **Кўнгли тўлмоқ** Мамнун бўлмоқ; қаноат ҳосил қилмоқ, тинчланмоқ. **Муҳиддин ака.. алланимадан хурсанд бўлиб, кўнгли тўлиб чиқиб кетди.** А. Қаххор, Қўшчинор чироклари. **Кўнгли тўқ** Ғам-ташвишдан холи, хотиржам. **Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, элдан ажралган-нинг бети йўқ.** Мақол. **ит** -Бектемирдан кўнглим тўқ, — деди Али тажсанг, — калла-си ишлайди. Ойбек, Қуёш қораймас. **Ишонч-ларингизни оқлайман, кўнгилларингиз тўқ бўлсин.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнгли хира айн.** **таъби хира** қ. **хира.** **Усмена охири-да.. бир оз энгил тортди-ю, лекин кўнгли ҳамонхира эди.** А. Мухтор, Туғилиш. **Кўнгли чопмоқ** 1) табиатига, дидига мос келмоқ, мувофиқдеб билмоқ, ёқтирмоқ. [Гулсумби-би:] **Дурадгор йигитнинг онаси қатнай-қат-най, тинка-мадори қуриди. Айниқса, ўшанга кўнглим чопган эди.** Ойбек, Танланган асар-лар; 2) бирор нарсанинг рўёбга чиқиши-га, амалга ошишига ишонмоқ. -**Қайгурма, Офтоб.. куёвинг бунчалик сулув бўлса.. чи-милдиқда печакгулдек бўлиб, эрига чирмаш-ганини кўрармиз!** -**Оҳ, опажон, — деди умид-сизча ойим, — менинг бунга кўнглим чопмай-ди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кўнгли чўкмоқ** Руҳи тушиб кетмоқ, умидсизликка берил-моқ; ўксимоқ, афсусланмоқ. **Боланинг кўнгли чўкди.** **ит** **Ҳаётнинг кўнгли чўкиб кетди, ле-кин.. умид итини узгиси келмади.** М. Исмои-лий, Фарғона г. о. **Кўнгли юшамоқ** Ачиниб раҳми келмоқ; аччиғидан, қахридан туш-моқ. **Меҳри юрак-юрагидан эзилиб, дадаси-нинг кўнглини юмишатиш йўлларини қидирар-ди.** **Ш.** Рашидов, Бўрондаи кучли. **Кўнгли юшоқ ёки юшоқ кўнгил** қ. юшоқ **4.** **Кўнгли ярим (та)** Ғам-ташвиш билан ру-хан эзилган, дилшикаст. -**Кўй энди, озор берма, кўнгли яримта, — деган эди, Асрор-қул қайта авж олди:** - **Кўнгли нримта бўлса, мияси ҳам яримтами ?** А. Қахдор, Асрор бобо. **Кўнгли ўксимоқ** Хафа бўлмоқ, маъюслан-моқ. **Қизнинг атрофга жавдираб турган кўзлари хомуш ерга боқди. Қиз кўнгли ўкси-ди.** С. Аҳмад, Меҳрибон. **Кўнгли қаттиқ ёки қаттиқ кўнгил айн.** **кўнгли тош.** **Шу ёшга келиб, оталик меҳрини жуда кам кўрсатган қаттиқ кўнгил отанинг юраги бирдан эриб кетди.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Кўнгли қора айн.** **ичи қора** Қ. **ич** **3.** **Қаси кўнгли қора-дан чиқди бу гаплар?** А. Муҳиддин, Кўнгил-лар. **Кўнгли ғаш** Таъби хира, бирор нарса-дан ташвишли, безовта, нотинч. **Кўнгли ғаш, бояги қувончли, ширин, аммо таги йўқ хаёл-лардан асар ҳам қолмаган эди.** О. Ёқубов, Муқаддас. **Кўнглига келмоқ** 1) ўзича ўйла-моқ, хаёлидан ўтмоқ. **Зўрликни кўнгилга кел-тирманг.** **Ш.** Тошматов, Эрк куши. **Ўзинг биласан. Ахир шундай бўлади, деб кўнглимга келтирибманми?! П.** Турсун, Ўқитувчи; 2) хафа бўлмоқ. **Бу гапингиз нотўғри, қори, сиз-нинг илмингиз эскича илм.. Кўнглингизга кел-масин-у, извошга эшак қўшиб бўлмайди.** А. Қаххор, Қўшчинор чироклари. **Кўнглига оғир олмоқ** с. т. Арзимаган нарсага хафа бўлмоқ; ўзига таҳқир деб тушунмоқ. **Кўйинг-чи.. ўзингиз ҳар бир нарсани кўнглингизга оғир ола берар экансиз.** А. Қодирий, Ўтган кун-лар. **Қалмоқларнинг кўзича, сен менадан зўр бўлгин, қандай сиёсат қилиб гапирсанг ҳам, мен кўнглимга оғир олмайман.** «Алпомиш». **Кўнглига тегмоқ (ёки урмоқ) айн.** **чаккага тегмоқ/(. чакка** **1.** Булар ҳаммаси ҳам кўнгил-га урди, шекилли, гулзорлар бўйлаб боғни ай-лана бошлади. Ойдин, Фонарь тагида. **Кўнглига қарамоқ** Раёйига, хоҳиш-истаги-га мувофиқ иш тутмоқ. **Мана шунақа-да, боланинг кўнглига қарайверсангиз, ҳаддидан ошиб кетади.** Ойдин, Ўзи монанд. **Кўнгли-га қил (ҳам) сиғмайди айт.** юрагига қил (ҳам) сиғмайди қ. юрак. **Кўнглига қўл солиб кўрмоқ** қ. қўл. **Кўнглида кири йўқ** 1)

айн. кўнгли оқ; 2) айн. кўнгли очик. Юрагида бори юзига тегиб турадиган бундаи кишиларни. кўнглида кири йўқ, деб мақтайдилар. П. Қо-диров, Уч илдиз. **Кўнглидан кечирмоқ** (ёки ўтказмоқ) Хаёлидан ўтказмоқ, ўйламоқ. «Энди бу ҳаёт нимага керак?» деган фикрни кўнглидан кечирганди. О. Ёкубов, Тилла узук. «Тегирмонга тушса, тирик чиқадиган одам», дея кўнгилдан ўтказардилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Кўнглидан чиқармоқ** 1) буткул унутиб юбормоқ; ўйламай, эсламай қўймоқ. Аслида эса Холмурод севган қизидан ҳали-вери жудо бўлишни ҳам, уни кўнглидан чиқариб юборишни ҳам истамасди. П. Тур-сун, Ўқитувчи; 2) илгари хафа қилган ки-шисини узр тарзида хурсанд қилмоқ, ха-фалигини, гина-кудуратни тарқатмоқ. Бола бечоранинг дилини оғритган эдим.. Ўлмасам.

бир яхши иш қилиб, кўнглидан чиқариб юбо-раман. С. Ахмад, Қадрдон далалар. **Кўнгли-ни бузмоқ** Хафа, ғамгин қилмоқ, ғамга бо-тирмоқ. Бир ёш аёлнинг ғам ва ҳасрат билан тўла «ёр-ёр»и алоҳида эшитилар, одамнинг кўнглини бузар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Кўнглини кўтармоқ** (ёки ўстирмоқ) Дили-ни чоғ қилмоқ, хурсанд қилмоқ, яхши кай-фият бағишламоқ; руҳлантирмоқ. Беморнинг кўнглини кўтариб, кечқурун уйига кайтди. Т. Ашуров, Оқ от. Бирови йиллаб сақлаган йилқи мойи топиб келиб, тўпигини силайди, бирови қизиқ-қизиқ гаплар айтиб, кўнглини кўтаради. С. Сиёев, Ёрутлик. -Хафа бўлманг, Тўхта хола, кўнга келган тўй, — деди Бозо-ров, унинг кўнглини кўтариши. учун. И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат. Бу гап Жуманнинг кўнглини ўстириб юборди. А. Мухтор, Туғи-лиш. **Кўнглини олмоқ** 1) хурсанд қилмоқ. Мен биров билан ошначилик қилсам, ундан жонимни ҳам аямай, кўнглини олмоққа ти-ришаман. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) би-ровнинг севгисини қозонмоқ, ўзига меҳр-муҳаббат уйғотмоқ,, ром қилмоқ. [Сидиқ-жон:] Бунақа қўшмачилик сизлардан кела-ди. Инъомжонга «Қизимнинг кўнглини ол, эридан чиқариб, сенга бераман», деган ки-шидан келади. А. Қахҳрр, Қўшчинор чироқ-лари. **Кўнглини оғритмоқ** Хафа қилмоқ, ран-житмоқ. Ука, мен уч-тўрт кундан кейин Фарғонага жўнайман. Лвкин сан чолнинг кўнглини заррача оғритма, дурустми? Ой-бек, Танланган асарлар. **Кўнглини топмоқ** Истак-хоҳишига мос тушадиган иш ёки ҳаракат билан ўзига мойил қилмоқ, ўзи-дан хурсанд қилмоқ. Каттарогини ака де — қўлтигига кир, кичикрогини ука де — қўлтиққа ол, кўнглини топ. П Турсун, Ўқитувчи. **Кўнглини эритмоқ** Дилини, қал-бини эритмоқ, юмшатмоқ. **Ўрганган кўнгил ўрганса қўймас** Киши бирор нарсага ўрга-ниб, одатланиб қолса, гарчи у зиён бўлса ҳам, уни тарк этолмайди, деган маънода ишлатиладиган матал (асосан ярамас одат-лар ҳақида).

КўНГИЛЛАМОҚ шв. Кўнглида мўлжал қилмоқ, хохламоқ. Агар «Фалончини сева-ман, ўшанга уйлаб қўйинг» деса, хафа бўлма-ган чоқда ҳам, «Ҳа-а, мен бу ёқда Ёрқинойга кўнгиллаб юрсам-у, у ёқда дон олишиб юрга-ни бор экан-да» , деб ўйламайдими? Р. Раҳ-мон, Меҳр кўзда.

КўНГИЛЛАШИБ: кўнгиллашиб гапир-моқ (ёки сўзламоқ) шв. Чин дилдан гапир-моқ, кўнгилни ёзиб сўзламоқ. Ана энди эл ҳазиллашиб, кўнгиллашиб гапираверади. «Юсуф ва Аҳмад». Нима деса, ўз кўнглида ихтиёр, Кўнгиллашиб сўзланг, юртдошлар. «Юсуф ва А\мад».

КўНГИЛЛИ 1 Кўнгилга ёқадиган, хуш келадиган; ёқимли. *Кўнгилли манзара. ти Бу ерда мева-чева кўп, дарахтма-дарахт тир-машиб, ёввойи узум ейшидан ҳам кўнгилли нарса борми?\. Аҳмар, Ким ҳақ? Бу сўлим масканларда шанба ва якшанба кунлари саи-ру саёҳат қилган ҳамшаҳарларимиз кўнгил-ли дам олади, яхши ҳордиқ чиқаради.* Газе-тадан.

2 Кишиларнинг ўз истаги, хоҳиши би-лан қилинган, тузилган. *Кўнгилли армия. Кўнгилли аскарлар. иш Бўтабой партизан отрядига кўнгилли бўлиб ёзилди.* С. Ахмад, Хукм.

3 от вэф. Бирор ишга ёки гуруҳга ўзи истаб, ўз хоҳиши билан кирган ёки уюшган киши(лар). *Канал қурилишига 50минг кўнгт-ли этиб келди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

КЎНГИЛОЧАР Кўнгилни очадиган, хуш кайфият бағишлайдиган. *Клубда тез-тез кўнгилочар ўйинлар, кўрилган кинолар устида баҳс, мунозаралар қизийди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Шундан сўнг суҳбат унча қовушмади, профессор бир-икки кўнгилочар гандан сўнг чиқиб кетди. «Ёшлик».*

КЎНГИЛСИЗ 1 Кўнгилга хуш келмай-диган; ёқимсиз, хунук. *Кўнгилсиз воқеа. ти Чекиниш, албатта, жуда кўнгилсиз ҳол. Ле-кин урушида бўладиган гап бу. Ойбек, Куёш қораймас. ..илтижолли овозлар.. юракларни эзиб юборарди ва буларнинг барчаси бирга қўшишиб, кўнгилсиз, нохуш бир манзара кашф этар эдики.. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Севги-муҳаббати йўқ, севмайдиган. *Дастлаб кўнгилсиз бўлиб, кейин кўникиб кетганлар озми? Сабр қил.. эҳтимол, бахтинг очилиб кетар. И. Раҳим, Ихлос.*

КЎНГИЛСИЗЛИК 1 Кўнгилсиз ҳолат. *Шундай кўнгилсизликка сабаб бўлгани учун Саудий кўп хижолат тортар эди. А. Қаҳ-ҳор, Сароб.*

2 Кўнгли йўқлик, севмаслик; ёқтирмас-лик. *Саудий, унинг Мухторхонга кўнгилсизлигини ўзи ҳам билади. А. Қаҳҳор, Са-роб.*

КЎНГИЛХУШЛИК Хуш (яхши) кай-фият, вақтичоғ ҳрлат; вақтичоғлик. *Алимардон бошини гоз тутиб борар, жаҳонда ҳеч нима ўзгармагандек, ҳамма нарса кўнгилхуш-лик билан бораётгандек эди. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. Гулчирой кириб-чиқиб турган бу остонада туриш унга кўнгилхушлик бахш этар эди. Ж. Абдуллахонов, Йўл.*

КЎНГИЛЧАН 1 Раҳмли, раҳмдил. *[Гул-нор] Йўлчининг онасини меҳрибон, кўнгилчан, гоят самимий бир қайнона каби тасаввур қилди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Қаттиқ талаб қила олмайдиган; бўш. *[Мазкур] Ўртоқ жуда кўнгилчан одам, бу масъул постга эса қаттиққўл киши керак. М. Бақоев, Ибрат.*

КЎНГИЛЧАНЛИК Кўнгилчанга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Тўхтасин ака иш вақти тугаб қолганда ноўрин бетон олиб келган шофёрга кўнгилчанлик қилди, бошлиқ бўлса, жиддийроқ бўлсин-да.. Ш. Гуломов, Инсон кўли гул.*

КЎНДАЛАНГ Узунасига қараб эмас, балки энига қараб жойлашган, эни бўйлаб кетган. *Уғлим иккаламиз.. кўча ўртасида кўндаланг туриб қолган машина томон илдам юрдик. «Ёшлик». Ёнгоқдан эътиборан сойга тушгунча кўндаланг згатли алоҳида тахта бошланади. А. Қодирий, Обид кет-мон. Вагон ўртасида кўндаланг қўйилган тахтада тўрт киши домино ўйнамоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

Кўндаланг бўлмоқ (ёки турмоқ) 1) қар-шисида намоён бўлмоқ, рўбарў турмоқ. *Намозгарда у ёнидаги алп йигитлари билан Йўлдош мусофир деган деҳқоннинг эшигида кўндаланг бўлди. С. Сиёев, Аваз. Лекин ҳозир сабаб қидирадиган пайт эмас. Унинг олдида катта масъулият кўндаланг турибди. И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат; 2) тўсиқ, ғов бўлмоқ, қарши турмоқ. Подшонинг амрига ким кўнда-ланг бўла олади?!Ҳеч ким! К. Яшин, Ҳамза. Тўра ўз шаклифининг юрагидаги орзусига кўндаланг бўлганини сезиб, қаеридир жиз этиб кетди. Н. Фозилов, Дийдор. Фармонни амалга оширишга, ким бўлмасин кўндаланг турар экан, суриштириб ўтирилмайди, Си-бирга бадарга қилинади. К. Яшин, Ҳамза.*

КЎНДАЛАНГИГА *рвш.* Нарсанинг эни-га, эни бўйлаб. *Тахтани кўндалангига арра-ламоқ. Ғўза қатор ораларини кўндалангига культивация қилмоқ.*

КЎНДЎЗЛИК қ. **кўнчилик.** Чамаси бун-дан ўн бир-ўн икки йиллар илгари мулла Обид-нинг асли касби бўлган кўндўзликнинг маза-си бўлмайди, яъни бозордан танавор топил-май, бола-чақаси анча толиқади. А. Қоди-рий, Обид кетмон.

КЎНИКМА Бирор ишда орттирилган маҳорат, малака. *Меҳнат кўникмалари. Кўникма ҳосил қилмоқ. тт* Студия менга энг зарур билим ва ишда кўникмалар берди.

Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. Юзаки та-ниши бўлса ҳам, ўша кўникмалари қўл келиб қолди. «Ўзбекистон кўриқлари».

КЎНИКМОҚ 1 Кўниб, ўрганиб қолмоқ. *Шароитга кўникмоқ. тт Қизим тўрт-беш кун йиғлаб-сиқтаб, кўникибам /кўникиб ҳам] қолади.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Қаноат қилмоқ; кўнмоқ. *Бориға кўник-моқ.*

3 Тан бермоқ; рози бўлиб қолмоқ. *Эри-нинг раъйига қариши боришидан фойда йўқлигини билди ҳам кўникди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сизлар бу аҳволга индамасдан, кўни-киб юра бердиларингизми?* Ш. Ғуломов, Шонли авлод.

КЎНКА эск. айн. **қонка.** От билан юрган трамвай; умуман трамвай. *Тошкент вокзалига етиб келгач.. кўнкага ўтириб, эски ша-ҳарга жўнадим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Шаҳарда илгари кўнкани от сургар эди. Мана энди, кўнка отсиз юриб-ди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎНМОҚ 1 Бирор иш, илтимос, шарт, талаб ва ш. к. га рози бўлмоқ; хўп демоқ, унамоқ. *Маслаҳатга кўнмоқ. Гапга кўнмоқ. Шартга кўнмоқ. тт Уни ташлаб, бир туя билан кетишга туячилар кўнмади.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о. *У қизининг бунчалик тез кўниб, розилик берганидан жуда-жуда хафа кўринарди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Йигит кўнса, ичкуёв қиламан, кўнмаса, қизим-нинг бахтига зомин бўлмайман.* С. Сиёев. Ёруғлик.

2 Қаноат қилмоқ, кўникмоқ. *Озга кўн-моқ. Бориға кўнмоқ. Қийинчиликларга кўн-моқ. тт Кейин, иш билан овора бўлиб, кўни-киб кетарман.. Одам боласи нималарга кўнмайди?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қулоқ сол-гин чўпоннинг нолишига, Иигит кўнар, савдо тушса бошига.* «Алпомиш».

3 Йиғи, хархашадан тўхтамоқ; овуномқ (ёш, гўдак болалар ҳақида). *Марҳамат об*

⁵³⁹

дан йиғлади. Юз-кўзларини, сочини, муздек оёқ-қўлларини силаб овутаман, қани кўнса-чи! С Сиёев, Аваз.

КЎНЧИ Терини пишириш, пардозлаш, чарм тайёрлаш иши билан шуғулланувчи мутахассис, тери пиширувчи шахс. *Каптар ахлатини кўнчилар қадоқлаб тортиб олиб, ҳар қадоғига фалон пул беришини Бўрихўжа жуда яхши биларди.* Мирмуҳсин, Чиникиш.

КЎНЧИЛИК 1 Кўнчи касби, иши. *Кўнчилик қилмоқ.*

2 тар. Тери пишириш корхонаси. *Мир-за ҳам ҳали Тавҳидий ўқиган «Ҳикоят»нинг ёзилиш тарихини сўзлаб берди. Маълум бўли-шича, у [Мирза Баҳром] яқинда бойвачча билан унга қарашли кўнчиликка борган экан.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

КЎП 1 Сон, миқдор жиҳатидан, меъ-ёрдан ёки нисбатан ортиқ. *Кўп китоб. Кўп одам. Улар биздан кўп. тт Шунақа кўп ла-тифа, чўпчак, мақол биладики..* С. Сиёев, Ёруғлик. *Болалик кунларимда, уйқусиз тун-ларимда Кўп эртақ эшитгандим, Сўзлаб бе-рарди бувим.* Ҳ. Олимжон. *Кичкина чуғурчуқ-лар шунча кўп кўндиларки, дарахтларнинг шохлари, қишда қалин қор босгандаги синга-ри, ерга салом бериб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 рвш. Вақт эътибори билан ортиқ, узоқ вақт давомида; узоқ. *Кўп кутмоқ. иш.. Ўзинг биласан, болам. Кўп ўтирма.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *У/Отабек J Марғилонда кўп тўхтамас, бир кун, узоққа тортилса, икки-уч кун турибқайтар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эсимда бор, кўп бўлди, ёшлик чоғим-да шаҳардаги симкорлар иш ташлаганлар.* У. Исмоилов, Сайланма.

3 рвш. Орадан узоқ вақт ўтмасдан, тез-тез, дам-бадам. *Мен уни кўп кўраман. Улар бизникига кўп келишади. тт Бўйим етиб, ақлим кирган саин, шуларни кўпроқ ўйлай-диган бўлиб қолдим.* Ў. Ҳошимов, Қалбинг-га қулоқ сол.

4 Ортиқ даражада, ортиқ; жуда, ғоятда. *Боёқиш кўп яхши одам эди, инсофли, ҳамиятли эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Қози бойга:] Мингбоши додҳо сизга қилган*

беадаб-лигидан кўп пушаймон. Ҳамза, Бой ила хиз-матчи. Баҳор, соғинтирдинг ахир кўп узоқ!" А. Орипов, Йиллар армони.

5 от взф. Кўп кишилар, кўпчилик. Кўндан қуён қочиб қутулмас. Мақол. Кўнга келган тўй. иш Балки шунинг учун кўнлар тайёр уи турганда, иморат соламан, деб шаҳар чеккасига югурар. Ў. Ҳошимов, Қал-бингга кулоқ сол.

Гап кўп Бирор нарсанинг моҳиятан, амалда аҳамияти катта, жуда муҳим хусусиятларга эга эканини қайд этади. *Тиббиётда аниқ ва тез фурсатда диагноз қўйишида гап кўп.* Газетадан. **Кўнга бормайди** Кўп давом этмайди, узоққа чўзилмайди, тез **барҳам** топади. *Бундай мулойтиши кўнга бормайди.* Э. Раймов, Ажаб кишлоқ. **Кўнга келган тўй қ. тўй. Кўпи билан ёки кўп деганда** Кўп бўлса, энг узоғи билан. *Хўп десангиз.. кўпи билануч-тўрт кечада саранжомлаб ташлайман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирокдари. **Кўпни кўрган** Кўп воқеа-ҳодисаларни бошидан кечирган, кўп турмуш тажрибасига эга. *Сиз кўпни кўргансиз. Сизни эшитсак, ақлимизга ақл қўшилади, отахон, сўзлайверинг.* С. Анорбо-ев, Оксой. *Гавҳарнинг қаршисида, боя ўзи ўйлагандек, олифта кийинишни яхши кўра-диган киз эмас, кўпни кўрган, турмушининг пасту баланд сўқмоқларидан ўтиб келган ин-сон ўтирарди.* У. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. **Худо кўп кўрди с. т.** Бирор одам ёки нарсадан айрилганда ишлатиладиган ибора. [Иқбол:] *Биргина кўнги чирогим сиз эдингиз. Худойим сизни ҳам манга кўп кўрса..* Н. Са-фаров, Уйғониш.

КЎПАЙИШ 1 Кўпаймоқфл. ҳар. н.

2 биол. Ўздан кўп насл қолдириш; ур-чиш. *Жинсий кўпайиш. Жинссиз кўпайиш. Куртакланиш йўли билан кўпайиш. Бўлиниш йўли билан кўпайиш. Кўпайиш аъзолари.*

КЎПАЙМОҚ 1 Сон, миқдор жиҳатдан ортмоқ; ошмоқ. *Даромад кўпайди. Чорва молларининг сони кўпайди. иш Атрофида тобора одам кўпайиб борар, биров унга узоқ-дан таъзим қилар.. нотаниш кишилар секин калла силкиб қўярди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Уруш, жанжал кўпаймасин бев, дардимни ичимга ютаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 биол. Ўздан кўп насл қолдирмоқ; урчимоқ.

КЎПАЙТИРМОҚ 1 Кўпаймоқфл. орт. н. *Мевали дарахтларни янада кўпайтирамиз. иш Мудир гапни кўпайтириб, харидорнинг қонини қайнатмаслик учун, оқсоқланиб, ич-қари кириб кетди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 мат. Бирор сонни бошқа бир сон ифодалаган миқдор ҳиссасида орттирмоқ, зарб қилмоқ. *Учни иккига кўпайтирмоқ. иш*

Домла машғулотни давом эттирди. У икки аъзоли сонларни кўпайтиришни ўргатар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎПАЙТИРУВЧИ мат. Кўпайтириш амалида: бошқа сонни кўпайтирадиган сон.

КЎПАЙТМА мат. Кўпайтириш амали-да: икки сонни кўпайтиришдан чиққан натижа.

КЎПАС [р. купец — савдогар] с. т. эск. Савдогар, бой. *Ҳамма ер Болта кўпаснинг меросхўри Тешабойники.* М. Исмоилий, Фар-ғона т. о. ..дунё, ер-сув эгаси, андижонликларни ер шитратган кўпас Миркомил бўла-ди. К. Яшин, Ҳамза.

КЎПАЮВЧИ мат. Кўпайтириш амали-да: бошқа сонга кўпайтириладиган сон.

КУПБУРЧАК мат. Синиқ чизиклар би-лан ўралган, тўртдан ортиқ бурчакли геометрик шакл.

КЎПДАН Анчадан бери, кўп вақтдан бери. *Буларнинг бари кўндан унутилган она қишлоқ манзараси, болалик туйғуларини уй-ғотадиган қадрдон ҳидлар эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Алимардон кўндан ўйлаб юрган орзуси чиндан ҳам рўёбга чиқаётганидан қувониб, юраги гурсиллаб уриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

КЎПИК 1 Маълум сабабларга кўра су-ноқликларда ҳосил бўладиган майда пуфакчалардан иборат масса. *Сув кўпиги. Пиво кўпиги. иш [Сой] Ўз йўлида учраган ҳайбат-ли*

тошларга зарб билан урилиб, чақмоқ чақ-қандай, қирғоққа ҳалқа-ҳалқа кўпик сочмоқ-да. Х. Назир, Сўнмас чакмоқлар. *Элмурод-нинг: «Шояд Иўлдош билан бир қисмга тушсам, дардлашиб юрар эдик», деган умиди ҳам совун кўпигидай тез ўчди.* Шухрат, Шинел-ли йиллар.

2 Одам ёки ҳайвоннинг майда-майда пуфакчали сўлаги. *Комиссар, оғзидан кўпик келиб, полустиди чўзилиб ётарди.* М. Муҳа-медов, Кичик гарнизон. [Хўкиз] *Ўрнидан кўгала олмай, оғзидан оқ кўпик оқизиб, кўзла-ри олайиб, бўкириб ётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўчма Маъносиз, куруқ нарса ҳақида. *Ҳазрат шайхнинг бу кўпик сўзларига бир илжайиб қўйди-ю, янаунга сўз қотди.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎПИКЛАМОҚ 1 қ. кўпикланмоқ.

2 Терлаб кўпик чиқармоқ, кўпик билан қопланмоқ. *Улар кўпиклаб кетган отларини ўйнатиб, вокзал рўпарасидаги яланг жойга етганларида, мирохўр от бошини тортди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

КЎПИКЛАНМОҚ Кўпик ҳосил қилмоқ. *Кеча тоғларга ёмғир ёққан бўлса керак, сой-нинг суви сал лойқаланиб, кўпикланиб, йўл-йўлакай хас-чўпларни оқизиб келмоқда эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Анор хиёл энгашиб, кўпиклашиб турган сутдан пиёлага қуяр экан, аёллик латофатими.. юрагимни ўртаб юборди.* «Ёшлик».

КЎПИНЧА *рви.* **1** Кўп ҳолларда, кўп вақт; аксарият. [Йўлчи] *Кўпинча икки Мар-та қатнар, оқиом вақтида, баъзан ундан кечроқ далага қайтар эди.* Ойбек, Танлан-ган асарлар. *У [Элмурод] овга кўпинча Дав-латёр билан борарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Тез-тез, кўп ўтмай. *Ёдингизда борми, кўпинча чақчайган кўзли бир йигит шихонамизга уни сўраб борар эди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

КЎПИРМОҚ 1 айн. кўпикламоқ, кўпик-ланмоқ. *Ўктам эса кўпирган, ўкирган сувда бўйнигача ботиб, ҳансираб ишлар эди.* Ой-бек, О. в. шабадалар. *От чопавериб, кўпириб кетган эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 кўчма салб. *Ўта мақтанмоқ, мақтан-чоқлик қилмоқ.* [Тожибой] *Баъзан «Мадамингов ўттиз йил аминлик қилган бўлса, мен эллик йил советга раислик қиламан», дея кўпириб қўярди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сийқа билимдонлик ва қуруқ кўпириши билан узоққа бориб бўлмайди.* «Муштум».

КЎПИРТИРМОҚ 1 Кўпирмоқ 1 фл. орт. н. *Бир кружка пивони кўпиртириб қўйишига катта илм, хунар керак бўлмаса керак.* Шук-рулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Йигит.. гавда-си, қулочи билан сувни кўпиртириб, кучли чайқатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Бўрттириб, ошириб гапирмоқ, муболаға қилмоқ. *Аслида, бўлиб ўтган воқеа аҳамиятсиз бир гап эди. Бироқ уни шиши-риб, кўпиртириб юбориши мумкин.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Кечирасизлар, Абдукарим — раиснинг лаганбардори, роса кўпиртирса керак, деб ўйларсиз..* С. Аҳмад. Чўл бургути.

Оғиз кўпиртирмоқ 1) бўрттириб, мубо-лаға қилиб гапирмоқ. *Унинг хушмуомалалиги, дилкашлиги тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирди.* П. Турсун, Ўқитувчи; **2)** мақтан-чечутк қилмоқ, мақтанмоқ. *Механизация тарафдори бўлиб, мажлисларда оғиз кўпиртирадиган акамларни мenden кўра яхшироқ биласизлар.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

КЎПКАРИ *шв. айн. улоқ III 1.* *Қаерда кўпкари бўлса, отлиқларнинг кетидан юради; ўзи чополмайдиганларнинг отини миниб, қурга киради.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

КЎПКАРИЧИ *кам қўлл. қ. улоқчи.* *Улоқ-ни олган Содиқжон бойвачча ҳаммадан ол-динда, Сулаймон оқсоқол бошлиқ қолган кўпкаричилар уни қуондай таъқиб қилиб келишарди.* К. Яшин, Ҳамза.

КУПКУРАШ Спортнинг бир неча тури ёки бир спорт туридаги бир неча хил машқлар бўйича спорт мусобақаси, беллашув. *Урганч шаҳрида чақириққача ва чақириқ ёшидаги ўсмирлар ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш бўйича Хоразм вилояти биринчилиги ниҳоясига етди.* Газетадан.

КЎПЛАБ *рви.* Кўп микдорда. *Бу ҳақда таҳририят кўплаб хат олди. тт* Мақсад дав-латга кўплаб оқ олтин — пахта бериш эка-нини [деҳқонларга]уқтиринглар. П. Турсун, Ўқитувчи. *Бундай далилларни, керак бўлса, жуда кўплаб топишимиз ва ёзишимиз мум-кин.* «Муштум».

КЎПЛАР Кўп кишилар; кўпчилик. *Дам олиш кунлари кўплар шаҳар ташқарисига, табиат қучоғида дам олиш учун жўнаб ке-тадилар.* Газетадан. *Лейтенант Васин қўли-га гранаталар кўтариб, танк томонга учиб кетганини кўплар сезмай қолди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

КЎПЛАШМОҚ Кўпчилик бўлмоқ; кўп-чилик бўлиб, биргалашиб ҳаракат қилмоқ. *Кўплашиб ишламоқ. Юк машинасини кўпла-шиб ариқдан чиқариб олдик. Кўплашган ёвни қайтарар.* Мақол. *тт* - Чивин кўплашса, фил-ни йиқитади, деган гап бор, — деди Эргаи салмоқлаб. — Чумоли бирлашса, чиённинг пўстини титади. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аҳолининг ярми хотинлар. Кўплашиб пуф-лашса, шамол турғизади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

КЎПЛИК 1 Кўп ҳолат, кўп эканлик. *Иининг кўплиги. тт* Кўпларига тирговчулар қўйилган бўлса ҳам, меванинг кўплигидан шохлари синиб, ерга тегиб ётади. Ойбек, Танланган асарлар. *Шайбонийхоннинг жосус-лари кўплиги унга маълум эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 тли. Предметнинг бирдан ортикли-гини кўрсатувчи сўз (от) шакли. *Кўплик сон.*

Кўплик қўшимчаси. Кўплик маъноси -лар қўшимчаси билан ифодаланади: ўқувчилар.

Кўплик қилмоқ Зарур даража, микдор-дан ортиқ бўлмоқ; ортиқчалик қилмоқ. *Бир гап озлик, икки гап кўплик қилади. тт* Биз-нинг ваҳимиз ҳозир ўзимизга кўплик қилади. «Ёдгор». *Худоёрхон билгани билган. Душ-ман битта бўлса ҳам, кўплик қилади.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎПМОҚ *шв.* Ошмоқ, кўпчимоқ. *Хамир кўпиб қолибди.*

КЎППАК 1 Қўриқловчи итларнинг ха-шаки бир зоти. [Мадина] *Занжирини узиб юборгудай ташланиб вовуллаётган сўқимдек кўппакнинг дағдағасига ҳам қарамай, ичка-рига кирди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

2 Шундай итга нисбатли ҳақоратни (нисбатлашни) билдиради. *Ми мешкоччи ичида: «Сен кўппакнинг қўлингдан шу иш келади, албатта», деди-ю, индамай жўнаб кетди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *-Ҳа ноинсоф, ҳа кўппак! — Қоратой бойни сўка бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎПРИК У қирғоқдан бу қирғоққа ўтиш учун сув, чуқурлик ва ш. к. устига қурилган йўл, қурилма. *Ғишт кўприк. Осма кўприк. тт* Кўприк йўқ экан, дарёдан ўтай деб, [полвон] қайиқчини чақирибди. И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат. *Канал атрофига бетон бостирилибди, устига худди кўклам кама-лагига ўхшаш янги кўприк қурилибди.* «Гул-даста».

2 *кўчма* Икки томон ўртасидаги, улар-ни туташтирувчи, шунинг учун хизмат қилувчи нарса. *Бадий таржима моҳият эътибори билан халқлар ўртасида олтин кўприқдир.* Х. Ёдгоров, Ҳаётгўлқинлари. *Ёши улуг кишилар катта кўприк бўлади.* «Халқ дурдоналари».

Қил кўприк Диний ақидага кўра, у дунё-да жаннатга ўтиладиган ягона йўл, қилдек ингичка кўприк; пули сирот. *Тожбой оқсо-қол унинг узилиб қолган гапини эсига солди: -Хўш, пгақсир, ана энди, борингки, оқ кўчқор-га миниб, эсон-омон қил кўприқдан ҳам ўтиб олдик. Хўш, ундан у ёғи жаннатми?* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

КЎПТИРМА шв. Оширма. *Кўптирма нон. **тп** Агар шу кўптирма нондай ерлар чоракор-нинг ўзиники бўлса-чи! А. Қаххрр, Сароб.*

КЎПТИРМОҚ шв. айн. **оширмоқ II**. *Ойим саҳарда туриб, Талай хамир кўптирган. Оқ*

Д. итиН — пахталарни Нормасидан кўп тер-ган. «Кўшиқлар».

КЎПЧИК I шв. Эгар устига қўйилади-ган ёстиқ. *Омборхонадан от абзалларини: юган, кўпчик, узангили эгарни қўлтиқлаб келдим. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

КЎПЧИК II [р. купчая крепость — ва-сиқа] эск. Васиқа. *Отангга, Москвага хат ёзсанг, ҳовлимизнинг кўпчиги қаердалиги-ни бир сўрасанг.. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.*

КЎПЧИЛИК 1 Маълум сон ёки миқ-лордаги киши ёки нарсаларнинг катта, кўп қисми, шундай қисми ташкил қилувчи кишилар; аксарият. *Ўқувчиларнинг кўпчилиги-ги. Кўпчилик овоз билан сайланмоқ. **иш** Йўлчи <)ўпти бозоридан аравани аранг олибўтди: бу ерда зўр тиқилинч, кўпчилиги хотинлар. Ойбек, Танланган асарлар. Одатда кўпчилик қизларнинг ҳусни танишиб, суҳбатлашиб, дўстлашиб кетганиндан кейин очилади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Кўп одам, халойиқ; омма. *Озчилик кўпчиликка бўйсунди. Кўпчилик ўртасида. Кўпчилик бир муштан урса — ўлдиради, бир бурдадан берса — тўйдирди. Мақол. **Н** Ўқувчи, «биз кўпчиликмиз, ўқитувчи ҳамма-мизни баравар кўролмайдим», деб ўйлайди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

КЎПЧИМОҚ 1 Шишмоқ, бўртмоқ, шишиб кўтарилмоқ (юз, ковоқ ва ш. к. ҳақида). *Кўришаётганда, кўзлари ҳам қиза-риб қолганини, қовоғи одатдагидан кўпчиб-роқ турганини кўрди. П. Қодиров, Уч илдиз. Башорат етиб келди.. юм-юмалоқ юзи терлаб, қизариб, кўпчиб кетган. А. Мухтор. Опа-сингиллар. ..осмондаги ойлар ҳам, кўпчиб ётган ерлар ҳам — бари-бари сеники. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

2 Етилиб, шишиб кўтарилмоқ; етилмоқ (асосан хамир ҳақида). *Махсус автомат машина кўпчиган хамирни зувала қилиб, узиб ташлаяпти. Газетадан. Вақти етиб кўпчи-гач, албат, Тозорадан тошади хамир. М. Али, Боқий дунё.*

КЎР [ф. J J Z — кўрмайдиган (одам)] 1 Кўриш қобилияти йўқ; сўқир. *Кўр одам. Бир кўзи кўр. Кўр ҳассасини бир йўқотади. Мақол. Кўр кўрни қоронгида танийди. Мақол. **Н** Бектемир қоронгида, кўр сингари тусмол билан юриб, дарахтга бошини қаттиқ уриб олди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

2 кўчма Нарса, воқеа, ҳодиса ва ш. к. нинг моҳиятига тушуна олмайдиган; онги етилмаган, онгсиз, билимсиз. *Сиёсий кўр. **иш** Кўзим илгари очилган бўлса эди, ман ўз юрагимни бўриларга едирармидим? Қизим, кечир, бу адашган, кўр дадангни кечир! Ойбек, Танланган асарлар.*

КЎРА I 1 **Кўрмоқ** фл. рвдш. *Мени кўра ўрнидан турди. **иш** -Ўз роҳатимни кўзлаб, сизнинг ошингизни кутиб қолсам, беш киши-ни, кўра-била туриб, оч қўйган бўламан, — деди Отабек. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

2 кўм. (ж. к. билан) Сабаб, асос муно-сабатини билдиради; асосида, мувофиқ, биноан. *Шунга кўра. Таомилга кўра. **иш** Ту-зилган битимга кўра, Абдулатиф Самарқандга юборилди. Мирмуҳсин, Меъмор. Отам, ўз касбининг тақозосига кўра, умрининг кўп қисмини сафарларда ўтказган одам. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

3 кўм. (ч. к. билан) Қиёс, таққослаш муносабатини билдиради; нисбатан, қара-ганда. *Сиз бундан мендан кўра яхшироқ била-сиз. Ундан кўра бу яхшироқ. **иш** Пештахта-лар олдидан харидордан кўра кўпроқ уймалаш-ган сотувчилар тилларидан бол томиб, молларини таърифлашади. Н. Аминов, Суварак. Масала у ўйлаганидан кўра чуқурроқ кўри-нарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Меъмор ҳатто ўз ўгли Низомиддиндан кўра ҳам Завракнинг гапларига ишонарди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

КЎРА II [ф. *bjjZ* — ўчоқ, ўтхона, печь; кўра] 1 Тулука-темирдан тарнов шаклида ясалган, кабоб пишириладиган асбоб. *Дош-қозонлардаги жажжи гумбаздай сап-еариқ паловнинг, кўкиш тутун чиқиб турган кўралардаги сихкабоннинг ҳиди ҳамма ёкни тутиб кетган.* С. Сиев, Аваз.

2 Писта кўмир тайёрланадиган чуқур.

3 Темирчи ва заргарларнинг металл эри-тадиган ўчоғи. *Темирчидан бир кўра билан дам сўраболди. «Шарқ юлдузи». Мана, ота-нинг лойдан ясалган тўрт бурчакли кўраси, ўчоқдаги кўмирга ҳаво берувчи, эчки тери-сидан ясалган дами.. устахонадан жой олган.* Газетадан.

4 Зийнатли чинни идиш; ваза. [Зумрад] Деворларнинг нақшини томоша қилди, кўралар ва ипак гиламларни бир-бир кўздан ке-чириб, ажабланди. Ойбек, Улуғ йўл. *Сиртига турли афсонавий қуш ва ҳайвонларнинг чэои. ivi. псмоилии, ч^арғонат. о. III шв. [ф. »]* Тошлоқ, кум-рларда сувни тортиб кетадиган

ўпкон. *Даштдаги боғбон сугориши ечасию кундузи шундай кўралар сипиши билан банд бўлади. А. Ибо-1Тофат» дўконидаги қатл. Боғбон-деб атайдиган, кулдиргичга ўхшаши шиклардан шагал ўпқони бир зум-гирмон сувни ютиб юборади. А. , «Латофат» дўконидаги қатл. I Ҳали етилмаган пайтида совуқ лмай қолган кўсак. Кўрак чувиши*

тши Далада пахта тугади, энди япти. И. Раҳим, Чин муҳаббат. ЗМА 1 Кўриш, томоша қилиш шган нарсалар ва шу нарсалар жой. *Халқ хўжалиги ютуқлари !. Кўргазма экспонатлари. штДен-чубида ташиқил этилган тасвирий грлари кўргазмасига одамлар анча бўлиб қолишган эди. М. Хайрул-ia маржон.*

ўрсатма. Ўзбекистон Фанлар ака-нг президиуми академияда наир ч «Ахборотлар», «Ўзбек тили ва , «Фан ва турмуш» журналлари шъатларига шу журналларнинг тгишлаб махсус сонини чиқариши кўргазма берди. «ЎТА». ЗМАЛИ 1 Ургатиш, тушунти-viuНа тарзида хизмат қиладиган териалга эга. *Кўргазмали дарс. i машгулот.*

иси — кўргазма) Кўрсатиш учун иладиган, хизмат қиладиган. *i кўроллар. шш Деворлари кўргазезган кўргилик шу экан-ба! — б. тугатди. П. Турсун, Ўкитувчи. бу ҳам бўлса, пешонага битган \ болам. О. Ёқубов, Эр бошига и*

КЎРИК 1 Ижтимоий текш лаш, билиш, баҳолаш текши низаторлар барча машинала; кўригидан ўтказдилар. *шш Баҳс, га этиб келди. Клубда ёш ҳавас ги энди бошланган эди. М. Жал Кейинроқ. Муҳими шундаки, кў сида турли касалликларга чал, лар аниқланди. Газетадан.*

2 Ҳаммага кўрсатиш, намо намойиш. *Бу китоблар кўриқка*

КЎРИМЛИ айн. **кўркам** К *шш* Гулбодомларнинг ҳовлиси Х гининг энг гавжум, кўримли е Кароматов, Бир томчи қон.

КЎРИМСИЗ Кўриниши ё савлати, кўрки йўқ; хунук. *Куі тт Тишдан қараганда эски, кўр катта, сермол дўконда Мирзи лан Салимбойвачча турар эди. ланган асарлар. ..мана шу /с кўполгина қишлоқда бор мс йўқлиги алам қиларди унга. У Баҳор қайтмайди.*

КЎРИНАРЛИ Кўриш мум ган, кўринадиган, кўриниб Эълонни кўринарли ерга осши к

Кўзга кўринарли Маълум ах эътиборга лойиқ, айтишга арз] ган. *Кўзга кўринарли ишимиз ҳ ярашур қадр-қийматимиз ҳам Ширинга мактуб. Аммо туманде кўзга кўоинаоли хаваскоолик м сўзларидан анчагина саводли эканлиги кўри-ниб турар эди. Шуҳрат, Шинелли йиллар. Раҳим аканинг овозида одатдаги кесатиқ-дан асар ҳам йўқ, кўриниши серташвиши эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

3 Кўзга кўриниб турган нарса, манзара. *Отабек табиатнинг шу кўркам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб бир оз ётгандан кейин.. узоқ тин олиб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 театр. Драматик асарда парданинг махсус декорация талаб этувчи ҳар бир қисми. *Иккинчи парданинг бешинчи кўриниши. ит* *Бир парда, етти кўринишли шеърӣи муסיқали драма.* «Гулдаста».

5 Воқеа-ҳодиса кабиларнинг муайян намоён бўлиш ҳолати. *-Ишга совуққонлик, локайдлик ҳам, аслини олганда, интизом-сизликнинг бир кўриниши, — деди Қурбоно-ва.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Аммо сахий-лик билан хасисликнинг бошқача кўриниш-лари ҳам бўларкан.* Шукрулло, Жавоҳир-лар сандиғи.

Кўриниш бермоқ Ўзини кўрсатмоқ, уч-рашмоқ. *Муродова.. ҳамма нарсани кўриб, билиб келгандан бери Умарали унга кўриниш бермаган эди.* И. Раҳим, Ихлос. *..бирров ўз хонасидан чиқиб келди-ю, кўришиб саломлаш-ганидан кейин, бошқа кўриниш бермади.* Ш. Тошматов, Эрк куши. **Кўриниш олмоқ** Қи-ёфага эга бўлмоқ. *Тошкент зилзиладан ке-йин янги кўриниш олди.* Газетадан.

КЎРИНМОҚ 1 Кўрмоқ фл. ўзл. н. *Ша-ҳар узоқдан кўришиб турибди.* *Шу кунларда нега кам кўринасиз? иш* *Бояги совчилар бу фавқуллодда муомалани кўринган бировга дос-тон қилиб ўқийдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу Канизакнинг унга қиладиган ҳар бир муомаласидан очиқ-ойдин кўришиб тур-са ҳам.. бунга ҳеч ким аҳамият бермас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирокпари.

2 Кўз олдида намоён бўлмоқ, пайдо бўлмоқ. *Остонада Қрра Ахмад кўринди.* Ой-бек, Танланган асарлар.

Кўзга кўринмоқ 1) тасаввурда гавдалан-моқ, хаёлда намоён бўлмоқ. *Шу савол бо-ишга келганда, кўзига тўсатдан Канизак кўришиб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кет-ди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари; **2)** кўчма эл-юртга танилмоқ; маълум-машхур бўлмоқ. *Кўзга кўринган олим. иш* *Менинг ҳам болам одам бўлди, кўзга кўринди.* «Ёдгор».

Ҳарбий тўнтарилишининг биринчи кунлари-даёқ кўзга кўринган бир неча артист, ре-жиссёр, оператор ва актёрлар ҳалок бўлди. Газетадан.

3 Тасаввур қилинмоқ, туюлмоқ; ўхшаб кетмоқ. *Она Норматнинг бўйига тикилиб қаради.* *Кечагина мактабга катнаб юрган бола бугун онанинг кўзига шер йигит бўлиб кўринди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Авваллари бу иш [самоварчилик] ҳаммага бирам эриш кўринди, бирам галати туюлдик, болам бе-чора Аброр номусларга ўлди.* А. Қаҳҳор, Ас-рор бобо. *Ёдгорнинг назарида уй янаям совиб кетгандек кўринди.* Ў. Хошимов, Қалбинг-га қулоқ сол.

4 Ўзини шифокорга кўрсатмоқ, шифо-кор кўрувидан ўтмоқ. *Бизунинг бетоб бўлга-нини эшитиб, кўргани бордик.. докторга кўринганми, йўқми, сўрадик.* М. Исмоилий, Инсон хусни.

Кўзига ҳеч нарса кўринмайди Асабий-лашиш, ғазабланиш ва ш. к. натижасида ҳеч нарсага эътибор қилмайди; ҳамма нарса-дан кечди. *Раҳимбердининг асаблари ўт бўлиб ёнди, кўзларига ҳеч нарса кўринмади.* Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг. *Мансурнинг ўзи эмасмиди, кунора хатингизни олмасам, ҳеч нима кўзимга кўринмайди, деган? Ў.* Хошимов, Қалбингта қулоқ сол.

КЎРИЧАК тиб. Охири чувалчангсимон ингичка ўсимта — аппендикс ҳрсил қилув-чи ичак (йўғон ичакнинг бир қисми).

КЎРИШ 1 Кўрмоқ фл. ҳар. н. *Севгилинг-ни кўриш сенга насиб қилмайди, ҳозир ичга-нинг май эмас, заҳар.* Ў. Хошимов - Қал-бингга қулоқ сол.

2 тиб. Ташқи муҳитдаги нарсаларнинг шакли, катта-кичиклиги, ранги, бир-би-рига нисбатан ўрни ва оралиғини аниқлаб, тегишли ҳаракатлар қилишга имкон бера-диган физиологик жараён.

КЎРИШМОҚ 1 Кўрмоқ фл. бирг. н. *Сиз билан анчадан бери кўришиганимиз иўқ.* *Бо-лалар кино кўришиди. иш* *Булар кўприкдан ўтишда ажойиб манзарани кўришиди..* А. Қа-ҳор, Қўшчинор чироклари.

2 Салом-алик қилишмоқ, саломлашмоқ. *Исроил, Эминлар ҳам у билан бошқатдан қучоқлашиб* **Курпуидввр**. И. Раҳим, Чин му-ҳаббат. -*Хуш келибсиз.. хурсандман, — деди уи эгаси улар билан кўришиб*. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

3 Учрашмоқ, юз кўришмоқ. *Хайр, эрта-га кўришамиз. Улар тез-тез кўришиб туришади. тт -Кўришганимизга анча бўлди, — базўр жавоб берди Иўлчи*. Ойбек, Танланган асарлар. «*Шу йигитни кўрсам, бир гала-ти бўлиб кетаман*», дермиш. *Ҳа, Сора ҳам, кўришганларида бир оз ранги ўчарди, дейди*. П. Турсун, Ўқитувчи.

Юз кўришмоқ Бир-бирини кўрмоқ, юзма-юз бўлмоқ. *Эъзозхон уни ўз отаси қатори ҳисоблаб, бу ерга кўчиб келган кунлари-даёқ юз кўришган эди*. Ҳ. Фулом, Машғал.

КЎРК Хусн, чирой, гўзаллик. *Тоғлар-нинг беткай томонларида энди гуллаган жийдалар боғларнинг кўркига кўрк қўшарди*. О. Ёқубов, Ота изидан.

КЎРКАМ Кўриниши ёқимли, чиройли, гўзал. *Кўркам йигит. Қадди-қомати кўркам. Тошкент — республикамизнинг обод ва кўркам шаҳарларидан бири. тт Онаси ҳали ёш, орқаси билан битта соч, кўркам жувон эди*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шаҳарнинг шимолидаги кўркам чорбоғ баланд девор билан ўралган*. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

КЎРКАМЛАШМОҚ Кўркам тусга кир-моқ; гўзаллашмоқ. *Ҳақли равишда дўстлик ва қардошлиқ шаҳри деб аталаётган Ўзбе-кистоннинг қадимий ва ҳамшиша навқирон пойтахти кўз ўнгимизда кўркамлашиб, ёша-риб бормоқда*. Газетадан.

КЎРКАМЛИК Кўрк-чиройга эгалик, кўркам ҳолат. *Анвойи гуллар, ток ишкомла-ри ва мўъжаз боғлар ажиб файз ва кўркам-лик баҳи этиб турибди*. Газетадан. *Ёнбағирларни кўзни қамаштирувчи ям-яшил тиниқ сунбуллар кўрпадай қоплаган, булар тепалар-да ўсиб ётувчи турли-туман гиёҳлардан ўз кўркамлиги билан ажралиб туради*. Ҳ. На-зир, Сўнмас чакмоқлар.

КЎРКЛИ кам қўлл. айн. **кўркам**. *Тошкент Осиёнинг кўркли ўрнида, Мақталса арзийди, оз эмас, анча*. Ғ. Фулом. *Қора, кулранг, тилла-ранг кўзичоқлар бирам кўрклики, кўриб кўзим тўймайди*. М. Назаров, Жўш лочини.

КЎРКСИЗ Кўриниши ёқимсиз, чирой-ли эмас; хунук. *Хотин Офтоб оймнинг бу гапидан ҳайрон бўлди ва ўйлаб сўради: -Нима бало, кўёвинг кўрксизми?* А. Қоди-рий, Ўтган кунлар. *Эркаксиз уи файзсиз, кўрксиз кўринади кўзга*. М. Алавия, Бола-ларимнинг отаси.

КЎР-КЎРОНА \ф. .aljj^j^ - кўрлар-ча, ўйламай, фикр юритмай] *рви*. Муло-ҳаза юритмасдан, яхши ўйлаб кўрмасдан. -*Бу гаплар бошқа бировни эслаб туриб, менга айтилган экан. Мен уни кўр-кўрона қабул қилибман, — деди Маҳбуба Маҳмудга*. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *Ажабо, эл хиз-матини бажаришига аҳд қилган журналист кўр-кўрона одим ташлаши мумкинми?* М. Жўра, Ноширнома. *Пахта далаларида ўзи-ни оқлаган тажрибани кўр-кўрона шолито-яга кўчириш ўринлимикин? «Ўзбекистон кўриқдари»*.

КЎРЛАРЧА айн. **кўр-кўрона**. *Ҳар но-маъқулчиликка кўрларча отиладиган баъ-зи йигитлар муштларига тупуриб, бир-бирларига кўз олайтираркан, кексалар пайқаб қолишиди-да, оталарча койиш би-лан босди-босди қилиб қўйишиди*. Ойбек, Танланган асарлар.

КЎРЛИК 1 Кўриш қобилиятининг бу-тунлай йўқолиши, йўқлиги; сўқирлик. *Кўрлик туғма ва орттирилган бўлади. Орт-тирилган кўрлик кўз касалликлари.. шунинг-дек, кўз косаси ва бош мия шикастларидан сўнг пайдо бўлади*. «ЎЗМЭ».

2 кўчма Нарсалар, воқеа-ҳодисалар мо-ҳиятига тўлиқтушуна олмаслик; онгсизлик, билимсизлик; беҳабарлик. *Сиёсий кўрлик. тт Лекин [Иўлчи] ўз саводсизлигидан энди жуда чуқур ўксинди: «Мана, бу ўрис китоб билан дардлашиб ётибди, лаби қимирламаса ҳам, гаплаша ётибди.. Эҳ, кўрлик қурсин!»* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎРМАНА 1 Келинни ёки янги туғил-ган болани биринчи марта кўришда яқин кишилар, қариндош-уруғлар томонидан бериладиган совға. *Кўрмана бермоқ. **тм** - Тойчоғимнинг кўрманасини чиқар, дадаси, — деди [Ўзбек ойим].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Олим бўлган дўшининг табриги ҳамда ке-лин кўрманаси деб, ихчамгина, чироили бир магнитофонни кўтариб, Собиржон кириб келди.* Д. Нурий, Осмон устун.

2 Кўриш (кўргазма) учун қилинган. *Баъзи серҳашам, ялтироқ, кўрмана учун қуриб қўйилган шийпоширдан эмас.* Р. Фай-зий, Асад либоси. *Баъзилар «Бу машина кўрмана учун қўйилармиши» деса, баъзилар «Тўппа-тўғри Москвага.. [кўргазмага/юборилармиши], дебўйлади.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

КЎРМОҚ 1 Кўриш қобилиятига эга бўлмоқ, киши ва нарсаларнинг, борлиқ-нииг кўриниши қандайлигини фарқлай билмоқ. *Икромнинг дадаси Тўймат акани, кўзингиз яхши кўрмас экан, деб олишмади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Отамнинг бир кўзи кўрмай қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Кўз билан илғамоқ, кўз воситасида аниқ фарқдамоқ, сезмоқ, билмоқ. *Лекин рашиқ қитиқлаган кезларда чеҳранг ўзгара-ди. Мен буни ўз кўзим билан кўрганман.* А. Қахдор, Қўшчинор чироқдари. *Фотимани устаникидан чиқиб келаётганини кўрганлар аввал ҳайрон бўлишди.* Т. Ашуров, Оқ от.

3 Танишиш, билиш, аниқлаш ва ш. к. мақсадда кўздан, назардан кечирмоқ; на-зар солиб текширмоқ; қарамоқ. *Врач касал-ни кўрди. Китобни кўрмоқ. **тм** Маллавоё ака.. чоригини чироққа солиб кўрди.* А. Қах-ҳор, Қушчинор чироқлари. *Вакилнинг ўғил боласи раис билан суҳбатлашиб, планни кўриб, палов тўрани еб, йўлига равона бўла-ди. «Гулдаста». Ака, тезроқ кўриб беринг, шошиб турибман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Бирор тўхтамага келиш, чора белгилаш учун муҳокама қилмоқ. *Бировнинг аризасини кўрмоқ. Бу масалани мажлисда кўрамиз.*

5 Дуч келтирмоқ, учратмоқ. *Сал кеч қол-ганинда, кўролмай, армонда кетардим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Вой, ҳароми ноинсоф! Мен бундай мўлтонини сира кўрганим йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Ҳол-аҳвол сўраб йўкдамоқ. *Беморни кўрмоқ. **тм** [Унсин:] Гулнор опани унутмай-ман сира, уни кўргани тез-тез келиб тура-ман.* Ойбек, Танланган асарлар. *[Қурбон ота:] МТСга келганида, [Ўрмонжон] мени кўрмасдан кетмайди.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари.

7 Бошдан кечирмоқ; тажрибадан ўтказ-моқ. *Уқўп қийинчиликларни кўрган киши. **тм** -Ҳар қанча дарбадарлик бўлса, мен кўрган-ман, ўғлимга қолгани йўқ, — деди Сидиқжон.* А. Қахдор, Қўшчинор чироқдари. *Йигитъишда бизнинг бошимиздан ўтган саргузашт шун-доқ бўлган, ўғшиарим. Бизнинг кўргашари-миз қурсин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

8 Бирор кимса ёки нарсага эга бўлмоқ, эришмоқ, етишмоқ. *Давлат кўрмоқ. **тм** Яқин тўрт ойча умр қилдик. Умримда хотин кўрга-нимҳам шу.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқла-ри. *Кампир.. эшикка қаради: -Вой, оғзингизга ёғ, ўғлим! Келин кўрадиган куним ҳам борми-кин/А. Қахдор, Қўшчинор чироқдари. Мен-ку йилда беш газ чит кўрмаман, кели-шингизда шу бечорага бир нарса олиб келсан-гиз-чи сизҳам одам бўлиб! А. Қахҳор, Майиз емаган хотин. Мен ҳам орзу-ҳавас кўраман, деб сиз билан бир ёстиққа бош қўйганман.* С. Нуров, Нарвон. *Бош бўлинг, еуе чиқарайлик, экин қилайлик, оз бўлсаям, оғзимиз ош кўрсин.* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

9 Томоша қилмоқ, томошабин сифатида кузатмоқ. *Болалар телевизор кўрмоқда. Кеча янги кино кўрдик. **тм** Эсингда борми, район-дан театр кўриб келаётган кечамиз аравада Сотиболди, ашула айтамыз, деб Канизакни қистади, кўнмагандан кейин, сочидан торт-ди.* А. Қахдор, Қўшчинор чироқлари.

10 Юз берган воқеага бошқа киши ёки нарсани сабаб қилиб кўрсатмоқ. *Китобни ўзи йўқотиб, менадан кўраётир. Узинг қилиб, бировдан кўрма! тт Чаросни тинч қўясиз. Бўлмаса, ўзингиздан кўринг. Ў. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

11 Тажрибада синамоқ, синаб билмоқ. *Ер сотганларнинг кўпини кўрдик, охири гадои бўлади. Ойбек, Танланган асарлар. Вексель деган сўз чиқди. Уни ҳам кўрдик, бениҳоят зарур нарса. Ойбек, Танланган асарлар.*

12 Пайқаб олмоқ, илғамоқ, туймоқ. *Кат-та кўрмаганни кичик кўради, кичик кўрмаганни катта кўради, иккаласи биргалашиб қараса, ҳеч нарса кўздан қочмайди, дейди халқ. А. Қахҳор, Кўшчинор чироқлари. Дафъатан қулоғига чалиниб қоладиган гап-сўзларда, бай-ту газсишарда энди бутунлай ўзгача маъно кўради. Х. Султонов, Онамнинг юрти. Омон мустақил фикрли, чўрткесар, узоқни кўра оладиган, тадбиркор, яхши дўст эди. С. Ка-роматов, Олтин кум.*

13 Бирор нарсани таъкидлаш ва унга диққат-эътиборни жалб этиш учун кўлла-нади. *Ширинлигини кўр! тт [Набиғулнинг акаси:] -Дидни кўринг-а, трафаретнинг рангига мос абажур! А. Қахдор, Қанотсиз читтак. Болтабой «кўрдингми, яширмайди» деган мазмунда Сидиқжоннинг тиззасини босиб қўйди. А. Қахҳор, Кўшчинор чироқ-лари. Замоннинг тескарилигини кўринг! Шо-ҳимардонга очиқ келолмасам! К. Яшин, Ҳамза.*

14 Айрим сўзлар билан бирикиб, шу сўз билдирган иш-ҳаракатни амалга оширмоқ маъносини билдиради. *Чора кўрмоқ. Ҳозирлик кўрмоқ. тт Бригада аъзолари айни вақтда пахта йигим-теримига ҳар тараф-лама қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Га-зетадан.*

15 ..деб ҳисобламоқ, билмоқ; ..деб қара-моқ, тушунмоқ. *Лойиқ кўрмоқ. Мувофиқ кўрмоқ. Раво кўрмоқ. Озбўлсаҳам, кўпўрни-да кўринг. У йигитни ўзига тенг кўрмади. Барчани баравар кўрмоқ. Мен сени ўз укам-дай кўраман. тт [Йўлчи:] Синглим, ўз уй-ингдай кўр, тортинма. Кампирнинг юмуш-ларига қараш. Ойбек, Танланган асарлар. Камол қози ҳам Сафохон тўранинг гапларига эътироз билдирмасликни маъқул кўрди, ше-килли, тек қулоқ солиб турарди. К. Яшин, Ҳамза.*

16 кўм. фл. взф. Ҳаракатнинг синаш учун бажарилишини, бажармаслик ҳақида огоҳ-лантиришни билдиради. *Сишаккўр. Ўйлабкўр. Сўраб кўраман. Айта кўрма. Бора кўрмасин.*

Елкамнинг чуқури кўрсин қ. елка. Иш кўрган қ. иш. Иш кўрмоқ Иш юритмоқ, иш тутмоқ. *Бундоқ каллани ишлатинг, тулкидек айёр, мушукдек муғамбир бўлинг, зимдан иш кўринг. К. Яшин, Ҳамза. Кун кўрмоқ* Ҳаёт кечирмоқ. *Унинг касби ямоқчи бўлиб, зўрга кун кўрар экан. «Гулдаста». Кўпни кўрган қ. кўп. Кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ* Ҳаддан ташқари ёмон кўради. *-Ўзимнинг ҳам тўра-ни кўрарга кўзим, отарга ўқим йўқ, — деди чилим тортиб туриб Рустам ака. Ж. Шари-пов, Хоразм. Кўргани {ёки кўришга} кўзи йўқ* Жуда ёмон кўради. *Шерали бундай ло-қайд одамларни кўрарга кўзи бўлмаса-да, ҳозир ўзини мумкин қадар босди. С. Карома-*

ТОВ, ОЛТИН ҚУМ. Туя КЧ|| III. II MiI — йўқ Ўзини

ҳеч нарса кўрмаган, билмаган қилиб кўрса-тиш лозимлигини таъкидлаш учун ишла-тиладитан матал. *[Баққол:] Иложи бўлса, яматганингизни айтманг, койиб-иетиб юр-масин тагин. Туя кўрдингми — йўқ, васса-лом. Ойбек, Танланган асарлар. Узоқни кўрмоқ қ. узоқ. Хўжа кўрсинга қ. хўжа. Юз кўрмас бўлиб* кетмоқ қ. юз 1.

Кўрнамак \ф. Лл-,^ - яхшилиқни билмайдиган, нонкўр| Яхшилиқни кадрла-майдиган; яхшилиққа ёмонлик қиладиган; тузингни ичиб, тузлуғингга тупурадиган; нонкўр. *Тилингга куйдирги чиққур, едириб-ичириб, сендан эшитганим шу бўлдими, кўрнамак. С. Анорбоев, Оксой. Сенларга яхшилиқ қилганнингўзи аҳмоқ! Кўрнамак. Ўш-за, Бой ила хизматчи. ..ноз-неъматидан, су-видан, еридан, тузидан фойдаланиб туриб, унга нафи тегмаётган кишиларни кўрнамак, ношукур демасдан бўладими ахир! Ш. Тош-матов, Пахтакор, касбингни улуғла.*

КЎРНАМАКЛИК Кўрнамакка хос ху-сусият, хатти-ҳаракат. *Нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини беҳуда исроф этиши кўрнамаклик, қолаверса, жинойатдир.* С. Маҳ-камов, Ноз-неъматни кадрланг.

КЎРОЙДИН Булутлар орқасидан ўтиб тушиб турган хира тарздаги ойдин. *У[Лола] узоқдан алланарсанинг қорасини кўриб қол-ди-да, кўройдин бўлгани учун, яхши таний олмай, суюнганидан отини чоптириб кетди.* Ё. Шукуров, Биринчи парвоз. *..кўройдинда қоп-қорайиб ётган даладан илон изи бўлиб кетган оқиши йўлнинг уфқида бир нима «йилт» этди, бир нечта қора кўринди.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кўройдин бир кеча. Осмонда паға-паға булутлар.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

КЎРОЛМАСЛИК Бошқанинг муваффа-қиятидан, яхши яшашидан рашк қилиш, унга ҳасад, ғараз туйғуси билан қараш. *Бор бўлсанг — кўролмайди, йўқ бўлсанг — берол-майди.* **тм** *Шундаи одамлар борки, ўзларида ҳеч нима йўқ, бошқанинг мулкига ҳасад қила-ди, кўролмайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎРПА 1 Ёгганда, ухлаганда, совуқдан сақланиш учун устга ёпиладиган, чорбурчак ғилоф ичига пахта солиб қавилган рўзгор буюми. *Духоба кўрпа. Шоҳи кўрпа. Кўрпа қавимоқ. Кўрпага бурканмоқ.* **тм** *-Ус-тимга кўрпа ташла! — деди хотинига у, титроқ товуш билан.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Улар [ҳокимлар] юмшоқ шоҳи кўрпаларда ағанаб, пишиллаб.. ух, тиммоқда.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 кўчма Умуман, устни, юзани қопла-ган нарса. *Кечаги қор тинган, ҳудудсиз далалар оппоқ кўрпа остида жимгина ором олмоқда.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Осмондан вариллаб самолёт ўтиб кетди. Кўлан-каси йўллар, боғлар, тош ва ариқлар, дарахтларнинг кўрпа бўлиб ётган яшил яп-роқлари устидан судралиб боряпти.* С. Нуров, Нарвон.

Бир кўрпада катта бўлмоқ Бир оила ёки хонадонда ўсмоқ, ёшлиқдан бирга яшаб келмоқ. *Шундай паитда Коля — Кудратнинг бир кўрпада катта бўлган огаиниси — жо-нига ора кирарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чак-моқлар. **Кўрпа кўтарди шв.** Малай, югурдак. *Ўринбой қалъачининг.. гумаитаси ва кўрпа кўтардиси бўлган бир киши фаол колхозчи бўлмас.* С. Айний, Қуллар. **Кўрпага қараб оёқ узатмоқ** Ҳол-кудратига қараб, ўз имкони-ятини ҳисобга олган ҳолда иш тутмоқ. *Сиз учун хижолат чекишни устамаиман. Ҳам-мамиз ҳам кўрпага қараб оёқ узатганимиз яхши.* С. Абдулла, Соялар. **Кўрпа (-ёстик)ни кўтармоқ** Кетмоқ, кўчиб кетмоқ; бадарға бўлмоқ. *Учар бу ердан ҳам кўрпа-ёстигини кўтарди.* **тм** *Орамизга совуқлик тушади, мана бу ёмон нарса. Кейин мен кўрпа-ёсти-гимни кўтариб, қай эшикка бораман? Ой-бек, Танланган асарлар. Еир кунни бойбува арзимагани сабаб билан уриши чиқарди-да, Хол-бойга қараб: - Кўрпангни кўтар, гадолар. Тўрт томонинг қибла! — деб дарвозани кўрсатди.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎРПАЛИК 1 Кўрпа қилинадиган, кўрпабоп мато, газлама. *Сатин олдим кўрпалик: Гуллари турлик-турлик. «Кўшиқлар».* Қаерда яхши духоба ёки чойшаб, кўрпалик ёки чиройли кийимлик борлигини эшитса.. олиб келмагунча тинчимасди. О. Ёкубов, Гулдаста.

2 Кўрпага етадиган. *Икки кўрпалик атлас (сатин).*

КЎРПАЧА Ўтириш учун остга тўшала-диган, узун ғилоф ичига пахта солиб қавилган қалин ва юмшоқтўшак. *Ўчоққа яқинроқ ерда, кигиз устига солинган кўрпачада, кич-кина бир сариқ, бужур одам кўк пиёладан чой хўплабўтирибди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўрпача ёзиб, уни ўтқазгач, «мен ҳозир», деб эшикка чиқиб кетди.* С. Кароматов, Олтин қум.

Соясига кўрпача солмоқ (ёки ёзмоқ) Ўта ҳурмат билан, елиб-югуриб хизмат қилмоқ, кутмоқ. *Ўзи шоир экан. Ишқилиб, мақтаб ёзсин-да, деб соясига кўрпача ёзгудек елиб-югурибхизмат қилдим.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мунча, улуғларнинг соясига кўрпача солма-санг.* С. Аҳмад, Ҳукм.

КЎРСАТИШ Кўрсатмоқфл. ҳар. н.

Кўрсатиш олмоши тли. Шахс ёки нар-саларни кўрсатиш, унга ишора қилиш учун қўлланувчи олмош. Мас, бу, шу, у.

КЎРСАТКИЧ 1 Кўрсатиш учун хизмат қилувчи ёзув, стрелка ва ш. к. *Йўл кўрсаткич. Кўрсаткич бармоқ.*

2 Бирор нарсанинг ривожи, даражаси, ишнинг бориши, бажарилиши ва ш. к. ни билдирувчи белги ёки нарса, натижа. *Халқ хўжалиги тараққиётининг кўрсаткичлари. Талабалар имтиҳонларда юқори кўрсаткич-ларга эришдилар. тт Албатта, ишимизга баҳо берар эканлар, энг олдин кўрсаткичларимиз ва сўнгра аҳволимизни ҳисобга оладилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда тажрибакор кек-саларнинг қўшаётган ҳиссалари каттадир. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

3 тли. Бирор категорияга тааллуқлилиқ-ни кўрсатиб турувчи белги; қўшимча. *Грам-матик кўрсаткич. Эгалик кўрсаткичи.*

КЎРСАТМА 1 Қандай ҳаракат қилиш, ишлаш лозимлигини кўрсатувчи йўл-йўриқ; қўлланма. *Уқоғоздаги кўрсатмадан чекиниш-ни интизомни қўпол равишда бузиш, деб ҳисоблайди. С. Кароматов, Сўнтги бархан. У «шеф»дан баъзи кўрсатмаларни олгач, аста ўрнидан турар экан, Аъзам Зоҳидович сўраб қолди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учра-шув. Инженер бу ерга ҳар кун келиб, ишни кўрар, Башоратга кўрсатмалар бериб кетар эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

2 ҳуқ. Тергов-суд жараёнларида бирор аҳамиятли ҳолат ҳақида шахс (гувоҳ ва б.)нинг берган маълумоти; далил. *Гувоҳлар-нинг кўрсатмасидан маълумки, баҳслашаёт-ган овозлар марҳумларга тегишли эмас. «Фан ва турмуш».*

КЎРСАТМОҚ 1 Кўрмоқфл. орт. н. *Китоб-ларни кўрсатди. тт Шогирд йигит Муродни кўрсатди. Т. Мурод, Оқ от.*

2 Намойиш қилмоқ; амалда исботламоқ; билдирмоқ. *Билимдонлигини кўрсатди. Дўстлигини кўрсатди. тт У [Аҳмаджон] меҳ-натга бўлган қобилиятини айниқса колхозда кўрсатди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Бу йи-гит бошқа ҳеч ишда ўзини кўрсатмаган эди, шу ишга қўйдик, бунда ўзини кўрсатди. А. Қаҳҳор, Картина.*

3 Далил келтирмоқ, айтиб ёки намойиш қилиб исботламоқ. *Баҳона кўрсатмоқ. Далил кўрсатмоқ. Сабаб кўрсатмоқ. тт Бунга нима важ кўрсатасиз? Кўрдингизми, кўрса-таётган важингизнинг ўзи важга муҳтож. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.*

4 Нишон бермоқ; далолат, ишора қил-моқ, билдирмоқ. *Бу нарса кўрсатадики, Мирзакарим отам дунё лаззатини яхши тушунадилар, яна кўп вақт бу лаззатдан баҳраманд бўлишни истайдилар. Ойбек, Тан-ланган асарлар. Лекин кечаси кўринган бутун аломатлар душман ишоб билан чеки-наётганини кўрсатар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

5 Бирор иш ёки вазифани бажариш учун бировнинг мувофиқлигини, муносиблигини айтмоқ, номзодини таклиф этмоқ. *Ара-вақаш.. Йўлчини чакирди: -Катта ойимнинг юмушлари бор экан. Менга буюрган эдилар. Ишим зарурлигидан сизни кўрсатдим. Сиз учрашинг. Ойбек, Танланган асарлар.*

6 с. т. Адабини, таъзирини бермоқ; ўч олмоқ. *Қачонгача овозимни бўғадилар; тирикман — тинчимаиман. Кўрсатаман улар-га! Ойбек, Танланган асарлар. Халойиқ олдида мени беобрў қилишининг оқибатини сен ит қорига бир кўрсатиб қўйя ҳали! М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

7 «Қилиб», «этиб» равишдошлари би-лан бирикиб, улар бошқарган сўздан англашилган белги ёки хусусиятга эга экан-ликни исботлашга, бунга бошқаларни ишонтиришга уринмоқ маъносида ишла-тилади. *Бировни ёмон қилиб кўрсатма. Ўзини билармон қилиб кўрсатмоқ. тт Галкин ўзи-ни қўй оғзидан чўп олмаган қилиб кўрсатишга интилар эди. К. Яшин, Ҳамза.*

8 Айрим отлар билан бирикиб, шу от-лар билдирган иш-ҳаракат, нарсани қилиш, намоён этиш маъносини билдира-ди. *Ғаират кўрсатмоқ. Жасорат кўрсатмоқ. Матонат кўрсатмоқ. Таъсир кўрсатмоқ. Қаришлик кўрсатмоқ. Ғамхўрлик кўрсатмоқ. Ҳурмат кўрсатмоқ. шш Гулнорнинг зойиб бўлиши Йўлчиға яшин урган каби таъсир кўрсатди.* Ойбек, Танланган асарлар. [Азиз-бек:/ Бунчалик ғайрат кўрсатган фуқаролар-ға раҳмат, дунё тургунча турсинлар! А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. Бунда, айниқса, каш-мирлик дарвеш жонбозлик кўрсатди. К. Яшин, Ҳамза.

Жонини кўзига кўрсатмоқ Қаттиқ азоб бермоқ. -*Ислоҳ, мен бу итнинг вангиллаши-ни эшитмоқчиман, жонини кўзига бир кўрса-тиб қўй, — деди ғазабдан кўзининг пахтаси чиқиб кетган Эргаш.* К. Яшин, Ҳамза. **Иш кўрсатмоқ** Бирор иш билан ном қозонмоқ, маълум-машҳур бўлмоқ. *Ҳозирги замон иш кўрсатганники.* У. Исмоилов, Сайланма. **Йўл кўрсатмоқ** Йўл-йўриқ тарзидаги фикр айтмоқ, маслаҳат бермоқ. *Ёшларға йўл кўрсат-моқ. шш Кечирим сўраб, хат ёз, йўл кўрса-тади Эргаш.* «Гулдаста». **Кунини кўрсатмоқ** Ниҳоятда қийин (оғир) аҳволга солмоқ, адабини бермоқ. *Сен шошмай тур ҳали.. отамға айтиб бераман, кунингни кўрсата-ди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Оёғи (ёки оёғининг учи) билан кўрсатмоқ** Кимсани ўта менсимаслик, унга шундай муносабатни билди-ради. *..у билган одамлар ёўзидан паст, ёўзидан юқори; ўзидан паст одамни овғи билан кўрсатар, ўзидан юқори одамнинг эса оёғига йиқилар эди.* А. Қахҳор, Сароб. **Қорасини кўрсатмайди** Бутунлай кўринмайди, кўри-ниш бермайди, учрашмайди. *Бу нима гап, қизим? Ақлли, ҳушли, кап-катта йигит бир-дан қорасини кўрсатмай кетсин!* Ойбек, Танланган асарлар.

КЎРСАТУВ 1 Кинофильм, телевидение кабилар орқали намоён қилиш, бериш. *Янги йил кўрсатувларини томоша қилдик. шш Кўрсатув мобайнида болаларнинг маънавий ва жисмоний камолоти ҳусусида гап боради.* Газетадан.

2 айн. кўрсатма 2. *Айбга иқрорлик маз-мунидаги кўрсатув синчковлик билан текширилиши лозим.* «ЎЗМЭ».

КЎРСИЧҚОН Ер остида яшагга ва узун курак тишлари ер қазишга мосланган, кичкина чала юмуқ кўзлари бор, ўсим-ликхўр кемирувчи сутэмизувчи ҳайвон. *Худ-ди кўрсичқон инидан бир неча тешик ясаб қўйгандек, унинг ҳам уч кўча эшиги бўлиб..* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

КЎРФАЗ *геогр.* Океан, денгиз ёки кўлнинг қуруқлик ичкарасига кирган қис-ми; кўлтиқ. *Кўрганмисиз Орол кўрфазлари-ни, Қамиш оппоқ бўлиб гуллаган маҳал.* А. Мухтор.

КЎРШАПАЛАК \ф. SʃʌjjZ - кўрмай тунда учувчи] Кўлқанотли сутэмизувчилар-ға мансуб, тунда фаол ҳаёт кечирувчи, кўзи яхши кўрмайдиган, эшитиш аъзоси ривожланган жонивор. *Қоронги сомонхона, молхо-наларнинг шифтида яшириниб ётган кўрша-палакларгина энди яйрашар, учушар, пашиша овлашар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КЎСА [ф. 4-ш^£ — сийрак соқол; шун-дай соқолли одам] **1** Соқол-мўйлови жуда сийрак ёки бутунлай йўқ, чиқмайдиган. *Кўса одам. Ахмоқ ҳориганини билмас, кўса — қариганини.* Мақол. *шш Аравакаш камсо-*

473 ду^

қол, кўсароқ, мулоимгина киши. Ойбек, Бо-лалик. *У ориқ юзлари каҳрабодек саргайиб кетган, соқол-мўйлаби йўқ, кўса эди.* Мир-муҳсин, Меъмор.

Алдар кўса Кўпгина шарқ эртаклари-нинг асосий қахрамони — тадбирли ва айёр киши образи.

2 кўчма Ут-ўлани кам, гиёҳ кам чиққан ёки мутлақо унмайдиган. *Эҳе, бу кўса ерлар ҳам шундай гуллаб кетсинки, одамлар бир сайр қилишни орзу қилсин.* Ойбек, О. в. шабадалар.

КЎСАК Ғўзанинг гулдан сўнг тугадиган, ичида пахта етиладиган, чаноқлардан иборат меваси. *Ғўзалар шоналарини тутиб қол-ди, Шоналар гулга, гуллар кўсакка айлана*

бошлади. Н. Сафаров, Оловли излар. *Бир текис ривожланган гўзанинг ҳар тупида 6- 7 тадан кўсак мавжуд.* Газетадан.

КЎСАКЛАМОҚ Кўсак ҳосил қилмоқ, кўсак боғламоқ. *МТС ёнидаги пайкалда ўтган йили гўза кўкрак бўйи ўсибди, тепа-сигача кўсаклаб, қарийб ҳаммаси очилибди.* Й. Шамшаров, Кўриқ меъморлари.

КЎСАНАМО [ф. L[^]i[^]j[^] - кўса кўри-нишли] Кўсага ўхшаш, соқол-мўйлови сийракроқ. *Кўсанамо бир киши ўтирганларни оғзига қаратиб, нимадир ҳикоя қиларди. С. Аҳмад, Хукм. Ёши йигирма бешлардан ош-ган бўлса ҳам, юзига ҳали дуруст соқол чиқмаган, кўсанамо Аҳмад танбал оғзини меъ-морнинг қулогига яқинлаштириб иширлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

КЎСОВ шв. қ. **косов.** *Фиёсиддин аълам-нинг кўсовга ўхшаган қоп-қора қўлларида эса.. устига шойи рўмолчада туз қўйилган кат-такон баркаш бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎСТ I [ф. JL[^]S — озайиш камайиш; зарар, зиён] айн. **кам 3, кам-кўст.** 300 сўм пул юбордим, каму кўстингга ишлат. «Муш-тум». *Деҳқон ёки боғбон бозорга олиб келган молини кўтарасига наридан-бери сотади-ю, кам-кўстини харид қилиб, тирикчилигига шошилади.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎСТ II кам. қўлл. Бирор нарсанинг ортиқча, ошиқча қисми. *Кўстини қирқиб ташламоқ.*

КЎТАК : **кўтак арава** Гилдираклари ки-чик, пастак арава; дўнгалак арава. *Орқалари-да сап-сарик мўйлови чўччайган Шодмонқул аравакашнинг исиюғи чиққан кўтак араваси кўринди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

КЎТАЛАНГ Ётса туropolмайдиган; бедар-мон. *Кўталанг бузоқ.*

КЎТАРА Бутун борича, яхлит ҳолда ёки катта, кўп миқдорда амалга ошириладиган; улгуржи (олди-сотди, савдо ҳақида). *Кўтара савдо. Кўтара (тарзда) олмоқ. Кўтара сотмоқ.* **иш** Шу вақтларда Муҳам-мадражаб у билан кўтара мол оладиган ха-ридорига қилгандай муомалада бўлар эди. А. Қахдор, Сароб.

Кўтара савдо қилмоқ 1) улгуржисига сотмоқ ёки олмоқ; 2) кўчма айб бўлса-да, бор гапни очик-ойдин, лўнда қилиб айтиб қўя қолмоқ. *-Номаъқул бузоқнинг гўштини ебсан! Билдингми? — деди Очилдов кўтара савдо қилиб.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

КЎТАРАМ шв. Кўталанг. *Ҳожиди хола зу-гум бошлади: -Ҳай, латта бой, кўтарам бўлганмисиз? Мунча ёнингиз ердан узилмай-ди?М.* Исмоилий, Фарғона т. о.

КЎТАРАСИГА рвш. Бутун борича, ях-литича; улгуржи. *Деҳқон ёки боғбон бозорга олиб келган молини кўтарасига наридан-бери сотади-ю, кам-кўстини харид қилиб, тирик-чилигига шошилади.* К. Яшин, Ҳамза.

КЎТАРАФУРУШ Кўтара савдо қилув-чи, кўтарасига сотувчи ёки сотиб олувчи. *Кўтарафурушларга асло сотманг, деб қаи-та-қайта тайинлади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

КЎТАРГИЧ Кўтариш учун ишлатила-диган, кўтарадиган. *Кўтаргич механизм.* **ти** Давлат пахтачилик махсус конструкторлик бюроси пахтачилик.. учун универсал кўтар-гич машина яратди. Газетадан.

КЎТАРИЛМОҚ 1 **Кўтармоқ** фл. ўзл. ва мажх. н. *Парда кўтарилди. Кўнглим тоғдек кўтарилди. Беморнинг ҳарорати кўтарилди.* **иш** Қирқ минг газ кўтарил, золимнинг дори! «Рустамхон».

2 Юқори томонга ҳаракатланмоқ. *Томга кўтарилмоқ. Қирга кўтарилмоқ. Осмонга кўтарилмоқ.* **иш** Каптарлар жуда баланд кўтарилиб, кўздан зойиб бўлибдилар. «Чал-пак ёкқан кун». *Зиёбек бой уйдан чиқиб, йўнғичқазорга келганда, кун аллақачон бо-тиб, ой терак бўйи кўтарилиб қолган эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Тутун ва кукун кўкка кўтарилиб, қишлоқ ҳавосини бўғиб қўйган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

3 Амал-вазифа жиҳатдан юқориламоқ; мансаби ошмоқ, мартабаси ортмоқ. *Ката-ти бола экан, мана, ўз устида ишлаб, кўта-рилиб кетди.* «Гулдаста». Мурод Носирович.. кўтарилиб кетган бўлсалар ҳам, мактаби-мизга тез-тез келиб турадилар. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

4 Куч, даража ва ш. к. жиҳатдан ошмоқ. *Кунлар анча узайиб қолди, ҳавонинг ҳарорати кун сайин кўтарилиб, борлиқ мавжудот жонлана бошлади.* Газетадан. *Отлар ўлчовли қадам ташлаб.. илгари босаркан, йигитлар-нинг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасаядиган мунгли ашулалари остида мингбоши додҳонинг мия-си шу хил фикрлар билан ташвишланарди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

5 Айрим сўзлар билан қўлланиб, шу сўз билдирган иш-ҳаракат, ҳрдисанинг юз беришини, юзага келишини билдиради. *Кулги кўтарилди. Шамол кўтарилди. Шовқин кўта-рилди.* **тм** *Бир муддат ўтар-ўтмас, дашда тўс-тўполон кўтарилди.* Мирмуҳсин, Меъ-мор. *Катта жанжал кўтарилишига кўзи етиб, шай бўлиб турди.* К. Яшин, Ҳамза.

6 Айрим сўзлар билан бирикканда, йўқ бўлмоқ, тарқалмоқ маъносини билдиради. *Ёдидан (хаёлидан) кўтарилмоқ. Барака кўтарилди.* **тм** *Юртдан инсоф-адолат кўгнарилган!* Ойбек, Навоий. *Лекин шу кунлардан бошлаб Собирнинг хаёлидан бош муҳаррир-нинг сўзлари кўтарилмай қолди.* О. Мўми-нов, Хиёбондаги уч учрашув.

Кўнгли кўтарилмоқ Кайфияти чоғ бўл-моқ. *Укечаги фароғатли дамларни яна эслади-ю, кўнгли кўтарилди.* Ў. Ҳошимов, Кдл-бингга қулоқ сол.

КЎТАРИНКИ Зўр хурсандчилик ва фахрланиш ҳисси билан жонланган; жон-ли. *Бу оқиом идорада ҳаёт ҳамма вақтда-гидан кўра шовқинли ва кўтаринки эди.* Ой-бек, О. в. шабадалар. *Атрофдаги одамларга қарасам, бошқаларнинг ҳам руҳи кўтарин-ки, чехраси очиқ.* И. Юсупов, Олима билан бирликда. *-Қани, жўнадик! — у кўтаринки бир вазиятда қўлларини қовуштирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

КЎТАРИНКИЛИК Кўтаринки ҳолат. *Онда-сонда учраб қоладиган руҳий тушкунликни ҳамма ерда мавжуд гоъвий, маъна-вий кўтаринкилик бир зумда тарқатиб юборади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ҳозирги кўтаринкилик, ҳаяжон шу қадар қудратли эдики, гўё хосил тўйига милли-онлаб киши қатнашаётгандай.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

КЎТАРМА **1** Кўтариладиган, кўтариб қўйиладиган қилиб қурилган. *Кўтарма кўприк. Кўтарма тўгон.*

2 Тупроқдан баланд қилиб, кўтариб ишланган тепалик, ғов, тўсиқ. *Темир йўл кўтармаси. Сув кўтармани ювиб кетди.* **тм** *Кўтарма бошига қайтиб келган йигитлар унга ярим соатда тупроқ босиб, оёқлари би-лан шиббалаб, сув бузолмайдиган қилиб қўйдилар.* С. Айний, Куллар. *Кўча бўйлари-га, кўтарма ариқ ёқаларига ўтқазилган тол-терақлар савлат тўкиб турибди.* Газетадан.

КЎТАРМАЛИК Ўзини бошқалардан юқори қўйиш, манманлик. *Нега бундай кўтармалик қиласан, шунча пулни ҳавога совурдинг-а, тентак.* «Шарқ юлдузи».

КЎТАРМАЧИ эск. Газлама, атторлик моллари ва ш. к. ни қишлоқма-қишлоқ кўтариб юриб сотадиган майда савдогар. *-Лах-такларини катта читфуруш газламачилар арзонроқ баҳо билан кўтармачиларга сота-дилар, — деди Шум бола.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

КЎТАРМОҚ **1** Ердан ёки ётган жойи-дан узиб, ажратиб олмоқ. *Замбар кўтар-моқ.* **тм** *Эргаиш у билан қучоқлашиб кўриши-моқчи бўлган эди. Нормат унинг белидан маҳкам қучоқлади-да, даст кўтариб, уни айвон супасига чиқариб қўйди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ердан узилган, ажралган ҳолда тут-моқ, қўлда тутмоқ. *Сумка кўтариб, бозорга бормоқ. Колонна бошида байроқ кўтарган қизлар бормоқда.* **тм** [Отабек] *Отни ахта-хонага боғлаб, совға тўлдириб келган ипак хуржунни кўтариб, ичкарига кирди.* А. Қо-

дирий, Ўтган кунлар. *Махдум шу сўз билан ичкарига кириб, ҳовли саҳнида чақалоқ кўта-риб турган Раъно ёнидан айвонга ўтди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 Ўз устида тутган ҳолда юриш-тортиш, элтиш кудратига эга бўлмоқ. *Туя кўп юк кўтаради. тт Тошхўжа эшон ҳазшакам эшон ўзган эмас, боқиб қўйилган ўн бешта отдан уни фақат иккитасигина кўтара олар эди, холос.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Юқори, баланд ҳолатда тутмоқ, юқорига чиқармоқ. *[Сидиқжон] Бирдан бо-шини кўтарди ва Канизакка қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Обиджон.. чироқнинг пилигини кўтариброқ қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

Қўл кўтармоқ 1) қўлини юқори ҳолатда (бошдан юқорида) тутмоқ; 2) бировни уришта шайланмоқ; 3) мажлисда бирор масала юзасидан ўз розилигини билдирмоқ, овоз бермоқ.

5 Бирор нарсани уйиб, устма-уст қилиб, устига қўйиб баланд қилмоқ. *Дам-бани кўтармоқ. Йўлни кўтармоқ. Марзани кўтармоқ. шш -Сувни уч-тўрт чақирим юқоридан икки ёгига чим босиб, кўтариб келиш лозим бўлади, — деди Алим бува.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

6 кўчма Оширмоқ, кўпайтирмоқ (куч, даража, нарх-наво ва ш. к. ҳақида). *Нарх-ни кўтармоқ. Температурани кўтармоқ. шш Кейин овозини пардама-парда кўта-риб, дўқ ура кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бригада ҳосилдорликни икки ба-равар кўтаришига муваффақ бўлди. «Ўзбе-кистон кўриқлари».*

7 кўчма Мавқеини, ҳол-кудратини, мод-дий аҳвол ва ш. к. ни яхшиламоқ. *Обрўйини кўтармоқ. ит /Қодир:} Яхши қилибсиз.. кол-хознинг аҳволи ёмонга ўхшайди, кўтариш керак.* Уйғун, Навбахрр.

8 Юқори мансаб ёки лавозимга тайин-ламоқ, белгиламоқ. *Пастдан юқорига кўтармоқ. Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимла-рига дадил кўтариш керак. шш [Ақром ҳожи.] Агарда хон кўтариш маним қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

9 кўчма Бардош қилмоқ, тоқат қилмоқ; чидамоқ. *Боланинг инжиқлигини онаси кўтаради. шш Кампирга айтма, кўтаролмайди. [Ёдгорбойдан] Крра хат келган!* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Бош муҳаррир, Раҳим аканинг қобилиятли ходим эканлигини назарда тутиб, баъзи эркаликларини кўтарарди.* Ф. Му-сажонов, Ҳиммат.

10 кўчма Ҳазм қилмоқ, сингдирмоқ. *Ҳар қанча овқат бўлса, кўтаради — кучи кўп. Бемор паловни кўтаролмади. шш Томоғи та-қиллаб ўтирган дуторчи «кўтармасалар — ичмасинлар» деса ҳам, Набигул унамади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

11 Ёқтирмоқ, суймоқ; тоқат қилмоқ. *Бундан кейин.. ҳар бир ишни мен билан ба-ҳамжиҳат қилинг, ўзбилармонликни кўтар-майман.* Ойбек, Танланган асарлар.

12 кўчма Бирор иш-\аракат қилишга илхрмлантирмоқ, сафарбар қилмоқ. *Мус-тамлакачи золимларга... қариш яна халқни кўтарайлик! Кудратнинг ишини охирига ет-казайлик!* Н. Сафаров, Уйғониш.

13 кўчма Ўз устига олмоқ, ўз ҳисоби-дан тўламоқ (сарф-ҳаражат ҳақида). *Умур-зоқ ака: -Болалар бизга шунча ёрдам бериш-ди. Энди.. саёҳат қилиб келишсин. Бутун йўл харажатини колхоз кўтаради, — деди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Энди Шоабду-фаттоҳ Хўжаевнинг сарфини ҳам кўтарай-ликми?* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

14 кўчма с. т. Йўқ қилмоқ, йўқотмоқ, битирмоқ. *Адоватни орадан кўтармоқ. шш Мусулмонқул.. золимларни ўртадан кўтариб, юртга осоиши берганда, унга ким нима дея олар эди? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Уўрта-даги ноқулай жимликни кўтариб ташлаш учун Ғиёсни гапга солди.* К. Яшин, Ҳамза.

15 кўчма с. т. Ичмоқ, урмоқ (май ҳақида). *Қадаҳ кўтармоқ. шш [Равшан пол-вон] «Хоним» олиб келган коньякдан кўзла-рини чирт юмиб, бир рюмкасини кўтариб ташлади.* О. Ёкубов, Ларза.

16 кам қўлл. Қарзга олмоқ. *Бир пуд гал-лани, топилса, уч пуд галлага бўлсаям, жон дебкўтарамиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Матқовул келаси йил ҳосили ҳисобига Ҳаким-жон бойваччанинг отаси Латифжонбойдан пул кўтариб, от олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

17 с. т. Етиштирмоқ, олмоқ. *Гектарбо-шига ўн тоннадан ҳосил кўтардик.*

18 Айрим отлар билан бирикиб, шу от билдирган нарсани юзага келтиришни ифодалайди. *Жанжал кўтармоқ. Исён кўтармоқ. Шовқин-сурон кўтармоқ. иши ..шикоят қила-қол, бошингни деворга уриб, фарёд кўтар.* К. Яшин, Ҳамза.

Бош кўтармоқ қ. бош. Бошига кўтармоқ қ. бош. Бурнини кўтармоқ Манманлик қил-моқ; гердаймоқ. *Улар [Ёрматни] сўкишар эди: -Хўжайиннинг лайчаси-ку, бурнини бир қарич кўтарганига ҳайронмиз.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. **Гап кўтармаслик** Сал гапга жаҳл қилиш одати, жиззакилик. **Кўкка кўтармоқ қ. кўк. Кўнглини кўтармоқ қ. кўнгил 1.** *Кўнглини дўст кўтарар.* Мақол. **Сиркаси сув кўтармайдиган одам қ. сирка. Уй кўтар-моқ** Ҳамма нарсани ташқарига олиб чиқиб, уйларни тозалamoқ, тартибга солмоқ. *Кампир эгила-букила, терлаб-пишиб уй кўтара-ётган эди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

КҮТОҲ \ф. аUji — қисқа, калта] эск. кам қўлл. Калта, қисқа. *Қўли кўтоҳ. Ақли кўтоҳ. Арқонни калтаи кўтоҳ қилиб қирқ-моқ. иш Вайсий сўз кўтоҳ қил, дам урма нодонлар аро.* Увайсий.

КҮТОҲЛИК 1 Кўтоҳ ҳолатлилик; кал-талиқ, қисқалиқ.

2 шв. Айбли иш, гуноҳ иш. *Аччиғланиб, полвон неча сўз айтди, Сўраган кишилар уялиб қайтди, Биз билмаймиз: нима кўтоҳ-лик ўтди.* «Ёдгор».

КҮЧ I Кўчиш пайтида ташиладиган уй-рўзғор буюмларидан иборат юк. *Бир машина кўч. ти Абатжон бир аравага келин-ку-ёвнинг кўчини ортиб, дарҳол йўлга чиқди.* С. Сиев, Аваз. *Кўчларни йиғиштир! Аравани қўи! Қувага жўнагаймиз!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Кўч кўтармоқ Рўзғори билан, ўзига те-гишли нарса-буюмлар билан бошқа жойга кўчмоқ, кетмоқ. *Саодат турмуш ўртоғи билан кўчини кўтариб, кўп жойларда бўлди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Лобар кўчини кўтариб кетганига йиғирма кунча бўлди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

КҮЧ II эск. Ахли аёл, хотин (эрига нис-батан). [*Хотин:*] *Танисаларингиз керак, ўргу-лай, мен мирзо Султоналининг кўчлари бўла-ман.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. *Ўглингиз кўчин(и) суймай турар.* Абулғозӣ Баҳодир-хон, Шажарайи турк.

КҮЧА I [ф. 4. = -^ — шаҳар ёки қишлоқ ичидаги йўл] **1** Аҳоли яшайдиган жойларда йўловчилар ўтиб турадиган, транспорт қат-найдиган йўл. *Навоиш кўчаси. Собир Раҳимов кўчаси. ит Чиннигул кўчанинг бир томони-дан, энсизгина асфальт тротуардан шошмас-дан борар эди.* С. Зуннунова, Кўк чирокдар. *Тўхта хола кўчада узоқдан бирин-кетин ке-лаётган икки кишининг қорасини кўрди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ёр юрган кўча/трни супурай сочим билан.* «Кўшиқлар».

2 Умуман, йўл. *Ҳали мажлис, ҳали ҳам-мом қурилиши, ҳали кўчага шағал ётқизиш дейди.* «Гулдаста». *Қир кўчадан тушгунча сур-най овози чиқмади.* С. Сиев, Ёруғлик.

3 Яшаш, туриш жойидан ташқари бўлган жой, очиқмайдон (уй, ҳовлига нис-батан). *Уйида роҳати йўқнинг кўчада фаро-гати йўқ.* Мақол. *Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич.* Мақол. *ти Қишининг охирги кунлари кўча-да қора совуқ билан изгирин юрар эди.* А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. *Ибн Ямин бир кун кўчадан ҳориб-толиб, тажсанг бўлиб келди-да.. хотини билан айтишиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

Кўча боласи Умумий таълим-тарбиядан четда қолган бола. *Ўтир бу ёққа! Хўш, сен нима учун кўча болаларига ўхшаб ахлоқсиз-лик қиласан!* А. Қаҳҳор, Айб кимда? **Кўча эшиқ** Кўчага чиқиладиган (кўчадан кири-ладиган) эшиқ. *Кўча эшиқдан кириши билан.. акаси тагин жаҳ^ини чиқара бошлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол.

Кўчада қолган Ташлаб қўйилган, кераксиз. [Муат-тар:] Бугундан қолмай кўчингни кўтар! Олти ойдан бери касал боқамиз. Кўчада қолган нонимиз йўқ. Н. Сафаров, Шарқтонги. **Кўча-сига кирмоқ** Бирор нарса қилиш пайига тушмоқ, дахл қилмоқ, машғул бўлмоқ. *Аблаҳ Тиллабойга энди ишонч қолмабди. Ча-мамда, феъли айнаб, хиёнат кўчасига кир-гангаўхшайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Кўча-сидан ўтмоқ** Бирор иш ёки ҳаракат билан шуғулланмоқ; машғул бўлмоқ. [Муҳаббат:] *Тургунжон ака, қўйинг, мен бир умримда савдо кўчасидан ўшган бўлмасам, мени маж-бур қилманг.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Оёғим (ёки кавушим) кўчада қолгани йўқ ёки оёғим кўчада қолибдим** Ҳар қанақа жойга боравермасликни, унча-мунча жой-ни назар-писанд қилмасликни ифодалаш учун айтиладиган ибора. *Давранинг шўрида эдим, оёғим кўчада қошимми, деб унча-мун-ча тўйга бормасдим.* А. Мухтор, Қорақал-поқ киссаси. *Ўзбек ойим унча-мунча тўю азаларга «Кавушим кўчада қолган эмас», деб бормас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Хоҳ-ламасанг (ёки истамасанг) — катта кўча** Хоҳламасанг, истамасанг, билганингни қил, хоҳлаган ерингга кетавер; тўрт томо-нинг қибла.

КУЧА *шв.* : кўча оши айн. гўжа.

КЎЧА-КЎЙ Кўча ва умуман уй-ҳовли-дан ташқари бўлган жойлар. [Иўлчининг] *Ҳақимни еб кетди бой, деб кўча-кўйда боини қоралаб юрганлигини / Салимбойваччага] айт-ди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу боланинг кўча-кўйда саланглаб юриши яхши эмас.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

КЎЧАТ 1 Уруғ ёки қаламчадан ўсиб чиққан ёки ўстирилган ва бошқа жойга

⁵⁵⁶

олиб ўтқазиладиган ниҳол. *Олма кўчати. Тут кўчати. Райҳон кўчати. Помидор кўча-ти. Атиргул кўчати. Кўчат ўтқазмоқ. шш Мана шу анжирнинг кўчатини [раисимиз] Оққўргондан олдириб келди.* А. Қаҳҳор, Кар-тина. *Бу ойнинг яна бир гўзал фазилатлари-дан бири шуки, бу даврда кузги кўчат ўтқа-зиш қизгин паллага киради.* Газетадан. [Ahear/ *Болаларнинг дарағи билан ҳар кимнинг уйида бўлган янги гуллардан кўчат ва уруғ олиб, йилдан-йилга гулзорни бойитди.* А. Қо-дирий, Меҳробдан чаён.

2 Умуман, ёш ниҳол. *Кўм-кўк гўза кўчатлари, офтобда ёйилган тамаки баргларидек, орқама-орқа тизилишиб турарди.* Газетадан.

КЎЧАТЗОР Кўчат ўтқазиб қўйилган, кўчат етиштириладиган жой, майдон. *Уруғ кўчатлар чиқариш — барғли дарахтлар юза-сидан колхоз кўчатзорларида — 500 минг туп ва давлат кўчатзорларида 600 минг туп.* Газетадан.

КЎЧАТХОНА Кўчат етиштириладиган хона; иссиқхона, парник. *Келгуси йилларда.. хар бир хўжаликнинг ўзида кўчатхона-лар барпо қилмоқчимиз.* Газетадан.

КЎЧАТЧИЛИК Кўчат етиштириш, хўжаликнинг кўчат етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Косон кўчатчилик хўжа-лигидаги лагерларда 200 бола дам оляпти.* С. Нуров, Оддий бир кун.

КЎЧИМ *ад.* Бадиий ифодалилиқни ошириш учун кўчма маънода қўлланган нутқ бирлиги; киноя, рамз билан қўллан-ган сўз, ибора.

КУЧИРИҚ *этно.* Касалдан инс-жинс-ларни «ҳайдаш» учун қилинадиган ирим-сирим. *Бахшилар қўбизни чалиб, касаллар-ни кўчириқ қиладилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Жонлиқ сўйиб, кони беморнинг баданига суртилди, кўчириқ қилинди.* «Мупштум». *Назираҳон домлага ўқитиб, табиби гайблиқни бўйнига олиши керакмиш.* Бўлмаса кўчириқ бошланармиш. Ҳ. Шайхон, Туташ оламлар.

КЎЧИРМА 1 Асл нусхадан ёзиб, чи-зиб, кўчириб олинган нусха. *Буйруқнинг кўчирмаси. Қарордан кўчирма олмақ. шш Сай-фиддин ака ўрнидан турди-да, архив мате-риалларидан кўчирма олиб тўпланган папка-лардан бири ичидан Георгий Сняевский ха-тининг кўчирмасини топиб ўқий бошлади.*

«Ўзбекистон кўриқлари». Маҳаллий ва мар-казий газеталардан олинган кўчирмалар би-лан безатилган нуткнинг ўн минути даво-мида раис мажлис ахлини икки марта тар-тибга чақирди. А. Қаххор, Асарлар.

2 Бошқанинг ишидан айнан ёки қис-ман кўчирилган, ўғирланган. *Кўчирма асар.*

Кўчирма гап тли. Ўзганинг ҳеч ўзгариш-сиз, айнан берилган гапи.

КЎЧИРМАКАШ айн. **кўчирмачи.** -*Айт-гандай, ҳув кўчирмакаш ўртоқни нима қил-диларинг, — деб сўради гап орасида.* А. Кўчи-мов, Ҳалқа.

КЎЧИРМАКАШЛИК айт. **кўчирмачи-лик.** -*Йўлдош кўчирмакашлик қилиб, она тилидан «икки» олди. Алгебрадан кузги им-тиҳонга қолди, — деди Муродов. Б. Раҳмо-нов, Қилмиш-қидирмиш.*

КУЧИРМАЧИ Ўзганинг ишини кўчи-риб олиб, ўзиники қилиб кўрсатувчи киши. *Кўчирмачи шоир. ти* Буни (ўқувчининг ўрто-гидан кўчириб олганини) сезмаган ўқитувчи эса кўчирмачи ўқувчига ижобий баҳо қўяди. Газетадан.

КЎЧИРМАЧИЛИК Ўзганинг ишини кўчириб олиш билан шуғулланиш. ..*ақл ва идрок билан ижод қилиши ўрнига кўчирмачи-лик билан шуғулланиши.. матбуотнинг ўткир-лиги ва таъсирчанлигига катта зарар ет-казади.* Газетадан.

КЎЧИРМОҚ 1 **Кўчмоқ** фл орт. н. Қиш-лоқни шу ерга, янги ариқнинг икки юзига кўчирмоқчимиз. А. Қаххор, Қўшчинор чи-роқлари. *Ярангдан эски докани кўчирар экан-ман, бутун баданим зирқираб кетди. Шух-рат, Шинелли йиллар.*

2 Матнни бошқа қоғозга қайта ёзмоқ ёки қайта чизмоқ, ундан нусха, кўчирма олмақ. *Элмурод.. ҳар жумлани неча қайта ўйлаб, ҳар ёзганини кун сайин яна бошдан кўчириб, республика газетасига мақола тай-ёрлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гапларда шо-ирлар ўз янги шеърларидан ўқир, саводли ки-шилар эса уларни қўлда кўчириб, тарқатар-дилар.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

3 Ўтказмоқ, ўзгартирмоқ. *Тегирмонни ҳам электр билан ишлашга кўчириши лозим.. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Инженер-му-тахассислар, яримавтомат усулига кўчириши мумкин, деган қарорга келишди.* М. Хайрул-лаев, Тилла маржон.



КЎЧКИ Тош, тупроқ, қор ва ш. к. нинг

тоғдан кўчиб, нураб тушадиган уюми. *Муз кўчкиси. Тоғ кўчкиси. Қор кўчкиси. мж* [Мир-закамолиддин] *Уша довонда кўчки пгагида қолиб ўлган эмиш.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. *У [Холхўжа] мақсадига эриша олмайди — йўлда кўчки остида босилиб, ҳалок бўла-ди.* Ё. Шукуров, Қасос. *Сув ва кўчкилардан ихота қилиши учун харсанглардан уйиб ясал-ган пештоқ бузилган экан.* С. Кароматов, Олтин қум.

КЎЧКИН 1 қ. **кўчки.** *Писандмас кўчкин, бало, На зилзила, на вабо.* Миртемир. *Тоғ-ларда бошлайди гулдурос кўчкин.* Э. Охунова.

2 Кўчиб юрувчи, кўчма. *Кўчкин булут-ларда ўроқ ой сўлгин.* Миртемир.

КЎЧКИНЧИ Ўтадиган, бир жойда тур-майдиган, муқим (собит) эмас. *Шаҳарлар боқийдир, умр — ўткинчи, Дарёлар собит-дир, сувлар — кўчкинчи.* М. Шайхзода. *Унинг [Умматалининг] севгиси карвондай ўткин-чи, селдай кўчкинчи эмас.* Шухрат, Жаннат кидирганлар.

КЎЧ-КЎЛОН қ. **кўч-кўрон.** *Орадан бир-икки ой ўтар-ўтмас, келини ҳам кўч-кўло-нини ортиб, онасиникига кетиб қолди.* С. Зуннунова, Олов. *Икки соатча суҳбатла-шиб ўтиргач, Умри холани кўч-кўлони билан Чорвоққа кўчириб келишди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

КЎЧ-КЎРОН Умуман, кўч нарсалари, бошқа жойга кўчганда, бирга олиб бори-ладиган рўзғор буюмлари. -[*Раҳмат ҳожи*] *Бир неча кун Маргилонда тургандан кейин, хотинини кўч-кўрони билан Тошкентга олиб келибди,— деди Шум бола.* Ф. Гулом, Шум бола. *Пошиша хола.. Иигиталининг кўч-кўро-ни ортилган машинада у билан янги уйга кел-ди-ю, ичкарига қадам қўйиб, оғзи очилиб қолди.* Д. Нурий, Осмон устунни.

КЎЧМА 1 Бирор жойда турмай, жой-дан жойга кўчиб юриб ишлайдиган. *Кўчма усғнахона. Кўчма кино. Кўчма цирк. тт* Бир йилдан бери чўпонлар учун кўчма кутубхона ташкил қилиб беришларини сўрайман-у, ҳеч бўлмайдиди-да/О. Ёқубов, Тоғ қизи. Аммо Мо-ҳидил кўчма магазинда ароқ сотишни ман қилгандан кейин.. норози бўлганликларини яширмай қўйдилар. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Мусобақада кейинги ғолибга олиб бе-риладиган. *Кўчма байроқ. Кўчма кубок.*

3 Ўз ўрнидан силжиб, сузиб ёки учиб, бошқа жойга кўчиб юрадиган. *Кўчма муз тоғлари. тт* Орқага қайтиши учун кўчма қум-лар орасидан юриши керак. А. Қаҳҳор, Мас-тон. Эҳтимол, эндигина униб чиққан нимжон гўзалар кўчма қум остида қолгандир. Ш. Ра-шидов, Бўрондан кучли.

Кўчма маъно тли. 1) маъно кўчиши асо-сида келиб чиққан маъно. *Сўз-термин ме-тафорик қўллашдан барқарор кўчма маъно-га ўтади ва шу маъноси орқали адабий тил-да кенг қўлланади. «ЎТА»;* 2) асл (тўғри) маъносидан бошқа маънода (кўчириб) қўллаш билан ҳосил бўлувчи маъно (мас, қоплон сўзининг «кўркмас, эпчил йигит» маъноси кўчма маънодир).

КЎЧМАНЧИ 1 Ўтроқ бўлмаган ҳолда, кўчиб юриб ҳаёт кечирадиган. *Кўчманчи қабила. Кўчманчи қушлар. тт* Қалмоқлар асосан чорвачилиш билан шуғулланар, кўчман-чи ҳаёт кечирар эди. Газетадан. Уй эгаси кўчманчиларга хос меҳмондорлик қилиб, биз-нияҳшилабкутиболди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 айн. **кўчма.** Саксовул ўрмонзорлари кўчманчи қумлар йўлини тўсди. Газетадан. Улар тўсар ёвуз дарёни Ва кўчманчи бархан-ларни ҳам. А. Обиджон, Кетмагил.

КЎЧМАНЧИЛИК Кўчиб юриб яшаш, ҳаёт кечириш; шундай ҳаёт тарзи.

КЎЧМОҚ 1 Яшаш жойидан кетмоқ, бошқа яшаш жойига ўтмоқ. *Оловни ковла-санг — ўчар, қўшинини ковласанг — кўчар. Мақол. тт* У [Нури].. Ёрмат оиласининг боққа кўчиб кетганини эшитиб, афсус қил-ди. Ойбек, Танланган асарлар. Бу ердан ҳеч қачон кўчмайман, сенҳам кўчмайсан. Ш. Ра-шидов, Бўрондан кучли.

2 Умуман, ўрни, манзили ва ш. к. дан бошқасига ўтмоқ, жилмоқ, кетмоқ. *Бу йил қизим бешинчи синфга кўчади. тт* Ана, қоқди қанотин булбул, Келиб қўнди чиройли гулга. Шохдан-шохга кўчади нуқул, Куйи роҳағи берар кўнгилга. И. Муслим. Куз кириб, улар-нинг учрашувлари шихонага кўчган дастлаб-ки кунлар.. «Ёшлик».

3 кўчма Мавзуни, ҳаракатни, яшаш ёки ишлаш тарзини ўзгартирмоқ, бошқасига ўтмоқ. *Хадича холанинг «бас, қийнама» де-ган мазмунда кўз қисишини кўриб, бошқа гапга кўчди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқ-лари.*

4 Ёпиштан, бириккан жойидан ажра-моқ. *Унинг [масжиднинг] баланд ва сири кўчиб кетган эски устунлик айвонида уч-тўрт намозхон ўтиришибди. П. Турсун, Ўқитувчи. Овоз лампочкасининг остидаги қўрғошинлар кўчиб кетибди, янгидан ёпиш-тирди. Т. Ашуров, Оқ от.*

Бнгил (ёки осон) кўчмоқ Қийинчилик-сиз ҳал бўлмоқ, амалга ошмоқ. *Нима бўлган-да ҳам, кўнглининг бир чеккасини кирлатиб ётган бу «ота-она орзуси», бир томондан қаралганда, жуда енгил кўчган эди. А. Қоди-рий, Утган кунлар. Бу иш ҳам хамирдан қил суғургандек осон кўчди. М. Ҳазраткулов, Журъат. Оғир (ёки қийин) кўчмоқ* Қийинчилик билан содир бўлмоқ; қийин ҳал бўлмоқ; оғир шароитда ўтмоқ. *Бу йил иш яна анча оғир кўчадиганга ўхшайдиди-а. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқдар. Айниқса, қиш би-лан олишиши жуда-жуда қийин кўчибди. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқдар.*

КУШАК шв. айн. бўғалоқ. Туя ўрнини кўшак босади, деганиридек... М. Қўшжонов, Дийдор.

КЎШИШ \ф. JL^Zj<. — ҳаракат, уриниш; интилиш; оворагарчилик, ташвиш | : **кўшиш қилмоқ** {ёки **кўрсатмоқ**) кам қўлл. Ҳаракат қилмоқ; интилмоқ, чалишмоқ. *Лекин биз деймизки, шурмушимизда бир кадар ислоҳ юзага чиқсин, бемаъни ишларни йўқотайлик, дини исломнинг равақига кўшиши қилайлик. Ойбек, Танланган асарлар.*

Сал ўтмай англ-ладики.. бу чаққон давлатлар шунчаки Бу-хорога қайишгаилари.. «инсониятнинг ман-фаатдорлиги» учун унга кўшиши кўрсатиши-маяпти. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Бо-лам, дардни касал одам билса, ўзиям туза-лишига кўшиши кўрсатар экан. Ш. Холмирза-ев, Сайланма.

КЎШК \туркий + ф. • — далаҳовли; шаҳар ташқарисидаги қаср|Қадимда ба-ланд, баҳаво қилиб солинган енгил имо-рат. *Хоразмбоғ ёдгорлиги Хоразм ҳокимининг шаҳар четидаги ёзги кўшики бўлганлигини кўрсатди.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Меҳмонлар қадимий кўшиқларни эсла-тувчи икки каватли бино олдиға келиб тўхташди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

КЎҲ \ф. ъj<, — тоғ|эск. айн. тоғ 1.

Кўҳи Қоф Афсонавий тоғлар; афсонаға кўра, ер атрофини ўраб олган буюк тоғлар.

КУҲЛИ(К) кам қўлл. Кўриниши ёқим-ли; чиройли, хушрўй (асосан одамға нисбатан қўлланади). *-Бизнинг Марғилонда бир қиз бор, — деди [Раҳмат/, — шундоқ кўҳлик-ки, бу ўртада унинг ўхшаши бўлмас, деб ўйлайман!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дил-бар звено қизлари орасида ҳам энг кўҳлиги эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эшик очилиб, бир ёшлар чамасидаги ширингина болани кўтариб ол-ган кўҳликкина жувон кириб келди.* Т. Ма-лик, Иблис девори.

КЎҲНА \ф. ■»•.(!< — эски, қадимги] 1 Узоқ ўтмишдан давом этиб келаётган; қадимий. *Кўҳна қардошлиқ муносабатлари.* *тм* *Менинг кўз ўнгимда жонланар тарих, Ғамлардан тўқилган шу кўҳна олам.* А. Орипов, Руҳим.

2 Эскириб путурдан кетган; эски. *Арава ҳам кўҳна: ямоқ-ясоқ гилдирак темиридан унда-бунда парча-пурча қолган; кегайлари шалоқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дераза олдида кўҳна стол. Бериғи дераза ёнида ди-ван.* М. Муҳамедов, Кичик гарнизон.

КЎҲНАРМОҚ шв. кам. қўлл. Эскирмоқ; кексайиб кучдан қолмоқ. *Бобой кўҳнарған одам: фикриям, яшаш тарзиям эскирган.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

-**ЛА** *поэт.* "Билан" сўзининг қисқа шак-ли. *Ой шуғласи-ла мунаввар манзи бир зум-да чайкалди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛАБ [ф. ,_J — дудок, лаб; чет, қирра] 1 Оғиз бўшлиғининг кириш қисмини чегара-лаб турадиган ҳаракатчан тери бурмаси (Ташқи томондан тери, ички томондан шиллик пардалар билан қопланган, унинг асосини айланма жойлашган мимика мус-кули ташкил этади). *Жаҳли чиққанидан лаб-лари пиртираб, қоши чимирилиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол. *Йўлчи най-ни лабига қўйиб, бутун завқи билан чала кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

Лабидан бол томмоқЖуда ширин, ёқим-ли гап-сўз қилмоқ, суҳбатда ўта ширин (хуш) муомалада бўлмоқ. *Лабларингиздан бол томади, ёниб турган оловсиз.* К. Яшин, Ҳамза. **Лабидан кулги аримайди** Доим кулиб турадиган, хушчақчақ шахс ҳақида. *Ҳамза-нинг қучоғидан чиқиб, тўлиб-тошиб йиғла-ди, лекин лабидан кулги аримасди.* К. Яшин, Ҳамза. **Лаби лабига тегмаслик** Жуда тез, би-дирлаб гапиришни билдиради. *Лабим лабим-ға тегмай, "бисмилло "ни бошлаб юбордим \деди Ҳожид].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Исмо-илов лаби лабига тегмай сайраб кетди.* «Муштум». **Лабини бурмоқ** Эътироз, норо-зилик белгиси сифатида лабини ҳаракатлан-тирмоқ. *Абдишукур "шу ҳам гапми ", деган-дай лабини бурди.* Ойбек, Танланган асар-лар. *Канизак лабини буриб, Сидиқжондан юзини ўғирди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқ-лари. **Лабини йиғиштира олмаслик** Кулгидан ўзини тўхтата олмаслик; оғиз-лабини кул-ги ҳолатидан тия олмаслик. *Тўпанисо кулгидан лабини йиғиштиролмай, ерга қаради.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чирокдари.

2 Идишнинг, идиш оғзининг айлана чети; зих. *Қумгоннинг лаби. Қозон лаби. Лаби учган пиёла. Халтанинг лаби.* *шш* *Олдига лаби учган тақсимчада сув қўйдим.* Ш. Холмирза-ев, Оғир тош кўчса.

3 Қирғоқ, ёқа, чет. *Дарёлаби. Ҳовуз лаби. Кўлнинг лаби. иш* Булоқ лабига ўтириб, ҳову-чини очганда, кафтида гижимланиб ётган ҳўл рўмолчага кўзи тушиди. М. Исмоилий, Фарғо-на т. о. *Катта тик ариқ. Икки лаби тоғ-тоғ тупроқ.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

4 Ердан баланд ясси сатҳнинг чети, чек-каси. *Томнинглаби. Супанинг лаби иш* { *Иўлчи*] *Айвон лабига ўтириб, бошини қўллари ости-га олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шербек тепанинглабига, Оқсойга юзланибўтирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛАББАЙ [а. А,] - "лаббайка" - мана, (оллоҳим) оддингдаман, хузурингдаман (ҳаж амалларини бажариш вақтида айтилади)] унд. с. Чақирикқа, биров чақирганда бериладиган жавоб; ҳа. *Ғуломжон турган ерида "лаббай!" деб жавоб берди-да, ташқарига қараб югурди.* М. Исмоилий, Фарғонат.о. *Гоҳтелефонга қулоқ солиб, гоҳ ўтирганларга қарабтурган секретарь "лаббай " деди-ю, трубкани қўйиб, қозғозларни титкилай бошлади.* «Муштум».

Шошганда лаббай топилмас Шошилиб қолганда нима қилиш, нима дейишни билмасликни, шундай ҳолатни билдирувчи ибо-ра. *Шошганда лаббай топилмаганидек, шах-дам юриб, хонага киришди-ю, гапни нимадан бошлашни сўраётгандек, бир-бирларига қараб қолишди.* «Муштум».

2 /о/сл. «30. "Нима дейсиз?", "нима де-дингиз?" каби маънолардаги сўроқни англади. *Дунёда кампирларнинг дуоларини олайлик-да, лаббай?* Шукрулло, Жавоҳир-лар сандиғи. *Ҳандалак ўғирлашдаги тажри-баларидан фойдаланиб, бу ердаги ўғирларни тутибдилар-да, лаббай?* О. Ёқубов, Эр бо-шига иш тушса.

ЛАББАЙГҲЙ \а. +ф. ^Л^А - доим лаббай деб турувчи] Бировнинг гапини, топшириғини доим "лаббай!" деб бажарувчи; итоаткор; лаганбардор. *Лаббайгўй одам.*

ЛАБ-БАЛАБ \ф. ^i-i^J) айн. **лаболаб.** *Лаб-балаб тўла.*

ЛАБГАРДОН Сувнинг айланиб, гирдоб бўлиб оқадиган жойи. *..тунда сувнинг равон оқайтганини назорат қиляпти, ариқлар, лаб-гардонлар, тўгонларга кўз-қулоқ бўлиб ту-рибди.* М. Назаров, Сув — ғўзага дармон. *Агарда Баҳодир ўзини сойга ташлаб, уни қутқариб олмаганда, Саодат шаршаранинг лабгардо-нига чўкиб, гарқ бўлиб кетиши ҳам турган гап эди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқдари.

ЛАБ-ДАҲАН 1 Лаб ва оғиз. *Мавлавий Иўлдош кулгидан лаб-даханини йиғишти-ролмайд қолди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Лаб-дахани сўлжайиб кетган мулозим: -Шошмай тур, бу гапингни бўрттириб, олий ҳазратларига етказмасам..— дўб онт ичиб чиқибкетди.* М. Осим, Ибн Сино қис-саси.

2 кўчма Тил, гапириш қобилияти; ким-сага гапириб, бирор ишни битириш, ўз гапини маъқул қилиш қобилияти; сўза-моллик. *Гапирсанг-чи, лаб-даханинг бор-ми?/А. Қаҳдор, Қўшчинор чироклари. Ўғил боланинг чечанроқ бўлгани дуруст-да. Лаб-дахани бўлмаса, нонини овлаб топиб ейи-ши ҳам қийин.* Ҳ. Назир, Маёқсари. *Водил-да ҳам бирон қиз билан муҳаббат тўғри-сида гаплашмаганман. Лаб-дахан йўқлиги-ни биласан-у, огайни.* Р. Файзий, Чўлга ба-ҳор келди.

ЛАБ-ДАҲАНЛИ Кимсага гапириб, би-рор ишни битказишга қобил, гапини ўринлатиб айтадиган. *Лаб-даханли йигит. иш* *Мундоқ лаб-даханли, қувноқ йигитлардан бўла қолсанг нима қишиди!* К. Муҳиддин, Ҳадя.

ЛАБДИР айн. **лаванд.**

ЛАБДИРЛИК айн. **лавандлик.** *Бу тариқа лабдирлик билан хотин ушлаб бўлурму?* А. Қодирий, Кичик асарлар.

ЛАБЗ с. т. Лафз. *-Қойил!*—деди ўртанча, — *шулабзингдан қайтмасанг.* Қ. Муҳаммадий. *Ҳа, лабзига содиқ Павел Булгаков беаёв жанг-лар бўлиб турганига қарамай, Яманга бориб, соҳиб олдидаги ўзининг маънавий қарзини уз-гандай бўлди.* «Фан ва турмуш».

ЛАБИР шв. Тез сўзлайдиган киши.

ЛАБИРИНТ [тн. labyrinthos < Labyrinthos — юнон мифологиясида: Крит оролидаги сирли, ғаройиб саройнинг номи] **1** Бир-би-рига ўхшаш кўплаб хоналари, киши юрса адашиб қоладиган чалкаш йўллари бўлган улкан иншоот, қурилма.

2 анат. Қулоқ ичидаги тоғай-суякдан иборат чиғаноқсимон қисм; ички қулоқ.

ЛАБ-ЛУНЖ Лаб ва лунж. -Қишлоқи бўлсанг ҳам, бир маҳмадонасанки.. — деди-да, Шарофатхон лаб-лунжини буриб, ортиқ-ча кибрли юриши бишган чиқиб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

Лаб-лунжи осилмоқ Хафа бўлмоқ, қовоғи солинмоқ. Бугун у ваҳим бўлган ки-шидай ҳар нарсадан чўчиб, қўрқиб, ҳадикси-раб, лаб-лунжи осилиб юрган кечаги Мадумармингбошига сираўхшамасэди.. М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

ЛАБОЛАБ [ф. >-ʃʃʃʃ - лабигача, охи-ригача, тўла] кт. Лабигача тўла, лиқ тўла, лиммо-лим. Дарवेशали, кўнглингизҳар чоғэл муҳаббати билан лаболаб тўлсин. Ойбек, Навоий. Гоҳ тўлиб йиғларман равзодил, Ла-болаб этди тун чоғирим. Ҳ. Абдуназар, Ан-жир гули.

ЛАБОРАНТ [лот. laborans, laborantis — ишловчи] **1** Лаборатория ёки илмий муассасада илмий-техник ишларни бажарувчи ходим. Фонокабинет лаборанти Рустам.. унга бир жойнинг дарагини айтди. Д. Нурий, Ос-мон устунни.

2 Лаборатория машғулотлари вақтида профессор ёки ўқитувчига керакли асбоб, препарат ва ш. к. ни тайёрлаб берувчи ёрдам-чи ходим. Кимё кафедрасининг лаборанти.

ЛАБОРАНТЛИК Лаборант иши, вази-фаси. Икки ойдан кейин кимё факультети лабораториясида лаборантлик қилаётган курсдоши Қудрат уни паноҳ тортиб келди. «Саодат».

ЛАБОРАТОРИЯ [лот. laboratorium < laborare — ишламоқ] **1** Илмий текширишлар, тажрибалар, амалий машғулотлар ўтказиш учун керакли аппарат ва асбоблар билан жиҳозланган илмий муассаса ёки унинг бўлими ва улар жойлашган бино. Кимёлабораторияси. Физика лабораторияси. **тн** Лабо-раторияда ўша кунлари вилтга қарши янги препаратнинг химиявий анализлари ўткази-лаётган эди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

2 кўчма Ёзувчи, рассом ва ш.к. нинг ижо-дий фаолият соҳаси. Ёзувчининг ижодий ла-бораторияси.

ЛАВА I [итал. lava < лот. labes — ўпири-лиш; йиқилиш; кўчки] Вулкандан отилиб чмқалигап. >риган ёки жуда ёпишқоқ тоғ жинси. Лавалар отилар. Чексизҳарорат.. Ж. Жабборов.

ЛАВА II Шахтада кўмир ёки бошқа фой-дали қазилма қатлами ёппасига қазиладиган жой. Қайноқ лавада транспортёр лентасига бетўхтов кўмир ташлашга, смена тугагунча уни ўн икки-ўн уч тоннага етказишга ҳар кимнинг ҳам бардоши етавермайди. Й. Шам-шаров, Қақрамонлик йўли.

ЛАВАНГ с. т. Лаванд. У [ўгай она\ гўзал Гулнорани ўзининг ношуд, лаванг ўғлига тур-мушга бермоқчи бўлди. Б. Насриддинов, Эр-такнинг қайта туғилиши.

ЛАВАНД \ф. _l>jJ - цуиіі. дангаса; бе-корчи| Ўзини-ўзи удда қилолмайдиган, қўлидан бирор иш келмайдиган; шалвира-ган, бўшанг, ношуд. Боқ энди ибрат ила, бўлма кўп лаванду гўл. Ҳабибий.

ЛАВВОҲ [а. ʃ-1JJ — лойиҳачи; лавҳа тай-ёрловчи] эск. Қўлёзма китоб саҳифаларини тасвир ва нақшинкор лавҳалар билан безов-чи, саҳифаларга жило берувчи уста, рассом.

ЛАВЛАГИ Сабзавот ўсимликларидан бири ва унинг озуқа, овқат учун ишлатиладиган илдизмеваси, ҳосили. Оқлавлаги. Қи-зил лавлаги. **тн** Ошни ўзларингга айтиб кет-сам, қилаверар экансизлар. Лекин сабзи йўқ, ўрнига лавлаги соласиз. Шухрат, Шинелли йиллар.

Қанд лавлаги Лавлагининг қанд, шакар тайёрлаш учун ишлатиладиган оқ ширин нави.

Лавлаги бўлиб кетмоқ ёки **лавлагиси чи-қиб кетмоқ** Уятдан ёки хароратдан юзлари-га қизиллик ёйилмоқ, қизариб кетмоқ. *Мен уялиб, қип-қизил лавлаги бўлиб кетган эдим.* М. Муҳамедов, Қақрамон изидан.

ЛАВЛАГИКОР Лавлаги экиш, лавлаги ҳосили етиштириш билан шуғулланувчи деҳқон ёки хўжалик.

ЛАВЛАГИКОРЛИК Лавлаги етиштириш иши.

ЛАВОЗИМ [

j^j-j-' керакли, зару-рий нарсалар] *кт.* Муассаса, идора, ташкилот ва ш. к. да бирор расмий хизматни бажа-риш билан боғлиқбўлган ўрин, вазифа ўрни; амал, мансаб. *Раислик лавозими. Раҳбарлик лавозими. Президентилик лавозими. тт* Бу **ва-зифа** улуғ лавозим тариқасида фақат шу ки-шига муяссар бўлган. У. Исмоилов, Сайланма.

ЛАВОЗИМСИЗ: лавозимсиз министр Баъзи мамлакатларда: махсус топшириқларни бажарувчи, [1уайян тармоққа тайинлан-маган министр.

ЛАВР [лот. laurus] *бот. айн. дафна. Барги бир оз лавр баргига, гуллари эса сирень гул-ларига ўхшаи.* «Фан ва турмуш».

2 Шу дарахтнинг барглари ва новдала-ридан қилинган ва шуҳрат, ғалаба белгиси ёки олий мукофот сифатида ғолиб киши-нинг бўйнига осиб қўйиладиган чамбар.

ЛАВСАН [р. "Лаборатория высокомолекулярных соединений Академии наук СССР" бирикмасидан ҳосил қилинган қис-қартма сўз] **1** Нефть маҳсулотини қайта ишлаш йўли билан олинадиган синтетик тола тури. *Могилёв шаҳрида йилига 50 минг тонна лавсан ишлаб чиқарадиган катта син-тетик тола комбинати қуриш режасида-ришмоқда.* Газетадан.

2 Шундай толадан тўқилган мато. *Сўнги йилларда синтетик материаллар — жун билан кимёвий толалар бирикмасидан тўқил-ган матолар, нитрон, капрон, лавсан, креп-лар ва сунъий шоҳилар урф бўлиб бармоқда.* «Саодат».

ЛАВХ [я. r-jj — ёйиқ нарса, тахта; ёзув тахтаси] *эск.* Китобни (қўлёзмани) қўйиб ўқиш учун ясалган махсус мослама. *Кичик Алишер лавҳ устига Фаридиддин Атторнинг "Мантқиқут-тайр" [Қушлар тили\ номли китобини қўйиб ўқимоқда эди.* Газетадан.

ЛАВҲА [а. 4a.jJ — тахта; устига бирор нарса ёзилган тахтача; пешлавҳа] **1** Силлиқ-ланган тош ёки металл тахта. *Оптоқ Мар-Мар лавҳа устига қўйилган сиёҳдон жуда яра-шиғлиқ эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Хотира ёки қисқача тарихий маълумот ёзиб, бирор жойга ўрнатиб қўйилган тош ёки металл тахта ва унга ёзилган матн, хат. *Қаҳрамон хотирасига ўрнатилган лавҳа. тт* Қутидор лавҳа қаришида эди. *Лавҳани ўқиб*

562

чиққандан кейин у ҳам пиқ-пиқ йиглаб юбор-ди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Воқеа, ҳодиса ва ш. к. ҳақидаги кичик асар ёки парча. *Кино лавҳа. Пахтакорлар ҳаёти ҳақида лавҳалар. тт* Хаёлимнинг олтин қайиғи Сузар экан бағринда мағрур, Жилва билан кекса тарихнинг Лавҳалари бир-бир кўринур. Уйғун. У отасининг суҳбатини севар, гражданлар урушига доир лавҳаларни севиб тинглар эди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

4 *полигр.* Китобнинг бошига, боб ва фасллари-нинг аввалига саҳифанинг эни бўйлаб солинган нақш.

5 Кўриниш, манзара. *"Тезгузар" да бўлдим. Утмиш асрларнинг харобазор, ваҳи-ма, чўл лавҳаларидан из ҳам қолмаган.* Туй-ғун, Йиллар ва кишилар. *Навоий.. ҳаётлавҳалари ва табиат манзараларини тасвир-лаида ҳам моҳир санъаткордир.* «Ватан адабиёти».

ЛАГАН \ф. — тоғора, идиш; шам-дон] **1** Куюқ таомлар солиш учун мўлжал-ланган, тарелкадан катта ясси идиш. *Мис лаган. Сопол лаган. Чинни лаган. тт Анвар ўртага дастурхон ёзиб, икки лаган манти чиқариб қўйди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 шв. Косадан катта, ичи чуқур сопол идиш; товоқ. *Бошларида қатиқ ивителиди-ган лаган.. билан ялангоёқ, кир, жулдур ки-йимли болалар шипиллаб ўтади.* М. Исмойлий, Фарғона т. о.

Ўзини лаганга солмоқ Ўз қадрини, "ба-ҳо"сини оширишга қаратилган хатти-ҳаракат, қилиқ қилмоқ. *..Хомтамалик билан ўзини лаганга сола бошлаган бу бетайин одамдан ихлоси қайтиб жўнаётган эди, Бўрибой йўли-ни тўсди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

ЛАГАНБАРДОР [лаган + ф. jlj^ - ба-ланд кўтарувчи; кўтариб, олиб борувчи] Ўз манфаати учун мансабдор олдида ўзини жуда тубан тутиб, унга хушомад қилишга тири-шадиган пасткаш одам; хушомадгўй. *"Ҳа " деса, "лаббай!" дейдиган, сўз қайтармас ла-ганбардорлари унинг [Тўқсоновнинг] парвоз қилишини таъминлайдиган қанот бўлиб кўри-надилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛАГАНБАРДОРЛАРЧА Л аганбардорлик билан, лаганбардор кишиларга хос ҳолда. *Лаганбардорларча муомала қилмоқ. тт Бош-қалар бойваччанинг гапини лаганбардорлар-ча бош қимирлатиб маъқулладилар.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

ЛАГАНБАРДОРЛИК Лаганбардорга хос хислат, хатти-ҳаракат; хушомадгўйлик. *Ра-ҳим аканинг ҳамма қилигида — намойишко-рона лаганбардорлигида, хушомадгўйлигида, ваҳималигида бир қадар майнавозчилик бор эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

ЛАГЕРЬ \нем. Lager — ўрин, жой; қарор-гоҳ; омбор] **1** Кўшиннинг аҳоли яшамайдиган ердаги вақтинча қароргоҳи. *Бу ердаги ҳаёт фронтдан мингларча километр узоқда, мамлакат ичкарасида бўлган ўша лагерь ҳаётидан ҳам осойиштароқ эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Вақтинча туриш учун қурилган жой, вақтинча қароргоҳ. *Туристлар лагери. Ачъпинистлар лагери. Қочоқлар лагери.*

3 Маҳбуслар ва ҳарбий асирлар сақла-надиган жой. *Ахлоқ тузатиши-меҳнат лагери. Ҳарбий асирлар лагери.*

4 кўчма Муайян бир маслақдаги ижти-мойи-сиёсий гуруҳ; ҳаммаслақ кишилар тўдаси. *Тинчлик тарафдорлари лагери.*

ЛАЁҚАТ \а. с'іLJ — мувофиқлик, яроқ-лилик; яхши фазилат] **1** Бирор ишга яроқ-лилик, қодирлик; қобилият. *Ўқишгалаёқат. Ишга лаёқати йўқ одам. тт Бой тоғанинг ҳамма юмушларини яхши бажаргани ва меҳ-натга лаёқатини, уқувини яққол кўрсатгани учун бой унга [Йўлчига] катта ерга чи-қиб, пахтада ишлашга буйруқ берган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. **истеъдод.** *..олимлик узиб еса бўлади-ган олма эмас. Бунга лаёқат керак..* И. Ра-ҳим, Ҳилола.

ЛАЁҚАТЛИ **1** Бирор ишга қобилияти бор. *Бу маҳалда жанг қилишга лаёқатли ёлғиз ўзи қолган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 айн. **истеъдодли.** *Лаёқатли бола.*

3 Фойдаланишга, ишлатишга ярайдиган, яроқли. *Элмурод дарахт кесиб, ботқоқликка ётқизишга буйруқ берди. Болтадан бошқа кесишга лаёқатли асбоб йўқ эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

ЛАЁҚАТСИЗ **1** Бирор ишни бажариш кўлидан келмайдиган; қобилиятсиз. *Меҳнат-га лаёқатсиз киши.*

2 айн. **истеъдодсиз.**

ЛАЗАРЕТ \фр. lazaret, итал. lazzaretto < lazzaro — мохов; дастлаб "моховлар касал-хонаси" маъносида қўлланган] Ҳарбий қисмлардаги ярадорлар ва беморларни ,вак-тинча ётқизиб даволайдиган кичкина ши-

фоҳона. *Шаҳар майдонларидан бирига — не-мислар томонидан лазаретга мослаштирил-ган мактаб биниси олдиға.. итлари билан келиб тўхтади.* Газетадан.

ЛАЗГИ Хоразмнинг шўх, жозибатор куйларидан бири ва шу куй-оҳанг бўйича ижро этиладиган рақс номи. *Бир оздан сўнг Хоразмнинг ўйноқи куйлари чалиниб, шўх лазги бошланди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЛАЗГИН 1 Доғистонда яшайдиган кавказ халқларидан бирининг номи. *Лазгин халки.*

2 Шу халққа мансуб. *Лазгин тили.*

ЛАЗГИНЛАР Доғистонда яшайдиган кавказ халқларидан бири.

ЛАЗГИНЧА 1 Лазгинларга, лазгин тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Лазгинча ки-йим. Лазгинча рақс.*

2 Лазгин тили. *Лазгинча(ш) биласизми? Лазгинча гапирмоқ.*

ЛАЗЕР \ингл. lazer <light amplification by stimulated emission of radiation (мажбурий нурланиш оқибатида ёруғликнинг кўпайи-ши, кучайиши) сўзлар бирикмасидаги бош харфларни кўшиш орқали ҳосил қилинган] Аниқ узунликдаги тўлқинга эга, жуда энсиз ва кучли тарамли нур манбаи бўлган оптик квант генератор (техника, алоқа ва тибби-ётда кенг қўлланади). *Маълум бўлишича, ўзи-ни фанга бахшида этган бу олим яримўтказ-гичлар лазерини кашф этибди.* Газетадан.

ЛАЗЗАТ [а. oJJ — тотлилик, ширинли-лик; ёқимтойлик; ҳузур-ҳаловат| 1 Нарса-ларнинг маза-таъм билиш аъзолари орқали сезиладиган хусусияти; маза, таъм. *Овқат-нинг лаззати. Анжирнинг лаззати.*

2 кўчма Ҳузур-ҳаловат ҳисси; маза, нашъа, завқ. *Меҳнат лаззати. Дунё лаззат-лари. Уйқу лаззати. Осон шида лаззат бўлмайди. шии Соҳилларни айланиб, Ўтира-миз оқшомлар. Кеч лаззатиға қониб, Роҳат-ланади танлар.* Т. Тўла. *Ахмад кўзини юмди. Бутун вужуди бўйлаб лаззат таралгандек бўади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

3 Лаззат (хотин-қизлар исми). ЛАЗЗАТЛАНМОҚ Лаззат олмоқ, лаззат ҳиссини туймоқ. *Комилнинг бундай парвосиз ўтиришини, бунинг устига, шеър ўқиб лаз-затланаётганини кўргак Бўронбекнинг оғзи очилиб қолди.* Ҳ. Гулом, Машъал.

ЛАЗЗАТЛИ 1 Мазаси (таъми) жуда яхши; ширин, тотли. *Лаззатли шўрва. Лаз-затли мева. ит Меҳмонлар лаззатли овқатларни хўп ейишиди, ичишиди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма Ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган; хузурли, нашъали, завқли. *Лаззатли ҳаёт. Лаззатли суҳбат. Лаззатли онлар. тии Бу дақиқалар унга ҳам лаззатли, ҳам азобли туюларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЛАЗЗАТСИЗ 1 Бемаза, таъмсиз. *Лаззат-сиз овқат.*

2 кўчма Ҳузур-ҳаловатсиз, завқсиз. *Лаз-затсиз турмуш.*

ЛАЗИЗ [а. Ju1) — лаззатли, тотли; нозик! 1 *кт.* Мазаси ёқимли; ширин, лаззатли. *Ула-молар эса, гўёуч кундан бери туз тотмаган-дай, лазиз овқатларга чигирткадай ёпири-либ ура бошладилар.* Ойбек, Нур қидириб.

2 кўчма Ҳузур бағишлайдиган; тотли. *Адҳамнинг аспирантурада қолиши аниқлан-гандан кейин, улар аҳду паймонлар билан тўлиб тошган лазиз оила ҳаётини бошлаб юборишиди.* Х- Зиёхонова, Биринчи мактуб.

3 Лазиз (эркаклар исми).

ЛАИН \а. ^±x\ — лаънатланган] *кт.* Лаъ-натланган, қарғиш олган; лаънати.

Шайтони лаин 1) *дин.* лаънатланган (ху-донинг даргоҳидан қувилган) шайтон. \ой, муслмонла-ар! Тарсо Авазнинг дўконига йўламанглар! Ул шайтони лаин бирла тил бириктирган. С. Сиев, Аваз; 2) кўчма ўта-кетган фирибгар, хийлагар, қаллоб. -*Сен*

шайтони лаинсан.. энди билдим, хоинлар билан ҳамтовоқ бўлгансан, — деди Абдувоҳид. Ойбек, Нур кидириб.

ЛАЙЛАК \ф. ёки а. jilil] **1** Узун

оёқли қушлар туркумига мансуб, тумшуғи ва оёғи узун, парлари ола (оқ ва қора аралаш) катта қуш. *Лайлак уяси. Лайлакнинг кетишига боқма, келишига боқ.* Мақол.

2 *махс.* Баландга юк чиқариш учун қурилган, таянчиғи ўртасида бўлган ричагга ўхшаш мослама.

Лайлак бўлмоқ *с. т.* Олди осмонга, кети ерга бўлиб қолмоқ (мас, арава ҳақида). *Тўзон босилганда қараиса, машина кузови кўта-риганча.. қияликнинг энг четида шундоқ лай-лак бўлганича, омонат туриб қолибди.* А. Мух-тор, Туғилиш. *Раззоқ сарой этагида лайлак бўлиб тиккайган аравани кўздан кечирди-да: -Кўшса бўладими? — деб сўради.* Х- Ғулом, Машғал. Лайлак варрак Ромб шаклида ясалган варрак. Лайлак қор Йирик, пилта-пилта

485_g^_

бўлиб ёғадиган қор. *Ўрик қийғоч гуллаган кунлари бирдан ҳаво совиб, лайлак қор ёғиб юборди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

ЛАЙЛАТУЛҚАДР [а. LAIMILA - кадр кечаси] *дин.* Рамазон ойининг муқаддас саналувчи йигирма еттинчи тун. *Рамазон ойи-нинг 27-кечаси "лайлатулқадр", яъни "кадр кечаси" саналар эди.* Т. Қори-Ниёзий, Ҳаёт мактаби.

ЛАЙНЕР \ингл. liner < line — чизик, йўл] **1** Муайян бир йўлдан қатнаб, юк ёки йўловчи ташийдиган катта тезюрар кема.

2 Узоқ масофага маълум йўналишда катта тезликда учувчи кўп ўринли йўловчи самолёти. *Қудратли лайнеримиз мовий осмон бағрида сокинучиб кетмоқда.* В. Зоҳидов, Сени соғиниб.

Ҳаво лайнери *айн.* лайнер **2.** *Бундан фақат бир неча соат илгари парвоз қилган кумушсимон ҳаво лайнери ерга қўнди.* Газетадан.

ЛАЙЧА **1** Кичкина, ихчам пастак уй ити. *Булардан таиқари, фақат уйнинг зийнати учун боқиладиган.. битта лайча кучук.. битта бароқ мушук.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 *кўчма салб.* Бировнинг ҳар қандай топ-шириғини кўр-кўрона сўзсиз бажаришга тайёр киши; югурдак, малай. *Хўжайиннинг лайчаси-ку, бурнини бир қарич кўтарганига ҳайронмиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛАК \ф. — юз минг < ҳинд.] *эск.* Юз минг. *Ғози Абдулкарим подшо Араб вилоятида.. худо йўлида жанг қилувчи икки лак ас-кар пайдо қилди..* С. Айний, Дохунда.

ЛАКАЛОВ *с. т.* Лақма, меров; ландавур. *Лакалов одам. тии* Аввалига мен ҳам лакалов, шонмасдан лақиллар эдим. М. Али.

ЛАК-ЛАК Юз мингларча, беадад, кўп, сон-саноксиз, беҳисоб. *Лак-лак одам. Лак-лак пул. тии* Сен лак-лак қўшинга саркарда бўла-диган бўлимли йигитсан. Ойбек, Навоий.

ЛАКЛУК *с. т. айн.* тилча **2.**

ЛАКМУС [голл. lakmoes — бўёқтомчиси, сачраши] *ким.* Баъзи ўсимликлардан олина-диган бўёвчи модда; сувдаги эритмаси кис-лотада қизил, ишқорда кўк тусга киради.

Лакмус қоғоз Лакмус эритмаси шимди-рилган қоғоз (кислота ва ишқорни аниқлаш учун ишлатилади).

ЛАКОТ [ф. сл]SA — яроқсиз, бузилган]: лакот бўлмоқ *кам қўлл.* Бўшашмоқ, ланж бўлмоқ.

ЛАКГАЦИЯ [лот. lactatio < lactare - тар-кибида сут бўлмоқ; сут бермоқ; эмизмоқ] Аёлларда ва сутэмизувчи ҳайвонларда туғ-руқдан кейинги даврда сут ҳосил бўлиши, йиғилиши ва даврий равишда ажралиб чиқиши.

ЛАЛЛАЙГАН **1** Лаллаймоқ фл. сфдш.

2 Жуда бўш, уддаси йўк; ношуд, бўшаш-ган. "Сен бировни алдамасанг, бошқалар сени алдайди.. " деб ўйларди Азиза лаллайган бу йигитни кўриб. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Эй, лаллайган, лапашанг, гўл! Оғзингга чайнаб соламанми сенинг/Н. Сафа-ров, Ҳаёт мактаби.

ЛАЛЛАЙМОҚ Бўшашмоқ, шалвира-моқ; анқаймоқ. *Лаллаймай ўл! Бўлғуси куёв ҳам шунақа бўладими?! Мирмуҳсин, Меъ-мор. Амманнинг бузогидай лаллайиб турмай, чиқиб қарасанг ўласанми!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛАЛМИ 1 Суғорилмайдиган, сувсиз, ёгиндан сув ичадиган; баҳори (ер ёки ғалла ҳақида). *Турбат қишлоғининг кўп ерлари еуе-ст бўлиб, аҳолиси лалми бугдой экар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Ли-ми даиштга йўл олдим.* Т. Мурод, От кишна-ган оқшом.

2 кўчма шв. Курук. *Мен катталар хўжа кўрсинга лалми дўқ уриб кетди, дея ўйладим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Кўп лалми дўқ қилаверма..* М. Ҳазраткулов, Журъат. *Бе-корга ҳам халқда, лалмига ҳатто қиз берма, деган гап юрмайди.* Н. Қобил, Унутилган со-ҳиллар.

ЛАЛМИКОР 1 Ёгин сувидан фойдала-ниб деҳқончилик қилинадиган; ёгин суви билан унадиган, суғорилмайдиган. *Уерлал-микор ҳамда у тепага на машина, на комбайн чиқа олар, ерни қўшида ҳайдаб, донни ҳам хўкизлар тўғида янчиб олишарди.* Ш. Холмир-заев, Оғир тош кўчса.

2 Лалми экинлар экиш билан шуғулла-нувчи деҳқон. *Лалмикорлар мўл бугдой ҳосили олдилар.*

ЛАЛМИКОРЛИК 1 Лалми экинлар эки-ладиган ерлар.

2 Лалми экинлар экиш иши.

ЛАМА I [исп. lama < индейс тшъширидан] зоол. Жанубий Америкада яшайдиган ўрқач-сиз кичикроқ туя (хонакилаштирилган ла-мадан юк ташишда, гўшт ва қимматбаҳо жун олишда фойдаланилади).

ЛАМА II [тибетча — олий, энг юқори] Тибет ва Мўғулистонда будда дини руҳонийси.

ЛАМАИЗМ Буддавийлик (будда дини)-нинг Тибет ва Мўғулистонда, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда яшайдиган аҳоли ўртасида тарқалган бир кўриниши.

ЛАМБАДА \порт. lambada — таёқ зар-би, зарбаси] Оёқ ва белни алоҳида, ҳиссий ҳаракатлантириб, жуфт-жуфт бўлиб ўйна-ладиган бразилча рақс тури.

ЛАМИНАЦИЯ \лот. lamina — металл, ёғоч ва б. дан қилинган лавҳа, тахта, варақ] Қоғоз, картон, фанер, тахтадан ясалган буюмлар сиртига юқори ҳарорат остида шаффоф полимер парда қоплаш йўли би-лан жило бериш (буюмнинг ташқи кўринишини яхшилайти ва узок вақт эскирмай, бузилмай сакланишини таъминлайди).

ЛАМПА I \фр. lampe < юн. lampos — машъ-ала; ёритқич; чирок] Ёритиш учун ишлати-ладиган, ёнаётган (пиликли) қисмини ўзига хос шаклдаги шиша қоплаб турадиган асбоб; чирок. *Электр лампа. тт Раъно айвон лабида қўлини керосинга булғаб, лампа ёқши ҳарака-тида эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. *Ўрта-даги тахта полли айвонга осма лампа осиб қўйилибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

Лампа ёғ(и) эск. с.т. айн. керосин.

ЛАМПА II Ганч ёки алебастр сувоқ қилинган шип.

ЛАМПАМОЙ айн. лампа ёғ(и); керосин қ. лампа. *Чироқни ўчирмай кетибман.. лампа-мой исроф бўлади.* Ҳ. Ғулом, Машъал.

ЛАМПОЧКА [р. лампочка — кичик лам-па] Электр токи билан нур тарқатадиган, атрофи шарсимон, ноксимон ва бошқача шаклли шишадан иборат ёритиш асбоби; электр чирок. *Шербек қоронги бог кўчадан ўтиб, ҳар жой-ҳар жойда симёгочларда электр лампочкалар қизариб турган кенг.. кўчага етганида, таниш ҳамқишлоқларига дуч келди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛАНГ I [ф. *Sii* — чўлоқ] кам қўлл. Чўлоқ, оқсоқ. *Иш деганда, икки қўл, икки оёғи ланг экан.* «Муштум».

ЛАНГ II: ланг очиқ Кенг (катта) очиқ. *Қизлар етаклашиб, ланг очиқ дарвозадан тўғри кириб бордилар.* А. Мухтор, Опа-син-гиллар. Ланг очмоқ Кенг, катта очмоқ. *..кўча зишкни ланг очганча, катта йўл томон ўқдек учиб кетди.* С. Аҳмад, Уфк.

ЛАНГАР I [ф. I] Кемани ва б. сузиб юрувчи воситаларни сув юзида маълум бир жойда тўхтатиб, ушлаб туриш учун занжир-га бириктириб, сув остига ташланадиган оғир темир чангак. *Кема кўм-кўк сувлари чайқалиб турган қўлтиққа лангар ташлади.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

ЛАНГАР II [ф. *ЛА* - дорбозлар ходаси] Дорда мувозанатни саклаш учун дорбоз қўлда тутадиган йўғонроқ узун таёқ; лан-гарчўп. *Дорбоз узун лангарини ушлаб, арқондан юқорига ўрмалаб бормоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЛАНДАВУР Ҳеч бир ишни уддалай ол-майдиган; бўшанг, лапашанг, ношуд. *Бунчалик журъатсизсан деб ўйламасдим.. Узинг-ни қўлга ол, ландавур!* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

ЛАНДАҲУР [ф. *ЛЛ-ААЛ* - бекорчи, ишёқ-мас, танбал] эск. кт. айн. ландавур. *Лаванду ландаҳуру соддаю ношуд анойингман.* Муқи-мий.

ЛАНДИШ [р. *ландь* IШ < юн. *ladanon* < а. *^Jv* — хушбўй смола] бот. Япроклари бар-гизуб барги сингари чўзик, кўнғирокчаси-мон майда оппоқ хушбўй гулли ўсимлик, бута; марваридгул.

ЛАНДШАФТ [нем. *Landschaft* - ўлка, мамлакат; манзара, кўриниш] геогр. Кўриниши, рельефи, иқлими, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, гидрологик режими ва б. ларнинг бир хиллиги билан ажралиб тура-диган ва табиий чегарага эга бўлган ҳудуд, жой. *Устюртда табиий чўл ландшафтлари-ни тиклаш ва геоботаник тадқиқотларни янада муфассалроқ давом эттириши керак.* «Фан ва турмуш».

ЛАНЖ 1 Тоби айниган, бўшашган; ло-ҳас. *Ланж бўлмоқ. Ланж қилмоқ (этмоқ).* Ўзимни ланж сездим. *тт* Мингбошининг маши мени анча ланж қилди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Тумов, грипн бWwH оғриганда, уму-ман, киши ўзини ланж сезса, одашан, қоқирим истеъмол этилади.* Газетадан.

2 Ортиқ дам еб, тобидан ўтган ёки суви кўплигидан узоқ қайнаб бўшашган; дами ўтган, бўш. *Қаёқда қолдинглар? Ош ланж бўлиб кетди-ку.* С. Аҳмад, Хукм.

3 кўчма Аниқ ва қатъий фикр билдира олмайдиган; фикридан қайтиб, айниб турадиган; мижғов. *Уўзи ланж одам эди. тт* Бригадирнинг ўзи ҳамон ланж-у, бригада

⁵⁶⁷

абзолари виждон азобида. Н. Сафаров, Мардлар майдонда. [Мулладўст:] *Тайёр ошга баковул бўлмай ўл! Пок бўлмаса, бу-зиб кўювдинг-ку, ланж.* Ҳамза, Майсара-нинг иши.

4 кўчма На у ёқли эмас, на бу ёқли эмас; ноаниқ, мужмал. *Ланж жавоб. Ланж ҳаво. тт* -Ўқишларини тамомлашаверсин-чи, бир гап бўлар, — деб ланжроқ жавоб қайтарган эди Тўлават. С. Анорбоев, Оқсой. *Ҳасанов "ўзингиз биласиз", дегандек ланжроқ гап қил-ди.* И. Раҳим, Ихлос.

ЛАНЖЛИК Ланж ҳолат, ланж эканлик. *Паловнинг ланжлиги. тт* Қадоқчи Ҳамроқулнинг тоби қочди.. *кеча эрталаб ҳам ланжли-ги бор эди.* А. Каҳхрр, Томошабоғ. *Кўрага этиб келганида, баданидаги ланжшик кучай-ди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Раҳим Саидов шуларни ўйлаб, баъзан ўзини ланжликда айб-ларди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

ЛАНКА [хит.] 1 Орқасига оғир металл парчаси, танга, чақа ва ш. к. ёпиштирилган узун-узун жунли тери парчасидан иборат, тепиб ўйналадиган болалар ўйини. *Ланка ясамоқ.*

2 Шу ўйиннинг ўзи. *Ланкаўйнамоқ. Лан-ка тепмоқ.*

ЛАНТАН [лот. lanthanum < юн. lanthano — беркинмоқ, яширинмоқ] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; юмшоқ, кумушсимон ок нодир-ер металлдан бири.

ЛАНЦЕТ [нем. Lanzette < лот. lancea — найза] тиб. Учи ва икки томони ўткир, дастали тиғи ёйсимон пичоқча (жарроқлик пи-чоқчаси); ништар.

ЛАНҒИЛЛАМОҚ Ялғилғаниб, қип-қизил алангаланиб ёнмоқ; алангаланмоқ. *Ўчоқда ўт лангиллаб турарди. Гулхан лан-гиллаб ёнар эди. ти Низомжон.. иссиққина ҳужрада, лангиллаб ёнаётган печь олдида ўтирибди. С. Ахмад, Уфқ. Абдумажид.. лангиллаётган гулханни кўрсатди. Ш. Холмирза-ев, Сайланма.*

ЛАПАНГЛАМОҚ У ёққа, бу ёққа таш-ланмоқ, чайқалмоқ, оғмоқ. *Шу пайт йўгон, семиз гавдаси лапанглаб, эркаклардек гурс-гурс қадам босиб, даҳлизга кирган Собира опа кўринди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. У кабина эшигига осилди, машина лапанглаб, силтаниб, йўлга қайрилди. С. Зуннунова, Одамлар орасида.*

ЛАПАНГ-ЛАПАНГ тақл. с. У ёқ-бу ёққа оғир, бесўнақай чайқалган ҳаракатни билдиради.

Лапанг-лапанг қилмоқ айн. лапанғламоқ.

ЛАПАР Тўй ва йиғинларда, халқ сайил-ларида йигитлар билан қизлар орасида тарафма-тараф бўлиб айтиладиган терма қўшиқ; шунингдек, биргаликда ижро этиладиган қўшиқ ва рақс. *Анорхон билан Ҳай-дар.. ҳовуз бўйидаги гулхонага иккита стул қўйишиб олиб, лапар айтишмоқда. И. Рахим, Ихлос. Муниранинг кутилмаганда лапар ай-тиши эркакларни доводиратиб қўйди! Э. Ус-монов, Ёлқин.*

ЛАПАРЧИ Лапар айтувчи, лапар айтиш-га уста киши. *Ҳар бир байтдан кейин меҳмон-лар қийқириб, қарсак чалишиди. Лапарчи ку-либ-кулиб, сийлаб-сийлаб, гоҳо "омбур" би-лан ўйиб-ўйиб оларди. С. Нуров, Нарвон.*

ЛАПАШАНГ Бирор ишни эплай олмай-диган, бўшашган, шалвираган; ландавур. *У вақтда бошқача эди-ку: усти-боши мойга беланган, лапашангроқ бола кўринган эди. Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.*

ЛАПАШАНГЛИК Бўшашиб уддалай олмаслик, эпсизлик. *Бу лапашанглигимиз учун раҳнамоларимиз бизни афв этурларми? Ҳ. Ғулом, Машғал.*

ЛАППАК шв. Ялпоқ, ясси. *Полвон.. учин-чи дафъа келтирган тошлар ичидан лаппак, етти-саккиз қадоқ келадиган бир тошни танлаб олди-да, яхишлаб артишга ва бир томонини йўнишга буюрди. А. Қаххрр, Кўр кўзнинг очилиши. Шолгомни лаппак-лаппик қилиб, картошкани тўгарак қилиб тўгранг. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

ЛАППОС с. т. Тўладан келган; кўпол. *Зай-наб лаппос ва ўнта сўзга аранг битта жа-воб қайтарадиган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

ЛАРЁК \р. "ларь" с. кичр. < швед. larr — қути, яшиқ] Савдо дўкончаси. *Китоб ларёги. Газлама ларёги.*

ЛАРЗА [ф. **ЛРЗ** - титраш; титроқ, қал-тироқ] **1** Кучли таъсир натижасида юз берадиган қаттиқ титраш, қаттиқ силкениш; титроқ. *Тўхтовсиз ва қаттиқ отишмалардан еру осмон ларзада. ти Муруватли, сахий, дилкаш, дилбар ер, Гумбуллаб силкиндинг, бағрингда ларза. Ғ. Ғулом.*

2 кўчма Қаттиқ безовталиқ, безовта қи-лувчи нарса, ҳолат. *Самарқандда Бобурни*

⁵⁶⁸

тилдан қолдирган касаллик — зоят кучли бир руҳий ларзанинг оқибати эди. П. Қодиров. Юлдузли тунлар.

Ларзага солмоқ (ёки **келтирмоқ**^ **1**) қат-тиқ силкитмоқ, титратмоқ. *Танклар ерни ларзага солиб яқинлашмоқда эди. О. Ёқубов, Излайман. Тогнинг ҳар бурчаги ва ёнбағри-дан акс садо келиб, дарани ларзага келтир-ди. С. Айний, Дохунда; 2) қаттиқ безовта қилмоқ, нотинч ҳолатга солмоқ. Кўплар-нинг хаёли дунёни ларзага солган*

темуришлар салтанатининг буюк тождорига қарши, ўз ўлимини билгани ҳолда тиз кўтарган кимса-да эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Бу даҳшат Абдуллани қаттиқ ларзага солди. Ҳ. Шамс, Душман.

ЛАРЗОН [ф. *l'arzon* — титровчи, қалти-ровчи; ҳаяжонли] Оғирлигидан осилиб, лопиллаб, тебраниб турган ҳолатли. Қалин қорнинг вазминлигидан олма, ўрик, жийда шохлари ларзон. А. Муҳиддин ва Ҳ. Тожибо-ев, Оташ қалбли қиз. ..Қаҳрабо узумлари ишқомларда ларзон бўлиб турган боғни ай-ланишди. О. Мухтор, Бухоролик бир йигит.

ЛАРИ Грузия Республикасининг асосий пул бирлиги (1995 йилдан).

ЛАРИНГИТ \лот. *laryngitis* < юн. *larynx, laryngos* — \иқилдоқ\ тиб. Ҳиқилдоқ шиллиқ пардасининг тумов, грипп ва б. шу каби ка-салликлар оқибатида яллиғланиши.

ЛАРИНГОЛОГ Ларингология мутахас-сиси, врач.

ЛАРИНГОЛОГИЯ \юн. *larynx, laryngos* -ҳиқилдоқ + *logos* — билим, тушунча] Тиб-биётнинг ҳиқилдоқ анатомияси, физиоло-гияси ва касалликларини, шунингдек, ди-агностикаси, даволаш ва олдини олиш усул-ларини ўрганувчи бўлими.

ЛАРИНГОСКОПИЯ [юн. *larynx, laryngos* — ҳиқилдоқ + *skopeo* — қарайман, кузата-ман] Ҳиқилдоқни махсус асбоб (ларинго-скоп) ёрдамида оғиз бўшлиғи орқали тек-шириш усули.

ЛАС \ф. — тозаланмаган паст нав-ли ипак] Читга нисбатан зич тўқилган, сирти силлиқ ип газлама; сатин. Кўрпалик лас. *тт* Ундан [тугундан] қора ласдан ти-килган махорка халта чикди. М. Муҳаме-дов, Қаҳрамон изидан. Қора лас тўн ки-йиб, белини атлас белбоғ билан боғлаган, оёғида кирза этик. А. Ибодинов, "Лато-фат" дўконидаги қатл.

ЛАТ I [ф. *lat* — зарар, зиён; калтак зар-би; тарсаки, шапалоқ!: лат емоқ 1 Йики-лиш ёки бошқа таъсирлардан шикастлан-моқ (эти узилмоқ, кўкармоқ, шишмоқ ва ш. к.)-Оғир юк кўтариб, белим лат еди. *тт* Шербек лат еган чап қўлига тегишига ўзи ҳам безиллар эди. С. Анорбоев, Оқсой.

2 Зарарланмоқ, шикастланмоқ (син-моқ, учмоқ, пачақ бўлмоқ ва ш. к.)- Бўронда лат еган томлар, тахта деворлар ремонт қилинди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. \Ҳай-дарбой] Жўмраги ёки қорнидан лат еб чега-латилган кўримсиз чойнакларга чой дамлай-ди. П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛАТ II Латвия Республикасининг асосий пул бирлиги (1993 йилдан).

ЛАТИН қ. лотин.

ЛАТИФ \ а. *لطف* — илтифотли, хушмуо-мала; юмшоқ, мулойим; ёқимли] 1 Гўзал, чиройли ва нозик. Латиф лаб. *тт* \Қиз] Оқ қўллари билан латиф бурнининг ўнг томони-да, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ёқимли, майин, нозик. Гулнинг латиф ҳиди. Латиф тонг ели. *ти* Отабек табиат-нинг шу кўркам ва латиф кўринишига маф-тун бўлиб, узоқ тин олиб қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Жозибали ва ёқимли. Муниснинглатиф ва жозибали шеърлари халқ орасида кенг ёйилган. Газетадан.

4 Латиф (эркаклар исми). **ЛАТИФА** [а. *latifa* — назокат, нозиклик;

оқилона сўз; анекдот] 1 Кулгили воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик ҳикоя. Бир оз чарча-гандан сўнг ўтириб, турли латифалар.. қизик-қизик ҳикояларни эсладик. О. Ёқубов, Янги йил кечасида. Тошкентлик машҳур бой-нинг хасислиги ҳақида ҳали ҳеч кимнинг қуло-ғига чалинмаган латифалар суҳбатга ранг бериб турар эди. Ойбек, Танланган асарлар.

Афанди латифалари Афсонавий халқ қаҳрамони Хўжа Насриддин афандининг саргузаштлари билан боғлаб, халқ томони-дан яратилган қисқа-қисқа кулгили лавҳа-

лар, ҳикоялар. *Насриддин афанди латифа-ларидан зоят қизиқларини кетма-кет айтади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Латифа (хотин-қизлар исми).

ЛАТИФАБОЗ \а. + ф. **جكفاتي** - латифа (айтиш)ни яхши кўрувчи] *айн. латифачи.*

ЛАТИФАБОЗЛИК Латифа айтиш. *Кул-гили ўйинлар қизиқчилик, аския, латифа-бозлик билан бир қаторда, меҳнаткаш халқ оммасининг қувноқ, оптимистик руҳини ифодалайди.* М. Қодиров, Халқ рақслари ҳақида.

ЛАТИФАГҶЙ \а. + ф. **اتيفاي** - лати-фа айтувчи] *айн. латифачи.*

ЛАТИФАГҶЙЛИК *айн. латифабозлик.*

ЛАТИФАЧИ Латифа айтувчи, латифалар ижод этувчи, латифага уста одам; латифагўй. *Мавлоно Абулвоси деган машхур ҳажвчи — латифачининг сўз ва ҳаракатлари ҳаммининг ичагини узди.* Ойбек, Навоий. *Латифачи ош-намизни меҳмон қилишувчун товуқ гўшти, анор сотиболдик.* М. Салом, Кечирим.

ЛАТИШ 1 Латвия Республикасининг асосий ахрлисини ташкил этувчи халқнинг номи. *Латиш халқи.*

2 Шу халққа тегишли, оид. *Латиш тили.*

ЛАТИШЛАР Латвия Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

ЛАТИШЧА 1 Латишларга, латиш тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Латишча рақс.*

2 Латиш тили. *Сиз латишча(ни) биласиз-ми? Латишча гапирмоқ.*

ЛАТОФАТ \а. **لوفات** — мулойимлик, ла-тифлик; хушмуомалалик; жозибадорлик] **1** Латиф кўриниш, чирой; латифлик, нозик-лик, гўзаллик. *Бир қиз бўлса, шунчаик бўларда! Ана латофат, ана назокат! Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Нарса, ҳодиса, манзара ва ш. к. нинг нозик ҳис уйғотувчи гўзаллиги, ёқимлили-ги. *Кўришгунча хайр, соҳиллар! Хайр, шимол латофатлари! С. Акбарий. Богнинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат: ариқларда сув ку-мушанади, майсалардан уқа тутган ҳовуз сув билан эмас, нур билан тўлган каби жи-мир-жимир мавжланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Латофат (хотин-қизлар исми). **ЛАТОФАТЛИ** Латофатга эга; ёқимли, латиф. *Кўзим нури, латофатли на хуш озода жононсан. Ҳабибий. Турғун унингҳусини зим-дан шомоша қиларди. Ўша кунини Саодат бу-рунғидан ҳам латофатли кўринди унга.* О. Ёкубов, Тоғ кизи.

ЛАТТА [ф. **lata** — мато парчаси, лахтак мато; ошхона сочиғи] **1** Чит буюмларнинг парчаси; ишлатилган, эски-туски матолар. *Катта-кичик хитой вазаларни латта билан яхшилаб артди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Икки қадам борди-ю, латтага ўралган бир нимани \Самандарнинг\ қўлига берди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 с. т. Умуман, ип газлама, ундан тикилган нарсалар. *Янги ёр топганда, дўстлар, эс-кидан кечмоқ керак, Эскини ўлган санаб, латта кафан бичмоқ керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нима қиласан латтани? Йўқот! -Келиннингиз хурсанд бўлсин, деган эдим-да!* А. Қаҳҳор, Оғриқтишлар.

Латта жинниси Газлама, мато ва улар-дан тикилган нарсаларга ўч шахсга (асосан, аёлларга) нисбатан қўлланадиган ибора. *-Латта жинниси! — деб бақирди Бўтабой, бутун аламини хотинидан олиб, — латта-нинг учини кўрсатса, ўзининг томдан ташлайсан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Латта ҳиди келади** Бирор ёқимсиз гап-сўз, хатги-ҳаракат кабиларга нисбатан қўлланув-чи ибора. *Гапларингдан латта ҳиди келади.* **иш** Бу қилингиздан латта ҳиди келади-ку. Уйғун, Навбахор.

3 ив. Ипак мато. *Хитойи латта. Лат-та рўмол. тт \ Кумушининг\ Паранжиси қўлида, қора атлас қўйлак эғнида, зангор лат-та мурсак устида.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 кўчма дагл. Ўтакетган бўш, ношуд; шалвираган. Эркакнинг зугми бўлмаса, хотинлар уни латта дейди. С. Юнусов, Осон иш-нинг охи бор. Алимардонни учратганидан ке-йин бwиди: Анвар бўшанг экан, латта экан. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

ЛАТТА-ЛУТТА *ait.* латга-путга. Дарахт-ларга боғланган ҳар хил латта-лутталар баъзан эсган кечки шабадада тебранар ва мо-зорга қўрқинчи тус багишларди. С. Зуннуно-ва, Гулхан.

ЛАТТА-ПУТТА Эски-туски латгалар; шуларнинг бўлакларидан қилинган эски-туски буюмлар. Иккинчи супада бўлса.. бир тўда латта-путталар орасида кулала бўлиб, ҳикоямизнинг қаҳрамони Мамажон ётар экан. Ғ. Гулом, Тирилган мурда.

2 с. т. Газлама ва улардан қилинган бисот буюмлар. Кўримсиз уй у ёқда турсин, баъзи одамлар латта-путтасидан ҳам ажралиш-ни истамайдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. ..сизнинг назарингизда ҳамма хотин-лар латта-путта бандатри, шундайми? Т. Жалолов, Олтин қафас.

ЛАТТАФУРУШ \ф. oijjJiAlI - латта олиб сотувчи| Эски-туски кийим-кечаклар олиб сотувчи киши; эскифуруш, эскичи.

ЛАТТАЧАЙНАР Гапининг тутуриғи йўқ; бир гапни хадеб такрорлай берадиган; гап-дан нарига ўтмайдиган; мижғов, эзма. Мана шундай латтачайнар одамни кўрса, Назар ота гиппа бўғилади-ю, кўзи тиниб, оғзидан нима чиққанини билмай қолади. С. Ахмад, Қадрдон далалар. Инжиқ, латтачайнар одамларни жиним суймайди. М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЛАТУНЬ \нем. Latun — тахталанган мис] қ. жез.

ЛАТЧА \р. "ласка" с. нинг бузилган та-лаффузи] Сувсарлар оиласига мансуб, та-наси ингичка чўзиқ ва ўта серҳаркат йирт-қич сутэмизувчи ҳайвон.

ЛАУРЕАТ \лот. laureatus — (лавр баргла-ридан қилинган) чамбар тақилган] Фан, санъат ва ш. к. соҳаларда кўрсатган жуда кат-та хизматлари учун юксак (давлат ёки халқ-аро) мукофотга сазовор бўлган ёки бадий кўрик-танловлар, фестиваллар ғолиби бўлиб, махсус мукофот олган киши. Тинч-лик мукофоти лауреати. Халқаро ёшлар фести-вали лауреати. **ти** Лауреатни сўраб ке-лар қари-ёш. Маслаҳат-ла келар қошига. С. Акбарий.

ЛАФЕТ [нем. Lafette < фр. L'affut] Тўп, замбарак стволи ўрнатилган дастгоҳ; зам-баракнинг шоти ва ғилдираклардан иборат ост қисми.

ЛАФЗ \а. JIJ — талаффуз; сўз, ибора] 1 кт. Сўз, калима; тил. Бирдан эрининг шошил-май, очик чеҳра, ширин лафз билан кириб келгани Ойша холага нашъа қилиб кетди. Ш. Тошматов, Эрк куши. Буларнинг лафзига қулоқ солиб турган Лолахон ўзини тутолмай отилади. У. Исмоилов, Сайланма.

Лафзи тез Оғзига келган сўзни қайтар-майдиган, салга жажли чиқиб гапириб юбо-раверадиган. Кумушингизнинг феъли-автори ўзимга маълум: эрка ўсган, лафзи тез. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Берилган ваъда, аҳд, сўз. Ҳозир Нодирнинг юрагида номус ўти, йигитлик лаф-зи, ориятидан кўра худбинлик, ўжарлик ус-тун турарди. Ш. Гуломов, Ёрқин уфқлар. Пахтакорнинг одатича шундай: сўз бердинг-ми, лафзингда тур!W. Шермухамедов, Пис-кентлик пахлавон.

Лафзи йўқ Сўзида, аҳдида турмайдиган, ваъдасини бажармайдиган. **Лафзи ҳалол** Чин сўзли, аҳдида турадиган, ваъдасининг усти-дан чиқадиган. **Лафзи ҳалол, қуролдош дўстлар Уринлайди аҳду паймонни.** Ё. Мирзо. **Лафзини ютмоқ ёки лафздан қайтмоқ** Аҳди-дан қайтмоқ, айтган гапи, берган ваъдаси-дан тонмоқ.

ЛАФЗАН \а. i u . n I — сўзда, сўз билан, сўзма-сўз] кт. Сўз орқали, сўзда ифодалан-ган; ошқора айтилган. Унинг | Отабекнинг] шу йўсин мулоҳаза ва фикрлари мажлисга чу-валган ипнинг учини топиб бергандек бўлиб, лафзан бўлмаса ҳам, маънан уларнинг таҳ-син ва олқишларини олди. А. Қодирий, Утган кунлар.

ЛАФЗСИЗ Лафзида, сўзида турмайдиган, суббутсиз. *Лафзсиз одам.*

ЛАФЗСИЗЛИК Сўзида, лафзида турмас-лик; суббутсизлик. *Бизнинг оиладан лафзсиз-лик чиқиши менга маъқул кўринмайди.* А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

ЛАХТА [ф. ***Оa I** — қуюлиб қолган, юма-лоқланган нарса]: **лахта қон** Ивиб қолган қон парчаси. *Илоё, оғзингдан лахта қонинг келгурлар, уни ҳам "сен асир бўлдинг", деб олиб кетишди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Уникўриб, ёвуз душман лахта қон ютар.* Туйғун, Шеър-лар, пьесалар.

ЛАХТАК [ф. **■<--!** - бўлак, парча] Газ-лама, тери ва ш. к. нинг бўлаги, парчаси. *Фотима опа.. оқ халтадаги қийқиндилар орасидан рўмолчадек лахтакни олиб, қизига берди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Улар ки-чик, лахтак ерлар-ку?..* Мирмуҳсин, Қизил дурралар.

ЛАХЧА: **лахча чўғ** (ёки **ўт, олов**) Қиза-риб, яллиғланиб, ловуллаб турган чўғ, ўт. *Гул киприги оппоқ Бир дуру еадафдек, Лола-лар кизарди Бир лахча оловдек.* Ҳ. Олимжон. {*Фофир:*} *Нечук ўртанган, лахча чўғбўлиб ён-ган юрагимни тирнайсиз? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Ўйласам, юракда ёнар лахча ўт.* Ғайратий.

ЛАЧАК шв. Хотинлар (кўпинча кекса аёллар) бошга ўрайдиган оқдока ёки сурп; дакана. *Мақбаранинг панасида бошига оқ лачак ёпинган аёл киши кўринди-ю, зойиб бўлди.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб. *Бош-ларига катта-катта лачак ўраган келин-чақлар сирға, мунчоқлар билан безанганлар.* Ойбек, Болалик.

ЛАЧАКЛИК Лачак бўладиган, лачак қилишга мўлжалланган мато. *Энабувининг хаёли аллақаяқларга бориб келди. Пилта са-ватдан тортиб эри марҳум Шониёзгача, ипи-дан тортиб лачаклик бир ярим қарич дока-гача.. ўйлай-ўйлай, мадорсиз кўзлари толди вауйқуга кетди.* Ғ. Ғулом, Соялар.

ЛАШКАР [ф. *j<.,?*, **I** — кўшин, армия] эск. *ҳарб.* Давлатнинг қуролли кучлари мажмуи ёки унинг бир қисми; кўшин, армия. *Бу-тун лашкар ва сипоҳилар исён тугини кўта-риб, ҳузурингизга келди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

Лашкар тортмоқ Кўшин билан ҳужумга бормоқ. *У Аҳмаднагар устига лашкар тор-тиб боради..* С. Кароматов, Олтин кум. **Халқ лашкари** Халқдан кўнгилли суратда тузил-ган ёрдамчи кўшин. *Морозов ротаси халқ лашкарлари ковлаб қўйган окопларга икки взводни жойлаб, қолган взвод билан танкка қарши мудофаа чораларини кўра бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЛАШКАРБОШИ Кўшин ёки унинг еп-рор қисмининг кўмондони; ҳарбий бошлиқ, саркарда. *Боги майдонда фавқулодда бир ҳоди-са бўлаётганини сезган лашкарбошилар ва аъёнлар.. икки-учтадан бўлиб айланиб юри-шар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

ЛАШКАРГОҲ [ф. **ь**] **LiA** - лашкар ту-радиган жой; ҳарбий қароргоҳ] *кт.* Лаш-кар келиб кўнадиган жой, ҳарбий қарор-гоҳ, лагерь. *Бу кеча лашкаргоҳда иш қам-нади.* Ойбек, Навоий. *Темур Малик қиличи-ни ялангочлаб, лашкаргоҳ ўршасидаги ипак чодир томон йўл олди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

ЛАШ-ЛУШ 1 *с.т.* Ҳар хил майда-чуйда нарсалар. {*Мен*} *Лаи-лушларимни кўтариб, Мадалихон мадрасасидан бир ҳужра олиб, шун-да тура бошладим.* М. Муҳаммаджонов, Тур-муш уринишлари. *Чол қовоғи солиқҳолдалаш-лушларини аравадан олди.* Ойбек, Болалик.

2 с. т. Сўйилган қўй ёки молнинг калла-почалари, ичак-човоқлари ва ш. к.

ЛАЪЛ {*а.* **ЛтЛ** — қизил рангли тош; ёқут} **1** Қизил қимматбаҳо тош; қизил ёқут. *Тошкент ва Самарқандда қадимги замон-ларда.. феруза, лаъл ва бошқа тошлар со-тиладиган бозорлар бўлган.* Газетадан. *Лаъл эса ёқутга нисбатан юмалоқроқ, қизил, тиниқ ва равшан жавоҳир турар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 айт. **лаъли лаб;** қ. **лаъли 1.** *Телба кўнглум ёр зулфи шоридан айрилмагай, Жони зорим лаълининг гуфторидан айрилмагай.* Аваз Утар.

ЛАЪЛИ \а. + ф. (J-LJJ — лаъл билан беа-тилган, лаълдан қилинган; лаъл сингари; қип-қизил] **1 шв.** Патнис. *Бойнинг буйруги дарров ижро қилинди, кўк чой дамланган чой-наклар, лаъли ва пиёлалар.. олиб келиб қўйил-ди.* С. Айний, Қуллар. \Азизхон\ *Ясаган обдас-та, қумгон, лаълларга солинган кунгура ва қуйма нақиллар кишини ўзига ром қилиб қўяр-ди.* Н. Сафаров, Наврўз.

Лаъли лаб Лаъл сингари қизил, қирми-зи, гўзал лаб. -*Сизга Ҳаёт бўлса!.. — деди жувон, попукли кўқарга шоҳи рўмолчасини лаъли лаблари орасида ярқираб турган садаф тишлари билан қирчиб.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Лаъли (хотин-қизлар исми).

ЛАЪНАТ \а. ,у, т I — лаънат; қарғиш| **1** Кечириб бўлмайдиган айби, хатти-ҳаракати, оғир жинояти учун билдирилган қат-тиқ қарғиш, шундай мазмунда айтилган гап-сўзлар. *Раҳмат олган омондир, Лаънат олган ёмондир.* Мақол. ■■ -*Бўлар иш бўлди, мени қиморбоз НУКОХЛСБ олган эди. Отам эл лаънатида, юрт надоматидан кўчага чи-қолмай қолди, — деди Ҳожжи хола.* М. Исмои-лий, Фарғона т. о.

2 Қаттиқ ғазаб ва нафратли қарғашни ифодалайди. *Сенга ҳам минглаънат, гар хотин!* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Харобўл, эй зо-лим, бахтингга лаънат! Зулм шоҳи, разил тахтингга лаънат!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

Лаънат айтмоқ (ёки **ўқимоқ**) *айн.* **лаънат-ламоқ.** *Аммо мен ўтмишига лаънаъшир ўқидим.* У. Исмоилов, Сайланма.

ЛАЪНАТИ \а. + ф. - лаънатлан-ган] Лаънатга, қарғишга дучор бўлган, лаъ-натланган; шундай маъноли ҳақорат, қарғиш сўзи сифатида қўлланади. *Ҳой, лаънати, аблаҳ, тўхта, нима дединг!*И. Фозилов, Дий-дор. *Сен лаънати мени йўлдан оздирдинг.* Мир-муҳсин, Меъмор. *Лаънатиининг хотин олиш-га ихлоси баланд-у, катта чиқимга тоби йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛАЪНАТЛАМОҚ Нафрат, ғазаб билан қораламоқ, лаънат айтиб қарғамоқ. *Одамлар бир-бирига навбат бермай гапирар, сок-чиларни лаънатлар, ноибни қарғар эди.* С. Си-ёев, Аваз.

ЛАҚ *айн.* **лакқа.**

Лак (этиб) **тушмоқ** (ёки **учмоқ, ишонмоқ**) *айн.* **лакқа тушмоқ қ. лакқа.** -*Сен ҳар ким ҳар нима деса, лак тушиб, ишониб кетаверма, — деди Мамасодиқ,* С. Абдуқахрр, Санамай саккиз дема. *Агар бу ерга қайтсанг, тезда уста бўлиб чиқардинг, даромади ҳам катта.. деб-ди. Пўримбои лак этибучибди-ю, жўнаворибди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқдар.

ЛАҚАБ \а. <-> I\ — иккинчи ном; лақаб; тахаллус] **1** Бирор хусусиятига кўра, кишига ҳазил қилиб ёки масхаралаб берилган кўшимча ном; шунингдек, маълум мақсад-да ўзгартириб олинган ном. *Унга "Митти".. лақабини қаиси ҳазилвон қўйган бўлсам, топиб қўйибди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқ-лар. *Қисмда ёш жиҳатдан ҳаммадан кичик, бўши ҳаммадан паст бўлгани учун "дуварак" деб лақаб қўйилган..* А. Қахрр, Олтин юлдуз. *Мен амир одашари қўлидан қочиб, йи-гирма беш йилдан бери ўз жойимни ўзгартириб, "хатирчилик" лақабини билан юрмоқда эдим..* С. Айний, Қуллар.

2 *эск. айн.* **тахаллус.** - *Муҳаммад Аминхў-жани энди халқ Муқимши деб таний бошла-ди. Сени ҳам халққа бир лақаб билан тани-тишини истайман! Сенинг лақабинг Мавла-вий бўлсин!— дедиустоз.* С. Абдулла, Мавло-но Муқимий.

3 *эск. айн.* **фамилия.**

4 Ҳайвонларга қўйилган ном. *Чалма ва Медунка лақабини бўлган иккита гунажиннинг сути текшириб борилди.* Н. Мавлонов, Қр-рамолчилик.

ЛАҚАБЛАНМОҚ Лақаб олмоқ; кўшим-ча ном билан аталмоқ. *Ҳар кун.. дўкон олди-да кичкина декча қайнатиб, бир товоқ хўрда ошга қаноатланганидан, дўкондорлар ораси-да у сал кундаёқ "хўрда махсум" деб лақаб-ланди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛАҚАИ Ўзбек уруғларидан бирининг номи (асосан, Тожикистон Республикаси ҳудудида, Афғонистон, Эрон ва б. жойлар-да яшайдилар); шу уруққа мансуб киши. *Уларнинг афт-башараларидан баъзилари ла-қай, баъзилари тожик ва баъзилари афгон экани билиниб турарди.* С. Айний, Дохунда.

ЛАҚИЛЛАМОҚ 1 Вақтни бекорга ўтказ-моқ, сандироқламоқ. *"Каттароқ " иш тополмай, икки йил ишсиз лақиллаб юргани-дан.. хабари йўқ.* С. Анорбоев, Оксой.

2 Алданиб ишонмоқ. *Ўшанинг гапига ла-қиллаб юрибсанми ?!*

3 Бўлар-бўлмас гапларни қилмоқ, ло-зим бўлмаган гапларни гапирмоқ. *Бу йигит чойхонада нима деб лақиллади ?* Х. Тўхтабо-ев, Сарик девни миниб. *Буни менга нозик бир одам айтди, тагин унга-мунга лақиллаб юрманг.* «Муштум».

ЛАҚ-ЛУҚ кам қўлл. айн. **лаш-луш.** *Асала-ри уялари ва бошқа лақ-луқларни йиғишти-раверинг/ар, Тошкентга кўчамиз.* «Муштум».

ЛАҚМА 1 Ҳар нарсага дарров ишонаве-радиган, осон алданадиган. *Танийдиган хотинлар бу ҳолни ҳийла ва шайтонлик экани-ни яхши анласалар ҳам, ҳовлиқма, лақма, енгил Лутфинисо бунга чиндан ишонар.. ким кўринса, шунга кўз ёши қилар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Калтафаҳм, гўл. *Абдимўминнинг иссиқ-совуғини ўз гарданига олган лақмалар ўзлари тушиб қолган гирдобга бошқаларни торт-майди дейсанми?* «Муштум».

ЛАҚМАЛИК Лақмага хос хусусият; хат-ти-ҳаракат. *Қишлоқдан чиққандан кейин Бо-қижон аччиқ-тиззиқ гапириб, дадасига ёпиши-ди, уни лақмаликда, овсарликда айблади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Шу лақмалигинг би-лан сендан қанақа пармачи мастер чиқсин!.* Назир, Ўтлар туташганда.

ЛАҚҚА I зоол. **1** Чучук сувларда яшайди-ган, тангачасиз, мўйловли йиртқич балиқ. *Эрталабдан ташланган қармоқларга тўрттагина бир қаричлик лаққа ишинди.* Х. Гулом, Машғал.

Лаққа балиқ айн. лаққа 1.

2 с. т. Лаҳм, суяксиз (гўшт). [Нор:] *Хола, мени кўп чархламанг-у; уврангизни кеса бе-ринг! Оғзингизга сиққанини уч кунда лаққа жигардек қанорангизга илиб қўяман.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Ўзингга ташинган итга лаққагўшт ташласанг..* А. Мухтор. Қорақал-поқ қиссаси.

ЛАҚҚА II: лаққа тушмоқ (ёки ишонмоқ) Суриштирмасдан, ўйлаб кўрмасдан, осон-гина, паққос ишонмоқ; алданиб қолмоқ. [Эр-кин Раънога:] *Йўқ, рости билан ҳам ахмоқ-ман! Ахмоқ бўлмасам, шуларнинг ҳийласига лакка тушармидим, Акрамнинг домига или-нармидим?* О. Ёқубов, Айтсам тилим куюди, айтмасам — дилим. *"..чойларни дамлаб, ов-қатларни димлаб қўямиз "* деса, мен лақма лакқа ишонибман. Й. Шамшаров, Тошқин.

ЛАҚҚА III с. т.: **лаққа чўғ (ёки ўт)** айн. **лаҳча чўғ (ёки ўт)** қ. **лаҳча.** *Кейин унинг тагига лаққа чўгдан қалаб, бир-икки пуфлади.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

ЛАҚҚИ с. т. Лақма. *Лаққи одам. mm flap-da лаққи қаҳ-қаҳ уриб кулди.* Ш. Холмирза-ев, Қил кўприк. *Мана, шу лаққи чол ҳам рўйхатга "юқори "нинг кўрсатмаси билан тиркалган..* Э. Аъзам, Кечикаётган одам.

ЛАҒМОН [хит. "чўзиқ хамир"] Хамир-ни чўзиб ёки узун ингичка кесиб тайёрланадиган, юзига қайла солиб ейиладиган ов-қат. *Кумуш опам ҳам шу ерда эдилар.. Лағмонни унча хушламас эканлар, шекилли, яхши емадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғулом-жон.. оишхонага кириб, чўзма лағмон еди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛАҒМОНХОНА Лағмон пишириб соти-ладиган ошхона. *Кабобхонашир, паловхоналар, лағмонхоналар.. қанчалик кўп бўлса, одаша-римиз савдо раҳбарларига сидқидилдан та-шаккур айтадилар..* Газетадан.

ЛАҲАД [а. А^Д — гўр] Қабрнинг ички, мурда қўйиладиган хонаси. *Мурда лаҳадга қўйилиб, гўрга тупроқ тортилаётган вақт-да, таомилга кўра, кимдир халойиққа қараб: -Ҳо, яхшилар, марҳум қандоқ одам эди? — деди. А. Қаҳҳрр, Пора.*

ЛАҲЖА \а. А 01 — тил, шева; талаф-фуз; акцент! *тлш. Маҳаллий диалектнинг бир неча шевадан иборат гуруҳи. "Ж" ловчилаҳ-жа. Узбек тилининг қипчоқ лаҳжаси.*

ЛАҲЗА [а. АЛ^Д — кўз очиб юмгунчалик вақт, он, сония] Кўз очиб юмгунча ўтадиган вақт; он. *Лаҳза ичида. Лаҳза ўтмасдан. Бир лаҳзада. тт Кўз очиб юмгунча ўтган дам — қиммат, Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор. Ғ. Ғулом. Йўлчи ишдан бирлаҳза бўлсин тўхтамади. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЛАҲЗАЛИК: бир лаҳзалик Жуда тез, бир онда бўлиб ўтадиган. *Ўзинг кетдинг, қолди хаёлда Хумор кўзлар, иссиқ боқошинг. Бир лаҳзалик дил айёмидан Сира сўнмас иширин ёқошинг. Зулфия.*

ЛАҲИМ \а. ■>,->! — қўшиш, пайвандлаш; қўшилиш] Ер остидан, уй ёки қалъа ости-дан қазиб ўтказилган тор йўл. *Маймун: -Мен шу ердан лаҳим қовлаб, беш кечат беш кун-дўзда чиқаман, — дебди. «Эртақлар».*

ЛАҲМ \а. f-^J - гўшт, эт; меванинг гўш-ти| Суяксиз, юмшоқ (гўшт ҳақида). *Гўшт сўраб келганда, "пулинг қани?" деб суриштир-май, гўштнинг сатта юмшоқ, лаҳм жойидан кесиб берганман. П. Турсун, Ўқитувчи.*

ЛЕВ Болгария Халқ Республикасининг асосий пул бирлиги.

ЛЕВИРАТ \лот. levir — қайни, эрнинг укаси] *этно. Кавказ, Ўрта Осиё халқлари, диндор яҳудийлар ва б.ларда бўлган ва ке-йинги даврларда сакданиб қолган қадимий никоҳ одатларидан бири: унга кўра, есир (бева) қолган аёл эрининг укасига — қайнисига турмушга чиқишга мажбур ёки шун-дай ҳуқуққа эга бўлган. Левират никоҳ шак-ли 20-асрдан сўнғхалқимиз турмушидан бут-кул чиқиб кетган. «ЎЗМЭ».*

ЛЕВОМИЦЕТИН [юн. leukos - оқ + mykes (myketos) — замбуруғ] *тиб. Айрим микроорганизмлар \осил қиладиган ёки кимёвий йўл билан олинадиган, микроб-ларга қарши кучли таъсир қилувчи антибио-тик (қорин тифи, дизентерия ва б. касалликларни даволашда қўлланади).*

ЛЕГАЛ [лот. legalis — қонуний] *сиёс. Кр-нун бўйича рухсат этилган, расман тан олинган; ошқора, очикча. Легал партия. Легал матбуот.*

ЛЕГАЛЛАШТИРИШ Легал, ошқор ҳол-га ўтказиш, қонуний тусга киритиш. *Айниқса, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар-ни легаллаштириш (қонунийлаштириш)га қарши курашиш, терроризмни молиялашти-рувчи манбаларга чек қўйиш масаласи жуда муҳим ҳисобланади. Газетадан.*

ЛЕГАЛЛИК Ошқоралик, қонунийлик.

ЛЕГИОН \лот. legio, legionis — тўплаш, тўлдириш; қабул қилиш] *тар. 1 Қадимги Рим армиясида асосий ташкилий ва тактик бир-лик (турли даврларда 4500 дан 10000 гача аскардан иборат бўлган).*

2 Турли мамлакатларда ва турли давр-ларда турли хил ҳарбий қисмлар (ва вете-ран жангчилар тузилмалари)нинг номи.

3 Иккинчи жаҳон уруши даврида Герма-нияда турли халқларга мансуб ҳарбий асирлардан тузилган ҳарбий бирлик, бўлинма.

ЛЕГИОНЕР [лот. legionarius — легионга мансуб, легион таркибига кирувчи] **1** Легион таркибидаги аскар.

2 *спорт. Шартнома бўйича ўз клуби (жа-моаси)дан бошқа (одатда хорижий) клубга ўтиб, ўша клуб учун ўйновчи спортсмен (футболчи, хоккейчи ва б.). Икки оғиз болгариялик легионерларимиз ҳақида гап кет-гандо, терма жамоамиз таркибида "Левски" клубининг икки нафар футболчиси исми-шарифи қайд этилган. Газетадан. «Реал»нинг янги президенти бразилиялик ле-гионер Какани ўз жамоасига олмоқчи. Газе-тадан.*

ЛЕГИРЛАМОҚ \нем. legieren — эритмоқ, суюлтирмоқ < лот. ligare — бириктирмоқ, ёпиштирмоқ] ким. тех. Муайян материаллар-га, металл қотишмаларита уларнинг хосса-лари (мустаҳкамлиги ва пластиклиги, ёйи-лишга ва коррозияга бардошлилиги, иссиққа чидамлилиги ва б.) ни яхшилаш учун бошқа моддалар — легирловчи элементларни (хром, алюминий, никель, титан ва ш. к.) қўшмоқ. *Пўлатни легирламоқ. Легирланган чўян.*

ЛЕГИТИМ \лот. legitimus — қонуний, қонунларга мос, мувофиқ] ҳуқ. Қонуний, қонуний ҳуқуқ (ваколат)и бўлган, умум томонидан тан олинган. *Мазкур объект эр-кин алмаштириладиган валюта ёки легитим сўмга сотилади.* Газетадан.

ЛЕГИТИМАЦИЯ, легитимлаш \лот. legitimus — қонуний, қонунлаштирилган] ҳуқ. **1** Давлат ҳокимиятининг, бирон-бир ижтимоий тузилма, мақом, ваколатлар-нинг, ҳуқуқларнинг қонунийлигини эъти-роф этиш ёки маъқуллаш, тасдиқлаш; ушбу жараён муайян жамиятда тан олинган қад-риятларга таянади.

2 Қонунийликни ёки ваколатларни тас-диқловчи ҳужжатлар.

ЛЕДЕРИН \нем. Leder - чарм] Китоб муқоваси учун ишлатиладиган сунъий тери.

ЛЕЙ Руминия Республикасининг (1890 йилдан) ҳамда Молдавия Республикасининг (1993 йилдан) асосий пул бирлиги.

ЛЕЙБОРИСТ [ингл. labourist < labour -иш, меҳнат] Англияда ўзини ишчилар партияси (Labour party) деб атайдиган, сиёсат-да ислохотлар йўлини тутувчи партия аъзоси. *Лейбористлар партияси. Лейбористлар ҳуқу-мати. ти...мамлакатнинг ҳозирги ҳукумати — лейбористларга ашаддий муҳолиф консер-ваторлар турибди.* Газетадан. *Шунайтсалда ўтирган лейбористлар партияси фаоллари-дан бири—кекса ва хунуккина бир аёл ўрни-дан туради.* Газетадан.

ЛЕЙКА [р. лить — "қупмоқ, оқизмоқ" фл. дан ясалган от] Ўсимлик ва гулларга сув сепиш учун ишлатиладиган, жўмрагининг учи тешиқ-тешиқ идиш. *Муҳаббат ҳовлида гулларга лейкада сув бериб юрар эди.* О. Ёқубов, Икки муҳаббат.

ЛЕЙКЕМИЯ \юн. leukos - оқ + haima -қон] тиб. аин. лейкоз (қ.)\ оқ қон касаллиги.

ЛЕЙКО- [юн. leukos — оқ] Ўзлашма бай-налмилал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, уларнинг оқ рангга муносабатини, алоқадорлигини кўрсатади.

ЛЕЙКОЗ [юн. leukos — оқ] тиб. Қон иш-лаб чиқарувчи тўқиманинг бир қатор патологик ҳолатлар — илик (кўмик)нинг зарар-ланиши, лимфатик тугунлар, талокнинг катталашуви, лейкоцитлар сонининг орти-ши, тромбоцитлар, эритроцитлар сонининг ва гемоглобин микдорининг камайиши би-лан кечадиган ўсма касаллиги; лейкомия, оқ қон касаллиги.

ЛЕЙКОПЕНИЯ [лейко.. + юн. penia - кам-бағаллик, етишмаслик] тиб. Баъзи юқумли ва б. касалликларда, шунингдек, нурланиш-да ёки айрим дориларни қабул қилганда, қонда лейкоцитлар сонининг камайиши.

ЛЕЙКОПЛАСТИР [лейко.. + юн. hemplastron — суртма дори] Юпқа газлама, матодан бир томонига махсус ёпишқоқ мас-са суртиб тайёрланган оқ тасма; яраларга ва операция қилинган жойларга қўйилади-ган бинт-боғловларни маҳкам тутиб туриш, яраларни инфекциялардан сақлаш ва б. мақсадларда фойдаланилади.

ЛЕЙКОЦИТЛАР [лейко.. + юн. kytos -идиш, омбор; хужайра] физиол. Оқ қон таначалари — қоннинг ўлик хужайралар, бак-териялар ва бошқа ёт жисмларни йўқ қилув-чи ва антитаналар ишлаб чиқарувчи ранг-сиз шарсимон хужайралари.

ЛЕЙКОЦИТОЗ [< "лейкоцит" с. дан] тиб. Қонда оқ қон таначалари (лейкоцитлар) сонининг овқат хазм қилинганда, ҳомила-дорликда ва аксар юқумли-яллиғланиш касалликларида меъёрга нисбатан кўпайиши.

ЛЕЙТЕНАНТ \фр. lieutenant] Армия ва флотда катта ва кичик лейтенантлар оралиғидаги унвон ва шу унвонга эга бўлган офицер.

ЛЕЙТМОТИВ [нем. Leitmotiv - асосий, етакчи сабаб, мотив] **1** Мусиқали асарда бош-дан охиригача такрорланадиган куй, мавзу.

2 кўчма Қайта-қайта такрорланиб таъ-кидланадиган асосий фикр, асосий мақсад.

ЛЕК I \ф. <, П] *поэт. аин.* лекин. *Бевафо нигор ёдин тез унутмоқ истарман, Лек Мен-да йўқ бу хил бебаҳо паршонлик.* Э. Воҳи-дов, Муҳаббат.

ЛЕК II Албания Халқ Республикасининг асосий пул бирлиги.

ЛЕКИН [ф. (jSj < а. 'cli ~ бироқ, ам-мо] **1** *зидл. боғл.* Мазмунан бир-бирига зид бўлган содда гапларни, мазмунан зид бўлса-да, бири иккинчисини инкор этмайдиган гапларни боғлайди. *Уй кичкина, лекин ёруғ. тт Сидиқжон билан Канизак келганда, зал-га одам тўлган, лекин президиум атрофида ҳеч ким йўқ эди.* А. Қаххрр, Кўшчинор чи-роқлари. -*Тўзри, ўзи чўлоқ-ку, лекин шамол-дан тезучади, ҳайронман.. Ишни пухта қила-ди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *от взф.* Қилинаётган иш-харакатнинг заминида бошқа мақсад, кетидан келади-ган бошқа нарса борлигини ифодалаш учун ишлатилади. [Фамиддин:] *Пулниундиришучун акам шошмас эди, бир парча бог бизга унча-лик керак эмас. Унинг лекини бор, йигитча яқинда мардикор бўлиб урушга жўнаши мум-кин.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛЕКСЕМА [юн. lexis — ибора, нутқ ўра-ми] Тилшуносликда: шакл ва маъно жиҳатидан бир бутун ҳолда текшириладиган мус-тақил маъноли сўз; тил қурилишининг лек-сик маъно англатувчи бирлиги.

ЛЕКСИК Лексикага, тилнинг луғат тар-кибига оид; луғавий. *Сўзнинглексик маъноси. Ўзбек тилининг лексик бойлиги.*

ЛЕКСИКА \юн. lexicos — сўзга оид, луға-вий < lexis — сўз, ибора] *тли.* Бирор тил ёки шевада муайян пайтда мавжуд бўлган сўзлар мажмуи; бирор иш, фаолият, касб-хунар соҳасида қўлланадиган сўз ва терминлар, шунингдек, бирор муаллиф бадий асар-ларининг сўз бойлиги. *Ўзбек тили лексика-си. Тошкент шевасининг лексикаси. Касб-хунар лексикаси. Чорвадорлар лексикаси. Навоий асарлари лексикаси.*

ЛЕКСИКОГРАФ Лексикография мута-хассиси; луғатшунос.

ЛЕКСИКОГРАФИК Лексикографияга, луғатчиликка оид. *Лексикографик ишлар.*

ЛЕКСИКОГРАФИЯ \юн. lexicos - лугат + grapho — ёзаман] Луғат тузиш назарияси ва луғат тузиш иши; луғатшунослик, луғат-чилик. *Ўзбек лексикографияси.*

ЛЕКСИКОЛОГ Лексикология мутахас-сиси; сўзшунос.

ЛЕКСИКОЛОГИК Лексикологияга оид. *Лексикологик тадқиқот.*

ЛЕКСИКОЛОГИЯ \юн. lexicos - луғат-га оид + logos — таълимот] Тилшуносликнинг тилнинг луғат таркибини (лексика-ни) ўрганувчи бўлими; сўзшунослик. *Ўзбек тилининг лексикологияси.*

ЛЕКСИКОН \юн. lexicon - луғат] Маъ-лум бир кишининг сўз ва иборалари захи-раси; бирор ижтимоий қатлам ёки муайян фаолият соҳасига мансуб умумистеъмолда-ги сўзлар захираси.

ЛЕКТОР \лот. lector -ўқувчи] Маъруза (лекция) ўқувчи киши.

ЛЕКТОРИЙ \лот. lectorium] Маъруза (лекция)лар ўқиладиган бино.

ЛЕКЦИЯ [лот. lectio - ўқиш] Олий ўқув юрти ёки омма орасида бирор мавзу юзаси-дан оғзаки баён тарзидаги ўқиш, ўқув маш-ғулоти; маъруза. *Мазмунли лекция. Лекция зали. Лекция тингламоқ. тт Бир кун район-дан доктор келиб, "Кундалик турмушда ги-иена " мавзуида лекция ўқиди.* А. Қахдор, Кўшчинор чироқлари.

2 Шундай баённинг ёзма ёки босма мат-ни.

ЛЕММА \юн. lemma - пора; фойда; тама, ғараз] *мат.* Бир ёки бир неча теоремалар-ни исботлашда фойдаланиладиган ёрдам-чи теорема, даъво.

ЛЕМУР \лот. lemures — ўлган аждодлар-нинг руҳлари] зоол. Чала маймунлар оила-сига мансуб, орқа оёқлари олдингилари-дан, думи танасидан узун, тропик ўрмон-ларда яшовчи, унча катта бўлмаган сутэми-зувчи ҳайвон.

ЛЕНИНИЗМ [Россия коммунистлар (большевиклар) партиясининг асосчиси В.И.Ленин номидан] тар. Марксизм (қ.) нинг асосий қоидаларини ривожлантирган В.И.Ленин таълимоти.

ЛЕНТА \нем. Linte < лот. lintea — қалин матодан қилинган энсизтасма] 1 Безакучун ишлатиладиган ёки сочга тақиладиган эн-сиз узун тасма. Шойи лента. Орден лентаси. Лента тақмоқ. **тм** Гавҳарнинг битта қилиб ўрилган узун сочи орқасидан лента билан бўғиб қўйилган. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 қ. тасма. Изоляция лентаси. Ёзув маши-насининг лентаси. Телеграф лентаси.

3 қ. тасма. Конвейер лентаси. Транспортёр лентаси.

ЛЕПРА \юн. lepra — мохов] қ. мохов.

ЛЕПРОЗОРИЙ [юн. leprosus - моховга йўлиққан, чалинган] Моховга чалинган касалларни соғлом ахрлидан, жамиятдан алоҳида ажратиб даволайдиган, профилактика ишларини олиб борадиган муассаса, шифохона; моховхона.

ЛЕТАРТИЯ \лот. lethargie < юн. lethe — уну-тиш + argia — дангасалик, ишёқмаслик] тиб. Узоқ, чуқур уйқуга ўхшаш касаллик хрлати (бунда барча \аёт белгилари билинмас дара-жага келади: бемор ухлаб қолганга ўхшайди, қимирламайди, таъсирларни сезмайди).

ЛЕТУЧКА [р.] с. т. Зарурий масала(лар) юзасидан ўтказиладиган қисқа муддатли мажлис. -Соат иккига летучка эълон қила-сиз, — деди Ҳошимжон ака.. секретарь қизга. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси. Летучка-ни редакциянинг олиши органи деса ҳам бўла-ди: энг муҳим масалалар летучкада муҳока-мадан ўтади. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

ЛИАНАЛАР \фр. lianes < lier - боғла-моқ] бот. Бошқа ўсимликлар, қоялар, иморатлар ва. б. нарсаларга чирмашиб, ўралиб, ўрмалаб ўсадиган дарахтсимон ёки ўтсимон ўсимликлар гуруҳи.

ЛИБЕРАЛ \лот. liberalis — озодликка оид; озод, эркин, хур] I Либерализм тарафдори; либераллар партиясининг аъзоси.

2 с. т. Келишувчи, муросасоз; ўринсиз раҳмдиллик кўрсатувчи; масалага бепарво қаровчи.

3 Ижтимоий муносабатларни либерал-лаштириш, эркинлаштириш сиёсати тарафдори.

ЛИБЕРАЛ II 1 Либерализмга, либерал-ларга оид; либерализм ғояларини ёқдовчи, ифодаловчи. Либерал партия. Либерал бур-жуазия.

2 с. т. Муросасозликдан, келишувчилик-дан иборат бўлган; муросасоз. Либерал муносабат.

ЛИБЕРАЛИЗМ \лот. liberalis - озодлик-ка оид] 1 Ғарбий Европа мамлакатларида 17-18-асрларда пайдо бўлган ва мутлақ хр-кимликка, феодализмга қарши қаратилган, фуқаровий, сиёсий, иқтисодий эркинлик-ларни талаб қилган ғоявий ва ижтимоий-сиёсий оқим.

2 с. т. Эркин фикрлик; муросасозлик, келишувчилик, ортиқ даражада раҳмдиллик, бировга ўринсиз ён босишлик.

ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ, либерализация \лот. liberalis — эркин, озод] Мамлакат ижти-мой ҳаётининг барча соҳаларида кенг эркин-ликлар бериш; иқтисодиётга ва фуқаролар шахсий ҳаётига давлат аралашувини бекор қилиш ёки камайтириш. Нарх-навонилиберал-лаштириш. **итт** Ҳозир суд-ҳуқуқ тизимида либе-рсиёштириш давом этмоқда. Газетадан.

ЛИБОС \а. «_ ^U -] кт. **1** Кийим, уст-бош. Янги либос. Байрам либоси. *ти* Мана кўрдингизми? ..Отга жабдуқ, одамга либос, деганларича бор-да. Кийиниб, туппатузук одам бўлди-қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўп ўтмай, куёв либосини кийдириши учун уни \ Му-қимини] ичкарига таклиф қилдилар.* С. Аб-дулла, Мавлоно Муқимий. *Ёш шоирлар ва журналистлар клуби, либос дизайни, тасви-рий санъат, ёгоч ўймакорлиги, радиоэлек-троника тўғарақлари, шахмат клуби шулар жумласидандир.* Газетадан.

2 театр. Спектакль ва режиссёр ғоясига мувофиқ, муайян роль, бинобарин, актёр учун танланиб кийдириладиган кийим, пойабзал, бош кийим, зеб-зийнат ва б.; спектаклни безашнинг асосий воситалари-дан бири. *Либос танлашда қаҳрамоннинг характери.. ёши ўз аксини топади.* «ЎзМЭ».

3 кўчма поэт. Бадий тасвирда: ўраган, қоплаган нарсага нисбатан рамзий маъ-нода қўлланади. *Табиат баҳор либосини кийди. Шаҳар байрам либосига безанди. ти Чан томонда эса, куз либосини кийган Ол-тинсой қишлоғи равшан кўринарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Наврўз эди таби-ат гулгун, Кийиб олган ям-яшил либос.* Е. Мирзо. *Мен ойна орқали, оқ либос кийган шаҳар кўчаларини томоша қилиб, Сидиқ ака ҳақида ўйлардим.* О. Мўминов, Хиё-бондаги уч учрашув.

ЛИБРЕТТО [итал. libretto - китобча] **1** Опера, оперетта, оратория каби мусиқа-ли-драматик асарларнинг сўз матни; опе-ра, балет мазмунининг қисқа баёни. [Мам-ниёз Юсупов] *Орадан сал фурсат ўтмай, Ҳамид Ғулом либреттоси асосида "Хоразм қўшиши" операсини ёзди.* А. Раҳмат. Фронт йўлларида. *АҚШдаги Нодир адабиётлар кутубхонасида мен фавқуллодда Гвнделнинг Амир Темур фаолияшига бағишланган "Бунж Темур" операси параштурасини, итальян ва инглиз тилларидаги либреттолари билан бирга топдим.* Газетадан.

2 Кинофильмнинг сюжет режаси ёки сценарий схемаси.

ЛИБРЕТТОЧИ Либретто муаллифи. *Ёш ижодкорлардан ҳам кўплаб либретточи ва ижрочилар етишиб чиқди.* Газетадан.

ЛИВИТ тўқм. Калавадан, шунингдек, тўқув дастгоҳига солинган тандадан элликта-элликта қилиб ажратилган ип ёки ипак дастаси. *Бир ливит ип. Калавани ливитга ажратиши. Танданинг ливитлари.*

ЛИВИТЧИ Пишитилган ип ёки ипакни ливитларга айлантирувчи ишчи. *Ишқордан чиқарилган ипак цехларга таксимланиб, ли-витчилар қўлига ўтади.* Газетадан.

ЛИГА I \фр. ligue < лот. ligare — боғла-моқ, қўшмоқ| **1** Кишилар, ташкилотлар, давлатларнинг иттифоқи, ҳамжамияти, бир-лашмаси. *Миллатлар Лигаси. Араб мамлакатлари лигаси (уюшмаси).*

2 Спортда: ўз даражаларига кўра бир-лаштирилган жамоалар табақаси, гуруҳи. *Олийлига. Биринчилига. ти..имкониятимиз-ни ишга солган ҳолда олий лигага чиқишни кўзламоқдамиз, — деб сўз бошлади команда катта тренери.* Газетадан. *Турнирда даст-лабки тўрт ўринни эгаллаган шашкачилар республика биринчилигининг биринчи лига-сида баҳслашиши ҳуқуқига эга бўладилар.* Га-зетадан.

ЛИГА II \итал. liga — алоқа, боғланиш] мус. Нота ёзувида маълум ноталарни бир-лаштирувчи ва уларни қўшиб, узлуксиз ижро этиш зарурлигини билдирувчи ёйси-мон белги.

ЛИДЕР [ингл. leader — етакчи, бошлиқ, раҳбар] **1** Бирор сиёсий партия ёки ташкилотнинг раҳбари, йўлбошчиси.

2 Спорт мусобақаларида олдинда борув-чи шахс ёки жамоа; етакчи, пешқадам. *Турнир лидери. Мотоцикл пойгаси лидери.*

ЛИЗИНГ [ингл. lease, leasing — ижара; ижара шартномаси; ижарага бермоқ] Асосий ишлаб чиқариш воситалари (машина-лар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотлари) ва б. то-варларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун

қарзни аста-секин узиш шарти билан узоқ муддатли ижарага бериш ёки олиш. *Лизинг компанияси. Лизинг шартномаси.*

ЛИК: лик этиб 1) *айн. лип этиб қ. лип. Қиёмхон ҳам лик этиб ўрнидан турди.* Н. Аминов, Суварак; 2) ҳеч ким кутмаганда; дарров. *Улик этиб ганга аралашиди.*

ЛИКАНГЛАМОҚ 1 Гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ташланмоқ; қимирлаб, ликиллаб турмоқ. *Кўприк тахтаси киши юрганда ликанглаб туради.*

1 *сајиб.* Буралиб юрмоқ, қийшангламоқ, жилпангламоқ. *Кўзларига.. Машариб чўлоқ кўришиб кетди. У ликанглаб бориб, ҳоким тўранинг ёнидаги бўи жойга ўтириб олди.* «Муштум».

ЛИКАНГ-ЛИКАНГ тақл. с. Гоҳу томон-га, гоҳ бу томонга ташланиб, қимирлаб, ликиллаб туришни ифодалайди.

Ликанг-ликанг қилмоқ *айн. ликангламоқ.*

ЛИКВИД \лот. liquidus — суюқ, оқувчан]: **ликвид маблағлар** *мл. иқт.* Қарз мажбурият-ларини қоплаш учун фойдаланилиши мум-кин бўлган пул ҳамда тез, осон нақд пулга айланадиган қимматдор нарсалар (вексел-лар ва б. қимматбаҳр қоғозлар).

ЛИКЁР [фр. liqueur — < лот. liquor — су-юклик] **1** Спирт, шакар шарбати ва мева ёки резавор шираси аралашмасидан тайёр-ланган ширин ва ўткир спиртли ичимлик.

ЛИКИЛДОҚ Ликиллаб турадиган.

ЛИКИЛЛАМОҚ 1 Тебраниб, у ёқ-бу ёққа, баланд-пастга енгил ҳаракат қилмоқ; лик-лик қилмоқ. *Уликиллаб кетаётган эди, орқасидан эргашидим.* С. Сиев, Ёруғлик. *Юр-ганида, белидан пасти галати ликшёрди.* Н. Аминов, Суварак. *Зина мустаҳкам эмасди. Дорбознинг арқонидай ликиллаб туради.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

ЛИК-ЛИК: **лик-лик қилмоқ** Ликиллаб ҳаракатланмоқ. *Чумчуқми, читтакми, бети-ним лик-лик қилади, яна йўқ бўлиб қолади.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

ЛИКОП Тўгарак шаклида, ясси, қирғоғи кўтарилган майда чинни идиш; тарелка. *Хон-тахтага терилган ликопларда ранг-баранг қанд-қурс, конфетпар..* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛИКОПЧА Кичикроқ ликоп. У, *тоқча-лардаги чойнак-пиёла, патнис, ликопчаларни тартиб билан терди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Ашулачилар ликопчаларни юзларига тутиб, дўпписини қўлига олиб, чўзиқ оҳангда халқ ашулширини айтишмоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

ЛИЛИПУТ [ингл. Lilliputian - Ж.Свифт-нинг "Гулливернинг саёҳатлари" асарида-ги хаелий Лилипутия мамлакатининг фан-тастик даражадаги митти одамлари номи-дан] Жуда кичик одам; митти.

ЛИМ Тўла, жуда тўла, оғзигача, лаби-гача тўла (асосан суюқлик ҳақида). *Меҳр майингдан тутдингим коса..* Ё. Мирзо. *Қи-дирғочнинг расми ўйилган ишшалар шароблар-галим.* Э. Раҳим.

Лим тўла (ёки тўлган) қ. лик тўла. *..Хил-ма-хил, ранг-баранг, қимматбаҳо мева-чева-лар билан лим тўлган патнуслар кетма-кет етказилиб турилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛИМАН \юн. limen — кичик қўлтиқ, га-вань] *геогр.* Текислик дарёларининг денгизга қуйилиш жойида сувнинг кўпайиши, тоши-ши натижасида пайдо бўлган кўрфаз. *Қишки сарой қурилишига ҳар томондан материал-лар кела бошлади. Тошсоқа лиманига паро-ход қалин тахталар келтирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЛИМИЛЛАМОҚ Лабигача тўлиб, аста мавжланмоқ, тўлқинланмоқ (асосан, сув ҳақида) *Ариқчаларда кеч кузнинг тиниқ суви лимиллаб оқади.* Н. Аминов, Суварак.

ЛИМИТ \лот. limes, limitis — чек, чега-ра] Бирор нарсанинг чекланган нормаси, фойдаланиш учун белгиланган чегаравий, чекли миқдор; чеклов. *Баҳо лимити. Кредит лимити. Электр энергия лимити. Лимит бел-гиламоқ.* **тп** *Хўжаликларга капитал қури-лиш учун лимит белгилаб қўйилса, шунинг ўзи кифоя.* Газетадан.

ЛИМИТЛАМОҚ Лимитини белгиламоқ; чекламоқ.

ЛИММО-ЛИМ Оғзигача, лабигача тўла (тўлган). *Ховузнинг лиммо-лим суви ишишдайд тоза.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. *Бозоров лиммо-лим рюмкани Соҳиб қорига узатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

ЛИМОН \юн. limoni < ф. ^_J| 1 бот. Асо-сан жанубий мамлакатларда ўсадиган доимо яшил субтропик ўсимлик ва унинг ту-хумсимон сариқ нордон хушбўй меваси. *Лимон дарахти. Лимон солинган чой.* **тм** *Ҳозир Ўрта Осиёнинг жанубий қисмларида шакар-қамиш, лимон сингари мевалар етиштирил-моқда.* «Фан ва турмуш».

Лимон **кислотаси** Лимон меваси ва бош-қа баъзи ўсимликлар таркибида бўладиган кислота, жавхарлиму (тиббиётда, озиқ-ов-қат саноатида ва б. соҳаларда ишлатилади). *...лимон кислотаси озиқ-овқат махсулотлари-ни яхши сақлашга ёрдам беради.* Газетадан.

2 жарг. с.т. Миллион сўм (ушбу маъно "лимон" ва "миллион" сўзлари талаффузидаги ўхшашликка асосланган; дастлаб "рубль" учун қўлланган).

ЛИМОНАД [фр. limonade < юн. limoni < ф. j-i-J] Лимон ёки бошқа хил мева шарбатига сув, шакар, карбонат кислота, хуш-бўй моддалар қўшиб тайёрланган ширин чанқовбосар ичимлик (дастлаб лимон су-видан тайёрланган). *Болаларнинг стакани-га тўлатиб-тўлатиб лимонад қуйиб берди.* Газетадан.

ЛИМОНАРИЙ Лимонлар ўстирилади-ган, етиштириладиган махсус жой. *Лимонарийда ўстирилаётган лимон кўчатларининг дастлабки бир неча тури ҳосилга кирди.* Газетадан.

ЛИМОНЗОР Лимон дарахтлари экилган майдон. *Балки жануб денгизининг лабида Уни кутар яшил гулли лимонзор.* М. Шайхзода.

ЛИМОНЛИ Лимон солинган, лимон шарбати қўшилган. *Лимонли чой.*

ЛИМУ \ф. j I — лимон] эск. айн. **ли-мон.** *Аҳли дардга суҳбатинг бўлсин даво. Нок, анор, олма, беҳи, лиму каби.* Ҳабибий.

ЛИМУЗИН [фр. limousine - Франция-даги тарихий Лимузен вилояти номидан] Кўп ўринли енгил автомобилнинг олдинги ўриндиғи кейинги ўриндиқлардан ойнаванд тўсиқ билан ажратилган ёпиқ кузови; шун-дай кузовли енгил автомобиль.

ЛИМФА \лот. lymph - тоза сув, намлик] физиол. Хужайралар орасидаги бўшлиқлар ва лимфа томирларини тўлдириб турувчи рант-сиз, тиниқ суюклик. *Бундан ташиқари, мик-роблар ўсиқ деворларига қон ва лимфа орқа-ли келишлари мумкин.* Ҳ. Ҳақимов, Уткир аппендицит. *Қулоқ супраси қон томирлари билан бирга лимфа томирларига ҳам бой.* «Фан ва турмуш».

ЛИМФАДЕНИТ [лимфа + юн. **aden** - без] тиб. Лимфа тутунларининг, уларга яллиғлантирувчи микроблар тушганда, каттала-шуви ва оғриқ пайдо бўлиши билан кечади-ган яллиғланиши.

ЛИМФАТИК Лимфага оид, лимфага **Termini** и. *Лимфатик система. Лимфатик безлар.*

ЛИНГАФОН \лот. lingua - тил + юн. phone — товуш] Товушлар ёки сўзларни аниқ эшитиш ва тўғри талаффуз қилишга ёрдам берадиган асбоб, аппарат. *Улар замонавий компьютер, лингафонлар билан жиҳозланган синф хоналарида таълим оладилар.* Газетадан.

Лингафон кабинети Чет тил оғзаки нут-қи, она тили нутқ маданияти малакалари-ни, муסיқа-театр муассасаларида юксак маҳорат билан ижро этиш малакасини эгал-лашга ёрдам берувчи товуш техникаси ва

581

проекцион аппаратлар билан жиҳозланган ўқув хонаси.

ЛИНГВИСТ Лингвистика мутахассиси; тилшунос.

ЛИНГВИСТИК Лингвистикага, тилшу-носликка оид. *Лингвистик адабиёт. Лингвис-тик атлас. Лингвистик тадқиқот. Лингвис-тик таҳлил.*

ЛИНГВИСТИКА \фр. linguistique < лот. lingua — тил] Тил ҳақидаги фан, тил билими; тилшунослик.

ЛИНЕЙКА \р. < лот. lineare — тўғрила-моқ, текисламоқ] **1** Муайян юзага, текисликка тўғри чизикчизиш ва баъзи бир фа-зовий ўлчам ёки ҳисоблашлар учун ишлатиладиган, сантиметр ва миллиметрларга бўлинган асбоб; чизғич. *Масштаб линейкаси. Логарифмик линейка. Линейка билан чиз-моқ.*

2 эск. Рапорт бериш ёки бирор топши-риқни қабул қилиб олиш учун ёнма-ён бир қатор бўлиб тизилиш; саф. *..линейка саф чек-кан. Мактаб директори.. ўқувчиларни янги ўқув йили билан табриклайди.* М. Худойқу-лов, Биринчи тонг.

ЛИНЗА \нем. Linse < лот. lens - ясмиқ] Шишадан ёки синтетик материаллардан тайёрланадиган, қавариқ ёки ботиқ сирт билан чегараланган ва нур тарамини ўзгартирувчи (синдирувчи) шаффоф жисм (сунъий кўз гавҳари сифатида, шунингдек, лупа ва кўзойнак тайёрлашда қўлланади).

ЛИНИМЕНТ [лот. linire — суркамоқ, суртмоқ, ишқамоқ] *фарм.* Суюқ суртма дори-ларнинг умумий номи: сиртдан суркаш учун қўлланадиган дори шакли.

ЛИНИЯ \лот. linea — каноп ипи; шоқул; йўл, чизик] **1** Бирор нарсага муайян масофага узатишга мўлжалланган қурилма (мос-лама)лар (сим, кабель ва ш. к.) системаси. *Тошкент — Москва телеграф линияси. Юқо-ри вольтли электр линияси.*

2 Мудофаа ёки ўт очиш нукталаридан иборат система. *Мудофаа линияси. Фронт линияси.*

3 Темир йўл, трамвай йўли; из. *Трамвай линияси.*

ЛИНКОР \р. "линейный корабль" (мун-тазам йўналишли кема) бирикмасининг қисқартмаси] Йирик тўплар билан қурол-ланган, қалин зирхли кагага ҳарбий кема. *У нарироққа боргач, шўлқинни ёрган линкордай.*

ғўза шо&ирини силкитиб, шошилмай кеза-ётган зангори кемалар кўринади. И. Раҳим, Зангори кема капитани.

ЛИНОЛЕУМ [лот. linum — каноп; қалин мато + oleum — мой] Нам ўтказмайдиган, пол ва деворга қопланадиган, рулон ҳола-тида тайёрланадиган полимер материал. *Йўлак чироқлари ёқиб қўйилган, тозалаб артиб қўйилган линолеум пол ярақлаб турарди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

ЛИНОТИП [лот. line — йўл, чизик + юн. typos — белги, из] *полигр.* Ҳарфларни сатр-сатр қилиб териб, яхлит металл сатрлар тар-зида қуйиб берадиган машина. *Линотипда терилган матн.*

ЛИНОТИПЧИ Линотипда харф терувчи.

ЛИНТ [ингл. lint — пахта момиғи] Тола ажратиб олинганда, пахтанинг чигитда қоладиган калта туки ва ундан ҳосил қилина-диган хомашёнинг бир тури. *Линт ва тола чиқарувчи машиналар иштов билан ишлайди.* С. Муҳиддинов, Оппоқ толалар. *Линт деб аталувчи бу калта толанинг ҳар тоннаси-дан 800 килограммгача тоза целлюлоза олиши мумкин.* «Фан ва турмуш».

ЛИНТЕР \ингл. lintei— момиқажраткич] **1** Пахтаси айириб олинган чигитларнинг юзида қолган калта толаларни, тукларни ажратиб, чигитни тозалаб, туксизлантириб берадиган машина.

2 Шундай машинада чититдан ажратиб олинган тола-туклардан иборат пахта; линтер пахта. *Аввалги линтер пахта кўрпа-тўшакдан бошқасига ярамасди.* Газетадан.

ЛИНТЕРЧИ Линтер машинада ишлов-чи ишчи. [Ойимхон] *Чигитдан момиқ ажратиб олади. Бу касб номини корхонада линтер-чи деб аташади.* Ж. Холқосимов, Зийнат.

ЛИНЧА *шв.* Кичикрок, қоп. *..кампир яна донг қотиб ухлаб қолди, оғзи худди химарил-ган эскилинча оғзидай очилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кўлтигимда линча қопча, оёқ яланг кўчаларни чангитиб ўтиб кетдим.* С. Абдулла, Ёшлик йилларим.

ЛИП: лип этиб 1) тезлик билан, бир он ичида. *Давлатёр лип этиб отга минди-ю, бир нафасда кўздан гойиб бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўчма усталик билан, тезда ва осонгина. *Бунчалик тадбир.. натижасиз қолмади, лип этиб Хатиб домудла шўрога [сайлов ва сайланишига] ҳақли ҳам бўлиб қол-ди.* А. Қодирий, Обид кетмон. Лип этмоқТез

ва енгил ҳаракатни билдиради. *Очик эшик-дан Нигора халатининг этаги охириги марта лип этди-ю, муюлишида кўздан гойиб бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛИПА [*қад. р.* лепа — малҳам; ёпишқоқ нарса < *юн.* *lipos* — ёғ] *бот. қ. жўка.*

ЛИПИЛЛАМОҚ 1 Тез ва енгил ҳаракат қилмоқ, юрмоқ; лип-лип қилмоқ. *Раззоқ ўзини четрокқа олиб турди, хотинлар липил-лаб ўтиб кетдилар.* Ҳ. Фулом, Машъал.

2 Тез-тез такрорланувчи кучсиз оний ҳаракат қилмоқ, пирпирамоқ (аланга хара-кати ҳақида). *Эшик очилганда, шам бир ли-пиллади-ю, ўчди.*

ЛИП-ЛИП Лип с. нинг такрори. *Отлар-нинг ёлига тегай-тегай деб синчалаклар лип-лип учибўтарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ўқтин-ўқтин шамол қутуриб, дарахт шоҳларини симларга ураркан, чироқлар лип-лип ўчиб ёнарди.* Ҳ. Назир, Ўзбекистон.

Лип-лип қилмоқ *айн. липилламоқ.*

ЛИППА I \а. <**ULJ** — тола; ип] Иштон-нинг иштонбоғ ўтказиш учун қайтариб тикилган жойи. *Бўтабой носқовогини липпаси-га қистирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ушанда бир сўмликни липпамга яшир-ганимда, ўлгудек дўппослаган номард.* Н. Қо-бил, Унутилган соҳиллар.

Аҳли липпа *эск. кам қўлл.* Пул топиш ва тўплашга берилиб кетган шахсларга нисбатан қўлланувчи ибора. *Сизга ўхшаиш аҳли липпаларга тушунтириши учун.. уч кунлаб док-лад қилиши керак экан-да!* «Муштум». **Липпа урмоқ** Иштоннинг юқори қисмини кўтариб, липпага қистириб олмоқ. *Узоқ-узоқда.. иш-тонларини липпа уриб, қўлларига кетмон ушлаган йигитлар пахта сугориб юрибдилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЛИППА II *айн. лип.* Липпа туриб, бўса-гадан бош чиқардим. «Шарк юлдузи».

ЛИРА I [*лот.* *lyra* < *юн.* *lyra*] 1 Торли, чер-тиб чалинадиган қадимги юнон (грек) чолғу асбоби (поэтик ижод ва илҳом рамзи ҳисоб-ланади).

2 Украин ва белорусларнинг камонча билан чалинадиган чолғу асбоби.

ЛИРА II \итал. *lira* < *лот.* *libra* — фунт, қадоқ (оғирлик ўлчови); тарози, мувозанат] Италия, Туркия ва Мальта давлатларининг асосий пул бирлити.

ЛИРИЗМ \юн. *lyrikos* — лира чалувчи, лирада ижро этувчи] 1 Бадиий асардаги ҳиссийлик, ҳис-ҳаяжон, кўтаринкилик, туйғу унсурлари, лирик хусусиятлар. *Лирик поэмаларда лиризм оқими асар материаллини бир фокусга йиғиб, ҳаракатга солишида.. катта кучга айланади.* «ЎТА».

2 Лирик рухий ҳолат, лирик кайфият, ҳиссиёт. *..тасвирланаётган воқеа ва қаҳрамонларга шоирнинг муносабатини кўрсатув-чи лиризм эпик тасвирга органик равишда қўшилиб кетади.* «ЎТА».

ЛИРИК Лирик асар ёзадиган, ҳис-ҳая-жонли шеърлар ёзадиган шоир.

ЛИРЙК Лирикага оид, лирикага хос ху-сусиятларни, ҳис-туйғуларни, кечинмаларни ифодаловчи. *Лирик шеър. Лирик асар.*

ЛИРИКА \юн. *lyrikos* — лира жўрлигида куйловчи, ижро этувчи] *ад.* Бадиий адабиёт-нинг уч асосий турларидан (эпос ва драма билан) бири бўлиб, унда борлик муаллиф-нинг чуқур, жўшқин ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазаларига йўғ-рилган ҳолда, ички шеърининг монолог тар-зида акс эттирилади. *Лириканинг ўзига хос адабий жинс сифатидаги табиати унинг жанр қиёфасида ҳам акс этади.* «ЎТА».

Эмоционаллик ва рационалликнинг бу хилдаги органик уйғунлигини лириканинг ёзилмаган қонуни дейиши мумкин. «ЎТА».

2 Шу турга мансуб асарлар мажмуи. *На-воий лирикаси. Пушкин лирикаси. шшш Кеча охирида ҳаваскорлик тўғарагининг аъзолари Фурқат лирикасидан концерт бердилар. Га-зетадан.*

ЛИСОН \а. **جِلْسُون** — тил) эск. кт. айн. **тил 1.** -*Русия халқи хат ва лисон ўрганмоққа бизни таклиф қилса, муроди ёмон эмасдир, - деди Фурқат. С. Абдулла, Мавлоно Муқи-мий. Мен Бобур Мирзога кичиклигидан илм ўргатдим, лисон ўргатдим. П. Қодиров, Юл-дузли тунлар.*

ЛИСОНИЙ Тилга оид, тилга тегишли. *Лисоний бирликлар. шшш Бундай лисоний воси-талар поэтик матнда икки томонлама йўналтирилган бўлиб, биринчидан, гўзаллик тушунчасининг даражасини орттиради.. «ЎТА».*

ЛИСТ \юн. lissos — силлик, текис] **1** По-лиграфияда: босиладиган, нашр этиладиган асар ёки матннинг ўлчов бирлиги; табак.

Босма лист 16 бетдан иборат босилган матн, босилган асарнинг хар 16 бети; бос-ма табак.

2 Тахталанган юпқа материалнинг қар бир бўлаги, тахтаси.

ЛИСТАЖ \р. \ *полигр.* Матннинг варақлар ёки табаклар (муаллиф листи, босма лист) микдори билан белгиланадиган ҳажм ўлчо-ви. *Китоб листажи.*

ЛИТ Литва Республикасининг асосий пул бирлиги (1993 йилдан).

ЛИТЕР \лот. littera — ҳарф; белги] Поезд, пароход ва б. транспортларда бепул ёки ар-зон билет олиб юриш учун бериладиган ва маълум ҳарфлар билан белгиланган гувоҳ.-нома. *Темир йўл литери.*

ЛИТЕРА [лот. littera — \арф] *полигр.* Ҳарф ёки босма ҳарф шаклидаги белгилар.

ЛИТИЙ \лот. lithium < юн. lithos — тош] Менделеев даврий системасининг I гуруҳи-га мансуб кимёвий элемент; кумушранг ишқорий металл.

ЛИТО- \юн. lithos — тош] Ўзлашма бай-налмилал қўшма сўзларнинг биринчи ёки иккинчи қисми бўлиб, сўзнинг тошга ёки тошта ўхшашликка алоқадорлигини билдиради.

ЛИТОГРАФ Литография мутахассиси; литография корхонасининг ишчиси.

ЛИТОГРАФИК Литографияга оид. *Ли-тографик портрет. шшш Машраб ҳақидаги қиссанинг қўлёзма ва литографик усул билан тарқатилган нусхаларида шоирнинг туғил-ган ери Наманган деб кўрсатилган. «ЎТА».*

ЛИТОГРАФИЯ [лито.. + юн. grapho -ёзаман] **1** Охактош (литографик) тошга рельефсиз, литография тоши ёки қалами билан туширилган босма қолип; тошбос-ма; шундай тошбосмада матн босиш, чоп этиш усули. *XX аср бошларида литография усулида нашр этилган бир неча баёзларда Қосим девона тахаллусли номаълум шоирнинг "яли-яли" радифли газали учрайди. «ЎТА».*

2 Шу усулда босилган матн ёки асар.

3 Шундай усулда матн нашр этадиган корхона ёки цех; тошбосмахона. *Янги иш-лаб чиқариш муносабатларининг маҳсули си-фатида литография ва босмахоналар вужуд-га келди. Газетадан. 1918йил 29мартда Тур-кистон республикаси Халқ комиссарлари со-вети Туркистон ўлкасидаги барча литогра-фияларни национализация қилиш тўғрисида декрет қабул қилди. «Фан ва турмуш».*

4 Шу усулда рассомлар томонидан яра-тиладиган графика асарлари.

ЛИТОЛОГИЯ [лито.. + юн. logos - таъ-лимот] Чўкинди тоғ жинслари, замонавий чўкиндилар, уларнинг модда таркиби, ту-зилиши, ҳрсил бўлиш ва ўзгариш қонуни-ятлари ва шарт-шароитлари ҳақидаги фан.

ЛИТОСФЕРА [лито.. + юн. sphaera - шар] Ернинг 50—200 км қалинликдаги, Ер пўсти, мантиянинг ташқи қисмини ҳам қамраб олувчи ташқи қаттиқ қобиғи.

ЛИТОТА [юн. litotes — соддалик, оддий-лик] *ад.* Бадиий адабиётда бирор нарса, воқеа ва белгини кичрайтириб, заифлаштириб тасвирлаш усули.

ЛИТР \фр. litre < юн. litra - оғирлик ўлчо-ви] Метрик ўлчов системасида ҳажм ва сифим ўлчов бирлиги; 1000 г кимёвий соф сув-нинг қажмига тенг келадиган суюқлик ўлчов бирлиги. *Бирлитр сут. Уч литр элта-диган идиш.*

ЛИТРАЖ [фр. litrage] Бирон-бир идиш-нинг литр билан ўлчанадиган ҳажми.

ЛИТРЛИ Литр ҳажмидаги, литр элта-диган. *Бешилтрли идиш.*

ЛИФТ \ингл. lift — юқорига кўтармоқ] Кўп қаватли биноларда ва шахталарда одамлар ёки юкларни юқорига олиб чиқадиган ва пастга олиб тушадиган машина. *Қуддус ака самолётда учмас, лифтга тушмае, мвтрода юрмасди.* Газетадан. *Лифт уларни ўн учинчи қаватга кўз очиб юмгунча олиб чиқиб қўйди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

ЛИФТЁР қ. лифтчи.

ЛИФТЧИ Лифтнинг нормал ишлаши-ни таъминлаб турувчи, уни юргизиб турувчи ишчи. *Лифтчилар ўз вақтида иш билан таъминланди.* Ҳ. Ҳакимов, Бош инженер.

ЛИФЧИК \голл. liff] Хотин-қизлар кўкракларига тақадиган тортки; кўкракпеч, сийнабанд.

ЛИЦЕЙ \фр. < lycee < лот. lyceum < Lykeion (Ликей) — Аристотель таълим берган Аполлон лицей ибодатхонаси ёнидаги ўрмонзор номидан) Кўпчилик давлатларда ўрта таълим ўқув юрти. Узбекистонда: ака-демик лицей — давлат таълим стандартла-рига мувофиқ ўқувчиларнинг имкониятла-ри ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожлани-шини, чуқур соҳалаштирилган, табақалан-тирилган, касбга йўналтирилган ўрта мах-сус таълим олишини таъминловчи ўқув муассасаси. *Лицей кутубхонасида эса [ихтисосиш] фанларга оид слайдлар мавжуд.* Газе-тадан.

ЛИЦЕНЗИЯ \лот. licentia — ижозат, рух-сат] **1** Амалдаги қонунларга кўра муайян фаолиятни амалга ошириш (мас, четга мол чиқариш ёки четдан мол олиб келиш) учун давлат органлари томонидан бериладиган рухсат. «Ўзбекнаво», адашмасам, ҳар бир ижрочига махсус лицензия (яъни рухсатно-ма) беради. Газетадан. *Ўзбекистон Республ-каси Марказий банкининг лицензияси билан ишлаётган бу муассаса Нишон туманида жойлашган.* Газетадан.

2 Муайян шахсларга мавжуд, расмий тан олинган ихтиро, технология, ишлаб чиқариш сирлари ва б. лардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

ЛИЧИНКА \р. личинка < личина — ни-қоб, маска < лик — юз, бет тасвири] Баъзи жонли организмларнинг (курт, ҳашарот, балиқ ва ш.к.) ривожланиш (тухумдан чи-қиш) босқичи, шу даврдаги ҳолати; ғумбак. *Урғочи кана 3000—4000 та, айрим турлари эса 20 000 тагача тухум қўяди. 19—28 кун ўтгач, кана тухумидан личинкашар чиқади.* «Фан ва турмуш».

ЛИШАЙНИК \лот. lichenes < юн. liechen — лишай, замбуруғ] *бот.* Замбуруғлар ва сув-ўтлар иттифоқидан таркиб топган, алоҳида морфологик ва физиологик хусусиятларга эга бўлган тирик организмлар мажмуи.

ЛИҚ **I:** лиқ тўла Бошқа ситмайдиган да-ражада, бутунлай тўлган. *Хона одамлар билан лиқ тўла. тии Иккинчи отдаги катта хуржуннинг икки кўзи лиқ тўла танга эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Лиқ тўлмоқ Бошқа сиғмайдиган даражада тўлмоқ. *Бир зумда столнинг усти турли ноз-негматлар бишн лиқ тўлди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Блиндаж жангчилар билан лиқ тўлиб тошди.* Н. Сафа-ров, Оловли излар.

ЛИҚ **II:** лиқэтиб ютмоқ Томоғидан ўтка-зиб юбормоқ. *Ичида биттаси бор, энди қўяве-расиз, лиқ этиб ютиб юборгинг келади киши!* Шухрат, Шинелли йиллар. *Қорабоев, азба-ройи қўрққанидан, лунжсидаги қуртини бу-тунлигича лиқ этиб ютиб юборди.* «Муштум».

ЛИҚИЛДОҚ 1 Лиқиллаб, қимирлаб ту-радиган, лиқиллайдиган. *Аёл дастлаб, "ортиқча дахмаза" дегандек, елкасини қисиб қўйди-да, лиқилдоқ табуреткага ўтириб, манглайини ушлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 тиб. Чақалоклар калла суягининг уст-ки қисмида ўрнашган суякларнинг бири-киш жойларидаги пардали, суяклашмаган қисм.

ЛИҚИЛЛАМОҚ 1 Қаттиқ ўрнашмай қимирлаб, тебраниб турмоқ. *Лампанинг пилиги ичига тушиб кетган, бурайдигани сий-қаланиб, лиқиллаб қолган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Оғзида қолган иккита-гина тиши сўзлаганида лиқиллаб туради.* Ойбек, Болалик.

2 кўчма Бўшашиб, заифланиб, омонат бўлиб қолмоқ. *-Оламда нима гаплар бор, Қори? — деб сўради эшон. Қори лабини дўрдайтирибжавоб берди: -Оқ подшонгиздан ҳам нутур кетиб, тахти лиқиллаб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛИҚЛИҚ Мол, қўй, бузокларнинг кал-ла-почаларидан зираворлар қўшиб, милди-ратиб узоқ қайнатиб, сўнг суякларидан аж-ратиб тайёрланадиган яхна таом.

ЛИҚҚО(К) Офтоб уришидан, бирор касалланишдан ичи бўшашиб қолган; сув-ли (узум хақида). *Соли узумдан ебкўрди.. баъ-зилари ширасиз, баъзшюри лиққо.* Ё. Шукуров, Уч савол.

ЛОАҚАЛ \а. **ЛЛIV** - ҳеч бўлмаганда; энг камида] Ҳеч бўлмаса, жуда бўлмаганда; ақалли. *Шу тўрт девор ичра қон ютиб, бе-ҳад заҳмат чеккан синглингизга лоақал сиз шафқат қилингиз.* Ойбек, Улуғ йўл. *Бечора-ни нега ҳайдадингиз, нега мени, лоақал ойим-ни бу келишдан хабардор қилмадингиз?* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар.

ЛОБАР \ф. — гўзал, келишган, ёқимтой] **1** Хушрўй, хушсухан ва ёқимли. *Салом, менинг азиз дугоналарим, Азизим, ло-барим, чеварим қизлар! Зулфия. Бу яқин ора қишлоқда Дилдордан гўзал, Дилдордек лобар жувон бўлмаса керак.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Лобар (хотин-қизлар исми).

ЛОБЗИК \нем. Laubsage < Laub — барг-лар + Sage — арра] Ёғоч ёки юмшоқ металлдан бўлган буюмларни шаклдор, жимжи-мадор арралаш учун қўлланадиган дастаки асбоб ва унга қистириб қўйиладиган энсиз аррача.

ЛОБИД \а. — мажбурий, ноилож; зўрма-зўраки|: лозим ва лобид *зск. кт.* Би-рор ишнинг албатта бўлиши, бажарилиши зарурлигини таъкидлаш учун қўлланади. *Қутидорга ҳам бу мулоҳаза жуда маъқул*

586 ЯУ^

тушиб: ..албатта, мунда бирор йил туриши лозим ва лобид! — деб жавоб берди. А. Қоди-рий, Ўтган кунлар. *Жаноб олишларига айтиб ўтиш лозим ва лобид бўлган.. шарт-шароит-лар бу мактубни ёзишни тақозо қилди.* С. Аб-дулла, Мавлоно Муқимий.

ЛОВ тақл. с. Кучли аланга ҳамда шу алангадан чиқаётган товушни билдиради.

Лов этиб 1) бирдан аланга олиб. *Хатни ола солиб, печкага ташладим, хат лов этиб ёнди-кетди.* «Муштум»; 2) кўчма бирдан қизишиб, қизариб. *Фем-атвор жиҳатидан Виктор жуда қизиққон, сал нарсага лов этиб, гавдасига сира ярашмаган ингичка овозини баралла қўйиб чийилларди.* С. Кароматов, Олтин кум. *..турмушда шунақа ҳам бўлиб туради, ҳар нарсага лов этиб кетавериш яра-майди..* Д. Нурий, Осмон устунӣ.

ЛОВА1 с. т. Лава.

2 кўчма Аланга, ўт. *Гулхан ловаси терак-лардан ҳам юқорироқ кўтарилди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Ловалар сочмоқ бутун борлиқни йўқ қилмоқ демак.* *Шу ловаларни сочмаслик чо-расини кўриши керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

ЛОВДАН *шв.* Юпқа ипак тўқима; харир. *Ўн тўрт яшар экан унинг камолӣ, Бошида пирпирар ловдан рўмоли.* «Алпомиш».

ЛОВИЯ \ф. **UJJ** — ловия] Дуккакдилар-га мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг овқат учун ишлатиладиган дони. *Йўлнинг бир ёғи ловия, мош экилган дала..* М.

Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Ловиянинг озиқ-лик қиммати мошга тенг*. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

ЛОВУЛЛАМОҚ 1 Кучли алангаланмоқ, аланга таратмоқ. *Элмурод печкада ловуллаб ёнаётган ўтга тиктди*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Қуруқ ўтин бир зумда ловуллаб ёниб кетди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Қаттиқ қизимоқ. *Қуёш тик кел-ган. Ҳаво ловуллаб ёнади*. Ойбек, Қутлуғ қон. *Қизнинг юраги худди тузоққа тушган қуш-дек питирлаб урар, юзи ловуллаб ёнарди*. О. Ёкубов, Бахрр кунларидан бирида. *Юзлари қизариб-бўртиб, қулоқларигача ловуллаб кетган Гулхайри тоғасига ўгирилди*. С. Ну-ров, Нарвон.

3 кўчма Бирдан қизишиб кетмоқ, тутақ-моқ. *Лутфинисо: "Вой, жувон ўлгур!" деб, лабини тишлади*. У.. шамол теккан оловдек, ловуллаб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.

Эҳсон у вақтда бирданига ловуллаган муҳаб-батнинг оқибатини сўраганда, гапиргани гап топилди, андак хижолатликдан чиқди. А. Қаҳҳор, Сароб.

ЛОГАРИФМ \юн. logos — муносабат, нис-бат + arithmos — сон, миқдор] *мат.* Асос деб аталадиган муайян сонни даражага кўтарган-да, берилган (керакли) сонни хрсил қилиш мумкин бўлган даража кўрсаткичи. *Логарифм-лар жадвали*.

ЛОГАРИФМИК Логарифмга оид. *Лога-рифмик жадвал. Логарифмик линейка*.

ЛОГИК қ. **мантиқшунос**.

ЛОГИК қ. **мантиқий**.

ЛОГИКА қ. **мантиқ, мантиқ илми**.

ЛОГИСТИКА 1 \юн. logistike - ҳисоблаш, муҳокама санъати] **1** Математик мантиқ; тафаккурни математик методлар ёрдамида тадқиқ этиш.

2 Бутун математикани унинг хилма-хил томонларини қўшган ҳолда математик мантиқ билан бирлаштирувчи математик-фал-сафий нуқтаи назар, йўналиш; математик мантиқ тараққиётидаги бир босқич.

ЛОГИСТИКА 11 [ингл. logistics] Инсон фаолиятининг у ёки бу соҳасини моддий-техник таъминлашни бошқариш тизими.

Логистика тизими У ёки бу ишлаб чиқа-риш корхоналари, хизмат кўрсатиш муас-сасалари, ўқув юртлари асосий фаолияти-нинг самарали бўлишини таъминловчи ин-фратузилмалар тизими.

ЛОГОГРАММА [юн. logos - сўз, нутқ + gramma — ёзув, ёзув белгиси, расм] Сўз-бўғин ёзувида бир бўғинни ёки бутун бир сўзни ифодаловчи белги.

ЛОГОПАТИЯ [юн. logos — сўз, нутқ + pathos — ғам-алам, азоб; касаллик] *тиб.* Эшитиш қобилияти яхши сақланган ҳолда нутқнинг бузилиши, нуқсонли бўлиши (дудукланиш, тили чучуклик, айрим ўхшаш товушларни нотўғри талаффуз қилиш каби).

ЛОГОПЕДИЯ [юн. logos - сўз, нутқ + paideia — тарбиялаш] *пед.* Дефектологиянинг бир тармоғи: эшитиш қобилияти яхши бўлгани ҳолда, нутқда кузатиладиган турли хил камчиликларни (дудуклик, тили чучук-лик, ўқиш ва ёзувдаги нуқсон ва б. ни) ўрга-нади ва шу ҳодиса сабабларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш ҳамда даволаш ме-тодларини ишлаб чиқади.

ЛОДОН [< ф. **ЪЪЪ** ёки **ОЛВ** — ақлсиз, билимсиз; аҳмоқ] *с. т.* Нодон, билимсиз. *Мен лодон камтирнинг гапини айбга буюрманг, қизим/А.* Мухтор. Опа-сингиллар.

ЛОЖА \ *фр.* loge < *қад. нем.* laubia — ший-понча] Томоша залида бир неча киши ўти-риши учун ажратиб ясалган махсус жой. *Фестиваль халқаро комитетининг аъзолари, фахрий меҳмонлар.. ложага чиқадилар*. Газе-тадан.

ЛОЖУВАРД [ф. **Ј** кимматбаҳо кўк

тош; мовий, зангори] **1** Тўқ кўк, яшилга мойил ҳаворанг тусли майда донатор, шишасимон ялтироқ минерал (кимматбаҳо безак тош сифатида ишлатилади ва мовий

ранг бадий бўёқ олинади). *Тоза ложсувард усгига олтиндан бўртма нақилар.. солинган.* Ойбек, Навоий.

2 Тиниқ кўк, тиниқ кўк тусли. *Ложсувард кўкда сайрашиб учаётган қуштр дарахтлар-га қўниб.. сахий қуёшга мадҳия айтаётган-дек, басма-басга чуғурлашадилар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Юлдузлар ложсувард чодирдан осилган электр чирокларидай ёруғ-лашиб, кўзларни қамаштирмоқда эди.* С. Ай-ний, Қуллар.

ЛОЗИМ I \a. — керакли, зарурий (нарса)] **1** мод. с. Керак, зарур. *Унга [Унсин-га] дардларини ўртоқлашувчи сирдош — қай-/удош лозим эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хўжалигимизда одам сероб, лозим бўлса, янги хўжаликка отланамиз. «Ўзбекистон кўриқ-лари».* Нарзи севган қизининг номини унинг номи билан бир қатори қўйишининг лозими қолмади. Н. Сафаров, Оловли излар.

Лозим топмоқ (ёки кўрмоқ). Лозим, за-рур деб билмоқ, ҳисобламоқ. *Табиб ҳам Меъморнинг оғир мусибат билан Бухорога ке-таётганини маълум қилишни лозим топма-ди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Осонгини қўлга ки-ритилган ўлжадан ҳаволанган душманлар ўқ отишни лозим кўрмади.* Газетадан.

2 Ҳаракат номи шаклидаги феълга би-рикиб, шу феълдан англашилган ҳаракат-нинг бажарилиши талаб этилишини, керак-лигини билдиради. *Айтиш лозим. Кечирши лозим. **ит** Бўғоз қуёнларни ҳомиладорлик дав-рида ўз вақтида сифатли озуқа ва тоза сув бериб парвариш қилиш лозим. «Фан ва тур-муш». [Таржимон] Бадий асар ёки хўжжат-ни бир тилдан иккинчи тилга таржима қил-моқчи бўлса, у аввало ўша оригиналнинг том маъносини чуқур билмоғи лозим.* Х. Ёдгоров. Ҳаёт тўлқинлари.

ЛОЗИМ II \a. қ. иштон. *Сидиқжон бостирманинг орқасига ўтиб, яқтак, лозим билан чориқни кийди.* А. Қаҳҳрр, Қўшчинор чироқлари. *Барат полвон кавушини ечди.. лозимини ҳимарди ва Шайтон полвон бели-даги белбоғни олиб боғлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Нуриой, ойингиздан тўрт газ-гина чит олиб берасиз.. Лозим қилиб кияман, унутманг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Поча-сига жияк тикилган лозими товонигача ту-шиб турибди.* Ҳ. Ғуллом, Машғал.

ЛОЗИМАНДА \ф. **aAi-cjV**] с. т. Лозимо-мада. *Лозимандани яхишлаб берсангиз, борма-сим борми?* Т. Алимов, Совға.

ЛОЗИМЛИК I Лозим (керак) эканлик. /Қоратой] *Бу маҳаллада туриш унга [Ўлчи-га\ хавфли эканини, ҳозирча шаҳарнинг чет-роғида яшаи лозимлигини айтди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

ЛОЗИМЛИК II Лозим, иштон бўлади-ган, иштон қилишга яроқли (иштонбоп) газлама. *Лозимлик сотиб олмоқ. Бир лозишиқ аъшис. **тм** Мана буниси пешонабоғ, мана бу-нисилозимлик.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

ЛОЗИМОМАДА \a. + ф. **4ju,lf** \V - қили-ниши, бажарилиши керак бўлган (нарса)) Аёллар томонидан тўй, туғруқ, меҳмондор-чилик каби маросимларга олиб борилади-ган бирор буюм, кийим-кечак, пишириқ каби совғалар. *Лозимомада қилмоқ. Лозимо-мада тайёрламоқ. **тм** Бу гап ҳамроҳ бўлган беш аёлга ҳам маъқул тушиб, дастурхон ту-заб, ҳар қайсиси ўз лозимомадасини гамлаб жўнади. «Ёдгор».*

ЛОЙ [ф. — балчиқ, лойқа; чўкинди; ботқоқ] **1** Нам таъсирида ёки сув билан қоришиб, юмшоқ ва ёпишқоқ масса холи-га келган тупроқ. *Ёмғир ёғди — кўча лой бўлди. Машина лой сачратди. **тм** Бола сувни кўп сепиб, ерни лой қилиб юборган эди.* А. Қо-дирий, Меҳробдан чаён. *Деярлик ҳар қадам-да бир пой кавуши оёқдан тушиб, лойга бо-тар, қиз энгашиб олар.. эди.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

Лой бўлмоқ 1) лой тегиб ифлосланмоқ. *Адолат ажриқ ковлаган эди, бармоғи лой бўлди.* И. Рахим, Чин муҳаббат; 2) хижолат-дан, уятдан қизариб, ерга қарамоқ, ноку-лай аҳволда қолмоқ.

2 Сув остига ўтириб қолган тоғ жинсла-ридан, қум, тупроқ заррачаларидан ҳосил

бўлган чўкинди; балчик (Баъзи турлари шифобахш бўлиб, даволаш мақсадларида ишлатилади). *Ариқнинг лойини тозалamoқ.*

3 Тупрокни сувга қориб, баъзан сомон, жун каби нарсалар аралаштириб тайёрланган махсус қурилиш материали. *Сомонли лой. Кулол лойи. Лой қилмоқ. Лой пишитмоқ. Лой сувоқ. ти Совуқда лой қориб, оёғимиз кесак, бурнимиз шолгомдай бўлиб кетди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

Ишнинг таги лой Ишнинг оқибати ёмон, чатоқ. Лой чапламоқ Хунук, нокулай, ҳақоратли вазиятга қўймоқ; булғамоқ. *Фи-рибгарлик, зимдан узатилган қанча-қанча пора обрўли кишиларни жарга улоқтирди, виждонларига лой чаплади.* Газетадан. Лойга булғамоқ (ёки беламоқ) Қораламоқ, ерга урмоқ; доғ туширмоқ, иснод келтирмоқ. *Бутун Олтинсойга мазах бўлганингни била-санми? Ор-номусимни лойга беладинг, доғ ўлгунча кетмайдиган бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Сув бошидан лой Иш юқоридан бузилган, ишни аввал бошлиқ бузган, *-Агар комиссия раиси, — деди Шу-кур, — тузук одам бўлса эди, Ўрмон полвон-нинг гапига кириб суриштирмасдан, текиширмасдан шунча урардими? -Сув бошидан лой, — деди Ғойиб. С. Айний, Қуллар.*

ЛОЙГАРЛИК айн. лойгарчилик.

ЛОЙГАРЧИЛИК Ёғиндан ернинг лой бўлиб кетиши. *Куз лойгарчишиги. тт Тўламат.. лойгарчилик бўлгани учун, минерал ўғит трак-торда ташиб келтирилганидан хабардор эди. С. Анорбоев, Оқсой.*

ЛОЙИҚ \a. jiV — тегишли, мос, муно-сиб] **1** Тўғри келадиган, мос тушадиган; арзийдиган; мувофиқ, муносиб; сазовор. *Мақ-эповга лойиқ иш. Уҳурматга лойиқ одам. Сизга лойиқ бир иш топдим. тт Отабек хон қизига лойиқ бир йигит экан. А. Қодирий, Ўтган кун-лар. Тетик, зийрак, улуг, доно халойиқ Баҳо бергай билиб ҳар кимга лойиқ. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Яхшини ҳам кўрди, ёмонни ҳам. Ичидан ўзига лойиғиши танлаб олди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

Лойиқ кўрмоқ Муносиб деб билмоқ, ҳисобламоқ. *..лекин душман Ватанимиз тупрогидан ҳайдаб чиқарилмагунча, фронтдан кетишни ўзимга лойиқ кўрмадим. О. Ёқубов, Излайман.*

2 Улчамига тўғри келадиган. *Бу этик оёғингизга лойиқ экан. Бўйи бўйимга лойиқ.*

шт -Ўҳў! — деди Турдиев дераза кўзларини кўриб. — Буларга лойиқ ойнани қаердан то-паман. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

3 Етарли миқдорда, даражада. *Анварга жабр бўлади, деб ўйласанг, бундан кейин ўзига лоиқ, оз-оз нон ёпиб тур. А. Қодирий, Меҳ-робдан чаён. Бой ўзи меҳнат қилишни хоҳла-маса, кучига лойиқ ер, ишлаб чиқариши воси-талари қолдириладиган бўлди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

ЛОЙИҒИЧА Лойиқбир ҳолда, муносиб суратда; тегишлича, мўлжалдагидай, кўнгилдагидай. *Огаси буюрган ишни лойиғича адо қилувчи бир фармонбардор йигит. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ЛОЙИҲА \a. — рўйхат; низом,

қоида; режа, дастур] **1** Бино, иншоот, ма-шина ва ш. к. ни қуриш ёки тиклаш учун ишланган, тайёрланган ҳужжатлар (чизма, ҳисоб-китоб, андоза, нусха ва ш. к.) мажмуи. *Бинонинг лойиҳаси. Лойиҳа тузмоқ. тт Лойиҳага кўра, уй чердагига ўрнагилган қуёш батареяси сувни кислород ҳамда водородга ажратади. «Фан ва турмуш».*

2 Қарор, фармон, қонун ва ш. к. ҳуж-жатларнинг дастлабки хомаки матни. *-Қарорнинг лойиҳаси ҳам бор, — деб раис кноп-кани босди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

ЛОЙИҲАЛАМОҚ Лойиҳа тузмоқ, лойи-ҳа ишлаб чиқмоқ.

ЛОЙИҲАЛАШ махс. Мўлжалланган объектлар (асбоб ва жиҳозлар, бино ва иншоотлар, турли машина ва аппаратлар, кийим-бош ва мебеллар)нинг янги хил ва намуналарини қуриш ва яратиш учун улар-нинг лойиҳаларини тузиш ва чизиш.

ЛОЙИҲАЛОВЧИ *айн.* лойиҳачи.

ЛОЙИҲАЧИ Лойиҳа тузувчи. *Инженер-лар ва лойиҳачилар чўлқуварлар посёлкасининг қиёфаси ҳақида.. гапириб бердилар.* «Ўзбекистон кўриқлари». ..кўришидан лойиҳачи-муҳандисга ўхшайдиган кексароқ киши суҳбатга аралашди. А. Дилмурод, Фано даштидаги қуш.

ЛОЙКАШ [*ф.* oi[^]V — лой тортувчи; лой тайёрловчи] **1** Курилиш ишларида: лой тайёрлаш, лой ташиш ва уни юқорига уза-тиш ишини бажарувчи шахс. *Ражабали даст-лаб, икки ой заводнинг бинокорлик ишида лой-каш.. бўлиб ишлади.* Ғ. Ғулом, Очилган сирлар.

2 Сувоқчиликда: лой, ганч олиш учун ишлатиладиган металл асбоб; куракча.

590

ЛОЙЛАМОҚ **1** *кам қўлл.* *айн.* лойқат-моқ **1.** Душманларнинг тиниқ сувин лойласин. «Ҳасанхон».

2 *жарг.* Сотмоқ, пулламоқ. *Якшанбада эшагимни бозорга олиб бориб, ўттиз сўмга лойладим.* «Муштум».

3 *жарг.* Хуфия тарзда етказмоқ, билдир-моқ, "сотмоқ".

ЛОЙЛИ Лой теккан, лой билан ифлос-ланган, лой чапланган. *Мадамин қўлидаги лойли кетмонни.. қўлмак сувеа ташлаб қўйди.* С. Аҳмад, Мастура. *Ёрмат, узр сўраган каби, лойли қўлларини қовуштириб, бирдан йиглаб юборди.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛОЙХОНА [*лой* + *хона*] Лой тайёрла-надиган, тайёрланган ёки лойи олинган чуқур. *Иморатларнинг кўланкаси ва кечанинг ўртача қоронгиси орқасида лойхонада киши бўлганлигини пайқаш қийин эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЛОЙХЎРАК [*ф.* ^Ijj[^]V - лой еювчи; ёмғир чувалчанги] Тўқай, ботқоқ ерларда яшайдиган, балчикчилар туркумига мансуб узун тумшукли қуш. *Ўрдак йўқ кўлда — лой-хўракхон.* Мақол. *иш Дарё дельталарида лай-лак, лойхўрак, балиқчи қуш.. учрайди.* «Зоо-логия».

ЛОЙЧАҚИР *шв.* Кийимга илашган лой парчалари. *Яланг оёқларини товлайдишир, ҳўл лойчақирларини куритадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

ЛОЙҚА **1** *сфт.* Лой, тупроқ, чанг ва ш. к. тушиб булганган, лойқаланган. *Лойқа сув. ишит Март ўзи билан ёмғир бошлаб келди.. Жилгалардан шариллаб лойқа сел оқди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Пастда жуда катта лойқа кўл тўлқинланиб ётар.. эди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Унинг оти сув ёқасида бош чайқаб, орқага тисарилиб, пишиқираёт-ган лойқа дарёга тушишига журъат килолмас-ди.* Х- Ғулом, Машғал.

2 *от* Сувда ёки суюкликда сузиб юрган лой ва ш. к. лар зарраси ва уларнинг сув ҳавзаларидаги лойсимон куйқаси, чўкиндиси; балчик. *Ҳовуз лойқага тўлиб қолибди. Челақ тагига лойқа ўтирибди. Мусаллас лойқаси тиниб қолибди.* *тиш* Дарё оқими ҳар йили 200 миллион тонна лойқа олиб келади. И. Жаб-боров, Кўҳна харобалар сири.

3 *кўчма* Ноаниқ, аралаш-қуралаш. *Лойқа хаёлотлар чашимадай тинди. Пок-покиза юрак — бир қатра симоб.* Ғ. Ғулом.

4 *кўчма* Бирор ишнинг ёмон оқибати, охири, натижаси. *Оламан-қуя.. Кетидан лойқа чиқмаса деиман-да..* И. Шокаримов, Уруғ-аймоқдар. *Ароқни кўр: ўзи тин-тиниқ, Аммо унинг ишлари лойқа.* Ш. Шомухамедов, Рубойилар. *Ишининг оқибати лойқа бўлишига ақли етган Қорасоч Норшигит билан масла-ҳатни бир жоига қўйди.* Т. Сулаймон, Қора-соч.

Лойқа сувда (ёки сувни лойқатиб) балиқ овламоқ Керакли (сездирмайдиган) шароит ҳозирлаб, ўз ишини амалга оширмак, шундай шароитдан фойдаланмоқ. *Кейин лойқа сувда балиқ тутиб, ўзига катта ҳис-сани кўпоради.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛОЙҚАЛАНМОҚ *айн.* лойқамоқ. *У[Оқ-сой] гоҳ лойқаланади, гоҳ тинийди.* С. Анор-боев, Оқсой.

ЛОЙҚАЛАТМОҚ айн. лойқатмоқ. Чуқур сувни лойқалатиб бўлмас. Мақол. **ти** Шунинг учун ҳам шоликорлар сувни лойқалатиб, шо-липоядан чиқмай юришаверади. С. Ахмад, Уфк.

ЛОЙҚАМОҚ Чўкинди моддалар арала-шиб, лойқа ҳолга келмоқ, ифлосланмоқ (сув, умуман суюқдик ҳақида). Сувлойқаб кетди.

ЛОЙҚАТМОҚ 1 Суюқликни лойқа ҳолга келтирмоқ, чўкиндиларини кўзгаб, аралаштирмоқ, лойламоқ. Сувни лойқатмоқ.

2 кўчма Лойқасини чиқармоқ, пачава, расво қилмоқ, бузмоқ. Энди унинг осуда турмушини ҳеч ким лойқата олмайди. С. Анор-боев, Оқсой.

ЛОК [ф. < ҳинд. локх — қизил смола (қатрон)] махс. Смолани спиртда эритиб ҳосил қилинадиган, буюмларни ялтиратиш, пар-дозлаш учун ишлатиладиган суюқдик. Қора лок. Лок суртмоқ. Док бериб пардозламоқ. **ти** [Унсин] Ичкари уйда ўтириб, маҳсиларга.. лок суркайди. Ойбек, Танланган асарлар.

ЛОКАЛ \лот. localis — муайян жойга хос, маҳаллий] Маҳаллий, муайян жойга хос ёки унинг чегарасидан чиқмайдиган. Локал урушлар.

ЛОКАЛИЗАЦИЯ \лот. localis - маҳал-лий, бирор жойга хос < locus — жой, ўрин] Бирор нарсани аниқ бир жой, ўринга дахл-дор қилиш; бирон-бир воқеа ёки жараённинг ҳаракатини, тарқалиб кетишини че-гаралаш, тўхтатиш.

ЛОКАТОР \лот. locare - жойлаштирмоқ] Турли объектларнинг (самолёт, кема ва б.

⁵⁹¹ **ЯУЛ**

нинг) фазода жойлашган ўрнини радиоло-кация, оптик (жумладан, лазер) ёки товуш локация методлари ёрдамида аниқловчи қурилма.

ЛОКАЦИЯ \лот. locatio — жойлаштириш] Объект ўрнини, жойини у чиқараётган, акс эттираётган сигнал, белги (одатда товуш ёки электромагнит тўлқинлар)га қараб аниқлаш.

ЛОКАУТ \ингл. lock-out — эшикни ёпмоқ] *сиёс.* Корхонани ёпиб қўйиш ва ишчиларни ёппасига ишдан бўшатиш — ишчиларни ўз талабларидан воз кечишга мажбур қилиш ва шу йўл билан иш ташлашнинг олдини олиш ёки бостириш усулларида бири.

ЛОКИН \а. — аммо, бироқ] *с. т.* Ле-кин.

ЛОКЛАМОҚ \млг. Нарсанинг юзига лок суртмоқ, лок бермоқ. Маҳсини (туфлини) локламоқ.

ЛОКОМОТИВ [фр. locomotive < лот. loco moveo — ўрнидан силжитаман] Темир йўлда ўзига тиркалган вагонларни тортиб боради-ган паровоз, электровоз, тепловоз ва ш. к. ларнинг умумий номи. *Илгари жорийремонт ишларини бажариш учун манёвр локомотив-лари Туркманистондаги Қозонжиқ станция-сига юборилар эди.* Газетадан.

ЛОЛ \а. JV — соқов, сўзлай олмайдиган] Изза бўлиб, хижолатда қолиб, қаттиқҳаяжон ва ҳайратдан ёки мағлубиятдан гапиролмай қолган, тили тутилган, мулзам; соқов. *Сар-басар ҳасратларинг шарҳ эткали лолдур ти-лим.* Хислат. *Зайнаб тамом, тамом лол эди. Сўз қотишига у беҳол эди.* Ҳ. Олимжон. *Бир гўзалким, ҳуснидан эл лол эмиш, ҳайрон эмиш.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Лол бўлмоқ (ёки қолмоқ) 1) тили тути-либ, гапиролмай қолмоқ. *Тили лол бўлди-ю, қолди сўзидан.* М. Алавия. *Лол бўлиб қолган Машарип аканинг лаблари оптоқ оқариб, са-ратонда титрай бошлади.* Мирмуҳсин, Қи-зил дурралар; 2) бирор нарса айтолмай, таажжуб, ҳайрон ҳолда қолмоқ. *..бу асар шу қадар содда, ўнгай, тушунарлики, муаллиф-нинг мушоҳадаси ва истеъдоди олдида лол қоласан киши.* Р. Раҳмон, Халқ профессори. **Лол қилмоқ (ёки этмоқ, айламоқ)** Гапирол-майдиган қилиб қўймоқ; ҳайрон қолдирмоқ, ақл-хушни олиб қўймоқ. *Бунёд уйгонди дар-ҳол, Уни лол этди бу ҳол.* Х- Олимжон.

ЛОЛА \ф. <Ч 1 бот. Лоладошлар оила-сига мансуб, йирик, чиройли гулли кўп йиллик ўсимлик; манзарали экма гул ва унинг қизил, сариқ ёки тарғил гули. *Лола сайли. итт* Тогда очилиб лола, ер сабза баҳор ўлса. Фурқат. Гуллар орасида лолалар қадди-қома-шини кўз-кўз қилиб тебранади. «Ўзбекистон кўриклари». Лола тердик даста-даста, кеч билан қайтдик шаҳар-Йўлда бир-бир тар-қатиб Эркин муҳаббат хайлига. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

Лола сайли Ўзбек халқининг қадимги удумларидан бири: қир ва адирларда лола очилган чоғда ўтказиладиган сайил, саёҳат. *Таклиф зидим тонг билан дилдорни лола сай-лига, Бошим осмонларга етди, ёр деганда «майлига».* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 кучма поэт. Лола рангли, қизил, қир-мизи. *Очишиқ истаркан лола дудоқлар, Жавдираб кўзларинг нечун ўйноқлар. Уйғун. Лола янглиг оразингни мен кўриб тасвирда, Мубта-ло бўлмоқлигим ёзмиш экан тақдирда.* Ҳамза.

3 Лола (хотин-қизлар исми). **ЛОЛАГУЛ** \ф. **Л^АЈУ**] айн. **лола 1. ЛОЛАГУН** \ф. **ј^4_1^** — лола каби қип-

қизил| поэт. айн. **лоларанг.** *Шеърү соз завқи-дан чехрам лолагун.* Ҳ. Гулом.

ЛОЛАЗОР \ф. **ј1ј4.IV** - лола экилган, ўсиб ётган ўтлоқ] Лоласи кўп, лола очилиб ётган жой. *Эй тан, бас айла ғамни, қишўтса, баҳор ўлур, Сахро юзи бинафша билан лола-зор ўлур.* Оразий. *Уфқдаги шафақ мана шу лолазорнинг осмон кўзгусидаги аксими ё ер кўзгусидаги бу қирмизи ранг ботаётган қуёш шафагининг аксими?* К. Яшин, Ҳамза.

ЛОЛАРАНГ \ф. &>j*Si] Лола рангида-ги, қизил, қирмизи. *Хўжабеков пиёлага лоларанг вино қуйиб, жувонга тутди.* С. Анор-боев, Оқсой. [Бектемир] *Соф, лоларанг ёл-қинга термилиб.. узоқ ўйлади.* Ойбек, Қуёш қораймас.

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ Кўкнордошлар оиласига мансуб, баҳорда очиладиган, лоласимон гулли бир йиллик ёввойи ўт ва унинг гули. *Мол бокиб юрган болалар онда-сонда кўринган лолақизгаадоқ ва чучмомалар-ни ўзларишиқи қишишига талашиб юрардилар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

ЛОМ I \а. Араб алифбосидаги **Л** — "л" ҳарфининг номи. *..Нур ғалтак билан Салим вавақ "лом "ни ёзиб, "бе "ни ўқибди.* З. Саид, Ноумид шайтон.

Лом демаслик Ҳеч нарса демаслик; ин-дамаслик. *Ишининг энгил кўчишига севинган она Отабекнинг бу шартига лом демасдан кўнди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..қўриқлар Кизилқумга чегара, қумдан келаётган гарм-сел экинларни куйдириб юбориши, бутун меҳ-нат беҳуда кетиши тўғрисида нега лом де-майдилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

Лом дея олмай қолмоқ Жавоб қайтара олмай, гапиролмай, индамай қолмоқ. \Ҳасаналининг} *Бу охирги жумласи Ҳомидни ерга қаратиб, лом дея олмай қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

ЛОМ II \р. лом — синдириб, ушатиб олин-ган (парча)] Бир ёки ҳар иккала учи ҳам ўткир бўлган узун, ингичкароқ металл ас-боб; мисранг. *Лом билан ерўймоқ. ти Ҳар бири девсифат, бақувват йигитлар эди. Кўлла-рида гурзи, чўқмор, чўкич, лом, темир пона..* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

ЛОМАКОН \а. .jLLoV — маконсиз, жой-сиз; ҳар ерда ҳозир (Аллоҳнинг сифатлари-дан бири) | Макони, турадитан муқим жойи йўқ. \Хатингда\ *Қаерда туришинг кўрсатил-маган ёкиломаконмисан?"Муштум". Шунда замин деди — мен ўзим осмон, Макон нидо қилди — менман ломакон.* Э. Воҳидов.

ЛОМБАРД \нем. Lombard < maison de lombard — судхўрнинг уйи < итал. lombardo — судхўр, банкир < Lombardia — Шимолий Италиядаги тарихий вилоят номи: ўрта аср-ларда ушбу вилоятдан кўплаб судхўр ва бан-кирлар чиққан] Ҳаракатдаги, кўчма мол-мулк ва буюмларни гаровга олиб, вақтин-ча фойдаланиш учун пул (қарз) бериб турувчи кредит муассасаси; гаровхона.

ЛОМ-МИМ [а. [^]fi - арабча J (л) ва & (м) ҳарфларининг номи]: **лсм-мим демаслик.** айн. **лом демаслик** қ. **лом.** *Жанобту-тилиб, лом-мим деёлмай қолди.* Мирмуҳсин, Нуқра. *Мударрис домла ҳам менинг кетишим-га лом-мим демай рози бўлибди.* М. Муҳам-маджонов, Турмуш уринишлари. *Кундошла-римнинг жабр-зулмига чидамадим. Эрим уч талоқ қўйганда ҳам, огиз очиб, лом-мим де-мадим.* Ж. Шарипов, Хоразм.

ЛОП таъ. с. Бирдан, бир онда бўладиган ҳаракатни билдиради (олов, аланга ҳақида).

Лоп этиб 1) бирдан кўтарилиб (олов, аланга ҳақида). *Кейинги тортишида сархонадан лоп этиб аланга кўтарилди.* Ҳ. Гулом, Машғал; 2) бирдан, кўкқисдан. *Хотинлар-нинг суҳбати роса авжига чиққанида, лоп этиб Пирназар полвон келиб қолди.* Р. Раҳ-мон, Меҳр кўзда.

ЛОПИЛЛАМОҚ 1 Ён-верига чайқал-моқ; баланд-пастга чайқалмоқ; лапангламоқ. *Кўчадан биров лопиллаб ўтиб кетди. Кўприк лопиллаб турибди. тш Ойшабону юзини рўмол билан ёпиб, лопиллаб кириб келди.* Ҳ. Гулом, Машғал. *Хона гўё қайиқдай дам у ёққа, дам бу ёққа қийшайиб, лопиллагандай бўларди.* Мирмуҳсин.

2 Лоп-лоп қилмоқ (аланга ҳақида). *Ерга тушган чироқ бир-икки лопиллади-ю, аввал кўк, кейин қизғин аланга кўтарилди.* А. Қаҳ-ҳор, Қўшчинор чироклари.

3 шв. Лоф қилмоқ, ваҳима қилмоқ. -*Ло-пиллама!* — уни босиб қўйди *Шерали.* С. Кароматов, Олтин қум.

ЛОП-ЛОЙИҚ Жуда мос, лойиқ, қуйиб қўйгандек, худди буюрилгандек лойиқ. *Этик оёғимга лоп-лойиқ экан.*

ЛОПНА-ЛОЙИҚ айн. **лоп-лойиқ.**

ЛОРД [ингл. lord] 1 Англияда: юқори та-бақа дворянларнинг наслдан-наслга ўтиб бо-раверадиган унвони ва шундай унвон эгаси.

2 Буюк Британияда: баъзи бир олий ман-саб эгаларига бериладиган унвон.

ЛОРСИЛДОҚ 1 Кўпчиб пишган, иссиқ ва юмшоқ. *Лорсилдоқ нон.*

2 Лорсиллаб турадиган, диркиллама (эт, бадан ҳақида). *Хаёлим парвозини овутирган не бўлди? Тўқима комбинашнинг лорсилдоқ жувонлари.* Миртемир.

ЛОРСИЛЛАМОҚ 1 Лорс-лорс қилмоқ, таранглашиб диркиллаб турмоқ. *Лаъли чақалоқни қўлига олиб, бағрига босди-да, лор-силлаб турган оппоқ сийнани тутди.* Ҳ. Гулом, Машғал. *Кўча-кўй гулрухсор толма қиз-лар, лорсиллаган келбатли аёллар билан тўлади.* С. Сиёев, Куёв салом. *Чол чакка то-мирларининг гурс-гурс лорсиллашига қулоқ солганча, хомуш ўтириб қолди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

2 Тўлишиб қизармоқ. *Ойсулув ўзи ёпган нонлардай лорсиллаб, қаллигига қаради.* С. Анорбоев, Оқсой.

ЛОРС-ЛОРС тақл. с. Силкиниб, диркил-лаб турувчи ҳаракат, ҳолатни билдиради.. *Бадани лорс-лорс қилади.*

ЛОС [ф. [^]ʃi — хом ипак чиқиндиси] 1 Пилла тортганда чиқадиган калта-култа ипак толалари, чиқинди ипак. *Бригада бошлиғи най-чани лослардан тозалади, сўнгра жойига қўйди. Машина аввалгидек гуруллаб, ишга тушиб кетди.* М. Бобошев, Фабрика ифтихори.

593

2 Шундай чиқиндидан сиёхдон ичига (та-гига) солиб қўйиладиган нарса. *Сўнгра ток-чадан лос солинган довот, қамиш [қалам] ва қоғоз олиб, хонтахта устига қўйди.* Ж. Ша-рипов, Хоразм.

ЛОСОСЬ [р. < қад. нем. lahs] Гўшти юм-шоқ пуштиранг йирик балиқ.

ЛОСЬОН [фр. lotion < лот. lotio — ювиш, ювиниш] Терини парваришlash учун ишла-тиладиган, мураккаб таркибли косметик гигиеник восита, хушбўй суюқлик.

ЛОТ I [a. c/ti] дин. Арабларнинг исломдан илгариги топинган санам — маъбудаларидан бири; бут (яна қ. манот II). Э бола, Қорахон пошшонинг динига кирсанг, лотга иқроп бўлсанг.. Зулхуморни сенга берамиз. «Равшан».

ЛОТ II \нем. Lot — қўрғошин, қўрғошин-дай оғир юк ёки голл. load] Кемадан туриб, сувнинг чуқурлигини ўлчайдиган асбоб (дастаки, механик, гидроакустик турлари фарқланади).

ЛОТЕРЕЯ \фр. loterie < lot - куръа] 1 Махсус билетлар (лотерея билетлари) соғам орқали аҳоли маблағларини ихтиёрий равишда йиғиш, тўплаш шакли (Йиғилган маблағнинг маълум қисми пулли ёки буюм-ли ютуқ сифатида ўйинга киритилади). *Лотерея ўйнамоқ. Пул-буюм лотереяси.*

2 Шу ўйин учун чиқарилган билетнинг ўзи. *Лотерея сотиб олмоқ.*

ЛОТИН \лот. Lotinae — Марказий Ита-лиядаги тарихий Лаций вилоятида яшаган қадимги италий қабилаларининг номи] Рим-га, қадимги римликларга оид; лотин тили ёки ёзуви билан боғлиқ. *Лотин тили. Лотин ёзуви. Лотин маданияти.*

Лотин Америкаси Ўрта ва Жанубий Аме-риканинг умумий номи бўлиб, халқлари асосан (лотин тилидан келиб чиққан) ис-пан ёки португал тилларида сўзлашади.

ЛОТИНЛАШТИРМОҚ 1 Лотин тили ва лотин мадағиятини ўрнатмоқ, жорий қилмоқ.

2 Алифбони лотин графикаси асосида қайтадан тузмок.

ЛОТИНЧА 1 Қадимги Рим тарихи ва маданиятига оид.

2 Лотин тилига, қадимги римликлар тилига оид. [Боқижон Бақоев:] *Практикум, минимум, максимум — булар ҳаммаси ло-тинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен вахсан шундай деб биламан. А. Қахҳор, Адаби-ёт муаллими.*

3 Лотин графикаси асосида ишланган, лотинлаштирилган (ёзув ҳақида). *Лотинча алифбо. Лотинча ёзув.*

ЛОТ-МАНОТ \a. cU^oV] дин. Лот ва Манот; қ. лот, манот.

ЛОТО [фр. loto < итал. lotto — куръа, чек] Махсус қартага қараб, эълон қилинган ра-қам ёки расмларнинг юзини соққа (фиш-ка)лар билан беркитишдан иборат эрмак ўйин ва шу ўйинда ишлатиладиган қарта-лар ва номерланган соққалар. *Лото ўйини. Лото ўйнамоқ.*

ЛОТОК I [р. лот. — тарнов, ясси тоғора < кад. нем. latta — тахта] Кўчада чакана савдо қилиш учун мўлжалланган очик пештахта, кўчма дўконча.

ЛОТОК II Цемент ва б. нарса қоришма-сидан ишланган ва бир-бирига улаб ишлатиладиган бетон тарнов; сув йўли; ариқ. *Ал-лақаердан тортиб келинган бетон лоток-ариқ баракдан икки юз қадамча нарида ту-габ, ҳали уланмаган бир нечта лоток ерда ётибди. Ҳ. Ғуллом, Замин юлдузлари. Бизлар пахтада ишлаймиз-у, лотоклар биқинидаги ерларга қовун-тарвуз экиб, шундан оламиз ризқимизни. С. Нуров, Нарвон.*

ЛОТОКЧИ Лотокда ишловчи. қ. лоток I.

ЛОУРЕНСИЙ \лот. Lowrencium — аме-рикалик физик Э. Лоуренс номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент.

ЛОФ [ф. — қуруқ (пуч) гап, сафсата; мақтанчоқлик] 1 Фольклордаги ҳажвий-юмористик жанрлардан бири: ҳаддан таш-қари бўрттирилган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон гап; муболаға. *Абдували ўзи тўқиб чиқарган лофларига ҳаммадан кўп ўзи ишонарди. Ф. Мусажонов, Лофчи. Қиёсинг чин ва ё лофдир. А. Орипов. Бу лоф эмас, Мурод Холиқов яратгани аниқ. «Муштум».*

2 Ортиқ даражада, тўн кийдириб мақта-ниш. *Ишни қилади асбоб, эгаси уради лоф. Ма-қол. ти Журналистлариш ўт юракли киши-ларга қиёс қилишади. Булоф эмас. Газетадан.*

Лоф деса, олақопни олиб югуради Ортиқ даражада ҳовлиқадиган, лоф қиладиган кишига нисбатан қўланадиган ибора. Лоф ур-моқ (ёки қилмоқ) 1) ҳақиқатга тўғри кел-

майдиган гапларни айтмоқ, ортиқ даража-да бўрттариб гапирмоқ; муболаға қилмоқ. *Араббой.. эпласа лоф уриб, бировни гангитар, бирор манфаат чиқадиган жойдан.. қолмас*

эди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) ортиқ кўпир-тириб, бўрттириб мақтамоқ. *Душманнинг тўплари, аэропланлари, "ақлга сизмайдиган " бошиқа ҳунарлари ҳақида лоф қилди. Ойбек, Танланган асарлар. Йўлда чаён тошбақага лоф уриб Дедики: боқсам агар ўйлаб туриб, Менча сенга суйгули йўқ меҳрибон — Сен тану, гўё анга мен мисли жон! Ҳамза.*

ЛОФЧИ Лоф гапирувчи, лоф урувчи. *Саратон нафаси елади. Баъзи лофчилар — узунқулоқ сўз гадолари эса "дўзахнинг эшиги очилди", деб шивир-шивир қилишади. Н. Ёқубов, Суф излаб.*

ЛОФ-ҚОФ: лоф-қоф урмоқ Ортиқ лоф урмоқ; курук мақтанмоқ. *[Ғофир қози, имом, элликбошиларга:] Сизлар ишқ-муҳаббат деб лоф-қоф урасиз. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

ЛОЦМАН *[гом. loodsmān < lood — йўл + mān — одам)* Маълум участка доирасида кема ва пароходларга йўл кўрсатувчи, уларни шу ердан олиб ўтувчи, сузиб ўтиладиган жойнинг шароитини яхши билувчи мутахассис.

ЛОЧИН 1 Йиртқич қушлар туркуми-нинг чакқон ҳаракатли бир тури; овчилар уни қўлга ўргатиб, қуш овлайдилар. *fJorwi-лаб учади чўлнинг лочини. «Ойсулув». Мако-ни икки лочиннинг: Бири қоя, бири осмон. Қаноти икки шоирнинг: Бири ўлка, бири очун. Э. Воҳидов, Муҳаббат.*

2 кўчма Шу қушга нисбатли белгини билдиради; эпчил, чакқон; шижоатли. *Мамажон лочин йигит, Серҳаракат, бетиним. Қ. Муҳаммадий. Унингорқасидан "лочишари" хам от қўйишиди. К. Яшин, Ҳамза.*

ЛОЧИРА Оширилмаган (хамиртуруш-сиз) хамирдан юпқа қилиб ёйиб, тандирда синггак қилиб пиширилган нон. *Тандирдан лочира сингари юпқа, лекин элакдай-элакдай катта нонларни узди-да, саватга солиб, айвонга келтирди. Ҳ. Назир, Энг муҳими. Гулсумбиби шўрва учун тандирда лочира ёпа-ди. Ойбек, Танланган асарлар.*

ЛОШ *[ф. — ўлик тана, мурда) шв. Жонсиз гавда; мурда; ўлакса. Кўлансойда қол-ди аждарҳо лоши. «Нигор ва Замон». Қарга, қузгун еяр гўшинг, Муродхон, сенга айтаман, Сасиб қолар сенинг лошинг. Қайтгин, одам-зод, ўласан/«Муроахои». Саёзгина чуқурлик-да бутун бошли сигир лоши чўзилиб ётарди. Н. Норқобилов, Бекатдаги оқуйча.*

ЛОЯМУТ *[а. улмас, ўлмаиди-*

ган] эск. кт. Ўлмас, абадий яшайдиган. Ҳақиқат лоямутдир.

ЛОҚАЙД *[а. لقايد — беғам, бепарво, бе-ташвиш] Аҳамият, эътибор бермай; бепарволик билан, қизиқмай; бефарқ, бепарво, совуққон (одам). Қизининг ички мақсадидан беҳабар она лоқайд жавоб беради. Ойбек, Танланган асарлар. Кўнглинг сезган нарсага лоқайд қарама, ўғлим, тагига ет. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Уқабулхонада ўтирганларга лоқайд бир назар ташлади-да, тез юриб, ко-ридорга чиқди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

ЛОҚАЙДЛИК Лоқайд муносабат, ҳо-лат; бефарқдик. *Бола тарбиясига лоқайдлик — ўз келажакимизга лоқайдлик демакдир. «Шарқ юлдузи». Вужудимни галати, ифодасиз бир лоқайдлик, бефарқик қамраб олган-дай эди. С. Сиёев, Ёруғлик. Аёлга қўл кўтрр-ганларнинг таъзирини бериш ўрнига лоқайд-лик билан томошабин бўлиб турганларга қан-дай баҳо бериш мумкин. Газетадан.*

ЛОҒАР *[ф. jkʼi — ориқ, озгин, қилти-риқ; кучсиз] кт. Жуда ориқ, озиб-тўзиб кетган. Ётирилиб пашиша, чивин, тирнади логар баданинг. Қимир этарга ҳолинг йўқ, елтигич думинг, сигирим. «Муштум».*

ЛОҲАС *[а. لاس - ҳарсилловчи, ҳал-лословчи, нафаси қайтувчи] Бир оз тоби айниган; бўшашган, ланж ҳолатли. Доҳас бўлмоқ. Доҳас қилмоқ. **тм** Назарнинг ранги униққан, кўзлари ҳоргин боқар, кўриниши чарчоқ, лоҳас эди. Э. Усмонов, Ёлқин. Бош-*

лари зирқираб озрирди, кўнгли айниб, лоҳас бўларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Тур-суной негадир ўзини лоҳас ҳис қила бошлади. Н. Сафаров, Узокни кўзлаган қиз.

Лоҳас тортмоқ Лоҳас ҳолга тушмоқ, лоҳас бўлмоқ; ланж, бўшашган ҳолатга тушмоқ. *Иссиқ ўттиздан ошган кунлари айниқса лоҳас тортиб, дим дархонада бўғилар.. эдик. Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.*

ЛОХАСЛАНМОҚ Лоҳас тортмоқ, лоҳас бўлмоқ. *Кўлидаги янтоқни итқитиб, ўрнидан турди. Иссиқдан лоҳасланиб, каловлана бошлади. С. Кароматов, Сўнгги бархан.*

ЛУБ \р. луб — шилинадиган нарса, пўстлоқ] Каноп, жут, зигирпоя каби тола берадиган ўсимликлар ва улар пўстлоғининг (толасининг) умумий номи. *Жут толали ўсимлик бўлиб, республикамизнинг луб экин-лари ичида биринчи ўринга чиқиб бормоқда. «Фан ва турмуш». Республикамизнинг луб экинлари экувчи хўжаликлари жут ва ка-нопдан яхши ҳосил етиштирдилар. Газетадан.*

ЛУБКОР Луб экинлари экувчи, етиш-тирувчи. *Бригада лубкорлари каноп экишни ҳам биринчилардан бўлиб тугатишди. Ҳ. Су-лаймонов, Яшнаётган дала.*

ЛУЗА \пол. luza < фр. blouse — аёллар кўйлагининг бир тури] Бильярд столининг бурчак ва кирғоғидаги олти тешикка осиб қўйиладиган ва шарлар уриб тушириладиган тўр халтачаларнинг ҳар бири. *Шарнилу-зага туширмоқ. иш Шақиллатиб у лузага туширяпман, шақиллатиб бу лузага тушир-япман. С. Анорбоев, Оқсой.*

ЛУЗУМ [а. * j j-1 — зарурат, эҳтиёж, муҳ-тожлик] эск. кт. Зарурат, ҳожат. - *Дарвозадан чиқиб савашмоқнинг лузуми йўқдир, — деди Темиртош. М. Осим, Ўтрор. Тўғриси, заҳаро-луд мактубингизга одамларча тушуна олма-дим ва тушунишига ҳам лузум кўрмадим.. А. Кддирий, Ўтган кунлар. Мингбоши кўлида-ги чойни ҳеч бир лузумсиз айлантириб, со-витмоқ билан овора эди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

ЛУЗУМСИЗ эск. кт. Лозим бўлмаган, зарурати йўқ; кераксиз. *Лузумсиз ҳаракат.*

ЛУНГИ \ф. Л\ — бел ва сонга ўралувчи мато парчаси] **1** Ҳаммомга кирганда, белдан пастни беркитиш учун боғланадиган мато. *Афанди бир куни ҳаммомга тушган эди, ҳаммомчи уни назарга илмай, эски тос, йир-тиқ лунги берди. «Латифалар».*

2 эск. Сартарошлиқда соч-соқол олдирув-чи кишининг кўксига тутиладиган сочик. *Мўйсафид сартарош уни [Йўлчини].. курсига ўтқазиб, кирдан қатирмаланиб ялтираган лунгини бўйнига илиб, бошиши шиқалай бош-лади. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 шв. Сочик, пиёла сочик. *Самоварда чой-фурушининг бир ўзи могор лунгиси билан елти-нибўтирар эди. М. Исмоилий, Фарғонат. о.*

Қозик лунги, қозиклунги Ёш келинчак-нинг уйини ясатишда қозикка илиб қўйиладиган, кашта тикилган узун сочик.

ЛУНЖ [ф. gjJ — юзнинг пастки қисми; оғиз, лаб] Оғиз дахлизининг икки ён қисми ва унинг ташқи томони. *Болалар.. лунжла-рини шишириб, қамиш сурнай чалишар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Хохолашиб турган болалар орқасида чап лунжи қизар-ган Раҳим пайдо бўлди. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. Феруз нонни олиб, каттагина тишлади-да, лунжини тўлдириб чайнай бош-лади. Ҳ. Ғулом, Машғал. Ранги синиқиб, семизлунжлари халтадек осиб қолди. Н. Ами-нов, Суварак.*

Лунжи (ёки лаб-лунжи, қовоқ-лунжи) осилди Юздаги хафалик, норозилик каби ҳолатни ифодалайди. *-Ана йигит-у, ана гап-у, — деди қиз. Райимнинг лунжи осилди, қовоқлари уйилди. Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқ-лар. Отамнинг қовоқ-лунжи осилди. Мен бўлсам, нима дейишимни билмай, ерга қараб ўтирдим. М. Исмоилий, Фарғонат. о.*

ЛУНОХОД [р. луна - ой + ход(ить) -юрувчи: ойда юрувчи, ойкезар] Ойга қўнди-риб ҳаракатлантирилган ўзиюрар автоматик аппарат.

ЛУПА [фр. loupe < лот. lupa — тери ости-даги катта шиш, ўсма] Кичкина нарсани 2 мартадан 40—50 мартагача катта қилиб кўрса-гадиган қавариқ шиша, йиғувчи линза; зар-рабин. *Юзлари офтобда қорайганўрта ёшлар-даги киши олмадай тошни учуриб*

олди-да, қўлида айлантириб, луна билан синчиклаб қаради. М. Худойкулов, Оҳанрабо ахтариб.

ЛУТФ [а. **ل** — мулойимлик, марҳа-мат; одоблилик, ёқимлилик] **1** Илтифот, марҳамат, олижаноблик. *Ағёрларга лутф ила эҳсон қачонгача? Муқимий. Улар, зўё бу лутфу илтифотдан хижолат чеккандай, бир зум жим қолишди. О. Ёқубов, Кўхна дунё.*

Лутф қилмоқ (ёки айламоқ). Илтифот (марҳамат) кўрсатмоқ. *Нигоҳинг ташлагил, лутф айлабон, эй шўҳи бепарво. Увайсий. ..эшон меҳрибонлик билан лутф қилиб, мени ҳужрайи хосларига чақирдилар. Ғ. Ғулом, Шум бола.*

2 ад. Сўз ёки гапни бир неча маънода ишлатишга асосланган сўз ўйини; қочирим. *Ёшларнинг бу самимий, чиройли лутфлари Муқимийнинг завқини келтирди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

Лутф қилмоқ (ёки этмоқ, айламоқ) 1) умуман, айтмоқ, демоқ. *Буюк Алишер лутф этган мисол, Савод ўргатдингиз қанча ранж билан. А. Орипов; 2) сўз ўйини, қочирим қилмоқ. Мутриблутф қилди: -Сиз Матюсуф-нинг қулогини бурамайсизми, Рўзимбой! — Қулишдишар. С. Сиёев, Ёруғлик. Онасининг лутф қилиб айтган сўзлари Бобурнинг ҳуж-радан олган завқини яна бир бор оширди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

ЛУТФАН [а. **ل** - илтифот билан, лутф юзасидан] *кт.* Олижаноблик билан, марҳамат қилиб; хайрихоҳлик юзасидан. *Шу*

МЗ⁵¹²

ини лутфан сиз қилсангиз, бир муштипар онанинг ҳожати чиқар эди. А. Қаҳдор, То-бутдан товуш. Фахриддин ака "Лаишюмисан сан ", "Ишқингни авайла " шеърларига лут-фан Турсуной учун куй басталади. «Саодат».

ЛУТФКОРЛИК Яхшилик ва марҳамат кўрсатиш; хушмуомалалик, олижаноблик. *Подшо уни \ Навоийни] лутфкорлик билан қабул қи>Иди. Ойбек, Навоий.*

ЛУТФКОРОНА Лутфкорлик билан, марҳамат этиб; хушмуомалалик билан; лут-фан. *Бу лутфкорона кулиб, ҳаётга чақириб турган қиз хаёлгина бўлиб қолди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

ЛУХ *бот.* Кўға ўсимлиги ва унингтўзғоғи. *Ийлаб тайёрлаган лойидан тош чиқмайди, лухниҳаммеъёрида қўшади. Мирмуҳсин, Тун-ги чакмоқлар.*

ЛУЧЧАК 1: луччак шафтоли Туксиз, сил-лиқ шафтоли. *Ойдинда чиройли йилтираган чиллаки луччак шафтолилар дув-дув тўкил-ди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

2 *кўчма* Кўкраги очик, чапани. *Луччак аравакашлар ўзларига хос чапани сўзлар билан бир-бирларининг номини чалтиб, эрка-лаб чақирдишади. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.*

ЛУҚМА I [а. **ل** — бир бурда, бўлак, ютум (овқат ҳақида)] **1** Озгина, бир ютум, бир ошам (оғиздаги) таом. *Ўзининг жавоб бериши лозим бўлганлигини сезган Усмон пол-вон озгидаги луқмани тез-тез ютиб олади. А. Қодирий, Обид кетмон. Ҳосил тагида лаз-зат, Ошнинг сўнги луқмаси.. Қ. Муҳаммадий.*

2: бир луқма Умуман, озгина, оз миқ-дорда. *Элмурод қаёққа қарамасин, овқатни кўрар, ҳиди димогига урар, лекин улардан ўзига қачон бирлуқма тегшини билмасди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Луқмайи ҳалол Меҳнат билан, пешона тери билан топилган пул, нарса, овқат. *Меҳнаткаш халқ дунёда энг азиздир, Луқмайи ҳалол, пешона тер лазиздир. Ҳабибий. ОҒЗИДАГИ ЛУҚМАНИ ЮТОЛМАЙДИ* Шудсиз, эпсиз, лапашанг. *Гўрсўхта домла.. озгидаги луқмани ҳам эплаб ютолмайди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

ЛУҚМА II [а. — тўсилган нарса, тўсик; беркитиш] Биров гапираётганда, унинг гапига жавоб, изоҳ, сўроқ тариқаси-да бошқа киши томонидан кўшиладиган гап, сўз. *Абдураҳмонов луқмаларга эътибор бермади.. «Ўзбекистон кўриклари». Шундай қилиб,*

кулги, қийқириқ ва ҳар хил луқмалар ости-да беш киши саҳнага чиқди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

Луқма ташламоқ (ёки **солмоқ**) Луқма тарзидаги сўз, гап айтмоқ; гап ташламоқ. - Сен гапирганда, Шербек жим ўтирган эди! — кимдир луқма ташлади. С. Анорбоев, Оқсой. Ўрмонжон луқма солди: -Нима жиҳат-дан ярамайди, илми етмайдими? А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

ЛУҚМОН \а. оL^J — қадимги дониш-манд ва масалнависнинг номи] **1: Луқмони ҳаким** Шарқ халқлари орасида тенти йўқ ҳаким ва донолик тимсоли ҳисобланган афсонавий шахс. [Раҳима хола:\ Менинг қўлим эмас, Луқмони ҳакимдан қолган малҳамки таъсир қилмагандан сўнг, табиблар нима қиш олар эди. Мирмуҳсин, Чўри.

2 кўчма Жуда билимдон шахс (тиббийёт олимларига нисбатан қўлланади). *Ҳатто касалликни даволашда яхши кайфиятнинг муҳим роль ўйнашини қадимги араб луқмонлари ҳам айтган эдилар.* А. Зоҳидов, Узоқ умр сирлари.

3 Луқмон (эркаклар исми). **ЛУҒАВИЙ** \а. ^jJJ — тилга, лексикага оид; тилшунос] **1** Луғатга, сўзга оид. *Луға-вий бирлик. Сўзнинг луғавий маъноси. шш "Қалам" сўзининг луғавий маъноси "тараш-ланган, кесик" демакдир.* «УГА».

2 Матндан четга чиқмай, сўзма-сўз. *Лу-ғавий таржима.*

ЛУҒАТ \а. сJJ — тил, шева; сўз, ибора] **1** Бирор тилдаги сўзларни маълум тартибда (одатда алифбо тартибида) жамлаб, изоҳ-лаб ёки бошқа тилга таржима қилиб берилган китоб. *Изоҳли луғат. Ўзбекча-русча лу-ғат. Имло луғати.*

2 Сўз; тилдаги барча сўзлар мажмуи; сўз бойлиги. *Шу гўза/и, шу қутлузганги йил тунни, Ҳалбим ҳаяжонга, севинчга тўлиб, Луғат бисотидан роса ахтардим, Бир оғиз иширин сўз айтмоқчи бўлиб.* Уйғун.

ЛУҒАТЧИ Луғат тузиш иши билан шу-ғулланувчи шахс.

ЛУҒАТЧИЛИК **1** Луғат тузиш ва у би-лан боғлиқ ишлар.

2 *ait.* лексикография.

ЛУҒАТШУНОС [луғат + *ф.* - ўрга-нувчи] Луғатларнинг, луғат тузиш ишининг назарий ва амалий жиҳатларини, уларни такомиллаштириш йўллариини ўрганувчи шахс.

ЛЮИЗИТ \ингл. lewisite < америкалик кимёгар У. Льюис (Lewis) номидан] Таркибида хлор ва маргимуш бўлган рантсиз су-юклик, кучли заҳарловчи модда.

ЛЮК \голл. luik] Бирор нарсанинг ичига кириш, тушиш ва ш.к. учун хизмат қиладиган, қопқоқ билан беркитиладиган тўйнуқ, тешиқ. *Тепадаги люкдан пахта бамисоли лай-лак қордай тушиб турса ҳам, одамлар ишни тўхтатиб.. беҳол ётган бир ишчининг тепа-сида нима қилишларини билмай туришарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Немис танки остида грана-та портлади. Бир неча секунддан кейин люк очилиб, қоп-қора тутун бурқсиди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

ЛЮКС I \фр. luxe — ҳашам, зеб-зийнат; улуғворлик] Бошқаларидан фаркли ўлароқ, юқори сифатли буюм, қимматбаҳо нарса-лар билан безатилган магазин, меҳмонхо-на номери, поезд, пароход купеси ва ш. к. ни ифодаловчи сўз. *Оқсоқол, бу ётоқхона эмас, бамисоли люкс меҳмонхона..* Газетадан. *Хоҳиясатт, люкс хонада ётишингиз мумкин.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар. *Жигулининг люксидан бошқа ҳамма машина ҳайдовчини ҳоритади.* С. Нуоров, Нарвон.

ЛЮКС II \лот. lux — ёруғлик] Халқаро бирликлар тизимида ёритилганлик ўлчов бирлиги.

ЛЮКСМЕТР \лот. lux - ёруғлик + юн. metreo — ўлчайман] Фотометрларнинг бир тури; ёритилганликни бевосита люксларда ўлчайдиган асбоб.

ЛЮМБАГО \лот. lumbus — бел] *тиб.* Бел оғриғи, беланги.

ЛЮМЕН \лот. lumen — ёруғлик] Халқа-ро бирликлар тизимида ёруғлик оқими бирлиги.

ЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ \лот. lumen, luminis — нур, ёруғлик + escent — кучсиз, султ харақатни, таъсирни ифодаловчи кўшимча] Муайян модданинг бирор ташқи энергия манбаи — ташқи нурланиш, электр разряди, кимёвий жараёнлар ва ш. к. кўзга-тиши натижасида нурланиши, нур сочиши ва бу ҳолатнинг модда қизишига сабаб бўлмаслиги.

ЛЮМПЕН-ПРОЛЕТАРИАТ [нем. Lumpen — жулдур кийим, уада + пролета-риат| тар. Капиталистик жамиятда ўз синфий қиёфасини йўқотган, разиллашган ялангоёқлар, саёкдар, кашшокдар.

ЛЮСТРА [фр. luster - ялтираш, ярки-раш; ялтироқлик] Бир неча шамдонли ёки лампа (лампочка)ли осма чироқ, чилчироқ. *У уйку босганини яширишига тиришиб, гоҳ шипдаги люстрага, гоҳ янги олинган хоразм гиламига.. қарабқўярди.* Ш. Рашидов, Бўрон-дан кучли.

ЛЮТЕЦИЙ \лот. Lutecium < Lutecia -Парижнинг лотинча номи] Менделеев дав-рий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кумушсимон оқ юмшоқ металл.

ЛЯ \лот. la] Муסיқа гаммасининг олтин-чи товуши ва унинг нота белгиси.

ЛЯПИС [лот. lapis infernalis - дўзах тоши] ким. Кумуш нитрат, оқ кристалл модда (тиббийётда яллиғланишга қарши, ба-даннинг бирор касалланган жойини куй-дириш учун ишлатилади). *Сўгални ляпис би-лан куидирмоқ.*

ЛЎК \ф. Sij — калта юнгли, юк ташувчи туя] Боши кичикроқ, бўйни узун, бир ўрқачли катта туя, етакчи туя. *Қаторига тиркалган лўк билан норча, Устига юклан-ган қирмизи нарча.* «Алпомиш».

ЛЎКИДОН \ф. ~ ёғоч қулФ1 1

эск. Эшикни беркитиш, қулфлаш учун иш-латиладиган жуда содда ёғоч қулф, мосла-ма. *Кишан қулф синдирилиб, занбил эшик ҳам очилди, ҳужрадаги лўкидоннинг "тили" га тушунадиган ўзри бўлса, уни ҳам очди деяй-лик.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Жувозкаш лўкидонни суриб, эшикни очди, пиликли мой-чироқни ёқди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

2 кўчма с.т. Кетида эргашиб, осилиб юрадиган шахс. *Эҳ, қачонгача шофёрнинг лўки-дони бўлиб юраман. "Правам" бўлса бор.* И. Раҳим, Шонли авлод.

ЛЎКИЛЛАМОК 1 Қадамларини катта-катта ташлаб, лопиллаб юрмоқ, лўк-лўк қилмоқ (асосан, от, туя кабилар ҳақида). *Болалар кўча чангитиб, лўкиллаб юраётган от ортидан пиёда боришарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Саман лўкиллаб бориб, қадами-ни секинлатди.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Кишининг шу каби юришини билди-ради, юришини шунга қиёсан ифодалайди. *Худди яшил кўрпа устида юргандек лўкиллаб қадам ташлайсиз.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

33—Ўзбек тилининг изоҳли луғати

599

3 кўчма Овора, сарсон бўлмоқ; беҳудага бориб келмоқ. *Кўйсанг-чи хархашангни. Шу вақтда лўкиллашга кимнинг ҳафсаласи бор?* О. Ёқубов, Оқ йўл. *Кунда бир, нари борса, икки марта келади. Районга борадиган бе-чоралар сенга ўхшаб, пиёда лўкиллаб юради.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

ЛЎККИ \ф. <£J — лўкиллаб юриш] Лўкиллаб юрадиган (от, туя, эшак ҳақида). *Эшак бозоридан олган куррам.. арвоҳ урган даванг, лўкки чиқиб қолди.* «Муштум».

ЛЎК-ЛЎК: лўк-лўк қилмоқ Лўкиллаб юрмоқ.

ЛЎКЧА Ёш туя. *Муна тоғда бўктарилган қормисан, Қаторга тиркалган лўкча норми-сан.* «Алпомиш».

ЛЎЛА \ф. *Л>! — қувур, труба]: лўла бо-лиш Гўла шаклидаги ёстик. *Қарасам, лўла болишдек бахайбат бир махлуқ.. хунук тум-шугини нам тупроққа тираб, ҳансираб*

ётибди. Й. Шамшаров, Қахрамонлик йўли. *Пайгомов лўла болишига ёнбошлаб, Нусрат-бекка ҳам ёстиқлардан суриб қўйди.* С. Ну-ров, Нарвон.

ЛЎЛИ [ф. [^]J — жўги; ашула айтиб рақс-га тушувчи] 1 Асли ватани Ҳиндистон бўлиб, турли даврларда у ердан тарқалиб, дунёнинг кўп жойларида тўдалашиб, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирувчи, баъзи жойларда турғун яшайдиган бўлиб қолган халқнинг номи.

2 кўчма с.т. Уришқоқ, жанжалқаш, шал-лақи (кўпинча аёлларга нисбатан ишлатилади).

Лўлининг эшагини суғор, пулини ол Пул, фойда чиқадиган ишни қилавер, мазмунидаги ибора. *..биринчидан, пулнинг қадрини бил, лўлининг эшагини суғор, пулини ол.* Ойбек, Танланган асарлар.

ЛЎЛИВАШ [ф. oij[^]J>! - лўлига ўх-шаш, лўлисифат; шўху бетакаллуф] *поэт.* Кишини сеҳрлаб, ўзига мафтун қилувчи, шўх ва гўзал (севгили маҳбуба ҳақида). *Лўливаш ул дилрабонинг ошиқи зори бўлиб, Телба мажнундек юруб, вайронадур маконимиз.* Сайёдий, Тоҳир ва Зухра.

ЛЎЛИЛАР Асли Ҳиндистондан тарқалган ва дунёнинг кўп жойларида (Осиё, Африка ва Европада) тўдалашиб, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирувчи халқ.

ЛЎЛИЛИК Лўлига хос қилик, хатти-ҳаракат; уришқоклик, жанжалқашлик. *Лўли-лик қилмоқ.* *тм* Арзанда қиз мактабга борди.

Мактабда ҳам у лўлилиги, уришқоқлиги, бе-бошлиги бшан ном чиқарди. Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб. *КоМвт* лўлилик қилиб, би-ровга гап бермай бидирлар, Ҳўзибой эса тўнғиллар эди. С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

ЛЎМБИЛЛАБ Енгил, ёқимли ҳаракат-ланиб (тўладан келган шахсга нисбатан қўлланади). *-Боравер, — дея Зулфия лўмбил-лаб, оишхона томонга кетди.* Н. Қиличев, Ёронгул.

ЛЎМБИЛЛАГАН Лўппи, тўладан келган (шахс ёки унинг бирор аъзосига нисбатан қўлланади). *..басавлат киши оппоқ пўстинча кишган.. б ёшлар чамасидаги лўмбиллаган ўгилчасини етаклаб чиқди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *-Бу га-пинг маъқул, — деди Фармон кал Парфи сўтакнинг лўмбиллаган юзларига жилмайиб қараб..* Мирмухсин, Меъмор.

ЛЎМБОЗ 1 Том ёки пахсага босиш учун юмалоқланган бир бўлак лой, умуман, томга босиш учун тайёрланган лой. *Лўмбоз қилмоқ.* *Томга лўмбоз босмоқ.* *тм* Тепасига тўсин териб, шох-шабба бостириб, лўмбоз қўйишига тайёрлади. С. Аҳмад, Уфқ.

ЛЎМБОЗДАЙ, -дек с. т, Бесўнақай, кат-та, кўпол. *Шалоқ дарвозага лўмбоздай қулф осиглиқ эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Ким би-ринчи ўгил кўргани, кимнингдир қўйлагига сизмай, лўмбоздай тўлишиганигача гапира бошлади.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

ЛУНДА |0. **aaJJ** — жавраш, вайсаш, мин-ғирлаш] Қисқа, ихчам ва аниқ (гап-сўз, фикр-мулоҳаза ҳақида). *Халқ ибораси лўнда бўлади.* Ю. Шомансур, Қора марварид. *- Лўнда қилиб айтганда, менга ҳам, сизга ҳам ўқиш, ўрганиш зарур, — деди Комила.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Мавлон ака гапнинг лўндасини айтди-қўйди: -Бойнинг шолини қаерга яшир-ганини Қобил билади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

ЛЎП: лўп этиб: Бирдан, кўкқисдан. *Биз уларни келтириб, суриштириб кўрамиз, ордан ўғри лўп этиб чиқиб қолади.* С. Айний, Жаллодлар.

ЛЎППАК айн. лўппи 2. *Ғўза жуда бўлиқ эди, қирққа яқин чаноқдаги пахта лўппак бўлиб турипти.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

ЛЎППИ 1 Дўмбок, дўндик, семиз. *Лўппигина бола.* *тм* Юзи ширмой нондек лўппи, гавдаси юм-юмалоқ, кўкракдор ёш аёл [Мастура] том лабига келиб.. чўққаиди. Ой-бек О. в. шабадалар. *Кўм-кўк кўзли латта*

қўғирчоқнинг лўппи юзи олмадек қип-қизил эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Тўлиб чиққан, очилган (пахта ҳақида). ..Худди ўзининг юзидай чиройли, лўппи пахтаиар.. «Ёшлик».

ЛЎПЧИК 1 Учига пахта ўралган чўп (си-қилган ўсма, йод каби суюқ нарсага тегишиб, бирор нарсага суртиш учун ишлатила-ди). *Лўпчик билан ўсма кўймоқ.*

2 Пахта ёки латгани юмалокдаб, чўпга суқиб ёки симга боглаб, керосин, қорамой шимдириб, машғала сифатида ишлатилади-ган нарса. *Бир бола лўпчикка ер мойи сепаб турди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Ерга суқиллик, одам бўйи темир учуда лўпчик лов-лов ёнибтуради.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

ЛУТТИБОЗ \a. ^jJ — Қуръонда зикр этилган пайгамбар — Лут (1>jj) га тегиш-ли, алоқадор + ф. jI_> — ўйновчи: ахлоқсиз; шум, айёр] **1** эск. Қўғирчоқлар ўйнатиб, ўйин кўрсатувчи; фокусчи.

2 кўчма Фирибгар, хийлагар, алдоқчи, найрангбоз. *Шу мўъжаз ҳаётимда кўрдим гоҳо лўттибоз, Кўрдим гоҳо шеърфуруш, гоҳо сур, мансабфуруш.* А. Орипов.

ЛЎТТИБОЗЛИК 1 Лўттибоз иши, ўйи-ни (қ. **лўттибоз 1**). *Отўйин, лўттибозлик.. ва бошқа томошаларда ҳозир бўлди..* Ж. Абдул-лахонов, Тўфон.

2 Лўттибозга хос иш, хатти-ҳаракат (қ. **лўттибоз 2**). *Ҳалиги қавмдаги муаллифлар энди ошина-огайнигарчилик, лўттибозлик, гуруҳбозлик.. йўлига ўтиб олдишар.* Газетадан. *Баъзилар унга қараб, ҳиҳилаб кулиб тарқа-лишиди. Баъзилар бу лўттибозликдан ранжиси-ди.* Мирмуҳсин, Супургига сажда. **ЛЎЯ** шв. Ловия.


ЛЎҚ: кўзини лўқ қилиб Кўзни узмай, индамай, без бўлиб. \амма кўзинилўқ қишиб, отга қарайди. Ойбек, Танланган асарлар. *Умид кирганда ҳам, чиққанда ҳам кўзлирини лўқ қилиб қараб турувчи бу хотинни аввал-лари хуш кўрмасди.* Мирмуҳсин, Умид.

ЛЎҚИЛЛАМОҚ Қаттиқ-қаттиқ урмоқ, тепмоқ; санчиб-санчиб оғримоқ, лўқ-лўқ қилмоқ (томирнинг уриши, қаттиқ оғрик, ҳақида). *Томирим лўқиллаяпти. Бошимлўқиллаб оғрияпти. ти* Қия ўтирган Ҳаётнинг чак-ка томирлари лўқиллар, беқасам камзулга тикилиб турган бўлиқ кўкраги нафасига ҳамоҳанг бўлиб, гоҳ кўтарилар, гоҳ тушар эди. М. Исмоилий, Фаргонат. о.

ЛЎҚ-ЛЎҚ Лўқиллаб (Қон томирининг қаттиқ уришини, оғрик зарбини билдиради). *Зўр бериб малҳам сурганига ҳам қара-май, [жароҳат] хасмолдек лўқ-лўқ алам берди.* Мирмуҳсин, Чўри.

Лўқ-лўқ қилмоқ айн, **лўқилламоқ.** *Уч коса қимиздан сўнг Шербекка бутун бадани қизиб, чакка томирлари лўқ-лўқ қи,тётгандай ту-юлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

601



м

МА унд. с. Бирор нарсани узатиб, уни олишга ундашни билдиради. *-Ма, чой келтир, — деб Аваз унга чойнак тутқазди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАБЛАҒ [a. ^ I, л — нақдина, тайёр пул; ўлчам; даража; чегара| Бирор нарса яратиш, қуриш, ўтказиш ва ш. к. учун сарфланади-ган, ишлатиладиган маълум микдордаги пул ва б. нарсалар. *Халил Жшиловнинг та/сиф-лари давлат учун неча юз минглаб маблағни тежайди.* Туйғун, Дўстлик севинчлари. *Дав-лат фан равнақи учун ҳеч нарсани аямай маб-лағ ажратса-ю, уни кимлардир талон-тороғ қилса?!С* Кароматов, Олтин қум.

МАБОДО \ф. тJL_» — худо сакдасин; қан-чалик ..масин] **1** юкл. Шарт эргаш гапли кўшма гапларда шарт гапга оид эҳтимол-лик, аниқ эмаслик маъносини билдиради, қайд этади; агарда, борди-ю. *Мабодо бир нима сўралса, қисқа жавоб қиларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Мабодо қийналсанг, тўғри олдимга келавер.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Арман юртин кўролмасам мабодо, Бу дунёдан армон билан ўтардим.* Э. Воҳидов.

2 мод. с. Аниқ эмаслик, эҳтимоллик маъ-носини билдиради. *Мабодо келмайдими? иши* [Тожибой:] *Хатни тушган жойига кол-дириб келдимки, мабодо қўлга тушмасин деб.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Мабодо Тўямў-йинга ишга кетаётганингиз йўқми?* С. Сиё-ев, Ёруғлик.

МАВЖ \а.

тўлқин] **1** Сув юзида

шабададан ҳосил бўладиган жимир-жимир ҳаракат; жимирлаш. *Раби дарёсиузоқда, кўм-кўк мавж билан секин оқади.* Ойбек, Нур қидириб.

2 геогр. Океан ёки денгиз юзасининг тўлиқ шамолсизлик ҳолатидаги эркин тебранма ҳаракати.

3 Товланиш, жилва. *Арчаларнинг тоза, яшил мавжи нур билан ярқираб кетди.* Ойбек, Куёш қораймас.

4 махс. Ўймакорликда: нақш юзасига балиқтангачалари кўринишида туширилган тўлқинсимон безак

5 кўчма кам қўлл. айн. тўлқин. *Ҳавода одамлар, қушлар ва машиналар садосидан бириккан қандайдир ёқиши бир мавж сузар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

Мавж урмоқ 1) мавж қилмоқ, жимир-ламоқ, мавжланмоқ. *Денгиз мавж урмоқда;* 2) тўлқинланмоқ, тебранмоқ. *Дарё томон-дан гириллаб эсиб турган шабада йўл бўшидаги ўт-ўланларни эгар, тебратар, саргайиб бораётган арпалар мавж урар эди.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) кўчма тўлқинлан-моқ, ғулу қилмоқ. *Шикоятли нидолар ёш йигит қалбида ёлқинли ва дардли туйғулар мавж урганидан хабар берар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАВЖЛАНМОҚ 1 Мавж ҳосил бўлмоқ, жимирламоқ, аста тўлқинланмоқ. *Ҳовуз сув билан эмас, нур билан тўлган каби.. мавжш-нади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Товланмоқ, жилваланмоқ. *Шонага кир-ган гўзалар қуёш нурида мавжшинади. ти Пе-шона ва чаккасида салқиган сочларининг жингалаклариди шуғлалар мавжланиб ёнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Акс этмоқ, барқ урмоқ. *Охун-нинг шафқатига ҳамма чуқур сезги билан қаради, бу ҳис уларнинг кўзларида, юзла*

602 ЯУ^

рида равшан мавжланди. Ойбек, Танланган асарлар.

МАВЖУД \о. ɹʌ.ɹʌ бор; нақя, бор бўлган] **1** Ихтиёрда ёки умуман воқеликда бор бўлган; бор. [Тўлаган:].. *мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланишига.. нималар тўсқинлик қилаётгани тўғрисида гапи-рибкетди.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқдари.

2 кесим взф. Бор, мухайё. *Ўқиш учун бар-ча имкониятлар мавжуд. ти Доирачи, рақ-қос ва созандалар ўртасида томошабин сез-майдиган нозик алоқа ити мавжуд.* Т. Оби-дов, Юсуфжон қизик.

МАВЖУДИЯТ эск. кт. **1** айн. **мавжудот.**

2 Борлик, мавжудлик. *Менга асрдош бўлган бир киши ўз мавжудиятидан.. инсон бўлганидан хафа.* Ғ. Ғулом, Афсона.

МАВЖУДЛИК Бор бўлишлик, мавжуд ҳолатдалик, мавжуд эканлик. [Мирзакаримбой] *Гулнорни севган ва у билан тил бирик-тирган бир йигитнинг мавжудлигини ўша вақтларда билган бўлса ҳам, унинг хотири-дан Йўлчи сира кечмаган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАВЖУДОТ [а. oɹjʃʌ - барча бор бўлган, аниқ нарсалар] кт. Олам, табиатда бор нарсалар мажмуи, дунёда мавжуд нар-салар, бутун борлик. *Мавжудотнинг яратилиши ҳақидаги афсоналар.* **иши** *Мавжудотнинг жони — еуе.* Х. Расул, Бахт нашъаси.

МАВЗЕ [а. ʃj>j-с — жой, ўрин; вазият, мавқе] Шаҳар ва шаҳар атрофидаги аҳоли яшайдиган жойларнинг кичик худуди, ма-ҳалласи. *Тошкентнинг Аския мавзеи. Беиё-*

юч мавзеи. **тм** *Ракат мавзеида отамдан қол-ган жой бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАВЗОЛЕЙ \лот. mausoleum < юн. Maii-soleion - милоддан аввалги 4-асрда Кичик Осиёда Кария шоқи Мавсол учун қурилган машхур мақбара] Қабр устига ишланган маҳобатли, улуғвор ёдгорлик; мақбара.

МАВЗУ [а. ^j^i,j-о — жойлаштирилган; тўқиб чиқарилган; тема, сюжет] Илмий тадқиқот, бадий асар, фикр-мулоҳаза юри-тиш, суҳбат, маъруза ва ш.к. учун танлаб олинган объект. *Илмий мақола мавзуи. тм Турли мавзуларда.. дилкаш суҳбат қилишди.* Ойбек, Навоий. *Ибодов бу гапга ишонмади. Лекин мавзу қизиқтириб қўйган эди.* Ф. Му-сажонов, Ҳиммат. *Самоварларда, гузарлар-да, тўю томошаларда бўладиган аскиялар ҳамон «Ғиёс ўғри» мавзудан четга чиқмасди.*

С. Аҳмад, Ҳукм. *У Элмурод бор жойда теп туролмас. бирон илми ёки диний мавзуда масала талашиб ўтиришни яхши кўрар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАВЗУН \а. ~ яхши ўйланган;

бараварлаштирилган; тузилиши келишган] *кт.* Келишган, хушбичим, хушқомат. *Кай кун учради бир шўхи ситамгар мавзун. Увай-сий. Карима отинга яқин келиб, чилвир соч-лари билан тўлиб турган мавзун елкасини тўтиб кўришди.* Ғайратий, Довдираш.

Қадди мавзун Қад-қомати келишган. *Саҳнада гул-гул ёниб, бир қадди мавзун ўйнади.* Ҳабибий.

МАВИЗ \ф. ixj^ — қора майиз] *эск.* Ма-йиз ва майиздан тайёрланган, кайф берувчи ичимлик; май. *Ул вақт биз, бошимизга хоҳ кулфат тушсин, хоҳ бахт қуши кўнсин, бирга бўлгаймиз, бир мавиз топсак, бўлиб егаймиз деб.. аҳд қилган эрдик.* М. Осим, Сехрли сўз. *Уй эгасининг айтганидек, мавиз жуда ҳам тиниқ, яхши кўк чой каби мусаф-фо эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАВЛОНО [а. — жаноб, хукмдор; хрмий (мурожаатда: эй хукмдоримиз)] Му-сулмон шарқида: олим ва фозил кишилар-ни, устозларни, юксак мартабали амалдорларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб ишлатиладиган фахрий сўз. [Навоий:] *Келинг, тирим! Келинг, мавлоно Жомий.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *..мавлоно Бехзод чизган Ашшер Навоии ва Ҳусайн Бойқаро тасвирлари расмий доираларда шухрат топ-ган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МАВЛУД \а. **jjj-о** туғилган; туғилиш] **1** Туғилган кун ва шу муносабат билан бериладиган зиёфат. *Мавлуд тўйи.*

2 дин. Муқаммад пайғамбарнинг туғил-ган куни ва унинг шарафига бериладиган зиёфат; пайғамбарнинг шундай зиёфатда ўқиладиган таржимаи \оли. *Эшон.. имомликдан ташқари.. мавлуд ўқир эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 эск. айн. таваллуд 1.

4 Мавлуд (эркаклар исми). **МАВОЗА** \а. **4^jL«-о** — ўрнини қоплаш; айирбошлаш] *эск.* Ўрнига ўрин олиш; айир-бошлаш, алмаштириш.

Мавоза қилмоқ Айирбошламоқ.

МАВР \юн. mauros — қора] **қ. маврлар.**

МАВРАК *бот.* Лабгулдошлар оиласига мансуб, барглари узун, гуллари кўк, бинафша, кўп йиллик ўт ёки ярим бута (халқ та-бобатида қувватлантирувчи, турли яллиғла-ниш, шамоллашларни даволовчи дори си-фатида қўлланади).

МАВРИГИ [< Марв шаҳри номининг метатезага учраган шаклидан: марвлик (эроний)] Бухоро мусиқа анъаналарига хос, тур-кум шаклида ижро этиладиган кўшиқ ва куйлардан иборат, авжи шўх рақс билан яқунладиган фольклор жанри.

МАВРИД [о. **jjj-о** - манба, имконият; даромад) Бирор ишнинг амалга ошиши ёки оширилиши учун қулай вақт, пайт, фурсат. *Шу маврида. Мавриди келганда. Мавриди билан. тм Ҳозир томошанинг мавриди эмас эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ўша қиз*

олдида ўзини ноқулай аҳволда сезди, мавридини то-ниб, узр сўрагиси келар эди. Ж. Абдуллахо-нов, Тўфон.

МАВРЛАР Антик давр ва ўрта асрларда: Шимолий Африканинг Мисрдан ташқари қисмида яшаган туб аҳолисига, шунингдек, Испанияни забт этган арабларга европаликлар томонидан берилган ном.

МАВСУМ [а. j>—**uj-o** маълум вақт; се-зон; байрам] **1** Йилнинг маълум фасли ёки вақтида бўладиган ёки амалга оширилади-ган иш даври. *Пахта мавсуми. Йиғим-терим мавсуми. Қурт тутуши мавсуми. **тм** Бог мавсуми тамом бўлиб, Шакархонлар ҳам шаҳар ҳовлиларига кўчиб келдилар.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Катта футбол мавсумига республикамиз жамоалари ҳам ҳозирлик кўришди.* Газетадан. *Август ойи — ўзбек дёрнинг янада сўлим бир мавсуми.* Н. Сафа-ров, Оловли излар.

2 с.т. Фасл, йил фасли. *Куз мавсуми. Ёз мавсуми.*

МАВСУМИЙ I а. **△н III-O** маълум вақт-га, мавсумга оид] Маълум мавсумда бўладиган, мавсумга оид. *Мавсумий иш. Мавсу-мий шамоллар. **тм** Қишда бекор ётадиган ва ёзда фойдаланиладиган мавсумий хумдон нор-мал ишлатилмайди.* Газетадан. *Дала ишйопон-лари ҳам, мавсумий яслилар ҳам хўжакўр-синга бор.* А. Халилов, Пахтакорларга ғамхўр бўлайлик.

МАВСУМЛИЙ айн. мавсумий. *Йиғим-те-рим мавсумли иш, кечиксанг, ютқизасан.* И. Раҳим, Ихлос.

МАВҚЕ [а. j-° - ўрин, жой; вазият] Шахс, нарса, воқеа-ҳодиса ва ш. к. нингтутган муайян ўрни, даражаси, ҳолати; марта-ба. *Ҳозирги замон илмида муҳим мавқени эгаллаган, гоаят жадал суратлар билан тараққий этаётган фанлардан бири кибернетикадир.* «Фан ва турмуш». *Табиат зап қизиқ нарса-да. Унда ҳамма нарса мавжуд, ҳамма нарса-нинг ўз ўрни, ўз мавқеи бор.* Н. Фозилов, Дийдор. *Мана шу оёғимда тик турибман, эл аро ўз ўрним, ўз мавқеим бор.* Ж. Абдуллахо-нов, Хонадон.

МАВҲУМ \a. — хаёлда гавдаланган, хаёлий; бесаранжом] **1** Акл билан фикр-лаш орқали тасаввур этиладиган; абстракт. *Мавҳум тушунчалар. Мавҳум сонлар (мат).*

2 Аниқ эмас, мужмал. *Мавҳум жавоб. **тм** Тарбиявий ишда қуруқ шиорбозлик ва мавҳум чақириқдан қочмоқ керак.* Газетадан. *Унда олдинга сурилган кўп масалалар мавҳум, муж-мал, ҳатто ноўрин жойлари ҳам бор.* С. Ка-роматов, Сўнгги бархан.

МАВҲУМЛИК Мавҳум ҳолат, мавҳум нарсалардан иборат олам; мавҳум эканлик. *Масала мавҳумлигича қолди. **тм** Теварак унинг бошида гўжгон кўтарилган саркаш фикрлар сингари бешакл, аралаш-қуралаш, мавҳумликлар қўйнида сузарди.* Ж. Абдулла-хонов, Хонадон. *Нуқра ўзи истамагани ва сезмагани ҳолда.. чигаллик ва туманлик қоп-лаган мавҳумлик томон борарди.* С. Карома-тов, Сўнгги бархан.

МАВҲУМОТ [а. oUJ_А- «мавҳум» с. кўпл.] эск. кт. Мавҳум нарсалар, хаёлий тушунчалар. *Хаёл тизгини унга тутқич бермай, олис-олисларга, мавҳумотлар оламига етак-ларэди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Эшик ёпилгач, яна қуйқалик, мавҳумот олами огуши-га чўмаман.* Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

МАГАЗИН \фр. magazin < а. **СГ'Г^** ~ ^{оМ}~ бор; катта магазин] **1** Турли буюмлар сотила-диган чакана савдо дўкони ва унинг биноси. *Озиқ-овқат магазини. Саноат момари мага-зини. Китоб магазини. Авторлик магазини.*

2 тех. Қурол, аппарат ва асбобларнинг бирор нарса жойлаштириб қўйиладиган қисми (коробка, трубка ва ш.к.)- *Милтиқ магазини. Фотоаппарат магазини. **тм** Яқинда ўнта патрон жойланадиган магазинли ярим автомат винтовкани ўргандилар.* Шухрат, Шинелли йиллар.

МАГАЗИНЛИ тех. Магазини бўлган, мағазин билан таъминланган. *Магазинли ав-томат.*

МАГАЗИНЧИ 1 Магазин эгаси, мага-зини бўлган савдогар.

2 Магазинда ишловчи киши; сотувчи. *Ма-газинчидан эртагача ушлаб туришиши илти-мос қилиб кетган.* У. Умарбеков, Ёз ёмғири.

МАГАР \ф. — ammo, лекин; шекил-ли] *боғл. эск. кт.* 1 Сўроқ, таажжуб, тасдиқ билдиради. *Магар истиқбол шу экан, келин, биз ҳам кирайлик, қизнинг тилини, дилини, тилак-истакларини билайлик.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Фақат, ёлғиз. *Шаҳар халқининг ҳар бир табақаси деярли Муслмонкул даққисини еб келган, магар уламо халқи ундан жуда рози.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 айн. агар. *Субҳ чоғида магар, чиққанда ёрим тўлганиб, Гул ёқасин чок этар, булбул-да афгон кўзгалур.* Ҳабибий.

МАГИСТР [лот. magister — бошлиқ; му-раббий, устоз] Айрим мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда: университетни ва унга тенглаштирилган олий ўқув юртини тугат-ган, бакалавр даражасига эга бўлиб, 1—2 йил давомида магистратурада ўқиб, тегишли имтиҳонларни топширган ва диссертация ҳимоя қилган шахсларга бериладиган дара-жа ва шу даража эгаси.

МАГИСТРАЛ \лот. magistralis - бош, асосий] Асосий, бош (канал, йўл ва ш.к. да бош ўрин тутган, асосий). *Яхшиси, ишни магистрал канал ва янги ерлар очилаётган туманлар бўйлаб саёҳатдан бошлайлик.* «Ўзбекистон кўриқлари».

МАГИСТРАЛЬ \лот. magistralis — бош, асосий] 1 Қатнов йўли ва, умуман, тармоқланган системаларнинг асосий қисми. *Те-мир йўл магистрالی.* **тм** Тошкентнинг турли томонларига олиб борувчи янги магистрал-лар шу майдонда кесишади. Газетадан.

2 Электр, телеграф, телефон, канали-зация ёки водопровод тармоқлари система-сида асосий кабель ёки труба. *Газ магистра-ли.* **тм** Довонлар орқали ўтган пўлат магистраль ўн беш минг гектар майдондаги яйлов-ларни сув билан таъминлайди. Газетадан.

МАГИСТРАНТ \лот. magistrans, magis-trantis — магистр бўлишга тайёрланаётган] Магистр даражаси учун имтиҳон топширган, лекин диссертация ҳимоя қилмаган шахс.

МАГИСТРАТУРА \лот. magistratus — дав-лат мансаби, амали; мансабдор шахс] 1 Қадимги Римда: давлат лавозими.

2 Бир қанча мамлакатларда: олий таъ-лим босқичи.

3 Ўзбекистонда: муайян ихтисослик бўйича назарий ва амалий билим беради-ган, бакалаврият негизида таълим муддати 2 йил давом этадиган олий таълим. *Магистратурага кирмоқ.*

МАГМА \юн. magma — хамир, қоришма] *геол.* Ернинг чуқур қатлами ичида ҳосил бўладиган чўғсимон суюқ модда. *Ўрта Осиё шароитида туб олтин конлари магма юқори қатламларга чиққандан кейинги даврда ҳосил бўлади.* С. Кароматов, Олтин кум.

МАГМАТИК Магмадан ҳосил бўлган, магма холидаги. *Магматик модда.* **тм** Бирок уни баъзи бир турдаги магматик жинс-лар атрофида қидириш керак. С. Кароматов, Олтин кум.

МАГНАТ [лот. magnatus — бой, машхур кишилар] Саноатда ёки тижоратда йирик пул суммасини тўплаган мулк эгаси. *Нефть магнатлари.*

МАГНЕЗИТ \лот. magnesia — магнезия] Магний билан карбонат кислотадан ҳосил бўлган ўтга чидамли оқ ёки сарғиш минерал.

МАГНЕЗИЯ [лот. magnesia < Magnesia (Магнесия) — Кичик Осиёдаги қадимги шаҳар номи] Магнийнинг кислородли би-рикмаси, магний оксид; кукун ёки кристалл модда (тиббиётда ва техникада қўлла-нади).

МАГНЕТИЗМ [«магнит» сўзидан] 1 Магнит, электр тоқлари ва электр зарядларининг баъзи жисмларни ўзига тортиш ёки ўзидан итариш хусусияти.

2 Магнит ҳодисалари ва жисмларнинг магнит хоссалари ҳақидаги таълимот.

Ер магнетизми 1) Ер шарининг ўз атро-фида магнит майдони ҳосил қилиш хусусияти; 2) геофизиканинг Ер шари магнит майдонини текширадиган бўлими.

МАГНЕТО [ингл. magneto (electric machine)] Ички ёнишли двигателларнинг цилиндрдаги ёнилги аралашмасини ўт олди-риш учун хизмат қиладиган электромагнитли асбоб.

МАГНИЙ \лот. magnesium — Кичик Осиёдаги қадимги шаҳар — Magnesia (Магнесия) номидан] Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент; оппоқ ёруғ аланга бериб ёнадиган кумушранг ял-тирок, енгил металл.

МАГНИТ \ин. Magnetis lithos - Магне-сия (Magnesia) тоши] Темир ва пўлат буюмларни ўзига тортиш ёки ўзидан итариш хусусиятига эга бўлган жисм. *Табиий магнит. Сунъий магнит.*

Магнит аномалияси Ер магнетизмининг ер юзасининг темир рудаларига бой жойла-рида кескин ортиб кетиши (бошқа жойлар-га нисбатан). **Магнит бўрони физ.** Куёш фаоллигининг кучайиши натижасида ер юза-сининг катта қудудларида, баъзан барча ҳудудида Ер магнит майдонининг аҳён-аҳён-да юзага келадиган қисқа муддатли кескин ўзгариши. **Магнит лента** Товуш (мусика, нутқ) ёзиб олиш ва қайта эшиттириш учун ишлатиладиган, сиртига магнит қатлами суртилган юпқа қайишқоқ лента; магнит тасма. **Магнит мили (ёки стрелкаси)** Тик ўқ устида бемалол айланадиган, бир учи доим шимолга қараб турадиган, чўзиқ ромб шак-лидаги нозик магнит; компаснинг асосий қисми.

МАГНИТЛАМОҚ Магнит хусусиятини бермоқ. *Компас стрелкасини магнитламоқ.*

МАГНИТЛИ Магнит хусусиятига эга бўлган.

МАГНИТОГРАФ |магнит + юн. grapho — ёзаман] Ер магнит майдони ўзгаришларини мунтазам қайд қилиб борадиган асбоб.

МАГНИТОМЕТРИЯ |магнит + юн. metreo — ўлчайман] Геофизиканинг Ер магнит майдони ва унинг аномалияларини ўрга-нувчи бўлими.

МАГНИТОФОН [магнит + юн. phone -товуш] Овозни электромагнит усул билан ёзиб оладиган ва эшиттирадиган мослама, аппарат. *Овозни магнитофонда ёзиб олмоқ. Магнитофон ёзуви. тт Овқатдан кейин Аҳмад меҳмонларга магнитофон қўйиб берди. Ф.* Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳозирги замоннинг энг янги магнитофонлари билан қуролланган бу студияда ижодий иш қизгин. А.* Пўлатов, Янги студияда.

МАГНОЛИЯ \фр. magnolia - француз ботаниги Р. Magnol (П. Манноль) номидан] Иссиқ икдимда ўсадиган, барглари доим яшил дарахт ёки бута ва унинг йирик гули. *Шаҳримизда.. нодир ўситикларнинг анчаги-на турлари мавжуд. Лола дарахти, магнолия каби дарахт ва буталар шулар жумласидан-дир. Ў.* Пратов, Лола дарахти қани?

МАДАД \а. جلد. - кўмак, ёрдам; қўллаб-қувватлаш] Далда бўлувчи моддий ёки маънавий ёрдам. *Мадад бермоқ. «Ҳа» деган — туяга мадад. Мақол. тт Жуманнинг шу ерда ўтириши унга [Адолатга] жуда катта Ма-дад. А.* Мухтор, Туғилиш. *Ғуломжоннинг тўкилиб турган юрагига қиз илтифоти ма-дадберди. М.* Исмоилий, Фарғона т.о. *Мадад сўраганда — чорасиз жаҳон, Сиз Тошкент бағридан узатгансиз кўл. А.* Орипов.

МАДАДКОР Мадад қилувчи, мадад бе-рувчи; ёрдам, кўмак кўрсатувчи. *Сел аёвсиз савалаб турганида, мададкорлар оғир йўл бо-сиб, тонгда Чустга етиб келдилар. С.* Каро-матов, Камолот йўллари.

МАДАНГ \ф. — катта ёғоч калит;

зулфин] *эск. 1* Эшик зулфинига тикиб қўйи-ладиган катта ёғоч; ёғоч калит (тут, қайра-ғоч каби қаттиқ ёғочлардан қилинади). *Тол ёғоч маданг бўлмас, бегона даданг бўлмас. Мақол.*

2 Қари ток занги. *Ёрлиқларни қашиқ сим билан ё'и занг ва мадангларга боғлаш керак. Р.* Мусамухамедов, Мўл ҳосил етиштиришдаги тажрибаларим.

МАДАНИЙ [о. (jJA-. — шаҳарлик; мади-налик, Мадинага хос] **1** Маданиятга оид, маданият, илм-маърифат билан боғлиқ, маданият соҳасидаги. *Маданий инқилоб. Маданий зҳтиёжлар. Маданий мерос. тт Кор-хонада ёшлар ўртасида маданий тадбирлар кўплаб ўтказишди.* Газетадан.

2 Маданиятли, маданиятни эгаллаган; маданиятга эришган, маданият талабла-рига жавоб берадиган. *Маданий одам. Ма-даний оила. Маданий қишлоқ. Маданий ҳаёт. тт Кўпчилиги уларга ёқди.. хушмуо-мала, маданий одамлар экан. «Таниш ба-шаралар». Музей, театрларга қатнайман тез-тез.. Маданий бўлсин-да бу уч зумра-шанг/А. Мухтор.*

3 қ. ҳ. Киши кўли, меҳнати билан эки-ладиган, етиштириладиган. *Маданий экин-лар. Маданий ландшафт. тт Маданий ўсим-ликлар етиштириладиган тупроқ.. то/ жинсларидан ўзининг унумдорлиги билан фарқ қилади. «Фан ва турмуш». Бизнинг мўътадил иқлимимизда асаларилар ёввойи ва маданий ҳолда кўплаб учрайди. М. Тўйчиев, Асаларичилик.*

МАДАНИЙЛАШМОҚ Маданият касб этмоқ, маданиятли бўла бормоқ.

521 dx^

МАДАНИЙ-МАИШИЙ Турмуш мада-ниятига оид. *Маданий-маиший хизмат.*

МАДАНИЯТ [а. . — цивилизация] **1** Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи. *Бугунги Тошкент — йирик саноат, фан ва маданият марказлари-дан бири. «Саодат». Алифбо — инсон ҳаёти-нинг, инсон камолининг энг буюк ижодиёти; жаҳон маданияти, бутун илм, ўлмас бадиий, фалсафий, ахлоқий.. бойликлар шу ҳарфларга асосланган. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси. *Муסיқа мада-нияти. Нутқ маданияти. тт Ҳар икки йилда ўтказилаётган бу кинофорум унда қатнаша-ётган машакатир кино маданиятида кат-та воқеа бўлаётир.* Газетадан. *Ислоҳ мада-ниятини ривожлантиришига катта ҳисса қўшган муҳтарам зотирининг номлари бутун оламга маишхур.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрган-лик, зиёилик, маърифат. *Маданиятдан орқада қолмоқ. Маданиятга зришмоқ. тт Одам-ларнинг хулқ-атвори, маданияти ана шу бой-ликларга, хусусан, нонга бўлган муносабати бишин ўлчанади.* Газетадан. *Тарбиячи сўз би-лан шаъсир қилиш маданиятини згаллаш зарур.* «Фан ва турмуш».

4 Маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит. *Депутатнинг хспқ фаровон-лигини ошириш, турмуш маданиятини юксал-тириш борасидаги ишларидан меҳнаткашлар мамнун.* Газетадан.

5 к.х. (Ўсимлик ёки экиннинг турла-рини) етказиш, ўстириш, етиштириш. *Ху-сусан, деҳқончилик маданияти бобида ил-гарилаб кетди улар.* Н. Ҳайитқулов, Ер тафти.

МАДАНИЯТЛИ Маданиятга эришган, маданиятни эгаллаган; маърифатли. *Мада-ниятли одам. Маданиятли оила.*

МАДАНИЯТСИЗ Маданияти йўқ, ма-даниятдан орқада қолган; маърифатсиз.

МАДДА \а. *JLo — йиринг] **1** айн. **йиринг.** *Мулла Маҳмуд эзилган жойлари мадда олиб, маддадан бутун борлигига иситма тарқаб ётаркан.. бўлаётган воқеалар худди тушида бўлаётгандек туюлаётганди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 кўчма. Юракдаги ғубор.

МАДДАЛАМОҚ айн. **йирингламоқ.** *Ҳасад — занглаган ханжардирки, жароҳати мад-далаб кетади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..ҳаф-талиқ изтироби маддалаб, ёриш даражасига етган эмасми, ҳар бир сўзни салмоқлаб деди..* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқуйча.

МАДДОҲ \а. ^{^1} **Јбо** — мадҳ қилувчи; худо-га хамду сано айтувчи] **1** айн. Бозор ва кўча-кўйларда одам тўплаб, диний мазмунда ваъз, панд-насихат айтиб тирикчилик қилувчи шахс. ...маддоҳ, одамлар оралаб.. ваъз айтиб юрибди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма салб. Мақтовчи, мадҳ қилувчи; хушомадгўй. *Совуқ уруш маддоҳлари.* **шиДуш**-ман фирибин кўп ема ва маддоҳ хушомадин чин дема. Навоий.

МАДОР I \а. **ЈП-О** — айлана маркази; ўқ, асос; соҳа; тропик] Кишининг куч-қуввати; мажол. *Очлик ва ҳорғинликдан /Бекте-мирнинг] ҳатто сўзлашга ҳам мадори йўқ эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

МАДОР II \а. **ЈП-О**] эск. айн. **тропик 1.** *Саратон мадори. Жадд мадори.*

МАДОРСИЗ Мадори йўқ, қувватсиз, кучсиз, бемажол. *Баъзилари сўзлашга ҳам мадорсиз каби, жимгина мудрарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАДОРСИЗЛАНМОҚ Мадорсиз бўлиб қолмоқ, мадори куриб, ҳаракатга кучи етмай қолмоқ. *Мадорсизланиб, йиғи аралаш сўзлади Гулнор.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАДРАСА \а. ^{А^У} **ЈУ**. — мактаб, ўқув юрти; фандаги йўналиш, мактаб] **1** тар. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шунингдек, чор Россиясининг кўпчилик мусулмонлар яшайдиган худудларида диний олий ўқув юрти. *Нодира Анварни ўқитмоқчи, ҳатто мадрасаларга юбормоқчи.* А. Қодирий, Меҳ-робдан чаён.

2 Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошидаги диний мактаб.

МАДҲ fo. - мақтов; ҳамд-сано] *кт. айн. мадҳия 1.* *Тилимда мадҳу дилимда муҳаббат муҳринг. Ҳабибий. Бобо сават кўта-риб, боғига кириб кетиши билан, хотинлар бўлгуси келиннинг мадҳини бошладилар. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.*

Мадҳ қилмоқ (ёки **этмоқ**) Мадҳини, мақтовини қилмоқ. *Тонглар онгар булоқларнинг Навоси билан, Гул, гунчалар мадҳин қилган Садоси билан. Ғайратий. Ҳар қандай меҳнат қатори шеър ёзиш ҳам савоб, айниқ*

⁶⁰⁸

са, шеър инсонни улуғласа, унинг ҳаётини мадҳ этса. Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари. **Мадҳини ўқимоқ** (ёки **қуйламоқ**) Мадҳини ўқиш ёки қуй (қуйлаш) билан баён қилмоқ. *Ҳабибий, мадҳинг ўқиб, умр этай адо, чаманим. Ҳабибий. Гулшан ўлка мадҳини Бир-галашиб қуйлайлик. Ғайратий.*

МАДҲГЎЙ \а. ^{^^^} **Ј-О** — мадҳ. айтувчи] айн. **мадҳиячи.** *У [Жомий] ўз замонасидаги кўпчилиги мадҳгўй лаганбардорлардан иборат шоирларни ёқтирмайди.* Газетадан.

МАДҲИЯ \а. **4_Л=> . jbo** — мақтов кўшиғи; қасида] *кт. 1* Бирор шахс, нарса, воқеани мақтаб ёзилган, ўқилган шеър ёки нутқ; мадҳ, мақтов. [*Комил Нурматга:*] *Ғалабага марсия эмас, мадҳия муносиб. Уйғун, Ҳаёт кўшиғи. Кунларни китоб сотиш, бўш вақт-ларни ўзи таниган ва танимаган масъул хо-димларга шеърин мадҳиялар ёзиш ва бу мад-ҳияларни учраган одамга ўқиб бериш билан ўткази бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чи-роқлари. Шон-шуҳрат орзусида ёнган телба ҳоқим эса бу мадҳиялардан бадтар ишиарди. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.*

2 Тантанали кўшиқ; давлат ёки сиёсий синф бирлигининг аломати бўлган тантанали шеърин-муסיқий асар.

3 Мадҳия (хотин-қизлар исми). **МАДҲИЯЧИ** Мадҳия айтувчи, мақтовчи.

МАЁВКА \р. маёвка — май ойи номидан; май ойига алоқадор] **1** Чор Россиясида иш-чиларнинг 1 Май куни **1 муносабати** билан ўтказиладиган маҳфий йиғилиши.

2 эск. Шўролар даврида: баҳорги дала сайили. *Раис правление номидан, Султонпошша ёшлар ташкилоти номидан мана бу кўприкни қурган ёшларни маёвкага таклиф қилиб келишган экан. А. Мухтор, Туғилиш. Маёвка Оқтошга яқин бир богда ўтказилди. «Муштум».*

МАЁҚ [р. маяк] **1** Кемаларга йўл кўрса-тиш учун денгиз қирғоғи ёки оролларга қурилган ва сигнал воситалари билан жи-ҳозланган минора кўринишидаги навига-ция қурилмаси. *Кема учун маёқ, сайёҳ учун компас, Ер учун Қуёш азиз бўлгани каби..* Газетадан.

2 кўчма Йўл кўрсатиб турадиган, ўрнак, намуна, ибрат бўладиган нарса; машғал. *Кенг, бепоён Шарққа маёқ Гул-гул ёнган Ўзбе-кистон.* Х. Расул.

МАЖАҚ: мажақ бўлмоқ ёки мажағи чиқ-

моқ Ортиқ даражада эзилиб, пачағи чиқ-моқ, абжағи чиқмоқ, мажақланмоқ. **Мажак қилмоқ** ёки **мажағини чиқармоқ** айн. **мажақ-ламоқ.**

МАЖАҚЛАМОҚ Ортиқ даражада эзиб янчмоқ, пачақламоқ, абжақ қилмоқ, абжағини чиқармоқ. *Танк бу ердан омон ўйса, албатта, тўпни мажақлаб ташлар эди.* А. Қахҳор, Олтин юлдуз. *Отларнинг туёқлари Мажжақлади гумарни.* Х. Даврон.

МАЖБУР [а. JJ:-> « — қилиниши шарт бўлган; ноилож| Ўз хоҳиш-ихтиёридан таш-қари, кимнингдир амри, зўри билан ёки бирор нарсанинг тақозоси туфайли қандай-дир бир ишни қилиши шарт ҳолатли. *Тенг-доилари ичида энг пешқадам ҳисобланган Шерали ҳам геология тарихига оид масала-ларда у билан ҳисоблашиб, эҳтиётроқ бўлиб гапиришига мажбур эди.* С. Кароматов, Ол-тин қум.

Мажбур қилмоқ (ёки **этмоқ**) Мажбур-ламоқ. *Агар уни эрга чиқишига мажбур қила-ётган бўлса-чи! О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса.*

МАЖБУРАН рви. Мажбур бўлиб ёки мажбур қилиб; мажбурият орқасида. *Араб-бой кўпчилик кулгисидан бир оз изза тортди. Лекин у баъзи бировлардай умум кулгисига мажбуран таслим бўлиб илжаймади.* П. Тур-сун, Ўқитувчи. *-Фараз қилайлик, мен сени мажбуран қуёвга бердим, — деди Салимхон.* А. Қахҳор, Сароб.

МАЖБУРИЙ Хо\ ихтиёрий, хо\ ихти-ёрсиз бажарилиши, амалга оширилиши шарт бўлган. *Мажбурий таълим. Мажбурий хизмат. тт Тушлик ўшиб, икки соатлик мажбурий ҳордиқ тамом бўлгандан кейин касалхона гавжум бўлиб кетади.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

МАЖБУРИЯТ [а. - мажбурлик;

ноиложлик; бурч] **1** Ғайриихтиёрий вази-фа, бурч ёки бирор мажбурий иш, ҳолат, эҳтиёж. *Тошкент жўнаш учун ўзида мажбу-рият ҳис этар.. бошқа чора йўқ эди.* А. Қоди-рий, Ўтган кунлар. *Халойиқ ҳам секин-аста тарқалди — ҳоким келмаган, офтобда сар-гайишинингмажбурияти қолмаган эди.* М. Ис-моилий, Фарғона т. о.

2 Меҳнат ахлларининг бирор ишни ба-жариш учун берган қатъий ваъдаси. *Звено бўйича мажбурият ҳар гектаридан ўн бир*

609

центнер эди, ҳозир ўн тўрт бердик. А. Қах-ҳор, Қўшчинор чироқлари. *Икки бригада мусобақалашиб, юқори мажбуриятлар олган.* «Ўзбекистон кўриқлари».

МАЖБУРЛАМОҚ Мажбурий тарзда, зўрлаб йўлламоқ, зўрламоқ. *Аниқроғи, улар-нинг реал эҳтиёжи борми, йўқми, бари бир, мажбурлаб тиқштирардилар.* «Муштум».

МАЖЛИС [а. o,i] л — ўтириш жойи; йи-ғилиш; уюшма, кенгаш] **1** Ташкилот, кор-хона ёки идора аъзоларининг бирор масала муҳокамасига бағишланган йиғилиши ва унинг иштирокчилари. *Очиқ мажлис. Ёпиқ мажлис. Партия мажлиси. Мажлис ўтказ-моқ. Мажлис қилмоқ. тт Бу масалани.. ота-оналар мажлисида муҳокама қилиши керак.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 эск. Тўй, зиёфат ёки бошқа муносабат билан уюштирилган ўтириш ва шу ўтириш қатнашчилари. *Мажлис Зиё шоҳичинингуи-да Отабекнинг меҳмондорчилиги учун йиғил-ган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юсуфбек ҳожиди кўтарилиб, Қамбар шарбатдорга қара-ди ва мажлисни ер остидан қузатиб чиқиб, яна жим қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Қиз(лар) мажлиси Келиннинг тўй муно-сабати билан ўз ўртоқларига берадиган зиё-фати. *Уйда, Қумушбибининг тоғасининг уйи-да, қизлар мажлиси, гуллар мажлиси. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.*

3 Баъзи шарқ давлатларида (*мас., Ўзбе-кистон, Туркия, Озарбайжон ва Эронда*) қонун чиқарувчи орган (парламент); ҳуку-мат хайъати.

МАЖЛИСБОЗ Мажлис ўтказишни яхши кўрадиган, мажлисбозликка берилган одам.

МАЖЛИСБОЗЛИК Бўлар-бўлмасга мажлис қилавериш.

МАЖЛИСГОҲ *эск. кт.* Мажлис ўтка-зиладиган ёки мажлис бўлаётган жой.

МАЖМАҒИЛ \a. J-. - йўқолиб кет-ган, яшамай кўйган] **1** Ўсиши, ривожи ор-қада қолган, яхши ўсмаган; нимжон. *Маж-мағил ўсимлик. Мажмағил бола. тт Лекин ёгингарчиликдан сўнг қатқалоқ босиши на-тижасида ёш ниҳоллар мажмағил бўлиб ётиб-ди.* Газетадан.

2 кўчма *с.т.* Муҳмал, ланж, дудмол, но-аниқ. *Мажмағил жавоб. тт Мен бу мажма-ғил билан ишлаша олмайман. О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.*

МАЖМУ \a. ^j -^ " — тўпланган, йиғин-ди] *кт.* Йиғинди, жами. *Ишлаб чиқаришму-носабатларининг мажмуи.*

МАЖМУА \a. <i. j-«->-o - тўплам; тўплаш; бир бутун нарса; туркум] **1** Маълум тартиб-да тўпланган матнлар, маълумот ва ш. к. йи-ғиндиси; тўплам. *Крунлар мажмуаси. тт У жиноят қонунлари мажмуасининг ҳамма мод-далари билан айбланади. А. Қахрр, Сароб.*

2 *эск.* Тўплам шаклида чиқариладиган нашр. *Шоирнинг /Огаҳийнинг] юбилеи муно-сабати бiлwн Фафур Фулом номидаги Адаби-ёт ва санъат нашриёти унинг олти жилдли асарлари мажмуасини нашр этишига кириш-ди.* Газетадан.

МАЖНУН \a. o>Ц-° ~ жинни, девона| Ишқ, мухаббат йўлида девона бўлган ким-са; савдойи. *Бу девона шаҳарнинг катта-ки-чигидан ўзига ихлосмандлар орттирган бир мажнун эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

МАЖНУНТОЛ *бот.* Толдошлар оиласи-га мансуб, новдалари ерга эгилиб ўсади-ган дарахт. *Улар кокиллари сув ўпиб турган мажнунтоллар тагидаги ариқда юз-қўл юви-шаркан, Қулаҳматни аскияга олишарди.. «Гулдаста».*

МАЖОЗ \a. ~ ўтиш жойи; бошқача айтиш, номлаш; тасвирий ифода] *ад.* Сўз ёки иборанинг ўз маъносидан бошқа, кўчма маънода ишлатилиши ва шундай маънода ишлатилган сўз, ибора; метафора; аллего-рия. *Демак, лугавий маъносига кўра метафо-ра Шарқда қўлланган мажоз — кўчим ибора-сига мос келади. «ЎТА».*

МАЖОЗИЙ Мажозга оид, мажозли, кўчма, метафорик. *«Қалам» сўзи ёзма адаби-ётда кўпинча мажозий маъноларда ҳам қўлланган. «ЎТА».* Юзлаб, минглаб мақолла-римизнинг тўғри **ва** мажозий маъноси ҳамон жумбоқлигича қолмоқда. Ш. Шораҳмедов, Халқ мақоллари.

МАЖОЛ \a. JУ~o - жой, фазо; муҳит; имконият] *с.т. айн.* мадор **1.** *Ўрмонжон кеч-га яқин шу қадар чарчадики, отлиқ юришига ҳам мажולי қолмай, уйига қайтди. А. Қах-рр, Қўшчинор чироқлари.*

МАЖОЛИС \a. ^La-. — «мажлис» с. кўпл.] *кт.* Мажлис; мажлислар. *«Мажолис-ун-нафоис»* (Алишер Навоий тазкирасининг номи).

МАЖОЛСИЗ Мажоли йўқ, мадорсиз, беҳол. *Умажолсиз оёқлари бwwn базўр юриб. эшикнинг занжирини туширди. Ойбек, Тан-ланган асарлар.*

МАЖОЛСИЗЛАНМОҚ Бемажол бўл-моқ, тинка-мадори куриб, ҳолдан тоймоқ. *Кўзи тиниб.. оёғи қалтираб, мажолсиз/инди. С. Аҳмад, Хукм.*

МАЖОР *эск.* Венгер; венгерлар.

МАЖРУҲ [а. т- јј[^]-о — яраланган, жаро-ҳатланган] **1** Ярадор, жароҳатли. *Фронддан қайтаётганлар ичида тўрт мучаси бут, нор-гул йигитлар бўлганидек, майиб, мажруҳлар ҳам бор эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ногирон, майиб. *Мажруҳ гўдаклар арақхўр, гиёҳвандларга энг зўр айбномадир!* Газетадан.

МАЖРУҲЛАНМОҚ кам. қўлл. Мажруҳ бўлмоқ, жароҳат олмақ; шикаст топиб, майиб, ногирон бўлиб қолмоқ. *Ичкилик захри билан нозик юрак тонгай зарар, Ошқозон мажруҳланиб, ишдан чиқар соғлом жигар.* Ж. Абдулла.

МАЖУС [а. [^]у[^] — оташпараст] Оташ-параст, ўтга топинувчи.

МАЖУСИИ [а. [^]ј[^].[^] — оташпараст] Оташпарастлик динига мансуб киши; оташ-параст. *Беруний ота-боболари мажусий бўлган бу ҳукмдорларнинг ислом ҳомийси бўлиб қолганига таажжубланарди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МАЖХУЛ [а. Јја ? « — номаълум, ноа-ниқ] эск. **1** кт. Номаълум, ноаниқ. *Йўлакдаги мажхул кимса ўзини майдон ичига олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 мат, Номаълум. *Мажхул сон.*

Мажхул феъл (ёки **нисбат**) тли. Ҳара-катнинг бажарувчиси номаълум эканини билдирувчи нисбат шакли. Мас, *Бу ҳақда кўп гапирилди* гапида *гапирилди* сўзи феълнинг мажхул нисбат шакли ҳисобланади.

МАЗА **1** а. а'ј[^]а шўр, нордон газак] **1** Нарсаларнинг таъм-лаззат билиш аъзолари-га таъсир этиб, сезги уйғотиш хусусияти; таъм, лаззат. *Нордон маза. Олманинг мазаси. Мазасини тотиб кўрмоқ. Ўзи ширин, тўкли-гина, мазаси ҳам тотлигина (топишмоқ; шафтоли).*

2 Қаноат ҳисси, руҳий завқ, лаззат, ро-ҳат. *Мунчалик мазани топа олмайди Уиқуда тамшанган чақалоқлар ҳам.* Ғ. Ғулом.

3 сфт. Мазали, ширин. *Жаркоп, шавла, кичири — Бири-биридан маза. Холам қўли гул тоза.* Қ. Муҳаммадий.

4 унд. с. Қониқиш, роҳат ҳиссини бил-диради. -Эҳ, маза, маза! — деб Попук севинчидан қуёндай диканг-диканг сакради. Ҳ. На-зир, Ёнар дарё. Ҳалиги иржайган одамнинг кўнгли чопдимми, сўлакайини оқизди: -Маз-за! «Муштум».

Маза қилмоқ Роҳатланмоқ. *Сиз салқин-да, гириллаган шабадада қўк чой ичиб, маза қишибўтирибсиз!* М. Исмоилий, Фарғонат.о. **Мазаси йўқ** 1) таъми дуруст эмас, бемаза. *Овқатнинг мазаси йўқ;* 2) кўнгилдагидек эмас, қониқарсиз. *Бугун бўлса, овнинг ҳам мазаси йўқ.* Ҳ. Ғулом, Машғал. *Ишинингма-заси йўқ, унингўз фикрича, эпллмаётган экан.* А. Мухтор, Чинор. *Саводининг мазаси йўқ.* С. Аҳмад, Ҳукм; 3) ярамас, бемаза (шаҳс ҳақида). *Жуда мазаси йўқ одам;* 4) соғлиғи дуруст эмас. *Бугун ишга боролмабди, анча мазаси йўқ.* **Мазаси қочмоқ** Ёмон томонга ўзгармоқ (иш, ҳолат, соғлиқ ва ш.к. ҳақида). *Далада шининг мазаси қочди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Шу кунларда мани мазам қочиб қолганини қаранг-а.* С. Нуров, Карвон. *Ейиши-ичишининг мазаси қочган бу йўловчиларга.. унча илти-фот кўрсатишмади.* «Ёшлик». **Ма taenia ту-шунмоқ** Бирор нарсага ўрганиб, унинг ке-тидан қувмоқ, одат қилмоқ. *Сап юборган пулнинг мазасига тушундимми, бўлди, ҳафта-да, ойда пул сўрайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Мазасини олмоқ** ёки **мазасини қочирмоқ** Гап-сўз, хатти-ҳаракат билан ки-шини мулзам, хижолат қилмоқ, ноқулай аҳволга солмоқ. *Исамат отанинг бу гапи ҳам, чойхўрларнинг маъқулловчи кулгилари ҳам мулла Бердиёрнингмазасини олди.* «Муштум».

МАЗА-БЕМАЗА Бўлар-бўлмас, бемаъ-ни, бўлмағур (иш, гап-сўз ҳақида). *Зумрад опа маза-бемаза гапларга қулоқ солмас. рўзгор ишларидан бўшолмасди.* С. Нуров, Кутилма-ган хазина.

МАЗАЛИ Таъми яхши, ширин; тотли, лаззатли. *Мазали шўрва. **тм** Мазали овқат, ичкилик илинжидами, ресторанга кирган одамнинг кайфияти чоғлашади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МАЗА-МАТРА (асосан, инкор билди-рувчи «йўқ» с. билан) **1** Маза, маза деган нарса. *Лекин уларда тайёрланаётган таом-ларда маза-матра йўқ.* Газетадан.

2 кўчма Маъно; мантиқ, тайин. *..шу за-монда гап-сўз қайнаб кетган, лекин бировининг ҳам маъноси йўқ, бирида ҳам маза-матра йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *..савдо-миз, ўзингизга маълум, маза-матраси қолма-ди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

МАЗАММАТ \а. сJ>J-> - ёмонлик, ту-банлик; ярамас хатти-ҳаракат] *эск. кт.* Бировни ҳақ-ноҳақ ёмонлаб айтилган гап, ма-ломат, таъна.

Мазаммат қилмоқ (ёки **этмоқ**) Таъна, маломат қилмоқ. *Жинни одамни хон дорга тортибди, деб халқи олам мазаммат этур-лар.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАЗАСИЗ Таъми ёмон, мазаси йўқ; лаз-затсиз, бемаза.

МАЗАХ \а. r-lj^i — ҳазил; эрмак] Масха-ра, кулги; истехзо. *Мазах — ёмонликнинг муқаддимаси. «Қобуснома». Тожибой.. ён-ве-рида зимдан мазах билан жилмайиб шурган одамларга қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Мазах қилмоқ айм. мазахламоқ. *Талъат унинг гапларига мазах қилгандай, индамай қулоқ солибтурарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинг-га қулоқ сол.

МАЗАХЛАМОҚ Мазах, масхара қилмоқ, бировнинг устидан кулмоқ. *Боядан бери ин-дамай ўтирган эшон бошини кўтарди ва би-ровни ичдан мазахлаётгандай, секингина кул-ди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАЗАХОМУЗ \а. + ф. >^1c1> - ҳазил, мазахга ўхшаш] Мазах аралаш, мазах билан; истехзоли. *Эшон лабларини бир томонга ма-захомуз буриштириб кулумсиради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАЗАХЧИ кам. қўлл. Бировни мазах қилувчи, мазах қилишни яхши кўрадиган. *Мазахчи одам.*

МАЗАХЎРАК \а. + ф. ^1^a> - маза қилиб еювчи] Бирор нарсанинг мазасига тушуниб қолиб, унга берилган, ўрганиб қолган. *Ёпиридилар яна мазахўраklar Осмондан ёгилган чигиртка қадар. «Муштум».*

Мазахўрак бўлмоқ ёки мазахўракка ўрганмоқ Мазасига тушуниб, ўрганиб қолмоқ; одат қилмоқ, берилмоқ. *Қатновчилар.. Махмуд аканинг мантисига мазахўрак бўлиб қолган эдилар.* Н. Сафаров, Узокни кўзла-ган қиз. *Ҳар йили қурт тута бериб, мазахў-ракка ўрганиб қолган Ойбека, Қумри қақил-доқ.. дарров қўл кўтаришиди.* А. Мираҳмедов, Ўт юраклар.

МАЗГИЛ с.т. Манзил. *Қанча оғир доvon-лар ошиб, Мазгилига етган йўлчидай, Енгил нафас олди Отахон.* С. Акбарий.

МАЗДАКИЙЛИК [шу таълимот асосчи-си Маздак ибн Ҳамдодон номидан] *дин.* 5— 6-асрларда Эронда оқсуякларга ва руҳоний-ларга қарши бош кўтарган халқ ҳаракати; бу ҳаракат тарафдорлари ижтимоий зулмга қарши курашни муқаддас вазифа деб би-либ, унга диний тус берганлар ва мулкий тенгсизликни йўқотишга, моддий бойлик-ларни одамларга тенг тақсимлашга даъват қилганлар.

МАЗДУР \ф.

>ʃ1Н> елланма ишчи; ел-ланган) *эск. кт.* Ёлланиб иш қилувчи киши; батрак. - *Кошкийди.. замон ўзгарса-ю, маздур-лар сийнасига шамол тегса, — деди ишчи.* Ойбек, Нур қидириб.

МАЗИЯТ \а. с4>> — афзаллик, имтиёз; хосса, хусусият] *эск. кт.* Ортиқлик, афзаллик. *Қизини ер-кўкка ишонмаган.. унинг бу-тун нуқсонларини бир мазият билган онаси — Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ кўпориб, шу кенжа арзандасига сарф қилиш учун уринар.. эди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

МАЗКУР [a. *jjZl** — эслатиб ўтилган, зикр этилган] Зикр этилган, эслаб ўтилган, айтиб ўтилган. *Мазкур шахс. Мазкур воқеа. **ит** Тилининг бойлиги ва услубининг равонли-ги.. мазкур тадқиқошни салмоқли қилади ҳамда илмий-амалий қимматини оширади.* «ЎТА».

МАЗЛУМ [a. *f ji-li-o* — жабрланган, зулм кўрган] Зулм остида қолган, эзилган. *Мазлум халқлар.*

МАЗЛУМА 1 Мазлум аёл.

2 Мазлума (хотин-қизлар исми).

МАЗМУН \a. (*jj* п.л о - мундарижа; маъ-но] **1** Акл, фикрлаш билан тушуниладиган, мантикий мундарижа; бошқа белги билан ифодаланган ички мундарижа. *Китобнинг мазмуни. Хатнинг мазмуни. **ти** Қайин отанг менга бир хат ёзибдир, ўқиб-ўқиб, мазмушга тушунолмай ҳайрон бўламан.* А. Крдирий, Ўтган кунлар.

2 Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш. к. ни белгиловчи асос, моҳият. *Бошқа барча тинчликсевар халқлар сингари, тинчлик ва ижод-дий меҳнат хитойликларнинг ҳам ҳаёт мазмуни, ижод манбаидир.* Т. Жўраев, Улуғ Хи-тойда. *..кишиларимиз қилаётган ишлар ва кўзлаётган режалар матбуотимизнинг асо-сий мазмунини ташиқил этади.* Газетадан. *Бу ишларни шунчаки давом эттирибгина қолмай, уни янги мазмун билан бойитамиз.. «Ўзбекистон кўриқлари».*

3 флс. Бирор ҳодисанинг моҳиятини бел-гиловчи, нарсаларни айнан шу нарса сифатида ифодаловчи муҳим элемент ва ўзга-ришларнинг йиғиндиси, асоси. *Шакл ва мазмун бирлиги.*

МАЗМУНАН 1 Мазмунига кўра, маз-мун нуқтаи назаридан, мазмун жиҳатидан. *Ҳикоятда, аввало, шаклан мўъжазлик ва маз-мунан соддалик кўзга ташланса.. «ЎТА».*

2 айн. мазмуни. [*Тожибой Холисхонга.*] *Акангиз бир-икки марша бир ой-ярим ой йўқ бўлиб, мазмуна, ахтарди шекилли, топол-май келди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Шеър-ий битик ёзилган мрамртош олдида.. уч-тўрт уста куймаланар, мазмуна, битикни қай йўсида қириб бошлашни маслаҳат қили-шарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАЗМУНДОР Мазмунли, мазмуни ях-ши; сермазмун. *Мазмундор суҳбат. **тм** Миртемир шеърятининг тили жозибали, бой ва мазмундор.. «УТА».* Ҳаётимиз бениҳоя мазмун-дор ва гўзалдир. Газетадан.

МАЗМУНИ кри. с. Маълум бўлишича; афтидан, чамаси. *Мазмуни, район раҳбарлари ўзлари чиқарган қарорни бошларига бо-лиш қилишиб, бемалол ухлаётганга ўхшайдилар.* «Муштум». *..мазмуни, иккови илгари-дан дон олишиб юрган экан.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

МАЗМУНЛИ айн. мазмундор. *Ўқитувчи ҳам дарсни мароқли ва мазмунли ўтиши учун барча имкониятлардан фойдаланиши керак.* Газетадан.

МАЗУТ \p. мазут — «мазать» фл. дан: сур-калган нарса; ифлос доғ] Нефтни қайта ишлаб, бензин, газолин ва керосин олин-гандан кейин қолган қуюқ масса, қорамой. *Қора мазут ёқилиб пиширилган макарон шўрвани ҳам маза қилиб ичишган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

МАЗҲАБ \a. — йўл, ҳаракат тарзи;

диний таълимот, диннинг бирор тармоғи] **1** дин. Ислонда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари; умуман, анъанавий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмагани ҳолда, шари-ат масалаларида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фаркланувчи йўналишлар, оқимлар. *Ислон-нинг шиа мазҳаби. **тм** -Илгари билиш керак. — деди Хатиб домла. — Сиз имоми Аъзам Абу*

Ҳанифа мазҳабларидамисиз? Ёки имоми Мо-лик?А. Қодирий, Обид кетмон.

2 кўчма Расм, одат; йўл. *Ишқ мазҳабида куфр эрур жаҳл ила тақво.* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 *кўчма сиёс.* Ўз қарашлари ва ақидалари билан бошқалардан ажралиб қолган гуруҳ.

МАЗХАБЧИ *дин.* Бирор мазҳабга мансуб бўлган ва шу мазҳабга амал қилувчи шахс.

МАЗХАБЧИЛИК *дин.* Бир мазҳаб тарафдорларининг иккинчи мазҳаб тарафдорларига қарши хатти-ҳаракати; мазҳаб ажратиш.

МАИШАТ [*а. ■- л... а* — қаёт, турмуш; яшаш воситалари; таъминот] **1** Кундалик тирикчилик, яшаш. [*Бой:*] Мендан қолган давлат сизларнинг маишатиңиз учун кифоя қитайди. «Эртақлар». *Отамўлиб, маишатим тангликда колди.* Ғ. Ғулом, Тирилган мурда.

2 с. т. Кайф-сафо, айш-ишрат. *Ҳожи-хонни айш-ишратлар, шоҳона маишатлар чарчатди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳалол меҳнат билан қилган маишат нораво бўлмас.* Ҳабибий.

МАИШАТБОЗ Маишатга, айш-ишратга берилган, доим маишат билан машғул одам. *..терақзорда талтайибётган маишат-бозларни кўришунга оғирэди.* Ҳ. Ғулом, Тош-кентликлар.

МАИШАТБОЗЛИК Маишат қилиш, айш-ишрат. *Ишчилар кооперативига жойлашиб олган Норқулов ва Ҳайдаровлар доим маишатбозлик билан шуғулланганлар.* Газетадан.

МАИШАТГОҲ Маишат қилинадиган жой; ишратгоҳ. *Ҳар йил ёзда пристав билан бўлисинг бу ердан извоида тоғдаги махсус маишатгоҳларига, қимизхўрликка ўтишлари тўғрисида чопар келар.. эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАИШАТПАРАСТ Маишатга берилган, маишатни яхши кўрадиган одам. *Бу бойнинг икки ўғли бўлиб, каттаси маишатпараст экан.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

МАИШАТПАРАСТЛИК Маишатга бе-рилиш, доим маишатда бўлишлик, маишатни яхши кўриш. *Кайф-сафо, маишатпараст-лик аждаҳо каби ўз комига тортади.* Р. Ус-монов, Одобнома.

МАИШАТХОНА Маишат қилинадиган жой, хона. *Райкомнинг маишатхонасида тонготар базм қилиб ўтирдинг — индама-дим..* С. Сиёев, Отлиқаёл.

МАИШИЙ [*а. ■,|,|.* — ҳаётий, ҳаёт, турмушга оид] Маишатга, тирикчиликка оид. *Маиший хизмат. Маиший шароит. тт Чунки «оила» тушунчаси маиший ҳаётнинг барча қирраларини тўла қамраб ололмайди.* «ЎТА».

МАЙ I [*лот. maius* < юнон ва рим мифо-логиясидаги ер маъбудаси Майя (Майеста) номидан] Янгича йил ҳисобида бешинчи ой номи.

МАЙ II [*ф. ^ — бода, шароб*] Узумдан тайёрланган ичкилик; мусаллас, вино. *Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзига душман кўриб келар эди.* А. Крдирий, Ўтган кунлар. *Жондорбой ҳовли-қиб, шкаф ичидан коньяк олар экан, унинг меҳмонлари кириб келишди. Кўришмасдан ил-гарни, Жондор уларнинг ҳаммасига кичик ста-канларда май қуйиб тутди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЙГУН [*ф. ^J^J л* — май рангли] *поэт.* Май рангидаги; қизил. *Ўйласам майгун ла-бингни, фикри маст қилар мени.* Ҳабибий.

МАЙДА 10. о-ч-о — олий нав ун] **1** Бир турдаги кичик бўлақлардан иборат бўлган, йирик эмас. *Майда тош. Майда қор. Майда қум. тт Ташиландиқ тегирмоннинг чирик но-видан сув майда қумуш томчиларни сачра-тиб, гувуллаб отилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қора қошлари чимирилди, садафдай майда тишлари билан устки лабини чайнади.* С. Анорбоев, Оксой.

2 Унчалик катта бўлмаган; кичик. *Майда жониворлар. Майда болалар. тт Тракторлар гуруллаб-вариллаб.. майда дарахтларни таг-томири билан кўпориб ташлар эди.* А. Қаҳ-ҳор, Кўшчинор чирокдари.

3 Мавкеи, ижтимоий, иқтисодий аҳами-яти жиҳатдан катта ўрин тутмайдиган. *Майда буржуазия. Майда савдогар. тт Бунақанги майда, хашаки бойларнинг пули ҳам майда.. бўлади.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Микдор, сон жиҳатдан кам бўлган; бир неча нарса ёки кишидан иборат бўлган; кичик. *Майда отрядлар. Майда миллатлар.*

5 кўчма Ахамиятсиз, қиймат жиҳатидан арзимас. *Майда гаплар. Майда ишлар. тт Орада бирмунча майда сўзлар сўзлангач, ким-нингдир «уф» деб юборгани зишитилди.* А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

6 Танга-чақа ва умуман йирик бўлма-ган; кичик пул. *Майда пул. Беш сўмга майдангиз йўқми?*

Майда кадам Ораси унча катта бўлмаган, лекин тез-тез ташланган кадам. *Анна Иванов-на.. ёш қизлардек майда қадам билан дикил-лаб келарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

МАИДАГАП Арзимас, бачкана гаплар-ни гапириб, гапни чувалаштириб юрадиган. *Хотин билан баҳслашиб, майдагап бўлган одам доим ютқизади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МАЙДАЛАМОҚ 1 Кичик-кичик бўлак-ларга бўлмоқ, майда қилмоқ, ушатмоқ. *Ўтин майдаламоқ. Қанд майдаламоқ. тт Шербек бошини кўтармай, стол устидаги газета че-тини йиртиб, майдалаб ўтирарди.* С. Анорбо-ев, Оксой.

2 Йирик пулни майда пулга алиштир-моқ, ушатмоқ. *Юз сўмни майдаламоқ.*

3 с. т. Ичимлик ёки ичкиликни оз-оздан қуймоқ, оз-оздан қуйиб ичмоқ. *Эр-хотин чойни майдалаб, шу бир-икки УУЛ ичида бўлиб ўтган воқеаларни гаплашиб ўтиришиди.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 Майда-майда ёғмоқ. *Ёмғир майдалаб, эзибёзганти.* И. Раҳим, Ихлос.

МАИДА-ЧУЙДА 1 Турли-туман ва май-да. *Майда-чуйда болалар.*

2 Арзимас, ахамиятсиз. *Майда-чуйда гап-лар. Майда-чуйда ишлар. Майда-чуйда нар-салар. тт Ўз ишингизни дўндириб юра беринг, майда-чуйда нарсаларга аралашманг!* \. Ғу-лом, Машъал.

3 с. т. Майда буюмлар, у-бу нарсалар. *Майда-чуйда олмоқ. Майда-чуйдага пул сарф қилмоқ. тт Эрта билан Ҳасанали аравани қўшиб тайёрлаган, майда-чуйда аравага та-ишлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЙДОН [0. ЛА^ — очик жой, сай-хрнлик, дала] 1 Ҳовли-жойга яқин очикер, сайхон ёки боғча; томорқа. *Майдон икки таноб кенгликда бўлиб, жануби қутидор ва қўшнисининг иморатлари орқасидан ва бошқа уч жиҳати ҳам шунга ўхшаи бинолардан иборат эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Умуман, очикер, сайхрн ёки экинзор. *Пахта майдони. Экин майдони. тт Илгор хўжаликларнинг чигит экилган майдонлари яшил либосга бурканди.* Газетадан.

3 Бирор иш-қаракат, тадбир учун мўл-жалланган ёки шундай иш-ҳаракат юз берадиган, бажариладиган жой. *Спорт май-дони. Маиқ майдони. Кураш майдони. Жанг майдони. Мард майдонда билинар.* Мақол. *тт Алир энгилди, аскарлари бузилиб, уруш майдонидан қочдилар.* С. Айний, Қуллар. *Айниқ-са, улоқ бўлаётган майдонда тумонат одам.* К. Яшин, Ҳамза.

4 кўчма Жабҳа, соҳа, доира. *Иш майдо-ни. Мафкура майдони. тт Мен қирқ йилдан буён адабиёт майдонида қалам тебратиб келялман.* Ойбек, Халққа хизмат — бахт.

5 физ. Бирор физик ҳодиса рўй беради-ган ёки унинг таъсири сезиладиган фазо. *Электр майдони. Магнит майдони.*

Майдонга келмоқ Юзага келмоқ, пайдо бўлмоқ, туғилмоқ. **Майдонга ташламоқ** (ёки **отмоқ**) Шиор, фикр, мулоҳаза ва ш. к. ни ўртага ташламоқ. **Майдонга чикмоқ** 1) *айн. майдонга келмоқ;* 2) юзага чиқмоқ, амалга ошмоқ; 3) босилиб чиқмоқ, нашр

этилмоқ (мақола, китоб ва ш. к. ҳақида). **Ўзи хон кўланкаси майдон қ. хон. Қиз майдон** эркл. Маҳмадона ва шўх қиз ҳақида.

МАЙЗАМОҚ шв. айн. **менгзамоқ**. *Обамга майзаб гапиради, одамга майзаб кулади.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

МАЙИБ [а. v' ^oL-o — камчилиги, нуқсони бор! **1** Жисмоний шикаст натижасида но-гирон бўлиб қолган; мажруҳ. *Ерларда юма-лаб ётган болаларнинг чинқириги.. ярадорлар ва майибларнинг инграши тинмайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 кўчма Маънавий, руҳий шикаст нати-жасида эзилган, асаблари бузилган. [Ақбар-хўжа бойвачча:] *Етим бўлсаям, каттиқ дак-ки еб, руҳиши машиб қилинмаган экан-да.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАЙИБЛАНМОҚ Майиб бўлмоқ, маж-руҳ, ногирон бўлиб қолмоқ.

МАЙИБЛИК Бахтсиз \одисалар туфай-ли ёки физик, кимёвий ва биологик омил-лар таъсирида шикастланиш натижасида иш қобилиятининг қисқа муддат ёки бир умрга қисман ёки бутунлай йўқолиш хрлати.

МАЙИЗ Қуритилган узум. *Қора майиз.* **тм** *Болаларнинг қўлларида нон, туршак, ма-йиз солинган халтачалар..* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

Тут майиз к. **тут 2. Шохид** **майиз бўлмоқ** Турмуш қилмай умри ўтган, қариган аёлга нисбатан қўлланувчи ибора. *Эликбошининг.. эр олмай, шохид* **майиз бўлиб қолган қари қизи бор эди.** С. Ахмад, Хукм. *..борди-ю, Ла-тофатхон дегани суви қочиб, шохид* **майиз бўлган кампирсимон бир хотин бўлса-чи ?** А. Қаҳҳор, Асарлар.

МАЙИЗДАЙ, -дек с. т. Мулойим, юм-шоқ, хушмуомала. *Майиздай одам.*

МАЙИН 1 Ипакдек юмшоқ ва нозик, қўлга мулойим уринадиган. *Майин жун.* *Майин соч.* *Майин газмол.* **тм** *Шайбонийхон бўталоқ жунидан тўқилган майин малла жойнамоз четига қайтибўтирди.* П. Қоди-ров, Юлдузли тунлар.

2 кўчма Ёқимли, мулойим. *Майин шаба-да.* *Майин куй.* **тм** [Дўндикнинг] *Хаёлчан юз-ларида майин табассум пайдо бўлди.* Ой-дин, Дўндикдан ҳам ёш экан. *НирвироҚўлар-нинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЙИНЛАШМОҚ Майин бўлмоқ, юмшамоқ. *Лой майинлашди.* **тм** *Тўмариснинг овози яна майинлашди.* А. Мухтор, Бўронлар-да бордек халоват.

МАЙИШМОҚ 1 Букилмоқ, эгилмоқ (асосан қомат ёки оёқ-қўл ҳақида). *Амакиси унинг елкасидан маҳкам тутди.* *Фотима ел-касига тош тушигандай майишди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Чап қўлим бВВН зинапоя қаноти-га суянган эдим, белим майишиб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Қийшаймоқ. *Шафтоли майишиб, бу-тун танаси билан токнинг сўрисига ёнбош-лаган.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар. *Оёғида ипсиз, орқаси майишган ботинка.* С. Сиёев, Ёруғ-лик.

3 кўчма Тарафини олмоқ; қўллаб-қувват-ламоқ. *Чол бефарзанд бўлгани учун, уста уни гариб бир одам деб майишар, чол ҳам устани ҳурмат қилар эди.* О. Ёқубов, Ларза.

МАЙ(Й)ИТ \а. с^La - ўлик, ўлган) кт. Ўлик, жасад, мурда. *Майитни дафн этмоқ.* **тм** *Олло бировни арз сўрғувчи, бировни маййит ювгучи қилиб яратмиш.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАЙКА [р. майка — «май» сўзидан: ен-гил кийим] Енгсиз ич кийим. *Майкам шип-на баданимга ётишди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ра-ҳимнинг сепкил бетлари, дукки пешонаси тер-лаб, кизил майкаси шимидан чиқиб кетган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

МАЙКАЧАН Фақат майканинг ўзида. *Аёл кишининг қаршисида майкачан.. турга-ни учун хижолат бўлиб.. терлаб кетган пе-шонасини артиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қал-бингга қулоқ сол.

МАЙЛ \а. Jjj-o — қиялик; мойиллик; ин-тилиш] **1** Кишининг нарса ёки ишга, бирор эҳтиёжини қондиришга бўлган иш-тиёқи, қизиқиши, интилиши, ҳаваси; мо-йиллик.

Унинг муסיқага майли зўр. **тм** Маҳ-фузада чеварликка бўлган майл устун чиқди.. Т. Аввалов, Шогирд меҳри.

2 Истак, хоҳиш, рағбат. *Етим болаларни ўқитишига унинг майли бўлмаса ҳам, бормай иложи йўқ экан.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Эрк, ихтиёр. *Ўз майлига қўймоқ. **ит** -Хар кимнинг майли ўзида, — деди Шарофат ва лабини буриб, четга қаради.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироклари.

4 тли. Ҳаракатнинг воқеликка бўлган муносабатини сўзловчи нуқтаи назаридан белгилайдиган грамматик категория. *Шарт майли. Буйруқ майли. Феъл майллари.*

МАЙЛИ юкл. **1** Розилик жавобини бил-диради; маъкул, розиман, хўп бўлади. *-Кинога борсам майлими? -Майли. **ми** -Олиб чи-қайми?-Майли.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Чироқни ўчирмайми? -Майли, — деди Си-диқжон.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироклари.

2 Нима бўлса бўлар, нима бўлса бўлсин; ҳечкиси йўқ. *Энди, майли, ўтган ишга сала-вот.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Майли, болам, майли, эшитсам, сен туфаили эшитибман..* А. Қахҳор, Қўшчинор чироклари.

МАЙЛИГА с. т. Майли. *Ҳеч пул берма-сангиз ҳам майлига, онажон.* С. Аҳмад, Оқпадар.

МАЙМОҚ Оёқ панжаси нотўғри, қий-шиқ. *Маймоқ одам. **ми** Ерни шумаймоқ оёғим гуллаиб турибди, хўжайин.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЙМОҚЛИК Оёқ панжасининг қий-шиқ бўлиши; маймоқ ҳолат.

МАЙМУН [а. л — бахтли, омадли; маймун] **1** Тана тузилиши ва қиёфаси одамга ўхшаш, сутэмизувчиларнинг юксак ривож-ланган туркумига мансуб ҳайвон. *Одамсимон маймун. **ми** Эшон ойимнинг юзи.. май-муннинг юзига ўхшаган тириш, бадбуруш экан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма с. т. Бадбашара ёки серпардоз одам ҳақида.

3 Мучал йил ҳисобида тўққизинчи йил номи. *Унинг йили маймун.*

Маймун йили Мучал йил ҳисобида тўққизинчи йил (қ. **мучал**).

Ҳолига маймунлар йиғлайди Жуда аянч, оғир аҳволга тушди. *Узлингни Мирзакарим аканинг илгариги тошкентлик куёви ўлдирди, мен ўз қўзим билан кўрдим, дейман. Ана ундан сўнг хумсанинг ҳолига маймушар йиғ-ласин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЙМУНЖОН бот. Танаси тиканак билан қопланган, ерда чўзилиб ўсадиган, нордон, қорамтир-қизил гуж мевали кўп йиллик ўсимлик.

МАЙМУНЧАК шв. Хўжағат.

МАЙНА **1** Чумқуқсимонлар оиласига мансуб сайроқи қуш. *Арғувон шохида икки майна бир-бирини қувлашиб ўйнайди.* Ж. Аб-дуллахонов, Ориф.

2 кўчма Мазох бўлган кимса, кулги, мас-хара объекти.

Майна қилмоқ Масхара қилмоқ, кулги қилмоқ. *-Бай-бай-бай, бу икковининг юлдузи бир-бирига тўғри келганини-чи, — деб баъ-зан бувим майна қилиб қўядилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

МАЙНАБОЗ **1** Майна боқувчи, майна-га ишқивоз киши.

2 кўчма Қизикчи, масхарабоз; найранг-боз. *Шоазимнинг майнабозлиги кўп одамга ёқарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

МАЙНАБОЗЛИК **1** Майна боқиш ва ўйнатиш.

2 кўчма Майнабозга хос иш, хатти-ҳара-кат (қ. **майнабоз** **2**). *Абдураҳим майнабозлик қилиб, кулги кўтармоқчи бўлди. «Ёшлик». -Бу нима майнабозлик? — деб одамлар қичқирди.* Газетадан.

МАЙНАБОЗЧИЛИК **1** айн. **майнабозлик**

2. *Йигит Бектемировнинг кўзига қарамай қичқирди: -Бунақа майнабозчиликка энди тоқатим қолмади.* С. Аҳмад, Сайланма. *Қиз олдинига кулди, лекин, кимсан бир*

идоранинг бошлиги бўла туриб, майнабозчилик қилмаса керак, деб гапига қулоқ солди. «Муштум».

2 Енгил-елпи, осон иш ҳақида. *Қудрат жиддий холда уқтирди: -Ҳашаротни, ўсимликни текишириш майнабозчилик эмас, огай-ни.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

МАЙОНЕЗ [фр. mayonnaise] Тухум са-риғи, ўсимлик мойи, сирка ва хилма-хил зираворларни аралаштириб тайёрланган қайла. *Салатга майонез қўймоқ.*

МАЙОР [лот. major — катта] Капитан-дан бир даража юқори офицерлик унвони ва шу унвонга эга бўлган киши.

МАЙПАРАСТ [ф. с[^]и- майни яхши кўрувчи] эск. кт. Ичкиликка берилган киши; майхўр. *Мен сизнинг пулпараст, молпараст-*

34—Ўзбек тилининг изоҳли луғати

618

лигингизга чидаб келдим, аммо майпараст, машаатпарастлигингизга чидаёлмайман. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

МАЙРИЛМОҚ шв. Эгилмоқ, букилмоқ, мункаймоқ. *Энди сўзни Равшанхоннинг эна-сидан.. юраги куйиб, майрилиб қолган кам-пирдан эшитинг.* «Равшан».

МАЙРИҚ шв. Майрилган, мункайган. *Майриқ чол. тт Чўлоқ ва майриқ нимжонлар билан шунча ишлаганим етар..* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

МАЙСА Янги унган ўт-ўлан. *Ариқ бўша-рида, қир этакларида ўтган йилги ўтларнинг томирларидан нозик майсалар униб чиқа бош-лаган.* С. Анорбоев, Оқсой. *Кузда экишган буг-дой ва арпаларнинг майсалари кора ернинг юзини қотаб, зангори духоба ёпилгандай эди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

МАЙСАЗОР Майсалар ўсиб ётган ер, майдон. *У беихтиёр тўшакдай юшиоқ майсазорга ўтириб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

МАЙТА шв. Кўриқ, бўз ер.

МАЙТАРМОҚ шв. Дилга озор бермоқ, дилни ранжитмоқ. *Бу сўзни айтиб, оломон-и қайтарди. Нечаларнинг юрагини майтар-ди.* «Равшан».

МАЙХОНА [май + хона] Ичкилик қу-йиб сотиладиган, ичкилик ичиладиган жой. [Саидий] *Қоматини ростлади, велосипедни етаклаб, кўчанинг у юзига — майхона томонга ўтди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Не ажабким, маст бўлибман кўзларингга термилиб, Етти иқлимда бу янглиг май йўғу, майхона йўғ.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

МАЙХЎР [ф. j̄j-b.[^] — майни кўп ичув-чи] Майга берилган, ичкиликхўр, ичкиликбоз. *Ҳозирги ёшлар ичида қиморбозлар, май-хўрларнинг кўпайиб кетганига.. подшо одам-ларининг маишату шуҳратга юзтубан кет-гашиқлари сабаб эканини фаҳмлади.* Мир-муҳсин, Меъмор.

МАЙХЎРЛИК Май ичиб кайф-сафо су-риш, ичкиликбозлик. *Тожибой кабшарга ҳам майхўрлик учун алоҳида бир уй ажратилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАКАРОН [итал. maccheroni] Хамир бўлақчалари найча шаклида ясалиб, сўнг қуришиб тайёрланган озиқ-овқат маҳсулоти. *Қайнатилган макарон билан котлет келтир-дим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАКЕТ [фр. maquette < итал. macchiette — хом қолип, хомаки режа] Лойиҳаланаётган бирор объектнинг, одатда, кичрайти-риб, баъзан катталаштириб, шартли мате-риаллар ёрдамида ишланган нусхаси, мо-дели. *Кема макети. тт Бу анжуманга атаб шаҳарни безатиш бўйича макетлар, эскиз-лар ва плакатлар тайёр бўлди.* Газетадан.

МАКИЁН [ф. [^]USLo — товук, уй парран-даси] **1** Мода қуш, парранда. *Бедананинг макиёни. Қирговулнинг макиёни.*

2 Шундай қушга нисбатли сўкиш, ҳақо-ратни билдиради. *-Сўзга қулоқ сол, шаллақи макиён! — Ёрмат кўзларини найзадай қада-ди..* Ойбек, Танланган асарлар.

МАКИНТОШ [ингл. нам ўтказмайдиған матони ихтиро қилған шотланд кимёғари Макинтош (Maskintosh) номидан] Нам ўтказ-майдиған матодан тикилған енгил пальто. *Кўчанинг нариги юзидан эғнида кимматбаҳо кулранг макинтош.. бир йигит қўлини олдинга чўзганча чопиб келарди. О. Ёқубов, Учрашув.*

МАКИЯЖ [фр. maquillage] Юзни турли хил косметик (асосан ранг берувчи) воситалар билан бўяш, юзга бошқача тус, ранг бериш. *Ҳамиджон унинг қовоқ ости ва бўйни-даги макияж ҳам яшириб қололмайдиған май-да ағсинлари.. борлиғиши ичида қайд этиб қўйди. А. Ибодинов, «Латофат» дўконидаги қатл.*

МАККА ив. Маккажўхори. *Мана, ҳозир ҳам макка уқалайман-у, қизиқ-қизиқ афандиларни ўйлаб.. ўзимни ўзим кулдириб ўти-рибман. Х. Тўхтабоев, Беш болали йигитча.*

МАККАЖЎХОРИ Пояси баланд (узун), дони сўтасида бўладиган ғалла ўсимлиги ва унинг дони. *Маккажўхори пояси. Маккажў-хори сўтаси. тт Қассоб отнинг белига ўн беш пуд маккажўхори қўйиб, бозорга олиб боради. П. Турсун, Ўқитувчи.*

МАККАЖЎХОРИКОР Маккажўхори етиштирувчи шахс, хўжалик. *29январда Ўзбе-кистон пойтахт вилояти маккажўхорикор-ларининг кенгаши бўлди. Газетадан.*

МАККАЖЎХОРИКОРЛИК Маккажўхори етиштириш иши, қишлоқ хўжалигининг маккажўхори етиштириш билан шуғулла-нувчи соҳаси. *Ҳукуматимиз озиқ-овқат про-граммасжи амалга оширишига астойдил бел боғлаб, маккажўхорикорликдаги ўз оталиқ ишларини янада яхшилашига интильмоқда. «Гулистон».*

МАККАИСАНО айн. санойи макка қ. сано

П. Муслим аттордан икки сўмлик маккаиса-но олди. Х. Султонов, Онаминг юрти.

619

МАККАСОЧИҚ бот. Қовоқсимон палак отиб ўсадиган, ҳосили тарракка ўхшаш экин ва унинг қозонсочиқ ва мочалка сифатида ишлатиладиған ҳосили.

МАККАСУПУРГИ бот. Поясидан су-пурги ясаладиған бошокли ўсимлик. *Остонада ётган маккасупургиши олиб, табуретка устига чиқди-да, бўй чўзиб, ўргимчак уясини супуриб ташлади. С. Аҳмад, Ҳукм.*

МАККОР \a. jli^ — айёр, хийлағар (одам)) 1 Макр-хийлага уста; айёр, доғули. *Маккор одам. Маккор душман. тт Маккор Ҳомиднинг иблисона дасисаси бир оилани та-мом ишдан чиқараёзганким, бу тўғрида ай-ниқса сизга сўзлаш ортиқчадир. А. Қодирй, Ўтган кунлар.*

2 Макр-хийлага асосланған, макрли. *Душманнинг маккор ва қўрқинчли ниятини ойнадай равшан кўрсатган харитадан хўрсиниб бошини кўтарди. Ойбек, Кўёш қораймас.*

МАККОРА Маккор аёл. *Гулжон маҳ-рам.. кўпни кўрган, қанча тўраларнинг сир-ли ишларини битказган маккора эди. Ж. Ша-рипов, Хоразм.*

МАККОРЛИК Маккорларга хос иш, хатти-ҳаракат, маккор эканлик. *У[Иброҳим Султон] ўз бобосига таассуф қиларди — қаттиққўллиги, бешафқату маккорлиги билан номдор эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Унинг қўрқоқлигини билардим, лекин бунчалик мак-корлигини пайқамаган эканман. С. Анорбо-ев, Оксой.*

МАККОРОНА рви. Маккорларча, мак-корлик билан. *Маккорона илжаймоқ. Маккорона хатти-ҳаракат. шш Мастура кўзла-рини маккорона ўйнатиб жавоб берди. Ой-бек, О. в. шабадалар.*

МАКЛЕР [нем. Makler - воситачи, дал-лол] Фонд, товар ва валюта биржаларила тузиладиган келишувларда даллол; пулли воситачилик хизматларини амалга оширувчи ишбилармон (қ. **брокер**).

МАКОН [a. jLjLSLo — жой, худуд; даража; мартаба] 1 флс. Вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этган нуқталарнинг ўзаро жойлашиш тартибини акс

эттирувчи, ма-териянинг масофа ва ҳажм билан белгила-надиган асосий объектив яшаш шакллари-дан бири.

2 Тураржой, яшаш жойи; маскан, ватан. *Бирга-бирга маконима борайлик, Сендайин мискиннинг кўнглин олайлик. «Ширин билан Шакар». Умрим бино бўлди Озарбайжонда, Кечди болалигим у гул маконда. М. Шайхзода. Улар [уч огайни ботирлар] тушган тўқайнинг нариги томонида бир шернинг макони бор эди. «Эртактлар». Отагинангнинг чаиласига юр. Сен кетгандан бери маконим шу ер. \. Ғулом, Машъал.*

3 Бирор нарса тўпланган ёки кўп бўлган жой; кон. *Кампиринг миш-мишларига кўра, ажина ва алвастилар макони бўлган бу овлоқ жой обод бир сайилгоҳ бўлиб қолди. П. Тур-сун, Ўқитувчи. Бағринг кенг, еринг олтин, оромбахш, гўзал, обод, Бағрингни, орзуим бор, куйларга макон этсам. Т. Тўла.*

Макон қилмоқ (ёки **этмоқ, топмоқ, тут-моқ**) Ўзига жой, макон қилиб олмоқ. *Сен бечора, нотавон кимса — макон қилдинг гул-лар юртини. Ш. Раҳмон. Турмуш остонасин ҳатлаб ўтдилар, Севги қўргониди макон эт-дишар. М. Алавия. Макон тутсам энди қаерда, Қаён бошлар эса иқболим. Э. Воҳидов.*

МАКОНСИЗ Макони, ватани йўқ, бе-ватан.

МАКР \а. - хийла-найранг, айёр-лик, алдов] Хийла-найранг асосига қурил-ган иш, хатти-ҳаракат; хийла, фириб. *Ёв макрини ёлгон яширар. Мақол. тт Бас, бу хийлалар, бу макрлар сиздан бошқа кимдан топилсин? А. Қрдирий, Ўтган кунлар.*

МАКРЛИ 1 Макрдан иборат бўлган, хийла-найранг асосига қурилган. *Макрли ниятлар.*

2 Маккор, айёр, доғули.

МАКРО- \юн. makros — узун, катта] Ўз-лашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи қисми: а) «катта», «улкан», «катта ўлчамли»; б) «катта буюм ва микдорларни ўрганиш ёки ўлчаш билан боғлиқ» маъно-ларини билдиради.

МАКРОИҚЛИМ Йирик ҳудудлар ва сув \авзалари (Ер, географик минтақа, китъа, океан ва б.) иклими.

МАКРОИҚТИСОДИЁТ Иқтисодиёт нинг жаҳон ёки йирик бир мамлакат иқтисодиёти, умуман миллий хўжаликка оид катта миқёсдаги иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганувчи бўлими. *Йигилиш ҳамда семинар-кенгаш ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, макроиқти-содиёт ва статистика вазирини.. сўзга чиқди. Газетадан.*

620

МАКРОИҚДИСОДИЙ Макроиқтисоди-ётга оид, тегишли. *Макроиқтисодий сиёсат. Макроиқтисодий таҳлил. тж ..асосий мак-роиқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги қарорнинг бажарилишини таъминлаш бора-сидаги асосий вазифасини муҳокама этилади. Газетадан.*

МАКРОКЎРСАТКИЧ Асосий (йирик, муҳим) кўрсаткич. *Макрокўрсаткичлар, шунингдек.. барқарорликни аке эттирувчи бош-қа кўрсаткичлар янги тизимнинг асоси ҳисоб-ланади. Газетадан.*

МАКРОМОЛЕКУЛА [макро.. + молеку-ла] *ким. Ўзаро кимёвий боғлар билан бириккан минглаб (ўн мингдан юз минггача) атомлардан тузилган йирик молекула.*

МАКРОСТРУКТУРА [макро.. + струк-тура] Каттиқ жисмлар (минерал, металл ва б.) нинг оддий кўзга ёки лупалар орқали кўринадиган тузилиши; макротузилиш.

МАКРУХ \а. **مَكْرُوخٌ** — ёқимсиз; рад этил-ган, истеъмол этилиши лозим кўрилмаган] Мусулмонлар назарида, нопок, ҳаром (нарса). *Саодат опага кекса хотинлардан бири, тўнғиз ҳаром, гўшти макрух.. деб жирканибди. И. Раҳим, Зангори кема қапитани.*

МАКРЧИ *с. т.* Маккор, айёр, доғули.

МАКСИМАЛ \лот. maximus — энг ба-ланд, катта; юксақ] Энг катта, энг кўп, тўлиқ, мукамал; зид. **минимал**. *Машинанинг максимал тезлиги. Иш унумини максимал ошириш.*

МАКСИМУМ [лот. maximum — энг кат-та (нарса)] **1** Энг кўп микдор, энг катта, энг юқори даража; зид. **минимум** **1**. *Тезлик максимуми. Ёгин максимуми.*

2 Имкони борича, мумкин қадар тўлиқ. *Резервлардан максимум фойдаланиш.*

3 Ортиғи билан, кўп деганда. *Бу ишга максимум икки кун керак.*

МАКТАБ \а. ¹^, — ўқиш жойи; ёзув столи; бўлим, идора] **1** Ўқитувчи раҳбарлигида ёш авлодга савод ўргатиб, уни маъ-лумотли қилувчи таълим-тарбия муассасаси. *Бошланғич мактаб. Инженернат мактаб. Ўрта мактаб. Мактабга кирмоқ. Болани мактабга бермоқ. **ит** Болага оила ҳам, мак-таб ҳам баравар тарбия бериши, одоб-ахлоқ ўргатиши шарт. Газетадан.*

Олий мактаб Олий ўқув юртларининг умумий номи. *Аммо олий мактаб орзуси мен учун ёлғиз пуч хаёл бўлса ҳам, ундан воз кеча олмадим. Ойбек, Нур қидириб.*

2 Касб, хунар, ихтисос ўрганиладиган ўқув юрти. *Муסיқа мактаби. Шофёрлар мактаби. Хунар мактаби. **ит** Тошкент хорео-графия мактабининг ташиқил этилганига эл-лик йил тўлди. «Саодат».*

3 Илм-фан, санъат, адабиёт, ижтимо-ий-сиёсий фаолият соҳасида бирор оқим, йўналиш. *Мактаб яратмоқ. Мактаб ярат-ган олим. **ит** Ҳозирги вақтда бемалол бадий таржимада Ойбек мактаби, Абдулла Қахҳор мактаби, Миртемир мактаби ҳақида гапи-риш мумкин. Ғ. Саломов, Таржима назария-сига кириш.*

4 Ўрганиш, тажриба ортириш, ўрناق олиш манбаи. *Ҳаёт зўр мактаб экан, ҳақи-қий фикрлар вужудга келаётир. Ойбек, Нур қидириб.*

МАКТАБДОР тар. Октябрь тўнтариши-дан олдинги даврда хусусий мактаби бўлган муаллим. *Солиҳ маҳдум, ўз қаторидаги мак-табдор домлаларни асло кўролмас, уларга қар-ши юрагида умрлик кек сақлар эди. А. Қрди-рий, Мехробдан чаён.*

МАКТАБДОРЛИК тар. Хусусий мактаб очиб, бола ўқитиш. *Солиҳ маҳдум ўттиз ёшларга борганда, мактабдорлиги ҳам яхши-гина шуҳрат топади. А. Қодирий, Мехроб-дан чаён.*

МАКТАБДОШ Бир мактабда бирга ўқиган ёки ўқиётган болалар (бир-бирига нисбатан). *Салимхоннингхаёли шу лаҳза мак-табдош оинаси Пўлатхон Содиқовга кетди. Мирмуҳсин, Умид.*

МАКТАБХОНА с. т. Мактаб ўрнашган жой, бино. *Шу онда Моҳлар ойим мактабхо-надаги болалар ичидан Анварни чақиртириб олди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

МАКТАБШУНОСЛИК Педагогика фа-нининг мактаб ишларини бошқариш асослари, йўл, шакл, восита, усул ва методла-рини ўрганиш билан шуғулланувчи махсус соҳаси.

МАКТУБ \ а. ¹у. <,¹я - ёзилган; хат, нома| **1** *кт. Кимсага, бирор кишига ёзиб юборилган хат, нома. Мактуб юбормоқ. Мактуб ёз-моқ. **ит** Кушбеги ер остидан хотинни кузат-ди-да, қўлидаги мактубнинг орқа-ўнгини тек-шириб қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Конверт ичида яна бир мактуб бор эди. И. Раҳим, Чин муқаббат.*

533 дү^

2 Ёзма равишда баён қилинган мурожа-ат; мурожаатнома.

3 Мурожаат тарзида ёзилган бадий асар. *Мактуб жанрига мансуб бу шеър шакл жи-ҳатдан Муқимийнинг «Навбаҳор»ни эслат-са-да, бунда Ҳамид Олимжонга хос новатор-лик яққол кўзга ташланади. «ЎТА».*

МАКТУБЛАШМОҚком. қўлл. Бир-бири билан хат (мактуб) ёзишмоқ, ёзишиб тур-моқ. *Кўпларини танийди, кўплари билан мак-тублашган. Ойбек, Навоий.*

МАКУЛАТУРА [лот. maculare — ифлос-лантирмоқ] Хизматини қилиб бўлган, яроқ-сиз ҳолга келган қоғоз, картон, эски газе-та, қоғоз чиқиндилари ва умуман, яроқсиз нарсалар (қоғоз фабрикаларида иккиламчи хомашё сифатида фойдаланилади). *Бегмат Суннатов райондаги макулатура йиғадиган кичик бир идорада оддий хизматчи бўлиб ишлайди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

МАЛАИ 1 Хўжайин ёки бошқа биров-нинг хизматларини бажарувчи киши; хизматкор. *Ҳақимбойвачча учун Йўлчи синалган, азамат бир малай ва бир чеккаси қариндош эди хам.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Ким эдинг? Кимсасиз бир етим, бировнинг эшиги-да малай эдинг, — деди Элмурод ўз-ўзига.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 кўчма салб. Бировнинг манфаати учун кўр-кўрона хизмат қилувчи одам; хизматкор. *Ажнабийларга сотилган малайлар мам-лакатни таладилар, хонавайрон қилдилар.* Газетадан.

МАЛАК [а. А1^> — фаришта] 1 дин. айн. **фаришта.** [Навоий:] *Нечук безовтасан, барвақт турибсан? Малак янглиг ўзинг танҳо юрибсан? Уйғун ва И. Султон, Али-шер Навоий.*

2 кўчма Гўзал аёл, нозанин. *...мендаги бу ўзгарши манбаи уй ичида ухлагувчи бир малак эди.. Сиз эдингиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЛАКА [а. а.LL> — қобилият, истеъ-дод; хусусият, одат] Касбни, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган таж-риба, кўникмалар; маҳорат. *Малака ҳосил қилиши. Малака ошириши. тт Қамбар келиб, ўзининг малака орттирган хизматини бажара бошлагач, Йўлчи қоронғи супадаги тақир наमत устига чўзилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жангчилар зарур бўлган малакани орттириши биланоқ бетўхтов фронтга юборилади, деб тахмин қилган эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

МАЛАКАЛИ Малакага, тажрибага эга бўлган, катта малака орттирган. *Малакали кадрлар. Ўрта малакали ишчи. Юқори мала-кали мутахассис.*

МАЛАХ [ф. jJ-о - чигиртка] Булутдек ёпирилиб келиб, экинларни еб ташлайди-ган чигиртка.

МАЛАХИТ [юн. malachite < malache -гулхайри; тугмачагул) Турли зийнат буюмлари тайёрлашда, шунингдек, мис олишда хомашё сифатида фойдаланиладиган тўк яшил минерал; мис яшили.

МАЛИК [а. AL> - подшоҳ, хукмдор] 1 эск. кт. айн. **подшо(х).**

2 Малик (эркаклар исми).

Чўли малик Катта чўл. *Сен, тоғам чўли маликда турадилар, деб ўйлаган бўлсанг керак-а?Н.* Мақсудий, Умидли бола.

МАЛИКА [а. А<. I л] 1 Аёл подшоҳ. *Мали-касининг газабига учраган қул қай даражада эс-ҳушидан айрилса.. менинг-да ҳозирги ҳолим бунинг юз даража юқорисига етди.* А. Қоди-рий, Ўтган кунлар.

2 Подшоҳ оиласига мансуб аёл. [Маж-диддин Кулмуҳаммадга:] *Шаҳаншоҳ ўзингни падар, қизингни малика қи^шоқчи..* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 Малика (хотин-қизлар исми). МАЛИКУЛ-КАЛОМ [а. ^У<А\AL> - сўз подшоҳи| Ўтмишда юксак қобилият, бади-ий-поэтик маҳорат эгаси, шу соҳада етакчи мавқе ва обрў-эътиборга эга бўлган шоиру адибларга берилган унвон. *Мавлоно Лутфий ўз замонасининг маликул-каломи эрди. Фор-сий ва туркида беназир эрди.* Алишер Наво-ий, Мажолис ун-нафоис.

МАЛИКУШ-ШУАРО [я. .\yJ^\AL> -шоирлар подшоҳи] эск. кт. Ўтмишда Шарқ-да энг маҳоратли, ўткир шоирларга берил-ган унвон ва саройда шундай шоирга бе-рилган амал.

МАЛИНА [р. малина — тутсимон мева] айн. хўжағат.

МАЛЛА 1 сфт. Жигаррангга мойилроқ оч сарғиш ранг.

2 *от* Бўзнинг сарғиш ранг бир тури. *Малла тўн. Малла белбоғ. тт* Булар учун исроф бўлмиш, эсиз, афсус, *Бир дока сал-лаю ўттиз қарич малла.* Ҳамза, Танлан-ган асарлар.

3 *шв.* Марҳумни қабристонга элтишда тобут устига ёпиладиган нарса, мато.

4 Малла (эркаклар исми). МАЛЛАПУШ Малла бўздан қилинган ёпинғич, чойшаб.

МАЛОИК *эск. кт. қ.* малоика.

МАЛОИКА \а. }U - «малак» с. қўпл.] *эск. кт.* Малаклар, фаришталар.

МАЛОЛ [а. LiLo — зеркиш, чарчаган-лик; ташвиш] **1** Оғир олиш, оғирсиниш хисси ёки ҳолати; малоллик.

Малол келмаса (ёки бўлмаса) Агар бе-малол бўлса. *Малол келмаса, бир келиб тее-тит, тт* Ҳозир ишлаш эмас, қўлини кўтариб, папироснинг кулини қоқиш ҳам малол келар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Малол олмоқ Оғир туймоқ, оғир ботмоқ. *Шоир малол олгандек ижиргаланиб қаради.* Н. Аминов, Суварак.

2 Ташвиш, ғам-ғусса. *Кундузи ҳам, ҳатто тунлар ҳам, Узоқ мендан ғам, андуҳ, малол.* Ғайратий.

МАЛОЛАТ \а. ^JM» - зеркиш; ташвиш, ғашлик] Кўнгил ғашлиги, дилтанглик. *Амир Душанбега келгач.. унинг /Абдулҳофизнинг] ёш қизини олдириб келди, Темуршоҳ қизининг ўлгани сабабли кўнглида пайдо бўлган мало-латни бартараф қилди.* С. Айний, Дохунда.

МАЛОЛЛИК Малол келадиган ҳолат, малол белгиси. *Хўрандаларга энгил кўз таш-лади. Уларнинг юзида малоллик, довдираш белгиларини сезгандек бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

МАЛОМАТ [а. с^Lo — таъна қилиш; айб тақаш] Бировни ҳақ-ноҳақ ёмонлаб ай-тилган гап; мазаммат, таъна. *Маломат қил-моқ. Маломатда қолмоқ. Маломатга қўймоқ. тт* Тегмасин ногоҳ маломат ўқлари, *Сезгиру хушёр бўл оху каби.* Ҳабибий.

МАЛОХАТ [а. — гўзаллик, хусн;

ёқимлилик] **1** Қоратўридан келган аёлларга хос гўзаллик, ёқимлилик. *Шу хуснинг, шу м&юҳатинг ва шу латофатинг билан тамом меники бўларсан, шундайми?* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Малоҳат (хотин-қизлар исми).

МАЛОХАТЛИ Малоҳати бўлган, ёқимли.

МАЛУЛ [а. Jj-L> — зеркиувчи, чарчаган, сабрсиз] *эск. кт.* Хафа, дилтанг.

МАЛЪУН [а. jji U — лаънатланган] *кт.* Лаънати, лаънатланган. [Гулнор.] *Қаиси бир раҳмсиз, ноинсоф малъун биз турган жойни етказганлигини билмайман.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

МАЛЯРИЯ [итал. malaria < mala aria -ёмон ҳаво] қ. безгак.

МАЛҲАМ [а. - суртмадори; крем; бальзам] **1** Сиртдан қўлланадиган хамирси-мон ёпишқоқ дори (Ёғлар, каучук, қўрғо-шинли тузлар, мум, дори ва б. моддалар аралашмасидан таркиб топган қаттиқ масса бўлиб, 37°С температурада юмшайди ва те-рига яхши ёпишади). *Ярага малҳам қўймоқ. тт* У [Ёдгор] дарднинг зўридан гавдасини ҳар томонга урар ва Раҳим ёгчига ялинар, жаро-ҳатни очиб, ундан малҳамни сидириб олишни сўрарди. С. Айний, Дохунда.

2 кўчма Даво ёки дармон бўладиган ҳар бир нарса. *Сен ҳам онасиз ўсган экансан, бо-лам, «Она» дегин, менинг ҳам тилка-тилка бўлган юрагимга малҳам бўлади.* А. Мухтор, Туғилиш.

МАМЛАКАТ \а. ."Л1оо - салтанат, дав-лат, подшоҳлик] **1** Муайян чегараларга ва давлат суверенитетига эга бўлган худуд. *Под-шонинг хасталиги сабабли мамлакатда тўю маъракалар, базшар тўхтатишан.* Мирмуҳ-син, Меъмор. *Европада катор демократик тузумдаги мамлакиштар пайдо бўлди.* Ойбек, Нур қидириб. *Дўстлик — мамлакат, давлат бойлиги, унинг куч-қудрати, дейди халқимиз.* Р. Файзий, Таъзим.

2 Географик ҳолати, табиий шароитла-ри билан фаркланадиган, ажраладиган жой, ҳудуд. *Куз ойларида қушлар полопокирини учушига, гала билан парвоз қилишига ўргатадилар, сўнг иссиқ машакапъишга равона бўла-дишшр.* Газетадан.

3 Мамлакат (хотин-қизлар исми). МАМЛАКАТШУНОСЛИК Географиянинг аниқҳудудлар (материклар, мамлакат-лар, йирик минтақалар)ни ўрганувчи тармоғи.

МАММА бол. Она эмчаги.

МАМНУ \а. ъj. пп - тақикланган, ман этилган] эск. кт. Ман этилган, тақикдан-ган, катағон. *Хаёлотни қилди мамну, ўргат-ди шавқ, гайратга.* Э. Воҳидов.

МАМНУН \а. — ўта миннатдор,

қарздор; бурчли] Кўнгли тўлган, қаноатлан-ган, хурсанд, миннатдор. *Қутидор ҳар кун Юсуфбек ҳожининг мух/ишларидан бирининг уйида меҳмон ва ҳожининг суҳбатидан мам-нун эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Эргаиш мамнун жилмайиб, Соттининг елкасига қўли-ни таутиади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

624

МАМНУНИЯТ \а. сф- илтифот (лилик); миннатдорлик] Кўнгил тўлган, хур-санд, мамнун бўлган ҳолат; мамнунлик, хурсандлик. *Муҳаммадражаб домла бу топшириқни мамнуният билан қабул қилди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МАМНУНЛИК 1 Мамнун эканлик, кўнгли тўлганлик. *Комилжон экишининг сифатидан мамнунлигини айтиб.. агрономга қаради.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 айн. мамнуният. *Томошабинлар янги спек-таклни мамнунлик билан қабул қилдилар. ти Раиснинг юзида мамнунлик белгилари кўрин-ди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

МАМОНТ \р. мамонт < пол. mamona| Ер геологик тарихининг музлик даврида яшган, ҳозир насли қуриб кетган филсимон бахайбат ҳайвон. *Орол.. тўртламчи даврнинг ётқиқиқлари билан қопланган бўлиб, бунда мамонтлар ва буқаларнинг суяқлари топилган.* «Фан ва турмуш».

МАМОТ \а. oLo_o — ўлим; қаёт сўнги] (асосан ҳаёт сўзи билан қўлланади) кт. аин. ўлим. *Бу кунги кеч Отабек билан Ҳомиднинг ҳаёт ва мамот масалаларини ўзининг қора қучоғига олган қоронғу бир тун эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

МАН I шв. Мен. *Олимхон ака, сиз чора кўраверинг.. Ман ҳам ёрдамлашаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАН II I а. jJo» тақик, ман қилиш]: ман қилмоқ (ёки этмоқ, айламоқ) Тақикламоқ, тўхтатиб қўймоқ, катағон қилмоқ.

МАН III \а. <> - 898,56 г га тенг оғир-лик ўлчови] эск. Жойига қараб турли қий-матга эга бўлган оғирлик ўлчови.

IV I АНА I о.им. Сўзловчининг қўлида ёки яқинида турган нарсани, бўлаётган ёки бўлиб ўтган воқеа, ҳодисани кўрсатишда ишлатиладиган сўз. *-Китобингқани?-Мана. Мана кечаги айтган ўртоғим. тт -Мана, бекачим, — деди қулиб Тўйбека, — Анови кунги ёш меҳмонни сенга мактасам, аччиқ-ландинг, аммо келиб-келиб сени ўшанга бердилар.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Мана, икки ойнинг ичида яйдоқ дала юзи ям-яшил гўза ниҳоллари билан қотанди.* Газетадан.

2 Кўрсатиш олмошлари олдида келиб, кучайтирув ва таъкид билдиради. *Урушга орзумандмисиз, мана бу бойвачча укангизни олиб жўнаи беринг, йўл очиқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 юкл. Алоҳида таъкид билдиради. *Йигит-ларни элтиб, тўппа-тўғри ўқ тагига ҳайдай-дилар, мана, кейин эшитиб қолармиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мана, бошқарма план бўлимида уни роса қизартиришди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи.

4 Ундов гапда ҳайрат, киноя, таажжуб каби маъноларни билдиради. *Ана ҳуснумана малоҳат! Мана бамаънилик! Мана илму қоби-лият! Мирмуҳсин, Меъмор.*

МАНАВИ *с. т.* \асли мана бу] *олм.* Мана бу, ушбу. *Манави бола. Манави китобни ўқинг.*

МАНАП *тар.* 20-асрнинг 20-йилларига-ча қирғизларда олий феодаллар табақасига мансуб киши.

МАНАТ Туркманистоннинг асосий пул бирлиги (1993 йилдан).

МАНБАИ — бошланиш; ибтидо] **1**

геогр. Дарёларнинг бошланиш жойи.

2 Бирор нарса олинадиган, чиқадиган ёки ишлаб чиқариладиган жой, қурилма ва ш. к. *Хомашёманбаи. Газ манбалари. Электр манбаи. тт [Бу ерлар! Ширин-шакар мевалар ва қовун-тарвуз маконига, арпа-буғдой, макка ва сабзавот манбаига айланади. С. Ка-роматов, Сўнгги бархан.*

3 *кўчма* Бирор нарса, иш-ҳаракат ва ш. к. нинг юзага келиши, фаолият учун асосомил бўлган нарса; сабаб. *Илмсизлики но-чорлик ва ношудлик, алам ва ситам, хўрлик ва бахтсизлик манбаи дейишади. Ф. Мусажо-нов, Ҳиммат.*

4 Илмий тадқиқот ишлари учун асос бўлган асар, ҳужжат ва ш. к. *Бу [«Ҳиндистон сафарномаси»] Ҳиндистон билан Ўрта Осиё халқлари ўртасидаги қадимий алоқаларни хрганишида фойдали манбадир. Газетадан.*

МАНБАШУНОСЛИК Тарихий манба-ларни излаб топиш, қайд этиш, тўплаш, ўрганиш ва илмий муомалага киритиш на-зарияси ва амалий усуллари ҳақидаги фан (тарих ва адабиётшуносликда ёрдамчи фан ҳисобланади).

МАНГ «Ма» сўзининг ҳурмат ва кўп-лик шакли. *Манг, ишонмасангиз, ҳидлабкўринг. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мам-лақати.*

МАНГЛАИ \мўғ. магнай — пешона; ол-динги] **1** *айн.* пешона **1.** *Унинг [Ғани отанинг] қошлари чимирилиб, серажин манглайи тагин ҳам тиришиди. \. Ғулом, Машъал.*

2 *айн.* **пешона** **2.** *..ўзига тасалли берди: «Ҳар ким манглайга ёзилганини кўради». К Яшин, Ҳамза. Уф-ф.. Нетай, ога, манглайим қора экан. С. Сиёев, Ёруғлик.*

МАНГО \малайяча\ Жанубий Осиёнинг тропик ўрмонларида ўсадиган доимо яшил дарахт (Айрим турларининг овалсимон ши-рин хушбўй меваси шундайлигича ёки тузланган ҳолда овқат сифатида ишлатилади).

МАНГУ *кт.* Абадий, умрбод. *У [Гулнор] то сўнгги нафасигача меҳнат, машаққат, азоб ичида кечирган бу дунёдан кўзларини мангу юмгунча уни, Йўлчини эслагандир. Ойбек, Танланган асарлар.*

МАНГУЛИК *кт.* Абадийлик, абадият. *Мангу ҳаёт нимада асли? Борми ўзи чексиз мангулик!⁹ Тўлқин. Уйлай — мангуликнинг бу ойнаи жамолида Ким қоларкан севгидай аба-дий ва суюкли. А. Орипов.*

2 *сфт. айн.* **абдий.** *Муталнинг боши шилқ этиб, лойхонага тушиди-да, мангулик уйқуга кетганлиги маълум бўлди. А. Қодирий, Утган кунлар. У — менинг ҳеч битмас қуёшим. У — менинг мангулик қуёшим. «Гулдаста».*

3 Мангу эканлик. *Кимки қуёш ҳарорати-нинг мангулигин ҳис қилмоқчи бўлса, уни ҳам диёримдан топади. Шукрулло, Жавохирлар сандиғи.*

МАНГУС *айн.* **мангуста.** *Майдонда най-рангбоз кобра билан мангуснинг жангини кўрсатмоқда. Ойбек, Нур қидириб.*

МАНГУСТА [фр. mangous < исп.\ зоол. Жанубий Осиё ва Африкада яшайдиган кич-кина, сутэмизувчи йиртқич ҳайвон (айрим заҳарли илонларнинг қушандаси).

МАНДАРИН I [исп. mandarin] **1** Жану-бий мамлакатларда ўсадиган бир турли цитрус ўсимлиги ва унинг тўқ сариқ рангли, териси юпка, хушбўй меваси.

МАНДАРИН II \порт. mandarin < санск. mantrin — маслаҳатчи] Хитойнинг феодализм давридаги давлат арбобларига европаликлар томонидан берилган ном.

МАНДАТ [лат. *mandatum* — топшириқ] Бирор шахснинг ваколатини, муайян фаолият ёки нарсага ҳуқуқини тасдиқловчи рас-мий ҳужжат. *Депутатлик мандати. Қўлга мандат бермоқ.*

Мандат комиссияси Съезд, қурултой, конгресс, конференция, сессия ва ш.к. да иштирокчиларнинг ваколатини текширув-чи ҳайъат.

МАНДОЛИНА \итал. *mandolino*] Тўрт жуфт сим тори бўлган чертма мусиқа асбоби. *Мандолина чалмоқ.*

МАНЁВР \фр. *manoeuvre* < *manu operor* — қўл билан ишлайман] **1** ҳарб. Қўшин ёки флотнинг душманга зарба бериш мақсади-да энг қулай вазиятни эгаллаш учун қиладиган ҳаракати; қўшин ёки флотнинг так-тик машғулоти, машқлари. *Манёвр ўтказиш тактикаси.* **иш** *Фақат яхши ўйланиб тузил-ган манёвр билангина душман қаришлигини синдира олдик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 *т. ит.* Станцияда поезд улаш учун па-ровоз ва вагонларни у йўлдан бу йўлга кўчириш. *Далага ёйилган тракторлар, темир йўл станцияларида манёвр қиладиган паровоз-лардай, гуруллашибҳаракат қиτοқда.* С. Ай-ний, Қуллар.

3 Самолёт, кема ва ш. к. нинг тўсиққа ёки душманга чап бериш учун ўз йўналишини ўзгартиб қиладиган ʼаракатлари. *Бу-тун батальон самолётнинг тепаликни қидираётганини билди, душман зенитига чап бе-риб манёвр қиладиганини тушунди.* И. Рахим, Чин муҳаббат.

МАНЕЖ \фр. *manege* < *итал. maneggio*] Циркда ўйинлар ўтказиладиган, кўрсатиладиган маҳсус жой, майдон. *Манежда Ак-ром Юсупов икки-уч шериклари билан ўйин кўрсатарди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай сак-киз дема.

МАНЕКЕН \фр. *mannequin* < *голл. man-nekijn* — одам] Кийимни ўлчаб кўриш ёки намоиш қилиш учун одатда одам бўйи ба-раварида ёғоч ёки пластмассадан ишланган фигура, ҳайкал.

МАНЖАЛАҚИ 1 Ҳеч кимга сўз бермай-диган, жанжалкаш, шаллақи (асосан аёллар ҳақида). *Манжспақи хотин.* **ти** *Менунга манжалақи парихон отиннинг гапини гапи-риб юрибман.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Нотўғри йўлга кирган; бузук (аёллар ҳақида). *..буманжалақи бир бсию қишан, ўзига иситиб олган бўлса ажаб эмас.* А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари. *Агар шўрлик тирик бўлганида, бу манжалақининг кўзларини ўйиб оларди.* Мирмуҳсин, Умид.

МАНЖАНИҚ \а. *jʼi..* - тошотар қурол] *тар.* Тош отадиган қадимий уруш қуроли. *Манжаниқлардан тинмай тош отиб. катта ёйлардан ўқ ёғдиришиди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

626 дъ^

МАНЖЕТ(А) \фр. *manchette* - енгча < *лот. manus* — қўл] **1** маҳс. Эркаклар ва аёлларнинг турли бичимдаги кўйлақлари енгига тикилган ёки қадалган қайтарма қисм.

2 *тех.* Машина, механизмлар бирикма-ларида: суюқликнинг бир бўшлиқдан иккинчисига оқиб (сизиб) ўтишига тўсқин-лик қилувчи, тери ёки резина ҳалқа шаклидаги зичловчи деталь.

МАНЗАРА \а. *jbʼ* - — кўриниш, панора-ма; кузатиш маскани] Кўзга ташланиб турган ёки тасаввур этиладиган кўриниш, тас-вир. *Табиатнинг гўзал манзаралари.* **тт** [Ота-бек] *Ўзининг очиқ кўзи, ўтқир зеҳни орқали бундай ўзбошимчалик орқасидан мудҳиш фа-локатли манзаралар кўрар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАНЗАРАЛИ Кўриниши гўзал, киши-ни мафтун этадиган. *Табиатнинг манзарали ерлари.* **тт** *Болтабоев ишнамгина уйининг олдига мевали, манзарали дарахтлар, гуллар экди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

МАНЗИЛ \а. *J ji^* > — маскан; тураржой; уй, хонадон] **1** Сафарда, йўлда тўхтаб ўтиладиган, кўниб туриладиган ёки етиб бо-риш мўлжалланган жой. *Бир неча минутдан*

кейин қиз билан йигит манзилга яқинлашди-лар. С. Айний, Дохунда. *Шаҳристонга ҳозир-гина кириб келдим. Тунамоққа манзил истай-ман.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

2 кўчма Кураш, ҳаракат натижасида эри-шилиши мўлжалланган марра. *Манзилга яқинлашган сари, сезгимиз ўткир, қиличимиз кескир бўлиши лозим.* Уйғун, Навбахор.

3 Йўлнинг бир тўхташ жойидан иккин-чи бир тўхташ жойигача бўлган масофа. *Бир манзил, икки манзил йўл юриб бораётир эди, олдидан бир кампир чиқди.* «Равшан».

4 Тураржой, истиқоматгоҳ. *Бирдан паст-дан, тоғ қазувчилар манзилидан шодиёна қич-қириқлар кўтарилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАНЗИЛАТ \а. сАу^л — даража; мавқе; ҳолат] эск. кт. Мавқе; кадр-қиммат. [Тўлахон:] *Эй худо, учиб юрган паррандача қурб, манзилат бермас экансан, нима учун хотин-қизларни яратдинг.* Ҳамза, Паранжи сирла-ри. *Ичкари, ташқари.. ҳовлида ўсган Ўринбой қалъачи қизининг кўзида русча уйларнинг нима манзилати бор?* С Айний, Қуллар.

МАНЗИЛГОҲ **1** айн. манзил **1, 4.** *Чўлқу-вар инженер ва архитекторларимиз бир вақтлардаги сардобалар ўрнида сўлим манзилгоҳ-лар, янги кент ва шаҳарлар барпо этмоқда-лар.* Газетадан.

2 тар. Ибтидоий жамиятда уруғ жамоа-ларининг вақтинча турадиган жойи, маскани.

МАНЗИЛХОНА шв. Меҳмонхона, мусо-фирхона.

МАНЗИРАТ \а. j~ — меҳмонхона; қабул хонаси] Такаллуф, мулозамат. *-Раҳ-мат, Олимжон ака. Ман уйга борай, — Ҳакимбойвачча таклифни оддий манзират деб билгани учун кетмоқчи бўлди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Бу манзиратъширдан ўнгайсиз-ланган ака тезроқ кетиш тараддудига туш-ди.* Э. Аъзам, Жавоб.

МАНЗУМ [а. f.jh~ - тузилган, таш-кил топган; назм] эск. кт. Назм билан ёзилган, шеърий. *Манзум китоб.*

МАНЗУМА [а. j . - шеърий асар-лар; тазим] эск. кт. Назм билан ёзилган асар; шеърий асар. *Ўрда жарчиси бозор ва уриниш жойларда тўхтаб: -Айюҳаннос! Билмаган билсин, зиштмаган эшитсин..— манзумаси билан жар солибюрар эди.* А. Қодирий, Меҳ-робдан чаён. *Менўшанда очерк ўрнига уч боб-дан иборат шеър ёзган эдим, уни на дoston, на баллада деб бўлади, шунчаки манзума.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

МАНЗУР [а. jл ь-' - - кўринадиган; кўзда тугилган; истиқбол] Кишиларга маъқул бўладиган, ёқадиган, ёқиб тушадиган. *Одоб-ли бола элга манзур.* Мақол. **тт** *Кўпчиликка манзур шеъринг, хизматинг.* Ҳабибий.

Манзур қилмоқ (ёки этмоқ) 1) ёқтир-моқ, маъқул топмоқ, маъқул қилмоқ. *Ёзиб манзур асарлар халқ учун, сен борлигинг бил-дир, Агар халқ қилса манзур, халққа миннат-дорлигинг билдир.* С. Абдулла; 2) маъқулла-моқ, маъқул қилмоқ. *Совгани хонга манзур қилиб, Афанди қуюқ инъом олиб, ўрдадан чи-қиб кетди.* «Латифалар».

МАНИЙ [а. jлi*] биол. Эркактларнинг жинсий безидан ажралиб чиқадиган суюқ-лик; сперма.

МАНИКЮР \фр. manicure < лот. manus — қўл + cigare — парвариш, ғамхўрлик қил-моқ] Қўл тирнокларини қирқиб, текислаб ва бўяб безатиш. *Бармогини маникюр қилиб юрадиган шаҳарлик қизлар пахта тергани квлса-ю, сизларнинг ойимчаларингиз уйда ўтиришса..* «Муштум».

МАНИПУЛЯЦИЯ [фр. manipulatio < лот. manipulus — ҳовуч < manus — қўл] Ноқону-ний операция; фаол савдо фикрини уйғо-тиш ёки олли-сотдида қимматли қоғоз ба-ҳрсини тушириш ёки ошириш учун олди-сотди қилинган қимматли қоғоз.

МАНИФЕСТ [лот. manifestum — чақи-риқ, даъват < manifestus — ошкор, очик-ойдин] **1** Ҳукуматнинг жуда муҳим сиёсий воқеа муносабати билан халққа қилган ёзма мурожаати.

2 Бирор партия ёки ижтимоий ташкилотнинг дастур тарзидаги ёзма мурожаати. *Тинчлик манифесии.*

МАНКУҲА [a. ^jV, л — никоҳланган, никоҳдаги (хотин)] *эск. кт.* Никоҳдаги хотин, шаръий хотин, жуфти ҳалол.

МАНМАН Ўзини катта тутадиган, бо-сар-тусарини билмай қолган; такаббур. *Манман одам. Камтарга — камол, манманга — завол Мақол. тт У илгариги «манман» Тожибой эмас: хийлагина ҳовурдан тушган ва анчагина мулойимлашиб қолган эди. П. Тур-сун, Ўқитувчи.*

Манман (ёки **манаман**) деган Машхур, энг олдинги, донгдор. *Хиванинганманман деган бойларидан пул топиш сирларини ўрган-дим. Ж. Шарипов, Хоразм. Бунақа занжирни янга туғул, қишлоғимиздаги манман деган темирчи ҳам узолмайди. «Ёшлик». Кўчага чиқсам, манман деган йигитлар ҳусним-гамаҳлиё бўлади. «Муштум». Кўқоннингманман деган бойларидан Миразимжон бой-ни ўлдиртириб, сир очилаётганда.. хўжа-кўрсинга Эргашга жазо бердирди. К. Яшин, Ҳамза.*

МАНМАНЛИК 1 Ўзини катта тутишлик; манман эканлик; кибр. *Мақтанчоқлиги, ман-манлиги туфайли кўплар ёқтирмайдиган ен-гил табиатли Мурзин келиб қолди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Манман одамларга хос хусусият, иш, хатти-ҳаракат. *Бундай мақолларда ахлоқ ва одатларга зид бўлган хусусиятлар: текинхўр-лик, манманлик, исрофгарчилик.. каби одат-лар қаттиқ қораланади. «ЎТА». Уни [одамни] тамом қиладиган кушандаси ҳам манмашиш-гу маишату шухратпарастли. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

МАНМАНСИРАМОҚ Манманликка берилмоқ. *Одамларга яхишлик тилаш, қилиш ҳазратнинг одатига айланиб қолган. Бироқ шундай манмансираш ҳам унинг одати. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Камтар бўламан.. манманликка берилиб кетмайман. Х. Тўхта-боев, Ширин қовунлар мамлақати.*

МАННИЙ [р. манна < юн. таппа — ов-қат, озуқа]: **манний ёрмаси** Буғдой мағзидан тайёрланган майда ёрма. **Манний бўтқа** Манний ёрмасидан тайёрланган бўтқа (пар-ҳез таомлардан бири).

МАНОЛ [a. JL-о — қўлга киритиш, эри-шиш; ҳадя] *кт.* Тухфа қилиб олинган ёки берилган нарса; ту\фа.

МАНОМЕТР [юн. manos - зич эмас, сийрак + metreo — ўлчайман] Дамланган буғ, газ ёки суюқлик босимини ўлчайди-ган асбоб.

МАНОР \a. jU^> - нур, ёғду манбаи; маёқ] *кт.* Манора, минора. *Ўртада подадай сурилди халқ, Фуқаро бошидан ясалди манор. Туйғун, Шеърлар.*

МАНОРА \a. uJL-о — маёқ; минора) *эск. айн. минор(а).* *Масжид манорасида мунгли азон товуши эшитилди. А. Қрдирий, Ўтган кунлар.*

МАНОТ I с. т., шв. Сўм. *Бир манот. тт Карвонбошини олдиға чақириб: -Генералға қирқ минг манот ҳадя қилинсин, — деб амр қилди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

МАНОТ II \a. сJL^ . - қадимги арабларда санам, маъбуда номи] *дин.* Араблар исломдан илгари сиғинган санам — маъбудалардан бири (*яна қ. лот D).*

МАНОҚИБ [a. ^iL^ — фазилатлар, аф-залликлар; тақдирга лойиқ хизмат] *эск. кт.* Бир кишининг фазилат ва мартабасини мақтаб ёзилган рисола. *Кўрғазмада Осиё ва Африка ёзувчиларининг 2500 дан ортиқ асар-лари: энг қадимги маноқиблардан тортиб энг замонавий асарларгача намоиши қилинади. Газетадан. Қуруқ маддоҳликдан на ҳожат. Асл шоирга маноқиб муносибми? С. Сиёев, Ёруғлик.*

МАНПАР Узма хамирдан устига гўшт, пиёз қиймаси, тухум кабилар солиб тайёрланган суюқовқат. *..мингбоши, додхоҳ, қози-аъламларнинг.. ёш келин-қизлари Ниёзохуннинг лағмон, манпарларига роса ўрганишган. К. Яшин, Ҳамза.*

МАНПАСИ [р. монпансье < фр. Montpen-sier — Франциядаги графлик номи] Қоғозга ўралмаган майда шаффоф ранг-баранг дан-дон конфета; обаки.

МАНСАБ I \а. о[^]-иш, амал, аҳ-вол, ҳолат] **1** Масъул вазифа; амал, лаво-зим. Ўз мансабидан фойдаланмоқ. Мансабдан тушмоқ. *тиш* Мулла Абдурахмон Кўқон сафарига ҳозирланаркан, кўнгли Кўқонда ўзини кутиб турган уламолик шухратиға, муфтилик, қози ва аъламлик мансабига ошиқар эди. А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

2 с. т. Ўзини кўрсатиш учун қилинади-ган ёки ўзига маъқул иш, ҳаракат. *Манманлик у кишиға бир мансаб.*

Мансабга минмоқ (ёки ўтирмоқ) Амалга тайинланмоқ, бирор амални, вазифани эгалламоқ. *Ужуда катта мансабга минган-дай ён-верига қарагиси келмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАНСАБ II *геогр.* Дарёнинг кўл, денгиз ёки бошқа дарёға қуйиладиган жойи. *Ҳар бир катта дарёнинг мансаби бўлади.* «Ўқиш ки-тоби».

МАНСАБДОР Бирор мансабга, лаво-зимға эга бўлган; амалдор. *Мансабдор шахс.* *иши* Ушбу ҳукмимизни ериға етқизишда сушт-лик қилган мансабдор бизға итоатдан бош тортган ҳисобланиб, энг қаттиқ жазомизға маҳкум қилинур. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. ...мансабдор шахслар амирзода Иброҳим Сул-тоннинг рухсати билан шаҳардан чиқа олиш-лари мумкин эди. Мирмуҳсин, Меъмор.

МАНСАБЛИ *айн.* мансабдор.

МАНСАБПАРАСТ Мансабга интилади-ган, мансабни яхши кўрадиган. *Мансабпараст одам.* *т* Ёлғиз ўз манфаати йўлида, бир-бирини еб, ичган мансабпараст.. йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизға ақлим етмай қолди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

МАНСАБПАРАСТЛИК Мансабни яхши кўриш, мансабга интилиш. *Биз кадрларни тўғри тарбиялаш манфаатларини кўзлаб, мансабпарастлик кўринишларига қарши қатъ-ий кураш олиб боришимиз керак.* Газетадан.

МАНСАБСИЗ Мансаби йўқ, амали йўқ.

МАНСУБ \а. *i_>j* - — тегишли; алоқа-дор| Қарашли, тегишли, тааллуқди, оид, кирадитан. *Умуртқалилар синфига мансуб жонивор.* Галогенларға мансуб элемент. *Юқори табақаға мансуб одам.* *тиш* Девонбе-гилар авлодиға мансуб бўлган.. *Шерназарбой Исломуҳжани ич-ичидан ёмон кўрар, азалдан адовати бор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МАНСУБИЯТ \а. . - қариндош-лик; алоқадорлик] *кт.* Мансублик, оидлик, тааллуқдорлик. *Гарчи сизнинг қипчоқ кавми-ға мансубиятингиз бўлса ҳам, Мукулмонқул-ни ҳайдашда бизға унутмаслик хаурихоҳчилик-лар ва хизматлар кўрсатдингиз.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

МАНСУБЛИК 1 Мансуб ҳолат. *Синфий мансублик.*

2 Мансуб эканлик. *..қайси халқ, миллат, динға мансублигини суриштирмай, барчани барабар кўришларини жўшиб гапирди.* К. Яшин, Ҳамза.

МАНТИ [*хит.* мян - ҳамир + ти - гўшт| Гўшт ва пиёз қиймасини ҳамирға тугиб, қасқонда пишириладиган овқат. *Чучвара нима экан, Сидиқжон ака, ёғли манти қилиб бераман.* *Ҳамири юқароқ бўлсинми, қалин-роқ?* А. Қаҳдор, Қўшчинор чирокдари.

МАНТИПАЗ Қасби манти пишириш бўлган ёки манти пиширишни яхши биладиган киши. *Мантипаз елкасини қисиб, лаг-монпазни кўрсатди.* «Саодат».

МАНТИҚ \а. *jL;* - нутқ, тил; сўзлаш; логика] **1** Тўғри тафаккур юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан. *Насриддин Тусий.. жабр, тиб ва мантиқ на-зарияси билимларининг бошқа соҳалари бўйи-ча ҳам кўпгина китоблар ёзган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Гап, фикр, ҳаракат ва ш. к. нинг ақлга монандлиги, асослилиги. *Хотинининг бу гапи Бўтабой аканинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин бундаги кучли мантиқ тилини боғла-ди-ю, ҳеч нарса деёлмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчи-нор. *Студентлар ҳам қизиқ-да.*

Бир-бирла-рига ҳеч ақлга сизмайдиған, мантиққа тўғри келмайдиған лақаблар қўйишади. Ф. Мусажо-нов, Ҳиммат.

3 Ички қонунийлик, қонуният. *Недир, недир ҳаёт мантиқи? Усиш, қариш қонуни нега?* М. Шайхзода. *Мантиқ талаби шу эрур, шоҳим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАНТИҚАН \а. La Ъ\ » - мантиқбўйича, асосида] *рви.* Мантиқ нуктаи назаридан, мантиқ жихатидан (қ. **мантиқ 2. 3**). *Ахмад ўртоғининг ўз фикрини мантиқан тўғри ва аниқ асослаб бераётганлигидан хайратланиб ўтирар эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МАНТИҚИЙ \а. JiU:.. - мантиққа асосланган, мантиқ бўйича] **1** Мантиққа оид, мантиқ жихатидан; қонуний, асосли. *Кўриб турибсизки, ҳар иккала хат ўртасида мантикий боғлик^шк бор.* Ў. Хошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Мантиққа асосланган. *Мантиқий хуло-са. тт Мантиқий фикрларим, ўйларим хуро-фий-диний масалалардан устун келди.* Ойбек, Нур кидириб.

МАНТИҚИЙЛИК Мантиқ, мантиқий асос; қонунийлик, асослилик. *Театрларда тил ва талаффуз масаласини тўғри йўлга қўймай туриб, мантиқийлик, подтекст (сўз замири).. каби асоси ва ҳал қилувчи фикрлар тўғрисида сўзлашига ўрин қолмайди.* С. Искан-даров, Театрда тил ва талаффуз.

МАНТИҚЛИ Мантиққа эга бўлган, ман-тиққа асосланган; асосли. *Мантиқли гап. Мантиқли ҳаракат.*

МАНТИҚСИЗ Мантиқи, маъноси йўқ, бемаъни; асоссиз. *Мантиқсиз гап. Мантиқсиз савол. тт Хаёллари мантиқсиз, алгов-дал-гов туш каби мубҳам эди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МАНТИҚСИЗЛИК **1** Мантиққа, маъно ва мазмунга эга эмаслик; асоссизлик. *Буюса-ма гапларнинг мантиқсизлиги отамга маъ-лум бўлса керакки: -Унинг гапларини эсинг-дан чиқаргандирсан? — дебсўради.* С. Айний, Эсдалиқлар.

2 Мантиқсиз иш, ҳаракат, гап ва ш. к. *Мен ўзимча шундай мулоҳазалар қилиб, мулаларнинг у гапларини гаразғўйлик, мантиқ-сизлик ва кулгили деб билар эдим.* С. Айний, Эсдалиқлар.

МАНУФАКТУРА [лот. manufacture < manus — қўл + facere — бажармоқ] **1** Қўл кучи ва хунармандчилик техникаси асоси-да меҳнатнинг тақсимланишини характерловчи ишлаб чиқариш шакли.

2 Газлама, газмол, мато. *Кумри онасидан Таманнонингмануфактура базасида ишлаёғп-ганлигини эшитиб, ҳангу манг бўлиб, лабини тишлади.* Мирмуҳсин, Кумри ва Таманно.

МАНФААТ \а. — фойда, даромад)

Моддий, маънавий, жисмоний ва б. жиқат-дан (кўриладитан) фойда, наф. *Манфаат топмоқ. Манфаат кўрмоқ. Бу ишдан ҳеч ман-фаат кўрмадим. Доридан яхши манфаат топ-дим. тт [Дадавой:] Халқ йўлида жонни аямас-лик даркор. Уз манфаатимиздан халқ ман-фаатини юқори қўяйлик. Уйғун, Навбаҳор.*

МАНФААТДОР Бирор ишдан манфаа-ти бор, манфаати бўлган. *Бизда маҳсулот чиқаришни кўпайтиришдан ҳамма манфаат-дордир. тт Фуломжон ҳақиқатни аниқлашда ўзидан кам манфаатдор бўлмаган бойваччага ер остидан разм солиб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАНФААТЛИ Манфаати, фойдаси бор; фойдали. *Манфаатли иш.*

МАНФААТПАРАСТ Шахсий манфаати-нигина кўзловчи. *Ўз-ўзидан маълумки, худ-бин, манфаатпараст кимсада оилага меҳр-муҳаббат бўлмайди.* Газетадан.

МАНФААТСИЗ Манфаати, фойдаси йўқ; бефойда, фойдасиз.

МАНФИЙ \а. ^i'. — бадарға қилинган; рад этилган; салбий] **1 мат.** Нолдан кичик. *Манфий сон.*

2 физ. Заррачалари электрондан иборат бўлган. *Манфий заряд. Манфий электрод.*

3 кам қўлл. Ёмон белгили; салбий. Унга [Авазга/ мусбат воқеа ҳам, манфий воқеа ҳам тез таъсир қилар, ноҳуш воқеадан ҳам, завқ-ёб ҳодисадан ҳам дарҳол қалби жунбишга кела бошларди. С. Сиёев, Аваз.

МАНФУР \ а. j j' » — нафратга йўлик-қан, лойиқ] *кт.* Кишини нафратга келтирувчи, нафратга лойиқ; жирканч. *Манфур душман. тт* Бутун дунё хотин-қизлари учун «уруш» деган сўздан манфурроқ сўз йўқ. Га-зетадан.

МАНШУР [а. j j', ^ - халққа эълон қилинган, тарқатилган; дастурий ҳужжат, мурожаатнома] Муайян дастурга эга бўл-ган, тантанали суратда эълон қилинган ҳужжат, мурожаатнома, манифест. *Хуш ай-ёмда элимнинг дилга сизмас сурури, Юртим бўйлаб таралди мустақиллик манишури.* Б. Бойқобилов.

МАНҚА I 1 Димоғида гапирувчи. *Шу пайт Эшон мачитдан манқа сўфининг панг овози эшитилди.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

2 шв. Мишиқ.

МАНҚА II От ва бошқа якка туёқди ҳай-вонларда бўладиган, баъзан одамга ҳам ўта-диган юкумли касаллик.

МАНҚАЛ \а. j j'» - кўчма ўчоқ; оташ-дон, ўтдон| Кумир билан ёқиладиган кўчма ўчоқ. *Манқалга кўмир солмоқ. Манқалда ов-қат пиширмоқ. тт* Самоварчи бўшаган чой-накларга чой дамлаб, яна манқал устига қўйди. С. Айний, Дохунда.

МАНҚАЛАНИШ *тиб. айн. манқалик.*

МАНҚАЛАНМОҚ Димоғ билан гапир-моқ, пинғиллаб гапирмоқ.

МАНҚАЛДОН *айн. манқал. Ўртада ман-қалдонда олов, олов атрофида синиқ-мертик чойнаклардан уч-тўрттаси терилган.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

МАНҚАЛИК *тиб.* Туғма ёки ҳаётда орт-тирилган анатомик нуқсонлар оқибатида овоз жарангдорлигининг бузилиши, нутқ товушларини бузиб талаффуз қилиш каби ўзгаришлар билан ифодаланувчи патологик ҳолат.

МАНҚУРТ 1 тар. Ўтмишда, баъзи кўчманчи халқларда, банди (асир) тушганларнинг сочи қиртишлаб олинган бошига янги сўйилган туянинг бўйин териси қопланиб, терининг бошни тобора қаттиққиси-ши оқибатида хотираси, ақл-идроки, умуман, инсонга хос хислат-фазилатларидан махрум этилган шахс. *Манқурт ўзининг ким эканини, қайси уруғ-аймоқдан эканини, ис-мини, болалик кезларини, ота-онасининг ким-лигини бутунлай ёддан чиқарган бўлиб, ўзи-нинг одашигини ҳам унутиб юборади.* Ч. Айт-матов, Асрга татиғулик кун.

2 кўчма Ана шундай (манқуртга хос) хислат, хусусиятга эга бўлган шахс. *Бу ту-зум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одаъирини, ўз авлод-аждодларини бишайдиган манқуртларга таянар эди.* Газетадан.

МАНҒИТ тар. Йирик ўзбек қабилала-ридан бирининг номи; шу қабиллага мансуб киши.

МАНҲУС \а. ijij ' . п бадбахт, бахтсиз] *эск. кт. 1* Бахтсизлик келтирувчи; шумоёқ. *Калхатлар, қузғунлар, манҳус бойқушлар Шунқорлар зарбидан бўлмишлар мурда.* М. Шайхзода.

2 Манфур, жирканч. *...жон-жаҳдлари би-лан қаршилик кўрсатмоққа интилдилар, лекин ўз устларига миниб олган манҳус гавда-ларни енгишининг иложи бўлмади.* Ҳ. Шамс, Душман.

МАОРИФ [а. ^SjL. — «маърифат» с. нинг кўпл.: билим, фан; маълумот] **1** Кишининг билим ва онгини ошириш, умумий савия-сини кўтаришга қаратилган таълим-тарбия, илм-урфон; маърифат. *Маориф ишлари. Ма-ориф тарқатмоқ. тт* Навоий замонасида фан ва маданият, маориф яхши тараққий этган. Газетадан.

2 Таълим-тарбия ва маданий-маърифий муассасалар тизими; шундай ишларни бошқарувчи идора. *Бу ҳақда бошқа фикр бўлма-гани учун, маорифдан бошқа муаллим сўрашга қарор қилинди.* А. Қахҳор, Қўшчинор чи-роқлари.

МАОРИФПАРВАР Маориф тарафдори, маърифат учун хизмат қилувчи, курашувчи.

МАОРИФЧИ 1 Маориф соҳасида иш-ловчи киши, маориф ходими. *Туманимизда ёш авлод тарбияси учун ўзининг бутун куч-билимини сарфлаётган ўқитувчилар ва маорифчилар кўп.* Газетадан.

2 Маориф, маърифат тарқатувчи киши, маърифатпарвар.

МАОФА \а. **д-** — тахтиравон; замбил] *тар.* Отга ўрнатиладиган, одам ўтирадиган, соябонли бир хил кажава. *Унинг [Навоий-нинг] аҳволи оғирлашади. Юришга мажоли қолмай, йиқилади. Навоийни маофага солиб, Ҳиротга жўнатдилар.* Ойбек, Навоий.

МАОШ \а. **ج^*-*** — турмуш, тирикчилик; тирикчилик учун зарур нарсалар; иш ҳақи] *Хизмат, иш учун муассаса томонидан бел-гиланадиган, бериладиган пул; иш ҳақи, ойлик. Маош олмоқ. Маош бермоқ. Маош тайинламоқ. тт Иззат-обрўси ҳам, маоши ҳам ошди.* С. Анорбоев, Оқсой.

МАОШХЎР [маош + *ф.* еювчи]

Маош олувчи, маош ҳисобига яшовчи. *Мен виари идорада ишловчи оддий бир хизмат-чилардан бўлиб, маошхўр эдим.* «Муштум».

МАРАЗ [а. касаллик] *эск. кт. 1 с. т.*

Йиринг олган, фасод боғлаган яра. *Мараз-дир вужудинг, фашистдир номинг, Қри юқлари биюн сасиган жоминг.* Уйғун.

2 Шу нарсага нисбатли ҳақоратни бил-диради. *Ҳасаннинг гапига қотиб-қотиб қулган ҳам шу мараз эмасмиди? С Сиеев, Аваз.*

3 *кўчма* Ярамас, зарарли нуқсон, иллат. *Одат бир мараз дейдилар. Ярамас одатни тарк қилиш осон иш эмас.* Н. Сафаров, Кат-та карвон йўлда. *Кўшиб ёзиш, кўзбўямачилик деган мараз иллат деҳқонларимиз шаънига яхши бўлмади.* «Муштум».

МАРАЛ Буғуларнинг катта айри шох-ли йирик бир тури. *Булбулнинг маскани боғда, Марал келар баланд тоғда.* «Баҳром ва Гуландом». Сен марал кўзидан чиройли.. Ш. Раҳмон.

МАРАЛҚУЛОҚ *бот.* Пояси йўғон, бар-ги йирик заҳарли ўт (ветеринарияда дори сифатида паразитларга қарши ишлатила-ди).

МАРАФОН \юн. Marathon — милоддан аввалги 490-йилда юнон-форс уруши бўлиб ўтган ва Афинадан 40 км узоқдикда бўлган жой (қишлоқ) номи; шу жангдаги ғалабадан хабар бериш учун жангчи-чопар Мара-фон қишлоғидан Афинагача тўхтамай югуриб борган] **1 спорт.** Замонавий енгил атле-тикада 42 км 195 м га тенг узундан-узоқ югу-риш масофаси (Марафон қишлоғидан югу-риб келган матонатли жангчи шарафига шундай номланган).

Марафон югуриши *ёки марафонча югу-риш спорт.* Енгил атлетикада катта текис йўлда 42 км 195 м ли масофани югуриб ўтиш мусобақаси.

2 Спорт, эстрада ва б. мақсадларда уюш-тириладиган, узоқдавом этадиган, кўп босқичли чора-гадбирлар (репортажлар, радио-эшиттириш ва телекўрсатувлар орқали ёри-тилади). *Наврўз хайрия марафони.*

МАРАФОНЧИ Марафонча югурувчи спортчи. *Машхур марафончиларнинг тана ҳарорати манзилга етганида 42, ҳатто 44 даражага кўтарилган.* «Фан ва турмуш».

МАРВАК: *марвак тут шв. айн. марварид тут қ. марварид. Қари марвак тут остидаги супа бўм-бўш.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

МАРВАРИД \ф. -ʋljj-о - дур, инжу] Баъзи моллюскалар (юмшоқтанлилар)нинг чиганогидан олинадиган оқ, сарғиш, қиз-ғиш, баъзан қора қимматбаҳо донача; дур. *Қрзикалон сандиқларни очиб кўрсатди: баъ-зисида олмос, ёқут, ақиқ, зумрад ва марварид.. тўла эди.* С. Айний, Дохунда. *Унинг қоши-да ўсма, кафтида хина аримас, қулогидан зирак, қўлидан қўш узук, бўйнидан марварид шодаси тушмасди.* М. Мансуров, Ёмби.

Марварид тут Тутнинг майда донали кечпишар ширин нави. *Йигитали азамат тут дарахтига тикилиб қараркан, тегирмон бошидаги баҳайбат марварид тут кўз ўнги-да гавдаланди.* Д. Нурий, Осмон устун.

МАРВАРИДГУЛ Лоладошларга мансуб, барглари йирик узун, шингил кўринишдаги кичик-кичик карнай гуллари оқ, хушбўй ўтсимон ўсимлик; ландиш. *Май марваридгу-ли доривор ўсимлик сифатида ишлатилади.. манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.* «ЎЗМЭ».

МАРВАРТАК: марвартак тут *шв. айн. марварид тут қ. марварид.* Болалар ердан жой тополмай, марвартак тутларга чиқиб олганлар. М. Исмоилий, Фарғонат. о. *Фарғонашк-лар марвартак, тошкентликлар балх тути, деб аташади уни.* «Муштум».

МАРГ [ф. Л- ўлим; ажал] *кт. Ўлим, вафот. Маргнинг қори ёғиб, сабзанг оқармасдан бурун, Гаити оламдур ганимат, фасли сайринг соз топ.* Ҳамза. *Азоб кўрган банда маргини тилар.* «Эрали ва Шерали».

МАРГАНЕЦ [нем. Mangan < Marganerz

— марганец рудаси] Менделеев даврий сис-темасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент; қаттиқ ва мўрт, оқ кумушранг ме-талл (ўсимлик ва ҳайвонлар организми тар-кибига микроэлемент сифатида киради).

МАРГАРИН [фр. margarine < юн. margaros

— садаф] Мол ёғи, ўсимлик мойи ҳамда маза ва хушбўй ҳид берувчи бошқа моддалар ара-лашмасидан тайёрланган омихта ёғ.

МАРГИМУШ [ф. j[^]Sji. - сичкон ўлими; сичкон ўлдирувчи] **1** Менделеев дав-рий системасининг V гуруҳига мансуб кимё-вий элемент; тўқ кулранг крист&ал, баъзан аморф қолдаги мўрт, қаттиқ металл.

2 Шу моддадан тайёрланган препарат (тиббиёт ва техникада ишлатилади). *Ўша мушукни тутиб олсам, оғзига маргимуш со-либўлдираман.* С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

МАРД [ф. ж- одам; эркак; ботир, жасур] **1** Кўрқишни билмайдиган; кўрк-мас, ботир, жасур. *Танпибойвачча бобил-лади: -Дев пойлаган тилсимдан уни қайси мард олиб кетади.* Ойбек, Танланган асар-лар. *Мард кишидан ўлим ҳам кўрқади.* И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат.

2 Эр кишига хос ижобий фазилатларга эга, айтганининг устидан чиқадиган, тан-ти, хотам. *Ваъдага вафо қилмоқ — мардларга хос фазтат.* Ғайратий. *Мард бўлсангиз, бунинг бўйнингизга олинг.* П. Крдиров, Уч илдиз. *Мард одам имзосини очик қўяди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Қизим, аканг мард йигит эди, но-мусли йигит эди. Номус билан, мардлик би-ланўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 с.т. Умуман, бирор ишни қила олади-ган, бирор иш қўлидан келадиган киши. *Буларга ўз вақтида иссиқ чой дамлаб бериб турадиган марднингўзи йўқ.* Ойдин, Бечора. *Дутор қўлма-қўл бўлди, лекин уни, номига бўлса-да, тингиллатадиган мард топилмади.* «Муштум».

Марди майдон Жанг қахрамони ёки ку-раш қахрамони. *Ташлагил қадам олга, ўзни марди майдон қил.* Крнталаб *фашистларнинг икки дийдасин қон қил.* Ғайратий.

МАРДАК [ф. J>Jj_о — кичкина одам, па-кана; аҳмоқ, гўл] *шв. 1* Жўхори сўтаси. *Су-лаймонқул ака жаҳли чиқиб, оёғи остида ўралашган товукни бир тепди-да, чала укаланган мардакни томга отди.* М. Маҳ-мудов, Иззат.

2 Енгилтабиат, пасткаш киши. *Амирзо-дам, агар бу мардак садоқатли қулингиз бўлга-нида, ёмон овоза тарқатган навкарни кўли-дан тутиб топширмасмиди? П.* Қодиров, Юлдузли тунлар.

МАРДИКОР [ф. JLSj-о - тажрибали, ишбилармон одам; хизматкор] **1** Вақтинча ёки кундалик ёлланиб ишловчи ишчи. *Да-лада ишининг тигиз вақти ўтгани учун мар-дикорларга бундан бир неча кун илгари жа-воб берилган.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 тар. 1914—1918 йиллардаги Биринчи жаҳон уруши даврида чор ҳукумати томонидан чекка ўлкалардан, жумладан, Тур-кистондан фронт ортидаги, мамлакат ичкаридаги қора ишларга сафарбар этилган эркак киши. *1916 йили рус подшоҳи мардикор олган вақтда Мадамин ўз оёғи остидан ўзига қарши кўтарилган ёвни кўрди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 с.т. Мардикор иши; мардикорлик. *Сиз оқподшонинг давлати соясида юрт сўраб, умрингиз айи-ишрат билан ўтяпти. Шундай бўлгандан кейин, бир тантилик қилинг, дод-хоҳ, аввал сиз ўғлингизни мардикорга юборинг.* К. Яшин, Ҳамза. *..эл бошига янада катта муҳтожлик тушади ва Абдурасул ҳамқишлоғи Юсвали ака билан мардикорга жўнайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

Шайтоннинг мардикори Бехуда ишлар билан тиниб-тинчимас одам (асосан ёш болаларга нисбатан қўлланади). *Таланту иқтидор деган нарсани юқтирмаган бўлса, ҳадеб шайтоннинг мардикори бўлиб «ишлаб бериш»нинг ҳам фойдаси йўқлигини илова қилишим керак! «ЎТА».*

МАРДИКОРЛИК 1 Мардикор иши, кас-би; мардикорчилик. *Биз бойларда етимлик, чоракорлик, мардикорлик, чорвадорларда чўпон-лик килиб кун кечирамиз.* С. Айний, Қуллар.

2 Мардикор бўлиб ишлаш (қ. **мардикор 2**). *Мардикорликка олинган кишилар.*

МАРДИКОРЧИЛИК айн. мардикорлик 1. *Мен Авлиёотага кетмасимдан бурун шу атрофда мардикорчилик қилган эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

МАРДЛАРЧА рвш. айн. мардона 1. *Қи-йинчиликларни мардларча енгмоқ. ши Мулла Туроб билан Мулла Бозор ўлимга қараб мардларча бормоқда эдилар.* С. Айний, Эс-даликлар.

МАРДЛИК 1 Мард эканлик. *Сенинг элга садоқатингни, Мардлигингни билар эдим мен.* Уйғун.

2 Мард кишиларга хос иш, хатти-хара-кат. *Менимча, Қодир Рустамов мардлик билан донг чиқарган жангчиларимиздан.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи.

МАРДОН [ф. *مردان*, — одамлар; мардлар] **1:** **сахари мардон** Эрта тонг. *Саҳари мардон-дан кетган Малишев ҳам қош қорайганда қайтди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Мардон (эркаклар исми).

МАРДОНА [ф. *مردانه* - эркакларча, бо-тирларча] **1** Мардларча, мардлар сингари. *Табий қийинчиликлар билан мардона олиш-ган ва ўз мақсадига етган азаматларни ҳар қанча табрикласанг — оз.* Газетадан.

2 Эркакча, эркакларга тегишли (оёқ ки-йими ҳақида). *Чин арафа кечаси бутун дўкон-лар тонг маҳалигача очик бўлар, ҳайитга нарса олишга улгура олмаганлар шу кечаси мардона, заифона ва бачкана кавуш-маҳси.. сотиб олар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

МАРДОНАВОР *поэт.* Мардлардек, мардларча, мардона. *Она Ватан, истиқбо-линг, саодатинг деб, Курашади мардонавор қарилар, ёшлар.* Ғайратий. *Ахир, сизҳамулуг-вор ишининг жонқуярисиз-ку, ахир, сиз ҳам шу ишининг рўёбга чиқиши учун мардонавор курашгансиз-ку.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

МАРДУД [а. *مردود* — қайтарилувчи, рад этилувчи; фойда; маҳсул] *эск. кт.* Қувилган, рад этилган. *Чиқ орадан, кета қол, мардуди даврон қиламан.* Ҳамза. *Қўлидан не-не бадқир-дорлар, жунун табиатли мардудлар ўтмади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАРДУМ I [ф. - одам(лар), ки-ши(лар)] *кт.* Эл, халқ; кишилар. *Фақат сиз-нинг тинчсизланишингиз ва мардумнинг юқори-қуйи сўзи бўлмаса, сизга бошқа зарар бўлур, дебўйлай олмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАРДУМ II Кўз қорачиғи, гавҳари. *Ёмон кўзлар, мабодо фитна кўзгаб боқмасинлар деб,*

Кўзни мардумлари шўхона тиг ўйнар дема, қоши. Ҳабибий.

МАРДУМОЗОР [ф. jljfj^ - эзувчи, зулм қилувчи, золим| Кишига, элга озор берувчи, зарар-зиён етказувчи шахс. ...мўмин-ларингиз ичида такаббури йўқмиди? *Олчоқ-очкўзи, киссавури, мардумозори йўқмиди?* С. Сиёев, Аваз.

МАРДУМОЗОРЛИК Мардумозор бўлиш, кишига, элга озор, зарар-зиён ет-казиш. *Аксҳолда бу қадар телбалик кўчасига кириб, эл-улус кўзи олдида мардумозорлик бирла ном чиқармас эди.* С. Сиёев, Аваз.

МАРДУМХУР \ф. j_o одам еювчи, одамхўр] эск. кт. Халқ молини, биров-нинг ҳақини еювчи; текинхўр, молимардумхўр.

МАРДУМХЎРЛИК Халқ мулкини та-лаш, бировларнинг ҳақини ейиш; текинхўрлик, молимардумхўрлик.

МАРДЧАСИГА айн. **мардларча.** *Чорлади Ватан ишқи, мардчасига от сурдинг, Қайда бўлса мазлумлар, дил уйига меҳмон қил!* Ғай-ратий.

МАРЖОН [ф. 1 Сув остидаги қояларга бута шаклида тўда-тўда бўлиб ёпи-шиб олиб, кўзғалмай яшовчи денгиз жони-вори.

2 Шу жониворларнинг охакли скелет қолдиклари (мунчоқ ва б. безак буюмлари яшаш учун ишлатилади).

3 Мунчоқ ва ш. к. ни ипга тизиб ясалган, бўйинга тақиладиган безак буюми; тақинчоқ. *Бўйнида шода-шода маржон.*

4 кўчма Нарсани маржонга, маржон қаторига нисбатлаб ифодалайди; маржон-дек. *Ранг кириб қолган жийда маржонлари гулга ўхшаб товланади.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Бир маҳал қарасам, кўзларида маржон ёшлари оқиб, онам тепамда турарди.* П. Ни-шонов, Ота ўғли.

МАРЖОН-МАРЖОН Маржон каби зич жойлашган, терилган. *Поёни йўқ тоқзорда маржон-маржон узум бошлари олисдан ҳам кўринибтуради.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МАРЗА [ф. з_>_o — чегара, сарҳад; ўлка; эгат| қ. х. **1** Экинзор ёки унинг бир бўлаги-ни бошқа бўлақдан ажратиш учун маълум баландликда тупроқ уйиб ҳосил қилинган чегара; эгат, йўл. *Ерни тозалаб бўлганиндан кейин хирмон жойининг марзаларини ҳозир-гисидан икки баравар баланд қил.* С. Айний,

Дохунда. Чол марзадан юриб, ўқариқ бўйлаб кетди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

Марза олмоқ Ер майдонида шундай че-гара — йўл ҳосил қилмоқ. *Чигит экиладиган ерларни карталаш, марза олиб, бостириб су-гориш пайти келди.* Ж. Қодиров, Аттанг деб қолманг. *У кундузлари.. елкасида кетмон кўтариб, далага чиқади, марза олади, ер те-кислайди.* Н. Фозилов, Қуш қаноти билан.

2 Ариқ сирти; пушта. *Кунни кеч қилиш ниятида марза устига чиқиб, тут соясида ўтирдим.* О. Ҳусанов, Най. *Бошларига сават қалпоқ кийган сувчилар марзаларда еуе та-рад юришибди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

МАРИЙ Россия Федерацияси таркиби-даги Марий Эл Республикаси туб аҳолиси-ни ташкил этувчи халқнинг номи.

2 lily халққа, миллатга мансуб, оид. *Марий аёл. Марий тили.*

МАРИЙЛАР Марий Эл Республикаси-нинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ.

МАРИНАД \фр. marinade < marinier — на-макобга солмоқ] **1** Мева ва сабзавотларни сақлаш (маринадлаш) учун сирка, туз, ша-кар ва турли зираворлардан тайёрланган сув.

2 Сабзавот, кўзикорин, мева ва б. маҳ-сулотлардан шундай сув (маринад) қуйиб, махсус тайёрланган овқат тури. *Ойнаванд тоқчаларда сабзавот консервалари, мева шарбатлари, маринадлар.. компотларни кўриб, кўзингиз қувонади.* М. Маҳмудов, Ир-моқдар кўшилиб.

МАРИНАДЛАМОҚ Мева ва сабзавот-ларни маринадга солиб консерваламоқ, маринад қилмоқ.

МАРИНКА \лот. *marinus* — денгизга оид, мансуб] Балиқнинг чучук сувларда яшов-чи, гўшти мазали бўлган майда тури. *Бу сув-ларда сом, сазан, маринка каби балиқлар се-роб.* Газетадан.

МАРИНОВКА с.т. Маринадлаш. [Ош-кўклар] *Сабзавотларни тузлаш, мариновка қилиш ва консервалашда жуда ҳам бебаҳодир.* Газетадан.

МАРИХУАНА [исп. *mariguana, marihuana*] Ҳинд нашаси (бҳанти) мевасидан олина-диган наркотик модда.

МАРКА I \нем. *Mark*, фин. *markka*] 1 Почта ҳақи ва бошқа хил давлат йиғимлари тўланганини кўрсатувчи, турлича қийматга эга бўлган, одатда бирор тасвир туширил

636 дъ^

ган кичикроқ тўртбурчак қоғозча. *Почта маркаси. Гербли марка. Беш тийинлик мар-ка. Марка йиғмоқ.*

2 Мол, товарга, маҳсулотга унинг тайёр-ловчисини аниқ кўрсатиш мақсадида қўйил-ган фабрика тамғаси, фирма белгиси.

3 Товар, маҳсулотнинг нави, хили. *Пў-латнинг янги маркаси.*

МАРКА II \нем. *Mark*, фин. *markka*] Гер-маниянинг (1871 йилдан) ва Финляндия-нинг (1860 йилдан) миллий пул бирлиги (2002 йил 1 январдан бу мамлакатлар пул бирлиги еврога ўтиши муносабати билан муомаладан чиққан).

МАРКАЗ [а. *jSj-a* — ўрталик, ўрта ер; хрлат, мавқе, вазият] 1 *мат., физ.* Геомет-рик шаклнинг ўқ чизиклари кесишадиган, мас, шар сиртининг барча нуқталаридан баравар узокдикда бўлган нуқта, геометрик ёки физик нисбатларнинг ўрта нуқтаси. *Эл-липс маркази. Линза маркази. Симметрия маркази. Оғирлик маркази.*

2 Бирор сатҳ, майдон ва ш. к. нинг ўрта қисми; ўртаси. *Чўл марказида қад кўтарган посёлкага аҳоли кўчиб кела бошлади.* Газе-тадан.

3 *кўчма* Аҳамияти, моҳияти ва ш. к. жи-ҳатдан асос, асосий ҳисобланувчи жой. қисм, ўрин ва б. *Асар марказида бисотлари-даги ёлғиз эшакларини миниб, сафарга чиқ-қан ота ва ўғил образлари туради. «УТА». Гўшт тайёрлаш, аҳоли дастурхонига гўшт маҳсулотлари етказиб беришдаги қингир ишар марказида гўшт комбинашари тура-ди.* Газетадан.

4 Аҳоли яшайдиган жойнинг маъмурий бинолар, савдо ва бошқа муассасалар ўр-нашган асосий қисми. *Шаҳар маркази. Қиш-лоқ маркази. тт Қайси куни марказдан кел-ган врач Ҳанифа холанинг касали рақ экани-ни.. айтган эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

5 Бирор фаолият соҳасида асосий иш олиб бориладиган жой. *Матбуот маркази. Илмий марказ. тт Яқинда Ўзбекистон атом марказининг тўнғич иншооти — республика Фанлар академияси Ядро физикаси институ-тининг илмий-тадқиқот реактори ишга туш-ди. «Фан ва турмуш».*

6 *айн. пойтахт. Тошкент — Республика-мизнинг маркази. тт Унинг [Мусулмонқулнинг] истибдоди ўзга шаҳарларда унча сезилмаса ҳам, марказ — Қўқон одамларини жуда тўйдирди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

7 *тар.* Олий бошқарув, раҳбарлик орга-ни. *Марказ кўрсатмаларига амал қилмоқ. тт «Ётираӣ, — деди Мавлон ака ўзига ўзи, — наҳотки Марказдагилар бунақа ишларга ин-дамаса?»* Ҳ. Фулом, Машъал.

8 *физиол.* Нерв хужайраларининг орга-низмнинг бирор фаолиятини бошқарувчи маълум гуруҳи. *Ҳаракат маркази. Нафасмар-кази. Мия пўстлоғи марказлари.*

Дикқат марказидаги ёки дикқат марка-зида турган Асосий дикқат-эътиборни ўзи-га тортиб турган. *Ёлғизўғлини жангга йўллаш Меъмор хонадонининг дикқат марказида эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

МАРКАЗИЙ 1 *мат., физ.* Марказга оид, марказда жойлашган. *Марказий нуқта.*

Марказий бурчак *мат.* Айлананинг икки радиуси ўртасида, айлана марказида бўлган бурчак.

2 Бошқа ўзига ўхшаш объектлар марка-зида, ўртасида жойлашган. *Марказий кўча.* **тм** *Бугунги кунда марказий посёлка гавжум-лашиб қолди.* Газетадан.

3 Асосий, муҳим. *Марказий масала. Марказий ўринни эгалламоқ.* **тм** *Саттор юмушларини зудлик билан тўғрилади-ю, марказий участкага жўнаб кетди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

4 Куйи ташкилотларга раҳбарлик қилув-чи. *Марказий комитет. Марказий орган. Марказий банк.*

5 Бирор иш, фаолият соҳасидаги кичик маҳаллий бўлимларни бирлаштириб, бошқариб турувчи; бош. *Марказий сайлов ко-миссияси. Марказий статистика бошқармаси.*

6 Марказ ҳисобланувчи, марказ бўлган. *Ўлкамизда боддорчилик шу қадар тараққий этганки, етиштирилган ноз-неъматларни ўзимиз истеъмол қилишдан ташқари, қўшни машакатларнинг марказий шаҳарларига ҳам юборамиз.* Газетадан.

7 Марказга оид, қарашли (қ. **марказ 6,7**). *Унинг устидан марказий идораларга шикоят билан тўлган узун-узун ариза, 1 ар уча берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Маҳаллий ва марказий газеталардан олинган кўчирмалар билан бе-затилган нутқининг ўн минутлик давомида раис мажлис аҳлини икки марта тартибга чақирди.* А. Қаҳҳор, Нотиқ.

35-Ўзбек тилининг изоҳли луғати

Марказий нерв системаси *физиол.* Умурт-қали ҳайвонлар ва одам нерв системасининг бош ва орқа миядан иборат асосий қисми.

МАРКАЗЛАШМОҚ Бир марказга бир-лашмоқ, бир жойда тўпланмоқ; уюшмоқ. *Марказлашган таъминот.* **тм** *Кўнгиллилар отрядидан бир нечтаси водий бўйлаб ҳаракат қилса-да, ҳали улар марказлашганича йўқ эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МАРКАЛИ 1 Маркаси бўлган, марка ёпиштирилган. *Маркали конверт.*

2 Бирор маркага, навга тааллуқли (қ. **марка 1 3**). *ДТ-54 маркали трактор. Олий маркали чой.*

МАРКАЛИК Бир маркага арзирли; бир марка турадиган. *Агар шу каллахом чопиққа уста бўлса, бир кунда икки маркалик иш қила беради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

МАРКЕТИНГ \ингл. marketing < market — бозор; сотиш, пуллаш] *иқт.* **1** Иқтисодиётнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш (талаб ва истеъмол, маҳсулотга нарх белгилаш, уларни тарғиб қилиш, сотилаётган товарлар ҳажмини кўпайтириш воситалари каби) муаммолари билан шуғулланув-чи соҳаси. *Маркетинг курслари. Маркетинг ва реклама бўйича китоблар кўрғазмаси.*

2 Бозор эҳтиёжи талабларидан келиб чиққан ҳолда корxonанинг янги хил маҳсулотлар ишланмаларини тайёрлаш, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш ёки турли хил хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятини бошқариш ва ташкил этиш тизими.

МАРКЕР I \фр. marqueur < marquer — белгиламоқ, белги қўймоқ] Бильярд ўйинида: ҳисоб олиб боровчи ва бильярдчиларга хизмат кўрсатувчи киши.

МАРКЕР II қ.х. Эгат олиш ва экин экиш учун режа чизиғи тортувчи асбоб; хаткаш.

МАРКИЗ \фр. marquis] Ғарбий Европа-даги айрим мамлакатларда меросий дворянлик унвони.

МАРКИЗА \фр. marquise) Маркизнинг хотини ёки қизи.

МАРКИЗЕТ \фр. marquise) Жуда ин-гичка ип ёки ипакдан тўқилган юпка, на-фис ва пишиқ газлама. *Оқ маркизетдаи ти-килган кўйлак.*

МАРКСИЗМ [/. Маркс (Marx) - немис файласуфи, иқтисодиётшуноси номидан) Ишчилар синфи дунёқарашини акс этти-рувчи, К. Маркс ва Ф. Энгельс таълимотида ўз

ифодасини топган фалсафий, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий қарашлар тизими; ил-мий коммунизм назарияси ва амалиёти.

МАРКСИСТ Марксизм тарафдори.

МАРКСИСТИК 1 Марксизмга ва марк-систга оид. *Марксистик партия. Марксистик диалектика. Марксистик фалсафа.*

2 Марксизм принципларига асосланган ва уларни ифодалайдиган. *Жамият ҳодисаларига марксистик ёндашиш.*

МАРЛИ [р. марля < фр. marli - дока] Сийрак тўқилган юпка ип газлама, сийрак дока. *Зонд ўз жойидан суғурилиб кетмасин учун уни марли орқали боғлаб, ёпишқоқ нарса (пластик) ёрдами билан қорин терисига ёпиштириб кўйилади.* Н. Исмоилов, Касал-ларни парвариш қилиш.

МАРМАР \а. — ганч, мрамор < юн. marmaros — тош; қоя, чўкки] Асосан хайкалтарошлиқда ва бинокорликда, шунинг-дек, баъзи бир зийнат буюмлари тайёрлаш-да ишлатиладиган, ҳар хил рангда учрай-диган кристаллик тоғ жинси. *Оқмармар. Кўк мармар. Ғозгон мрамори. Мармардан ишлан-ган хайкал. тт Хисор тоғи конининг мармар-лари оптоқ қорға ўхшаб ялтирайди.* А. Толи-пов, Ярқироқ тошлар.

МАРМАРАК бот. Йирик хушбўй гулли ўт ёки бутасимон ўсимлик.

МАРМЕЛАД \фр. marmelade < исп., порт. marmelo — беҳи < лот. melimelum — асал олма] Эзилган мева ва шакардан тайёрла-надиган қандолатчилик маҳсулоти.

МАРОМ \а. j»I— истак, интилиш] Би-рор иш, фаолият ёки жараённинг меъёрий ўлчови; меъёр. *Иш маромга келди. тт Сахар турдик, кеч ётдик, жон койитдик, ҳар бир ишни маромида қилдик.* Газетадан. *Бақирган-дан кўра мароми билан секинроқ килинган таъна қулоққа яхшироқ ўрнашади.* Газетадан.

Бир маромда Бир хилда, бир текисда. *Неъматжон хуштабиат, уятчан бир йигит бўлиб, одамлар билан ҳам жуда одобли, бир маромда сўзлашарди.* Ж. Шарипов, Саодат. *Созданинг ўзи бошини дам ортга, дам олга ташиб, бир маромда оҳиста тебранади.* Ж. Абдуллахонов, Орийат. *Хона жим, фақат со-атнинг бир маромда чиқиллаши бу жимликни бузади.* Газетадан.

МАРОСИМ \а. f-*tj-« - урф-одатлар, удум] Диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган тадбир.

йиғин. *Диний маросимлар. Тўй маросими. Дафн маросими. тт Келаси жума маҳдумнинг уйида тўй ижро қилиниб, маросимдан сўнг Раъно ўрдага юбориладиган бўлди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Тантаналар билан ўтказиладиган рас-мий йиғин. *Каналнинг очилиш маросими. Мукофот бериш маросими. тт Пўттиев шу долзарб кунларда далага эмас, тантанали маросимга отланган кишидай башанг кийин-ган.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Адолат маршалнинг парад қабул қилиш маросимини биринчи марта кўраётгани учун.. қора кўзлари нурланибчақнарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МАРОТАБА\а. uul_ ^ — «мартаба» с. нинг кўпл.] юқ. усл. Мартаба, дафъа, бор, карра. *Бир мартаба. Кўп мартаба. тт Табибий бошлиқ шоири замонлар баъзи кунлари тўрт мартаба Тозабоққа қатнар эдилар.* С. Сиё-ев, Ёруғлик.

МАРОҚ [а. <3'j-° туғри иўлдан озиш; бирор нарсага телбаларча берилиш] кт. Ор-тиқ шавқ-завқ; зўр қизиқиш; хузур. *Мароқ билан қулоқ солмоқ. Мароқ билан гапирмоқ. тт Маъжис Отабекнинг Шамай таассуроти-ни мароқ билан эшитгач, шу кунгача ҳеч ким-дан эшитилмаган унинг фикрларига ажаблан-ган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАРОКЛАНМОҚ Ортиқ завқ олмоқ, завқ, мароқ ҳиссини туймоқ. *Китобни ўқиб мароқланмоқ. тт Турдиматнинг назарида, раис чеканкадан чиққан гўзаларга қараб ма-роқланаётганга ўхшади.* И. Раҳим, Ҳаёт бу-лоқлари. *Утап ҳам, Тозагул ҳам Эг>зозхон-нинг сўзларини мароқланиб эшитдилар.* Ҳ. Ғу-лом, Машғал.

МАРОҚЛИ Мароқ бағишловчи, завқ берувчи, роҳатбахш, завкли. *Мароқли лек-ция. Мароқли ҳикоя. Мароқли суҳбат. тт Қиз-йигит тўйи — бахт, муҳаббат тўйи бўлгани учун, уни ҳар жиҳатдан мароқли, умрбод эсда қоладиган қилибўтказмотмиз керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МАРРА \a. бу^ — бир бор, бир дафъа] 1 Югуриш мусобақаларида, пойгада босиб ўтиладиган йўлнинг охириги нуқтаси. *Мар-рага биринчи бўлиб бормоқ. тт Ҳамма поига-да маррага етай деб қолган чавандознинг ҳаяжони билан яшайди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *У ўзини маррага етай деб қолган спортчидек сезиб, юраги ҳаприқди.* С. Сиёев, Отлик аёл.

2 Сафарнинг охириги ери; манзил, маз-гил. *Карвон саҳар чоғида маррага етиб келди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Бирор ишнинг охири ёки олдиндан мўлжаллаб қўйилган ҳажми. *Турсунмат ака келгуси йши 40 центнерлик маррани кўзла-япти. «Ўзбекистон кўриқлари». Канон экувчи хўжаликлар.. уч минг тонна канон тайёрлаш маррасидан биринчи марта ўзиб кетдилар.* Газетадан.

4 ҳарб. Қўшин эгаллаб турган чегара, чизик, позиция. *Душман қўшимча кучлар келтириб, босиб олган маррани мустаҳкам-ляпти.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Маҳи-лий аҳоли ёрдами туфайли биз, киши билмас, хўжум маррасини зғалладик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

5 Кесим вазифасидаги -ники қўшимча-ли сўз билан (асосан шахс олмошлари ёки шахс билдирувчи сўзлар билан) қўлланиб, ютуқ, ғалаба шу сўз англаган шахс(лар)га тегишли бўлишини бклдиради. *Етиб кела олса, марра Салимники. Боплади, энди марра дўстингники. тт Агар бирор каттароқ идо-рада тузукроқ танишинг бўлса, марра сени-км/«Таниш башаралар». Кеч деганда март-нинг биринчи ярмида чигитни экиб олсак, марра бизники.* Н. Сафаров, Узоқни кўзла-ган қиз.

МАРС \лот. Mars — Рим мифологияси-да: уруш маъбуди (худоси)нинг номи] (М — катта) астр. Қуёш системасидаги тўққизта катта сайёралардан бири, Қуёшдан кейин тўртинчиси; Миррих.

МАРСАЛА | итал. marsala] Узумдан қили-надиган ширин винонинг бир тури. *Бир ишиша коньяк, бир ишиша марсала ва чиройли вазага қубба шаюшда тершган апельсин келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАРСЕЛЬЕЗА [фр. Marseillaise < Фран-циядаги Marseill (Марсель) шахри номидан] (М — катта) Француз буржуа инқилоби даврида — 1792 йилда ёзилган, кейинчалик Франциянинг миллий гимнига айланган инқилобий кўшиқ. *Марселликларнинг қурол-ли отрядлари янги революцион кўшиқни — «Марсельеза»ни айтиб борардилар. «Янги та-рих».*

МАРСИЯ | a. тїјј-о мотам шеъри] Би-рор шахснинг вафоти муносабати билан унинг хогирасига бағишлаб ёзилган мотам шеъри; Шарқ шеъриятидаги адабий жанрлардан бири. *Бизўлим ва гамгинликнинг мар-сиясини эмас, ҳаёт қўшигини куйлашимиз керак!* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

МАРТ \лот. martius < Mars — Рим мифо-логиясидаги уруш худоси номи| Янгича йил ҳисобида учинчи ой.

МАРТА Санок сонлар ва сон-миқдор билдирувчи сўзлар билан келиб, шу сонга тенг такрорни билдиради. *Ойда бир марта чиқадиган газета. Хатни бир неча марта ўқидим. Шу гапни бир-икки марта эшитдим. тт Бир неча ой мобайнида қиз ўзи хоҳлабми ё Сидиқжон «асти қўймагани» учунми, боққа яна бир неча марта тушиб чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *-Гадойликдан ўлим яхши, минг марта яхши, — йиглаб деди Шо-қосим.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАРТАБА I \a. *~^jr° — даража, бос-қич; кадр-қиммат, обрў; мавқе, ўрин| айн. марта. *Гулишанбону Худоёр хонлигининг ик-кинчи даврида ўз ҳусни билан бир неча мар-*

таба хоннинг илтифотига сазовор бўлган ҳарам канизларидан эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАРТАБА II \a. 4_Jij_o даража; обрў; мавқе, ўрин| 1 Жамият ўртасида эришилган обрў, эътибор, нуфуз. Шу-шу бўлди-ю, Норбувининг мартабаси ошиб, ҳар бир маърака унинг маслаҳатисиз бўлмайдиган бўлиб қолди. Х. Шамс, Душман. -Раҳмат, жон бо-лам, эсон-омон бўлсанг бўлгани, тенгқуринг орасида мартабангни туширма, — деган эди онаси. А. Мухтор, Туғилиш.

2 Мансаб, лавозим, амал. Олий марта-ба. Мартабага минмоқ. *тт* Келажакда ўғлининг катта мартабага эришмоғини умид қиларди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

МАРТАБАЛИИ Мартабага эга бўлган; мансабдор, амалдор. Соддадил овчининг ёлгон сўзлашга тили бормади. Ёлгон айтгани бухоролик баланд мартабали жанобдан кўрқди. Ш. Тошматов, Эрк куши.

МАРТАЛАБ Санок сонлар ва сон-миқдор билдирувчи сўзлар билан келиб, ҳаракатнинг шу сўз билдирган сон-миқдорда бажарилганини билдиради. Бир гапни минг марталаб қайтармоқ.

МАРТЕН [француз металлурги Р. Martin (П. Мартен) номидан]: мартен печи Чўян ва темир-терсақдан муайян кимёвий таркиб-ли пўлат эритиб олинадиган печь. Мартен пўлат Мартен печида тайёрланган пўлат.

Мартен цехи Мартен печларида пўлат тайёрланадиган цех.

МАРШ I \фр. marche — олға қараб юриш, ҳаракатланиш] 1 Сафда баравар қадам таш-лаб юриш. Тантана марши. Марш қилмоқ.

2 Кўшиннинг ташкилий равишда юриш қилиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчиши (пиёда ёки транспорт воситаларида). Полк икки кунлик маршдан кейин бепоён, қалин бир ўрмонга ўрнашганича, узоқ вақт қолиб кетди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

3 Ҳарбий юришларда, парадларда иш-тирок этувчиларни руҳлантириш, уларнинг хиссиётига таъсир этиш мақсадида ёзилган мусиқа асари. Зафар марши. *тт* Ёлғизликдан зеркиб, радиони қўйди. Аллақандай маршлар чалинган. Х. Ғулом, Тошкентликлар.

МАРШ II \фр. marche] 1 Сафнинг юриш бошлаши учун бериладиган буйруқ, команда. Олга марш!

2 с. т. Йўқол, жўна. Ҳозир уй-уйларингга лм/ш/Ойбек, О. в. шабадалар.

МАРШАЛ \фр. marechal] 1 *тар*. Советлар даврида алоҳида хизматлари учун олий қўмондонлик таркибидаги кишиларга бериладиган, генераллик унвонларидан юқори ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. Авиация маршали. Артиллерия маршали.

2 Баъзи давлатларда олий ҳарбий унвон ёки амал ва шу унвон ёки амалга эга бўлган шахс.

МАРШРУТ [нем. Marschrute < фр. marche — олға қараб юриш + route — йўл] Автобус, поезд, самолёт, қўшин ва киши-ларнинг аввалдан белгиланган ва тўхташ жойлари тайин бўлган қатнов ёки сафар йўли; йўналиш. Биринчи трамвай маршурти. Автобус маршурти. Туристтик маршуртлар. Янги маршурт очмоқ. Тошкент — Москва маршурти. *тт* Бу йил туристлар 500 маршурт бўйлаб сафарга чиқадилар. Газетадан. «Текстилкобинат — Эркин» маршурти бўйича қатнайдиган автобусни пойлайвериб, пассажирларнинг кимматли вақтлари зое кетарди. «Муштум».

МАРШРУТЛИИ Маршрут билан юради-ган, маршрути бўлган. Маршрутли такси.

МАРҒУБ [a. v>^ исталган; эҳтиёж сезилган; маъқул] *кт*. Кишига маъқул бўладиган, кўнгилга ёқадиган; матлуб, ёқимли. /У/ Вазифасини ишчи тили, ишчи ифодаси

640

билан қишлоқиларча содда, марғуб, кизикар-ли қилибсўзлайди. А. Қодирий, Обид кетмон.

МАРҲАБО \a. L=>. — хуш келибсиз] **1** унд. с, кт. Хурмат, илтифот билан қарши-лашни билдиради; хуш келибсиз, марҳамат. -Марҳабо, марҳабо, — деди домла, чуқур са-мимият билан сўрашиб. А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Марҳабо (хотин-қизлар исми).

МАРҲАМАТ [a. |" п-> раҳм-шафқат, раҳмдиллик; ачиниш; илтифот] **1** Раҳм-шафқат юзасидан кўрсатиладиган илтифот, хим-мат, яжилик. *Дўстларнинг марҳамати. Мар-ҳамат кўрмоқ. тт -Агар менинг бу хизма-тим хон жанобининг марҳаматига лойиқ кўрилув экан, — деди ҳожи, — менга энг ман-зур бўлган мукофот ўғлимнинг озод қилини-шидир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хон ҳаз-ратлари, фарзандимни, хонумонимни — ҳам-масини марҳаматингизга топширдим.* П. Қо-диоров, Юлдузли тунлар.

2 унд. с. Таклиф ёки розилик билдирув-чи сўз. -Чексам майлими? -Марҳамат! *тт [Майсара:] Қани, тақсирим, тўрга марҳамат!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 Марҳамат (хотин-қизлар исми). МАРҲАМАТЛИ Раҳм-шафқат қилувчи, химмат, илтифот кўрсатувчи. *Одобли ва мар-ҳаматли кишиларнинг дўсти кўп бўлиб, ун-дан ҳамма намуна олади.* Газетадан. *Ёшлиқ қилибсан, марҳаматли подшоҳим ҳақини уну-тибсан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МАРҲАМАТСИЗ Марҳамат қилмайди-ган, марҳамат қилишни билмайдиган; хим-матсиз; шафқатсиз. *Марҳаматсиз султон. Марҳаматсиз табиат. Марҳаматсиз жазо бермоқ.*

МАРҲАМАТСИЗЛИК Марҳаматсиз одамларга хос иш, хатти-ҳаракат; шафқат-сизлик.

МАРҲУМ [a. ^jj=^j^a раҳм-шафқат кўр-сатилган; ўлган, ўлик (киши)] Вафот этган, ўлган киши. *Белбоғ олиб келган одам ўлим олдидан марҳумнинг нималар дегани.. биров-ни кўп тилга олганини сўзлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАРҲУМА Марҳум, ўлган аёл. [Анвар:] *Сен уял, уялма, бари бир, улар бизни жуфт-лаштирадилар. Марҳума Моҳлар бибининг фотиҳаси ерда қолмас!* А. Қодирий, Меҳроб-дан чаён.

МАСАЛ [a. Ji_о — намуна, андоза; ўх-шашлик; рамзли ҳикоя] **1** Кишиларга ўғит бўладиган, хулосали, кичик мажозий ҳикоя. *Крилов масаллари. Узбек халқ масаллари. тт* *Тўпламда шоирнинг энг сара масаллари жам-ланган.* Газетадан.

2 эск. кпг. Матал; мақол. *Кўйида мен тош бошимни урмаган остона йўқ. Элда бор шун-дай масал: жон чекмасанг, жонона йўқ.* Э. Воҳидов.

МАСАЛА [a. * it - - — сўроқ, савол; му-аммо; илтимос] **1** Муҳокама, мунозара билан ҳал этилиши лозим бўлган нарса, иш, вазифа, муаммо. *Уй-жой масаласи. Иқтисодий масала. Ҳаёт-мамот масаласи. Масала-ни ҳал қилмоқ. тт* *Кўйилган масала икки кун давом этган семинар йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.* Н. Сафаров, Оловли из-лар. *Икки чол.. ўзлариш ташвишига солган муҳим масалага ҳам жавоб топмаганлар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Баҳс, муҳокама, мунозара ва ш. к. мав-зуи. *Масала яна хат устига ўтиб, Отабек қушбегидан сўради: -Кўлингиздаги мактуб билан, эҳтимол, биз оқланган чиқармиз? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Камшир бўлсақ ҳам, мажлисга масала бўлиб ўтирибмиз. А. Мух-тор, Опа-сингиллар. Нотиқ Ўрта Осиёда туб олтин конлари ва уларни ўрганиш маса-лалари устида тўхталди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Умуман, бирор шахс ёки нарса билан боғлиқ бўлган, назар-эътиборда турган иш, гап ва ш. к. *Ҳозиргина ўйлаб турган жўнаш масаласи ҳам унинг эсидан чиққан.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Бунинг масаласи осон, оқсоқол, — деди Содиқ аминга, унинг ўйга толибтурганини кўриб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Эртагаёк масалангизни деканатга кўямиз. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Механизатор кадрлар тайёрлаш маса-ласи кенг йўлга кўйилган. «Ўзбекистон кўриқлари».*

4 мат. Маълум сонлар ва тегишли муно-сабатлар асосида номаълум сонларни топиш ҳақидаги математик вазифа. *Масалалар тўплами. тт* Доскага бир масала ва иккита мисол ёзилгач, баъзи билагон болаларнинг чеҳ-раси ёришиб кетди. Ф. Азизхўжаев, Яшил чайла. *Масалани тўғри ечди-ю, оққа кўчира-ётганда, вақт тугаб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

5 Диний мавзудаги тортишув, мунозара ёки ваъз. *Масала айтишмоқ. тт* Нима учун

⁶⁴²
дир \Хусайн Бойқаро] шайхулисломдан ша-риятга доир бир масалани сўради. Ойбек, На-воий.

Масала талашмоқ Бирор масала юзаси-дан баҳслашмоқ, баҳс юритмоқ. *Бугунги ишчи.. ўз соҳасининг билимдони бўлган инже-неру техниклар билан баҳслашишга, масала талашшига қодир.* Газетадан.

МАСАЛАН [*а. зЪ-*. — мисол, намуна учун, мисол тарзида] *кри. с.* Фикрнинг тасдиғи учун келтириладиган факт, мисол олдидан қўлланади; мисол учун, чунончи, жумла-дан. [*Раҳмат:*] *Ўтиришга бегона кишилар ҳам айтилса мумкинми, озор чекмасмисиз? Ча-қирилганда ҳам ўзимизга яқин ва аҳил киши-лар бўлур. Масалан, Мирзакарим қутидор каби. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Баъзи жиҳатдан, масалан, илдамликда бу йигитни ўзидан ус-тун кўрди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСАЛАХОНЛИК *дин.* Масала айтишув, тортишув. [*Уламо, мударрис, аъламлар]* *Арзи-маган нарса устида масалахонлик қилиб, бир-бирлари билан талашади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСАЛЛИК 1 Умуман, бирор таом, егу-лик тайёрлаш учун ишлатиладиган нарса. *Қани, Олтиной билан Латофатхонга масал-лиқ беринг, қийма тайёрлашсин. Ё. Шукуров, Уч савол. Бироқ хамир таомларнинг асосий масаллиги бугдой уни ҳисобланади. К. Маҳ-мудов, Узбек тансиқ таомлари.*

2 Овқат пишириш учун зарур бўлган, керакли микдордаги маҳсулот. *Бир ошлик масаллиқ. Янгамнинг ошини ширин қилган акамнинг масаллиги.* Мақол. *тт* -*Масаллиқ яхши: ўша гўшт, ўша гуруч — деди Элчибек, — лекин овқатни оғизга олиб бўлмайди. А. Мухтор, Туғилиш.*

МАСАЛНАВИС [масал + *ф.* ^у - ёзув-чи] Масал ёзувчи адиб, масалчи.

МАСАЛЧИ *айн. масалнавис. Маишур ма-салчи И.А. Крилов бировникида ижарада ту-рар экан. «Шарқ юлдузи».*

МАСДАР [*а. ЈА л* — манба, келиб чи-қиш; феълнинг ноаниқ шакли] **1** *иш.* Феълнинг араб тилига хос инфинитив шакли.

2 *эск. кт.* Бирор нарсанинг содир бўлиш, келиб чиқиш ўрни, бошланиши, боши.

МАСЖИД [*а. Аа ... ** — сажда қилинади-ган, намоз ўқиладиган жой, мачит; ибодат-хона] Мусулмонларнинг жам бўлиб, намоз ўқийдиган ибодатхонаси. *Маҳшила масжидида хуфтон азони айтилди, шундан бир оз ке-йин Раънолар дарвозаси ҳам гижиллаб очилди. А. Крдирий, Мехробдан чаён.*

МАСКА [*фр. masque < лот. mascus* — юзга тўсиладиган, кўриш тешиклари бўлган ни-қоб] **1 1** Юзга тутиладиган, одам ёки ҳай-вон қиёфаси тасвирланган маҳсус ниқоб.

2 Ўзини танитмаслик учун (маскарад ва ш. к. томошаларда) юзнинг юқори қисмини беркитадиган, кўз учун икки тешик очилган маҳсус парда. *Қора маска. Маска киймоқ.*

3 Ҳимоя учун юзга (оғизга, бурунга) тутиладиган маҳсус мослама. *Противогаз маскаси. Жарроҳ маскаси.*

4 Ўлган одамнинг юзидан гипс (ганч) воситасида олинадиган қуйма нусха, тасвир.

5 Косметикада; юз ва бўйин терисини яхшилаш, парваришlash учун маълум нар-салар аралашмасидан тайёрланган пардоз воситаси.

6 Қиличбозлик, хоккей ва б. спорт тур-ларида спортчининг юзини жароҳатлардан сақловчи ҳимоя анжоми.

МАСКА II *шв.* Сариёғ. -Гулнор, сув кел-тир! Маскани айрондан ўзим ажратаман.. — деди хотин. С. Айний, Дохунда.

МАСКАН [а. „, л - тураржой, ўрин] *кт.* 1 Тураржой, яшайдиган жой, макон. [Қозикалон:] *Мадрасадан асар ҳам йўқ, динсиз-лар маскани бу.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Умуман, жой, макон. *Ҳадемай, билим масканларида биринчи қўнғироқ жаранглайди.* Газетадан. *Ажаб экан санъат маскани, Суратларга бўлдим махлиё.* «Гулдаста».

Маскан қурмоқ (ёки тутмоқ) Жой (ма-кон) қилмоқ. *Мана бу ерда абадий маскан қурган мўминларнинг ичида такаббури йўқ-ми?*, С. Сиёев, Аваз. *Чўлга илк кетмон урил-ганидан бери шу ерни маскан тутганлар ҳам бор.* Газетадан.

МАСКАРАД [фр. *mascarade* < *итал.* *mascherata* < а. ■■ - — ниқоб, парда] Мас-ка, ниқоб ва махсус кийимлар кийиб ўтка-зиладиган сайил. *Авжга чиқиб ўйин-кулги, Давом этар бал-маскарад.* «Ёшлик».

МАСКИРОВКА [фр. *masquer* - маска киймоқ, ниқоб билан беркинмоқ] *ҳарб.* Қўшинлар ва ҳарбий иншоотларни душман кўзидан паналаш, қўринмайдиган, билинмайдиган қилиб яшириш ва шу йўл билан душманни алдаш. *Тўпларни маскировка қилмоқ.* *Маскировка ишлари.*

643 *дб*^

МАСКОВЧИ *с. т. тар.* Ўтмишда Москва билан савдо алоқасида бўлган йирик савдо-гар. *Нури гўё ўз-ўзига сўзлаган каби мингир-лади: -Бойликларингга ишонгим келмайди. Номларинг масковчи бой бўлиб тарқалганига ҳайронман.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСКУН [а. *ʾj<...*, л — аҳоли жойлаш-ган, одам яшайдиган]: **рубъи маскун қ. рубъ.**

МАСЛАК [а. '11,, 1л — йўл, йўналиш; ҳара-кат тарзи; эътиқод] 1 Ўзига хос ақидалари билан бошқалардан ажралиб турувчи ижти-мой, сиёсий, илмий ёки диний йўл, оқим. *..қараишлар ва маслакларнинг сарқитлари ай-рим кишиларнинг онгида бир-бирига тўқнаш келиб, бир-бири билан тўқнашмоқда.* Газетадан.

2 *кўчма* Ғоя; мақсад. *Мен ишлаётган Ўзбе-кистон инженер-техник изланишлар давлат институтида турли миллат вакиллари меҳ-нат қилишади. Улар бир маслак, бир ғоя йўли-да изланишлар олиб боришади.* Газетадан.

МАСЛАҚДОШ Маслаги бир бўлган, бир маслакдаги; ҳаммаслак. *Жомбойдагиреакци-он гуруҳ Самарқанддаги маслакдошлари би-лан дарҳол тил топишди.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

МАСЛАКСИЗ 1 Муайян маслаги, ақида-си бўлмаган.

2 Муайян ғоя-мақсади бўлмаган; мақ-садсиз, ғоясиз. *Маслаксиз одам.*

МАСЛАХАТ [а. — — умум манфа-ати; фойда] 1 Бирор ишни қандай қилиш ёки умуман нима қилиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ тарзидаги фикр, мулоҳаза. *Яхши маслаҳат. Маслаҳат бермоқ (қилмоқ). Мас-лахат сўрамоқ (қилмоқ).* **иш** Менинг фикрим-ча, чигит экишда ҳосилот отанинг маслаҳа-тига кўниш керак эди. Р. Файзий, Чўлга ба-\ор келди. *Бу маслаҳат Сидиқжонга ҳам маъқул тушди.* А. Қахҳор, Қушчинор чироқ-лари. *Умид.. академик Отабоев ҳовлисига ҳам бир неча бор бориб, ўз ишига доир маслаҳат-лар олди.* Мирмуҳсин. Умид.

2 Тавсия, таклиф тарзидаги гап. *Гапга қулоқ солинг, сизга маслаҳатим — бўлар-бўлмасга куйиб-пишаверманг.* С. Сиёев, Ёруғ-лик. *Сизга менинг маслаҳатим — Андижонда кўп турманг.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

3 Кенгаш, фикр олишиш. *Маслаҳат би-лан бўлган иш бузишас.* Мақол. **тм** Яқшанба куни қариндош-уруғлар маслаҳатга тўпла-нишди. С. Сиёев, Ёруғлик. *Моҳидил маслаҳат йигинида баъзшарнинг Ҳошимжондан норози бўлганини кўз олдига келтирди.* Ж. Абдулла-хонов, Тўфон. *Бундоқ маслаҳат мажлисла-рини ҳам уюштириш ўз вазифаси.. деб ўилар-ди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Маслаҳат кўрмоқ Бирор фикр-мулоҳа-зани маъкул топмоқ ва тавсия этмоқ. «...хон бу ишни маслаҳат кўрсалар, биз ёрдамга ҳозирмиз» деган қуруқ ваъдашр билан жавоб мактуби олинган эди. А. Қодирий, Ўтган кун-лар. Сиз устозга яна бирон шикаст етмасли-гини ўйлаб, Хуросондан чиқиб кетишингизни маслаҳат кўрамиз. Мирмуҳсин, Меъмор. **Маслаҳат оши этн.** Тўй ёки бошқа маросим-ни ўтказиш олдидан маҳалладаги оқсоқол-лар, қуни-кўшни ва қариндош-уруғлар учун йиғин ўтказиб бериладиган ош. **Маслаҳат ошидан кейин энг катта ва муҳим иш тўй эмас, янги уйга кўчиб кириш бўлиб қолди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Маслаҳат солмоқ** Маслаҳат тарзида ўз-фикр мулоҳа-засини айтмоқ, ўртага ташламоқ; кенгаш-моқ. *Кекса уста ўғилларини тўплаб, масла-ҳат солди.* С. Сиёев, Аваз. *Ошимга хархаша қишверган эдим, ойим бувимга маслаҳат сол-ди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. **Маслаҳат қилмоқ** Маслаҳатлашмоқ. *Аммо олти овсин ҳар қуни пичирлашиб, ниманидир маслаҳат қилишар-ди.* С. Аҳмад, Келинлар кўзғолони. *Қурбон ота.. ўз тенгқурларини йиғиб, ишни қачон ва қандай бошлаш тўғрисида маслаҳат қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Маслаҳатни бир ерга қўймоқ** Маслаҳатлашиб, бир фикрга келмоқ. *Она-бола тунни билан ҳасратлашиб, охири маслаҳатни бир ерга қўядилар.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

МАСЛАХАТГҲЎЙ [маслаҳат + ф. ^jZ-айтувчи] Маслаҳат берувчи киши. *У. йигит-дай чаққон, ҳар бир ишда маслаҳатгўй, бар-ча катта-кичик «тоға» деб ҳурматлайдиган Юсвали чол эди..* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бирон тайинли хулосага келолмагач, паналаб, мас-лаҳатгўй Азим бойваччанинг қўргонига жўна-ди..* С. Аҳмад, Ҳукм.

МАСЛАХАТЛАШМОҚ Ўзаро ёки бирор киши билан маслаҳат қилмоқ; кенгашмоқ. *Ўқувчиларнинг қарийб ҳаммаси камбағаллар-нинг болалари бўлгани учун, Гуломжон ота-онаси билан маслаҳатлашиб, уларга ҳар кун иссиқ овқат қилдириб бериб турди.* М. Исмо-илий, Фарғона т.о. *..йўлдошларим билан мас-лаҳатлашай, бундан сўнг сиз жанобга ўз фик-римни айтаман.* Мирмуҳсин, Меъмор.

644

МАСЛАХАТЛИ Маслаҳат, кенгаш би-лан қилинган, маслаҳатлашиб, кенгаш билан битадиган. *Маслаҳатли тўй бузилмас.* Мақол. *Маслаҳатли ош ачимас.* Мақол. *Мас-лаҳатли тўн тор келмас.* Мақол. *ти..бирор маслаҳатли иш чиқиб қолгудай бўлса, раис энг олдин Шербекка одам югуртиради.* С. Анорбоев, Оқсой.

МАСЛАХАТОМУЗ Маслаҳатга ўхшаш, маслаҳаттарзида(ги), йўсинида(ги). - *Кўзёши-дан фойда йўқ, кеннойи, — деди Муса масла-ҳатомуз.* Н. Фозилов, Дийдор. *Кампирнинг маслаҳатомуз гапларидан андак баҳраманд бўлиб.. осонгина ўтадиган сабаби тириклик андишасига тушдим.* Ғайратий, Довдираш.

МАСЛАХАТЧИ 1 Маслаҳат берувчи. *Иш битгач, маслаҳатчи кўпаяди.* Мақол. *тп Чой-хонада учраган маслаҳатчилардан бири жуда галати одам чиқди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аг-роном — деҳқоннинг энг яқин маслаҳатчиси.* Газетадан.

2 Бирор идорада, муассасада ёки бирор лавозимли шахс ҳузурида маслаҳат бериш вазифасида ишловчи ходим. *Элчихона мас-лаҳатчиси.* *Ҳарбий маслаҳатчи.*

Халқ маслаҳатчиси ҳуқ. Халқ судларида кўриладиган ишларда қатнашиш учун сайланган жамоат вакили. *Халқ маслаҳатчила-рининг ваколат муддатини уч йилдан икки йилгача камайтириш мўлжалланади.* Газета-дан. *..қайсидир суд бўлимида хотин-қизлар ва оила ишлари бўйича халқ маслаҳатчиси, жа-моат қораловчиси бўлиб ишлайди.* А. Муҳтор, Опа-сингиллар.

МАСНАВИЙ \а. - қўшалок, ик-

килик; икки мисрали шеър шакли] Ҳар бир байтининг мисралари ўзаро қофиядош бўлган ва байтдан байтга қофиялар янгила-ниб борадиган шеър шакли. *Танбур чертмоқ Мутрибга, маснавий айтмоқ Табибийга чи-қарилган асли!* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАСНАД [а. г,...-. — курси; суянчик; ёс-тиқ; мартаба] эск. кт. **1** Юқори мартаба, ўрин, амал. *Нодон Анвар ўрдадан қувланиш ерида сармунийлик маснадига минмоқчи!* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Акбарали минг-боши, мана ўн уч йилдан бери шу маснадига ўтиради.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 кўчма Таянч; асос. *Архимед: «Менга маснад нуқтаси берингиз, ўз маневалам (ричаг, пишанг) билан ерни кўтараман», деган.* А. Қаххрр, Сароб.

МАСОКИН [а. ^L^ - «мискин» с. кўпл.] Мискинлар, бечоралар. *Соҳибқирон аввал авлиёларнинг мазорини тавоф қилди ва фу-қаро ва масокинларга кўп садақалар берди, «Фан ва турмуш».*

МАСОФА [й. t »1 - о - оралик, узокдик| Икки нарса, икки нуқта оралиғи, бир ер-дан иккинчи ергача бўлган оралик. *Шаҳар-лар орасидаги масофа. тт Ўрдагача бир ярим чақирим чамаси йўл бўлиб, Султонсиш бу ма-софани ўн беш дақиқа ичида босди.* А. Қоди-рий, Мехробдан чаён. *..босиб ўтган йўл беш чақиримга ҳам етмаган бўлса-да, назарида, олам-жаҳон масофа ортда қолгандек туюл-ди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МАСОФАВИЙ Узок масофадан туриб бўладиган, олиб бориладиган. *Масофавий ўқитиш.*

МАСОҲА [а. 4 _=^L^> - фазо, майдон, ху-дуд| эск. кт. Ер, майдон.

МАСРУР [а. јлј-^—о ~ хурсанд, шод] эск. кт. Шод, севинган. *Бўлиб файз узра файзу нур уза нур. Ҳамма меҳмону мезбон бўлди мас-рур.* Ҳабибий. *Олам тўла қуёш, қалбинг тўла нур. Ойдин бир замонда яшайсан масрур.* э. Воҳидов. *Уйи уйимизга қарама-қарши. Кўшим балконига масрур боқаман.* Х. ГТўлат.

МАСРУРЛАНМОҚ кам қўлл. Шодлан-моқ, хурсанд бўлмоқ, шод бўлиб ғурурлан-моқ. *Ўша ҳодисани эсласа, Эрназар полвон ҳануз масрурланади.* Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.

МАССА [лот. massa — бўлак, парча] **1** физ. Механиканинг энг муҳим физикавий хос-саларидан бири; мазерия (жисм)нинг инерт-лик ва гравитацион хоссаларини ифодалай-диган физик катталиқ. *Масса билан бир қаторда энергия ҳам физика фанининг асо-сий тушунчаларидандир.* «Фан ва турмуш».

2 махс. Яхлит ёки бўтқасимон жисм ёки модда. *Амударё суви лойқа. У каналдан оқа бошлагач, унга лойқа ўтириб, берч массага айланади.* Газетадан. *Муз массасининг қалин-лиги аниқроқ ўлчанди.* Газетадан.

МАССАЖ [фр. massage < а. (ј*)»-о те-гиш, уриниш; қўл тегизиш] Тана ёки ер-пор аъзога даво ёки гигиеник мақсадда мах-сус усулда механик таъсир этиш (силаш, уқалаш, ийлаш, қоқиб қўйиш каби усуллар билан амалга оширилади). *Тўрт гуруҳнинг ҳар қайсисида алоҳида врачлар, массаж ка-бинетлари мавжуд.* Газетадан. *Шунингдек, 645 дъ^*

масса.ж муолажаси, шапатлаш баъзиларга оғриқли туюлса, бошқаларга малҳамдек ту-юлади. «Фан ва турмуш».

Массаж қилмоқ Массаж муолажасини бажармоқ, қилмоқ. *Массаж қилаётган ўнг қўлининг ташқи томони билан пешонасига тушган сочини юқорига бурди.* С. Кароматов, Олтин қум.

МАССАЖЧИ Массаж қилувчи ходим. *..ажойиб массажчимиз бор. Қул-оёгингизни уқалаб ҳам қўяди, қушдек енгил бўлиб чиқа-сиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамла-кати.

МАССИВ [фр. massif - оғир вазнли < лот. massa — бўлак, парча] **1** Тоғлик, чўл ва ш. к. жойлардаги текис, яхлит қисмлар. *Шўрўзак массиви, унинг биринчи забткорла-ри ҳақидаги ҳикоя ҳамроҳимизни ниҳоятда қизиқтириб қолди.* «Ўзбекистон кўриклари». *Ярим аср мобайнида чўлдаги жуда катта массивлар ўзлаштирилди.* Газетадан.

2 Географик хусусиятлари ва умумий ман-зараси бир хил бўлган яхлит жой. *Сув мас-сивлари. Урмон массивлари. Тоғ массивлари.*

3 қ. **даха.** *..шаҳримизда янгидан-янги шу-рар жой массивлари, микрорайонлар вужудга келди.* Газетадан.

МАСТ [ф. с^u, — кайфи бор, хушёр эмас] 1 Ичкилик ёки наша, қорадори ва ш. к. таъсирида кайф қилган, кайфи бор. *Маст одам. Бир мастга тегма, бир — жиннига.* Мақол **ит** *Тантибойвачча анчагина маст бўлиб, оғзига келганини валдирашига бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳозиргина кулиб турган маст Коми бирдан хўнграб йиглаб тборди-да, тили гапга келмай гўлдиради.* Ҳ. Гулом, Машғал.

2 Жинс жиҳатидан уйғонган; куйиккан. *Девсифат киши.. маст бўлган туядай, оғиз кўпиртиб келар эди.* М. Исмоилий, Фарғо-на т. о.

3 кўчма Қаттиқ таъсирланиб, завкланиб кайф қилган, нашъага чўмган. *Йигит ишифт-га қараб ётганича, ширин орзуларга маст бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *У кўшиқ куй-лади ёр шаънига маст, Шўхчан шеърлар айт-ди севги номидан.* А. Орипов.

МАСТАВА |0. ,, , n - қурт, юмалоқ-ланган сузма < с^L. — қатик + . _>[—сув] Гуруч, гўшт ва сабзавотлардан пиширила-дитан суюқ ош (одатда қатиклаб ичилади). *Узоқ йўл босиб келдим, серқатик, аччиққина маставани кўнглим тусаб турган эди, чақир-дим.* «Муштум».

МАСТАК I |0.. <: , л - захарли ўт номи| Галла экинлари орасида ўсадиган, дони захарли, бир ёки кўп йиллик ёввойи ўт. *Бир неча йил давомида Ўзбекистоннинг турли ра-йонларида мастак ўсимлигининг уруғларини тўпладим.* «Фан ва турмуш».

МАСТАК II Какликнинг модаси. *Сувон-жоннинг қўлида қафас. Ичида типирчила-ётган нарса мастак каклик.* С. Анорбоев, Оқсой.

МАСТ-АЛАСТ I Ўзини билмас даража-да маст, қаттиқмаст (қ. **маст I**). *Тўйда маст-аластнинг кўплиги устани беихтиёр бир хўрсинтирди.* Мирмуҳсин, Созанда.

2 қ. **маст 3.** *Дўнларда, сайхонларда кўклам, гуллар очилишидан қушлар маст-аласт..* Миртемир.

МАСТЕР |нем. Meister, ишгл. master < юн. mastoras — уста, устоз; хунарманд] 1 қ. **уста 1.** *Ростов шаҳрига келиб, заводга киради, мас-терларнинг қўлида шогирд бўлиб ишлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Директор теле-фон қилиб, иккинчи иехнинг мастерини ча-қирди.* «Гулдаста».

2 қ. **уста 2.** *Спорт мастери.*

МАСТЕРОВОЙ [«мастер» с. дан] тар. Чор Россияси даврида рус хунарманд ишчиси. *Ҳокимнинг боғида икки мастеровой битта миршабни ўлдириб кетибди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. |Қоратой:] *Агарўрисмастеровои-лари шу фикрда бўлса, биз ҳам шунга қўши-ламиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСТЕРСКОЙ [«мастер» с. дан] 1 қ. **ус-тахона.** |Петров] *Икки йил ишари Тошкент-га келиб, темир йўл мастерскойларида иш-лай бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАСТИКА |юн. mastika < mastiche - қора-мой, смола] Техника ва қурилишда, мас., тирқишлар, ёриқларни беркитиш, пол ювиш ва артишда ишлатиладиган, турли таркибли қуюқ мумсимон модда.

МАСТИТ |юн. mastos - кўкрак, эмчак] тиб. Сут безларининг яллигланиши.

МАСТЛИК Маст ҳолат; кайф. *Мастлик қурсин, тоза машмаша қилибман.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Безорилик каби жиноятлар деярли доим мастикда рўй беради.* Газетадан.

МАСТОН [0. ■■■ - — мастлар; мастлар-ча] 1 Мастона, хумор. *Ё енгарман, ёкикетар бу жоним. Боқмаса ҳам майли кўзи масто-ним.* «Кўшиқлар».

2 Мастон (хотин-қизлар исми).

МАСТОН II фольк. Айёр, жодугар (хо-тинлар ҳақида). *Хабардор бўл. Ширвоннинг кўп мастони, Мастонлардан хабардор бўл, Рав-шанжон!* «Равшан».

МАСТОНА [ф. ... — мастлик би-лан, маст ҳолда] *поэт. I* Мастларча, маст-лар каби. *Убир мастона чайқалибтурган шо-гирдига, бир ҳайратда қотиб қолган Пири Букрийга, бир Маликул шаробга қаради.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 Акдни оладиган даражада гўзал, чи-ройли, хумор. *Мастона кўзлар.*

МАСТУРА \а. *تجر*, ... - беркитилган, пардаланган; бокира] **I** Ифбатли, соф, покиза, маъсума.

2 Мастура (хотин-қизлар исми).

МАСХАРА I \а. *بساخ*, м. - эрмаклаш, **Ма-sax**, ҳазил объекти; ниқоб] Камситувчи, кулги килувчи гап-сўз, хатти-ҳаракат; **Ма-sax**, эрмак, кулги. *Бу сўзлар кўрбошига масхара бўлиб туюлди. Уоғздан кўпиклар сочди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Фотима масхара ва мазахларга чидай олмади, тит-раб кетди. II.* Турсун, Уқитувчи.

Масхара қилмоқ Камситувчи, эрмак қилувчи, мазахловчи гап-сўз, хатти-ҳаракат қилмоқ; масхараламоқ. *Ашура мени масхара қилаётганини сезиб, оёқ-қўлим бўшашиб кет-ди. II.* Қодиров, Уч илдиз.

МАСХАРА II с.т. Қизиқ гап-сўз ва ҳара-катлар билан одамларни кулдирувчи; қизиқ-чи, масхарабоз. *Тўла масхара анъаналарини ўғли Мулла гадоёй, шогирди Сафар масхара Абдуллаев давом эттирди. «ЎзМЭ». Бухоро анъанавий театрида Зариф, Тўла, Мизроб, Эргаи исмли масхаралар шухраи қозонган. «ЎзМЭ».*

МАСХАРАБОЗ I Томошахоналарда, са-йилларда ва умуман халқ кўп тўпланган жой-ларда томошабинларни кулдирадиган ўйин-лар кўрсатувчи қизиқчи, артист. *Цирк мас-харабози. иш Бошиқа бир жойда масхарабоз қизиқчилар ўшин кўрсатмоқдалар. Ж. Шари-пов, Хоразм. От устида виқор билан турган «ҳазрат» ҳалиги ерсиз деҳқон қиёфасидаги масхарабозни дарра билан бир туширди. К. Яшин, Ҳамза.*

2 айн. **найрангбоз.** *У бир тўп масхарабоз орасида калака бўлгандек қизариб, вагонга яқинлашди. «Ешлик».*

МАСХАРАБОЗЛИК I Масхарабоз иши, хатти-ҳаракати. *Дор остида қизиқчилар мас-харабозлик қилмоқда.*

2 снт. Оғзаки драматургия асосида фао-лият кўрсатган ўзбек анъанавий театри; қизиқчилик. *Масхарабозлик анъаналари, во-ситалари маълум даражада янги шаклдаги ўзбек театрида ўзлаштирилди. «УзМЭ».*

3 айн. **найрангбозлик.** *Бир неча минутдан кейин Фуломжон мингбоши олдида турар, бу масхарабозликка ҳали-ҳали тушунолмай, та-жанг бўлар эди. М. Исмоилий, Фарғонат. о.*

МАСХАРАЛАМОҚ Масхара, мазах қил-моқ, кулмоқ. *Кечаси подшо афандини масха-ралаш учун унинг отининг пастки жагини кесибқўйди. «Латифалар».* Унинг сўз оҳангида қанча масхаралаш бўлса, шунча таҳқирлаш ҳам бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАСХАРАЛИИ Масхара ифодаляйдиган: истехзоли. *Афгон чойфурушининг бундай мас-харали пичинглари ярим соатдан бери да-вом этарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. ..кўринишида самимий, лекин аслида сохта ва масхарали товуш билан Йўлчининг она-сини ва укаларини сўради. Ойбек, Танлан-ган асарлар.*

МАСХАРАОМУЗ Масхара аралаш, мас-хара билан, истехзоли. *Масхараомуз кулги. тт -Ҳа, қаёққа бормоқчисиз яна? — деди Тожи-бой масхараомуз. II.* Турсун, Ўқитувчи. *Бош-лиқнинг масхараомуз кулгиси Солиҳовга қаш-тиқ таъсир қилди. Н. Аминов, Суварак.*

МАСХУРИ а. *مسخور* [«масхараланган»] *кт. кам қўш.* Масхара қилинган, масхара бўлган, хўрланган. *Сиздек хоин дажжоллардан мас-хур халқ қутулурми!* Ҳамза.

МАСШТАБ \нем. Maßstab < Maß - ўлчов + stab — таёқ] Жойнинг. нарсанинг ҳақиқий ўлчами билан унинг картадаги, пландаги, чизмадаги, аэрофотосуратдаги кичрайти-рилган ёки катталаштирилган ўлчами ўрта-сидаги нисбат. *Масштаб 1 : 10. Кичрайти-рувчи масштаб. Масштаб линеикаси.*

МАСЪУД \а. т̣j̣ị.,i. - бахтли, саодат-ли] **1** *кт.* Бахтли, саодатли. *Эсини таниган-дан бошлаб онаси билан кечирган замонлар масъуд, лекин қайтарилмас бир туш каби Йўлчининг кўз олдидан бир-бир ўтади. Ой-бек, Танланган асарлар. Кампир иягига ҳасасини тираб, ўша масъуд ва машъум тун-лар оғушида сингиб кетди. С. Ахмад, Ўйлар.*

2 Масъуд (эркаклар исми).

555 ♀,

МАСЪУЛ \а. Jj' ,п л — жавоб берувчи, жавобгар] **1** Масъулият юклатилган, жавобгарлиги зиммасида бўлган; жавобгар. *Масъ-ул ходим. Масъул муҳаррир. тт* Бир инсоннинг тақдири ҳал бўлаётган пайтда масъул одам ўз хаёлига зарқ бўлиб ўтирса. Х. Олимжо-нов, Такцир тақозоси.

2 Масъулияти бор, масъулиятли. *Билмас-ки, кўп масъул хизмат инсонлик. Яхшилик қилмаслик ўзи ёмонлик. М. Шайхзода. Абду-қодир ота пенсионер, икки ўғли жуда масъул ишда ишлайди. Мирмуҳсин, Супургига сажда.*

МАСЪУЛИЯТ \а. cully- -- - жавобгар-лик, ҳисоб беришлик] Бирор иш, хатти-ҳаракат оқибати, натижаси учун бўлган жа-вобгарлик. *Масъулият юкламоқ. Масъулият-ни ўз устига олмоқ. Масъулият сезмоқ. Масъ-улиятга тортмоқ. тт* Халқ номзодлари ўзла-рининг интизомлилиги, юксак масъулият ҳисси билан ажралиб туради. Газетадан.

МАСЪУЛИЯТЛИ Масъулияти бор, масъулият талаб қиладиган. *Масъулиятли вазифа. Масъулиятли пайт. тт* Масъулият-ли топшириқ кўпинча Нурматов бўлинмаси-га топширилар эди. Назармат, Жўрлар ба-ланд сайрайди. Озуқа тайёрловчилар учун масъулиятли дамлар бошанди. Газетадан.

МАСЪУЛИЯТСИЗ **1** Масъулияти йўқ, масъулият талаб қилмайдиган. *Масъулият-сиз иш.*

2 Масъулиятни, жавобгарликни сезмай-диган, ишга масъулият билан қарамайдиган; бепарво. *Масъулиятсиз киши. Масъули-ятсиз бўлмоқ.*

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК Масъулиятсиз муносабат. *Қурилиш ишларидаги бундай хўжа-сизлик, масъулиятсизлик.. қачонгача давом этади?! «Муштум».*

МАСЪУЛЛИК айн. **масъулият.** *Онгли ин-тизом, умумий иш учун масъуллик тўйғуси меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бер-моқда. Газетадан.*

МАТА с. т. Мато, газлама. *Ип мата. тт* Тушимда онам оппоқ матага чулганган.. қия боқмай кетяпти. Ойбек, Қуёш қораймас.

МАТАЛ \а. Jiu.] **1** Тугал маъно ифодала-майдиган образли ибора, ҳикматли сўз (мас, «қизил қор ёққанда», «туянинг думи ерга текқанда»).

2 Қисса, масал. *Кулмуроднинг маталдек бўлиб эшитилаётган дард-аламли ҳикояси остида Шоқир қачонлар уйқу дарёсида зарқ бўлган эди. С. Айний, Қуллар.*

МАТАМОҚ Бир бирита боғлаб бирик-тирмоқ, бирлаштириб боғламоқ. *Уҳам тўрт отни бир-бирига матаб, ошпаз узатган ярим-та зогора кулчани катта-катта тишлаган-ча, йўлга тушарди. Н. Қобил, Унутилган со-ҳиллар. Барини йигиб, отларига матаб ке-тишиди-да! ..Бойсунга энсакми, деб ўйлашиб ўтириб эдик. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

МАТАШМОҚ Бир бирига ўралашиб. боғланиб қолмоқ. *Рўпарадаги ток, олча да-рахтлари қалин шох отиб, бир-бирига мата-шиб кетибди. Х. Назир, Сўнмас чакмоқдар.*

МАТБАА [а. *«. У, д — босмахона, типо-графия| аин. **босмахона**. Тошкент матбаа-си. *Матбаа хатоси. тт Кечаги ибтидоий тошбосмалар ўрнида бугун қудратли мат-баа машиналари ишлаб турибди.* Газетадан. *Матбаада ишлаётган дўстларингиз ўз улуш-ларини қўшиб.. бериб юборишди.* К. Яшин, Ҳамза.

МАТБААЧИ кам қўлл. **1** Босмахона (наш-риёт) ходими, ишчиси; босмахонада ишловчи киши. *Республикамиз матбаачилари газета-журналларнинг ўз вақтида чиқишини таъминлаш борасида кўп иш қилмоқдалар.* Газетадан.

2 эск. Босмахона эгаси.

МАТБААЧИЛИК Матбаа иши, ношир-лик, нашриётчилик. *Матбаачилик ишлари дастлаб Тошкентда вужудга келиб, кейин Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларига тарқалди.* «Фан ва турмуш».

2 Босмахона, матбаа иши.

МАТБУОТ \а. оU j. u. .. - босма асарлар, нашрлар| **1** Саноатнинг босма асарлар чиқарадиган тармоғи, нашриёт ва босмахона ишлари. *Ўзбекистонда матбуотни ва унинг моддий-техника базасини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар беқийс кат-та.* Х. Ёдгоров, Хаёт тўлқинлари.

2 Босма асарлар; газета, журнал, китоб ва ш. к. мажмуи. *Чет эл матбуоти. тт Ичимизда шеър, хабар, мақола, ҳатто очерк, ҳикоялари бшан матбуотда танилгашар ҳам бор.* Х- Ғулом, Замин юлдузлари.

Вақтли матбуот қ. вақтли. Матбуот бюро-си **1)** қурултой, конференция, кенгаш, хал-қаро музокара ва ш. к. вақтида матбуотга материал, хабар бериб туриш учун тузилган мухаррирлар ва мухбирлар ҳайъати; **2)**

649

матбуот, телеграф, ахборот агентликлари ва б. ташкилотлар қошидаги, матбуотни тайёр мақола, хабар ва бошқа материаллар билан таъминлаб турувчи доимий бўлим. Матбуот конференцияси Давлат, илм-фан, мадания-ят ва б. соҳа арбобларининг кенг оммани қизиқтирувчи масалалар бўйича вақтли мат-буот ходимлари билан учрашуви, суҳбати. *Матч бошланиши олдидан унинг иштирокчи-лари бир неча матбуот конференцияси ва суҳ-батлар ўтказдилар.* Газетадан.

МАТЕМАТИК Математика олими, му-тахассиси. *Буюк математик, астроном ва географ.. Муҳаммад ал-Хоразмий VIII аср охири — IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди.* «Фан ва турмуш».

МАТЕМАТИК Математикага оид, ма-тематика қондаларига асосланган. *Математик формула. Математик лингвистика.*

МАТЕМАТИКА [юн. mathematike < mathema — билиш; илм, фан] Об'ектив борликдаги миқдорий нисбатлар ва фазовий шаклларни ўрганадиган, аниқ мантиқий мушоҳадаларга асосланган фан. *Олий мате-матика. Амалий математика. Математика муаллими.*

МАТЕРИАЛ [лот. materialis — моддий, ашёвий] **1** Бирор мақсад учун керакли хомашё, модда. *Қурилиш материаллари. Бодом-нинг ёғочи дурадгорлик ва ускунасослик учун яхши материал ҳисобланади. тт Заргар ма-териалнинг конструктив ва эгилувчанлик им-кониятини.. яхши билиши керак.* Газетадан.

2 Асос ёки далил вазифасини ўтайди-ган маълумот, манба ва ш. к. *Илмий иш учун материал тўпламоқ. тт Ўзбекистонлик жангчи йигитларнинг партизанлар ҳаракатига қўшилиб, шафқатсиз жанг олиб борган-ликларини архив материаллари асосида ўрга-ниб, жонлантирдим.* Назармат, Жўрлар ба-ланд сайрайди.

3 Умуман, бирор нарса ҳақида мавжуд бўлган, тайёрланган, эълон қилинган нар-са. *Журнал саҳифаларидан ўрин олган мате-риалларнинг ҳаммаси ҳам бир савияда эмас.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Баъзан идорада га-зета учун материал тайёрлаш қийин*

бўлга-нидан, Мустаҳкам аканинг чойхонасида ке-чалари материал ишлаб, эрталаб ишига ке-лардим. Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Газлама, мато. *Костюмбон материал. Шимлик материал.*

МАТЕРИАЛИЗМ [фр. materialis - мод-дий] **1** флс. Идеализмга қарама-қарши ўлароқ, материянинг, объектив борлиқнинг бирламчилигини, унинг кишилар иродаси, руҳи, онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мав-жудлигини, руҳ, онгининг эса иккиламчилигини, объектив борлиқ ва унинг қонуни-ятларини билиш мумкинлигини таъкидлашга асосланган фалсафий йўналиш, оқим.

2 с. т. Борлиққа, ҳаётга реал, моддий нуқтаи назардан ёндашиш.

МАТЕРИАЛИСТ **1** флс. Материализм тарафдори, материализм йўлидан борувчи киши. *Ҳар қанча материалист бўлсам ҳам, илҳом ҳолатининг сеҳрли эканига ишонгим келади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

2 с. т. Ҳаётга фақат ўзининг моддий ман-фаати нуқтаи назаридан ёндашувчи киши.

МАТЕРИАЛИСТИК Материализмга оид, материализм принципларига асослан-ган. *Материалистик фалсафа. Материалис-тик дунёқараиш.*

МАТЕРИК [лот. materis - илк, бошлан-ғич асос] Қуруқликнинг океанлар ва денгизлар ўраб турган катта бўлақларидан ҳар бири; қитъа. У[Ю.А. Гагарин] ..ернинг ҳамма томонларини бир ярим соат ичида кўриб чиқ-қан, унинг жуда катта океанлари ва мате-рикларини назардан ўтказган биринчи одам-дир. Газетадан.

МАТЕРИЯ [лот. materia - модда; илк асос; моҳият] **1** флс. Киши онгидан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив борлиқ. *Материя фалсафий категориядир. тт Олам замирида чексиз хил-ма-хил хусусиятларга эга бўлган материя ётади.* «Фан ва турмуш».

2 айн. модда. *Материянинг тузилиши.*

3 с. т. Газлама, мато, материал. *Иўл-йўл материя.*

МАТИН шв. Метин.

МАТКАТАК шв. Чўпонларнинг тошдан қурилган кулбаси.

МАТЛА[а. «**Ъ**л — зинапоя, нарвон; му-қаддима, бошланиш] **1** ад. Ғазал ёки қасиданинг ҳар икки мисраси ўзаро қофиялана-диган биринчи байти. *Бобур таққа тўхтаб қолди. Ё оллоҳ, ахир бу бир пайтлар ўзи бит-ган ғазалнинг матлаи-ку!* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

2 эск. кт. Осмон ёритқичларининг чи-қиш ўрни, чиқиши.

650

МАТЛАБ \а. ^1 U« — талаб, эҳтиёж, мақ-сад] **1** Талаб этилган, исталган нарса; мақ-сад. *Узим ҳайрон ўз қилмишимга, ўзим бил-мам: недир матлабим.* Э. Воҳидов. *Дунёхалқ-ларининг матлаби битта: Тинчликсиз замон — замон аталмас.* Н. Нарзуллаев.

2 Матлаб (эркаклар исми).

МАТЛУБ \а. (_j\U« - исталган, керак-ли; талаб қилинган; истак] кт. Талабга мос бўлган, исталган, кўнгилдаги. *Эй менинг дўстларим, кирому матлуб, Ёшлиқнинг ўзи-дай азиз, ягона.* Э. Воҳидов.

МАТЛУБОТ \а. obj I Б« — қарзлар, маж-буриятлар]: **матлубот кооперацияси** (ёки **жамияти**) Аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун тузилган кооперация (жамият). ..қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини сез-гирлик билан ҳисобга олиб бормаётган мат-лубот кооперациялари ҳам бор. Газетадан. *Қишлоқ матлубот жамиятига ўша йиллари Ҳанифа раис эди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

МАТЛУБОТЧИ Матлубот кооперация-сида ишловчи киши.

МАТН [а. уi^> — елка; нутқнинг ёзувда-ги ифодаси, текст] **1** Ёзувда ёки босма ҳолда шакллантирилган муаллифлик асари ёки ҳужжат. *Бегона тилдаги маттни*

таржимон ўзи учун талқин этиши билан уни ўз тилида бошқаларга атаб қайта яратиши ўртасида улкан тафовут бор. Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

2 Босма нашрнинг расм, чизма ва изо\ларсиз асосий қисми.

МАТНШУНОС [а.+ф. [^]1[^]Ь[^] - матн ўрганувчи] Матншунослик соҳаси мутахассиси; текстолог.

МАТНШУНОСЛИК Адабиёт ва фольклорга оид қўлёзма асарларни, тарихий ҳужжатларни, уларнинг ҳақиқий, асл матнла-рини аниқлаш ва танқидий ўрганиш, шар\лаб эълон (нашр) қилиш мақсадида улар устида тадқиқотлар олиб борувчи ёрдамчи тарихий-филологик фан соҳаси; текстоло-гия.

МАТО \а. — мол, ашё; кж] **1** Газла-ма, материал, материя. *Пахта ипдан тўқил-ган мато. ти Бундай бўёқ билан бўялган мато ўнгиб кетмайди.* «Фан ва турмуш».

2 Мол, буюм, нарса. *-Ё қудратингдан, ишонмайди-я! — деди Туробжон [хотинига] келтирган матони титкилаб, — мана, чай-наб кўр.* 'А. Қақҳор, Анор.

МАТОНАТ \а. С[^]LL<> — мустаҳкамлик, қатъийлик; салобат] *кт. Қаттиқ бардош, сабот, чидам. Жангларда матонат кўрсат-моқ. Матонат билан курашмоқ. шш Зивмат Хусановнинг қилган жанглари, матонати, жасорати кишиларга ибратли эди. Н. Сафа-ров, Оловли излар. 1978 йил чўлқуварлар маҳорати, тадбиркорлиги.. матонатини зўр синовдан ўтказди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

МАТОНАТЛИ *кт. Матонатга эга бўлган; саботли, чидамли. Матонатли жангчилар. тт Директор янги ерда ишни юргизиши учун матонатли, суяичиқ одамлар топиши керак.* «Ўзбекистон кўриқлари».

МАТОҲ \а. [^]LLo — мол, ашё] *с.т. қ. мато 2. Иўлдошев.. ўзи келтирган матоҳларини тез-тез папкасига солиб, кабинетдан тепилган коптоқдек отилиб чиқди. А. Муҳитдин, Хира. ..атторлар мушки анбар исмли сув, яна ал-лақандай хушбўй матоҳларни кўзкўзлаб, қутиларини очадилар. С. Сиёев, Аваз.*

МАТРАП \а. [^]_sj>_k-<, — ёпинчиқ, чойшаб] *Бедана, каптар каби паррандаларни ушлаш-да қўлланадиган, узун таёқ учига тўр халта-ли чамбарак ўрнатиб ясалган асбоб. -Бир тарафи ҳайитлашиб ҳам келаман-ку, деган ният билан ёнига тозисини ҳам қарчигайини олиб, матрап кўтариб, уч-тўрт кун далага чиқиб кетди.. — деди Шум бола. Ғ. Ғулом, Шум бола. Кўлидаги қушни учуриб юбориб, бировларнинг қўлидагига матрап тикиб юр-ган экан-да. Э. Аъзам, Кечикаётган одам.*

МАТРАС \нем. Matratze, голл. matras < а. r- j_k* — ичига жун тикилган ёстиқёки кўрпа] **1** Ичига пахта, жун ва ш. к. солинган қалин тўшак. *Рахи чиқсин, деб машрас тагига ёзиб қўйган ишмини олиб кийди. С. Кароматов, Олтин кум.*

2 Каравот ёки диваннинг пружинали ўриндиғи.

МАТРИАРХАЛ Матриархатга, оналик даврига оид. *Матриархал муносабатлар.*

МАТРИАРХАТ [лот. mater, matris - она + юн. arche — ҳркимият] Уруғчилик жамия-тининг оилада ва жамиятда она бошчилик қилган, қариндошликда ва мерос қолди-ришда она томон асос ҳисобланган ибти-дой шакли; она ҳукмронлиги даври.

МАТРИЦА \нем. Matrize < лот. matrix, matricis — бачадон; она; манба, рўйхат] **1** *тех. Металлургияда: металларга босим би-лан ишлов беришда тайёрланадиган буюм*

651

хомашёси, чала тайёр нусхасини (чўзиб, ёйиб, пресслаб ва ҳ. к.) керакли шаклга келтириш учун ишлатиладиган қолип (штамп)-ларнинг иш қисми.

2 *полигр.* Ҳарф, рақам ёки белгининг чуқур тўғри тасвири туширилган, яъни литералар (ҳарф ёки белгининг бўртма тасви-ри), ҳарф ёки сатрни қуйиш учун қолип бўлиб хизмат қиладиган металл пластинка ёки тахтача. *Линотип матрицаси. Монотип матрицаси.*

3 *полигр.* Матн ва расмларнинг ботиқ тас-вири туширилган, стереотиплар (юқори босма шакллари)ни тайёрлаш, асарларни қайта нашр этиш, кўп нусхали нашрларни

турли жойларда босишда ишлатиладиган пластмасса варақ, тахта. *Китобни матрицадан босиш. тт Аввал «Правда» ва «Известия» газеталаригина Москвадан олиб келинадиган матрицалардан босилар эди.* И. Шогуломов, Йирик корхона.

4 мат. Турли сонлар ва математик ифо-далар жойлаштирилган сатрлар ва устунлардан иборат тўғри бурчакли жадвал.

МАТРОС [голл. matroos < matten-poot — каравотдош ўртоқ (кемада)] Ҳарбий денгиз флотига оддий аскар; фуқаро денгиз фло-тида кема командасининг аъзоси. *Матросларнинг бир нечтаси ипак арқонни белларига боғлаб, фонарлар билан шўнгидилар.* М. Маҳ-мудов, Мангу куй излаб.

МАТРОСКА [«матрос» с. дан] Матрос-ларнинг кенг қайтарма ёқали махсус устки кўйлаги; хотинлар ёки болаларнинг шу хил-да тикилган кўйлаги.

МАТЧ [ингл. match] Шахмат ёки спорт-нинг бирор тури бўйича икки рақиб ёки икки команда ўртасидаги мусобақа. *Фут-бол матчи. Дунё биринчилиги учун шахмат матчи. тт Расмий мусобақалардан ташқа-ри оила аъзолари ўртасида ҳам ҳар хил тур-нир, матчлар ўтказилиб туради.* М. Муҳит-динов, Доналар.

МАУЗЕР [нем. Mauser — ака-ука немис инженер-саноатчилари В. ва П. Маузерлар номидан] Ака-укалар ишлаб чиққан (ярат-ган) револьвер, бир зарядли винтовка, автомат тўшпонча каби куролларнинг умумий номи. *Огажон эшон ётган қора уйга Мириша-ропов қўлида маузер ушлаган ҳолда отилиб кирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МАФИЯ [итал. mafia, maffia — махфий уюшма] **1** Дўж-пўписа, зўрлик, қотиллик усуллари билан иш кўрувчи уюшган, тармоқлан-ган, яширин жиноий ташкилот, гуруҳ.

2 Уюшган жиноятчилик.

МАФИЯЧИ Мафия билан шуғулланув-чи, мафия қатнашчиси. *Аёлга кўшни [бўлган] уйда яшайдиган мафиячи билан ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлганлар бунда адашиб қолишиб-ди.* Газетадан.

МАФКУРА [а. oʻjʻi-i-o - фикр юрги-зиш; тафаккур; эътиқод ва маслаклар тизи-ми] Жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи. *Биз-нинг миллий мафкурамиз давлатнинг зўрлик аппаратида асосланмаслиги, таянмаслиги керак.* Газетадан. *Мафкуранинг кучи — қандай ғояни ким, кай усулда омманинг онига етказиб бера олишида намоён бўлади.* Газетадан. *Мафкурамиз миллийлигининг асосий белгиси ҳам бизнинг буюк аجدодларимиз ўғит-насиҳатларига, улугвор ғояларига содиқ қоли-шимиздадир.* «Мулоқот».

МАФКУРАВИЙ Мафкурага оид; маф-кура жихатидан. *Мафкуравий душман. Мафкуравий кураш. тт Мафкуравий ишлар соҳа-сида ҳали анчагина камчиликлар бор.* Газета-дан. *..профессор-ўқитувчилар Амир Темурдав-ридаги мафкуравий муаммоларга тўхталиб ўтдиш.* «Мулоқот».

МАФКУРАЧИ Бирор синф, ижтимоий-сиёсий тузум ёки оқим мафкурасининг химоячиси, ифодачиси, раҳнамоси. *Ҳозирги кунда баъзи мафкурачиларимиз, маънавият-маърифат соҳасида ишловчи арбобларимиз эскича шакл ва усуллардан фойдаланишга ча-қирмоқдалар.* Газетадан.

МАФОСИЛ [а. J-^U-o - бўғимлар, би-рикиш жойлари] эск. Суяк бўғимларининг яллиғланиши, оғришидан иборат касаллик; артрит, ревматизм. *Мафосилга гирифторм бўлган кимсадек етмиш икки бўғими зирқи-раб оғриди.* С. Сиёев, Аваз.

МАФТУН [а. (jj) п п — берилган, шай-дойи бўлган, ақлдан озган] Бировга ёки бирор нарсага ишқ, ҳавас билан, юракдан берилган; шайдо. *Девон оқ юзли, қора кўзли, қорақош, табиатан мулойим бўлган-лигидан, унга кўп кизлар мафтун эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Эътибор Охунова таби-ат мафтунни, уни жондан севади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

Мафтун қилмоқ {ёки этмоқ) Ишқ-сев-ги, завқ-ҳавас туйғуси билан ўзига жалб этмоқ, махлиё қилмоқ. *Саодат Крбулова ва Ботир Зокировларнинг ишқ қўшиқлари, ўзбек раққосаларининг жозибадор ўйинлари ҳамма-нимафтун қилди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Юлдузхоннинг нозли кўзларидаги сирли маъно Муҳиддинни мафтун этди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МАФТУНКОР Кишини мафтун қилади-ган, шайдо қиладиган. *Унинг шинам овози гўё «Кўчабоғи» учун, «Кўчабоғи»нинг мафтун-кор оҳанги эса Ғуломжон учун яратилгандаи янграрэди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о. *Чим-ённинг табиати жуда ранг-баранг ва маф-тункордир.* Газетадан.

МАФҲУМ [а. *Ajd*" - — фаҳмланган, ту-пгунилган маъно; тушунча] *эск. кт. 1 айн. ту-шунча.* *Ваъда, сўз деган мафхушарнинг қим-мати борми?* Ойбек, Навоий.

2 Маъно, мазмун. *Унинг «Э, бор!» дегани-даги юз ва тан ҳаракати «Кел, қаршимда тиз чўк!» мафхумидаги чексиз маъноларни ифода қилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МАХДУМ [а. *^j,^ч-н* жаноб, хўжайин; ишга олувчи, ёлловчи] *тар.* Уламо ва руҳонийлар, пир ва устозларга бериладиган ун-вон, лақаб ва шу унвонга эга бўлган киши. *Махдумни мактабхона эшигида кўрган бола-лар чувурлашиб, сабоқ такрорлашга тутин-дилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

МАХЗАН [а. *о>^*-» ~~ омбор; улкан дўкон; хазина] *кт. айн. хазина.* *Ҳикмату фан махза-ни бўлдинг жасорат кўрсатиб, Лекин ул зо-лимлар ичралаҳза роҳат кўрмадинг.* Ҳабибий.

МАХЛУҚ [а. *3j 1ч* * — яратилган нарса] **1** Инсон ва бутун жониворларнинг, тирик мавжудотнинг умумий номи. [*Абдуҷамил бой:*] *Улдирган бўлсангиз, садқайи сар., ит деган махлуқ топилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидаги-на эмас, ер юзидаги ҳар бир махлуқда ҳам бор.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Инсондан бошқа жонли нарсага нис-батан қўлланади. *Беор Исроилов бадбашара бир махлуқ қиёфасида кўз олдига келди.* А. Мухтор, Чинор. *Илондек махлуқнинг табиати, фойдасини тушунган одам уни «совуқ» дейишга тили бормайди.* «Фан ва турмуш».

3 кўчма Ухшовсиз, хуғгук, жирканч жон-ворга нисбатли ҳақоратни билдиради. *Ҳожии-мат олдинга юришига мажбур бўлди. Бу махлуқдан ҳар нарсани кутиши мумкин эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *-Кан-доқ махлуқсан ўзинг? — деди Саид Жалолхон.* А. Қаҳдор, Асарлар. *Фуод афанди танфуруш-лар гумаштаси бўлиб, қора умрини қора ши-лар билан ўтказган қабиҳ бир махлуқ эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бас, уятсиз мах-луқ! ..ким уни заҳарлайди.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

МАХЛУҚОТ [а. *jlī*- яратилган нарсалар, жониворлар] Махлуқлар, жони-ворлар. *Инсон барча махлуқотнинг тожидир [деди Навоии].* Ойбек, Навоий.

МАХМУР [а. - кайфи бор, кайф-ланган; маст] *эск. кт. 1* Маст, кайф қил-ган, кайфи бор. *Исломхўжа ҳозиргина Николай 11 ҳузурида қозонилган галабадан махмур эди.* С. Сиёев, Аваз.

2 кўчма Сузук, хумор. *Давлатбахш мах-мур кўзларини.. бир нуктага тиккан ҳолда сайраб кетди.* Ойбек, Навоий.

МАХОВИК [р. маховое (колесо) — сил-кинма, айланма (ғилдирак)] *тех.* Ўз салмоғи билан валнинг бир текисда айланишини таъмин этувчи пўлат ёки чўян ғилдирак.

МАХОРКА [р. махорка — тамакининг ар-зон нави] Тамаки ўсимлигининг дағал бар-ги ва новдаларидан тайёрланган паст навли чекимлиқ. *Маҳмуд уй томонга бир қараб қўйди-да, ёнидан махорка олиб ўради.* С. Зун-нунова, Олов.

МАХРАЖ [а. *j*- — чиқиш жойи, чи-қиш] **1 мат.** Оддий касрда бутуннинг неча-га бўлинганлигини кўрсатувчи, каср чизиғи остига ёзилган рақам. *Касрларни умумий мах-ражга келтириши.*

2 *эск. тли.* Артикуляция ўрни. «Б»нинг махражи.

МАХСАР Уруғидан мой, гулидан бўёқ олинадиган тўпгулли бир йиллик ёки кўп йиллик ўтсимон ўсимлик.

МАХСИМЧА с. т. Қилиқлари, юриш-туриши хотинларга ўхшаган эркак; хотин-чалиш. *Менинг қўл остимдаги йигитлар ора-сига иш кўрмаган, махсимча бир йигит ара-лашиб қолди.* Ш. Ғуломов, Ёрқин уфқлар.

МАХСУМ с. т. Махдум.

Атала махсум қ. атала.

МАХСУС \а. j ■ — ^ " — алоҳида, ўзгача; бирор соҳага оид] **1** Бирор иш ёки нарсага хос бўлган, бирор иш ёки мақсад учун бел-гиланган. *Махсус кўрсатма. Махсус топшириқ. Махсус комиссия. шш Бўзагар Отабекни.. оддий бўзахўрлар ёнига ўтқазмай, ўзининг махсус хужрасига олиб кирар эди.* А. Кдци-рий, Ўтган кунлар.

2 Атайлаб, алоҳида мақсад билан. *Му-нисхон, албатта, бу гапларни махсус Саудийни хурсанд қилиш учун етказмайди.* А. Қаҳ-ҳор, Сароб.

3 Бирор ихтисосга мансуб бўлган, ихти-сослаш(тирил)ган. *Махсус таълим. Махсус ўқув юртлари. тш Ҳозир мактабдаги ўқитув-чилар олий ва махсус машумотга эгалар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МАХСУСЛАШМОҚ кам қўлл. Бирор кимса, соҳа, мақсад ва ш. к. га хос бўлиб қолмоқ, ихтисослашмоқ

МАХФИЙ \а. - — яширин, бекитил-ган] Ўзгача, бегонага билдирилмайдиган, бошқалардан сир тутиладиган; хуфия, яши-рин. *Махфий хат. Махфий учрашув. Махфий сир. Махфий ташқиот. Махфий иш олиб бор-моқ. тш Меҳмонхонада учта қора соя мукка тушиб, арик устида махфий режа туза бош-ладилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МАЧИТ с. т. Масжид. *Одамларни мачит намозхон қилганми, намозхон одамлар мачит солганми?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чи-роқлари.

МАЧТА [голл. mast — тик] **1** Кеманинг қоқ ўртасига ўрнатиладиган, елкан осиш, кузатиш, сигнал бериш учун хизмат қила-диган вертикал металл ёки ёғоч устун, дор. *Кўрфазда эса кема мачталари чайқалмоқда. «Фан ва турмуш».*

2 тех. Электр симларини осиш, сигна-лизация, антенналар ўрнатиш ва ш. к. мақ-сад учун қурилган баланд минорасимон қурилма. *Баланд мачталарга марвариддай терилган шода-шода прожекторлар ўткир нурларини настга санчиб турарди.* П. Қоди-ров, Эрк.

МАЧЧОЙИ Тожикистоннинг Мастчоҳ (Матчо) деб аталувчи жойи аҳолисига мансуб киши. *Бой мардикори маччойи.* Муқимий, Саёхатнома.

Маччойи сайил с. т. Бекорчиликдан у ёқ-бу ёқни айланиб кезиб юриш. *Хиёбонлар бўйлаб «маччойи сайил» қилиб юрадилар.* Ой-бек, Навоий.

МАШАК Боткоқдикларда, тўқайларда яшайдиган, оёклари ва тумшуғи узун қуш. ..юқоридан учиб ўтган икки машак қушининг

«чев-чев» деган товушини эшитиб, кўкка қаради. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАШАЛА с. т. Машғал.

МАШАҚҚАТ \а. - қийинчилик, оғирлик] Қаттиқ қийинчилик, оғирчилик, захмат. *Машаққатларни енгмоқ. Машаққат тортмоқ. Машаққат чекмоқ. Машаққат кўрмоқ. Машаққатга солмоқ. Тикансиз гул бўлмас, машаққатсиз — ҳунар.* Мақол. *шш Етти яшарлигидан бери бошидан ўтган фа-локатлар, машаққатлар уни [Некқадамни/ қаритган эди.* С. Айний, Қуллар. *Кунлар, тун-лар чўлда қаттиқ машаққат ва қўнимсизлик билан кечар эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

МАШАҚҚАТЛАНМОҚ кам. қўлл. Ма-шаққат кўрмоқ, машаққат чекмоқ, қийналмоқ. *Эшикнинг кулф ва занжири бўшаи, юзига ёпиқ ҳолда турган бўлса ҳам, у йигит! зишкка тақилмади, машаққатланиб, деворга минди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАШАҚҚАТЛИ Машаққати бўлган, оғир, қийин, сермашаққат. *Машаққатли ҳаёт. Машаққатли меҳнат. Машаққатли йўл. шш* Ҳарбий машқ ва таълимнинг барча машаққатли чийригидан ўтиши, янги касб, қутилмаган жанг ҳаракатлари уни, албатта, ўзгартириб юборган эди. Шуҳрат, Ши-нелли йиллар.

МАШВАРАТ \а. - кенгаш, кўрсатма; йўл-йўриқ| эск. кт. Кенгаш, масла-ҳатлашиш. *Бобур бугун пешинда ишонган бек-ларини тўплаб, машварат ўтказди. П. Қо-диров, Юлдузли тунлар. Афтидан, улар ким-нидир кутар, шу кишисиз машваратни бош-лай олмай ўтиришар эди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

МАШВАРАТХОНА [машварат + хона] Машварат ўтказиладиган (ўтказиладиган) жой, хона. *-Ассалому алайкум, — деб ўн бир ёгочли кенг-мўл машваратхонага дадил кириб борди Жаҳон Отин. М. Осим, Карвон йўлларида.*

МАШВАРАТЧИ Машваратда қатнашув-чи; кенгаш, маслаҳат берувчи. *Кўканбой эртасиёқ Богиболога зниб бориб, бир тўда маш-варатчи хотин-халажни эргаштириб қайт-ди. Э. Аъзам, Олам ям-яшил.*

МАШИНА \фр. machine < лот. machina — иншоот, қурилма] **1** Энергиянинг бир турини бошқа турдаги энергияга айлантирув-чи, материаллар ёки ахборотларни тўплаш, сақлаш ва ўзгартириш, алоқа ўрнатиш, юк ва одамларни ташиш учун мўлжалланган механизм ёки механизмлар мажмуи. *Бугма-*

561 <y% ^

шинаси. Тикув машинаси. Қишлоқ хўжалик машиналари. Қир ювадиган машина. Енгил машина. Юк машинаси. тт Станцияга олиб борадиган бу йўл серқатнов! Арава, машина-дан кўпи йўқ. И. Раҳим. Чин муҳаббат.

МАШИНАЛАШМОҚ Машина билан таъмин этилмоқ, машина асосига қурилмоқ. *Машиналашган саноат. Машиналашган ди-визия. тт Сигир соғишдан тортиб уларни қаипашигача.. машинашиган. А. Мираҳмедов, Қулган чечаклар.*

МАШИНАСОЗ Машина ишлаб чиқариш саноатининг ходими, ишчиси, маши - насозлик саноатининг мутахассиси. *Маши-наларнинг конструкциясини яхшилаш машинасозларнинг муҳим вазифасидир. тт Жа-вод Кўчиев конструктор ва машинасозларга ҳам эътироз билдириб қўярди. «Ўзбекистон қўриқдари».*

МАШИНАСОЗЛИК Халқ хўжалигининг турли тармоқдари учун машиналар ва машина асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган оғир саноат соҳалари мажмуи. *Машинасозлик саноати. Машинасозлик корхоналари. тт Шунинг учун кўпда қийнашай, тушига яқин қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводига етибборди. С. Юнусов, Қутилмаган хазина.*

МАШИНАЧИ Тикув машинасида ки-йим-кечак тикувчи уста, чевар. *Бу кўйлакни машиначидан келтирган кун кийганда, Қосимжон: «Жуда ярашди, фасони ҳам ўзига мос бўлибди», деган эди. Ойдин, Кўнгли тўлдими, яхши йигит.*

МАШИНАЧИЛИК Машиначи иши, касби. *Машиначилик қилмоқ. Машиначилик-ни ўрганмоқ.*

МАШИНАШУНОС Машинашунослик мутахассиси.

МАШИНАШУНОСЛИК Машина ва механизмларни яратиш, улардан унумли фойдаланишга доир назарий билимлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган фан.

МАШИНИСТ [«машина» с. дан ясалган шахс оти] **1** Локомотивни бошқариб, поезд ҳайдовчи киши. *Паровоз машинисти. тт Саҳро ухлар.. Поезд учади, Деспинади зўр локомотив. Деразадан боқиб машинист, Узоқ-ларни чамсиюр ҳадеб. Ё. Мирзо.*

2 Кран ва ш. к. машинани бошқарувчи киши. *Экскаватор машинистига ёрдамчи бўлиб олдим. С. Аҳмад, Иқбол чирокдари.*

МАШИНИСТКА Ёзув машинкасида ишловчи аёл. *Машинистка опам Ҳожар, қўл бармоғи ўйнаб чопар. Гўзал жажжжи машин-каси — худди рояль кичкинаси.* Қ. Муҳаммадий.

МАШИНКА [«машина» с. кичр.] Ҳар бирига ҳарф ёзилган тугмачаларини бармоқ билан уриб хат ёзадиган мослама. *У қабул-хонага кириб борганида, котиба қиз машинкада нимадир чиқиштириб ўтирган экан.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *...машинкада ёзилган хатни овозини чиқарибўқиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МАШКОБ шв. Мешкоб. *Саройбошар са-ройнинг ертўлаларини.. супурмоқда, машкоб-лар сув сепмоқда..* С. Айний, Қуллар.

МАШМАША Келишмовчилик ёки англ-лашилмовчилик орқасида юзага келган жанжал, можаро, ғавғо. *Замира чимириганича турар, камшир эса қюалоқлар ўртасидаги маш-машани англаёлмай, саросимада эди.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Йўқса, катта бир машмаша чи-қиб қолиши мумкин эди-да.* Газетадан.

МАШМАШАЛИ Машмашаси бор. *Ази-зим, ҳозирча машмашали уйда бўлса ҳам, меҳ-мон тарзида кўришдан бўлак чорамиз йўқ.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

МАШОЙИХ [а. ~ л ■■■. — «шайх» с. кўпл.: кексалар, шайхлар] с. т. Ҳикматли сўзлар-ни айтиб ўтган улуғ ота-боболар. *Ахир, қиш қишлигини қилмаса, ер тўярмиди; ер тўйма-са, эл тўймас.* Қаранг, машойихлар қандай топиб айтганлар. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда. *Эри минг яхши бўлсин, бари бир, кун-дош кундошлигини қила беради. Машойихлар билмасдан кундош демаганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАШОҚ Буғдойни ўриб-йиғиб олиш пайтида, ўримдан кейин ерга тўкилиб қолган бошоқлар. *Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хир-монда ҳозир.* Мақол. *тм [Йўлчи:] Мен ёшликдан отамга қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАШОҚЧИ Машоқтерувчи. *..қошқорая бошиганда, тўсатдан машоқчишир орасида Ёдгорбек билан Шермат кўр пайдо бўлди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

МАШРИҚ [а. — шарқ, кунчиқар]

эск. кт. Шарқ, кун чиқиш томон. *Ҳар тонг кўзим машириқда. Кун бепқийди сен ёқдан.* Т. Тўла. *Маширик уфқи аста-секин ёришиб ке-ларди.* Мирмухсин, Меъмор.

36—Ўзбек тилининг изоҳли луғати

МАШРУ [а. ^jjJ^-* — очиқ-ошкор, қонуний] эск. кт. Шариат қонунлари йўл қўядиган, шаръий. *У [Мусулмонқул] уламо орқали ўз зулмини машру бир тусга қўйган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар

МАШШОТА \а. <I>LLLo — соч таровчи (аёл); жун таровчи машина] эск. Қиз ва келинларнинг сочларини тараб оро берувчи, безантирувчи; пардозчи (хотин). *Шона урсам гайр зулфига, чақилсин қўлларим, Қайси бир машшота ҳам зулфунг паришон айласа.* Увайсий. *Чаман ичра тугилибсизки, Сизда экан қуёшнинг кўзи. Билсам, шуни машшота бўлиб, Безатибди қуёшнжг ўзи.* Э. Воҳидов.

МАШШОҚ \а. jLLo — ўқитувчи, устоз; уста] Халқ чолғу асбобларида мусиқа асбоби чалувчи созанда. *Барот полвон «додхоҳ келибди, шекилли», деб самовар томонга қара-ган эди, дутор, танбур, гижжжак, най, доира кўтариб келаятган машшоқларга кўзи туш-ди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

МАШЪАЛ \а. J• ■ Ь - — чирок, шамчи-рок; маёқ] **1** Учига латта ёки бирор бошқа ёнувчи нарса ўралган, ёритиш ёки ўт ёқиш учун ишлатиладиган таёқ. *Машъал ёқмоқ. Машъал кўтариб олмоқ.* *тм* Хокимнинг *одам*-лари машъалларни ёндириб, қўргоннинг ичи-ни ва теварагини ёруғлантириб, бир қисм-лари қўргонга бостириб кирдилар. С. Айний, Эсдалиқлар.

2 қўчма Йўл кўрсатиб турадиган, на-муна бўлган нарса; маёқ. *Шарқда машъал Тошкент шаҳри неча-неча буюк воқеалар, улкан шодиёналарнинг шоҳиди бўлган.* «Фан ва турмуш».

3 кўчма Меҳнат-фаолиятда ўрناق бўлган илғор шахс, хўжалик ва ш. к. *Биз илғормашъ-алларнинг тажрибасжи оммалаштиришимиз керак.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Республика-мизда.. пахта ҳосилдорлиги йил сайж ошсин, машъал хўжаликларимиз тобора кўпайсин.* Газетадан.

МАШЪАЛА [а. *I - & - — чироқ; машъал] с. т. Ёқилган машъал. *Аёллар машъала кўта-риб, чилдирма чалиб, гуж бўлиб келар эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Меҳмонлар катта ён-гоқли ҳовли ўртасидаги супадан жой олиш-моқда. Тўрт тарафда машъала, ўртада кат-та гулхан.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

МАШЪУМ I а. а j j ~~и н н~~ бахтсиз, бахти қора, бадбахт| кт. Бахтсизлик, фалокат келтирувчи, бахтсизликдан дарак берувчи; шум;

кўнгилсиз, нохуш. *Машъум хабар. Машъум воқеа. тт Булутлар орасидан душман само-лётларжжг таниш ва машъум садоси эши-тилди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

МАШҚ I [а. ш п хуснихат, расм чи-зиш учун намуналар] Бирор фаолиятни пух-та ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун ба-жариладиган иш, тайёргарлик машғулоти. *Ҳарбий машқ. Машқ қилмоқ. тт Сидиқжон кўкрагжи сандалга бериб, хат машқ қилар, Канизак унжг рўпарасида китоб ўқиб ўти-рарэди.* А. Қахҳор, Кўшчинор чироқлари. *-Иш ёмон, — деди келган милиционер, — кўпи машқ кўрмаган, ҳали милтиқ отишини бил-майдиган милиционерлар, қўлидан нима ке-лар эди.* С. Айний, Куллар. *Узоқ машқлар бе-кор кетмаган эди. Хоннинг қўшини гўё бир тж, бир жон бўлиб ҳаракат қилар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Маълум мақсадда бажариладиган, қилинадиган муайян иш, ҳаракат. *Имлога оид машқлар. Жисмоний машқлар. тт Болалар бир-бирларинжг қўлларжи ушлашиб, гимнас-тика машқларини энгил ва чиройли бажара-дилар.* Газетадан.

Машқ қилмоқ Машқтарзидаги иш, ҳара-кат ва ш.к. ни бажармоқ. *Тиришибмашқ қили-шим орқасида ҳамсабоқ ўртоқларим орасида ишио ёзишда пешқадам бўлдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Фанишер бугун уйқудан тжи-қиб турди, олджга ва орқага знгашиб машқ қилди. «Ўзбекистон кўриқдари».* Машқини олмоқ Яхши малака ҳосил қилмоқ, ҳавоси-ни олмоқ, обдан эгалламоқ. *У 1930 йиьглар қишлоқ советига котиб бўлганидан бери маж-лисларда сўзлаш машқини олган эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

МАШҚИ [а. з ■■ -] **1** Чолғу куйи ва унинг ижроси. *Созандалар узоқ машқдан кейин та-наффус қилдилар ва чолғуларини қўйиб, чой ича боинадилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Йўлдош отага чалиб берган машқингиз ҳиши ҳам қуло-гимдан кетмайди.* С. Аҳмад, Хазина.

2 кўчма Кишининг кайфияти, шахти. *Дадавойга қизинжг машқи наст, руҳан эзилганроқ туюлди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

МАШГУЛ [а. J j '■> ,7, / . — иши кўп, иш би-лан банд] Бирор иш билан банд бўлган, шуғулланаётган. *Фотима опа айвонда бола-лардан биржжг шимжи ямаш билан машгул.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Раҳим ака телефонга яқинлашди, бошқалар ўз иши би-лан машгул эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

657

МАШГУЛОТ [а. j, ;, 7, ,, - нарса, бу-юмлар; маҳсулот] **1** Иш-юмуш, касб. *Мен бу ерда отам ва онамнинг машгулотлари.. тўғри-сида бир оз гапирибўтишини лозим биламан.* С. Айний, Эсдалиқлар.

2 Муайян мақсаддаги, мас, ўқитиш-ўргатишга қаратилган иш; дарс. *Навбатдаги машгулот. Амалий машгулот. Машгулот ўтказмоқ. ит Эртаси кун Рамазон қори келиб, ўз синфида машгулот бошлади.* П. Тур-сун, Ўқитувчи. *Ўт ўчирувчиларнинг сменаси навбатдаги машгулотни ҳозиргина тугатди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Таъсирли, даъваткорлик руҳидаги машгулотлар яхши самаралар бергашиги кўзга таппаниб туриб-ди.* Газетадан.

МАШХУР \a. j j д .7, о — таникди, доврүк-ли| Шуҳрат қозонган, донғи кетган, ном чиқарган; атокди, таникди, танилган. *Маши-хур олим. Машихур механизатор. ит Ургут қиш-лонишири ажойиб боғлари, учар отлари.. моҳир усталари билан машихур экан. «Саодат». Бу-тун Хуросону Мовароуннаҳрга донғи кетган бу бастакор [Андигоний] камтару хушфеъллиги билан машихур. Мирмуҳсин, Меъмор.*

МАЪБАД \a. — ибодат қилинадитан жой] эск. кт. айн. **ибодатхона.**

МАЪБУДА \a. ъл; i. — илоха; маҳбуба] Аёл образида тасаввур қилинган худо. *Афро-дита — муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси.*

МАЪВО \a. tʃjLo — бошпана, тураржой, макон] эск. кт. Тураржой, бошпана; манзил. *Меҳнаткаш азиз элни кутиб боғу чаман-лар, Гулдаста тутиб, манзилу маъво беа-нибдир. Ҳабибий. Оғушлари какликларга хил-ватгоҳ маъво, Сўлим, салқин соясида кийик-ларуҳлар. О. Ражаб.*

МАЪДАН \a. j j j j -о - кон, ер ости бой-ликлари; металл] эск. **1 айн. минерал I, II.** *Нодир маъданлар. вш Сут маъдан моддаларга ҳам бои масаллиқ бўлиб, таркибида калий, фосфат ва боиқалар бор. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

2 айн. металл. *Жило берар маъданга зўр уста токаръ..* Ғайратий.

3 айн. руда. *Бир олим тоғқазиб, маъданлар излар, Бири тилсим очиб, ердан топар кон. С. Абдулла.*

МАЪДАНШУНОСЛИК **1 қ. минерало-гия.** *Маъданишунослик илмига.. сезиларли йўна-лиш бағишлаётган ўтқир зеҳнли зотлардан эди. М. Қўшжонов, Дийдор.*

2 қ. металлшунослик.

МАЪЖУН [a. ~ доривор аралаш-ма; ўсимликлардан олинадиган, таркибида гиёҳванд модда бўлган аралашма] эск. Тур-ли зираворларга афюн қўшиб тайёрланган ва қувват, дармон берадиган дори. *Табиб: «Бу кофар иссиқ дори, бунини бир ривоятда — маъ-жун, яна бир ривоятда — чордори деб атай-дилар», деди. Н. Мақсудий, Юксалиш.*

МАЪЗИРАТ [a. сʃʃAʃL^ - узр, афв сўраш] эск. кт. Узр, кечирим. *Маъзират сўрамоқ.*

МАЪЗУЛ \a. Jj>»-» ~ узоқлаштирилган алоҳида(ланган); ишдан озод қилинган] эск. кт. Амалидан, вазифасидан четлатилган. [/Co^"] ..*Маъзул қозикалон Бурҳониддин, ҳам муллалар вакили домума Қутбиддин ва домулла Холмуроддан хат олдим. С. Айний, Қуллар.*

МАЪЗУР \a. j j J -»-° — узрли; узр этил-ган| Узрли, кечирса бўладиган. *Мактубни иситма орасида ёзганингизга тамоман қано-ат ҳосил қилдим. Шунинг учун сизни айб-лашга ҳаққим йўк, сиз маъзурсиз. А. Қоди-рий, Ўтган кунлар.*

Маъзур тутмоқ (ёки кўрмоқ) Узрли ҳисобламоқ, кечирмоқ. *Мени маъзур ту-тинг, устоз. Уст-бошим кир-чир бўлгани-дан тўғри келаверишига ботина олмадим. М. Осим, Карвон йўлларида. Маъзур кўрасиз, оғайнилар, бу савдо бизга тўғри келмайди. Ҳ. Гулом, Феруза.*

МАЪЛУМ [a. ^jI]» — таникли, белги-ли; албатта, тушунарли] **1** Ҳамма ёки тегишли кишилар биладиган, ошкор, аён. *Маълум нарса. Маълум жой. tm Қораилон фақат икки кишига маълум: уларнинг бири — Мирзо, иккинчиси — Шоҳ Малик тархондир. Мирмуҳсин, Меъмор. Бу вазифани бажариши бениҳоя оғир бўлажаги разведкачиларнинг ахборотларидан маълум эди. Т. Рус-тамов, Мангу жасорат.*

Маълум қилмоқ Билдирмоқ. *Табиб ҳам Меъморнинг оғир мусибаш бшан Бухорога ке-таётганини маълум қилишни лозим топмади. Мирмуҳсин, Меъмор.*

Ъмат. Олдиндан берилган, мавжуд. *Маъ-лум сонларни номаълумлардан ажратиши.*

3 Белгили, муайян. *Орадан маълум муд-дат ўтиб, дарвозанинг сўнақасиз тақилла-шидан [Ҳасанъш] чўчибуйгонди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Урф-одат ва анъана, гўё жад-валга ёзилгандек, маълум тартиб билан да-вом этди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Машхур, ном чиқарган. *Маълум одам.*

МАЪЛУМИНГИЗ Сизга маълум бўл-синки. *Маълумингиз, кеча мажгис бўлган эди. **иш** Маълумингиз, мардикор қилиб юборди.* У. Исмоилов, Сайланма. \ *Отабек:* \ *Маълумин-гиз, кечалари бўш бўламан, шунинг билан бирга, отангиз қайси вақтни ихтиёр қилса-лар, ижобат зтишидан ўзга чорам бўлмас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЪЛУМКИ *кри с.* Кўпчиликка маъ-лум нарса устида сўз борганда ишлатилади. *Маълумки, ёмғир чувалчанги сернам ва чи-ринди тупроқли шароитда яшайди.* «Фан ва турмуш».

МАЪЛУМОТ [а. - ахборот, ха-барлар; билим] 1 Ўқиш-ўрганиш натижа-сида олинган билим кўникмалари ҳажми ва даражаси. *Бошлангич маълумот. Ўрта маъ-лумот. Олий маълумот. Сиёсий маълумот.* **иш** *Хрзир мактабдаги ўқитувчилар олий ва **мах**-сус маълумотга эгалар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Қиз ўн олти ёшгача бу ошада мусиқа муаллими бўлган камбагал амакининг тарби-ясида ўсади, ибтидоий таҳси кўради, муси-қадан **ҳам** бир оз маълумот олади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Хабар, ахборот; далил бўладиган хуж-жат, рақам ва ш. к. материаллар. *Кечқурун қишлоққа терговчи келди. Даспъшб Мели пол-вонни чақриб, маълумот олди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Олимларимизнинг берган маълумот-ларига қараганда, лимонни экиб, каламча, пайванд ва пархиш қилиб кўпайтирилади.* Газетадан. *Мирзо саройидан бизга етиб кел-ган маълумопъир шуни кўрсатадики, фарго-наликлар биздан кам, иш кўрган сарбозлари оз..* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАЪЛУМОТЛИ Маълумот олган, маъ-лумоти бор; ўқимишли. *Маълумотли одам. Ўрта маълумотли бола. Олий маълумотли пе-дагог. **иш** Халқ бахтини изловчи.. маълумот-ли курашчшар лозим.* Ойбек, Нур қидириб.

МАЪЛУМОТНОМА [маълумот + нома] 1 Фуқароларнинг турмуши ва иш фаолиятига оид воқеа-хрдиса ва ҳдлатларни акс эт-тириб тасдиқлаб берадиган ва талаб қилинган жойларга тақдим этиладиган (кўрсати-ладиган) расмий хужжат. *Соғлиги ҳақидаги маълумотнома. Иш (яшаи) жойи ҳақида маъ-лумотнома олмок.*

2 Корхона, муассаса ва ш.к. фаолиятига доир воқеа-ҳодисаларни расмий равишда акс эттирадиган ва тасдиқлайдиган, хилма-хил маълумотларни қамраб олувчи расмий хужжат. *Вагонларда Москвага маълумотнома-лар олиб бораётган ходимлар бор эди.* Т. Рус-тамов, Мангу жасорат.

3 Бирор соха ёки масала бўйича маълу-мот берадиган китоб, қўлланма ва ш.к. *Олий ўқув юртларига кирувчилар учун кимёдан маълумотнома. Амалий врачлар учун педиат-риядан маълумотнома.*

МАЪЛУМОТСИЗ Маълумоти, билими йўқ; ўқнмаган, билимсиз.

МАЪМУР I [а. _>»L> - топширик, буй-рук олувчи, тобе; мансабдор, бошлик] 1 Бошқариш ва ижро ҳуқуқига эга бўлган мансабдор, бошлик. *Чормаъмурлари. **иш** Ма-ҳаллий маъмурлар унга [муфтига] Маиҳад-дан чиқиб кетишига рухсатнома беришдан бош тортиди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

2 Маъмур (эркаклар исми).

МАЪМУР II \а. JJ/1.. — ишланган, иш-лов берилган (ер); одам яшайдиган, обод] Обод ва фаровон, бекаму кўст; тўкин. *Юр-тимиз маъмур. **иш** \ Навоий:] Қишоқ аҳллари-га ариқлар чиқариб, халқни сувга маъмур қил-моқчи бўлганимизни айтдим.* Уйғун ва И. Сул-тон, Алишер Навоий. *Ҳозиргидек маъмур за-Мовтр бўлишини тасаввуримизга сигдиrol-масдик.* Газетадан.

МАЪМУРИЙ \а. ^jj^Lo - бошқарувга, маъмуриятга алоқадор] 1 Маъмуриятга доир, бошқариш ва ижро билан шуғулланадиган. *Маъмурий бўлим. Маъмурий иш. Маъмурий ҳуқуқ. **иш** Норбой икки қаватли маъмурий бино олдида машинадан гердайтиб тушди.* «Еш-лик». *Бу, аввало, маъмурий погоналарни ка-майтириш, энг муҳими, бошқарув харажат-ларини тегшили равишда камайтириш имко-нини беради.* Газетадан.

2 Маъмурият йўли билан амалга ошириладиган. *Маъмурий чора. иш Нодиржон, бир буфетчини, Розиквойнинг илтимосига кўра, маъмурий жазодан қутқазди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

МАЪМУРИЯТ \а. с^j^L, - амал, ман-саб; вазифа, топшириқ] 1 Бошқарув фаолиятини амалга оширувчи давлат орган-лари мажмуи.

2 Муассаса, ташкилот, корхона ва ш. к. нинг бошқармаси. *Театр маъмурияти яхши асарлар иўқлигидан нолибди.* Газетадан. *Ке-йин комбинат маъмурияти Ойсанамга бир хо*

660

нали квартирага ордер берди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

3 Бошқарувдаги мансабдор шахслар; му-ассаса, корхоналардаги раҳбар ходимлар.

МАЪМУРИЯТЧИЛИК Маъмурий ҳу-қуқларни суиистеъмол қилиш. *..меҳнат жамоаларининг ролига ҳали ҳам тўла баҳо бермаяптилар, маъмуриятчилик билан шу-гулланадилар.* Газетадан. *Маъмуриятчилик-ка берилиб кетиши зарардан бошқа ҳеч бир натижа бериши мумкин эмас.* Газетадан.

МАЪМУРЛИК айн. **маъмурчилик.** *Рақам-га боқсам, эрта — ҳамма ерда маъмурлик.* Ф. Зоҳид, Гуямўйин кўшиғи.

МАЪМУРЧИЛИК Мўл-кўлчилик, тў-кинчилик, фаровонлик. *Янги, гуллаганха-зонсиз боғлар — мўл-кўлчилик рамзи, маъ-мурчилик тимсоли.* «Ёшлик». *Улар эл-юрт бойлиги, маъмурчилиги учун фидокорона меҳнат қилаётирлар.* Газетадан. *Унингча, бу тўйлар элимиздаги тўкин-сочинлик, маъ-мурчиликка ҳечам қовушмайди.* Р. Рақмон, Меҳр кўзда.

МАЪНАВИЙ \а. uV^..n — маъновий; ақ-лий; мавҳум; ахлоқий) 1 Маънавиятга оид, маънавият, ахлоқ билан боғлиқ. *Маънавий мерос. Маънавий қиёфа. Маънавий камолот.* **иш** *Ҳаётнинг сўқмоқларидан ўтишига ожиз, ҳар бир арзимас қийинчилик олдидан эсанки-райдиган, маънавий қашшоқ одам эканлигим-ни энди билдим.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Ой-бекнинг қаламига мансуб асарлар аллақачон қардош халқларнинг маънавий мулкига ай-ланган.* Газетадан.

2 айн. **маънан.** *Назарни айбситишига ҳеч кимнинг маънавий ҳаққи йўқ.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ёшлар ўртасидаги маънавий тубан-лаишининг асосий манбаларидан бири Фарб-да ишланган ахлоқ ва одобга зид бўлган фильм-ларни кўриши бўлиб қолди.* Э. Юсупов, Истик-лол йўлида.

Маънавий зарар Муайян шахснинг шаъ-ни, кадр-қимматига доғ тушириш, ишби-лармонлик обрўсига путур етказиш.

МАЪНАВИЯТ [а. о'й^ - ахлоқий хрлат; барча ахлоқий нарсалар, хусусият-лар| Инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва ш. к. тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. *Маъ-навият — инсоннинг, халқнинг, жамият-нинг, давлатнинг куч-қудратидир.* У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Га-зетадан. *..маънавиятимизга таъсир этувчи жиҳатлар иунчалик кўпки, уларни санаб, саноғига ета олмаймиз.* Газетадан. *Зеро, нақибандия таълимоти — маънавиятимиз сарчашмаларидан бири ҳисобланади.* Газета-дан. *Аждодларимиз фалсафаси ҳам маъна-виятимиздир.* Газетадан. *Биз талабаларга Шарқ маънавиятининг жаҳон ивилизация-ясида тутган ўрни ҳақида ўргатамиз.* Га-зетадан.

МАЪНАН кам. қўлл. 1 Маънавий жиҳат-дан, маънавий томондан. *Унинг \Юсуфбек ҳожининг\ ҳар бир раъишига Нормухаммад қуш-беги қонунан мажбуур бўлмаса-да, маънан бир мажбурият ҳис этар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *Маънан ва жисман эзилган.. Анвар гўё ҳушсиз каби, бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига энгашиди.* А. Қодирий, Меҳ-робдан чаён.

2 Маъно жиҳатдан, маъносига кўра. *Маъ-нан бир хил сўзлар.*

МАЪНИ \а. ^IJU, — маъно, мазмун| с. т. 1 айт. **маъно.** Сўзнинг маъниси.

2 айн. **мазмун.** *Рустам эси кириб қолган, китоб ўқиб, ҳар гапнинг маънисини тушуна-диган бўлган. «Муродхон». Сўнг бундан ҳеч нима тушунмай, кўзларини бақрайтирган дўстларига бу рубоийнинг маънисини тушун-тириш учун шошилди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Ақл-хуш, тайин. *Маъниси йўқ одам. тии Сизларда маъни борми, бемаънилар. М. Қори-ев, Ойдин кечалар.*

Маъни кирмоқ Ақл кирмоқ, эс-хушли бўлмоқ. *-Баракалла, — деди Яозик, — Ана энди сизга ҳам маъни кирибди. А. Қодирӣй, Меҳробдан чаён.*

4 кўчма Бирор нарсанинг сабаби, моҳи-яти, нима эканлиги. *Мана энди ўша инглиз отлиг аждаҳонинг Туркистон тарафга ўрма-лашининг маънисини идрок қилди. К. Яшин, Ҳамза. Қизни бешикда унашиб кўйган экан-лар. Шу бола хотиннинг маънисини билади-ми ? Ойбек, Танланган асарлар.*

МАЪНИЛИ Маънога эга (қ. **маъни 1-3**). *Умулойим табиати, соддалиги.. маънили гапи, куч-қуввати билан одамларга ёқди. Ойбек, Танланган асарлар. Анча тадбиркор, маъни-ли кўринадди бу Дониёров деганлари. Ж. Аб-дуллахонов, Тўфон.*

МАЪНО \а. {j}Lj> — мазмун, тушунча, ғоя] 1 Сўзнинг мазмун томони, сўз билан ифо

661

даланган тушунча. *Сўзнинг тўғри маъноси. Сўзнинг кўчма маъноси. тт Мен, одатим бўйи-ча, сўзларнинг маъноларини ва номларнинг номланган нарса билан муносабатини билиш-га қизиққанымдан: -У қишлоқни нега Тезгу-зар деб атаганлар? — деб сўрадим. С. Ай-ний, Эсдаликлар.*

2 айн. **мазмун.** *Гавҳар бу гапдан «қўлимдан келса, ёрдамими аямайман» деган маънони уқди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқсол. Ун-син қошини чимириб, яш этиб Гулнорга қара-ди, лекин сўнгги жумланинг маъносини, нечун-дир, сўрамади. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Баъзи хатти-ҳаракат ва ш. к. дан англа-шиладиган нарса; ифода. *Хотин унинг ҳаракатидан «ўпич бер» деган маънони англади-да: -Шуни тўғри айта қолсангиз, нима бўлар экан! — деди. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хо-тин. Унинг вазоҳатидан «нега келдинг», де-ганмаъно борлигини Азиза тушунди. Ў. Ҳоши-мов, Қалбингга қулоқ сол.*

4 Бирор нарсанинг моҳияти, нима экан-лиги; моҳият. *Самандаров захарханда қилди: -Бу қанақа мусобақа бўлди? Мусобақа-нинг маъносини тушунасанми ўзинг? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Демак, ирсият-нинг маъноси — оқсил синтез қилиш қобилиятининг наслдан наслга ўтишидир. «Фан ва турмуш».*

Бундан маъно чикмайди Бундан фойда, натижа чикмайди. **Маъно бермоқ** Тушун-моқ, талқин қилмоқ. *Замиранинг дами чиқ-май қолганига Очил ўзича маъно берди. П. Қодиров, Уч илдиз. Маъноси йўқ* Фойдаси йўқ. *..«водород» билан «кислород»ни арабчага таржима қилибўтиришдан маъно йўқ. П. Тур-сун, Ўқитувчи.*

МАЪНОВИЙ Маънога оид, тегишли. *Шоирнинг ҳар бир шеърида табиат тасвирига маъновий «нагрузка» юкланади. «ЎТА».*

МАЪНОДОР \а.+ ф.^л^ - кўп маъ-ноли, таъсирчан; мазмунли] айн. **маъноли.** *Унинг \ Тоҳиржоннинг] катталашган кора кўзлари чироқда аллақандай умидсиз, лекин маънодор ёнади. Ойбек, Танланган асарлар. Элмурод Ойимхоннинг маънодор, текширувчи саволларидан завқланиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

МАЪНОДОШ Маъноси бир, маъно жиҳатидан тенг ёки яқин. *Маънодош сўзлар. ит Келтирилган мисоллардаги «мадор — куч-қувват», «қувонмоқ — суюнмоқ» маънодош сўзларининг барчаси ўз маъноларида кўллан-ган. «ЎТА».*

МАЪНОЛИ 1 Маъноси бўлган. бирор маъно билдирадиган. *Маъноли гап. Чуқур маъноли ибора. Кўп маъноли сўз.*

2 Чуқур мазмунга эга бўлган, сермазмун. *Одамшаванда, гапи, сўзи маъноли бу хаста йигитни Йўлчи яхши кўрар эди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

3 Бирор маъно ифодаладиган, бирор нарсага ишора қилувчи, шамали. *Маъноли нигоҳ. иш \акимбойвачча лабини тишиб, ука-сигамаъноли қараб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Акл-идрок, мулоҳаза билан иш қила-диган, жиддий, бамаъни. *Маъноли одам.*

МАЪНОСИЗ Маъноси йўқ, маъно чиқ-майдиган; мантиқсиз, бемаъни. *Маъносиз гап. Маъносиз иш. тт Иўлчи қаёққа бош уришни, кимнинг ёқасидан туттишни билмай.. тентиб юрди.. Энди унинг хаёлида ҳамма нар-са бўш ва маъносиз эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАЪРАКА [а. *S>^ — жанг, уруш; йи-ғин] **1** дин. Мотам маросимларининг йиғиндиси ва уларнинг ҳар бири. *Гулсумбиби.. қизининг бутун маъракасини ўтказгандан кейин, қабрга ҳайдасалар ҳам дадил бориш-га тайёрлигини сўзлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Собир Одил буванинг маъракалари-га ўзи бош бўлди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Тўй, томоша ва ш. к. муносабати билан бўладиган йиғин, маросим. *Шу-шу бўлди-ю, Норбувининг мартабаси ошиб, хар бир маъ-рака унинг маслаҳатисиз бўлмайдиган бўлиб қолди.* Ҳ. Шамс, Душман.

3 Жанг майдони; жанг. *Маърака — мард-ники.* Мақол.

4 кўчма Сиёсий ёки хўжалик аҳамиятига эга бўлган бирор ишни амалга ошириш учун ўтказиладиган ялпи ҳаракат; кампания, *Те-рим маъракаси бошланган кунларданоқ Олим-жон оғизга шушиб қолди.* Ҳ. Назир, Қанот-лар. *Шундан кейин колхозлаштириши маъра-касига оид масалаларни муҳокама қилишди.* Ҳ. Шамс, Душман.

МАЪРАМОҚ «Ма-а» деган овоз чиқар-моқ (моллар ҳақида). *Қўй маъради. тт Подачининг товушини эшитиб, далага ошиққан онасига эргашиб, қашқа бузоқ ҳам маъраб юборди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

567 §1%[^]

Еб туриб маърайди Тўла-тўқис таъмин-лангани ҳрлда у билан қаноатланмайдиган, яна талаб қиладиган шахсга нисбатан қўл-ланади. *Қачонгача еб туриб маърайсан.* К. Яшин, Ҳамза. *Ўзригамол қаҳатми? Уебту-риб маърайдиган очкўзлардан.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МАЪРИФАТ \а. сЛух[^]. — билим, фан; маълумот; танишиш] **1** Таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билими-ни, маданиятини оширишга қаратилган фаолият. *Маърифат.. билим ва маданиятни ёйиши ва юксалтиришининг ҳамма турлари ва соҳаларини ўзига қамрайди.* «Мулоқот». *Эндиликда илми оддий кишиларга хизмат қил-дириши керак, ҳаммани саводли қилиб, халқни маърифат нури билан ёритиши керак.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

2 дин. Тасаввуфда ҳар бир суфий руҳий камолотга эришиш йўлида босиб ўтадиган босқич (мақом)лардан бири (қ. мақом II **4**).

3 Маърифат (хотин-қизлар исми). **МАЪРИФАТЛИ** Маърифатга эришган.

Ўзбекистон Шарқнинг гумаб ва яшнаб тур-ган маърифатчи ўлкасига айланди. Газетадан. *Бошга рўмол ташилаган билан ифбатли ва маърифатли бўлавермайди.* Газетадан.

МАЪРИФАТПАРВАР Маърифат учун курашувчи; маърифат ҳомийси ва тарафдори. *Маърифатпарвар шоирлар. ишш У/Шоҳ-рух Мирзо] фуқаропарвар, маърифатпарвар бўлиб, Меъморга меҳрибонлик кўрсатиб, пе-шонасини силагандек бўлди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МАРИФАТПАРВАРЛИК Маърифат-парвар бўлиш; маърифатга алоқадор (оид) иш, фаолият. *Маърифатпарварлик — фой-дали иш. Янги усулдаги мактабларнинг бо-галарга жуда нафи катта.* К. Яшин, Ҳамза.

МАЪРИФАТЧИ Маърифат учун кура-шувчи, маърифатпарвар (шахс). 25 сентябрь.. маърифатчи шоир Зокиржон Фур-қат тугилган куннинг юз йиллигига бағишлаб.. илмий сессия ўтказилди. Газетадан.

МАЪРИФАТЧИЛИК тар. Маданият ва маънавият соҳасида Ғарбда 17-аср охири — 18-аср бошларида, Шарқда 19-аср охири — 20-аср бошларида майдонга келган, негизини фан, билим имкониятларита ишонч ташкил этган оқим, йўналиш. *Шарқ маърифатчишиги умуман динга қарши эмас, бсьжи диний ақидапарастликка қарши бўлган. «ЎЗМЭ».*

МАЪРИФИЙ Маърифатга оид. *Жомий катта ва қимматли адабий, илмий ва маърифий мерос қолдирди.* Газетадан.

МАЪРУЗА [а. <u>иш-о</u> — ёзма арз, ариза; хабарнома] **1** Бирор мавзуда кўтгчилик олдидан айтилган (сўзланган) нутқ. *Мен клубга кирганимда, маъруза тугаб, музокарага, са-вол-жавобга ўтилган экан. «Муштум».*

2 Раҳбар орган ёки бошлиққа берилган ёзма маълумот, ахборот. *Каримов ша-ҳарга келганининг иккинчи куни район шўро-сига кириб, ёзма маъруза берди. Х. Шамс, Душман.*

МАЪРУЗАЧИ Маъруза қилувчи (ёки қилган) шахс. *Музокарачи зиёлиларнинг ер ислохотидаги вазибалари ҳақида маърузачи томонидан эслатилмаган масалалар тўғри-сида сўзлаб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

МАЪРУФ \а. **ī_j JJJO.** — ҳаммага таниқли, билимли; маъқулланган] **1** эск. кт. Таниқли, машхур. *Маълум ва маъруф одамлар.*

2 Маъруф (эркаклар исми).

Амри маъруф қ. амримаъруф.

МАЪСУМ \а. **^** - сак^анган, дахл-сиз; гуноҳсиз, пок] **1** кт. Бегуноҳ, пок, тоза. - *Тақсир, сиз менинг мактабимни бузмадин-гиз, бу ерга одам бўлармиканман, илм олар-миканман, деб инсоний ният билан келган маъсумларнинг кўнглини буздингиз, — деди Ғуломжон. М. Исмоилий, Фарғонат. о.*

2 Номусли, ифбатли. *Ўша кечада шун-дай пок ва маъсум кўринган бу қиз бунчалик беҳаё бўлиб чиқишини, унинг энг азиз туйғу-ларини шунчалик ҳақорат қилишини ўйлаган-миди?0. Ёқубов, Тилла узук.*

3 Маъсум (эркаклар исми). **МАЪСУМА** **1** Маъсум аёл. *Ўқиб бер ўзинг каби мазлумаларга, Кўчаларда соврилган маъ-сумаларга. Ғайратий.*

2 Маъсума (хотин-қизлар исми).

МАЪСУМОНА Маъсумларча, поклик билан, пок. *Маъсумона табассум қишоқ.*

МАЪТАЛ \а. **JJnjca** — бекор қолган, бе-корчи; муддати ўтган] *айн. маҳтал. Олим отларга қарашиб турди. У «Отларни эгарла!» деган фармонга маътал. А. Ҳақимов, Илон изидан. Сафаров.. Самандаров ҳануз жавобга маътал турганини кўриб: - Колхозчиларнинг ўзларидан яхшироқ маслаҳат чиқади, — деди. А. К,аҳқор, Қўшчинор чироклари.*

Маътал бўлмоқ Мунтазир ҳолатда бўлмоқ. *Ҳар қалай, буйруққа маътал бўлиб, шайланиб турибмиз. Н. Сафаров, Оловли излар. Маъ-тал қилмоқ* Мунтазир қилмоқ; куттирмоқ. *..мкки биродарни маътал қилиб қўймай.. та-лабларини ерига етказдишр. К. Алиев, Қабрга кўмилган ишоратлар.*

МАЪШУҚ \а. **3j Ai n** — севимли; маҳбуб; хуштор, жазман] *кт. Икки севишганнинг бири; севикли ёр, севгили. Парво қилма, ўлиб кетди аждаҳор, Келиб маъшуқини топган-дир Шакар. «Ширин билан Шакар».*

МАЪШУҚА Маъшуқ аёл. \Отабек:\ *Ой юзли рафиқам, қундуз қошли маъшуқам Ку-мушхонимга! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

МАЪЮБ \ а. **ījji m** — камчилиги, нуқсо-ни бор, айбли] *эск. кт. айн. айбдор. Қрра қур-сида бир жамоа маъюблар.. ўлтирибдирлар. «Муштум».*

МАЪЮС [G. (jju j '■ ■ " < _ ^ и о уМИДСИЗ-

ланган, руҳи тушган] *кт.* **1** Ноумид, туш-кун ҳолатли; тушкун. [Отабек.] *Бу ерда сўзимни эшитувчи биров ҳам бўлмади, бўлса-лар ҳам, «сенинг арзингни шу хонлар ижро қиладими?» деб, менимаъюс қилдилар.* А. Қр-дирий, Ўтган кунлар. Қиз умид билан кўтар-ган бошчасини яна ёстиққа кўйди. Нон илин-жида чақнаган йирик кўзлари маъюс юмилди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Эзилган, ғамгин ҳолатли; хомуш. Унинг маъюс чехрасига қараб туриб, Жавлон бад-тар эзилиб кетди. Л. Тожиева, Мехрим сиз-га, одамлар. *Катта-кичик, ёш-қари эркак-аёллар оқими кўнгилдан йиғлар, уларнинг кўз ёшларини маъюс эзилган бошлари ифода қилар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. Ўйларимда толган ўйчан тол Маъюсгина эгмиш бошини. Ҳ. Аб-дуназар, Анжир гули. Қишлоқ чоллари мур-далар қошига аста қадам ташлаб келишди-да, тиз чўкиб, маъюс ҳолда анча сукут ўшиши-ди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

МАЪЮСЛАНМОҚ Маъюс бўлмоқ, маъюсликка тушмоқ. -*Кечқурун далада олис-дан ўт кўрсам, овулим эсимга тушади, — маъюсланиб деди Уроз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баъзи ота-оналар касал болани врачга кўрсатиб даволаш ўрнига койиб, ўсал қила-дилар ва бола баттарроқ маъюсланади.* «Фан ва турмуш».

МАЪЮСЛИК Маъюс ҳолат, маъюс кўриниш. *Отабек Зайнабнинг юзидаги маъюсликни биринчи кўришдаёқ сезди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мукаррам негадир хафа, аллақандай нарса.. кўзларига маъюслик, юз-ларига сўлгинлик кўланкасини соларди.* С. Ка-роматов, Матонат.

МАЪЮСОНА Маъюс бўлиб, маъюслик билан, ғамгин. *Бир оз жим қолдилар.. Оф-тоб ойим энтикиб оғир нафас олди ва маъю-сона Кумушга қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАЪҚУЛ \a. ЈU-»-» - оқилона; манти-кий; тушунарли] **1** Талаб-истакка тўғри келадиган; мақбул. *Маъқул иш. Маъқул гап. Маъқул фикр.* **тп** *Комплекс лойиҳалар ҳозир сероб. Маъқулни танлайсиз, қураверасиз.* «Ўзбекистон кўриклари». Низомиддинов ишини бир ёқлама олиб боряпти. *Шу одамнинг иши менга унчалик маъқул эмас.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 (кесим вазифасида ёки таркибида) Ях-ши, дуруст. *Ёки ўзини кўрмасдан, зойибона севиб юрганам маъқулмикан?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Нонушта қила-ётганимизда, мана бу чўкморни унга айтиб қўйганимиз маъқул.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Маъқуллаш, розиликни билдиради: яхши, дуруег, хўп. *Маъқул, маъқул, бой ота, сояи давлатингиз кам бўлмасин!* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *..Эрта билан йўлга чиқайлик.* -*Маъқул, — деди Меъмор.* Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Гап-сўзни қайтармайдиган; ювош. *Ба-шорат хола қаршисида опасини хуноб киладиган энгилтак Олимжон эмас, балки оғир табиати, мўмин, маъқул ва эс-ҳушли, бутунлай бошқа бир бола тургандай зди.* А. Ми-рахмедов, Кулган чечаклар.

Маъқул бўлмоқ (ёки **келмоқ, тушмоқ**) Мақбул деб қабул қилмоқ. *Ғатим икковига ҳам маъқул бўлди, шекилли.. у ёғи кўнгилда-гидек бўлди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Бу гап залда ўтирганларга ҳам маъқул тушди.* «Ёшлик». *Каромат хола, ҳат-то бирор нарса ўзига ҳаддан ташқари маъ-қул келса ҳам, ўша нарсани қаргаб-қаргаб мақтарди.* Ю. Шомансур, Қора марварид. **Маъқул қилмоқ** Маъқул деб тан олдирмоқ; маъқуллашмоқ. *Удўстларига тунов кунги шеърини маъқул қила олганига қувонарди.* С. Си-ёев, Ёруғлик.

МАЪҚУЛЛАМОҚ Маъқул деб билмоқ, мақбул топмоқ; қувватламоқ. *Унинг бош энгер-гетик бўлганини эшитган биров маъқуллар-ди, бировга алам қиларди.* Х-Олимжонов,

Такдир тақозоси. Эллиқбоши бу фикрни маъ-қуллади ва ўзи ҳам бу хусусда анча маълумот берди. Ойбек, Танланган асарлар. МАЯК айн. маёк.

МАЯТНИК \р. маять — «у ёқ-бу ёққа қимирлатмоқ, тебратмоқ» фл. дан| 1 Юқори учи қўзғалмас нуқтага осиб қўйилган, паст-ки учига оғир юк ўрнатилган тебранувчи стержень.

2 Қўл ва ён соатларининг юришини мун-тазамлаштириб турувчи, ўз ўқи атрофида го\ чап, гоҳ ўнг томонга бир тартибда тебра-ниб турадиган деталь.

МАҚБАРА \а. »^ - қабристон, гўрис-тон| Қабр устига қурилган меъморий ин-шоот ёки тош тобут; даҳма, сағана. *Исмоил Сомоний мақбараси. Шоҳи Зинда мақбараси. тт* Қушбеги ўтирадиган жойнинг шарқ то-монида бир мақбара бўлиб, унда кечалар чироқ ёқилади. С. Айний, Дохунда.

МАҚБУЛ \а. J^i-o — қабул қилинган, маъқулланган] *кт.* Қабул қилса, маъқулла-са бўладиган, маъқул келадиган. *Мақбул гап. Мақбул асар. Мақбул бўлмоқ. тт* Маъқул ва мақбул тадбирни шояд сиз жанобдан эшит-гаймиз. Ойбек, Навоий. *Ҳамадоний ва Фар-ҳод Ойнагулни она юртига ўтказиб юбориш-нинг мақбул йўли ҳақида аниқ фикрга келиш-ди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

МАҚОЛ \а. JУa_o — мақола, кичик асар; сўз, нутқ] Ҳаётий тажриба асосида халқто-монидан яратилган, одатда панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам, образли, ту-гал маъноли ва ҳикматли ибора, гап. *Ўзбек халқ мақоллари. тт* Махдум.. *Анварнинг би-рор камбағал билан «эзилишиб» ўтирганини кўрса.. «Сут билан кирган, жон билан чиқар» мақоли кўп тўғри сўз, деб ўйлар ва энсаси қотиб, четга кетар эди.* А. Қодирий, Мех-робдан чаён.

МАҚОЛА \а. 4_!La.o — нутқ; кичик асар) Тўплам, журнал, газета ва ш. к. учун ёзил-ган ёки уларда босилган, ҳажми унча кат-та бўлмаган илмий ёки публицистик асар. *Газетанинг бош мақоласи. Мақола ёзмоқ. тт* Сидиқжон овқатдан кейин қўлига газета ол-ган эди, бир мақолани яримлатмасдан, кўзи сузилди. А. Қаххор. Қўшчинор чироқлари. *fill.* Рашидов] *Редакцияга фронтдан, кейин-чалик госпиталдан шеърлар ва публицистик мақолалар йўллаб турди.* Н. Сафаров, Олов-ли излар.

Луғат мақоласи Луғатларда ҳар бир сўзнинг (бош сўзнинг) тавсифига оид ту-гал материал.

МАҚОЛАНАВИС \а. + ф. ^j^U- -мақола ёзувчи] *эск. айн.* журналист.

МАҚОМ I \а. ^Ls-o — жой, ўрин; товуш-лар қатори, куй (оҳанг) тузилиши] 1 Му-сулмон Шарқи мусиқасида мусиқий оҳанг, куй йўли, тартиби, шакли ва жанри. *Саидий ўлтирган ерида машқ мақомига тебранар эди.* А. Қаххор. Сароб. *Ашула ниҳоятига етди. Ле-кин бир зумдан кейин яна айни товуш парвоз қилди. Аммо ўзга мақомда.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

2 «Шашмақом» деб аталган олти қисм-дан иборат ўзбек мумтоз мусиқа асарининг ҳар бир қисми. *«Наво» мақоми. Мақомлар-дан парчалар. н* Шерозийнинг қўлларида соз, *Гуркирайди мақом куйлари.* Э. Раҳим.

3 Тартиб, ўлчов. *Узун сариқ қапгирини бир мақомда тебратиб чиқиллаётган катта де-вор соати узиб-узиб дангиллай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Ўйинда усулга, ритмга мос қўл, оёқ, бадан ва юз ҳаракати; муқом. *Шўх йигитлар ўйинчининг мақомига қийқириқ билан жавоб берардилар.* С. Ахмад, Қадрдон далалар.

5 кўчма с. т. Хатти-ҳаракат, усул; йўл. *Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар.* Мақол. *тт* Носирхон тўра жуда мунофиқ.. *извогар одам экан. Бизга қарши курашмоқ учун ўзини ҳар мақомга солди.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари.

МАҚОМ II \а. ^USJ — вазият, мавқе; ўрин, жой; даража, мартаба] *кт.* 1 Ўрин, жой.

2 Мартаба, мавқе. *Олий мақомга эриш-моқ. тт* Бу учинчи оилага кўчишда Анварни энг хурсанд қилган нарса мактабдаги бола-ларнинг озор беришларидан қутулиши ва дом-ланинг асранди ўғли мақомини олиши бўлди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 ҳуқ. Сайлаб қўйиладиган шахслар, фу-қаролар, давлат идоралари, ташкилот, муассаса, халқаро ташкилотларнинг меъёрий ҳужжат билан расмийлаштирилган ҳуқуқий ҳолати. *Таъсис ҳужжатлари тўла-тўқис ва нуқсонсиз бўлса, диний ташкилот давлат рўйхатига олиниб, юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун доирасида фаолият юрита бошлайди.* Газетадан.

4 дин. Тасаввуфда ҳар бир суфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичлардан бири ёки ҳар бири (аксар манбаларда тўрт мақом: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат тилга олинади).

МАҚОМЧИ «Шашмақом»ни биладиган, мақом куйларини ижро этадиган созанда, хонанда. *Ўзбекистон радиоси ҳузурида мақом-чияр ансамбли ташкил топганига кўп вақт бўлгачи йўқ.* Газетадан.

МАҚСАД \а. АҲЛ — ният, юқори ти-лак; интилиш] **1** Эришиш, амалга ошириш учун кўзда тутилган нарса, мурод, муддао. *Ўқишни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқ. Мақсадга етмоқ. Мақсадга эришмоқ. шш Холжон-беканинг шаҳарга тушишидан мақсади Шер-назарбойни бир кўриши эди.* Ж. Шарипов, Хо-разм.

2 3-ш. эгалик, ў.-п. к. қўшимчалари би-лан (мақсадида) кўм. *взф.* мақсад, сабаб муносабатини билдиради: учун; ниятида. */Ҳасанали/ Отабек билан бирга чой ичиш мақсадида, эрталаб Ойбодоқнинг дамлаган чойига бормай, Отабекнинг уйғонишини ку-тибюрди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

МАҚСУД \а. Јј_u=^_о — исталган, талаб қилинган, мўлжаллаб қўйилган; ният, истак] **1** эск. Мақсад, мурод. *Бунда келмоғлик-дан яна бир мақсудим шулким.. жаноблари ижозат буюрсалар, Вали аканинг ўглини олиб кетсам.* М. Исмоилий, Фарғонат. о.

2 Мақсуд (эркаклар исми).

МАҚТАМОҚ Яхши томонларини, фа-зилатларини кўрсатиб гапирмоқ, яхши қилиб кўрсатмоқ. *Ўзини мақтамоқ. Ўқувчи-ни мақтамоқ. тт | Офтоб ойим:] Чиройли йигит, ақлли йигит, деб мақтай-мақтай Тўйбе-канинг ичаги узилди, у ким эди?А. Қодирий, Ўтган кунлар. Нонвойлар.. гоҳида саватлари-ни бурнингизнинг тагига келтириб, нонлари-ни сўлқиллатибмақтайдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАҚТАНАРЛИ Мақтанса арзийдиган, мақтовга сазовор, лойиқ. *Мақтанарли ишлар. Мақтанарли натижалар.*

МАҚТАНМОҚ Ўзини улуғлайдиган, мақтайдиган гаплар айтмоқ. *[Тоғжибой] Раионда ва бошқа раислар олдига «Мақтаб қураётиман», деб мақтанди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МАҚТАНЧОҚ Ўзини ўзи мақтайдиган, мақтанишни яхши кўрадиган. *Бу нарса уни найрангбоз, алдоқчи, тилёглама, мақтанчоқ, ваъдабозга айлантириб қўяди.* Газетадан.

МАҚТАРЛИ Мақтаса арзийдиган, мақ-товга сазовор, лойиқ. *Ҳовлининг кунчиқаридан кунботишга қаратиб солинган, унча мақтарли бўлмаса ҳам, замонасининг олдинги биноларидан ҳисобланган бир айвон билан бир уйга кўз тушади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАҚТОВ Мақтаб айтилган ёки ёзилган сўз, гап. *Уларнинг баъзи мақолалари ва тақрирлари фақат мақтовлардан иборат бўлиб қоляпти.* Газетадан. *Раиснинг охириги якуёвчи сўзи ҳам.. мақтовдан нари ўтмади.* С. Анор-боев, Оқсой.

Мақтов қоғози Ўрнак бўларли ишлари, ютуқлари, хулқи учун бериладиган расмий ҳужжат.

МАҚТОВЛИ **1** Мақтовга сазовор бўлган, мақталган. *Мақтовли иигит. тш Қизини мақ-товли куёвга бериб, қўйлагига сизмай юрган Офтоб ойим учун куёвигина эмас, ҳатто эри-нинг ҳам бу вартага [гирдобга] тушмоғи чи-дай оларлик бир ҳол эмас эди.* А. Қодирий. Ўтган кунлар.

2 Мақтов маъноли, мақтов айтилган. *Сени кўриб тўймас кўзлар кўп, жоним. Сен учун мақтовли сўзлар кўп, жоним.* Р. Бобо-жон.

МАҚТУЛ [а. J>^а-о - ўлдирилган, қатл этилган] эск. кт. Қатл этилган, ўлдирилган. Мақтулларнинг эгсыири ҳеч ишни текширмай қўйдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳали жони чиқмаган мақтулни ўз ҳолига ташлаб, иккинчи бандининг бошини ҳам шу тарзда кесдилар. С. Айний, Қуллар.

МАҚТУЛА эск. кт. Қатл этилган аёл. Фа-қат мақтуланинг якинларигина бу жаноза-га етиб келолмадилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МАҒЗАВА 1 Кир ювилган совунли сув. Кир тоғораси ҳам ҳовлининг ўртасида мағзаваси билан қолаверди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. Мағзава тўкадиган жой ҳам йўқми? Бўл! Ҳамза, Майсаранинг иши.

2 кўчма салб. Эзма ва шалвираган, май-дагап, ланж одам ҳақида. Бўлди. Кўп мағзава бўлаверманглар. Мен айтадиган гапимни айтдим. М. Ҳазратқулов, Журъат.

Мағзаваси **чиқмоқ** ёки мағзавасини чи-қармоқ Расво бўлмоқ (расво қилмоқ). Оғзидан «шахмат» «квадрат», «илзор метод» де-ган гапир тушмаяпти. Унинг шахмати оёққа туриб кетса, Зуннуновнинг мағзаваси чиққани. И. Раҳим, Ихлос. Сизни, мана бу ерда кампирни кўпни кўрган эли-ҳушли одамлар.. деб ишониб юрсам, ишнинг мағзавасини чи-қарибсизлар-ку! С. Кароматов, Ҳижрон. **Ус-тидан** (ёки **устига**) **мағзава тўкмоқ** (ёки **ағдармоқ**) Фиск-фасод, ғийбат, иғво, тух-мат гапларни айтмоқ. ..сохта гувоҳликка ўтган. Устидан мағзава тўккан. С. Анорбо-ев, Оқсой. Худодан қўрқиб, бандадан уялинг-эй.. устига мағзава ағдараверасизми. Ким билади, балки янглишдир. Р. Файзий, Ҳазра-ти инсон.

МАҒИЗ I [ф. — мия: илик; ўзак; акл-идрок; моҳият] (3-ш. бирл. **мағзи**) 1 Данак, ёнғоқ каби қаттиқ пўчоқли меваларнинг ички қисми. Данак мағзи. Ёнғоқ мағзи. **ит** Инга чизилган бир шода мағизни билагига осиб олган Дилшод хурсанд, икки юзи анордек қиза-риб турар эди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

2 Бирор нарсанинг ички қисми. Мириш-корлик билан таралган сув ернинг мағиз-мағ-зига сингиб, гўза тупларининг ҳусни-жамо-лини очиб юборди. А. Шермухамедов, Пис-кентлик пахлавон. Етиштирибузилмаган нон-нинг мағзи хом қолиб, сифати бузшади. «Фан ва турмуш».

3 кўчма Асосий моҳият, мазмун. Маса-ланинг мағзи. Гапнинг мағзи. Шоир ижодининг мағзи. **ит** Ёппасига ва батамом қурол-сизланиш гоёси таклифларимизнинг мағзи, ўзагидир. Газетадан. Шеърятдагуишбу йўна-лиш фалсафий лириканинг мағзини ташкил этади. «УТА».

Мағзини **чақмоқ** Бирор нарсанинг мо-ҳиятини, мазмунини англаб етмоқ. Ер сотган эр бўлмайди, эр ер сотмайди. Мана бу гапнинг мағзини чақ. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳозир ҳам ҳамма жойда одашар бу нутқ-нинг матнини қайта-қайта ўқиб, мағзини чақмоқдалар. Газетадан.

4 Қора, сариқ каби сўзлар билан қўлла-ниб, киши бетининг рангини, шу рангга мойиллигини мағизга нисбатлаб билдира-ди. Хусайн Бойқаро бу вақтда ўн саккиз ёшга тўлган, қизил мағиз, барваста иигит бўлган эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. Озгин, баланд бўйли солдат қора мағиз бир йиғип-нинг қулогига нимадир деб иширлади. А. Убай-дуллаев, Қонли издан.

Сариқ мағиз буғдой Буғдойнинг тоза, сарғиш рангли бир тури.

МАҒИЗ II (3-ш. бирл. **мағзи**) Кийим, кўрпа кабиларнинг четига икки қават қилиб тикилган, ранги шу нарсалардан бошқача бўлган тасма; адип, паровуз. Кўрпа мағзи. Икки ёнига қизил мағиз тутилган шим. **иш** Тошпўлатов ёқасининг рахи, енгининг учига сариқ клеёнкадан мағиз қилинган фуфайка-сини ечиб, қозиққа илди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МАҒЛУБ [а. i.j— енгилган, тор-мор қилинган] кт. Енгилган, мағлубиятга учраган. Ҳаёт бир пойгадир, дейди, ўзиб кет, Майдондан чекинсанг, мағлубсан, ўртоқ. Г.

Жўраева. Тагин ёдингда тут: босқинчилар мағлуб халқни алдаш учун ҳамма вақт олдин шундай муруватлар ҳам қилади. Ш. Хол-мирзаев, Қил кўприк.

Мағлуб бўлмоқ Енгилмоқ. Бунгахудо бас келмаса, бандаси бас келолмайди, — деди.. ва шу билан мағлуб бўлганини англантиб қўйди. Ў. Ҳақимали, Навбахор. **Мағлуб қилмоқ** Енг-моқ. Соколов қушбегини руҳан мағлуб қилган-лигидан мамнун жилмайиб қўйди-да, истеҳ-зо билан жавоб берди. К. Яшин, Ҳамза.

МАҒЛУБИЯТ [а. с[^]ii-о - енгилиш, мағлуб бўлиш] **1** Уруш, жангда енгилиш. Мабодо мағлубият хавфи тугилса, оркага кайтариши энг содиқ сарбозларига топиширлар эди. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Баҳс, беллашув, мусобақа кабиларда ютқизиш; ютқизиқ. Бу якун, бу хотима То-либ акага мунглақо ёқмади. Бу гирт мағлуби-ят эди-да/Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

Мағлубиятга учрамоқ Енгилмоқ. Аҳмад Мирзо бир ярим соатлар чамаси орқада жангни кузатиб туриб, ўз қўшинининг мағ-лубиятга учраётганини сизди. Мирмуҳсин, Меъмор.

МАҒОРА \а. <.,!>* — ғор, ер ости, ертў-ла] эск. кт. Ғор; ғорлар. [Жамила:] Кетамиз! Мағорада яшасак ҳам, ишқимни куйлаб, сиз-ни аллалай! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Бу мағора («Партов» гори) 1938 йилда қазил-ган. Бешиктош гори сингари ибтидоий ки-шилларнинг ажойиб макони бўлиб чиқди. Я. Ғулом, Мағоранинг сири.

МАҒРАМОҚ с. т. Маърамоқ.

МАҒРИБ [а. i_jjj-о — кунботар (жой ва вақт); ғарб; оқшом] эск. кт. Ғарб, кунботар. Бир тўда йигит мағрибдан то маширққача етган лак-лак лашкари бўлган теурийлар салтанатини қулата олармидингиз. Мирму\-син, Меъмор.

МАҒРУР \а. jjjj^ — акдан ажралган, алданган; ўзига бино қўйган, кеккайган] **1** Ўз кадр-қиммати, ғурурини сақлаган; гурурли. Қосимбек ялт этиб Авазга боқди. Унга йигитнинг ўзини эркин, ҳатто жиндай мағрур тутуши ёқди. С. Сиёев, Аваз. Унсин хизматкорхона эшигида мағрур, лекин ўйчан ҳолда турган акасини кўриши билан югуриб бориб, уни қучоқлади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Асоссиз ёки ортиқ даражада ғурурли бўлган, ўзини шундай тутадиган; кеккай-ган; манман; зид. камтар. Камтар бўлинг, мағрур бўлманг, кеккайманг. Ҳабибий. Гап камтарлик ҳақида борар экан, кўз ўнгимда ажойиб фазилатли кишилар, шу билан бирга, гердайдан, мағрур, калондимоғ баъзи ким-салар гавдаланади. Газетадан. Уилгариги мағ-рур ва «манман» Тожибой эмас, хийлагина ҳовуридан тушган ва анча мулойимлашиб қолган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 кўчма Туриш-тузилиши, кўриниши виқорли. Ҳаворанг тоғмағрур ястаниб ётар.. Ю. Ҳамдам. Жўрақул вагон деразасидан баҳор либосига бурканган ям-яшил далаларга, кўкка бўй чўзиб, мағрур қад кўтарган ўрмонларга ифтихор туйғулари билан қараб борарди. На-зармат, Жўрлар баланд сайрайди.

МАҒРУРЛАНМОҚ Мағрурлик, ғурур хиссини туймоқ; ғурурланмоқ. Сафарда дўстларинг кўп бўлсин. Мағрурланси улар сен биюн. А. Мухтор.

2 Ўринсиз (асоссиз) ёки ортиқ даража-да ғурурга берилмоқ; кеккаймоқ, гердаймоқ. Мағрурланиши, кўкракка мушшлаш, кўзни шира босиши ёмон нарса. «Муштум».

МАҒРУРЛИК Мағрур бўлиш, мағрур ҳолат, ўзини ғурурли тутуш. Уларнинг ҳаракатидаги ишонч ва хотиржамлик хотинга голибларнинг.. мағрурлиги бўлиб кўринди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ажойиб бирхалк,-нинг лобар қизисиз. Сиздан мақтанчоқлик, мағрурлик йироқ. Зулфия.

МАҒРУРОНА Мағрурлик билан, ғурур билан, ғурурланиб. -Мен, — деди Шокирмағрурона бир оҳанг билан, — «хуррият»дан кейин Эроннинг қандай обод бўлганини газеталар-дан ўқиб, билиб айтаётирман. С. Айний, Қуллар.

МАҲ унд. с. Ит ва б. баъзи ҳайвонларни чақиритишни билдиради. Бу итни билман.. мени танийди. Маҳ, Тўрткўз, маҳ/А. Қаҳҳор,

Асарлар. Қоронгида овоз эшитилди: -Тоймас, Тоймас, маҳ, маҳ! — Булар чўпонлар Жонтой билан Отакул эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

МАҲАЛ I \a. J^o — муҳлат, фурсат; за-мон, вақт] 1 (фақат аниқловчи сўз билан) Пайт, вақт. *Тонг махали. Чопиқ маҳши. Туш-лик маҳали. Ҳеч маҳал. Ҳар маҳал. тт \ Ойим-хон:] Эртага ўқиш маҳалида қўлингиз тег-са, бир келибхабар олинг.* П. Турсун, Ўқитув-чи. *Шу йўсин икки шўрпешона узоқ маҳалга-ча бир-биридан айрилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Марта, бор (пайт эътибори билан). *Ҳар кун икки маҳал овқатланмоқ. Уч маҳал дори ичмоқ.*

МАҲАЛ II \a. — жой, ўрин; хона| Чекка, атроф жой (марказга нисбатан). *Маҳаллардан келган вакиллар. Маҳаллардан олинган хабарлар.*

МАҲАЛЛА \a. i U - — жой, ўрин, макон] 1 Шахарнинг маълум бир ҳудудни ўз ичига олган ва аҳолиси бир жамоага бирлашган, ўзини-ўзи бошқаришга асосланган ижтимоий-худудий бўлаги. *Маҳсиъи аҳолиси. Маҳалла қўмитаси раиси. Маҳалла жамғармаси. Ма-ҳалла идораси. Тошкентнинг Янгиобод маҳал-ласи. тт ..бой салмоқли равишда гапира бош-лади: -Алҳамдулилло, ҳаммамиз мусулмонмиз, бир отанинг болаларимиз, бир маҳалладамиз, тобуткашимиз, ҳар кун бир-биримизга салом-сьиқ қиламиз. Ойбек, Танланган асарлар. Бу ишга бутун маҳалла ахлини кўтариб, оёққа турғизган ким? «Гулдаста».*

2 Айни бир ҳудуд (маҳалла)да яшовчи-лар; маҳалла оқсоқоллари. *Тўи масаласида маҳалла нима деса, шу бўлади.*

3 Маҳалла кенгаши ва у ўрнашган бино; маҳалла гузари. *Мен маҳаллага бир чиқиб ке-лай-чи, нима янгилик бор экан.*

МАҲАЛЛАДОШ Бир маҳаллалик, бир маҳаллада яшовчи. *Етти ёшга тўлганимда, кўпчилик маҳалладош қизлар каби мен ҳам мактабга бордим.* Газетадан.

МАҲАЛЛАЛИК Бирор маҳаллада яшов-чи киши. *Шу маҳаллалик йигит. Бир маҳал-лалик болалар.*

МАҲАЛЛАЧИЛИК Бирор иш, тартиб ва ш.к. нинг сабаби бир маҳаллада туриш билан боғлиқ эканини билдиради. *Маҳалла-чилик, элдан қолиб бўтайди, кирдик. С. Ахмад, Сайланма.*

573 <7% ^

МАҲАЛЛИЙ 1 Маҳалларга, атроф-жой-ларга оид. *Маҳаллий вақт. Маҳаллий сат-ат. Маҳаллий шароит. тт Элмурод ўйчан бир ҳолда нон кавшаб, чой ичар экан. Ойимхон икир-чикир маҳаллий янгиликлар тўғрисида унга маълумот берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Стул ёнида марказий ва маҳаллий газвта-лар.. қават-қават қилиб суяб кўйилган.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ерлик. *Маҳаллий кадр. Маҳаллий халқ. тт Ҳамма ерда жангчиларимизга маҳаллий аҳоли ва партизанлар ёрдам кўрсатишиди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди *..бит-та полициячи, яна иккита киши — маҳаллий амалдор бўлса керак, миллий кийимда эди.* К. Яшин, Ҳамза.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРМОҚ Маҳаллий шароитда қўлламоқ, маҳаллий шароитга мослаштирмоқ. *Экинни маҳаллийлаштирмоқ.*

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК Маҳаллий манфа-атларнигина кўзлаб иш тутиш. *Ҳалиги қавм-даги муаллифлар энди ошкора ошина-оғайни-гарчилик, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик йўлига ўтиб олдилар.* Газетадан.

МАҲБАС \a. a,.. * — қамоқхона; омбор-хона] эск. *Ҳибсхона, қамоқхона. Маъшуқа маҳбасига тушган Анвар ўлтуруиб чидолмади, кафшини кийиб, ўрнидан турди, музлаган оёғини иситиш.. учун уй бўйинча кезина бош-лади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

МАҲБУБ \a. ^j_п — севимли, севги-ли] *кт.* Севимли киши; ёр. *Севганини солиб эсига, Сен маҳбублар ёнида ўлтир.* А. Исрои-лов. [Хусаин Бойқаро:] Юрак дардларини фа-қат май ва маҳбубларгина юпатади. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

МАҲБУБА **1** *кт.* Маҳбуб аёл; маъшуқа. *Иигит маҳбубасининг нозик қўлларидан тугтиб, ўзига тортарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Маҳбуба (хотин-қизлар исми).

МАҲБУС [a. j_п→н камалган, қамокқа олинган] *Зиндонга солинган, қамокқа олинган, озодликдан махрум этилган киши.* *Ора-дан беш кунлар ўтди, маҳбуслар зиндон бало-сидан қутула олмаганларидек, уларнинг қама-лиш сирлари ҳам ҳеч кимга билинмади.* А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. *Бу кишлоқларда, асо-сан, Россиядан қувгин қилинган сиёсий маҳ-буслар яшарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

МАҲВ [a. j->» — йўқ қилиш, тугатиш]: маҳв бўлмоқ *кт.* Йўқ бўлмоқ, битмоқ. *Унайт биз киргандик жангга, Бугун эса маҳв бўлмиш ганим.* «Шарқ юлдузи». Маҳв қилмоқ (ёки **ЭТ**-моқ) Йўқ қилмоқ, битирмоқ; орадан кўтар-моқ. *Ҳаётнинг бутун қувончи ижодда. Ижод қилиш ўлимни маҳв этишидир.* Газетадан.

МАҲВАШ \ф. j4^> — ой юзли; юзи ойга ўхшаш, гўзал] *поэт.* Жамоли ойга ўхшаш, ойдек гўзал, ой жамол; маҳпора. *Оразингни, эй маҳваш, боғ аро намоён қил. Лола кўксини доғ эт, гунча бағрини қон қил.* Муқимий.

МАХДУД [a. Jj.i-i , — чегараланган, ат-рофи ўралган] *эск. кт.* Чегара билан ўралган, чегараланган, чекланган. *Мулла Обид маҳдуд табиатли, фақат ишлаб ейишни ёки туфлаб тугишни яхши кўрган қорин банда-ларидан эмас.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Мирза Олим шеърлари тематик жиҳатдан маҳдуд бўлиб, уларнинг, асосан шоир ҳаётида юз берган воқеалар тўғрисида ёзилган экани-ни юқорида айтибўтган эдик.* «ЎТА».

МАХДУДЛИК Чекланганлик, чекла-ниб қолиш. *Илгор адабиёт ҳар қандай мил-лий маҳдудликни, ўз доирасида ўралашиб қолишликни рад этади.* Газетадан. *Бир бир-ёкламалик ва ижодий маҳдудлик мени жуда таъвишлантира бошлади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

МАХЗУН [a. ^jjj==*_a ғамли, хафа] *эск. кт.* Ҳазин, мунгли, ғамгин. *Унинг [Солиҳ аканинг] соч-соқолларида биронта қора қол-маган, дард эзган, маҳзун юзи сарғайган.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? *Рубобим тори иккидур: бири қувноқ, бири маҳзун.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

МАҲКАМ \a. f≤.-^> — мустаҳкам, мукам-мал; аниқ, ишончли] **1** Бузилиш, ўзгариш кабиларга чидамлилиқ даражаси юқори: пухта, мустаҳкам. *Маҳкам иморат. Эшикни маҳкам беркитмоқ. иш* Ҳазал тўлалигича ўз қалбига кўчиб, хотирасида маҳкам ўрнашиб қолганидан, ўзида йўқ севиниб, оғзингс та-ноби қочди. К. Яшин, Ҳамза.

2 кўчма Турғун, ўзгармас, саботли. *Маҳ-кам ирода. ит* Ҳуломжон фикрида, қарорида маҳкам эди. М. Исмоилий, Фарғонат. о.

3 Зўр куч билан, қаттик. *Кўлни маҳкам қисмоқ. Маҳкам ушламоқ. тт* Югуриб бориб, маҳкам қучоқлаб олди. Ў. Ҳошимов, Қалбинг-га қулоқ сол.

4 Маҳкам (эркаклар исми). МАҲКАМА [a. «.△. — олий суд, трибунал; судлов] **1** *тар.* Ҳукм қилувчи, ҳукм чи-қарувчи идора; суд. *Ҳоким маҳкамаси. Полиция маҳкамаси. ит* Ҳамма мол ва мулки

билан қутидор Отабекка кафш! бўлди ва қуш-бегининг ҳақиға дуо қилиб, учовлари маҳка-мадан биргалашиб чиқдилар. А. Крдирий, Ўтган кунлар.

2 Умуман, бошқарма, идора. *Маҳалла фуқаролари у муттаҳамдан шиқоятланиб, қозихона ва бошқа маҳкамаларга аризалар топширишларига қарамай, ҳар сайловдан Олимхон сип-силлик чиқади.* Ойбек, Танлан-ган асарлар.

МАҲКАМАЧИЛИК Ўз маҳкамасининг, идора ёки ташкилотининг манфаатинингига на кўзлаб иш тутиш. *Тўрачилик, маҳкама-чилик каби иллатларнинг ҳар қандай кўри-нишларига қарши беомон қурашиш керак.* Га-зетадан.

МАҲКАМЛАМОҚ Маҳкам қилмоқ, мус-тахкамламоқ. *Гулнор очилган тоқларни иш-комга кўтариб, тол пўстлоғи билан маҳкам-лаб боғлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МАҲКУМ \а. ^j^-. л — ҳукм қилинган, қораланган; ўлиши аниқ бўлган| **1** Ҳукм қилинган. *Қиз кечгача болохонадаги қоронғи казноқда тешикдан мўралаб, дор ёғочи ости-да жаллоднинг сиртмоқ солишини кутган маҳкумдай, тақдирга тан бериб, отасини кутди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *..шармандали ўлимдан халос айланг. Мен сиз-дан дор талаб қиламан. Маҳкумнинг сўнгги илтимосини мустажоб этмоқ сиз учун фарз-дур.* С. Сиёев, Аваз.

2 (ж. к. с. билан) Тақдир шу келишик-даги сўз англаган нарса билан боғлиқлигини, шу нарса юз беришини, қисмати шу билан яқунланишини билдиради. *Эски дунё — одамларни эксплуатация қилиш ва халқ-ларни эзиш дунёси ҳалокатга маҳкум.* Газетадан. *Камбағаллар ҳам мусулмончиликка ис-нод келтирмаслик учун, қарз бадалига бўлса ҳам, катта тўй ўтказиб, умрбод қашшоқ-ликка маҳкум бўларди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Бировнинг амрида, ҳукмида бўлган, қарам, тобе. *Менинча, бу — мустамлака-нинг — метрополияга, маҳкум миллатнинг — ҳоким миллатга, мазлумнинг золимга қарши кўзгъиши.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МАҲЛИЁ Ҳайрат ёки завқдан эс-хуши оғиб, анграйиб қолган. *Ҳатто тумсайиб ўтирган Асрора ҳам беихтиёр чапак чалар, ўртоғининг ҳусну латофатига махлиё эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

Махлиё бўлмоқ 1) махлиё ҳолатда бўл-моқ. *Умид гапидан адашиб, қизга махлиё бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Умид; 2) бутунлай бе-рилмоқ. *Бу манзарага махлиё бўлган Кўзибой, камарига қистириқлик китобни олиб, олдига қўйди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. *Райҳон-дек бойликка махлиё бўлма, Асло пок севгинг-ни бекор хор қилма!* «Муштум».

МАХЛИҚО [ф. <и> - ой + а. РУҲ - кўри-шиш, учрашиш; юз| *поэт.* Ой юзли, махваш, маҳпора, гўзал. *Келгай эдинг, эй махлиқо, ҳар дамда аҳволим сўраб, Бир неча кундир келма-динг, ҳайрона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

МАҲМАДОНА [а. + ф. _ - Му-ҳаммадга ўхшаб, Муҳаммад каби ёки ф. Lib л.^ — мен ҳамма нарсани биламан| **1** Ўзини билагон ҳисоблаб, билар-билмас, ҳар қандай гапга аралашаверадиган. *Султоновгина тили бийрон маҳмадоналарнинг ада-бини бериб, жойига ўтқизади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ишларимизнинг қадрини мана шунақа ҳовлиқмалар, маҳмадоналар, расмият-чилар туширяпти.* П. Қодиров, Уч илдиз.

2 Ёшига нисбатан кўп гап биладиган; гапдон, қақилдоқ,. *Уста Маҳкамнинг кичик қизи Инобат маҳмадонагина чиққан.* С. Аҳмад, Суд. *Кўп маҳмадона бола экан, ҳеч чакаги тинмаиди.* «Ёшлик».

МАҲМАДОНАГАРЧИЛИК айн. маҳма-доналик. *Зўрға ўзига келиб тилга кирган Малик маҳмадонагарчилик қилиб, бизга сўз бермади.* «Ёшлик».

МАҲМАДОНАЛИК Маҳмадоналар каби гап-сўз қилиш, гапириш. *Ёрмат.. қизининг бундай маҳмадоналигига газабланиб, қош-қовогини солди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Энди катта бўлиб, унча маҳмадоналик қил-майди-ю, ота-онасига ўхшаб, бу ҳам бувиси нима деса, қулиб тураверади.* «Гулдаста».

МАҲОБАТ \а. сЛ^* — кўрқув; ҳурмат; улуг-ворлик; ҳайбат, салобат] *кт.* **1** Ҳайбат, сало-бат, улуғворлик. *Зўрметалл заводи барпо зтил-ди. Маҳобат гурлади унинг сасида.* Х. Расул.

2 Ваҳима, ваҳм.

Маҳобат қилмоқ Ваҳима билан гапир-моқ, ваҳима қилмоқ. *Баъзи муллалар жинни тўранинг телба-тескари сўзларини ишиб олиб, маҳобат қилишганди.* Ш. Тошматов, Тонгда-ги қўланка.

МАҲОБАТЛИИ *кт.* 1 Маҳрбати, салоба-ти бор; ҳайбатли, улуғвор. *Маҳобатли тоғ. ит* *Аҳён-аҳёнда маҳобаши.. тепалар ўрка-чини бир-бирига ўгириб ётибди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

672

2 Ваҳимали. -Шундайми, — дебди амал-дор маҳобатли товуш билан. «Муштум».

МАҲОЛ \a. JU_o — мумкин бўлмаган, амалга ошмайдиган; номумкин, бемаъни иш, гап] Амалга оширилиши мумкин бўлма-ган; қийин, мушкул. *Майсаранинг айтгани тўғри. Ҳиз иккови бир-бирини ўлгудай яхши кўргандан кейин айириши маҳол!* Ҳамза, Май-саранинг иши. *Киши ота-онасидан айрилиб чидайди, бироқ она юрагидан айрилиб яшаши маҳол.* Э. Усмонов, Ёлқин.

Амри маҳол қ. амримаҳол.

МАҲОРАТ \a. OjU^ — моҳирлик, уста-лик, эпчиллик] Бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъ-ат; моҳирлик. *Ижодиш маҳорат. Ёзувчилик маҳорати. Маҳорат орттирмоқ. Маҳорат кўрсатмоқ. Маҳоратга эришмоқ. тт* *Унинг асоси касби дурадгорлик бўлиб, бу ҳунарда маҳорати катта эди.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Устоз билан шогирд маҳоратда тенглашиб, гоҳи шогирд қўли устунлик қила бошлади.* «Ўзбекистон кўриқлари».

МАҲОРАТЛИИ Катта маҳоратга эга; мо-ҳир, уста. *Театрда бундай маҳоратли, билим-дон санъаткорлар кўп.* Газетадан.

МАҲПОРА [ф. bjl_<u> — ойпарча; гўзал] *поэт.* Ой юзли, ойдек гўзал; маҳваш.

МАҲР \a. — сеп; қалин пули] *тар.* 1 Никоҳ вақтида куёв томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк. *Маҳр бермоқ. тт* *Уйимга нимага кирасан, уйим энангмаҳрига тушганми?* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

2 *с.т.* Шахсий мулкдан меросхўрларга тегадиган улуш. *Шу гап жанжалга қолмай, иссигида ҳовлига нарх қўйиб, меросхўрлар-нинг маҳрини белгилаб қўйсақ.* С. Аҳмад, Хомталаш.

МАҲРАМ \a. •^а-. — ман, ҳаром қилин-ган; ҳарамга кириш ҳуқуқи бор] 1 *тар.* Бухоро ва Хива хонлигида: сарой амалдорла-рининг ёзишма ишларини бошқарган лавозимли киши ва унинг мансаби. *Карвонбо-ши амир ҳақиға узун дуо қилгандан кейин ёни-ни очиб, маҳрамга ишгирма танга хизматона.. берди.* С. Айний, Қуллар.

2 *эск.* Ишончли хизматкор, чўри. *Маҳрам-лар пиёлачарда май келтирадилар. «Ёшлик».*

3 *эск.* Сирдош дўст, ҳамдам. *Ҳасанали.. Отабекка маҳрам бўлишга лойиқ бир меҳрибонликка эга бўлганликдан бек билан очиқ сўзлашиш фикрига келди.* А. Қодирий. Ўтган кунлар. *Энг яқин ўртоғи.. Зебихон бўлиб қол-ди. Иккаласи сирдош, маҳрам.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

4 *дин.* Шариатга кўра, аёл киши юзи очиқ хрлда кўришиши мумкин бўлган, аммо никоҳ нораво бўлган яқин эркак қариндош (аёл-нинг отаси, ўгиллари, ака-ука, амаки, бува, тоға, қайнотаси); *зид. номаҳрам.*

5 *сфт.* Ман қилинган, тақиқланган; бош-қалардан сир тутиладиган, махфий; ножоиз. *Келинг энди, бирпас тотув бўлиб, маҳрам гаплардан гапиришиб, кўнгилдаги кудуратлар-ни ёзайлик.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

6 *этно. айн. бачча.* Аввал уни /Мамараим-ни] муллаваччалар судради, кейин имонсиз мударрис ўзига маҳрам қилиб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МАҲРУМ | a. J»JL-^_<> бенасиб, бебаҳра қолган; ажратиб қўйилган, четлаштирилган] Муяссар, баҳраманд ёки эга бўлиш, фой-даланиш учун имкони,

хуқуқи бўлмаган; бебахра, бенасиб. *Севгисиз юрган дугоналари кўзига галати. ҳаётнинг энг зарур ва олижа-ноб нарсасидан маҳрум кишилардек бўлиб кўринадди. Шухрат. Шинелли йиллар. Асли-да эса улар энг муҳим нарсадан — ота-она меҳридан маҳрум. «Шарқ юлдузи».*

Маҳрум бўлмоқ Маҳрум хрлатга туш-моқ, айрилмоқ. *Имтиёзлардан маҳрум бўлмоқ. Мол-мулкидан маҳрум бўлмоқ. тт Фотима уч-тўрт ёшларидаёқ ота-онасидан маҳрум бўлиб, амакисининг қўлида қолди. П. Турсун, Ўқитувчи. Маҳрум қилмоқ {ёки ЭТ-моқ} Маҳрум хрлатга туширмоқ, бенасиб қилмоқ. Уўзини катта имтиёзлардан маҳ-рум қилган янги тузумга қарши курашмай туролмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Она меҳ-рига ҳам қонмади. Бевақт ажал уни бу бахтдан маҳрум этди. С. Кароматов, Сўнгги бархан.*

МАҲРУМИЯТ эск. кт. Маҳрумлик. *Шу оғир меҳнат, шу оғир маҳрумиятлар звази-га онани бошига кўтариш.. ўрнига Муҳид-дин онасини урди. М. Исмоилий, Фарзанд бурчи.*

МАҲРУМЛИК Маҳрум ҳолат, бенасиб-лик. *Ғалаба деб гулгун очилган қизларимиз барча маҳрушикларга бардош беришди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

МАҲСИ Қўй ёки эчки терисидан тайёр-ланадиган, узун қўнжли, пошнаси, тагчар

673

ми юмшоқ, кавуш ёкм калиш билан кийи-ладиган миллий оёқкийими. *Амиркон маҳси. Заифона маҳси. Маҳсисини ечмоқ. тт Дарров кавуш, маҳсисини, чопонини кийиб, онасини уйғотди. М. Осим, Карвон йўлларида.*

МАҲСИДЎЗ Маҳси тикувчи косиб. *Шо-қир ота деган маҳсидўзнинг дўконхонасида этигини бутунлаб олибди. Ойбек, Танланган асарлар.*

МАҲСИЧАН Фақат маҳси билан, маҳ-си устидан кавуш ёки калиш киймасдан. *Дўкондор йигит.. Мавлавий Йўлдошни кўргач, шошиб қолиб, маҳсичан ерга тушди. С. Аб-дулла, Мавлоно Муқимий.*

МАҲСУЛ \а. Jj п — йиғиб-терилган ҳосил, мева; самара; натижа, унум| 1 Иш, фаолият, меҳнат самараси, меваси. *Ижодий меҳнатнинг маҳсули. тт У кўтаринки кай-фиятда эди, кечаги, бугунги иш маҳсулидан хурсанд. М. Хайруллаев, Кўнгил.*

2 айн. **маҳсулот.** *Оғир саноат маҳсули. тт Пахта бизнинг галабамизни белгилаб берувчи асосий маҳсулимиздир. Газетадан.*

3 Ҳосил, унум. *Ер ҳам тирик жон. Ин-сондек нафас олади, озиқланади, ниҳоят, маҳ-сул беради. С. Кароматов, Сўнгги бархан. Деҳқон осмонга қараб, яхши ҳаводан қувонса, ерга қараб, мўл маҳсулидан суюнади. М. Ис-моилий, Фарғона т. о.*

4 кўчма Бирор нарсадан юзага келган нарса; натижа. *Иигиталининг рангига бир оз захиллик урибди. Бу муттасил давом этиб келаётган уйқусизлик, ададсиз изтироблар-нинг маҳсули, албатта. Д. Нурий, Осмон ус-туни. Хулоса шу: эҳтирос иўқ, бу эзмалик, бе-парволик маҳсули. «Муштум».*

МАҲСУЛДОР Кўп, яхши маҳсул бера-диган; сермақсул, серунум. *Маҳсулдор ер. Маҳсулдор қора моллар. тт Ўзбекистонда яқин вақтларгача асосан пахта этиштири-ларди. Унинг ёнига энг маҳсулдор зкин.. — бугдой қўшишди. Газетадан.*

МАҲСУЛДОРЛИК Маҳсул (қосил) бе-риш даражаси, имконияти. *Бу сессияларда.. чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш ма-салалари муҳокама қилинган. «Муштум»..хўжаликмаҳсулдорлигини оширишининг омил-лари хилма-хилдир. «УТА».*

МАҲСУЛЛИ кам қўлл. айн. **маҳсулдор.**

МАҲСУЛОТ \а. 2 - «маҳсул» с.

кўпл.] Ишлаб чиқарилган нарса; маҳсул (лар). *Ялти маҳсулот. Чорвачилик маҳсулотлари. Саноат маҳсулоти. тт Бўёқ олиш учун нефть чиқиндилари ва тошкўмирни коклаш-дан олинган маҳсулотлар асосий хомашё ҳисобланади. «Фан ва турмуш».*

Интеллектуал маҳсулот Маънавият, илм-фан, техника соҳасидаги изланишларнинг натижалари, адабиёт ва санъат асарлари мажмуи.

МАҲТАЛ Кутиб, қараб қолган; мунта-зир (яна қ. маътал). *Борарканман шошиб-жа-дал. Йўлларимга боқдинг маҳтал. Х. Салоҳ. Нуроний отахон қабулхонада Бир оғиз сўзинг-ни кутмоқда маҳтал. Г. Жўраева.*

МАҲФИЛ \а. J а-> ^ — тўпланиш жойи; йиғилиш, йиғин] *зск. кт. Мажлис давраси, ўтириш, мажлис. Шамъ рухсоринг ёнар маҳ-филда гул-гул кечалар, Бормиди қасдинг ма-гар куйдиргали парвонада. Муқимий.*

МАҲШАР \а. j ■ ■■ а - - тўпланадиган жой, майдон; тўпланиш; оломон| Диний эъти-кодга кўра, дунё тамом бўлгандан кейин — охиратда бутун ўлган кишилар тирилиб, ўрнидан туриб (қиёмат) тўпланадиган ва сўроқ қилинадиган кун. *Олло, деб йиғладим қоронғу тунда, Шарманда бўлмайн маҳшиар кунда. «Юсуф ва Аҳмад».*

МАҲШАРГОҲ *дин. Маҳшар содир бўла-диган ер. Холжон хола ўлиб, кўзини очса, маҳ-шаргоҳда юрган эмиш. Ғайратий, Довдираш.*

МЕБЕЛСОЗ Мебель тайёрловчи, ишлаб чиқарувчи.

МЕБЕЛСОЗЛИК Мебель ишлаб чиқа-риш. [*Тошкент «Шарқ» мебель фирмаси*] *Бу йил 60 та янги, ҳозирги замон мебелсозлик техникаси ускуналарини ишга туширади. Га-зетадан.*

МЕБЕЛЬ [*фр. meuble — уйнинг кўчар жиҳозлари < лот. mobilis — ҳаракатчан, кўча-диган*] Диван, стол, стул, шифоньер ва ш.к. ёғочдан ясалган уй жиҳозлари. *Жазиллаб турган ҳовлиси чоғроққина бўлса ҳам, уйда хоналари кўп.. шаҳардагидек мебеллар билан жиҳозланган. А. Мухтор, Кумуш тола.*

МЕВА \ф. д— ҳосил, хўл ва куруқ мева] **1** Баъзи дарахт ва буталарнинг ҳосили. *Ейиш-ли мева. Еб бўлмайдиган мева. Хўл мева. Ку-руқ мева. Мева шарбати. ит Маржон каби қизарган меваларини кўтара олмай, турли томонга бош эккан жийда дарахтлари узоқ-дан кумуш каби оқариб кўриқадилар. А. Қоди-рий, Обид кетмон. Ўлкамизда куз, мевалар зарқ пишиган палла. Газетадан.*

2 Мевали дарахт. *Саид, Мирзақуллар ёш мева кўчатларини кўпорар, Ҳайдар уларни , тўплаб, бог-боғ қиларди. «Ўзбекистон кўриқ-лари». Унча катта бўлмаган, чоғроқ ҳовли-нинг ўзида ўн хилча мева навлари бор. Ж. Аб-дуллахонов, Орийат. Кечанинг қоронғулиги устига меваларнинг қуюқ япроқлари қўшилиб, бу майдон, айниқса, Отабекнинг ҳозирги кўнглига яқинлашиб келар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

3 кўчма Самара, натижа, маҳсул. *Илоҳи бўлгайсан, болам, баркамол. Умримнинг ме-васи — бир тоза ниҳол. «Равшан». Эл таоми-лида: кексалар ҳамшиша маслаҳат беришар, ёшлар эса ўша маслаҳат меваларини тери-шар эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

4 Шакарпазлик маҳсулотлари, ширин-лик. [*Ҳакимбойвачча*] *Ранг-баранг қиммат-баҳо мевалар, қаймоққа қорилган нонлар би-лан тўла дастурхон ёзиб, аччик чойни қуя бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

МЕВАЗОР Мевали дарахтлар билан банд жой; мевали боғ. *Ўрда дарвозасининг саҳни ботмонлаб ҳисобланган мевазор бўлиб, бунда олма, ўрик, нок ва тут ёғочлари хийлагина бор эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўзбекис-тон деганда, поёнсиз пахтазорлар билан бир-га серҳосил мевазорлар, полизу яйловлар кўз ўнгимизга келади. «Саодат».*

МЕВАЛИ Мева берадиган; мева қила-диган. *Мевали дарахтга тош тегади. Мақол.*

МЕВАСИЗ Меваси йўқ, мева бермайди-ган, қилмайдиган. *Мевасиз дарахт.*

МЕВАФУРУШ [мева + ф. JIJ^I - со-тувчи] Мева сотувчи киши.

МЕВА-ЧЕВА Ҳар хил мевалар, турли-туман ширинликлар. *Мева-чева ўзимиздан чиқмаса бўлмас экан. Югектар ерга богқилиб қўййлик. «Муштум». Матпано баққолчилик-каўтиб, бир белбоғмева-чева олди. С. Сиёев, Аваз.*

МЕВАЧИЛИК Қишлоқ хўжалигининг мева етиштириш билан шуғулланадиган тармоғи. *Мевачиликни ривожлантириши. тш Чу-нончи, деҳқончиликда дон экиш, сабзавотчи-лик, мевачилик пайдо бўлди.* Газетадан.

МЕГАЖИН \мўғ. мэҗж — урғочи қобон] 1 Урғочи чўчка.

2 *liyu* ҳайвонга нисбатли ҳақоратни бил-диради (хотин-қизларга нисбатан ишлатиладиган қаттиқ ҳақорат сўзи). [*Шарофат:*] *Мен у ёқда итвачча бокиб ўтирибман-у, бу киши [Сидиқжон] бу ерда мегажинларнинг этагини ўпиб юрадилар. А. Қахдор, Қўшчинор чироқлари. Гапир, мегажин! Нега кел-динг бу ерга?* К. Яшин, Ҳамза.

МЕГАПОЛИС \юн. megas — катта + polis — шаҳар] Ёнма-ён жойлашган бир қанча шаҳар ва аҳоли яшайдиган масканларнинг ўсиб ривожланиши ва кўшилиб кетиши натижасида ҳосил бўлган улкан шаҳар.

МЕГАФОН \юн. megas - кагга, баланд + phone — товуш] Товушни маълум йўналишда кучайтириб берадиган, одатда конусси-мон шаклда ясалган, дастали радиокарнай.

МЕДАЛЛИ Медали бор, медаль билан мукофотланган. *Биз Мехико ўйинларида фидокорлик билан қатнашган медалли спорт-чиларни олқишлаймиз.* Газетадан.

МЕДАЛЬ \фр. medaille < лот. metallia — металл танга] Алоҳида хизматлари ёки муваффақиятлари учун бериладиган, турли (тўғарақ, ромб ва б.) шаклда ясаладиган, тегишли бўртма тасвир ва ёзуви бўлган ни-шон. *Мактабни олтин медаль билан битирди. тш Ҳалқ хўжалиги виставкасидан яна олтин медаль олдинг. С. Аҳмад, Юлдуз. Бола-лар уруш йилларида қўмондонлар номидан ёзилган ташаккурномаларни, ҳар хил медаль ва орденларни топиб келишди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

МЕДАЛЬОН \фр. medaillon < лот. metallia — металл танга] Ичига расм ёки бошқа нарса солинадиган, одатда доира ёки эллипс шаклидаги, бўйинга тақила-диган безак буюми. *Нормат бинтни про-тивогаз халтасининг устки чўнтагига со-либ қўйди ва медальонни кўриб: «Номайи аъмолимнинг ҳаммаси шунда» деди-да, уни шимининг соат чўнтагига бекитди. И. Ра-ҳим, Чин муҳаббат.*

МЕДИАНА \лот. mediana — ўрта; ўртача; ўртадаги] мат. Учбурчакнинг баландлиги-ни қарама-қарши томоннинг ўртаси билан боғлайдиган кесма.

МЕДИАТОР \лот. mediator — воситачи, ўртада турувчи] мус. Торли мусиқа асбобла-рини чалиш учун металл, суяк, пластмасса ва ш. к. дан қилинган бир учи ўткир юпқа пластинка; нохун.

МЕДИАТОРЛАР тиб. Нерв кўзғалиши-нинг кимёвий воситачилари — организмдаги кўз:алиш жараёнини нерв учларидан ички аъзоларга (мускуллар, безлар ва ш. к.

37-Ўзбек тилининг изоҳли луғати

га) ва бир нерв хужайрасидан иккинчи хужайрага ўтказишда иштирок этадиган физиологик фаол моддалар.

МЕДИК \лот. medicus — шифокор, врач] с.т. Тиббиёт ходими. *Менга қолса, медик бўлишни ҳавас қиладиганлар аввсп бир-икки йил кас&гхонада ишлаши керак. У. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.*

МЕДИКАМЕНТ \лот. medicamentum -шифо воситаси, дори-дармон] Даволаш учун қўлланадиган дори-дармонлар.

МЕДИЦИНА [лот. medicina — врачлик фани; дори-дармон] қ. тиббиёт.

МЕДУЗА \юн. Medusa — юнон мифология-сида аёл кўринишли, илон сочли учар мах-луқ] Сезувчи, қисувчи ва овқат камраб олув-чи чангали бор, дирилдоқ танли денгиз жонивори.

МЕЗАНА \а. -сJU — (азон айтиладиган) минора] Масжид минорасининг муаззин азон айтадиган юқори қисми. *Яқин орада-ги масжид мезанасидан муаззиннинг азон айтаётган овози эшитилди. «Фан ва тур-муш».*

МЕЗБОН \ф. oWlhe-° ~~ мехмонларни ку-тиб олувчи; айнан: стол (дастурхон)ни кўриқловчи] Мехмон кутувчи, зиёфат, тўй эгаси. [*Абдуракул:*] *Кутимаган мехмон мез-*

боннинг иззати дейдилар, хўжа! П. Турсун, Ўқитувчи. *Кенг ва ёруғ хонада ўтирган меҳ-монлару мезбонларнинг кўзларида ҳаяжон ва табассум.* Газетадан.

МЕЗОЗОЙ \юн. mesos — ўртадаги, ора-ликдаги + зое — ҳаёт] Ернинг геологик тарихида палеозой билан кайнозой эралари оралиғидаги давр. *Устки қатламдаги чўкинди жинсли қаватнинг қалинлиги, ер сатҳи-дан ҳисоблаганда, 2,6 километр атрофида бўлиб, унда мезозой-кайнозой эраларининг тоғ жинслари мавжуд.* «Фан ва турмуш».

МЕЗОН [а. <jly±j> — ўлчов, тарози; муво-занат; одиллик] **1** эск. Тарози, ўлчов. *Мезон тошлари.*

2 кўчма Таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза. *Меҳнат — киши қадр-қийматининг мезонидир. тт Дарवेशали.. ҳар ишга бел боғлар экансиз, элнинг манфаат ва зару-риятини ўзингиз учун бир мезон деб билинг.* Ойбек, Навоий.

3 (М — катта) астр. Ўн икки буржнинг бири, Савр ва Саратон буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

4 Шамсия йил ҳисобида еттинчи ойнинг арабча номи (22 сентябрь — 21 октябрь дав-рига тўғри келади). *Наврўздан сўнг қиш бўлмас, мезондан сўнг ёз бўлмас.* Мақол.

5 Баъзи ўсимликларнинг кузда ҳавода сузиб юрадиган, ўргимчак уясига ўхшаш спора ташувчилари. *Куз келди. Сувлар ариқ-да ойнадек тиник шилдиради, кўкда мезон-лар сузди.* Ш. Ғуломов, Ташаббус.

6 Узоқ чўзилган ёз, иссиқ куз. **МЕЛИОРАТИВ** Мелиорацияга оид. *Ме-лиоратив ишлар. Мелиоратив тадбирлар. тт Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида кейинги вақтларда электр энер-гияси билан ҳаракатга келтириладиган қудуқ-симон зовурлар кенг қўллана бошлади.* А. Хаки-мов, Чароғон кишлоқлар.

МЕЛИОРАТОР Мелиорация ишлари билан шуғулланувчи шахс, мутахассис. *Ер-ларни ўзлаштириш борасида ўзбек мелио-раторлари бой тажриба тўплашган.* Газе-тадан.

МЕЛИОРАЦИЯ \лот. melioratio - яхши-лаш] Ернинг табиий шароитларини тубдан яхшилаб, деҳқончиликка мослаш ва ҳосил-дорлигини оширишга қаратилган тадбирлар тизими. *Тошкентда мелиорация масалалари юзасидан илмий-техника конференцияси очилди.* Газетадан.

МЕЛИСА ст. **1** Милиция. *Мен ўтириб олиб, шифохонага телефон қиламан, шофёр мелисама-мелиса югурди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Милиция ходими, милиционер. *Бўлма-са, мелиса чақириб, обис (қидирув) қилдира-ман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

МЕЛОДИК Оҳангдор, хушоҳанг, ёқим-ли. *Мелодик овоз. Мелодик мусиқа.*

МЕЛОДИЯ [юн. melodia - кўшиқ, ашу-ла] Куй, оҳанг.

МЕЛОДРАМА \юн. melos - кўшиқ + drama - ҳаракат, фаолият] Воқеаларни ни-ҳоятда бўрттириб, таъсирчан қилиб тасвир-лайдиган, насихатомуз драма жанри ва шу жанрдаги асар.

МЕЛОДРАМАТИК Мелодрамага оид. *Мелодраматик асар.*

МЕЛЬХИОР \фр. maillechort < шу қотишма ихтирочилари Maillot (Майо) ва Chorier (Шорье) номидан) Миснинг ни-кель, темир ва марганец билан қотишмаси (идишлар, танга ва ш. к. тайёрлашда ишла-тилади).

МЕМБРАНА \лот. membrana — юпқа пўст ёки парда] *физ., тех.* Тебранма ҳаракат қила оладиган парда ёки юпқа пластинка. *Теле-фон мембранаси.*

МЕМОРАНДУМ [лот. memorandum -эслашга арзийдиган, эслаш керак бўлган нарса] \ хуқ. Бирор давлатнинг дипломатик ёзишмалар орқали ҳал қилинадиган маса-лалар моҳиятини ўз нуқтаи назаридан ба-тафсил баён қилиб ёзган дипломатик ҳуж-жати.

2 Бирор масала бўйича билдиришнома, хизмат маълумотномаси. *Меморандумда таъ-кидланадики, бу ҳол аварияларга ҳамда ке-маларнинг ҳалок бўлишига олиб келиши мум-кин.* Газетадан.

МЕМОРИАЛ \лот. memorialis — хотира-га оид, хотирадаги] Бирор шахс ёки воқеа хотирасини нишонлаш ёки абадийлашти-риш учун хизмат қилувчи. *Тошкент мемори-ал ёдгорликлари яна бир монументал санъат асари билан бойиди.* Газетадан.

МЕМУАР [фр. memoires — эсдаликлар < лот. memoria — хотира, эслаш) Ўтмиш ҳақида, эсдаликлар шаклида ёзилган ада-бий асар. *Бобур мемуарлари. иш ..сўнги янги-ликларни ўзимнинг кундалик дафтаримга ёзиб чиқдим.. мемуар ёзиш вақти келганда яраб қолади.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

МЕН ки. олм. бирл. (қ. к. — менинг, т. к. — мени) Сўзловчининг ўзини билди-ради. *Мен ва сен. Мен билан ким боради? Менга сендан эсдалик. Мендан сенга насиҳат.*

Менга қара Менинг гапимга кулоқ сол. Менга қолса Менимча, менинг фикримча. *Менга қолса, ишлаб туриб ўқиганинг яхши.*

МЕНГ эск. Хол. К, аро менг ол янгоқингга ярошур. Хоразмий, Муҳаббатнома.

МЕНГЗАМОҚ шв. Ўхшамоқ, ўхшатмоқ. *Ўзини ойнага солиб кулди: -Шу туришда кимга менгазайман, топинг-чи? С. Сиев, Ёруғлик. Жамолинг менгазайдим осмонда ойга, Кришн-ни ўхшатдим эгилган ёйга. «Равшан».*

МЕНДЕЛИЗМ [< чех табиатшуноси Mendel (Г. Мендель) номидан] Ирсият қону-ниятлари тўғрисидаги таълимот: генетика-нинг фан сифатида вужудга келишига асос бўлган.

МЕНЕЖЕРЛАР [ингл. manager - бош-қарувчи] Корхона ва компания эгалари бўлмаган, махсус тайёргарлик кўрган ма-лакали ёлланма бошқарувчилар.

МЕНЕЖМЕНТ \ингл. management - бош-қариш, мудирлик; ташкил этиш] Замона-вий ишлаб чиқаришни бошқариш (режа-лаш, тартибга солиш, назорат қилиш), шунингдек, ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, уни ташкил этиш; бошқариш тўғри-сидаги фан.

МЕНЗУРКА \лот. mensura — ўлчаш; ўлчам] Суюкликларнинг ҳажмини аниқлаш учун ишлатиладиган, чизик билан бўлим-ларга бўлинган, дорихона ва кимё лабора-торияларида ишлатиладиган шаффоф идиш. *Ветеринария пунктида ўқувчилар химиявий асбоблар ва идишлар (қолба, мензурка, пипет-ка.. ва бошқа материаллар) ишлатилишини ҳам кўрдилар. Ж. Фаёзов, Экскурсиянинг ўтказилиши.*

МЕНИМЧА кри с. Менинг фикримча, ўйлашимча. *Самандаров луқма ташлади: - Ме-нимча, булардан ҳеч бири бундай фикрда эмас. А. Қахлор, Қўшчинор чироклари. Менимча.. бутун кулфатлар турмушининг ёмон қурилга-нидан келади. Ойбек, Танланган асарлар.*

МЕНИНГИТ \юн. mening, meningos -мия қобиғи] тиб. Бош ва орқа мия қобиғи-нинг инфекциян яллиғланиши. *Тепки касси-лигида айрим ҳолларда нерв системасида ҳам ҳар хил ўзгариш бўлиб, енгил ўтадиган ме-нингит ҳам бўлиши мумкин. «Саодат». Ме-нингит ҳақида сўз борганида, мия пардала-ринингяллиғланишини тушунамиз. А. Олимо-ва, Менингит. Унинг қизи ўн беш ёшида ме-нингит билан оғриб, вафот этган. А. Ёқубов, Бўсағада.*

МЕНМАН: менман деган айн. манман деган қ. манман.

МЕНСИМАСЛИК Эътиборсизлик ва паст назар билан қараш, назар-писанд қил-маслик. У [Луқмонча] яқинлашишига юрак қилолмай, узоқроқ ўтириб қолди.. *Садбар буни менсимаслик деб билди, шекилли, бир-дан туриб, эшикка отилди.* А. Мухтор, Ту-ғилиш.

МЕНСИМОҚ (фақат бўлишсиз шаклда) Эътиборсизлик ва паст назар билан қара-моқ. *Нега ҳеч кимни менсимайсиз? иш Ҳоким-лар олдида тилининг узун бўлганига тўла ишонган эшикбоши фуқарони сира менсимаиди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МЕНСТРУАЦИЯ \лот. menstruus - ой-лик, ҳар ойда бўладиган] тиб., физиол. Жинсий етук хотин-қизлар бачадонидан ҳар ойда бир марта келадиган қон аралаш ажралма-лар; ҳайз кўриш.

МЕНТАЛИТЕТ [нем. Mentalitat < лот. mens, mentis — ақд, идрок] Жамият, мил-лат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳ-лил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитлардаги ақлий қобилияти, руҳий қуввати (Жамият, миллат ёки шахснинг ментали-тети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқод ва иримларини \ам камраб олади).

МЕНТОЛ \лот. mentha — ялпиз + ol(eum)

— мой] Кучли ялпиз ҳидига эга бўлган шаф-фоф кристалл модда (тиббиёт, атторлик ва қандолатчиликда ишлатилади).

МЕНЬШЕВИЗМ [7. меньший, меньше

— кичик; оз] эск. тар. Меньшевиклар парти-яси амал қилиб келган назария ва сиёсий-партиявий оқим.

МЕНЬШЕВИК эск. тар. Меньшевизм тарафдори, меньшевиклар партиясига аъзоси.

Меньшевиклар партиясига эск. тар. Россия социал-демократик ишчилар партиясининг 1903 йилдаги II съездида овоз беришда оз-чиликни ташкил этган аъзолар томонидан тузилган ва 1924 йилгача фаолият кўрсатган партия.

МЕНЮ \фр. menu] Ресторан, ошхона ва кафеларда овқатлар рўйхати ёзилган, тегишли столларга қўйиладиган ёки кўринарли жойга осиб қўйиладиган қоғоз; таомнома. *Касса олдидаги менюда овқатларнинг икки хил нархи кўрсатилган.* Газетадан.

МЕРГАН \мўғ. мэргэн — ўқотиш бўйича ғолиб, ўқни аниқ отувчи] 1 Ўқни беҳато урадиган, пойлаб туриб отадиган. *Кўп отган билан мерган бўлмас, кўп айтган билан чечан бўлмас.* Мақол. *Мерган овда билинар, сўзчи — довда.* Мақол. *шиДивизионда Шариповни «Ус-таси фаранг мўлжалчи, мерган тўпчи», де-йшиарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 Ўқчи аскар, жангчи. *Мерганлар ўн беш дақиқа, орқасини узмай милтиққа ўт бериб турдилар.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

МЕРГАНЛИК 1 Нишонга беҳато уриш маҳоратига эгалик, беҳато отиш маҳррати. *Мерганликда Курбон устаси фаранг.* Т. Рус-гамов, Мангу жасорат.

2 Мерган касби (қ. мерган 2).

МЕРИДИАН \лот. meridianus — тушки, туш пайтидаги; жанубий] геогр. Ер шари юзасини \ар иккала кутб орқали ўтказилган текислик кесиб ўтган ярим айлана фаразий чизиқ.

Осмон меридиани астр. Осмон гумбази-да коинот кутблари ва зенит орқали ўтган улкан фаразий чизиқ.

МЕРИНОС \исп. merinos] Қўйнинг но-зик ва оқ юнгли зоти. *Гапнинг хулласи — Ўрта Осиё шароитида меринослар учун ҳало-катли бўлган заифликлар бартараф этилар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

МЕРКАНТИЛИЗМ \фр. mercantilisme < итал. mercante — савдогар] 15—18-асрларда иқтисодий тафаккур тарихида, ижтимоий бойлик асоси, даромад ишлаб чиқаришни ривожлантиришда эмас, балки пулда, пул жамғариш ва четга кўпроқ мол чиқариб со-тишда, пул жамғармаларига давлат ҳоки-мияти ёрдамида эришилади, деган иқтисо-дий таълимот ва сиёсат. *Бухоронинг миллий буржуазияси маида реформачилик даражаси-дан юкори кўтарила олмади, ҳатто меркан-тилизм сиёсати масаласини ҳам ўртага қўймади.* Газетадан.

МЕРКАНТИЛИСТ Меркантилизмга эр-гашувчи.

МЕРКУРИЙ \лот. Mercurius - рим ми-фологиясида чорвачилик ва савдо маъбудиди; сайёҳлар, йўловчилар ҳомийси] (М — кат-та) Қуёш системасидаги тўққизта катта сай-ёрадан бири, Қуёшга энг яқини.

МЕРОВ Ҳушёр, зийрак бўлмаган; англ-райган, анқов. Меров одам. **тии** Унинг [Фёдорнинг] хаёлпараст, меров, девонасифат одам эканлиги афтидан ва қилигидан билинибтурур эди. М. Осим, Элчилар.

МЕРОВЛАНМОҚ айн. меровсирамоқ. Исфандиёр, қулоқларига ишонмагандек, вазири акбарнинг чимирилган қошларига меров-ланиб тикилди. С. Сиёев, Аваз.

МЕРОВСИРАМОҚ Меров ҳолатга туш-моқ; анқовсирамоқ. Назар, раиком секретарига меровсираб боқди. Э. Усмонов, Ёлқин.

МЕРОС [а. i|j^ — ворис(лар)га қолади-ган ёки қолган мулк] **1** Мархумдан ворисларга қолган мулк. Отадан қолган мерос. **тии** Хотинимга тегадиган меросдан мани қуруқ қилишига уринишади улар. Лекин бўш келмай-ман. Ойбек, Танланган асарлар.

2 ҳуқ. Мол-мулк, ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгаси вафот этиши билан уларнинг бошқа шахс ихтиёрига ўтиши.

3 Ўтганлардан қолган, ўтган нарса, одат ва ш.к. Хужайрамнинг ҳар бўлагиди Аждод-лардан мерос қоним бор. А. Мухтор. Ҳамма қизлар эрга тегиши олдида бир-бир йиглаб ола-ди-ку, Биби Фотимадан қолган мерос-ку. Ой-бек, Танланган асарлар.

4 Аждодлардан авлодларга қолган ил-мий, адабий, маданий бойлик. ..боболари-миз қолдириб кетган мерос ва ёдгорликлар билан яқиндан таниши бўлмай туриб, келажакимизни била олмаймиз. Н. Сафаров, Оловли излар.

МЕРОСХЎР [а. + ф. ^сИ^ - мерос еювчи; ворис, мерос эгаси] **1** Мерос олишга ҳақи бўлган киши; ворис. Чол-камтирнинг шу боладан бошқа меросхўри йўқ. А. Қахҳор, Асарлар. Оқ тунука тоши, ичкари-ташқа-рили ҳовлига Дилбардан бошқа меросхўр йўқ. С. Аҳмад, Уфк.

2 кўчма с. т.. Давом эттирувчи, ворис. Узбек адабий халқ оғзаки ижодининг.. анъаналарини ижобий ўзлаштириб, давом этти-рувчи ҳақиқий меросхўри ва давомчиси ҳам-дир. Газетадан. Ақромхон ўз отасининг бир-дан-бир маънавий меросхўри эди. Ш. Раши-дов, Бўрондан кучли.

МЕРТИК Чети синиб тушган, учган. Нусратилла болишини отиб ташлаб, кўрпа-дан четроққа, мертик коса турган бурчакка эмаклади. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

МЕТАЛЛ \лот. metallum < юн. metallon — кон, шахта] Ўзига хос жилога эга бўлган, иссиқлик ва электрни яхши ўтказадиган, болғаланувчан, содда кимёвий элемент ёки қотишма. Рангли металллар. Қрра металл.**тии** Кумуш иссиқлик ва электрни бошқа метал-ларга қараганда яхши ўткази, ёруғликни яхши қайтаради. Газетадан.

МЕТАЛЛИЗАЦИЯ *тех.* Бирор буюмнинг юзини куқунлатиб сочилган металл билан коплаш; металлаш.

МЕТАЛЛИСТ Металл саноати ходими, ишчиси.

МЕТАЛЛМАСЛАР Металл бўлмаган кимёвий элементлар, (мас, азот, фосфор, йод).

МЕТАЛЛОГРАФИЯ [металл + юн. gra-pho — ёзаман] Металл ва қотишмаларнинг ички тузилиши ва физик хусусиятларини ўрганувчи фан.

МЕТАЛЛОИДЛАР [металл + юн. eidos — кўриниш] айн. металлмаслар.

МЕТАЛЛУРГ Металлургия мутахассиси. Бу йил бекободлик металлурглр олдида кат-та вазибалар турибди. Газетадан.

МЕТАЛЛУРГИЯ [металл + юн. ergon -иш, фаолият] **1** Огир саноатнинг рудадан металл олиб, унга дастлабки ишлов бериш билан шуғулладиган тармоғи. Қора метал-лургия. Рангли металлургия саноати.

2 Саноат йўли билан металл ишлаб чи-қариш ва унга дастлабки ишлов бериш усуллари ҳақидаги фан. Металлургия курси. Ме-таллургиядан имтиҳон бермоқ.

МЕТАЛЛЧИ айн. металлист.

МЕТАЛЛШУНОС Металлшунослик му-тахассиси.

МЕТАЛЛШУНОСЛИК Металларнинг тузилиши, хоссалари ва уларнинг ўзгариш қонунларини ўрганувчи фан.

МЕТАМОРФИЗМ \ юн. тйатофНоота! -ўзгараман, бошқа нарсага айланаман] геол. Кимёвий ва физик сабаблар таъсирида тоғ жинслари тузилиши ва таркибида юз беради-ган ўзгаришлар. *Минераъшир метаморфизми.*

МЕТАМОРФИК геол. Метаморфизм на-тижасида вужудга келган. *Метаморфик тоғ жинслари.*

МЕТАН \фр. methane < юн.\ Углерод би-лан водород бирикмасидан иборат рангсиз ёнувчи газ. *Бухоро газимиз қарийб метаннинг ўзгинасидан иборат.* «Фан ва турмуш».

МЕТАРА айн. меҳтара.

МЕТАСТАЗ \юн. metastatikos — ораликда жойлашувчи| тиб. Касал кўзғовчи омилнинг қон ёки лимфа безлари орқали дастлабки жойидан бошқа жойларга кўчиб жойлаши-ши, шу йўсинда пайдо бўлган янги касал-лик ўрни. *Рак метастаз бера бошлади.*

МЕТАТЕЗА \юн. metathesis — ўрин алмаш-тириш] тли. Сўздаги товушларнинг ўрин алмашинуви (мас., *кирпик-киприк, тупроқ-турпоқ* каби).

МЕТАФИЗИК Метафизика тарафдори, метафизика принципларига амал қилувчи, метафизика методларини қўлловчи шахс.

МЕТАФИЗЙК Метафизикага, метафи-зика принципларига асосланган. *Метафи-зик материализм.*

МЕТАФИЗИКА \юн. «Meta ta physika» -«Физикадан кейин» (Аристотелнинг фалсафий асарлари номидан)] Диалектикага қара-ма-қарши ўлароқ, табиат ва жамият ҳодисаларини ривожланишда ва бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб қарамасдан, бир-биридан узилган ҳолда, турғун ва ўзгармас ҳолда олиб текширадиган, қодисаларнинг ички қара-ма-қаршилиқларини инкор этувчи билим методи.

МЕТАФОРА [юн. metaphora — кўчириш, кўчим] ад. Сўз ёки иборани ўхшашлик ёки ўхшатишга асосланган кўчма маънода иш-латиш ва шундай маънода ишлатилган сўз ёки ибора; истиора, мажоз (мас, *қулоқ сўзи-нинг дуторнинг қулоғи* бирикмасидаги маъноси метафора асосида юзага келган).

МЕТАФОРИК Метафора асосида иш-латилган, метафорага асосланган; мажозий. *Метафорик ибора. Метафорик маъно.*

МЕТЕОР \ юн. meteoros — ҳавода учувчи, сузиб юрувчи) Космик фазодан ер атмосферасига чўғ бўлиб, тез учиб келадиган жисм; учар юлдуз. *Метеор жисмнинг устки қатлами ҳам жуда қизийди ҳамда бир оздан сўнг кўздан зойиб бўлади, бу метеор ҳодисаси дейилади.* «Фан ва турмуш».

МЕТЕОРИЗМ \юн. meteorismos - ши-шиш, қаппайиш] тиб. Ич дам бўлиши — ичакда кўп ел тўпланиши натижасида қо-риннинг тарангланиши.

МЕТЕОРИТ \фр. meteorite - < юн. meteoros] Космик фазодан ерга тушган жисм, космик жисм. *Америкалик олимшўртган йили Антарктидадан метеорит топиб олишди.* «Фан ва турмуш».

МЕТЕОРОЛОГ Метеорология олими, мутахассиси. *Мен метеоролог эмасман, дўстлар, Менга аён эмас ҳавонинг сири.* Уй-ғун.

МЕТЕОРОЛОГИК Метеорологияга оид. *Метеорологик кузатишлар. тт Метеорологик сабабларга кўра бугун самолёт [Наманганга] учмайди.* С. Нуров, Нарвон.

МЕТЕОРОЛОГИЯ \юн. meteora - само-вий ва атмосферавий ҳодисалар + logos — фан, таълимот] 1 Ер атмосфераси, унинг тузилиши, хусусиятлари ва унда бўладиган физик жараёнлар ҳақидаги фан.

2 Об-ҳаво ва уни олдиндан билиш ме-тодлари ҳақидаги фан.

МЕТИЗАЦИЯ \фр. metisation < metis -икки тур (насл)ни чатишишидан пайдо бўлган] биол. Зотини ва навини яхшилаш мақсадида турли зотдаги ҳайвонларни ва турли навдаги ўсимликларни чатиштириш; дурагайлаш.

МЕТИЛ \фр. methyle < юн.\ ким. Кўпги-на органик бирикмалар таркибида бўладиган, бир атом углерод ва уч атом водород-дан иборат гуруҳ.

МЕТИЛЕН \фр. methylene < юн.\ ким. Кўпгина органик бирикмалар таркибида бўладиган, бир атом углерод ва икки атом водороддан иборат гуруҳ.

МЕТИН \а. j̣j̣" — маҳкам, мустаҳкам] **1** *от* Тошлоқ ва қаттиқ ерларни қазिश, тош кесиш учун ишлатиладиган учли чўкич ёки теша. *Фарҳодлар тер тўкар туну кун бунда, Метинлар зарбига чидай олмас тош. Уйғун.*

2 *сфт.* Қаттиқ, заранг. *Уйўлчи бу ерга олдин сув қўйиб, ер юмшагандан сўнг ковлаш кераклигини англаса ҳам.. тоганинг амридан чиқмаслик учун метин жойни кавлайверди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Мустаҳкам, бузилмас. *Метин сафлар. тш Душманнинг қўрғони жуда метин экан.* Ойбек, Навоий. *Аҳмад Дадамат ака-ни.. метин иродали одам деб ўйлаган эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

МЕТИС \фр. metis — икки тур (насл)нинг чатишуvidан пайдо бўлган] **1** Метизация йўли билан вужудга келтирилган ҳайвон ёки ўсимлик.

2 Турли ирққа, мас, европаликлар би-лан индейсларга мансуб эр-хотиндан бунёд-га келган авлод; дурагай.

МЕТОД [юн. methodos - тадқиқот усу-ли, йўли] **1** Табиат ва жамият ходисалари-ни билиш, тадқиқ қилиш усули. *Диалектик метод. Қиёсий метод.*

2 қ. усул, услуб. *Меҳнатни илмий таи-кил этишининг янги элементлари, доволаш-нинг янги методлари жорин қилинмоқда.* Га-зетадан.

МЕТОДИК Метод ва методикага оид; усул-лий. *Методик маслаҳатлар. Методик қўман-ма. тш Бу йил.. 12 кишидан иборат методик кенгаи тузишга қарор қилдик.* Газетадан.

МЕТОДИКА [юн. methodike] **1** Бирор ишни бажариш, амалга ошириш, адо этиш методларининг, усулларининг йигиндиси. *Илмий-тадқиқот методикаси.*

2 Ўқитиш усуллари ҳақидаги таълимот. *Ўзбек тили методикаси. Рус адабиёти ме-тодикаси.*

МЕТОДИСТ [ингл. methodists < юн. methodos] Методика мутахассиси. ..кен

681

гаишларга энг тажрибали методист олим-ларни, ўқитувчиларни жалб этиш керак. Газетадан.

МЕТОДОЛОГ Методология мутахассиси.

МЕТОДОЛОГИК Методологияга оид. *Методологик тадқиқотлар. Методологик масала. Илмий текширишининг методологик асослари. шт Маънавият ва маърифат курс-ларида назарий ва методологик семинарлар, конференциялар, яқунловчи суҳбатлар ўтка-зилмоқда.* Газетадан.

МЕТОДОЛОГИЯ [метод + юн. logos -таълимот] Умуман, илмий метод ҳақидаги, хусусан, айрим фанларнинг методлари ҳақидаги таълимот. *Тарих методологияси.*

МЕТОНИМИК Метонимиядан иборат бўлган. *Метонимик ибора.*

МЕТОНИМИЯ [юн. metonymia - қайта номлаш] *ад.* Бирор предмет ёки хрдиса но-мини шу предмет билан бир ўрин олган бошқа предмет номи билан алмаштириш; шу хилда ишлатилган сўз ёки ибора. (мас, *самовар* сўзининг «чайхона» маъноси мето-нимия асосида ҳосил бўлган.

МЕТР [фр. metre < юн. metron — ўлчов] **1** Метрик ўлчовлар системасида: 100 санти-метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги.

2 Сантиметрларга бўлинган шу узунлик-даги ўлчов асбоби; газчўп. *Тасма метрни олиб, ўлчай бошладилар.* «Гулдаста».

МЕТРАЖ [фр. *metrage*] 1 Бирор нарса-нинг метрлар билан ифодаланган узунлиги. *Кинолента метражи.*

2 Бинонинг, уйнинг квадрат метрлар би-лан ифодаланган сахни. *Хонанинг метражи.*

МЕТРИК I Метрга оид, асосини метр ташкил қилган. *Метрик ўлчов системаси.*

МЕТРИК II Метрикага, вазнга оид.

Метрик вазн *ад.* Қисқа ва чўзиқ бўғин-ларнинг бир тартибда такрорланишига асосланган шеърий вазн; аруз вазни.

МЕТРИКА I [пол. *metryka* < лот. *matricula* — рўйхат] Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома. *Кичик гражданга метрика керак, Қайд қили-шаррасмии ҳужжатда отин.* С. Акбарий.

МЕТРИКА II [юн. *metrike* < *metron* -ўлчов, микдор, катта-кичиклик] *ад.* Шеър вазни, ўлчови ҳақидаги таълимот ва шеър-рий вазннинг ўзи.

МЕТРЛАМОҚ Метр билан ўлчамок.

МЕТРЛИ Метр узунлигидаги. *Уч метр-ли тахта.*

МЕТРО [фр. *metro*] Ер остига қурилган шаҳар электр темир йўли. *Бугунги куннинг йирик қурилишларидан бўлган метро тобора кенгайиб бормоқда.* Газетадан.

МЕТРОЛОГ Метрология олими, мута-хассиси.

МЕТРОЛОГИК Метрологияга оид. *Мет-рологик текширишлар.*

МЕТРОЛОГИЯ [юн. *metron* - ўлчов + *logos* — таълимот] Ўлчов ва тарозилар ҳақидаги фан.

МЕТРОПОЛИТЕН [фр. *metropolitan* < юн. *metropolis* — асосий, бош шаҳар, пойтахт] *айн.* метро. *Бу плиталар метрополи-тен қурилишларида ишлатилади.* Газетадан.

МЕТРОПОЛИЯ [юн. *metropolis* < *meter* — она + *polis* — шаҳар] Ўзга мамлакатларни босиб олиб, ўз мустамлакасига айлантир-ган империалистик давлат. *Кўпинча собиқ метрополияларнинг.. элчихоналари шумамла-катларнинг ўз министрликларига қараганда кўпроқ нуфузга эга.* Газетадан.

МЕТРОСОЗ (асосан кўпл. шаклида) Метро қурувчи шахс, мутахассис. *Метросозлар метронинг иккинчи навбати биринчи ли-нияси қурилишини ҳам.. олиб бормоқдалар.* Газетадан.

МЕХАНИЗАТОР [юн. *mechane* - қурол, машина] 1 Механизация мутахассиси. *Ўттиз бир йигит-қиз Олмазордаги механизаторлар тайёрлайдиган билим юртига бориб ўқиймиз.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

2 Машина ва механизмларни бирор со-ҳага жорий этувчи мутахассис. *Қишлоқ хўжа-лик механизаторлари. ишт ..механизаторлар ҳосил ишгим-теримида ҳал қилувчи роль ўйна-дwww.* Газетадан.

МЕХАНИЗАЦИЯ [юн. *mechane* - қурол, машина] Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган (қўлланадиган) машина ва механизм-лар мажмуи. *Чўл шароитида қўлда бажари-лиш керак бўлган айрим ишларни механизация зиммасига юклаш юзасидан изланишлар олиб борди.* Газетадан. *Кўчиев оғир ишларни механизация гарданига юклаб, анча осонлаш-тирди.* «Ўзбекистон кўриклари».

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ *с. т.* Ишлаб чи-қаришда механизацияни жорий қилиш, қўл меҳнатини тўла ёки қисман машина, механизмларга ўтказиш. *Халқ хўжалиги кенгашининг ходимлари корхоналарга тез-тез бориб, ишлаб чиқариш жараёнини автомат-*

лаштириш ва механизациялашда бевосита қатнашадиган бўлдишор. Газетадан. 1964 йил хўжаликларда пахтачиликни комплекс ме-ханизациялаш ишли бўлди. Н. Сафаров, Олов-ли излар.

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШМОҚ Машина, механизмлар билан қуролланмоқ. *Механизациялашган хўжалик тармоғи.*

МЕХАНИЗМ \юн. mechane — қурол, ма-шина] **1** Машина, асбоб, аппарат ва ш. к.нинг ички, ишга солувчи қисмлари, ички тузилиши. *Соат механизми. Станокмеханизми. ти..қани, пулемётчи бўлсанг, механизм-ларини гаптириб бер-чи!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Бирор ишни бажарувчи мураккаб ма-шина. *Ҳозирги замон қурилишини мана шу механизмларсиз тасаввур қилиш қийин.* Га-зетадан.

3 Ички тузилиш, система. *Давлат меха-низми.*

4 Бирор нарсанинг ўзаро боғлиқ бўлган ва яхлитликни ташкил этувчи қисмлари. *..сюжетлар кетидан сюжетлар, характер-лар кетидан характерлар келиб, ёзувчи ижо-дий лабораториясининг ҳамма механизмла-рини ишга солиб юборганди.* М. Қўшжонов, Поэмадан романга.

МЕХАНИК **1** Механика мутахассиси. *Меҳаникларнинг назарий тадқиқотлари.*

2 Машиналарни назорат қилувчи ва ишга солувчи лавозимли киши, мутахас-сис. *Трактор бригадаси механиги. тт Меҳа-ник йигит ер остидан унга кўз ташлаб турганини ҳам пайқаган эди.* Мирмуҳсин, То-пилган ҳусн.

МЕХАНИК **1** Механикага оид, механи-ка фанини ўрганадиган. *Механик ҳаракат.*

2 Механизм ёрдами билан ишлайдиган. *Механик асбоб.*

3 кўчма Ғайриихтиёрий равишда содир бўлган, йўл қўйилган. *Механик хато. шш Бунга механик муносабатда бўлиш муаммо-ни ёритишига эмас, балки чалкаштиришига сабаббўлади.* Ғ. Саломов, Таржима назария-сига кириш.

МЕХАНИКА \юн. mechanic (techne) -машиналар яратиш (санъати)] **1** Жисмларнинг макондаги ҳаракати ва уларнинг ўза-ротаъсирини ўрганувчи фан. *Назарий меҳаника. шш Космик миқёсда содир бўлаётган турли жараёнларни ўрганиш тўғрисида физика, механика ва бошқа қатор фанлар беқиёс бойиб бормоқда.* Газетадан.

2 Техниканинг ҳаракат ва кучлар ҳақи-даги билимларни амалий вазифаларга тат-биқетиш билан шуғулланувчи тармоғи. *Би-нокорлик механикаси.*

3 Машина ва механизмлар тайёрлаш ва уларни тузатишга оид. *Механика цехи. Ме-ханика заводи. тт Умарали механика уста-хонаси олдида қаторлашиб турган машина-лар ичида.. «Победа»га ҳавас бтан қаради.* И. Раҳим, Ихлос.

МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИ Пахта териш машинасини ҳайдовчи ва уни тузата билув-чи тракторчи. *Жиянқулнинг укаси воҳамиз-нинг энг доврўқли механик-ҳайдовчиси. «Узбе-кистон кўрикдари».*

МЕХАНИСТ Механицизм йўлидан бо-рувчи.

МЕХАНИСТИК Механицизм принцип-ларига асосланган. *Механистикматериализм. Механистик назария.*

МЕХАНИЦИЗМ \юн. mechane - қурол, машина ёки mechanic — машина яратиш] Оламдаги турли-туман ҳодисаларни мате-риянинг, бир турдаги оддий заррачаларнинг механик ҳаракатидангина иборат деб билув-чи, тараққиётнинг мураккаб қонуниятлари-ни эса механиканинг оддий қонунлари би-лан тенглаштирувчи ғайридиалектик фал-сафий оқим.

МЕЧАЛ *с. т. Рахит касали, шу касалга йўлиққан шахс. -Негаярим челақ олибкелдинг, мечаб'?* — дебўшқирди. И. Раҳим, Оловкор.

МЕЧКАИ **1** Ебтўймас, ю\о. *Тавба, шун-ча одамнинг ҳақини еяётганига ҳайронмиз. Ёки мечкай бўлиб қолганмикин?* «Муштум». *Таом ейиш билан умр узаядиган бўлса, меч-кайлар энг узоқ умр кўрган бўларди.* Х. Тўхта-боев, Ширин қрвунлар мамлақати.

2 *с. т. Рахит. У мечкай касалига учраган болалардай инжиқ эди.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

МЕШ \ф. <...; л — тери, саноч; тери хал-та] **1** Сув, қимиз ва ш. к. суюқ нарсалар солиб қўйиладиган, ташиладиган тери; саноч. *Манғишлоққа тушиб, қозо^ар овулидан бир меш қимизолибчиқиди. М. Мансуров, Ёмби. Битта жангчи челадаги сувни мешга авай-лаб қуйди. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Оёқ кийими астари, супра ва ш. к. нар-салар учун ишлатиладиган жўн қўй тери. *Хотин, қорилган хамирни меш супрага ўраб, устига серпахта кўрпани ёпгандан кейин, ерда турган чўян обдастадан қўлини ювмоқчи бўлди. С. Айний, Дохунда.*

3 кўчма с.т. Мешга ўхшаш; дўмбоқ, ду-малоқ (қоринга нисбатан). *Хўрандсыйр ҳақин уриб, қорни кўпчибмеш бўлди. «Муштум».*

МЕШКОБ \ф. иК .1, о — мешда сув та-шувчи] **1 тар.** Мешда сув ташувчи, кўча ва бозорларда меш кўтариб юриб сув сотувчи киши. *Елкасида сув тўла меш, қўлида сопол коса билан қичқираётган мешкобни кўрган Майна чанқаб, сув ичкиси келди. Ш. Тошматов, Эрк куши.*

2 иiii. меш 1,3.

МЕШКОБЧИ с. т. Мешкоб. *Тор кўчалар-да юрган отлиқ, пиёда кишилар, нонвойлар, мешкобчилар унинг диққатини ўзига торт-мади. Мирмухсин, Чўри.*

МЕШКОБЧИЛИК Мешкоб(чи) иши, касби. *Полвоннинг хаёли бўлиниб.. Бухоро кўчаларида мешкобчилик қилиб юргани бир-ма-бир кўз олдидан ўтди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

МЕШКОБҚУШ Куракоёклилар турку-мига мансуб, тумшуғи остида мешкоби бўлган катта сув қуши; бирқозон, сақоқуш. *Дарё дельталарида мешкобқуш, гоз, ўрдак учрайди. «Ўзбекистон кўрикдари».*

МЕШЧАН [р. мешанин < пол. miesz-czanin — шаҳарлик] **1** Чор Россиясида ша-ҳар буржуазиясига мансуб майда савдогар, хунарманд ва қуйи хизматчилар табақасига мансуб шахс.

2 кўчма Тушунчаси тор, ўз шахсий ман-фаатлари, хусусий мулкчилик дарди билан яшовчи шахс; манфаатпараст.

МЕШЧАНЛИК **1** Мешчанга хос хислат, хатти-ҳаракат. *Мешчанлик, шахсиятпараст-лик қобизига ўралиб олган шахслар.. ота-она-ларга гамхўрлик қишии ўрнига мушт кўта-риб азобламоқда. «Муштум».*

2 Мешчанга хос ҳаёт тарзи, мешчанча яшаш. *У [Ғафур Ғулом] ўзининг кўпгина сатирик асарларида феодализм сарқитларини, мешчанликни танқид қилди. Газетадан.*

МЕЪДА **1** \а. й-ич. — ошқозон| Кишининг овқат ҳазм қилиш аъзоларидан бири; ошқо-зон-ҳазм йўлининг қизилўнгачнинг пастки учи билан ўн икки бармоқди ичакнинг бош-ланиш қисми оралиғида жойлашган кенгай-ган қисми. *Саккиз-тўққиз ошабқовун кўрма-ган меъдага одатдан ташқари кўп тиқилган янгилик ўз ишини қилади. А. Қодирий, Обид кетмон. Лола сайли киши дилидаги губорни йўқотур, равоч меъдани тозалайди. Мирмух,-син, Меъмор.*

Меъдага (зигир ёғдек) тегмоқ (ёки ур-моқ) Обдан ёқмай қолмоқ, жонга тегмоқ. [Мулларўзи:] *Ҳозир бу бойваччангиз ҳам меъ-дага зигир ёғдек тегиб турибди. Ҳамза, Майсаранинг иши. Энгяхиши китобни ҳам.. қайта-қайта ўқиш кишининг меъдасига тегади. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. Меъда-га ўтирмаслик* Дидига ёқмаслик, маъқул бўлмаслик. *Мени пахта тортадиган кат-та тарозига қўйдилар. Бу иш менинг меъ-дамгаўтирмади. М. Муҳаммаджонов, Тур-муш уринишлари. Сассиқ меъда аин. сас-сиқ кекирдак қ. сассиқ. -Эй тақсирим, сас-сиқ меъда бўлиб қолдим-ку, — дебди. «Олтин бешик».*

МЕЪДА II Терида оқ ёки рангли доғлар ҳосил қиладиган касаллик.

МЕЪЁР \а. jL-x-o — ўлчак, асосий ўлчов; андоза] **1** Расмийлаштирилган, умум томо-нидан қабул қилинган, \амма томонидан мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида. *Ҳуқуқ меъёрлари. Ах-лоқ меъёрлари.*

2 Бирор нарса, иш ва ш. к. нинг микдор, даража жиҳатдан талабдаги, белгили ўлча-ми. *Ҳар нарса ҳам ўз меъёрида яхши. Меъёри-ни билмоқ. Бир меъёрда ишламоқ. иш* Бизда деҳқончиликнинг.. бир кунга кесилган иш меъ-ёри бор. А. Қодирӣ, Обид кетмон. Табиат ўзи уста деҳқон. Меъёри билан данак ташла-ган, меъёри билан уруғ сочган. С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. *Лекин ана шу меҳр-оқибат меъёрида бўлмоғи керак. Бу ишда меъ-ёрни унутиши ёмон оқибатларга олиб келиши муқаррар.* Газетадан.

3 Ана шу меъёрни белгиловчи асос-кўрсаткичлар. *Баҳо қўйиши меъёрлари.*

4 с.т. кам қўлл. Чек-чегара. *Бу ададсиз чўл эди, Сира меъёри йўқ эди.* «Баҳром ва Гуландом».

Бир меъёрда Бир хилда, бир тарзда. *Қўёш кундан-кун бир меъёрда исиб борарди.* Ш. Ра-шидов, Бўрондан кучли. *Бундан ташқари, думба қўй танасидаги ҳароратни бир меъёр-да сақлашга ёрдам беради.* С. Анорбоев, Оксой.

МЕЪЁРИЙ Меъёрга оид, меъёр жиҳат-дан. *Буларнинг меъёрий ҳолатини сақлашда.. шифобахш гиёҳлар фойдалидир.* Газетадан.

Меъёрий ҳужжат Меъёрлар билан бел-гиланадиган ҳужжат. *Муҳими.. меъёрий ҳуж-жатларга қандай ўзгартиришлар киритиши-ни аниқлаб олишидир.* Газетадан.

МЕЪМОР \а. jLa_i_o — бинокор, иморат-соз; архитектор] Меъморчилик мутахасси-си. ..бу бионинг ҳақиқий санъат даражасига кўтарилиши Хуросон меъморлари — устоз Қавом, устоз Нажмиддин Бухорий.. номи би-лан боғлиқдир. Мирмуҳсин, Меъмор.

МЕЪМОРЛИК 1 Меъмор иши, касби. *Меъморликни муқаддас бир санъат деб бил-ган Мулла Фазлиддин Ёқуббекнинг шаҳвоний ниятларидан нафрати келди.* П. Қодиров, Бобур.

2 айн. **меъморчилик.** *Хоразмлик вакиллар Хивага ўхшаб кетадиган қадим тарихга бой Бухоронинг меъморлик санъати нодир ёдгор-ликларини кўриб, ниҳоятда қойил қолишди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МЕЪМОРЧИЛИК 1 айн. **меъморлик 1.** *Меъморчиликни ўрганмоқ.*

2 Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш санъати. *Меъморчилик аса-ри сифатида музей биноси жуда оригинал ва ўзига хос.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МЕЪРОЖ \а. з) — парвоз, юқорига кўтарилиш] *дин.* Осмонга, арш-аълога, ху-донинг олдига чиқиш (Мухаммад пайғам-барнинг Қуддусдаги Ақсо масжидидан ос-монга кўтарилиши).

МЕҲВАР \а. j>a-o - ўқ (чарх ўқи), вал; ўқлоғи] *жск. кт.* Ўқ, айланиш маркази. *Ермеҳ-вари. иш Сен-чи, меҳварингда айланасан тек, яхшию ёмонни елканга ортиб.* А. Орипов.

МЕҲМОН \ф. (j) ор л — меҳмон, ташриф буюрувчи] **1** Тўй, зиёфат ва ш. к. муносаба-ти билан йўқлаб келган (борган) шахс. *Меҳ-мон бўлмоқ. Меҳмон қилмоқ. Меҳмон(га) айтмоқ. тт* Қутидор меҳмонларни ихлос ва самимият билан кутар, зиёфат қуюқ-сууюқ-лари билан тўла-тўкис давом этар эди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Мажлис, йиғилиш, кенгаш ва ш. к. га четдан чақирилган шахс. *Сессияга чақирил-ган депутат ва меҳмонлар. Қурултойда меҳ-мон сифатида қатнашмоқ. тт* Фестивалнинг қатнашчилари ва меҳмонлари орасида таниқ-ли давлат арбоблари.. истеъдодли ижодкор ёшларбор. Газетадан.

3 Четдан ташриф буюрган, вақтинчалик қўнган шахс. *Эшикни очиши билан: -Отдан қўнингиз, меҳмон, — деди [уста Алим] отни Отабек қўлидан олгач.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

Янги меҳмон Янги туғилган ёки туғила-диган чақалоқ. *Мумтоз «янги меҳмон» кута-ётган севимли рафиқаси Амални ҳам унутиб қўярди.* С. Азимова, О, Лайло.

МЕҲМОНДОР \ф. ^бьчн ~ меҳмон-ни қабул қилувчи] Меҳмони бўлган, меҳ-мон кутаётган киши; мезбон.

МЕҲМОНДОРЛИК кам кўлл. айн. **меҳ-мондорчилик**.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК Меҳмон ку-тиш, зиёфат. *Меҳмондорчиликка бормоқ. ти* Мажлис Зиё шохичининг уйида Отабекнинг меҳмондорчилиги учун йигилган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Энди Гулноз эри билан баҳс-лашиб, меҳмондорчиликдаги нуқсонларни га-пиришига тушиб кетишиди.* Ў. Усмонов, Сир-ли соҳил.

МЕҲМОНДЎСТ [ф. ^JL^Lnn - меҳ-монни дўст кўрувчи] Меҳмонни, меҳмон кутишни, меҳмон чақиришни яхши кўра-диган; меҳмонсевар. *Меҳмондўст ўзбек халқи. тт* Кенг феъл, одамашаванда, *меҳ-мондўст, танти фарғоналиклар Аҳмадни мафтун этди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Тош-кени ўзининг меҳмондўстлиги, халқаро ан-жуманлар шаҳрига айланиб қолганлиги би-лан жаҳон халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўймоқ-да.* Газетадан.

МЕҲМОНДЎСТЛИК 1 Меҳмондўст эканлик. *Азалдан ўзбек халқи ўзининг меҳмон-дўстлиги билан машҳур.* Газетадан.

2 Меҳмондўстга хос хислат, хатти-ҳара-кат, меҳмон кутишни ўрнига қўйиш. *XWIKU-миздаги меҳр-оқибатлилиқ, болажонлиқ, меҳ-мондўстлик каби миллий одатлар умуминсо-ний мазмун касб этган.* «ЎТА». -Эна, меҳмон-дўстликни бугун дўндирасиз, — кейин Гулан-домга кўзўйнатди бойвачча, — нималарни кўнг-лингиз истайди? Ойбек, Танланган асарлар.

МЕҲМОН-ИЗЛОМ қ. **меҳмон-измон**. *Холангизни биласиз, тўй-ҳашам, меҳмон-из-лом деса, икки маҳалла нарида бўлса ҳам ке-таверади.* «Муштум».

МЕҲМОН-ИЗМОН Меҳмондорчилик: меҳмон ва шунга ўхшаш киши. *Полҳар доим ёғ тушса ялагудай ярқираб турсин эмиш, бўлмаса, меҳмон-измон, ошина-огайнидан но-мус қилармишлар.* Х. Назир, Бир тўп ғўза.

686

Обида меҳмон-измонга ҳам ёлғиз ўзи борарди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

МЕҲМОННАВОЗ [ф. j|>^U4- - меҳ-монни ардоқдовчи] айн. **меҳмондўст. ФеЪиШ** кенг, сўзи бир бизнинг тоғликлар. *Кўп меҳ-моннавоздир бизнинг тоғликлар.* Х. Салоҳ, Тоғ — менинг ватаним. *Ўзиҳам, хотини ҳам гоят меҳмоннавоз.* «Шарқ юлдузи».

МЕҲМОНХОНА [меҳмон + хона] **1** Меҳмон кутиладиган уй. [Сафар бўзчи] *Бир неча марта келиб, Анварнинг меҳмонхонаси-гаўрганиб қолган.. эди.* А. Қодирий, Меҳроб-дан чаён. *Табиб, Меъмор.. меҳмонхонага тай-ёрланган дастурхон атрофига ўтиришиди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Мусофирларнинг вақтинча туриши учун жиҳрзланган хоналардан иборат бино; мусофирхона. *Шаҳар меҳмонхонаси. Меҳмон-хонада турмоқ. ит* Меҳмонхонанинг еттин-чи қаватидаги ресторандан оркестр садоси, мастона қийқириқлар эшитилади. Ў. Хоши-мов, Қалбингта кулоқ сол.

МЕҲНАТ [а. . — синов; машаққат, оғирчилик] **1** Бирор мақсад учун қаратил-ган аклий ёки жисмоний фаолият; иш. *Ақлий меҳнат. Жисмоний меҳнат. Меҳнат интизо-ми. Меҳнатда чиниқмоқ. Меҳнат — меҳнат-нинг таги роҳат.* Мақол. *ти* Меҳнатга ўрган-ган киши меҳнатсиз қолса, меҳнат хумор қилади. М. Исмоилий, Фарғонат. о.

2 Бирор мақсад учун сарфланадиган куч, ғайрат, ҳаракат. *Бир томондан, раиснинг об-рўсини сақлаш, иккинчи томондан, бу тад-бирдан қаттиқ норози бўлган одамларга бу-нинг моҳиятини тушунтириш керак бўлиб қолди.* Ўрмонжон бунга хийлагина вақт ва меҳнат сарф қилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирокдари.

Меҳнат қилмоқ Иш-ҳаракат билан маш-ғул бўлмоқ; ишламоқ. *Меҳнат қилган одам доим бошқаларнинг юзига дадил қарайди.* Т. Ашуров, Оқ от.

Меҳнат куни (ёки **меҳнат**) тар. Колхоз-чининг колхоз даромадидаги ҳиссасини бел-гиловчи, меҳнاتини ҳисобга олиш бирлиги. *Энди меҳнат кунига ҳам оз-моз дон тегса керак.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Кол-хозчилар меҳнат кунларига ҳеч вақт ҳозир-гидан кўп ҳақ олмаган.* Р. Файзий, Чўлга ба-ҳор келди.

МЕХНАТКАШ [а. + ф. *j. < .- .: - -* - азоб, қийинчилик тортувчи] **1** Мехнат қилиб кун кўрувчи; мехнат кишиси. *Мехнаткашлар оммаси. иши Сиёсий савод аввало шуки, ҳар бир мехнаткаш оқни қорадан, дўстни душ-мандан ажрата билиши керак.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Уэркпарвар, содда, мехнаткаш халқ-нинг бундай олижаноблиги қаршисида ўзининг масъулиятини яна чуқурроқ сезди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Мехнат қилиб чарчамайдиган; мехнат-севар. *Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, мехнаткаш, болаларга жуда меҳрибон..* А. Қаҳ-хор, Оғрик тишлар.

МЕХНАТСЕВАР Мехнатни севадиган, мехнатга кўнгил қўйган. *Абдуғафур ота Му-ҳиддиннинг оқил, мехнатсевар йигит эканли-ги ҳақида қизиқиб сўзлаб берди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МЕХНАТСЕВАРЛИК Мехнатсеварга хос хислат, хатти-х.аракат. *Юсуфжон қизиқ Шакаржоновнинг ҳаёти ва ижодий иўли камтарлик, мехнатсеварлик ва халққа сид-қидилдан хизмат к.илишининг ёрқин намуна-сидир.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

МЕХНАТЧАН с. т. Мехнатсевар.

МЕХНАТЧИ эск. Мехнаткаш, ишчи, хизматчи. *Заводда ёш мехнатчилар кўпчилик-ни ташиқил этади.* Газетадан. *Ниёзхожи бўлса қув одам, Собиржондай мехнатчи бир қарол-ни қўлдан чиқаришни у сира-сира истамас эди.* Ғ. Расул, Тўнғич ўғил.

МЕХР I \ф. — севги, муҳаббат; мойил-лик] **1** Инсоннинг ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва умуман, одамга, нарсага бўлган самимий муҳаббати; яхши кўриш туйғуси. *Оналик меҳри. Меҳрини қозонмоқ. Ватанга бўлган меҳр ва муҳаббат. Меҳр би-лан ўқимоқ. Ишига меҳр қўймоқ. иш Тўсатдан вужудини қамраган оналик меҳри голиб ке-либ, тортган азоби ҳам эсидан чиқди.* **II.** Тур-сун, Ўқитувчи. *Икки ёр севгиси ҳам меҳри шунда. Шоирнинг илҳоми, шеъри ҳам шунда.* М. Алавия. *Ёшлар ўртасида деҳқончилик кас-бига меҳр уйғотишига зътиборни кучайтириши керак.* Газетадан. *Бу ўрик бир вақтлар Муроталининг отаси томонидан зкилган ва меҳр билан парвариши қилинган эди.* **III.** Рашидов, Бўрондан кучли.

2 Шафқат, раҳмдиллик. *Одамнинг юраги-да меҳр бўлиши керак. Керакли вақтда кўмак-лашиши керак.* Ойбек, Танланган асарлар.

Меҳр қўймоқ Меҳрини бермоқ, меҳр боғламоқ. *Мен фақат ўзим чизган суратга — ўз ижодимга меҳр қўйганман, холос!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Меҳри товлан-моқ** Меҳри кўзғалмоқ, меҳри жўш урмоқ. *Онаси ўглини подшоҳ бўлмасидан олдинги номи [Ботиржон] билан атаб, меҳри товла-ниб гапиргани Бобурга жуда ёқимли туюлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МЕХР II \ф. ~ эроний куёш йили-нинг еттинчи ойи; куёш] Куёш, офтоб. *Жа-ҳоннинг меҳри иккидур: бири сенсан, бири — офтоб.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

МЕХРИБОН \ф. ^ЛП4-О — ёқимтой, му-лойим; раҳмдил, илтифотли] **1** Меҳр-шафқат кўрсатувчи, меҳр билан муноса-батда бўлувчи. *Моҳлар ойимнинг Анвар би-лан муомаласи холис ва самимий бўлиб, у Анварга ўз боласидай меҳрибон эди.* А. Қоди-рий, Меҳробдан чаён. *Болаларининг бах-ти учун ҳар қандай жафоларга ўзини от-ган, меҳрибон, шафқатли она!* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

2 айн. **ғамхўр.** *Бу ерда бир меҳрибоним йўқки, менга кўмаклашса.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Меҳр (меҳрибонлик) ифодалов-чи. *Ҳамиша кулиб турадиган меҳрибон чехра-си.. ҳозир жиддий эди.* М. Исмоилий, Фарғо-на т.о. *Элмуроднинг қандай аҳволга тушигани-ни сезган Гулсум уни меҳрибон сўзлари билан юпатмоқчи бўлиб келган эди.* **II.** Турсун, Ўқитувчи.

МЕХРИБОНЛИК I Меҳрли (меҳрибон-га хос) зътибор, муносабат; меҳрибонга хос хислат. *Аҳмаднинг ёнидан ўтар эканлар, Аса-дилло меҳрибонлик бшан унинг елкасига қўли-ни қўйди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Комбинатда одамлар ўзларига зътибор ва*

меҳрибонликни сезишмаяпти. Газетадан. Домланинг отаси-дек бўлиб қолгани, меҳрибонлиги унга далда берди. Мирмуҳсин, Умид.

2 айн. **меҳрибончилик.** [Нодира:\ Ота-она-ларимдан, опа-сингил, ога-ини, қариндош-уруғларимдан кўрмаган бу меҳрибонликларни, ўлсам, қора тупроғим унутмасдир. Ҳамза, Майсаранинг иши. Ҳозир ҳам у нимагадир ёш боладай аясининг меҳрибонликларини қўмса-ди. У. Ҳошимов, Қалбингга қулоқсол.

Меҳрибонлик қилмоқ Меҳрибонга хос эътибор кўрсатмоқ, меҳрибонларча иш-ҳаракат қилмоқ. *Бирортаси менга меҳрибон-лик қилмаса, ёмон кўрса, калака қилса.. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

МЕҲРИБОНЧИЛИК Меҳрибон киши-ларга хос иш, хатти-ҳаракат; ғамхўрлик; меҳрибонлик. *Сувонжон сувни ичиб, ақли-ҳуши ўзига келиб, нозли дилбарнинг меҳрибон-чилигини билди. «Орзигул».*

МЕҲРИГИЁ(Х) \ф. **ьХЛ^** - мандраго-ра] **1** Итузумгуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик (халқда шу ўсимлик дони-ни ёнида саклаб юрган кишига одамлар меҳр қўяди, деган афсона бор).

2 кўчма Меҳрни тортувчи кимса ёки нар-са. \Хотин\ *Битта ўғил туғиб берди-ю, эр-хотин орасига меҳригиё тушиди-қўйди. С. Аҳмад, Чўл шамоллари. Яхши одамнинг меҳригиёси бўлади, деганларича бор экан. С. Ка-роматов, Олтин қум.*

МЕҲРЛИ Меҳр-шафқатли, меҳрибон. *Бир зумда болалигим дейсизми, уй, меҳрли.. оналар кўзўнгимдан бирма-бир ўтди. М. Али-ев, Қалб сўзлари ёзилган.*

МЕҲРОБ \а. **^1 j_ = ^o** — ибодатхона; ток-ча, тахмон тепасининг ярим доира қилиб ишланган қисми] **1** Масжид ичида унинг қибла томонидаги деворида тахмон шакли-да қурилган жой (намоз шу томонга қараб ўқилади). *Ҳужранинг ичи қоронғи бўлмаса ҳам, қоидага биноан, гарб томонидаги меҳробга шам ёқиб қўйилган эди. П. Қрдиоров, Юлдуз-ли тунлар. Умеҳробга етибкелгач.. ярим қорон-ғи хонада.. тасбеҳ ўғириб ўтирган уч-тўрт кишига кўзи тушиди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 айн. **тахмон.** Кўрпани меҳробга йиғиб қўймоқ.

3 кўчма Бирор нарса, жойнинг тўри, тўр томони. *Ватан — сен юрагим, юрагим сен-сан. Юрагим меҳроби — муқаддас Ватан. Г. Жўраева. Оташин барқ ёнди гулранг чархнинг меҳробида. Э. Воҳидов.*

МЕҲТАР \ф. **;- д - -** катта, баланд, олий] *тар.* Қушбеги даражасидаги юқори лавозим: хон саройидаги хорижий ишлар мутасадди-си. *Бошига катта симобий салла, эгнига.. зар-чопон кийган меҳтар тўрдаги кўрпачада ўти-риб, элчиларга йўл-йўриқ берар эди. М. Осим, Элчилар.*

МЕҲТАРА *шв.* Меш, саноч. *Меҳтарага еге олиб, бек Муродхон жўнади. «Муродхон».*

МИ [итал. — mi] Мусиқа гаммасининг учинчи товуши ва унинг нота белгиси (нота йўлининг биригичи чизигига ёзилган товуш).

МИГРАЦИЯ \лот. migratio - (аҳоли-нинг) бир жойдан бошқа жойга кўчиши|

Аҳолининг мамлакат доирасида бир жой-дан бошқа жойга ёки бир мамлакатдан бош-қа мамлакатга кўчиши ёки кўчириш. *Миг-рация хизмати маълумотларига қараганда, шаҳарга ҳар йили 55минг одам норасмий ҳолда яшаиш учун келаётган жан. Газетадан.*

МИГРЕНЬ \фр. migraine < юн. hemikrania — бош суягининг ярми] Одатда бошнинг ярмисида қаттиқ тутиб оғрийдиган нерв касаллиги.

МИЕЛИТ \юн. myelos — орқа мия] Орқа миянинг ўткир яллиғланиши.

МИЁВ 1 тақл. с. Мушукнинг овозини билдиради. *Сидиқжон шундай қаттиқ қулди-ки, бурчакда қулча бўлиб ётган мушук шошиб ўрнидан турди ва Сидиқжонга қараб, «миёв» деди. А. Қаҳдор. Қўшчинор чироклари.*

2 бол. айн. **мушук.** Ана миёв.

МИЁВЛАМОҚ «Миёв-миёв» демок. *Де-ворлар орқасида, томлар устида кечаси би-лан мушуклар миёвлаб чиқади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

МИЁН \ф. (jL-. — ўрта, марказ; ич] **1** кам қўлл. *Ўртаси, ўрта. Бухоро шаҳрида Мирараб мадрасасининг миён саройида кўп муллалар тўғъинишиб, мадрасанинг вақфи тўғъисиди гапиришмоқда эдилар.* С. Айний, Қуллар.

2 айн. бел **1**.

Мўрча миён (айн.: чумоли бел) Хипча бел, бели ингичка.

МИЁНА \ф. **4^L-o** — ўрта, марказ; ўрта-даги; ўртача] **1** кам қўлл. *Ўртача, ўрта. Миёна ҳол деҳқон. тт Пахтасини шаҳар заводида тозалатган Азимбойвачча миёнагина завод курди қишлоққа.* С. Аҳмад, Асарлар. *Фурқат.. тўлароқ, қора соқол, миёна қад, Завқий син-гари хушчақчақ одам эди.* Т. Обидов, Юсуф-жон қизиқ.

2 (3-ш. эгалик ва ў.п. к. кўшимчалари билан — **миёнасида**) кўм. *взф. Пайт, макон муносабатини билдиради; орасида, давоми-да. Ҳамма иш битганда, икки кун миёнасида, енг ичида никоҳ ўтказмоқчи эдик.* Ойбек, Танланган асарлар.

МИЁНЧА этн. Хотинларнинг тўй дас-турхонлари ичида патнисда олиб бориладиган мева, қанд-курс. \Ҳадича хола:] *Ми-ёнча тайёр, энди бир саватда кулча бўлса бўлгани.* Т. Алимов, Хосият буви ажаблан-ди. *Сарпо-суруқ олиб, битта патнисда ми-ёнча тугиб бераман.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

МИЖГОН \ф. **oL^j-o** — киприклар] *кт. айт. киприк.* *Кўрса ҳар кимда Ҳабибийдек му-ҳаббат шавқини, Ғамза бирла эгма қош ос-тида мижгон кўзгалур.* Хабибий.

МИЖЖА \ф. **t>j_o** — киприк] айн. **киприк** *Ранги синиққан, хаста, кўзи юмуқ, мижжа-лари бир-бирига ёпишиб қолгандек.* С. Нуров, Дурдона.

2 Киприк ости. *Саодат дарҳол ювиниб, артиниб, ойнага қаради. Кўзлари кирта-йиб, мижжалари кўпчиб қолибди.* И. Раҳим, Ихлос.

Мижжа қоқмаслик Ухламай, бедор ётиш. *Воҳид кечаси мижжа қоқмасдан, вагоннинг тамбурида папирос чекиб, тонг оттирган эди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

МИЖИМОҚ с.от. *айн. мижғиламоқ, миж-ғимоқ.*

МИЖИҒ Ғижимланган, ғижим. *Мижиг қозғоз.*

МИЖИҒЛАМОҚ Эзиб мижиг қилмоқ. *Йигитали шошиб, шимининг чўнтагидан бир сўмликни чиқарди, кафтлари орасида мижиг-лаб, унга қариши юрди.* Д. Нурий, Осмон усту-ни. *Комилжон Зуннуновга шу қадар тикилиб қарадики, иложи бўлса, уни мижиглаб таш-лашга тайёр эди.* И. Раҳим, Ихлос.

МИЖОЗ I \а. jL^ . - рухсат этилган, гу-воҳномаси бор] **1** Сотувчига нисбатан доимий харидор ва шу харидорга нисбатан со-тувчи. *Мижозингдан айрилгинг келса, насияга мол бер.* Мақол. *иш У\қизга\ ҳар кун эрта-. юб қаймоқ олиб келадиган мижоз эди.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

2 Бирор иш-юмуш билан доим алоқада бўлган шахс. *Уша китобда «Роҳат» чойхона-си мижозларининг галати ҳазил-мутуйиба-лари, ичак узди латифаларию тагдор қочи-рикларини қаламга олган эдим. «Муштум». Муллажон ака ихлос билан соқол қирар экан-лар, мижозга тушунтира кетдиш.* Э. Раи-мов, Ажаб қишлоқ.

МИЖОЗ II с. т. Мижоз. *Кенжа бу анти-қамижоз одамни ўзига яқин кўриб қолди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Палов меъдамга миждек қадалади, қазии-қарта мижозимга тўғъри кел-маиди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МИЖҒИЛАМОҚ Эзиб мижиг қилиб қўймоқ, ғижимламоқ. *Хамирни 20 минут тиндириб, сўнгра водопровод жўмраги ости-да мижгилаб-мижгилаб ювилади.* К. Махму-дов, Ўзбек тансиқ таомлари.

МИЖҒИМОҚ айн. **мижғиламоқ.** *Боядан бери санлигини билганимда, мижгиб таш-лардим-ку/Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Бутун вужудига оғриқ ва олов югурганини,*

дахшат-ли бир нима бутун ичини юлиб-узиб мижги-ганини сезди. Ойбек, Танланган асарлар.

МИЖҒОВ 1 Бир ишни дадиллик билан қила олмайдиган; ланж, мағзава. *Бир мақсади йўқ, мужмалу мижгов такасалтанг.* Ҳабибий. *Ҳаётда унингдек иккиланувчи миж-гов кишини кўрмаган эди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

Мижгов гап Аниқ, қатъий бўлмаган, дуд-мол (ланж, мужмал) гап. *Мижгое гапни ёқтирмайдиган, бир сўзли бу заҳар полков-никка муддаосини очиқ айтишига мажбур бўлди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Хархашаси кўп; инжиқ. *Жайдари гўза-дай мижгов, расво экинни деҳқон боласи бил-маса керак.* Ғ. Ғулом, Алимкулнинг қарзи.

3 кам қўлл. Мижғиловчи, мижғилаб ту-рувчи. *Фаттоҳ Ўлмасбоевнинг қорнида яна ўша эски мижгов оғриқ бошланди.* Ў. Усмо-нов, Сирли соҳил.

МИЖҒОВЛАНМОҚ Мижғовлик, ин жиқлик қилмоқ. *Мен.. мен.. ҳалиги.. деб чайналди, мижювланди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ҳозир Нусратбек.. яна иккиланиб, мижговланиб қолаверди.* С. Нуров, Нарвон.

МИЖҒОВЛИК Мижғовга хос хислат, гап-сўз, хатти-ҳаракат. *Дадамат аканинг сўзлашувида мижговликдан, муғамбирликдан, ясамаликдан нишон ҳам йўқ.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МИЗ \ф. — стол; хонтахта] эск. Олти оёкли столча. *Бобур миз ёнига, беқасам кўрпача устига ўтириб, «Вақоеъ» деб атаган хо-тира дафтарини очди.* П. Қодиров, Бобур. *Миз устида — сопол тақсимчада иккита шам, тақсимча четига тамаки кули тўқилган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

МИЗАНСЦЕНА \фр. mise en scene — саҳ-нада жойлашиш] Спектакль давомида актёрларнинг спектаклнинг айрим кўриниш-ларига мос жойлашуви. *Кўп вақт режиссёр тайёрлаган сценарий бадиий сценарийни тах-миний кадрларга бўлишдан иборат бўлиб қолади, эпизоднинг талқини, картиналарнинг ритмаси, мизансценалар кўрсатилмайди.* Га-зетадан.

мизож [а. г-л]-» кишининг табиати; кайфият; гавда тузилиши| **1** Кишининг ўзига хос табиати, хулқ-атвори. *Савдойи ми-зож одам.*

2 Киши организмнинг ўзига хос тала-би. [Отабек.] *Марғилон ҳавоси мизожимга тўғри келмаганга ўхшайди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

Мизожи иссиқ ёки иссиқ мизож Орга-низмига, соғлиғига иссиқдик ёқадиган. қ. **иссиқлик.** **Мизожи совуқ ёки совуқ мизож**

Организмига, соғлиғига совуқлик ёқадиган. қ. **совуқлик.**

МИЗҒИМОҚ Озгина ухламоқ, кўз илинтирмоқ. *Кечаси билан мижжа қоқмай чиққан Шодмон ота тонга яқин мизғиб олди.* Ж. Шарипов, Саодат.

МИЙИҚ шв. Мўйлов. *Кашанда Тожид-дин Қосим.. қоп-қора, йилтираган мийигини силаб.. сўради.* Ойбек, Нур қидириб. *..дастур-хон атрофида.. мийиги энди сабза ура бошла-ган иигитчалар, бўйига етган қизларгача бор.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

Мийиғида кулмоқ Илжаймасдан, били-нар-билинемас кулмоқ. *Тўра онасининг гапи-га мийиғида кулиб, уйга кириб кетди.* Н. Фо-зилов, Дийдор.

МИКРО- [юн. mikros — кичик, кичкина] **1** Байналмилал ўзлашма сўзларнинг бирин-чи қисми бўлиб, «кичик, жуда майда», «энг кичик бирликларни ўрганиш ёки ўлчаш билан боғлиқ» каби маъноларни билдиради (мас, *микрорганизм, микроскопик сингари*).

2 Бошланғич физик катталиклар номи олдидан қўшиладиган ва шу бирликнинг миллиондан бир қисмига тенг улуш бирли-гини ифодаладиган олд қўшимча (мас, *микроампер*).

МИКРОБИОЛОГ Микробиология оли-ми, мутахассиси. *Машиҳур француз микробиологи Лун Пастер.. чечак касалликлари туг-дирувчи микробларни текишириб ўтирарди.* Газетадан.

МИКРОБИОЛОГИК Микробиология-га оид. *Микробиологик тадқиқопышр. Микро-биологик жараёнлар.*

МИКРОБИОЛОГИЯ [микро.. + биоло гия] Микроорганизмларнинг тузилиши, биологияси, физиологияси, биокимёси, систематикаси, генетикасини, уларнинг одамнинг ҳаёти, жонли ва жонсиз табиат-даги моҳиятини ўрганадиган ҳамда микро-организмлар ҳаёт фаолиятини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланадиган фан.

МИКРОБЛАР [микро.. + юн. bios - ҳаёт] қ. микроорганизмлар.

МИКРОИНСУЛЬТ [микро.. + инсульт] Миянинг кичик ўчоқли инфаркти ёки қон қуйилиши сабабли бўладиган инсульт.

МИКРОИҚЛИМ [микро.. + иклим! 1 Унча катта бўлмаган жой (ўрмон чеккаси, дала, ботқоқдик, денгиз ёки дарё қирғоғи, шаҳар майдони ва ҳ. к.), ер юзаси устидаги ҳаво қатламнинг иклими.

2 Ёпиқ хоналарда (мас, тураржойда) ноқулай ташқи таъсирдан ҳимоя қилиниб, сунъий яратиладиган оромбахш иклим ша-роити.

МИКРОИКТИСОДИЁТ [микро.. + икти-содиёт] Иқтисодиётнинг айрим бир хўжалик юритувчи субъектлар (корхона, шахс) фао-лияти билан боғлиқ бўлган бир қисми.

МИКРОИКТИСОДИЙ Микроиктисо-диётга оид.

МИКРОКЛИМАТ [микро.. + климат] қ. микроиклим. *Пахта дсьшларининг микрокли-мати. тт ...ҳаво алмаштириб берадиган вен-тиляторлар нормал ишламайди. Оқибатда микроклимат бузилмоқда. «Муштум».*

МИКРОМЕТР [микро.. + метр] Милли-метрнинг юздан бири қадар аниқлик билан ўлчайдиган асбоб.

МИКРОМЕТРИК Микрометрга ва мик-рометрияга оид. *Микрометрик ўлчаешлар. Микрометрик винт.*

МИКРОМЕТРИЯ Физиканинг масофа-ларни аниқ ўлчаш ҳақидаги бўлими.

МИКРОН \юн. mikros - кичик, арзимас нарса] Метрнинг миллиондан бир улуши.

МИКРООРГАНИЗМЛАР [микро.. + организм] Фақат микроскопда кўриш мумкин бўлган, асосан бир хужайрали орга-низмлар (бактериялар, микоплазмалар.. мик-роскопик замбуруғлар, сувўтлар, вируслар) нинг умумий номи. *Антибиотиклар микро-организмлардан ҳосил қилиниши сабабли қим-матга тушади. «Фан ва турмуш». Уй ўсим-ликлари ўзидан фитонқидлар чиқариб, мик-роорганизмларни ўлдиради.* Газетадан.

МИКРОРАЙОН [микро.. + район] эск. Шаҳарнинг ўзига мустақил кичик ҳудуди. *..шаҳримизда янгидан-янги тураржой мас-сивлари, микрорайонлар вужудга келди.* Га-зетадан.

МИКРОСКОП [микро.. + юн. skopeo -қарайман] Оддий кўз билан кўриб бўлмай-диган нарсаларни текшириш учун қўллана-диган, катта қилиб кўрсатадиган оптик ас-боб; заррабин. *Атомлар шу қадар майда зар-рачаларки, уларни ҳатто микроскоп орқали ҳам кўриши қийин. «Фан ва турмуш».*

МИКРОСКОПИК 1 Микроскоп билан қилинадиган, микроскопда бўладиган. *Мик-роскопик анализ. Микроскопик текшириешлар.*

2 Жуда майда, фақат микроскоп билан кўриш мумкин бўлган. *Микроскопик жони-ворлар. Микроскопик сувўтлар.*

МИКРОФИЛЬМ [микро..+ фильм] Нодир ҳужжат, қўлёзма, китоб, расм, чиз-ма ва ш.к. нинг бир неча ўн ва юз марта кичрайтириб кинолентага олинган ихчам нусхаси. *Китоб.микрофильми.*

МИКРОФОН [микро..+ юн. phone -овоз, товуш] Товушни узоқ масофага уза-тиш ёки кучайтириш учун ишлатиладиган асбоб. *Бобо сўз бошлаган эди, микрофондаи узоқ бўлгани учун, ҳеч кимга эшитилмади.* Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.

МИКРОХИРУРГИЯ [микро..+ хирур-гия] Оптик анжомлар ёки механизмлар орқали, нозик асбоблар билан кичик анато-мик тузилмаларда амалга ошириладиган операциялар ва уларни ўрганадиган соҳа (Ҳозирда мия, юрак, буйрак, кўз, оёқ-қўл жаррохлигида кенг қўлланмоқда).

МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР [микро.. + эле-мент] Ўсимлик ва ҳайвон организмида жуда кам микдорда (юздан, мингдан ва ҳатто ундан ҳам кам улушда) бўладиган кимёвий элементлар. *..таркибида марганеи, молибден, мис, бор, рух каби микроэлементлар бўлган минерал ўғитларни ишлаб чиқаришга аҳами-ят бермоқдалар.* Газетадан.

МИКРОЎҒИТЛАР қ.х. Таркибида ўсим-ликлар учун зарур микроэлементлар бўлган ўғитлар.

МИКСЕР [ингл. mixer — аралаштиргич < лот. mixtus — аралаш, аралашган] Турли суюқ ва қуюқ нарсаларни бир-бирига ара-лаштириш (крем, бирор ичимлик тайёрлашда), тухум оқи ёки қаймоқни кўпирти-риш учун қўлланадиган, дастаки ёки электр асбоб.

МИКСТУРА \лот. mixtura — бирикма, қоришма, аралашма] Бир неча хил модда аралашмасидан тайёрланган суюқ дори.

МИЛ I [а. J-i-o — сурмачўп; пардоз қала-ми; учи ингичка, ўткир асбоб] 1 Милтик, тўппонча каби отиш қуролларининг ўқоти-либ чиқадиган найсимон қисми. *Меҳмонхонанинг қатор уч эшиги милтик мили сигар-лик ўлчақда бир неча жойдан тешилди.* С. Айний, Қуллар.

2 Баъзи асбоб ёки нарсаларнинг найси-мон қисми. *Солиҳбой.. атрофга олазarak иа-зар ташлаб, чилим милининг учини ушлаб че-кади, ўзи эса Жамиладан кўзини узмайди.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

МИЛ II [а. J^] Турли ўлчов ва назорат асбобларининг ўз ўқи атрофида айланиб, ўлчанаётган нарса микдорини кўрсатувчи бош қисми, ясси ва учли қисми. *Соат мили. Компас мили. шш Рўпарадаги юмалоқ тарози циферблати устидаги мили ҳаракатга кел-ди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. *..дарвозанинг пештоқидаги электр соатнинг миллари ноль-нолни кўрсатиб турарди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

МИЛ III қ. мия. *Тоглар, океанлар, мил-лар ошди у.* А. Мухтор.

МИЛ IV [а. J_u>| Учи ингичка, кескир темир асбоб (тарихда: қиздириб, киши кўзини кўр қилиш учун ишлатилган). *Бобур дар-возадан кирсин, кейин туттириб, кўзига мил торттирмақ керак.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МИЛ V [а. J^_o] Ўсма, сурма кўйиш учун ишлатиладиган асбоб, сурмачўп. *Қошингнинг қоралиги милданмиди, Белингнинг нозиклиги қилданмиди?* М. Алавия, Халққўшиқдари.

МИЛДИРАМОҚ Милдир-милдир қил-моқ, жилдирамоқ. *Майда тошлар устидан милдираб оққан илиқ сув билан челақ тўлдир-гандан кейин.. дам олгани катта тошга ўти-ришди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

МИЛДИР-МИЛДИР тақл с. Сувнинг бирор жойдан аста чиқиши. секин-секин товланиб оқиш ҳолатини билдиради. *Шав-кат булоқ бошида силлик бир тош устига ўтириб, тош орасидан милдир-милдир қилиб чиқаётган сувга тикилди.* «Фан ва турмуш».

МИЛИТАРИЗАЦИЯ \лот. militaris -ҳарбий| Мамлакатнинг бутун иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётини милитаризм мақсадларига бўйсундириш; ҳарбий ташкилот методларини кундалик ишларга татбиқ қилиш. *Милитаризация сиёсати.*

МИЛИТАРИЗМ \фр. militarisme < лот. militaris — ҳарбий] Муайян мамлакатнинг хукмрон доиралари томонидан давлат ҳар-бий кудратини янада кучайтириш мақсади-

да фойдаланиладиган сиёсий, иқтисодий ва ғоявий воситалар тизими (қуролланиш пой-гаси, мамлакат ички ва ташқи сиёсатида қарбий-саноат мажмуаси таъсирининг кучайиши ҳозирги милитаризмнинг асосий белгиларидир). *Милитаризм фонусига мой қўйиб, пилигини ўт олдиришига интилиши ав-жига чиқмоқда.* Газетадан.

МИЛИТАРИСТ Милитаризм тарафдо-ри, милитаризм сиёсатини юритувчи. *Бизни милитаристлар чўчита олмайди.* Газетадан.

МИЛИТАРИСТИК Милитаризмга оид. *Милитаристик сиёсат. Милитаристик ҳаракат.*

МИЛИЦИОНЕР \лот. militariter - ҳар-бийчасига, аскарчасига| Милиция ходими. *Ахмад Маҳмудовнинг уйига иккита қуролли милиционер билан жиноят қидирув маҳкама-сининг ходими кириб келди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МИЛИЦИЯ [лот. militia - кўшин] **1** Жамоат тартибини, фуқаролар ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий мулк-ни кўриқдаш каби вазифаларни бажарувчи маъмурий орган; шу органнинг маҳаллий бўлими, бошқармаси. *Милиция органларининг ходимлари.. меҳнаткашларнинг осойиштали-гини сақлашга ҳаракат қиладилар.* Х. Ёдго-ров, Ҳаёт тўлкинлари.

2 с. т. Милиционер. \Фотима:\ *Бориб, милиция олиб келинг. Мен ҳар иккала тўх-матчини бу ерга қамаб қўйдим.* Ҳамза, Тўх-матчилар жазоси.

МИЛИЦИЯХОНА с. т. Милиция бўли-ми, бошқармаси жойлашган бино. *Милиш-онер милтигини олиб.. милицияхона дарвоза-сининг бериги бурчагида қоровул бўлиб турди.* С. Айний, Куллар.

МИЛК I [ф. — тирноқ остидаги оқ қисм] Огиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг тишлар бўйнига жипс ёпишган юмшоқтўқи-мадан иборат қисми. *Помидор шарбати миши, томир.. терини мустаҳкам қилади.* Газетадан.

Кўз милки Кўз қовоқдарининг киприк ўсиб чиққан ери. *Низомиддин юзини тескари ўгириб, дастрўмол олиб, кўз милklarини артди.* С. Ахмад, Ҳукм. Тирноқ милки Бармоқнинг тирноқ ўсиб чиққан ери.

МИЛК II \ф. . <U| Матонингки ёнидан узунасига чиқарилган қирғоқ. *Милкини кўр — бўзини ол, онасини кўр — қизини ол.* Мақол.

МИЛКАК \ф. L — кичкина милк] қ. хасмол. *Қўлимга милкак чиқди.*

МИЛЛАТ \а. ,~. **Л** — ХАЛҚ; дин, мазҳаб] **1** Кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, ях-лит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий мада-ният ва рухиятга эга бўлиши асосида тари-хан ташкил топган барқарор бирлиги. *Ўзбек миллати. Рус миллати. ти Ёшлар, кексалар.. қизлар, жувонлар орасида турли миллат ва-киллари: қозоқ, қирғиз, арман ва яхудиёлар ҳам кўринар.. эдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Давлат, мамлакат. *Бирлашган Миллат-лар Ташкилоти.*

МИЛЛАТДОШ кам қўлл. Бир миллатга мансуб бўлган, миллати бир. *Сиз билан биз-нинг миллатдошимиз.. Содиқжон боивачча-нинг бу хусусда фикрлари қанақа, айтолмай-сизми?* К. Яшин, Ҳамза.

МИЛЛАТЧИ Миллатчилик тарафдори, миллатчилик йўлидан борувчи. *Буржуа мил-латчилари. ти Тўқсонов ўз ўтмишини ва иж-тимоий чиқишини яшириб, совет аппарати-га кириб олган миллатчилардан экан.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

МИЛЛАТЧИЛИК Миллат айириш, бир миллатни ҳар томонлама улутлаб, бошқа-ларининг ҳуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-гтисанд қилмаслик, уларни ерга уриш-дан иборат бўлган нодемократик мафкура. *Миллатчиликка қарши кураш. Буржуа мил-латчилиги. Миллатчилик сиёсати. ши Ўзбе-кистон фани ва маданиятининг кўйлаб ар-боблари миллатчиликда айбланиб, қамоққа олинди.* Газетадан.

МИЛЛИАРД [фр. milliard — мингта мил-лион < лот. mille — минг] **1** снқ. сон 1 000 000 000 рақами ва шу рақам билан ифода-ланган сон, миқдор. *Икки миллиард сўм. Миллиардни миллионга бўлмоқ.*

2 Сон-саноксиз, жуда кўп. *Миллиард юл-дуз билан боқади осмон.* Ж. Жабборов.

МИЛЛИАРДЕР [фр. milliardaire - мил-лиард(лар) эгаси] Миллиардлар билан ҳисобланадиган бойликка эга бўлган киши. *Америка миллиардерлари.*

МИЛЛИГРАММ [лот. mille - минг + грамм] Граммнинг мингдан бир бўлагига тенг оғирлик ўлчови.

МИЛЛИЙ \a. JL, — халқона, миллатга тегишли; диний] **1** Бирор миллатнинг, халқнинг ўзига хос бўлган, унинг хусусиятлари-ни ифодаловчи. *Миллий маданият. Миллий музика. Миллий кийим. Миллий меъморчилик. тш Богдаги махсус навильошюрда миллий та-омлар тайёрлаб сотилмоқда.* Газетадан.

2 Бирор мамлакатга, давлат ва унинг ахрлисига оид. *Республикамизнинг миллий байроғи. Миллий даромад. тш Ўрта Осиёда илк бор республикамизда 1976 йил сентябри-да Зомин миллий парки таъсис этилди.* «Фан ва турмуш».

3 Миллат билан боғлиқ, миллатига кўра бўлган. *Мен ирқий ва миллий айирма ва кам-ситишлар одамларни энг заиф жонивордан ҳам кучсиз ва муте қилиб ташилаган ўлкалар-ни кўрганман.* Зулфия, Чўкилар.

МИЛЛИЙЛАШТИРМОҚ айн. ерлилаш-тирмоқ.

МИЛЛИЙЛИК Тарихан ташкил топган барқарор ижтимоий-этник бирликларни, яъни миллатлар ва элатларни бошқа барқа-рор ижтимоий бирликлардан, мас., ижтимоий синфлардан фарқловчи томонлар, хусусиятлар, маънавий, рухий ва маданий қирралар ҳамда тафовутлар мажмуи.

МИЛЛИМЕТР [лот. mille - минг + метр] Метрнинг мингдан бирига тенг узунлик ўлчови.

МИЛЛИОН [фр. million - мингта минг < лот. mille — минг] **1** снқ. сон 1 000 000 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Беш миллион тонна пахта. Миллион сўм пул.*

2 Сон-саноксиз, жуда кўп. *У миллион-лар сафида туриб, фашист газандаларига қарши беомон курашди.* Х. Ёдгоров, Хаёт тўлқинлари.

МИЛЛИОНЕР [фр. millionnaire - мил-лион(лар) эгаси] **1** Миллионлар билан ҳисобланадиган бойликка эга бўлган шахс. *Миллионер бойлар.*

2 тар. Бойлиги, даромади миллионлаб ҳисобланадиган. *Миллионер жамоа.*

МИЛЛИОНЛАБ Миллион ҳисобида, миллион билан ҳисобланадиган миқдорда. *Миллионлаб кишилар.*

МИЛЛИЯТ \a. ■.-.-.] эск. кт. айн. мил-лат, миллийлик.

МИЛОД [a. j}L_ - туғилиш] **1** дин. Исо пайғамбарнинг туғилган куни. *Милоддан бу-*

38^Ўзбек тилининг изоҳ,ти луғати

рун. Милоддан кейин. тт Асалари оиласини биринчи бўлиб милоддан илгари яшаган юнон файласуфи Арасту текширган. «Фан ва тур-муш».

2 Милодий йил ҳисоби. *Милоднинг бе-шинчи асри. тш У [танга] Узганда ҳижрий 397 йилда, милоднинг 1006-1007 йилларида зарб этилган.* «Фан ва турмуш».

МИЛОДИЙ Милоддан бошланган (йил ҳисоби ҳақида). *Милодий йш ҳисоби. Ҳижрий-ни милодийга айлантирмоқ. тт Милодиш 1494 йилнинг ёзи.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МИЛТ тасв. с. Кучсиз, қисқа нур чиқи-шини, кўринишини билдиради.

Милт этмоқ Қисқа, кучсиз нур чиқар-моқ, шу ҳолатда кўринмоқ. *Чўғучқуни милт этди. Юлдузлар милт-милт кўржмоқда.*

МИЛТИЛАМОҚ айн. милтирамоқ.

МИЛТИРАМОҚ 1 Милт-милт ёниб ёки кучсиз ёруғ бериб турмоқ. [Элмурод] Кооператив чироғи милтираб турган ердан узоқ-лашиб, қишлоқ четига чиқиб қолганини пай-қагач, орқага қайтди. П. Турсун, Уқитувчи. Унда-мунда юлдузлар хира милтирар, совуқ аччиққина. Ойбек, О. в. шабадалар.

2 Кўзга аранг ташланмоқ, зўрға кўрин-моқ. Қоражонбек шундай бўйлабқаради, Милтираган бир қорани кўради. «Алпомиш».

МИЛТИҚ Ўқ отадиган, кўндоғи ва узун стволи бўлган қўл куроли. Ов мьитиги. Қўш-огиз милтиқ. Бешотар милтиқ. **тм** Додхоҳ дагаллик қилган эди, оломондан битгаси митиқ отиб, икки сипоҳни йиқиб ҳам қўйди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. У орқага қара-моқчи бўлувди, бошига милтиқ кўндоғи тег-ди. Газетадан.

МИЛТИҚБОЗЛИК Милтиқ билан оти-шиш, отишув. Митиқбозликлар ҳам бўлди. С. Ахмад, Хукм.

МИЛТИҚСОЗ Милтиқасовчи уста.

МИЛТИҚСОЗЛИК Милтиқ ишлаб чи-қариш, милтиқ ясаш.

МИЛЯ [лот. milia < mille passuum — минг-та қўш қадам) Қадимдан қўллаб келинган, турли давлатларда ҳар хил қийматларга эга бўлган узунлик ўлчови бирлиги (Мас, ден-гиз миляси 1852 м, география миляси 7420 м га тенг).

МИМ [а. ш] Арабча ^ — «м» ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

МИМИКА \юн. mimikos — таклидий] **1** Юз мускулларининг ҳис-туйғу, ички кайфиятни ифодаловчи ҳаракатлари. Артист-канинг ҳар бир ҳаракати, мимикаси, кўз қара-шида унинг фарзанд меҳрига лиммо-лим қал-бини ҳис этиши қийин эмас. Э. Охунова, Санъат бўстонида 40 йил.

2 Ҳис-туйғу ва кайфиятларни юз мус-куллари ҳаракати билан ифода этиш санъа-ти. Истеъдодли раққоса.. ўзининг ажойибми-микаси билан томошабинларнинг ҳурматиға сазовор бўлди. Ю. Ҳамдам.

МИМИКРИЯ [ингл. mimicry — таклидий-лик] биол. Баъзи ҳайвон ва ўсимликларнинг ўз атрофидаги табиий шароит рангига ёки бошқа ҳайвонлар, ўсимликлар тусига мос-лашуви. Мимикрия — ҳайвон ва ўсимликлар-нинг табиий ҳимоя воситасидир. «Фан ва турмуш».

МИМИТ бол. Кичкинагина, жимит; мит-ти. Мимит қошиқ. **тм** Эзгу ҳиссиёт билан қиз-чанинг мимит қўлини ушламоқчи бўлган эди, Дилбар силтаб юборди. А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

МИМОЗА \юн. mimos - ўз кўриниши-ни, қиёфасини ўзгартирувчи| Жануб томонларда ўсадиган ўт, бута ёки дарахт (баъзи турлари, қўл тегизилса, баргини осилтириб олади).

МИН шв. Нуксон, айб. [Ойдона:] Она, ёрим бўлса ўша кишидек, Асло мин иўқ топган ёримнинг. «Хушкелди».

МИНА \фр. mine] **1** Ер, сув остига қўйи-ладиган портловчи снаряд. Танкка қарши мина. Сув ости миначи. Мина қўймоқ. **тм** ..йўл йўгон дарахшар бшан тўсилиб, атрофларга мина кўмиди. W. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Миноётдан отиладитан снаряд. Боши-миз устидан миналар чинқариб ўтиб ёриға-ди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

3 айн. торпеда.

МИНАЛАШТИРМОҚ Мина қўйиб чиқ-моқ, мина қўйиб ташламоқ. Душман ўз мудофаа марраларининг олдинги томонларини миналаштирган бўлиши мумкин эди. Назар-мат, Жўрлар баланд сайрайди.

МИНАН с.т. Билан. Мен минан жуда қадрдон-да, тақсир!А. Қодирӣ, Мехробдан чаён. Қаромар овқат қилиб бўлиши минан, бек қозон тагида қолган бўтқага уч-тўрт челак сув қуйдирарди. Ҳ. Ғулом, Машғал. Бова, Эрмат полвон минан мени олиштиринг, у қалин ошнамни йиқитди. Т. Мурод, Юлдуз-лар мангу ёнади.

МИНБАР [а. j 1 1 л — баланд жой, ўрин-диқ] 1 дин. Масжидда имом ваъз айтадиган баланд жой. *Ҳазрат минбардан тушиб, бетига фотиҳа тортганидан кейин, масжид муаззини билан дарвозанинг ёнига бо-риб турди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Маъруза қилинадиган, ахборот бери-ладиган баланд курси; трибуна. *Минбарга чиқмоқ. Минбарда туриб гапирмоқ. шш Умри-да минбарга чиқмаган Мирвали банги ҳам, ўзича айтганда, меҳробга сўзга чиқиб, сўзи-нинг охирида ҳаммани кулдиради.* А. Қоди-рий, Обид кетмон. *Ҳали институтнинг мин-барларидан Ўнларча олимдан тинглайсан хи-тоб.* Ғ. Ғулом. *Доска ёнида устига қизил сурп ёпилган ёзув столи, унинг чап тарафида мин-бар.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

Адабий минбар Газета, журнал ва ш. к. ҳақида.

МИНБАЪД [а. jлj j-о — бундан кейин] эск. кт. 1 Бундан кейин. *Бир кун оқсоч хотин «Рахимжон ака» дегани учун домладан бир тарсаки еди. Домла: «Минбаъд, бегим, дегин» — деди.* А. Қахҳрр, Сароб. *Дўст топмоқ ҳар замон мушкул эди, минбаъдҳам шундоқ қолур.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Ҳеч, сира, асло. *Мен энди қилмайман, минбаъд қилмайман.* А. Мухтор, Туғилиш.

МИНГ снқ. сон 1 1000 рақами ва шу рақам билан ифодаланган сон, миқдор. *Мингни мингга қўшмоқ. Минг сўм пул. Минг киши.*

2 Кўп, кўпдан-кўп, жуда. *Мингдан-минг рози бўлмоқ. Минг яшамоқ. тш Фотима ама-кисининг авзойини кўриб, келганига минг пу-шаймон қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Ҳар қанча. *Сен минг чиройли бўлма — етимсан.* П. Турсун, Уқитувчи. *Мингдодденг-лар, минг фарёд денглар, беҳуда!* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Сизнинг ўрнингизда бўлак одам бўлганда, минг ёмон кўрса ҳам.. бир бо-риб, ўша бечорани юпатиб келар эди.* А. Қах-ҳор, Кўшчинор чирокдари.

Минг қилса (ҳам) Нима бўлганда ҳам, ҳар нима бўлса-да. *Қандай бўлар эди. Фарзанд-да, минг қилса.* Ҳамза, Танланган асарлар.

МИНГАШМОҚ 1 От, велосипед каби-ларга минган кишининг орқасига минмоқ. *Давлатёр, Элмуродни эгарга миндириб, ўзи мингашган ҳолда жўнамоқчи бўлиб туришган эди, туюқ товушлари эшитилиб қолди.* П. Тур-сун, Уқитувчи.

2 Бир иккинчисининг устига чиқиб олмоқ, шундай ҳолда айкашиб кетмоқ. *Улар Олатог бағридаги уйлари бир-бирига мингашгандек кичкина қишлоқда яшардилар.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Бир-бирининг устига мингашиб-калашиб ётар-ди қоятошлар.* Ё. Муқимов, Олов ва ни-ҳоллар.

МИНГБОШ Пилла қурти пилла ўраш даврида даста қилиб қўйиш учун ишлатиладиган бир турли ўт-ўсимлик. *Майдоннинг қоқ ўртасида чайла — ойимсупурги, мингбош, какра ва бугдой пояси билан ёпилган.* А. Дил-муродов, Осмоннинг бир парчаси. *Вакил йигит махсус жойга тўплаб қўйилган барг-лар устига ҳўл дастурхон ёпилганини, даста учун мингбош тайёрлаб қўйилганини кўриб хурсанд бўлди.* М. Кўшоқов, Катта хирмон жилғаси.

МИНГБОШИ I тар. 1 Даҳа ёки қиш-лоқ оқсоқоли, ҳокими. *Бир гувоҳнома олиш учун Кўкча даҳамизнинг мингбошиси Нор-муҳаммаднинг маҳкамасига югурдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [Те-шабоининг] *Катта хотини.. Ўктамхон, кичиги эса Қорабулоқ мингбошиси Мадумар додхоҳнинг кичик қизи Тўраҳон эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 тар. Қўшин бошлиғи. *Қушбеги ва Юсуф-бек ҳожиларнинг таклифи билан Мусулмон-қул ўрнига Ўтаббой қушбеги [Марғилон ҳоки-ми\ мингбоши белгиланиб, тўртинчи кун Ху-доёрхон. қўшини билан Кўқонга қайтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МИНГБОШИ II қ. мингбош

МИНГБОШИЛИК Мингбоши манса-би, лавозими. *Мингбоши кўнгли бузилиб, маҳкамасидан чиқди. Мингбошиликдан бекор қил-салар, унча қайғурмас эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

МИНГДЕВОНА Ҳиди одамни гангита-диган бир хил заҳарли ўт (тиббиётда ишла-тилади).

МИНГЛИК 1 мат. Катта сонларнинг минглар хонаси.

2 Пул, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг минг сўмликги.

МИНГОЁҚ Бўғимоёқлиларга мансуб, танаси бўйлаб икки қатор кўплаб оёқлари бўлган хашарот. *Биз мингоёқ, калтакесак.. ва турли кўнгишлардан коллекция туздик.* «Ўзбек тили» дарслиги.

МИНДИ-МИНДИ 1 Болаларнинг бир-бирини миниб ўйнайдиган ўйини. *Кураш.. қушим боши, минди-минди, ўғрилари миз бор.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

2 кўчма Тумонат одам йиғилган, тики-линч, тирбанд ҳолат ҳақида. *..фильм кўрса-тилаётган эди, одам демаганингиз минди-минди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

МИНЕРАЛ I \фр. mineral < лот. minera

- руда, қазилма кон| Ер қобиғи таркиби-да учрайдиган табиий кимёвий бирикма ёки элемент. *Бу минераллар эса Помирда, Зарафшон тоғларида, Чотқол-Курама тизмаларида топилиши мумкин.* С. Кароматов, Олтин кум.

МИНЕРАЛ II Табиий кимёвий бирикма ёки элементларга оид, шундай элемент ёки бирикмалардан иборат бўлган, таркибида шундай элемент ёки бирикмалар бор. *Минерал тузлар. Минерал ўғит. Минерал сув. шшш Бобур.. минерал хомашёлар борасида ҳам фикр билдирган.* «Фан ва турмуш».

МИНЕРАЛИЗАЦИЯ қ. минералланиш.

МИНЕРАЛЛАНИШ 1 Органик моддаларнинг минералга айланиши, минерал бирикмалар ҳосил қилиши. *Ўсимликларнинг минералланиши.*

2 Минерал тузларга тўйиниш, тўйинган-лик. *Келажакда Амударёнинг қуйи қисмида сувнинг минералланиши даражаси уч барабар ортади.* «Фан ва турмуш».

МИНЕРАЛОГ Минералогия олими, мутахассиси.

МИНЕРАЛОГИК Минералогияга оид. *Минералогик тадқиқотлар.*

МИНЕРАЛОГИЯ [минерал + юн. logos

- фан, таълимот] Минераллар, уларнинг таркиби, тузилиши, хоссалари, ер қобиғи-да минерал моддаларнинг пайдо бўлиш жараёнларини, шунингдек, улардан халқ хўжалигида фойдаланишни ўрганувчи фан.

МИНИАТЮР Миниатюра тарзидаги; жуда кичик ва нафис. *Қизча онасига шу қадар ўхшардики, уни кўрган киши онасининг ми-ниатюр сурати дебўйларди.* Т. Жалолов, Ол-тин қафас.

МИНИАТЮРА [итал. miniature — нафис, нозик қилиб ишланган расм < лот. minium

- қизил ёки қизгиш-жигарранг бўёқ] *снт. 1* Ўрта аср қўлёзма асарлари ва китобларда бўёқлар билан чизилган нафис расм, сурат, безакли бош харф ёки лавҳа. *Навоий лирикаси ва «Хамса» сига Бехзод ишиаган мини-атюралар ўрта аср тасвирий санъатининг қимматбаҳо дурдоналаридандир.* Ф. Хусайно-ва, Кўкон адабиёт музейида.

2 Нозик ва чиройли қилиб ишланган кичкина расм, сурат; шундай сурат ва расмлар солиш санъати. *Мишиатюра намунаси. Шарқ миниатюраси. шш XVI аср Бухоро ми-ниатюра санъатида ҳам юқоридаги анъана давом этади.* «Фан ва турмуш».

3 Кичик адабий ёки саҳнавий-мусиқий асар. *«Таъзим» тўпламига киритилган «Гул ҳақида ҳикоялар», «Жажжи ҳикоялар» туркумлари яхши миниатюралардир.* Газетадан.

МИНИМАЛ [лот. minimus — энг кичик] Энг оз, энг кам, энг кичик; *зид.* максимал. *Минимал қиймат. Минимал тафо-вут. шшш Та^тл шуни кўрсатадики, терим*

мавсуми.. мустаҳкам хўжаликларда жуда қисқариб, минимал даражага етган. А. Мух-тор, Бу — қаҳрамонлик. Агар тилда фоне-малар оппозициясини намоён этувчи мини-мал жуфтликдаги сўзлар топилмаса, у фо-немаларни фонологик системадан ўчириши мумкин. «УТА».

МИНИМУМ [лот. minimum — энг кам, энг кичик миқдор; кам деганда] **1** Энг оз, энг кичик миқдор; *зид.* максимум. *Ишлаб чиқаришни минимумдан максимумга кўтаришида командирлик қилишимиз лозим.* С. Аҳмад, Менинг дўстим Баббаев.

2 Бирор соҳа учун лозим бўлган энг за-рурий билим ёки тадбирлар йиғиндиси. *Техника минимуми. Номзодлик минимуми.*

3 *айн.* минимал. *Минимум программа. Ми-нимум юз килограммдан пахта териш.*

МИНИСТР [фр. ministre < лот. minister — хизматчи, ходим, ёрдамчи] *тар.* *айн.* вазир. *Мудофаа министри. Маориф министри. Молия министри. ит* Қайси ўрмонларни кез-моқчисиз, бамаслаҳат маршрут тузармиз, деб меҳмондўстлик қилди министр Мамадалига. Н. Сафаров, Оловли излар.

МИНИСТРЛИК \фр. ministere < лот. ministerium — хизмат, амал, лавозим! **1** *тар.* *айн.* вазирлик. *Қишлоқ хўжалик министрли-ги. Савдо министрлиги. Маданият министрлиги. ит* Бугун министрликда бўлдим. Тақ-симот масаласида гаплашдим. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Буржуа парламентаризмида министр-лар ҳайъати.

3 *тар.* *айн.* **вазирлик 3.**

МИНМОҚ **1** Бирор нарсанинг устига (одатда от-уловга) оёқларни икки ёққа солинтириб ўтириб олмоқ. *Туяга минмоқ. Мо-тоциклга минмоқ. От кимники — минганни-ки. Мақол. тт* Ёрмат араванинг ҳар қисмига разм солиб, кейин чаққонлик билан отга мин-ди. Ойбек, Танланган асарлар. Бўтабой азим туп ёнғоққа тирмашиб, бог деворига минди. С. Аҳмад, Хукм.

2 *шв.* Транспорт воситаларига чикмоқ, ўтирмоқ. *Аравага минмоқ. Трамвайга минмоқ. Машинага минмоқ. тт* У ердан одат-да кемага минилар, Чор.жўйда ўтаравага ўтириши керак эди. С. Сиёев, Аваз. Бобоқул ота Қайнардан қайтишида Тўламат мўйловнинг пичан ортилган автокачасига миниш-га мажбур бўлди. С. Анорбоев, Оқсой.

3 *шв.* Транспорт воситаларининг бирор турини бошқармоқ, ҳайдамоқ. *Машина минмоқ. Арава минмоқ. тт* Жонфигон бундан беш-олти йил бурун қайси бир идоранинг извоши-ни минар экан, киракашлик қилиб, қўлга туш-гандан кейин ҳайдашибди. А. Қаҳҳор, Жон-фигон. Арслон чиройли костюмларини гарде-робга илиб, комбинезон кийиб, универсал ми-ди. Мирмуҳсин, Яширинган куч.

4 *кўма.* Ўтирмоқ, инмоқ. *Булбул кетиб, богда навоси тинди, Юлдуз елкасига гўё тоғ минди.* Б. Бойқобилов, Садоқат.

5 Амал, мансаб мазмунли сўзлар билан қўлланиб, шу сўз билдирган вазифа, лавозим, мансабни эгалламоқ маъносини бил-диради. *Нодон Анвар ўрдадан қувланиши ерида сармунишйлик маснадига минмоқчи!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Амалга янги минган ҳовлиқма одамдек бурнини кўтарган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аъзам Мираҳме-дов бош врачлик лавозими-га минди-ю, хўмрайиб кириб, чимирилиб чиқадиган бўлди-қолди.* «Муштум».

6 Авж, ғазаб каби айрим сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар билдирган ҳолатнинг юз бериши маъносини билдиради. *Беўхшов чўлнинг дайди шамоли авжга минган.* Ф. Нуруллаев, Бўз йитит. - *Тўхтат деяпман сенга!* — *лаблари пиртираб, жаҳлга миниб бақирди раис.* «Муштум». *Совуқ чунон қаҳрига мин-ганки.. тишимиз тишимизга тегмай қалти-раймиз.* О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири.

Елкасига (ёки бўйнига) минмоқ Ихтиё-рини («тизгинини») ўз қўлига олиб, истаган ҳукмини ўтказмоқ, ўз йўлига юритади-ган бўлмоқ. *Салимбойваччанинг елкасига ми-ниш учун Гулнор қурбон бўлиши керак.* Ой-бек, Танланган асарлар. *Келиним*

ўлгурнинг бурнини бир ерга ишқаб бермасангиз. болаги-намнинг бўйнига миниб олди. С. Ахмад, Сай-ланма. **Ерни миниб олмоқ** Ерни ўз хухмига бўйсундирмоқ; ундан хохлаганча фойдалан-моқ. *Тангрикул хожиси катта ҳамёнини — узан-ги, чоракор батракларни — жилов қилиб, ерни маълум даражада миниб олган эди. Фулом ака ерни миномас эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

МИННАТ \а. - — ҳиммат, мурувват, хайр-саховат; ташаккур, раҳмат айтиш] **1** Қилинган хизмат, яхшилик учун бўлган қарздорлик. [*Юсуфбекхожи:*] *Агар бу хизматни ўз зиммангизга олур экансиз, устимга кат-таминнат қўйган бўласиз.* А. Қодирӣ, Утган кунлар.

2 Қилинган яхшиликни юзга солиш ёки бошқаларга гапириб юриш. *Текиннинг миннати кўп, меҳнатининг зийнати кўп.* Мақол. *тм* *Эҳсон қилган кишининг миннати эҳсонни йўққа чиқаради.* Газетадан. *Бу зиёфатнинг хали миннати чиқиб қолмаса, деб турибман.* К. Яшин, Ҳамза.

Миннат қилмоқ Яхшиликни юзга сол-моқ. *Меҳнат қилдим — хўп қилдим, миннат қилдим — йўқ қилдим.* Мақол. *тм* *Ҳасис бир бор меҳнат қилса, юз бор миннат қилар.* Газетадан.

МИННАТДОР Бировнинг қилган ях-шилигидан, хизматидан мамнун ва қарз-дор. [*Мулла Обид:*] *Бугдойни тайёрунга ал-маширдигиз, миннатдорман.* А. Қодирӣ, Обид кетмон. *Устозим менда машинага меҳр уйғотди. Ундан миннатдорман.* Х. Назир, Маёқ сари.

МИННАТДОРЛИК 1 Миннатдор экан-лик. *Элмурод уларнинг ўқишдан миннатдорликларини кўриб хурсанд бўларди.* П. Турсуч, Ўқитувчи.

2 Миннатдор, мамнун ҳолат. шундай ҳис-туйғуга эгалик. *Миннатдорлик изҳор қилмоқ.* *тм* *Ачахонниг тинч, осуда кўзларидан миннатдорлик баралла порлаб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. *-Шунисига ҳамрахмат, ўғлим. кам бўлманг асло! — миннатдорлик билдирди чол.* «Гулдаста».

692

МИННАТДОРЧИЛИК айн. **миннатдор-лик 2.** [*Нормухаммад қушибеги*] *Золим душман-ни қўлга туширишининг бош омилли бўлган Юсуфбек хожига ўз миннатдорчилигини ай-тиб тугата олмас эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

МИННАТЛИ Миннатга сабаб бўлган ёки бўладиган. *Миннатли ошдан миннатсиз ёвгон яхши.* Мақол.

МИННАТСИЗ Миннати йўқ, миннатга сабаб бўлмайдиган; беминнат. *Бу оила аъзолари бир умр шодлик кўрмади, ҳатто мин-натсиз нон ейиши нималигини билмади.* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

МИННАТЧИ Миннат қилувчи, яхши-лигини пеш қилувчи. *Бу эса қаҳрамоннинг табиатига хос ижобий сифатларга соя таш-лайди, уни ўз ҳимматини пеш қилувчи, мин-натчи, тамагир шахсга айлантириб қўяди.* Газетадан.

МИНОМЁТ [р. мина + метать — «ир-ғитмоқ, отмоқ, улоқтирмоқ» фл. дан] Мина отадиган қурол. *Атакани олти оғиз-ли миномётлар ва артдивизион (артилле-рия бўлинмаси) бошлаб берди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МИНОМЁТЧИ Миномётдан ўқ отувчи ҳарбий хизматчи, аскар. *Миномётчилар ротаси.* *шш* *миномётчилар ва пулемётчилар-нинг позицияларини белгилаб бергач, кўприк-ка келди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МИНОНОСЕЦ [р. мина + носить -«олиб, кўтариб бормоқ» фл. дан] Торпеда билан қуролланган ҳарбий кема.

МИНОР(А) [а. *jllo* — ёруғлик манбаи бўлган жой; маёқ; минора] Бирор бинога қўшиб ёки алоҳида қурилган, мезана шак-лидаги баланд иншоот. *Масжид минораси. Бухоро миноралари. Минора қуббаси.* *тш* *Амир-нинг дори бор, минори бор, ногорахонаси бор.* С. Айний, Дохунда. *Мовий осмон бшанўтиш-ган миноралар,*

ҳаворанг гумбазлар.. савлат тўкиб туради бу ерда. Н. Улуғжонов, Самар-қанд сайқали.

МИНТАҚА [а. дЗ] — камар, белбоғ; икдимий худуд; соҳа, доира] **1** *геогр.* Ер юзининг икки қўшни параллел оралиғидаги, бир-биридан иклими билан фарқ қилади-ган ҳар бир бўлаги. *Иссиқ минтақа. Совуқ минтақа. Ўртача минтақа.*

2 Ер юзининг бирор хусусияти билан ажралиб турадиган бўлаги, зонаси. *Халқаро хотин-қизлар куни 8-Мартни.. барча қитъа ва минтақалардаги тараққийпарвар инсони-ят байрам қишоқда.* Газетадан.

МИНТАҚАВИЙ Минтақага оид, те-гишли.

МИНУС \лот. minus - кичик, оз, озроқ] **1** *мат.* Айириш амалини ёки манфий миқдорни билдирувчи (—) белги.

2 *мат.* Айирув, олув. *Беш минус тўрт — баравар бирга.*

Ъмат. Микдорнинг манфийлитини, \аро-ратнинг нолдан пастлигини билдирувчи сўз ёки белги. *Бугун ҳарорат минус йигирма.*

4 Ўқувчига қўйилган баҳонинг тўлиқ эмаслигини, унинг билими шу баҳога етар-ли эмаслигини билдирувчи сўз ёки белги. *Минус уч баҳо қўймоқ.*

МИНУТ \лот. minutus — майда, кичик; арзимас, унча эмас] **1** *қ. дақиқа.* *Соат тўққиздан ўн беш минут ўтганда, дарё те-насида қоп-қора булутдек самолётлар пайдо бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Йўлчи ерга қараб, бир минут сукут қилди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

2 *мат.* Градуснинг олтмишдан бир улу-шига тенг ясси бурчак ўлчови бирлиг и (ёзув-да рақамнинг ўнг томонига, устига қўйила-ди, мас, 80°30' — 80 даража, 30 минут).

МИНУТЛИ *айн. дақиқали.* *Ўн минутли иш. Беш минутли танаффус.*

МИНГАЙМАС Дардини, юрагидагини ёрилиб гапирмайдиган; индамас. *Моҳира ойим қизининг бирорта ишдан норозилигини пайқаб: -Мингаймас, писмиқ ўлгур, тагин нима жин урди сени? — деб сўриганида, Зай-наб қовоқ-дудогини солиб, бир оғиз ҳам жа-воб бермас эди.* А. Қрдирий, Ўтган кунлар. *Сен бўлсанг, сени букчайтириб, мингаимас қилиб қўйган дардни ҳам айтгинг келмайди.* Б. Раҳ-монов, Олтин одамлар.

МИНГАЙМОҚ Қовоқ-димоғини сол-моқ, лаб-лунжини осилтирмоқ; араз қил-моқ. *Ғуломжоннинг.. бир неча минутгина ав-вал томирларида қайнаган иигитлик қони-нинг тиниши учун Наргиснинг.. чеккада мин-гайиб кўриниши кифоя қилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МИНҒИЛЛАМОҚ *қ. минғирламоқ.* *Ни-зомжон унинг юзига қарамай манғиллади: -Кечир, Дилдор, бехосдан шундай бўлиб қол-ди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бола йиғласа, қайнана мин-ғиллайди, самоварнинг ўти тутаса, қайнота дўнғиллайди.* С. Аҳмад, Сайланма.

МИНҒИРЛАМОҚ **1** Димоғда секин ва ноаникгапирмоқ; пинғилламоқ. \Бой\ *Йўлчининг саломига минғирлаб жавоб қайтарди.* Ой-бек, Танланган асарлар. *Куни бўйи минғир-лаб қўшиқ айтиб юраман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Норози оҳангда нолиб гапирмоқ; но-лимоқ. *Кўп минғирлама. тт -Таъна қилавериб ҳам ўлдирдингиз, — деди Баратов мин-ғирлаб.* С. Зуннунова, Янги директор.

МИНҒИР-МИНҒИР *тақл. с. 1* Димоғда айтилган паст ва ноаник товуш ёки гапни билдиради. *Минғир-минғир ашула. тт [Тожи-бой:] Узиям хотинчалиши одам-да. Гапи оғзи-дан тушиб кетади. Минғир-минғир қилади. Гоҳо гапини одам ҳам тушуниб бўлмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Норозилик, нолиш ҳақида. *Минғир-минғирни йиғиштир. Минғир-минғири жон-га тегди.*

МИОКАРД \юн. mios — мускул + kardia — юрак] *анат.* Юракнинг ўрта мускул қавати.

МИОКАРДИТ *тиб.* Юрак мускуллари -миокарднинг яллиғланиши.

МИОЛОГИЯ \юн. *mios* — мускул + *logos* — фан, таълимот| Мускуллар системасининг тузилиши ҳақидаги таълимот.

МИР \а. < «амир» с. нинг қисқар-ган шакли] **1** Ҳоким, ҳукмдор (пайғамбар авлодларининг унвони). *Мир Аишер.*

2 Баъзи эркаклар исмининг таркибига киради, мас. *Миртемир, Мирали, Мирғиёс.*

МИРЗА [а. + ф. I *jj-i-o* < «амирзода» с. нинг қисқарган шакли] **1 тар.** Ёзув-чизув ишларини олиб борган лавозимли киши; котиб. *Амлоқдорнинг мирзаси белига суқилган қаламдонини очиб, қаламини қўлига олди. С. Айний, Қуллар.*

2 кўчма Саводли, ўқимишли одам. **Мирза йигит** Саводли, ўқимишли ёш кишиларга хурмат билан мурожаат этиш шакли.

3 эск. Юқори табақаларга мансуб киши; жаноб. *Мен чўриман, сиз мирзасиз, беквачча! «Гўрўғли».*

4 Мирза (эркаклар исми). **МИРЗАБОШИ тар.** Ўзбек хонликлари-да (асосан Кўқон хонлигида) мирзахона бошлиғи. [*Сафар бўзчи:*] *Шаҳардаги бирорта мударрис домлани мирзабоши кўтарсалар, йўқ дерми? А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

МИРЗАЛИК Мирза иши, лавозими. *Мирзалик қилмоқ. тт Мирзалик учун хат-саводим унча ярамайди. С. Айний, Қуллар.*

МИРЗАТЕРАК Теракнинг тик ва текис, маданий хрлда ўстириладиган бир тури. *Фа-қат мирзатеракнинг учи ботиб кетган қуёш-нинг жуда баланддаги сўнги нурлари билан қизариб турибди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Кеч куз. **ҺроқҗіарудаН** ажралган мирзатерак-лар қунушиб, *dwidurab* турибди. А. Ибодинов, «Латофат» дўкондаги қатл.*

МИРЗАХОНА [мирза + хона] **тар.** Амир ва хонларнинг мирзалар ёзув-чизув ишла-ри олиб борадиган идораси.

МИРЗО [а. + ф. I *j_>-^* - «амирзода» с. нинг қисқарган шакли] **1** Мирзода, амирзода, амир ўғли (Айни маънода ушбу сўз тегишли атокли отдан кейин ёзилади мас: *Улуғбек мирзо, Иброҳим мирзо*). *Аммо, бари бир ёш мирзолар катта бўлгач, ўз ота-бобо-лари каби хунрез, золим бўладилар. Мирмуҳ-син, Меъмор.*

2 *кт. айн. мирза 1,2.* (Айни маънода ушбу сўз тегишли атокли отдан олдин ёзилади; мас, *Мирзо Анвар, Мирзо Бедил*). *Анвар.. нома ва аризаларнинг.. баъзиларини биринчи хона-да олдиға давог, қалам қўйиб, дафтар усти-да ўтирган мирзо, муфтиларға ҳавола қилар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

МИРЗОЙИ [а. + ф. ~ мирзалар-га хос, оид; мирзалик вазифасини бажариш]: **мирзойи кавуш** эск. Баланд ингичка пошна-ли кавуш. **Мирзойи сабзи** Сабзининг ўрта-пишар цилиндрсимон, учи ингичка узун хили. **Мирзойи этик** эск. Баланд ингичка пошна-ли этик.

МИРИ \а. — амирға хос; давлатға, хазинаға оид, тегишли] **тар.** Беш тийинли чақа, беш тийин. *Бирмири ҳаён, учмири зиён. Мақол. Дунёники мири кам икки. Мақол. тт Доша уч мири пул ё битта қатлама келти-риб қўйганға сира индамайбилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

Миридан-сиригача Муфассал равишда, майда-чуйдасигача, батафсил. *Зиёдиллага бу ҳунар ёқиб тушган, уни миридан-сиригача эгаллаб олиш учун бутун кучи, зеҳнини ишига солган эди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Ми-ридан сирини айирмоқ (ёки ажратмоқ) Му-фассал равишда, майда-чуйдасигача тек-ширмоқ.*

МИРИЛИК Мири қийматига эга бўлган, мирига арзийдиган, миридан иборат. *Бир қулогига уч мирилик танға қистириб олган самоварчи йигит қўш чойнаклаб чой таший-ди. С. Аҳмад, Ҳукм. Бир мирилик носни баҳо-*

на қилиб бозорга тушиб, бутун бир кунини беҳуда ўтказадиганлар кўп. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

МИРИШКОР [а. + ф. ~ ов бошлиғи, овни бошқарувчи] **1** Ўз ишинингтаж-рибали, мохир устаси; тажрибакор, омилкор. *Миришкор сувчи. Миришкор боғбон. Ми-ришкор деҳқон. шш Султон бўзчи.. ўз ҳунари-нинг миришкори ҳисобланар.. эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

2 с. т. Саранжом-саришта. *Миришкор хо-тин.*

МИРИҚМОҚ Ниҳоят даражада қонмоқ, қоникмоқ, тўймоқ. *Чойга мириқмоқ. Ҳикоя-ни мириқиб эшитмоқ. Мириқиб ухламоқ. ти Парвариши етган гўзалар она сутига мирик-кан боладек гуркураб ўсарди. Ш. Ғуломов, Ташаббус. Тоза ҳаводан мириқиб симирмоқ баҳонасида Расулжон тезроқ ҳовлига чиқа қолди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

МИРОБ [а. + ф. ~ суғориш ва сув таъминоти бўйича нозир] **1** Сув тақсимоти ва суғориш тармоқларини назорат қилувчи шахс. *Отанг мироб бўлгунча, даланг қулоқ-нинг бошида бўлсин, деганлар. С. Нуров, Май-саларни аёз урмайди.*

2 с. т. Суғориш ишларини бажарувчи шахс; сувчи. *Ана, миришкор мироб, суғорар гўзасини.. Ю. Ҳамдам. Эгатлар аралабмироб-ми, кимдир Якка оёк йўлдан қайтади ёлғиз. Ғайратий.*

МИРОББОШИ тар. Миробларга бош-чилик қилган мансабдор. *Тошганингда асло бўлмас ёнашиб, Ночор от чопишар мироббо-luwiar. Миртемир.*

МИРОБЛИК Мироб иши, касби. *Тўхта-бой ака эсини танибдики, шу ерларда мироб-лик қилади. Б. Мах,мудов, Олтин юлдузликлар.*

МИРОХУР, мирохўр [а. + ф. **jj**^U-> -бош отбоқар; отхона бошлиғи] **1 тар.** Ўрта Осиё хонликларида сарой отхоналарига бошчилик қилган мансабдор. *Мен мирохур-дан ўн беш сўм олиб, мана шу остимдаги эшак-ни сизга берибкетаман. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

2 эск. айн. отбоқар.

МИРРИХ [а. я^З-° — Марс сайёраси; қадимги мунажжимлар уни уруш ва хунрезликлар сабабчиси деб ҳисоблаганлар] (М — катта) эск. кт. айн. Марс.

МИРШАБ [а. — бошлиқ; ҳукмдор + ф. **1**_^**Ъ** — кеча, тун: тунги қоровул бошлиғи] **1 тар.** Ўрта Осиё хонликларида тунги шаҳар соқчиси ва уларнинг бошлиғи. *-Бизни ким-нинг ҳукми билан ўлдирмоқчи бўлаётирсиз? — деди.. хатирчилик банди, миришаб одамига. С. Айний, Қуллар. Миришаблар томонидан қўрбоши маҳкамасига сўроққа олиб кетилган қутидор кайтиб йўлакка кириши билан.. Офтоб ойим ила Кумушига.. жон кирган каби бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. 2 с. т. Милиционер.*

МИРШАБХОНА Миришаб маҳкамаси ва қамоқхонаси. *Икки миришаб Уста қулол билан Ҳамроқулни.. бутхонанинг нариги томо-нидаги миришабхонага томон олиб кетди. А. Қаҳҳор, Томошабоғ.*

МИРҚУРУҚ с. т. ҳазл. Ёнида ҳеч пули бўлмайдиган киши ҳақида. [Рўзипаранг:] *Ўзингиз тушунган одам-у, доим мирқуруқсиз, қачонгача сизни кечириб юрамиз, хўжайин. А. Муҳиддин, Кечирасиз.*

МИРҒАЗАБ [а. - бошлиқ, ҳукмдор + **I,j**-**JI** — қаҳр, нафрат; норозилик: жал-лод] тар. Маҳбус ва бандиларни жазолай-диган, калтаклаб, тергов қиладиган зиндон назоратчиси. *Мирғазаблар кунда келиб, улар-нинг [бандиларнинг] ҳар бирини ўлгудай уриб, сўроқ қилардилар. С. Айний, Дохунда.*

МИС [ф. **^j**^J-Е — мис] Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент; юмшоқ (қайишқоқва чўкичланув-чан) қизғиш рангли металл. *Софмис. Қизил мис. Сариқ мис. Мис қотишмалари. тт Мис, вольфрам, қўрғошин, рух, олтин ва бошқа*

рангли маъданлар етказиб бериш кўлами анча кенгайди. «Фан ва турмуш». Қамбар ихчам, ярқироқ мис чшимни олиб кетди. Ойбек, Тан-ланган асарлар.

Миси чиқди Нопок, қалб иши фош бўлди, сири очилди. Мазмунан, ишларнинг миси чиқиб, ўзлари билан ўзлари овра бўлиб қолган бўлсалар керак.. Қингир иш қирқ игн-дан кейин ҳам очилади. «Муштум».

МИСВОК [a. dllj... - тиш тозалагич] эск. Арча ва ш. к. хушбўй дарахт ёғочидан тараш-лаб, моқисимон шаклда ясалган тиш тоза-лагич. ..салла устига қадалган мисвок ва хур-мо данагидан ясалган.. тасбеҳ бу чолнинг сўфилардан бири эканлигини кўрсатади. С. Ай-ний, Куллар. Сўфи мисвогини қинидан чиқа-риб, яна секингина солиб қўйди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.

МИСКАР [ф. jK ... л — мис билан ишлов-чи] Мис ва унинг металлар билан қотиш
703

масидан қуроллар, уй-рўзғор буюмлари яшаш ва уларни тузатиш иши билан шуғулланувчи хунарманд. Гулнор.. мискарлар то-монидан самовар тахитида ясалган қумгон-дан чой қуяр эди. Ойбек, Танланган асарлар.

МИСКАРЛИК 1 Мискар иши, касби. Мискарликни ўрганмоқ. Мискарлик қилмоқ.

2 тар. Мискарлар растаси. Мискарлик-да, ўнг томондаги пачақ дўкон олдига ёйиб қўйилган мис баркаш.. Мирмухсин, Ал Махдий.

МИСКИН [a. ^ Л., л - бечора; бахтсиз] 1 Фақирликдан оғир аҳволга тушиб қолган, аҳволи танг, бечораҳол одам. [Бугроҳож:] Ҳадемай элга қаҳатчилик бўлгай.. фақир ва мискинлар ит, эшак гўштини егаилар. М. Осим, Ўтрор.

2 Мунгли, тушкун, ҳазин. -Отанг боё-қили чарчаб, бўлганича бўлди, — деди она мискин товуш билан. П. Турсун, Ўқитувчи. Ота, ўғил диллари мискин, Унсиз суҳбат қуришар эди. Сафо Очил.

3 Мақом услуби ва шаклларида яратил-ган туркумли куй ва ашула йўллари.

МИСКИНЛИК Мискин аҳвол, тушкун ҳолат. Бу ундаги мискинлик ўрнида уйғонган инсоний гурур нишонаси эди. П. Турсун, Ўқи-тувчи.

МИСЛ [a. Ji_o — ўхшаш; худди, каби] Мисол, тимсол, ўхшаш. Мисли йўқ оламу-мул воқеа. Мисли топитайдиган киши. *тм* Тошкент тарихида мисли кўрилмаган Азизбек каби ваҳшийни фақат шу Муслумонқул кўлидан олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МИСЛИИ [a. + ф. Ji_* — «мисл» с. изофа ҳолатда] Каби, сингари, бамисоли. Қалбини бир оғир гам ўртарди мисли оташ. Х. Олим-жон.

МИСЛСИЗ Мисли, ўхшаши йўқ; беқи-ёс. Мислсиз қаҳрамонлик. *тм* Бу ҳаёт оқимида мислсиз гирдоблар учрайди. А. Қахдор, Са-роб. Фашистларнинг бева-бечораларга бера-ётган мислсиз азобларини кўрганда, Ўрин-бойнинг тутуни осмонга чиқади. Т. Рустамов, Манғу жасорат.

МИСОЛ [a. JI5_o — намуна; ўхшашлик; андоза] 1 Тушунтириш учун ёки далил, исбот ва ш. к. тариқасида бир турли нарса, ҳрдиса ва ш. к. дан олинган айрим намуна; ўртак. Мисол келтирмоқ. Мисолга олмоқ. Мисол учун гаширмоқ. *тм* [Ҳакимбойвачча] Ёмонларнинг кўпайгани ҳақида шикоят қилди. Мисол учун Йўлчини олди. Ойбек, Тан-ланган асарлар. Шайбонийхон мирзоларнинг инсофни, имонни унутганлари, эл-улусни вай-рон қилганларига яна бир талай мисоллар кел-тирди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Ечиш, машқ қилиш учун бериладиган математик ифода. Мисол ишламоқ. Ечилиши осон мисол.

3 кам кўлл. айн. мисоли. Оқ пахтамик та-ронаси ёйилсин тонг мисолП. Тўла. Кунларим ҳам энди тишиқсиз Оқар кўзим ёишири мисол. Ш. Раҳмон.

МИСОЛИИ [a. + ф. JIi^ — «мисол» с. изо-фа қолатда] кўм. Худди, гўё, каби, сингари. -Ҳалиги гапимни сир деб бил! — давом этди чол. — Пахта бозори мисоли қайнаб

тошган бир дарё. Ойбек, Танланган асарлар. *Мунча-лар шунчалик кўркам шохингни Қуёшга кўтар-май, пастга эгибсан? Соябон мисоли ерга тегибсан.* Шухрат.

МИСРА \а. j — — бир қатор шеър, байтнинг бир сатри] Шеърый асарнинг, байтнинг бир сатри, бир қатори. *Шодлиг|Ш эзгу-лик этади инъом. Маржондай сочилар мисра-ларубайт.* Г. Жўраева. *Зокиржон ўзи кўчирган мисрани қайта-қайта ўқиди.* «Шарқ юлдузи».

МИСРАНГ \ф. *Siю*^ — мис тусли, мис кўринишли] Қаттиқ нарсаларни кўчириш, бузиш, тешиш ва ш. к. учун ишлатиладиган, бир ёки иккала томони учли темир асбоб; лом. *Бир неча дақиқадан сўнг девор тешилиб, бири қўлида теша, иккинчиси мисранг ушла-ган иккиустанинг калласи кўринди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МИССИОНЕР \фр. *missionnaire* < лот. *mission* — жўнатиш, топшириқ] Черков томонидан, одатда, ҳукумат ёрдамида бошқа диндаги кишиларни ташвиқот қилиб, христиан динига киритиш учун қарам ва мус-тамлака мамлакатларга юборилган тарғиботчи. *Америка қитъаси янги очилган вақт-ларда миссионерлар ундаги занжиларни хрис-тиан динига киргизиш учун турли йўлларни тутганлар.* А. Қаҳҳор, Сароб.

МИССИЯ \лот. *mission* — жўнатиш, топ-шириқ < *mittere* - жўнатмоқ, юбормоқ] 1 Юксак бурч, масъулиятли вазифа. *Армия-мизнинг буюк кудрати, инсонпарварлик миссияси айниқса Биринчи жаҳон уруши даври-да янада яққол намоён бўлди.* Газетадан.

2 Муайян топшириқ билан бошқа мам-лакатга юборилган вакиллар. *Савдо миссияси. Ҳарбий миссия.*

3 Бир давлатнинг бошқа давлатдаги (эл-чихонадан фарқли равишда) ёки халқаро ташкилотлардаги вакили бошчилигидаги доимий дипломатик ваколатхона. *Савдо миссияси.*

МИСТЕР \ингл. *mister* — жаноб] Англия ва Америкада эркакларга нисбатан, одатда, исм ёки фамилия олдида кўшиб, «жаноб» маъносида қўлланадиган сўз. [*Уолд Питте*] *Номи ёнига «мистер» сўзини қўшиб айтишни қаттиқ талаб қиларди.* Мирмухсин, Жаноб Питте. *-Мистер Джон, бу бахтсиз ҳодисами, деб сўраяптилар, — деди Олчинбек бойвачча-га қараб.* К. Яшин, Ҳамза.

МИСТИК 1 Мистицизм тарафдори. *Ўр-та аср мистиклари.*

2 Ғайритабiiй нарсаларга, мўъжизалар-га ишонувчи.

МИСТИК Мистикага, мистицизмга оид, мистакадан, тасаввуфдан иборат бўл-ган, мистицизм руҳидаги. *Мистик тушун-ча. Мистик асар.*

МИСТИКА \юн. *mystikos* — яширин, сир-ли] Ғайритабiiй оламга, илохлар ва илохий кучларга, инсоннинг илоқият олами билан алоқа қила олишига ишонишдан иборат диний эътиқод. *Ўрта аср мистикаси. тт тасаввуфда Жомийни қизиқтирган нар-са.. мистика, таркидунёчилик эмас эди.* Ш. Шомухамедов, Сўнмас юлдуз.

МИСТИЦИЗМ \фр. *misticisme* < юн. *mystikos* — яширин, сирли] Мистикага, тасаввуфга асосланган идеалистик диний дунёқараш; мистикага мойиллик. *Мисти-цизм руҳидаги асар.*

МИСҚОЛ [а. - 4,35-4,86 грамм

оралиғидаги оғирлик ўлчов бирлиги] 1 эск. Қадимги оғирлик ўлчов бирлиги: тахминан 4,24 граммга тенг. *Полвон битта тухум, иккита хурмо, ярим мисқол седана, беш дона бўтакўз.. топиб, бир пиёла сув билан идиш-да қаинатишига буюрди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

2 кўчма Озгина, жуда оз, жиндак. *Ўзга-нинг ҳимматини дарё, ўзингникини мисқол бил.* Мақол. *тт Назарбой Оқбўз отини ми-ниб, танглайига мисқол носни таъшиб жўна-ди.* «Ойсулув».

МИСҚОЛИ: мисқоли дока Юқори си-фатли нафис дока; шундай докадан тайёрланган. *Муфти Бухорога келгач, катта мис-қоли салла ўраб.. юрарди.* А. Ҳакимов,

Илон изидан. *Ариқ соҳилидаги жийда соясида эса мисқоли яктак кийган оппоқ соқолли чол кет-мон дастасига суяниб, букчайиб турибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол.

МИСҚОЛЛАБ 1 Бир мисқолдан, мис-қол билан. *Мисқоллаб тортмоқ.*

1 Жуда оз микдор билан, оз-оздан. *Биз-лар мисқоллаб обрў топамиз, улуғларимиз ботмонлаб бу обрўни тўкадилар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳар мисра шеъри қиларкан нафис, Мисқоллаб йиғгандай гуллардан гулоб.* О. Қўчқорбеков.

МИТА 1 бот. Ғалла экинларининг дони-ни қорайтириб юборадиган касаллик; кул.

2 зоол. Донга тушадиган зараркунанда курт; сақланаётган ғалла донлари, ёрма, қоқи ва б. ни зарарлайдиган ҳар хил хаша-рот ва каналарнинг умумий номи. *Омбор митаси. Митанинг ёмони тегирмондан бу-тун чиқади.* Мақол.

МИТИНГ [ингл. meeting — йиғин, маж-лис, йиғилиш] Бирор муҳим воқеага, кўпинча сиёсий масалаларни муҳокама этиш-га бағишлаб ўтказиладиган оммавий йиғин. *Тинчлик тарафдорларининг митинги.* *тм* Уруш хақидаги хабар радиодан эшитилиши била-ноқ университетнинг мажлислар залида ми-тинг бўлди. Назармат, Жўрлар баланд сай-райди.

МИТИНГБОЗЛИК салб. Бўлар-бўлмасга митинг ўтказавериш, иш ўрнига митингларга берилиб кетиш. *Шовқин-сурон кўтар-май ва жар солмай, митингбозлик қилмай, ташилотчилик ишларини кучайтириб юбо-ришингиз керак.* Газетадан.

МИТРОПОЛИТ \юн. metropolitēs - мет-рополия фуқароси; метрополия епископи] Православ христиан черковида епископлар-нинг олий унвони ва шу унвонга эга бўлган руҳоний.

МИТТИ Жуда кичкина; жимит. *Орамиз-да ётган змиш чақалоқ, Митти оёқчаси ой каби оппоқ.* Х. Даврон. *Келин шундай митти чучвара тугадик, унинг тўрттаси битта қошиққа сиғади.* «Муштум».

МИФ \юн. mythos — сўз; афсона, риво-ят] Қадимги кишиларнинг борлиқ олам хақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвотот дунёсининг вужуд-га келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари

603 <Л

ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъ-будалар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олади. *Юнон мифлари.* *тм* Халқ эпосининг илк илдизи бўлган миф-лар хақида археологик топилмалар анчагина маълумотлар беради. «ЎТА».

МИФИК Мифга оид, мифдан иборат бўлган, мифга асосланган. *Мифик тушунча ва тасаввурлар.* *тм* Маросим ва ритуаллар-да шомон Кўкдаги ва Ер остидаги мифик ҳомийлар мададига таянган. «УТА».

МИФОЛОГИК Мифологияга оид. *Ми-фологик ишлар.* *тм* Фикримизча, уч йўл мотиви қадимги туркларнинг мифологик та-саввурларига бориб тақалади. «ЎТА».

МИФОЛОГИЯ [юн. mythos - афсона, ривоят + logos — фан, таълимот] **1** Мифлар хақидаги фан. *Уни мукамал билиш учун қадим мифологиядан астрологиягача, ўрта аср каллиграфиясидан «илмҳои сегона» деб ном олган Шарқ поэтикасигача бўлган фан-лардан хабардор бўлиш керак.* «ЎТА».

2 Бирор халқнинг мифлари, афсона-ри мажмуи. *Юнон мифологияси. Шарқ мифологияси.* *тм* Эртақлар мифлар билан ало-қада бўлиб, уларнинг жуда кўп мотивлари мифологияга бориб тақалади. «УТА».

МИХ [ф. 7---1 .-о — мих; қозик] Икки нар-сани бир-бирига маҳкамлаш, бириктириш учун қоқиладиган, бир томони учли, ик-кинчи томони қалпокли металл ёки ёғоч буюм. *Арава михи. Мих қоқмоқ. Мих урмоқ. Михни суғуриб олмоқ.* *тм* Маҳкам ака дера-зага қоқайтган мих Бувниса холанинг қал-бига қад&иётгандай бўларди. Р. Файзий, Сен етим эмассан.

Ишлар мих с. т. Жуда яхши, жойида, михдай. *Ҳамма чапак чалди, демак, ишларим мих экан-да.* «Муштум».

МИХДАЙ, =дек **1** Мих каби. *Паловмё-дага михдек қадалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма с. т. Жуда яхши, жойида. *Аввал-ги ишим михдек эди.* С. Аҳмад, Тоғларда.

МИХЛАМОҚ 1 Икки нарсани бир-би-рига мих билан маҳкамламоқ, бириктир-моқ. *Улар тўгонларни тахта ва қозиқларни йўниб, михлаб, сим ўраб маҳкамлашар экан, уларга оталар бетиним «ҳа-ҳа»лаб кўмак-лашмоқдалар.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 кўчма с. т. Кишини гап ёки бошқа йўл билан ерида қотирмоқ, мулзам қилмоқ.

Қўлимдан келса, мен ҳозир Ашурни бир сўз билан михлар эдим-у, Фуломовнинг мушукули-ни осон қилар эдим. П. Қодиров, Қадрим. *Сенинг бир кунлик иситманг мени ўринга михлайди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

МИХЛАНМОҚ 1 Михламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Михланган қопқоқ.* **тм** *Отабек эсини бошига йиғиб, михланган еридан қўзгалган-да.. кишилар уйларига қайта бошлаган эди.* А. Қодирий, Утган кунлар. *От, тўрт оёғи ерга михлангандай, қимир этмасди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўчма Бутун диққат-эътибори билан қараб қолмоқ, бутунлай берилиб қотмоқ. *Штабдагиларнинг кўзлари кўк ва қизил чи-зиқлар билан бўялган харитага михланиб қол-ди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Халойиқ кўзи билангина эмас, бутун фикру зикри билан ҳам мингбошига михланган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МИХХАТ [мих + хат] тлш. Қадимги Олд Осиёда қўлланган, мих ёки поначаларга ўхшаш белги (харф)лари лой тахталарга ўйиб ёзилган идеографик ёзув тури.

МИХЧЎП 1 Этикдўзликда ишлатилади-ган махсус ёғоч михча. *Бир куни чол қолипга тортилган кавушининг тагига михчўп қоқар-кан, ўздан-ўзи қизик бир байт ўқиди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

2 бот. Узун баргли зубтурум.

МИШИҚ Бурундан оқадиган шилим-шиқ суюқлик. *Эрмакчиларнинг кутгани ҳам фақат унинг \қовоқ девонанинг\ ёши миши-гига, мишиги тупугига қўшилиб йиғлаши эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Мишиғи оққан кест. Ҳали турмуш таж-рибасига эга бўлмаган: ёш, гўдак, гўр.

МИШИҚИ 1 Бурнидан мишиғи оқиб турадиган. *Мишиқи бола.*

2 айн. мишиғи оққан қ. мишиқ. *Бир то-мони, қиз боланинг олдидан ўздан кичик бир мишиқидан тарсаки ейиши алам қилди.* М. Хайруллаев, Журъат.

МИШ-МИШ Эл оғзига тушган, тўғри-нотўғрилиги номаълум хабар, гап-сўз. *Миш-миш тарқатмоқ. Миш-мишларга ишонмоқ.* **тм** *Эрталаб яна турли гаплар эшитила бошла-ди.. Мадамин воқеасидан ҳам ваҳималироқ миш-мишлар тоғлар, довларни бир кечада ошиб келиб, қишлоқнинг тор кўчаларига кир-ган экан.* П. Турсун, Уқитувчи. *Қишлоқдан анча нарида, дашт этагида жойлашган бу тепалик ҳақида ваҳимали миш-мишлар тар-қалган эди.* «Ёшлик».

МИШМИШЧИ Миш-миш гапларни тарқатувчи, тарқатишни яхши кўрувчи. *Мен гап-сўздан қўрқмайман-у, эл оғзидан сақич бўлиш, мишмишчиларни ўчакиштириш ҳам ҳавас эмас.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

МИЯ 1 Одам ва баъзи ҳайвонлар нерв системасининг марказий бўлими; одамда — тафаккур аъзоси. *Бош мия. Орқа мия. Мия қобиғи. Мия касалликлари.* **тм** *Айтишларига қараганда, миям чайқалган эмиш.* «Гул-даста». *Унинг [Жапақнинг/ миясида гўё ҳеч қандай ўй, фикр йўқ эди.* А. Мухтор, Қора-қалпоқ қиссаси.

2 Одам ва умуртқали ҳайвонлар суяги бўшлиқларини тўлдириб турувчи тўқима (кўмик).

3 кўчма Ақл, онг. *Мияси бор киши. Мия-си бутун одам.* **тп** [Зуннунхўжа:] *Миянг бор-ми ўзи, Сидиқжон колхозга киргани билан ер колхозга ўтиб кетмайди, ўртада бўлади!* А. Қахдор, Қўшчинор чироклари.

4 с. т. Бошнинг қоқтепаси; бош, калла. *Миясига муштламоқ.* **тп** *Тўравой душманнинг бирининг кўксига найза санчиб, иккин-чисининг миясига қўндоқ билан урди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

Мияси шишмоқ Нима қилишини бил-май қолмоқ, боши қотмоқ. *Мана шунингдек масалалар билан Ўзбек ойимтинг мияси шиш-ган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Халқнинг мияси шишди, кўзи тинди.* А. Қодирий, Ки-чик асарлар. **Мияси говламоқ** айн. **мияси шишмоқ.** *Шермат аканинг газоби қайнаб кетди. Мияси говлаб, юзига совуқ тер қу-йилди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. **Мия-сида ёнғоқ (ёки данак) чакмоқ** айн. **бошида ёнғоқ чакмоқ.** қ. **бош.** *..эрим миямда данак чақса ҳам, уйда ўтирганам бир давлат эди.* А. Қахдор, Мастон. **Миясини емоқ** Тўғри фикрлай олмайдиган бўлмоқ. *Миясини еган чол! ..ўғлингнинг кимлигини билганинда, вальдирамасэдмнг/Мирмуҳсин, Меъмор. Қариб, миянгизни еб қопсиз, кўздан ҳам қопсиз!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Миясини қотир-моқ** айн. **бошини қотирмоқ** қ. **бош.** *..бу ҳол яна унинг миясини қотирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Миясини қоқиб, қўлига бер-моқ** Ҳаддан ортиқ гап-сўз билан жонига тегмоқ. *Тошкентдан яп-янги машина олиб келиши ҳақида мақтанавериб, миямизни қоқиб, қўлимизга берди.* И. Рахим, Зангори кема капитани. *Айтиб улгургунча, ая мия-сини қоқиб, қўлига берарди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

МИЯЛИ Ақли бор, ақли ўткир, ақлли. *Мияли киши.* **тп** *Ҳозирги директоримиз бўла-диган бола — мияли, эсли-ҳушли.* С. Аҳмад, Сайланма.

МИЯСИЗ Ақли йўқ, ақлсиз, беақд. *Мия-сиз одам.*

МИҚ: **миқ этмаслик** Ҳеч гапирмаслик, бутунлай индамаслик, овоз чиқармаслик. *Икки тарафдаги болалар ҳам миқ этмай, ҳатто нафас олмай, унинг ҳаракатини кузатишар эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Тил-лабой пгепса-тебранмас бир одам бўлиб.. би-ров гап сўрамаса, ўзи миқ этмас эди.* **П.** Тур-сун, Ўқитувчи.

МИҚДОР \а. **ЈАЈ-О** — катта-кичик, оз-кўплик; катталиқ] **1** Ўлчаш, санаш мумкин бўлган нарсаларнинг оз-кўплиги, сони, чамаси. *Иссиқлик миқдори. Сув бир миқдор-да оқиб турибди. Етарли миқдорда озиқ-ов-қат билан таъминламоқ. Кўп миқдордаги сув.* **тп** *Ота-онамдан қолган кўрпа-ёстиқлардан ўзим учун ва укаларим учун керакли миқдор-да олдим.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Яккам-дук-кам туб конлардан олинаётган олтин миқ-дори жуда кам.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 мат. Кесма узунлиги, сирт юзи, жисм хажми ва массаси каби тушунчаларнинг умумлашма номи; катталиқ.

3 флс. Объектнинг ташқи кўрсаткичлари (катталиги, сони, хажми), ҳодисаларнинг ривож,папиши ва ш.к. ни ифодаловчи ту-шунча. *Миқдор ва сифат. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши.*

МИҚДОРИИ Миқдорга оид, миқдор билан боғлиқ бўлган. *Миқдорий фарқ. Миқдорий ўзгаришлар.*

Миқдорий анализ ким. Модданинг тар-кибий қисмлари миқдорини белгилаш учун қилинадиган анализ.

МИҚЁС \а. **^LU-о** — ўлчов, мезон; ўлча-гич] Кўлам, масштаб. *Иш миқёси. Жаҳон миқёсида аҳамиятга эга бўлган масала. Кенг миқёсда текшириш олиб бормоқ.* **тп** *Агар бу мисолни республика миқёсида оладиган бўлсак, янада қувончли натижаларни кўра-миз.* Газетадан.

МИҚНОТИС \а. 0,,U,|-,V_n < юн. magnetis — магнит] эск. кт. аин магнит.

МИҚРОЗ \а. - қайчи] эск. Шам

сўхтасини кесадиган кичкина қайчи. *Ота-бек микроз билан шам сўхтасини кесиб ту-затди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МИҚТИ Сергўшт, аммо пишиқ. *Миқти йигит. тш* Хусайн Бойқаро белидан юқориси кенгайиб борган қабарик қўкракли, миқти гавдали эди. Ойбек, Навоий.

МИҚТИЛАМОҚ Уриб, босиб тиғизла-моқ, тикиб жойламоқ. *Жуда кўп хазон супуриб, қанорларга миқтилаб жойладик.* Ойбек, Танланган асарлар.

МИҚҚИ *с. т.* Миқти, пишиқ. *Тўсатдан у ёнидаги миққи йигитнинг ёқасидан олди.* Газетадан.

МИҚҚИЙ Лочинсимонлар оиласига мансуб йиртқич куш.

МОБАЙНИДА (*а. Ё. - ора. оралик-даги нима? ўрталик*) кўм. Вақт муносаба-тини билдиради; давомида, оралиғида, ора-сида. *Утган вақт мобайнида. тш* Бир неча ой мобайнида қиз ўзи хоҳлабми ё Сидиқжон «асти қўймагани» учунми, боққа яна бир неча марта тушиб чиқди. А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. *Йил мобайнида Умид Шукур Ка-римович топшириги билан уч бор Фарғона-даги «Зарбдор» колхозида бўлди.* Мирмуҳсин, Умид.

МОБИЛИЗАЦИЯ \фр. mobilisation < лот. mobilis — ҳаракатчан, кўзгалувчан] 1 Уруш эълон қилиниши муносабати билан захирадаги ҳарбийларни ёки уларнинг бир қисмини ҳақиқий хизматга чақириш; са-фарбарлик. *Мобилизация эълон қилмоқ.*

2 Куролли кучларни ва халқ хўжалиги-нинг барча тармоқларини тинч ҳолатдаги-дан уруш давридаги даража ва ҳолатга кел-тириш; сафарбарлик. *Умумий мобилизация.*

3 кўчма Муҳим топширикни бажариш учун аҳолини, саноатни сафарбар қилиш. *Йигит-терим ишига мобилизация қилмоқ.*

МОВ: мов бўлмоқ Куйикмок (мушук ҳақида). *Ҳамма ёқ жимжит. Млақаерда мов бўлган мушуклар вагиллаб, бутун қишлоқни бошига кўтармоқда.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари.

МОВИЙ \а. مويي. — сувга ўхшаш, кўк ранг, ҳаворанг] *поэт.* Тиник кўк, ҳаворанг. *Мовий осмон. Мовий денгиз. Мовий кўл. Мо-вий кўзлар. тш* Текис ва қўнғир дашт уети-да мовий гумбаз — осмон гумбази ҳам улкан бир сардобага ўхшарди. Мирмуҳсин, Меъмор.

МОВЛИЯТ [*а. مليات - қўллаб-қувват-ловчи, дўстона (иш, муносабат)*] *с. т.* 1 Тўй, маърака ва б. маросимларнинг умумий номи. [*Гулнора:*] *Ойим Ҳафиза холаникига кетган-лари учун кўзгалолмадим. -Нега, бирор мов-лияти бор эканми? Ҳ. Нуъмон, Фасллар. Борадиган жойи, мовлиятига қараб, ҳар за-монда билинар-билимас сурма, уна-элик су-рарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

2 Маврид, пайт, вақт.

МОВУТ Ўнг томони силлиқ, жун ёки ярми жун мато; сукно. *Бир пальтолик мо-вут. Мовут шим. тш* У[Хўжабеков/ яшил мовут ёпилган, оғир оқ мрамар сиёҳдон қўйилган ҳашаматли стол орқасида улугвор бир вази-ятда ўтирарди. С. Анорбоев, Оқсой.

МОДА \ф. мода, мод. - урғочи ҳайвон, урғочи куш, макиён] Товуқ ва беданадан бошқа қушларнинг урғочиси. *Модасига тегишигани учун томдаги каптар ҳам буқоғини чиқариб, рақибининг теварагида яғрин кера бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МОДА [фр. mode < лот. modus — меъ-ёр, усул, қоида, кўрсатма] 1 Турмуш ёки маданиятда кийим-кечак, рўзғор буюмла-рига нисбатан муайян дид ёки қизиқиш-нинг маълум вақтгача устувор бўлиши.

2 Тор маънода: ана шу дид ва қизиқиш-ларга мос келадиган кийим шакли ва намуналари. *Ҳозир бу мода эмас. Мода бўлмоқ. Модадан чиқмоқ. Мода бўйича кийинмоқ. Модага қараб соч қўймоқ.*

МОДАЛ *тш.* Модаллик ифодаловчи. *Модал сўзлар.*

МОДАЛЛИК \фр. modalite < лот. modus — усул; майл] *тш.* Фикрнинг, гап мазму-нининг воқеликка бўлган муносабатини кўрсатувчи грамматик категория.

МОДДА I \а. **£.JLo** — нарса, жисм, мате-рия| Тинч ҳолатда массага эга бўлган зар-ралар мажмуи; жисмларни ташкил қилган нарса. *Органик модда. Портловчи моддалар. Заҳарли моддалар. **итт** Она сутида оқсиллар, ёғлар, фосфор каби тўйимли моддалар етарли бўлади. «Саодат».*

МОДДА II [а. бJL> — қонун ёки шарт-номанинг бир бўлими| **1** Расмий ҳужжат, мажмуа, қонун ва ш. к. нинг рақам ёки ҳарф билан ажратиладиган мустақил бўлими.

■<^Q 606

*Уставнинг биринчи моддаси. **итт** [Жонфигон] Жиноят қонунлари мажмуасининг алланечан-чи моддаси тўғрисида гапирди. А. Қаҳҳор, Жонфигон.*

2 Бюджет ёки бирор молиявий ҳужжат-нинг даромад манбаи ва харажат қисмлари-ни кўрсатувчи бўлими. *Даромад моддалари.*

МОДДИЙ \а. ^JL° — жисм, моддага оид, тегишли| **1** Моддадан иборат бўлган, моддадан тузилган. *Моддий олам. Моддий зарра.*

2 Мол ва пулдан иборат. *Моддий ёрдам. Моддий бойлик. Моддий жавобгарлик. **итт** Хаёт ёлғиз моддий жиҳатдан эмас, маъна-вий жиҳатдан ҳам мислсиз бой. Ойбек, О. в. шабадалар.*

Моддий далил *айн. ашёвий далил қ. да-лил 2.*

МОДДИЙЛИК Моддий ҳолат, моддий эканлик.

МОДДИОН \а. ^JLo — моддага, ашёга, материяга оид] *эск. айн. материалист 1. МОДДИОНЛИК эск. айн. материализм. МОДДИОНЧИ эск. айн. материалист.*

..бутун бир авлодни боғча ёшидан моддион-чи, даҳрий қилиб тарбиялашган.. Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.

МОДДИОНЧИЛИК *эск. айн. материа-лизм. Моддиончилик шундай соҳаки, биз би-лан мулки оламни тан олади. Ҳ. Шайхов, Туташ оламлар.*

МОДЕЛЛАШТИРМОҚ **1** Бирор нарса-нинг моделини ишламоқ, яратмоқ. *Кўйлакни моделлаштирмоқ.*

2 Ҳодисалар жараёнининг юз бериш мо-делини белгиламоқ, шу йўл билан тадқиқ этмоқ.

3 Бўлғуси ҳайкалнинг сирт қисмини ишламоқ, тарашламоқ.

МОДЕЛЧИ Модель ясовчи, яратувчи уста, мутахассис.

МОДЕЛЬ \фр. modele < лот. modulus — ўлчов, меъёр] **1** Бирор нарсанинг (мас, автомобиль, иншоот, кийим ва ш. к. нинг) худди ўзидек ёки кичрайтириб, катталаш-тириб олинган, кўплаб ишлаб чиқариш учун андоза бўладиган нусхаси. *Трактор модели. Станок модели. **итт** Асад қўйди моде-лин, учди модель ҳаволаб. Т. Тўла.*

2 снт. Тасвирий асарнинг, мас, ҳай-калнинг лой, мум, гипс ёки ёғочдан ясал-ган, кейинчалик ундан қолип олиш асосида чидамли материалдан асл нусха тайёр-ланадиган хомаки нусхаси. *Рассом ўз аса-рини бошлар экан, энг аввало, маълум эсте-тик кечинмаларни уйғотадиган, ўй суришга мажбур қиладиган, завқ бахш этадиган мо-дель танлаши керак. А. Умаров, Портрет — даврнинг ёрқин ифодаси.*

3 снт. Рассом расм чизаётганда ёки фо-тограф суратга олаётганда муайян, керак-ли вазиятда турадиган эркак ёки аёл (на-турачи).

4 Қуювчиликда қолип тайёрлаш учун ёғоч ёки металлдан ясалган нусха. *Модель цехи.*

5 кўчма Оммага, жамоатчиликка у ёки бу модельер яратган янги модел (намун)-даги кийимларни намоиш этувчи хизмат-чи аёл ёки эркак.

МОДЕЛЬЕР \фр. modeleur — модель тай-ёрловчи] *айн. моделчи. Корхонанинг модель-ерлари маҳсулотларнинг янги замонавий хил-ларини яратиш борасида самарали иш олиб бормоқдалар. Газетадан.*

МОДЕРНИЗАЦИЯ \фр. moderniser -янгиламоқ < moderne — янги, замонавий] Бирор нарсани замонавий талаб ва дидга мослаб ўзгартириш; замонавийлаштириш. *Ускуналарни модернизация қилиш.*

МОДЕРНИЗАЦИЯЛАМОҚ Модерни-зация қилмоқ, замонавийлаштирмоқ. *Ускуналарни модернизациялаш ва ялти ўзлашти-риш йўли билан ишлаб чиқариш қувватини оширмоқ. **т**т Саноат корхоналарида эскириб қолган асбоб-ускуналарни модернизациялаш давом эттирилди.* Газетадан.

МОДЕРНИЗМ \фр. modernisme] 19-аср охири ва 20-асрда АҚШ ва Европа санъати ва адабиётида реализмга қарши бўлган, анъанавий шакллар ва эстетикани инкор қилувчи оқимларнинг умумий номи. *Ўзбе-кистон санъати — модернизмнинг иллатли таъсирларидан холи бўлган соғлом санъат-дир.* Газетадан.

МОДЕРНИСТ Модернизм йўлидан бо-рувчи, модернизмга амал қилувчи.

МОДЕРНИСТИК Модернизмга ва мо-дернистга оид; модернизм талабларига асосланган. *Модернистик мусиқа.*

МОДИФИКАЦИЯ [фр. modification < лат. modificatio — тўғри ўлчаб чиқиш, чамалаш] **1** Предмет ёки ҳодисанинг асли моҳияти сақланган ҳолда янги хоссалар пайдо бўлиши билан намоён бўладиган шаклий ўзгариши.

2 Шундай ўзгаришга учраган предмет ёки ходиса, кўриниш.

МОДОМИКИ [а. + ф. [^]^[^]ТЛ. - шунга қадарки.., шундай экан..; қадар, ..гача < а. jkljU — давомли, доимо] юкл. Эргаш гаплар бошида келиб, шу гап билдирган маънони таъкидлайди. *Модомики сиз рози экансиз, менинг царшилигим йўқ. **ит** Модомики, аҳвол шундай экан, у кишининг орзуларига қулоқ солишимиз керак бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

МОЖАРО [а. f1 — ўртада бўлган нар-са, айни шу сабабли] **1** Ҳодиса, воқеа (асо-сан, салбий воқеа-ходиса ҳақида). *Даҳшатли можаролар. ти Зайнабнинг жинни бўлиб.. оғаси томонидан ушланиб, кишанга солин-ган можароси эшитилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мактаблар бўлди вайрон, Иморат-лар хароба. Бу офат можарога Кўҳна фалак ҳам ҳайрон.* М. Шайхзода.

2 Кишининг бошидаги, бошидан кеч-ган ташвиш, саргузаштлар. *Абдурасул ўз бошидан кечган можароларни сўзлашга киришди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бир вақтлар ишқ мо-жароларини ёлғиз эртақлардан тинглаган Гулнор энди ўзи ишқнинг олов кўйлагиди яшар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Жанжал, тортишув, ғалва. *Шарофат.. Сидиқжоннинг гашига тегмоқчи, шу ерда бирон можаро бошлаб, дод солмоқчи эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. *Йўлда хоти-ни билан тонгда бўлган можарони эслаб, кўнгли бадтар хижил тортди.* Қ. Кенжа, Нотаниш гул.

МОЖАРОЛАШМОҚ Келишмовчилик орқасида айтишиб қолмоқ, жанжаллашмоқ. *Қўни-қўшинлар билан можаролашиб қолди.*

МОЗАЙКА \фр. mosaïque — музаларга бағишланган] **1** Турли рангдаги шиша, рангдор тошлар, ёғоч, металллар парчала-ридан бир-бирига тифиз қадаб тайёрланган тасвир ёки нақш; шундай парчаларнинг ўзи.

2 Шундай тасвир, нақшлар тайёрлаш-дан иборат санъат тури.

МОЗИ [ф. j jL. — тиканли ёнғоқча] Бо-лут дарахтининг баргида баъзи паразитлар таъсирида ҳосил бўладиган ёнғоқсимон ўсимта (тери ошлаш ва бўёқчиликда, шунингдек, халқ табобатида дори сифатида ишлатилади). *-[Бозордаги] Моллар ичида жаҳондаги атторликнинг хамма жиҳози знопилади: мози, занжабил, санойи макка, кучала, кўзmunчоқ.. қўйинг-чи, ҳамма нарса бор, — деди Шум бола.* Ғ. Фулом, Шум бола.

МОЗИЙ \а. <^Ь> ~ ўтган, ўтиб кетган замон] эск. кт. айн. ўтмиш. Чилдухтарон — ўша, қора мозийнинг Энг қора вараги, энг қора боби. Уйғун. Мақтамасман мозийни, бироқ ўтмишингни ўйлайман бир зум. А. Ори-пов, Руҳим.

Феъли мозий эск. тлиш. Ўтган замон феъли.

МОЗОР \ф. _>!>. - гўр, қабр; муқад-дас, зиёратгоҳ жой] 1 Ўлган кишилар дафн этиладиган жой; қабристон. Қишлоқ мозо-ри. Болалик уй — бозор, боласиз уй — мозор. Мақол. *ти* Қишлоқ олдида пайдо бўлган ўртоқлар мозорига жафокаш кампирнинг ҳам жасади қўйилди. И. Раҳим, Чин му-хаббат.

2 Гўр, қабр. [Ёрмат] Қаёққадир, балки Гулнорнинг мозорига, илдам жўнаркан, лаб-лари муттасил пичирларди: -Нима иш қил-дим? Гуноҳми? Савобми? Ойбек, Танланган асарлар. ..бузишяпти экан. Ҳозироқ бор. Отангнинг мозорини кавла. Суяклари хор бўлиб кетмасин. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

Мозор босган ёки мозор босиб келган айн. мозорбосди. Вали полвон бурчақда турган қопидан «мозор босиб келган» патир билан туршак, анор олиб қўйди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Очиқ мозорда 1) ҳеч қачон, ўлганда ҳам; 2) ҳеч қаерда(н). Сен очиқ мо-зордан олиб берасанми [пулни].. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

МОЗОРБОСДИ с.т. Узокдан, бошқа жойдан келган; табаррук (егулик ҳақида). - Сизлар ҳам ебқолинглар, қаландарнингнони, мозорбосди — табаррук, — деб лаълини Са-фарга қаратиб итарди. С. Айний, Қуллар. -Қорин-ку очликка оч-а, шошмай тур, мо-зорбосди нарсаларни олайлик-чи, — деди, рюкзакни каравоти тагидан олиб очаркан. С. Кароматов, Олтин кум.

МОЗОРИСГОН [ф ol^j] > - қабристон] Қабристон, мозор. Нуруни нақ мозористонда ёлғиз қолган каби бир ваҳима босди. Ойбек, Танланган асарлар. Мозористон ҳайбати, мо-зористон сукунати уни гамгин, пажмурда ўйлар гирдобига ботиради. С. Сиёев, Аваз.

МОЗОРОТ шв. Мозористон. [Ҳакимбек:] Кеч қолган одам мозоротда ётади дегувчи эди. «Алпомиш».

711

МОЙ 1 Чорва моллари ва баъзи жони-ворлар тўқималарида бўладиган, таркиби-да ёғ бўладиган нарса. Бир қумалоқ бир қорин мойни чиритар. Мақол. Эчкига жон қайғу, қассобга мой қайғу. Мақол. *ти* Куённингмойи қўй ва қорамол мойига нисбатан тез эрийди. «Фан ва турмуш».

2 Шундай нарсдан ва баъзи ўсимлик-ларнинг уруғи, гули ва мевасидан олина-диган, сувда эримайдиган модда; ёғ. Ҳайво-нот мойларидан тайёрланган ёғ маҳсулот-лари ҳам яхши доглашни талаб этади. Газе-тадан. Ёнгоқнинг таркибида мой, оқсил.. мод-далари беҳисоб. Ж. Абдуллахонов, Орият. ..со-ядан яхши ҳосил олишимиз, озиқ-овқат са-ноати учун соя мойи ишлаб чиқаришимиз мумкин. Газетадан. Инсон гуллардан эфир ва саноат мойи.. ва доривор олишга ҳам ўрган-ган. Газетадан.

Жувоз мойи Чигит, мағиз ва ш.к. дан жувозда чиқарилган мой (қ. **мойжувоз**). Қўшни ҳовлидан чучитилган жувоз мойининг иси келади. С. Аҳмад, Ҳукм. **Мой босган ёки мойи чиққан** Кир бўлиб, ялтираб кетган (асосан кийим ҳақида). Бир неча минутдан сўнг туриб, мой босган қатирма дўпписи ичи-га тўғналган игнани олди. Ойбек, Танлан-ган асарлар. ..бошида мойи чиқибкетган эски кепка, эғнида қора сатин пиджак. О. Тоға-ев, Алангали юрак. **Мой томса** (ёки **тўкил-са, тушса**) ялагудек Ниҳоятда тоза (ер сат-хи, пол ва ш.к. ҳақида). Турдиматчўтал гўлаҳхонани мой томса ялагудек қилиб, аф-тидан, бор зехнини бериб тозалаб қўйган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Мой тўкилса ялагудек**. **II** Турсун, Ўқитувчи. **Мойдек** (ёки **мой каби**) **ёқмоқ** Кўнглига жуда хуш кел-моқ; ёқиб тушмоқ. Зиёдилланнинг бу гаплари домлага мойдек ёқиб тушиди шекилли.. Ҳ. Ғу-лом, Машғал. Кумушининг ўтинчи унга мой каби ёқиб тушиди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Оғзидан мой томмоқ** Ўзига жуда маъқул

билиб, хуш келиб гапирмоқ. *Гапирганда оғзидан мой томади. тт Раҳмонали ўзи ишлаган МТС ва хотини аъзо бўлган колхоз ишини оғзидан мой томиб мақтай кетди.* Н. Сафаров, Катта қарвон йўлда. **Пичоғи мой устида** Иши, маишати жуда яхши. Булар ҳам бир нав дуруст: бири агроном, бири мол духтири. Пичоқлари мой устида/О. Ёқубов, Ларза. *Ана, энди Турсуналининг пичоғи яна мой устида.* «Муштум». **Қозон ҳам мой, чўмич ҳам** Рўзгор, тирикчиликнинг бекам-кўст, етарли таъминланганини, тўкинли-гини билдиради. *Машиналарни рост кўча қолиб, паст кўчадан югуртиравердилар. Қарасалар, қозонҳаммой, чўмич ҳам.* «Муш-тум». **Оғзингга мой** Сухбатдошнинг гапи, ха-бари жуда маъқул келганда, ёқиб тушган-да қўлланадиган ибора. *Опингизга мой, ама-ки/О. Ёқубов, Ларза. -Унинг айтишига қара-ганда, Зуннунхўжа қулоқ қилинипти! Сидиқ-жон тт этибунга қаради: -Ростми? Яшанг-е, оғзингизга мой!* А. Қахҳор, Қўшчинор чи-роқлари.

3 Юмшатиш, ҳаракатни равланшти-риш, пардоз ва б. мақсадларда ишлатилув-чи моддаларнинг умумий номи. *Коржомаси ва қўлларигача мой бўлганидан, билагини тутиб сўрашди.* Р. Файзий, Асад либоси. *Муллажон амаки.. ҳалиги кишининг юзига суқма мой суртдилар-да, ҳафсала билан иш-қаладилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *..мой суртмасанг, араванинг ўқи ҳам гирчиллайди.* «Муштум».

4 с.т. кам. қўлл. Бўёқ. *Полиция эшиги берк: яшил мой билан сирланган ёғоч панжаралар олдидан тутаққан халқ қайнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МОЙДАИ 1 Мой каби. *Мойдай мулойим.*

2: мойдай ёқмоқ Жуда хуш келмоқ, ёқиб тушмоқ. *Полвоннинг гаплари Матёзга мой-даи ёқди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *«Келин» сўзи йигитнинг қулогига мойдай ёқиб, «қуйган» меҳнатини ҳам унутди.* С. Нуоров, Нарвон.

МОЙЖУВОЗ Ўсимлик уруғидан мой олинадиган жувоз ва шу жувоз жойлашган жой. *Сенга ўхшаш обжувози, мойжувози бор-лар солиқ тўламаса, муллажиринг қаёқдан тушади?* П. Турсун, Ўқитувчи.

МОЙИЛ \а. JIL. — бир томонга эгил-ган, энгашган; қия, нишаб| **1** Майли, кўнг-ли бор, кўнгил қўйган. *Илмга мойил одам. тт Кўшниси қишлоқдаги бир деҳқоннинг Нур-жамол исмли қизини яхши кўраркан. Қиз ҳам унга мойил экан.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Аммо ёшлар одам зотин айирмас. Кўнгил мойил бўлса — шунинг ўзи бас!* М. Икром, Кўнгил гули.

2 Яқинлашиб борувчи, яқин. *Олти-етти ёшлар чамаси дўндиққина, оққа мойил юз-часи исикқина бу жаажжи қиз.. қўғирчоққа ўхшар эди.* М. Исмоилий, Фарғонат. о. *Бер-диёрнинг бўйи ҳам новча, ўзи сариққа мойил.*

712

Ш. Холмирзаев, Оғиртош кўчса. *Раънота-бассумга мойил жоду кўзлари билан Анварга оҳиста бош кўтариб қаради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ер бағирлаб турган имо-ратлар кўнгилда гашиликка мойил бир ҳис уйғотади.* Э. Усмонов, Ёлқин.

3 Бирор нарса таъсирига берилувчан, яқин. *Бўрижарнинг шаҳар чеккаларидаги соҳиллари эрозияга мойил бўлиб турибди.* Газетадан. *Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.* Газетадан.

Мойил қилмоқ (ёки этмоқ) Майлини қозонмоқ, мойиллик уйғотмоқ. *Эртангикун ишиқи этмаса мойил, Ҳаётнинг лаззати ке-лурми эсга.* Г. Жўраева.

МОЙИЛЛАНМОҚ кам қўлл. **1** Мойил бўлмоқ, кўнгил қўймоқ. *Баъзан бир қадар мойилланиб, деразанинг бир четидан айвон-га кўз ташлаб қўяр эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ён босмоқ, тарафини олмоқ. *Масала-нинг бу янглиг бошланишига ва бунинг устига эрининг [Отабекка] мойиманишига Оф-тоб ойим нима дейишини билмай қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МОЙИЛЛИК 1 Мойил эканлик. [Зулфи-қорнинг] Уз қизига мойиллигини сезиб, Хирот-дан узоқлаштиради. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Ички интилиш, майл. Ёшликдан ме-нинг романтикага, саргузатларга мойилли-гим бор эди. «Ёшлик».

МОЙЛАМОҚ Мой суркамоқ, мой бер-моқ. *Машинани мойламоқ. Этигини мойламоқ. тт* Мўйловдор бир йигит дераза мойла-ётган экан. С. Аҳмад, Сайланма.

Оғзини (ёки томоғини) мойламоқ Пора тарикасида меҳмон қилмоқ ёки пора бер-моқ. -Хумпарнинг оғзи-бурнини мойлаб, қўлга олиб бўлмасмикин? Доридан ичар? — деди Олахўжа. П. Турсун, Ўқитувчи. Улархўжа-йиннинг томоғини мойладик, деб нон зувала-сидан бир сиқим-бир сиқим узиб қолаверди-лар. «Муштум».

МОЙЛАНМОҚ 1 Мойламоқ фл. мажх. н. *Мойланган арава. Моиланган этик. тт* Ҳоким соқоли тоза қирилиб, қора мўйлови мойлан-гандай йилтираб турган.. ўзбекка юзланиб бош ирғади. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кам қўлл. Мой босмоқ, кирланиб мойи чиқмоқ. Эғнида кирланиб, мойланиб йилтил-лаган, доғ-дугли.. қора камзул. Ойбек, Тан-ланган асарлар.

МОЙЛИ 1 Мойи бор, мой олиш мум-кин бўлган. *Моили ўсимликлар.*

2 Мойланган, мой берилган. *Моили қоғоз.*

3 Сермой, ёғли. *Турсуной тухум билан қовурилган мойли қўй гўштини бир хитой лаганда келтириб, сандал устига қўйди.* Ой-бек, Танланган асарлар. *Фазлиддин олдинроқ мойли сомсани кўпроқ еганидан манти-ни оз еди.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 кўчма Даромади яхши; сердаромад. *Моили иш излаб юрибди. тт* Бу оила тинч, мойли макон қидириб, қишлоққа кўчиб кел-ган.. Ойбек, Танланган асарлар.

5 Мойи чиққан; кирланган. *Ёқаси мойли бўлсин, этаги лойли бўлсин.* «Бойчечак».

МОЙЛИҚИ шв. Кир босган, кирланиб кетган, мойи чиққан. *Қорасоч унингмойлиқи бўлиб кетган уст-бошини юваётиб, кўкрак чўнтагидан шу хатни олибўқиди.* Т. Сулаймон, Қорасоч.

МОЙУПА айн. ёғупа. *Маликанинг мой-упа суртилмаган қўллари аёллик нафосати-дан маҳрум эди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

МОЙХЎРАК Отнинг ёлида ва одамнинг бошида бўладиган тери касаллиги. *Кал бўлиш, бошга мойхўрак тошиш.. ҳаммаси Салмон покнинг ҳақларини еганликдан бўлади.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

МОЙЧЕЧАК Мураккабгулдошлар оила-сига мансуб, ўртаси карнайча шаклидаги сарик ва чети косагул шаклидаги оқ гул-лардан иборат тўпгулли бир йиллик дори-вор ўт, ўсимлик ва унинг гули. *Гулзордаги оппоқ моичечак ширасини асаларилар сўнги бор ташийд.* Й. Шамшаров, Кўриқмеъмор-лари.

МОЙЧИРОҚ шв. Қора чироқ, лампа. *У [Жапақ] яна мойчироққа тикилди, яна ўзиниунутди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

МОЙҚУТ Чумчуксимонлар туркумига мансуб кичкина кулранг сайроқи куш.

МОКИ [ф. JZLV — тўқув дастгоҳининг қайиқчасимон анжоми] **1** Тўқув дўкони ёки дастгоҳининг газмолпинг ўришига арқоқ ипларини ўтказиш учун хизмат қиладиган ғалтаги. *Уҳали гула қўяр, ҳали кудунгчилар-га карашар, ҳали дўконга ўтириб, моки отар-ди.* Ё. Шукуров, Қасос.

2 Тикув машинасида устки ип измасига пастки ипни ўтказиб турадиган мослама, ғалтакча.

39—Ўзбек тилининг изоҳли луғати

Бўзчининг мокисидай югурмоқ (ёки қат-намоқ) Тўхтовсиз, тез бориб-келиб турмоқ, қатнамоқ. *Қўл қўйдириш учун бир неча кун-дан буён бўзчинингмокисидай мана шу қабул-хонага қатнайман.* «Муштум». *Тентак экан-сан-ку.. бўзчининг мокисидай югуриб қолдинг.* Й. Шамшаров, Тошқин.

МОЛ [а. JL. — бойлик, мулк; пул жам-фармаси] **1** Сутэмизувчилар оиласига мансуб асосий гуруҳ уй ҳайвонлари (қорамол, йилки, қўй, эчки, туя ва б.); чорва. *Мол оласи ташида, одам оласи ичида.* Мақол. *ти Кўксой-ни ёқалаб тақир чорва йўли ўтган. Чўпонлар бу йўлдан баҳорда тоққа, кузда қишлоққа мол ҳайдайдилар.* С. Анорбоев, Оксой. *Бу-кумол, териси қалин, жони бўш қўй, эчкиларимиз ҳам чўп тишиюб, тупроқ ялаб, қишини очиқ ҳавода ўтказишди.* «Муштум».

2 кўчма с. т. Дид-фаҳмсиз, кўпол одам-га нисбатан ҳақорат тарзида қўлланади. *Жуман писмиқ, кўзларини жавдиратганича ту-раверди. -Гапир, мол! — деди мингбоши.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 Бисотдаги буюм; мол, бойлик. *Йигит моли ерда.* Мақол. *тм Бу кун кечаси Тошкент кон ичида.. ҳукумат кишилари халқ томо-нидан ўлдириладилар, уйларига ўт қўйилиб, моллари талонга тушади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

4 Келиннинг кийим-кечаклари; сеп. *Гап-нинг сираси шуки, қизнинг молини тўлатаман деб, отангиз бир оз қоқилиб қолдилар.* «Муштум».

5 Сотиладиган нарса, буюм; товар. *Баъ-зи дўконларда, ердан шипга қадар қалан-ган моллар орасида ўн икки-ўн уч яшар жажжжи болалар ўтиради, савдо қилади, чўт қоқади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қо-рақўл тери дейсизми, ипак мол дейсизми — барини вагонлаб соттирдим.* Ж. Шари-пов, Хоразм.

6 с.т. Кийим ва бошқа нарса учун иш-латиладиган мато. *Яхши молдан тикилган костюм.*

МОЛА Ҳайдалган ернинг кесакларини майдалаб текислаш ва зичлаш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик асбоби, боро-нанинг ёғочдан ясалган жайдари тури. *Матқовул қишида ҳам тинмади. Узига омоч йўнди, мола ясади.* М. Исмоилий, Фарғонат. о. *Тупроқ обингобига етиб, шудгорларга мола тушиди.* С. Нурув, Нарвон.

Мола босмоқ Шудгор устидан мола юр-гизмоқ. *Тушдан кейин.. арпадан бўшаган ерни ҳайдаб, мола босаман.* С. Нурув, Нарвон.

МОЛАЛАМОҚ Мола билан шудгор-нинг кесакларини майдалаб, ўнқир-чўнқирларини текисламоқ; мола босмоқ. *То-шоталиклар аксар ерларини молалаб бўлиб, бугун-эрта чигит экамиз деб туришиганида, бирдан ёгингарчилик бошланиб кетди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

МОЛБОҚАР Молларга қаровчи, мол боқувчи. *Сувчилар ариқларни тозаламоқда, молбоқарлар йўнғичқа ўрмоқда.* С. Айний, Қуллар.

МОЛДАВАН Молдавия (Молдова) Рес-публикаси туб аҳолисининг номи. *Молдаван халқи.*

МОЛДАВАНЛАР Молдавия (Молдова) Республикасининг туб ахриси (Украина ва Россияда ҳам яшайди).

МОЛДОР \а. + ф. JLJL - бой, бадав-лат; чорвадор, чорва эгаси] Моли, чорва-сибор. *Молдор киши.*

МОЛ-ДУНЁ, **молу дунё** Кишининг бу-тун бойлиги, давлати; мулк. *Юзбошининг мол-дунёси бениҳоя кўп, кечалари уйини ўн иккита мерган қўриқлар эди.* А. Қаҳдор, Қўшчинор чироқлари.

МОЛЕКУЛА [лот. *molecula* — кичик мас-са < *moles* — масса] Модданинг барча кимё-вий хоссаларини намоён қиладиган энг кичик заррачаси. *Ядро нурланишлари модда-ларга таъсир қилиб, улар молекулаларининг ўзгарувига сабаб бўлади.* «Фан ва турмуш».

МОЛЕКУЛЯР Молекулага оид; моле-кула таркибига кирувчи; молекулаларни ўрганишга оид, молекулаларни ўрганиш билан шуғулланадиган. *Молекуляр оғирлик. Молекуляр назария. Молекуляр физика.*

МОЛЁЯР *этно.* Келин туширилган кун-нинг эртасига келин тушган уйда унинг сепини ёйиш ва хотинларга зиёфат бериш маросими (Баъзи жойларда келин тушишидан олдин ўтказилади).

МОЛИБДЕН \юн. molibdos - қўрғошин] Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент; қаттиқ, ял-тироқ кумушсимон оқ металл. *Рангли металлургияда вольфрам молибден, кобальт,*

715 £^

мис, рух., ва бошиқа металл қотишмалари билан ишлатилади. «Фан ва турмуш».

МОЛИК [а. **مولى** — эга бўлувчи, бошқа-рувчи; эга, соҳиб] *к.т. айн. эга. Катта аҳамиятга молик масала. тт Отабекнинг.. ёзган хатини ўқиб эшитиш Кумуш учун кат-та қийматга молик эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

МОЛИМАРДУМХЎР *айн. мардумхўр.*

МОЛИЯ \а. <цЛ_о — пул маблағлари] **1** *икт.* Мақсадли пул фондларини ҳосил этиш, жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи; пул маблағларини шакллантириш, тақсимлаш, уларни сарф қилиш, ишлатиш тизими. *Молия йили. Мо-лия капитали. Молия тизими.*

2 *Бирор шахс, оила, жамоа, муассаса, ташкилот ёки давлат тасарруфидаги пул маблағлари. Корхона молияси.*

3 с.т. Шундай (**молия 1**) ишлар билан шуғулланувчи давлат органи. *Қишлоқ одамларининг айтишича, Исмоилов молиядан яши-ринча устахона очиб, ясаган буюмларини қиммат баҳога пуллар экан. Газетадан. Кира қиялсан, деб молияга ёзиб беришдан ҳам тоймайди булар. С. Анорбоев, Оқсой.*

МОЛИЯВИЙ Молияга оид, молия жи-ҳатидан бўлган; пул маблағлари ва уларни тўплаш, тақсимлаш билан боғлиқ бўлган. *Молиявий масала. Молиявий режа. тт Урнимдан турдим-у, бир папка молиявий хужжатларни қўлтиқлаб, бошлиқнинг кабинетига югурдим. Ф. Мусажонов, Совға. Бу-нинг натижасида.. мамлакатнинг молиявий қудратига нутур етади. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

МОЛИЯТ [а. **سالىت** - пул маблағлари; солиқ] *эск. к.т. айн. солиқ 1. Қиши билан чўлдан ўтин ташиб сотиб, шу молият пули-ни зўрға тўладим. С. Айний, Қуллар.*

МОЛЎЙГАР *этно.* Тўйдан тахминан 20-30 кун ўтгандан кейин келиннинг ёйилган сепини йиғиш муносабати билан ўткази-ладиган хотинлар маросими.

МОЛЛЮСКА [лот. molluscus — юмшоқ, юмшоқроқ] Чиганоқ ичида бўладиган умуртқасиз юмшоқ танли жонивор; кенг тарқалган умуртқасиз ҳайвонлар типи. *Ден-гиз моллюскалари. тт Саккизоёқ моллюска-си хавф-хатар тугилганда, ўзидан рангли модда чиқариб, душманидан ўзини ҳимоя қилади. «Фан ва турмуш».*

МОЛ-МАНОЛ, молу манол [мол + а. **مولى** - эришилган, қўлга киритилган нар-са] *эск. айн. мол-дунё.*

МОЛ-МУЛК, молу мулк *айн. мол-дунё. Мол-мулкани мусодара қилмоқ.*

МОЛОТИЛКА \р. молотить — «янчмоқ» фл. дан ясалган от] Ғалла янчадиган машина. *Ҳозир трактор ҳайдаётган жойлар-да у пайтга бориб комбайнлар сузади, г.ас-тда, кўчма уй турган ерда эса молотилка-лар тақиллайди. О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.*

МОЛПАРАСТ \а. + ф. **مولى** - бой-ликни севувчи; очкўз) Молга, дунёга бе-рилган, фикри-зикри мол бўлган одам; дунёпараст. *«Шунинг ўзи етар» — хаёлидан ўтди унинг. Мунис ўзи молпараст эди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.*

МОЛХОНА Мол боқиладиган, туради-ган бино; оғилхона, оғил. *Молхонада охур-ни тозалаётган Ойнисанинг қулогига беих-тиёр гангир-гунгур овоз эшитилди. «Саодат».*

МОЛЧИ *айн. молбоқар. Яхшиям ишонч-ли бўрибосарлар бор. Улар бўлмаса, молчиларнинг аҳволига вой деяверинг. К. Яшин, Ҳамза.*

МОЛЬБЕРТ [нем. Malbrett - рассом тахтаси. сурат ўрнатиладиган тахта] снт. Рассом асар ишлаш жараёнида картина, расм ва ш.к. ни ўрнатадиган, одатда, ёғоч-дан тайёрланган уч оёкди мослама, таглик.

МОЛҚЎРА айн. **қўра 2.** У хотинлар би-лан ёнимиздаги молқўрадан сой бўйига гўнг таширди. С. Сиёев, Ёруғлик.

МОЛ-ҲОЛ Кишининг бисотидаги бор нарсалари. Шунча мол-ҳол билан кишига бир сиқим туз бера олмаган инсон кўз ўнгимда сўниб қолаётган гулхан кулидек кўринди. С. Нуров, Дурдона.

МОМА шв. **1** Ота ёки онанинг онаси; буви.

2 Кампир. Равшанбек, моманинг сўзлари-га ишонмай, ҳуркиб-хуркибборди. «Равшан».

3 Кампирларга мурожаат шакли. Чўллар-да йиғлайсан бундай мингайиб, Не сабабдан, мома, сочингни ёйиб? «Алпомиш».

Мома Ҳаво қ. **момоҳаво. МОМАГУЛДУРАК** шв. Момақалдиروق. Ёмгир, ҳар замонда чақмоқ чақилиб, мома

716

гулдурак бўлиб туради. У. Исмоилов, Сай-ланма.

МОМАТАЛОҚ Қаттиқ калтак зарбидан танада қон талашиб, кўкариб кетган жойлар. Уни [Аҳмадбекни] худодан қайтган деб таёқ билан саваладилар, баданларини моматалоқ қилиб, қонга буладилар. М. Ўрин-хўжаев, Унутилмас кунлар. Юзлари пачақланган, ҳамма ёғи моматалоқ, сочлари тўзгиган Жўрахон ётар эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

МОМАҚАЙМОҚ 1 Сарик тўпгулли, шамолда учиб кетадиган тўзгоқ уруғли ўт; қоқиўт. Эрта баҳор Ёрқиной кўк териб юрар-ди. У ён-бу ёнга эланиб, отқулоқ, исмалоқ, момақаймоқ қидирарди. Р. Раҳмонов, Меҳр кўзда. Ухудди биздаги момақаймоқ ёки бўта-кўзга ўхшайди. Газетадан.

2 кўчма Юз, бадан тузилиши бўлиқ ва ёкимли кўринишга эга (аёлларга нисба-тан). У мсмақаймоқ хотинига ҳам қиё боқ-масди. Мирмуҳсин, Умид. Олчинбекнинг таърифига қараганда, Зубайдахон тенги йўқ момақаамоқ, офатижсон эмиш. К. Яшин, Ҳамза.

МОМАҚАЛДИРОҚ Чақмоқ чақиб, электр разряди — яшин билан кузатилади-ган, қисқа вақт давом этадиган атмосфера ҳодисаси; портлаш тўлқини. Олисда, гарб томонда, осмонни икки бўлиб чақмоқ чақа-ди, анчадан кейин момақалдиروق гулдурайди. Ж. Ташенов, Жангчи Ўтеген. Кечга бориб жала қуйиб, тонг отгунча момақалдиروق гумбурлаб чиқди. С. Аҳмад, Уфқ.

МОМЕНТ \лот. momentum < movere — силжитмоқ, кўзгатмоқ| **1** Бирон-бир нарса бўладиган, амалга ошириладиган вақт; он, лаҳза.

2 физ. мат. Айрим ўлчов, миқдор ва векторлар номи. Куч моменти.

МОМИҚ 1 Пахтага ишлов бериш жа-раёнида толаси ажратиб олинган чититда қоладиган калта толадан тайёрланадиган майин пахта. Пахтанинг момигини аскар болаларнинг ярасига босишибди. «Ёшлик». Собира она кўзгу олдида бир тутам момик пахта билан юз-кўзларини артаётган қизи-га қарабуриша кетди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

2 Умуман, очилган, терилган пахта. Ҳо-зир чевар қўллар ҳам, машина бункерлари ҳам лўппак момикларни мириқиб қамрай-диган дамлар. Газетадан. Чаноқларда кўпириб турган оппоқ момиклар.. қуёшнинг сар-рип нурида мисоли олмосдек товланади. Газетадан.

3 Юмшоқ юнг, тивит. Назокат қорақўл ёқали пальто, момик рўмол ўраб олган. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

4 кўчма Пахтадай оппок, юмшок, лўп-пи, момикдай. *Йигитали тортинг деган маънода Лаълининг билакларидан ушлади.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Гуппа-гуппа ёғар эди момиқ қор.* Ж. Жабборов.

МОМО юқ. усл. Мома, она.

МОМОХАВО [момо + қад. яҳ. ҳавво -ҳаёт манбаи] Исломга кўра, Одаматонинг хотини, биринчи аёл ва инсон зотининг онаси (Инжилда Ева номи билан маълум).

МОНАНД [ф. л1^Ь> — ўхшаш; мос, му-вофиқ] кт. **1** айн. ўхшаш. *Ўлкамиз жаннатга монанд.* Ғ. Ғулом. *Мисоли йўқ латофатда мулойим гул баданларда, Такаллум қилсалар монанди йўқ шириш суханларда.* Ҳабибий.

2 Мос, мувофиқ. *Бригада аъзоларидан яна бири исми жисмига монанд Барно Ҳожиева-дир.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Ориф оша-нинг ўзини ёш йигитлардек тутиб, гапга монанд муқом қилишларидан кулишарди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

3 (б.к. с. билан) кўм. взф. Ўхшатиш, қиёс билдиради; каби, ўхшаб. *Қотиллик ҳам қилай майли Отелло монанд.* А. Орипов, Йиллар армони. *Бири юлдуз монанд, бири ой монанд, Келур устозларим чақнаб, ярақлаб.* Миртемир, Ўйлар.

МОНАРХ [юн. monarchos < monos — битга, якка + archos — ҳукмдор] Монархия давлатининг бошида турувчи шахс (шоҳ, император, қирол, хон, султон ва ш.к.), ҳукмрон; мустабид; одатда давлат унга ме-рос бўлиб ўтади.

МОНАРХИЗМ **1** Монархияни давлат тузумининг ягона, энг маъқул шакли деб ҳисобловчи сиёсий йўналиш; монархия шаклидаги бошқарувга тарафдорлик.

2 айн. монархия.

МОНАРХИСТ Монархизм тарафдори.

МОНАРХИЯ [юн. monarchia ~ якка ҳокимлик] Якка ҳокимиятчилик; давлатнинг олий ҳокимияти якка ҳукмдор — монарх

613 g%as^

кўлида бўлган бошқарув шакли ва шундай бошқарув шаклига эга бўлган давлат.

Абсолют (ёки мутлак) монархия Ҳоки-мият чекловларсиз, бус-бутун монарх кўли-да бўлган бошқарув шакли. **Конституцияли (ёки конституцион) монархия** Монарх ҳоки-мияти, унинг ҳуқуқлари конституция би-лан чекланган давлат тузуми.

МОНАРХИЯЧИ Монархия тарафдори; монархист.

МОНАСТИРЬ [юн. monasterion — чекка, хилват, одамлардан узоқдаги жой] **1** Тарки дунё қилган христианлар — монахларнинг муайян қоида ва меъёрлар, белгили низомга амал қилиб яшовчи диний жамоаси.

2 Шундай жамоага қарашли черков, тураржой, ер-мулк ва б.

МОНАХ [юн. monachos — яккаланган, ёлғиз] Тарки дунё қилиб, монастирда яшов-чи диний жамоа аъзоси; роҳиб. *Ибодатхо-нанинг темир пан.жарали дарвозаси олдида тўптигига тушадиган узун қора чакмон кий-ган икки кекса монах турар эди.* О. Ёқубов, Излайман.

МОНГОЛ қ. мўғул.

МОНГОЛЛАР қ. мўғуллар.

МОНЕ [а. £^L. — ман этувчи, тўсиқ бўлувчи; тўсиқ, **FOB**] Тўсқинлик, қаршилик қилувчи, ман этувчи нарса ёки шахс. *Ўзи-дан икки маҳалла нарида бўлган ҳозирги мас-жид имоматига тайин қилмоқчи бўлган эди-лар.* Бунга ҳам моне чиқди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

Моне бўлмоқ Тўсиқ бўлмоқ, тўсқинлик қилмоқ. *Лекин арзимаган бир нарса моне бўлади-ю, иш пишиб етганда бузилади.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Фотиманинг пахта билан тўлиб-тошган этаги ўз хаёли-ни давом эттиришига моне бўлди.* С. Айний, Қуллар.

МОНЕЛИК Тўсқинлик, қаршилик қи-лиш, моне бўлиш, йўл қўймастик. [Анвар:] *Сен билан менинг ҳар тўғрида ҳам очиқ сўзлашмагимизга ҳеч бир монелик бўлмас, деб*

ўйлайман. А. Крдирий, Мехробдан чаён. *Чун-ки дадаси ўз сўзли, вақти келганда, ҳар қан-дай монеликни яксон қилувчи забардаст кекса бўлганидан, унинг қизга уйланишига тўсиқ-лик қилиш мумкин эмаслигини англади.* Ой-бек, Танланган асарлар.

Монелик қилмоқ Тўсқин бўлмоқ, қар-ши бўлмоқ. *Уй-жой танқислиги яхши мута-хассисларни олиб келишга монелик қияпти.* С. Кароматов, Сўнгги бархан. *Наҳотки, ўша муздек чашма суви.. чўл ичкарисига келти-рилишига монелик қилсам.* Ж. Саъдуллаев, Камолот йўллари.

МОНЕСИЗ Ҳеч қандай тўсиқсиз. *Кай-хусрав ўзининг отличлари ва оғир қуролли пийдаларини дарёдан монесиз олиб ўтгач, дарҳол массагетлар устига юриш бошлади.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

МОНЕТАРИЗМ [лот. moneta - танга, зарб қилинган пул] *иқт.* Муомаладаги пул микдори хўжалик шароитини шаклланти-ришнинг белгилловчи омилидир ва муома-ладаги пул массаси ҳажмининг ўзгариши билан ялпи маҳсулот микдори ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд, деб ҳисоб-ловчи иқтисодий назария.

МОНИЗМ \юн. monos — якка, бир] *флс.* Дунёдаги турли ҳодисалар негизида битта ибтидо, ягона субстанция (материя ёки рух, жон) ётади, деб ҳисобловчи таълимот; *қиёс. дуализм. Материалистик монизм. Идеалис-тик монизм.*

МОНИСТ Монизм тарафдори, издоши.

МОНИСТИК Монизмга оид, монизм-га асосланган. *Монистик назария. Монистик дунёқараш.*

МОНИТОР [ингл. monitor < лот. monitor — огоҳлантирувчи, эҳтиёт қилувчи] *тех.*

1 Белгиланган чегараларда сақланиб туриши лозим бўлган маълум ўлчамларни (мас, бинодаги радиоактив нурланиш да-ражасини) назорат қилувчи асбоб.

2 Телевизион тасвир сифатини назо-рат қилувчи мослама; видеоназорат мос-ламаси.

3 Компьютерда матний ёки график маъ-лумотларни экранга чиқариш учун хизмат қиладиган мослама. *Талабалар пгопишириқ-ларни бажаргач, уларнинг нагпижалари мо-ниторда кўрсатилади ва ҳар бир матн баҳо-ланади.* «Тил ва адабиёт таълими».

МОНИТОРИНГ [монитор + ингл. ing -харакат номи кўшимчаси: кузатиш, назо-рат қилиш] **1** Бирон-бир жараённи унинг кутилган натижа ёки дастлабки тахминга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида дои-мий кузатиб бориш.

2 Маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини (мас, қабул қилинган қонун-нинг бажарилишини) кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истиқболини белги-лаш. *Жамоатчилик фикри мониторинги. Атроф муҳит мониторинги. тт Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлиси ҳузури-да махсус Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолият кўрса-тади.* «ЎЗМЭ». *..Шаҳарда тадбиркорлар ҳукуқларининг ҳимоя қилиниши аҳволи мо-ниторинг йўли билан ўрганиб чиқилди.* «Ин-сон ва қонун».

МОНО- [юн. monos — бир, якка, яго-на] Ўзлашма байналмилал кўшма сўзлар-нинг биринчи қисми: «бир», «ягона», «ёл-ғиз» маъноларини билдиради (мас, *моно-гамия, монография*).

МОНОГАМИЯ [моно.. + юн. gamos -кўшилиш, никоҳ.] **1** Бир (якка) никоҳли-лик; бир эркакнинг фақат бир хотин би-лан бирга барқарор ҳаёт кечиришидан иборат никоҳ шакли.

2 биол. Бир эркак ҳайвоннинг бир ёки бир неча мавсум давомида фақат бир урғо-чи билан кўшилиши (қушлар ва сутэми-зувчилар ўртасида).

МОНОГРАФИК Монографияга оид; монографиядан иборат бўлган. *Монографик тадқиқотлар. тт Умурзоқов ана шу умум-лашмалар ўрнини кенг илмий далиллар билан тўлдирса, фанимиз яна бир монографик асар билан бойиган бўларди.* Д. Нурий, Осмон устунни.

МОНОГРАФИЯ [моно.. + юн. grapho -ёзаман] Бир мавзу, бир масалани ҳар томонлама ёритишга бағишланган илмий асар. *Ҳамза ижоди ҳақидаги монография.* **тм** *Кўп йиллик тадқиқотлар асосида бир қан-ча монографиялар нашр этилди.* И. Мўминов, Асарлар.

МОНОКУЛЬТУРА [моно.. + cultura -экин; етиштириш| Алмашлаб экишга амал қилмаган ҳолда далада фақат бир хил экин-ни муттасил етиштириш. *Пахта монокультураси.*

МОНОЛИТ [моно.. + юн. lithos - тош] **1** Яхлит тош парчаси; харсанг, шунингдек, яхлит тошдан тарашлаб ишланган иншоот ёки унинг бир қисми.

2 *кўчма сфм.* Жипс, метиндек мустаҳ-кам. *Монолит бирлик.*

МОНОЛОГ [моно.. + юн. logos — сўз, нутқ] Саҳна ёки бошқа адабий асар иштирокчиларининг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қара-тилган, жавоб талаб қилмайдиган нутқи. *«Навоий» пьесасидаги Навоий монологи.* **тм** *Кеча шундай қизиқарли ва дўстона вазият-да ўтдики, студентларнинг ўқиган шеърла-ри, монологлари кишини мафтун этади.* Га-зетадан. *Кўзи олдида Ғофир монологини ай-таётган Ахмаджон гавдаланди.* С. Карома-тов, Ҳижрон.

МОНОМЕР [моно.. + юн. meros — қисм, бўлак] *ким.* Молекулалари ўзаро, бир-бири билан ёки бошқа моддалар молекулалари билан реакцияга киришиб, полимер ҳрсил қила оладиган модда (қ. **полимер**).

МОНОПЛАН [моно.. + лот. planum -текислик, яссилик; самолёт қаноти| Тана-си (фюзеляжи)нинг остида, унинг ҳар икки томонида битта ясси қанот бўлган самолёт (замонавий самолётларнинг асосий тури).

МОНОПОЛИСТ *айн. монополиачи.* *Со-вуқ урушни талаб қилаётган монополистлар-га қарши ташвиқот олиб бордик.* Газетадан.

МОНОПОЛИСТИК 1 Монополия принципларига асосланган. *Монополистик капитал.*

2 Монополияга оид (қ. **монополия 2**).

Монополистик бирлашма.

МОНОПОЛИЯ [моно.. + юн. poleo -сотаман] **1** Иқтисодиётнинг бирон-бир соҳасида танҳо ҳукмронлик; давлат, корхона ёки жисмоний шахсларнинг ишлаб чиқариш, савдо, ҳунармандчилик соҳасида фа-олият олиб бориши учун берилган алоҳида ҳуқуқи. *Монополияга қарши қонунчилик. Мо-нополиядан чиқариш.*

2 Муайян ишлаб чиқариш ёки унинг катта бир қисмини, шунингдек, бирон-бир товар сотишни ўз қўлига олган йирик хўжа-лик бирлашмаси (картель, синдикат, трест, концерн ва ш.к.).

МОНОПОЛИЯЧИ 1 Бирор соҳани тан-ҳо монополия қилиб олган, савдо ва иш-лаб чиқариш соҳаларида ёки бошқа бирор соҳада жуда катта ҳуқуқларга эга бўлган шахс, ташкилот ёки давлат.

2 Йирик капиталист, ишбилармон; мо-нополистик капитал намояндаси. *Америка монополиячилари.*

МОНОСЕМИЯ [моно.. + юн. sema - бел-ги] *тлш.* Бир маънолилиқ; сўзнингбир маънога эга бўлиши (Асосан терминлар шун-дай хусусиятга эга бўлади. Мас, *лексема, фонема* сўзлари).

МОНОСИЛЛАБИЗМ [моно.. + юн. syllabe - бўғин] *тлш.* Баъзи тилларда сўз (лексема)ларнинг бир бўғиндан иборат бўлиши (бу хусусият хитой-тибет тиллари учун хос).

МОНОТЕИЗМ [моно.. + юн. theos -худо] Фақат битта худога сиғинувчи, бир-гина худони эътироф этувчи диний эъти-код; якка худолик (мас, ислом дини); **зид. политеизм.**

МОНОТЕИСТ Монотеизм тарафдори.

МОНТЕИСТИК Монотеизмга, якка худоликка оид. *Монотеистик таълимот.*

МОНОТИП [моно.. + юн. typos - из, шакл, андоза] Ҳар бир ҳарфни сатр кўри-нишида айрим-айрим қуйиб, териб бера-диган типография машинаси.

МОНОТИПИСТ Монотипда ҳарф те-рувчи ишчи.

МОНОТИПЧИ *айн.* **монотипист.**

МОНТАЖ [*фр.* montage < monter — кўтармоқ] **1** Машина, ускуна, иншоот ва ш. к. нинг тайёр қисмларини маълум режа, лойиҳа, чизма асосида йиғиш ва ўрнатиш. *Электростанция монтажи. Прокат стано-гини монтаж қилиш. Монтаж ишлари.*

2 Фильм, адабий ва мусиқий асарлар, расм ва ш. к. нинг парчаларини танлаб олиб, мазмун ва бадиий жиҳатдан бир бутун ҳолга келтириш. *Адабий монтаж.* **тм** *Ҳамма кадр-лар суратга олиниб бўлгандан кейин, монтаж даврида — уларни бир-бирига улашда ўша кадрлардан қайси бири яхши чиққан бўлса, шуниси танлаб олинади.* М. Алиев, Комил Ёрматов.

МОНТАЖЁР Монтаж мутахассиси (ки-нематография ва фотографияда).

МОНТАЖЧИ Монтаж қилувчи, йиғув-чи ишчи, мутахассис (қ. **монтаж 1**). *Тўртмон-тажчи бир кран ёрдамида тўрт хонали уйни бир кунда монтажиб бўляпти.* Газетадан.

МОНТЁР [*фр.* monteur] Турли-туман электр ускуна-жиҳозларни таъмирлаш, ту-затиш бўйича мутахассис. *Премьера. Бугун ҳамма: режиссёрдан тортиб раққосагача, гримчидан тортиб монтёргача ҳаяжонда.* «Ёшлик».

МОНУМЕНТ [*лот.* monumentum - эс-далик, хотира белгиси; ҳайкал < топеге — эслатмоқ] Бирор тарихий воқеа ёки буюк шахс шарафига қўйилган катта ҳайкал ёки меъморий иншоот. *Ғалаба шарафига қўйил-ган монумент.* **тм** *Урушдан сўнг ўша «ажал водийси» деб аталмиш майдоннинг ўртаси-да снарядлар, бомбалар, миналарнинг парча-ларидан улкан ёдгорлик — монумент ўрна-тилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

МОНУМЕНТАЛ **1** Ҳашаматлилиги би-лан катта таассурот қолдирадиган; улкан, салобатли, муҳташам; монументга хос. *Мо-нументал бино.* **тм** *Тақдим этилган лойиҳа-ларнинг ҳеч қайсиси монументал ҳайкални майдоннинг архитектура ансамбли билан узвий боғлашни тўла уддалай олмаган.* Газетадан.

2 кўчма Асосли; мустаҳкам; улуғвор, махрбатли, муҳташам. *Монументал тадқи-қот.* **иш** *Санъатимизда замонавий меъмор-чилик билан монументал санъат синтези тобора табиий тус олмақда.* Газетадан.

3 Улуғворлиги билан ажралиб турувчи ва юксак шаклларда ифодаланган. *Монумен-тал ҳайкалтарошлик.* **тм** *Булар деворларга ишланган монументал расмлар ва кошнкор-лик безакларида қўлланадиган услуб ва воси-талардир.* Газетадан.

МОПАРДА [*ф.* УЈУАЛО - «мохпора» (ой-парча, гўзал) с. нинг бузилган шакли] *кт.* Ҳаёли, уятчан. *Ишқилиб, бўйида бўлмаган бўлсин. Вой қизўлгур, бало экан, ичидан пиш-ган экан. Афтига қарасанг, шундоқ мопар-да, ақлли, ҳушли қизга ўхшаб кўринади.* Ой-бек, Танланган асарлар.

МОПЕД [< мо(тоциклъ) + (велоси)-пед] Енгил икки ғилдиракли, кичик мо-торли транспорт воситаси; моторли вело-сипед. *Йигитча магазиндан чиқиб, йўл че-тида турган мопеди томон бораётганида, Нусратбекка кўзи тушди.* С. Нуров, Нарвон.

МОР [*ф.* jL. — илон| *айн.* **илон йили** қ. **илон.**

МОРАТОРИЙ [*лот.* moratorius — тўхта-тиб турувчи, секинлатувчи| **1** *сиёс.* Муайян мажбуриятларнинг бажарилишини давлат ҳокимиятининг махсус ҳужжатлари воси-тасида номаълум муддатга ёки бирон-бир фавқулудда ҳодиса (уруш, табиий офат ва ш. к.) тугагунча кечиктириш, тўхтатиб ту-риш.

2 ҳуқ. Муайян ҳаракатларни давлатлара-ро келишув асосида ёки бир томонлама тар-тибда маълум ёки ноъмалум муддатга тўхта-тиш. *Ядро қуроллари синови мораторийси.*

МОРГ \фр. morgue] *ст.* Стационар да-волаш муассасаларида мурдаларни саклаш, шахсини аниқлаш, ёриб кўриш учун мах-сус жиҳозланган бино, хона.

МОРЖ [р. < саам тилидан] **1** Шимолий Муз океани соҳиллари ва кутб оролларида тарқалган, оёқлари кураксимон, териси қалин йирик сутэмизувчи ҳайвон.

2 *кўчма ст.* Совуқ, салқин кунларда ҳам чўмилаверадиган киши.

МОРЗЕ: Морзе алифбеси [< Morse (С. Морзе) — америкалик ихтирочи номидан]: Ҳарф ва рақамлар, нуқта ва тирелар билан кўрсатиладиган шартли телеграф белгила-ри тизими. Морзе аппарати Морзе алиф-беси ёрдамида сигналлар берувчи энг сод-да телеграф аппарати.

МОРО: моро бўлсин *шв.* Муборак бўлсин. *Уй билан бўлиб, моро бўлсинга ҳам келолма-дим-а.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

МОРОЖНИЙ [р. мороженое — музла-тилган нарса] Қаймоқ, сут, мева суви ва ш. к. дан музлатиб тайёрланадиган ширин егулик; музқаймоқ. *Шу кунни Ҳафиза Ойтў-ра билан Раънони морожнийга тўйдирди.* Мирмуҳсин, Умид.

МОРС [нем. Moosbeere — клюква (қизил нордон мевали бута)] Дарахт ва буталар-нинг меваларига шакар кўшиб тайёрлан-ган чанқовбосар ичимлик.

МОРФЕМА \юн. тофпе — шакл] *тли.* Ўз маъносига эга бўлган, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган тил бирлиги (мас, *билимли сўзи* уч морфемадан иборат: *бил+им+ли*).

МОРФЕМИКА *тли.* Морфемалар ҳақи-даги таълимот.

МОРФИН, морфий [юн. Morpheios -юнон мифологиясида: туш, туш кўриш ху-доси (маъбуд)] Афюннинг асосий алкало-иди бўлиб, афюндан кимёвий йўл билан ажратиб олинади (табобатда оғрикни қол-дирувчи дори сифатида қўлланади). *Касал наркотиклардан бирини, масалан, морфий истеъмол қилган бўлса, аччиқ чой ёки кофе бериш керак.* Н. Исмоилов, Касалларни пар-вариш қилиш.

МОРФИНИЗМ Гиёҳвандлик турлари-дан бири, морфинга ўрганиб қолиб, уни қабул қилмай тура олмаслик.

МОРФОЛОГИК Морфологияга оид. *Морфологик таҳлил.* Сўзнинг морфологик таркиби.

МОРФОЛОГИЯ [юн. morphē - шакл + logos — таълимот] **1** Одам, ҳайвонлар ва ўсимликлар организмнинг шакли ва ту-зилишини ўрганадиган фанлар мажмуи. *Экспериментал морфология.* Одам морфоло-гияси. *Ўсимлик поясининг морфологияси.* *Бак-терия морфологияси.*

2 *тли.* Тил тизимининг бир сўз доира-сида грамматик маъноларни ифодалаш во-ситаларини қамраб олувчи қисми.

3 *тли.* Грамматиканинг сўз тузилиши (таркиби)ни, сўз доирасида грамматик маъ-ноларнинг ифодаланишини, сўз ўзгарти-рувчи шаклларни, шунингдек, сўзларнинг сўз туркумлари бўйича гуруҳланишини ўрганувчи бўлими; сўз шакллари ҳақидаги таълимот. *Ўзбек тили морфологияси.* *Феъл морфологияси.*

МОС \а. **موس** — бир-бирига тегинувчи, уринувчи, алоқадор] **1** Бир-бирига тўғри; ўхшаш, монанд. *Икки севгучи қалбнинг ор-зулари, ўйлари, қарашлари ҳар масалада гоаят мос келар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Муносиб, лойиқ. *Келин билан куёв бир-бирига жуда мос. Мос номзод(лар).*

3 Тўғри келадиган; лойиқ, боп. *Комби-незон билан резинка этик жуда катта эди, унга [Луқмончага]мосини омбордан топишол-мади.* А. Мухтор, Туғилиш.

4 Мувофиқ, уйғун. *Ҳар томондан «вит-вит», «чиги-чиги» деб сайраган қушларнинг турли қўшиқлари сойнинг нашъасига мос бир музыка ҳосил қилган.* П. Турсунов, Ўқитувчи. *Кўкраклар оёқларнинг оҳангдош учинишига мос диркиллади.* Ойбек, Куёш қораймас.

5 Бир турдаги (ўйин қартаси ҳақида). *Карта мос келди. Мос тушдингиз.*

МОСЛАМА Бирор нарсани бажариш учун хизмат қилувчи нарса, асбоб ва ш. к. *Корхона мутахассислари ишлаб чиққан мах-сус мослама цехлар ҳавосини филтёрлаб бе-ради. «Фан ватурмуш». Ёлғиз культиваторга қўшимча ўрнатилган ер юмшатувчи гил-диракли мосламани ясаш қанчалар оғир бўлди. «Ўзбекистон қўриқлари». Лағмон учун угра гидравлик пресс асосида яратилган мосламада кесилмоқда. Газетадан.*

МОСЛАМОҚ Мос қилмоқ, мос, муво-фикҳрлга келтирмоқ, мувофикдаштирмоқ. *Шеърни қуига мосламоқ. тт Ҳамза ўз асар-ларидаги ҳажвий ролларни кўпинча Юсуф-жон акага мослаб ёзарди. Т. Обидов, Юсуф-жон қизиқ. -Мардонқул ака, — деди у бошлиқнинг юришига қадамини мослаб. А. Мух-тор, Бўронларда бордек ҳаловат.*

МОСЛАШМОҚ 1 Мос ҳолга келмоқ, мос бўлмоқ, мувофиклашмоқ. *Шароитга мослашмоқ. тт Улар агрегат ҳаракати ва тезлиги билан мослашиб.. аниқ ишлар эдилар. Газетадан.*

2 тли. Ҳоким сўз шаклита мос шакл олмоқ. *Эга билан кесим шахс ва сонда мослашади.*

МОСЛАШУВ 1 Мослашмоқ фл. ҳар. н. *Шароитга мослашув.*

2 тли. Сўз бирикмаси ёки гапда тобе сўзнинг ҳоким сўз шаклига мос шакл олишидан иборат синтактик алоқа.

МОСЛИК Мос ҳолат, мос эканлик. *Уларнинг ўқувчиларга айтган сўзларида мослик, бир хиллик бўлиши керак. М. Юсупов, Телевизор ёнида. Уларнинг (қонунларнинг/ҳуқуқий жиҳатдан етуқлиги, умум қабул қилинган талаблар ҳамда қоидаларга мослиги юксак баҳоланди. Газетадан.*

МОСУВО \а. »lʃ^uL. — ундан бошқа, бўлак] Бутунлай маҳрум бўлган, жудо бўлган, айрилган. *Уамма нарсадан мосуво. тт Уйдан жудо, ердан мосуво.. М. Али.*

Мосуво бўлмоқ Айрилмоқ, маҳрум бўлмоқ. *Қаиға шошаётир умри равонинг, Не топдинг ва недан бўлдинг мосуво. А. Орипов. Мосуво қилмоқ* Айирмоқ, маҳрум қилмоқ. *Уй-жойингдан мосуво қилиб, она шахринг-дан чўл-биёбонга ҳайдаган бўлса! Н. Сафаров, Наврўз.*

МОТ \а. оL. — ўлим, ўлиш, ўлдириш; енгилиш] Шахмат ўйинида шохнинг рақиб донаси хужумидан ҳимоя тополмай қолган ютқизиқ хрлати. *[Мунажжим: дона суриб] Кишит! Мот! Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.*

Мот бўлмоқ 1) мот ҳолатга тушмоқ; ют-қизмоқ. *Исфандиёр рақибидан мот бўлган шатранжчидек ўсал бўлибўтирди. С. Сиёев, Аваз; 2) мунозара, баҳс ва ш.к. беллашувларда енгилмоқ, мулзам ҳолатга тушмоқ. ..тахмини тасодифан тўғри чиқиб қолса, унда Маҳмуднинг ўзи мот бўлади-ку. М. Осим, Карвон йўлларида. Мот қилмоқ* 1) мот хрлатга туширмоқ (шахмат ўйинида). *Лаганбардор ходим янги шахматчи бошлиқ-ни икки юришда мот қилди. Газетадан; 2) баҳс, мунозара кабиларда рақибини енг-моқ. Лекин кўп вақт дўкандор оишасини бир гап билан мот қилиб қўйганини кўпиртириб мақтанади. Мирмуҳсин, Умид. Мотга тут-моқ* Гап-сўзидан илинтириб (тўхтатиб) устун келишга, «мот қилиш»га \аракат қил-моқ. *Шошманг, Муса ака, бу гапни аъзолар ўртасига ташлаб олайлик, қани, умумий мажлис нима дейди, — Низомиддинов Мусани мотга тутмоқчи бўлди. С. Аҳмад, Хукм.*

МОТАЛЧИ [р. мотальшик — ип ўровчи, калаваловчи] Пиллакашлик фабрикаларида калавалаш цехи ишчиси, ипни ўраб ка-лаваловчи. *Моталчилар орқасида кузатиб юрган бригадир галтакларни кўздан кечирар экан.. Газетадан. Уянги ишига келган мотал-чиларга амалий ёрдам берарди. Газетадан.*

МОТАМ \а. ^L> — дафн маросими; аза йиғини] **1** Яқин ёки мўътабар кишининг ўлими туфайли юзага келган қайғули ҳолат; азадорлик ва шу муносабат билан боғлиқ бўлган маърака, таъзия, расм-русмлар (қора кийиш, байрам қилмаслик ва ш. к.). *Мотам байроғи. Мотам либоси. Мотам мажлиси. Мотам марши. тт Акасининг дарди билан тўлган қалби учун, яқиндагина ўлган онасининг мотами ўз кескинлигини бир*

да-ража йўқотган эди. Ойбек, Танланган асар-лар. Ҳамза ўлдирилган. Шоҳимардонда мотам эди. Н. Сафаров, Оловли излар. Музаффар зотларга мотам ножоиз, Уларнинг ҳаққидир фақат ифтихор. А. Орипов.

2 кўчма Каттиқ ташвиш, қайғу-аламли ҳолат. Қайнатанинг Гулнорга уйланиш нияти улар учун катта мотам бўлди. Ойбек, Танланган асарлар.

Мотам тутмоқ Мотам ҳолатида бўлмоқ, шундай ҳолатни кечирмоқ. Унинг назарида, бутун Ҳирот қора ридога ўралиб, мотам тутаётгандай. Мирмуҳсин, Меъмор. Сен кетганга мотам тутиб, йиғлашади бутун шаҳар. «Баҳром ва Гуландом».

МОТАМДОР [а. + ф. **موتامدور** - мотам ҳолатли, мотам тутган] айн. мотамли **2**. Марҳум қабрга қўйилгач, мотамдорларнинг алам-армони хиёл совиши шундан экан. **Ж**. Султонов, Онаминг юрти.

МОТАМЛИ **1** Мотамга тегишли, мо-тамга алоқадор. Мотамли кунлар. **тм** Ер чи-зиб гулхайрилар, Мотамли тўнин кийган за-мон. Ғ. Ғулом.

2 Мотам тутувчи, азадор. Аччиқроқ бир сўз айтиб, аламдан чиққим келди-ю, мотамли уй бўлганидан ўзимни босдим. **Х**- Назир, Кўктерак шабадаси.

МОТАМСАРО [а. + ф. **موتامسارو**, - мотам тутилаётган, марҳум эсланаётган жой] *поэт.* айн. мотамли. Саломатнинг ранги саргайган, гўё энг яқин кишисини қабрга қўйиб келаёт-гандек мотамсаро бир қиёфада эди. С. Аҳмад, Хукм. Шу пайт ҳовлига мотамсаро либосда-ги пучуқ қиз кириб келди. Э. Усмонов, Ёл-қин. Хотира майдонида — мотамсаро она ҳайкали, бу ерда — бахтиёр она сиймоси. Ҳар икки ҳолатда, икки улуг рамзда улуг ҳик-матлар яширин. «Шарқ юлдузи».

МОТАМХОНА Мотам тутиладиган жой, мотамли уй.

МОТЕЛЬ [ингл. motel < motor - авто-мобиль + hotel — меҳмонхона] Автосайёҳ-лар учун мўлжалланган, бир қатор хизмат турларига (техник хизмат кўрсатиш ва ёнил-ғи қуйиш станциялари, гаражлар, тўхташ жойлари ва б. га) эга бўлган меҳмонхона.

МОТИВ [фр. motif — куй, оҳанг] **1** *ад.* Сюжетнинг таркибий унсури, асарнинг асосий мазмуни, мавзуи. Достоннингмоти-ви. **тм** Ана шу композицион бағрикенглик, би-ринчи навбатда, Шайхзоданинг ягона бир мотиви — пояма-поя ривожлантириши санъ-атида кўринади. «ЎТА».

2 *мус.* Куйнинг энг кичик қисми. Мотив-да битта акцент бўлади.

МОТИГА [р. мотнга — сихмола, ғалтак-мола] Ерни, ўсимлик, экин остини юмшатиш учун ишлатиладиган қишлоқхўжа-лик асбоби, мослама. Қатқалоқнинг олди-ни олиши учун мотигаларни ишга солиб, қатор ораларини сифатли юмшатайлик. Газетадан.

МОТКА [р. матка — она] *с. т.* Қарта ўйинида: хотин киши расми солинган, катталикда учинчи ўринда турадиган қарта.

МОТО- [лот. motor — ҳаракатга келти-рувчи] Ўзлашма байналмилал қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми: 1) мо-тор, моторли; 2) моторлаштирилган; 3) мотоциклга алоқадор каби маъноларни бил-диради.

МОТОБОЛ [мото.. + ингл. ball - коп-ток, тўп] Катта тўп билан мотоциклда ўйналадиган, футболга ўхшаш жамоавий спорт ўйини.

МОТОДРОМ [р. мото.. + юн. dromos -югуриш жойи, югуриш] Мотоцикл мусобақаси ва синови ўтказиш учун махсус жиҳозланган жой, майдон.

МОТОКРОСС [мото.. + ингл. cross - ке-сиб, ўртасидан ўтмоқ] Паст-баланд, ўнқир-чўнқир йўлларда ўтказиладиган мотоцикл-лар мусобақаси. Мотокросс ўтказмоқ.

МОТОПОЙГА Мотоцикллар пойгаси, мусобақаси.

МОТОР [лот. motor — ҳаракатга келти-рувчи] Бирор турдаги энергияни механик энергияга айлантирадиган машина, двига-тель. Трактор мотори. Автомобиль мотори. Моторни юргизмоқ. Моторни ўчирмоқ. **тм** Умарали Анорхон билан айтишиб турган чоғ-да Содик сакраб «универсал»га минди, мо-торни тариллатиб, ишда давом этди. И.

Ра-ҳим, Ихлос. *Салўтмай, самолётнинг мото-ри париллаб, парраклари айлана бошлади.* Н. Фозилов, Дийдор.

МОТОРИСТ Моторга қаровчи, уни созловчи, таъмирловчи киши; моторчи. *Уларда [комбинатларда] электриклар сле-сарликка, слесарлар электрикликка, мото-ристар машинистликка ўқишади.* Т. Ша-рипов, Катта йўлда.

МОТОРЛАШМОҚ Механик транспорт билан таъминланмоқ (қўшин ҳақида). *Моторлашган қисмлар.*

МОТОРЛАШТИРМОҚ 1 Моторлашмоқ фл. орт. н. *Пароходларни моторлаштирмоқ.*

2 Қўшинни транспорт билан таъминла-моқ. *Пиёда аскарларни моторлаштирмоқ.*

МОТОРЛИ Мотори бўлган, мотор ўр-натилган. *Моторли қайиқ. тт Биров катта кўчадан моторли велосипед миниб ўтди. Тариллаган овоз анчагача қулоқларни батанг қилди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

МОТОРОЛЛЕР [нем. Motorroller - мо-тор ёрдамида юрвчи, ғилдиловчи] Мотоциклнинг ғилдираги кичик, эгари билан бошқариш механизми ўртасида оёқ қўяди-ган очик жойи бўлган бир тури (юк ташиш учун хизмат қилади). *Сен шу бугундан бош-лаб касалхона мотороллери ҳайдовчиси бўлдинг.* Ҳ. Шайхов, Характеристика.

МОТОРСИЗ Мотори йўқ, мотор ўрна-тилмаган. *Моторсиз вагон.*

МОТОРСОЗЛИК Мотор ишлаб чиқариш; саноатнинг мотор ишлаб чиқаради-ган тармоғи.

МОТОРЧИ айн. **моторист.**

МОТОЦИКЛ [мото.. + юн. kукlos - дои-ра, ғилдирак] Ички ёнув двигатели билан таъминланган, икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси. *Уларнинг ёнгинасидан — тротуарга яқин жойдан мотоцикл гуруллаб ўтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шундоққина беш-олти қадам наридан варил-лаганича кажавали «Урал» мотоцикли ўтиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устун.

МОТОЦИКЛЕТ айн. **мотоцикл.**

МОТОЦИКЛЕТЧИ айн. **мотоциклчи.**

МОТОЦИКЛЛИ Мотоцикли бўлган, мотоцикл минган. *Мотоциклли киши. тт Танклар орасида пулемётлардан ўқ узиб, мотоциклли солдатлар келадилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МОТОЦИКЛЧИ Мотоцикл минган, мотоцикл ҳайдовчи ёки мотоцикл спорти билан шуғулланувчи шахс. *Аҳмаджон мото-циклчиларнинг қорасини кўриб.. кулай пайт пойлаб турган эди.* А. Қаҳрр, Олтин юлдуз.

МОХ [р. мох — моғор, пўпанак] айн. **йўсин** 11. *Мох босган сингари кўм-кўк арчазор жар-ликлар пичоқ билан қирқилгандай тикка тушиб, ўйноқи сойларга этагини солиб ётиб-ди.* А. Мухтор, Туғилиш.

МОХОВ 1 [jUlo < а. - йўқ қилиш, четлатиш] Бутун организмни, хусусан, тери, нерв системаси ҳамда ички аъзолар-ни зарарлайдиган сурункали инфекцион касаллик; шу касалга йўлиққан шахс. *Ҳа, Ботир ака, ҳозир одамлар моховдан ҳазар қилгандек мендан қочишади.* С. Аҳмад, Сай-ланма.

2 кўчма с. т. Расво, ярамас, чатоқ. *Мо-хов одам. Мохов иш. Ишнинг моховини чиқармоқ. тт ..дод деганда ҳам гап шуки, қи-йин экин, мохов экин.* Газетадан.

3 Қарғиш билдиради. *Нега жим туриб-сизлар, уринглар мохов бўлгурни!* К. Яшин, Ҳамза.

Моховга ошна қилмоқ Расвосини чиқар-моқ. *Туроб бир кун.. сал насиҳат қилган экан, уни келин олдида моховга ошна қилиб-ди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Якка мохов** Кишиларга аралашмайдиган ёки аралаш-тирилмай қўйилган одам. *Кўшилар уни [Бўрибойни] якка моховга чиқариб, на таъ-зия ва на тўй-ҳашамга айтмай қўйишган.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

МОХОРА Нўхат, гўшт солиб тайёрла-надиган бир хил суяқ ош; нўхат шўрва. *Оиҳонада кеча тўйдан олиб келган мохора билан палов бор, исроф бўлмасин.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

МОЧА \ф. <La.U - ит ёки эшакнинг ур-ғочиси] **1** Урғочи эшак. *Умид билан боқиб юрган оқ курралли мочам қолди.* «Гулихира-мон».

2 айн. мочағар.

МОЧАЛКА \р. мочить. мокрый — хўлла-моқ, хўл] Ювиниш учун ишлатиладиган чишта ёки бошқа тола боғлами.

МОЧАХАР айн. моча 1.

МОЧАҒАР [ф. ^ц.б. - урғочи эшак| Мочага нисбатли ҳақоратни билдиради (аёлларга нисбатан қўлланади). *Анови қиш-лоқда Чинор деган бир мочағар бор эди.. бир домла билан ўйнашиб юриб, унга тегиб олди.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Иложли бўлса, у моча/ар билан бошлигингиз гаплаш-син.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

МОШ \ф. ^iLo — мош| Дуккакдошлар оиласига мансуб, бир йиллик дуккакли экин ва унинг овқатга ишлатиладиган, пўсти сабзаранг, ичи оқ дони. *Йўлнинг бир ёғи мош, ловия жилган дала.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Мошни териб, ювиб, совуқ сувли идишига солиб, суст оловда қайната-сиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

Кўзини мошдек очмоқ Қилган ишига яраша жазо, танбеҳ билан ўзига келтириб қўймоқ. *Бу икки зарба билан Аъзамнинг кўзи-нимошдек очди.* Шухрат, Жаннат қидирган-лар. *-Қиз кўнмаяпти, денглар. Мен эртага уларнинг кўзини мошдек очиб қўяман, — деди Тансиқ.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Мош еган хўроздай Юз-бети семиз, қип-қизил. Мош еган хўроздай ошпазлар қозон бошида куй-маланмоқда эдилар.* Ойбек, Навоий. *Моши очилмаслик Келиша олмаслик, бир фикр-да бўла олмаслик. Лекин битта «лекин»и бор-да. Шу раис билан ҳеч мошим очилиш-майди, — деди Йўлдош.* Газетадан.

МОШАК Балиқчилар туркумига мансуб қушларнинг бир тури (бармоқлари ораси-да сузгич парда бўлмаслиги билан бошқа балиқчилардан фарқ қилади).

МОШ-ГУРУЧ Оралаб оқ тушган (соч-соқол ҳақида). *Шаҳодат муфти қарийб бутун кўкрагини ёпган баҳайбат мош-гуруч соқолини қалам билан таради.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

МОШИН шв. Машина. *Мошин кўп.. Янги мошинда мунча пахта тераман, деб турган-лар ундан кўп.* С. Нуров, Нарвон. *Бирмошин семонни тупканинг тагидан бўлсаям топиб келаман.* М.М. Дўст, Галатепага қайтиш.

МОШКИЧИРИ 1 Мош билан гуручдан пишириладиган қуюқ таом. *Бир лаганда мошкичири олиб кирди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 кўчма Оқ аралаш, оқ-қора аралаш, мош-гуруч (соч-соқол ҳақида). *Замон ўзини босиш учун мошкичири соқолини ўнг қўли билан бир оз силаб турди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 кўчма Аралаш-қуралаш, аралаш-кура-лаш бўлиб кетган. *Иш мошкичири бўлиб кетибди. тт Болалар адабиёти эса катталар-никига қўшилиб, мошкичири бўлиб кетган.* Газетадан.

МОШОВА \ф. 4_Lil_o — мошли суяқ овқат] Мош ва қовоқ солиб ёки мош билан жўхори уни солиб тайёрланадиган суяқ таом. *Эрталаб бир ҳовуч мошни бир кафт оқ жўхорининг уни билан бир қозон сувга солиб қайнатиб, унинг номини «мошова» қўйиб, ҳар қайсилари бир косадан ичардилар.* С. Айний, Эсдалиқлар.

МОШПОЯ 1 Мош экиннинг пояси. *Мошпояни юлиб олмоқ.*

2 Мош экилган ер. *Мошпояга сув қўймоқ.*

МОШУГРА Мош ва уградан тайёрла-надиган суяқ таом. *Қайнатиб берадиган мошхўрда, мошуграси ҳам тўғрилиқча пи-шириб бермай..* С. Зуннунова, Гулхан.

МОШХҶРДА [мош + ф. **oʻjʻjʻ**^ - ейил-ган, ичилган] Мош билан гуручдан тайёрланадиган суюктаом. *Кечкурун Саодат кам-пир дўппидай ўчоқ олоида чўққайиб, мошхўрда қайнатаркан, Йўлчи кириб келди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МОЯ I Урғочи туя. *Бир қари нор пўпак-лини кўрдингми ? —Бизнинг элда қолган учта мояси.* «Нигор ва Замон».

МОЯ II \a. <ul_o — хамиртуруш, ачитқи; зардоб; манба; маблағ] *кт.* Бирор нарсанинг асосини ташкил қилган модда, асос бўлган нарса; ўзак; бирор гуруҳнинг, жамоанинг асосиғли ташкил қилган шахслар. У [Абду-рахмон] кутган асосий моялар, яъни *мудар-рис, пешволар.. зиёратчилар орасида кўз оғриғи учун ҳам кўринмадилар.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

МОЯК I Товукнинг тухум қилиши ке-рак бўлган ерга қўйиладиган тухум ёки тухумга ўхшаш нарса. \Фотима:\ *Келинпоиш-ша, товукларингизга мояк қўйдингизми ?* А. Қахҳор, Оғрик тишлар.

2 *шв.* Тухум. *Бир гуруҳ бола мояк уриштир-япти.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

3 Эркакларнинг ёрғоқ ичида жойлаш-ган бир жуфт жинсий беzi; уруғдон (сперматозоид ва эркаклар жинсий гормони иш-лаб чиқаради).

МОЯНА \ф. **а^лау** - ҳар ойдағи; ҳар ой-лик (иш ҳақи, нафақа)] *с. т.* Маош. *Биройлик мояна. Мояна олмоқ. Мояна тўламоқ.*

МОЯНАЛИИ *Мояна берадиган, мояна тўлайдиган. Қани энди мен ҳам сиз қатори моянали бир ишга кирсам.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

МОЯНАХҶР [мояна + ф. ^ - еювчи] *кам қўлл.* Фақат мояна, ойлик билан ҳаёт кечирувчи.

МОҒОР I Туриб қолган нарсаларда ёки зах ерларда микроскопик замбуруғ-ларнинг тўпланишидан ҳосил бўладиган ва нарсаларни чиритадиган момиксимон туклар; пўпанак. *Китоб варақларидан зах ва могор ҳиди анқир эди.* С. Аҳмад, Қадр-дон далалар.

2 *кўчма* Кир, кир босган. *Тешабой юра-гидағи гашлик могорини шу пўписа билан ювди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бошида титилибкетган могор дўппи.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

Моғор босмоқ Моғор қопламоқ; пўпа-накламоқ. *Могор босган нон. шш Сой суви.. юзини могор босиб, чармдек қотиб кетган безбет харсангларга қарши олиша-олиша, бутун газабини уларнинг устига тўкади.* С. Анорбоев, Оқсой. \ *Сидиқжон*] *Нега қишлоқ-да бўлиб ўтган ва бўлиб ўтаётган ишларга кўзини каттароқ очиб қарамапти? Ақлини могор босгани шудир-да!* А. Қахҳор, Қўшчи-нор чироклари. *Наҳотки Аҳмаддек навқи-рон йигит мана шу.. миясини занг, вужуди-ни могор босаётган кимсага бас келолмаса?!* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МОҒОРЛАМОҚ *айн. моғор босмоқ қ. моғор.* *Нон могорлаб кетибди. шш Унинг аза-лий мудроқ, могорлаган шуурига тароватли бир тўлқинлар, зиёлар сочилмоқда.* С. Сиёев, Аваз. *Шундоқ гўзал шахримизда могорлаб ётган одамлар ҳам бор экан-да!* Мирмухсин, Жаҳолат панжаси. [Ўрмонжон:] *Авалло Зун-нунхўжанинг сандигида ётиб, а/ҳинг могор-лаб кетганидан кулгин!* А. Қахдор, Қўшчи-нор чироклари.

МОҶ [ф. **uU, <ɟ - ой**] *поэт. айн. ой.* \Гули:] *Оҳ.. Қуёшдин нур олиб кулган каби моҳ, Кулардим сўнғи бор, у келса мен ҳам.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Кўкда моҳ аста кезар.* Э. Воҳидов.

Моҳи тобон (ёки **мунаввар, анвар**) Рав-шан нур сочувчи ой (гўзалларнинг сифати). *Сабо, арзимни еткур, моҳи тобон бир келиб кетсун.* Ҳамза. *Ҳар бирлари бир моҳи мунаввар қизлар.* Ҳабибий. *Олиб борсак, кўрар ул моҳи анвар.* «Муродхон».

МОҶАЗАР \a. **L»** — барча бор нар-са; тайёр таом] *эск. кт.* Тайёр, ҳозирланган таом. *-Нега турдингиз. Чой, нон моҳазар. -Раҳмат, тақсир.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

..дастурхон солиниб, моҳазар келтирил-ди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Бир ко-сadan совуқ сувни олдимизга кўйиб, моҳазар-ни тушира кетдик.* Ғ. Ғулом, Шум бола.

МОҲИЁНА \ф. <с.L^U — ҳар ойлик иш ҳақи] эск. кт. айн. **маош.** [Анвар] *Уч-тўрт йиллардан бери ўрдада мирзолик қилиб, неча тўттиромоҳиёна олар эмиш.* А. Крдирий, Меҳ-робдан чаён.

МОҲИР \а. ^Б. — маҳоратли, малака-ли, уста; чакқон] Юксак маҳоратга эга бўлган, маҳорат қозонган; уста. *Моҳир сув-чи. Моҳир ёзувчи. Моҳир ташкилотчи.* **иш**

Шогирд қанча моҳир бўлса, қувонар устод. Ғ. Ғулом. *Тўғри, кексаларимиз деҳқончиликда жуда моҳир.* Ойбек, О.в. шабадалар.

МОҲИРЛИК Юксак маҳоратга эгаллик; маҳорат. *Турли миллат жангчилари Жўра-хоннинг жасорати ва моҳирлигидан қойил қолганлигини сўзлаб бердилар.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Бульдозерни моҳирлик би-лан бошқариш, иш унумдорлигини кўзлаб меҳнат қилиш бўлакча экан.* «Ўзбекистон кўриқлари».

МОҲИРОНА Маҳорат билан, моҳирлик билан. *Моҳирона хомток қилинган новдалар, сийрак япроқлар оралаб ерга танга-танга қуёш нури ёғилади.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Мен ҳам уни [Пиракни] моҳирона рақс қили-ши билан таҳсинлаб мақтадим.* С. Айний, Эсдалиқлар.

МОҲИЯТ [а. Д|1_» — ҳақиқат, ҳар нар-санинг асли, туб-негизи] **1** Бирор нарсанинг замиридаги туб, энг муҳим маъно, ички мазмун, мағиз. *Моҳият — нафақат Бухоро ўлкасини, балки Туркистон, Хоразм, Фарғона музофотлари, алқисса, икки дарё оралигини ёвдан озод этишдан иборат.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Рихсивой, чамамда, чўлқуварлар-нинг улкан ишининг моҳиятига тушунмаяп-ти.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 флс. Нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб. уларнинг турли-туман хоссаларини ва муносабатларини яхлит акс эттиради. қиёс. **ҳодиса.**

МОҲТОБ \ф. кJLLA-а - ой нури, ойдин] Ёритиб турувчи ой; ойдин. *Сутдай оппоқ моҳтоб кечада оқ кийим остида келувчининг кимлигини аниқлаш мумкин эмас экан.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Кун чекиниб, моҳтоб чиқади, Чечаклар ҳам ярқирар алвон.* М. Шайхзода.

МУАЗЗАМ [а. (J»«. - машхур, донг-дор; буюк, улуғ] **1** кт. Азим, улкан, улуғ-вор. *Муаззам шаҳар. Муаззам иншоот. ти Юксак дарахтларнинг учлари қучоқлашиб, муаззам яшил чодир ясаган.* Ойбек, Куёш қораймас. *Пишканик муаззам таъзияхонани зслатарди. Қишлоқ ахлининг кайфи бузуқ, гамнок.* С. Сиёев, Аваз.

2 Муаззам (хотин-қизлар исми).

МУАЗЗИН \а. оJj-о — намозга чақирув-чи, азон айтувчи] *дин.* Масжидда азон ай-тиб, намозга чақирувчи шахс; сўфи. *Ҳаз*

727

рат минбардан тушиб, бетига фотиҳа торт-гандан кейин, масжид муаззини билан дар-возанинг ёнига бориб турди. М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари.

МУАЙТАЙ [тайландча кураш, тайланд-ча бокс] Спортчилар (боксагидек) қўлқоп кийган ҳолда махсус рингда вазн тоифала-ри бўйича мусобақалашадиган спорт тури. Муайтайда қўл, тирсак, оёқ ва тизза билан зарб бериш, шунингдек, рақибни кучоқ-лаб йиқитиш мумкин. *Миллатимиз фарзанд-ларининг муайтай бўйича халқаро майдонда ўз обрўйига эга бўлиб бораётгани ҳаммамиз учун фахрли албатта.* Газетадан.

МУАЙЯН [а. (jij л — белгиланган, аниқ, аниқланган] **1** эск. кт. Тайин этилган, бел-гиланган, аниқланган. *Бул тақдирни ўшал муайян қатли ом соати етмагунча.. пўшида тутилмоғи маъқулдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Аниқ, тайинли, белгили, маълум. *Му-айян давр. тт Олимхоннинг муайян касби-кори йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кишининг руҳий ҳолати ва иш қобилияти муайян ритм-га бўйсунганини одамлар аллақачон пайқаш-ган.* Газетадан.

МУАЛЛАҚ [а. **jl**u, — ҳал қилинмай қол-ган; тобе, боғлиқ бўлган; осилган, осилиб қолган] **1** Ҳавода, бирор нарсага тегмай, осилмай туриб қолган. *Ҳозиргина дон ортиб ўтган машина орқасидан кўтарилган чанг ҳавода муаллақ турибқолди.* С. Аҳмад, Кадр-дон далалар. *Бир бечора сўфитургай, таби-ат кашф этган ўхшашликларнинг фарқига етмаётгандай, ҳавода муаллақ туриб вижир-лайди.* Н. Фозилов, Оқим.

Муаллақ ошмоқ Сакраб ҳавода оёқни бош томондан ошириб, яна ерга оёқ билан тушмоқ, умбалоқ ошмоқ. *Бирови йиқилди муаллақ ошиб.* «Гулихиромон».

2 На у ёқди, на бу ёқли бўлмаган, аро-сат ҳолда(ги); аросат. *Бу ҳаммаси ҳаётнинг энг нозик, энг муҳим томонлари эди ва ҳам-маси муаллақ бир аҳволда ётарди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Уқаяққа ён босишни билмай, қоқ ўртада муаллақ бўлиб қолди.* А. Убайдул-лаев, Ҳаёт оқими.

МУАЛЛАҚЧИ эск. айн. акробат. *Аммо муаллақчилардай эпчил ҳаракатлар билан арқонга тирмашиб, катта муз устига иргиди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

МУАЛЛИМ [а. **jl**o - ўргатувчи, ўқи-тувчи; устоз] **1** Дарс берувчи киши; ўқитувчи, педагог. *Математика муаллими. Муסיқа муаллими. Университет муаллими.* **тп** *Синф-га муаллим бўлиб киярпизми ё ўрта асрлар тарихи учун кўрғазмали қурол бўлибми?* С. Сиёев, Ёруғлик. *Фиқҳдан таълим берувчи муаллимнинг маоши 300 дирхамни ташкил этган.* «Фан ва тумуш».

2 Таълим берувчи, бировга бирор нар-са ўргатувчи киши; устод, устоз.

МУАЛЛИМА Муаллим аёл. *Отин буви дейишига тили бормайди.. муаллима деса-чи?* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

МУАЛЛИФ [а. ~ яратувчи, нжод-кор, автор] *кт.* Бирор асар, лойиҳа, каш-фиёт ва ш.к. ни яратган шахс. *Роман муал-лифи.* **тп** *Артист танлаида ҳам фильм муаллифлари томошабин кўнглини топишган.* Т. Тўла, «Ўтган кунлар» хақида. *..энг истиқ-болли лойиҳа муаллифлари деб топилганлар ичида Акбар Қодиров ҳам бор.* Ж. Абдуллахо-нов, Хонадон.

МУАЛЛО \а. lš_L-o — олий, юксак] эск. *кт.* Юксак, олий.

МУАММО [а. **ʷijl*** - жумбокли, сир-ли, ғалати; тушунилиши қийин, бошқотир-ма; кўр, кўр қилинган] **1** ад. Ўзбек мумтоз адабиётида шеърый жанр, поэтик санъат тури. Унда бирор сўз, исм (ёки уларнинг бош ҳарфлари), сана ва б. яшириб берилди. *Навоий муаммолари.* **тп** [Отам] *Муаммо, абжад ҳисоби ва.. баъзи воқеаларни билишига боғлиқ бўлган шеърларни.. кўп биларди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 Тушуниб бўлмайдиган, жумбокли нар-са; жумбоқ. *Кумушининг заҳарли муаммо мак-туби бир сира Отабекнинг кўз ўнгидан ўтиб кетди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Ҳа, огай-ни, дунёда англашилиши қийин бўлган муам-молардан ҳеч бирини севгига тенглаштириб бўлмайди.* С. Кароматов, Олтин қум.

3 Ҳал қилиниши лозим бўлган нарса; масала, проблема. *Асарда катта муаммо-лар кўтарилган.* **тп** *Сув чиқариши муаммоси ҳал бўлиб, техникадан яхши ёрдам кўрсатилса, биз меҳнатдан чарчамаймиз.* Ф. Нурулла-ев, Бўз йитит. *Демак, Орол муаммоси давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.* «Фан ва турмуш».

728

МУАММОЛИ **1** Тушуниш қийин бўл-ган; сирли, жумбокли. *Муаммоли гап.*

2 Муаммодан иборат бўлган; проблема-тик. *Муаммоли масала.*

МУАНБАР \а. **jiu** — анбар ҳидли, му-аттар, хушбўй] **1** Ёқимли ис, яхши хид; хушбўй. *Полизлардан анқир муанбар, Богда бир қиз ясар гулчамбар.* Р. Бекниёз, Мовий тўлқинлар.

2 Муанбар (хотин-қизлар исми).

МУАННАС I а. хотинларга хос

нозик, мулойим; хотин жинси] **1** эск. *Хо-тин жинси. Тўрамнинг кўзларига уйқу кел-масдан.. кўчаларда кўринган аҳли муаннас-ларни.. кўздан кечириб ёшидилар.* «Муштум».

2 тли. Араб тилида хотин жинсига оид сўз ёки сўз шакли, мас, муаллима, мураб-бия, саиёра; зид. музаккар.

МУАРРИХ I а. r-J3-° тарих езувчи, та-рихчи| Тарих ёзувчи, тарихчи. Бу ерда Навоийнинг шахсиятини характерловчи бир нуқтани муаррихлар қайд қилиб ўтадилар. Ойбек, Навоий. *Заъфарон вараққа кўз ну-рин тўкиб, Ёдга ҳам оларсиз биз — муаррих-ни.* Б. Бойқобилов. *Муаррих сий-Мақдусий биз-га Хоразмдан олиб чиқишётган моллар рўйха-тини қолдирган.* <-Фан ва турмуш».

МУАССАСА \а. **4** и .l.j-о идора, кор-хона, ташкилот; институт] Хўжалик, сав-до-сотик ишлари ва ш.к. нинг бирор соҳа-сини бошқарувчи ёки илмий. таълим-тар-бия ишларини олиб борувчи, белгили штат ва маъмуриятига эга бўлган ташкилот. *Дав-лат муассасалари. Ижтимоий муассасалар. Илмий муассасалар. тт* Мактаб ва мактаб-гача бўлган муассасалар сони йил сайин ор-тиб бормоқда. Газетадан.

МУАССИР I а. таъсир қилувчи;

таъсирчан] эск. кт. Таъсир қилувчи, таъ-сирли, ёқимли. ..унинг нур ичида чўмилган сиймосини, ойим, деб хитоб қилгандаги му-лойим, беозор ва муассир сўзини яхши кўра-ман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУАССИС I о. ^jn^u^а асос солувчи, ташкил этувчи] Таъсис этувчи, асос со-лувчи. Бу газетага ким муҳаррирлик қилар-кан? Муассиси ким экан? Ўзи қанча чиқар-кан? Газетадан.

МУАТТАР \а. jб, v.о — хушбўй, ўтқир ёқимли ҳидли] **1** Ёқимли ҳид сочувчи; хушбўй. *Келди баҳор, наврўзи олам. Гул фаслидир — боғлар муаттар.* Уйғун. *Бутун олам хушбўй, муаттар гулларга бурканиб олган-дай.* О. Ёқубов, Каптар.

2 Муаттар (хотин-қизлар исми).

МУАШШАР \а. j^*.* ~ ўн марта кўпайган, ўнлик] ад. Ҳар бир банди ўн мис-рали, бир неча ўнлик бандлардан ташкил топувчи шеър шакли.

МУБОЛАҒА \а. 4jJL_« - кучайтириш, бўрттириш; гипербола] **1** ад. Тасвирланаёт-ган ёки таърифланаётган кимса, нарса, ҳодиса ва ш. к. ни ўқувчиларга яққол, таъ-сирли қилиб етказиш учун уларнинг сифат-ларини орттириб, бўрттириб кўрсатиш; шу мақсадда ишлатилган сўз, ибора; гипербо-ла. *Ўзбек мумтоз адабиёти муболагаларга бо14.* иш \Анвар:\ *Агар менга ҳурмат лозим бўлса, муболага билан эмас, яна тақрор ай-таман, бир қариндошингиз қаторида такал-луфсиз муомала қилиш билан бўлсин.* А. Қо-дирий, Мехробдан чаён.

2 Умуман, бўрттириш, ошириб юбориш; лоф. *Муболага қмиоқ. тт* Энди гузар ва йигин-ларда мулла Обиднинг кучи ҳақида муболага бошлайдишир. А. Қодирий, Обид кетмон. *Ан-вар жавобни ўқиб завн^инди: -Офарин, Раъно, лекин бировнинг устида ортиқчароқ муболага қилибсан.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

МУБОЛАҒАЛИ **1** ад. Муболагадан иборат бўлган, муболагага бой. *Муболагали тасвир.*

2 Бўрттириб, ошириб юборилган; лоф урилган. *Мен у вақтларда отам нақл қилган бу воқеанинг ясама ва ҳаддан ортиқ мубола-гали эканини сезмай, эшитганимга ишонган эдим.* С. Айний, Эсдалиқлар.

МУБОЛАҒАСИЗ Муболага қилинмаган, орттирилмаган, бўрттирилмаган. *Муболага-сиз гап. Муболагасиз гапирмок. тт* Ҳеч мубо-лагасиз айтиш мумкинки.. сугоришни тўғри ташкил этиш мўл ҳосил олишининг ҳал қилув-чи омили бўлади. Газетадан.

МУБОЛАҒАЧИ Муболага қилувчи, му-болага билан гапирувчи. *Бир серганга, бир муболагачига эҳтиёт бўлиш керак.* Ҳ. Фулом. Тошкентликлар.

МУБОРАЗА [а. UJJU^ — ўзаро кураш, курашиш; дуэль] эск. кт. Кураш, курашиш. ..улар тинчлик учун кураш соҳасида тин-май мубораза қиладилар. Ойбек, Нур қиди-риб. . . **ишнинг** остида узала тушиб ётган син-

фий муборазани кўришида кўрлик қилдилар. «Муштум».

МУБОРАК \а. ^_>1^> ~ худо марҳамат қилган; хайрли; бахтли] **1** Бахт келтирувчи; хайрли, эзгу, қутлуғ. [Ҳасанали:] -Кўрай-чи, қадамим муборак бўлармикин, — деб кўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Табаррук, муқаддас, азиз. *Бектемир.. халтачани, гўё муборак жойдан келган азиз дўстининг совга-саломни каби, ҳаяжон билан очди.* Ойбек, Қуёш қораймас. -Ота, агар муборак тунпрогимизда сўнги инглизнинг шум изини ўчирмасак, Покистон ватанпарварлар учун нопокдир! — деди Аҳмад Хусайн. Ойбек, Нур қидириб.

3 Табриклаш, қутлаш ибораси. *Сарупо-лар муборак. ти* [Ўзбек ойим:] Ўғил муборак бўлсин, болам! А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўрт йил жафо чеккан ватандош ўртоқ, Бу йилги байрамнинг муборак энди.* Ғ. Ғулом.

4 Муборак (хотин-қизлар ва баъзан эр-каклар исми).

МУБОРАКБОД [а.+ф. **مۇبۇرۇك**- - таб-риклаш] *кт.* Табриклаш, қутлаш, қутлов. *Муборакбодга бормоқ. Муборакбод учун кел-моқ. ит* ..бола асраганнинг дароғини эшитган кўни-кўшилар, узоқ-яқин қариндошлар муборакбодга кела бошлаган эдилар. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар. *Бу сўзларнинг ораси-да энг ёқимлиси Хонзода бегимнинг муборак-боди бўлди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Муборакбод қилмоқ (ёки **этмоқ, айла-моқ**) Табрикламоқ. *Анвар девонхона саҳнига етганда, ичкаридан каттадан-кичик мир-зо, мунишийлар янги бошиқларини муборакбод қилгали ўринларидан кўзгалдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Маҳмуднинг хузурига кириб, уни муваффақият билан мубо-ракбодэтди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МУБОРАКНОМА *тар.* Амир ёрлиғи ёки фармони. *Амрдан қозига Шофирконга бориб, янги рўд қазини ишига раҳбарлик қилиш тўғрисида муборакнома келган.* С. Айний, Эсдалиқлар.

МУБОРИЗ [а. **مۇبۇرۇز** яккама-якка ку-рашувчи] *эск. кт.* Мубораза қилувчи, курашчи. *Оташин мубориз [Навоий] ўзининг ҳақлигига, ўз илгор интилиши ва зояларининг тўғрилигига ишонган бўлса-да, лекин тўх-товсиз ва аламли мағлубиятининг туб сабабини билмади.* В. Зоҳидов, Ўзбек адабиёти тарихидан. *..ғазалларда жафокаш муборизнинг, исёнкор қалб эгасининг руҳий фожиаси равшан кўриниб туради.* «ЎТА».

МУБОШИР \а. - бажарувчи;

бошлиқ, назоратчи] *эск. 1 айт. инспектор.*

2 Бирор ишга бошчилик қилувчи, бош-қарувчи, бошлиқ. *Тўйга ўзини мубошир ҳисоблаган, катта Каримовнинг лаганбардор-ларидан бири унга тўн ёпинтириб, ичкари-дан олиб чиқди.* С. Абдулла, Куёвлар, келин-лар.

3 тар. Солиқийгувчи амалдор. *Маждид-дин.. солиқларни йиғмоққа киришмоғи керак-лигини сўзлади.* —*Дуруст, мубоширлик чакки иш эмас.* Ойбек, Навоий.

МУБОҲАСА [а. **مۇبۇھۇسا**-» - муҳокама, мунозара, баҳс; музокара] *кт.* Баҳслашиш, баҳс, мунозара. *Мунозара бирмунча жиддий-лашиб, мубоҳаса ҳатто домланинг обрўйи-га.. тўқинадиган бўлди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ҳафтада бир йиғилиб, диний, илмий масалалар юзасидан мубоҳаса ва мунозара ўтказсак. Сиз бу ишга бош бўлсангиз.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МУБТАЛО [а. **مۇبتالو**, - — азоб чекувчи; ги-рифтор, дучор бўлган] **1** Бирор иллат, касаллик ёки кўнгилсиз воқеага дучор бўлган, учраган; гирифтор. [Ғули:] *Нечун тугдин мени бахти қарони? Балоба мубтало мотам-сарони? Уту\|* ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бидъатга ботган мубталоларни кўрол-масман.* «Муштум».

2 Мафтун, шайдо, ошиқ. *Мубталоман парирўга, кўзи бир маст оҳуга.* Я. Маматхонов. *Ёр васлидан тополмас Эркин дилига таскин. Афсус демакдан ўзга у мубтало на қилсин.* Э. Воҳидов.

Мубтало бўлмоқ **1)** гирифтор бўлмоқ, дучор бўлмоқ, учрамоқ. *Чамамда, ўртоқ Хўжабеков «фош қилиш» касалига мубтало бўлган кўринади.* С. Анорбоев, Оқсой; **2)**

мафтун бўлмоқ. *Лола янглиз оразингни мен кўриб тасвирда, Мубтало бўлмоқлигим ёзмиш экан тақдирда.* Ҳамза. **Мубтало қилмоқ** (ёки **этмоқ, айламоқ**) 1) гирифтор қилмоқ, дучор қилмоқ, учратмоқ. [*Отабекнинг*] *Ум-рининг энг қимматли кунларини оғулаган, икки йил бўйи давосиз дардга мубтало қил-ган ўз онаси эмасмиди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) мафтун этмоқ.

625 дъ^.

МУБҲАМ \а. * о I з, — яширин, ноаниқ; шубҳали] *кт.* Мухмал, ноаниқ; чигал. *Мубҳам жавоб. тт* Ўзи тушуниб етмаган ички газаб ва мубҳам фикрлар тумани уни [*Умидни/ чулғаб ола берди.* Ш. Ғуломов, Ёркин уфқдар.

МУВАФФАҚ \а. jij_»— яхши натижали, ўнгидан келган, омади юришган]: муваффақ бўлмоқ Муяссар бўлмоқ, эришмоқ. *Мен сизга кўп дафъа гапирсам ҳам.. мақсадимни ҳали тушунтиришига муваффақ бўлган эмас-ман.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хонга яқин кўриниб, Анварнинг ўрнини олишига муваффақ бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУВАФФАҚИЯТ [а. cuii^ - яхши натижа, эришилган нарса; ютуқ, омад] Бирор ишда эришилган натижа, яхши на-тижа; ютуқ, ғалаба. *Муваффақият қозонмоқ. Муваффақиятга эришмоқ. тт* Парнихўжа ёгчи пойлоқчилик, чақимчилик ишининг муваффақиятидан гурурланиб.. *сўмаб бораркан, элликбоши уни тўхтатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Душман канчалик гангитилса, унинг ўт очии нуқталари қанчалик емириб ташланса, ҳужумнинг муваффақияти шун-чамуқаррар бўлади.* А. Қаххор, Олтин юлдуз. *Латофат кандидатлик диссертациясини муваффақият билан ёқлаб олди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

МУВАФФАҚИЯТЛИ Муваффақият билан тугаган, муваффақият келтирган, ижобий натижага олиб келган; натижали. *Муваффақиятли ҳаракат. Муваффақиятли иш. Муваффақиятли ҳужум. тт* Республика-миз матбуотида фан ютуқларини тарғиб қилиш борасида муваффақиятли қалам теб-ратиб келаётган тажрибали журналистла-римиз бор. «Фан ва турмуш».

МУВАФФАҚИЯТСИЗ Муваффақияти бўлмаган; натижасиз, самарасиз. *Муваффақиятсиз иш. тт* Фашистларнинг ҳар галги ҳужуми муваффақиятсиз чиқаверди. Т. Рус-тамов, Мангу жасорат.

МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК 1 Салбий натижа, натижасизлик. *Ишининг муваффақиятсизлиги.*

2 Ютқизик, мағлубият. *Биринчи муваф-фақиятсизликдан кейиноқ кўлини ювиб, қўлтиққа урган чемпион бўлмайди.* С. Абду-қаххор, Олтин водийларни кезганда. *Беш йигит муваффақиятсизликка учрагандай руҳ-лари тушиб, уйларига тарқаганларида, тонг ёриша бошлаган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МУВАШШАҲ [а. £_£ij_о зиинатланган, безалган] *ад.* Ҳар бир байтининг биринчи мисралари бош ҳарфи сирасидан шоир қаламга олган шахс номи келиб чиқадиган лирик шеър. *Ғози Юнус. мадрасага кирди.. фикрида бир ўзгарии бўлиб, мувашишаҳлар ёзди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Комрон-лик унга етмак, етмаган армон билан. Ким мувашишаҳ битди Эркин кўнглида армон би-лан.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

МУВАҚҚАТ \а. j_о — муайян вақтга белгиланган; вақтинча, қисқа вақтли| Вақтинчали, доимий бўлмаган. *Муваққат ҳуку-мат. Муваққат иш. тт* Хатни ўқиб бўлганда, унинг кўз ўнги қоп-қора, ўтирган ўрнига ҳам ишона олмас, ҳамма нарса муваққатдек эди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Улар [бино-корлар] баъзан муваққат баракларда яшаи-га мажбуур бўладилар.* Газетадан.

МУВОЗАНАТ \а. - таққослаш;

тенглаштириш; тартибли бошқариш] 1 Жисмларнинг қарама-қарши йўналган тенг кучлар таъсиридаги тинч, турғун қолати. *Тур-гун мувозанат (физ.). Мувозанат сақламоқ.*

2 кўчма Қарама-қарши кучларнинг, қодисаларнинг тенглашуви, уйғунлашуви туфайли содир бўладиган нисбий турғун-лик, осойишталик. *Сиёсий кучлар мувозанати. тт* Ахмад Собирни исёнкор, ҳаётдаги бир хилликка.. турғун мувозанатга қарши курашичи сифатида тасаввур қилганди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

3 Киши қаддини тўғри (меъерий) ту-риш ҳолати, шундай ҳолатни тутиш имко-ни. *От қаттиқ кишнаб, сапчиди. Йигитли мувозанатни сақлай олмай, ёнбошига гуп этиб йиқилди.* Т. Малик, Ажаб дунё. *Бўгин-бўгинлари ловуллаб ёнмоқда. Мувозанатини ҳам тутиб қолишга қурби етмаётир.* Ж. Аб-дуллахонов, Тўфон.

МУВОЗИЙ [е. ^j|^ - баробар, тенг] эск. айн. параллел. *Мувозий чизиқлар. тт* ..ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибла-рини тузиши. Газетадан.

МУВОФИҚ \а. jilj-о - маъқулловчи, мос келувчи, қулай; макбул| **1** Мос, тўғри келадиган, муносиб, лойик. *Ўзига мувофиқ иш топмоқ. тт* Қўқонга чопар юбормоқчи бўлдилар, бу ишнинг мувофиқ кишиси, албат-

40—Узбек тилининг изоҳли луғати

та, Ҳасанали бўлганлигидан чопар бўлиб бел-гиланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. «*Чит-так*» деблақаб қўйган киши *Набиғулга жуда мувофиқ лақаб қўйибди.* А. Қаҳдор, Қанот-сиз читтак.

2 Монанд, яраша, мос. *Гапига мувофиқ жавоб.*

3 (ж. к. билан) кўм. взф. Биноан, асо-сан, кўра. *Қонунга мувофиқ. Фармонга мувофиқ. Анъанага мувофиқ. тт* Уларнинг ўза-ро писандаларига мувофиқ янги ерлар, чиқа-риладиган сувлар *Тешабойга текин ўтади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Мақсадга мувофиқ Мақсадга, талабга жавоб берадиган, фойдали, ўринли. *Дарсликларга ичиш ва чекишининг ҳалокатли таъ-сири ҳақидаги мақоллар киритилса, мақсад-га мувофиқ бўларди.* Газетадан. *Аҳмад унинг аҳволига кулиб, бирмунча савол беришни мақ-садга мувофиқ топди.* Газетадан.

МУВОФИҚДАШМОҚ айн. **мослашмоқ** У [Саудий] қишлоққа келганида, дастлаб янги муҳитга мувофиқлашолмай, кўп қи-йинчиликларни бошдан кечирди. А. Қаҳдор, Сароб.

МУГУЗ эск. Ҳайвон шохи. *Одам тилидан топади, ҳайвон — муғузидан.* Мақол. *тт* *Йи-рик гавдалари, ҳайбатли муғузлари демаса-нгиз, қўчқорлар танбаллик билан кави қай-тарардилар.* С. Анорбоев, Оқсой. *Молхона-да бир муғузи синган қайиқча эчки ҳам бўғи-либмаърарди.* Ҳ. Ўктам, Навбахрр. *Муғузлат еса, тўғқ сирқирайди.* Н. Ёқубов, Жон.

Муғуз парда анат. Кўз соққасинингуст-ки тиник пардаси.

МУДАРРИС \а. < _уи дарс берувчи;

ўқитувчи, муаллим] *Мадрасада дарс берув-чи киши, мадраса ўқитувчиси. Катта ама-киси Бухоронинг «Хўжа Порсо» мадрасаси-нинг мударрисси бўлиб, Абдурахмон шу киши-нинг тарбиясига келган эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Ноибмударрис олдида сўроқ бераётган муллаваччадай шошиб қолди.* С. Сиёев, Аваз. *Уртаҳол ҳунарманд ёки мадра-са мударрисси ўзининг ойлик маошига 2-3 та қўй ёхуд 150-250 килограмм буғдой олиши мумкин бўлган.* «Фан ва турмуш».

МУДАРРИСЛИК Мударрис иши, кас-би, лавозими. *Бу одам.. Тошкентдаги маш-ҳур Кўкалдош мадрасасига мударрислик қила бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мадрасанинг бош мударрислигига Солиҳ маҳдум тайинла-ниб, шул жанобда дарсимни давом қилдир-дим.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

МУДДАЙЙ \а. tjr cJLe — даъвогар, ра-қиб| эск. кт. Даъво қилувчи; даъвогар.

МУДДАО [а. ^i* - даъво қилинган нарса, талаб; тилак] Кишининг дилидаги мақсад, ният, мурод. *Унинг муддаоси нима? тт* Биринчи бўлибмуддаомни айтдим, фронт-га юборишларини сўрадим. Н. Сафаров, Оловли излар. *Сенинг муддаонг.. маргилон-лик келини ўғлингдан ажратиб юбориш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Айни муддао қ. айни.

МУДДАТ [a. o₁a— давр, вақт оралиғи, мухлат] **1** Вақтнинг аниқ, бирор иш, нарса учун белгиланган бўлаги. *Ўқиш муддати. Хизмат муддати. Бир йиллик муддат. **тм** Хай-риятки, шундан сал олдин имтиҳонларни муд-датидан олдин топшириб тугатган эди. П. Қодиров, Уч илдиз. Шу йигирма беш кунлик бир муддатнинг ичида у бутунлай одамгарчи-ликдан чиқа ёзди. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

2 Умуман, вақтнинг бўлаги, қисми (унинг қанча вақт эканлиги маълум сўзлар билан ифодаланади). *..дунё қойил қоладиган мадрасани тез муддатда қуриб битиришни ният қилибди. Шукрулло, Жавоҳирлар сан-диғи. Катта майдонга қисқа муддатда ўғит солиб улгуришимизга қўлбола машина-сеял-ка асқатди. «Ўзбекистон кўрикдари». Бир йиш муддатида у Тошкентга иккинчи марта кел-ди. Ойбек, Танланган асарлар. Мехмонлар яна бир неча муддат теплиани айланишди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

Бир муддат Озгина вақт. *Шамси Тўрае-вич бир муддат сукут сақлаб қолди. Н. Ами-нов, Суварак. Қорамтир тутун бир муддат ичида бурқиб, осмонга ўрлади. «Саодат».*

3 Бирор нарсанинг бажарилиш ёки бўлиш пайти. *Режани муддатида олдин ба-жармоқ. **тм** У Замиранинг сессияни мудда-тидан олдин ва «аъло» яқунлаганини.. билар-ди. П. Қодиров, Уч илдиз. Томошани мудда-тидан олдин қўйсам — қутулмасам, кеч қўйсам — қутулмасам.. «Муштум».*

МУДДАТЛИ Муддатга эга бўлган, еп-рор вақтга, муддатга мўлжалланган, вақ-ти, муддати чекланган. *Муддатли иш. Қис-қа муддатли курс. Узоқ муддатли қарз.*

МУДДАТСИЗ Муддати йўқ; доимий. *Муддатсиз паспорт. Муддатсиз хизмат.*

МУДИР | a.j[^]A[^]a бошқарувчи; идора қилувчи] Муассаса, ташкилот ёки унинг бирор бўлимини ёхуд бирор ишни идора қилувчи, бошқарувчи шахс. *Мактаб муди-ри. Магазин мудири. Кафедра мудири. Фер-ма мудири. **тм** ..буларнинг кўпчилиги раис, мудир, директор дегандек, раҳбарлик ўрин-даги хотинлар эди. А. Қаххрр, Хотинлар.*

МУДИРА Мудир аёл. *Богча мудараси. Кутубхона мудараси. **тм** Ёқутой мактаб мудараси, қизингизни ўзи ўқитади. Ж. Ша-рипов, Хоразм.*

МУДИРЛИК Мудир иши, лавозими. *Мудирлик қилмоқ. Мудирликдан бўшамоқ. **тм** Бобоҳўжа домла мудирлик вазифасига ўтган-дан бери.. қоровул айтганча, димогидан эшак қурт ёғадиган бўлиб кетган эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

МУДОМ | a. jJ_o— доимо, ҳамиша; дои-мий] *кт. Доим, ҳамма вақт, ҳамиша, тўхтовсиз. Мудом меҳнат учун пайдо бу қўллардир, бу қўллардир. э. Воҳидов. Зиёкор ўқитувчи мудом порлаб нур бермоғи, ўз зиё-сидан ёш авлодни баҳраманд қишиши лозим. Р. Усмонов, Одобнома. Шарқдан, гарбдан, жанубдан мудом «Салом», дея келар меҳмон-лар. М. Шайхзода.*

МУДОФАА [a. 4_»jla^o— ҳимоя қилиш; ҳимоя, тўсиқ] **1** Жанговар ҳаракатнинг душман кучлари ҳужумини қайтариш, улар-га жиддий талафот етказиш, позицияни қўлда тутиб туриш ва ҳужумга ўтиш учун қулай шароит яратиш мақсадида қўллана-диган бир тури. *Душман мудофааси. Мудо-фаа линияси. Мудофаадан ҳужумга ўтиш.*

2 Душмандан сақданиш, ўзини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ёки ҳозирланган восита ва чоралар мажмуи. *Мамлакатнинг мудофаасини кучайтириш. Душман мудофа-асини ёриб ўтиш. **тм** Немисларнинг олти-отар миномёти ҳурмоқда. Немис мудофаа-сининг ўзаги бўлган тепаликда жон асари кўринмайди. А. Қаххор, Олтин юлдуз.*

Мудофаа қилмоқ (ёки этмоқ) **1** душ-ман ҳужумини қайтармоқ, душмандан сақ-ланмоқ. *Полк мудофаа қилиб ётган район устида баъзан душман самолётлари пайдо бўлишини эътиборга олмаганда, урушдан ҳали ҳам дарак йўқ эди. А. Каххор, Олтин юлдуз;*

2) умуман, химоя қилмоқ, сақламоқ. *Тур-кистон муслмонларининг ҳуқуқларини мудо-фаа эта биладиган тўрт-беи арбоби сиёсат етишса, биз учун шараф эмасми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Гангиб қолган Маҳкам ўзини уқувсизгина мудофаа қиларди.* П. Қо-дилов, Уч илдиз.

МУДОФААЧИ Мудофаа қилувчи, хи-моячи. *Қўргон мудофаачилари. тт Омон қолган мудофаачилар томларга чиқиб олиб, ганимни ўққа тутдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

МУДОФЕ \а. jlj-a— химоячи, мудофаа қилувчи] *кт. Мудофаачи. Қўргоннинг бошдан-оёк ясов тортган мудофеларига инъом-лар улашилиб битди-да, ҳудайчи.. Азизбек қошига келиб қуллуқ қилди.* А. Қодирий, Ўт-ган кунлар.

МУДОХАЛА \а. *JLi.l^— аралашш, ти-килиш (бировнинг ишига)] *эск. 1* Бирор ишга аралашув. *Эрон тамом мустамлака ҳолига қолса керак эди, лекин шўролар ҳукуматининг мудохаласи натижасида бу муо-ҳада йўқотилди.* Газетадан.

2 *эск. айн. интервенция. Фарбий Европа давлапъири шўро давлатига қуролли мудохала қилажак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МУДОХАЛАЧИ Мудохала қилувчи; интервент. *..бегона юртлардан келган мудохалачилар оқизган беҳисоб қонлар чайқалган-дай бўлар, кесилган боиъир тилидан гўё нидо эшитиларди.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

МУДРАМОҚ 1 Мудроқ босиб, ярим уйғоқ, ярим уйқу ҳолатида бўлмоқ. *Чигир ёнида мудраб ўтирган чўри унинг овозидан чўчиб уйғониб, йўлига чиқди.* Ж. Шарипов. Хоразм. *Шерали шу ҳаяжон ичида мудраб, ниҳоят, ширингина уйқуга кетганини ҳам билмай қолди.* С. Кароматов, Олтин кум.

2 *кўчма* Ҳаракатсиз, тинч ҳолатда бўлмоқ (нарсалар қақида). *Дарахтлар ҳор-диқ чиқаргандай бошини солиб, тонг нурла-рига кўмилган ҳолда мудрамоқда.* «Шарқ юлдузи». *Тагидаги ошнинг шўх қадам олиши ва соғлом бир қудраи билан ўйноқлаши Бо-бурнинг аъзоларида анчадан бери мудраб вт-ган ёшлик кучларини ўйготгандай бўларди.* П. Қодилов, Юлдузли тунлар.

МУДРОҚ сфт. 1 Уйқу босган, мудра-ган ҳолатли (қ. мудрамоқ **1**). *Мудроқ кўзлар. тт Ўша чироқ атрофида жим Уни кутар*

⁷³⁴

хотини мудроқ. Х. Даврон. *-Ҳа, бир-бир торт-сак, маза бўларди, — деди ҳорғин, мудроқ кўзли бошқа бири.* Ойбек, Қуёш қораймас.

2 *кўчма* Ҳаракатсиз, тинч, «ухлаган» ҳолатли (нарсалар қақида. қ. **мудрамоқ 2**). *Қиш бўйи қору ёмғир сувига тўйиб, қорайиб қолган ер мудроқ бир кайфиятда оғир-оғир хўрсинаётганга ўхшайди.* Ў. Хошимов, Нур борки, соя бор. *Наманганнинг азамат чинорлари мудроқ уиқуда.* С. Сиёев, Эркалар эртаги. *Бульдозер асрий мудроқ чўлни ўйғотиб, унинг кўксига панжа солди.* «Ўзбекис-тон кўриқлари».

3 *от* Уйқу босиб мудраган ҳолат. *Мах-думнинг мудроғи қочиб, кўзлари катта очилди.* Х- Гулом, Машғал.

Мудроқ босмоқ Мудроқ ҳолат кўзгал-моқ, кучаймоқ. *Аҳмаднинг қовоқлари оғирлашиб, мудроқ босди.* У иккала оёғини уза-тиб, ўзини уйқу ихтиёрига топширди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Тўғонбек дам мудроқ босиб, дам сергакланиб ётар эди.* Ойбек, Навоий.

МУДҲИШ \а. JXAJU.— хайратда (хай-рон) қолдирадиган, ажойиб] *кт. Кишини дахшатта соладиган, дахшатли, кўрқинчли. Мудҳиш хабар. Мудҳиш жиноят. Мудҳиш манзара. ша Мозор чакалагининг бир бурча-гида тутаб ётган тўнка ёнида сочлари ўсиб, соқолига қўшилиб кетган бир девона бу муд-ҳиш қоронғиликка қариши курашган каби гул-ханни ёндиришига тиришар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Бу қандай фалокат, қандай мудҳиш фалокат, — деди Ибн Сино йиғламоқ-дан бери бўлиб.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

МУЖАЛЛА [а. журнал; даврий

нашр] эск. кт. айт. **журнал**. Адабий мужал-ла. **шш** Ҳозир биз хуфия ўқиб юрган газету мужалларда ҳам шундоқ фикрлар олдинга сурилади. К. Яшин, Ҳамза.

МУЖАССАМ [а. *,- катта, улкан; катталашган, бўрттирилган| кт. сфт. Гавдаланган, мукамал ва аниқ тус, шакл олган. *Шеърда севги, вафо, ишонч ва ҳаёт мужассам эди.* М. Зайниддинова, Ким эди у, демасангиз айтаман. Унинг меҳрида оналик ва аёллик фазилати мужассам. Зулфия. *Ўша шеърда бутун оламнинг Шавку дарди эди мужассам.* Э. Воҳидов.

Мужассам топмоқ айн. **мужассамланмоқ**. *Шундай ишлаки, Асриян, уни қандай яхши кўрганимиз, муҳаббатимиз, бунинг теран сабаблари унинг юзи-кўзида, қарашларида мужассам топсин.* Шухрат, Шинелли йил-лар. **Мужассам этмоқ** Тўла шакллантирмоқ, акс эттирмоқ. *..шахсга сизиниш гоясини ўзи-да мужассам этган Муллаев ва зараркунан-да, мансабпараст Халитов сингариларнинг қиёфаларини ҳам кўрсатди.* Газетадан.

МУЖАССАМЛАНМОҚ Мужассам шакли, аксини топмоқ, мукамал ва аниқ шакл, тус олмоқ; гавдаланмоқ, мужассам бўлмоқ. *Бу ишда бутун жамоа фикри ва ақли мужассамланган.* *тш* *Портретда гўзаллик соҳибасининг мукамал қиёфаси акс этган, унинг куйма қадди-қоматида ёшларимизга хос нафосат ва жисмоний баркамоллик мужассамланган.* М. Хайруллаев, Тилла мар-жон.

МУЖАССАМЛАШМОҚ айн. **мужас-самланмоқ**. *Бу оилада ўзаро ҳурмат, ўзаро ёрдам, обрў, эътибор, коллективчилик му-жассамлашган.* Газетадан. *Раиснинг фикрида бутун кишлоқ меҳнаткашларининг орзуси мужассамлашган.* Газетадан.

МУЖГОН [ф. [^]з-о- киприklar] қ. **мижгон**. *Қртмадан келган бу қизнинг ўсма кўйилган қайрилма қора қоши тагида ёниб турган чарос кўзи, қора қуюқ мужгони.. бир боқишдаёқ ҳар қандай одамни довдиратиб қўяди.* Н. Сафаров. *Узоқни кўзлаган қиз. Йиғ-лайверганидан кўзлари кизариб кетибди.* Мужгонларида ёш, юзларида гам-алам. М. Крриев, Ойдин кечалар.

МУЖДА \ф. ^{UJ>O}— хушхабар; қувонч-ли маълумот] *поэт. айт. хушхабар.* *Зафар муждаси.* **шш** *Бу бахт муждаси эдики, уни зиштиши билан Қамчининг қалбидаги таши-вишларнинг бари тонг туманидай енгилгина тарқалди.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

МУЖИК \р. муж — эр, эркак одам| с. т. эск. Рус деҳқрни. -*Улар мужик руслар-да, — беб бойга изоҳ берди Ҳожилатиф девонбеги.* С. Айний, Қуллар.

МУЖИМОҚ Кемириб емоқ, тозаламоқ. *Суяк мужимоқ.* *тш* *Бурчакдаги тоқчада қат-тиқ нон мужиб ўтирган сичқонни кўрсатиб ўтилмаса, бу уйда бошқа жонли зот ҳам кўринмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУЖМАЛ \а. п - йиғинди; қис-қача; қисқа баён, мухтасар сўз; маълумот) **1** Тушуниб бўлмайдиган, ноаниқ, муҳмал,

629 ду^

дудмол. *Мужмал гап. Мужмал жавоб.* **тш** *Газетанинг 14 февраль сониди «Мусобақа голиби» сарлавҳали хабар босилди. Унда шун-дай мужмал сатрлар бор..* Газетадан.

2 Иш, гап, масала кабиларни шартга ҳал қилмайдиган, тайинли фикр билдирмайдиган; ланж. *Баъзи раислар жуда муж-мал бўлади. Кўрқоқлигидан ишни пайсалга солади.* Ж. Шарипов, Саодат. *Пайғомов бу-нака мужмал одатларни ёқтирмас, шу сабабли.. Нусратбекка бошқа қарамади.* С. Ну-ров, Нарвон.

3 с. т. *Мажмағил, нимжон. ..аллақандай нотафон.. мажақланган чумчуқдай мужмал бир нарсага ўхшарди.* К. Яшин, Ҳамза.

МУЖМАЛЛИК 1 Мужмал эканлик. *Гап-нинг мужмаллигидан «Ора очиқ бўлибди-да», — деб қўя қолдим.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Мужмал, ланж кишиларга хос иш, хатти-харакат; ланжлик. -*Ҳосил ёмон бўлмас, деб ўйлайман*, — деди мужмаллик билан Рих-сивой ака. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МУЖОҲИД [о. jL*La_»- эътиқод учун, муқаддас иш учун курашчи: *айн.* - жиҳод урушининг иштирокчиси] *дин.* Худо йўли-да жанг қилувчи киши.

МУЖРИМ [а. f.гуноҳкор) *кт.* Айбдор, гуноҳкор.

МУЗ 1 Сувнинг ноль даражагача сови-ши натижасида қотган ҳолати; ях. *Муз пар-часи. Муз ёрмоқ. тт* Қаҳратон қишида яланг оёқ муз босиб, саратонда қизгин қум кечиб.. обдан пишган бизнинг йигитни ҳам.. кун хиш-ла бетоқат қилган эди. Ойбек, Танланган асарлар. *Уфққа тутаиш муз қатламларини тилимлаб, атом музёранг кемаси сузиб бора-ётир.* Газетадан.

2 Муз каби совуқ. *Унинг бошига муз югу-риб, асаблари тиришиди.* \. Фулом, Машғал. *Йўлчи қотган қорни гарч-гурч босиб, тоза, муз ҳавони қамраб, кеза бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма с. т. Жуда совуқ, ёқимсиз нар-са, одам ва ш. к. хақида. *Сўхбат муз бўлиб кетди. Меҳмонлар ичкиликка зўр беришиди.* С. Аҳмад, Гугурт.

4 от Совуқ. ..элликка яқин киши беш-ўнтадан навбат билан кириб-чиққунча, оётмдан музўтиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қал-бингга қулоқ сол.

Муз даври Ер тарихидаги қаттиқ совуқ-лар бўлиб, қуруқлик юзини қалин муз қоплаган давр. Муз кўчди Иш ўрнидан силжи-ди; юришди. *Муз кўчди, ўртоқ Сафаров, ўрта деҳқон қимирлаб қолди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари.

МУЗА [юн. musa] 1 Юнон мифология-сида шеърият, санъат ва фан ҳомийлари саналган 9 маъбуданинг ҳар бири: Урания

— астрономиянинг, Каллиопа — эпоснинг, Клио — тарих фанининг, Мельпомена — трагедиянинг, Полигимния — гимн ва пан-томималарнинг, Талия — комедиянинг, Эрато — ишқий шеъриятнинг, Терпсихора

- ракс ва хор ашуласининг, Евтерпа — ли-рик шеърият ва мусиқанинг маъбудаси ҳисобланган.

2 кўчма Поэтик илҳрм манбаи; ил\ом париси.

МУЗАЙЯН [а. t^fIH¹ зиинатланган, безатилган] 1 юқ. усл. Безалган, безакли. *Боққа кирилгандан кейин.. киши.. музайян қасрдан руҳ олиш ўрнига, билъакс, бир даҳ-шат ва хавф ҳис эта бошлар эди.* А. Қоди-рий, Меҳробдан чаён. *Шифтлари музайян, деворлари ўймакар хонага кириб, Ибн Сино.. рангпар кишига таъзим қилди.* М. Осим. Карвон йўлларида.

2 Музайян (эркаклар исми).

МУЗАККАР [а. _>fju>— эркак жинсли] *эск. тлш.* Араб тилида эр жинсига оид сўз ёки сўз шакли, мас, *муаллим, мураббий;* *зид.* муаннас 2.

МУЗАФФАР [а. - зафар, ғалаба

қозонган] 1 юқ. усл. Зафар топган, ғалаба қозонган; ғолиб. *Музаффар ўзбек пахтакор-лари. тт* Бу оғир фронт йўлларини мардона-вор босиб ўтиб, уйига музаффар қайтган паҳлавон жангчи қувончи эди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Юсуфбек ҳожи бошлиқ еру кўкка сигмаган музаффар халқ ўрда теварагини қуриабтушиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Музаффар (эркаклар исми).

МУЗАФФАРИЯТ *кт.* Катта зафар, тан-танали ғалаба, ғолибият. *Кексалар гузар ва маҳаллаларга тўнкалардан гулхан солиб.. оло-монга музаффаринг тилайдилар.* А. Қоди-рий, Ўтган кунлар. *Музаффарият билан маг-лубиятни тақдир тарозисининг икки палла-сига солиб кўрмоқ керак.* \. Фулом. Машғал.

МУЗАФФАРОНА *кт.* Музаффарларга хос йўсинда; ғолибона, ғолибларча. [Қуш-бегига] *Кўрбоши музаффарона жавоб берди: -[Отабекни] Тутдим, тақсир. Қутидорни ҳам! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

МУЗАХОНА эск. айн. музей. Уй жиҳозга гоятда бой, гўё музахона тусини берар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУЗД [ф. **юо**- хизмат ҳақи, тўлов; му-кофот] эск. Хизмат ҳақи. -Мен ҳам пахта-кашлик қилаётирман, — деди тоғам, — ёмон иш эмас. Лекин музди меҳнатига арзимаиди. С. Айний, Эсдалиқлар.

МУЗДЕК, -дай 1 Муз каби (қ. муз 1). Муздек сирпанчиқ. Муздек ялтироқ.

2 айн. муз 2. Муздек шамол. Муздек ай-рон. Муздек ҳаво. **тп** Уҳовлига ўтиб, тўрдаги мажнунтол тагида шириллаб оқиб турган муздай куз сувида юз-қўлини твди. М. Исмо-илий, Фарғона т.о.

Муздек бўлмоқ Ноқулай, нохуш ҳолат-га тушмоқ. Рўзимбой ота бу магазиндан ҳам муздек бўлиб чиқди. «Муштум». Уй-жойимга тушиди қулф. Ўтган-кетган боқар қулиб. Йўлда қолдим муздек бўлиб. Ўнгимми ё ту-шим, аттанг. Т. Иўлдош, Аттанг.

МУЗЕЙ [лот. museum < юн. museion — музалар ибодатхонаси] Санъат, техника, табиат намуналарини, тарихий ва илмий-табиий аҳамиятга эга бўлган нарсаларни йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва халққа намо-йиш қилиш билан шуғулланадиган муас-саса. Санъат музейи. Тарих музейи. Ўлкашу-нослик музейи. Табиат музейи. **тп** Халқни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва улар-га юксак савияда таълим беришда музейлар-нинг роли каттадир. Газетадан.

МУЗЕЙШУНОС Музейшунослик би-лан шуғулланувчи мутахассис.

МУЗЕЙШУНОСЛИК Музейлар тари-хи, уларнинг ижтимоий вазифалари, му-зей иши назарияси ва методикаси масала-ларини ўрганадиган фан тармоғи.

МУЗЁРАР Қалин қопланган музни ёриб ҳаракатланадиган. Музёрар, транспорт ке-малари ва самолётлар шошилинч равишда сафарга ҳозирландилар. «Фан ва турмуш».

МУЗИКА \ юн. musike — музалар санъа-ти] қ. мусиқа. Қизўн олти ёшгача бу оилада.. ўсади, ибтидоий таҳсил кўради, музикадан ҳам бир оз маълумот олади. Ойбек, Танлан-ган асарлар. Катта залдаги шовқин-сурон, музика, ичимликлар.. ҳиди Йўлчининг бошини айлантирди. Ойбек, Танланган асарлар. Карвон жўнади. Юкнинг оғирлигиданми ёки гунчакларнинг ёғсираганиданми, аравалар гирчиллаб, ўз музикаси ўзи билан жадал бор-моқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МУЗИКАВИЙ қ. мусиқий 2.

МУЗИКАЛИ қ. мусиқий 2.

МУЗИКАНТ қ. мусиқачи.

МУЗИКАЧИ қ. мусиқачи. Ёш музика-чини томошабинларнинг салобати босиб, куй-ни бузмоқда. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МУЗИКАШУНОС қ. мусиқашунос.

МУЗИКАШУНОСЛИК қ. мусиқашунос-лик.

МУЗЛАМОҚ 1 Музга айланмоқ, муз ҳосил қилмоқ, муз қопламоқ. Сув музлади. Ер музлади. Ариқ музлади. **тп** Тўсатдан тоғ-дан совуқ шамол зсди. Билчираб ётган дала-да ёйилиб юрган қўй-қўзиларнинг туёқлари, жунларига ёпишган лой музлади. С. Анорбо-ев, Оқсой. ..етти разведкачи музлаган дарё устидан билдирмай ўтдилар. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Қаттиқ совуқ таъсирида қотиб қол-моқ, тўнгмоқ; яхламоқ. Кулим музлаб қол-ди. **тп** Опанг ўргилсин.. қўлингни бер! ..Вой, музлаб қолибсан-ку! А. Қаҳдор, Хотинлар. Юраги сиқилган Анвар гоҳ ўтириб, гоҳ ён-бошлаб, совуқда музлаб кетган маҳсили оёғини турли вазиятга солиб кўрар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 кўчма. Ҳис-сезгисиз қолга тушмоқ; қотиб қолмоқ. Қўрққанимдан, бутун вужу-дим музлаб, тахта бўлиб қолдим. Э. Раимов, Ажаб кишлок.

МУЗЛИ Музи бўлган. Музли тоғ. Музли еуе. **итп** ..узоқдаги музли чўққи эрталаб зан-гори, кундузи кўзни олгудай чарақлаб кўри-нар эди. А. Мухтор, Чинор.

МУЗЛИК геол. Шароит қулай жойлар-да қор тўпланишидан хрсил бўлиб, қия томонга силжиб турувчи муз массаси. *Тоғ музлиги. Зарафшон музлиги. тт Қутб музликларига швед ва француз крейсерлари йўл олди. «Фан ва турмуш». ..музликлар остидан чиқаётган еуе кичик ирмоқ ҳосил қилиб оқар-ди. С. Кароматов, Олтин қум.*

Музлик даври айн. муз даври қ. муз.

МУЗЛОҚ Муз билан қопланган ёки музлаб қолган ер. *Тоғнинг оғи Музлоқ эди. Бу ном унинг ҳозирги аҳволига унча тўғри*

738

келмаса ҳам, бир вақтлари музлоқ эканидан ёки музи борлигидан далолат беради. М. Ис-моилий, Фарғона т. о.

МУЗОКАРА [а. а— муҳекама қи-лиш, суҳбат; анжуман] **1** Мажлисда муҳо-камага кўйилган масала юзасидан ўз фик-рини баён қилиш, шу муносабат билан га-пирилган нутқ, сўз. *Маъруза юзасидан му-зокара бошламоқ. Музокарага ўтмоқ. тт Докладдан кейин қизгин музокара бошланиб кетди. А. Қахдор, Қўшчинор чироқлари. Музокарага қатнашган ходимлар.. олиб бо-рилаётган илмий тадқиқот ишлари ҳақида ўз мулоҳазаларини айтдилар. «УТА».*

2 Шарт-шароит, томонларнинг талаб-лари ҳақида фикр алмашиш. *Сулҳ ҳақида музокара олиб бормоқ. Дипломатик музока-ралар. тт Қудалар ўртасида рўй берадиган англашилмовчиликлар, жанжаллар аксар вақт музокара вამуроса йўли билан ҳал қили-нади. Ойбек, Танланган асарлар.*

МУЗОКАРАЧИ Мажлисда музокарага чиққан, сўз олган киши; музокара қатнаш-чиси. *Навбатдаги музокарачи, зиёлиларнинг ер ислоҳотидаги вазибалари.. тўғрисида сўзлаб кетди. А. Қахдор, Сароб.*

МУЗОФОТ [а. **UUU-**] ЭСК. **ВИЛОЯТ**, область. *Куз охирлашиб, киши яқинлашган бўлса ҳам, Бухоро музофотининг қуруқ ҳаво-сида ҳали ёгингарчилик бошланмаган эди. С. Айний, Қуллар. Тўрткўл кичик бир қўрғон эди. У тез орада ўсиб, музофот ҳоқими ту-радиган жойга айланди. Ж. Шарипов. Хо-разм.*

МУЗТАР \а. **^**и.л о — мажбур бўлган; мажбур қилинган; муҳтож] Изтиробли, но-қулай ҳолатли. *Ҳамма аллақандай мулзам, музтар. Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.*

Музтар бўлмоқ Изтиробли, ноқулай хрлатга тушмоқ. *Раис кўпчилик олдидан муз-тар бўлиб, «айб бизда», деб кўлини қовуш-тирганча турарди. Ҳ. Назир, Кўктерак ша-бадаси. Уялганимдан томоғимдан ҳеч нарса ўтмади, то тўй жўнатиладиган маҳалгача музтар бўлибўтирдим. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. Меҳмонлар ҳам Бўри полвондай музтар бўлиб ўтирди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

МУЗТАРЛИК Музтар ҳолат. *Ахмадҷон-га маъюсона боқиб, жавдираб, ҳовли ўрта-сида ҳайрон ва музтарликда қолди. К. Яшин, Ҳамза.*

МУЗТОҒ к- айсберг.

МУЗХОНА **1** Ёзда роҳатиҷон тайёрлаш учун муз босиб кўйиладиган ертўла ёки чуқур. *Музхонага муз босмоқ.*

2 Иссиқда бузиладиган маҳсулотларни сақлаш учун ишлатиладиган, ҳавоси сунъ-ий равишда совитиладиган асбоб ёки хона; холодильник. *Гўшт комбинатининг музхона-си. Гастроном музхонаси. тт Бирлашма кон-серва ва вино заводлари ҳамда катта муз-хона қуриб битказди. Газетадан.*

3 Холодильникнинг музлатадиган (муз-латкич) хонаси. *Гўштни холодильникнинг музхонасига кўйдим.*

4 кўчма Жуда совуқ (уй, жой ҳақида). *Ушингиз музхона экан. тт Ҳатто, гавдасини қандай қилиб ўрашни билмай уринган Йўлчи жавоб берди: -Уй эмас, музхона бу. Ойбек, Танланган асарлар.*

МУЗҚАЙМОҚ Қаймоқ, сут, мева суви ва ш.к. дан музлатиб тайёрланадиган ши-рин егулик, яхна ширинлик. *Музқаймоқ ҳам тўйимли, ҳам ташналикни қондиради. Газе-*

тадан. *Тўрахўжа синфдошларини буфетга таклиф этиб, музқаймоқ, сув, ширинликлар билан мехмон қилди.* Д. Нурий, Осмон усту-ни.

МУК: мук тушмоқ 1) оёк^арни йиққан ҳолда юзтубан бўлиб ётмоқ ёки бошини жуда қуйи солиб энгашмоқ. *«Жинчироқ»ни пуфлаб, Йўлчи билан Ўроз гулхан тевараги-да мук тушишди.* Ойбек, Танланган асар-лар. *Ўтар бобо бўсагада мук тушиб илтижо қилди.* С. Сиёев, Аваз; 2) кўчма бирор нар-са устида қунт билан ўтирмоқ. *Камол.. кейинги кунларда кўп ишлар, иш столида қоғоз устига мук тушиб, тонг оттирар эди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Мук тушиб ўқий-ўқий чарчади қўзичоғим.* Х. Назир, Ёнар дарё.

МУКАЛЛАФ [а. , iк, - солиққа тор-тилувчи, вояга етган; қимматли] *кт.* Так-лиф этилган, чақирилган. *Тўйга бизҳамму-каллаф. тт* Сизни бундан ҳам сандали ис-сиқроқ бир ерга олиб бормоқчиман. *Иккимиз шу ерга мукаллафмиз.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

МУКАММАЛ [а. J"А» - ниҳоясига ет-казилган, тўлдирилган, тўлик] **1** Ҳар жи-хатдан тўлик, камчилиги йўқ; расо, бут. *Мукаммал тўплам. Уч тилни мукаммал би-лади. Мукаммал билим. тт* Ҳаётни мукам-

мал қиламан, деб не-не одамлар бош қотир-ган. С. Сиёев, Ёруғлик. *Рустам отда юриш, найза отиш, қиличбозлик каби ҳунарларни мукаммал ўрганибди.* «Олтин бешик».

2 Такомиллашган, камолотга эришган; етук. *Сенинг қимматли сўзинг, ўтқир фик-ринг мукаммал, Элнинг хотирасида сақла-нади умрбод.* Х. Расул. *Азизанинг назарида, ҳар томонлама мукаммал, одобли, билимли йи-гит шу эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол.

МУКАММАЛАШМОҚ Мукаммал ҳо-лат касб этмоқ, мукаммал бўлмоқ (қ. **му-каммал 1, 2**). *Лекин қизнинг ҳусни, ҳасрат оташида товланиб мукаммаллашгани каби, яна ҳам ёрқинроқ, яна ҳам сеҳрлироқ бўлиб кўринди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чала, лекин кўз ўнгида тез юксалиб, мукаммалла-шиб, диққатни тартаётган бино тевараги-да аста айланиб, ҳар чеккани томоша қил-ди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУКАММАЛЛИК Мукаммал хрлатга эғалик, бекам-кўстлик. *Инсон доимо мукам-маллик, баркамолликка интилади. шш* Ма-сал композициясининг мукаммаллиги ундаги ҳаракатнинг қонуний ривожланиши асосида юзага келади. «УТА».

МУКАРРАМ [а. хурматли, азиз]

1 *кт.* Иззату икром қилинувчи; иззатли. *Ху-дойи таоло инсонни ҳамма жониворлардан азизу мукаррам қилиб яратди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Мукаррам (хотин-қизлар исми).

МУКАРРАР [о. j jА_о такрорланган, икки ҳисса ортган; қайта-қайта] *эск. кт.* Такрорланган, қайд қилинган.

Мукаррар бўлмоқ Такрорланмоқ. *Андак таҳаммул қилган эрдим.. тақ-тақ овози му-каррар бўлди.* «Муштум».

МУКАРРИР [а. JJ^С- такрорловчи, қайтарувчи] *эск.* Мадрасада амалий машғу-лот олиб боровчи муаллим. *Абдураҳмон.. баъзи мадрасаларнинг мударрислари, мукар-рирлари билан ҳам танишидир.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

МУККА: мукка тушмоқ 1) *айн.* **мук туш-моқ** қ. **мук.** *Тожиддин Қосим оёқларига мукка тушиб ялинган, нола қилган Абдувоҳидни кўтариб тургизди.* Ойбек, Нур қидириб. *Йўловчилар шамолни тўсиб турган қумте-панинг орқасига ўтиб, мукка тушиб ётдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Штаббош-лиги Йўлдош столга мукка тушиб, нималар-нидир чизарди.* Шухрат, Шинелли йиллар; 2) бутунлай берилмоқ, таъсирига тушмоқ. *Умрни узайтиришининг бир неча хил йўллари бор: доимо серҳаракат бўлиш, ортиқча ҳасадгўи бўлмаслик, спиртли ичимликларга мукка тушмаслик..* Газетадан. **Муккаси би-лан тушмоқ** (ёки **йиқилмоқ**) Юзтубан бўлиб йиқилмоқ. *У Тўлқинни яна калшаклайди. Бу маҳал калтак Эъвозхонга ҳам тегиб, у мук-касидан йиқилди.* Х. Ғулом, Машғал. *Мах-сум тичоқ ушлаган қўлини олдинга чўзганча муккаси*

билан йиқилди. С. Анорбоев, Оқсой. *Комил турган врида бир чайқалиб, оз бўлма-са, отнинг тагига муккаси билан тушай деди.* Ҳ. Ғулом, Машғал. **Муккасидан кетмоқ** 1) *айн. мук тушмоқ қ. мук. ..ишдан келди де-гунча апил-типил овқатланади-ю, чизишига муккасидан кетади.* Ҳ. Ғулом, Замин юл-дузлари. *У китоб ўқишига яна муккасидан кетди.* Ю. Шомансур, Қора марварид; 2) *айн. мукка тушмоқ* 2. *Мол-дунёга муккасидан кетмоқ. Машиатга муккасидан кетмоқ. **иш** Хурофотга муккасидан кетган бир қўш-ним билан.. гаплашиб турган эдик. «Муш-тум». Шамшихол ая ўглининг ишига муккаси-дан кетганини кўриб, еган-ичгани жойига тушмаиди. «Ўзбекистон кўрикдари».* **Мук-касидан тушмоқ** 1) *айн. муккаси билан туш-моқ қ. мукка;* 2) *айн. мукка тушмоқ* 2. *Л. Ленч ўз ҳикояларида.. эскилик сарқитларига муккасидан тушган кишиларни фош қилади.* Газетадан.

МУККАЙМОҚ 1 *Бирор иш устида мук тушмоқ. Баъзилар муккайиб, тошларнинг гадир-будир бетини ойнадай силлиқлаб яр-қиратиши билан машғул. Ойбек, Навоий.*

2 *айн. мункаймоқ. Захҳиди келган кички-на даҳлизда муккайган бир кампир чарх йигириб ўтирар, ёнидаги ўчоқда тезак тутаб ётарди.* С. Зуннунова, Гулхан.

МУККАЛАМОҚ 1 *Юзтубан йиқилмоқ. Элов тўпни ушлаб олди-ю, муккалаб бориб йиқигди.* Р. Азизхўжаев, Яшил дала.

2 *айн. мук тушмоқ, муккасидан кетмоқ. қ. мук, мукка. [Дадажон] Дарсдан кейин далага борганида ҳам, доим қўлида китоб юради. Бирпас бўшади дегунча, китоб устига муккалайди.* Р. Раҳмонов, Одат.

740

МУКОЛАМА \а. 4.JLSL.- сўз юритиш. суҳбат| эск. кт. 1 *Сўзлашув тили; огзакни нутқ. /Абдишукур/ Русчада китоб муталаа қилолмаса ҳам, лекин муколама тилига анча-мунча эпчил. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 *Ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун бир-бирига сўзлаб бериш. Муколама ўқил-ган дарсларнинг маъносини мянга яхшироқ жойлаштириб олиш учун чиқарилган бир қоида.. эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

МУКОФОТ \а. oLiLS-- тақдирлаш, тўлов; товон пули| 1 *Бирон-бир фаолият соҳасидаги алоҳида ютуқлар учун рағбат-лангириш шакли (қимматли буюм, пул, медаль, орден ва ш. к.). Олиш мукофот. Дав-лат мукофоти. Пул мукофоти. Мукофот бермоқ. Мукофот олмоқ. Мукофотга тақ-дим этмоқ. **иш** Ғолиблар махсус мукофотлар билан тақдирланишиди. Газетадан. Баҳ-рихон бир қўй билан бир қўйлаклик атлас мукофот олган экан. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Биринчи даражали диплом ва пул мукофоти билан қайтди. С. Аҳмад, Юлдуз.*

2 *Кишининг ўз қилмиши, хатти-ҳара-кати учун қайтган қаримта; умуман, совға. тортиқ. ..биздан кейингилар ҳам бу ерга ке-либ сув ичади — ҳаққимизга дуо қилади. Бундан ортиқ мукофот борми бизга?! Мирмуҳ-син, Меъмор. Дунёможаросидан қўл ювмоқ-чи бўлган бир отага кексайган кунларида фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улуг мукофотдир. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

МУКОФОТЛАМОҚ *Мукофот бермоқ, мукофот билан тақдирламоқ. Орден билан мукофотламоқ. Илгорларни пул билан муко-фотламоқ. **иш** Менда бир тақлиф бор: бугун Канизакни янги уй билан бирга янги ном би-лан ҳам мукофотласак.. А. Қаҳҳор. Кўшчи-нор чироклари.*

МУКЧАЙМОҚ *с.т. айн. мункаймоқ. Ичкаридан мукчайиб қолган дадаси — Ино-ят оқсоқол чиқди. С. Аҳмад, Уфқ. Узун со-қолли мукчайган гадоӣ қиёфасидаги Бек.. қотини ерга қўйди-да, унга ўтирди. Ҳ. Ғу-лом, Машғал.*

МУЛАТ \исп. mulato] *Оқтанли (европо-ид ирқига мансуб)лар билан негрларнинг аралаш никоҳидан бўлган авлод, насл.*

МУЛЗАМ \а. jijJL> — *мажбур, мажбури-ят юкланган; ўйинда мағлуб бўлган] Му-нозара, баҳс, тортишув ва ш. к. да енгилӣб ёки бирор иши, хатти-ҳаракати учун лол,*

уятли, хижолатли ҳолатда қолган. *Солиота-нинг баъзи тенгқурлари, машина ҳақида қалай фикрга келдингиз, дейишса, чол ўзини анча мулзам сезиб, бошини қўйи эгарди. С. Абдуқаҳҳрр, Олтин водийларни кезганда. Мен ҳам маъюс ва мулзам ҳолда, гуноҳқор боладай, ичкарига.. кириббордим. «Муштум».*

Мулзам бўлмоқ Мулзамлик ҳиссини туй-моқ, мулзам ҳолатга тушмоқ. *Боягидай мул-зам бўлиб қолишдан чўчиб, ўзини тутди. М. Мансуров, Ёмби. Бош инженер мулзам бўлиб, гулдурашига ҳам ҳоли келмай қолди. «Муш-тум». Мулзам қилмоқ Мулзам ҳолатга қўймоқ. Фанижон қаерга борса, самоварда ҳам худди шу тўғрида гапириб, уни мулзам қилишади. С. Аҳмад, Кадрдон далалар.*

МУЛЗАМЛИК Мулзам ҳолат. *«Мен сиз-ни танимаيمان, йўлингиздан қолманг», деса, унда нима қилади? Мулзамликнинг оғир то-шини кўтариб квта берадимми? Ҳ. Гулом, Машғал.*

МУЛК \a. **длл**. — шахсий бойлик, мол] 1 Ихтиёрдаги, қўлдаги бор мол-дунё, ер-сув, иморат ва б. бойликлар. *Жамоат мулки. Ху-сусий мулк. Шахсий мулк. умт [Комилов Қоди-ровга:/ Давлат мулкани, халқ мулкани кўз қорачигидай сақлашимиз керак. Уйғун, Нав-бахор. Мадамин отасидан қолган молига мол, мулкига мулк қўшди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 кўчма Бойлик. *Ойбекнинг қишамига ман-суб асарлар аллақачон қардош халқларнинг маънавий мулкига айланган. Газетадан. Рес-публика кенгаши қишлоқларни қайта қуриш-да тўпланган бой тажрибаларни ҳамманинг мулкига айлантириши ҳақида астойдил гам-хўрлик қилмоқда. «Ўзбекистон кўриклари». Уз аҳамиятини иўқотмайдиган асарлар умумсанъат мулки, халқлар мулки бўлиб қол-ди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

3 эск. кт. Жой, мамлакат каби маъноли сўз билан бирикиб, шу сўз англлатган жой, мамлакат, вилоят маъносини билдиради. *Подшоҳ ҳазратлари, мулки Хуросоннинг тақ-дири ва ҳаёти сизнинг қўлингиздадир. Ой-бек, Навоий. Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора хиқ. Аваз.*

4 кўчма Баъзи сўзлар билан бирикиб, шу сўз англлатган нарсага тегишлиликни билдиради. *Бу кишининг сеҳрли бўёқларидан чиқаётган суратлар гўзаллик мулки. С. Ка-роматов, Сўнгги бархан. Хусн мулкида киши танҳо бўларми мунча ҳам? Муқимий.*

МУЛК-АМЛОК Бутун мол-мулк, мол-дунё. *Йигирма жуфтлаб қўи хўкиз дейсиз-ми, ўн-ўн бешлаб арзумоқ отлар деисизми.. ишқилиб, ундаги мулк-амлокнинг ҳисобига чўт билмаган содда деҳқон етолмас экан. Ҳ. Гулом, Тирилган мурда.*

МУЛҚДОР [a. + ф. **ЈААУ** - мулк эгаси] 1 Мулк субъекти; мулк объектига эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқий тамо-йиллари асосида мустаҳкамланган ҳуқуқларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. *Хо-размда энг катта мулкдорлардан бири ҳам қозикалон эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Хусусий мулкнинг тўла эркинлиги таъминланиб, хўжа-лик юритувчи субъектлар — мулкдорлар сони кескин кўпайди. Газетадан.*

2 тар. Катта ер-сув эгаси; заминдор. *Қа-димги мулкдорларнинг ҳосилдор ер ва боғла-ригина эмас, балки бошқа ишлаб чиқариш қуроллари ҳам энди батамом колхозга ўти-ши лозим эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

МУЛҚДОРЛИК Катта ер-сувга эгалик.

МУЛҚИЙ Мулкка оид; мулк ва унга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган. *Иқти-содий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа мулкий муносабат-ларни тубдан ўзгартирмоқдир. Газетадан.*

МУЛҚПАРАСТ [a. + ф. **с^ДБ**, - мол-мулкни яхши кўрувчи] Мол-мулкка ўч, мулк тўплашга муккасидан кетган. *..ниҳоят очкўз, мулкпараст бўлган. Ойбек, О.в. ша-бадалар.*

МУЛКЧИ кам қўлл. Хусусий мулк эга-си, мулкдор; хусусий мулкка берилган.

МУЛКЧИЛИК Кишилар ўртасида иш-лаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулини ўзлаштириш юзасидан пайдо бўлган ва тарихан аниқ бир шаклда намоён бўлувчи иқтисодий муносабатлар. *Феодалларнинг ер ва сувга бўлган мулкчилиги зоят кенг тарқалган эди.* Газетадан.

МУЛЛА [а. — ўқимишли, такводор одам] 1 Ўрта Шарқ, Марказий Осиё мамлакатларида мадраса таълимини олган шахс. *Мадрасани тугатгач, ошиқлар ёр васлига ошиққандек, мулла Абдурахмон ҳам ўз шаҳ-рига елиб-югуриб етди.* А. Қодирий, Меҳроб-дан чаён.

2 Дин арбоби, уламо. *Мулланинг айтга-нини қил, қилганини қилма.* Мақол. *тм Чўриликни муллалар сенга қилдилар тақрир [қарор].* Ҳамза. *Бухоро шаҳрида Мирарабмадрасасининг миён саройида кўп муллалар тўпланишиб, мадрасанинг вақфи тўғрисида гапиришмоқда эдилар.* С. Айний, Қуллар.

3 с. т. эск. Маъдумотли, ўқимишли киши. *Айтайлик, менинг хизматкорим мулла бўлди-ю, оми бўлди — менга бари бир эмасми?* К. Яшин, Ҳамза. *-Ҳа, мулла, чарчамасдан, си-қилмасдан юрибсанми? Мунча озиб кетиб-сан? — деди қори [Элмуродга].* П. Турсун, Ўқитувчи.

Мулла бўлмоқ 1) ўқиб, маълумотли бўлмоқ, ўқимишли бўлмоқ. *У ўқиб, мулла бўлиб, бирор шаҳарни олиб берармиди менга!* К. Яшин, Ҳамза; 2) таъзирини еб, кўзи очилмоқ. *Қамоқдан жиндак бўлса ҳам «мул-ла» бўлиб қайтганлигим шу лаҳзада кучини кўрсатди.* Х. Лутфуллаев, Бахти кулган йи-гит. Мулла қилмоқ 1) мадраса маълумотини бермоқ. *-Хўп, қизим, хўп, поччаси боқма-са боқмасин, мен ўзим бокаман, ўқитиб, кат-та мулла қиламан, — деди Моҳлар ойим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) саводини чиқармоқ, маълумотли қилмоқ; 3) кўчма таъзирини бермоқ. *Мавлон Мусаевич ўрни-дан турди. Ўзича Зумрадни бир мулла қилиб қўймоқчи бўлди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

4 Хурмат юзасидан мурожаатда, гаплаш-ганда, кишининг исмига қўшиб айтилади. *-Дунёнинг иши шунақа экан, мулла Али! — дебун юпатибқўйди [Отабек].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Лоақал бир кафт тупроқ таиш-ласангиз-чи, мулла йигит!Ў.* Ҳошимов, Қал-бингга қулоқ сол.

Мулла жиринг, муллажиринг с. т. Пул. *Сенга ўхшаш, менга ўхшаш мойжувози борлар солиқ тўламай қўйса, советнинг хамё-нига мулла жиринг қаёқдан тушади ?* П. Тур-сун, Ўқитувчи. Мулла минган эшакдай дағл. *Ўта ювош. Азиза ҳам эри бир кунмас-бир кун мулла минган эшакдай, ювош тортиб кели-шини кутиб юрди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Қамоқда эзилса, мулла минган эшакдай.. бир кунмас-бир кун балки чиқиб келар..* Ойбек, Танланган асарлар.

МУЛЛАБАЧЧА [а. + ф. ^Ўи> - мулла-нинг боласи] юқ. усл. айн. муллавачча. *Мад-расада уч муллавачча бир бўйра устида ўти*

742 ЯБ^

риб, мушкул бир масалани баҳслашади. Ой-бек, Навоий.

МУЛЛАВАЧЧА 1 Мадраса талабаси. *Бу бой тириклик чоғида вақф унумларини му-даррис ва муллаваччаларга ўз қўли билан бе-риб юрар эди.* М. Мухаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Муллаларнинг, уламоларнинг боласи, фарзанди.

МУЛЛАКА [тўғриси: мулла ака] 1 с. т. Ўзидан катта, ўқимишли кишиларга мурожаат формаси. *Мавлоновўтириши бешин Ҳай-дарбой шошилиб, бир чойнак чой билан пиёла келтириб, унинг олдига қўйди-да: -Хуш ке-либсиз, муллака! — деди мулозамат қилиб.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 шв. Келиннинг қайнағаси ва ўзидан катта қайниси.

МУЛЛАНАМО Мулла кўринишига эга бўлган, муллаларга ўхшаган. *Гумаиша Муҳаммад Расул қирқ ёшга етиб қолган мута-возе, мулланамо киши эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУЛЛО юқ. усл. айн. мулла. [*Жалолид-дин:\ Улуг шайх Саъдий яхши айтган: ИЛМУ-га амал қилмайдиган муллодан устига ки-тоб ортган эшак афзал.* Уйғун ва И. Сул-тон, Алишер Навоий.

МУЛОЗАМАТ [а. О-јјU - бирга бўлишлик, ажралмаслик; бирга эргашиб бориш; қатъийлик] Кишининг кўнглини олиш учун кўрсатилган илтифот; эъвоз-ик-ром, такаллуф. *Меҳмонга мулозамат қимоқ. Мулозамат кўрсатмоқ. ум [Хатамова] Меҳмонларни хотинларга хос мулозамат ва ши-ринсўзлик билан кабинетига таклиф қилди.* А. Қаххрр, Картина. [*Тўлқинжон*] *Боруста-лигини ишга солиб, илтифот ва мулозамат-лар билан қизнинг кўнглини овлай бошлади.* Ф. Мусажонов, Хури. *Ақсъйи кўнгил учун му-лозамат ҳам қилишмади.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

МУЛОЗАМАТЛИ Мулозамат қилишни яхши биладиган; сермулозамат, сертакаллуф. *Ҳақиқатан ҳам у ўта мулозаматли, хуш-чақчақ йигит кўринар эди.* Н. Аминов, Қал-тис хато.

МУЛОЗИМ \а. (ОзЪ.- керакли; чамбар-час боғлик, ажралмас; доим ёнида хизмат қилувчи) **1 тар.** Ҳокимларнинг, амалдор-ларнинг ҳузурида уларнинг хизматида бўлган киши. *Раис афанди мулозимларига дарра кўтартириб, намозсизларни текиширар, фарзи айинни билмаганларни урдирар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Энг кейинги извошда икки мулозим билан Абдуваҳоб жўнади.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

2 Сарой, маҳкама хизматчиси. -*Қозихо-надан бир мулозим келибдир. Полвонда ишим бор дейди, — деб дах^издан кирган бола Ўрмон полвоннинг сўзини кесди.* С. Айний, Куллар.

3 эск. Ходим, хизматчи. *Музей мулозими бизга ажойиб бир кашфиётни — Ҳиндистон-нинг жуғрофий харитасини кўрсатди.* **3.** Ак-рамов, Ҳиндистон лавҳалари.

МУЛОЗИМАТ қ. мулозамат. *Арслоннинг бундай мулозиматларни хуш кўрмаслигини пайқаб, нафаси ичида қолди.* Мирмуҳсин, Яширинган куч. -*Мана буни ҳўпланг, онам, — деди чол жойига ўтириб. Меҳриниса бу мулозиматдан бадтар хижолат бўлди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

МУЛОЙИМ \а. ^зЪ.- мос, мувофиқ, қулай; одобли, хушхулқ] **1** Қўлга юмшоқ уринадиган, майин. *Мулойим тери. ижХол-жувон ойм.. бадангиналари мулойим.* «Ҳасанхон».

2 кўчма Ёқимли ва юмшоқ таъсирли. *Эрталаб ёмғир тинган, ҳаво нақадар муло-йим ва оромбахш.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Муҳиддин Юлдузхоннинг мулойим товушида ўз қалбидаги сингари маънони сезди.* Р. Фай-зий, Чўлга баҳор келди.

3 кўчма Гап-сўз, хатти-ҳаракатлари ни-хрятда ёқимли ва юмшоқ. *Алихон табиатан оғир, мулойим, камгап йигит эди.* М. Хай-руллаев, Тилла маржон. *Нариги қўнишидаги бош чўпон дадасини танир экан, парвона бўлди, бечора. Хотини ҳам бир мулойимки.* С. Анорбоев, Оқсой.

МУЛОЙИМЛАШМОҚ **1** Мулойим бўлмоқ, майинлашмоқ, юмшамоқ. *Тери мулойимлашди. Лой мулойишашиди.*

2 кўчма Мулойим бўлмоқ, юмшамоқ {қ. мулойим **2, 3.**}. -*Ўшир, онанг овқат олиб келибди, еб ол, — деди у мулойимлашиб.* Т. Малик, Иблис девори. -*Туринг, қизим, — элликбошининг товуши бирдан мулойимлаш-ди, — ота-онанинг бошини букманг.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУЛОЙИМЛИК Мулойим ҳолат, тус, кўриниш. *Юзидан мулойимлик, эрига ито-ат, тўзрилиқ маънолари томиб турган бу хотин қутидорнинг рафиқаси Офтоб ойм.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юзидаги истеҳ-зога ўхшаган жилмайиш ўрнини*

айёрона му-лойимлик эгаллаган эди. С. Зуннунова, Янги директор. Холанинг кичкина, ўткир кўзлари-даги **илиқ** мулойимлик сўнди. С. Нуоров, Май-саларни аёз урмайди.

МУЛОҚОТ \а. оУ\Lo — учрашиш, кўри-шиш; қабул қилиш] эск. кт. айн. **учрашув; мусохаба** 2. Сўзга чиққанлар бундаи ижодий мулоқотларни тез-тез ўтказиб туриш за-рурлигиши гапирдилар. Газетадан. [Пирназар] Болалик оинаси полвон Қулмуҳаммад билан бўлган ширин мулоқотда яна.. хон зулми ошиб кетаётганидан шикоят қилди. Мирмуҳсин, Чўри. Ёш қалам соҳиблари билан ҳамма жой-да: Андижонда, Қўқонда, Наманганда дои-мий равишда мулоқот олиб бориши лозим. Газетадан.

Мулоқот қилмоқ Учрашмоқ. Хуросоннинг барча улуг зотлари билан мулоқот қилмоққа.. фурсат келган. Ойбек, Навоий.

МУЛОҲАЗА [о.^^^U- кузатиш, на-зорат; изоҳ; фикр билдириш; танбех] 1 Фикран муҳокама юритиш, ўйлаш; ўй. Биз уч оиланинг.. бир-бирига ўхшамаган қисмат-тақдири ҳақида мулоҳаза юритдик, вафо-дорликни улуглаб, бевафоликни ранж билан қаламга олдик. Газетадан. Унинг [эшоннинг] узок мулоҳазадан кейин бир фикрга келган кишидек кўзлари маъноли қисилди. С. Аҳмад, Хукм.

Мулоҳаза юритмоқ айн. мулоҳаза қилмоқ

1. Ўроқов садоқат ва дўстлик тўғрисида узоқ, узук-юлуқ, аммо баландпарвоз мулоҳазалар юритди. Й. Шамшаров, Тошқин. **Мулоҳаза қилмоқ** 1) фикран муҳокама юритмоқ, ўйламоқ. \Элмурод\ Бир гапни айтишдан **ил-гари** ўзича мулоҳаза қилиб кўрар эди. П. Тур-сун, Ўқитувчи; 2) андиша қилмоқ, анди-шага бормоқ. У [Элмурод] энди бўйни қисик етим эмас. Энди унга мулоҳаза қилиб ўти-ришдан кўра бор гапни шартта айтиб, кўнгилни хижолатдан бўшатиш осонроқ. П. Турсун, Ўқитувчи. Йигиталига бумалол кел-са-да, очиқ айтишига мулоҳаза қиларди. Т. Малик, Ажаб дунё. **Мулоҳозага бормоқ** айн. **мулоҳаза қилмоқ** 2. Улар ортиқча мулоҳаза-ларга бориб турмасдан, шу замон.оқ ўпарди-лар.. мен ўзимни тутдим. Ойдин, Ҳикоялар.

2 Бирор масала юзасидан билдирилган ёки ўйлаб қўйилган фикр. Иқтисодий масалага доир мулоҳазалар. Ўз мулоҳазасини баён этмоқ. **ит** Аҳмад Ҳусайн қулдан бадтар ожиз, забун, ҳаминша тақдирга итоаткор, гирт саводсиз бу деҳқоннинг мулоҳазаларига ҳай-рон колди. Ойбек, Нур қидириб.

3 айн. **андиша** 1. Мулоҳаза билан иш қил-моқ. **иш** Ҳосилот ота Комилжонни койиб бер-моқчи ҳам бўлди, тагин раис бу воқеадан хабардордир, деган мулоҳаза билан индама-ди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

МУЛОҲАЗАКОР айн. **мулоҳазали** 1. Пўлатов яхши кўради: ақлли, вазмин йигит.. мулоҳазакор. М. Ҳазратқулов, Журъат. Ҳай-даров ўзини мулоҳазакор одам хисобларди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

МУЛОҲАЗАКОРЛИК Мулоҳаза билан иш кўриш, иш юритиш. қ. **мулоҳаза**. 1, 2.

МУЛОҲАЗАЛИ 1 Мулоҳаза билан иш қилувчи, ўйлаб иш тутувчи, мулоҳаза юрита олувчи; андишали. Мулоҳазали одам. **ти**[Ди-ректор:] Абдусаммад, менингча, ўглингиз му-лоҳазали бола, у ўз йўлини топиб олади. О. Толипов, Ким айбдор? Мирзамуҳаммад Расулович етти ўлчаб бир кесадиған, муло-ҳазали, синчков, зукко одам эди. Ф. Мусаҷо-нов, Ҳиммат.

2 Мулоҳаза натижасида вужудга келган, ўйлаб қилинган, айтилган. Фандан широк одамлар улардан ажабтовур гаплар, муло-ҳазали фикрлар кутадилар. Газетадан.

МУЛОҲАЗАСИЗ 1 Мулоҳаза қилолмай-диган, мулоҳаза юритолмайдиган, ўйламас-дан иш қиладиган; бемулоҳаза. **Мулоҳаза-сиз** киши.

2 Мулоҳаза қилмасдан, ўйламасдан қилинган, айтилган. **Мулоҳазасиз гап**. Му-лоҳазасиз иш.

МУЛОҲАЗАСИЗЛИК 1 Мулоҳазасиз тарзда иш кўриш, иш юритиш. **Оқсоқ дар-виш** Бузрук Эшоннинг мулоҳазасизлигига таъби тирриқ бўлган эди. К. Яшин, Ҳамза.

2 Мулоҳазасиз қилинган иш, айтилган гап. [Юсуфбек ҳожи:/ Жуда тўғри айтасан, ўғлим, бироқ онангинг бир мулоҳазасизли-гига бошдаёқ мен лабимни тишлаб қолган эдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУЛОҲАЗАЧИ кам қўлл. айн. **мулоҳа-закор.** Онабиби ҳассос қиз. Гўзалликдан завқ

745 ЯЪ^

лана билади. Темир бўлса, қуруқ мулоҳазачи. А. Мухтор, Чинор.

МУЛЬТИ- [лот. multum — анча, куп] Байналмилал ўзлашма кўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсанинг кўплигини, кўп қайтарилиши (карралили-ги)ни билдиради.

МУЛЬТИМЕДИА [ингл. multimedia < мульти..+ лот. media, medium — ўрта, марказ; воситалар, тадбирлар] Ахборот-инфор-мация узатишнинг хилма-хил воситалари (матн, овоз, жонлантирилган ва график тас-вирлар ва ш.к.)ни қамраб олувчи технология ва шундай технологиядан фойдаланув-чи дастурлар ва компьютер воситалари.

МУЛЬТИМИЛЛИОНЕР [мульти.. + миллионер] Кўп миллионли бойлик эгаси.

МУЛЬТИПЛИКАЦИОН кино Мульти-пликацияга оид; мультипликация йўли билан ишланган. *Мультипликацион фильм.*

МУЛЬТИПЛИКАТОР [лот. multipli-cator — кўпайтирувчи] **1** Бирон-бир меҳанизм ҳаракатини кучайтириш, суюқлик бо-симини ошириш учун қўлланадиган мос-лама.

2 Мультипликацион фильмлар учун кадр (расм) лар ишловчи рассом.

3 Бир кассетага бир неча кадрни кетма-кет (изчил) оладиган фотоасбоб.

4 Замонавий макроиктисодиётда: бир ўзгарувчининг бошқа бир боғлиқ, тобе ўзгарувчига таъсирини (мас., инвестициянинг ўзгариши натижасида даромад, фойданинг ўзгариши) акс эттирувчи коэффициент.

МУЛЬТИПЛИКАЦИЯ \лот. multipli-catio — кўпайтириш| кино Ҳаракатдаги нарсаларнинг кетма-кет келадиган турли ҳолат-ларини акс эттирувчи сурат ёки кўғирчоқларни расмга олиш йўли билан фильм тай-ёрлаш ва шу йўл билан олинган кино-фильм.

МУМ [ф. джу> — асалари ўзи ҳосил қилиб, ўзига уя ясайдиган юмшоқ модда] **1** Ҳайвон ёки ўсимлик маҳсулоти бўлган ёғсимон модда, асосан, юқори ёғ кислоталарнинг мураккаб эфирлари ва юқори мо-лекуляр спиртлардан иборат.

2 Асалари ўзи ишлаб чиқариб, ўзига уя қурадиган сақичсимон юмшоқмодда; ўсимлик ёки ҳайвондан олинадиган шунга ўхшаш моддалар. *Усимлик муми. Сунъий мум.*

III *Асаларилар асал, мум, елимдан ташқари, ўз организмда захар ҳам ишлаб чиқаради. «Фан ватурмуш». Шарият Фиёс дўзахиларга ўхшаганлар қўлида ҳар қанақа шаклга кира-верадиган кишоқ мум. М. Исмоилий, Фар-ғона т. о. Мум шамли қандилдай қуруқ лабла-ри, Бир қатор қиз кетар, елкада обкаш. Ғ. Ғулом.*

Мум тишламоқ Оғиз очмай жим қолмоқ, индамаслик. *Алимжоннинг юраги тез-тез уриб, бадани қизишиди. «Наҳот мен мум тиш-лаб ўтирсам» деган фикр унинг хаёлидан ўтди. Қ. Рахимов, Ўз касбини севган йигит. Қози-калон каҳрабо тасбеҳини ўғирганча, мум тишлабўтирган эди. С. Сиёев, Аваз. Оқ мум Нефть, торф ва кўмирдан олинадиган оқ ёки сарғиш тусдаги мумсимон модда; па-рафин. Қора мум Қора мойга бошқа моддалар кўшиб тайёрланган сунъий мум.*

МУМИЁ I \а. **рU-^**] **ФИЗИОЛОГИК** функцияларни кучайтирадиган мураккаб биологик табиий мақсулот; қояларнинг ёриқларидан сизиб чиқадиган смоласимон модда (Шарқ табобатида асосан синган суяқларнинг битишини тезлатиш, меъда яраси ва ташқи нерв фалажини даволаш учун тавсия этилади). *Ўшанда Ҳикмат та-биб мошдек мумиё бериб, оёқларини тузат-ди. Мирмуҳсин, Умид.*

МУМИЁ II \а. **fL^oj^**.] Асосан сувсиз темир оксиддан иборат, кўпинча қизғиш-қўнғир ранг минерал бўёқ.

МУМИЁ Ш [а. pl[^]o^j^o] Махсус кимё-вий таркиб билан ишлов бериб, чиримайдиган қилиб қўйилган жасад.

МУМИЁЛАМОҚ Махсус кимёвий тар-киб билан ишлов бериб, чиримайдиган қилмоқ (жасадни). *Ухаёлот денгизига чўмиб, мумиёланган мурдадек, қилт этмай ўтириб қолди.* Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

МУМКИН [а. л л— бўлиши э\тимол; амалга оширса бўладиган; жоиз] **1** Имко-ни, имконияти бор, бўладиган, амалга ошадиган. *Қани энди ҳаётдаги саноқсиз эҳтимолларнинг барисига жавоб топиши мум-кин бўлса.* С. Кароматов, Олтин кум. *Ундан ўтиб, дарвоза орқали Дишан қалъага чиқиши мумкин.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Капсанчилар.. зиммаларига тушган вазифаларни мумкин қадар тезроқ бажаришига сўз бериб тарқа-лишиди.* А. Қаҳрр, Қўшчинор чироклари.

2 Рухсат этилган, ижозат қилинган; жоиз. *Боришингиз мумкин. Сўрашингиз мумкин. иши -Шаҳарда чўчка асраши мумкин эмас, ~ деди Мукаррам.* А. Қаҳрр, Адабиёт муаллими. *-Узи бу ерда ичиши мутлақо мумкин эмас, — деди у овозини настлатиб.* «Гулдаста».

3 Эҳтимоли бор, эҳтимолдан узоқ эмас. [Муҳаррир:] *Йўлдошева йигирма олтинчи йилда.. паранжси ёпиниб юрган бўлиши мум-кин, буни ҳозир таъна қилишида ҳеч қандай маъно йўқ.* А. Қаҳрр, Бек.

МУМКИНЛИК **1** Мумкин эканлик. *Ўз сирларининг Иўлчи томонидан очилиши мум-кинлигидан қўрққанлигидан бўлса керак, Нури туҳматни тарқатишига.. ортиқча уринмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 с. т. Имконият, имкон. [Марям:] *Бу кун беш-олти кундан бери сиз билан кўришармиканман, деб кўп интизор бўлсам-да, мумкинлик бўлмади.* Ҳамза, Ким ўғри?

МУМЛАМОҚ Мум суркамоқ, мум би-лан қошламоқ. *Тикишига янги бошлаган чоғларидида мумланган иннинг бармоқларига ёпи-шуви.. гашини келтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУМЛИ **1** Таркибида мум бўлган, муми бор. *Мумли асал.*

2 Мум суртилган, мумланган. *Кўзларига уйқу келган шогирд бола мумли инни қир-қир чўзиб, қатим тортар.. эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУМСИК [а. «I бахил, хасис] Ўта-кетган хасис, бахил, зикна. *Мумсик одам.*

МУМТОЗ [а. ў;аъло даражали, машҳур; имтиёзли; сараланган] **1** кт. Би-рор фазилати, яхши томони билан бошқа-лардан ажралиб турадиган, афзалликларга эга бўлган; етук, сара. *Ваъдага вафоли, ах-лоқда мумтоз, Дўстпарвар, ўз сўзли, ёрига содиқ.* Ғ. Ғулом. *Маҳалладагилар ҳам, мак-табдагилар ҳам Комилжонни «одобда мум-тоз», дейишади.* «Муштум». *Бу сизнинг ку-йингиз, устоз Навоий, Ғазал оламида мум-тоз Навоий.* А. Исроилов.

2 Муайян миллат ва жаҳон фани, санъ-ати, адабиётида муҳим ўрин тутадиган, миллатнинг шон-шухрати ва фаҳри ҳисоб-ланган; классик. *Мумтоз мусиқа. Мумтоз адабиёт. тт Шу тарзда Навоий ўзбек мум-тоз адабиётида «мунишот» деб аталадиган янги бир жанрни ҳам бошлаб берди.* П. Крдиров, Тил ва эл. [М. Маматова] *Айниқса, мумтоз қўшиқларни ижро этишини жон-ди-лидан яхши кўрарди.* Газетадан.

3 Мумтоз (эркаклар исми).

МУМТОЗЛИК Мумтоз белги, даража, ҳолат; шундай даража, белги, ҳолатга эга-лик. *Уяратган табиатнинг ранг-баранг лав-ҳалари кўркамлиги ва мумтозлиги билан ки-шига эстетик завқ бағишлайди.* «УТА».

МУНАВВАР [а. уу[^]] — нур сочиб ту-рувчи; нурли, ёруғ] **1** кт. Нур билан ёри-тилган, нурга тўлган; равшан, ёрқин. *Са-хий ёз кўёши оламга нур ғаратади, қабристон ҳам кўм-кўк, мунаввар.* Газетадан. *Одам-зоднинг кўёши, Мунаввар ҳаёт боши Бошла-нур шу хонадан, Доим уйгоқ онадан.* Ғ. Жўра-ева, Иқбол.

Мунаввар қилмоқ {ёки этмоқ) Нурли, чароғон қилмоқ; ёритмоқ. *Куёш уфқдан қанчаллик юқори кўтарилса, оламни шунчаллик мунаввар қилади. Ҳ. Гулом, Қуёш монанд ҳақиқат. Хонани қуёш нури мунаввар этиб турганига қарамай, Румия чироқни ёқди. С. Кароматов, Сўнгги бархан.*

2 Мунаввар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

МУНАВВАРЛИК Мунаввар, ёруғ, ча-роғон ҳолат. *Дарёлар бу ёғдуга мўл, мўл сарховат, эҳсонга, Мунавварлик эҳсон айлар қалби қайноқ инсонга. Э. Охунова. Дунё нодонлардан холис бўлганда эди, бу олам яна ҳам мунавварлик касб этарди.* Газетадан.

МУНАЖЖИМ [а. ? \;«- юлдузшунос, астролог] **1** эск. Мунажжимлик билан шуғулланган, юлдузларга қараб фол кўрган киши; астролог. [*Навоий Ҳусайн Бойқарога:*] *Халқнинг тақдирини мунажжисларнинг шуб-ҳали қуръаларига қараб эмас, балки ақл ва идрокнинг талабига кўра ҳал этмак зарур. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.*

2 эск. кт. айн. астроном. *Самарқанд-Китоб йўлида ҳазрат Навоий ва буюк мунажжим Улугбек замонасидан қолган минг йиллик чинорлар хали ҳам шовуллаб турибди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

МУНАЖЖИМЛИК Айрим кишилар ва халқларнинг тақдирини осмон ёритқичларининг вазиятларига қараб башорат қилиш (фол очиш) билан шуғулланадиган таълимот, касб.

639 ду[^]

МУНАҚА с. т. Бундай. -*а, отангизга раҳмат! Гап мунақа бўлади, — деди Юсвали тоға.. П. Турсун, Уқитувчи.*

МУНАҚАНГИ с. т. Бундай, бунақанги. *Мунақанги гапни биринчи эшитишим.*

МУНАҚҚАШ [а. j[^]li[^] — нақшланган; зар билан тикилган] эск. кт. Нақшланган, нақшли, нақшдор. *Олтин қандилдаги эллик-лаб шамларнинг нури билан мунаққаш девор-ларнинг олтин, кумуш, кўк-кизил гуллари юлдузлардек яшинаб, уйга бир хаёлийлик бе-рар эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

МУНАҚҚИД [а. iaⁱ. — танқид қилув-чи; танқидчи] эск. кт. айн. танқидчи. *Бу одам шу кунларда адабиёт майдонида ўзининг танқидлари билан жавлон урган мунаққид Аббосхон эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Асарда му-наққид «Бой ила хизматчи», «Заҳарли ҳаёт», «Миллий роман» асарларини илмий баҳолай-ди ва таҳлил қилади.* Газетадан.

МУНГ кт. Ҳазинлик, маъюслик. *Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб-кулмас, ҳамшиша унинг кўзида бир мунг ётар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Жамолиддин юзида ўчиқлик, кўзида мунг бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Ёндашмасин бу оқишом ҳам Қиттак қайғу, жиндак ҳам мунг. Мир-темир.*

МУНГЛАНМОҚ кам қўлл. Мунгли, маъюс аҳволга тушмоқ, маъюсланмоқ. *Анор-хон ўқтин-ўқтин хаёл суриб кетади, бирдан мунгланибҳам қолади. Ойбек. О. в. шабадалар. Арслонов мунгланиб, жойига ўтирди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

МУНГЛИ кт. Ҳазин, ғамгин; маъюс. *Қайнарбулоқ томонидан.. мунгли най овози эшитилди. П. Турсун, Ўқитувчи. Унинг ғам-гин, мунгли ўтириши Гавҳарнинг юрагини ўртаб ташлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол.*

МУНДА **1** шв. Бу ерда. *Бизнинг Тошкент-дан аҳвол сўрасанг, балки Марғилонга ҳам эшитилгандир, мунда Азизбек қандоғдир бир кучга таяниб, Қўқонга исён этди. А. Крди-рий, Ўтган кунлар.*

2 с. т. Бунда. *Гап мунда эмас.*

МУНДАЙ с. т. Бундай. [*Самандаров:*] *Мундай гапирсангиз-чи, забон борми!?К. Қаҳ-хрр, Қўшчинор чироКгЛари.*

МУНДАРИЖА [а. <ц[^].н[^] - мазмун, маъно; таркиб] **1** Китоб ёки қўлёзманинг бошида ёки охирида унинг фасл ва бўлим-ларини, одатда бетлари билан кўрсатувчи рўйхат. *Китобнинг мундарижасига қарамоқ.*

2 кам қўлл. айн. мазмун. Мақоланинг мун-дарижаси. Ишининг мундарижаси. *ми Гани-шер Юнусовнинг ҳаёт мундарижаси — гўза парвариши ва қўриқ ер очганлигидир.* «Узбе-кистон қўриқлари».

МУНДИР [фр. *manture* - аслаҳа-анжом

< лот. *mundus* — кийинган, гўзал; кийим, либос] Ҳарбий ёки расмий формали устки кийим. *Кўприкдан кочиб кетаётган охириги солдатлар орасида немис капитанининг мун-дири кўринибқолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Парад мундирлари ҳам кўринмай қолди. Сол-датдан тортиб генералгача — ҳамма дала формасини кийиб олган.* Газетадан.

МУНДОҚ с. т. Бундай. -Гулнор бузилиб-ди.. Йўлчи иккови мана мундоқ эмиш! — Нури икки бармогини бир-бирига маҳкам чирмаш-тириб кўрсатди. Ойбек, Танланган асарлар.

МУНИС [— улфат, ҳамдам;

дўст] 1 эск. кт. Яқин, сирдош дўст, ҳамдам. *Кундан-кунга ортар дарду ҳасратим, Мунис, аҳли дардларимни соғиниб.* Ҳамза. *Гурбатхо-нада менга энг яқин ўртоқ ва сеvimли, мунис ёлғиз шу бароқ мушук эди.* Ғайратий, Ме-нинг ёшлигим.

2 Мунис (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

МУНИЦИПАЛИЗАЦИЯ \фр. *municipalisation* < лот. *municipium* — ўзини ўзи бошқарувчи жамоа] Хусусий кишиларга қарашли ер-мулк ва бойликларни мажбу-рий равишда маҳаллий ҳукумат органлари ихтиёрига ўтказиш.

МУНИЦИПАЛИТЕТ [нем. *Munizipalitat*

< лот. *municipium* — ўзини ўзи бошқарув-чи жамоа] Бир қанча мамлакатларда: ма-ҳаллий ўзини ўзи бошқарув органи ва у эгаллаган, жойлашган бино.

МУНКАЙМОҚ Букчайиб қолмоқ; бу-килмоқ, эгилмоқ (киши ва унинг қомати ҳақида). *Мункайган чол. тт Партихўжа ёғчи.. чол бўлмаса ҳам, чоллар каби икки қўлини орқа белига қўйиб, бир оз мункайиб, ичкари уйга кириб кетди.* Ойбек, Танланган асар-лар. *Робия хола яккаю ягона ўғли урушга ке-тиб, мункайган чоли билан қолган.* С. Зунну-нова, Олов.

МУНКАРНАКИР [а. ^ j - ўл-ганларни қабрда сўроқ қилувчи фаришта

748

ларнинг номлари] ст. Мункар ва Накир: Исломиий тасаввурга кўра, ўлганларни Раб-бинг ким, дининг нима, пайғамбаринг ким, деб қабрда дастлабки сўроқ қилувчи, уларни қилган гуноҳдари учун жазоловчи фаришталар. *Афанди мункарнакирнинг сўро-гини ўз кўзи билан кўргиси.. келиб қолди-ю, бир очиқ гўрга кириб ётди.* «Латифалар».

МУНКИЛЛАМОҚ Қарилик натижаси-да кучдан кетиб мункаймоқ, букчайиб қол-моқ. *Яқинда Кумри ши билан яна Тошкентга келди. У ҳар галдагидек қадрдон институ-тига бориб, мункиллаб қолган профессорини кўриб чиқди.* Мирмуҳсин, Ажрим. *Мункил-лаган бир кампир, нур ёғилиб бетидан, Дўкил-латиб ҳассасин, ўтди кўча четидан.* Қ. Му-ҳаммадий.

МУНКИМОҚ 1 Қоқилиб ёки мувоза-натни йўқотиб, олдинга силкинмоқ, таш-ламоқ. *Канал қиргоғидаги чанг босган ўтлар устида эринчоқлик билан бораётган от бир-дан мункиб кетди-ю, икки олдинги оёғи би-лан чўккалабқолди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Қудрат қўлидаги сувли челак билан мункиди, лекин йиқилмади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 кўчма Нотўғри йўлга кирмоқ, тўғри йўлдан озмоқ, тоймоқ, қоқилмоқ. *Ғафлат-га мункимоқ. ши Унинг иқбол чирози мана шу мункишида қўлидан тушиб, чилтарчин бўлмасмикан?* С. Анорбоев, Оқсой.

МУНКИР [а. j<. \ л — инкор этувчи, то-нувчи] эск. Инкор этувчи, тан олмовчи. - *Худонинг қудратига мункирмисан? — деб Муллонавруз ҳам Сафарга бир дўқ қилиб*

қўйди. С. Айний, Қуллар. *Биз тез вақтда Хуросонни чириган, ачиган мавлонолардан, шариатга мункир аҳли фузалодан тозалаб оламиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Мункир келмоқ Тан олмаслик, тонмоқ. -*Шариатга мункир келган Ҳасан билан Со-диққа ақл ўргатишига кетаётганмидингиз? — деди Нишонбек Мўътабарга.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. *..ўзларига ён босган зот-ларнинг бошидан тилла еочарди-ю, аммо уларнинг ҳукмдорлигига қиттаккина мункир келган кимсани асло кечирмасдилар.. кат-тиқ ўч олардилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МУНОЖОТ \а. - илтижо,

махфий суҳбат] **1** *дин.* Ислондаги фарз на-мозлардан ташқари, ихтиёрий равишда ўқиладиган намозлар. Ҳар қандай диндор-нинг худога ихтиёрий илтижо ва ибодат қилиши ҳам муножот \исобланади. *Қишининг кўп вақтлари.. кечалари қиблага қараб, тиз букиб ўтириб, худога йиғлаш ва муножот қилиши билан ўтар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Афанди ёмғирда иви-ган бир иморатнинг орасида худодан давлат сўраб муножот қилаётган эди, чордевордан бир гишт тушиб, унинг боши ёрилди.* «Лати-фалар». *Айрилиқдан тинмайин дод айлайин, Ёлбориб, ҳаққа муножот айлайин.* «Ойсу-лув».

2 *ад.* Шарқ мумтоз адабиётининг анъа-навий унсурларидан бири. Одатда, муножотда нажот умиди, илтижо ва тавбалар тангрига оташин мурожаат шаклида ифодаланади.

3 *Йирик шаклдаги ўзбек мумтоз чолғу куйлари туркуми (уч асосий қисмдан иборат).* *Домла.. музиканинг хумориси ту тар экан, «Муножот» билан «Қари наво»ни зиштмаган куним, бамисоли халтасини йўқотган девонаман, деган экан.* П. Турсун, Ўқитувчи,

4 *Муножот (хотин-қизлар исми).* МУНОЗАРА [а. ʋjJiL.- баҳс, мубоҳа-

са, тортишув; назорат] **1** *Илмий, адабий, сиёсий, диний ва ш. к. масалалар юзасидан тортишув; баҳс.* *Илмий мунозара. Қизгинму-нозаралар. Мунозара олиб бормоқ. Мунозара ўтказмоқ. Мунозарага яқун ясамоқ.* **иш** *Эл-мурод оқсоқол билан эшон ўртасидаги диний мунозарага аралашини лозим кўрмади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *ад.* Мумтоз адабиётда кенг тарқалган жанр; фикрлар кураши, қарама-қаршили-ги шаклида ёзилган асар.

МУНОЗАРАЛИ **1** *Мунозара талаб эта-диган, ҳал қилинмаган. Чакана нархларни ўзгартириши мумкинлиги, шубҳасиз, ҳозирги пайтда энг мунозарали масаладир.* Газетадан.

2 *Мунозарага оид, мунозара тарзидаги. Врачлар ўртасида калта-калта мунозарали гаплар бўлиб ўтди.* Ж. Абдуллахонов, Орийт. *Кейинги пайтда тарихий шахслар портре-ти масаласида мунозарали фикрлар кўпайиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

МУНОСАБАТ [а. с^ʋkLZ.- муносиблик, мувофиқлик; жоизлик; қариндошлик; ало

749

қадорлик] **1** *Кишилар ўртасидаги алоқа, муомала.* [Элмуродга] *Эшоннинг муносабати ҳам ўзгарди. Илгаригидай қаттиқ сўкмай қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У Навоий билан Биноийнинг ўзаро муносабатлари ҳақида баъ-зи бир гаплар эшитган..* П. Қодиров, Юл-дузли тунлар.

2 *Кишилар, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги борди-келди. олди-берди муомалалари; тирикчилик, моддий ва маъна-вий ҳаёт билан боғлиқ бўлган алоқа.* *Оила-вий муносабат. Савдо муносабатлари. Иш-лаб чиқариш муносабатлари. Муносабат боғ-ламоқ. Дипломатик муносабатларни узмоқ.* **ит** *У банклар орқали ўз рақибларига қарши олиб бормоқчи бўлган «сирли ишлари»ни, ўз қарздорларига қандай муомала ва муносабат-да бўлишини ўйлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Кишининг воқеликка, воқеликдаги нарсаларга, ходисаларга қараш, ёндашиш принципи. *Аёл кишининг фазилати бола би-лан бўлган муносабатда очилади.* Ф. Муса-жонов, Ҳиммат. *Инсон моддий бойликни, маданий обидани яратар экан, ўзининг меҳ-натга бўлган муносабатида маънавий гўзал-лигини намоён этади.* Газетадан.

4 флс. Муайян тизимдаги элементлар-нинг жойланиш характери ва уларнинг ўза-ро боғлиқлигини ифодаловчи фалсафий тушунча. *Тафаккурнинг борлиққа муносаба-ти.* *тм Мен, одатим бўйича, сўзларнинг маъ-ноларини ва номларнинг номланган нарсалар билан муносабатини билишга қизиққанымдан: -У қишлоқни нега Тезгузар деб атаганлар? — деб сўрадим.* С. Айний, Эсдалиқлар.

5 Бирор иш, ҳаракат, гап ва ш. к. га дах-ли бўлган нарса, тегишли асос; боис, дахл. *Бу ишга сизнинг гапингизнинг ҳеч қандай муносабати йўқ, ти Тантубойвачча анчаги-на маст бўлиб, оғзига келганини валдирашга бошлади. Ҳар муносабат билан ўзини мақ-тади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тавҳидий бир муносабат тугдириб.. пиёлага ёзиб бер-ган шеъри ҳақида гапирди.* А. Қахҳор. Мил-латчилар.

МУНОСАБАТДОР Муносабатли, ало-қаси бўлган, боғланган; алоқадор, дахлдор. *Ишга муносабатдор томонлар.*

МУНОСАБАТСИЗ Муносабати, алоқа-си, дахли йўқ; алоқасиз, дахлсиз, боғлан-маган. *Муносабатсиз гап.* *тм [Мулла Обид] Гоҳо муносабатсиз бўлса ҳам, ўзича илжа-йинқираб қўяди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

МУНОСИБ \a. ^Li^.- мувофиқ, мос келувчи; мутаносиб] **1** Тўғри келадиган, мос тушадиган; мувофиқ, лойиқ. *Муносиб номзод. Исми жисмига муносиб. Муносиб кўрмоқ.* *тм Ёрмат бир йилдан буён қизини муносиб жойга узатишга тиришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Мувофиқ тушадиган, ярашадиган, ярашиқ. *Олим кишига муносиб сиполик.* *тм Уйлар ўзига муносиб безаклар билан безал-ган. «Эртақлар». Ғалабага марсия эмас, мад-ҳия муносиб.* Уйғун.

3 Арзийдиган, арзирли. *Муносиб ҳисса қўшмоқ.*

МУНОФИҚ \a. jiLi^ — иккиюзламачи; муғамбир| Тили бошқа, дили бошқа, сўзи ва иши бир-бирига тўғри келмайдиган, са-мимийлиги йўқ; иккиюзлама. *Мунофиқ одам.* *тм Бозор бошидаги мадрасанинг мударриси.. жуда мунофиқ, бориб турган извогар одам экан.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уриниш-лари. *Сиртдан сизга кўринар содиқ, Аслан эса шу хил мунофиқ!* Я. Курбон.

МУНОФИҚЛИК Мунофиқона иш, хат-ти-ҳаракат. *Бу ерда самимиятсизлик ва му-нофиқлик, бир-бирини алдаш Элмурод учун оддий бир ҳақиқат бўлиб қолган эди.* П. Тур-сун, Ўқитувчи.

МУНОФИҚОНА Мунофиқлик, икки-юзламалик билан, мунофиқдар каби. *Му-нофиқона ҳужум.* *тм Унинг кўзларида энди маккорлик, мунофиқона жилва йўқ эди.* К. Яшин, Ҳамза.

МУНОҚАША \a. A^SL.* - муҳокама, мунозара; олишув, жанжал] *эск. кт.* Муно-зара, баҳс, тортишув. *-Ҳозир бу масалани муноқаша этмак мавридими, мавлоно?! — деди [Беруний].* Газетадан. *Ҳамма.. Серовби-лан Эҳсон орасидаги муноқашага кўз-қулоқ бўлиб турар эди.* А. Қахҳор, Сароб.

МУНОҚАШАЧИЛИК *эск. кт.* Муноқа ша билан машғул бўлиш, баҳслашиш. *Маж-лисни муноқашачиликдан қутқариб, дўсто-на руҳлантириш учун Навоий мавзуну ўзгар-тиб юборди..* Ойбек, Навоий.

МУНТАЗАМ \a. • ц."-. - тартибга кел-тирилган, тартибли; бир текис, бир маром-даги] **1** Тартибли равишда узлуксиз давом

41-Ўзбек тилининг изоҳ,ти луғати

этадиган, канда бўлмайдиган; муттасил. *Самолётларнинг мунтазам қатнови. ит Тирик хужайра таиқи муҳит билан мунта-зам алоқада бўлган тақдирдагина яшай ола-ди.* «Фан ва турмуш».

2 Белгиланган тартибда, режа асосида амалга ошадиган. *Халқ хўжалигининг мунтазам ривожланиши. тш Илгор ишчилар кун-лик режа топшириқларининг мунтазам ор-тиги билан бажарилшига эришаётирлар.* Газетадан.

3 Тартибли, доимий равишда амалга ошадиган ёки ошириладиган; тартибли, доимий, изчил. *Йигитлар машигулотларга мунтазам қатнашарди..* «Ўзбекистон кўрик-лари».

4 мат. Ҳамма томонлари, ёқлари ва бур-чаклари тенг. *Мунтазам кўпбурчак. Мунтазам призма.*

Мунтазам армия (ёки кўшин) Қатъий ҳарбий тартибга эга бўлган, режали ҳар-бий тайёргарлик кўриб борувчи доимий армия (кўшин). *Мунтазам кўшиндан ажраб, заифлашиб қолган Бухоро сон-саноқсиз кўчманчилар томонидан босиб олинди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

МУНТАЗИР \a. jbv.. - кутувчи, ку-тиб турувчи] *кт.* Орзикиб кутувчи, инти-зорлик тортувчи; муштоқ, интизор. *Мунта-зир бўлмоқ. ишш Бухоролик жанобнинг.. қашқа қорабайири депсиниб ўйноқларди.. Ҳамманинг эътибори шу жанобда, фармонига мунтазир.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Унинг назарида, ёри келиб, девор орқасида мунтазир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МУНЧА 1 с. т. Бунча, шунчалик, бу даражада, бу миқдорда. *Мунча ҳам чиройлисан, азиз Ватаним.* Ф. Гулом.

Бир мунча, бирмунча Бир оз, бир қадар, маълум даражада. *[Кумуш] Боягига қараган-да анчагина енгиллашиб, ичкарига кирди. Ҳаракатлари ҳам бирмунча ўзгарган эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 унд. с. взф. Ҳаракатнинг ҳаддан ошиқ-лигини, ортиқ ҳаяжон, таъсирланганлик-ни ва ш.к. ни билдиради. *[Хотини эрига:]Ҳа, мунча!.. Туртмасдан гапира беринг.* А. Қаҳҳор, Анор.

МУНЧАЛИК с. т. Бунчалик, бу қадар. *[Ўзбек ойим Отабекка:] Келин билан ичсанг бўлар эди? Бировнинг боласини мунчалик хўрлаш яхши эмас.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

МУНЧОҚ Қимматбаҳо ва ранг-баранг шиша, тош ва ш.к. нарсалардан ясалади-ган, асосан зийнат учун ипга тизиб, бўйин-га, қўлга (билакка) тақиладиган думалоқ ёки бошқа шаклдаги доналар. *Шиша мун-чоқ. Ипга мунчоқ тизмоқ.*

Дўлана мунчоқ 1) йирик сариқ рангли холдор мунчоқ; 2) дўлана данагидан тизилган мунчоқ. **Кўз мунчоқ, кўзмунчоқ этн.** «Ёмон кўз»дан асраш учун кўзга яқин бо-лаларга тақиладиган оқ холли қора мунчоқ. **Эшак мунчоқ** 1) от ва эшакка тақиладиган йирик мунчоқ; 2) кўчма ҳеч нарсага арзи-майдиган, ярамас нарса ҳақида.

МУНШАОТ [a. - — яратилган, қу-рилган нарсалар; иншоот; муассаса] Шарқ шеъриятидаги жанрлардан бири, муаллиф-нинг назм ёки насрда ёзилган мактублари тўплами.

МУНШИЙ \a. ш,7; л — асосчи, яратув-чи; қурувчи; муаллиф, тузувчи, ёзувчи] *тар.* Саройда ёзув ишларини олиб борадиган котиб. *Атар девонхона саҳнига етганда, ичкаридаги каттадан-кичик мирзо, мунший-лар янги бошлиқларини муборақбод қилгали ўринларидан қўзгалдилар.* А. Қодирӣ, Меҳ-робдан чаён.

МУНҚАРИЗ [a. ^jli* - тўхтаб қол-ган; ўлган, сўнган, йўқолган] *эск. кт.* Ин-қирозга юз тутган, кризисга учраган. *Мун-қариз бўлмоқ.*

МУНҒАЙМОҚ с. т. Маъюс, тушкун ҳолда бўлмоқ; маъюсланмоқ. *Шарофат олдинги курсиларнинг бирида мунғайиб, тез-тез бурнини, кўзини артиб, дам-бадам хўрсиниб ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқла-ри. *Исломота*

мунгайибўтирганча, саллали бошини кафтлари орасига олиб, оғир-оғир тебранарди. Н. Аминов, Ёлғончи фариш-талар.

МУОВИН [а. (jɪɫ - ёрдамчи)] **1** Бош-лиқ ёки раҳбарнинг ўринбосари. Факультетни декан муовини Муслимов бошқариб борарди. П. Қодиров, Уч илдиш.

2 эск. Бировга кўмаклашувчи, ёрдамчи. Баъзи ўқитувчилар: «Ойига ўн беш-йигирма сўм берайлик, бизга муовин бўлингиз», деса-лар ҳам унамадим, чунки улар менга кўнда маслакдош эмас. эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

643 <7У^

МУОВИНЛИК Муовин лавозими; ўринбосарлик. Ҳамзахўжаевҳамиша муовин-лик лавозимида ишлайдилар, бошлиқ бўлиш-га қизиқмайдилар. «Муштум».

МУОЛАЖА [а. <LaJU-»— даволаш; тўғри-лаш; ишлаб чиқиш, ишлов бериш] кт. Да-волаш, даволаниш; даво. Муолажа қилмоқ. *тт* Табиб муолажанинг натижасини знти-киб кутар **ва** кўрбошини полвоннинг ҳар бир шартига унашга ундар эди. А. Қахҳрр, Кўр кўзнинг очилиши. Малика ўзини муолажа қилган табибнинг дўконига борди. «Эртақлар».

МУОМАЛА [«<L_L,b_o ўзаро муноса-бат, алоқа] **1** Кишилар билан муносабат, сўзлашув, шундай муносабат йўсини. Яхши муомала. Дагал муомала. Муомаласи ёмон одам. *тт* Домла машгулот вақтларида биров-ларга кўпроқ диққат бериб, бировларнинг кўнглини унча-мунча ўкситса ҳам, муомала-да дагал эмас эди. П. Турсун, Ўқитувчи. /Ўзбек ойим/ Теваракдан марғилонлик келинни кўриш учун келувчи хошинларга муомалани яна ҳам юқорироқдан туриб қила бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Иш, хизмат билан боғлиқбўлган алоқа. Убилан тўғридан-тўғри муомалада бўлмай-диганлар уни «райком», «райком Мавлонов» деб атасалар, яқинроқ **ва** кўпроқ муомалада бўладиганлар «ўртоқ Мавлонов» деб атар эдилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

3 иқт. Мехнат маҳсулотларини олди-сотди воситасида айирбошлаш (товар хўжалиги учун хос).

Муомалага келмоқ (ёки юрмоқ) Гапга кўнмоқ, бирор таклифга рози бўлиб келишмоқ. [Олахўжа:] Сиз ҳам энди оёгингизни тираб туриб олманг, бирон муомалага келинг. П. Турсун, Ўқитувчи. Муомаладаги пул Айни пайтда юриб, ишлатилиб, айланиб турган пул.

МУОМАЛАЛИ **1** Муомаласи яхши; хушмуомала. Муомалали одам.

2 Узи бирикиб келган сўз (аниқловчи) англаган маънодаги муомалага эгаликни билдиради. Яхши муомалали одам. Дагал муомалали одам.

МУОҲАДА [а. а_ж_*Li_o — битим, кели-шув, шартнома] эск. Битим, келишув. Сулҳ муоҳадаси. *тт* Бир маҳаллар шаҳарда ҳоким бўлиб турган Фишмашинг акаси билан ту-зилган муоҳадага кўра, бу тойлар (пахта тойлари) Германияга кетиши керак эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

МУРАББА {а. — тўрт бурчакли,

тўртбурчак; тўртлик, тўртланган] **1** ад. Шарқ шеърлятидаги лирик жанрлардан; асосан а-а-б-а қофияланиш тартибида тузилган, тўрт мисрали тугал маъноли шеър.

2 эск. мағп. Томонлари тенг тўғри тўртбурчак; квадрат, чорси. Тагишўр саро-йининг сатҳи иигирма мурабба метр келади. С. Айний, Дохунда. Мурабба шаклли гишт-лар ётқизилган йўлдан аста юриб, бош қасрга борди. Ойбек, Навоий.

МУРАББИЙ [а. ~ тарбиячи] кт.

1 айн. тарбиячи. Раҳматилла Обидий интер-натга муаллим ва мураббий бўлди. А. Қах-ҳрр, Кўшчинор чироклари. Мураббий —бола қалбида ниш ура бошлаган умид гунчалари-нинг меҳрибон соҳибидир. Р. Усмонов, Одоб-нома.

2 Иш-фаолиятда раҳбарлик, раҳнамо-лик қилувчи; устоз, раҳнамо. Алишер Навоий вафот этган эди. Бобур ўзига улуг бир мураббий топдим, деб суюниб юрганда, ўгай тақдир уни бу мадақкоридан ҳам жудо қил-ган эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Хоси-ятхон фақат Назиранинг устозигина эмас, қанчадан-қанча қиз-жувонларнинг мураббихи-си. Ё. Шукуров, Марғилон гўзали.

3 Спортнинг муайян тури бўйича якка ва жамоавий тарзда машқлар қилдириш орқали муайян кўникмаларга ўргатувчи, тегиш-ли соҳадаги малака-маҳрратни ўстирувчи устоз; тренер. *Футбол жамоасининг мураб-бийси. тт Мураббийнинг сўзларига кўра, ке-лишув.. ЖАР (Жанубий Африка Республика-си) футбол мутасаддилари Бразилияга кел-ганда амалга ошади.* Газетадан.

МУРАББИЙЛИК Мураббийга хос иш, фаолият. *Мураббийлик қилмоқ. тт Назарим-да, мураббийлик ҳаракатининг қудратини ёддан чиқараётганга ўхшаймиз.* Газетадан. *Ўтган ярим асрлик мураббийлик даврим мен учун ҳам катта ҳаёт дарсхонаси бўлди, кўп нарса ўргандим.* Газетадан.

МУРАББИЯ кт. Мураббий аёл. *Хиёбон-ларнинг биридан оқ халат кийган.. нозикки-на бир жувон чиқиб қолди. Қоровул уни меҳ-монларга таништирди. Жувон болалар бог-часининг мураббияси экан.* А. Қаҳҳор, Кар-тина.

МУРАББО [а. لڭ, _о — жем, мураббо; мармелад] Хўл мева, резаворлар ҳамда шакардан тайёрланадиган ширинлик. *Олчадан қилинган мураббо. Сабздан мураббо қайнат-моқ. шш Дастурхонга турли-туман канд-қурс, мева-чева, анвои мураббо.. бўғирсоқ-лар билан зеб берилган.* А. Қаҳҳор, Қўшчи-нор чироклари. *Тоғлик аҳоли қадимдан ри-вочнинг поясини майдалаб, мурабболар тай-ёрлашган.* Газетадан.

МУРАККАБ [а. таркиб топган, тузилган; тўплаб йиғилган; аралаш] **1** Ечи-лиши, тушунилиши, бажарилиши қийин; оғир, мушқул. *Мураккаб масала. шш Бу иш жуда мураккаб. Ҳ. Гулом, Машғал. Ҳомила-нинг мўъжизали ривожланиши жараёни био-логлар олдида турган энг мураккаб муаммо-лардан биридир. «Фан ва турмуш». Атоқли халқ санъаткори ҳаётнинг энг чигал, мурак-каб томонларини ҳам жонли тил билан сод-да килиб тушунтира оларди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

2 Катта қийинчиликлари бўлган, ма-шаққатли, оғир. *Хўжалигимиз деҳқонлари мураккаб об-ҳаво шароити юз берган йилда бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилиб.. дав-лат топишигини шараф билан адо этди-лар. «Ўзбекистон кўриклари». Мен билан тенгдош бўлган ёшларнинг ўсмирлик ҳаёти жуда мураккаб бир вақтга тўғри келган эди.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

3 Таркиби бир неча (жуда кўп) унсур-лардан ташкил топган. *Кўз жуда мураккаб оптик система бўлиб, киши ҳаётида кўзнинг яхши кўриши муҳимдир.* Газетадан. *Фан ва техниканинг узлуксиз ривожини ҳамда янги-янги мукамал мослама ва механизмлар яра-тилиши тўғрисида янада мураккаброқ ЭҲМ-лар пайдо бўла бошлади. «Фан ва турмуш».*

МУРАККАБГУЛЛИЛАР Уруғи икки паллали, мураккаб тўпгулли ўсимликлар (мас, кунгабоқар, дасторгул, дармана).

МУРАККАБЛАШМОҚ **1** Ҳал бўлиши мураккаб тус олмоқ, чигаллашмоқ. *Масала яна ҳам мураккаблашди.*

2 Оғир, машаққатли ҳолат касб этмоқ, шундай ҳолатга тушмоқ. *Баҳорнинг серёгин келиши тўғрисида деҳқончилик ишлари янада мураккаблашди. ти Агар аёл.. майиб-маж-руҳ бўлиб қолса борми, унинг оиладаги аҳво-ли бадтар мураккаблашади.* Газетадан.

3 Тузилиш жиҳатидан мураккаб шакл олмоқ. *Мураккаблашган механизм.*

МУРВАТ \а. му-о ~ тўғноғич; ўзақ, ўқ] эск. **1** Бириктириш учун ишлатиладиган резбали металл деталь; винт. *Ражаб бобо пўлат дарвоза тепасидаги мурватни куч билан бурай бошлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

2 Асбоб-ускуна ва машиналарнинг бу-раб ишга соладиган калити ёки пружинаси. *Шофёр чаққонлик билан машинани орқа тез-ликка солиб, катта кўчага бурилгач,*

приём-ник мурватини буради. С. Кароматов, Сўнгни бархан. У, мурвати бураб қўйилган ўйинчоққа ўхшаб, бетўхтов айланарди. Шухрат, Жан-нат кидирганлар.

МУРДА [ф. ој j^— ўлган; ўлик, жонсиз; ҳаром ўлган нарса] Ўлган кишининг жасади; ўлик. *...жанг майдонида пачақланган танклар ва душман мурдалари қаторлашиб қоларди. Газетадан.*

Тирик мурда Ҳеч нарса билан шуғуллан-майдиган, ҳаракатсиз, ҳиссиз шахсга нисбатан қўлланувчи ибора. *Тирик мурда бўлиб юрма, инсонсан, инсондай қилиқ қил, деб ўргатгансиз, ота. С. Сиёев, Аваз.*

МУРДАХОНА 1 Мурда турган уй.

2 Касалхоналарда мурда сакданадиган хона; морг.

МУРДАШУИ [ф. ^jiiuj_) - ўликни ювувчи киши] *шв. этн. Ғассол, ювғучи. Бахтсиз мурдашўйларни, касалнинг ўлимига ҳеч бир дахли бўлмагани ҳолда, «шумқадам», дебжанозага йўл қўймадилар, С. Айний, До-хунда. Эҳа, ҳали урмоқчимисан, бетингни мурдашўй ювгур! Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча.*

МУРДОР \ф. jljJ> нопок, ҳаром; ҳаром ўлган нарса] **1** *от Ҳаром ўлган мол; ўлимтик, ўлакса. Магар масжидда эшитма-дингмуким, бечора, аҳволи танг бўлган одам-ларга мурдорни емак ҳалолдир, деб. А. Қаҳ-қор, Миллатчилар.*

2 сфт. Ҳаром, нопок. *Номард — ит ка-бидир, мард — буюк дарё, Дарё ит дамидан ҳеч мурдор бўлмас. «Ақл ақлдан қувват ола-ди».*

3 сфт. кўчма Ҳаром-хариш юрадиган, ифлос ишлардан қайтмайдиган, нопок. *Мен балчиқда ётган бир мурдор аёлни ҳалоллаб олиб, савоб учун қўл чўзсам.. худодан қайтар, деб ўйлагандим. К. Яшин, Ҳамза.*

МУРДОРХЎР \ф. jljJ^ - ҳаром ўлган нарсаларни еювчи; бошқаларнинг ўлиmidан ўз фойдасини кўзловчи] **1** Мур-дор еювчи, ўлакса билан овқатланувчи (ҳайвон ва қушлар ҳақида).

2 кўчма Ҳаромхўр, бойлик учун ҳар қан-дай мурдорликдан қайтмайдиган. *Мурдорхўр одам.*

МУРИД \а. ^_>-в издош, эргашувчи, шогирд; суфийлар шогирди) *дин. Пир ёки эшон (муршид)га қўл бериб, суфийлик йўлига кирган шахс. Темурбекнинг отаси Лмир Тарагай эса Абдуҳолиқ Ғиждувоний шаълимотига ихлос қўйган Амир Шамсуддин Кулолнинг муриди эди. П. Қодиров, Тил ва эл. Адрас тўнли, зарбоф чопонли кишилар, ор-тида муридларини эргаширган уламо-ума-ро кўринса, дарҳол охират кунидан ваъз ай-тади. С. Сиёев, Аваз.*

Мурид овламоқ Қишлоқма-қишлоқ юриб, муридларни товламоқ, улардан назр-ниёз йиғмоқ. *Туркман эшонлари ҳам мурид овлайдилар, ҳам имоматчилик қиладилар, яъни туркманларнинг никоҳ ва жаноза ма-росимларини бажарадилар. С. Айний, Эсдаликлар.*

МУРОД [а. л\j]. тилак, истак, мақ-сад] **1** Эришиш, амалга ошириш кўзда ту-тилган орзу; мақсад, муддао. *Ботир ёрим, биладан, сиз қайғу дарёсига мандан чуқур-роқ ботгандирсиз. Энди ёлғиз муродим: сиз-ни бир кўрмоқ, сиз билан икки оғиз сўзлашмоқдир. Ойбек, Танланган асарлар.*

Мурод ҳосил бўлди Мақсад амалга ошди, орзу ушалди. *Хотиржам бўлинг, бе-гим.. Худо хоҳјаса, муродингиз ҳосил бўлмай қолмас. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

2 Мурод (эркаклар исми).

МУРОДБАХШ [а. +0.<j1^jI^ - мурод-га етказувчи] *кт. Кишининг муродини \осил қиладиган. Муродбахш зот. ттt Аҳма-дохун.. кизини ёнига чақириб, унга насиҳат қилган бўлди, бугун муродбахш кун, деб уни дуо қилди. К. Яшин, Ҳамза.*

МУРОЖААТ [а. о^I^ - кўриб чи-қиш; таққослаш, солиштириш; бирор нар-са сўраш; ишни қайта кўриш| Бировга қара-та айтилган гап, қилинган даъват, чақи-риқ ва

ш. к. *Механизаторларга мурожаат билан чиқсам.. таниқли, тажрибали, катъ-иятли механизаторларни чўлга чорласам.*

«Ўзбекистон кўриқдари». Яқинда матбуот-да республика илгор чорвадорларининг муро-жаати эълон қилинди. Газетадан.

Мурожаат қилмоқ (ёки этмоқ) 1) еп-рор иш, илтимос, чақириқ ва ш.к. билан бировга қарата оғзаки ёки ёзма сўз айтмоқ. *Илтимос билан мурожаат қилмоқ. тт Урда-га ариза билан мурожаат қиладиган ҳар ким, ҳатто расмий кишилар ҳам, аввал масла-ҳат сўраш учун Анварнинг ёнига келар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. - Подшоҳ ҳазрат-лари, — назокат билан мурожаат этди На-воий. Ойбек, Навоий; 2) маълумот олиш учун қарамоқ. Энциклопедияга мурожаат қилмоқ. Тарихий манбаларга мурожаат қилмоқ.*

МУРОЖААТНОМА Ёзма мурожаат, мурожаат хати. *Стокгольм мурожаатнома-си. тт Хон ва уламодан.. яширин равишда Тошкент, Андижон, Маргилон ва ўзга ша-ҳарларнинг ишончли уламо ва бекларига.. мурожаатномалар йўлланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

МУРОСА \а. Lil j-о - бир-биридан ро-зилик, ўзаро келишиш] Ўзаро келишувли муносабат; келишув, келишувчилик. *Муро-сага келмоқ. тт Қайси оилада муроса яхши бўлса, файзи дарвозадан кўриниб туради. Газетадан. Шундан кейин ҳам муштира она уларни муросага келтирмоқчи бўлди. Газета-дан.*

Муроса қилмоқ Келишувли йўл тутмоқ, муроса йўлини тутмоқ. *Халқ билан муроса қилишим мумкин, аммо улар билан икки дуне-да муроса қилолмайман. Уйғун, Навбахор. Турмуш бўлгандан кейин, муроса қилмасанг бўлмас экан. Н. Сафаров, Наврўз.*

МУРОСА-МАДОРА, муросаю мадора [муроса + а. Ij]ju.— яхши муомала, илти-фот] с. и. Келишувчилик. *Иининг чапнасига кетаёшиганини сезган Бўронбек «муросаю мадора» йўлига ўтди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

МУРОСАСИЗ Муросачилик, келишув-чилик қилмайдиган, муросага келмайди-ган, муросага, келишувчиликка йўл қўй-майдигап. *Муросасиз танқид. Муросасиз ку-рашмоқ. тт Ҳар бир ўқитувчининг ўзи ҳам ростгўй, нуқсонларга муросасиз, жонкуяр мураббий ва устоз бўлмоғи керак. Н. Сафа-ров, Оловли излар.*

МУРОСАСИЗЛИК Муроса қилмаслик, муросасиз ҳолат. «Муросасизлик» қурбони бўлган ота қизларидан на хабар олади, на бир бурда нонни раво кўради. «Муштум».

МУРОСАСОЗ айи. муросачи.

МУРОСАСОЗЛИК айн. муросачилик.

Муросасозлик ва ялтоқилик, каламуш гала-донни илма-тешиқ қилгандек, фанни кели-ради. С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МУРОСАЧИ Умуман, келишувчи, ён берувчи киши.

МУРОСАЧИЛИК Умуман, принцип-сизлик билан ён бериш; келишувчанлик. *Беда экиш режасининг бажарилмай қолиши ҳамда бедазорларни режадан ташқари ҳай-даб юбориш ҳолатларига муросачилик қилиш-га йўл қўйилди. Газетадан.*

МУРОФАА I а. d_a_sij-о судлашиш, даъ-волашиш; суд жараёни] 1 тар. Қозихонада жиноий ёки фуқаролик ишининг кўрилиши.

2 эск. юр. Суд жараёни, судда ишнинг кўрилиши. *Мурофаа бўладиган кун Иўлдош-бой ҳаммадан илгари бориб, бир чеккада ку-тиб турди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.*

3 эск. кт. Довлашув, олишув. **МУРОҚАБА** [а. <ц_a1^а кузатиш; му-шоҳада қилиш; назорат қилиш, текшириш] Ўзи, ўз ички дунёси ҳақида фикр юритиш, мушоҳада қилиш. *Халифа ҳали ҳам жойна-моз устида, сира қимирламайди. Муроқабда дарёсига чўмган. Ким билсин, «жаннат ҳуру гилмонларини» хаёл қилиб лаззат олмоқда-милар?С. Айний, Қуллар. Исфандиёр жойи-дан кўзгалмади,*

Исломхўжа ҳам фикрлари-ни жамлаб, муроқабига берилди. С. Сиёев, Аваз. ..икки қўлини қовуштириб ва зўр салла ўраган бошини ўнг кўкрагига мойил эгиб, ба-айни муроқабига ўтирарди. А. Қодирӣ, Обид кетмон.

МУРРУК шв. айн. **мурғак 2**. Каклик шун-дай сайрайди, шундай сайрайди, етти чақи-рим наридаги муррук жўжаниям ўрнидан қўзғатади. Ш. Холмирзаев, Сайланма.

МУРСАК 1 Аёллар киядиган энги кал-га устки миллий кийим; энгсиз камзул. Мастонбиби шу гапни айтиб, сандиқдан би-сотидеги мовут мурсагини олиб кийди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Тагин бир тилла-дан бўлган сарпо тўнни Муродхонга, бир мур-сакни Орзигул ойимнинг устига ёпди. «Му-родхон». ..иссиқ кийимим йўқлигидан, қиш кунлари мактабга ойимнинг мурсагини ки-йиб борардим. М. Қўшжонов, Дийдор.

2 шв. Марҳума тобути устига ёпилади-ган узун энгил камзул.

МУРТ шв. Мўйлов. Ўша-ўша, кичкина мурти тепага буралган. С. Сиёев, Аваз.

МУРТАД fo. - ўз маслагидан қайт-ган, диндан қайтган; хоин| **1** дин. Диндан қайтган, худога шак келтирган одам. Исло-миятдан қайтган кишини китобларда мур-тад дейдилар. С. Айний, Дохунда.

2 сиёс. Ўз сиёсий маслагидан қайтиб, душман томонига ўтган киши; сотқин; хоин. Ҳар ким жаҳидга, большевикларга, муртад-ларга, қисқаси, жаноби олийга ёғи бўлиб.. газога чиқмаса, моли талон, хотини талоқ. С. Айний, Қуллар.

3 Жирканч, палид. Муртад башара. Мур-тад шахс.

МУРТАК 11 айн. **эмбрион. 2** бот. Уруғ ичидаги униб чиқадиған ниҳолча.

МУРТАК II тиб. Шамоллаш ёки бир турли микробларнинг таъсири натижасида яллиғланган ёхуд йиринг олган томоқ без-лари. Отанинг томоғида ниладир тиқшиган-дай бўлди. Муртак чиққанда, шунақа бўлгув-чи эди. А. Эшонов, Тонготар таронаси.

МУРУВВАТ I ст. айн. **мурват**. Бино ичи-да монтажчилар қора мойга беланиб, алла-қандай мурувватларни бурайдилар. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

МУРУВВАТ II \a. oʻj^.- мардлик, са-хийлик; одамгарчилик, олижаноблик! Одамгарчилик юзасидан қилинган яхши-лик; саховат, ҳиммат. Шоқосим бу нарсани бир мурувват каби, севина-севина қабул қил-ди. Ойбек, Танланган асарлар. Бироқ биров бировга мурувват қилишдан оғиз бўлган ўша замонда Ҳамро ота ва унинг аёлига ўхшаш инсофли одамлар ҳам бор эдилар. Н. Сафа-ров, Катта карвон йўлда.

МУРУВВАТЛИ Мурувват қилувчи, са-ховатли, ҳимматли. Она қачоширдир, насиб қилса, бу сахий, одамгарчиликни биладиган мурувватли кишига бир яхшилик қилишни ди-лига тугиб қўйди. С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

МУРУВВАТПЕША кт. кам қўлл. айн. **мурувватли**. Бир қўл, бир оёғини кўтарол-май, беҳол бўлиб ётган басавлат, камгап, мурувватпеша Муҳаммад Раҳимжон ҳам
647 9Ъя

шафқатини уйғотар, ҳам нафратига турт-ки бўлар эди. С. Сиёев, Ёруғлик.

МУРУВВАТСИЗ Муруввати йўқ, мурув-ватни билмайдиган, ҳимматсиз. Мурувват-сиз киши. ти Лекин мурувватсиз, оқибат-сиз раислар, директорлар ҳам йўқ эмас. М. Мансуров, Ҳамманинг бурчи.

МУРУТ с. т. Мурт, мўйлов.

МУРЧ Тропик ўсимлик ва унинг зира-вор сифатида ишлатиладиган думалоқ ач-чик меваси ва уруғи; қора мурч. Туйилган мурч. Мурч донаси. **иши** Хўжақул. катта гўшт парчасини вилкага илиб, мурч сепар-кан, лабларини ялаб деди: -Хўп ажойиб нар-са-да кавказча шашлик. О. Ёқубов, Учра-шув.

МУРЧДОН Мурч солиб қўйиладиган кичкина идишча.

МУРШИД \a. juɪj-. - тўғри йўлга со-лувчи; пир; раҳбар, йўл бошловчи] Тасав-вуфда: тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устоз.

Муршиди ишқ Ишкетакчиси. **Муршиди комил** Камолотга етган, етук пир, устоз.

МУРҒ \ф. ^н, - қуш, парранда: товук] айн. **товуқ йили қ. товук 5**.

МУРҒАК [ф. Л^{^^}- кушча; жўжа] **1** Янги униб чиққан, ҳали қувватга кирма-ган, нозик-ниҳол (ўсимлик, новда, барг ва ш.к. ҳақида). *Мурғак гўза. Мурғак новда. Мурғак барг. тт Муаттар ҳидларга буркан-ган баҳор Мурғак куртакларга лабларин қўйди.* Х. Расул.

2 Ҳали суяги қотмаган, ўзини тутиб олмаган, нимжон (одам ва жониворлар боласи ҳақида). *Фақат қўзилар, кечагина қўз очиб, ёруғ дунёни кўрган мурғак жониворларгина бу даҳшатдан беҳабар эди.* Й. Муки-мов, Қизилқум пахтадони. *Хирург Аҳбор Раҳ-матиллаев дадилик кўрсатди: голят масъу-лиятли бўлса ҳам, тўрт ойлик мурғак чақа-лоқни операция қилди.* Ж. Кўчиев, Жонкуяр хирург.

3 кўчма Ҳали етилмаган, энди юзага келган. *Негадир бир варақ хат ичида улар-нинг мурғак севгиларига доир бир оғиз ҳам гап йўқ эди.* Мирмуҳсин, Умид. *Шеъринг мурғак, лекин дилинг соз, Нафасингда, де-дингиз, ўт бор.* Зулфия.

МУСАВВИР [а. ~ рассом; тас-вирга, суратга олувчи] Турли тасвирлар ишловчи, расм чизувчи ижодкор. *Ранг излай-ди мусаввир кўзи, Дарахтларга баргдек қўши-либ.* Х. Даврон. *Тасвирий санъатда ижодкор кишилар образини яратиши мусаввирдан кат-та тажриба талаб этади.* «Гулистон». *Му-саввирнинг энг сара бўёқлари, энг кимматли онлари кўклам тароватини суратга муҳрлаш-га кетади.* Газетадан.

МУСАДДАС \а. 0.. ј... - — олти қиррали, олти бурчакли; олтиталик] **1** эск. айн. олти-бурчак.

2 ад. Ҳар бири олти мисрали бир неча бандлардан иборат бўлган шеъринг шакл; олтилик.

МУСАЛЛАМ \а. ^ I... л— йўл қўйилади-ган, маъқулланган; тан олинган; соғ-саломат] эск. кт. Таслим бўлган, тан берган. *Ана, ўтган-кетган бизга мусаллам.. Қуллуқ қилар-миди, бўлмаса каллам.* А. Мухтор.

МУСАЛЛАС I [а. ,M1 л - уч хисса кўпай-ган; учбурчак] **1** эск. айн. учбурчак.

2 ад. Уч мисрадан иборат бўлган шеър; учлик.

МУСАЛЛАС II 1 Хонаки, қўлбола узум виноси. *Мусаллас солмоқ. Мусаллас ичмоқ. ти Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас би-лан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда расмий суратда ичкилик сотиши билан тирикчилик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Фикр каллада, мусаллас хумда етилади.* Шукрул-ло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 Енгил виноларнинг умумий номи. *Оқ мусаллас. Қизил мусаллас.*

МУСАЛЛАХ \а. ^1,..* - қуролли, ку-ролланган] эск. кт. Қуролли, қуролланган, яроқ-асла\али. *Саҳн юзида уч-тўрт юз му-саллах йиғинларни бировни кутган ҳолда кўрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУСАММАН [а. ј - - қимматбаҳо; саккизлик; саккизбурчак] ад. Мумтоз шеърингдаги лирик турга мансуб шеъринг шакл; саккиз мисрали бир неча банддан иборат бўлиб, биринчи банд ягона қофияланишга эга, қолган бандларнинг етти мисраси ўзара, саккизинчи мисра эса биринчи бандга қофиядош бўлади.

МУСАННИФ \а. . V, - китоб тузув-чи, муаллиф! эск. кт. Тасниф этувчи, ки-тоб, мусиқа ва ш. к. муаллифи, тузувчи. *Ки-тобнинг мусаннифи. Ушиоқнинг мусаннифи.*

МУСАФФО I а. ~~~ тоза, соф; тоза-ланган] **1** кт. Жуда ҳам соф, беғубор. *Му-саффо осмон. Мусаффо еуе. тт Яқингинада шивалаб ўтган ёмғирдан кейин ҳаво мусаф-фо.* С. Анорбоев, Оқсой. *Тошкент қадимдан серқуёи, мусаффо ҳаволи, серсув, унумдор тупроқли шаҳар сифатида шухрат қозонган.* «Саодат».

2 кўчма Тоза, пок. [Кундуз:] *Навоийдан-ми? [Гули:] Ҳа, менга битибдур. [Кундуз:] Мусаффо ишқини изҳор этибдур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Энг маҳрам дўстингиз — сизнинг мусаффо қалбингиздир.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

Мусаффо бўлмоқ 1) соф, беғубор бўл-моқ. *Осмондаги булутлар тарқаб, ҳаво мусаффо бўлди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Шаҳримизнинг кумуш камарлари — канал ва анҳорлари доим мусаффо бўлсин.* Газетадан; 2) бутунлай қутулмоқ, халос бўлмоқ. *Йўқ, мусаффо бўлиб соғайганингиздан сўнг, ўшан-да ҳам докторларнинг рухсати билан.* К. Яшин, Ҳамза.

МУСАФФОЛАШМОҚ Мусаффоликка эга бўлмоқ, мусаффо бўлмоқ. *Ёмғир савалаган сайин чанг-ғуборли атроф-жавониб тобора мусаффолашмоқда.* «Ёшлик».

МУСАФФОЛИК Мусаффо ҳолат. *Сув-нинг эпкинида.. баҳорги ёмғирнинг мусаффолиги бор эди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

МУСАХХАР \a. бўйсундирилган, мажбур қилинган] Қарам қилинган, бўйсундирилган.

Мусаххар бўлмоқ Қарам бўлмоқ, бўйсундирилмоқ. *Мусаххар бўлгай охир еру осмон, Билим бирла очилгай барча ҳикмат.* Ҳабибий.

МУСАХҲИХ \a. - тўғриловчи, тузатувчи; имзо қўйган; корректор] қ. кор-ректор.

МУСБАТ \a. Сi^i_о — ижобий; тасдиқ-ланган, исботланган] 1 мат. Нолдан катта, нолдан юқори. *Мусбат сон.*

2 физ. Моддий қисмлари протон ва по-зитрондан иборат электрга оид. *Мусбат заряд.*

3 кам қўлл. айн. ижобий. *Кўрган-билган одамларимдан қай бирига ўхшатсам бўлади? деган саволлар фикрини машғул этаркан, у, албатта, мусбат жавоб топар, шубҳасини ишончи енгар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унга мусбат воқеа ҳам, манфий воқеа ҳам тез таъсир қилар, нохуш воқеадан ҳам, завқёб ҳодисадан ҳам дарҳол қалби жунбиш-га кела бошларди.* С. Сиёев, Аваз.

МУСИБАТ [с. 2...~ - бахтсизлик; офат, фалокат, кулфат] Мотамсаро таш-виш; кулфат. *Мусибат тортмоқ. Мусибат чекмоқ.* *тт* Учқун ойисининг бошига тушган мусибатдан беҳабар. Ҳ. Ғулом, Машғал. *Тўй бўлиб ўтди, лекин тўй билан Бозорнинг уйи-га аза, мусибат, мотам келиб кирди.* С. Ай-ний, Дохунда.

МУСИБАТЛИ Бошга мусибат солган ёки келтирган, оғир, ташвишли. *Мусибат-ли воқеа. Мусибатли аҳвол.* *тт* Шу муси-батли кун шомга яқин кўча эшиги тақилла-ди. С. Кароматов, Олтин кум.

МУСИЧА Каптарсимонлар оиласи ғур-раклар уруғига мансуб, одамга яқин яшайдиган, беозор, ювош қуш. *..бўғотлардан чакиллаб сув томади, дераза рахларида кукулаб мусичалар сайрайди.* С. Сиёев, Ёруғ-лик. *Уялиш керак, ўртоқ директор, мендай мусичадек беозор кишини ранжитгани қан-дай кўнглингиз бўлди? «Гулдаста».*

МУСИҚА \a. ^i^< юн. *musike* — му-залар санъати) 1 Инсон ҳиссий кечинма-лари, фикрлари, тасаввур доирасини му-сиқий товуш (тон, нағма)лар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури. *Ҳинд мусиқаси.* *тт* Ибн Сино шарқда санъат назариятчиси, айниқса, мусиқа ил-мининг билимдони сифатида тез-тез тилга олинади. «Гулистон». *Ўзбек мусиқаси ва қўшиқчилиги тарихида очилмаган кўриқ — эстрада санъати эди.* Газетадан.

2 Шу санъатнинг чолғу билан ижро эти-ладиган асари; куй. *Машиқлар дарҳол «Хон чикар» дейиладиган тантанавор мусиқани бошладилар.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Салқин ҳов-лидан майин, латиф.. мусиқа ва қўшиқ эши-тиларэди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

3 кўчма Ёқимли, оҳангдор овоз(лар). *Чирилдоқларнинг майин мусиқаси ҳамма ёқни тўлдирган, гўё кечанинг ўзи куйлайди.* Ой-бек, Танланган асарлар. *Уларнинг оппоқ, кўркам гуллари қуёш нурида жуда нафис товланар, сонсиз арилар ва баҳор кўнглизла-ри гуллар орасида учишиб, ажибмусиқа тар-қатарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУСИҚАВИЙ айн. мусиқий **2.** *Бир тур-ли, бир оҳангли нафис, мусиқавий товушлар кишининг борлиқ вужудига, қон томирлари-га ажойиб бир ўзгариш берган эдилар.* А. Қоди-рий, Утган кунлар. *Ахир, бастакор ҳаёти-нинг гўзал ва сержило томонларини мусиқа-вий ранг билан чизмаса, майин туйғулар, эзгу ниятлар қанот ясай оладими?* А. Исроилов, Инсон ва кушиқ.

МУСИҚАЧИ Мусиқа чалувчи, созанда. [*Аваз укасига:*] *Комилнинг куйларини сира ҳам эсдан чиқариб бўлмайди. Бизда Комилга етадиган мусиқачи йўқ.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МУСИҚАШУНОС Мусиқа ўрганувчи, мусиқа олими, мутахассиси.

МУСИҚАШУНОСЛИК Мусиқа наза-рияси, тарихини ва муайян халк(лар)нинг мусиқа маданиятини ўрганувчи фан. *Му-сиқашуносликка оид асарлар.*

МУСИҚИЙ **1** эск. айн. **мусиқа.** *Дўст-ёрлар йиғилишиб, чағир ичиб, мусиқий ва рақслар билан тонг оттирадилар.* Ойбек, Навоий. *Навоий ўз тенги келадиган Мирза-бекни ичкиликдан қайтаришига, унда шеър ва мусиқийга ҳавас уйғотишига ҳаракат қилар-ди.* М. Осим, Сехрли сўз.

2 Ритм ва оҳангга эга бўлган; оҳангдор. *Мусиқий шеър.* **тм** *Пишқак билан Феруза-нинг бутун вужуди аллақандай мусиқий ритмга мос чайқалади.* С. Анорбоев, Гўзал-лик излаб.

МУСИҚИЙЛИК Ритм ва оҳангга эга-лик; оҳангдорлик. *Аксар вақт газалларга мусиқийлик нуқтаи назаридан қараб баҳо-лайдиган Зайниддин, завққа тўлгандек, бо-шини аста тебратиб ўтирди.* Ойбек, На-воий. *Жомий газалда ажойиб уйғунлик, ра-вонлик, мусиқийликка эриша олди.* Ш. Шо-муҳамедов, Сўнмас юлдуз.

МУСКАТ \фр. muscat < лот. muscus < ф. Л. и д — қорамтирхушбўй модда; қ. мушк| **1** Узумнинг мушк ҳидини эслатадиган хушбўй навлари.

2 Шу узумдан тайёрланган вино.

МУСКУЛДОР айн. **мускулли.** *Баланд бўйли, мускулдор бир одам эшикни очди.* С. Зуннунова, Гўдак хиди.

МУСКУЛЛАР [лот. musculus — сичқон-ча] Одам ва ҳайвонларда нерв импульсла-ри таъсирида қисқариш хусусиятига эга бўлган анатомик тузилмалар; мушаклар (улар айрим аъзоларни ва тана қисмлари-ни ҳаракатга келтиради). *Чой юрак мускул-ларида модда алмашинув жараёнини яхши-лайди.* «Фан ва турмуш».

МУСКУЛЛИ Мускули тараққий қилган. *Эй азамат, ботир кўкрак, мускулли қўллар.. Йўлингиз кенг, нурли йўлдор, эй бахтли юз-лар.* Туйғун, Шеърлар.

МУСЛИМ |«. {А^}- исломни қабул қилган, мусулмон] **1** кам қўлл. Мусулмон динидаги киши; мусулмон. *..ислом туғи ос-тига Туркистондаги жамики муслимларни тўплагаймиз.* К. Яшин, Ҳамза.

Муслим аҳли ёки аҳли муслим Мусул-мон(лар).

2 Муслим (эркаклар исми).

МУСЛИМИН, муслимун [«муслим» с. кўпл.] эск. Мусулмонлар, ислом динидаги кишилар.

Амирул муслимин Мусулмонлар амири, халифа.

МУСЛИН \фр. mousseline < Ироқдаги Мосул (J^j^J) шаҳри номидан] Енгил, юпқа ва майин газлама. *Ипак муслин. Юнг муслин. Муслин кўйлак.*

МУСОАДА |а. ь UL| ■■■ ~— ёрдам, кўмак; қўллаб-қувватлаш] эск. кт. Кўмаклашиш, имкон туғдириш. *Вақт мусоада қилса, ке-ларман.*

МУСОБАҚА | а. ал^L^о— тортишув, бел-лашув; танлов| Ким ўзиш, ким яхши на-тижаларга эришиш учун бўлган беллашув. *Отиш мусобақаси. Чопиш мусобақаси. Му-собақа қилмоқ.* **тм** *Сузиш, шахмат-шашка ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақа-лар ўтказилмоқда.* Газетадан. *Пахтазорлар-да очиқ-ойдин кунларнинг ҳар*

дақиқасидан унумли фойдаланиш учун.. мусобақа қизгин тус олди. «Ўзбекистон кўриқдари».

Мусобақа қилмоқ айн. **мусобақалашмоқ**. ..бу ўзи сиз билан биз мусобақа қиламизми ё халала-ҳашту ўйнаймизми? У. Исмоилий, Сайланма.

МУСОБАҚАДОШ Мусобақа қилувчи, ўзаро мусобақада қатнашувчи томонлар (бир-бирига нисбатан). *Мусобақадошларимиз келишармиш, шартномани топиб қўймасак бўлмайди.* «Муштум». *Чигит экишда мусоба-қадошларимиздан беш кун кечикдик.* Р. Фай-зий, Чўлга баҳор келди.

МУСОБАҚАЛАШМОҚ Ўзаро мусобақа қилишмоқ. *Олимпиада ўйинларида жаҳоннинг энг кучли спортчилари мусобақалашди-лар.* Газетадан.

МУСОБАҚАЧИ Мусобақада қатнашув-чи, мусобақа қатнашчиси. *Мусобақачилар бошқаларни ўнлаб одим орқада қолдиради-лар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

МУСОВАДА \а. j,,* — қоралама ёзув; (шартнома) лойихаси] эск. кт. Хатга олиш, рўйхат. [Бой:] *Мана, мусовадаси ҳам тайёр. Икки юз сўм нақд пул, беш пуд гурунч, икки чорак ун, битта бўрдоқи қўй!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

Мусовада қилмоқ Хатга олмоқ, рўйхат-ламоқ. *Мамарайим ҳеч кимни қуруқ қайтармади, каттакон дафтар очиб, кимга нима берса, мусовада қилиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

МУСОВИЙ \а. jJLu. -тенг, баробар] эск. кт. Тенг, баравар. *Икки карра икки мусовий тўрт.*

МУСОВОТ \а. oljLx^o- тенглик] эск. кт. айн. тенглик. *Қутлуг бўлсин янги меҳ-нат, янги бойлик, янги турмуш, онг-билим-нинг мусовоти.* Ҳамза.

МУСОВОТЧИ Мусовотчилар партия-сига мансуб киши. *Али Акбарнинг ўзи Озарбайжондаги кўзга кўринган актив мусовот-чилардан бўлган.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

МУСОВОТЧИЛАР тар. Озарбайжонда 1911 йилда вужудга келиб, 1920 йилда, Озарбайжонда совет хркимияти ўрнатил-ганда битирилган сиёсий партия.

МУСОДАРА \а. ,^ * — мол-мулкни мажбурий равишда давлат ихтиёрига ўтка-зиш; тортиб олиш] **1** Хусусий кишиларга тегишли мулк ва ш.к. ни пул тўламай, қис-ман ёки батамом давлат ихтиёрига олиш, умумлаштириш. - *Отамнинг бутун молумул-ки мусодара қилинди, ўзи онам ва ёш укала-рим билан бирга сургун этилди, — деди Қутбия.* С. Айний, Куллар. *Хоннинг буйруғи би-лан Шерназарбой ва бошқалар ҳибсга олинди. Моллари мусодара қилиниб, хоннинг ха-зинасига кирди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Матбуотда чиққан нарсаларни тақиқ-лаб йиғиштириб олиш. *Бу китоб чиқиши биланоқ чор ҳукумати уни дарров мусодара қилди.* Газетадан.

МУСОИД \я. jLCL^o - ёрдам этувчи; қўшимча; ёрдамчи] эск. кт. Ёрдам берув-чи, қулай. *Ўрин бўлмагани, мусоид шароит бўлмаганидан мурожаатларнинг кўпи натижасиз қолди.* Газетадан.

МУСОЛАҲА \а. «- сулҳ тузиш;

ярашиш] эск. кт. Сулҳга келиш, сулҳ ту-зиш; сулҳ. *Урушувчи давлатлар мусолаҳаси.*

МУСОФИР \а. ^L^o - сафарга чиқ-қан, саёҳатчи, йўловчи; меҳмон] **1** Сафар-даги киши; сайёҳ. *Ҳар шаҳардан ҳар шаҳар-га юрамиз, Бир мусофир бизлар гадо бўламиз. «Ширин билан Шакар». Бой меҳмонхонага кирганда, мусофир ёстиққа бош қўйиб уйқу-га кетган, баҳузур йўл ҳордигини чиқараёт-ган эди.* У. Исмоилий, Сайланма.

2 Бошқа ердан келган ёки бошқа ерда яшовчи; келгинди. *Бундан ўн саккиз йил бу-рун бу қишлоқнинг бир бурчагида мусофир бир темирчи бўлар эди.* А. Қаҳҳрр, Сароб. *Қизим-ни мусофирга бермайман, деб қўярмикан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 с. т. Ўзга, ёт (эл-юрт хақида). -*Раҳ-матли отам мусофир элларда.. менинг нима бўлишимни ҳам ўйламаганмикан? — деди Ҳожихола.* М. Исмоилий, Фарғонат. о. *Биз*

узоқ жудодикдан кейин мусофир юртда уч-рашган ака-укалардек қучоқлашиб кетдик. О. Ёкубов, Излайман.

МУСОФИРЛИК айн. мусофирчилик. *Мусофирликлар ўтди. Юр, қайтайлик ўз юртга. «Оқ олма, қизил олма».*

МУСОФИРХОНА эск. Ўзга ерлардан келган кишилар қўнадиган жой; меҳмонхона. *Эллик тийинга фойтун кира қилиб, бир мусофирхонага бордим. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Карвонсарой атрофи-даги мусофирхоналардан бирига жойлашиб олишгач.. бозори Қандаҳорга боришди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

МУСОФИРЧИЛИК Мусофир киши-нинг ҳаёти, тирикчилиги, ҳолати. [*Отабек:/ Келган кунимдан Марғилонингизни хушламай бошлаган эдим, чунки танишларим йўқ, му-софирчилик билиниб қола ёзган эди. А. Крди-рий, Ўтган кунлар. Мусофирчиликда Ватан-нинг қадрини янада чуқурроқ ҳис қилдим. Газетадан. Ёш олимнинг мусофирчиликда бо-шидан кечирган кулфатлари бу танишлар олдида ҳеч гап эмасди. М. Осим, Жайхун ус-тида булутлар.*

657

МУСОҲАБА [а. ^{^L}> - бирга куза-тиб, ҳамсуҳбат бўлиб бориш; жўр бўлиш] эск. кт. **1** Суҳбатлашиш, ҳамсуҳбатлик, суҳ-бат. *Олимлар ва ёзувчилар оила аъзолари билан нонуштага ўтирар эканлар, мусоҳаба-ларининг мавзуи оқ олтин бўлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

2 Давлат, жамоат, фан, маданият ар-бобларининг мухбир билан оммани қизиқтирадиган бирор масала юзасидан матбуот учун ўтказган суҳбати; интервью. *Мусоҳаба ўтказмоқ.*

МУСОҲИБ \а. .ع, ن — ҳамсуҳбат, ул-фат; хуштор, жазман] эск. кт. *Ҳамсуҳбат, суҳбатдош. Дардсиз, бедил била ҳаргиз мусо-ҳиб бўлмагил, Ҳар нафасда минг чаманда дил қушин парвоз топ. Ҳамза.*

МУССОН \фр. mousson — йил фасллари < а. j-о — вақт, фасл; мавсум| Ер юзаси-да ва тропосферанинг қуйи қисмида дои-мо бир томонга эсадиган, фақат йил фасллари-нинг алмашилиши билангина ўз йўна-лишини қарама-қарши томонга ўзгартирадиган ҳаво оқими. [*Ҳиндистонда*] *Жазирама ёздан кейин муссон даври бошланиб, бир неча кун сурункасига жала қуяди. З. Акрамов, Ҳиндистон лавҳалари.*

МУСТАБИД \а. ل, ~, ., ., ل — ўз хоҳишича иш қилувчи; зolim, зулмкор] *Мутлақҳокимиятга эга бўлган ҳоким, истибдод эгаси. Азизбек Туркистон хонлигининг энг зolim ва мустабид саналган бекларининг бири ва унинг ўз карамогида бўлган Тошкент аҳолисига қилган зулмлари Фарғонага дoston. А. Қоди-рий, Ўтган кунлар. Мустабид шо^ирнинг разолати ҳам шундаки, улар фақат ўз ном-лари эмас, балки ўз эли номига ҳам доғ ту-ширишига қодирдирлар. О. Ёкубов, Кўхнадунё. Мустабид тузум мафкурачилари элига са-доқатли, обрў-эътиборли одамларни йўқ қилиш пайида бўлганлар. М. Қўшжонов, Дийдор.*

МУСТАБИДЛИК Якка шахс ҳукмрон-лигига асосланган сиёсий тузум шакли.

МУСТАЖОБ [а. -талабиқабул

этилган, қондирилган, қабул бўлган] *дин. Қабул этиладиган, ижобат бўладиган. Муш-типарсиз, дуоларинг мустажоб, Дуо қил, қўл очиб, сарвиноз қизлар. «Хушкелди».*

Мустажоб бўлмоқ Қабул этилмоқ, ижо-бат бўлмоқ. *Некалай замонасида Розикбой акамнинг ҳар бир дуоси оғзидан чикмасдан мустажоб бўлур эди. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

МУСТАМЛАКА \а. - эгаллаб

олинган, қарам мамлакат] *Кучли давлат томонидан босиб олиниб, эксплуатация қилинувчи мамлакат.*

МУСТАМЛАКАЧИ Мустамлака қилиб олувчи ва мустамлака меҳнаткашларини эксплуатация қилувчи. *Мустамлакачи дав-латлар. тш Илгариги миршаб ва юзбошилар мустамлакачилар томонидан қўйилган, улар-нинг ногорасига ўйнайдиган рус ва ерлик амалдорлар эди.* М. Мухаммаджонов, Тур-муш уринишлари.

МУСТАМЛАКАЧИЛИК Кучли давлат-лар томонидан зўрлик билан эгалланган мамлакат ёки худудни сиёсий ва иқтисо-дий мустақилликдан ма'рум этиб, ўзига бўйсундириш, қарам қилиш, талаш сиёса-ти. *Мустамлакачиликка қарши кураш. Мустамлакачилик сиёсати. ит Мустамлакачи-ликнинг энг шармаидали оқибатларидан бири меҳнаткаш аҳолининг саводсизлигидир.* Га-зетадан. *Маълумки, асрлар давомида қади-мий ҳинс) эли империализмнинг мустамлака-чилик зулми остида эзилиб келди.* Газетадан.

МУСТАСНО [а. ■■■ - - истисно қи-лин(ади)ган, ташқаридаги] Умумий қоида-дан, одатдаги тартиб, ҳолатдан ташқари. *Ёр, диёр меҳрини куйлаб, Умримиз бўлгай адо, Мен на истисно эрурман, Сен на мустасно, қалам.* Э. Воҳидов. *Айрим мустасноларни ҳисобга олмаганда, адабиётимиз турли йўллар.. тажрибалар асосида ривожланиб боради.* Газетадан. *Мулла Бурҳон мажлисга киришга мансаби жиҳатидан лойиқ бўлмаса ҳам.. мустасно тарзда киргизилди.* М. Жўра-боев, М. Б. мартабаси.

Мустасно қилмоқ {ёки этмоқ) Умумий ҳолатдагилар қаторига киритмаслик; истисно қилмоқ. *Агар дарсликларни мустасно қил-сак.. матбуот саҳифаларида, шунингдек, илмий, оммавий китоб ва рисоаларда кимё — химия, кимёвий — химиявий, кимёгар — химик тарзда уларнинг ҳар икки варианты ҳам қўлланаётир.* «ЎТА». *Отабоболаримиз шу тариқа, теракни мустасно этганда, ме-вали дарахтни кўпайтиришга зўр эътибор берганлар.* Газетадан.

МУСТАСНОЛИ Мустасно қилинади-ган, мустасно тарзидаги. *Шуниси ёмонки, ана шундай зуваласи хом таржималар онда-сон-да учраб қоладиган мустасно ҳол бўлмай, балки умумий китоб маҳсулотининг хийла катта улушини тайинлаш қилади.* Ғ. Саломов, Таржима назариясига кириш.

МУСТАСНОСИЗ Ҳеч бйрини мустасно қилмасдан; истисносиз, беистисно.

МУСТАҚИЛ [а. Јii^.- эркин, озод; тобе бўлмаган, алоҳида] **1** Ихтиёри ўзида бўлган; тобе, қарам бўлмаган. *Мустақил^ дав-лат. ишш Нормухаммад қушбеги Қўқондан бош товлаб, ўз олдига мустақил ҳукумат эълон қилган бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Ўзганинг ёрдамисиз ёки раҳбарлиги-сиз иш қила оладиган, ўзича фикр юрита оладиган, яшай оладиган. *Дўстларининг жилмайган юзлари.. унинг [Элмуроднинг] ҳеч қачон хаёлига келмаган бир фикрни шивир-лаётгандек бўлди: «Биз энди жиддий ва мус-тақил одашармиз».. деяётгандай туюлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Энди у ўзини мустақил ҳаёт йўлига қадам қўйган мустақил бир киши деб ҳисоблади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

3 Фақат ўзига тааллуқди, ўзгалар ишти-рокисиз, таъсирисиз бўладиган. *Ўзининг қизиқиб, мустақил шуғулланиши натижаси-да бу тилни ўқитувчиси билан гаплаша ола-диган даражада билиб олди.* Мирмуҳсин, Умид. *Менинг гапим шу: мустақил фикрингиз бўлса, яна ўйлаб кўринг.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *..учала шогирдидан ҳам мингдан-минг рози эканини айтди, энди мустақил иш қилаверишларингиз мумкин, деб фотиҳа ҳам берди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

Мустақил сўз Луғавий маънога, номлаш вазифасига эга, яъни предмет, белги, ҳаракат кабиларни номлайдиган ёки унга ишо-ра қиладиган ва гапнинг мустақил бўлаги вазифасида кела оладиган сўзлар. *Мас, гул, чиройли, сайрамоқ, беш, бу, қачон* сўзлари мустақил сўзлардир.

МУСТАҚИЛЛИК Мустақил ҳолат; боғ-лиқ, қарам бўлмаган ҳолат; давлатнинг ички ва ташқи ишларда бошқа давлатга қарам бўлмай фаолият кўрсатиши. *Сиёсий*

мустақиллик. Миллий мустақиллик. Муста-қиллик эълон қилмоқ. им Хироту Самарқанд-га бўйсунмай, мустақиллик даъво этаётган Амирак Ахмадни йўқотиб, ўрнига ўғилларидан бирини қўймоқ. Шохруҳ салтанати мав-қеини кўтаришида гоятда муҳим масала эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Бу хушҳол ва очиққў-нгил аёлда кўзга яққол ташиланадиган кучли ирода **ва** мустақиллик яширин эди. Ф. Муса-жонов, Ҳиммат.

МУСТАҒРАҚ [а. *مۇستاغراق*, -гарқбўлган; ўйга толган, чўмган| Гарқ бўлган, чўмган. Сенинг ёдинг билан юрибман омон. Сенинг ёдинг билан — масти мутағрақ. У. Қўчқоров.

Мустағрақ бўлмоқ Гарқбўлмоқ, чўммоқ. ..*Хаёлларга мустағрақ бўлар*. М. Али. *Тотли лаблар шаробидан қанчалик масти мустағ-рақ бўлмасин, Ахроржон яна ўзини секин чет-га олди*. А. Ибодинов, «Латофат» дўкониди-га қатл.

МУСТАҲАБ [а. *مۇستاهاب*, - севимли, аф-зал, устун; маъқулланган; қилинса яхши, қилинмаса гуноҳ бўлмайдиган ибодат]: **му-стаҳаб қилмоқ дин**. Тахррат олиш учун авратларни ювмоқ.

МУСТАҲИҚ [а. - муносиб, лойиқ; тўланиши шарт бўлган| *зск. кт. Са-зovor, лойиқ. [Навоий.] Мазлумнинг додига етиши ва* золимни жазога мустаҳиқ қилишни адолат дейдилар, азизлар. Уйғун ва И. Сул-тон, Алишер Навоий.

МУСТАҲКАМ [а. *مۇستакام* - маҳкам, кучайтирилган, кучли] **1** Бузилиш, узилиш, кулаш ва ш.к. жиҳатдан чидамли; пишиқ-пухта, маҳкам. *Мустаҳкам иморат. Мус-таҳкам пойдевор. шш Андижон қалъаси мус-таҳкам. Бобур мирзо у ерда бўлса, қалъа яна-да мустаҳкам бўлур*. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Мустаҳкам темир устунларга тор-тилган пўлат арқон кучли моторлар ёрда-мида бир маромда ҳаракатга келиб туриб-ди*. Газетадан.

2 кўчма Ўз хусусияти, мо\ияти ва ш.к. жиҳатдан ўзгаришга, бузилишга, айнишга чидамли; барқарор, айнимас. *Мустаҳкам интизом. Мустаҳкам дўстлик. Мустаҳкам алоқа. Мустаҳкам ирода. шш Асаби темир-дан ва руҳияти ниҳоятда мустаҳкам киши-лардан акванавтлар тайёрланади. «Фан ва турмуш». Имониға, диниға мустаҳкам, покиза одам бор жойдан ажина юз чақирим нариға қочармиш*. С. Аҳмад, Хукм.

МУСТАҲКАМЛАМОҚ 1 Мустаҳкам қилмоқ, маҳкамламоқ. *Эшикни мустаҳкам*

763

ламоқ. тт Шунинг учун немислар бу районни қарийб икки йил давомида тинмай мустаҳ-камлаган эди. А. Қаҳдор, Олтин юлдуз.

2 кўчма Барқарор қилмоқ, жипслаштир-моқ. *Истиқлолимизни сақлаб қолиш ва мус-таҳкамлаш учун кураш—муттасил давом этадиган ўта масъулиятли ва мураккаб жараён*. Газетадан. *Комплекслар, фермерлар-ни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш чораларини кўриш керак*. Газетадан.

3 Пухталамоқ, пухта ўзлаштириб олмоқ. *Ўтилган дарсни мустаҳкамламоқ. тт Ҳар пар-сат гапираверманг, ҳунарингизни мустаҳ-камланг, уқувли бўлинг*. Т. Обидов, Юсуф-жон қизиқ.

МУСТАҲКАМЛИК Мустаҳкам ҳолат, мустаҳкам бўлиш. *Иморатнинг мустаҳкам-лиги. Дўстликнинг мустаҳкамлиги. тт Йи-гит ўз севгисининг мустаҳкамлигига ишончи комил эмасдек.. кўрқувда эди*. А. Мухтор, Чинор.

МУСУЛМОН [а. *مۇسۇلمان* **1** Ислом ди-нидаги киши. [Қози:] *Сен бир камбағал му-сулмонсан. Уз жонингга жабр қилма.. дей-миз*. Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Ҳиндистон мусулмон бойлари ҳам эъзоз-икром билан қасрлар, саройларга зга бўлдилар*. Ойбек, Нур кидириб.

2 Мусулмон (эркаклар исми).

МУСУЛМОНЛИК Ислом динига ман-сублик, тааллукдилик. *Мусулмонликка хилоф иши. тт Бас, гоҳ-гоҳида эл-жамоатни бир ерга йиғиб, дуосини олиб қўйиши мусулмонлик шарти эмасми? С. Сиёев, Ёруғлик.*

МУСУЛМОНОБОД Мусулмончилик хукм сурган, ривож топган; шундай жой, пайт. *Халқимиз таъбирича, бу замонлар «му-сулмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантанали тадбирни бузиб қўядиган ишлар ҳали йўқ эмас эди. А. Қодирий, Утган кунлар. Ул вақтлар мусулмонободнинг қайнаган чоғлари эди. К. Яшин, Ҳамза. Қўқон тахтига Худоёрхон ав-лодларидан бирортасини ўтқазиб, ислом туғи остига Туркистондаги жамики муслимлар-ни тўплагаймиз, мусулмонобод бўлмай. К. Яшин, Ҳамза.*

МУСУЛМОНЧА Мусулмонларга хос, мусулмон динига оид. *Хон мусулмон, бек мусулмон.. бунинг устига юркиш-туриш ҳам мусулмонча эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

МУСУЛМОНЧИЛИК **1** айн. мусулмон-лик. *Мусулмончиликнинг фарзларидан бири — муборак ҳаж зиёратида бўлиб қайтдим. Га-зетадан.*

2 Ислом динига, мусулмонларга хос тартиб, қонун-қоидалар. *Сизмусулмон фарзандисиз.. лекин қилган ишларингиз мусул-мончиликка тўғри келмайди. П. Турсун, Ўқитувчи. ..бунчалик талон-тороғ қилиш мусулмончиликка тўғри келармикан? П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

МУСХАФ \а. . а-. — саҳифаланган китоб| Халифа Абу Бакр Сиддиқ даврида Куръоннинг кийик терисидан бўлган са-ҳифаларга ёзилган тўплами; саҳифаланган Куръон. *Шоҳим, муқаддас мусҳафда дарж этилмабдурмиким, инсон фарзандларини ази-зу мукаррам қилиб яратдик, деб. С. Сиёев, Ёруғлик.*

МУТААССИБ [а. - ўта фидойи,

берилган; ғайратли] **1** Динга қаттиқберил-ган, унга кўр-кўрона амал қилувчи. *Куйган театрларимиз кўпчиликка ёққан бўлса ҳам, мутаассиб уламолар ва чор ҳукумати амал-дорлари бизга ёмон кўз билан қарар эдилар. М. Муҳаммаджонов. Турмуш уринишлари.*

2 Бировга кўр-кўрона эргашувчи, би-рор ишга онгсиз равишда қаттиқ берилув-чи, таассуб қилувчи. *Мутаассиб адиб. тт Бўғинлари зирқирар, анови авом, мутаассиб оломонга қўшилиб, ўзи ҳам казак аскарлари-дан таёқ егандек, жисму жони ёнарди. С. Сиёев, Аваз.*

3 эск. айн. консерватор. *Муҳаррирнинг зоят мутаассиблигини, прогрессив ёшларнинг ва зиёлиларнинг энг зўр душмани экамигини ҳам яхши биларди. Ойбек, Нур кидириб.*

МУТААССИР [а. Дъи - бирор нарса-дан таъсирланган] эск. кт. Бирор нарсдан таъсирланган, таъсир олган ёки таъсирла-нувчан. *Анвар ёш бўлса ҳам, жиддий ва кичкина мияси муҳокамага қобил, бошқа киши-лар устига тушган бахтсизликдан ҳам мутаассир бўлувчи эди. А. Қодирий, Меҳроб-дан чаён.*

МУТАВАЛЛИ [а. j^ - мудир, бош-қарувчи; идора қилувчи) тар. Диний муас-сасаларнинг хўжалик нозирини. *Кичик мудар-рисимиз тўнгиздан тўқ бўлса-да, вақф да-ромадини тақсим қилиш чоғида мутавалли-лар билан тил бириктириб, муллаваччалар- j^654*

ни кўп қақшатар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

МУТАВОЗЕ [а. f^y^ - камтар, таво-зели, кибрсиз] эск. кт. Таъзим-тавозени қанда қилмайдиган, барчага баравар таво-зе билан муомала қиладиган; сертавозе; камтар, *Муҳаммад Расул қирқ ёшга етиб қолган мутавозе, муллонамо киши эди. Ой-бек, Танланган асарлар.*

МУТАКАББИР [а. - мағрур; кибр-ли, қалондимог) эск. кт. Ўзини катта олув-чи, кибр-ҳавоси баланд, кибрли, такаббур.

МУТАКАББИРОНА Такаббурлик би-лан, такаббуруна. *Мутакаббироно муомала.*

МУТАМОҚ 1 Қирқиб, учириб ёки ке-мириб парчаламоқ. *Ёғочни мутамоқ.*

2 кўчма Авраб бировнинг ҳақини емоқ, ўмармоқ, қаллоблик, текинхўрлик билан бировнинг хисобига яшамоқ. *Бас энди, жа-ноблар, хўб мутадингиз, Ҳақ-ҳисоб кунни ҳам яқшидир ахир.* Ғ. Ғулом.

МУТАНОСИБ [а. - тенг ўлчам-

ли, тенг нисбатли; пропорционал) 1 Қисм-ларининг катта-кичиклиги, эни, бўйи, бичими бир-бирига мос ва маълум нисбатда бўлган. *Мутаносиб қадди-қомат. тт Эргаши гапирар экан, Добротворцев унинг пишиқ гиштакдай қорашиб қизарган озгин юзига му-таносиб келмайдиган бақувват кўкраги ва темирдай чайир билакларига разм солди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *..пушти лаблари юпқа, юзига мутаносиб чиройли бурни усти-да реза тер.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

2 Ўзаро бир-бирига мос нисбатли, бири иккинчисини тақозо қиладиган. *Табиатга ҳамма нарсани бир-бирига мос, мутаносиб қилиб яратган. Қаердаки бу мутаносиблик бузилса, фожиа келиб чиқади.* С. Сиёев, От-лиқ аёл.

3 эск. айн. пропорционал. *Шундаи қилиб, ўтказгичдан ток ўтганда ажралиб чиқади-ган иссиқликнинг миқдори ток катталиги-нинг квадратига, ўтказгичнинг қаршилиги-га, токнинг ўтиб туришига тўғри мутано-сибэкан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол.

МУТАНОСИБЛИК Мутаносиб ҳолат. *..қирра бурун ва чиройли узун бўйин баланд қоматига мослаштирилган сингари мутано-сибликни сақлаб турар эди.* С. Кароматов, Қалбимда куёш. *Хотиранинг чуқурлиги би-лан кишининг истеъдоди ўртасида доимо ўзаро мутаносиблик бор.* «Фан ва турмуш». Чун-ки табиатнинг, ҳаётнинг ўзи ақл бовар қил-майдиган даражада мутаносиблик қонуния-ти асосига қурилган. У. Норматов, Талант тарбияси.

МУТАСАДДИ [а. . - бошқарув-

чи; бирор ишни бошловчи, ташаббускор] *кт. 1 тар. Ўтмишда кичик амалдор.*

2 Бирор ишни бошқариш учун тайин-ланган киши; ишбоши, бошлиқ. *Вақтида кўрак етказиб берилмаса, машина, одамлар ишсиз қолгудек бўлса, мутасаддиларнинг жигига тегарди.* Н. Сафаров, Узокни кўзла-ган қиз. *Мутасаддиларнинг гапларига қара-ганда, Маллаевнинг.. даволаниш сарф-хара-жатлари хабари аввал Наврўз телемарафо-нига келиб тушган.* Газетадан.

3 эск. Бирор ишни ўз устига олган киши. *-Шартномада кўрсатилган миқдордан бир ярим баравар ҳосил олишга мутасадди бўла-ман, — деди Содиқ жиддият билан.* С. Айний, Қуллар.

МУТАФАККИР [а. ў] - фикр юри-тувчи, фикрловчи, ўйловчи] *кт. Чуқур фалсафий фикрлаш истеъдодига эга бўлган киши, тафаккур эгаси. Шарқда ўтмишда яшаб ижод этган барча мутаффакирлар.. хи^қлар дўстлиги ва иттифоқини орзу қилиб, ажойиб фикрлар айтганлар.* «ЎТА».

МУТАХАССИС [а. ^,^-, - бирорсо-ҳада ихтисос олган, ихтисос эгаси] Бирор соҳада махсус билим ва тажрибага эга бўлган киши, ихтисос эгаси. *Физиология мутахассиси. Қишлоқ хўжалиги мутахассис-лари. Ёш мутахассислар. тт Мутахассис-лар иншоот қурилишига кетган харажат узоғи билан уч йилда қопланади, дейишмоқ-да.* «Ўзбекистон кўриқлари».

МУТАХАССИСЛИК *айт. ихтисос. Билим юртини тугатганлар ўрта маълумот ва му-тахассислиги тўғрисида диплом оладилар.* Газетадан.

МУТЕ [а. {-Л>-° — итоат этувчи, бўйсунувчи) *кт. Бировга қарам, тобе бўлган, итоат қилувчи, итоаткор. Нусратбек бўлса, кўчага чиққанда, беклик даъвосини қилиб, уйига кирганда, Хуширўй бекка муте! А. Кр-дирий, Ўтган кунлар.*

МУТЕЛИК Бировга қарамлик, тобелик, итоаткорлик. *Одамнинг қадрини ерга уради-ган мутелик — менинг ашаддий душманим.* П. Қодиров, Юракдаги куёш.

МУТЛАҚ \a. jLk-.- бирор нарса билан чекланмаган, шартсиз; ҳеч, асло] **1** Шакшубҳасиз, шартсиз, ҳеч қандай шарт-ша-роитларга боғлиқ бўлмаган, чекланмаган, поёнига етган, мукамал деган маънолар-ни билдирувчи тушунча; абсолют. *Мушақ ҳақиқат. Мутлақ чемпион. тт* *Ҳақиқат мутлақ бир нарса эмас. А. Қаҳҳор, Сароб. Режалаштиришининг ўзи ҳам қотиб қолган мутлақ бир нарса эмас. Газетадан.*

Мутлақ ҳокимият Чекланмаган подшо ҳркимияти ва шундай ҳокимиятга асосланган идора усули; абсолют монархия.

2 Бутунлай, мутлақо. *Бойнинг катта ҳов-лисиди, мутлақ сукунат ичиди, қори, имом никоҳўқиди. Ойбек, Танланган асарлар. Энди қўрқшидан фойда йўқлигига мутлақ ишонди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

МУТЛАҚО [a. LaJ^ - бутунлай, уму-ман; шубҳасиз, албатта] **1** рви. Бутунлай, тамомила, батамом. *Қаршини ҳам таний ол-майсан. Мутлақо ўзгариб кетган. «Ўзбекис-тон кўриқлари».*

2 юкл. Инкорни таъкидлайди; асло, ҳеч, сира. [*Навоий асилзодаларнинг бирига:*] *Бирор қудуқ кавлатганмисиз? [Чол:] Йўқ. Мут-лақо, юзлаб қудуқни қуритган. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Ғаввос Муҳаммад ўз устидан кулишларини мутлақо эшитмаган эди-ю.. Мирмуҳсин, Меъмор.*

МУТОЙИБА [a. ^LL~»- ҳазил; қочи-рим; аския) *кт.* Бир-бирига қизик, култи-ли, қочирим гаплар қилиш, ҳазилкашлик. *Мутуйибада ошпазлар ҳам.. бўш келмадилар. Ойбек, Навоий. Ҳеч кимнинг юрагига ўйин-кулги, одатда, тўйларда бўладиган қувноқ мутуйибалар сизмас, ҳамманинг елкасидан аллақандай оғир юк босиб тургандай эди. К. Яшин, Ҳамза.*

МУТОЛАА \a. oJLtu. — диққат билан ўқиш; ўрганиш] *Диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш. Хумайрабону ўглининг ивир-сиб қолганидан хавотир олиб, эшикдан мўра-лаганда, у яна мутолаага берилиб кетган экан. Ж. Абдуллахонов, Орият. Отабек.. жиддий равишда Фузулий мутолаасига бе-рилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

МУТРИБ \a. ^_>-L-* — шодлантирувчи, завқлантирувчи; ашулачи; чолғучи] *эск. кт.* Созанда ва ашулачи. *Қилгай эрмиши мутриби ишқ ўз мақомини ироқ, Шул сабаб оҳанги ушшоқ гиряи афғон жиши. Э. Воҳидов.*

МУТТАСИЛ [a. * — туташ, боғлиқ; ёнма-ён; узлуксиз] *Бир-бирига уланиб кет-ган; узлуксиз, тўхтовсиз. Муттасил иш. Муттасил қатнов. тт* *Поёнсиз жазирама кум саҳросининг нақ ўртасидан офтобнинг муттасил жазиллатиб санчаётган найзаларига бардош бериб биров боради. А. Ҳакимов, Илон изидан. Уч кеча-кундуз муттасил ёққан лайлак қор кунни кеча босилди. С. Анор-боев, Оқсой. [Амир Темур] Замондош ҳукм-дорлар билан элчилик алоқаларини йўлга қўйиб, муттасил ёзишмалар олиб борган. «Фан ва турмуш».*

МУТТАҲАМ \a. - айбланувчи; шубҳага олинган, айбланган] *Олди-берди муомалаларида нопок; фирибгар, қаллоб. Муттаҳам одам. тт* *У [Мадаминхўжа] бир кўнгли бориб, муттаҳам қозининг тумишуғи-га туширгиси ё ифлос башарасига тупургиси келди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

МУТТАҲАМГАРЧИЛИК *айн. муттаҳам-лик 2. Муттаҳамгарчилик қилмоқ. тт* *Мут-таҳамгарчиликка корафта А. Мираҳмедов хотинбозликдан ҳам хабари бор экан. «Муш-тум».*

МУТТАҲАМЛИК 1 *Муттаҳам эканлик. Унинг муттаҳамлигини билардим.*

2 *Муттаҳамларга хос иш, хатти-ҳаракат; фирибгарлик, қаллоблик. Ҳақини ташлаб кетинг! Агар муттаҳамлик қилсангиз, бу ердан соғ чиқмайсиз. Мирмуҳсин, Меъмор.*

МУТТАҲАМЧИЛИК *айн. муттаҳамлик 2. ..айрим раҳбарлар уларнинг ҳар хил мутта-ҳамчиликлари учун шароит яратиб беради-лар. Газетадан.*

МУФАССАЛ \a. J,^^ - батафсил; му-каммал; тўла] Бутун тафсилоти, майда-чуйдаси, икир-чикиригача қамраб олган; тўлик, батафсил. *Муфассал изоҳот. Муфас-сал ҳисобот. тт* Кешдан келган меъмор дўстига ҳамма бўлган воқеани жуда муфас-сал айтиб берган эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Абдишукур тили қичиб, янгича тўй ҳақида, уламо, шариат ва мактаб тўғрисида муфас-сал изоҳ бермоққа чоғланган эди, лекин сўзни Ҳақимбойвачча илиб кетди. Ойбек, Танлан-ган асарлар.

МУФАТТИШ \a. J.r. i. ,, - нозир, назо-ратчи] эск. кт. Тафтиш қилувчи. Ўзи бўри бўлса ҳам, қўй терисини ёпиниб олган Мар-ғилон молия муфаттиши.. «Муштум».

МУФИД [a. ,\ . i. — ибратли, насихато-муз; фойдали, нафли] эск. кт. Фойдали, нафли. *Ҳар бобда бағоят муфид мунозара бўлди.* Ойбек, Навоий.

МУФТ \ф. — бепул, текин] эск. кт. Текин, бепул. [Худоёрхон] Мамлакатни обод қилиш баҳонаси билан 1824 йилда Қўқон ко-сибларини ҳақсиз — муфт ишлатиб, янги рас-та қурдирди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

МУФТА [нем. Muffe] тех. Вал, тишли ғилдирак, труба ва ш.к. ни бириктириш, бирига улаш ёки ажратиш учун хизмат қиладиган қисм ёки мослама. *Шофёр Мукаррамнинг юрагига қил сигмаслигини сезиб, газ берди, сўнгра муфтани босиб, учинчи тезликни олди.* С. Кароматов, Ҳаёт қандай яхши!

МУФТИ(Й) \a. i_u^ - фатво берув-чи] дин. Мусулмонларда олий лавозимли руҳоний: шариат қонунларини талқин қилув-чи, шариат ва ҳуқуқ масалалари юзасидан ҳукм чиқарувчи, фатво берувчи лавозимли уламо. *Бошда қози билан амлоқдор бир сафда, уларнинг кетидан раис билан миршаб бир сафда, улардан кейин туман муфтиси.. мир-шаб йигитлари ясов тортиб келдилар.* С. Ай-ний, Қуллар. *Агар мен муфти бўлса эдим, шу мазмунда бир фатво чиқарар эдим.* С. Айний, Қуллар.

МУФТХЎР \ф. j_j^c^a-текин еювчи] эск. кт. айн. **текинхўр.** *Ҳар бир диннинг ўзи-га яраша муфтхўрлари бордир.* «Муштум».

МУХАММАС \a. u, i ч ,, - беш бурчак-ли; бешлик, бешталиқ] **1** эск. айн. **бешбурчак.**

2 ад. Беш мисрадан тузилган, ўзига хос қофияланишга эга бир неча банддан иборат шеърӣ жанрлардан бири.

Мухаммас қилмоқ (*ёки боғламоқ*) Еп-роп шоир ғазалининг ҳар байтига уч мисрадан қўшиб, мухаммасга айлантирмоқ. *Шоир 1882 йилда кўпгина воқеабанд газаллари, насрий латиқалари ва Алишер Навоийга боғланган мухаммасларини йигиб китоб қилиб, уни «Қачқули қаландар» деб номлай-ди.* «ЎТА».

МУХБИР \a. j. ч л — хабарчи, хабар берувчи; айғоқчи] **1** Таҳририят таркибида журналист сифатида хизмат қилувчи ходим.

2 Бевосита таҳририятда ишламайдиган, аммо оммавий ахборот воситаларида мунтазам ижодий ҳамкорлик қилувчи шахс. *Мажид билан Райҳонов олмослик мухбир-нинг илгариги ёзган хабарлари оригиналини кўздан кечирмоқчи бўлишди.* М. Жўра, Ноширнома.

3 Бирор кимса ёки ташкилот билан ха-барлашиб, хат ёзишиб турувчи киши. *Ёзувчининг мухбири.*

Мухбир аъзо Баъзи мамлакатларда, 2000 йилгача Ўзбекистонда: академияларнинг умумий мажлисида сайлов йўли билан тас-диқланадиган, атоқли олим ёки санъат ар-бобларига бериладиган, академикдан ки-чик унвон ва шу унвонга эга бўлган киши.

МУХЛИС [a. - самимий, очиқ-

кўнгил; ихлосманд; садокатли] **1** Бировга ихлос қўйган; ихлосманд. *Кутидор келган-дан бери бир соат ҳам уйда бекор қолмай, ҳар кун Юсуфбек ҳожининг мухлисларидан бирининг уйида меҳмон ва ҳожининг суҳбатидан мамнун эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бирор нарсага қаттиқ берилган, уни жуда севувчи; муҳиб. *Шеърят мухлислари. Кино мухлислари. Шахмат мухлислари. шш Меҳмонларнинг спектаклини.. минглаб санъ-ат мухлислари томоша қилдилар.* Газетадан. Миллионлаб футбол мухлислари томонидан катта қизиқиши билан қузатилган футбол бўйича XVIII жаҳон чемпионати баҳслари ҳам ўз ниҳоясига етди. Газетадан.

3 Мухлис (эркаклар исми). МУХОЛАФАТ [а. сЛП^ - келишмовчилик, тескарилашиш; ҳуқуқбузарлик; ито-ат қилмаслик] Расмий ҳукумат ва унинг си-ёсати билан келишмай, бошқача сиёсий йўл тутиб, амалдаги қонунлар доирасида фаолият юритиш. *Бу мухолафат.. кўп вақт шахснинг бўйнига сиртмоқ солади.* А. Қахрр, Сароб.

МУХОЛИФ \а. аЛЛi^.- тескари, қара-ма-қарши; итоатсиз; душман] *кт.* Қарама-қарши фикрда бўлган, қарши чиқувчи, қарши. «Ука, биз бир-икки кўйлакни ортиқ йиртганмиз, ҳа, бир оз кўрганмиз» *дер, мун-доғроқ мухוליфини танг аҳволга солиб кўяр-ди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

МУХТАСАР \а. - қисқартирилган, қисқа] *эск. кт.* 1 Қисқа, лўнда. *Чин сўз*
657 %s^

— мўтабар, яхши сўз — мухтасар. Мақол. *шш* Бундан бошқа зионни сўзга тутса, «ке-ласи даромад» нинг қўлдан кетиши зҳтимоли бор, шунга биноан, маҳдум сўзни мухтасар қилмоқчи бўлди. А. Қодирӣй, Меҳробдан чаён.

2 Бирор асарнинг қисқартирилган ва-рианти.

МУХТОР \а. jл" ч л— сайланган; танлаб олинган; ихтиёри ўзида| 1 Бирор иш қилиш ҳуқуқи бўлган, ихтиёрига бирор иш топ-ширилган. *Мухтор вакил. Мухтор элчи.*

2 *эск. айн.* **автоном.** *Мухтор жумҳурият.*

3 Мухтор (эркаклар исми). МУХТОРИЯТ \а. сJjlib- - ихтиёри ўзидалиқ] *эск.* Конституциявий ҳуқуқда: би-рон-бир ҳудуднинг унга конституция йўл қўйган чегараларда давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириш ҳуқуқи.

Қўқон мухторияти 1917 йил 26—27 ноябрда Қўқонда Бутун Туркистон мусулмонларининг фавқулодда 4-қурултойида ташкил топган ва 1918 йил 19 февралгача фаолият кўрсатган. Туркистон минтақаси-даги дастлабки демократик ҳукумат.

МУХТОРИЯТЧИ *эск.* Мухторият тараф-дори. *Мухториятчишир деҳқонга ер-сув бериши-га оғизлик қилардилар.* К. Яшин, Ҳамза.

МУЧА *эск.* 1 Киши аъзоси. \Қамбар:\ **Кфл.НУ**, *тортинг чшимни, мучангиз соғ бўлса ҳам, чилим сўришдан бошқа ишга ярамайсиз!* Ойбек, Танланган асарлар.

Тўрт муча Оёк, кўл, кўз ва қулоқ. *Тўрт мучаси соғ одамга бекорчиликдан ёмон дард йўқ экан.* С. Сиёев, Аваз.

2 *пъш. айн.* **гап бўлаги қ. бўлак 1.** *Гапнинг бош мучалари.*

МУЧАЛ 1 Шарқий ва Марказий Осиё-да кенг тарқалган, одатда 12 йилни қамраб олувчи ва ҳар бир йили бир хайвон (сич-қон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз)нинг номи билан аталадиган ҳамда йил боши 22 мартдан бошланадиган йил ҳисоби.

2 Кишининг шу ҳисобдаги туғилган йили. *Ҳай, Шукур кампир, мучалингиз тўнғиз бўлиб, сафар ошининг ўн бирида туғилганми-сиз, нима бало, сира эл бўлмайсиз-а?* А. Мух-тор, Опа-сингиллар.

МУЧЧИ *шв.* Ўпич, бўса. *Могу дунёнг дар-кор эмас Оққизга, Ухшатиб бир муччи ол-санг бўлади.* «Равшан».

МУШ \ф. л.* — сичқон| *айн.* **сичқон йили қ. сичқон 2.**

МУШАК I \ф. .< - — сичқонча] *айн.* **мукул.** *Собир ака.. оғир меҳнатдан эгилган, қўллари қадоқ, мушаклари чайир бўлиб кет-ган.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МУШАК II \ф. Л ,т, л - сичқонча] Тур-ли таркибли порох моддалар билан тўлдирилган, ёқилганда осмонга кўтарилиб, хил-ма-хил, ажиб ранглар ҳосил қилиб портлайдиган снаряд, ракета (сайил ва танта-наларда мушакбозлик учун, ҳарбий ишда эса сигнал бериш ва ёритиш учун ишлати-лади). *Осмон қаърига отилиб чиққан қизғиш ва тўқ яшил мушаклар ҳавода бир жом зар бўлиб сочилиб кетди.* О. Ёқубов, Излайман. *Салют ҳам бошланди. Ранго-ранг мушак Ҳисор водийсини килди чароғон.* Газетадан.

МУШАК III [0. ^i^]. **мушаксабзи** Саб-зининг йўғон, ғўласимон ва учи тўмтоқ тури.

МУШАКБОЗ Мушакбозлик мутахассиси.

МУШАКБОЗЛИК Сайил ва тантана-ларда ранг-баранг мушаклар отиш. [Элчи].. *хоқоннинг зиёфатлари, сарой олдида бўлган мушакбозлик, хитой раққосалари тўғрисида ҳикоя қиларди.* М. Осим, Ўтрор. *Кечқурун байрам мушакбозлиги шаҳарни чароғон этди.* Газетадан.

МУШАРРАФ \а. Ji "jJiu* - шараф топ-ган, шарафли; хурматли, мухтарам; азиз] **1** *кт.* Шарафли, шонли. [Ахмад Ҳусайн:] *Бу мушарраф, пок мамлакатимизда турли тадбирлар ва ислоҳотлар ила жамият ишлари-ни тартибга солмоғимиз зарур.* Ойбек, Нур кидириб.

2 Шарафга муяссар бўлган, шараф топ-ган. *Она хатнинг мазмунидан, қизининг шунчалик ҳурматга мушарраф бўлишидан севи-ниб, кўзига ёш олди.* Р. Файзий, Фароғат.

3 Мушарраф (хотин-қизлар исми).

МУШК [0. Л ,7, л — қора тусли, хуш исли нарса] Ҳайвон ёки ўсимликларнинг ўткир ҳидли моддаси: \айвон мушки баъзи ҳайвонларнинг эркагидаги мушк безларидан \осил бўлади (парфюмерия саноатида ишлатилади).

МУШК-АНБАР, мушқу анбар Мушк ва анбар, хушбўй моддалар. *Ойимлар ўтирар ҳайкалин осиб, Мушқу анбар ҳиди ҳар ённи босиб.* «Равшан».

42—Ўзбек тилининг изо\ли луғати

МУШКЕТ [фр. mousquet] 16-асрда их-тиро қилинган, тагликка ўрнатиб отилади-ган йирик калибрли пилта милтик.

МУШКЕТЁРЛАР \фр. mousquetaires] Мушкетлар билан қуролланган пиёда аскарлар.

МУШКУЛ \а. л, л — қийин, мужмал; қийинчилик, оғирчилик] *сфм.* Ҳал қили-ниши, ечилиши маҳол бўлган; қийин, оғир. *Мушкул иш. Мушкул вазифа. Мушкул аҳвол. ит* *Иўлчи ўзи учун мушкул масалани, яъни хўжайин олдига кириб, ундан пул талаб қилишни ўйлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биродари азиз, аҳволингиз мушкул, ачинаман, илло кўмаклашининг урдасидан чиқолмай-ман.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 *от* Қийин иш, оғир аҳвол, қийинчи-лик. *Тўламат мўйлов, Шербекнинг мушқули-ни бирга тортишаётгандек, ўйга чўмди.* С. Анорбоев, Оқсой. \Навоий:\ *Шоҳим, ҳар бир мушқулни ақл ва совуққонлик ҳал қилади.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

3 *от* кам қўлл. Ишқал чиқарувчи, ча-тоқчп, чаток. [Сафар бўзчи:] *Бирорта муш-кул изво қилдим, закотчининг томоғи та-қилладим, қўлтигимдаги бўзни ёппа олди-қўйди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. \Юсуф-бек:] *Ҳой Тўла, ҳушёр бўл! Мени биласан-ку, йигит-яланг ичида гапимни бермай юрган мушқулман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

МУШКУЛКУШОД [а. + ф. ^LiSjS^o-қийинчиликларни ҳал қилиш, бартараф этиш] *дин.* Кишининг мушқулини осон қилиш, ишини юргизиш мақсадида қили-надиган дуо ва ирим-сиримлар ва уни ўтка-зиш йиғини. *..бахтсизликнинг олдини олиш мақсадида.. чиллаёсин, мушқулкушод, биби сешанба ўқитиш — ҳаммаси диний хурофот-лардир.* Газетадан. *Мен Кутлуг кампирники-га мушқулкушодга бораман, сен уйда қимир-ламай ўтиргин.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

МУШКУЛЛАШМОҚ Мушкул бўлмоқ, қийинлашмоқ, оғирлашмоқ. *Иши мушкуллашди. Вазият мушкуллашди. иши Ҳосилни ёгингарчилик бошлангунча йиғиб-териб олмасак, қора совуқ тушгандан кейин иши яна-да мушкуллашади.* М. Назаров, Бўз йигит.

МУШКУЛЛИК Мушкул ҳолат, мушкул нарса. *Бу мушкулликдан қутулишининг йўли фақат битта.* Газетадан. *..деҳқонларимиз об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги сабабли келиб чиққан мушкулликларни мардонавор енгдилар.* Газетадан.

МУШКУЛОТ [а. озИ^о - қийинчи-ликлар, муаммолар] **1** кт. айн. мушкуллик. *Ёрмат катта мушкулот қаришида қолган одам каби, бошини тебратиб, бир тутам соқолини юла бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу оғир мушкулотдан нажот устаб, қайси бир эшикни тақиллатмасин, ҳеч би-ридан марҳамат нидоси чиқмади.* М. Исмо-илий, Фарғона т.о.

2 мус. Мақомнинг биринчи чолғу қисми. *Мушкулоти «Уфр».*

МУШОИРА \а. СJSLI[^] - шеърый ижоддаги тортишув; шеър айтишиш] **1** Шеърятнинг бир жанри: икки ёки ундан ортиқ шоирнинг бир мавзуда бир-бирининг фикр ва туйғуларини ривожлантирадиган шеър айтишиш мусобақаси. *Ҳиротнинг олим ва шоирларидан маълум бир гуруҳи бу ерга тўпланар, муҳим асарлар ўқилар, қизгин суҳ-батлар, мушоиралар.. бўлиб турарди.* Ойбек, Навоий.

2 Умуман, шеър айтишиш, шу борада-ги тортишув, мусобақа. *Студентлар билан ўтказган учрашувимиз мушоирага айланиб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МУШОҲАДА \а. <>А-4Li-<>- кузатиш, кўздан кечириш, кўриш] кгг. **1** Кузатиш, кўз билан кўриб текшириш. *Канизак аксари йўл бўйидаги гўзалардан баъзилари шохлаб кетиши тўғрисидаги ўзининг мушоҳадалари-ни батафсил сўзлаб берди.* А. Қахдор, Кўшчи-нор чироқлари.

2 Фикр юритиш, ўйлаш. *..у эса тинчиб, бус-бутун мутолаа ва мушоҳада дарёсига шўнғийди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Бадиий асарни таҳлил этиши, албатта, олимдан кенг мушоҳадани талаб этади.* «Фан ва турмуш».

Мушоҳада қилмоқ (ёки этмоқ) **1**) ку-затмоқ, кузатишдан ўтказмоқ. *Хатни очар экан, Ҳомиднинг юзида қувонч аралаш бир жиддият мушоҳада этилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; **2**) фикр юритмоқ, ўйлаб кўрмоқ. *Биз бу газал мусаннифини тутиб.. газал зимнидаги сўзларни мушоҳада қилиб кўрмоғимиз мақбулдир.* С. Сиёев, Аваз. *Содир бўлган вазиятги ҳар ким ўзича мушоҳа-да этарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

МУШТ [ф. ■ -■ ■ - — муштум, муштум би-лан уриш; ҳовуч, кафт] **1** Кафт-панжанинг

770 ЯБ[^]

зарб учун сиқимланган ҳолати; муштум. *Ботирнинг мушти ҳам яроғ.* Мақол. *Кўрққан олдин мушт кўтарар.* Мақол. *■и Нодирнинг қўллари мушт бўлиб, пай томирлари бўртиб чиқди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

2 Муштум зарби. *Тор жойда ош егандан, кенг жойда мушт еган яхши.* Мақол. ■■ *Сер-соқол, дов аскар билан олишиб, икки мушт билан уни гаранглатди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУШТАК **1** с. т. айн. муштдек. *Осмон-даги бўз турғай, Бўзламасанг на бўлғай? Муштаккина жонингга Куйламасанг на бўлғай?* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Эски вақтларда бозор тарозидорлари-нинг сотилаётган нарсадан оладиган тарози хақи. [*Ортиқ ака:*] *Мен сенинг молингни бой-га «таппа-тах» ўлчаб бериб, бир ҳовуч муш-так олишимни биламан.* С. Айний, Куллар.

МУШТАРАК \а. d f- ■->■ умумий, бир-лашган, ўртадаги] кт. Кўпчиликка тааллуқли, ўртадаги, умумий. *Муштарақ ер. Муш-тарақ чегара.* ■и ■и *Бизлар мақсадлари умумий, муштарақ бўлган қардошлармиз.* Н. Сафаров, Оловли излар. \Шерназарбой:\ *Биз олий ҳазратнинг қулимиз, унинг хазинасини тўлдирмоқ биз ва сизнинг муштарақ вази-фамиздир.* Ж. Шарипов, Хоразм.

МУШТАРАКЛАШМОҚ Муштарак ҳолат касб этмоқ, муштарак бўлмоқ. *Мақсадлар муштараклашди. шш Ёшилик ва уйғо-ниши даври — баҳор инсоний ҳисларнинг уйғо-ниши билан муштараклашади.* Газетадан.

МУШТАРАКЛИК Муштарак ҳолат. *Бу яхлитлик эстетик идеалнинг муштараклиги туфайли, методологик принципларнинг умумийлиги туфайли вужудга келган эди.* Газетадан.

МУШТАРИЙ I [а. [^]1[^] - Юпитер] эск. айн **Юпитер 1.**

МУШТАРИЙ II \а. [^]jU[^]c - сотиб олув-чи, харидор] эск. кт. **1** Харидор, олувчи.

2 *обуначи.* *Муштарий бўлмоқ. шш «Фан ва турмуш» журналининг март ойи сони ҳадемай муштарийлар кўлига тегади.* Газетадан.

МУШТДАИ. -дек **1** Муштга ўхшаган, катта-кичиклиги, шакли муштга. *Мушдек ҳандалак. Мушдек олма. шш Мушдек ке-сак олиб, ўриқка отди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 *кўчма* Тирмизак, ёш, кичкина. *-Мен мушдек вақтимдан ҳаммага яхшилик қилиб ўрганганман, — деди Султонмурод.* С. Абду-қаҳҳор, Санамай саккиз дема.

МУШТИПАР Кўлидан бирор иш кел-майдиган, ожиз, бечора (аёллар ҳақида). [Тўлахон:] *Эй худойим, мен нима қиламан энди? Бир муштипар бўлсам. Ҳамза, Паранжи сирлари. Орзу ҳавасингни кўрай, дема-ганмиди муштипар кампир.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

МУШТЛАМОҚ 1 Мушт билан урмоқ. *Бир рус аёл ирғиб сўрига чиқиб, ҳалиги чўққи соқолни, елкасига муштлаб, сўридан итариб туширди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Айбўзимда, — деди Нормат кўкрагига муштлаб.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Мушт билан ишлов бермдк, пишит-моқ. *Зумрад дўппидек хамирни қаттиқ-қаттиқ муштлай бошлади.* С. Сиёев, Отлиқаёл.

МУШТЛАШ 1 **Муштламоқ** фл. ҳар н. *Хамир муштлаш. тш Мағрурланиш, кўкракка муштлаш.. кишини хижолат қилиб кўя-ди.* «Муштум».

2 Мушт солиб уришиш, ёқалашиш, уриш. *Улфатлар орасида низо чиқиб, муштлаш, пичоқбозлик бошланди.* Х- Ғулом, Машғал.

МУШТЛАШИШ 1 **Муштлашмоқ II** фл.

ҳар. н.

2 Бир-бири билан мушт солиб уришиш, ёқалашиш.

МУШТЛАШМОҚ I **Муштламоқ 2** фл.

бирг. н.

МУШТЛАШМОҚ II 1 Мушт солиб уришмоқ, ёқалашмоқ. *Давлатёр Олаҳўжа-нинг ўгли Маъмуржон билан муштлашмоқда эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бир-бирига ёпишиб, муштга ўхшаб қолмоқ. *Конфетлар муштлашиб қолибди.*

МУШТОҚ \а. jI',; жуда-жуда хоҳ-ловчи; интизор бўлувчи, соғинувчи] Зори-киш, сабрсизлик билан кутувчи; эришиш, кўриш ва ш. к. га истаги, иштиёқи кучли. *Она дийдорига муштоқ. шшТўнгич ўглининг бахтини кўришига муштоқ онанинг бошидан бир челак сув қуйиб юборилгандай бўлди.* Х. Ғулом, Тошкентликлар. *Атрофида унинглатифаларига, қизиқ-қизиқ ҳангомаларига муштоқ бўлган беш-олтита ўсмирлар.* С. Анорбоев, Оқсой.

МУШТОҚЛИК 1 Муштоқ эканлик; интизорлик, зориқишлик. *Муҳаррам уни галаба бияан табриклар, унинг тезроқ она шахрига қайтишига кўплар қатори муштоқ-лигини айтарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Муштоқ ҳолат. *Киши ҳар сафар баҳор-ни.. муштоқлик билан кутиши табиий.* Газе-тадан. *Ҳеч кимни муштоқлик дарди емасин, Мени олиб кетинг ўз диёримга.* А. Орипов, Йиллар армони.

МУШТУК [нем. Mundstuck] **1** Папирос найчасининг тамаки тикилмаган, оғизга олинадиган қисми.

2 Сигарет, ўралган махорка тикиб че-киш учун мўлжалланган найча.

МУШТУМ 1 айн. мушт. Муштум кўрсат-моқ. Муштум емоқ. *тт* Йўлчи.. Қора Ахмад-нинг башарасига, кўксига, қорнига тўқмоқ-дай муштуми билан тўхтовсиз тушира бош-лади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзбек тилида нашр этиладиган ҳаж-вий журнал номи. «Муштум»нинг навбатдаги сони нашрдан чиқди.

МУШТУМДАЙ -дек айн. муштдай. ..ёқасидан кўкрак суяклари муштумдай бўлиб уриб чиққан чолнинг юзида ҳаёт эмас, ўлим сояси бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. [Ота-оналар].. болаларининг келажагини ўйлаб, уларни муштумдекларидан меҳнатга ўргатадилар. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

МУШТУМЗЎР тар. 1 Батрақларни, камбағал деҳқонларни ҳаддан ортиқ иш-латган мулкдор, бой деҳқон. Ҳали ернинг кўп қисми муштумзўрлар қўлида эди. Н. Сафа-ров, Оловли излар.

2 Зўравон, гушна. Муштумзўр йигит уни [Содиқни] бир туртди-да, «юр, юр, итвачча, жинни-минни бўлдингми» деб, судрай бош-лади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУШУК Мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич сутэмизувчи.

Бунга мушук ҳам офтобга чиқмайди Бу овора бўлишга арзимайди. **Ичини мушук таталамоқ (ёки тирнамоқ) қ. ич. Ораларидан қора (ёки ола) мушук ўтди** Ораларида низо пайдо бўлди, оралари бузилди. Яна ора-ларингдан мушук ўтдимми, қовоқ-тумушқла-рингни осилтириб ўтирибсизлар? К. Яшин, Ҳамза.

МУШУКСИМОНЛАР Йиртқич сутэмизувчилар туркуми оиласи: катталиги хар хил, боши юмалоқ, думи одатда узун, бар-моқларида юрувчи гепард, силовсин, қорақулоқ, тўқай мушуги каби жониворлар.

МУШФИҚ \а. э»,тп » - шафқатли, раҳмдил, меҳрибон| *кт.* Шафқат қилувчи, шафқатли. Унинг сиймосида мушфиқ онада-ги болажонликни, жафокашликни, олижаноб-ликни кўрасиз. Э. Охунова, Меҳр чашмаси.

МУШШАЙМОК айн. шумшаймоқ

МУЮЛИШ айн. муюш. Катта кўчанинг муюлишидаги тут тагига етганда, Алимар-дон бурилиб қаради. Ў. Ҳошимов, Қалбинг-га қулоқ сол. ..йўлкаларни тозалаб бўлгач, муюлишидаги дераза тагига келиб туради. Ў. Умарбеков, Дутор.

МУЮШ Кўчанинг бурилиш жойи, иморатнинг ташқи бурчаги. Қашқар дарвозасининг муюшига ҳам етган эди, ташқари-дан кимнингдир дарвозани ургани эшитилиб. Азизбекнинг оти.. кетига бурилиб тўхтади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Фотиҳадан сўнг қорихонанинг айвон муюшига чўнқайиб, бо-лаларнинг ўйинини томоша қилди. А. Қоди-рий, Меҳробдан чаён.

МУЯССАР \а. j":.- — осонлик билан юзага чиққан, ҳосил бўлган; муваффақи-ятли; яхши натижалли] **1: муяссар бўлмоқ** 1) кўлга кирмоқ, насиб бўлмоқ. \Ҳасана-ли:\ Айби йўк, ўғлим, муҳаббат жуда оз йи-гитларга муяссар бўладиган юрак жавҳари-дир. А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) эриш-моқ, муваффақ бўлмоқ. Катта ютуқларга муяссар бўлмоқ. *тт* Катта билим даргоҳи-нинг талабаси бўлишдек шарафга муяссар бўлди. Газетадан.

2 Муяссар (хотин-қизлар исми).

МУҚАДДАМ \а. ^л!^ - биринчи ўрин-га қўйилган; олдиндан тўланадиган; олд қисм; йўлбошчи] **1** (б. к. ва ч. к. билан) кўм. Пайт муносабатини ифод&тайди; бурун, ил-гари, олдин. Бундануш йип муқаддам. *тт* Ярим соатча муқаддам бўм-бўш турган катта зал одамлар билан лиқ тўла. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

2 Муқаддам (хотин-қизлар исми).

МУҚАДДАС \а. ^л!^ - пок, тоза, азиз; илоҳий; олижаноб] **1** дин. Диндорлар тасавурида илоҳиёт билан боғлиқ бўлган, азиз, табаррук. Муқаддас жой. *тт* Токча деворига гул равишида туширилган дуо ёки шунинг каби

муқаддас *КО.ULMa.iar* ёзиғлиқ бир қозғоз ёпиш-тирилган. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 кўчма Шарафли, олижаноб, юксак. Табиатнинг бебаҳо неъматини сувни тоза сақлаш.. ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз-дир. Газетадан. Шариф Сулаймон халқнинг чин ўғинларидан. Халққа самимий хизмат-дан кўра юксакроқ, муқаддасроқ нарса йўқ, деб билади у. Ойбек, Нур қидириб. Ҳозир иккиси [Йўлчи оғил Гулнор].. қалбларида иш-ларча сақланган муқаддас орзуларига етиш-ганликларидан, иккиси ҳам маст каби эди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Муқаддас (хотин-қизлар исми). **МУҚАДДИМА** \a. ^ij^ - олд қисм; кириш жойи, қисми; нутқ, асарнинг бош-ланмаси] **1** Адабий-бадий, илмий, мусикий асарлар ва б. нинг бошланиш қисми; кириш, дебоча. Китобнинг муқаддимаси. Муқаддима бермоқ. *тм* Бу хил муқоясага.. Ис-тамбулда нашр этилган Фузулий девонига ёзилган муқаддимани мисол қилиб кўрсатиши мумкин. «ЎТА».

2 Гап ва нутқда асосий мақсадга кўчиш-дан олдин айтилган сўзлар, гапнинг даромади. Бўтабой қисқача бир муқаддимадан кейин мажлисни очиб, бинокорлик бригадасининг бошлиғи Тўлаганга сўз берди. А. Қаҳ-ҳор, Кўшчинор чироклари. Меҳмон гапнинг муқаддимасини яхшигина бошлаган, энди би-роқ йўл топиб, асли муддаога ўтиши керак эди. С. Айний, Дохунда.

3 Бирор ишнинг боши, дастлабки бос-қичи, дебочаси. Кумушининг эрдан чиққан хабарини Кумушининг ўзидан ҳам илғари ту-шунган ва Отабекдан ҳам илғари сезган Ҳомиднинг совчиси бошқа совчиларнинг муқаддимаси эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУҚАЛЛИД \a. alb, -тақлидчи] Ўзбек анъанавий театрининг жанри; шу жанр ижроچиси (Муқаллид шаклидаги томоша-ларда қуш ва ҳайвонларга тақлид қилин-ган, ҳаётдаги баъзи кишилар хулқ-атвори, қизиқ воқеалар кулгили тарзда акс этти-рилган).

МУҚАРРАР \a. j^i-o— маълум, белгили, қайд этилган] **1** Вужудга келиши, юз бери-ши, амалга ошиши аниқ бўлган, шубҳа-сиз, турган гап. Аҳмад ичида ўзини койиди.. нега шошдинг, ахир шундай жавоб олишинг муқаррар эди-ку. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. Иш шу хилда борса, кайфият шу бўлса, ҳадемай капсанчилардан биронта ҳам яккаҳўжалик қолмаслиги муқаррар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчи-нор чироклари.

2 Қарор топган, турғун ҳолга келган; та-йинли. Муқаррар тартиб. Муқаррар қилмок.

МУҚИМ \a. ^L^ - бир ерда истиқомат қилувчи, (доимий) турувчи] **1** Бир ерда доимий турувчи, туб жойли. *Ғиждувоннинг муқим савдогарларининг дўконлари, саройлари бино бўлган чорсуда савдогарларнинг молла-рини қўриқлайдиган уч-тўрт нафар қоровул кўзга кўринди.* С. Айний, Куллар.

2 Доимо бўладиган, доимий. Ўйлабқара-са, унга [Акбарга] ҳам мавсумий иш эмас, муқим иш зарур экан. Ў. Шамшаров, Ғурум-саройликлар.

3 Муқим (эркаклар исми). **МУҚОБАЛА** \a. 4_LLa.<> — таққослаш, солиштириш; учрашув; қабул қилиш; ўрни-ни тўлдириш, қоплаш] *эск. кт.* Қаршилик. қарши туриш; жавоб ҳаракати. *Отабек бу терс ва кўрс муқобаладан тоқатсизланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Йигитча Зебидан муқобала кўрмагач, қўлини тортиб олди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

МУҚОБИЛ \a. JjL-o — қарши турувчи, қарши, зид; ўрнини алмаштирувчи] **1** Қар-ши борувчи, қарши турувчи, зид. *Муқобил томонлар. тш* Урушни бошлабон, қочди ўзи бўлмай муқобил, кўр, Қочиб билмамки, охир кетди Афғон ичра Қобил кўр. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.

2 Қарама-қарши йўналган; қарама-қар-ши йўналишда. *Муқобил юк ташиши.*

3 Жавоб бўлувчи, жавобан амалга оши-рилган. *Муқобил даъво. тм* Бунинг учун у буюк ўзбек классик шоири асари тилига хос ўта нозик, чиройли сўз ва ибораларнинг ҳозирги рус тилидаги мос келадиган муқобилларини излаб топишга ҳаракат қилади.

«Фан ва турмуш». *Мақсадимиз зиммамизга янги му-қобил режа қабул қилишидир.* Газетадан.

МУҚОВА Китоб, журнал, дафтар ва ш.к. ни яхлит қилиб бириктириб турувчи, ички варақларга нисбатан калинроқ материалдан ясалувчи сирт қисми. *Картон муқова. Чарм муқова. тт Ботирали ҳисоб дафтарининг кўк муқовасига чизилган суратга тикилиб қолди.* Ҳ. Гулом, Машъал. *Китобнинг муқоваси*

кўркам, китобхон уни қўлга олиши билан баҳридили очилиб кетади. Газетадан.

МУҚОВАЛАМОҚ Муқова ичига олиб тикмоқ, муқова қилмоқ, муқова билан қоппамоқ. *Китоб(ни) муқоваламоқ. ит Саидмух-тор ўзи доим обуна бўладиган «Ғунча» ва «Гулхан» журналларининг ўтган йилги сон-ларини тўплаб, муқовалаб ўтирарди.* С. Абдуқаҳдор, Икки ўртоқ.

МУҚОВАМАТ \а. СоlU_о- қаршилик, қарши хатти-ҳаракат] эск. кт. Қаршилик, монелик, қарши туриш. *Элчилар келди, ҳеч қандай муқовамат кўрсатмасдан, шаҳарни таслим этишни таклиф этишиди.* Ойбек, Навоий.

МУҚОВАСОЗ Китоб муқовалайдиган киши, уста.

МУҚОВАСОЗЛИК 1 Китоб муқовалаш иши, касби. *Муқовасоз, шкни ўрганмоқ. Муқовасозлик қилмоқ.*

2 Китоб муқовалайдиган устахона ёки цех. *Муқовасозликда ишламоқ.*

МУҚОВАЧИ айн. муқовасоз.

МУҚОВАЧИЛИК 1 Муқовачи касби, х, унари.

2 айн. муқовасозлик 1, 2. *Муқовачилик иехи. Муқовачилик қилмоқ.*

МУҚОМ [мақом сўзидан] **1** Рақсада му-сиқа ритм-усулига мос ҳаракат; мақом. *Муқом қилмоқ. тт Сознинг дилни қитиқловчи шўх оҳангига Лолахон жуда мос муқом биланўйнар эди.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

2 Уйғур мумтоз мусиқасининг асосий жанри.

МУҚОЯСА \а. - таққослаш; ба-ҳолаш| Қиёс қилиш, солиштириш, чоғиш-тириш; қиёс. *Муқояса учун мисол олмоқ. Муқояса қилмоқ тт [Обид/ Ҳозир Хатиб дом-ла билан Бердибойнинг ташивиқотларини бир-бирига тўқнаштириб муқояса қилиб ишлай-ди.* А. Қрдирий, Обид кетмон.

МУҒ \ф. «_* | эск. кт. **1** Зардушт динига мансуб киши; оташпараст; оташпарастлар руҳонийси; коҳин.

2 кўчма поэт. Майхона эгаси; майфуруш.

МУҒАМБИР, муғомбир \а. ^Li_» - та-ваккалчи, қалтис иш қилувчи ёки — тушни таъбирловчи] Алдоқчилик билан иш кўрувчи; айёр, қув. *Муғамбир тумишугидан илинар. Мақол. тт Мирзакаримбой илоннинг ёгини ялаган одам эди.. муғамбир, пухтапишиқ.. ҳар ишда эҳтиёткорликни маъқул кўрар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУҒАМБИРЛИК Муғамбир кишилар-га хос иш, хатти-ҳаракат; қувлик. *Дадамат аканинг сўзлашида мижговликдан, муғамбир-ликдан, ясамаликдан асар ҳам йўқ эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

МУҒАМБИРОНА Муғамбирлар каби, муғамбирлик билан. *Жалил «Айта берайин» дегандай, Зиёдахонга муғамбирона жилма-йиб қаради.* С. Анорбоев, Оқсой. /Элмурод] *Зокиржон қассобнинг сиёсат ҳақидаги му-ғамбирона саволларига оқ кўнгил билан жавоб беришига тиришиганини эслаб, қизарар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

МУҒАМБИРЧИЛИК айн. муғамбирлик. *Бизда сансалорлик, такаббурлик, муғамбир-чилик, кибру ҳавога берилиши деган гаплар бўлмайди.* М. Исмоилий, Икки кизҳикояси.

МУҒАННИЙ \ф. JLi> - ашулачи, со-занда] эск. кт. Нағма чалувчи созанда, нағ-ма билан кўшиқ айтувчи хонанда. *Тўхта-син ака.. Андижоннинг машҳур муғаннийла-ри*

билан дўстлашди. С. Абдулла, Халқ бас-такори. *Нозиктаъб шоирлар қасидасида, муғаннийлар қўшиғида Найманча таърифланган.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

МУҒОЙИР \а. [^]Li-o - фаркланувчи; турли хил; бир-бирига ўхшамаган| эск. кт. Хилоф, тескари. *Жавоб тамом ҳақиқатга муюйир ва кишини ҳайратга соларлик бўлди: -Бу кун жўнамоқчи бўлиб турибман,—деди [Отабек].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

МУҲАББАТ [а.севги, ишқ; боғ-ланиш) **1** Кимсанинг кимсага қалбдан бе-рилиш ҳисси; севги, ишқ. *Муҳаббат чирой танламас, уйқу — ўрин.* Мақол. *тп Қиз Йўлчини чуқур севар, унинг ёлғиз исмини эшитиш билан юраги тўлқинланар эди. Бу муҳаббат қизнинг кўнглига ёз чоғи.. саратон қуёши билан бирга кирган эди.* Ойбек, Тан-ланган асарлар. *Ҳаммаси жойида, фақат ўртайди Висолни қўмсаган оташ муҳаббат.* Г. Жўраева, Иқбол.

2 Бировга, бирон нарса ёки ишга бери-лиш, мойиллик туйғуси, меҳр. *Муסיқага муҳаббат қўймоқ. Санъатга бўлган муҳаб-бат.* *тп Полвонларнинг бирига муҳаббат, иккичисига нафрат билан қараб турган халқ кўзида, унинг ҳаяжонли юзида икки дунё ку-раши акс этгандек эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Отам бўлмасангиз ҳам, мени ота-лик муҳаббати билан севган содиқ ва меҳри-бон кишимсиз, яъни маънавий отам.* А. Қо-дирий, Ўтган кунлар.

3 Муҳаббат (хотин-қизлар исми).

МУҲАДДИС [а. JLJL=[^]>— ҳикоячи, ҳам-суҳбат; ҳадис олими, ҳадис айтувчи] Ҳадис-ларни тўплаш, саралаш ва шархлаш билан шуғулланган илоҳиётчи.

МУҲАЙЁ \а. 7a л— тайёр. тайёрланган) **1** Таппа-тайёр; мавжуд. [*Хадича:*\ Ош тай-ёр. *Ичкарида дастурхон солиғлиқ, ҳамма нарса муҳайё.* Уйғун, Навбахор.

Муҳайё қилмоқ (ёки этмоқ) Тайср \ол-га келтирмоқ. *Чой олиб келинди, кетма-кет таомлар муҳайё қилинди.* «Муштум». ..*меҳ-нат қилишлари ва мароқли дам алишларига ҳамма нарса муҳайё этилган.* Газетадан.

2 Муҳайё (хотин-қизлар исми).

МУҲАММАДИЙ дин. Мухаммад дини-даги; мусулмон.

МУҲАНДИС [а. † († инжснер. тсх-ник; ҳандаса (геометрия) ни яхши билув-чи, қурувчи уста] *Техниканинг бирор со-ҳаси бўйича олий маълумотга эга бўлган мутахассис.* [*Ислохўжа:*] *Жадид мактаблар-ни кўпроқ очиб, дунёвий фанларни ўқитиб.. муҳандис, зироатчи, доктор. техник тайёр-лаб чиқаришимиз лозим.* Ж. Шарипов. Хо-разм. ..*усталарни ҳам, янги бино лойиҳаси устида бош қотираётган муҳандисларни ҳам учратасиз.* О. Ҳақимов, Сув келтирган азиз.

МУҲАНДИСЛИК Муҳандис иши, кас-би. *Аҳмад Дониш ўз замонасининг кўп нодир асарлар ёзган буюк олими.. зканлигини пух-та биламан-ку, аммо ўткир муҳандислиги боисидан унча маълумотим йўқ..* Ж. Абдулла-хонов, Тўфон.

МУҲАРРАМ [а. [^]З[^]-о- ман, ҳаром қилинган, тақиқтанган; ой номи] **1** Қама-рия йил ҳисобида биринчи ойнинг арабча номи. *Амир Музаффариддин 1868йил марти-да, яъни мусулмонлар ҳисобича, янги йил ки-радиган муҳаррам ойида Туркистон ўлкасини босиб олиш учун Россияга қарши газавот эълон қилган эди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

Муҳаррам ойи айн. **муҳаррам 1.**

2 Муҳаррам (хотин-қизлар исми).

МУҲАРРИР \а. озод этувчи; таҳ-рир қилувчи; ёзувчи] **1** Нашриёт ёки бош-қа масъул нашрларда муайян матнни турли жиҳатдан таҳрир қилиб, босмага тайёр-ловчи ходим. *Адабий муҳаррир. Техник муҳаррир. Бош муҳаррир. Масъул муҳаррир.*

2 Айрим матбуот органларига раҳбар-лик қилувчи шахс. *Кекса ишчи газетанинг муҳарририга қараб: -Нега бунга читтак деб лақаб қўйдиларинг? — деди.* А. Қаҳҳор, Қа-нотсиз читтак. *Муҳаррир бошлиқ редакция-нинг ҳамма ходимлари тўйга бордик.* Ў. Ус-монов, Сирли соҳил.

3 эск. Муаллиф, автор. *Мактубнинг му-ҳаррири.*

МУҲАРРИРИЯТ қ. таҳририят, редак-ция. *Муҳарририят деворий расмлар репродук-цияларини тайёрлаганишклари учун [меъмор-ларга] ўз миннатдорчилигини билдиради. «Фан ва турмуш».*

МУҲАҚҚАҚ \a. - амалга оши-

рилган; шубҳасиз; муқаррар; тўғрилиги ис-бот этилган, аниқ] эск. кт. Ҳақиқатдан ибо-рат бўлган, ҳақиқатлиги аниқ; чин. *Бу ғам-ли, бевафо фоний оламни Тарк этмоқ муҳаққақ шоҳу гадога. Э. Воҳидов.*

МУҲИБ [a. - севувчи, дўст тутув-чи; мухлис; хуштор] эск. кт. **1** Севувчи, яхши кўрувчи, ишқивоз. *Китоб муҳиби. Шеър му-хиби. **итт** Мўмин кофир адабиёт муҳибларини ҳангу манг қишиб қўйди. «Муштум».*

2 айн. дўст. *Эй муҳиблар, юрган экандур фароғатда деманг, Согиниб сизларни тун-кун, уйқу йўқ бедорман. Муқимий.*

МУҲИМ \a. ; д - — керакли, аҳамиятли; жиддий] Алоҳида аҳамиятга эга бўлган, аҳамият жиҳатдан биринчи даражали. *Му-ҳим масала. Муҳим иш. Муҳим воқеа. **итт** Ан-вар.. атроф ҳоқишаридан бу кун келган нома ва аризаларнинг муҳимини аҳамиятсизидан ажратиб, ҳудайчига топшириш учун тайёр-лар.. эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

МУҲИТ I [a. л — ўраб олган, ихота этган, ихота этилган] **1** Ҳаёт, фаолият кечадиган табиий ёки ижтимоий шароитлар мажмуи. *Географик муҳит. Ижтимоий му-ҳит. **итт** Қишлоқ муҳити, ота-оиланинг ўта оққўнғиллик руҳида берган тарбияси Йиги-талининг қон-қонига сингиб кетганди. Д. Нурий, Осмон устун. Мактабни битиргач, ҳаммамиз ҳар ёққа тарқашиб кетамиз. Ке-йин ҳар ким ўз муҳитида ўз иши билан овра бўлибкетилади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Касб-ҳунари, иши, фаолияти ва ш.к. га кўра бир-бири билан боғлиқ бўлган ки-шилар доираси. *Мен қози домла ва Асад қори каби ҳурматли зотлар муҳитига ўзимни топ-шириб, дарёдан айрилиб чиққан ариқчадай, халқимдан айришиб чиқиб, охири қуриб қолиш-га маҳкум бўлган эканман. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Табиийки, она учун ҳам ёлғиз фарзанд арзанда эди. Бу муҳит Давронни ҳаволантириб қўйди. С. Кароматов, Сўнгги бархан.*

3 Ҳодиса, жараён ва ш.к. кечадиган мод-дий шароит. *Ёруғликнинг турли муҳитда турлича синиши.*

МУҲИТ II [a. и;- — океан] **1** эск. айн. океан.

2 Муҳит (эркаклар исми).

МУХДАТ [a. г,1). — муддатни чўзиш, вақтинча тўхтатиш] Бирор иш учун тайин қилинган аниқ вақт бўлаги; муддат. *Уч кун-лик муҳлат. Муҳлат бермоқ. **итт** -Кўчиб кет-тиш муҳлати ўн кун, — деб бақариб қолди оқсоқол унинг кетидан. Ж. Шарипов, Хоразм.*

МУҲОЖИР \a. >^lj_о - ҳижрат қилган, бошқа жойга кўчиб кетган] Ўзи фуқаро бўлиб турган ёки доимий яшаётган мамла-катини ташлаб, бошқа давлатга доимий яшаш учун жўнаб кетувчи киши. *Сивсий муҳожир. **итт** Аҳмад Ҳусайн шаҳар сиртида муҳожирлар.. орасида тинчлик ҳақида муҳим, жиддий тортишувлар билан баҳсни битир-гандан сўнг, ҳорғин, ўйчан қайтар эди. Ой-бек, Нур қидириб.*

МУҲОЖИРЛИК Муҳожирга хос ҳаёт, шарт-шароит. *Муҳожирликда яшашга маж-бур бўлган ёш бухороликларга келганда шуни айтиш керакки.. Газетадан.*

МУҲОКАМА [a. о^Ъ»-.- судлашиш, даъволашиш; ҳукм қилиш] **1** Бирор хуло-сага келиш учун кўпчиликланинг фикрини олиш, фикрлашиш, ҳар томонлама ўйла-шиш. *Масалани муҳокамага қўймоқ. Ариза-ни муҳокама қилиш. **итт** Иброҳимов қаерга бормасин, шундан гап очилиб, ҳар ким ўз фикр-мулоҳазасини айтар, Ўрмонжон айт-моқчи, масалани бутун халқ муҳокама қилар эди. А. Қаҳҳрр, Қўшчинор чироқлари.*

2 Фикр юритиш, мулоҳаза; фикр. *Муҳо-камаси йўқ одам. Муҳокама билан иш қилмоқ. тт - Баъзи енгил муҳокамаларинг онанг-никидан қолишмайди, Отабек!.* — деди [ҳожси]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бундай ишга бениҳоят уқув, чапдастлик, хўш, яна муҳокама ва моҳирлик керак.* Ойбек, Тан-ланган асарлар.

Муҳокама қилмоқ (*ёки* этмоқ) 1) муҳо-кама ўтказмоқ. *..қўриқ очили масаласи муҳокама қилинганидаёқ ҳаммани бўрон билан қўрқитмоқчи бўлган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. «Журналист» саҳифалари-да адабий жанрлар, услуб, тил, касб этика-си масалалари ҳар томонлама муҳокама этилмоқда. Газетадан; 2) муҳокама, фикр юритмоқ; ўйламоқ. *Худди Элмуроддек Зебо ҳам уйига қайтиб, ўз хатти-ҳаракатини, Элмурод билан қилган суҳбатини муҳокама қиларди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Анвар, кечаги кунларда ҳиссиётга қаттиқ берилиб, китоб сўратилиши оқибатини яхши муҳокама этмаганидан пушаймон эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

МУҲОКАМАЛИ Муҳокама билан, ўйлаб иш юритадиган (*қ.* муҳокама 2). *Ўттизда киши муҳокамали бўлиб, қони со-винқираб қолади.* Шухрат, Жаннат қидир-ганлар. *Йўлдош ҳам Элмурод каби билимли, муҳокамали, "Кўкламги заҳмат — қишки роҳат", деб узоқни кўзларди.* Шухрат, Ши-нелли йиллар.

МУҲОРАБА [а. .UjU-о - уруш, жанг] *эск. кт.* Уруш, жанг. *Биринчи жаҳон муҳорабаси. тт [Абдишукур] Бўлиб ўтган «Болқон муҳорабаси»ни тилга оларкан, уруш воқеа-ларини тинглашни яхши кўрган Мирзакарим-бой дарров унинг сўзини кесди: - Қайси қирон билан урушиди?* Ойбек, Танланган асарлар.

МУҲОСАРА [а. а_1^1^> - камал, ўраб олиш] *эск. кт.* Камал, куршов; блокада. *Ҳануз Тошкент Қўқон сипоҳлари томонидан муҳосара ҳолатида эканлиги тўғрисида хабарлар келиб турмоқда эди.* А. Қодирий. Ўтган кунлар.

МУҲОФАЗА [а. *.JkiU_^ - сақлаш; хи-моя қилиш] *кт. 1* Ҳимоя қилиш, қўриқ-лаш, ҳимоя. *Кейинги пайтларда биз атроф муҳит муҳофазаси ҳақида кўп гапирадиган бўлдик. Бу табиий.* Газетадан. *Табиий, бу муҳофаза кўргони. Атрофини ўраган девордан ўқ отили учун шинаклар қўйилган.* Ш Холмирзаев, Қил кўприк.

Муҳофаза қилмоқ (*ёки* этмоқ) Ҳимоя қилмоқ; қўриқламоқ, ҳимояламоқ. *Атроф*
665 д-у^

муҳит ва табиий боиликларни муҳофаза қилиш жуда муҳим масала. «Фан ва турмуш». *Табиатни муҳофаза этиши, жумладан, ҳай-вонот дунёсини сақлаш ва ундан оқилона фой-даланиши ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга.* Газетадан.

2 Эсда сақдаш қобилияти; хотира. [Мав-лон\ Эшитганини сира эсдан чиқармайдиган зеҳн-фаросатли, муҳофазаси бақувват йи-гит. А. Ҳакимов, Илон изидан.

МУҲОФАЗАКОР [а. +ф. ^.dkiL^ консерватор; эскилик тарафдори] *эск.* Му-таассиб, консерватор. *Баъзи муҳофазакор кол-хозчилар бир неча кун.. бу қарорни мияларига сиздиrolмай юрадлар.* А. Қодирий. Обид кет-мон. *-Ростданҳаммуҳофазакор бўлибкетяп-сизми, Ҳошимжон? ..давлат манфаатини кўзлаган кишиларнинг боши нега галва ости-да қолар экан?*Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

МУҲОФАЗАКОРЛИК *эск.* Мутаассиб-лик, консерваторлик, консерватизм.

МУҲОФАЗАТ [а. сЛ^У^,- сақдаш, хи-моя) кам қўлл. айн. муҳофаза. *Эшикдан икки қуролли йигит муҳофазатида Отабек ва Мирзакарим қутидор кўришиб, бекка қуллуқ қилдилар.* А. Қодирий, Утган кунлар.

МУҲОФИЗ [а. JiiL=— сакловчи, му-ҳофаза қилувчи] *кт.* Муҳофаза, ҳимоя қилувчи, ҳимоячи, қўриқчи. *Ўрданинг гиш-тин, кунгураддор кўргонлари ости билан жазойири қилич такинган махсус муҳофиз йи-гитлар айланиб, бегона кишини кўргон яқини-га йўлатмас.* эдилар. А. Қодирий, Мехроб-дан чаён.

МУҲР [а. — муҳр; тамға; шулар-

нинг изи] 1 Юридик ёки жисмоний шахс-нинг номи тўлиқ ёзилган матннинг (матн ва расмнинг) қабарик ёки ботик тасвири бўлган босма шакл (асбоб) (Қоғоз, сур-ғуч,

мум ва б. материалларга нусха туши-риш учун хизмат қилади). *Мана, нома таи-ёр. Фақат муҳрингизни боссангиз бас.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. -*Мулла Шарофиддиннинг муҳри бор бу васиқаларда. Муллажон қозининг муҳри бор!* — деди \кам-пир\ васиқаларни титкилаб. А. Қахҳор, Қўшчинор чироклари.

2 Тамға; герб. *Бир ерда учта пул ётип-ти: икkitаси сийқа-сийқа бўлиб кетган, биттасининг муҳри йўқ.* «Эртаклар».

МУҲРА [ф. *a* — юмалоқ нарса; мун-чок] Болта, теша, кетмон каби асбоблар-нинг тигга қарама-қарши томони, орқа қисми. *Онда-сонда учраган катта кесақларни кетмоннинг муҳраси билан бир ур-да, кета-вер!* А. Қодирий, Обид кетмон. Аланглаб ўрнимдан туришим билан домланинг қўлида-ги тесқари ушланган болтанинг муҳраси ел-камга келиб тушиди. Ғ. Ғулом, Шум бола.

МУҲРДОР тар. Хон, амирлар саройи-да муҳр сақловчи амалдор. *Мактубни хон оталиққа, оталиқ муҳрдорга беради.* У. Ис-моилий, Сайланма.

МУҲРКАН \а.+ф. ь- муҳр ўювчи, муҳрга ўйиб нақш ясовчи] Муҳр(лар) ясовчи ўймакор уста. *Бобом билан Худойберган муҳркан ҳам шу тарзда яшаб ишлаган.* Газетадан.

МУҲРКАНЛИК Муҳр ясаш, муҳрга ўйиб нақш солиш иши; муҳркан касби. *Комилжон мадраса илмларидан таиқари, шо-ирлик, бастакорлик, хонандалик ва, албатта, отамерос касб — хаттотлик, муҳркан-лик, ўймакорликка ҳам қизиққан истеъдод эгаси эди.* Газетадан.

МУҲРЛАМОҚ 1 Муҳр босмоқ, муҳр билан тасдиқламоқ. *Турсунали Исроиловга эртасигаёқ бош инспектор-ревизор деган лавозим муҳрлаб берилди.* «Муштум».

2 Фойдаланиш, очишни тақиқловчи белги (муҳр) қўймоқ. *Бўлди, ишимиз тамом. муҳрланг хонани, лозим бўлса, яна очармиз.* Ойбек, Нур қидириб.

3 кўчма Улмас, йўқ бўлмас қилиб ол-моқ. *Ҳар бир кўрган нарсасини кўнглига муҳрлаб олмоқчи бўлгандек синчиклаб кузатарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

Оғизни (ёки тилни) муҳрламоқ Мутлақо гапиртирмай, оғиз очирмай қўймоқ, гапирмайдиган қилиб қўймоқ. *Гулнорнинг заҳарлан-ганини Мирзакаримбой ва ўғишири қатъиян рад қилиб, маъсума қурбоннинг ота-оналари-нинг тилларини дўқ-тахдиш) билан муҳрлашга тиришдишар.* Ойбек, Танланган асарлар.

МУҲРЛИ Муҳр босилган; тамғали. У [*Султонмурод/ қўлида бир парча муҳрли қозоз билан.. хушнуд бўлиб чиқди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

МУҲРОНА тар. Муҳр босувчи амалдор-га бериладиган пул, муҳр ҳақи. *Сотувчи ва олувчи ўзаро келишганларидан кейин.. қозихонага бориб, васиқа қилиб, қозикалонга тегишли муҳронани бериб, муҳр бостирганлар.* С. Айний, Эсдалиқлар.

МУҲТАРАМ [а. - хурматли, кадрли, азиз] **1** Хурмат ва эҳтиромга сазо-вор, \урмат, кадр қилинувчи; хурматли. *Муҳтарам ўқитувчилар. Муҳтарам ўртоқ. тт Сенга чексиз шараф бўлсин умрбод, Муҳ-тарам, азизим, муаллим, устод.* Х. Расул.

2 Мухтарам (хотин-қизлар исми).

МУҲТАСИБ \а.^ - тарози ва ўлчовлар нозири] *тар.* Ўрта аср мусулмон давлатларида дин ва жамоат тартибини сақ-ловчи, диний урф-одатлар, амалларга риоя қилинишини назорат этувчи амалдор. *Дар-возада уларга қўлида қамчи тутган, икки ёнида икки мулозим эргаширган муҳтасиб учради.* С. Сиев, Ёруғлик.

МУҲТАШАМ \а. [*~ - муҳтарам, хурматли; ҳашаматли] *кт. 1* Ҳашамат билан ишланган, ҳашамат берилган, улуғвор ва серҳашам. *Хотин.. ўрданинг улуг, муҳташам дарвозасига яқинлашгандан кейин ўнгадаги айри йўлга бурилди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2 кўчма Улуғвор. *Балки бахт дегани мана шу ҳолдир, Балки шу муҳташам толе, иқбол-дир.* А. Орипов.

МУҲҲОЖ \а. jrlí^, - эҳтиёжи бор; ҳожатманд] **1** Бирор нарсага эҳтиёжи, за-рурати бўлган; зарурат, талаб сезувчи. [*Ота-бек* \ *Отда келган бўлса ҳам, куннинг иссиқлигидан бир пиёла чойга муҳто.ж* эди. А. Қо-дирий, Ўтган кунлар. *Қизим, сенинг ёрдамингга муҳтожман. Ҳа, умидим катта.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Жиноятни пулга муҳтож одам эмас, пулни қаерга қўйишни билмаган одам қилади.* Газетадан.

2 Бечорахрл, кашшоқ, ҳожатманд. *Зо-лим бойлар мазах қилиб куларди. Раҳми келмай муҳтожларнинг ёшига.* Эргаш Жуман-булбул ўғли. *Бизўша вақтда муҳтож бўлган бева-бечораларни йиғиб, ош бериш мақсади-да бир бостирма солдик.* А. Қахҳор, Кўшчи-нор чироклари.

МУҲҲОЖЛИК **1** Муҳтож эканлик. *Хон-зода бегим укасининг ўзи чиндан ҳам ёрдамга муҳтожлигини.. сизди-ю, кўзини тезартди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Эҳтиёж, талаб. *Уша вақтда адабий кадр-ларга муҳтожлигимиз ҳар кун, ҳар соатда кўриниб турарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

3 Моддий қийинчиликдаги ҳаёт; бечо-рачилик. *Муҳтожлик тортмоқ. Муҳтожликда яшамоқ.* **тп** *Анвар Мурод Покистон ҳукумати, давлат ишлари устида тўхталиб, фалокатларимиз кўп, айниқса, халқимиз қашишоқлик, муҳтожлик чангалида, деди.* Ойбек. Нур кидириб.

МЭР \фр. maigre < тајог — катта, бош; бошлик| Муниципалитет бошлиғи, маҳаллий хокимият бошқарувчиси; шаҳар ҳркими.

МУИ \ф. соч толаси, тук; юнг|

Инсон ва ҳайвон терисида ўсиб чиққан, шох моддасидан иборат бўлган тук, қил. *Каримберди мўй босган бурун катакларидан бурқситиб тутун қайтарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Кўзларига ишонмагандек яна ўқиб, ба-данидаги ҳар бир мўйи тик бўлди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

Бир мўйи (хам) қимирламади Эътибор бермади, парвосига ҳам келтирмади. *Унинг [Уйўғлоннинг] бу сўзини эшитган Амир Те-мурнинг бир мўйи ҳам қимирламади.* Х. Даврон, Амир Темур ўғлининг ўлими.

МЎЙЛАБ \ф. — лабнинг туки,

лаб устидаги тук] Мўйлов, мурт. *-Иншол-ло! — деди энди мўйлаби сабза урган Шодмонбек кексаларга ўхшаб.* Мирмуҳсин, Меъмор.

МЎЙЛОВ \ф. j-*) **1** Юқори лабнинг устини қоплаган мўйлар, мурт. *Абдишукур.. қисқа мўйловининг икки учини ингичка бу-раб, бурнининг катакларига еткизган.. ўттиз беш ёшли ориққина киши.* Ойбек, Танланган асарлар.

Мўйлов қилмоқ Мўйлов ҳаракати билан ишора бермоқ. *-Мана энди ўзингиз келиб қолдингиз, унча-мунча камомадим бор, бир мўйлов қилиб юборсангиз, — деди Раҳмон Хол-матов раисга.* Н. Сафаров, Узоқ давом эт-масин-да. *Буни кўрган Маснонов «ўлтира-бер» деган маънода мўйлов қилиб қўйди.* «Муштум».

2 с.т. Мўйлов қўйган, мўйлови бор (шахс). *Ўртада чордана қуриб ўтирган мўйлов — Рўзи полвон.* Т. Мурод, Кўшиқ. *-Ҳа-я, — деди Тўқсонов, ҳамон деразадан мўралаган ҳолда ва яна сўради: — Ҳалиги мўйловингиз кўринмай қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

3 Баъзи ҳайвонларнинг устки лаби икки чеккасидан ўсиб чиққан, сезиш учун хизмат қиладиган мўйлари. *Мушук мўйлови.*

4 Баъзи ҳашаротларнинг бошидаги ҳид билиш ва сезиш қобилиятига эга бўлган туклари. *Чумоли мўйлови.*

МЎЙЛОВДОР Узун ёки қалин мўйло-ви бўлган. *Соқчи мўйловдор, девдек гавдали, бадбашара бир йигит экан.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

МЎЙЛОВЛИ Мўйлови бор, мўйлов қўйган. *Тушга яқин мўйловли бир йигит Зайнабни чақириб, ичкарига олиб кириб кетди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

МЎИНА [ф. <i±>j-» — тукка, жунга ало-қадор; жундан, жунли теридан қилинган] Баъзи хайвонлар (мас, сувсар, тулки, он-датра ва б.)нинг кийим-кечакка ишлатиладиган жунли териси. *Тулки мўйнаси. **иш** Саркардаларнинг бош кийимлари савсар мўйнасидан бўлиб, погонлари олтин эди. С. Айний. Эсдаликлар.*

МУИНАДУЗ \ф. кийим тикувчи] Мўйнадан кийим тикувчи уста. *Улгуржи. чакана савдогарлар. аттор-лар. базозлар. мўинабўзлар карвон келиб тушган сароӣар атрофида уймалашиб қол-дилар. N1. Осич. Ўтрор.*

МЎЙНАЧИЛИК Чорвачиликнинг мўй-нали хайвонлар ва мўйна етиштириш би-лан шугулланувчи соҳаси.

МЎЙСАФИД \ф. -оппоқсоч]

1 Соч-соколи оқарган, мўйлари оқарган. *Мўйсафид одам. **иш** Ҳақорат қилинган мўйсафид бошларини солинтириб қайтиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Кўрина бошлади бошда оқ туклар, Мўйсафид исми-ни таший бошладим. Ф. Ғулом.*

2 Кекса, чол. *Кўпчилик йигирма билан қирқ орасидаги йигитлар бўлиб, орада уч-тўртта қирқ-эллик ёшлилар, ҳатто олт-мишга яқинлашган бир мўйсафид ҳам кўринди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

3 с. т. Арақ. *Остонакул биринчи қадаҳни «Мирзакарим ошнасининг саломатлигига» ичди. Кейинги қадаҳни «бу-ку мўйсафид, сен учун заҳар ичишга тайёрман!» деб кўтарди. С. Абдуқаҳҳор. Санамай саккиз дема.*

МЎЙЧИНАК \ф. *ʃʃʃʃ* " ^{C04} терув-чи, киркувчи, олувчи] Крш, тукларни те-риш учун ишлатиладиган кичкина қисқич. *Карвонбоши сартарошига буюриб, кўзи ол-дида буларнинг [қулларнинг] сочларини та-ратди, қайчи билан тартибга солдирди.*

мўйчинак билан қошларини тердирди. С. Ай-ний, Қуллар.

Мўйчинак тишламаган Турмуш аччиқ-чучугини тотмаган, тажриба кўрмаган; ёш, гўдак, гўр.

МЎЙҚАЛАМ [мўй + қалам] Рангтасвир ва графикада, шунингдек, каллиграфияда бўёқни мато, қоғоз ва б. асосга суртишда ишлатиладиган асбоб (рассомнинг асосий иш қуроли: хайвонларнинг жундан юма-лок, ясси, ўткир учли қилиб тайёрланади); қилқалам. *Муваффақиятдан руҳланган ижод-кор ўз меҳнати, орзу-хаёллари билан яша-ётган содда ва безубор инсонлар образини яратиб, қаламини чархлаганидан кейингина мўйқалам орқали буюк инсонлар сиймосини яратишга бел боғлади. Газетадан.*

МЎККИ *шв.* Хом теридан тикиладиган кўнжи калта оёқ кийими. *-Оёгим мўккиннинг ичида музлаб қолибди, — деди чол. О. Хуса-нов, Қўшиқчининг тақдири. Унинг оёғида-ги ихчам мўккиси тошдан тошга енгил ўтиб боради. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

МЎЛ **1** Етарли даражада кўп; сероб. *Мўл ҳосил. **иш** Дарахтлар пакана, меваси мўл ва йирик. Ойбек, Танланган асарлар. Дехқон осмонга қараб, яхши ҳаводан қувонса, ерга қараб, мўл маҳсулидан суюнади. М. Исмои-лий, Фарғона т. о. ..атрофдаги далалар тоза, озуқа мўл. С. Нуров, Карвон.*

2 (ч. к. билан) Ортиқ, зиёд, кўп. *\Мир-закаримбой:\ Бу ер чакалак эди. Утган йил ҳаммасини кесиб олдик.. Ёни-вери билан қўшилиб, бир танобдан мўл ер кўлга кирди. Ойбек, Танланган асарлар. Бахтишизга бир бурчакда, эски охурнинг ёнидаги қозикда бир қулочдан мўлроқ арқон боғланиб ётар эди. Ф. Ғулом, Шум бола.*

3 кам қўлл. Тўкин, бекаму кўст, фаро-вон. *Давлатимиз мўл бўлар, Омборлар донга тўлар. Пахтамиз тўлиб ошар, Ҳосил дарё-дек тошар. Қ. Муҳаммадий. Меҳмон учун обрўйим, Усиз ўтмайди тўйим. Мўлдир рўзго-рим — уйим, Сурайлик даврон, палов. «Муш-гум».*

МЎЛАЙМОҚ *айн.* мўлтаймоқ. *У fUlodu-*

мат/ чагир кўзлари мўлтайиб, амакисига қаради. А. Муҳиддин, Хадя.

МЎЛДИРАМОҚ қ. мўлтирамоқ. *Сурайё пастда аллақандай меҳр билан мўлдираб турган қозоқ хотин ва унинг ўғилчасига мишатдорчилик билан қўл силтади.* У. Назаров, Одамлар.

МЎЛЖАЛ 1 Олдиндан кўзлаб, ўйлаб қўйилган иш, нарса; режа. *Бу йилги мўлжал — гектаридан 45 центнердан. тт Равшан-нинг мўлжали — бир кеча тунаш, тонг отмай Зубайда билан хайрлашади. «Ёшлик». Ҳозир ҳам ҳавонинг авзойи бузилди-ю, мўлжалдаги ишини тугатолмай, диққати ошди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Чама, тахмин. *Латофатнинг мўлжа-лида Шаҳоб бугун командировкадан қайтган бўлиши керак эди.* Л. Тожиева, Меҳрим сиз-га, одамлар. *Мўлжалимда Халачга кечга яқин кириб борсак эҳтимол.* Мирмуҳсин, Меъ-мор.

3 Нишонга олинган ёки олинадиган нар-са; нишон, қора. *Мўлжалга урмоқ. тт Пуле-мёт оғзидан тинимсиз учиб бораётган ўқлар тўппа-тўғри мўлжалга бориб тегар.. қалин шохларни синдириб ўтарди.* А. Раҳмат, Эл-лик бир баҳодир.

Мўлжал қилмоқ айн. мўлжалламоқ. *Тош-пўлатов бу масалани эртадан қолдирмай узил-кесил ҳал қилиш ва шу ҳафта ичида ўқини бошлаб юборишни мўлжал қилиб қўиди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Мўлжалга олмоқ 1)** эришиш, ўзиники қилишни режалаштирмоқ, ўйламоқ. *Мўлжалга олиб, тайёрлаб қўйилган ер бор эди, қўлдан кетди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Мени аросатда қолдириш пайидами-кан ё? Ижроком раислигини мўлжалга ола-ётган бўлса-чи?Ж.* Абдуллахонов, Хонадон; **2)** уриш, отиш куролини мўлжалга тўғри-ламоқ (қ. **мўлжал 3**). *Қултоининг чап қўли билан мўлжалга олиб, боши аралаш бир зарб уришидан ҳам ўзини йўкотмади.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *То у қўлтиқ-таёққа суяниб, мўлжалга олгунча, ўрдак учиб кетар, қуён инига етиб бўларди.* С. Ахмад, Уфқ.

МЎЛЖАЛЛАМОҚ 1 Олдиндан ўйлаб, кўзлаб қўймоқ, белгиламоқ, режалаштирмоқ. *Бир йилнинг ичида Эҳсон мўлжаллага-нидан зиёда билимга эга бўлади.* А. Қаҳдор, Сароб. *Аваз кўндан бери.. бу забун, меҳнат-каш тўда хусусида бир шъер ёзишни мўлжал-лаб қўйган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бирор мақсад учун кўзламоқ, мувофиқ топмоқ, белгиламоқ. *[Содиқ] Ўзини.. яшириш учун қутидорнинг йўлагини мўлжаллаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Директор.. биринчи навбатда бу йил уруғ экиладиган ерларни мўлжаллаши керак эди. «Ўзбекистон қўриқ-лари». Мадҳоликнинг бувисини сизга мўлжал-лаб қўювдик, буҳам вафот топибди-да.* Ҳам-за, Майсаранинг иши.

3 Чамаламоқ, тахмин қилмоқ. *Ботинг саҳнини Салим уч ярим таноб, Фазлиддин уч таноб мўлжаллади.* Ойбек, Танланган асар-лар.

4 Нишонга олмоқ, пойламоқ. *Оқилхон-тўра Бўтабойни мўлжаллаб отган ўқ Тиллабувага теккан экан.* А. Қаҳдор, Қўшчи-нор чироқлари. *..Аҳмад танбал бўйинини мўлжаллаб урган қилич Бобурнинг ёй-ўқлари солинган садогига тегиб, уни шартта кесиб тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

МЎЛЖАЛЛИ Олдинда мўлжаллаб қўйилган; белгили, ўлчовли. *Мўлжалли вақт. тт Барча ҳозир мўлжалли чопиқни би-тириб олишдан бошқа нарсани ўйламайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

МЎЛ-КЎЛ Жуда мўл, сероб, тўкин. *Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл. Меҳнаткашларни озиқ-ов-кат билан мўл-кўл таъминламоқ. тт Бир неча кун булутланиб турган ҳаво яна очилиб кетди. Қуёш ўз ҳаётбахш нурларини тагин мўл-кўл соча бошлади.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқ^пар.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК Мўл-кўл ҳолат, мўл-кўл таъминланган ҳолат, шароит. *Янги ерлар очишда, уларни мўл-кўлчилик маскан-ларига айлантиришда чўлқуварларимиз кўрсатган қаҳрамонликлар кўз олдимиздан бир-бир ўтади.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз. *Меъмор ҳаёлида ҳамма ёк гулистон, ҳамма одамлар бир-бирига меҳрибон, ҳамма ерда мўл-кўлчилик бўлиб туюлади.* Мирмуҳ-син, Меъмор.

МЎЛЛАМОҚ кам қўлл. Кўпайтирмақ, кўп қилмоқ. Пули кўп деб энасини галланглар.. Давлатимни, ҳар нарсамни мўлланглар. Пўлкан, Ҳасан батрак.

МЎЛЛИК Мўл микдорга эгалик; кўп-лик. Дарахтлар меванинг мўллигидан ҳар томонга эгилар. Ойбек, Навоий.

МЎЛОҚ с. т. 1 Чўлоқ, ногирон. Мўлоқ одам. *тт* Бир қўли мўлоқ бўлгани учун, уни ҳарбий хизматга олишмади. С. Ахмад, Уфк.

669 дү^

..қаерга борсам, «Келинг-келинг, мулла Қам-бар!» ..«чўлоқ Қамбар, мўлоқ Қамбар!». Ой-бек, Танланган асарлар.

2 Бирор ери учган, синиқ. Мўлоқ ошиқ.

МЎЛТАЙМОҚ 1 Аяқчи қарамоқ, кўзни жавдиратиб, маъюсланиб, эзилиб қарамоқ; жавдирамоқ. У [Раҳим] атрофига безовта аланглаб, кимнидир ахтарди. Лоп этиб кўзи бир чеккада мўлтайиб турган «Митти»га тушиди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақ-моқлар.

2 Эътиборсиз, хаёл паришонлик билан қарамоқ. Шу чоққача мўлтайиб, хаёл ичида иўнгибўтирган Кумушбиби бир сесканди-да, қўшиқчи қизларга қаради. А. Қрдирий, Ўтган кунлар.

МЎЛТИЛЛАМОҚ айн. мўлтаймоқ. -Ана ўша материалларни, ҳалигидек катта боши-ни ичкина қилиб, сизга мўлтиллаб турган заказчиларга кўрсатинг, ўртоқ Кўшоқов, — деди Муродов. Б. Рахмонов, Юрак сирлари.

МЎЛТИРАМОҚ айн. мўлтаймоқ 1. Вали ака Хадича бувининг юм-юм ёш оқиб тушаётган юзига мўлтираб туриб: -Хафа бўлманг, онаси, — деди. М. Исмоилий, Фарғона. т.о.

МЎЛТ-МЎЛТ тақл. с. Кўзда ёшнинг тўлиб-тўкилиб турган ҳолатини билдиради. ..куллик билан озодлик ўртасидаги тафовут-ни тўла ҳис қилиб, кўзларидан мўлт-мўлт ёш оқизмай қолмас эди. П. Турсун, Ўқитув-чи. Ҳаёт ичидан отилиб чиққан хўрликка чидай олмай, йигидан мўлт-мўлт тўкила-ётган кўз ёшларидан ўзини тиёлмай фиғон қилди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

МЎЛТНИ [Покистондаги Мўлтон шаҳри номидан] 1 зск. айн. лўли. Авлод-аждодиди фол очиб, фирибгарлик билан кун кўриб келган мўлтони колхоз ишига бўйин берармиди. Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

2 кўчма Фирибгар, муттахам. Дунёҳаром, деб туриб, дунё йиққан мўлтониларда сами-мият нима қилсин! С. Анорбоев, Оқсой.

МЎЛТНИЛИК Мўлтониға хос хатти-ҳаракат, иш (қ. мўлтони 2). Оз бўлса ҳам пешона терим билан топаман, суқтойлик, мўлтониликка сира юрмайман. Ойбек, Танланган асарлар.

МЎЛЧИЛИК Маишат, турмуш учун зарур бўлган нарсаларнинг мўллиги; тўкинчилик, фаровонлик. Мўлчиликка эришмоқ. Мехнат — мўлчилик гарови. Мақол. *тт* Мамлакатнинг ёруғ юзи, ҳуснидир пахта, Мўлчи-ликдан нишон бордир ҳар бир дарахтда. Ғ. Ғулом.

МЎМАЙ 1 Яхлит ва салмоқли (пул ва даромад ҳақида). Омборда галламиз, касса-да мўмайгина пулимиз ҳам бор. С. Ахмад, Қадрдон далалар. Бухорода машинани мўл ҳосил, арзон пахта, мўмай даромад манбаи деб тушунадиган бўлиб қолишиди. Т. Салимов, Машинаға ихлос қўйиб.

2 Осонлик билан, бемехнат топилган; бебилиска. Маишатпараст одамға мўмай-мўмай пул бўлмаса қийин-да. М. Иброхимов, Эгасиға тегмаган мактуб.

МЎМАТАЛОҚ Шикастланиш натижа-сида тери ва шиллик парданинг кўкариши.

МУМИНИ о. ^уој-а эътиқод цмлувчи] 1 дин. Оллоҳнинг борлигига нқрор бўлган. имон келтирган киши; мусулмон. [Сафар бўзчи/ Шу каъбатуллонинг ичида ўтириб, ёлгон гапирган одам мусулмон эмас. киши-нинг қасамиға ишонмаган ҳам етти мазхаб-да мўмин эмас. А. Қодирий. Мехробдан чаён.

2 кўчма Ювош, беозор. мулойим. Мўмин одам. **иш** Муҳаррам кўчада соддагина. мўмин-гина кўринган бу қизнинг шунча.иш шўхтк-лари.. борлигини ўзи кўрмай. биров айтганда, асло ишонмасди. Шухрат. Шинелли нпллар.

3 Мўмин (эркаклар исми). МЎМИН-ҚОБИЛ Сўзга кирадиган ва ювош; беозор. *Биласан-ку. Фанижон акам мўмин-қобил, меҳнаткаш, зеҳни баюнд.. йи-гит эди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Ху.иас. ёш. мўмин-қобил бир ёрдамчи керак эди.* Х. Султонов. Онамнинг юрти.

МЎНДИ \ф. ^ʃʃ^> - оғзи синиқ кўза] Сопол кўза тури: оғзи тор. қорни кенг шаклда. дастасиз бўлади (суюқлик солиб кўйишда фойдаланилади). *Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол — мўндига.* Мақол. **иш** Чай-ладаги хуржуннинг икка.иш кў-зида кўшқулоқ мўндилар серқатиқ жўхори гўжага тўла. **х.** Султонов. Онамнинг юрти.

МЎРАЛАМОҚ Тўсиқ, тирқиш. тешиқ орқали қарамоқ. *Тирқишдан мўришмоқ. тт Нури палак остида ё'ш аёх\ар ОIЛWН қуриша.1-ган ҳолда турар.. баъзан я.иачи.ишга яши-ринча мўралаб кўяр эди.* Ойбек. Танланган асарлар. *Тургиси келмай. кўрпанинг тагидан мўралаб ётган Сарсенбой бошини буркаб олди.* Р. Файзий. Сен етнм эмассан. *Бурнининг учигача тушириб олган кўзойнаги тепасидан мўралайди.* Мирмуҳсин, Умид.

МЎРДАК: мўрдак арава *шв.* Безатилган соябонли арава. *-Жуманиёз отанинг қизини мўрдак аравада Хивага олиб кетдилар-а? - деди Ниёзмуроднинг аммаси.* Мирмуҳсин, Чўри.

МЎРИ \ф. ^ʃʃ-О — ғиштдан қилинган сувқувур] Ошхона, **печка**, ўчоқ ва ш. к. **нинг тутун** чиқиб кетадиган йўли; дудбурон, мўркон. *Улар қишқоқ ичига тор сўқмоқдан киришиди: пастак деворлар, баланд-паст уй-лар, пичан босилган томлар, онда-сонда ту-тун бурқсиган мўрилар.* Ш. Тошматов, Эрк **қуши.** *Паға-паға тутунлар Кўтарилар мўри-дан.* С. Акбарий.

МЎРКОН *айн. мўри.* *Ўша тандир, ўша ўчоқ, ошхонамиз мўркони.* Наррогида *Мирхо-лиқ тақачининг дўкони.* Х. Салоҳ, Ташналик.

МУР-МАЛАХ \ф. — **ЧуМОЛИ** + £1* — чигиртка): мўр-малахдай Қумурсқа ва чигиртка каби: кўплашиб, ёпирилиб. *Котло-вандан чиққан янги нам тупроқ тоғдай бўлиб турибди, атрофида мўр-малахдай одам.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ҳар бири бир янги-лик келтираётган бу кунларнинг шавқидан маст бўлган халойиқ ҳар қандай ишга мўр-малахдай ётишар.. эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчи-нор чироқлари.

МЎРТ Эгилмасдан синадиган, синув-чан. *Мўрт чўян. Мўрт ёғоч. тт Дарихтлар, буталар эгилиб-букиларди, аммо уларни бир мўрт чўпдек синдириши ёки таг томири би-лан ағдариши осон эмас эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

МЎРТЛАШМОҚ Мўрт бўлмоқ, синув-чан ҳолга келмоқ. *Совуққа туриб қолган кар-тошка ҳам мўртлашиб, яроқсизланади.* «Фан ва турмуш».

МУРЧА I [0.

чумоли уяси;

лахим, ер ости йўли] Европа типигадаги ҳам-мом. *Йигит ҳужрага жойлашиб, бир оз дам олгандан кейин сарой ёнидаги кўҳна мўрчада ювинди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Иван-нинг эпчилгина сингиси бор экан, у мўрчага ўт ёқди, биз ҳузур қилиб ювиндик.* Н. Сафа-ров, Оловли излар.

МУРЧА II [ф. - чумолича) *шв.*

Чумоли, кумурсқа.

МЎРЧАМИЁН [ф. 6L_ ^ʃʃ^ - **чумо-ли бел;** ингичка бел] Ингичка **белли**, бели ингичка, хипча бел (хотин-қизлар ҳақида). *Бир туриб ўтирганда билдики, бел мўрчामी-ён.* *Ўзини ҳам бир тутам қилиб, энли камар билан қисиб кўйибди.* Шухрат, Умр поғона-лари. *Шундаи нозик, мўрчामीён нарсани ўша давангига берасизми?* Ш. Саъдулла, Икки билагузук.

МЎЪЖАЗ \a. j-ʔr* — ажойиб, ғалати, ғаройиб; гўзал] **1** Кишини ҳайратга соладиган; ажиб, ажойиб. *Шоир тоқчалардаги чиройли хитой идишларга, фил тишидан ишланган ажойиб, мўъжаз қутичаларга разм солди.* Ойбек, Навоий.

2 Ихчам, кичкина. *Супанинг қаршисига, ўн қадамча нарига мўъжазгина бир чорпоя қўйилиб, унга самоварнинг эски-туски палос-лари солинди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Айвонда чироқ ёқилди. Шинам, мўъжазгина хона ёришиб кетди.* Назармат, Жўрлар банд сайрайди.

МЎЪЖИЗА \a. tl - каромат; хай-ратга соладиган нарса; ажойибот) **1** Диний ва афсонавий тасаввурларга кўра, ғайри-табиий, илоҳий ходиса; пайғамбарлар томонидан воқе бўладиган, уларнинг ҳақиқатан ҳам алло таолонинг бандаларга юборилган элчилари эканлигини тасдиқлайдиган ғай-ритабиий ходиса.

2 Умуман, \ар қандай одатдан ташқари, кишини ҳайрон қолдирувчи ходиса, иш ёки нарса. *Искандаров бир неча минут та-биатнинг бу мўъжизасига лол қараб қолди.* С. Аҳмад, Бош оғриғи. *Айниқса, шундай пайт-ларда Турсунойга онасининг «газета ўқиши» аллақандай сирли бир мўъжизадай кўриниб кетади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

МЎЪЖИЗАДОР кам қўлл. айн. **мўъжи-закор.** *Йўлнинг икки четини Ҳиндистон табиатининг мўъжизадор, сеҳркор кучи ярат-ган азим, кўркам дарахтлар безар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

МЎЪЖИЗАКОР \a.+ф. ^у. - мўъ-жиза яратувчи] Мўъжизалар яратувчи. *Мўъжизакор Хоразм ўлкасига бориб, у ерда-ги ёдгорликлар билан танишининг ўзи ҳам ўз аждодлари ўтмишидан хабардор бўлиш учун ажойиб «ойнаи жаҳон» бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

МЎЪЖИЗАЛИ Мўъжизадан иборат бўлган, кишини ҳайратга соладиган; ажиб, ажойиб. *Тўқимачилик саноатининг бумўъжи-*

671 <уУ^

зали машинасини дунёда бирор мамлакат хаёлига келтирган эмас. Туйғун, Юрак қўшиқлари.

МЎЪТАБАР [a. ju.. - хурматли, эъти-борли] **1** кт. Эътибор топган, ишонч қозон-ган, эътиборли; муқаддас. *Мўътабар одам. Мўътабар манбспарбан олинган хабар. Чин сўз — мўътабар, яхши сўз — мухтасар.* Мақол. **иит** *Қудрат қўлида болғаси билан, «ким экан», деб қаради-да, мўътабар чолларни кўриб, юзи бирдан ёришди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ватан! Ватан! Нақадар мўътабар ва табар-рук сўз.* Шухрат, Шинелли йиллар.

2 Мўътабар (хотин-қизлар исми).

МЎЪТАДИЛ [a. J.i'i л — қадди-қомати келишган, расо; мутаносиб; ўртача, ўрта-миёна] **1** Совуқ ҳам эмас, иссиқ ҳам эмас; ўртача, ўртамиёна. *Сунбула ойининг мўътадил ҳавосига қарамасдан, Заинаб маржсон-маржсон терлаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу водиининг гўзал манзараси, мўъта-дил иқлими, хуш ҳавоси.. ҳамма кўрганларни мафтун этиб келади.* Н. Юсуфий, Фарғона шўх кулади.

2 Умуман, ўртача, меъёрий. *Мўътадил босим. Мўътадил талаблар.* **иит** *Адабиёт соҳасида катта бурилиш яшаш, тўғарақларни мўътадил йўлга солиб юборишда қийинчилик бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Аббосов ҳамма нарсага ўртача, ҳар жиҳатдан мўъта-дил, ҳар томонлама омади келган одам эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

3 Ўртача йўл тутувчи, бирор томонга ён босмайдиган. *Мўътадил либераллар.* **иит** *Янги вазирлар мўътадил миллатчилардан ва фир-қасизлардан иборат.* Газетадан.

МЎҒУЛ **1** Мўғулистон (Монголия) туб аҳолисининг номи. *Мўғул халқи.*

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли. *Мўғул тили.*

МЎҒУЛЛАР Мўғулистон ва Хитой Халқ Республикасидаги Ички Мўғулистонниш туб аҳолиси.

Буюк мўғуллар Бобурийлар сулоласи-нинг Европа адабиётида қабул қилинган ноилмий, сохта номи.

МУҒУЛЧА Шашмақомдаги \ар бир ма-қомнинг ашула бўлимида иккинчи гуруҳ-ни ташкил этувчи асосий шўьбалардан бири. Улар, савт шўьбалари каби, 5 чорак такт ўлчовидаги доира усулида ижро эти-лади.

МЎҲМАЛ \а. J.<а- эътибор берилма-ган, ташлаб қўйилган; эскириб истеъмол-дан чиққан| *кт. Ноаниқ, мужмал. Юсуф-бек ҳожи эғнида кимхоб чопон билан ўрда-дан чиқди. Ўрдадаги « Чопон муборак бўлсин!» деб сўрагувчиларга бир турли мўхмал жавоб берар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

МЎҲ-МЎҲ *унд. с. Баъзи уй ҳайвонла-рини чақиринида ишлатилади, чақирини билдиради. «Мўҳ-мўҳ» деса, қўй хам тушу-нади. Аммо сенга сўз уқтириб бўлмайди. Ой-бек, Танланган асарлар.*